9.11
0.3
Ч.37



УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ НАШРИЁТЛАР,
ПОЛИГРАФИЯ ВА КИТОБ САВДОСИ ИШЛАРИ БУЙИЧА
ДАВЛАТ КОМИТЕТИ
УЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

УЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ БОШ РЕДАКЦИЯСИ

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

8

НИКЕЛЛАШ—ПОМИР

ТОШКЕНТ — 1976

325
03
У-34

БОШ МУҲАРРИР
ЎзССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ
АКАДЕМИГИ МЎМИНОВ И. М.

БОШ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

АБДУЛЛАЕВ В. А., АБДУЛЛАЕВ М. А., АБДУЛЛАЕВ Ф. А., АБДУРАҲМОНОВ Ғ. А., АБДУШУКУРОВ Р. Ҳ., АЗИМЖОНОВА С. А., АЗИМОВ С. А., АКРАМОВ З. М., АКРАМХУЖАЕВ О. М., АЛИМОВ Р. А., АЛИМОВ Ш. А., АМИНОВ О. М., АМИНОВА Р. Х., АРЖАНИХ И. С., АСҚАРОВ А. А., АШРАФОВ А. Б., АЪЗАМХУЖАЕВ А. А., АҲМЕДОВ К. С., БАРАТОВ М. Б., БЕДРИНЦЕВ К. Н., БЕКЖОНОВ Р. Б. БОЙМУҲАМЕДОВ Ҳ. Н., БОБОЕВ Б. Д., ВАЛИЕВ А. К., ВАҲОБОВ М. Ғ., ВОҲИДОВ Ҳ. Ф., ГРАНИТОВ И. И., ДАДАБОЕВ А. Д., ЕСЕНБОЕВ З. И., ЖИТОВ К. Е., ЗИЕДУЛЛАЕВ С. К., ЗОҚИРОВ К. З., ЗОҲИДОВ В. И., ЗОҲИДОВ Т. З., ЗУФАРОВ К. А., ИМОМАЛИЕВ А. И., ИНОЯТОВ Ҳ. Ш., ИСАМУҲАМЕДОВ Э. М., ИСКАНДАРОВ И. И., ИСМОИЛОВ Б. И., ИУЛДОШЕВ М. И., КАРОМАТОВ Ф. М., КАРИМОВ У. И., КОРЖАВИН Б. Д., ЛУНИН Б. В., МАВЛОНОВ Ғ. О., МУЗАФФАРОВ А. М., МУСАБОЕВ И. Қ., МУҲАММАДЖОНОВ М. В., МУҲАММАДИЕВ А. М., НАБИЕВ М. Н., НАЗАРОВ М. Х., НОРХУЖАЕВ Ф. Х., НУРМУҲАМЕДОВ М. К., НУРИДДИНОВ З. Р., НУЪМОНОВ К. Н. (ЯШИН), ОЛИМЖОНОВ Р. А., ОРИФОВ У. О., ОРТИҚОВ А. О., ОХУНОВА М. О., ПУЛАТОВ Ҳ. П., РАЖАБИЙ Ю., РАЖАБОВ И. Р., РАЖАБОВ С. Р., РАШИДОВ Т. Р., РАШИДОВ Ғ. Р., РАҲМОНОВ М. Р., РИЖОВ С. Н., РУСАНОВ Ф. Н., РУСТАМОВ Ҳ. Р., САИДОВ Ж. К., САЛОҲИДДИНОВ М. С., САРИМСОҚОВ Т. А., СИРОЖИДДИНОВ С. Ҳ., СОДИҚОВ О. С., СОДИҚОВ С. С., СУЛАЙМОНОВ Ҳ. С., СУЛТОНОВ А. С., СУЛТОНОВ И. О., СУЛТОНОВ М. А., ТУРСУНОВ Ҳ. Т., ТУЛАГАНОВ А. Т., ТУРАҚУЛОВ Е. Т., УМРЗОҚОВА О. П., УСМОНОВ Ҳ. У., УСМОНХУЖАЕВ Ҳ. Ҳ., ФАЙЗУЛЛАЕВ О. Ф., ФОЗИЛОВ Ҳ. Ф., ХАЙРУЛЛАЕВ М. М., ХОЛНАЗАРОВ С. Х. (масъул секретарь), ХОНАЗАРОВ Қ. Х., ШОАБДУРАҲМОНОВ Ш. Ш., ШОМАҲМУДОВ А. Л., ШОРАҲМЕДОВ Д. А. (Бош муҳаррир ўринбосари), ШЧЕГЛОВ В. П., ЭРГАШЕВ Э. Ҳ., ЭШОНОВ О. Э., ЮНУСОВ С. Ю., ЮСУПОВ Э. Ю., УЛМАСОВ А. У., УРАЗАЕВ Ш. З., ҚОБУЛОВ В. Қ., ҚОРИЕВ М. Қ., ҒУЛОМОВ У. Ғ., ҒУЛОМОВ Я. Ғ., ҲАМИДОВ Ж. Ҳ., ҲАМРОБОЕВ И. Ҳ., ҲАСАНОВ Ҳ. Ҳ., ҲОЖИНОВА М. А.

К91696
Центральная научная библиотека Академии наук Узб. ССР

Н

НИКЕЛЛАШ — металл буюмлар сиртига 1—2 *мкм* дан 40—50 *мкм* гача қалинликда *никель* қоплаш. Асосан, Cu, Zn ва Al асосидаги қотишмалар, пўлат, баъзан, Mg, Ti, W, Mo ва уларнинг қотишмаларидан қилинган буюмлар никелланади. Электролит, кимёвий ва контакт усуллари бор. Энг кўп тарқалган электролит усули (қ. *Гальванотехника*). Бунда учта асосий компонентдан иборат электролитлар: буюм сиртида электрсизланувчи ионлар манбаи ҳосил қилиш учун сульфат кислотали никель (70—280 *г/л*); катод қатламида кислота қатламини ростлаш учун борат кислота (30 *г/л*); анодларнинг нормал эришини осонлаштирувчи ош тузи (5—15 *г/л*)дан фойдаланилади. Кимёвий усулда натрий гипофосфатдан фойдаланилади. Электролит усулида Н. қийин бўлган сиртлар шу усулда никелланади. Контакт усулида 40 *г/л* борат кислота қўшилган никель хлориддан фойдаланилади. Буюм шу эритмада 5 *м/мин* тезлик б-н айлантирилади. Н.дан медицина асбоблари, автомобиль, велосипед ва б. машина қисмларини безаш ёки коррозиядан сақлашда фойдаланилади.

Вақт ўтиши б-н никелланган буюмлар сирти хиралашиб қолади. Шунинг учун, кўпинча, никель қатлами устига хром қатлами қопланади (қ. *Хромлаш*).

НИКЕЛЛИ ПЎЛАТ — таркибига *никель* қўшилган пўлат. Н. п.да 0,1—0,4% углерод, 1,25—25,0% никель бўлади. Никель пўлатнинг қовушқоқлигини, пластиклигини, мустаҳкамлигини, коррозиябардошлигини, электр қаршилигини оширади. Н. п., асосан, асбобсозликда ишлатилади.

НИКЕЛЛИ ҚОТИШМАЛАРИ — асосини *никель* ташкил қиладиган қотишмалар. Никелнинг анча миқдорда бошқа металларни ўзида эритиши ва пластиклигини сақлаш хоссаси ҳар хил Н. қ. олинишига олиб келди. Н. қ. босим остида яхши ишланади ва станокларда осон кесилади. 19-асрнинг охиридан бошлаб пластиклиги, электр ўтказувчанлиги юқори бўлган мис-никель қотишмалари кенг ишлатила бошлади. Амалда монель-металл типидаги қотишмалар *куниал* б-н бир қаторда қўлланилмоқда. *Магнит жиҳатдан юмшоқ материалларга* тегишли Ni (40—85%)нинг темир б-н ферромагнит қотишмалари техникада катта роль ўйнайди. Қуйида кўп ишлатиладиган Н. қ. ҳақида қисқача маълумот берилган.

Техник никель — суюлтирилган тоза никелга оз миқдорда магний, марганец ва кремний қўшилиб, аралашмалардан тозалаб олинади. Коррозия бардош, атмосфера таъсирига турғун қотишма. У кимё ва озиқ-овқат саноатида, электротехникада, аниқ механика асбоблари ясашда ишлатилади. Кремнийли никель — техник тоза никелдан марганец, мис, олтингугурт, углерод ва фосфор аралашмаларини яхшилаб тозалаб олинади. У радиолампалар, электр-вакуум асбоблари ясашда қўлланилади. Хромель — никелнинг асосан хром б-н қотишмаси ва алюмель — никелнинг асосан алюминий б-н қотишмаси; термоэлектр юритувчи кучи юқори. Шунинг учун улардан 1000°С гача т-рани ўлчайдиган термопаралар ясалади. Нихром — никелнинг асосан хром ва темир б-н қотишмаси; иссиқбардош ва электр қаршилиги юқори материал. 60% Ni, 15% Cr ва 25% Fe ли мураккаб бирикма жуда кенг тарқалган. Кўпчилик нихромларнинг ишлатилиш чидамлилиги паст температураларда ишлатиладиган ферронихромларга қараганда юқори бўлади. Нихром ва ферронихромлар иссиқбардош ва юқори электр қаршилик (1,05—1,40) *мком·м*) ли жуда ноёб бирикмалардир. Шунинг учун улар хромель б-н биргаликда қотишмаларнинг икки жуда муҳим синфини ташкил этади. Улардан юқори температурали электр қиздиргичлар учун симлар ва ленталар тайёрланади. Кўп ҳолларда электр қиздиргичлар учун жуда оз миқдорда нодир — ер ва ишқор — ер ёки б. металлар қўшилган кремний б-н легирланган (1,5% гача) нихромлар ишлаб чиқарилади. Нихромлар иш температураси 1200°С, баъзилари эса 1250°С гача бўлиб, иссиқлик агрегатларининг қаршилик элементларини ясашда ишлатилади. Пермаллой — никелнинг асосан темир б-н қотишмаси; магнит ўтказувчанлиги юқори, кучсиз майдонларда ҳам осон магнитланиш ва магнитсизланиш хоссасига эга материал; у электротехника аппаратларининг қисмларини ясашда ишлатилади.

Бундай қотишмаларнинг маркалари олдига «Н» ҳарфи, сўнгра қўшилган элементларнинг ГОСТда кўрсатилган белгилари ва процентлардаги миқдорлари ёзилади. Мас., НМцАК-2-2-1 (алюмель) маркасидаги белгилар қуйидагича изоҳланади: Н — никель, Мц — марганец, А — алюминий, К — кремний; сонлар эса мос равишда никелга қўшилган қўшилмалар миқдорини кўрсатади. Механик хоссаларининг яхшилиги, кимёвий таркибига қараб физик-кимёвий хоссаларининг турлича бўлиши туфайли Н. қ. техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилади.

Ад.: Корнилов И. И., Никель и его сплавы, М., 1958.

НИКЕЛЬ (Niccolum), Ni — Менделеев даврий системасининг VIII группасига мансуб кимёвий элемент. Ат. н. 28, ат. оғ. 58,70. Табиий Н. бешта барқарор изотоп — ^{58}Ni (67,76%), ^{60}Ni (26,16%), ^{61}Ni (1,25%), ^{63}Ni (3,66%) ва ^{64}Ni (1,16%) аралашмасидан иборат. Сунъий радиоактив изотоплари ичида энг узоқ умрли-



Никий. «Персей ва Андромеда» картинасидан мил. I- аср Помпейда нусха кўчириб ишланган фреска.

сп — ^{59}Ni (ярим емирилиш даври $\approx 10^5$ йил). Н.ни дастлаб 1751 йилда швед кимёгари А. Кронстедт кашф қилган ва ном қўйган. «Н.» номи купферникель минерали — Kupfernickel (NiAs) номидан олинган (нем. Kupfer — мис, Nickel — жин). Бу минерал кўриниши б-н мис рудаларига ўхшаб кончиларни кўп чалғитгани учун шундай ном олган. Немис кимёгари И. Рихтер 1804 йили анча тоза Н. олишга муваффақ бўлган.

19- асрнинг 80- йилларига қадар Н.дан фақат заргарликда ва танга пуллар тайёрлашда фойдаланиб келинган. Янги Каледонияда ва Канадада Н. рудаларига бой конлар очилиб, пўлатга Н. қўшилганида пўлатнинг хоссалари яхшиланиши аниқланганидан кейин Н. ишлаб чиқариш саноати кенг ривож топди. Оғирлик жиҳатидан ер пўстининг 5,8·10^{-3} процентини ташкил қилади. Н. табиатда пентландит (Fe, Ni)$_9$S, миллерит NiS, никелин NiAs, хлоантин $NiAs_2$, геродорфит NiAsS, ульманит NiAsSb номли сульфидли минераллар ҳолида ва б. металларнинг сульфидларига аралашган ҳолда учрайди. Н.нинг 53 хил минерали маълум. Н. ишлаб чиқаришда асосан унинг сульфидли минераллари, сульфидли мис-никель рудалар, гарниерит минерали (магний ва Н.нинг ўзгарувчан таркибли силикатлари) ҳамда магнитли колчедан катта аҳамиятга эга (магнитли колчедан таркибида 3% га яқин Н. бўлади). Яна қ. *Никель рудалари*.

Н.— кумуш каби оқ, яхши яссиланувчан ялтироқ металл. Бирикмалардан ажратиб олинган кукун ҳолидаги Н.нинг туси қорамтир. Н.нинг иккита модификацияси маълум: бири гексагонал панжарали ҳолатда кристалланадиган α-Н., иккинчиси — ёқлари марказлашган куб панжарали кристаллардан иборат β-Н. Агар α-Н. қиздирилса, 250—300°С да β-Н. га айланади. Умуман, Н. метали 0°С дан 1200°С га қадар β-Н. формада бўлади. Н.нинг зичлиги 8,9 *г/см*^{3} (20°С да), суюқланиш т-раси 1453°С, қайнаш т-раси 3000°С. Н. худди темир ва кобальт сингари ферромагнит моддалар жумласига киради. У фақат 358°С да ўзининг бу хоссасини йўқотади. Н. кимёвий хоссалари жиҳатидан темир ва кобальтга, мис ҳамда асл металларга ўхшайди. Валенти ўзгарувчан (2 ва 3 га тенг) Н.нинг жуда кўп комплекслари маълум.

Н. олиш учун аввал Н. рудаларидан Н. оксид ажратиб олинади. Сўнгра Н. оксид кўмир б-н қайтарилади.



Никишов-М. И.

Саноатда олинадиган Н.нинг асосий қисми бошқа металлар б-н қотишмалар ҳолида ишлатилади. Мис, темир, хром ва б. элементларнинг *никелли қотишмалари* ажойиб механик, антикоррозион, магнит, электр хоссаларга эга. Шунинг учун Н. қотишмалари атом реакторлари қуришда ишлатилади. Н.нинг талайгина миқдори ишқорли аккумуляторлар, антикоррозион қопламалар, трубалар учун кетади. Кимё саноатида кимёвий аппаратлар ва катализаторлар тайёрлашда ишлатилади.

Н. организм учун зарур *микроэлементлар*дан ҳисобланади. Усимлик таркибида 5,0·10^{-5}%, қуруқликдаги ҳайвонлар организмида 1,0·10^{-6}%, денгиз ҳайвонлари организмида 1,6·10^{-4}% Н. бўлади. Н. аргиназа ферментини активлаштиради ва оксидланиш процессига таъсир кўрсатади.

Ад.: Рипан Р., Четяну И., Неорганическая химия, т. 2 — Металлы, Пер. с рум., М., 1972, стр. 581—614; Биологическая роль микроэлементов и их применение в сельском хозяйстве и медицине, т. 1—2, Л., 1970; Раҳимов Ҳ. Р., Анорганик химия, [Дарслик], Т., 1974.

НИКЕЛЬ ОКСИДЛАРИ — никелнинг кислородли бирикмалари. Н. о. ичида никель (II)-оксид NiO тўғрисидагина ишончли маълумотлар бор. Никель (IV)-оксид NiO_2, никель (III)-оксид Ni_2O_3 ва NiO_3, Ni_3O_4 каби оксидлари борлиги етарли исботланган эмас. Никелнинг юқори оксидлари оддий т-ра ва босимда термодинамик беқарор моддалардир.

Никель (II)-оксид NiO — 2 валентли, яшил тусли кристалл модда, зичлиги 7,45 *г/см*^{3} (20°С да), суюқланиш т-раси 1950°С. Сувда эримайди, лекин суюлтирилган кислоталарда эриб, тузлар ҳосил қилади. Никелнинг гидроксид ёки карбонат, ёинки нитратлари қиздирилганда ҳосил бўлади. Керамика буюмлари тайёрлашда яшил бўёқ сифатида, катализатор ва яримўтказгич материал сифатида ишлатилади.

НИКЕЛЬ РУДАЛАРИ — таркибида *никель* бирикмалари бўлган фойдали қазилмалар. Н. р.нинг сульфидли ва силикатли турлари мавжуд. Сульфидли рудалар мис-никелли комплекс руда ҳисобланади. Уларга пентландит, миллерит, халькопирит, кубанит, пирротин, магнетит каби минераллар киради. Сульфидли Н. р. конлари СССРда Норильск р-ни ва Мурманск обл. (Печенга р-ни)да бор. Силикатли Н. р.ни гарниерит, непунит, никелли керолит, ферригаллуазит ташкил қилади. СССРда Ўрта ва Жанубий Урал, Украинада силикатли Н. р. конлари маълум.

Ад.: Магакьян И. Г., Рудные месторождения, 2 изд., М., 1955; Смирнов В. И., Геология полезных ископаемых, 2 изд., М., 1969.

НИКЕЛЬ СУЛЬФАТ, $NiSO_4$ — ромб шаклидаги оч сариқ кристалл модда. Зичлиги 3,652 *г/см*^{3} (25°С да). Нам ҳавода намиқиб, аста-секин яшил тусга киради. Сувда 0°С да 21,4%, 99°С да 43,42% эрийди. Н. с.нинг сувдаги эритмасидан —3,15°С дан —31,5°С гача т-рада ромб шаклидаги, зумрад тусли кристалл туз — никель купороси — $NiSO_4 \cdot 7H_2O$ ҳосил бўлади. Никель купороси металл никелни сульфат кислотада эритиб олинади. Н. с. энг кўп ишлатиладиган никель тузларидан бўлиб, тоза никель олишда, гальванотехникада металларни никеллашда ишлатилади.

НИКЕЛЬ СУЛЬФИДЛАРИ — никелнинг олтингугурт б-н ҳосил қилган бирикмалари: NiS, Ni_2S, NiS_2, Ni_3S_2, NiS_4 ва Ni_6S_5. Табиатда NiS (миллерит минерали), NiS_4 (полидимит), NiS_2 (вазсит), Ni_3S_2 ва Ni_6S_5 (никель ишлаб чиқаришда оралиқ маҳсулот — файштейнинг асосий компонентлари) учрайди.

Никель сульфид NiS — қора ёки сариқ рангли гексагонал кристаллардан иборат модда. Зичлиги 6,65 *г/см*^{3}, суюқланиш т-раси 797°С. Сувда эримайди, хлорид кислота ва зар сувида эрийди. Н. с. гидрогенизация ва дегидрогенизацияда катализаторлар сифатида ишлатилади.

НИКИЙ — юнон рассоми. Мил. ав. 4- асрда Афинада яшаб, ижод қилган. Асарлари сақланмаган. Антик адибларнинг фикрларига қараганда миф сюжетлари асосида картиналар яратган («Ио ва Аргус», «Андромеда» ва б.). Н. психологик кечинмалар тасвирига катта аҳамият берган.

НИКИТИН Афанасий (туғилган йили номаълум — 1472) — рус сайёҳи. 1466 йилда савдо мақсадида Тверь (ҳозирги Калинин ш.) дан Волга дарёси ва Каспий денгизи орқали Дарбандга, ундан Бокуга келган, сўнгра Каспий денгизи орқали Эронга борган ва у ерда бир йилча турган. 1469 й. баҳорида Ҳўрмузга, ундан Арабистон денгизи орқали Ҳиндистонга бориб уч йилча яшаган ва кўп ерларга саёҳат қилган. Ҳиндистондан Сомали я. о. (Африка)га ўтган, у ердан Маскатга келиб, яна Ҳўрмузда бўлган. Эрон орқали юриб Табриз, сўнгра Трабзон (Туркия)га, ундан Қора денгиз орқали 1472 йилда Кафа (Феодосия)га келган. 1472 й. кузида ватанига қайтаётиб Смоленск ш. яқинида вафот этган.

Н. саёҳат давомида Ҳиндистон аҳолиси, ижтимоий тузуми, давлатни бошқариш, хўжалиги, дини ва турмуши, қисман ярим орол табиати ҳақида хилма-хил маълумотлар тўплаган; Н.нинг бу хотиралари «Уч денгиз оша саёҳат» номи б-н машҳур бўлиб, бу асар дунёдаги кўп тилларга таржима қилинган. Қалинин ш.да Н.га ҳайкал ўрнатилган (1955).

Ас.: Хождение за три моря... 1466—1472, М., 1960.


Ад.: Виташевская М. Н., Странствия Афанасия Никитина, М., 1972.

НИКИТИН Иван Никитич (тахм. 1690, Москва — 1742) — рус портретчи рассоми, рус реалистик рассомлиги асосчиларидан. Пётр I уни таълим олиш учун Италияга юборган, Венеция ва Флоренцияда ўқиган (1716—19). 1720 йилдан сарой рассоми. Бир неча марта натурадан Пётр I портретини, С. Г. Строганов портретини яратган (1720—26). «Пётр I тобутда» (1725, Рус музейи) асарида ва б. кўпгина портретларида тасвир типиклиги, образнинг ёркинлиги рассомнинг юксак маҳоратидан дарак беради. 1732 йилда Феофан Прокопович ҳақида ҳақоратнома ёзганликда айбланиб қамалган ва 1737 йилда Тобольскка сургун қилинган. Сургундан Москвага қайтишда йўлда вафот этган.

НИКИФОРОВ Николай Александрович (1913, Целиноград обл.) — геолог, геология-минералогия фанлари д-ри (1966), проф. (1968). Узбекистонда хизмат кўрсатган геолог (1974). 1942 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45). Узбекистон Давлат университети (ҳозирги СамДУ) қошидаги ишчи ф-ти (рабфак)ни (1940) ва Ўрта Осиё Индустриал ин-ти (ҳозирги ТошПИ)нинг тор ф-тини тугатган (1947). Шу ин-тнинг фойдали қазилмалар кафедрасида ўқитувчи ва геология-қидирув партияларида катта геолог (1948—57). ТошПИ геология ва разведка ф-тининг доценти (1957—66), 1967 йилдан фойдали қазилмаларни қидириш ва разведка қилиш усуллари кафедраси мудири. Илмий тадқиқот ишлари сурьма, симоб ва б. нодир металларнинг геологиясини ўрганиш, геологик-прогноз картасини тузиш, уларни қидириш ва разведка қилишга бағишланган. Бир неча медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Ртутно-сурьмяное оруденение Южного Тянь-Шаня, Фрунзе, 1969.

НИКИШОВ Максим Иванович (1903) — совет картографи. Техника фанлари д-ри (1961), проф. (1966), РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1974). 1926 йилдан КПСС аъзоси. 1935 йилда МДУнинг география ф-тини тугатган. 1940—46 йилларда Геодезия ва картография Бош бошқармаси (ГКБб)нинг Карта тузиш илмий редакцион бўлимининг директори. 1946 йилдан Геодезия, картография ва аэрофотосъёмка марказий илмий тадқиқот ин-тининг карталарни лойиҳалаш ва таҳрир қилиш лабораториясининг мудири. 1972 йилдан СССР картографлари илмий комитетининг раиси. Илмий ишлари, асосан, карта ва атласлар тузиш ва таҳрир қилишга бағишланган. 145 дан ортиқ асари нашр қилинган. Н. раҳбарлигида Узбекистоннинг 40 йиллигига бағишлаб Узбекистон ССР қишлоқ хўжалик картаси нашр қилинди (Т., 1964), Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик атласи нашрга тайёрланди (1975). Н.нинг республикамизда маҳаллий картограф кадрлар етиштиришда хизматлари бор. Қизил Юлдуз (1945) ва «Ҳурмат Белгиси» (1952) орденлари ва 4 та медаль б-н мукофотланган.



Ас.: Составление и редактирование сельскохозяйственных карт и атласов, М., 1959; Сельскохозяйственные карты и атласы, М., 1957; Методика составления обзорных карт использования земель СССР, М., 1972 (Ю. В. Шумов, Н. С. Карпов б-н биргаликда).

Ад.: Крупный советский картограф. «Геодезия и картография», 1973, № 9.

НИКОЛАДЗЕ Яков Иванович (1876. 16. 5, Кутаиси — 1951. 10. 3, Тбилиси) — грузин совет ҳайкалтароши, ҳозирги замон грузин ҳайкалтарошлигининг асосчиси. ГрузССР халқ рассоми (1946), СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси (1947). Тбилиси Бадиий академиясининг асосчиларидан (1922) бири. 1939 йилдан КПСС аъзоси. Энг муҳим асарлари: Г. В. Табидзе (1939), 13- аср шоири Чахрухадзе (гипс, 1944; СССР Давлат мукофоти, 1946, Шарқ халқлари санъати музейи), «В. И. Ленин «Искра»ни майдонга келтириш даврида» (бронза, 1947; СССР Давлат мукофоти, 1948, Третьяков галереяси) портретлари, И. Г. Чавчавадзе ҳайкали (бронза ва мармар, 1908—10, Тбилиси), марксизм-ленинизм ин-тининг Грузия филиали биносига ишлаган горельефлари (1937) да маънавий гўзал, иродаси кучли кишиларнинг ёркин образлари яратилган. Бу асарларда ҳайкалтарошнинг ўзига хос услуби, юксак маҳорати кўзга ташланади. 2. орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ад.: Урушадзе И. А., Я. Николадзе, М., 1968.

НИКОЛАЕВ Александр Васильевич; тахаллуси — Усто Мўмин (1897—1957) — мойбўёқчи рассом, график. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950). ВХУТЕМАС (Давлат олий бадиий-техника устахонаси)да ўқиган (1918—19). Воронежлик бўлган Н. 1920 йили Самарқандга келиб, 17-аср *Табриз миниатюра мактаби*нинг йирик вакиллари Ризойи Аббосий, Султон Муҳаммад ижоди таъсирида, кўпинча, портрет жанрида асарлар яратади («Куёв», «Саллали йигит», «Беданабоз болалар», 20-йиллар; «Бой», 1932; ҳаммаси ҳам Шарқ халқлари санъати музейи-



Николаев А. В. (Усто Мўмин).



Николаев А. И.



Николаев А.Г.



Николаев В.А.

да). 1925 йилдан Тошкентда яшаб, республика газета ва журналларига фаол қатнашади («Правда Востока», «Қизил Ўзбекистон», «Ер юзи», «Муштум»), расм ва карикатуралар устида ишлайди, ўзбек, қирғиз, туркман, уйғур, тожик халқлари ҳаётини акс эттирувчи асарларида ўзига хос услуби б-н диққатни тортади («Оқ олтин», 1934; «Шоҳайдарнинг портрети», 1935; иккаласи ҳам Шарқ халқлари санъати музейида; «Уйғур театри», 1944; «Оталар ери», 1945; иккаласи ҳам УзССР санъат музейида). Бу картиналардан ташқари, китобларга иллюстрациялар ҳам ишлаган. М. Қозимийнинг «Қўрқинчли Теҳрон» (1934), С. Айнийнинг «Эски мактаб» (1934), А. Қодирийнинг «Обид кетмон» асарларига, «Афанди латифалари» (50-йиллар)га ишлаган иллюстрациялари асар мазмунини, ғоясини очиб берадиган расм сифатида қимматли. Н. театр рассоми ҳам эди (мас., Алишер Навоий номидаги театрнинг «Улуғбек», «Кармен» операларига эскизлар ишлаган).

Ад.: Круковская С. М., Усто Мумин, Т., 1973; Старейшие советские художники о Средней Азии и Кавказе, М., 1973.

НИКОЛАЕВ Александр Иванович (1922. 22. 11, Рязань обл.) — иммунолог, медицина фанлари д-ри (1962), проф. (1964). Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967). 1970 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—45). ТошМИни тугатгач (1949), шу ин-т биохимия кафедрасида катта лаборант (1949—50), Ҳарбий академиянинг махсус курси ўқувчиси (1950—52), ТошМИ, сўнгра Тошкент Фармацевтика ин-тида ўқитувчи (1952—58), Ўзбекистон Онкология ва радиология илмий тадқиқот ин-ти директорининг ўринбосари (1958—68), 1968 йилдан ТошМИнинг илмий ишлар бўйича проректори, 1975 йилдан Ўрта Осиё Медицина педиатрия ин-ти биохимия кафедрасининг мудири. Илмий ишлари умумий иммунология, аутоиммунопатология ва биохимия масалаларига бағишланган. 2 марта Қизил Юлдуз ордени, 2-даражали Ватан уруши ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Микроэлементы в патогенезе и лечении лучевой болезни, Т., 1964; Иммунные реакции при химиотерапии, Т., 1969; Методы определения аутоантител и их сравнительная оценка, Т., 1971 (Л. Б. Пьятонова б-н биргаликда); Экспериментальные и клинические аспекты аутоиммунопатологии, Т., 1974.

НИКОЛАЕВ Андриян Григорьевич (1929. 5. 9. Чувашия АССР Мариинский-Посад р-ни) — СССР космонавт-учувчиси, авиация генерал-майори (1970), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1962 йил 18 август, 1970 йил 3 июль). 1957 йилдан КПСС аъзоси. 1950 йилдан Совет Армиясида. Фрунзе Ҳарбий авиация билим юртини тугатиб (1954), қирувчи-учувчи бўлган. Н. Е. Жуковский номидаги Ҳарбий-Ҳаво инженерлик академиясини тугатган (1968). 1960 йилдан космонавтлар отрядида. 1962 йил 11—15 августда «Восток-3» космик кемасида космосга парвоз қилиб, 94 соат 10 мин. давомида Ер атрофини 64 марта айланди. 12 августда учирилган «Восток-4» кемаси (П. Р. *Попович* раҳбарлигида) б-н биргаликда 3 кеча-кундуз парвоз қилди. Космик кемаларда икки томонлама ўзаро алоқа ўрнатилди ва улар 6,5 *км* га яқинлашди. 1970 йил 1—19 июнда «Союз-9» космик кемасининг командири сифатида (В. И. *Севастьянов* б-н биргаликда) космосга парвоз қилиб, 424 соат 59 мин. мобайнида Ер атрофини 286 марта айланди. 6—8-чақириқ РСФСР Олий Советининг депутати. Халқаро Астронавтика академиясининг фахрий аъзоси. Ленин ордени, Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган. Н. БХР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ВДР Меҳнат Қаҳрамони, МХР Қаҳрамони. Ойнинг орқа томонидаги кратерлардан бири Н. номи б-н аталган.

НИКОЛАЕВ Виктор Арсеньевич [1893. 24. 11 (6. 12), Нижний Новгород, ҳозирги Горький — 1960. 25. 9, Ленинград] — совет геолог олими, петрограф, СССР ФА мухбир аъзоси (1946). Петроград Тоғ-кон ин-тини тугатган (1918). 1920—47 йилларда Геология комитети (ҳозирги Бутуниттифоқ Геология илмий текшириш ин-ти)да ишлаган. Айни вақтда Ўрта Осиё Индустриал ин-ти (ҳозирги ТошПИ)да проф., кафедра мудири (1933—45). Н.нинг тадқиқотлари Ўрта Осиёнинг тектоник, магматик ва металлогеник структураларини ўрганишга бағишланган. У биринчи бўлиб Шимолий Тяньшань структура-фациал зонаси б-н ўрта ва жанубий зонани чегараловчи ёриқ («Николаев структурали чизиғи») ни аниқлаган.

Бутуниттифоқ минералогия жамиятининг президенти (1955 йилдан). Ленин мукофоти лауреати (1958). Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: К вопросу о генезисе гидротермальных растворов и этапах глубинного магматического процесса, «Основные проблемы в учении о магматогенных рудных месторождениях» китобида, 2 изд., М., 1955; Основы теории процессов магматизма и метаморфизма, М., 1961.

НИКОЛАЕВ Сергей Николаевич [1908. 10 (23). 3, Абдаево қ., ҳозирги Мари АССР Моркин р-ни] — мари совет драматурги. Мари АССР халқ ёзувчиси (1958). 1940 йилдан КПСС аъзоси. Мари педагогика ин-ти адабиёт ф-тини тугатган (1936). Илк драмаси — «Оқ куя» (1930)да гражданлар уруши даврида Мари қишлоқларидаги синфий кураш акс этган. «Салика» музикали комедияси (1938)да рев-ягача бўлган ёшларнинг миллий буржуазияга қарши кураши ифодаланган. Халқ оғзаки материаллари асосида «Шафақ» (1940), «Айвика» (1948), «Акпарс» (1951) пьесаларини яратди. Н. «Шинелли қиз» (1942), «Илета қирғоқларида» (1944), «Туғилган кун» (1948), «Кучли тўлқин» пьесаларида мари халқининг янги ҳаёти, мардонавор меҳнати ҳақида ҳикоя қилади. Уч орден ва медаллар б-н мукофотланган.


Ас.: Пьесы, Йошкар-Ола, 1952; Большая волна. Драма, Йошкар-Ола, 1967; Комиссары. Драма, 1972.
Ад.: Очерки истории марийской литературы, ч. 2, Йошкар-Ола, 1960; Марийские писатели. Биобиблиограф. справочник, Йошкар-Ола, 1958.

НИКОЛАЕВ — шаҳар, Николаев области маркази (1937 йилдан). Қора денгизнинг Буг қўлтиқчаси чап соҳилида. Денгиз ва дарё порти. Т. й. узели. Аэропорт бор. Шаҳар 4 р-нга бўлинган. Аҳолиси 428 минг киши (1974). Н. 1784 йилда истеҳком сифатида вужудга келган. Урушдан олдинги беш йилликларда Н. Украинанинг жанубидаги индустрия маркази ва Совет Иттифоқининг денгиз кемасозлиги марказларидан бирига айланди. 1941 йил 16 августдан 1944 йил 28 мартгача немис-фашистлари қўлида бўлди. 1946—50 йилларда шаҳар тўла тикланди. Н. 1970 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордечи б-н мукофотланди.


Н.— Украинанинг жанубидаги муҳим саноат ва маданият марказларидан бири. Етакчи саноат тармоғи — машинасозлик (айниқса кемасозлик). Кемасозлик, тажриба электрогидравлика кўтариш-транспорт жиҳозлари, слесарь-монтаж асбоблари, «Дормашина» з-длари бор. Енгил (трикотаж ва тикувчилик бирлашмалари, пойабзал ф-каси, парфюмерия-шиша к-ти), озиқ-овқат, қурилиш материаллари, мебель саноатлари ривожланган.

Н.да кемасозлик, пед. ин-тлари, Одесса инженерлик-қурилиш ин-тининг инженерлик-қурилиш ф-ти, Қиев маданият ин-тининг маданий-оқартув ф-ти, 9 ўрта махсус ўқув юрти, ўлкашунослик ва бадиий музейлари, 3 театр, филармония, телемарказ мавжуд.

НИКОЛАЕВ ОБЛАСТИ — УССР таркибидаги область. 1937 йил 22 сентябрда ташкил топган. Майдони 24,7 минг *км*². Аҳолиси 1189 минг киши (1974). 19 район, 6 шаҳар, 19 ш. т. п. бор. Маркази — Николаев ш. 1958 йил 4 ноябрда Ленин ордени б-н мукофотланган.



Николаев шаҳри. 1. В. И. Ленин ҳайкали. 2. Жанубий Буг дарёсига қурилган кўприк.



Табиати. Обл. терр-яси рельефи текислик бўлиб, шимолдан жанубга (Қора денгизга) пасая боради. Терр-ясининг кўпчилик қисми Қора денгиз бўйи пасттекислигига киради. Фойдали қазилмалари: гранит, гнейс, оҳактош, мергель, гил, каолин, шағал, қум, қўнғир кўмир. Иқлими мўътадил континентал. Июлнинг ўртача т-раси 27°, январники —4 —5°. Йиллик ёғин 300—350 *мм*, шимолида 450 *мм*. Вегетация даври 210 кун. Асосий дарёлари: Жанубий Буг, Ингул, Ингулец. Областнинг шимолий қисмида оддий қора тупроқ, жанубида қора тупроқ ва тўқ каштан тупроқлар. Табиий дашт ўсимликлари фақат жар ён бағирларидагина сақланиб қолган. Обл. терр-ясининг 2% и ўрмон. Тулки, бўри, малла товушқон, олахуржун, юмронқозиқ, қушлардан бедана, қирғовул, куропатка, ёввойи ўрдак ва ғозлар, балчиқчи, дашт, дала тўрғайлари бор. Қора денгиз ва дарёларда балиқлар кўп.

Аҳолиси Н. о. да асосан украинлар (78,9%, 1970), руслар (16,1%) яшайди. 1 *км*² га 48,3 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 690 минг киши. Шаҳарлари: Николаев, Первомайск, Вознесенск, Новий Буг, Очаков, Снигирёвка.

Хўжалиги. Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик, қисман кемасозлик. Дизель, гидроаппаратура, мураккаб энергетика асбоб-ускуналари, металл конструкциялар ишлаб чиқарилади. «Дормашина» (Николаев) з-ди, скрепер, бульдозер, асфальт ётқизувчи машина ва йўл машиналари ишлаб чиқаради. Озиқ-овқат саноати ривожланган (саноат маҳсулотининг 34% и).

Енгил саноатнинг энг йирик корхоналари:



Николаева-Терешкова В. В.


трикотаж, парфюмерия-шиша к-тлари, тикувчилик ф-калари (Николаев), пойабзал ф-каси. Конопляни қайта ишлаш з-длари, уйсозлик к-ти, девор блоклари, ғишт, черепица, оҳактош з-длари бор.

Қ. х. юксак даражада механизациялашган, кўп тармоқли. 221 к-з, 108 с-з ва 7 балиқчилик к-зи бор (1974). 13,6 минг трактор, 3676 ғалла комбайни ва 1714 силос комбайни ишлади. Ҳайдалган ерлар 71,5%, пичанзорлар 0,4%, яйловлар 11,4%, боғ, мевазор ва кўп йиллик кўчатлар 2,0% (1972). Экин майдони 1646,2 минг *га*, шу жумладан ғалла экинлари 853,2 минг *га*, техника экинлари 217 минг *га*, сабзавот-полиз ва картошка 63,4 минг *га*, емхашак экинлари 513 минг *га* (1973). Обл. жанубида узумчилик с-лари (66,9 минг *га*) ташкил этилган.

Чорвачиликнинг етакчи тармоғи — гўшт-сут етиштиришдир. 902,3 минг қорамол (жумладан 322,8 минг сигир), 932,5 минг чўчқа, 510,8 минг қўй бор (1972).

Т. й. узунлиги 760 *км* (1973). Автомобиль йўллари 8,0 минг *км* (1973). Денгиз транспорти муҳим аҳамиятга эга. Порти — Николаев.

Маданий қурилиш ва соғлиқни сақлаш. 1973/74 ўқув йилида 872 умумий таълим мактаби (213 минг ўқувчи), 32 профессионал-техника билим юртлари (14,4 минг ўқувчи), 15 ўрта махсус ўқув юрти (15,2 минг ўқувчи), 5 олий ўқув юрти (11,9 минг студент) бўлган.



Николаев области. 1. Жовтень районидаги Шевченко номли совхозда кузги буғдойни суғориш. 2. Снигиревка районида галла ўриш пайти.

676 оммавий кутубхона (8,6 млн. китоб ва журналлар), 2 музей, 3 театр, 658 клуб, 826 стационар киноустановка ишлаб турибди.

12,6 минг ўринли (1000 кишига 10,7 ўрин) 124 касалхона, 2,7 минг врач (434 кишига 1 врач) бор (1973).

Ад.: Історія міст і сіл Української РСР, Миколаївська область, Київ, 1971; Народное хозяйство Украинской РСР. Стат. збірник. Киев, 1971.

НИКОЛАЕВА-ТЕРЕШКОВА Валентина Владимировна (1937. 6. 3, Ярославль обл. Масленниково қишлоғи) — СССР космонавт-учувчиси, инженер-полковник (1970), Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1963 йил 22 июнь). 1962 йилдан КПСС аъзоси. Колхозчи онласида туғилган. 1954 йилдан Ярославль шина з-дида, 1955—60 йилларда Ярославлдаги «Красний перекоп» к-тида ишлаган. Ярославль енгил саноати сиртқи техникумини (1960), Н. Е. Жуковский номидаги Ҳарбий-ҳаво инженерлик академиясини (1969) тугатган. Ярославль аэроклубида парашют спорти б-н шуғулланган (163 марта сакраган). 1962 йилдан космонавтлар отрядида. 1963 йил 16—19 июнда аёллардан жаҳонда биринчи бўлиб (В. Ф. *Биковский* б-н бирга) космосга парвоз қилган. Н.-Т. парвоз қилган «Восток-6» космик кемаси Ер атрофини 48 марта айланиб, 70 соат 41 мин. мобайнида 2 млн. *км* га яқин масофани учиб ўтди. 7—9- чақириқ СССР Олий Советининг депутати. Совет хотин-қизлари комитетининг раиси (1968 йилдан), Халқаро демократик хотин-қизлар федерациясининг вице-президенти (1969 йилдан), Жаҳон Тинчлик Кенгашининг аъзоси. КПСС 24—25-съездларида КПСС МҚ аъзолигига сайланган. Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени ва медаллар, шунингдек кўпгина чет давлатларнинг орденлари б-н мукофотланган. Н.-Т. ЧССР ва БХРнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ВДР Меҳнат Қаҳрамони, МХР Қаҳрамони, Ойнинг орқа томонидаги кратер Терешкова номи б-н аталган.

НИКОЛАЕВСК — РСФСР Саратов областидаги *Пугачёв* шаҳрининг 1918 йилгача бўлган номи.

НИКОЛАЕВСК-АМУР — РСФСР Хабаровск ўлкасидаги шаҳар. Амур дарёсидаги порт. Аҳолиси 33 минг киши (1974). Н.-А.га 1850 й. августида Г. И. Невельской ҳарбий-маъмурий қишлоқ сифатида (Николаевск пости) асос солган, 1856 йилдан Николаевск ш. (1926 йилдан Николаевск-Амур). Хўжалигининг асосий тармоғи — балиқ саноатига хизмат қилиш ва кема ремонти. Озиқ-овқат саноати корхоналари (балиқ к-ти, колбаса ф-каси), мед. ва пед. билим юртлари, ўлкашунослик музейи бор.

НИКОЛАЙ I, Николай Павлович Романов (1796—1855) — Россия императори (1825—55), Павел I нинг учинчи ўғли. Асосан, ҳарбий билимни эгаллаган. Тахтга чиқмасдан илгари гвардия бригадасига, сўнгра дивизияга қўмондонлик қилган. Катта акаси Александр I тўсатдан вафот этгач, Н. I тахтга чиқди. Н. I нинг подшолик даври феодал-крепостнойлик тузуми кризисининг авж олган даврига тўғри келиб, унинг сиёсати феодал-дворян ҳукмронлигини мустаҳкамлашга, оммавий қаршиликни ва прогрессив интеллигенция чиқишларини йўқ қилишга қаратилган эди. «Ҳазрат олийларига хусусий канцелярия»нинг учинчи бўлими (1826 йилда таъсис этилган) сиёсий полициянинг олий органи сифатида давлатни бошқаришда муҳим ўрин тутган. 1830 йилги Франция рев-яси ва 1830—31 йиллардаги Польшадаги миллий озодлик қўзғолонидан чўчиб қолган Н. I ҳукумати Россияда реакцияни кучайтирди. Н. I даврида давлат деҳқонларини бошқариш ислоҳоти (1837—41), қарам деҳқонлар ҳақидаги фармон (1842), молия ислоҳоти, қонунларни тўплаб тартибга солиш каби тадбирлар амалга оширилди. Бу даврдаги Россиянинг социал-иқтисодий аҳволидан қолоқлиги унинг Қрим урушида (1853—56) енгилишига сабаб бўлди. Н. I ўз ташқи сиёсатида Европадаги революцион ҳаракатни бостиришга катта аҳамият берди.

НИКОЛАЙ II, Николай Александрович Романов (1868—1918) — Россиянинг охирги императори (1894—1917), Александр III нинг катта ўғли. Н. II нинг тахтга ўтириши Россияда капитализм тараққиёти тезлашган, империализмга ўтилаётган даврга тўғри келди. Бу пайтда подшо ҳукумати помешчиклар ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш б-н бир қаторда мамлакатдаги капиталистик тараққиёт талаблари б-н ҳисоблашишга ва йирик буржуазия б-н тил бириктиришга мажбур бўлди (Давлат думасининг таъсис этилиши, Столипин аграр ислоҳоти ва б.). Н. II узлуксиз авж олиб келаётган революцион ҳаракатларга қарши қаттиққўллик сиёсатини олиб борди. Унинг буйруғи б-н 1905 йил 9 январда минтга яқин қуролсиз Петербург ишчилари ўққа тутилди (*«Қонли якшанба»*). 1905—07 йилларда ҳарбий-дала жазолаш экспедициялари уюштирилди, 1912 йили Лена олтин конларида ишчилар отилди. Н. II гарих саҳифаларида «қонхўр Николай» лақаби б-н танилди. Рус-япон уруши (1904—1905) ва биринчи рус рев-яси (1905—1907) Россиянинг халқаро майдондаги таъсирини бўшаштириб юборди. Ҳукмрон синф мавқеини кўзлаш ва чет эл кредиторларига (айниқса, Францияга) мутеълик Биринчи жаҳон урушида Россияни Антанта томонида бўлишга мажбур этди. Биринчи жаҳон уруши бошланган, революцион ҳаракат ниҳоятда кучайган ва Февраль буржуа-демократик рев-яси натижасида подшо ҳукумати агдарилган бир пайтда Н. II укаси Михаил фойдасига тахтдан воз кечди (1917 йил 15 март). Революцион ҳаракатдан чўчиган Михаил тахтдан бош тортди. 1917 йил 21 мартда Петроград ишчиларининг талабига кўра, Н. II оиласи б-н қамоққа олиниб, Царское Селода, сўнгра Тобольскда, кейинроқ Екатеринбург (ҳозирги Свердловск)да сақланди. Оқ гвардиячи қўшинлар Екатеринбургга яқинлашиб қолгач, Урал обл. Совети президиумининг қарори б-н 1918 йил 16 июлдан 17 га ўтар кечаси Н. II. ва унинг оила аъзолари отиб ташланди.

НИКОЛАЙ КУЗАНСКИЙ, Николай Кребс (1401, Моселдаги Куза деган жой — 1464. 11. 8, Умбрия обл.)—немис философи, олим, диний-сиёсий арбоб. Ҳуқуқ, математика ва табиатшунослик масалалари б-н шуғулланган, илоҳиётни ўрганган. 1448 йилдан Римдаги католик черков кардинали, 1450 йилдан Бриксенда епископ, 1458 йилдан Римда бош викарий бўлган. Унинг фалсафий қарашларида *пантеизм* кучли бўлиб, диалектика элементлари ҳам бор. Хусусан, Н. К. дунёқарашида материалистик, табиий-илмий ғоялар ўрта аср диний, идеалистик догмалари б-н қоришиб кетган. Н. *Коперник*нинг космология ҳақидаги таълимотидан бирмунча илгарилаб Н. К. ер ҳам бошқа самовий жисмлар сингари коинотнинг маркази бўла олмайди, деб ҳисобланган; дунёни чексиз ва абадий деб билган. Н. К.нинг қарашлари *Уйғониш даври*даги Европа сиёсатига ва ўша давр мутафаккирларига ижобий таъсир кўрсатди.

НИКОЛЬ ПРИЗМАСИ — поляризатор ва анализатор сифатида қўлланиладиган оптик асбоб; у чизиқли поляризацияланган ёруғликнигина ўтказади. 1828 йили инглиз физиги У. Николь ихтиро қилган. Бундай оптик призма исланд шпатидан тўрт қиррали, қарама-қарши икки бурчаги 68° қилиб ясалади (расмга қ.). Призма 68°ли бурчакнинг қиррасига перпендикуляр ҳолда тенг иккига кесиб, томонлар силлиқланади ва бир-бирига канада бальзами б-н ёпиштирилади. Канада бальзамининг синдириш кўрсаткичи исланд шпати синдириш кўрсаткичидан кичик бўлгани учун, унга критик бурчакдан катта бурчак остида тушган табиий ёруғлик призмадан тўлиқ қайтади, бошқалари эса (қутбланган нур) синмасдан ўтади. Н. п. оптик қурилмаларда ишлатилади.

НИКОЛЮК Виктор Федорович (1913, Тошкент) — микробиолог, биология фанлари д-ри (1957), проф. (1966). 1941 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1943—46). 1938 йили Ўрта Осиё Давлат ун-тини (ҳозирги ТошДУ) тугатгач, шу ун-тда аспирант, УзКП МК да инструктор (1942—43). УзССР ФА Зоология ва ботаника ин-тида катта илмий ходим, протистология лабораторияси мудири (1946—65). 1965 йилдан УзССР ФА Ботаника ин-ти микробиология бўлимида лаборатория бошлиғи. Илмий ишлари тупроқ биологияси ва протистологиясига бағишланган.



Николюк В. Ф.

Ас.: Почвенные простейшие и их роль в культурных почвах Узбекистана, Т., 1956; Почвенные простейшие СССР, Т., 1972 (Ю. Г. Гельцер б-н биргаликда).

НИКОМАХ (мил. ав. 100—30 йиллар) — қадимги юнон математиги ва файласуфи. Гераса шаҳрида туғилган. Асосан, сонлар назариясининг обзорига бағишланган «Арифметикага кириш» ҳамда музикага оид бир неча асари бизгача етиб келган. Н. туб ва мураккаб сонлар, кўп бурчакли ва пирамидал сонларнинг хоссаларини ўрганган.

$1^3=1$, $3+5=2^3$, $7+9+11=3^3$, $13+15+17+19=4^3$, ... қонуниятини топган.


НИКОНОВ Георгий Константинович (1925. 4. 9, Пятигорск) — фармацевтика фанлари д-ри (1965), проф. (1966). Москва Политехника ин-тини тугатгач (1948), шу ин-тда аспирант (1948—50), Бутуниттифоқ доривор ва ароматик бирикмалар илмий тадқиқот ин-тида илмий ходим (1951—65), Москвадаги 1-медицина ин-тида фармакогнозия кафедрасининг мудири (1966—67), 1969 йилдан УзССР ФА Ўсимлик моддалари кимёси ин-тида кумаринлар кимёси лабораториясининг мудири. «Баъзи табиий кумаринларни кимё-фармацевтика нуқтаи назаридан ўрганиш» темасида докторлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари Ўзбекистон ўсимликларидан олинадиган доривор моддаларнинг эстроген таъсирига онд.



Никонов Г. К.

НИКОПОЛЬ — УССР Днепропетровск областидаги шаҳар. Днепр дарёсининг Қаховка сув омбори соҳилида. Дарё порти. Т. й. станцияси. Аҳолиси 137 минг киши (1974). Марганец рудалари қазиб олиш маркази. Никополь жанубий труба металлургия з-ди, ферроқотишма, қурилиш ва йўл машинасозлиги, қозон-монтаж, механика, темир-бетон конструкциялар, ремонт-механика з-длари ва б., тикувчилик ф-каси, озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб турибди. Н.да Днепропетровск металлургия ин-тининг умумий техника ф-ти; 4 та ўрта махсус ўқув юрти, ўлкашунослик музейи бор.

НИКОСИЯ, Лефкосия — Кипр Республикасининг пойтахти. Кипр оролининг марказий қисмида, 150 *м* баландликда. Иқлими субтропик иқлим. Январнинг ўртача т-раси 10°, июлники 28°. Йиллик ёғин 360 *мм*. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 118 минг киши (1971).



Николь призмаси.





Никосия. Президент қароргоҳи.

Н. тахм. мил. ав. 7-асрда бунёд этилган (дастлаб Ледра, кейинроқ Левкотеон, 13-асрдан Н. деб аталган). 1570 йилда туркллар босиб олган. 1960 й. 16 августдан Кипр Республикасининг пойтахти. Н.— мамлакатнинг энг йирик иқтисодий ва маданий маркази. Транспорт йўллари узели. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Автомобиль йўллари орқали Кипрнинг барча денгиз портлари б-н боғланган. Тўқимачилик, тамаки, кўн пойабзал, металлсозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат (коньяк, мева шарбати ва б.) корхоналари бор. Ҳунармандчилик ривожланган.

Шаҳар қалъа девори (1567) б-н ўралган. 13—17-асрлар архс. ёдгорликларидан Аё София собори (ҳозир Салимия масжиди; 13—14-асрлар), черковлар, Умария масжиди (1330), Бедистон бозори, саройлар ва б. сақланган. 12 кутубхона, жумладан Султон Маҳмуд II турк кутубхонаси, пед. ва политехника ўқув юртлари, илмий жамиятлар, музейлар, театр, телемарказ бор.

Ад.: Коровина А. К., Сидорова Н. А., Города Кипра. М., 1973.

НИКОТИН [франц. nicotine — 1560 йилда Америкадан Европага биринчи марта тамаки олиб келган француз дипломати Ж. Нико (I. Nicot) номидан келиб чиққан], 1-метил-2 (3-пиридин)-пирролидин — мойсимон учувчан рангсиз суюқлиқ. Кимёвий формуласи $C_{10}H_{14}N_2$. Қайнаш т-раси 247°С, ҳавода турганида қўнғир тусга киради, сувда ва органик эритувчиларда яхши эрийди, кучли асос. Асосан, тамаки япроғи ва илдизида бўлади, бошқа ўсимликларда ҳам борлиги аниқланган. Н.нинг оз миқдори ҳам марказий нерв системасини қўзғатади, кўп миқдори заҳарли, нафас марказларини фалажлайди. Н. энг заҳарли алкалоидлардан биридир, бир неча томчиси (200 *г* тамакидаги 100—200 *мг* миқдори) кишини ўлдиради. Одам Н. дан кучли заҳарланганда кўп сўлак оқади, кўнгли айнийди, қусади, иҷ суради, баъзан қулоғи яхши эшитмайди, кўзи хиралашади, бадани тиришади. Н. қишлоқ хўжалигида зараркунандаларга қарши инсектицид сифатида, фармакологик ва физиологик тажрибаларда ишлатилади. Н. дан саноатда *никотин кислота* олинади.

НИКОТИН КИСЛОТА, ниацин, 3-пиридинкарбон кислота, $C_6H_5O_2N$ — сувда эрийдиган рангсиз кристалл. Витамин В группасига мансуб, суюқланиш т-раси 234—237°С. Организмда кенг тарқалган. Ачитқи, буғдой кепаги, гўшт, айниқса жигар ва буйракда кўп. Н. к. амиди — никотинамид (қ. *Витаминлар*) коферментлар — никотинамидаденин-динуклеотид (НАД) ва никотинамидаденин-нуклеотидфосфат (НАДФ) таркибига киради. Н. к.нинг организмдаги аҳамияти меъда-ичак йўллари эпидермиси ва эпителийсини ҳамда нерв системаси функциясини нормал ҳолатда тутиб туришдан иборат. Кишининг Н. к. га бир кеча-кундуздаги эҳтиёжи 20 *мг* га яқин. Н. к. етишмаса, пеллагра пайдо бўлади. Н. к. пеллаградан ташқари, меъда-ичак касалликлари, атеросклероз ва ҳ. к. касалликларни даволашда ҳам ишлатилади. Саноатда *никотинни* оксидлаб олинади.

НИКОТИН СУЛЬФАТ, $(C_{10}H_{14}N_2)_2{\cdot}H_2SO_4$ — никотиннинг сульфат кислота б-н ҳосил қилган тузи. Техник Н. с.— қовоқ ёки жигар ранг, заҳарли суюқлиқ. Таркибида 40% никотин-асос бор. Совун қўшилган сувли эритмаси мевали дарахтлар, полиз ва техника экинлари зараркунандаларига қарши ишлатилади. Н. с. дан тайёрланган 3—5% ли порошоксимон препарати ҳам ишлатилади (яна қ. *Инсектицидлар*).

НИКОТИНАМИД — витамин РР (қ. *Витаминлар*).

НИКОҲ — эркак б-н аёлнинг тарихан таркиб топган, жамият томонидан муайян тартибга солинган ўзаро ҳамда болаларига нисбатан муносабатлари шакли. Н. нинг характери аҳоли ўсишига, ёш авлоднинг жисмоний ва руҳий ҳолатига таъсир этади. Н. социал шароит ва маданият таъсирида ўзгарган кишиларнинг насл қолдиришга табиий талабини маълум тартибда қондиради. Н. оиланинг асоси, муҳим социал ҳодисадир. Шу сабабли уни *этнография* фанидан ташқари, социология, этика, ҳуқуқшунослик фанлари ҳам ўрганади. Н. эркак б-н аёл орасидаги шахсий-интим муносабат бўлган ҳолда, жамиятнинг объектив эҳтиёжлари, социал-иқтисодий муносабатлар, гоялар, қарашлар, ахлоқий, ҳуқуқий ва ҳ. к. нормаларни ифодалайди, жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётидаги ўзгаришлар таъсирида Н. нинг шакли, мазмуни ўзгариб боради. Жамият Н. воситаси б-н эр-хотин, ота-она ва фарзандлар орасидаги муносабатларни ўз манфаатларига мос равишда бошқариб боради ва назорат қилиб туради. Агар Н. оиланинг асоси бўлмаганда, у ҳам, мас., дўстлик каби қонунчиликнинг предмети бўлмасди, деган эди К. Маркс.

Н. азалий ҳодиса бўлмай, инсоният тарихининг муайян босқичида пайдо бўлган. Ибтидоий жамоа тузумининг илк босқичларида жинсий муносабатлар номуайян, тартибсиз характерда бўлган, эркак-аёллар ўзаро умумий эр-хотин ҳисобланган. Жамият тараққиёти жараёнида тўда ўрнига кишиларнинг дастлабки барқарор ижтимоий гуруҳи — она уруғи шаклланган. Бу гуруҳни мустаҳкамлаш — соғлом авлод ва қўшимча ишчи кучи олиш эҳтиёжи эркаклар б-н аёллар орасидаги жинсий муносабатларни муайян тартибга солиш, қон аралашувига йўл қўймасликни тақозо қилган. Шу тариқа Н. пайдо бўлган. Унинг дастлабки шакли тўп ёки группавий Н. дир. Бу Н. бўйича бир уруғнинг барча аёллари бошқа уруғнинг барча эркакларига умумий хотин ҳисобланган. Кейинчалик умумий хотинлар доираси қисқариб борган, яъни бир гуруҳ аёллар бошқа уруғнинг бир гуруҳ эркакларига умумий хотин бўлган.

Жамиятнинг ишлаб чиқариш кучлари ва маънавий ҳаёти юксала борган сайин, эркак ва аёлларнинг умумий эр-хотинлик доираси тобора қисқариб боради: аввал ота-она ва фарзандлар орасида, сўнг ака-сингиллар орасида, кейинчалик қариндошлар орасида жинсий муносабатлар тақиқланади.

Ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичларида хусусий мулкчилик шаклланади, оиз уруғи ўрнига ота уруғи вужудга келади, хусусий мулкка қонуний меросхўр қолдириш зарурияти туғилади. Натижада бир эркак б-н хотинни ўзи ичига олган моногам Н. мустаҳкамланади ва эр-хотин муносабатининг барқарор формаси моногам оилага асос бўлади. Ф. Энгельс фикрича, бу Н. буюк тарихий прогресс эди (К. Маркс, Ф. Энгельс. Изб. произведения в 3 томах, т. 3, М., 1970, стр. 266). Бир Н. лик Н. нинг сўнгги, чинакам шакли — инсоний Н. нинг шаклланишига асос солди. Лекин шу б-н бирга, бу Н. аёлларни эркакларга тўла қарам қилиб қўйди.

Н. тараққиётининг асосий қонуниятлари барча халқлар учун муштарак бўлса-да, ҳар бир халқнинг тарихий такомилидаги тафовутлар б-н боғлиқ ҳолда унинг ривожланиш суръати, шакли, мазмуни жиҳатидан айрим ўзига хос хусусиятлари ҳам бўлиши мумкин. Хусусий мулкчилик барқарор бўлган жамиятларда иқтисодий муносабатлар Н.га бевосита ва ҳал қилувчи таъсир қилиб туради ва унинг моҳиятини белгилайди.

Социалистик тузумга қадар ўзбеклар ва Ўрта Осиёнинг бошқа халқларида кенг тарқалган Н. қалинли Н. дир. Н. нинг бу шакли хотинни товар сифатида моддий маблағ эвазига алмаштириб, қалин беришга асосланган. Қалинли Н.да хотин мутлақ ҳуқуқсиз, эрга тўла қарам бўлади. Н.нинг бошқа тарихий формалар: *левират, сорорат*, генеалогик жиҳатдан ибтидоий Н.лар (тўп никоҳ)га тўғри келса-да, улар қалинли Н.нинг кўринишларидир. «Қарши қудалик», «бешиккертти», *«ичкуёв»*лик қалини одатининг оқибати, яъни қалиндан қутулиш ёки уни енгиллаштиришга ёрдам берадиган чоралар бўлган.

Социалистик ва коммунистик қурилиш жараёнида эркаклар б-н хотин-қизларнинг иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий тенглиги заминида бир Н. ликнинг олий формаси — эркак ва аёлнинг тўла ихтиёрийлиги, ўзаро майли ва севгисига асосланган социалистик Н. шаклланди.

Коммунистик қурилиш процессида, биринчи галда эркаклар ва аёллар орасидаги социал тафовутларнинг тугатилиши, тўла ижтимоий тенглик ўрнатилиши, социалистик онгликнинг тўла қарор топиши жараёнида эски Н. шакллари йўқола борди. Тенглик, дўстлик, ўзаро севги, иззат-ҳурмат асосига қурилган Н. қарор топиб, мустаҳкамлана борди.

Ҳуқуқий муносабатлар. Н. эр ва хотин, эр-хотин ва болалар, шунингдек оиланинг бошқа аъзолари ўртасида алоҳида ҳуқуқий муносабатлар белгиланишига сабаб бўлади.. СССРда Н. гражданлик ҳолати актларини ёзадиган органлар (ЗАГС) ва унинг функциясини бажарадиган қишлоқ (посёлка) Советларида қайд қилингандан кейин юридик кучга эга бўлади. Диний маросимлар б-н тузилган Н. ҳуқуқий кучга эга эмас [гражданлик ҳолати актларини ёзадиган совет органлари тузилмасдан ёки қайта тикланмасдан (Улуғ Ватан уруши йилларида немислар босиб олган жойларда) олдин диний маросимлар б-н тузилган Н.лар бундан мустасно]. Миллий давлат чегараланиши вақтида (1925) ЎзССРга қўшилган собиқ Бухоро ва Хоразм Совет Халқ Республикалари терр-ясида 1928 йил октябрга, ЎзССР терр-ясининг қисмларида эса 1917 йил 20 декабрга қадар диний маросим йўли б-н тузилган Н. ЗАГС органида қайд қилинган Н.га тенглаштирилади.

Н. келиш ва куёв ЗАГС органига ариза берганларидан кейин бир ой ўтгач қайд қилинади. Узрли сабаблар бўлганда, жумладан ариза берувчи узоқ муддат эр-хотин бўлиб яшаган бўлсалар, ўрталарида бола бўлса ёки аёл ҳомиладор бўлса, шунингдек никоҳланувчилардан бири чет элга узоқ муддатли командировкага кетаётган бўлса никоҳланувчиларнинг илтимосига мувофиқ Н. муддати қисқартирилиши мумкин.

Н. социалистик жамиятда фақат куёв б-н келининг ўзаро розилиги асосида тузилади. Зўрлаш, қўрқитиш ва алдаш йўли б-н тузилган Н.лар ҳақиқий ҳисобланмайди. Бундай Н.ни тузишга мажбур қилган шахслар (эри, ота-оналари ва б.) жиноий жавобгарликка тортилади. Н. ёши Ўзбекистонда эркаклар учун 18, қизлар учун 17 ёш белгиланган (бошқа кўпчилик иттифоқдош республикаларда эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам 18 ёш белгиланган, меҳнаткашлар депутатлари р-н (шаҳар) Советининг ижроия комитети қарори билан бу муддат қисқартирилиши мумкин). Н. ёшига етмаган шахслар б-н тузилган Н. ҳақиқий ҳисобланмайди.

Социалистик жамиятда Н.га киришнинг асосий шартларидан яна бири якка никоҳлилик (моногамия) принципидир.

Қонун ёш авлоднинг соғлом бўлишини таъминлаш ва ахлоқий принципларни мустаҳкамлаш мақсадида яқин қариндошлар (ака-ука, опа-сингиллар), фарзандликка олувчилар б-н фарзандликка олинганлар ўртасида ҳамда руҳий касаллар б-н Н. тузишни ман қилади.

Бошқа социалистик мамлакатларда ҳам Н. совет ҳуқуқи принципларига яқин принциплар асосида расмийлаштирилади.

Буржуа давлатларининг қонунларида Н. граждан-ҳуқуқи битимига киради. Н. оила қонунлари асосида эмас, балки архаик гражданлик қонунлари асосида расмийлаштирилади. Ҳозирга қадар ГФРда 1896 йилдаги Герман гражданлик қонунлари (жуда кам ўзгаришлар б-н), Францияда 1804 йилдаги Гражданлик кодекси (1965 йилдаги ўзгартиш б-н) амалда. Н. ёши Францияда қизлар учун 15, йигитлар учун 18, Италияда 14—16, ГФРда 16—21, АҚШда (ҳар бир штатда ҳар хил), 14—18 ва 15—21 белгиланган. Буюк Британияда 16 ёшга тўлган қиз ва йигит Н. дан ўтиши мумкин.

Ад.: Энгельс Ф., Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1956; Ленин В. И., И. Ф. Армандга хатлар, Асарлар, 35—36- т.; Вольфсон С. Я., Семья и брак в их историческом развитии, М., 1937; Кисляков Н. А., Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, Л., 1969; Семенов Ю. И., Происхождение брака и семьи, М., 1974.

НИКОҲ ВА ОИЛА КОДЕКСИ, оила кодекси — СССРда эр-хотин ўртасидаги, ота-она б-н фарзандлар ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатларни тартибга соладиган қонунлар йиғин-



Никоҳ уйлари. Тошкентдаги марказий Бахт уйи.

диси (қ. *Оила ҳуқуқи*). Биринчи совет оила кодекси (РСФСРники) 1918 йил 16 сентябрда қабул қилинган, иккинчиси 1926 йил 19 ноябрда тасдиқланиб, 1927 йил 1 январдан кучга кирган. Ҳар бир иттифоқдош республика ўзининг Н. ва о. к. ни қабул қилиш ваколатига эга. 1969—70 йилларда иттифоқдош республикалар «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асослари» (1968) негизида ўзларининг оила кодексларини қабул қилди. Жумладан, ЎзССР нинг Н. ва о. к. 1969 йил 6 июнда қабул қилинган. Н. ва о. қ. никоҳ, оила (эр-хотин, ота-оналар ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, *алимент* тўлаш мажбуриятлари, *фарзандликка олиш*) *васийлик* ва ҳомийлик, болаларни тарбияга олиш, граждан-лик ҳолати актлари, никоҳ ва оила тўғрисидаги совет қонунларини ажнабийларга, граждан-лиги бўлмаган шахсларга татбиқ қилиш, чет давлатларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларини, халқаро шартнома ва битимларни татбиқ қилиш масалаларини тартибга солади.

НИКОҲ ТУЗИ — келин ва куёвнинг никоҳини нишонлаш тантанаси. Н. т.нинг объектив социал моҳияти никоҳни жамоатчиликка маълум қилиш, субъектив томони куёв-келин, ота-оналар, қариндош-уруғларининг ўз қувончларини жамоа б-н ўртоқлашуви. Н. т. ҳар бир жамиятда, ҳар бир синф ва табақа, этник группаларда ўзига хос хусусиятларга эга.

Ўрта Осиё халқларида, хусусан, территориал жойлашиши ва хўжалик тури, турмуш шаронти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган ўзбек ва тожикларда Н. т.га тайёргарлик ва уни ўтказиш икки асосий босқичдан иборат бўлиб, ҳар бир босқич қатор расм-русумлар (кичик тўй — нон синдирар, фотиҳа тўйи ва б., катта тўй — қиз мажлиси, никоҳлаш, *келинтушди* ва б.)ни ўз ичига олган. Социалистик жамиятда янги никоҳ — оила муносабатларини куёв-келиннинг тенглиги, ўзаро севги-муҳаббати, ота-она ва фарзандлар тенглиги, дўстлигини ифодаловчи Н. т. шаклланади. Н. т. нинг а) замонавий тўйлар («қизил тўй», «комсомол тўйи»), б) анъанавий тўйлар типлари учрайди. Социалистик турмуш ва идеология таъсирида анъанавий Н. т. ўзининг кўпгина қадимий белгиларини йўқотиб, социалистик элементлар (мас., никоҳни албатта ЗАГС орқали расмийлаштириш, тўйда меҳнат коллективлари вакиллари иштирок этиши ва ҳ. к.) билан бойиб бормоқда. Коммунистик қурилиш процессида анъанавий тўйлар аста-секин турмушдан чиқиб бормоқда, замонавий Н. т. анъанавий тўйларнинг илғор ахлоқий-эстетик элементлари б-н бойимоқда.

Ад.: Энгельс Ф., Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1956; Кисляков Н. А., Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, Л., 1969; Харчев А. Г., Брак и семья в СССР, М., 1964; Тоштемиров У., Севги ва никоҳ, Т., 1968; Евстифеев А. П., Янгича анъаналар, Т., 1969.



Никоҳ расмийлаштириладиган зал. Бахт уйи, Тошкент. 1976.

НИКОҲ УЙЛАРИ, бахт уйлари — ёшларнинг никоҳга киришлари қайд этиладиган уйлар. Шаҳар, р-н, қишлоқ (овул) Советлари гражданлик ҳолати актларини ёзиш органлари ҳузурида 1964 йилдан ташкил этила бошлади. Ўзбекистонда 430 Н. у. мавжуд (1975). Никоҳланувчилар никоҳини Н. у.да қайд этиш учун никоҳланувчилардан бири ёки уларнинг ота-оналари турадиган жойдаги гражданлик ҳолати актлари Н. у. маъмуриятига бир ой олдин ариза топширадилар. Н. у. да никоҳни қайд этиш вақтида никоҳланувчи шахслар, уларнинг қариндош-уруғлари, дўст-биродарлари, шунингдек шаҳар, р-н ёки қишлоқ Совети ижроия комитети вакили, жамоатчилик вакиллари иштирок этадилар. Н. у. да гражданларга доимий фото хизмати, гул савдоси уюштирилади, тўй ўтказиш учун зал, буфет ва б. хизматлар кўрсатилади. Айрим Н. у. никоҳланган ёшларга янги рўзғорга зарур моллар б-н савдо қиладиган магазинга таклифнома беради. Н. у. меҳнаткашлар турмушида янги урф-одатлар ва маросимларнинг қарор топишида, жамоатчилик томонидан никоҳланувчилар зиммасига юкланаётган масъулиятни чуқурроқ англашда катта роль ўйнамоқда.

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ — қ. *Ажралиш.*

НИКСОН Ричард Милхаус (1913. 9. I, Калифорния штатининг Йорба-Линда шаҳри) — АҚШ давлат арбоби. Олий маълумотли юрист. Дьюк ун-тида таълим олган. Иккинчи жаҳон уруши даврида АҚШ Ҳарбий-Денгиз Кучларида хизмат қилган. Сиёсий фаолияти 1946 йилдан бошланган. 1946—48 йилларда Республикачилар партиясининг АҚШ конгреси вакиллар палатасидаги аъзоси. 1950 йили Республикачилар партиясидан сенатга сайланган. 1953 йилдан 1961 йил январига қадар (1956 йили шу мансабга қайта сайланган) АҚШ вице-президенти. Москвада АҚШ Миллий кўргазмасининг очилиши муносабати б-н Н. ўз ҳукуматининг расмий вакили сифатида Совет Иттифоқига келган (1959 йил июль). 1961 йилдан 1968 йилгача Н. хусусий юридик иш б-н шуғулланган. Айни вақтда Республикачилар партияси ишларида фаол иштирок этган. Республикачилар партияси томонидан овозга қўйилган Н. 1968 йил ноябрда АҚШ президенти қилиб сайланган. 1969 йил 20 январдан эса ўз вазифасини бажаришга киришган. 1972 йил май ойида (расмий визит б-н) СССРда бўлган. 1972 йили қайтадан президентликка сайланган. Н. ҳукумати ташқи сиёсатда жанжалли масалаларни қурол кучи б-н эмас, балки музокаралар йўли б-н ҳал этишни илгари сурган. Вьетнам масаласини ҳарбий йўл б-н бартараф этиш тўла муваффақиятсизлик б-н тугагач, Н. ҳукумати 1973 йил январда Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ҳақидаги шартномани имзолади.

70-йилларнинг бошида, юқоридаги воқеалар таъсири остида АҚШ б-н СССР ўртасидаги муносабатларда позитив ўзгаришлар рўй берди. 1972—74 йиллардаги СССР—АҚШ раҳбарларининг учрашувларида ядро уруши хавфининг олдини олишга қаратилган масалалар, стратегик қуролларни чеклаш, иқтисодий ва илмий-техника ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган муҳим шартномалар имзоланди. 1974 йил 9 августда *«уотергейт»* иши натижасида рўй берган ички сиёсий вазият оқибатида Н. истеъфо берди.

НИКТИНАСТИЯ (юнон. пух, nyktos — тун ва настиялар) — юксак ўсимликлар барг ва тожбаргларининг кун б-н туннинг алмашиниши таъсиридаги ҳаракати. Асосан, суткали т-ра (термонастия) ва ёруғликнинг (фотонастия) ўзгаришига боғлиқ. Баъзи ўсимлик гуллари кундузи очилиб, тунда бекилади (қоқи, лола, нилфия), бошқалари (хушбўй тамаки, номозшомгул ва б.) эса, аксинча, кундузи ёпилиб кечаси очилади.

НИЛ (ҳозирги мисрликлар тилида — النيل) — Африкадаги дарё. Узунлиги 6671 *км*. Ҳавзасининг майдони 2870 минг *км*². Шарқий Африка ясси тоғлигидан Рукарара номи б-н бошланиб, Виктория, Кьога ва Мобуту Сесе Секо (Альберт) кўлларидан ўтгач, дастлаб Альберт-Нил, сўнгра Баҳр ул-Жабал деб аталади. Н. Баҳр ул-Газал б-н қўшилгандан кейин Оқ Нил (араб. Баҳр ул-Абъяз) деб аталади, Кўк Нил қуйилган жойдан Н. номини олган. Йирик ирмоқлари: ўнгдан — Асва, Собат, Кўк Нил ва Атбара; чапдан — Ул-Газал. Н. қуйи қисмида 3000 *км* масофада тропик ва субтропик чала чўлли терр-ялардан оқиб ўтади. Ўрта денгизга майдони 22—24 минг *км*² дельта ҳосил қилиб қуйилади. Н. дельтасида 9 та катта ва кўп майда тармоқларга бўлинган. Дарё сувининг бир қисми Иброҳимия канали ва Юсуф тармоғи орқали Биркат-Қарун кўлига қуйилади. Н.дан чиқарилган Исмоилия канали Сувайш канали соҳилидаги аҳоли пунктларини, Маҳмудия канали Искандария шаҳрини чучук сув б-н таъминлайди. Хартум ва Асвон шаҳарлари оралиғида остона ва шаршаралар ҳосил қилган. Судан текислигида водийси ботқоқланган, ўзанида эса ўсимликлардан тўсиқлар ҳосил бўлган. Бу қисмида дарё жуда секин оқади, сувининг $^2/_3$ қисми буғланишга, дарёдаги ўсимликларнинг озиқланишига сарф бўлади.

Н. нинг сув режими мавсумларга қараб кескин ўзгариб туради. Асвон ш. ёнида ўртача сув сарфи 2600 *м*³/*сек*, максимали 15000 *м*³/*сек*, минимали 500 *м*³/*сек*. Дарё тўлиб оққанда сув сатҳи қуйи қисмида 6—7 *м* гача кўтарилади. Н.да СССР ёрдамида 1960—70 йилларда янги Баланд Асвон тўғони (араб. Ас-Саад ул-Олий) ва қуввати 2,1 млн. *квт* ГЭС қурилди. Дарё Асвон ш. ёнида экинзор ва сув омборларига йилига 62 млн. *м*³ лойқа келтиради. Дарё водийсида Миср аҳолисининг 97% и яшайди. Н.нинг потенциал энергетика ресурслари 50 *Гвт*. Дарёнинг қуйилиш жойидан Асвон тўғонигача ва ўрта қисмларида кема қатнайди. Кема қатнайдиган қисмининг жами узунлиги 3 минг *км* дан зиёд. Н. суви балиққа бой. Дарё бўйида Қоҳира, Искандария, Хартум ва б. шаҳарлар жойлашган.

Ад.: Попов И. В., Река Нил, Л., 1958.


НИЛ БЎЁҚ, индиго, индиготин, $C_{16}H_{10}O_2N_2$ — органик бўёқ. Кўк кристалл. Мол. оғ. 262,27. 390—392°С да суюқланиб парчаланади. Сув ва спиртда эримайди, анилинда эрийди. Н. б.ни ҳайдаш мумкин. 19-асргача Н. б. индиго ҳосил қилувчи ўсимликлар таркибидаги индиканни гидролизлашда юзага келган индоксилни оксидлаб олинган. Саноатда анилин ёки изатинни синтез қилиб олинади. Н. б. қайтарилганда унинг лейко-ҳосиласи — «оқ Н.» ҳосил бўлади. Н. б. газламаларни бўяшда ишлатилади. Унинг ҳосилалари, айниқса тетраброминдиго ва аналоглари, мас., тиоиндигоид бўёқлар катта аҳамиятга эга.

НИЛОБА — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Хуфар қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Узундан 20 *км*. Аҳолиси 525 киши (1971); боғдорчилик, галлакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

НИЛОБИ (араб. نيل — кўк ва форс-тож. آب — сув) — оч зангори ранг. Миллий нақшларда гул ва ғунчани, шуниигдек нақш заминини бўяшда қўлланилади. *Гириҳ* (умуман геометрик нақшлар) ва баъзан кошинкорликда гул новдалари, кўпинча, шу ранг б-н бўялади.

НИЛОВА Аграфена Васильевна (1913—Кострома обл.— 1958) — с-з ишлаб чиқариши новатори, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1948, 1951). 1940 йилдан КПСС аъзоси. 1931 йилдан Кострома обл. Кострома р-нидаги «Караваево» с-зида сут соғувчи. Н. ўзига бириктирилган ҳар бир сигирдан 1941—45 йилларда 6000 *кг* дан ортиқ, 1947 йили 6784 *кг*, 1948 йили 7045 *кг*, 1950 йили 7501 *кг*, айрим сигирлардан юғин даврида 10000 *кг* ва ундан ортиқ сут соғиб олган. 4 марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НИЛОТ ТИЛЛАРИ — Шарқий Африкада, Нил ҳавзасининг юқори қисмида яшовчи маҳаллий халқларнинг тиллари. Оқ Нил, Баҳр-ал-Ғазал, Собат областларида, Виктория ва Рудольф кўллари оралиғида тарқалган. Алоҳида тиллар оиласини ташкил этади. Н. т.да Судан, Эфиопия, Уганда, Танганьика, Миср каби мамлакатларда яшовчи 9,4 млн. киши гаплашади (1970). 2 гуруҳга бўлинади: шимоли-ғарбий (асл нилот) тиллар (нуэр, динка, шиллук, анивак, ачоли, ланго, алур); жанубий-шарқий (нил-хом) тиллар (бари, тесо, жалуо,



Нил дарёсининг Қоҳира шаҳридан ўтган қисми.




Нильсен В.А.

масаи тили, туркана, топоси, кариможонг, лотукохо ва б.). Шунингдек, Н. т.га Асвондан Доноллгача бўлган терр-ядаги аҳоли гаплашадиган нубий тили ҳам киради. Ухшаш грамматик қурилишлар Н. т.нинг характерли хусусиятларидан. Мас., Н. т.га мансуб тилларнинг кўпида феъл қўшимчалари, кишилик, кўрсатиш ва эгалик олмошлари деярли бир хил. Сўз ўзакларининг аксарияти ундош — унли-ундош товушлардан иборат. Кўплик ўзакдаги унлини ўзгартириш б-н ифодаланади: wir — жирафа, weer — жирафалар. Н. т.да қўшма сўзлар кўп ишлатилади, келишиклар йўқ; феъл системаси мураккаб. Н. т. етарли ўрганилмаган.

Ад.: Африканское языкознание. Сб. статей. Пер. с англ., М., 1963; Языки Африки. Сб. статей, М., 1966.

НИЛОТ ХАЛҚЛАРИ — Африкада яшайдиган қардош халқлар группаси. Судан республикаси (4 млн.), Уганда (2 млн.), Кения (2,5 млн. га яқин), Танзания (0,3 млн.га яқин), МАР (0,3 млн. га яқин), Эфиопия (0,1 млн. дан ортиқ), Заир (0,2 млн.дан ортиқ) ва б. жойларда яшайди (рақамлар 1970 йил бўйича). Умумий сони 9 млн. га яқин. *Нилот тилларида* гаплашади. Маҳаллий диплар ва исломга (кубийлар ва ауо) эътиқод қиладилар. 19-аср охирида Н. х. яшайдиган ягона терр-я кўпгина мустамлакачи давлатлар ўртасида тақсимлаб олинган эди. Н. х. орасида уруғ-қабилачилик муносабатларининг қолдиқлари сақланган. Чорвачилик (қорамол), деҳқончилик (тариқ, маккажўхори), балиқчилик ва овчилик б-н шуғулланадилар.



Нилуфар.

НИЛУФАР (Nelumbo) — нилуфардошлар (нилуфаргуллилар оиласи)га мансуб ўсимликлар туркуми (баъзан, *нилфиядошларга* киритилади). Барги йирик, қалқонсимон, узун бандли, сув бетида сузади ёки сувдан юқори кўтарилиб ўсади. Гули якка, йирик, икки жинсли, узун гулбандли. Меваси конуссимон, кўп ёнғоқчали, сув остида етилади. Иккала ярим шарининг мўътадил минтақаларида ва тропикларда 2 тури ўсади. Пушти гулли, ёнғоқчали Н. (N. nicifera) Австралиянинг шимоли-шарқий қисми, Малайя архипелаги, Филиппин ороллари, Япониянинг жануби, Шри Ланка ороли, Ҳинди-хитой ва Ҳиндистон я. о., Хитой ва Шимолий Эронда тарқалган. СССРда Узоқ Шарқда, Закавказьеда ва Волга дельтасида ўсади. Ҳиндистон ва Хитойда қадимдан мукаддас ўсимлик ҳисобланади. Сариқ Н. (N. lefea) Шимолий ва Марказий Америкининг Атлантика соҳилларида ва Гавайя оролларида ўсади. Маданий формалари кўп. Н. таркибида витамин С ва каучук, банди ва ўсинталарида заҳарли модда — нелюмбин бор. Уруғи ва илдизи овқатга ишлатилади, уй ҳайвонларига берилади.



Нильгау.

НИЛУФАРДОШЛАР, нилуфаргуллилар (Nelumbonaceae) — икки паллали ўсимликлар оиласи. Ташқи кўриниши *нилфиядошлари* эслатади (баъзан нилфиядошларга киритишади). Н. улардан уруғчиси (гинецейи) ва уруғининг тузилиши, хромосомаларининг морфологияси ва б. хусусиятлари б-н фарқ қилади. Н. бир паллали ўсимликларга ҳам ўхшайди. Бир туркуми — нилуфар бор.

НИЛФИЯ, нимфея (Nymphaea) — нилфиядошлар (нилфиягуллилар оиласи)га мансуб сув ўсимликлари. Кўп йиллик илдизли, барглари этли, узун бандли, юраксимон шаклли, сув бетида сузиб юради. Гули якка, йирик, узун гулбандли, косачабарги яшил, гулбарги ҳар хил рангли. Меваси шарсимон, этли, кўп уруғли. Бутун ер юзида 40 дан ортиқ тури бор. СССРда 3 тури — оқ Н. (N. alba), тиниқ оқ Н. (N. candida) ва кичкина ёки тўрт қиррали Н. учрайди. Учаласи ҳам манзарали. Ўзбекистонда Амударё ҳавзасида учрайди.

НИЛФИЯДОШЛАР, нилфиягуллилар (Nymphaeaceae) — икки паллали ўсимликлар оиласи. Кўп йиллик илдизпояли, сувда ўсадиган ўтлар. Барглари узун бандли, пластинкасимон, йирик (диаметри 2 *м* ча), одатда, сув бетида сузади. Гули узун гулбандда, йирик (диаметри 35 *см* ча), якка, икки жинсли. Ҳамма ерларда тарқалган 4 туркуми (60 га яқин тури) бор. СССРда нуфар ва нилфия туркумининг турлари, Узоқ Шарқда эвриала тури ўсади. Гулзорларда кўпинча виктория регия ўстирилади.

НИЛЬГАУ (Boselaphus tragocamelus) — қувушшохлилар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвон. Эркагининг тана узунлиги 2 *м*, оғирлиги 200 *кг* ча, думи 50 *см* ча, ялпиноғидан бўйи 1,5 *м* ча. Шохи 20—25 *см*. Урғочиси кичикроқ, шохсиз. Мўйнаси тўқ кул ранг, оқ, қора холли. Ели бор. Ҳиндистон я. о.да ўрмон, баъзан текисликларда тарқалган. Якка ёки пода бўлиб яшайди. Йилига 2 бола туғади. Бўғозлик даври 7—8 ой. Ўтлар, куртак ва дарахт барглари б-н овқатланади. Гоҳо плантацияларга зарар келтиради. СССРда «Аскания-Нова» қўриқхонасида кўпайтирилмоқда.

НИЛЬСЕН Владимир Анатольевич (1918. 4. 6) — тарихий ёдгорликлар тадқиқотчиси, педагог. Тарих фанлари д-ри (1968), проф. (1971). Урта Осиё индустриал ин-ти (ҳозирги ТошПИ)да таҳсил кўрган (1936—1941). УзССР ФАнинг Тарих ва археология ин-тида шарқшунос ва археолог В. А. Шишкин раҳбарлигида меъморлик ва археология обидаларининг тадқиқоти б-н шуғулланган. Варахша қалъаси, Улуғбек расадхонаси, Бухоро, Самарқанд ва Сурхондарё областларидаги кўплаб ёдгорликларни ўрганишда фаол қатнашган. 3 монография, кўплаб мақолалар муаллифи. 1950 йилдан Тошкент Политехника ин-тида ишлайди. 1965 йилдан «Архитектура тарихи ва назарияси» кафедрасининг мудири.

Ас.: Монументальная архитектура Бухарского оазиса XI—XII веков, Т., 1956; Становление феодальной архитектуры Средней Азии (V—VIII вв.), Т., 1966; Архитектурный декор памятников Узбекистана, Л., 1974 (В. Н. Манакова б-н биргаликда).

НИМА ЮШИЖ (тахаллуси; асл номи Али Исфандиёрий, 1897, Мозандарон, Юш қишлоғи — 1960. 6. 1, Теҳрон) — форс шоири, адабиётшунос ва санъатшунос. 20-йиллардан бошлаб эълон қилинган шеърлари 1955 йилда тўплам ҳолида нашр этилди («Нима Юшиж ва унинг шеърлари»). Н. Ю. романтик («Афсона», 1921) ва фалсафий («Манели», 1957) достонлар, эстетикага оид «Икки нома» (1946) ва «Ҳиссиёт қиймати» (1956) каби илмий асарлар муаллифи. У аруз назариясига оид мақолаларида аруз баҳрларига ўзгариш киритиб, қофияларни Европача усулда ишлата бошлади, шеъриятда янги мазмун ва шакл бўлишлигини тарғиб этди, «Янги шеър» («Шеъри нав») мактабига асос солди ва уни бошқарди. У «Ой шуъла сочмоқда», «Эй, оқшом», «Эй, одамлар», «Зиндон», «Маҳбус», «Қонли дилар учун» («Баройи дилҳое ҳунин»), «Совуқ хона» («Ўтоқи сард») каби шеърларида меҳнаткаш халқнинг орзу-интилишларини, дард ва аламларини реал ифода этди. У «Икки хат», «Туйғуларнинг аҳамияти» асарларида эстетик қарашларини ифодалаган.

Ад.: Жале Бади. Нима Юшидж; отец новой поэзии в Иране, «Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока» китобида, М., 1964.

«НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК? Ҳаракатимизнинг ечилиши зарур бўлган масалалари» — В. И. Ленининг Россияда марксистик партия тузиш программаси ва плани баён қилинган асари. 1901 йил кузи — 1902 йил февралда ёзилган.

Асарнинг 1-бобида В. И. Ленин халқаро ишчилар ҳаракатидаги революцион марксистик йўналишни ҳимоя қилиб, бернштейнчиликнинг оппортунистик моҳиятини фош этди. У бернштейнчилик халқаро оппортунизмнинг бир кўриниши эканлигини кўрсатиб берди. «Экономизм» эса халқаро оппортунизмнинг Россиядаги кўриниши эди. «Экономистлар» ишчиларнинг стихияли ҳаракати олдида тиз чўкиб, социалистик онг ролини, партиянинг раҳбарлик ролини камситар, шунингдек ишчилар синфига буржуазия таъсирини ўтказишга, подшо ҳукумати ва буржуазияга қарши курашда ишчиларни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан қуролсизлантиришга уринар эдилар.

В. И. Ленин асарда «экономизм»нинг оппортунистик идеологиясини тор-мор келтириб, революцион назария, социалистик онг, ишчилар ҳаракатида марксистик партиянинг раҳбарлик ролини асослаб берди.

Китобнинг 2-бобида ишчилар ҳаракатидаги стихиялилик ва онглилик муносабати тўғрисидаги масала ишлаб чиқилган. «Экономистлар» ишчилар синфида социалистик онгни шакллантириш зарурлигини инкор қилиб, социалистик идеология ишчиларнинг стихияли ҳаракатидан ўз-ўзича пайдо бўлади, дердилар. В. И. Ленин «экономистлар»нинг бу хато фикрларини танқид қилиб, социалистик идеология ишчиларнинг стихияли ҳаракатидан эмас, балки фаннинг ривожланиш жараёнида пайдо бўлади ва пролетариатнинг снёсий партияси томонидан ишчилар ҳаракатига киритилади, деб айтди.

Китобнинг 3-бобида иқтисод ва снёсат муносабати, пролетариатнинг иқтисодий ва снёсий кураш шакллари тўғрисидаги масалалар ёритилган. «Экономистлар» ишчилар ҳаракатининг вазифаси ва кўламини хўжайинлар ҳамда ҳукуматга қарши иқтисодий кураш уюштириш б-н чегаралар ва иқтисодий курашга снёсий тус беришга уринар эдилар. В. И. Ленин «экономистлар»нинг бундай тред-юнионистик, яъни реформистик келишувчилик снёсатлари ишчиларни абадий ёлланма қулликда сақлайди, снёсий курашсиз, снёсий ҳокимиятни қўлга олмай туриб, ишчилар ўзларининг иқтисодий аҳволини тубдан яхшилай олмайди деб кўрсатди.

Асарнинг 4- ва 5- боблари ташкилий масалаларга бағишланган. «Экономистлар» бу масалада кустарчилик ва тўгарақчиликни тарғиб қилар эдилар. В. И. Ленин ташкилий масалаларда «экономистлар»ни фош этиб, Россияда марксистик ишчи партияси тузишни умумрус снёсий газетасини ташкил этишдан бошлаш керак, чунки бундай газета революцион социал-демократларнинг қарашларини ташвиқ ва тарғиб қилади, деб ҳисоблади. В. И. Ленин подшо ҳукумати ва капитализмга қарши курашда енгиб чиқмоқ учун ишчилар синфига революцион ташкилот зарурлигини уқтириб, шундай деган эди: «...Қани бизга революционерлар ташкилотини беринг-чи, биз Россияни тубдан ўзгартириб юборайлик!» (Ас., 5-т., 511-бет).


Асарнинг тарихий аҳамияти шундаки, В. И. Ленин К. Маркс ва Ф. Энгельснинг пролетар партияси ҳақидаги ғояларини ривожлантириб, революцион марксистик партия — янги типдаги партия тўғрисидаги таълимотининг асосларини ишлаб чиқди.

Ад.: Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, Т., 1970; Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи. Т., 1972.



«Нима қилмоқ керак»нинг ўзбекча нашри.

НИМЕЙЕР (Нимейер Суарис Фильо) Оскар (1907. 15. 12, Рио-де-Жанейро) — бразилия архитектори. Ўз мамлакатида замонавий архитектура мактаби асосчиларидан. Бразилия компартияси аъзоси. Н. қурган иншоотларда, аксарият замонавий материал ва конструкциялардан фойдаланилган, бинолар-нинг плани, ҳажми ва қурилиши маҳаллий шароит иқлими ва рельефига мос ҳолда ҳал этилган. Асосий ишлари: Қаракасдаги нафис санъат музейи (Венесуэла; 1955—56), Рио-де-Жанейродаги «Жанубий Америка» касалхонаси (1953), «Насионал» меҳмонхонаси (1970), Бразилия ш. бош плани ва ундаги бир қанча жамоат ва маъмурий бинолар (1957 йилдан). Н. Гана, Ливан, Жазоир, Франция, Италияда ҳам баъзи жамоат бинолари-ни қурмоқда ва лойиҳаламоқда. Жаҳон Тинчлик Кенгаши Президиумининг аъзоси. «Халқлар ўртасида тинчликни сақлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати (1963).



Нимейер О. Президент саройи (Бразилия ш. 1958—59).

НИМКОРЛИК (форс-тож. نیم — ярим ва کار — иш) — феодализмга хос бўлган, бировлар ерини олиб ишлатиш усули, феодаллар б-н деҳқонлар ўртасидаги эксплуатация муносабатини ифодаловчи хўжалик юритиш системаси. Н.да кам ерли ёки от-улови етишмайдиган деҳқон олган ҳосилининг ярмини ўзлаштириш шарти б-н феодал ерига экин эккан. Ер эгаси деҳқонга от-улов, уруғлик беради, айрим ҳолларда унинг оиласига иш вақтида яшаш учун турар жой ҳам ажратади. Хўжалик йили тугагач, ҳосилининг ярмини деҳқон, қолган ярмини эса ер эгаси олади. Деҳқоннинг ҳосилдаги улуши унинг оиласининг зарур тирикчилигига сарфланади. Ҳосилнинг ер эгасига тегкан қисми, биринчидан, у ажратган восталар (от-улов, уруғлик, турли меҳнат қуроллари) харажатини қоплайди, иккинчидан эса феодал рентаси шаклида хўжайин томонидан ўзлаштирилади. Ҳосилнинг рентани ифодаловчи



Нимранг нав узум.

қисми деҳқоннинг қўшимча меҳнати натижаси бўлиб, уни феодал тепкига ўзлаштирган.

НИМРАНГ, ангури калон, кримский, шербанди — ўртача кечпишар, хўраки маҳаллий узум нави. Узбекистон ва Тожикистонда кўп тарқалган. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача (14—17 *см*), сал тўғарак ёки беш бўлакли, кам кертикли, четлари юқорига қайрилган. Гули бир жинсли (функционал урғочи). Узум боши йирик (бўйи 20—22 *см*, эни 12—15 *см*), вазни 550—600 *г*, кенг конуссимон ёки цилиндрсимон. Ғужумлари ўртача зич, йирик, асосан, думалоқ, кунгай томони қизғиш, ширин ва сал нордон, қарсиллайди. Таркибида 22—25% қанд, 5—6% кислота бор. Сентябрь бошларида етилади. Чангловчи навлар б-н экиб, яхши парвариш қилинса, гектаридан 25—30 *т* ҳосил беради. Узоқ жойга жўнатишга, сақлашга чидамли.

НИМФАЛИДЛАР (Nymphalidae) — кундузги капалаклар оиласи. Қанотлари чиройли, ёйилганда 2,5—18 *см*. Олачипор ва ёркин тусда. Олдинги оёғи чала ривожланган. Личинкаси тери ўсиқчалар ёки туклар б-н қопланган. Ғумбаги металлдек ялтирайди. Н. бутун ер юзида, асосан, тропик мамлакатларда кенг тарқалган. 2000 га яқин (СССРда 140 тача) тури учрайди. Личинкаси ўсимлик қисмлари б-н овқатланади; сезиларли зарар етказмайди.

НИМЦОВИЧ Арон Исаевич (1886. 7. 11, Рига — 1935. 16. 3, Копенгаген) — шахмат назариётчиси, гроссмейстер. 20—30-йилларда жаҳон чемпионлигига асосий даъвогарлардан бири. Н. Копенгаген (1923), Мариенске-Лазне (1925), Ганновер (1926), Берлин (1928), Карлова-Вари (1929)даги ва б. улкан халқаро турнирларнинг ғолиби бўлган. «Менинг системам» (1925) ва «Менинг системам амалда» номли шахматга оид китоблар муаллифи. У ҳозирги замон шахмат назариясига катта ҳисса қўшган. Тадқиқотлари — Нимцович ҳимояси, Нимцович дебюти, Нимцович варианти номлари б-н юритилади.

НИМЧА, желетка — енгсиз калта кийим, Астарсиз ёки авра-астарли бўлади, асосан, аёллар кўйлак устидан кияди. Духоба, турли хил мовут, парча ва б. матолардан тикилади.

НИМШОҲИ, нимшойи — пахта ва ипакдан тайёрланадиган матоларнинг умумий номи. Одатда, арқоғи пахта ипидан, ўриши ипакдан тўқилади (*адрас, беқасам, олача,* шунингдек пахта ва каноп иплари аралаштириб тўқиладиган турли ипак газламалар).

НИНА ТАНЛИЛАР — *игна танлиларнинг* иккинчи номи.

НИНАОЕҚ ЯПАЛОҚҚУШ (Ninox scutulata) — япалоққушлар туркумига мансуб парранда. Танасининг узунлиги 30 *см* ча. Орқаси қўнғир, қорни олачипор. Бармоқлари қаттиқ нинасимон қил б-н қопланган (номи шундан). Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёда тарқалган; СССРда — Приморьеда ва Хабаровск ўлкаси жанубида учрайди. Аралаш ўрмонларда яшайди. Дарахт ковакларига камдан-кам уя қуради. Ерга 3—5 тухум қўяди. Асосан, ҳашаротлар б-н овқатланади.



Нинаоёқ япалоққуш.

НИНАЧИЛАР (Odonata, Odonatoptera) — ҳашаротлар туркуми. Танасининг узунлиги 14 *мм* — 12 *см*, мўйлови қисқа, кўзи катта, фасеткали. Қаноти 2 жуфт, пардасимон, 10—95 *мм*. Н. ер шарида кенг тарқалган. 3000 дан ортиқ тури маълум. СССРда 200 тача тури бор. Н. тенгқанотли ва тенгсиз қанотли кенжа туркумига бўлинади. Тухумини сувга, сув ўтларига қўяди. Личинкаси сувда яшайди, жабра б-н нафас олади, чала ўзгариб ривожланади. Пашша, чивин ва б. ҳашаротлар б-н овқатланади. Улжасини узайган остки лаби б-н ушлайди. Личинкаси майда балиқларни еб, балиқчиликка зарар келтиради.

НИНСЯ-ХУЭЙ АВТОНОМ РАЙОНИ — Хитойдаги маъмурий бирлик. Мамлакатнинг шимолий қисмида. Майдони 170 минг *км*². Аҳолиси 2,16 млн. киши (1971); асосан хитой (хань), хуэй (дунган) ва монголлар. Маҳаллий халқи — хуэйлар ислом динига эътиқод қилади. Маъмурий ва иқтисодий маркази — Иньчуань (Нинся) шаҳри.

Экономикасининг етакчи тармоғи — қ. х. Деҳқончилик асосий ўринда. 1 млн. *га* ер ишланади. Хуанхэ водийсида суғориб экилади. Шоли, буғдой, тариқ, гаолян, пахта, мойли ўсимликлар экилади. Чорвачиликда, асосан, қўй ва қорамол боқилади. Металлургия, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Иньчуань ш. яқинидан тошкўмир ва ош тузи қазиб олинади. Локомотив, трактор, станок, электр моторлари ва ускуналар ишлаб чиқарилади. Хуанхэ дарёсида кема қатнайди. 1958 йилда Н.-Х. а. р. орқали ўтган Баотоу — Ланьчжоу т. й. қурилган.

НИОБАТЛАР — ниобат кислота тузлари. Н. жумласига метаниобатлар ва ортониобатлар (ишқорий металларнинг ниобий оксиди б-н бирикмаси) киради. Ранги қора, баъзан сариқ, қизғиш ва қўнғир-қора. Ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг ниобатлари иссиққа чидамли моддалардир. Улар юқори т-рада суюқланади (мас., $NaNbO_3$ 1250°С да, $KNbO_3$ 1184°С да суюқланади). Н. табиий бирикмалари (таркибида ниобий бўлган мураккаб минераллар) кўпинча пегматитлар ва гранитларда дала шпатлари (асосан альбит) б-н бирга учрайди. Н. гуруҳига ильменорутил, пирохлор, эшинит каби 10 дан ортиқ минераллар киради. Ишқорий металлар ва баъзи металларнинг ниобатлари сувда оз эрийди. Кўпчилик металларнинг ниобатларида сегнетоэлектрик ва пьезоэлектрик хоссалар бор. Шунинг учун бундай металларнинг ниобатларидан керамик сегнетоконденсаторлар ва пьезоэлектр кучайтиргичлар тайёрланади. Ниобий ва танталнинг асосий рудаси.

НИОБИЙ (Niobium), Nb — Менделеев давий системасининг V группасига мансуб кимёвий элемент. Ат. н. 41, ат. оғ. 92,9064. Битта табиий изотопи ^{93}Nb бор. Н.нинг сунъий радиоактив изотопларидан ^{95}Nb (ярим емирилиш вақти 35 кун) радиоактив индикатор сифатида ишлатилади.

Н.ни инглиз олими Ч. Хатчет 1801 йилда кашф қилган. Аввал колумбий деб аталган; кейинчалик юнон афсонасидаги қаҳрамон бағодир Танталнинг қизи маъбуда Ниобея номи берилган, чунки Н. ўз хоссаси б-н танталга ўхшайди. Металл ҳолидаги тоза Н. 1907 йилда олинган.

Н. оғирлиги жиҳатидан ер пўстининг 2·10⁻³ процентини ташкил этади. Минераллари сийрак учрайди. Улар икки группага бўлинади: бири — тантал-ниобатлар, яъни танталат ва ниобат кислоталарнинг тузлари, иккинчиси — титан-тантал-ниобатлар, яъни таркибида тантал, тантал ва ниобий бўлган мураккаб минераллар. Ниобит (ёки колумбит) номли минерал $Fe(NbO_3)_2$ биринчи группага мансуб, унинг таркибида $Fe(TaO_3)_2$ ҳам бор (лекин Н.нинг миқдори танталникидан ортиқ). Лопарит $Me(NbO_3)+Me(TiO_3)$ (бу ерда Me— Na, Ca, Ce, Sr бўлиши мумкин) иккинчи группага киради. Табиатда Н. тантал, титан, нодир-ер элементлари, уран, торий ва цирконий б-н бирга учрайди. Н.нинг 130 га яқин минераллари маълум. Ниобит ва лопаритдан ташқари пирохлор номли минерал ҳам амалий аҳамиятга эга. Н.нинг йирик конлари Африкада, Канада ва Норвегияда, СССРда Кола я. о.да бор. Ўрта Осиёда ҳозирчалик Н. ва танталнинг йирик конлари маълум эмас. Уларни гранитли жинслар, пигматитлар учрайдиган ерлардан топиш мумкин.

Н. — кул ранг металл, зичлиги 8,57 *г/см*³; суюқланиш т-раси 2500°С; қайнаш т-раси 4927°С. Механик хоссалари жиҳатидан совуқлайин ишланадиган металлар жумласига киради. Юқори сифатли пўлатлар тайёрлашда, атом реакторлари қуришда ишлатилади. Н. коррозияга чидамли, кимёвий жиҳатдан жуда барқарор элемент. Кислоталарда, ҳатто зар сувида ҳам эримайди. Лекин суюқлантирилган ишқорларда (ҳаво кислороди иштирокида) эрийди; натижада *ниобатлар* ҳосил бўлади. Кўпчилик металлар б-н қотишмалар ҳосил қилади. Н.нинг валенти ўзгарувчан. Нитрат кислота б-н водород фторид кислота аралашмасида эриб, комплекс фторидлар ҳосил қилади. Юқори т-рада металлмаслар б-н реакцияга киришади. 3 ва 4 валентли Н. бирикмалари деярли беқарор бўлади.

Ад.: Сиборг Г. Т., Вэленс Э. Г., Элементы вселенной, Пер. с англ., М., 1966; Коттон Ф., Уилкинсон Дж., Современная неорганическая химия, ч. 3, М., 1969; Сонгина О. А., Редкие металлы, М., 1964; Зеликман А. Н., Меерсон Г. А., Металлургия редких металлов, М., 1973; Раҳимов Ҳ. Р., Анорганик химия, [Дарслик], Т., 1974.

НИОБИЙ ОКСИДЛАРИ — ниобийнинг кислородли бирикмалари. Ниобий оксид, NbO — кул ранг ялтироқ кукун, зичлиги 7,26 *г/см*³, суюқланиш т-раси 1935°С. Ниобий (IV)-оксид, NbO_2 — кўкимтир-қора модда, ярим ўтказгич. Ҳавода қиздирилса, ниобий (V)-оксидга айланади. Сувда эримайди, сульфат кислотада эрийди. Ниобий (V)-оксид, NbO_5 оқ кукун модда, зичлиги 4,95 *г/см*³, суюқланиш т-раси 1510°С. Сувда, кислота ва ишқорда эримайди.

НИОБИЙ ҚОТИШМАЛАРИ — асосини *ниобий* ташкил қиладиган қотишмалар. Ниобийга бошқа элементлар қўшиб суюқлантириш йўли б-н олинади. Саноатда олинган дастлабки Н. қ. 20-асрнинг 50-йилларида, яъни техниканинг янги соҳалари учун 1000°С дан юқори т-рага чидайдиган материаллар зарур бўлган пайтларда пайдо бўлган. Ниобийнинг *ванадий, цирконий, вольфрам, молибден* ва *гафний* б-н легирланган қотишмалари энг яхши қотишмалардир. Уртача легирланган Н. қ. (4—10% W ёки 3—5% Mo, 1—2% Zr ёки Hf) ва юқори легирланган Н. қ. (15—20% W ёки 10—15% Mo, 1—2% Zr ёки Hf, 01—0,4% C) бўлади. Уртача легирланган Н. қ. босим остида яхши ишланади, улардан поковкалар, прессовкалар, листлар, трубалар ва б. тайёрланади. Бу қотишмалар яхши кесиб ишланади, пайвандланади. ВН-2, ВН-3, F-50, F-48 ва б. маркали Н. қ. маъжуд. Мас., Ватанимизда тайёрланадиган ВН-3 маркали қотишма таркиби: 4,0—5,2% молибден (Mo), 0,8—2,0% цирконий (Zr), 0,08—0,16% углерод (C) ва қолгани ниобийдан иборат. Унинг 1100°С да қисқа муддатли синашдаги мустаҳкамлик чегараси 450 *Мн/м*². Н. қ. вакуум-ёйли печларда, электрон нурли ва плазма печларида олинади. Н. қ. двигателсозлик, самолётсозлик ва ракетасозликда конструкцион материал сифатида ишлатилади.

НИППЕЛЪ (инглиз. nipple) — 1) икки учи резьбали калта найча. Газ ва водопровод трубаларини, радиатор секцияларини, асбоб ва машина қисмларини бириктиришда ишлатилади (қ. *Фитинг*); 2) велосипед ғилдираги гардишидаги кегайни маҳкамлаш учун ишлатиладиган деталь.

НИППОН, Нихон — Япониянинг япон тилидаги номи.

НИРАЛА, Сурьякант Трипатхи (1896—1961. 15. 10, Оллоҳобод) — ҳинд шоири ва ёзувчиси. 1916 йилдан матбуотда қатнашган. Н ҳинди шеър услубининг ислоҳотчиси. Унинг «Номсиз аёл» (1923), «Хушбўй» (1930), «Янги япроқлар» (1946), «Таъзим» (1950), «Қўшиқ садоси» (1954) шеърлар, «Лили» (1933), «Жаноб Шукланинг рафиқаси» (1941) ҳикоя тўпламлари ва «Само қизи» (1931), «Алака» (1933), «Пратхавати» (1936), «Қора қилмишлар» (1950) романлари ҳамда «Кули Бхатт» (1939), «Эчкибоқар Биллесур» (1946) қиссаларида ҳинд халқи ҳаёти, ижтимоий тенгсизлик, инсон ҳуқуқи учун кураш реал ифода этилган.



Нисанбоев А.

НИСАНБОЕВ Алимқул (1920, Бухоро обл. Томди р-ни) — чорвадор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1971). 1955 йилдан КПСС аъзоси. Бухоро обл. Томди р-ндаги к-зда ҳисобчи (1951 йилгача). 1951 йилдан шу р-ндаги Ленин номли с-зда ферма мудири. Қоракўл қўйларини кўпайтириш ва тери тайёрлашда юқори кўрсаткичларга эришган. Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ 3-съезди делегати. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НИСБАТ, икки сонининг нисбати — биринчи сони иккинчисига бўлишдан ҳосил бўлган бўлинма. Қаср сонларнинг Н.ини бутун сонлар Н.и б-н алмаштириш мумкин, мас., $\frac{2}{3}:\frac{4}{5}=\frac{5}{6}$= 5:6. Иккита бир жинсли миқдор (кесма, бурчак, юза ва б.)нинг нисбати деб уларнинг сонли ўлчовлари Н.и тушунилади. Иккита кесма узунлигининг нисбати рационал сон бўлса, улар ўлчовдош, иррационал бўлса ўлчовдош бўлмаган кесмалар дейилади. Бундай тушунчалар юза, бурчак ва б. учун ҳам тааллуқли.

НИСБИЙ СОНЛАР — мусбат сонлар, манфий сонлар ва нолнинг умумий номи. Н. с. нисбий миқдорларни ўлчашда ишлатилади. Мас., жисм т-расини музнинг эриш т-раси (нуқтаси) б-н солиштирилади ва бунда музнинг эриш т-раси ноль деб олинади.

НИСБИЙ ҚЎШИМЧА ҚИЙМАТ — қ. *Қўшимча қиймат.*

НИСБИЙ ҲАРАКАТ — моддий объектнинг қўзғалувчан координата системасига нисбатан силжиши. Моддий объект (нуқта)нинг ҳаракатдаги координата системаси б-н биргаликдаги силжиши кўчма ҳаракат, объектнинг қўзғалмас координата системасига нисбатан ҳаракати абсолют ҳаракат дейилади.

Нуқтанинг нисбий тезлиги абсолют тезлигидан кўчирма тезлигининг геометрик айирмасига тенг. Нуқтанинг нисбий тезланиши абсолют

тезланишидан кўчирма ва кориолис тезланишининг геометрик айирмасига тенг. Агар қўзғалувчан координата системаси илгарилама ҳаракатда бўлса, кориолис тезланиш нолга тенг бўлади; бу илгарилама ҳаракат инерцион бўлса, кўчирма тезланиш ҳам нолга тенг бўлади (бу ҳолда нисбий ва абсолют тезланишлар ўзаро тенг). Шу сабабли Ньютоннинг иккинчи қонуни абсолют қўзғалмас ва инерциал координата системаларига нисбатан бир хил ёзилади (қ. *Нисбийлик принципи*). Агар қўзғалувчан координата системаси ноинерциал бўлса, Ньютон иккинчи қонунининг ифодасида кориолис ва кўчирма инерция кучлари бўлади. Координата системаси илгарилама ҳаракатда бўлса, кориолис ва инерция кучлари бўлмайди.

Механиканинг кўпгина масалалари Н. ҳ.ни аниқлашга оиддир. Мас., моддий объектларнинг ҳаракатини координата системасига нисбатан топиш (чунки Ер ўз навбатида Қуёшга нисбатан ҳаракатда). Кўп ҳолларда жисмнинг мураккаб ҳаракатини текшириш осонроқ бўлиши учун (оддийроқ ҳаракатлар кўринишига келтириш мақсадида) атайлаб қулай қўзғалувчан координата системалари танланади.

Техникада эркин ва мажбурий Н. ҳлар бир-биридан фарқ қилинади. Биринчи ҳолда эркин нуқтанинг қўзғалмас координата системасига нисбатан ҳаракати берилган бўлиб, нуқтанинг маълум ҳаракатдаги координата системасига нисбатан ҳаракати изланади: ҳаракатдаги координата системаси қўзғалмас координата системаси б-н моддий боғланишда эмас. Иккинчи ҳолда нуқтанинг йўналтирувчидаги кўчирма ҳаракати берилган бўлади.

Эйнштейннинг *нисбийлик назариясида* ҳар қандай ҳаракат нисбийдир деган фикр илгари сурилган ва саноқ системаси сифатида ихтиёрий жисм олиниши мумкинлиги кўрсатилган.

Лд.: Некрасов А. И., Курс теоретической механики, т. 1, 6 изд., М., 1956; т. 2, 5 изд., М., 1955; Халфман Р. Л., Динамика, Пер. с англ., М., 1972.

НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ — қ. *Ҳақиқат.*

НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ — табиий ҳодисаларнинг вақт б-н фазо боғланишлари ҳақидаги ҳозирги давр физикавий таълимоти. Н. н. икки қисмдан: хусусий Н. н. ва умумий Н. н.дан иборатдир. Н. н. асосчиси Альберт *Эйнштейн* ҳисобланади. У хусусий Н. н. ни 1905 й., умумий Н. н.ни эса 1916 й. яратди.

Вақт ва фазо ҳақидаги тушунчалар турли даврда турлича эди. Классик физикада вақтнинг фазо б-н материяга ҳеч қандай даҳли йўқ, улар б-н боғланмаган, вақт ҳамма жойда ва ҳамма жисмларда бирдай, вақтнинг ўтиб туриши жисмларнинг ҳаракатига боғлиқ эмас, яъни вақт абсолют ҳисобланар эди. Худди шунингдек, фазо ҳам абсолют ҳисобланар эди: фазо материя б-н вақтга ҳеч қандай боғланмаган, фазо ҳамма жисмларда бир хил, жисмларнинг ҳаракати фазога ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, фазо абсолютдир, дейилар эди. Хуллас, физика фанида материя, ҳаракат, фазо тушунчалари объектив мазмунга эга бўлсалар-да, улар орасидаги боғланиш инкор этилар, мустақил моҳиятлар деб қаралар эди.

Жисмнинг жойи ва ҳаракатини аниқлашда асос қилиб олинган система физикада саноқ системаси дейилади. Бир-бирларига нисбатан тўғри чизиқ бўйича текис ҳаракатдаги саноқ системалари инерциал системалар дейилади.

Вақт ва фазо ҳақидаги классик механика таълимотини Галилей *нисбийлик принципи* асосида математикавий равишда ифодалаш мумкин. Фазонинг аниқ нуқтасида аниқ вақтда рўй берувчи ҳодисани воқеа дейилади. Бирор воқеанинг S' инерциал системадаги координаталари x', y', z', вақти t' ва S инерциал системадаги координаталари x, y, z вақти t бўлсин. S' системанинг S системага нисбатан ҳаракат тезлиги $\vec{V}$ бўлсин, x ва x' координата ўқлари шу ҳаракат йўналишига параллел ҳисоблансин. У ҳолда қуйидагини ёзиш мумкин:

$$x'=x-vt,\ y'=y,\ z'=z,\ t'=t. \qquad (1)$$

Бу тенгламалар Галилей алмаштиришлари дейилади. Кўрамизки, икки воқеа орасидаги масофа ва ўтган вақт ҳамма инерциал системаларда бир хилдир. $x(x')$ ўқи бўйича ҳаракатланувчи зарранинг S' ва S системалардаги V' б-н V тезликлари (1)га мувофиқ

$$V'=V-v \qquad (2)$$

(демак, $V=V'+v$, ...) бўлади. Бу формула классик механикадаги тезликларни қўшув қонунини ифодалайди. Ҳаракат тезлиги исталганча катта қийматларга эга бўлиши мумкин. (1)га мувофиқ ҳаракат тезланиши барча инерциал системаларда бир хилдир, яъни

$$\vec{a}'=\vec{a},\ \frac{d\vec{V}'}{dt}=\frac{d\vec{V}}{dt}\ldots \qquad (3)$$

Классик механикада жисм массаси ҳаракатга боғлиқ эмас, тинч ҳолатда массаси қандай бўлса ҳаракатланганда ҳам худди ўшандайдир. Массаси m ва тезлиги $\vec{V}$ бўлган жисмга $\vec{F}$ куч таъсир қилса Ньютоннинг иккинчи қонунига мувофиқ

$$\vec{F}=m\frac{d\vec{V}}{dt} \qquad (4)$$

бўлади. Бу ифода классик механиканинг ҳаракат тенгламасидир. Механикавий ҳодисалар барча инерциал системаларда бир хил рўй беради, демак, ҳаракат тенгламасининг ёзилиш шакли барча инерциал системаларда бир хилдир. Бу хусусият Галилей алмаштиришларига нисбатан Ньютон ҳаракат тенгламасининг инвариантлиги дейилади.

Нисбийлик назариясига кўра, физик процессларда вақт ва фазо хусусиятлари ўзаро боғлиқдир. Вақт ва фазонинг ўзаро боғланиши ҳаракат туфайлидир. Жисмнинг ҳаракатини фақат бошқа жисмларга нисбатан аниқлаш мумкин. Ҳаракатсиз жисм йўқ. Турли жисмларга нисбатан жисмнинг ҳаракати турличадир. Жисм турли ҳаракатда экан, унинг вақт ва фазо хусусиятлари ҳам турличадир. Хусусий Н. н. учун икки принцип (асосий қонун) замин ҳисобланади: бири нисбийлик принципи (яъни инерциал системаларда физикавий ҳодисаларнинг рўй бериши бир хилдир), иккинчиси — ёруғлик тезлигининг доимийлик принципи (яъни ёруғликнинг бўшлиқда тарқалиш тезлиги барча инерциал системаларда бир хилдир).

Икки инерциал системанинг биридан иккинчисига ўтишда координаталар ва вақт орасидаги боғланиш хусусий Н. н.да қуйидагича ифодаланади:

$$x'=\frac{x-vt}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}},\ y=y,\ z'=z,$$

$$t'=\frac{t-\frac{v}{c^2}x}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}, \qquad (5)$$

бу ерда c — ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги ($c=3\cdot10^{10}$ *см/сек*). Юқоридаги (5) ифода Лоренц алмаштиришлари дейилади (қ. *Лоренц алмаштиришлари*). Бу формулалардан қуйидаги хулосалар чиқарилади. Ёруғлик тезлиги табиатда учрайдиган тезликларнинг энг каттасидир, яъни турли воситалар ёрдамида жисм тезлигини нақадар оширилмасин, унинг тезлиги ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлигига тенг бўлиши мумкин эмас.

Ҳаракат йўналишига параллел S' да тинч турган кесманинг шу S' даги узунлиги L' ва S даги узунлиги L экан

$$L=L'\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}} \qquad (6)$$

бўлади, яъни кесма тинч турган системада бу кесманинг узунлиги L' энг катта қийматга эгадир, аммо кесмага нисбатан ҳаракатланувчи бошқа системаларда эса бу кесманинг узунлиги L камроқ қийматга эгадир, демак, кесма узунлиги қисқаради. Ҳаракатда узунлик қисқарилиши Лоренц қисқаришин деб юритилади. Демак, жисмнинг узунлиги, унинг шакли ва ҳажми ҳаракат тезлигига қараб ўзгаради. S' да тинч турган жисмнинг ҳажми ω' ва S системада ўлчанган ҳажми ω экан

$$\omega=\omega'\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}} \qquad (7)$$

бўлади. Жисм тинч турган S' системада ўлчанган L' узунлик хусусий узунлик ва ω' ҳажм хусусий ҳажм дейилади. Шундай қилиб, жисмнинг хусусий ҳажми энг катта қийматга эгадир, бошқа системаларда эса унинг ҳажми камаяди, тезлик оша бориши б-н ҳажм камая боради.

Турли системаларда вақтнинг ўтиши (соат юриши) ҳам турличадир. Мас., S' нинг бирор ўзгармас нуқтасида юз берган икки воқеа орасидаги ўтган вақт T' ва S да ўша икки воқеа орасида ўтган вақт T десак

$$T=\frac{T'}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}} \qquad (8)$$

бўлади, яъни бирор системанинг ўзгармас нуқтасида рўй берувчи процесс вақти T' энг кичик қийматга эгадир, демак, у энг қисқа вақт бўлади, аммо бу системага нисбатан ҳаракатланувчи бошқа системаларда эса шу процесс вақти T кўпроқ қийматга эгадир. Демак, S' да рўй берувчи процесснинг давомат вақти T' га қараганда унинг S даги давомат вақти T кўпроқ бўлади. Объект тинч турган S' да ўлчанган T' вақт хусусий вақт дейилади. Шундай қилиб, объектнинг хусусий вақти энг кичик қийматга эгадир. Объектни характерловчи процесснинг давомат вақти шу объектнинг яшаш вақти деб аталади. Демак, объектнинг яшаш вақти унинг ҳаракатига боғлиқдир. Кўрамизки, катта тезликли объект узоқроқ яшайди (қ. *Вақт парадокси*).

Воқеаларнинг бир вақтлилиги ёки уларнинг олдин-кетинлиги аниқ системага нисбатангина олиниши мумкин. Қандайдир B_1 ва B_2 воқеалар учун (5)га асосан

$$t_1'-t_2'=\frac{t_1-t_2-\frac{v}{c^2}(x_1-x_2)}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}} \qquad (9)$$

бўлади. S системада B ва B_2 воқеалар бир вақтда рўй берса $t_1=t_2$ бўлади. Агар воқеаларнинг S системада рўй бериш нуқталари турлича ($x_1\neq x_2$) экан, ($t_1'\neq t_2'$), бўлади, яъни S системада бир вақтли воқеалар S' системада бир вақтли эмасдир. Демак, воқеаларнинг бир вақтлилиги нисбийдир. Худди шунингдек, воқеаларнинг олдин-кетинлиги ҳам умуман айтганда, нисбийдир. Мас., S системада B_2 воқеа олдин ва B_1 воқеа кетин бўлсин, яъни $t_1-t_2>0$ бўлсин, у тақдирда агар $t_2-t_1>\frac{v}{c^2}(x_1-x_2)$ экан, $t_1'-t_2'>0$ бўлади, яъни S' системада ҳам B_2 олдин ва B_1 кетин бўлади; агарда $t_1-t_2<\frac{v}{c^2}(x_1-x_2)$ экан, $t_1'-t_2'<0$ бўлади, яъни S' системада B_1 олдин ва B_2 кетин бўлади. Бу айтилганлар сабабият қонунига қарши кетмайди. Ўзаро сабабий боғланган ҳар қандай икки воқеанинг олдингиси сабаб ва кейингиси натижа бўлиб, бу ердаги олдин-кетинлик тартиби ҳамма системаларда бир хилдир, чунки сабабчи воқеанинг натижавий воқеага берган таъсири ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги c дан катта тезлик б-н тарқалиши мумкин эмас. Бинобарин (9)га асосан, $t_1'-t_2'$ ва t_1-t_2 ифодалар бир хил ишоралидир, яъни Н. н. сабабият қонунига зид эмас.

Н. н.нинг тезликларни қўшув масаласига тегишли бўлган қонунини кўрсатиб ўтайлик. Бирор зарранинг $x(x')$ ўқи бўйича S' системага нисбатан тезлиги V' ва S системага нисбатан тезлиги V бўлсин. У ҳолда Лоренц алмаштиришларига асосан

$$V'=\frac{V-v}{1-\frac{Vv}{c^2}} \qquad (10)$$

бўлади. Бу формуладан, қисман принципиал аҳамиятга эга хулоса чиқади. S системада тинч турган манбадан чиққан ёруғликнинг шу системадаги тезлиги $V=c$, S' системадаги тезлиги эса, юқоридаги формулага мувофиқ, $V'=c$ бўлади, яъни ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги барча инерциал системаларда бир хил, манба ҳаракатига ҳеч боғлиқ эмас.

Маълумки, ҳар қандай жисмнинг вақт ўтиши б-н фазодаги ҳаракати тезлик, импульс, энергия ва б. физик катталиклар б-н характерланади. Н. н.га мувофиқ жисмнинг массаси, импульси ва энергияси унинг ҳаракат тезлиги орқали қуйидагича ифодаланади:

$$M=\frac{m}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}, \qquad (11)$$

$$\vec{P}=\frac{m\vec{V}}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}=M\vec{V}, \qquad (12)$$

$$E=\frac{mc^2}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}=Mc^2, \qquad (13)$$

бу ерда m — жисмнинг тинч ҳолатдаги массаси (тинчлик массаси), M — жисмнинг V тезлик б-н ҳаракатланишидаги массаси, c — ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги, $\vec{P}$ — жисмнинг импульси, E — жисмнинг энергияси. (11)дан кўрамизки, тезлик ўзгариши б-н масса ҳам ўзгаради. Жисмнинг ҳаракат тезлиги V ёруғлик тезлиги c га нисбатан жуда кичик бўлгандагина жисмнинг массасини ўзгармас ҳисоблаш мумкин, (13)дан кўрамизки, жисмнинг массаси ва энергияси бир-бири б-н боғланган, улар ўзаро пропорционалдир. (12) ва (13)га асосан

$$E^2=c^2P^2+m^2c^4 \qquad (14)$$

бўлади.

Молекула, атом, ядро, электрон, протон, нейтрон каби зарралар ўзларининг нолдан фарқли бўлган чекли тинчлик массаларига эгадир. Н. н.га мувофиқ тинчлик массаси йўқ зарралар ҳам бўлиши мумкин. Мас., фотон, нейтрино, гравитон шулар жумласидандир.

Ҳақиқатан, (12) ва (13)га мувофиқ

$$P=\frac{E}{c^2}V \qquad (15)$$

бўлади. Ёруғлик зарраси — фотон учун $V=c$, демак, фотоннинг импульси $P=\frac{E}{c}$ бўлади. У ҳолда (14)дан кўрамизки, фотон учун тинчлик массаси $m=0$. Классик физикадаги каби Н. н. да ҳам ягоналанган системалар учун энергиянинг ва импульснинг сақланиш қонунлари ҳокимдир. Энергиянинг сақланиш қонуни ва массанинг сақланиш қонуни классик физикадагича ўзаро мустақил эмас, балки (13)га мувофиқ, бу қонунлар ўзаро боғланган бўлиб, биргаликда ифодаланади. Шуниси муҳимки, энергия (демак, масса) сақланган ҳолда ҳам, тинчлик массаси сақланмаслиги мумкин. Жумладан, шундай ҳол зарра б-н антизарра *аннигиляция*си процессида рўй беради. Классик физикада модданинг сақланиш қонуни тинчлик массасининг сақланишини ифодаларди. Юқорида айтилганлардан равшанки, бундай талқин қилиш Н. н.га бутунлай хилофдир (қ. *Модда, Майдон, Масса*).

Тинчлик массаси m ва тезлиги $\vec{V}$ заррага таъсир қилувчи куч $\vec{F}$ бўлса, Н. н. га мувофиқ, бу зарранинг ҳаракат тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\vec{F}=\frac{d}{dt}\left(\frac{m\vec{V}}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}\right). \qquad (16)$$

Н. н.га асосланган динамика учун асосий қонун шу тенгламада ифодаланган. Агар зарядланган зарра электромагнит майдонда ҳаракатланса, $\vec{F}$ куч Лоренц кучи бўлади (қ. *Лоренц кучи*).

Одатдаги ҳолларда ҳаракат тезлиги бўшлиқдаги ёруғлик тезлигига нисбатан жуда кичик бўлади, яъни

$$\frac{V}{c}\ll 1. \qquad (17)$$

Шунга асосан кўрамизки, Лоренц алмаштиришлари (5) қуйидаги шаклни олади:

$$x'=x-vt,\ y'=y,\ z'=z,\ t'=t. \qquad (18)$$

Классик механика учун муҳим бўлган бу тенгламалар — Галилей алмаштиришлари бизга маълум.

Юқоридаги (13) шарт бажарилса, (16)га мувофиқ

$$\vec{F}=m\frac{d\vec{V}}{dt} \qquad (15)$$

бўлади, бу эса классик механикадаги ҳаракат тенгламасидир. Кўрамизки, классик механика Н. н.нинг кичик тезликлар учун бўлган хусусий ҳолидир. Н. н. классик механикани инкор қилмайди, балки улар ўзаро муносибдир (қ. *Муносиблик принципи*).

Барча инерциал системаларда физикавий ҳодисалар бир хил рўй беришини биламиз, демак, физикавий қонунларнинг ифодаланиш шакли Лоренц алмаштиришларига нисбатан ўзгармасдан сақланади. Бу хусусият Лоренц инвариантлик (Лоренц коварнантлик) дейилади. Мас., ҳаракат тенгламаси (16) Лоренц инвариантликка эгадир.

Н. н.да текшириладиган ҳодисалар, катталиклар, ифодалар одатда релятивистик ҳодисалар, катталиклар, ифодалар дейилади. Мас., (16) формула релятивистик ҳаракат тенгламасидир, жуда катта тезликлар релятивистик тезликлардир ва ҳ. к.

Н. н. берган хулосалар кўп такрорланган кузатишларда, экспериментларда текширилиб тасдиқланган, таниқ ва анализ синовларига бардош берди. Н. н.га қарши кетган бирорта ҳам факт ёки эксперимент маълум эмас.

Юқорида зикир этиб ўтилган мулоҳазалар фазо ва вақт ҳақидаги янги физикавий таълимот хусусий Н. н.га тааллуқлидир. Бу назария бутун олам тортишиш кучлари майдони (гравитацион майдон) б-н боғланмаган физик процессларни текширади. Тортишиш майдонидаги физикавий процессларни ўрганиш эса физика олдига янада мураккаброқ масалаларни қўядики, уларни хусусий Н. н. доирасидан четга чиқмай туриб ечиб бўлмайди. Шу б-н бирга, бу масалаларни ечишда хусусий Н. н. дан тегишлича фойдаланмасдан иш кўриш мумкин эмас. Гравитация вақт ва фазо ҳақидаги ҳозирги замоннинг физикавий назарияси асосан Эйнштейн томонидан яратилди ва у умумий Н. н. номини олди. Бу назариядаги муҳим тушунчалардан бири эгриланган тўрт ўлчовли фазо (вақт-фазо) тушунчаси бўлиб, қўлланиладиган математикавий аппарат ноевклид геометрияга (тўғрироғи, Риман геометриясига) боғлангандир.

Умумий Н. н.нинг яратилишида эквивалентлик принципи асос бўлиб хизмат қилди. Бу принципга кўра, ноинерциал системадаги ҳаракат инерциал системада жойлашган бир жинсли мос гравитацион майдондаги ҳаракатга эквивалентдир. Эквивалентлик принципи куч таъсирида ҳаракат тезланишини аниқловчи инерт массанинг тортишиш майдонини

аниқловчи оғир масса б-н тенг эканлигини тасдиқлайди. Умумий Н. н. ҳар қандай тортишиш майдонини фазо-вақт метрикасининг ўзгариши, яъни масса тақсимланишига кўра, реал фазо-вақт геометрик хоссаларининг ўзгариши деб тушунади. Фазо-вақт хоссалари массаларнинг тақсимланиши б-н аниқланади, массаларнинг ҳаракати эса ана шу фазо-вақт хоссаларига боғлиқдир.

Умумий Н. н.нинг математикавий ифодаси Эйнштейн таклиф этган тортишиш майдони дифференциал тенгламаларидир. Заиф тортишиш майдонида ва кичик тезликларда Эйнштейн тенгламалари тақрибан Ньютон тенгламаларига ўтади. Маълумки, Ньютон тенгламалари бутун олам тортишиш қонунини (қ. *Тортишиш*) ифодалайди ҳамда осмон механикаси деб аталган астрономик фаннинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Умумий Н. н. олдиндан чиқарган хулосалари юлдузлар ва Қуёш системаси планеталарини махсус астрономик кузатиш натижасида тасдиқланмоқда. Қуйида ана шу хулосалардан баъзи бирини келтирамиз:

1) планеталарнинг орбиталари ҳаракат текислигида айланади;

2) тортишиш майдонида ёруғлик нурлари четга оғади;

3) юлдузларнинг спектрал чизиқлари силжийди.

Қосмологик масалаларни текширишда, яъни катта масштабларда олинган коннотнинг қандай тузилганлигини ўрганишда ҳам умумий Н. н.нинг аҳамияти каттадир.

Шундай қилиб, нисбийлик назарияси ҳозирги замон физикасини кўпгина янги ғоялар, янги усуллар, янги ажойиб кашфиётлар ва муваффақиятлар б-н бойитди. Н. н. туфайли фазо ва вақт ҳақидаги физик тасаввурлар ривожланди; вақт б-н фазо хусусиятларининг ҳаракатга боғланиши очиб берилди; мутлақ фазо, мутлақ вақт, мутлақ бир вақтлилик тушунчалари бартараф қилинди; узоқ масофада туриб оний таъсир этиш ҳақидаги тасаввурлар суриб чиқарилди; ёруғлик тезлигидан жуда кичик бўлмаган тезликли ҳаракат тенгламалари кўрсатилди; масса, импульс ва энергия сақланиш қонунлари орасидаги боғланиш ифодаланди; оламдаги муҳим доимийлик ҳисобланадиган ёруғлик тезлигининг табиат қонунларида ўйнайдиган роли аниқланди; электромагнит майдоннинг турли системаларда турлича бўлиши, электр майдон ёки магнит майдон шаклидагина рўй бериши исботланди ва ҳ. к.

Бизнинг фазо ва вақт ҳақидаги тасаввурларимиз қанчалик ўсмасин, ўзгармасин, бир нарса мутлақо тўғри бўлиб қолаверади: моддий олам, биз у ҳақда қандай тасаввурга эга бўлишимиздан қатъи назар мавжуд ва у фақат фазо ҳамда вақтда мавжуддир.

«Оламда ҳаракат қилувчи материядан бошқа ҳеч бир нарса йўқдир, ҳаракат қилувчи материя эса фақат фазо ва вақтда ҳаракат қилади. Инсоннинг фазо ва вақт ҳақидаги тасаввурлари нисбий тасаввурлардир, лекин бу нисбий тасаввурлардан абсолют ҳақиқат вужудга келади, бу нисбий тасаввурлар ривожланиб, абсолют ҳақиқат йўлидан илгарилаб боради ва унга яқинлашади. Материянинг тузилиши ва ҳаракат формалари ҳақидаги илмий билимларнинг ўзгарувчанлиги ташқи оламнинг объектив реаллигини рад қилмагани сингари, инсоннинг фазо ва вақт ҳақидаги тасаввурларининг ўзгарувчанлиги ҳам фазо ва вақтнинг объектив реаллигини рад қилмайди» (В. И. Ленин, Асарлар, 14-том, 189-бет). Н. н. атрофида ҳанузгача зўр, қизғин, илмий ва мафкуравий кураш давом этмоқда. Н. н. ўз вақтида В. И. Ленининг алоҳида диққатини жалб этган эди. «Курашчан материализмнинг аҳамияти тўғрисида» номли машҳур мақоласида В. И. Ленин Н.н.га юксак баҳо берди, А. Эйнштейнни эса ҳозирги замон табиий фанларининг буюк вакилларидан бири деб ҳисоблади.

Ад.: Эйнштейн А., Собр. науч. тр., т.т. I, II, М., «Наука» 1965—1966; Ландау Л. Д., и Лифшиц Е. М., Теория поля, М., «Наука», 1967; «Эйнштейновский сборник», М., «Наука» 1966—1974; Малин Р., Майдон назарияси, «Ўқитувчи», Т., 1965. Чудинов Э. М., Теория относительности и философия, М., 1974.

НИСБИЙЛИК ПРИНЦИПИ — тинч турган системада ва унга нисбатан тўғри чизиқ бўйича текис ҳаракатланувчи системаларда табиий ҳодисаларнинг бир хил рўй беришини ифодаловчи асосий қонундир.

Бир-бирига нисбатан тўғри чизиқ бўйича текис ҳаракат қилувчи барча системаларда, яъни инерциал системаларда, механик ҳаракат қонуни бир хил таърифланади. Шу сабабли механик тажрибаларга таяниб, тажриба ўтказилаётган лабораториянинг тинч тургани ёки текис тўғри чизиқ бўйича ҳаракатланганлигини аниқлаб бўлмайди. Бундай хулоса дастлаб Галилей томонидан аниқланган эди. Фанда бу хулоса «Галилей нисбийлик принципи» деб юритилади. Бу принципга асосан бир-бирларига нисбатан тўғри чизиқ бўйича текис ҳаракат қилаётган системаларда бир хил шароитдаги механик ҳодисалар бир хилда юз беради. Галилейнинг нисбийлик принципига асосан инерциал системаларнинг бир-биридан афзаллиги йўқ, яъни текис ва тўғри чизиқ бўйича ҳаракатланувчи иккита саноқ системасида биринчиси тинч турибди, иккинчиси ҳаракатда деб, ёки иккинчиси тинч турибди, биринчиси ҳаракатда деб ҳисоблашимиз мумкин. Демак, ҳаракат ва тинчлик тушунчалари нисбий тушунчалардир.

Н. п.ни математикавий равишда текшириш фазо ва вақт ҳақидаги аниқ физикавий таълимотга асосланиши лозим.

Классик механикада мутлақ (абсолют) фазо ва мутлақ (абсолют) вақт таълимоти негиз қилиб олинади: фазо ва вақт, материядан қатъи назар, ўз-ўзича мавжуд, ҳеч қандай ҳаракатга боғлиқ эмас, барча системаларда бир хил, жумладан, икки нуқта орасидаги масофа (мас., бирор кесманинг узунлиги) барча системаларда бир хил, икки воқеа орасида ўтган вақт барча системаларда бир хил, бирор системада бир вақтли воқеалар бошқа системаларда ҳам бир вақтли бўлади, яъни бир вақтлилик тушунчаси мутлақ (абсолют) тушунчадир. Мутлақ фазо ва мутлақ вақт таълимотига асосланган ва Галилей нисбийлик принципига мувофиқ ёзилган инерциал системаларнинг биридан иккинчисига ўтиш формулалари Галилей алмаштиришлари дейилади (қ. *Нисбийлик назарияси*).

Инерция қонунига мувофиқ, ташқи таъсирсиз (эркин) жисм тинч ҳолатда ёки тўғри чизиқ бўйича текис ҳаракатда бўлади. Шу қонунга бўйсунган системалар инерциал системалардир. Демак, бу қонуннинг моҳияти инер-

циал системаларнинг мавжудлигини таъкидлашдан иборат. Модомики инерциал системаларда механик ҳодисалар бир хил рўй берар экан, классик механикадаги Ньютоннинг иккинчи қонуни — ҳаракат тенгламаси ҳам барча инерциал системаларда бир хил ифодаланади, яъни Галилей алмаштиришларига нисбатан Ньютон ҳаракат тенгламасининг ёзилиш шакли ўзгармасдан (инвариант) сақланади.

Инерциал системаларда электр, магнит, электромагнит, ёруғлик ва б. физикавий ҳодисаларнинг қандай рўй бериши турли тажрибалар (жумладан қ. *Майкельсон тажрибаси*) да текширилди. Кўплаб ўтказилган тажрибалардан ҳар қандай физикавий, умуман, ҳар қандай табиий ҳодисанинг инерциал системаларда бир хил рўй бериши аниқланди. Ҳозирги замон физикасида қабул қилинган нисбийлик принципи ана шунда иборат. Тажрибалардан яна бир муҳим принцип — бўшлиқда ёруғлик тезлигининг доимийлик принципи аниқланди: ёруғликнинг тарқалиш тезлиги барча инерциал системаларда бир хил, у ёруғлик манбаининг ҳаракатига боғлиқ эмас. Инерциал системаларнинг, юқорида кўрсатилган принципларга мувофиқ, биридан иккинчисига ўтиш формулалари Лоренц алмаштиришлари дейилади (қ. *Лоренц алмаштиришлари*). Модомики, инерциал системаларда электромагнит (жумладан ёруғлик) ҳодисалари бир хил рўй берар экан, бу ҳодисаларнинг қонуниятларини ифодаловчи Максвелл тенгламалари ҳам барча инерциал системаларда бир хил ифодаланади, яъни Лоренц алмаштиришларига нисбатан Максвелл тенгламаларининг ёзилиш шакли ўзгармасдан (инвариант) сақланади. Классик механиканинг ҳаракат тенгламаси Лоренц алмаштиришларига нисбатан инвариантлик хусусиятига эга бўлмаса-да, уларга нисбатан инвариантлик хусусиятига эга ҳаракат тенгламаси нисбийлик назариясида маълумдир.

НИСВОТ — Самарқанд обл. Каттақўрғон р-ни Чўянчи қ. С.даги қишлоқ. «Ленин йўли» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғондан 22 *км*. Аҳолиси 492 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Оқдарё ва Қорадарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

НИСО — Ашхобод ш. (Туркм.ССР)дан 18 *км* шимоли-ғарбдаги қадимги ва ўрта аср шаҳри ва унинг харобаси. 1946—60 йилларда М. Е. Массон бошчилигида системали равишда қазиш олиб борилган. Мил. ав. 3-аср ва милоднинг 3-асрида бу ерда шаҳар (Янги Н. шаҳарчаси, майдони 18 *га*) ва Парфия подшолигининг муҳим маркази ҳисобланган. Аршакийлар сулоласининг мустаҳкамланган подшо резиденцияси [Эски Н. шаҳарчаси (майдони 14 *га*), қадимда Михридаткирт деб юритилган] бўлган. Н. дан ибодатхона қолдиғи, сопол ҳайкалли ҳашаматли зал, подшо хазинаси ва турар жой очилган. Кейин очилган санъат ёдгорлиги (тўрт бурчакли уй) эллинизмнинг кучли таъсиридаги (мил. ав. 3—1 асрлар) Парфия маданиятига оид (мармар ҳайкал, фил суягига жило бериб ишланган қадаҳ ва б. буюмлар). Н. даги хўжалик архивидан Парфиянинг мил. ав. 1-асрга оид иқтисодий ва маъмурий тузумини жаҳонга маълум қилувчи сопол парчаларига ёзилган 200 та ҳужжат, шунингдек ҳарбий қуроллар ва безак буюмлари, майда ҳайкалчалар (терракота ва металлдан ишланган), жиҳоз ва б. топилган. Ўрта асрларда Н. Хуросоннинг муҳим маркази бўлган.

Ад.: Труды Южно-Туркменистанской археологической комплексной экспедиции, т. 1—2, 4, 6. Ашхабад, 1949—58; Кошеленко Г. А., Культура Парфии. М., 1966; Пугаченкова Г. А., Искусство Туркменистана. М., 1967.

«НИСОБ УС-СИБЁН» («Кичкинтойлар қўлланмаси») — Абу Наср Масъуд ибн Абубакир Фароҳий томонидан болалар учун ёзилган араб тили дарслиги. Фароҳий Ҳирот б-н Сийистон оралиғидаги Фароҳ қишлоғида яшаган. Мазкур асарини милодий 1220—21 йилларда ёзган. Асар Эрон, Ҳиндистон, Ўрта Осиёда машҳур бўлиб, ёзилгандан буён қайта-қайта кўчирилган ва чоп қилинган. Қўлланмада арабча сўзлар форсчага таржима қилиниб, шеърий формада ва ёдлашга осон тарзда (ғаний — молдораст, мискин — гадой ва ҳ. к.) тартибланган. Китоб болаларнинг саводини оширишга мўлжалланган қўлланма бўлган.

НИСОРИЙ (тахаллуси, асл номи Ҳасан Подшохўжа ўғли; Бухоро, 16-аср) — ўрта осиёлик шоир, тазкиранавис. Таржимон ҳолига оид маълумот кам. *Мутрибий*нинг «Тазкират уш-шуаро» (ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти қўл ёзмалар фонди, инв. № 2253) асарида Н. 80 ёшдан ортиқ умр кўрганлиги ёзилган. Тазкирада Н. томонидан тузилган табиий ва географик харита берилган ва унинг шеъриятда Навоий ҳамда дунёвий илмларда Улуғбек шогирди бўлганлиги баён этилган. Н.нинг қаламига мансуб «Музаккир ул-аҳбоб» (ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти қўл ёзмалар фонди, инв. 282)нинг титул варағида номаълум муаллиф томонидан Н. вафотига тарих битилган бўлиб, бу тарих نساری مرد («Нисорий мурд») бирикмасидан ташкил топган. Н.нинг отаси Подшохўжа ўз даврининг етук шоири ва ҳикоянависи бўлган.

«Музаккир ул-аҳбоб» тазкираси 1566—67 йилларда ёзилган бўлиб, Шайбоний ҳукмдорларидан Искандар Баҳодирхонга бағишланган. Асарда бошқа манбаларда номлари зикр этилмаган фан арбоблари, шеър мухлислари, санъат ходимлари ҳақида маълумот берилган.

Ад.: Болдырев Л. Н., Тезкирэ Хасана Нисори, как новый источник для изучения культурной жизни в Средней Азии XVI века, Труды Отдела Востока гос. Эрмитажа, т. 3, Л., 1940; Айни К., Тазкиран Ҳасан Нисорий ва нусхаҳои он, «Известия отделения обществ. наук АН ТаджССР», 1956, № 9; Мирзаахмедова М., Ҳасан Нисорий ва унинг «Музаккир ул-аҳбоб» тазкираси, «Узбек тили ва адабиёти», 1956, № 4.

НИСТАГМ (юнон. nistagmos — мудроқ) — кўз соққасининг ихтиёрдан ташқари кетма-кет ритмик ҳаракат қилиши. Кўпинча, горизонтал, баъзан вертикал йўналишда рўй беради ёки айланма ҳаракатлардан иборат бўлади. Соғлом кишиларда, мас., кўз олдидан тез ўтаётган нарсани кузатишда кўз тез-тез, такрор бураверилса Н. пайдо бўлиши физиологик ҳодисадир. Патологик Н. ички қулоқ, шунингдек марказий нерв системаси касалликлари, калла суяги-мияга шикаст етиши, миянинг инфекцион ва токсик зарарланиши, мия ўсмалари ва б. оқибатида пайдо бўлиши мумкин. Кучли миопияда кўз кўриш қобилиятининг жуда пасайиши ҳам Н.га сабаб бўлади. Хира ёритиладиган ва вентиляцияси яхши йўлга қўйилмаган шахта ишчиларида кўпроқ касбга алоқадор Н. кузатилади.

Даво асосий касалликка қарши олиб борилади. Қасбга алоқадор Н.да эса беморга бошқа ишга ўтиш тавсия этилади.

НИТ (лат. niteo — ярқираш, ялтираш) — равшанликнинг Халқаро бирликлар системасидаги (СИ) бирлиги, *нт* ёки *nt* б-н белгиланади. 1 *шам* (кандела) ёруғлик кучи 1 $м^2$ юзага тик тушганида сирт равшанлиги 1 *нт* (10^{-4} стильб)га тенг бўлади. 1 *нт* = 10^{-4} *кг/см*^{2} = $9{,}95\cdot10^{-5}$ *стильб* = $3{,}13\cdot10^{-4}$ *ламберт*.

НИТЕРОЙ — Бразилиянинг жануби-шарқий қисмидаги шаҳар. Гуанабара қўлтиғининг шарқий соҳилида. Рио-де-Жанейро штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 324,4 минг киши (1970). Т. й. станцияси. Паром орқали қўлтиқнинг ғарбий соҳилидаги Рио-де-Жанейро ш. б-н боғланган. Кемасозлик, металлсозлик, озиқ-овқат, кимё, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Шаҳарга 17-асрда асос солинган.

НИТР..., НИТРО... (юнон. nitron — табиий сода) — қўшма сўз бўлаги. Азотга, азот кислоталарига оидликни билдиради. Мас., *нитридлар*, *нитробензол*.

НИТРАГИН — дуккакли экинлар ҳосилини ошириш учун ишлатиладиган бактериал ўғит. Н. таркибидаги тугунак бактериялар фаолияти натижасида ҳаво азоти ҳисобига ер азот б-н бойийди, тупроқдаги азот ўсимликлар ўзлаштира оладиган бирикмаларга айланади. Экининг ҳар бир тури учун алоҳида тайёрланган Н. бўлади.

НИТРАМИНЛАР, N-нитроамин бирикмалар — молекуласидаги NO_2 группаси азот атомлари б-н боғланган органик бирикмалар. Н. бирламчи $RNHNO_2$ ва иккиламчи $RR'NNO_2$ бўлиши мумкин (бу ерда R,R′ — алкил ёки арил). Ароматик Н., одатда, қаттиқ моддалар, алифатик Н. суюқлиқ ёки эриши қийин қаттиқ моддалардир. Бирламчи алифатик Н. кислота таъсирида спирт ва азот (I)-оксидга айланади, иккиламчиси эса кислотага 100°Сда ҳам чидамли. Кўпчилик бирламчи Н. ишқорлар б-н қўшилиб туз ҳосил қилади. Қуйи Н. ниҳоятда портловчи. Баъзи Н. портловчи моддалар сифатида ишлатилади (мас., тринитрофенилметилнитрамин — тетрил, циклотриметилентринитрамин — гексоген, циклотраметилентетранитрамин — октоген).

НИТРАТ КИСЛОТА, HNO_3 — кучли бир асосли кислота. Сувсизи беқарор суюқлиқ. Сувсиз Н. к.нинг суюқланиш т-раси —41,15°С, қайнаш т-раси 84°С, зичлиги 1,522 *г/см*^{3}. Н. к. сув б-н исталган нисбатда аралашади. Сувсиз Н. к. (98—100% ли) ҳавода тутаб парчаланади, бунда ҳосил бўлган NO_2 дан сариқ тусга киради. Н. к. қайнатилганида ҳам парчаланади:

$$4HNO_3 \rightarrow 2H_2O + 4NO_2 + O_2.$$

Амалда зичлиги 1,44 *г/см*^{3} бўлган 63—65% ли концентрланган кислота ишлатилади. Н. к.— кучли оксидловчи. Шунга кўра, металларга таъсир этганида ҳеч қачон водород ажралиб чиқмайди. Н. к. металлмасларни ҳам оксидлай олади. Концентрланган Н. к. металлар ва металлмаслар б-н реакцияга киришганида, албатта азот (IV)-оксид ажралиб чиқади. Н. к. да олтин, платина, иридий, радий ва рутенийдан бошқа барча металлар эрийди. Н. к.га хлорид кислота қўшилса, *зар суви* ҳосил бўлади. Н. к.нинг барча тузлари сувда яхши эрийди. Н. к. саноатда аммиакни ҳаво кислороди б-н оксидлаб олинади. Азотли ва мураккаб ўғитлар (аммиак селитраси, калийли ва кальцийли селитралар, нитрофоска) ишлаб чиқаришда, турли органик моддалар (нитро маҳсулотлар, нитробензол, нитроцеллюлоза) олишда, металлургияда ва б. мақсадларда кенг қўлланилади. Н. к. буғи нафасга тегса заҳарлайди, терини куйдиради. Концентрланган Н. к. органик моддаларга текканда портлайди ва ёнғин чиқади.

НИТРАТЛАР, металл нитратлари — нитрат кислота (HNO_3)нинг тузлари. Рангсиз кристалл моддалар; оддий шароитда турғун. Юқори т-рада кислород чиқариб парчаланади. Н. парчаланганида таркибидаги металлнинг активлигига қараб турлича маҳсулотлар ҳосил бўлади. Мас., ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг нитратлари парчаланганида нитритлар ҳосил бўлади ва кислород ажралиб чиқади; оғир металларнинг нитратлари парчаланганида металл оксиди ва кислород ҳосил бўлади (баъзан эркин металл ажралиб чиқади), мас.:

$$2KNO_3 \rightarrow 2KNO_2 + O_2;\ 2Cu(NO_3)_2 \rightarrow 2CuO + 4NO_2 + O_2;\ 2AgNO_3 \rightarrow 2Ag + 2NO_2 + O_2.$$

Аммоний нитрат NH_4NO_3, калий нитрат KNO_3, кальций нитрат $Ca(NO_3)_2$ селитралар деб аталади. Н. нитрат кислотани металларга, оксидларга ва гидроксидларга ва баъзи тузларга таъсир эттириб олинади. Турли саноат соҳаларида, қ. х.да ўғит сифатида, портловчи моддалар ишлаб чиқаришда, бўёқчиликда тезоб сифатида қўлланилади.

НИТРАТЛИ ЎҒИТЛАР — таркибида азот бўладиган органик ва анорганик бирикмалар (қ. *Азотли ўғитлар*).

НИТРИДЛАР — азотнинг электр мусбат элементлар, асосан, металлар б-н ҳосил қилган бирикмалари. Кўпинча Н. деганда таркибида азот ва бирор металл бўлган бирикмалар тушунилади. Н. тузилиши ва хоссасига кўра уч группага бўлинади: ион боғли, ковалент боғли ва металл боғли Н. (ёки металлсимон Н.). Ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг нитридлари, мас., K_3N, CaN_2, мис ва рух нитридлари ион боғли Н.га киради. B, Al, Si, Ga, Ge каби элементларнинг нитридлари (BN, AlN, SiN_4, GaN, GeN_4) ковалент боғли Н.га киради. Металл боғли Н. азотнинг баъзи элементлар б-н бирикишидан ҳосил бўлади. Мас., TiN, Cr_2N, TaN, Ta_2N ва ҳ. к. Н. техниканинг турли соҳаларида (яримўтказгичлар техникасида) кенг қўлланилади.

НИТРИЛЛАР — азотли органик моддалар, цианид кислота ҳосилалари. Умумий формуласи $RC\equiv N$ (бу ерда R— радикал, мас., C_2H_5, CH_3 ва ҳ. к.). Аксарияти суюқ модда, баъзилари қаттиқ жисм. Н. органик кислоталар ҳосил қилишда ва эритувчилар сифатида қўлланилади. Н.нинг структура изомерлари *изонитриллар*дир. Н. тўйинмаган углеводородлар қолдиғи б-н осон полимерланади. Мас., саноатда *акрилонитрил*ни полимерлаб полиакрилонитрил толалар олинади. Формонитрил (цианид кислота) HCN акрилонитрил ишлаб чиқаришда, метакрилонитрил эса органик шиша тайёрлашда ишлатилади.

НИТРИТ КИСЛОТА, HNO_2 — бир негизли кучсиз ва беқарор кислота. Фақат сувдаги эритмалари маълум; эркин ҳолда ажратиб

олинмаган. Оксидловчи ва қайтарувчи хоссалари бор. Кислотали муҳитда калий перманганат таъсирида нитрат кислотагача оксидланади. Водород йодид таъсирида Н. к. азот (II)-оксидга қадар қайтарилади. Саноатда органик бўёқлар синтезининг маълум босқичида Н. к. ҳосил қилиниб, ўша вақтнинг ўзидаёқ органик моддалар б-н реакцияга киритилади. Мас., ароматик аминларнинг хлорид (ёки сульфат) кислотали эритмасига — 5°С дан юқори бўлмаган т-рада натрий нитрид эритмаси қўшиб Н. к. ҳосил қилинади. Ҳосил бўлган Н. к. дарҳол ароматик аминга таъсир этади. Н. к. нинг тузлари ишлатилади. Улар заҳарли.

НИТРИТЛАР, металл нитритлари — нитрит кислота HNO_2 тузлари. Рангсиз кристалл моддалар. Деярли барча Н. (кумуш нитритдан бошқаси) сувда яхши эрийди. Н. нисбатан паст т-рада парчаланади. Мас., барий нитрит 235°С чамасида, кумуш нитрит 120°С чамасида парчаланади. Оксидловчи ва қайтарувчи хоссалари бор. Ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг Н.и қаттиқ ҳолатда ва кучсиз ишқорий эритмаларда ҳаво кислороди таъсирида оксидланмайди. Лекин активлиги кам металларнинг Н.и суюлтирилган эритмаларда тез оксидланади. Кучли оксидловчилар таъсирида Н. оксидланиб, *нитратлар*га айланади. Н. ишқорий эритмаларда водород сульфид, рух каби қайтарувчилар таъсирида аммиакгача қайтарилади. Кучсиз кислотали ва нейтрал эритмаларда Н. баъзи қайтарувчилар ($FeSO_4$, KJ, H_2S) таъсирида азот (II)-оксидга, азотга, ҳатто карбамидга қадар қайтарилади. Заҳарли. Асосан азобўёқлар саноатида ва органик синтезларда ишлатилади.

НИТРИФИКАЦИЯ (*нитр...* ва лат. jacio — қиламан) — аэроб бактериялар таъсирида аммоний тузларининг нитратларга айланиш жараёни, бу жараён тупроқ ва сув ҳавзаларида кечади. Н. тупроқда азот миқдорини кўпайтирмайди, аммо ўсимлик ўзлаштира олмайдиган азотни ўзлаштира оладиган формага айлантиради. Тупроқ аэрацияси яхши, нами мўътадил (60—70% капиллярнамликда), тупроқ реакцияси pH 5—9,2, температура 25—32° бўлганда Н. жараёни жадал ўтади. Тупроқни сифатли ишлаш Н. жараёнининг яхши ўтишидаги омилдир.

НИТРОБЕНЗОЛ (мононитробензол, мирбан мойи), $C_6H_5NO_2$ — оддий ароматик нитробирикма. Дастлаб Митчерлих 1834 йилда бензолни нитролаб ҳосил қилган (қ. *Нитролаш*). Мол. оғ. 123,11. Н. таркибидаги нитрогруппа бензол ҳалқанинг углерод атомига бевосита бириккан бўлади. Мойсимон сариғиш суюқлик, аччиқ бодом ҳиди бор, заҳарли. Зичлиги 1,987 *г/см*³ (15°Сда), суюқланиш т-раси 5,76°С; қайнаш т-раси 210,90°С. Н. поляр суюқликларга киради. Сувда оз эрийди, лекин бензол, этанол, диэтил ва б. органик эритувчиларга ҳар қандай нисбатда аралашади. Яхши эритувчи, мас., $AlCl_3$ни, смолаларни яхши эритади, ҳаводан нам тортади.

Н. баъзи қайтарувчилар таъсирида *анилинга* қадар қайтарилади. Шу йўл б-н анилин ҳосил қилиш мумкин. Н. анилин, бензидин, индулин, нигрозин каби моддаларни кўплаб олишда, эритувчи сифатида, фуксин ва хинолин каби моддалар тайёрлашда оксидловчи сифатида, совун саноатида ва б. соҳаларда ишлатилади.

НИТРОБИРИКМАЛАР — таркибидаги нитрогруппаси (NO_2) органик радикалнинг углерод атомига бевосита бириккан органик моддалар. Алифатик ва ароматик туркумларга бўлинади. Алифатик Н.да нитрогруппа алифатик занжирнинг углерод атомига бевосита бирикади; ароматик Н.да эса нитрогруппа бензол ҳалқасининг углероди б-н (ҳақиқий ароматик Н.) ёки ён занжирдаги углерод атоми б-н (оралиқ алифатик-ароматик) бириккан бўлади. Алифатик Н.нинг биринчи вакили — нитрометан CH_3NO_2, ароматик Н.нинг биринчи вакили — нитробензол $C_6H_5NO_2$ дир. Н. нитролаш реакциялари воситасида ҳосил қилинади. Тўйинган углеводородларнинг нитроланиш реакцияси Коновалов реакцияси деб аталади. Мас.:

$$\underset{\text{гексан}}{C_6H_{14}} + \underset{\substack{\text{нитрат}\\\text{кислота}}}{HNO_3} \rightarrow \underset{\text{нитрогексан}}{C_6H_{13}NO_2} + \underset{\text{сув}}{H_2O}.$$

Бу реакция юқори т-ра ва юқори босимда углеводородларга суюлтирилган нитрат кислота таъсир эттириб амалга оширилади. Н., кўпинча, галогеналкилларнинг кумуш нитрит б-н реакцияга киришишидан ҳам ҳосил қилинади. Мас.:

$$\underset{\text{нитробензол}}{C_6H_5I} + AgNO_2 \rightarrow C_6H_5NO_2 + AgI.$$

Н. кимёвий жиҳатдан ўзига хос активлик намоён қилади, сабаби шуки, Н. таркибидаги нитрогруппа турли ўзгаришларга мойил бўлибгина қолмай, органик бирикма молекуласи таркибида мавжуд бўлган бошқа актив марказларга ҳам таъсир кўрсатади. Чунончи, Н. таркибидаги нитрогруппани қайтариш йўли б-н нитрозо-, гидроксиламино- ва аминогруппаларга айлантириш мумкин. Нитрогруппанинг электрон тортиш хоссаси бор. Шу сабабли нитрогруппа ўз яқинида бўлган углерод атомидаги қўшалоқ боғни, ўзига нисбатан α-ҳолатда турган водород атомини, галоген атомини активлаштиради. Н. дезинфекцияловчи, консерваловчи, синтезловчи, эритувчи, ракета ёнилғисида оксидловчи, инсектицид, фунгицид, портловчи ва бўёқ моддалари сифатида қўлланилади.

НИТРОБЎЁҚЛАР, нитроэмаллар — пигментларнинг нитролоклардаги суспензияси. Н. турли усулда, мас., пигментни шарли тегирмонда лак б-н қориштириб ёки пигментни аввал бўёққоргич машинада пластификатор муҳитида дезагрегирлаб, кейин пигментли пастани лак б-н қориштириб олинади (қ. *Бўёқлар*). Н. сиртга суртилганда уй т-расида 15—30 мин. ичида парда ҳосил қилиб қурийди. *Адгезия*ни яхшилаш ва Н. пардасининг нам ўтказмаслик хусусиятини ошириш мақсадида Н. алкид ёки фенол-мой грунтовкаси устидан суртилади. Н. металл ва ёғочни, шунингдек газлама ва терини бўяшда қўлланилади.

НИТРОБУЯГИЧЛАР, нитроранглар — бензол ва нафталин қаторининг аминлари ва феноллари. Таркибида бир ёки бир нечта нитрогруппа бор. Н., кўпинча, амино- ёки оксибирикмаларни нитролаб олинади. Кўпгина Н. иссиққа чидамли. Н. (мас., таркибида сульфогруппа бўладиган нафтол сариғи) жун ва ипакни бўяшда, озиқ-овқат маҳсулотларига ранг беришда ишлатилади. Сувда эримайдиган бир неча Н. ацетат ипакни бўяшда ва лак-бўёқ саноатида пигмент сифатида ишлатилади.

НИТРОГЛИКОЛЬ, гликольдинитрат, $C_2H_4(NO_3)_2$ — портловчи модда; нитрат кислота ва этиленгликолнинг мураккаб эфири. Рангсиз қовушоқ суюқлик, сувда оз эрийди, органик эритмалар б-н аралашади. Қотиш т-раси — 20°С, зичлиги 1,5 *г/см*³ (15°С да). Этиленгликолни нитрат ва сульфат кислота аралашмаси б-н ишлаб олинади. Нитроглицерин б-н биргаликда динамит, порох тайёрлашда, ракета ёнилғисида пластификатор сифатида ишлатилади.

НИТРОГЛИЦЕРИН, глицеринтринитрат, $C_3H_5(NO_3)_3$ — глицерин ва нитрат кислотанинг мураккаб эфири; ёпишқоқ суюқлик, зичлиги 1,591 *г/см*³ (25°С да), қотиш т-раси 13,2°С, сувда эримайди, ацетон, эфир ва бензолда яхши эрийди. Нитрат ва сульфат кислоталари аралашмасида глицеринни ишлаб олинади. Н. жуда кучли портловчи модда бўлганидан тутунсиз порох, шунингдек динамит ишлаб чиқаришда қўлланилади. Медицинада спиртдаги 1% ли эритмаси ва таблеткаси ишлатилади. Асосан бош, юрак ва гавданинг юқори қисми терисидаги қон томирларини кенгайтиради. Юрак ва мия томирлари спазмида буюрилади.

НИТРОЛАҚЛАР — парда ҳосил қилувчи нитроцеллюлоза асосида тайёрланадиган лаклар. Таркибида табиий ва сунъий смолалар, пластификаторлар, эритувчилар ва б. бўлади. Металл ва ёғоч буюмлар, тери ва б.ни бўяшда ишлатилади. Н.ни ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш керак.

НИТРОЛАШ — турли органик моддаларга нитрат ва сульфат кислоталар аралашмаси таъсир эттириб, нитромаҳсулотлар ҳосил қилиш реакциялари. Портловчи моддалар, бўёқлар ва б. маҳсулотлар олишда кенг қўлланилади. Н.да хавфсизлик техникасининг барча қоидаларига риоя қилиш керак.

НИТРОН — полинакрилонитрилдан олинадиган сунъий тола. Чет мамлакатларда орлон, акрилан (АҚШ), кашмилон (Япония), куртель (Англия), дралон (ГФР), вольпрюла (ГДР), анилана (ПХР) деган номлар б-н аталади. Н. механик жиҳатдан мустаҳкам (узилишга пишиқлиги 35—45 *кг/мм*²), иссиққа анча чидамли. Ҳар хил техник буюмлар ва газламалар тайёрлашда ишлатилади.

НИТРОФОС, нитрофосфат — таркибида азот (38%) ва фосфор бўлган мураккаб минерал ўғит. Н. табиий фосфатларни нитрат кислота ёки нитрат ва сульфат кислоталар аралашмаси, ёки фосфат кислота ёрдамида парчалаб ҳамда аммиак б-н нейтраллаб олинади. Н. нинг асосий компонентлари аммоний нитрат, аммоний фосфат ва дикальцийфосфатдир. Н. таркибидаги азот б-н фосфор нисбати деярли тенг. Н. донадор ҳолда ишлаб чиқарилади.

НИТРОФОСКА — таркибида азот, фосфор ва калий бўлган мураккаб минерал ўғит. Таркибида азот (35—52%), фосфор ва калий бор. Донадор ҳолда ишлаб чиқарилади, намни кам шимади, муштлашиб қолмайди, яхши сочилади. Н., кўпинча, табиий фосфатларни нитрат кислота ёки нитрат ва сульфат кислоталар аралашмаси, ёхуд фосфат кислота ёрдамида парчалаб ва аммиак б-н нейтраллаб, уларга калий тузи қўшиш йўли б-н тайёрланади. Н. таркибидаги азот, фосфор ва калий нисбатларини тупроқ шароити, ўсимлик тури ва навига қараб ўзгартириш мумкин.


НИТРОЦЕЛЛЮЛОЗА, целлюлоза нитрати — целлюлоза (клетчатка) ва нитрат кислота мураккаб эфирларининг аралашмаси. Умумий формуласи $[C_6H_7O_2(OH)_{3-x}(ONO_2)_x]_n$. Зичлашмаган, оқ ёки сарғиш толасимон масса. Н. энг тўнғич полимер материал, уни биринчи марта француз кимёгари А. Браконно 1882 йилда олган. Зичлиги 1,58—1,65 *г/см*³, сувда эримайди. Н. нинг қандай мақсадда қўлланиши таркибидаги азот миқдорига қараб белгиланади. Амалда қуйидаги турлари қўлланилади (қавсда азот миқдори берилган): коллоксилин (10,7—12,2%), пироксилин № 2 (12,2—12,5%) ва пироксилин № 1 (13,0—13,5%). Коллоксилин целлулоид, пластмасса, фотоплёнка, нитролак, нитроелим ва нитроэмал ишлаб чиқаришда, пироксилинлар тутунсиз порох, динамит ва б. портловчи моддалар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

НИТРОЭМАЛЛАР — қ. *Нитробўёқлар*.

НИТҲАРДТ ёки Нейтҳарт, Готҳардт, Матис (тахминан 1470—75, Баварияда Вюрцбург ш.—1528. 31. 8, Галле)— немис рассоми, архитектор, инженер. 1508—25 йилларда сарой рассоми. 1525—26 йилларда 1524—26 йиллардаги Деҳқонлар урушига хайрихоҳликда айбланиб, таъқиб остига олинган. Асарларида даврнинг ижтимоий қарама-қаршиликлари, тенгсизлик ўз ифодасини топган. Диний мавзулардаги асарларида авлиёлар б-н бирга оддий кишиларнинг руҳий ҳолатлари, изтироб ва завқ-шавқлари акс эттирилган («Изенҳейм меҳроби», тахминан 1512—15, Кольмар, Франция). «Штуппах мадоннаси» (1517—19, Штуппах ш. черковида), «Авлиё Эразм ва Маврикийнинг учрашуви» (тахминан 1518, Мюнхендаги Эски пинакотека) деворий расмларида рассомнинг кузатувчанлигидан ташқари, Уйғониш даврининг инсонпарварлик идеяларига ҳамоҳанглиги кўзга ташланади.

НИХРОМ — никелнинг оловбардош қотишмалари группасининг умумий номи. Таркибида 65—80% никель (Ni), 15—35% хром (Gr), 1—20% темир (Fe), 0,5—2% марганец (Mn) ва алюминий (3,5% гача), кремний (1,5% гача), углерод, олтингугурт аралашмалари бўлади. Н. учун 1905 йили АҚШда А. Марш патент олган. Таркибида Fe миқдори 20% дан ортиқ бўлган Н. ферронихром деб аталади. У Н. дан арзон, лекин пастроқ т-рага чидайди. Н. нинг оловбардошлиги жуда юқори (1250°С гача), солиштирма электр қаршилиги ҳам анчагина юқори (1,05—1,4 *мком. м*). Қаршилик элементлари, юқори т-рали шароитда ишлайдиган деталлар, баъзан, *реостатлар* тайёрлашда ишлатилади. СССРда Х20Н80-Н, ХН70Ю маркали Н. лар ишлаб чиқарилади (яна қ. *Никелли қотишмалар*).

НИЦЦА — Францияниг жанубий қисмидаги шаҳар. Денгиз бўйи Альп тоғлари департаментининг маъмурий маркази. Ўрта денгиз бўйидаги порт. Транспорт йўлларининг муҳим узели. Ғарбий Европадаги энг йирик курорт ва туризм марказларидан. Аҳолиси 322,4 минг киши (1968). Парфюмерия, тўқимачилик, озиқ-овқат, электротехника ва б. саноат корхоналари бор. Гулчилик ва мевачилик ривожланган. Н. қадимда Сардиния қироллиги (Италия) таркибидаги Ницца графлигининг пойтахти бўл-




Нишон намуналари: *1* — дорравий нишон; *2* — шартли бомба ташлаш учун кўчма радиолокацион нишон: *а*—автомобиль кузови, *б*—радиотўлқинларни қайтарувчи юзалар; *3* ва *4* — фигурали нишонлар; *5*—нишон-самолёт: Норд СТ-20 (Франция): *а* ва *б* — антенналар; *в* — радиоаппарат блоклари, *г* — асосий парашют контейнери, *д* — тормоз парашюти, *е* — турбореактив двигатель, *ж*— ёнилғи блоки, *з*—аккумулятор, *и* — ҳаво билан шириладиган қўниш қайиғи; *б* — денгизда отиш учун сузувчи артиллерия шчити.

ган. 1860 йилдан Франция таркибида. Музейлар, ун-т (1965 йилдан), киностудия бор. 17—18-а. архитектура ёдгорликлари сақланган. Н.— Ж. *Гарибальди*нинг ватани; Н. да А. И. *Герцен*нинг қабри бор.

НИЦШЕ (Nietzsche) Фридрих (1844. 15. 10, Саксония — 1900. 25. 8, Веймар) — немис философи; *волюнтаризм* ва *иррационализм* вакили, шоир. 1869—79 йилларда Базель ун-тида (Швейцария) филология проф. Н. субъектив идеализмни тарғиб қилган. Унинг философияси иродани ақлга қарши қўяди. Ирода табиат ва жамиятда ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисоблайди. Н. фикрича, тарихий ҳодисалар ҳам ҳокимиятга интилувчи айрим шахсларнинг иродасига боғлиқ. «Яшаш учун кураш», «ҳокимиятга интилиш»ни ривожланишнинг универсал ҳаракатлантирувчи кучи, деб ҳисоблайди. Н. ривожланиш тўғрисидаги назарияни рад этган. Н. халқ оммасини «пода», «тўда» ёки ҳукмрон синфларнинг хизматини бажарувчи қуллар, деб атаган. Н. юқори табақа, ҳукмрон синфларнинг ахлоқий бузуқлигини оқлаган. Унинг ирқий назарияси империалистик агрессорларга қўл келди. Н. философияси синфий қарамақаршилик авж олган, пролетариатнинг сиёсий активлиги ўсган, социалистик ғоялар кенг тарқалган даврда реакцион идеологияга дастак бўлди. Немис фашизми идеологлари ҳам Н. ғояларидан фойдаланди. Марксчи-философлар (Ф. Меринг ва Г. В. Плехановдан бошлаб) Н. ва ницшечиликни қаттиқ ва изчил танқид қилдилар.

Ад.: История философии, т. 3, М., 1959; Одуев С. Ф., Реакционная сущность ницшеанства, М., 1959; Одуев С. Ф., Тропами Заратустры (Влияние ницшеанства на немецкую буржуазную философию), М., 1971.

НИШ, ўсиш конуси — ўсимлик ўсувчи ўқ органлари (новда, илдиз)нинг конуссимон думалоқ учи, тўқималардан иборат (қ. *Ўсиш конуси*).



НИШ — Югославиядаги шаҳар. Сербия Социалистик Республикасида. Аҳолиси 127,7 минг киши (1971). Транспорт йўлларининг муҳим узели. Машинасозлик, тўқимачилик, кўн, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Н. дан 10 *км* жануби-шарқда машҳур Нишка-Баня бальнеологик курорти жойлашган. Шаҳар қадимги Рим давридан маълум. Тарихий ва арх. ёдгорликлари бор.

НИШБОШСОЙ — Тошкент областидаги сой. Қурама тизмасининг шимолий ён бағридан, денгиз сатҳидан 3550 *м* баланддаги унча катта бўлмаган қорликдан бошланади. Узунлиги 30 *км*, ҳавзасининг майдони 182 *км*². Юқори оқими Қашқасой, ўрта оқими Лашкараксой б-н қўшилгунга қадар Лояксой ва қуйи оқими Н. деб аталади. Юқори ва ўрта оқимида чуқур, ён бағирлари тик водийда оқади. Қуйи оқимида водийси бир оз кенгроқ, 2—3 кўҳна қайири (терраса) бор.

Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Уртача йиллик сув сарфи 2,44 *м*³/*сек*. Март — июнь ойларида суви кўпаяди. Бу вақтда сув сарфи 3,15 *м*³/*сек* дан 8 *м*³/*сек* гача ўзгариб туради. Умумий узунлиги 141 *км* бўлган 75 та ирмоғи бор. Энг йириклари: Кичик Қашқасой, Тўртқўл, Парак, Тераклн, Бешсандиқ ва б.

НИШОЛДА — ширинлик тури. Тайёрлаш усули: сирли идишга шакар ва сув солиб қайнатиб, қиём тайёрланади ва совитилади. Етмак (беҳ) ўсимлигининг илдизи тозаланади ва майдалаб сувда қайнатилади. Етмак қайнаб чиққандан сўнг, сувни докадан ўтказиб, мис қозон (ё сирли кострюлька)га солиб бир оз совитилади, бунинг устига тухумнинг оқи қўшилади ва *чилчўп* б-н аралаштирилади. Ҳосил бўлган оқ кўпикка оз-оздан қиём қуйилади ва чилчўп уриш узоқ давом эттирилади. Таъмини яхшилаш мақсадида қиёмга *лимон кислота* ва ванилин қўшилади. Н.да кристаллашган шакарнинг қумоқлашуви ва қиёмнинг кўпикдан ажралмаслиги Н. тайёр бўлганини кўрсатади. Тайёр бўлган Н. нинг ранги оппоқ бўлиб, махсус ёғоч куракчани ботирганда чўзилиб чиқади. 0,5 *кг* шакарга 0,5 *л* сув, чой қошиқда лимон кислота ва ванилин, 2 та тухумнинг оқи, 20 *г* етмак (беҳ) керак.

Ад.: Маҳмудов К., Узбек таомлари, Т., 1970.

НИШОН (форс-тож. نشان — белги) — отиш учун мўлжалга олинадиган табиий ёки сунъий белги. Отиш қуроллари учун доира (спортда) Н. (1-расм) ва турли фигурадаги Н. лардан (3—4-расмлар), шунингдек артиллериядан отиш каби машқларда ҳам фигурали Н. лардан (2—3—5-расмлар), ҳам турли мудофаа иншоотлари (окоп, блиндаж ва ҳ. к. лар)дан фойдаланилади. Ҳаводаги отиш машқларида Н. парашютларни сим б-н самолётга боғлаб қўйилади. Денгизда эса сузиб юрувчи вертикал артиллерия шчитларидан (6-расм) фойдаланилади. Бу Н. лар сузиб юрувчи, ҳаракатсиз, кўриниб ва чўкиб турадиган бўлиши ҳам мумкин.

НИШОН (медицинада) — одамнинг бирор ташқи аъзоси нуқсони (мас., лаб тиртиқлиги, бармоқнинг камлиги).

НИШОН — Қашқадарё обл. Нишон р-ни Нишон қ. С. даги қишлоқ. «Нишон» с-зи терр-ясида. Яқин т. й. станцияси — Нишондан 1 *км*. Аҳолиси 3618 киши (1971); чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқлардан сув ичади. Ўрта



Нишон райони. Нишон наслчилик заводи яйловларида.

мактаб, клуб, касалхона, алоқа бўлими ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

НИШОН РАЙОНИ — Қашқадарё областидаги р-н. 1975 й. 6 мартда ташкил этилган. Областнинг Қарши, Ульянов, Ғузор, Деҳқонобод, ТуркмССР нинг Керки ва Хўжамбаз р-нлари б-н чегарадош. Майдони 2,59 минг *км*². Аҳолиси 40 минг киши (1975). Р-нда уч қ. С. (Нишон, Қовчин, Пахтазор), 1 ш., 1 посёлка Совети бор. Р-ц маркази — Янгинишон посёлкаси.

Табиати. Р-н терр-яси Қашқадарё воҳасининг жанубида, Қарши чўлида жойлашган. Терр-ясининг асосий қисми чўл, қир ҳамда адирлардан иборат. Бу ерда Нишон, Гулбодом, Ғовур, Қаптарли, Ойдин каби чўл ва яйловлар мавжуд. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 14,8°. Январнинг ўртача т-раси 0,2°, минимал т-раси — 20°—25°, июлники 28,8°, максимал т-ра 30°—48°. Вегетация даври 230 кун. Йиллик ёғин 180—220 *мм*. Р-н терр-яси орқали Қарши магистраль ва Ульянов каналлари ўтади. Бу ерда республикада энг йирик Таллимаржон сув омбори қурилмоқда. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқлар.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; украинлар, белоруслар, татарлар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² да 15,4 киши.

Хўжалиги. Р-нда (Чорагил қишлоғида) табиий газ конлари мавжуд. Бетон з-ди, «Қаршистрой»нинг насос станциялари бошқармаси, «Гидрострой», «Дренажстрой» трестлари, 3 автотранспорт колоннаси, 6 та аҳолига хизмат кўрсатиш уйи ва б. бор. Қ. х. р-н хўжалигининг негизидир. Пахтачилик ва чорвачилик қ. х. нинг асосий тармоқларидир. Қ. х. да фойдаланиладиган ерларнинг 28 минг гектари суғорилади. Бу ерларнинг 20 минг гектарида пахта экилади (1975). Сабзавот ва боғдорчилик ҳам муҳим ўрин тутади. Экин майдонлари Амударёдан насослар орқали суғорилади. Р-н хўжаликларида 100 минг қўй, 4100 қорамол (шундан 849 сигир) бор.

1975 йилда давлатга 35200 *т* пахта, 5634 *т* ғалла, 1861 *т* сабзавот, 95 *т* мева, 1214 *т* гўшт (тирик вазнда), 1 млн. 930 минг дона тухум, 49000 дона қоракўл тери, 1399 *т* сут, 36,3 *т* пилла сотилди.


Р-н терр-ясини Катта Ўзбекистон тракти кесиб ўтади. Автомобиль йўлларининг узунлиги 200 *км*. Қарши-Нишон, Таллимаржон — Дўстлик — Хўжамбаз маршрутлари бўйлаб автомобиллар қатнайди. Р-н терр-яси орқали Москва — Душанба поезди ўтади.





1. Дўстлик пахта пункти. 2. Ч. Бегимқулов номли совхознинг сут-товар фермаси.

11 умумий таълим мактаби ва 2 музика мактабида 8 минг бола ўқийди (1974/75). 20 кутубхона, 10 киноустановка, 11 клуб ишлаб турибди. 3 касалхона, поликлиника ва 20 медпунктда 21 врач ва 78 ўрта медицина ходими ишламоқда. 11 болалар боғча ва яслисида 1483 бола тарбияланаётир (1975).




1. Янгинишон посёлкасининг умумий кўриниши. 2. Ч. Бегимқулов номли совхоз посёлкаси. 3. Янгинишон посёлкасининг кўчаларидан бири. 4. Ч. Бегимқулов номли совхоздаги F. Ғулом номли ўрта мактаб. 5. Янгинишондаги болалар боғчаси.




Нишонов Б.



Нишонов Б. тайёрлаган ва безаган лаган.



Нишонов Х



Нишопур. Умар Хайём мақбараси.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Р. Аҳмедов, С. Бойқулов шу р-ликдир.

НИШОНЛИ АТОМЛАР — қ. *Изотоп индикаторлар.*

НИШОНЛИ БИРИКМАЛАР СИНТЕЗИ — молекуласи таркибидаги атомларининг бири ёки бир нечтаси ўша элементларнинг табиий изотоплари таркибидан ўзгача бўлган кимёвий бирикмалар синтези. Нишонли бирикмалар таркибида барқарор ва радиоактив изотоплар бўлиши мумкин. Улар физика, кимё, биология, медицина, қишлоқ хўжалигида ва техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилиб келмоқда. Кўпинча нишонли бирикмалар тайёрлаш учун Д (дейтерий), Т (тритий), ^{13}C, ^{14}C, ^{15}N, ^{18}O, ^{32}P, ^{35}S, ^{36}Cl, ^{79}Br, ^{81}Br, ^{82}Br, ^{131}I лар ишлатилади. Нишонли бирикмалар, асосан, кимёвий синтез, *изотоп алмашуви* ёки *биосинтез* йўли б-н олинади.

Нишонли бирикмалар шу номли одатдаги (нишонсиз) бирикмалар каби синтезланади. Бунда ҳам препаратив кимёнинг асосий методларидан фойдаланилади, лекин хавфсизлик техникасига алоҳида эътибор берилиши керак. Н. б. с. дан аввал бажариладиган ишлар (дастлабки моддани тежаш йўллари, тажрибанинг ҳажми ва ҳ. к.) пухта ўйланган ва яхши тайёрланган бўлиши лозим. Н. б. с. нинг энг қулай усулларидан бири шуки, зарур бирикма «нишонсиз» ҳолатда тайёрланади, сўнгра таркибидаги маълум элемент, заруратга қараб, «нишонли» изотопи б-н алмаштирилади. Бу метод изотоп алмаштириш методи дейилади. Изотоп алмаштириш методи ёрдамида Д, Т ва ^{18}O б-н нишонланган бирикмалар олиш мумкин.

Таркибида Т, ^{14}C ва ^{35}S бор нишонли бирикмалар б-н ишлашда жиддий эҳтиёткорлик талаб этилмайди, чунки бу изотоплар емирилишидан ҳосил бўладиган β= зарралар у қадар кучли таъсир этмайди. Лекин γ= актив изотоплари бор Н. б. с. да эҳтиёткорликка жиддий эътибор бериш керак. ^{32}P б-н ишлашда мисдан ёки органик шишадан ясалган (8 *мм* қалинликдаги) тахта, дистанцион манипуляторлардан фойдаланиш лозим.

Нишонли бирикмалар *изотоп индикаторлар* сифатида айниқса кенг қўлланилади.

Лд.: Гайсинский М. Н., Ядерная химия и её приложение. М., 1961; Санитарные правила работы с радиоактивными веществами и источниками ионизирующих излучений, 2 изд., М., 1963.

НИШОНОВ Бобожон (1930, Фарғона обл. Риштон қишлоғи) — кулол, Ўзбекистон ССР халқ рассоми (1973). Кулолликни болалигида отаси Нишонбой Зойировдан ўрганган. Риштонлик кулолларнинг «Янги ҳаёт» артелида 1941 йилдан кулол, рассом, 1970 йилдан Риштон керамика з-дида рассом, 1972 йилдан бош рассом. Н. ишлаган ва сирлаб безаган сопол идиш ва бадиий буюмлар кўпгина халқаро кўргазмаларда, Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш қилинган, Ўзбекистон ССР санъат музейида сақланади.

НИШОНОВ Ҳотам (1913, Фарғона обл. Фарғона р-ни Миндон қишлоғи) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор (1972), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957), 1957 йилдан КПСС аъзоси. Фарғона обл. Фарғона р-нидаги «Коммунизм» к-зида колхозчи (1930—39), Совет Армияси сафида (1940—43), яна «Коммунизм» к-зида пахтачилик бригадаси бошлиғи (1943 йилдан). Н. бошлиқ бригадада гектаридан 40 *ц* дан пахта етиштирилган (1956). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НИШОПУР — Эроннинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Хуросон остонида. Аҳолиси 35 минг киши (1971). Озиқ-овқат ва кўн саноати корхоналари бор. Н. орқали Машҳад — Теҳрон т. й., автомобиль йўли ва нефть қувури ўтган. Керамика буюмлари ишлаб чиқарилади. Суғорма деҳқончилик (пахта, мойли ўсимликлар, мевачилик, токчилик, чорвачилик) қилинадиган қ. х. р-нининг маркази. Н. яқинидан феруза қазиб олинади. Н. га 3- аср ўрталарида асос солинган. Н. номи Шопур I (ёки Шопур II) исми б-н боғлиқ. 650 йилда уни араблар эгаллаган. 9- асрда Тоҳирийлар давлатини, 10- асрда Сомонийлар давлатининг Хуросон нойблиги пойтахти. 9—12- асрларда Форс, Кермон, Хуросон, Гургон ва Синд моллари учун йирик бозор бўлган. 11—12- асрларда салжуқийларнинг қароргоҳларидан бири. 1153 йили уни *ўғузлар* вайрон қилган. 1221 йилда мўғуллар Н. нинг барча аҳолисини қатл этган. 14—15- асрларда шаҳар қайта тикланган. 16- асрдан таназзулга учрай бошлаган. Афғонлар ҳужумидан сўнг (1722) кичик шаҳарга айланиб қолган. Н. да *Умар Хайём* ва *Фаридуддин Аттор* яшаб, ижод қилган ва шу ерга дафн этилган. 1963 йилда Умар Хайёмнинг қабрига мақбара қурилган.

НИШОПУР ТОҒЛАРИ — Эроннинг шимолий-шарқий қисмидаги тоғлар. Туркманистон-Хуросон тоғларининг жанубий тармоғи. Шимолий-ғарбдан жанубий-шарққа тахм. 350 *км* чўзилган. Ўртача баландлиги 3000 *м*. Энг баланд жойи — Кенгзошк чўққиси — 3314 *м*. Бир неча тизмадан иборат. Улар бир-биридан кенг ясси водийлар, ботиқлар б-н ажралиб туради. Н. т. Гўрган — Машҳад ботиқлари орқали Копетдоғдан ажралган. Иссиқ сувли булоқлар, феруза конлари бор. Тоғ этаклари чўл, ён бағирлари чала чўллардан, юқори қисми тоғ даштларидан иборат.

НИШОТИЙ (тахаллуси; исми Муҳаммадниёз, 18- аср) — ўзбек шоири. Н. нинг таржимаи ҳолига оид маълумот сақланмаган. У. Хива ва Бухорода яшаган. Шоир ўзининг ғазал ва муҳаммасларида инсоний ҳис-туйғулари, севги, муҳаббат, вафо ва садоқат мотивларини куйлаган. Н. «Ҳамса» яратган устозларига юксак баҳо бериб, айниқса Навоий бадиий маҳоратини улуғлаган, уни ижодда қўёшга тенглаштирган. Шоирнинг адабий меросидан «Ҳусну Дил» достонигина сақланган (1771). Достон 15584 мисра, 62 бобдан иборат. Қириш қисмида табиат, инсон ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар ёритилади. Дастлабки бобларда шоирнинг ер, сув, осмон, офтоб, табиат, ҳаёт, инсон (1—5- боблар), ёр-диёрга муносабати, сўз санъати ва унинг қадр-қиммати (8- боб) ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари, ҳис-туйғулари акс этган. Н. ўз достонида абадий ҳаётга етиш мумкинми деган масалани ечмоқчи бўлади. Шоирнинг бадиий тафаккурича, коинотдаги бутун мавжудот ишқ б-н боғланган. Ундаги ҳаракат, ҳатто қарама-қарши бўлган ўт-сувнинг бирлашуви, табиат ҳодисалари ва гўзаллиги, жамиятдаги ҳаракат ва ривожланиш, юксалиш ишқдан иборат бўлиб, ишқнинг манбаи ёки самараси гўзаллик, ҳусндир. Достоннинг бош қаҳрамони Фуод (Дил) олижаноб фазилатларга эга бўлган, фидокор, халққа садоқатли кишидир. Фуоднинг маъшуқаси Ҳусн ўзининг исми-жисми ва маънавий ҳаёти б-н эркинликка эришган, ҳаёва одобнинг энг олий намунасини ўзида мужассамлантирган аёл образидир. Шунингдек, Ақл, Назар, Ишқ, Хаёл, Ноз, Меҳр, Вафо, Қайғу, Сабр, Андуҳ, Қомат, Фахр, Номус ва б. образларида кишилардаги турли хусусиятлар ифодаланади. Достон Ҳусн ва Дилнинг қовушиши, тўй тантанаси б-н тугалланади. Шоир нурнинг қоронғулик устидан, эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалаба қозонишини олқишлайди. Н. достонда 50 га яқин образ бериб, бу образлар орқали ҳаётдаги кишилар характерини, ҳодисаларга бўлган муносабатини, курашини тасвирлаб, кишиларни тотувликка ва тинчликка чақиради. Н. нинг «Ҳусну Дил» достони ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. № 1198, 7013, 1997, 1117, 1666, 1027) да, Алишер Навоий номидаги адабиёт музейида (инв. № 156), Самарқанд Давлат ун-ти кутубхонасида (инв. № 21828) сақланмоқда.

Ас.: Нишотий, Т., 1967.

Лд.: Абдуллаев В., Хоксор ва Нишотий, Самарқанд, 1960; Абдуллаев В., Узбек адабиёти тарихи, 2- нашри, 2- китоб, Т., 1967.

НИШТАДТ СУЛҲ ШАРТНОМАСИ (1721) — Россия б-н Швеция ўртасида тузилган шартнома. 1721 й. 30 августда имзоланиб, *Шимолий уруш* (1700—21)га якун ясаган. Н. с. ш. га кўра, Лифляндия (Рига б-н бирга), Эстляндия (Ревель, Нарва б-н бирга), Карелиянинг бир қисми (Кекс гольм б-н бирга), Ингерманландия (Ижор ери), Эзель ва Даго оролларирассияга ўтди. Рус қўшинлари томонидан босиб олинган Финляндия ерларининг кўп қисми Швецияга қайтарилди, Россия Швецияга 2 млн. ефимок миқдорида компенсация тўлади, ҳар икки давлат ўртасидаги савдо муносабатлари тикланди, Швеция Россиядан ҳар йили 50 минг сўмлик буғдойни божсиз сотиб олиб кетиш ҳуқуқига эга бўлди. Швеция аввал эгаллаб олган ерлар Н. с. ш. бўйича Россияга қайтарилиши Россиянинг Болтиқ денгизига чиқишини мустаҳкамлади.

НИШТАР — қ. *Ланцет, Скальпель.*

НИҚОБ — 1) театр, бал, маскарад, карнавал ва ш. к. да юзга кийиладиган (одам, ҳайвон, афсонавий махлуқ башараси ва б. тасвиридан иборат) махсус қоплама. Н. ҳар хил материаллардан ясалади. Қадимдан овда, турли маросимларда қўлланилган. Кейинчалик юнон, рим, ҳинд, индонез ва б. халқлар театрларида кенг фойдаланилган. Ўрта Осиё халқлари театрида ҳам Н. қадимдан турли саҳна образлари яратиш воситаларидан бўлган. Ўзбекистонда археологик қазишмалар натижасида Афросиёбдан (1- аср) тўрт актёрнинг қўлида Н. ушлаб турган тасвири, Тупроқ қалъадан (3- аср, Хоразм) масхарабоз ниқоби топилган; 2) карнавал ва маскарад қатнашчилари махсус кўзга боғлайдиган кўриш тешиклари бўлган боғлагич; 3) қиличбозлик ва ш. к. мусобақаларда юзга тутиладиган қалқон.

НИҚОБЛАШ, маскировка — душманни чалғитиш учун кўриладиган тадбир. Н. ҳақиқий объектларни яшириш ва сохта объектлар қуриш, ҳарбий объектларнинг ташқи белгиларини ўзгартириш, ёлғондакам ҳаракатлар қилиш, радиотехника воситалари б-н махсус шовқин тарқатиш, қўшин, бошқарув пунктн, ракета ва артиллерия қисмлари, фронт орқаси объектлари ва бошқаларни даврий р-нлаштириб туриш йўллари б-н амалга оширилади. Н. узоқ тарих давомида қўлланилиб келинган. Лекин махсус тадбирлар системаси сифатида *Биринчи жаҳон уруши* (1914—18) даврида вужудга келган. Қўшин ва объектларни техникавий Н. нинг асосий воситалари: ниқобловчи кийим, ниқобловчи бўёқ, ниқобловчи ўсимликлар, ёруглик, тутун ва бошқалардир. Радиотехникавий ва радиолокацияга қарши Н. лар техникавий Н. нинг асосий тури ҳисобланади.

НОБЕЛИЙ (Nobelium), No — *актиноидлар* оиласига мансуб сунъий радиоактив кимёвий элемент. Ат. н. 102. Стокгольмда (Швеция) халқаро олимлар группаси 1957 йилда Н. атоми олинганлигини эълон қилди ва уни Нобель номи б-н аташни тавсия этди. Лекин Н. нинг масса сони 251—256 бўлган изотопи ҳақидаги ишончли маълумотлар Дубна шаҳрида У. Н. Флёров бошчилигидаги бир группа совет физиклари томонидан олинди. Совет олимларининг хулосалари тўғри бўлиб чиқди. Улар 102-элементни Фредерик *Жолио-Кюри* номи б-н «Жолиотий» деб аташни таклиф этдилар. 102-элементнинг ҳозирга қадар умум томонидан эътироф этилган номи йўқ.

НОБЕЛЛАР — швед ихтирочи ва саноатчилари. Эммануэль Н. (1801. 24. 3.—1872. 3. 9) — сув ости миналари ихтирочиси. 1842—59 йилларда Петербургда яшаган, у ерда механика з-дига асос солган. Қрим уруши вақтида (1853—56) рус армиясини мина б-н қуроллантирган. Альфред Берихард Н. (1833. 21.10, Стокгольм,— 1896. 10.12, Сан-Ремо, Италия) — *Нобель мукофоти* таъсис қилиш ҳақида васият қилган. Эммануэль Н. нинг ўғли. Россияда Н. Н. Зинин ва В. Ф. Петрушевскийларнинг нитроглицерин технологияси ва унинг амалда қўлланишига оид ишлари б-н танишади. 1867 йилда динамит тайёрлашга Англиядан патент олган. Динамит ишлаб чиқарадиган корхона эгаси. Кўп мамлакатларда динамит ишлаб чиқариш ф-калари қурган. Лондон Қироллик жамияти ва Швеция ФА аъзоси. Людвиг Н. (1831. 27.7,—1888. 12.4,) — корхона эгаси, станоклар конструктори, Рус техника жамиятининг аъзоси. Эммануэль Н. нинг ўғли Петербургдаги отаси асос солган корхонани «Людвиг Нобель» (ҳозирги «Русский дизель») номли йирик машинасозлик з-дига айлантирди. 1871 йилда ака-укалари Роберт ва Альфредлар б-н биргаликда Бокуда нефть саноати корхонасига (1879 йилдан ака-ука Нобеллар ҳамкорлигига) асос солган. Кейинчалик бу корхона Россияда йирик нефть фирмасига айланди. Эммануэль Н. (1859. 22.6,— 1932. 31.5),— Людвик Н. нинг ўғли Ака-ука Нобеллар ҳамкорлигини, «Людвиг Нобель» жамияти ва б. корхоналарни бошқарган (1888—1917). 1918 йилда Швецияга кетган.

НОБЕЛЬ МУҚОФОТЛАРИ — ҳар йили бериладиган халқаро мукофот. Швециялик инженер, кимёгар, ихтирочи ва саноатчи, шу мукофотнинг таъсис этувчиси Альфред Берихард Нобель номи б-н аталган (қ. *Нобеллар*). Нобелнинг васиятига кўра, унинг вафотидан кейин қолган капитал асосида Нобель фонди ташкил этилди; шу фондга ҳар йили келадиган даромад 5 қисмга тенг бўлиниб, Н. м. шаклида физика, кимё, физиология ёки медицина соҳасидаги кашфиётлар, бадиий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берилади. 1968 йилда Швеция давлат банки ўзининг 300



Нишотий. Рассом Н. М. Қўзибоев, 1968.



Қадимги ниқоб. Хоразм. 3- аср.

йиллиги муносабати б-н экономика фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча Нобель мукофотини таъсис этган. Н. м. А. Нобель тасвири туширилган ва тегишли ёзуви бўлган олтин медалдан, дипломдан ва миқдори Нобель фондидаги даромадга боғлиқ (одатда 30 дан 70 минг долларгача) бўлган маблағдан иборат.

Н. м. ни бериш вазифаси Нобелнинг васиятига кўра, Стокгольмдаги Қироллик ФА га (физика, кимё, иқтисод фанлари бўйича), Стокгольмдаги Қироллик медицина-хирургия ин-тига (физиология ёки медицина бўйича) ва Стокгольмдаги Швеция академиясига (бадиий асарлар бўйича) топширилган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Н. м. ни Норвегия парламентининг Нобель комитети аъзолари беради.

Н. м. га номзодлиги кўрсатилган шахсларнинг ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, бу мукофотлар мазкур фан соҳаларида эришилган энг катта ютуқлар учун берилади. Тинчлик мукофотидан ташқари ҳамма мукофотлар фақат индивидуал тартибда ва бир марта берилади. Нобель мукофоти мустасно сифатида М. Склодовская-Кюри (1903 ва 1911), Л. Полинг (1954 ва 1962) ва Ж. Бардин (1956 ва 1972) га икки мартадан берилган. Вафот этганларга Нобель мукофоти берилмайди. Н. м. нинг ҳар тури тўғрисидаги низом б-н белгиланган шахсларгина Н. м. га номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга (мас., Н. м. лауреатларининг шундай ҳуқуқи бор). Қироллик ФА ва Қироллик медицина-хирургия ин-ти мукофотга номзод кўрсатадиган шахсларни ҳар йили келаси йил учун махфий равишда танлайди.

Н. м. топшириш тантанаси Стокгольм ва Ослода Нобель вафот этган кунда (10 декабрда) ўтказилади. Биринчи марта 1901 йилда топширилган. Нобель мукофотини 1901—73 йилларда 311 киши олган. Йирик совет олимлари — Н. Н. Семёнов (кимёгар, 1956), П. А. Черенков, И. М. Франк, И. Е. Тамм (физиклар, 1958), Л. Д. Ландау (физик, 1962), Н. Г. Басов ва А. М. Прохоров (физик, 1964), шунингдек ёзувчи М. А. Шолохов (1965) Нобель мукофоти олишга муяссар бўлган.

Н. м. асосан фан, техника, адабиёт ва санъатдан буюк ютуқлар учун берилади, аммо шу б-н бирга социалистик мамлакатлардаги етакчи олимлар ва буюк санъаткорларнинг хизматларини баҳолашда баъзан нообъективликка йўл қўйилмоқда. Н. м. дан антисоветизм ва антикоммунизм мақсадларида фойдаланиш ҳоллари учраб туради.

Ад.: Шейдин Л., О Нобелевских премиях, «Проблемы и социализма», 1976, № 2.

НОБИЛЕ Умберто (1885) — итальян дирижаблсози ва қутб тадқиқотчиси. Турли типдаги дирижабларни яратган. Р. *Амундсен* экспедициясининг ўзи лойиҳалаган «Норвегия» дирижаблида командир бўлган (1926); «Италия» дирижаблида Шимолий қутбга уюштирилган экспедицияга раҳбарлик қилган (1928). Дирижабль Шимолий қутб р-нида (Шпицберген яқинида) ҳалокатга учраган. Н. ва унинг ҳамроҳларини қутқаришда совет музёрари «Красин» қатнашган.

Н. 1932—36 йилларда Москвада етакчи дирижаблсоз конструкторлардан бири сифатида ишлаган. 1939 йилда АҚШга кетган, 2-жаҳон урушидан кейин Италияга қайтиб, Неаполдаги ун-тда дарс берган.

НОВ — сув чиқариш, экинларни суғориш, ёғоч оқизиш, балиқ ўтказиш ва ш. к. мақсадлар учун ишлатиладиган энсиз, қия сунъий канал, ариқча. Илгари (баъзи жойларда ҳозир ҳам) чархпалакда чиқарилган сув Н. орқали экинзорларга юборилган. Ёғоч оқизиш нови ёғочларни битталаб ва кўплаб оқизиш, гидроиншоотдан ўтказиш учун мўлжалланади. Балиқ ўтказиш нови тўсиқсиз ва қарши оқимли бўлади. Тегирмон тоши ва ГЭС турбиналарини айлантириш, молларга сув бериш ва экинларни суғоришда ишлатиладиган Н. лар ҳам бор.

НОВ — ТожССР Ленинобод областидаги шаҳар типидаги посёлка (1944 йилдан). Нов р-ни маркази. Шимолий Тожикистонда. Т. й. яқинида. Аҳолиси 9,6 минг киши (1972). Посёлкада пахта тозалаш ва ремонт механика з-длари, ун к-ти, механикалаштирилган карьер ва б. саноат корхоналари бор.

НОВ — Тошкент обл. Янгийўл р-ни Абдулла Ортиқов қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Ўзбекистондан 1 *км*. Аҳолиси 995 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қорасувдан сув ичади.

НОВ — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Хуфар қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 54 *км*, яқин т. й. станцияси — Деновдан 48 *км*. Аҳолиси 532 киши (1971); ғаллакорлик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Сангардак дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

НОВАДОН АРИҒИ — Самарқанд шаҳрининг энг қадимги сув манбаларидан бири. Шаҳар терр-ясини шимолдан жанубга кесиб ўтувчи Н. а. булоқ сувидан ҳосил бўлган. Умумий сув дебити секундига 72 *л* га тенг бўлиб, қадим замонларда ҳозирги шаҳар терр-ясига аҳоли келиб ўрнашиши ва Самарқандининг барпо этилишида муҳим ҳаётбахш роль ўйнаган. «Самария» номли тарихий асарда Новадон — Самар (Самарқанд) шаҳрида бино қилинган қадимги чашма деб тасвирланади. Манбаларда кўрсатилишича, Н. а. дан чиқарилган махсус ариқ орқали мил. ав. 5—4-асрларда Афросиёбга сув олиб келинган. Илк ўрта асрларда Н. а. «Чокардиза» номи б-н машҳур бўлган. Ундан сув шаҳарга *Жуйи Арзиз* орқали олиб ўтилган. Эҳтимол бу сув иншоот туфайли Самарқандининг қадимги сув манбаи — Новадон, яъни «Новали» номини олган.

Ад.: Абу Тахир-Хаджи, Самария. Сочинение Абу Тахир-Хаджи, СПб, 1904.

НОВАРСЕНОЛ (Novarsenolum), неосальварсан — захмга қарши дори. Таркибида органик бирикма шаклида 20% гача мишьяк бор. Оч сариқ порошок; сувда эрийди. Захмдан ташқари, қайталама тиф, ўпка абсцесси ва гангренаси, гингивит, ярали *стоматит, бруцеллёз* ва б. касалликларни даволашда ишлатилади.

НОВАТОРЛИК (лат. novator — қайта қурувчи, янгиловчи, ихтирочи) — кишиларнинг яратувчилик фаолиятида янгиликнинг пайдо бўлиши, кишилар ижодий қобилиятининг меҳнатдаги ифодаси.

Социализм кишиларнинг ўз ижодий қобилияти ва талантларини намоён қилиши учун кенг имкониятлар яратади. «Меҳнаткашларнинг эксплуататорлар учун эмас, балки ўзи учун, ўз жамияти учун ишлаётганини англаши,— дейилади КПСС Программасида,— меҳнат ғайратини, новаторликни, ижодий ташаббусни, оммавий социалистик мусобақани келтириб чиқаради».

Меҳнат новаторлиги меҳнат унумдорлигини ошириш, илмий-техника прогрессини жадаллаштиришнинг битмас-туганмас манбаи сифатида катта социал-иқтисодий аҳамият касб этади. Н. социалистик мусобақа, унинг олий формаси — меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракатининг манбаидир, у меҳнаткашларнинг маданий-техник савиясини кўтаришга, малакасини оширишга ёрдам беради.

СССРда Н. ҳаракатининг вужудга келиш ва ривожланиш тарихи *зарбдорлик*нинг пайдо бўлиши б-н бевосита боғлиқ. Биринчи беш йилликларда четдан саноат маҳсулотлари келтиришни қисқартишга ва корхоналарни техника б-н қайта таъминлашга (қ. *Ихтирочилик, Ишлаб чиқаришни рационализациялаш*) имкон берадиган янги ишлаб чиқариш тармоқларини, жорий қилиш мақсадида рационализаторлик бригадалари, техник мустақиллик бригадалари ташкил этилди. Н. нинг ривожланишидаги муҳим давр *А. Стаханов* номи б-н боғлиқ. *Стахановчилик ҳаракати* (1935) меҳнатни янгича ташкил этиш, технологик процессларни рационализациялаш, ишлаб чиқаришда меҳнатни тўғри тақсимлаш, малакали ишчиларни тайёрлов ишларидан озод қилиш, иш жойини яхши ташкил этиш кабиларда намоён бўлди.

Социалистик Н. ҳозирги даврда ишчиларда ижодкорликни кучайтиришда муҳим роль ўйнаётган илмий-техника рев-яси шароитида ривож топмоқда. 60—70-йиллардаги Н. ташаббуси коллективлик шаклида рўй бермоқда. Саратов машинасозларининг нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқариши (1963), Свердловск ва Рибинск меҳнаткашларининг НОТни жорий қилиши (1967), Ғарбий Сибирь металлургия з-ди ишчиларининг лойиҳа қувватини муддатидан илгари ишга туширириши (1968) каби ташаббуслари кенг шуҳрат қозонди. Оммавий-техник Н., ихтирочилик ва рационализаторлик саноат, қ. х., қурилиш, транспортда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг кучли дастаги бўлиб хизмат қилади.

Меҳнаткашларнинг ижодий ташаббуслари Н. ни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг янги формалари: корхоналарда новаторларнинг маслаҳатлари, конструкторлик ва технологик жамоат бюролари, ижодий комплекс бригадалар кенг ёйилди. Н. ҳаракатини ривожлантиришда 6,5 млн. аъзоси бўлган (1973) Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамияти катта роль ўйнамоқда. Н. ни, меҳнаткашларнинг оммавий-техник ижодкорлигини ривожлантириш хўжалик, касаба союз, комсомол ташкилотларининг муҳим вазифасидир. Н. ни ривожлантиришда КПССнинг ташкилотчилик ва идеологик иши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Партия доимо оммани актив ижодий фаолиятга чорлайди, коллективда ижодкорлик муҳитини яратади, консерватизм ва турғунликка йўл қўймаслик учун муросасиз кураш олиб боради. Социалистик Н. кучининг бош манбаларидан бири ҳам шудир.

Зарбдорликнинг, стахановчиликнинг мукаммаллашган шакли, шахс камолотининг чўққиси ҳисобланган Н. намояндалари Узбекистонда ҳам кўп. СССР да Никита Изотов, Алексей Стаханов, Пётр Кривонос, Макар Мазай, Паша Ангелина ва Мария Демченколар биринчи беш йилликда Н. қилган бўлсалар, Ўзбекистонда Маннон Жалолов, Турсуной Охунова, Валентин Тюпко қолоқ бригадаларга бошчилик қилиб, қисқа вақт ичида бу бригадаларнинг ишини яхшилашга эришдилар. Миниглаб совет кишилари бу новаторлардан ибрат олди. Альбина Девятова, Шоймардон Қудратов, Лидия Казанцева, Мустақим Юсупов, Евгения Губина, Саид Нуриддинов, Абдураим Тўхтасинов, Хўжа Алиқулов ва б. новаторлар социалистик мусобақада етакчилик қилмоқдалар.

Н. бадиий ижодда, одатда, ҳаётнинг ўзида, куртак ҳолида бўлса ҳам намоён бўлган янги ғояларни ифода этишдан, янги кишилар тасвиридан бошланади ва бунинг натижасида санъат ва адабиётда ҳам туб ўзгаришлар юзага келади. Мас., 14—15-асрларда ўзбек адабиётида Н. илгаридан ўкмрон диний мавзулар ўрнига аста-секин инсоннинг фикр ва ҳисларини ифода этишга кўчишдан бошланди ва бунинг натижасида адабиётда аввал ғазал жанри (Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си), кейинроқ эса ишқий достон (Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайхо»си), фалсафий достон (Алишер Навоийнинг «Ҳайрат-ул-аброр»и), қаҳрамонлик достони (Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» асари) сингари янги жанрлар туғилди. Ҳаёт ва инсондаги салбий ҳодисаларни қоралашга эҳтиёж туғилиши натижасида адабиётда ҳажвия жанри пайдо бўлди.

Ф. Энгельс таърифича, янги мазмун маълум вақтгача эски шакл қобиғида яшайди ва кейинроқ ўзига мос янги шаклни топади. Демак, Н. ни даставвал бадиий асарнинг мазмунидан ахтариш керак. Мазмун ўз ифодаси учун фойдаланилган шаклда маълум сифат ўзгаришлари пайдо этади. М. Горькийнинг «Она» романи сиртдан қараганда, традицион реалистик роман шаклида ёзилган бўлса ҳам унда янги ижтимоий ҳодиса — социалистик онг б-н қуролланган революционерлар (Пелагея Ниловна, Павел Власов ва б.)нинг шаклланиш жараёни тасвир марказига қўйилгани учун асарда традицион романдан фарқли ҳолда, омма б-н шахс, муҳит б-н қаҳрамон муносабатлари тасвирида принципиал фарқлар ўз-ўзидан туғилади (Пелагея Ниловна, Павел Власов ва б. революционерлар ўз муҳитларига қарши қўйилмай, балки ишчи оммасининг ажралмас қисми сифатида тасвир этилади, сюжетда шу муҳит қудратининг намойиши бўлиб ўрин олади). В. Маяковский поэзиясида революцион пафос ва жуда кенг оммага мурожаат этиш натижасида минбардан айтилган нутқ, нотиқликка хос хусусиятлар мавжуд. Ҳамза Ҳакимзода шеъриятида ўтмиш ўзбек адабиётига хос бўлмаган сиёсий мотивлар ва оммага мўлжалланган соддалик пайдо бўлди. Ҳали кўпчилиги саводсиз бўлган оммага янги ғоялар б-н мурожаат этиш ва ҳаётдаги янги ҳодисаларни тасвир этиш зарурияти ўзбек адабиётида гражданлар уруши шароитидаёқ янги адабий шакл — *драматургия*нинг тез ривожланишига сабаб бўлди ва Ҳамза улуғ новатор сифатида майдонга чиқиб, адабиётнинг ижтимоий активлигини яна ҳам юқори даражага кўтарди.

Н. бир адабиётда бошқа, илғорроқ халқлар адабиётининг янги, яна ҳам мукаммалроқ шакл ва воситаларидан ижодий фойдаланиш асосида ҳам рўёбга чиқади. А. Қодирий аввал Европа-

да шаклланган ва ривож топган реалистик роман жанрининг тажрибасига суяниб, ўзбек адабиётида Н. ҳодисасига, романчиликка асос солди. «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари янги замон талаби ва янги мазмун тақозоси б-н ўзбек адабиётида туғилган янги шакл (роман)нинг намунасидир. Янги мазмун амалдаги эски шаклни сифат жиҳатидан ўзгартиришини Ғафур Ғуломнинг «Кўкан-батрак» ва «Кўкан-колхозчи» достонлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Янги ҳаётий ҳодисалар ва янги, халқдан чиққан қаҳрамон қиёфаси ва шоирнинг ўз тасвир воситаларини (бадиийликни пасайтирмаган ҳолда) соддалаштиришга интилиши достон жанрини бутунлай янгилаб юборди. Н. б-н традициялар орасида диалектик бирлик мавжуд. Аслида Н. янгиланган традициядир.

Ад.: КПСС XXIV съезди материаллари, Т., 1971; Новаторы, М., 1972; Социалистическое соревнование в промышленности СССР, М., 1973; Адабиётдаги Н. ҳақида: Тимофеев Л., Проблема традиции и новаторства в сов. лит-ре, в сб.: Вопросы теории лит-ры, М., 1950; Ауэзов М., О традиционном и новаторском, «Мысли разных лет» китобида, Алмаота, 1961; Юнусов М., Традиция ва новаторлик проблемаси, Т., 1965; Ершов Л. Ф., Русский сов. роман (Нац. традиции и новаторства), Л., 1967; Пархоменко М., Обновление традиций (Традиции и новаторства социалистич. реализма в укр. прозе), М., 1970; Авангардистские концепции и борьба вокруг проблемы художественного новаторства, «Теории, школы, концепции» тўпламида, М., 1975.

НОВАЯ ЖИЗНЬ («Янги турмуш») — большевикларнинг илк кундалик ошкора газетаси. 1905 йил 27 октябр (9 ноябрь) дан 3 (16) декабргача Петербургда рус тилида нашр этилган. Жами 28 сони чиққан. «Н. ж.» аслида РСДРПнинг марказий органи ҳисобланиб, бевосита В. И. Ленин раҳбарлигида нашр этилган (9-сонидан). Газета редакциясига В. И. Ленин, В. В. Воровский, А. В. Луначарский, М. С. Ольминский, П. П. Румянцев кирган. М. Горький фаол қатнашган. «Н. ж.» партия ташкилотлари ва революционерлар б-н яқиндан алоқа боғлаб, ишчилар орасида кенг шуҳрат қозонди. Унда В. И. Ленининг 14 мақоласи, жумладан «Партия ташкилоти ва партия адабиёти», «Қўшин ва революция», «Пролетариат ва деҳқонлар», «Социализм ва дин» каби мақолалари босилган. «Н. ж.» 2-сонидан бошлаб Туркистондаги революцион ҳаракатни кенг ёритди. Унинг деярли ҳар бир сонида Тошкент, Ашхобод, Қўқон, Қизил Урда, Мари ва б. шаҳарлардан материаллар берилган. Газета Туркистон революционерларини ҳам назарий қуроллантиришда муҳим роль ўйнади. «Н. ж.»нинг 27 сонидан 15 таси мусодара қилиниди, 28-сони яширин чиқди. Тиражи 80 минг нусхага етган.

Ад.: Карелина М. Л., Большевистская газета «Новая жизнь» (1905 г.), М., 1955; Гринберг А. М., К истории первой легальной большевистской газеты «Новая жизнь» (1905), «Вопросы журналистики» тўпламида, Сб. статей, М., 1950; Акбаров А. И., Роль газеты «Правда» в победе социалистической революции в Туркестане, Т., 1968.

НОВАЯ ЗЕМЛЯ — Шимолий Муз океанидаги архипелаг. Баренц ва Кара денгизлари орасида; РСФСР Архангельск области таркибида. Маточкин Шар бўғози (эни 2—3 *км*) ажратиб турадиган 2 катта орол — Шимолий ва Жанубий ороллардан ва бир қанча майда ороллардан таркиб топган. Жануби-ғарбдан шимоли-шарққа 925 *км* чўзилган. Майдони 83000 *км²* дан ортиқ (Шимолий орол 48904 *км²*, Жанубий орол 33275 *км²* ва майда ороллар 1000 *км²*). Н. З. жанубда Кара Дарвозаси бўғози (эни 50 *км*) орқали Вайгач оролидан ажралиб туради.

Ғарбий соҳилининг қирғоқлари шарқий соҳилиникига қараганда анча кўп ўйилган.

Н. З. Урал-Пайхой бурмали областнинг шимолий давоми ҳисобланади. Палеозой даврининг ётқизиқларидан (қумтош, гилли сланец, конгломерат, оҳактош) таркиб топган бўлиб, кўп жойларда габбродиабаз, гранит интрузиялари ёриб чиққан. Музлик, делювий, денгиз, торф-ботқоқ ётқизиқлари кенг тарқалган. Н. З. ороллари бўйлаб тоғ тизмаси чўзилган (энг баланд нуқтаси Шимолий оролдаги Норденшельд қўлтиғи яқинида — 1547 *м*). Тоғларини дарё ва музлик водийлари ўйиб юборган. Жанубий оролнинг жанубий қисмида баландлик атиги 100—150 *м*. Ҳамма жойда кўп йиллик тўнгиб ётган музлоқ ерлар бор. Дарёлари кам (айниқса Шимолий оролда). Иқлими денгиз арктика иқлими, совуқ. Қиши узоқ ва совуқ (—40° гача), кучли шамол (тезлиги 40—50 *м/сек*) ва бўронлар бўлади. Мартнинг ўртача т-раси (энг совуқ ой) ғарбий қирғоғида —14° дан —17° гача, шарқий қирғоғида —19° дан —22° гача. Августнинг ўртача т-раси шимолида 2,5° дан жанубида 6,5° гача. Йилига 300—600 *мм* ёғин тушади. Шимолий орол майдонининг ярмига яқинини музликлар эгаллайди. Музнинг қалинлиги 300 *м* дан ортиқ.

Шимолий орол ва Жанубий оролнинг бир қисми арктика саҳроси зонасига киради, Жанубий оролнинг катта қисми тундра зонасида. Кўп жойлар ботқоқ. Баландроқ жойларда (200 *м* гача) йўсин-лишайник ўсади. Ягелзорлар бор. Тошёрар, момосирка, қутб кўкнориси каби гулли ўсимликлар ҳар иккала оролда ҳам учрайди. Тоғларда лишайник ва йўсин ўсади.

Н. З. да сут эмизувчилардан қутб тулкиси, лемминг, шимол буғуси, оқ айиқ; денгизларда нерпа, денгиз қуёни, гренландия тюлени, морж, белуха, треска, сельдь бор. Ёзда балиқчи; кайра, чистик, ғоз, гага каби қушлар учиб келади.

НОВАЯ КАХОВКА — УССР Херсон областидаги шаҳар. Днепр дарёси чап соҳилидаги порт. Каховка т. й. станциясидан 6 *км*. Аҳолиси 45 минг киши (1974). Одесса инженерлик-қурилиш ин-тининг умумий техника ф-ти, 3 техникум бор. Н. К. 1952 йилда Каховка ГЭС қурилиши муносабати б-н вужудга келган.

НОВАЯ СИБИРЬ ОРОЛЛАРИ — Лаптевлар ва Шарқий Сибирь денгизлари орасидаги архипелаг. Еқутистон АССРга қарайди. Майдони 38 минг *км²*. Новая Сибирь ёки *Анжу* (29 минг *км²*) ороллари; *Ляхов ороллари* (6,1 минг *км²*), *Де-Лонг ороллари*дан иборат. Ороллар мезозой бурмаланишида пайдо бўлган ва, асосан, палеозой оҳактошлари, мезозой сланецлари, қумтошлари ва отқинди жинслар — гранит, гранодиоритлардан таркиб топган. Тўртламчи давр аллювиал, кўл-аллювиал, денгиз ва музлик ётқизиқлари кенг тарқалган. Рельефи, асосан, аккумулятив текисликлардан иборат бўлиб, ўртача баландлиги 60—80 *м*. Улар орасида эрозион-денудацион платолар (100—150 *м*) учрайди. Платодаги қирларнинг энг баланд жойи 374 *м* (Котельний оролидаги Малакатин-Тас тоғи).

Н. С. о. иқлими нисбатан континентал Арктика совуқ иқлими. Қиш 7—8 ой давом этади, қор қоплами 9 ой эримай туради. Январнинг ўртача т-раси —28° дан —31° гача, июлники 1—3°. Йиллик ёғин 132 *мм* гача. Де-Лонг ороллари ҳозирги замон музликлари бор. Ер ости (қазилма) музликлари кенг тарқалган.

Н. С. о. да арктика тундраси ландшафтлари, айниқса полигонал олачалпоқ тундра ландшафтлари асосий ўрин тутади. Оддий чимли полигонал тупроқларда сийрак ҳолда тошёрар, лапчатка, қутб кўкнориси, йўсин ва лишайниклар ўсади. Шимол буғуси, бўри, қутб тулкиси, оқ айиқ, оқ куропатка, лемминг учрайди. Денгизларда моржлар, қояли қирғоқларда «қушлар бозори» бор.

НОВВОЙХОНА — турли хил нон маҳсулотлари ёпиладиган корхона. Майда ва йирик Н. лар бор. Майда Н. умумий овқатланиш корхоналари қошида очилиши мумкин. Ундаги деярли барча ишлар қўлда бажарилади, нон тандирда, электр ёки газ плиталарида ёпилади. Йирик Н. лар нон заводлари деб аталади. Булардаги деярли барча ишлар автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган (қ. *Нон ёпиш технологияси*).

НОВВОС — 2—3 ёшдаги эркак *бузоқ* (буқача).

НОВВОТ — рангсиз ёки сарғиш тусли ширинлик. Йирик қанд кристалларидан иборат. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Таркибида камида 99,75% сахароза (шакар моддаси) бор. Намлиги 1% дан ошмайди. 10 *кг* Н. олиш учун 24,9 *кг* шакар, 0,01 *кг* оқсиллар, 0,004 *кг* декстрин кетади.

Н. олиш технологияси: қозонга 2 улуш шакар ва 1 улуш сув (мас., 10 *кг* шакарга 5 *л* сув) солиб, милтиллатиб қайнатиш йўли б-н шарбат ҳосил қилинади. Шарбатни яхшилаб аралаштириб, кўпик ҳосил бўлгунча қайнатилади, кўпикни олиб ташлаб, қайнатиш тўхтатилади. Шарбатга тухум (80—100 *кг* шакарга 1 *л* сувга чақилган 1 тухум) қўшилади. Шарбатни яна қайнатиб, кўпиги олиб турилади. Сўнгра махсус қозонга 3—4 қатор оқ ип параллел тортилади. Ипларнинг учини бирлаштириб, елим б-н ёпиштириб қўйилади. Бошқа қозонда қайнаб турган шарбатни ип тортилган қозонга қуйилади, 1 соатча тургандан кейин шарбат сиртида парда ҳосил бўлади. Қозонни махсус қопқоқ б-н ёпиб, уч сутка шу ҳолича қолдиралади. Бу даврда ипдар атрофида кристаллар ҳосил бўлиб, ўса бошлайди. Уч суткадан кейин қопқоқни очиб, қозонда қолган шарбат бошқа идишга қуйиб олинади. Ундан кондитерлик маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади. Қозон тагига ёпишиб қолган Н. ҳам истеъмол қилинади. Кристаллар ёпишган ипларни қозондан олиб, столда қуритилади. Н. шу ипи б-н сотилга чиқарилади. Бунга Н. дури дейилади (65% ча дур чиқади). Н. ни кундалик ширинлик сифатида истеъмол қилиш мумкин.

Ад.: Рустамов А., Восточные сладости и др. сахаристые кондитерские изделия, Т., 1965.

НОВВОТ — ўрик нави. Кўчати ўтқазилгач, 3—4-йили ҳосилга киради. Дарахти катта. Мартда гуллайди. Меваси июннинг иккинчи ярмида пишади; йирик (35—40 *г*); тухумсимон, сариқ, қизил мумғубор б-н қопланган. Эти сариқ, данагидан осон ажралади. Таркибида 16% ча қанд бор. Сақлашга ва б. жойларга юборишга яроқли. Қуритилганда 23—25% баргак, 30—32% туршак тушади. Тоғлик ва тоғ этаги зоналарида мўл ҳосил беради.

НОВГАРЗОН — Оҳангарон ва Фарғона водийларини туташтириб турувчи довон. Қурама тизмасининг сувайирғич қисмида, денгиз сатҳидан 2200 *м* баландда. Новгарзонсой водийси тепасида. Довоннинг икки томонидаги ён бағирлар арча б-н қопланган.

НОВГАРЗОНСОЙ — Тошкент областидаги сой. Оҳангарон дарёсининг чап ирмоғи. Қурама тизмасининг шимоли-ғарбий ён бағридаги (2800 *м*) бир қанча майда булоқлардан бошланади. Юқори оқимида водийси чуқур, ён бағирлари тик. Ўрта ва қуйи оқимида водийси кенг, 2—3 та кўҳна қайири (терраса) бор. Қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1 *м³/сек*, февраль-март ойларида 3—5,5 *м³/сек*. Умумий узунлиги 55 *км* бўлган 35 дан ортиқ ирмоғи бор.

НОВГОРОД — шаҳар, РСФСР Новгород обл. маркази. Волхов дарёсининг ҳар иккала соҳилида, Ильмень кўлидан 6 *км*, Москва — Ленинград автомагистралида. Т. й. узели. Пристань. Аҳолиси 158 минг киши (1974).


Н.— рус шаҳарлари орасида энг қадимийси ҳисобланади; дастлаб 859 йилга мансуб Новгород I йилномасида тилга олинган.

Шарқий Европанинг муҳим савдо йўли (варяглардан грекларга) ўтган ерда жойлашгани учун Н. рус давлатида ва бутун Европада йирик савдо маркази ҳисобланган. Бу ерда 10-асрда ҳунармандчилик ривожланган. Н. 1136—1478 йилларда *Новгород феодал республикаси*нинг маркази. Рус миллий санъатининг равнақ топишида катта роль ўйнаган. Н. шаҳрига мўғул-татар истилоси даврида ҳам шикаст етмаган, шунинг учун бу ерда миллий маданий бойликлар яхши сақланган. 1478 йили Н. марказлашган рус давлати таркибига кирди, 1727 йилдан Новгород губерниясининг маркази. 1917 йил 14 (27) ноябрда Н. да Совет ҳокимияти ўрнатилди. Урушгача бўлган беш йилликлар даврида Н. да саноат ишлаб чиқариши анча тараққий этди. 1939 йилда 69 та йирик саноат корхонаси бўлган. 1941 йил 15 августдан 1944 йил 19 январгача Н. терр-яси немис-фашист босқинчилари қўл остида бўлиб, шаҳар бутунлай вайрон қилинди.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг «Новгородни тиклаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (1944 йил сентябрь) мувофиқ шаҳар урушдан кейинги йилларда қайта қурилди ва йирик саноат марказига айланди. Н. корхоналари обл. саноат маҳсулотининг $^1/_3$ қисмини беради. Ленинградниng яқинлиги ва унинг корхоналари б-н кооперация қилишнинг қулайлиги Н. саноатининг тез ривожланишига олиб келди. Шаҳарининг кўпчилик з-д ва ф-калари Улуғ Ватан уруши (1941—45) дан кейин қурилган. Электро ва радиотехника (Ленин комсомоли номли з-д, «Волна», 24-партсъезд номли з-д, электровакуум з-ди ва б.), кимё («Стекловолокно» з-ди, азотли ўғитлар ишлаб чиқарадиган кимё к-ти) саноатлари ривожланмоқда. Егочсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Педагогика ва политехника ин-тлари, Ленинград Қ. х. ин-тининг филиали, 7 та ўрта махсус ўқув юрти, драма театри мавжуд. 1865 йилда вужудга келган музей Тарих-архитектура музей-қўриқхонага айлантирилган. Н.— машҳур туризм (шу жумладан халқаро туризм) маркази, 2 турбаза ва йил бўйи ишлайдиган кемпинг мавжуд.

Н. да 11—15- асрларда ўзига хос меъморчилик, наққошлик, рассомлик санъати ривожланган. Уша даврда қурилган соборлар, монастирь ва черковларнинг муҳташам бинолари ҳозиргача сақланиб қолган.

НОВГОРОД ОБЛАСТИ — РСФСР таркибидаги область. 1944 й. 5 июлда ташкил топган.



СССР Европа қисмининг ғарбида жойлашган. Майдони 55,3 минг *км*². Аҳолиси 718 минг киши (1973). 20 маъмурий р-нга бўлинган, 10 шаҳар ва 19 ш. т. п. бор. Маркази — Новгород ш. Н. о. Ленин ордени б-н мукофотланган (1967 й. 16 февр.).

Табиати. Н. о. рельефига кўра текислик (ғарбий) ва баланд (шарқий) қисмларга бўлинади. Ғарбий қисми Ильмень бўйи пасттекислиги б-н банд. Жануби-шарқида — Валдай қирлари (энг баланд нуқтаси — Ржохоа тоғи, 296 *м*) жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Қиши юмшоқ, қорли. Январнинг ўртача т-раси —7,5° дан —10,2° гача; ёзи мўътадил илиқ, июлнинг ўртача т-раси 16,5° дан 17,5° гача. Йилига 700—800 *мм* ёғин тушади. Вегетация даври 119—132 кун. Йирик дарёлари: Мста, Ловать, Пола, Шелонь. Ильмень кўлидан Волхов дарёси бошланиб Ладога кўлига қуйилади. Кўллар кўп. Тупроқлари, асосан, чимли-подзол, шимоли-ғарбида ботқоқланган тупроқлар. Обл. терр-ясининг 50%и ўрмон, 7% терр-яси ўтлоқ, 11% терр-яси торфли ботқоқзор.

Лось, тулки, қундуз, норка, сассиққўзан, сувсар, тийин, қуён, бўри бор. Дарё ва кўлларда балиқ тури кўп.

Аҳолиси. Руслар (96,9%, 1970), шунингдек украинлар, белоруслар ва б. бор. 1 *км*² га 13 киши тўғри келади. Қўпчилик (58%) аҳоли шаҳар ва ш. т. п. ларда яшайди. Муҳим шаҳарлари: Новгород, Боровичи, Старая Русса.

Хўжалиги. Саноатининг етакчи тармоғи аниқ машинасозлик ва металлсозлик бўлиб, Улуғ Ватан урушидан кейин вужудга келди ва ривожланди. Шунингдек, кимё, ўрмон, шишачинни, енгил ва озиқ-овқат саноатлари ривожланмоқда. Машинасозликнинг асосий корхоналари Новгород («Волна», «50 лет Октября», Ленин комсомоли, 24- партсъезд номидаги электровакуум з-длари), Старая Русса (кимё машинасозлиги, асбобсозлик, мед. асбоблари з-длари), Боровичи (ёғочсозлик автомат станоклари) ва б. шаҳарларда жойлашган. Новгороддаги кимё саноати азотли ўғитлар ва шиша тола ишлаб чиқаради. Ўрмон саноати муҳим аҳамият касб этади. 1972 й. 3544 минг *м*³ ёғоч тайёрланди; 770 минг *м*³ тахта, 61 минг *м*³ фанер, 96 минг *т* қоғоз, 9,7 минг *т* картон ишлаб чиқарилди. Ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз корхоналари асосан Новгород (мебель к-ти), Парфино (фанер к-ти), Окуловка (целлюлоза-қоғоз к-ти), Боровичи (қоғоз ф-каси), Чудово (гугурт ф-каси) каби шаҳарларда ўрнашган. Боровичида ўтга чидамли материаллар ишлаб чиқарадиган йирик к-т бор. Енгил (шу жумладан зиғир тола з-длари, тикувчилик, трикотаж ф-калари) ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор.


Қ. х. да зиғирчилик ва гўшт-сут чорвачилиги асосий ўринда. Н. о. да 101 к-з ва 130 с-з бор (1973). Қ. х. га яроқли ерлар 1205 минг *га*, шу жумладан ҳайдаладиган ерлар 536 минг *га*, пичанзорлар 400 минг *га* ва яйловлар 241 минг *га* (1972). Экин майдони 506,6 минг *га*, шу жумладан галла экинлари 197,2 минг *га* (1973). Буғдой (25,4 минг *га*), жавдар, сули, толали зиғир (45 минг *га*), картошка (41 минг *га*), сабзавот (3,5 минг *га*), ем-хашак экинлари (220 минг *га*) экилади. Зиғир асосан обл. жанубида экилади. 381,7 минг қорамол (шу жумладан 166,8 минг сигир), 195,5 минг қўй, 146,3 минг чўчқа, 2116,6 минг парранда бор (1974).

1149 *км* т. й. (1972), 6 минг *км* га яқин автомобиль йўли, 700 *км* сув йўли бор. Волхов, Мста дарёлари ва Ильмень, Валдай кўлларида кема қатнайди.

Маданий қурилиши ва соғлиқни сақлаш. 1973/74 ўқув йилида 839 умумий таълим мактаби (120,4 минг ўқувчи), 23 профессионал-техника билим юрти (7,9 минг ўқувчи), 14 ўрта махсус ўқув юрти (12 минг ўқувчи), 2 олий ўқув юрти (5,3 минг студент), Ленинград Қ. х. ин-тининг филиали бўлган. 373 ясли-боғчада 26,8 минг бола тарбияланди (1973).

1974 йилда 599 оммавий кутубхона (7 млн. китоб ва журнал), 7 музей, драма театри, 765 клуб, 1102 киноустановка ишлади.

1974 йилда 9,1 минг ўринли 94 касалхона (1000 кишига 12,6 ўрин), 1,7 минг врач (423 кишига 1 врач) ишлаган. Обл. терр-ясида Старая Русса бальнеологик-балчиқ курорти, 7 санаторий бор.



Новгород. 1. Ғалаба майдони ва Советлар уйи. 2. Волхов дарёси бўйида.

Ад.: Российская Федерция. М., 1971. Европейский Север. [Серия Советский Союз] Народное хозяйство РСФСР в 1971 г., Статистический ежегодник. М., 1972.

НОВГОРОД ФЕОДАЛ РЕСПУБЛИКАСИ — 12—15- асрларда қадимги рус феодал давлати. 12- асрнинг биринчи ярмида Киевдан ажралиб чиқиб алоҳида давлат бўлиб ташкил топган. Дастлаб Киевга солиқ тўлаб турган. 1136 йили боярлар ва юқори табақа савдогарлар феодал тарқоқлиги даврида халқ ҳаракатидан фойдаланиб сиёсий мустақилликка эришган. Н. ф. р. да йирик феодаллар ҳукмрон синф, вече — ҳокимиятнинг олий органи ҳисобланган. Республикани архиепископ бошчилигидаги боярлар совети бошқарган. Н. ф. р. нинг хўжалиги, асосан, деҳқончиликдан иборат бўлиб, аҳоли чорвачилик, овчилик, ўрмон асаларичилиги, балиқ тутиш б-н ҳам шуғулланган. 14—15- асрларда Новгороддаги экиладиган ерларнинг ярмидан кўпи 30—40 та мартабали боярлар қўлида бўлган. Улкан ер эгалиги боярлар сиёсий ҳукмронлигини таъминлаш учун моддий база ҳисобланган. Феодал ер эгалигининг ҳар қандай системасида ҳам эксплуатация, асосан, оброк тариқасида амалга оширилган. 15- аср ўрталарида Н. ф. р. Рус давлатида феодал тарқоқлигини тугатиш йўлидаги тўсиқ бўлиб қолди. Йирик боярлар сиёсий имтиёзларини сақлаб қолиш мақсадида Новгородни Литва ҳукмронлигига ўтказишга ҳаракат қилдилар. Москва улуғ князлиги Новгороднинг реакцион боярлари б-н курашда улардаги синфий қарама-қаршликдан, халқ ҳаракатидан фойдаланди. 1471 йилги жангда Москва қўшинлари Новгород кўнгилли қўшинлари устидан ғалаба қозонди. 1478 йили Новгород ерлари Марказлашган Рус давлатига қўшиб олинди.

НОВГОРОД ҚУЗҒОЛОНИ (1650) — 17-аср ўрталарида феодалларга қарши кўтарилган энг йирик қўзғолонлардан бири. Бу қўзғолон нонинг нархи жуда ошиб кетиши натижасида келиб чиқди. Қўзғолончиларнинг кўпчилигини шаҳар аҳолиси ташкил этарди, уларга стрелецлар ёрдам қилди. Энг бадавлат кишиларнинг уйлари вайрон қилинди. Қўзғолончилар шаҳарни идора қилиш учун Земство аъзоларини сайлаб, уларга руҳонийлар маҳкамасидаги И. Жегловни бошлиқ қилиб тайинладилар. Шаҳар аҳолисининг бадавлатлари б-н камбағаллари ўртасидаги зиддият, И. Жегловнинг беқарор ҳолда иккиланиши ва б. сабаблар Н. қ. нинг мағлубиятини тезлаштирди. Деярли бир ой давом этган қўзғолон ҳукумат қўшинлари томонидан 13 апрелда бостирилди.

НОВДА (cormus) — юксак ўсимликларнинг асосий органларидан бири. *Поя* ва унда жойлашган барг ҳамда куртаклардан иборат. Н. илдиз системаси б-н биргаликда қирққулоқлар, қирқбўғимлар, плаунлар, очиқ уруғли ва ёпиқ уруғли ўсимликларнинг танасини ташкил қилади ва кормофитлар ёки новдали ўсимликлар, деб махсус номланади. Бир йиллик ўсимликлар Н. си фақат бир мавсум яшайди, кўп йилликлари эса ҳар хил яшайди ва ҳар йили куртаклардан янги Н. ўсиб чиқади. Ортотроп (юқорига вертикал ўсадиган) ва, баъзан плагиотроп (горизонтал ёки ётиқ) Н. лар бўлади. Кўп йиллик ва бир йиллик ўтларнинг ривожланиши гул ва тўпгулларнинг шаклланиши б-н тугайди, бироқ гуллаб мевалагандан кейин Н. бутунлай нобуд бўлмайди. Қўпчилик ўсимликларда Н. ёки унинг бир қисми кўриниши ўзгариб (метаморфозга учраб) тиканга (дўланада), туганакка (картошкада), гажакка (токда) ва б. га айланган.

НОВЕЛЛА (итал. novella — янгилик) — адабиётнинг эпик турига кирадиган жанрлардан бири. Н. ихчамлиги б-н ҳикояга яқин туради. Баъзан илмий адабиётларда Н. б-н ҳикоя кўп фарқ қилинмайди. Бир вақтлар повесть ҳажмидаги асарларни ҳам Н. деб аташган. Аммо Н. ўзига хос хусусиятларга эга: характерлар ҳолати ва воқеалар кескин бурилишларда ихчам, пишиқ *сюжет*, кутилмаган *ечим* асосида кўрсатиб берилади. Н. да воқеаларга авторнинг муносабати деярли сезилмайди, танланган ҳаёт материали ниҳоятда объективлаштирилади, қаҳрамон характерининг тасвирида психологик тасвирга ортиқча ўрин ажратилавермайди. Бу хусусиятлари б-н Н. ни ҳикоянинг сюжет жиҳатдан тугал ишланган олий формаси деб аташ ҳам мумкин. Жаҳон адабиёти классиклари Г. *Мопассан*, А. П. *Чехов*, Э. *Хемингуэй*, немис новеллачилари Л. Тик, Г. фон Клейст ва б. Н. нинг яхши намуналарини яратганлар.

Ўзбек адабиётида *Абдулла Қаҳҳор*нинг «Майиз емаган хотин», «Думли одам» сингари ҳикояларида воқеалар объектив, ихчам, маънодор, энг муҳими — кескин бурилишлар, кутилмаган ечим асосида тасвирланади. Бу хусусиятлари б-н «Майиз емаган хотин», «Думли одам» ҳажвий Н. жанр талабларига кўпроқ жавоб беради.

НОВЕЛЛЕТТА (итал. novelletta — кичик ҳикоя) — ихчам шаклли лирик, баъзан драматик характердаги музика пьесаси. Н. жанрининг баёнлик хусусияти бўлганлиги учун номи бадиий адабиёт жанри — *новелла* б-н боғлиқ. Биринчи марта Р. *Шуман*нинг фортепьяно пьесалари циклида Н. номи қўлланилган (1838). Кейинчалик А. Глазуновнинг торли квартет учун ёзган циклли пьесаси («Беш новеллетта», 1886) ҳамда бошқа композиторларнинг асарлари Н. деб аталган. Н. Ўзбекистон композиторлари ижодидан ҳам ўрин олган (мас., В. А. Успенскийнинг фортепьяно Н. си).

НОВИЙ УЗЕНЬ — ҚозССР Манғишлоқ областидаги шаҳар (1968 йилдан). Манғишлоқ платосида. Т. й. станцияси (Узень). Аҳолиси 29 минг киши (1974). Шаҳар атрофидан нефть ва газ қазиб олинади. Газни қайта ишлаш з-ди бор.

«НОВИЙ МИР» («Янги дунё») — адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий ойлик журнал. СССР Ёзувчилар союзининг органи. 1925 йил январдан Москвада нашр этилади. Журналда совет ёзувчиларининг янги асарларидан намуналар, публицистика, танқид, библиография ва б. хил материаллар босилади. «Н. м.» да А. В. Луначарский, Ю. М. Стеклов, И. И. Скворцов-Степанов, В. П. Полонский, К. М. Симонов, А. Т. Твардовский ва б. муҳаррирлик қилган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1975). Тиражи 175 минг (1975).

НОВИКОВ Александр Александрович (1900. 6(19). 11, Кострома обл.] — совет ҳарбий арбоби, авиация Бош маршали (1944), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1945 йил 17 апрель; 1945 йил 8 сентябрь), проф. (1958). 1920 йилдан КПСС аъзоси. 1919 йилдан Совет Армиясида. Гражданлар урушининг иштирокчиси. «Выстрел» курсини (1922), М. В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни (1930) тугатган. 1938 йилдан Ленинград ҳарбий округи Ҳарбий-Ҳаво Кучлари штабининг бошлиғи, совет-фин уруши (1939—40) да Шимоли-Ғарбий фронт Ҳарбий-Ҳаво Кучлари штабининг бошлиғи.



Новиков А. А.



Новиков Б. К.

1940 йилдан Ленинград ҳарбий округи Ҳарбий-Ҳаво Кучлари қўмондони. Улуғ Ватан урушида Шимолий ва Ленинград фронтлари авиациясининг қўмондони (1941 йил июндан), Совет Армияси Ҳарбий-Ҳаво Кучлари қўмондонининг 1-ўринбосари (1942 йил февралдан) ва қўмондони (1942 йил май — 1946 йил март), айни пайтда Мудофаа халқ комиссарининг ўринбосари (1942—43) бўлган. Ленинград, Сталинград ва Курск жангларида, Украина, Белоруссия, Польшани озод қилишда, Берлин операциясида қатнашган. Квантун армиясини тор-мор қилишда Узоқ Шарқдаги авиация ҳаракатига раҳбарлик қилган (1945 йил август-сентябрь). Урушдан сўнг узоқ масофага учувчи авиация қўмондони (1953 йилдан), айни вақтда Ҳарбий-Ҳаво Кучлари Бош қўмондонининг ўринбосари (1954—55), 1956 йилдан запасда. 2-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. 3 марта Ленин ордени, 9 та б. орден ва бир қанча чет эл ордени ҳамда медаллар б-н мукофотланган:

Ас.: Реактивная техника в транспортной авиации, Л., 1963; В небо Ленинграда, М., 1970.

НОВИКОВ Василий Корнеевич (1907. 28. 8, Калинин обл. Наумово қишлоғи) — гвардиячи полковник, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1945 йил 24 март). 1930 йилдан КПСС аъзоси. Олий офицерлар тайёрлайдиган курсни (1951) тугатган. Урушгача Тошкент обл. Оржоникидзе р-н Майское посёлкасида яшаган. Ғарбий Украинани озод этишда (1939), совет-фин урушида (1940) қатнашган. Улуғ Ватан уруши (1941—45) да полк командири ва артиллерия дивизиясининг қўмондони сифатида Жанубий-Ғарбий, Воронеж, 2- ва 3-Украина фронтларида қатнашган. Корсунь-Шевченко операциясида қаҳрамонлик кўрсатган. Урушдан сўнг запасда, 1968 йилдан эса истеъфода. Тошкентда яшайди. 2 та Қизил Байроқ ордени, 1-даража Ватан уруши, Александр Невский, Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НОВИКОВ Владимир Михайлович (адабий тахаллуси — Қюннюк Урастиров, 1907. 26. 4, ҳозирги ЕАССР Амгин р-ни) — ёқут совет шоири. Ёқутистон АССР халқ шоири (1967). 1940 йилдан КПСС аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. Ёқутистон Педагогика ин-ти адабиёт ф-тини тугатган. Ижоди 1927 йилдан бошланган. «Уйғонган ўлка» шеърлар тўплами (1932) да совет кишилари ҳаёти ва табиат гўзалликлари акс этган. «Коммунист Семён» поэмаси (1932) к-з тузуми ғалабасига бағишланган бўлиб, ёқут поэзиясида социалистик реализм методи асосида яратилган энг яхши асарлардан бири. «Уруш кунларида» (1943), «Тиниқ сувли ариқ» (1964) шеърий тўпламларини, «Гўзал Юэдюйээй» (1945), «Тинчлик учун», «Албан Қилибэн» пьесаларини, «Нюргусун ва Лоокуут» опера либреттосини (Д. К. Сивцев-Омоллон б-н ҳамкорликда) яратди. Н. «Жийрон от минган баҳодир Тойон Жагарима» номли ёқут қаҳрамонлик эпосининг шеърий вариантини яратган.



Новиков М. П.

НОВИКОВ Михаил Петрович (1924, Саратов обл. Новоузен р-ни Дмитриевка қишлоғи) — тарихчи олим, тарих фанлари д-ри (1971), проф. (1972), 1953 йилдан КПСС аъзоси. Новоузен пед. билим юрти (1942), Ўрта Осиё Давлат ун-ти тарих ф-ти (1954) ни тугатган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—45). Н. 1954—64 йилларда Тошкент обл. партия комитетида масъул ходим, ТошМИ да ўқитувчи (1964—65), 1965 й. ноябридан шу ин-т илмий коммунизм кафедрасининг мудири. Илмий ишлари, асосан, Туркистон Компартияси тарихини ҳамда миллий ва аграр масалаларни ўрганишга бағишланган.

Ас.: Борьба Компартии Туркестана за разрешение земельного вопроса и восстановление хлопководства (1921—1924 гг.), Т., 1966; Идейно-организационное укрепление Компартии Туркестана, Т., 1972 (Турсунов Ҳ. Т., б-н ҳамкорликда).

НОВИ-САД — Югославиядаги шаҳар. Сербия Социалистик Республикасининг шимолий қисмида. Дунай дарёси бўйида. Воеводина автоном ўлкасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 152 минг киши (1972). Транспорт йўлларининг муҳим узели, юк оборотн бўйича мамлакатда Белград ш. дан кейин 2- ўриндаги дарё порти. Н.-С.— йирик саноат шаҳри. Югославиянинг муҳим қ. х. р-нининг маркази. Ун-т, 1960 йилдан Воеводина ўлка музейи, расмлар галереяси, минерал сувли курорт бор. Н.-С. да ҳар йили қ. х. ярмаркаси ўтказилади.

НОВОАЛТАЙСК (1962 йилгача Чесноковка) — РСФСР Олтой ўлкасидаги шаҳар (1942 йилдан). Обь дарёси бўйида, Барнаул шаҳри қаршисида. Т. й. узели (Алтайская). Аҳолиси 51 минг киши (1974). Вагонсозлик з-ди, бадиий билим юрти мавжуд.

НОВОВОЛЫНСК — УССР Волинь областидаги шаҳар (1957 йилдан). Иваничи т. й. станциясидан 18 *км*. Аҳолиси 44 минг киши (1974). Н. атрофидан кўмир қазиб олинади. Кон саноати асбоб-ускуналари ремонти, ғишт, темирбетон буюмлар з-длари, ёғочсозлик к-ти, ип йигириш ф-каси, озиқ-овқат саноати корхоналари; Львов Политехника ин-тининг умумий техника ф-ти, кечки кон-қурилиш техникуми бор.

НОВОГРАД-ВОЛЫНСКИЙ — УССР Житомир областидаги шаҳар. Случь дарёси (Припять ҳавзаси) бўйида. Т. й. ва автомобиль йўллари узели. Аҳолиси 44 минг киши (1974). Биринчи марта Звягель номи б-н 1257 йилги Ипатий йилномасида тилга олинган. Н.-В. да қ. х. машиналари, қурилиш материаллари ва конструкциялари, аралаш ем, хашаки биомицин, мой, пиво з-длари; нон, гўшт к-тлари, енгил саноат корхоналари (зиғир з-ди ва б.) ишлаб турибди. Мебель ишлаб чиқарилади. Халқ театри, украин шоираси Леся Украинканинг музейи бор.

НОВОДЕВИЧИЙ МОНАСТИРИ — аёллар монастири, қадимги рус архитектураси ёдгорликларидан. Смоленскнинг олиниши шарафига князь Василий III томонидан бунёд этилган (1524). Дастлаб Москванн жанубдан ҳимоя қилиш вазифасини ўтайдиган қалъа сифатида қурилган, 16—17- асрларда аёллар монастири вазифасини ўтаган. Давлат учун хавфли бўлган шахслар қамаб қўйилган (мас., 1689—1704 йилларда малика София Алексеевна). 17- аср охирида Н. м. ихтиёрида 164215 десятина ер, 14489 деҳқон бўлган. Н. м. турли даврларда қурилган кунгурадор деворлар (17- аср охири), ҳашаматли собор (1524—25), ошхона, маликалар палатаси, ибодатхона (17- асрнинг 80- йиллари) ва кўп ярусли кўркам қўнғироқхона (1689—90) каби қисмлардан иборат. Уларнинг қурилиш техникаси ва меъморлик безакларида 17- аср рус архитектурасининг ўзига хос томонлари ёркин акс этган. 1922 йилдан Н. м. музейга айлантирилган, 1934 йилдан Давлат Тарих музейининг филиали. Н. м. терр-

яснининг бир қисми қабристон. Унда йирик феодал ва руҳонийларнинг, 19- асрдан бошлаб савдогар ва зиёлиларнинг жасади қўйилган. 1949 йилда Н. м. терр-яси кенгайтирилди.

Совет давлати арбобларидан Г. В. Чичерин, Н. А. Семашко, В. Д. Бонч-Бруевич, йирик ҳарбий арбоблар, ёзувчи, рассом, олим ва бошқаларнинг жасади ҳам Н. м. га қўйилган.

«НОВОЕ ВРЕМЯ» («Янги давр») — совет сиёсий ҳафталик журнали, «Труд» газетасининг нашри. Рус, инглиз, француз, немис, испан, поляк, чех ва араб тилларида чиқади (1975). 1943 йил июндан Москвада нашр этилади. 1945- йил июнгача «Война и рабочий класс» («Уруш ва ишчи синфи») номида чиққан. СССРнинг ички ва халқаро аҳволини, совет ташқи сиёсати масалаларини, халқаро ҳаётдаги муҳим воқеаларни ёритади.

НОВОЗИБКОВ — РСФСР Брянск областидаги шаҳар. Т. й. станцияси. Аҳолиси 39 минг киши (1974). Станоксозлик, электротермик жиҳозлар, мой-сир з-длари, гўшт-паррандачилик к-ти, тикувчилик ва трикотаж-тикув ф-калари бор. Пед. ин-ти, қ. х. техникуми, ўлкашунослик музейи, 2 халқ театри мавжуд. Новозибков қ. х. тажриба станцияси ишлаб турибди.

НОВОКАИН — оғриқсизлантирувчи (анестезияловчи) модда. Эритмаси маҳаллий анестезияда, *новокаин блокадаси*да, гипертония касаллиги, томирлар спазми, экзема ва б. ин даволашда қўлланилади. Баъзан венага юборилади ёки ичирилади, баъзи касалликлар (эндартериит, атеросклероз, бронхиал астма, бўғимлар касаллиги ва б.) да мушак орасига юборилади. Узоқ оғриқ тутганда Н. нинг махсус мойли эритмаси инъекция қилинади. Пенициллиннинг таъсир муддатини узайтириш учун Н. эритмасида суюлтирилади.

НОВОКАИН БЛОКАДАСИ — ўткир ва хроник яллиғланишни даволашда қўлланиладиган методлардан бири. Совет хирурги А. В. Вишневский (1874—1948) таклиф этган (1929). Нормал шароитда ва турли патологик ҳолатларда нерв системасининг организмда моддалар алмашинуви ҳамда ҳужайра ва тўқималар ҳаёт фаолиятини мунтазам тартибга солиб турувчи таъсири Н. б. методига асос қилиб олинган. Ут пуфаги, меъда ости бези яллиғланганда, ичак тонуси бузилганда бел орқали буйрак атрофидаги нервларга, суяк синганда, баъзи бир томир ва нерв касалликларида оёқ-қўл суяги яқинида жойлашган нервларга («ғилоф блокада»), шунингдек қовурға синганда, кўкрак қафаси жароҳатланганда бўйиндан ўтадиган нервларга, бачадон яллиғланганда эса думғаза суягидан ўтадиган нервларга шприц б-н 100—200 *мл* 0,25% ли новокаин эритмаси юбориб блокада қилинади.

НОВОКАИНАМИД (Novocainamidum) — *антиаритмик дорилар*дан. Оқ кристалл порошок. Сув ва спиртда эрийди. Кимёвий тузилиши ва фармакологик хоссалари жиҳатдан новокаинга яқин туради. Бироқ Н. нинг муҳим фармакологик хоссаси — юрак мушагининг қўзғалувчанлигини ва ўтказувчанлигини камайтиришидир. Юрак ритми бузилганда: пароксизмал ҳилпилловчи *аритмия*, пароксизмал *тахикардия*, юрак, йирик томирлар ва ўпка операция қилинганда аритмиянинг олдини олиш ва даволашда ишлатилади. Таблетка ҳолида, эритмаси эса флакон ва ампулаларда чиқарилади.

НОВОКУЗНЕЦК (собиқ Кузнецк, 1931—1932 йилларда Новокузнецк, 1932 йилдан 1961 йилгача — Сталинск) — РСФСР Кемерово областидаги шаҳар. Томь дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Т. й. узели. Аҳолиси 519 минг киши (1974). Н. 1617 йилда қалъа сифатида вужудга келган. СССРнинг металлургия марказларидан бири. 1917 йилги Октябрь рев-яси-гача Н. кичиккина савдо ва ҳунармандчилик маркази эди. Саноати 1929 й. Кузнецк металлургия к-тининг қурилиши муносабати б-н ривожланди. Асосий корхоналари: Кузнецк металлургия к-ти (1932 йилдан), Ғарбий Сибирь металлургия з-ди, алюминий ва ферроқотишма з-длари, кимё-фармацевтика, машинасозлик саноати корхоналари, кон асбоб-ускуналари з-длари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари. Металлургия ва пед. ин-тлари, 7 техникум, мед. ва 2 пед. билим юрти, драма театри, қўғирчоқ театри, металлурглар саройи, 3 музей бор. Шаҳар Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1971 й. 4 февр.).


НОВОКУЙБИШЕВСК — РСФСР Куйбишев областидаги шаҳар. Волга дарёсининг чап соҳилида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 111 минг киши (1974). Нефть-кимё ва нефть к-тлари, синтетик спирт з-ди, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари бор. Н. 1952 йилда вужудга келган ва нефть-кимё саноатининг барпо этилиши муносабати б-н ривожланмоқда. Куйбишев Политехника ин-тининг кечки ф-ти, нефть-кимё ва индустрия-пед. техникумлари, мед. билим юрти бор.

НОВОЛАЗАРЕВСКАЯ — Антарктидадаги совет илмий станцияси. 1961 й. 18 январда ташкил этилган. Королева Мод Ерида, Лазарев денгизи қирғоғидан 80 *км* ичкариликда, Ширмахер воҳасида (70°46′ ж. к., 11°50′ шқ. у.), муздан холи ерда жойлашган. Станцияда аэрометеорологик, геофизик, ғяциологик кузатишлар ва мед. тадқиқотлар олиб борилади. Н.— Королева Мод Ери атрофида олиб бориладиган экспедиция тадқиқотларининг базаси.

НОВОМОСКОВСК (1934 йилгача — Бобрики, 1934 йилдан 1961 йилгача — Сталиногорск) — РСФСР Тула областидаги шаҳар (1930 йилдан). Дон ва Шат дарёларининг бош



«Новое время» журнали.



Новодевичий монастири (16- аср).


томонида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 143 минг киши (1974). СССРнинг йирик кимё саноати маркази. Кимё к-ти, кимё маҳсулотлари к-ти, анилин-бўёқ ва кимёвий идиш з-длари, ГРЭС бор. Қўмир саноати, кон машинасозлиги илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ин-тлари, азот саноати Давлат ин-ти ва Москва кимё-технология ин-тининг филиаллари; 3 техникум, мед. ва музика билим юртлари, драма театри, шаҳар тарихи музейи бор. Н. 1929 йилда кимё к-ти ва ГРЭС қурилишлари бошланиши муносабати б-н вужудга келган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1971 й. 14 янв.).

НОВОМОСКОВСК — УССР Днепропетровск областидаги шаҳар. Самара дарёсидаги пристань. Т. й. узели. Аҳолиси 66 минг киши (1974). Труба, темир-бетон буюмлар з-длари, шпалларга чиришдан сақлайдиган модда сингдирадиган з-д; ун к-ти, мебель, тикувчилик ф-калари; металлургия, кооператив техникумлари, совхоз-техникум бор.

Арх. ёдгорликларидан Троицкий собори сақланиб қолган (ҳозир тарих-ўлкашунослик музейи).

НОВОРОССИЙСК — РСФСР Краснодар ўлкасидаги шаҳар. Қора денгизнинг музламайдиган Цемесская қўлтиқчасидаги порт. Т. й. станцияси. Аҳолиси 143 минг киши (1974). 1838 йилда асос солинган. 1941—45 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Н. ҳимоячиларининг матонат, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатганликлари учун шаҳар 1966 й. 7 майда 1-даража Ватан уруши ордени б-н мукофотланган. Шимолий Кавказни фашист босқинчилардан озод қилинганига 30 йил тўлиши муносабати б-н Н. га 1973 йил 14 сентябрда қаҳрамон-шаҳар фахрий унвони берилди ва Ленин ордени ҳамда «Олтин Юлдуз» медали б-н мукофотланди.

Н.— цемент саноатининг йирик маркази. Шунингдек, металлсозлик («Красный двигатель», вагон ва кема ремонти, металл қуйиш-механика ва металл буюмлар з-длари), қурилиш материаллари (асбест-цемент буюмлар, «Коммунар», темир-бетон буюмлар з-длари), озиқ-овқат (ун-элеватор к-ти, сут, пиво, «пепси-кола» ичимлиги чиқарадиган цех, балиқ з-длари) саноатлари ривожланган. Шаҳарда Краснодар Политехника ин-тининг ф-ти, Одесса Денгиз флоти инженерлари ин-тининг сиртқи факультети; индустрия, коммунал қурилиш техникумлари, мед. ва музика билим юртлари, тарих-ўлкашунослик музейи, планетарий, халқ театри бор.



Новосибирск. 1. Ленин майдони. Академик опера ва балет театри биноси. 2. «Сибирь» стадионидаги хоккей майдони.

НОВОСИБИРСК (1925 йилгача — Новониколаевск) — шаҳар, РСФСР Новосибирск областининг маркази. Ғарбий Сибирь текислигининг жануби-шарқида, Обь дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Н. яқинига Новосибирск ГЭС қурилган ва Новосибирск сув омбори бунёд этилган. Сибирнинг йирик транспорт узели. Дарё порти. Аҳолиси 1243 минг киши (1974). Шаҳар 1893 йилда бунёд этилган. Урушдан кейинги беш йилликларда Н. саноат ва илм-маданият маркази сифатида яна ҳам ўсди. Н.— илмий-техника прогресси марказларидан бири. Шаҳар саноатида машинасозлик ва металлургия (ялпи саноат маҳсулотининг 65% ини беради) асосий ўринни эгаллайди. Оғир станоклар ва гидропресслар, оғир электр машинасозлиги, электротермик асбоблар, қ. х. машинасозлиги, радио деталлари, станоксозлик, асбобсозлик, приборсозлик, металлургия з-длари, қалай к-ти, пластмасса, лак, мед. препаратлари ишлаб чиқарадиган кимё корхоналари бор. Енгил ва озиқ-овқат (кўн пойабзал ва ип газлама к-тлари, тикувчилик ф-калари, ун, ёғ ва гўшт консерва к-тлари), шунингдек қурилиш материаллари саноатлари ривожланган. Новосибирск ГЭС ва 4 ТЭЦ ишлаб туribди. Машинасозлик, электроника, рангдор металлургия ва кимё маҳсулотлари СССРда маълум ҳамда қатор чет мамлакатларга чиқарилади.

Н.— СССРнинг йирик илмий марказларидан бири, унда СССР ФА нинг Сибирь бўлими жойлашган. Н. да Ленин номли Бутуниттифоқ Қ. х. фанлари академиясининг Сибирь бўлими, СССР Медицина фанлари академиясининг Сибирь филиали (клиник ва экспериментал медицина ин-ти, ўнлаб соҳа илмий тадқиқот ва лойиҳалаш ин-тлари б-н), 37 ўрта махсус ўқув юрти, 14 олий ўқув юрти бор.

Н.— мамлакатимизнинг йирик театр марказларидан бири. 6 театр, консерватория, филармония, цирк, кинохроника студияси бор.

НОВОСИБИРСК ОБЛАСТИ — РСФСР таркибидаги область. 1937 й. 28 сентябрда ташкил топган. Майдони 178,2 минг *км*². Аҳолиси 2522 минг киши (1973). Н. о. да 30 р-н, 14 шаҳар ва 15 ш. т. п. бор. Маркази — Новосибирск ш. Икки марта Ленин ордени б-н мукофотланган (1957 йил 8 январь ва 1970 йил 27 ноябрь).

Табиати. Н. о. Ғарбий Сибирь текислигининг жануби-шарқий қисмида, асосан, Обь ва Иртиш дарёлари оралиғида. Васюганье текислигининг жанубий қисмини, Бараба пасттекислигини эгаллайди, шарқда Салаир кряжига ёндашади. Ер юзаси текислик, баландлиги 150—200 *м*, областнинг фақат шарқий қисмида баландлиги 300—350 *м* бўлган Салаир кряжининг этаклари бор (энг баланд нуқтаси 493 *м*). Фойдали қазилмалари: табиий газ, торф, тошкўмир, нефть. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси жанубида —16° ва шимолида —20°, ёзи қисқа, иссиқ, июлнинг ўртача т-раси 18°—20°. Йилига 300—450 *мм* ёғин тушади. Вегетация даври областнинг шимолий қисмларида 144—148 кун, жанубида 158—163 кун. Асосий дарёси — Обь. Обь дарёсида Новосибирск сув омбори ва ГЭС бор. Қўллар кўп. Н. о. нинг 28% терр-яси ботқоқлик. Тупроқлари подзол, сур тусли ўрмон, қора тупроқлар. 4 млн. *га* ўрмон бор. Жанубий тайгада игна баргли ўрмонлар (оқ қарағай, қорақарағай, қарағай, кедр) ўсади. Айиқ, шимол бугуси, лось, силовсин, елик, росомаха, қундуз, дарё бобри, бўри, тулки, оқ товушқон, гоз, ўрдак, кўлларда ондатра, сув каламуши бор.

Аҳолиси. Асосан, руслар (91,3%, 1970), шунингдек украинлар, татарлар, белоруслар, немислар, қозоқлар яшайди. 1 *км*² га 14,1 киши тўғри келади (1973). Шаҳар аҳолиси 68%. Муҳим шаҳарлари: Новосибирск, Барабинск, Бердск, Искитим, Куйбишев, Татарск.


Хўжалиги. Н. о.— ишлов берадиган йирик саноат ва қ. х. устун даражада ривожланган обл. Ялпи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1973 йилда 1940 йилга қараганда 39 баравар ортди. Н. о. саноатида машинасозлик ва металлсозлик (саноат маҳсулотининг 43,8%ини) 1-ўринда. Машинасозлик саноати корхоналари металл қирқадиган станоклар ва темирчилик-пресслаш машиналари, шунингдек ноёб оғир станоклар, электротехника жиҳозлари, тўқув станоклари, қ. х. машиналари ишлаб чиқаради. Радиотехника саноати ва приборсозлик (20%) ривожланган. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида озиқ-овқат саноати (сут-мой, гўшт, ёғ, ун, кондитер, спирт тармоқлари ва б.) 2-ўринда. Енгил саноат (ип газлама, тикувчилик, кўн пойабзал, трикотаж, кигиз босиш ва б.) 3-ўринда (8,4%). Энергетикаси Кузбасс кўмири ва Обь дарёси гидроэнергияси (Новосибирск ГЭС)га асосланади, бир қисм электроэнергия Шарқий Сибирдан келади. Бошқирдистон — Омск — Новосибирск — Иркутск нефть қувури ётқизилган. Металл асосан Кузбасс, Урал ва Қозоғистондан келади. Оғир саноат корхоналарининг кўпчилиги Новосибирскда жойлашган. Цемент (Искитим), керамика буюмлари (Дорогино) ишлаб чиқариш ривожланган. Ёғоч тайёрлаш корхоналари асосан Обининг ўнг соҳили ва Бараба пасттекислигининг шимолишарқида.


Қ. х. ғаллачилик-чорвачиликка асосланган. Қ. х. га яроқли ерлар 8,4 млн. *га*, шу жумладан ҳайдалган ерлар 4,0 млн. *га*, пичанзорлар 2,2 млн. *га*, яйловлар 2,2 млн. *га*. Галла ва дон-дуккаклилар 2,4 млн. *га* (1973), шу жумладан баҳорги буғдой 1,7 млн. *га*, ем-хашак экинлари 1,2 млн. *га*. Техника экинларидан (75 минг *га*) зиғир асосий роль ўйнайди. Галла экинлари аксари Бараба пасттекислигининг жанубий р-ларида экилади. Зиғирчилик ва картошкачилик Обь дарёси ўнг соҳилининг шимоли-шарқий р-ларида ривожланган. Новосибирск ш. атрофларида с-з ва к-злар картошка, сабзавот, чорвачилик ва паррандачилик маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашган. Областда 292 с-з ва 169 к-з (шу жумладан 6 балиқ овлайдиган) бор. Чорвачилик сут-гўштга ихтисослашган. 1788 минг қорамол, шу жумладан 635 минг сигир, 1637 минг қўй ва эчки, 460 минг чўчқа, 104 минг йилқи, 8876 минг парранда бор (1974). Сут берадиган чорва молларининг кўпчилиги Бараба пасттекислиги р-ларида жойлашган.

Т. й. узунлиги 1533 *км* (1972). Обь дарёсида кема қатнайди.

Маданий қурилиши ва соғлиқни сақлаш. 1973/74 ўқув йилида 2060 умумий таълим мактаби (466,1 минг ўқувчи), 51 ўрта махсус ўқув юрти (52,6 минг ўқувчи), 80 профессионал техника ўқув юрти (34,6 минг ўқувчи), 14 олий ўқув юрти, шунингдек Москва енгил саноат технология ин-ти филиали ва Свердловск юридик ин-тининг кечки ф-ти (ҳаммаси Новосибирскда, 75,7 минг студент) бўлган.

1974 йилда 955 оммавий кутубхона (13,2 млн. китоб ва журналлар), 4 музей, 6 театр, 1404 клуб, 1984 киноустановка, 36 пионерлар уйи, 5 ёш техник ва ёш табиатшунослар станцияси, 25 болалар спорт мактаби ишлади.





Новосибирск. 1. Академшаҳарча. 2. Аэровокзал.

Ад.: Российская Федерация (Западная Сибирь), М., 1971 [Серия Советский Союз]; Народное хозяйство РСФСР. Статистический ежегодник, М., 1972.

НОВОСИБИРСК СУВ ОМБОРИ, Обь сув омбори — Обь дарёсидаги сув омбори. РСФСР Новосибирск области ва Олтой ўлкасида. Новосибирск ГЭС тўғони ёнида бунёд этилган. 1957—59 йилларда сув б-н тўлдирилган. Майдони 1070 *км*², ҳажми 8,8 *км*³, узунлиги 200 *км*, ўртача чуқурлиги 8,3 *м*, энг кенг жойи 17 *км*. Соҳилида Камень-Обь шаҳри, СССР ФА Сибирь бўлимининг илмий шаҳарчаси (Новосибирск ш. атрофлари) жойлашган.

НОВОСИБИРСК УНИВЕРСИТЕТИ — СССРнинг йирик ўқув ва илмий тадқиқот марказларидан бири. 1959 йилда СССР ФА Сибирь бўлими Новосибирск илмий марказининг бир қисми сифатида ташкил этилган. Математика (математика, амалий математика, механика), физика, табиий фанлар (кимё, биология), геология-геофизика, ижтимоий фанлар (тарих, филология), иқтисод, олий ўқув юртлари ўқитувчилари малакасини ошириш (математика,



Ногин В. П.

физика) ф-тлари; ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш ин-ти; аспирантураси, тайёрлов бўлими, 8—10-синф ўқувчилари учун физика-математика мактаб-интернати, 50 кафедраси, илмий тадқиқот секторларининг 6 лабораторияси, ҳисоблаш маркази бор; кутубхонасида қарийб 370 минг асар сақланади (1974). 1973/74 ўқув йили Н. у. да 4 мингга яқин студент билим олди, 650 га яқин ўқитувчи ва илмий ходим, жумладан СССР ФА нинг 37 академиги ва мухбир аъзоси, 80 дан ортиқ проф. ва фан д-ри, 270 га яқин доцент ва фан кандидати ишлади. 1963—73 йилларда деярли 4 минг мутахассис тайёрлади.

«НОВОСТИ» МАТБУОТ АГЕНТЛИГИ, АПН — совет ижтимоий ахборот ташкилоти. СССР Журналистлар союзи, СССР Ёзувчилар союзи, Чет мамлакатлар б-н дўстлик ва маданий алоқа қилиш совет жамияти ҳамда Бутуниттифоқ «Билим» жамияти томонидан 1961 йил Москвада таъсис этилган. Халқлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш, ишонч ва дўстликни ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга даъват этади. СССР ва хорижий мамлакатлар матбуоти, информацион агентликлари, нашриёт, радио, телевидениелари учун СССРнинг ички ва халқаро сиёсатига, совет халқининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид масалалар юзасидан хабар, интервью, суҳбат, обзор, очерк, репортажлар, шунингдек ички ва халқаро ҳаётдаги муҳим воқеалар ҳақида совет жамоатчилигининг қарашларини ифодалайдиган материаллар тайёрлайди. Совет матбуоти, радио ва телевидениесини хорижий мамлакатлар сиёсати, ижтимоий ҳаёти, хўжалиги ва маданиятига оид масалалар юзасидан информациялар б-н таъминлайди. Хорижий мамлакатларнинг давлат ва хусусий телевизион компаниялари б-н биргаликда телефильмлар ва телепрограммалар тайёрлайди.

АПНнинг рус ва хорижий тилларда бир қанча информация нашрлари бор. АПН материаллари асосида чет элларда 51 номда совет журнали, 11 газета ва 193 матбуот бюллетенлари нашр этилади (1975).

АПН нашриёти ҳар йили СССР ва чет давлатларидан 56 тилда китоб, брошюра, йўл кўрсаткичлари, чет мамлакатларда ўтказиладиган совет кўргазма ва ярмаркалари учун информация материаллари ва ш. к. нашр этади. Совет матбуоти материалларидан рус, инглиз, француз, немис тилларида эълон қилиб боради ган «Спутник» ойлик журналини чиқаради. Жаҳондаги кўп мамлакатларда, шунингдек ҳамма иттифоқдош республикаларда, йирик шаҳарларда АПН нинг бюро, жамоатчилик бўлимлари ва мухбирлик пунктлари бор. АПН барча қитъадаги мамлакатлар б-н телекс ва радиотелетайп орқали боғланган.

НОВОТРОИЦК — РСФСР Оренбург областидаги шаҳар (1945 йилдан). Урал дарёси ўнг соҳилида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 91 минг киши (1974). Жанубий Уралдаги қора металлургиянинг йирик маркази (Орск-Халилово металлургия к-ти). Кимё ва қурилиш материаллари саноати корхоналари; металлургия ва қурилиш техникумлари бор.

НОВОЦЕФАЛЬГИН (Novocephalginum) — оғриқсизлантирувчи дори. Таблеткаси таркибида ацетилсалицилат кислота (аспирин), фенацетин, кофеин бор. Бош оғриғи, невралгия, шамоллаш касалликлари ва б. да қўлланилади.

НОВОЧЕРКАССК — РСФСР Ростов областидаги шаҳар. Туэлов ва Аксай дарёларининг (Қуйи Доннинг тармоғи) ўнг соҳилида, Харьков — Ростов-Дон автомобиль йўли устида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 178 минг киши (1974). Н. 1805 йилда вужудга келган. Электрод (графит ва графитопластдан кимёвий аппаратуралар ишлаб чиқаради), синтетик маҳсулотлар (дастлабки хом ашё-табиий газ), нефть машинасозлиги, доимий магнитлар, шунингдек силикат ғишт ва б. з-длар қурилган. Гўшт к-ти, вино з-ди, ун к-ти ва б. бор. Н. яқинида Новочеркасск ГРЭС (қуввати 2400 минг *квт*) ишлаб турибди.

Шаҳарда Новочеркасск Политехника ин-ти, инженерлик-мелиорация, Дон қ. х. ин-тлари, 13 ўрта махсус ўқув юрти, илмий тадқиқот муассасалари, шу жумладан гидрокимё, узумчилик ва виночилик, электровозсозлик ин-тлари, 2 музей, 2 театр мавжуд.

НОВОШАХТИНСК — РСФСР Ростов областидаги шаҳар. Т. й. станцияси (Михайло-Леонтьевская). Аҳолиси 101 минг киши (1974). Шаҳар атрофидан кўмир қазиб олинади (Донбасс). Енгил, озиқ-овқат, кокс-кимё саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Кечки кон техникуми мавжуд. Шаҳар 1939 йилда бир неча кончилар посёлкаларидан вужудга келган.

НОВШАДИЛ — қ. *Аммоний хлорид.*

НОВШАДИЛ СПИРТ, нашатир спирт — 10% ли аммиак эритмаси. Тиниқ, рангсиз, ўткир ҳидли, учувчан суюқлик. Ҳушдан кетганларга ҳидлатилади (бурун-ҳалқум шиллиқ пардаси нервларига таъсир этиб, марказий нерв системасини қўзғатади), алкоголдан заҳарланганларни қустириш учун ярим стакан сувга 5 томчи томизиб ичирилади. Териси ёғли юзни артиш, юз ва қўл терисини юмшатиш учун 0,5% ли эритмаси ишлатилади.

НОВЭМБИХИН (Novembichinum) — ўсмага қарши дори. Оқ порошок; сув ва спиртда эрийди. *Лимфа* тўқимасига кучлироқ таъсир этади. *Лимфогранулематоз,* хроник лимфолейкоз, шунингдек эритремия, лимфосаркома ва б. ни даволашда ишлатилади. Ампулаларда 10 *мг* дан чиқарилади.

НОГАХОН — Қашқадарё обл. Қамаши р-ни Қизилтепа қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Қамашидан 14 *км.* Аҳолиси 582 киши (1971); галлакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Лангардарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

НОГИН Виктор Павлович (партиявий тахаллуслари Макар ва б.) [1878. 2(14). 2—Москва.— 1924. 22. 5]— совет давлат ва партия арбоби. 1898 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1901 йилдан Москва ва Петербургда «Искра» агенти. 1903 йил РСДРП Екатеринослав комитети аъзоси, РСДРП 2-съездидан сўнг большевик. РСДРП Петербург, Боку, Москва комитетлари аъзоси. Партия 5-съезди (1907) да МК аъзоси. Бир неча марта қамалган ва сургунда бўлган. 1908—10 йилларда ликвидаторларга, 1914—18 йилларда меньшевикларга нисбатан муросачилик позициясида бўлган. 1917 йил Февраль рев-ясидан сўнг Москва совети раиси ўринбосари, сентябрдан раиси. РСДРП(б) 7-конференциясі ва 6-съездида МК аъзоси қилиб сайланган. ХКС тузилгач, унинг савдо ва озиқ-овқат ишлари бўйича халқ комиссари. 1917 йил 17 ноябрда меньшевик ва эсерлар иштирокида коалицион ҳукумат тузиш фикрини айтиб, РСДРП(б) МК ҳамда ХҚСдан чиқди. Кейинчалик ўз хатоларига иқрор бўлди. 1918 йилдан Меҳнат халқ комиссари ўринбосари, Халқ Хўжалиги Олий Кенгаши аъзоси. 1921 йил кооперация ходимларининг Бутун Россия союзи раиси. 1922—24 йилларда Бутун Россия тўқимачилар синдикати правлениеси раиси. Партия 7—12-съездлари делегати; 9-съездда РКП(б) МК аъзолигига кандидат, 10-съездда Марказий Ревизия комиссияси аъзоси қилиб сайланган. 1921—24 йилларда РКП(б) Марказий Ревизия комиссияси раиси. Н. РКП(б) МК Туркистон бюроси аъзоси ва Бутун Россия МИК ҳамда РСФСР ХКС Туркистон комиссияси аъзоси ҳам бўлган. Москвадаги Қизил майдонга дафн этилган.

НОГИНСК (1930 йилгача — Богородск) — РСФСР Москва областидаги шаҳар (1781 йилдан). Совет давлат ва партия арбоби В. П. *Ногин* номи б-н аталади. Клязьма дарёси бўйида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 108 минг киши (1974). Тўқимачилик саноати маркази (19-асрдан). В. И. Ленин номли Глухов ип газлама к-ти, ёқилғи аппаратуралари, темир-бетон буюмлар з-длари, паррандачилик ф-каси бор. Глухов кечки тўқимачилик техникуми, педагогика ва медицина билим юртлари, драма театри, ўлкашунослик музейи мавжуд. Н. 16-асрда Рогожа қишлоғи сифатида вужудга келган.

НОДИМ Зиёвуддинхўжа (19-аср, ҳозирги Самарқанд обл. Пахтачи р-нидаги Зиёвуддин қишлоғи) — ўзбек шоири. Каттақўрғонда яшаб ижод этган. Таржиман ҳолига оид маълумотлар кам. «Тазкираи Ҳашмат»да Н. *Ҳозиқ*нинг яқинларидан эканлиги айтилган.

Н. ижодининг ривожланишида Ҳозиқнинг таъсири сезиларли бўлган. Н. шеърларида ўз замонидан шикоят қилган. *Мирий* ўзининг «Раъно ва Зебо» достонини Н. ижоди таъсирида ёзган. Н. каттақўрғонлик шоирлар б-н доимий алоқада бўлган. «Баёзи Валий»да унинг Алишер Навоий, Бедил, Ҳозиқ ва Вола ғазалларига боғлаган мухаммаслари ва кўплаб шеърлари берилган. Бизгача Н. нинг 1,5 минг мисра шеъри етиб келган.

Ад.: «Афзал ут-тазкор», ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти, қўл ёзмалар фонди, инв. № 61; «Баёзи Валий», ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти, қўл ёзмалар фонди, инв. № 1382.

НОДИМ Намангоний (тахаллуси; асл номи Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғли, 1844 — Наманган — 1910) — ўзбек шоири. Сандқулибек мадрасасида таҳсил кўрган. Араб ва форс тилларини мукаммал билган. Н. Қўқон, Бухоро, Самарқанд ва Туркистоннинг бошқа шаҳарларида бўлган. 1887—88 йилларда Муқимий б-н Тошкентга келиб, рус маданияти ва маорифи б-н танишган. 20-аср бошларида Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган. Н. классик шеъриятнинг деярли ҳамма жанрларида самарали ижод этган. Унинг ўз дастхати б-н тузилган «Баёзи Нодим»да инсоний севги-муҳаббатни куйловчи лирик ғазал-мухаммаслари, Навоий, Нодира, Муқимий, Завқий, Фурқат ғазалларига боғланган, даврнинг илғор ғояларини ифодаловчи тахмислари мавжуд. Н. ўз даврида ўзбек сатирасининг ривожланишига ҳам муҳим ҳисса қўшди. «Мақсуди аларнинг сиймузардур», «Ғалати», «Хит қилди», «Эҳтиёж» радифли ғазаллари ва *Махмур*нинг «Ҳапалак» ғазалига тахмиси, Дукчи эшон ҳақидаги маснавийсида ўз замонининг иллатлари, маҳаллий бой-савдогарларнинг фирибгарликлари, дин арбобларининг мунофиқлигини фош этади. 19-аср охири ва 20-аср бошларида бир неча асарлари «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган.

Ас.: حلا - بـ نضم ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти, қўл ёзмалар фонди, инв. № 4179; Танланган шеърлар. Т., 1964.



Нодим Намангоний. Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейи. Рассом А. М. Коник, 1968.

НОДИМА (19-аср охири ва 20-аср бошлари) — ўзбек шоираси. Маънодор шеърлари б-н халқ орасида шуҳрат топган. Асарларида ўзи яшаган замондан нолийди, ишсиз ва ҳунарсиз аёлларни маърифатга даъват этади, турмуш қийинчиликларидан оҳ-фиғон чекади. *Иброҳим Давронинг* «Ашъори нисвон» («Аёлларнинг шеърлари») номли тазкирасига шоранинг «Қайнанамга» шеъри киритилган ва ўзи ҳақида қисқача маълумот берилган. Ижоди ўрганилмаган.

НОДИР (1743, Қўқон — вафот этган йили номаълум) — ўзбек шоири. Таржиман ҳолига оид маълумот жуда кам. Шоирнинг «Ҳафт гулшан» достонида ёзилишича, у фақирона ҳаёт кечирган. Амир Умархон ва Нодира ҳукмронлиги даврида саройда хизмат қилган. Фазлийнинг «Мажмуат уш-шуаро» тазкирасида унинг моҳир хаттотлиги ва нафис шеърлар ёзиши ҳақида айтилган. Н. форс ва араб тилларини мукаммал билган.


Унинг «Ҳафт гулшан» достони Нодирага бағишланган бўлиб, 7 мустақил шеърий ҳикоядан ташкил топган. Асар бадиий жиҳатдан пишиқ, тили содда, равон. Унда олға сурилган халқпарварлик, адолат, муҳаббат, садоқат, қаҳрамонлик ғоялари Н. нинг 19-асрдаги илғор фикрли ижодкорлардан бири эканини кўрсатади. Достон ЎзССР ФА Шарқ-шунослик ин-ти қўл ёзмалар фондида сақланмоқда (инв. № 1801).

Ад.: Қаюмов А., Қўқон адабий муҳити (XVII—XIX асрлар), Т., 1961; Абдуллаев В., Узбек адабиёти тарихи, 2-нашр., 1967.

НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ — Бухородаги архитектура ёдгорлиги (17-аср), Қўқалдош мадрасаси, Девонбеги хоноқоҳи ва ўртадаги катта ҳовуз б-н биргаликда мухташам ансамблни ташкил этади (қ. *Девонбеги мадрасаси, Лабиҳовуз ансамбли*).

НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ — Самарқанддаги архитектура ёдгорлиги. 1630—31 йилларда аштархонийлардан Нодир Девонбеги маблағига қурилган, номи ҳам шундан. Н. д. м. Хўжа Аҳрор хонақоҳи ва масжиди ёнида жойлашганлигидан баъзан халқ орасида Хўжа Аҳрор мадрасаси номи б-н ҳам юритилади.

17-аср бошларида Самарқанд феодал ҳукмдорларининг руҳонийлар б-н алоқаси қайта мустаҳкамланди. Бунинг самараси ўлароқ йирик феодаллар ўз маблағларига диний иншоотлар қуриш ишини ривожлантирдилар. Мас., Самарқанд ҳукмдори Ялангтўш Баҳодир Регистонни реконструкция қилдирди ва у ерда 2 та янги мадраса барпо эттирди. Аштархонийлар давлатининг ҳукмдорларидан Нодир Девонбеги масжид-намозгоҳ, хонақоҳ, мадраса ва б. иморатлар қурдирди. Бироқ бу даврда қурилган иншоотларнинг кўпчилиги дабдабали ва ҳашаматлилигига қарамасдан шаклан ва мазмунан илгари қурилган шу типдаги иморатларнинг деярли айнан такрори эди. Буларда путури кетган феодал давлатига хос маънавий



Нодира бюсти. Алишер Навоий номидаги шеърият хиёбони, Тошкент.



Нодира девони ва Нодира ижоди ҳақида тадқиқотлар

қашшоқлик, новаторликнинг йўқлиги сезилиб турарди. Бу ҳолни Н. д. м. да ҳам кўриш мумкин: мадрасанинг олди катта пештоқ. Пештоқдаги майда ва жимжимадор нақшлар феруза, яшил ва сариқ рангларда. Мадраса бир қаватли, ўртада ҳовли ва атрофи ҳужралар б-н ўралган. Ҳовлининг икки томони айвон қилинган. Айвон безаклари пештоқ безакларига уйғун. Масжид ва дарсхона ҳовли ичкарисида жойлашган. Тоқи ва парусларн қурилишида ижодий эркинлик кўзга ташланади, шундан мадраса интерьери анча кўркам чиққан. Шунга қарамай, мадрасанинг қурилиш услуби ҳам, безаклари ҳам темурийлар даври меъморлиги даражасига кўтарила олмаган.

НОДИР ДЕВОНБЕГИ ХОНАҚОҲИ — Бухородаги архитектура ёдгорлиги (17-аср), қ. *Девонбеги хонақоҳи* ва *Лабиҳовуз ансамбли*.

НОДИР МЕТАЛЛАР, сийрак металлар — қ. *Нодир элементлар*.

НОДИР МЕТАЛЛАРНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ — *нодир элементлар* б-н бошқа элементларни қўшиб суюқлантириш натижасида ҳосил бўладиган қотишмалар. Саноатда энг кўп ишлатиладиган Н. м. қ. жумласига *ванадий қотишмалари, вольфрам қотишмалари, молибден қотишмалари, ниобий қотишмалари, рений қотишмалари, тантал қотишмалари, цирконий қотишмалари* ва б. киради. Н. м. қ. учун умумий хоссалар — иссиқбардошлик, коррозиябардошлик, оловбардошлик ва б. Бу қотишмалар машинасозлик, асбобсозлик, ракетасозликда ва саноатнинг кўпгина бошқа тармоқларида ишлатилади.

НОДИР ЭЛЕМЕНТЛАР, сийрак элементлар — ер пўстида жуда кам учрайдиган элементларнинг шартли номи. Улар 45 га яқин металлдан иборат. Чунончи: литий (Li), рубидий (Rb), цезий (Cs), бериллий (Be), радий (Ra), галлий (Ga), индий (In), таллий (Tl), германий (Ge), ванадий (V), ниобий (Nb), тантал (Ta), селен (Se), теллур (Te), полоний (Po), молибден (Mo), вольфрам (W), рений (Re), скандий (Sc), иттрий (Y), лантан (La) ва 14 та лантаноид, актиний (Ac), торий (Th), протактиний (Pa), уран (U) ва *инерт газлар*. Н. э. нисбатан янги ёки нисбатан кам ўзлаштирилган ва кам қўлланиладиган элементлардир. Кўпчилик Н. э. ҳақиқатан ер пўстида оз, баъзилари кўп учрайди, ҳатто уларнинг ер пўстидаги миқдори турмушда ва техникада энг кўп қўлланиладиган элементларникидан анча ортиқ эканлиги маълум. Мас., бир вақтлар «нодир» ҳисобланган титан элементининг ер пўстидаги миқдори углерод, азот каби элементларникидан анча ортиқдир. Барча Н. э. ер пўстининг оғирлик жиҳатидан 0,2 процентини ташкил қилади. Тор жинсининг 1 тоннасида ўртача 65 *г* литий, 46 *г* церий, 150 *г* ванадий, 220 *г* цирконий бўлади. Н. э., кўпинча, ер пўстида иккита, учта, тўртта элемент б-н бирга учрайди. Мас., I группага мансуб Li, Rb, Cs III группага оид Sc, Y каби нодир-ер элементлари б-н, IV группага оид Ge эса Zr б-н, V группага оид Nb бўлса Ta б-н, IV группа элементи — Mo эса W б-н биргаликда учрайди.

Урта Осиё Н. э. нинг деярли барчаси таркиби мураккаб рудаларда учрайди. Н. э. дан халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган қотишмалар олишда, оптик асбоблар ва б. ясашда кенг фойдаланилади.

Ад.: Сонгина О. А., Редкие металлы, М., 1964; Бадалов С. Т., Урта Осиёнинг нодир элементлари, Т., 1965; Уринбоев К., Нодир элементлар улкан конлардан нишона, Т., 1971.

НОДИР-ЕР ЭЛЕМЕНТЛАРИ, сийрак-ер элементлар — қ. *Лантаноидлар, Иттрий, Скандий*.

НОДИРА (тахаллуси; исми Моҳларойим, 1792, Андижон — 1842, Қўқон) — ўзбек шоираси, маърифатпарвар ва давлат арбоби. «Комила» ва «Макнуна» тахаллуслари б-н ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андижон ҳокими Раҳмонқулбий минг қабиласидан, Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси.

Олимхон укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини беради ва уни 1808 йилда Н. га уйлантиради. Н. шу хонадонда шеър ёзишни машқ қилади, шоира Увайсий б-н таништади, уни ёш болалар ва канизакларни ўқитиш учун муаллима сифатида саройга таклиф қилади. Н. нинг турмуш йўлдоши Амир Умархон ҳам *Амирий* тахаллусида ижод қилган.

1824 йилда Умархон вафот этиб, унинг ўғли 14 ёшли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) тахтга кўтарилди. Лекин давлатни, асосан, Н. нинг ўзи идора қилди. У маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди. Н. нинг замондоши, сарой шоири Хотиф шундай дейди: «Умархон вафотидан сўнг бу иффат садафининг инжуси Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, нақкошларни ўз хизматига чақиртириб келди». Н. бир неча китобларни кўчиртирди ва шоирларни янги-янги девонлар, асарлар, достонлар ёзишга ташвиқ қилди. Шоира девонларининг чиройли ёзилиши, муқовасининг безатилишини ўзи шахсан кўздан кечириб турган. У яхши ишлаган котибларга тилла қалам, кумуш қаламдон бериб, уларни «Заррин қалам»лик мансабига кўтарган.

Н. бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвон саройлар қурилишига эътибор берган. Ғўристон калондаги Мадрасан Чалпак, Тақагарлик растасидаги Моҳларойим мадрасаси бино эттирган. Амир Насрулло 1842 йилда Қўқонга бостириб кириб, уни талон-торож қилди. Маъдалихонни, укаси Султон Маҳмудхонни, 14 яшар ўғли Муҳаммад Аминхонни ва Н. ни фожиали равишда ўлдирди.

Н. нинг адабий мероси ўз ғоявий-бадиий аҳамияти нуқтаи назаридан классик поэзиянинг гўзал намуналаридандир. Унинг тўла бўлмаган битта ўзбекча девони УзССР ФА Шарқшунослик ин-ти фондида (инв. № 4132) сақланади. Девонга Н. нинг «ə» (Д) ҳарфигача бўлган 109 (ёки 1704 мисра) ғазали киритилган. Унда Н. нинг ўзи ёзган дебочада таржимаи ҳолига оид баъзи муҳим маълумотлар берилган. 19-асрда кўчирилган, ҳозир УзССР ФА Тарих музейи архивида сақланаётган девонда Н. нинг «Комила» тахаллуси б-н ёзган 19 та (328 мисра) ғазали борлиги аниқланган. 1962 йилда Наманганда шоиранинг мукаммал девони топилди. УзССР ФА Алишер Навоий номли давлат адабиёт музейида сақланаётган (инв. № 313) бу девон шоиранинг мероснни тўлиқ қамраб олган дейиш мумкин. Бунда шоира ёзган дебоча мукаммал берилган. Девонда шоиранинг «Нодира» тахаллуси б-н ёзган 180 та шеъри жамланган (шулардан 136 таси ўзбек тилида, 44 таси тожик тилида). Шулардан 11 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржиъбанд, 1 таркиббанд ва 1 фироқнома

ҳам мавжуд. УзССР ФА Шарқшунослик ин-ти фондида Н. нинг «Макнуна» тахаллуси б-н ёзилган 333 ғазалдан иборат бир девони (инв. № 7766) мавжуд. Бугунги кунда биз Н. нинг ўзбек ва тожик тилларида яратган 10 минг мисрага яқин лирик меросига эгамиз.

Н. поэтик меросининг асосини лирика ташкил этади. Н. муҳаббат, садоқат ва вафо куйчисидир. У гўзаллик ва садоқатни, Шарқ хотин-қизларининг дард-аламлари, оҳу фиғонларини куйлади. Н. учун ишқ кенг ижтимоий маънога эга. Шоира ўзини ишқ ойнаси деб атар экан, бу ойнада инсоннинг ҳаётга умид б-н қараши, эзгу-истаклари ва орзуси акс этган. Унинг инсон ва табиатга нисбатан оптимистик қараши муҳаббат мавзуи орқали ифодаланган.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт!

Н. нинг муҳаббат тушунчаси чуқур социал мазмун касб этади. Муҳаббат шахсий туйғулар доирасидан юқори кўтарилиб, кенг маънода одамийликни чуқур идрок қилиш воситасига айлантирилади. Н. инсоннинг энг юксак фазилати вафодорликда деб билади. Шоиранинг тожик тилидаги мебош радифли ғазалида вафо мавзуи кенг планда қаламга олинади. Ишқ вафо б-н кучли эканлиги айтилади. Шоира вафодор ёр даражасидан «вафо аҳли» даражасига кўтарилади.

Н. саройда яшаса ҳам ўзини маънавий жиҳатдан бахтиёр ҳисоблай олмас эди. Шунинг учун ҳам у ғазалларидан бирида: «мени салтанат маснадида кўриб, гумон этманг айшу фарогат билан» дейди.

Н. олимлар, шоирлар, айниқса шоираларни ўз ҳимоясига олган. Девонларининг «ҳамнишин олима афифалар, фозила ҳамсуҳбат шарифаларнинг маслаҳатлари ва ташаббусларига кўра жамланган»ни шоира ўзбекча девонига ёзган сўз бошисида қайд этиб ўтади. Н. ижодида ҳуқуқсиз хотин-қизларнинг чеккан изтироби, фожиали ҳаёти, аламли кечинмаларини акс эттирди. Унинг ижодида баъзан учрайдиган диний-мистик майллар, оҳ-нолалар ўша муҳит б-н боғлиқ эди. Бироқ у шеъриятда ҳақсизлик, жаҳолат, тенгсизликдан шикоят қилди ва, айниқса, хотин-қизлар тақдирининг аччиқ оқибатларидан фарёд этди, ҳаётда эзгуликни улуғлаб, инсоний орзуларни куйлади, ўзи мансуб бўлган синф доирасидан маълум даражада юқори кўтарила олди. Унинг «Умидворман, умидимиз тонги келиб қолади» деган ғазали шоиранинг оптимистик лирикасининг гўзал намунасидир. Н. ўз асарларида яхши кунларнинг келишига ишонч б-н қарайди ва замондошларини шу ишонч руҳида тарбиялашга интилади.

Н. классик поэзиянинг мавжуд ҳамма жанрларида қалам тебратди. Унинг ўзбекча ва тожикча ғазаллари 5, 7, 9, 13, ҳатто 18 байтли ҳажм ва арузнинг турли вазнларида яратилган. Шоира ғазалларининг асосий қисми 7—9 байтлидир. Н. классик адабиёт анъаналарини самимият ва ихлос б-н давом эттирди. Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлади. Н. ўз ғазалларида кўпроқ «мукаррар» (сўзнинг такрорланиб келиши) ва «қўш мукаррар» усулларини қўллади.

Н. асарларида талмеҳ, мажоз, ташбеҳ, истиора, тазод, тадриж, ташхис, интоқ каби бадиий воситалар маҳорат б-н қўлланилган. Н. нинг лирик ғазаллари чуқур мазмундорлиги, гуманистик мотивлари б-н ўша замондаги илғор ғояларни тараннум этди.

Н. тожик тилида ҳам гўзал таъсирчан шеърлар ёзган. Улар ҳам мазмун, ҳам бадиий маҳорат жиҳатдан ўзбек тилидаги ғазалларидек юксак даражада ёзилган бўлиб, шоира ижодини яна ҳам кенг ва тўлароқ ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Н. ижодига бўлган қизиқиш шоира ҳаётлик давридаёқ бошланган. Машҳур шоира Дилшод Н. га махсус ғазаллар бағишлаб, уни «илм-одоб ва назм осмонининг юлдузи, ушшоқлар ғазалхони, шакар сочувчи булбул» деб таърифлайди. Н. ғазалларига жуда кўп шоирлар назира ёзганлар, мухаммас боғлаганлар. Маърифатпарвар шоиранинг ижоди Октябрь инқилобидан сўнг ўрганилди ва кенг тарғиб қилинди, асарлари қайта-қайта нашр этилмоқда. Узбек совет адабиётида ва саҳнада Н. нинг бадиий образи яратилди. Ҳ. Раззоқовнинг «Нодира» музикали драмаси юзага келди. Комил Ёрматов ва М. Мелькумовларнинг сценарийси асосида «Нодира бегим» фильми ҳам яратилди. Шоира асарлари рус ва қардош халқлар тилларига таржима қилинган. Ғазаллари ўзбек мақомлари ва халқ куйларига солинган. Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида кўплаб кўчалар, кинотеатр, мактаб ва кутубхоналар Н. номи б-н юритилади (56-бетда Н. нинг рангли портрети берилган).



Нодиров Т.

Ас.: Девон, Т., 1963; Асарлар, 2 жилдлик, 2-ж., 1—2-к., Т., 1971; Девон (тожик тилидаги ғазаллар), Душанба, 1967; Увайсий, Маҳзуна ва Нодира, Шеърлар, Т., 1958; Нодира, Шеърлар, Т., 1958.

Ад.: Жалолов Т., Ўзбек шоиралари, 1-китоб, 2-нашр, Т., 1970; Абдуллаев В., Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, 1967; Қаюмов А., Қўқон адабий муҳити, Т., 1961; Қодирова М., Нодира, Ҳаёти ва ижоди, Т., 1965.

НОДИРОВ Турди (1936. 5. 10, Тошкент) — кинорежиссёр-оператор, УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1973). 1965 йилдан КПСС аъзоси. 1959 йили Бутуниттифоқ кинематография давлат ин-ти (ВГИК)нинг операторлик ф-тини тугатган. 1959—61 йилларда «Узбекфильм» киностудиясида оператор. 1961 йилдан Ўзбекистон Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида режиссёр-оператор бўлиб ишлайди. «Зангори олов кишилари» ҳужжатли киноси Н. нинг биринчи фильмидир. Н. 70 дан ортиқ илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар яратди. «Салом, Баҳор» (1963), «Олтин тўй», «Тожихон билан учрашув», «Аския» (1964), «Ун уч қалдиргоч» (1965), «Тоғ ва афсоналар мамлакати» (1966), «Ашуров воқеаси» (1967), «Канадада саккиз кун» (1968), «Олтин Бенгалия» (1973), «Ленин ва Ўзбекистон» (1974), «Тошкент жасорати» (1975) кабилар шулар жумласидан. УзССР Ленин комсомолининг лауреати (1968).

НОДИРПУР НОДИР (1929) — эрон шоири. Теҳрон ва Парижда таълим олган. У «Чашма ва қўллар» (1954), «Қадаҳ қизи» (1955), «Шеърият ва узум» (1958), «Хуршид сурмаси» (1960) каби шеърий тўпламлар муаллифи. Шеърларида табиат воқеа-ҳодисалари орқали инсоннинг руҳий кечинмалари, жамиятга муносабати, орзу ва истаклари ифода этилган. 50-йилларда Эронда миллий озодлик ҳаракатининг кенгайиб, янги босқичга кўтарилиши



Нодира бюсти. Алишер Навоий номидаги шеърият хиёбони, Тошкент.



Нодира девони ва Нодира ижоди ҳақида тадқиқотлар

қашшоқлик, новаторликнинг йўқлиги сезилиб турарди. Бу ҳолни Н. д. м. да ҳам кўриш мумкин: мадрасанинг олди катта пештоқ. Пештоқдаги майда ва жимжимадор нақшлар феруза, яшил ва сариқ рангларда. Мадраса бир қаватли, ўртада ҳовли ва атрофи ҳужралар б-н ўралган. Ҳовлининг икки томони айвон қилинган. Айвон безаклари пештоқ безакларига уйғун. Масжид ва дарсхона ҳовли ичкарисида жойлашган. Тоқи ва парускар қурилишида ижодий эркинлик кўзга ташланади, шундан мадраса интерьери анча кўркам чиққан. Шунга қарамай, мадрасанинг қурилиш услуби ҳам, безаклари ҳам темурийлар даври меъморлигидаражасига кўтарила олмаган.

НОДИР ДЕВОНБЕГИ ХОНАҚОҲИ — Бухородаги архитектура ёдгорлиги (17-аср), қ. *Девонбеги хонақоҳи* ва *Лабиҳовуз ансамбли.*

НОДИР МЕТАЛЛАР, сийрак металлар — қ. *Нодир элементлар.*

НОДИР МЕТАЛЛАРНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ — *нодир элементлар* б-н бошқа элементларни қўшиб суюқлантириш натижасида ҳосил бўладиган қотишмалар. Саноатда энг кўп ишлатиладиган Н. м. қ. жумласига *ванадий қотишмалари, вольфрам қотишмалари, молибден қотишмалари, ниобий қотишмалари, рений қотишмалари, тантал қотишмалари, цирконий қотишмалари* ва б. киради. Н. м. қ. учун умумий хоссалар — иссиқбардошлик, коррозиябардошлик, оловбардошлик ва б. Бу қотишмалар машинасозлик, асбобсозлик, ракетасозликда ва саноатнинг кўпгина бошқа тармоқларида ишлатилади.

НОДИР ЭЛЕМЕНТЛАР, сийрак элементлар — ер пўстида жуда кам учрайдиган элементларнинг шартли номи. Улар 45 га яқин металлдан иборат. Чунончи: литий (Li), рубидий (Rb), цезий (Cs), бериллий (Be), радий (Ra), галлий (Ga), индий (In), таллий (Tl), германий (Ge), ванадий (V), ниобий (Nb), тантал (Ta), селен (Se), теллур (Te), полоний (Po), молибден (Mo), вольфрам (W), рений (Re), скандий (Sc), иттрий (Y), лантан (La) ва 14 та лантаноид, актиний (Ac), торий (Th), протактиний (Pa), уран (U) ва *инерт газлар.* Н. э. нисбатан янги ёки нисбатан кам ўзлаштирилган ва кам қўлланиладиган элементлардир. Кўпчилик Н. э. ҳақиқатан ер пўстида оз, баъзилари кўп учрайди, ҳатто уларнинг ер пўстидаги миқдори турмушда ва техникада энг кўп қўлланиладиган элементларникидан анча ортиқ эканлиги маълум. Мас., бир вақтлар «нодир» ҳисобланган титан элементининг ер пўстидаги миқдори углерод, азот каби элементларникидан анча ортиқдир. Барча Н. э. ер пўстининг оғирлик жиҳатидан 0,2 процентини ташкил қилади. Тоғ жинсининг 1 тоннасида ўртача 65 *г* литий, 46 *г* церий, 150 *г* ванадий, 220 *г* цирконий бўлади. Н. э., кўпинча, ер пўстида иккита, учта, тўртта элемент б-н бирга учрайди. Мас., I группага мансуб Li, Rb, Cs III группага оид Sc, Y каби нодир-ер элементлари б-н, IV группага оид Ge эса Zr б-н, V группага оид Nb бўлса Ta б-н, IV группа элементи — Mo эса W б-н биргаликда учрайди.

Урта Осиё Н. э. нинг деярли барчаси таркиби мураккаб рудаларда учрайди. Н. э. дан халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган қотишмалар олишда, оптик асбоблар ва б. ясашда кенг фойдаланилади.

Ад.: Спицина О. А., Редкие металлы, М., 1964; Бадалов С. Т., Урта Осиёнинг нодир элементлари, Т., 1965; Уринбоев К., Нодир элементлар ўлкани конлардан нишона, Т., 1971.

НОДИР-ЕР ЭЛЕМЕНТЛАРИ, сийрак-ер элементлари — қ. *Лантаноидлар, Иттрий, Скандий.*

НОДИРА (тахаллуси; исми Моҳларойим, 1792, Андижон — 1842, Қўқон) — ўзбек шоираси, маърифатпарвар ва давлат арбоби. «Комила» ва «Мақнуна» тахаллуслари б-н ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андижон ҳокими Раҳмонқулбий минг қабиласидан, Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси.

Олимхон укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини беради ва уни 1808 йилда Н. га уйлантиради. Н. шу хонадонда шеър ёзишни машқ қилади, шоира Увайсий б-н таништади, уни ёш болалар ва канизакларни ўқитиш учун муаллима сифатида саройга таклиф қилади. Н. нинг турмуш йўлдоши Амир Умархон ҳам *Амирий* тахаллусида ижод қилган.

1824 йилда Умархон вафот этиб, унинг ўғли 14 ёшли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) тахтга кўтарилди. Лекин давлатни, асосан, Н. нинг ўзи идора қилди. У маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди. Н. нинг замондоши, сарой шоири Хотиф шундай дейди: «Умархон вафотидан сўнг бу иффат садафининг инжуси Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва бошқа шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, нақкошларни ўз хизматига чақиртириб келди». Н. бир неча китобларни кўчиртирди ва шоирларни янги-янги девонлар, асарлар, достонлар ёзишга ташвиқ қилди. Шоира девонларининг чиройли ёзилиши, муқовасининг безатилишини ўзи шахсан кўздан кечириб турган. У яхши ишлаган котибларга тилла қалам, кумуш қаламдон бериб, уларни «Заррин қалам»лик мансабига кўтарган.

Н. бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвон саройлар қурилишига эътибор берган. Гўристони калондаги Мадрасаи Чалпак, Тақагарлик растасидаги Моҳларойим мадрасаси бино эттирган. Амир Насрулло 1842 йилда Қўқонга бостириб кириб, уни талон-торож қилди. Маъдалихонни, укаси Султон Маҳмудхонни, 14 яшар ўғли Муҳаммад Аминхонни ва Н. ни фожиали равишда ўлдирди.

Н. нинг адабий мероси ўз ғоявий-бадиий аҳамияти нуқтаи назаридан классик поэзиянинг гўзал намуналаридандир. Унинг тўла бўлмаган битта ўзбекча девони ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти фондида (инв. № 4132) сақланади. Девонга Н. нинг «ə» (Д) ҳарфигача бўлган 109 (ёки 1704 мисра) ғазали киритилган. Унда Н. нинг ўзи ёзган дебочада таржимаи ҳолига оид баъзи муҳим маълумотлар берилган. 19-асрда кўчирилган, ҳозир ЎзССР ФА Тарих музейи архивида сақланаётган девонда Н. нинг «Комила» тахаллуси б-н ёзган 19 та (328 мисра) ғазали борлиги аниқланган. 1962 йилда Намангандa шоирaнинг мукаммал девони топилди. ЎзССР ФА Алишер Навоий номли давлат адабиёт музейида сақланаётган (инв. № 313) бу девон шоирaнинг мероснни тўлиқ қамраб олган дейиш мумкин. Бунда шоира ёзган дебоча мукаммал берилган. Девонда шоирaнинг «Нодира» тахаллуси б-н ёзган 180 та шеъри жамланган (шулардан 136 таси ўзбек тилида, 44 таси тожик тилида). Шулардан 11 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржиъбанд, 1 таркиббанд ва 1 фироқнома

ҳам мавжуд. ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти фондида Н. нинг «Мақнуна» тахаллуси б-н ёзилган 333 ғазалдан иборат бир девони (инв. № 7766) мавжуд. Бугунги кунда биз Н. нинг ўзбек ва тожик тилларида яратган 10 минг мисрага яқин лирик меросига эгамиз.

Н. поэтик меросининг асосини лирика ташкил этади. Н. муҳаббат, садоқат ва вафо куйчисидир. У гўзаллик ва садоқатни, Шарқ хотин-қизларининг дард-аламлари, оҳу фиғонларини куйлади. Н. учун ишқ кенг ижтимоий маънога эга. Шоира ўзини ишқ ойнаси деб атар экан, бу ойнада инсоннинг ҳаётга умид б-н қараши, эзгу-истаклари ва орзуси акс этган. Унинг инсон ва табиатга нисбатан оптимистик қараши муҳаббат мавзуи орқали ифодаланган.

Муҳаббатсиз киши одам эмасдур,
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт!

Н. нинг муҳаббат тушунчаси чуқур социал мазмун касб этади. Муҳаббат шахсий туйғулар доирасидан юқори кўтарилиб, кенг маънода одамийликни чуқур идрок қилиш воситасига айлантирилади. Н. инсоннинг энг юксак фазилати вафодорликда деб билади. Шоиранинг тожик тилидаги м е б о ш радифли ғазалида вафо мавзуи кенг планда қаламга олинади. Ишқ вафо б-н кучли эканлиги айтилади. Шоира вафодор ёр даражасидан «вафо аҳли» даражасига кўтарилади.

Н. саройда яшаса ҳам ўзини маънавий жиҳатдан бахтиёр ҳисоблай олмас эди. Шунинг учун ҳам у ғазалларидан бирида: «мени салтанат маснадида кўриб, гумон этманг айшу фарогат билан» дейди.

Н. олимлар, шоирлар, айниқса шоираларни ўз ҳимоясига олган. Девонларининг «ҳамнишин олима афифалар, фозила ҳамсуҳбат шарифаларнинг маслаҳатлари ва ташаббусларига кўра жамланган»ни шоира ўзбекча девонига ёзган сўз бошисида қайд этиб ўтади. Н. ижодида ҳуқуқсиз хотин-қизларнинг чеккан изтироби, фожиали ҳаёти, аламли кечинмаларини акс эттирди. Унинг ижодида баъзан учрайдиган диний-мистик майллар, оҳ-нолалар ўша муҳит б-н боғлиқ эди. Бироқ у шеъриятда ҳақсизлик, жаҳолат, тенгсизликдан шикоят қилди ва, айниқса, хотин-қизлар тақдирининг аччиқ оқибатларидан фарёд этди, ҳаётда эзгуликни улуғлаб, инсоний орзуларни куйлади, ўзи мансуб бўлган синф доирасидан маълум даражада юқори кўтарила олди. Унинг «Умидворман, умидимиз тонги келиб қолади» деган ғазали шоиранинг оптимистик лирикасининг гўзал намунасидир. Н. ўз асарларида яхши кунларнинг келишига ишонч б-н қарайди ва замондошларини шу ишонч руҳида тарбиялашга интилади.

Н. классик поэзиянинг мавжуд ҳамма жанрларида қалам тебратди. Унинг ўзбекча ва тожикча ғазаллари 5, 7, 9, 13, ҳатто 18 байтли ҳажм ва арузнинг турли вазнларида яратилган. Шоира ғазалларининг асосий қисми 7—9 байтлидир. Н. классик адабиёт анъаналарини самимият ва ихлос б-н давом эттирди. Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлади. Н. ўз ғазалларида кўпроқ «мукаррар» (сўзнинг такрорланиб келиши) ва «қўш мукаррар» усулларини қўллади.

Н. асарларида талмеҳ, мажоз, ташбеҳ, истиора, тазод, тадриж, ташхис, интоқ каби бадиий воситалар маҳорат б-н қўлланилган. Н. нинг лирик ғазаллари чуқур мазмундорлиги, гуманистик мотивлари б-н ўша замондаги илғор ғояларни тараннум этди.

Н. тожик тилида ҳам гўзал таъсирчан шеърлар ёзган. Улар ҳам мазмун, ҳам бадиий маҳорат жиҳатдан ўзбек тилидаги ғазалларидек юксак даражада ёзилган бўлиб, шоира ижодини яна ҳам кенг ва тўлароқ ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Н. ижодига бўлган қизиқиш шоира ҳаётлик давридаёқ бошланган. Машҳур шоира Дилшод Н. га махсус ғазаллар бағишлаб, уни «илм-одоб ва назм осмонининг юлдузи, ушшоқлар ғазалхони, шакар сочувчи булбул» деб таърифлайди. Н. ғазалларига жуда кўп шоирлар назира ёзганлар, мухаммас боғлаганлар. Маърифатпарвар шоиранинг ижоди Октябрь инқилобидан сўнг ўрганилди ва кенг тарғиб қилинди, асарлари қайта-қайта нашр этилмоқда. Узбек совет адабиётида ва саҳнада Н. нинг бадиий образи яратилди. Ҳ. Раззоқовнинг «Нодира» музикали драмаси юзага келди. Комил Ёрматов ва М. Мелькумовларнинг сценарийси асосида «Нодира бегим» фильми ҳам яратилди. Шоира асарлари рус ва қардош халқлар тилларига таржима қилинган. Ғазаллари ўзбек мақомлари ва халқ куйларига солинган. Республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларида кўплаб кўчалар, кинотеатр, мактаб ва кутубхоналар Н. номи б-н юритилади (56-бетда Н. нинг рангли портрети берилган).

Ас.: Девон, Т., 1963; Асарлар, 2 жилдлик, 2-ж., 1—2-к., Т., 1971; Девон (тожик тилидаги ғазаллар), Душанбе, 1967; Увайсий, Маҳзуна ва Нодира, Шеърлар, Т., 1958; Нодира, Шеърлар, Т., 1958.
Ад.: Жалолов Т., Ўзбек шоиралари, 1-китоб, 2-нашр, Т., 1970; Абдуллаев В., Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, 1967; Қаюмов А., Қўқон адабий муҳити, Т., 1961; Қодирова М., Нодира, Ҳаёти ва ижоди, Т., 1965.



Нодиров Т.

НОДИРОВ Турди (1936. 5. 10, Тошкент) — кинорежиссёр-оператор, УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1973). 1965 йилдан КПСС аъзоси. 1959 йили Бутуниттифоқ кинематография давлат ин-ти (ВГИК)нинг операторлик ф-тини тугатган. 1959—61 йилларда «Узбекфильм» киностудиясида оператор. 1961 йилдан Узбекистон Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида режиссёр-оператор бўлиб ишлайди. «Зангори олов кишилари» ҳужжатли киноси Н. нинг биринчи фильмидир. Н. 70 дан ортиқ илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар яратди. «Салом, Баҳор» (1963), «Олтин тўй», «Тожихон билан учрашув», «Аския» (1964), «Ун уч қалдиргоч» (1965), «Тоғ ва афсоналар мамлакати» (1966), «Ашуров воқеаси» (1967), «Канадада саккиз кун» (1968), «Олтин Бенгалия» (1973), «Ленин ва Узбекистон» (1974), «Тошкент жасорати» (1975) кабилар шулар жумласидан. УзССР Ленин комсомолининг лауреати (1968).

НОДИРПУР НОДИР (1929) — эрон шоири. Теҳрон ва Парижда таълим олган. У «Чашма ва қўллар» (1954), «Қадаҳ қизи» (1955), «Шеърият ва узум» (1958), «Хуршид сурмаси» (1960) каби шеърий тўпламлар муаллифи. Шеърларида табиат воқеа-ҳодисалари орқали инсоннинг руҳий кечинмалари, жамиятга муносабати, орзу ва истаклари ифода этилган. 50-йилларда Эронда миллий озодлик ҳаракатининг кенгайиб, янги босқичга кўтарилиши

Н. Н. ижодига янгича руҳ ва мазмун киритди. У форс шеъриятида «Янги шеър» йўналишини назарий ва амалий асослашга ҳаракат қилади.

Ад.: Кляшторина В. Б., Современная персидская поэзия, М., 1962.

НОДИРШОҲ Афшор (1688, Дерегёз — 1747, Хабушон) — *Қизилбошлилар*нинг афшор қабиласидан бўлган Эрон шоҳи (1736—47). У дастлаб Хуросонда ҳарбий бошлиқ бўлган. 1726 йили сафавийлар шоҳи Тахмасп II (1722—32 йиллари ҳукмронлик қилган) нинг ҳарбий хизматига ўтиб, шу йили Машҳаддан афғонларни қувиб чиқарган. Ҳиротдаги абдал ва Хуросондаги туркман қабилаларига қарши курашда ғолиб келган. Эронни босиб олиш учун уруш бошлаган Туркия аскарлари устидан ғалаба қозонди. 1732 йили Тахмасп II ни тахтдан ағдариб, унинг ўғли Аббос III ни шоҳ, ўзини эса унга регент деб эълон қилди. Туркия устидан ғалаба қозонгач (1736), Н. Эрон тахтига чиқди. Марказлаштириш сиёсатини олиб борди. Н. нинг талончилик урушлари натижасида йирик бир давлат — империя вужудга келди. Унга Арманистон, Озарбайжон, Грузия, Дағистон, Афғонистон, Балужистон ҳамда Хева ва Бухоро хонлиги кирди. 1737—39 йилларда Н. Шимолий Ҳиндистонга ҳужум қилди ва *Бобурийлар* пойтахти Деҳлини эгаллаб (1739), катта бойликни қўлга киритди. Н. империясида қаттиқ истибдод тузуми ўрнатилди. Кетма-кет солиқларга қарши деҳқонлар ва шаҳар камбағалларининг қўзғолонлари бошланди. Тобе халқларнинг босқинчиларга қарши кураши кучайди, феодалларнинг ўзаро уруши ҳам авж олди. Н. Хуросонда фитна натижасида ўлдирилди.

Ад.: Арунова М. Р., Ашрафян К. З., Государство Надир-шаха Афшара, М., 1958.

«НОДОН СИНМУН» («Меҳнат газети») — корейс тилида чиқадиган кундалик газета. Корея Меҳнат партияси МҚнинг органи. 1945 йил 1 ноябрдан Пхеньянда нашр этилади. Тиражи 300 мингга яқин (1975).

НОЕВКЛИД ГЕОМЕТРИЯЛАР — *Евклид геометрия*сидан ўзга геометрик системалар. Тор маънода Н. г. деб *Лобачевский геометрияси* ва *Риман геометрияси* тушунилади. Лобачевский геометриясининг аксиоматикаси Евклид геометриясининг аксиоматикасидан параллеллик аксиомаси б-н фарқ қилади. Бу аксиомага мувофиқ текисликда берилган тўғри чизиқда ётмаган нуқта орқали шу тўғри чизиқ б-н кесишмайдиган нексиз кўп тўғри чизиқ ўтказиш мумкин. Риман геометриясида бир текисликда ётувчи ҳар қандай икки тўғри чизиқ кесиши аксиомадир. Н. г. ни Евклид геометриясидан ва бир-биридан фарқловчи кўпгина аксиома ва теоремалар мавжуд. Мас., учбурчак ички бурчакларининг йиғиндиси Евклид геометриясида $2d = 180°$ га тенг, Лобачевский геометриясида $2d$ дан кичик, Риман геометриясида $2d$ дан катта. Евклид ва Лобачевский геометрияларида тўғри чизиқ нуқталарининг тартиби ҳақиқий сонлар тартибига мос келади, Риман геометриясида эса бир тўғри чизиқда ётувчи уч нуқта учун «бири иккитасининг орасида» деган тушунча мавжуд эмас (бир айланада ётувчи уч нуқтага ўхшаш).

Математика ва унинг татбиқларида Минковский геометрияси, симплектик геометрия ва б. Н. г. ҳам қўлланилади.

Ад.: Ефимов Н. В., Высшая геометрия, 5 изд., М., 1971.

НОЗЕМАЛАР (Nosema) — *микроспоридиялар* туркумига мансуб паразит содда жониворлар уруғи. 90 (баъзи маълумотларга кўра 120) га яқин тури бор. Содда ҳайвонларда (грегаринада), ковакичлиларда, бўғимоёқлиларда, балиқларда, сувда ва қуруқда яшовчиларнинг ҳужайраларида паразитлик қилиб, тўқима, орган ва бутун организмни шикастлайди. Нозематоз ёки микроспоридиоз касаллигини қўзғатади. Н. асаларичилик, ипакчилик ва балиқчиликка катта зарар етказади, баъзи турлари эса қ. х. зараркунандаларида эпизоотияга сабаб бўлади, шунинг учун булардан биологик қарши курашда фойдаланиш мумкин.

НОЗЕМАТОЗ — асалариларда учрайдиган юқумли касаллик. Ноземалар уруғига мансуб бир ҳужайрали паразитлар қўзғатади. Асаларилар ичагида паразитлик қилади. Асаларичиликка катта зарар етказади. Арилар ўсишдан қолади, кўплаб нобуд бўлади, асал бермайди. Касаллик оғиз орқали, айрим вақтларда контакт усулда (касалланган арилар орқали) юқади. Касаллик май ойида жуда ривожланади, октябрь ойида йўқола бошлайди.

Даволаш: касалланган асаларилар фумагиллин эритмаси б-н боқилади.

Олдини олиш: мум катаклар дезинфекция қилинади, асаларилар янги, тоза қутиларга кўчирилади.

НОЗИКНИҲОЛ, космос, космея (Cosmea) — мураккабгулдошлар (мураккабгуллилар оиласи)га мансуб бир ёки кўп йиллик ўтлар туркуми. Бўйи 1 *м* ча, пояси шохланган, барги қўш патсимон қирқилган; тўпгули узун гулбандли саватча, гули найсимон, тилсимон, икки жинсли, пушти, қизил ёки оқ. Меваси тез тўкиладиган пистача. 25 тача тури тропик ва субтропик Америкада учрайди. Ўзбекистонда бир йиллик қўш патсимон Н. ва сариқ гулли Н. манзарали ўсимлик сифатида экилади.

НОЗИЛ (тахаллуси; асл номи Аваз Муҳаммад, 1788, Хўжанд — 1876, Қўқон) — ўзбек шоири. Таржимаи ҳолига оид баъзи маълумотлар ҳамда шеърларидан намуналар 19-асрда Қўқонда тузилган тазкира ва баёзларда учрайди. Умархон саройида яшаган, кейинчалик умрининг тахм. 40 йилини фақирона ҳаёт кечириш б-н ўтказган. Н. нинг кўпчилик шеърлари ўз замонидаги илғор шоирлар Махмур, Гулханий, Маъданларнинг асарларига ҳамоҳанг. Асарларида замон иллатлари, ҳукмдорлардан шикоят ифодаланган. Н. хонга ариза тариқасида ёзган «Муҳаммас аз барои арзи дил» асарида ўзининг оғир аҳволини баён этган. Бу шеър Гулханийнинг «Бер» ва Махмурнинг «Вазир» радифли мухаммасига мазмунан яқин. Н. дан ҳажми ўн минг мисрага яқин 480 саҳифалик бир девон қолган.

Ас.: Алишер Навоий номли Давлат адабиёт музейи, қўл ёзмалар фонди, инв. № 505.

НОЗИМ Мулла Билол (1825, Ғулжа — 1899, Еркент) — уйғур шоири. Бошланғич маълумотни отасидан олган, сўнгра Ғулжа мадрасасида ўқиган. Хаттотлик қилган. Араб, форс тилларини яхши билган. 1851 йили «Ғазалиёт» девонини тузди. Манжур-хитой босқинчиларига қарши 1864—67 йиллардаги Или қўзғолонига бағишланган «Китоби ғазот дар мулки Чин» («Чин империясидаги урушлар ҳақида китоб») тарихий достони (1876) да уйғур халқининг миллий қаҳрамони Содир Полвон жасоратини мадҳ этди. Халқ ҳикояси асосида яратган «Чонг мўза Юсуфхон» («Чўққи кулоҳли Юсуфхон») достони (1881) да динни қурол қилиб, меҳнаткаш халққа зулм ўтказаётган хўжа, шайх ва бекларнинг ҳийла-макрларини фош этди. «Нозугум» қиссаси (1882) да зоҳидлик, таркидунёчилик ғояларига қарши инсон гўзаллигини — Или қизининг жасорати ва қаҳрамонлигини шарафлади. Шоир бу асарларида адолат ва эркинликни, кишиларнинг бахт-саодат ва порлоқ истиқбол йўлидаги курашини тараннум этди. Унинг асарлари уйғур шеъриятининг мавзу доирасини кенгайтирди.

НОЗИМ ҲИКМАТ Ран (1902. 20. 1, Салоники — 1963. 3. 6, Москва) — турк шоири, драматурги, публицист ва жамоат арбоби. Турк революцион поэзиясининг асосчиси. Зодагонлар оиласида туғилган. Н. Ҳ. Туркия миллий озодлик ҳаракатининг фаол қатнашчиси (1918—22). 1921 йили Совет Иттифоқига келиб, Шарқ меҳнаткашларининг Коммунистик ун-тида ўқиди ва РКП(б) га кирди (1922). 1924 йили Туркияга қайтиб, Туркия Компартияси сафига кирди. Революцион газета ва журналларда хизмат қилди. 1927 йили репрессия муносабати б-н Совет Иттифоқига келди. Бир йилдан сўнг ватанига қайтди. Туркия суди уни сиртдан 15 йил қамоққа ҳукм қилди. Илк шеърлар тўпламлари «Қуёшни ичганлар қўшиғи» 1928 йили Бокуда чоп этилган. «835 сатр» (1929), «Варан-3» (1930), «Овозини йўқотган шаҳар» (1931), «Тунги мактублар» (1932) шеърлар тўпламларида империализмни фош қилди, эзилган турк халқини эркка чақирди, тинчлик, эзгуликни улуғлади. «Жиноқонда ва Си-Я-у» (1929) поэмаси ва «Бенержи ўзини нега ўлдирди?» (1932) шеърий романида империалистларнинг Осиё ва Африкадаги мустамлакачилик сиёсатига қарши чиқди. «Унутилган одам» (1935), «Марҳумнинг уйи» (1932) пъесаларини ёзди. «Тунги телеграмма» шеърлар тўпламида (1932) турк коммунистларини демократия учун курашга чақирган бўлса, «Портретлар» шеърлар тўплами (1935) ва «Таранта Бабуга мактублар» (1935) поэмасида фашизмни танқид қилди. «Совет Демократияси» (1936) асарида СССР Конституциясини улуғлади. Н. Ҳ. 17 йил турк турмаларида ётди. У ерда «Инсон манзаралари» эпопеясини (1941), «Турмадан мактублар» шеърлар туркумини, «Севги ҳақида афсона» ва «Гўзал Юсуф» пьесаларини яратди. Халқаро жамоатчиликнинг талаби б-н Туркия ҳукумати Н. Ҳ. ни 1950 йили озод қилишга мажбур бўлди. 1951 йили шоир иккинчи Ватани — СССРга келиб, шу ерда умрининг охиригача яшади. «Туркия ҳақида ҳикоя» (1952), «Иван Иванович бормиди?» (1956), «Дамоклнинг қиличи» (1960), «Тартюф-59), «Станция» (1958) каби пьесалар ва «Сурур» романини (1961) яратган.

Н. Ҳ. нинг «Шеърлар тўплами» (1953), «Туркия ҳақида ҳикоя», «65 шеър» (1962), «Сурур» романи (1972), «Инсон манзаралари» эпопеясининг биринчи китоби ўзбек тилига таржима қилинган. «Туркия ҳақида ҳикоялар», «Бир севги афсонаси» пьесалари Ҳамза театрида саҳнага қўйилган. У Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент конференцияси қатнашчиси (1958). Жаҳон Тинчлик Кенгаши Бюроси (1951) ва Президиуми аъзоси (1959), Халқаро Тинчлик мукофоти лауреати (1950).

Ас.: Сорок лет, Избр. стихи, 1921—1961, 2 изд., М., 1964; Романтика. Роман, М., 1964; Человеческая панорама, М., 1962; Лирика, М., 1968; Шеърлар. Поэма, Пьеса, Т., 1953; 65 шеър, Т., 1962; Инсон манзаралари, Эпопея, [1- китоб], Т., 1972.

Ад.: Бабаев А. А., Назым Хикмет, М., 1957; Фиш Р. Г., Назым Хикмет, М., 1968; Назым Хикмет. Биобиблиогр. указатель, М., 1962.



Назим Ҳикмат.

НОЗИМАХОНИМ (1869 — Тошкент — 1924) — ўзбек демократ шоираси. Зиёли оиласида туғилган. Ёшлигиданоқ адабиётга ҳавас қўйган. Араб, форс, озарбайжон, татар ва рус тилларини билган. 1900 йилдан Тошкент матбуотида шеър ва публицистик мақолалари б-н кўрина бошлаган. 20 ёшларида шоира «бешёғочлик Нозимахоним» номи б-н шуҳрат қозонди. Н. «Туркистон вилоятининг газети», «Осиё», «Шуҳрат», «Садои Туркистон» каби газеталар ва «Оина» журналида эълон қилган асарларида шеъриятни янги мавзу ва мазмун б-н бойитди.

Н. ўз шеърларида Шарқ мусулмон дунёсида «ҳуқуқсизлар ҳуқуқсизи», «ярим инсон», «заифа» ва «ожиза» деб таҳқирланган аёлларнинг тутқун, фожиали тақдирини изтироб б-н қаламга олади. Н. ўзбек аёлларидан етишган биринчи публицист-журналистдир. У тил ўрганиш — турли халқларни бир-бири б-н яқинлаштирувчи муҳим восита, деб билди. Айниқса, рус тилини ўрганиш — халқимизнинг жаҳон фани, маданияти ютуқлари б-н ошно бўлишида асосий восита, деб ҳисоблади. Янги ҳаётда юз бераётган тарихий ҳодисаларни зўр қизиқиш б-н кузатиб «Инқилоб қуёши» (1918), «Қутлуғ куннинг муборак» (1918), «Дугоналарга қутлов», «Ер-ёр» (1924) каби шеърлар яратди. Шоира янги тузумни қутлаш б-н бирга, инқилоб аскарлари — ишчи ва деҳқонларни, меҳнаткашлар доҳийси В. И. Ленинни улуғлади. Н. ижоди Октябрь инқилоби арафасидаги ўзбек демократик адабиётида катта роль ўйнади.

Ад.: Жалолов Т., Ўзбек шоиралари, 1- китоб, 2- нашри, Т., 1970; Зокиров М., Халқ дардининг куйчиси, «Гулистон», 1973, № 3.

НОЗИР (араб. ناظر — назоратчи, инспектор) — 1) Туркистонда Октябрь рев-ясигача қадар меросни сақловчи ҳомий; 2) Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида министр, назоратчи мудир, бошлиқ; Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида савдо ва саноат, ҳарбий ҳамда бошқа халқ Н. лари тайинланган; 3) баъзи араб мамлакатларидаги вилоят бошлиғи (мас., Мисрда).

НОЗИРЛАР ШУРОСИ, комиссарлар совети — Хоразм ва Бухоро Халқ Совет Республикаларининг олий ижроия органи.

1920 йил 1 февралда Хива хонлиги, 2 сентябрда Бухоро амирлиги тугатилгач, 27—30 апрелда халқ вакилларининг 1- Бутун Хоразм қурултойи, 14 сентябрда Советларнинг 1- Умум Бухоро съезди чақирилиб, уларда Хоразм ва Бухоро Халқ Республикалари деб эълон қилиниди, ҳар икки республикада халқ Н. ш. тузилди. Н. ш. ер ишлари, ҳарбий, савдо, саноат, озиқ-овқат, маориф, адлия, давлат контроли нозирлари, шунингдек Олий революцион трибунал, Фавқулодда комиссия (ЧК) ва Революцион комитет раислари ҳайъатидан иборат бўлган. ХХСР Н. ш. га Полвонниёз Юсупов, БХСР Н. ш. га эса Файзулла Хўжаев раис қилиб сайланди. 1920 йил 14 сентябрда РСФСРнинг БХСРдаги мухтор вакили В. В. Куйбишев Файзулла Хўжаевга ишонч ёрлиғини топширди. 1922 йилдан бошлаб, ХХСР ва БХСР Н. ш. нинг талаби ва истагига биноан баъзи давлат

ишлари — ҳарбий ва ташқи ишлар, савдо ва темир йўл нозирларининг ваколатлари РСФСР халқ комиссарлари ихтиёрига берилди.

Н. ш. ўз функциясини Урта Осиёда миллий чегараланиш ҳамда миллий Совет социалистик республикалари ташкил топгунига қадар давом эттирган.

Ад.: Ишанов А. И., Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920—1924 гг.). Т., 1955; Ўзбекистон ССР тарихи, 3-том, Т., 1971.

НОЗОЛОГИЯ (юнон. nosos — касаллик ва ... *логия*) — касалликлар ҳақидаги таълимот; медицина назариясининг муҳим таркибий қисми. Н. касалликлар классификацияси ва улар номенклатураси (номланиши), диагнози, этиологияси (келиб чиқиш сабаби), патогенези (пайдо бўлиш механизми) ҳақидаги таълимотни, касалликларни даволаш ва олдини олиш принципларини ўрганади. Н. табиатшуносликнинг турли тармоқлари б-н чамбарчас боғланган. Аниқ бир касаллик (мас., зотилжам, бавосил, чиллашир ва б.) ни тавсифлаш Н. нинг вазифасидир. Италиялик медик Морганьи Н. га илмий жиҳатдан асос солган.

НОЗУГУМ, Ойнозук (19-асрнинг биринчи ярми) — уйғур халқининг қаҳрамон қўшиқчиси. Н. нинг ҳаёт йўли оғир ва фожиали кечган. У яратган қўшиқ ва ғазаллардан бир қисмигина бизгача сақланган. 1825 йили Манжур-Хитой ҳукмдорлари томонидан Қашқар халқи қўзғолони ёвузларча бостирилди. Қўзғолонда қатнашган Н. нинг уч ёшли фарзанди ўлдирилди, ўзи Или водийсига сургун қилиниб, манжур навкарига чўриликка берилди. Н. ҳар қандай оғир шароитда ҳам манжурлар ёвузлигини фош этди, ўз эркини, халқи озодлигини куйлади. Исёнкор, ватанпарвар уйғур қизи хотирасига Шарқий Туркистонда ёдгорликлар тикланган. Нозим Мулла Билол «Нозугум» қиссасини, ҳозирги замон уйғур адиблари қатор бадиий асарлар, рисолалар яратдилар.

Н. қўшиқларидан намуналар «Уйғур халқ адабиёти» тўплами, «Уйғур адабиёти» дарслиги ва б. китобларга киритилган.

НОЗУҚ ХОНИМ (19-аср охири ва 20-аср бошлари, Қўқон) — ўзбек шоираси. Ёшлигиданоқ шеър ёзишни машқ қилган. Асарларида ишқ-муҳаббатни куйлаган, золимларга қарши нафрат ҳисларини баён этган. *Иброҳим Давронинг* «Ашъори нисвон» («Аёлларнинг шеърлари») номли тазкирасига шоиранинг «Фасона», «Реҳт гул» ва «Ғазал афсона» деб аталувчи шеърлари киритилган.

«НОЙЕС ДОЙЧЛАНД» («Янги Германия») — немис тилида чиқадиган кундалик газета. Германия Бирлашган социалистик партияси МК нинг органи. 1946 йил 23 апрелдан Берлинда нашр этилади. Тиражи 1 млн. 65 минг (1974).

НОЙИБ, ноиб (араб. نائب — ўринбосар, ёрдамчи) — ўрта асрларда мусулмон давлатларида ўлка ёки вилоят ҳукмдори. Олтин Ўрдада Н. хонининг йирик вилоятларидаги ёрдамчиси (мас., Хоразмда). Озарбайжонда Октябрь ревясидан олдинги маҳаллалар (магаллар) бошлиғи. Туркия султонлигида қози ва мулла ўринбосари. Ҳозир Н. термини Эрон ва Афғонистонда турли ҳарбий унвонларни англатади (мас., «нойебе аввал» — старший лейтенант, «нойебе сарҳанг» — подполковник).

НОК (Pyrus) — раъногулдошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб мевали дарахт. 60 га яқин тури маълум. СССРда 30 дан ортиқ тури учрайди. Ҳозир экилаётган Н. навлари қуйидаги турларидан келиб чиққан: жайдари ёки ўрмон ноки, оқ Н., Буасье ноки, Коржинский ноки, Нашвати, Уссурий ноки. Шунингдек, Урта Осиё ноки, Кавказ ноки, туркман ноки, тол баргли Н., Регель Н. турларидан селекция ишларида фойдаланилади. Н. дарахти 200 йилгача яшаб, бўйи 15—20 *м* га етади; шох-шаббаси ихчам пирамида шаклида. Илдиз системаси кам тармоқли ўқ илдиз, асосий қисми тупроқнинг 20—80 *см* қатламида жойлашади. Барглари тухумсимон, туксиз, яшил, яltироқ, четн арра тишли. Гуллари оқ, баъзан пушти ёки қизил.

Меваси турли шаклда, 25—300 *г*, сариқ, яшил, зарғалдоқ. Н. ёруғсевар, қурғоқчиликка ва совуққа ўртача чидамли. Н. қумли, шўрланган ерлардан бошқа ҳамма жойда яхши ўсади. Унумдор ерларда мўл ҳосил беради. Қўпчилик Н. навлари қўшимча чангланишни талаб этади. Кўчати ўтқазилгач, 5—6-йили ҳосилга киради, 20—25-йили тўлиқ ҳосил беради. Навига, парвариш қилинишига қараб ҳар тупидан 70—140 *кг* ҳосил олинади. Меваси ейилади, қоқи, консерва қилинади; таркибида 7—9% қанд, А, В, С витаминлар бор. Айрим турлари ёғочидан музика асбоблари ясашда фойдаланилади.

Н. — қадимий маданий ўсимлик. СССРда уруғли мевалилар ичида (экилган майдони жиҳатидан) олмадан кейин 2-ўринда туради. Украина, Молдавия, Кавказ, Белоруссия ҳамда Урта Осиёда кенг тарқалган. Н. нинг 5000 га яқин, СССРда 280 дан ортиқ нави учрайди. Н. нинг ёзги (Вильямс, Совға, Любимица Клаппа), кузги (Бере лигеля, Бере боск, Лесная красавица), қишки (Кюре, Қишки нашвати 2, Тошкент ноки, Сен Жермен ва б.) навлари бор.

Н. навлари пайвандлаш йўли б-н кўпайтирилади; пайвандтаг ёввойи Н. уруғларини ўстириб тайёрланади. Кучли пайвандтакка уланганлари 8×6 *м*, 7×5 *м*, унумсиз, суви кам ерларда 8×5 *м*, кучсизига уланганлари эса 6×4 *м*, 4×4 *м* схемада экилади. Ҳосилга киргунга қадар қатор ораларига эртаги сабзавот, ғўза ва б., шунингдек беда экилади ёки ер ҳайдаб қўйилади.

Кузда ёки эрта баҳорда органик ва минерал ўғитлар б-н ўғитланади, ўсув даврида озиқлантирилади, суғорилади, қатор ва туп оралари культивация қилинади.

Зараркунандалари: нок ва *олма қурти*, нок бити, *нок канаси* ва б. Касалликлари — парша, уншудринг, чириш ва б. (145-бетдаги рангли расмга қ.).

Ад.: Сорта плодовых, субтропических, орехоплодовых культур и ягод, Т., 1968; Рибаков А. А., Остроухова С. А., Ўзбекистон мевачилиги, Т., 1967.

НОК КАНАСИ (Eriophyes pyri Pgst) — зараркунанда ҳашарот. Асосан, олма, сўнг нок, баъзан данакли мева дарахтларини зарарлайди. Танаси кичик, катталиги 230 *мк*, оқ ёки қизғиш, чўзиқ, чувалчангсимон, оёқлари 2 жуфт. СССРнинг Европа қисмида, Кавказда ҳамда Урта Осиё республикаларида учрайди. Йилда 3—4 насл беради. Каналар пўстлоқ ёриқларида ҳамда хазон остида қишлайди ва ҳ. к. Дарахт гуллагандан сўнг барг тўқимасига тухум қўяди. Личинка ва каналар барг ширасини сўради. Барглар қурийди, новдалар ўсишдан қолади.

Кураш чоралари: дарахтларга *инсектицидлар* пуркалади.

НОК ШИРА БИТИ (Psylla vasilievi Sulz) — нок дарахтининг хавфли зараркунандаси. Урта Осиё республикаларида учрайди. Вояга етгани 3 *мм* гача, сарғиш ёки оч яшил-қўнғир, қанотлари тиниқ. Тухуми оқ. Личинкаси сариқ, баъзан яшил. Вояга етган бити ва личинкаси нок куртаклари, барги, гули, мева ва янги новдалар ширасини сўради, дарахт заифлашади. Барглар қорайиб, тўкилади, новдалар яхши ўсмайди, меваси берчлашиб, бемазалашади. Вояга етгани дарахтнинг шохларида, тана пўстлоғи орасида қишлайди, дарахт куртак ёзишдан сал олдин жуфтлашиб, тухум қўяди, сўнг тухумдан личинкалар чиқади. Мавсумда 4—5 марта насл беради.

Кураш чоралари: дарахт атрофи ва қатор оралари юмшатилади, дарахтлар эрта баҳорда ва ўсув даврида *инсектицидлар* б-н ишланади.

НОК ҚУРТИ — (қ. *Олма қурти*).

НОКАПИТАЛИСТИК ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ — ўз тараққиётида орқада қолган, собиқ мустамлака халқларининг капитализмга қадар тузумдан, уни четлаган ҳолда социализм томон боришлари учун моддий-техникавий, социал-иқтисодий ва сиёсий шароит яратишга қаратилган чуқур революцион ўзгаришлар йўли. Н. т. й. марксча-ленинча социалистик рев-я назариясида муҳим ўрин тутади. К. Маркс ва Ф. Энгельс ижтимоий-иқтисодий формациялар бирикетин алмашиб боришини кўрсатдилар. Улар айрим халқлар навбатдаги формацияни четлаб ўтиб, бошқа юқорироқ формацияга ўтишлари мумкинлигини ҳамда четлаб ўтиладиган формациялар қаторида капитализм бўлиши мумкинлигини асосладилар. К. Маркс ва Ф. Энгельс тараққиёти кечикиб қолган халқлар бошқа илғор мамлакатларда социалистик рев-я галаба қилган шароитда, у ердаги пролетариат кўмагида, социализмга қадам қўйишлари мумкин, деган фикрни олға суришган. Мазкур назарияга таяниб, Россияда ғалаба қилган социалистик рев-я тажрибасини умумлаштирган ҳолда В. И. Ленин капитализм босқичидан ўтиш ҳамма халқлар учун зарур эмас, «...қолоқ мамлакатлар илғор мамлакатларнинг пролетарлари ёрдами б-н, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва тараққиётнинг муайян босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин» (В. И. Ленин, Асарлар, 31-том, 247-бет), деган буюк назарий хулоса қилди. В. И. Ленининг назарий меросида яна бир муҳим ғоя боркн, пролетар рев-ялари бошланган шароитда мазлум халқларнинг миллий озодлик учун кураши капитализм ва империализмга қарши туб социал ўзгаришларни кўзловчи курашга айланиши мумкин. Бу б-н В. И. Ленин миллий озодлик рев-ясининг социалистик рев-яга айланиши мумкинлигини уқтирди. В. И. Ленин қолоқлик шаронти социализмга ўтишга халақит беришини, лекин айни вақтда уни илғор халқлар ёрдамида бартараф этиш, илмий коммунизм принципларини умумий тараққиёт жиҳатдан орқада қолган мамлакатларга қўллаш мумкинлигини чуқур исботлади. Ленинча назарияга кўра, қолоқ халқларнинг капитализмни четлаб социализмга ўтишлари икки асосий хусусиятга эга:

1) социализм қуриб бўлган ёки уни қураётган халқлар социализм учун ишлаётган халқларга ҳар тарафлама ёрдам бериши керак;

2) қолоқ халқларнинг социализм томон бориши кўп поғонали бўлади, яъни бу халқлар турли босқичлардан ўтади.

Коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг 1960 ва 1969 йиллардаги кенгашларида қабул қилинган ҳужжатларда, КПСС Программаси, партиянинг 22—25-съездлари ҳужжатларида мустамлака зулмидан озод бўлган халқлар жаҳон социалистик системасининг ёрдамига таяниб, Н. т. й. орқали социализм қуриш томон боришлари мумкинлиги ҳақида хулосалар чиқарилди. Н. т. й. кам ривожланган мамлакатлар халқларининг социализм томон кўп поғонали ҳаракатининг муҳим босқичидир. Капитализмни четлаб социализмга ўтиш йирик бир давр бўлса, ундан шартли равишда уч босқични ажратиш мумкин: революцион-демократик ўзгаришлар босқичи; социалистик ўзгаришларнинг бошланиши; социалистик ўзгаришларни кенг кўламда жорий этиб, социализм галабасини таъминлаш босқичи. Н. т. й. биринчи ва иккинчи босқичларни ўз ичига олади.

Н. т. й. дан бораётган ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт даражаси, унинг ички шароити ва халқаро вазиятга қараб ўзига хос хусусиятлари бўлади. Тарихий тажриба Н. т. й. асосий 3 формада: СССРдаги собиқ мазлум халқлар (жумладан, Урта Осиё, Қозоғистон, Шимолий Кавказ, СССР нинг Европа ва Осиёдаги шимолий қисми халқлари), МХР, ВДР, ҚХДР халқлари ва бир қатор ривожланаётган мамлакатлар халқларининг тажрибаси мисолида ривожланишини кўрсатди. Мазкур формалар бир-биридан фарқланади. СССРдаги баъзи халқларнинг Н. т. й. Октябрь рев-ясидан сўнг Коммунистик партия раҳбарлигида, ишчилар синфининг етакчилигида ва пролетариат диктатураси шароитида ягона кўп миллатли социалистик давлат (СССР) таркибида борди. Шунга кўра, Н. т. й. нинг айтилган икки босқичи СССРда алоҳида бўлмади, бу босқичларнинг вазифалари биргаликда ҳал этилди. Биринчи революцион-демократик ўзгаришлар босқичи 1920—24 йиллар давомида Бухоро ва Хоразм Халқ Совет республикаларида бўлди, холос. Ўзбекистон ва Туркманистон республикалари ташкил этилгач, Бухоро ва Хоразм Халқ Совет республикалари терр-яси улар составига қўшилди, натижада революцион-демократик ўзгаришлар социалистик ўзгаришлар б-н ёнмаён амалга оширилди. СССРдаги пролетариат диктатураси шароитида Н. т. й. га хос революцион-демократик ўзгаришлар изчил тус олди ва улар Урта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда 1917—28 йилларда кенг кўламда амалга оширилди. Бундай ўзгаришлар антиколониал, антифеодал ва судхўрликка қарши бўлган революцион тадбирлардан, шунингдек товар хўжалигини ривожлантириб, хўжаликни денатурализация этишдан иборат бўлди. Совет ҳокимияти партия етакчилигида 1917—18 йиллардаёқ ўтмишдан қолган мустамлакачилик аппаратини тугатди. 1921—22 йилларда антиколониал, қисман антифеодал мазмундаги ер-сув ислоҳотини ўтказди. Ислоҳот натижасида Урта Осиё ва Қозоғистонда собиқ подшо ҳукуматининг амалдорларига қарашли ер-сув улардан олиниб, маҳаллий деҳқонларга бўлиб берилди. 1925—28 йиллардаги ер-сув ислоҳотлари натижасида Ўзбекистонда феодал-помешчик ер мулки тугатилди, бой деҳқонлар (булар қолоқларга яқин турали) қўлидаги ернинг ортиқчаси

қирқиб олинди. Бой деҳқонлардан олинган ерлар кам ерли деҳқонларга, чоракор ва қароларга берилди. Ислоҳот давомида деҳқонлар ер-сув б-нигина эмас, балки эксплуататорлардан олинган от-улов, қ. х. қуроллари б-н ҳам таъминланди. Ер-сув ислоҳоти туфайли қишлоқда феодализм томири кесилди, унинг сарқитларига катта зарба берилди, бойиб бораётган хўжаликлар чекланди. Бинобарин, ислоҳот фақат антифеодал эмас, балки қисман бўлсада, антикапиталистик мазмунда бўлди, чунки у капиталистик муносабатларнинг ўсиш имконини анча чегаралаб қўйди.

Н. т. й. га хос демократик ўзгаришлардан бири товар хўжалигини тараққий эттириш бўлди. Бу тадбир ҳам ўз хусусиятига эга эди. Қозоғистон, Туркманистон ва Тожикистоннинг кўчманчи чорвачилик мавжуд бўлган чўл-саҳро р-нлари ва узоқ тоғлиқ р-нларида хўжаликнинг тўла денатурализацияси юз берди. Суғориладиган деҳқончилик ривожланган р-нларда олдиндан мавжуд бўлган товар-пул муносабатларини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилди. Товар хўжалигини ривожлантириш деҳқонларни секин-аста социализм изига кўчириш учун зарур эди, чунки бусиз уларни иқтисодий соҳада ривожланаётган социалистик уклад таъсирига олиш, майда хўжаликнинг ўсишига давлат томонидан планли таъсир этиш мумкин бўлмасди. Маълумки, майда товар хўжалигининг стихияли ўсиши капитализмни юзага келтиради. Совет ҳокимияти шароитида эса товар-пул муносабати давлат таъсири остида бўлдики, майда хўжаликларнинг табақаланиши ва улардан бой хўжаликларнинг ўсиб чиқиши чеклаб қўйилди. Революцион-демократик ўзгаришлар бизнинг шароитимизда социализмнинг ривожи учун қулай бўлган ўткинчи ишлаб чиқариш муносабатларини юзага чиқарди. СССРдаги қолоқ халқларнинг Н. т. й. Коммунистик партия бошчилигида рус ишчилар синфининг етакчилигида ва бевосита ёрдами туфайли бўлганидан, у мамлакатда бошланган социализм қурилишининг ажралмас қисми бўлди. Н. т. й. давомида айтилган умумдемократик ўзгаришлар бевосита социалистик ўзгаришлар б-н чамбарчас боғланди.

Нокапиталистик ривожланиш Ўрта Осиёда шартли равишда 1917—28 йилларда бўлди. Шу даврда капиталистларга тегишли саноат ва савдо корхоналарини национализация этиш асосида экономикада социалистик давлат сектори пайдо бўлди, деҳқонлар ва косибларни кооперативлаштириш, индустриялаштириш асосида социализмнинг моддий-техника базасини яратишда дастлабки қадамлар қўйилди. СССР тажрибаси шуни кўрсатадики, Н. т. й. умумдемократик ўзгаришлар б-н чекланмайди, балки у социалистик ўзгаришларни ҳам талаб қилади, аммо уларнинг кўлами мамлакатнинг ички ва ташқи шароитига, синфий кучларнинг нисбатига, ўтказилаётган революцион ўзгаришларнинг изчиллигига боғлиқ.

МХР нинг Н. т. й. махсус қулай шароитда борди. МХР СССР б-н умумий чегарага эга бўлди, СССР б-н дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битим тузилди. МХР ўз иқтисодий алоқаларини капиталистик жаҳон бозори б-н эмас, СССР б-н олиб борди. МХРда Н. т. й. марксча-ленинча партия раҳбарлигида, СССРнинг бевосита ёрдами асосида бўлди. ВДР ва КХДРда Н. т. й. миллий озодлик жангларида ишчилар синфининг гегемонлиги ва Коммунистик партиянинг раҳбарлиги таъминланган шароитда борди. Шунга кўра, бу ерда ҳам умумдемократик ўзгаришлардан кенг кўламда социалистик ўзгаришларга ўтилди.

Н. т. й. нинг янги шакли — ҳозирги даврда бир қатор Осиё ва Африка мамлакатларининг (Жазоир Халқ Демократик Республикаси, Гвинея Республикаси, Ироқ Республикаси, Яман Демократик Республикаси, Конго Халқ Республикаси, Танзания Бирлашган Республикаси, Сурия Араб Республикаси, Сомали Демократик Республикаси, Бирма Иттифоқи ва б.) капитализмни келажак сифатида рад этиб, социалистик ориентация йўлига ўтишидир. Ҳозирги Н. т. й. жаҳон социалистик системасининг куч-қудрати ўсган, унинг халқаро доирада обрўси ва таъсирчанлиги кучайган ҳолда, жаҳон миқёсида капитализмнинг мавқеи заифлашган шароитда бошланди. Ёш мамлакатлар жаҳон социализми ёрдамига таяниб, миллий мустақилликка, озодликка эришдилар, шу асосда улар социализмга ўтиш учун шарт-шароит ҳозирлашлари мумкин. Бу Н. т. й. нинг ташқи имконидир. Унинг ички имкони шундаки, ривожланаётган мамлакатларда капитализмни четлаб, келажакда социализмга ўтишдан манфаатдор кучлар — ишчилар, деҳқонлар, косиблар, илғор зиёлилар ва б. мавжуд. Бу синфлар ва социал гуруҳлар кўпчилик мамлакатларда ҳали заиф бўлган капитализмнинг олдини олиб, Н. т. й. орқали социализмга боришлари мумкин. Ёш давлатларда капитализмга қадар бўлган (жамоа-уруғчилик, феодал) муносабатлар ҳали кучли бўлса-да, аммо бу, улар капиталистик муносабатга албатта ўсиб ўтади, деган гап эмас. Ҳозирги шароитда улар капитализмни четлаб ривожланиши мумкин. Улар олдида миллий равнақни таъминлаш учун империализмга қарши изчил курашиш, иқтисодий ва маданий қолоқликка барҳам бериш, меҳнаткаш аҳолининг социал талабларини қондириш, капитализмга қадар бўлган ижтимоий муносабатларни узил-кесил битириш, ижтимоий ҳаётни демократиялаштириш каби вазифалар турибди. Капитализм йўлидан бора туриб, буларни тез ҳал этиб бўлмайди, чунки капиталистик муносабатлар тарихан ўзининг прогрессив имкониятларини тугаллаб бўлган, ҳозир капитализм илгарилаб бориш талабига жавоб бера олмайдиган тузумга айланган.

Ҳозирги даврда капитализм ёш давлатлар халқлари учун истиқбол бўла олмайди. Аммо ривожланаётган мамлакатларнинг қолоқлиги туфайли, у ерда бевосита социализмга ўтиш учун шароит ҳам йўқ. Аммо бу шароит капитализм ривожи туфайли яратилиши шарт эмас, у Н. т. й. туфайли вужудга келиши мумкин. Хуллас, ҳозирги даврда Н. т. й. бу халқлар учун истиқбол очувчи, социализм томон элтувчи йўлдир. Бу йўлга ўтиш фақат объектив зарурият бўлиб қолмасдан, балки унинг ички ва ташқи имкониятлари ҳам муҳайёдир. Асримизнинг 50—60-йиллари бўсағасида бир қатор мамлакатларда бошланган ва сўнгра кенгайиб борган Н. т. й. ўзидан олдинги шу йўл формаларидан фарқ қилади. Ҳозирги Н. т. й. айрим мамлакатда ишчи синфининг гегемонлиги б-н характерланмайди. Пролетариат ҳали озчилик, бир қатор мамлакатларда унинг сиёсий партиялари ташкил этилмаган. Аммо пролетариат тўхтовсиз улғайиб, унинг сиёсий ҳаётдаги

активлиги ошиб бормоқда. Социалистик ориентация мамлакатларида аҳолининг кўпчилиги деҳқонлар ва шаҳардаги майда ишлаб чиқарувчилар ва савдо б-н шуғулланувчилардир. Улар ҳам Н. т. й. дан манфаатдор бўлганлигидан шу йўл учун курашда қатнашадилар. Бу йўлга илғор зиёлилар, жумладан, ҳарбий офицерлар ҳам ўтиши мумкин. Ҳозирги Н. т. й. нинг ҳаракатлантирувчи кучлари турлича, уларнинг айрим мамлакатдаги нисбати ҳам бир хил эмас, албатта.

Ҳозир Н. т. й. нинг муҳим хусусияти шуки, у революцион-демократик партия етакчилигида бошланди. Унинг сиёсий формаси миллий-демократия давлатидир. Бундай давлат формасининг асосида турли революцион ватанпарвар кучларнинг иттифоқи ётади. Ҳозирги социалистик ориентация мамлакатлари Н. т. й. нинг дастлабки босқичида туришибди. Бу босқичнинг қонуниятлари бор: антиимпериалистик тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатни чет эл капитали зўравонлигидан халос этиш, чет эл капиталинигина эмас, балки мамлакат ичидаги капиталистик тенденцияларга қарши экономиканинг давлат секторини юзага келтириш ва мустаҳкамлаш зарур бўлади. Деҳқонлар манфаатини кўзлаб, антифеодал аграр ислоҳотлар ўтказилади, ер-сув йирик мулкдорлардан олиниб, деҳқонларга берилади. Давлат аппарати демократлаштирилиб, давлатни идора этишга меҳнаткашлар вакиллари жалб этилади, давлатнинг экономикани бошқариш ва планлаштиришдаги роли ортмоғи керак. Социалистик мамлакатлар б-н ҳар тарафлама ҳамкорликни кучайтириш Н. т. й. дан боришнинг энг муҳим шартига айланган. Н. т. й. нинг ҳозирги босқичи синфий курашнинг чуқурлашуви б-н ажралиб туради. Энг муҳими шуки, Н. т. й. албатта меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳимоя қилишни, улар турмушини енгиллаштиришни мўлжаллаган тадбирларни тақозо этади.

Ҳозирги Н. т. й. дан бораётган мамлакатлардаги социал-иқтисодий ўзгаришлар махсус иқтисодий структурани юзага келтирдики, унга хос нарса социализм томон ривожланишни таъминловчи ўткинчи иқтисодий муносабатларнинг пайдо бўлишидир. Бу муносабатлар системасида антикапиталистик мазмундаги давлат экономика секторининг ўсиб бориши алоҳида ўрин тутади. Мазкур сектор фақат чет эл капиталини эмас, балки маҳаллий буржуазияга тегишли корхоналарни демократик давлат қўлига ўтказиш ёки янгидан давлат корхоналарини қуриш орқали юзага келган. Унинг тараққийси умуммиллий манфаатларга мос келади, планлаштирилади, чуқур социал тадбирларни жорий этишни иқтисодий таъминлайди, у келажакдаги социалистик экономиканинг таянчи бўлиши мумкин. Н. т. й. нинг ҳозирги босқичига, асосан, умумдемократик ўзгаришлар хос бўлиб, антикапиталистик тадбирлар қисман қўлланилади. Н. т. й. нинг сўнгги босқичлари антикапиталистик йўналишнинг кучайиб боришига олиб келади, социализм учун фақат шароит ҳозирлаб қолмасдан, балки социалистик ишлаб чиқаришнинг асосларини ҳам яратиши мумкин. Бинобарин, Н. т. й. ҳозир асосан умумдемократик ўзгаришлар б-н характерланади, лекин у келажакда ўз ичига социалистик ўзгаришларни ҳам олиши мумкин. Аммо социалистик ўзгаришлар Н. т. й. да тугалланмайди. Уларни чуқурлаштириб, кенг кўламда амалга ошириб, социализм ғалабасини таъминлашнинг сўнгги социализм қуриш босқичига тўғри келади. Айтилган босқичлар турли мамлакатларда турлича бўлиши мумкин. Уларнинг узун ёки қисқа бўлиши, умумдемократик ва социалистик ўзгаришларнинг нисбати, бир-бирини тўлдириб бориши ёки ўзаро чирмашиб кетиши конкрет социал-иқтисодий шароитга, айрим мамлакатдаги кучлар нисбатига, ташқи революцион вазиятнинг уларга таъсирига боғлиқ бўлади. Н. т. й. ҳозир фақат назарий масала бўлмасдан, балки ижтимоий практикадир, чунки қатор мамлакатлар бу йўлдан бормоқда. 1970 йили Н. т. й. дан бораётган Африка мамлакатлари ҳиссасига қитъа терр-ясининг 30,9% и, аҳолисининг 25,2% и, қитъада яратилган жами ижтимоий маҳсулотнинг 29,5% и тўғри келди.

Н. т. й.— замон талаби, унга халқларнинг бирин-кетин ўтиши муқаррар. Аммо буни буржуа назариячилари ва ревизионистлар инкор этишади. Улар Н. т. й. амалда мумкин эмас, капитализм ҳамма учун муқаррар босқич деб уқтиришади. Уларнинг баъзилари Н. т. й. мазмунан капиталистик йўл, лекин капитализм давлат иштирокида ўсади деб айтишса, бошқалари бу қандайдир «учинчи» йўл деб жар солишади. Бундай фикрлар ғайри илмий, капитализмни абадийлаштиришни мўлжаллайди ва мустақилликка эришган мамлакатларнинг социализм томон бориши зарурлигини инкор этишдан иборатдир. Социалистик ориентация мамлакатларидаги революцион ўзгаришлар бундай фикрларни улоқтириб ташламоқда. Мустақилликка эришган халқлар капитализмни бирин-кетин рад этиб, социализмни истиқбол сифатида танламоқдалар. Бу шундан далолат берадики, коммунизм ижтимоий тузум сифатида ҳамма халқларнинг, жумладан кам тараққий этган мамлакатлар халқларининг ҳам келажагидир.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Коммунистик партия манифести, Т., 1966; Маркс К., Энгельс Ф., Россия тўғрисида, Т., 1940; Ленин В. И., Коммунистик Интернационалнинг II конгресси, Ас., 31-т.; Ленин В. И., Империализм капитализмнинг юқори босқичи, Ас., 22-т.; Ленин В. И., Сербия-Булғория ғалабаларининг ижтимоий аҳамияти, Ас., 18-т.; Ленин В. И., Бизнинг революциямиз тўғрисида, Ас., 33-т.; Ленин В. И., Шарқ халқлари коммунистик ташкилотларининг II Бутун Россия съездида қилинган доклад, Ас., 30-т.; Коммунистик ва ишчи партиялар халқаро кенгашининг ҳужжатлари, Т., 1969; Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, Т., 1970; Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига. Ҳужжатлар ва материаллар тўплами, Т., 1970; Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXV съездининг материаллари, Т., 1976; Рашидов Ш. Р., Ленинизм— халқлар озодлиги ва тараққиёт байроғи, Т., 1972; Непомнин В. Я., Исторический опыт строительства социализма в Узбекистане (1917—1937), Т., 1960; Тюльпанов С. И., Очерки политической экономии (Развивающиеся страны), М., 1969; Экономика независимых стран Африки, М., 1972; Политическая экономия современного монополистического капитализма, т. 2, М., 1970; Экономические закономерности и преимущества некапиталистического пути развития М., 1967.

НОКТЮРН (франц. nocturne — тунги) — 1) 18-асрда чолғу асбоблари учун ёзилган *сюита*симон музика асари. Кечқуруи ва тунда очиқ ҳавода ижро этилган; 2) 19-асрдан сокинлик ва тунги образларни ифодаловчи куйчан, лирик характердаги пьеса. Бу хилдаги Н. лар, кўпинча, фортепьяно учун мўлжалланади. Илк намунаси 1814 йилда композитор Ж. Фильд ижодида юзага келган; юксак намуналарини

Ф. Шопен, И. Брамс, М. Глинка, П. Чайковский, А. Скрябин ва б. ёзган. Шунингдек, бошқа якка чолғу асбоблари, турли ансамбль ва оркестрлар учун ҳам Н. ёзилади. Баъзида вокал музикада ҳам учрайди.

НОЛА — *музика безакларидан* бири. Кўпроқ лирик куйлар ижросида қўлланилади.

НОЛИШ — *музика безакларидан* бири, *нола* тури. Ашула айтиш санъатида қўлланилади.

НОМ (логикада) — тил ифодаси. Предмет (атоқли Н.) ёки бир гуруҳ предметлар (умумий Н.) ни англатади. Бунда предмет кенг маънода тушунилади. Атоқли Н. лар айрим предметларнинг Н. лари (мас., «Навоий», «Зайнаб ва Омон» муаллифи») ҳамда бир гуруҳ предметларнинг умумлашган Н. ларига (мас., «инсоният») бўлинади. Гуруҳлар Н. ини умумий Н. (мас., «инсон») дан фарқлаш лозим. Содда ёки элементар Н. лар ва мураккаб Н. лар бўлади. Содда Н. лар бошқа Н. лардан ёки тилнинг бошқа маъноли ифодаларидан тузилмайди. Мураккаб Н. лар эса маъно касб этувчи қисмлардан тузилган бўлади («инсоният»— содда Н. бўлса, «ҳозирги инсоният» мураккаб Н.).

Формаллашган тилларда атоқли Н. ларнинг аналоги константадир; предметларнинг атоқли Н. ларига индивид константалар, гуруҳларнинг атоқли Н. ларига гуруҳ константалари мос бўлади. Н. лар ва улар б-н боғлиқ бўлган муносабатлар (аввало Н. б-н у ифода этадиган предмет ўртасидаги муносабат)ни *логик семантика* ўрганади.

НОМА (юнон. nome — тарқалувчан яра), «сувли рак»— *гангрена* типида ўтадиган касаллик; атрофидаги тўқималарга тез тарқалади. Асосан, ёноқ ва оғиз атрофида бўлади. Одатда, қизамиқ, скарлатина, дифтерия каби оғир юқумли касалликларни бошидан кечирган нимжон, дармонсиз болаларда учрайди, баъзан катта ёшдаги кишилар ҳам оғрийди. Белгилари: ёноқ ёки оғиз атрофининг шиллиқ пардасида кўкимтир-қизил доғ бўлади. Процесс юмшоқ тўқиманинг ҳаммасига жуда тез (баъзан бир неча соат давомида) шикаст етказади. Оғир ҳолларда бир неча кунда лаб, ёноқ, ияк, қулоқ атрофи, чакка соҳаси тўқималари ирийди (некроз), жағ суякларига ҳам шикаст етади. Беморнинг умумий аҳволи оғир, т-раси юқори бўлади. Касаллик жуда оғир ўтганда бемор ўлади. Соғайган тақдирда эса юз чандиқланиб, пастки жағ ҳаракати чекланади. Н. га шубҳа туғилиши б-н беморни дарҳол касалхонага ётқизиш ва тегишлича даволаш керак.

НОМА — 1) хат, мактуб, фармон; 2) Октябрьрев-ясидан аввал ўзбек ва форс-тожик адабиётларида яратилган бадиий асарларнинг бир тури. Ўзбек адабиётида Н. даставвал ғазал шаклида пайдо бўлиб, ошиқнинг маъшуқага ёзган шеърий мактубидан иборат эди (14- аср ўзбек шоири Хоразмийнинг шундай ғазаллари тўплами «Муҳаббатнома» номи б-н машҳур). Кейинроқ бирор тарихий шахс ёки бадиий асар қаҳрамонининг саргузаштлари назм ёки насрда ҳикоя этилган ҳар қандай асар Н. деб аталди: Бобирнинг «Бобирнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» ва б. асарлар. Н. асар тури маъносида форс-тожик адабиётида жуда эрта пайдо бўлди (Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си). Бу маънода Н. достон б-н ҳаммаъно-дир. Ўзбек совет адабиётида Н. нинг янги мазмун олган намуналари яратилган.

«НОМАЛИ НОМИЙ» (نامی نامۂ — машҳур номалар) — иншо намуналари тўплами. Хондамир ёзган (1523—24). Асарда қадим замонлардан 1521—22 йилларгача Шарқда иншо соҳасида қалам тебратган олимлар ҳақида маълумотлар берилган, шунингдек расмий ҳужжатлар, мактублар ҳамда фармонлар битиш тартиби баён қилинган. «Н. н.» да бошқа тарихий манбаларда учрамайдиган муҳим маълумотлар (Муҳаммад Замонининг Заҳириддин Бобирга, Кирмон ва Исфаҳон ҳокими Саид Асилиддинининг Бухоро хони Убайдуллахонга ёзган мактублари, садр, парвоначи, мунший, муставфий, камончи, тиртарош, тирандоз, калонтар унвонларининг келиб чиқиш тарихи ва ҳ. к.) ҳам мавжуд. ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти қўл ёзмалар фондида «Н. н.» нинг ўндан ортиқ қўл ёзма (инв. № 284/II, 285, 286, 801, 1131, 1259, 1749, 1882/I, 3947, 4528) нусхалари сақланмоқда.

Лд.: Аҳмедов Б., Хондамир, Т., 1965.

НОМАЪЛУМЛАРНИ ЙЎҚОТИШ — бир неча номаълумли тенгламалар системасидан номаълумлари озроқ бўлган тенгламалар системасига (ёки битта тенгламага) ўтиш усули. Мас., учта номаълумли учта тенгламалар системаси

$$x+y+z=0 \quad (1)$$
$$2x-2y-z=3 \quad (2)$$
$$x+2y-z=2 \quad (3)$$

берилган, дейлик. *1*-тенгламани мос равишда *2*- ва *3*- тенгламалар б-н қўшиб, бу системадан номаълум z йўқотилса,

$$3x-y=3$$
$$2x+3y=2$$

система ҳосил бўлади. Бу иккита тенгламанинг *1*-сини 3 га кўпайтириб *2*- га қўшилса, *y* йўқолиб $8x=8$ тенглама ҳосил бўлади. Бундан $x=1$, $3x-y=3$ тенгламадан $y=0$ ва, ниҳоят, $x+y+z=0$ дан $z=-1$ топилади.

НОМАҲРАМЛИК, номаҳрам — никоҳда бўлмаган эркак ва аёлнинг ўзаро муносабатини тартибга солувчи диний норма. Шариатда эркак ўз никоҳида бўлмаган аёлга қарамаслиги, гапирмаслиги, у б-н амалий муносабатда бўлмаслиги шарт бўлган. Акс ҳолда унинг хатти-ҳаракати гуноҳ ҳисобланган, аёллар бегона эркакларга юзини кўрсатмаслиги, улар б-н сўзлашмаслиги ва б. талаб қилинган.

Н. генеалогик жиҳатдан оила тариҳининг дастлабки босқичларидаги жуфт никоҳга бориб тақалади. Бу даврда, жамият, эндигина урф бўла бошлаган жуфт никоҳни эски группали никоҳ одатларидан ҳимоя қилиш учун эркаклар ва хотинлар муносабатига турли тақиқ қоидалари (табу) ўрнатган. Қулдорлик ва феодализм жамиятларида аёллар никоҳли эрининг мулкига айлангач, бу тақиқлар янада мустаҳкамланиб, уларга диний тус берилган.

Эркаклар б-н аёллар ижтимоий ҳаёт ва оилада тенг, дўст ва ўртоқ бўлган социалистик жамиятда Н. ўз социал маъносини йўқотган. Н. коммунистик ахлоқ нормаларига зиддир (яна қ. *Маҳрам*).

НОМЕНКЛАТУРА (лат. nomenclatura — исмлар рўйхати) — 1) фан, техника ва б. нинг бирор соҳасида қўлланиладиган номлар, терминлар, тушунчалар системаси (мажмуи). Мас., географик Н.; 2) нарсаларни белгилашда амалий жиҳатдан қулай бўлган абстракт ва шартли символлар системаси.

НОМЕР (лат. numesus — сон) — 1) бир хил нарсаларнинг тартиб рақами, мас., уй номери; 2) кийим-кечак, пойабзал ва ш. к. нинг каттакичиклигини билдирадиган шартли рақамлар ифодаси, мас., 40- номерли этик; 3) меҳмонхона, ҳаммом ва ш. к. да айрим хона; 4) концерт ва б. томошаларда алоҳида ижролар.

НОМЗОД (форс-тож. نامزاد) — қ. *Кандидат*.

НОМИНАЛ (лат. nominalis — номи ёзилган) — 1) қимматбаҳо қоғозлар (акция, облигация ва ш. к.) да, қоғоз пул белгиларида ва монеталарда ифодаланган, устига ёзиб қўйилган қиймат. Қимматбаҳо қоғозлар курси Н. дан четга чиқиши мумкин; 2) прейскурант ёки товарнинг ўзида кўрсатилган товар баҳоси; 3) китоб номинали — китоб, нота, тасвирий ва вақтли матбуот маҳсулотларида кўрсатилган, сотиш учун мўлжалланган комплекс чакана савдо.

НОМИНАЛ ИШ ҲАҚИ — социализмда Н. и. ҳ. ишчи ва хизматчиларнинг ўз меҳнатлари эвазига оладиган пул маблағлари, бажарилган меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ тўланади (қ. *Иш ҳақи*); капитализмда эса ходимнинг ўз иш кучи учун оладиган пул маблағи. Н. и. ҳ. товар баҳоси ва хизмат ҳақи ўзгаришидан қатъи назар, иш ҳақи даражасини ифодалайди. Н. и. ҳ. нинг реал иш ҳақидан фарқи ҳам шундадир. Капиталистик жамиятда Н. и. ҳ. ни ошириш, кўпинча реал иш ҳақи даражасини сақлаб қолиш ёки уни пасайтиришда кузатилади. ССРда Н. и. ҳ. нинг ўсиши — реал иш ҳақини ва барча меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш факторларидан биридир.

НОМИНАЛИЗМ (лат. nomen — исм, ном) — ўрта аср ғарб фалсафасидаги оқим. Ўрта аср *реализм*ига зид ўлароқ, Н. оламда фақат якка нарсалар, предметлар мавжуд, умумий тушунчалар эса фақат нарсаларнинг номларидангина иборат деб ҳисобланган. Вакиллари: И. Росцелин, Дунс Скот, У. Оккам. Моддий оламнинг бирламчилиги ва тушунчаларнинг иккиламчилиги масаласида Н. материалистик позицияда турган. Қ. Маркс сўзи б-н айтганда, Н. ўрта аср материализмининг дастлабки кўриниши, ифодаси эди. Бироқ номиналистлар умумий тушунчалар объектив мавжуд нарсаларнинг реал хоссаларини акс эттиришини тушунмаганлар. *Беркли* ва *Юм* таълимотларида Н. идеалистик асосда ривожлантирилган, ҳозирги пайтда эса семантик философияда ўз аксини топган.

НОМИҚ КАМОЛ (1840—1888) — турк ёзувчиси, публицист ва давлат арбоби. Танзимат даврининг йирик вакили, «Янги Усмон жамияти»нинг аъзоси. «Фикр тасвири» газетасини ташкил қилган. Турк драматургиясининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшган. Унинг «Ватан ёки Силистра», «Бечора гўдак» (1873), «Оқифбой» (1874), «Гулниҳол» (1875) каби драматик асарларида Қрим уруши (1853—56) ва турк халқи ҳаёти тасвирланган бўлса, «Жалолиддин Хоразмшоҳ» (1885) драмаси Ўрта Осиё халқларининг фарзанди Жалолиддининг Чингизхонга қарши олиб борган курашига бағишланган. Н. К. «Алибойнинг саргузаштлари» (1876), «Жазмн» (1880) асарлари б-н турк романчилигини бошлаб берди.

Лд.: Айзенштейн Н. А., Из истории турецкого реализма, М., 1968.

НОМОГРАММА (юнон. nómos — қонун ва ... *грамма*) — турли ҳисоблашларда қўлланадиган чизма (қ. *Номография*).

НОМОГРАФИЯ (юнон. nomos — қонун ва ...*графия*) — *номограмма* тузишга оид математик назария. Номограммалар турли миқдорлар орасидаги функционал боғланишларни ифодалайди ва тенгламаларни ечишда қўлланади.

Расмда йўниш станоклари кескичининг параметрлари α, φ, α_y орасидаги $\operatorname{tg}\alpha_y = \operatorname{tg}\alpha/\sin\varphi$ боғланишини ифодаловчи номограмма тасвирланган. Агар α ва φ параметрларнинг қиймати берилган бўлса, четки шкалалардаги уларга мос нуқталар тўғри чизиқ б-н туташтирилади. Бу тўғри чизиқ ўртадаги шкалани кесган нуқтадан α_y қиймати топилади. Мас., $\alpha = 7{,}5°$, $\varphi = 4°$ бўлса, номограммага мувофиқ $\alpha_y = 6{,}2°$. Шу номограмманинг ўзидан α ва α_y (ёки φ ва α_y) нинг берилган қиймати бўйича φ ни (мос ҳолда α ни) топиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Келтирилган номограмма уч шкалали дейилади. Логарифмик линейка икки шкалали номограммага мисолдир.

Математика, физика ва техниканинг турли соҳаларида кўп шкалали ва б. мураккаб номограммалар қўлланади.


Лд.: Глаголов Н. А., Курс номографии, (для гос. ун-тов), 2 изд., М., 1961.

НОМОЗОВ Ҳолиқул (1908, Самарқанд обл. Оқдарё р-ни) — соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1949). Самарқанд обл. Оқдарё р-нидаги «Большевик» к-зида қўшчи, сувчи (1930—35), Пастдарғом р-нидаги мева-узумчилик с-зида ишчи, звено бошлиги (1935—43). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1943—45), яна шу с-зда звено бошлиги (1945—66), боғбон (1966—69). Звенода 3 *га* токзорнинг гектаридан 200 *ц* узум етиштирилган (1948). Ленин ордени ва медаль б-н мукофотланган. 1969 йилдан пенсионер.



Номозов Ҳ.

НОМОЗШОМГУЛ (Mirabilis jalapa L.) — номозшомгулдошлар (номозшомгуллилар оиласи)га мансуб ўсимлик. Бўйи 50—80 *см*, пояси сершох. Барги узун бандли, тухумсимон. Гули 3—4 *см*, карнайсимон, қизил, пушти, сариқ, оқ, ола-була, ҳидсиз. Илдизи сабзисимон. Июндан сентябрнинг охиригача гуллайди, уруғи июлдан пишиб, тўкила бошлайди. Гули кечқурун очилади, кундузи эса (кун исиши б-н) ёпилади. Ватани — Жанубий Америкада, кўп йиллик; қиши совуқ минтақаларда эса бир йиллик. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида кўп экилади.



Номография. Кескич параметрларини ҳисоблаш номограммаси.

НОМУНТАЗАМ ҚЎШИНЛАР — барқарор уюшмага эга бўлмаган қўшинлар. Н. қ. ўзининг тузилиши, хизматни ўташи, малакаси, кийим-кечаги жиҳатдан *мунтазам қўшинлар*дан фарқ қилади. Ўрта асрларда хон, султон, амир, шоҳларнинг мунтазам қўшинлари бўлса ҳам, ҳарбий юришлар чоғида армиянинг асосий қисмини Н. қ. ташкил этган. Ҳарбий юришлар олдидан ҳукмдорлар ўз қўл остидаги вилоятларга чопарлар юбориб, Н. қ. тўплаган. Россиядаги Н. қ. нинг асосий қисми казаклардан ташкил топган (17—20- асрлар). 20- асрнинг бошларида Туркистондаги отлиқ дивизион, Догистондаги отлиқ полк ҳам Россиянинг Н. қ. и таркибига кирган. 18—20- асрларда Австрия (кроатлар, пандурлар ва б.) ва Туркия (бошибузуқлар, черкаслар, курдлар ва б.)да, 20- асрнинг бошларида Англия ва Франция мустамлакаларида, Эрон ва Афғонистонда ҳам Н. қ.



Номозшомгул.

бўлган. Биринчи жаҳон урушидан кейин Н. қ. барча давлатларда тугатилди.

НОМУС — 1) кишиларнинг гражданлик ва шахсий қадр-қимматига, уларнинг ўз хатти-ҳаракатлари олдидаги ахлоқий масъулиятига бўлган қарашларни ифодаловчи тушунча. Бу тушунча фақат индивидуал маънода ишлатилади. Бошқа ахлоқ тушунчалари каби синфий ва тарихий характерга эга бўлиб, жамиятнинг иқтисодий тузуми ва ундаги ижтимоий муносабатлар Н. асосини ташкил қилади. Мас., феодализм даврида олий этика нормаси фақат бойлар табақасига хос деб ва улар ўртасида ахлоқнинг асосий принципи шахсий Н. дан иборат деб ҳисобланган. Феодализмда бўлгани каби буржуа жамиятида ҳам кишининг номуси унинг хусусий мулки, капитали б-н белгиланади.

Социализм шароитида Н. тушунчасининг мазмуни мутлақо бошқачадир. Индивидуал маънода Н. тушунчаси кишининг фақат шахсий хизматларини (аввало, меҳнатини) ҳамда одамийлик даражасини англатади ва шунга қараб унинг обрўси белгиланади. Н. шахснинг халқ бахт-саодати учун фаолият кўрсатишига ундовчи ҳақиқий маънавий омил деб қаралади; 2) бошқа шахсларга нисбатан шарм-ҳаё б-н муносабатда бўлишга ундовчи ҳис (яна қ. *Виждон, шаън*).

НОН — инсоннинг кундалик истеъмолидаги асосий неъматлардан бири, турли таомларга қўшиб ёки ўзи ейилади. Археологик маълумотларга кўра, бошоқли ўсимликлар донларини пишириб истеъмол қилиш милоддан 10—15 минг йил муқаддам бошланган деб тахмин қилинади. Бу даврларда олов кашф қилинган бўлиб, донни пишириб ейишга имконият туғилган. Дастлаб, бошоқ чўғда думбул қилиниб, сўнг бошоқ ичида қовурилиб пишган дон уқаланиб, истеъмол қилинган.

Ёрғучоқ пайдо бўлиши б-н донни тош орасида майдалаб ёрма ҳолатида истеъмол қилиш ўрнига ғалладан ун тайёрлаш ва хамир қориб, қизитилган тош устида ёки қўрга кўмиб Н. пишириш мумкин бўлди. *Хамиртуруш* кашф этилиши ҳамда ўчоқ, тандир, това ва б. Н. пиширш воситаларининг яратилиши ва такомили б-н ундан Н. тайёрлаш янги, ҳозирги замонга қадар давом этиб келаётган босқичга кўтарилди. Энг муҳими хамиртуруш б-н кўпчитилган хамирдан пиширилган Н. ҳам иссиқлик ҳамда ўз бугига пишади, пишган Н. да жуда кўп майда ғоваклар ҳосил бўлади. Н. нинг говакдор бўлиши унинг организмда ҳазм бўлишини осонлаштиради. Буғдойдан тайёрланадиган Н. нинг кимёвий таркибида асосан 30—35% оқсил, 60—70% углеводлар, клетчатка, витамин B_1, B_2, PP, минерал тузлар, шунингдек темир, кальций, фосфор ва б. моддалар бор.

Инсоният жамиятининг тараққиёт босқичларида Н. тайёрлаш усуллари ўзгариб келган. Н. лар пиширш (ёпилиш) усулига кўра тандир Н., това Н., газ печь нони ва б. турларга, ун тортилган ғаллага қараб буғдой нони, арпа нони, маккажўхори ва оқ жўхори нони, тариқ нони каби турларга бўлинади.

Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ўртасида Н. ни тандирда пиширш усули тарихан кенг тарқалган эди. Асрлар оша тандир Н. ни тайёрлаш услублари такомиллаштирилиб, унинг ўнлаб ва ҳатто юзлаб хиллари кашф этилган. Тандир Н. шунингдек озарбайжонлар, арманлар, грузинларда, уйғурлар, кашмирлар, панжобилар, афғонлар, форслар, туркlар, болгарлар, араблар, қисман греклар, Югославия халқларида ҳам тайёрланади.

Ўзбек пазандалигида тайёрлаш технологиясига қараб оби Н., гижда Н., патир Н., ширмой Н. турларидан иборат (баъзан лочира Н. ҳам алоҳида технологик турга киритилади (қ. *Лочира*).

Оби Н. (форсча-тожикча сувли нон деган маънони билдиради) тайёрлашда асосан хамир буғдой уни, хамиртуруш ва туз қўшиб оширилади. Оби Н. да хамирнинг нисбатан бўшоқ бўлиши, зуваланинг кичиклиги (200 *г* атрофида) характерлидир.

Гижда усулида ҳам хамир буғдой уни, хамиртуруш ва туз қўшиб оширилади, сўнгра узоқ ийланади. Гиждада хамир қаттиқроқ бўлади ва Н. қалин қилиб ясалади (қ. *Гижда*); Тандирга ёпишда ҳар бир Н. орқасига намакоб сепилади. Тандирдаги чўғ ўртага уюлиб, устига кул (ёки темир қопқоқ) ёпилади. Н. тандирга яхши ёпишгач, Н. юзига сув севаланади ва чўғ очилади (баъзан нам сочиқ б-н елпинади). Пиширш 50—60 *мин* давом этади. Тайёр Н. куракча б-н олинади.

Патир Н. хамири буғдой уни, сув (сут), хамиртуруш, туз, ёғ, жизза, қийма (ёғ ва майда тўғралган пиёз) аралаштириб оширилади. Зувала узишдан олдин хамир ёйилиб юзига ёғ (сариёғ, эритилган қўй ёғи, маргарин ёки жизза ва б.) суриб ишланади (қ. *Патир*). **Ширмой** Н. (баъзи жойларда ширмон, ширмол деб аталади; форс-тож. сутли нон демакдир) хамирини тайёрлаш мураккаб; дастлаб махсус усулда олинган нўхат ва арпабодиён қайнатмасига бир миқдор буғдой уни сепиб хамирпайгир қорилади. Пайгир 5—6 соатдан сўнг етилади. Уни хамиртуруш сифатида ишлатиб буғдой унидан сутга қориб хамир тайёрланади. Хамир муштлаб етилтирилади (қ. *Ширмой*).

Н. энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи бўлганлиги, асрлар давомида нонвойлар маҳоратининг ўсиши ва технологик усулларнинг такомиллашуви натижасида оби, гижда, патир ва ширмой Н. нинг ўнлаб хиллари яратилган. Республикамизнинг турли областларида Н. нинг турли хиллари тайёрланади:

Фарғона водийсида тайёрланадиган Н. номлари: оби Н.; оби жимжима; уй Н., кулча Н., жиззали Н., гўштли Н., ёғли Н., чапчап Н., гижда Н., оддий патир, ёғли патир, қашқар патир, ёғсиз патир, қатлама патир, тўй патири, лўлда патир, қўшалоқ ширмой, пайванд, оби хол олча гули, ширмой кулча, ширмон патир, кунгирали ширмой, кунжутли бозор нони, седанали бозор нони, байрам безакли нони ва б.;

Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида (Шаҳрисабз, Қитоб) **тайёрланадиган Н. номлари**: оби, якқафо, ғахсаки, нони заргарон, хиндуги, фатири қашқари, ширмоли дужуфт, тафтон, тафтори ду без, нони тароқи, осиёбий, пўлодий, жаззаки, кулчаи равғанин, оби жимжима, турфон, нони хаман, кулободи, забони гов, сохта ширмол, ширмоли седана пайванд, ширмоли оби холи олчагули, нони саланг, лаваш, чурек, даврa, совғатни нақшин, уй нони, қўшалоқ барака кулча, куёв ширмой Н., паркуп-Н., кунжутли оби Н., седанали оби Н., кунжутли патир Н.

Қорақалпоғистон ва Хоразм воҳасида тайёрланадиган Н. номлари: оби Н., тўй Н. и, Хоразм Н. и, катта патир, кичик патир, сутли чурек, байрам Н. и, бой чурек, тўй чурек, ширмон, ширмон қўшалоқ, кунжутли Н., лаваш Н. ва б.

Шаҳарларнинг йириклашуви ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви натижасида аҳолининг Н. га бўлган эҳтиёжини шахсий ишлаб чиқариш б-н қондириш мумкин эмас. Шу сабабли жамиятда Н. ни саноат усулида ишлаб чиқариш асосий ўринда туради. Шунга мувофиқ саноатнинг алоҳида соҳаси — нон саноати — турли сортдаги нон, нон — булочка, тешиккулча ва сухари тайёрловчи тармоғи вужудга келди. Ўзбекистонда рев-ядан кейин кўплаб нон з-длари ва новвойхоналар нон маҳсулотлари тайёрлай бошлади. 1926 йилда Тошкентда республикадаги дастлабки нон з-ди ишга туширилди. Кейинчалик республиканинг барча шаҳар ва посёлкаларида з-д ва новвойхоналар қурилди, урушдан кейин эса ишлаб чиқариш бирлашмалари, комбинатлар ташкил қилина бошлади.

Ҳозир республикада 12 комбинат ва 9 з-д (1975) аҳолига нон маҳсулотлари етказиб бермоқда. Буларнинг энг йириклари Тошкент нон ишлаб чиқариш бирлашмаси, Булочка-кондитер маҳсулотлари комбинати, Самарқанд, Фарғона, Қўқон нон комбинатларидир. Н. с. да нонининг 25 тури, 100 дан ортиқ хил булочка ва қарийб 25 номдаги маҳаллий нонлар тайёрланмоқда. Кейинги вақтларда Н. з-дларининг айрим цехлари оби нон, патир, сутли нон тайёрлашнинг поток усулини ўзлаштирди. Республика Н. с. да 1975 йилда меҳнат унумдорлиги 1970 йилдагига нисбатан 17,2% ўсди. ЎзССРда 1975 йили 362024 *т*, СССР бўйича эса 1974 йилда 20 млн. *т* нон ва нон булочка маҳсулоти тайёрланди (56—57- бетдаги рангли вклейкага қаранг).

Ад.: Махкамов Г. М., Погосянц, А. И., Свинкин С. Н., Узбекские лепешки, Т., 1961; Махмудов К., Узбек таомлари, Т., 1970; Махмудов К., Нон, «Гулистон» ж., № 5. 1967.

НОН ЁПИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ — нон тайёрлашда бажариладиган операциялар мажмуи. Нон, асосан, буғдой ва жавдар унидан ёпилади. Ердамчи масаллиқлар сифатида хамиртуруш, туз, шакар, мойлар, сут, тухум, седана ва б. дан фойдаланилади. Дастлабки йирик нон з-длари биринчи беш йилликда инженер Г. П. Марсаков ғояси асосида барпо қилинган.

Оби нон тайёрлашда ун элакда эланиб бункерга берилади. Хамир қоришдан аввал опара (ун, ачитқи ва сув аралашмаси) тайёрланади. Опара етилгач, хамир қориш машинасида хамир қорилади. Бунда опарага ун, туз (тахм. 50% опара, 50% ун) қўшилади. Хамир 1 соатча етилтирилади; етилган хамир зувала бўлгич машинага, ундан эса думалоқлаш машинасига берилади. Сўнгра хамир махсус шкафда 20 мин. ча ушлаб турилади. Маромига етган хамирдан нон ясалади, сўнгра нон печкада пиширилади. Қўпчилик печкалар газ б-н ишлайди. Нон печкада 7—9 мин. туради.

Булка нон тайёрлашда ун пневмотранспорт воситасида ишлаб чиқариш бункерларига берилади. Битта бункерга келган ундан суюқ хамиртуруш қорилади, иккинчи бункердан келган ундан опара тайёрланади. Унга опара, намакоб қўшиб, хамир қорилади. Қорилган хамир махсус идишларга солиниб, 2 соатча етилтирилади. Тайёр хамир кесиш машинасига берилади, кесилган хамир ёғ суркалган қолипларга солинади ва махсус транспортёрда 40 мин. ча юриб етилади (қолип ҳажмича кўпчийди). Қолипдаги хамир печка ичида 50 мин. туриб пишади, печка ҳарорати 200—220°С. Пишган нон транспортёрда тахлаш столига боради, ундан ёғоч яшикларга тахланиб, вагонеткаларга ортилади ва истеъмолчиларга жўнатилади.

НОН СИНДИРИШ — никоҳ тўйи маросимларидан. Н. с. Ўрта Осиё халқларида, хусусан, ўзбек ва тожикларда қатъий одатга айланган. Н. с. отанинг совчи юборган оилага қизини узатишга рози эканини, ваъданинг қатъий ва муқаддаслигини, шунингдек куёв-келин, қуда оилалар аҳил бўлишига билдирилган истакни ифодалайди. Н. с. одати айрим маҳаллий тафовутларга эга. Чунончи Фарғона водийсидаги ўзбек ва тожикларда Н. с. қизнинг отаси рози бўлгач бажарилади: совчилар келтирган дастурхон очилиб, нони синдирилади, сўнг тўй масалалари аниқланади. Илгари Сурхондарё водийсида Н. с. *қалин* ҳажмини белгилашдан сўнг ўтказилган — нон тенг иккига бўлиниб, келин ва куёвнинг қариндошларига тақсимланган. Бу ҳол Фарғона водийси аҳолиси орасида қалин бошқа этник группаларга нисбатан илгарироқ ўз аҳамиятини йўқота бошлаганини кўрсатади.

Н. с. феодал никоҳ-оила муносабатларига хос тарихий одат бўлиб, ҳозирги кунда ҳам айрим р-н ва шаҳарларда амал қилинаётган бўлса ҳам, унинг традицион мазмуни йўқолиб, янги маъно касб этди.

НОНА (лат. nona — тўққизинчи) — музика товушқаторининг тўққиз босқичини пастки (йўғон) ва юқориги (ингичка) товушлари б-н ўз ичига олган оралиқ, *октава* ва *секунда* йиғиндиси (қ. *Интервал*).

НОНАККОРД — терция оралиғида жойлашган (ёки жойлашиши мумкин бўлган) 5 та турли товушлардан иборат *аккорд*. Кўпинча, Н. ладнинг V (доминантнонаккорд) ёки II поғоналарида тузилади. Н. нинг асосий тузилиши аккорд тагида 9 рақами б-н (мас., V_9, II_9 тарзида) кўрсатилади.

НОНЕТ (лат. nonus — тўққизинчи) — 1) тўққиз ижрочи (кўпинча созандалар) учун мўлжалланган циклли музика асари. Асосини торли *квартет* ёки *квинтет* ташкил қилиб, унга пуфлаб чалинадиган асбоблар қўшилади. Фақат пуфлаб чалинадиган асбоблар ёки ашулачилар учун ёзилган Н. лар ҳам учрайди; 2) тўққиз ижрочидан ташкил топган *ансамбль*.

НОНИСАНГИЛ — Жиззах обл. Жиззах р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. «76- от заводи» (йилқи с-зи) терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззахдан 12 *км*. Аҳолиси 1283 киши (1971); ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Моргузар булоғидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона бор.

НОНИУС [португалиялик ихтирочи П. Нуниш (P. Nunes) нинг лат. фамилиясидан] — ўлчов асбобларининг асосий шкала бўлинмалари улушларини ҳисоблаш учун хизмат қиладиган ёрдамчи шкала. Н. нинг чизиқли, бурчакли, спиралсимон ва трансверсаль хиллари бор. Ҳозирги Н. га ўхшаш шкалани франц. математиги П. Верньe таклиф қилган. Шунинг учун, кўпинча, Н. *верньер* деб ҳам аталади.

НОНПАРЕ́ЛЬ (франц. nonpareille — беқиёс) — ўлчами (кегли) 6 пункт (2,25 *мм*) бўлган босмахона шрифти. Ихчам китоблар (луғатлар, чўнтак справочниклари ва б.), шунингдек газеталар учун мўлжалланган. Ўзбек Совет Энциклопедиясида мақолаларнинг библиографиялари ва расмлар тагидаги ёзувлар Н. б-н терилган.

НОНХУР — Қашқадарё обл. Чироқчи р-нидаги Чиёл қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 29 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғдан 41 *км*. Аҳолиси 857 киши (1971); ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

НОРАҚ — ТожССРдаги шаҳар. 1960 йилда Урта Осиёнинг энг йирик сув электр станцияси — Норак ГЭСининг қурила бошлаши муносабати б-н 3 та кичик қишлоқ (Дисабур, Тутқовул ва Лангар) ўрнида вужудга келган. Н. Душанба шаҳридан 68 *км* жануби-шарқда. Вахш дарёсининг ўнг соҳилида, Душанба — Кўлоб автомобиль йўлининг чап томонида жойлашган. Аҳолиси 21 минг киши (1974).

Шаҳарда темир-бетон, нон з-длари ва марказлаштирилган механика-ремонт устахонаси мавжуд. Кинотеатр, стадион, кутубхона, кечки энергетика-қурилиш техникуми бор.

НОРАҚ ГЭС — Жанубий Тожикистондаги энг йирик гидротехник иншоотлардан бири. Вахш дарёсида, Норак ш. яқинидаги Пулисангин дарасида 1961 йили қурила бошлаган.

ГЭС нинг лойиҳа қуввати 2700 *Мвт* (300 *Мвт* ли 9 агрегатдан иборат). Иккита агрегат 1972 йилда ишга туширилган. ГЭСда йилига 11,2 млрд. *квт-с* электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бу энергия Тожикистоннинг жанубида барпо этилаётган саноат комплексини таъминлайди.



Норак ГЭС. Умумий кўриниши.

ГЭС сув омбори (қ. *Норак сув омбори*), тўғон ва электр станциясидан иборат. Бу ГЭС тўғонининг баландлиги 300 *м* дан ортиқ (жаҳонда энг баланд тўғон) бўлиб, асосий иншоот ҳисобланади. Бу тўғон секундига ўртача 645 $м^3$ сув ўтказадиган ускуналар б-н жиҳозланган. ГЭС 275 *м* сув босими остида ишлайди. Электр энергияси 500 ва 220 *кв* кучланишли электр узатиш линиялари бўйлаб Урта Осиё бирлашган энергосистемасига тушади.

НОРАҚ СУВ ОМБОРИ — ТожССР террясида Вахш дарёсидаги Норак ГЭС тўғонини қурилиши натижасида вужудга келган сув омбори. 1972 йилдан сув тўлдирила бошлаган. Майдони 98 $км^2$, ҳажми 10,5 $км^3$, узунлиги 70 *км*, энг кенг жойи 1 *км*, ўртача чуқурлиги 107 *м*. Сув омбор сатҳи 53 *м* чамасида ўзгариб туради. Н. с. о. дарё сувини жамгаради, дарё режимини тартибга солади. Дашт ва чўлларни ўзлаштириш ҳамда 1,0 млн. гектарга яқин ерни суғориш имконини беради.

НОР-БАЯЗЕ́Т — АрмССРдаги *Камо* шаҳрининг 1959 йилгача бўлган номи.

НОРБУТА́ — Андижон обл. Қўрғонтепа р-ни Чимён қ. С. даги қишлоқ. «Қаҳрамон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Қорасувдан 12 *км*. Аҳолиси 1150 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади.

НОРБУТАБИЙ — Қўқон хони (1769—1801); Қўқон ҳокими Абдулкаримбийнинг невараси. Н. хонлик тахтига ўтирганидан бошлаб Чуст ва Наманган бекларининг сепаратизмини бостирди. Қўзғолон кўтарган Хўжанд бегини енгиб, бу шаҳарни узил-кесил бўйсундирди, аммо Уратепа фақат номигагина Бухорога тобе бўлиб қола берди. Н. даврида Қўқон хонлиги мустақил кучли давлатга айланди, мамлакатда ирригация иншоотлари барпо қилинди, савдо ва ҳунармандчилик бирмунча ривож топди.

НОРБУТАБИЙ МАДРАСАСИ — Қўқондаги архитектура ёдгорлиги (18-аср охири). Қўқон хони *Норбўтабий* ҳукмронлиги даврида қурилган. Халқ орасида Мадрасан-Мир номи б-н ҳам юритилади. Мадрасанинг ташқи архитектураси оддий, безаксиз, силлиқланган пишиқ ғиштдан қурилган. Плани тўғри тўрт бурчакли, ўртаси кенг ҳовли, атрофи ҳужралар б-н ўралган. Пештоқ орқали тор йўлакдан ҳовлига кирилади. Йўлак қаршисида пештоқли улкан меҳроб — ёзги дарсхона бор. Унгда тепаси гумбаз б-н ёпилган масжид, чапда қишки дарсхона жойлашган. Масжиднинг ичи пойгумбазнинг панжарали тор дарчалари орқали ёритилади. Пойгумбаз ва меҳроб тепаси *шарафа*лар б-н нақшланган.

НОРВЕ́Г ТИЛИ — *норвегларнинг* тили. Норвегиянинг расмий тили. Норвегия, АҚШ ва Канадада тарқалган. Герман тилларининг скандинав гуруҳига мансуб. Бу тилда 5 млн. дан ортиқ киши гаплашади (1971). Н. т. нинг ёзма ёдгорликлари 10—11-асрлардаги рун ёзувларидир. Н. т. кўплаб маҳаллий лаҳжалардан таркиб топган бўлиб, булар икки катта гуруҳни ташкил этади: ғарбий (Лангвелла тизмасидан ғарбга томон) ва шарқий. Норвегия сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан Данияга қарам бўлгач (14-аср охири), *дания тили* Норвегияда маъмурий ва адабий тил сифатида жорий этилди. 1814 йили Норвегия Данияндан ажралиб, Швеция б-н иттифоқ тузишга мажбур бўлди (1814—1905). 19-асрнинг ўрталарида дания адабий тили б-н пойтахт (Осло) шеваси ўртасидаги фарқни бартараф этиш учун 1907, 1917 ва 1938 йилларда орфографик ислоҳот ўтказилди. Натижада норвег адабий тили шаклланди. Унлилардан сўнг жарангсиз портловчи товушларнинг ўзига хослиги, урғули бўғиндаги унли ва унсиз товушлар чўзиқлигининг бирбирига алоқадорлиги, чўзиқ *о* нинг энг юқори танглай унлисига айланиши (ўзбекча *ў* га мукояса қилса бўлади) ва чўзиқ *и* товушининг қоришиқ унлига айланиши ва б. Н. т. фонетикасининг муҳим хусусиятларидир. Ёзуви латин графикасига асосланган.

Ад.: Стеблин-Каменский М. И., История скандинавских языков, М. — Л., 1953; Стеблин-Каменский М. И., Грамматика норвежского языка, М. — Л., 1957.



Нодира. Рассом Ш. Ҳасанова, 1947, Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи.



1



2



3



4

1. Андижон нонларидан намуналар.
2. Фарғона нонларидан намуналар.

3. Қўқон нонларидан намуналар.
4. Ўзбекистон нон саноати маҳсулотларидан намуналар.


Нон мақоласига.



1



3



2




4

1. Самарқанд нонларидан намуналар.
2. Шаҳрисабз нонларидан намуналар.

3. Китоб нонларидан намуналар.
4. Самарқанд совға нонлари.

Нон мақоласига.



3



4

3. Хорази нонларидан намуналар.
4. Хорази нонларидан намуналар.

Нон маҳолангга.



1



2

1. Нонларидан намуналар.
2. Хорази нонларидан намуналар.

НОРВЕ́ГИЯ (Norge), Норвегия Қироллиги — Шимолий Европадаги давлат, Скандинавия ярим оролининг ғарбий ва шимолий чеккасида. Шимолда Баренц, ғарбда Норвегия, Шимолий денгизлар ва жанубда Скагеррак бўғози б-н ўралган. Швеция, узоқ шимолда Финляндия ва СССР б-н чегарадош. Майдони 324,2 минг *км*². Аҳолиси 3975 минг киши (1974). Пойтахти — Осло ш. Маъмурий жиҳатдан фюльке (область)ларга бўлинган. Шимолий муз океанидаги Шпицберген архипелаги ва Медвежий ороли, Атлантика океанининг шимолий қисмидаги Ян-Майен ва жанубий қисмидаги Буве ороллари Н. ға қарайди.

Давлат тузуми. Н.— конституцион монархия. Амалдаги конституцияси 1814 йил 17 майда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — қирол. Қонун чиқарувчи ҳокимият парламент — стортинг ихтиёрида (стортинг 155 депутатдан иборат бўлиб, аҳоли томонидан 4 йилга сайланади). 20 ёшдан бошлаб барча гражданлар сайлов ҳуқуқига эга. Ижроия ҳокимият бош министр бошлиқ ҳукумат ихтиёрида.

Суд системаси биринчи ва иккинчи инстанция судлари ва Олий суддан иборат; барча судьяларни қирол тайинлайди.

Н. байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Табиати. Н.— тоғли ўлка. Терр-ясининг қарийб ²/₃ қисми денгиз сатҳидан 500 *м* дан баланд; паст текислик денгиз соҳилида учрайди.

Ғарбий қирғоғида фьордлар — тик қояли тор қўлтиқлар кўп. Йирик ороллари — Лофотен, Вестеролен, Сенья, Магерё ва б. Терр-ясининг катта қисмини *Скандинавия* тоғлари ишғол қилган (энг баланд нуқтаси — 2469 *м*). Фойдали қазилмалардан темир рудаси, никель, мис, молибден, кобальт ва кумуш рудалари бор. Шимолий денгизининг қуруқликка яқин саёз қисмидан 1970 йили нефть ва газ конлари топилди.


Иқлими мўътадил, шимолий чеккасида субарктика иқлими, соҳилида океан иқлими. Январининг ўртача т-раси шимолида —2, —4°, жанубида 2°. Ёзи салқин, тез-тез ёмғир ёғади (соҳил бўйида 10, 15°). Йиллик ёғин 1000—3000 *мм*. Умумий майдони — 5000 *км*² музлик бор.


Йирик дарёлари: Гломма, Логен (Гудбрансдаль), Логен (Нумедаль); қор, ёмғир, музликлардан тўйинади; катта гидроэнергия запасига эга (Ғарбий Европада 1-ўринда). Кўллар Н. терр-ясининг 4%ини эгаллайди, энг каттаси — Мьёса.

Тупроқ ва ўсимликлари. Н. терр-ясида тундра зонаси ва ўрмон зонаси яққол кўзга ташланади. Асосий тупроғи юпқа тундра тупроғи, жанубида тоғ подзол тупроғи учрайди. Мамлакат терр-ясининг 24% и ўрмон.

Ҳайвонот дунёси бой: тулки, силовсин, росомаха, сувсар, лось, буғу, қуён, тийин, лемминг кўп. Денгиз қирғоқларида гала-гала қушлар учрайди. Денгизларда ҳар хил балиқлар, тюлень кўп.

Аҳолисининг 98%и норвеглар. Саамлар, квенлар, шведлар, данлар, немислар ва б ҳам яшайди. Расмий тили — *норвег тили*. Расмий дин — лютеранлик. Иқтисодий актив аҳолининг 34%и саноат ва қурилишда, 12%и қ. х., ўрмон хўжалиги ва балиқ овлашда, 10%и транспорт ва алоқада, 44% и савдо ва маиший хизматнинг бошқа соҳаларида банд (1972).


НОРВЕГИЯ
120 0 120 240км
МЕДВЕЖИЙ О.
ЯН-МАЙЕН О.
ШПИЦБЕРГЕН
ТРОНХЕЙМ
ОСЛО
ГЕТЕБОРГ
Осло
Берген
Тронхейм
Стокгольм
Гетеборг
Мальмё
Хельсинки
Ставангер
Кристиансанд
Арендал
Лиллехаммер
Хамар
Драмен
Фалун
Сундсвалль
Эстерсунд
Хернёсанд
Умео
Лулео
Кируна
Нарвик
Мурманск
Архангельск
Полярный
Северодвинск
Онежское оз.
Ладожское оз.
Ботнический з.
Норвежское м.
Северное м.
Скагеррак
Каттегат
Балтийское м.
Белое м.
Баренцево м.
Карское м.
Гренландское м.
Норвегия
Швеция
Финляндия
СССР
Дания
Германия
Польша
Эстония
Латвия
Литва
Англия
Исландия
Ирландия
Франция
Бельгия
Голландия
Канада
США
Исландия
Гренландия
Ирландия
Великобритания
Атлантический океан
Северный Ледовитый океан
Тихий океан
Индийский океан
Африка
Австралия
Новая Зеландия
Антарктида
Южная Америка
Северная Америка
Евразия
Европа
Азия
Африка
Австралия
Антарктида
Северная Америка
Юж



Лафотен оролларининг умумий кўриниши.

иттифоқ тузди, 1397 йилда Скандинавиядаги учта қироллик ўртасида тузилган *Кальмар иттифоқи*га кўра Н. Данияга тобе бўлиб қолди.

16-асрдан Н. иқтисодий жиҳатдан юксала бошлади. Н. Шимолий Германия, Нидерландия, Англия, Шотландия б-н савдо алоқаларини авж олдирди. Кўплаб мой ва балиқ, ёғоч-тахта экспорт қила бошлади. Кон саноати, кема қатнови ривож топди, ҳунармандчилик корхоналари пайдо бўлди.

Товар-пул муносабатларининг равнақ топиши б-н деҳқонлар орасида табақаланиш жараёни тезлашди. Дворянлар табақаси аста-секин йўқола борди. Бадавлат деҳқонлар сиёсий жиҳатдан актив куч бўлиб қолди. 17-асрнинг 2-ярми ва 18-асрдаги иқтисодий юксалиш даврида шаҳар буржуазияси таркиб топди, ўрмон хўжалиги, кончилик, кемасозлик, денгиз қатнови ишлари бой савдогарлар назоратига ўтди.

18-аср охири — 19-аср бошларида мануфактура ва йирик савдо капитали равнақ топди. 1750—1807 йилларда Н. флоти тоннажи икки марта ўсди, кемалар сони 600 дан 1514 га етди. Н. да иқтисодий жиҳатдан буржуазия ҳукмрон, деҳқонларнинг $^3/_4$ қисми заминдор бўлиб қолди. 1807—14 йиллардаги Англия-Дания уруши ва ҳосилсизлик Н. ни ҳалокат ёқасига келтирди. Очликдан ўн минглаб кишилар ҳалок бўлди.

Дания б-н Швеция ўртасидаги Киль сулҳ шартномаси (1814) га кўра, Н. шведлар мулки бўлиб қолди. Бундан норози бўлган норвег халқи мустақиллик ва конституция учун революцион курашга отланди. 1814 йил 17 майда Таъсис мажлиси конституция қабул қилди ва қирол сайланди. Швеция иттифоқчилари бўлган буюк давлатларнинг тазйиқи ва 1814 йил ёзида шведлар б-н бўлган урушда Н. нинг маглубиятга учраши туфайли Н. мустақиллигини йўқотди. 1814 йил 4 ноябрда стортинг Швеция қиролини Н. қироли ҳам деб эълон қилди.

1814 йилдан 1905 йилгача Швеция-Норвегия иттифоқи амалда бўлди. 1815 йили махсус қонунда мустаҳкамланган ана шу иттифоққа кўра, Н. кенг ички мустақиллик олди, лекин Швеция б-н доимий иттифоқда бўлди, ташқи сиёсат органларидан маҳрум этилди.

19-асрда тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз, балиқ консерва саноатлари тараққий этди. Савдо флоти тоннажи 5 марта ўсди. Н. да капитализм узил-кесил таркиб топди.

Ижтимоий-иқтисодий силжишлар синфий курашнинг кескинлашишига олиб келди. 1848 йили Европа рев-ялари таъсирида Н. да 1848—51 йилларда қ. х. ишчилари ва камбағалларнинг биринчи оммавий демократик ҳаракати аланга олди. Аҳоли ва унинг пролетарлашуви тез ўса борди. Қасаба союзлари ва сиёсий партиялар тузилди. 1905 йил 7 июнда стортинг Швеция-Н. иттифоқини бекор қилди. Россия биринчи бўлиб Н. мустақиллигини тан олди, у б-н дипломатик муносабатлар ўрнатди (1905).



Варде ш. яқинидаги қалъа.

Н. мустақилликка эришган биринчи ўн йилликда саноат хийла ўсди. Европада энг йирик ҳисобланган ГЭСлар қурилди.

1905—07 йиллардаги рус рев-яси Н. да ишчилар ҳаракатининг юксалишига таъсир кўрсатди. Биринчи жаҳон уруши йилларида Н. ўзининг бутунлай бетараф эканлигини билдирди. Бу даврда саноат янада тараққий этди, корхона эгалари бойиди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-яси Н. га кучли таъсир кўрсатди. 1918 йили кўплаб маҳаллий ишчи советлари пайдо бўлди. 1923 йили Норвегия коммунистик партияси тузилди.

1921 йил сентябрда Н. Совет Россиясини расман таниди, 1924 йил февралдан СССР б-н дипломатик алоқа ўрнатди. Н. халқининг энг яхши фарзандлари Волга бўйида очарчиликда қолганларга халқаро ёрдам ташкил этишда фаол қатнашдилар («Ф. Нансен фонди»).

1929—33 йиллардаги жаҳон иқтисодий кризисидан Н. катта талафот кўрди. Бироқ кризис тугаши б-н Н. экономикаси гуриллаб ўсди, аҳолининг турмуш даражаси анча кўтарилди; Н. савдо флоти дунёда олдинги ўринларга чиқиб олди. Аҳоли жон бошига электр энергияси истеъмол қилишда Н. дунёда биринчи ўринга ўтди. Саноат ишлаб чиқариши концентрацияси янада ортди. Пролетариат сафлари кенгайди.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши б-н Н. бетараф эканлигини билдирди. Бироқ 1940 йил 9 апрелдаёқ фашистлар Германияси Н.га ҳужум қилди ва икки ой давомида Н.ни бутунлай босиб олди. Мамлакатни душмандан озод қилиш учун умумхалқ ҳаракати бошланди. Қуролли курашга компартия бошчилик қилди. Бу курашда фашист лагерларидан қочган кўпгина совет ҳарбийлари ҳам иштирок этдилар. 1944 йил октябрда Совет қўшинлари Шимолий Н. га кириб, мамлакатни немис-фашистлардан озод қилишга киришдилар. 1945 йил 8 майда Н. даги немис-фашист қўшинлари таслим бўлди.

Урушдан кейинги даврда Н. да ижтимоий зиддиятлар кескинлашди, ишчилар ҳаракати юксалди, кенг меҳнаткаш оммасининг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари учун кураши авж олди. Қасаба Союзлари сафи ўсиб, таъсирчан ижтимоий-сиёсий куч бўлиб қолди. Н. ишчилар партияси (НИП) мавқеи мустаҳкамланди, ишчилар ҳаракатида компартиянинг таъсири анча ортди. 1945 йил июнда НИП тузган ҳукумат таркибига компартия вакиллари кирди. 60-йилларнинг ўрталаригача НИП ҳукмрон партия бўлганидан, парламентга суяниб, ижтимоий-сиёсий ҳаётга муайян таъсир кўрсатди. 1947 йил НИП ҳукумати *Маршал планига*, 1949 йил апрелида эса НАТОга қўшилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Н. нинг ҳукмрон доиралари мамлакатнинг империалистик группаларда сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий соҳаларда иштирок этишини кенгайтириш сиёсатини юргизиб, *Европа Эркин савдо ассоциациясига* кириш ҳақида қарор қабул қилди (1960 йил март).

50-йиллардан СССР б-н Н. ўртасида бир қанча битимлар (ҳаво алоқаси, маданий алоқа, иқтисодий, саноат, илмий-техник ҳамкорлик тўғрисида, Н. граждан аэродромидан совет ҳаво кемаларининг фойдаланиши ҳақида ва ҳ. к.) имзоланди.

1972 йил январда Н. «Умумий бозор»га қўшилди. 70-йилларнинг бошларида Н. да ижтимоий-синфий зиддиятлар жуда кескинлашиб кетди. 1973 йилги парламент сайловлари арафасида 14 партия бор эди.

Сиёсий партиялари, касаба союзлари ва б. жамоат ташкилотлари. Норвегия ишчилар партияси (НИП) — социал-демократ партия, 1887 йили тузилган, 160 минг аъзоси бор (1972). Ишчи, хизматчи, қисман майда фермерлар, қ. х. ишчилари ва зиёлиларни бирлаштиради; Хёйре партияси — ўнг консерватив, умум миллий партия, 1884 йили тузилган, 115 минг аъзоси бор, йирик саноат ва молия буржуазияси манфаатини ҳимоя қилади. Венстре партияси — Либерал буржуа партия, 1884 йили тузилган. 1973 йили ундан Янги халқ партияси ажралиб чиққан. Христиан халқ партияси (1933), Марказ партияси, Социалистик халқ партияси (1961), Н. Коммунистик партияси (1923) ва ҳ. к. мавжуд.

Н. касаба союзлари марказий бирлашмаси, 1899 йили тузилган, 603 минг аъзоси бор (1972). Н. кооператив бирлашмаси, 1906 йили тузилган, 430 минг пайчиси бор (1971). Коммунистик ёшлар ташкилоти ва «Н.— Совет Иттифоқи» жамияти бор.

Хўжалиги. Н.— саноати ривожланган капиталистик мамлакат. Ялпи миллий даромадда саноат б-н энергетиканинг улуши (1971 йил 31%) қ. х. улуши (6%) дан 5 марта ортиқ; экономикада денгиз кема қатнови (ялпи миллий маҳсулотнинг $^1/_{10}$ қисми), балиқ овлаш, ташқи савдо катта роль ўйнайди. Н. экономикаси экспорт ва импортга боғлиқ (ялпи миллий маҳсулотнинг $^1/_3$ қисми экспорт қилинса, $^1/_3$ қисми импортдан келади). 60-йилларда янги саноат тармоқлари пайдо бўлди. Н. экономикасида чет эл капитали улуши 15%. Ижтимоий зиддиятларнинг кескинлашиши оқибатида иш ташлаш ҳаракати авж олмоқда, 70-йилларда нарх-наво 6—8% дан ошди.

Саноатнинг етакчи тармоқлари: электрометаллургия, электрокимё, целлюлоза-қоғоз, балиқ саноати ташқи бозор учун ишлайди ва ялпи саноат маҳсулотининг $^1/_3$ қисмини беради. Ички бозорга хизмат қиладиган тармоқлар орасида озиқ-овқат ва енгил саноатдан ташқари машинасозлик ва металлсозлик анчагина тараққий этмоқда. Кон саноатида темир рудаси, титан рудаси (йилига 650—700 минг *т*), пирит (750—800 минг *т*), кўмир (400—500 минг *т*), нефть ва газ қазиб чиқариш катта ўрин тутади. Электр энергиянинг 99% идан кўпроғини ГЭСлар беради. Н. аҳоли жон бошига (17 минг *квт-с;* 1973) электр энергия ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринда туради. Қора металлургия электр чўяни, электр пўлати, ферроқотишмалар ишлаб чиқаради. Алюминий ишлаб чиқаришда Н. Ғарбий Европада 1-, капиталистик дунёда 4-ўринда туради. Рангли металлар ва ферроқотишмаларнинг $^9/_{10}$ қисми экспорт қилинади. 1973 йили 3,9 млн. *т.* темир рудаси, 690 минг *т* чўян, 700 минг *т* ферроқотишма, 960 минг *т* пўлат, 620 минг *т* алюминий, 80 минг *т* рух, 43 минг *т* никель, 26 минг *т* мис, 41 минг *т* магний, 600 минг *т* азотли ўғитлар, 2,8 млн. *т* цемент ишлаб чиқарилди. Кемасозлик, электротехника ва радиотехника кўпроқ тараққий этган. Н. кемалар ишлаб чиқаришда капиталистик дунёда 7-ўринда туради. 1973 йили 1071 минг брутто-рег. *т* кемалар сувга туширилди. Н. нинг ёғочсозлик ва целлюлоза-қоғоз саноати капиталистик дунёда 5-ўринда туради. 1973 йили 1390 минг *т* қоғоз ва картон ишлаб чиқарилди.

Қишлоқ хўжалиги. Тор-тош кўплигидан қ. х. га яроқли ерлар кам. Мамлакат территориясининг 2,6% и (795 минг *га* ер) ҳайдалади; яйлов ва ўтлоқлар 115 минг *га* (0,4%). Қ. х., асосан, гўшт-сут чорвачилигига, деҳқончилик эса ем-хашак етказишга ихтисослашган. 1973 йили 912 минг *т* ғалла (асосан, сули, арпа), 672 минг *т* картошка ҳосили олинди. 23 минг от, 963 минг қорамол (жумладан 414 минг соғин сигир), 1635 минг қўй, 737 минг чўчқа, 6 млн. парранда бор (1973). 1973 йили 1,8 млн. *т* сут, 160 минг *т* гўшт етиштирилди. Балиқ овлашда (1973 йили 2,7 млн. *т*) Н. дунёда энг олдинги ўринларда туради ва четга кўплаб балиқ ва балиқ маҳсулоти чиқаради.

Транспорти. Ички юкларнинг $^2/_3$ ва ташқи савдо юкларининг $^9/_{10}$ қисми денгиз кемаларида ташилади. Энг катта портлари: Осло, Берген, Ставангер, Нарвик. 4,2 минг *км* т. й., 74 минг *км* автомобиль йўли; 807 минг енгил, 163 минг юк машинаси, 8 минг автобуси бор (1972). Асосий аэропортлари — Форнебу (Осло), Сула (Ставангер) ва Будё.

Ташқи савдоси. Четга, асосан, электрометаллургия ва электрохимия, целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари ва б. чиқарилади. Четдан, асосан, кема, машина ва асбоб-ускуналар, автомобиль, суюқ ёқилғи, қора металлар, газлама, озиқ-овқат келтирилади. Асосан, Швеция, ГФР, Буюк Британия, Дания, АҚШ б-н савдо қилади. Н. ташқи савдосида социалистик мамлакатлар улуши 4%.


Пул бирлиги — крона. СССР давлат банки курси б-н 100 крона 13,73 сўмга тенг (1975 йил 1 март).

Қуролли кучлари, асосан, қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво кучлари ва Ҳарбий-Денгиз кучларидан иборат бўлиб, умумий сони 54,7 минг киши (1974). Олий бош қўмондон — қирол. Умумий ҳарбий мажбурият қонунига кўра, 20 ёшга тўлганлар армияга чақирилади. Ҳарбий қурол ва техника, асосан, АҚШ б-н Швециядан келтирилган. Асосий ҳарбий денгиз базалари — Хоконсверн, Рамсунд, Рамфьорднес.


Соғлиқни сақлаш. 1972 йили минг киши ҳисобидан туғилиш 16,6, ўлим 10 (болаларда 12,7) нафарни ташкил қилди. Ўлимнинг асосий сабаблари: юрак касалликлари, хавфли ўсмалар, пневмония ва б. Юқумли касалликлардан болалар инфекцияси, сил, венерик (таносил) касалликлар учрайди. 42,4 минг ўринли 335 касалхона, 5,7 минг врач (431 кишига 1 врач), 3,3 минг стоматолог, 1,3 минг фармацевт ва 14 мингга яқин ўрта медицина ходими ишлади (1971). Врачлар ун-тларнинг медицина ф-тларида тайёрланади. Н. да Санкт-Олафс-Килм, Ларвик, Ханке, Саннефьорд бальнеологик курортлари бор. 1971 йилда соғлиқни сақлашга 526 млн. крона ёки давлат бюджетининг 2,3% и сарф қилинди.

Ветеринария соҳасида Н.— энг илгор мамлакатлардан бири. Н. да чўчқа оқсили (1952) ва ўлати (1963), қорамол бруцеллёзи (1955) ва сили (1965), отнинг юқумли анемияси (1962) ва б. касалликлар тугатилган. Чорва моллари паталогиясида юқумсиз касалликлар асосий ўрин тутади. Барча р-нларда ветеринария хизмати ташкил этилган. Карантин яхши йўлга қўйилган. Ветврачлар Миллий ветеринария колледжида (Осло) тайёрланади. Н. да 785 ветврач бор (1972). Ветеринария ва чорвачилик бўйича даврий нашрлар чиқиб туради.

Маорифи. Н. да дастлабки мактаблар 12-аср бошларида, Осло, Берген, Тронхейм шаҳарларида очилган. 1848 йилги қонунга кўра,



Осло. Денгизчилар мактаби ва денгиз порти орқа планда).



«Фрам» қутб кемаси (1893—96 йилларда қурилган).


7—14 ёшдаги болалар учун мажбурий бошланғич таълим жорий қилинди. Ҳозирги таълим системаси мактабгача тарбия муассасаларида 5—6 ёшдан бошланади. Бошланғич мажбурий таълим 8 йиллик халқ мактаблари ва 1 йиллик қўшимча мактабларда берилади. 9 йиллик мажбурий таълимга ўтилмоқда. Ўрта умум таълим ўқув юртлари — 4—5 йиллик гимназиялардир. 1971/72 ўқув йилида мажбурий умум таълим мактабларида 571,6 минг ўқувчи, ўрта мактабларда 73 мингга яқин ўқувчи, ҳунар билим юртлари ва ўрта махсус ўқув юртларида 67 минг ўқувчи ўқиди.

1972/73 ўқув йили 4 ун-т, архитектура, савдо, қ. х., ветеринария олий мактаблари ва б. ўқув юртларида 34 мингдан ортиқ студент таълим олди.

Фани ва илмий муассасалари. Табиият ва техника фанлари. Н. географик ўрни кемасозлик ва денгизда сузиш ишларининг анча эрта тараққий этишига олиб келди. 1811 йили Кристиания (Осло) да ун-т очилиши табиий фанларнинг ривожида катта роль ўйнади. 19- асрнинг 20- йилларида йирик олимлар етишиб чиқди. 40- йилларда саноат тўнтарилиши бошланиши б-н табиат, флора, денгиз фаунаси, геология, математика, кимё ва б. соҳаларда тадқиқот янада авж олди. Янги илмий йўналишлар — квант механикаси, ядро физикаси, радиохимия, цитология ва генетика пайдо бўлди. Геология, геофизика, метеорология соҳасидаги тадқиқотлар бутун дунёга машҳур бўлди. Арктика ва Антарктикани тадқиқ этишда Н. олимлари, хусусан Ф. *Нансен*, О. *Свердруп*, Р. *Амундсен* каби сайёҳларнинг хизматлари катта. 60- йиллар ўрталаридан ядро реактори, атом энергияси б-н ишлайдиган юк кемалари қуриш соҳасида ишлар олиб борилмоқда. Органик молекулалар структурасини ўрганиш соҳасида О. Хассель тадқиқотлари (1969 йили Нобель мукофоти), «Кон-Тики» солида ва «Ра» папирус кемасида Т. *Хейердал* саёҳатлари бутун дунёга машҳур бўлди.

Ижтимоий фанлар. Н. да философия 18- асрнинг 2- ярмидан ривожлана бошлади. 19- асрнинг 1- ярмида тарих, шахс ва озодлик проблемаларига қизиқиш авж олади. 19- асрнинг 2- ярмида ўнг гегелчилар позитивистик ва эволюцион ғояларга қарши курашда етакчи роль ўйнадилар. 19- аср охири — 20- аср бошларида спекулятив-идеалистик философия кризисига учраб, позитивизм етакчи ўрин эгаллади. 20- аср ўрталарида мантиқий позитивизм ҳукмрон оқим бўлиб олди. Эмпирик социология ва социал психология кенг тараққий этади. Н. да марксизм ғоялари 19- асрнинг 80- йиллари охиридан тарқала бошлайди ва Н. Коммунистик партияси тузилиши б-н (1923) янада авж олади. Ҳозирги марксистлар (Х. И. Қлевен, А. Петтерсен ва б.) тадқиқотида синфий курашни, Н. жамиятининг ижтимоий структурасидаги ўзгаришларни, капитализмдан социализмга ўтиш йўлларини таҳлил қилиш марказий ўрин тутади.

Тарих фани. 12—13- асрларда Н. қироллари тарихи, Н. тарихи ёзилди. Н. историографияси 19- асрда анча юксалди ва миллий проблематикага, миллий озодлик масалаларига қизиқиш кучайди. Э. Сарс ва б. 13 жилдлик «Норвег халқи учун Норвегия тарихи»ни ёзишди. 20- асрнинг бошларида социал демократлардан Х. Кут, Э. Булль асарлари марксизм таъсирида дунёга келди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг миллатчилик тенденциялари бир оз жонланди, ижтимоий-иқтисодий тарих ва синфий курашни тадқиқ қилиш сусайди. 20- асрда Н. тарихчилари жаҳон тарихини ишлаб чиқишга, турли халқларнинг иқтисодий тараққиётини қиёсий ўрганишга, этнографияга, иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро муносабатлар тарихига каттагина ҳисса қўшдилар.



Тур Хейердалнинг «Кон Тики» кемаси.

Экономика фани. 19- асрнинг 40- йилларида Н. да саноат тўнтарилиши ва капитализмнинг тараққий этиши иқтисодий либерализм таъсирида рўй берди. Н. иқтисодий либералистлари мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига энг катта ҳисса қўша оладиган хусусий корхона эгаларигагина давлат ёрдам бериши ва бутун экономиканинг муваффақиятли тараққиёти учун жуда муҳим корхоналарнигина қуриш тарафдорлари эдилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Н. экономика фанида *кейнсчилик* ва неокейнсчилик тарафдорлари ҳукмрон бўлиб олдилар. Бир группа олимлар узоқ муддатли иқтисодий прогноз (20- аср охиригача) ва программа тузиш учун эконометрик моделлардан фойдаланмоқда.

Илмий муассасалари. Н. да 300 дан ортиқ илмий тадқиқот ин-ти, саноат ва савдо фирмаларининг 300 лабораторияси, 40 га яқин илмий жамиятлар ва б. бор (1973). Олий ўқув юртлари ҳузуридаги илмий тадқиқот ин-тлари мустақил бўлиб, фундаментал тадқиқотлар олиб боради. Мас., Осло ун-тида 90, Тронхейм ун-тида 50 илмий тадқиқот ин-ти ва лаборатория бор. 1970 йили илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларида 10 мингга яқин мутахассис, жумладан 4300 олим ва инженер ишлади. Бу соҳадаги ишларга давлат (60%), хусусий сектор ташкилотлари (30%) чет эл ва халқаро ташкилотлар (7%) маблағ беради.

Матбуоти, радиоси ва телевидениеси. 1974 йили умумий тиражи 1875 минг нусха 158 номда газета нашр этилди; шундан 81 таси кундалик газета. Энг таъсирчан газеталар: «Афтенпостен» (1860 йилдан чиқади), 369,4 минг нусха, Хёйре партияси органи; «Дагбладет» (1869), 111,3 минг нусха, Венстре партияси органи; Арбейдербладет» (1884), 75 минг нусха, НИП органи; «Фрихетен» (1923) Компартия марказий органи. Информацион агентлиги — Н. телеграф бюроси (НТБ) 1867 йили тузилган.

70 дан ортиқ радиостанция бор. Мунтазам телевизион эшиттиришлар 1960 йилдан бошланган.

Адабиёти. Ҳозиргача сақланиб келган қадимий адабий намуналар («Тушдаги шарпа» поэмаси ва «Қирол кўзгуси» дидактик диалоги) феодализм даври (13- аср)да яратилган. 14—15- асрларда баллада пайдо бўлади. Н. Дания ҳукмронлигида адабиёт тушкунликка учради, *дания тили* кўп вақт Н. нинг адабий тили бўлиб турди.

Норвег адабиёти 18- асрда миллий ватанпарварлик кайфиятининг кучайиши б-н юксала бошлайди. 18- аср охири 19- аср бошларида адабиётда драматургия ва лирика устун туради.

40- йилларда миллий романтик адабий ҳаракати вужудга келди. Романтиклар фольклорга мурожаат қилдилар, халқ эртакларини нашр эттирдилар. 50- йилларнинг 2- ярмида реализм хусусиятлари пайдо бўлди. Бьёрнсоннинг «Баджаҳл Сигурд» драматик трилогияси

психологик жиҳатдан чуқур мазмун касб этган, Якобине Камилла Коллеттнинг «Амтманн қизлари» романида реализм элементлари кўринади. 70- йилларнинг ўрталари — 90- йилларнинг бошларида танқидий реализм ҳукмрон эди. Бьёрнсоннинг «Редактор», «Банкротлик» пьесаларида, Ю. Линнинг романларида ўша замон ҳаёти акс этган; Ибсен пьесаларида буржуа ҳаётининг ички конфликтлари кўрсатилган.

20- аср бошларида сиёсий воқеалар ва синфий кураш таъсирида реализм мавқеи кучайди. Я. Кристенсен, К. Эльстер (1881—1947), Р. Ельсен шаҳар буржуа маданиятининг бузилаётганлиги ҳақида ҳикоя қилдилар. Е. Тведт, П. Эгге, Бойер, Г. Скотт, С. Морен ва б. маҳаллий колорит, оддий кишилар ҳаётига мурожаат қилдилар. Биринчи жаҳон уруши воқеалари, Россиядаги Улуғ Октябрь социалистик рев-яси ва СССРда социализм қурилиши Н. адабий ҳаётида ўз аксини топди. 1929—33 йиллардаги жаҳон иқтисодий кризиси, ишчилар ҳаракатининг кучайиши, фашизм хавфи марксизмга мурожаат қилинишига сабаб бўлди. 1936—37 йилларда прогрессив кучлар «Veienfrom» журнали атрофида тўпланди, бу журнални Н. адабиётида социалистик реализм асосчиси, шоир, драматург, прозаик Н. Григ (1902—43) нашр этган эди. Р. Нильсен, А. Пошe Осен поэзияларида революцион мотивлар янгради.

Н. немис-фашист қўшинлари томонидан окупация қилинган йилларда ёзувчилар антифашистик курашда иштирок этдилар. 300 га яқин яширин газета чиқиб турди. Бир неча ёзувчи қамоққа олинди, баъзилари чет элга кетди.

Урушдан кейинги даврда яратилган кўпгина асарлар Қаршилик кўрсатиш ҳаракати мавзуига бағишланган. Реалистик роман асосий ўрин олади. Қатор шоирлар социал темаларда шеърлар яратди.

Н. ёзувчилар союзи 1893 йили тузилган.

Архитектураси, тасвирий ва амалий санъати. Неолит ва бронза даврларида қояларга ишланган расмлар Н. терр-ясида санъатнинг энг қадимий ёдгорликларидир. Милодий 1- минг йиллик ўрталарида ҳайвонлар тасвирини чизиш одат бўлган. 8- аср охири ва 9- асрда Н. да Урта аср санъати таркиб топади. 11- асрда қурилган ёғоч черковлар (Урнес ва Боргунндаги черковлар) Н. ўрта аср меъморчилигининг энг юксак чўққисидир. Н. да ғиштли архитектура 12—14- асрларда таркиб топган. 13—14- асрларда *готика* услубидаги тасвирий санъат ривож топди.

Н. мустақиллигининг йўқолиши, иқтисодий тушкунлик 14- аср охири, 16- асрларда бадиий маданият тараққиётига тўсқинлик қилди. 18- асрда *барокко* ва *рококо* услублари асосий ўрин тутди. 18- аср охири — 19- аср бошларида илк классицизм услуби пайдо бўлади. 19- асрда йирик миллий рассом Ю. К. К. Даль бир қанча эмоционал манзаралар чизган. 19- аср ўрталаридан халқ ҳаёти мавзуларига (А. Тиделманн), миллий манзарага қизиқиш (Х. Гуде, Ф. Коллетт) кучайди.

19- аср охирида мамлакатнинг индустриялаштирилиши, ижтимоий зиддиятларнинг кулайшиши, норвег халқи миллий онгининг мустаҳкамланиши муносабати б-н ҳаётни ўзгартириш нлгор норвег санъатида асосий мавзу бўлиб қолди.

20- аср 1- ярми тасвирий санъатида монументал-декоратив санъат жуда катта роль ўйнади. 20- асрнинг 2- ярмида абстракционизм ва турли-туман модернистик оқимлар мавжуд бўлган. Бир қанча рассомлар (Х. Финне), графиклар (В. Тветерос, П. Гоген) асарларида демократик реалистик анъаналар давом этмоқда.


FRIHETEN

NÅR MENNESKER MØTES...

Fredrik Bergstrøm har vært på besøk hos sin usbekiske venn fra krigsårene i Sachsenhausen

Норвегия Компартиясининг марказий органи «Frichetеn» («Озодлик») газетасининг 1971 й. 11 июндаги сони. Сахифада норвег антифашисти Ф. Бергстрем б-н ўзбек йигити В. Иброхимовнинг 2- жаҳон уруши йилларидаги дўстлиги ва урушдан кейинги дўстона алоқалари ҳикоя қилинган.

Амалий санъат (металл буюмлар, жимжимадор ёғоч идишлар, шунингдек газлама, тўр тўқиш, кашта тикиш) деққонлар ҳаётида қадимдан катта роль ўйнаб келган.

Музикаси. Н. да музика жуда қадимдан юзага келган. Қадимий музика асбоблари — буккехори, приллар, триллехори, селье. Саёқ оқинлар, моҳир скрипкачилар, органчилар бўлган. Бу скрипкачиларнинг анъаналарини 19- асрда Т. Аудунсен давом этдирди. 1850—60- йилларда Х. Хьерульф, У. Булль ва б. миллий музика мактабига асос солдилар. Уларнинг фаолияти норвег музикаси классиги, дунёга машҳур композитор Э. *Григ* фаолиятининг камол топиши учун замин ҳозирлади. Ҳозирги норвег музикасининг асосчиси Ф. У. Вален ижоди скандинавиялик кўпгина композиторларга таъсир қилди. Х. Северуднинг симфоник ижоди диққатга сазовор (унинг 7- симфонияси СССРнинг фашист босқинчилари устидан ғалабаларига бағишланган). 20- аср ўрталаридаги композиторлардан энг машҳури К. Эгге Скандинавия мамлакатлари композиторлари союзининг асосчиси ва раиси (1946—48), Юнеско музика комитетида Н. вакили эди. 1950- йилларда норвег авангардист композиторлари етишиб чиқди (қ. *Авангардизм*). Н. да 8 та музика бирлашмаси, жумладан Н. композиторлари союзи (раиси А. Нурхейм); 2 консерватория (Осло, Берген) ва б. бор. 1953 йилдан ҳар йили май ойида миллий музика фестивалларн ўтказиб турилади.




Норвег қизи миллий кийимда.

Балети. 19-аср бошларидаёқ драматик спектакларда рақс интермедиялари жорий қилинган эди. Миллий балет яратиш учун Иккинчи жаҳон урушидан сўнг биринчи бор ҳаракат қилинди. 1945 йил балетмейстер Г. Кьолос Сиднингнинг «Довюраклик балладаси» балетини қўйди; сўнгра Н. балети кўчма труппасини ташкил қилди. 1959 йили Н. операси ташкил қилингандан сўнг балет труппаси шу опера таркибига кирди. Труппага раҳбарлик қилиш учун чет элдан балетмейстерлар таклиф қилинди. 60-йил охири — 70-йил бошларидаги постановкалар орасида Партосснинг «Афсонавий овчилар», Равелнинг «Дафнис ва Хлоя» балетлари муваффақиятли намойиш этилди; етук балет артистлари етишиб чиқди.

Театри. Миллий театр диний ва маиший урф-одатларни саҳналаштиришдан бошланган. 18-аср ўрталарида Кристиания (Осло) ва Бергенда дастлабки ҳаваскор театр труппалари пайдо бўлди. 1780 йили Кристианияда доимий театр яратилди. 1850 йили Бергенда Н. театри 1899 йили Ослода Миллий театр очилди. Бу театрда Ибсен, Бьёрнсон, У. Шекспир, Ф. Шиллер, Ю. А. Стриндберг, Б. Шоу ва бошқаларнинг асарлари қўйилди. 19-аср охири 20-аср бошларида Кристиания, Берген, Тронхейм, Ставангерда янги театрлар очилди. 20—30-йилларда театрларнинг энг яхши коллективлари Х. Крог, коммунист ёзувчи Н. Григнинг антибуржуазия драмаларига мурожаат қилди. Н. саҳнасида биринчи марта совет драматургияси (М. Горький, А. Г. Глебов ва б.) асарлари пайдо бўлди. Фашистлар оккупацияси прогрессив театр санъати тараққиётини тўхтатиб қўйди. Уруш даврида Н. театрлари гоявий-бадиий тушкунликка учради. Кўпгина артистлар чет элга кетиб қолди. Мамлакат озод қилингандан кейин театрлар демократик йўлдан тараққий этмоқда. Бироқ кўпгина коллективлар молиявий жиҳатдан қийналиб, ишни ташлаб кетмоқда. Миллий театрда, асосан, жаҳон ва миллий классик асарлар, шунингдек замонавий илғор драматурглар пьесалари қўйилмоқда. Театрлар А. П. Чехов, И. С. Тургенев ва бошқаларнинг асарларини саҳналаштирмоқда. Ослода актёр ва режиссёрлар тайёрлайдиган Давлат театр мактаби (1953) бор.

Кино. Кинофильмлар 1908 йилдан чиқарила бошланган. 30-йилларда ўткир ижтимоий ва этика масалаларини ўз ичига олган фильмлар пайдо бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига, босқинчиларга қарши курашга бағишланган кинокартиналар пайдо бўлди: «Биз яшашни хоҳлаймиз» (1946, реж. У. Дальгар), «Қочоқлар» (1946, реж. Т. Саниё), «Тўққиз ҳаёт» (1957), «Қамал» (1960, реж. А. Скоуэн). 60-йилларда ва 70-йилларнинг бошида ёшларнинг эскилик сарқитига қарши исёнига бағишланган фильмлар яратилди. 1968 йили норвег кинематографистлари «Атиги бир умр» (реж. С. Г. Микаэлян) деб аталган ва Ф. Нансенга бағишланган совет-норвег фильмини қўйишда иштирок этдилар. Н. да ҳужжатли, илмий оммабоп ва мультипликацион (йилига 4—6 бадиий) фильм кўплаб чиқарилмоқда (97-бетдаги вклейкага қ.).



1. Нақшли идиш. 2. Ўлма нақшли қутича.

Ад.: Ерамов Р. А., Норвегия. Физ.-геогр. характеристика, М., 1950; Кошелтаевский В. С. Норвегия. Экономика и внешняя торговля, М., 1957; О'Делл Э., Скандинавия, М., 1962; Кан А. С., История скандинавских стран (Дания, Норвегия, Швеция), М., 1971; История зарубежной литературы после Октябрьской революции, ч. I, 1917—1945, М., 1969; Искусство Норвегии, «Всеобщая история искусств» китобида, т. 2, кн. 1, т. 5, т. 6, кн. 1, М., 1960—65.

НОРВЕГИЯ ДЕНГИЗИ — Шимолий Муз океанининг чекка денгизи. Скандинавия ярим ороли б-н Шетленд, Фарер, Исландия, Ян-Майен, Медвежий ороллари оралиғида. Атлантика океанидан сув ости тизмаси ажратиб туради. Фарер ва Шетленд ороллари шу тизманинг тепа қисмларидир. Майдони 1383 минг *км*². Энг чуқур жойи 3734 *м*. Норвегия қирғоқларига яқин қисми саёз. Н. д. орқали Норвегия илиқ оқими ўтганлигидан қишда музламайди. Денгизнинг аксари қисмида сувининг т-раси февралда 2—7°, августда 8—12°. Шўрлиги 34—35,2‰. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади (баландлиги 3,3 *м* гача). Балиққа бой. Асосий портлари: Тронхейм, Тромсё, Нарвик (Норвегия).

НОРВЕГЛАР — миллат, Норвегиянинг асосий аҳолиси (мамлакат аҳолисининг 98% и). Норвегияда 3,9 млн. киши (1974). Н. ларнинг анча қисми АҚШ ва Канадада яшайди. *Норвег тилида* гаплашади. Христианликнинг протестант (лютеран) мазҳабига эътиқод қиладилар. Н. аждодлари Скандинавияниинг жанубига тарқалган герман қабилаларининг қадимги фин ва лопар қабилалари б-н аралашуви асосида шаклланган. Ўрта асрларда норманнлар деб аталган. 9-асрга оид инглиз йилномаларида Н. аждодлари норманнлар (шимол одамлари), мамлакати эса Норманналанн деб номланган. Н. элат сифатида мил. 1-минг йиллик охирида шаклланди. 9—13-асрларда Норвегияда феодал муносабатлари юзага келиб, норвег халқи шаклланган. 19-аср иккинчи ярмидан Норвегияда капиталистик муносабатлар вужудга келган. Швеция асоратидан озод бўлишга қаратилган миллий озодлик кураши натижасида 20-аср бошида норвег буржуа миллати ташкил топди. Деҳқончилик, чорвачилик, балиқчилик, ўрмон кесиш б-н шуғулланади, саноат корхоналарида ишлайди (яна қ. *Норвегия*).

Ад.: Народы зарубежной Европы, т. 2, М., 1965, стр. 33—69.

НОРДЕНШЕЛЬД АРХИПЕЛАГИ — Кара денгизининг жанубий-шарқий қисмидаги оролар (СССР). Ғарбдан шарққа 93' *км* чўзилган. 90 та оролдан таркиб топган. Н. а. нинг энг шимолий ва энг ўирик ороли Русский ороли бўлиб, узунлиги 38 *км*, эни 14 *км*. Ороллар асосан, отқинди жинслардан таркиб топган. Н. а. ни 20-асрнинг 30-йилларида «Седов» ва «Торос» кемаларида совет экспедицияси текширган. Н. а. швед қутбшуноси Н. А. Норденшельд (1832—1901) номи б-н аталган.

НОРДКАП — Норвегиянинг шимоли-шарқий чеккасидаги бурун. Магерё оролида (71°10′ ш. к. ва 25°47′ шқ. у.); қирғоқлари тик қоялардан иборат, баландлиги 300 *м* дан зиёд. Н.— Европанинг энг машҳур чекка шимолий бурунларидан.

НОРДМАН Эдуард Болеславович (1922. 25. 2, Гомель обл. Речица ш.)— генерал-майор (1969). 1943 йилдан КПСС аъзоси. Ҳарбий хизматчи оиласида туғилган. Белоруссия КП МҚ ҳузуридаги партия мактабини (1948), КПСС МҚ ҳузуридаги Олий партия мактабини (1958) тугатган. Улуғ Ватан уруши даврида БССРда Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. З. Корж раҳбарлигидаги партизанлар отрядида разведкачи, бўлим командири, отряд ва бригада комиссарининг ўринбосари бўлган (1941—44). Пинск ш. комсомол комитетининг биринчи секретари (1944), Пинск ш. партия комитети секретарининг ёрдамчиси (1944—46), Пинск обл. партия комитети биринчи секретарининг ёрдамчиси (1948—51), Телехан р-н (Брест обл.) партия комитетининг биринчи секретари (1951—55), БССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат Хавфсизлиги Комитети Минск бошқармасининг бошлиғи (1958—65), СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетида раҳбарлик лавозимларида (1965—68) ишлаган. 1968—74 йилларда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитети Ставрапольўлка бошқармасининг бошлиғи. 1974 йилдан ЎзССР Министрлар Совети ҳузуридаги Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси. 9-чақириқ СССР Олий Совети ва 9-чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати. ЎзКП МҚ бюро аъзолигига кандидат ва ЎзКП МҚ аъзоси (1976 йилдан). 2 марта Қизил Байроқ, 1-даража Ватан уруши орденлари, ПХРнинг олий ордени —«Виртути Милитари» олтин кресги ва медаллар б-н мукофотланган.

НОРДОН ЖИНСЛАР — таркибида 65—70% кремнезём бўлган *магматик тоғ жинси*.

НОРИЛЬСК — РСФСР Красноярск ўлкасидаги шаҳар. Дунёда энг шимолий шаҳарлардан бири. Н. ни қуриш 1935 йилда бошланган. 1937 йилда т. й. орқали Дудинка порти б-н боғланган. Аҳолиси 156 минг киши (1974). Маҳаллий сульфидли мис-никель рудаларини ишлатадиган йирик кон-металлургия маркази. Металлсозлик ва қурилиш материаллари саноати корхоналари бор. Чекка Шимол қ. х. илмий тадқиқот ин-ти, кечки индустрия ин-ти, музика билим юрти жойлашган. Н. 1971 йил 28 январда Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.

НОРИЙ-НОРИМ (анор, нор сўзидан)— 1) хоразмча куй ва унинг усули; 2) Хоразмда тарқалган анъанавий эркаклар рақси. Илгаридан халқ байрамлари ва турли томошаларда халқ чолғу ансамбли жўрлигида ижро этилган, кўпинча қайроқ ҳам жўр бўлган. Ижрочилар (2—4 эркак) қарама-қарши туришиб рақсга тушишади. Рақс икки қисмдан иборат: биринчиси тантанавор характердаги тўрт чоракли (4/4) усулда ижро этилади: асосан, қўллар рўбару ҳолда юқоридан пастга ҳаракат қилади. Иккинчиси шўх ва илдам уфар (6/8) усулида оёқ ва бутун гавда ҳаракати б-н ижро этилади. Н.-н. ва уфарисининг ашула вариантлари мавжуд. Ўзбек бастакор ва композиторлари ўз асарларида (мас., С. Юдаковнинг «Хоразмча байрам намойиши» увертюраси ва б. да) Н.-н. нинг куй ва усулларидан фойдаланишган.

НОРИН — ЎзССР ва ҚирғССРдаги дарё. Марказий Тяньшандан бошланади. Узунлиги 807 *км*, ҳавзасининг майдони 59,9 минг *км*². Дарё Норин шаҳридан 44 *км* шарқда Катта Норин ва Кичик Норин дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Норин шаҳридан 21 *км* оқиб ўтгач, унга ўнг томондан Ўнарча дарёси, сўнгра Сўнкўлдан чиқиб келадиган Кўкжерти дарёси қуйилади. Шундан сўнг, энг йирик чап ирмоқларидан Отбоши дарёси, ундан нарироқда Олабуға дарёси келиб қуйилади. Тўғузтўрў сойлигига оқиб чиққач, Н. дарёсига чап томондан анча йирик Кўкийрим дарёси, 32 *км* оқиб боргач, Кўкўмерен дарёси қўшилади. Узунахмат ва Қорасув дарёлари қўшилгач, дарё Фарғона водийсига чиқади. Шу ердан бошлаб унинг суви қисман суғоришга олинади. Наманган ш. яқинидаги Балиқчи қишлоғи ёнида Н. Қорадарё б-н қўшилиб, Сирдарёни ҳосил қилади. Қатта Норин ва Кичик Норин дарёларининг қўшилиш еридан то Чўнгкендук дарёсининг қўшилиш жойига қадар дарё кенг водийда оқади. Шу ердан Ахала дарёсининг қуйилиш жойига қадар Н. чуқур ва тор водийда жуда тез оқади. Норин шаҳридан бошлаб дарё водийсида икки ёқлама қайир ҳосил бўлган. Узунахмат дарёси қуйилиш жойига яқин дарё водийси тобора торайиб, қояли дарага айлана боради ва Учқўрғон шаҳридан ўтгач, кенгайиб, конуссимон ёйилмадан оқа бошлайди.



Нордман Э. Б.


Н. нинг ўртача кўп йиллик сув сарфи (Норин ш. яқинида) 87,5 *м*³/*сек*, ўртача оқим модули 8,24 *м*³/*сек км*². Дарёнинг энг катта максимал сув сарфи 1936 йил 20 майда 772 *м*³/*сек*, минимал ўртача ойлик сув сарфи 10,2 *м*³/*сек* (1938 йил янв.) бўлган. Н. қор-музлик сувларидан тўйинади.

Фарғона водийсидаги ерларни суғоришда Н. дарёсининг аҳамияти жуда катта, Қатта Фарғона, Қатта Андижон, Шимолий Фарғона, Қатта Наманган каналлари ана шу дарёдан сув олади. Н. жуда катта энергия запасига эга. Дарёда Учқўрғон ГЭС, Тўқтақул ГЭС қурилган. Н. бўйида Норин, Тошкўмир, Учқўрғон шаҳарлари жойлашган.

Ад.: Шульц В. Л., Машрапов Р., Ўрта Осиё гидрографияси, Т., 1963

НОРИН — шаҳар, ҚирғССР Норин области маркази. Норин сойлигида, Норин дарёси (Сирдарё ҳавзаси) бўйида, баландлиги 2000 *м* дан ортиқ бўлган Оламушук тизмаси этакларида; Рибачье т. й. станциясидан 180 *км* жанубда. Автомобиль йўллари узели. Аҳолиси 26 минг киши (1974).

Қашқардан Чуй водийсига ўтадиган савдо йўли устида истеҳком пункти сифатида вужудга келган.



Норин дарёсининг сувини 7 *м* юқорига кўтариб берадиган пўлат қувурлар.



Норин. Дарёга қурилган Катта Наманган каналининг бош иншоотн.



га келган. 1927 йилдан шаҳар. Озиқ-овқат (шу жумладан гўшт к-ти), механика з-ди, тикувчилик ф-каси, педагогика ва медицина билим юртлари, Тяньшань музикали драма театри бор.

НОРИН — миллий таом. Тайёрлаш: қазн ва тузланган мол ёки қўй гўштининг кам ёғ қисми қайнатилади, сўнгра сомонча қилиб майда тўғралади. Ошхамирдан ёйма тайёрланиб 10×10 *см*, 10×5 *см* шаклида шапалоқлар кесилади (қ. *Кулчатой*). Хамир гўшт шўрвасида пиширнб олинади ва бир оз совигач, ҳар икки томонига доғланган пахта ёғи (ёки қази ёғи) суртилиб лаганларга тахланади. Сўнгра хамир майда (бўйи 2—3 *см*, эни 0,2—0,3 *см*) қилиб тўғралади. Тўғралган гўшт хамир б-н аралаштирилади. Бундай Н. қуруқ Н. аталиб, уни тақсимчаларга солиб, юзига зира — пиёз ва 1—2 паррак қази қўйиб, дастурхонга тортилади. Қуруқ Н. га хамир пиширишдан олдин олиб қўйилган гўшт шўрваси ҳамда пиёз қўшиб ҳам истеъмол қилинади (ҳўл Н.). Бундай Н. косаларда дастурхонга тортилади.

Н. энг қадимий таомлардан бири бўлиб, ўтмишда чорвадор қабилалар ўртасида кенг тарқалган.

Ад.: Маҳмудов К., Ўзбек таомлари, Т., 1970.

НОРИН ОБЛАСТИ — ҚирғССР таркибидаги обл. 1970 йил 11 декабрда ташкил топган (1939—62 йилларда Тяньшань обл.). Жанубий-шарқда ва жанубда Хитой б-н чегарадош. Майдони 50,2 минг *км*². Аҳолиси 203 миг киши (1973). 6 р-нга бўлинган, 1 шаҳар ва 2 ш. т. п. бор. Маркази — Норин ш.

Табиати. Н. о. Ички Тяньшанда жойлашган. Ғарбдан шарққа баландлаша боради. Жануби-шарқда Қақшалтов (энг баланд нуқтаси 5982 *м*), жануби-ғарбда Фарғона тизмаси (4692 *м*), шимоли-ғарбда Сусамиртовнинг шарқий қисми (4048 *м*), Жумғолтов тизмаси (3947 *м*), шимоли-шарқда Терскай Олатов тизмасининг ғарбий қисми ва Етим тизмаси чўзилган. Областнинг ички қисмидаги тизмалар: Емонтов (4718 *м*), Отбоши (4786 *м*), Норинтов, Мўлдатов ва б. Қисман ясси сиртлар характерлидир. Йирик сойликлар ва водийлар: шимолида Қўчқор, Жумғол, марказида Норин, Отбоши, жанубида Оқсой, Чатирқўл, ғарбида Тўғузтўрў, уларнинг туби 1000—1200 *м* дан 3800 *м* гача баландликда.

Иқлими кескин континентал. Қиши қаттиқ совуқ, ёзи нисбатан салқин. Январнинг ўртача т-раси — 10,1° дан (Қўчқорда) — 27,7° гача (Оқсой водийсида). Июлники 21° дан (Қазарман) 9° гача (Оқсой водийси). Н. о. да ҳавонинг ўртача суткалик т-ра амплитудаси катта. Обл. терр-ясининг кўпчилик қисмида йиллик ёғин 200—300 *мм*. Айрим водийларда қишда деярли қор ёғмайди. Вегетация даври 130 кун. Энг йирик музликлар Қақшалтов тизмасида.

Дарёлари Норин (70% и), Тарим (20% и), Чуй ҳавзаларига мансуб. Норин дарёсининг муҳим ирмоқлари: ўнгда Қичик Норин, Кўкўмерен; чапда Отбоши, Олабуға. Кўпчилик дарёлари музлик-қор сувларидан тўйинади. Дарёлари гидроэнергияга бой (Отбоши дарёсида 1970 йил қуввати 40 *Мвт* ГЭС ишга туширилди). Норин дарёси ирмоқлари асосан суғоришда ишлатилади. Чуй дарёсида Уртатўқай сув омбори қурилган. Йирик кўллари: чучук сувли Сўнкўл ва оқмас шўр сувли Чатиркўл. Тоғ-дашт ва чалачўл ўсимликлари; тоғ водийларида шувоқ ва бошоқлилар ўсади. Тоғ ён бағирларининг юқори қисмлари субальп ва альп ўтлоқлари б-н қопланган. Баланд тоғларда тоғ тундраси, шарқида совуқ баланд тоғ саҳролари мавжуд. Наъматак, зирк, учқат, водийларда терак ва қоратол, тоғ ён бағирларида тяньшань қора қарағайи, арча ўсади.

Н. о. да архар, тоғ эчкиси, барс, сувсар, бўри, тулки, кул ранг суғур яшайди.

Аҳолиси. Қирғизлар (93,7%, 1970), руслар (3,6%), ўзбеклар, татарлар, украинлар ва б. яшайди. 1 *км*² га 4 киши тўғри келади (1973). Шаҳар аҳолиси 16%.

Хўжалиги. Экономикасида қ. х. асосий роль ўйнайди. 41 к-з ва 8 с-з бор (1972). Қ. х. га яроқли ерлар 2,6 млн. *га*, шу жумладан ҳайдаладиган ерлар 126, пичанзорлар 24,6, яйловлар 2354 минг *га* (92,1%). Н. о. чорвачилик р-ни. 2306,1 минг қўй ва эчки (республикадаги қўйларнинг 1/4 қисми), 93,3 минг қорамол, 68,3 минг йилқи бор (1973); Қўтос боқилади.

Жаъми экин майдони 135,4 минг *га* (1973), шундан 55% нни кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар эгаллайди. Галла экинлари 60 минг *га* 1973 йилда 142, 5 минг *т* галла йиғиб олинди. Обикор ерлар 108 минг *га* (1972).

Саноати ривожланмоқда. 1966—72 йилларда ялпи саноат маҳсулоти 8,7 марта ўсди. Олтин, тоштуз, қурилиш материаллари конлари бор. Қ. х. хом ашёларини қайта ишлаш (гўшт к-тлари, мой-сир з-длари, тегирмонлар), кенг истеъмол моллари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналари, механика з-ди (Норинда), «Оргтехника» прибор з-ди (Минқуш посёлкасида) ишлаб турибди. Автомобиль транспорти ривожланган (4,4 минг *км*, 1973). Асосий йўллари: Рибачье — Норин — Тўруғарт, Норин — Қазарман.

Маданий қурилиши ва соғлиқни сақлаш. 1973/74 ўқув йилида 148 умумий таълим мактаби (62,3 минг ўқувчи), 2 ўрта махсус ўқув юрти (1100 ўқувчи) бўлган. 148 оммавий кутубхона (827 минг китоб ва журналлар), 1 театр, 125 клуб, 88 киноустановка, 5 пионерлар уйи, 7 болалар спорт мактаби бор (1974). Қозонқуйган қишлоғида Қирғизистон Чорвачилик ва ветеринария илмий тадқиқот ин-тининг чорвачилик бўйича Тяньшань тажриба станцияси жойлашган. Қирғиз тилида «Нарын правдасы» обл. газетаси чиқади (1938 йилдан). 1973 йилда 2 минг ўринли касалхона (1000 кишига 9,8 ўрин), 311 врач (653 кишига 1 врач) бўлган.

Ад.: Народное хозяйство Киргизской ССР в 1971 г. Юбилейный стат. сборник, Фрунзе, 1973.

НОРИН РАЙОНИ — Наманган областидаги р-н. 1926 йилда ташкил топган. 1962 йилда Учқўрғон р-нига қўшилган. 1973 йил 12 апрелда Учқўрғон р-ни таркибидан ажралиб қайта тузилди. Наманган обл. нинг Учқўрғон, Уйчи, Наманган р-нлари, Андижон обл. нинг Балиқчи ва Избоскан р-нлари б-н чегарадош. Майдони 202,5 *км*². Аҳолиси 64156 киши (1975). Р-нда 7 қ. С. (Усмон Юсупов, Ҳаққулобод, Пахтақишлоқ, Ленинобод, Тўда, Норинкапа, Учтепа), 1 шаҳар Совети бор. Маркази — Ҳаққулобод ш.


Табиати. Н. р. областнинг шарқий қисмида, Фарғона тизмасининг этакларида жойлашган, ғарбий чегаралари бўйлаб Норин дарёси, шарқи-жанубий чегаралари бўйлаб Қорадарё ўтади. Рельефи паст-баланд текисликдан иборат (баландлиги 600—800 *м*). Тоғ этаклари палеоген даврининг гил, оҳактош, мергель жинслари-




Чўжа қишлоғида Норин дарёси устига қурилган кўприк.

дан таркиб топган. Норин ҳавзаси ёппасига конгломератдан иборат. Қорадарё ҳавзасида конгломерат қопламининг устини ўнлаб метр қалинликда лёсс қоплаб ётади ва катта майдонда лёссли текислик ҳосил қилади. Норининг қайир текислиги Учқўрғон қишлоғидан 2—3 *км* га кенгайиб кетади; бу ерда қумоқ ҳамда қумлоқ жинслар кенг тарқалган.

Р-н терр-ясини шимолдан жанубга томон Катта Андижон канали кесиб ўтади (р-н терр-ясида узунлиги 13,5 *км*). Р-нинг жанубий-ғарбий томонидан Қорадарёнинг эски ўзанидан ўтадиган Қолгандарё барча сизот сувларни йиғиб, Қорадарёга қўшилади. Жанубий қисми ботқоқ-торфли тупроқ, шимолий қисми бўз тупроқ. Норин Қорадарёга қўшиладиган ерда ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар учрайди. Иқлими қуруқ континентал. Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Январнинг ўртача т-раси —3°, июлники 26°. Йиллик ёғин 200 *мм*. Вегетация даври 220 кун. Р-н терр-яси ҳайдаладиган ерлардан иборат, ёввойи ўсимликлар фақат дарё бўйларида, канал, зовур четларидагина қолган: қамиш, ажриқ, ялпиз, қизилмия, бурган, ғумай, янтоқ, шувоқ, ёввойи жийда, самбит, юлғун ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлар деярли йўқ бўлиб кетган. Илонлар, сув ҳавзаларида ондатра, балиқлардан сазан, лаққа, чўртан ва б. бор; қушлардан ёввойи ўрдак, лойхўрак, қалдирғоч, булбул, чумчуқ, чуғурчуқ, мусича, ҳаккa, қарға, сўфитўрғай, синчалак, карқуноқ ва б. кўп.


Шартли белгилар
Район марказлари
Қ.С.хирмалари
Бошқа аҳоли пунктлари
Районлар чегараси
Наманган райони
НОРИН РАЙОНИ
Норин
Ҳаққулобод
Ленинобод
Тўда
Норинкапа
Учтепа
Балиқчи
Коргонтепа
Миробошчик
Коммунист
Чимобод
Ҳужаобод
Шарқирон
Думар
Қатталақас
Эски Ҳаққулобод
Ғаллакор
Ғаллаорол
Ғаллаобод
Ғаллакент
Ғаллаарик
Ғаллаканал
Ғаллаканал
Ғаллаканал



1. Карл Маркс номли колхозда Улуғ Ватан уруши (1941—45) да ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик. 2. Район марказида Граждалар уруши йилларида ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган монумент.

Р-н «Авангард» газетаси 1931 йилдан бери чиқади (тиражи 5200, 1974). 1975/76 ўқув йилида р-ндаги 41 мактаб ва 1 интернат мактабда 18850 ўқувчи таълим олди. 28 та доимий яслида (22 таси к-зларда) 2540 бола тарбияланди. 6 клуб, 26 киноустановка, 4 маданият уйи, 147053 китоб фондига эга бўлган 35 кутубхона (бундан ташқари, мактаблар қошида 30 кутубхона) бор. Барча хўжаликлар ва хонадонлар электрлаштирилган. 11695 номерли 5 автомат телефон станцияси, 10506 радиоточкага эга бўлган 11 радиоузел ишлаб турибди. 475 ўринли 7 касалхона, 40 ўринли туғруқхона бўлиб, уларда 63 врач, 340 ўрта медицина ходими ишлайди (1976). 25 медпункт, 2 амбулатория, клиник лаборатория, биохимия, паразитология, рентген лабораториялари ҳам бор. Область қон қуйиш станцияси шу Н. р. да жойлашган. Совет Иттифоқи Қаҳрамони *Адашев* С. Катта Фарғона каналининг машҳур зарбдори, дўстматовчилик ҳаракатининг ташаббускори Д. *Дўстматов* шу р-ликдир.

НОРИН СОЙЛИГИ — Ички Тяньшандаги сойлик (ҚирғССР). Норин дарёсининг ўрта оқимида, 1300—3000 *м* баландликда. Узунлиги 300 *км*, эни 50 *км* гача. Норин дарёси ўнг соҳилида бузуқ ерлар кўп. Иқлими кескин континентал. Қиши совуқ, деярли қор ёғмайди, ёзи салқин. Январнинг ўртача т-раси —15°, —18°, июлники 15°—17°. Йиллик ёғин 200—300 *мм*. Тупроғи оч-қўнғир тупроқ. Шўра-шувоқ ва бошоқлилар ўсади.

НОРИНКАПА — Наманган обл. Норин р-ни Норинкапа қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳаққулободдан 20 *км*. Аҳолиси 3054 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Норин дарёсидан сув ичади. Қ. С. ва к-з идоралари, ўрта мактаб, касалхона, дорихона, алоқа бўлими, ҳаммом, маданият уйи, радиоузел, 3 чойхона, новвойхона ва майший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

НОРИНТОВ — Ички Тяньшандаги тоғ тизмаси. ҚирғССРда. Норин дарёсининг чап соҳили бўйлаб кенглик бўйича чўзилган. Узунлиги 130 *км*. Баландлиги 4530 *м* гача. Оҳактош, метаморфик сланецлар, гранитлардан таркиб топган. Шимолий ён бағри Норин водийсига тик тушган; жанубий ён бағри қия, жарлар ўйиб юборган. Тоғ-ўтлоқ ва ўтлоқ-дашт ландшафтлари, тик ён бағирлар қоя ва қурум тошлардан иборат.

НОРКАЛАР — сувсарсимонлар оиласига мансуб йиртқич сут эмизувчи ҳайвонлар. 2 тури бор: европа норкаси (Европада; СССР нинг Европа қисмидаги ва Жануби-Ғарбий Сибирдаги текисликларда тарқалган) ва америка норкаси Шимолий Америкада яшайди; СССРнинг Европа қисмида, Сибирь ва Узоқ Шарқда иқлимлаштирилган. Гавдаси чўзиқ, эгилувчан. Европа норкалари танасининг узунлиги 45 *см* ча, думи 20 *см* ча. Америка норкалари бир оз йирикроқ. Оёқлари калта, бармоқлари орасидаги сузгич парда яхши ривожланмаган. Мўйнаси қалин, қўнғир тусда товланади. Урмонга яқин музламайдиган дарёларда, кўл ва ботқоқликларда яшайди. Уя қазийди ёки бошқа ҳайвонлар (ондатра, сув каламуши) уясидан фойдаланади. Февраль-апрелда урчийди. Бўғозлик даври 43—77 кун. Майда сут эмизувчилар, қуш ва унинг тухуми, бақа ҳам балиқлар б-н овқатланади. Мўйнаси учун овланади. Мўйначилик хўжаликларида турли рангдаги Н. кўпайтирилмоқда.



Норка.

НОРЛАНД ЯССИ ТОҒЛИГИ, Норланд платоси, Норланд — Скандинавия я. о. нинг шарқий қисмидаги ясси тоғлик. Швециянинг шимолий қисмида, қисман Финляндия терр-ясида. Болтиқ қалқонида жойлашган. Асосан, гранит ва гнейслардан тузилган. Баландлиги 500—800 *м*, жануби ва жануби-шарқида 200 *м*. Музлик рельеф шакллари учрайди. Дарёлари серсув ва серостона. Кўл кўп. Йиллик ёғин 600—800 *мм*. Ези салқин, қишда қор кўп ёғади. Н.— Швециянинг энг серўрмон қисми. Ёғоч тайёрланади.

НОРМА (лат. norma — дастур, намуна, қоида) — 1) бирор нарса ёки жараённинг белгиланган миқдори, меъёри, ўлчами (мас., *вақт нормаси, иш нормаси*); 2) бирор ижтимоий муҳитда кўпчилик томонидан эътироф этилган ёки қонунда белгиланган қоида, тартиб (мас., *ахлоқ нормаси*); 3) бирор фан соҳасидаги қоида-қонун (мас., тил нормаси); 4) полиграфияда — ҳар бир босма листнинг биринчи бетида пастдан майда ҳарф б-н ёзилган китоб номи ёки муаллиф фамилияси.

НОРМА (математикада) — абсолют қиймат тушунчасининг умумлашгани. Х *чизиқли фазонинг* ҳар бир x элементига $\|x\|$ сони мос қўйилган бўлиб, ушбу аксиомалар:

1) $\|x\| \geqslant 0$; $\|x\| = 0$ бўлса, $x = 0$;

2) $\|\alpha x\| = \|\alpha\| \cdot \|x\|$ (бу ерда α — ҳақиқий сон);

3) $\|x+y\| \leqslant \|x\| + \|y\|$.

бажарилса, $\|x\|$ сони x элементининг Н. си дейилади, Х чизиқли фазо эса нормалаштирилган фазо дейилади. Мас., n ўлчовли *Евклид фазосида* $x=(x_1, x_2, \ldots x_n)$ векторнинг Н. си унинг узунлиги $\|x\| = \sqrt{x_1^2 + x_2^2 + \ldots + x_n^2}$ га тенг;

[0,1] кесмада узлуксиз функциялар фазосида Н. ни

$$\|f(x)\| = \max_{0 \leqslant x \leqslant 1} \|f(x)\|$$

формула б-н аниқлаш мумкин. Элементнинг Н. си шу элементдан ноль нуқтагача бўлган масофани ифодалаб, лимит, узлуксизлик, ҳосила, интеграл каби тушунчаларни киритишга имкон беради (қ. *Функционал анализ*).

НОРМАЛЬ (лат. normalis — тўғри) эгри чизиқнинг бирор нуқтасига ўтказилган уринмага (ёки сиртнинг уринма текислигига) тик тўғри чизиқ. Текисликда $F(x, y) = 0$ тенглама б-н берилган (L) текис эгри чизиқнинг $M(x_0, y_0)$ нуқтасидаги Н. и MN.

$$\frac{x - x_0}{F'_x(x_0, y_0)} = \frac{y - y_0}{F_0(x_0, y_0)},$$

фазода $F(x, y, z) = 0$ тенглама б-н берилган сиртнинг (x_0, y_0, z_0) нуқтасидаги (қ. расм) Н. и.

$$\frac{x - x_0}{F'_x(x_0, y_0, z_0)} = \frac{y - y_0}{F'_y(x_0, y_0, z_0)} = \frac{z - z_0}{F'_z(x_0, y_0, z_0)}$$

бўлади. Фазовий эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасидан чексиз кўп Н. ўтиб, улар уринмага тик бўлган нормал текисликни ташкил қилади. Тенгламаси $x = x(t)$, $y = y(t)$, $z = z(t)$ бўлган чизиқнинг нормал текислиги

$$x'(t_0)(x - x_0) + y'(t_0)(y - y_0) + z'(t_0)(z - z_0) = 0$$

бўлади (қ. расм).

НОРМАЛ ТАҚСИМОТ, Гаусс тақсимоти — зичлик функцияси

$$\varphi(x) = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}} e^{-\frac{(x-a)^2}{2\sigma^2}} \qquad (1)$$

бўлган тасодифий миқдорлар тақсимоти (a — ихтиёрий ҳақиқий сон, $\sigma > 0$). Н. т. (1) га бўйсунган ξ тасодифий миқдорнинг ўрта қиймати a га, дисперсияси σ^2 га тенг бўлади: $M\xi = a$, $D\xi = \sigma^2$. Н. т. $x = a$ нуқтага нисбатан симметрияга эга. Ўзаро боғлиқ бўлмаган $\xi_1, \xi_2, \ldots, \xi_n$ тасодифий миқдорлар йиғиндиси $S_n = \xi_1 + \ldots + \xi_n$ нинг тақсимоти (жуда кенг шартларда) Н. т. га яқин бўлиши исботланган (қ. *Лимит теоремалар*). Бирор тасодифий миқдорни катта сондаги ўзаро боғлиқ мас сабабларнинг натижаси деб қараш татбиқларда кўп учраганлиги учун Н. т. эҳтимоллар назарияси ва табиатшуносликда катта аҳамиятга эга. Н. т. зичлик функцияси $\varphi(x)$ ва тақсимот функцияси $\Phi(x) = \int_{-\infty}^{x} \varphi(u)\,du$ нинг катта аниқликдаги жадваллари тузилган.

НОРМАЛ ТУЛҚИНЛАР — бирор физик табиатли (электромагнит, эластик ва б.) гармоник тўлқинлар; улар тўғри чизиқли тарқалишида ўз майдонининг кўндаланг структурасини ва қутбланганлигини сақлайди (қ. *Хусусий тўлқинлар.*)

НОРМАЛАНМАГАН ИШ КУНИ (СССРда) — айрим ҳолларда кишиларни нормал иш вақтидан ташқари ҳам ишлатишга имкон берувчи иш вақти режими. Бундай меҳнат иш вақтидан ташқариги меҳнат ҳисобланмайди. Н. и. к. корхона ва муассасаларнинг раҳбарларига, мастер, инженер, техник, диспетчер ва б. га нисбатан жорий этилади; шунингдек товаровед, экспедитор, таъминот ходимларининг иш куни нормаланмаган. Хизмат бурчига кирмайдиган иш бажарилган ҳолда алоҳида иш ҳақи тўланади. Н. и. к. да ишчиларга нормал иш вақтидан кўп ишлаганликлари учун қўшимча маош тўланмайди, балки уларга қўшимча отпуск берилади.

Н. и. к. да ишлайдиган ходимларнинг рўйхатини иттифоқчи республикаларнинг Министрлар Советига қарашли министрликлар, бошқармалар тасдиқлайди. Қўшимча отпуска муддатини ҳар бир ташкилотнинг маъмурияти ва маҳаллий комитети белгилайди.


НОРМАЛЛАШ (металлургияда) — пўлатни термик ишлаш усулларидан бири. Пўлат критик нуқтадан юқори т-рада қиздирилиб, сокин ҳавода совитилади (қ. *Металларни ишлаш*).

НОРМАНДИЯ (Normandie) — Франциянинг шимоли-ғарбидаги тарихий обл. Катта шаҳарлари — Руан, Гавр, Кан, Шербур. Майдони 30,2 минг *км*². Аҳолиси 2,9 млн. киши (1973). Саноатнинг етакчи тармоғи кемасозлик, қора металлургия, тўқимачилик. Нефтни қайта ишлаш, химия, озиқ-овқат саноатлари ҳам муҳим ўрин тутади. Н. да чорвачилик, мевачилик ривожланган. Курортлар мавжуд.


Н. номи 10-аср бошларида Сена дарёсининг қуйилиш жойи атрофидаги ерларни босиб олган *норманлар* б-н боғлиқ. Норманлар йўлбошчиси Роллон ва Франция қироли Карл III Простоват ўртасида имзоланган шартнома (911) га мувофиқ, Н. Франция таркибидаги герцоглик деб ҳисобланган. Норманлар маҳаллий аҳоли б-н қўшилиб кетиб, француз тилини ўзлаштирган. 11-асрда Н. Мен ва Анжу (қисман) графликларини ўзига бўйсундирган. 1202—04 йилларда эса Франция қироли Филипп II Август Н. ни босиб олган. 1417—19 йилларда Н. яна инглизлар томонидан забт этилган. 1790 й. Н. бир неча департаментларга бўлиб юборилган.

НОРМАНДИЯ ДЕСАНТ ОПЕРАЦИЯСИ (1944) — Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) даврида АҚШ ва Буюк Британия экспедицион кучларининг Британия оролларидан Ла-Манш бўғози орқали Шимоли-Ғарбий Франция қирғоқларига туширилиши ва уларнинг 6 июнь — 24 июлда стратегик плацдармларни эгаллаши. Н. д. о. Совет қўшинларининг совет-герман фронтида муваффақиятли ҳужумлари авж олган бир шароитда бошланди. Шимолий Франция қирғоғи, Белгия ва Голландияни немисларнинг 39 дивизиядан иборат «Б» армиялар группаси (қўмондон — фельдмаршал Э. Роммель) мудофаа қиларди. Бу кучларнинг асосий қисми душман десанти тушиши кўзда тутилган Паде-Кале бўғозининг қирғоғига тўпланган эди. Иттифоқчилар экспедицион кучлари (Бош қўмондон — генерал Д. Эйзенхауэр) 21-армиялар группаси (1-америка, 2-инглиз ва 1-канада армиялари) ва 3-америка армиясидан иборат бўлиб, жами 39 дивизия ва 12 бригадани ташкил этарди. Иттифоқчиларда 11 минг самолёт, 6000 дан зиёд жанговар, транспорт ва десант кемалари мавжуд эди. Экспедицион кучларнинг умумий сони 2 млн. 876 минг 439 кишидан иборат бўлган.

6 июнга ўтар кечаси иттифоқчилар авиацияси немисларнинг мудофаа позицияларига ялпи зарба берди ва ҳаво десантлари туширди. Шу куннинг охирида 3 та плацдарм қўлга киритилди ва 5 та пиёда аскарлар дивизияси 3 та ҳаво десантчилари дивизияси туширилди. Июннинг охирига келиб, иттифоқчи қўшинлар қўлга киритган плацдарм фронт бўйлаб 100 *км*, киргоқдан ичкарига 30—40 *км* гача катталашди. Бу плацдармда 25 та дивизия (жумладан 4 танк дивизияси) тўпланди. Бу кучларга немисларнинг 23 та ҳолдан тойган дивизияси қарши турарди. Бунинг устига немисларнинг оператив резервлари йўқ эди. Июль давомида 1-америка армияси жанубий йўналиш бўйлаб 10—15 *км* олға силжиди ва Сен-Ло шаҳрини ишғол қилди. Инглиз ва Канада қўшинлари ҳам шид-



Нормаль. Эгри чизиққа ўтказилган нормаль.



Текисликка ўтказилган нормаль.

датли жанглардан кейин Қан шаҳрини эгалладилар. 6 июндан 24 июлгача берилган талафотлар иттифоқчиларда 122 минг кишини, немислардан 117 минг кишини ташкил этди. 24 июлгача эгалланган плацдарм фронт бўйлаб 110 *км*, қирғоқдан ичкарига 30—50 *км* бўлди. Эгалланган бу плацдарм Н. д. о. планида кўзда тутилгандан 2 марта кичик эди. Лекин иттифоқчиларнинг ҳаводаги мутлақ ҳукмронлиги бу плацдармга кўп куч ва воситаларни тўплашга имкон берди. Н. д. о. туфайли Шимоли-Ғарбий Франциядаги келгуси йирик операцияларнинг муваффақиятли ўтиши учун замин тайёрланди (яна қ. *Иккинчи фронт*).

Ад.: История Великой Отечественной войны Советского Союза 1941—1945, т. 4, М., 1962; Вторая мировая война, 1939—45, М., 1958; Кулиш В. М., Второй фронт, М., 1960.

НОРМАНДИЯ ОРОЛЛАРИ, Чаннел Исландс — Ла-Манш бўғозидаги бир гуруҳ ороллар. Қитаънен я. о. нинг ғарбий қирғоғи яқинида. Буюк Британия таркибида. Майдони 196 *км*². Аҳолиси 125 минг киши (1971). Н. о. йирик ва бир қанча майда ороллардан иборат. Гранит ва гнейслардан таркиб топган. Энг баланд жойи 148 *м*. Иқлими мўътадил иқлим. Балиқ овлаш, сабзавотчилик ривожланган. Н. о. да қорамолнинг машҳур сersут зотлари етиштирилган. Энг катта шаҳри — Сент-Хельер.

«НОРМАНДИЯ-НЕМАН» — 1943—45 йилларда совет-герман фронтида немис-фашистларга қарши жанг қилган француз кўнгилли қирувчи авиация полки. «Жанг қилаётган Франция» қўмондонлиги француз учувчилари (14 учувчи ва 58 авиамеханик)дан иборат «Нормандия» номли авиагруппа тузиб, 1942 йилнинг ноябрида СССРга жўнатди. «Нормандия» эскадрильяси 1943 йилнинг мартида Ғарбий фронтнинг 1-Ҳаво армияси таркибида жангга кирди; *Курск жангида* қатнашди. Шу йили француз учувчилари 87 немис-фашист самолётини уриб туширдилар. 1944 йили эскадрилья янги кучлар б-н тўлдирилиб, майор Л. Дельфино бошчилигидаги 1-алоҳида авиаполк тузилди. «Нормандия» полки 1944 йилнинг апрелидан 1945 йилнинг майигача 3-Белоруссия фронти таркибида жанг қилди. Литвани озод қилишдаги, Неман дарёсидан ўтишдаги муваффақиятли жанглари учун бу полкка «Неман» номи берилди ва «Н.-Н.» деб атала бошлади. Француз учувчилари 1943 йил 23 мартдан 1945 йил 2 майгача жами 5240 жанговар учиш қилиб, 869 ҳаво жангида қатнашган ва душманнинг 273 самолётини уриб туширган ҳамда 80 самолётини аэродромларда яксон қилганлар. Шу давр мобайнида «Н.-Н.»нинг 42 учувчиси ҳалок бўлди ва 58 самолёти уриб туширилди. Полк СССР нинг Қизил Байроқ, Александр Невский орденлари ва Франциянинг Фахрий Легион, Жанговар крест, Озодлик кресги орденлари ҳамда Ҳарбий медаль б-н мукофотланди. Кўпгина учувчилар ҳам жанговар орденлар б-н тақдирланди. «Н.-Н.» учувчиларидан М. Альбер, Р. де ла Пуап, Ж. Андре ва ўлимидан сўнг М. Лефеврга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди. «Н.-Н.»нинг ҳалок бўлган учувчилари хотирасига Москвадаги собиқ француз ҳарбий миссияси биносига ёдгорлик тахтаси ўрнатилган.

НОРМАНЛАР (скандинавча northman — шимол одами) — Скандинавия ярим оролида яшаган ва Европа мамлакатларига босқинчилик юришлари (8—11-асрлар) уюштирган халқлар. Ғарбий Европада уларни Н., Скандинавиянинг ўзида юриш қатнашчиларини викинглар, Русда эса *варяглар* деб аташган.

НОРМАТИВ АКТ, ҳуқуқий ҳужжат — ҳуқуқ манбаларидан бири. Бошқарув ваколатига эга бўлган орган томонидан чиқарилади. Бу ҳужжат олий юридик кучга эга бўлиб, ҳуқуқ нормаларини белгилайди, ўзгартиради, бекор қилади. Н. а. лар, одатда, озми-кўпми умумий характерда бўлиб, муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган. СССР Конституциясида Н. а. лар чиқарадиган органлар доираси ва улар чиқарадиган Н. а. лар шакли белгиланган. СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари қонун шаклидаги Н. а. ларни чиқаради. Бошқа ҳамма органларнинг ҳужжатлари эса шу қонунлар асосида қабул қилиниши керак. СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари Президиумлари фармон, СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари қарор ва фармойишлар, СССР, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг министрлари, давлат комитетларининг раислари буйруқ ва инструкциялар, маҳаллий Советлар ва ижроия комитетлар қарор ва фармойишлар чиқаради. СССРда ҳамма Н. а. лар ягона системани ташкил этиб, қуйи органларнинг ҳужжатлари албатта юқори органларнинг ҳужжатларига мувофиқ бўлиши керак.

НОРМАТИВЛАР — корхона (бирлашма) ва ташкилотнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини нормалашда, планлаштиришда ва бошқаришда қўлланиладиган, иш вақти, моддий ва пул ресурслари учун сарфланадиган харажатларни ифодаловчи кўрсаткичлар. Н. натуралбуюм ва қиймат шаклида аниқланади ҳамда абсолют ва нисбий ҳажмда кўрсатилади. СССР да Н. маълум бир маҳсулотни тайёрлаш ёки маълум ишни бажариш учун сарфланган иш вақти, материал, ёқилғи, энергия, хизмат ва б. учун кетган харажатларни ҳисобга олишда қўлланилади. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланадиган тармоқлараро Н. ҳамда маълум тармоқ ёки саноат бирлашмаси ичида қўлланиладиган тармоқ нормативлари бўлади. Тармоқ нормативлари, одатда, корхоналарнинг фаолият шароитига қараб табақаланган.

Планларнинг илмий-техник ва ҳисоб-иқтисодий асослари кўп жиҳатдан Н. нинг прогрессивлик даражасига боғлиқ. Ҳақиқий кўрсаткичларни Н. га солиштириш туфайли социалистик корхоналарнинг хўжалик фаолияти таҳлил қилинади. Илмий асосланган Н. моддий, меҳнат ва пул ресурсларини баланслашда муҳим аҳамиятга эга.

НОРМАТОВ Пўлатжон қизиқ — халқ қизиқчиси (қ. *Пўлатжон қизиқ* Нормatов).

НОРМУШК (Evonymus) — *нормушкдошлар* (нормушкгуллилар оиласи)га мансуб барг тўкадиган ёки доим яшил бута ва дарахтчалар туркуми. Барги оддий, кўпинча қарама-қарши жойлашган. Гули икки жинсли, баъзан бир жинсли, тўпгули оддий, ярим соябонсимон. Меваси этли, 4—5 уяли кўсакча. 200 тури бор, шундан ярмичаси Жануби-Ғарбий Хитойда ўсади. Деярли ҳаммаси заҳарли. Кўп турлари манзарали. СССР ўрмонларида 20 га яқин тури бор. СССР Европа қисми ва Кавказда ўсадиган сўгалли Н. (сўгалли бересклет) ва Европа Н.нинг пояси ва, айниқса, илдизида *гуттаперча* бор. Сўгалли Н. нинг бўйи 3,5—6 *м*. Ёш новдалари қўнғир сўгалчалар б-н қопланган. Май-июнда гуллайди. Меваси август-сентябрда пишади. Уруғи қора ёки кул ранг. Ўзбекистонда Н. нинг 2 тури (E. semenovii ва E. koopmannii) тоғлардаги ўрмонларда ўсади.

НОРМУШКДОШЛАР, нормушкгуллилар (Celastraceae) — икки паллалилар синфининг бир оиласи. Дарахт, бута, баъзан лианалардан иборат. 60 туркуми, 850 дан ортиқ тури бор. Асосан, иссиқ мамлакатларда тарқалган. Барги оддий, доим яшил ёки кузда тўкилади, қарама-қарши жойлашган, ён барғчалари майда ва тез тушиб кетади. Гуллари актиноморф, икки жинсли, баъзан бир жинсли, кўкимтир, айримлари оқиш, тўпгули соябонсимон. Меваси кўсакча, баъзан резавор, уруғи сариқ ёки қизғиш-сариқ парда б-н қопланган. СССРда 13 турдан иборат *нормушк* ва 2 турдан иборат қизил пўрсилдоқ (Celastrus) деган туркумлари учрайди. Баъзи турлари Урта Осиё (жумладан Ўзбекистонда Қауфман ва Семёнов нормушки)да тарқалган.

НОРМУҲАМЕДОВ Туроб (1911, Тошкент обл. Оржоникидзе р-ни Тузел қишлоғи — 1971) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1946 йилдан КПСС аъзоси. Бухоро обл. пахта з-дида товаровед (1929—33), Тошкент обл. Оржоникидзе р-нидаги Ленин номли к-зда бригадир, ҳосилот Совети раиси (1934—45), раис (1946—71). К-зда 800 *га* ернинг ҳар гектаридан 40 *ц* пахта етиштирилган (1956). КПСС 23-съезди, ЎзКП 16-, 17-съездлари делегати. 5-, 6-, 7-чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НОРОВА Бахшанда (1932, Бухоро обл. Бухоро р-ни Арабхона қишлоғи) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1956). 1957 йилдан КПСС аъзоси. 1951 йилдан Бухоро р-нидаги «Пахтакор» к-зида колхозчи, звено бошлиғи, 1974 йилдан бригадир. У кўп минг килограммчилар ҳаракатига қўшилиб, мавсумда қўл б-н 15 *т* пахта терган, звеноси пахтадан юқори ҳосил етиштирган (1955). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НОРСУЛЬФАЗОЛ (Norsulfazolum) — *сульфаниламид препаратлар*дан. Ҳидсиз, оқ кристалл порошок. Сувда деярли эримайди, спиртда оз эрийди. *Пневмония*, цереброспинал *менингит*, *сўзак*, стафилококк ва стрептококк қўзғатадиган *сепсис* ва б. инфекцион касалликларда қўлланилади. Порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади.

НОРТОЖИЕВ Мамадали (1925, Фарғона обл. Олтиариқ р-ни Файзнобод қишлоғи) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1950). КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1943—45), Фарғона обл. Олтиариқ р-нидаги «Ленинград» к-зида колхозчи (1945—49), звено бошлиғи (1949—52), Тошкентдаги к-з кадрлари тайёрлаш мактабини тамомлаган (1955), к-зда бош агроном (1955—67), участка агрономи (1967—69), агроном-энтомолог (1969—72). 1973 йилдан яна участка агрономи. Звенода 6,5 *га* ернинг ҳар гектаридан 67 *ц* пахта етиштирилган (1949). 2 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.

НОРУДА ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР — таркибида металл бўлмаган (ёнмайдиган, қаттиқ) тоғ жинслари ва минераллар. Таркиби ва хусусиятлари хилма-хиллиги туфайли Н. ф. қ. дан саноат ва қурилишда турли мақсадларда фойдаланилади. Улар ишлатилишига кўра 4 турга бўлинади: кимёвий хом ашё (апатит, галит, сильвинит, карналлит, бишофат, барит ва б.), ўтга чидамлихом ашё (гил, доломит, магнезит, кварцит ва б.), қурилиш материаллари (гранит, лабрадорит, диорит, оҳактош, доломит, қум, шағал ва б.), неметалл руда хом ашёси (олмос, пьезокварц, зумрад, мусковит, флогопит, агат, топаз, рубин, малахит ва б.).



Нормуҳамедов Т.

Н. ф. қ. Украина, Урал, Норильск, Қозоғистон ва б. жойларда бор. Ўзбекистонда Қурама, Чатқол, Ҳисор, Нурота тоғлари, Фарғона водийси, Қашқадарё терр-яси ва Қизилқумда Н. ф. қ. топилган.

Ад.: Поиски и разведка месторождений полезных ископаемых, 2 изд., М., 1969; Борзунов В. М., Геолого-промышленная оценка месторождений нерудного минерального сырья, М., 1965; Смирнов В. И., Геология полезных ископаемых, 2 изд., М., 1969.

НОРУДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ — асосан, шағал, қум, қисман харсангтош ва шағал-қум қоришмаси ишлаб чиқарувчи корхоналарни бирлаштиради. Баъзи корхоналарда асфальт-бетон учун минерал порошок ва б. ҳам ишлаб чиқарилади. Натурал ҳолатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан Н. қ. м. с. СССР тоғ-кон саноати тармоқлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Н. қ. м. с. маҳсулотлари автомобиль ва т. й., саноат ва граждан қурилишида ишлатилади. Октябрь рев-ясигача Россияда (1913) 350—360 карьер бўлиб, уларда муттасил йилига 2 млн. *м*³ норуда қурилиш материаллари қазиб олинарди. Ҳамма ишлар, асосан, қўл меҳнатига асосланган эди.

СССРда биринчи механизациялашган карьерлар Днепровск ва Нижнесвирск ГЭСлари қурилишида пайдо бўлди. 1930—40 йилларда шағал-қум конларини ишлаш учун механизациялашган бир қанча карьерлар ташкил қилинди. Н. қ. м. с. тараққиётида 40—50-йилларда Волгодонстрой ва Куйбишевгидрострой қурилиши даврида вужудга келган йирик, тамомила механизациялашган карьер хўжаликлари алоҳида аҳамиятга эга. Бу карьерларда ковшининг ҳажми 3 *м*³ бўлган экскаваторлар, 10—25 тоннали автосамосвваллар, кучли дробилкалар қўлланилди. Норуда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

СССРда асосий норуда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш.
(млн. *м*³ ҳисобида)

Йиллар	Майдаланган тош	Шағал	Қум
1932	0,3	1,0	1,3
1940	2,0	6,0	9,0
1950	9,2	8,0	26,0
1960	87,1	68,1	103,4
1970	223,9	72,9	150,4
1974	314,2	84,0	225,3

СССРда 1973 йилда норуда қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг умумий сони 6000 тага етди. Бу корхоналарнинг техник даражаси юқори. Кўпларида ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилган.

Н. қ. м. с. тараққиётининг асосий йўналиши



Норова Б.



Нортожиев М.



Норхўжаев Ф. Х.



Норқулов У.



Норқулова З.



Норқўзиев С.

маҳсулот сифатини кўтаришни таъминловчи з-длар қуриш ва маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан, ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил этиш, кучли тоғ транспорти ва майдалаш асбоб-ускуналарини қўллаш, узлуксиз технологияни жорий қилишдан иборат.

Ўзбекистонда Н. қ. м. с., асосан, Улуғ Октябрь рев-ясидан сўнг барпо қилинди. Рев-яга қадар норуда қурилиш материаллари якка тартибда қазиб ишлатилган. Ўзбекистонда 1974 йилда Н. қ. м. с. нинг 250 корхонаси бўлиб, уларда қурилиш материаллари саноати ялпи маҳсулотининг 10%и тайёрланган.

Ўзбекистонда Н. қ. м. с. маҳсулоти ишлаб чиқариш
(минг $м^3$ ҳисобида)

	1965	1974
Қум	3892	8444
Майдаланган тош	2918	11166
Шағал	5982	6443
Шағал-қум аралашмаси	1900	5109
Харсангтош	626	733

Ўзбекистоннинг Н. қ. м. с. ҳозирги вақтда қурилиш материаллари саноатининг йирик тармоқларидан бирига айланди. Н. қ. м. с. ялпи маҳсулоти 1969—74 йилларда 2,3 марта ўсди. Айрим областлари ҳисобга олмаганда, Ўзбекистон Н. қ. м. с. хом ашёсига бойдир.

Н. қ. м. с. Чехословакия, Руминия ва б. социалистик мамлакатларда ҳам тараққий қилган.

Капиталистик мамлакатлар орасида норуда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш айниқса, АҚШда кенг тараққий қилган. У ерда 1972 йилда 466,4 млн. $м^3$ шағал, 518,4 млн. $м^3$ майдаланган тош, 203 млн. $м^3$ қум ишлаб чиқарилган.

Ад.: Справочник по добыче и переработке нерудных строительных материалов, Л.—М., 1965; Давидович А. П., Шланн И. Б., Борисов-Ребрин М. П., Промышленность нерудных и неметаллорудных материалов. «Промышленность строительных материалов СССР. 1917—1967 гг.» тўпламида, М., 1967.

НОРФОЛК — Тинч океаннинг Фижи денгизидаги вулкан ороли. Австралиядан 1,5 минг *км* шарқда. Австралия Иттифоқининг мустамлакаси. Майдони 36 $км^2$. Аҳолиси 1,4 минг киши (1969), кўчиб борган инглизларнинг авлодлари. Энг баланд жойи 316 *м*. Иқлими тропик иқлим. Тропик ўрмонлар б-н қопланган. Ери жуда унумдор. Аҳоли цитрус ўсимликлар ўстириш, банан ва сабзавот етиштириш, денгиз ҳайвонларини овлаш б-н шуғулланади. Туристлар келиб туради. Орсини 1774 й. Ж. *Кук* кашф қилган.

НОРФОЛК — АҚШнинг Атлантика океани соҳилидаги шаҳар. Виргиния штатида. Аҳолиси 308 минг киши (1970). Хэмптон-Родс қўлтиғи бўйидаги порт (юк обороти 1972 йилда 42 млн. *т*. Кемасозлик (жумладан, ҳарбий кемалар), нефтни қайта ишлаш, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Шаҳарга 1688 йилда асос солинган.

НОРХЎЖАЕВ Файзулла Хўжаевич (1911. 25. 11, Наманган обл. Чуст р-ни Қизилтепа қишлоғи) — совет ҳарбий арбоби, генерал-лейтенант (1972). 1932 йилдан КПСС аъзоси. 1927 йилдан Совет Армиясида. В. И. Ленин номидаги Тошкент умумқўшин командирлари олий ўқув юртини (1931), Артиллерия академиясини (1952), Генштаб ҳарбий академиясини (1959) тугатган. Ҳасан кўлида, Монголиянинг Халхингол р-ни учун бўлган жангларда қатнашган (1936—38). Улуғ Ватан урушида Жануби-Ғарбий, 3-Украина ва 1-Белоруссия фронтларида хизмат қилган. Ўзбек ўқчи артиллерия бригадасининг бошлиғи (1941—42), артиллерия полки ва бригадасининг командири (1942—52), дивизия ва армия артиллерияси қўмондони (1952—59), 1959 йилдан Қизил байроқли Туркистон ҳарбий округида хизмат қилган. 1967 йилдан шу округ қўмондонининг ўринбосари. 1973 йилдан истеъфода. 1974 йилдан Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш жамияти раисининг ўринбосари. 8—9-чақириқ УзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, 4 та Қизил Байроқ, 3-даража Суворов, 1-даража Ватан уруши, Қизил Юлдуз, «Ҳурмат Белгиси» орденлари, ПХР нинг «Крест храбрых на поле брани» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НОРЧЁПИНГ — Швециянинг шарқий қисмидаги шаҳар. Болтиқ денгизи соҳилида. Аҳолиси 116 минг киши (1971). Йирик порт (юк обороти 1972 йилда 3,5 млн. *т*). Н.— 19-асрдан мамлакатда тўқимачилик саноатининг маркази. Қоғоз, пластмасса, ўғит, металл буюмлар ишлаб чиқарилади. Шаҳарга 14-асрда асос солинган.

НОРҚУЛОВ Усмонали (1928, Андижон обл. Андижон р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1955 йилдан КПСС аъзоси. Андижон р-нидаги «22-партсъезд» к-зида колхозчи (1953—67), 1967 йилдан бригадир. 1953—57 йиллари к-зда қўлда кунига 500—550 *кг* пахта терган. Н. бошлиқ бригадада 54 *га* майдоннинг ҳар гектаридан 36 *ц* пахта етиштирилган (1972). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НОРҚУЛОВА Зулайхо (1937, Самарқанд обл. Пахтачи р-ни) — Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1958 йилдан КПСС аъзоси. Самарқанд Қ. х. ин-тини тамомлаган (1962). Самарқанд обл. Пахтакор (ҳозирги Пахтачи) р-нидаги Охунбобоев номли к-зда колхозчи (1953—58), партия ташкилоти секретари (1960), Пахтакор р-н партия комитети секретари (1961—62), Охунбобоев номли к-з раиси (1962—73), 1973 йилдан Пахтачи р-н партия комитетининг биринчи секретари. К-зда 1956 йил мавсумида қўл б-н 25 *т* пахта терган. КПСС 23-съезди делегати УзКП 16—18-съездларида УзКП МҚ аъзолигига сайланган. 2 марта Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НОРҚУЗИЕВ Сандмаҳмуд (1883—Қўқон — 1967. 27. 12) — қўқонлик наққош уста. Наққошлик сирларини отаси Норқўзи Нурматовдан ўрганган. Болалигидан нақш чизишга қизиқиб, уй ва масжидларни безашда отаси б-н иштирок этган. 1903 йилдан мустақил наққош уста сифатида Қўқон, Андижон, Марғилон, Уш, Жалолобод ва б. жойларда шуҳрат қозонган. Октябрь инқилобидан кейин клуб, чойхона, маданият саройларини безаган. У Алишер Навоий номидаги театр биносининг Фарғона залини безашда (1946), Қўқондаги Худоёрхон ўрдасини таъмир этишда (40—50-йиллар) қатнашган. Нақш композициялари Бутуниттифоқ ва республика кўргазмаларида намойиш қилинган (146-бетдаги рангли вклейкага қ.).

НОС (араб. نسى — унутмоқ), **носвой** — тўқ яшил ёки сарғиш яшил толқонсимон модда. Қуритилган тамаки япроғи толқони (45%) га кул (ғўзапоя кули ёки оддий кул — 32%), ўсимлик мойи (пахта ёки кунжут мойи — 18%), сўндирилган оҳак (5%) аралаштириб тайёрланади, баъзан сув ва сирач, шунингдек ранги ва таъмини яхшилаш учун тут барги ёки б. ҳидли ўтлар қўшилади. Н., одатда, тил остига ташланади ёки бурунга искалади. У бир кунда 15—20 марта чекилади (ҳар чекими 3—5 *г*).

Н. нинг 10 дан ортиқ хили маълум. Унинг «сифатли» ёки «ўткир» бўлиши таркибидаги моддалар миқдорига боғлиқ. Мас., Н. таркибида оҳак кўп бўлса, у «ўткир» ҳисобланади. Н. чеккан киши енгил кайф қилади, бир оз боши айланади, ором олгандек бўлади. Бу ҳолат тамаки толқони таркибидаги канцероген модда — бензпиреннинг бошқа моддалар б-н бирга қонга сўрилиб, бош мияга таъсир этиши натижасида рўй беради.

Оғиз бўшлиғида *рак* олди касалликлари ва ракнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш натижасида бу касалликлар Н. чекувчиларда чекмайдиганларга нисбатан 7 марта кўпроқ учраши аниқланди. Н. организмга маҳаллий ва умумий токсик таъсир этади.

НОСҚОВОҚ, носдон, носкади — нос солинадиган идиш. Қовоқ (сувқовоқ)нинг алоҳида навидан, мис, кумуш, мол шохи ва б. дан қилинади. Қовоқдан ясалган Н. нинг бош томони кичикроқ тешилади, ичи қириб тозаланади, сирти силлиқланиб (баъзан нақшланиб), оғзи тиқин б-н беркитилади. Мис ва кумушдан қилинганлари думалоқ ёки эллипс шаклида бўлади, ҳар хил ўйма нақшлар б-н безатилади.

НОСАКА, Сандзо (1892. 30. 3, Хаги) — Япония ва халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати арбоби. Токиодаги Кэйо ун-тини тугатган (1917). 1922 йилдан Япония Коммунистик партияси (ЯКП) аъзоси. 1924 йили ЯКПнинг легал органи — Саноат меҳнати масалаларини ўрганиш бюросини тузишда қатнашди, кейинчалик унинг раҳбари бўлган. Революцион фаолияти учун қамалган (1928—30). 1930 йилдан ЯКП МҚ аъзоси. 1931 йили Москвага юборилган, Коминтерида ЯКП вакили бўлган. Коминтернинг 7-конгресси (1935) да Коминтерн Ижроия комитетининг (КИИК) аъзоси ва КИИК Президиумининг аъзоси қилиб сайланган. 1940—46 йиллари Хитойда яшаган. 1946 йил январда Японияга қайтиб келди. ЯКПнинг 5-съездида ЯКП МҚ, Сиёсий бюроси ва Секретариатининг аъзоси қилиб сайланди. ЯКПнинг 6-миллий конференцияси (1955) да Президиум аъзоси ва ЯКП МҚнинг биринчи секретари қилиб сайланди. 1958 йилда ЯКП МҚ раиси. Япония парламенти депутати (1946—50, 1956 йилдан).

НОСИР ЖАМОЛ АБДУЛ, Жамол Абд ун-Носир (1918. 15. 1, Бани-Мур — 1970. 28. 9, Қоҳира) — Миср давлат ва сиёсий арбоби. Қоҳирада ўрта мактабни (1935), ҳарбий ўқув юртини (1939), Миср армияси Бош штаби ҳарбий колледжини (1942) тугатган. Араб-Исроил уруши (1948—49) да қатнашган. 1949—52 йиллари Бош штаб ҳарбий колледжида ўқитувчи. «Озод офицерлар» номли яширин сиёсий ташкилот тузиб, 1952 йил 23 июлда амалга оширилган антиимперналистик ва антифеодал рев-яни тайёрлашда қатнашган. Рев-я ғалабасидан сўнг Миср Революцион Кенгаши раиси ўринбосари, кейинчалик унинг раиси. 1954—56 йилларда вақт-вақти б-н Миср Бош министри ва президент вазифасини бажарган. 1956 йил июндан Миср республикаси президенти, айни вақтларда республика ҳарбий кучлари Бош қўмондони. Англия-Франция-Исроил агрессияси даври (1956) да Миср халқининг курашига раҳбарлик қилган. 1963 йилдан Мисрдаги ягона ҳукмрон партия — Араб социалистик иттифоқи раиси. 1962 йилда Миср халқ кучлари миллий конгресси Н. таклифи б-н Мисрнинг ички ва ташқи сиёсатидаги прогрессив мақсадларни белгилаб берувчи «Миллий ҳаракат хартияси»ни қабул қилган. Н. Бандунг (1955), Белград (1961) ва Қоҳира (1964) конференциялари ҳамда Африка мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг бир неча кенгашларида қатнашган. У Миср тараққиёти, «Араб социалистик жамияти»ни ташкил этиш, тинчликсеварлик, бетарафлик ғояларига содиқлигича қолди. Н. Миср б-н Совет Иттифоқи ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш тарафдори бўлган. У бир неча марта СССРга келган (1958, 1965, 1970).

Ас.: Фалсафат ас-Саура (Революция фалсафаси), Қоҳира, 1954; Хутаб ва тасриҳот (Нутқ ва сўзлар), Қоҳира, 1960.
Ад.: Агарышев А., Гамаль Абдел Насер, М., 1975.


НОСИР БУХОРИЙ (14-аср, Бухоро) — Ўрта осиёлик шоир. Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган. Хорижий Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган. Асарларида гуманистик ғояларни илгари сурган, инсоний муҳаббатни куйлаган, дин уламоларининг кирдикорларини фош қилган. Ғазалларида *Саъдий, Умар Хайём, Ибн Ямин*ларнинг таъсири сезилади. *Давлатшоҳ Самарқандий*нинг «Тазкират уш-шуаро» (1486), *Алишер Навоий*нинг «Маҳбуб ул-қулуб» (1501), *Абдурраҳмон Жомий*нинг «Баҳористон» (1487), Амин Аҳмад Розийнинг «Ҳафт иқлим» (1593) асарларида Н. Б. ижоди юқори баҳоланган.



Носир Ж. А.




Норқўзиев С. Ганчга бўяб ишлаган нақш.



Носқовоқ (19-аср).



Носиров А.



Носиров Х.

1454 йилда Шерозда Маҳмуд котиб-хаттот томонидан кўчирилган Н. Б. девони қисқа сўз боши б-н бошланади. Тавҳид ва наътдан сўнг ўша замоннинг машҳур кишиларига аталган қасидалар, ҳайитлар муносабати б-н ёзилган шеърлар, 5 таржиъбанд, 3 мухаммас, 2 маснавий ва қитъалар киритилган. Девон ҳажми 256 варақдан иборат бўлиб, 7 минг байтга яқин шеърни ўз ичига олади.

ТожССР ФА Шарқшунослик бўлимида сақланаётган (инв. № 8847) қўл ёзмада шоирнинг 287 ғазали, шунингдек 1365 йилда ёзилган достони, таржиъбандлари берилган. Бундан ташқари, СССР ФА Шарқшунослик ин-тининг Ленинград бўлимида сақланаётган қўл ёзмада (инв. № 1642) шоирнинг 43 ғазали, Теҳрон унитида сақланаётган девон (инв. № 2418) га 3320 байтга яқин ғазали киритилган.

Ад.: Навоий, Асарлар, 13-т., Т., 1966; Абдуллаев И., Носир Бухорий, Т., 1969.

НОСИР ХИСРАВ, Абу Муниддин ал-Кубодиёний ал-Марвазий (1004, Балх ш. яқинидаги Кубодиён қишлоғи — 1088) — форс-тожик шоири, файласуф, олим. Ёшлигидан Кубодиён (ҳозирги Тожикистоннинг Шаҳритуз р-ни)да, сўнг Балх ва Марвда илм олган. 1045 йилдан Чоғирбек саройида хизмат қилган. Қасидалар, лирик шеърлар ёзган. Илмий-ахлоқий қасида турини ривожлантирди. 1046—52 йилларда Марв, Эрон, Сурия, Фаластин, Миср, Ҳижоз ва б. жойларга саёҳат қилиб, халқ аҳволи б-н чуқур танишган. Унинг «Сафарнома» китоби шу саёҳат натижасида яратилган. 1052 йилда ўз ватанига қайтган Н. Х. мутаассиб уламо ва ҳукмрон доираларга қарши кураш бошлади ва исмоилийлар ақидаларини тарғиб қилди. Бунинг учун қувғинга учради. У умрининг охиригача Помирдаги Юмгон қишлоғида яшаб, ижод қилишга мажбур бўлди, оғир шароитда илмий ва бадиий асарлар ёзди («Зодул Мусофирин», «Хонал Ихвон», «Жомиул ҳикматайн», «Важҳидин» ва б. диний-фалсафий рисолалари, «Рушноинома», «Саодатнома» ва ҳ. к.). Девони 12 минг байтдан иборат бўлиб, унда қасида, ғазал, қитъа, рубоий ва б. лирик асарлар мавжуд.



Н. Х. ўз асарларида салжуқ феодаллари, ҳоким синф вакиллари, руҳонийларни «халқни таловчилар» деб қаттиқ ҳажв қилади, феодал-сарой клерикал адабиётининг лаганбардорлигини фош этади. Адиб инсон ақлу заковатига, ҳаёт тажрибаси орқали орттирилган билимга юксак баҳо беради. Н. Х. косиблар ва деҳқонларни кўкларга кўтаради, уларни жамиятдаги энг олий табақалар деб ҳисоблайди. Форс-тожик адабиёти тарихида ахлоқий-дидактик достонлар жанрининг ривожида Н. Х. нинг хизмати катта.

Ас.: Сафарнаме, М. — Л., 1933; Мунтахабот, Сталинобод, 1949.

Ад.: Шомуҳамедов Ш., Форс-тожик адабиёти классиклари, Т., 1963.

НОСИРЖОН Муҳаммад Шокир ўғли (1872—Қўқон — 1942) — қўқонлик хаттот, рассом. Шеърий китобларни кўчирган, расмлар ишлашга, мато ва духобаларга шиорларни безаб, нафис ёзишга моҳир бўлган, патнисларни бўяб безаган. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида Фузулийнинг «Лайли ва Мажнун» достонидан Н. кўчирган нусха (инвентарь № 11141) сақланади. Хаттот *насх* ва *настаълиқ* услубларини устаси бўлган.

НОСИРОВ Абдулла (1899. 6. 12, Тошкент) — библиограф, манбашунос, шарқшунос олим. Дастлаб мударрис бобоси, кейинчалик хаттот ва шоир Сирожуддин Маҳдум Сидқий Хондайлиқий қўлида таҳсил кўрган. 1922—40 йилларда Тошкент шаҳар ва р-н кутубхоналарида, 1940 йилдан эса А. Навоий номли Ўзбекистон Давлат кутубхонасининг шарқ қўл ёзмалари бўлимида ишлаган. 1943 йилдан Шарқ қўл ёзмаларини ўрганиш ин-ти (ҳозирги А. Беруний номли Шарқшунослик ин-ти)да илмий ходим. Н. Шарқшунослик ин-тидаги қўл ёзма ва босма китоблар бўйича Ўрта Осиё олимлари, шоирлари ҳамда ўлка ва шаҳарлар ҳақида библиографик маълумотлар тўплаган, уларга кўрсаткичлар тузиб, мавзуига кўра соҳаларга тақсимлаб чиққан. Ўрта Осиё халқлари маданияти, тарихи ва бошқаларга оид бир қанча илмий рисолалар муаллифи. Н. «Ҳурмат Белгиси» ордени б-н мукофотланган.

Ас.: Ўрта осиёлик қирқ олим (А. Ирисов, И. Низомуддиновлар б-н ҳамкорликда), Т., 1962; Али Қушчи, Т., 1964; Аҳмад Фарғоний (Х. Ҳикматуллаев б-н ҳамкорликда), Т., 1966; Алишер Навоий қўл ёзма асарлари каталоги (К. Мунировв б-н ҳамкорликда), Т., 1970.

НОСИРОВ Ҳамроқул (1904, Жиззах обл. Жиззах р-ни Совунгарлик қишлоғи) — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1956). 1947 йилдан КПСС аъзоси. 1937 йилгача Жиззах р-нидаги «Октябрь 10 йиллиги» к-зида колхозчи, сўнг ферма мудири (1937—43), 1944 йилдан шу р-ндаги «Москва» к-зи раиси. У раислик қилган «Москва» к-зи йирик пахтакор хўжаликлардан бирига айланди. 1955 йилда гектаридан ўрта ҳисобда 40 *ц* пахта ҳосили етиштирилган. 5-чақириқ СССР Олий Совети, 9-чақириқ ТожССР Олий Совети депутати. 4 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НОСИРОВА Муҳтарама (1925, Қарши) — ўзбек совет актрисаси. ТожССР халқ артисти (1964). 1941 йилдан Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё обл. музикали драма театрининг актрисаси. З. Фатхуллининг «Ғунчалар» спектаклидаги Нигор Н. яратган илк образидир. Н. драматик асарларда ва музикали драмаларда Лайли (Хуршид пьесаси; Т. Содиқов, Н. Миронов музикаси, «Лайли ва Мажнун»), Ширин (Хуршид; Г. Мушель, В. Успенский, «Фарҳод ва Ширин»), Гулсара (К. Яшин, М. Муҳамедов; Р. Глиэр, «Гулсара»), Жамила, Холисхон (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», «Холисхон»), Гули (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Зуҳра (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра») каби ролларни моҳирлик б-н ижро этди. Кейинги йилларда Н. репертуаридан Нетайхон (А. Қаҳҳор, «Тобутдан товуш»), Рисолат (Ҳ. Ғулом; М. Левиев, «Тошболта ошиқ») сингари бир қанча сатирик образлар ўрин олди. Н. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НОСИРОВА Ҳалима (1913, Қўқон, Тоғлик қишлоғи) — хонанда, ўзбек вокал санъатининг йирик намояндаси, опера солисткаси (лирик-драматик сопрано). СССР халқ артисти (1937). Боку театр техникумида (1924—27), Москва консерваторияси қошидаги ўзбек опера студиясининг С. Т. Друзякина синфида (1934—37) таълим олган. Рус ва чет эл классик опера ижрочилиги ютуқларини ўрганишида Н. Неждонова, кейинчалик Р. Глиэр ва С. Василенколар ҳам муҳим роль ўйнади. Н. нинг саҳна ва миллий музика ижрочилик санъатини ўзлаштиришида М. *Уйғур*, М. *Муҳамедов*, Т. *Жалилов*, В. *Успенский*, Н. *Миронов* ва б. устозлик қилишган. Тошкент консерваториясини тугатган (1972). Фаолиятини актриса сифатида 1927 йилдан Ўзбек Давлат намуна сайёр труппаси (ҳозирги Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театри)да бошлаган. Бу ерда Мария Антоновна (Н. Гоголь, «Ревизор»), Маликан Турандот (К. Гоцци, «Маликаи Турандот») ва б. ролларни ижро этган. 1929—39 йилларда Ўзбек Давлат музикали театри, 1939 йилдан Алишер Навоий номидаги Опера ва балет театрининг етакчи солисткаси. Н. мазкур театрларнинг ташкилотчиларидан бири ҳамдир.

Табиатан оригинал тембрли, кенг диапазондаги овоз ва саҳнавий истеъдодга эга бўлган Н. «Ҳалима» (Ғ. Зафарий), «Пўртана» (С. Абдулла), «Аршин мол олон» (У. Ҳожибеков), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид асари; Т. Содиқов музикаси), «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид; Б. Успенский), «Гулсара» (К. Яшин, М. Муҳамедов; Р. Глиэр) каби спектаклларда бош ролларни ижро этиб шуҳрат қозонди. Эркпарвар Гулсара образининг тўлақонли ва ҳаққоний талқини хотин-қизлар озодлиги учун курашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Драматик жиҳатдан мураккаб бўлган Ширин образи эса Н. ижросида лирик талқин топди, унда солисткасининг юксак хонандалик ва артистлик маҳорати намоён бўлди.

Н. нинг музикали драма театри саҳнасида эришган муваффақиятлари ўзбек опера ижрочилигининг юзага келишида катта роль ўйнади. 1938 йили Ўзбек Давлат музикали театри саҳнасида қўйилган Е. Брусиловскийнинг «Эр Тарғин» операсидаги Оққунус образи Н. нинг биринчи опера партияси эди. Кейин илк ўзбек опералари —«Бўрон» (С. Василенко, М. Ашрафий, 1939) да Норгул, «Лайли ва Мажнун» (Т. Содиқов, Р. Глиэр, 1940) да Лайли каби бош ролларни ижро этди. Бу образлар тимсолида Н. инқилобдан аввалги жафокаш ўзбек аёлларининг тақдирини, уларнинг маънавий гўзалликларини тараннум қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Н. «Улуғбек» (А. Козловский, 1942) операсида Син Дун Фан, «Кармен» (Ж. Бизе, 1944) да Кармен образлари б-н бир қаторда фронт қаҳрамонлари ва фронт орқасидаги фидокорларга бағишланган спектаклларда Муҳаббат (С. Абдулла, Чустий, К. Яшин; Т. Содиқов, А. Козловский, «Даврон ота», 1942), Эдда (Ҳ. Ғулом, Б. Халилов; А. Козловский, С. Василенко, М. Ашрафий, «Шерали», 1942) ролларни ижро этди. Урушдан кейинги йиллар операларда Зуҳра (Т. Жалилов, Б. Бровцин, «Тоҳир ва Зуҳра», 1949—50), Гулсара (Р. Глиэр, Т. Содиқов, «Гулсара», 1949—57) каби ажойиб образларни яратди. Н. ижодида Гулсара партияси алоҳида ўрин тутади. Бу образ ижросида у миллий куйлаш санъатини опера ижрочилигига узвий боғлашга муваффақ бўлди. Кейинчалик бу ҳол Н. яратган барча роллар талқинининг асосий хусусияти бўлиб қолди.

Н. репертуаридаги ҳар бир қаҳрамоннинг руҳий ҳолатига кира олади, уларни ўз қиёфаси ва характерида тўлақонли яратади. У «Майсаранинг иши» (С. Юдаков)да ўзбек опера саҳнасида биринчи марта ҳажвий образ яратди. Майсарага хос лирик, драматик ва комик ҳолатлар унинг ижросида моҳирона ифодасини топди. Н. нинг Зайнаб (Т. Содиқов, Ю. Ражабий, Д. Зокиров, Б. Зейдман, «Зайнаб ва Омон»), Саодат (С. Бобоев, «Ҳамза»), Баҳор (М. Юсупов, «Хоразм қўшиғи»), Хадича хола (Я. Сабзанов, «Қайтиш») образлари сўнгги йиллар маҳсулидир.


Н. репертуарида ўзбек классик қўшиқлари катта ўрин олган. Жумладан, Ушшоқ, Дугоҳ каби мақом йўллари, «Кел эртароқ», «Чаман ичра», «Танавор», «Ўзганча», «Гул юз узра», «Фиғон» сингари ашулаларнинг лирик-драматик характери Н. ижросида чуқур ифодасини топди. «Мен ўзбек қизиман», «Меҳнат аҳли» (Ф. Борухова б-н биргаликда) ва б. замонавий ашулаларни, «Гўзал Москва» (Т. Содиқов), «Ўзбек қизи овози» (М. Левиев), «Хуш келибсиз» (С. Жалил) сингари ўзбек композиторларининг қўшиқларини кўтаринки руҳда тараннум қилди. Н. ижро этган ўзбек музика меросининг ўнлаб намуналари, Ҳамзанинг баъзи қўшиқлари А. Козловский, В. Успенский, М. Штейнберг, А. Четвертаков ва б. томонидан нотага ёзиб олинган. СССР, чет эл ва б. халқларнинг қўшиқлари ҳам Н. репертуаридан катта ўрин олган. Н. Хитой, Ҳиндистон, Индонезия, Миср, Сурия, Ливан, Бирма, Афғонистон, АҚШ, ГДР ва б. мамлакатларда гастролларда бўлган. Н. фаолиятининг илк қадамларидан саҳнавий ижоди ва жамоат ишларини ўзбек хотин-қизларининг озодлиги учун кураш б-н боғлаган, янги социалистик ҳаёт афзалликларини тарғиб қилган. СССР халқ артистлари Ҳ. Мавлонова, Т. Фозилова, ТожССР халқ артисти С. Тўйбоева, ЎзССР халқ артистлари Н. Аҳмедова, Ф. Борухова, Ш. Раҳимова, К. Исмоилова, Б. Довидова Э. Жалилова ва б. Н. ижрочилик мактабининг давомчиларидир. Н. 5-чақириқ СССР Олий Совети, 1—6-чақириқ ЎзССР Олий Советининг депутати. СССР Давлат мукофоти (1940, 1951), Ҳамза номидаги ЎзССР Давлат мукофоти (1971) лауреати.



Носирова Ҳ.



Носирова М.



Носирова Муҳтарама роллларда: 1. Зуҳра (С. Абдулла ва Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра»). 2. Холисхон (Ҳамза ва Т. Жалилов, «Холисхон»).



Носирхўжаев С. Х.

Икки марта Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ, икки марта «Ҳурмат Белгиси» ва Октябрь революцияси орденлари ҳамда медаллар б-н мукофотланган (98-бетда Н. ижодига онд вклейка берилган).

Ас.: Солнце над Востоком, М., 1962; Мен ўзбек қизиман, Т., 1968.
Ад.: Франк Е., Халима Насырова, М. — Л., 1950; Йўлдошбоева Т., Халима Носирова, Т., 1971; Саидов А., Халима Носирова, Т., 1974.

НОСИРУДДИН АЛ-ҲАНАФИЙ ибн амир Музаффар (туғилган ва ўлган йиллари номаълум) — тарихчи олим, Бухоро мадрасасида таҳсил кўрган. Халқ ҳокимияти даври (1920—24) да Бухорода ташкил қилинган «Анжумани тариҳ» илмий жамиятига аъзо бўлган. У Бухоро Арки тарихига доир «Таҳқиқоти Арки Бухоро» номли асар (УзФА Шарқшунослик ин-ти қўл ёзмаси, инв. № 19) ини шу илмий жамият ҳамкорлигида ёзган. Шунингдек, унинг Бухоро амирлиги тарихига бағишланган «Осори салотин» («Султонлардан қолган ёдгорликлар», УзФА Шарқшунослик ин-ти қўл ёзмаси, инв. № 14221), «Туҳфат уз-зоирин» («Зиёратчиларга туҳфа», 1910 йилда Бухоро тошбосма нашриётида чоп этилган) каби асарлари мавжуд. (УзФА Шарқшунослик ин-ти қўл ёзмаси, инв. № 2193/1).

НОСИРУДДИН САМАРҚАНДИЙ, Абулқосим Муҳаммад ибн Юсуф ал-Ҳусайний ал-Мадиний (туғилган йили номаълум — 1161, Самарқанд) — фиқҳшунос. Самарқандда таҳсил кўрган. Ал-Мадиний нисбаси унинг Мадинада ҳам яшаганидан далолат беради. Н. С. фиқҳ масалаларига бағишланган «Китоб ал-фиқҳ аннофиъ» («Фиқҳ ҳақида фойдали китоб»), «Китоб ал-иҳқоқ» («Ҳақиқат қилиш китоби»), «Китоб ал-мансур фи фуруъ ал-ҳанафия» («Ҳанафия мазҳаби шохобчалари ҳақида насрий китоб») ва «Китоб хулосат ал-муфтий фи фуруъ» («Шохобчалар ҳақида муфтий хулосалари китоби») каби асарлар ёзган. Унинг энг йирик асари «Ал-Жомиъ ал-кабир» («Катта тўплам») китобидир.

НОСИРХЎЖАЕВ Собитхон Ҳошимович (1929, Тошкент) — тарихчи олим, тарих фанлари д-ри (1971), проф. (1972). 1953 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Юридик ин-тини тугатиб (1951), ТошДУда аспирант (1951—54), Тошкент Политехника ин-тида катта ўқитувчи (1954—64), Тошкент Давлат Педагогика ин-тида доцент (1964—71), 1971 йилдан шу ин-т илмий коммунизм кафедрасининг мудири. Илмий фаолияти Ўзбекистонда маданий рев-янинг амалга оширилиши масалаларига бағишланган. «Ўзбекистон Компартиясининг зиёли кадрлар тайёрлаш соҳасидаги фаолияти ва уларнинг коммунистик қурилишда тутган ўрни ва роли» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган (1971).

Ас.: На главном направлении, Т., 1962; Интеллигенция Узбекистана в период коммунистического строительства, Т., 1968; Интеллигенция Узбекистана и ее роль в строительстве коммунизма, Т., 1972; Актуальные проблемы научного коммунизма, Т., 1973; Ленинский этап развития научного коммунизма, Т., 1974.

НОСТОК (Nostoc) — гормогонсимонлар синфига мансуб кўк-яшил сувўтлар туркуми. 50 га яқин тури маълум; чучук сувларда, нам қояларда ва деярли ҳамма зоналардаги тупроқда ўсади. Н. колониялари шилимшиқсимон (дирилдоқсимон), шарсимон, диаметри 10 *см* ча, пардасимон ёки ипсимон; эркин ёки бирор нарсага ёпишиб (бирикиб) яшайди. Н. ҳар бир қатори шилимшиқ б-н қопланган, қалин қобиқли ҳужайра — геторицаси йўқ толалардан иборат. Ипларидан узилиб ва споралари б-н кўпаяди. Атмосферадаги азотни ўзлаштирадиган турлари маълум. Баъзи турларини Осиё халқлари овқатга ишлатади.

НОТА (халқаро ҳуқуқда) — бир давлатнинг ташқи ишлар органлари томонидан иккинчи давлатнинг ташқи ишлар органларига юбориладиган ёзма расмий ҳужжат. Ҳар бир давлат Н. ёрдамида бошқа бирор давлатнинг нотўғри хатти-ҳаракатига қарши ўз ҳуқуқи ёки даъвоси, норозилигини баён қилади; шунингдек Н. алмаштириш йўли б-н ўзаро бир битимга келиши мумкин (бунда Н. орқали бир мамлакат битим баёнини беради, иккинчи мамлакат эса ўзининг жавоб Н. сида уни такрорлайди). Н. оддий информацион характерга эга бўлиши мумкин. Бунда ҳам маълум даражада юридик аҳамият касб этади, яъни Н. да баён қилинган факт муайян ҳукуматнинг расмий нуқтаи назарини ифодалайди.


Н., одатда, бир давлат томонидан берилади, аммо кейинги вақтларда бир неча давлат вакиллари томонидан коллектив равишда, бир масала бўйича баёнот топшириш ҳоллари ҳам учраб турибди. Коллектив Н., одатда, тантанали характерда бўлиб, у Н. ни имзолаган давлатлар ўртасида ўзаро мустаҳкам муносабат ўрнатилганлигини ифодалайди.

Якка ҳолдаги (ёки индивидуал) Н. шахсий ва вербал Н. га бўлинади. Шахсий Н. бир шахс томонидан белгиланган шаклда ёзилади ва имзоланади. Вербал Н. да эгаси кўрсатилмайди; учинчи шахс номидан ёзилади.

НОТА (лат. nota — ёзув белгиси) — 1) музика асарларини ёзиб олиш учун қўлланиладиган ёзув белгиси (қ. *Нота ёзуви*); 2) музика асари ёзилган варақ, дафтар, китоб ва б.


НОТА ЁЗУВИ, нотация — муайян музика товушларининг баландлиги ва узунлигини ифодаловчи белги (нота)лардан иборат ёзув усули; музика асарининг ёзув ифодаси. Ҳозирги Н. ё. усули қадимдан турли халқлар музика амалиёти ва илмий изланишларнинг маҳсули сифатида юзага келган. Н. ё. нинг дастлабки намуналари мил. ав. 3-асрда Юнонистонда пайдо бўлиб, ҳарфлар б-н ифодаланганлиги учун ҳарфли Н. ё. дейилган. Мазкур Н. ё. Ғарбий Европада милодий 10-асргача (яъни ноталар латин ҳарфлари б-н ифодалана бошлангунга қадар) қўлланилган. Бундай Н. ё. нинг маълум тури Ўрта Осиёда ҳам мавжуд бўлиб, уни Абу Наср *Форобий* ишлаб чиққан. Юнонистондаги Н. ё. товушлар баландлиги ва лад тузилмаларини ўзлаштирилишига ёрдам берган бўлса, Форобий Н. ё. да созлар (хусусан *уд*) да машқ қилинадиган икки октава диапазонида турлича ҳаракат қилувчи товушқаторлар берилган. Ундаги ҳарфлар ҳозирги ўзбек алифбосига кўчирилиб, товушлар баландлиги нотада акс эттирилса 1-расмдагидек шаклни олади. Мазкур ва уларга ўхшаш бошқа Н. ё. лари, жумладан рус черков музикасида қўлланилган белгилар — крюклар нота чизиғисиз бўлиб, асосан, товушлар баландлигини кўрсатган.

Н. ё. нинг мукаммаллашишида кўп мамлакатларда юзага келган турли *табулатуралар* муҳим роль ўйнади. Ўрта Осиёда *Сафиуддин ал-Урмавий* (13-аср) томонидан уд асбоби пардаларига мўлжаллаб яратган икки хил Н.




1-расм. Форобий музика рисоласидаги ҳарфли нота ёзувининг ҳозирги алифбодаги ифодаси.

ё.— табулатуралари маълум бўлган. Улар жадвал шаклида бўлиб, биринчиси 9 та давр — куй жумлаларига катаклар воситасида бўлинган, пардалар ҳарфлар ва рақамлар воситасида ифодаланган. У 2-расмда ҳозирги алифбода (тасвирланган).




2-расм. Сафиуддин ал-Урмавийнинг ҳозирги алифбода акс эттирилган I хил нота ёзуви.



3-расм. 2-расмдаги ёзувнинг ҳозирги нотадаги ифодаси.

Жадвалдаги ҳарфлар куйдаги товушлар баландлигини, рақамлар эса «Сақили аввал» доира усули улушларини кўрсатади. (3-расмга қ.). Урмавийнинг иккинчи хил табулатураси горизонтал катакларга жойлаштирилган ҳарф ва нуқталардан ташкил топган. Мазкур Н. ё. ўн беш куй даврларидан иборат бўлиб, унинг ҳозирги алифбога айлантирилган бир қисми 76-бетдаги 4-расмда акс эттирилган. Куйнинг ҳар бир даври беш қатор катаклардан ташкил топган. Биринчи қатор катакларида куй товушлари баландлигини (уд пардаларида) кўрсатувчи ҳарфлар берилган. Иккинчи қатордаги катакларда нуқталардан иборат нота улушлари кўрсатилади. Кейинги уч қатордаги катакларда куйдаги тоналлик ўзгариши куйнинг айрим қисмларини уд торларида кучли ва кучсиз чертиш ҳолати ва шеър тақсими берилади. Бу Н. ё. 13-аср музика амалиётидаги Муҳайяри Ҳусайний шўъбасини ҳозирги нотада ифодалашга имкон беради (5-расмга қ.).




5-расм. 76 б. 4-расмдаги ёзувнинг ҳозирги нотадаги ифодаси.


19-аср охирида Хоразмда *«танбур чизиғи»* деб номланган Н. ё. ихтиро қилинган. Мазкур ёзув орқали ўша даврда ижро этилган мақомларнинг ашула ва чолғу йўллари ҳозиргача сақланган.

Европада ўрта асрларда *невмлар*га асосланган Н. ё. кенг тарқалди ва такомиллашди. Невмлар товушлар баландлигини аниқ ифодаламаганлиги сабабли уларни аниқроқ кўрсатиш учун бу Н. ё. горизонтал чизиқларда ёзилабошлаган. 11-асрга келиб чизиқлар сони (пастдан санаганда — қора, қизил, қора, сариқ рангли) 4 тага етган. Бу 4 чизиқли системани


Гвидо д'Ареццо кашф қилган. 14-асрдан эса юқори ёки пастдан 5-чизиқ қўшила бошланган. Бу чизиқлар биргаликда нота йўли деб аталган. Ҳарфли Н. ё. ва невмларнинг қўшилиши натижасида мензурали (ўлчовли) Н. ё. жорий этилди. Мазкур Н. ё. усуллари заминида кўпчилик мамлакатларда қабул қилинган ҳозирги Н. ё. юзага кела бошлаган. Ноталар бешта горизонтал чизиқларга, уларнинг орасига, юқориси ёки пастига ёзилади:



Нота чизиқларига 1,5 октава диапазонидаги 11 та товушни ёзиш мумкин. Улардан баланд ва паст товушлар қўшимча чизиқлар воситаси б-н ифодаланади:




Ҳозирги нотадаги белгилар овал шаклидаги бўш ва қора доирача (бошча)лардан иборат бўлиб, ўз ўрнига қараб уларнинг ўнг томонидан юқорига, чап томонидан пастга думли ёки думсиз ингичка чизиқчалар тортилиб ёзилади. Бу чизиқчалар кўндаланг тортилувчи чизиқлар б-н бирлаштирилиши ҳам мумкин. Нота белгилари узун-қисқалиги жиҳатидан турлича номланади:



Товушлар баландлиги *калит*лар воситаси б-н аниқланади.

Ноталар номи 7 та бўлиб, улар скрипка калитида қуйидагича ёзилади:



Бу товушқатор поғоналари I—II—III—IV—V VI—VII—(I) каби рим рақамлари б-н кўрсатилади. *Паузалар* ҳам нота чизиқларида турлича ифодаланади. Замонавий Н. ё. да нотанинг номи ўзгартирилмаган ҳолда, уни ярим ёки бир парда (тон) баландга кўтариш ёки пастга тушириш ҳолатини кўрсатувчи махсус *альтерация* белгилари ҳам қўлланилади. Куйлар нотага ёзилганда уларнинг *такт*ларга бўлиниши ва *метри* (ўлчови) ҳам ҳисобга олинади. Н. ё. да куйнинг *динамика* белгилари ҳам кенг ишлатилади. Ҳозирги мавжуд Н. ё. халқ музика бойликларини ёзиб олишда, опера, симфония ва б. кўп овозли асарларнинг яратилишида, умуман, музикани тарғиб этишда муҳим воситадир.

4-расм. Сафиуддин ал-Урмавийнинг ҳозирги алифбода акс эттирилган 2 хил нота ёзуви.

Лд.: Нюрнберг М., Нотная графика, Л., 1953; Ражабов И., Мақомлар масаласига доир, Т., 1963.

НОТАЛЬ ОБЛАСТЬ, Антибореал, Австрал, Жанубий мўътадил, Субантарктика области — Дунё океанининг зоогеографик областларидан бири. Тропик дунё б-н Антарктика области оралиғида. Н. о. нинг *пелагиаль* қисми тахм. 40° ж. к. дан 50—60° ж. к. гача, *бенталь* қисми (шельфда) Жанубий Америкаининг жануби, Оловли Ер архипелаги, Фольклэнд, Принс-Эдуард, Крозе, Кергелен, Херд, Макуори ороллари, Янги Зеландиянинг жанубий ороллари ўз ичига олган Пелагиаль фауна гомоген (ўзаро ўхшаш), биологик жиҳатдан сермаҳсул бўлиб, планктон ва бентос кўп. Аксари олимлар Н. о. ни 2 мустақил областга (*Патагония области ва Кергелен области*га) ажратадилар.

НОТАРИАЛ БИТИМ — қонун б-н белгиланган ва нотариал шаклда тузиладиган битим. СССРда амалдаги қонунга биноан бундай битимларга қуйидагилар киради: олди-сотди, шаҳар ва ш. т. п. ларда турар жойларни алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномалари, турар жойни гаровга қўйиш ҳақидаги шартномалар, васиятномалар, 500 сўмдан ортиқ маблағ ва буюмни ҳадя қилиш шартномалари ва б. Нотариат қонунга зид бўлмаган ва нотариал идоралар тасдиқлаши шарт бўлмаган битимларни ҳам томонларнинг хоҳиши б-н тасдиқлаши мумкин. Нотариал шакл битимга расмий тус беради, томонларнинг ўзаро муносабатларига аниқлик киритади, зарур ҳолларда битим тузилганлиги тўғрисида судда гувоҳлик хизматини адо этади.

НОТАРИАТ — *нотариал битим*ларни, ворислик ҳуқуқларини расмийлаштириш, юридик ҳужжатлар ва улар нусхаларининг тўғрилигини гувоҳлантириш ва б. вазифалар юклатилган органлар мажмуи. СССРда Н. фаолияти «Давлат нотариати тўғрисида»ги 1973 йил 19 июль қонуни б-н тартибга солинади («СССР Олий Совети Ведомостлари», 1973, № 30). Давлат Н. нинг вазифалари социалистик мулкни, граждан-ларнинг, давлат муассасалари, корхоналари ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлашдан, социалистик қонунчиликни, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашдан иборат. Нотариал ишларни амалга ошириш учун шаҳар ва аҳоли пунктларида давлат нотариал идоралари ташкил этилади. Иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка ва обл. марказларида муҳим нотариал ишларни бажариш учун улардан бири биринчи давлат нотариал идораси сифатида таъсис этилади. Давлат нотариал идоралари бўлмаган аҳоли пунктларида айрим нотариал ишлар (васиятномалар, шартномаларни тасдиқлаш, мерос қолган мулкни сақлаш чораларини кўриш, ҳужжатлардан кўтарилган нусхаларнинг аслига тўғрилигини тасдиқлаш ва б.) ни меҳнаткашлар депутатлари р-н, шаҳар, посёлка, қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари амалга оширади.

Кўпгина социалистик мамлакатларда нотариал ишларни амалга ошириш учун давлат нотариал идоралари ташкил этилган. Айримларида (Болгария, Венгрияда) мустақил давлат нотариал идоралари йўқ, нотариал ишларини халқ судлари ҳузуридаги нотариуслар, баъзан эса халқ судьялари амалга оширади. Социалистик мамлакатларда, мас., Польша, Руминияда айрим нотариал ишлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан бажарилади.

Капиталистик мамлакатларда Н. нинг шакли кўп; баъзи давлатларда, мас., Италия, Франция, ГФР да нотариал ишлар фақат давлат нотариуси, бошқалари (мас., Буюк Британия)да эса черков нотариуслари томонидан амалга оширилади.


НОТАРИУС (лат. notarius — котиб) — нотариал ишларни амалга оширадиган мансабдор шахс. Улар гражданлар ва ташкилотларга ўзларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишларида ёрдам беришлари ҳамда бажарилган ишни сир сақлашлари керак. Давлат нотариат идораларидаги Н. ларни меҳнаткашлар депутатлари ўлка, обл., шаҳар (Москва ва Ленинградда) Советлари ижроия комитетлари, автоном республикаларининг Юстиция министрлари, меҳнаткашлар депутатлари, автоном обл. ёки миллий округ Советлари ижроия комитетлари юстиция бўлимларининг бошлиқлари, биринчи давлат нотариал идораларининг катта Н. сини иттифоқдош республикаларнинг Юстиция министри ишга қабул қилади ва бўшатади (қ. *Нотариат*).

НОТИҚ — йиғилиш, мажлис, митинг ва ш. к. да сўзга чиқувчи шахс; сўз санъатини эгаллаган, сўзамол киши (қ. *Воизлик санъати*).

НОТИҚЛИК САНЪАТИ — қ. *Воизлик санъати*.

НОТТИНГЕМ — Буюк Британиядаги шаҳар, Ноттингемшир графлигининг маъмурий маркази. Трент дарёси бўйида. Аҳолиси 300 минг киши (1971). Транспорт йўлларининг йирик узели. Тўқимачилик (айниқса, ип газлама, ип, трикотаж, пайпоқ), тамаки, кўн пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика корхоналари бор. Н. яқинида кўмир ҳавзаси жойлашган. Ун-т, 11—19-асрлар арх. ёдгорликлари бор. Шаҳар 9-асрдан маълум.

НОХУН (форс-тож. ناخن — тирноқ) — 1) м у з и к а д а — танбур (баъзан, сато) ва доира чалишда ишлатиладиган мослама. Икки тури мавжуд: т а н б у р ч а л и ш д а ишлатиладиган Н. — бўйи бармоқининг бир бўғинига тенг тирноқ шаклида (одатда, ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийилади); д о и р а ч а л и ш д а фойдаланиладиган Н. — узунасига кесилган яримта ангишвона шаклида бўлиб, бармоққа боғлаб қўйилади. Н., кўпинча, пўлат, жез (баъзан кумуш, мис ва б.) дан ясалади. Ўзбек, уйғур ва баъзида тожик Н. лари шакл жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади; баъзи воҳаларда п о х у н а к деб ҳам юритилади; 2) з и ҳ д ў з л и к д а (йўрма жияк тикишда) чап қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийиладиган, ангишвонага ўхшаган асбоб.



Нохун шакллари: танбур нохуни; доира нохуни.

НОШИРЛИК, н а ш р и ё т и ш и — маданият ва ишлаб чиқариш соҳаси; китоб, журнал, газета, тасвирий материаллар ва б. босма маҳсулотлар тайёрлаш, чиқариш ҳамда уларни тарқатиш. Н. нинг даражаси ва кўлами жамият ҳаётининг моддий, ижтимоий-сиёсий, маданий шарт-шароитлари б-н белгиланади. Н. доимо синфий бўлган. Капиталистик жамиятда давлат, кооператив нашриётлари, хусусий ноширлик фирмалари ҳукмрон синфларга қарам. Совет жамиятида Н. умумхалқ характерига эга бўлиб, давлат ва халқ манфаатларига мувофиқ равишда амалга оширилади. В. И. Ленинниг матбуот ва адабиётнинг партиявийлиги

ҳақидаги кўрсатмаси совет нашриётлари фаолиятида ҳам ўз аксини топди. Ленинча партиявийлик ғояси Н. нинг асосий хусусиятини ташкил этади. Совет нашриётлари кенг омма эҳтиёжи ва янги жамият қурилиши талабларидан келиб чиқиб китоблар нашр этади. Совет ноширлигининг муҳим принципларидан бири интернационализмдир.

Нашриётлар чиқарадиган маҳсулотнинг турига қараб — китоб нашриёти, китоб-журнал нашриёти, газета-журнал нашриёти ва б. га, қандай ўқувчиларга мўлжалланганлигига кўра — илмий адабиёт, оммавий адабиёт, болалар адабиёти, ўсмирлар адабиёти нашриётлари ва ҳ. к. га бўлинади; тематикасига кўра — универсал ва муайян соҳага ихтисослашган нашриётлар бор. Универсал нашриётлар (мас., *«Ўзбекистон»*) барча хил ёки кўп турдаги, ихтисослашган нашриётлар (Ғафур Ғулом номли *Бадиий адабиёт ва санъат нашриёти*, *«Медицина»* ва б.) муайян соҳа бўйича китоблар нашр этади.

Китобчилик иши *китоб босиш* пайдо бўлишидан бир неча минг йиллар олдин мавжуд бўлган. Хусусан Ўрта Осиёда мил. ав. асрлардаёқ китобчилик ишлари (китобат санъати) б-н шуғулланганлар. Бу ерда араблар истилосига қадар (8—10- асрлар) анчагина нодир китоблар яратилган (қ. *Китоб*). Араб халифалиги даврида ҳам қувғин ва тазйиқларга қарамай бу иш тараққий этди. Тарихчи, котиб (хушнавис), қоғозчи, муқовасоз, безовчи (ловаҳ) ва ш. к. касб эгалари етишди. Тарихчи-ёзувчилар асарларини илгаригидек ўзлари кўчириб ўтирмасдан бу ишни улардан тез ва яхшироқ бажара оладиган мутахассисларга топширадиган бўлдилар. Шу тариқа *хаттотлик* санъати (каллиграфия) юзага келди ва такомиллашиб борди. Китоб бетларини турли ўлчамдаги катакларга бўлиш, саҳифаларнинг четларига ранг-баранг чизиқлар, нақшлар чизиш, китоб номини муқовасига олтин ҳал б-н ёзиш китоб безагининг одатдаги услубига айланди. Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва б. нинг асарлари фақат мазмун жиҳатидан эмас, китобат санъати б-н ҳам нодир ҳисобланади. Уларнинг кўплари жаҳондаги йирик кутубхоналарда қимматли ёдгорликлар сифатида сақланади.

Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши (13- асрнинг 1- ярми) бутун маданий ҳаётда бўлгани каби китоб яратиш ва тарқатиш ишларини ҳам анча сустлаштирди. Темурийлар ҳукмронлиги даврида у яна юксалди. Айниқса, *Шоҳруҳ*, *Улуғбек* даврида адабий фаолиятда, хусусан, китобчилик ишларида катта ўзгаришлар рўй берди. Шоҳрухнинг ўғли *Бойсунқор* ташаббуси б-н Ҳиротда катта бир кутубхона-устахона ташкил этилиб, унга ўз даврининг машҳур котиблари, муқовасозлари, рассом-наққошлари ва б. китобсоз мутахассислар жалб этилган. Уларга зарур китобларни кўчириб ёзиш ва кўпайтириш вазифаси юкланган эди. Устахонада ҳар бир қўл ёзма китоб бир неча мутахассис қўлидан ўтарди. Фирдавсий «Шоҳнома» асарининг бу устахонада 1430 йили чиқарилган нусхаси ноёб санъат асари сифатида Теҳрон музейида сақланмоқда.

Алишер Навоий ўзбек халқи маънавий хазинасини бойитган асарлар ёзиш б-н биргаликда бадиий қўл ёзма санъатини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Унинг бевосита кўмаги б-н *Беҳзод*, Султон Али Машҳадий, шоҳ Музаффар каби ўнлаб китобсоз усталар етишиб чиқди. 15- аср ва 16- асрнинг 1- ярмидаги бадиий қўл ёзма санъатининг услуб ва анъаналари кейинги йиллардаги каллиграфия санъатининг асосини ташкил этди. Минглаб хаттотлар шу даврнинг усталаридан намуна олдилар, уларга эргашдилар.

Нашриёт босма маҳсулотлари чиқарадиган корхона сифатида Европада 16- асрда пайдо бўлди. Босмахоналарнинг йириклашиши, айрим китоблар нашри устида узоқ муддат ишлаш, ишлаб чиқаришни техника ва маблағ б-н таъминлаш, китоб савдосини ташкил этиш зарурияти махсус касб эгалари — матбаачи-ноширлар пайдо бўлишини тақозо қилди. 19- асрга қадар нашриётлар китобчилик ишининг барча жараёнлари (редакцион иш, босмахона, реклама тарқатиш ва б.) ни ўз ичига олган. 19- аср ўрталарида *полиграфия саноати* ўсиб, янги, кучли техника базасининг вужудга келиши б-н Н. да нашриёт ва полиграфия корхоналарининг ихтисослашиш жараёни бошланди. Монополистик капитализм даври (19- аср охири — 20- аср бошлари) бошланиши б-н нашриётлар ялписига акционерлик жамиятлари каби ташкилотларга айланди, кейинроқ китоб ва газета-журнал нашриётлари трестлари вужудга келди. Октябрь рев-ясига қадар Россияда ҳам Н. б-н шуғулланадиган бир қанча фирмалар бўлган. Россияда Н. нинг равнақида рус маърифатпарвари ва ноширн Н. И. Новиков (1744—1818) фаолияти муҳим ўрин тутади. Н. И. Новиков нашриёти 26 йиллик фаолияти давомида фаннинг турли соҳаларида 1000 га яқин китоб нашр этди; 19- аср охири — 20- аср бошларида «Посредник» нашриёти, И. Д. Ситин, А. Ф. Маркс нашриётлари, «Знание» нашриёти ва ш. к. рус классик ёзувчилари асарларини, шунингдек турли оммавий, бадиий, илмий китобларни чиқара бошлади. Қаттиқ цензура режимига қарамай марксистик ижтимоий-сиёсий адабиётлар ҳам нашр этилди. Мас., 1906 йил бошида большевикларнинг Петербургда ташкил этилган «Вперёд» нашриёти қарийб бир ярим йиллик фаолияти давомида рев-яининг актуал масалаларига бағишланган бир неча ўнлаб асарлар, жумладан В. И. Ленининг 30 дан ортиқ асарини чиқарди (яна қ. *Большевистик матбуот*).

19- асрнинг 2- ярмида Россиянинг чекка ўлкаларида, жумладан Туркистонда ҳам Н. ривожлана бошлади. Туркистонда китоб нашр этиш б-н дастлаб статистика комитетлари шуғулланди. Бу комитетлар Туркистон ўлкасига оид турли маълумотларни, кейинчалик туркистоншунос рус олимларининг илмий ишларини нашр қилдирган. 1868 йилдан 1910 йилгача Туркистонда нашр этилган китобларнинг асосий қисмини русча китоблар ташкил этган бўлса, 1912—15 йилларда, аксинча, кўпроқ маҳаллий тилда китоб чиқарилди. Туркистонда китоблар нашр этишда Тошкентдаги О. А. Порцев, В. М. Ильин, Самарқанддаги Г. И. Демуров босмахоналари машҳур бўлган. 1910—17 йилларда ўзбекча нашр қилинган китобларнинг кўплари шу босмахоналардан чиққан. 1874 йили Хивада Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) томонидан ташкил этилган босмахона то 1910 йилга қадар китоб нашр этган. Улка аҳолиси ўртасида нодир қўл ёзма асарларни кўплаб

нусхаларда нашр этиб тарқатишда, айниқса Тошкентда *«Ғуломия»*, Наманганда «Исҳоқия» номи б-н маълум бўлган босмахоналар муҳим роль ўйнаган. «Ғуломия»нинг ташкилотчиси Ғулом Ҳасан Орифжонов ўз фаолиятининг дастлабки йилларида Ўрта осиёлик буюк ёзувчиларнинг машҳур асарларини нашр этишга эътибор берган. «Исҳоқия» босмахонасида унинг ташкилотчиси маърифатпарвар ва рус тилининг илк тарғиботчиларидан Исҳоқхон тўра Жунайдулло Эшонов кўпгина асарларни нашр этган.

20- асрнинг 10- йилларида Туркистонда китоб нашр эттириш ва омма ўртасида тарқатиш ишлари б-н шуғулланувчи ширкатлар, бирлашмалар, фирмалар пайдо бўлди. «Русская окраина», «Туркестанское товарищество печатного дела», «Маданият», «Мактаб», «Туркистон кутубхонаси» Н. ширкатлари шулар жумласидандир. Бу ширкатларга маҳаллий аҳолининг бадавлат ва маърифатпарвар кишилари, шунингдек прогрессив кайфиятдаги рус кишилари, татар зиёлилари уюшган эди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-яси Н. нинг моддий-техника базаси — босмахона, қоғоз ф-каси, бўёқ ва б. полиграфия корхоналарини давлат ихтиёрига ўтказиб, Н. нинг муваффақиятли ривожланишига шароит яратди. Янги типдаги совет ноширлик корхоналари вужудга келди. Совет Туркистонида Н. РСФСР ХҚС нинг 1917 йил 29 декабр (1918 йил 11 январь) да В. И. Ленин имзоси б-н қабул қилинган «Нашриёт иши ҳақида»ги декретига мувофиқ қайта ташкил этилди. 1918 йил мартда ўлкадаги полиграфия корхоналари национализация қилинди. Дастлабки совет нашриётлари жуда оғир шароитда вужудга келди: эски босмахоналардаги 75% машиналар ишдан чиққан, редакцион-нашриёт ва полиграфия кадрлари етишмасди ва ҳ. к. Шунга қарамай, 1918 йилдаёқ Туркистон МИҚ ҳузуридаги Миллий ишлар халқ комиссариатида ва Матбуот бюросида нашриёт бўлимлари тузилиб, маҳаллий тилда сиёсий адабиётлар нашр этила бошлади. Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлигининг нашриёт бўлими дарсликлар чиқаришга ҳаракат қилди. Шу даврда бошқа турли идоралар ҳам босма маҳсулотлар чиқарарди. Қитоблар Туркистон матбуот марказий бошқармаси («Туркцентропечать») томонидан бепул тарқатиларди (республиканинг турли шаҳарларида унинг 36 бўлими бор эди).

1920 йил мартда Туркистон МИК Туркистон Давлат нашриёти (Туркдавнашр) таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу Ўрта Осиёдаги илк китоб нашриёти бўлиб, унга ўлкадаги барча нашр ишларини бирлаштириш, қоғоз тақсимоти ва босмахона жиҳозларини назорат этиб, раҳбарлик қилиш вазифалари юкланди.

Гражданлар уруши тамом бўлиб, ҳарбий интервенция тугатилгандан кейин барча нашр ишлари янги иқтисодий сиёсатга мувофиқ қайта қурилди. ХҚСнинг 1921 йил 28 ноябрдаги қарори б-н нашрлар пулли бўлиб, *китоб савдоси* жорий қилинди. Нашриёт ва полиграфия корхоналари хўжалик ҳисобига ўтди. Партиянинг 11- съезди (1922) резолюциясида жанговар агитацион адабиётлар, марксизм классиклари асарлари, марксистик дарсликлар, ишчидеҳқон ёшлари учун адабиётлар чиқаришни ташкил этиш вазифаси қўйилди. Туркдавнашр янги бўлимлар ҳисобига кенгайди. Бундан ташқари, Юридик адабиётлар нашриёти ва турли муассасаларга қарашли нашриётлар ташкил этилди. Туркдавнашр В. И. Ленининг «Буюк почин», «Ёшлар союзининг вазифалари», «Озиқ-овқат солиғи тўғрисида» асарларини ва б. марксистик адабиётларни, ўзбек тилида айрим дарсликларни нашр этди. Миллий республикаларга ёрдам бериш ва СССР халқлари тилларида китоб нашр этиш учун Москвада Миллий ишлар халқ комиссариатида Ғарбий нашриёт ва Шарқий нашриёт тузилди. Ўрта Осиё халқлари тилларида китоблар чиқариш б-н Шарқий нашриёт шуғулланди. Шарқий нашриёт партия ва ҳукуматнинг муҳим қарорлари, турли ҳужжатларни ўзбек тилига таржима этди, дарсликлар, ўқув қўлланмалари чиқарди.

1923 йилдан Туркдавнашр Ўрта Осиё Давлат нашриёти деб атала бошлади. Бу нашриёт 1921 йилдан 1924 йилгача 1184 номда 3 млн. дан ортиқ нусхада китоб нашр этди. Туркистонда нашриёт ишини йўлга қўйишда ва таржимачиликда Абдулла Авлоний, Саҳий Раҳматий, А. Бурнашев, Наим Саид, Қосим Сорокин, И. Ғиёсхўжаев, А. Мавлонов ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишидан сўнг (1925) Ўрта Осиё Давлат нашриёти негизида Узбекистон давлат нашриёти — Уздавнашр (ҳозирги «Ўзбекистон» нашриёти) ташкил топди. 1925 йили ЎзССР да 334 номда 1,5 млн. дан ортиқ тиражда китоб нашр этилди.

20- йиллар охири 30- йиллар бошида мамлакатда социалистик индустриялаш, қ. х. ни коллективлаштириш Н. нинг яна ҳам тараққий этишини тақозо қилди. ВКП(б) МКнинг «Оммавий китобхонни китоб б-н таъминлаш тўғрисида» (1928 йил 28 декабрь), «Нашриётчилик ишлари ҳақида» (1931 йил 15 август) қарорларида китобхонлар дидига мос, арзон, содда ёзилган китобларни кўплаб чиқариш, сиёсий ва илмий адабиётлар нашрини яхшилаш каби вазифалар қўйилди.

30- йиллар Н. да кескин бурилиш даври бўлди. Нашриётлар маҳсулотининг ғоявий-сиёсий ва илмий даражаси юксалди, уларнинг безаги, полиграфия ижроси яхшиланди. Нашриёт ходимлари тайёрлайдиган турли курслар очилди. Марксизм-ленинизм классикларининг асарларини кўп тиражда ўзбек тилида чиқариш мақсадида Узбекистон КП МК ҳузурида Партия нашриёти (Узпартнашр) ташкил этилди. 30- йилларнинг 2- ярмида тегишли халқ комиссарлари ва ташкилотларининг ихтисослашган тармоқ нашриётлари барпо этилди. 1940—41 йиллари Уздавнашр ва Узпартнашрдан ташқари, Ўқувпедгиз, Болалар адабиёти нашриёти, Илмий-техника ва медицина нашриёти, Ижтимоий-иқтисодий адабиётлар нашриёти, Қ. х. адабиёти нашриёти, Бадиий адабиёт нашриёти, Музика ва тасвирий санъат нашриёти ишлади. 1940 йилда республика нашриётлари 1200 номда (умумий тиражи 11137 минг) китоб чиқарди.

30- йилларда республика *полиграфия саноати* ҳам анча ўсди. Полиграфия корхоналари учун миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида Тошкент политехникумида полиграфия бўлими ҳамда махсус ф-ка-з-д шогирдлик мактаби очилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида нашриётлар фронт ва мамлакат ичкарисидаги эҳтиёжга мувофиқ қайта қурилди. ЎзССРдаги 8 мустақил нашриёт Уздавнашрга бирлаштирилиб, по-

лиграфия корхоналари ҳам унинг ихтиёрига берилди. Айрим муассасаларга қарашли нашриётлар ёпилди. Китоблар нашри кескин қисқарди: 1945 йил 222 номда (умумий тиражи 3 млн.) китоб чиқарилди. Уруш йиллари ёзилган ва нашр этилган китобларнинг асосий тематикаси халқни душманга зарба беришга сафарбар этишга қаратилган эди.

Урушдан кейинги йилларда СССР нашриётлари фаолияти халқ хўжалигини тиклаш ва янада тараққий эттириш вазифаларига қаратилди. ЎзССРда китоб нашр этишнинг умумий тиражи ва ҳажми жиҳатдан 1940 йилги даражага 1949 йилда, номининг сони даражасига 1954 йилда етиб олинди. КПСС МК ва Совет ҳукумати мамлакатдаги Н. ни тиклаш ва уни янада юксалтириш юзасидан зарур тадбирлар кўрди. МКнинг 1945 йил июлда қабул қилган «Китобларнинг полиграфия безаги ҳақида» қарори полиграфия ишлаб чиқаришининг умумий маданиятини кўтаришда муҳим роль ўйнади.

40-йиллар охири ва 50-йилларда партия МК чиқаётган адабиётларнинг ғоявий, илмий ва бадиий даражасини, шунингдек полиграфик ижросини оширишга қаратилган бир қанча муҳим қарорлар қабул қилди. Нашриёт ишини бошқариш такомиллаштириб борилди. 1963 йил СССР Министрлар Совети ҳузурида Матбуот давлат комитети (1972 йил августдан СССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети) ташкил этилди. Уша йили иттифоқдош республикларда, жумладан ЎзССРда ҳам шундай комитет (ҳозирги ЎзССР Министрлар Совети Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети) тузилди.

Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда Н. нинг тараққий этишида Р. К. Абдураҳмонов, Ж. Азизхонов, В. Ф. Архангельский, Вали Раҳим, М. Иброҳимов, А. Клеблеев, А. Б. Мазор, Малик Раҳмон, Мели Жўра, У. Муҳамедов, М. Одилов, Т. Рустамов, З. Тинчерова, И. Шамшаров, Б. Гуломова, Ф. Юнусов, Ю. Юсупов, А. Уразаев ва б. катта ҳисса қўшдилар.

1976 йил ЎзССРда 9 нашриёт ишлади, булардан 8 таси китоб нашриёти: «Ўзбекистон», *«Фан»*, *«Ўқитувчи»*, Ғафур Ғулом номли Бадиий адабиёт ва санъат нашриёти, *«Ёш гвардия»*, «Медицина», *«Қорақалпоғистон»*, Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси; 1 таси газета-журнал нашриёти: *Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг нашриёти*. Булардан ташқари «Внешторгиздат»нинг Урта Осиё бўлими (1960), *«Прогресс»* нашриётининг Тошкент бўлими (1974) бор. Шунингдек, айрим илмий тадқиқот муассасалари, йирик кутубхоналар, олий ўқув юртлари ва б. нинг редакцион-нашриёт бўлимлари ҳам нашриёт иши б-н шуғулланади. Булар илмий-информацион нашрлар, тор илмий соҳага мансуб асарлар, кам тиражли дарсликлар, қўлланмалар, съезд, конференция, симпозиум материаллари ва б. ни нашр этади.

1-жадвал.

ЎзССРда китоб ва брошюралар нашри (1964—74 йиллар)

Йиллар	Китоб ва брошюралар сони	Умумий тиражи, минг нусха	Босма лист оттисклар ҳажми (минг)
1964	1727	22695	217768
1965	2141	27531	253236
1966	1701	25001	263558
1967	1842	30310	295763
1968	1795	30984	311009
1969	1894	33463	350472
1970	2030	31411	340713
1971	2050	31854	333458
1972	2144	29877	330271
1973	1889	32090	347712
1974	2269	33577	366886

ЎзССРда 1918—74 йиллар мобайнида қарийб 68 млн. номда ва 840 млн. нусхада китоб нашр этилди. Сўнгги 10 йилликда китоб нашр этиш тараққиёти 1-жадвалда кўрсатилган.

Нашрларнинг ғоявий-сиёсий ва илмий даражаси ўсди, марксизм-ленинизм классиклари, фаннинг барча тармоқлари бўйича фундаментал асарлар кўплаб нашр этилди (қ. *Маркс ва Энгельс асарлари, Ленин асарлари*).

ЎзССРда нашр этилаётган китоблар тематикасида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ўқув-методик, қ. х., ишлаб-чиқариш, техника ва бадиий адабиётлар китоб номлари сони жиҳатдан эса қ. х., хусусан, пахтачилик адабиётлари етакчи ўринда туради. Таржима адабиётлар салмоғи ҳам ортиб бормоқда.

Қейинги йилларда Ўзбекистон Н. нинг моддий асоси — полиграфия саноати ҳам мустаҳкамланди. ЎзССР Совет Иттифоқининг йирик полиграфия базасига айланди. Бу ерда 1974 йилда замонавий машиналар б-н жиҳозланган 114 корхона ишлади. Тошкент ва Нукус полиграфия к-тлари, Ўзбекистон Компартияси МК нашриёти босмахонаси, Тошкент офсет босма ф-каси, Тошкент 1-босмахонаси республикадаги йирик ва намунавий корхоналардир.

ЎзССРда Н. учун олий маълумотли кадрлар ТошДУнинг журналистика ф-тида, Тошкент Олий партия мактабида, Фарғона Политехника ин-тининг полиграфия ф-тида, ўрта махсус маълумотли мутахассислар Тошкент полиграфия техникуми, Тошкент полиграфия профессионал-техника билим юртида тайёрланади. *Ўзбекистон ССР Китоб палатаси* босма нашрларнинг библиографик рўйхатини олиб боради. Бу муассаса давлат библиографияси, матбуот статистикаси илмий маркази ҳисобланиб, «Ўзбекистон ССР матбуоти йилномаси»—«Летопись печати Узбекской ССР» тўпламини ва ш. к. бошқа нашрларни мунтазам чиқаради.

Ад.: Ленин В. И., Матбуот тўғрисида, Т., 1961; О партийной и советской печати, Сб. документов, М., 1954; Кацпржак Е. И., История книги, М., 1964; Малыхин Н. Г., Очерки по истории книгоиздательского дела в СССР, М., 1965; Назаров А. И., Книга в советском обществе, М., 1964; Лихтенштейн Е. С., Сикорский Н. М., Урнов М. В., Теория и практика редактирования, ч. 1, 2 изд., М., 1964; Маркус В. А., Организация и экономика издательского дела, 2 изд., М., 1971; Горбачевский Б. С., Организация издательского дела за рубежом, М., 1959; Чабров Т. Н.., Книгоиздательское дело в дореволюционной Средней Азии, Ученые записки ТашПИ им. Низами, т. 70, Т., 1966; Рустамов М., Ўзбек китоби, Т., 1968; Ҳамдамов П. У., Туркистон АССРда китоб нашр этиш ишининг ташкил топиши тарихидан. «Ўзбекистон Матбуоти 50 йил ичида» тўпламида, Т., 1967; Юлдашев З., Развитие книгоиздательского дела в Узбекистане, Т., 1969; Есенбаев З. И., Здравствуй, товарищ книга, Т., 1972; Матбаа байроқдорлари, (тўпловчи-муаллиф А. Бобохонов; З. И. Есенбоев таҳрири остида), Т., 1974.

НОЭКВИВАЛЕНТ АЙИРБОШЛАШ — товарларни қиймат қонунига риоя қилмаган ҳолда, яъни уларга сарфланган ижтимоий зарур меҳнат миқдори ва сифатини ҳисобга олмай айирбошлаш. Қиймат қонунига кўра товарлар айирбошланганда, уларда буюмлашган меҳнат бирбирига тенг бўлиши зарур. Бундай айирбошлаш тенглик принципига асосланган ёки эквивалент айирбошлаш бўлади. Агар товар А товар Б га тенг деб олсак, ҳар иккала товарда миқдоран тенг бўлган, мас., 10 соатда бажарилган меҳнат гавдаланган бўларди. Эквивалент айирбошлашда товарлар ишлаб чиқарувчиларнинг ихтиёрига бутунлай ўтиб кетади. Товар А<товар Б деб олсак, биринчисига 8 соатлик, иккинчисига 10 соатлик меҳнат сарфланган бўлади. Иккала товар айирбошланганда, биринчисининг эгаси ютса, иккинчисиники ютқазади. Н. а. ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, чунки унинг асосида иқтисодий қарамлик ётади. Қиймати юқори товар қиймати паст товарга нооложлик туфайли айирбошланади. Бинобарин, бир товар қийматидан паст баҳода сотилиб, унинг ўрнига қийматидан юқори баҳода бошқа товар олинади.

Тенгсиз айирбошлаш муносабати хусусий мулкчиликка таянган товар хўжалигида мавжуд бўлади, айрим мамлакат доирасида ва мамлакатлараро юз беради. Н. а. нинг негизи товар эгаларининг ишлаб чиқариш соҳасидаги тенгсизлигидан келиб чиқади. Товар ишлаб чиқарувчи деҳқонлар ва косиблар савдогарлар ва судхўрларга қарам бўлади. Қарамлик қарзга ботиб қолиш, ўз товарини бозорга элтиб сотолмаслик ёки хом ашёга муҳтожлик туфайли юзага келади. Савдогарлар ва судхўрлар майда товар ишлаб чиқарувчиларнинг нооложлигидан фойдаланиб, уларнинг маҳсулотини арзонга сотиб олади, ўз товарини уларга қиммат баҳода сотади. Бундай Н. а. натижасида улар бойлик орттиради, деҳқон ва косиблар эса хароб бўлади.

Н. а. рев-ядан аввал Ўзбекистонда ҳам мавжуд эди. Майда деҳқонлар бойларга қарамлиги туфайли уларга ўз пахтасини арзон сотишга ва улардан керакли молларни қимматга олишга мажбур эди. Шундай Н. а. косиблар б-н савдогарлар ўртасида, мустамлакалар б-н метрополиялар орасида ҳам бўлган. Мустамлакачилар қарам ва қолоқ мамлакатларда яратилган товарларга ўз товарларини Н. а. орқали халқларни талаб келганлар. Рев-ядан илгари Н. а. Марказий Россия б-н Ўзбекистон ўртасида ҳам мавжуд эди. Россиядаги йирик фирмалар пахтакор деҳқонларнинг муҳтожлигидан фойдаланиб, уларга қарз берар эди ва шунинг эвазига деҳқонлар етиштирган пахтани бозор баҳосидан паст баҳода сотиб олар эди. Айни вақтда деҳқонлар зарур бўлган саноат молларини фирмалардан қиммат баҳода олишган.

Н. а. империалистик давлатлар б-н ривожланаётган ёш мамлакатлар орасида ҳам юз беради. Н. а. дан эксплуатация қуроли сифатида ҳозирги монополиялар ҳам фойдаланади. Н. а. монополияларга кирмаган корхоналар б-н монополиялар орасида юз беради. Натижада бошқа корхоналардаги ишчилар яратган фойданинг бир қисмини монополиялар ўзлаштириб олишади. Н. а. социализмга ўтиш давридаёқ тугатилади.

Октябрь рев-яси ғалаба қилиши туфайли мамлакатдаги мустамлакачилик муносабати ва унга боғлиқ Н. а. тугатилди. Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидан бошлаб Н. а. ни тугатиш чоралари кўрилди. Пахтани харид қилиш давлат қўлига ўтди. Пахта баҳоси оширилган ҳолда, саноат моллари арзонлаштирилди. Натижада пахтанинг алмашинув эквиваленти ортиб борди. Агар 1924 йилда бир пуд пахтага 7,8 *м* ип газлама айирбошланса, 1926 йилда 9,9 *м* айирбошланди.

Социализмда ҳам товар айирбошлаш мавжуд, лекин унга Н. а. хос эмас, чунки товар муомаласидан эксплуатация учун фойдаланилмайди. Социализмда Н. а. сабабчиси бўлган иқтисодий қарамлик тугатилган.

НОЯБРЬ (лат. November — тўққиз) — Григорий *календари*да йилнинг ўн биринчи ойи (30 кунлик). Қадимги Рим календарида тўққизинчи ой (қадимги римликларда йил март ойида бошланиб, ўн ой бўлган).


НОҚИС (тахаллуси; асл исми Абдулқодир Муҳаммадшокир ўғли, 1860—Қаттақўрғон — 1929) — ўзбек шоири. Қаттақўрғондаги Нақибхўжа ва Бухородаги Турсунжон ҳамда Мирараб мадрасаларида таҳсил кўрган. 1895 йилда ўз шаҳрига қайтиб, деҳқончилик б-н шуғулланган. Нақибхўжа мадрасасида мударрислик қилган. Н. 19-асрнинг 80-йилларидаёқ истеъдодли шоир сифатида танилган. Шеърлари баёзларга киритилган. У Октябрь инқилобигача Бухорода тузилган тазкираларда «Табъи хуб, ашъори марғуб» («Тазкират уш-шуарои мутаахирини Бухоро», «ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти фонди, инв. № 64), «Яхши хислатларга эга тамкин киши, маъноли сўз айтувчиларнинг зийнати» («Тазкират уш-шуарои Неъматулло Муҳтарам», ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти фонди, инв. № 2252) деб таърифланган. Н. нинг ижоди совет даврига келиб янги босқичга кўтарилди. У классик адабиётдаги анъанавий жанр ва вазнлардан Октябрь ғалабаларини улуғловчи, илм-маърифатдан баҳраманд бўлишга даъват этувчи шеърлар яратишда унумли фойдаланди. Н. ғазаллари «Армуғони Хислат», «Баёзи Маҳдий», «Василан жонон», «Баёзи Жўрабек» каби босма ва қўл ёзма баёзларга киритилган. Шоир «Лайли ва Мажнун» сюжети асосида достон ёзганлиги ҳақида маълумот мавжуд. Аммо у ҳали топилмаган. Н. нинг баёзлари ва 6 минг мисрага яқин шеърлари сақланган. Ҳофизлар унинг ғазал ва мухаммасларини куйлаб келмоқдалар.

Ас.: دیوان ناقص ЎзССР ФА А. Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, инв. № 97.

НОҒОРА — уриб чалинадиган музика асбоби. Тузилиши турлича; косахонаси туваксимон бўлиб, асосан, сополдан ясалади. Қийик ёки эчки (айрим жойларда бошқа ҳайвонлар) териси б-н қопланади. Ўзбекистонда унинг дўл Н. (йўғон товушли катта Н., тери қопланадиган қисмининг диаметри 60 *см*), рез Н. (ингичка товушли кичик Н., диаметри 20—30 *см*), кўс Н. (товуши рез Н. дан йўғонроқ, диаметри 30—40 *см*) турлари кенг тарқалган. Рез ва кўс Н. иккита чўп б-н, дўл Н. нисбатан йўғонроқ битта чўп б-н чалинади. Дўл Н. ўтмишда ҳарбий юришлар, шунингдек бошқа Н. лар қатори оммавий халқ маросимларида ишлатилган. Халқ музика ижрочилигида бир-бирига боғлаб чалинадиган кўс ва рез Н. дан иборат қўш Н. қўлланилади (бошқа тури табл деб ҳам аталади). Қўш Н. бир-биридан тахм. кварта интервали (оралиғи)да фарқ қилади. Бу эса худди доирадек «бум» ва бак» (ноғорачилар ибораси б-н «тум» ва «так») товушларини чиқариш, турли шаклдаги безакларга бой усулларни ижро этиш имкониятини яратади. Н. нинг чиндовул (мис ёки чўяндан ясалган ҳажми катта Н.), таблак (кичкина Н.) турлари ҳам бўлиб, улар кам тарқалган. Н. нинг реконструкцияланган турлари ҳам бор. Мас., туваксимон косахонаси чўпдан ясалиб, териси винтлар ёрдамида созланадиган қўш Н. ва *литавр*симон катта Н.



Ноғора.



Нузулов Ғ.

Қўш Н. сурнай ва карнайлар б-н қўшилиб анъанавий миллий ансамблни ташкил этади. Бундай ансамблар очиқ жойда ўтказиладиган томошалар, тантаналар, тўй маросимлари жарчиси ва жўрчиси бўлиб, «Шодиёна» каби маросим чолғу йўлларини ижро этиб келмоқда. Ҳозир Н. лар ўзбек халқ чолғу асбоблари ва баъзан симфоник оркестрларда ҳам ишлатилмоқда.

Ад.: Кароматов Ф., Ўзбек чолғу музикаси, Т., 1972.


НОҒОРАХОНА, *наққорахона* — ўтмишда саройларда музика чолғу асбоблари (асосан, карнай, сурнай, ноғора баъзан бошқа созлар) сақланадиган ва шу асбоблар ижрочиларига мўлжалланган махсус жой. Мас., Бухоро амирининг ҳароби дарвозаси устида шундай хона бўлган. Н. да сақланадиган чолғу асбобларидан саройдаги базмларда, халқ томошалари, байрамлари, айниқса, рамазон ойида бўладиган *бозоршаб* вақтида фойдаланилган. Н. даги созандаларга, одатда, *меҳтарлар* бошчилик қилган. Бу созандалар репертуарида оғзаки анъанадаги профессионал музика асарлари шунингдек сурнай, ноғора, карнайларда чалинадиган турли жанрлардаги оммабоп асарлар асосий ўрин эгаллаган.

НОҒОРАХОНА — Самарқанд обл. Нарпай р-ни Нарпай қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1,5 *км*, яқин т. й. станцияси — Зиёвуддиндан 1,5 *км*. Аҳолиси 720 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Янгиариқдан сув ичади. К-з ва қ. С. идоралари, ўрта мактаб, интернат мактаб, фельдшерлик пункти, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

НОҒОРЧИ — Самарқанд обл. Иштихон р-ни Митан қ. С. даги қишлоқ. «Иттифоқ» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўргондан 37 *км*. Аҳолиси 537 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Янгикент каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

НОҲИЯ — Синьцзян — Уйғур автоном р-нидаги қуйи даражали асосий территориал-маъмурий бирлик. Ҳозир 74 Н. бор. Н. лар терр-яси, аҳолиси сони ва б. га қараб 5 категорияга бўлинади. Н. терр-яси 5—15 минг *км*² гача, аҳолиси 10—100 минг ва ундан кўп бўлиши мумкин. Ҳар бир Н. бир неча р-н, р-нлар ўз навбатида қишлоқ (кент) ларга, кентлар эса маҳаллаларга бўлинади. Синьцзянда одатдаги Н. лардан ташқари автоном Н. лар ҳам мавжуд.

НУАКШОТ — Мавритания пойтахти. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий маркази. Атлантика океани соҳилида. Иқлими тропик чўл иқлими. Январда ўртача т-ра 21°, июлда 28°. Йиллик ёғин 150 *мм*. Аҳолиси 130 минг киши (1973), асли барбар арабларидан келиб чиққан маврлар.



Н.— денгиз порти. Саноати озиқ-овқат, ёғочсозлик, металлсозлик, кичик кемалар қурувчи верфлар, ишқор ф-каси, босмахона, денгиз сувини чучутувчи қурилма (1969 йилдан), майда ҳунармандчилик корхоналари ва устахоналардан иборат. Пед. ин-ти (1974 йилдан), Миллий кутубхона, Халқ кутубхонаси, Кончилик ишлари ва саноати бошқармаси, аэропорт ва ҳ. к. лар бор.

НУБИЙЛАР — Миср ва Суданда, Нил дарёси қирғоқларида яшайдиган халқ. Умумий сони — 1,5 млн. киши (1970). Нубий тилида сўзлашади (кўпчилиги араб тилини ҳам билади). Исломга эътиқод қилади. Махас (Нил қирғоғи бўйлаб Водни халфадан то Донголга қадар ерларда яшайдиганлар) ва донгол (Донголдан юқори) группаларига бўлинади. Н. қадимги *Нубия* аҳолисининг авлоди ҳисобланади. Деҳқончилик (ғалла, пахта), чорвачилик (қорамол) б-н шуғулланадилар. Шаҳарликлари, асосан, савдо ва ҳунармандлик б-н машғул (яна қ. *Африка*).

НУБИЯ — Шимоли-Шарқий Африка (Нил водийси)даги қадимги ўлка. 10- асргача Куш деб номланган. Н. тўғрисидаги маълумотлар мил. ав. 3- минг йилликка оид. Миср фиравнларининг 2—4- ўхукмдорлари Н. га ҳужум қилиб, у ердан қул, олтин, фил суяги олиб кетганлар. Мил. ав. 16—15- асрларда Н. Мисрга тобе бўлган. Мил. ав. 11- асрда яна мустақилликка эришган. Мил. ав. 8- асрда Н. терр-ясида қулдорлик давлати вужудга келган. Напат (мил. ав. 8—4- асрлар) ва Мероэ (мил. ав. 4- асрда) бу давлатнинг пойтахти бўлган. Мил. ав. 8- асрнинг 2- ярмида Н. Мисрни эгаллаган, у ерда нубийлар сулоласи (25- сулола) ҳукмронлик қилган (мил. ав. 7- асргача). Мил. ав. 23 йилда Шимолий Н. ни римликлар талаган, Милодий 4- асрда Н. нинг кўп қисмини қўшни Аксум давлати босиб олган.

Ад: Кацнельсон И. С., Нубия под властью Египта «Вестник МГУ», 1948, № 6.

НУБИЯ ЧЎЛИ — Африкадаги чўл. Кўп қисми Судан терр-ясида, Нил дарёси б-н Қизил денгиз оралиғида. Ер юзаси платодан иборат бўлиб, шарқдан ғарбга зинапоясимон пасайиб борган. Шарқида баландлиги 1000 *м*, ғарбида 350 *м*. Энг баланд жойи 1240 *м*. Қизил денгиз бўйида камбар пасттекислик бор. Қирғоқ яқинида маржон ороллар кўп. Н. ч. нинг шарқий қисмида Нубия-Арабистон қалқонининг қадимги кристалли жинслари, қумтошлар ер юзасига чиқиб қолган. Ғарбий қисмида қумликлар бор. Платони қуруқ ўзанлар — водийлар кесиб ўтган. Ер ости сувлари кам. Йиллик ёғин 25 *мм* га яқин. Ўртача т-ра январда 15°, июлда 30°. Усимликлари сийрак. Ксерофит ғаллагуллилар, тиканли буталар ўсади. Аҳоли булоқлар атрофида яшайди, чорвачилик б-н шуғулланади. Чўлни т. й. ва автомобиль йўллари кесиб ўтган.

НУВАЙРИЙ Шиҳобиддин Аҳмад ибн Абд ал-Ваххоб (1279. 6. 4 — 1332. 17. 6, Қоҳира)— араб олими. Мисрда, мамлуклар саройида яшаган. Н. 31 жилддан иборат «Ниҳоят ал-араб фи фунун ал-адаб» («Адабиёт ҳақида арабча етук китоб») номли йирик (9 минг бетдан ошиқ) асар муаллифи. Асарнинг ярми тарихий мақолалардир. 7—12- асрлар тарихини ёзишда ўша давр манбаларига таянган. 13—14-асрлар тарихини мустақил ёзган. Асарда Миср, Олтин Ўрда, мусулмонлар Испанияси (Андалусия) тарихи тўла тасвирланган 964 йили Византиянинг иттифоқдоши бўлган руслар тўғрисида ҳам

маълумотлар берилган. Асар бир неча Европа халқлари тилларига таржима қилинган.

Ад.: Крачковский И. Ю. Арабская географическая литература, Избр. соч., т. 4, М.—Л., 1957.

НУВИСТОР (итал. nuovo — янги ва vista — хил) — қабул қилувчи-кучайтирувчи митти электрон лампа (*триод, тетрод, пентод*). Электродлар системаси консолли ўрнатилган. Н. электр ва термик эффективлиги юқори, мустаҳкам, арзон ва содда (расмга қ.). Н. фақат металл ва сополдан ясалади. Н. ихчам радиоэлектрон аппаратларда ишлатилади, жуда титрайдиган шароитда —60 дан 250°С гача т-рада, 400 дан 800 *Мгц* гача частоталарда ишлатиш учун яроқли қилиб ишлаб чиқарилади.

НУЗУЛОВ Йўлдош (1895, Тошкент обл. Бўстонлиқ р-ни Боғистон қишлоғи — 1968) — чорвадор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1948). 1920 йилдан Бўстонлиқ р-нидаги Боғистон қишлоғида яшаган, 1957 йилдан «Бўстонлиқ» с-зида ишчи. Йилқичиликни ривожлантиришдаги ютуқлари учун қаҳрамонлик унвонига сазовор бўлган. Ленин ордени б-н мукофотланган.

«НУЗҲАТ УЛ-ҚУЛУБ» نزهة القلوب — қалблар роҳати) — географик-космографик маълумотларни ўз ичига олган тарихий асар. Тарихчи Хамдуллоҳ ибн Абу Бакр ал-Қазвиний Муставфий (1349 йили вафот этган) томонидан компилятив (терма) усулда ёзилган (1339). Асар муқаддима, уч боб ва хотимадан иборат.

1- бобда металл ва минераллар, мевали дарахтлар, табобатда ишлатиладиган ўсимликлар, ёввойи ва уй ҳайвонлари ҳамда паррандалар тўғрисида фикр юритилган. 2- бобда инсон ва унинг хусусиятлари, ташқи кўринишидаги айрим фарқлар баён қилинган. Асарнинг 3- бобида Эрон ва унга қўшни мамлакатларнинг географик тузилиши, табиий бойликлари, алоқа йўллари, йирик шаҳарлар ўртасидаги масофа ва б. хусусида бир қанча муҳим маълумотлар келтирилган. «Н. ул-қ». нинг қўл ёзма нусхалари Англия, Францияда, шунингдек Тошкент ва Ленинград шарқшунослик ин-тлари қўл ёзмалар фондларида мавжуд.


НУҚАТ (نوكت) — Мовароуннаҳрдаги ўрта аср шаҳри. Тошкентдан *Тункат*га ва Фаргонага борадиган савдо йўлида жойлашган. Н. 11—12- асрлардаги Шарқ йўлномаларида тилга олинган. 9—10- асрларда катталиги жиҳатидан Тункатдан кейин иккинчи ўринда турган. Н. нинг кейинчалик Улкантўйтепа деб аталган харобасини 1928 йилда М. Е. *Массон* Тошкентдан 25 *км* жанубда жойлашган Тўйтепа қишлоғидан топган. Н. нинг маркази тўғри бурчак шаклидаги *шаҳристон* бўлиб, майдони 18 *га*. У тўрт дарвозали улкан девор б-н ўралган. Шимолий юзида тўғри бурчакли 0,75 *га* катталикдаги қалъа бўлган. Н. атрофидаги ҳунармандчилик маҳаллалари ва қишлоқлар 100 *га* дан кўпроқ майдонни эгаллаган. Шаҳарнинг шарқий қисмида ўликлар *оссуарий*ларда дафн қилинган қабристон жойлашган. Н. дан 8—12- асрларга оид тангалар, сопол, олтин, мис ва бронза идишлар, темир ўроқ, пичоқ, шунингдек чиройли қандил ва мураккаб босма нақшлар б-н безалган идишлар топилган. Топилмаларнинг энг қадимгиси 6—7- асрларга тааллуқли. 9—10- асрларда шаҳар тез суръатлар б-н ўсган. Тарихчи Идрисининг маълумотига қараганда, 12- асрда Тункат занфлашиши муносабати б-н Н. Илоқ давлатининг пойтахтига айланган. 13- асрда Мўғул босқинчилари Н. га ўт қўйиб, харобага айлантирган.

Ад.: Массон М. Е., Ахангаран. Археолого-топографический очерк, Т., 1953; Буряков Ю. Ф., Новые археологические данные о городище Улькантойтюбе (Шахристан Нукета), Научные работы и сообщения (АН УзССР), кн. 6, Т., 1963.

НУКЛЕАЗАЛАР — *нуклеин кислоталар* (НК) ни моно ва олигонуклеотидларгача парчалайдиган ферментлар. Таъсирига кўра фосфодиэстеразаларга мансуб. Микроорганизмлар, ўсимлик ва ҳайвонлар ҳужайрасида кенг тарқалган. Сут эмизувчилар ва одамнинг меъда ости безлари ширасида ҳамда сўлагида Н. айниқса кўп бўлади.

Н. мол. оғ. нисбатан катта бўлмаган оқсиллардир. Н. биологик аҳамияти организм учун ёт бўлган НК ни (мас., организмга тушган НК вирусларини) ҳазм қилдириш ва парчалашдан иборат.

НУКЛЕИН КИСЛОТАЛАР, полинуклеотидлар — тирик табиатда кенг тарқалган биологик актив *биополимерлар*. Барча организмларнинг ҳужайрасида бўлади. Н. к. ни биринчи марта 1868 йилда швейцария олими Ф. Мишер ҳужайра ядросидан топган (Н. к. нинг номи ҳам шундан олинган: лат. nucleus — ядро демакдир). Кейинчалик Н. к. нинг ядродагина эмас, цитоплазмада ҳам бўлиши аниқланди. Фосфат қолдиқлари, углевод компонентлари, *пурин асослари* ёки *пиримидин* асосларидан иборат *нуклеотидлар* Н. к. нинг мономер бирликлари ҳисобланади. Нуклеотидларнинг табиатига кўра барча табиий Н. к. бир-биридан турлича бўлган икки кимёвий типга — дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) ва рибонуклеин кислота (РНК)га бўлинади.




Нувистор-триоднинг конструкцияси: *1* — иситкич; *2*—катод; *3*—тур; *4*—анод; *5*—сопол диск; *6* — пўлат баллонниг йўналтирувчи чизиқлари; А, К, Н, Н ва С — электродларнинг учлари.

Дезоксирибонуклеин кислота (ДНК). Ҳар қандай организм ва тирик ҳужайра ядросининг асосий қисмини ташкил қилади. Қанд шаклида дезоксирибозадан, азот асослари шаклида аденин, гуанин, цитозин ва тиминдан иборат. ДНК ҳар қандай тирик организмнинг тузилиши, ривожланиши ва хусусий аломатларига тегишли ирсий ахборотларни сақлаш ва наслдан-наслга ўтказишда жуда муҳим биологик роль ўйнайди. ДНК моддаларини ҳайвон ва ўсимликларнинг турли тўқималаридан, шунингдек бактериялардан ҳамда ДНК бўлган *вируслар*дан олиш мумкин.

Дезоксирибонуклеин кислота фосфат кислота қолдиқлари орқали маълум кетма-кетликда бириккан кўпгина мономерлар — дезоксирибонуклеотидлардан ташкил топган *биополимер*дир. Дезоксирибонуклеотидларнинг ДНК молекуласида бундай кетма-кетликда жойлашиши биологик ахборот кодидан иборат (қ. *Генетик код*).

ДНК молекуласи бир-бирига спираль шаклида чирмашган икки полинуклеотид занжиридан иборат (расмга қ.). Спиралдаги бир-бирини тўлдирувчи (комплементар) асослар — аденин (А) тимин (Т) га, гуанин (Г) цитозин (Ц) га водород боғ орқали бириккан.

ДНК сувда, кучсиз ва ўткир сув-туз эритмаларида яхши эриб, қовушоқ суюқлик ҳосил қилади. ДНК эритмалари қиздирилганда асос жуфтлар ўртасидаги боғланиш кучсизланади. ДНК учун хос бўлган маълум т-рада (одатда 80—90° да) икки полинуклеотид занжирча бир-биридан ажралади (ДНК суюқланади ёки денатурацияланади).



ДНК молекуласидаги қўшалоқ спираль схемаси (Уотсон ва крик модели): А—аденин, Т—тимин, Г—гуанин, Ц—цитозин, Ф—фосфат.

Дезоксирибонуклеотидлар натив (тирик молекулаларининг молекуляр массаси жуда катта — юзлаб миллионларчадир. Митохондрияларда, шунингдек баъзи вируслар ва бактерияларда ДНК нинг молекуляр массаси анча кичик ва улар ҳалқа ёки камчилик ҳолда чизиқ шаклида бўлади. Ҳужайра ядроларида ДНК кўпчилик ҳолда ядро структурасини ташкил этувчи *хромосомалар* ва *хроматин*ни ҳосил қилувчи ДНКпротеидлар — оқсил (асосан гистонлар) ва оқсил бўлмаган компонентлар тарзида бўлади.

ДНК рибонуклеин кислота (РНК) ни синтез қилишда матрица хизматини ўтайди ва шу б-н бирга унинг биринчи структураси (транскрипция)ни ҳам белгилайди. Ахборот РНК воситасида специфик оқсиллар синтези *(трансляция)* амалга оширилади. Организмларнинг ирсий ўзгариши *(мутация)* азот асосларининг ДНК полинуклеотид занжирларида ўзгариши, йўқолиши ва ҳосил бўлишига боғлиқ. ДНК молекулаларининг тузилишини ва уларнинг ўзгаришини ўрганиш — ҳайвонлар, ўсимликлар ва микроорганизмлардаги ирсий ўзгаришларни билишга ва улардаги ирсий нуқсонларни тузатишга йўл очади.

Рибонуклеин кислота (РНК). Ҳужайрада бажарадиган функциясига қараб РНК бир неча хил бўлади. Шулардан бир хили т а ш у в ч и (транспорт) РНК дир. Бу РНК оқсилнинг синтез қилинадиган жойига аминокислоталарни элтиб беради. Иккинчи хили ахборот РНК бўлиб, у синтезланадиган оқсилнинг тузилиши ҳақида ахборот элтади.

РНКнинг тузилиши ДНК нинг тузилишига жуда ўхшагани б-н фарқи ҳам бор. РНКда қўшалоқ спирал занжирча йўқ, тузилиши жиҳатидан ДНКнинг икки занжирчасидан бирортасига ўхшайди. РНК ҳам ДНК каби полимер. Унинг мономери ДНК ники сингари нуклеотидлардир. РНК нуклеотидлари ДНК нуклеотидлари каби азот асослари қолдиқларидан, пентоза ва фосфат кислотадан иборат. Углеводнинг табиатига қараб РНК нуклеотидлари ДНК нуклеотидларидан фарқ қилади. ДНК нуклеотидларида углевод — дезоксирибоза, РНК нуклеотидларида эса рибоза.

РНК сувда ва кучсиз сув-туз эритмаларида яхши эрийди. Кислота ва ишқорли муҳитда яхши гидролизланади.

НУКЛЕОГЕНЕЗИС *(нуклеус* ва *генезис* сўзларидан) — *нуклидлар*нинг пайдо бўлиши процесслари мажмуи. Н. б-н шуғулланувчи фан космохимия, ядро физикаси ва астрофизика соҳаларига яқин туради (баъзида бу фан ядро астрофизикаси дейилади). Н. процессларида кимёвий элемент (изотоп)ларнинг табиатда тарқалганлигига оид маълумот (информация)лар асос қилиб олинади. Бундай информациялар юлдуз атмосфераси спектроскопияси, бирламчи космик нурлар таркиби, метеоритлар кимёвий анализи ва бошқалардан, H_2 (водород) ва He (гелий) га оид маълумотлар эса юлдузларнинг ички тузилиши назариясидан олинади.

Н. ни тушунишда ядро реакциялар (айниқса, термоядро реакциялари), шунингдек физик система — нейтронни тутиши б-н боғлиқ бўлган процесслар муҳимдир. Н. нинг асосий процесслари қуйидагилар: Н. процесс — водород (H_2) нинг гелий (He) га айланиши процесси; α процесс — гелий ядроси (He) нинг ўзаро реакцияси, бунда C^{12}, O^{16}, Ne^{20}, Mg^{24}, Si^{28}, Ar^{36}; Ca^{40} элементлари ҳосил бўлиши мумкин; s процесс — ядроларнинг нейтронларни тутишига асосланган ва секин давом этадиган β=парчаланиш процесси; r процесс — ядронинг нейтронларни тутиб β=актив ядрога айланиши; бунда радиоактив ядронинг β=парчаланиши бўлмайди; *e* процесс Менделеев даврий системасида Fe га яқин турган элементларнинг пайдо бўлиши процесси; *X* процесс — совуқ тезланиш шароити (ўзгарувчи электромагнит майдони ва зарба тўлқини)да D, Li, Be, B элементларининг ҳосил бўлиши.

Н. процесс юлдузларнинг ички зонасида, r ва *e* процесслар-юлдуз чақнашларида α ва *s* процесслар гетероген юлдузлардаги гелий ядросининг термоядро реакциясида, *X* — процесс эса ностационар юлдуз (мас., магнит майдони ўзгарувчи юлдуз)ларда содир бўлади.

НУКЛЕОЗИДЛАР — азот асоси қолдиғи б-н углеводдан таркиб топган бирикмалар, яъни рибозалар (рибонуклеозидлар) ёки дезоксирибозалар (дезоксирибонуклеозидлар). Н. ни фосфат кислотанинг *нуклеотид*лар таъсирида парчаланишидан ҳосил бўлган маҳсулот деб қараш мумкин. Н. нинг номи унинг молекуласига кирадиган асосга қараб аталади, мас., аденин бўлса аденозин, гуанин-гуанозин, урацил-уридин, цитозин-цитидин, тимин-тимидин; гипоксантин ва ксантин Н. тегишлича инозин ва ксантозин деб аталади. Эркин Н. турли биологик объектларда бир оз миқдорда бўлади. Кўпчилик табиий Н. *нуклеотид*лар ва *нуклеин кислоталар*дадир.

НУКЛЕОПРОТЕИДЛАР — нуклеин кислоталарнинг оқсиллар б-н биргаликдаги комплекси. Табиатда кўп учрайди. Н. нинг таркибига кирадиган нуклеин кислоталарнинг табиатига қараб, Н. д е з о к с и р и б о н у к л е о п р о т е и д л а р (ДНП) ва р и б о н у к л е о п р о т е и д л а р (РНП) га ажратилади. ДНП барча ҳужайра ядроларида (ядро моддаси — хроматинининг асосини ташкил этади) ҳамда сперматозоидлар бошчасида бўлади. Кўпгина *вируслар,* информосомалар, рибосомалар РНПдан иборат.

НУКЛЕОТИДЛАР, н у к л е о з и д ф о с ф а т л а р — *нуклеозидлар*нинг фосфорли эфирлари. Ҳайвон, ўсимлик тўқималарида ва микроорганизмларда эркин ва турли бирикмалар *(нуклеин кислоталар, коферментлар* ва *витаминлар)* ҳолида кенг тарқалган табиий биологик актив моддалар. Аденин, гуанин, гипоксантин, цитозин, урацил ва тиминлар табиатда кенг тарқалган пурин ва пиримидин асосли табиий Н. жумласидандир.

НУКЛЕУС (лат. nucleus — ядро) (археологияда) — тош қуроллар ясаш учун чақмоқ тош ёки бошқа тош парчаларидан учириб олинган пичоқсимон пластинкалар. Шелль, ашель даврларида Н. лар бирмунча дағал бўлган, мустье даври учун дисксимон ва тошбақасимон Н. лар характерлидир. Бундай Н. лардан қирғич ва найзасимон қуроллар ясалган. Сўнгги палеолит даврида призма шаклидаги, *мезолит, неолит* ва *энеолит* даврларида пирамида, конус, қалам ва б. шаклдаги Н. лар мавжуд бўлган.

НУКЛИДЛАР — ядросидаги нуклонлар сони б-н фарқ қиладиган ёки нуклонлар сони бир хил бўлганда уларни ташкил этган протон ва нейтронлар сони ҳар хил бўладиган атомлар. Ядросидаги нейтронлар сони турлича бўлган бир элемент атомлари, шунингдек ядросининг таркиби ҳар хил бўлган турли элементлар атомлари, кўпинча, изотоп терминини б-н юритилади (қ. *Изотоплар*).

НУКЛОНЛАР, н у к л е о н л а р — атом ядросини ташкил қиладиган заррачалар — *протон* ва *нейтрон*ларнинг умумий номи. Протон ва нейтрон массаси деярли бир-бирига тенг ($m_p = 938{,}2$ *Мэв* ва $m_n = 939{,}5$ *Мэв*) бўлгани, шунингдек протон ва нейтрон спини $\frac{1}{2}$ бўлиб, ўзаро кучли таъсирларда бир хил заррадек таъсирлангани учун протон ва нейтрон битта зарра (нуклон)нинг икки электр ҳолати деб қаралади. Н., асосан, учта квант сони — барион заряди (B = 1), ажиблик квант сони $S = 0$) ва изотопик спин $\left(I = \frac{1}{2}\right)$ б-н характерланади.

Спинлари бирор йўналиш бўйича жойлашган Н. оқими Н. нинг қ у т б л а н г а н д а с т а с и дейилади. Ундан кўпгина тадқиқот ишларида, шунингдек ядро кучларининг ўзаро таъсирлашувчи заррачаларнинг спинларига боғлиқлигини аниқлашда фойдаланилади. Н. ни қутблашнинг бир неча усули мавжуд. Мас., секин ҳаракатланувчи протонларнинг қутбланган дастасини махсус нон манбаи ёрдамида олиш; ядро ва электромагнит сочилиш ҳодисаси натижасида нуклонларни қутблаш ва ҳ. к. Протонларнинг ўта магнитланган ферромагнит зарварағида электронлар сочилишидан қутбланган протонлар оқимини вужудга келтириш мумкин. Бу ҳолда қутбланиш — 15% ни ташкил этади ва бир неча *мка* га тенг протонлар оқими олинади.

Н. нинг турли хил сочилиши нуклон спинининг йўналишига ва таъсир қилувчи кучларга боғлиқ. Шунинг учун сочилишгача нишонга тушувчи қутбланмаган дастани қутбланган ва қутбланмаган Н. оқимидан иборат дейиш мумкин. Нишондан сочилгандан кейин эса бу икки компонентнинг интенсивлиги бир-биридан фарқ қилади, демак, Н. нинг қутбланган дастасини ажратиб олиш мумкин бўлади. Н. нинг сочилиш жараёнидаги қутбланиш ҳодисаси, асосан, 50-йиллардан ўрганила бошлади. Радиотўлқинлар заррачаларида ҳам қутбланган дастани ҳосил қилиш мумкин. Бу заррачалар энергияси ва интенсивлиги чегараланган (10^7—10^9 нуклон/*сек. стер* дан кам) бўлишига қарамай, тез нейтронлар дастасини олишда энг қулай воситадир.

НУКРАБОТ — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Нукработ қ. С. даги қишлоқ. «Аврора» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Қаршидан 10 *км*. Аҳолиси 1010 киши (1971); боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. С-з сут-товар фермаси, фельдшерлик пункти, алоқа бўлими, кутубхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

НУКУАЛОФА — Тонга давлатининг пойтахти. Тинч океанининг ғарбий қисмидаги Тонга (Дўстлик) оролларида. Тонгатабу оролидаги порт. Аҳолиси 20 минг киши (1972). Н. порти орқали четга копра ва банан чиқарилади.

НУКУЗ, н у к у с — қўнғиротлар ҳамда қорақалпоқларнинг кенагас қабилалари составидаги уруғларидан бири. Н. аслида мўғул қабилаларидан бирининг номи. Мўғуллар истилоси даврида (13-асрнинг биринчи ярмида) Н. ларнинг бир қисми Дашти Қипчоққа, кейинчалик бошқа ўзбек қабилалари б-н бирга Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган бўлишлари эҳтимол. Буларнинг кўпчилик қисми вақт ўтиши б-н маҳаллий халқлар — ўзбеклар, қорақалпоқларга аралашиб кетганлар. Н. ларнинг жуда оз қисми яқин вақтларгача йирик қабилалар таркибида уруғ бўлиб, ўз номларини сақлаб келганлар.

Ад.: Р а ш и д а д-д и н, Сборник летописей, т. 1, кн. первая, М.—Л., 1952; Таварихи гузидаи нусратнома, Т., 1967.

НУКУС (қорақалпоқча Нөкис) — шаҳар, Қорақалпоғистон АССР пойтахти. Республика территориясининг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида, денгиз сатҳидан 76 *м* баландда жойлашган. Жануб ва шарқда Қизилқум чўли б-н ўралган, шимолда Амударё дельтаси б-н туташ. Ўртача т-ра июлда 27,1°, январда —7°. Хўжайли т. й. станциясидан 38 *км*. Қизкетган канали шаҳарни кесиб ўтади. Аҳолиси 88 минг киши (1974; 1939 йилда 10 минг, 1959 йилда 39 минг); асосан, қорақалпоқлар; қозоқлар, ўзбеклар, руслар, корейслар, татарлар ва б. ҳам бор.

Ҳозирги Н. ўрнида ўтган асрнинг 60-йилларида Н. овули мавжуд бўлган. Қорақалпоқлар Россия фуқаролигига қабул қилингач (1873), ҳар икки томон ўртасида кема қатнови кучайиб, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, балиқчилик бирмунча ривожланди, натижада Н. овулида хўжаликлар сони ортди. Подшо ҳукумати Қорақалпоғистонда мустамлакачилик сиёсатини юргизиб, унинг моддий ва табиий ресурсларини ўзлаштиришга интилди. Н. овулида Амударёнинг сув режимини назорат қилувчи гидрологик обсерватория қурилди, 1500 кишилик ҳарбий гарнизон ташкил қилинди. 1877 йили Н. да биринчи рус-тузем мактаби очилди. Улуғ Октябрь социалистик рев-яси арафасига келиб, Н. овули Амударёнинг ўнг қирғоғидаги энг йирик аҳоли пунктларидан бирига айланди.

Н. совет ҳокимияти даврида янада тез ривожлана бошлади. Қорақалпоғистон обл. партия комитетининг 1930 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган бюро кенгаши Н. овулини республика марказига айлантиришга қарор қилди. Бу даврга қадар республика пойтахти Тўрткўл ш. эди. 1932 йили янги пойтахт қурилиши бошланди. 1939 йили республика маъмурияти Н. шаҳрига кўчиб ўтди.

Хўжалиги. Шаҳарнинг йирик автомагистраллар узелида жойлашганлиги унда кўп тармоқли саноатнинг тез ривожланишига сабаб бўлди. Автоном республика саноати умумий маҳсулотининг 20% ини Н. шаҳар саноат корхоналари беради. Шаҳарда 55 га яқин саноат корхонаси бор. Металлсозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил, ёғочсозлик ва полиграфия саноати тармоқлари мавжуд. Н. да қурилиш материаллари саноати яхши ривожланган; йирик панелли уйсозлик ва силикатбетон з-длари, қурилиш материаллари к-тлари, ғишт ва мармар з-длари бор. Нон, гўшт, сабзавот-консерва, тегирмон ва аралаш ем к-тлари, сут-ёғ, вино-арақ ва пиво-лимонад з-длари ишлаб турибди. Н. да ширинмия илдизини йиғадиган ва пресслайдиган «Союзлакрица»нинг Ўзбекистон филиали мавжуд. Бу корхонанинг маҳсулоти фақат Иттифоқ аҳамиятига эга бўл-

масдан, АҚШ, Канада, Япония, шунингдек Европадаги давлатларга экспорт қилинади. Енгил саноат корхоналарига Узбекистонда ягона ўтов-кигиз к-ти, тикув ва трикотаж ф-калари, маиший хизмат кўрсатиш к-ти киради. Шаҳарда қорақалпоқ ва рус тилларида газета-китоблар босадиган полиграфия к-ти, янги замонавий техника б-н жиҳозланган мебель ф-каси бор. Н.— республиканинг муҳим транспорт узели. Тахиатош — Нукус т. й. қурилиб битказилди ва ишга туширилди (1975). Н.— Қўнғирот-Мўйноқ, Н.— Беруний — Тўрткўл, Н.— Чимбой — Тахтакўпир, Н.— Кегейли, Н.— Тахиатош — Хўжайли, Н.— Манғит, Н.— Урганч ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. Н. аэропортидан Урта Осиё ва Қозоғистон шаҳарларига, Москва ва б. шаҳарларга самолётлар қатнаб турибди.

Н.— ҚҚАССРнинг илм-фан, маданият ва соғлиқни сақлаш маркази. Н. да УзССР ФА нинг Қорақалпоғистон филиали жойлашган. Филиалда тарих, тил ва адабиёт, табиий фанлар комплекси ин-тлари бўлиб, уларда 10 фан доктори, 120 дан ортиқ фан кандидати ишлайди. СССР Педагогика илмий тадқиқот ин-тининг Қорақалпоғистон филиали, Узбекистон Тери-венерология, Онкология ва Чорвачилик илмий тадқиқот ин-тларининг филиаллари, «Узсельстрой» ва «Узгипрозем» лойиҳалаш ин-тларининг Қорақалпоғистон филиаллари Н. да жойлашган.

Т. Г. Шевченко номидаги Қорақалпоғистон Давлат педагогика ин-ти (1973/74 ўқув йилида 5115 студент, шундан 2740 киши сиртдан ўқиди), пединститут қошида Тошкент олий ўқув юртларининг ўқув-консультация пунктлари, ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти, кечки марксизм-ленинизм ун-ти ишлаб турибди.

Н. да 11 ўрта махсус билим юрти (автомобиль йўли, қурилиш, энергетика, гидромелиоратив, қ. х., кооператив ва б.), 17 умумий таълим мактаби (20,5 минг ўқувчи), ўнлаб клуб, кинотеатр ва кутубхоналар бор. Н. телестудияси ўз программасидан ташқари Москва, Тошкент, Ашхобод программаларини ҳам олиб кўрсатади.

Н. республиканинг медицина ва соғлиқни сақлаш марказидир. Бу ерда 12 касалхона (1700 ўрин), 6 поликлиника ва диспансер, 2 санаторий, дорихоналар ва консультация пунктлари мавжуд.

Шаҳарда Станиславский номидаги Музикали драма ва комедия театри, Бердақ номидаги давлат филармонияси, ҚҚАССР санъати ва ўлкашунослик музейлари пионерлар саройи ва уйлари, ёш натуралистлар станцияси, туристик-экскурсия станцияси, Қорақалпоғистон Ёзувчилари союзи, стадион, ботаника боғи, меҳмонхона, 20 дан ортиқ болалар боғча ва ясли-лари бор.

Н.— Узбекистоннинг энг ёш ва кўркам шаҳарларидан бири. Н. 1936 йилги бош план асосида қурилабошлаган эди. 1965 йили янги бош план тасдиқланди (архитектор Эркабоев А. М. ва инженер Зиёев Т. З.). Пойтахт кўкаламлаштирилган, тўғри тўрт бурчакли кварталларга бўлинган. Марказдаги Қизил майдонда В. И. Ленин ҳайкали ўрнатилган. Ҳозир пойтахт маркази қайта қурилмоқда. Эски бинолар ўрнига кўп қаватли бинолар қад кўтармоқда. Йирик жамоат биноларидан ҚҚАССР Министрлар Совети (1930 йилларда) ва Қорақалпоғистон обкоми биноларини (1970 й. архитектор Видякин Е. К., инженер Леннешмидт Э. Ф.) кўрсатиш мумкин.

Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши қатнашчилари хотирасига ва к-з тузуми ташкилотчилари шарафига ёдгорликлар ўрнатилган. Шаҳар ёнида аҳоли дам оладиган Ашиқўл ва Грачевая рошча сув ҳавзалари жойлашган. (112- бетдаги вклейкага қ.).

Ад.: Города Узбекистана, Справочник, Т., 1965; Ахмедов Э. А., Фатахов Е. Н. Новые города Узбекистана, Т., 1972.

НУКУС РАЙОНИ — ҚҚАССРдаги р-н. 1968 йил 25 декабрда ташкил топган. ҚҚАССРнинг Хўжайли, Амударё, Кегейли ва Ленинобод р-нлари б-н чегарадош. Майдони 1,19 минг *км*². Аҳолиси 29 миг киши (1975). Р-нида 5 овул Совети (Қироитов, Жданов, Бердақ, Нукус ва Мичурин) бор. Р-н маркази — Оқманғит овули.

Табиати. Р-н терр-яси ҚҚАССРнинг марказида, Қуйи Амударёнинг шарқий соҳилидаги паст-текисликда жойлашган. Рельефи, асосан, паст-баланд текисликлар, ғарбий қисми Амударё ботиғи, шарқий қисми қум дўнглари ва қатор-қатор қум тепаларидан иборат. Баландлиги 100 *м*. Шимолий ва жануби-ғарбий қисмидаги ер усти Амударё оқизиб келтирган серҳосил аллювиал ва эол ётқизиқларидан тузилган. Асосан ботқоқ, ўтлоқи-ботқоқ, ўтлоқи-тақир, Амударё бўйларида эса сур-қўнғир ва ўтлоқи-чўл тупроқлар тарқалган. Бу ерларда деҳқончилик ва ўрмон хўжаликларини ривожлантириш учун анча қулай шароитлар мавжуд. Р-ннинг жанубий қисми геологик жиҳатдан Султон Увайс тоғининг давоми ҳисобланади. Лекин рельефида унинг тоғли характери яхши сақланмаган. Баланд тепаликлар кичик масштабдаги Амударё бўйи аллювиал пасттекисликларини б-н алмашинади. Тепаликларнинг абсолют баландлиги 149 *м* (Бештўбе). Ландшафт жиҳатидан р-ннинг бу қисми Қорақалпоғистон Қизилқумининг давомидир. Р-н терр-ясида инсон фаолияти туфайли вужудга келган рельеф манзаралари ҳам бор. Булар жумласига суғориш каналлари, зовурлар (коллекторлар), турли хил катталикдаги кўтармалар ва б. киради. Қурилиш материалларидан тош, шағал, қум ва гил кўп. Р-нда хўжалик аҳамиятига эга бўлган Назархонқўл, Сапоккўл ва б. бир неча кичикроқ кўллар бор. Назархон, Чўртонбой, Саманбой ўрмон хўжаликлари мавжуд (6,5 минг *га*). Туронғил ёғочи Нукус, Тошкент ва Душанба шаҳарларидаги мебель тайёрлаш корхоналарида хом ашё сифатида ишлатилмоқда.

Ёввойи ўсимликлардан кўпроқ оқ саксовул ўсади. Амударё қайирларида туронғил, терак, юлғун, жийда, бугдойиқ, ажриқ, қораброқ, чий, қамиш, қўға тўқайлари бор. Қирларда оқ шувоқ, шўралар ўсади. Қамишзор ва тўқайларда чўчқа, чиябўри, қуён, ондатра, бўрсиқ, қирғовул, ўрдак, чағола, каптар, қўтан, бирқозон, қорабузов (баклан), мўйловли читтак, инуя, деҳқончумчуқ, оқ қанотли қизилиштон, попушак, зарғалдоқ, тентакқуш ва б. бор. Судралувчилардан тошбақа, калтакесаклар, каламуш, сичқон ва б. кемирувчилар кўп. Амударё ва кўлларда сазан, бакра, лаққа, чўртан, оқ амур ва б. балиқлар сероб. Иқлими кескин континентал. Қишда т-ра кескин пасайиб кетади. Йиллик ўртача т-ра 11,0°, январда ўртача — 6,4°, минимум — 32°, июлда 27,1°, максимум 46°. Совуқ бўлмайдиган давр 191 кун. Йиллик ёғин 82 *мм*. Ёғининг 45% и баҳорда, 27% и қишда ёғади. Қизкетган канали р-н терр-ясидан ўтади.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқлар (45,6%); қозоқлар (38%), ўзбеклар (13,3%), руслар, туркманлар, корейслар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 24,3 киши (1975).


Хўжалиги. Саноати аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридангина иборат. Қ. х. Нукус ш. аҳолисини қ. х. маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган. Қ. х. нинг барча тармоқлари ривожланган бўлиб, уларнинг асосий йўналиши мева, узумчиликдан, полиз ва сабзавотчиликдан, гўшт ва сут чорвачилигидан, паррандачилик, шоликорлик ва пахтачиликдан иборат. Р-нда 9 с-з бўлиб, иккитаси («Коммунизм», «Нукус») боғ-токчилик б-н, иккитаси (Жданов номли ва Бердақ номли) пахтачилик б-н, биттаси («50 лет ВЛКСМ») шоликорлик б-н, биттаси сабзавот ва сут тайёрлаш б-н, биттаси (Теҳьман номли) чўчқачилик б-н, биттаси паррандачилик б-н ва биттаси (Мичурин номли) асаларичилик б-н шуғулланади. 14,3 минг *га* экин майдонининг 3750 *га* ерига пахта, 4785 *га* ерга шоли, 580 *га* ерга дон ва дуккаклилар, 216 *га* ерга картошка, сабзавот ва полиз экинлари, 1992 *га* ерга маккажўхори, 713 *га* ерга беда, 105 *га* ерга илдизмевали экинлар экилади; 1,3 мин *га* ер мевазор ва тутзорлар, 38,3 минг *га* ер пичанзор ва яйловлар б-н банд (1975). Р-н хўжаликларида 13 минг қорамол (шундан 5,9 минг сигир), 7706 чўчқа, 10,1 минг қўй ва эчки, 294 от, 56,3 минг парранда бор (1975). Давлатга 9186 *т* пахта, 21,026 *т* шоли, 1325 *т* картошка, 5818 *т* сабзавот, 6957 *т* полиз, 2012 *т* мева ва 143 *т* узум, 6957 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 2735 *т* сут, 3 млн. 656 миг дона тухум, 626 *ц* жун, 8 *т* пилла сотилди (1975).

Асфальтланган автомобиль йўлларининг узунлиги 100 *км*. Р-н хўжаликлари б-н Нукус орасида пассажир автобуслари қатнайди. 27 умумий таълим мактабида 7460 бола ўқийди (1975—1976). 9 болалар боқчасида 237 бола тарбияланмоқда. 9 клуб, 17 кутубхона, 17 киноустановка ишлаб турибди. Р-нда 3200 нусхали «Коммунизм байроғи» газетаси чиқиб туради. 655 ўринли 4 касалхона ва б. даволаш муассасаларида 45 врач, 155 ўрта медицина ходими ишламоқда.

НУКУСЁП — Хоразм обл. Гурлан р-ни Қуйибшев қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» к-зи территориясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 38 *км*. Аҳолиси 1465 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Нукусёп ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона бор.

НУЛЬ (лат. nullus — ҳеч нарса), ноль — 1) мусбат сонлар б-н манфий сонлар чегарасидаги сон; Асосий хоссалари: а) $a+0=a$; б) $a\cdot 0=0$; в) икки соннинг кўпайтмаси Н. га тенг бўлиши учун кўпайтирувчилардан камида биттаси Н. га тенг бўлиши зарур; 2) ўнли саноқ системасида ёзилган соннинг бирор хонасида бирликлар олинмаганини кўрсатувчи рақам; 3) физикада бирор асбоб шкаласининг бўлинмалари бошланадиган нуқта.

НУМЕА — Янги Каледония (Франция мустамлакаси)нинг маъмурий маркази ва энг катта шаҳри. Янги Каледония оролининг жанубий-шарқий соҳилидаги порт. Аҳолиси 58 минг киши (1971). Никель эритиш корхоналари бор. Н. порти орқали четга никель, темир рудалари, копра чиқарилади.



НУМЕРАТИВ СЎЗЛАР (лат. numeratio — саноқ, ҳисоблаш) — предмет миқдорини ифодаловчи ва ўлчов бирлиги сифатида қўлланувчи сўзлар. Ясалишига кўра туб (мас., бош, туп, газ) ва ясама (тутам, томчи, қучоқ), тузилишига кўра содда (метр, тўда), қўшма (қўшҳовуз, қўшдаста) ва жуфт (кеча-кундуз, тун-кун) Н. с. бўлади. Н. с. предмет ва унинг салмоғи ҳақида (доналик, узунлик, оғирлик, ҳажм) турли маъно хусусиятларини ифодалайди.

НУМИЗМАТИКА (лат. numisma — танга) — тангалар ҳақидаги фан; тангаларнинг тасвирлари, ёзувлари, оғирлиги, қандай металлдан ясалганлиги, пул муомаласидаги даражаси ва танга зарб қилиниш тарихини ўрганади. Н. хронология, моддий маданият, ички ва ташқи савдо тарихи масалаларини текширишга имкон беради, тарих, археология, палеография, санъат тарихи, сиёсий иқтисод, этнография фанлари учун катта аҳамиятга эга. Н. тушунчасига яна қоғоз пулларни ўрганиш (бонистика) ва медаль, жетон, орден ҳамда значокларни ўрганиш (фалеристика) ҳам киради. Металл пуллар пайдо бўлгунга қадар пул вазифасини ҳар хил товарлар: ҳайвонлар, тақинчоқлар, металл қуроллар ва қуймалар бажарган. Жамиятнинг иқтисодий томондан ривожланиши, савдони ўсиши пулга бўлган заруриятни келтириб чиқаради. Фақат давлат бошлиқларигина танга чиқариш ҳуқуқига эга эди. Биринчи металл тангалар мил. ав. VII асрда Кичик Осиёнинг Лидия давлатида зарб қилинган.

Ўрта Осиёда биринчи тангалар (кумушдан) мил. ав. III асрда чиқарилган. Унинг юза қисми (аверси)га подшонинг сурати, орқа томони (реверси)га эса ҳар хил худолар, муқаддас ҳайвонлар тасвири солинган ёки подшоларнинг номи ёзилиб тамғаси туширилган. Қадимги тангалар муайян оғирликларда чиқарилган, лекин пул ислоҳотлари таъсирида тез-тез ўзгариб турган.

Биринчи тангалар кумуш ва олтин аралашмаси (электра)дан ясалган бўлса, кейинчалик олтин, кумуш, мис ва ҳар хил металларнинг аралашмаларидан ҳам ишланган.

Танганинг оғирлигини ва металини аниқлаш иқтисодий ҳаётдаги қатор воқеаларни тиклашга, танга топилган жойларнинг топографиясини ўрганиш эса пул муомаласи доирасини, қадимги савдо йўллари йўналиши, айирбошлаш тартибини аниқлашга ёрдам беради. Н. нумизматик коллекциядан фарқ қилади. Тангаларни

коллекция қилиш эса 14—15-асрларда Италияда пайдо бўлган. Илмий Н. фани 18-асрнинг иккинчи ярмида веналик И. Х. Эккель томонидан асосланган.

Совет историографиясида Н. шартли равишда Антик давр, Византия, Шарқ (Осиё ва Африка мамлакатларида, шунингдек Ўрта Осиё, Кавказ, Қрим, Волга бўйида ўрта асрларда чиқарилган тангаларни ўз ичига олади), Ғарб (Ғарбий Европа ҳамда АҚШ, Канада ва Латин Америкаси мамлакатларида ўрта асрларда, янги ва энг янги даврларда чиқарилган тангаларни ўрганади) ва рус (Совет даври ҳам киради) Н. сига бўлинади. Н. антик тангаларнинг тасвир ва ёзувларини ўрганишдан бошланган. Антик давр Н. сини ўрганувчи рус нумизматлари (Г. К. Э. Келлер, А. В. Орешников, А. Н. Зограф) Шимолий Қора денгиз бўйи давлатлари тангаларини ўрганганлар. 19-асрнинг 2-ярмидан бошлаб Византия Н. си алоҳида ажралиб чиқади, Византия Н. сининг ривожланишига рус нумизматлари (И. И. Толстой) катта ҳисса қўшган. Шарқ Н. сига Х. Д. Френ асос солган. Ундан ташқари шарқ Н. сини, айниқса, Ўрта Осиё давлатлари тангаларини ўрганишда П. С. Савельев, В. Г. Тизенгаузен, А. К. Марков, Р. Р. Фасмер, А. А. Быков, Е. А. Давидович, О. И. Смирновалар катта ҳисса қўшганлар. Ўрта Осиёда археология фанининг равнақ топиши Н. нинг янада ривожланишига сабаб бўлди. Панжикентдан топилган тангалар комплекси О. И. Смирнова томонидан, қадимги Самарқанддан топилган тангалар комплекси Т. С. Ерназарова томонидан ўрганилиши натижасида Н. нинг янги соҳаси — Суғд Н. си пайдо бўлди.

СССРда Н. бўйича ишлаш марказлари нумизматик коллекциялар тўпланган Давлат Эрмитажи (Ленинград), Москвада Тарих ва Тасвирий санъат музейлари, СССР ФА ва Иттифоқдош республикаларнинг тарих ва археология ин-тларидир. Н. масалалари СССР ва чет элларда чиқадиган даврий нашрлар [«Нумизматика и эпиграфика» (Москва), «Нумизматика и сфрагистика» (Киев), «Эпиграфика Востока» (Ленинград), Numismatis Chronicle...» (Лондон), «Revue de la numismatique» (Париж), «Numismatic Notes and Monographs» (Нью-Йорк)да мунтазам ёритилади.

Ад.: Спасский И. Г., Янин В. Л., Советская нумизматика. Библиография. указатель 1917—60, «Нумизматика и эпиграфика, вып. 2—3» тўпламида, М., 1960—1962; Федоров-Давидов Г. А., Монеты рассказывают. (Нумизматика), М., 1963; Смирнова О. И., Каталог монет с городища Пенджикент, М., 1963; Давидович Е. А., История монетного дела Средней Азии XVII—XVIII вв., Душанбе, 1964; Ерназарова Т. С., Денежное обращение Самарканда по археолого-нумизматическим данным (до начала IX века), «Афрасиаб» тўпламида, вып 3, Т., 1974; Северова Б. М., Советская нумизматика. Библиографический указатель. 1961—1965 г., «Нумизматика и эпиграфика», вып. 9, М., 1971;

НУР — 1) тўлқинли процесс (мас., ёруғлик, товуш, электрон тарқалиши)да тўлқин фронтида тарқалаётган энергия оқимининг йўналиши; Н. бир жинсли муҳитда тўғри чизиқ ҳолида, оптик хоссалари ўзгарувчан муҳитда эса эгри чизиқ ҳолида тарқалади; 2) математикада Н. берк *ярим тўғри чизиқ*дир.

НУР БИЛАН ДАВОЛАШ, радиотерапия, кюритерапия — *ионлаштирувчи нурлар*дан даво мақсадида фойдаланиш. 1896 йилда Антуан Анри *Беккерель* томонидан радиоактивлик кашф этилиб, П. *Кюри* бу ҳодисани ўрганган, организмга *ионлаштирувчи нурларнинг биологик таъсири* маълум бўлиб қолди. (Н. б-н д. нинг кюритерапия деган номи шундан). 1897 йилда француз врачлари Э. Бенье ва А. Данло биринчи марта ионлаштирувчи нурларидан даво мақсадида фойдаландилар. Эндиликда ионлаштирувчи нурлар, ҳар хил ўсмалар ва баъзи яллиғланиш процессларини даволашда тобора кўпроқ қўлланилмоқда, чунки улар хавфли ўсма тўқималарига, соғ тўқималарга қараганда тез таъсир қилади. Н. б-н д. дан мақсад соғ тўқималарга зарар етказмаган ҳолда хавфли ўсмаларни йўқотишдир. Н. б-н д. дан олдин хавфли ўсма қайси органдалигини аниқлаш ва ўша органнинг гистологик тузилишига асосланиб нур турини танлаш, организмнинг умумий аҳволини ҳисобга олиш зарур. Усмаларни Н. б-н д. да асосан икки нур манбаи: 1) зарядланган зарралар тезлаткичлари (рентген асбоблар, циклик ва чизиқли тезлатувчилар); 2) сунъий радиоактив моддалар (гамма-мосламалар, радиоактив маҳсулотлар) қўлланилади. Н. б-н д. нинг замонавий методлари: организмга ташқи муҳитдан нур таъсир эттириш, организмнинг ичидан нур таъсир эттириш (нур чиқарувчи манба бемор организмига киритилади).

Ҳозир Н. б-н д. да асосан «Луч», «Рокус», «Агат» маркали гамма-мосламалар, рентген б-н даволаш аппаратлари, бетатронлар қўлланилади.

НУР КАСАЛЛИГИ — турли хил *ионлаштирувчи нурлар* таъсирида пайдо бўладиган касаллик. Одам, ҳайвон, микроорганизм ва ўсимликлар ташқаридан ер қобиғининг гамма — нурлари, *космик нурлар*, ичкаридан эса организмда жуда кам миқдорда бўладиган радиоактив моддалар (^{40}К, ^{226}R, ^{222}Rn, ^{14}С ва б.) дан нурланиб туради. Касаллик, одатда, нурланиш нормал миқдордан ортиб кетганда рўй беради.

Одам организмдан ташқаридаги нур манбаи таъсирида ҳамда нафас, меъда-ичак йўли ва тери орқали организмга радиоактив моддалар кириши натижасида Н. к. б-н оғриши мумкин. Касалликда марказий нерв системасига шикаст етади, томирлар ўтказувчанлиги бузилади, қон ишлаб чиқарилиши ўзгаради, организмнинг инфекцияга қаршилик кўрсатиши сусаяди ва ҳ. к.

Н. к. ўткир, ўртача ўткир ва хроник бўлади. Қисқа вақт (бир неча минут, соат) ичида катта дозада нур таъсир этганда, мас, атом ва термоядро қуроллари портлаганда ўткир Н. к. пайдо бўлади. Организмнинг шикастланиш даражаси (енгил, ўртача, оғир ва жуда оғир) даставвал нур дозасига, шунингдек организмнинг нурни индивидуал сезувчанлигига боғлиқ. Одатда, камроқ дозадаги нур узоқ таъсир этганда ўртача ўткир ва хроник Н. к. рўй беради. Касалликнинг бу формалари организмга радиация таъсир этгач, ойлар ва йиллар ўтгандан кейин пайдо бўлиши б-н ўткир Н. к. дан фарқ қилади. Организм бир мартада 100 *р* гача нурланса, касаллик енгил, бундан ортиб кетса, оғир кечади. Бир мартада 600 *р* дан ортиқ дозада умумий нурланиш кишини ўлимга олиб боради (қ. *Нурланиш*).

Ад.: Линденбарген Л. Д., Медицинская радиология, М., 1969.

НУР МУВОЗАНАТИ (астрономияда) — юлдуз атмосферасининг ҳар бир элементар ҳажми қанча энергия ютса, шунча энергия чиқарадиган ҳолати. Н. м. назарияси *астрофизика*нинг асосини ташкил этади. Юлдузларнинг марказий қисмидан энергия чиқишида иссиқлик ўтказувчанлик ва *конвекция*нинг систлиги ва юлдуз ташқи қатламларида энергия манбаининг умуман йўқлиги юлдуз атмосферасида Н. м. мавжуд деган тахминни тасдиқлайди. Бунда чиқаётган нурланиш спектри назарий ҳисобланади ва кузатилган бошқа спектрлар б-н таққосланиб, юлдуз ташқи қатламининг физик хусусияти ва кимёвий таркиби аниқланади.

НУР ОПТИКАСИ — ёруғлик нурининг тарқалиш, чегара сиртидан қайтиш ҳамда синиш қонуниятларини ўрганувчи оптика бўлими (қ. *Геометрик оптика*).

НУР ТЕЗЛИК (астрономияда) — космик объект юлдуз тезлигининг объектдан кузатувчига ўтказилган тўғри чизиққа, яъни кўриш нури йўналишига проекцияси. Н. т. ни аниқлашда *Доплер эффекти* қўлланилади. Унга кўра, ёруғлик манбаи кузатувчидан узоқлашаётган бўлса, нурланишнинг тўлқин узунлиги узаяди, яқинлашаётган бўлса, қисқаради. Тўлқин узунлигининг ўзгариши ёки фарқи $\Delta\lambda = \lambda_0 - \lambda = \lambda_0 \frac{v}{c}$ формула б-н ифодаланади. Бунда c — ёруғлик тезлиги, λ — ҳаракатдаги ёруғлик манбаининг нурланиш тўлқин узунлиги, λ_0 — кўзғалмас (лаборатория) ёруғлик манбаининг нурланиш тўлқин узунлиги, v — ёритқичнинг кузатувчига нисбатан тезлиги.

Н. т. ни аниқлаш учун осмон ёритқичидаги нурланиш (ёки ютилиш) тўлқин узунлиги спектри б-н қўзғалмас ёруғлик манбаи тўлқин узунлиги спектрининг ўзаро фарқи расмга олинади ва уларни бир-бирига таққослаб, ёритқичнинг нур тезлиги аниқланади. Ҳозиргача бир неча минг юлдузларнинг Н. т. лари аниқланган. Қўпчилик юлдузларнинг нур тезлиги бир неча ўн *км/сек*, баъзилариники бир неча минг *км/сек*.

НУРА, Керегетас, Қарашўқи, Байғўжа — ҚозССР Қарағанда ва Целиноград областларидаги дарё. Қарқарали тоғлари этагидан бошланади ва шимол, шимоли-ғарбга оқиб бориб Тенгиз кўлига қуйилади. Узунлиги 978 *км*, ҳавзасининг майдони 60800 *км*². Тўлиб оққан даврларда Н. нинг анчагина суви Мухор тармоғи орқали Ишимга қуйилади. Ўртача йиллик сув сарфи қуйилиш жойидан 369 *км* да 19,5 *м*³/*сек*. Асосан, қор сувларидан тўйинади. Бир ойча (асосан, апрель ойида) тўлиб-тошиб оқади, қолган вақтларда эса жилдираб оқади. Ноябрда музлаб апрелда муздан бўшайди. Н. Қарағанда ва Темиртовни сув б-н таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Н. да Самар ва Самарқанд сув омборлари қурилган.

НУРА — ён бағирлари тик тушган сойлик. География номлар таркибида ҳам учрайди: Қизилнура (Чатқолда), Қоранура (Қозоғистонда).

НУРАК — Жиззах обл. Фориш р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Киров номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззахдан 56 *км*. Аҳолиси 1604 киши (1971); боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Кўктош булоғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, ёзги кинотеатр, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

НУРАКЛИ — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Ойтамғали қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 37 *км*. Аҳолиси 556 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Пай каналидан сув ичади.

НУРАЛИ Бешим Юсупович (1900. 4. 1, Ашхабод — 1965. 2. 1) — туркман совет рассоми, ТуркмССР халқ рассоми (1947). Туркистон 1-армиясининг санъат мактабида (1920—23) ва Москва Олий бадиий-техника ин-тида (1926—30) таълим олган. Ешликдан кўп қирали истеъдодга эга бўлган. Н. кино артисти, музика асбоблари устаси, шоир сифатида танилади, истеъдоди, айниқса, рассомлик санъатида кўзга яққол ташлана бошлагач, рассомликка берилади. Студентлик йилларидаёқ яратган «Байрам» картинаси (1926) туркман тасвирий санъатининг дастлабки етук намуналаридан бири бўлиб қолди. Бу асарда рассом халқ амалий санъати анъаналаридан фойдаланди. «Эски туркман хонадони» (1927, Шарқ халқлари санъати музейи, Москва) ва «Янги туркман хонадони» (1928) диптихи, «Ғалаба тўйи» (1945), «Бахши чўпонлар орасида» (1964, Туркманистон тасвирий санъат музейи Ашхабод) каби картиналари «Гилам тўқувчи» (1926, Шарқ халқлари санъати музейи), рассомнинг хотини портрети (1932), «Дугоналар» (1957, Третьяков галереяси), туркман қиз (1937, Туркманистон тасвирий санъат музейи), Муллапапас (1963) портретлари Н. нинг халқ санъатини пухта ўрганиб, туркман халқининг бахтли ҳаётини акс эттирувчи жозибадор асарлар яратганига ёркин далилдир. Н. педагоглик ҳам қилган (Ашхабоддаги Бадиий билим юрти, 1932—48), шоир ва бахши сифатида ҳам танилган. 2 орден ва медаль б-н мукофотланган.

«НУРАЛИ» — «Гўрўғли» туркуми достонларидан. Гўрўғлининг невараси, Авазхоннинг ўғли — Нурали қаҳрамонликларига бағишланган. Достон Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олиниган. Унда Нуралининг тушида Оқтош маликаси Марғумонга ошиқ бўлиши, йўл қийинчиликларини енгиб, уни қўлга киритиши, қайтишда дарёи Масканда ғарқ бўлиши ва кўп йиллик айриликдан кейин Нурали б-н Марғумоннинг топишиши ҳамда Чамбилга қайтишлари тасвирланади.



Б. Нурали. «Бахши чўпонлар орасида».



Нуриддинов З. Р.

Қашқадарё, Сурхондарё ва Жанубий Тожикистон ўзбеклари орасида Нурали ҳақида бир неча достон куйланади ва улар ўзаро муайян бир туркумни ташкил этади. Бу воқаларда тарқалган достон вариантлари Бозор Омонов, Ҳазратқул Худойбердиев, Бойқобил Бойназар ўғли, Мамадрайим Муҳаммадсодиқ ўғли каби ижодкорлардан ёзиб олинган.

НУРАЛИ ҚИЗИҚ, Лайзонгул (1882—Қўқон — 1969) — халқ қизиқчиси, аскиячи. Кулки-ҳикоя, лоф айтишда танилган. Қизил Ўрда, Туркистон, Қўқон, Марғилон ва кўпроқ Тошкентда яшаб қизиқчилик қилган. Аксарият якка ўзи кичик ҳажмли номерлар ижро этган. Тошкентлик Ориф найранг, қашқарлик Исмоил Ҳожидан ўрганган найрангбозлик, чинни ўйинлари (лаган, коса ва б. б-н томоша кўрсатиш) ва сермаъно аскиялари б-н халқ орасида шуҳрат қозонган.

НУРАШ — атмосферанинг физик-кимёвий, ер ости ва ер усти сувлари ҳамда организмлар таъсирида ер юзидаги тоғ жинслари ва минералларнинг бузилиш ва емирилиш жараёни. Н. нинг физик, кимёвий ва органик турлари маълум.

Физик Н. т-раннинг кескин ўзгариш туриши ва тоғ жинсларининг қуёш нуридан ҳар хил қизиши сабабли катта-кичик бўлакларга бўлинишидир. Бунда нураган тоғ жинсини ташкил этувчи минералларнинг кимёвий таркиби деярли ўзгармайди. Тоғ жинсларида ёриқларнинг кўплаб бўлиши ва сувнинг музлаб қолиши физик Н. ни тезлаштиради. Сув музлатанда ҳажми кенгайиб, ёриқ деворларининг 1 $см^2$ юзасига таъсир этган кучи 870 *кг* га етади. Бундай Н. яланғ тоғ жинсларида, баланд тоғларда йилнинг ҳамма фаслида содир бўлади. Натижада чақиқ жинслар уюми ҳосил бўлади. Емирилган жинслар заррачаларининг катталиги 0,01 *мм* гача етиши мумкин.

Кимёвий Н. да тоғ жинсларининг кимёвий таркиби ўзгариб, ер юзасида барқарор минераллар ҳосил бўлади. Тоғ жинслари ёриқларидаги эркин кислород, карбонат, сульфат ва органик кислоталарга бой бўлган сув оксидланиш ва қайтарилиш реакцияларига сабаб бўлади. Кимёвий Н. натижасида турли тоғ жинслари, гиллар ҳосил бўлади.

Органик (биологик) Н. ўсимлик ва организмларнинг тоғ жинсларига таъсири натижасида содир бўлади. Бунда, ер юзасидаги ўсимликлар асосий омиллардан ҳисобланади. Ўсимликларнинг илдизи тоғ жинслари орасига ёриб кириб, уларни турли бўлакларга ажратади ва дарзларни кенгайтиради. Чириган илдизлардан кирган сув тоғ жинсларида музлаб. Н. жараёнини тезлаштиради. Ердаги микроорганизмлар гил ва лёсс жинслари орасида кўп миқдорда ғоваклар ҳосил қилиб, уларни емиради.

Ад.: Исломов И. О., Шорахмедов Ш. Ш., Умумий геология, Т., 1971; Казанский Ю. П., Выветривание и его роль в осадконакоплении, М., 1969; Выветривание и литогенез, М., 1969.



Нуриддинов М. Р.

НУРАШ КОНЛАРИ — Ер юзасидаги тоғ жинсларининг кимёвий нураш зонасида вужудга келган фойдали қазилма конлари. Мавжуд кимёвий элементларнинг учдан бир қисми нурашдан ҳосил бўлган жинслар б-н боғлиқ. Нураш жараёнида кимёвий элементларнинг юқори концентрациялари тўпланган жойда кон ҳосил бўлади. Н. к. юмшоқ увалануvчан жинслар б-н боғлиқлиги сабабли улардаги фойдали қазилмаларни ажратиб олиш осон ва арзон. Н. к. қадимий геологик даврлардан бошлаб ҳозиргача ҳосил бўлмоқда. Н. к. даги руда бўлаклари, кўпинча, колломорф; юмалоқ ва майда кристаллар шаклида бўлади. Сув, ҳаво, карбонат кислота, анорганик ва органик кислоталар, шунингдек оддий организмларнинг тўпланиши натижасида мураккаб силикатлар оддий оксид ва гидрооксидларга парчаланади. Ҳосил бўлган янги бирикмаларнинг бир қисми грунт сувларида эриб, чўкади ва қайта қатламланиб, инфильтрацион Н. к. (мас., мис, олтингугурт конлари)ни ҳосил қилади. Қийин эрувчан қисми эса, ер юзасида тўпланиб, қолдиқ Н. к. (мас., никель, темир, марганец, боксит, магнезит, каолин конлари)ни вужудга келтиради.

Ўзбекистонда Оҳангарон водийси, Марказий Қизилқум, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари, Тошқазған ва Қумушконда Н. к. бор.

Ад.: Смирнов В. И., Геология полезных ископаемых, 2 изд, М., 1969.

НУРАШ ПУСТИ — тоғ жинсларининг нураши натижасида ер юзасида ҳосил бўладиган континентал геологик формация. Ўзгарган маҳсулотлар ўз жойида қолса, қолдиқ Н. п., туб жинс б-н алоқаси узилмай қандайдир масофага силжиса, кўчирилган Н. п. деб аталади. Баъзи бир геологлар аккумулятив Н. п. (ювилиб келтирилган гил-тупроқ ва қолдиқ Н. п. маҳсулотлари)ни алоҳида ажратадилар. Етиш шаклига кўра Н. п. майдонли (катта терр-яларда ҳосил бўлади, қалинлиги 10 *м* гача ва ундан ортиқ) ва чизиқли бўлади (бир йўналишда чўзилиб, тоғ жинслари ёриқларини бўйлаб 100—1500 *м* ичкарига кириб боради).

Н. п. ҳосил бўлиши жойининг иқлими, тоғ жинсларининг таркиби, гидрогеологик шароити, рельефи, тектоник тузилиши, ҳосил бўлиш вақти ва б. омиллар б-н боғлиқ. Н. п. қарийб ҳамма геологик даврларда пайдо бўлган. Девон, триас, юра, қуйи бўр, палеоген даврларида тез ҳосил бўлган. Н. п. нинг ҳосил бўлиши икки даврни ўз ичига олади. Биринчи даврда ишқорий, иккинчисида нордон муҳит юзага келади. Ҳар муҳитда ўзига хос минераллар ҳосил бўлади. Натижада Н. п. да пастдан юқорига қараб айрим зоналар (дезинтеграция, дресва, гидрослюда-монтмориллонит ва каолинит минераллари зонаси) пайдо бўлади. Н. п. зоналарининг ҳосил бўлишида жинсларнинг таркиби катта роль ўйнайди. Мас., ёғин-чочин кўп шароитда нордон жинслар нураш натижасида каолинит, гидрослюда, дезинтеграция зоналари, асосли ва ўта асосли жинслардан эса темир, марганец, баъзан алюминийнинг сувли, ярим оксидли зонаси ҳосил бўлади. Н. п. б-н алюминий, темир, титан, марганец, стронций, никель, галлуазит, оловга чидамли гил, сочма олмос, олтин, платина, қимматбаҳо тошларнинг конлари боғлиқ. Ўзбекистонда Оҳангарон водийси, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ён бағирлари ва Марказий Қизилқумда 2 *м* дан 150 *м* гача каолин қатламлари ҳосил бўлган.

НУРБЕРДИЕВ Помма (1909. 5. 5, Мари р-ни Окан қишлоғи — 1972. 24. 9, Ашхабод) — туркман совет шоири ва ёзувчиси. 1943 йилдан КПСС аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—45). Ижоди 1932 йилдан бошланган. Дастлабки шеърлар

тўплами — «Очилган гуллар» 1938 йили нашр этилган. Улуғ Ватан уруши йилларида яратилган «Кураш кунларида» поэмаси (1941) ва «Ҳал қилувчи кунлар» (1943) шеърлар тўплами, «Ғалаба қиламиз», «Помма сўзлайди», «Васият», «Курашишни биламиз», «Совға» ва б. шеърларида Ватанга муҳаббат ва халқлар дўстлиги мадҳ этилган. «Або амаки» (1952) поэмасида урушдан сўнгги социалистик қурилиш тасвирланган. «Бирлашган куч» (1954), «Ойга саёҳат қиламиз» (1960), «Гулдаста» (1962) шеърлар, «Тойлоқ Хиззин» (1955) ҳикоялар тўпламлари босилган. Н. нинг «Кучли оқим» романи (1965) коллективлаштириш давридаги синфий курашга бағишланган.

Ад.: Сайланан эсэрлер, Ашгабат, 1951; Гул десселери, Ашгабат, 1962; Садовник, М., 1951.

НУРДЎШ — Самарқанд обл. Қаттақўрғон р-ни Нагорний қ. С. даги қишлоқ. «Қаттақўрғон» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 55 *км*, яқин т. й. станцияси — Нагорнаядан 18 *км*. Аҳолиси 642 киши (1971); чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Қудуқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

НУРИДДИНОВ Зуҳриддин Расулевич (1918. 18. 3, Тошкент) — тарихчи олим, тарих фанлари д-ри (1966), проф. (1964). 1944 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45). УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1974). УзДУ нинг тарих ф-тини тугатгач (1939), Тошкент Давлат педагогика ин-тида ўқитувчи, доцент (1952), умумий тарих (ҳозирги янги ва энг янги тарих кафедраси) проф. (1964); кафедра мудири (1966); шу ин-т ректори (1971—76). 1976 йилдан кафедра мудири. Олим «Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917—1939) ва унинг историографияси» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Бир қанча илмий асарлар муаллифи. УзСЭ Бош таҳрир ҳайъатининг аъзоси. Қизил Юлдуз, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар б-н тақдирланган.

Ас.: Мирзачўл ўтмишда ва ҳозир, Т., 1957; Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917—59), Т., 1963; В. И. Ленин Улуғ Октябрь ва Ғарб мамлакатлари тўғрисида, Т., 1972.

НУРИДДИНОВ Майиддин Расулович (1927. 1. 5, Тошкент) — педиатр, медицина фанлари д-ри (1972), проф. (1973). Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач (1964). 1963 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИни тугатгач (1952), шу ин-т педиатрия клиникаси ординатори (1952—57), Тошкент ш. соғлиқни сақлаш бўлимининг бош педиатри (1957—62), УзССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош педиатри (1963—71), 1972 йилдан ТошМИ болалар касалликлари кафедраси мудири. «Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитида болалардаги ревматизмнинг клиник — гематологик хусусиятлари» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Илмий ишлари болаларда юрак-томир, қон касалликларига оид.

НУРИДДИНОВ Рамиз (1927. 14. 8, Тошкент) — органик кимёгар, кимё фанлари д-ри (1970). 1968 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Политехника ин-тини тугатгач (1950), УзССР ФА Кимё ин-тининг алкалоидлар кимёси лабораториясида кичик илмий ходим (1950—53), аспирант (1953—56), Тошкент Қишлоқ хўжалиги ин-тининг органик кимё кафедрасида ассистент (1956—57), УзССР ФА Ўсимлик моддалари кимёси ин-тининг алкалоидлар кимёси лабораториясида катта илмий ходим (1957—71), шу ин-тда ўсимликлардаги нуклеин кислоталар кимёсини ўрганадиган илмий тадқиқотчилар группасининг раҳбари (1971—74), 1974 йилдан нуклеин кислоталар кимёси лабораториясининг мудири. «Стероид ва хинолизидин алкалоидларини текшириш» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Стероид алкалоидларидаги карбонил группани этил спирти ва ишқор ёрдамида спиртгача қайтариш реакциясини ишлаб чиққан.



Нуриддинов Р.

НУРИДДИНОВ Саид (1926, Қаттақўрғон) — металлург, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1960). 1958 йилдан КПСС аъзоси. 1944—45 йилларда Урал з-дларида вальцовкачиликка ўқиди. 1945 йилдан В. И. Ленин номидаги Ўзбекистон Металлургия з-ди прокат цехида вальцовкачи, сўнг катта вальцовкачи (1947), 1948 йилдан шу цехда мастер. Н. бригадаси з-дда биринчи бўлиб «Коммунистик меҳнат коллективи» унвонини олди (1959). У ишлаб чиқариш планларини муддатидан олдин ортиғи б-н бажариб, юқори кўрсаткичларга эришган, кўплаб малакали шогирдлар етиштирган. 5- чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати. Икки марта Ленин ордени, Қизил Юлдуз ордени ва бир неча медаллар б-н мукофотланган.

НУРИЖАҲОНОРОБЕГИМ (17- аср) — шоира. «Махфий» тахаллуси б-н ижод этган. Ҳакимхон тўранинг «Мунтахаб ут-таворих» («Танланган тарихлар») номли китобида Н. нинг Шоҳжаҳон б-н қилган мушоираларидан ва турли муносабатлар б-н унга айтган шеърларидан қатор мисоллар келтирилган. Н. 1646 йилда Лаҳорда вафот этган.

НУРИМБЕТОВ Содиқ (1900, ҳозирги ҚҚАССР Қегайли р-ни — 1971. 11. 10, Нукус) — қорақалпоқ совет шоири. ҚҚАССР халқ шоири (1942). Ўзбекистон халқ ҳофизи (1957). Деҳқон оиласида туғилган. Ижоди ҳажвий шеърлар ёзишдан бошланган. 1930—35 йилларда яратган асарларида («Колхозга кир!» ва б.) қишлоқда социализм қурилиши акс этган. Унинг «Қизил Москва», «Бизнинг Ватан» каби асарлари гражданлик пафоси б-н суғорилган. Н. «Нурли тонг» (1954), «Янги давр қўшиғи» (1962), «Оға-инилар» (1968, Бердақ номидаги ҚҚАССР Давлат мукофоти, 1971) каби тўпламларида ва «Бахтиёр», «Олтин бошоқ», «Бердақ» достонларида қорақалпоқ халқининг босиб ўтган тарихий йўли, социализмнинг улуғвор тантанаси ўз ифодасини топган.

Ас.: Шығармалары, т. 1—2, Нокис, 1960—72.
Ад.: Қарақалпақ совет адабиёты тарихының очерклери, Т., 1968.

НУРИСТОН (авзалги номи Кофиристон) — Афғонистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги баланд тоғли ўлка. Панжшир ва Кунар дарёлари (Кобул дарёсининг ирмоқлари) оралиғида. Н. терр-ясида Ҳиндукуш тоғларининг жанубий тармоқлари жойлашган. Айрим чўққиларининг баландлиги 6000 *м* дан юқори. Аҳолиси, асосан, *нуристонилар*. 19- аср охиригача у ерда деҳқончилик б-н шуғулланувчи эркин қабилалар яшаган. Уларни араблар ҳам, Амир *Темур*, *Акбаршоҳ* ва Нодиршоҳ лашкарлари ҳам бўйсундира олмаган. Н. ни 1896 йилда афғон амири Абдураҳмон забт қилишга муваффақ бўлган, халқини эса ислом динига киришга мажбур этган.



Нуриддинов С.

НУРИСТОНИЛАР, кофирлар — Афғонистоннинг шимоли-шарқидаги тоғли ўлка (*Нуристон*)да ҳамда Гитрал (Покистон)да яшай-


диган элат ва қабилалар группаси (кати, ирасун, вагайли, вама ва б.). Умумий сони 100 мингдан ортиқ (1970). Ҳинд-эрон группасига мансуб тилларда сўзлашади. 19- аср охиридан расман мусулмон ҳисобланса-лар ҳам, ўтга сиғиниш одати сақланиб қолган. Асосий машғулоти деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги.

Ад.: Народы Передней Азии, М., 1957.

НУРИШЛАР — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Питнак қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Питнакдан 2 *км*. Аҳолиси 541 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Питнакарнадан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, фельдшерлик пункти, кутубхона бор.

НУРЛАНИШ — 1) эркин электромагнит майдоннинг ҳосил бўлиш процесси. Эркин, яъни нурланган электромагнит майдоннинг ўзи ҳам «Н.» термини б-н аталади. (қ. *Электромагнит нурланиш);* 2) радиодиапазондаги электромагнит тўлқинларининг галаёнланиши ва фазода тарқалиши. Бунда ўзгарувчан ток ёки зарядлар энергияси фазода тарқалаётган электромагнит тўлқинлар энергиясига айланади (қ. *Радиотўлқинлар);* 3) табиий шароитда тирик организмга инфрақизил, кўринадиган ва ультрабинафша нурларнинг биологик таъсири. Тирик организм космик нурлар ва ион нурлари б-н ҳам нурланади. Сунъий равишда тирик организм ультрабинафша, ультраюқори частотали нурлар б-н нурлантирилади. Н. тотал (тўла), локал (қисман), тез (қисқа вақт ичида), хроник (узоқ вақт давомида), ташқи, ички ва б. хиллари мавжуд. Нурларнинг биологик таъсири Н. дозаси, хили, энергияси ва организмнинг физиологик ҳолатига боғлиқ.

Нурланиш дозалари — нурларнинг бирор муҳитга таъсирини белгиловчи миқдорлар. Бир неча турлари мавжуд. Ютилган доза — нурланаётган муҳитнинг масса бирлигига ютиладиган Н. энергияси; ионлаштирувчи нурлар (рентген, γ=нурлар, α= ва β=зарралар, нейтронлар, космик нурлар ва ҳ. к.) нинг муҳитда ютилган дозалари *рад*ларда ифодаланади. Нурлантириш дозаси — Н. миқдорини ифодалайдиган ва ҳавонинг ионланиши б-н ўлчанадиган миқдор, рентген ва γ=нурлари *рентген*ларда, бошқа ионлаштирувчи нурлар эса *фэр*ларда ифодаланади. Биологик доза — нурларнинг организмга биологик таъсирини ифодаловчи миқдор; *бэр* (рентгеннинг биологик эквиваленти) ларда ўлчанади. Интеграл доза — нурланаётган ҳажм бўйича тўла ютилган ионлаштирувчи нурларнинг умумий дозаси; *грамм-рентген* ёки *грамм-радларда* ўлчанади. Вақт бирлигидаги Н. дозаси доза қуввати дейилади.



Нурларнинг параксиал дастаси. Даста элементлари.

Баъзи Н. дозаларининг қийматлари: табиий фон (космик нурлар, муҳит ва одамни ўраб олган радиактивлик)нинг Н. дозаси 0,1 *бэр*/йил; нур касаллигига олиб келадиган Н. дозаси — 400—500 *бэр;* терапияда қўлланиладиган Н. дозаси 10000 *бэр* гача (яна қ. *Дозиметрик асбоблар, Дозиметрия, Дозиметрия назорати*).

НУРЛАНИШ ЭНЕРГИЯСИ, нур энергияси — бирон юза бирлигидан вақт бирлигида ўтувчи ёруғлик нури энергиясининг миқдори. Ёруғлик тўлқинлари манбадан олган энергиясини ёруғлик ютувчи жисмга ўтказади. Энергия оқими қувват бирлиги *эрг/сек* ёки *ваттлар* б-н ўлчанади. Кўз энг кичик қувватли ($2 \cdot 10^{-9}$ *эрг/сек*) нур оқимини сеза олади. Электромагнит назарияси асосида нурнинг ўзи тушаётган сиртга босим бериши аниқланган, яъни нур ҳаракат миқдорига ҳам эга (қ. *Ёруғлик босими*).

НУРЛАРНИНГ ПАРАКСИАЛ ДАСТАСИ — оптик система ўқига нисбатан жуда кичик бурчак ташкил этадиган нурлар дастаси. Бунда бурчакнинг синус ва тангенсини бурчак қиймати (градус ёки радиан) б-н алмаштириш ва синусини 1 га тенг деб олиш мумкин. Н. п. д. учун тушиш i ва синиш i' бурчаклари манфий бўлади; $n \sin(-i) = n' \sin(-i')$, бунда n ва n' — бир жинсли икки шаффоф жисмнинг синдириш кўрсаткичи. Н. п. д. учун эгрилик радиуси r га тенг сферик сиртга тушувчи параллел нурларнинг йиғиладиган нуқтаси иккинчи бош фокус F' (расмга қ.) бўлиб, синдирувчи сирт чўққиси (O) дан F' гача бўлган масофа иккинчи бош фокус масофадир, яъни $f' = \frac{n'}{n'-n} r$. Биринчи бош фокус F шундай нуқтаки, унга нуқтавий ёруғлик манбаи ўрнатилганда ёруғлик сирт орқали ўтиб, параллел нурлар дастаси ҳосил қилади. Синдирувчи сирт чўққиси (O) дан F гача бўлган масофа биринчи бош фокус масофа (f) дейилади: $f = -\frac{n}{n'-n} r$. Иккала фокус масофа ушбу формула б-н боғланган: $f'/f = -\frac{n'}{n}$. Демак, бош фокус масофалар модданинг синдириш кўрсаткичига пропорционал.

НУРЛИ ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВИ — жисм ички энергиясининг нурланиш энергиясига айланиши, нурланиш йўли б-н энергия узатилиши ва жисмларга ютилиши натижасида вужудга келадиган ҳодиса. Бошқа турдаги иссиқлик алмашинувларидан фарқи шуки, бу ҳодиса иссиқлик алмашинадиган сиртларни ажратиб турувчи моддий муҳитсиз ҳам содир бўлиши мумкин, чунки нур электромагнит нурланиш натижасида тарқалади. Шаффофмас жисм сиртига тушадиган нур энергияси $Q_{туш}$ нинг бир қисми жисмга ютилади, бир қисми эса ундан қайтади. Т-раси абс. нолга тенг бўлмаган ҳар қандай жисм қиздирилса, ўзидан энергия (нур) чиқаради. Бир хил т-радиги жисм нур чиқариш қобилиятининг *абсолют қора жисм* нур чиқариш қобилиятига нисбати жисмнинг абс. қоралик даражаси дейилади. Барча жисмлар учун абс. қоралик даражаси 1 дан кичик. Н. и. а. системасидаги ҳар қандай жисм нурлар оқими $Q_{қайт}$ ни қайтаради ва хусусий нурлар оқими $Q_{хус}$ ни чиқаради. Жисм сиртидан кетадиган энергиянинг умумий миқдорига эффектив нурланиш оқими $Q_{эфф}$ дейилади: $Q_{эфф} = Q_{қайт} + Q_{хус}$. Жисм ютган энергиянинг бир қисми системага хусусий нурланиш сифатида қайтади. Шунинг учун Н. и. а. ни ютилган ва хусусий нурлар оқими айирмаси деб қараш мумкин. Бу айирма натижавий нурланиш $Q_{нат}$ деб аталади ва Н. и. а. натижасида жисм маълум вақт ичида қанча энергия қабул қилганлигини кўрсатади. Н. и. а. металлургия, ядро энергетикаси, ракета техникаси, кимё технологияси, қуритиш техникаси, *гелиотехника* ва б. соҳаларда қўл келади.

НУРЛИ ТОШ — амфиболлар гуруҳига мансуб минерал (яна қ. *Актинолит*).

НУРЛИЛИК — жисмга нур тушганда ёки у нур чиқарганда унинг ютган ёки чиқарган энергияси. Жисм нурлилиги тушган ёки чиқарилган нурнинг тўлқин узунлигига боғлиқ. Реал жисмлар нурлилиги 1 дан кичик бўлади. Нурлилиги 1 га тенг бўлган жисм *абсолют қора жисм* дейилади.

НУРМАҲАЛЛА — Андижон обл. Москва р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Шаҳрихондан 1 *км*. Аҳолиси 632 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади.

НУРМЕТОВ Сотим (1924. 28. 8, Хива ш.)— гвардиячи сержант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1945 йил 19 апрель). 1947 йилдан КПСС аъзоси. 13- гвардиячи ўқчи корпус 51- алоҳида сапёрлар батальонининг бўлим командири. Улуғ Ватан урушида Белоруссия фронтида Кёнигсберг (ҳозирги Калининград) ш. ни озод этишдаги жасорати учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Урушдан сўнг Хоразм обл. касаба союз комитети раисининг ўринбосари (1947—48), республика Олий партия мактабининг тингловчиси (1948—50), Хазорасп р-н ижроия комитетининг раиси (1950—53), Урганч ш. сут з-дининг (1953—65), 1965 йилдан ёғ-совун з-дининг директори. 2- ва 3-даража Шуҳрат ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НУРМОН АБДУВОЙ УҒЛИ (1862 — Самарқанд обл. Пайариқ р-н Энамяхши қ.— 1940)— ўзбек халқ достончиси. Деҳқон оиласида туғилган. Ёшлигидан қўшиқ, достон тинглашни севган Н. А. ў. 40 ёшида Абдухолиқ бахшига шогирд тушди ва мустақил достончи сифатида танилди. У дастлаб анъанавий достон ва термаларни куйлади. Кейинчалик унинг репертуари оригинал асарлар б-н бойиди. Н. А. ў. нинг «Намоз» достони ўзбек халқ оғзаки адабиётига инқилобий ғояларнинг кириб келишини акс эттириши б-н ғоятда қимматлидир. Достонда 20- аср бошида Самарқанд атрофларида чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган оммавий ҳаракат йўлбошчиси, халқ қаҳрамони Намоз Пиримқул ўғлининг кураш жасорати мадҳ этилади. Достончи Намоз ўлдирилгач (1907) ҳам, бу достонини куйлашдан тўхтамай, кишиларни курашга руҳлантириб юрганлиги учун қаттиқ таъқиб қилинади ва Қаттақўрғон ҳокими томонидан қамоққа олинади (1914). Н. А. ў. инқилоб ғалабасидан кейингина озодликка чиқди.

Н. А. ў. 20 дан ортиқ анъанавий достонларни куйлаган. Ундан «Кунтуғмиш», «Абдулла кофир» («Орзигул»), «Намоз» достонлари ва феодал ўтмишдаги синфий зиддиятларни қораловчи «Чигиртка», «Дўмбирам», «Дўстқора», «От», «Бой қизга», совет воқелиги акс эттирилган «Яшасин, яшасин Шўро ҳукумати», «Колхоз бўлди, соз бўлди», «Охунбобоев», «Халқ номзоди Усмон Барака» каби термалар ёзиб олинган.

НУРМОНОВ Пиримқул (1911. 15. 1, ҳозирги Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Оққўрғон қишлоғи)-- гвардиячи старшина, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944 йил 22 февраль). 1943 йилдан КПСС аъзоси. Қизил байроқли 60- Павлодар ўқчи дивизия 178- ўқчи полкининг бўлим командири. Камбағал деҳқон оиласида туғилган. 1937—40 йилларда Совет Армияси сафида. Совет-фин урушида қатнашган. Андижондаги кичик лейтенантлар курсининг тингловчиси (1944). Улуғ Ватан урушида Днепр дарёсини кечиб ўтишдаги жасорати учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Урушдан сўнг Пайариқ р-н ҳозирги Охунбобоев номли к-зининг раиси (1945—48), Янгийўл қ. С. нинг раиси (1948—51). 1951 йилдан зса қ. х. соҳасида масъул вазифаларда. Қизил Юлдуз, 3- даража Шуҳрат ордени ва медаллар б-н мукофотланган.


Нурметов С.


НУРМУҲАМЕДОВ Қоптлеу (1903, Қўнғирот округ Соркол волости, ҳозирги ҚҚАССР Қўнғирот р-ни — 1938)— совет давлат арбоби. 1925 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. Ижтимоий-сиёсий фаолияти 1920 йилдан бошланган. 1922—24 йилларда волость комсомол комитетининг секретари. 1924 йил декабрдан Қорақалпоғистон АО Қўнғирот округ комсомол комитети секретари, 1926 йил мартдан округ халқ маорифи бўлими мудири. 1927 йилдан контроль комиссиянинг Қўнғирот ва Тўрткўл округларидаги вакили. 1928 йил мартдан Қорақалпоғистон АО прокурори ёрдамчиси. 1928 йил июндан обл. контроль комиссияси партия коллегиясининг масъул секретари. 1929 йил мартдан Қорақалпоғистон АО ижроия комитети раиси, 1930 йилдан ВКП(б) Қорақалпоғистон обл. комитетининг бюро аъзоси. ҚҚАССР тузилгандан сўнг (1932 йил 30 март), ҚҚАССРМИК раиси. 1933—37 йилларда Москва, Қозоғистон, УзССР, ҚҚАССРда нашриёт ва хўжалик ишларида. Н. ССР МИК, ССР МИК Иттифоқ Совети, ҚозССР МИК аъзоси, Бутун Россия Советларининг 14- съезди, ССР Советларининг 6- съезди делегати бўлган.


Нурмонов П.

НУРМУҲАМЕДОВ Марат Қоптлеуич (1930. 6. 1, ҚҚАССР Тўрткўл ш.)— совет адабиётшуноси. Филология фанлари д-ри (1965), проф. (1968), УзССР ФА акад. (1974). ҚҚАССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1973). 1955 йилдан КПСС аъзоси. Хизматчи оиласида туғилган. Қорақалпоғистон Педагогика ин-ти рус тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1950). СССР ФА Шарқшунослик ин-ти аспирантурасида ўқиган (1950—53). УзССР ФА Қорақалпоғистон Экономика ва маданият ин-тида катта илмий ходим, бўлим мудири, директор ўринбосари (1953—59). УзССР ФА Қорақалпоғистон филиали раиси (1959—61), «Амударё» журнали муҳаррири (1957—58), Қорақалпоғистон Ёзувчилар союзи правленияси раиси (1958—59), Узбекистон КП Қорақалпоғистон область партия комитети секретари (1961—66). УзССР ФА Президиуми аъзоси, Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими академик-секретари (1966—74). А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-ти директори (1974). УзССР ФА Вице-президенти (1974 йилдан). «Қорақалпоқ совет прозасининг ривожланиш йўллари» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Н. нинг «Қорақалпоқ совет адабиёти тарихи» (1962), «Улуғ Ватан урушидан сўнгги қорақалпоқ прозаси» (1964), «Ҳозирги замон қорақалпоқ прозаси» (1968) каби бир қанча монографияларида қорақалпоқ адабиётшунослигининг муҳим масалалари акс этган. «Қорақалпоқ совет прозаси» номли йирик монографияси учун (1968) Бердақ номидаги ҚҚАССР давлат мукофоти берилган (1970). У «Қорақалпоқ совет адабиёти» (10- синфлар учун дарслик), қора-


Нурмуҳамедов К.


Нурмуҳамедов М. К.



қалпоқ мактабларининг 8—10-синфлари учун адабиётдан программа (1969) ва илмий мақолалар муаллифи. Унинг Т. А. Жданко, С. К. Камоловлар б-н ҳамкорликда «Қорақалпоқлар» (тарихий-этнографик очерк) китоби нашр қилинган (1971). 2 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган. ҚҚАССР Олий Совети депутати (1959—67), 9-чақириқ Узбекистон ССР Олий Совети депутати.

Ас.: Влияние русской литературы на развитие каракалпакской советской литературы. Т., 1959; Довоенная каракалпакская проза. Нукус. 1959; Каракалпакская проза периода Великой Отечественной войны. Нукус, 1961; О зарождение письменной литературы полуоседлых и кочевых тюркоязычных народов Средней Азии и Казахстана. Т., 1970; Каракалпаки. Т., 1971 (Т. А. Жданко, С. К. Камолов билан биргаликда); Из истории русско-каракалпакских связей. Т., 1974.

НУРМУҲАМЕДОВ Раҳим Муҳамедович (1925. 26. 1, Янгийўл) — хирург, медицина фанлари д-ри (1968), проф. (1969). 1969 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45). ТошМИни тугатгач (1954), шу ин-т хирургия кафедрасининг клиник ординатори (1954—57), ассистенти (1957—58), доценти (1958—69), педиатрия ф-ти (1969—72), 1972 йилдан даволаш ф-ти умумий хирургия кафедраси мудири. 1971 йилдан ўқув ишлари бўйича проректор. «Ёши улғайган ва кекса кишиларда хирургик касалликларни аниқлаш ва даволаш усуллари» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Илмий ишлари хирургиянинг турли актуал масалаларига оид.

Ас.: Некоторые вопрссы хирургического лечения больных пожилого и старческого возраста, Т., 1973.

НУРОБОД — Фарғона обл. Олтинариқ р-ни Полосон қ. С. даги қишлоқ. «Ленинобод» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Олтинариқдан 5 *км*. Аҳолиси 1630 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. К-з идораси, ўрта мактаб, кутубхона, к-з автогаражи, болалар богчаси бор.

НУРОТА — Самарқанд обл. Нурота р-нидаги шаҳар. Когон — Ховос т. й. нинг Навоий станциясидан 85 *км* шимоли-шарқда, Самарқанддан 256 *км* шимоли-ғарбда. Нурота тоғларининг тармоғи — Оқ тоғнинг этагида жойлашган. Аҳолиси 14 минг киши (1975). Н. яқинида Ғозғон мармар к-ти, маҳаллий саноат к-ти бор.

НУРОТА РАЙОНИ — Самарқанд областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Бухоро, Жиззах областлари, Самарқанд областининг Хатирчи, Иштихон, Пайариқ р-нлари б-н чегарадош. Майдони 8,6 минг *км*². Аҳолиси 79358 киши (1975). Р-нда 8 қ. С. (Жўш, Нурота, Охунбобоев, Сентоб, Қизилча, Чуя, Қўшработ, Ғозғон) ва Нурота посёлка Совети бор. Р-н маркази — Нурота ш.

Табиати. Р-н терр-ясининг шимоли Айдар шўрхоклари, Қизилқум ва Қоратоғ б-н, маркази ва жануби Нурота ва Оқтоғ тизмалари ҳамда улар орасидаги ботиқлар б-н банд. Ботиқларда ёз қуруқ ва иссиқ, қиш у қадар совуқ бўлмайди. Баландроқ жойларда ёз салқин, қиш эса совуқ бўлиб, узоқ давом этади. Йиллик ўртача т-ра 13,4°. Январнинг ўртача т-раси —1,0°, минимал т-ра —29°, июлда 27°—28°, баланд жойларда 25°—15°, максимал т-ра 43°. Вегетация даври 202 кун. Йилига ўртача 200—222 *мм* ёғин ёғади. Сувлари тоғдан оқиб тушадиган сойлардан (Оқсой, Фангатсой, Навкатсой, Оқчопсой, Орасой, Гумсой ва б.) иборат бўлиб, маълум ҳавзага қуйилмасдан, текисликка чиққач сугоришга сарф бўлиб кетади. Лёсс, тош-шағал пролювиал жинслардан тузилган ботиқларда оч бўз тупроқ, бўз тупроқ, тоғ ёнбағирларида тўқ тусли бўз тупроқ, оддий бўз тупроқ, юқорироқда тўқ тусли бўз тупроқлар учрайди. Ёввойи ўсимликлардан ефемерлар, оққурай, гулхайри ва б. ўсади. Буталардан дўлана, писта, ирғай, қоратикан, чия, бодомча, қуёнсуяк, жингил ва б. учрайди. Ёввойи ҳайвонлардан кийик, архар, тулки, чиябўри, қарсак, ёввойи чўчқа, қуён, сувсар, типратикан, қоплон, бўри, силовсин, айиқ, каламуш, ўрмон сичқони, юмронқозиқ, тошбақа, эчкемар ва илонлар; қушлардан каклик, булдуриқ, қорабовур, бургут, қорақарға, олашақшақ, чумчуқ, қирғий, лочин, калхат, кўккарға, бедана, мусича, тўрғай ва б. кўп.


Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; қозоқлар, тожиклар, қисман татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 9,2 киши (1975).

Хўжалиги. Иттифоқимизда салмоқли ўринлардан бирини эгаллаган р-ндаги Ғозғон мармар к-тида жуда чиройли, механик жиҳатдан пишиқ мармар тайёрланади. Зармитанда олтин кони. 1976 йилда Ғозғонда мармар з-дининг биринчи навбати ишга туширилди.

Р-н қ. х., асосан, чорвачилик (қоракўлчилик) ва ғаллакорликка ихтисослашган. Р-нда 8 с-з бор. Қ. х. да фойдаланиладиган 771463 *га* ернинг 5554 гектари шартли суғорилади, 64913 *га* ер ҳайдалади, 53325 *га* ерга экин (46070 *га* ерга дон экинлари, 469 *га* ерга картошка, сабзавот ва полиз экинлари, 6796 *га* ерга ем-хашак экинлари) экилади. 170 *га* ер мева, 87 *га* ер ток, 338 *га* ер тутзор б-н банд, 627397 *га* ер яйловдан иборат (1975). Р-н хўжаликларида 6484 қорамол (шундан 1821 сигир), 302725 қоракўл қўй ва эчки, 2430 от, 160 туя, 145 қуён, 18134 товуқ бор (1975). Давлатга 4665 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 3313 *т* сут, 23150 минг дона тухум, 755,7 *т* жун, 168737 дона қоракўл тери сотилди (1975).

Р-ндаги 77 умумий таълим мактабида 23150 бола ўқийди (1975—76). Р-нда 65 врач, 310 ўрта маълумотли медицина ходими, 57 фельдшер-лик пункти, касалхоналар ва б. бор (1976). 41 кутубхона, 19 клуб, 16 киноустановка ишлаб турибди. 1935 йилдан «Илғор чорвадор» р-н газетаси чиқади (тиражи 6 мингга яқин, 1976). Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Умаров А., Эргашев Н., Ўразбоев Ж. ва Умаров Абдуназарлар Н. р. дандир.

НУРОТА ТОҒЛАРИ — Туркистон тизмасининг шимоли-ғарбий тармоғи. Самарқанд ва Жиззах областларида. Жанубдан Зарафшон водийси б-н, шарқдан Сангзор дарёси водийси ва шимолдан Қизилқум чўли б-н чегараланади. Н. т. бир-бирига параллель икки тизмадан иборат бўлиб, шимолий тизма Н. т., аниқроғи, Шимолий Н. т. жанубийси — Жанубий Н. т. деб юритилади. Шимолий Н. т. жануби-шарқий қисмини Қўйтош тоғлари ишғол қилган. Қўйтош тоғлари шимоли-ғарбда Совурбел довонидан жануби-шарқда Сангзор дарёсигача боради. Узунлиги 70 *км*, ўртача баландлиги 1260 *м*. Шимолий Н. т. Марказий қисми нисбатан баланд, ўртача баландлиги 1750 *м*. Бу қисмида энг баланд чўққилар: Заргар 2169 *м*, Катта Фозилмон 2134 *м*, Қарчиғай 2105 *м* ва б. жойлашган. Шимолий Н. т. нинг шимоли-ғарбий қисми унча баланд эмас, ўртача баландлиги 900—1100 *м*. Жанубий Н. т. бир қанча меридионал водийлар б-н қирқилган; жанубий-шарқдан шимоли-ғарбга чўзилган Ғўбдинтоғ, Қароқчитоғ, Оқтоғдан иборат. Оқтоғнинг шимоли-ғарбий қисмининг жанубидаги Қоратоғ ҳам жанубий Н. т. га киради. Бу тоғлар бир-биридан Қўшработ, Қўйтош ва Нурота ботиқлари орқали ажралиб туради.



Нурота райони. 1. Район маданият ва истироҳат боғи. 2. Эргаш Жуманбулбул ўғли номли совхоз қишлоғи. 3. Район партия комитетининг биноси. 4. Нурота қишлоғида ўрнатилган халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғли бюсти.

Н. т. шимоли-ғарбга томон 170 *км* чўзилган. Ўртача баландлиги 1000—1500 *м*. Н. т. ғарбий қисми аста-секин пасая бориб, Қармана чўлига қўшилиб кетади. Палеозойнинг оҳактош, қумтош ва сланецларидан, метаморфик жинслардан таркиб топган. Булар орасида отқиндиси жинслар ҳам кўп. Оқтоғ ўзининг (Ғозғон) мармарлари б-н машҳурдир. Н. т. нинг Зарафшон водийсига яқин қисми учламчи давр юмшоқ чўкинди жинсларидан таркиб топган. Герцин бурмаланишида ҳосил бўлган.

Иқлими тоғ ён бағирларида ва юқори қисмларида салқин, ёғин кўпроқ. Йиллик ёғин 100—300 *мм*. Йиллик ўртача т-ра 13,4°, январнинг ўртача т-раси —1,0°, июлники 27,8°. Тоғда булоқлар кўп. Сойларнинг кўпчилиги ёзда қуриб қолади. Булардан энг йириклари — Қорасувсой, Нарвонсой, Тўсинсой, Оқтепасой, Қуруқсой, Майдонсой ва б. Зарафшон водийси томон оқади.


Н. т. да, асосан, бўз тупроқ тарқалган. 1600—1700 *м* баландликда жигар ранг тоғ тупроғи учрайди. Тоғ этаклари ва тоғларнинг 1600 *м* баландликкача бўлган қисми ефемероид чала чўл ўсимликлари б-н қопланган. Бута ва дарахтлардан бодом, наъматак, учқат, дўлана ўсади. Баланд қисмида жуда оз миқдорда арча сақланиб қолган. Ҳайвонот дунёсида бўри,



Нурмуҳамедов Р. М.



1. Буғдой ўрим-йиғими. 2. Қоракўл қўйлари боқиладиган яйловда.




1. Район халқ музейи. 2. Район марказига ўрнатилган Файзулла Хўжаев бюсти. 3. Улуғ Ватан уруши (1941—45) да ҳалок бўлган нуротaликларга атаб район марказида қурилган мемориал комплекс. 4. «Октябрь 50 йиллиги» совхози маркази. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Очил Қодировга қўйилган ёдгорлик.



Нуруллаева Г.



Нуруллаева Ў.



Нуруллабой саройи. Сарой дарвозасининг кўриниши.

тулки, юмронқозиқ, қуён, тоғ эчкиси, тоғ каклиги ва б. бор.

Н. т. дан яйлов сифатида фойдаланилади. Сойларининг водийларида полизчилик ва боғдорчилик ривожланган. Тоғ ён бағирларида буғдой, арпа ва б. экинлар экилади.

НУРОТА ҚАЛЪАСИ — *Нурота*даги қалъа харобаси. Нурота тоғ тизмасининг этак қисмида. Асли номи Нур; халқ уни ҳурматлаб «ота» сўзини қўшиб атайди. Қалъада катта булоқ бор; атрофда шу булоқ сувидан бошқа оқар сув йўқ. Сув бошига эгалик қилиб, душман қамалига бардош бериш мақсадида қадим замонларда булоқ устига қалъа қурилган. Қалъанинг ичида булоқ бошига тушиб сув олинадиган махсус йўл бўлган. Н. қ. пахсадан бино қилинган. У бир неча марта қайта қурилган ва ремонт қилинган. Қалъанинг тепаси баланд қирлик бўлгани учун душманни кузатиш мақсадида қирнинг тепасига мўла (бурж) қурилган. Мўла б-н қалъа орасида йўлак бўлиб, унинг узунлиги 60 *м*. Қалъанинг қачон бино қилингани маълум эмас. Баъзи археологик маълумотлар унинг 5—6-асрларда ҳам мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради. Бухоро ва Самарқанд воҳаларига ўтиш учун фақат икки дарвоза бўлган: бири Жиззах, иккинчиси Нурота. Шу иккисидан бошқа жойдан аскар ҳам, карвон ҳам ўта олмаган. Шу сабабли қадимги ва ўрта асрларда Жиззах ҳам, Нурота ҳам истеҳком б-н беркитилган. Н. қ. қадимдан муҳим стратегик бандаргоҳ ва савдо йўли эди Н. қ. да, кейинчалик, Бухоро амирлигининг Нуротабеги турган.

НУРПЕЙСОВ Плис Кольгелдиевич (1919, ҳозирги ҚҚАССР, Тўрткўл р-ни — 1945. 23. 4) — гвардиячи катта лейтенант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1945 йил 18 август). Қизил байроқли 47-алоҳида разведкачи авиаполкининг кузатувчи-учувчиси. Улуғ Ватан урушида Н. экипажи Берлин, Кёнигсберг, Данциг, Гдиня ва Штеттин каби қатор йирик шаҳарлар устидан учиб ўтган ва муҳим объектларни фотосуратга олган, 800000 дан ошиқ варақа ташлаган. Н. жанговар вазифани ўташда (Берлин устида) қаҳрамонларча ҳалок бўлган. 2 марта Қизил Байроқ, 1-даража Ватан уруши ордени б-н мукофотланган.

НУРСИМОНЛАР, нурланувчилар — илдиз оёқлилар синфига мансуб энг содда ҳайвонлар кенжа синфи (қ. *Радиоляриялар*).


НУРСУХ — Фарғона обл. Ўзбекистон р-ни Нурсух қ. С. даги қишлоқ. Ғафур Ғулом номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 32 *км*. Аҳолиси 4236 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёси ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона, ҳаммом ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, к-з ғишт з-ди, дорихона, узумни қайта ишлаш цехи бор.

НУРУЛЛАБОЙ САРОЙИ — Хивадаги архитектура ёдгорлиги, Асфандиёрхоннинг собиқ расмий қабулхонаси (20-аср) Нуруллабой деган шахснинг боғи ўрнига қурилганлиги учун Н. с. деб аталган. Саройнинг олтин ва кумуш б-н ҳалланган ганчкор деворлари диққатга сазовор. Н. с. даги айлана залнинг мислсиз усталик б-н бажарилган «олтин шифти» айниқса кўркам; ундаги мураккаб геометрик нақшлар ёғоч-дан ишланган ва олтин б-н бўялган. Сарой ўзаро бирлаштирилган уч ҳовлидан иборат. Ички ва ташқи дарвозаларга, эшикларга, айвонларнинг устунларига ишланган нақшлар 19—20-асрлардаги Хоразм ёғоч ўймакорлигининг юксак намунасидир. Н. с. комплексидаги *Арзҳовли* ва ҳарам (1904) саройнинг дастлабки қисми саналади. 1912 йилда буларга қўшиб меҳмонхона қурилган. Н. с. комплексининг янги қисми (меҳмонхона) Хивадаги бошқа саройларга ўхшамайди. Бу ердаги баланд эшиклар, катта рангдор ойналар, паркет поллар ва кошинкор печлар рус архитектурасининг таъсиридир. Н. с. нинг ташқи томони силлиқ ғиштлар ва феруза ранг кошинлар б-н шахмат тахтаси шаклида безатилган, икки томони айвонли. Уни қуришда машҳур усталардан ганчкор Худойберган Хожи, уста Нурмат (Совет Иттифоқи Қаҳрамони Сотим *Нурматов*нинг отаси), уста Рўзимат *Машарипов*, ёғоч ўймакорлиги ва уни бўяш усталари Бобожон Қаландаров, Ота Шайхов, Исмоил Абдуниёзов, ғишт терувчи уста Қуриёз Бобожонов ва б. қатнашган.

Н. с. да ХХСРнинг биринчи ҳукумати жойлашган (1920—24). Бу ерда ХХСРнинг биринчи қурултойи ўтказилган (1920 йил 27—30 апрель). Н. с. да 1920 йил 6 мартда Хоразм Компартиясини тузиш ва уюштириш Комитети иш олиб борган. 1920—23 йилларда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий шуерда яшаб ижод этган. Ҳозир Н. с. да шаҳар Пионерлар саройи, кутубхона, музей жойлашган.

НУРУЛЛАЕВА Гулчеҳра (1939. 29. 6, Тошкент обл. Чоштепа қишлоғи) — ўзбек совет шоираси. 1965 йилдан КПСС аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. ТошДУнинг филология ф-тини тугатган (1961). 1967—69 йилларда Москвадаги М. Горький номли Адабиёт ин-ти қошидаги икки йиллик Олий адабиёт курсида ўқиган. «Саодат» журнали (1961—67) ва Ғ. Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида (1969 йилдан) муҳаррир. Ижоди 1957 йилдан бошланган. «Қуёш табассуми» (1965), «Орзуларим қоқади қанот» (1970), «Ташнаман» (1972), «Иккинчи баҳор» (1973) шеърий китоблари нашр қилинган. «Муҳаббатнинг туғилиши» (1969), «Мен урушни кўрганман», «Иккинчи баҳор» (1973) достонларида Ватан, Коммунистик партия ва совет кишиларининг олижаноб фазилатлари куйланган. Узбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати (1971).

Ас.: Ташкентское время, М., 1972; Лети моя мечта, М., 1974; Лирика, Т., 1975; Иккинчи баҳор. Достонлар, Т., 1973; Ташнаман, Шеърлар, Т., 1973.



Норвегия мақоласига. 1. Трольд-фьорд. 2. Қиш манзараси (Осло атрофи). 3. Осло ш. даги марказий кўчалардан бири. 4. Балиқ қуритиш. Лофотен оролари. 5. Берген ш.нинг т. й. тоннелидан кўриниши. 6. Миллий театр биноси. Осло. 7. Осло ш. нинг портдан кўриниши. 8. Денгиз порти. Берген. 9. Г. Ибсен ҳайкали (ҳайкалтарош Г. Вигелани, 1889; Миллий галерея. Осло). 10. Фрогнер-паркдаги фонтан. 11. Дам олиш пайтида. 12. Бугдаудаги черков-музей.



НОСИРОВА Ҳалима ролларда (1—4, 6—10): 1. Оқжунус («Зр Таргин»). 2. Зуҳра («Тоҳир ва Зуҳра»). 3. Лайли («Лайли ва Мажнун»). 4. Ширин («Фарҳод ва Ширин»). 5. Носирова Ҳ. Катта Фаргона канали қурувчилари даврасида қўшиқ ижро этмоқда (1939). 6. Кармен («Кармен»). 7. Норгул («Бўрон»). 8. Гулсара («Гулсара»). 9. Зайнаб («Зайнаб ва Омон»). 10. Майсара («Майсаранинг иши»).

Ҳ. Носирова мақоласига.

НУРУЛЛАЕВА Уғилжон (1938, Хоразм обл. Қўшкўпир р-ни Қенагас қишлоғи) — пахтакор, УзССРда хизмат кўрсатган механизатор (1964), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1972). 1964 йилдан КПСС аъзоси. Қўшкўпир р-нидаги «Тошкент» к-зида колхозчи (1951—61), механик ҳайдовчи (1961—63). 1964 йилдан комплекс механизациялашган комсомол ёшлар бригадаси бошлиғи. Н. бошлиқ бригадада гектаридан 52 *ц* (1970, 75 *га*), 57 *ц* (1971, 102 *га*), 40,6 *ц* (1972, 108 *га*) пахта етиштирилган. Узи машинада 312 *т* (1970), 315 *т* (1971), 302 *т* (1972) пахта терган. КПСС 23-съезди, Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ 3-съезди делегати, УзКП 18-съездида УзКП МҚ аъзолигига кандидат. 6-чақириқ УзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НУРУЛЛИН Рустам Абдураҳимович (1929. 4. 1, Наманган) — тарихчи олим, тарих фанлари д-ри (1970), проф. (1975). 1954 йилдан КПСС аъзоси. САГУнинг тарих ф-тини тугатиб (1953), УзССР ФА Тарих ва археология ин-тида аспирант (1953—56), Бутуниттифоқ сиртқи энергетика ин-тининг Урта Осиё филиалида ўқитувчи (1956—59), УзССР ФА Тарих ва археология ин-тида илмий ходим (1959—72), 1972 йилдан УзКП МҚ ҳузуридаги Партия тарихи ин-ти — КПСС МҚ ҳузуридаги Марксизм-ленинизм ин-ти филиали директорининг ўринбосари. Н. нинг илмий фаолияти Туркистонда Октябрь рев-яси ва Гражданлар уруши тарихи масалаларига бағишланган. У «Туркистонда «ҳарбий коммунизм» сиёсати» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлаган. Н. 2 жилдли «Узбекистонда гражданлар уруши тарихи», «Урта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси» (иккови рус тилида) «Узбекистон ССР тарихи», (3-жилд) «Узбекистон КП тарихи очерклари» (рус тилида) асарларининг муаллифларидан бири.

Ас.: Советы Туркестанской АССР в период иностранной военной интервенции и гражданской войны. Т., 1965; Борьба Компартии Туркестана за осуществление политики «военного коммунизма», Т., 1975.

НУРХОН Йўлдошхўжаева (1913, Марғилон — 1929. 1. 7) — профессионал театр саҳнасига биринчи бўлиб кириб келган ўзбек раққосаси, ўзбек хотин-қизлари озодлиги учун кураш қурбони. Н. паранжисини ташлаб, 1928 йилдан М. *Қориёқубов* раҳбарлигидаги этнографик ансамблда раққоса бўлиб ишлаган. Ансамблнинг Марғилонга қилган гастроли вақтида синфий душманлар томонидан ваҳшиёна ўлдирилган. Бу фожиага бағишланган «Нурхон» (К. Яшин асари; Т. Жалилов музикаси, 1942; Т. Жалилов, Я. Шерфединов, 1943; Т. Жалилов, Г. Собитов, 1955) музикали драмаси яратилган. Мазкур спектакль республика театрлари саҳнасидан кенг ўрин олган. Марғилон ш. маданият уйи олдида 1968 йили Н. га ҳайкал ўрнатилган (ҳайкалтарош В. Клеванцов; бу ҳайкалнинг фотосурати *Марғилон* мақоласида берилган).

НУРХОН — Фаргона обл. Тошлоқ р-ни Бирлик қ. С. даги қишлоқ. Максим Горький номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Акбарободдан 15 *км*. Аҳолиси 639 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фаргона ва Охунбобоев каналларидан сув ичади. К-з қорамолчилик фермаси, саккиз йиллик мактаб бор.

НУРХОНОВА Эрка (1924, Самарқанд обл. Каттақўрғон р-ни Ермасжид қишлоғи) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1953 йилдан КПСС аъзоси. Самарқанд обл. Каттақўрғон р-нидаги Крупская номли к-зда колхозчи (1939—50), звено бошлиғи (1950—53), бригадир (1954—68). 1968 йилдан к-знинг уруғчилик-элита лабораториясида лаборант. Н. бошчилик қилган звенода 6,2 *га* майдоннинг гектаридан 79 *ц* пахта етиштирилган (1950). Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НУРЧАЕВ Эрмат (1928, Фаргона обл.) — ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1974). 1962 йилдан КПСС аъзоси. Фаолияти 1944 йилдан Қўқон р-н «Октябрь XII йиллиги» к-зида дурадгор шогирдлигидан бошланган. 1948 йилдан Қўқон пахта з-дида, 1954 йилдан 2-Қўқон ёғ з-дида ишчи. 1968 йилдан Қўқон ёғ-мой к-тида катта прессловчи. 9-беш йиллик планини 3 йилда ортиғи б-н бажариб, ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришган, кўплаб шогирдлар етиштирган. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НУС (юнон. nus — фикр, ақл) — антик философиянинг категорияларидан бири. Н. тушунчасини биринчи марта Анаксагор шаклсиз материяни тартибга солиш принципи сифатида талқин қилган. Платон Н. ни идеалистик асосда изоҳлаб, уни олам тартиби ва гармонияси принципи деб билган. Аристотель фикрича, нарсаларнинг ғояси қандайдир бир бутун оламни ёки олам Н. ини ташкил этади. Бу Н. шакллар шакли ва сезгилар сезгиси, фаол фикрловчи мангулик бўлиб, ҳар бир ҳиссий нарса ўз ғоясига эга. Аристотель бу ғояларни абадий ҳаракатда деб ҳисоблаб, улардан таркиб топган абадий ва ўзгармас Н. ни биринчи ҳаракатга келтирувчи деб атаган. Плотин Анаксагор, Платон ва Аристотель таълимоти асосида, Н. ни борлиқнинг абадий ўз-ўзича ҳаракатланувчи ўзаро муносабати сифатида талқин қилган. Плотинда Н. субъект ва объектнинг айнанлиги б-н характерланади.

НУСАЙРИЛАР, алавийлар — исломнинг шиа оқимига мансуб мазҳаблардан бирининг тарафдорлари. Унга 9-асрда яшаган Ибн Нусайр асос солган. Н. нинг асосий ақидаси шиаларнинг биринчи имоми халифа Алини (шундан «алавийлар» номи келиб чиққан) илоҳийлаштириш, унда худонинг ўзи мужассамланган деб ишонишдан иборат. Уларнинг дини таълимоти ва маросимларига христиан дини ва айрим қадимий эътиқодлар жиддий таъсир этган. Христианликдаги муқаддас учлик (священная троица) каби, Н. ҳам Муҳаммад, Али ва Салмон ал-Форисийни худонинг уч хил намоён бўлиши деб эътиқод қиладилар. Улар Қуёш, Ой ва ёритқичларга сиғинадилар, жонининг кўчиб юришига ишонадилар. Ҳукмрон диний оқимлар томонидан асрлар давомида таъқиб қилингани сабабли Н. ўз эътиқодларини сир тутадилар, маросимларни кечалари, махфий адо этадилар. Уларда намоз, рўза ва б. ислом урф-одатлари, масжид ёки черков каби ибодатхоналар йўқ. Н. ҳозир Сурия ва Туркияда бор.

НУСХА (араб. نسخة — расм) (халқ амалий санъатида) — каштачилик, зардўзлик, гиламчилик, тўқимачилик ва б. тармоқларида қўлланиладиган ва маълум композицияга



Нуруллин Р. А.




Нурхон.



Нурхонова Э.



Нурчаев Э.



Нусха кўчирадиган қурилма.

асосланган нақш намунаси. Н. халқ усталари ва чеварларининг ижодий фантазияси асосида вужудга келиб, давр тақозоси б-н ўзгариб, янгиланиб боради.


НУСХА КЎЧИРАДИГАН ҚУРИЛМА — 1) машинасозликда металл кесиш станогининг кескичи ёки заготовка ҳаракатини автоматик бошқариб турадиган қурилма. Унда ишланадиган буюмнинг шакли андаза, модель, эталон ёки чизма ёрдамида берилган буюм шаклига ўхшаб чиқади. Нусха кўчириш каллаги I ва кескич ўрнатиладиган каллак II дан иборат (расмга қ.). Бармоқ ёки ёруғлик нури (фотонусха кўчириш қурилмаларида) кўринишидаги шчуп *б* андаза *а* даги барча ўзгаришларни қабул қиладиган қисм *в* ва кучайтиргич *г* орқали ижро механизми *д* га узатади, у эса кескич *е* ни шунга мос ҳолда ҳаракатлантиради, натижада буюмнинг шакли худди андаза шаклига ўхшаб чиқади. Ижро механизми б-н кескич орасидаги алоқа механик, электр, гидравлик ва б. усуллар б-н амалга оширилади; 2) матбаада босма қолипларни фотомеханик усулда тайёрлайдиган жиҳоз тури; 3) кинотехникада тасвир *негативи* ва *фонограмма* негативидан киноплёнкага *позитив* нусха кўчирадиган қурилма.

НУТАЦИЯ (лат. nutatio — тебраниш) (механикада) — қаттиқ жисмнинг ўз ўқи атрофида айланиш жараёнидаги тебранма ҳаракати; у жисмнинг хусусий айланиш ўқида содир бўлиб, жисм қанча тез айланса, унинг нутацион тебраниш частотаси шунча катта, амплитудаси кичик бўлади. Н. *прецессия* б-н бир вақтда юз беради. Н. вақтида жисмнинг хусусий айланиш ўқи б-н прецессия юз берадиган ўқ орасидаги бурчак ўзгаради. Н. назарияси *Эйлер*нинг динамик тенгламаларига асосланади.


Астрономиядаги Н. Ер айланиш ўқининг бироз тебранишидир. Ернинг суткалик айланишига Қуёш ва Ойнинг тортиш кучлари таъсир этади. Ернинг суткалик айланиш ўқи эклиптикага қиялигини ўзгартирмаган ҳолда ўз йўналишини ўзгартириб боради, чунки Қуёш ва Ойнинг прецессион кучлари ҳам ўзгариб туради ва Қуёш ҳамда Ой Ер экваторида бўлганида бу кучлар нолга, оғиши энг катта бўлганида эса максимумга эришади. Ернинг айланиш ўқи Н. сини 1737 йилда *Ж. Брадлей* кашф қилган. Бундай нутацион тебранишлар 18,6 йиллик даврга, яъни Ой орбитаси тугунларининг айланиш даврига тенг. *Осмон сферасида* қутб ярим ўқлари 9″,21 ҳамда 6″,86 нутацион эллипс чизади. Н. нинг аниқ қийматини 1953 йилда америкалик астроном Э. Вулард топган.

НУТАЦИЯ (ўсимликларда) — кўпинча чирмашувчи ўсимликларда учрайдиган ўсувчи органлар учки қисмларининг бураліб (айланиб) ўсиши. Н. ўсиш процессига кириб, ўсимликларнинг турли қисмларини нотекис ўсишига сабаб бўлади. Радиал тузилишдаги органларда айлана бўйлаб ўсса, дорзовентрал тузилишдаги органларда эллипс бўйлаб ўсади. Н. юксак ўсимликларнинг поя, илдиз, барг, гажак, столон ва б. органларига, тубан ўсимликларнинг эса спорангий берувчи қисмларига хос.

НУТРИЯ, сув бобри (Myocastor coypus) — кемирувчилар туркумига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танасининг узунлиги 60—85 *см*, думи 45 *см* гача, оғирлиги 10—12 *кг*. Тумшуғи тўмтоқ, мўйловлари узун. Лаби курак тишлари орқасидан маҳкам жуфтлаша олгани сабабли Н. сув остида ҳам нарсаларни кемиради. Орқа оёқ бармоқлари орасида тери парда бор. Мўйнаси жигар ранг. 1—12 та бола туғади. Бўғозлик даври 127—133 кун. Боласи 4—5 ойда жинсий етилади. 8—10 йил яшайди. Жанубий Американинг жануб қисмидаги чучук сувларда кенг тарқалган. Баъзи моллюскалар, ўсимлик куртаги, илдизи, меваси ва б. б-н овқатланади. Мўйнаси жуда сифатли ва қимматбаҳо. Франция, Буюк Британия, Югославия, АҚШ, СССР (Закавказье ва Жанубий Тожикистон)да иқлимлаштирилган. Нутрячилик хўжалиги ва фермаси Закавказье, Ўрта Осиё (Сирдарё, Амударё ва улар атрофидаги кўлларда), Молдавия, Белоруссия, РСФСР, Украинада ташкил этилган. Жигарранг, оқ, қора, пушти, тилла ранг ва б. Н. лар ҳам кўпайтирилмоқда. Овланади.



1- расм. Микрометрик нутромер.



2- расм. Индикаторли нутромер.

НУТРОМЕР (русча внутр — ич, ички ва мерить — ўлчаш) — буюмларнинг ички (тешик, паз ва б.) чизиқли ўлчамларини ўлчайдиган асбоб. Микрометрик (1- расм) ва индикаторли (2- расм) хиллари бор. Микрометрик Н. микрометрик каллак *1*, узайтиргич *2* ва ўлчаш учлиги *3* дан иборат. Унинг ўлчаш чегараси — 50—2500 *мм*, аниқлиги ±8—70 *мк*. Диаметри 1250—10000 *мм* бўлган тешикларни ўлчаш учун бундай Н. соат типидаги қўшимча индикаторлар б-н таъминланади. Индикаторли Н. пайча *1*, ўлчаш стержени *2*, алмаштириладиган ўлчаш мосламаси *3*, марказловчи кўприк *4* ва индикатор *5* дан иборат. Ўлчаш чегараси —3—1000 *мм*, аниқлиги ±15—25 *мк*.

НУТТАЛЛИОЗ — бир туёқли ҳайвонларда учрайдиган протозой касаллиги. Қўзғатувчиси бир ҳужайрали паразитлар — нуттералиялар. Қана тарқатади. Н. СССРнинг жанубий ва Ўрта зоналарида учрайди. Касал ҳайвон ҳарорати кўтарилади, бўшашади, иштаҳаси йўқолади, шиллиқ пардалари оқаради. Касаллик 2—6 ҳафтача, баъзан 3,5 ойгача чўзилади. Касаллик отларда кана бор-йўқлигини ва уларнинг қонини текшириш йўли б-н аниқланади.

Давоси: химиотерапевтик препаратлардан фойдаланилади.

Олдини олиш: касаллик тарқатувчи каналар йўқотилади.

НУТҚ — тафаккур қилиш ва фикрлашувда тилдан фойдаланиш жараёни; жамият томонидан ишланган ўзаро фикр олишув воситасининг индивидуал шаклий кўриниши. Маълум тил нормалари (фонетик, лексик ва грамматик) асосига қурилган бўлади. Н. инсон тафаккурининг зарур моддий шаклидир; у қабул қилиш, хотира, ирода ва б. психологик жараёнлар б-н бевосита алоқада бўлиб, шу жараёнларнинг пайдо бўлиш ва кечишида муҳим роль ўйнайди. Н. фаолияти миянинг ишлаш қонуниятларига бўйсунган ҳолда, биринчи сигнал системаси ва иккинчи сигнал системасининг ҳаракати б-н амалга ошади. Н. нинг ички Н., ташқи Н. (оғзаки Н. ва ёзма Н.), диалогик Н., монологик Н. каби турлари мавжуд.

НУТҚ МАДАНИЯТИ, нутқ одоби — *нутқ*нинг адабий тил принциплари ва қатъийлашган нормаларига асосланиши. Н. м. фикрни аниқ, тўғри, таъсирли баён этишни талаб этади. Бунинг учун нутқ адабий тил шаклларига — адабий тилнинг пухта ишланган ва тартибга солинган грамматик, фонетик, лексик нормаларига, стилистик қоидаларига ва коммуникатив хусусиятларига асосланган бўлиши керак.

Н. м. ижтимоий ҳодиса бўлиб, жамият, фан, техника, айниқса, адабий тил ва ёзувининг ривожи б-н боғлиқ ҳолда тараққий этади. Қишларнинг маданий савияси ортган сари уларнинг нутқи ҳам Н. м. қоида ва нормаларига мувофиқ такомиллашиб боради. Бунда адиблар, сўз усталарининг, умуман, матбуотнинг роли катта.

15- асрдаёқ адабий тилнинг Н. м. ва унинг ўзига хос нормалари бўлган. Шундан кейинги даврда яшаган Бобир, Муҳаммад Солиҳ, Гулханий, Нодира, Махмур, Муқимий ва б. шоирларнинг асарлари тилида ҳам ўша давр тили ва Н. м. нормалари маълум даражада акс этган. Октябрь инқилобидан сўнг ўзбек тилининг Н. м. халқ тилига яқинлаштирилган миллий адабий тил нормаларига асосланди. Бу нормаларни шакллантиришда олимлар (О. Ҳошим, Т. Н. Қори-Ниёзий, Ғ. Олим ва б.), адиблар (А. Қодирий, Ҳ. Ҳакимзода, Фитрат, Боту, Элбек, Ғ. Ғулом, Ойбек, А. Қаҳҳор, Ҳ. Олимжон, Уйғун, Ғайратий, Миртемир ва б.) муносиб ҳисса қўшганлар.

Н. м. масалалари б-н УзССР ФА Пушкин номидаги Тил ва адабиёт ин-тининг Н. м. сектори шуғулланади.

Ад.: Артемов В. А., Культура речи, М., 1966; Розенталь Д. Э., Культура речи, М., 1964; Иброҳимов С., Нутқ маданияти ва адабий талаффуз ҳақида, Т., 1972.

НУТҚ ОРГАНЛАРИ, нутқ аппарати — нутқ товушларини ҳосил қилишга хизмат этадиган органлар. Физиологик органлар инсон эволюцияси жараёнида товуш чиқариш учун мувофиқлашган. Буни Ф. Энгельс яхши ифодалайди: «уюшган кишилар шу даражага етдиларки, уларда бир-бирларига *нимандир айтиш эҳтиёжи* туғилди. Бу эҳтиёж ўзига керакли органни вужудга келтирди: маймуннинг тараққий қилмаган ҳиқилдоғи аста-секин, лекин тўхтовсиз модуляция йўли б-н, борган сари тараққий қилган модуляция учун ўзгариб турди, оғиз органлари аста-секин аниқ ва равшан товушлар чиқаришига ўрганди (Ф. Энгельс, Маймуннинг одамга айланиши процессида меҳнатнинг роли. Маркс ча-ленинча философия хрестоматияси, Т., 1971, 422- бет). Н. о. уч қисмдан иборат: 1) нафас йўли — нутқ аппаратининг қуйи қисми; 2) ҳиқилдоқ — нутқ аппаратининг ўрта қисми; 3) томоқ, оғиз ва бурун бўшлиқлари — нутқ аппаратининг юқори қисми. Нутқ аппаратининг қуйи қисми (нафас йўли) товуш чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади. Нутқ аппаратининг юқори қисми — бўғиз ва томоқ, оғиз ва бурун бўшлиқлари муҳим Н. о. бўлиб, нутқ товушларининг ранг-баранг турларини ҳосил қилади.

Ад.: Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1- китоб, Т., 1966; Маҳмудов А., Нутқ акустикаси ва физиологияси, «Ўзбек тили ва адабиёти», 1968, № 3.

НУФАР, сариқ нилфия (Nuphar) — нилфиядошлар (нилфиягуллилар оиласи)га мансуб ўсимликлар туркуми. Кўп йиллик илдизпояси йўғон. Барги қалин, юраксимон, узун бандли, сув юзида сузиб туради. Гули якка (диаметри 4—5 *см*), сариқ, 10 га яқин (бошқа маълумотларда 25) тури бор. Асосан, Шимолий ярим шарининг мўътадил зонасидаги кўлларда ўсади. СССРда 2 тури бор. Шундан сариқ Н. (N. luteum) Ўзбекистон сувларида ўсади. Илдизида алкалоидлар (нуфарин), таннидлар, крахмал бор. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

НУФУС, аҳоли (демографияда) — Ер шари ёки унинг маълум бир терр-яси, қитъа, мамлакат, р-н, шаҳарда яшовчи кишилар мажмуи. Буни махсус фан — *демография* ўрганади. Демографиянинг фан сифатидаги тарихи 17- асрдан бошланади. 18- асрнинг охирида капитализм тараққиёти ва синфий курашнинг кучайиши натижасида демографияда вульгар назариялар вужудга келди. Бу назариялар ичида кенг тарқалгани *мальтусчилик*дир. Марксизм бу назариянинг ғайри илмий ва майда буржуача моҳиятини очиб ташлади. Ҳозирги вақтда Н. проблемалари буржуа фани б-н марксистик фан ўртасидаги кескин идеологик кураш шароитида ўрганилмоқда. Н. ҳақидаги маркса-ленинча назария ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатларининг аҳолининг турмуши, меҳнат шароитига ҳамда кўпайишига таъсирини, социал, иқтисодий, сиёсий, маданий, диний ва б. факторларнинг демографик кўрсаткичларга таъсирини ўрганади.

Н. ни ўрганишда мунтазам ўтказиб турилади ган аҳоли рўйхатлари муҳим аҳамиятга эга. *Аҳоли рўйхати* маълумотлари СССР да халқ хўжалигини планлаштириш, меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланиш, аҳолининг ўсаётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш ва б. мақсадларда қўлланилади. СССРда 5 марта (биринчиси 1920 йилда, охиргиси 1970 йилда) аҳоли рўйхати ўтказилган. Аҳолини илмий ва системали ўрганиш 17- асрдан бошланди. Европа ва Америкада 19- асрдан, бошқа жойларда 20- асрнинг биринчи чорагидан, Осиё ва Африканинг баъзи мамлакатларида Иккинчи жаҳон урушидан кейингина аҳоли рўйхати ўтказила бошланди. Афғонистон, Бутан, Арабистон ярим ороли, шунингдек Африкадаги баъзи мамлакатларда ҳали аҳоли рўйхати ўтказилмаган.


Н. да рўй берадиган жараёнлар биологик, географик, социал-иқтисодий факторларнинг натижасидир. Социал иқтисодий факторлар Н. тараққиётига муҳим таъсир кўрсатади. Н. проблемалари кишиларнинг биологик хусусияти, инсоннинг атроф-муҳитга таъсири, ижтимоий формацияларнинг тараққиёти б-н боғлиқ, чунки меҳнатга лаёқатли аҳоли жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи ҳисобланади (қ. *Аҳоли ўсиш қонуни*).

Н. ни ифодаловчи асосий кўрсаткичлар қуйидагилар: туғилиш, *никоҳ*, ўлиш, табиий кўпайиш; *урбанизация*, *миграция* ҳақидаги маълумотлар; ёши ва жинсий таркиби; оилавий аҳволи; маълумоти; ирқий, тил жиҳатидан, этник, диний таркиби. Аҳолининг жойлашиши, иш б-н машғуллиги, иқтисодий активлиги, профессионал ва синфий таркиби. Дунё аҳолисининг сони бевосита аҳолининг табиий ҳаракатига боғлиқ, айрим мамлакат ва р-нларнинг аҳоли сони эса миграция жараёнларига ҳам боғлиқ (қ. *Аҳоли миграцияси*). Ер юзи аҳолисининг сони умуман доим кўпайиб бормоқда; фақат баъзи жойларда ёки айрим даврларда уруш, эпидемия, табиий офатлар натижасида аҳоли сони камайди. 14- асрда ўлат касалидан 15 млн. га яқин киши, Биринчи жаҳон урушидан сўнг «испанка» касалидан 20 млн. киши, 19- асрда очликдан Ҳиндистонда 25 млн., Хитойда эса ундан ҳам кўп киши ўлди.


Бир қанча минг йиллар давомида аҳоли сони жуда секин кўпайган. Капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврида, айниқса, капитализмнинг энг тараққий этган даври — 19- асрда аҳоли тез кўпайган. Бироқ 19- аср охири



Нутрия.



Нутқ органлари: *I*, *II*, *III* — оғиз, томоқ (фаринкс) ва бурун бўшлиқлари; *IV* — ҳиқилдоқ; *1* — товуш пайчалари; *2* — товуш ҳосил қилишда қатнашмайдиган пайчалар; *3*- кемирчак; «—» кичик тил (увула); *5* — юмшоқ танглай ва танглай пардаси; *6* — пастки лаб; *7* — устки лаб; *8* — тиш; *9* — қаттиқ танглай.



Сариқ нуфар: барги ва гули.

ва 20-асрнинг биринчи ярмида аҳолининг кўпайиш суръати сусайди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг аҳоли сони яна кўпая бошлади. Жаҳон аҳолиси 1650 йилдан 1974 йилгача 7 марта кўпайган бўлиб, ҳозир 8930 млн. аҳоли яшамоқда (1974) яъни йилига 130 млн. киши туғилади, 53 млн. киши вафот этади, бир йилда аҳоли 77 млн., бир ойда 6 млн. дан зиёд, бир кунда 200 минг, бир соатда 8 минг, бир минутда 130, бир секундда 2 кишига кўпаяди. БМТнинг ҳисобига кўра, 2000 йилда дунё аҳолиси 6—7 млрд. кишига етади.

Инсониятнинг тез суръатлар б-н ўсиши мустамлака ва ярим мустамлака зулмидан озод бўлган, ривожланаётган мамлакатларда туғилишнинг кўпайиши ва ўлимнинг камайиб бориши натижасидир. Кўпаяётган аҳоли сонининг 80%и ана шу мамлакатларга тўғри келади. 1968—73 йилларда дунё бўйича туғилишнинг ўртача коэффициенти 34%, ўлимники 14%, табиий кўпайишники 20% бўлди ёки аҳоли йилига 75 млн. кишига кўпайди.

Ривожланаётган мамлакатларда туғилишни юқори даражада бўлиши сабабларидан бири серфарзандлик анъанасининг сақланганлиги, диний эътиқодлардир. Шу б-н бирга, эрта турмуш қуриш ҳам туғилишнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ривожланган мамлакатларда туғилишнинг камайиши шаҳар аҳолисининг кўпайганлигидан, ижтимоий ишлаб чиқаришга хотин-қизларнинг кўп жалб этилганлиги ҳамда аёлларнинг маълумоти ва маданий савияси ошганлигидан, болалар орасида ўлимнинг камайганлигидандир.

Осиё, Африка, Латин Америкасининг кўпгина мамлакатларида туғилиш коэффициенти 35—40% дан ортиқ, ўлиш коэффициенти 12—20%. табиий кўпайиш 20—30%, баъзи мамлакатларда ундан ҳам юқори. Европа ва Американинг ривожланган мамлакатларида Африка ва Осиёдаги қолоқ ёки энди тараққиёт йўлига кирган мамлакатлардагига қараганда туғилиш 2—3 марта, ўлиш 10—12%, табиий кўпайиш 2—10% кам.

Ўлим даражаси ҳар бир мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётига, аҳолининг моддий аҳволи ва соғлиқни сақлаш системасининг ҳолатига боғлиқ. СССРда ўлим даражаси дунёдаги энг паст кўрсаткичлардан биридир. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг ривожланаётган мамлакатларда қисқа давр ичида болалар касаллигига ҳамда ҳар хил эпидемияларга қарши курашиш натижасида ўлим кескин камайди.

Баъзи буржуа олимлари аҳолининг Иккинчи жаҳон урушидан сўнг кўпайганлигини «демографик портлаш» деб таърифлаб, Ер юзида аҳоли кўпайиб бораяпти, аҳолининг ўсиши б-н иқтисодий потенциал суръати ўртасида номутаносиблик вужудга келади, натижада озиқ-овқат таъминоти қийинлашади деган асоссиз проблемани яна ўртага қўймоқдалар. Бундай «назария»лар фан ютуқларига ҳамда жамиятнинг социал ўзгаришларига ишонмасликдан келиб чиқади. Ҳақиқатан, ривожланаётган мамлакатларда аграр экономиканинг қолоқлиги, миллий даромаднинг камлиги, ишсизларнинг кўплиги, саводсизликнинг мавжудлиги шароитида аҳолининг кўпайиши иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишда баъзи қийинчиликларга сабаб бўлмоқда. Бу мамлакатларнинг кўпчилигида туғилишни нормалаш ёки назорат қилиш йўлига ўтилди. (Мас., Ҳиндистонда). Аммо аҳолини озиқ-овқат б-н таъминлаш масаласини ҳал қилиш туб социал-иқтисодий ўзгаришларга боғлиқ.

Аҳоли ўртасида ўлим камайганлиги туфайли кишиларнинг ўртача умри узаймоқда. 19-асрда ўртача умр Европада 35 ёш эди. Ҳозир Шимолий Америка ва Европада кишиларнинг ўртача умри 68—70 ёш, Латин Америкасида 50—55 ёш, Осиёда 40—50 ёш, Африкада 40 ёшдан кам. СССРда ўртача умр 70 ёш. Кўпчилик мамлакатларда аёллар эркакларга нисбатан кўпроқ умр кўради.

Турли мамлакатларда аҳолининг жинс ва ёш жиҳатдан таркиби турлича. Дунёда эркаклар аёлларга нисбатан бир оз кўп. Аммо иқтисодий ривожланган мамлакатларда, одатда, аёллар эркаклардан кўп. Мас., Европа мамлакатларида аёллар эркакларга нисбатан 18 млн., СССРда 18,5 млн. (1974 йил бошн) ортиқ. Бунга асосий сабаб икки жаҳон урушида эркакларнинг кўплаб нобуд бўлганлигидир. Ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида аёлларга нисбатан эркаклар кўп, мас., Осиёда эркаклар аёлларга нисбатан 55 млн. кўп. Эркаклар, айниқса, Жанубий ва Шарқий Осиё (Шри Ланка, Покистон, Ҳиндистон, Хитой)да кўпчиликни ташкил этади.

Жаҳон аҳолисининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 27 киши. Лекин Ер юзида аҳоли жуда нотекис жойлашган. Мас., Австралия ва Океанияда 1 *км*² га ўртача 2 киши, хорижий Европада 97 киши, Осиёда 0,8 дан (МХРда) 500 тагача киши (Бангладешда) тўғри келади.

Дунё аҳолисининг тахм. 35% и шаҳарларда яшайди. Шаҳарлар аҳолиси борган сари кўпайиб бормоқда. Англияда 83%, АҚШда 74% аҳоли шаҳарлардадир.

Дунёда 2 мингга яқин халқ (СССРда 100 дан ортиқ) яшайди. Шулардан бир қисми узоқ тарихий тараққиёт натижасида миллатларга айланди, қолганлари элатлар, яна бошқалари қабила гуруҳларидир. Кўпгина мамлакатлар кўп миллатлидир. Баъзи мамлакатлар (СССР, Ҳиндистон, Индонезия, Хитой, Покистон, Эрон ва б.) да ўнлаб ва юзлаб халқлар яшайди. Бир миллатли мамлакатлар анча кам бўлиб, бунга Япония, Корея, Бангладеш, Арабистон ярим ороли мамлакатлари, Европанинг баъзи мамлакатлари киради. Аҳолининг маълумот ва саводхонлик даражаси мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини кўрсатувчи муҳим белги ҳисобланади.

СССР аҳолиси 1975 йилнинг бошида 253,3 млн. кишига етди. 1913 йилда шаҳар аҳолиси 18% ни, 1974 йилда эса 59% ни ташкил этди. 1973 йилда 46 ёшгача бўлган эркак ва аёллар сони тенглашди; Ўзбекистон ССР аҳолиси туғилиш ва табиий кўпайишнинг юқорилиги бўйича мамлакатимизда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Мас., 1973 йили СССРда ҳар 1000 кишига туғилиш 17,6 кишини ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда 34,1 киши бўлди. Табиий кўпайиш СССРда 9, Ўзбекистонда 27,6 кишини ташкил этди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда ўлим камайди. Медицина хизматининг, санитария ишларининг яхшиланганлиги, туғилишнинг деярли бир текисда бориши ва ўлимнинг кескин камайиши туфайли аҳолининг моддий фаровонлиги ошганлиги натижасида Ўзбекистон аҳолиси йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг сони

Йиллар	Бутун аҳоли сони	Шу жумладан		Бутун аҳоли сонига нисбатан (процент ҳисобида)	
	минг киши ҳисобида	шаҳарларда	қишлоқларда	шаҳарларда	қишлоқларда
1897	3948	743	3205	18,8	81,2
1913	4334	1060	3274	24,5	75,5
1924	4258	866	3392	20,3	79,7
1926	4621	1012	3609	21,9	78,1
1940	6551	1606	4945	24,5	75,5
1959	8119	2729	5390	33,6	66,4
1961	8721	3035	5686	34,8	65,2
1966	10399	3704	6695	35,6	64,4
1970	11800	4322	7478	36,6	63,4
1975	13689	5259	8430	38,4	61,6

1959 ва 1970 йилларда ўтказилган аҳоли рўйхати даврида умуман Ўзбекистон аҳолиси 45% га кўпайди, СССР аҳолиси эса ана шу давр ичида 16% га ортди. Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон ёппасига саводхон ўлкага айланди. 9—49 ёшдаги аҳоли ўртасида саводхонлар 1926 йили Ўзбекистонда 11,6% бўлса, 1970 йили 99,7% ни ташкил этди (аёллар орасида 1926 йили 7,3%, 1970 йилда 99,6%). Республика аҳолиси орасида ишчи ва хизматчилар 1939 йили 32,2% ни ташкил этар эди, 1973 йили 61,8% га етди. 1975 йил бошида Ўзбекистон аҳолиси 13,7 млн. кишидан иборат бўлди.

СССР да социалистик Н. қонуни мавжуд бўлиб, у меҳнат ресурсларини планли равишда иш б-н тўла таъмин этиш ва улардан оқилона фойдаланишни ифодалайди. 1970 йил рўйхатига кўра, халқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони 115,5 млн. кишини ёки бутун аҳолининг 47,8% ини ташкил қилади. Ишчи ва хизматчилар аҳолининг ⅔ дан зиёд қисмини, колхозчи деҳқонлар эса қолган қисмини ташкил этади. Социализмнинг энг йирик ғалабаларидан бири коммунистик партия томонидан Ленинча миллий сиёсат — халқлар ўртасида тенглик ва дўстлик сиёсатининг амалга оширилганлиги бўлди. СССРда янги тарихий бирлик — совет халқи вужудга келди.

Ад.: Маркс К., Капитал, 1-т., Т., 1955; Энгельс Ф., Онла, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1967; Ленин В. И., Ишчилар синфи ва неомальтусчилик, Ас., [9 т.]; Валентей Д. И. Проблемы народонаселения, М., 1961; Население земного шара, Справочник по странам, под ред. С. Р. Брука, М., 1965; Курс демографии, М., 1974; Марксистско-ленинская теория народонаселения, под ред. Д. И. Валентея, М., 1974; Муллажонов И. Р., Ўзбекистон аҳолиси, Т., 1974; Аҳмедов Э., Файзиев Н., Дунё аҳолиси ва инсоният келажаги, Т., 1969; Народонаселение стран мира, Справочник, под ред. Б. Ц. Урланиса, М., 1974; Валентей Д. И., Народонаселение зарубежных стран, М., 1974; Население СССР, Справочник, М., 1974; Библиография по проблемам народонаселения. (1960—1971 гг.). М., 1974.

НУҲА — ОзССР даги *Шеки* шаҳрининг 1968 йилгача бўлган номи.

НУЦЕ́ЛЛУС (лат. nucella — ёнғоқча), уруғ куртак мағзи — уруғли ўсимликлар уруғ-куртагининг марказий қисми (ядроси); қирққулоқсимонларнинг мегаспорангийига ўхшайди. Н. ичида мегаспороцит шаклланади ва унинг ядроси 4 та ядро ҳосил қилиб бўлинади, натижада 4 та мегаспора ривожланади. Шундан 3 таси нобуд бўлади, биттаси эса уруғочи гаметофитга айланади. Баъзи гулли ўсимликларнинг 4 ядроли ҳужайраси 2 ядролига айланади ёки бутунлай бўлинмайди, гаметофит эса битта икки ядроли ҳужайрадан (иккинчиси ўлади) ёки 4 ядролидан вужудга келади. Уруғда сақланиб қолган Н. перисперм деб аталади.

НУШ — Самарқанд обл. Жомбой р-ни Жўрият қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — 22-разъезддан 33 *км*. Аҳолиси 827 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Мирзаариқдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

НУШИЧ Бранислав (1864. 8. 10— Белград — 1938. 19. 1) — серб ёзувчиси, драматурги. Сербия ФАнинг акад. (1933). Савдогар оиласида туғилган. Белград ун-тида таълим олган. Н. ўткир ҳажвий асарларида серб буржуазиясининг сотқинлиги ва сиёсий тутуриқсизлигини фош қилди. Сайловларнинг сохталигини («Халқ депутати», 1883), полиция бюрократизмини («Протекция», 1888; «Оддий киши», 1899), буржуа ахлоқини («Министр хоним», 1929) қаттиқ қоралади. «Рамазон оқшомлари» (1898) ҳикоялар тўплами, «Ташула» повести (1902) ни шарқ экзотикаси мавзуига бағишлади. Ёзувчи ватанпарварларнинг Биринчи жаҳон урушига нафратини «Бир минг тўққиз юз ўн бешинчи йил» китоби (1916) да очиб берди. Н. 1915—18 йилларда муҳожирликда яшади. 30-йилларда бадиий ва ғоявий юксак «Мистер доллар» (1932), «Изтироб чеккан оила» (1935), «Доктор» (1936), «Мурда» (1937) комедияларини яратди. Н. драмалари жаҳон адабиётида муҳим ўрин тутади.

Ёзувчининг баъзи асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Избранное, М., 1958; Комедии, М., 1956, Таржимаи ҳолим, повесть, Т., 1970.
Ад.: Жуков Д., Бранислав Нушич, М., 1972.

НУҚРА (форс-тож. نقره — кумуш) — қ. *Кумуш.*

НУҚТА (тилшуносликда) — қ. *Тиниш белгилари.*


НУҚТА (математикада) — геометрияда ўлчамга эга бўлмаган (чексиз кичик ўлчамли) жисмнинг абстракт образи. Геометрияни аксиоматик қуришда, одатда, бошланғич (таърифланмайдиган) тушунча сифатида қабул қилинади ва б. тушунчалар б-н аксиомалар орқали боғланади. Умуман, математикада маълум хоссага эга бўлган тўпламларнинг элементлари Н. дейилади. Мас., *метрик фазо*нинг Н.си, *Банах фазоси*нинг Н. си ва б.

НУҚТА ДАРАЖАСИ — нуқтанинг айланага нисбатан ҳолатини ифодаловчи сон. *M* нуқтадан *r* радиусли айлана марказигача масофа *d* га тенг бўлса, *M* нуқтанинг даражаси $d^2—r^2$ га тенг (расмга қ.). Нуқта айлананинг ташқарисида, устида, ичидалигига қараб Н. д. мусбат, ноль, манфий бўлади.

НУҚТАЛИ ВЕРГУЛ — қ. *Тиниш белгилари.*

НУҚТАЛИ МУТАЦИЯ, генли мутация — қ. *Мутациялар.*

НУҲ — яҳудийлик, христианлик ва исломда афсонавий пайғамбарлардан бири. Н. ва тўфон (оламни сув босгани) ҳақидаги ривоят мил. ав. учинчи минг йиллик охири ва иккинчи минг йиллик бошларида Шумерда шаклланган. Ривоятнинг охирги варианти Ашурбаннипал (мил. ав. 7-аср) кутубхонасидан топилган «Гильгамеш» эпосида келтирилган, кейинчалик айрим ўзгаришлар б-н Библияга, сўнг Қуръонга кирган. Бу манбаларда унинг номи ўзгарган бўлса-да («Гильгамеш» эпосида — Утнапиштим,



Нуқта даражасига оид чизма.

Библияда — Ной, Қуръонда — Нуҳ), ривоятнинг асосий мазмуни сақланиб қолган. Бу ривоятда инсонларнинг йўлдан озганликлари учун худо жазо сифатида тўфон юборгани, Н. гўё олдиндан огоҳлантирилиб қўйилгани учун барча жониворлардан бир жуфтдан олиб ўз кемасида сақлаб қолгани, бошқа барча гуноҳкорлар ҳалок бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади. Н. ҳақидаги ривоятларни текшириш Таврот, Библия ва Қуръондаги афсонавий шахслар ҳақидаги ривоятларнинг кўпи қадимги Шумер, Аккод, Бобил, Миср ва б. халқларнинг фольклоридан келиб кирганлигини тасдиқлайди. Н. ҳақидаги ривоятлар кўпгина диний мазмундаги адабиётларда ҳам ўз ифодасини топган.

НУҲ II ибн Наср (туғилган йили номаълум — 954) — *Сомонийлар давлати*нинг амири (943—954). Унинг даврида Сомонийлар давлати таназзулга юз тутди.

НУҲ III ибн Мансур (тахм. 963 — 997) — *Сомонийлар давлати*нинг амири (976—997). Унинг даврида Сомонийлар давлати бутунлай парокандаликка учради, айрим йирик вилоятлар марказий ҳокимиятга бўйсунмай қўйди. Бундан фойдаланган қорахоний туркларнинг лашкарбошиси Сабуктакин Бухорода ўз ҳокимиятини ўрнатди.

НЬИРЕДЬҲАЗА — Венгриянинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Сабольч-Сатмар медьесининг маъмурий маркази. Аҳолиси 70,6 минг киши (1970). Муҳим т. й. узели. Озиқ-овқат (мева консервалари, ўсимлик мойи ва ҳ. к. лар ишлаб чиқарилади), тамаки, электротехника саноати корхоналари бор.

НЬЮ... (инглз. new) — қўшма инглизча сўзлар бўлаги, «янги» деган маънони англатади. Мас., Нью-Йорк.

«НЬЮ ЭЙЖ» («Янги давр») — инглиз тилида чиқадиган ҳафталик газета. Ҳиндистон Компартиясининг марказий органи. 1953 йилдан Деҳлида нашр этилади.

НЬЮАРК — АҚШнинг шимолий қисмидаги шаҳар. Нью-Жерси штатида. Аҳолиси 382 минг, шаҳар атрофи б-н бирга 1900 минг киши (1970). Транспорт йўллари узели, Пассейик дарёси бўйидаги денгиз порти. Нью-Йорк шаҳри б-н тунеллар орқали туташган. Йирик савдо-молия ва саноат маркази. Электротехника, радиоэлектроника, рангли металлургия, кимё, озиқ-овқат ва полиграфия саноати корхоналари бор.



Нью-Йорк шаҳрининг марказий қисми.

Енгил саноат, жумладан мўйна саноати ривожланган. Шаҳарга 1666 йилда асос солинган.

НЬЮ-БРАНСУЙК — Канаданинг шарқий қисмидаги провинция. Атлантика океани соҳилида. Майдони 72,5 минг *км²*. Аҳолиси 635 минг киши (1971), $^2/_5$ қисми француз-канадаликлар. Маъмурий маркази — Фредериктон ш. Аҳолисининг 57% и шаҳарларда, 40% га яқини посёлкаларда яшайди.

Н.-Б. нинг ер юзаси қир ва пасттекисликдан иборат. Терр-ясининг 75% и ўрмон. Мис, никель, қўрғошин, рух, кумуш рудалари конлари бор. Ёғоч тилиш, целлюлоза-қоғоз саноати ривожланган.

Н.-Б. терр-ясига дастлаб 1604 йилда французлар, 1762 йилдан эса инглизлар бориб ўрнашган. 1784 йилдан Н.-Б. Буюк Британия мустамлакаси. 1867 йилда Канада доминиони таркибига кирган.

НЬЮ-ГЕМПШИР — гўшт ва тухуми учун боқиладиган товуқ зоти. 20- аср бошларида АҚШ (Нью-Хэмпшир штати) да етиштирилган. Товуқлари тез етилади, серпушт. Пати оч қизил, бўйнидагиси сариқ. Товуқларининг вазни 2,7—2,8 *кг*, хўрозларининки 3,5—3,6 *кг*, йилига ўртача 180—200 тухум қилади. Тухуми 58—62 *г*. Узбекистонда Гулистон наслдор паррандачилик с-зида ва Қорасув паррандачилик фабрикасида боқилмоқда.

НЬЮ-ДЕЛИ, Янги Деҳли — Ҳиндистон пойтахти *Деҳли* шаҳрининг жанубий, маъмурий қисми. Н.-Д. терр-ясида асосий ҳукумат идоралари ва элчихоналар жойлашган.

НЬЮ-ЖЕРСИ — АҚШнинг шарқий қисмидаги штат. Майдони 20,3 минг *км²*. Аҳолиси 7,2 млн. киши (1971), 89% и шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Трентон ш. Бошқа йирик шаҳарлари: Ньюарк, Жерси-Сити. Н.-Ж. нинг кўп қисми Атлантика бўйи пасттекислигида, шимоли эса Аппалачи тоғларининг этакларидир. Иқлими мўътадил, сернам. Январнинг ўртача т-раси 1° дан —5° гача, июлники 22—24°.

Н.-Ж. — АҚШнинг аҳолиси энг зич (1 *км²* га 350 кишидан зиёд) ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган штатларидан. Ишлаб берувчи саноати етакчи ўринда. Тўқимачилик, рангли металлургия, силикат-керамика, тикувчилик корхоналари бор. Боғдорчилик ривожланган. Н.-Ж. терр-яси орқали АҚШнинг йирик шаҳарларини боғловчи т. й. ва автомобиль йўллари ўтган.

НЬЮ-ЙОРК — дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири. АҚШнинг энг катта саноат, молия, савдо-транспорт ҳамда снёсий ва маданий маркази. Атлантика океани соҳилида, Гудзон дарёсининг қуйилиш жойида. Шаҳарнинг марказий қисми Манхаттан о. да жойлашган. Иқлими мўътадил, сернам. Январнинг ўртача т-раси —1°, июлники 23°. Йиллик ёғин 1000 *мм*. Майдони (шаҳарнинг муниципаль чегараси доирасида) 816 *км²* (сув ҳавзаларисиз 768 *км²*). Аҳолиси 7,9 млн. киши (1970), 21% и негрлар. Стандарт статистик терр-яда 11,6 млн. киши (1970). Н.-Й. га амалда қўшилиб кетган шаҳарлар ва шаҳар атрофи б-н бирга майдони 10 минг *км²*, аҳолиси 16 млн. киши (1970), 15% и негрлар. Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги асли европалик, осиёлик ва африкалик. Н.-Й. 5 та шаҳар р-нига бўлинган. Иқтисодий актив аҳолиси муниципаль чегара ичида 3,8 млн. киши, Катта Н.-Й. да 6,7 млн. киши (1969). Шаҳарни мэр, муниципаль кенгаш ва ҳисоблар

бошқармаси идора қилади. Мэр аҳоли томонидан 4 йилга сайланади.

Шаҳарга 1614 йилда голландлар асос солган ва уни 1626 йилдан Янги Амстердам деб аталган.1664 йилда Янги Амстердамни инглизлар босиб олиб, герцог Йоркский шарафига Н.-Й. деб атаганлар. 1785—90 йилларда Н.-Й. АҚШнинг муваққат пойтахти. Н.-Й.— АҚШда ишчилар ҳаракатининг энг йирик марказларидан. У ерда БМТ ва б. халқаро ташкилотларнинг штаб-квартираси жойлашган.


Н.-Й.— АҚШда энг катта, дунёда энг йирик денгиз портларидан. Юк обороти 100 млн. т дан зиёд (1970). Четдан келтириладиган юклар (нефть, тропик ўсимликлар маҳсулоти, хом ашё, саноат буюмлари) четга чиқариладиган юклар (саноат буюмлари, озиқ-овқат)дан 3 марта кўп. Мамлакат ташқи савдо оборотининг $^1/_4$ қисми Н.-Й. орқали ўтади. Шаҳарда фонд биржаси, банк, страхование жамиятлари, саноат ва б. корпорацияларнинг правлениелари жойлашган. 3 та катта аэропорт бор. Тикувчилик ва полиграфия саноатлари салмоқли ўрин тутади. Машинасозлик ва металлсозлик (жумладан электротехника, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, авиоракетасозлик, оптика-механика), кимё ҳамда галантерея ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ривожланган. Нефтни қайта ишлаш, рангли металлургия, озиқ-овқат саноати корхоналари ҳам бор. Шаҳарнинг айрим қисмларини 60 кўприк, 4 автомобиль тунели ва 24 пассажир паромы бирлаштириб туради. 1868 йилдан метрополитен ишлаб турибди (метро йўлларининг умумий узунлиги 385 *км*, 477 станцияси бор).

Н.-Й. да итальянлар, яҳудийлар, хитойлар ва бошқаларнинг кўча ва маҳаллалари бор. Камбағаллар кулбаларда яшайди. Ишсизлар кўп. Н.-Й.— социал тенгсизликлар, синфий зиддиятлар кучайган ва жиноят кўп содир бўлиб турадиган шаҳар.

Н.-Й. 19- аср бошидан тўғри бурчакли планировка асосида шакллана бошлади. 19- аср ўрталарига келиб улкан капиталистик шаҳарга айланди. Энг катта кўчаларидан бири Бродвей (узунлиги 29 *км*). 19—20- асрларда кўп қаватли баланд бинолар қурила бошлади. 20- аср ўрталарига келиб Н.-Й. узунлиги 200 *км* келадиган ва бир-бирлари б-н туташиб кетган улкан шаҳарлар тўдасига айланди. 17—18- асрда қурилган бинолардан ратуша (1803—12), Тринити-Чёрч черкови (1839—1846), катта инженерлик иншоотларидан Бруклин кўприги (1869—83) ва б. бор. Кўп қаватли бинолардан Эмпайр стейт билдинг (102 қават; 1930—31), БМТ штаб-квартираси биноси (1947—52), Халқаро савдо маркази (2 та 110 қаватли минора, баландлиги 412 *м*; 1971—73) ва б. бор. Йирик кўприклари: Ж. Вашингтон ва Веррацано-Нарроус. Муҳим ёдгорликлари: Озодлик ҳайкали, Вашингтон арки.

Н.-Й. да 6 ун-т, 40 дан ортиқ колледж, Нью-Йорк ФА ва б. академиялар, ин-тлар, йирик кутубхоналар (Нью-Йорк халқ кутубхонаси, БМТнинг Д. Хаммаршельд номидаги кутубхонаси ва б.), музейлар, 70 дан ортиқ театр бинолари, Филармония зали, консерватория, концерт заллари ва ҳ. к. лар бор.

НЬЮ-ЙОРК — АҚШнинг шимоли-шарқий қисмидаги штат. Атлантика океани соҳилида (Лонг-Айленд ороли ҳам Н.-Й. таркибида), Канада б-н чегарадош. Майдони 128,4 минг *км²*. Аҳолиси 18,2 млн. киши (1970); шунинг 85,6% и шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Олбани ш. Йирик шаҳарлари: *Нью-Йорк*, Буфалло, Рочестер, Сиракьюс.



Нью-Йорк шаҳрининг кўчаларидан бири.

Штат терр-ясининг кўп қисмида Аппалачи тоғ тизмалари (энг баланд жойи 1628 *м*) жойлашган. Иқлими мўътадил, сернам иқлим. Январнинг ўртача т-раси 0—8°, июлники 20—23°. Йиллик ёғин 800—1000 *мм*. Йирик дарёлари: Гудзон, Мохок, Сан-Лаврентий. Ўрмонлар бор.

Н.-Й.— АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ва аҳолиси зич штатларидан. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва савдо обороти жиҳатидан АҚШда 1-ўринда. Темир руда-си, рух, қўрғошин, ош тузи, қурилиш материаллари, озроқ миқдорда нефть ва табиий газ қазиб олинади.

Қ. х. нинг етакчи тармоқлари — сут чорвачилиги, паррандачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва токчилик.

Н.-Й. терр-ясини 17- аср бошида голландлар босиб олган. Штатнинг маҳаллий аҳолиси кўплаб қириб ташланган. 1664 йилда Н.-Й. ни инглизлар эгаллади. 1776 йилда Н.-Й. АҚШни тузишда қатнашган дастлабки 13 штатдан бири бўлди.

«НЬЮ-ЙОРК ТАЙМС» («Нью-Йорк вақти») — АҚШдаги кундалик газета. 1851 йилдан Нью-Йоркда «Нью-Йорк таймс компани» компанияси томонидан нашр этилади. Расман мустақил газета ҳисобланади. Мамлакатнинг анча эътиборли либерал кайфиятдаги кишилар гуруҳи қарашини ифодалайди. Тиражи 895 мингдан ортиқ, якшанбалик сонлари қарийб 1,5 млн. (1974). Латин Америкаси ва Европага тарқатиладиган сонлари Лима (Перу) ва Париж (Франция)даги нашрига мувофиқ чиқади.

НЬЮКАСЛ — Австралия Иттифоқидаги шаҳар. Янги Жанубий Уэльс штатида, Тасман денгизи соҳилидаги порт. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 351 минг киши (1971). Т. й. станцияси. Н.— Австралиядаги йирик кўмир ҳавзасининг маркази. Қора металлургия, кемасозлик, автомобилсозлик, кимё саноати корхоналари бор. Н. порти орқали четга кўмир чиқарилади.

НЬЮКАСЛ, Ньюкасл-эпон-Тайн — Буюк Британиядаги шаҳар. Нортамберленд графлигининг маъмурий маркази. Аҳолиси 222 минг киши (1971). Транспорт йўллари узели, Тайн дарёсининг Шимолий денгизга қуйилиш жойидаги порт. Савдо-молия маркази. Кемасозлик ва кема ремонти, электротехника саноати кор-



Ньютон И.

хоналари бор. Ун-т (1963 йилдан), фан ва техника музейи бор. 12—19-аср архитектура ёдгорликларидан қаср, собор, ратуша, 2 яруслы темир кўприк ва б. сақланган.

НЬЮКОМ, Ньюкомб Саймон (Симон) (1835. 12. 3, Уоллис, Янги Шотландия — 1909. 11. 7, Вашингтон) — америкалик астроном. Асли канадалик; 1853 йилда АҚШга ўтган. 1861—77 йилларда Вашингтондаги Денгиз академиясида проф. ва Денгиз обсерваториясида кузатувчи астроном. 1877—97 йилларда Америка денгиз астрономик тўплами («Nautical Almanac») нинг раҳбари. Асосий ишлари катта сайёралар ҳаракатини ўрганишга, астрономик доимийликларни аниқлашга, шунингдек юлдузларнинг аниқ вазиятларини белгилаб берувчи каталоглар тузишга оид. *Прецессия, нутация* ва *аберрацион вақт* доимийликларининг Н. томонидан топилган сон қийматлари ҳозир ҳам ишлатилади.

НЬЮ-МЕКСИКО — АҚШнинг жануби-ғарбий қисмидаги штат. Мексика б-н чегарадош. Майдони 315 минг *км*². Аҳолиси 1 млн. киши (1970), 70%и шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Санта-Фе ш., иқтисодий маркази — Альбукерке ш. Штатнинг маркази Қояли тоғлар (баландлиги 4000 *м* гача), ғарби Колорадо платоси, жануби-шарқи Льяно-Эстакадо платоси б-н банд. Иқлими субтропик қуруқ иқлим. Йиллик ёғин 250—500 *мм*. Энг катта дарёси — Рио-Гранде. Тоғлар игна баргли ўрмонлар б-н қопланган. Платоларда саванна ва дашт ўсимликлари ўсади.

Н.-М.— АҚШнинг аҳолиси сийрак штатларидан. Уран рудаси қазиб чиқаришда (1971 йилда 5 минг *т*) АҚШда 1-ўринда. Қалий тузлари, нефть, табиий газ, мис, қўрғошин, рух, олтин, кумуш, ванадий конлари бор. Саноатининг етакчи тармоқлари: рангли металлургия, озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш саноати. Электрон ускуналар ва ядро қуроли ишлаб чиқарилади. Атом энергиясини ўрганиш марказлари ва ядро қуроли омборхоналари бор. Қ. х. да яйлов чорвачилиги етакчи ўринда. Суғориладиган ерларда ўт, пахта, жўхори, буғдой, сабзавот экилади. Штатни 2 трансконтинентал т. й. кесиб ўтган. Туристлар кўп боради.

Н.-М. терр-ясини 16-асрда испанлар босиб олган. 1821 йилда Мексика таркибига қўшилган. 1848 йилда АҚШ босиб олган. 1912 йилдан Н.-М. АҚШнинг 47-штати.

НЬЮТОН Исаак (1643. 4. 1, Вулсторп — 1727. 31. 3, Кенсингтон) — инглиз физиги, математиги ва астрономи. Кембридж ун-тини тамомлаб, бакалавр илмий унвонини олган (1665). Вабо тарқалган йиллари (1665—67) ўз қишлоғи Вулсторпда яшаган. Шу йиллар Н. илмий фаолиятида энг самарали давр бўлди. 1668 йилда унга магистр унвони берилди. Н. Кембридж ун-ти физика-математика кафедрасининг бошлиги (1669—1701), Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1672 йилдан), унинг президенти (1703 йилдан). 1695 йилдан Зарбхона назоратчиси (бунга, эҳтимол, металлар хусусиятини яхши билганлиги сабаб бўлгандир), 1699 йилдан директори, Париж ФА хорижий аъзоси. Илмий ишлари учун унга дворянлик имтиёзи берилган (1705).

Н. механика ва астрономиянинг назарий асосларини яратди, бутун олам тортишиш қонунини очди, дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиқди, кўзгули телескопни кашф қилди. У оптикага оид муҳим эксперимент ишлар муаллифи.

Механика, физика ва математиканинг Н. ишлаб чиққан асосий масалалари ўша давр илмий муаммолари б-н чамбарчас боғлиқ эди. Н. студентлик йилларидаёқ оптика б-н қизиққан. У «Ёруғлик ва рангларнинг янги назарияси» асарида (1672) ёруғликнинг корпускуляр тузилиши ҳақидаги гипотезани илгари сурган. Н. «Оптика» асарида (1674) *ёруғлик аберрацияси, интерференция*, ёруғликдаги *дисперсия, дифракция, ёруғликнинг қутбланиши* ва б. ҳодисаларни ёритган. У биринчи бўлиб ёруғликнинг тўлқин узунлигини ўлчаган.

«Натурал философиянинг математик негизлари» Н. нинг энг муҳим илмий асари (1687) ҳисобланади. Бу асарида у ўзидан илгари ўтган олимлар (Г. *Галилей*, Р. *Декарт*, И. *Кеплер* ва б.) ҳамда ўзи эришган илмий натижаларни умумлаштирган ва классик механиканинг асоси бўлган ер ва осмон механикаси системасини яратган; классик механиканинг асосий тушунчалари — массаси ва зичлигига эквивалент бўлган материя миқдорига; импульсига эквивалент бўлган ҳаракат миқдорига ва кучнинг ҳар хил турига таъриф берган; ўзининг 3 машҳур «аксиома ёки ҳаракат қонунлари»: *инерция қонуни* (Н. нинг биринчи қонуни), ҳаракат миқдорининг ўзгариши қонуни (иккинчи қонуни), *таъсир ва акс таъсир қонуни* (учинчи қонуни) ни таърифлаган. У иккинчи ва учинчи қонунларидан ёпиқ система учун ҳаракат миқдорининг сақланиш қонунини ишлаб чиққан.

Н. бутун олам тортишиш қонунини баён қилган, барча сайёра ва кометаларнинг Қуёшга, йўлдошларнинг эса сайёраларга улар орасидаги масофа квадратига тескари бўлган куч б-н тортишишини асослаб берган ва осмон жисмларининг ҳаракат назариясини ишлаб чиққан. У бутун олам тортишиш қонунидан *Кеплер қонунлари* келиб чиқишини исботлаган. Н. бу асарида Ой ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини тушунтирган, шунингдек Ер шакли ва унинг ҳаракатига оид хусусиятларни аниқлаган. У гидростатика ва гидродинамиканинг баъзи масалаларини қайта ишлаб чиққан; муҳит (газ ва суюқлик)даги жисм ҳаракатини шу муҳитнинг аралашиш тезлигига боғлиқ ҳолда текширган. Мазкур асарида ҳаво ва суюқликда маятникнинг тебранишини ўрганиш тўғрисидаги тажрибаси натижаларини келтирган, эластик муҳитларда товушнинг тарқалиш тезлигини таҳлил қилган, ишталган жисмни совиш қонунини берган.

Н. илгари сурган табиатшунослик масалалари бутунлай янги математик методларни ишлаб чиқишни талаб этарди. У дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиққан, дифференциал ва интеграл ҳисобнинг ўзаро тескари характерга эга эканлигини кашф қилган, чексиз қаторлар соҳасида янгилик яратган. Бу соҳадаги ишлари 1670—1671 йилларда ёзилган ва 1736 йилда босилган «Флюксия методи» китобида тўла баён қилинган. Н. ва ундан мустақил равишда Г. *Лейбниц* томонидан яратилган дифференциал ҳисоб ва интеграл ҳисоб математика тараққиётида янги босқич бўлди.

Н., шунингдек бином формуласини ихтиёрий кўрсаткичга умумлаштирган (қ. *Ньютон биноми*), ҳисоблаш математикаси соҳасида тенгламаларни тақрибий ечиш усули ва интерполяция формуласини топган. Унинг алгебра ва геометрияга оид бошқа ишлари ҳам муҳим.

Н. механикасининг универсаллиги, табиатдаги турли ҳодисалар, айниқса, астрономик ҳодисаларни тушунтира олиши физика ва химиянинг кўп соҳаларига катта таъсир кўрсатди. Баъзи оптик ва кимёвий ҳодисаларни тушунтиришда Н. механик моделлардан фойдаланди. «Ньютон физикани ўзи хоҳлаганича, ҳозир атошимизча, «классик» фикрлашга мажбур қилди... Ньютон бўлмаганда эди, фан бошқа йўл б-н ривожланарди» (Вавилов С. И., Исаак Ньютон, М., 1961).

Н. материалистик дунёқарашга эга эди, лекин у динга ҳам ишонган, чунки коинотга «биринчи туртки»ни худо берган деб айтган. Шундай бўлса-да, Н. фанни диндан батамом ажратган. «Ньютон «биринчи» турткини унга (худога) йўйди, лекин ўзининг қуёш системасига унинг барча кейинги аралашувини ман қилди» (Ф. Энгельс, Табиат диалектикаси, М., 1969, 171-б.).

Ад.: Вавилов С. И., Исаак Ньютон, М., 1961.

НЬЮТОН — абсолют механик (МКС) ва Халқаро (СИ) бирликлар системасида *куч* ўлчов бирлиги, *н* ёки *N* б-н белгиланади. И. *Ньютон* шарафига қўйилган. 1 *кг* массали жисмга 1 *м/сек*² тезланиш бера оладиган куч 1 Н. дейилади. Н. ни 1 *кг* кучга нисбатан олганда 1 *кг куч*=9,80665 *н* бўлади, *дина*га нисбатан олганда эса 1 дина=10^{-5} *н* бўлади.

НЬЮТОН БИНОМИ — икки қўшилувчи йиғиндисининг ихтиёрий бутун мусбат даражасини қўшилувчилар даражалари орқали ифодаловчи формула:

$$(a+b)^n = a^n + n\,a^{n-1}\,b + \frac{n(n-1)}{1\cdot 2}\,a^{n-2}\,b^2 + \ldots + \frac{n(n-1)\ldots(n-k+1)}{1\cdot 2\cdot 3\ldots k}\,a^{n-k}\,b^k + \ldots + b^k = \sum_{k=0}^{n}\binom{n}{k}a^{n-k}\,b^k,$$

бу ерда n — бутун мусбат сон, a, b — ихтиёрий сонлар. $n=2$ бўлганда Н. б. $(a+b)^2 = a^2 + 2ab + b^2$, $n=3$ бўлса, $(a+b)^3 = a^3 + 3a^2b + 3ab^2 + b^3$ кўринишида бўлади. Н. б. нинг коэффициентлари биномиал коэффициентлар дейилиб, $a^{n-k}\,b^k$ ҳад коэффициенти $\binom{n}{k}$ ёки C_n^k каби белгиланади (қ. *Комбинаторика*). Биномиал коэффициентлар *арифметик учбурчак* ташкил қилади.

Н. б. нинг формуласи *Ньютон*дан анча аввал ҳам маълум бўлган. Мас., *Умар Хайём* (11—12-аср), Жамшид *Коший* (14—15-аср) биноминал коэффициентларни ҳисоблаш қоидасини билганлар. И. *Ньютон* эса бином ёйилмасини ихтиёрий кўрсаткич учун умумлаштирган:

$$(1+x)^m = 1 + mx + \frac{m(m-1)}{1\cdot 2}\,x^2 + \frac{m(m-1)(m-2)}{1\cdot 2\cdot 3}\,x^3 + \ldots;\quad -1 < x < 1.$$

Мас.,

$$\sqrt{1+x} = (1+x)^{\frac{1}{2}} = 1 + \frac{1}{2}\,x - \frac{1}{8}\,x^2 + \ldots,$$

$$\frac{1}{1+x} = (1+x)^{-1} = 1 - x + x^2 - x^3 + \ldots.$$

Н. б. математик анализ, сонлар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва б. соҳаларда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Виленкин Н. Я., Комбинаторика, М., 1969.


НЬЮТОН СУЮҚЛИҒИ — қовушоқ суюқлик. Ньютоннинг қовушоқ ишқаланиш қонунига мувофиқ оқади. Ламинар оқимда $h=P/Q$ қовушоқликка эга бўлади. Бунда P — оқиш, силжиш тезлиги, Q — ламинар оқим тезлиги градиенти, h — суюқликнинг молекуляр табиатига боғлиқ физик-кимёвий доимий миқдор. Н. с. га суюқ ҳолатдаги барча молекуляр моддалар, уларнинг аралашма ва эритмалари (сув, металл эритмаси, тузлар, шиша ва ҳ. к.) киради. P ва Q катталиклари кам суюқликлар Н. с. бўлмайди, бундай суюқликларга полимерлар эритмаси, юмшаш т-расидаги шиша ва ҳ. к. киради (қ. *Реология, Қовушоқлик*).

НЬЮТОН ҲАЛҚАСИ — ясси сиртга тегиб турган қаварик линзадан ўтаётган ёруғликнинг қайтиши (синишти)дан ҳосил бўлган интерференцион ҳалқасимон йўллар (1-расмга қ.). Биринчи марта 1675 йилда И. Ньютон аниқлаган. Ҳалқалар диаметри катталашган сари уларнинг зичлиги ортади ва ҳалқалар полосаси кенглиги, яъни икки қўшни ҳалқа орасидаги масофа, кичиклашади. 2-расмда Н. ҳ. ни кузатишда қўлланадиган асбоб тасвирланган. Микроскоп столида ясси шиша жойлашган, унинг устига эгрилиги кичик линза қўйилган. Микроскопда шиша текислигига перпендикуляр йўналишда кузатиш олиб борилади. Манба L дан чиқаётган ёруғлик ҳам шиша текислигига перпендикуляр тушиши учун микроскоп ўқига 45° бурчак остида MM шиша пластинка қўйилган. Шундай қилиб, интерференцион манзара шу шиша пластинкадан кузатилади. Пластинка Н. ҳ. сини кузатишга ҳалақит бермайди, чунки ундан етарли даражада ёруғлик ўтади, конденсатор K ёритишни кучайтириш мақсадида қўйилган.


Ад.: Шишловский А. А., Прикладная физическая оптика, М., 1961; Дитчберн Р., Физическая оптика, Пер. с англ., 1965.

НЬЮТОННИНГ МЕХАНИКА ҚОНУНЛАРИ — классик механика асосини ташкил қиладиган учта қонун. И. *Ньютон* томонидан (1687) қуйидагича таърифланган: 1) ҳар қандай жисмга ташқи куч таъсир қилмагунча у ўзининг тинчлик ҳолатини ва тўғри чизиқли текис ҳаракатини сақлайди (қ. *Инерция қонуни*); 2) ҳаракат миқдори (жисм массаси б-н тезланиши кўпайтмаси)нинг ўзгариши жисмга таъсир қилувчи кучга пропорционал, йўналиши эса таъсир этаётган куч йўналишида бўлади. Бу қонуннинг математик кўриниши қуйидагича: $\frac{d(mv)}{dt} = F$ ёки $m\omega = F$, бунда m — жисм массаси, v — жисм тезлиги, ω — тезланиш, F — таъсир кучи; 3) икки жисмнинг ўзаро таъсир кучи бир-бирига тенг, йўналиши эса қарама-қарши бўлади (қ. *Таъсир ва акс таъсир қонуни*). Н. м. қ. элементар зарралар ва тезлиги ёруғлик тезлигига яқин моддалар учун ўринли эмас.

Ад.: Галилей Г., Беседы и математические доказательства, касающиеся двух новых отраслей науки, относящихся к механике и местному движению. Соч., (Пер. с лат), т. 1, М.—Л., 1934.



Ньютон ҳалқаси. 1-расм. Интерференция ҳалқалари.



2-расм. Ньютон ҳалқасини микроскопда кузатиш.

НЬЮТОННИНГ ТОРТИШИШ ҚОНУНИ, бутун олам тортишиш қонуни — табиатнинг универсал қонунларидан бири. Унга кўра, барча моддий жисмлар бир-бирини тортиб туради; тортишиш кучининг қиймати жисмларнинг физик ва кимёвий хоссаларига, ҳаракат ҳолатига, жисмлар турган муҳит хоссаларига боғлиқ бўлмайди.

НЬЮФАУНДЛЕНД (инглз. Newfoundland — қайта кашф қилинган ер) — Атлантика океанидаги орол. Канаданинг жануби-шарқий қирғоги яқинида. Лабрадор я. о. дан Белл-Айл бўғози орқали ажралган. Н. Канаданинг Ньюфаундленд провинцияси таркибида. Майдони 111 минг *км*². Аҳолиси 470 минг киши (1966). Ер юзаси тўлқинсимон текислик. Айрим тепаликларнинг баландлиги 200—300 *м*, энг баланд жойи 814 *м*. Кўл ва ботқоқлик кўп. Н. материкдан антропоген даврида ажралган. Иқлими мўътадил, денгиз иқлими. Январнинг ўртача т-раси —4° дан —10° гача, июлники 10—15°. Йиллик ёғин 750—1500 *мм*. Н., асосан, игна баргли ўрмонлар б-н қопланган. Балиқ консерва қилинади. Ёғоч тайёрланади. Н. соҳили норманларга 11-асрдан маълум бўлган.

НЬЮФАУНДЛЕНД — Канаданинг шарқий қисмидаги провинция. Атлантика океани соҳилида. Ньюфаундленд ороли ва Лабрадор ярим оролининг шимоли-шарқий қисмида. Майдони 404,6 минг *км*². Аҳолиси 522 минг киши (1971); шундан шаҳар аҳолиси 57%. Маъмурий маркази ва энг катта порти — Сент-Жонс ш. Н. нинг ер юзаси сертепа текислик. Дарё ва кўллар кўп. Терр-ясининг ½ қисми ўрмон, шимолий қисми тундра. Хўжалиги экспорт маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган. Темир рудаси, қўрғошин ва рух, мис қазиб олинади. Целлюлоза-қоғоз ва балиқни қайта ишлаш саноатлари ривожланган. Нефть-кимё, транспорт машинасозлиги корхоналари, йирик ГЭС бор. Қ. х. ёрдамчи аҳамиятга эга. Н. терр-ясида ҳарбий базалар ва йирик транзит аэропорт бор. Н. га 11-асрда дастлаб норманлар борган. 1497 йилда у ерда Ж. Кабот бошлиқ инглиз экспедицияси бўлган. 1713 йилдан Н. Англия мустамлакаси. Маҳаллий аҳолиси (индеец ва эскимослар) 19-аср бошигача бутунлай қириб ташланган. 1917 йилдан Н. доминион. 1949 йил 31 мартдан Канада таркибидаги провинция.

НЬЮ-ХЭМПШИР — АҚШнинг шимоли-шарқий қисмидаги штат. Янги Англияда; Канада б-н чегарадош. Майдони 24,2 минг *км*². Аҳолиси 738 минг киши (1970), 56,4%и шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Конкорд ш., энг катта шаҳри — Манчестер. Н.-Х.— АҚШни тузишда қатнашган дастлабки 13 штатдан бири. Штат терр-ясига европаликлар 1623 йилдан бориб ўрнаша бошлаган.

Штат майдонининг катта қисмида Аппалачи тоғлари жойлашган. Шимоли-шарқида Оқ тоғлар (Вашингтон чўққисининг баландлиги 1916 *м*) бор. Йирик дарёлари: Мерримак ва Коннектикут. Кўл кўп. Штат терр-ясининг ярмидан кўпроги игна баргли ўрмон.

Машинасозлик, кўн пойабзал, тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз, кемасозлик саноатлари ривожланган. Портсмут ш. даги ҳарбий кемасозлик корхонасида сув ости кемалари қурилади. ТЭС ва ГЭСлар бор. Қ. х. товар маҳсулотининг ¾ қисмини сут чорвачилиги ва паррандачилик беради. Деҳқончиликда, асосан, ем-хашак экинлари, сабзавот экилади. Боғлар бор. Туризм ривожланган.

НЬЯСА, Малави — Африкадаги кўл. Мозамбик, Танзания ва Малави терр-яларида. Узилма ботиқда, 427 *м* баландликда жойлашган. Майдони 30,8 минг *км*². Энг чуқур жойи 706 *м*. Н. дан Замбези дарёсининг чап ирмоғи — Шире оқиб чиқади. Кўл қирғоқлари тик ва қояли. Ёғингарчилик даври — май ойида сув юзаси 1 *м* гача кўтарилади. Н. га йилига ўртача 72 *км*³ сув қуйилади, 66 *км*³ сув бугланади. Кўл тубида вулкан отилишлари бўлиб туради. Кўлда 230 тур балиқ, шунингдек тимсоҳ, бегемот яшайди, сув паррандалари кўп. Кема қатнайди. Кўл соҳилидаги йирик порт шаҳарлар: Чипока, Нктоа-Кота, Каронга (Малави), Мвая (Танзания), Кобве (Мозамбик). Н. ни 1616 йилда португалиялик сайёҳ Г. Букарру кашф қилган, кўлнинг дастлабки картасини 1861 йилда инглиз сайёҳи Д. Ливингстон тузган.

НЬЯСАЛЕНД — Англиянинг Шарқий Африкадаги собиқ мустамлакаси. 1953—63 йилларда Буюк Британия тузган Родезия ва Ньясаленд федерацияси таркибида бўлган. 1964 йил 6 июлда Н. ўрнида мустақил *Малави* давлати ташкил топди.

НЬЯЯ (санскритча — мантиқ) — мил. ав. 6—2-асрларда Ҳиндистонда пайдо бўлган илк материалистик фалсафий системалардан бири. Унга Гаутама асос солган. Н. вакиллари тўғри фикрлаш ва ҳодисаларни тўғри талқин этиш ва б. мантиқий масалалар б-н шуғулланган. Ҳиндистонда Н. «баҳслашув тўғрисидаги фан» деб ҳам юритилади. Н. нинг билиш назарияси *сенсуализм*га асосланган. Инсон табиатдаги ҳодиса, предметларни сезги аъзолари орқали билади. Сезги орқали ҳис этилмайдиган нарсалар нореал, мавжуд эмас, деб ҳисобланади. Н. бўйича дунёни ҳиссий сезиш (пратьякша), хулоса ясаш (анумана), таққослаш (упамана) ва исботлаш (шабда) усуллари орқали билиш мумкин. Бироқ исбот (шабда)ни изоҳлашда идеализмга ён босган. Н. айрим фалсафий масалаларни талқин этишда *Вайшешика*га эргашган, чунончи, ундан атомистик назарияни қабул қилган. Вайшешика ҳам, ўз навбатида, Н. даги мантиқий фикрларга суянган. Ҳиндистонда бу икки фалсафий мактаб биргаликда ньяя-вайшешик деб ҳам юритилади.

НЭП (Новая экономическая политика) — Коммунистик партия ва Совет давлатининг капитализмдан социализмга ўтиш давридаги сиёсати (қ. *Янги иқтисодий сиёсат*).

«НЮ ДАГ» («Янги кун») — швед тилида ҳафтада 2 марта чиқадиган газета. Швеция Сўл партияси (коммунистлар)нинг марказий органи. 1930 йилдан Стокгольмда нашр этилади. Швециянинг ижтимоий-сиёсий масалаларига, халқаро ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатларига оид мақолалар босади; СССР ва б. социалистик мамлакатлар б-н дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади. Тиражи 31 минг (1973).

НЮАНС (франц. nuance — нозик фарқ) (музыкада) — музика жумлалари ва алоҳида (ҳамоҳангликни юзага келтирувчи) товушлар ижро этишдаги нозик тафовут. Музика товуши динамикасини ўзгартириш, ижро жараёнида музика безакларидан ўзига хос тарзда фойдаланиш йўли б-н эришилади. Н. лар профессионал музикада, одатда, итальян терминлари б-н (мас., dolce — нафосат б-н, appassionato — завқ б-н) ифодаланади. Н. нинг қўлланиши (нюансировка) асарнинг мазмуни, жанри ва шаклига, ижрочининг услуби ва талқин йўлига боғлиқ (мас., *Ҳожи Абдулазиз* Абдурасулов, Мулла *Тўйчи Ҳофиз* Тошмуҳамедов, Содирхон Бобошариповлар ижросидаги «Ушшоқ» ашула йўли турлича талқин ва Н. га эга).

НЮРНБЕРГ — ГФРдаги шаҳар. Бавария ерида, Регниц дарёси ва Людвиг канали бўйида. Транспорт йўлларининг муҳим узели. Аҳолиси 478 минг киши (1971). Мамлакатнинг энг йирик саноат марказларидан. Электротехника, станоксозлик, аниқ механика, кимё, тўқимачилик, кўн, озиқ-овқат, ёғочсозлик, полиграфия саноати ривожланган. Амалий техника ва Тасвирий санъат академиялари, Олий педагогика мактаби, Эрланген ун-тининг иқтисодий ва социал фанлар ф-ти, илмий тадқиқот маркази, опера ва драма театрлари, музейлар, арх. ёдгорликлари, аэропорт бор.

Н. кўл ёзмаларда 1050 йилдан тилга олинган. 1219 йилдан эркин шаҳар. 14—15-асрларда ҳунармандчилик ва савдонинг йирик маркази. 1806 йилдан Бавария қироллиги таркибида. Фашизм ҳукмронлиги йилларида Н. да нацистлар партиясининг съездлари бўлган. Фашизм тор-мор қилингач, 1945—46 йилларда Н. да Халқаро ҳарбий трибунал 2-жаҳон урушининг бош айбдорлари — немис-фашистлари ҳарбий жиноятчиларининг иши юзасидан суд процесси ўтказган. (қ. *Нюрнберг процесси*).

НЮРНБЕРГ ПРОЦЕССИ (1945 йил 20 ноябрь — 1946 йил 1 октябрь) — ашаддий нацист ҳарбий жиноятчилар устидан *Нюрнберг*да, *Халқаро ҳарбий трибунал* ўтказган суд процесси. Судга фашистлар Германиясининг 24 ҳарбий жиноятчиси, олий давлат ва ҳарбий арбоблари топширилди: Г. Геринг, Р. Гесс, И. фон Риббентроп, В. Кейтель, Э. Кальтенбруннер, А. Розенберг, Г. Франк, В. Фрик, Ю. Штрейхер, В. Функ, К. Дёниц, У. Редер, Б. фон Ширах, Ф. Заукель, А. Иодль, А. Зейс-Инкварт, А. Шпеер, К. фон Нейрат, Г. Фриче, Г. Шахт, Р. Лей (ўзини осиб ўлдирган), Г. Крупп (касаллиги аниқлангач иши тўхтатилган), М. Борман (яширингани учун сиртдан суд қилинган), Ф. фон Папен.

Бу жиноятчилар тинчликка, инсониятга қарши фитна уюштириш ва уни амалга оширишда, чунончи: ҳарбий асирларни даҳшатли қийноққа солиш, ўлдириш, кўп минглаб тинч аҳолини қириб ташлаш, тирик одамлар устидан ваҳшиёна тажрибалар ўтказиш, хусусий ва жамоат мулкларини талон-торож қилиш, миллионлаб кишиларни фашистларга қул қилиш учун зўрлик б-н ҳайдаб олиб кетиш каби жиддий ҳарбий жиноятларда айбландилар. Шунингдек, трибуналда, фашистлар Германиясидаги *Национал-социалистик партия* раҳбар состави, штурмчи (СА) ни, Национал-социалистик партиянинг соқчи отрядлари (СС), хавфсизлик хизматини ўтовчи (СД), давлат махфий полицияси (гестапо)ни ва давлат кабинети ҳамда генштабни жиноятчи ташкилотлар деб эълон қилиш масаласи кўрилди.

Суд процессида 403 очиқ суд мажлиси ўтказилган, 116 гувоҳ сўроқ қилинган, жуда кўп ёзма кўрсатмалар ва ҳужжатли далил-исботлар, чунончи: Германия министрликлари ва генштаб бошқармаларининг, ҳарбий концернлар ҳамда банкларнинг расмий ҳужжатлари қараб чиқилган. Тергов ва қоралов ишларини қувватлаш, координациялаш мақсадида СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция давлатларининг вакилларидан иборат Комитет тузилди. Комитетга СССРдан Р. А. Руденко, АҚШдан Роберт Х. Джексон, Буюк Британиядан Х. Шокросс ва Франциядан Ф. де Ментон, кейин Ш. де Риб аъзо бўлиб кирдилар.

Судланувчиларнинг ҳаммаси (Шахт, Фриче ва Папендан ташқари) кўрсатилган жиноятларда айбдор деб топилиб, 1946 йил 30 сент.— 1 октябрда ҳукм эълон қилинди: Геринг, Риббентроп, Кейтель, Кальтенбруннер, Розенберг, Франк, Фрик, Штрейхер, Заукель, Иодль, Зейс-Инкварт ва Борман (сиртдан)лар — осиб ўлдиришга; Гесс, Функ ва Редер — умрбод, Ширах ва Шпеер — 20 йил, Нейрат — 15 йил, Дёниц — 10 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Трибунал СС, гестапо ва СД ни ҳамда национал-социалистик партия раҳбар составини жиноятчи ташкилотлар деб эълон қилди. Трибунал аъзоларидан СССР вакили алоҳида фикр билдириб, Шахт, Фриче, Папеннинг оқланишига ва давлат кабинети ҳамда генштабни жиноятчи ташкилотлар деб ҳисоблаш рад этилганлигига норози эканини маълум қилди. 1946 йил 16 октябрь тунида осиш ҳукми ижро этилди (Геринг ҳукм ижро этилишидан сал олдин ўзини ўлдирди).

Н. п. тарихда биринчи марта агрессияни халқаро жиноят деб тан олган ва унинг айбдорларини жазолаган суд процесси эканлиги б-н катта аҳамиятга эга. Трибунал Уставига киритилган ва ҳукмда ифода этилган халқаро ҳуқуқ принциплари БМТ Бош Ассамблеясининг 1946 йил 11 декабрдаги резолюцияси б-н тасдиқланган.

Ад.: Нюрнбергский процесс над главными военными преступниками, Сб. материалов, т. 1—7. М., 1957—61; Полторак А. И., Нюрнбергский процесс, М., 1966.

«НЯН ЗАН» («Халқ») — кундалик газета. Вьетнам Меҳнаткашлар партияси МҚнинг органи. 1951 йил мартда ташкил этилган. Ханойда чиқади. 1954 йил октябрга қадар ҳафтада 1 марта нашр этилган. Тиражи 120 мингдан ортиқ (1974).

НЎЕН (نویان) — бир туман (10 минг киши) қўшин қўмондони. Қадимий турк ва мўғул армияларида шаҳзода ва султонлар Н. деб аталган. Мас., йоса ва юсунга кўра, Чингизхоннинг кенжа ўғли Тулуйхон Улуғ Н., Субутой баҳодир ва Жебелар Н. аталган. 14—16-асрларда энг нуфузли амирларгина Н. бўлган.

НЎХАТ (Cicer) — дуккакдошлар (дуккаклилар оиласи)га мансуб бир ва кўп йиллик ўсимлик, 27 тури бор. Еввойи турлари, асосан, Ўрта ва Кичик Осиё, Афғонистон, Эрон, Эфиопияда ўсади. Экиладиган маданий тури (C. arietinum) бир йиллик бўлиб, шарқ, осиё, европа-осиё, ўрта денгиз кенжа турларга бўлинади. Илдизи ўқ илдиз (100—150 *см* чуқурликкача боради). Пояси тик (20—70 *см*), барги мураккаб, тоқ патсимон, гули барг қўлтиғида 1—2 тадан жойлашган, оқ, пушти ёки қизил. Меваси дуккак, дони думалоқ, қиррали. 1000 донаси 400—600 *г*. Дони таркибида 30% гача оқсил, 5—8% мой, 60% дан ортиқ азотсиз экстрактив моддалар бор; озиқ-овқат ва ем сифатида ишлатилади. Н. ёруғсевар, иссиққа талабчан, қурғоқчиликка ва шўрга чидамли, тупроқ ҳарорати 3—5° бўлганда уруғи уна бошлайди, майсалари 8° совуққа чидай олади. Ўсув даври 70—100 кун. Асосан, лалми ерларда экилади.



Нўхат.



Нўъмонов Ҳ.

Н. ватани — Осиё. Қадимдан Ҳиндистон, Покистон, Эфиопия ва б. мамлакатларда; СССРда Урта Осиё, Закавказье, Қозоғистон, Украина жануби, Шимолий Қавказда экилади.

Н. экиладиган ер кузда ўғитланиб шудгорланади, эрта баҳорда бороналанади; февраль ва март бошларида кенг қаторлаб (қатор ораси 45 ёки 60 *см*), 5—7 *см* чуқурликда экилади, гектарига 80—100 *кг* уруғ сарф бўлади. Усув даврида қатор оралари 1—2 марта культивация қилинади. Гектаридан 10—20 *ц* ҳосил олинади. Узбекистонда Н. нинг мелютинская-4, гибридний-27 навлари экилади.

Ад.: Усимликшунослик, Т., 1968.

НУХАТАК — Андижон обл. Андижон р-ни Ёрбоши қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 4 *км*. Аҳолиси 1247 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб филиали, пахта пункти, чойхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

НУХАТГУЛ (Lathyrus odoratus L.) — дуккакдошлар (дуккаклилар оиласи)га мансуб бир йиллик сертук ўт. Бўйи 1—2 *м*. Пояси кам шох, бандининг учи жингалак; жингалаклари ёрдамида бошқа ўсимликларга илашиб ўсади. Барги узун бандли, бир жуфт япроқли. Гули зигоморф, катталиги 2—3 *см*, ранги ҳар хил, ҳиди ўткир, узун гулбандга 1—3 тадан ўрнашган. Меваси ингичка (узунлиги 25—50 *мм*) ва сертук дуккак. Ҳар бир дуккагида 4—6 тадан шарсимон уруғи бор. Июндан сентябргача гуллаб уруғлайди. Урта денгиз атрофидаги мамлакатларда тарқалган. Узбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экилади.

НУХАТТОШ — 1) минералогияда — иссиқ булоқлар сувидан чўккан оҳак зарраларининг тўпланишидан пайдо бўладиган структурали жинс. Нўхат донасидек юмалоқ бўлганлиги учун шундай деб аталган. Структура жиҳатидан *арагонит*нинг ўзи. Н. марказдан ҳар тарафга ўсиб чиққан бўлади; 2) петрографияда — йирик оолитли оҳактош. СССР (Озарбайжон)да ва Чехословакия (Карлово-Вари)да учрайди.

НУХАТХУРАК — таом. Н. ни тайёрлаш усули: нўхат бир сутка совуқ сувда ивитилади. Ивиган нўхат қозонга солиниб, уни кўмиб турадиган даражада сув қуйилади, милдиратиб 30—35 мин. қайнатилади. Юмшаган нўхат қошиқ б-н эзилиб, ликобларга солинади ва бетига зирапиёз, туз, қалампир сепилгач, дастурхонга тортилади. 1 *кг* нўхатга 3—4 дона пиёз, бир чой қошиқда туз керак.

НУХАТШУРАК — қовурилган нўхат, қадимги тамадди. Тайёрлаш усули: нўхат бир-икки кун ивитилиб, пўстидан ажратилгач, иссиқ намакобга солинади, сўнгра қозонда қовурилади. Н., асосан, Самарқандда тайёрланади.

НУЪМОНОВ Комил Нўъмонович — ўзбек совет ёзувчиси, драматурги, публицисти (қ. *Яшин*).

НУЪМОНОВ Ҳабиб (1912 — Тошкент — 1975. 17. 1) — ўзбек совет журналисти, ёзувчи, УзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими (1969). Журналистлик фаолиятини 1925 йили «*Камбағал деҳқон*» газетасида мухбирликдан бошлаган. 1928—34 йилларда Узбекистон Радиоэшиттириш комитетида, сўнг «Колхоз йўли», «Қизил Узбекистон» газеталарида адабий ходим. 1942—45 йиллар Совет Армияси сафида бўлиб, «*Фрунзевец*» газетасида хизмат қилди. 1946 йилдан пенсияга чиққунга қадар (1969) «Совет Узбекистони» газетасида адабий ходим, сўнг қ. х. бўлими мудири. «Фасллар» (1953), «Ёшликда берган кўнгил» (1959) қиссалари нашр этилган. Журналист А. Шорахмедов б-н биргаликда 2 китобдан иборат «Ота» тарихий романини (1-китоб — 1968; 2-китоб — 1971) ёзди. Унда Узбекистоннинг биринчи президенти Й. Охунбобоев фаолияти акс эттирилган. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

НУҒАЙ (13-асрнинг 1-ярми — 1300) — Олтин Урда туманбошиси. Беркахон қўшинига бошчилик қилиб, Ҳалоку ва унинг ворисларига қарши бир неча бор ҳужум уюштирган. Беркахон ўлгач, Дондан Дунайгача бўлган улкан терр-я Н. назорати остида қолган. Н. ёрдамида Телебуғахон тахтдан туширилиб, ўрнига Тўхта ўтирган. Н. нинг тазйиқидан қутулиш мақсадида Тўхта унга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаган. 1300 йил Н. мағлубиятга учраб, асир олинган ва ўлдирилган.

НУҒАЙ ТИЛИ — *нўғайлар*нинг тили. Ставрополь ўлкаси ва Қорачой-Черкасия АО, қисман, Астрахань области, Краснодар ўлкаси ва Дағистон АССРда тарқалган. Туркий тиллар оиласининг қипчоқ-нўғай гуруҳига мансуб. Н. т. да 46 минг киши гаплашади (1970). Луғат таркиби, фонетикаси ва грамматик қурилиши жиҳатдан қорақалпоқ тилига яқин. Н. т. оқ нўғай (Қорачой-Черкасия), асл нўғай (Ставрополь ўлкаси), қора нўғай (Дағистон) диалектларига бўлинади. Улуғ Октябрь рев-ясигача нўғайлар адабий тилга эга эмасди. Рус графикасидаги ёзувга эга (1938 йилдан). Ҳозирги нўғай адабий тилида 33 ҳарф мавжуд. Н. т. нинг ўзига хос товушларини ифодалаш учун рус графикасидаги ҳарфларга қўшимча белгилар орттирилган: а ь, у ь, н ь ва ҳ. к.

Ад.: Языки народов СССР, т. 2, Тюркские языки, М., 1966.

НУҒАЙ УРДА — кўчманчиларининг 14-аср охири ва 15-аср бошларида, Олтин Урда инқирозидан сўнг вужудга келган феодал давлати. Н. У. Волгадан Иртишгача, Каспий ва Орол бўйларидан Қамагача ёйилган терр-яни ўз ичига олган. Маркази — Сарайчик ш. Аҳолиси манғитлар, қўнғиротлар ва б. турк мўғул қабилаларидан иборат бўлган. Улар, асосан, кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланган. Н. У. улусларга ажратиб идора қилинган, ҳар бир улусга бошлиқ қилиб мирзо тайинланган. 16-асрнинг иккинчи ярмида, Қозон ва Астрахань хонликлари Россияга қўшилган вақтда Н. У. бир неча бўлакка ажралди: Қичик Н. У. (Қавказ олдида), Олтиул Урдаси (Эмба дарёси ҳавзасида); Катта Урда (Волга дарёси ўрта ва қуйи оқимининг сўл томонида). Бу даврда манғит ва қўнғиротларнинг анчагина қисми Урта Осиёга кўчди (яна қ. *Манғит, Қўнғирот*).

НУҒАЙЛАР — халқ, РСФСРнинг Ставрополь ўлкаси, Дағистон АССР, Чечен-Ингушия АССР ҳамда Қорачой-Черкасия АОда яшайди. Умумий сони 52 минг киши (1970). Узбекистонда 157 киши. *Нўғай тили*да гаплашади. Диндорлар исломнинг сунна мазҳабига эътиқод қилади. Н. аждодлари *Нўғай*нинг Олтин Урда улусига кирган турк ва мўғул қабилалари ҳисобланади. Қоранўғай, оқинўғай ва ачиқулоқ нўғай этнографик группаларга бўлинади. 13-асрдан бошлаб мўғулларнинг юришларида қатнашган. Дашти қипчоқда қипчоқлар б-н аралашган, турк тилини қабул қилган. Асосий машғулоти — чорвачилик, баъзи жойларда деҳқончилик.

Ад.: Народы Кавказа, т. 1, М., 1960.

НУҒАЙҚУРҒОН — Тошкент обл. Қалинин р-ни Узгариш қ. С. даги қишлоқ. Оржоникидзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Собир Раҳимовдан 3 *км*. Аҳолиси 4623 киши (1971); сабзавотчилик, боғдорчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Салордан сув ичади. Урта мактаб, касалхона, амбулатория, дорихона, алоқа бўлими, лимонад цехи, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

НУҒАЙҚУРҒОН — Тошкент обл. Оҳангарон р-ни Қорахитой қ. С. даги қишлоқ. «Тошкент» йилқичилик с-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Оҳангарондан 5 *км*. Аҳолиси 641 киши (1971); чорвачилик, ғаллакорлик, пиллачилик б-н шуғулланади. Оҳангарон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

НУҒАЙҚУРҒОН МАҚБАРАСИ — Тошкентдаги архитектура ёдгорлиги (19-аср) (қ. *Ҳайробод эшон мақбараси*).

О




Обгардон.

О — ўзбек алифбосининг ўн олтинчи ҳарфи. Кенг, тилорқа, унли *фонема*ни ифодалайди. Шеваларда тил орқа *а* га тўғри келади. Сўзда ҳамма ўринда келади. Ҳозирги ўзбек имлосида *й* ҳарфидан сўнг *ё* орқали ифодаланади: ёз, ёнғоқ, ёшлик, дарё ва ҳ. к.

ОАС (франц. OAS — Organisation armée secrète — қуролланган махфий ташкилот) — Жазоир халқининг француз империализмига қарши миллий-озодлик уруши (1954—62) даврида Франция ва Жазоирда вужудга келган яширин ҳарбий-фашистик ташкилот (1961). ОАСнинг асосий мақсади Жазоирга мустақиллик берилишига тўсқинлик қилиш эди. ОАСга ўта ўнг сиёсий арбоблар Ж. Бидо, Ж. Сустель, генераллар Р. Салан, Э. Жуо, Ж. Гарди ва полковниклар А. Аргу, Р. Гард, И. Годар, капитан П. Сержан ва б. раҳбарлик қилган. Оасчилар Жазоир ва Францияда минглаб террористик ҳаракатларни амалга оширдилар. Улар Франция Компартияси ва б. демократик ташкилотлар биноларига ўт қўйдилар, портлатдилар, банкларни таладилар. ОАСга қарши курашда демократик кучлар, энг аввало Франция Компартияси (оммавий намойишлар, бутун мамлакат бўйлаб фашизмга қарши курашиш комитетларининг ташкил қилиниши) муҳим роль ўйнади. Бир неча минг террорчилар қамоққа олиниб, уларнинг энг йирик ташкилотлари фош қилинди. Мустақил Жазоир республикасининг ташкил топиши (1962) ҳам ўз навбатида ОАС фаолиятининг сусайишига сабаб бўлди. Узоқ муддатли қамоқ жазосига ҳукм этилган ОАС раҳбарлари 1968 йилда ҳукумат томонидан амнистия берилиши туфайли озодликка чиққанлар.

ОБАҚИ, пушти обаки — ўртапишар узум нави. Тупи ўртача ўсади. Барги йирик, тўғарак, ўртача кертикли, орқаси сийрак тукли. Гули қўш жинсли. Узум бошлари йирик (300—350 *г*), конуссимон. Ғужумлари тиғиз, тухумсимон, серэт, сершира, қизил ёки пушти. Июль охирида пиша бошлайди. Сентябрь бошларида тўла етилади. Таркибида 20—21% қанд, 6—7% кислота бор. Гектаридан 10—15 *т* ҳосил олинади. О. нинг оқ хили ҳам бор. Узум боши ўртача (200—250 *г*), конуссимон ёки цилиндр-конуссимон, ҳовол. Ғужуми тухумсимон, оч яшил, етилганида сал сарғаяди. Меваси ейилади, ундан вино тайёрланади. Наманган, Тошкент, Сирдарё областларида кўп.



Тошкентдаги Биродарлар қабристонига ўрнатилган обелиск.

ОБГАРДОН (форс-тож. آب — сув ва گردن бўйин) — чўмичсимон асбоб. Катта қозонларга сув қуйиш, олишда ва таом пиширишда қўлланилади. Мисдан пақирча шаклида ясалиб, зўғатасига 1—2 *м* узунликдаги ёғоч даста ўрнатилади.

ОБДАСТА (форс-тож. آب — сув ва دسته даста), офтоба, ибриқ — рўзғор буюми, юз-қўл ювишда ишлатиладиган идиш. Ичига 2—3 *л* сув сиғади, оғзи тор (баъзан қопқоқли), дастали, жўмракли бўлади. Қадимда мис ва сополдан, кейинчалик чўяндан ишланган. Шакли ва безакларига кўра жаъфарио., гулдор О., гулсиз О., тўғри жўмракли О., эгри жўмракли О., ўрдак О., товус О., каби турларга бўлинади. Ҳозир О. з-дларда алюминий, пластмасса ва ҳ. к. дан ишлаб чиқарилади.

ОБДОРСК — РСФСР Тюмень области Ямал Ненецлари миллий округининг маркази *Салехард* шаҳрининг 1933 йилгача бўлган номи.

ОБЕЛИСК (юнон. obeliskos — сих) — пирамидасимон, юқорига томон ингичкаланиб борадиган қиррали тош устун, монументнинг кенг тарқалган тури. Ғишт ёки тошдан ишланади. Қадимги Мисрда ибодатхона ва саройлар олдида ўрнатилган. Россияда 18-асрдан майдонларда, паркларда ёдгорлик сифатида ўрнатила бошлаган. Узбекистонда Совет ҳокимияти йилларида архитектура иншоотларининг бир қисми (мас., Тошкентдаги Марказий телеграф биноси олдида икки О. безак вазифасини ўтайди) ва ёдгорлик сифатида кўплаб қурилди (мас., Тошкент, Самарқанд, Урганч ва б. жойларда рев-я қурбонлари мозорларига ўрнатилган. О. лар).

ОБЕРОН — Уран сайёрасининг йўлдоши, диаметри 1460 *км*, сайёрадан узоқлиги 587000 *км*. 1787 йили инглиз астрономи В. Гершель кашф қилган. О. нинг орбита текислиги Ураннинг орбита текислигига деярли перпендикуляр.

ОБЕРТОН (нем. ober — юқори ва тон) — техникада асосий тонга нисбатан анча юқори частотали мураккаб тебранишлар (механик, товуш, электр тебранишлари) дан ташкил топган тон. О. ни *резонатор* ёрдамида ажратиш мумкин; асосий овоз б-н бирга пайдо бўлади ва унга бошқача оҳанг беради. Бир овоз ёки мусиқа асбобини иккинчисидан ажратишга имкон беради. О. ларнинг тебранишлар частотаси асосий тонникидан 2, 3, 4 ва 5 марта катта. Ҳар бир даврий жараён (тебраниш)ни, яъни товуш, электр тебранишлари ва б. ни оддий тебраниш (О.) ларга ажратиш мумкин. Агар барча О. ларнинг частотаси асосий частота *f* га яхлит кўпайтмадан иборат бўлса (мас., 2*f*, 3*f*, ...), бундай О. лар гармониклар дейилади.

ОБЕТОВАННОЕ (рус. обетованный — орзу қилинган жой) — Сирдарё обл. Ворошилов р-ни Гулистон қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» с-зи 1-бўлими терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Оқолтиндан 20 *км*. Аҳолиси 2392 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Қиров номли каналдан сув ичади. Касалхона, пахта пункти бор.

ОБЖАЗ — Қурама тизмасининг сувайирғич қисмидаги довон. Оҳангарон ва Фарғона водийларини туташтириб туради. Денгиз сатҳидан 2216 *м* баландда. Обжазсой водийси тепасида. О. дан апрелдан октябргача мол ҳайдаб ўтиш мумкин.

ОБЖАЗСОЙ — Тошкент областидаги сой. Қурама тизмасининг шимоли-ғарбий ён бағридан бошланади. Оҳангарон дарёсининг чап ирмоғи. Юқори оқимида Сариқтошсой деб аталади. Узунлиги 24 *км*, ҳавзасининг майдони 140 *км*². Сой Обжаз довонидан 3,5 *км* жануби-ғарбда бир қанча майда булоқлардан оқиб тушади. Қор, ёмғир ва булоқлардан тўйинади. Урта ва қуйи оқимида водийси кенг, ён бағирлари ётиқ. Уртача йиллик сув сарфи 0,61 *м*³/*сек*, февралда 2,5 *м*³/*сек* га етади. 20 дан ортиқ майда ирмоғи бор, энг йириги — Қирққизсой.

ОБЖУВОЗ — сув кучи б-н ҳаракатланадиган, асосан, шоли оқлайдиган жувоз. О. қаттиқ ёғочдан ишланган қуйидаги қисмлардан иборат: ўқ (узунлиги 5 *м* ча, диаметри 30—35 *см*), парра (ўққа бириктирилади), лингкўп, кели, нов. Нов 5—6 *м* узунликдаги учта қалин тахтадан иборат бўлиб, бош томони юқорига, сув келадиган томонга ўрнатилади, учи пастга, паррага тўғрилаб қўйилади. Ўқ новнинг уч томонига кўндаланг ўрнатилади, икки учидаги турум турумдонга қўйилади. Ўқдан 3 *м* ча наридан чуқур қазиб, атрофига тахта қоқиб кели ишланади ва унга шоли солинади. Лингкўп — учига тишли чўян ўрнатилган 1 *м* ча узунликдаги соп. Унинг бир учи 3 *м* ча узунликдаги ходачага қоқилади. Новдан келган сув паррага урилиб, ўқни айлантиради. Ўқнинг қиличаклари лингкўпга урилади. Натижада лингкўп кўтарилиб тушиб, келидаги шолини туяди. Туйилган шоли-гуручнинг қобиғи, тўпони О. нинг таркибий қисми бўлган шамол (қўл кучи б-н ишлайдиган ёғоч қурилма) ёрдамида тозаланади. О. ни обжувозчи бошқарган. Ҳозир сийрак учрайди.

ОБЗОР (рус. обозреть — назар ташламоқ, кўздан кечирмоқ) — 1) бирор масала ёки бир-бири б-н ўзаро боғлиқ бўлган бир қанча масала ва воқеалар ҳақида қисқа ва лўнда қилиб берилган маълумот. Мас., халқаро О.; 2) журналистикада — муайян вақт ичида содир бўлган, бир умумий мавзуга бирлаштирилган воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб, баҳо берувчи мақола ёки радиоэшиттирув, телекўрсатув. О. да, одатда, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, спорт ва ш. к. соҳалардаги воқеалар очиб берилади.

Бирор матбуот фаолиятини тақриз қилиб берувчи газета жанри ҳам О. дейилади (бу ҳақида қ. *Матбуот обзори*).

ОБИ (форс-тож. آب — сув) — *нақш*нинг четига, намоён б-н ҳошия туташган жойларга чегара сифатида чизиладиган чизиқ. Нақшдаги турли ранглар О. б-н ажратилади. Уйматорликнинг ҳамма турида, кошин ва парчин қопламаларида, каштадўзлик, гилам безакларида ҳам учрайди. Нақш элементлари О. ни кесиб ўтмайди.

ОБИГАРМ (форс-тож. آب — сув, گرم — иссиқ) — Қоратегин тизмасининг жануби-шарқий қисмида, Янгиободдан 132 *км* жануби-ғарбда жойлашган олтингугурт-минерал сув булоқлари (ТожССР). Минерал сувлари шифобахш хусусиятга эга, таркиби кам минераллашган (олтингугуртнинг миқдори 0,5—0,8 *г/л*), кучсиз радиоактив, кремнийли, азотли. Ҳарорати 33—53°С бўлиб, унда суяк, мушак, асаб, тери ва б. касалликлар даволанади. 1947 йилда курорт (санаторий) қурилган.

ОБИДА (араб. عابدة) — моддий маданият ёдгорликлари (қ. *Ёдгорлик*).

ОБИДИДА — Қашқадарё обл. Қосон р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Қаршидан 4 *км*. Аҳолиси 526 киши (1971); пахтачилик, пилла чилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. Урта мактаб бор.


ОБИДОВ Абдураҳим Обидович (1929. 15. 10, Тошкент) — микробиолог, медицина фанлари д-ри (1965), проф. (1967), Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач (1968). 1958 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИни тугатгач (1953), Юқори Чирчиқ р-н касалхонасида терапевт (1953—55), Тошкент Вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот ин-тида кичик илмий ходим, сўнгра аспирант (1955—60), Ўзбекистон ФА Ўлка медицинаси ин-тида катта илмий ходим (1960—63), 1963 йилдан Тошкент Вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот ин-тининг директори, айни вақтда (1972—1975) ТошМИ микробиология кафедраси мудири. «Ичак бактерияларида генетик рекомбинациялар» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари микробиология ва иммунологиянинг турли масалаларига оид. Ўзбекистон микробиологлар ва эпидемиологлар жамиятининг раиси (1973). «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.




Обидов А. О.

Ас.: Генетические рекомбинации и атипичные кишечные бактерии, Т., 1971; Ку-риккетсиоз в Узбекистане, Т., 1975.

ОБИДОВ Зоҳиджон (1923. 25. 12, Тошкент) — ўзбек совет шоири. Хизматчи оиласида туғилган. Урта мактабни тугатгач, Улуғ Ватан урушида қатнашган (1942—43). 1948—52 йилларда Наманган ўқитувчилар ин-тида дарс берган. Ўзбекистон Ёзувчилар союзида консультант (1952—54), Узбекистон телевидениеси ва Ғ. Ғулом номидаги Бадиий адабиёт ва санъат нашриёти ходими (1957—69). 1970 йилдан «Муштум» журналида бўлим мудири. Илк шеърлар тўплами «Яхши ният» 1957 йилда нашр этилган. О. нинг «Янги ой ўроғи» (1961), «Ошиқ кўнгил билан» (1963), «Совға», «Тонг юлдузлари» (1964), «Сенинг изларинг» (1965), «Кўнгил навоси» (1968), «Ҳандаларим» (1969), «Умид тўлқинлари» (1971) каби шеър тўпламларида партия ва халқ улуғланди, халқимизнинг мардонавор меҳнати мадҳ қилинди.




Сбидов З.



Обжувознинг схематик кўриниши: *1* — юқоридан кўриниши; *2* — ёнидан кўриниши.

ОБИДОВ Олим Обидович (1936. 9.. 28, Тошкент) — биохимик, медицина фанлари д-ри (1973), 1974 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИ даволаш ф-тини тугатгач (1958), И. П. Павлов номидаги Ленинград физиология ин-тида аспирант (1959—62), УзССР ФА Ўлка медицинаси илмий тадқиқот ин-ти гормон-



Обжувоз, Шолини оқлаш.



Обидов О. О.

лар биохимияси лабораториясида кичик (1962—64), сўнг катта илмий ходим (1964—68). УзССР ФА Биохимия ин-ти тўқима моддалар алмашинуви лабораторияси мудири (1968—74), 1974 йилдан Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия илмий тадқиқот ин-ти Тошкент филиалининг биохимия бўлими мудири. О. юрак касалликларида миокардда (юрак мушакларида) липидлар алмашинувининг хусусиятлари мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари юрак касалликларида юрак мушакларидаги моддалар алмашинуви ва унга гормонлар, юрак гликозидларининг таъсир этиш механизмига бағишланган.

ОБИДОВА Жаҳон (1900. 7. 11, Тошкент обл. Бўстонлиқ р-н Нанай қишлоғи, ҳозирги Жаҳонобод қишлоғи — 1966. 29. 3, Тошкент) — давлат ва жамоат арбоби. 1926 йилдан КПСС аъзоси. 1919 йилдан ишчилар ф-тида ўқиган ва кутубхонада ишлаган. 1921 йилдан Тошкент эски шаҳар р-н партия комитети инструктори, Тошкент обл. «Қўшчи» союзида хотин-қизлар сектори мудири. 1926 йилдан УзССРда ер-сув ислоҳоти ўтказиш комиссияси аъзоси, Самарқанд ва Тошкент эски шаҳар р-н партия комитетларида хотин-қизлар бўлими мудири. 1929 йилдан УзССР МИҚ раиси ўринбосари, 1934 йилдан Тошкент ш. ижроия комитети раиси. 1935—38 йилларда СССР ҳукумати ҳузуридаги УзССР ҳукуматининг доимий вакили. 1938 йилдан масъул хўжалик ишларида бўлган. 1961 йилдан Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер. О. бир неча марта СССР, УзССР МИҚ аъзоси, Узбекистон КП 4—5-съездларида Узбекистон КП МҚК аъзоси, Узбекистон КП 6-съездида МҚ аъзоси қилиб сайланган. Меҳнат Қизил Байроқ, 2 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган. Тошкент обл. Бўстонлиқ р-нидаги Нанай қишлоғи, Оржоникидзе р-нидаги мактаб, Тошкент тамаки ф-каси ва Тошкентдаги кўчалардан бири О. номига қўйилган.



Обидова Ж.



Обидова М. Ф.

ОБИДОВА Муҳаббат Фозиловна (1931. 18. 10, Тошкент) — кимёгар, кимё фанлари д-ри (1974). 1973 йилдан КПСС аъзоси. Ўрта Осиё Политехника ин-ти (ҳозирги Тошкент Политехника ин-ти)нинг кимё-технология ф-тини тугатгач (1954), УзССР ФА Кимё ин-тининг аспиранти (1954—58), шу ин-тда илмий ходим, Полимерлар кимёси ин-тида катта илмий ходим (1959—64), Ўрта Осиё Нефтни қайта ишлаш саноати илмий тадқиқот ин-тида сектор мудири (1965—67), 1967 йилдан гидрокрекинг катализаторини синтез қилиш ва синаш лабораториясининг мудири. Илмий ишлари нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси саноатида ишлатиладиган ҳамда халқ хўжалиги учун муҳим бўлган катализаторлар синтезига бағишланган. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОБИДУЗД (форс-тож. آب — сув ва دوزد — ўғри) — қадимги қалъалардаги яширин сув йўли. Қадимдан қалъа ва истеҳкомлар сув бўйида қурилган. Уруш пайтида қамал қилувчи душман, кўпинча, қалъа ва унинг атрофига борадиган сувни тўсиб ёки бошқа ёққа буриб юбориб, аҳолини сувсизликдан қийнаган. Шунинг учун қалъа бино қилувчилар қалъа ҳимоячиларини яширин сув йўли б-н таъминлаган. Одамлар қалъанинг ичидан ер ости йўли б-н дарё, сой, кўл ёки канал бўйига чиқиб, душманга билдирмай сувдан фойдаланишган. Мас., *Нурота қалъаси*даги О. тўппа-тўғри қалъа остидаги булоқ бошига олиб тушган.

ОБИКАНДА — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Паландара қ. С. даги қишлоқ. «Паландара» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Китобдан 37 *км*. Аҳолиси 791 киши (1971); богдорчилик б-н шуғулланади. Жиннидарёдан сув ичади.


ОБИМАШАД АРИҒИ, Обимашҳад ариғи — Самарқанд шаҳрининг шимоли-шарқий қисмидан оқиб ўтадиган ариқ. Ўрта аср архитектура ёдгорлиги — Шоҳизинда яқинидан оққанлиги учун самарқандликлар орасида Обимашад (шаҳид суви) ариғи номи б-н шуҳрат топган. Аслида О. а. булоқ ва ер ости сизот сувларидан ҳосил бўлган *Сиёб* ариғининг табиий ирмоқларидан бири бўлиб, шаҳар терр-ясини кесиб ўтган қадимги *Новадон ариғи*, Сиёбча, Жарариқ ва б. ариқлар б-н бир қаторда, Самарқанд шаҳрининг сув таъминоти ва шаҳар атрофини суғоришда муҳим роль ўйнаган. О. а. нинг суви самарқандликлар ўртасида қадимдан муқаддас ҳисобланган, ҳар йили наврўзда шаҳар аҳолиси унинг соҳилларига тўпланиб «Қозон тўлди», «Бой бўлди» деб аталган турли *сайил* ва маросимлар ўтказганлар.

ОБИНОВВОТ — ўртапишар қовун нави. Уруғи униб чиққач, 70—80 кунда пишади. Шакли тухумсимон ёки думалоқ, ўртача катталикда (3—4 *кг*), сирти бужур-бужур, тўри кам, баъзан тўрсиз, туси зарғалдоқ сариқ, зарғалдоқ жигар ранг гуллари бор. Пўстининг қалинлиги ўртача. Эти қалин (5—6,5 *см*), оқ, юмшоқ, сершира, таркибида 7,4—9,3% қанд бор. Уруғхонаси ўртача, уруғи йирик, сариқ. Гектаридан 180—250 *ц* ҳосил олинади. Узоқ жойга юборишга, сақлашга яроқсиз. Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё областларида ҳамда Фарғона водийсида экилади.

ОБИРАҲМАТ ФЛЮОРИТ КОНИ — Чирчиқ дарёси ўнг қирғоғининг пастки қисмида, Обираҳмат қишлоғи яқинида жойлашган кон (Тошкент обл.). Кон ҳақидаги дастлабки маълумотлар И. В. Мушкетов, В. Н. Вебер, А. С. Уклонский ва б. нинг ишларида берилган.

Кон қуйи тошкўмир даврига мансуб оҳактошлар, мезо-кайнозой даврига оид терриген чўкинди жинслардан таркиб топган. Умумий қалинлиги 685 *м*. Флюорит рудалари оҳактош ва сланецлар контакт жойидаги қатламланиш текислигида ҳосил бўлган. Улар қия гумбазсимон ва найсимон уюмлар, тик томирлар шаклида учрайди. Флюоритнинг ўртача миқдори 41%. Ҳозир кондан руда қазиб олинмайди.


ОБИРАҲМАТ ҒОРИ — *палеолит*нинг мустье босқичи (қ. *Мустье маданияти*)га оид йирик манзилгоҳ. Тошкентдан 100 *км* шимоли-шарқда, Кўксув тизмасининг этагидаги Палтовсойнинг ўнг қирғоғида. Бу ибтидоий маданият ёдгорлигини А. Р. Муҳаммаджонов ва С. К. Насриддинов топган (1962), Р. Х. Сулаймонов текширган. Баланд оҳактош қоясида пайдо бўлган ғор кенг ёйсимон шаклда бўлиб, эни 20 *м* дан ортиқ. Ғор қуруқ ва ёруғ, унинг шарқий чеккасидаги қоядан чучук сувли шалола оқиб тушади. О. ғ. нинг оғзи жануб томонга қараган. Ичида тошли қоя жойлашган. Ғор ичида узоқ вақт мобайнида ҳосил бўлган 21 *маданий қатлам*нинг умумий қалинлиги 10 *м*. Ғор ибтидоий одамлар учун макон бўлиб хизмат қилган.



НУКУС мақоласига. 1. Шаҳарнинг умумий кўриниши. 2. Нукусдаги Ленин майдонида ўрнатилган В. И. Ленин ҳайкали. 3. Карл Маркс кўчаси. 4. Область партия комитетининг биноси. 5. Нукус аэропорти биноси. 6. УзССР Фанлар академиясининг Қорақалпогистон филиали биноси. 7. Собиқ педагогика институти (ҳозирги Нукус Давлат университети) биноси. 8. Қорақалпогистонда Совет ҳокимияти ўрнатиш учун курашда ҳалок бўлган қизил гвардиячи қаҳрамонлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик. 9. Республика касалхонаси.
























Озарбайжон ССР мақоласига. 1. Катта Кавказ тоғининг жанубий ён бағри (Балакан атрофи). 2. Астара р-нидаги чой совхозларидан бирида. 3. «Нефтяние камни». 4. Бокунинг соҳилдан кўриниши. 5. Кировободдаги Низомий ҳайкали (ҳайкалтарош Ф. Г. Абдураҳмонов, 1946). 6. Бокудаги Узеир Ҳожибеков кўчаси. 7. «26 Боку комиссарлари» ёдгорлик даҳмаси (архитекторлар Г. А. Алескеров, А. Н. Гусейнов, ҳайкалтарошлар И. И. Зейналов, Н. Мамедов, Боку, 1968). 8. Э. А. Мамедов «Озарбайжон ва Ўзбекистон пахтакорлари тажриба алмашмоқдалар» (1972). 9. Н. Г. Абдураҳмонов. «Гўзал нақшлар» (1967). 10. Ширвон шоҳлар саройидаги Девонхона биноси (Боку, 15- аср).

Fорда ибтидоий одамлар маданияти ва ҳаёти қолдиқлари сақланган. Текширишлар натижасида гор қатламларидан тош қуролларнинг бир неча хили топилди. Улар орасида найзасимон қуроллар, турли типдаги *нуклеуслар*, пластинкасимон тош синиқлари, турли хил кесгич, понасимон қуроллар бор. Юқори қатламдан топилган баъзи қуроллар юқори палеолит даврига мансуб. Fорнинг ҳамма маданий қатламларидан топилган қуроллар ўзига хос бўлиб, призма шаклидаги ёриш техникаси ҳамда қисман *леваллуа* типидаги техникаси б-н характерланади. Топилмалар Ўрта Осиёда тош даврининг энг бой коллекцияларидан бирини ташкил қилади. О. ғ. нинг юқори маданий қатламларида ҳайвонларнинг илик суяги синиқларидан ясалиб, учи сайқалланган бигизлар ҳам топилган. Бу бигизлар б-н обираҳматликлар ҳайвон териларидан ибтидоий либослар тикканлар деб тахмин қилинади. Fор қатламларидан тоғ такаси, архар, буғу ва б. ҳайвонларнинг суяк парчалари, гулханлардан қолган кул ва кўмир қолдиқлари топилди. Обираҳмат топилмалари илк палеолит даврининг Ўрта Осиёдаги дастлабки намунасидир.

Ад.: Сулаймонов Р. Х., Статистическое изучение культуры грота Обирахмат, Т., 1972.

ОБИШИР — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Қарлуқ қ. С. даги қишлоқ. «Шарқ юлдузи» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Шўрчидан 48 *км*. Аҳолиси 520 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Вахшивор каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ОБИШИР ҒОРЛАРИ — Сўх дарёсининг қадимги ўзани, Обишир сойининг ўнг қирғоғидаги *мезолит* даврига оид горлар. Фарғона обл. терр-ясида. 1966 йилда ЎзССР ФАнинг Тарих ва археология ин-тининг Фарғона палеолит отряди 5 та горни текширган. Обишир 1 ва Обишир 5 да қазиш олиб борилди. Обишир 1 ва Обишир 5 горининг санаси мил. ав. 8- минг йилликка тўғри келади. Обишир 1 нинг эни 25,5 *м* бўлиб, баландлиги 12 *м*. Fордан тош қадама пичоқлар, микропластинкалар, пармалар, бигизлар, қирғичлар, *нуклеуслар* топилди.

Обишир 5 Обишир 1 дан 200 *м* ғарбда. Унинг эни 8 *м*, баландлиги 10 *м*. Fор Қатронтоғининг этагида, оғзи жанубга қараган. Офтоб тушиб туриши туфайли гор ҳамма вақт иссиқ туради. Обишир 5 да учта *маданий қатлам* мавжуд. Қуйи қатлами антик даврга тўғри келади, қалинлиги 1—1,20 *см*. Ундан сўнг мезолит даврига оид қатлам бошланади. Қалинлиги 30—40 *см*. Бу қатламда тош қуроллар ва ҳайвон суяклари жуда кўп. Учинчи қатлам ҳам мезолит даврига оид бўлиб, унинг қалинлиги 3—4 *м*. Бу ерда тош қуроллар юқори қатламдагига қараганда анча кам. Обишир 5 гори яшаш учун қулай бўлганлигидан унда қадимда одамлар яшаган.

ОБҚАНД — қалъа атрофида мудофаа мақсадида қазилган ва сув б-н тўлдирилган сунъий тўсиқ. О. қалъа деворидан 200 *м* ча нарида қазилган.

ОБҚАШ — асосан, челакда сув ташиш учун ишлатиладиган мослама. Елкага қўйишга қулайлаштирилиб, ёғочдан қилинади, икки учида челак осиш учун илмоғи ёки занжири бўлади. Турли суюқлиқ, мева, сабзавот ташишда ҳам ишлатилади (челак ўрнида сават, тугун ҳам илиш мумкин).

ОБЛАСТЬ (қадимги славянча облада — эгалик, мулк) — жой, ер, ўлка; муҳим белгилари (табиий шароити, тарихий анъанаси, этнографик ёки иқтисодий хусусияти, маъмурий-сиёсий аҳамияти кабилар ёки ўсимликлари, ҳайвоноти, геологик тузилиши ва б.) б-н ажралиб турадиган бирор терр-я. СССРда О.— асосий маъмурий-территориал бирлик, кўпгина совет республикалари терр-ясининг бир қисми. СССР Конституциясига кўра, О. лар ташкил қилиш ва уларга ўзгартишлар киритиш масалалари б-н аввал СССР Олий Совети Президиуми шуғулланган; 1957 йил 11 февралда қонун б-н бу ҳуқуқ иттифоқдош республикаларга берилди. О. ларда аҳоли томонидан 2 йил муддат б-н сайланадиган меҳнаткашлар депутатлари область Совети давлат ҳокимиятининг органи ҳисобланади. О. Совети ижрочи ва фармойиш берувчи орган — ижроия комитетини тузади.

1974 йил 1 январда СССРда 120 О. бўлган, шулардан 49 таси РСФСРда, 25 таси УССРда, 6 таси БССРда, 11 таси ЎзССРда, 19 таси ҚозССРда, 3 таси КирғССРда, 2 таси ТожССРда, 5 таси ТуркмССРда.

Ўрта Осиёда О. маъмурий-территориал бирлик сифатида 19- асрнинг иккинчи ярмида ташкил топди. 1867 йил 11 июлда Туркистон генерал-губернаторлиги ташкил этилиб, унинг терр-яси Еттисув (Семиречье) ва Сирдарё О. ларига бўлинди. Кейинчалик бошқа терр-яларнинг ҳам Россияга қўшилиши натижасида Фарғона, Самарқанд О. лари тузилди. 1899 йилда эса Закаспий О. и ҳам Туркистон ўлкасига берилди. Рев-я арафасида Ўрта Осиё терр-ясида 5 О. (Еттисув, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Закаспий) бўлган. О. лар тузишда маҳаллий халқнинг миллий ва иқтисодий хусусиятлари, жойнинг географик шароитлари ҳисобга олинмаган, фақат миллий-колониал сиёсатини ўтказиш кўзда тутилган. О. ларни ҳарбий губернаторлар идора қилган.

Октябрь рев-ясидан кейин Туркистон ўлкаси Туркистон Автоном Республикаси деб эълон қилинди. 1920 йилда Закаспий О. и Туркман О. и деб ўзгартирилди ва Сирдарё О. ининг Амударё бўлими Амударё О. ига айлантирилди. 1922 йилга келиб Туркистон АССР 7 О. га [Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Туркман, Еттисув (1922 йилдан бошлаб), Амударё] бўлинди. 1924 йилдаги миллий чегараланишда Еттисув О. и Қозоғистон АССРга, Туркман О. и Туркманистон ССРга берилди.

Ўзбекистон ССР тузилгандан (1924) кейин 1925 йил 19 январда республика терр-ясида 7 О. (Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Зарафшон, Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм) ташкил этилди. 1926 йилда терр-яларни маъмурий-иқтисодий районлаштириш натижасида О. лар тугатилиб (1926 йил 29 сентябрда), округлар ташкил қилинди. 1938 йил 15 январда Ўзбекистон ССР да 5 О. тузилди: **Бухоро** — маркази Бухоро ш., составига Сурхондарё округи, Бухоро, Қарши, Шаҳрисабз, Қоғон, Ғиждувон ш. лари ҳамда Бухоро, Қонимех, Қоракўл, Шофиркон, Ғиждувон, Қармана, Қосон, Қарши, Бешкент, Ромитан, Қизилтепа, Чироқчи, Ғузор, Деҳқонобод, Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Свердлов, Қоғон, Вобкент р-нлари кирган; **Самарқанд** — маркази Самарқанд ш., составига Самарқанд, Каттақўрғон, Жиззах ш. лари ҳамда Самарқанд, Жиззах, Зомин, Ғаллаорол, Ургут, Пастдарғом, Булунғур, Жомбой, Оқ-



Обкаш.

дарё, Пайариқ, Пахтакор, Нарпай, Нурота, Хатирчи, Фориш, Митан, Қорадарё, Каттақўрғон р-нлари кирган; **Тошкент** — маркази Тошкент ш., составига Тошкент, Чирчиқ, Янгийўл ш. лари ҳамда Ховос, Бекобод, Мирзачўл, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Калинин, Оржоникидзе, Юқори Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Пискент, Паркент, Оҳангарон р-нлари кирган; **Фарғона** — маркази Фарғона ш., составига Фарғона, Қўқон, Андижон, Марғилон, Наманган, Чуст, Ленинск ш. лари ҳамда Фарғона, Қўқон, Поп, Чуст, Киров, Олтиариқ, Қосонсой, Янгиқўрғон, Наманган, Уйчи, Учқўрғон, Норин, Балиқчи, Москва, Тошлоқ, Марғилон, Ленин, Избоскан, Пахтаобод, Жалолқудуқ, Хўжаобод, Марҳамат, Тўрақўрғон р-нлари кирган; **Хоразм** — маркази Урганч ш., составига Урганч, Хива ш. лари ҳамда Урганч, Гурлан, Хива, Қўшкўпир, Хонқа, Янгиариқ, Шовот, Хазорасп, Манғит р-нлари кирган. 1941 йил 6 мартда яна 3 О. (Андижон, Наманган, Сурхондарё) тузилди: **Андижон** — маркази Андижон ш., составига Андижон, Ленинск ш. лари ҳамда Ойим, Олтинкўл, Андижон, Балиқчи, Ворошилов, Жалолқудуқ, Избоскан, Ленин, Марҳамат, Пахтаобод, Москва, Хўжаобод р-нлари кирган; **Наманган** — маркази Наманган ш., составига Наманган, Чуст ш. лари ҳамда Қосонсой, Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чуст, Янгиқўрғон р-нлари кирган; **Сурхондарё** — маркази Термиз ш., составига Термиз ш. ҳамда Бойсун, Денов, Жарқўрғон, Сариосиё, Термиз, Шеробод, Шўрчи р-нлари кирган.

1943 йил 20 январда **Қашқадарё** О. и тузилди (маркази Қарши ш.), составига Қарши, Шаҳрисабз ш. лари ҳамда Бешкент, Ғузор, Деҳқонобод, Қамаши, Қарши, Қосон, Китоб, Чироқчи, Шаҳрисабз, Яккабоғ р-нлари кирган. 1960 йил 25 январда Қашқадарё ва Наманган О. лари тугатилди. Қашқадарё О. Сурхондарё О. ига қўшиб юборилди, 1964 йил 7 февралда эса қайта тузилди. Наманган О. и Андижон ва Фарғона О. ларига қўшиб юборилди, 1967 йил 18 декабрда қайта тузилди. 1963 йил 16 февралда **Сирдарё** О. и тузилди. (маркази Гулистон ш.). Составига Самарқанд О. нинг Жиззах ш. ва Жиззах р-ни, Тошкент О. нининг Гулистон, Янгиер ш. лари ва Сирдарё, Гулистон, Янгиер р-нлари ҳамда Қозоғистон ССРдан берилган Қиров ва Пахтаорол (кейинчалик қайтиб олинди) р-нлари кирган. 1973 йил 29 декабрда Жиззах области тузилди (маркази Жиззах ш.). Составига Сирдарё О. нининг Жиззах ш. ва Жиззах, Дўстлик, Зомин, Мирзачўл, Октябрь, Пахтакор, Фориш р-нлари, Самарқанд О. нининг Бахмал, Ғаллаорол р-нлари кирган. Узбекистон ССР составида 11 О. (1976 йил 1 янв.) бор.

ОБЛИГАЦИЯ (лат. obligatio — мажбурият) — ёзиб қўйилган қийматига нисбатан ютуқ чиқиш имконияти б-н эгасига процент шаклида даромад келтирадиган қимматбаҳо қоғоз тури. О. чиқарувчи маълум муддат давомида уни сотиб олиш мажбуриятини олади. СССРда ички заёмлар бўйича давлат О. чиқаради (қ. *Давлат заёмлари*). Муомалада 1966 йилда 20 йил муддатга чиқарилган 3 процентли заём О. лари мавжуд. О. ларни омонат кассалар эркин сотади ва сотиб олади. О. бўйича даромадлар пул ютуғи шаклида тўланади.

Капиталистик мамлакатларда О. лар давлат ва акционерлик компаниялари томонидан чиқарилади. У *фиктив капитал* формаларидан бири ҳисобланади. Улар ссуда капитали бозорида эркин муомалада бўлади. Давлат О. ни сотишдан келган маблағлардан, асосан, бюджет дефицитларини қоплаш учун фойдаланади.

ОБЛИТЕРАЦИЯ (лат. obliteratio — унутмоқ, бу ерда — йўқ қилмоқ, маҳв этмоқ) — 1) (м е д и ц и н а д а) найсимон органларнинг кўпинча, яллигланиши сабабли бириктирувчи тўқима ўсиши натижасида тешиги ёки бўшлиғи беркилиб қолиши, бужмайиши. Бунда организм фаолиятига зарар етади, мас., *облитерацияловчи эндартериит* ва б. касалликлар рўй беради. Без йўллари ва б. да О. ҳосил бўлиши атерома ва б. ўсмаларга сабаб бўлади. Тухум йўлларининг тўлиқ О. си — беморни бепуштликка олиб келади (яна қ. *Битов*). Шу б-н бирга, баъзи касалликлар, мас., плевритда, плевра бўшлиғида О. вужудга келиши бемор соғаяётганлигидан далолат беради; қорин пардаси ён ўсиқчасининг О. си ривожланиш нормал бораётганлигини кўрсатади; 2) (б о т а н и к а д а) ўсимликлар ҳужайралари ва тўқималарининг бужмайиши. Бунда О. ўсимликларнинг ҳужайра ичи ва ҳужайралараро бўшлиқларининг йўқолишига сабаб бўлади.

ОБЛИТЕРАЦИЯЛОВЧИ ЭНДАРТЕРИИТ (юнон. endon — ичидаги ва *артерия*), Р е й н о к а с а л л и г и — асосан, оёқ артерияларининг хроник касаллиги; нерв системаси функциясининг бузилиши (стресс), оёқни совуқ олдириш, тамаки чекиш, лат ейиш ва б. сабаблардан бўлади. 20—40 ёшдаги кишиларда кўпроқ учрайди. Белгилари: оёқ увушади, териси рангсизланиб, қуриб қолади, оёқ тез чарчаб, болдир мушаклари оғрийди, тортишиб қолади, шу вақтда бемор оқсоқланади. Пировардида оёқ томирлари пучайиб, тўқималар ирийди (қ. *Гангрена*).

Д а в о с и: касалликнинг бошланиш даврида артерия ичига новокаин, тери остига морфин юборилади, новокаин блокадаси, мазли боғлам, физиотерапия татбиқ этилади, парҳез буюрилади. Цхалтубо, Мацеста ва б. курортларда даволаниш анча фойда беради; касаллик тузалавермаганда нерв ва томирлар хирургик операция қилинади; ириган оёқ кесиб ташланади.

ОБНИНСК — РСФСР Калуга областидаги шаҳар. Протва дарёси бўйида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 61 минг киши (1974). О. да дунёда биринчи атом электр станцияси қурилган (1954 йилда ток берди). Муҳим илмий марказ. Медицина радиологияси, физика-энергетика, гидрометеорологик информация илмий тадқиқот ин-тлари, экспериментал метеорология ин-ти, сейсмология обсерваторияси ва б. илмий муассасалар, медицина билим юрти, музей бор.

ОБНУС ДАРАХТИ (Diospyros clemum) — хурмодошлар (хурмо-гуллилар оиласи)га мансуб дарахт. Осиёнинг тропик қисми ва Ҳиндистон ўрмонларида кўп ўсади. Ёғочи қора, қаттиқ, қимматбаҳо, мебеллар ясашда ишлатилади.

ОБО́Д — Андижон обл. Ленин р-ни Илғор қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Асакадан 17 *км*. Аҳолиси 1453 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, интернат мактаб, клуб, касалхона, алоқа бўлими ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОБО́Д — Андижон обл. Хўжаобод р-ни Кулла қ. С. даги қишлоқ. «Россия» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 24 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 13 *км*. Аҳолиси 778 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Колхозлараро қурилиш ташкилоти бор.

ОБО́Д — Қашқадарё обл. Деҳқонобод р-ни Деҳқонобод қ. С. даги қишлоқ. «Деҳқонобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 32 *км*, яқин т. й. станцияси — Ғузордан 40 *км*. Аҳолиси 529 киши (1971); ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қатта Урадарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОБОДО́Н — Эроннинг жануби-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ҳузистон остонида, Шатт ул-Араб дарёси бўйида, Форс қўлтиғи қирғоғидан 50 *км* ичкарида. Аҳолиси 300 минг киши (1971). Океан кемалари кира оладиган порт. Йилига 30 млн. *т* нефтни қайта ишлаб берадиган йирик з-д, нефть-кимё корхонаси бор. Нефть конларидан О. га нефть қувурлари ўтказилган. О. орқали четга нефть ва нефть маҳсулотлари чиқарилади. Нефть ин-ти, халқаро аҳамиятга эга аэропорт бор.

ОБОДО́Н — Сурхондарё обл. Гагарин р-ни Комсомолобод қ. С. даги қишлоқ. «Комсомолобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Шерободдан 8 *км*. Аҳолиси 1546 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Занг каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, болалар боғчаси, медпункт бор.

ОБОДО́Н — Сурхондарё обл. Денов р-ни Анбарсой қ. С. даги қишлоқ. «8 Март» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Деновдан 7 *км*. Аҳолиси 715 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Ҳазорбоғ каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, клуб, медпункт бор.

ОБОЛИ́Н — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Ойтамагали қ. С. даги қишлоқ. 9-совхоз терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 48 *км*. Аҳолиси 545 киши (1971); чорвачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, с-з сут-товар фермаси бор.

ОБОРО́Т МАБЛАҒЛАРИ — *хўжалик ҳисоби* б-н ишлайдиган социалистик корхоналарнинг пул маблағлари; бу маблағлар ишлаб чиқариш запасларини вужудга келтиришга, тугалланмаган ишлаб чиқаришни тугатишга, тайёр маҳсулот ва б. буюмлар ишлаб чиқаришга, шунингдек ишлаб чиқариш ва муомаланинг бошқа эҳтиёжларига сарфланади. Буларнинг бир қисми ишлаб чиқариш жараёнида, бошқаси муомала миқёсида ишлатилади.

О. м. нормаланадиган ва нормаланмайдиган воситаларга бўлинади. Нормаланадиган О. м. га давлат корхоналарида планлаштириладиган ва назорат қилинадиган ишлаб чиқариш запаслари, тугалланмаган ишлаб чиқариш маҳсулотлари, сотиб олинган ярим фабрикатлар, янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга кетган сарфлар, тайёр маҳсулот ва б. киради. Нормаланмайдиган О. м. га юклаб қўйилган товарлар, ҳисобдаги пуллар ва пул маблағлари киради. СССР халқ хўжалигида 1974 йилда О. м. қарийб 294 млрд. сўм (шу жумладан, нормаланадиган О. м. 221 млрд. сўм)ни ташкил этди. 39,2% ишлаб чиқариш запасларига, 18% и тугалланмаган ишлаб чиқаришга, 41% и товар ва тайёр маҳсулот запасларига сарфланди. Узбекистонда О. м. 1965 йилда 4,3 млрд. сўмдан 1974 йили 8,8 млрд. сўмга етди (жумладан нормаланадиган қисми 3,5 млрд. дан 6,9 млрд. сўм) О. м. вужудга келиш манбаига кўра, хусусий ва заёмли (Давлат банкининг вақтинча эҳтиёжларга берадиган кредити) воситаларга бўлинади. Хусусий О. м. бир йил учун белгиланади.

О. м. хўжалик ҳисоби асосида хўжалик юритишни ташкил этишнинг муҳим элементи ҳисобланади. О. м. нинг планли ҳаракати, кўпинча, корхона ва хўжалик ташкилотларининг ўз харажатларини даромадлари б-н қоплаш принципини амалга оширишни, келаётган товарларга, бажарилаётган хизматларга ўз вақтида ва тўла ҳақ тўлашни, шартнома мажбуриятларига тўлиқ риоя қилишни, давлат бюджетига ва банк кредити бўйича мажбурий тўловларни тўлашни ифодалайди. О. м. нинг айланишини тезлаштириш ва секинлаштириш хўжалик фаолияти натижаларига тўғридан-тўғри таъсир этади. О. м. дан фойдаланишни яхшилаш, уларнинг айланишини тезлаштириш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидандир.

Оборот маблағларининг айланиш тезлиги (О. м. а. т.) — ишлаб чиқариш ва муомала соҳасида оборот воситалар ҳаракатининг мунтазам янгиланиб туриши. О. м. а. т. туфайли хўжалик ҳисобида ишлайдиган корхона, бирлашма, хўжалик ташкилотларининг такрор ишлаб чиқариш жараёни узлуксиз бўлади. О. м. а. т. деганда оборот воситаларнинг бир марта айланиш муддати тушунилади. Айланиш тезлиги оборот воситалардан фойдаланиш самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

СССР халқ хўжалигида 70-йилларнинг бошида у қарийб 70 кунни ташкил этди. О. м. а. т. ни оширишнинг асосий факторлари қуйидагилардан иборат: технологик циклнинг умумий муддатини қисқартириш; ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этишни такомиллаштириш; корхоналар таъминоти ва маҳсулот сотиш шароитини яхшилаш; тўлов-ҳисоб муносабатларини аниқ ташкил этиш.

О. м. а. т. ни ошириш катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга, у корхоналарнинг оборот воситаларга бўлган эҳтиёжини камайтиради, пул ва моддий ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишга имкон беради. Ишлаб чиқаришдан бўшаган оборот воситаларни ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларида ишлатиш мумкин бўлади. Шундай қилиб, О. м. а. т. кўрсаткичида жами хўжалик жараёни: меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати, ишлаб чиқаришнинг фондга талаблик даражасининг камайиши каби жараёнлар акс этади.

ОБОРО́Т СОЛИҒИ — давлат бюджетига даромад келтириш тадбирларидан бири. Капитализмда О. с. эгри солиқ (қ. *Солиқлар*) солишнинг асосий шаклидир. СССР ва б. социалистик мамлакатларда О. с.— бевосита давлат бюджетига тушадиган социалистик корхоналар (бирлашмалар) пул жамғармалари (соф даромади)нинг бир қисми бўлиб, корхоналарнинг улгуржи ва чакана савдоси ўртасидаги фарқдан иборат. О. с. орқали давлат кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш мақсадлари ва б. умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга пул маблағларини сафарбар этади. Иқтисодий мазмунига кўра, О. с. солиқ ҳисобланмайди; товар

баҳосига устама қўйилмайди ва ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи ва б. даромадларидан чегириб ушлаб қолинмайди. О. с. га солиқ тўлашнинг мажбурийлиги, қайд қилинган ҳажми, белгиланган вақтда тўлаш зарурлиги каби ташқи белгиларгина хос.

Корхоналарнинг фойдадаги пул жамғармалари ва О. с. ҳамда уларни бюджетга ўтказиш усуллари 1930 йилги солиқ реформасида белгиланган. О. с. ни хўжалик ҳисобида ишлайдиган давлат ва кооператив (колхозлардан ташқари) корхона ва ташкилотлар, шунингдек жамоат ташкилотларининг корхоналари тўлайди. О. с. нинг тахминан 80% и енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларидан, қолганлари бошқа саноат тармоқларидан олинади. О. с. давлат бюджетини барқарор бир текис тушиб турадиган тўловлар б-н таъминлайди. О. с. нинг давлат бюджетига тушадиган абс. ҳажми мунтазам ошиб бормоқда (1960 йилда 31,3 млрд.; 1970 йилда 49,4 млрд.; 1974 йилда 63,5 млрд. сўмни ташкил этди), лекин корхоналарнинг пул жамғармалари ва давлат бюджети даромадлари умумий суммасида унинг салмоғи камаймоқда. 1974 йили СССРда барча пул жамғармалари 168,7 млрд. сўм бўлди, шундан О. с. 63,5 млрд. сўмни, фойда эса 102,6 млрд. сўмни ташкил этди. Ўзбекистонда эса давлат бюджети 1974 йили 4348,2 млн. сўм бўлган бўлса, шундан оборот солиғи 1775,8 млн. сўмини, фойда эса 993,0 млн. сўмини ташкил қилади, фойдадан келаётган бюджетга тушим йил сайин ошиб бормоқда. 1970 йили фойдадан 644,7 млн. сўм тушган бўлса, 1974 йили 993 млн. сўмга етди.

ОБОРОТ ФОНДЛАРИ, айланма фондлар — социалистик корхона ва бирлашмалар ишлаб чиқариш фондининг ҳар бир ишлаб чиқариш шаклида тўла истеъмол қилинадиган ва яратилаётган товарга қиймати тўла ўтадиган қисми. О. ф. ишлаб чиқариш жараёнида асл шаклини ўзгартиради, бир ишлаб чиқариш цикли давомида унинг қиймати маҳсулот *ишлаб чиқариш харажатлари*га тўлиқ киради. О. ф. меҳнат предметлари — ишлаб чиқариш запаслари (хом ашё, асосий ва қўшимча материаллар, сотиб олинган ярим фабрикатлар, жорий ремонт учун запас қисмлар, ёқилғи ва ш. к.), тугалланмаган маҳсулотлар (мас., ярим фабрикатлар) дан иборат. О. ф. га қиймати 50 сўмдан ортиқ бўлмаган ёки қийматидан қатъи назар, бир йилгача хизмат қилувчи арзон ва тез тўзиб кетадиган предмет ва асбоблар ҳам киради. Социалистик корхоналарнинг ишлаб турипи такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида маълум ишлаб чиқариш запасларининг мавжудлиги б-н боғлиқ. Улар барча ишлаб чиқариш жараёнларининг узлуксизлигини ва бир меъёрда ишлашини таъминлайди. Шу б-н бирга ишлаб чиқариш запасларининг ортиқчалиги фондлар оборотини секинлаштиради, ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтиради, таъминотда етишмовчилик туғдиради. Шунинг учун халқ хўжалигидаги О. ф. ҳажми мамлакат иқтисодий потенциалини ифодаловчи энг муҳим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади; унинг оборот тезлиги эса хўжаликнинг рационаллигини, тежамлилигини кўрсатади. 1974 йил бошида СССР халқ хўжалигида О. ф. қарийб 120,2 млрд. сўмни ташкил этди (1960 йили эса 36,5 млрд. сўм эди).

ОБРАЗ (философияда) — объектнинг инсон онгида акс этиши натижаси ва идеал шакли. Ижтимоий-тарихий практика шароитида белгилар системаси асосида ва шаклида пайдо бўлади. Билишнинг ҳиссий босқичида сезги, идрок ва тасаввур, мантиқий тафаккур босқичида эса тушунча, муҳокама ва хулоса О. ҳисобланади. О. нинг манбаи моддий дунёнинг ҳодисаларидир; шу жиҳатдан О. моддий дунёга нисбатан иккиламчи. Унинг моддий негизи инсон бош миясидаги нейрофизиологик жараёнлардир. О. моддий жиҳатдан амалий фаолият, тил ва турли моделлар воситасида ифодаланади. *Бадиий образ* О. нинг махсус шакли ҳисобланади. О. нинг ўзига хос хусусияти шуки, у маълум маънода субъективдир, у ўзининг моддий негизи — миясиз ва инъикос объектисиз мустақил равишда мавжуд бўлолмайди. О. объектни қанчалик тўғри акс эттирса, у мазмунан шунчалик объектив бўлади. Лекин объектнинг образи ҳеч қачон шу объектга хос барча хусусиятларнинг ҳамма нозик томонларини ва муносабатларини тўла акс эттира олмайди: объект ўзининг О. идан мазмунирроқдир. О. пайдо бўлгач, у нисбатан мустақил характер касб этиб, инсон ва ҳайвон хатти-ҳаракатида актив амалий роль ўйнайди. О. бу хатти-ҳаракатни, фаолиятни бошқариш воситаларидан бири бўлиб хизмат қилади (яна қ. *Инъикос*).

ОБРАЗЛИЛИК — адабиёт ва санъатда ҳаётни акс эттиришнинг асосий ва ҳал қилувчи омили. Зотан, бутун санъат ва адабиёт ҳаётнинг образли инъикосидан иборатдир. Санъат ва адабиёт образнинг ифодаланиш шаклларига қараб ҳар хил турларга бўлинади. Булардан энг муҳимлари музика, бадиий адабиёт, архитектура ва тасвирий санъатдир. Музикада ҳаётни образга солишда асосий восита товуш, бадиий адабиётда сўз, архитектурада шакллар, рассомликда эса бўёқлардир. Бунда ижод қуроли ва воситаларининг қандай бўлишидан қатъи назар мақсад бир — ҳаёт образини яратиш.

Образ маъносида антик даврдан бери «тақлид» («подражание») шартли термини ҳам ишлатилади. Санъатдаги товуш, оҳанг, бўёқ, шакллар, бадиий адабиётдаги сўз б-н яратилган воқеалар ҳаётга «тақлид»дир. Аммо улар айнан тақлиднинг ўзи эмас. Санъаткор ва ёзувчи ҳаёт материалини ўзининг санъаткорлик тафаккуридан ўтказади. У шунчаки «тақлид», оддий «кўчирма» яратмайди. Бу ўринда ёзувчи дунёқараши, ҳаёт идеалининг роли катта. У ҳаётдан ўз идеалини тасдиқлайдиган томонларни танлайди. Адабиёт ва санъат фақат ҳаёт образинигина яратмайди, балки образ орқали томошабин ва китобхонга нималарнидир англатади, нималарнидир «юқтиради», унинг онгига таъсир қилади. Бу жиҳатдан образ яратиш санъати «фикр юритиш» йўлларидан биридир.

О. кўп масалаларни ўз ичига олади. Булардан энг муҳими — қаҳрамон масаласидир. Музика, архитектура, қисман, *лирика*да ҳаёт қаҳрамони қандайдир «пардаланган», «саҳна ортига олинган» бўлиб, унинг хатти-ҳаракати, ҳолати ва кайфияти товуш — оҳанглар, шакллар орқали акс эттирилади. Тасвирий санъатнинг бир қисмида, хусусан, адабиётнинг кўпгина турларида қаҳрамоннинг ўзи ҳал қилувчи ролни ўйнайди. Санъатнинг бу турларида ҳаёт воқелигини, асосан, қаҳрамон яратади, унинг хатти-ҳаракати, кайфияти, руҳий дунёсидан ҳаёт манзараси майдонга келади. Шу сабабдан

тасвирий санъатнинг бир қисмида, адабиётнинг катта қисмида қаҳрамонлар образини яратиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Уз навбатида қаҳрамон масаласи ҳам аналитик таҳлилга муҳтождир. Бу масаланинг ҳам лирик қаҳрамон, *ижобий қаҳрамон,* идеал қаҳрамон, бош ва иккинчи даражали қаҳрамон, сатирик ва юмористик қаҳрамон сингари томонлари бор. Булардан қай бирини танлаши, қай бирини асар марказида тутиши ҳам ёзувчи дунёқараши, шу дунёқараш асосида ҳаётдан келтириб чиқармоқчи бўлган маънога ва унинг санъаткорлик маҳоратига боғлиқдир. Масаланинг бошқа бир қанча категориялари ҳам бор. Булардан қаҳрамон масаласига энг яқинларидан бири портретдир. *Портрет* тасвирий санъатда ва бадиий адабиётда ҳаёт воқелигини бевосита кўрсатишнинг энг муҳим омилларидан. Шунингдек, *пейзаж,* деталь сингари масалалар ҳам муҳимдир. Пейзаж тасвирланаётган инсон ҳаётини табиат манзаралари б-н уйғунликда кўрсатиб, ҳаёт манзарасининг жонлилигини таъминлашга хизмат қилса, «деталь»лар йирик-йирик хулосаларни томошабин ёки китобхонга лўнда ва аниқ етказиш учун ишлатиладиган муҳим воситалардандир.

Бадиий адабиётда образ ва О. ни яратадиган асосий восита тилдир. Тил М. Горький таъбири б-н айтганда, бадиий адабиётнинг биринчи «қурилиш материали». Шу маънода тил воситасида образ яратиш бадиий ижоднинг биринчи даражали масалалардандир. Тилнинг ҳам ўзига хос муаммолари бор. Уларни аниқлаб олмагунча О. ни тўла тасаввур қилиш қийин. Булардан энг муҳими — образнинг характер хусусиятларини аниқ, равшан ва жозибали қилиб чизиб беришдир. Хуллас, образ ва О. санъат ва адабиётда бадиий ижоднинг қарийб ҳамма масалаларини ўз ичига қамраб оладиган масаладир (яна қ. *Бадиий образ*).

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Об искусстве, (Сборник), т. 1—2, М., 1967; Белинский В., Взгляды на русскую литературу 1847 года, Полное собр. соч., т. 10, М., 1956; Қаҳҳор А., Асарлар, 6-т., Т., 1971; Қўшжонов М., Ҳаёт ва маҳорат, Т., 1962.

ОБРАЗЦОВ Сергей Владимирович [1901. 22. 6 (5. 7), Москва] — совет театр арбоби, актёр ва реж., СССР халқ артисти (1954), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1971). Биринчи марта 1920 йили қўғирчоқлар б-н томоша кўрсатди. 1922—30 йилларда Москва Бадиий академик театри (МХАТ)нинг музика студияси (1926 йилдан Немирович-Данченко номидаги театр)да, 1930—36 йилларда 2-МХАТда артист. 30-йиллар ўртасида эстрада артисти, пародик жанр —«қўғирчоқ романслари» жодкори сифатида танилди. 1931 йилдан Марказий қўғирчоқ театрига раҳбарлик қилиб, бу театрнинг назарияси ва методикасини ишлаб чиқди, актёр ва реж. лар тайёрлади, театр репертуарини бойитди. «Қаштанка» (Е. Сперанский, 1935), «Аловуддин чироғи» (Гернет, 1940), «Антиқа концерт» (И. Шток, 1946), «Мистер Твистер» (С. Маршак, 1961); «Марказий қўғирчоқ театри гапиради ва кўрсатади» (1973) каби спектаклларни саҳналаштирди. Шунингдек, О. кинода сценарийчи ва реж. (1956 йилдан), «Кинокамера айблайди» (1968), «Ақлга сиғмас ҳақиқат» (1970), «Кичик дўстларимиз» (1973) ва б. фильмлар О. ижодига мансуб. 1935 йилдан (турли даврда) педагог, проф. (1973). О. Халқаро қўғирчоқбозлар союзининг вице-президенти (1957 йилдан), шу ташкилот совет секциясининг президенти (1958 йилдан). СССР Давлат мукофоти ва К. С. Станиславский номидаги РСФСР Давлат мукофоти лауреати (1946, 1967). 2 марта Ленин ордени ва б. орден, медаллар б-н мукофотланган. О. раҳбарлигидаги Марказий қўғирчоқ театри Ўзбекистонда гастролда бўлган (1971).



Образцов С. В.


Ас.: Актёр с куклой, М. — Л., 1938; Моя профессия, М., 1950.
Ад.: Смирнова Н. И., Театр Сергея Образцова, М., 1971.

ОБРЕЗ, ҳаник (форс-тож. آب — сув ва ریختن — тўкмоқ) — ювиниш учун мослаб хонанинг пойгаги (бурчаги)дан ажратилган жой. О. қуриладиган жой икки-уч метр чуқурликда кавланиб, ичига айлантириб бир қатор пишиқ ғишт териб чиқилади ва устига тўсинлар ётқизилиб, сўнгра тўсин устига бир қатор ғишт терилади, ғишт ораларидан сув тушадиган тешик қўйилади. Баъзан чуқурга ғишт термай, катта хум тўнтарилиб, сувнинг чуқурга тушиб кетиши учун бир неча сув тушадиган тешик тешилади ва юзига ғишт терилади. Ҳозир бу хилдаги О. кам учрайди. Полли уйларга О. қилинмайди.

ОБРЛИЙ (Арбилах) — *Илоқ давлат*ига қарашли ўрта аср шаҳри. Тошкент обл. нинг Облиқ станцияси яқинида. Шаҳар вайроналарини 1962 йилда Ю. Ф. Буряков текширган. Майдони 80 *га*. О. 8—10-асрларда барпо бўлган. О. *Кўҳсим* тоғ йўли орқали Фарғонага, кўчманчилар яшайдиган Кенг кўл терр-ясига ҳамда *Тункат*га борувчи савдо йўлида жойлашган. О. Илоқнинг бошқа шаҳарларига ўхшамайди: О. да арк *шаҳристон*дан ажралмаган; ҳунармандчилик работлари қишлоқ ерлари б-н туташиб кетган. Шаҳар иқтисодий ҳаётининг ўсиши 9—10-асрларда кон ишлари айниқса, унга яқин бўлган олтин ва кумуш конларидан кенг фойдаланиш б-н боғлиқдир. Лекин 11-асрдан бошлаб О. да маъдан қазиб олиш тушкунликка учрайди. 12-асрда ва 13-аср бошларида шаҳар вайронага айланади. Унинг мўғуллар босқинчилиги даври (13-аср)дан то 14-асргача бўлган тарихида ҳаёт белгилари умуман аниқланмаган. 14-асрнинг охири ва 15-асрда шаҳарнинг ғарбий қисми яна жонланиб, ғарбга томон силжийди, кейинроқ ҳозирги Облиқ қишлоғи томонга кенгаяди.

Ад.: Буряков Ю. Ф., Археологические материалы по истории Тункета и Абрлыга, Материалы по истории Узбекистана, Т., 1966; Буряков Ю. Ф., К исторической топографии средневекового Илака, «Советская археология», 1972, № 2, стр. 51—62.

ОБРОҚ — крепостной деҳқонларнинг феодалларга маҳсулот ёки пул шаклида берадиган тўловлари, феодал *ер рентаси*ни тўлаш шакли. Натура О. дон, вино, сабзавот ва б. қишлоқ хўжалик маҳсулотлари б-н тўланган; пул О. эса деҳқонларнинг шахсан ўзига тегишли ҳосилни сотишдан тушган даромаддан тўланган. Феодализм тараққиёти жараёнида пул О. эксплуатация воситасининг энг кўп тарқалган шакли бўлиб қолди. Россия (Киев Руси)даги феодал муносабатларининг шаклланиши жараёнида 9—11-асрларда О. тўлаш (натура ёки пул б-н) мажбурияти вужудга келди. 16—17-асрларда келиб чиққан барщина солиғи натура б-н О. тўлашдан устун турарди. Лекин ишлаб чиқариш корхоналари ва савдо муносабатларининг ривожланиши пул б-н О. тўлашнинг кенг суратда ёйилишига олиб келди. Рос-



Обручев В. А.

сиядаги 1861 йилги деҳқонлар реформаси даврида баршчина О. б-н алмаштирилди. Деҳқонлар реформасидан сўнгги даврда эса О. пул тўлаб, ер ажратиб олиш б-н алмаштирилди. Илк ўрта асрларда Ғарбий Европада, ўрта асрларда Шарқий Европада деҳқонлар эксплуатациясининг баршчина шакли кенг тарқалган бўлса, Шарқ мамлакатларида марказлашган рента — давлат солиғи жорий бўлган.

ОБРОН — Бухоро обл. Навоий р-ни Янгиариқ қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Навоийдан 14 *км*. Аҳолиси 506 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади.

ОБРУЧЕВ Владимир Афанасьевич (1863. 28. 09 (10. 10), Клепенино қ., ҳозирги РСФСРнинг Калинин обл.— 1956. 19. 6, Москва) — совет геологи ва географи, СССР ФА акад. (1929; мухбир аъзоси, 1921), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1945). 1947 йилдан СССР География жамиятининг фахрий президенти. Петербург Тоғ-кон ин-тини тамомлаган (1886). Томск Технология ин-ти (1919—21) ва Москва Тоғ-кон академияси проф. (1921—29). 1930 йилдан Абадий тўнгликлари ўрганиш комиссияси раиси. СССР ФА Тўнгликшунослик ин-ти директори (1939).

О. Сибирь, Марказий ва Ўрта Осиё геологиясини текширган. Ўрта Осиёдаги Тяньшань тоғларининг геологиясини атрофлича ўрганган. 1886—88 йилларда О. Қорақумда илмий текшириш ишлари олиб борган. Қорақумда О. қумли рельефларни 4 турга (барханли, эгри-бугри, жўякли ва чўл) бўлган. Жунғария Олатовида бир қанча нефть, олтин ва б. конларни очган. Илмий ишлари рудали конлар геологияси, геоморфология, география ва б. га бағишланган. О. Марказий Осиёни ўрганишга оид ишлари учун Н. М. Пржевальский номли мукофот, Россия география жамиятининг катта олтин медали ва Франция ФАнинг П. А. Чихачёв номли 2 мукофотига сазовор бўлган. В. И. Ленин номли мукофот (1926) ва 2 марта Давлат мукофотига (1941, 1950) сазовор бўлган. 5 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва бир қанча медаллар б-н тақдирланган.

СССР ФА Тўнгликшунослик ин-ти, Томск Политехника ин-ти, Қяхта ш. ўлкашунослик музейига О. номи берилган. Кўпгина географик пункт, музлик, тоғ, минерал булоқлар, Хитойдаги бир қанча тошқотган жинслар ва б. О. номи б-н аталган. СССР ФА Сибирь геологияси бўйича олиб борилган ишларга 1938 йилда В. А. Обручев номли мукофот таъсис этган.

Ас.: Избр. работы по географии Азии, т. 1—3, М., 1951; Рудные месторождения, М.— Л., 1935; По горам и пустыням Азии, М. — Л., 1948; Занимательная геология, М., 1965; Тоғ ва материкларининг келиб чиқиши, Т., 1949; Геология асослари, Т., 1955; Земля Санникова, М., 1957; Золотоискатели в пустыне, 3 изд., М., 1955.

Ад.: Мирзаев Э., Владимир Афанасьевич Обручев, Т., 1964; Поступальская М., Ардашникова С., Обручев, М., 1963; Владимир Афанасьевич Обручев, М.— Л., 1946 (АН СССР. Материалы к биобиблиографии учёных СССР, Серия геологических наук, вып. 6).

ОБРУЧЕВ ТИЗМАСИ, Академик Обручев тизмаси — Тува АССР шарқидаги тоғ тизмаси. Шарқий Тува тоғлигининг марказий қисмида. Узунлиги 250 *км*. Энг баланд жойи 2895 *м*. Бир неча тизмалардан иборат бўлиб, асосан, гранит, кристалли сланец ва қумтошлардан тузилган. Ён бағирлари тайга ўрмонлари (тилоғоч, кедр), чўққилари тоғ тундраси ва тошлар уюми б-н қопланган. В. А. *Обручев* номи б-н аталади.

ОБРУЧЕВО — Жиззах обл. Зомин р-нидаги *Ульяново* шаҳрининг 1974 йилгача бўлган номи.

ОБРУ — ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида (мас., тарбияда, фанда, онлада) бирон шахснинг билими, ахлоқий фазилати, тажрибаси туфайли орттирган, кўпчилик томонидан эътироф этилган таъсири, нуфузи. Ижтимоий ҳаётнинг О. орттирилган соҳасига қараб, О. сиёсий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, илмий ва ҳ. к. турларга ажралади. Марксизм-ленинизм О. ролини эътироф этиб, социалистик жамиятда шахснинг халққа, Ватанга чин садоқат б-н хизмат қилиши туфайли катта О. эгаси бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

ОБСЕРВАТОРИЯ, расадхона (лат. observo — кузатаман) — астрономик ва геофизик (магнит, гидрометрлологик, сейсмик ва б.) кузатиш ҳамда текширишлар учун махсус жиҳозланган илмий муассаса ва шу муассаса жойлашган бино. Ўрта асрларда Ўрта ва Яқин Осиёда кўплаб О. лар қурилган (қ. *Марога расадхонаси, Улуғбек расадхонаси*). Кейинчалик Европада О. лар оптик, радиофизик ва б. асбоблар б-н таъминлана бошлади. Ўзбекистон терр-ясида оптик асбоблар б-н жиҳозланган О. биринчи марта 1873 йилда Тошкентда барпо қилинган (қ. *Астрономия институти*). О. дастлаб кузатиш пунктларидан иборат бўлган, сўнгра бирор ҳодисани фақат кузатиш эмас, балки уларни келтириб чиқарувчи жараёнларни текширадиган илмий-текшириш муассасаларига айланди. Сўнгги йилларда тор соҳадаги кузатишларга мўлжалланган ва б. махсус О. лар ташкил этила бошлади (қ. *Магнит обсерваториялари ва институтлари, Космик обсерватория*).

ОБСИДИАН (лат. Obsidianus lapis — Обсидий тоши; шу тошни Эфиопиядан келтирган римлик Обсиус номидан) — *вулкан шишаси*. Ранги кўпинча қора, қизғиш-қорамтир; майда чангсимон гематит заррачалари О. га доғсимон тус беради. Қаттиқлиги 5, с. оғ. 2,5—2,6. Кимёвий таркиби ҳар хил, кўпинча *липарит*га яқин, 0,5% ча сув бор. Нордон липарит ёки липаритдацит лаваларининг қотишидан ҳосил бўлади. О. йўл қурилишида, бинолари безашда ишлатилади.

СССРда — Закавказье ва Қамчатка я. о. да мавжуд.

ОБУЗ — Сурхондарё обл. Жарқўрғон р-ни Минор қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Жарқўрғондан 4 *км*. Сурхондарёнинг ўнг соҳилида. Аҳолиси 1478 киши (1971); пахтачилик (ингичка толали пахта), шоликорлик б-н шуғулланади. Занг каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ОБУНА (форс-тож. آبونه) — тегишли босма асарлар ва б. нашрларни олиш учун олдиндан уларга ёзилиш. О. СССРда Союзпечать бўлимлари ва китоб савдоси бирлашмалари томонидан олиб борилади.

ОБУРДОН УСТУНЛАРИ — Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги Обурдон қишлоғидан топилган ёғоч устунлар. 1920 йилда СССР ФАнинг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР ФАнинг академиги, этнограф М. С. Андреев топган. О. у. Сомонийлар сулоласи даври (9—10- аср-


лар) маданиятини кўрсатувчи ажойиб ёдгорлик ҳисобланади. Зарафшон ўймакорлик усулида ишланган ёғоч ёдгорликларнинг кўпчилиги маҳаллий уста-ўймакорлар томонидан ясалиб, мачит ва иморатларга ишлатилган. Устунларнинг нақшлари ўсимлик ва ҳайвонлар суратидан иборат бўлиб, ўсимликларнинг шохи ва барглари чирмашиб, тизимчаларнинг учлари тугун ва боғичлар б-н тамомланган. Устуннинг қоши (шипга туташган юқори қисми) ва унинг асосий қисми ўйма нақшлар ва чизиқчалар б-н безатилган, баъзиларида токчалар ҳам бор. О. у. ни безашда қадимги рассом ва ўймакорларга тақлид қилиниб, балиқ, илон ёки қушлар бирбирига қаратилган ҳолда ўйиб ишланган. О. у. да нақкошлар ислом анъаналарига қарши ўлароқ эски услубларни сақлаб қолишга интилганлар. О. у. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланмоқда.

Ад.: Массон М. Н., К вопросу о происхождении памятников деревянной архитектуры, открытых М. С. Андреевым в горах Самаркандской области. «По Таджикистану» китобида, Т., 1927; Денике Б. П., Архитектурный орнамент Средней Азии, М. — Л., 1939, стр. 116—120; Бачинский Н. М., Резное дерево в архитектуре Средней Азии, М., 1947; Воронина В. Л., Резное дерево Зарафшанской долины. «Материалы и исследования по археологии СССР», 1950, № 15.

«ОБУХОВ МУДОФААСИ» (1901) — Петербургдаги Обухов (ҳозирги «Большевик») з-ди ишчиларининг иш ташлаши (7 май). 1-май куни бир ярим мингга яқин ишчи ишга чиқмади. Завод маъмурияти шулардан 26 ишчини ишдан бўшатди. Ғазабланган ишчилар оммавий суратда иш ташладилар. Бу вақтларда з-дда социал демократларнинг 20 га яқин тўгараги А. Шотман, С. Малишев, А. Мани, Н. Юников ва б. раҳбарлигида революцион ташвиқот ишларини олиб борарди. Улар 8 соатлик иш кунига ўтишни, иш ҳақини оширишни, 1-май кунини байрам деб ҳисоблашни, ишдан ҳайдалганларни қайтиб ишга олиш ва қамоқдагиларни озод қилишни талаб қилиб чиқдилар. Полиция ва ҳукумат қўшини ишчиларга қарата ўқ узди, бир қанча ишчи ўлдирилди ва яралар қилинди. Орадан кўп ўтмай бошқа корхоналарда ҳам иш ташлаш бошланди. 13—14 майда стачка тўхтатилди, бир қанча ишчилар судга берилиб, сургун қилинди.

ОБЧАҚ СВИТАСИ — Фарғона водийсининг шимолида, неоген ётқизиқлари таркибидаги стратиграфик бирлик. Совет олими М. Н. Грамм томонидан аниқланган. О. с. қизғиш-қўнғир, қизил ва тўқ қўнғир алевритли гил, қумтош ва конгломератлардан таркиб топган. Умумий қалинлиги 400 *м* (Норин) дан 600 *м* (Варзиқ) гача. Конгломерат ва қумтошлар таркибида, асосан, палеозой чўкинди-метаморфик жинсларининг синиқ (донача)лари учрайди. О. с. Мойлисой свитаси устида ётади, унинг ёши таркибидаги чучук сувда яшайдиган остракода ва гастропода ҳамда сувўт қолдиқлари асосида аниқланган. О. с. стратиграфик аҳамиятга эга.

«ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ» («Ўзбекистонда ижтимоий фанлар») — ЎзССР ФАнинг ойлик илмий журнали. 1956 йилда *«Известия Академии наук УзССР»* журнали негизида ташкил қилинган. Тошкентда («Фан» нашриётида) нашр этилади. Мақолалар асосан рус тилида ва аннотация тарзида ўзбек тилларида берилади. Журналда иқтисод, фалсафа, ҳуқуқ, тарих, археология, этнография, шарқшунослик, адабиётшунослик, тилшунослик ва б. ижтимоий фан соҳаларидаги Ўзбекистон олимлари олиб бораётган илмий тадқиқотлар ёритилади. Ташкил этилганидан то 1974 йил сентябрь сонига қадар акад. И. *Мўминов* Бош муҳаррирлик қилди. Тиражи қарийб 1500 (1976).



«Общественные науки в Узбекистане» журнали.


ОБЪЕКТ (лат. object — нарса) — *субъект*га қарама-қарши бўлган ҳамда инсоннинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган объектив реаллик. О. субъектга ва унинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Объектив реаллик га кўра, универсал, телесобъектив, ёруглиги кучли, кенг (тор) бурчакли ва ҳ. к. бўлади.

О. ни икки турга: назарий ва эмпирик О. га бўлиш мумкин. Лекин эмпирик ва назарий О. фаолиятнинг икки ҳар хил соҳаси эмас. Баъзида назарий билишнинг предметлари (мас., идеал газлар ва б.) О. сифатида реал мавжуд бўлмай, балки О. нинг эмпирик билимда қамраб бўлмайдиган томонларини кўрсатиш усули ҳисобланади. Мас., атомлар, элементар заррачалар каби назарий О. лар онтологик жиҳатдан, асосан макрожисмлардан фарқ қилмайди: ҳамма ҳолларда ҳам назарий О. ҳақидаги билимдан эмпирик О. ларни тушунтириш учун фойдаланилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эмпирик билишдан назарий билиш сари бориш муайян О. дан узоқлашиш ёки унинг ўрнига объект ўйлаб чиқарган бошқа мазмун бериш эмас, балки О. нинг эмпирик йўл б-н аниқ англаш мумкин бўлмаган ҳақиқий мазмунини чуқур назарий акс эттириш усулидир.

ОБЪЕКТИВ (лат. object — нарса) — оптик асбоб ёки фотоаппаратнинг бир неча линза ёки кўзгулардан иборат қисми; нарсанинг тескари ҳақиқий тасвирини беради. О. ишлатилишига қараб (расмга қ.) қуйидагиларга бўлинади: 1) кўриш трубаси ва телескоп О. лари; тасвирни кичрайтириб беради; 2) микроскоп О. лари тасвирни катталаштириб беради; 3) фотографик ва проекцион О. лар; ўз тузилиши ва ажрата олиш қобилиятига қараб, ҳам кичрайтириб, ҳам катталаштириб беради. Фокус масофаси (тасвирнинг масштабини ифодалайди), кўриш майдони бурчаги, нур кириш тирқиши, ёруглик кучи (нур кириш тирқиши диаметрининг фокус масофасига нисбати) ва ажрата олиш қобилияти [икки нуқта йўналишлари орасидаги кичик бурчак — ажрата олишнинг бурчак чегараси 1 секундда $\varphi = 120/D$ (D, *мм*) га тенг] О. нинг муҳим кўрсаткичлари ҳисобланади.

О. лар тузилишига кўра, линзали (рефрактор, диоптриклар), кўзгули (рефлектор, катоптриклар) ва кўзгу-линзали (линза ва оптик кўзгу комбинацияси), ажрата олиш қобилиятига кўра, универсал, телеобъектив, ёруглиги кучли, кенг (тор) бурчакли ва ҳ. к. бўлади.

О. дан предметгача бўлган масофага кўра уларни икки группага бўлиш мумкин: а) маълум (аниқ) бир масофада жойлашган предметнинг тасвирини ҳосил қиладиган О. (микроскоп О., проекцион О.); б) чексиз узоқликда жойлашган предметларнинг тасвирини ҳосил қиладиган О. (кўриш трубкаси О. и, телескоп О. ва кўпчилик фотографик О. лар).



1-расм. Мениск объективининг оптик схемаси.


Кўриш трубаси ва телескоп О. лари. Тасвири олинаётган буюм О. дан жуда узоқ (амалда чексиз) масофада жойлашган бўлса шундай О. лардан фойдаланилади. Шунинг учун буюм чизиқли ўлчамлари б-н



1- расм. Фотоаппарат объективининг умумий кўриниши



2- расм. «Зорький» фотоаппаратининг «Юпитер — 3» объективи.



3- расм. «Зорький» фотоаппаратининг «Юпитер — 11» объективи.

эмас, бурчак ўлчамлари б-н характерланади. Бу группа О. ларнинг бурчак катталаштириши γ, бурчак ажрата олиш қобилияти α ва кўриш соҳаси бурчаги ω катталиклари мавжуд.

Кўриш трубаси О. лари диаметри бир неча *см* ни ташкил этадиган линзалардан иборат. Кўриш соҳаси бурчаги 10—15°, О. лари жуда содда тузилган: линзали О. лар *сферик аберрация*си ва *хроматик аберрация*си тузатилган ва бир-бирига ёпиштирилган иккита линзадан иборат. *Кома*си ва оптик системанинг бошқа *аберрациялари* тузатилган уч линзали О. лар ҳам қўлланилади. 20- асрнинг 70- йилларида геодезик асбобларда Максутовнинг *меник систем*асидан фойдаланила бошланди.


Телескоп О. ларида диаметри ≈0,5—1 *м* (баъзан 1,4 *м*) ли линза ва кўзгу-линза О. лар қўлланилади. *Рефракторлар*да икки линзали О. лардан, *астрографлар*да, осмон ёритқичларининг расми олинадиган, уч ва тўрт линзали О. лардан фойдаланилади. Астрограф О. ининг кўриш соҳаси бурчаги 6°; рефракторнинг икки линзали О. лари учун у кичик қийматларни ташкил этади (О. диаметри қанча катта бўлса, кўриш соҳаси бурчаги шунча кичик бўлади, энг катта диаметрли О. учун у 1° ни ташкил қилади). Энг катта О. ли кўзгу телескопининг диаметри Д-5 *м* бўлиб, АҚШнинг Маунт — Паломар шаҳридаги Хейла номли обсерваториядаги параболик кўзгули *рефлектор*дир; СССРда диаметри 6 *м* ча параболик кўзгули рефлектор қурилаётир.

Астрономик О. ларга *Ер сунъий йўлдошлари*ни кузатиш системасида қўлланиладиган О. лар (йўлдош камералари) ва атмосферанинг юқори қатламларидаги жисмлар (мас., метеорлар)нинг ҳаракатини расмга олишда ишлатиладиган О. лар ҳам киради. Бу О. лар ўз характеристикалари бўйича бир томондан астрограф О. ларига ўхшаса, иккинчи томондан фотографик О. ларнинг баъзи турига ўхшайди.

Фотографик О. лар (кинога олиш ва репродукциялашда қўлланиладиган О. лар) буюм тасвирини аниқ бериши б-н бошқа О. лардан фарқ қилади. Фотографик О. ларнинг кўриш соҳаси бурчаги 50°дан ортиқроқдир. Фотографик О. да буюм тасвирининг аниқлигини ошириш учун оптик системанинг барча асосий аберрациялари (сферик, хроматик, кома, *астигматизм, дисторсия,* майдон эгрилиги)ни тузатиш керак. Бу фотографик О. тузилишини мураккаблаштиришга олиб келади (линзалар ва кўзгулар сони ортади ва уларнинг шакли мураккаблашади). 1- расмда линзали фотообъективнинг бир неча схемаси берилган.

Фотографик О. ишлатилишига қараб ҳаваскор ва профессионал фотографияда; кинематографияда қўлланиладиган О. ларга, телевизион, репродукцион, флюорографик, астрографик ва б. О. ларга бўлинади.

Микроскоп О. лар бошқа О. лардан буюмга жуда яқин туриши б-н фарқ қилади. Микроскоп О. ларининг асосий оптик характеристикалари қуйидагилардир: Сонли апертура A ($A=n_1 \sin u_1$; бунда n_1 буюм турган муҳитнинг синдириш кўрсаткичи, u_1—О. нинг оптик ўқида жойлашган буюмдан О. га тушаётган ёруғлик дастасининг ярим бурчаги); чизиқли катталаштириш β; кўриш соҳасининг чизиқли ўлчами $2l$ ва буюмдан тасвиргача бўлган масофа.



4- расм Микроскоп объективининг оптик схемаси.

Микроскоп О. ларнинг энг такомиллашгани планахромат ва планапохроматларидир. 2- расмда планапохроматлардан бирининг схемаси берилган. О. нинг алоҳида группасига хоссалари жиҳатидан фотографик О. га яқин бўлган спектрал асбоблар О. лари; лазерлар б-н ишлатиладиган О. лар ва б. лар киради.

ОБЪЕКТИВ ИДЕАЛИЗМ — идеализмнинг асосий турларидан бири; *субъектив идеализм*дан фарқли равишда, дунёнинг асосида қандайдир гайри табиий руҳий ибтидо («идея», «дунёвий ақл» ва ш. к.) ётади, деб ҳисоблайди (қ. *Идеализм*).

ОБЪЕКТИВ РЕАЛЛИК — қ. *Материя.*

ОБЪЕКТИВ ҲАҚИҚАТ — қ. *Ҳақиқат.*

ОБЪЕКТИВИЗМ (философияда) — билиш жараёнида ижтимоий-сиёсий жиҳатдан «бетарафлик»ни ёқловчи ва муҳим ижтимоий омилларни ҳамда идеологик жиҳатдан аҳамиятли бўлган масалаларни ижтимоий-танқидий баҳолашдан, улар устида муҳокама юритишдан, айниқса, партиявий хулосалардан (қ. *Партиявийлик*) четда туришга асосланган буржуа концепцияси. О. ижтимоий ҳаётдаги воқеаларни пассив қайд этиш б-н чекланади. Ижтимоий фанларда О. учун жамиятни синфий анализ қилишдан, ижтимоий синфлар ва гуруҳларнинг фаолияти ва курашини очишдан воз кечиш характерли. О. тарихий тараққиётда синфлар ва партиялар курашининг ҳал қилувчи ролини инкор этади ва фанни революцион кураш ҳамда халқ манфаатларидан ажратиб қўяди. О. капиталистик тузумни сақлашга, уни абадийлаштиришга уринади. «О». тушунчаси В. И. Ленин томонидан ишлатилган бўлиб, уни «легал марксистлар»— П. В. Струве, М. И. Туган-Барановский ва б. нинг қарашларига нисбатан қўллаган эди. Марксизм-ленинизм идеологиянинг партиявийлигини буржуа О. ига қарамақарши қўяди, ижтимоий ҳаётдаги барча воқеа, ҳодисаларга синфий нуқтаи назардан ёндашиш кераклигини ўргатади.

ОБЪЕКТИВЛИК — нарсанинг мустақил объект сифатида онгдан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжудлиги. Тасаввур, тушунча ёки муҳокамага нисбатан эса билимларимиз манбаи, унинг моддий асоси ҳисобланади. Материалистик билиш назарияси асосида объектив ҳақиқат ётади. Назария ва гоянинг объектив аҳамияти уни тафаккур объектига солиштириш йўли б-н исботланади.

ОБЬ — СССР ва ер шаридаги энг йирик дарёлардан бири; Совет Иттифоқида серсувлиги жиҳатидан учинчи ўриндаги (Енисей ва Ленадан кейин) дарё. Олтойдаги Бия ва Катунь дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади ва Ғарбий Сибирь терр-ясини жанубдан шимолга кесиб ўтиб, Қара денгизининг Обь қўлтиғига қуйилади. Узунлиги 3650 *км* (Иртиш дарёсининг бошланишидан ҳисобланганда 5410 *км*), ҳавзасининг майдони 2990 минг *км*². Ҳавзасининг асосий қисми (85% и) Ғарбий Сибирь текислигида, жануби-шарқий қисми Жанубий Сибирь тоғларида жойлашган (Олтой, Кузнецк Олатови, Салаир кряжи ва Тоғли Шория). Обь ҳавзасига 150 дарё қуйилади.

Ҳавзанинг юқори қисми тоғларда жойлашган бўлиб, у ердан Бия ва Катунь ҳамда кўпчилик ирмоқлари бошланади.

Томь дарёси қуйилиш жойидан қуйироқда О. серсув ва Иртиш дарёсига қўшилгунга қадар тайга зонаси бўйлаб оқади. Бу ерда О. водийсининг эни 30—50 *км* ва ундан ортиқ. Чуқурлиги 4—8 *м*. Йирик ирмоқлари: Томь, Чулим, Кеть, Тим, Вах ва б.

Иртиш дарёси қуйилгандан сўнг О. шимолга бурилади. Водийси кенг (айрим жойларда 50 *км* дан ҳам ошади), ассимметрик. Қайири ҳам кенг (40—50 *км*). Иртиш дарёси қуйилиш жойидан Перегребное шаҳригача О. битта чуқур (4—4,5 *м*) ўзанда оқади, қуйироқда икки ўзанга — Катта Обь ва Кичик Обга бўлинади. Қуйи оқимининг асосий ирмоқлари: Казим, Полуй (ўнгда), Шимолий Сосьва, Шчучья (чапда).

О. Обь қўлтигига қуйилмасдан дельта ҳосил қилади (майдони 4 минг *км*² дан ортиқ). Дельта қисмида О. икки йирик тармоққа бўлиниб кетган. Каттаси (ўнгдагиси) Надимская О., кичикроги (чапдагиси) Хаманельская О. деб аталади.

Асосан, қордан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи Барнаул ш. яқинида 1470 *м*³/*сек*, Салехард ш. яқинида 12300 *м*³/*сек*. О. нинг юқори оқимида муз 150 кун, қуйи оқимида 220 кун эримай ётади.


О. ҳавзаси ҳар хил табиий ресурсларга бой. Ғарбий Сибирь нефть, газ ва кўмир запаси бўйича СССРда муҳим ўрин эгаллайди, Иттифоқдаги барча торф запасининг $^1/_2$ қисми шу ерда. Сув, ўрмон ва б. ресурслар ҳам кўп. О. ва Обь қўлтиғида 50 га яқин балиқ тури учрайди.

О. ҳавзасининг умумий потенциал гидроэнергия ресурси 250 млрд. *квт-с*. Новосибирск ГЭС, Бухтарма ГЭС ва Усть-Каменогорск ГЭС ишлаб турибди. О.— Ғарбий Сибирнинг асосий транспорт магистрали. О. нинг бошланиш жойидан қуйилиш еригача кема қатнайди.

О. ҳавзасининг асосий порт ва пристанлари: Новосибирск, Томск, Сургут, Лабитнанги, Павлодар, Омск, Тобольск, Тюмень.

ОБЬ БУЙИ ПЛАТОСИ — РСФСР Олтой ўлкаси атрофидаги баланд текислик. Обь дарёси чап соҳилида. Жанубда Олтой тоғлари этагига туташган. Баландлиги 250—260 *м*. Барнаул, Қасмала, Қулунда дарёларининг водийлари шу ерда. Лёссимон қумоқ ва қумлардан тузилган. Тупроғи қора тупроқ. Муҳим қ. х. р-ни.

ОБ-ҲАВО — атмосферанинг муайян табиий жараёнларга боғлиқ ҳолати. Бу жараёнлар атмосферада Қуёш энергияси оқими ва Ер юзасининг ўзаро таъсиридаги физик жараёнлар натижасида содир бўлади. Об-ҳ. тўхтовсиз ўзгариб туради. Маълум жойнинг аниқ бир вақтдаги Об-ҳ. си метеорологик элементлар (т-ра, ҳаво намлиги, булут, ёғин миқдори, шамол тезлиги ва йўналиши, қор бўрони, момақалдироқ, туман ва ҳ. к.) б-н характерланади. 20- асрда техника тараққиёти туфайли «Об-ҳ.» термини атмосферанинг юқори қатламларига ҳам тегишли бўлиб қолди. Халқ хўжалигининг қарийб ҳамма тармоқларини Об-ҳ. нинг келгусидаги ҳолати қизиқтиради (қ. *Об-ҳавони олдиндан айтиш*). Об-ҳ. да Ернинг ўз ўқи ва Қуёш атрофидаги ҳаракатига боғлиқ бўлган даврий ўзгариш, шунингдек асосан, ҳаво оқимларининг алмашинишига боғлиқ бўлган нодаврий кескин ўзгаришлар содир бўлиб туради. Атмосферадаги ҳавонинг горизонтал ҳаракати вертикал ҳаракатидан бир неча марта катта бўлишига қарамай Об-ҳ. нинг ўзгаришида горизонтал ҳаракат б-н бир вақтда вертикал ҳаракат ҳам катта роль ўйнайди: булутларнинг ҳосил бўлиши ва ёғин-сочин миқдори, дўл ҳосил бўлиши, асосан, ҳавонинг вертикал ҳаракатига боғлиқ. Ўзаро алоқадор ва доимий ўзгариб турадиган омиллар ҳам Об-ҳ. нинг ўзгаришига сабаб бўлади. Атмосфера ҳодисаларини замонавий асбоб-ускуналар (Ер сунъий йўлдошлари, ҳисоблаш машиналари, ракеталар, радиозондлар, самолётлар ва ҳ. к.) ёрдамида ўрганиш унинг келажак ривожини аниқлайдиган усулларнинг такомиллашишига олиб келмоқда (яна қ. *Об-ҳаво хизмати, Об-ҳаво карталари*).



Обь дарёсида.

ОБ-ҲАВО КАРТАЛАРИ — синоптик ва аэрологик карталар. Метеорологик ва аэрологик станциялардан олинган маълумотлар (сонлар ва шартли белгилар)ни географик карталарга кўчириб тузилади. Об-ҳ. к. об-ҳаво бюроларида кунига бир неча марта тузилиб, одатда, кузатишдан олинган маълумотлар асосида ЭҲМ лар ва махсус мосламалар ёрдамида тайёрланади. Об-ҳ. к. Ер ярим шари, ҳатто, бутун Ер юзаси учун, шунингдек кичик р-нлар учун тузилиши мумкин. Об-ҳ. к. да коник, меркатор, стереографик проекциялардан фойдаланилади. Уларда қуруқлик, денгиз ва б. орографияларнинг муҳим хусусиятлари берилади. Об-ҳ. к. комплекс, аэрологик, ёрдамчи карталарга бўлинади. Комплекс карта—синоптик карта бўлиб, унда денгиз юзасига мослаштирилган ҳаво босими, т-раси ва намлиги, узоқни кўриш масофаси, ҳар хил булутлар, ёғин турлари, атмосфера ҳодисалари ва ҳ. к. ифодаланади. Комплекс карталардан об-ҳавони ва атмосфера синоптик ҳолатини анализ қилишда фойдаланилади. Аэрологик карталар атмосферанинг маълум баландликлари учун тузилади. Бу карталарда шамол тезлиги ва йўналиши, т-ра, намлик ва ҳ. к. бўлади. Аэрологик карталар, асосан, авиация хизматида катта аҳамиятга эга. Ёрдамчи карталар комплекс карталар, синоптик карталарга қўшимча қилиб, айрим метеорологик элементлар, мас., ёғин миқдори, максимал ва минимал т-ралар, тропопауза баландлиги ва б. асосида тузилади. Булардан ташқари, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўп сонли метеорологик станциялар маълумотларидан фойдаланиб, кичик р-нлар учун тузилган Об-ҳ. к. ҳам мавжуд.

ОБ-ҲАВО ХИЗМАТИ — халқ хўжалиги ва аҳолига узлуксиз хизмат қилиш учун об-ҳавонинг ўтган вақтдаги, ҳозирги ҳамда келажакдаги ҳолатини аниқлашда комплекс ишларни бажарадиган ташкилот. Об-ҳ. х. да метеорологик ва аэрологик станцияларнинг кузатиш натижаларидан фойдаланилади. Об-ҳ. х. деярли ҳамма мамлакатларда мавжуд. Жумладан, Иттифоқимизда СССР Гидрометеорология хизмати бош бошқармаси бор. Марказлаштирилган Об-ҳ. х. ни эса СССР Гидрометеорология илмий текши-

риш маркази (Гидрометцентр) амалга оширади. Шунингдек, СССРдаги ҳар бир иттифоқдош республикада гидрометеорология хизматлари, РСФСР нинг баъзи ўлка ва областларида об-ҳаво бюролари, кўпчилик областларда эса гидрометеорология бюролари, Граждан ҳаво флотларида авиаметеорология станциялари ва б. ишлаб турибди.

Жаҳон метеорология ташкилоти ташаббуси б-н учта (Москва, Мельбурн, Вашингтонда) Жаҳон метеорология маркази ташкил этилган. Дунёдаги 26 та регионал марказдан тўрттаси Совет Иттифоқи терр-ясида (Москва, Тошкент, Новосибирск, Хабаровскда) жойлашган. Тошкентда регионал марказ вазифасини Ўрта Осиё гидрометеорология илмий текшириш ин-ти бажаради. Халқаро келишувга мувофиқ, ҳар бир мамлакатдаги Об-ҳ. х. қуйидаги асосий комплекс ишларни амалга оширади: 1) барча метеорологик станциялар, денгиз ва океанлардаги махсус кемалар бир хил вақтда об-ҳаво ҳолатини кузатишади; 2) аэрологик станцияларда радиозондлар, самолётлар, учувчи шарлар ва б. б-н маълум вақтларда ҳар хил баландликлардаги босим, т-ра, ҳаво намлиги, шамол тезлиги ва йўналиши, шунингдек қуруқлик ва океанлардаги булут структураси, унинг вертикал қалинлиги аниқланади; 3) метеорологик ва аэрологик кузатишлар телеграф, телетайп ёки радио орқали марказий муассаса ва маҳаллий Об-ҳ. х. га юборилади; 4) Об-ҳ. х. да тузилган синоптик ва аэрологик карталар, графиклар анализ қилиниб, атмосфера ҳолати, ўтган вақтдаги ҳамда келажакдаги атмосфера жараёнларининг ривожи, халқ хўжалиги учун хавфли атмосфера ҳодисалари аниқланади.

ОБ-ҲАВОНИ ОЛДИНДАН АЙТИШ, об-ҳаво прогнози — атмосфера жараёнларининг ривожланиш қонуниятлари асосида об-ҳавонинг келажак ҳолатини аниқлаш. Об-ҳавони аниқ бир пункт, трасса (мас., авиация учун), терр-я (ўлка, обл., республика) бўйича ҳамда қисқа муддат (1—2 сутка) ва узоқ муддат (3—10 сутка, ой, мавсум) учун олдиндан айтиш мумкин. Об-ҳ. о. а. да умумий ва махсус мақсадлар кўзда тутилади. Умумий Об-ҳ. о. а. да энг муҳим метеорологик элементлар (т-ра, булут, ёғин, шамол) ва туман, қор бўрони, момақалдироқ, довул, совуқ бўлиши ва б. об-ҳаво ҳодисаларининг келажак ўзгаришлари ҳақида маълумотлар берилади. Халқ хўжалигининг турли соҳалари учун махсус прогнозлар ҳам тузилади. Мас., булутларнинг пастки ва юқори чегаралари, ер сиртида ва юқори баландликларда шамол тезлиги ва йўналиши (авиация учун); ёғин миқдори, ҳаво т-раси, совуқ уриш, қурғоқчилик ва ҳ. к. (қ. х. учун); қор бўрони, кучли жала, узоқни кўриш масофаси (темир йўл транспорти учун) ва б.

Суткалик Об-ҳ. о. а. ўтган асрнинг 60-йилларида бошланди. 20-асрнинг 30-йилларида атмосферанинг юқори қатламларини систематик ўрганишга имкон берадиган радиозонднинг яратилиши (СССРда), атмосфера жараёнларининг физик қонуниятларини чуқур ўрганиш Об-ҳ. о. а. усулларининг такомиллашишига олиб келди. Об-ҳ. о. а. учун керакли маълумотлар метеорологик станциялардан сутка давомида бир неча марта телеграф ёки радио орқали олинади. Об-ҳаво бюроларида ер юзаси учун синоптик карта ва юқори қатламлар учун барик топография карталари ва б. тузилади. Шулар ёрдамида ер шарининг катта терр-ясидаги об-ҳаво ҳолати анализ қилиниб, барик системалар, циклонлар, антициклонлар ҳамда ҳаво массалари, атмосфера фронтларининг силжиш тезлиги ва йўналиши аниқланади. Бу маълумотлар ҳамда жойнинг маҳаллий хусусиятлари (ер юзаси ландшафти, орографияси ва ҳ. к.) пункт, трасса ёки аниқ бир р-н учун Об-ҳ. о. а. га имкон яратади.

Узоқ муддатли Об-ҳ. о. а. муаммоси қисқа муддатли прогнозга нисбатан анча мураккаб. Катта миқёсдаги атмосфера жараёнларининг бир неча кундан бир неча ойгача даврдаги циркуляцияси ўрганилиб, уларнинг алмашиниш қонуниятлари ва келажакда қандай бўлиши аниқланади. Ўрта Осиё республикалари учун ойлик Об-ҳ. о. а. ни Тошкентдаги Ўрта Осиё гидрометеорология илмий текшириш ин-ти амалга оширади.

ОВ, ов қилиш, шикор — ёввойи ҳайвон ва парранда овлаш; одамнинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги қадимий тармоқлардан бири. Ҳамма халқда бор. Одамлар дастлаб гуруҳ бўлиб, кейин якка ҳолда ов қилишган. Қадимда тош, найза, кейинроқ пичоқ, тўр ва б. дан ов қуроли сифатида фойдаланилган. Камон кашф этилиши овчиликда катта аҳамият касб этган. Осиёдаги кўчманчилар отга миниб, исковуч ит ва қуш ёрдамида ов қилган.

Ҳозир кўпроқ милтиқ ва қопқон б-н ов қилинади. Ов қилиш учун танланган жойга ҳайвон ва паррандаларни жалб этиш мақсадида ҳар хил хўраклар (гўшт, дон, балиқ, ёнғоқ, резавор ҳамда хушбўй моддалар), шунингдек ҳайвон ва паррандалар овозига ўхшаш товуш чиқарадиган восита (киркик)лардан фойдаланилади.

Ҳайвон ва паррандалар қуролсиз ҳамда қурол, ит, от ва қушлар ёрдамида овланади. Қурол б-н ов қилинганда итлардан фойдаланилади. Бунда, асосан, мўйнали ва туёқли ҳайвонлар, ўрмон ва сув паррандалари овланади. Қуролсиз овда мўйнали ҳайвонлар ва илвасин тутилади. Ит ёрдамида ов қилишда отлиқ, баъзан пиёда овчи ов итларидан фойдаланади, бунда тез югурадиган тозн ит ҳайвонни очиқ майдонга «ҳайдаб» беради, овчи б-н ов ити эса уни қувлаб бориб тутади. От ва тез югурадиган тозн ит ёрдамида ов қилинганда ҳайвон итга олдирилади, бунда ит ҳайвонни қувиб тутганда овчи отда етиб боради ва итдан уни қутқариб олади. Қушлар б-н ов қилишда ҳайвонлар, асосан, очиқ майдонларда бургут, лочин ва б. қўлга ўргатилган паррандалар ёрдамида тутилади.

Ов шартли равишда саноат мақсадидаги, спорт-ишқибозлик ва илмий мақсадлардаги овларга бўлинади. Саноат мақсадидаги овда аҳоли ва саноат эҳтиёжи ҳамда четга чиқариш учун мўйна, гўшт ва б. маҳсулотлар етиштириш ниятида қимматбаҳо мўйнали, туёқли ёввойи ҳайвонлар ва сув қушлари тутилади. Спорт-ишқибозлик овида илвасин овлаш б-н бир қаторда ишқибоз овчи ва спортчиларнинг жисмоний тайёргарлиги, жасорати ва махсус малакаси ортади. Спорт-ишқибозлик ови дам олишнинг бир тури ҳамдир. Шу ов асосида овчилик туризми авж олмоқда. Илмий ов овланадиган ҳайвонларни, ёввойи ҳайвонлар касалликларини, овчилик иши ва ўлкани ўрганиш мақсадида илмий муассасалар топшириғи б-н олиб борилади. Зарарли ҳайвонларни ҳозирги

қуролларнинг ҳамма туридан фойдаланиб ва ҳар қандай усул б-н қириш мақсадида овлашга рухсат этилган.


СССРда овчиликни ривожлантириш учун ҳамма имконият бор. Мўйнали ҳайвонларнинг 100 дан ортиқ тури, туёқли ёввойи ҳайвонларнинг 20 дан зиёд ва овланадиган парранда (қуш)ларнинг 150 дан кўп тури кенг майдонларга тарқалган. Овнинг асосий товар маҳсулоти — мўйна, қўшимча маҳсулоти — гўшт, ёғ; қимматбаҳо хом ашёси: тери, пат, пар, жун.

СССРда илвасин отиш ва тутиш ишлари қонунлар, ҳукумат қарорлари ҳамда норматив актлар б-н бошқариб борилади. 18 ёшга кирган, овчилар союзи аъзоси ва овчилик билети бўлган гражданлар ов милтигидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳайвонларнинг қимматбаҳо турлари махсус рухсатнома (лицензия) б-н овланади. Ов тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш, ов муддатлари ва усулларини белгилаш ишларини назорат қилиш, тайёрлаш ташкилотлари ва овчилик жамиятлари союзларининг фаолиятини уйғунлаштириш вазифасини СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги Табиатни муҳофаза қилиш, қўриқхоналар ва овчилик хўжалиги бош бошқармалари, Давлат овчилик инспекциялари, овчилик назорати хизмати бажаради.

ОВ ИТЛАРИ — овчиликда фойдаланадиган махсус ит зотлари группаси. Ер шарида 100 дан ортиқ, СССР да 25 О. и. зоти бор. СССР да қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар (олмахон, сувсар, соболь) нинг 60% дан ортиғи О. и. ёрдамида овланади. О. и. зоти бир неча группага бўлинади: лайкалар — ўрмон р-ларида мўйнали ва туёқли ҳайвонлар (ёввойи чўчқа, лось, буғу), шунингдек ўрмон, ўрмон-дашт зоналаридаги ёввойи, сувда сузувчи паррандаларни овлашда фойдаланилади. Лайкалар овланган ҳайвон ёки паррандаларни қидириб топиб, овчи келгунича ушлаб туради. Тез югурар тозилар — ўрмон, ўрмон-дашт зоналарида қуён, тулки, бўри, чиябўри, силовсин ва туёқли ҳайвонларни овлашда фойдаланилади. Овчи ўлжасини отмагунича, улар вовуллаб ҳайвон изидан бораверади. Тозилар — қуён, тулки, ўрмон-дашт, дашт ва ярим чўл р-ларидаги майда туёқли ҳайвонларни овлашда фойдаланилади. Тозилар катта, ўзига хос тана тузилишига эга, кучли ит, кўзи ўткир, тез югуришга мослашган (20 *м/сек* гача югура олади). Улар ҳайвонларни қувиб ушлаб олади (ёки бўғади). Уя итлари (такса, терьерлар, фокстерьерлар) — инларидаги тулки, бўрсиқ, енотсимон итларни овлаш учун фойдаланилади; улар инларидаги ҳайвонларни овчи олдига ҳайдаб чиқаради ёки инида ҳолсизлантиради. Ит-ковучлар (сеттер, пойнтерлар ва б.) — ботқоқ, ўрмон, дашт ва сувда сузувчи паррандаларни ҳидлаб топиб, писиб ётган жойини овчига билдиради. Овчининг имоси б-н паррандани чўчитиб, отишга қулай қилиб беради. Спаниеллар — паррандаларни овлашда фойдаланилади. Улар ерда писиб ётган паррандаларни чўчитиб отишга қулай қилиб беради. Отилган паррандаларни топиб, овчига олиб келади.


Ад.: Пособие по охотничьему собаководству, М., 1970; Пособие по собаководству, 2 изд., М., 1973.


ОВ МИЛТИҒИ — парранда ва ҳайвонларни овлаш учун мўлжалланган ўт сочар қўрол. Замонавий ов милтиқлари 4 асосий типга бўлинади: а) силлиқ стволли, сочмали; б) ўйиқ стволли, ўқли; в) мураккаб (ўйиқ ва силлиқ стволли); г) сочма ўқли. О. м. магазинли ва магазинсиз, тепкили ва тепкисиз (тепкиси ичига жойлаштирилган) бўлади. Силлиқ стволли ов милтиқлари орасида 12, 16, 20, 28, 32 калибрдаги милтиқлар кенг тарқалган. Ўйиқ стволли О. м. лари (*карабин*, штуцер ва б.) узоққа аниқ отиш хусусияти б-н силлиқ стволли милтиқлардан ажралиб туради. О. м. да чиқарилган вақти, ф-ка маркаси, жанговар хусусиятлари ва б. маълумотларни акс эттирувчи ёзув ва тамғалар бўлади.




Ов милтиғи. 1. МЦ-7 моделли қўш стволли штуцер нитроэкспресс. 2. Манлихер—Шенауэр системасидаги карабин.

ОВАЛЛАР (лат. ovum — тухум) — ясси, қаварик ёпиқ эгри чизиқлар. Мас., айлана, эллипс. Агар О. етарлича силлиқ бўлса, уларнинг эгрилиги максимум ва минимумга эришадиган камида 4 учга эга бўлади (эллипсда тўртта). Овал нуқталари орасидаги масофанинг аниқ юқори чегараси унинг диаметри, бирор йўналишдаги уринмалари орасидаги масофа шу йўналишдаги эни дейилади. Мас., эллипснинг OA_1 йўналишдаги эни B_1B_2 га, OB_1 йўналишдаги эни A_1A_2 га тенг (расмга қ.). Айлананинг эни ҳамма йўналишда бир хил. Расмда яна бир неча эни ўзгармас О. (Рело учбурчаклари) кўрсатилган. Эни h ўзгармас бўлган О.нинг узунлиги Πh га тенг (Барбье теоремаси). Баъзан, О. деганда умуман ўз-ўзини кесмайдиган ёпиқ чизиқлар тушунилади.







Овал.

ОВДАН, обдон — ер ости ва ёмғир сувларини бир жойга йиғиш учун шаҳарларда қурилган иншоот. Ўрта Осиёдаги *сардоба*ларнинг бир хили. Асосан, ўрта асрда Озарбайжонда кенг тарқалган. Одатда, архитектура комплексининг, боғ ёки паркларнинг бир қисми саналган. Шакли ва ҳажми муайян жойнинг тузилиши, геологик шароити ва рельефига қараб турли хил бўлган. О. сувидан шаҳар аҳолиси турли мақсадларда фойдаланган.

ОВЕЧКИН Валентин Владимирович (1904. 9. 6, Таганрог — 1968. 27. 1, Тошкент) — рус совет ёзувчиси, журналист. 1929 йилдан КПСС аъзоси. Таганрог билим юртида ўқиган (1913—19). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45). 1925—31 йилларда қишлоқ хўжалиги коммунаси раиси. 30-йилларда партия ходими ва журналистика соҳасида ишлаган. Дастлабки ҳикояси 1929 йилда босилган. «Прасковья Максимовна» (1939), «Стукачдаги меҳмон», «Уруғаймоқсиз» (1940), «Фронтдан салом» (1945) повестлари, «Натя Колосова» (1949), «Шамолни қаршилаб» (1958), «Ёз ёмғири» (1959), «Ҳосил йиғиш палласи» (1960) пьесалари муаллифи. Унинг «Район ташвишлари» (1952—56) асарида қишлоқ хўжалигини бошқаришда партиявий раҳбарлик қилишнинг ленинча йўли ифода этилган. У 1963 йилдан Тошкентда яшаган. 2 та орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Избр. произведения, т. 1—2, М., 1963.



Овечкин В. В.

ОВМИНЗАТОҒ — Марказий Қизилқумдаги қолдиқ тоғлар. Қулжуқтоғ б-н Томдитоғ оралиғида. Узунлиги ғарбдан шарққа 40 *км*, абс.

баландлиги 701 *м*, Овминза чўққисининг баландлиги 695 *м*. Палеозойнинг метаморфик сланец, алевролит, кварцит, мармарлашган оҳактош, қумтош-сланец, конгломерат, гравелит, кучли метаморфозлашган габбро-пироксенит, андезит, базальт ва б. жинсларидан, ён бағирларининг этаклари бўр даврининг гил, алевролит, қумтош, тўртламчи даврининг қум, шағал ва қумоқларидан таркиб топган. Шимолий ён бағри жанубидагига нисбатан анча тик. Ён бағирларида чуқур жарликлар кўп. Сув айирғич қисми ва чўққилари ўткир қиррали ва найзасимон. Этаклари проллювиал жинслар б-н қопланган қия текисликдан иборат. Йиллик ёғин 100 *мм*, июлнинг ўртача т-раси 30°, январники —3°, —4°. Ёғин камлигидан сойларда сув фақат қиш ва баҳорда оқади. Ён бағирларида, асосан, шўртоб қумлоқ, қумоқ ва тошлоқ қўнғир бўз тупроқлар тарқалган. Усимликлардан қора ва оқ жусан, илоқ, қўнғирбош, оқ боялиш ва б. ўсади. Йил бўйи чорва яйлови сифатида фойдаланилади.

ОВОГЕНЕЗ, о о г е н е з (лат. ovum — тухум ва *генезис*) — ургочи жинсий ҳужайралар (тухумҳужайралар)нинг пайдо бўлиб ривожланиш процесси.

ОВОЗ — 1) кенг маънода газ, суюқлик ва қаттиқ жисмларда тарқаладиган механик тебранишлар. Одам қулоғи секундига 20 тебранишдан 20 минг тебранишгача бўлган частотали О. ларни эшитади (қ. *Товуш*);

2) одамнинг ва ўпка б-н нафас олувчи ҳайвонларнинг овоз аппарати ёрдамида чиқарадиган баландлиги, кучи ва тембри жиҳатидан ҳар хил бўлган товушлари. О. да ҳиқилдоқ мушаклари рефлекс йўли б-н қисқаради. Одам ҳис, сезги, фикр-туйғуларини, кўпинча, О. чиқариб ифодалайди (бақириш, кулиш, йиғлаш, сўзлаш, куйлаш ва ҳ. к.). О. чиқиши ҳақида икки назария бор. М у ш а к-э л а с т и к л и к н а з а р и я с и г а мувофиқ, ҳар қандай О. чиқишидан илгари О. бойламлари жуфтлашади, бунда трахея (кекирдак) ичидаги босим кўтарилади, шу босим О. бойламларининг тарангланиш кучидан ошган пайтда трахея ичидаги ҳаво О. ёриғи орқали гуриллаб чиқади, бойламлар тебрана бошлаб, ўзидан юқоридаги ҳавони тебрантиради. Товуш тебранишларининг турли частотаси О. бойламларининг узунлигига ва тарангланишига, бу эса ҳиқилдоқ мушакларининг функционал ҳолатига боғлиқ. Н е р в-м у ш а к н а з а р и я с и г а мувофиқ, О. бойламларининг бир секунддаги тебранишлар сони марказий нерв системасидан келувчи импульслар сонига мос келади.

Организм, унинг марказий нерв ва эндокрин системалари ривожланган сайин О. ҳам секиноста шаклланиб боради. Янги туғилган ва эмадиган болаларда О. баландлиги ва тембри бир хил, фақат кучи фарқ қилади. Балоғатга етиш даврида — 11—12 ёшдан 18—19 ёшгача О. кўпроқ ўзгаради. Бу даврда ўғил болалар ҳиқилдоғи $^1/_2$ баравардан зиёд, қиз болаларники эса $^1/_3$ қадар катталашади.

Ҳиқилдоқнинг яллигланиши (ларингит) натижасида, кўпинча, О. чиқариш функцияси бузилади. Юрак-томир, нерв ва б. системаларнинг касалликларида ҳам О. бўғилиши ва ҳатто бутунлай чиқмай қолиши (афония) мумкин;

3) м у з и к а д а — ашула айтиш қобилияти (қ. *Хонанда овози*); чолғу асбобларининг партитурада жойлашган партияси.

ОВОЗ БЕРИШ ҲУҚУҚИ ГУВОҲНОМАСИ — СССРда турар жойи ўзгарган сайловчига бериладиган ҳужжат. Гувоҳнома гражданнинг қаерга боришидан қатъи назар сайлов куни меҳнаткашлар депутатлари Советларига бўладиган сайловда иштирок этишни таъминлайди.

ОВОЗ БОЙЛАМИ — думсиз амфибиялар, баъзи судралиб юрувчилар, кўпчилик сут эмизувчилар ва одамда ҳиқилдоқ ён деворининг ички юзасидан бурчак бўлиб чиқадиган иккита бурма. Фиброз-эластик тўқимадан тузилган бўлиб, шиллиқ парда б-н қопланган. Бу ҳ а қ и қ и й О. б. дир. Баъзи сут эмизувчилар ва одамда ҳақиқий О. б. дан бир оз юқорироқда с о х т а О. б. ҳам бўлиб, у овоз ҳосил бўлишида қатнашмайди.

О д а м д а ҳақиқий О. б.— мушак тўқимаси ва бириктирувчи тўқимадан тузилган жуфт бойламдир. Товуш ҳосил бўлишида қатнашади, шунингдек кекирдакни ёт жинслар тушишидан сақлайди.

ОВОЗ БУҒИЛИШИ — овознинг характерли ўзгариши. Овоз бойламларининг шакли ёки ҳаракатининг ўзгариши натижасида уларнинг бир меъёрда тортилмаслиги сабаб бўлади. Бойламларнинг ўткир ва хроник яллигланишида, полип ва ўсма пайдо бўлганда бойламларни тортадиган мушак фалаж бўлиб қолганда кузатилади.

ОВОЗ ОПЕРАТОРИ — кино, радио, телевидение ва овоз ёзиб олиш студиялари ходими. Кинода сценарийнинг реж. нусхасини ишлашда, актёрлар танлашда (овози ва дикциясини текширишда) қатнашади, фильмнинг овоз экспликациясини тайёрлайди ва ш. к. ишлардан сўнг фильмни овозлаштиради. Радиоэшиттириш, телевидение ва овоз ёзиб олиш студияларида О. о. овоз ёзиб олади ва магнит фонограммаларини эшиттиради, ёзиб олинган фонограммаларни овоз режиссёри раҳбарлигида монтаж қилади, улардан нусха олади ва эски фонограммаларни реставрация қилади.

ОВОЗА — Уч икки мақом системасидаги (олти хил) *лад*лар мажмуи. О. лар Наврўз, Салмак, Гардония, Гувашт (Гавашт), Моя ва Шаҳноз деб номланган. А. Жомийнинг музика рисоласида О. лар мақомлардан кейин юзага келган ўн етти погонали товушлар системаси ладларининг иккинчи группасига мансублиги айтилган. О. ларнинг кўплари мақомлар тоникасига нисбатан кварта, квинта баланд пардалардан бошланади. О.— музика асарлари (жумладан, мақомлар)да *модуляция* натижасида юзага келадиган янги лад — тоналликлар ўрнини эгаллайди. Шашмақомнинг шаклланишига О. ҳам таъсир кўрсатган ва уларнинг баъзилари кейинчалик мақом шўъбалари жумласига киритилган.

Ад.: Д ж а м и А б д у р а х м а н, Трактат о музыке, Т., 1960; Р а ж а б о в И., Мақомлар масаласига доир, Т., 1963.

ОВОЗЛИ КИНО — тасвирни нутқ, музика ва шовқинлар б-н намойиш қиладиган кинофильмлар ишлаб чиқариш ва кўрсатиш соҳаси. Кинематограф пайдо бўлган даврлардаёқ тасвирни овоз б-н кўрсатишга интилишган. Бунинг учун кинетофон (1899), хронефон (1901) яратилган ва *граммофон* пластинкалардан фойдаланилган. Рус олимлари А. Ф. Виксцелский (1889) ва И. Л. Поляков (1900) фотоэлемент ва фонограмма позитивидан фойдаланиб ёзиб олинган товушни қайта эшиттириш схемасини таклиф қилишган. 1906 йилда Ю. Лоост (АҚШ) товуш тебранишларини кинопленкага фотографик йўл б-н ёзиб олиш усулини таклиф қилган. Бу усул кенг тарқалган. СССР, АҚШ ва Германияда деярли бир вақтда О. к. нинг амалий системаси яратилган. Товушни ёзиб олишнинг совет системаси 1926 йили Москвада П. Г. Тагер раҳбарлигида («Тагефон» системаси) ва 1927 йили Ленинградда А. Ф. Шорин раҳбарлигида ишлаб чиқила бошлади. «Тагефон» системасида товуш ёзилган тўла метражли биринчи бадий фильм «Ҳаётга йўлланма» (1931) эди. Ўзбекистонда биринчи О. к.—«Қасам» фильми 1936 йилда ишлаб чиқарилган.

50-йилларда овозни магнит усулда ёзиб олиш ва қайта эшиттиришнинг ишлаб чиқилиши кенг экранли, кенг форматли, панорам, стереоскопик ва б. нинг яратилиши кинофильмлар сифатини анча оширди.

Овозли фильмларни кинога олиш ва уларни намойиш қилиш техникаси расмда кўрсатилган. Кинога олинадиган объект махсус аппарат ёрдамида кинопленкага туширилади. Товуш тебранишлари микрофон ёрдамида қабул қилиниб кучайтирилади, паст-баландлиги ростланади ва магнит лентага ёзиб олинади. Фильмни суратга олиш вақтида товуш (нутқ, музика, шовқин), одатда, бир неча (2—8) лентага алоҳида-алоҳида ёзиб олинади. Кинофильмни монтаж қилиб бўлгандан кейин товуш битта лентага кўчирилади. Тасвир негативлари ва фонограммалар нусха кўчириш ф-касида кўпайтирилиб, кинотеатрларга тарқатилади.

О. к. да товушни синхрон, яъни тасвирни суратга олиш пайтида ёзиб олиш, товушни тасвирдан алоҳида ёзиб олиш, овозли киноларни таржима (дубляж) қилиш, яъни янги фонограмма тайёрлаш, овоз эффектлари (телефонда гаплашиш, музика, шовқин ва б.) ни ёзиб олиш усуллари қўлланилади. О. к. кинематографнинг гоявий-бадиий имкониятларини кенгайтирди, таъсирчанлигини оширди.

Ад.: Высоцкий М. З., Магнитная звукозапись кинофильмов, М., 1960; Шмырев В. И., Проворов С. М., Брабанель С. Р., Кинофильм и кинопроекционная аппаратура, 5 изд., М., 1971.


ОВОЗСИЗ КИНО — кинематографиянинг овозли кино давригача бўлган номи (қ. *Кино санъати, Кинотехника*).

ОВОСКОП (лат. ovum — тухум ва юнон. skopéo — қарайман) — тухум сифати текширилади-ган асбоб. У ичига лампочка ўрнатилган ялпоқ тешикли гилофдан иборат. Тухум шу тешикка ўрнатилиб текширилади. Янги, соғлом тухум сариғи унинг марказига жойлашган бўлади.

Инкубация қилинадиган тухумларни танлашда ҳам О. дан фойдаланилади. Инкубацияларга қўйилган товуқ тухумлари 6 кундан, ўрдак, ғоз тухумлари 8 кундан кейин О. да кўрилади.

ОВОЦИТЛАР, о о ц и т л а р (лат. ovum — тухум ва юнон. chytos — ҳужайра) — *овогенез* натижасида ўсиб етилган ургочи жинсий ҳужайралар (қ. *Тухумҳужайра*).

ОВРИНГ — Тожикистоннинг тоғлик р-нларида тик тоғ ён бағирларидан ўтган тор йўлларнинг илмий адабиётда қабул қилинган номи. О. қоялари ўйиб, мустаҳкам қозиқлар устига шохшаббалар тўшаб ишланади. Ўтиб бўлмайдиган жойларга осма кўприклар қурилади. Тик силлиқ қояга баланд зинапоялар осиб қўйилади. Баъзан қоянинг тепасига катта қозиқлар қоқилади, пишиқ новдалардан эшилган арқон ҳалқа шу қозиқларга осилади. Арқон ҳалқаларнинг пастки учига ғўлалар ётқизилади. Қишлар ана шу ҳалқалар ичидан, ғўлалар устидан юради. О. лар, асосан, пиёда юришга мўлжалланган. Баъзи қисмларида эшак-отларда ўтса ҳам бўлади. О. ларни тепадан тушган сув, тошлар ва қор кўчкилари ишдан чиқаради. Шунон ва Рушонда О. маржа (марза), парин (паринд), Яғнобда рафақ дейилади. Тоғларда катта йўллар қурилиши муносабати б-н О. ўз аҳамиятини тобора йўқотмоқда.




Овозли кино схемаси: *а* — кинога олиш жойи (*СА*—кинога олиш аппарати, *ОС* — кинога олинадиган объект); *б* — овоз ёзиш қурилмаси (*М* — микрофон, *РУ* — овозни ростлагич, *УЗ*—овоз частотаси тебранишлари электрик кучайтиргичи, *ЗА* — овоз ёзиш аппарати); *в* — фильмни тайёрлаш (фотокимёвий ишлов, монтаж, қайта ёзиш, нусхалаш); *г* — кинотеатр (*ПА* — проекцион аппарат, *Э* — экран); *д* — овоз бериш қурилмаси (ФЭ — фотоэлемент, *УЧ* — фототок кучайтиргичи; *УВ* — товуш кучайтиргич; *Г* — карнай).

ОВУЛ, а в у л — бир неча қавм-қариндош истиқомат қиладиган жой. Рев-ядан олдин кўчманчи ёки ярим кўчманчи қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ ҳамда ярим ўтроқ, чорвадор ўзбекларнинг бир қанча қавм-қариндош онлалари (5—10 ва ундан ҳам ошиқ) ёзги яйловларда аниқ бир ерда ўтов тикиб ўтирганлар. Қавм-қариндошларнинг шу хилдаги турар жойлари О. деб аталган. Утмишда кўчманчи чорвадорлар қишлов жойларида ҳам овул-овул бўлиб яшаганлар. Кейинчалик ҳар бир қавм-қариндош онлалар бир қишлоқда тўп-тўп бўлиб ўтроқлашиб қолганлар. Мас., ҳозирги Самарқанд областидаги Пастхийра қишлоғи олти О. га (Эски О., Ўрта О., Бой О., Ғишли О., Мачитли О., Олди О.), Эмалажк қишлоғи уч О. га (Паст О., Ўрта О., Юқори О.), Жиянбек қишлоғи ҳам уч О. га (Қора О., Миришкор О., Қипчоқ О.) бўлинган. Бир О. да турувчи оилалар кичик жамоани ташкил этганлар. Буларда чорва, экин экиладиган ерлар ҳар бир оиланинг хусусий мулки ҳисобланган. Аммо яйлов ерлари ҳамда сув манбалари (булоқ, қудуқ ва б.) жамоа ўртасида бўлган. О. жамоаси иқтисодий мазмуни жиҳатдан қишлоқ жамоасига ўхшаб кетади. Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Шимолий Кавказнинг баъзи халқларида ҳозир ҳам қишлоқлар О. деб аталади, О. лардаги ҳокимият органлари О. Советларидир.

ОВУЛЯЦИЯ (лат. ovum — тухум) — тухумҳужайранинг тухумдондан тана бўшлиғига чиқиши. Ургочи сут эмизувчи ҳайвонларда ва аёлларда О. вақтида ичида етук тухумҳужайраси бўлган *грааф пуфакчаси* ёрилади ва О. даври кечади. О. *гонадотроп гормонлар* таъсирида қўзғалади. Қушларда О. кун узун (ёруғлик кўп) бўлганда, балиқларда сув т-расига боғлиқ ҳолда бошланади ва ҳ. к.

ОВХОНА — Самарқанд обл. Пастдарғом р-нидаги сой. Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғларининг шимолий ён бағридан бошланади. Узунлиги 30 *км*, ҳавзасининг майдони 24,3 *км*². Ўртача йиллик сув сарфи 0,28 *м*³/*сек*, оқим модули 11,5 *л*/*сек км*². Сувининг асосий қисми қишнинг иккинчи ярмида ва эрта баҳорда ўтади. Сойдан 4—5 йилда кучли сел келади.

ОВЧИ — Фарғона обл. Узбекистон р-ни Мингтут қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з территориясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 5 *км*. Аҳолиси 1220 киши



Фандарё дарасида жарликнинг ён бағридан ўтган овринг.

(1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёси ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОВЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ — давлат овчилик фондини қўриқлаш, тиклаш ва ундан фойдаланиш б-н шуғулланадиган халқ хўжалиги соҳаси. Рев-ягача Россия экономикасида мўйна б-н савдо қилиш катта роль ўйнаган, ов ҳайвонлари йиртқичларча овланган. СССРда Совет тузумининг дастлабки йиллариданоқ ов ҳайвонлари сонини кўпайтириш, тиклаш ва улардан унумли фойдаланиш борасида катта иш қилиб келинмоқда. Муҳим қонунлар ва ҳукумат қарорлари қатори овчилик ресурсларидан фойдаланишнинг янги низомлари тузилган. Ов қилиш вақти ва усуллари белгиланган. Фойдали ҳайвонларни, уларни урчиш даврида овлаш ва ҳ. к. лар тақиқланган. Ёввойи ҳайвонларнинг қимматбаҳо турларини кўпайтириш ва қўриқлаш учун қўриқхоналар, қўриқхона-овчилик хўжаликлари ва б. ташкил этилган. Мўйна ва парранда гўшти тайёрлаш ва сотиш планлаштирилган. О. х. ни ривожлантириш СССР Министрлар Советининг «Овчилик хўжалигини бошқаришни яхшилаш чоралари» ҳақидаги қарори (1959) асосида белгиланган. 1 млрд. *га* дан ортиқ ов қилинадиган ерлар давлат, кооператив ва жамоат ташкилотларига бириктирилган.

СССР да О. х. нинг асосий турлари: 1) давлат ва кооператив овчилик хўжаликлари, шимолдаги овчилик к-з ва с-злари (асосан, мўйна ва парранда гўшти етказиб беради); 2) давлат овчилик ва қўриқхона-овчилик хўжаликлари (О. х. ни бошқаришнинг янги формаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш, қимматбаҳо ов ҳайвонларини қўриқлаш, уларни янги р-нларга тарқатиш учун кўпайтириш, қисман мўйна ва парранда гўшти тайёрлаш б-н шуғулланади); 3) спорт О. х. (аҳолини овчилик спортига жалб этади, тайёрлаш ташкилотларига мўйна ва парранда гўшти тайёрлаш давлат планини бажаришда ёрдам беради). Ҳамма категориядаги овчилик хўжаликлари тайёрлаш ташкилотларига ҳар йили 50 млн. гача мўйнали ҳайвонлар териси, 20 минг *т* гача ёввойи туёқлилар гўшти, 800 минггача овланган парранда, шунингдек турли хом ашё (туёқлилар териси, пат, пар ва б.) топширадилар. О. х. тармоғи кенгайтирилмоқда, ов қилинадиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмоқда, ёввойи ҳайвонларнинг янги, қимматбаҳо турларини кўпайтириш устида иш олиб борилмоқда ва ҳ. к.

ОВШАРБАДОҚ — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Ошоққорвак қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Ҳазораспдан 14 *км*. Аҳолиси 512 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Тошсақо каналидан сув ичади.

ОВШУНОСЛИК — овчилик хўжалиги асослари ва уни бошқариш усуллари ҳақидаги фан. 20-аср бошларида мустақил фан сифатида шаклланган.

Ҳозирги замон овшунослиги қуйидаги асосий масалаларни ишлаб чиқади. Овчилик хўжалигининг биологик асослари: ов қилинадиган ерлар классификацияси, типологияси ва бонитировкаси; овчиликнинг тузилиши; овчилик хўжаликларида овланадиган ҳайвон ва паррандаларни ҳисобга олиш; ов қилинадиган ерларни кенгайтириш ҳамда овланадиган ҳайвон ва паррандаларнинг ҳар хил турлари популяциялари маҳсулдорлигини биотехния тадбирлари ёрдамида ошириш; ёввойи ҳайвонларнинг қимматбаҳо турларини иқлимлаштириш ва қайта иқлимлаштириш, табиатда уларни селекция қилиш; табиий шароитда популяцияларни бошқариш; илвасин кўпайтириш. Овчилик хўжалиги техникаси: ёввойи ҳайвонларни овлашда уларнинг ҳаёти ва хулқ-одатини билиш асосида овлаш усуллари ва ов қуролларини такомиллаштириш. Ов маҳсулотлари товаршунослиги: мўйна сифатини, илвасин гўшти ва ҳ. к. ни баҳолаш. Овчилик хўжалигининг ташкил этилиши ва экономикаси: ташкил этиш формалари, бошқариш усуллари ва ҳ. к. Юқоридаги масалаларни, асосан, қуйидаги вазифалар ҳал этади: ов ҳайвонлари ва паррандаларни муҳофаза қилиш, овланадиган ҳайвон ва паррандалар популяциялари маҳсулдорлигини ошириш ҳамда овчилик маҳсулотлари сифатини яхшилаш. О. нинг муҳим тадқиқот усуллари — ҳайвонларни мунтазам кузатиш, табиатда тажрибалар ўтказиш, ҳайвон ва паррандаларни тамгалаш, морфофизиологик индикаторлар ёрдамида ҳайвонлар популяцияси тузилишини анализ қилиш. О. биология, экология, этология, ботаника, биогеография, экономика фанлари б-н узвий боғлиқ бўлиб, бу фанлар ютуқларидан фойдаланади ҳамда ўзининг тадқиқотлари б-н уларни бойитиб боради.

О. ни ривожлантиришда таниқли рус зоологлари ва овшунослари А. А. Силантьев, А. Ф. Миддендорф, Л. П. Сабинеев ва б. нинг хизмати катта. О. га оид ишлар Бутуниттифоқ овчилик хўжалиги ва ҳайвонотчилик илмий тадқиқот ин-ти, СССР ФА Биология ва зоология ин-тлари, давлат қўриқхоналари ва б., олиб борилади.

ОВҚАТ ПИШИРИШ ҚУРИЛМАЛАРИ — умумий овқатланиш корхоналари ва уй шароитида овқат тайёрлаш учун ишлатиладиган иссиқлик асбоблари. Оловли (қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган), бугли ва электр қурилмалари бор. Оловли О. п. қ. да ёқилғи алангасидан фойдаланилади. Улар: ошхона плитаси, қозонлар, кондитерлик ва вафли печлари, кўчма ошхона, сув қайнатгич, газ қозонлари, қовуриш шкафлари, това ва б.

Бугли аппаратларда паст (0,2—2 *атм*) босимли сув буғидан фойдаланилади. Буғ иситиш камераларига трубалар ёки иссиқлик алмашгичлар воситасида берилади ёки масаллиқ (мас., котлет, балиқ) бевосита буғда пиширилади. Бундай аппаратларда масаллиқ, асосан димланади. Электр аппаратларида т-ра анча юқори бўлади; унда овқатни қайнатиб ва қовуриб пиширш мумкин. Булар: электр қозонлар, димлаш шкафлари, кондитерлик ва новвойхона шкафлари, электр плиталар, электр товалар ва б. Расмда умумий овқатланиш корхоналарида кенг тарқалган электр аппаратларидан бири берилган.

Газ ва электр О. п. қ. кўп ишлатилади, чунки улар анча хавфсиз, т-рани ростлаб туриш мумкин.

Ад.: Вишелесский А. Н., Умумий овқатланиш корхоналарининг иссиқлик жиҳозлари, Т., 1968.

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ — физиологик процесс. Бунда ҳазм йўлларига тушган озиқ моддалар дастлаб физик (механик) ва кимёвий

ўзгаришларга учраб, кейин қон ва лимфага ўтади. Овқат таркибидаги сув, минерал тузлар ва витаминлар ҳеч қандай ўзгаришсиз организмга сўрилаверади. Содда жониворлар ва баъзи кўп ҳужайрали организмларда О. ҳ. қ. ҳужайранинг ўзида содир бўлади. Бунда ҳужайралар атроф-муҳитдан озиқ зарраларини ушлаб олади, сўнгра уларни ферментлар ёрдамида парчалайди. Аксари кўп ҳужайрали ҳайвонларда озиқ моддалар овқат ҳазм қилиш каналида ҳазм бўлади (ҳужайрадан ташқарида О. ҳ. қ.). Канал одатда, бир неча бўлимлардан (чунончи, оғиз бўшлиғи, меъда, ичакдан) ташкил топади. Бу бўлимларнинг ҳар бирида О. ҳ. қ. нинг бир босқичи рўй беради. Озиқ моддалар таркибига кирадиган мураккаб юқори молекулали бирикмалар, (оқсиллар, ёғлар ва углеводлар) ҳазм ширалари ферменти таъсирида анча оддий кимёвий бирикмаларга парчаланади, шундан кейингина тўйимли моддалар организмга сўрилади. О. ҳ. қ. процесси оғиздан бошланади. Овқат чайналганда майдаланади, сўлак безлари ажратган сўлак б-н ҳўлланади, юмшайди ва ютиш учун қулай ҳолга келади. Сўлак б-н ҳўлланган луқма, шунингдек суюқлиқ тил ва ҳалқум рецепторларига таъсир этади, сўнг ютилади ва овқат қизилўнгачга ўтади. Қизилўнгач мушакларининг рефлекс йўли б-н қисқариши ва тортиш кучи туфайли овқат меъдага тушади. Меъдада углеводларнинг сўлак ферменти таъсирида парчаланиши давом этиб, меъда шираси ферментлари таъсирида оқсил ва ёғлар сингa бошлайди. Меъда ширасида хлорид кислота борлиги туфайли овқат оқсили меъдада бўкади ва пепсин таъсирида парчаланади. Овқат меъдада 4—10 соат туради. Меъдада ҳазм процессидан ташқари, сув, алкогол ва оддий қанд қисман сўрилади. Меъдада яхши юмшаган, шира б-н аралашган овқат меъда мушакларининг қисқариши туфайли пилорусга, сўнгра ўн икки бармоқ ичакка ўтади. Овқатнинг тез ёки секин ўтиши унинг миқдори, таркиби, консистенцияси, шунингдек ажралган шира миқдорига боғлиқ.

Ўн икки бармоқ ичакка тушган овқат массаси меъда ости бези, жигар ва ичак секрети таъсирида асосан, кимёвий ўзгаришга учрайди. Меъда ости ширасида ферментлар ва бикарбонатлар кўп. Бу тузлар ширанинг ишқорий реакциясини таъминлаб, ўн икки бармоқ ичакка овқат б-н ўтган хлорид кислотани нейтраллайди, натижада меъда ости бези ферментлари активлашади.

О. ҳ. қ. да жигар ҳужайраларида ишланиб чиқадиган ўтнинг катта аҳамияти бор. Ўт таркибидаги ўт кислоталари ва б. моддалар истеъмол қилинган ёғни эмульсия ҳолига келтириб, меъда ости бези ширасининг ёғга таъсир этадиган ферменти — липаза активлигини оширади, натижада ҳосил бўлган ёғ кислоталарининг тез сўрилишини таъминлайди, ичак ҳаракатини бошқаришда иштирок этади.

Парчаланиш маҳсулотлари ва ҳазм бўлмай қолган овқат қолдиқлари ўн икки бармоқ ичакнинг қисқариши туфайли ундан ингичка ичакка ўтади. Ичак безлари ишқор реакцияли шира ажратиб туради (кунига 1 *л*). Ширада қолдиқ оқсилни аминокислотагача парчалайдиган пептидазалар, нуклеин кислоталарга таъсир этадиган нуклеаза, ёғлар ва углеводларни охиригача парчалайдиган липаза, амилаза, мальтаза, инвертаза ва лактаза, шунингдек профермент трипсиногенни трипсинга айлантирадиган энтерокиназа ферментлари бор. Ингичка ичакда озиқ моддаларнинг парчаланиш маҳсулотлари (аминокислоталар, глюкоза ва б.) сўрилади.

Ичакда микроблар таъсирида углеводлар бижғиши ва оқсиллар ириши натижасида газ ҳосил бўлади. Қолдиқ овқат бўтқаси тушадиган йўғон ичакда шира кам ажралади ва ҳазм процесси деярли содир бўлмайди. Йўғон ичакда, асосан сув сўрилади. Клетчатканинг парчаланиш маҳсулотлари ҳам шу ерда сўрилади. Клетчаткалар, минерал тузлар, микроблардан ахлат ҳосил бўлади. Ахлат б-н организмдан суткада 150 *мл* сув чиқади. Одамда О. ҳ. қ. жараёни 1—2 сутка давом этади.

Ад.: Павлов И. П., Полное собр. соч., т. 2, кн. 1—2, 2 изд., М. — Л., 1951; Уголев А. М., Пищеварение и его приспособительная эволюция, М., 1961; Бабский Е. Б. ва б., Одам физиологияси, [Дарслик], Т., 1972; Маркосян А. А., Физиология, [Дарслик], Т., 1971.

ОВҚАТДАН БЎЛАДИГАН ТОКСИКОИНФЕКЦИЯЛАР ва интоксикациялар — муайян микроблар ёки уларнинг токсинлари (заҳарлари) тушган овқатни ейишдан келиб чиқадиган ўткир меъда ичак касалликлари. О. б. т. ни қўзғатувчи микроблар табиатда кенг тарқалган, кўпинча, одам ва ҳайвонлар ичагида ҳам бўлади. Овқатга тушган кимёвий моддалар (қўргошин, рух, мис ва б.) дан ёки заҳарли замбуруғлар, баъзи балиқлар, заҳарли мағиз ва ш. к. дан заҳарланиш (қ. *Овқатдан заҳарланиш*) О. б. т. дан фарқ қилади.

О. б. т. нинг келиб чиқишида масаллиқларга микроблар тушиши ва бу масаллиқларнинг сақланиш шароити катта аҳамиятга эга. Масаллиқлар ва овқат иссиқ бинода сақланса, унда микроблар жўда тез кўпаяди (айниқса, қийма, хасип, норин, варақи, сомса, дирилдоқ ва б. овқатларда). Мас., янги тайёрланган 1 *г* қиймада 2 млн. бактерия бўлса, бир суткада улар 100 млн. дан ошади. Шу сабабли қийма каби тез бузиладиган масаллиқларни фақат совуқда, қисқа вақт сақлаш мумкин. Овқат пиширилганда (қовурилганда, қайнатилганда) О. б. т. микроблари тез ўлади, аммо масаллиқ (мас., гўшт) нинг бағрига иссиқ ўтмаса, ундаги микроблар тирик қолиши мумкин.

О. б. т., асосан, ўткир *гастроэнтерит*га ўхшаб ўтади. Микроблар тушган овқат истеъмол қилингач, одатда 4—8—12 соатдан кейин беморнинг кўнгли айниб, ичи кетади, қорни оғрийди. Т-раси нормал бўлиши мумкин, лекин кўпинча, 38—39° гача кўтарилади. Бемор 2—4 кунда тузалади, баъзан касаллик оғирроқ ўтади.

Давоси: меъдани тезда ювиб, туз сурги ичирилади ва беморни ётқизиб, қорнига грелка қўйилади. Қатъий парҳез буюрилади: қандсиз аччиқ чой, кофе, озгина оқ сухари берилади ва суткасига 1,5 *кг* олмани қириб едирилади; эртасига беморга ёвғон хўрда, черника кисели, ҳил-ҳил қилиб пиширилган сабзавот, юмшоқ навла, димлама котлет бериш мумкин. 2—3 кундан кейин беморнинг аҳволи яхшиланиб, ништаҳаси очилади.

Олдини олиш: овқат тайёрлаш (пиширш), сақлаш ва ташишда санитария қоидаларига қатъий амал қилиш зарур.

Овқатдан бўладиган интоксикацияларнинг О. б. т. дан фарқи шуки, баъзи микробларнинг токсинлари (заҳарли моддалари) тушган овқатни истеъмол қилишдан келиб чиқади. *Богу-*

лизм ва стафилококклар вужудга келтирган интоксикациялар шу жумладандир. Стафилококклар токсини иссиққа чидамли: 100° т-рада 1,5—2 соат қиздирилгач, зарарсиз ҳолга келади. Стафилококкларнинг кўпайишини тўхтатадиган б. микроблар ҳалок бўлганда озиқ-овқатдаги стафилококклар айниқса кўпаяди. Баъзан балиқ (шпрот, мойли салака, мойли треска) консервалари истеъмол қилинганда ҳам стафилококли интоксикациялар содир бўлади.

Баданига чиққон, яра-чақа тошган кишилар (ошпазлар), шунингдек тумов, ларингит, бронхит ва ангина б-н оғриган беморлардан овқатга кўпинча стафилококклар ўтади. Елини яллиғланган сигирдан сутга стафилококклар тушиши мумкин. Стафилококкли интоксикацияларнинг инкубацион даври қисқа (2—4 соатдан ошмайди). Бемор қорнида оғирлик сезади, тўш остида оғриқ пайдо бўлиб, секин-аста кучаяди, кўнгли айниб, қусади ва ичи кетади. Интоксикация енгил ўтганда беморнинг т-раси нормал бўлиб, 1—2 кунда тузалади. Касаллик оғирроқ кечиши ҳам мумкин.

О л д и н и о л и ш: ошхонада санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш, асбоблар ва идиш-товоқлар тоза бўлиши, ходимлар шахсий гигиена қоидаларига риоя қилиши лозим.

Д а в о с и. Касаллик овқатдан бўладиган токсикоинфекциялар каби даволанади.

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ — заҳарли моддалар аралашган маҳсулотларни овқат б-н истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган ўткир ёки хроник касалликлар. Ўз табиатига кўра заҳарли маҳсулотлар (мас., заҳарли замбуруғлар, баъзи балиқлар)ни, заҳар аралашган, биохимиявий процессдан сўнг муайян даврда заҳарланган маҳсулотларни истеъмол қилиш О. з. га сабаб бўлади. Айниган (бузилган) овқатни ейишдан келиб чиқадиган касалликлар *(Овқатдан бўладиган токсикоинфекциялар)* ни О. з. дан фарқлаш керак.

Заҳарли бегона ўт уруғлари тушган донни истеъмол қилиш натижасида оғир О. з. рўй бериши мумкин. Мас., Узбекистон ва унга қўшни республикаларда т у я қ о р и н (гелиотроп токсикози) деган оғир касаллик учрайди, бунда жигар зарарланиб, бадан ва кўз оқи сарғайиб кетади, кўпинча қоринга сув йиғилади (асцит). *Кампирчопон* уруғлари тушган дондан заҳарланиш натижасида марказий нерв системаси зарарланиб, энцефалит ва менингоэнцефалит белгилари рўй беради. Қорамиғ аралашган донни овқатга ишлатилганда э р г о т и з м деган касаллик келиб чиқади (беморнинг кўнгли айниб, қусади, қорни оғрийди, қўл-оёқлари тортишади ёки оғрийди, бармоқлари кўкаради, ириб кетади ва ҳ. к.). *Аччиқ-мия* уруғлари тушган донни истеъмол қилган кишининг кўнгли айниб, қусади, дармони қурийди, баъзан нерв системасининг функцияси бузилади.

Юқорида айтилган касалликларнинг олдини олиш учун асосий чора донни заҳарли уруғлардан синчиклаб тозалаш ва ерни ишлаганда бегона ўтларни йўқ қилишдан иборат.

Идиш-товоқдан, аппаратлардан металларнинг бирикмалари овқатга ўтиши мумкин. Мас., чала оқартилган мис идишдан овқатга мис бирикмалари ўтиб, О. з. га сабаб бўлади (бемор қусади ва ичи кетади — мис қусуқ ва нажас б-н организмдан чиқиб кетади). О л д и н и о л и ш: мис идиш тоза оқартилгандан кейингина унда овқат сақлаш ва тайёрлаш мумкин.

Рух овқатдаги органик кислоталарда осонгина эрийди. Рухланган идишда нордон овқат (қатиқ, компот, карам шўрва, нордон мураббо) сақланганда О. з. содир бўлади (рухланган идишда фақат сув сақлаш мумкин, рухдан заҳарланиш айниқса, болаларда оғирроқ ўтади).

Сирланган сопол идиш сирида қўрғошин кўпроқ (40—60%) бўлса ва қўрғошини кўпроқ қалайи б-н оқартилган бўлса, ундан фойдаланиш О. з. га олиб келади. СССРда қўрғошини кам (12%) бўлган сир ишлатилади.

Мишьяк ва баъзи инсектицидлар донни дорилаш учун ишлатиладиган препаратлар таркибига киради. Мишьякдан заҳарланишнинг олдини олиш учун мишьякли препаратлар аниқ ҳисобга ва назоратга олинади, овқат корхоналарида каламуш, сувараклларга қарши курашиш учун мишьякли препаратлардан фойдаланиш тақиқланади, мишьяк б-н дориланган дон алоҳида сақланиб, уни овқатга ишлатиш ман этилади.

Картошка кузда қазиб олингач, очиқ ҳавода узоқ турса ёки кўкламда униб қолса, унда заҳарли модда — с о л а н и н тўпланиб, картошка вақтинча заҳарли (тахир) бўлиб қолади. Пўсти б-н қайнатилган бундай картошка кўпроқ истеъмол қилинса, заҳарланиш мумкин. О. з. гастро-эктероколит тарзида кечади. Давоси ҳақида *Заҳарланиш*га қаралсин.

Ад.: Б у д а г я н Ф. Е., Пищевые токсикозы, токсикоинфекции и их профилактика, 2 изд., М., 1972; Т о ҳ и р и й А. А., Овқатдан заҳарланишнинг олдини олиш ҳақида, Т., 1972.

ОВҚАТЛАНИШ — тирик организмнинг озиқ моддаларни қабул қилиши ва ўзлаштириш жараёни. О. натижасида организмда сарфланган энергия ва йўқолган ҳужайраларнинг ўрни тўлдирилади, тананинг тўқималари тикланади ва янгиланади, функциялари нормал боради. О. *моддалар алмашинуви*нинг муҳим таркибий қисмидир. Эндоген ва экзоген О. фарқ қилинади. Э н д о г е н О. да тўқима ва органлардаги озиқ моддалар запасидан фойдаланилади (мас., *оч қолиш*да), э к з о г е н О. да эса озиқ моддалар организмга ташқи муҳитдан киради.

Кам калорияли овқатлар истеъмол қилиш, тўйиб овқатланмаслик алоҳида системалар функциясининг бузилишига ва организмнинг умуман дармонсизланишига — озиш, дистрофия ва б. касалликларга олиб келади, витаминлар етишмаслиги эса гиповитаминоз, *авитаминоз*га сабаб бўлади. О. даги камчиликлар, айниқса, болаларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир этади. Меъёридан ортиқ О. эса семириб кетишга, *атеросклероз*, қандли *диабет* касалликларига, моддалар алмашинувининг бузилишига сабаб бўлади.

Рационал О. аҳоли соғлиғини яхшилаш ва турли касалликларнинг камайишига олиб келадиган муҳим омилдир. Бунда организм нормал ҳаёт фаолияти учун зарур пластик, энергетик ва регулятор моддалар б-н таъминланади. Пластик моддаларга, яъни организмда ҳужайра ва тўқималарнинг янгиланишига сарф этиладиган моддаларга *оқсил*, қисман ёғлар, баъзи минерал моддалар — кальций, фосфор ва ҳ. к. киради. Энергетик моддалар (углеводлар, ёғлар, қисман оқсил) ҳаёт фаолияти учун зарур энергия манбаидир. Моддалар алмашинувида иштирок этиб, каталитик ва б. регулятор функцияларни бажарадиган регулятор моддаларга витаминлар ва биомикроэлементлар киради.

Коммунал хизмати яхши йўлга қўйилган аҳоли пунктларида яшовчи катта ёшдаги кишиларнинг оқсил, ёғ, углеводларга бўлган суткалик эҳтиёжи 1-жадвалда берилган. Мусобақа ва тренировка ўтказилаётган кунларда спортчиларнинг озиқ моддалар ва калорияга бўлган суткалик эҳтиёжи қуйидагича: эркаклар учун — 4500—5000 *ккал*, оқсил — 154—171 *г*, ёғлар — 145—161 *г*, углеводлар — 615—683 *г*; аёллар учун — 3500—4000 *ккал*, оқсил — 120—137 *г*, ёғлар 113—129 *г*, углеводлар — 477—546 *г*. Коммунал хизматн яхши йўлга қўйилган аҳоли пунктларида яшовчи ва жисмоний меҳнат б-н шуғулланмайдиган кекса кишиларнинг оқсил, ёғ, углеводларга бўлган суткалик эҳтиёжи 2-жадвалда кўрсатилган.

Дам олаётган кексаларнинг калория ва озиқ моддаларга бўлган эҳтиёжи одатдагидан 100—150 *ккал* ортиқроқ бўлади.

Саноат ишчиларининг овқатланиши 1-жадвалда кўрсатилган миқдор асосида ҳар бир ишчининг қанча энергия сарф қилишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Заҳарли моддалар ишлатиладиган корхоналарнинг ишчиларига эса касби ва лавозимига кўра текинга қўшимча профилактик овқат берилади. Профилактик овқатнинг ҳар бир рационн 1500 *ккал* ни ташкил этиши б-н бирга, ишлаб чиқаришнинг тури ва касбдан етадиган зарарнинг характерига кўра таркибан турлича бўлади. Профилактик овқатнинг ҳар бир рационига 150 *мг* аскорбат кислота ҳам қўшиб берилади. Домна печи бор цехлар, пўлат эритиш, прокат цехлари ва қора металлургиянинг шу каби корхоналарида ишлайдиган, шунингдек нон ва тамаки ишлаб чиқарадиган корхона ишчиларига витаминлар (150 *мг* аскорбат кислота, 3 *мг* витамин B_1 ва б.) ҳам тавсия этилади.

О. режими, яъни маълум вақтларда овқат ейиш муҳим аҳамиятга эга. Бир кунда 4 маҳал овқат истеъмол қилиш О. нинг энг тўғри режимларидан ҳисобланади. Бу тартибдаги О. да овқат ҳазм қилиш йўлига ортиқча нагрузка тушмайди ва овқат ҳазм шираси ёрдамида тўла ишланади. Ҳар куни маълум вақтларда овқатланилганда меъда ширасининг кўп ажралишига ёрдам берадиган шартли рефлекс ҳосил бўлади.

4 маҳал О. режимида овқат рационн кун тартиби ва одатланган вақтга қараб тақсимланади. Бунда нонуштага суткалик рационнинг 25%, иккинчи нонуштага (ёки тушдан кейинги О. га) 15%, тушликка 35%, кечки О. га эса 25% фойдаланиш тавсия қилинади.

Тунги сменада ишловчиларнинг кечки овқати суткалик рационнинг 35% ташкил этиши, шунингдек улар тунининг иккинчи ярмида овқат истеъмол қилиши керак.

Ҳ о м и л а д о р ва э м и з и к л и аёлларнинг рационал овқатланиши ҳомиладорликнинг нормал кечишида, шунингдек ҳомиланинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Ҳомиладорлик даврида бачадон, асосан, ҳомиланинг ўсиши учун зарур бўлган пластик моддалар (оқсил, қисман ёғ ва баъзи минерал моддалар — кальций, фосфор ва б.) га эҳтиёж кўпроқ туғилади. Шу боисдан ҳомиладор аёл бажарадиган ишининг характерига, гавда вазнига қараб бир суткада 100—130 *г* оқсил қабул қилиши, яъни тез ҳазм бўладиган овқатлар ейиши зарур (сут ичиши, творог, пишлоқ, балиқ ейиши керак). Оқсилнинг тахм. 65 грами ҳайвонлар маҳсулоти бўлиши керак. Қайнатиб пиширилган ёғсиз гўшт, балиқ, тухум (ҳар куни 1 тадан) ва жигар буюрилади. Ҳар куни сут ичиш (0,8—1,2 *л*) ҳомиладор аёл организмини кальций ва фосфор каби моддалар б-н тўла таъминлайди ва ҳомила скелетининг нормал ўсишига ёрдам беради. Ҳомиладор аёл А, B_1, PP, С ва Д каби витаминларга бой маҳсулотлар (сариёғ, тузланган қарам, ош кўклар, цитрус мевалар ва ҳ. к.), шунингдек ҳомилада қон ҳосил бўлиши учун муҳим бўлган темир моддаси бор овқатлар (жигар, гўшт, тухум сариғи ва б.), ҳўл мевалар еб туриши зарур. Ҳомиладор аёл шўр маҳсулотларни суиистеъмол қилмаслиги, семиришга мойил аёллар эса ҳомиладорлик даврида ёғ ва углеводларни кам миқдорда истеъмол қилиши лозим.

Эмизикли она ҳомиладорлик даврига нисбатан ортиқроқ (1000 *ккал*) овқатланиши зарур. Эмизикли аёлларнинг оқсилга бўлган сут-

1-жадвал.

Катта ёшдаги кишиларнинг озиқ моддалар ва калорияга бўлган суткалик эҳтиёжи

Аҳоли группаси (меҳнат фаолияти характерига кўра)	Ёши	Калория	Оқсил (*г* ҳисобида)		Ёғлар (*г* ҳисобида)		
			жами	шу жумладан, ҳайвон оқсили	жами	шу жумладан, ўсимлик мойи	углеводлар (*г* ҳисобида)
I группа							
Меҳнати жисмоний куч талаб қилмайдиган ёки арзимаган куч ишлатадиган шаҳслар	18 — 40	2800	96	58	90	27	382
	40 — 60	2600	89	53	81	25	355
II группа							
Унчалик жисмоний куч талаб қилмайдиган, механизациялашган ишлаб чиқариш ишчилари	18 — 40	3000	99	54	97	29	413
	40 — 60	2800	92	50	91	27	385
III группа							
Кўп жисмоний куч талаб қиладиган, механизациялашган ишлаб чиқариш ишчилари	18 — 40	3200	102	56	103	31	445
	40 — 60	2900	93	51	94	28	401
IV группа							
Меҳнати ўртача ва оғир, механизациялашган ишлаб чиқариш ишчилари	18 — 40	3700	108	54	126	36	522
	40 — 60	3400	100	50	110	33	480

Э с л а т м а: Жадвалда келтирилган маълумотлар эркаклар учун мўлжалланган. Аёлларда моддалар алмашинуви интенсивлиги ва гавда вазни қамроқ бўлгани учун уларнинг калория, оқсил, ёғ углеводларга бўлган эҳтиёжи кўрсатилган миқдордан 15% камроқ олишади. 2. Коммунал хизмати яхши йўлга қўйилмаган аҳоли пунктларига яшовчи одамлар учун жадвалда келтирилган миқдорга 200 *ккал* қўшилади.

2- жадвал.

Кекса кишиларнинг озиқ моддалар ва калорияга бўлган суткалик эҳтиёжи

Жинси	Ёши	Калория	Оқсил (*г* ҳисобида)		Ёғлар (*г* ҳисобида)		Углеводлар (*г* ҳисобида)
			жами	шу жумладан, ҳайвон оқсили	жами	шу жумладан, ўсимлик мойи	
Эркаклар	60— 70 70 дан юқори	2350 2200	80 75	48 45	76 71	27 25	320 300
Аёллар	60 — 70 70 дан юқори	2100 2000	70 65	42 39	66 61	23 21	288 277

калик эҳтиёжи 120 *г*. Шундан 62 грами ҳайвон маҳсулотининг оқсили бўлиши керак. Бу даврда тухум, сариёғ, пишлоқ, сабзавот ва ҳўл мевалардан кўпроқ еб туриш тавсия этилади.

Бола ҳаётининг дастлабки кунлариданоқ тўғри, рационал ташкил этилган О. унинг нерв-психик ва жисмоний ривожланиши, бола организмида турли касалликларга қарши *иммунитет* ҳосил бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Болаларнинг овқат рациони уларнинг ёши ва овқатга бўлган эҳтиёжига қараб тузилади. 1,5—3 яшар болаларнинг суткалик эҳтиёжи 1500 *ккал*, 3—5 ёшда 1800 *ккал*, 5—8 ёшда 2000—2400 *ккал*, 8—12 ёшда 2400—2800 *ккал*, 13—16 ёшда 3000 *ккал* гача бўлади.

Қичик ёшдаги болалар рационида таркибида алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталари кўп оқсил (сут, творог, гўшт, балиқ, тухум) бўлиши керак. Болалар суткалик овқати калориясининг 1,2—1,3% юксак чала тўйимаган ёғ кислоталар ташкил этиши лозим. Углеводлар болалар овқатида энергия манбаи бўлиб, ёғни сингдириш учун зурур. Углеводлар ва ёғларнинг ортиқчаси боланинг семириб кетишига, ўсмай ва ривожланмай қолишига сабаб бўлади. Болалар овқатида оқсил, ёғ ва углеводлар нисбати 1 : 1 : 4 бўлиши керак. Болаларнинг озиқ моддаларга бўлган суткалик эҳтиёжи 3- жадвалда келтирилган.

Яхши тузилган рацион ва тўғри ташкил этилган О. режими (рационал овқат таркибининг тўғри нисбатда олиниши ва овқатлантириш режимига қатъий риоя қилиш) барча озиқ моддаларнинг сингиши ва ўзлаштирилиши учун қулай шароит туғдиради. 1 ёшгача бўлган болалар О. режимининг издан чиқиши (доим сут, хамир таомлар бериш ва овқатлантириш вақтига риоя қилмаслик) кўпинча, О. процессининг бузилишига сабаб бўлади. 1 ёшдан ошган болалар кунига 4 маҳал овқатлантирилиши, бунда суткалик рационнинг 30%— нонуштада, 40—45%— тушликда, 10% пешинлик (толма чой)да ва 20% кечки овқат вақтида берилиши керак. Гўшт, балиқ ва дуккакли дон-

3- жадвал.

Болаларнинг озиқ моддаларга бўлган суткалик эҳтиёжи (гавда вазнининг 1 *кг* ига)

Ёши	Оқсил (*г* ҳисобида)	Ёғлар (*г* ҳисобида)	Углеводлар (*г* ҳисобида)
1 — 3	4,0 — 4,2	4,0	10 — 15
3 — 7	3,5	3,5	10 — 15
7 — 11	3,0	3,0	10 — 15
11 — 15	2,5	2,5	10 — 15

лардан тайёрланган таомлар эрталаб ҳамда кундузи берилгани маъқул, кечки овқат сут ёки сабзавотдан иборат бўлгани яхши.

Ҳайвонларда ҳам эндоген О. ва экзоген О. бор. Уларнинг ҳаёт фаолиятидаги барча жараёнлар (мушаклар қисқариши, т-ра ва баландликка мосланиш, кўпайиш, сут ҳосил бўлиши ва б.) юз бериши учун О. зарур. О. нинг нормал бўлмаслиги организмнинг совуққа ва касаллик туғдирувчи микроорганизмларга қаршилигини сусайтиради, ҳайвонларнинг кўпайиши б-н боғлиқ физиологик жараёнлар (жинсий ва менструал цикллар, жинсий қўзғалувчанлик, сут ажралиши)ни сусайтиради, ҳатто уларни кўпайишдан тўхтатади (кемирувчиларнинг қатор турларида). Мас., соболининг кўпайиши учун озиқ таркибида ёғ ва липидларнинг бўлиши шарт. О. жараёни шартли равишда қуйидаги босқичларга: озиқ-овқат топиш, *овқат ҳазм қилиш, сурилиш* ва *ассимиляция*га бўлинади. О. га қараб ҳайвонлар группаларга ажратилган: эврифаглар ёки пантофаглар (турли овқат моддалари б-н озиқланади), стенофаглар (бир хил ёки бир неча маълум хил овқатлар б-н озиқланади). О. айрим турлар жойлашишини ва улар сонини бошқарадиган, *популяция*сини белгилайдиган муҳим омил ҳисобланади.

Ад.: Покровский А. А., Беседы о питании, М., 1964; Руководство по изучению питания и здоровья человека, М., 1964; Петровский К. С., Основы рационального питания, М., 1966; Маршак М. С., Питание и здоровье, М., 1967; Гигиена питания, т. 1—2, М., 1971; Маҳкамов Ғ., Тўғри овқатланишнинг илмий асослари, Т., 1966; Маҳкамов Ғ. М., Тўғри овқатланиш саломатлик гарови, Т., 1973.

ОВҚАТЛАНИШ ГИГИЕНАСИ — *гигиена*нинг бир тармоғи, соғлом одамнинг тўғри ва бекамкўст овқатланиш проблемаларини ўрганадиган фан. Унинг мустақил бўлими — диетология беморлар овқатини ўрганади ва парҳез овқат принципларини ишлаб чиқади. *Ғўдаклик* давридаги овқатланишни ўрганиш ҳам О. г. нинг мустақил бўлимидир. О. г. одамнинг овқатланишини жинс, ёш, касб, меҳнат характери, жисмоний нагрузка, иқлим шароити, миллий ва б. хусусиятлари, турли р-нлардаги аҳоли овқатининг миқдор ва сифат томонларига боғлаб ўрганади ва кишиларнинг меҳнат шароитига қараб озиқ моддаларга эҳтиёжини белгилаб беради.

Ф-ка, з-д, с-з, к-з ва б. корхоналарнинг коллективлари, мактаблардаги, мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва б. муассасаларнинг болалар коллективлари учун рационал овқат ишлаб чиқиш, умумий овқатланиш ва овқат саноати корхоналарида озиқ-овқат масаллиқларини зарарли моддалар қўшилишидан сақлашга доир таъсирли санитария назорати методларини ишлаб чиқиш, овқатдан бўладиган токсикоинфекциялар ва интоксикацияларнинг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш, овқат саноати, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишни профилактик санитария назоратига олиш, янги саноат товарларининг вақтинча техника шартлари ва ГОСТ ишлаб чиқишда қатнашиш О. г. нинг амалий вазифаларидир.

О. г. ўз тадқиқотларида кимё, микробиология, физиология, стоматология, иқлимшунослик ва б. фанларнинг илмий маълумотларига таянади.

СССРда О. г. соҳасидаги илмий тадқиқотлар СССР Медицина ФАнинг Москвадаги Овқатланиш ин-ти, овқатланиш гигиенаси кафедралари, шунингдек республика санитария-гигиена ин-тларининг илмий тадқиқот лабораториялари ва бўлимлари, дон, гўшт ва сут, консерва ва сабзавот қуритиш, кондитер саноати ва б. тармоқларнинг ин-тлари олиб боради.

Республика, обл., шаҳар ва р-н санитария-эпидемиология станцияларининг тегишли бўлимлари О. г. нинг амалий вазифаларини ҳал этиш б-н шуғулланади. О. г. масалалари «Вопросы питания» (1932), «Гигиена ва санитария» (1936) ва б. журналларда ёритилади.

Ад.: Гигиена питания, т. 1—2, М., 1971.

ОГАЙО — АҚШдаги дарё. Миссисипининг чап ирмоғи. Узунлиги 1580 *км*, ҳавзасининг майдони 528 минг *км*². Аппалачи тоғларидан бошланиб, Луисвилл ш. ёнидан ўтгач, Марказий текисликлардан оқади. Қор ва ёмғирдан сув олади. Йилнинг совуқ мавсумида тўлиб оқади, авг.-сент. да саёзланиб қолади. Ўртача сув сарфи Метрополис ш. ёнида 8000 *м*³/*сек*. Бир йилда оққан сувнинг ҳажми 250 *км*³. О. ҳавзасидаги сув йўлларининг умумий узунлиги 4000 *км*. Дарёга йирик ГЭСлар қурилган. Эри кўли б-н канал орқали туташ. Остоналари бор жойда дарёга параллель каналлар қазилган. Кемалар қатнайди.

ОГАЙО — АҚШнинг шимоли-шарқий қисмидаги штат. Эри кўли б-н Огайо дарёси оралигида. Майдони 106,7 минг *км*². Аҳолиси 10,7 млн. киши (1970), 75% дан кўпроги шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Колумбус ш., йирик саноат шаҳарлари: Кливленд ва Цинциннати. Штатнинг шарқида Аппалачи платоси (энг баланд жойи 460 *м*), ғарбида Марказий текисликлар бор. Январнинг ўртача т-раси 0° дан —3° гача, июлники 23—25°. Йиллик ёғин 800—1000 *мм*.

О.— АҚШнинг аҳолиси зич ва иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган штатларидан. Тошкўмир (йилига 40 млн. *т*), туз (5 млн. *т*), нефть ва табиий газ қазиб олинади. О. чўян ва пўлат эритишда АҚШда Пенсильвания штатидан кейин 2- ўринда, электр энергия ҳосил қилишда эса 1- ўринда.

Қ. х. товар маҳсулотининг 60% ини чорвачилик беради. Экин майдони 5 млн. *га*. Асосан, маккажўхори, соя, буғдой, сули ва ем-хашак экинлари экилади. Мева, узум ва сабзавот етиштирилади. Эри кўли соҳилидаги портлар орқали кўмир жўнатилади, темир рудаси келтирилади.

О. терр-ясини европаликлардан биринчи бўлиб 17- асрда французлар эгаллаган. Париж шартномасига биноан 1763 йилда О. Буюк Британия қўлига ўтди. 1783 йилдан АҚШ таркибида. 1802 йилдан О. АҚШ штати.

ОГАНЁСОВ Тачат Амаякович (1922. 1. 2, Ленинакан обл. Нальбанд қ.) — мой-бўёқчи рассом. Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Тошкент бадиий техникумида таълим олган (1944—47). 1933 йилдан Узбекистонда. 1953 йили Ленинграддаги И. Е. Репин номидаги рассомлик, ҳайкалтарошлик ва архитектура ин-тини тугатган (диплом иши: «Пахта териш машинасини яратувчилар»). 1953 йилдан Тошкент бадиий техникумида, 1954 йилдан А. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида ўқитувчи. Бадиий ифода воситалари излаб, рангдан усталик б-н фойдаланиб, кўпгина диққатга сазовор портретлар яратган («Ўғлим», 1955; С. П. Бородин портрети, 1957; «Ҳамшира», 1958; шахтёр Жумабоев портрети, 1959; «Турсуной», рассом В. Еремян портрети, 1962; «Фидель», 1963; «Ҳамза», 1972; Беруний, А. Қодирий портретлари, 1974). Маиший жанрда ҳам ижод қилган («Тогда кеч», 1958; «Қўшиқ», 1964 ва б.).



Оганесов Т. А.

ОГАРЁВ Николай Платонович (1813. 24. 11 (6. 12), Петербург — 1877. 31. 5 (12. 6), Гринвич (Лондон)] — рус революцион демократи, публицист, шоир. Москва ун-тида ўқиган. Герцен б-н яширин тўгарак тузиб, революцион ва социалистик гояларни тарғиб қилган. 1834 йилда тўгаракнинг бошқа аъзолари б-н қамоққа олинди. 1841—46 йилларда чет элларда бўлди. Россияга қайтгач, Пенза областидаги Старое Акшено қишлоғида яшади. Шу даврдан О. нинг материалистик қарашлари шакллана бошлади. Айни вақтда у романтик, фалсафий руҳда лирик шеърлар ёзди («Монологлар», 1844—47; «Кулба», 1842; «Озодлик», 1858 ва б.). 1850 йилда иккинчи марта қамалди, далилсиз айбланган учун озод қилинган. 1856 йилдан муҳожирликда яшади. О. Лондонда Герцен б-н «Полярная звезда» (1855—62), «Колокол» (1857—67) журналларини нашр этишда қатнашди. О. узоқ вақт дворянларнинг илғор қисмини рус озодлик ҳаракатининг етакчи кучи деб билди. 60- йилларда революцион-демократия томонига ўтиб, деҳқонларни озод қилишда крепостниклар ва либералларга кескин қарши чиқди. О.—«*Земля и воля*» («Ер ва эрк») яширин революцион ташкилотнинг асосчиларидан бири. О. Герцен б-н биргаликда Россия народникларининг идеологик асоси бўлган «рус деҳқонлари социализми» утопик назариясини яратди. Уларнинг жамоа социализми помешчиклар ҳокимиятини тугатишга интилаётган деҳқонлар оммасининг революцион талабларини ифодалар эди. О. материалистик эстетика принципларини ишлаб чиқди, санъатнинг ижтимоий аҳамиятини, халқчиллигини таъкидлади, унинг юксак ғоявийлиги учун курашиб, «соф санъат» назариясини танқид қилди. Асарлари: «Рус масалалари» (1856—58), «Яна деҳқонларни озод қилиш ҳақида» (1858), «Рассом хотираси» (1859), «Баъзи масалаларни тозалаш» (1862—64), «Умумий масала ҳақида хусусий мактублар» (1866—67) ва б.



Оганесов Т. «Пахтакорлар».

Ас.: Избр. произведения, т. 1—2, М., 1956; Стихотворения и поэмы, Л., 1961.

Ад.: Яковлев М., Мировоззрение Огарёва, М., 1957; Путинцев В. А., Н. П. Огарёв. Жизнь, мировоззрение, творчество, М., 1963; Рудницкая Е. Л., Н. П. Огарёв в русском революционном движении, М., 1969; Тараканов Н. Г., Н. П. Огарёв, Эволюция философских взглядов, М., 1974.



Огарёв Н. П.

ОГАҲИЙ (тахаллуси; тўлиқ номи Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли, 1809, Хива яқинидаги Қиёт қишлоғи — 1874) — ўзбек шоири, тарихнавис олим, таржимон. *Мунис Хоразмий*нинг жияни. 3 -яшарлигида отадан етим қолиб, Мунис қўлида тарбияланди. Савод чиқарганидан кейин мадрасада таҳсил кўрди. Араб, форс, усмонли турк тилларини пухта ўрганди. Мунис атрофида ўюшган прогрессив руҳдаги адиблар муҳити О. га ёшлигидан катта таъсир кўрсатди ва у шеър ёзишни машқ қилди; тинмай изланди, «ҳар ерда фузало ва шуаро аҳли» бўлса, улардан таълим олишга интилди. Натижада

тез орада ўз даврининг санъаткор шоири ва етук олими бўлиб етишди. О. саройда мирзалик қилган. Мунис вафот этгач (1829), у саройни тарк этиб, ота касби — мироблик б-н шуғулланди. О. Хоразм адабий ҳаракатининг Мунисдан кейинги энг йирик сиймоси сифатида илғор фикрли шоир-ёзувчиларга раҳнамолик қилди.

О. нинг шеърий асарлари «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») номли девонида тўпланган бўлиб, у шоир томонидан умрининг охирги йилларида тартиб берилган ва бир неча марта кўчирилган, Хивада тошбосмада нашр эттирилган (1905, 1909). Девонда классик шеърий жанрларнинг қарийб ҳамма тури бўйича шеърлар бор (18 минг мисрадан ортиқ), асосий ўрнини ғазал (400 та) ва мухаммас (83 та) эгаллайди. Девонга «форсий ашъор» сарлавҳаси б-н О. нинг форсча шеърлари киритилган (1080 мисра).

О. шеъриятининг тематикаси кенг. У инсоннинг нозик кечинмаларини ифодаловчи севгини, замон ва даврни характерловчи мавзуларни қаламга олди, ўзи яшаган муҳитдаги воқеалар, шахслар, турли табақа вакилларига муносабат билдирди.

О. ижодида реакцион руҳонийларни танқид қилиш муҳим ўринни эгаллайди. Унинг рўза ҳақидаги шеърларида бу диний маросим фош қилинади. Унинг шеърларида муҳаббат мавзуи янгича оҳанг, янгича мазмун б-н тасвирланган.

«Таъвиз ул-ошиқин» девонида мухаммас асосий ўрин эгаллайди. О. мухаммаслари тахмис (тайёр ғазалларга назира) йўли б-н яратилган. Шоир Алишер Навоий, Фузулий, Саъдий, Абдурраҳмон Жомий, Бедил, Мунис, Феруз, Амирий, Рожий, Равнақ ғазалларига мухаммас боғлаган. Навоийнинг 30 та ғазалига мухаммас боғлаб, улуғ шоир фикрларини замонасига мувофиқ равишда тарғиб этган.

О. ўзбек адабиёти тарихида лирик жанрларни ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан ривожлантирган санъаткордир. Ғазални янги оҳанглар, мотивлар б-н бойитди, анъанавий тасвирий воситаларга янгича жило берди, ўзига хос руҳ бағишлади; халқ тилидан фойдаланиб, ғазал тилининг ифодалилиги, жозибасини кучайтирди («Ўгрин боқишинг», «Яхши», «Саломно»....). О. ғазалларида, бир томондан, навоийона «сўзу гўзоз, ўртаниш, дард» балқиб, лирик қаҳрамоннинг ҳаяжонли ҳис-туйғулари, изтироби, аччиқ тақдирдан нолиши, оҳу фарёди қудратли оҳанг б-н отилиб турса («Ошиқ ўлдинг...», «Мен қолдим», «Айрилдим», «Йиғларман» радифли ғазаллар), иккинчи томондан, майинлик, қувноқ кайфият сезилади, висол дамларидаги шодлик ҳислари янграйди, масрурлик, қониқиш бўртиб туради («Келур», «Бир бўса бер», «Кўзинг», «Уйнаб» радифли ва «Жилва қилди...» деб бошланадиган ғазали). О. ўзигача бўлган 7—8, 10—12 байтлик ғазаллар ёзиш тартибини 23 байтгача стказди. У арузнинг жуда кўп баҳрларидан фойдаланган, маълум вазнларда янги ритмлар яратган. Шоирнинг ғазаллари шашмақомнинг ҳамма куйларига тушиши б-н бирга, Хоразм халқ оҳангларига ҳам жуда мос келади. О. ғазаллари асосида Хоразмда янги куйлар басталанди («Феруз»).

О. тарихнавис сифатида ҳам катта мерос қолдирган. «Таъвиз ул-ошиқин» девони дебочасининг охирида у қуйидаги тарихий китобларни ёзганлигини айтади: «Риёз уд-давла» (1844), «Зубдат ут-таворих» (1846), «Жомеь ул-воқеоти Султоний» (1857), «Гулшани давлат» (1865), «Иқболи Ферузий» (1872). Бу асарларида Оллоқулихон (1825—1842), Раҳимқулихон (1843—1846), Муҳаммад Аминхон (1846—1855), Сайид Муҳаммадхон (1856—1865), Муҳаммад Раҳим II (1865—1872) ҳукмронлиги даврларида Хоразмда юз берган воқеалар акс эттирилган. Шоир бўлиб ўтган воқеалар — тахт учун ўзаро олишувлар, сиёсий фитналар, хонлар б-н фуқаро ва лашкар орасидаги муносабат, сарой аҳлининг кирдикорларини баён этади. Бу асарлар бадиий проза намунаси сифатида ҳам қимматлидир. Уларда бир қанча тарихий шахсларнинг образи гавдалантирилган, воқеалар тасвирий усулда зикр этилган. Шоирнинг кўпгина шеърий парчалари, ҳикоялари ҳам асарларнинг бадиийлигини оширган.

О. тарихий асарларининг қўл ёзма нусхалари ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-тида сақланмоқда.

Моҳир таржимон сифатида 19 та асарни форс тилидан (битта асарни усмонли турк тилидан) ўзбекчага таржима қилиб, маданиятимиз хазинасининг бойишига улкан ҳисса қўшди. О. Мунис таржима қилиб улгурмаган 7 жилдлик «Равзат ус-сафо» (Мирхонд асари) китобининг 2—3- жилдларини ўзбекчалаштириш давомида яна 5 та тарихий: «Нодирнома» (Муҳаммад Маҳдихон), «Зафарнома» (Шарафиддин Али Яздий), «Тазкиран Муқимхоний» (Муҳаммад Юсуф Мунший), «Табақоти Акбаршоҳий» (Низомиддин Аҳмад Хиравий), «Равзат ус-сафои Носирий» (Ризоқулихон Ҳидоят); 9 та адабий: «Ҳафт пайкар» (Низомий Ганжавий), «Гулистон» (Саъдий Шерозий), «Ҳашт биҳишт» (Хусрав Деҳлавий), «Зубдат ул-ҳикоят» (Муҳаммад Ворис), «Юсуф ва Зулайҳо» «Саломон ва Ибсол», «Баҳористон» (Абдурраҳмон Жомий), «Шоҳу гадо» (Бадриддин Ҳилолий), «Бадоеъ ул-воқеъ» (Восифий); 4 та фалсафий-ахлоқий: «Қобуснома» (Кайковус), «Мифтоҳ ут-толибин» (Маҳмуд Балжувоний), «Ахлоқи Муҳсиний» (Ҳусайн Воиз Кошифий) асарларини она тилига таржима қилган. Таржимон «Ҳафт пайкар»ни наср йўл б-н «Гулистон»ни қисқартириб, мумкин қадар кенг китобхонларга тушунарли қилиб таржима этган. Унинг таржимонлик усули ҳам шу мақсадга бўйсундирилган. Бироқ «Юсуф ва Зулайҳо», «Шоҳу гадо» достонларини шоир байтма-байт таржима қилиб (кириш қисмларидан ташқари), ижодий аниқ таржима намунасини кўрсатган. О. ижодини ўрганиш, асарларини нашр этиш ишлари, асосан инқилобдан сўнг бошланган, О. нинг 6 жилдлик «Танланган асарлари» нашр этилмоқда. Унинг номида кўчалар, мактаблар ва б. муассасалар мавжуд. Хоразм область музикали драма ва комедия театрига О. номи берилган.

Ас.: Таъвиз ул-ошиқин, Т., 1960; Асарлар, 6 жилдлик, 1—3- ж., Т., 1971—74.

Ад.: Абдуллаев В. А., Ўзбек адабиёти тарихи, 2- нашр, 2- китоб, Т., 1967; Зоҳидов В., Ўзбек адабиёти тарихидан, Т., 1961; Мажидий Раҳмат, Огаҳий лирикаси, Т., 1963; Мунировв К., Огаҳий илмий ва адабий фаолияти, Т., 1959.

ОГБОМОШО — Нигериянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Ғарбий штатда. Аҳолиси 387 минг киши (1971). Автомобиль йўллари узели. Какао, мойли пальма маҳсулотлари б-н савдо қилинади. Кустарчиликда ҳар хил газлама тўқилади. Пойабзал ф-каси, ўқитувчилар колледжи бор.

О'ГЕНРИ (тахаллуси; асли номи Уильям Сидни Портер, 1862. 11. 9, Гринсборо, Шимолий Каролина — 1910. 5. 6, Нью-Йорк) — америка ёзувчиси. Врач оиласида туғилган. Бир роман («Қироллар ва карам», 1904) ва 400 га яқин ҳикоялар муаллифи. О'Г. ҳикояларининг мавзуи хилма-хил. Америка Қўшма Штатлари экзотикаси, халқнинг ҳаёти ва урф-одати, жиноятчиларнинг маънавий қиёфасини акс эттирди. Аммо «кичик инсон» мавзуи ҳамиша муаллиф ижодининг марказида бўлди. «Биз танлаган йўллар», «Биржа қаллобининг романи», «Сўнгги япроқ» каби ҳикояларида оддий кишиларнинг олижаноблиги ва софлигини мадҳ этди. О'Г. нинг ўзига хос услуби муаллиф номини таниқли ҳикоянавис сифатида машҳур қилди.

Ас.: Избр. произведения, т. 1—2, М., 1959.

Ад.: Левидова И., О'Генри и его новелла, М., 1973.

ОГИНЬСКИЙ Михаил Клеофас (1765. 25. 9, Гузув, Варшава яқини — 1833. 15. 10, Флоренция) — поляк композитори, сиёсий арбоб, граф. Польша сейми депутати (1788—92). Т. Костюшко раҳбарлигидаги қўзғолон (1794) да қатнашган, кейин Италияда муҳожирликда яшаган. 1802 йилда Россияга келган. 1810 йилдан Россия империяси сенатори. 1815 йилдан Флоренцияда яшаган. О. нинг фортепьяно учун *полонез*лари (жумладан кенг тарқалган «Ватан б-н видолашув» ва б.), поляк миллий гимнига айланган «Польша ҳали ҳалок бўлмаган» қўшиғи машҳур. Шунингдек, «Зелис ва Валкур ёки Бонапарт Қоҳирада» (1799) операси, марш, вальс, мазурка, романс ва б. асарлар, шунингдек мемуарлар (4 томлик, Париж, 1826—27) ва «Музика ҳақида хатлар» (Краков, 1956) муаллифи.

Ад.: Бэлза И. Ф., Михаил Клеофас Огинский, 2 изд., М., 1974.

ОГНЕМЁТ, ўт отгич — душманни ёнаётган суюқлик оқими б-н шикастлантирувчи қурол. О. суюқ ёқилғи (керосин, бензин ва б.) солинган бак, ингичка шланг, ствол ва чақмоқ (зажигалка)дан иборат бўлади. Ўт ҳар 1—2 секундда отиб турилади. Ўт отиш принципи: бакдаги суюқлик кучли ҳаво босими таъсирида чақмоқли брандспойт (ствол)га ҳайдалади, сиқилган суюқлиққа чақмоқдан ўт бериб отилади. О. нинг олиб юриладиган (бир жангчи кўтариб юради), турғун, танкка ва бронетранспортёрга ўрнатиладиган хиллари бор. Ҳозирги пайтда АҚШ армиясида мавжуд олиб юриладиган АВС — М 9—7 маркали О. нинг оғирлиги 22,7 *кг* (ёнувчи моддаси 16 *л*), 20—55 *м* масофага ўт отади. Танкка ўрнатилган О. 270 *м* масофагача ўт отади. Бундай О. нинг бакига 1400 *л* ёнувчи модда сиғади. Бронетранспортёрга ўрнатилган О. лар 180 *м* масофадаги нишонларни куйдириб, ёнғин ҳосил қилади.

«ОГОНЕК» («Машъала») — рус тилида чиқадиган ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий безакли ҳафталик журнал. 1923 йилдан Москвада нашр этилади. Биринчи муҳаррири — М. Е. Кольцов (1938 йилга қадар), кейинги муҳаррирлари Е. П. Петров, А. А. Сурков, 1953 йилдан А. В. Софронов. Журнал совет халқининг ҳаёти, маданияти, санъати ютуқларини ёритади. Унда ҳикоя, очерк, шеър, фоторепортажлар бериб борилади. «О.»да совет ёзувчилари, фан ва санъат арбоблари фаол иштирок этади. Жумладан, унинг саҳифаларида М. Горький, В. В. Маяковский, А. Н. Толстой, Д. Бедний, А. С. Серафимович, Узбекистондан Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Ш. Рашидов, Уйғун, Зулфия ва б. қатнашган. Журналга илова тарзида 1925 йилдан «Огонёк кутубхонаси», 1928 йилдан совет ва чет эл ёзувчиларининг танланган асарлари нашр этилади. Тиражи 2 млн. дан ортиқ (1976). Ленин ордени б-н мукофотланган (1973).

ОГПУ (Объединённое государственное политическое управление) — қ. *Бутун Россия фавқулодда комиссияси.*

ОДА (юнон. ode — қўшиқ) — Европа шеърияти ва музикасидаги бирор киши шаънига ёки муҳим воқеа муносабати б-н яратилган шеър, музика асари (яна қ. *Қасида*).

ОДАМ — органик олам тараққиётининг энг олий босқичи. О. тафаккур ва нутққа эга бўлган, меҳнат қуролларини тайёрлаб, муҳитга таъсир кўрсата оладиган мавжудот. О. Homa sapiens хордалилар типи, умуртқалилар кенжа типи, сут эмизувчилар синфи, приматлар туркуми, гоминадлар оиласи, Homo уруғига мансуб.


Одамнинг келиб чиқиши. Дунё жамоатчилигининг диққат-эътибори кейинги 18 йил ичида Шарқий Африкадан топилган О. нинг энг қадимги вакиллари қолдиқларига қаратилди. *Питекантроп* (1,2 млн. йил олдин яшаган)нинг Ява оролидан (1891) ва *австралопитек* (2 млн. 600 минг йил илгари яшаган)нинг Таунгедан (1924) топилишидан сўнг О. нинг пайдо бўлишини исботловчи бирор қазилма материал топилмаган эди.

Олдувай дараси (Танзания)дан Луис Лики нинг 1959—1963 йиллардаги ва Омо дарёси (Эфиопия) водийсидан француз олими К. Арамбур, америкалик Ф. К. Хауэлл ва И. Коппеннинг 1967—1971 йиллардаги ва, ниҳоят, Рудольф кўли (Кения) районидаги Ричард Лики (Л. Лики нинг ўғли)нинг 1968—1974 йиллардаги кашфиётлари О. нинг пайдо бўлишини ўрганишда янги даврни очиб берди.

Инглиз археологи, палеонтологи ва антропологи Л. Лики 1959 йили Олдувай дарасидан абсолют ёши 1.75 млн. йилга тенг горизонт (1 қават)дан тош қуроллар топган. Қуроллар б-н бирга жанубий австралопитекларнинг йирик формаларига яқин қазилма *гоминидлар*нинг калла суяги топилди. Л. Лики бу топилдиқни *зинджантроп* деб, тош қуролларни худди шуларнинг ўзи ясаган ва энг қадимги О. лар ҳам бўлиши мумкин, деб ҳисоблаган. Топилган бош суякнинг ҳажми нисбатан кичик — 530 $см^3$ бўлганлигидан кўпчилик тадқиқотчилар Л. Ликининг зинджантроплар тош қуроллар ясаган деган фикрига иккиланиш б-н қараган. Чунки, бундай ҳажмдаги калла суяги Жанубий Африка австралопитекларига хос бўлган. 1960 йили Л. Лики Олдувай дараси қазилмасини давом эттириб, биринчи қаватдан 60 *см* чуқурликда скелет қолдиқлари, калла суяклари, тош қуроллар топди ва уни шартли равишда «презинджантроп» (зинджантроп ўтмишдоши) деб номлади. Чуқур ўрганишлар натижасида презинд-



«Огонёк» журнали.



Огнемётли танк.

жантропларни зинджантроп ва австралопитеклардан прогрессив тузилганлиги аниқланди ва тахминан 2 млн. ёшга тенглиги маълум бўлди. Бу маълумотлар эса тош қуролларни презинджантроплар ясаган деган хулоса чиқаришга асос бўлди. Шу муносабат б-н унга янги систематик ном: «Homo habilis» («уқувли одам») берилди. Зинджантроп эса австралопитекларнинг вакили деб тан олинди ва у «уқувли одам» б-н бир вақтда ёки кейинроқ яшаган деб ҳисобланди.

Кейинчалик Омо дарёси (Эфиопия) водийсига уюштирилган К. Арамбур, Л. Лики ва Ф. К. Хауэлл бошчилигидаги халқаро экспедициялар (1932—1933 ва 1967, 1971) катта натижаларга эришди. Ёши 4,5 млн. дан — 1,5 млн. йилгача бўлган 600 *м* чуқурликдаги қатламдан австралопитекларнинг жуда кўп қолдиқлари топилди. Бу далиллар эса О. нинг пайдо бўлиши масаласидаги кўпгина жумбоқларни очиб берди.

Фан Ява оролидан топилган питекантроплар ва Хитой терр-ясидан қазиб олинган синантроплар б-н кўп йиллар давомида шуғулланди. Олинган маълумотлар О. *одамсимон маймунлар*дан келиб чиққанлигини сўзсиз исботлар эди. 1891—1892 йили Ява оролида врач Э. Дюбуа топган суяк қолдиқлари О. нинг илк аждоди тикка юрувчи маймун О.— питекантропга мансуб эканлигини аниқлади. 1929 йили Пекин яқинида Пей-Вень-чжунь томонидан топилган ва хитой О. и деб номланган — *синантроп* питекантропларга нисбатан О. ларга яқинроқ тузилган бўлиб, бир неча юз йиллар кейин яшаган.

1907 йили Германияда Гейдельберг шаҳрига яқин ғордан топилган О. аждоди — *гейдельберг одами* скелети қолдиғи бўлиб, улар бир қадар мукаммал тош қуроллар ясаган ва тош асри — палеолит даврида яшаган.

1856 йили Германияда Неандер водийсида топилган скелет қолдиғи О. нинг яқин аждоди — неандерталь О. га мансуб эканлиги аниқланди. Бу каби топилма 1938 йили Ўзбекистон жанубида *Тешиктош*да ҳам топилган.

1868 йили Францияда Кроманьон қишлоғида топилган скелет қолдиғи ҳозирги О. тузилишига айнан ўхшаб, унинг пайдо бўлган даври 50 минг йил бўлса керак, деб юритилади. *Кроманьон одами* илк қабилалар ҳолида яшаганлар. Демак, *антропогенез* жуда узоқ давом этган.

Анатомик ва физиологик хусусиятлари. Содда ҳайвонлардай тортиб О. гача, уларнинг орган ва системалари ҳужайралардан иборат. Ҳужайралар шакли ва функцияси ҳар хил бўлса ҳам, уларнинг ички тузилиши, таркиби деярли бир хил. Ҳужайралар йиғиндиси тўқималарни, тўқималар органларни, органлар эса системаларни ва, ниҳоят, системалар организмни ташкил этади. Ҳужайралар доимо ўсади, кўпаяди ва ривожланади. Биргина бош мия пўстлоғида 14 млрд. дан зиёд ҳужайра мавжуд. Катта ёшдаги О. организмида 5 *л* чамаси қон бўлиб, ҳар томчи қонда бир неча минг қон ҳужайралари бор. Тўқималар тузилиши ва функциясига кўра тўрт хил бўлади: а) эпителиал (қоплама, чегара) тўқималар; б) бириктирувчи ёки ички муҳит тўқималари; в) мушак тўқималари; г) нерв системаси тўқималари.

Эпителиал тўқималар терининг устки юзаси ва ички ковак органлар деворини қоплаб туради. Бириктирувчи ёки ички муҳит тўқималарига тоғайлар, бойламлар, суяклар, қон, лимфа ва қон ишловчи органлар киради. Мушак тўқималари қўндаланг тарғил (скелет мушаклари) ҳамда ички аъзолар ва қон томирлар деворини ташкил этувчи силлиқ мушак тўқималардан иборат. Нерв системаси тўқималари нерв ҳужайралари ва нейроглиялардан таркиб топиб, О. да марказий ва периферик нерв системасини ҳосил қилади. Мазкур типдаги тўқималар ўз тузилиши ва функциясига кўра қуйидаги: 1) тери; 2) таянч ва ҳаракат аппарати; 3) ҳазм системаси; 4) нафас системаси; 5) қон айланиш системаси; 6) сийдик-таносил системаси; 7) нерв системаси; 8) сезги органлари ва 9) ички секреция безлари каби муҳим системаларни ташкил қилади.

Тери мураккаб тузилган; организм учун ғилоф ва қоплагич ролини ўтайди ҳамда ташқи муҳит таъсиротларидан ҳимоя қилади, *моддалар алмашинуви*да, *терморегуляция*да қатнашади ва ҳ. к. *Скелет* муҳим таянч органи бўлиб, организмга «форма» бериб туради. Ички аъзолар, бош ва орқа мия ҳамда кўзни ҳар хил салбий (механик) таъсиротлардан муҳофаза этади. *Умуртқа погонаси* 33—34 умуртқадан иборат бўлиб, ҳар бир умуртқада умуртқа танаси, тешиги, ёйлар, ўсимталар ва бўғим юзалари бор. Умуртқалар ўз танаси ва ёйи б-н ўзаро бирикиб, умуртқа погонасини ҳосил этади. Таянч ва ҳаракат аппаратига қўндаланг тарғил мушаклар ҳам киради. Юз соҳасида суякдан бошланиб тери остига келиб ёпишадиган мимика мушаклари борлиги О. ва қисман маймунлар учун характерлидир. Таянч ва ҳаракат аппарати тузилиши ва функцияси жиҳатидан одамнинг тик туриши, юриши ва турли-туман ҳаракатлар бажаришини таъминлайди. Ҳазм қилиш системаси озиқ моддаларни қабул қилиб, майдалайди, ҳазм ферментлари таъсирида таркибий қисмларга парчалайди, организм учун фойдали оқсил, углеводлар, ёғлар, витаминлар, минералларни қонга ва турли аъзоларга ўтказади, ниҳоят, сингмаган моддаларни организмдан чиқариб юборади. *Нафас* системаси ҳам ҳаётий зарур вазифани, яъни ҳужайралар ва тўқималарга кислород етказиб, газлар алмашинуви процесси маҳсули — карбонат ангидридни чиқариш вазифасини ўтайди.

О. да қон айланиш системаси жуда мураккаб тузилган. Қон ҳужайрага, тўқималарга кислород, озиқ моддаларни етказиб беради.

Умуртқали ҳайвонлар ва О. да яна алоҳида лимфа системаси ҳам бўлиб, у тўқималардаги моддалар алмашинуви маҳсулоти ва тўқима суюқлигини лимфа томирлари орқали юрак ўнг бўлмасига элтади.

Сийдик-таносил системаси морфологик жиҳатдан бир-бирига яқин, лекин функцияси алоҳида органларни ўз ичига олади (қ. *Жинсий органлар*). *Нерв системаси* ҳам муҳим ҳаётий функцияни бажаради. Ташқи ва ички муҳит (ички аъзолар, тўқималар)дан келаётган турли-туман таъсиротларни анализ қилади, бу таъсиротларга дарҳол жавоб қайтаради ва ҳ. к. *Сезги органлари* муҳит таъсиротини сезиш, анализ қилиш вазифаларини бажаради. О. ҳаёт фаолиятининг нормал кечишида *ички секреция* безларининг роли ғоят муҳим. Гарчи организмдаги тўқималар, органлар ва системалар ўзига хос функция бажарса-да, улар фаолиятини марказий нерв системаси бошқаради.

Ижтимоий моҳияти. Бу масала қадим замонлардан олим ва мутафаккирларнинг диққатини ўзига жалб қилиб келган (Демокрит, Протагор, Платон, Аристотель ва б.). Урта Осиё, Яқин ва Урта Шарқ халқларининг ижтимоий-фалсафий қарашлари тарихида ҳам мазкур масалага катта эътибор берилган (Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий, Бедил ва б.) Янги давр Европа философиясида ҳам О. нинг ижтимоий моҳиятини очишга уринишлар кўп бўлган (Д. Дидро, К. А. Гелвеций, И. Кант, Г. В. Гегель, Л. Фейербах, А. И. Герцен, Н. Г. Чернишевский ва б.). Гарчи ўтмишдаги мутафаккирлар инсон тараққиётида ижтимоий омиллар ролининг муҳимлигини асосан эътироф қилган бўлсалар-да, лекин О. нинг асл моҳиятини очиб бера олмадилар. Улар О. ни ишлаб чиқариш процессидан ажралган ҳолда ўрганмоқчи бўлдилар, унга таъсир қилиб турадиган ҳар бир омилнинг конкрет ўрни ва аҳамиятини атрофлича кўрсатиб бера олмадилар. Жумладан, улар О. нинг ижтимоий моҳияти, унинг ҳайвонлардан фарқи ҳақида гапирар эканлар, онг, ақл-идрок ва нутқни асосий белги деб ҳисоблаганлар; баъзилари эса О. ни сунъий табиат яратишга қодир ижтимоий ҳайвон деб билганлар, ё унинг моҳиятини анатомик хусусиятлар (мас., тик юриш, катта ва мураккаб тузилган мияга эга бўлиш кабилар)дан излаганлар. Шундай қилиб, улар шу ва ш. к. белгиларни О. нинг асл ижтимоий моҳиятига нисбатан ҳосилавий эканлигини тушунмаганлар.

Фақат марксизм бу масалани тарихни материалистик тушуниш асосида тўғри ҳал қила билди. Марксизм О. пайдо бўлишининг меҳнат назариясини яратди. Бу назарияга кўра, меҳнат қуролларини ярата билиш ва улар ёрдамида муҳитга маълум таъсир ўтказа олиш О. ижтимоий моҳиятининг энг бирламчи белгисидир. Юқорида зикр этилган белгиларнинг ҳаммаси эса меҳнат қуроллари яратиш ва улардан фойдаланган ҳолда ташқи дунёга, табиатга таъсир кўрсатиш заминида шаклланган О. нинг ижтимоий меҳнат фаолиятига нисбатан иккиламчи, унинг маҳсули эканлигини очиб берди. Фақат меҳнат О. нинг ҳайвонот оламидан, жумладан одамсимон маймунлар орасидан ажралиб чиқиши учун имкон яратиб берди. Бунда О. ларнинг қадимги аждодлари тик юришга борган сари кўпроқ ўргана бошлаганлари ва қўлнинг озод бўлиши катта аҳамиятга эга бўлди. Ф. Энгельс қўл ҳақида гапириб, «...у янгидан-янги ҳунарларни ўргана оладиган бўлди, шу туфайли ҳосил қилинган катта эпчиллик эса наслдан-наслга ўтиб, бўғиндан-бўғинга орта борди. Шундай қилиб, қўл фақат меҳнат органигина бўлиб қолмай, айни вақтда у меҳнатнинг маҳсули ҳамдир» (Марксча-ленинча философия хрестоматияси, 1-том, Т., 1971, 420—421-бетлар), деган эди. Қўлнинг тараққийси натижасида О. нинг қадимги аждодлари олдин ниҳоятда содда, кейинчалик тобора мураккаброқ сунъий меҳнат қуроллари ярата бошлади.

Меҳнатнинг ривожланиши, турли зарурият орқасида жамоа аъзоларида бир-бири б-н яқинроқ жипслашишга интилиш кучаяди ҳамда бир-бирига нимадир айтиш эҳтиёжи туғилади ва бу эҳтиёж маймунларнинг тараққий этмаган ҳиқилдоғини аста-секин аниқ ва равшан товушлар чиқара оладиган органга айлантирди. Тил, нутқнинг вужудга келиши О. нинг ярим ҳайвон ҳолатидан ажралиб чиқиши, жамиятнинг пайдо бўлиши, онгнинг шаклланиши ва такомиллашуви моддий ва маънавий маданиятнинг ўсиши учун энг кучли омиллардан бўлди. Шундай қилиб, аввало меҳнат, сўнгра у б-н бирга бурро-бурро қилиб сўзлаш иккита энг муҳим сабаб бўлдики, бу сабаблар таъсири остида маймуннинг миясн аста-секин одам миясига айланди, лекин одам мияси маймун миясига ҳар қанча ўхшаса ҳам, катталиги ва камолотга етганлиги жиҳатидан маймун миясидан кўп устун эди. Мия ва унга бўйсунадиган сезгилар, такомиллашиб бораётган онг ва у б-н боғлиқ бўлган абстракция ва зеҳн ишлатиш қобилиятининг тараққийси ўз навбатида меҳнат ва тилга акс таъсир кўрсата борди. Меҳнат О. ни ибтидоий гала бўлиб яшашга, уюшишга олиб келдики, бу *ибтидоий жамоа тузуми*га ўтиш учун биринчи босқич бўлди. Ишлаб чиқаришнинг мутгасил ривожланиши жамиятнинг шаклланишига олиб келди. Бу эса О. ларнинг янада тезроқ тараққий этиши учун қулай омил бўлди. О. лар жамиятининг бутун кейинги тарихи турли *ижтимоий-иқтисодий формация*ларни босиб ўтиш жараёнидан иборат бўлди.

О. лар жамоа бўлиб яшаш ва меҳнат жараёнида бир-бири б-н ўзаро муносабатлар — *ишлаб чиқариш муносабатлари*да бўла бошлайдилар. Ижтимоий меҳнат жараёнида О. ларда ҳодисаларнинг, воқеликнинг моҳиятини, табиат қонунларини билиб олишга интилиш, зарурият вужудга келади; кишиларнинг табиат кучлари устидан ҳукмронлик қилиш даражаси ошади, билим доираси эса кенгайиб боради. Ф. Энгельс бу ҳақда гапириб, О. «...ўзи киритган ўзгартиришлари билан табиатни ўз мақсадларига хизмат қилишга мажбур этади, унинг устидан ҳукмронлик қилади. Бу эса одамни бошқа ҳайвонлардан ажратиб турадиган сўнгги, муҳим хусусиятидир, одамнинг бу хусусияти ҳам меҳнат орқасида пайдо бўлгандир» (ўша жойда, 429-бет), деган эди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш заминида О. нинг табиий эҳтиёжлари ўзгара боради, янги, фақат инсонга хос, моддий ва маънавий эҳтиёжлар пайдо бўла бошлайди. Моддий ишлаб чиқариш асосида маънавий маданият шакллана боради ва тараққий этади, ижтимоий онгнинг турли шакллари (қ. *Ижтимоий онг шакллари*) вужудга келади.

Шундай қилиб, марксизм-ленинизм асосчилари О. масаласини ҳал этишнинг бирдан-бир тўғри методологик асосларини ишлаб чиқдилар. Улар О. нинг ижтимоий мавжудот эканлиги ҳақидаги ғояни асослаб, О. ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабат масаласини ҳам чуқур таҳлил қилиб чиқдилар. О. ва жамият ўртасида диалектик бирлик бор деб ҳисоблаб, О. ни уни ўраб турган табиий, ижтимоий муҳитдан ажралган ҳолда ўрганишга бўлган ҳар қандай интилишни қатъий қораладилар. К. Маркс О. ни жамиятдан, давлатдан ажралган ҳолда тўғри тушуниш мумкин эмаслигини, унинг ўзгарувчан характерга эга эканлигини кўрсатиб, «...инсон моҳияти айрим индивидга хос бўлган абстракт эмасдир. Ҳақиқат ҳолида у ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир» (К. Маркс, Фейербах тўғрисида тезислар — Ф. Энгельснинг «Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири» китобида, Т., 1965, 64-б.), деб таъкидлаган эди.

Марксизмнинг О. ҳақидаги бу таълимоти В. И. Ленин асарларида янги конкрет-тарихий шароитга мувофиқ янада ривожлантирилди. В. И. Ленин О. нинг моҳияти барча ижтимоий муносабатларнинг мажмуидир деган марксистик хулосани конкретлаштириб, унга «муайян конкрет тарихий» деган аниқлик киритди; муайян ижтимоий муносабатлар ўзгариши б-н О. нинг шаклланиш шароитларининг ҳам ўзгаришини кўрсатди.

Муайян тарихий ривожланиш натижасида вужудга келган ижтимоий муносабатлар О. нинг ҳақиқий моҳиятини белгилаб беради. О. шу ривожланиш жараёнида тобора мураккаблашиб борадиган мавжудотдир. У жамиятда рўй берадиган процессларни ўзида акс эттиради. Марксизм-ленинизм, О. ижтимоий муҳитнинг маҳсули бўлиши б-н бирга унинг ижодчиси ҳамдир, деб ҳисоблайди. О. ижтимоий ҳаётдан ташқарида чинакам инсоний сифатларга эга бўла олмайди. О. нинг ижтимоий моҳияти *шахс* тушунчасида ўз ифодасини тўла топади.

Марксизм-ленинизм инсон тараққиётида ижтимоий омилларнинг ҳал қилувчи ролини эътироф қилиш б-н бирга, биологик омилларнинг ролини ҳам тан олади. Марксизм асосчилари ўзларининг дастлабки асарларидаёқ О. ни бошқа барча эмпирик ҳаётий муносабатлари, фаолияти, яшаш шароити б-н бир қаторда унинг хусусий танаси ва у б-н боғлиқ бўлган эҳтиёжларидан ажратиб қўйишга қарши чиққанлар (К. Маркс, Ф. Энгельс, Соч., т. 3, стр. 279). Ердаги барча тирик мавжудот ичида фақат О. био-социал мавжудотдир. О. ўзида биологик ва ижтимоий омилларнинг ўзаро таъсирини акс эттиради. Уни биологик табиатидан ажратган ҳолда индивидуал хусусиятлари, ижтимоий сифатини билиш мумкин эмас. Демак, «О.» тушунчасида инсоннинг икки томонлама хусусияти, яъни социал фаолияти ва биологик табиати ўз ифодасини топади. Лекин социал ва биологик омилларнинг ўзаро муносабати системасида ижтимоий омиллар ҳамиша устунлик қилади. Ижтимоий омиллар О. нинг жисмоний ривожланишига, ўсишига, жинсий етилишига, насл қолдиришига, умрининг узайишига, саломатлигига доимо маълум таъсир қилиб туради.

Ад.: Маркс К., Экономическо-философские рукописи 1844, «Избранные произведения» китобида, М., 1956; Энгельс Ф., Маймунининг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли. «Маркса-ленинча философия хрестоматияси» китобида, 1-т., Т., 1971; Энгельс Ф., Анти-Дюринг, Т., 1957; Ленин В. И., А. М. Горькийга, Ас., 35-т.; Митрохин Л. Н., Проблема человека в марксистском освещении, «Вопросы философии», 1963, №8; Проблема человека в современной философии (Сб. ст.), М., 1969; Урысон М. И., Истоки рода человеческого в свете новейших данных, «Вопросы истории», 1976, № 1; Дарвин Ч., Происхождение человека и половой отбор. Выражение эмоций у человека и животных, Соч., т. 5, М., 1953; Морган Л. Г., Древнее общество, Л., 1934; Настурх М. Ф., Происхождение человека (2 изд.), М., 1970; Семенов Ю. И., Как возникло человечество, М., 1966; Ҳамидов П., Инсон тараққиётида ижтимоий ва биологик омилларнинг ўзаро муносабати, Т., 1974; Зоҳидов Х. З., Худойбердиев Р. Э., Аҳмедов Н. К., Алиев Р. А., Одам анатомияси (2 томлик дарслик), Т., 1968; Павлов И. П., Полн. собр. соч., 2 изд., т. 1—6, М., 1951—52.

ОДАМ АТО — иудаизм, христиан ва ислом афсоналари (мас., Библия)да биринчи одам, инсон зотининг отаси. *Қадимий аҳд*да ёзилишича, худо О. ни лойдан яратиб, унга жон ато қилган эмиш. Инсоннинг «яратилиши» ҳақидаги бундай тасаввурлар ибтидоий динларда бўлгани сингари барча ҳозирги динларда ҳам сақланган. Диний адабиётларда О. номи б-н боғлиқ кўплаб афсона ва ривоятлар учрайди.

ОДАМ ГЕНЕТИКАСИ — генетиканинг бир тармоғи, антропология ва медицина б-н чамбарчас боғланган О. г. шартли равишда антропогенетика ва *медицина генетикаси*га ажратилади. Антропогенетика одам организми нормал белгиларининг ирсийлиги ва ўзгарувчанлигини, медицина генетикаси эса унинг ирсий патологиясини (касалликлар, нуқсонлар, майруқ-мажруҳлик ва б. масалаларни) ўрганади. О. г. туғилиш, ўсиш, жинс, никоҳ, узоқ умр кечириш, саломатлик, популяция, шунингдек психология, педагогикага оид баъзи масалалар, соғлом генетик информациянинг авлодларда тўла-тўкис қайта тикланишига эришиш, ирсиятга салбий таъсир кўрсатадиган омилларни бартараф этиш ва наслдан-наслга бериладиган касаллик келтирувчи генларнинг қайталанишига йўл қўймаслик каби қатор проблемаларни ўрганади. О. г. нинг медицина генетикаси одам популяцияси генетикаси, демографик генетика, жинс генетикаси каби бир қатор соҳалари ҳам бор.

Одамнинг насл-насаби тўғрисидаги илмий тасаввурлар узоқ кузатиш ва экспериментал тадқиқот натижасида вужудга келди. Одам ҳақидаги илмий генетика *Г. Мендель қонунлари*дан кейин вужудга келди. Ирсият б-н шуғулланувчи мутахассислар яқин вақтларгача одамнинг тадқиқот объекти бўлиши мураккаб масала деб ҳисоблар эдилар. Одамда генетик тадқиқот ўтказишнинг иложи йўқлиги сабабли О. г. ни ўрганишни мураккаблаштиради. Чунки авлодлар ўртасида экспериментал чатиштириш ишлари олиб бориш мумкин эмас. Одам ирсий жиҳатдан жуда турли-туман, бир авлоднинг ўзгариши учун кўп вақт (20—30 йил) кетади. Аммо ҳозир *молекуляр биология*нинг тараққиёти туфайли одам ирсиятини турли тадқиқотлар б-н ўрганиш имконияти юзага келди.

О. г. нинг информацияси, ўсимлик ва ҳайвонларникига ўхшаб, ДНҚ молекуласида «кодлаштирилган». Бу информация ҳар бир кишининг ирсий хусусиятлари шаклланишида катта таъсир кўрсатади.

О. г. ўзига хос хусусиятларга эга. Мас., одам жинсини у туғилганга қадар аниқлаш бошқа тирик организмларга нисбатан мураккаб ва қийин. Чунки одам индивиди бошқа тирик организмлардан сифат жиҳатидан фарқланади.

Ҳозирги вақтда ирсиятда хромосома ва генларнинг нозик структура ҳамда функциясини чуқур анализ қилиш имкониятини берадиган замонавий методлар (цитогенетик, биохимик методлар, ирсий аномалияларни моделлаштириш, ҳужайра ядроларининг трансплантацияси ва б.) тобора кенг татбиқ этилмоқда. Одам индивид тараққиётида ота ёки онадаги айрим сифат ва белгилар бири-биридан устун келар (доминант), ёки яшириниб қолар (рецессив) экан. Одамларда *дальтонизм* ёки *гемофилия* ирсий ҳисобланиб, бу сифат рецессив, белги эса *Х* хромосомада жойлашган (қ. *Хромосомалар*).

Ҳужайраларни сунъий ўрганиш ва б. цитогенетик методлар (ҳужайра генетикаси) одам хромосомалари сонини (одамда 46 та), уларнинг тузилишини ўрганиш имконини беради, булар ёрдамида эса кўп ирсий касалликларни ўрганиш, аниқлаш мумкин. Одам тана (соматик) ҳужайраларида хромосомалар иккиланган (диплоид) сонда, балоғатга етган одамларнинг етук жинсий ҳужайраларида хромосомалар тоқ (гаплоид) сонда бўлиб, тухум ва уруғ ҳужайраси қўшилиб, ҳомилада яна хромосомаларнинг тўла тўплами юзага келади. 1949 йили Барр ва Бертрам ургочи ёш мушуклар тана ҳужайрасининг ядро таркибида қора доғ кузатиб, унга жинсий хроматин деб ном бердилар. Бу қора доғ аёл жинсини таъминловчи иккинчи *Х* хромосома ҳисобига содир бўлади. Бу метод ёрдамида одамлар жинсини она қоринидалигида аниқлаш мумкин.

Одам ирсиятини ўрганиш, генетик касалликларни аниқлаш ва даволашда медико-генетик консультациянинг роли каттадир. Улар даволаш-профилактика муассасаси бўлиб, никоҳланув масалаларига, бефарзандлик, туғма камчиликлар б-н туғилган болаларни ўрганиш, даволаш ва б. ирсий касалликларни ўрганишда муҳим роль ўйнайди. О. г. га ташқи муҳит таъсиротлари (радиация), кимёвий препаратлар салбий таъсир кўрсатиши мумкин, бу соҳани ўрганиш, олдини олиш ишлари ҳозир кенг кўламда олиб борилаяпти. О. г. ривожланишига *евгеника* салбий таъсир кўрсатиб келди. Илмий генетика бу реакцион ғояни бутунлай рад этди.

Ад.: Хромосомные болезни человека, Л., 1965; Сосарев Л. А., Биология с общей генетики, М., 1970.

ОДАМ КОНСТИТУЦИЯСИ — одам организмининг морфологик ва функционал хусусиятлари. Унинг ирсий, ҳаётда орттирилган ва таъсирчанлик хоссаларини ифодалайди. О. к. кўпинча гавданинг тузилиши — унинг ташқи аломатлари (бўй, вазн, мушаклар ва тери ости ёғ қатламининг ривожланиш даражаси)га кўра (антропометрик ўлчашлар ёрдамида) белгиланади.

Жисмоний ривожланиш индекси (Пинье индекси), яъни бўй б-н гавда вазни нисбатига ва кўкрак қафаси айланасига, шунингдек организмнинг функционал хусусиятларига кўра совет олими М. В. Черноруцкий О. к. ни астеник, нормостеник ва гиперстеник деган уч асосий типга ажратдики, бу классификация фанда кенг қўлланилмоқда. Француз олими Д. Р. Сиго эса О. к. ни қуйидаги типларга бўлди: а) нафас типи — кўкрак қафаси яхши ривожланган тип; б) овқат ҳазм қилиш типи — семиз, қорни катта, қисқа бўйинли, сериштаҳа тип; в) мушак типи — скелет мушаклари жуда ривожланган, кенг кўкракли, гавда тузилиши пропорционал, юзи квадрат шаклидаги тип; г) церебал тип — калла суяги катта, пешанаси кенг, гавда тузилиши ихчам ва мушаклари заифроқ, зеҳнли тип. Немис олими Кречмер бўй-баст, семизориқлик, суяк-мушак системасининг ривожланишига кўра О. к. ни атлетик (организм системалари нормал тараққий этган), астеник (суяк-мушаклари заифроқ, ориқ кишилар), гиперстеник (деярли семиз, кўкрак қафаси яхши ривожланган) типларга бўлади. Улуғ рус олими И. П. *Павлов* О. к. ни одамларнинг асаб фаолиятига қараб қуйидагича белгилаган: а) кучли, лекин енгил, ўта қўзғалувчан тип; б) кучли, босиқ, лекин қўзғалувчан тип; в) кучли, босиқ тип; г) кучсиз, имиллаган тип.

Ҳозир фанда О. к нинг 50 дан ортиқ классификацияси бор. Эндиликда антропометрик белгилардан ташқари, О. к. ирсий хусусиятларга қараб ҳам белгиланади. Типларни аниқлашда морфологик-функционал ва ирсий хусусиятлар мажмуи (генотип)га алоҳида эътибор берилмоқда. Айрим конституционал типга оид кишиларнинг маълум юқумли, соматик руҳий касалликларга мойиллиги ҳам ирсий эканлиги маълум.

Совет олими С. Г. Зибелин О. к. ҳам фенотип (ташқи муҳит), ҳам генотип (фақат ирсий белгилар) таъсирида намоён бўлиши, конституционал белгиларга кўра организмнинг бирор касалликка мойиллиги ва касалликнинг кечиш хусусиятларини ҳам аниқлаш мумкин деб ҳисоблайди.

ОДАМИЙЛИК — кишиларнинг ўзаро муносабатларида, муомала ва хатти-ҳаракатларида намоён бўладиган инсонпарварликни ифодаловчи ахлоқий фазилат. О. меҳрибонлик, кишиларга ҳурмат, яхшилик, хайрихоҳлик, ишонч, олижаноблик, ҳалоллик, ростгўйлик, камтарлик каби сифатларни ўз ичига олади. О. ижтимоий муносабатлар асосида ривожланади. О. нинг чинакам ахлоқий мазмуни социал адолатсизликка қарши ва инсонпарварлик учун кураш жараёнида шаклланади. Социалистик жамиятда О. инсон ва жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида «киши-кишига дўст, биродар ва ўртоқ» принципига асосланади.

ОДАМСИМОН МАЙМУНЛАР, антропоидлар (юнон. anthrōpos — одам ва eidos — тур) — тор бурунли маймунлар оиласи. Бўйи 2 *м* ча, оғирлиги 250 *кг* ча. Кўпчилик О. м. дадум, жағ орқа қопчиқлари ва ўтирғич қадоқлари йўқ. О. м. га *гориллалар, шимпанзелар, орангутанлар* ва *гиббонлар* киради. Горилла ва шимпанзе Африкада, орангутан ва гиббонлар эса Осиё, Суматра ҳамда Қалимантан оролларида учрайди. Тропик ўрмонларда яшайди. Эркаги, бир неча урғочиси, ёш индивидлари ва болалари бирлашиб, кичик тўда ҳосил қилади. Йилнинг ҳар қандай вақтида кўпайиши мумкин. Бўғозлик даври 7 ойдан (гиббон) 9 ойгача (орангутан). 1—2 бола туғади. О. м. 9—10 ёшида жинсий етилади. Бир неча ўн йил умр кўради. Гориллалар ва орангутанлар жуда камайиб кетган. О. м. анатомик-физиологик хусусияти, жумладан қонининг биохимиявий хоссаси жиҳатдан бошқа маймунлардан кўра одамга бирмунча яқинроқдир.

Одамсимон маймунлар: *1*—горилла; *2*—шимпанзе; *3*—орангутан; *4*—гиббон.

ОДАМТОШ — Чатқол тизмасининг сувайирғич қисмидаги довон. Чирчиқ ва Оҳангарон водийларини туташтириб туради. Денгиз сатҳидан 2696 *м* баландда. Довонга жануби-ғарбда Қаттасой водийси бўйлаб, жануби-шарқда Ертошсой водийси бўйлаб чиқилади. О. дан шимолга — Чирчиқнинг ирмоғи Оқбулоқсой водийсига тушилади. Июндан сентябргача довондан мол ҳайдаб ўтиш мумкин.

ОДАМТОШ ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Қашқадарё обл. Ғузор р-нидаги Одамтош антиклиналь бурмасида жойлашган кон. Одамтош антиклинали жануби-ғарбдан шимоли-шарққа йўналган. Қанотлари носимметрик тузилган — шимоли-ғарбий қаноти тикроқ, жануби-шарқий қаноти қия. Юра оҳактошлари бўйича антиклиналнинг узунлиги 14 *км*, кенглиги 5,2 *км*, баландлиги 600 *м*. 1962 йилда конда бурғи коваклари ковланган. Конда юра, бўр ва палеоген даврларига мансуб жинслар бор. Юра даври жинслари континентал ва денгиз шароитида ҳосил бўлган *терриген жинслар*, оҳактош, туз ва ангидритдан иборат. Умумий қалинлиги 2000 *м* дан ортиқ. Бўр даври жинслари ҳам континентал ва денгиз шароитида ҳосил бўлган

шағалтош, қумтош, алевролит, гил, оҳактошдан тузилган. Умумий қалинлиги 2000 *м* га етади. Палеоген даври жинслари кам тарқалган, қалинлиги 100 *м*.

О. г.-к. к. да саноат аҳамиятига эга бўлган газ уюмлари юқори юра оҳактошларининг XV ва XV *а* горизонтларида топилган. XV горизонтдаги газ уюмлари оҳактошларининг юқори говакли қисмида жойлашган. Горизонтнинг умумий қалинлиги 174—270 *м*, говаклиги 3,15%, ўтказувчанлиги 0—245 миллидарсигача, газ уюми 1397—1468 *м* чуқурликда. Газ уюмининг узунлиги 12,2 *км*, кенглиги 4,4 *км*. Горизонтдаги босим 17,4 *ат*. Газнинг зичлиги 0,691—0,782, таркиби 0,10—0,30% водород сульфид, 0,4—7,5% карбонат ангидрид, 33,4—87,45% метан ва 1,9—11,4% азотдан иборат. Конденсат — қуюқлашган суюқликка айланган углеводородлар бўлиб, 1 $м^3$ газ таркибида 12—700 $см^3$ ни ташкил этади. Конденсатнинг с. оғ. 0,6933—0,7320 $г/см^3$. XV *а* горизонт ўртаси майда, дарз кетган тўқ кул ранг оҳактошлардан иборат бўлиб, 1287—1210 *м* чуқурликда жойлашган. Горизонтнинг умумий қалинлиги 129—173 *м*. Говаклиги 11,6%. Газ уюмининг узунлиги 8,7 *км*, кенглиги 2,4 *км*, босими 174,4 *ат*. О. г.-к. к. муҳим саноат аҳамиятига эга.

ОДАМТОШ СЕРИЯСИ — Жанубий Ўзбекистон юқори бўр қатламларидаги стратиграфик бирлик. О. М. Акрамхўжаев, М. Эгамбердиев, Ҳ. Ҳ. Миркамолов томонидан 1971 йилда ажратилган. О. с. турон ва коньяк ярусларининг палеонтологик қолдиқларига бой бўлган гилтош, мергель ҳамда оз миқдорда гипс, оҳактош ва қумтош қатламларидан ташкил топган. О. с., ўз навбатида, Гоздаҳана, Чашмаобозон (қуйи турон), Деҳқонобод, Пачкамар (юқори турон) ва Оқработ (коньяк) маҳаллий свиталарига бўлинади. О. с. нинг умумий қалинлиги 230—600 *м* бўлиб, остки нефть-газли маҳсулдор қатламлари учун флюидларни тўсиб турувчи экран вазифасини бажаради. Стратиграфик аҳамиятга эга.

ОДАТ (психологияда) — маълум шароит таъсирида вужудга келиб, мустаҳкамланиб қолган ва ўз-ўзидан бажариладиган ҳаракат. *Малака* негизида пайдо бўлади. Агар малака муайян хатти-ҳаракат кишида қанчалик ўзлашганлиги, автоматлашганлигини ифодаласа, О. бу хатти-ҳаракатнинг ўзи кишининг ички эҳтиёжига, барқарор майлига айланиб кетганлигини билдиради. Мас., ҳамма баробар эшитиши учун қаттиқ овоз б-н лекция ўқиш малакасини эгаллаган киши шунга одатланиб қолиб, бошқа жойларда ҳам қаттиқ гапириши мумкин. О. нинг физиологик асоси, малаканики каби, динамик стереотип, яъни бош мия катта ярим шари пўстлоғидаги нерв системасидир.

О. фаолиятнинг турли соҳалари (меҳнат, ўқув, спорт ва б.) да вужудга келиб, инсон хатти-ҳаракатининг барча томонлари (ахлоқи, билиш жараёни, маданий-маиший турмуши ва б.) ни қамраб олади. О. фойдали (мас., эрталабки гимнастика) ва зарарли (мас., чекиш) бўлиши мумкин. Фойдали О. шахснинг ижобий хислатлари шаклланишига ёрдам беради. Мас., меҳнат одати меҳнатсеварликни ривожлантиради. Аксинча, зарарли О. лар салбий хусусиятларни келтириб чиқаради. Мас., вақтни беҳуда ўтказишдан дангасалик, ишни охирига етказмасликдан иродасизлик О. лари келиб чиқади, О. тусини олган хатти-ҳаракатларнинг аксарияти кишига ниҳоятда мустаҳкам сингиб, унинг табиатига — фазилати ёки иллатига айланади. Таълим-тарбия ишида ижобий О. ларни таркиб топтириб, салбий О. ларга қарши курашиш муҳим ўрин тутади.

Ад.: Рубинштейн С. Я., О воспитании привычек у детей, М., 1958; Морозова Н. Г., Воспитание познавательных интересов у детей в семье, М., 1961; Иванов П. И., Умумий психология, Т., 1967.

ОДАТ, удум — авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтадиган ва муайян жамият ёки ижтимоий гуруҳ томонидан қабул қилиб олинадиган стереотип шаклдаги хатти-ҳаракат, хулқ-атвор усули. Кўпинча, «О» термини «анъана» ва «маросим» тушунчалари ўрнида қўлланилади. Лекин *анъана* ижтимоий ҳаёт ва маданиятнинг ҳамма соҳаларига хос бўлиб, ҳодисаларнинг жуда кенг доирасини қамраса, О. ижтимоий ҳаётнинг маълум соҳалари б-н чегараланади. Маросим эса О. нинг амалий ифодаси, кўринишидир.

О., асосан, эски (капитализмгача бўлган) жамиятларда кишилар ўртасидаги муносабатларни бошқаришнинг асосий омили бўлиб, бунинг сабаби ижтимоий ҳаётнинг тургунлиги ҳамда маданиятлараро муносабатларнинг сустривожланганлигидан эди. О. индивидларнинг муайян ижтимоий ва маданий тажрибани эгаллаш воситаси бўлиб хизмат қилади, уни авлоддан-авлодга сақлайди, индивидлар хулқ-атворларини белгилайди, ижтимоий муносабатларга таъсир этади ва ҳ. к. О. ишлаб чиқариш малакалари, диний маросимлар, халқ байрамлари ва б. ҳолида намоён бўлиши мумкин. Давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши муносабати б-н бир қанча О. лар ҳукмрон синфлар томонидан қонун тусига киритилди. О. нинг роли, асосан, ижтимоий муносабатларга қараб белгиланади ва шунга кўра прогрессив ва реакцион О. ларга бўлинади. Бу О. лар ҳар бирининг роли муайян мамлакат иқтисодий ва сиёсий тузумининг характерига, халқнинг маданий тараққиёти даражасига боғлиқ.

Ҳозирги даврда О. лар кўпроқ кишилар турмуши, ахлоқ ва халқ маросимларида сақланмоқда. Мас., меҳмондўстлик, катталарни, ота-онани ҳурматлаш, ҳашар каби қадимий О. лар социалистик жамиятда янги маъно касб этмоқда. Ҳозирги замон талабларига жавоб бермайдиган, эски ва диний О. лар меҳнаткашлар ҳаётидан тобора сиқиб чиқарилмоқда; уларнинг ўрнига янги О. лар вужудга келмоқда.

ОДАТ ҲУҚУҚИ — ёзилмаган, стихияли равишда юзага келган, давлат ҳокимияти томонидан маъқулланган *одат* нормалари мажмуи. Юридик системага фақат ҳуқуқий норма вазифасини бажарадиган, яъни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмрон бўлган синфининг манфаатлари ва иродасини ифодалайдиган, давлат томонидан конкрет сиёсий ва иқтисодий шароитга мос бўлган одатлар киради. *Хаммурапи қонунлари, Ўн икки жадвал қонунлари*, «Салическ ҳақиқати», «Рус ҳақиқати» каби тарихий ёдгорликларда одатга доир ёзувлар кенг ўрин олган. Ғарбий Европанинг бир қанча мамлакатлари (мас., Франция) да феодализм даврида марказлашган мутлақ монархия шаклланишига қадар О. ҳ. муҳим роль ўйнаган. Буржуа ижтимоий муносабатларининг ўсиши, ишлаб чиқариш ва товар оборотининг ривожланиши бу муносабатларнинг қатъий гарантиясини жорий этишни, яъни давлат томонидан белгиланган ҳуқуқ нормалари системаси яратишни тақозо қилди. Ҳозирги буржуа давлатларида О. ҳ. ўз аҳамиятини йўқотган (суд практикаси бундан мустасно, чунки суд ишларини кўришда О. ҳ. дан ҳам фойдаланилади).

О. ҳ. мусулмон халқлари ўртасида *шариат* б-н бир қаторда катта роль ўйнаган. Октябрь социалистик рев-ясига қадар Ўрта Осиё халқлари — ўзбек, қозоқ, тожик, туркман, қирғиз, қорақалпоқлар ҳам ўз одат ҳуқуқларига кенг амал қилганлар. Ўзбекистонда О. ҳ. ижтимоий муносабатларининг айрим соҳаларида (мас., меросда) Октябрь рев-ясидан кейинги дастлабки йилларда ҳам қисман сақланган эди.

СССРда совет ҳуқуқи нормаларига зид бўлган одат нормалари гайри қонуний ҳисобланади. О. ҳ. тусида қилинадиган айрим ҳаракатлар, мас., мусулмон халқлари ўртасида тарқалган хун олиш, хунини тўлаш, қалин олиш ва ш. к. одатлар жиноят ҳисобланади. Совет ҳуқуқида унга зид бўлмаган одатлар (мас., тўй маросимлари) эътироф этилади. О. ҳ. дан айрим ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда (мас., к-з хонадонининг мулкини бўлиш ҳақидаги низоларни кўриб чиқишда) ҳам фойдаланилади.

Ад.: Кульгелеев Г. М., Уголовное обычное право колхозов, М., 1955; История государства и права зарубежных стран. [Учебник], т. 1, М., 1963; История государства и права СССР. [Учебник], ч. 1, М., 1972.

ОДДИЙ АСКАР — Совет Армияси солдати (қ. *Аскар, Солдат*).

ОДДИЙ БАКТЕРИЯЛАР — қ. *Гаплобактериялар*.

ОДДИЙ БАРГ — бир банд ва бир япроқдан иборат барг (қ. *Барг*).

ОДДИЙ КАПИТАЛИСТИК КООПЕРАЦИЯ — капиталистик ишлаб чиқариш тараққиётининг мануфактурадан олдинги дастлабки босқичи, меҳнатнинг умумийлашуви формаси. Бунда капиталист қўл меҳнатига асосланган бир хил иш бажарадиган ёлланма ишчиларни эксплуатация қилади.

Оддий кооперация капитализмгача бўлган формацияларда пайдо бўлди (қ. *Оддий товар ишлаб чиқариш*). Лекин О. к. к. олдинги кооперациялардан фарқ қилади: уни қўшимча қиймат олиш мақсадида капитал эгаси — капиталист тузади; унга ўз иш кучини сотадиган ёлланма ишчилар бирлашади; ҳамкорликдаги меҳнат капиталист раҳбарлигида бажарилади; бу меҳнатдан олинган маҳсулот ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси — капиталистга тегишли бўлади. Шу билан бирга, бу босқичда капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари ҳали заиф ривожланган бўлиб, йирик капитал ҳам, пролетариатнинг йирик қатламлари ҳам йўқ, бозор эса ривожланмаган эди. О. к. к. техникага ҳам, ишлаб чиқариш методларига ҳам туб ўзгаришлар киритмади. Лекин у майда товар ишлаб чиқаришга нисбатан афзалликларга эга. О. к. к. нинг кейинги тараққиёти меҳнат тақсимотига асосланган кооперациянинг, яъни капиталистик мануфактуранинг вужудга келишига олиб келди.

ОДДИЙ КАСР — сурати махражидан кичик мусбат *каср* (мас., $^4/_5$).

ОДДИЙ МЕҲНАТ — ҳеч қандай махсус тайёргарлиги бўлмаган ходимнинг меҳнати. О. м. вақт бирлиги ичида мураккаб меҳнатга нисбатан камроқ миқдорда қиймат вужудга келтиради. О. м. нинг, мас., бир неча соати мураккаб меҳнатнинг бир соатига тенгдир.

Хусусий мулкка асосланган товар хўжалигида ҳар хил мураккаб меҳнат О. м. га айланиши стихияли тарзда, бу меҳнат турлари яратган товарларнинг қийматларини (айирбошлаш жараёнида) тенглаштириш йўли б-н юз беради. Социалистик жамият шароитида тариф системаси мураккаб меҳнат б-н О. м. сарфини планли равишда (нормативлар) ёрдамида ўлчашни кўзда тутади. Товарларни ишлаб чиқариш жараёнида мураккаб меҳнатни О. м. га келтириш қиймат қонунига асосан амалга оширилади.


ОДДИЙ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — қ. *Такрор ишлаб чиқариш*.

ОДДИЙ ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигига ва шахсий меҳнатга асосланган ишлаб чиқариш. Бунда майда товар ишлаб чиқарувчилар айирбошлаш (сотиш) учун маҳсулот тайёрлайди. Ижтимоий меҳнат тақсимоти ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши натижасида пайдо бўлди. О. т. и. ч. нинг характерли вакиллари — бошқалар меҳнатини эксплуатация қилмайдиган майда деҳқонлар ва ҳунармандлар. Ўз табиатига кўра, О. т. и. ч. икки ёқламадир. У ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигига асосланганлиги учун майда деҳқон ёки хусусий мулк эгаси ҳисобланади, шу жиҳатдан оддий товар ишлаб чиқарувчилар капиталистга яқиндир. Бошқа томондан, О. т. и. ч. шахсий меҳнатга асосланади ва товар ишлаб чиқарувчи меҳнаткаш ҳисобланади ва бу уни пролетарлар б-н яқинлаштиради.

О. т. и. ч. капиталистик товар ишлаб чиқариш б-н бир хилдир, яъни уларнинг иккаласи ҳам ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигига асосланади. Шу б-н бирга, улар ўртасида муҳим тафовут ҳам мавжуд: О. т. и. ч. ишлаб чиқарувчининг шахсий меҳнатига асосланса, капиталистик товар ишлаб чиқариш ёлланма ишчиларни эксплуатация қилишга асосланади.

О. т. и. ч. да хусусий ва ижтимоий меҳнат ўртасида зиддият мавжуд. О. т. и. ч. қиймат қонуни ҳаракати асосида ривожланади. Қиймат қонунининг стихияли ҳаракати, баҳоларнинг ўзгариб туриши ва конкуренция О. т. и. ч. нинг емирилишига, товар ишлаб чиқарувчиларни табақалашга (озчиликнинг бойишига, кўпчиликнинг қашшоқлашишига) олиб келади. Натижада буржуазия ва пролетариат вужудга келиб, капитализмни пайдо қилади, капиталистик ишлаб чиқариш усули учун асос яратади. Лекин шахсий меҳнатга асосланган товар ишлаб чиқариш бутунлай емирилмайди. Кўп мамлакатларда социалистик рев-я арафасигача товар ишлаб чиқариш сақланади ва аҳолининг кўпчилиги О. т. и. ч. б-н машғул бўлади. СССРда тарихда биринчи бўлиб В. И. Ленининг кооператив плани асосида майда товар хўжаликлари социалистик асосда қайта қурилди. Бу тадбир кўп социалистик мамлакатларда ҳам амалга оширилди.

ОДДИЙ ШАКЛЛАР (кристаллографияда) — ўзаро симметрик томонлар йиғиндисидан тузилган шакллар. О. ш. га эга бўлган кристалл томонларининг физик ва кимёвий хусусияти, катталиги ва ташқи кўриниши бир хил бўлади. Бундай шаклларга куб, октаэдр, тўғри тетраэдр ва б. киради. Кристаллографияда О. ш. нинг 47 кўриниши мавжуд бўлиб, томонларининг сони 1 дан 48 гача бўлади. Уларни ўрганиш минералларни аниқлашда муҳим аҳа-



Одесса. Денгиз вокзали.

миятга эга (яна қ. *Кристаллографик сингониялар*).

ОДЕНСЕ — Данияда-ги шаҳар ва порт. Фюн оролининг шимолий қисмида. Аҳолиси 137,3 минг киши (1971). О.— мамлакат кемасозлик саноатининг энг катта маркази. Ун-т (1964 йилдан), Х. К. *Андерсеннинг* Музей уйи, бадиий музей, тарих ва маданият музейи, «Фюн қишлоғи» музейи ва ҳ. к. лар бор.

ОДЕССА — қаҳрамон шаҳар, УССР Одесса области маркази. Совет Иттифоқининг йирик саноат, маданият, илмий ва курорт марказларидан бири. Қора денгизнинг шимоли-ғарбий соҳилидаги порт. Шоссе ва т. й. лар узели. Аҳолиси 981 минг киши (1974), шаҳар 6 р-нга бўлинган.

О. 1794 йилда Хажибей номи б-н бунёд этилган ва 1795 йили О. деб аталган. О. да тарихий воқеалар ва революцион ўтмиш б-н боғлиқ жойлар кўп (1875 йилда О. да биринчи ишчи ташкилоти —«Ишчиларнинг Жанубий Россия союзи» тузилган. 1905 йил «Потёмкин» броненосецида қўзғолон кўтарилган). Улуғ Ватан уруши йилларида шаҳар қаҳрамонлик кўрсатди. 1941 йил 16 октябрдан 1944 йил 9 апрелгача О. ни немис-румин фашист босқинчилари оккупация қилиб турдилар. Шаҳар 1944 йил 10 апрелда душмандан озод қилинди. 1942 йил 22 декабрда «Одесса мудофааси учун» медали таъсис қилинди. О. 1965 йил 8 майда Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали б-н мукофотланди.

Социалистик қурилиш йилларида О. Совет Иттифоқининг муҳим машинасозлик маркази бўлиб қолди. Станоксозлик, қ. х. машинасозлиги, трактор деталлари, оғир крансозлик, кино аппаратуралари, кема ремонти ва б. з-длар бор. Кимё саноати (нефтни қайта ишлаш, кимё-фармацевтика препаратлари ва биоген стимуляторлар, суперфосфат, пластмасса з-длари), синтетик материаллар ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Кўп тармоқли озиқ-овқат саноати маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича салмоқли ўринни эгаллайди. Жут, мўйна, мовут ф-калари, пойабзал, кўн ва тикувчилик, ёғочсозлик ва қурилиш материаллари саноати корхоналари мавжуд.

О.— йирик денгиз порти. Ҳаво линиялари О. ни СССР нинг барча йирик шаҳарлари б-н боғлайди.

О.— Антарктикада кит овлайдиган флотилия базаси.

Шаҳарда 14 олий ўқув юрти, 25 ўрта махсус ўқув юрти, 6 театр, цирк, филармония, киностудия, 5 музей бор.


ОДЕССА МУДОФААСИ (1941)— Алоҳида Приморье армияси, Одесса ҳарбий-денгиз базасининг куч ва воситалари, Қора денгиз флотининг кема, авиация ва қисмлари томонидан (5 августдан 16 октябргача) Одессани немис-фашист қўшинларидан мудофаа қилиш бўйича ўтказилган жанговар ҳаракатлар. Августнинг бошида «Жануб» немис-фашист армиялар группасининг ўнг қанотини ташкил этган 4- румин армияси Алоҳида Приморье армияси (қўмондони — генерал-лейтенант Г. Т. Сафронов, 5 октябрдан генерал-майор И. Е. Петров)ни Жанубий фронтнинг асосий кучларидан ажратиб қўйди. 5 августда Олий Бош қўмондонлик Ставкаси Жанубий фронтга Одессани «энг сўнгги имкониятгача» мудофаа қилишни буюрди, айни вақтда Қора денгиз флоти (қўмондони — вице-адмирал Ф. С. Октябрский)га ҳам шаҳарни мудофаа қилиш топширилди. 8 августда Одессада қамал ҳолати эълон қилинди. Мудофаа марралари (Одессадан 20—25 *км* узоқликда олдинги марра 10—14 *км* узоқликда асосий марра, 6—10 *км* узоқликда шаҳарни паналаш марраси ва кўча баррикадалари) қуриш бошлаб юборилди. Одессани денгиз томондан паналаш ва артиллерия мадади учун кемалар отряди тузилди («Коминтерн» крейсери, 2 эсминец, 4 кононер қайиғи, 6 тралшчик, торпеда катери ва соқчи катерлар, 2 мина тўсиғи қуювчи кема).



Душман дастлаб жангга 5 пиёдалар дивизияси, 2 отлиқ аскарлар бригадаси ва 1 моторлаштирилган бригадани ташлади. 10 августда Приморье армияси қўшинлари Одессанинг узоқ остоналарида жанг олиб бориб, сўнгра олдинги маррага чекиндилар. 13 августда душман Тилигул лиманидан шарқроқда денгиз соҳилига чиқиб олишга ва Одессани қуруқликдан батамом қамал қилишга эришди. 19 августда контр-адмирал Г. В. Жуков бошчилигида Одесса мудофаа р-ни ташкил этилди. 20 августда душман 11 пиёдалар дивизияси, 3 отлиқ аскарлар бригадаси, 1 моторлаштирилган ва 1 пиёда аскарлар бригадасини совет қўшинларининг 3 ўқчилар дивизияси ва 1 отлиқ аскарлар дивизиясига қарши ҳужумга ташлаб, шаҳарни штурм қилишга уринди. Лекин бу уриниш ҳам совет жангчилари ва шаҳар аҳолисининг қаҳрамонона мудофааси туфайли бекор кетди. 100 мингга яқин шаҳарликлар мудофаа иншоотлари қуриб, мудофаачиларга мадад бериб турди. Сентябрда душман 17 пиёда дивизияси, 2 бригадани совет қўшинларининг 4 ўқчи ва 1 отлиқ аскарлар дивизиясига қарши жангга ташлади. Лекин бу сафар ҳам шаҳарни эгаллай олмади. Мудофаанинг энг оғир даври (22 сентябрь)да Григорьевка р-нига денгиз десанти туширилди, натижада душманнинг 2 дивизияси тор-мор қилинib, шаҳардан 5—8 *км* масофагача улоқтириб ташланди. Жанубий фронтдаги умумий аҳволнинг ёмонлашганлиги ва Қримни мудофаа қилиш учун қўшинларни кучайтириш зарурияти туфайли Ставка 30 сентябрда Одесса мудофаачиларини эвакуация қилишга ижозат берди. 1—16 октябрда 86 минг солдат ва офицер, 15 минг граждан аҳоли, 462 тўп, 1158 автомашина ва б. қурол-аслаҳалар ташкилий суратда беталафот эвакуация қилинди. Одесса мудофаачилари 73 кун давомида «Жануб» немис-фашист армиялар группасининг ўнг қанот қўшинлари (300 мингдан ортиқ киши)ни олға силжитмай турдилар. О. м. да душман 160 минг кишисидан, 200 га яқин самолёт ва 100 га яқин танкидан жудо бўлди.

1942 йил 22 декабрда Одесса мудофаачиларининг қаҳрамонона кураши шарафига «Одесса мудофааси учун» медали таъсис этилди. 1965 йили Одессага қаҳрамон-шаҳар фахрий унвони берилиб, Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилди.

Ад.: Азаров И. И., Осажденная Одесса, М., 1966; Азаров И. И., Сражающая Одесса, М., 1965; Пензин К. В., Черноморской флот в обороне Одессы, М., 1956.



ОДЕССА ОБЛАСТИ — УССР таркибидаги обл. 1932 йил 27 февралда ташкил топган. Украинанинг жануби-ғарбида жойлашган. Майдони 33,3 минг *км*². Аҳолиси 2491 минг киши (1974). О. о. 26 р-нга бўлинган. 14 шаҳар ва 26 ш. т. п. бор. Маркази — Одесса қаҳрамон ш.

Табиати. О. о. нинг катта қисми Қора денгиз бўйи пасттекислигида жойлашган. Обл. шимолий қисмида Подолия қирларининг этаклари бор. Фойдали қазилмалари: гранит, гнейс, оҳактош.

Иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-раси жанубида —2°, шимолида —5°; июлники шимоли-ғарбида 21°, жанубида 23°. Йиллик ёғин 350—470 *мм*. Вегетация даври 168—200 кун. Дарёлари Қора денгиз ҳавзасига оқади. Асосий дарёлари: Дунай, Днестр (Кучурган ирмоғи б-н), Кодима ва Савранка (Жанубий Бугнинг ўнг ирмоғи). Дунай дарёсининг дельтаси ва Днестр дарёсининг кўлоб ерлари ботқоқланган. Ёзда қуриб қоладиган кичик дарёлар ҳам кўп. Областнинг йирик дарёлари кема қатновида, суғоришда ва гидроэнергия олишда катта хўжалик аҳамиятига эга. Денгиз соҳилига яқин жойларида чучук ва шўр сувли кўллар кўп.

Тупроғи, асосан, қора тупроқ. Обл. шимолида ўрмон (дуб, қора қайин, шумтол, жўка) сақланиб қолган. 25 минг *га* дан ортиқ ўрмон иҳота дарахтзорлари бор. Кемирувчилардан малла товушқон, олахуржун, юмронқозиқ, қўшоёқ, қушлардан қирон қора учрайди. Дарёлар балиқларга бой. Ондатра, қирғовул иқлимлаштирилган.

Аҳолиси. О. о. аҳолисининг 55,0% и украинлар (1970); 24,2% и руслар, 7,0% и болгарлар, 5,7% и молдаванлар, 4,9% и яҳудийлар. 1 *км*² га 74,8 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 59%. Муҳим шаҳарлари: Одесса, Измаил, Белгород-Днестровский, Ильичёвск ва Котовск. Арциз, Берёзовка, Раздельная, Ананьев каби шаҳарлар Совет ҳокимияти йилларида вужудга келган.

Хўжалиги. О. о. саноат маҳсулотининг ҳажми 1973 йилда 1940 йилдагига қараганда 8 марта ўсди. Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик, металлсозлик, озиқ-овқат, енгил ва кимё. Машинасозлик ва металлсозлик саноати тармоқлари, асосан, Одессада жойлашган бўлиб, қ. х. машиналари (асосан, плуглар), программа б-н бошқариладиган станоклар, технологик ва бошқа тарозилар, ўзи юрар ва кўтариш кранлари, киноаппаратура, электротехника аппаратураси, холодильник, кимё ва полиграфия саноатлари учун жиҳозлар ишлаб чиқаради. Одесса, Ильичёвск, Измаил, Килияда кема ремонти з-длари бор. Озиқ-овқат саноатида ялпи саноат маҳсулотининг 60% дан ортиғини Одесса беради. Енгил саноат корхоналари (тўқимачилик, жут, мовут, кўн пойабзал, тикувчилик ва б.), аксари Одессада, Татарбунари, Балта, Белгород-Днестровский, Болград шаҳарларида жойлашган.

Қурилиш материаллари саноатида темир-бетон буюмлар, цемент, ғишт, черепица, рубероид, девор плиталари, оҳак ва ҳ. к. лар ишлаб чиқарилади. Асосий марказлари: Одесса, Измаил, Белгород-Днестровский, Кодима. О. о. да чиқарилаётган саноат маҳсулотлари Совет Иттифоқининг барча р-ларига ва кўпгина хорижий мамлакатларга жўнатилади.

Кимё саноати, асосан, четдан келтирилган хом ашёда ишлайди ва суперфосфат, линолеум, бўёқ, пластмасса, полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқаради. Целлюлоза-қоғоз саноати ривожланган. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Қ .х. ялпи маҳсулотининг 61,8% и деҳқончиликдан, 38,2% и чорвачиликдан олинади. Қ. х. да ғаллачилик ва сут-гўшт чорвачилиги етакчи ўринда. 417 к-з (шундан 16 таси балиқ овлаш б-и шуғулланадиган), 101 с-з бор (1973). Экин майдони 2052 минг *га* (1973), шу жумладан ғалла экинлари 54%, техника экинлари 12%, картошка, сабзавот ва полиз экинлари 4,4%, ем-хашак экинлари 29,5%. Областнинг марказий ва жанубий қисмларида 95 минг *га* ер суғорилади, шундан 80 минг *га* ер экинзор. 1176,9 минг қорамол (шу жумладан 402,3 минг сигир), 1449,2 минг чўчқа, 1013,6 минг қўй ва эчки бор (1974). Паррандачилик ривожланган.

Т. й. 1039 *км*, автомобиль йўллари 8,7 минг *км* (1972). Денгиз транспорти катта аҳамиятга эга. Дунай дарёсида юк ташилади. О. о. терр-ясидан Шебелинка — Одесса магистрал газ қувурининг бир қисми ўтади.

Ўқув юртлари, илмий ва маданий муассасалари. 1973/74 ўқув йилида 1164 умумий таълим мактаби (407,2 минг ўқувчи), 36 ўрта махсус ўқув юрти (44,4 минг ўқувчи), 16 олий ўқув юрти (83,2 минг студент) бўлган. 1973 йилда 816 ясли-боғчада 90 минг бола тарбияланди. 8 илмий тадқиқот ин-ти, Одесса астрономия обсерваторияси ва б. илмий муассасалар бор.

1973 йилда 1263 оммавий кутубхона (13,8 млн. китоб ва журналлар), 7 музей, 6 театр, 1055 клуб, 1366 киноустановка, 26,5 минг ўринли (1000 кишига 10,8 ўрин) 237 касалхона, 10 минг врач (247 кишига 1 врач) ишлади. О. о. терр-ясида — бальнеологик, балчиқ б-и даволайдиган ва иқлимий курортлар жойлашган.

Ад.: Народное хозяйство Одесской области. Стат. сб., Одесса, 1969; Украинская ССР. Экономические районы, М., 1972.

ОДЕССА УНИВЕРСИТЕТИ, И. И. Мечников номидаги Одесса Давлат университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Тарихи 1865 йили Одессада ташкил этилган Новороссийск ун-тидан бошланади. Новороссийск ун-ти Россиядаги энг қадимги ун-тлардан бири бўлиб, Совет ҳокимияти йиллари унинг асосида бир қанча олий ўқув юртлари вужудга келди. 1933 йил ун-т қайта тикланиб, Одесса ун-ти деб атала бошланди. 1945 йилда унга И. И. Мечников номи берилган. Ун-тда тарих, филология, роман-герман филологияси, ҳуқуқ, физика, механика-математика, кимё, биология, геология-география, ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш ф-тлари; кечки, сиртқи ва тайёрлов бўлимлари, аспирантураси; 66 кафедраси, астрономия обсерваторияси, ботаника боғи, ҳисоблаш маркази, физика илмий тадқиқот ин-ти, илмий тадқиқот сектори, 7 проблема ва тармоқ лабораторияси, 4 музейи, кутубхонаси (2,8 млн. асар) бор (1974). 1973/74 ўқув йили ун-тда 11,5 минг студент таълим олди, 2,4 минг ўқитувчи ва илмий ходим, жумладан УССР ФАнинг 4 мухбир аъзоси, 59 проф. ва фан д-ри, 350 доцент ва фан канди дати ишлади. Ун-т илмий асарлар тўпламлари, ўқув қўлланмалари нашр этади. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1965).



Тол одимчи қурти капалаги.

ОДИЛ СУДЛОВ (СССРда) — давлат фаолияти шакли. Бу фаолият суд компетенциясига тегишли жиноий, гражданлик ва б. ишларнинг судда кўрилиши ва ҳал этилишидан иборат. Совет социалистик О. с. ининг вазифалари: СССРнинг ижтимоий ва давлат тузумини, социалистик хўжалик системасини ва социалистик мулкни, гражданларнинг сиёсий, меҳнат, турар жой ва б. шахсий ҳамда мулкий ҳуқуқ ва манфаатларини, шунингдек давлат муассасалари, корхоналари, к-злар, кооператив ва б. жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан, барча муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва Совет Иттифоқи граждан лари томонидан совет қонунларининг аниқ ва оғишмай бажарилишини таъминлашдан иборат. СССРда О. с. фақат суд томонидан амалга оширилади; бошқа давлат органлари ёки жамоат ташкилотлари бундай ваколатга эга эмас. Судьялар ва халқ маслаҳатчиларининг сайланиши ва ўз сайловчилари олдида ҳисобот бериши, сайловчиларнинг судьяларни ваколат муддатидан илгари чақириб олиш ҳуқуқига эгалиги, ишларнинг судда ошкора кўрилиши, судда *жамоат айбловчиси* ва *жамоат ҳимоячиси*нинг иштирок этиши ва б. совет О. с. ининг асосий принципларидир. Ҳеч ким суднинг ҳукмисиз жиноят қилганликда айбланиши мумкин эмас. СССРда О. с. қуйидаги асосларда амалга оширилади: а) суд ҳамма гражданлар учун, уларнинг ижтимоий, мулкий аҳволидан, хизмат даражасидан, қайси миллат ва ирққа мансублигидан ҳамда диний эътиқодидан қатъи назар, бир хил ва тенгдир; б) СССРнинг жиноят, гражданлик ва процессуал қонунлари ҳамма судлар учун бир хил ва мажбурийдир. Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши социалистик О. с. нинг муҳим принципи ҳисобланади. О. с. ўз фаолиятида тарбиявий вазифаларни ҳам бажаради. О. с. жиноятчига жазо бериш б-н бирга уни тузатиш ва қайта тарбиялаш мақсадини кўзлайди. Совет одил судлови судланувчига жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг характерини, жамоат учун хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини, ишнинг жавобгарликни енгиллаштирадиган ва оғирлаштирадиган ҳолатларини эътиборга олади (яна қ. *Судлов ишлари юргизишнинг ошкоралиги, Қонунчилик*).

Ад.: Тўхтахўжаев И., Совет суди — дунёда энг демократик суд, Т., 1961; Демократические основы советского социалистического правосудия, М., 1965; Совет давлат қурилиши ва ҳуқуқи асослари, [Ўқув қўлланмаси], Т., 1966; Бакиров Ф. С., СССР да суд ва прокуратура тузилиши, Т., 1971; Бакиров Ф. С., Жиноят ишларини текшириш ва судда кўриш, Т., 1974.

ОДИЛ СУДЛОВГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР — совет жиноят ҳуқуқига кўра, одил судлов органларининг социалистик қонунчилик принципига асосланган нормал фаолиятига қасддан қилинадиган хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизлик. Бу жиноятларни 2 группага бўлиш мумкин: биринчи группага — суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органларининг мансабдор шахслари томонидан айбсиз кишини била туриб жиноий жавобгарликка тортиши, қонунсиз қамаши ёки ушлаб туриши, кўрсатув беришга мажбур қилиши, адолатсиз ҳукм, ажрим ёки қарор чиқариши (УзССР ЖК, 156—159-моддалар); иккинчи группа яна 3 группачага бўлинади, биринчисига — суриштирув, тергов, прокуратура ва суд органларининг жиноятни очиш, тергаш, текшириш ва ҳал қилишдан иборат қонуний фаолиятига қарши қаратилган жиноятлар: гувоҳнинг кўрсатма беришдан бош тортиши ёки бўйин товлаши, гувоҳ ёки экспертнинг била туриб ёлғон кўрсатма, хулоса бериши, гувоҳ ёки экспертни қўрқитиш, ё сотиб олиш, суриштирув, дастлабки тергов маълумотларини ошкора қилиш, хатга олинган мулкни растрат қилиш ёки яшириш (УзССР ЖК, 160—165-моддалар); иккинчисига — суд ҳукмининг бажарилишига тўсқинлик қилувчи жиноятлар, яъни қамоқдан, сургун жойидан қочиш, бадарға қилинган жойдан ўзбошимчалик б-н қайтиш каби жиноий ҳаракатлар (УзССР ЖК, 166—168-моддалар); учинчисига — бошқа жиноятларга дахлдор бўлган, аммо, аввал келишилмаган ҳолда жиноятни яшириш, жиноят ҳақида хабар бермаслик (УзССР ЖК, 169—170-моддалар) каби жиноятлар киради.

Айрим иттифоқдош республикаларнинг ЖК ларига кўра, мансабдор шахснинг суд ҳукми ёки қарорини ижро этишдан бўйин товлаши (ОзССР, ҚозССР ва ЛитССРнинг ЖКлари), адвокатнинг ўз вазифасини сунистеъмол қилиши ва топширилган мажбуриятни бажармаслиги (АрмССР ЖК), жиноятчини қамоқхонадан ёки ушлаб турилган жойдан ғайри қонуний чиқариб юбориш ёки қочишига ёрдам бериш (ТуркмССР ЖК) ҳам О. с. қ. ж. ҳисобланади.

ОДИЛОВ — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Ленинизм қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 70 *км*. Аҳолиси 736 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Пай каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, дорихона, медпункт, ҳаммом, алоқа бўлими, трактор ва автомобиль гараж лари бор.

ОДИЛОВ Аҳмаджон (1925, Наманган обл. Поп р-ни) — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор (1965), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1965). 1950 йилдан КПСС аъзоси. Поп р-нидаги «Жамият» к-зида ҳисобчи, бухгалтер (1946—52), Охунбобоев номли к-з партия ташкилоти секретари (1952—57), Ленин номли к-з раиси (1957—74). 1974 йилдан Ленин номидаги Ленин орденли с-з директори. 1966 йилдан Ўзбекистон КП МК аъзоси. КПСС 23—25-съездлари, Ўзбекистон КП 16—19-съездлари делегати. 8—9-чақириқ СССР Олий Совети депутати. Колхозларнинг Иттифоқи Совети аъзоси (1969). 3 марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОДИЛОВ Жўрабой (1931. 5. 1, Тошкент) — инфекционист, медицина фанлари д-ри (1974). 1969 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИни тугатгач (1958), Тошкент обл. санитария-эпидемиология станциясида врач. Эпидемиолог (1958—61), Ўзбекистон ФА Улка медицинаси илмий тадқиқот ин-ти аспиранти (1961—64), 1964 йилдан Ўзбекистон Эпидемиология, микробиология ва инфекцион касалликлар илмий тадқиқот ин-тида илмий ходим, 1966 йилдан зооноз касалликлар лабораторияси мудири. «Ўзбекистонда куйдирги касаллиги» мавзунда докторлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари, асосан, дизентерия (ич буруғи), вабо, куйдирги каби юқумли касалликлар эпидемиологияси, клиникаси, диагностикаси ва давосига бағишланган. Ўзбекистонда куйдирги касаллигининг тарқалишини (1931—70) ўрганиб чиқиб, тарқалган жойлар атласини тайёрлади.



Одилов А.


ОДИЛОВ Ибодулла (1872, Бухоро — 1944, Тошкент) — хаттот, манбашунос. 1920 йилдан Бухородаги Иби Сино номидаги кутубхонада, 1930—35 йилларда Самарқанд ш. кутубхонасида, 1935 йилдан Тошкентдаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат кутубхонасида, 1943—44 йилларда ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-тида илмий ходим бўлиб ишлаган. Алишер Навоийнинг «Мезон ул-авзон», «Муҳокамат ул-луғотайн» асарларини, Аҳмад Донишнинг, С. Айний асарларини, кўпгина ахлоқий, тарихий асарларни кўчирган. Бу китоблар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик ин-тида сақланмоқда.



Одилов Ж.

ОДИЛОВ Султон (1900, Бухоро обл. Свердлов р-н Чандир қишлоғи) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1956). 1946 йилдан КПСС аъзоси. Бухоро обл. Свердлов р-нидаги «Ўзбекистон» к-зида бригадир (1931—39), ранс (1939—59). О. нинг пахтачиликни юксалтириш, ҳосилдорликни ошириш, қ. х. га техникани кенг жорий қилишда хизматлари катта. Ленин ордени, 3 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 2 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1959 йилдан шахсий пенсионер.

ОДИМЧИ ҚУРТЛАР (Geometridae) — каналакларнинг бир оиласи. Гавдаси 21—56 *мм*. Қанотлари ёйилганда 35—45 *мм*. О. қ. барглар орқасига, пўстлоқ ёриқларига, куртак учига биттадан ёки тўп-тўп қилиб 100—400 тухум қўяди. Тухумдан чиққан личинка (қурт) нинг шакли ва ранги шох-шаббаларга ўхшаш бўлади. Қуртлари 2 жуфт қорин оёқлари ёрдамида одимлаб ҳаракатланади (номи шундан). Қуртининг ривожланиши 1—2 ойча давом этиб, тупроқда, тўкилган барглар орасида ғумбакка айланади. О. қ. турли кўринишда — тухум, қурт ва ғумбак ҳолида қишлайди. 15 минг тури маълум. Шундан 1500 тури СССРда тарқалган. Урта Осиёда ўрик одимчи қурти ўрик, тол одимчи қурти тол ва тут одимчи қурти тут дарахтининг барг, куртак гулларини еб, катта зарар келтиради. Қишлайдиган тухумларга қарши баҳор ва кузда дарахтларга 5—8% ли минерал-ёғ эмульсияси, қуртларга эса заҳарли кимёвий моддалар пуркалади. Кузда мевали дарахтлар пўстлоғи юза қириб туширилади ва тўкилган барглар б-н бирга ёндирилади.



Одилов С.

ОДИНЦОВ Михаил Петрович (1921. 18. 11, Пермь обл. Полозово қишлоғи) — СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий учувчи (1967), авиация генерал-лейтенанти (1968), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944 йил 4 февраль; 1945 йил 27 июнь). 1943 йилдан КПСС аъзоси. 1938 йилдан Совет Армиясида. Пермь учувчилар мактабини (1939), В. И. Ленин номидаги Ҳарбий-сиёсий академияни (1952), Генштаб Ҳарбий академиясини (1959) тугатган. Улуғ Ватан уруши (1941—45) да Жануби-Ғарбий, Брянск, Қалинин, Воронеж, Чўл, 1- ва 2-Украина фронтларида звено ва эскадрилья командири, 155-гвардиячи штурмчи авиаполкда штурман ва командир ўринбосари бўлган. Душманнинг муҳим объектларига 215 марта жанговар парвоз қилган ва 2 самолётини уриб туширган. Урушдан сўнг Ҳарбий-Ҳаво Кучларининг масъул лавозимларида. 1967 йилдан ҳарбий округнинг авиация қўмондони. 2 марта Ленин орде-



Одинцов М. П.



Одоевский В. Ф.

ни, 9 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ОДИНЦОВО — РСФСР Москва областидаги шаҳар (1957 йилгача посёлка). Т. й. станцияси. Аҳолиси 72 минг киши (1974). Қурилиш конструкциялари ва мебель деталлари к-тлари, ўтга чидамли буюмлар, маиший кимё з-длари бор.


«ОДИССЕЯ» — *Гомер*нинг қаҳрамонлик достони. Асарда Троя жанги қаҳрамонларидан бири, подшо Одиссейнинг уруш тугагандан кейин яна 10 йил давомида ўз ватанига қайтолмасдан денгиз тўлқинларида, бегона юртларда сарсон-саргардон юриши, ниҳоят ўз ватани — Итака оролига етиб келиши ва душманларидан қасос олиши воқеалари тасвирланади. Муаллиф юнон халқининг ботирлик, ғайрат ва жасорат тушунчаларини Ахилл образида («Илиада») талқин этган бўлса, Одиссейда шу халқнинг ҳаёт бобида орттирган донишмандлиги, ақл ва заковатини мужассамлаштирди.

«О.» 12100 мисра (24 китобдан) иборат, гекзаметр шеърий ўлчовида ёзилган. Достон қадим замонлардаёқ юнон халқининг муқаддас ва мўътабар китобига айланган. Кўп тилларга таржима қилинган. Ўзбек тилида айрим парчалари Миртемир таржимасида нашр этилган.

ОДОБ (араб. *адаб* сўзининг кўплиги) — хулқ-атвор, юриш-туриш маданиятининг ташқи жиҳатини ифодалайдиган тушунча. Кишиларнинг хатти-ҳаракатида, ўзаро муносабатида (оила, меҳнат коллективи, турли маросимларда) намоён бўлади. О. негизида ахлоқнинг баъзи принцип ва нормалари, шунингдек мақсадга мувофиқлик ҳамда гўзаллик (эстетика) талаблари ётади. О. кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар б-н қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига мансуб қоидалар (мас., шарм-ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик, озодалик сингарилар)ни ўз ичига олади.

О. таълим-тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади. Совет кишиларининг О. ида коммунистик ахлоқнинг инсонпарварлик ва коллективчилик принциплари акс этади (яна қ. *Ахлоқ*).

ОДОЕВСКИЙ Владимир Фёдорович [1803. 1 (13). 8 — Москва — 1869. 27. 2 (11. 3)] — рус ёзувчиси, философ, педагог, музика танқидчиси. Ўзи тузган «Любомудрие» («Донишмандлик») жамияти деган тўгаракни бошқарган (1823—25 йиллар). Шу б-н бирга (1824—25 йилларда) «Мнемозина» альманахини нашр этди (В. К. Кюхельбекер б-н биргаликда). 1827—30 йилларда «Московский вестник» журналининг асосий арбобларидан бири. О. нинг ижтимоий фаолияти кўп қиррали: камбағаллар учун тузилган Хайр-эҳсон жамиятининг ташкилотчиларидан бири, деҳқонлар учун мўлжалланган «Сельское чтение» («Қишлоқ ўқуви») журналининг ношири бўлган, 1860 йилларда-ги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаган ва б.



Одра. Дарёнинг бир кўриниши.

О. нинг фалсафий-эстетик қарашлари зиддиятлидир. Рационализм, маърифатпарварлик ғоялари б-н тарбияланган О. га кейинчалик немис классик идеализми вакиллари, айниқса Ф. В. Шеллинг философияси ва эстетикаси кучли таъсир кўрсатди. Ўзининг бадиий ижодида маърифатпарварлар сатираси традицияларини ҳам давом эттирди. О. дидактик қасида, повестлар («Бригадир», 1833; «Княжна Мими», 1834; «Княжна Зизи», 1839) ва фантастик романлар («Импровизатор», 1833; «Сильфида», 1837; «Саламандра», 1840; «Косморама», 1840) ёзган. У бир қанча дарсликлар, педагогикадан методик қўлланмалар ва ҳ. к. муаллифи ҳамдир. О. рус классик музикашунослигининг асосчиларидан бири бўлиб, унинг асарлари рус халқ қўшиқлари, музика эстетикаси ва б. га бағишланган. Бир қанча музика асарлари ҳам ёзган.

Ас.: Русские ночи, М., 1913; Избранные педагогические сочинения, М., 1955; Повести и рассказы, М., 1959.

Ад.: Мани Ю. В., В. Ф. Одоевский и его «Русские ночи», унинг «Русская философская эстетика» китобида, М., 1969.


ОДОНТОЛОГИЯ (юнон. odus — тиш ва *...логия*) — *стоматология*нинг эски номи.

ОДОҚ (о ё қ сўзидан) — дарё ва сойлар этаги, қуйилиш ери, баъзан ўрта оқими соҳилларидаги текис пастлик ерлар. О. ларни тошқин вақтида баъзан сув босади, ер ости сувлари юза бўлиб, дарё сувининг сатҳига қараб ўзгариб туради. Тупроғи, кўпинча, шўртоб ботқоқ бўлиб, қамиш, қўға, юлғун, шўра, ажриқ б-н қопланиб ётади.


ОДРА, Одер (чех ва полякча Odra; нем. Oder) — Ғарбий Европадаги дарё. Чехословакиядаги Шарқий Судет тоғларидан бошланади, сўнгра Польша терр-ясидан оқади. О. га Нисса-Лужицка дарёси қўшилган жойдан Грифино ш. гача Польша ва ГДР ўртасида чегара вазифасини ўтайди. Болтиқ денгизининг Шчецин қўлтиғига қуйилади. Узунлиги 903 *км*, ҳавзасининг майдони 125 минг *км*² га яқин. Нисса-Лужицка дарёси қуйилган жойдан бошлаб кенг (эни 200 *м* дан зиёд) ва серсув. Қуйи қисмида 2 тармоққа бўлинган. Асосий ирмоқлари: чапдан — Бубр, Нисса-Лужицка, ўнгдан — Варта. Қор ва ёмғирдан тўйинади. Қуйилиш жойида сув сарфи ўртача 480 *м*³/*сек*, максимали 3000 *м*³/*сек*. Денгизга йилига 16 *км*³ сув келтиради. Баҳорда серсув. Қиш совуқ келган йиллари музлайди. О. нинг қуйилиш жойидан Козле ш. гача йирик кемалар қатнайди. Эльба ва Висла дарёлари б-н каналлар орқали туташган. О. бўйида Острава (Чехословакия), Ополей, Вроцлав, Шчецин (Польша), Франкфурт-Одер (ГДР) шаҳарлари жойлашган.

ОЁҚ — таянч ва ҳаракат органи. Ҳайвонларда О. нинг вужудга келиши ва тузилиши турлича бўлса ҳам, бажарадиган вазифаси ўхшаш. Кўп қилли ҳалқалиларнинг жуда содда тузилган жуфт оёғи мушакли, калта, лекин серҳаракатдир.

Хордали ҳайвонлар оёғи тоқ ва жуфт бўлади. Қуруқликда яшайдиган барча умуртқали ҳайвонларда тоқ О. бўлмайди, бироқ улар сувда яшашга ўтса, тоқ О. (сузгич қанотлар) қайта вужудга келиши мумкин (мас., ихтиозаврларда, китларда ва б.). Тоқ О. туфайли ҳайвон сувда ўз мувозанатини сақлайди, олдинга ҳаракат қилади ва, асосан, ўзини-ўзи


ОЗАРБАЙЖОН ССР, ТАБИИЙ КАРТА
Г И З И Н
Каспий денгизи
Архитектура ва тарихий ёдгорликлар
Қишлоқ хўжалиги
Қуйи Кура текислиги
Апшерон ярим ороли
Ғобустан
Шамахи
Баку
Сумгаит
Нардаран
Хырдалан
Сабунчи
Сураханы
Мардакян
Пирсагат
Зыхская
Бузовна
Хилмилинская
Кусары
Губа
Хачмас
Дивичи
Сиазань
Ленкорань
Масаллы
Ярдымлы
Ленкорань
Астара
Ярдымлы
Масаллы
Ленкорань
Астара
Ярдымлы
Масаллы
Ленкорань
Астара
Ярдымлы
Масалл

ОЗАРБАЙЖОН ССР, иқтисодий карта





Нок навлари. 1. Любимица Клаппа. 2. Пахтакор. 3. Сопга. 4. Кўзола. 5. Вильямс. 6. Лесная красавица. 7. Оливье де серр. 8. Кишеневская-2. 9. Тошкент ноки.

Нок мақоласига.



С. Норқўзиев. „Қўқон намойиш“ нақши.

Норқўзиев С. мақоласига.

бошқаради. Жуфт О. дастлаб балиқларда пайдо бўлган, у сувга шўнғиш ёки кўтарилишни бошқаради ва мувозанатни сақлайди.

Ҳар бир О. мушаклар ёрдамида ҳаракатланувчи ва бир-бири б-н туташган тоғайли ёки суякли скелетдан иборат. Қуруқликда яшайдиган умуртқали ҳайвонларнинг оёқлари 3 бўлимдан ташкил топган; О. камари б-н туташувчи елка (олдинги О. да) ёки сон (орқа О. да), билак (олдинги О. да) ёки болдир (орқа О. да) ва панжа (олдинги О. да) ёки пой (орқа О. да).

Эволюция жараёнида жуфт О. кўп ўзгаришларга учраган. Учар калтакесаклар, қушлар ва кўршапалакларда учишнинг тараққий этиши туфайли олдинги О. қанотга, денгиз калтакесаклари, китсимонлар, куракоёқли сут эмизувчиларники куракка айланган ва ҳ. к. Баъзи ҳайвонларнинг олдинги оёқлари ковлашга (кротда), айримлариники ушлашга (маймунларда) мослашган. Функционал аҳамияти камайиши сабабли бир қатор ҳолларда жуфт О. йўқ бўлиб кетган (мас., илонбалиқларнинг қорин сузгич қаноти, китсимонлар ва сиреналарнинг орқа оёқлари, оёқсиз амфибиялар ҳамда барча илонларнинг иккала жуфт оёқлари ва ҳ. к.).

О д а м д а О. сон, болдир ва панжага бўлинади. С о н г а чаноқ ва тизза бўғими, болдирга тизза ва тўпиқ бўғими, п а н ж а г а эса тўпиқ бўғимидан пастки қисм киради. Сон, болдир ва панжа парда б-н пайлар ёрдамида бир-бирига уланган. Сон битта, болдир иккита узун суякдан, панжа эса 26 та майда суякдан ташкил топган.

Оёқ панжаси кафт олди, кафт ва бармоқлардан ташкил топган. Жуда кўп пишиқ бойламлар ва кўплаб мушак пайлари б-н яхлитлашган кафт олди суяклари юқорида бўртиб чиққан гумбаз ҳосил қилади. О. панжаси бойламлари ва мушакларининг заифлашиши О. панжасининг яссиланишига сабаб бўлади.

О. п а н ж а с и н и н г я с с и л и г и д а панжа гумбази ялпайиб, текис бўлиб қолади. Бола юргунича О. панжасининг юқори ва пастки юзаси текис бўлади. Юра бошлаганидан кейин панжа мушаклари қисқариб, ҳаракат қилади, бола 2—3 ёшга тўлганда панжасининг юқори юзаси дўмбоқ, пастки юзаси кўтарилган шаклга киради. Панжа шу тариқа тўғри ривожланса, ясси бўлиб қолмайди.

О. панжасининг статик яссилиги кўпроқ учрайди, бу иш кунининг кўп қисмини оёқда тик туриб ўтказадиган кишилар (сартарошлар, сотувчилар, ўқитувчилар, новвойлар), шунингдек штангачилар, балериналарда пайдо бўлади. Семиз кишиларда ўртача вазнли кишиларга нисбатан кўпроқ учрайди. Панжа яссилана борган сари О. панжасининг суяклари, бўғимлари, бойламлари ва б. тўқималари анча ўзгариб, оғриқ пайдо қилади, натижада кишининг меҳнат қобилияти пасаяди. Касалликнинг дастлабки босқичида О. толиқади, кечқурунга бориб шишади, вақт ўтиши б-н панжа кафти оғрийди. Болдир, сон соҳасида ҳам оғриқ сезилади. Яланг оёқ юрилганда кафт санчиб оғрийди. Касаллик оғирлашганда тизза бўғимларида ва умуртқа погонасининг бел қисмида оғриқ пайдо бўлади, бемор ҳатто касбини ўзгартиришга мажбур бўлиб қолади.

Беморни ортопед врач даволайди. О. панжаси ва болдир мушакларини мустаҳкамлаш учун кунига 2 маҳал (эрталаб ва кечқурун) гимнастика буюрилади, кечқурун О. ни илиқ сувга 15—20 минут солиб ўтириш, сўнгра панжа ва болдирни бармоқдан юқорига қараб силаш, пойабзал ичига махсус патак (стелька, супинатор) солиб кийиш ёки махсус пойабзал кийиш тавсия этилади. Бу тадбирлар ёрдам бермаса, операция қилинади.

О ё қ б о ш б а р м о ғ и н и н и н г т а ш қ а р и г а қ и й ш а й и ш и, асосан, пошнаси баланд пойабзал киядиган аёлларда учрайди. Бунда гавда оғирлиги оёқ панжасининг олдинги бўлимига кўпроқ тушади; бош бармоқ бирикадиган биринчи кафт суяги оёқ панжасининг ички томонига, бош бармоқ эса ташқи томонига туртиб чиқади. Вақт ўтиши б-н бош бармоқ чиқиб кетади; кафт-фаланга бўғимида суяк ўсимта («ғурра») ҳосил бўлади; бошқа бармоқларнинг ҳам шакли ўзгариб, одам юрганида оғрийди. Биринчи кафт суягининг бошчаси соҳасида кўпинча яллиғланиш жараёни рўй беради. О. да тик туриб ишлайдиганларда баъзан О. нинг бош бармоғи қийшайиб қолади.


О. бош бармоғи қийшайишининг олдини олиш учун панжа ва бармоқларни кунига 2 маҳал силаш, ҳар куни кечқурун О. ни ювиш керак. Бош бармоқ қийшаяётганлиги сезилса, дарҳол ортопед врачга мурожаат қилиш керак. Бармоқ қийшайиб қолган бўлса, ортопедик пойабзал буюрилади, оғриқни камайтирувчи иссиқ ванна қилиш тавсия этилади; булар наф бермаса, операция қилиб даволанади.

ОЁҚ — Хоразм обл. Қўшкўпир р-ни Ўзбекён қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з территориясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 36 *км*. Аҳолиси 734 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Ғазоват каналидан сув ичади.

ОЁҚБОҒ — Хоразм обл. Урганч р-ни Ғайбу қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з территориясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 4 *км*. Аҳолиси 720 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қулобод каналидан сув ичади. К-з идораси, клуб, кутубхона, ҳаммом ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЁҚДУМЛИЛАР, а й р и д у м л и л а р (Collembola), п о д у р а л а р — бирламчи қанотсиз ҳашаротлар туркуми; кўпгина систематиклар алоҳида синфга ажратади. Танасининг узунлиги 0,2—10 *мм*. Қорин қисмидаги айрисимон ўсиғи ёрдамида сакрайди. Мўйлови 4—6 бўғимли, оғиз аппарати чўзинчоқ, кўзи содда. Териси орқали нафас олади. Тухум қўйиб, метаморфозсиз ривожланади. О. нинг тупроқда (пигментсиз қоплагичли, бўғимларга бўлинган, кўз ва сакровчи айрисимон ўсиқлари йўқ), қисман тупроқда (сакровчи айрисимон ўсиғи кам ривожланган), тўшамаларда (айрисимон ўсиғи ва кўзи яхши ривожланган), ўсимликларда (айрисимон ўсиғи, кўзи тараққий этган, танаси бўғимларга бўлинмаган, трахеяли) яшовчи формалари бор. Урмон, чўл ва яйловларда, баъзилари ғорларда, сув юзасида тарқалган. Ер юзида 1500, СССРда 50 тури бор. Ўсимлик споралари, организм қолдиқлари, ҳашаротлар ва б. б-н овқатланади. О. тупроқ ҳосил бўлишида катта аҳамиятга эга, айримлари қ. х. экинлари (асосан, дуккаклилар)га зарар келтиради.

ОЁҚЕП — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Ошоқ қорвак қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи




Оёқ. 1- расм. Оёқнинг тузилиши: 1—сон суяги; 2—болдир суяги; 3—тўпиқ; 4 — панжа суяклари.




2- расм. Оёқ кафти суягининг кўриниши: 1—нормал оёқ кафти; 2— ясси оёқ кафти.



3- расм. 1 — нормал оёқ кафтининг изи; 2 — ясси оёқ кафтининг изи.



Оёқдумлилар. *1*—энтомобриа салта. 2—энтомобриа нивалис.



«Оз бўлсин-у соз бўлсин» асарининг ўзбекча нашри.

терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп дан 15 *км*. Аҳолиси 1634 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, шоликорлик б-н шуғулланади. Полвонёп каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, алоқа бўлими, клуб, кутубхона, к-з идораси бор.

ОЁҚЕП — Хоразм обл. Гурлан р-ни Вазир қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 27 *км*. Аҳолиси 1398 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Вазирёп каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, техника ремонти устахонаси бор.

ОЁҚЕП — Хоразм обл. Гурлан р-ни Социализм қ. С. даги қишлоқ. Алишер Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 17 *км*. Аҳолиси 1106 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Хизирэлиёп ариғидан сув ичади. Ёзги кинотеатр бор.

ОЁҚЕП — Хоразм обл. Хонқа р-ни Сарипоён қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Хонқадан 9 *км*. Аҳолиси 512 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шовот каналидан сув ичади.

ОЁҚЖУРЁН — Хоразм обл. Хива р-ни Жўрён қ. С. даги қишлоқ. Беруний номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 47 *км*. Аҳолиси 558 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, богдорчилик ва полизчилик б-н шуғулланади. Полвонёп каналидан сув ичади.

ОЁҚОВА — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Ошоқорвак қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп дан 16 *км*. Аҳолиси 1539 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Полвонёп каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ОЁҚОВА — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Питнак қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Питнакдан 9 *км*. Аҳолиси 527 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Питнакарна каналидан сув ичади. К-з қорамолчилик фермаси бор.

ОЁҚОҒИТМА БОТИҒИ — Қизилқумдаги ботиқ. Қулжуқтоғнинг жанубий этаги б-н Зарафшон дарёси водийси орасида. Ботиқ юқори бўр ва палеоген даврларининг қумтош ва гилларидан тузилган. Нисбий чуқурлиги 130 *м* дан ортиқ. Жануби-шарқдан шимоли-ғарбга томон 38 *км* масофага чўзилган. О. б. нинг туби ясси, эол қумлари, тақирлар ва шўрхоклар б-н қопланган. Ботиқнинг тектоник ёриқларидан мезозой ва кайнозой ётқизиқларининг қатламларидан ер ости шўр сувлари (1 *л* сувда 1,6—12,5 *г* туз) чиқиб туради. Бу сувларнинг буғланиши натижасида шўрхоклар вужудга келган. Чучук ер ости сувлари ҳам мавжуд, ҳозир яйловларни ер ости сувлари б-н таъминлаш чоралари кўрилмоқда. О. б. да бурган, қўнғирбош, ранг, саксовул, шўрхокларда сарисазан, қорабароқ, юлғун ўсади. Артезиан сувлари ҳисобига кичик майдонларда деҳқончилик қилинади.

ОЁҚСИЗ АМФИБИЯЛАР (Apoda ёки Gymnophiona) — сувда ва қуруқда яшовчиларнинг бир туркуми. Битта червяга ойласи (Caeciliidae) бор. 20 тача уруғи (70 тури) маълум. Африка, Осиё ва Американинг тропик мамлакатларида тарқалган. Асосан, ер остида, баъзилари сувда яшайди. Узунлиги 38—100 *см*, тузилиши ер остида ҳаёт кечиришга ва ерни ковлашга мослашган. Танаси чувалчангсимон, оёқсиз, кўндаланг ҳалқаларга бўлинган. Туйғу, ҳид билиш органлари яхши, кўзи, эшитиш органи ёмон ривожланган. Эркагининг клоакаси бўртиб чиқиб, копулятив (қўшилиш) орган вазифасини ҳам бажаради. Қуруқликдаги О. а. тухум қўйиб, сувдагилари тирик туғиб кўпаяди. Чувалчанглар ва б. майда умуртқасизлар б-н овқатланади.



Оёқсиз амфибия.

ОЁҚЧИ — ҚҚАССР Амударё р-ни Максим Горький овул Советидаги қишлоқ. Крупская номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошҳовуздан 16 *км*. Аҳолиси 946 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Амударёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт ва кутубхона бор.

ОЁҚҚИШЛОҚ — Хоразм обл. Қўшкўпир р-ни Узбекёп қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 37 *км*. Аҳолиси 686 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Полвонёп каналидан сув ичади.

ОЁҚҚУДУҚ — Бухоро обл. Томди р-ни Оёққудуқ қ. С. даги қишлоқ. «Оёққудуқ» с-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Қорақотадан 85 *км*. Аҳолиси 1344 киши (1971); чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона, клуб, 2 кутубхона, с-з ва қ. С. идоралари, дорихона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЖЕШКО Элиза (1841. 6. 6 — Гродно — 1910. 18. 5) — поляк адибаси, танқидий реализм адабиётининг намояндаси. Йирик мулкдор оиласида туғилган. Демократик қарашларининг шаклланишида 1863 йилги поляк қўзғолонининг роли катта. Помешчиклар зулми остидаги деҳқонларнинг оғир ҳаёти, ишчиларнинг машаққатли меҳнати О. ижодининг асосий йўналишини ташкил этди. «Пан Граба» (1869), «Вацлава кундалиги» (1870), «Марта» (1873) романлари, «Ўн тўртинчи қисм» повести ва қатор ҳикояларида мамлакатнинг ижтимоий қиёфасини гавдалантирди. Қишлоқлардаги мураккаб ижтимоий муносабатлар адибанинг бадиий етук «Неман устида» романи (1887) да ўз ифодасини топди. О. «Аргонавтлар» романи (1889)да буржуазия жамияти иллатларини фош этди. Адибанинг «Марта» романи ўзбек тилига таржима қилинган (1965).

Ас.: Соч., т. 1—5, М., 1953—54.

ОЖИЗА (тахаллуси; тўлиқ номи Анабиби Отажонова, 1901 — Хива — 1952) — ўзбек шоираси. Санъатга қизиқиб, 13 ёшидан Машраб, Огаҳий ва Аваз шеърларини куйлаган. Кўзи ожизлиги сабабли халқ орасида «Анабиби қори» деб юритилган. Кейинчалик ўзи шеърлар тўқиб, куйга солган ва ижро этган. О. нинг тарбиясида Назир халфа, Уллибиби каби кўпгина хушовоз ашулачи ва раққосалар етишган. Шоира ўзининг «Келмади-келмади», «Тунугун», «Қайси боғдан олдингиз?», «Тар ғунча» ва «Уёламан» каби қатор лирик шеърларида ишқ-муҳаббатни улуғлайди.

«ОЗ БЎЛСИН-У СОЗ БЎЛСИН» — В. И. Ленин асари. 1923 йил бошларида ёзилган. Уша йили 4 мартда «Правда» газетасида эълон қилинган.

В. И. Ленин бу асарда Совет давлати аппаратини такомиллаштириш ва уни яхшилаш чораларини кўришга алоҳида эътибор берди. Бу ишга илгор ишчи ва деҳқонларни, маълумотли кадрларни жалб қилиш, совет муассасаларидан бюрократ ва б. ёт элементларни ҳайдаб чиқаришни таклиф қилди. В. И. Ленин давлат аппаратини такомиллаштиришни ундаги ходимларнинг маданий жиҳатдан ўсганлиги б-н белгилади. У меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш, фан ютуқларини кундалик тажрибага жорий қилишга чақирди. В. И. Ленин давлат аппарати ишини такомиллаштириш ва яхшилашда партия ҳамда Советларнинг юқоридан қуйигача бўлган контролини ташкил қилишга катта аҳамият берди. У партия ва совет контроль муассасаларини ўзига хос бир йўсинда бирлашувини илгари сурди. Бу контроль органларининг обрўси ва ҳаққонийлигини оширар, уларнинг ишида партия раҳбарлигини яхшилар, партия б-н меҳнаткашлар алоқасини кучайтирар, давлатни бошқаришда меҳнаткашлар иштирокини кенгайтирар эди. Шу б-н бирга, В. И. Ленин партия ва совет контролининг бирлашган ходимлари юксак онгли, принципиал бўлиши ҳамда давлат қурилиши назарияси ва практикасини яхши билиши керак, деб таъкидлади. В. И. Ленин давлат аппаратини такомиллаштиришда Ишчи-Деҳқон Инспекциясининг ролига катта аҳамият бериб, у ишни оз бўлсин-у, унинг сифати соз бўлсин, деган қонда асосида ташкил қилиши керак, деди. Асарда социализм қурилишида ишчилар синфининг ҳал қилувчи роли, ишчилар синфи б-н деҳқонлар иттифоқининг мустаҳкамланиб бориши яна бир бор таъкидланди. В. И. Ленин социалистик рев-я истиқболлари, социализмнинг узил-кесил ғалабаси ҳақида назарий хулосалар чиқарди. У шундай деб ёзади: «Курашнинг оқибати, пировардида, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва ҳоказоларнинг аҳолининг гигант кўпчилигини ташкил этганлигига боғлиқдир. Сўнгги йилларда аҳолининг худди мана шу кўпчилиги ўз озодлиги учун курашга жуда ҳам тез тортилмоқда, шунинг учун бу жиҳатдан қараган вақтда жаҳон миқёсидаги курашнинг қандай узил-кесил ҳал бўлиши тўғрисида ҳеч бир шубҳаланиш мумкин эмас. Мана шу жиҳатдан социализмнинг узил-кесил ғалабаси тўла равишда ва шак-шубҳасиз таъминлангандир» (Ас., 33-т., 524-б.).

КПСС ва Совет давлати ўз фаолиятида В. И. Ленининг бу асаридаги кўрсатмаларига амал қилиб келмоқда.

ОЗ КОМПЛЕКТЛИ МАКТАБ — ўқувчилар контингенти унча кўп бўлмаган (100 тагача ўқувчили) параллел синфларсиз ўрта, саккиз йиллик, бошланғич умумий таълим мактаби. Аҳоли кам яшайдиган жойларда умумий мажбурий таълимни амалга ошириш учун ташкил қилинади. СССРда О. к. м. барча умумий таълим мактаблари учун ягона бўлган ўқув программаси ва плани асосида иш олиб боради. Бошланғич О. к. м. лар 1—3 комплектли бўлиши мумкин. *Бир комплектли мактабда* битта ўқитувчи айни вақтда (бир хонада) бир нечта синф б-н ишлайди. Икки комплектли мактабда 2 ўқитувчи бўлиб, ҳар бир ўқитувчи айни вақтда 2 тадан синфда дарс беради; уч комплектли мактабда 3 ўқитувчидан биттаси 2 синфда, иккитаси биттадан синфда дарс олиб боради. О. к. м. ларнинг 4—10-синфларида дарслар ҳар бир синфда алоҳида ўтказилади. О. к. м. кўпчилик мамлакатларда мавжуд.

ОЗАР (тахаллуси; тўлиқ номи Лутфалибек Оғоҳон Бегдилий ўғли, 1722—1780) — шоир ва адабиётшунос. Эроннинг Қум, Шероз ва Исфаҳон шаҳарларида яшаб, форс тилида ижод этган. Замондоши шоир Мир Сайид Али Муштоқ таъсирида шеърлар ёзган. «Вола», «Нагҳат» тахаллуслари б-н ҳам асарлар яратган. Шеърлар девони мавжуд. «Юсуф ва Зулайхо», «Дафтари нўҳ осмон» каби достон ва тазкиралар муаллифи. Машҳур асарларидан бири «Оташкада» (1779) 2 китобдан иборат бўлиб, унда 10—18-асрларда Эрон, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонда яшаб ижод этган 842 шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган, уларнинг асарларидан намуналар келтирилган. «Оташкада» бир неча марта чоп этилган.

ОЗАРБАЙЖОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ (Азербайжан Совет Социалист Республикаси), Озарбайжон — 1920 йил 28 апрелда ташкил топган. 1922 йил 12 мартдан 1936 йил 5 декабргача Закавказье федерацияси таркибида; 1936 йил 5 декабрдан бевосита СССР таркибига кирди. Закавказьенинг жануби-шарқий қисмида жойлашган. Шимолда РСФСР (Дағистон АССР), шимолғарбда ГрузССР, ғарбда ва жануби-ғарбда АрмССР ва Туркия, жанубда Эрон б-н чегарадош. Шарқда Каспий денгизи б-н ўралган. Майдони Каспий денгизи ороллари б-н бирга 86,6 минг *км*². Аҳолиси 5606,9 минг киши (1975). Пойтахти — Боку ш. ОзССР таркибига Нахичеван АССР ва Тоғли Қорабоғ АО киради. Республикада 61 р-н, 60 ш., 122 ш. т. п. бор. (144—145 бетдаги картага қ.).


Давлат тузуми. ОзССР — ишчи ва деҳқонларнинг социалистик давлати. СССР таркибидаги иттифоқдош Совет Социалистик Республикаси. Амалдаги конституцияси 1937 йил 14 мартда Бутун Озарбайжон Советларининг Фавқулодда 9-съездида қабул қилинган. Давлат ҳокимиятининг олий органи — 4 йилга (12,5 минг аҳолидан бир депутат) сайланадиган бир палатали Олий Совет. Олий Совет сессиялари ўртасидаги даврда давлат ҳокимиятининг олий органи — ОзССР Олий Совети Президиуми. Олий Совет республика ҳукумати — Министрлар Советини тузади, қонунлар қабул қилади. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари — 2 йил муддат б-н сайланадиган меҳнаткашлар депутатларининг р-н, шаҳар, посёлка ва қишлоқ, шунингдек Тоғли Қорабоғ АО Советлари. СССР Олий Советининг Миллатлар Советига О. дан 32 депутат сайланади.

О. юқори суд органи — Олий Совет томонидан 5 йилга сайланадиган республика Олий суди. Олий суд 2 суд коллегияси ва Пленумдан иборат. ОзССР Прокурорини СССР Бош прокурори 5 йилга тайинлайди.

ОзССР байрогини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Табиати. О. нинг асосий қисми Катта Кавказ ва Кичик Кавказ тоғлари жануби-шарқий қисмларида, шунингдек Талиш тоғлари орасида жойлашган. Каспий денгизи қирғоқлари кам ўйилган. Қирғоқ узунлиги 800 *км*. Йирик я. о. лари: Апшерон, Кура қум тили, Сара; қўлтиқлари: Апшерон, Киров (Қизилоғоч), Боку қўлтиқчаси; йирик ороллари: Артём ва Жилой.

Рельефи. О. нинг деярли ½ терр-яси тоғлик. О. да Кавказ тоғлари жануби-шарқий




1. Гўк-гўл кўли. 2. Кировобод қуриқхонасида.

қисмининг 3 йирик тизмаси: шимолда Катта Қавказ, жануби-ғарбда Қичик Қавказ ва улар орасида Кура ботиғи жойлашган. Чекка жанубий-шарқда Талиш тоғлари, жанубда Ўрта Аракс сойлиги ва унинг шимолий тармоғи бор.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. О. терр-яси Альп геосинклиналь обл. Қавказ сегментининг шарқида жойлашган. Асосан юра, бўр, палеоген, неоген ва антропоген даврларининг чўкинди жинсларидан тузилган бўлиб, энг характерлиси ўрта юранинг гилли-сланец қатламларидир. О. нинг жанубий қисмида Қичик Қавказ тоғлари жойлашган бўлиб, асосан, ўрта юранинг вулкан жинсларидан ташкил топган.

Апшерон я. о., Апшерон ва Боку архипелагларида нефть ва газ конлари ҳамда Дашкесан темир рудаси, Заглик алунит конлари, Нафталанда шифобахш нефть манбалари бор. Молибден, тоштуз конлари ишга тушган. 200 дан ортиқ балчиқ вулканлари бор. О. да минерал булоқлар кўп.

Иқлими. О., асосан, субтропик зонада. О. терр-ясида бир неча иқлим типларини (қуруқ ва нам субтропикдан тоғ тундра иқлимигача) учратиш мумкин. Июлнинг ўртача т-раси пасттекисликларда 25—27° (Нахичеван сойлигида ундан юқори). Ёз пасттекисликларда қуруқ. Январнинг ўртача т-раси пасттекисликларда 0+3°, тоғларда —3 дан —10° гача. Абс. максимум 40, 43°; абс. минимум —30°. Ёғинчочин жуда ҳам нотекис тақсимланган. Йиллик ёғин 200 *мм* дан 1800 *мм* гача. Қавказнинг республиканинг шимоли-ғарбидан жанубий-шарқига қараб оқади ва Каспий денгизига қуйилади. Қуранинг асосий ирмоғи Аракс.



Ордубад шаҳри атрофининг кўриниши.

Тупроқлари кул ранг-ўтлоқ, шўрхок, кул ранг-қўнғир, жигар ранг, каштан, тоғ-каштан тупроқлар ва б.

Ўсимликлари. О. да шувоқ-шувоқчалов, чалачўл, қуруқ дашт ўсимликлари ўсади. Урмон майдони 1146 минг *га*. 2200—2500 *м* баландликларда субальп ва альп ўтлоқлари бор.

Ҳайвонот дунёси бой: судралиб юрувчилар, ҳар хил кемирувчилар, ёввойи чўчқа, нутрия, енотсимон ит, жайран, леопард, айиқ, қоплон, тустовуқ, каклик, ғоз ва ўрдак яшайди. Каспий денгизи ва Кура дарёси балиқ турига бой. Закатали, Турианчай, Элдор, Ширвон ва Қизилоғочда қўриқхоналар бор.

Табиий р-нлари: Катта Кавказнинг жануби-шарқий қисми; Кичик Кавказнинг жанубий-шарқий қисми; Кура ботиғи; Талиш ва Нахичеван р-нлари.

Аҳолиси, асосан, озарбайжонлар (73,8%); руслар, арманлар кўпчиликни ташкил қилади. О.нинг шимолий қисмида кавказ тиллари оиласида сўзлашувчи халқлар — лезгинлар, аварлар, удинлар, цахурлар ва б. яшайди. 1 *км*² га ўртача 64,7 киши тўғри келади (1975). Йирик шаҳарлари: Боку ва Кировобод. Совет ҳокимияти йилларида барпо этилган шаҳарлар: Сумгаит, Мингечаур, Алибайрамли, Степанакерт, Дашкесан.

Тарихи. О. да аҳоли *палеолит* давридаёқ ўтроқлашган. Мил. ав. 1-минг йилликнинг 1-ярмида ибтидоий жамият емирилиб, хусусий мулкчиликнинг ривожланишига шарт-шароит яратилди, бу ўз навбатида синфлар ва давлатнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Мил. ав. 9-асрда Мана подшолиги вужудга келди. Унда хўжалик ва маданият маълум даражада ривожланди. Мил. ав. 7-асрнинг тахм. 70-йилларида О. терр-ясида ва қўшни мамлакатларда янги Мидия давлати ташкил топди. Мил. ав. 6-аср ўрталарида у *Ахоманийлар* қўлига ўтди. Ахоманийлар давлати Александр Македонский қўшинлари томонидан тор-мор этилгач, *Атропатена* давлати вужудга келди (мил. ав. 4-аср охири).

Ҳозирги ОзССР ва Жанубий Доғистон терр-ясида милод бошларида Албания давлати вужудга келди (қ. *Кавказ Албанияси*).

3—5-асрларда О. да феодал муносабатлар, асосан, шаклланиб бўлди. О. ни босқинчилар кўп марта талади. Аҳолининг босқинчиларга қарши курашининг аксарияти феодал тузумга қаршилик ҳаракати б-н боғланиб кетарди. Хусусан, 5-аср охири — 6-аср бошларида Эрондан тарқалган *маздакийлар ҳаракати* машҳур. 8-аср бошларида О. Араб халифалиги қўл остига ўтди, О. да ислом дини тарқалди. Халқ оммаси икки томонлама зулмга қарши бир неча бор бош кўтарди (қ. *Бобак қўзғолони, Хуррамийлар*).

9-асрнинг 2-ярми ва 10-асрнинг 1-ярмида О. да бир қатор феодал давлатлар вужудга келади.

11-аср ўрталарида О. га *Салжуқийлар* сулоласи раҳбарлик қилган турк қабилалари (*ўғузлар* ва б.) бостириб кирди. Бу даврда туб аҳолининг аҳволи ёмонлашди. 12-асрда Салжуқийлар мавқеининг пасайиши ва Ширвоншоҳлар, Қасроний лар ва Элдегизийлар подшолиги ривож топиши б-н ҳунармандлик, деҳқончилик, савдо тараққий этди. Шу даврда О. ва жаҳон маданияти ривожига салмоқли ҳисса қўшган Маккий ибн Аҳмад, *Баҳманёр*, Хотиб Табризий, *Ҳоқоний*, *Низомий Ганжавий*, *Маҳасти* ва бошқалар етишиб чиқдилар. О. халқи маданиятининг дурдоналари — Қусаир ўғли Юсуф мақбараси, Мўмина Хотин мақбараси ва Қизқалъа каби ажойиб тарихий ёдгорликлар айни шу даврда яратилган.

13-асрнинг 30-йилларида О. га мўғул-татар босқинчилари, 14-аср охирида Темур аскарлари бостириб кирди. 14—15-асрларда Ширвоншоҳлар подшолиги кучайди. *Қоракўюнлилар* ва *Оққўюнлилар* деб аталган янги давлатлар пайдо бўлди. Савдо ўсди. О. бошқа мамлакатлар б-н савдо қилишда ўзининг ипак маҳсулоти б-н машҳур бўлди. Россия б-н савдо-иқтисодий, дипломатик алоқалар мустаҳкамланди. *Сафавийлар* давлати (16-аср) даврида О. халқ хўжалиги ва маданиятида яна юксалиш рўй берди.

Шоҳ *Аббос* I (1587—1629 йилларда давлатни бошқарган) давлат марказини О. дан Эрон ичкариси — *Исфаҳон*га кўчириши натижасида О. Эрон давлатининг чекка вилоятига айланиб қолди. Халқ босқинчилар ва маҳаллий феодаллар зулмиостида эзилди. Чет эл босқинчиларига ва маҳаллий феодалларга қарши деҳқонлар қўзғолонига бошчилик қилган халқ қаҳрамони Кўрўғлининг номи ана шу вақтлардан маълум. 18-аср бошларида О. ва Закавказье учун Эрон б-н Туркия ўртасидаги кураш кучайди. Эрон ва Туркия босқинчиларига қарши норозилик халқ, айниқса, шаҳар аҳолиси орасида Россиядан мадад олиш истагини туғдирди.

Закавказьенинг бир қатор давлат арбоблари Эрон ва Туркиянинг доимий зулмидан қутулиш чорасини Россия б-н бирлашишда кўрардилар. 1803—05 йилларда Қорабоғ ва Шеки хонликлари тинч йўл б-н Россияга қўшилди. Рус аскарларининг Ганжа шаҳрини ишғол қилиши натижасида (1803) Ганжа хонлиги, рус-эрон уруши (1804—13) давомида Куба, Боку ва Талиш хонликлари ҳам Россияга ўтди. 1813 йилги Гулистон битимига кўра, Эрон жанубий О. даги хонликларни ўз қўлида қолдириб, Шарқий Грузия ва Доғистонга бўлган даъвосидан воз кечди. Рус-эрон урушидан кейин (1826—28) Нахичеван хонлиги, Ордубад округи ва б. терр-ялар руслар қўлига ўтди.

Подшо Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарамасдан бу давр О. халқи тарихида кескин бурилиш даври бўлди. Илғор рус маданияти ва революцион-демократик ғоялар таъсири кучайди. 1883 йилда Тбилисидан Бокугача т. й. қурилди, 1900 йилда Закавказье т. й. Умум Россия т. й. лари тармоғига қўшилди. Денгиз орқали савдо ривожланди. Боку йирик савдо ва Каспий денгизи ҳавзасида йирик порт шаҳрига айланди. Нефть ишлаб чиқариш ривожланди. Дастлабки йирик корхоналар вужудга келди. 1901 йили Боку жаҳон нефтининг 50% га яқинини ишлаб чиқарарди. Кедабекда мис эритиш саноати, Шекида пиллакашлик саноати, балиқчилик ва б. тармоқлар ривожланди. Бундай тараққиёт ўз навбатида янги синф — буржуазия ва пролетариатни вужудга келтирди. О. пролетариати Россия ишчилар синфининг ажралмас қисми сифатида шаклланди ва мустаҳкамланди, Умум Россия ишчилар ҳаракатида бевосита иштирок этди, иш ташлашлар, стачкалар уюштирди. Бокудаги социал-демократлар «Искра» газетаси ва В. И. Ленин б-н мустаҳкам алоқа ўрнатган эдилар. 1900—03 йилги иқтисодий кризис бу ерда ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Нефть ишлаб чиқариш кескин камайди, синфий кураш кучайди. Боку пролетариатининг революцион кураши (1903—04) кенг қулоч ёйди. Ҳатто рев-яининг чекиниш даври (1908) да ҳам Боку ўзининг стачкалар да қатнашувчиларининг сони кўплиги (47 минг) б-н ажралиб турарди.

1913—14 йиллардаги Бокудаги умумий стачкалар ва Закавказьедаги революцион курашларни М. А. *Азизбеков*, П. А. *Жапаридзе*, Н. Н. *Наримонов*, Г. К. *Оржоникидзе*, С. С. *Спандарян*, И. В. *Сталин*, И. Т. *Фиолетов*, С. Г. *Шаумян* каби большевистик партиянинг таниқли арбоблари бошқардилар. Большевикларнинг Боку комитетида турли даврда тузилган социал-демократ группалар («Гуммет», «Форуқ», «Бирлик» ва б.) меҳнаткашлар ўртасида революцион иш олиб борди.

1917 йил Февраль рев-яси ғалабасидан сўнг, Россиянинг барча жойида бўлгани каби, О. да ҳам икки ҳокимиятчилик пайдо бўлди: бир томондан Муваққат ҳукуматнинг маҳаллий органи, иккинчи томондан С. Г. Шаумян раислигида 1917 йил 6 мартда тузилган Ишчи депутатлар совети ҳукмронлик қилди.

1917 йил 31 октябр (13 ноябрь)да Бокуда Совет ҳокимияти ўрнатилди. Нефть саноати, банклар, Каспий савдо флотини мусодара қилиш, бек ва хонларга қарашли ерларни деҳқонларга бўлиб бериш ҳақида декретлар қабул қилинди ва б. тадбирлар амалга оширилди. Бироқ 1918 йил ёзида аҳвол ниҳоятда оғирлашди (қ. *СССР да чет эл ҳарбий интервенцияси ва гражданлар уруши*). 1918 йилда турк қўшинлари О. га бостириб кирди. 1918 йил 31 июлда О. да Совет ҳукумати вақтинча мағлубиятга учради. 26 *Боку комиссарлари* душман томонидан ваҳшийларча ўлдирилди. 1918—19 йилларда Боку гоҳ турклар, гоҳ инглизлар қўлига ўтиб турди. Чет эл босқинчилари кўмагида *мусоватчилар* буржуа ҳокимиятини тикладилар. О. большевиклари яширин иш олиб боришга мажбур бўлди. О. ва бутун Закавказье халқларига ёрдам кўрсатиш учун 1919 йил 16 январда Миллий ишлар халқ комиссариатида С. М. Афанднев раислигида Закавказье мусулмонлари иши бўйича бўлим таъсис этилди. РКП(б) МҚ ва РСФСР ХКС Боку партия ташкилотлари б-н яқин алоқа ўрнатди. 1919 йил майида Г. Қ. Оржоникидзе Бокуга келди. Меҳнаткаш халқ большевиклар раҳбарлигида Совет ҳокимиятини тиклаш учун тинмай курашди. 1920 йил 27 апрелдан 28 апрелга ўтар кечаси қуролли қўзғолон кўтарилиб, эски тузум ағдарилди. Бутун ҳокимиятни қўлига олган О. революцион комитети О. Совет Социалистик Республикасини эълон қилди.



Қоятош суратлари (Қўбистон).

О. да Совет ҳокимияти тикланиб ОзССР ташкил топгач, социализм қуриш учун кураш бошланди. 1921 йил 19 май куни О. Советининг 1-съездида ОзССРнинг биринчи конституцияси қабул қилинди. О. Компартияси партиянинг ленинча миллий сиёсатини амалга ошириш, Закавказье халқлари ўртасида қардошлик иттифоқини мустаҳкамлаш учун курашди. 1922 йил 12 мартда О., Арманистон ва Грузия ўртасида федератив иттифоқ тузиш ҳақида шартнома тузилди. 1922 йил 30 декабрида ОзССР ЗСФСР таркибида ССР Иттифоқига кирди. 1936 йилдан О. иттифоқдош социалистик республика ҳуқуқи б-н бевосита СССР таркибига ўтди. 1937 йил 14 мартда ОзССРнинг янги конституцияси қабул қилинди.

Биринчи беш йиллик топшириғини 2,5 йилда бажарган О. нефть саноати Ленин ордени б-н мукофотланди (1931). О. бу вақтда СССР да ишлаб чиқариладиган нефтнинг 60% ини етказиб берар эди. Саноатнинг янги тармоқлари барпо этилди; йирик корхоналар қурилди.

1940 йилда нефть ишлаб чиқариш 1913 йилга нисбатан қарийб 3 баробар, бензин — 39 баробар ошган; саноат маҳсулоти 6 марта кўпайган. 1940 йилга келиб қишлоқларда деҳқон хўжалигининг 99% и коллективлаштирилди; янги каналлар ва ирригация шохобчалари қурилди. О. СССРнинг Грузиядан кейинги 2- чой базаси бўлиб қолди. Саводсизлик тугатилди, миллий кадрлар етишиб чиқди. О. да социализм ғалаба қилди. Республика ўзининг 15 йиллиги байрами кунида (1935 йил 15 март) Ленин ордени б-н тақдирланди.

Улуғ Ватан уруши йилларида О. халқи бутун Совет халқи қаторида Ватан мудофаасига турди. Ватан учун бўлган жанглардаги кўрсатган жасорати учун 20 мингдан ортиқ озарбайжон ўғил-қизи орден ва медаллар б-н мукофотланди, 100 дан ортиқ О. лик жангчи (шу жумладан 40 дан ортиғи озарбайжон фарзанди) Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олишга муяссар бўлди. Боку р-ни уруш йиллари мамлакат ишлаб чиқарган нефтнинг 70% ини етказиб бериб турди.

Улуғ Ватан урушидан кейин озарбайжон халқи социалистик қурилишни тугаллаш ва коммунистик қурилиш йўлида тинч меҳнат қилиш даврига кирди. Республика хўжалиги ва маданиятини ривожлантириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Жумладан, Сумгаит, Мингечаур, Дашкесан каби янги саноат марказлари барпо этилди; Боку — Тбилиси — Ереван («Дўстлик трассаси») газ қувури қурилди.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда ва маданий қурилишларда эришган ютуқлари учун ОзССР 1964 йили 2- марта Ленин ордени, республикада Совет ҳокимияти ўрнатилиши ва О. Компартиясининг 50 йиллиги муносабати б-н 1970 йили Октябрь Революцияси ордени, ССР Иттифоқининг 50 йиллиги байрами муносабати б-н 1972 йили Халқлар Дўстлиги ордени б-н мукофотланди.

О. Коммунистик партияси — КПСС нинг таркибий қисми. Дастлабки революцион тўгараклар 19- асрнинг 90- йилларида Бокуда вужудга келган. 1901 йили биринчи Боку социал-демократлар комитети тузилди. 1903 йил мартда Тбилисида Қавказ социал-демократик ташкилотларининг 1- съездида РСДРП Қавказ иттифоқи комитети бошчилигида РСДРП Қавказ иттифоқи ташкил топди. Съезддан сўнг Боку партия ташкилоти большевиклар тарафига ўтди. Биринчи жаҳон уруши йилларида О. большевиклари РСДРП 6- Умум Россия (Прага) конференциясини тайёрлаш ва ўтказишда, «Правда» газетасини чоп этишда ва тарқатишда актив қатнашди, 1913—14 йиллардаги Умум Россия аҳамиятига эга бўлган Боку пролетариатининг ялпи стачкасини уюштирди. 1917 йил 25 июнда большевикларнинг Умум Боку конференцияси РСДРП(б) Боку комитетини сайлади. 1917 йил ноябрда большевиклар Боку советида ўз позициясини мустаҳкамлаб раҳбарликни (ижроия комитетини) ўз қўлига олди. Улар 1918 йили Боку ХКСни бошқарди ва О. да биринчи социалистик ўзгаришларни амалга оширди. 1918 йил июлда ички контрреволюция ва чет эл интервентларининг бирлашган кучи Бокудаги Совет ҳукуматини вақтинча мағлубиятга учратди. Партия ташкилоти яширин ҳолатга ўтди.

1920 йил 11—12 февралда Бокуда яширин ўтказилган О. коммунистик ташкилотларининг 1- съездида барча коммунистик ташкилотлар Озарбайжон Коммунистик (большевиклар) партияси [ОКП(б)] га бирлашди. Съездда қуролли қўзғолонга тайёргарлик масаласи кўрилди. 1920- йил апрелда О. да Совет ҳокимияти ўрнатилди.

Совет ҳокимияти йилларида ОКП(б) халқ хўжалигини қайта тиклаш, социалистик экономика асосларини яратишда республика меҳнаткашларига раҳбарлик қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида О. коммунистлари фронтларда, фронт ортида қаҳрамонларча курашдилар. Урушдан кейинги йилларда О. Компартияси республика меҳнаткашларининг халқ хўжалиги ва маданиятни янада ривожлантиришларига раҳбарлик қилди. О. Компартияси республика меҳнаткашларини коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга сафарбар этмоқда.

1920—1976 йилларда О. Компартиясининг 29 съезди бўлиб ўтди. О. да 1920 йили 4000 коммунист бор эди, 1975 йилга келиб уларнинг сони 280509 га етди. О. да 8432 та бошланғич партия ташкилоти бор (1975).

О. Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи — ВЛКСМнинг таркибий қисми. Дастлабки ёшлар ташкилотлари 1903—07 йилларда Боку ва б. шаҳарларда ташкил топган. РСДРП(б) 6- съезднинг «Ёшлар союзи ҳақида»ги қарорларига биноан 1917 йил августда Боку партия комитети ишчи ва ўқувчи ёшлар ташкилотини тузди. 1917 йил кузида босмахона ишчилари орасида революцион ёшлар группалари ташкил топди. 1918 йил январда бу икки группа Боку ва унинг атрофидаги ишчи ёшлар Интернационал союзига қўшилди. Қейинчалик улар О. ЛКСМ негизига айланди. 1919 йил 11 июнда «Ёш ишчи» газетасининг биринчи сони рус тилида, 1919 йил 27 окт. да озарбайжон тилида чиқди. 1919 йил сент. да Бокуда О., Арманистон, Грузия ёшлар коммунистик союзларининг 1- Закавказье конференцияси бўлиб ўтди. Закавказье комитети раҳбарлигида улар Бутун Россия Ёшлар Коммунистик Союзининг Закавказье обл. ташкилотига бирлашди. 1920 йил 16—19 июлда О. Ёшлар союзининг 1- съезди бўлиб ўтди. Съездда 300 дан зиёд делегат қатнашди, Республика ёшлар ташкилоти О. Коммунистик Ёшлар Союзи деб номланди. 5- съезд (1924) дан бошлаб Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи деб аталди.



1. «Нефтяные камни». Эстакаданинг бир қисми. 2. Янги Боку нефтни қайта ишлаш заводи.

О. комсомоллари халқ хўжалигини тиклашда, социалистик индустрлаштириш планларини ҳамда маданий рев-яни амалга оширишда коммунистлар қаторида тинмай курашдилар. 1- беш йилликни бажаришда актив қатнашгани учун ОзССР МИК 1931 йилда О. ЛКСМ нинг Боку ташкилотини Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотлади. Улуғ Ватан уруши йилларида О. комсомоллари фронтларда қаҳрамонларча курашди. Урушдан кейинги йилларда О. комсомоллари умумхалқ хўжалигини ривожлантириш, социалистик ва коммунистик жамиятни қуришга актив киришдилар. 1920—74 йилларда О. комсомолининг 29 съезди бўлиб ўтди. О. комсомолининг 1- съезди даврида комсомоллар сони 10 мингдан ортиқ бўлган бўлса, 29- съезд (1974) га келиб уларнинг сони 619258 (8331 бошланғич комсомол ташкилотига бирлашган)га етди.

О. касаба союзлари — СССР касаба союзларининг таркибий қисми. 1905 йилда темирчи, почта ва телеграф хизматчилари, денгизчи, темирйўлчилар касаба союзлари, 1906 йилда нефть саноати ишчилари касаба союзлари ташкил топди. Касаба союзлари Боку пролетариатини жипслаштиришда муҳим роль ўйнади. 1917 йилги февраль рев-ясидан сўнг кўплаб касаба союзлар ташкил топди. 1919 йил апрелда Бокуда Закавказье, Закаспий ва Дағистон касаба союзлари съезди бўлиб ўтди. 1920 йил июнда О. Касаба союзлар совети (раиси А. И. Микоян) тузилди. Бу советнинг 1- съезди (1920 йил 29 августдан 6 сентябргача) да 23 касаба союз аъзолари қатнашди.

1- беш йиллик даврида касаба союзлар партия ташкилоти раҳбарлигида қ. х. ни индустрлаштириш ва коллективлаштириш ишларида актив қатнашди. 1931 йил апрелда Бокуда нефть саноати ишчиларининг 1- съездида СССР нефть саноати ишчиларининг Умумиттифоқ касаба союзлари ташкил топди.

Улуғ Ватан уруши (1941—45) йилларида О. касаба союзлари республика меҳнаткашларини фронтни ёнилғи б-н таъминлаб туришга сафарбар этди, ҳарбий ишлаб чиқаришни кенгайтиришга яқиндан ёрдам бериб турди. Урушдан кейинги йилларда О. касаба союзлари халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантиришда, умумхалқ социалистик мусобақани ташкил қилишда актив қатнашди. Тармоқ Касаба союзларининг 1- конференциясида (1948) О. Касаба союзлар совети сайланди (ОКСС).

1975 йил январга келиб 15136 бошланғич касаба союз ташкилотларида 1587,3 минг аъзо бор эди.

Хўжалиги. О.— қ. х. ривожланган индустриал республика. СССР халқ хўжалигида ўзининг нефть ва нефтни қайта ишлаш ва тез ўсаётган газ саноатлари ҳамда кимё, машинасозлик саноатлари б-н ажралиб туради. Ипакчилик, тўқимачилик, вино ва консерва саноатлари умумиттифоқ аҳамиятига эга. Қ. ҳ. да пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, ипакчилик, тамакичилик ва яйлов чорвачилиги ривожланган. О. маҳсулотлари иттифоқдош республикалар ва 50 дан ортиқ чет эл мамлакатларига чиқарилади.

Саноат структурасида оғир индустрия устун туради.

О.— СССРнинг тўғноғич нефть ва газ қазиб чиқарадиган р-нидир. Нефть Апшерон я. о., Кура-Аракс ва Самур-Дивичи пасттекисликлари ҳамда Каспий денгизи (Апшерон ва Боку архипелаги)дан қазиб олинади.

О. нинг табиий гази 1928 йилдан ишлатилади. Эксплуатация қилинаётган конлари, асосан, Қорадоғ-Дувания ва Зира-Гурган р-нларида. Йирик конлари Сальяни-Ширвон р-нида ва Каспий денгизи тубида. О. да Совет ҳокимияти йилларида йирик электр энергия хўжалиги барпо этилган. Барча электр станцияларнинг қуввати 1973 йилда 2910 минг *квт* ни ташкил қилди. Кура дарёсида Мингечаур ва Варвара ГЭС лари, Апшерон я. о. да Северная ГРЭС, Сумгаит ва Кировободда ТЭЦ; Алибайрамлида ГРЭС қурилган.



Ёлиқ қоқлаш

Қимё саноати О. хўжалигининг етакчи тармоқларидан. Нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари, асосан, Боку атрофида. Синтетик каучук, полимер қурилиш материаллари, шина, пластмасса, шиша тола з-длари бор. Шунингдек, суперфосфат, калий сульфат, хлорли калий, каустик сода, сульфат кислота, заҳарли химикатлар, йод, бром, фармацевтик препаратлар, кир ювиш моддалари, лаклар, бўёқлар ишлаб чиқаради. Қимё саноатининг йирик марказлари: Боку, Сумгаит, Нефтечала, Сальяни, Мингечаур.

Машинасозлик ва металлсозлик 1960 йилларгача асосан нефть асбоб-ускуналари ва машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Электротехника, приборсозлик, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноатлари учун технологик жиҳозлар ишлаб чиқариш ривожланмоқда.

Металлургия саноати корхоналари пўлат ва прокат, пўлат трубалар, гил ва алюминий ишлаб чиқаради. Олтингугурт колчедани, темир ва полиметалл рудалари қазиб олиш ва бойитиш республиканинг ғарбида ривожланган.


Табиий ресурслар асосида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кенгаймоқда.

О. экономикасида енгил ва озиқ-овқат саноатлари катта ўрин эгаллайди. Боку, Кировобод ва Мингечаурда ип газлама к-тлари, Шеки ва Степанакертда ипак к-тлари жойлашган. Жун газлама ва гилам ишлаб чиқариш ривожланмоқда. 1973 йилда О. нинг пахта экиладиган р-ларида 13 пахта тозалаш з-ди бўлган. Тикувчилик ва трикотаж саноатлари ривожланган, ун, вино-коньяк, тамаки, балиқ саноати тармоқлари кенгаймоқда.

Қишлоқ хўжалиги. О. да Совет ҳокимияти йилларида йирик механизациялашган қ. х. вужудга келди. Жами экин майдони 1276,4 минг *га*, жумладан пахта 209,6 минг *га*,



1. Закатали р-нида майда ёнғоқ йиғими. 2. Зардоб р-нидаги Низомий номли колхозда пахта терими.



Мингечаур ГЭС.

ғалла экинлари 622,5 минг *га*, сабзавот-полиз экинлари 65,6 минг *га*, ем-хашак экинлари 360,1 минг *га* (1974). 1974 йилда 911 к-з ва 467 с-з бўлган.

Пахтачилик, асосан, Кура-Аракс пасттекислиги ва Аракс бўйи р-нида (Нахичеван АССР ҳам киради) ривожланган. Қатта ва Қичик Кавказ этакларида юқори навли тамаки, Ленкоран пасттекислигида чой етиштирилади. Баҳорги буғдой ғалла экинлари ичида 70% ни ташкил қилади. Богдорчилик ва узумчилик ривожланган. Субтропик мевалардан анор, анжир, беҳи, япон хурмоси, бодом кўплаб етиштирилади. Ашперон я. о. да заъфарон ва зайтун плантациялари бор. Ширвон, Кировобод-Қазах, Тоғли-Қорабоғ АОнинг тоғлик ва текислик р-ларида узум етиштирилади.

Чорвачилик гўшт-жун ва гўшт-сутга ихтисослашган. 1652 минг қорамол, 5165 минг қўй ва эчки, 151 минг чўчқа бор (1974). Паррандачилик ривожланмоқда. К-зларнинг 70% и ипакчилик б-н шуғулланади.

Транспорти. О. юк оборотининг 61% и т. й. транспортига тўғри келади. Т. й. узунлиги 1852 *км* (1973).

Денгиз транспорти катта аҳамиятга эга. 1962 йилдан О. да денгиз пароми ишлайди. Кура дарёсида кема қатнайди. 21,6 минг *км* автомобиль йўли бор (1973). Авиалиниялар О. ни СССРнинг деярли ҳамма йирик саноат ва иқтисодий марказлари б-н боғлайди.

Трубопровод транспорти ривожланган. Боку — Батуми ва Алибайрамли — Боку нефтепроводлари ҳамда Қорадоғ — Акстафа ва Тбилиси — Ереван газопроводлари ишлаб турибди.

Иқтисодий-географик р-нлари. Хўжалигининг ривожланишига қараб О. қуйидаги р-ларга бўлинади: Апшерон (Боку-Сумгаит), Кировобод-Қазах, Кура-Аракс, Шеки-Закатали, Куба-Хачмас, Ленкоран, Шемаха-Исмоилий, Қелбажар-Лочин, Нахичеван АССР, Тоғли Қорабоғ АО.



1. Озарбайжон ССР Ҳукумат уйи (архитекторлар Л. В. Руднев ва В. О. Мунц, Боку 1952). 2. Озарбайжон ССР ФА биноси (архитектор М. А. Усейнов, 1960).

Халқ фаровонлиги. Совет ҳокимияти йилларида аҳолининг турмуш даражаси тубдан ўзгарди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, к-зларда меҳнат ҳақи ошиб бормоқда. Мас., 1974 йили аҳоли жон бошига ҳисобланганда, реал даромад 4% га ошди. Ишчи ва хизматчиларнинг ойлик ўртача иш ҳақи 1974 йилда 121,2 сўмни ташкил этди; колхозчиларники эса 6% га ошди. Жамоат фондларидан аҳоли олган тўлов ва имтиёзлар 1282 млн. сўмга етди. 1974 йили давлат, к-з ва аҳоли маблағи ҳисобига умумий майдони 1461 минг $м^2$ бўлган 30 минг квартира ва хусусий уйлар қурилди.

Соғлиқни сақлаш. Минг аҳоли ҳисобидан туғилиш 25,4, ўлим 6,5 кишини ташкил этади (1974). Ёши улғайган қариялар сони бўйича О. СССР да I-ўринда. О. да безгак, шилпиқ, чечак ва тери лейшманиози тугатилган. Ленкоран пасттекислиги ва Шеки-Закатали р-нида анкилостомидоз, бурга спирохетози, Ку иситмаси ва лептоспироз касалликлари учрайди. 1974 йили 53,7 минг (10 минг кишига 95,7 ўрин) ўринли касалхона, 1035 амбулатория-поликлиника, 95 силни даволайдиган, 140 тери-таносил, 46 онкология муассасалари ва 360 аёллар консультацияси, болалар поликлиникаси ва амбулаторияси мавжуд бўлиб, уларда 15,4 минг врач (10 минг кишига 27,5 врач) ишлади.

Медицина кадрлари Н. Наримонов номли О. Медицина ин-тида ва 17 ўрта медицина ўқув юртларида тайёрланади. А. Алиев номли Врачлар малакасини ошириш ин-ти, 11 илмий тадқиқот ин-тлари мавжуд. 1974 йили 54 санаторий, 10 дам олиш уйи, 361 пионер лагери ишлади. О. да туризм ривожланмоқда. Республика 1974 йили соғлиқни сақлаш ишларига 163,9 млн. сўм ажратди.

Ветеринария хизмати. Совет ҳокимияти йилларида О. да қорамолнинг ўлат ва ёппасига ўпка яллиғланиш касаллиги, отларнинг манқа, юқумли анемия, юқумли энцефаломиелит, трипаносомоз ҳамда чорва молларининг бошқа касалликларига барҳам берилди. О. табиий шароити таъсирида чорва молларида каналар орқали тарқаладиган касалликлар (тейлериоз, анаплазмоз, бабезиоз) пайдо бўлиб туради.

Ветеринария хизматига О. Қ. х. министрлигининг Ветеринария бош бошқармаси раҳбарлик қилади. Юқори малакали ветеринар мутахассислар О. Қ. х. ин-тида тайёрланади. Ветеринария масалалари бўйича асосий тадқиқий марказ — О. Ветеринария илмий тадқиқот ин-ти.


Маорифи ва маданий-оқартув муассасалари. Ҳозирги О. терр-ясида дастлабки мактаблар 5-асрда очилган. 10—11-асрларда мадрасалар қурилган, мактабларда форс тили ўқитила бошлаган. 19-аср бошида Шимолий О. Россияга қўшилгандан кейин ўлкада бошланғич рус мактаблари очилиб, 19-аср охирида уларнинг сони анча кўпайди. 1914/15 ўқув йили О. даги 976 умумий таълим мактабида 73 минг бола ўқиган. Совет ҳокимияти йилларида халқ маорифи тубдан яхшиланди. 1974 йили 1600 мактабгача ёшдаги болалар тарбия муассасасида 135 минг бола тарбияланди. 4709 умумтаълим мактабида 1 млн. 636 минг ўқувчи, 113 профессионал-техника билим юртида 52,5 минг, 77 ўрта махсус ўқув юртида 71,5 минг ўқувчи, 16 олий ўқув юртида 97,7 минг студент таълим олди. Йирик олий ўқув юртлари: С. М. Киров номидаги О. давлат ун-ти, М. Азизбеков номидаги Нефть ва кимё ин-ти, политехника ин-ти, В. И. Ленин номидаги Педагогика ин-ти ва б. Республика пионер ва ўқувчилари саройи, 82 пионерлар уйи, 14 ёш техниклар, 8 табиатшунослар ва 3 туристлар станцияси мавжуд. 1974 йили республикада 3340 оммавий кутубхона (китоб ва журналлар фонди 26,0 млн. нусха) ишлади. Булардан йириклари: М. Ф. Охундов номли республика кутубхонаси, О. давлат ун-ти кутубхонаси, ОзССР ФАнинг асосий кутубхонаси, В. И. Ленин номидаги Марказий кутубхона (ҳаммаси Бокуда). ОзССРда 2651 клуб муассасаси (1974), 38 музей (1973) бор.

Фани ва илмий муассасалари. Табиий ва техника фанлари. О. да топилган мис ва унинг маргимушли қотишмасидан тайёрланган қадимги буюмлар мил. ав. 4-асрга тааллуқлидир. Тарихий манбаларга қараганда, қадимдан ёқилғи ва дори-дармон учун нефть қазиб чиқарилган. Юксак техника ва бадиий маҳорат б-н ишланган моддий маданият ёдгорликлари бу ерда ҳунармандчилик ривожланганлигидан дарак беради. 11—13-асрларда математика, астрономия, медицина ва б. фан соҳалари ривожланди. 1259 йили Насириддин ат-*Тусий* томонидан асос солинган *Марога расадхонаси* ўзига хос академия вазифасини ўтади. 14-аср бошида Табризда вужудга келган «Дор уш-шифо» («Даволаниш уйи») мактаби ўз даврида илмий марказ ҳисобланган. О. даги қалъа, мачит, мадраса иншоотлари бу ерда қурилиш техникаси юксак даражада бўлганлигидан далолат беради.

19-аср бошида О. нинг Россияга қўшилиши б-н мамлакат олдида илгор рус ва у туфайли жаҳон фани ва маданияти сари йўл очилди. 19-асрнинг 2-ярмидан, асосан, нефтни қазиб чиқариш ва қайта ишлаш б-н боғлиқ илмий изланишлар ривожлана бошлади. Акад. Г. Абих О. нинг геологик ўрганилишига асос солди. Ўлканинг табиий бойлигини ўрганишда И. Д. Менделеев, В. В. Марковников, И. М. Губкин ва б. катта ҳисса қўшдилар. 80—90-йилларда биринчи озарбайжон кимёгар олими М. Хонларов илмий тадқиқот ишлари олиб борди. 19-аср охири — 20-аср бошларида Апшерон я. о. да геологик суратга олишлар ўтказилди. Н. И. Андрусов, Д. В. Голубятников, М. В. Абрамовичнинг нефть р-нлари ва конларини ўрганишга бағишланган монографиялари вужудга келди. Бир қанча илмий ташкилотлар юзага келди. Бироқ Октябрь рев-ясига қадар О. илмий жиҳатдан мунтазам ўрганилмади.

О. да Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида табиий ва б. фанларнинг ривожланишида О. давлат ун-ти етакчи бўлди. Миллий кадрларни етиштириб берадиган олий ўқув юртлари ташкил этилиши б-н бир қаторда Геология бюроси ва «Ознефтн» марказий кимё лабораторияси, Боку денгиз обсерваторияси каби илмий ва илмий-ишлаб чиқариш муассасалари пайдо бўлди. 1923 йилда О. нинг кўзга кўринган фан, давлат ва партия арбоблари ташаббуси б-н озарбайжон илмий тадқиқот ва ўрганиш жамияти тузилди. 1929 йили бу жамият базасида О. илмий тадқиқот ин-ти ташкил қилинди. бу ин-т 1932 йил охирида СССР ФА Закавказье филиалининг О. бўлимига, 1935 йил СССР ФА О. филиалига (ОЗФАН) айлантирилди; 1945 йилда унинг асосида *Озарбайжон ССР Фанлар академияси* ташкил топди.

О. да илмий тадқиқот ишлари, асосан нефть б-н боғлиқ проблемалар, янги нефть конларини топиш, нефтни қазиб чиқариш ва қайта ишлашни такомиллаштириш масалаларини ҳал қилишга қаратилган эди. Нефть қазиш техникасини ривожлантириш соҳасида катта ютуқларга эришилди. О. нефтчилари нефтни бурғилаб қазиш назарияси ва практикасини ишлаб чиқдилар. Нефтнинг денгизда жойлашган ўрнини комплекс ишлаб чиқиш ва ўзлаштириш кенг ривожланди; 1961 йилда бу соҳадаги бир гуруҳ олим ва мутахассислар (Э. Н. Алихонов, А. И. Биландерли, Б. А. Гажиев ва б.) Ленин мукофотига сазовор бўлдилар.



Боку. «Азербайжан» меҳмонхонаси.

О. да геология фанининг тараққий этиши натижасида янги нефть-газ конлари топилди, чуқур қатламлар текширилди, нефтни пайдо бўлиш қонуниятлари очилди. Республиканинг бутун терр-ясида геологик съёмка ишларининг тугатилиши, йиғилган материалларнинг чуқур ўрганиб умумлаштирилиши натижасида «Озарбайжон геологияси» номли 7 томлик монография яратилди. Геофизик разведканинг сейсмик, гравиметрик, магнитли ва электр разведка каби муҳим турлари ривожлантирилмоқда: рудали ва рудасиз жойларни ишлаб чиқиш методлари тадқиқ этилмоқда.

30-йиллардан кимё соҳасидаги тадқиқотлар ривожлана бошлади. Урушдан кейинги йилларда нефть кимёси етакчи илмий йўналиш бўлиб қолди. Бу соҳада кимёгар Ю. Г. Мамедалиевнинг хизмати катта. О. нефть кимёсида ёғ ва ёқилғи қолдиғини ажратиб олиш устидаги тадқиқотлар (Қулиев М. А.) бу маҳсулотларнинг физик-кимёвий сифатини ошириб, саноатда кенг фойдаланиш имкониятини берди; кимёвий технологиянинг назарий масалалари, рециркуляцион жараёнлар назариясини умумлаштириб берувчи илмий ишлар амалга оширилди (М. Ф. Нагиев).

Синтетик маҳсулотлар, полимерларни ишлаб чиқариш муҳим аҳамият касб этди. Бир қатор илмий изланишлар натижаси СССРда ва чет элларда ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Кўп ва арзон каучук ишлаб чиқариш борасида олиб борилган ишлар катта самара берди. КПСС МКнинг 1958 йил май Пленуми қароридан кейин полимер материалларнинг кимёвий ва технологик хоссаларини чуқур ўрганишга аҳамият берилди. Нефть углеводородидан турли мономер ва полимерлар олиш технологиясида талай илмий тадқиқот ишлари қилинди.

Физика ва астрономия соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилди (А. А. Аббосзода, Х. И. Амирхонов ва б.), яримўтказгичлар физикаси (Г. М. Абдуллаев), ядро назарияси ва элементар зарралар, шунингдек қаттиқ жисм, радиофизика (Л. М. Имонов), иссиқлик физикаси (Х. И. Амирхонов), молекуляр физика (А. А. Аббосзода) назариялари соҳасида муҳим ишлар амалга оширилди. Шемаха астро-



Бокудаги Фузулий ҳайкали (ҳайкалтарошлар Т. Ғ. Мамедов ва О. Г. Элдоров, 1962).

физика обсерваториясида турли программаларда, жумладан Қуёш физикаси ва юлдузлар атмосферасига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда. Математик тадқиқотларнинг асосий йўналиши функционал анализ ва унинг татбиқи. қаттиқ ва суюқ жисмлар механикасига қаратилган. О. математиклари (З. И. Халилов, А. И. Гусейнов, И. И. Иброҳимов)нинг илмий хулосалари фақатгина назарий аҳамиятгагина эга бўлмай, амалий фанлар ривожланишида (суюқликни фильтрлаш, автоматик бошқариш ва ҳ. к.) ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кибернетика, ҳисоблаш техникасининг математик методлари ва воситалари устидаги тадқиқотлар ҳам ривожланмоқда.

География соҳасида самарали ишлар қилинди. О. минтақаларининг асосий характеристикаси тугалланган, йирик масштабли ландшафт картаси тузилган, О. геоморфологияси ва унинг тегишли картасига доир монографиялар эълон қилинган. Табиатни муҳофаза қилиш проблемалари комплекси (Г. А. Алиев), иқлимшунослик, қуруқлик гидрогеологияси соҳаларида катта изланишлар олиб борилмоқда, айниқса Қаспий денгизи устидаги тадқиқотлар диққатга сазовор.

О. ботаникларининг кўп йиллик изланишлари 8 томлик «Озарбайжон флораси» (1950—61), 3 томлик озуқа ўсимликлар справочниги, Ленин мукофотига сазовор бўлган «Озарбайжон микофлораси» (1952—67) каби асарларда ўз аксини топган. Генетика, биохимия, биофизика, цитология б-н чамбарчас боғлиқ ҳозирги замон биологиясини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда.

Ўлка патологияси, республика табиий шифобахш манбаларини ўрганиш, хирургия ва анестезиология, терапия, офтальмология, патологик анатомия, аҳоли яшайдиган пунктлар гигиенаси ва медицинанинг бошқа йўналишларида муҳим илмий ишлар қилинмоқда.

И ж т и м о и й ф а н л а р. О. да социализм қуриш йўлида марксистик фалсафани пропаганда қилишда катта ишлар амалга оширилди. К. Маркс, Ф. Энгельснинг йирик асарлари, В. И. Ленин асарларининг таржима нашри чиқарилди. Компартиянинг таниқли арбоблари асарларини халқ ўз тилида ўқишга муяссар бўлди. ОзССР ФА М. Ф. Охундовнинг «Танланган фалсафий асарлари»ни нашр қилди (1958). Ўрта аср О. фалсафаси тарихи ҳақида А. О. Маковельский, А. Закуев, Ж. Мустафоев, А. Саидзода, Ф. Қосимзода ва б. нинг илмий ишлари эълон қилинди. Философ кадрлар, асосан, ОзССР ФА ва О. Давлат ун-тида тайёрланади. Философияга оид илмий тадқиқот ишлари ОзССР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тида, республика олий ўқув юртларининг фалсафа кафедраларида амалга оширилади; О. фалсафаси тарихига доир муҳим асарлар нашр этилди. Г. Н. Гусейновнинг 19- аср Озарбайжон ижтимоий-сиёсий ва фалсафий тафаккур тарихига оид тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

О. тарихчилари Москва, Ленинград, Ўрта Осиё ва Закавказье республикалари олимлари б-н биргаликда бир қатор умумий илмий ишлар яратдилар. 1958—63 йилларда 3 томлик «Озарбайжон тарихи» нашр қилинди. О. нинг тарихчи олимлари регионал («Закавказье коммунистик ташкилотларининг тарихи очерклари») ва умуминтифоқ [«СССР тарихи» (қадимги даврдан ҳозиргача), 12 томлик: «Жаҳон халқлари» серияси; «СССР тарих фанлари тарихий очерклари» ва ҳ. к.] аҳамиятга эга бўлган асарлар яратдилар. О. да ўз ватанлари ва умумий тарих, хусусан Туркия, Эрон, Араб мамлакатлари тарихининг турли масалалари ўрганилмоқда. Тарихга доир масалалар ОзССР ФА нинг Тарих ин-ти, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари тарихи ин-тида, Озарбайжон КП МҚ нинг Партия тарихи ин-тида, ОзССР Давлат ун-тининг тарих ф-ти, В. И. Ленин номли Педагогика ин-тининг тарих-филология ф-тида, ОзССР Министрлар Совети Архивлар бошқармаси муассасаларида ўрганилади.

О. да иқтисод фанининг кенг тармоқлари мавжуд. О. Қ. х. экономикаси ва уни ташкил этиш тадқиқот ин-ти (1962), ОзССР Давлат плани ҳузуридаги иқтисодий илмий тадқиқот ин-ти (1965), О. Халқ хўжалиги ин-ти (1966) ва б. муассасаларда иқтисод фанига оид тадқиқот ишлари амалга оширилади. О. иқтисодчи олимларининг илмий тадқиқотлари республика халқ хўжалиги айрим тармоқлари экономикасининг ривожланишида, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари экономикасини ўрганишда амалий аҳамиятга эга.

О. ҳуқуқшунос олимларининг Совет Озарбайжони давлат ва ҳуқуқ тарихи, социализм қурилиши даврида О. да совет социалистик ҳуқуқининг айрим тармоқлари тараққиёти каби мавзулардаги тадқиқотлари диққатга сазовор. Ҳуқуқшунос олимлар муҳим қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда қатнашмоқдалар.

Совет ҳокимияти даврида О. да илмий муассасаларнинг кўп тармоқлари вужудга келди. 1940 йилда 70 илмий муассаса (олий ўқув юртлари ҳам шу ҳисобда) бор эди. 1974 йили республикадаги 127 илмий муассасада (олий ўқув юртлари ҳам шу ҳисобда) 20391 илмий ходим, шу жумладан 85 академик ва мухбир аъзо, 780 фан д-ри ва 6692 фан кандидати ишлади.

Матбуоти, радио ва телевидениеси. 1975 йили республикада 150 журнал ва б. даврий нашрлар, 116 газета (йиллик тиражи 2,5 млн. нусхага яқин) чиқарилди. Республика газеталари: озарбайжон тилида —«Коммунист» (1919 йилдан), «Совет кенди» («Совет қишлоғи», 1923), «Азербайжан ганжлари» («Озарбайжон ёшлари», 1919), «Азербайжан пионери» (1938), «Эдабиат ве инжесанат» («Адабиёт ва санъат», 1934), «Бакы» (1958) ва б.; рус тилида —«Бакинский рабочий» (1906), «Вышка» (1928), «Молодёжь Азербайджана» (1919), «Баку» (1963); арман тилида —«Комунист» (1920).

Йирик журналлари: озарбайжон тилида — «Азербайжан коммунисти» (1939), «Азербайжан» (1923), «Тешвигатчы» (1966), «Азербайжан гадыны» («Озарбайжон хотин-қизлари, 1923), «Кирпи» («Типратикан», 1952), «Улдуз» («Юлдуз», 1967) ва б.; рус тилида —«Литературный Азербайджан» (1931), «Агитатор» (1966); арман тилида —«Гракан Адрбеджан» («Озарбайжон адабиёти», 1957), «Агитатор» (1966). 1920 йилдан О. телеграф агентлиги (АзТАГ, 1970 йилдан Азеринформ) ишлайди. 1926 йилдан радиоэшиттирув олиб борилади, 1956 йилдан телемарказ ишлайди.

Адабиёти. Халқ ижодида достон, баёт (тўртлик), қўшиқ, эртак, мақол кабилар кенг тарқалган. «Кўр ўғли», «Ошиқ Ғариб», «Шоҳ Исмоил» каби достонлар озарбайжон халқининг ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғуларини ифодалаган. 11—12- асрларда Ганжа, Ширвон, Табриз ва Нахичеван каби шаҳарларда ҳукмдорлар саройларида йирик шоирлар йиғилди, Ҳоқоний, *Низомий Ганжавий* каби шоирлар донг таратдилар. 16- асрда шоҳ Исмоил Хатоий халқ шеъриятининг мотивларидан моҳирона фойдаланиб «Даҳнома», «Насиҳатнома» эпик асарларини яратди, шу даврда Муҳаммад *Фузулий* ўлмас асарлари б-н озарбайжон адабий тилини шакллантирди. 19—20- асрларда озарбайжон адабиёти новелла, реалистик маиший достон, драма жанрлари б-н бойиди. Реалист адиб М. Ф. *Охундов*, маърифатпарвар шоир Санд Азим *Ширвоний*, драматург Н. Н. *Наримонов*, новатор шоир сатирик М. А. *Собир* 19- аср озарбайжон адабиётини янги мавзулар б-н бойитиб ривожлантирдилар.

О. совет адабиёти *Сулаймон Рустам, Расул Ризо, Ж. Жаббарли, М. Иброҳимов, Самад Вургун* каби истеъдодли адибларинг асарлари б-н бойиди, уларнинг асарлари қардош халқлар тилларига таржима қилиниб, кенг тарқалди. Адабий танқид ва адабиётшунослик ривож топди. Низомий, Фузулий каби атоқли шоирлар тўғрисида монографиялар, 3 томдан иборат «Озарбайжон адабиёти тарихи» (1957—60), халқ ижоди намуналарининг илмий-танқидий текстлари нашр этилди. О. Ёзувчилар союзи 1932 йилда ташкил қилинган.

О. ва ўзбек халқлари қадимдан маданий ва адабий алоқада бўлиб келганлар.

Низомий асарларининг баъзилари ўрта асрлардаёқ ўзбек тилига таржима қилинган. Жумладан, Қутб Хоразмий 14- асрнинг 1- ярмида «Хисрав ва Ширин»ни ўзбек тилига кўчирган. Навоий Низомий хамсаси —«Панж ганж»дан илҳомланиб ўзининг беш буюк достонини яратган. Ҳайдар Хоразмий 15- асрда Низомийнинг «Маҳзан ул-асрор» достонини, Огаҳий 19- асрда «Ҳафт пайкар»ни таржима қилган.

Навоий асарлари ўзи ҳаёт вақтидаёқ озарбайжон шоирлари ўртасида машҳур бўлган. Айниқса Қишварий ва Фузулий Навоийни ўзларининг буюк устозлари деб билганлар. Фузулий «Лайли ва Мажнун» нинг дебочасида Навоийни Низомий б-н бир қаторга қўяди. Навоий «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида Низомий, Ҳоқоний б-н бирга Шайх Ширвоний, Абу Аббос Сухравардий, Абу Абдуллоҳ Ҳоқоний Сўфий, Шайх Табризий, Қосим Анварий сингари озарбайжон шоир ва олимларининг номларини ҳам ҳурмат б-н тилга олади.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари шеъриятига кучли таъсир кўрсатган Муҳаммад Фузулий асарлари, айниқса унинг «Лайли ва Мажнун» достони 17- асрдан бошлаб Туркистон терр-ясидаги мадрасаларда ўқув қўлланмаси вазифасини ўтаган. Бугина эмас, Фузулий ўзбек халқи ўртасида энг севимли шоирлардан бири бўлган. Шу туфайли Туркистонда «навоийхонлик», «бедилхонлик» мактаблари б-н бирга «фузулийхонлик» уюшмаларида миниглаб кишилар шоир асарларини таҳлил қилганлар. Фузулийдан кейин яшаган барча ўзбек классик шоирлари ижодида буюк озарбайжон шоирининг таъсири сезилади. Баъзи ўзбек шоирлари ҳатто Фузулий таъсирида озарбайжон тилида ғазаллар ҳам битишган. Фузулийнинг асарлари Ўзбекистонда бир неча марта босилиб чиққан.

Ўзбек адабиётида сатира жанрининг тараққиётида, меҳнаткаш омма онгининг уйғонишида 20- асрнинг биринчи чорагида атоқли озарбайжон демократ шоири Жалил Маматқулизода нашр этган, бутун Шарқ мамлакатларида машҳур бўлган «Мулла Насриддин» журнали катта роль ўйнади.

Кейинги йилларда озарбайжон тилида «Ўзбек шеърияти антологияси», «Ўзбек шеърлари» китоблари; А. Қодирийнинг «Утган кунлар», Ойбекнинг «Қутлуғ қон», А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор», Ш. Рашидовнинг «Ғолиблар», А. Мухторнинг «Опа-сингиллар» асарлари, Зулфиянинг шеърий тўплами босилиб чиқди. 60- йилларнинг ўзидагина Низомийнинг «Гулдаста», Фузулийнинг икки жилдлик танланган асарлари, М. П. Воқифнинг «Танланган шеърлар», М. Урдубодийнинг «Қилич ва қалам» дилогияси, Собирнинг «Хўп-хўпнома», С. Вургуннинг «Комсомолнома», М. Иброҳимовнинг «Қорабоғ қўшиқлари», «Буюк таянч», «Бўрон қуши», М. Дилбозийнинг «Озар қизи», Расул Ризонинг «Ленин поэмаси»; С. Рустамнинг «Танланган шеърлар», И. Гўзаловнинг «Чексиз уфқлар» китоблари, М. Ҳусейн, А. Валиев, М. Раҳим, У. Сарибелли, С. Раҳимов, Қ. Имомвердиев ва б. озарбайжон шоир, адиб ва драматургларининг асарлари, «Озарбайжон шоирлари» шеърий антологияси ўзбек тилида босилиб чиқди.

О. ёзувчиларининг асарларида Ўзбекистон мавзуи тобора кенгроқ акс этмоқда. С. Рустам «Қадрдон шаҳар», «Ўзбек қардошимга», М. Дилбозий «Ўзбек қизига», Ю. Ширвон «Қардош Ўзбекистонда» очерклар туркуми, М. Иброҳимов «Улуғ дўстлик» асарларида ўзбек халқи ҳаётини қаламга олади.

Архитектураси ва тасвирий санъати. О. территориясидан ибтидоий санъат ва архитектура намуналари топилган, қадимги қалъалар, қўрғонларининг харобалари бор (Чироғқалъа, 6- аср; Мингечаур ибодатхоналар комплекси, 7- аср). Араб истилоси иншоотларининг янги типларини вужудга келтирди (мачит, миноралар, мақбара, мадрасалар). 9—10- асрларда араб халифалиги заифлашгач, кўпгина кичик давлатларнинг вужудга келиши бу ерларда бадиий ва архитектура мактабларини майдонга келтирди. 14—16- асрларда шаҳарларнинг ўсиши туфайли тош ва ғиштдан ҳашаматли бинолар кўп қурилди (Бокуда Ширвоншоҳлар саройи, 15- аср; Табризда Зангори мачит, 1465).



Кировободдаги Низомий мақбараси (архитекторлар Б. Саркисов ва И. Вахутин, 1947).

Китобларни бадиий безаш, хаттотлик авж олди, Табриз миниатюра мактаби Озарбайжон тасвирий санъати ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. 17—18- асрларда турк ва эрон босқинчиларининг урушлари озарбайжон архитектураси ва тасвирий санъати ривожига салбий таъсир кўрсатди. Анъаналар халқ меъморлигида давом қилди, 18- асрдан бадавлат шаҳарликларнинг уйларида деворий расмлар пайдо бўлди. Шимолий областларнинг Россияга қўшилиши бу ерларда рус архитектураси таъсирини кучайишини таъминлади. Миллий архитектура шакллари ва мотивлари рус классицизми б-н уйғунлаштирилди.

19- асрнинг 2- ярмида сюжетли деворий расмларда ва портрет рассомлигида реалистик жиҳатлар кўзга ташланди. 1900—10 йилларда демократик реалистик йўналишдаги А. Азимзода, Б. Кенгерли каби рассомлар ижод қилдилар. Совет ҳокимияти йилларида О. шаҳар

ва қишлоқлари план асосида қайта қурилди.

1920—50 йиллар О. миллий совет бадиий мактабининг шаклланиш даври бўлди. 20—30-йилларда графика (А. Азимзода, И. Охундов), 30—40-йилларда ҳайкалтарошлик (П. Сабсай, Ф. Абдураҳмонов) ривож топди. С. Саломзода, С. Баҳлулзода, Б. Мирзазода, Т. Тагиев каби рассомлар рассомлик санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

50-йилларнинг охирлари ва 60-йиллардан бошлаб Озарбайжон архитектураси янги изга кирди: турар жой бинолари кенг кўламда қурила бошлади, типовой лойиҳалар асосида янги шаҳарлар қурилди, микрорайонлар барпо қилинди.

50-йилларнинг охирларидан эътиборан озарбайжон тасвирий санъатида экзотик тавсифлашлардан узоқлашиб, ҳаётни чуқур идрок этадиган асарлар яратила бошлади. Бу соҳада О. Элдоров, Т. Мамедов каби ҳайкалтарошларнинг, М. Раҳмонзода, А. Ризоқулов каби графикларнинг, М. Абдуллаев, Н. Абдураҳмонов, А. Жаъфаров каби рассомларнинг ижоди диққатга сазовор. 1936 йили Бокуда ОзССР Архитекторлар союзи, 1940 йили ОзССР Рассомлар союзи ташкил қилинган.

Музикаси. О. терр-ясидан топилган қоя расмлари (мил. ав. 5—3-минг йилликда яратилган), археологик материаллар бу ерда музиканинг жуда ҳам қадимийлигини кўрсатди. Меҳнат қўшиқлари, тарихий ва лирик қўшиқлар, ҳазил қўшиқлар кенг тарқалган. Қўшиқлар кўпинча якка, баъзан коллектив бўлиб ижро этилади. Чертиб чалинадиган тор, соз, уд тори, ишқаб чалинадиган камонча, пуфлама тутақ, боломон, сурнай, зарб бериб чалинадиган ноғора, қўш ноғора, доира каби музика асбоблари озарбайжон халқининг қадимий севимли музика асбоблари саналади. Профессионал халқ санъати намояндалари — ошуқлар достонларни айтадилар, уларда турли-туман қўшиқлар жамланган. Ўрта асрлардаёқ мақомлар тадқиқ қилинган. О. мақомлари назарияси У. Ҳожибеков томонидан ёзилган («Озарбайжон халқ музикаси асослари», 1945 йилда нашр этилган). У. Ҳожибеков Фузулий достони асосида «Лайли ва Мажнун» (1908) операсини, «Аршин мол олон» (1913) комедиясини яратди. Совет ҳокимияти О. музикаси ривожига кенг имкониятлар яратиб берди. 1921 йилда консерватория, 1931 йилда биринчи нотали халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил қилинди. 1938 йилда симфоник оркестр ташкил топди. 1927 йилда Р. Глиэрнинг «Шоҳсанам» операси саҳнага қўйилди. М. Магомаевнинг «Наргиз» (1935), У. Ҳожибековнинг «Кўрўғли» (1937) опералари О. музика санъати ривожида муҳим воқеа бўлди. Қ. Қораев, Ж. Ҳожиев, Ф. Амировнинг ватанпарварликни тараннум этувчи опера ва симфониялари машҳур. Ш. Мамедова, Булбул каби хонандаларнинг фаолияти диққатга сазовор.

Бокуда У. Ҳожибеков номидаги консерватория, М. Ф. Охундов номидаги опера ва балет театри, Ш. Қурбонов номидаги музикали комедия театри, Қўшиқ театри, филармония ишлаб турибди. Республика радиоси қошида халқ музика асбоблари оркестри бор. Озарбайжонда 6 музика билим юрти, 73 музика мактаби мавжуд. У. Ҳожибеков номидаги Озарбайжон санъати илмий тадқиқот ин-ти (1945) музика ва театр масалалари б-н шуғулланади.

Рақс ва балети. ОзССР терр-ясидан топилган ибтидоий санъат намуналари халқ рақсининг жуда ҳам қадимийлигини кўрсатади. Ҳукмдорларнинг саройларида рақс ансамблари мавжуд бўлган. Халқ рақслари мазмун жиҳатдан меҳнат (мас., «чўпонлар рақси»), маросим (мас., никоҳ тўйлари рақслари), ҳарбий, спорт, маиший, турли ўйинлар ифодаланадиган турларга бўлинади. Эркаклар б-н аёллар рақси бир-биридан кескин фарқ қилади. Аёллар рақси кийим б-н узвий боғлиқ бўлиб, қўл, бош ва юз ҳаракатидан, умуман, гавданинг юқори қисми ҳаракатидан иборат, эркаклар рақсида эса оёқ ҳаракати бош роль ўйнайди. Рақслар, одатда, ноғора, доира, тор, камонча каби музика асбоблари жўрлигида ижро этилади.

Замонавий балетнинг вужудга келиши миллий опера ва оперетталарининг пайдо бўлиш тарихи б-н боғлиқ. 1908 йилда Бокуда опералар саҳналаштирилган. 1924—25 йил театр мавсумида опера ва балет театри (ҳозирги М. Ф. Охундов номидаги Озарбайжон опера ва балет театри) ташкил топган. 1940 йилда биринчи миллий балет «Қиз минораси» (А. Бадалбейли) саҳнага қўйилган. 1935 йилда давлат хореография билим юрти ташкил этилган.

Театри. Озарбайжон халқ театр санъати сарчашмалари қадимий рақс ва масхарабозликлардан бошланади. Халқ орасида қўғирчоқ томошалари қадимдан ривож топган. 19-асрда О. шимолий р-ларининг Россияга қўшилиши рус театр санъати таъсирини кучайтирди. М. Ф. Охундовнинг айрим драмалари рус тилида Петербург (1851) ва Тифлис (1852)да саҳналаштирилган эди. 1873 йилда Бокуда унинг комедиялари саҳналаштирилди. О. да Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши театр ривожига кенг имкон яратди. 1920 йилда Бирлашган давлат театри ташкил қилинди (ҳозирги М. Азизбеков номидаги Озарбайжон театри). Бу театр 30—40-йилларда услуби ва жанри жиҳатдан турли-туман бўлган кўпгина спектаклларни томошабинларга тақдим қилди: М. Иброҳимовнинг «Ҳаёт», С. Вурғунинг «Фарҳод ва Ширин», А. Островскийнинг «Момақалдироқ» ва б. Улуғ Ватан уруши йилларида Р. Ризонинг «Вафо», З. Холиднинг «Қасос» асарлари саҳналаштирилди. Республикада С. Вурғун номидаги рус драма театри, М. Горький номидаги ёш томошабинлар театри, Қўғирчоқ театри (ҳаммаси ҳам Бокуда) ва б. театрлар бор. СССР халқ артистлари М. Алиев, М. Давудова, С. Рухуллло, А. Искандаров, А. Алекперов, О. Қурбонов ва б. миллий санъат ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. Бокуда 1944 йилда Озарбайжон театр жамияти тузилган.



Ж. Жабборлининг «Мурдалар» драмасидан бир кўриниш.

Узбек театр санъатининг тараққиётида О. театри ва драматургиясининг таъсири катта бўлди. 1850 йилда буюк озарбайжон драматурги Мирза Фатали Охундов асос солган театр Шарқ мамлакатлари, жумладан Ўзбекистонда санъатнинг ана шу тури камолотига кўмаклашди. Ҳамза ниқилобдан илгари Бокуда бўлиб, М. Ф. Охундов, Н. Везиров, А. Ахвердовларнинг демократик руҳдаги асарлари б-н танишган. О. театри 1911 йилда Туркистон ш. ларида томошалар кўрсатди. Сафар мобайнида М. Ф. Охундовнинг «Ҳожи Қора», «Мусьё Жордан ва Дарвиш Мусталишоҳ», Н. Везировнинг «Емгирдан қочиб селга», «Мусибати Фахриддин», А. Ахвердиевнинг «Таланган уя», «Оға Муҳаммадшоҳ Қожар» асарлари намойиш этилди. 1916 йилда О. музикали театри ҳам гастролга келиб, У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон», «Асли ва Карам», «Лайли ва Мажнун» сингари спектаклларини кўрсатди.

Ҳамза рев-ядан сўнг Фаргонада театр ташкил этганда О. театрининг тажрибаларига асосланган. Тошкентдаги Карл Маркс (ҳозирги Ҳамза) театри, ўлка ўзбек намуна труппаси, шунингдек бошқа театрларда У. Ҳожибеков комедиялари, М. Қулизоданинг «Арвоҳлар», Х. Жовуднинг «Иблис», М. Урдубодийнинг «Андалусининг сўнгги кунлари», Ш. Самийнинг «Ковои оҳангар» пьесалари намойиш қилинган. Кейинроқ озарбайжон драматургларининг «Кўр ўғли», «Наргиз», «Севил», «Юлдуз», «Қайнана» сингари қатор асарлари Ўзбекистон театрларида муваффақият б-н саҳналаштирилди. Ҳ. Носирова, М. Уйғур, М. Қориева, С. Олимов, З. Қобилов каби театр арбоблари озарбайжон устозларидан таълим олганлар. Ҳамзанинг қатор драмалари, Ғ. Зафарийнинг «Ҳалима», Хуршиднинг «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин» пьесаларининг майдонга келишида озарбайжон драматургларининг пьесалари туртки бўлди.

Эндиликда эса Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши», Яшиннинг «Йўлчи Юлдуз», М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек», А. Қаҳҳорининг «Шоҳи сўзана», Р. Бобожоннинг «Тоға-жиянлар» асарлари О. театр саҳналарида муваффақият б-н қўйилмоқда. Ҳамза театрининг О. га сафари, О. театрларининг Ўзбекистондаги гастроллари ғоят муваффақият б-н ўтди.

Цирки. Қадимдан халқ сайилларида дорбозлар, ёғоч оёқ б-н юриб масхарабозлик қилувчи қизиқчилар томоша кўрсатган. 1945 йилда эстрада артистлари, бадиий ҳаваскорлардан Озарбайжон цирк коллективи ташкил қилинган. Бу коллектив сюжетли махсус цирк томошалари, миллий материаллар асосида тузилган алоҳида номерлари б-н машҳур.

Кинои. Биринчи озарбайжон бадиий фильми — «Нефть ва миллионлар оламида» 1916 йилда намойиш қилинган (режиссёр Б. Н. Светлов). 1923 йилда Озарбайжон фотокино бошқармаси ташкил этилиб, 1924 йилдан бадиий фильмлар суратга олина бошлаган. 1945 йилда У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон» комедияси экранлаштирилди. 50-йилларнинг 2-ярмидан О. киноси янада ривожланди, янги-янги мавзуларда бадиий фильмлар яратила бошлади («Учрашув», 1956, реж. Т. М. Тагизода; «Ер, денгиз, олов, осмон», 1968, реж. Ш. Маҳмудбеков; «Узоқ соҳилларда», 1959, реж. Т. М. Тагизода ва б.).



Ф. Амировнинг «Севил» операсидан бир кўриниш.

Ҳужжатли кино санъати ҳам тез суръатлар б-н ривожланмоқда. 1965 йилда ОзССР Кинематографистлар союзи ташкил этилган. Республикада 1974 йил 2161 киноустановка хизмат қилди. (113-бетда мақолага онд вклейка берилган).

Ад.: Советский Азербайджан, Баку, 1958; Народное хозяйство Азербайджанской ССР в 1973 году. Стат.-ежегодник, Баку, 1974; Советский Азербайджан за 50 лет. Стат. сборник, Баку, 1970; Азербайджан, М., 1971 (серия «Советский Союза»); Халилов К. А., Азербайджанская Советская Социалистическая Республика, М., 1972; История Азербайджана, т. 1—3. Баку, 1958—63; Очерки истории Коммунистической партии Азербайджана, Баку, 1964; Алимирзаев Х. Образование, наука и здравоохранение за 50 лет, Баку, 1970; Касумов З. М., Стригунов, Гречетин Б. Л., Академия наук Азербайджанской ССР. 20 лет, Баку, 1966; Ариф М., Литература азербайджанского народа, Баку, 1958; Искусство Азербайджана, т. 1—12, Баку, 1949—68; Мамедова Ш., Пути развития азербайджанского музыкального театра, М., 1931.

ОЗАРБАЙЖОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — ОзССРнинг олий илмий муассасаси. 1945 йил СССР ФАнинг Озарбайжон филиали асосида ташкил қилинган. Бокуда. 52 академиги ва 45 мухбир аъзоси бор (1974). Академиянинг 5 бўлимида (физика-техника ва математика, кимё фанлари, Ер ҳақида, биология, ижтимоий фанлар) 29 илмий муассасаси бўлиб, булар орасида 22 илмий тадқиқот ин-ти, астрофизика обсерваторияси, радиацион тадқиқот сектори. Ботаника боғи, Республика қўл ёзмалар фонди, Озарбайжон тарихи музейи, Низомий номли Озарбайжон адабиёти музейи, Асосий кутубхонаси (1,2 млн. дан ортиқ асар) ва б. муассасалари бор (1975).

Академия озарбайжон ва рус тилларида «Ахборот» (1936 йилдан), «Докладлар» (1945 йилдан), «Озарбайжон кимё журнали» (1959 йилдан), «Советская тюркология» («Совет туркшунослиги»; 1970 йилдан, СССР ФА б-н биргаликда) журнали, ин-тларининг асарлари ва б. илмий адабиётлар чиқаради. Халқлар дўстлиги ордени б-н мукофотланган (1975).

ОзССР ФА президентлари: 1945—47 йилларда М. М. Мирқосимов; 1947—50 йилларда Ю. Г. Мамедалиев; 1950—58 йилларда М. М. Алиев; 1958—61 йилларда Ю. Г. Мамедалиев; 1961—67 йилларда З. И. Халилов; 1967—70 йилларда Р. Г. Исмоилов; 1970 йилдан Г. М. Абдуллаев.

ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИ, озари тили — *озарбайжонлар*нинг тили. ОзССР, АрмССР, ГрузССР, Дағистон АССР, ЎзССР, ТуркмССР, ҚозССР ва УССРда, шунингдек Эрон ва Ироқда тарқалган. *Туркий тиллар* оиласининг ўғуз тиллари гуруҳига мансуб. СССРда О. т. да 4 млн.



Нақшли мис обдаста



Озарбайжон гилами.





Озарбайжонлар (19-асрга оид миллий кийимда).

380 минг киши гаплашади (1970). О. т. 4 гуруҳга бўлинади: Шарқий гуруҳ (Куба, Боку, Шемахи диалектлари ва Муған, Ленкаран шевалари); ғарбий гуруҳ (Қазах, Қорабоғ, Ганжа диалектлари ва Айрум шеваси); шимолий гуруҳ (Нухи диалекти, Закатал-қоҳ шеваси); жанубий гуруҳ (Нахичивон, Урдубод, Табриз диалектлари, Ереван шеваси). Озарбайжон адабий тили 11- асрдан шакллана бошлади. Ҳозирги адабий тили Боку ва Шемахи диалектлари асосида 19- асрнинг ўрталарида таркиб топган. О. т. да 9 унли ва 23 ундош товуш бор. Ҳозирги О. т. лексикасининг асосини ўз сўзлари ва умумтуркий сўзлар ташкил этади. Шунингдек, бу тилда араб ва форс тилидан сингган сўзлар, русча-интернационал сўз ва терминлар муҳим ўрин тутади. О. т. 1929 йилгача араб, 1929—39 йилларда латин графикасидаги ёзувга эга бўлган. Ҳозирги озарбайжон ёзуви рус графикасига асосланган (1938 йилдан).

Ад.: Гаджиев Н. З., Азербайджанский язык. «Языки народов СССР» тўпламида, 2- т., М., 1966; Ширалиев М. Ш., Рагимов М., Ш., Азербайджанский язык. Закономерности развития литературных языков народов СССР в советскую эпоху. М., 1973.

ОЗАРБАЙЖОН УНИВЕРСИТЕТИ, С. М. Киров номли Озарбайжон Давлат университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1919 йилда Бокуда очилган. Аввал Боку, 1922 йилдан Озарбайжон ун-ти. 1930 йили медицина, педагогика, халқ хўжалиги ва б. мустақил олий ўқув юртларига бўлиниб кетди. 1934 йил ун-т сифатида яна тикланди ва шу йили С. М. Киров номи берилди. Ф-тлари: механика-математика, амалий математика, физика, кимё, биология, геология-география, тарих, филология, ҳуқуқшунослик, шарқшунослик, кутубхоначилик, журналистика. Шунингдек, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг малакасини ошириш ф-ти, хорижий студентлар ф-ти, тайёрлов курси, аспирантураси бор (1975). 1974/75 ўқув йили ун-тда 12,5 мингдан ортиқ студент таълим олди. 84 кафедрасида қарийб 900 ўқитувчи, жумладан 93 проф. ва фан д-ри, 500 га яқин доцент ва фан кандидати ишлади. Ун-тда ҳисоблаш маркази, астрономия станцияси, 118 лабораторияси, биология ва фойдали қазилмалар музейи, кутубхонаси (1,5 млн. дан ортиқ асар) бор. Ун-т илмий асарлар нашр этади. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1969).

ОЗАРБАЙЖОНЛАР (ўзларини азербайжанлар, азерилар деб атайдилар) — миллат, ОзССРнинг асосий аҳолиси. СССРда умумий сони 4 млн. 380 минг киши (1970), ОзССР (3 млн. 777 минг), ГрузССР (218 минг) АрмССР (148 минг), РСФСР, асосан, Дағистон АССР (96 минг), Ўрта Осиё республикалари, жумладан Ўзбекистонда (38898 киши), шунингдек Эрон (Эрон Озарбайжони), Ироқ ва б. мамлакатларда (4 млн. дан ортиқ) яшайди. *Озарбайжон тили*да гаплашадилар. Диндорлар ислом динига эътиқод қилади.

Озарбайжоннинг фанга маълум бўлган энг қадимий номи — Атропатенадир. Бу ном кейинчалик форсларда «Адербадаган», арманларда «Атрапатакан», арабларда «Одербайжан» ёки «Озарбайжан» формаларини олган ва «оташ мамлакати» маъносини билдирган (бу ном бу ерда *зардуштийлик* кенг тарқалганлигини кўрсатади). Мил. ав. 3- минг йилликда ҳозирги Жанубий Озарбайжон ва Эрон Курдистонида луллубейлар ва кутийлардан иборат қабилалар иттифоқи вужудга келди. Мил. ав. 6- асрда ҳозирги Озарбайжон терр-яси Ахоманийлар томонидан босиб олинади. Мил. ав. 4—2- асрларда ҳозирги Озарбайжон терр-яси (қадимги Мидиянинг бир қисми)да Атропатена давлати мавжуд бўлган. Бу давлат терр-ясидаги аҳоли атропатенлар номи б-н юритилган, уларнинг таркибига маннейлар, каспийлар, кадусийлар, қисман мидияликлар кирган. Уларнинг тили — азери тили форс тилига яқин бўлган. Атропатен (озарбайжон) элатининг шаклланишида албан қабилалари, шунингдек мил. ав. 1- минг йилликда, милодий 1- минг йиллик давомида эроний ва туркий қабилалар (киммерийлар, скифлар, ҳунилар, булғорлар, хазарлар, ўғузлар, қипчоқлар ва б.) қатнашган.

7- аср ўрталарида Озарбайжонни араблар, 11- асрда салжуқийлар босиб олди. Натижада кўплаб туркий қабилалар Озарбайжонга ўрнашиб қолдилар. Озарбайжон халқининг шаклланиши 11—13- асрларга тўғри келади. 11—13- асрларда Озарбайжонда яшайдиган аҳоли аста-секин азери тилидан туркий тилда сўзлашишга ўта бошлади. Бу б-н озарбайжон халқининг узоқ давом этган шаклланиш жараёнига якун ясалди.

Шимолий Озарбайжон Россияга қўшиб олинганидан сўнг (1813 йилги Гулистон ва 1828 йилги Туркманчай тинчлик шартномалари бўйича) озарбайжон халқининг турк ва эрон босқинчиларидан узлуксиз талонишига чек қўйилди. Капиталистик муносабатларнинг вужудга келиши оқибатида О. нинг миллатга уюшуви учун шарт-шароитлар вужудга келди. Озарбайжон буржуа миллати 19- асрнинг иккинчи ярмида шаклланди. Озарбайжонда Совет ҳокимияти ўрнатилган (1920 йил апрель) дан сўнг, социалистик қурилиш йилларида озарбайжон социалистик миллати вужудга келди. СССРда яшайдиган О. нинг хўжалиги ва маданияти ҳақида *Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси* мақоласига қ.

Ад.: Народы Кавказа, т. 2, М., 1962; Народы Передней Азии, М., 1957.

ОЗИҚЛАНИШ (ўсимликларда) — ўсимликларнинг ташқи муҳитдаги кимёвий элементларни ютиш ва ўзлаштириш жараёни. Ўзлаштирилган моддалар ўсимлик ҳужайраси цитоплазмасига ўтади ва мазкур ўсимликка хос кимёвий бирикмаларга айланади. Озуқа моддаларнинг ютилиши ва ўзлаштирилиши (анаболизм), уларнинг парчаланиши ва ташқарига чиқарилиши (катаболизм) организм ҳаёт фаолияти асоси — *моддалар алмашинуви* (метаболизм)ни ташкил қилади.

Усимликлар таркибида Ер юзида тарқалган барча кимёвий элементлар учрайди. Лекин, О. учун фақат кислород (O), водород (H), азот (N), фосфор (P), олтингугурт (S), калий (K), кальций (Ca), магний (Mg), темир (Fe) ва *микроэлементлар*дан бор (B), марганец (Mn), рух (Pb), мис (Cu), молибден (Mo) ва б. жуда зарур. О. элементлари ҳаводан карбонат ангидрид гази (CO_2), тупроқдан сув (H_2O) ва минерал туз ионлари шаклида ўзлаштирилади. Юксак ўсимликлар эса ҳаво ёки барг (қ. *Фотосинтез*) ва тупроқ ёки илдиз орқали озиқланади. Тубан ўсимликлар (бактериялар, замбуруғлар, сувўтлар) CO_2, H_2O ва тузларни бутун тана юзаси орқали ютади.

Усимлик организмининг турли хил моддаларга эҳтиёжи ҳар хил (кислород ва водородни энг кўп қабул қилади). О. элементининг бирортаси ўрнини бошқаси босолмайди. Бирорта элементнинг етишмаслиги ўсимликни касалланишга ёки ҳалокатга олиб келади.

Усимлик ютаётган углерод манбаига қараб О. бир нечта типга ажратилади. Тубан ўсимликларнинг бир қисми (барча замбуруғлар ва кўпчилик бактериялар) углеродни фақат органик бирикмалардан олади (қ. *Гетеротроф организмлар*), ўлик органик қолдиқлар ҳисобига озиқланувчи организмлар эса *сапрофит организмлар* дейилади. Бошқа тирик организмларнинг органик бирикмалари ҳисобига яшайдиган гетеротроф организмлар *паразитлар* деб аталади. Буларга барча замбуруғлар ва бактериялар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг касаллик тарқатувчилари ҳамда баъзи юксак ўсимликлар (мас., махсус сўрғичлари б-н бошқа ўсимликнинг ширасини сўрувчи — шумғия) киради.

Усимликларнинг кўпчилик қисми карбонат ангидриддан углерод ўзлаштиришга лаёқатли, бунда ўсимлик углеродни органик бирикмалар даражасигача ўзгартиради. Бундай озиқланиш автотроф озиқланиш деб номланади (қ. *Автотроф организмлар*). О. жараёни туфайли табиатда катта биогеокимёвий моддалар айланиши содир бўлади; О. ўсимликлар ҳаёти (нафас олиш ва парчаланган моддаларни ташқи муҳитга чиқариш жараёнида сарфланган озуқа моддалар ўрнини тўлдириш) давом этади, органлар ўсади, запас озиқ моддалар тўпланади, ўсимлик ҳосил беради (мева қилади, уруғлайди).

ОЗИҚ ТИШЛАР — қ. *Тиш, Тиш чиқиши.*

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ МУЗЛАТИШ — озиқ-овқат маҳсулотларини консервалаш усули (қ. *Музлатиш*).

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ҚУРИТИШ — узоқ муддат сақлаш мақсадида мева ва сабзавотлар, гўшт, балиқ ва б. намини қочириш. Бу усул қадимдан маълум. Мас., Ўрта Осиё терр-ясида ҳўл мева, қовун, узум ва гўштни; денгиз ва дарё бўйида яшовчи халқлар балиқни; шимолдагилар картошка, гўшт ва б. ни қадимдан қуритадилар.

Мева ва сабзавот таркибида 95% гача сув бўлади, қуритилгандан кейин 12—25% қолади. Уларни Қуёш нури тушадиган жойга ёйиб ёки сунъий усулда (сушилкаларда) қуритилади. Қуёш нурида қуритиладиган мевалар аввал тозаланади, баъзи мевалар (олча, олхўри) иссиқ сувда, узумлар озиқ-овқат содаси эритмасида бланширланади (қ. *Бланширлаш*), сўнгра тахтасўри, бордон, бўйра, сувалган томларга ёйилади.

ОЗИҚ-ОВҚАТ РАЗВЕРСТКАСИ — қ. х. маҳсулотларини ғамлаш системаси; деҳқонларнинг ўзларидаги ортиқча дон ва б. маҳсулотларини мажбурий ва қатъий баҳода давлатга ўтказиши. Совет давлати Гражданлар уруши даври (1918—20) да қўллаган. 1918 йилда Совет Россиясининг маркази мамлакатнинг энг муҳим қ. х. р-ларини б-н ажратиб қўйилган эди. Шу шароитда Совет ҳокимияти О.-о. р. ни қўллашга мажбур бўлди.

1919 йил 11 январда ХКС Декрети б-н Совет Россиясининг барча терр-ясида, кейинроқ Украина ва Белоруссияда (1919), Туркистон ва Сибирда (1920) жорий этилди. Дастлаб давлат дон ва ем-хашак маҳсулотларини сотиб олди. 1919—20 йиллардаги О.-о. р. даврида картошка, гўшт маҳсулотларига, сўнгра (1920 йил охирида) деярли барча қ. х. маҳсулотларига жорий этилди. 1918—19 йилларда 107,9 млн. пуд, 1919—20 йилларда 212,5 млн. пуд, 1920—21 йилларда 367 млн. пуд дон ва ем-хашак маҳсулотлари йиғиб олинди. О.-о. р. Совет давлатига Қизил Армияни, меҳнаткашларни озиқ-овқат б-н, саноатни хом ашё б-н планли таъминлашдек муҳим масалани ҳал қилишга имкон берди. О.-о. р. бўйича маҳсулот йиғиш кўпайгач, товар-пул муносабатлари торайди (ғалла, донни эркин сотишга чек қўйилди). О.-о. р. «ҳарбий коммунизм» системасидаги энг муҳим омиллардан бири бўлди. Бу сиёсатни Озиқ-овқат халқ комиссариати амалга оширди.

Туркистонда ҳам озиқ-овқат ишларини марказлаштириш мақсадида озиқ-овқат директорияси ташкил этилди. Туркистон МИК ва Халқ комиссарлари Совети буйруқ чиқариб, ер эгаларидан бир миқдор ғаллани қатъий нархда нақд пул эвазига давлатга беришга мажбур қилди. Шу б-н бирга, республика озиқ-овқат органлари эркин бозорда ғаллани бозор нархида харид қилиб олишга киришдилар. 1918—1919 йилларда Сирдарё, Самарқанд ва Фарғона областларида 1,88 млн. пуд ғалла йиғилди.

1920 йилда О.-о. р. ем-хашакка, гўштга, сабзавотга, қуруқ меваларга ҳам жорий этилди. Лекин ғалла монополияси Туркистонда маҳаллий шароитни ҳисобга олиб амалга оширилди. 1920—1921 ҳўжалик йилида 9,7 млн. пуддан кўпроқ ғалла, 6,3 млн. пуд ем-хашак, 1,6 млн. пуд гўшт тайёрланди.

Гражданлар уруши тугагач, О.-о. р. социалистик қурилиш манфаатларига жавоб бермай қолди. Совет мамлакати янги иқтисодий сиёсатга ўтиши б-н РКП(б) 10- съезднинг қарорига кўра, 1921 йил мартда О.-о. р. *озиқ-овқат солиғи* б-н алмаштирилди.

Ад.: Ленин В. И., Озиқ-овқат солиғи тўғрисида, Ас., 32- т.

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ — халқ хўжалигининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган соҳаси. Энг муҳим тармоқлари гўшт, балиқ, ёғ-мой, сут-ёғ, шакар, чой, кондитер, нон, вино, спирт ва арақ, тамаки, пиво саноати ва б. дир.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ О.-о. с. нинг ҳамма тармоқлари жадал суръатлар б-н ривожланди. Биринчи беш йиллик (1929—33) да О.-о. с. корхоналари ягона системага — СССР Таъминот халқ комиссариатига бирлаштирилди, кейинчалик у СССР Озиқ-овқат халқ комиссариатига айлантирилди. СССР 1935 йилдаёқ қанд лавлагидан шакар ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринга чиқиб олди. Бироқ Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчилари О.-о. с. га катта зиён етказди. 1945 йили О.-о. с. нинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1940 йилдагидан 2,1 марта камайди. Урушдан кейинги даврда вайрон бўлган корхоналарни тиклаш ва янгиларини қуриш борасида катта ишлар қилинди. О.-о. с. корхоналарида 1970 йилда 1940 йилга нисбатан ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 4,5, жумладан шакар ишлаб чиқариш 4,2, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 5,5—6, сариёғ 4,5, сут маҳсулотлари 15,2, консервалар 10,2, кон-

равар кўпайди ва ҳ. к. Ҳозирги вақтда СССР шакар, ўсимликлар ва ҳайвонот мойи, балиқ маҳсулотлари, консервалар, кондитер ва бир қанча маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаб турибди. О.-о. с. ҳамма республикаларда, жумладан Узбекистонда ҳам тез суръатлар б-н ривожланди.

Рев-яга қадар Узбекистон терр-ясида О.-о. с. кичик корхоналардангина иборат эди. Бу ерда О.-о. с. 19- асрнинг 60- йилларидан ривожлана бошлади. 19- асрнинг 80- йилларида ёғ з-длари пайдо бўлди. О.-о. с. майда саноат тармоқларига нисбатан анча ривожланган *цензли саноат* корхоналаридан иборат эди. 1913 йили О.-о. с. таркибида юзга яқин (тегирмон ва обжувозлардан ташқари), жумладан 20 дан ортиқ ёғ, ёғ-совун, 40 га яқин вино ва спирт (асосан, бошқа жойдан келтирилган спиртни тозалаш) ва 9 пиво з-ди бор эди. О.-о. с. нинг гўшт, кондитер, макарон, тамаки ишлаб чиқарадиган корхоналари кам, сут, сабзавот консервалари ишлаб чиқариш тармоқлари йўқ эди.

1913 йили ҳозирги Узбекистон терр-ясидаги цензли О.-о. с. 290 *т* кондитер, 675 *т* макарон, 0,5 млн. *дкл* узум виноси, 35 минг *дкл* этил спирти, 200 минг *дкл* алкоголсиз ичимлик, 190 минг банка консерва, 7 млн. донага яқин папирос ва ҳ. к. маҳсулот ишлаб чиқарган, холос. 1913 йилда 20 дан ортиқ ёғ з-дида жами 36,5 минг *т* ўсимлик мойи ишлаб чиқарилган бўлса, 1971 йилда биргина Янгийўл ёғ-мой к-ти 43 минг *т* пахта мойи тайёрлади. 1971 йилда Янгийўл вино з-дида 1913 йилдаги 27 та вино корхоналарида тайёрланган винодан 2,7 марта кўп вино тайёрланди. Рев-яга қадар Узбекистоннинг О.-о. с. да 3,5—4 минг киши ишлар, маҳсулотлар эса қўлда тайёрланар эди. Ҳар бир корхонада 30—40 киши ишлар эди.

Фақат дастлабки беш йилликлар даврида Узбекистонда йирик О.-о. с. вужудга келди, эски тармоқлар тикланиб кенгайтирилди ва янгидан новвойхона, сут ва пахта ёғи корхоналари, гўшт, чой қадоқлаш ва б. саноат тармоқлари ташкил этилди. 1940 йилда 1913 йилдагига нисбатан ўсимлик мойи 3,8, узум виноси 3,9, пиво 3,7, макарон маҳсулотлари 9,8, қандалат маҳсулотлари 44,8, мева-сабзавот консервалари 194 баравар кўп ишлаб чиқарилди. Маҳсулотларининг миқдори кўпайди ва сифати беқиёс даражада яхшиланди. Узбекистон О.-о. с. Улуғ Ватан уруши йилларида ўз фаолиятини уруш даврининг талаблари асосида қайта қурди. Уруш бўлаётган р-нлардан эвакуация қилинган ускуналар базасида янги корхоналар — консерва, қанд, ёғ ва б. з-длар ташкил қилинди. Лекин саноатни хом ашё б-н таъминлаш қийинлашганлиги туфайли О.-о. с. нинг ялпи маҳсулоти 1940 йилдагига нисбатан камайди. Урушдан кейинги даврда О.-о. с. тез суръатлар б-н тараққий этди.

Совет ҳокимияти йилларида Узбекистонда қурилган О.-о. с. нинг йирик корхоналари жумласига Фарғона ёғ-мой к-ти, Каттақўрғон, Қўқон, Учқўрғон, Бухоро, Қарши ва б. шаҳарлардаги экстракция йўли б-н ёғ оладиган з-длар, Тошкентдаги сут, Тошкент обл. даги (Ўртаовулдаги) гўшт комбинатлари, Самарқанддаги чой қадоқлаш ф-каси, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Китоб ва б. шаҳарлардаги консерва з-длари, Мўйноқдаги балиқ консерва к-ти, республикадаги бошқа ўнлаб замонавий комбинат, фабрикалар, заводларни (мас., вино, пиво, тамаки-ферментация з-длари, кондитер, макарон ва тамаки ф-калар, маргарин, майонез, хамиртуруш ва б. маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналарни) киритиш мумкин. Умуман ҳозир Узбекистон О.-о. с. 150 корхонадан иборат бўлиб, 20 га яқин тармоққа бирлашган. Республика саноатида ишлаб чиқариладиган ялпи маҳсулотнинг деярли бешдан бир қисми О.-о. с. га тўғри келади. Узбекистон Урта Осиё республикалари ўртасида ўсимлик мойи, маргарин, мева-сабзавот консервалари, кондитер ва макарон маҳсулотлари, узум ва шампан виноси, папирос ва сигарета, совун ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаришда биринчи ўринни эгаллайди.

Ад.: Ҳ ў ж а е в А., Узбекистон озиқ-овқат саноати етти йилликда, Т., 1960; Д о б р и н и н Ю. А., Узбекистон озиқ-овқат саноати, Т., 1959; Д о б р ы н и н Ю. А., Уровень развития пищевой промышленности Узбекистана (обзор), Т., 1972; Народное хозяйство Узбекской ССР в 1971 г., (Статист. ежегодник), Т., 1972.

Ўзбекистон ССРда 1940—74 йилларда асосий озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиши

	1940	1960	1970	1974 йил: 1940 йилга нисбатан (марта)
Гўшт, I- категорияли субпродуктларни қўшиб ҳисоблаганда, минг *т*	27	97	94	4,4
Колбаса маҳсулотлари, минг *т*	3	18	30	13,3
Мол ёғи, минг *т*	1	8,2	6,4	8,9
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулоти, сутга айлантириб ҳисоблаганда минг *т*	6,0	84	220	48,5
Ўсимлик мойи, минг *т*	142	252	294	2,8
Консервалар, млн. шартли банка	39	178	334	13,4
Кондитер маҳсулотлари, минг *т*	13	47	87	8,1
Макарон маҳсулотлари, минг *т*	7	24	38	7,0
Этил спирти, минг *дкл*	557	1043	962	1,8
Узум виноси, минг *дкл*	1928	3085	7892	5,3
Пиво, минг *дкл*	4062	6521	10358	3,1
Алкоголсиз ичимликлар, минг *дкл*	5002	2086	3582	1,0
Папирос ва сигареталар, млн. дона	1057	3167	4420	5,1
Совун ёғ кислотаси (40% деб ҳисоблаганда, минг *т*	27	62	93	4,0
Ювувчи синтетик воситалар, минг *т*	—	—	4,6	—



Ойбек. Рангли фото, 1964.

Ойбек мақоласига.



Олма навлари. 1. Самарқанд тўнгичи. 2. Йилда икки марта ҳосил берадиган нав олма. 3. Тошкент боровинкаси. 4. Аргус. 5. Пармен зимний золотой. 6. Симиренко. 7. Оқ розмарин. 8. Вайнсеп. 9. Золотое грайма.

Олма мақоласига.

га шароит яратиб берди. Бу тадбирлар ишчилар синфи б-н камбағал деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлади. О.-о. с. айни вақтда Туркистонда ҳам амалга оширилди. Партия 12-съезди (1923) натурал шаклдаги О.-о. с. ни қисман пул б-н алмаштиришга қарор қилди. 1924 йилдан бошлаб қ. х. солиғи фақат пул б-н тўланадиган бўлди.

Ад.: Ленин В. И., РКП(б) X съезди. Резолюция натурал солиқ б-н алмаштириш тўғрисида 15 мартда қилинган доклад, Ас., 32-т.

«ОЗИҚ-ОВҚАТ СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»— В. И. Ленинниинг мақоласи. Унда *янги иқтисодий сиёсат* (нэп)га ўтиш зарурлиги асослаб берилган. 1921 йил апрелда ёзилган. Биринчи марта 1921 йил майда алоҳида брошюра ҳолида нашр этилди. Мақола мамлакатда «ҳарбий коммунизм» сиёсатидан нэпга ўтилаётган тарихий бурилиш даврида эълон қилиниди.

Деҳқонлар белгиланган солиқни тўлаб бўлганларидан сўнг уларга қолган ортиқча маҳсулотларини бозорда эркин сотишларига имкон берилди, бу эса капитализмнинг бирмунча жонланишига олиб келди. Натижада ҳар хил тортишувлар бошланди. Ленинниинг «О.-о. с. т.» мақоласи мана шу шароитда пайдо бўлган бир қатор масалаларга жавоб бериб, сиёсий ҳокимият ва асосий ишлаб чиқариш воситалари ишчилар қўлида бўлган, пролетариат диктатураси мавжуд шароитда савдо эркинлиги хавфли эмаслигини кўрсатиб берди. В. И. Ленин Совет ҳокимияти капитализм ривожланишини давлат капитализмни йўлига йўналтириши лозим, деб уқтирди. У давлат капитализмини майда ишлаб чиқариш ва социализм ўртасидаги «восчатчи звено», деб таърифлади.

Эркин савдо шароитида олиб сотарлик муқаррар бўлиб қолади, бу эса бюрократизмга, ўғриликка ва давлат назоратидан четга чиқишларга қарши курашни кучайтиришни талаб қиларди. Социалистик саноат б-н деҳқон хўжалиги иттифоқини мустаҳкамлаш мақсадида Ленин омманинг ташаббусини, фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришни, кадрларни моҳирона танлашни ва раҳбар хўжалик ишларига меҳнаткашлардан қўйишни, савдогарлар ва капиталистларнинг амалий тажрибасини ўрганишни, ундан қ. х. ни, саноатни юксалтириш мақсадида фойдаланишни таклиф қилди. Ленинниинг «О.-о. с. т.» мақоласи марксизмнинг ривожига қўшилган улкан ҳисса бўлиб, катта халқаро аҳамият касб этди. Унда капитализмдан социализмга ўтиш қонуниятлари анализ қилинган ва пролетариат диктатурасининг иқтисодий сиёсат соҳасидаги вазифаси аниқлаб берилган. Ленин кўрсатган йўллар, усуллар деҳқонлар кўпчиликни ташкил этган мамлакатларнинг капитализмдан социализмга ўтишида муҳим кўрсатма сифатида ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

Ад.: Помитяев Ф. Ф., Историческое значение работы В. И. Ленина «О продовольственном налоге», М., 1956; Генкина Э. Б., Государственная деятельность В. И. Ленина, 1921—1923, М., 1969, с. 119—126; Файн Л. Е., История разработки В. И. Лениным кооперативного плана, М., 1970.

ОЗЛАР (шведча as — тизма) — қум ва шағал тошдан таркиб топган узун ва тор кўтарма (вал)лар. О. нинг узунлиги, одатда, 30—40 *км* (баъзан 500 *км* дан ортиқ), эни бир неча *м* дан 2—3 *км* гача, баландлиги бир неча ўн *м* ча. 30—40° бурчак остида баъзида супачалар ҳосил қилади. О. чекинаётган музлик тубида оқаётган сувлар ҳаракатидан пайдо бўлади.

СССР Европа қисмининг шимолида, Финляндия ва Швециянинг қадимий музлик обл. ларида тарқалган.

ОЗОД, Мирғуломали Билғиромий (18-аср) — тазкиранавис. Ҳиндистонда Бобирийлар даврида яшаб ижод этган. Асарларини форс ва араб тилларида ёзган. Манбаларда «Қасоиди ғурро» («Танланган қасидалар»), «Субҳат ул-маржон» («Маржон тасбиҳ»), «Хазонаи омира» («Гавҳар тўла хазина») ва «Тазкираи сарви Озод» («Озод тазкираси») номли асарлар ёзганлиги ҳақида маълумотбор. «Суҳбат ул-маржон» ва «Хазонаи омира» бизгача етиб келган. Ҳар иккала асар ҳам УзССР ФА Шарқшунослик ин-ти қўл ёзмалар фондида сақланмоқда (инв. № 5972, № 3553).

ОЗОД — Андижон обл. Ленин р-ни Кужгон қ. С. даги қишлоқ. «Правда Востока» к-зи территорияси. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Асакадан 1 *км*. Аҳолиси 1192 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, медпункт, чойхона бор.

ОЗОД — Наманган обл. Учқўрғон р-ни Қўғайўлмас қ. С. даги қишлоқ. «Янгиобод» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўғайдан 7 *км*. Аҳолиси 521 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб бор.

«ОЗОД БУХОРО»— Бухорода 1923 йил 16 октябрдан 1930 йилгача чиққан газета (қ. *Бухоро ҳақиқати*).

ОЗОД БУХОРО — Сурхондарё обл. Термиз р-ни Янгиобод қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳардан 26 *км*. Аҳолиси 544 киши (1971); пахтачилик, полизчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Занг каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, кутубхона, сут-товар фермаси бор.

«ОЗОД ГЕРМАНИЯ» («Freies Deutschland»)— Иккинчи жаҳон уруши даврида иш олиб борган немис антифашистларининг миллий комитети. 1943 йил июлда СССР терр-ясида, коммунист-шоир Э. Вайнерт раҳбарлигида немис муҳожирлари ва турли сиёсий дунёқарашга эга бўлган ҳарбий асирлардан ташкил топган. Комитет немис аскарлари ва ҳарбий асирлар орасида ташвиқот ишлари олиб бориб, Германиядаги яширин антифашист ташкилотлар б-н алоқа боғлаган. «О. Г.» гитлеризмга қарши сиёсий қарашларидан қатъи назар барча кучларни бирлаштирган, уни Германиянинг ўзидаги энг муҳим яширин антифашист ташкилотлар қўллаб-қувватлаган.

«ОЗОД ЕВРОПА»— Европадаги социалистик мамлакатларга қарши радио орқали «идеологик уруш» олиб борувчи ташкилот. 1950 йил ташкил этилган. ГФР терр-яси (Мюнхен)да жойлашган. «О. Е.» ўз фаолиятини, асосан, АҚШ конгресси ажратган маблағ ҳисобига олиб боради. Ташкилотнинг мақсади социалистик мамлакатлар сиёсати ва аҳолисига қарши ёлғон-яшиқ хабарлар тарқатиш, социалистик мамлакатлар бирлигига путур етказиш, бу мамлакатлардаги ҳақиқий ҳолатни бузиб кўрсатишдан иборат.

ОЗОДБОШ СВИТАСИ — Тошкент атрофида учрайдиган қуйи бўр ётқизиқлари таркибидаги стратиграфик бирлик. Қоржонтовнинг жанубий-ғарбий этакларида жойлашган Озодбош яланг-

лиги номи б-н аталган. Н. Е. Минакова томонидан 1941 йилда ажратилган. О. с. палеозой баландликларининг бузилиши, чала сийқаланган йирик ва майда шағалларнинг қумли оҳак ва гил б-н цементланиши натижасида ҳосил бўлган қизил рангли континентал *брекчия* ва *конгломератлар*дан ташкил топган. О. с. нинг умумий қалинлиги 30—160 *м* бўлиб, стратиграфик аҳамиятга эга.

ОЗОДИЙ Давлатмамед (1700—1760) — туркман шоири, олими ва маърифатпарвари. *Маҳтумқули*нинг отаси. Деҳқон оиласида туғилган. Хива мадрасасида ўқиган ва дарс берган. О. халқ оғзаки ижоди ва шарқ классик адабиётини ўрганган. У қасида, ғазал, рубоийлар яратган. 6000 мисрали «Ваъзи Озод» номли илмий рисола — поэмаси (1753—54) О. ижодида муҳим ўрин тутади. Асар маснавий усулида ёзилган бўлиб, 4 бобдан иборат. 1-қисмида мамлакатда тартиб ўрнатиш, 2-қисмида қалъа ва саройлар қуриш, 3-қисмида жамиятда фан ва маорифнинг ўрни, 4-қисмида камбағаллар ва дарвешлар тўғрисида фикр юритган. Асарда туркман қабилаларини бирлаштириш, солиқларни камайтириш, каналлар ўтказиш, йўл ва кўприклар қуриш каби масалалар акс этган.

«ОЗОДЛИК» — чет эллардаги антисовет ташкилотлари томонидан Совет Иттифоқига қарши радио орқали «идеологик уруш» олиб борувчи ташкилот. 1951 йили ташкил қилинган. Дастлаб «Ҳалоскорлик радиоси» деб номланган. ГФР терр-яси (Мюнхен)да. Филиал ва редакциялари Испаниядан Тайвангача турли мамлакатларда жойлашган. 22 тилда (жумладан Ўрта Осиё халқлари тилларида) эшиттиришлар олиб боради (1976). Уз маблағининг асосий қисмини АҚШ ҳукуматидан олади. «О.» нинг мақсади Совет Иттифоқига қарши туҳматдан иборат информациялар тарқатиш, шунингдек сиёсий жосуслик ва разведка материалларини тўплашдан иборат. «О.»да Улуғ Ватан уруши йилларидаги Ватан хоинлари гестапонинг собиқ агентлари, турли сиёсий жиноятчилар хизмат қилади.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ — жазонинг жиноятчини жамоатдан мажбурий ажратиб қўйишдан иборат тури. Бундай жазо давлат томонидан белгиланган жойларда ўталади. Совет жиноят ҳуқуқига кўра, жиноятчини суд ҳукми б-н 3 ойдан 10 йилгача, қонунда белгиланган айрим ҳолларда эса 15 йилгача (жиноят қилган пайтда 18 ёшга тўлмаган айбдорни 10 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга) О. м. қ. мумкин. О. м. қ. ҳукм қилинганлар ҳуқуқини чеклаш ва муайян жазо турини ўташ режими б-н боғлиқ (мас., маҳбуслар бирон жойга ўзича бориш ҳуқуқидан маҳрумдирлар). Белгиланган қондага кўра, суднинг ҳукми б-н озодликдан маҳрум қилинган шахслар жазони аҳлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида (вояга етмаганлар эса меҳнат-тарбия колонияларида) ўтайди. Алоҳида хавфли рецидивистлар ёки шахслар, шунингдек алоҳида хавфли давлат жиноятчилари ёки бошқа оғир жиноятларни қилган ва 5 йилдан ортиқ муддатга ҳукм қилинган шахслар жазо муддатини турмада ўташга ҳукм этилиши мумкин.

Социалистик мамлакатларда ҳам О. м. қ. жиноятчиларга нисбатан қўлланиладиган жазо турларидан бири ҳисобланади. О. м. қ. муддатлари юз берган жиноятнинг оғир-енгиллигига қараб белгиланади (мас., Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Чехословакияда — О. м. қ. нинг максимал муддати 15 йил, қонунда кўзда тутилган айрим ҳоллардагина 20 йил).

Кўпгина буржуа давлатлари қонунларида О. м. қ. нинг бир нечта шакли мавжуд (турма қамоғи ва б.). Жиноятчини муддатсиз, шунингдек умрбод қамаш буржуа ҳуқуқига хосдир (мас., Францияда жиноятчини О. м. қ. муддати белгиланмайди, АҚШда эса бир умрга О. м. қ. ҳолатлари бор). Буржуа давлатлари ҳамма гражданларнинг қонун олдида тенглигини эълон қилган бўлса-да, амалда, айрим шахслар (капиталистлар)га нисбатан О. м. қ. ни алоҳида енгиллаштирилган режими татбиқ қилинади.

ОЗОКЕРИТ (юнон. ózo — ҳид таратаман ва kerós — мум), тоғ муми — *битум*лар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби қаттиқ ҳолатдаги тўйинган углеводородлардан иборат. Ранги оч яшил, сариқ, қўнғир. Юмшоқ, қаттиқ, баъзан мўрт бўлади. О. дан керосин ҳиди келади. С. оғ. 0,85—1; 52°—85°С да эрийди. Таркибида 84—86% углерод, 13,5—15% водород ва 2% кислород, азот, олтингугурт бор. О. қатламларда нефть борлигидан далолат беради: Қум ва оҳактошларда 4—16% О. мавжуд.

Термоизоляция, гидроизоляция, бўёқчилик, медицина (озокерит терапияси) ва атторлик саноатида қўлланилади. Асосан, О. қайта ишланиб, ундан церезин олинади. СССРда — Украина (Львов обл.), Туркманистон (Челекен) ва Узбекистон (Фарғона) да О. нинг йирик конлари бор.

ОЗОКЕРИТОТЕРАПИЯ — *озокерит*дан даво мақсадида фойдаланиш. Таъсири ва қўлланиш йўллари *парафинотерапия*га ўхшаш.

ОЗОН (юнон. ózo — ҳид таратаман), O_3 — кислороднинг аллотропик шакли. О. молекуласида учта кислород атоми бор. О. ни биринчи марта 1785 йилда голландиялик физик Ван-Марум ҳаво орқали электр учқунлари ўтказилганда ўзига хос ҳид пайдо бўлиши ва оксидловчи хоссага эга бўлишлигидан топган. О. нинг хоссалари кислороднikидан кескин фарқ қилади. Ўзига хос ҳиди бор. Кўк тусли ва одатдаги шароитда портловчан газ. Қайнаш т-раси — 112°С; суюқланиш т-раси — 197,7°С. Кучли оксидловчи ва беқарор модда. Калий йодиднинг нейтрал эритмасига О. таъсир этганида, калий йодид оксидланиб, йод ҳосил бўлади:

$$O_3+2KJ+H_2O \rightarrow J_2+O_2+2KOH.$$

Қора тусли қўрғошин сульфид О. таъсирида оксидланиб, оқ тусли қўрғошин сульфатга айланди. О. баъзи бир анорганик ва органик моддалар б-н бирикиб, озонидлар (қ. *Пероксидлар* ва *пероксид бирикмалар*) ҳосил қилади. О. ҳосил қилиш учун махсус асбоб — озонатор ишлатилади. О. ҳавода бўлади. Оксидловчи, дезинфекцияловчи ва бактерияларни ўлдирувчи хоссаларга эга бўлганлиги учун ичимлик сувни тозалашда, озиқ-овқат саноатида, оксидловчи сифатида ёғ ва қоғозни оқартиришда ҳам ишлатилади. О. нинг ҳавода энг катта йўл қўйиладиган концентрацияси 10—5% бўлиши керак, чунки О. ис гази CO га нисбатан ҳам заҳарлидир.

Ад.: Саидносирова З., Анорганик химия, Т., 1970.

ОЗОНИДЛАР — қ. *Пероксидлар ва пероксид бирикмалар.*

ОЗОНОСФЕРА — ер сиртидан 10—50 *км* баландликда жойлашган *озон*ли атмосфера қатлами; 20—25 *км* баландликдаги О. да озон энг кўп тўпланади. О. да озоннинг ҳосил бўлиши ва унинг баландлик бўйича тарқалиши фотохимиявий назария орқали яхши тушунтирилади. Озон Қуёш радиациясини кучли ютади, шунинг учун Қуёш радиациясининг биологик жиҳатдан анча актив қисми ер сиртига етиб келмайди. Радиацияни ютиши натижасида О. қатламидаги т-ра анча кўтарилади. О.даги озонни текшириш учун ҳар хил баландликда олинган ҳаво намунаси анализ қилинади, ер сиртидаги ёки зонд ва ракеталар ёрдамида атмосферага олиб чиқилган оптик асбоблар (спектрофотометр ва б.) дан фойдаланилади. О. маълумотлари Қуёш радиациясининг Ер атмосферасида ютилиш характерини аниқлайди.

ОЗУРГЕТИ — ГрузССРдаги *Махарадзе* шаҳрининг 1934 йилгача бўлган номи.

ОЗУҚА БИРЛИГИ — молларга едириладиган ем-хашак тўйимлилигини белгиловчи ўлчов бирлиги. Совет О. б. ни 1922—23 йилларда РСФСР Ер ишлари халқ комиссарлиги Е. А. Богданов раҳбарлигидаги зоотехника илмий совети комиссияси ишлаб чиққан. О. б. 1 *кг* қуруқ сули тўйимлилигига тенг қилиб олинган. Бошқа ем-хашаклар тўйимлилиги шунга таққослаб баҳоланади. Мас., 1 *кг* қуруқ беда 0,5; арпа 1,15; 1 *кг* маккажўхори 1,4 О. б. га тенг. Қорамолларда ёғ тўпланишига қараб белгиланадиган бир О. б. тўйимлилиги 150 *г* ёғ ёки 1414 *ккал* га тенг. Ем-хашак тўйимлилиги баҳоланаётганда О. б. дан ташқари, унинг таркибидаги ҳазм бўладиган протеин, кальций, фосфор, каротин ҳамда витаминларга ҳам қаралади. Амалда ем-хашак тўйимлилиги кўрсатилган махсус жадваллардан фойдаланилади. АҚШ, ГФР, ГДР, Буюк Британия ва б. мамлакатларда озуқа таркибидаги ҳазм бўладиган озиқ моддаларга қараб баҳоланади. О. б. асосида ҳайвонлар учун озуқа нормаси белгланиб, озуқа рациони тузилади (яна қ. *Ем-хашак тўйимлилиги*).

ОЗУҚА НОРМАСИ — ҳайвонлар ҳаётини сақлаш ва маҳсулдорлигини ошириш учун зарур озуқа моддаларнинг кундалик миқдори. Чорвачилик маҳсулотларини кўплаб етиштириш ва ем-хашакдан рационал фойдаланиш, молларга бериладиган ем-хашакнинг сифати ва миқдорига, ҳайвонларнинг озуқага бўлган талаби ҳамда хўжалик шароитига боғлиқ. Молларга озуқа белгиланган норма асосида берилади. Озуқанинг нормадан ками ҳам, кўпи ҳам ҳайвонга салбий таъсир этади. Амалда қўлланиш учун тавсия қилинган ҳозирги О. н. ҳайвонларнинг озуқа моддаларга бўлган умумий талаби асосида тузилиб, *озуқа бирлиги* б-н ифодаланади; шунингдек бунда ҳазм бўладиган протеин, кальций, фосфор, каротин нормалари ҳам кўрсатилган бўлади. Ҳар бир ҳайвон тури учун витаминлар, микроэлементлар нормаси ишлаб чиқилган. Қисир молларнинг ва ишлатилмайдиган ҳайвонларнинг О. н. уларнинг озуқа моддаларга бўлган минимал талаби асосида тузилади.

Ёғлилиги 4% бўлган 1 *л* сут ҳосил бўлиши учун тахм. 0,5 озуқа бирлиги сарф бўлишини инобатга олиб, соғин сигирлар учун О. н. ҳисоблаб чиқилади. О. н. доимий бўлмай, шароитга ва ишлаб чиқариш топшириғига қараб қайта кўриб чиқилади, лозим бўлса ўзгартирилади.

ОЗУҚА РАЦИОНИ — молларга бир суткада едириладиган ем-хашак. О. р. *озуқа нормаси* асосида тузилади; бунда хўжаликда мавжуд ем-хашакнинг тури, тўйимлилиги, чорва молларининг ёши, соғломлиги, маҳсулдорлиги, иштаҳаси ва б. индивидуал хусусиятлари эътиборга олинади. О. р. протеин, аминокислота, кальций, фосфор ва ош тузига бой бўлиши керак. О. р. белгилашда ўртача иштаҳали чорва моллари кўзда тутилади. Уларнинг нормал овқат ҳазм қилишини таъминлаш учун рационда ем-хашак нисбати тўғри белгиланади. О. р., одатда, ҳар ойда янгидан тузилади.

ОИЛА — кишиларнинг табиий-биологик (жинсий муносабатлар, бола туғиш), иқтисодий (мулкий муносабатлар, уй-рўзғорни бошқариш), ҳуқуқий (мас., никоҳни давлат йўли б-н қайд этиш), маънавий (эр-хотин, ота-она ва болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат туйғуси ва б.) муносабатларига асосланган ижтимоий бирлиги. О. аъзолари бир-бирлари б-н умумий турмуш, ўзаро иқтисодий-мулкий, ҳуқуқий, ахлоқий, психологик ва ҳ. к. алоқалар б-н боғланган. Унинг энг муҳим социал вазифалари — инсон зотини давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, О. аъзоларининг турмуш маишатини, бўш вақтини уюштиришдан иборат.

Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса саналса-да, жамиятдаги мавжуд ижтимоий (иқтисодий, идеологик) муносабатлар б-н белгиланади ва улар таъсирида ўзгариб боради. Шунга кўра, ҳар бир жамият ўзига мос О. типини, оилавий муносабатларни ўрнатади.

О. жамият тарихида азалдан мавжуд бўлмаган. Ибтидоий жамоа тузумининг биринчи босқичида кишилар эндигина ҳайвонот оламидан ажраб чиқаётган, тўда-тўда бўлиб яшаётган даврда жинслар орасидаги муносабатлар муайян тартиб-қоидага эга бўлмай, тўдадаги барча эркаклар ва аёллар бир-бирига умумий эр-хотин ҳисобланган. Тарихий тараққиёт жараёнида жинсий муносабатлар аста-секин муайян тартибга солина бошлади. Биринчи галда ота-она б-н фарзандлар, сўнгра ака-ука ва опа-сингиллар орасидаги жинсий муносабатлар тақиқланди. Шундай қилиб, группавий О. доирасида жуфт О. пайдо бўлди. Лекин бу О. ларда ҳали эр-хотин никоҳи барқарор, алоҳида хўжаликка эга эмас эди. Бу даврда табиий фактор ўз вазифасини тугаллади, яъни жинсий муносабатлар доирасидан қон-қариндошлар истисно қилинди, жинсий муносабатга фақат бир эркак ва бир аёл муносабатига айланди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш — чорвачилик ва деҳқончилик ривожланиши б-н эркаклар меҳнатининг қадри ошди, маҳсулот ишлаб чиқаришда эркаклар улуши ортди, бинобарин, уларнинг ижтимоий мавқеи ҳам тубдан ўзгарди. Мавжуд қоида, тартиблар — фарзандларнинг онагагина тегишли бўлиши, она мулкига мерос-хўр саналиши эркакларнинг янги мавқеига зид келиб қолди. Натижада ота ҳуқуқига асосланган *патриархал оила* вужудга келди. Ф. Энгельс бу О. ни жуфт О. б-н моногам О. ўртасидаги оралиқ форма деб кўрсатган. О. аъзоларидан ташқари, унда қулларни ҳам сақлаш; отанинг тўлиқ ҳукмронлиги бу О. нинг муҳим белгиларидир.

Шундай қилиб, ибтидоий жамоа тузуми б-н қулдорлик тузуми оралиғида ҳозирги индивидуал О. нинг ўтмишдоши — моногам О. (бир

никоҳлик) вужудга келди. Лекин бу О. эркак ва аёлнинг ихтиёрий иттифоқи бўлмай, хусусий мулкни сақлаш, уни қонуний меросхўрга топширишни кўзловчи, хотиннинг эркакка тўла қарамлигига асосланган О. эди. Синфий жамиятда бир никоҳлиликнинг мақсади шуки, эр О. да ҳукмрон бўлади ва эрнинг бойлигини мерос қилиб оладиган болаларнинг туғилиши шарт ҳисобланади. Хусусий мулкчилик муносабатлари буржуа О. сида, айниқса, чуқур из қолдирди. Бу муносабатлар О. аъзоларининг бир-бирини севиш, бир-бирига меҳр-муҳаббат боғлашидек табиий туйғуга тубдан зиддир. «Буржуазия оила муносабатларидаги меҳрибонлик — кўнгилчанлик пардаларини йиртиб ташлади ва уларни пуқул пул муносабатларига айлантириб юборди (К. Маркс ва Ф. Энгельс, Коммунистик партия манифести, Т., 1966, 37- б.).

Фақат хусусий мулк б-н боғлиқ бўлмаган пролетариат орасидагина янги, чинакам инсоний онлавий муносабатларнинг куртаклари пайдо бўлди. О. нинг чуқур ички антагонизмлардан холи бўлган янги формаси социалистик рев-я галаба қозонгандан кейин қарор топди, бу вақтда ишлаб чиқариш воситалари умумхалқ мулки саналиб, кишилар ўртасидаги муносабатлар мулкий муносабатлар тазйиқидан халос бўлди. Жинслар ўртасида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенглик ўрнатилиши (аёлларга меҳнат қилиш ва меҳнатга баробар ҳақ олиш, давлат ҳокимиятининг ҳамма органларига сайлаш ва сайланиш, билим олиш, социал таъминот ва дам олиш соҳаларида эркаклар б-н баб-баравар ҳуқуқ берилиши) янги О. нинг шаклланишида катта роль ўйнади. Бундай шароитда О. аъзолари ўртасидаги муносабатда манфаатларнинг умумийлиги, ўзаро ёрдам, бир-бирини севиш ва ҳурмат қилиш туйғуси энг асосий омил бўлиб қолди.

Социалистик жамиятда О. нинг функциялари ҳам ўзгарди. Жамият О. нинг иқтисодий ишлаб чиқариш функциясини ўз зиммасига олди (бу функция қисман ва вақтинча қишлоқ О. ларида сақланиб турди), шунингдек жамият ёш авлодни тарбиялашда ҳам О. га ҳар томонлама ёрдам кўрсатди. Бироқ социалистик О. хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда эркаклар б-н амалий тенглигини ўрнатиш процессининг тугалланмаганлиги, О. га маиший хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг етарли ривожланмаганлиги, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда ва О. даги ролига эскича қараш қолдиқлари, уй-рўзғор ишларининг эр-хотин ўртасида нотенг тақсимланиши б-н боғлиқ бўлган айрим зиддиятлардан холи эмас. Фақат коммунистик қурилиш жараёнида бундай зиддиятлар бартараф бўлиб боради, бинобарин, О. янада мустаҳкамланади, тенглик, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдамга асосланган чинакам коллективга айланади. Коммунистик О. да ҳам О. аъзоларининг ёши, жинси, темпераменти, дидидаги фарқлар б-н боғлиқ бўлган психологик конфликтлар бўлиши мумкин, лекин улар О. аъзоларининг юксак онглилиги заминида ҳал қилиб борилади.

Ад.: Энгельс Ф., Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1967; Ленин В. И., И. Ф. Армандга хатлар, Асарлар, 35—36- т.; Вольфсон С. Я., Семья и брак в их историческом развитии, М., 1937; Кисляков Н. А., Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, Л., 1969; Жалилов Ҳ., Оила ва турмуш, Т., 1968; Дарский Л. Е., Формирование семьи, М., 1972; Семья как объект философского и социологического исследования, [Сб. ст.], Л., 1974; Семенов Ю. И., Происхождение брака и семьи, М., 1974; Борман Р., Молодёжь и любовь, М., 1975.

ОИЛА (familia) — ботаника ва зоологиядаги систематик категория. Усимликларда қабила б-н туркум, ҳайвонларда туркум б-н уруғ орасидаги ўринни эгаллайди. О. бир-бирига яқин туркум (уруғ)ларни бирлаштиради. Мас., ботаникада толдошлар (толгуллилар О. си) тол, терак, чозения туркумларидан; зоологияда тийинлар оиласи тийин, суғур, бурундуқ, юмронқозиқ, ингичка оёқли юмронқозиқ ва б. уруғлардан иборат. Баъзи О. лар бир неча ўнлаб туркум (уруғ)ни бирлаштиради. Мас., мураккабгулдошларнинг 800, орхисдошларнинг 500 дан зиёд туркуми бор. Фақат битта туркумдан иборат О. лар ҳам бор, мас., қирқбўғимдошлар, гинкгодошлар. Йирик О. лар, баъзан кенжа О. ларга бўлинади. Яқин О. лар қабилага (зоологияда туркумга) бирлашади. О. нинг латинча номи зоологияда — idae (мас., Sciuridae — тийинлар), ботаникада, кўпинча асеае қўшимчаси б-н тугайди (мас., Fagaceae — буксимонгулдошлар). Ўзбек ботаник терминологиясида О.— дош, кенжа О.— дошча қўшимчаси б-н белгиланади (мас., атиргулдошлар, итбурунгулдошчалар ва ҳ. к.). Бу усулни терминологияга акад. Қ. З. *Зокиров* киритган.

ОИЛА ТАРБИЯСИ — оилада ота-оналар, васий ёки катта кишилар томонидан болаларни тарбиялаш. Ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим ўрин тутади. О. т. да доимий тарбиявий таъсирчан куч — оилавий тартиб, яъни оила аъзоларининг бир-бирларига муносабати, ота-она ва б. катта кишиларнинг хулқ-атвори, маданий ва сиёсий савияси, оила бюджети, яшаш шароити ва ҳ. к. Оила қанчалик тартибли, унинг аъзолари ўртасидаги муносабат самимий бўлса, О. т. ҳам шунчалик муваффақиятли бўлади.

О. т. боланинг илк гўдаклик давридан бошланади, оилада унинг соғлиги, жисмоний камолоти, тўғри овқатланиш, ухлаш режими, озодалик ва ш. к. га аҳамият берилади. Болада ёшликда бошқаларга тақлид этиши кучли бўлганлиги сабабли оиладаги катталар унинг олдида ножўя хатти-ҳаракат қилишларига йўл қўймаслик лозим. Боланинг ақлий тараққиёти, ундаги ижобий хислатларнинг шаклланишига ҳам илк ёшлигидан аҳамият берилади. Бола катта бўлган сари О. т. ҳам мураккаблашади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ҳар нарсага қизиқувчанлик, интилиш жуда кучли бўлади. Бу даврда оилада боланинг хатти-ҳаракатини қатъий назорат қилиб, ижобий фаолиятга ундаш, йўлга солиш, қобилиятнинг ўсишига аҳамият бериш зарур. Лекин «Ота-оналар унар-унмасга ёрдам беравермасликлари, бериладиган ёрдам боланинг жонига тегадиган, уни чарчатиб қўядиган ёрдам бўлмаслиги керак. Болалар тўсқинларни енгишга ва анча мураккаб масалаларни ечишга одатланишлари учун, баъзи ҳолларда қийинчиликдан чиқишни боланинг ўзига қўйиб бериш лозим. Лекин боланинг бу аҳволдан қандай чиқаётганини ҳар доим кузатиб бориш, унинг чалкашиб қолиб, руҳи тушиб кетишига йўл қўймаслик керак. Баъзан, ҳатто, бола сизнинг огоҳ кузатиб турганингизни, унинг қилаётган ҳаракатига диққат бераётганингиз ва ишонганлигингизни сезиб турсин» (А. С. Макаренко, Болалар тарбияси ҳақида лекциялар, Т., 1956, 31- бет). Оилада боланинг ҳаётига мос режим ўрнатиш уни тартибли бўлишга одатлантиради, ўз хулқ-атворини бошқариш кўникмасини ҳосил қилади. Мактабгача тарбия ёшидаги болалар ҳаётида ўйин асосий ўрин тутади. Ота-она болаларининг ёшига мос ўйинчоқлар олиб беришлари ва уларнинг ўйинларини вақт-вақти б-н назорат этишлари керак (қ. *Болалар ўйинлари*).

Боланинг жисмоний тарбиясида оиланинг имконияти катта. Илк ёшлигиданоқ болага гигиена тартиби ва жисмоний машқларни мунтазам ўргатиб бориш лозим (қ. *Болалар ва ўсмирлар гигиенаси*). Бу ишда катталарнинг ўрнак бўлиши муҳим ўрин тутади.

Оилада меҳнат тарбияси болаларни уй юмушига жалб этишдан бошланади. Боланинг илк меҳнат тажрибаси (кийимини ўзи кийиши, ўрин-кўрпасини йиғиштириши, идиш-товоқ ювиши, гулга сув қуйиши ва ш. к.) келгусида унинг меҳнат фаолияти самарали бўлишига асос бўлади, яна ҳам мураккаброқ вазифаларга ундайди. Оила маданиятининг ўсиши, турмушда радио, телевидение, газета, журналлардан кенг фойдаланиш боланинг ақлий тарбиясига жиддий таъсир кўрсатади. Боланинг ҳаётдаги кузатиши ўсган сайин катталарга саволлар б-н мурожаат қилиши табиий ҳолдир. Бундай саволларга диққат б-н қулоқ солиш, уларга етиб борадиган даражада тушунтириш, мустақил ўрганишларига йўлланма бериш б-н ота-она боланинг маънавий тараққиётига катта ёрдам беради.

Оила шароити боланинг *эстетик тарбия*сига ҳам катта таъсир кўрсатади. Кинотеатр, телевидение боланинг эстетик таассуротларини бойитади. Лекин улардан режали, мақсадга мувофиқ фойдаланилгандагина яхши самара беради. Боланинг соатлаб телевизор экрани олдида ўтириши унинг соғлиқ ва тарбиясига зарар етказади, бадиий асарни юзаки идрок этишга ўргатади. Бола ўз ҳиссиёт ва фикрларини мустақил ижод этиш — расм солиш, ашула айтиш, ўйнаш ва ҳ. к. орқали ифодалашига имкон бериш муҳимдир.

Боланинг мактабга чиқиши оиланинг тарбиявий ролини оширади, энди унинг таъсири доимо мактаб таъсири б-н мувофиқ ҳолда бўлиши керак. Оиланинг вазифаси — болаларни ўқув материаллари устида мустақил ишлашга, чидам б-н билим олишга ўргатишдан иборат. Ота-она ўз болалари уй вазифаларини тайёрлашларига зарурий ёрдам кўрсатишлари б-н чекланиб қолмасдан, педагоглар б-н алоқа боғлаб, боланинг мактабдаги ҳаёти б-н танишиб боришлари ҳам лозим. Йигит ва қизлар ўсмирлик даврларида ҳаётда ўз ўринларини топиш, касб танлаш каби ҳаётий масалаларга дуч келадилар. Ота-она бу даврда уларнинг нимага қизиқишларини кузатиб, ўргатиб касб танлашларига ёрдам беришлари зарур. Болаларда жинсий уйғониш даврида ота-она улар организми ва психикасидаги жиддий ўзгаришларни секин-аста тушунтиришлари, уларга гигиеник маслаҳатлар беришлари, ахлоқий ҳиссиётларини тарбиялашлари лозим (қ. *Жинсий тарбия*).

Боланинг оиладаги тарбиясида ота-онанинг обрўси муҳим аҳамиятга эга. Оиладаги катталарнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, бир-бирлари б-н муомалалари, ишлаб чиқаришдаги меҳнати, жамоат ишида иштирок этиши — ёшлар тақлид этиши учун энг ёркин намунадир.


КПСС Программасида оиланинг болаларга тарбиявий таъсири уларнинг ижтимоий тарбияси б-н тобора узвий равишда қўшиб олиб борилиши лозимлиги таъкидланган. Бу ота-онадан болалар боғчаси, мактаб ва б. педагогик муассасаларнинг тарбиявий вазифаларига ҳар томонлама ёрдам бериш кераклигини талаб қилади. Умуман ота-оналар боланинг ахлоқи ва ҳуқуқий масъулияти учун жамоат олдида жавобгардирлар. Уз ота-оналик бурчига эътиборсизлик б-н қараш гражданлик бурчини жиддий бузишдир. Болаларга таълим тарбиявий талабларда ота-оналар б-н тарбиячилар, ўқитувчилар ўртасида бирлик бўлиши ниҳоятда муҳимдир.

Ад.: Энгельс Ф., Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1967; Крупская Н. К., Танланган асарлар, Т., 1969; Макаренко А. С., Болалар тарбияси ҳақида лекциялар, Т., 1956; Печерникова И. А., Величие души, (О воспитании в семье Ульяновых), М., 1970; Лев Ф. Г., Перед школой, М., 1971; Бардиан А. М., Воспитание детей в семье, М., 1972; Родителям о детях, (Справочник), Л., 1975; Шершенева Е. Ф., Кичик ёшдаги болаларнинг оилада ахлоқий тарбияси, Т., 1969; Шербоев М., Оилада болалар тарбиясида халқ традициялари, Т., 1969; Шербоев М., Оилада эстетик тарбия, Т., 1971; Мактабгача тарбия педагогикаси, [Дарслик], Т., 1974, Тўраева О., Эргашев С., Оилада бола тарбияси, (Оила педагогикаси), Т., 1974.

«ОИЛА, ХУСУСИЙ МУЛК ВА ДАВЛАТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ» — Ф. Энгельс асари. 1884 йилда нашр этилган. Унда Ф. Энгельс Морганнинг «Қадимги жамият» китобидаги материалларга, шунингдек фаннинг бошқа маълумотларига таяниб, ибтидоий жамоа тузумининг асосий хусусиятларини тадқиқ қилган. Жамиятнинг иқтисодий тараққиёти б-н боғлиқ ҳолда никоҳ ва оила шаклларининг ўзгариб боришини қараб чиқади, уруғдошлик тузуми инқирози жараёнини таҳлил этади. Ф. Энгельс меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва меҳнатнинг тақсимланиши айирбошлаш, хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлишига, уруғдошлик тузумининг емирилишига, синфларнинг келиб чиқишига олиб келганлигини кўрсатади. Синфий зиддиятларнинг юзага келиши ҳукмрон синфлар манфаатини ҳимоя қилиш қуроли бўлган давлатнинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Ф. Энгельс чиқарган асосий хулосалар қуйидагилар: 1) хусусий мулкчилик, синфлар ва давлат ҳамиша ҳам мавжуд бўлмаган, балки иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган; 2) давлат эксплуататорлар қўлида ҳамма вақт кенг халқ оммасини итоатда сақлаш ва эзиш қуроли бўлиб келган; 3) синфлар қандай пайдо бўлган бўлса, шундай йўқолиб кетади. Синфларнинг йўқолиши б-н давлат ҳам сўзсиз йўқолади. Ф. Энгельснинг бу китоби марксизмнинг жамият ҳақидаги таълимотига қўшилган муҳим ҳисса бўлиб, ҳозир ҳам муҳим қўлланма бўлиб келмоқда.

Ўзбек тилида уч марта алоҳида нашр этилган (1940, 1956, 1967).

ОИЛА ҲУҚУҚИ (совет ҳуқуқида) — никоҳ, қариндошлик, болаларни фарзандликка ва тарбияга олишдан келиб чиқадиган муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқ соҳаси. О. ҳ. никоҳга кириш муносабатларини, эр-хотин, ота-она б-н болалар ҳамда оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий, шунингдек фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни тарбияга олишдан келиб чиқадиган муносабатларни, никоҳни бекор қилиш ва гражданлик ҳолати актларини ёзиш масалаларини тартибга солади. Совет О. ҳ. нинг вазифа-



Ой. 1-расм. Ой фазалари.

си коммунистик ахлоқ принципларига асосланган совет оиласида, моддий манфаатларни кўзлашдан холи бўлган, ўзаро соф муҳаббатга асосланган никоҳ муносабатларини мустаҳкамлашдан, оила аъзоларининг ҳаммаси бир-бирига дўст-иноқ бўлиб, бир-бирини ҳурматлашга асосланган оилавий муносабатлар қуришдан, оилада болалар тарбиясини ижтимоий тарбия б-н узвий равишда қўшиб олиб борган ҳолда уларни Ватанга содиқлик, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашдан, она ва бола манфаатларини бутун чоралар б-н муҳофаза қилишдан, оилавий муносабатларда ўтмишнинг зарарли сарқитларини ва урф-одатларини тамомила йўқотишдан ҳамда ҳар бир гражданда оила олдидаги масъулият ҳиссини тарбиялашдан иборат.

Бу вазифаларни амалга ошириш тадбирлари СССР ва иттифоқдош республикаларнинг конституцияларида, 1968 йил 27 июнда қабул қилинган «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асослари»да, Ўзбекистон ССРнинг 1969 йил 6 июнда қабул қилинган Никоҳ ва оила кодексида баён қилинган. Оилавий муносабатларда эркак б-н аёл тенг ҳуқуққа эга. Бу тенглик мамлакатнинг давлат, ижтимоий-сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётида иштирок этаётган аёллар б-н эркакларнинг тенг имтиёзларга асосланади.

Социалистик жамиятда она ва бола манфаатлари давлат томонидан қўриқланади. Бу кўплаб туғруқхона, болалар яслиси ва боғчалари, интернат мактаблар ва б. болалар муассасалари ташкил этиш, аёлларга ҳомиладорлик даврида ва туққандан кейин маоши сақланган ҳолда отпуска бериш, ишлаб чиқаришда уларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, шунингдек давлат ва жамоат томонидан бошқа хил ёрдамлар беришда ўз ифодасини топган.

Ад.: Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила кодекси, Т., 1969.

ОЙ — Ернинг ягона табиий йўлдоши ва Ерга энг яқин осмон жисми. Астрономик белгиси ☽.

Ой ҳаракати. Ой Ер атрофида деярли эллиптик орбитада ўртача 1,02 *км/сек* тезлик б-н, (Ой орбитасига Дунё шимолий қутбидан қараганда) соат милига тескари йўналишда ҳаракатланади. Ер марказидан Ой марказигача минимал узоқлиги 356 400 *км*, максимал узоқлиги 406 800 *км*, ўртача узоқлиги 384 400 *км*, ўртача горизонтал экваториал параллакси 57′2″,6. Ой орбитаси эксцентриситети 0,0549. Ойнинг Ер атрофида айланиш даври (*сидерик ой*) ўрта ҳисобда 27,32166 сутка. Қуёш Ойни Ерга нисбатан 2,2 марта катта куч б-н тортади. Шунинг учун Ой ҳаракатини ўрганишда, асосан, Ойнинг Қуёш атрофида айланишини текшириб Ернинг тортиш кучи таъсирида Ой чекинишларини тадқиқ қилиш кифоя. Лекин қўпгина олимлар (И. *Ньютон* ҳам) ишлаб чиққан гравитация назарияси Ой ҳаракатини Ердан кўринишига қараб шундай тадқиқ қилади. Америкалик астроном Э. Браун Ой ҳаракатини ўрганиш учун америка математиги Ж. Хилл назарияси асосида ўзи тузган 1500 ҳадли математик қаторлардан фойдаланиб (1919), Ой параллакси, кенглиги ва узунлигини аниқлаш учун махсус жадваллар тузди.

Ой орбитаси эклиптика текислигига 5°8′43″ бурчак остида ётади. Бу бурчак ўзгариб туради. Орбитанинг эклиптика б-н кесишиш нуқталари чиқиш ва тушиш тугунлари дейилади. Ой эклиптикани 6794 сутка (18,6 йил)да тўла бир марта айланиб чиқади. Ойнинг бирор тугундан чиқиб, яна шу тугунга қайтиб келиши орасида ўтган вақт (аждар ойи) сидерик ойдан кичик (ўрта ҳисобда 27,21222 суткага тенг). Қуёш ва Ой тутилишлари даврийлиги шу ой б-н боғлиқ.

Ой эклиптика б-н 88°27′13″ бурчак ташкил этувчи ўқ атрофида айланади. Унинг ўз ўқи атрофида айланиш даври сидерик ой (давр)га тенг, шу сабабли Ой ҳамма вақт Ерга бир томон б-н «қараб» туради. Даврларнинг бундай бир хил бўлиши тасодифий эмас. Ернинг тортиш кучи Ойнинг айланишига таъсир кўрсатади. Аммо Ой ўз ўқи атрофида текис айлангани б-н эклиптик орбитанинг турли нуқталарида унинг ҳаракат тезлиги турлича бўлади, натижада Ердан Ой бир оз тебраниб ҳаракатлангандай кўринади. Тебраниш узунлама бўйича 7°54′, кенглама бўйича 6°50′ га тенг. Бундай тебраниш *либерация* дейилади. Ойнинг экватор ва орбита текисликлари ҳамда эклиптика текислиги ҳамма вақт бир тўғри чизиқда кесишади (Кассини қонуни).

Ой шакли радиуси 1737 *км* ли шарга яқин, яъни 0,2724 Ернинг экваториал радиусига тенг. Ой сирти майдони $3{,}8 \cdot 10^7$ *км*^{2} (яъни 0,0743≈$^3/_{40}$ Ер), ҳажми $2{,}2 \cdot 10^{25}$ *см*^{3} (0,0203≈$^1/_{49}$ Ер ҳажми). Ой сиртидаги нуқталарнинг радиусини Ердан туриб ўлчаш деярли мумкин эмас. Шунинг учун либерацияга асосланган кучсиз стереоскопик эффектдан фойдаланилади. Либрацияни ўрганиш Ой эллипсоидининг бош ярим ўқлари фарқини аниқлашга имкон берди. Ойнинг Қутб ўқи Ерга йўналган экваториал ўқдан 700 *м*, Ер йўналишига перпендикуляр йўналишдаги экваториал ўқдан эса 400 *м* кичик. Шундай қилиб, Ернинг тортиш кучи таъсирида Ой шаклида Ерга йўналган қабариқлик ҳосил бўлган. Ердан учирилган сунъий йўлдошларни кузатиб, Ой массаси энг аниқ ҳисобланган; у Ер массасидан 81,3 марта кичик, яъни $7{,}35 \cdot 10^{25}$ *г*. Ўртача зичлиги 3,34 *г/см*^{3} (0,61 Ер ўртача зичлигига тенг). Оғирлик кучи тезланиши Ой сатҳида Ердагидан 6 марта кичик, яъни 162,3 *см/сек*^{2} бўлиб, Ой сатҳидан ҳар бир *км* кўтарилган сари 0,187 *см/сек*^{2} га камайиб боради. Ойда биринчи космик тезлик 1680 *м/сек*, иккинчи космик тезлик 2375 *м/сек*. Ойнинг тортиш кучи кичик бўлганлиги сабабли, унинг атрофида газ қобиғи ва эркин ҳолдаги сув бўлиши мумкин эмас.

Ой фазалари. Ой ўзидан нур чиқармайди, уни Қуёш нури ёки Қуёш нурининг Ердан қайтган қисми ёритиши мумкин, шунинг учун Ой Ердан турли шаклда кўринади. Ҳар ойда Ой тахм. Ер б-н Қуёш орасидан ўтади ва Ерга ўзининг қоронғи томони б-н туради (1-расм). Бунга *янги ой* дейилади. 1—2 кун (сутка)дан сўнг осмоннинг ғарбий қисмида Ой ўроқ шаклида кўринади. Ойнинг қолган қисмини Ер ўзининг кундузги ярим шари б-н хира кул ранг равишда ёритиб туради. 7 кундан кейин Ердан Ой б-н Қуёш йўналишлари орасидаги бурчак 90° бўлади. Ойнинг бу фазасини *биринчи чорак* дейилади. Тахм. 14—15 кунлик Ой *тўлин ой* бўлади. Бунда Ойнинг ярим палласини кўриш мумкин. Кейинги кунларда Ойнинг ғарбий томони кўринмай, 22-суткада фақат қабариқ томони шарққа қараган ярим доира кўринади. Буни *охирги чорак* дейилади. 29,5 суткада яна янги ой фазаси

бўлади. Икки кетма-кет келган янги ой орасида ўтган вақт синодик ой бўлиб, у 29,53059 суткага тенг. Синодик ой сидерик ойга қараганда бир оз ортиқроқ, чунки шу давр орасида Ер ўз орбитасининг ~ $^1/_{13}$ қисмини ўтади. Агар янги ой фазаси Ой орбитасидаги тугунларнинг биронтасига тўғри келса, Қуёш тутилади. Бу ҳодиса тўлин ой пайтига тўғри келса, Ой тутилади. Ой фазаларининг ўзгариши ой календарларига асос бўлган.

Ой сирти бирмунча қора-оқ рангда, унинг *альбедоси* 0,073, яъни Қуёшдан тушаётган нурларнинг фақат 7,3% ини қайтаради. Ойнинг Ердан ўртача узоқликдаги кўринма юлдуз катталиги — 12,7. Тўлин Ой Қуёшга қараганда 465 000 марта хира. Ойнинг бошқа фазаларида эса унинг ёритилиши янада кам. Мас., 7 ва 22 кунлик Ой ёруғлиги тўлин ой ёруғлигининг 8% ига тенг. Ойнинг ранг кўрсаткичи +1,2, яъни Қуёшга қараганда анча қизғиш. Ой Қуёшга нисбатан ўз ўқи атрофида бир синодик ойда бир марта айланиб чиқади, шунинг учун Ойда ҳар бир кундузи ва кечаси 15 суткагача давом этади. Ойда атмосфера бўлмаганлиги учун тупроғи кундузи (Қуёш кўринишига нисбатан) +110°С, кечаси —120°С бўлади. Радиотўлқинлар ёрдамида кузатиш шуни кўрсатдики, Ой тупроғи т-расининг бундай ўзгариши фақат сиртқи қатламларга хос бўлиб, бир неча *дм* чуқурликда т-ра деярли ўзгармайди.


«Ой географияси»ни *селенография* фани ўрганади. Ҳозирги вақтда Ойнинг мукаммал карталари тузилган (2-расм). Айниқса, Ойнинг Ердан кўринадиган томони яхши ўрганилган, сиртидаги 32 000 та турли тоғ, кратер ва денгизларга ном берилган. Бундан ташқари, 200 000 га яқин майда-чуйда номланмаган кўринишлар Ой картасига туширилган. Катта телескопларда Ой сиртида катталиги 100 *м* келадиган тошлар ёки ёриқларни кўриш мумкин. Оддий кўз б-н Ой дискида «денгизлар» деб номланган катта-катта қора доғларни кўрамиз. Денгизлар четидаги кичик шохобчалар «қўлтиқлар», катта ёруғ доғлар «қитъалар» ва ўртача ёруғликдаги доғлар «ботқоқликлар» деб аталади. Бундай номларни 17-асрда яшаган италиялик астроном Риччоли таклиф қилган. Ойни биринчи марта 1610 йилда Г. Галилей телескопдан кузатган. 1647 й. Я. Гевелий (Гданьск) биринчи Ой картасини тузган. Ой денгизлари ўртача сатҳдан пастроқ жойлашган, қитъалари эса, асосан, тоғли р-нлардир. Кейинги кузатишлардан қитъа ва денгизлар бошқа-бошқа моддалардан ташкил топган, деган хулосага келинди.

Денгизларга тасодифий, баъзан, жуда ғалати номлар берилган. Энг катта денгиз «Бўронлар океани» деб аталади. Ой картасида «Мўл-кўлчилик денгизи», «Сокинлик денгизи», «Булутлар денгизи», «Равшанлик денгизи», «Ёмғирлар денгизи», «Москва денгизи», «Орзу денгизи» каби номлар бор.

Ой рельефи. Ой сирти телескопда бениҳоя нотекис, ўнқир-чўнқир бўлиб кўринади. Айниқса, қитъаларда зич жойлашган ва баъзан «денгизлар»да учрайдиган айлана ёки эллипс шаклидаги ҳалқасимон тоғлар кўп. Диаметрлари бир неча юз *м* дан бир неча юз *км* гача келадиган ҳалқасимон тоғларнинг 30 000 тадан ортиғи Ой карталарида акс эттирилган.

Баъзи ҳалқасимон тоғлар қорамтир моддалар б-н қопланган. Уларга *циркляр* деб ном берилган. Циркларнинг диаметри 250 *км* га етади. Ой шарсимон бўлганлиги сабабли, катта циркларнинг ичи телескопда қабариқ бўлиб кўринади. Ҳалқасимон тоғлар орасида чўққили тепаликлари бўлган тоғлар ажралиб туради. Улар *кратерлар* деб аталади. Одатда, кратерлар циркларидан кичик бўлади, лекин диаметри 100 *км* га етадиганлари ҳам учрайди. Ойдаги кратерлар Ердаги вулкан кратерларига ўхшамайди. Шундай кратерлар ҳам борки, уларнинг атрофи тоғ бўлмаса ҳам кичик-кичик чуқур ёки қудуққа ўхшайди. Уларни ковакчалар дейилади. Сунъий йўлдошлар ва «*Аполлон*» экипажи ёрдамида олинган фотосуратларда (3-расм) Ой сиртида миллионлаб шундай ковакчалар борлиги аниқланди. *Пулково обсерваториясида* махсус телевизион аппаратлар ёрдамида Ойнинг инфрақизил тасвири олинган. Ойнинг бу тасвирида ёруғ нурлар ўрнида тизма тоғлар жойлашганини кўрамиз. Тихо кратеридан 100 тача ёруғ нур чиқади, улардан бири 4000 километрга чўзилган. Инфрақизил нурларда олинган расмда эса бу нурлар мутлақо кўринмайди. Ой сиртида 500 тача ёриқ рўйхатга олинган. Уларнинг ўртача узунлиги 100 *км*, чуқурлиги 100 *м* дан ортиқ, эни бир *км* гача. Баъзи ёриқлар сойсимон бўлиб, суви қуриб қолган дарёни эслатади. Уларга жўяклар деб ном берилган.


Ойда тизма тоғлар кратерлардан камроқ учрайди. Одатда, Ойдаги тизма тоғларга Ердаги тоғларнинг номлари берилган. Мас., Ой карталарида Альп, Карпат ва б. тоғлар бор. Ойнинг Жанубий қутби атрофида тоғлар бениҳоя кўп, энг баланди Лейбниц тоғи — 9 *км*.



2-расм. Ой картаси. Ой автоматик станцияси (ОАС) «Луна-2» (*1*), «Луна-9» (*2*), «Сервейер-1»(*3*), «Луна-13» (*4*), космик кемалар «Аполлон-11» (*5*) ва «Аполлон-12» нинг ой отсеки (*6*) қўнган районлар.



3-расм. Ойнинг орқа томони ҳамда Ернинг «Зонд-6» автоматик станция ёрдамида олинган фотосурати: *1* — Ой гардишининг чети; *2* — Ер.



4- расм. Ойнинг орқа томони картаси (бир қисми).




Одамнинг Ойдаги оёқ изи.

Ойнинг бизга кўринмайдиган томонида тоғли р-лар кўп, қорамтир текислик ва денгизлар жуда кам. Ой орқа томонининг қитъаларида диаметри 200—500 *км* ли катта-катта кратерлар кўп. «Зонд-3» ёрдамида олинган 5 млн. *км*^{2} га яқин терр-я акс эттирилган фотосуратда 484 тадан ортиқ кратер бор (4- расм). Бу кратерларни Ойнинг кўринадиган томонидаги денгизларга ўхшатса бўлади-ю, аммо уларда Ой денгизларига хос қорамтир тус йўқ.

Ҳалқасимон тоғларнинг пайдо бўлиши ҳақида бир қанча назариялар бор. Вулкан ва метеорит гипотезалари бу назарияларнинг асосийси ҳисобланади. Вулкан гипотезасига асосан Ойдаги кратерлар узоқ ўтмишда вулканларнинг отилиб чиқиши натижасида пайдо бўлган деб, метеорит гипотезасида ҳалқасимон тоғлар Ой сиртига космик фазодан тушган метеоритлардан пайдо бўлган, деб ҳисобланади. Ой рельефининг қандай тарзда пайдо бўлганини баён қилувчи ҳар иккала гипотеза Ойнинг суюқ ёки қаттиқ ҳолда пайдо бўлганидан кейинги даврни анализ қилади.

Кейинги 100 йил давомидаги кузатишлар Ой сиртида деярли ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганлигини билдиради. Ойнинг ҳозирги рельефи бундан бир неча юз минг йиллар илгари ҳам шундай бўлган, деб фараз қилинади. Ҳар ҳолда, астрономлар Ойда вулкан отилганлиги ёки метеорит тушганлиги сабабли ҳосил бўлган бирорта Ой кратерини кузатмаганлар. Аммо бундан Ой сиртида ўзгариш мутлақо кузатилмаган, деган хулоса келиб чиқмайди. Ой сиртидаги баъзи нуқталарининг кенгайиши ва торайиши, равшанлигининг кескин ўзгариши ва баъзи кратерлардан аҳён-аҳёнда газлар кўтарилиши кузатилган. Мас., «Равшанлик денгизи»даги «Линней» кратерининг эни 1866 йилгача 10 *км* бўлган, кейинчалик 4 *км* гача қисқарган; 1876 йилда «Гигин» кратери ёнида топилган диаметри 4 *км* ли кратер янги пайдо бўлган кратер деб тахмин қилинади; 1870—1923 йилларда «Платон» цирки Қуёш нурини одатдагидан бошқача қайтарган; 1958 йилда «Альфонс» кратеридан газ ажралиб чиқиб турса керак, деб тахмин қилинган.



Космонавт Жеймс Ирвин Ойда.

Ойнинг пайдо бўлиши. Ойдан келтирилган айрим вулкан жинсларининг ёши қарийб 4,5 миллиард йиллиги аниқланди. Бу йиллар давомида Ойнинг тузилиши, физик табиати, кимёвий таркибида катта ўзгаришлар юз берган. Лекин шулар асосида Ойнинг пайдо бўлиши ҳақида узил-кесил бирор фикр айтиш қийин. Ойнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини муҳим маълумотларга таянган илмий гипотезалар асосида *космогония* фани тушунтиради. Ойнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти ҳақидаги гипотезалар орасида Ж. Дарвин ва О. Ю. Шмидт гипотезалари диққатга сазовор. Мас., Дарвин гипотезасига кўра, бир неча миллиард йиллар илгари Ер ва Ой яхлит жисм бўлган. У Қуёшга ўхшаб суюқ-олов ҳолида бўлгани учун айланиш жараёнида астасекин чўзилиб, нок шаклига келган. Кейинчалик, икки бўлакка ажралган. Каттасидан Ер, кичигидан Ой пайдо бўлган. Физика қонунларига мувофиқ, иккига бўлинган суюқ-олов масса айланиб турганлиги сабабли бир-биридан узоқлашиб кетиши керак эди. Бунда ҳар икки бўлакнинг ўз ўқи атрофида айланиш тезлиги камайиб бориши мумкин. Ҳозир ҳам Ой ва Ер суткаси ўзгариб бормоқда. Мас., Ерда ҳар 1000 йилда бир сутка 1,5 *сек* га узайиб бормоқда. Совет олими О. Ю. Шмидт ва унинг издошлари ишлаб чиққан гипотезага кўра, Ой ва Ер майда зарраларнинг бирикиши ва зичлашишидан бир вақтда пайдо бўлган. Лекин ҳозир Ер олдинроқ пайдо бўлган деган тахмин бор.

Ойни тадқиқ қилишнинг янги босқичи, Ойга сайёраларо автоматик станциялар (САС) ни учиришдан бошланди. СССРда Ойни *«Луна»* ва *«Зонд»* типидаги САСлар б-н, АҚШда, «Лунар Орбитер», «Сервейер» ва, асосан, «Аполлон» программаси ёрдамида тадқиқ қилинмоқда. 1959 йил бошларида СССРда «Луна-1» иккинчи космик тезлик б-н учирилиб, биринчи сунъий планета ҳосил қилинди, 1959 йил 14 сентябрда «Луна-2» СССР Давлат герби тасвирланган вимпелни Ойга олиб борди. Ой ҳақидаги дастлабки маълумотлар «Луна-3» ва «Зонд-3» ёрдамида олинган. 7 окт. 1959 йилда «Луна-3» Ойдан тахминан 65 000 *км* масофада учиб, аппаратлар ёрдамида биринчи марта Ой орқа томони $^2/_3$ қисмининг суратини олиб Ерга узатди. Шундай қилиб, биринчи марта Ойнинг тўлиқ картаси ва глобусини ясаш имкони туғилди. 1966 йил 31 январда учирилган «Луна-9» 1966 йил 3 февралда Ойга биринчи марта юмшоқ қўндирилди. Унинг ёрдамида О. панорамаси Ерга узатилди. Кейинги босқичда Ой атрофида айланувчи сунъий йўлдош учириш, Ойга қўндирилган илмий аппаратларни автоматик усулда Ерга қайтариб тушириш масалалари ҳал қилинди. 1966 йил 31 мартда учирилган «Луна-10» станцияси 1966 йил 3 апрелда Ойнинг биринчи сунъий йўлдоши бўлиб қолди. Ойга қўндирилган САСлар Ой тупрогини, унинг кимёвий таркибини ва механик хоссаларини, физик шароитини ўрганишга киришди. Маълум бўлишича, Ой сиртқи қисмининг зичлиги 1,1—1,2 *г/см*^{3} бўлиб, 1 *кг/см*^{2} нагрузкагача чидайди.

АҚШда учирилган «Лунар Орбитер» типидаги Ой сунъий йўлдошлари ёрдамида Ойнинг бутун майдони ўрта ва айрим қисмлари катта масштабда суратга олинди, космонавтларнинг қўниши учун майдончалар танланди. САСларнинг Ой атрофида учиш тезлигининг ўзгаришига кўра Ойнинг гравитацион картаси тузилди, баъзи юмалоқ шаклдаги денгизларда катта зичликдаги моддалар борлиги аниқланди.


1969 йил 21 июлда Ойга биринчи марта америкалик космонавтлар Н. *Армстронг* ва Э. *Олдрин* «Аполлон-11» космик кема ёрдамида қўндирилди (5- расм). Кейинги «Аполлон»ларда 10 та космонавт О. га қўндирилиб, улар О. да текшириш олиб бордилар ва у ердан бир неча юз *кг* тупроқ намунасини Ерга олиб тушдилар. 1970 йил 20 сентябрда «Луна-16» станцияси Ой тупроғини 35 *см* чуқурликкача қазиб, уни Ерга олиб келди. Ойда иссиқлик оқимининг ўзгариши, магнит майдони, радиация даражаси, Қуёш «шамоли»нинг таркиби ва интенсивлиги ўрганилди. Ой ичидаги иссиқлик оқими Ердагига қараганда уч баробар камлиги аниқланди. Ой жинсларида қолдиқ магнитланганлик топилди, бу эса ўз навбатида ўтмишда Ой эриган суюқ ҳолатда бўлганидан дарак беради. Ойга сейсмометрлар ўрнатилиб, Ойдаги тебранишлар текширила бошланди. Сейсмик маълумотларга қараганда Ой сатҳидан бир неча ўн *км* чуқурликкача анча енгил «қобиқ» бўлиб, унинг остида бир оз зичроқ «мантия» жойлашган. Сейсмик тебранишларнинг узоқ вақт давом этиши «қобиқ» нинг юқори қисмларида ёриқлар борлигини билдиради.

Ойга қўндирилган *«Луноход»*лар Ой сатҳида бир неча ўн минг *м* масофани ўтиб, турли жойларнинг манзарасини, тупроқнинг физик ва механик хоссалари, кимёвий таркиби ҳақидаги маълумотларни Ерга узатди.

Ойнинг космик аппаратлар қўндирилган ҳамма жойида Ой сатҳи реголит б-н қопланганлиги аниқланди. Реголит чангли қатлам бўлиб, қалинлиги бир неча *м* дан бир неча ўн *м* гача. Реголитнинг баъзи бўлакларида метеорит зарралари топилган. Ерга келтирилган намуналар орасида икки турли жинсларни учратиш мумкин: вулкан жинслари (лавалар) ва метеоритлар тушганида майдаланган ва эриган жинслар (шиша, брекчиялар). Вулкан жинсларининг асосий массаси Ердаги базальтларга ўхшайди. Уларда плагиоклаз, пироксен, ильменит, оливин, шпинель, циркон, апатит, металли темир ва мис учрайди. Шунингдек, Ойдан келтирилган намуналарда норит, анортозит, дацит ва калий, фосфорлар борлиги аниқланди. Ойга қўндирилган «Луна-20» ва «Аполлон-16» ёрдамида келтирилган намуналар шундай жинслардан иборат эди. Жинсларнинг барча турлари Ой қаърида узоқ вақт давом этган эриш жараёнида ҳосил бўлган. Ой жинслари қатор хоссалари б-н Ерникидан фарқ қилади. Уларда сув ғоят кам, натрий ва учувчи элементлар эса жуда оз миқдорда учрайди, баъзи намуналарда титан ва темир жуда кўп.


Ад.: Луна, М., 1960; Атлас обратной стороны Луны, ч. 1—2, М., 1960—67; Новое о Луне, М. — Л., 1963; Первые панорамы лунной поверхности, т. 1—2, М., 1967—69; Введение в физику Луны, М., 1969; Проблемы геологии Луны, М., 1969; Раҳматуллаев Х. Р., Раҳимов А. Г., Ой геолог ва астроном кўзи билан, Т., 1971; Современные представления о Луне, М., 1972; Луна, М., 1975; Черкасов И. И., Шаров В. В., Грунт Луны, М., 1975; Рускол Е. Л., Происхождение Луны, М., 1975.

ОЙ (вақт) — Ойнинг Ер атрофида айланиш даврига яқин бўлган вақт оралиғи. О. нинг қуйидаги турлари мавжуд: 1) синодик О.— Ойнинг кетма-кет келган иккита бир хил фаза-лари орасидаги (О. *календарига* асос қилиб олинган) вақт, 29 кун 12 соат 44 *мин* 2,28 *сек*; 2) сидерик О.— Ойнинг юлдузларга нисбатан икки кетма-кет келган вазияти орасида ўтган вақт, 27 кун 7 соат 43 *мин* 11,51 сек; 3) тропик О.— Ойнинг бир хил узунламаларга қайтиши орасида ўтган вақт, 27 кун 7 соат 43 *мин* 4,68 *сек*; 4) аномалистик О.— Ойнинг *перигей*дан кетма-кет ўтиши орасидаги вақт, 27 кун 13 соат 18 *мин* 33,16 *сек*; 5) аждар О.— Ойнинг кўтарилиш тугунидан икки марта кетма-кет ўтиши орасидаги вақт, 27 кун 5 соат 5 *мин* 35,81 *сек*. *Григорий календарида* бир йил 12 О. га бўлинади; О. лар эса 28 (29), 30, 31 кунлардан иборат.



6- расм. «Луна-13» ёрдамида олинган Ой манзараси.

ОЙ АВТОМАТИК СТАНЦИЯСИ — Ойда туриб ишлашга мўлжалланган космик аппарат. Асосий вазифаси Ойдаги физик шароитни тадқиқ қилиш, Ой сатҳининг турли-туман характеристикаларини ўрганиш. О. а. с. бортига Ой тупроғининг кимёвий таркибини аниқлаш, механик хусусиятларини текшириш, т-ра ўзгаришини кузатиб бориш, Ойнинг магнит майдони ва радиациясини ўрганиш, Ойдаги сейсмик тўлқинларни қайд қилиш аппаратлари ва б. илмий аппаратлар, маълумотларни Ерга узатишга мосланган радиотелеметрик ва телевизион системалар жойлаштирилади. О. а. с. конструкцияси ва ундаги аппаратлар Ойдаги ўзига хос шароитга (вакуум, т-ранинг катта диапазонда ўзгариши ва б. га) чидамли қилиб ясалади. Бортидаги аппаратлар электр энергиясини қисман *Қуёш батареясидан* олади. Биринчи О. а. с. СССРда сайёраларо автоматик станция «Луна-9» ёрдамида 1966 йил 3 февралда Ой сатҳига қўндирилди. «Луна» (СССР) ва «Сервейер» (АҚШ) типидаги бир қанча космик аппаратлар Ойга қўндирилган. Расмда «Луна-16» ва «Сервейер» ой автоматик станцияси кўрсатилган.



Ой автоматик станцияси «Сервейер» (схемаси): *1*—қуёш батареяси; *2*—антенна; *3*—электрон жиҳозли контейнер; *4*—антенна; *5*—ёнилғи баки; *6*—юмшоқ қўндириш двигатели; *7*—тирак; *8*—сопло; *9*—батарея; *10*—гелийли баллон; *11*—телевизион камера.

ОЙ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИ — Ой атрофидаги орбитага чиқарилган космик учиш аппаратлари. Уларни учиришда, аввал, элтувчи ракетанинг охирги босқичи Ернинг сунъий йўлдоши орбитасига чиқарилади, сўнгра қўшимча реактив двигателни ишга тушириб, уни Ойга учиш орбитасига ўтказилади. Космик аппаратни Ер атрофидаги орбитадан учириш старт тезлиги параболик тезликдан анча кичик бўлади (қ. *Космик тезликлар*). Ер сиртидан 200 *км* баландликдаги орби-



Ойбек


тадан учирилгандаги энг кичик тезлик тахм. 10,92 *км/сек* (шу баландликдаги параболик тезлик 11,105 *км/сек*); бундай тезлик б-н Ойга яқин орбитагача учиш вақти тахм. 4,74 сутка. Старт тезлиги 10,93 ва 10,96 *км/сек* бўлганда Ойгача тахм. 3,5 ва 2,6 сутка училади. Ой марказидан 66000 *км* масофада космик аппарат Ойнинг тортиш таъсири доирасига киради. Айланиб учиш траекториясида космик аппаратнинг Ойга нисбатан селено-центрик тезлиги шу доира чегарасида 0,8 *км/сек* бўлиб, у шу масофада Ой учун параболик тезлик (0,38 *км/сек*) дан анча ортиқ. Бундай шароитда космик аппарат пассив (бошқарилмасдан) ҳаракатланган ҳолда Ойга нисбатан гипербола бўйича айланиб ўтиб, Ойнинг таъсир доирасидан чиқади ва Ерга қайтиб келади. Космик аппарат Ойнинг сунъий йўлдоши орбитасига ўтиши учун Ердан узатилган команда бўйича бортдаги тормозловчи импульс узатадиган реактив двигатель қисқа муддат ишга туширилади.

О. с. й. орбитаси барча сайёраларнинг йўлдошлари орбитасига ўхшайди. Орбитанинг Ой марказига энг яқин нуқтаси перисе́ление, энг узоқ нуқтаси эса апосе́ление дейилади. О. с. й. нинг r радиусли доиравий орбита бўйлаб селеноцентрик ҳаракат тезлиги $V_к$ ва Ой марказидан ўртача r масофада ўтган орбита бўйлаб айланиш даври T қуйидаги формулалардан аниқланади:


$$v_к = 1,63\sqrt{R/r}\ км/сек,$$
$$T = 108,4\ (r/R)^{3/2}\ мин.$$

Бунда R — Ой радиуси (1738 *км*).

Биринчи О. с. й.—«Луна-10» Совет автоматик станцияси 1966 йил 31 мартда учирилган. «Луна-10» Ойга чиқиш траекториясида (Ер сиртидан 207 *км* баландликда) 10,87 *км/сек* тезликка эга бўлган. Станция 3,5 суткадан кейин Ой сиртидан 1000 *км* масофада унинг атрофидан 2,1 *км/сек* селеноцентрик тезликда айланиб учган. Тормозлаш двигателини ишга туширгач, тезлик 1,25 *км/сек* га камайтирилган ва станция Ой атрофидаги орбитага ўтган. 1966 йил 3 апрелдан 30 майгача учиш вақтида Ой атрофини 460 марта айланиб чиққан. «Луна-10» ёрдамида Ойнинг гамма-нурланиш даражаси ўлчанди. Ой жинсларининг таркиби аниқланди. 1966—69 йилларда ҳаммаси бўлиб, «Луна» (СССР) типида бешта, «Лунар Орбитер» (АҚШ) типида бешта О. с. й. учирилди О. с. й. ёрдамида Ой атрофидаги космик фазо, Ойнинг тортиш майдони ва радиация минтақалари ўрганилди, Ой сатҳининг фотосуратлари олиниб, Ерга узатилди, телевизион камера ёрдамида Ойни доимо кузатиш имкони туғилди. Ой атрофидаги орбитага сунъий йўлдош чиқаришдан яна бир мақсад ундан Ойга қўндириладиган экспедиция учун оралиқ орбита сифатида (мас., Аполлон» программасида) фойдаланишдир.



Ойнинг учинчи сунъий йўлдоши — «Луна-12» (1966 й. 22 октябрда учирилган).



Ойбалиқ

ОЙБАЛИҚ (Mola mola)— туташжағлилар туркумига мансуб балиқ. Танаси қисқа, дум қисми йўқ. Елка ва анал сузгич қанотлари жуда юқорида жойлашган. Танасининг узунлиги 2,5 *м* ча, оғирлиги 500—1000 *кг*. Субтропик денгизларда яшайди. СССРда Япон денгизида (баъзан Владивостокка яқин жойларда) учрайди. 300 млн. увилдириқ ташлайди. Майда балиқлар ва зоопланктонлар б-н овқатланади. Ўсланмайди.

ОЙБЕК (таҳаллуси; асли исми Мусо Тошмуҳаммад ўғли, 1905. 10. 1 — Тошкент — 1968. 1. 7)— ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан, ёзувчи, шоир, олим ва жамоат арбоби. УзССР халқ ёзувчиси (1965). УзССР ФА академиги (1943). 1948 йилдан КПСС аъзоси. Ҳунарманд-бўзчи оиласида туғилган. Эски усулдаги мактабда саводини чиқарган. 1918 йилда «Намуна» номли бошланғич совет мактабида, 1921 йилдан Навоий номидаги Тошкент таълим-тарбия техникумида ўқиди. 1925 йили техникумни тугатгач, ўқитувчилик қилган. 1927—30 йилларда Ленинград Халқ хўжалиги ин-тида ва САГУда ўқиган. 1930—35 йилларда олий ўқув юртларида сиёсий иқтисод фанидан дарс берди. Ўзбекистон Фанлар Қомитети қошидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш ин-тида илмий ходим ва сектор мудири (1934—37). Ўзбекистон Уқув педагогика нашриётида муҳаррир (1938—41), УзССР ФА ижтимоий фанлар бўлими бошлиғи (1943—53), Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси раиси (1945—50). 1958 йилдан умрининг охиригача «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали Бош муҳаррири.

О. нинг дастлабки шеъри 1922 йилда «Армуғон» номли адабий тўпламда босилди. Шундан сўнг «Туйғулар» (1926), «Кўнгил найлари» (1929), «Машъала» (1932) тўпламлари нашр этилди. «Туйғулар» тўпламида «Ер кимники», «Йўқсуллар сўзи», «Ишчига, «Узгариш тўлқинлари», «Ёш куч толмасин», «Уйғон» каби революцион пафос б-н суғорилган шеърлар қаторида тушкинлик кайфиятидаги баъзи шеърлар ҳам мавжуд эди. О. илк шеърларида янгиликнинг эскиликка қарши ҳужумини ва социалистик ҳаёт муваффақиятларини куйлади («Сингилимга хат», «Ўзбекистон учун», «Нева хотиралари» ва б.). «Товушим» шеърида (1927) О. ўз тақдирини пролетариат ва меҳнаткаш халқ тақдири б-н маҳкам боғланганлигини куйлади.

Курашади икки тўлқин
Қараб турайми?
Еш тарихнинг темир қўлин
Кетга бурайми?
Йўқ! болғалар, ўроқ сафи
Ила борамаи,
Енгин, кураш, жанглар сари
Қўкрак очамэи.

«Регистондан ўтганимда» шеърида эски дунё қолдиқларига қарши бошланган қатъий ва кескин курашни олқишлади. Биринчи беш йиллик давридаги дадил қадамлар, меҳнат жасорати «Машъала» тўпламига кирган «Фанга юриш», «Қишлоқ қизи — студент», «Муаллима», «Комсомол қўшиғи», «Беш йиллик план», «Пахтачи хотин», «Комсомолка ишчи қизга», «Днепрострой», «Темир ҳақида» каби шеърларида ифодаланди. «Днепрострой» шеърида гигант электр станцияни қуришга киришган совет кишиларининг кучли иродаси, ижодий меҳнат пафоси тараннум этилган. «Дала йўлида», «Бригадир хотин» шеърларида қишлоққа сингаётган маданий ва фаровон ҳаёт кўринишларини, бутун куч-ғайратини пахтачиликни ривожлантиришга сарф этаётган бригадир аёлнинг лирик образини яратди. Узбекистоннинг ўн йиллигига бағишланган «Узбекистон» шеърида республикамиздаги социалистик тараққиётни, ўлкамиз табиатини зўр ҳаяжон б-н тасвирлади:

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор...

Шоир Совет Шарқи эришган озод, бахтиёр ва фаровон ҳаётини унинг ўтмишидаги бахтсизлик, зулм ва нодонликка қарши қўяди. У бахтиёр совет кишиларининг «кўзларида қуёш» кўради, В. И. Ленин даҳоси «минг қуёшдан нурли» эканини таъкидлади.

30-йилларнинг бошларидаёқ О. ҳаётий воқеаларни кенг поэтик тасвирларда ёрита бошлади. Тўнғич поэмаси «Дилбар давр қизи» (1932) да йигирманчи йилларнинг ўрталарида Узбекистонда хотин-қизлар озодлиги йўлида олиб борилган кураш акс этди. О. «Уч» (1932), «Бахтигул ва Соғиндиқ» (1933) поэмаларида ўзбек ва қозоқ хотин-қизларининг революциядан аввалги оғир ҳаёти ва тақдирини, «Темирчи Жўра» поэмаси (1934) да Октябрь рев-яси ва гражданлар уруши даврида ўзбек меҳнаткашларининг золимларга қарши революцион курашини тасвирлади. О. Алишер Навоийга бағишланган «Навоий», испан қизи (Эмилия) нинг ўз юртидаги фашистларга қарши олиб борган фидокорона курашини ёритган «Қаҳрамон қиз» (1937) поэмаларини яратди. «Гулноз» поэмасида к-з тузумининг иқтисодий ва маданий кўтарилиши, равнақ топа бошлаши пешқадам ёшлар (Гулноз, Мадёр) образлари орқали акс эттирилди. «Қизлар» поэмаси (1947) да ўзбек аёлларининг Улуғ Ватан урушининг қизғин ва оғир йилларида кўрсатган фидокорона меҳнатлари ўз ифодасини топган. О. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ҳақида «Ҳамза» (1948), Покистон халқининг ҳаёти тўғрисида «Зафар ва Заҳро» (1950), «Ҳақгўйлар» (1952) поэмаларини яратди. «Даврим жароҳати» поэмаси (1965) Хиросима фожиасини, халқ афсонаси асосидаги сўнгги йирик поэмаси «Гули ва Навоий»да Навоий давридаги зиддиятларни ёритди.

30-йиллардан бошлаб О. проза жанрида ҳам асарлар ярата бошлади. О. нинг умумсовет адабиёти классикасига ҳисса бўлиб қўшилган биринчи романи «Қутлуғ қон» 1940 йил нашр этилди. Романда революциядан илгариги ўзбек халқи: деҳқонлар, қарол — батраклар, косиб — ҳунармандлар, дўкондор — савдогарлар, катта ер эгалари ва амалдорлар ҳаёти кенг тасвирланди. О. бу асарида Биринчи жаҳон уруши ва унинг арафаси (1912—1916) йилларида Туркистонда капитализмнинг тараққий этиш йўлини, синфий курашнинг ривожланиши, жафокаш меҳнаткашлар оммасининг манфур эксплуататорларга қарши олиб борган курашини ҳаққоний кўрсатиб берди.

Асарда меҳнаткашларнинг жафоли ҳаёти, уларнинг вакили Йўлчи образида гавдалантирилган. Йўлчи ижтимоий муҳит маҳсулигина эмас, балки унга таъсир кўрсатувчи, уни ўзгартиш, ҳаётда янги муносабатлар ўрнатиш учун йўл очувчи актив курашчи ҳамдир. О. ўзбек миллий буржуазиясининг турли бўғинлари ва группаларининг етук образларини (Мирзакаримбой, Фазлиддин, Абдушукур ва б.) яратди ва тип даражасига кўтарди. Юксак бадиий маҳорат б-н ёзилган «Қутлуғ қон» романи ўзбек совет адабиётида социалистик реализмнинг катта ютуғидир.

О. нинг «Навоий» романи (1944) ўзбек халқининг 15-асрдаги ҳаётини ёритишга бағишланган тарихий асардир. Романда 15-асрнинг тарихий ҳодисалари оқимида улуғ ўзбек шоири ва гуманисти Алишер Навоий образининг диналик ва халқчиллик фазилатлари ёритилди. Романда 15-аср тарихини ҳаракатга келтирган қарама-қарши кучлар ўртасидаги жиддий тўқнашувлар, феодализм шароитидаги тенгсизликлар бадиий лавҳаларда ҳаққоний ёритилган. «Олтин водийдан шабадалар» романи (1949) да Улуғ Ватан урушидан сўнг Узбекистонда пахтачиликни янада ривожлантириш, пахтадан мўл ҳосил етиштириш процессида социалистик қишлоқ кишилари характерининг шаклланишини, улар онги ва психологиясида содир бўлган ўзгаришларни кўрсатиб берди. Романда тасвирланган Ўктам, Қомила, Мирҳайдар, Саксон ота, Анор, Тансиқ, Дилшод ва б. шундай кишилардир. «Нур қидириб» повести (1957) О. нинг Покистонга қилган сафари таассуротлари асосида яратилди. Повестда Покистон ишчилари, тараққийпарвар кишиларининг тинчлик, озодлик, мустақиллик ва демократик ўзгаришлар йўлидаги курашлари, ҳақиқатга, нурга интилишлари, улар онгининг ўсиши илм-маърифат тарғиботчиси Аҳмад Ҳусайн; коммунист шоир Муҳаммад Жамол; ишчи ва меҳнаткашларнинг озодлиги йўлида куч ва ғайратини аямайдиган Шариф Сулаймон; профессионал инқилобчи Ғулом Шер; аёллар озодлигининг жонкуяри, ажойиб қиз Искандаро ва б. образларда акс эттирилди.

О. Улуғ Ватан уруши йилларида ўзбек аскарлари ва офицерлари ҳаётини, қаҳрамонлигини яқиндан ўрганиш, Совет Армиясининг қудратини кўриш ниятида Ватан уруши фронтларига борди, жанг бўлиб турган ерларни ўз кўзи б-н кўрди. Ватан урушида ўзбек халқининг ҳам кўрсатган жасоратини ёритишга бағишланган «Қуёш қораймас» номли романига материал ва фактлар тўплади. Асар 1959 йилда ёзиб тугалланди. О. нинг «Болалик» повести (1963) да меҳнаткаш халқ ичидан чиққан ёш бола Мусо характерининг шаклланиши, ички маънавий ўсиши ҳақида ҳикоя қилинган. Лекин бу ички ўсиш ташқи муҳит б-н, ҳар хил одамлар б-н ўзаро муносабатда юзага келади. Мусо ҳаётни, меҳнатни, кишиларни севишни одамлардан ўрганди. Асардаги реалистик образлар орқали 1909—18 йиллар ижтимоий ҳаёти кенг ифодаланган.

О. машҳур «Қутлуғ қон» романининг тарихий ғоявий давоми сифатида яратган «Улуғ йўл» романи (1967) да Февраль рев-яси кезларида ўзбек меҳнаткашларининг ишчилар ва рус большевикларн атрофига тобора жипслашиб, эксплуатация сиртмоқларини парчалаб ташлаш учун кўтарилишларини, Улуғ Октябрь социалистик рев-яси ғалабасига эришишни тасвирлайди. О. «Улуғ йўл» романида аввалги полотноларида гавдалантирилган, жамиятдаги разолатларни аёвсиз фош қилувчи, прогрессив, инқилобий ҳаракатларни қаттиқ ҳимоя қилувчи реализм тенденцияларини ўзига хос суратда давом эттирди. О. ўзбек халқининг ўрта асрлар давомида босқинчиларга қарши мустақиллик ва озодлик учун олиб борган курашларини ёритувчи «Маҳмуд Торобий» либреттосини яратди. О. нинг «Социалистик лирика учун кураш», «Сўнгги йиллар ўзбек поэзияси», «Ўзбек поэзиясида тил», «Адабиётда давримизнинг улуғворлигини экс эттирайлик», «Абдулла Қодирий ижодий йўли», «Навоийнинг дунёқараши масаласига доир», «Навоий ҳақида», «Навоий ғазалиёти», «Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижоди», «Муқимий асарларида социал типлар» каби бир қанча илмий асарлари ўзбек адабиё-



Ойбекнинг турли йилларда нашр қилинган асарлари.



Ойбек асарлари қардош халқлар тилларида.



Ойбек ижоди ҳақидаги асарлар.

тидаги буржуа таъсирини фош қилиш, адабиётнинг гоявийлигини чуқурлатиш, бадиий маҳоратни эгаллашга чақириш, адабий меросга тўғри ёндашишда катта аҳамиятга эга бўлди.

О. нинг кўплаб асарлари қардош халқлар тилларига ҳамда чет тилларга таржима қилинган. О. А. С. Пушкининг «Евгений Онегин», М. Ю. Лермонтовнинг «Маскарад» драмасини, арман эпоси «Сосунли Давид»ни, В. Г. Белинскийнинг «Поэзиянинг жинс ва турларга бўлиниши»ни, классик рим адабиёти намуналарини ва б. асарларни ўзбек тилига таржима қилган. У ўз асарлари орқали кенг китобхонлар оммасига танилди. Унинг «Навоий» романи СССР Давлат мукофоти (1949), «Болалик» қиссаси Ҳамза номли республика Давлат мукофотига (1963) сазовор бўлди. 2,5, 6-чақириқ СССР Олий Совети, 3, 4, 7-чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. Уч марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ, 2 марта «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар б-н мукофотланган. Унинг номига ин-т, музей ва мактаблар, кўча, к-з ва с-з лар қўйилган (160-бетда О. нинг рангли портрети, 449-бетда мақолага оид вклейка берилган).

Ас.: Асарлар, Уч томлик, 1—10-томлар, Т., 1967—1975; Алишер Навои, Критико-биографический очерк, Т., 1968 (Ал. Дейч б-н биргаликда); Навоий гулшани, Т., 1966; Тўла асарлар тўплами, 19 томлик, 1—2-т., Т., 1975.

Ад.: Ёқубов Ҳ. И., Ойбек, Танқидий-биографик очерк, Т., 1955; Ёқубов Ҳ. И., Ойбек, Адабий танқидий очерк, Т., 1959; Кошчанов М., Мастерство изображения характеров в романах Айбека, Т., 1959; Ёқубов Ҳ. И., Ойбек лирикасида гоявийлик ва маҳорат, Т., 1963; Бать Л., Кошчанов М., Айбек. Критико-биографический очерк, М., 1966; Зулфия, Қуёшли қалам. (Ойбек ҳақида достон), Т., 1971; Собиров О., Ойбек ижодида фольклор, Т., 1975.

ОЙБОЛДОҚ — *исирға*нинг ҳилол шаклидаги тури. Олтин, кумуш, мисдан кўзсиз қилиб ишланади; кўпинча ўйиб, зарб бериб нақшланади. Баъзан ой ўроғи устига, ўртасига металл шарча ҳам ишланади. Ойи олтин ёки мис бўлганда шарча кумушдан, ой кумуш бўлганда шарча олтин ҳалларган бўлади.

ОЙБОЛТА — жанг қуроли; дами (тиғи) янги туғилган ойга ўхшаш болта. Урта асрларда О. б-н отлиқ аскарлар қуроллантирилган.

ОЙГАЙИНГ — Тошкент областидаги тоғ дарёси. Талас Олатови ва Писком тизмаси туташган ердаги (Тўқмоқсолди довонидан шимоли-шарқдаги) музликлардан Шовурсой номи б-н бошланади. Узунлиги 76 *км*, ҳавзасининг майдони 1102 *км*². Сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 2998 *м*.

О. чуқур ва тор водийда оқади. Қайир ва биринчи кўҳна қайир (терраса) яхши ривожланган. Қадимги музликларнинг қолдиғи — мореналар кўп учрайди. Дарё ўзани катта-катта харсанг тошлар б-н тўсилганлиги сабабли айрим ерларда шоввалар ҳосил бўлган. Мавсумий қор, қорликлар ва музликлардан тўйинади. Июль — сентябрда суви кўпаяди (44—46%). Ўртача кўп йиллик сув сарфи 27,9 *м*³/*сек*, ўртача оқим модули 27,2 *л*/*сек км*². Узунлиги 206 *км* дан ортиқ 100 та ирмоғи бор. Йириклари Тасторсой, Оққопчиғай, Барқироқсой, Кўксув, Бештерсой, Чараолмасой ва ҳ. к.

ОЙГАЙИНГ РУДА МАЙДОНИ — *Ойгайинг* дарёсининг ўрта оқимида жойлашган рудали майдон. 1936 йилда совет олими А. О. Қайзер топган. 1942—43 йилларда вольфрам ва нодир металлар қазиб олинган. О. р. м. нинг максимал запасларини аниқлаш мақсадида Улуғ Ватан урушидан кейин Л. А. Биков, П. А. Синельников, У. Раҳмедов ва б. қидирув-разведка ишлари олиб боришган. О. р. м барқроқ деб аталувчи гранит массиви ва палеозой даврига мансуб метаморфик жинслардан ташкил топган. Майдонда гранит массиви б-н генетик боғланган пегматит, грейзен, скарн, апогранитлар (альбит ва грейзенлашган гранит) за апокарбонатлар (слюда ва флюоритлашган оҳактош) мавжуд, улар таркибида вольфрам, қалай, фтор, мис, молибден, рух ва б. нодир элементларнинг минераллари топилган.

Бу минераллардан нодир металларнинг хом ашёси сифатида фойдаланилади.

ОЙГУЛ (Calonyction) — чирмовдошлар (чирмовгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. 3 тури бор. Американинг тропик қисмида тарқалган. Поялари узун, чирмашиб ўсади. Барги оддий, йирик, юраксимон ёки наштарсимон. Гули оқ, сариқ, қўнғироқсимон, найчаси узун. Кечқурун очилади. Тиканакли О. (C. aculiatum) ва чиройли О. (c. speciosum) экилади. Уруғидан ёки пархишлаб кўпайтирилади. Серқуёш жойда яхши ўсади.

ОЙДИН (тахаллуси; асли номи Манзура Собирова, 1906. 20. 11 — Тошкент — 1953. 30. 5) — ўзбек совет ҳикоянависи, шоираси, драматурги ва жамоат арбоби. 1940 йилдан Компартия аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. Ёшлигида онасидан етим қолиб, бувиси қўлида тарбияланган. Хотин-қизлар билим юрти (Инпрос)да (1919—23) ва Самарқанд Педакадемиясида ўқиган (1927—31). Уздавнашр (ҳозирги «Ўзбекистон» нашриёти)да бўлим бошлиғи (1931), Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг масъул секретари (1932—37). «Ёркин ҳаёт» журнали муҳаррири ўринбосари (1938—41), Ўзбекистон Радио комитетида адабий эшиттиришлар бўлимининг масъул муҳаррири (1941—45), Ўзбекистон КП МҚ инструктори ва «Ўзбекистон хотин-қизлари» журналининг муҳаррири (1946—53).

О. ижоди 1924 йилдан бошланган. Илк шеърлар тўпламлари «Тонг қўшиғи» (1931) ва «Чечан қўллар» (1932) да ўзбек аёлларининг шарафли меҳнати ва жўшқин ҳаёти тараннум этилган. Унинг биринчи ҳикояси «Зумрад ёки Вигивор» (1933) да ўзбек аёлининг янги ҳаётга қадам қўйиш жараёнидаги синфий кураши акс эттирилган. О. нинг «Чақалоққа чакманча» (1939), «Қизларжон» (1943), «Ширин келди» (1944), «Мардлик-мангулик» (1947), «Садағанг бўлай командир» (1950), «Ҳикоя ва очерклар» (1952), «Ҳикоялар» (1954) каби китоблари ўзбек ҳикоячилигининг энг яхши намуналаридандир. Ёзувчининг бир гуруҳ ҳикоялари («Ҳазил эмиш», «Бечора», «Ямоқчи кўчди», «Гулсанам» ва б.) да хотин-қизларнинг ўтмишдаги машаққатли ҳаёти акс этган бўлса, иккинчи гуруҳ асарлари («Чақалоққа чакманча», «Ширин-шакар», «Шу жувоннинг ўзидан, ҳам кўзидан», «Уялди шекилли, ерга қаради», «Қора уйлар оқарди», «Қизларжон», «Садағанг бўлай командир», «Эр юрак», «Юрагида ўти бор») да совет хотин-қизларининг бахтиёр ҳаёти ифода этилган, уларнинг олижаноб фазилатлари улуғланган. О. қаҳрамонлари — жасур, меҳнатсевар, чин ватанпарвар аёллар. У М. Горький ҳақида, Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида иштирок этган колхозчи К. Хайрибекова, қорақалпоқ аёли Х. Бобожонова, кимёгар

М. Бурҳонова, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носировалар ҳақида қатор очерклар яратди. О. халқаро хотин-қизлар куни 8 Мартга бағишланган «Янгиликка қадам» драмаси (1925), «Поэзия тўғрисида», «Халқнинг севган шоири», «Яна ёшларимиз ҳақида», «Ўз устида ишлаш — ўсиш гарови» каби бир қанча адабий-танқидий мақолалар муаллифи. 3-чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Шеърлар, Т., 1937; Ҳикоялар, Т., 1954; Ҳикоялар, Т., 1967; Рассказы, М., 1954.

Ад.: Зулфия, Ойдин Собирова, очерк, Т., 1953; Мирзаев С., Ойдин, Адабий портрет, Т., 1965.

ОЙДИН — Тошкент обл. Чиноз р-ни Чиноз қ. С. даги қишлоқ. «Қизил Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Олмазордан 2 *км*. Аҳолиси 678 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қуркулдак ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт, к-з қорамолчилик фермаси бор.

ОЙДИН — Хоразм обл. Хонқа р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Хонқадан 9 *км*. Аҳолиси 570 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Полвонён каналидан сув ичади. К-з идораси, касалхона, туғруқхона, дорихона, ҳаммом, автогараж бор.

ОЙИМ — 1) феодал, оқсуяк аёлларни англатадиган сўз (мас., Узбек ойим, Оғоча ойим, Бег ойим, Эшон ойим каби); Урта Осиё, хусусан, Узбекистонда 20-аср бошларигача мавжуд бўлган; 2) умуман аёл кишига мурожаат этганда ҳурматлаш, улуғлаш маъносида унинг номига қўшиб айтиладиган сўз (Сожида ойим, Мастура ойим каби).

ОЙИМ — Андижон обл. Жалолқудуқ р-ни Ойим қ. С. даги қишлоқ. «Ойим» с-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Савайдан 12 *км*. Аҳолиси 4694 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан сув ичади. 2 ўрта мактаб, мактаб-интернат, 3 кутубхона, 2 болалар боғчаси, касалхона, сил касаллар санаторийси, қ. С. идораси, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, клуб, ёзги ва қишки кинотеатр, ҳаммом, дорихона, алоқа бўлими, бозор, омонат касса, пионерлар уйи бор.

ОЙИМ — Фарғона обл. Узбекистон р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ «Пахтақайнар» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 26 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 3 *км*. Аҳолиси 845 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади.

ОЙИМ — Фарғона обл. Бувайда р-ни Қўнғирот қ. С. даги қишлоқ. «20-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Бувайдадан 10 *км*. Аҳолиси 768 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёси, Катта Андижон ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналларидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт, кутубхона бор.

ОЙИМЧА — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Йўлдошобод қ. С. даги қишлоқ. «Большевик» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилондан 10 *км*. Аҳолиси 1000 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, фельдшерлик пункти ва ҳ. к. бор.

ОЙИМЧАҚАҚИР — Фарғона обл. Узбекистон р-ни Ғаниобод қ. С. даги қишлоқ. «Ғаниобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 30 *км*. Аҳолиси 1439 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан сув ичади. Урта мактаб, ҳаммом, оҳак цехи ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЙЛАНГАР — Сурхондарё областидаги дарё. Хўжа Бўзбарак тизмасининг шарқий ён бағридан (3150 *м*) бошланади. Узунлиги 7 *км*, ҳавзасининг майдони 3,7 *км*². Ўртача йиллик сув сарфи 0,3 *м*³/*сек*. Юртанче сойига қуйилади.

ОЙМЯКОН ЯССИ ТОҒЛИГИ — Ёқутистон АССРдаги ясси тоғлик. Индигирка дарёси юқори оқими ҳавзасида, Сунтар-Хаята ва Тас-Кистабит тизмалари оралиғида. О. я. т. паст тоғлар ва қатор тепалардан иборат бўлиб, гранит интрузиялари ёриб чиққан қумтош ҳамда сланецлардан таркиб топган. Сийрак тилоғоч ўрмони б-н, 1200 *м* дан юқорини тог тундраси б-н қопланган. Оймякон ботиғида (Индигирка дарёси бўйлаб) Шимолий ярим шарнинг совуқлик қутби жойлашган (ўртача т-ра —50° га-ча; абс. минимум —70° га яқин).

ОЙНА — 1) шиша тахта (мас., дераза ойнаси), қ. *Силикат шиша;* 2) *кўзгу.*

«ОЙНА», «Ойна» — жадидлар журнали. 1913 йил 20 августдан 1915 йил нюнгача (дастлаб ҳафтасига 1 марта, 1914 йил нюндан ойда 2 марта) Самарқандда нашр этилган. Журналга М. *Беҳбудий* ва б. муҳаррирлик қилган. Урта Осиёдан ташқари Қавказ, Татаристон, Эрон, Афғонистон, Ҳиндистон ва Туркияда ҳам тарқатилган. Журнал маҳаллий буржуазия манфаатини ҳимоя қилиб, *жадидизм* мафкурасини тарғиб этган. Жами 68 сони чиққан. Тиражи 600 нусхага етган.

ОЙНАКУЗ БАЛИҚ, оқ кўз балиқ (Abramis sapa) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқ. Танасининг узунлиги 15—38 *см*, оғирлиги 0,8 *кг* ча. Қора, Каспий ва Орол денгизларига қуйиладиган дарёларда тарқалган; сал шўр сувларда ҳам учрайди. Ҳашарот личинкалари, моллюскалар, сув ўтлари б-н овқатланади. Май-июнда урчийди. Қам овланади.

ОЙНАКУЛ — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Коммуна қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км;* яқин т. й. станцияси — Шўрчидан 2 *км*. Аҳолиси 969 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Дайтўлак каналидан сув ичади. Мактаб, медпункт, болалар боғчаси бор.


ОЙНАКУЛ — Қашқадарё обл. Қамаши р-ни Қизилтепа қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Қамашидан 9 *км*. Аҳолиси 562 киши (1971); ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Лангардарёдан ва булоқлардан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОЙНАХАЛТА — ойна (кўзгу) сақлаш учун махсус тикиб, баъзан тўқиб тайёрланган халта, бадиий буюм. Хона ичида деворга осиб қўйилган. Қашта б-н ёки қуроқи қилиб безатилган. Унда пул, аёлларнинг безак буюмлари (узук, исирға, мунчоқ ва б.) ҳам сақланган. Рев-ядан кейин О. урфдан чиқди.

ОЙПАЛАК — *палак*нинг кенг тарқалган тури. Ўртасида доира (ой) шаклида катта гули бўлиб, унинг атрофига юлдузларнинг тасвирлари тикилади. О. хона деворларига осилади. Қадим-



Ойдин.



Ойболта (ўрта асрларда ҳарбий қурол).



Ойстрах Д. Ф.



Окас Э. К.



Ойхўжаев Б. И.



Окас Э. «Икки хил ёшлик». «Италия сафари» сериясидан. 1961.

да келинчакларнинг хоналари ранг-баранг О. лар б-н безатилган.

ОЙРОТ АВТОНОМ ОБЛАСТИ — *Тоғли Олтой автоном областининг* 1948 йилгача бўлган номи.

ОЙРОТ ТИЛИ — *ойротлар*нинг тили. Дарбет, торгоут, бант, хошоут каби майда шеваларга бўлинган. Бу тилда 82,2 минг киши гаплашади (1970). О. т. кесимлик кўмакчиларнинг, махсус бирлаштирувчи келишикнинг мавжудлиги, О, Э, О унлиларининг биринчи бўғинларда учрамаслиги ва бу унлиларнинг А, Ә унлиларига алмашиш каби хусусиятлари б-н мўғул тилидан фарқ қилади. Ойротларда ёзув эски мўғул алфавити асосида 1646 йилда монах Заяйпандит томонидан яратилган.

ОЙРОТ ХОНЛИГИ, Жунғария хонлиги — Жунғариядаги ойротларнинг феодал давлати (1635—1758). *Мўғул феодал империяси* даврида ойротлар Чингизхонга тобе бўлиб, мўғул армиясининг чап қаноти (зуун ғор — жун ғор, Жунғария шундан олинган) таркибига кирган. 17- асрнинг ўрталарида ойрот қабилалари бирлаштирилиб, ягона О. х. тузилган. Унинг хони Ботурхунтайжи даври (1635—60) да феодал тартиб-қоидалари мустаҳкамланди, шаҳар типидаги қишлоқлар қурилди, деҳқончилик ривожланди. Жунгариянинг Торбағатой р-нида мўғул, ойрот ва қалмиқ хонларининг қурултойи ўтказилиб, мўғул-ойрот қонунлари тасдиқланди. Уларда феодалларнинг омма устидан ҳукмронлиги мустаҳкамланди, ташқи хавфга қарши бирлашиб курашиш программаси тузилди. Бу даврда О. х. нинг Россия б-н савдоси ривожланди. Ботурхунтайжи авлодлари Галдан (1671—97), Цэван-Рабдан (1697—1727) ва Галдан-Цэрэн (1727—45) даврида деҳқончилик, ҳунармандчилик ҳамда мато ва металл буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Савдо ривожланди. Кейинчалик феодаллар ўртасида ўзаро кураш кучайиб, хонлик кучсизланган. 1758 йили уни манжурлар бутунлай ўзига тобе этган.

Ад.: Иакинф (Бичурин Н. Я.), Историч. обозрение ойратов-калмыков с XV столетия до настоящего времени. СПБ. 1834: Валиханов Ч., Очерки Джунгарии, ЗИРГО, 1861, кн. 1—2; Златкин И. Я., История Джунгарского ханства (1635—1758), М., 1964.

ОЙРОТЛАР — монголлар таркибидаги этнографик группа (қ. *Монголлар*).

ОЙРОТ-ТУРА — Тоғли Олтой автоном области маркази *Горно-Алтайск* шаҳрининг 1948 йилгача бўлган номи.

ОЙСТРАХ Давид Фёдорович [1908. 17 (30). 9, Одесса — 1974. 24. 10, Амстердам, Москвада дафн этилган]— совет скрипкачиси, СССР халқ артисти (1953). 1942 йилдан КПСС аъзоси. Одесса Музика ва драма ин-тини тугатган (1926). 1934 йилдан Москва Консерваториясида ўқитувчи, проф. (1939), 1950 йилдан скрипка кафедрасининг мудири. Бутуниттифоқ (1935) ва халқаро (1935, 1937) конкурслар лауреати. Классик ва ҳозирги замон авторларининг етук асар (скрипка соната ва концерт)лари О. репертуаридан ўрин олган. Н. Мясковский, С. Прокофьев, Д. Шостакович, А. Хачатурян ва б. композиторлар соната ва концертларини уларнинг биринчи ижрочиси — О. га бағишлаган. О.— Берлиндаги санъат академиясининг акад. (ГДР, 1961), Кембридж ун-ти д-ри (1969), Италия «Санта — Чечилия» миллий академияси (1961) ва б. чет эл музика академиялари, шунингдек музика жамиятлари аъзоси. СССР Давлат мукофоти (1943), Ленин мукофоти (1960) лауреати. 2 марта Ленин орденн, 2 та бошқа орден ва медаллар б-н тақдирланган.

Ад.: Ямпольский И., Давид Ойстрах, 2 изд., М., 1968.

«ОЙСУЛУВ» — ўзбек халқ достони. Бадиий тексти унутилган, унинг мазмунини Ҳ. Зарифов Эргаш Жуманбулбул ўғлидан ёзиб олган. *Тилла кампир* (Жуманбулбулнинг момоси) завқ б-н куйлаган. Достонда халқнинг орзу-умиди, ватанпарварлик туйғулари, босқинчиларга қарши қаҳрамонона кураши ифода этилади. Асарнинг бош қаҳрамони Ойсулув халқи ва юртига содиқ, адолатпарвар, мард ва жасур, курашда тенгсиз, душманга аёвсиз афсонавий қаҳрамон тимсолидир. Ойсулув Эрон подшоси босқинчи Доро ҳужумига қарши қаҳрамонона жанг қилади ва уни тор-мор этади.

ОЙТАМҒАЛИ — *дўрмон, қипчоқ, қурама, қўнғирот*, нурота туркманлари ва б. ўзбек қабилалари составига кирган йирик уруғлардан бири. О. қирғизлар таркибида ҳам бўлиб, «ойтама» деб аталади.

ОЙТАМҒАЛИ — Тошкент обл. Оққўрғон р-ни Элтамғали қ. С. даги қишлоқ. Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Кучликдан 3 *км*. Аҳолиси 698 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шамолоқ ариғидан сув ичади.

ОЙТАМҒАЛИ — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Бирлашган қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 36 *км*. Аҳолиси 645 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Теварак ариғидан сув ичади.

ОЙТОШ — *дала шпатлари* гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $K_2O \cdot Al_2O_3 \cdot 6SiO_2$. Қаттиқлиги 6, с. оғ. 2,56. Кўпинча ярим шаффоф (ейдек товланадиган) кўкимтир О. учрайди. Кристаллари призматик, таблеткасимон донадор агрегатлардан иборат. О. кварц, слюда, нодир минераллар (топаз, турмалин) б-н бирга (пегматит ёки альп типли томирларида) учрайди. Шри Ланка конлари, СССРда Карелия ва Урал тоғларининг ўрта қисмида О. нинг энг яхши турлари бор. О. қимматбаҳо ва безак буюмлар ясашда ишлатилади.

ОЙХЎЖАЕВ Ботир Иброҳимович (1931. 1. 5, Тошкент)— кимёгар, кимё фанлари д-ри (1967). Урта Осиё Давлат ун-тининг кимё ф-тини тугатган (1953), Москвадаги Л. Я. Карпов номидаги Физик-кимё ин-тида аспирант (1953—57). 1957 йилдан УзССР ФА Усимлик моддалари кимёси ин-тида ва кейинчалик Полимерлар кимёси ин-тида катта илмий ходим ва лаборатория мудири. О. «Целлюлозанинг аралаш эфирларини олиш ва уларни ўрганиш» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган.

Олий ўқув юртлари учун «Синтетик полимерлар кимёси» дарслиги ва «Синтетик полимерлар практикуми» (1964) қўлланмаси муаллифи.

ОЙШАБИБИ МАҚБАРАСИ — Жамбул ш. яқинидаги архитектура ёдгорлиги (11—12- асрлар). Пишиқ ғиштдан қурилган. Плани квадрат, бурчаклари ихчам ва сербезак устунли. Усти гумбаз б-н ёпилган. Олд томонидаги декоратив безаклар терракота парчалари б-н геометрик ва ўсимликсимон нақшлар, ҳар хил чиройли ёзув-

лар тарзида ишланган. Мақбара Исмоил Сомоний ва Мирсаид Баҳром мақбаралари типида қурилган. Бироқ мақбарадаги асосий нарса унинг шакли эмас, балки ундаги декоратив безаклардир. Юлдузсимон, хочсимон ва б. шакллардаги нақш элементлари уйғунлашиб, гилам шаклида намоён бўлади. Бу ҳол мақбарага нафислик, ихчамлик; жозибадорлик ва миллийлик касб этади. Афсонага кўра, мақбара қорахонийлар сулоласи ҳукмдорларидан бирининг бевақт вафот этган севгилиси Ойшабиби шарафига қурилган. Шу туфайли уни қозоқ халқи севги ва садоқат рамзи сифатида қадрлайди.

ОЙШАХОНИМ — Андижон обл. Андижон р-ни Қўмакай қ. С. даги қишлоқ. «Тошкент» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 7 *км*. Аҳолиси 1249 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Р-н маиший хизмат кўрсатиш к-ти ва б. бор.

ОЙҚИРОН — Наманган обл. Янгиқўрғон р-ни Ойқирон қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқдан 2 *км*. Аҳолиси 4693 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Чортоқсойдан сув ичади. 2 ўрта мактаб, саккиз йиллик мактаб, к-з идораси, клуб, кинотеатр, алоқа бўлими, ҳаммом, к-з автогаражи, медпункт ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОКА — СССР нинг Европа қисмидаги дарё, *Волга*нинг ўнг ирмоғи. Урта Россия қирларининг марказий қисмидан (226 *м* абс. баландликдан) бошланади. Горький ш. ёнида Волга дарёсига қуйилади. Узунлиги 1500 *км*, ҳавзасининг майдони 245 минг *км*². Бошланиш жойидан Угра дарёси қуйилган жойга қадар О. тор (0,5—1,0 *км*) ва чуқур (20—80 *м*) водийда, эгри-бугри ва серостона ўзанда оқади. Угра дарёсининг қуйилиш жойидан Мокша дарёсининг қуйилиш жойигача бўлган ўрта оқимида дарё водийси 0,4 *км* дан 20—30 *км* га қадар кенгайган. Бу қисмида дарё ўзани жуда ҳам эгри-бугри, кема юришини қийинлаштирадиган саёз жойлар ва остоналар кўп. Дарёнинг бу қисмида кемалар қатновини яхшилаш учун иккита шлюз қурилган. Мокша дарёси қуйилган жойдан О. нинг қуйи оқими бошланади. Бу қисмида О. янада кенг водийда оқади, эни айрим жойларда 20 *км* га етади. О. қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Уртача йиллик сув сарфи (этак қисмида) 1300 *м*³/*сек*. О. суви ноябрь охиридан апрель охирига қадар музлайди. Муҳим ирмоқлари: чапда — Жиздра, Угра, Москва, Клязьма; ўнгда — Зуша, Мокша. Чекалин ш. яқинидан қуйилиш жойигача (1200 *км*) кема қатнайди. О. бўйида Орёл, Белёв, Чекалин, Калуга, Серпухов, Кашира, Рязань, Озёри, Коломна, Касимов, Муром, Павлово, Горбатов, Дзержинск, Горький шаҳарлари жойлашган.


ОКА, Аха — Бурятия АССР ва РСФСР Иркутск областидаги дарё. Ангаранинг чап ирмоғи. Узунлиги 630 *км*, ҳавзаси майдони 34 минг *км*². Шарқий Саяндаги Ока кўлидан бошланиб, Братск сув омборига қуйилади. Аввал тоғлараро сойликдан оқади, кейин Шарқий Саян тоғларини кесиб ўтади. Қуйи оқими Иркутск — Черемхово текислигидан ўтади. Ёмғир ва қор сувларидан тўйинади. Уртача сув сарфи 274 *м*³/*сек*. Октябрь охири — ноябрь бошларида музлаб, апр. охири — май бошларида муздан бўшайди. О. да ёғоч оқизилади. О. бўйида Зима шаҳри жойлашган.

ОКА-ДОН ТЕКИСЛИГИ — СССР Европа қисмидаги текислик. Урта Россия ва Волга бўйи қирлари оралиғида. Шимолда Ока дарёсидан жанубда Қалач қирларигача давом этади. О.-Д. т. нинг шимолий ва марказий қисмлари Тамбов текислиги деб аталади. Баландлиги 150—180 *м* ясси сув айирғичлар орасида кенг водийлар бор. О.-Д. т. мореналардан таркиб топган бўлиб, устини водийларда қум, сув айирғичларда лёссимон қумоқлар қоплаган. Ўрмонли дашт зонасида жойлашган. Йиллик ёғин 450—500 *мм*. Тупроқлари сур тусли ўрмон ва қора тупроқлар. О.-Д. т. СССР Европа қисмининг энг муҳим қ. х. р-нларидан бири.

ОКАС Эвальд Карлович (1915. 15. 11, Таллин) — эстон совет рассоми, график. СССР халқ рассоми (1963), СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси (1975). Таллиндаги Олий давлат бадиий билим юртида ўқиган (1938—41). ЭССР Бадиий ин-тида ўқитувчи (1944 йилдан; 1954 йилдан проф.). Тематик композициялари, манзаралари, график асарлари б-н машҳур. Чет элларга саёҳат оқибатида яратилган «Голландия, Бельгия ва Люксембург бўйлаб саёҳат лавҳалари» (1960), «Италия лавҳалари» (1961) офорт сериялари, «Париж» рангли литографияси (1962), «Япония». В. И. Ленинга бағишланган графика серияси, кўп сонли экслибрислари (60- йиллар). эстон адибларининг асарларига, халқ ижоди намуналари (мас., эстон халқ эпоси «Калевипоэг»)га ишлаган иллюстрациялари, «Ёнаётган танк» (1973, ЭССР Бадиий музейи) картинаси б-н эстон тасвирий санъати ривожига катта ҳисса қўшди. 5 марта ЭССР



Ойшабиби мақбараси. Деворга ишланган кошинкорий нақш (деталь).



Ойшабиби мақбараси. Нақшинкор бурчаги (ўйма ва босма сополак, 12- аср).

Давлат мукофоти б-н тақдирланган. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОКЕАН, Дунё океани (юнон. Okeanós — Ерни айланиб оқадиган азим дарё) — Ернинг материк ва оролларини ўраб турадиган сув қобиғи. Гидросферанинг катта қисми (94%) ни, Ер юзасининг тахм. 70,8% ини эгаллайди. Физик ва кимёвий хусусиятлари ҳамда сувининг кимёвий таркиби жиҳатидан О. бир бутун, лекин миқдор жиҳатидан гидрологик ва геокимёвий кўрсаткичлари хилма-хилдир.

Гидрологик режимининг табиий-географик хусусиятларига кўра, Дунё океани алоҳида океанлар, денгизлар, қўлтиқлар, бухта ва бўғозларга ажралиб туради. 1650 йилда голланд географи Б. Варениус Дунё океанини бешта алоҳида қисмга: Тинч, Атлантика, Ҳинд, Шимолий Муз, Жанубий Муз О. ларига бўлди. 1845 йилда Лондон география жамияти ҳам буни тасдиқлади. Кейинроқ баъзи олимлар Дунё океанини фақат учга ажратдилар: Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари. 20- асрнинг 30- йилларидан бошлаб Арктика ҳавзаси синчиклаб текширилгандан кейин, тўрт алоҳида океан ажратилди: Тинч, Атлантика, Ҳинд ва Шимолий Муз О. Айрим О. лар ва Дунё океанининг асосий морфометрик кўрсаткичлари 1- жадвалда берилган.

1- жадвал.

Океанларининг асосий морфометрик кўрсаткичлари.

Океанлар	Юзаси		Ҳажми, млн. $км^3$	Ўртача чуқурлиги, *м*	Энг чуқур жойи, *м*
	млн. $км^2$	%			
Тинч	179,68	50	724	3984	11022
Атлантика	93,36[1]	25[1]	337[1]	3926[1]	8428
Ҳинд	74,92	21	292	3897	7130
Шимолий Муз	13,10[2]	4[2]	17[2]	1205[2]	5449
Дунё океани	361,06	100	1370	3795	11022

[1] Бошқа маълумотларга кўра — 91,14, 388, 3332.
[2] Бошқа маълумотларга кўра — 44,7, 16,7, 1130.

Ер шарида О. суви ва қуруқликларининг тақсимланиши турлича. Шимолий ярим шарда сув сатҳи ер шарининг 61% ини эгаллайди. Бу ерда О. сувлари қуруқликка анча кириб бориб, кўп сонли денгиз ва қўлтиқлар ҳосил қилади. Барча ички денгизлар Шимолий ярим шарда жойлашган. Жанубий ярим шарда сув сатҳи 81% майдонни ташкил этади, лекин денгиз ва қўлтиқлар кам. 81° шимолий кенгликдан шимолда Шимолий Муз океанида ва тахм. жанубий кенгликнинг 56° б-н 65° ўртасида О. суви ер шарини узлуксиз ҳалқа шаклида ўраб олган. Сув ёки қуруқликнинг кўплигига қараб ер шари океан ярим шари ва материк ярим шарига бўлинади. Океан ярим шарининг қутби Янги Зеландиядан жануби-шарқда, материк ярим шарининг қутби эса Франциянинг шимоли-ғарбида жойлашган. Гидросферанинг бир қисми бўлган О. атмосфера ва ер пўсти б-н узлуксиз ўзаро алоқадордир; шунинг учун ҳам О. нинг кўпгина муҳим хусусиятлари атмосфера ва ер пўстига боғлиқ.

О. иссиқлик ва намнинг жуда катта аккумуляторидир. О. туфайли Ерда т-ра жуда кескин фарқ қилмайди, узоқ-узоқ ўлкаларга намлик етиб боради, натижада ҳаёт учун қулай шароит вужудга келади. О. оқсил моддаларга эга бўлган бой озиқ-овқат маҳсулотлари манбаидир. О. энергетик, кимёвий ва минерал бойликлар манбаи ҳам бўлиб, уларнинг бир қисмидан (сув кўтарилиш энергияси, баъзи кимёвий элементлар, нефть, газ ва б. дан) инсон ҳозирданоқ фойдаланмоқда. О. ва унинг денгизларидан халқаро алоқалар ўрнатишда жуда қадим замонлардан фойдаланилган. Бу эса буюк географик кашфиётлар ва маданият марказларидан узоқ терр-яларни ўзлаштириш учун шароит яратди; транспорт воситаларидаги техника тараққиёти бу жараённи янада тезлаштирди. Дунёдаги юк оборотининг $^4/_5$ қисми О. йўллари орқали амалга оширилади (қ. *Денгиз транспорти*).

О. нинг инсоният ҳаётидаги роли тез ўсмоқда. Дунё мамлакатлари экономикасининг турли соҳаларида О. дан фойдаланиш проблемалари (кема қатнови, балиқ овлаш, О. ресурсларидан рационал фойдаланиш, шельфни ўзлаштириш, континентлараро кабеллар ётқизиш, сувни чучуклаштириш, шунингдек денгизларни муҳофаза қилиш ва ифлосланишининг олдини олиш ва б.) оламшумул аҳамиятга эга бўлиб, муҳим иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш б-н боғлиқ.

Кейинги йилларда О. да олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, О. туби рельефи мураккаблиги жиҳатидан материклар усти рельефидан қолишмайди.

Тубининг рельефи ва геологик тузилиши. О. туби майдонининг кўпчилик қисми (73,8%) 3000 *м* дан 6000 *м* гача қуруқликда жойлашган. О. тубининг планета миқёсидаги морфоструктуралари (энг йирик шакллари) ер пўсти айрим қисмларининг тузилиши ва тарихий ривожланишидаги тафовутларга қараб ажратилади. О. тубини энг йирик рельеф шаклларига қараб 4 қисмга бўлиш мумкин: 1) материкларнинг сув остида қолган чекка қисмлари; 2) *Океан қаъри;* 3) материкларнинг сув остида қолган чекка қисмлари б-н О. қаъри ўртасидаги оралиқ зона; 4) океан ўртасидаги тоғ тизмалари.

О. тубининг материкларга ёндош қисмларининг ер пўсти материкларникига ўхшаш бўлиб, материкларнинг сув остидаги чеккаси ҳисобланади ва унда рельеф хусусиятларига қараб *шельф, материк ён бағри* ва *материк этаги* фарқ қилинади. Материк этаги б-н чегарадош О. қаъри уч қатламли: юпқа пўстдан иборат юмшоқ чўкиндили юқори қатлам (ёки «биринчи» сейсмик қатлам), «иккинчи» (базальт усти қатлами) ва пастки қатлам — базальт қатлами.

Тинч океан чеккаларининг катта қисмида, Ҳинд океанининг шимоли-шарқида, шунингдек Қариб ва Скоша (Скотия) денгизларида материкнинг сув остидаги чеккаси б-н О. қаъри ўртасида *оралиқ зона* жойлашган. Бу ерларда чекка денгиз сойликлари (чуқурлиги 4000—5000 *м* гача), ёйсимон тизилган ороллар (буидай оролларнинг учлари сув устида тоғ тизмалари ҳосил қилган), чуқур новлар рельефнинг асосий шаклларидир; О. нинг энг чуқур жойлари ана шу новлардадир (Мариана нови — 11022 *м*). Бундай ороллар зонасида зилзила бўлиб, вулканлар отилиб туради.

Океан ўртасидаги сув ости тоғ тизмалари О. тубининг тўртинчи йирик шаклидир. Барча океанларни у бошидан бу бошга кесиб ўтган сув ости тоғларида рифт водийлари, рифт тизмалари, кўндаланг синиқлар, шунингдек йирик вулкан массивлари учрайди.

О. туби чўкиндилари. Кейинги йилларда олиб борилган геологик ва сейсмик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ғовак чўкиндиларнинг қалинлиги О. нинг материк яқинидаги зоналарида 2000—3000 *м* ва ундан ҳам ортиқ бўлса, океан ўртасидаги тоғ тизмаларида, тик тоғ ён бағирларида ва материк ён бағри жарликларида бир неча ўн *м* ва, ҳатто, ноль *м* га тенг экан.

О. туби чўкиндилари орасида терриген, биоген (оҳакли ва кремнийли), вулканоген ва аралаш (полиген) чўкиндилар ҳам бўлади, чуқур сув ости қизил гиллари ана шундай аралаш (полиген) чўкиндилардир. Терриген чўкиндилар материкларнинг сув остидаги чекаларида, О. қаърининг четларида ва чуқур сув новларида учрайди. Оҳакли чўкиндилар О. нинг иссиқ ва мўътадил зоналарида (50° шимолий кенгликдан 50° жанубий кенгликкача) кўпроқ тарқалган; О. қаърида улар фораминифера ва кокколит-фораминифера ётқизиқларидан, саёз жойларда — чиғаноқ ва маржон ётқизиқларидан иборат бўлади. 4500—5000 *м* дан чуқурда $CaCO_3$ эриган ҳолатда бўлгани учун оҳак чўкиндилар йўқ. Кремнийли чўкиндилар (радиолярия ва диатом чўкиндилар) юқори маҳсулли фитопланктон зоналарига мувофиқ равишда 3 минтақа — иккита қутб ёни ва битта экваториал минтақалар ҳосил қилади. Чуқурсув қизил гили 4500—5000 *м* ва ундан ҳам чуқур ботиқларда бўлади. О. нинг актив субаэрол вулканизм зоналарига ёндашган қисмларида вулкан чўкиндилари шаклланади. О. тубида карбонатли чўкиндилар (150 млн. $км^2$), чуқур сув қизил гиллари (110 млн. $км^2$ дан кўпроқ) ва кремнийли гиллар (60 млн. $км^2$ га яқин) энг кўп майдонни эгаллаган.

О. тубига эндоген моддалар сув усти вулканлари мавжуд жойлардагина тўпланмай, О. ўртасидаги тоғ тизмалари ва йирик синиқлар яқинида ҳам учрайди. Таркибида металлар, баъзи ҳолларда рудалар [(20—40% гача Fe), Mn, Co, Ni, Pb, Zn, Ag, Se, Hg ва б. элементлар] бўлган қатламлар ана шулар жумласидандир.

Океан чўкиндилари денгиз чўкиндиларига нисбатан секинроқ тўпланади. Чуқур сув қизил гиллари 1000 йил ичида 1 *мм*, оҳакли ва диатомли чўкиндилар 1000 йилда 1—30 *мм* гача йиғилади. Материк ён бағрининг асосида терриген чўкиндилар энг тез тўпланади (1000 йилда 100 *мм*).

Океан чўкиндиларининг асосий қисми заррачалар шаклида ётқи эриган ҳолда материклардан келади. Чўкиндиларнинг миқдори ва хили иқлим; вертикал, горизонтал ва циркумконтинентал зоналликка, шунингдек тектоник режимга боғлиқ.

Келиб чиқиши ва геологик тарихи. О. сувн Ер мантияси моддаларининг дифференциацияси маҳсулидир. О. даги ботиқларнинг пайдо бўлиши ҳақида турли гипотезалар бор. Чуқур сув ҳавзаларидан иборат ҳозирги О. камида юра давридан бери мавжуд, чунки О. тубида бундан қадимий жинслар топилганича йўқ. Бўр даври ва кайнозой эрасида ҳавзалар янада чуқурлашди ва абиссал чўкиндилар тўпланиб борди. Яқин геологик ўтмишда чекка геосинклинал ҳавзалар ҳисобига материк четлари ўсиб борган. Геосинклинал денгизлар ботиқларидаги анча қалин чўкиндилар О. нинг жуда қадимийлигидан далолат беради. О. туби йирик рельеф шаклларининг вужудга келишида ер пўстининг вертикал ва горизонтал ҳаракатлари муҳим роль ўйнади (қ. *Ер*).

Сувлари геохимияси. О. суви ўртача 35 *г/л* концентрацияли тузлар эритмасидан иборат. О. да ҳаммаси бўлиб $5 \cdot 10^{22}$ *г* эриган тузлар бор. Бу тузлар таркибида Na^+, Mg^{2+}, K^+, Ca^{2+}, Cl^- ва SO_4^{2-} ионлари 99% ни ташкил этади. Бошқа кўпгина элементлар процентининг миллион ва миллиарддан бир неча улушига тенг (2- жадвал).

О. тузлари массаси таркиби материклардан келадиган чўкиндиларнинг эриши, атмосфера б-н модда алмашиш жараёни ва О. туби чўкиндилари, шунингдек денгиз организмларининг ҳаёт фаолияти натижасида тартибга солиб турилади. Ti, Mn, Zr ва б. баъзи металларнинг ионлари гидролиз натижасида коагуляцияланади ва гидрооксидлар шаклида О. тубига чўкади. Денгиз сувининг бир қатор микроэлементлари — Cu, Pb, Mo, Hg, Zn, U, Ag, сийрак ер элементлари ва б. турли хил табиий сорбентлар — органик модда, темир ва марганец гидрооксидлари, кальций фосфат, силикатлар б-н адсорбцияланиш йўли орқали чўкади.

О. сувида атмосферадан тушадиган ва океан суви қатламларида вужудга келадиган турли хил газлар ҳам эриган ҳолда мавжуд. О. даги ҳаёт фаолиятини белгилаб берадиган O_2 ва CO_2 айниқса муҳим аҳамиятга эга. Бир қатор инерт (кимёвий реакцияларда иштирок этмайдиган) газлар — N_2, Ar, Kr, Xe ҳам бор. Сувининг устки қатламларида (100—150 *м*) O_2 миқдори энг кўп (7—8 *мл/л*); чуқурлашган сари 3,0—0,5 *мл/л* га тушиб қолади, бир хил жойларда умуман O_2 йўқ. CO_2 эса аксинча, сувнинг чуқур қатламларида энг кўп бўлади.

Фитопланктоннинг фотосинтетик фаолияти сувнинг усти (100—150 *м* гача чуқурликда бўлган) қатламларидаги эриган газларни кислород б-н бойитади, CO_2 ни ютади. Организмлар углероддан ташқари Si, Ca, Mg, K, Br, I, P, Na, шунингдек физиологик аҳамиятга эга бўлган V, Zn, Cu, Co, Ni каби қатор оғир металларни ҳам ютади. Организмлар ўлганда бу элементларнинг бир қисми чўкади ва тегишли шароитда тўпланиб боради. Темир-марганецли конкрецияларда Cu, Zn, Ni, Co; Mo, Ag, Tl, Pb ва б. элементлар ҳам йиғилади. Темир-марганецли конкрецияларнинг умумий миқдорини 10^{13} *га* га тенг деб ҳисоблаш қабул қилинган.

2- жадвал.

Денгиз сувидаги кимёвий элементларнинг ўртача таркиби.

Элемент	%	Элемент	%
H	10.7	Y	3.10^{-8}
He	5.10^{-10}	Zr	5.10^{-9}
Li	$1.5.10^{-5}$	Nb	1.10^{-9}
Be	6.10^{-11}	Mo	1.10^{-6}
B	$4.6.10^{-4}$	Ag	3.10^{-8}
C	$2.8.10^{-3}$	Cd	1.10^{-8}
N	5.10^{-5}	In	1.10^{-9}
O	85.8	Sn	3.10^{-7}
F	$1.3.10^{-4}$	Sb	5.10^{-8}
Ne	1.10^{-6}	I	6.10^{-6}
Na	1.035	Cs	$3.7.10^{-8}$
Mg	0.1297	Ba	2.10^{-5}
Al	1.10^{-6}	La	$2.9.10^{-10}$
Si	3.10^{-4}	Ce	$1.3.10^{-10}$
P	7.10^{-6}	Pr	6.10^{-11}
S	0.0.89	Nd	$2.3.10^{-11}$
Cl	1.93	Sm	$4.2.10^{-11}$
K	0.038	Eu	$1.1.10^{-10}$
Ca	0.04	Gd	6.10^{-11}
Sc	4.10^{-9}	Dy	$7.3.10^{-11}$
Ti	1.10^{-7}	Ho	$2.2.10^{-11}$
V	3.10^{-7}	Er	6.10^{-11}
Cr	2.10^{-9}	Fm	1.10^{-11}
Mn	2.10^{-7}	Yd	5.10^{-11}
Fe	1.10^{-6}	Lu	1.10^{-11}
Co	5.10^{-8}	W	1.10^{-8}
Ni	2.10^{-7}	Au	4.10^{-10}
Cu	3.10^{-7}	Hg	3.10^{-8}
Zn	1.10^{-6}	Tl	1.10^{-8}
Ga	3.10^{-8}	Pb	3.10^{-8}
Ge	6.10^{-8}	Bi	2.10^{-8}
As	1.10^{-7}	Ra	1.10^{-14}
Se	1.10^{-8}	Ac	2.10^{-10}
Br	1.10^{-6}	Th	1.10^{-9}
Kr	696.10^{-8}	Pa	5.10^{-15}
Rb	3.10^{-6}	U	3.10^{-7}
Sr	2.10^{-5}		
	8.10^{-4}		

• Шўрлик S = 35700‰ (*г/кг*), хлор Cl = 19,375‰.

Минерал ва энергетика ресурслари. О. бой минерал ресурслар манбаидир. Улар денгиз сувларида эриган ҳолдаги кимёвий элементлар; денгиз туби тагидаги ва туби юзасидаги фойдали қазилмалардан иборат.

20- асрнинг 70- йилларигача денгиз сувларидан, асосан ош тузи (йилига 8 млн. *т*), натрий сульфат, магний хлорид, калий хлорид, бром хлорид олинар эди. Фан-техника рев-яси шароитида денгиз сувларидан хилма-хил кимёвий элементлар олиш истиқболлари очилмоқда.

О. дан олинадиган минерал хом ашё умумий қийматининг 90% и нефть ва газга тўғри келади. Шельф зонасидаги нефть ва газга бой майдон 13 млн. *км*^{2} га тенг (шельф умумий майдонининг $^1/_2$ қисми). Тахминий ҳисобга кўра, О. даги нефтнинг геологик запаслари (305 *м* чуқурликкача) 280 млрд. *т*, газники — 140 триллион *м*^{3}. 70- йиллар бошигача нефть ва газ қирғоқдан 150 *км* узоқликдаги 100—110 *м* чуқурликлардангина олинар эди. Яқин келажакда бу ишларни О. нинг қирғоқдан анча узоқ ва чуқурроқ жойларида амалга ошириш имкони туғилади. 1970 йили дунёда қазиб олинган нефтнинг 19,2% и шельф зонасидан олинди. 1973 йилда 25 мамлакат денгиз тубидан нефть ва газ чиқариш б-н шуғулланди, 100 мамлакат денгиз ва О. шельф зоналарида қидирув ишлари олиб борди. Денгиз тубидан нефть ва газ чиқаришнинг энг йирик конлари Форс ва Мексика қўлтиқларида жойлашган. Шимолий денгиз тубидан ҳам нефть ва газ олина бошланди.

Шельф металл рудалари ва нометалл қазилмаларга ҳам бой. Улар ичида титанли минераллар — ильменит ва рутил, шунингдек циркон ва монацит муҳим аҳамиятга эга; энг йирик конлар Австралия (шарқий соҳил)да бўлиб, йилига 1 млн. *т* титанли минераллар чиқарилади. Бундай сочма конлар Ҳиндистон, Шри Ланка, Малайзия ва б. мамлакатлар яқинида ҳам учрайди. Қалай (Малайзия, Индонезия, Таиланд, Вьетнам ва Осиёдаги б. мамлакатлар қирғоқлари яқинидаги шельфларда), темир рудаси (Япония, Қанададаги Ньюфаунд), соф олтингугурт (Мексика), кўмир (Канада) ва б. қазиб чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда; бир қанча жойларда олтин ва платина (мас., АҚШдаги Аляска ва Қалифорния), танталониобат, магнетит, титан-магнетит, хромит, олмос (Африканинг жануби-ғарбий қирғоғидаги Намибияда) ҳам топилган. Фосфорит конкрециялари ётқизиқлари (Мексика, Перу, Чили, ЖАР ва б.) кенг тарқалган.

О. тубининг кенг майдонларида ўзига хос кўп компонентли рудалар — темир-марганец конкрециялари ётқизиқлари топилган; уларнинг потенциал запаслари бир неча триллион *т* ҳисобланади; бу рудалар таркибидаги марганец, никель, кобальт запаслари уларнинг қуруқликдаги запасларидан бир неча марта кўп. Баъзи мамлакатларда 4 минг *м* чуқурликдан саноат йўли б-н конкрециялар қазиб чиқариш синаб кўрилмоқда.

Нефть ва газдан бошқа энергетика ресурслари ҳам муҳим потенциал аҳамиятга эга. О. дан энергия олиш учун тўлқинлар кучи, сув кўтарилиши (прилив) ва қайтиши (отлив) юзага келтирадиган сатҳ тафовути ёки сув юзаси ва тагидаги т-ра тафовутидан фойдаланиш мумкин. Сув кўтарилиши энергиясининг қуввати 1 млрд. *квт*. ҳисобланади. Биринчи сув кўтарилиши электр станцияси Францияда, Ла-Манш соҳилида, Ранс дарёси қуйиладиган жойда қурилди (1967); СССРда Кола ярим оролининг шимолида Кислая Губа сув кўтарилиш электр станцияси тажриба тариқасида қурилди (1968); янада каттароқ қувватли сув кўтарилиши электр станциялари қуриш лойиҳалари тузилмоқда. Канада, АҚШ, Буюк Британияда ҳам бундай станциялар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. О. нинг термик энергиясидан фойдаланишда тропик ўлкаларда шароит айниқса қулай. Бу ерларда қирғоқ зонасидаги сувларнинг т-раси устки қатламларда 30°, 400—500 *м* чуқурликда эса — 8—10°. Биринчи гидротермал электр станцияси Абиджан яқини (Фил Суяги Қирғоғи)да қурилди. О. оғир водород (дейтрий)нинг асосий манбаидир. Термоядро реакциясини муваффақиятли бошқариш масаласи ҳал қилинса оғир водород битмас-туганмас энергия манбаига айланажак.

Гидрологик режими. О. нинг иссиқлик баланси. О. иссиқлик балансининг асосий таркибий қисмлари: радиация баланси (қуёшнинг ялпи радиациясидан О. нинг нур қайтариши айирмаси), буғланишга сарфланадиган иссиқлик, океан юзаси б-н атмосфера ўртасидаги турбулент иссиқлик алмашиниши ва оқимларнинг иссиқликни бир жойдан иккинчи жойга олиб кетиши.

Жами радиация юқори кенгликлардан қуйи кенгликларга қараб кўпая боради ва атмосфера босими юқори бўлган жойларда 20° шимолий кенглик ва 20° жанубий кенгликда максимумга етади, бу нарса тропик ва субэкваториал кенгликларда булут кам бўлишига боғлиқ. Босим баланд жойларда буғланишга ҳам максимал иссиқлик сарф бўлади. Турбулент иссиқлик алмашиниш барча кенгликларда ҳам бошқалардан кам бўлади. О. 30° шимолий кенглик б-н 30° жанубий кенглик орасида иссиқликни ютади ва юқори кенгликларда эса иссиқликни атмосферага беради. Бу фактлар йилнинг совуқ ярмида ўрта ва қутбий кенгликларда иқлимни анчагина юмшатиб туради. 3- жадвалда О. иссиқлик балансининг таркиби *ккал/см*^{2} *йил* да кенглик минтақалари бўйича берилган.

Сув баланси. О. юзасидан буғланадиган намлик, ёғин сувлари ва материкдан оқиб тушадиган сувлардан таркиб топади. Ана шу сувларнинг нисбати турли кенгликларда О. сувининг шўрлик даражасини белгилайди. Материклардан оқиб тушадиган сувлар О. га тушадиган ёғин сувларининг атиги 10% ини ташкил этади. Шимолий ярим шарда буғланиш бир йилда 111,9 *см*, ёғин 116,7 *см* га, Жанубий ярим шарда буғланиш 113,0 *см*, ёғин 91,6 *см* га тенг. Ўртача ва қутбий кенгликларда музларнинг эриши ва сув музлаши ҳам сув балансида муҳим аҳамиятга эга.

3- жадвал.

Иссиқлик баланси асосий таркибий қисмларининг ўртача миқдорлари (М. И. Будико маълумотларига кўра).

Кенглик	Ялпи радиация	Радиация баланси	Буғланишга кетадиган иссиқлик	Турбулент иссиқлик алмашиниши	Ички иссиқлик алмашиниши
70 — 60 ш. к.	69	23	33	16	— 26
60 — 50	68	29	39	16	— 26
50 — 40	90	51	53	14	— 16
40 — 30	126	83	86	13	— 16
30 — 20	156	113	105	9	— 1
20 — 10	164	119	99	6	— 14
10 — 0	157	115	80	4	— 31
0 — 10 ж. к.	160	115	84	4	— 27
10 — 20	160	113	104	5	— 4
20 — 30	149	101	100	7	— 5
30 — 40	128	82	80	9	— 7
40 — 50	93	57	55	9	— 7
50 — 60	67	28	31	8	— 11
70° ш. к. — 60° ж. к.	127	82	74	8	0

Сув баланси (М. И. Львович маълумотларига кўра).

Баланс элементлари	Йиллик ҳажми, *км*^{3}	Бир йилдаги қалинлиги, *мм*
Ёғин-сочин	411000	1140
Дарё сувлари	41000	111
Буғланиш	452000	1251

Температураси. Сувнинг 1 *см* қалинликдаги устки қатлами О. устига тушадиган қуёш энергиясининг 94% ини ютади. Аралашиш натижасида иссиқлик О. нинг барча қатламларига ўтади. О. юзасидаги сувларнинг йиллик ўртача т-раси 17,5°, О. устидаги ҳаво т-раси эса 14,4° га тенг. Шимолий ярим шарда сув т-раси Жанубий ярим шардагига нисбатан баландроқ (материк таъсирида). Термик экватор (энг катта т-ралар линияси) экватордан шимолда жойлашган. Бу ерда ўртача йиллик т-ра 28°, ёпиқ тропик денгизларда эса 32°. Экватордан қутбларга узоқлашган сари у қутбий ўлкаларда секин-аста 1,5°—1,9° гача пасаяди. Т-ранинг мавсумий тебранишлари 100—150 *м* чуқурликкача юз беради. Чуқурлашган сари т-ра пасаяди ва туби юзасидаги қатламда 0° дан пастга тушади. Лекин бу ҳолат ҳамма ерда ҳам бир хил бўлмайди. О. тубида т-ра юзадан келиб турадиган сув т-расига боғлиқ. О. тубига яқин сув т-раси 1,4—1,8°, қутбий областларда эса 0°дан паст бўлади. 7 минг *м* дан чуқур ботиқларда т-ра пасаймасдан, аксинча, адиабатик процесс таъсирида бир градуснинг ўндан бир улушларигача орта боради.

Шўрлиги. Сув балансининг таркибий қисмлари нисбатига қараб шўрлик 0‰ дан (йирик дарёлар қуйиладиган жойда) 30—42‰ (тропик денгизларда — Қизил денгиз, Форс қўлтиғи, Ўрта денгиз) гача бўлади. Бунга оқимлар, муз ҳосил бўлиши ва муз эриши ҳам таъсир этади. 5- жадвалда турли хил кенгликлардаги О. юзасидаги шўрликнинг ўртача миқдори кўрсатилган.

Шимолий ярим шарда Жанубий ярим шардагига нисбатан шўрлик камроқ: Атлантика океанининг тропик кенгликларидаги қисмида 37,25%; Қутбий ўлкаларда шимолда 31,4‰; жанубда 33,93‰; экваторда 32—34‰. Шўрликнинг мавсумий ўзгариши сувнинг юза қисмида, 100—150 *м* чуқурликкача сезилади.

О. сувларининг циркуляцияси. О. нинг 150—200 *м* чуқурликкача бўлган юза қисмида О. сувлари кўп эсадиган шамоллар таъсирида циркуляция қилади. Сувнинг бу қатламлари тропик ва субтропик кенгликларда антициклонал, юқори ва мўътадил кенгликларда циклонал айланма ҳаракат қилади. Пассатлараро тескари оқим мавсумий характерга эга ва фақат Тинч океандагина йил бўйи мавжуд. Муссонли ўлкаларда юза оқимлар мавсумий ўзгариб туради. Ҳинд океанининг шимолий қисми ва Тинч океаннинг шимоли-ғарбий қисми бунинг яққол мисолидир. 150—200 *м* дан чуқурда сув циркуляцияси О. суви қатламлари зичлигининг тафовути туфайли вужудга келади (қ. *Денгиз оқимлари*).

Тўлқинлар. Сув массаларининг горизонтал ва вертикал ҳаракатларидан ташқари О. да шамол, сув кўтарилиши ва қайтиши, зилзилалар натижасида юзага келадиган тўлқин ҳаракатлари ҳам бўлади. Шамол тўлқинлари О. нинг 50—60 *м* чуқурликкача бўлган юза қатламларидагина рўй беради; уларнинг баландлиги 12—13 *м* ва ундан кўпроқ. Кўпчилик океан тўлқинларининг баландлиги мўътадил кенгликларда 4 *м*, тропикларда — 1,5 *м*. Сув кўтарилиши тўлқинлари ва Цунами деб аталадиган сейсмик тўлқинлар О. сувининг тубигача етиб боради. Сув кўтарилиши тўлқинлари О. да доимо бўлиб туради. О. да ички тўлқинлар ҳам бўлади. Уларнинг баландлиги бир неча ўн метрга етади.

Сув кўтарилишлари. О. режимида сув сатҳининг даврий равишда кўтарилиб-пасайиб туриши — сув кўтарилишлари ва сув кўтарилиши оқимлари муҳим роль ўйнайди. Ярим суткалик сув кўтарилишлари энг кўп такрорланади. Очиқ О. да бу тўлқинларнинг баландлиги 1 *м* дан ошмайди, лекин қирғоқларда 3—6 *м* га етади. Энг катта сув кўтарилишлари океан қўлтиқлари ва чекка денгизлар учун характерлидир: Фанди қўлтиғида (Қанаданинг Атлантика соҳили) 18 *м* га боради. Баъзи ўлкаларда (Мексика қўлтиғининг ғарбий қисми, Ява денгизи ва б.) сув кўтарилишлари суткалик бўлиб, 5,9 *м* га етади (Охота денгизи). Бошқа жойларда аралаш (ярим суткалик ёки суткалик) сув кўтарилишлари 12,9 *м* га етади (Охота денгизидаги Пенжина қўлтиғи).

О. сувларининг аралашиши. О. сувлари вертикал ва горизонтал йўналишда аралашиб туради. Натижада гидрологик ва гидрокимёвий хусусиятлар бир қатламдан иккинчи қатламга ўтади. Аралашиш молекуляр ва турбулент турларга ажралади. Бунда фрикцион ва конвектив аралашиш юз беради. Фрикцион аралашиш шамол ва сув кўтарилиши шаклида бўлади. Шамол таъсирида сув шамол тўлқинлари етиб борган чуқурликкача аралашади, сув кўтарилиши натижасидаги аралашиш О. тубигача етади.

Сув аралашишининг О. ҳаётидаги роли катта. Аралашиш натижасида қуёш нури юза қатламлардан қуйи қатламларгача ўтади, чуқур қатламлар кислородга тўйинади, юза қатлам-

5- жадвал.

Океан юзасидаги шўрликнинг ўртача миқдори.

Кенглик	80° — 60° ш. к.	60° — 50°	50 — 40	40 — 30	30 — 20	20 — 10	10 — 0	0° — 10° ж. к.	10 — 20	20 — 30	30 — 40	40 — 50	50 — 60	70° ш. к. 60° ж. к.
Шўрлик, ‰	32,87	33,03	33,91	35,30	35,71	34,95	34,58	35,16	35,52	35,71	35,25	34 34	33,95	34,89

лар тўйимли (биоген) моддаларга бойийди. О. ларнинг унча чуқур бўлмаган ва интенсив аралашиб турган жойларида денгиз ҳайвонларини овлаш қулай (Баренц, Шимолий, Азов денгизлари, Ньюфаундленд ороли яқинлари ва б.).

О. с а т ҳ и сув кўтарилиши, шамоллар, атмосфера босими таъсирида ўзгариб туради. Атмосфера босими таъсирида О. сатҳининг ўзгариши мавсумий характерга эга. Шамоллар таъсирида баъзан сув сатҳи жуда баланд кўтарилади ва О. соҳилларида сув тошқинларига олиб келади.

О. с у в н и н и н г р а н г и в а ш а ф ф о ф л и г и унинг ёруғлик нурларини ютиш ва тарқатиш қобилиятига, спектрал таркибининг ўзгаришига, ёруғлик оқимининг секинлашишига боғлиқ. Очиқ О. да сув ўта шаффоф кўк рангда бўлади. Сув таркибида заррачалар кўп бўлса сув зангори-кўк ёки яшил рангда бўлади (қирғоқ бўйи, баъзи ёпиқ денгизлар). Қўплаб лойқа келтирадиган катта дарёлар қуйиладиган жойларда сув ранги сарғиш ёки жигар ранг тусда бўлади.

З о н а л л и к. Қуёш энергиясининг О. да тақсимланиши бир хил бўлмай, зоналлик қонунига бўйсунади. Кенглик зоналлиги 150—200 *м* қалинликдаги қатламни ўз ичига олади. Шунга биноан, О. да қуруқликда бўлганидай қутбий, қутб ёни, мўътадил, субтропик, тропик ва экваториал минтақалар бор.

Вертикал зоналлик юза, юза таги, оралиқ, чуқур ва О. туби яқинидаги сув массалари шаклида ажралиб туради. Юза сув массаларида атмосфера б-н актив энергия ва модда алмашиниши рўй беради.

Усимлик ва ҳайвонот дунёси. Тирик организмлар О. нинг юзасидан тортиб энг тагигача учрайди. Яшаш жойига қараб сувдаги пелагик организмлар (пассив сузувчилар — *планктон* ва актив сузувчилар — *нектон*) ва О. тубида яшайдиган организмлар (*бентос*) бўлади. У с и м л и к о р г а н и з м л а р и д а н бактериялар ва баъзи қуйи замбуруғларгина О. нинг ҳамма жойида учрайди. О. даги биологик, кимёвий, геологик процессларда бактериялар катта роль ўйнайди. Улар модда алмашиниши, оксидланиш-тикланиш процессларида иштирок этади, сувда ва туб чўкиндиларидаги органик моддаларни ўзлаштиради ва ҳ. к. Қолган ўсимлик организмлар О. нинг фотосинтез юзага келадиган ва ёритилиб турадиган устки қатламларидагина (асосан 50—100 *м* чуқурликкача) бўлади. О. да 10 мингга яқин ўсимлик тури бор. Фитопланктон, асосан, диатом сувўтлар, қивчинсимонлардан перидинея ва кокколитофоридлардан иборат. О. туби ўсимликларига (фитобентос) диатом, яшил-қўнғир ва қизил сувўтлар, шунингдек гуллайдиган ўтсимон ўсимликларнинг (мас., зостера) бир неча тури киради.

О. нинг ҳайвонот дунёси яна ҳам хилмахилдир. О. да эркин ҳаёт кечирувчи ҳозирги замон ҳайвонларининг синфлари яшайди, кўпчилик синфлар эса фақат. О. дагина бор. О. фаунаси 160 мингдан ортиқ турни ўз ичига олади: 15 минг энг содда жониворлар (асосан, радиоляриялар, фораминиферлар, инфузориялар), 5 минг булутлар, 9 минг ковакичлилар, 7 мингдан ортиқ ҳар хил чувалчанглар, 80 минг моллюскалар, 20 мингдан ортиқ қисқичбақасимонлар, 6 минг игнатанлилар ва бошқа умуртқасизлар (мшанкалар, брахиоподалар, погонофоралар ва б. баъзи бир турлар), 16 минг балиқлар. Умуртқали ҳайвонлардан О. да, балиқлардан ташқари, баъзи тошбақалар ва илонлар (50 тур) ва 100 хилдан ортиқ сут эмизувчилар, асосан, китсимонлар ва куракоёқлилар яшайди. Баъзи қушларнинг (пингвинлар, альбатрослар, чайкалар ва б.— 240 тур) ҳаёти доимо О. б-н боғланган.

Тропикларда ҳайвон турлари, айниқса, хилма-хил. О. туби фаунаси саёз маржон рифларида, айниқса, кўп турлардан иборат. Чуқурлашган сари ҳаёт камаяди. Энг чуқур жойларда (9000—10000 *м* ва ундан ҳам қуйида) бактериялар ва бир неча ўн хил умуртқасиз ҳайвонларгина яшайди.

О. нинг турли жойларида ҳаёт ҳар хил тараққий этган. Фитопланктон миқдори устки қатламлардаги биоген элементлар миқдорига, биринчи навбатда азот, фосфор, кремний бирикмаларига боғлиқ. Фитопланктонга бой жойларда у б-н озиқланадиган зоопланктон ва зоопланктонни ейдиган нектон ҳам энг кўп.

О. туби организмлари мўътадил ўлкаларнинг қирғоққа яқин саёз жойларида, айниқса, кўп (О. тубининг 1 *км*^{2} майдонида бир неча ўнг *кг* фито ва зообентос мавжуд). Жуда катта чуқурликлардаги тирик организмлар юза қатламлардан чўкадиган ва қирғоқ яқинидаги саёзликлардан келадиган органик қолдиқлар ҳисобига яшашади. О. нинг турли чуқурликларида ҳаёт шароитлари бир хил эмас. Чуқурлашган сари ёруғлик камаяди, т-ра пасаяди, гидростатик босим орта боради, озиқ-овқат камаяди ва ҳ. к. Буларнинг ҳаммаси О. да вертикал биологик зоналликни вужудга келтиради. О. тубида қуйидаги ҳаёт зоналари мавжуд: *литораль* (сув кўтарилиши ва қайтиши зонаси), *сублитораль* (200 *м* гача), *батиаль* (2500—3000 *м*), *абиссаль* (6000 *м* гача), *ультраабиссаль* ёки хадаль (6000 *м* дан чуқур). О. суви қатламларида одатда юза зона ёки эпипелагиаль (150—200 *м*) оралиқ, ёки мезопелагиаль (750—1000 *м*) ва чуқур сув зоналари ажратилади. Чуқур сув зонаси ўз навбатида батипелагиаль (2500—3000 *м*), абиссопелагиаль (6000 *м*) ва ультраабиссаль (6000 *м* дан чуқур) га бўлинади. Кўпгина денгиз организмлари овланади ва озиқ-овқат ёки техника хом ашёси сифатида фойдаланилади.

Биологик ресурслари. О. йирик биологик ресурслар манбаидир. Бутун дунёда ишлатиладиган ҳайвон оқсилининг 12—15% и, ҳайвон ёғларининг 3—4% и О. дан олинади. 1971 йилда дунё бўйича 59,8 млн. *т* балиқ ва б. денгиз маҳсулотлари (сут эмизувчилардан ташқари) овланди. Дунёдаги балиқ ва б. жониворлар овининг $^4/_5$ қисми денгиз ва океанларга тўғри келади. Денгиздан овланадиган маҳсулотларнинг 90% ини балиқ ташкил этади. 5% турли хил моллюскалардан, 3% қисқичбақасимонлардан, 1,5% сув ўсимликларидан иборат. Денгиз сут эмизувчилари (китлар, тюленлар ва б.) ҳам овланади. 1970 йилда 540 минг *т* сут эмизувчилар овланди. 1971 йилда Перуда 10,6; Японияда 9,9; СССРда 7,3; Норвегияда 3,1; АҚШда 2,8; Ҳиндистонда 1,8 млн. *т* балиқ ва жониворлар овланди. О. биологик ресурсларининг жадал суръатларда ўзлаштирилиши ва қудратли техникадан фойдаланиш бу запасларнинг кескин камайиши ва тикланмасдан қолиш хавфини туғдирди. О. даги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан рационал фойдаланиш зарурати

бу соҳада халқаро ҳамкорлик қилиш, О. ҳайвонларини муҳофаза қилиш масаласини кун тартибига қўяди. Энг қимматли денгиз ҳайвонлари ва ўсимликларини сунъий равишда қайтадан кўпайтириш муҳим роль ўйнаши керак.

Халқаро ҳуқуқ режими. О. ҳуқуқи режими нисон фаолиятининг О. б-н боғлиқ бўлган 6 та йирик ҳуқуқий регламентациясини, яъни О. *акваториялари* режими, О. да савдо кемалари қатнови режими, ҳарбий кемаларнинг сузиб юриши режими, О. да илмий тадқиқотлар олиб бориш режими, О. туби ва ер ости бойликлари, шунингдек О. муҳитини муҳофаза қилиш ҳуқуқий регламентацияларини ўз ичига олади.

О. ҳуқуқи режими халқаро шартномалар ва таомиллар, шунингдек айрим давлатларнинг миллий қонунларида акс этган. О. режимини белгилашда ҳукуматлараро денгиз консультатив ташкилоти, БМТ нинг Маориф, фан ва маданият масалалари б-н шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО) нинг океанография комиссияси, БМТ нинг миллий юрисдикция доирасидан ташқарида амал қиладиган комитети — денгиз ва океанлар остидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш комитети, БМТ нинг денгиз ҳуқуқи комитети ва б. халқаро ташкилотларнинг роли катта.

О. а к в а т о р и я л а р и х а л қ а р о ҳ у қ у қ и й р е ж и м и денгизга чиқиш йўли бўлган ҳар бир давлатнинг ички денгиз сувлари (қ. *Ички сувлар*), территориал сувлар ва очиқ денгиз сувлари ҳуқуқий регламентациясини ўз ичига олади.

С а в д о к е м а л а р и қ а т н о в и н и н и н г х а л қ а р о ҳ у қ у қ и й р е ж и м и барча мамлакатлар савдо кемаларининг тинчлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида эркин сузишга ёрдам бериш, денгиз савдо кемалари қатнови хавфсизлигини таъминлаш, пассажирлар ва юкларни ташиш, савдо кемалари ва уларнинг экипажлари, пассажирлари ва юкларининг ҳуқуқий ҳолатига очиқ денгизда ҳам, чет давлатларга тегишли сув ва портларда ҳам риоя қилиш учун белгиланади.

Ҳ а р б и й д е н г и з к е м а л а р и н и н г х а л қ а р о ҳ у қ у қ и й р е ж и м и барча мамлакатлар ҳарбий кемаларининг денгизда эркин сузишига кўмаклашиш, хавфсизлигини таъминлаш, денгизда бўладиган ҳар хил ҳодисанинг олдини олиш, денгиз ва океанларда ҳуқуқий тартиботларга бўйсунишга хизмат қилишдан иборат. Бу режим очиқ денгиздаги ҳарбий кемаларга алоҳида ҳуқуқлар (денгизда ҳуқуқбузарларни таъқиб қилиш, денгиз қароқчилари, қул савдоси ва б. халқаро жиноятларга қарши курашиш каби ҳуқуқлар) беради.

И л м и й т а д қ и қ о т л а р о л и б б о р и ш ҳ а л қ а р о ҳ у қ у қ и й р е ж и м и вазифаси О. ни, шунингдек денгиз акваториясидан атмосфера ва космосни ҳар томонлама тадқиқ этиш учун қулай шароит яратишдан иборат. О. ҳуқуқининг бу соҳаси энди ривожланмоқда. О. ни тадқиқ этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида СССР ва АҚШ ўртасида тузилган битим (1973) О. ҳуқуқида алоҳида аҳамиятга эга.

О. м у ҳ и т и н и м у ҳ о ф а з а қ и л и ш х а л қ а р о ҳ у қ у қ и н и н г мақсади О. дан ҳар қандай мақсадда фойдаланган ҳолда ҳам денгиз муҳитини, экологик мувозанатини сақлашдан, унинг ифлосланишига (айниқса радиоактив моддаларнинг тарқалишига) йўл қўймасликдан, шунингдек флора ва фауна, О. туби ва ер ости бойликлари, О. устидаги атмосферага ва ш. к. га зарар етказилишининг олдини олишдан иборат.

О. д а б а л и қ в а б. д е н г и з ҳ а й в о н л а р и о в л а ш ва ўсимликлари йиғишни тартибга соладиган халқаро ҳуқуқ О. даги биомассаларнинг ривожланишига халақит етказмасдан иш кўришни белгилайди. О. туби ва ер ости бойликлари халқаро ҳуқуқ режими ҳозирги халқаро денгиз ҳуқуқида кам ишланган соҳадир. Денгиздан фойдаланишнинг бу тури 60-йиллар ва 70-йилларнинг бошида ривожлана бошлади.

Ад.: Ш о к а л ь с к и й Ю. М., Океанография, 2 изд., Л., 1959; Ф р о л о в Ю. С., Новые фундаментальные данные по морфометрии Мирового океана, «Вестник ЛГУ», 1971, №6; К е р р и н г т о н Р., Биография моря, Пер. с англ., Л., 1966; И с т о ш и н Ю. В., Океанология, Л., 1969; Дитрих Г., Общая океанография, Пер. с нем., М., 1962; Океан, (Сб. ст.), Пер. с англ., М., 1971; Ш е п а р д Ф. П., Морская геология, Пер. с англ., 2 изд. Л., 1969; Л е о н т ь е в О. К., Дно океана, М., 1968; Ф у р м а р ь е П., Проблемы дрейфа континентов, Пер. с франц., М., 1971; Океан и человечество, М., 1968.

ОКЕАН ҚАЪРИ — Дунё океани туби рельефи ва геологик структурасининг энг асосий элементларидан бири. Дунё океанининг ўртасидаги тизмаларидан ташқари абиссал қисмини (қ. *Абиссал область*) ўз ичига олади. Ер юзасининг энг паст гипсометрик сатҳини (ўртача чуқурлиги 4 минг *м*, максимал чуқурлиги — 7 миг *м* гача) эгаллайди. Майдони 185 млн. *км*^{2} дан ортиқ (Дунё океани туби умумий майдонининг 50% дан кўпроқ қисми).

О. қ. рельефи ва тектоник структурасининг энг йирик элементлари — океан ботиқлари ва уларни ажратиб турадиган турли типдаги океан кўтарилмаларидир. Ботиқлар О. қ. нинг энг катта қисмини эгаллайди; уларнинг ўртача чуқурлиги 5 миг *м*. Ботиқлар туби майдонининг 80% и паст-баланд абиссал типдаги рельеф (нисбий чуқурлиги 500—1000 *м*), қолган қисми ясси ва қия абиссал текисликлардан иборат. Ясси абиссал текисликлар О. қ. нинг 10% дан камроқ юзасини эгаллаб, одатда, материкларга яқин ботиқларнинг четларида жойлашган. Улар бирламчи паст-баланд рельефнинг материклардан оқиб келган чўкиндилар б-н кўмилиши натижасида пайдо бўлади. Қия текисликлар ботиқлар четларида ҳам бўлади ва аста-секин материк этаги текислигига қўшилиб кетади. Ясси абиссал текисликлар ва абиссал паст-баландликлар орасида алоҳида сув ости тоғлари (вулканлар) кўтарилиб туради. Тропик денгизларидаги кўпгина сувости тоғларининг усти маржон қурилмаларидан иборат (қ. *Атоллар*).

О. қ. даги тоғлар палахса-палахса ёки гумбазсимон баландликлар бўлиб, бу тизмаларнинг тепалари кўпинча вулканлардан иборат.

ОКЕАНИЯ — Тинч океаннинг марказий ва ғарбий қисмларидаги ороллар тўдаси. 28°25′ ш. к. б-н 52°30′ ж. к. лар ва 130° шк. у. б-н 105° ғ. у. лар оралиғида. Ғарбий қисми Австралия ва Малай архипелагига ёндош. О. Австралия б-н бир қитъа ҳисобланади. Ороллариинг умумий майдони 1,26 млн. *км*^{2}, шунинг 80% и Янги Гвинея ва Янги Зеландия ороларига тўғри келади. Аҳолиси 8 млн. киши (1971) (Австралия аҳолиси бу ҳисобга кирмайди).

Табиати. О. ни, одатда, уч қисмга бўладилар: Меланезия, Микронезия ва Полинезия.

Ороллар сув ости тизмалари ёки марзаларининг тепаларидир. Австралияга яқин жойлашган йирик ороллар (Меланезия, Янги Зеландия) эса материк ороллар. Вулкан ороларига Гавайи, Самоа, Маркиз, Жамият, Кук (жанубий группаси), Тубуаи ороллари, Пасха о. ва б. киради. О. нинг энг баланд нуқтаси (Жая тоғи 5029 *м*) Янги Гвинеянинг шимоли-ғарбида жойлашган. Ғарбий Микронезия, Меланезия ва Янги Зеландия ороларининг ер юзаси тоғлиқ.

Геологик тузилиши. Шарқий Микронезия ва Полинезия ороллари майда маржон атолларидан иборат. Ғарбий Микронезия ва Меланезия ороллари бурмали чўкинди свиталар, интрузив ва, айниқса, эффузив жинслардан тузилган бўлиб, Тинч океан тубининг ғарбий чеккасидаги альп геосинклиналида жойлашган. Бу ороллар мезозой ва кайнозойда бурмаланган улкан тизмаларнинг сув устидаги қисмларидир. Бу ердаги ҳозирги замон вулканизми ва зилзилалар тоғ ҳосил бўлиш ҳаракатининг давом этаётганлигидан дарак беради. Тинч океан марказий қисмидаги ороллар неоген охири — антропоген бошида ёриқлар бўйлаб оқиб чиққан базальтли вулкан тизмаларидир. Гавайи, Самоа, Маркиз, Жамият, Кук (жанубий группаси), Тубуаи ороллари, Пасха о. ва б. майда ороллар вулкан натижасида ҳосил бўлган. Лекин кўпгина вулкан чўққилари сув остида бўлиб, уларнинг усти маржон б-н қопланган. Маршалл, Каролина, Гильберт, Эллис, Токелау, Кук (шимолий группаси), Феникс, Лайн, Туамоту, Науру, Ошен ороллари ва б. майда ороллар маржон ороларидир. О. да фойдали қазилмалардан кўпроқ никель, фосфат, нефть, олтин, кўмир, мис учрайди.

Иқлими. О. ороларининг аксари қисми иккала ярим шарнинг тропик иқлим минтақасида жойлашган; Австралия ва Осиёга яқин экваториал кенгликлардаги ороларда иқлим субэкваториал, 180 меридиандан ғарбда экваториал иқлим. Тропик чизиғидан шимол ва жанубда эса субтропик иқлим. Янги Зеландиянинг Жанубий ороли мўътадил минтақада. Энг иссиқ ойнинг ўртача т-раси шимолида 25° (авг.), жанубида 16° (фев.); энг салқин ойники шимолида 16° (фев.), жанубида 5° (авг.). Экваториал зонада ўртача ойлик т-ра 26—28°. О. да т-раннинг суткалик фарқи кам. Йиллик ёғин пассат шамоллари эсадиган тропик минтақаларда 1000 *мм* дан кам, аммо йирик вулкан ороллари (мас., Гавайи ороллари)нинг шамолга рўпара ён бағирларида 10000 *мм* га етади. О. нинг ғарбий қисмида, экватордан шимолда ёзда кучли тропик довуллар бўлиб туради. Янги Гвинея ва Янги Зеландиядаги тоғларда музликлар (умумий майдони 1000 *км*²) бор. Дарё ва кўллар О. нинг, асосан, ғарбий қисмидаги тоғли йирик ороларда жойлашган. Энг катта дарёлари: Флай (1130 *км*), Дигул (600 *км*)— Янги Гвинеяда. О. да майда кўллар кўп; энг каттаси — Янги Зеландиядаги Таупо кўли. Вулканли ороларда қайноқ ва шўр сувли кўллар, гейзерлар бор.

Тупроқлари хилма хил. Иссиқ ва сернам иқлимли ороларда қизил-сариқ латерит, тоғ-латерит, сариқ, қизил ва сариқ-қўнғир тупроқлар учрайди. Вулкан куллари ёғилган жойларда ва янги лавалар устидаги тупроқ жуда унумдор. Ёғин камроқ ерларнинг тупроғи қизил-қўнғир; серёғин жойларнинг тупроғи ботқоқли тупроқ.

Ўсимликлари. *Палеотропик область*га мансуб. О. флораси Осиё, Америка ва Антарктика флорасидан шаклланган. О. да 3 та кичик область ажратилади: Малейзия, Гавайи, Янги Зеландия. Малейзия областчаси учун тропик ўсимликлар оилаларининг кўплиги характерлидир. Эпифитлар кўп. Гавайи областчасида очиқ уруғлилар, фикуслар йўқ, пальманинг бир тури бор, орхидея кам, папоротник кўп. Янги Зеландия областчаси мураккабгуллдошлар, папоротник, бошоқдошлар турига бой. О. нинг шарқий қисмидаги ороларда эндемик турлар (Гавайи ороларида 90% гача) кўп. Шарққа томон ўсимлик тури, туркум ва оиласи камайиб боради. Янги Гвинеяда 6800 тур, Гавайи ороларида 1100 тур ўсимлик ўсади.

О. ўсимликлари жуда хилма-хил. Тоғларнинг сернам ён бағирлари 300—600 *м* баландликкача бутазор ва саванна, 1000—1800 *м* баландликкача сернам доимий яшил ўрмон. Шамолга тескари тоғ ён бағирларининг этаклари саванна ва чала чўл, юқорироғи ксерофил ўрмонлар, бутазор ва саванна, 1500 *м* дан баланд жойлари доимий яшил ўрмонлар. Маржон ороларида ўсимлик тури кам. Атолларда панданус, кокос пальмалари, нон дарахти ўсади. Лагуналар мангра ўрмонлари б-н қопланган. О. нинг табиий ўсимлик қоплами инсон томонидан жуда ўзгартириб юборилган. Ўрмонлар қирқилиб плантациялар барпо қилинган.

Ҳайвонот дунёси. О. нинг катта қисми Полинезия фауна областига ва унинг Гавайи кичик областига мансуб. Янги Зеландия фаунаси мустақил область, Янги Гвинея эса Австралия областининг Папуа областчасига киради. Полинезия фаунаси оролга хос. Сут эмизувчилар деярли учрамайди, аммо қуш кўп. Эндемик турлар кўп бўлса ҳам реликт ҳайвонлар оз. Янги Гвинеяда сут эмизувчилар (жумладан, тухум қўювчи ва халталилар) нисбатан кўп. Атолларда ҳайвон турлари жуда кам. О. га қорамол, қўй-эчки, қуён, чўчқа, каламуш, мангуста ва ҳ. к. ларнинг олиб борилиши унинг фаунасига ниҳоятда катта салбий таъсир кўрсатди.

Кашф этилиши ва тадқиқ қилиниши тарихи. 16- асрда О. га европаликлар боргунга қадар океаниялик денгизчилар қўшни ороларга кўчиб бориб ўрнашиш жараёнида Тинч океанининг жанубий қисмида энг яқин сув йўлларини ўзлаштирганлар. Уларнинг тажрибасидан кейинчалик европаликлар маълум даражада фойдаланганлар.

О. ороларини европаликлар томонидан кашф этилиши Ф. *Магеллан* экспедициясидан (1521) бошланди.

19- асрда О. ни кашф этиш ва тадқиқ қилинишига рус денгизчи сайёҳларидан И. Ф. Крузенштерн, Ю. Ф. Лисянский, О. Е. Коцебу, В. М. Головнин, Ф. Ф. Беллинсгаузен, М. П. Лазарев, Ф. П. Литке ва б. катта ҳисса қўшдилар. Рус олими Н. Н. Миклухо-Маклай О. даги Янги Гвинея ва б. ороллар аҳолисининг антропология ва этнографияси, хўжалиги тўғрисида муҳим маълумотлар тўплаган.



Ёғоч ҳайкал. Маржон ороллари.



Ниқоб (Янги Гвинеянинг шимоли).



Ўйиб ва бўяб ишланган ёғоч тахта. Палау ороли.



Кулба (Сент-Маттиас ороли, Меланезия).



Курси (бўялган ёғоч). Тами ороли.

Аҳолиси 1969 йилда 8,3 млн. киши бўлган. Шундан 4,1 млн. Меланезияда, 0,3 млн. Микронезияда, 3,9 млн. Полинезияда (жумладан 2,8 млн. Янги Зеландияда). О. нинг туб жой аҳолиси 4 йирик группага бўлинади: папуаслар, меланезлар, полинезлар ва микронезлар. О. га европаликлар кела бошлаган вақтда (16- аср боши) у ерда 3,5 млн. аҳоли яшар эди. Бегуноҳ ўлдириш, юқумли касалликлар, аёвсиз эксплуатация қилиш натижасида аҳоли кескин камайган. 19- аср охири ва 20- аср бошига келиб аҳоли сони яна тез ўса бошлади. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$ га 7 киши; Микронезияда 96 киши, Полинезиянинг Янги Зеландиядан бошқа қисмида 13 киши, Янги Зеландияда 44 киши, Меланезияда 4 киши.

Этник таркиби. О. да ирқи, тили, тарихи ва маданияти жиҳатидан ўзаро кескин фарқ қилувчи халқлар яшайди. Уларни сон жиҳатидан тенг икки қисмга: маҳаллий аҳоли ва кўчиб келган аҳолига бўлиш мумкин. О. нинг маҳаллий аҳолиси полинезия, меланезия ва микронезия антропологик типларига мансуб. Маҳаллий аҳолининг бир қисми малай-полинез тилларида, бошқа қисми папуа тилларида сўзлашади. Папуа тиллари бир неча группаларга бўлинади. Лекин О. халқларининг тил группалари уларнинг мавжуд этник ва маданияти жиҳатидан яқинлигига тўла мувофиқ эмас. Этнографик адабиётларда уларни кўпинча тарихи ва маданияти ўхшаш областлар бўйича группалаштирадилар. О. нинг маҳаллий бўлмаган халқлари инглиз-янги зеландиялик, француз (Янги Каледония), америкалик, япон ва филиппинлик (Гавайи ороллари), ҳинд (Фижи ороллари) ва б. лардан иборат. Диний жиҳатдан О. аҳолисининг кўпчилиги христиан (протестант ва католик). Қадимги анъаналарга сиғиниш Янги Гебрид ороллари ва б. баъзи жойларда яшовчи маҳаллий аҳоли орасида сақланган.

Тарихи. О. нинг энг қадимги аҳолиси О. га бундан 20—30 минг йиллар аввал Жанубий-Шарқий Осиёдан келиб ўрнашган. Кейинроқ келган қабилаларнинг папуаслар б-н қўшилишидан меланезлар пайдо бўлган. Микронезия ва Полинезияга аҳоли милоднинг 1- минг йиллигида кўчиб келган. 16- аср бошида О. да яшовчи халқлар жамият тараққиётининг турли босқичларида бўлган. Европа давлатлари узоқ вақт О. га қизиқмадилар. Кўпгина ороллар фақат 18- асрнинг 2- ярмида кашф қилинган. О. ороллarини дастлаб Европа давлатлари, кейинроқ АҚШ эгаллай бошлади. О. халқлари бутун мустамлакачилик даври давомида асорат ва қулликка қарши курашни тўхтатмадилар. 1- жаҳон уруши (1914—18) дан кейин О. да снёсий ташкилотлар вужудга келди. 2- жаҳон уруши (1939—45) даврида О. уруш ҳаракатлари майдонига айланди. Минглаб океанияликлар қурбон бўлди. Урушдан кейин О. да империалистик давлатларнинг ҳарбий базалари кўпайди. Баъзи ороллар ядро қуролларини синаш майдонига айлантирилди. Урушдан кейин О. халқларининг мустақиллик учун ҳамда ороллардан ҳарбий мақсадларда фойдаланишга қарши кураши ташкилий тус олди. 1962 йилда Ғарбий Самоанинг мустақиллиги эълон қилинди. 1963 йилда Индонезиянинг таркибий қисми — Ғарбий Ириан Голландия асоратидан қутулди. Науру (1968), Тонга, Фижи (1970) мустақилликка эришди. 1973 йилда Папуа-Янги Гвинея ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эришди, 1975 й. сентябрдан эса мустақил давлат. О. нинг снёсий бўлинишини жадвалдан қаранг.

Архитектураси, тасвирий ва амалий-безак санъати ўзига хос услубларга бой. О. халқлари мустамлака даврigача ижтимоий-тарихий тараққиётнинг турли босқичларида бўлганидан маданият даражаси ҳам турли-туман. Янги Гвинея папуаслари чайлаларда яшайди, улар аждодларининг ёғоч ҳайкалларига сиғинишади. Янги Гвинеяда, айниқса, ёғоч идиш, буюм, қуролларни ўйиб ва бўяб нақшлаш санъати ривож топган. Ишлаб чиқариш кучлари анча юксалган Полинезия ва Микронезияда тош ибодатхоналар бор, бино ва қайиқларни безашга аҳамият берилади, ёғоч ва тош ўймакорлиги ривожланган. Янги Гвинеянинг тоғлик р-нларида чайлалар дарахтларга, денгиз ва дарё соҳилларида эса ёғоч қозиқлар устига қурилган.

Бисмарк архипелаги ороллarида, айниқса Янги Ирландияда аждодларининг ҳайкалларини ёғочдан ишлаб, рангдор қилиб бўяш, жонивор ва кишиларнинг шаклларини схематик ва ҳаётий қилиб ишлаш санъати юксалган. Микронезиядаги Нанматол ш. вайроналари қадимий қурилиш техникаси ривожидан далолат беради. Полинезия ва Янги Зеландияда ёғочни ўйиб нақш ишлаш, татуировка қилиш, рангдор геометрик шаклли гул ҳосил қилиб мато тўқиш, қуш патидан ёмғирпўш ва шлём тайёрлаш, суякдан турли буюмлар ишлаш ва б. ривожланган. Ёғоч ва тош ҳайкаллар кўп (айниқса Пасхи оролида). «Оилавий горлар»дан ҳажми унча катта бўлмаган тош ҳайкаллар кўп топилган. Полинезияликларнинг уйлари тўртбурчак, овал, доира тарҳда бўлиб, кўпинча тош ёки тупроқ супа устига қурилади. Айниқса, Янги Зеландиянинг ёғоч уйлари катта маҳорат б-н ишланади ва бадиий безатилади. Уй эшиклари олдига аждодларнинг ҳайкаллари ишланади, уларнинг ёнига, одатда, Пасхи оролида кўп учрайдиган ҳайкаллар — қуш бошли девларнинг тасвирлари ишланади.

Полинезия ороллarида тошни қалаб, қоришмасиз ишланган улкан бинолар кўп учрайди. Таити ва Тубуаи архипелагларида қадимий иншоотлар, ибодатхоналар сақланган. 19—20-асрларда О. да Европа ва Америка мамлакатлари архитектураси ва тасвирий санъати таъсирида катта ўзгаришлар рўй берди: Европа типидаги шаҳарлар пайдо бўлди, профессионал тасвирий санъат (айниқса Янги Зеландияда) ривож топди.

Ад.: Невский В. В., Нильсон О. А., Океания, Л., 1965; Свет Я. М., История открытия и исследования Австралии и Океании, М., 1966; Океания, (Справочник), М., 1971; Говоров К. А., Океания, М., 1971; Пучков П. И. Население Океании. Этнографический обзор, М., 1967; Народы Австралии и Океании, М., 1965; Малаховский К. В., Колониализм в Океании, М., 1964; Кабо В. Р., Искусство папуасов в трудах Н. Н. Миклухо-Маклая, «Советская этнография», 1961, № 6; Жаҳон мамлакатлари, Т., 1973.

Океанография — 1) *океанологиянинг* синоними; 2) сув муҳитининг физик ва кимёвий хусусиятларини, Дунё океанидаги физик ва кимёвий процессларни ва ҳодисаларни, уларнинг атмосфера, қуруқлик ва океан туби б-н ўзаро таъсирини ўрганадиган фан.

Океанология *(океан* ва ... *логия)*, океанография — Дунё океанидаги физик, кимёвий, геологик ва биологик процессларни ўрганадиган фанлар мажмуи. О. нинг асосий амалий мақсади — денгиздаги сув усти ва сув ости кемалари қатновининг хавфсизлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, океан сувлари ва тубининг биологик минерал ва энергетика ресурсларидан фойдаланиш; об-ҳавони олдиндан айтиш усулларини мукаммаллаштириш.

О., асосан, кемаларда ва гидрологик станцияларда ўлчовлар ўтказишга асосланади: кемалардан эҳолот ёрдамида океан тубининг чуқурлиги ўлчанади; астрономия усулида Ернинг радио йўлдошлари ва махсус навигация йўлдошлари ёрдамида кема турган жойнинг ўрни аниқланади; гидрологик станцияларда эса сувнинг т-раси ўлчанади; шўрлиги ва кимёвий, оптик хусусиятларини аниқлаш учун турли чуқурликдан намуна олинади, О. юзасаги ва чуқурдаги оқимларни, тўлқинларни ўлчаш; сув рангини, музларнинг хусусиятини аниқлаш, грунтдан, ҳайвон ва ўсимликлардан намуна олиш усулларидан ҳам фойдаланади.

Бир қанча ўлчовлар (денгиз сатҳи, сув кўтарилиши, тўлқинлар, т-ра ва б.) қирғоқ ва орол станцияларида олиб борилади. Дунё океанография каталоги (1973) 200 000 гидрология станциясининг маълумотларини ўз ичига олади. Океан туби чуқурликларини системали равишда ўлчаб туриш йўли б-н тўпланган маълумотлар океан майдони асосий қисмининг 1:10 000 000 масштабли батиметрик карталарини тузиш имконини бермоқда. О. маълумотлари навигация карталари, жадваллар, қўлланмалар ва лоциялар тузишда гидрография хизмати муассасалари учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Океан физикаси (физик океанография, денгиз физикаси) гидротермодинамика, акустика, океан оптикаси, радиоактивлиги (ядро гидрофизикаси) ва электромагнит майдонини тадқиқ этишни ўз ичига олади. Океан физикасининг энг йирик проблемаси об-ҳавони анча вақт олдиндан айтиш имконини берадиган қонуниятни — океан ва атмосфера ўртасидаги ўзаро таъсир қонуниятини аниқлашдан иборат.

Океан кимёси (кимёвий океанография) океан сувларининг гидрокимёси ва океан туби чўкиндиларининг геохимиясини ўз ичига олади.

Океан геологияси геология, геофизика ва геохимиянинг Дунё океани тагидаги ер қобиғига тегишли барча бўлимларини ўз ичига олади.

Океан биологияси тирик организмлар — планктон, нектон, бентос ва микроорганизмларни ўрганиш б-н шуғулланади.

Асосий халқаро океанология ташкилотлари: ЮНЕСКО қарамоғидаги ҳукуматлараро океанография комиссияси (ХОК), Денгизни ўрганиш халқаро кенгаши ва б.

О'КЕЙСИ Шон (1880. 30. 3, Дублин — 1964. 18. 9, Торки, Девоншир) — ирланд ёзувчиси ва драматурги. Ирланд реалистик адабиётининг асосчиларидан. Биринчи жаҳон уруши даврида империалистик урушнинг моҳиятини фош этувчи ҳажвиялар яратди. О'К. 20- йилларда яратган трагедияларини Дублин забастовкаси, инглиз-ирланд уруши воқеаларига бағишлади. 1940 йили ёзган «Юлдуз қизармоқда» антифашистик пьесасида революцион ишчиларнинг буржуа реакцион гуруҳларига қарши курашини акс эттирди, «Епископ гулхани» (1955) да католик бутхонасини масхаралади. О'К. нинг сўнгги драмаси жанговар руҳдаги «Нед ота ноғоралари» (1958) дир. О'К. 1939—54 йилларда 6 жилддан иборат «Уйимдаги кўзгу» ижтимоий-автобиографик эпопеясини яратди. Муаллиф эпопеяда ирланд халқининг 19- аср охири — 20- асрнинг 1- ярмидаги оғир аҳволини тасвирлади, буржуа корчалонлари демагогияси, руҳонийлар мунофиқлиги, инглиз капиталистларининг мустамлакачилик снёсатини фош этди.



О'Кейси Ш.

Ас.: Я стучусь в дверь. На пороге, М., 1957; Пять одноактных пьес, М., 1960; Пьесы, М., 1961; За театральным занавесом, Сб. статей, М., 1971.

Ад.: Саруханян А., Творчество Шона О'Кейси, М., 1965; Шон О'Кейси. Биобиблиографический указатель, М., 1964.

Океанияниинг снёсий бўлиниши[1].

Давлатлар ёки мамлакатлар номи	Майдони (минг $км^2$)	Аҳолиси, минг киши (1972)	Пойтахти ёки маъмурий маркази	Давлатлар ёки мамлакатлар номи	Майдони (минг $км^2$)	Аҳолиси, минг киши (1972)	Пойтахти ёки маъмурий маркази
Давлатлар:				Ниуэ ороли	0,26	5	Алофи
Ғарбий Самоа	2,8	148	Апиа	Токелау ороллари	0,01	2	Факаофо
Науру	0,02	7		АҚШ мулклари:			
Папуа-Янги Гвинея	461,7	2581	Порт-Морсби	Гуам ороли	0,5	93	Аганья
Янги Зеландия	268,7	2905	Уэллингтон	Мидуэй ороли	0,005	2	—
Тонга	0,7	91	Нукуалофа	Самоа (Шарқий Самоа)	0,2	31	Паго-Паго
Фижи	18,3	541	Сува	Уэйк ороли	0,008	2	—
Ириан-Жая—Индонезия провинцияси	412,9	9312	Жаяпура	Франция мулклари: Франция Полинезияси	4,0	127	Папеэте
Буюк Британия мулклари:				Янги Каледония ороллари	19,0	110	Нумеа
Гилберт ва Эллис ороллари	0,9	59	Тарава	Уоллис ва Фитуна ороллари	0,2	10	Матауту
Соломон ороллари	28,4	170	Хониара	Франция ва Буюк Британия кондоминиуми:			
Питкэрн ороллари	0,005	0,1	Адамстаун	Янги Гебрид ороллари	14,8	90	Вила
Австралия мулклари ва унинг васийлигидаги территориялар:				БМТ васийлигидаги территориялар:			
Норфольк ороли	0,036	2	Кингстон	Каролина, Маршалл ва Мариана ороллари (АҚШ бошқарувида)	1,8	95	Сайпан
Янги Зеландия мулклари:							
Кук ороллари[2]	0,23	21	Аваруа				

Эслатма: [1] Жадвалга Гавайи ороллари киритилмаган; уни 1959 йилда АҚШ ўзининг штати деб эълон қилган (майдони 16,7 минг $км^2$, аҳолиси 748,6 минг киши). [2] Аҳолиси 1961 йилга. [3] Ўзини ўзи бошқарувчи территория.



Окладчиков А. П.

ОКИНАВА — Рюкю архипелагидаги ороллар-нинг энг йириги. Япония таркибида. Тинч океан ва Шарқий Хитой денгизи б-н ўралган. Узунлиги 110 *км*. Майдони 1254 *км*². Қирғоқ-лари яқинида маржон рифлари бор. Ер юзаси, асосан, паст тоғли. Энг баланд жойи 498 *м*. Иқлими тропик, муссонли иқлим. Йиллик ёғин 1300—2000 *мм*. Тез-тез довул бўлиб туради. Шоли, батат, шакарқамиш, цитрус мевалар етиштирилади. Бош шаҳри ва порти — Наха.

Ад.: Меклер Г. К., Окинава, М., 1969.

ОККАМ Уильям (тахм. 1285, Оккам, Суррей графлиги — 1349, Мюнхен) — инглиз философи, *номинализм* вакилларидан бири. Оксфорд ва Париж ун-тларида ўқитувчилик қилган. 1323 йили шаккокликда айбланган. О. снёсий ёзувчи сифатида папанинг дунёвий ҳокимиятга бўлган даъвосига қарши чиқди. О. фикрича, худонинг мавжудлигини ва диний ақидаларни ақлдрок б-н исботлаб бўлмайди, чунки улар мутлақо эътиқодга асосланган. Бинобарин, фалсафа илоҳиётдан мустақил бўлмоғи лозим.

ОККЛЮЗИЯ (лат. occludo — қулфлайман, ёпаман) — 1) газ муҳитидаги моддаларнинг қаттиқ жисмлар ёки эритмаларга ютилиши. О. да газ-лар жисмнинг сиртига эмас, балки бутун ҳаж-мига ютилади. Бу жиҳатдан О. *абсорбция*, яъни газларнинг суюқликларда эришига ўх-шайди. Газларнинг металларга О. си жуда ха-рактерли, мас., водород б-н элементларнинг даврий системасининг VIII группа элементлари орасидаги О.: уй т-расида 1 ҳажм иридий 800 ҳажм, 1 ҳажм палладий ≈700 ҳажм водород ютади. О. ланган газ металлар б-н қаттиқ эрит-малар беради. 2) метеорологияда совуқ ҳаво фронтининг секин ҳаракат қилаётган иссиқ ҳаво фронтига қўшилиб, *циклон*нинг совуқ ҳа-вога тўйиниши. Бундай циклон О. ланган дей-лади; бунда Ер сатҳига яқин иссиқ сектор йўқолади, яъни совуқ ҳаво иссиқ ҳавони *тро-посфера*нинг юқори қатламларига сиқиб чиқа-ради. О. натижасида циклоннинг вертикал қув-вати ортади, ўртача циклон баланд циклонга айланади. Шунингдек, циклондаги энергиянинг камайиши ва т-ралар фарқининг йўқолиши ҳисобига циклон секин ҳаракат қилади. О. лан-ган циклоннинг совуқ фронт иссиқ фронтга қўшилишга улгурмаган қисмидаги тарқалиш нуқтаси О. нуқтаси дейилади.

ОККУЛЬТИЗМ (лат. occultus — сирли, яши-рин) — конотда ғайри табиий кучлар, руҳлар мавжуд ва улар баъзи одамлар б-н алоқада, деб билувчи ғайри илмий таълимотларнинг умумий номи. У аслида сеҳргарликни, юлдуз-лар ҳолати, туш кўриш ва ш. к. га асосланиб башорат қилишни сохта илмий асослар негизи-да тасдиқлашга уринади.

О. *гилозоизм ва пантеизм*га, спиритизм ва *теософия*га яқин туради.

ОККУПАЦИЯ (лат. occupatio — босиб олиш, ишғол қилиш) — халқаро ҳуқуқда душман терр-ясини қуролли куч б-н вақтинча босиб олиш. О. режими уруш қонунлари ва одатлари ҳақи-даги Гаага (1899, 1907)ва Женева (1949) конвенцияларида мустаҳкамланган. «Граждан аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Женева конвенцияси (1949) да О. қилинган терр-ядаги аҳолининг ўз давлатига содиқ қолиш ҳуқуқи кўзда тутилган, аҳолини коллектив равишда жазолаш, ҳайдаб олиб кетиш ва б. ман этилган. О. даврида босиб олинган давлатнинг ҳокимия-ти амалда тугатилади, терр-я халқаро ҳуқуқ режимига риоя қилинган ҳолда оккупацион қўшинлар ҳарбий қўмондонлиги томонидан идора этилади. О. вақтинчалик ҳодиса бўлгани учун О. қилинган терр-яни босиб олувчи давлат терр-ясига қўшиб олиш ман этилади. Оккупацион қўшинлар, уларнинг мулки ва коммуникация (алоқа йўл)ларининг хавфсизлигини таъминлаш О. режимининг муҳим элементи ҳи-собланади. Ҳарбий ҳокимият О. қилинган терр-яларда аҳоли ва маҳаллий ҳокимият органла-рига нисбатан бир томонлама актлар қабул қилади ва муайян мажбурий чоралар б-н улар-га риоя қилинишини таъминлайди. О. га тааллуқли халқаро ҳуқуқ нормаларини бузган ок-купацион ҳокимият ва оккупацион қўшинлар составидаги бўлинмалар босиб олинган давлат-нинг снёсий, моддий ёки маънавий жавобгар-лигига, айбдор жисмоний шахслар эса жиноий жавобгарликка тортилади. Биринчи жаҳон уру-ши (1914—1918) ва, айниқса, иккинчи жаҳон уруши (1939—1945) даврида фашистлар Гер-маниясининг ҳамда унинг иттифоқчилари аввало граждан аҳолига нисбатан халқаро ҳуқуқ нор-маларини қўпол равишда бузганликлари тўғ-рисида кўплаб фактлар маълум. О. қилинган кўпгина терр-ялар Германия составига қўшиб олинди, бу мамлакатлар терр-яларида, айниқ-са СССРнинг вақтинча босиб олинган терр-яларида граждан аҳоли шафқатсиз қийноққа солинди ва қириб ташланди (қ. *Нюрнберг процесси*).

Ҳарбий О. дан урушдан кейинги О. режими-ни фарқлаш лозим. Бундай режим, одатда, тинчлик шартномаси шартларини бажариш мақсадида манфаатдор давлатларнинг махсус халқаро битимлари асосида муайян мамлакат ёки терр-я учун ўрнатилади.

ОКЛАДНИКОВ Алексей Павлович (1908. 3. 10. Иркутск ш.) — археолог, тарихчи ва этнограф. СССР ФА акад. (1968; мухбир аъзоси 1964), Ёқутистон АССРда (1956), РСФСРда (1957) ва Бурятия АССРда (1968) хизмат кўрсатган фан арбоби. 1946 йилдан КПСС аъзоси. 1938—61 йилларда СССР ФА Археология ин-тининг Ленинград бўлимида катта илмий ходим, ди-ректор ўринбосари ва палеолит сектори бош-лиғи. 1961 йилдан СССР ФА Сибирь бўли-мининг Иқтисод ин-тида ижтимоий фанлар бўлими мудири, 1966 йилдан тарих, филология ва философия ин-ти директори. *Тешиктош* го-ридан *неандерталь* одамининг бош суяги қол-диқларини топган ва ўрганган (1938—39). Сибирь, Урта Осиё ва Монголия археологияси, этнографияси соҳасида узоқ вақт илмий текши-риш ишлари олиб борган. Монголия терр-ясида биринчи бор палеолит даври ёдгорликларини текширган. Урта Осиёда тош даврига оид ёд-горликларини қазиш ва илмий тадқиқ қилишда фаол иштирок этган. Узбекистонда тош дав-рининг ўрганилишига асос солган. 400 дан ор-тиқ илмий асар ва мақола ёзган. О. СССР Давлат мукофоти лауреати (1950 ва 1973). Ленин ордени, 3 та бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган.

Ас.: Неолит и бронзовый век Прибайкалья. Ист.-археол. исследование, ч. 1—2, М. — Л., 1950—55; Древности Кайрак-Кумов. (Древнейшая история Сев. Таджикистана). Душанбе, 1962; Петроглифы Забайкалья, ч. 1—2, 1969—70, (В. Д. Запорожская б-н биргаликда); Сокровища Томских писаниц. Наскальные рисунки эпохи неолита и бронзы, М., 1972 (А. И. Мартинов б-н биргаликда).

Ад.: Сибирь периода феодализма (Сб. ст. Посвящается 60-летию со дня рождения А. П. Окладникова), Новосибирск, 1968; Ларичев В. Е., Сорок лет среди сибирских древностей, Новосибирск, 1971.

ОКЛАХОМА — АҚШнинг жанубий қисмидаги штат. Майдони 181,1 минг *км*². Аҳолиси 2559 минг киши (1970 й.), 68% и шаҳарларда яшай-ди. Маъмурий маркази — Оклахома-Сити ш., иқтисодий маркази — Талса ш.

Ер юзасининг кўп қисми текислик, ғарби эса плато (энг баланд жойи 1516 *м*). Жанубий-шарқида Уошито тоғининг тармоқлари бор (энг баланд жойи 884 *м*.). Иқлими субтропик иқлим. Январнинг ўртача т-раси 0—6°, июлники 24—27°. Йиллик ёғин 450—1000 *мм*. Йирик дарёлари: Арканзас ва Ред-Ривер. Терр-ясининг кўп қисми экинзор. Тоғ ён бағирлари ўрмон. Хўжалигининг етакчи тармоғи — кончилик са-ноати. О. да нефть, табиий газ, рух ва кўмир қазиб олинади. Машинасозлик ва металлсоз-ликда самолёт қисмлари, кон ва қурилиш уску-налари, металл конструкциялар ишлаб чиқари-лади.


Қ. х. да гўшт-сут чорвачилиги етакчи ўрин-да. Деҳқончиликда, асосан, буғдой, пахта ва маккажўхори экилади. Энг йирик т. й. узели — Оклахома-Сити. О. дан бошқа штатларга нефть ва газ қувурлари ўтказилган.

ОКЛАХОМА-СИТИ — АҚШнинг жанубий қис-мидаги шаҳар. Оклахома штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 366 минг (1970 й.), шаҳар атрофи б-н 641 минг киши. Транспорт йўллари-нинг муҳим узели, йирик савдо маркази. Куш-хоналар, гўшт консерва з-длари, тегирмонлар, нефтни қайта ишлаш, кимё, самолётсозлик кор-хоналари бор. Нефть саноати ва телефон стан-циялари учун ускуналар ишлаб чиқарилади.

ОКЛЕНД — Янги Зеландиядаги шаҳар. Шимо-лий оролда. Аҳолиси 152 минг (1973 й.), шаҳар атрофи б-н 747,4 минг киши. Йирик денгиз порти (мамлакатдаги жами денгиз юк обороти-нинг 18% и). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Т. й. станцияси. Машинасозлик (транспорт ва электротехника машиналари), озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё саноати корхоналари бор. Четга сариёғ, сир, гўшт, жун чиқарилади. Ун-т бор.

ОКЛЕНД — АҚШнинг ғарбий қисмидаги ша-ҳар. Калифорния штатида. Сан-Франциско қўл-тиғи бўйидаги порт. Осма кўприк (узунлиги 6,9 *км*) ва паром орқали Сан-Франциско ш. б-н боғланган. Аҳолиси 362 минг киши (1970). О.— трансконтинентал йўлларнинг сўнгги пун-кти. Кемасозлик ва кема ремонти, электротех-ника, металлсозлик, тайёр қисмлардан авто-мобиль йиғиш, кимё корхоналари, обсерватор-рия, ҳарбий-денгиз базаси бор. Шаҳар 1850 йилда бунёд этилган.

ОКОПЛАР (рус. окоп — хандак, чуқур) — жон-ли кучлар ва жанговар техниками душман ўтидан пана қиладиган, жанговар позиция вазифасини ўтайдиган дала иншоотлари. Жанг майдонида О. нинг вужудга келиши ўйиқ ствол-ли қуролларнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ (19-аср 2- ярми). Одатда, О. бир киши, бўлим, пу-лемёт, миномёт, тўп, танк ва б. учун мўлжал-ланган бўлади. Бир кишилик О., дастлаб, ётган одам кўринмайдиган даражадаги катталикда (чуқурлиги 20—30 *см*, узунлиги 150—170 *см*) қазилади, сўнгра тиззалаб ва тик туриб ўқ узиш учун чуқурлаштирилади (110—150 *см*). Бир кишилик О. ўзаро бирлаштирилиб, бўлим учун окоп ҳосил қилинади. Бўлим О. лари ат-рофи тупроқ б-н шиббаланган чуқурлик (тран-



Бўлим окопининг кўриниши.

шея), 1—2 кишига мўлжалланган ўқ отиш жойлари, қўл пулемёти учун майдонча, шахсий состав учун оддийроқ пана жой, ўқ-дорилар қўйиладиган токча сингарилардан иборат бўла-ди. Ўқ отиш жойларининг оралиғи 6—8 *м*, бў-лим окопининг умумий узунлиги 50—60 *м* га етади. Миномёт, тўп, танк ва б. учун қурилган О. ўт очиш майдончаси, экипаж (расчёт) учун пана жой, жанговар техниканинг О. га кириши ва чиқиши учун йўлак ҳамда бруствер (тупроқ кўтарма)дан иборат бўлади.

О. барча турдаги жанговар ҳаракатларда, айниқса, мудофаада кенг қўлланилади. О. син-гувчи радиацияни анча қайтаради, зарб тўлқи-ни ва ёруғлик нурининг шикастлаш доирасини кичрайтиради. О. ни қўшинлар ўз кучи ва мах-сус окоп ковлагич машиналар б-н қазийдилар. Бўш тупроқли жойларда О. нинг деворлари чим, тахта, шох-шабба ва б. нарсалар б-н маҳ-камланади. Траншея ва алоқа йўлларининг ҳи-моя қувватини ошириш учун баъзан уларнинг усти ёпилади. Тоғли жойдаги О. тош ва хар-санглардан қалаштириб ишланади. Ер портла-тилиб, чуқурлик очилади. Тошдан қилинганда мустаҳкам бўлиши учун орасига тупроқ, баъ-зан қум солинган қоплар жойлаштирилади. Барча хилдаги О. жойнинг табиий кўринишига мослаб ниқобланади.

ОКРУГ (рус. округ — атроф) — давлат терр-ясининг бир қисми. Бошқаришнинг муайян со-ҳаси (маъмурий-сиёсий, хўжалик, ҳарбий ва б. соҳалар) учун ажратилади. Айрим давлат-ларда турли аҳамиятга эга бўлган маъму-рий-территориал бирликлар (маъмурий О.), ҳарбий қисмлар ва муассасаларнинг территори-ал бирлашмалари (қ. *Ҳарбий округ*) ёки сай-лов кампаниясини ўтказиш учун вақтинча ташкил этилган территориал бирликлар (қ. *Сайлов округи*) ва б. О. деб аталади.

СССРда 1923—30 йилларда губернялар ре-форма қилиниб, улар ўрнига кичикроқ маъ-мурий-иқтисодий бирликлар — О. лар ташкил этилган. О. лар иқтисодий р-нлаш-тириш принципида тузилиб, ўлка, обл. состави-га кирган ва р-нларга бўлиниган. 1930 йилда СССРда 246 О. бўлган. 1930 йилда О. МИҚ ва ХҚСнинг 30 июнь қарори б-н бекор қилинган. 30- йилларда ва 40- йилларнинг бошида маъму-рий р-нларни бирлаштириб турган, республика, ўлка, обл. марказлари б-н транспорт алоқаси

йўқлиги сабабли (Тара ва Тобольск — Омск области, Тошҳовуз — ТуркмССР ва б.) ёки хўжалигининг характери бўйича республика, ўлка, областнинг асосий терр-яларидан катта фарқ қиладиган маъмурий О. лар (Ғарбий Қозоғистон областидаги нефть саноати ривожланган Гурьев, саноати ривожланган Донецк областидаги қ. х. юксалган Старобельск ва б.) қолган. 1941 йил 1 январда 8 та О. бўлган (Астрахань, Нарим, Печора ва б.). УзССР терр-ясида маъмурий иқтисодий р-нлаштириш даври (1926) да ташкил этилган 10 маъмурий О. 1938 йилда (Хоразм ва Сурхондарё О. лари 1941 йилда) тугатилган.

Миллий О. совет автономиясининг формаларидан бири. Дастлаб, 1921 йилда Горький АССР составида 6 та О. ташкил этилган (1924 йилда уларнинг ҳаммаси автоном область айлантирилган). СССРда 1974 йил 1 январгача 10 миллий О. бўлган (ҳаммаси РСФСРда).

ОКС, оксус (юнон. Oxos, латин. Oxus) — Амударёнинг юнонча, латинча ва ўрта асрлардаги бошқа манбаларда тилга олинган номи. Баъзи олимлар (В. В. Бартольд, Б. Ғафуров) О. ни сув худоси Вахшнинг (Вахш — Охшо) номи десалар, бошқа олимлар (С. П. Толстов, Я. В. Гуломов, Ҳ. Ҳ. Ҳасанов) қадимги туркий ўқуз «дарё» сўзининг фонетик варианти деб ҳисоблайдилар.

ОКСАЛАТЛАР (юнон. oxalis — шовул) — *шовул кислота* $(COOH)_2 \cdot 2H_2O$ тузлари. Нордон О.— HOOCCOOMe ва ўрта О.— $(COOMe)_2$ қатори бор, Me — металл эквиваленти. О. табиатда кенг тарқалган. Мас., кальций оксалат $Ca(COO)_2$ барча ўсимликларнинг ҳужайра ва тўқималарида мавжуд. Одам ва ҳайвон сийдигида ҳар доим бир оз миқдорда кальций оксалат бўлади. Темир (II)-оксалат ва кальций оксалат минераллар ҳолида учрайди. О. аналитик кимёда, фотографияда, бўёқчиликда ишлатилади.

ОКСАЛИС, кислица (Oxalis) — *оксалисдошлар* (кислицагуллилар оиласи)га мансуб ўсимликлар туркуми. Кўп йиллик, баъзан бир йиллик ўт ва ярим буталардан иборат. Барги кетма-кет, панжасимон мураккаб, нордон, таркибида витамин С ва шовул кислота бор. Гули якка, оқ, бинафша ранг йўллари бор. Меваси — кўсак. Асосан, Жанубий Африка, Жанубий Америка ва Мексикада ўсадиган 350 га яқин тури бор. СССРда 6 тури учрайди. Игнабаргли салқин ўрмонларда ўсадиган **оддий О.** (O. acetosella) поясиз, ўрмаловчи илдизли ўсимлик. Африка ва Америкада, баъзи турлари истеъмол қилинадиган картошкаси учун экилади. Кўп турлари манзарали ўсимлик.



Оддий оксалис.

ОКСАЛИСДОШЛАР (Oxalidaceae) — икки паллалилар синфига мансуб ўсимликлар оиласи. Тропик ва субтропик мамлакатларда, айниқса, Жанубий Африкада ва Жанубий Америкада кўп тарқалган. Илдизи этли, картошка ёки пиёзли. Барги мураккаб патсимон ёки панжасимон. Гули тўғри, икки жинсли, гултожибарги 5 та. Меваси кўсакча ёки резавор. 8 тур кўми, 800 га яқин тури бор. СССРда фақат 6 тури (мас., *оксалис*), Ўзбекистонда бир тури — ўроқсимон оксалис учрайди. Тукли оксалис Жанубий Америкада овқатга ишлатилади.

ОКСИ... (лат. oxygenium — кислород) — қўшма сўз бўлаги. Бирикма ёки аралашмаларда кислород борлигини билдиради; мас., *оксигемоглобин, окситетрациклин.*

ОКСИГЕМОГЛОБИН (*окси...* ва *гемоглобин*), HbO_2 — кислороднинг *гемоглобин* б-н бўш бирикишидан ҳосил бўладиган модда. Бунда гемоглобин таркибига кирадиган темирнинг валентлиги ўзгармайди. Иссиқ қонли ҳайвонлар ва одамда кислороднинг кўпроқ қисми тўқималарга О. таркибида боради.

ОКСИДАЗАЛАР — тирик ҳужайраларда оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини катализлайдиган муҳим *оксидоредуктазалар.* Организмда аэроб нафас олиш жараёни рўй берадиган ҳамма тўқималарда бор. Табиатда кенг тарқалган.

ОКСИДИМЕТРИЯ (нем. oxydieren — оксидланиш ва... *метрия*), аниқроғи **редоксметрия** — *оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига* асосланган миқдорий анализ методлари группаси (қ. *Ҳажмий анализ, Титриметрик анализ*). О. *йодометрия, перманганатометрия,* бромато-метрия, титанометрия, цериметрия каби бир қанча методларга бўлинади. О. анорганик ва органик моддаларни анализ қилишда кенг қўлланилади.

ОКСИДЛАНИШ ЗОНАСИ (геологияда) — сульфидли конларнинг ер юзига яқин қисмини ўз ичига олган ва ер ости сувлари сатҳидан юқорида жойлашган бўлаги. О. з. да ер юзасидан чуқурроқ қатламларга ўтаётган сув ва унда эриган кислород, карбонат ангидрид ва кислоталар таъсирида турли минераллар емирилиб, муайян шароитда паст босим ва ҳароратга мос янги кристалл ва коллоид бирикмалар ҳосил бўлади. Бу бирикмалар кимёвий таркиби жиҳатидан емирилаётган минерал ва жинсларга яқин бўлиб, кислород ва сув молекуласининг кўплиги б-н ажралиб туради.

О. з. учун турли гиллар, темир ва марганецнинг кислородли ва сувли бирикмалари турғун ҳисобланади. Мазкур зонада олтингугуртли металл рудалари ҳамда олтингугурт, туз ва тошкўмир конлари тез ўзгаради. Бунда металларнинг сульфидли бирикмалари оксид, гидрооксид, карбонат, сульфатлар б-н ўрин алмашади. Олтингугурт ўрнида алунит ва гипс уюмлари ҳосил бўлади, тош туз қатламлари бўлган жойда гипс тўпланади.

О. з. ер юзасидан грунт сувларигача, одатда, бир неча *м* дан ўнларча *м* (баъзан айрим жойларда бир неча юз *м*) гача бўлган жойни эгаллайди.

О. з. геологияси ва минералогиясини ўрганиш халқ хўжалигида кенг ишлатилаётган темир ва марганец рудалари, боксит, турли гиллар ва б. фойдали қазилма бойликларни топиш ва разведка қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Смирнов С. С., Зона окисления сульфидных месторождений, М. — Л., 1955.

ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ РЕАКЦИЯЛАРИ — электронларнинг атомлардан атомларга бутунлай ёки қисман ўтиши б-н боғлиқ кимёвий реакциялар. Электронлар чиқарилиши **оксидланиш**, электронлар бириктириб олиниши **қайтарилиш** дейилади. О.-қ. р. атамалари дастлаб металл оксидларининг ҳосил бўлиш ва парчаланиш реакцияларида қўлланилди. $Cu + {}^1/_2O_2 = CuO$ металларнинг оксидланишига, $CuO + H_2 = Cu + H_2O$ металл оксидларидан металл ҳосил бўлиши (қайтарилиши)га мисол бўлади.

Атом ёки ионлари реакция жараёнида электрон бириктириб оладиган моддалар **оксидловчилар**, электрон берадиган моддалар эса **қайтарувчилар** деб аталади. Оксидловчи реакция вақтида оксидланадиган моддадан электронни тортиб олиб, ўзи қайтарилади, қайтарувчи эса электронлар йўқотиб, ўзи оксидланади. Мас., Sn^{++} б-н Fe^{+++} ионлари ўртасида сувли эритмада қуйидаги реакция юз беради:

$$Sn^{++} + 2Fe^{+++} = Sn^{+++} + 2Fe^{++}$$

Бу ерда Fe^{+++} иони **оксидловчи**, Sn^{++} иони **қайтарувчидир.**

О.-қ. р. жараёнларида эркин энергиянинг ўзгариши гальвани элементларида э.ю.к. манбаи вазифасини ўтайди. Мас., Даниел элементида рух анод ролини ўйнайди, у оксидланади: $Zn = Zn^{+++} + 2e^-$; катодда эса мис ионлари қайтарилади: $Cu^{+++} 2e^- = Cu$. Бу жараёнда ташқи электр занжирида электронлар рухдан мисга томон ҳаракатланади. Электролизда ҳам анодда **электр кимёвий оксидланиш**, катодда **электр кимёвий қайтарилиш** юз беради. Мас., NaCl нинг сувдаги эритмасини (симоб катоди ўрнатилган) электролизлашда хлор б-н натрий амальгамаси ҳосил бўлади: $Cl^- = {}^1/_2Cl_2 + e^-$, $Na^+ + e^- = Na$.

Ҳар қандай оксидланиш қайтарилишсиз бўла олмайди, чунки кимёвий реакцияда атомлар оксидланиш даражаси (n) нинг йиғиндиси доимийдир. $H_2 + Cl = 2HCl_2$ реакциясида *n* (н) 0 дан +1 гача ўзгаради, бинобарин, водород (H) оксидланади; n(Cl) 0 дан — 1 гача ўзгаради, бинобарин, хлор (Cl) қайтарилади.

О.-қ. р. жараёни кенг тарқалган кимёвий реакциялар жумласига киради, унинг табиатда ва техникада аҳамияти катта. Барча турдаги ёқилғиларнинг ёниши, турли металларнинг рудалардан ажратиб олиниши О.-қ. р. жараёнига асосланган. Металларнинг коррозияга учраши, кўпгина муҳим кимёвий маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши уларнинг оксидланиши туфайлидир. Электр кимё саноати О.-қ. р. га асосланган. Мис, никель, олтин, рух ва б. эритмалардан электролитик қайтарилиш йўли б-н олинади ёки тозаланади. Кимёвий ток манбалари — аккумуляторлар ва гальвани элементлари О.-қ. р. туфайли ишлайди ва ҳ. к.

ОКСИДЛАР — (юнон. oxys — нордон) — элементларнинг кислородли бирикмалари. Нормал оксид молекуласи таркибидаги барча кислород атомлари фақат ўша элемент атомларига бириккан бўлади, лекин ўзаро бирикмайди. **Пероксид, супероксид ва озонидлар** (пероксид ва пероксид бирикмалар) таркибида кислород атомлари фақат элемент атомларига бириқиб қолмай, бир-бири б-н ҳам бирикади (мас., SnO_2 — нормал оксид, BaO_2 — пероксид). **Нормал О.** элементларнинг кислород б-н бевосита бирикишидан, элементларнинг гидроксидлари карбонат, нитрат, сульфат ва б. кислородли кислоталар тузларининг ажралишидан ҳосил бўлади.

О. нинг номланиши қуйидагича: а) элементнинг фақат битта кислородли бирикмаси маълум бўлса, у оксид деб аталади: Al_2O_3 — алюминий оксид, MgO — магний оксид; б) элемент учун бир неча О. маълум бўлса, элементнинг оксидланиш даражаси эътиборга олинади: Cu_2O — мис (I)-оксид, CuO — мис (II)-оксид, Cr_2O_3 — хром (III)-оксид, CrO_3 — хром (VI)-оксид ва ҳ. к.; в) элементнинг оксиди сув таъсирида кислотага айланса (ёки кислотадан ёхуд унинг тузидан бавосита олиниши мумкин бўлса) айни оксид ўша кислотанинг **ангидриди** деб аталади: SO_3 — сульфат ангидрид, SO_2 — сульфит ангидрид.

Нормал О.— асосли, кислотали ва амфотер (оралиқ) О. деб, уч группага бўлинади. Менделеев даврий системасида давр ичида чапдан ўнгга ўтган сари О. нинг хусусияти асосликдан амфотерликка, сўнгра кислоталикка айланади. Мас., III давр элементлари оксидларидан Na_2O, MgO — асосли О; Al_2O_3 — амфотер оксид; SiO_2, P_2O_5, SO_3 ва Cl_2O_7 — кислотали О. дир. Элементнинг оксидланиш даражаси ортган сари оксидларнинг асослик хоссалари кучсизлана боради: MnO — асос хоссасига, MnO_2 — амфотер хоссага, Mn_2O_7 — кислота хоссасига эга.

Баъзи О. тузлар ҳосил қилмаганлигидан уларга индифферент ёки бефарқ О. номи берилган (мас., CO ва NO). Кўпчилик О. табиатда учрайди. Табиатда энг кўп учрайдиган О. дан бири сув-водород оксидидир. Силикат ангидрид (SiO_2) кўпгина тоғ жинслари таркибига киради.

О. турмуш ва техникада кенг қўлланилади. Мас., баъзи металларнинг оксидларидан иборат аралашмалар ажойиб катализаторлар сифатида ишлатилади.

Ад.: Сандносирова З. Н. Анорганик химия. Т., 1970.


ОКСИДЛАШ (нем. Oxydierung) — металл буюмлар сиртини оксидловчи эритмалар ёрдамида кимёвий, электр-кимёвий йўл б-н ёки ҳавода қиздириб *коррозиядан* сақлаш ёки кўркамлаштириш усули. **Кимёвий О.** нинг кенг тарқалгани ишқорли ва ишқорсиз О. дир. **Ишқорли О.** буюм қайнаб турган натрий ёки калий ишқори эритмаси муҳитидан ўтказилади. **Ишқорсиз О.** да эса буюм фосфор кислотаси, калий ёки барий нитрат ва марганец фосфати аралашмасида 100°С т-рада қиздириб оксидланади. Қимёвий О. да буюм сиртида 3 μ ча оксид қатлами ҳосил бўлади. Ҳосил қилинган оксид қатлами лакланганидан ёки мойланганидан сўнг металл коррозиябардош бўлади. Бу усуллар пўлат, чўян ва рух буюмларини О. да қўлланилади.

Электр-кимёвий О. (анодлаш)да буюмни ток таъсирида ўтказилади ва кимёвий О. га нисбатан яхши натижа беради. Мас., 20—60 мин. давомида 30°С иситилган 20% ли сульфат кислотада (ток кучи 1,5—2,5 *а* ва кучланиши 10—20 *в*) ток б-н О. натижасида 20 μ қалинликдаги оксид пардаси ҳосил бўлади. Оксидланган буюм сирти лакланади. Анодлашда оксид қатлами қалинлигини 600 μ гача етказиш мумкин. Бу усул, асосан, алюминий, мис ва б. металл қотишмаларини О. да қўлланилади. Ҳавода О. пўлат буюмларни яхши қиздириб, сиртини мойлашдан иборат. Ҳозир бу усул деярли қўлланилмайди.

ОКСИДОРЕДУКТАЗАЛАР — *оксидланиш-қайтарилиш реакцияларини* катализлайдиган ферментлар. Ҳамма тирик ҳужайраларда учрайди. О. нинг 200 дан ортиқ тури бўлиб, энг муҳимлари қуйидагилар: *дегидразалар* (нафас олганда ва фотосинтез жараёнида водород ва электронларни бир моддадан иккинчи моддага ўтказади), *оксидазалар* (уларда O_2 оксидловчи), пероксидазалар (оксидловчи — H_2O_2), *гидрола-*

залар (моддага O_2 нинг бир атомини беради), оксигеназалар (моддага O_2 нинг иккала атомини беради).

ОКСИКИСЛОТАЛАР, оксикарбон кислоталар — таркибида ҳам карбоксил, ҳам гидроксил группаси бўлган органик бирикмалар. Ўсимликлар оламида кўп тарқалган. Кўпчилигининг оптик изомерлари бор. Таркибида битта карбоксил ва битта гидроксил группаси бўлган оксикислота О. нинг энг оддийси ҳисобланади. Гидроксил группанинг карбоксил группа бириккан углероддан қанча узоқдаги углерод б-н бирикканлигига қараб α=, β=, γ= ва б. О. тафовут қилинади. Мас.,



α- оксикислота

О. нинг соддалари қовушоқ суюқликлар ёки кристалл моддалар бўлиб, сувда яхши эрийди. Таркибида OH=группа ва COOH=группа борлигидан О. спирт ва кислоталарнинг умумий хоссаларини намоён қилади. О. нинг яна ўзига хос бошқа хоссалари ҳам бор. Мас., улар тегишли карбон кислоталардан кўра кучлироқ кислоталик хоссаларига эга; таркибидаги сувни чиқариб юбориб, α=О. лактидлар номли мураккаб эфирларга айланади; β=О. эса тўйинмаган α=, β=О. ҳосил қилади; γ=О. лактонлар номли бирикмалар пайдо қилади ва ҳ. к. Олма кислота $HOOCCH(OH)CH_2COOH$ (унинг таркибида иккита карбоксил группа бўлгани учун икки негизли. О. жумласига киритилади), вино кислота $HOOCCH(OH)CH(OH)COOH$ (бу ҳам икки негизли), лимон кислота $(CH_2COOH)_2C(OH)COOH$ (уч негизли кислота) О. вакилларидандир. Бодом кислота $C_6H_5CH(OH)COOH$ ароматик О., цис ва транс-оксидолчин кислоталар тўйинмаган ароматик О. жумласидандир. О. ни галоген алмашинган кислоталардан, тўйинмаган карбон кислоталарга сув бириктириб, HNO_2 ни аминокислоталарга таъсир эттириб ва б. усулларда олиш мумкин. О. медицина ва кимёда катта аҳамиятга эга.

ОКСИПРОЛИН 4-оксипирролидин-2-карбон кислота — гетероциклик *аминокислоталар*дан бири (α=иминокислота), $C_5H_9NO_3$. Таркибида 2 та асимметрик углерод атоми бор, шу боисдан 4 оптик изомер шаклига (L= ва D=оксипролин, алло=L= ва алло D=оксипролин) ва 2 та рацемат шаклига эга. L=оксипролин бириктирувчи тўқималар оқсиллари — *коллаген* ва эластиннинг ҳамда баъзи ўсимлик оқсилларининг таркибий қисми. Алло=L=оксипролин сандал дарахтида эркин ҳолда борлиги аниқланган. L=оксипролинининг организмдаги ўзгариш маҳсулотларидан бири — *глутамин кислота*дир.

ОКСИТЕТРАЦИКЛИН (Oxytetracyclinum), террамицин — микробга қарши модда. Кимёвий тузилиши ва таъсири жиҳатдан тетрациклин ва хлортетрациклинга яқин туради. Кул ранг-сариқ кристалл порошок бўлиб, тами тахир. Сувда кам эрийди. Пневмония, ўпка абсцесси, кўкйўтал, бруцеллёз, туляремия ва б. касалликларни даволашда ишлатилади.

ОКСИТОЦИН (Oxytocinum) питоцин — гипофиз орқа бўлаги гормонларидан бири; саккизта аминокислота қолдигидан тузилган циклик пептид (октопептид). Синтетик йўл б-н ҳам олинади. Бачадон (айниқса, ҳомилали бачадон) мушакларини қаттиқ қисқартиради. Дард тутиши сусайганда, бачадондан атоник қон кетганда буюрилади. Ампулаларда 1 *мл* дан чиқарилади.

8-ОКСИХИНОЛИН (оксин, о-оксихинолин), C_9H_7ON — оч сариқ кристалл модда. Мол. оғ. 145,15, суюқланиш т-раси 75—76°С, қайнаш т-раси 266,6°С. Спирт, ацетон, хлороформ, бензол, кислота ва ишқорларда эрийди, сувда ва эфирда эримайди. Кўпгина элементларни (мас., мис, рух, магний) ажратиш ва аниқлашда, алюминий, рух, ванадий ва ҳ. к. элементларни колориметрик аниқлашда қўлланилади. Баъзи ҳосилалари фунгицидлар ва антисептиклар сифатида ишлатилади.

ОКСФОРД — Буюк Британиядаги шаҳар. Англияда, Темза дарёси бўйида. Оксфордшир графлигининг маъмурий маркази. Аҳолиси 109 минг киши (1971). Транспорт йўлларининг муҳим узели, савдо маркази.

О. қўл ёзма манбаларда 912 йилдан тилга олинган. Дастлаб қалъа бўлган. 1541 йилдан Англия епископининг қароргоҳи. Инглиз готика услубида қурилган ун-т колледжларининг комплекси шаҳар ташқи қиёфасига алоҳида ҳусн бағишлаган. Архитектура ёдгорликлари кўп. *Оксфорд университети* бор. Театр, кутубхона музей ва ҳ. к. лар бор.

ОКСФОРД УНИВЕРСИТЕТИ — Буюк Британиянинг йирик ва қадимги ун-тларидан бири. 12-асрнинг 2-ярмида Оксфордда очилган. Ун-тда турли даврларда Р. *Бэкон*, Иоанн *Дунс Скот*, Т. *Мор*, Ж. *Локк*, А. *Смит* ва б. дарс берган. О. у. ўз-ўзини бошқарадиган муассаса бўлиб, маъмурий жиҳатдан фақат парламентга бўйсунади. Таълим ҳақи жаҳонда энг юқори ўринларда туради (бир ўқув йилига 850—900 фунт стерлинг тўланади). Ун-тда 39 колледж (буларнинг 29 таси эркаклар, 5 таси хотин-қизлар учун, 5 таси аралаш); илоҳиёт, ҳуқуқ, классик адабиёт, янги ва энг янги тарих, инглиз тили ва адабиёти, ўрта аср ва ҳозирги европа тиллари ҳамда адабиёти, шарқшунослик, социал фанлар, медицина, биология ва қ. х. фанлари, математика, физика фанлари, антропология ва география, санъатшунослик, музика, психология ф-тлари; 22 кафедраси, бир нечта ихтисослашган илмий тадқиқот ин-тлари ва лабораториялари, музейлари, ботаника боғи, обсерваторияси бор. Асосий кутубхонаси (1602) да 2,5 млн. асар сақланади (1972). 1972 йили О. у. да 11 минг киши, жумладан 2,5 мингдан ортиқ аспирант ўқиди, 1,1 минг ўқитувчи ишлади, булардан 114 таси проф. Ўқитувчилари орасида *Лондон қироллик жамиятининг* 20 га яқин аъзоси бор.

ОКТАВА (лат. octava — саккизинчи) — 1) пастки (йўғон) ва юқориги (ингичка) товушлари б-н музика товушқаторининг саккиз поғонасини ёки 6 та бутун *тонни* ўз ичига олган *интервал*; 2) ҳар қандай диатоник товушқаторнинг саккизинчи поғонаси. Булар садоланиш ва номланиш жиҳатидан бир хил бўлиб, фақат товушларнинг паст-баландлиги б-н фарқ қилади. Мас., биринчи О. даги соль товуши иккинчи О. даги сольдан товуш баландлиги жиҳатидан паст (йўғон), товуш тебранишн 2 марта кам;

3) музика товушқаторининг қисми, асосий *поғона*лар ёки хроматик гамманинг 12 та ярим тонини ўз ичига олади. Музика амалиётида 7 та тўлиқ ва 2 та тўлиқ бўлмаган О. ишлатилади. О. лар ўз номига эга бўлиб, ҳар бири махсус белгилар б-н кўрсатилади. Мас., ля товуши субконтроктавада A_2 (ёки $Ля_2$), контроктавада A_1 ($Ля_1$), катта О. да А (Ля), кичик О. да а (ля), биринчи О. да a^1 ($ля^1$), иккинчи О. да a^2($ля^2$), учинчи О. да a^3($ля^3$), тўртинчи О. да a^4($ля^4$) б-н кўрсатилади; 4) хонанданинг йўғон овози.

ОКТАН, н-октан, тўйинган углеводород C_8H_{18} — ўзига хос ҳидли рангсиз суюқлик. Мол. оғ. 114,22, суюқланиш т-раси — 56,8°С, қайнаш т-раси 125,67°С; зичлиги 0,7025 *г/см*^{3}. Нефтда бензинда бўлади. *н*-октан б-н бир қаторда умумий формуласи C_8H_{18} бўлган 17 та изомер О. бор. Шулардан *изооктан*нинг О. сони юқори (97) бўлганлиги учун эталон ёнилғи сифатида ишлатилади. *н*-октаннинг О. сони жуда кичик (17—19).

ОКТАН СОНИ — карбюраторли *ички ёнув двигатели* ёнилғиларининг *детонацияга* мойиллик даражасини ифодалайдиган кўрсаткич. Ёнилғининг О. с. эталон ёнилғи аралашмасига таққослаб аниқланади. Эталон ёнилғи сифатида *изооктан* (2, 2, 4-уч метилпентан) ва *гептан* аралашмаси қабул қилинган. Изооктаннинг детонацияга турғунлиги 100, нормал гептанники ноль деб олинган. Эталон ёнилғи аралашмасидаги изооктаннинг процентлардаги миқдори сиңаладиган ёнилғининг О. с. ни белгилайди. Ёнилғининг О. с. қанча катта бўлса, детонацияга мойиллиги шунча кичик бўлади. Автомобилларда О. с. 66—98 га тенг бензин ишлатилади. Сиқиш даражаси юқори двигателларда О. с. юқори бензинлар ишлатилади.

ОКТАНТ (лат. octans) — осмон сферасининг жанубий ярим шаридаги юлдуз туркуми. Юлдуз катталиги 3,8. СССР терр-ясида кўринмайди.

ОКТАЭДР (юнон. okto — саккиз ва hedra — ёқ) — саккизта учбурчак б-н чегараланган жисм, саккизёқлик. О. термини кўпроқ муntазам саккизёқлик учун ишлатилади (қ. *Кўпёқликлар, Кристаллография*).

ОКТЕМБЕРЯН (1932 йилгача — Сардоробод) — АрмССРдаги шаҳар (1947 йилдан). Арарат водийсида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 28 минг киши (1974). Станоксозлик, фурнитура, консерва, коньяк, сут з-длари, мебель ф-каси, вино к-ти бор. О. яқинида шиша идиш з-ди қурилмоқда (1974). Технология техникуми, қ. х. совхоз-техникуми мавжуд.

ОКТЕТ (лат. octo — саккиз) — 1) саккиз ижрочидан ташкил топган вокал ёки чолғу *ансамбль*; 2) саккиз созанда ёки хонанда учун ёзилган музика асари.

ОКТОД (юнон. okto — саккиз) — саккиз *электродли* электрон лампа. Унда қиздириш *катоди*, *анод* ва 6 та тўр бор. Биринчи ва иккинчи тўрлар катод б-н *гетеродин* триодини ташкил қилади. Қабул қилинадиган сигнал, одатда, тўртинчи тўрга берилади. Учинчи ва бешинчи тўр — экранловчи, олтинчиси динатронга (анод-дан иккиламчи электронларни чиқаришга) қарши қўйилган. О. супергетеродин радиоприёмникларнинг частота ўзгартириш схемаларида қўлланилади.

ОКТЯБРИСТЛАР, «17-октябрь иттифоқи» — Россиядаги йирик помешчиклар ва савдо-саноат буржуазиясининг контрреволюцион партияси. О. капиталистик жамиятнинг ҳақиқий эгалари, йирик буржуазиянинг манфаатини ҳимоя қилувчи вакиллар эди. 1905 йил ноябрь бошларида, аввал Москвада, сўнгра Петербургда ташкил топган; номи 1905 йил 17 октябрь манифестидан олинган. 1905 йил охирида бу иттифоқ провинцияларга тарқалди. Унинг Москвада чақирилган 1-съездида (1906 й. 8—12 февр.) О. «кучли монархия ҳокимияти»ни ёқлаб чиқдилар. О. программаси конституцион монархия тузуми ўрнатиш, майда давлатларга бўлиниб кетмайдиган ягона Россияни сақлаб қолиш, яъни буюк давлат шовинизмини кўзда тутди. «Слово» (1906 йилгача), «Голос Москвы» (1907—15) газеталари О. партиясининг матбуот органи бўлган. О. га А. И. Гучков, М. В. Родзянко, С. И. Шидловский ва б. йўлбошчилик қилган. О. 3- ва 4- Давлат думасида подшо ҳукуматини ёқлаб чиққан. Февраль буржуа рев-ясидан сўнг улар Муваққат ҳукумат составига кирган. Октябрь рев-яси ғалабасидан кейин О. оқ гвардиячиларнинг ташкилот ва ҳукуматларида юқори лавозимларни эгаллаб, Совет Республикасига қарши курашдилар.

ОКТЯБРЬ (octo — саккиз) — *Григорий календари*да йилнинг ўнинчи ойи (31 кунлик). Қадимги Рим календарида йилнинг саккизинчи ойи.

ОКТЯБРЬ — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-нидаги шаҳар посёлкаси. 1938 йил 25 февралда ташкил этилган. Шаҳрисабз воҳасида, Катта Ўзбекистон тракти ёқасида. Қаршидан чиқарилган т. й. шоҳобчасининг охирги станцияси. Каршидан 122 *км*. Аҳолиси 10 минг киши (1974); асосан, ишчи ва хизматчилар.

О. да пахта тозалаш, мева консерва, вино, пишлоқ з-длари, гўшт к-ти, т. й. станцияси, аэропорт, нефть базаси, савдо базаси, р-н матлубот жамияти, к-з бозори, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, механизациялашган кўчма колоннанинг темир-бетон конструкциялар к-ти, мармар к-ти ишлаб турибди.

Посёлкада 2 ўрта мактаб (1973/74 ўқув йилида 2732 ўқувчи), кечки ишчи ёшлар мактаби (1973/74 ўқув йилида 540 ўқувчи), 9 болалар боғча ва яслиси (940) бола, 3 ҳаммом, 5 клуб, 6 кутубхона бор (1974).

ОКТЯБРЬ — Наманган обл. Косонсой р-ни Қўқумбой қ. С. даги қишлоқ. Худойбердиев номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Намангандан 17 *км*. Аҳолиси 3190 киши (1974); пахтачилик, пилла-чилик б-н шуғулланади. Косонсой сув омборидан сув ичади. Ўрта ва бошланғич мактаб, клуб, кутубхона, медпункт, новвойхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОКТЯБРЬ — Тошкент обл. Оҳангарон р-ни Ленинчи қ. С. даги қишлоқ. «Тошкент» йилқичилик с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Октябрь. Аҳолиси 2421 киши (1974); чорвачилик, ғаллакорлик, пилла-чилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Оҳангарон дарёсидан сув ичади. С-з идораси, ўрта мактаб, амбулатория, клуб, алоқа бўлими, т. й. станцияси, қорамолчилик фермаси, автогараж, ошхона, новвойхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОКТЯБРЬ — Андижон обл. Андижон р-ни Бўтақора қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 33 *км*, яқин т. й.

станцияси — Андижондан 5 *км*. Аҳолиси 2248 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан сув ичади. Интернат мактаб, участка касалхонаси, амбулатория, дорихона ва майший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОКТЯБРЬ — Хоразм обл. Хонқа р-ни Хоразм қ. С. даги қишлоқ. «Хоразм» к-зи терр-ясида. Яқин т. й. станцияси — Хонқадан 5 *км*. Аҳолиси 1480 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Хонқаарна каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ҳаммом, тикувчилик устахонаси бор.

ОКТЯБРЬ — Фарғона обл. Қува р-ни Октябрь қ. С. даги қишлоқ. «Социализм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Федченкодан 8 *км*. Аҳолиси 1475 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ОКТЯБРЬ — Тошкент обл. Янгийўл р-ни Шўралисой қ. С. даги қишлоқ. Ҳамроқул Турсунқулов номли к-з терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Янгийўлдан 4 *км*. Аҳолиси 1334 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жўн каналидан сув ичади. Пахта пункти, ўрта мактаб, к-з трактор парки, медпункт, ошхона бор.

ОКТЯБРЬ — Андижон обл. Андижон р-ни Маслаҳат қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 18 *км*. Аҳолиси 1129 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона ва Улуғнор каналларидан сув ичади. Улуғнор котлованн бор.

ОКТЯБРЬ — Сирдарё обл. Боёвут р-ни Боёвут-1 қ. С. даги қишлоқ. «Боёвут-1» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Боёвут разъездидан 19 *км*. Аҳолиси 948 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Жанубий Мирзачўл каналидан сув ичади. Мактаб, с-з идораси, болалар боғча ва яслиси бор.

ОКТЯБРЬ — ҚҚАССР Чимбой р-ни Комсомол овул Советидаги қишлоқ. «Октябрь» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 39 *км*, яқин т. й. станцияси — Хўжайлидан 121 *км*. Аҳолиси 930 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Кегейли каналидан сув ичади. Урта мактаб, меҳмонхона, ошхона бор.

ОКТЯБРЬ — Андижон обл. Хўжаобод р-ни Хўжаобод қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Гуруҳчмозордан 12 *км*. Аҳолиси 885 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихон сойдан сув ичади.

ОКТЯБРЬ — Фарғона обл. Киров р-ни Бешариқ қ. С. даги қишлоқ. «Бешариқ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Рапқондан 2 *км*. Аҳолиси 815 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади Исфара дарёси ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, нефть базаси бор.

ОКТЯБРЬ — ҚҚАССР Беруний р-ни Октябрь овул Советидаги қишлоқ. Оржоникидзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 28 *км*. Аҳолиси 720 (1971); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Амударёдан сув ичади. Ўрта мактаб филиали бор.

ОКТЯБРЬ — Хоразм обл. Гурлан р-ни Уйғур қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 32 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 20 *км*. Аҳолиси 575 киши (1974): пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Октябрарна ариғидан сув ичади.

ОКТЯБРЬ — Андижон обл. Андижон р-ни Найман қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 45 *км*. Аҳолиси 536 киши (1970); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади.

ОКТЯБРЬ — Сурхондарё обл. Термиз р-ни Октябрь қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳардан 4 *км*. Аҳолиси 535 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сурхондарёдан сув ичади. Медпункт бор.

ОКТЯБРЬ БАЙРАМИ — СССР халқларининг улуғ революцион байрами. Ҳар йили Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалаба қозонган кунлар 7—8 ноябрь эски ҳисоб б-н 25—26 октябрь)да байрам қилинади. О. б. кунлари СССРда дам олиш кунлари деб белгиланган. О. б. 1918 йилдан бошлаб нишонланади. Байрамнинг биринчи куни Совет Иттифоқининг пойтахти — Москвада ва Иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида қўшинлар паради, барча шаҳарлар, р-н ва қишлоқларда меҳнаткашлар байрам намойиши бўлиб ўтади. Намойишдан сўнг халқ сайиллари ўтказилади. (яна қ. *Байрам*).

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ — Жиззах областидаги р-н. 1973 йил 12 апрелда ташкил топган. Ғарбдан Жиззах, шимоли-ғарбдан Арнасой ва Дўстлик, ғарбдан Фориш, шарқдан Пахтакор р-нлари б-н чегарадош. Майдони 0,46 минг $км^2$. Аҳолиси 12978 киши (1976). Р-нда 3 қ. С. (Тимирязев, Учқаҳрамон, Зафаробод) бор. Р-н маркази — Зафаробод посёлкаси.

Табиати. Р-н терр-яси Мирзачўл даштининг ғарбида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик бўлиб, лёссимон қумоқ ва қумлоқлар б-н қопланган, бир қисми Нурота тоғ тизмалари б-н банд. Ер ости сувлари юза, шўр ва шўртоб. Тупроқлари ҳар хил тусдаги бўз шўрхок тупроқлар. Ерлар А. А. Саркисов номли Жанубий Мирзачўл каналидан суғорилади. Оқинди шўр сувларни чиқариб юбориш учун ариқ ва зовурлар қазилган (250 *км*). Иқлими континентал. Йиллик ўртача т-ра 14°. Июлда 26°—28°, январда — 8,5°. Йиллик ёғин 250—280 *мм*. Вегетация даври 200—210 кун. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, қамиш, юлғун, қиёқ, итузум, ғумай ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, бўрсиқ, чиябўри, қўшоёқ, юморонқозиқ, каламуш, кўрсичқон, тошбақа, калтакесаклар, ҳар хил илонлар; қушлардан ўрдак, лойхўрак, қирғовул, тустовуқ, сўфитўрғай, калхат, бургут, каптар; сув ҳавзаларида ҳар хил балиқлар кўп.


Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, қозоқлар, қирғизлар, тожиклар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$ га 27 киши.

Хўжалиги. Р-нда 3 пахта пункти, 2 автобаза, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, 5 механизациялашган кўчма колонна ва б. ишлаб турибди. Қ. х. нинг асосини пахтачилик ташкил этади. Р-нда 8 с-з (шундан биттаси паррандачилик б-н шуғулланади) бор. Фойдаланиладиган умумий ер майдонининг 33 минг гектари ҳайдалади, 25244 *га* ер суғорилади. 13130 *га* ерга пахта, 2100 *га* ерга бошоқли дон экинлари, 970 *га* ерга маккажўхори, 310 *га* ерга сабзавот, картошка ва полиз экинлари, 1406 *га* ерга ем-хашак экинлари экилади (1976). Р-н хўжаликларида 155 қорамол, 10610 қўй ва эчки, 74300 курка, 10 от бор (1975). Давлатга 25500 *т* пахта (1975), 53 *т* гўшт (тирик вазида), 10 *т* сут, 458 минг дона тухум, 10 *ц* жун, 2049 *т* сабзавот, 13933 *т* полиз маҳсулотлари, 2008 *т* дон (1974), 9 *т* пилла сотилди (1975).

Р-ндаги Пахтакор т. й. станцияси орқали Тошкент — Қўқинрот поезди ўтади. Гулистон — Зафаробод (148 *км*), Жиззах — Зафаробод (45 *км*), Пахтакор — Зафаробод (15 *км*) маршрутларида автобуслар қатнайди. 125 ўринли 2 касалхона, 2 қишлоқ касалхонаси, 1 санитария-эпидемиология станцияси, 3 фельдшерлик пункти, хотинлар ва болалар консультацияси ва амбулаторияларда 18 врач, 51 ўрта медицина ходими ишлаб турибди. 6 ўрта, 3 саккиз йиллик, 1 ҳунар-техника билим юртида 3500 ўқувчи таълим олмоқда (1975—76). 23000 китоб фондига эга бўлган 11 кутубхона, 2 клуб, 7 кинотеатр ишлаб турибди. 1974 йилдан бери р-н «Октябрь ғалабаси» газетаси (тиражи 3000 нусха) чиқади.

ОКТЯБРЬ ИШ ТАШЛАШЛАРИ (1916) — Петроградда 17—20 ва 26—31 октябрда бўлиб ўтган йирик сиёсий иш ташлашлар. Бу ҳаракат Россияда революцион вазият кучайган даврда юз бериб, кескин сиёсий тус олди. Подшо ҳукуматининг халққа қарши сиёсати, уруш ва озиқ-овқат кризиси сабаб бўлди. 1916 йил кузида Петроградда юз берган озиқ-овқат танқислиги оқибатида стихияли ғалаён бошланиб, ишчилар дўкон ва магазинларни вайрон қилдилар. Большевикларнинг Петроград ташкилоти иш ташлашга сиёсий ва ташкилий жиҳатдан раҳбарлик қилди. Биринчи О. и. т. 1916 йил 17 октябрда металл ишлаш з-дида бошланди. Стачкачиларни шу з-дга яқин казарманинг революцион кайфиятдаги 181-полк солдатлари қўллаб-қувватлади. Ишчи ва солдатлар б-н полиция отрядлари ўртасида 2 соат давомида тўқнашув бўлди. Москва гвардия полкининг қисмлари келиб етгач, стачкачилар тарқалишди. Шу куниёқ иш ташлаш Петербург, Василеостровск, Москва р-н корхоналарига ёйилди. Қатнашчиларнинг сони 83 минг кишидан ошди. РСДРП нинг Петербург комитети мақсадга эришилди, деб ҳисоблаб, иш ташлашни ташкилий равишда тўхтатишга чақирди. 21 октябрда ҳаракат тўхтатилди. Аммо революцион кайфият кучаймоқда эди. 26 октябрда стачка қайтадан бошланиб, янада оммавий, сиёсий тус олди. Бу стачкага большевистик ташкилот (Болтиқ флотидаги бош кема коллективи раҳбарлари) ва 181-полкнинг 130 солдати устидан бўладиган (26 октябрь) суд процесси ҳақида тарқалган хабар сабаб бўлди. РСДРП Петербург комитети пролетариатни қамоқдаги матрос ва солдатларни қутқазиш учун 3 кунлик сиёсий стачкага чақирди. Корхона маъмуриятлари бу ҳаракатнинг олдини олиш учун Петроград ҳарбий округи қўмондонлигининг фармони б-н 27—28 октябрда 15 та йирик корхонани ёпдилар, улардан 39,3 минг ишчи ишдан бўшатилди. Бунга жавобан ишчилар РСДРП Петроград комитетининг чақиригига кўра ҳарбий

қўмондонликнинг фармони бекор қилинмагунча ҳаракатни давом эттиришга қарор қилдилар. Иш ташлаш қатнашчиларининг сони 91 минг кишига етди. Революцион тўлқин қамоқдаги ишчи ва солдатларнинг ҳаётини сақлаб қолди ва 1 ноябрдан бошлаб ишчиларни ишдан ҳайдаш ҳақидаги фармоннинг бекор қилинишини, корхоналарнинг ишга туширилишини таъмин этди. Петроград пролетарларининг бу ғалабаси яқинлашиб келаётган Февраль буржуа ревяси даракчиси эди.




Ад.: Рабочее движение в Петрограде в 1912—1917 гг. Документы и материалы, Л., 1958; История рабочих Ленинграда, т. 1, Л., 1972.


ОКТЯБРЬ ЙИГИРМА ЙИЛЛИГИ — Тошкент обл. Чиноз р-ни Эски Тошкент қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Пахтадан 3 *км*. Аҳолиси 1380 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Эски Тошкент каналидан сув ичади.

ОКТЯБРЬ МАНИФЕСТИ (1905 йил 17 октябрь) — Николай II нинг 1905 йил *Бутун Россия октябрь иш ташлаши* авжга минган кунларда эълон қилган манифести. Граф. С. Ю. Витте томонидан тайёрланган манифест самодержавиенинг революцион кучларни парчалаб ташлаш, иш ташлашга йўл қўймаслик ҳамда рев-янн бостириш мақсадида қилган сиёсий найранги эди. Унда халққа «граждан эркинлигининг қатъий асослари» (шахс дахлсизлиги, виждон, сўз, йиғилиш ва иттифоқлар тузиш эркинлиги) ни бериш, сиёсий маҳбусларни озод қилиш, барча аҳоли табақаларини Давлат думаси сайловларига жалб қилиш, Давлат думасини қонун чиқарувчи орган деб тан олиш ваъда қилинган эди. Манифест эълон қилингач, буржуазия чоризм б-н тил топишишга ҳаракат қилиб, очиқдан-очиқ контрреволюцион позицияга ўтиб олди. Меньшевиклар ҳам, эсерлар ҳам Манифестдан мамнун эдилар. Большевиклар эса уни рев-янинг биринчи ютуғи деб ҳисобласалар-да, 18 октябрда РСДРП манифестини эълон қилиб, подшо манифестининг асл моҳиятини очиб ташладилар. Большевиклар подшо манифестининг халқни лақиллатиш учун ўйлаб чиқарилган қурол эканлигини фош қилдилар, оммани самодержавиега қарши қуролли кўзғолон тайёрлашга даъват этдилар. Воқеаларнинг кейинги бориши большевиклар позициясининг нақадар тўғри эканлигини жуда тез орада исботлади. Подшо «Витте думаси»ни тарқатиб юборди, манифестни бекор қилди ва революцион оммага қарши қонли жазо чораларини қўллай бошлади.

ОКТЯБРЬ МУЗЛИГИ, Қораженлға музлиги — Шимолий Помирдаги (ТожССР) музлик. Орқа Олай тизмасининг жанубий ён бағ-



Окуляр. 1- расм. Гюйгенс окуляри.



2- расм. Рамеден окуляри.

рида, Қоракўл ҳавзасида. О. м. мураккаб водий музлиги. Майдони 116 *км²*, узунлиги 17,6 *км*, эни 700—1500 *м*.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ — қ. *Улуғ Октябрь социалистик революцияси.*

ОКТЯБРЬ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ — Жиззах обл. Дўстлик р-ни Комсомол қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь 50 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Дўстликдан 12 *км*. Аҳолиси 3448 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Сангзор дарёсидан водопровод орқали сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, медпункт, ёзги кинотеатр, алоқа бўлими ва механизациялашган кўчма колонна бор.


ОКТЯБРЬ ЭЛЛИК ЙИЛЛИГИ — ҚҚАССР Тахтакўпир р-ни Қораўзак овул Советидаги қишлоқ. «Қораўзак» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 54 *км*, яқин т. й. станцияси — Хўжайлидан 199 *км*. Аҳолиси 930 киши (1971); шоликорлик, чорвачилик, ғаллакорлик, полизчилик б-н шуғулланади. Қувонишжарма каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, қорамолчилик фермаси бор.

ОКТЯБРМАҲАЛЛА — Андижон обл. Андижон р-ни Найман қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Андижондан 22 *км*. Аҳолиси 552 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Бўғоз ариғидан сув ичади.

ОКТЯБРЬСК — РСФСР Куйбишев областидаги шаҳар. Волга дарёси ўнг соҳилидаги пристань. Т. й. станцияси. Аҳолиси 33 минг киши (1974). Қурилиш деталлари (ёғоч плиталар) к-ти, изоляцион материаллар, асфальт з-длари, тикувчилик ф-каси бор. О. да юклар Волга пароходларидан темир йўлга ва темир йўлдан дарё пароходларига ортилади. Шаҳар 1956 йилда 3 та посёлкадан вужудга келган.

ОКТЯБРЬСКИЙ — Бошқирдистон АССРдаги шаҳар. Ик дарёси (Кама ирмоғи) ўнг соҳилида. Аҳолиси 80 минг киши (1974). Нефть саноатининг йирик маркази. 1937 йилда Туймаза нефть конининг ишга туширилиши муносабати б-н вужудга келган. 1946 йилдан шаҳар. Нефть саноати жиҳозлари ва автоматика воситалари, паст вольтли электр аппаратлари, чинни-фаянс буюмлар, керамик плита, хром чарм з-длари, тикувчилик ва пойабзал ф-калари бор. Бутуниттифоқ геологик разведка илмий тадқиқот ин-ти, Уфа нефть саноати ин-тининг умумий техника ф-ти, нефть ва коммунал-қурилиш техникумлари, музика билим юрти мавжуд.

ОКТЯБРЬСКИЙ — кечпишар, хўраки узум нави. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача, тўғарак, беш бўлакли, чети арра тишли. Гули қўш жинсли. Узум боши йирик (450—500 *г*), цилиндрсимон, ҳовол. Ғужуми йирик, тухумсимон, пушти, мум ғубор б-н қопланган. Сентябрь охири — октябрь бошларида пишади. Таркибида 22—24% қанд, 6—7% кислота бор. Гектаридан 35—40 *т* гача ҳосил олинади. Узоқ жойга жўнатишга, қишда сақлашга яхши. Тошкент, Сирдарё, Самарқанд областларида кўпроқ тарқалган.



Ола буғу.

ОКТЯБРЯТЛАР — СССРда мактаб пионер дружинаси ҳузуридаги группага ихтиёрий бирлашган 7—9 ёшли ўқувчилар. Октябрят группалари болаларни В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ *пионерлар ташкилоти*га киришга тайёрлайди. О. нинг дастлабки группалари 1923—24 йилларда Москва пионер отрядларида вужудга келди; уларга Октябрь рев-яси б-н тенгдош бўлган болалар қабул қилинган («О.» номи шундан келиб чиққан). О. группаси мактабнинг 1- синфида туэнлади. О. сафига қабул қилинаётганда болаларга кўкрак белгиси — В. И. Ленининг болалигидаги портрети акс эттирилган беш қиррали юлдузча берилади. Группага О. нинг қизил байроқчаси топширилади. Пионер ёки комсомоллардан бири группа вожатийи бўлади. О. иши ўқитувчи ва вожатийлар томонидан ташкил этилади. Ҳар йили (16—22 апрелда) О. нинг бутуниттифоқ ҳафталиги ўтказилади.

О. учун иттифоқ миқёсида «Весёлые картинки» («Қувноқ расмлар»), *«Мурзилка»*, УзССР да *«Гунча»* журналлари нашр этилади. Пионер газеталари (УзССРда *«Ленин учқуни»*, *«Пионер Востока»*) О. учун ҳам материаллар бериб боради. «Малыш» (иттифоқ миқёсида), «Ёш гвардия» (УзССРда) нашриётлари О. учун безакли китобчалар чиқаради.

Пионер ва б. болалар ташкилотларига бирлашган ёш ўқувчилар бирлашмалари чет мамлакатларда ҳам бор (қ. *Болалар демократик ташкилотлари*).

ОКУЛЯР (лат. oculus — кўз) — мураккаб оптик система (кузатиш трубаси, микроскоп, дурбин)нинг кузатувчи қарайдиган линзаси. *Об'ектив*нинг бошқа оптик системалари (мас., призма, коллиматор) б-н ҳосил қилинган тасвир О. ёрдамида кўрилади. Биринчи марта О. лар астрономик кўриш трубаларида ишлатилган (улар Галилей О. лари дейилади). Лекин бундай О. лар, айниқса, астрономик кузатишларда ноқулай бўлганлигини (кўриш майдони бурчаги кичиклиги) учун нидерланд олими Х. Гюйгенс (17- аср) ва инглиз олими Ж. Рамсден (18- аср) икки хил О. кашф қилишган. Улар амалда ҳозиргача ишлатилади (1, 2- расм). Бундай О. ни объектив б-н бирга ясаб, буюмнинг тасвири олинади. 19- аср охирларида, айниқса, ҳарбий оптиканинг ривожланиши б-н дурбин, перископ ва б. да такомиллаштирилган махсус О. лар ишлатилган.

ОКУНСИМОНЛАР — қ. *Олабуғасимонлар.*

ОКУЧНИК (рус. окучить — чопиқ қилмоқ) — сугориш эгатларини очишда ва экин қатор ораларини юмшатишда ишлатиладиган қурол. О. корпуси икки отвалли бўлиб, тупроқни икки томонга уюб, ариқ очиб кетади. Юмшатиш чуқурлиги 10—12 *см*. О., асосан, тракторга тиркаб ишлатилади. Кенглиги 80—120 *см*, чуқурлиги 30—40 *см* бўлган ўқариқ ва участка ариқларини очишда тракторга битта катта О. тиркалади.

ОЛ («олдамоқ» сўзидан) — душманни чалғитиш учун ўрта асрларда қўлланилган ҳийла-найранг, тактикавий усул. Кичик бир қисмни чекинишга буюриб, уни таъқиб қилиб, ҳужумга ўтган душманни пистирма исканжасига олинган. О. усулларидан бири т ў л ғ а м а деб аталган. Бунда душманнинг сўл ёки ўнг тарафидан орқасига ўтиб, зарба берилган. О. дан *Чингизхон*, Темур ва Абдуллахон ўз юришларида усталик б-н фойдаланган.

ОЛА БУҒУ, х о л д о р б у ғ у, ч и п о р б у ғ у (Cervus nippon) — буғулар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвон. Эркагининг яғринидан бўйи 109—112 *см*, гавдасининг узунлиги 173—180 *см*, оғирлиги 117—131 *кг*. Ёзда оч малла-чипор рангда, оқ холли, елкасида қора йўли бор; қишда қўнғир-кул ранг. Корея, Япония, Хитойда учрайди. СССРда Жанубий Приморье

ўрмонларида тарқалган. Сони камайиб бормоқда. 20—25 йил яшайди. 1—2 бола туғади. СССРнинг Европа қисмидаги қўриқхоналарда иқлимлаштирилган, овлаш тақиқланган. Усаётган ёш шохи — пантадан *пантокрин* олинади.

ОЛАБУТА (Atriplex) — шўрадошларга мансуб бир йиллик ўтсимон ёки ярим бута ўсимликлар туркуми. Барги кумуш ранг ғубор б-н қопланган. Тўпгули бошоқсимон. Меваси ҳар хил вақтда етилади. Мўътадил зонада 225 тури, СССРда 33 тури бор. Кўп йиллик кўкпак туридан ем-хашак тайёрланади. О. нинг кўп турлари, мас., боғ О. си — манзарали ўсимлик.

ОЛАБУҒА, о д д и й о к у н ь (Perca fluviatilis) — олабуғасимонлар туркумига мансуб балиқ. Танасининг узунлиги 50 *см* ча, оғирлиги 2 *кг* ча. Шимолий Осиё ва Европа, Шимолий Американинг шарқий қисмидаги чучук сув ҳавзаларида тарқалган. СССРда деярли ҳамма ерда (Балхаш кўли ва Колимадан шарқдаги сувлардан ташқари) учрайди; Амурнинг юқори оқимида иқлимлаштирилган. Қатта кўл ва сув омборларида икки — йирик ва майда экологик формалари бор. Эрта баҳорда урчийди. Майда О. ҳашарот личинкалари ва зоопланктон б-н овқатланади. Йирик О. — йиртқич. Овланади.

ОЛАБУҒАСИМОНЛАР, о к у н с и м о н л а р (Perciformes) — балиқларнинг бир туркуми. Қазилма қолдиқлари юқори бўр қатламидан топилган. Қорин сузгич қаноти кўкрак сузгич қанотининг тагида ёки бир оз олдинроқда жойлашган; елка сузгич қаноти иккита. Чучук ва денгиз сувларида кенг тарқалган. 16 кенжа туркуми, 150 дан ортиқ оиласи бор. СССРда олабуғалар кенжа туркумидан *олабуға*, судак, берш, *ставрида*лар, султанка, губан, зеленушка ва б., денгиз итчаларидан кора денгиз итчалари, зубаткалар, *бельдюга*лар ва б., совут-юзлилардан скорпенлар, денгиз олабуғаси, денгиз хўрозлари ва б., скумбриясимонлардан *скумбрия*, *пеламида*, елкан-балиқ ва б. учрайди. Дунё балиқчилигида скумбриясимонлар, букри балиқсимонлар ва тунецлар биринчи ўринда туради. СССР балиқ хўжалигида скумбриясимонлар, О. ва б. катта аҳамиятга эга.

ОЛАЙ ВОДИЙСИ — ҚирғССРнинг Помир-Олай тоғлари орасидаги ботиқ. Ғарбдан шарққа (Олай ва Орқа Олай тизмалари орасида) 150 *км* га йўналган. Эни 8—25 *км*. Майдони 1700 *км²* га яқин. Баландлиги ғарбда 2240 *м*, шарқда 3536 *м* (Томурун довони). О. в. таги аллювиал ва пролювиал жинслардан тузилган, жанубида ва қисман ўрта қисмида моренали паст-баланд қатор тепалар бор. Тоғ яйлови, ғарбида — Қизилсув дарёси бўйларида сугориб деҳқончилик қилинадиган ерлар бор.

ОЛАЙ ТИЗМАСИ — Помир-Олай тоғлари системасидаги тизма. ҚирғССР ва қисман Тожссрда. Энг баланд нуқтаси 5539 *м*. Узунлиги 400 *км*. Жанубда Фарғона водийси б-н чегараланади. Қум-гил жинслар ва кристалли сланецлардан тузилган. Шимолий ён бағри қия ва бир неча кўндаланг водийларни ўз ичига олади. Жанубий ён бағри *Олай водийси*га тик тушган. Чўққиларида, айниқса ғарбий қисмида қор ва музликлар (568 *км²*) бор. Тоғ этакларида чала чўл ўсимликлари ён бағирларида қуруқ чаловбетага даштлари; 2000—3200 *м* баландликда ўтлоқ-дашт ўсимликлари ва арча ўрмонлари, ундан юқорида альп ўтлоқлари бор.

ОЛАЙ ТОҒЛАРИ — Ўрта Осиёдаги тоғлар. Ўрта Осиё шарқида, Тяньшань б-н Помир тоғлари орасида; ҚирғССР, Тожсср ва Ўзсср терр-ясида. Фарғона водийсидан жанубдаги ва Зарафшон ҳамда Сурхон-Шеробод ҳавзаларидаги тоғ тизмалари, шунингдек Қизилқум марказидаги тоғлар: Олай тизмаси, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор, Молгузар, Нурота, Қулжуқтоғ, Томдитоғ, Овминзатоғ, Бўкантоғ, Султон Увайс, Бойсун, Кўҳитанг ва б. О. т. таркибига киради.



Олабуға.

О. т. герцин бурмаланишида пайдо бўлган, кейинчалик емирилиб-текисланиб қолган ва учламчи даврда қайта кўтарилиб, ҳозирги рельефи вужудга келган. Асосан чўкинди жинслардан таркиб топган бўлиб, кейинчалик кучли бурмаланиш натижасида метаморфлашган (оҳактош, қумтош, гилли сланец, кристалли сланец, мармар). Айрим тоғ тизмаларида кристалли жинслар ер юзасига чиқиб очилиб ётади.

О. т. шарқда СССРнинг Хитой б-н бўлган давлат чегарасидаги Суяк довонидан бошланиб, географик кенглик бўйлаб ғарбга 1000 *км* дан ортиқ масофага чўзилган. Шарқидаги тизмалар (Олай ва Туркистон) баланд (абс. баландлиги 5000—6000 *м*), тепалари донимий қор ва музликлар б-н қопланиб ётади. Улар жанубдан Фарғона водийсини ўраб туради ва водийга қараган шимолий ён бағри қия, бу ерда тармоқлар, кенг платолар ва қия текисликлар кўп бўлиб, улар орасида ботиқлар, чуқур водийлар ҳосил бўлган. Ён бағирларнинг баъзи ерларида бош тизмаларга параллель чўзилган кичик-кичик тармоқлар ва улар орасида серунум текис ерлар ҳам учрайди. Фарғона водийсига яқин ерлари адир ва тоғ олди зоналаридан иборат. Адирларнинг баландлиги 600—1600 *м*. Адирлар неоген ва антропоген конгломерати, мергель ва қумоқларидан тузилган бўлиб, усти лёсс ва лёссимон қумоқлар б-н қопланган.

Адирлардан юқорида 1200—2000 *м*, айрим ерларда 3000 *м* баландликларда баланд тоғ олди зонаси келади. Бу зонада чўзиқ қатор-қатор тизмалар, тепаликлар, якка-якка яланғоч тоғлар ва платолар, ботиқ ҳамда водийлар кўп. 3000—5000 *м* баландликлардаги тоғ зонасида субальп ва альп яйловлари бор.

Олай ва Туркистон тизмаларининг жанубий ён бағирлари қисқа бўлиб, Олай ва Зарафшон водийлари устидан кўтарилиб туради.

Олай ва Туркистон тизмаларида Фарғона водийсидан Қашқар ва Помирга ўтиб борадиган Толдиқ довони (3650 *м*) ва Қоратегинга ўтадиган Тенгизбой довони (3774 *м*), Ўратепадан Зарафшон водийсига, ундан Душанбага бориладиган йўл устида Шаҳристон довони (3391 *м*) бор. Туркистон тизмасидан шимолий-ғарбга ажралиб чиққан Молгузар тоғлари (2622 *м*) Сангзор водийсини шимолдан ўраб туради. Бу водийнинг ғарбидан эса Нурота тоғлари бошланади.



Олай тоғлари. Обширсой шаршараси.

Туркистон тизмаси шимоли-ғарбда Қизилқумнинг марказий қисмигача борган Қулжуқ тоғ, Томди-

Ҳисор тизмаси ён бағридаги Зидди посёлкаси.



Олақўзан.

тоғ, Бўкантоғ, Овминзатоғ каби қолдиқ тоғлар ва жанубий-ғарбда Чумқартоғ б-н тугайди. Зарафшон ва Ҳисор тизмалари — О. т. нинг ғарбий ва жанубий-ғарбий давоми. Бу тоғ тизмаларининг ҳам баланд қисмлари шарқда бўлиб, ғарбга томон пасая боради ва бир неча тоғларга таралиб кетади. Баландлиги 5000 *м* дан ортиқ. Тепалари доимий қор ва музликлар б-н қопланган.

Туркистон тизмасидан жанубда унга параллель ҳолда Зарафшон тизмаси жойлашган. Тизманинг шимолий ён бағри бир оз қия, бир неча кичик тармоқлар Зарафшон водийсигача чўзилган, улар бир-биридан тор ва чуқур водийлар орқали ажралиб туради. Жанубий ён бағри қояли, жарли бўлиб, Яғноб дарёси устидан тик кўтарилиб туради. Шарқий қисмининг баландлиги 5000—5500 *м*. Тизма Панжакент шаҳридан ўтгандан кейин пасая боради ва Тахтақорача довонигача бўлган қисми Чақаликалон, ғарбдагиси Қоратепа тоғлари деб аталади. Бу иккала тоғ орасидаги Тахтақорача довони (1675 *м*) орқали Самарқанддан Шаҳрисабзга йўл ўтган. Довондан ғарбдаги қисми паст, сиртлари кенг ва ясси тоғлардан иборат. Баландлиги 1000—2000 *м*, энг сўнгги паст тоғлари Зирабулоқ (1112 *м*) ва Зиёвуддин (859 *м*) тоғларидир. Ниҳоят, Зарафшон тизмаси ғарбда (чўлларда) текисликка қўшилиб кетади.

О. т. нинг охирги тармоғи Ҳисор тизмасидир. Тизманинг сиртлари тор, қиррали чўққилари кўп, шарқий қисмидаги айрим чўққилар 5500 *м* дан ортиқ бўлиб, бу ерда катта-катта музликлар бор. Ғарбий қисми паст ва унда доимий қор ва музликлар йўқ. Шимолий ён бағри қисқа ва тик бўлиб, тоғларга уланиб кетган, жанубий ён бағри кенг қия текислик ва платолардан, серунум водийлардан иборат. Ҳисор тизмасидаги Анзоб (3379 *м*) довонидан Зарафшон водийси орқали Душанбега борилади. Ҳазрати Султон, Яккабоғ, Ғузор, Бойсун каби тоғлар Ҳисор тизмасининг жанубий-ғарбий тармоқларидир.

О. т. иқлими Турон типли континентал иқлим, лекин ҳамма жойда бир хил эмас. Адирлар, тоғ олди қияликлари, ён бағирлар, тоғаро ботиқ ва водийларнинг иқлими иссиқ ва қуруқ, юқорига кўтарилган сари салқинлашади, ёғин кўпаяди. Тоғларнинг юқори қисмида ёз қисқа ва унчалик иссиқ эмас, қиш совуқ ва узоқ (6—7 ой), қор қоплами 80—100 *см*. Июлнинг ўртача т-раси тоғ олди қияликларида 26°, 24°, юқорида 17°, 15°, январнинг ўртача т-раси қуйида —1°, юқорида —6°. Йиллик ёғин қуйида 200—400 *мм*, шарқдаги ички тоғларда ва улар орасидаги ботиқларда 100—200 *мм*, баланд тоғларда ва уларнинг ён бағирларида, хусусан ғарбдаги тизмаларда 1000 *мм* ва ундан ортиқ.

О. т. да сersув дарёлар кўп: Сангзор, Оқбура, Шоҳимардонсой, Аравонсой, Исфайрамсой, Исфара, Сўх, Хўжабақирган, Оқсув, Зарафшон, Сурхондарё, Шерободдарё ва уларнинг ирмоқлари.

О. т. нинг тупроқ ва ўсимликлари баландлик минтақалари ҳосил қилган. Тоғ этаклари, адир ва тоғ олди қияликлари бўз тупроқ б-н қопланган. Очиқ ерларда чала чўл ва дашт ўсимликлари — ранг, қўнғирбош, ялтирбош, чалов, бетага, буғдойиқ, гулхайри ўсади. Баҳорда эфемер ўсимликлар барқ уриб ўсиб чиқади. Водийларда наъматак, дўлана, учқат, писта, бодом кўп. Бўз тупроқ минтақасининг кўпчилиги обикор ва лалми ерлар. 1200—2800 *м* баландликлар жигар ранг тупроқлар б-н қопланган бўлиб, дарахтзор ва бутазорлардан иборат. Тоғларнинг 2800—3000 *м* дан юқори қисмлари алъп ва субалъп ўтлоқларидан иборат. Бу минтақадаги оч тусли қўнғир-ўтлоқ дашт тупроқларида мушукқуйруқ, қўнғирбош, ёввойи арпа, бетага, сули, каврак ўсади.

О. т. да тоғ, чала чўл, дашт ва ўрмон ҳайвонлари — кийик, така, архар, қоплон, бўри, тулки, силовсин, айиқ, тўнғиз, жайра, олмахон, сичқон, каламуш, бургут, лочин, калхат, тасқара, тувалоқ, булдуруқ, каклик ва б. яшайди.

Ад.: Корнев М., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 1968.

ОЛАҚУЗАН (Vormela peregusna) — сувсарсимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Гавдасининг узунлиги 35 *см* ча, думи 18 *см* ча, жуни қисқа ва силлиқ. Ранги қора, сарғиш ола. О., кўпинча, бошқа кемирувчилар уясидан фойдаланади. Уясидан эрталаб ва кечқурун чиқади. О. кўрсичқон, сичқон, қуёнларнинг боласи ва б. майда кемирувчилар ҳамда қушлар б-н овқатланади. Баҳорда 6—8 бола туғади. СССР да О. нинг 5 та кенжа тури бор.

ОЛАҚУЙЛАҚ — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Қишлиқ қ. С. даги қишлоқ. «Қизил Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғдан 8 *км*. Аҳолиси 1820 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Яккабоғдарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, медпункт, дорихона, болалар боғчаси, к-з идораси, к-з трактор парки, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЛАҚУЙЛАҚ — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Октябрь қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Китобдан 12 *км*. Аҳолиси 1128 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади.

ОЛАҚУЛ — ҚозССРдаги берк шўр кўл. Балхаш-Олакўл сойлигининг шарқида, 343 *м* баландликда. Майдони 2200 *км*². Чуқурлиги 45 *м* гача. Январдан апрелгача муз б-н қопланади. О. га Эмел дарёси қуйилади. Балиқ овланади.

ОЛАҚУЛ БОСҚИЧИ — *Андроново маданияти*нинг сўнгги босқичи. РСФСР Курган обл. Шучан р-нидаги Олакўлнинг шимолий соҳилида бир группа *мозорқўрғон* бўлиб, улардан иккитаси (№ 8 ва № 3) да 1938 йилда К. В. Сальников археологик тадқиқот ўтказиб, 50 та қабрни текширган. Олакўлликларнинг одатига кўра, жасадлар букчайтириб, ўнг ёки чап ёни б-н қабрга ётқизилган, боши ғарбга қаратилиб, кийим-бош ва турли хил тақинчоқлари б-н кўмилган. Ҳар бир қабрда бир нечтадан сирти нақшланган сопол идишга овқат солиб қўйилган. О. б. да яшаган қабилалар Қозогистон ва Ўрта Осиёнинг чўл ва дашт зоналарига кенг тарқалган. О. б. га хос ёдгорликлар Андроново маданиятининг маркази — Жанубий Сибирь р-ларида деярли учрамайди. Ғарбий Қозогистондаги Тасти-бутоқ қабристони, қадимги Хоразм ерларида *Тозабоғёб маданияти*, Зарафшон этагидаги Гужайли ёдгорликлари ва б. О. б. га мансубдир. О. б. қабилаларининг меҳнат қуроллари, асосан, бронзадан ишланган. Бу давр аҳолисининг асосий машғулоти чорвачилик бўлиб, баъзи ҳолларда пастқам, зах ерларда ибтидоий деҳқончилик б-н шуғулланган.

Ад.: Сальников К. В., Курганы на озере Алакуль, Материалы и исследов. по археологии СССР, т. 2, 4, М., 1952; Гулямов Я. Г., Исламов У., Аскаров А., Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Т., 1966.

ОЛАМ УҚИ — *осмон сфераси*нинг марказидан ўтувчи ва ернинг айланиш ўқига параллел деб тасаввур қилинадиган тўғри чизиқ. О. ў. осмон сферасини оламнинг шимолий ва жанубий қутбларида кесиб ўтади.

ОЛАМ ҚУТБЛАРИ — *олам ўқи* б-н *осмон сфераси*нинг кесишган нуқталари. Улар оламнинг шимолий ва жанубий қутбларидир. О. қ. да осмон жисмлари жойлашмаган, лекин оламнинг шимолий қутби яқинида (1° узоқликда) *қутб юлдузи* бор.

ОЛАСИЧҚОНЛАР, чўл сичқонлари (Lagurus) — даласичқонлар кенжа оиласининг бир уруғи. Танаси 10—20 *см*, думи 2—4 *см*. Кўпчилигининг мўйнаси қўнғир. 6 тури маълум. Осиё, Европа ва Шимолий Америкада тарқалган. Қозогистонда сариқ О. кўпаймоқда. О. саҳро ва чўлларда колония бўлиб яшайди. Уяси мураккаб тузилган. Усимликларнинг ер устки ҳамда ер остки қисмлари б-н озиқланиб, экинларга катта зарар етказади.

ОЛАТ (*араб.* آلة) — муайян мақсад (бирор нарсани ўлчаш, бошқариш, назорат қилиш, кузатиш кабилар)га мўлжалланган қурилма, асбоб.

ОЛАТЕМИР — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Шўрчидан 8 *км*. Аҳолиси 1392 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Хўжанпок дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, медпункт, чойхона, сутчилик ва бўрдоқичилик фермалари бор.

ОЛАТОВ — Ўрта Осиёдаги бир қанча тоғ тизмаларининг номи. Мас., Жўнгория Олатови, Орқа Или Олатови, Кунгай Олатов, Терскай Олатов, Талас Олатови, Қирғизистон Олатови ва б. Тепаларида қори бўлган тоғлар ола-була кўринганидан О. деб аталади, деган фикр бор. Лекин ола монголча ола «тоғ» сўзидан келиб чиққан бўлиши мумкин. Ола арабча «Олий» (баланд) сўзидан олинган деган фикр ҳам бор.

ОЛАТЎҒАНОҚ (Lanius collurio) — қарқуноқлар оиласига мансуб сайроқи қуш. Чумчуқдан каттароқ, вазни 30 *г* ча. Кўзи устидан қора йўл ўтган; пати тилла ранг. Нари ёқкин, модаси одми тусда. Европа, Ғарбий Осиё ва Ғарбий Сибирда тарқалган. Кўпинча буталарга ин қуриб, 5—6 тухум қўяди. Ҳашаротлар, баъзан калтакесаклар, майда қушлар б-н овқатланади. Ортиқча ўлжасини уяси атрофидаги дарахт тиканларига, қуруқ шохларга санчиб қўйиб, овқат тополмаганида ейди. Жанубий ва Марказий Африкада қишлайди, Ўрта Осиёда ҳам учраб туради. СССРда сибирь олатўғоноғи тарқалган; Жанубий Туркманистонда ҳинд олатўғоноғи учрайди. О. баъзан фойдали майда қушларни еб, зарар келтиради.

ОЛАХУРЖУН СИЧҚОНЛАР (Cricetinae) — кемирувчилар туркумига мансуб сут эмизувчиларнинг кенжа оиласи. 57 уруғи, жумладан СССРда 4 та уруққа бирлашган 30 тача тури бор. Европа, Осиё, Жанубий Африка ва Америкада тарқалган. Оғиз бўшлиғининг икки ёнида овқат сақловчи катта қопчиғи бор, ранги ола (номи шундан). Гавдаси йўғон, оёғи калта. Типик вакили оддий олахуржун танасининг узунлиги 20—26 *см*. Думи 4—5 *см*, бўйни йўғон, тумшуғи узун, жуни қалин, силлиқ. Уясининг чуқурлиги 1 *м* ча. Бўғозлик даври 4—5 ҳафта; 6—18 бола туғади. Қишки уйқудан февраль ёки мартда уйғонади. О. с. дон, ўсимлик илдизи, ҳашаротлар, майда қушлар б-н овқатланади. Мўйнаси ишлатилади.

ОЛАЧА, алача — қўлда тўқиладиган нигичка йўлли мато. Кўпинча, арқоғи ва ўриши пахта ипидан, баъзан арқоғи ип, ўриши ипакдан бўлади. Йўл-йўл бўлганидан О. деб номланган. Ўришига бўялган ип ишлатилганлиги учун О. нинг иккала томони бир хил бўлади. О. қадимдан Ўрта Осиёда кўп тайёрланган.

ОЛАҚАНОТ — Андижон обл. Ленин р-ни Илғор қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Асакадан 6 *км*. Аҳолиси 1133 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Болалар боғчаси, медпункт бор.

ОЛАҚАНОТ СУҚСУР (Anas penelope) — ўрдаклар кенжа оиласига мансуб қуш. Вазни 650—800 *г*, баъзан 1 *кг*. Асосан, Европа ва Осиё ўрмонларида яшаб, Ўрта денгиз қирғоқларида, Жанубий Осиёнинг Қора денгиз соҳилларидан Япониягача бўлган ерларда қишлайди. Қиш иссиқ келган йиллари Фарғона, Чирчиқ водийларида ҳам қолади. Уясини кўл ва дарё қирғоқларидаги буталарга қуради. 9—10 тухум қўяди. Усимлик маҳсулоти б-н овқатланади. Кўпайиш даврида ҳашаротлар б-н овқатланиб, қ. х. га фойда келтиради. Овланади.

ОЛАҚАРҒА (Corvus cornix) — чумчуқсимонлар туркумининг қарғалар оиласига мансуб қуш. Гавдасининг узунлиги 44—56 *см*. О. нинг бош, кўкрак, дум ва қанот патлари қора, қолган қисми кул ранг. Шарқий Европа, Ғарбий Сибирь, Қавказ, Олд Осиё ва Ўрта Осиёда тарқалган. Урмон, парклардаги дарахт ва буталарга уя қуради. 4—5 дона тухум қўяди. Овқати ҳар хил. Фойдали қушларнинг тухуми ва болаларини еб, баъзан зарар келтиради.

ОЛАҚАРҒА — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Қишлиқ қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи террясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғдан 5 *км*. Аҳолиси 677 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Бешариқ каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт, к-з трактор парки бор.

ОЛАҚОРАЯЛОҚ (Turdus pilaris) — чумчуқсимонлар туркумининг қораялоқлар уруғига мансуб қуш (қ. *Қораялоқлар*).

ОЛАҲАМАҚ — Наманган обл. Наманган р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. Дзержинский номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Намангандан 15 *км*. Аҳолиси 990 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта ва саккиз йиллик мактаблар, болалар боғчаси, новвойхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЛД ОСИЁ — Осиёнинг жанубий-ғарбий қисми (қ. *Ғарбий Осиё*).

ОЛД ОСИЁ ТОҒЛИГИ — Осиёнинг ғарбий қисмидаги бир гуруҳ тоғлиқлар. Узунлиги ғарбдан шарққа қарийб 4000 *км*, эни 600—1500 *км*. Умумий майдони 3,5 млн. *км*². Таркибида Кичик Осиё, Арманистон ва Эрон тоғлиқлари бор.



Олатўғанок.




Оддий олахуржун сичқон.



Слақанот суқсур.



Олдрик Ж.



Олдрин Э.

Баландлиги марказий қисмида 1000—2000 *м*, чеккаларида 2000—4000 *м*. Дарёлар ташқарига оқиб чиқмайди. Иқлими аксари қисмида субтропик, континентал иқлим. Ези қуруқ ва иссиқ (фақат Эрон тоғлиғининг шарқий ён бағрида муссон ёмғирлари ёғади), қиши совуқ, баҳори сернам. Усимликлари, асосан, бутазорлардан иборат. Кўп жойларда қуруқ субтропик, жанубида қуруқ тропик, тоғларнинг сернам ён бағирларида нам субтропик ва тропик ландшафтлари асосий ўрин тутади.

ОЛДЖАБРАЛИ МОЛЛЮСКАЛАР (Prosobranchia) — *қориноёқли моллюскаларнинг* кенжа синфи. Деярли ҳаммасининг чиғаноғи яхши ривожланган. Мантиядаги бир қанча органлар комплекси (жабралар, осфрадийлар — сезги органлари, анус, чиқариш органлари ва жинсий безлар) олдинда жойлашган (номи шундан). Бир жинсли, баъзилари гермафродит (қ. *Гермафродитизм*). Оёғи яхши тараққий этган бўлиб, ўрмалаш, субстратга ёпишиш ва тупроқ ковлаш учун хизмат қилади. О. м. нинг кўп турлари овқатга ишлатилади, чиғаноғидан эса зеб-зийнат буюмлари тайёрланади. Кенг тарқалган. Асосан денгизларда яшайди. Кўп турлари — паразит чувалчанглар учун *оралиқ хўжайин*.

Ад.: Коробков И. А., Справочник и методическое руководство по третичным моллюскам. Пластинчатожаберные, Л., 1956; Миркамалова С. Х. Стратиграфия и фауна моллюсков палеогеновых отложений Приташкентского района и Кызыл-Кумов, М., 1958.

ОЛДИ-СОТДИ (ҳуқуқда) — гражданлик ҳуқуқида кенг тарқалган шартнома турларидан бири. Бунда сотувчи мулкни харидорнинг эгалигига топшириш, харидор эса мулкни олиб, бунинг эвазига унинг муайян нархини тўлаш мажбуриятини олади.

СССРда О.-с. шартномаси халқнинг турли истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини (биринчи галда чакана савдо йўли б-н) қондиришга қаратилган. О.-с. шартномаси социалистик ташкилотлар ўртасидаги муносабатларда (мас., СССРда «Союзсельхозтехника» бирлашмаси к-з ва с-зларга техника сотишда, корхона ва муассасалардаги ортиқча жиҳозлар, хом ашёлар, материалларни қонунда белгиланган тартибда реализация қилишда ва ҳ. к.) алоҳида ўрин тутади. Тайёрлов корхоналари б-н харид қилувчи корхоналар ва савдо ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар мол етказиб бериш шартномаси асосида йўлга қўйилади. О.-с. шартномасига оид нормалар гражданлик кодекси б-н тартибга солинади; мас., УзССР ГКда О.-с. шартномаси учун бир боб ажратилган (22-боб, 256—272-моддалар). О.-с. объекти ишлаб чиқариш предметлари ва истеъмол моллари, шунингдек гражданларнинг шахсий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган буюмлар (уй-жой, рўзғор ашёлари ва б.) бўлиши мумкин. Мулкнинг айрим турлари (мас., уй-жой) меҳнатсиз даромад манбаига айланиб қолмаслиги учун улар О.-с. сида маълум чеклашлар белгиланган.

Савдо ташкилотлари сотадиган мол ГОСТ га, техник шартлар ёки намуналарга мос бўлиши керак. О.-с. шартномаси ва қонунда кўрсатилган мажбуриятларни бажармаган томонга тегишли санкциялар (*неустойка* ундириш, *пеня* тўлаттириш, нарсани алмаштириш, камчилигини ҳақ олмай тузатиш, зарарни ундириш ва б.) қўлланилади. Умумий тартибга кўра, сотиб олинган нарсада камчилик сезилганда 6 ой ичида, нарсанинг тузилишида камчиликлар бўлганда эса 1 йил ичида сотувчига даъво қилиниши керак (яна қ. *Гарантия, Гарантия муддати*).



Олджабрали моллюска.

О.-с. шартномаси СССР ташқи савдосида кенг қўлланади. Социалистик мамлакатлар ўртасидаги савдо шартномалари Узаро иқтисодий ёрдам кенгашининг мол етказиб бериш ҳақида 1968 йили қабул қилинган умумий шартлари асосида белгиланади.

Капиталистик давлатлар ҳуқуқида О.-с. шартномаси товарларни реализация қилишнинг асосий формасидир. Ер, қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар), патентлар ва б. ҳам мазкур шартноманинг объекти ҳисобланади.

ОЛДРИЖ Жеймс (1918. 10. 7, Уайт-Хилс, Виктория, Австралия) — инглиз ёзувчиси ва жамоат арбоби. Лондон ун-тида ўқиган. Иккинчи жаҳон уруши даврида жанговар репортаж ва очерклар яратди. Асарларида совет халқининг енгиб йўлини қўллаб-қувватлади. Фашистлар агрессияси ва буржуа корчалонларининг социалистик лагерь ҳамда миллий озодлик ҳаракатларига қарши ҳийла-найрангларини «Шон-шараф иши» (1942), «Денгиз бургути» (1944), «Дипломат» (1949; асар Жаҳон Тинчлик Комитети олтин медали б-н тақдирланган, 1953) каби романлари, «Узга ватан ўғлони» (1962) ва «Хавфли ўйин» (1966) романларидан иборат дилогиясида фош этди. «Чўл уфқи қаҳрамонлари» (1954), «Унинг ўлимини истамайман» (1957), «Сўнгги қувғин» (1961) романларини Шарқ мавзуига бағишлади. «Янги Миср» (1967) очеркида уйғонаётган мамлакат ҳаётини реалистик манзараларда ифодалади. О. ўткир енгий руҳдаги публицистик мақолалар муаллифи. У «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати (1973).

Ас.: Сорок девятый штат, М., 1947; Поединок идей, М., 1964.

Ад.: Корнилова Е. В., Дж. Олдридж, М., 1957; Балашов С. П., Дж. Олдридж, М., 1963.

ОЛДРИН Эдвин (1930. 20. 1) — АҚШ космонавт-учувчиси, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари полковниги. АҚШ Ҳарбий академиясини тугатиб (1951), Ҳарбий-Ҳаво Кучларида хизмат қилган. 1959 йили Массачусет технология ин-тига кирган. 1963 йилда космонавтика фани бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган ва АҚШнинг Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш Миллий бошқармаси космонавтлари группасига қабул қилинган. 1966 йил 11—15 ноябрда «Джеминай-12» космик кемасининг 2-учувчиси сифатида (Ж. *Ловелл* б-н бирга) космосга парвоз қилиб, 94 соат 35 мин. давомида Ер атрофини 59 марта айланди. 1969 йил 16—24 июлда «Аполлон-11» космик кемасида (Н. *Армстронг* ва М. *Коллинз* б-н бирга) биринчи марта Ойга тарихий парвозни амалга оширган. «Аполлон-11» космик кемасининг ой бўлмасида 20 июлда Ойга қўнган ва 21 июлда О. Армстронгдан 20 мин. кейин Ой сатҳига чиққан ва 1,5 соат юрган. Ойда жами 21 соат 36 мин. бўлган. О. 2 учиш давомида 289 соат 53 мин. ни космосда ўтказган. Ойнинг орқа томонидаги кратерга О. номи берилган.

ОЛЕГ Вещий, яъни каромат қилувчи (туғилган йили номаълум — 912) — қадимги рус князи. Йилнома маълумотларига кўра, ярим афсонавий князь Рюрик ўз ўлими олдидан Новгород князлигини О. га берган (879). 882 йилда О. анчагина қўшин б-н жанубга юриш қилди. Дастлаб Смоленск, Любеч шаҳарларини, сўнгра Киевни эгаллади. У древлянлар, северянлар, вятичлар, хорватлар, тиверцларни ўзига бўйсундириб уларга доимий суратда солиқ тўлаш мажбуриятини юклади. 907 йили О. Византияга юриш қилди ва Константинополни қамал қилди. 911 йил Византия императори О. б-н Русь учун манфаатли бўлган шартномани тасдиқлашга мажбур бўлди.

ОЛЕЙН КИСЛОТА (лат. Oleum — ёғ, мой), $CH_3(CH_2)_7CH=CH(CH_2)_7COOH$ — бир асосли тўйинмаган ёғ кислота. Мол. оғ. 282,46, икки кристалл модификацияси (α, β) бор: α=кислотанинг суюқланиш т-раси 13,4°С, β=кислотанинг суюқланиш т-раси 16,3°С. Қайнаш т-раси 225—226°С. О. к.— табиатда кенг тарқалган кислоталардан бири; ҳайвон ва ўсимлик ёғларида триглицерид ҳолида учрайди. О. к. лак, эмаль, алифмой ва бўёқларнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Баъзи эфирлари пластификаторлар сифатида ишлатилади. О. к. тузлари совундир.

ОЛЕНЁК — Ёқутистон АССРдаги дарё, бош қисми РСФСР Красноярск ўлкасида. Узунлиги 2292 *км*, ҳавзасининг майдони 220 минг *км*². Вилюй платосидан бошланади. Чапдан Бур дарёси қуйилгандан кейин Шимолий Сибирь пасттекислиги бўйлаб шимоли-ғарбга бурилади. Лаптевлар денгизининг Оленёк қўлтиғига қуйилиш жойида дельта (майдони 475 *км*², узунлиги 20 *км*) ҳосил қилган. Йирик ирмоқлари (чапда) — Бур, Буолкалах. Қор ва ёмғирдан тўйинади. Қуйилиш жойида ўртача сув сарфи 1210 *м*³/*сек*. Сентябрь охири — октябрда музлаб, май охири — июнь бошларида муздан бўшайди. Дарёда балиқ турлари кўп. О. бўйида Оленёк, Таймилир, Усть-Оленёк аҳоли пунктлари жойлашган.

ОЛЕНЬ ОРОЛИ ҚАБРИСТОНИ — 1) Онега кўлидаги Олень оролининг жанубида жойлашган неолит даври қабристони (мил. ав. 2-минг йиллик). 1936—38 йилларда қазилиб, 177 қабр очилган. Скелетлар юза чуқурликка узунасига, баъзан ғужанак қилиб қўйилиб, устига қизил охра сепилган. Уликлар иккитадан (эр-хотин, она-бола) ва учтадан кўмилган. Чақмоқ тош ва суяк буюмлар, пайкон, чақмоқ тош қадамалари ва б. топилган. Кўпчилик скелетларнинг антропологияси *европеоид ирқи*нинг қадимги типи — кроманьон одамларига ўхшайди. *Монголоид ирқи*га мансуб одамлар суяги ҳам учрайди;

2) Баренц денгизининг Олень оролидаги мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарига оид қабристон. 1926 ва 1947—48 йилларда қазилиб, унча чуқур бўлмаган 23 қабр очилган. Уликлар махсус ўйилган ёғочга ёки смолаланган терига ўраб кўмилган. Тош ва суяк қуроллар (пайкон, ханжар, бигиз, нина, қармоқ), 1 та мис пайкон топилган. Қабристон саам қабилаларининг қадимги аждодларига тааллуқли бўлса эҳтимол.

ОЛЕОГРАФИЯ (лат. Oleum — мой ва ... *графия*) — мойбўёқ б-н ишланган картиналардан босмахонада кўплаб нусха кўчириш усули. *Литография*га яқин бўлиб, 19-асрнинг 2-ярмида кенг тарқалган. Нусхалар босмахонада босилиб, оригиналга яқин қилиш мақсадида лакланган, бўрттирилган (рельеф ҳосил қилинган). О., кўпинча, оригиналдан кўчирилган нусхаларнинг дағаллашувига ва бузилишига олиб келган. Босма ишларининг такомиллашуви О. нинг барҳам топишига сабаб бўлди.

ОЛЕФИНЛАР, алкенлар — *тўйинмаган углеводородларнинг* гомологик қатори, умумий формуласи C_nH_{2n}. Занжири очиқ бўлиб, битта углерод-углерод қўш боғлидир. *Ациклик бирикмаларга* киради. О. нинг асоси *этилен* қатори $CH_2=CH_2$ бўлганлигидан улар этилен углеводородлари деб ҳам аталади. Этилен ва унинг яқин гомологлари (*пропилен* $CH_2=CH-CH_3$, *бутенлар* C_4H_8, *амиленлар* C_5H_{10} ва б.) кўпинча алкиленлар деб юритилади. О. Женева номенклатурасига мувофиқ тегишли *тўйинган углеводородларнинг* номига қараб аталади, фақат «ан» қўшимча ўрнига «ен» ишлатилади ва занжирдаги қўшбоғ ўрни рақамлар б-н кўрсатилади, мас., этан — этен (этилен), пропан — пропен (пропилен), бутан — бутен-1 ($CH_2=CH-CH_2-CH_3$) ва бутен-2 ($CH_3-CH=CH-CH_3$). Бутендан бошлаб О. қаторида структура изомерияси мавжуд; бундан ташқари молекуласида қўшбоғ борлигидан О. геометрик изомерлар ҳолида ҳам бўлиши мумкин (қ. *Изомерия*).

О. физик хоссасига кўра тўйинган углеводородлардан кам фарқ қилади. Уларнинг қайнаш т-раси алканларга қараганда анча паст, зичлиги эса бирмунча юқори. Қуйи О. (C_2H_4дан C_4H_8гача) газ, $C_{18}H_{36}$гача суюқлик, ундан юқориси қаттиқ моддалардир. Барча О. рангсиз, сувда деярли эримайди, спиртда бир оз эрийди, углеводород ва эфирларда яхши эрийди. О. нинг қўшбоғига галогенлар, водород, галоген-водородлар, сув осонликча бирикади (бунда ёғсимон суюқлик ҳосил бўлади; О. нинг номи ҳам шундан олинган. Франц. oléfiant — ёғсимон демакдир), О. осон изомерланиб, полимерланиб ва сополимерланиб қимматбаҳо маҳсулотлар ҳосил қилади (қ. *Полиолефинлар, Полиэтилен, Полипропилен, Полиизобутилен*). Юқори алкилланиш қобилияти О. нинг муҳим хоссаси ҳисобланади (қ. *Изооктан*). О. саноатда асосан нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ва табиий газлардан олинади. О. реакция қобилияти юқорилиги, арзонлиги туфайли нефтькимёвий синтезда фойдаланилади, пластмассалар, баъзи синтетик каучуклар, кимёвий толалар ва б. муҳим саноат маҳсулотлари олишда қўлланилади.

ОЛЁКМА — РСФСРнинг Чита ва Амур областлари ҳамда Ёқутистон АССР даги дарё. Ленанинг йирик ўнг ирмоғи. Олёкминский Становик тоғларининг шимолий ён бағридан бошланиб, аввал шимоли-шарқ, сўнгра шимоли-ғарбга оқиб Олёкминск шаҳри яқинида Лена дарёсига қуйилади. Узунлиги 1436 *км*, ҳавзасининг майдони 210 минг *км*².

О., асосан, ёмғир ва, қисман, қор сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 1950 *м*³/*сек*. Дарё октябрь ўрталаридан май ўрталарига қадар муз б-н қопланиб ётади. Асосий ирмоқлари: ўнгда — Тунгир, Нюкжа; чапда — Чара. Енюк станциясидан қуйилиш жойигача кема қатнайди. Тунгир ирмоғи қуйилган жойдан ёғоч оқизилади.

ОЛЕКМИНСКИЙ СТАНОВИК — Забайкалье-нинг шарқий қисмидаги тоғ системаси. РСФСР Чита областида. Бир неча тизмадан иборат. Баландлиги 1911 *м* гача (Кропоткин тоғи). Узунлиги 400 *км*. Асосан, гранитлардан таркиб топган. Ён бағирлари тилогоч ўрмонлари, 1200 *м* дан юқориси ер бағирлаб ўсадиган кедр, 1500 *м* дан юқориси тоғ-тундра, тош уюмлари б-н қопланган.

ОЛИБСОТАРЛИҚ (ссвет ҳуқуқида)— фойда қилиш мақсадида турли мол ёки бошқа буюмларни давлат нархида харид қилиб, оширилган нархда сотиш. О. совет савдосига қарши қаратилган хавфли жиноятлардан бири ҳисобланади. Қайта сотиш мақсадида сотиб олинган товар ёки нарсалар О. предмети бўлади. Мансабидан фойдаланиб сотувга келган молларни олибсотарларга ўтказган шахс ҳам мансабини суиистеъмол қилганликда, ҳам олибсотарларга ёрдам берганликда айбланади. О. б-н шуғулланган шахслар тегишли жиноий жавобгарликка тортилади (ЎзССР ЖК, 175-модда).

ОЛИВИН (лат. oliva — кўкиш-сариқ)— минерал. Қимёвий таркиби Mg, $Fe_2[SiO_4]$. Унда 8—12%, баъзан 20% FeO ва 45—50% MgO бўлади. Ромб сингонияли. Донадор агрегат ва кристаллар ҳолида бўлади. Ранги сарғиш-яшил, сариқ, шаффоф. Қаттиқлиги 6,5—7; с. оғ. 4. Асосли ва ўта асосли жинслар ҳосил қилади. У топилган жойда кўпинча никель, хром, темир конлари бўлади. О. гуруҳига форстерит $Mg_2[SiO_4]$, О., фаялит $Fe_2[SiO_4]$, тефроит $Mn_2[SiO_4]$, кнебелит $(FeMn_2)[SiO_4]$, монтичеллит $CaMg[SiO_4]$ киради. О. нинг шаффоф хили — забаржад қимматбаҳо тош ҳисобланади.

ОЛИГАРХИЯ *(олиго...* ва юнон. arche — ҳокимият)— ҳокимиятни идора этиш шаклларидан бири. Бунда давлат ҳокимияти иқтисодий жиҳатдан қудратли бўлган бир гуруҳ кишилар қўлида бўлади. Ана шу ҳукмрон гуруҳнинг ўзи ҳам О. деб аталади. О. қадимги юнон қулдорлик даврлари учун характерлидир (мас., Спарта). Империализм даврида (капиталистик давлатларда) ҳокимиятни *молия олигархияси* ўз қўлига олади.

ОЛИГО..., олиг... (юнон. oligos — оз, кам)— қўшма сўз бўлаги. Камликни, озликни билдиради; мас., *олигофрения*.

ОЛИГОДОНЛАР (Oligodon)— сувилонсимонлар оиласига мансуб илонларнинг бир уруғи. 60 тури маълум. Жанубий Осиё, Шри-Ланка о., Филиппин ва Малайя архипелагида тарқалган. СССР да бир тури — ўзгарувчан О. (Жанубий Туркманистонда) учрайди. Танасининг узунлиги 80 *см* ча. Боши бўйнидан аниқ ажралмаган. Танаси атрофида 13—21 та тангача қаторлари бор. Тоғларда ва дарахтсиз очиқ ерларда яшайди. Тухум қўйиб кўпаяди. О. майда ҳайвонлар, судралиб юрувчилар тухуми, сувда ва қуруқда яшовчилар увилдириғи б-н овқатланади.

ОЛИГОКЛАЗ *(олиго...* ва klàsis — синиш)— натрий-кальцийли *дала шпатлари* (плагиоклазлар)нинг нордон хили. 10—30% *анортит* ва 70—90% *альбит*нинг изоморф аралашмасидан иборат.

ОЛИГОТРОФ УСИМЛИКЛАР *(олиго...* ва юнон. trophe — овқат, овқатланиш)— озиқ моддалари кам тупроқларда ўса оладиган ўсимликлар (мас., вереск бутаси, сфагнум йўсинлар ва б.).

ОЛИГОФРЕНИЯ *(олиго...* ва phren — ақл), ақлий заифлик — психиканинг ривожланмаслиги натижасида пайдо бўладиган касалликлар мажмуи. О. ирсий, туғма ва гўдакликда орттирилган бўлиши мумкин. Бунда ақлий норасоликдан ташқари, кўпинча бўй нормал ўсмайди, гавда тузилиши нисбатлари бузилган, калла тузилиши нотўғри бўлади, бола ўз вақтида балоғатга етмайди ёки вақтидан илгари балоғатга етади. Нутқи, ҳаракатлари бузилади, сезги органлари функцияси ўзгаради, баъзан тутқаноқ тутади. Баъзи беморлар бетоқат, сержаҳл, бошқалари бўшашган, кам ҳаракат бўлади. Ота-онанинг жинсий ҳужайралари (тухум ҳужайралар, сперматозоидлар)га зарар етказадиган ёки ҳомила ёхуд гўдак боладаги марказий нерв системасининг ривожланишини бузиб қўядиган ташқи таъсирлар, ҳомиладорнинг захм, *токсоплазмоз*, авитаминоз, қандли *диабет*, қалқонсимон без касалликлари б-н оғриши, туғруқ пайтида болада *асфиксия* рўй бериши ва б., баъзи ҳолларда эса патологик ирсият О. га сабаб бўлади.

О л д и н и о л и ш. Ҳомиладорлар, эмизадиган оналар ва гўдак болаларни травма, юқумли ва токсик касалликлардан сақлаш зарур. Туғруқ вақтида, туғилгандан кейин ва бир ёшгача зарарли таъсиротга дуч келган болаларни алоҳида кузатиб туриш жуда муҳим. О. ни психиатр врач даволайди.

ОЛИГОФРЕНОПЕДАГОГИКА — ақлий заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиш, ижтимоий ҳаётга жалб этиш масалаларини ўрганувчи *дефектология* тармоғи. 19-аср бошларида медицина ва педагогиканинг ривожланиши туфайли муайян йўналиш сифатида вужудга келди. Уша асрнинг ўрталарида француз врачи ва педагоги Э. Сеген ақлий заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиш системасини ишлаб чиқди. 19-асрнинг 2-ярмидан кўп мамлакатларда енгил формадаги ақлий заиф болаларга умумий маълумот беришга эътибор кучайди.

Совет О. си ақлий заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитишнинг конкрет методларини ишлаб чиқишда умумий педагогика принципларига таянади. СССРда, шу жумладан Узбекистонда енгил формадаги ақлий заиф болалар учун махсус ёрдамчи мактаблар ташкил этилади. Бу ерда уларнинг ақлий ривожланишидаги етишмовчиликларни мумкин қадар тузатиш, уларни фойдали меҳнатга тортишга қаратилган тадбирлар амалга оширилади. Совет О. сида боланинг ҳис-туйғусини бойитишга, нутқини ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, ўқув-тарбиявий жараёнда кўрсатмали қуроллар ва б. методлардан кенг фойдаланилади. Ақлий заиф болаларни психологик-педагогик ўрганиш асосида ҳар бир болага индивидуал ёндашилади.

Олигофренопедагогларни педагогика ин-тларининг дефектология ф-тлари тайёрлайди (қ. *Педагогика таълими*). УзССРда О. га оид илмий тадқиқот ишлари Қори-Ниёзий номли Узбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот ин-тида, айрим педагогика ин-тларининг дефектология кафедраларида олиб борилади.

Ад.: Граборов А. Н., Очерки по олигофренопедагогике, М., 1961; Дульнев Г. М., Основы трудового обучения во вспомогательной школе, М., 1969; Рубинштейн С. Я., Психология умственно отсталого школьника, М., 1970; Замский Х. С., История олигофренопедагогики, М., 1974.

ОЛИГОХЕТЛАР (Oligochaeta)—ҳалқали чувалчанглар типига мансуб умуртқасизлар синфи (қ. *Кам қилли ҳалқалилар*).

ОЛИГОЦЕН *(олиго...* ва kainos — янги)— Ер тарихидаги *палеоген давр*ининг юқори бўлими. 1855 йилда немис геологи Г. Бейрих томонидан ажратилган. Олимлар О. ни икки, (баъзи тадқиқотчилар) уч қисмга бўладилар. Унинг ярусларга бўлиниши маҳаллий шароитга боғлиқ.

ОЛИЖАНОБЛИК — шахснинг юксак онглилигини кўрсатувчи ахлоқий фазилат. О. кишига



Ўзгарувчан олигодон.

ғамхўрлик, хусусий ва ижтимоий ишларга кўмаклашиш, инсонга нисбатан муҳаббат, садоқат ва б. фазилатлар б-н характерланади. О. нинг ижтимоий мазмуни бўлиб, у ижтимоий-сиёсий ва тарихий хусусиятга ҳам эга. Антагонистик жамиятларда О. табақавий мазмунга эга бўлиб, фақат ҳукмрон синфларга хос фазилат ҳисобланган. О. нинг тўла рўёбга чиқиши учун жамиятда адолат, тенглик, кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат тантана этиши лозим.

Инсоннинг олижаноблиги, аввало, унинг ахлоқий сифатлари, Ватан ва халққа садоқати, меҳнатга ва одамларга бўлган муносабати б-н ўлчанади. О. коммунистик ахлоқ принциплари асосида тўла қарор топиши мумкин.

ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ, ВАҚ — СССРда илмий ва илмий-педагогик ходимларга фан, техника, халқ маорифи ва маданиятнинг барча йўналишидан илмий даража ва илмий унвон берувчи умумиттифоқ давлат органи. 1932 йил СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ҳузуридаги давлат органи сифатида таъсис этилган (1934 йилдан иш бошлаган). КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Илмий ва илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказишни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (1974 йил ноябрь) мувофиқ, ВАҚ 1975 йил қайта ташкил этилиб, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги О. а. к. га айлантирилди.

О. а. к. нинг асосий вазифаси илмий ҳамда илмий-педагогик кадрларни аттестациядан ўтказишга раҳбарлик қилиш, диссертация ишларининг сифати юксак даражада бўлишини таъминлашни назорат этишдан иборат. ВАҚ етакчи олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот муассасаларида докторлик (қ. *Фан доктори*) диссертацияси ҳимоясини қабул қилувчи, шунингдек кандидатлик (қ. *Фан кандидати*) илмий даражасини берувчи ихтисослашган илмий кенгашлар тузади; олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот муассасалари ҳузуридаги илмий кенгашлар таркибини тасдиқлайди; фан д-ри илмий даражасини бериш ҳақида қарор қабул қилади ва тегишли илмий кенгашлар таркибини б-н *профессор, доцент, катта илмий ходим* унвонларини беради; кандидатлик диссертациясини назорат тариқасида қараб чиқиб, фан кандидати дипломини бериш ҳақида қарор қабул қилади, зарурият туғилса, илмий кенгаш қарорини бекор этади. ВАҚ, шунингдек тегишли министрликлар ва идоралар б-н биргаликда илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни планлаштириш, аспирантура фаолиятини такомиллаштириш ва ш. к. вазифаларни ҳам бажаради.

ВАҚка илмий даражалар ва илмий унвонлар берувчи кенгашлар фаолиятини назорат қилиш, вақт-вақти б-н уларнинг ҳисоботларини эшитиб, иш тажрибаларини умумлаштириш, сифатсиз ишни ўтказганликлари ёки диссертация ҳимоясининг белгиланган тартибини қўпол равишда бузилишига йўл қўйганликлари учун илмий даража берувчи кенгашларни диссертация ҳимоясини қабул қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш, шунингдек илмий ва илмий-педагогик ходимларнинг илмий даража ва илмий унвонларини бекор қилиш ҳуқуқи берилган.

О. а. к. нинг бош раҳбар органи Пленум бўлиб, йилда 2 марта чақирилади. Пленум СССРнинг йирик олимларидан ташкил топган; булардан 114 киши академияларнинг академиги ва мухбир аъзоларидир (1975). Унинг составида олий мактаб ва фанлар академиялари ходимларидан ташқари халқ хўжалиги, маориф ва маданият шохобчаларидан етакчи илмий ходимлар ҳам бор. Пленумлар ўртасидаги даврда ВАКка Президиум раҳбарлик қилади. Унинг составига СССР ФА ва тармоқ академияларининг, айрим министрлик ва идораларнинг, илмий тадқиқот ин-тлари ва олий ўқув юртларининг раҳбарлари кирган. Кундалик масалаларни ҳал қилиш учун коллегия (фан д-рларидан ташкил топган) тузилган. Президиум ва коллегия ВАҚнинг эксперт кенгашларига таянган ҳолда иш олиб боради. Эксперт кенгашлари фанлар академияларининг, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот ин-тларининг кенгашлари, партия комитетлари, шунингдек бу иш б-н боғлиқ бўлган министрликлар ҳамда идораларнинг тавсияларини ҳисобга олган ҳолда етакчи олимлардан тузилади. ВАҚ ва эксперт кенгашлари аъзоларининг составини доимий равишда янгиланиб турилади. ВАҚ раисини СССР Министрлар Совети тайинлайди.

ОЛИЙ БОШ ҚУМОНДОН, олий қўмондон — уруш пайтида (баъзан, тинчлик пайтида ҳам) давлат (ёки давлатлар коалицияси)нинг қуролли кучлари олий бошлиғи. О. Б. қ. лавозими дастлаб Россияда 1914 йил июлда жорий этилган. *Биринчи жаҳон урушида* Россияда О. Б. қ. лавозимини князлар: Николай Николаевич, Николай II, генерал М. В. Алексеев, генерал А. А. Брусилов, генерал Л. Г. Корнилов, министр-раис А. Ф. Керенский, генерал Н. Н. Духонинлар бажарганлар. СССРда Улуғ Ватан уруши даврида (1942 йил 8 августдан) ва урушдан сўнг И. В. *Сталин* О. Б. қ. бўлган. *Иккинчи жаҳон уруши* даврида Германияда А. Гитлер, гросадмирал К. Дениц, антигитлер коалицияси томонида АҚШ генерали Д. Эйзенхауэр, инглиз фельдмаршали Г. Вильсонлар О. Б. қ. вазифасини ўтаганлар. Чет давлатларда қатор қонунлар амалга ошиши б-н уруш ва тинчлик пайтларида президент (АҚШ, Франция), канцлер (ГФР), император (Япония), қирол ёки қиролича (Буюк Британия) ва ҳ. к. О. Б. қ. вазифасини ўтайдилар. Шимолий Атлантик блоки (НАТО) нинг ташкил этилиши б-н 1950 йилда «НАТО нинг Европадаги бирлашган қуролли кучлари Олий бош қўмондони» лавозими жорий этилди.

ОЛИЙ БОШ ҚУМОНДОНЛИК СТАВКАСИ, Олий Бош қўмондонлик қароргоҳи — Улуғ Ватан уруши даври (1941—45)да Совет Иттифоқи Қуролли Кучларига стратегик раҳбарликни амалга оширган ҳарбий бошқарманинг олий органи. ВКП(б) МҚ ва СССР ХҚСнинг 1941 йил 23 июнь қарори б-н ташкил этилган. Дастлаб СССР Қуролли Кучларининг Бош қўмондонлик ставкаси деб номланган. Шимоли-ғарбий, Ғарбий ва Жануби-ғарбий йўналишларда бош қўмондонликнинг вужудга келиши муносабати б-н Бош қўмондонлик ставкаси Олий қўмондонлик ставкаси, 1941 йил 8 августдан эса О. Б. қ. с. деб аталган. Дастлаб ставканинг раиси — С. К. *Тимошенко*, аъзолари — И. В. *Сталин*, Б. М. *Шапошников*, К. Е. *Ворошилов*, С. М. *Будённий*, 1941 йил 10 июлдан урушнинг охиригача И. В. Сталин, О. Б. қ. с. нинг раиси бўлган.

О. Б. қ. с. нинг асосий вазифаси ҳарбий кампания ва операциялар планини ишлаб чиқиш, урушнинг у ёки бу босқичидаги умумий стратегик мақсадларини аниқлашдан иборат бўлган.

СССР Қуролли Кучларининг Генштаби О. Б. қ. с. нинг ишчи органи ҳисобланган. Оператив ва стратегик ҳолат ҳақидаги ҳамма маълумотларни тўплаш, стратегик операция планларини ишлаб чиқиш, бу операцияларни ҳар томонлама таъминлаб туриш, уларнинг қандай ўтказилишини назорат қилиш қўшилма ва бирлашмаларни қайта тузиш ва тиклаш, уруш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва ҳ. к. О. Б. қ. с. вазифасига кирган. Шунингдек, О. Б. қ. с. душман ичкарисидаги партизанлар ҳаракатига Марказий партизанлар штаби орқали раҳбарлик қилган.

ОЛИЙ ЖАЗО — қ. *Улим жазоси.*

ОЛИЙ КОММУНИСТИК МАОРИФ ИНСТИТУТИ — илмий ходимлар ва олий ўқув юртларида педагогика фанидан дарс берувчи ўқитувчилар ҳамда халқ маорифи системаси учун раҳбар ходимлар тайёрлаган илмий ўқув юрти. РСФСР ХҚСнинг қарорига мувофиқ 1931 йил 23 октябрда Москвада ташкил этилган. Таълим муддати 3 йил бўлган. О. к. м. и. га ВКП(б) да камида 7 йиллик стажли (ишчилар учун 5 йил), олий ўқув юрти ҳажмидаги билимга, ўқитувчилик ёки маданий-оқартув ва раҳбарлик ишларидан тажрибага эга бўлган шахслар қабул қилинган. Бу ин-тда Н. К. Крупская тез-тез лекциялар ўқиб турган.

О. к. м. и. да методик ва педагогик масалалар ишлаб чиқилган, диссертация ҳимояси қабул қилинган. 4 бўлими бўлган (педагогика, педология, ташкилий-план ва политехника). Илмий асарлар нашр этган, маориф соҳасидаги иш тажрибаларини ўрганган, умумлаштирган ва ҳ. к. Унинг ҳузурида 1933 йилда Педагогика марказий илмий тадқиқот ин-ти ташкил қилинган. О. к. м. и. 1938 йили ёпилган. Бу ин-тда УзССРдан ҳам кўпгина зиёлилар таълим олган.

ОЛИЙ КОМСОМОЛ МАКТАБИ, ВЛҚСМ МҚ ҳузуридаги Олий комсомол мактаби — комсомол ташкилотлари, зонал ва республика комсомол мактаблари, ёшларнинг газета, радио ва телевидение редакциялари учун кадрлар тайёрловчи олий ўқув юрти. 1969 йил очилган. Мактабга ўқувчилар иттифоқдош республикалар ЛҚСМ МҚлари, обл. ва ўлка комсомол комитетлари бюроси тавсияси б-н қабул қилинади. О. к. м. да тарих ва коммунистик тарбия ф-ти (ўрта маълумот б-н, ўқиш муддати 4 йил), комсомол иши ф-ти (олий маълумот б-н, ўқиш муддати 2 йил), аспирантура, 14 та кафедра, илмий-текшириш лабораториялари бор. Тарих ва коммунистик тарбия ф-тини битирувчилар диплом ишини ҳимоя қиладилар, давлат имтиҳонлари топширадилар ва тарих ҳамда жамиятшунослик фани ўқитувчиси, коммунистик тарбия методисти ихтисослиги бўйича диплом оладилар.

ОЛИЙ МАКТАБ — халқ хўжалигининг турли тармоқларида амалий, педагогик ёки илмий фаолият олиб бориш учун ўрта (умумий ёки махсус) таълим асосида олий малакали мутахассислар тайёрловчи олий ўқув юрти. О. м. га ун-тлар, политехника ва соҳа (инженерлик, қ. х., иқтисод, медицина, ҳуқуқ, педагогика, санъат ва б.) ўқув ин-тлари, академиялар, олий билим юртлари, мактаблар, колледжлар ва б. киради. ЮНЕСКОнинг белгилашича, ўқувчига берадиган билим кўлами ва малака даражасидан қатъи назар, тўлиқ ўрта маълумот негизида мутахассислар тайёрловчи ҳар қандай ўқув юрти О. м. ҳисобланади. Шунинг учун баъзи мамлакатларда О. м. лар жумласига фақат олий ўқув юртлари эмас, балки кадрлар тайёрлаши жиҳатдан совет техникумлари ва б. ўрта махсус ўқув юртлари даражасидаги ўқув юртлари ҳам киради (қ. *Олий таълим, Олий ўқув юртлари*).

ОЛИЙ МАТЕМАТИКА — техника, иқтисод, қишлоқ хўжалиги ва б. махсус ўқув юртларида ўқитиладиган математика бўлимларидан иборат курс. Асосан, *аналитик геометрия*, олий алгебранинг айрим қисмлари, *дифференциал ҳисоб, интеграл ҳисоб, дифференциал тенгламалар* киради. Илмий-техника тараққиётининг тақозоси б-н 70-йилларда О. м. га *математик статистика, эҳтимоллар назарияси, чизиқли программалаш* ва б. соҳалар ҳам қўшилмоқда.

Баъзан, математиканинг ўрта мактаб программасига киритилмаган қисми О. м. деб тушунилади. Бу, албатта, нотўғри. Чунки ҳозир ўрта мактаб математика программасига математиканинг кўп соҳалари, жумладан аналитик геометрия, математик анализ, эҳтимоллар назариясининг маълум қисмлари киритилган (қ. *Элементар математика*).

ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИ — ҳайвон ва одам марказий нерв системаси олий қисмларининг фаолияти; бутун организмнинг ташқи муҳит б-н нормал муносабатда бўлиб туришини таъминлайди. О. н. ф. терминини фанга И. П. Павлов киритган. У О. н. ф. ни «психик фаолият» б-н бир маънодаги тушунча деб ҳисоблаган. Павлов айтганидек, психик фаолиятнинг ҳамма формалари, жумладан, одам тафаккури ва онги О. н. ф. элементларидандир. О. н. ф. тўғрисидаги таълимотни яратувчилардан бири — Павловнинг ўтмишдоши И. М. *Сеченов* бўлган. У «Бош мия рефлекслари» деган асарида (1863) психик фаолиятнинг рефлектор табиати тўғрисидаги материалистик ғояни ривожлантирган.

Юқори даражада ташкил топган ҳайвонлар О. н. ф. асосида марказий нерв системасининг юқори қисмлари (юқори даражада тузилган умуртқали ҳайвонларда ва одамда — асосан бош мия катта ярим шарларининг пўстлоғи)да ҳосил бўладиган *шартли рефлекслар* ҳамда мураккаб *шартсиз рефлекслар* (инстинктлар, эмоциялар), яъни асосан пўстлоқ ости нерв ҳосилалари томонидан амалга ошириладиган бош мия фаолиятининг формалари ётади. Шартсиз рефлексларнинг О. н. ф. даги роли шундаки, мана шу рефлекслар асосида ҳамма шартли рефлекслар ҳосил бўлибгина қолмайди, балки шартли ва шартсиз рефлексларнинг О. н. ф. даги аҳамияти ҳайвонот оламининг тарихий ривожланиш процессида ўзгаради. Павлов фикрича, ҳатто юқори даражада ривожланган ҳайвонлар (мас., ит, маймун)нинг О. н. ф. асосан ҳайвонлар б-н одамда умумий бўлган *биринчи сигнал системаси*нинг хилмахил ва турли-туман шартли рефлекслар йиғиндисидан иборат. Нутқнинг секин-аста ривожланишига қарамасдан биринчи сигнал системасининг шартли рефлекслари болалар ҳаётининг дастлабки йилларида О. н. ф. нинг асосий фондини ташкил қилади; кейинги ўсиш даврларида эса одамнинг О. н. ф. маълум ўринни эгаллайди. Лекин одамда меҳнат фаолиятининг социал формалари ривожланиши муносабати б-н иккинчи сигналлар пайдо бўлди ва ривожланди. Павлов О. н. ф. нинг қуйидаги асосий қонун қоидаларини яратган: 1) шартли рефлекслар

ёки нерв туташишларининг ҳосил бўлиши; 2) шартли рефлекс кучининг қўзғалиш кучига боғлиқлиги; 3) шартли қўзғатгичларнинг йиғиндиси; 4) шартли рефлексларнинг мустаҳкамланмаслигидан, шартли қўзғатувчининг кескин кучайиши ёки янги қўзғатувчининг таъсири туфайли тормозланишнинг ўсиши; 5) нерв процессларининг бош мия пўстлоғида тарқалиши ва концентрацияланиши натижасида унинг айрим қисмлари ўртасида алоқанинг вужудга келиши ҳамда шартли рефлексларнинг умумлашиши ва ихтисослашиши; 6) қўзғалиш ва тормозланишнинг пўстлоқ манбалари ўртасидаги қарама-қарши ўзаро муносабатни таъминлайдиган нерв процессларининг бир-бири б-н боғлиқ *индукция*си.

СССР ва чет элларда О. н. ф. тўғрисидаги Павлов таълимотини унинг шогирдлари ва издошлари ривожлантирмоқдалар. О. н. ф. да марказий ҳодиса шартли рефлекслар бўлиб, улар жаҳон нейрофизиологияси ва экспериментал психологиядаги муҳим тадқиқот объекти ҳисобланади. Павлов ва унинг ходимлари белгилаган О. н. ф. нинг асосий фактлари ва изчиллигининг тўғри эканлиги мамлакатимиз ва чет эл олимларининг кўпгина ишларида исботланган. Хусусан, совет физиологи П. К. Анохин функционал система назариясини ишлаб чиқиб, бу назарияни функциялар эволюциясига татбиқ этди, натижада эволюцион процесснинг умумий қонунияти бўлган системогенез тушунчасини яратди.

О. н. ф. назарий ва амалий жиҳатдан жуда катта аҳамиятга эга. У диалектик материализмнинг табиий-илмий асосини кенгайтиради, ленинча *инъикос* назариясининг тўғрилигини исботлайди, идеализмга қарши курашда идеологик қурол бўлиб хизмат қилади. О. н. ф. тўғрисидаги таълимот ҳозирги замон табиий фанларининг энг улкан ютуқларидан бири бўлиб, физиология фанининг ривожланишида янги даврни бошлаб берди.

Ад.: Павлов И. П., Поли. собр. трудов, т. 3, М. — Л., 1949; Орбели Л. А., Вопросы высшей нервной деятельности, М. — Л., 1949; Дмитриев А. С., Физиология Высшей нервной деятельности, М., 1964; Мэгун Г., Бодрствующий мозг, Пер. с англ., 2 изд., М., 1965; Анохин П. К., Биология и нейрофизиология условного рефлекса, М., 1968.

ОЛИЙ ПАРТИЯ МАКТАБИ, ҚПСС МК ҳузуридаги Олий партия мактаби — СССРдаги партия-сиёсий олий ўқув юрти. Москвада. Я. М. Свердлов номли Коммунистик ун-т, 1918 йил июнда тузилган Бутун Россия МИҚ ҳузуридаги агитатор-инструкторлар курси, Я. М. Свердлов номли пропагандистлар Олий мактаби унинг ўтмишдоши бўлган. 1939 йилдан мавжуд. Партия ва совет давлат кадрларини етиштиради ва уларни қайта тайёрлайди; матбуот, радио ва телевидение бўлимида оммавий информация воситаларининг раҳбар ходимлари ўқитилади. Мактабнинг 11 кафедраси бор. Унга 40 ёшгача бўлган олий маълумотли, партия стажи 5 йилдан кам бўлмаган партия аъзолари қабул қилинади. Тингловчилар иттифоқдош республикалар КП МКлари, ўлка ва обл. партия комитетлари йўлланмаси б-н КПСС МҚ томонидан қабул қилинади. Ўқиш муддати 2 йил. Мактабда раҳбар партия ва совет ходимларини қайта тайёрлаш бўйича доимий курслар ташкил қилинган.

ОЛИЙ ПАРТИЯ МАКТАБИ, Тошкент Олий партия мактаби — партия-сиёсий олий ўқув юрти. Дастлаб 1918 йил ноябрда Ташкилий-агитация курслари номи б-н тузилган. 1923 йил В. И. Ленин номли Ўрта Осиё Коммунистик ун-ти, 1956 йил КПСС МК қарорига биноан Тошкент О. п. м. номини олган. УзССР, ТожССР, ТуркмССР ҳамда ҚирғССРнинг жанубий р-нлари учун партия ва совет ходимларини тайёрлайди. О. п. м. да ўқиш муддати ўрта маълумотлилар учун 4, олий маълумотлилар учун 2 йил бўлиб, унда совет ва партия ходимлари қайта тайёрланади. Мактабнинг 8 кафедраси ва 5 ўқув кабинети бор.

ОЛИЙ СОВЕТ ПРЕЗИДИУМИ — қ. *СССР Олий Совети Президиуми, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми.*

ОЛИЙ ТАЪЛИМ — турли *олий мактаб*ларда хўжалик, фан, техника ва маданият тармоқлари учун юқори, олий малакали мутахассислар тайёрлаш. О. т. жараёнида олий маълумот олинади. «Олий маълумот» тушунчаси эса муайян ихтисосликдан назарий ва амалий вазифаларни ҳал этиш имкониятини берадиган билим ва малакалар мажмуини ифодалайди.

Қадимги Шарқ мамлакатлари (Хитой, Миср, Бобил ва б.)да мил. дан бир неча минг йил илгариёқ турли даражадаги мактаблар пайдо бўлган. Олий босқичдаги мактабларда ёшлар файласуф ва шоирларнинг табиат қонунлари, осмон ёритқичлари, минераллар, ўсимликлар, ҳайвонот олами ва б. ҳақида айрим маълумотларни ўз ичига олган асарларини ўрганардилар. Қадимги файласуфлар ёшларга маълумот бериш системасини ишлаб чиқишда таълимнинг олий босқичини алоҳида назарда тутдилар. Платон (мил. ав. 428—348) илгари сурган таълим системасида аристократия болалари учун таълимнинг олий — 3-босқичи белгиланди. Унда фалсафани ўрганишда қобилиятли бўлган ёшлар ҳокимиятни бошқаришга тайёрланилган. Аристотель (мил. ав. 384—322) ҳар бир кишининг табиат ҳақидаги қобилияти жисмоний, ахлоқий ва ақлий тарбиянинг бирлигидан иборат бўлган 3 босқичли тарбия орқали ривожланади, деб ҳисоблади. Унда 3-босқич олий даражадаги мактаб ҳисобланган. Искандарияда эллинизм даврида (мил. ав. 3-аср — мил. 5-аср) юқори типдаги мактаб ташкил этилиб, фалсафа, филология, медицина, математика фанлари алоҳида ўқитилган. Ўрта Осиёда *мадрасалар* таълими ўз даврида таълимнинг олий босқичи ҳисобланган.

О. т. ҳақидаги ҳозирги тушунчалар биринчи марта Ғарб мамлакатларида 11—12-асрларда дунёвий олий мактаблар, кейинроқ, *университет*лар пайдо бўлиши б-н вужудга келди. Ўрта аср О. т. ида схоластика ҳукмронлик қилиб, динни фан б-н келиштиришга ҳаракат қилинарди. *Уйғониш даври*да математика, механика, астрономия каби соҳалардаги йирик илмий кашфиётлар, айниқса, медицинадаги ютуқлар О. т. нинг черков ва схоластика таъсиридан озод бўлишига имкон берди. Фан, техника, маданиятнинг тараққий этиши б-н Европа мамлакатларида, жумладан Россияда О. т. нинг мазмуни кенгайди, илмий даражаси ўсди. Лекин моҳият-эътибори б-н юқори синф вакилларига хизмат қилди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан кейин Россияда О. т. нинг мақсади ва вазифалари тубдан ўзгарди. О. т. системаси 1921 йил 2 сентябрда В. И. Ленин имзо чеккан декретга мувофиқ қайтадан тузилди. Унда РСФСРдаги

олий ўқув юртлари ҳақида янги низом тасдиқланган эди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати олий мактабни демократлаштиришга, кенг халқ оммасини илм олишга жалб қилишга катта аҳамият берди. Россиянинг чекка ўлкаларида, жумладан Туркистонда О. т. системаси барпо этила бошлади. Уқиш бепул бўлди, ишчи ва деҳқон ёшлари учун *ишчилар факультети* (рабфак) ташкил этилди; таълим она тилида олиб бориладиган бўлди, илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашга, уларни, айниқса *аспирантура* орқали тайёрлашга аҳамият берилди (Олий мактаб тараққиёти тарихи, унинг типлари, тузилиши, ўқув жараёнининг ташкил этилиши ва шакллари ҳақида *Олий ўқув юртлари* мақоласига қ.).

СССРда коммунизм қурилиши давридаги О. т. вазифалари КПСС МҚ ва Совет ҳукуматининг қарорларида белгиланган. Хусусан КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг 1972 йил августда қабул қилган «Мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарорида ҳозирги замон ишлаб чиқариши, фан, техника ва маданият талабларини ҳамда уларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб, олий мактабларда мутахассислар тайёрлаш сифатини муттасил ошириш вазифалари қўйилди. 1976 йили УзССРда 388 минг олий маълумотли мутахассис ишлади.

СССРда О. т. нинг қуйидаги тармоқлари бор: давлат граждан олий ўқув юртлари [ун-т, иқтисод, политехника, инженерлик (тармоқ), қ. х., медицина, педагогика, жисмоний тарбия ин-тлари, санъат олий ўқув юртлари]— ихтисосликнинг табиий-илмий, техника ва гуманитар группалари бўйича халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли тармоқлари учун кадрлар тайёрлайди; давлат ҳарбий олий ўқув юртлари — турли қўшин турлари учун ҳарбий фаннинг айрим соҳаларидан офицерлар тайёрлайди (қ. *Ҳарбий таълим*); КПСС МҚ ҳузуридаги Олий партия мактаби ва ВЛКСМ МКнинг Олий комсомол мактаби — партия, комсомол ва совет органларининг раҳбар ходимларини тайёрлайди; Бутуниттифоқ касаба союзлари Марказий Совети (ВЦСПС) ҳузуридаги Касабачилик ҳаракати олий мактаби — малакали касаба союз ходимлари тайёрлайди; СССР Марказий союзи (Центросоюз) олий ўқув юртлари — савдо ва умумий овқатланиш ходимлари тайёрлайди. СССРда давлат олий ўқув юртлари б-н бир қаторда олий *диний ўқув юртлари* ҳам мавжуд.

Ҳозирги замон илмий-техника тараққиётига ижтимоий ва табиий фанларнинг, айниқса, математика, механика, физика, кимё, биологиянинг ютуқлари катта таъсир кўрсатмоқда. Бу соҳалар кадрларини, асосан, ун-тлар тайёрлайди. Ун-т таълими фақат соҳалари жиҳатидан эмас, балки кадрлар тайёрлаш методи б-н ҳам О. т. нинг етакчи тармоғи ҳисобланади.

СССРдаги олий мактабларда ўқитиладиган курсларнинг даврийлиги давлат томонидан кўрсатилади. Кадрларнинг назарий ва практик тайёргарлигининг оптимал нисбати мутахассислик соҳасига қараб белгиланади. Мас., мажбурий ўқув ва ишлаб чиқариш практикаси инженер-техник мутахассислигида ўқув ҳафтасидаги умумий машғулотнинг 22%, табиий-илмий мутахассисликда 21—33%, ижтимоий фанлар бўйича 15—23%, иқтисодий мутахассисликда 24% ни ташкил қилади. Ҳар бир фандан лекцияни лаборатория иши, практик ва семинар ўқув машғулотлари б-н навбатма-навбат алмаштириш орқали назария практика б-н узвий боғланади. Бу машғулотлар нисбати мутахассисликнинг ҳар бир группасига қараб мақсадга мувофиқ тарзда белгиланади. Мас., математика мутахассислигида ўқув машғулотига планлаштирилган умумий вақтнинг 42,3% и лекцияга, 13,3% и лаборатория машғулотига, 22,6% и практик машғулотга, 11,3% и семинарга ажратилган. Бу нисбат машинасозлик мутахассислигида 31,6%, 17,6%, 45,9%, 4,9%; ҳуқуқшуносликда — 44,4%, 9,3%, 34,4%, 11,6%.

Назарий ва практик таълим ўртасидаги нисбат, назарий машғулотлар, имтиҳон сессиялари, ўқув ва ишлаб чиқариш практикалари, каникул, диплом иши (лойиҳаси) ёки давлат имтиҳонлари муддати, шунингдек фанларни ўқитишни семестрларга ажратиш, студентларнинг ҳар бир фандан ҳафталик мустақил бажарадиган ишлари миқдори асосий методик ҳужжат — *ўқув план*ида белгиланади. Ўқув планида фанлар мажбурий, махсус, альтернатив (студентлар танлаб ўқийдиган) ва факультатив (мажбурий бўлмаган) фанларга бўлинади. Барча мутахассисликда, ихтисослигидан қатъи назар, ижтимоий фанлар цикли (КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, марксча-ленинча философия ва илмий коммунизм) ўқитилади. Мутахассисликнинг ҳар қайси группаси учун бевосита ихтисослигига тегишли мажбурий фанлар танланади. Мас., инженерлик (машинасозлик) мутахассислигида олий математика, физика, кимё, назарий механика, механизмлар ва машиналар назарияси, машина деталлари, металлсозлик, материалшунослик, материаллар қаршилиги, электротехника, гидравлика каби мажбурий умумий илмий ва умумий инженерлик фанлари, шунингдек бир қанча махсус фанлар ўқитилади. Умумий инженерлик ва махсус фанлардан студентлар курс лойиҳаси (иши) ёзишга мажбур. *Ижтимоий таълимда* (ижтимоий фанлар комплексидан ташқари, марксча-ленинча эстетика ва этика, атеизм, чет тили ва б. ўқитилади) студентларни эстетик ва этик тарбиялашга алоҳида аҳамият берилади, жисмоний тарбия ва спортдан мажбурий ва факультатив машғулотлар олиб борилади.

Практик таълимнинг мазмуни мутахассислик соҳасига қараб белгиланади. Хусусан инженер-техник мутахассислигида студентлар 1-курсда ўқув практикаси даврида ишчи малакасини ўзлаштиради, 3-курсда технологик, 4-курсда махсус ишлаб чиқариш практикасини ўтказади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида студентлар корхона, лаборатория, конструкторлик бюроси ва б. жойларда малакали ишчидан то техник инженергача бўлган иш жойини эгаллайди. Ишлаб чиқариш таълими диплом олди практикаси (5-курсда) б-н тугалланади, бу даврда студентлар материал тўплаб, унинг негизида ўзларининг диплом лойиҳа (иш)ларини тайёрлайди.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш ва уларнинг малакаларини ошириш кечки ва сиртқи таълим системасида олиб борилади. 1975 йил УзССРда О. т. нинг кундузги системасида 205, сиртқида 95, кечкида 93 ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланди. Сиртқи О. т. да таълимнинг предмет-курс системаси жорий этилган. Бунга кўра, студент барча лаборатория ишини бажариш ва синов ҳамда имтиҳонларни топшириш учун фақат лаборатория-имтиҳон сессиясида келишга мажбур. Кундузги ва кечки олий ўқув юртлари (ф-т, бўлимлар)да ўқиш курс системасида олиб борилади: студент барча ўқув машғулотига келишга мажбур (кечки таълимда, одатда, 4 соатдан ҳафтасига 4 марта машғулот бўлади). Кечки ва сиртқи О. т. системасида таълим муддати кундузги бўлимдаги тегишли мутахассисликдан 6—12 ой ортиқ (яна қ. *Кечки таълим, Сиртқи таълим*).

Совет олий мактабидаги ўқув жараёнида мажбурий ўқув машғулоти б-н студентларнинг мустақил иши мувофиқ равишда қўшиб олиб борилади. Студентларнинг мустақил иш салмоғи курсдан курсга ортиб боради. Мустақил ишлаш студентларнинг фикрини, фаоллигини, ташаббускорлигини ўстиради, илмий тадқиқот методларини эгаллаш ва экспериментлар ўтказишга имкон беради.

Олий маълумотли мутахассислар учун малака оширишнинг қатъий системаси яратилган. Ҳар бир мутахассис камида 5—6 йилда шу система орқали малака оширади. Бунинг учун махсус ин-тлар ва ф-тлар ташкил этилган (қ. *Малака ошириш институтлари*).

О. т. системасида бошқа социалистик мамлакатларда ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Меҳнаткашларнинг О. т. олиш ҳуқуқи конституцияларда қатъий белгиланган. Ўрта маълумотли гражданлар жинси, ирқи, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва мулкидан қатъи назар олий маълумотга эга бўлишлари мумкин. Уқиш бепул, ўз она тилларида олиб борилади. Ун-т ва соҳа ин-тларининг кенг тармоғи ташкил этилган.

О. т. Африка ва Осиёнинг мустақилликка эришган мамлакатларида ҳам ривожлана бошлади. Жазоир, Афғонистон, Бирма, Гвинея, Ҳиндистон, Камбоджа, Тунис, МАР каби бир қанча мамлакатларда СССР ёрдамида олий ўқув юртлари қурилди, илмий-педагогик кадрлар ва мутахассислар тайёрлаб берилди. Капиталистик мамлакатларда О. т. юқори синф вакилларига хизмат қилади. Олий мактаблар, асосан, монополиялар мулки ҳисобланиб, меҳнаткашлар оммаси талабига жавоб бермайди. Бу мамлакатларда, одатда, умумий ўрта маълумот негизида мутахассислар тайёрлайдиган ўқув юртлар олий ҳисобланади; олий ва ўрта махсус ўқув юртлари ўртасида қатъий чегара йўқ.

Ад.: В. И. Ленин о науке и высшем образовании, М., 1967; Высшая школа СССР за 50 лет, М., 1967; Елютин В. П., Высшая школа страны социализма, М., 1959; Бутягин А. С., Салтанов Ю. А., Университетское образование в СССР, М., 1957; Валиев А. К., Формирование и развитие советской национальной интеллигенции в Средней Азии, Т., 1969; Садыков С., Высшая школа-кузница подготовки кадров, Т., 1973; Паранд В. А., Инженерно-техническое образование в США, М., 1969; Высшая школа, Сб. основных постановлений, приказов и инструкций, ч. 1—2, М., 1965.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ — халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли тармоқлари учун олий малакали мутахассислар, илмий ва педагог кадрлар тайёрлаб берувчи ўқув муассасалари. Уларда олий таълимдан ташқари, назарий ва амалий характердаги илмий ишлар олиб борилади, олий ва ўрта махсус мактаб ўқитувчилари, саноат, маданият ва б. соҳаларидаги мутахассислар малакалари оширилади. О. ў. ю. га *университет*лар, политехника ин-тлари, индустриал ин-тлар, турли соҳа (инженерлик, қ. х., медицина, педагогика, санъат, экономика ва б.) бўйича тармоқ ин-тлари, олий ҳарбий ўқув юртлари ва б. киради. Кўп мамлакатларда дунёвий О. ў. ю. дан ташқари, турли типдаги олий *диний ўқув юртлари* бор.

Баъзи О. ў. ю. академия (К. А. Тимирязев номидаги Қ. х. академияси, Ҳарбий академия), олий билим юрти (Н. Э. Бауман номидаги Москва олий техника билим юрти, олий инженерлик денгиз билим юрти ва б.), *консерватория*, мактаб (СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактаби), айрим мамлакатларда *колледж* ва б. номларда юритилади.

О. ў. ю. нинг илк шакллари — фалсафа мактаблари мил. ав. 5—3- асрларда Афина ва Римда вужудга келди. О. ў. ю. сифатида ун-тлар анча кейин: 11—12- асрларда Италия (Салерно ва Болонья), Францияда (Париж), 12- аср охири — 13- аср бошларида Испания (Саламанка) ва Англияда (Оксфорд) пайдо бўлди. Кейинчалик улар бошқа мамлакатларда ҳам очила бошланди. СССР терр-ясида дастлабки О. ў. ю. Грузияда очилган Қолхида (4- аср), Икалтой, Герм Гелат (11—12- асрлар) академиялари эди. Россияда биринчи рус ун-ти — Петербург ФА ҳузуридаги Академия ун-ти 1725 йили ташкил этилди. 1755 йили М. В. *Ломоносов* ташаббуси б-н *Москва университети* очилди. 19- аср охири — 20- аср бошларида капитализм ва йирик машина саноатининг тараққий этиши б-н жаҳондаги кўп мамлакатларда ун-тлар, инженерлик ва б. тармоқ О. ў. ю. очилди. 1914/15 ўқув йилида Россияда 105 О. ў. ю. (127,4 минг студент) бўлиб, асосан, Петроград, Москва, Киев, Харьковда жойлашган эди. Уларда кўпроқ бойлар, амалдорлар болалари ўқирди, ишчи-деҳқон фарзандлари талабаларнинг 4—5% ини ташкил этарди, холос. Бу даврда Ўрта Осиёда бирорта ҳам О. ў. ю. бўлмаган. Чунки подшо Россияси бу ердаги халқларни саводсизликда тутишдан манфаатдор эди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-яси олий мактаб системасини, студентларнинг синфий ва миллий составини тубдан ўзгартирди. Совет ҳукумати О. ў. ю. олдига халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларида ишлаш учун меҳнаткаш халқ оммасидан юқори малакали мутахассислар тайёрлаш вазифасини қўйди. РСФСР ХҚСнинг 1917 йил 11 декабрдаги В. И. Ленин имзолаган декрети б-н барча ўқув юртлари, жумладан О. ў. ю. Маориф халқ комиссарлиги ихтиёрига ўтди. Ишчи ва деҳқон ёшлари умумий ўрта маълумот олиб, О. ў. ю. га кириш учун тайёрланишларига ёрдам бериш мақсадида *ишчилар факультети* (рабфак) очилди. Илмий, ўқув ва маданий-маърифат маркази сифатида ун-тларга алоҳида аҳамият берилди. Ўрта Осиёда биринчи олий ўқув юрти — Туркистон халқ ун-ти 1918 йил 21 апрелда Тошкентда очилди. 1918 йил охирларида Тошкентда *Туркистон Шарқшунослик институти* (бу ин-т 1924 йилда Ўрта Осиё Давлат ун-тига қўшилиб, ф-тига айланди), 1919 йилда Олий медицина мактаби (йилнинг охирида у Туркистон халқ ун-тининг ф-ти бўлиб қолди) ташкил этилди. Ўрта Осиёдаги бу илк О. ў. ю. ни том маънодаги олий мактаб деб бўлмасди. Чунки улардаги ўқитувчилар составининг савияси, ўқув программаси О. ў. ю. талабига

жавоб беролмасди. Совет шарқида ҳар жиҳатдан мустаҳкам олий ўқув юрти очиш энг зарурий вазифалардан бири бўлиб қолган эди. 1920 йил бошида В. И. Ленин ташаббуси б-н Туркистонга малакали мутахассислар, ўқув қўлланмалари ва б. зарур жиҳозлар юборилди. 1920 йил 7 сентябрда В. И. Ленин РСФСР ХҚСнинг Тошкентда Туркистон Давлат ун-ти таъсис этиш ҳақидаги декретига имзо чекди. Ишчи ва деҳқонларни, айниқса, маҳаллий аҳоли вакилларини ўқишга кенгроқ жалб этиш учун 1920 йили ун-т ҳузурида ишчилар ф-ти (рабфак) очилди. 1922 йили Тошкентнинг Шайхантовур қисмида рабфакнинг эски шаҳар бўлими ташкил этилди. Туркистон Давлат ун-ти (1923 йилдан Урта Осиё Давлат ун-ти — САГУ, 1960 йилдан Тошкент Давлат ун-ти — ТошДУ) 1927 йилгача Урта Осиёдаги барча республикалар ва Қозоғистон учун олий малакали кадрлар тайёрлаш маркази — ягона олий ўқув юрти эди. Халқ хўжалиги ривожланиб, кадрларга эҳтиёж ўсиши б-н ун-т ҳам кенгайиб, маҳаллий миллатдан талабалар сони ортиб борди. Партия ва Совет органларига юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун 1922 йилда *Урта Осиё коммунистик университети* (САКУ) очилди.

1927 йили Самарқандда очилган Узбекистон Олий педагогика ин-ти (1930 йилдан Узбекистон Педагогика академияси) Урта Осиёдаги учинчи олий ўқув юртидир. Бу ўқув юрти биринчи беш йилликлар даврида маҳаллий миллат вакилларидан юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган йирик ўқув-педагогика базаси бўлиб қолди. 1933 йилда шу олий ўқув юрти негизида Узбекистон Давлат ун-ти (1960 йилдан А. Навоий номли Самарқанд давлат ун-ти) ташкил топди. Узбекистон Педагогика академиясида 1931 йилда *аспирантура* ташкил топиши малакали илмий кадрлар тайёрлашда ва илмий тадқиқот ишларининг кенгайишида муҳим роль ўйнади (қ. *Педагогика академияси*). Улуғ Ватан урушига қадар ун-т фаннинг турли соҳаларидан 1157 мутахассис етиштирди (қ. *Самарқанд университети*).

СССРда социализм пойдеворини барпо қилиш — мамлакатни индустриялаштириш, қ. х. ни коллективлаштириш, маданий рев-яни амалга ошириш йилларида турли ихтисосдаги малакали кадрларга эҳтиёж ниҳоятда ошди. Бу даврда олий ва ўрта махсус ўқув юртлари тармоғи кенгайди.

1929—30 йилларда Урта Осиё Давлат ун-ти мустаҳкамланиб, кадрларга таълим бериш, илмий тадқиқот ишлари олиб боришда тажриба тўпланди. Натижада айрим ф-тлар негизида тармоқ О. ў. ю. ташкил этиш имконияти туғилди. 1929 йили САГУ негизида Урта Осиё Қ. х. ин-ти (қ. *Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти*), Урта Осиё Пахтачилик ва ирригация политехника ин-ти (қ. *Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти*) ва Урта Осиё энергетика, Урта Осиё қурилиш, Урта Осиё геологоразведка (булар кейинчалик *Тошкент Политехника институти*нинг ф-тларига айлантирилган) ва б. О. ў. ю. ташкил топди. 1931 йилда САГУ ёрдамида Тожикистон Қ. х., Олий педагогика, Туркманистон Зооветеринария ин-тлари, Урта Осиё Медицина ин-ти (қ. *Тошкент Медицина институти*), Урта Осиё План ин-ти (қ. *Тошкент Халқ хўжалиги институти*) ташкил этилди. САГУдан Урта Осиё республикалари бўйича ҳаммаси бўлиб 15 олий ўқув юрти, бир қанча илмий тадқиқот муассасалари ажралиб чиқди. 30—40- йилларда Узбекистондаги кўп О. ў. ю. Урта Осиё миқёсида бўлиши б-н характерланади. Бинобарин улар тегишли соҳалар бўйича бутун Урта Осиёга мутахассис-кадрлар тайёрлаб берганлар. Кейинчалик бошқа республикаларда О. ў. ю. очилиши б-н улар республика О. ў. ю. бўлиб қолдилар.

Биринчи ва иккинчи беш йилликлар даврида УзССРда кўпгина тармоқ ин-тлари, педагогика О. ў. ю. (қ. *Педагогика таълими*) очилди. Жумладан, 1932 йили Урта Осиё Темир йўл инженерлари ин-ти (қ. *Тошкент Темир йўл транспорти инженерлари институти*), *Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти*, *Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти*, Урта Осиё Совет қурилиши ва ҳуқуқи ин-ти (1937 йилдан ҳуқуқ ин-ти, 1955 йилдан САГУ нинг ҳуқуқ ф-ти), 1936 йили *Тошкент консерваторияси*, 1937 йили *Тошкент Фармацевтика институти* ташкил топди. Урта Осиёда, жумладан УзССРда О. ў. ю. нинг ташкил топишида, илмий-педагог кадрлар тайёрлашда Москва, Ленинград ва б. марказий О. ў. ю. нинг ёрдами катта бўлди. Уларнинг баъзилари бу ердаги О. ў. ю. ни оталиққа олдилар.

1940—41 ўқув йиллари УзССРда 30 О. ў. ю. бўлиб, уларда 19061 студент таълим олди.

Улуғ Ватан уруши йиллари немис-фашист босқинчилари совет олий мактабига жиддий зарар келтирди. Кўп О. ў. ю. бинолари вайрон қилинди, бир қисми СССР нинг шарқий р-ларига кўчирилди. Уруш давридаги қийинчиликларга қарамай, Урта Осиё республикаларида янгидан 12 олий ўқув юрти очилди.

50- йилларда мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш мақсадида моддий-техника ва ўқув-илмий базаси етарли бўлмаган айрим ин-тлар йирик О. ў. ю. га (мас., айрим ҳуқуқ ва педагогика ин-тлари ун-тлар б-н, ўқитувчилар ин-тлари педагогика ин-тлари б-н) бирлаштирилди. Айни вақтда янги ун-тлар, политехника ва тармоқ ин-тлари ташкил этилди.

Сўнгги йилларда илмий-техника прогресси, ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши, саноат ва қ. х. нинг жадал тараққиёти натижасида О. ў. ю. нинг тармоқлари кенгайди, студентлар қабул қилиш кўпайди, хусусан фан ва техниканинг янги тармоқлари бўйича мутахассислар тайёрлаш ривожланди. 1974 йили СССР да 833 олий ўқув юрти мавжуд бўлиб, уларда 4,7 млн. студент таълим олди. Жумладан, УзССРда (1976) 42 олий ўқув юртида 239,3 мингдан ортиқ студент ўқиди. Бу О. ў. ю. дан 3 таси ун-т (ТошДУ, СамДУ; 1976 йил *Қорақалпоғистон университети* ташкил этилди), 7 таси техника ин-ти, 3 таси иқтисод ин-ти, 5 таси медицина ин-ти, 4 таси қ. х. ин-ти, 3 таси санъат ин-ти, 15 таси педагогика ин-ти, 1 таси жисмоний тарбия ва спорт ин-ти. УзССРдаги О. ў. ю. да 15 минг проф.-ўқитувчи бўлиб, булардан 530 киши фан д-ри ва проф., 3700 киши фан кандидати ва доцентдир (1974).

СССР Конституциясига кўра, барча гражданлар ирқи, миллати, жинси, мулки, ижтимоий ҳолати ва диний эътиқодидан қатъи назар О. ў. ю. да ўқиш ҳуқуқига эга. О. ў. ю. тармоқларида студентларга давлат стипендия системаси жорий қилинган. Бошқа шаҳардан келган студентлар ётоқхона б-н таъминланади. СССР да О. ў. ю. га қабул этишнинг ягона қоидаларига амал қилинади. О. ў. ю. га 35 ёшгача бўлган ўрта маълумотли кишилар (кечки, сиртқи О. ў. ю. ва ф-тларга ёшидан қатъи назар) қабул қилинади. Ҳамма О. ў. ю. га кирувчилар танланган мутахассислигига оид фанлардан, она тили ва адабиётдан, шунингдек чет тилларнинг биридан (филология ва баъзи бошқа ижтимоий мутахассисликда) конкурсли кириш имтиҳонлари топширади. Консерватория, санъат ва жисмоний тарбия О. ў. ю. да айтилганлардан ташқари, ихтисосликдан ҳам имтиҳон топширилади. Ун-тларнинг журналистика ф-т (бўлим)ларига кирувчилар ижодий конкурсдан ўтгандан сўнг кириш имтиҳонларига қўйилади (1975).

СССР О. ў. ю. тузилиши ва иш мазмуни СССРдаги О. ў. ю. ҳақида СССР Министрлар Советининг 1969 йил 22 январдаги қарори б-н тасдиқланган Низомида, СССР Олий Советининг 6- сессиясида (1972 йил 16—17 июль) қабул қилинган «Халқ маорифи тўғрисида СССР ва иттифоқдош республикаларининг қонун асослари»да [«УзССР Халқ маорифи тўғрисидаги қонуни» 8- чақириқ УзССР Олий Советининг 7- сессиясида (1974 йил 7 август) қабул қилинган] белгиланган.

О. ў. ю. га *ректор* бошчилик қилади. Ўқув ва илмий ишларига раҳбарликни *проректорлар* олиб боради. О. ў. ю. *факультетлар*дан ташкил топади. Ф-тлар бир ёки унга яқин бир неча мутахассисликдан студент ва аспирантлар тайёрлайди, халқ хўжалиги ва маданиятнинг тегишли соҳаларидан мутахассислар малакасини оширади, шунингдек кафедраларнинг илмий тадқиқот фаолиятига раҳбарлик қилади. Ф-тга *декан* бошчилик қилади. О. ў. ю. нинг сиртқи студентларига ўқув ёрдами бериш учун жойларда ташкил этиладиган филиал ва ўқув-консультация пунктлари ҳам бўлади.

О. ў. ю. (ф-тлар) фаолиятидаги асосий масалаларни кўриб чиқиш учун ректор (декан) ҳузурида О. ў. ю., ф-тлар кенгаши ташкил этилади. *Олий аттестация комиссияси* томонидан кандидатлик ёки д-рлик диссертацияларни ҳимоясини олиш ҳуқуқи берилган О. ў. ю. да илмий даража берувчи кенгашлар тузилган (қ. *Илмий кенгаш*).

О. ў. ю. нинг проф.-ўқитувчилар состави учун шундай лавозимлар белгиланган: кафедра мудири, *профессор* (шунингдек проф.-консультант), *доцент*, катта ўқитувчи, *ўқитувчи*, ассистент, стажёр-ўқитувчи. Булар (проф.-консультантдан ташқари) конкурс йўли б-н ҳар 5 йилда сайланиб туради. Конкурснинг барча қарорлари олий ўқув юрти кенгашида яширин овоз бериш йўли б-н қабул қилинади.

Олий мактабларда ўқув жараёни СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги тасдиқлаган ўқув плани ва программалари бўйича ташкил қилинади.

О. ў. ю. да дарсларга қатнашиш мажбурий. Ўқув йили (42 ўқув ҳафта) имтиҳон сессиялари б-н якунланадиган икки семестрдан иборат. Студентларнинг ҳафталик мажбурий ўқув машғулотлари (лекция, практика, семинар) 24—34 соатни ташкил этади. О. ў. ю. да таълим кўрси (4—6, асосан, 5 йил ҳисобланади) *давлат имтиҳони* топшириш ёки диплом лойиҳаси (иши)ни ҳимоя қилиш б-н тугалланади (О. ў. ю. да таълим мазмуни ва ўқув жараёнини ташкил этиш ҳақида *Олий таълим*, *Ижтимоий таълим*, *Табииёт таълими*, *Кечки таълим* мақолаларига қ.).

О. ў. ю. ни тугатганларга олган мутахассисликлари бўйича ихтисослик (физик, радиофизик, математик, химик, инженер-механик, архитектор, актёр, режиссёр. ва ҳ. к.) берилади. 1975 йили СССРдаги О. ў. ю. да 400 дан ортиқ, УзССРда 205 ихтисослик бўйича кадрлар тайёрланган. О. ў. ю. ни битирувчиларга (кундузги, сиртқи ёки кечкилигидан қатъи назар) ихтисоси бўйича бир хил ҳуқуқ берувчи ягона намунадаги диплом ва кўкракка тақиладиган нишон берилади.

О. ў. ю. да илмий тадқиқот ишлари кенг олиб борилмоқда. Уларда фан ва техниканинг муҳим вазифаларини ҳал қилиш учун илмий тадқиқот бўлимлари, проблемали (1974 йили УзССРда 19 та) ва соҳа (УзССР да 30 дан ортиқ) лабораториялар мавжуд. *Студент*ларнинг илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик ишлари анча ривожланди. Деярли ҳар бир О. ў. ю. да студентларнинг илмий жамияти бўлиб, унда студентлар проф. ва ўқитувчилар раҳбарлигида эксперименталь ва илмий тадқиқот ишлари олиб боради, янги илмий ишлар эълон қилади ва ҳ. к.

О. ў. ю. фаолиятини республикаларнинг олий ва ўрта махсус таълим министрликлари, шунингдек республика халқ хўжалиги ёки мамлакатнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёжини назарда тутган ҳолда тегишли тармоқ министрликлари, идоралар йўналтириб туради ва координация этади. Олий мактабга СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги умумий раҳбарлик қилади. О. ў. ю. нинг илмий ишлари ва иш тажрибалари «Известия высших учебных заведений» («Олий ўқув юртлари ахбороти»), «Научные доклады высшей школы» («Олий мактабларнинг илмий докладлари»), «Вестник высшей школы» («Олий мактаблар ахбороти») журналларида, ун-т, ин-тларнинг «Илмий ишлар»ида ёритилади. УзССРдаги 28 О. ў. ю. да *кўп тиражли газета* нашр этилади (1975). О. ў. ю. учун дарслик ва қўлланмалар иттифоқ миқёсида «Высшая школа» («Олий мактаб»), «Просвещение» («Маориф») ва б. тармоқ нашриётларида, УзССРда *«Ўқитувчи»*, *«Узбекистон»*, *«Фан»* нашриётларида нашр этилади.

1975 йили УзССРдаги О. ў. ю. да қарийб 50 мамлакатдан 1200 га яқин студент, аспирант ва стажёр таълим олди. Айрим Европа мамлакатлари, Осиё, Африканинг кўп мамлакатлари б-н студентлар алмашиб турилади. Чет мамлакатлар, айниқса ривожланаётган мамлакатларга мутахассислар тайёрлаш учун ТошДУда ва айрим ин-тлар ҳузурида махсус тайёрлов ф-тлари ташкил этилган. Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари учун миллий кадрлар тайёрлаш мақсадида 1960 йили Москвада Патрис Лумумба номли *Халқлар дўстлиги университети* очилди.

Ад.: Елютин В. П., Высшая школа страны социализма, М., 1959; Бутягин В. С., Салтанов Ю. А., Университетское образование в СССР, М., 1957; Садыков С., Высшая школа-кузница подготовки кадров, Т., 1973.

ОЛИМ ДЕВОНА (Каломий, 19- асрнинг 2-ярми, Шаҳрисабз) — ўзбек шоири. Бухорода ҳоким саройида хизмат қилган. О. Д. нинг ғазал ва мухаммаслари баёзлар орқали бизгача етиб келган. Навоий ғазалларига боғлаган мухаммаслари халқ орасида кенг тарқалган. О. Д.



Олимжонов А.



Олимжонов Р. О.



Олимов В. О.



Олимов О.

нинг йирик асари «Юсуф ва Зулайхо» (1862) достонидир. Асар муқаддимасида шоир ўз замонасидан шикоят қилган. Юсуф образи орқали адолатли ҳукмдор ғоясини илгари суради, ҳалоллик, поклик, тадбиркорликни улуғлайди. Достонда садоқат ва чин севги, ахлоқий-маънавий софлик тараннум этилади. Достон гарчи Нозим Ҳиравийнинг шу номли асарига жавоб тарзида ёзилган бўлса-да, шоирнинг ўз услуби, маҳорати сезилиб туради.

ОЛИМБЕК — Андижон обл. Балиқчи р-ни Олимбек қ. С. даги қишлоқ. «Қизил юлдуз» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳаққулободдан 17 *км*. Аҳолиси 1889 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Мойлисойдан сув ичади.

ОЛИМБУВА — Тошкент обл. Қалининн р-ни Назарбек қ. С. даги қишлоқ. «Назарбек-2» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Назарбекдан 3 *км*. Аҳолиси 970 киши (1971); сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Тошкент каналидан сув ичади. Урта мактаб, болалар боғчаси, медпункт, ошхона бор.

ОЛИМЖОНОВ Анвар (Алимжонов Ануар; 1930. 2. 5, Қорлиғаш овули, ҳозирги Толдиқўрғон обл. Андреев р-ни) — қозоқ совет ёзувчиси. 1953 йилдан КПСС аъзоси. Рус тилида ижод қилади. Қозоқ Давлат ун-тини тугатган (1954). 1955 йили «Литературная газета»нинг Қозоғистон бўйича махсус мухбири ва «Ленинская смена» газетасида редактор ўринбосари. 1960—70 йилларда «Қозоқфильм» киностудиясида масъул ходим, «Правда» ва «Литературная газета»ларда махсус мухбир. 1971 йилдан ҚозССР Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари. Илк асари «Оқ дўст, қора дўст, сариқ дўст» 1958 йили Москвада нашр қилинган. «Адабий томирлар» (1960), «Карвон қуёш томон боради» (1963; ҚозССР Комсомол мукофоти, 1965), «Зангори тоғлар» (1964, ҚозССР Абай номидаги республика Давлат мукофоти, 1967), «Ўтрор армугони» (1966, Халқаро Неру мукофоти, 1969), «Жамшид ойнаси» (1970), «Қўрмонғозининг болалик чоғи» (1972) қиссаларида қозоқ халқининг Октябрь рев-ясигача бўлган ҳаёти, совет даврида қўлга киритган ютуқлари, Осиё ва Африка халқларининг миллий қўзғолони акс этган. «Маҳамбет найзаси» романида (1969) қозоқ халқининг ўтмиши, кураши, орзу-умидлари тасвирланган. «Дўстлар учрашганда» (1959), «Сувда, қуруқликда эллик минг миль» (1962) очерклар тўплами муаллифи. Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Осиё ва Африка ёзувчилари б-н алоқа қилиш Совет к-ти аъзоси. 8- чақириқ ҚозССР Олий Совети депутати. КПСС МК 24-, 25- съезд делегати.

Ас., Маҳамбет найзаси, Т., 1975.
Ад.: Каратаев М., Эпостан эпопеяга, Алма-Ата, 1964; Луэзов М., Доброе начало, в кн.: А Алимжанов. Караван идёт к солнцу, Алма-Ата, 1963; Омаров И., Глазами читателя, Алма-Ата, 1967.

ОЛИМЖОНОВ Раҳим Олимжонович (1913, Тошкент) — энтомолог, биология фанлари д-ри (1949), проф. (1950), ЎзССР ФА мухбир аъзоси (1952). ЎзСЭ Бош таҳрир ҳайъати аъзоси. САГУнинг қ. х. ф-тини тугатган (1934). Урта Осиё Усимликлари ҳимоя қилиш ин-ти (САИЗР)да илмий ходим (1935—37). САГУ нинг умуртқасиз ҳайвонлар кафедрасида аспирант (1937—39), ЎзССР ФА зоология секторида илмий ходим (1939—40), Ботаника ва зоология ин-тида директор ўринбосари (1941—44). СССР ФАнинг Зоология ин-тида (Ленинградда) докторант (1945—49). ЎзДУ ректори (1950—55). ЎзССР ФА Зоология ва паразитология ин-ти лаборатория мудири (1956—72), директори (1958—61). 1972 йилдан Тошкент Қ. х. ин-ти энтомология ва зоология кафедраси мудири. Илмий ишлари ғўза, беда ва б. экинлар зараркунандалари ва уларга қарши кураш чораларига оид. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Насекомые, повреждающие бобовые культуры и колебание их численности, Т., 1968; Қирчумолилар ва уларга қарши кураш чоралари, Т., 1971.

ОЛИМКЕНТ, Алимкент — Тошкент обл. Оққурғон р-нидаги шаҳар посёлкаси. 1967 йил 6 декабрда ташкил топган. Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида. Оққўрғон — Тошкент шоссе йўли ёқасида. Кучлик т. й. станциясидан 12 *км*. Аҳолиси 6000 киши (1974). Моргуненков каналидан сув ичади. О. да пахта тозалаш ва ёғ з-длари, пахта пункти, ўрта мактаб бор.

ОЛИМЛАР УЙИ — СССРдаги маданий-маърифат муассасаси; илмий жамоатчилик ташкилоти. Биринчи О. у. 1921 йили Петроградда В. И. Ленининг кўрсатмасига мувофиқ ва М. Горькийнинг фаол ёрдами б-н Олимлар турмушини яхшилаш марказий комиссияси қошида очилган. 1922 йили Москвада ҳам ташкил этилди. Узбекистонда О. у. (ҳозирги ЎзССР ФА нинг Тошкент О. у.) 1935 йили Тошкентда очилган. О. у., шунингдек, 70- йилларнинг бошида Новосибирск, Киев, Одесса, Саратов, Новочеркасск, Львов, Кировобод, Краснодар, Горький, Харьков, Томскда ва Москва атрофидаги бир қанча илмий марказларда ишлади. О. у. тегишли ФА ёки маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари касаба союзлари МК қарамоғида. О. у. нинг асосий вазифаси: олимлар дам олишини ташкил қилиш, ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт воқеалари ҳамда фан ва техниканинг янги ютуқлари ҳақида ахборот бериш, аҳоли ўртасида илмий ютуқларни оммалаштириш. О. у. да ҳаваскорлар коллективи, илмий секциялар ишлайди.

ОЛИМОВ Вали Олимович (1924, Тошкент) — патологик анатом, медицина фанлари д-ри (1970), проф. (1971). 1973 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Медицина ин-тини тугатгач (1948), патологик анатомия кафедрасида аспирант (1948—51), ассистент (1951—65), доцент (1965—71), айни вақтда ТошМИ даволаш ва стоматология ф-тлари илмий кенгашининг илмий секретари (1962—68), проф. (1971—72), 1972 йилдан Урта Осиё Медицина педиатрия ин-ти патологик анатомия кафедрасининг мудири. Илмий ишлари, асосан, аппендицит, атеросклероз, полиомиелит, касб касалликлари, эпидемик гепатит ва б. касалликларининг патологик анатомиясига бағишланган.

Ас.: Патологическая анатомия полиомиелита, Т., 1963 (А. И, Маърупов ва З. С. Қосимхўжаев б-н биргаликда).

ОЛИМОВ (Алимов) Ориф (1912. 26. 4, Тошкент) — давлат ва партия арбоби. 1941 йилдан КПСС аъзоси. В. В. Куйбишев номли Урта Осиё План ин-тини тугатган (1933). 1933—38 йилларда турли ташкилотларда иқтисодчи. 1938—39 ва 1940 йилда Тошкентдаги халқ хўжалиги учёти техникумида ўқув бўлими мудири. 1939 йил Тошкент ш. Сталин р-н комсомол комитетида, Тошкент ш. комсомол комитетида бўлим мудири. 1940—41 йилларда Тошкент обл. халқ хўжалиги учёти бошқармаси бошлиғи, ЎзССР халқ хўжалиги учёти бошқармаси бошлиғининг ўринбосари. 1941—46 йилларда Узбекистон КП(б) МКда бўлим мудири, Узбекистон КП Қўқон ш. комитетининг биринчи секретари, ҚҚАССР Давлат хавфсизлиги халқ комиссари, Андижон обл. партия комитетининг иккинчи секретари. 1946 йилдан Наманган, 1948 йилдан Самарқанд обл. партия комитетининг биринчи секретари. 1950 йилдан ЎзССР Пахтачилик министри. 1951 йилдан Бухоро, 1952 йилдан Тошкент обл. партия комитетининг биринчи секретари. 1956 йилдан Узбекистон КП МК секретари. 1957 йилдан Самарқанд обл. партия комитетининг биринчи секретари. 1959—61 йилларда ЎзССР Министрлар Совети раиси. 1961—75 йилларда СССР Марказий статистика бошқармасида бўлим бошлиғи, кадрлар бошқармаси бошлиғи ҳамда коллегия аъзоси. 1975 йил мартдан ЎзССР Министрлар Советининг «Узплодоовощвинпром» бирлашмаси раиси. Узбекистон КП 10—15-, 19- съездларида МК аъзоси қилиб сайланган. 1950—60 йилларда Узбекистон КП МК бюроси аъзолигига кандидат, МК бюроси аъзоси. КПСС 19—22- съездлари делегати. 3—5- чақириқ СССР Олий Совети, 2—3-, 5-, 9- чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати. 2 марта Ленин ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОЛИМОВ Сайфи (1901. 13. 2, Тошкент) — ўзбек совет актёри. ЎзССР халқ артисти (1950). 1926 йилдан КПСС аъзоси. 1919 йили М. Уйғур раҳбарлигидаги театр труппасига қабул қилинган. Боку театр техникумини тугатгач (1928), Ҳамза номидаги Узбек давлат академик драма театрининг актёри ва режиссёри. Самоварчи (Хуршид, «Жаҳолат қурбони»), Миллер (Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Наби қори (Зиё Саид, Н. Сафаров, «Тарих тилга кирди»), Солиҳбой, Қодирқул (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Боймат (К. Яшин, «Ёндирамиз»), шаҳар ҳокими (Н. Гоголь, «Ревизор»), Аҳмад қўрбоши (К. Яшин, «Икки коммунист»), Полоний (В. Шекспир, «Ҳамлет»), Жомий (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Жақип (К. Яшин, «Йўлчи Юлдуз») каби образлари б-н ўзбек театрининг ривожига катта ҳисса қўшмоқда. О. фильмларда ҳам бир қанча ёркин образлар яратди: Заргар (реж. Н. Ғаниев, «Насриддиннинг саргузаштлари»), тарихчи (Л. Файзиев, В. Басов, «Амирликнинг емирилиши»), мунажжим (Л. Файзиев, «Улуғбек юлдузи») ва б. О. ўз қаҳрамонларининг ички дунёси ва психологиясини очишда юксак маҳоратли актёрдир. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОЛИМОВ Худоёр Олимович (1928. 30. 5, Тошкент) — психиатр, медицина фанлари д-ри (1962), проф. (1963). 1958 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИни тугатгач, проф. Сербский номидаги Суд психиатрияси марказий ин-тида (Москва) клиник ординатор, сўнгра аспирант (1948—54), ТошМИ психиатрия клиникасида ассистент (1954—57), айни вақтда ТошДУ юридик ф-тида ўқитувчи, Узбекистон Улка медицинаси илмий тадқиқот ин-тида катта илмий ходим (1957—62), Андижон Медицина ин-ти психиатрия кафедрасида мудир (1963—65), айни вақтда шу ин-т даволаш ф-тида декан, 1965 йили Тошкент Врачлар малакасини ошириш ин-ти ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, шу ин-т психиатрия кафедрасида мудир (1966—73). 1973 йилдан ТошМИ психиатрия кафедрасида мудир. «Шизофренияниинг қайталанишига таъсир этувчи шарт-шароитлар ва бу касалликнинг олдини олиш» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган.

Ас.: Клиника психопатоподобных состояний после инфекционных менинго-энцефалитов и их судебно-психиатрическая оценка, Т., 1959; Условия развития рецидивов шизофрении и некоторые пути их профилактики, Т., 1961; Развитие неврологии и психиатрии в Узбекистане, Т., 1972.



Олимов С.

ОЛИМП ТОҒИ — Грециядаги энг баланд тоғ. Эгей денгизининг Термаикос (Салоники) қўлтиғи соҳилида. Энг баланд жойи 2911 *м*. Асосан, мармарсимон оҳактош ва кристалли сланецлардан тузилган. Тик ён бағирларида даралар кўп. Кенг баргли ва игна баргли ўрмонлар бор. Чўққиларида қишда қор бўлади. Юнон афсоналарида О. т. муқаддас тоғ, *Зевс* бошлиқ худолар макони ҳисобланади.

ОЛИМПИАДА (юнон. Olumpias) — 1) қадимги юнонларда *Олимпия* шаҳрида ўтказилган мусобақа; шунингдек шу мусобақалар ўртасидаги тўрт йиллик давр. Ҳар қайси О. даври *кабиса йили*дан бошланиб, навбатдаги кабиса йили олдидан тугалланган; 2) кўп миқдордаги қатнашчилар иштирокида ўтказилган спорт ёки бошқа турдаги мусобақа. О. *Олимпиада ўйинлари* сўзининг синоними бўлиб қолган; 3) Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ) томонидан ўтказиладиган командаларнинг шахмат бўйича жаҳон биринчилиги. Эркаклар ўртасида 1927 йилдан, аёллар ўртасида 1930 йилдан мунтазам равишда ҳар 2 йилда ўтказилади; 4) бадиий ҳаваскорлик тўгараклари қатнашчиларининг ўз санъатларини оммавий суратда намойиш қилишлари; 5) ўқувчилар, олий ва ўрта махсус ҳамда профессионал-техника билим юртлари студентларининг бирор фан соҳаси бўйича билимларини синаш мусобақаси. Халқаро Олимпиада Комитети (ХОҚ) нинг қарорига кўра (1974) мамлакатимизда биринчи марта 1980 йилда Москвада XXII О. ўтказилади (яна қ. *Олимпиада ўйинлари*).






Олимов С. ролларда. 1. Полоний (В. Шекспир, «Ҳамлет»). 2. Мингбоши (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»).

ОЛИМПИАДА УЙИНЛАРИ — 1) қадимги энг йирик умумюнон мусобақалари. О. ў. ҳар тўрт йилда бир марта қадимий Юнонистоннинг *Олимпия* шаҳрида Зевс шарафига ўтказилган. Мил. ав. 776 йил биринчи О. ў. йили ҳисобланади. О. ў. дастлаб зўр байрам бўлиб, ҳар *кабиса йили*да Олимпия шаҳрининг «муқаддас» жойи — Алфей дарёси водийсидаги Альтисда нишоналар эди. О. ў. тантанали намойиш, қурбонлик қилиш б-н бошланиб, кейин унда югуриш, диск улоқтириш, кураш, аравачалар пойгаси каби мусобақалар ўтказиларди. Ғолиблар (олимпиониклар) притания (давлат арбоблари турадиган бино) томон тантана б-н кузатиб қў-



Олимов Х. О.




Зевсининг Олимпия шаҳридаги қасри.

йилар, у ерда ғолиблар шарафига ниҳоятда дабдабали зиёфат бериларди. Олимпионикларга бериладиган расмий мукофот дафна япроғидан ясалган чамбар бўлган. Ватанларига қайтганда эса улар зўр тантана б-н кутиб олинар, қимматбаҳо совғалар б-н тақдирланар, миллий қаҳрамонлар сифатида ҳурмат-иззат кўрар эдилар. О. ў. милодга ҳам ўтиб, салкам тўрт юз йил давом этди. Мил. 394 йилда Рим императори Феодосий I О. ў. ни бекор қилди;

2) халқаро спорт мусобақалари. Қадимги юнон О. ў. сингари ҳар тўрт йилда бир марта (турли мамлакатларда) ўтказилади. 19- аср охирида француз педагоги ва жамоат арбоби Пьер де Кубертэн О. ў. нинг ташаббускори бўлиб чиқди. 1894 йил 23 июнда Парижда ўтган халқаро конгресс О. ў. ни тиклаш, ҳар 4 йилда бир марта ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу конгрессда 34 мамлакат вакиллари иштирок этди. Конгресс раҳбар орган — Халқаро Олимпиада Комитети. (ХОК)ни тузди. 1924 йилдан бошлаб қишки спорт турлари бўйича О. ў. (оқ олимпиада) ўтказиладиган бўлди. О. ў. программасига кўпчилик мамлакатларда кенг тарқалган спорт турлари киритилди. Бу ўйин турининг программаси ҳозирги даврда тобора кенгайиб бормоқда.

Совет спортчилари биринчи марта XV О. ў. да (1952) иштирок этдилар. 1952—72 йиллар давомида совет спортчилари О. ў. нинг 211 олтин, 178 кумуш, 169 бронза медалини олдилар (команда мусобақаларида, мас., эстафетада ютиб чиққани учун шахсий спортчига берилган медаллар ҳисобга кирмайди). О. ў. да Ўзбекистон спортчилари ҳам иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаганлар. Мас., 1972 йили Мюнхен (ГФР) да ўтган XX О. ў. да ўзбекистонлик олти спортчи қатнашиб, улардан уч киши — Р. *Казаков* (классик кураш), В. Дуюнова (волейбол) ва Э. Саади (спорт гимнастикаси)лар олтин медаль олишга муваффақ бўлди.

Ад.: Колобова К. М., Озерецкая Е. Л., Олимпийские игры. М., 1958; Шёбель Г., Олимпия и её игры. (Пер. с нем.). Лейпциг, 1971; Романов А. О., Современные проблемы международного олимпийского движения. М., 1963; Олимпийские игры. М., 1964; Любомиров Н. И., Советский спорт и олимпийское движение. М., 1967.



Олимпиада ўйинлари. 1. Олимпиада медали, 1896 йил, Афина ш. 2—3. Олимпиада ўйинлари эмблемалари.

ОЛИМПИЯ — Алфей дарёсининг ўнг соҳилида, Элида обл., Пелопоннес шаҳрининг шимолий-ғарбидаги қадимги юнон шаҳри. Терр-ясида ҳар 4 йилда 1 марта ўтказилиб турилган *Олимпиада ўйинлари* б-н шуҳрат қозонган. Уруш, зилзилалар оқибатида, айниқса, Рим императори Феодосий II нинг буйруғи б-н 426 йилда ёндирилгач, вайрон бўлган. 19- асрнинг охирларидан бошлаб қазиб ўрганилмоқда. О. Юнонистоннинг энг йирик бадиий маркази бўлган. Мил. ав. 7—4- асрларда барпо этилган. О. нинг қадимги қисми мил. ав. 7—6- асрларда бунёд этилган. Дастлаб қурилган биноларидан бири Гера ибодатхонасидир. О. ансамблининг бош иншооти — Зевс ибодатхонаси мил. ав. 5- асрнинг 2- чорагида меъмор Либон томонидан қурилган. Унинг айрим ҳайкаллари ҳайкалтарош Фидий томонидан олтин ва фил суягидан ишланган. Ҳайкаллар миф сюжетларидаги жанг лавҳаларини ифодалаган. Деворлардаги горельефларда Гераклнинг жасоратлари акс эттирилган. Ибодатхоналар яқинида стадион ва ипподром бўлган. О. нинг ярим доира шаклидаги иншооти милодий 2- асрга оид. О. да мусобақаларда ғолиб чиққан атлётикачиларнинг ва жангларда шуҳрат қозонган қаҳрамонларнинг кўплаб ҳайкаллари бўлган.

ОЛИМХОН (туғилган йили номаълум — 1810 йили қатл қилинган) — Қўқон хони (1801—10), Норбўтабийнинг ўғли. О. феодал тарқоқликни бартараф қилиш учун кўпдан-кўп урушлар олиб борган. Унинг даврида Фарғона, Тошкент ва Чимкент Қўқон хонлигига бўйсундирилди. О. нинг марказлашган кучли давлат тузишга бўлган интилиши Қўқон аъёнлари орасида катта норозилик туғдирди. Натижада О. фитнанинг қурбони бўлди. Тахтни эса фитнада қатнашган укаси Умархон эгаллади.

ОЛИТОРИЗИД (olitorisidum) — *юрак гликозидларидан*; таъми аччиқ оқ кристалл модда. Сувда ёмон, спиртда яхши эрийди. Жут ўсимлигининг уруғидан олинади. Биологик актив. Фармакологик хоссаси жиҳатидан *строфантин*га яқин. Венага юборилади. 0,04% ли эритмаси 1 *мл* дан ампулаларда чиқарилади.

ОЛЛАБЕРГЕН — Бухоро обл. Томди р-ни Оёққудуқ қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 130 *км*, яқин т. й. станцияси — Қоракотадан 130 *км*. Аҳолиси 763 киши (1971); чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқдан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, фельдшерлик пункти, алоқа бўлими бор.

ОЛЛАНАЗАРОВ Туреш (1916, Қўйиғирот) — қорақалпоқ режиссёри, театршунос, драматург, таржимон. ЎзССР халқ артисти (1963). СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси (1955). 1947 йилдан КПСС аъзоси. Москвадаги А. В. Луначарский номидаги Театр санъати ин-тининг қорақалпоқ студиясида ўқиган (1934—39). А. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик ин-тининг режиссёрлик ф-тини тугатган (1951). Қорақалпоқ театрида реж. (1939—47), бош реж. (1951—59). «Майсаранинг иши» (Ҳамза), «Алпомиш» (Н. Довқораев), «Рус кишилари», «Рус масаласи» (К. Симонов), «Ўғирланган бахт» (И. Франко), «Тартюф» (Ж. Мольер), «Оқ гул» (Р. Тагор) сингари спектаклларни саҳналаштирган. 1959—74 йилларда ЎзССР ФА Қорақалпоқ филиали санъат бўлимининг, 1974 йилдан Тошкент Маданият ин-ти актёрлик маҳорати кафедрасининг мудири. О. қорақалпоқ совет театри тарихи, драматургиясига оид асарлар муаллифи. «Аяпберган Мусаев» ва б. пьесаларни ёзган. «Ўғирланган бахт» (И. Франко), «Тартюф» (М. Мольер), «Қиз жибек» (Г. Мусрепов) каби асарларни қорақалпоқ тилига таржима қилган.

Ас.: Қарақалпакский советский театр. Истоки и формирование. Т., 1966.

ОЛЛОБЕРГАНОВ Раҳмон Оллоберганович (1910. 1. 1, Хива) — бастакор, ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Тошкент музика билим юрти (1926—28), Самарқанддаги музика ва хореография илмий тадқиқот ин-ти (1928—30) да таълим олган. Тошкент Давлат консерваториясининг ўзбек халқ чолғу асбоблари ф-тини тугатган (1965). Хива р-н театрида музика раҳбари (1930—33), Хоразм обл. театрида скрипкачи ва дирижёр (1933—40), Урганчдаги музика мактаби ўқитувчиси (1940—42), директори (1944—62), Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—44), Урганч музика билим юрти директори (1962—64). 1964 йилдан яна Урганчдаги музика мактаби директори. О. «Адолат» (И. Акромов), «Маърифат қурбонлари» (Э. Раҳим, 1959), «Ошиқ Ғариб» (Ю. Юсупов; А. Отажонов б-н ҳамкорликда, 1958) ва б. пьесаларга, бир қанча инсценировкаларга музика ёзган. «Комсомол, олға», «Ёшлигим», «Москва», «Бир келиб кетинг қишлоғимизга» каби қўшиқлари машҳур. Болалар учун ёзилган «Биз пионерлар», «Улуғ Ленин», «Ёшлик», «Пионер марши» ва б. қўшиқлар муаллифи.

ОЛЛОЁРҚУДУҚ — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Ленинизм қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 19 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқандан 70 *км*. Аҳолиси 577 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Пай каналидан сув ичади. Медпункт, к-з қорамолчилик фермаси бор.

ОЛЛОМУРОДОВ Доноқул Олломуродович (1933, Жиззах обл. Зомин р-ни Аччи қишлоғи) — тарихчи олим, тарих фанлари д-ри (1972), проф. (1973). 1966 йилдан КПСС аъзоси. УзДУни тугатиб (1955), Қўқон Давлат педагогика ин-тида ўқитувчи (1956—57), Улуғбек номли Фарғона Давлат педагогика ин-тида ўқитувчи (1957—59 ва 1962—74), СССР тарихи кафедраси мудири (1966). 1974 йилдан Низомий номли Тошкент Педагогика ин-ти СССР тарихи кафедраси мудири. «Советларнинг Ўзбекистонда социализм ғалабаси учун кураши» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари Ўзбекистон Советлари тарихига оид.

Ас.: Деятельность Советов Узбекистана по восстановлению народного хозяйства в республике, Т., 1965; Борьба партии за развитие хлопководства в Узбекистане, Т., 1968; Советы в борьбе за победу социализма в Узбекистане, Т., 1970.

ОЛЛОҚУЛИХОН (туғилган йили номаълум — 1843) — Хива хони (1825—42). *Муҳаммад Раҳимхон*нинг ўғли. О. даврида феодал зулм ва талончилик урушлари кучайди. У Хуросонга (5 марта) ва туркманлар ерига юриш қилиб, уларни хонавайрон қилди. Қорақалпоқ ва туркманларнинг мустақиллик учун курашларини шафқатсизлик б-н бостирди (1828). О. ички ва ташқи савдони, айниқса, Россия б-н савдо ва элчилик муносабатларини ривожлантирди (1840—41). Унинг даврида Хивада карвон сарой, тим, тош ҳовли, мадраса, Оқмачит, Саитбой мачити ва б. иншоотлар қурилди.



Олланазаров Т.




Оллоберганов Р. О.



Олломуродов Д. О.

ОЛЛОҚУЛИХОН КАРВОН САРОЙИ ВА ТИМИ — Хивадаги архитектура ёдгорлиги (19- асрнинг 30- йиллари). Тўғри тўртбурчак шаклидаги кенг ҳовли ва ҳовли атрофидаги икки қаватли ҳужралардан иборат. Ҳужралар ҳовли саҳнига қаратилган, улар эшик тепасидаги панжарали дарчадан ёритилади. Тепаси балхи гумбаз б-н ёпилган. Ҳовлига кириладиган йўлак икки тарафдан пештоқ б-н чегараланган. Пештоқ қанотлари ичида иккинчи қаватга олиб чиқадиган айланма зиналар бор. Пастдаги хоналарда юк сақланган, юқоридагиларидан меҳмонхона сифатида фойдаланилган.

Карвонсаройнинг ташқи ва ички тузилишида ўзига хос томонлар бор. Мас., шу типдаги биноларда ичкарига махсус хоналар орқали айланиб ўтилса, бу ерда ичкарига юклар б-н икки гумбаз остидан тўғри ўтиш мумкин. Ҳовли ўртаси от-аравага мол юклашга қулайлаштирилган. Тим карвонсаройга нисбатан кейинроқ қурилган. Карвонсаройнинг бош фасади тим қурилиши пайтида тамоман ўзгартириб юборилган. Пастки қаватда равоқлар асоси мустаҳкамланган, иккинчи қават бутунлай бузилган ва тим гумбазларини ўрнатиш учун мослаштирилган. Тимнинг плани диққатга сазовор. Икки қатор майда гумбазлар карвонсарой дарвозаси олдида катта гумбазли хонага келиб тақалган. Худди шундай гумбаз тимнинг ғарб томонида ҳам бор. Тим ичкариси гумбазлардаги туйнуклар орқали ёритилган. Гумбазларни қуришда усталар бинога мос (гоҳ тўртбурчак, гоҳ трапеция, гоҳ олти қиррали шаклларда) конструктив асос топа олганлар.



Оллоқулихон карвон саройи ва тими (ички кўриниши, 19- аср).

ОЛЛОҚУЛИХОН МАДРАСАСИ — Хивадаги архитектура ёдгорлиги (19- аср). Мадраса қурилиши *Ичан қалъа*нинг яхлит ансамбль бўлиб шаклланиш тарихи б-н боғлиқ. Мадраса қаршисидаги Хўжамбердибий мадрасасига ўхшатиб ишланган. Натижада Урта Осиё меъморлигида кенг тарқалган усул — *қўшмадраса* ҳосил бўлган. Ол. м. сунъий тепалик (баландлиги 3 *м*) устида барпо этилган; шу туфайли у қўшни бинолардан анча баланд кўринади. Мадрасанинг ҳовли томони ўзига хос ишланган. Ундаги икки қаватли қатор ҳужралар Полвон дарвозанинг кичик гумбазлари устига ва қисман тим гумбазлари чеккасига жойлашган. Мадраса плани ва фасадининг тузилиши, одатдаги мадрасалардагидек бўлса-да, баъзи жойларида мунтазамлик бузилган — бино трапеция шаклида. Иккинчи қават пештоқининг орқасидаги хоналар тартибсиз жойлашган. Мадрасадаги қишки масжид ва дарсхонанинг усти ярим айлана шаклидаги пастак гумбаз б-н ёпилган. Деворлари чуқур, токчалари безаксиз ва беўхшов. Ташқи декорациясида фақат анъанавий кошинли безаклар ишлатилган. Лекин кошинининг ранг-баранг тузилиши ва нақшлар шакли жуда хилма-хил. Расмнинг шакли, рангларининг қуюқлиги ва ўлчамлари усталик б-н танланган. Пештоқдаги ўсимликсимон нафис безаклар равоқларнинг геометрик шаклини жонлантириб туради. Пештоқ ичкарисидаги оқ банд — геометрик шаклнинг тўқ ложувард асосда ифодаланиши алоҳида гўзаллик касб этган.

Ҳовлидаги қишки масжид пештоқи ҳалқасимон нақшлар б-н безатилган, бу пештоқдан ёзги масжидга ўтилади. Пештоқнинг орқа конструкциялари ҳам архитектура жиҳатидан эътиборга лойиқ. Бу ердаги ранг-баранг сиркор кошинлардан териб ишланган безаклар янгича кўринишга эга. Пештоқнинг олд қисмидаги сиркор безаклар, айниқса, чиройли.

Мадрасада 99 ҳужра бўлиб, ҳар ҳужрада биттадан эшик ва унинг устида панжарали кичик дарча бор. Ҳужра полига чорси ғиштлар терилган, деворлари ганч б-н сувалган, тепаси балхи гумбазли, безаксиз.

ОЛЛОҚУЛИХОН САРОЙИ — Хивадаги архитектура ёдгорлиги (19- аср). *Тош ҳовли* номи б-н машҳур.

ОЛЛОҲ (араб. الله)—*ислом* динида эътиқод қилинадиган якка худонинг номи. О. исломдан илгариги арабларнинг қабила худоларидан бирининг номи бўлиб, кейинчалик бошқа худолардан устунлигини кўрсатиш учун «олло-таоло» деб аталган. О. нинг ягоналиги, қудрати ва ҳукмронлигига эътиқод қилиш исломнинг асосий ақидасига айланган (қ. *Диний ақидалар*). Барча бошқа динлардаги худолар каби О. ҳақидаги тасаввурлар ҳам мутлақо ғайри илмийдир (яна қ. *Худо*).

ОЛЛОҲОБОД — Ҳиндистоннинг Уттар Прадеш штатидаги шаҳар (қ. *Илоҳобод*).

ОЛМА (Malus mill)— раъногулдошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб уруғли мева дарахти ёки бута. 30 дан ортиқ тури маълум. СССРда 10 дан ортиқ тури (Ўзбекистонда 8 тури) учрайди. Ўзбекистонда О. нинг ёввойи турлари, асосан, Тошкент области (Бўстонлиқ, Юқори Чирчиқ, Ангрен р-нлари)нинг тоғли зоналарида тарқалган. Ёввойи олма меваларидан повидло, жем каби маҳсулотлар тайёрлаш, уруғидан эса пайвандтаг етиштириш учун фойдаланилади.

Асосий турлари: Ўрмон О. си (M. silvestris Mill) Европа ўрмонларида тарқалган. О. нинг йирик мевали турларидан; совуққа чидамли, энг яхши пайвандтаг. Резавор мевали ёки Сибирь О. си (M. baccata) Шарқий Сибирда, Узоқ Шарқда тарқалган. Совуққа чидамли. Олхўрибарг ёки Хитой О. си (M. prunifolia)— совуққа чидамли пайвандтаг етиштиришда аҳамиятли. Маданий ўсимлик сифатида маълум. Уй О. си (M. domestica)дан О. нинг кўпчилик экиладиган турлари келиб чиққан.

Паст бўйли О. (M. pumila) СССР Европа қисмида, Қримда ва Кавказда тарқалган. Бу турга дусен ва парадизка киради.

Шарқ, Кавказ О. си (M. orientalis) Кавказда тарқалган, совуққа чидамсиз, қурғоқчиликка чидамли.

Сиверса О. си (M. Siversii) ёввойи ҳолда Урта Осиё тоғларида ўсади. Совуққа чидамлилиги ўртача, вегетатив кўпайиш хусусиятига эга; Урта Осиё боғларидаги О. ларнинг асосий пайвандтаги.

Туркман О. си (M. turkmenorum) Копет-Доғ тоғларида ўсади. Туркманистонда «бобоараб О. си», Хоразмда «хазорасп ёки хоразм О. си» номи б-н машҳур. Ер ости суви юза жойларда яхши ўсади, шўрга, иссиққа чидамли.

Недзеведский О. си ёки қизил О. (M. Niedzwets) ёввойи ҳолда Тяньшанда ва Урта Осиёда экма ҳолда учрайди. О. нинг ёввойи турлари, асосан, Тошкент области тоғларида кўп. Айрим турлари манзарали ўсимлик сифатида экилади. О. нинг ҳамма тури асалли ўсимлик.

О.— мевали дарахтлар ичида майдони ва ҳосилдорлиги жиҳатидан биринчи ўринда. СССРда олмазорлар 500 минг (Ўзбекистонда 50 минг) *га* атрофида. О. кўчати ўтқазилгач, 2—10- йилда ҳосилга киради. Ҳосилга кирган олмалар 40—45 йил; оқ розмарин, кандиль синап каби баъзи навлари 70—80 йил яшайди. Дарахти 15 *м* гача.

Ўзбекистонда О. апрелда гуллайди. Гули 5 бўлакли, гултожибарги оқ, пушти, айримлари қизил. Меваси навига қараб июнь — октябрда пишади; 30—400 *г* ва ундан ортиқ, турли ранг ва шаклда. Таркибида 9—12,6% қанд, олма ва лимон кислоталар, темир ва А, В, С витаминлари ва б. бор. Меваси ейилади, қоқи, консерва қилинади ва ҳ. к.

О. нинг 10000 дан ортиқ, жумладан СССРда 1500, шундан Ўзбекистонда 350—400 нави маълум. 14—15 нави саноат аҳамиятига эга. О. уруғидан ҳамда *пайвандлаш*, пархиш қилиш йўли б-н илдиз бачкиларидан кўпайтирилади.

Ўзбекистонда ўстириладиган О. келиб чиқиши бўйича қуйидаги группаларга бўлинади: халқ селекцияси йўли б-н етиштирилган Урта Осиё маҳаллий навлари — оқ олма, қизил олма, Самарқанд олмаси, Наманган олмаси, аччиқ олма, қимизак олма, Хоразм олмалари группаси ва б. О. нинг маҳаллий навлари Ўзбекистоннинг тупроқ — иқлим шароитига мослашган, иссиққа, совуққа чидамли. Меваси ширин, эртапишар. Ғарбий Европа ва Америка навлари — оқ розмарин, мантуанер, пармен зимний золотой, золотое грайма, бельфлер, бойкен, вайнсеп ва б.; рус навлари — налив белий, папировка, боровинка, симиренко; Қрим навлари — кандиль синап, сари синап; Акад. Р. Шредер номидаги Ленин орденли Боғдорчилик, токчилик ва виночилик илмий тадқиқот ин-ти селекционерлари етиштирган янги навлар — самарқанд тўнғичи, регистони, афросиёби, саратони, тошкент ренети, тошкент боровинкаси, ёзги розмарин, меҳмони, тилла олма ва б. Бу навлар ҳосилдор, меваси маҳаллий шароитга мослашган, чиройли, мазали; совуққа ва иссиққа чидамли. Ўзбекистон боғларида О. нинг, асосан, Р. Симиренко, оқ розмарин, налив белий ва пармен зимний золотой навлари тарқалган бўлиб, умумий олма боғларининг 71,5% ини ташкил этади.

Агротехникаси. Кўчати кузда ва баҳорда (Хоразм области ва ҚҚАССРда қиш совуқ бўлиши сабабли фақат баҳорда) 30—60 *см* чуқурликда ҳайдалган ерга экилади. Кўчат ўтқазиладиган чуқурга 5—6 *кг* чириган гўнг, 150 *г* аммиакли селитра, 200 *г* суперфосфат тупроққа аралаштириб солинади. Кўчатлар 8×8 *м*, 8×6 *м*, паст бўйли пайвандтагларга уланганлари 4×6 *м*, 3×5 *м*, 4×4 *м* схемада экилади. Ҳар 6—10 қатор асосий навдан кейин 1—2 қатор чангловчи навлар экилади. Ёш дарахтлар 8—12 марта, сершағал ерларда 18 мартагача, ҳосилга кирганлари 4—6 марта суғорилади, туп ва қатор оралари юмшатиб турилади. Янги барпо қилинган олмазорларнинг қатор ораларига 10—12 йилгача беда, эртаги сабзавот, ғўза экиш мумкин.

Ҳосилга кирган олмазор гектарига ҳар уч йилда 20—40 *т* чириган гўнг ва ҳар йили соф ҳолда 120 *кг* азот, 60—90 *кг* фосфор, 30 *кг* калий ҳисобидан ўғитланади. Дарахтлари ҳар йили кузда ва баҳорда бутаб турилади (қ. *Дарахт буташ, Мевали дарахтларга шакл бериш*).

Зараркунандалари: *олма қурти, олма қандаласи,* калифорния қалқондори, олма қонли бити, *олма куяси* ва б. Касалликлари: *калмараз,* қора рак ва б. (161- бетдаги рангли вклейкага қ.)

Ад.: Сорта плодовых, субтропических, орехоплодных культур и ягод, Т., 1968; Жуковский П. М., Культурные растения и их сородичи, Л., 1971; Рибаков А. А., Остроухова С. А., Ўзбекистон мевачилиги, Т., 1967.

ОЛМА КИСЛОТА (оксикаҳрабо кислота), HOOC=CHOH=CH_2COOH — игнасимон кристалл модда. Мол. оғ. 134,09. К. Шееле 1785 йилда хом олмадан олган. О. к. жуда муҳим икки асосли оксикарбон кислотадир (қ. *Оксикислоталар*). Сув ва спиртда яхши эрийди, қайнаш т-раси 100°С. Табиатда L=олма кислота учрайди. У равоч, вино, хом олма, узум, зирк ва тамакида бўлади. О. к. медицинада сургилар ва бўғилишга қарши препаратлар тайёрлашда ишлатилади.

ОЛМА КУЯСИ (Hyponomeuta malinellus Zell)— олма дарахтининг зараркунанда капалаги, асосан, олмани, баъзан дўлана, олча, ўрикни зарарлайди. Қанотлари ёзилганда 18—20 *мм*. Олдинги қанотлари кумуш ранг, бўйига уч қатор тизилган қора нуқталари бор. Орқа қанотлари кул ранг, четларида қора попуги бор. Тухуми ясси думалоқ ёки сал чўзиқ, кул ранг. Личинкаси (қурти) 18 *мм* ча, тўқ кул ранг ёки сарғиш оқ, устида икки қатор қора нуқталар бор; боши, кўкраги ва оёқлари қора. Ғумбаги оч қўнғир, сариқ, пиллага ўралган.

О. к. июнь-июлда шох-шаббага тухум қўйиб, устини шилимшиқ модда б-н қоплайди, бу модда қалқонга ўхшаб қолади. Келгуси йили кўкламда қалқон тагида тухумдан чиққан қуртлар ёш баргнинг юмшоқ қисмига жойлашиб, барг эти б-н озиқланади. 10—12 кундан сўнг баргни ўргимчак ипи б-н чирмаб, унинг ичида яшайди ва барг четини кемиради. Июнда қуртлар пилла ўраб, унинг ичида ғумбакка айланади, 15—20 кундан сўнг пилладан капалаклар учиб чиқиб, тухум қўяди ва ўзи нобуд бўлади. О. к. б-н зарарланган дарахтларда мева куртаклари ривожланмайди, ёш мевалар тўкилиб кетади, дарахт ўсмайди. Ўзбекистонда, айниқса, Зарафшон ва Сурхондарё водийларида кўп учрайди.


Кураш чоралари: эрта кўкламда дарахтлар куртак ёзгунгача ва ўсув даврида *инсектицидлар* б-н ишланади.

ОЛМА ҚАНДАЛАСИ (Stephanitis oshanini vas.)— қандалалар туркумига мансуб зараркунанда. Мева, айниқса, олма дарахтларини шикастлайди. Етук қандала 3,5 *мм*, тўқ қорамтир, олдинги қанотлари сербар, қорамтир доғлари бор. Кейинги қаноти тиниқ. Личинкаси оқ, тухуми қора, чўзиқ. О. қ. хазон ва пўстлоқ ости ҳамда шох қўлтиқларида қишлайди. Биринчи бўғин личинкалар май ойида, иккинчи бўғини эса июль-августда пайдо бўлади. Қишловдан чиққан қандалалар дарахт шох-шаббасига жойлашиб, барг орқасига тухум қўяди. Вояга етган қандалалар ва уларнинг личинкалари барг ширасини сўради, зарарланган барглар рангсизланади, қандала чиқарган суюқлиқ б-н бўялади, дарахт ҳосили камаяди.

Кураш чоралари: дарахт атрофлари юмшатилади, тўкилган барглар йўқотилади, *инсектицидлар*дан фойдаланилади.

ОЛМА ҚОНЛИ БИТИ (Eriosoma lanigerum Hausm)— олма дарахтининг зараркунандаси. Илдиз, тана ва шохлар ширасини сўриб, дарахтларни кучсизлантиради. Шираси сўрилган жойларда ғуддалар пайдо бўлиб, усти оқ пўпанак б-н қопланади, кейинчалик ёрилади. О. қ. б. танаси тухум шаклида, қанотсизи 2,1—2,6 *мм*, қанотлиси 2,2 *мм;* боши, кўкраги ва оёқлари қора, қорни тўқ жигар ранг. Бармоқ б-н босилганда ичидан қонсимон қизил суюқлиқ чиқади. Ҳар хил ёшдаги личинкалик ва вояга етган ҳашарот стадиясида олма дарахти илдизи, пўстлоқ ёриқлари ва йўғон шохлар асосида қишлайди. Февраль-мартда уйғониб, қишлаган жойларида озиқлана бошлайди, кейин дарахтларга ўрмалаб, пўстлоғи нозик ёки шикастланган жойларга ўрнашиб олади. Йилига 15—17 бўғин беради. Ватани — Шимолий Америка. Европага 170 йил илгари, Урта Осиёга 1905 йили кўчат б-н келган. Тошкент, Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё обл. ларида, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда учрайди. О. қ. б. тушган дарахт тана ва илдиз бўғзига апрель-майда гексахлоран сепилади; ёзда 0,2—0,3% ли карбофос ёки хлорофос ва б. дорилар пуркалади.

ОЛМА ҚУРТИ (Carpocapsa pomonella L.)— уруғли мева дарахтларининг зараркунандаси. Барг ўровчилар оиласига мансуб, Урта Осиё республикаларида кўп учрайди. Олма, беҳи ва нок ҳосилининг кушандаси; баъзан ўрик, шафтоли, олхўри ҳосилига ҳам путур етказади. О. қ. мева эти, уруғининг магзи б-н озиқланади. Қапалаги қанотлари ёзилганда 15—20 *мм*, олдинги қанотлари кул ранг, асосий қисми ва учи қорамтир, кейинги қанотлари оч қўнғир,



Олмалиқ кон-металлургия комбинати. 1. Сардоба конидан бойитиш фабрикасига руда келтириладиган канат-лента йўл. 2. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг сульфат кислота цехи. 3. Бойитиш фабрикасининг рудани флотациялаш бўлими. 4. Комбинатнинг тайёр маҳсулотлари.




Олмабош.

четларида оқиш попуклари бор. Тухуми 1 *мм*, ясси, оқ. Вояга етган қурти 14—20 *мм*, оч пушти, боши оч қўнғир. Пилла ўраган қуртлари шох-шабба, пўстлоқ, хазон орасида, тупроқнинг юза қаватида, яшиқ, мева омборлари тешикларида қишлайди.

Эрта кўкламда пилласидан (олма гуллаганда) капалаклар учиб чиқиб (қош қорайганда уча бошлайди), барг ва гулларга тухум қўяди, тухумдан 6—8 кунда қурт чиқиб, мевани зарарлайди. О. қ. 3—4 марта насл беради.

Кураш чоралари: эрта кўкламда дарахт таналари эски пўстлоқдан тозаланади, дарахт атрофи юмшатилади, асбоб-ускуна, яшиқ ва мева сақлаш бинолари дезинфекция қилинади, дарахт танасига қурт тутиш белбоғлари боғланади, тўкилган олмалар тез-тез йиғиштириб турилади, ҳар қайси наслнинг пайдо бўлиши вақтига қараб дарахтлар *инсектицидлар* ва б. препаратлар б-н дориланади.

ОЛМАБОШ (Netta rufina)—ўрдаклар кенжа оиласига мансуб қуш. Танасининг узунлиги 60 *см* гача, оғирлиги 1 кг гача. Орқа, томоқ, кўкрак ва қорни томони қора-қўнғир. Боши, бўйни ва қанотлари қизғиш. Европа, Осиёнинг чўл қисмида тарқалган. СССРда Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ ва Украинада учрайди. О. қамишзорли кўл ва сув ҳавзаларида яшайди. Уясини камишзор орасига қуради. 6—9 тухум қўяди. Тухумини 28 кунда очиб чиқади. Асосан, сув ўсимликлари б-н овқатланади. Гўшти учун овланади.



Олмалиқ кимё заводи. Умумий кўриниши.

ОЛМАДОШЛАР, олмагуллилар (Pomoidae) — раънодошларга мансуб ўсимликларнинг кенжа оиласи. Кейинчалик ширали мевага айланувчи 2—5 та уруғчи (мевачи) баргнинг бўлиши О. га хос хусусиятдир. Асосан, Шимолий ярим шарда ва Жанубий ярим шарнинг баъзи ерларида тарқалган. О. га нок, олма, беҳи ва б. киради. Баъзи олимлар О. ни мустақил оила деб ҳисоблайди.

ОЛМАЗОР (1963 йилгача — Вревский) — Тошкент обл. Чиноз р-нидаги шаҳар посёлкаси. Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида, Тошкентдан 50 *км* жанубий-ғарбда, 1937 йил 28 мартда ташкил топган. Тошкент — Сирдарё т. й. идаги станция. Аҳолиси 12,5 минг киши (1973). О. да қурилиш материаллари к-ти, ғишт з-ди, мебель ф-каси, совхоз-техникум, қ. х. ўқув юрти бор.

ОЛМАЗОР — Сирдарё обл. Боёвут р-ни Карл Маркс қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси —«59- разъезд»дан 17 *км*. Аҳолиси 1324 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Жанубий Мирзачўл каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, интернат мактаб, болалар боғчаси ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЛМАЗОР — Қашқадарё обл. Яккабоғ р-ни Яккабоғ қ. С. даги қишлоқ (Яккабоғ р-нининг олдинги маркази). Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Яккабоғдан 18 *км*. Аҳолиси 922 киши (1971); асосан ишчи ва хизматчилар. Қизилдарёдан сув ичади. Р-н касалхонаси бор.

ОЛМАЛИҚ — Тошкент областидаги шаҳар (1951 йил 10 июлдан). Олмаликсой бўйида, Қурама тизма тоғининг шимолий ён бағрида. Денгиз сатҳидан 600 *м* баландда. Тошкент шаҳридан 68 *км* жанубий-шарқда. Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида. Аҳолиси 92,3 минг киши (1974; 1959 йилда 40 минг эди).

Олмалиқ мис конининг топилиши О. нинг тез ўсишига сабаб бўлди. 1954 йили О. да қўрғошин-рух ф-каси ишга тушди. Мис рудасини очиқ усулда оладиган Қалмоққир конидан руда олина бошлади. О. даги саноат корхоналарини электр энергияси б-н таъминлаш мақсадида Олмалиқ ТЭЦ қурилди. 1963 йили мис эритиш з-ди ишга тушди. *Олмалиқ кон-металлургия комбинати*нинг тўла ишга тушиши О. ни мамлакатдаги йирик мис саноати марказига айлантирди. О. даги рангли металлар олтингугуртга бой. Шу сабабли металлургия к-тида рудадан олтингугурт ажратилади ва *Олмалиқ кимё з-ди*га юборилади.

Ўрта Осиёда биринчи бўлган Олмалиқ уй-рўзғор буюмлари кимё з-ди қурилди. З-д ванна, хрусталь, шиша, ойна, автомашина ва бошқаларни ювиш учун маҳсулот, елим, пластмасса идишлари ишлаб чиқаради. З-дниг қурилиши Ўзбекистон ва қўшни республикалар аҳолисини уй-рўзғор кимё маҳсулотлари б-н таъминлашни яхшилади. Шаҳарда йирик саноат корхоналари ва уй-жой қурилиши б-н бинокорлик саноати ривожланди. О. да 2 темир-бетон з-ди, ғишт, оҳак, ёғочсозлик з-длари, шағал карьери, темир-бетон қувурлар ва йирик панеллар з-длари, тош кесиш ва қурилиш материаллари к-ти, аглопирит цехи ишлаб турибди. О. да марказлашган ремонт-механика ва авторемонт з-длари, 9 та ремонт устахонаси бор. Оғир саноат б-н бир қаторда енгил ва озиқ-овқат саноати



Олмалиқ уй-рўзғор буюмлари кимё заводининг аэрозоль тайёрлаш бўлими.


ривожланмоқда. 1962 йили Ўзбекистонда энг йирик мебель ф-каси маҳсулот бера бошлади. Гўшт к-ти, сут, нон, пиво з-длари бор.

Тошкент — Ангрен т. й. идан чиқарилган шохобча орқали бошқа р-нлар б-н алоқа қилинади ва юк ташилади. Тошкент — О. автомобиль йўли ўтган. Шаҳарда 20 мактаб, болалар боғчалари, 40 кутубхона, 8 кинотеатр, маданият уйлари, Ўрта Осиё рангли металлургия илмий тадқиқот ин-тининг филиали, Тошкент Политехника ин-тининг ф-ти, кон-металлургия техникуми бор. Шаҳарда 10 касалхона, поликлиника ишлаб турибди. 1952 йилдан «Алмалыкский рабочий» газетаси чиқади.

ОЛМАЛИҚ КИМЁ ЗАВОДИ — Ўрта Осиёдаги энг йирик корхоналардан бири. Азотли ва фосфорли ўғит — аммофос ишлаб чиқаради. 1969 йил декабрида ишга туширилган. О. к. з. да Иттифоқда биринчи марта экстракцион фосфат кислота ҳосил қилиш учун хом ашё сифатида Қоратов фосфорити қўлланилди. Аммофос ишлаб чиқаришнинг принципиал технологик схемаси қуйидаги босқичдан иборат: 1) Қоратов фосфоритини сульфат кислота б-н парчалаб экстракцион фосфат кислота ҳосил қилинади; 2) фосфат кислотани аммиак б-н нейтраллаб, аммофос пульпаси олинади; 3) аммофос пульпаси қуритилиб, донадор тайёр маҳсулот ҳолига келтирилади. О. к. з. нинг ўзига хос хусусияти унда оқинди сувларни тозалаш цехининг мавжудлигидир; зарарсизлантирилгач, улардан қайта фойдаланилаверади.

З-дниг замонавий, йирик қувватли асбобускуналар б-н комплектланган 2- навбати 1973 йилда ишга туширилди. З-д 1975 йилда 1570 минг *т*, яъни 1970 йилга қарағанда 6,5 марта кўп, умуман 9- беш йилликда 4534 минг *т* минерал ўғит ишлаб чиқарди.

ОЛМАЛИҚ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР МАРКАЗИ, Ленин номидаги Олмалиқ иссиқлик электр маркази — электр энергияси ҳосил қилувчи ва истеъмолчиларга иссиқ сув етказиб берувчи электр станцияси. Олмалиқ и. э. м. да 5 та буғ қозони бор. Биринчи буғ қозони 1959 йили, кейинги учтаси 1960 ва 1968 йилларда ишга туширилган. 1960 ва 1961 йилларда ҳар бирининг қуввати 12 минг *квт* га тенг бўлган иккита турбогенератор ишлай бошлади.




Олмалиқ ТЭЦ.


Шаҳардаги саноат корхоналарининг қувати ортиб боришини ҳисобга олиб ҳамда аҳолининг иссиқлик энергиясига бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш мақсадида 1972 йили биринчи сув иситувчи қозон ишга туширилди.

Марказ 110 минг *квтли* электр узатиш линияси орқали давлат энергетика системасига уланган. Унда бир йилда ўрта ҳисобда 140—160 млн. *квт-с* электр энергияси ишлаб чиқарилади.

ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ — В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати — рангли металлургия саноатининг йирик корхоналаридан бири. Комбинат икки комплекслан — қўрғошин-рух комплекси (Қўрғошинкон, Олтинтопган, Сардоб ва Чалата конлари, қўрғошин-рух бойитиш ф-каси ва рух з-ди) ҳамда мис комплексидан (Қалмоққир кони, мис бойитиш ф-каси, мис з-ди) иборат. Иккала комплексда ҳам сульфат кислота цехлари бор. Мис ва мис буюмлар, рух, концентрат, қўрғошин, сульфат кислота, қисман молибден ва нодир металлар чиқаради. 1950 йилда қўрғошин кони, 1954 йилда қўрғошин-рух бойитиш ф-каси, 1955 йилда Олтинтопган кони қуриб битказилди. 1963 йилда қўрғошин-рух комплекси таркибида сульфат кислота цехининг биринчи навбати, 1965 йилда иккинчи навбати ишга туширилди. 1970 йилда рух з-дида бирин-



1 Олтинтопган кончилари посёлкаси.
2. Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг сузиш ҳавзаси.



чи рух бўлаклари олинди. 1970 йилда Сардоб (Тожикистонда) кони, 1971 йилда Чалата кони ишга туширилди. Иккинчи комплекснинг катта иншооти, СССРда энг йирик Қалмоққир кони 1954 йилдан, мис бойитиш ф-каси 1957 йилдан, кейинчалик мис з-ди қурила бошлади.

1968 йилдан О. к.-м. к. мис з-дида сульфат кислота гази негизида сульфат кислота цехи ишга туширилди.

О. к.-м. к. нинг ҳамма корхоналари энг янги технологик асбоб-ускуналар ва транспорт воситалари б-н таъминланган. СССРда биринчи марта комбинатда мис эритиш печлари табиий газ б-н ишлаган. Рангли металлурия саноати корхоналари орасида О. к.-м. к. маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми жиҳатидан СССРда юқори ўринлардан бирини эгаллайди.

ОЛМАЛИҚСОЙ — Тошкент областидаги сой. Қурама тизмасининг шимоли-ғарбий ён бағридаги Новнали довонидан 3 *км* ғарбда (2330 *м*) бир қанча майда булоқлардан бошланади. Олмалиқ шаҳри яқинида ариқларга бўлиниб, Оҳангарон дарёсига етмай тугайди. Узунлиги 32 *км*, ҳавзасининг майдони 84 *км*². Юқори оқимида сой тор ва нисбатан чуқур, қуйи оқимида кенг ва ён бағирлари ётиқ водийда оқади. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,28 *м*³/*сек*. Март-апрелда суви кўпаяди. Умумий узунлиги 20 *км* га яқин 8 та ирмоғи бор.

ОЛМАОТА (қозоқча Алматы; 1921 йилгача — Верный) — шаҳар, ҚозССР пойтахти (1929 йил майдан), Олмаота области маркази. Орқа Или Олатови тизмасининг шимолий ён бағри этакларида, 650—950 *м* баландликда. Аҳолиси 836 минг киши (1975). Январининг ўртача т-раси —8°, июлиники 22,9°.



Олмаота. 1. Ленин майдони. 2. Абай номидаги академик опера ва балет театри. 3. Спорт саройи.

Тарихи. 1854 йилда қозоқлар жойлашган Олмаота қишлоғида рус ҳарбий истеҳкоми — Заилийское қурилди, кейинчалик бу истеҳком Верний деб аталади. 1867 йилда у Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида янги ташкил этилган Еттисув обл. нинг марказига айланди. Уша вақтларда саноат корхоналари бўлмаган, аҳолининг кўпчилиги деҳқончилик б-н шуғулланган. 1905—07 йиллардаги рев-я даврида бу ерда социал-демократик группа ишлаган ва намойишлар, стачкалар бўлиб турган. 1917 йили большевистик ташкилот тузилиб, у 1918 йил 2—3 мартдаги қўзғолонга бошчилик қилди ва Советлар ҳокимиятини ўрнатди. Гражданлар уруши даврида Верний ш. Еттисув Советларининг ҳарбий ва сиёсий маркази бўлган. Совет ҳокимияти даврида О. иқтисодий ва маданий жиҳатдан тез юксалди ва йирик саноат марказига айланди.

Иқтисодий географик характеристикаси. Шаҳар Новосибирск — Тошкент т. й. магистралида; Фрунзе, Семипалатинскка ва Хитой чегарасига борадиган автомагистраллар узелида жойлашган; авиапорт бор. О. Совет ҳокимияти йилларида кичкинагина маъмурий-савдо пунктидан ҚозССРнинг йирик саноат марказига айланди. Ишчилар сони 1919 йилда 365 киши эди. 1968 йилда 104 минг кишига етди. 1974 йилда 310 корхона бор эди. Асосий саноат тармоқлари: маҳаллий хом ашё асосидаги озиқ-овқат (ялпи саноат маҳсулотининг 30,1%и) ва енгил саноат (26,5%, 1974). Гўшт консерва, ун-ёрма (макарон ф-каси б-н бирга), сут, шампань виноси, мева консерва, тамаки, тўқимачилик ва мўйна, полиграфия, уйсозлик, ип газлама к-тлари, кондитер, чой қадоқлаш, ип йигирув, трикотаж, пойабзал, тикувчилик ф-калари, ликёр-арақ, вино, пиво, ачитқи, электротехника, металл қуйиш-механика, вагон ремонти, ремонт-подшипник, қурилиш материаллари, ёғоч-созлик, темир-бетон контрукциялари ва қурилиш деталлари з-длари бор. О. нинг ёқилғи-энергетика базаси — Кузбасс ва Қарағанда ҳавзаларининг кўмири, кўмир ва мазут б-н ишлайдиган қатор иссиқлик электр станциялар, Катта Олмаотасой дарёсидаги ГЭС каскадлари; Или дарёсида Қопчиғай ГЭС ишга тушди (1974).

Архитектураси. О. СССРдаги гўзал шаҳарлардан бири. Шаҳар 6 р-ндан иборат. Шимолий (Темир йўл вокзали атрофи), Марказий (аввалги Верний ш. терр-яси) ва Ғарбий (Янги саноат маркази) ва б. Шаҳардаги диққатга сазовор бинолар: Абай номли қозоқ опера ва балет театри (1941 йил, архитектор Н. А. Простаков), Ҳукумат уйи (1958, арх. Б. Р. Рубаненко ва б.), «Олмаота» меҳмонхонаси (1967, арх. И. А. Картаси ва В. Д. Чиркин) ва б.

Маданий қурилиши. Рев-ягача 20 умумий таълим мактаби (2,8 минг ўқувчи) бор эди. Олий ўқув юрти бўлмаган. 1973/74 ўқув йилида 135 мактаб (134,9 минг ўқувчи), 13 профессионал-техника мактаби ва билим юрти, 15 ўрта махсус ўқув юрти (25,9 минг ўқувчи), 12 олий ўқув юрти (68,6 минг студент) бўлган. ҚозССР ФА ва унинг таркибида 24 илмий тадқиқот ин-ти бор (1974). А. С. Пушкин номли Давлат республика кутубхонаси (2,6 млн. китоб ва журнал) ва 107 оммавий кутубхона (2149 минг китоб ва журналлар), 47 клуб, 4 музей, 7 театр, 98 кинотеатр ва киноустановка, 256 мактабгача ёшдаги болалар муассасаси (43,1 минг бола) ишлаб турибди. Қозоқ, рус, уйғур тилларида газета ва журналлар нашр этилади. Республика радио ва телевидениеси, Қозоғистон телеграф агентлиги бор. О. да 1967 йилда 7243 врач (89,1 кишига 1 врач) ва 13,1 минг ўрта медицина ходими; 14,2 минг ўринли (10000 кишига 174,5 ўрин) 54 касалхона ва 43,1 минг ўринли 256 болалар боғча-яслиси бўлган. О.— ҚозССР ҳамда СССРнинг йирик туристик ва спорт маркази. Шаҳардан жанубда Орқа Или Олатови тоғлари ён бағрида дам олиш, туризм ва спорт зонаси ҳамда курортлар бор. О. яқинида Медов баланд тоғ яхмалаги бўлиб, унда бутуниттифоқ ва халқаро мусобақалар ўтказилади.

Ад.: Алма-Ата — столица Советского Казахстана, Алма-Ата 1960; Дуйсенов Е., Алма-Ата (столица Казахстана), Алма-Ата, 1968.

ОЛМАОТА АППОРТИ, Олмаота олмаси — олма нави. Узбекистон шароитида дарахти тез ўсади, аммо унчалик катта бўлмайди, совуққа чидамли. Кўчати ўтқазилгач, 5-йили ҳосилга киради. 14—24 апрелда гуллайди. Меваси июль охири — августда териб олинади (ҳар тупидан 200—400 *кг* ҳосил олинади); йирик (200—400 *г*, айримлари 600—800 *г*), чиройли, сersув, хушхўр, ширин-нордон, ейилади ва қоқи қилинади. Узбекистоннинг тоғли р-нларида тарқалган (яна қ. *Олма*).


ОЛМАОТА ЗИЛЗИЛАСИ, Верний зилзиласи — 1887 йил 9 июнь маҳаллий вақт б-н соат 4 дан 35 минут ўтганда содир бўлган. Зилзиланинг маркази Орқа Или Олатовининг шимолий қисмида бўлиб, кучи 9—10 баллга етган. Зилзиладан Олмаотадаги 3000 га яқин бино бутунлай харобага айланган. 80 га яқин киши ҳалок бўлган.

Зилзила эпицентрал зонасининг узунлиги 35 *км*, кенглиги 5 *км* га етган. Ер юзасида катта ўзгаришлар бўлган. Рус геологи И. В. *Мушкетов* маълумотича, зилзила натижасида Орқа Или Олатовининг 1500—2000 *м* баландликдаги қоялари қулаб, Оқсой, Оқтор дарёлари водийсини тўсиб қўйган. Қулаб тушган баъзи тош бўлакларининг оғирлиги 500 *т* дан ошган. Тоғ ён бағирларида кенглиги 1 *м* дан ортиқ, узунлиги бир неча *км* дан иборат ёриқлар ҳосил бўлиб, улардан сув отилиб чиққан. Тоғ қулаши натижасида дарё сувлари тўсилиб, бир қанча овулларни сув босган.

О. з. нинг ўчоғи 20—30 *км* чуқурликда бўлган. Зилзиланинг кучи Тошкент, Урумчи, Аяғуз ва Қашқаргача бориб етган. Зилзила вақтида кучли ёмғир ёққан. Зилзила икки йил давомида вақт-вақти б-н қайтарилиб, унинг кучи 6—7 баллга етган.

ОЛМАОТА ОБЛАСТИ — ҚозССР жанубишарқидаги обл. 1932 йил 10 мартда ташкил топган. Майдони 104,6 минг *км*². Аҳолиси 807,3 минг киши (1975, Олмаота ш. аҳолиси бунга кирмайди). О. о. да 11 маъмурий р-н, 4 шаҳар ва 6 ш. т. п. бор. Маркази — Олмаота ш.

Табиати. Обл. жанубда Шимолий Тяньшань тоғлари, шимоли-ғарбда Балхаш кўли ва шимоли-шарқда Или дарёси оралиғида жойлашган; шарқда ХХР б-н чегарадош. О. о. шимолининг ҳаммасини жанубий Еттисув текислиги ёки Балхаш бўйи текислиги (баландлиги 300—500 *м*) эгаллайди. Жанубий қисмини Кетмон, Орқа Или Олатови ва Кунгай Олатовининг шимолий этаклари (баландлиги 5000 *м*) ишғол қилган. О. о. шимолий қисмининг иқлими кескин континентал, қиши совуқ (январининг ўртача т-раси —9, —10°), ёзи иссиқ (июлининг ўртача т-раси 24° га яқин). Йиллик ёғин 110 *мм*. Тоғ олдиларида иқлим юмшоқ, ёғин 500—600 *мм*. Тоғларда вертикал минтақалар бор; йилига 700—1000 *мм* ёғин тушади. Вегетация даври тоғ олди ва текисликларда 205—225 кун.


ОЛМАОТА ОБЛАСТИ
50 0 50 100км
Или
Чарын
Каскелен
Талгар
Есик
Иссык
Капчагай
Чилик
Текели
Панфилов
Жаркент
Сарканд
Нарынкол
Уштобе
Кеген
Кегень
Ургурлы
Кокпекты
Аксу
Сарыозек
Ушарал
Сарыбулак
Бурылбайтал
Кызылагаш
Ынтымак
Кировка
Ушконыр
Жусандала
Жалаулы
Жаланаш
Жаркент
Баканас
Ескельды
Сарыозек
Текели
Кокпекты
Капчагай
Чилик
Есик
Иссык
Талгар
Каскелен
Или
Чарын
Жаркент
Панфилов
Нарынкол
Уштобе
Кеген
Кегень
Ургурлы
Аксу
Сарыозек
Ушарал
Сарыбулак
Бурылбайтал
Кызылагаш
Ынтымак
Кировка
Ушконыр
Жусандала
Жалаулы
Жаланаш



Олмахонлар. Полчок олмахон.

рейслар, татарлар ва б. яшайди. 1 *км*² га 7,5 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 20%. Шаҳарлари: Олмаота, Талгар, Қаскелен, Иссиқ.

Хўжалиги. Обл. экономикасида ривожланган қ. х. ва яйлов чорвачилиги б-н бирга ҳар хил саноат тармоқлари бор.

Саноати. Металлсозлик ва мураккаб машинасозлик, енгил (тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик, кўн пойабзал ва б.), озиқ-овқат (ун, мой, вино, консерва ва б.), ёғочсозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати тармоқлари ривожланган. Обл. энергетикаси дарё гидроэнергия ресурсларига (Олмаота ГЭСлар каскади) ва Қарағанда ҳамда Кузнецк ҳавзалари кўмирига асосланади. Или дарёсида Қопчиғай ГЭС ишга тушди (1974). Саноат корхоналарининг асосий қисми Олмаотада жойлашган. Талғар шаҳрида кигиз босиш ва тикувчилик ф-калари, спирт з-ди, Бурундай посёлкасида шакар-қанд ва гишт з-длари, Фабричний посёлкасида мовут к-ти, Қопчиғай ш. да темир-бетон конструкцчялар з-ди бор.

Қишлоқ хўжалиги. 1956—58 йилларда қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, галлакор с-злар ташкил этилган. О. о. да суғориб ва қисман, суғормасдан деҳқончилик қилинади. Суғориладиган ернинг 80% га яқинига экин экилади. Буғдой, арпа, сули, тариқ, маккажўхори, шоли, ҳар хил дуккаклилар ва ем-хашак экинлари (асосан, беда) экилади. О. о. да 89 с-з ва 38 к-з бор (1974). Қ. х. га яроқли ерлар 7261,7 минг *га* (1974), шу жумладан ҳайдаладиган ерлар 880,2 минг *га*, пичанзорлар 193,5 минг *га*, яйловлар 6188 минг *га*. Экин майдони 874,9 минг *га*, жумладан ғалла экинлари 574,9 минг *га*, техника экинлари 11,8 минг *га*, ем-хашак экинлари 267,1 минг *га*, сабзавот 8,9 минг *га*, боғлар ва токзорлар 33,7 минг *га* (1974). 2959,6 минг қўй ва эчки, 333,5 минг қорамол (жумладан, 127,9 минг сигир), 82,9 минг чўчқа, 85,8 минг йилқи, 2,9 минг туя бор (1974). Тоғ этакларида, Олмаота атрофида қ. х. шаҳар аҳолисини маҳсулотлар б-н таъминлайди. Обл. шимолида яйлов чорвачилиги (гўшт-мой ва гўшт-жун, қўйчилик, туячилик), тоғларнинг жанубий қисмида йилқичилик, гўшт ва гўшт-жун (архар-меринос қўйлари боқиш) чорвачилиги ривожланган. Балхаш кўли ва Или дарёсида балиқ тутилади.

Транспорти. Т. й. узунлиги 252 *км*, автомобиль йўллари 5100 *км* (1974). Муҳим автомобиль йўллари: Олмаота — Қаскелен — Фрунзе, Олмаота — Талгар — Чилик — Нориккўл, Олмаота — Или — Толдиқўрғон. Или дарёсида кема қатнайди. Мурабек Олмаота газ қувури ишга тушди (1973). О. о.— йирик ҳаво йўли узели.

Маорифи ва соғлиқни сақлаш. 1973/74 ўқув йилида О. о. да 670 умумий таълим мактаби (344,3 минг ўқувчи), 22 ўрта махсус ўқув юрти (34,6 минг ўқувчи) ва 12 олий ўқув юрти (ҳаммаси Олмаотада, 68,6 минг студент) бўлган. 544 мактабгача ёшдаги тарбия муассасаларида 70,4 минг бола тарбияланди. 7 театр, 532 оммавий кутбухона (5336,0 минг китоб ва журналлар), 505 клуб, 643 киноустановка, 5 музей бор (1974). Республика пойтахти Олмаотада республика газеталаридан ташқари обл. газеталари («Жетісу», «Огни Алатау») нашр этилади. 8282 врач (102,2 кишига 1 врач) ва 21,1 минг ўринли 160 касалхона (10000 кишига 87,0 ўрин) мавжуд (1974).

Ад.: Казахская ССР. Экономико-географическая характеристика, М., 1957; Аубакиров Ж. А., Алма-Атинская область, Алма-Ата, 1959.

ОЛМАОТА ҚУРИҚХОНАСИ — ҚозССР Олмаота областидаги қўриқхона. Орқа Или Олатови тизмасининг марказий қисмида (биринчи бўлими 71,7 минг *га*, 1967) ва Или дарёсининг ўрта оқимида (иккинчи бўлими 18 минг *га*, 1967) жойлашган. Шимолий Тяньшаннинг табиат комплексларини қўриқлаш ва ўрганиш ҳамда «визиллоқ қумлар»ни сақлаш мақсадида ташкил этилган. Тоғларда 1600 *м* баландликкача тилоғоч б-н бирга олма, ўрик, тоғтерак, четан, 1600 *м* дан 2800 *м* гача игна баргли дарахтлар, ундан юқорида альп ўтлоқлари ўсади. 3500 *м* дан юқорида ялангоч қоялар ва музликлар бор. Энг баланд нуқтаси Талғар чўққиси (4973 *м*). Или дарёси водийсида архар, жайран, каклик, тустовуқ, тоғларда марал, елик, қўнғир айиқ, силовсин, барс, қур, соқолли каклик, улар (тоғ куркаси) яшайди.

ОЛМАХОНЛАР (Gliridae) — кемирувчилар туркумига мансуб сут эмизувчиларнинг бир оиласи. Танасининг узунлиги 40 *см* гача (думи б-н). 7 уруғи бор. Жанубий Осиё, Африка ва Европада тарқалган. Асосан, ўрмонларда яшайди. Кўзи ва эшитиш органи яхши ривожланган. Тунда актив. Дарахт коваклари ёки ўт-ўланлардан тўқилган инларда яшайди. Мева, уруғ, ҳашарот ва б. б-н овқатланади. СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Қозоғистонда ва Ўрта Осиёнинг тоғли р-ларида 5 тури: **сичқонсимон О.**, **боғ олмахони**, **ўрмон олмахони**, **ёнғоқзор олмахони** ва **полчок О.** учрайди. Айрим О. нинг терисидан кийим тикилади. Ўрмон олмахони гавдасининг узунлиги 10 *см* ча, думи 9 *см* ча. Мўйнаси сарғиш-кул ранг. Қишда уйқуга киради. Бир йилда 1 марта май ойида 3—6 бола туғади. Уларнинг айримлари богдорчилик ва тоғлардаги мевачиликка зарар келтиради.

ОЛМАЧИ — Жиззах обл. Жиззах р-ни Хайробод қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи территориясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззахдан 7 *км*. Аҳолиси 1540 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сангзор дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, маданият уйи, болалар богчаси, фельдшер-лик пункти ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЛМАҚАНД — ширинлик тури. Тайёрланиши: янги узилган олма арчилади ва тиликлаб кесилиб, ўртасидаги уруғи олиб ташланади. Тухумнинг оқини аҳратиб сув ва ун қўшиб чилчўп б-н йилаб қаймоқ қуюқлигида масса тайёрланади. Олмани шу массага ботириб, доғланган ёғли фритюр (това)га солиб, қовуриб олинади. Бошқа товада бир оз ёғ қиздириб, шакар қўшилади ва ёғоч қошиқ б-н узлуксиз кавлаб жигар ранг карамель ҳосил қилинади. Тайёрланган олма бўлакларини карамелли товага солиб олинади.

О. учун. 600 *г* олма, 150 *г* шакар, 2 дона тухумнинг оқи, 150 *г* ун, 150 *г* қўй ёғи олинади: фритюр учун эса 1 *кг* ёғ доғланади.

Ад.: Маҳмудов К., Узбек таомлари, Т., 1970

ОЛМОС — минерал, соф углероднинг кристалл ҳолидаги тури. О. табиатда маълум барча материаллардан қаттиқлиги б-н ажралиб туради ва шунинг учун саноатнинг кўп муҳим тармоқларида қўлланилади.

Табиий О. турли шаклларда учрайди. Унинг микроскопик доначаларидан тортиб юз ва минг

каратли (1 карат=0,2 *г*) ўта йирик кристаллари ҳам мавжуд. Кўпинча 0,1—1,0 каратли О. учрайди, 100 каратдан ортиқ йирик кристаллари кам топилган. Дунёдаги энг йирик О.— 3106 каратли «Куллинан» 1905 йили Жанубий Африкада топилган. Ундан 105 та бриллиант ясалган. СССРдаги О. нинг нодир нусхалари *Олмос фонди*да сақланади.

О. ўзининг катталиги, шакли, ранги ва қўлланишига кўра 7 категория ва 23 гуруҳга бўлинади. Жаҳон бозорида 2 хил — заргарлик ва техник О. фарқ қилинади. Мукаммал шаклли, ўта шаффоф, соф, дарзсиз ва б. нуқсонсиз О. заргарлик ҳамда безак ишларида қўлланилади. Сифат ва катталигидан қатъи назар, қолган барча О. лар техник О. ҳисобланади. Техник О. кукун, шунингдек айрим кристаллар ҳолида бўлиши мумкин. Уларни қирралаб, зарур шаклга (кескич, фильер ва б.) келтирилади.

Физик хусусиятлари. Табиий О. кристалл панжарасининг тузилиши куб шаклида (1-расмга қ.). Углероднинг ҳар бир атоми тетраэдр учлари бўйлаб симметрик жойлашган. Кристаллик структурасининг ўзига хослигига кўра О. нинг идеал (нуқсонсиз) кристали шаффоф бўлиши керак. Табиатда учрайдиган кристалларда, жуда оз миқдорда бўлса ҳам, бошқа аралашмалар борлиги туфайли кристалл панжарада нуқсон бўлади. Энг тоза заргарлик О. нинг 1 *см*³ ҳажмидаги аралашма миқдори 10^{18} атомни ташкил этади. О. да, айниқса, кремний, алюминий, кальций ва магний бирикмалари кўп учрайди.

О. *Моос шкаласи* бўйича қаттиқлик эталони ҳисобланади (олмоснинг қаттиқлиги 10, корундники 9, кварцники 7, кальцитники 3). Турли кристаллографик томонлари бўйича О нинг қаттиқлиги турлича (мас., октаэдр томони энг қаттиғи ҳисобланади). О. нинг нормал эластиклик модули 1000 *Гн/м*² (10^{13} *дин/см*²), ҳажмий сиқилиш модули 600 *Гн/м*² ($6 \cdot 10^{12}$ *дин/см*²). Иссиқлик ўтказиш коэффициенти (т-ра 100 К дан 400 К гача ортиши б-н) 6 дан 0,8 *кж/м* К гача пасаяди. О. нинг уй т-расида иссиқлик ўтказувчанлиги кумушникидан юқори. Диамагнит хоссага эга.

О. нинг ранги ва шаффофлиги ҳар хил. Рангсиз, оқ, ҳаво ранг, яшил, сарғиш, жигар ранг, қизғиш, тўқ кул ранг хиллари учрайди. Кристаллнинг ранги кўпинча бир текис тусда бўлмайди.

О. нинг нур синдириш кўрсаткичи 2,417, *дисперсияси* 0,063. Нурнинг тўлиқ қайтиш бурчаги 24°24′, айрим намуналари оптик анизотропия хоссасига эга. Ультрабинафша ва рентген нурлари, электрон, α=заррача ва нейтронлар таъсирида О. да *люминесценция* ҳодисаси кузатилади. О. ни нейтронлар б-н нурлантириш натижасида унда барқарор радиоактивлик хоссаси пайдо бўлмайди. Бунда О. нинг зичлиги камаяди, кристалл панжараси «бўшашади» ва абразивлик сифати ёмонлашади.

О. кислота ва ҳатто қайноқ ишқор эритмалари таъсирига чидамли, селитра ва сода (t≈500°C) эритмаларида эрийди. О. ҳавода 850—1000°C да, кислородда 720—800°да ёнади. Вакуум ёки инерт газда 1400°C да О. нинг устки қисмида сезиларли **графитланиш** бошланади. Т-ра кўтарилиши б-н бу жараён тезлашади ва 2000°C атрофида (15—30 минут ичида) О. графитга тўла айланади. Импульсли қиздиришда (3400°C да ҳам) О. кристаллари сақланади, лекин 3600°C ва ундан юқорида графитга айланади (2-расмга қ.). Шу туфайли О. нормал босим ва 1000°C гача т-рада чексиз вақт сақланади.

О. инсониятга милоддан аввал ҳам маълум эди. О. дастлаб Ҳиндистон (6—10-асрлар)да, кейин Бразилия (18-аср)да қазиб чиқарилган. 19-асрнинг 70-йилларида Африкада қазиб олина бошлаган.

О. туб ва сочма конлардан қазиб олинади. О. олинадиган, саноат аҳамиятига эга бўлган ягона туб жинс қадимги шчит ва платформаларда учрайдиган *кимберлит*дир. У кимберлитларда нотекис тақсимланган бўлиб, якка кристаллар, баъзан бу кристалларнинг ўсимталари ҳолида учрайди О. нинг кимберлитларда пайдо бўлиши ҳақида ягона фикр йўқ. У ҳеч ерда йирик уюмлар ҳосил қилмайди. О., (80—85% қисми) асосан, сочма конлардан (делювиал, аллювиал, денгиз бўйи сочмаларидан) қазиб олинади.

Россияда О. биринчи марта 1829 йили Ўрта Уралда (Қойва дарёси ҳавзасида) топилган. 1954—55 йилларда Сибирда, Ёқутистон АССР терр-ясида О. конлари очилган.

Бутун дунёда (СССРдан ташқари) қазиб чиқарилган табиий О. 1929 йилда 7,5 млн. карат бўлса, 1967 йилда 30 млн. каратга етди. Чет элларда 1968 йил 1 январгача 900 млн. карат (180 *т*) га яқин О. қазиб чиқарилди. Қазиб чиқарилаётган О. нинг 80%и саноатда ишлатилади. 20-асрнинг 30-йилларигача Жанубий Африка Республикаси дунёда О. қазиб чиқаришда биринчи ўринни эгаллаб келган. Кейинчалик О. нинг йирик запаслари Занрда топилган.


Капиталистик дунёнинг кўп мамлакатларида О. қазиб чиқариш ва сотиш энг йирик монополия — *Олмос синдикати* томонидан назорат қилинади. О. тоғ жинси б-н олингач, руда бойитишнинг барча физик ва кимёвий усуллари ёрдамида ажратилади.

Синтетик О. соф углерод ва углеродли моддалардан сунъий йўл б-н олинади. Синтетик О. табиий О. нинг кристаллик структураси ва асосий кимёвий таркибига эга.


О. нинг кимёвий таркиби 18-аср охирида аниқланиб, бу ҳол турли мамлакатларда сунъий (синтетик) усул б-н О. олиш учун кўпгина уринишлар бошланишига сабаб бўлди. 20-асрнинг 50-йиллари ўртасида бир неча мамлакатларда деярли бир вақтда О. ни синтез қилишга муваффақ бўлинди.

Совет Иттифоқида биринчи марта СССР ФА Юқори босим физикаси ин-тида акад. Л. Ф. Верешчагин раҳбарлигида О. синтез қилиниб, уни саноат йўли б-н ишлаб чиқариш Украинадаги Ўта қаттиқ материаллар ин-ти ҳамкорлигида амалга оширилган. Ўта мустаҳкам техник синтетик О. чиқарила бошлади. Натижада халқ хўжалиги табиий О. дан арзон юқори сифатли абразив материал ола бошлади. О. ни синтез қилиш усуллари ривожланиши б-н махсус физик хусусиятга эга бўлган (мас., ярим ўтказгич) синтетик О. олиш ва ундан асбобсозликда кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Ад.: Шафрановский И. И., Алмазы, М., 1964; Трофимов В. С., Основные закономерности размещения и образования алмазных месторождений на древних платформах и в геосинклинальных областях, М., 1967; Верещагин Л. Ф. и [др.], Алмазы на службе человека, М., 1967; Орлов Ю. Л., Минералогия алмаза, М., 1973.



Олмос. 1-расм. Олмос кристалл панжарасининг элементар ячейкаси. Углерод атомлари куб учлари, қирралар маркази ва 4 учрашмас октантлар маркази бўйлаб жойлашган.



2-расм. Углероднинг турли ҳолатларда учраши (ҳолат диаграммаси): *1* — суюқ ҳолатда; *2* — стабил олмос; *3* — стабил графит; *4* — стабил олмос ва метастабил графит; *5* — стабил графит ва метастабил олмос; *6* — углероднинг гипотетик бошқа қаттиқ ҳолатлари; *7* — графитнинг тўғридан-тўғри олмосга айланиш шароитларига мувофиқ келувчи нуқталар; *8* — металлардан фойдаланиб олмос ҳосил қилиш соҳаси; *9* — эксперимент йўли б-н паст босимда олмос ҳосил қилиш соҳаси.

ОЛМО́С — Наманган обл. Чуст р-ни Олмос қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Чустдан 28 *км*. Аҳолиси 1745 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Ғовасойдан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, кутубхона, клуб, болалар боғчаси, ҳаммом, алоқа бўлими, новвойхона, тикувчилик ва попопчилик устахоналари бор.

ОЛМО́С СИНДИКАТИ (инглз. Diammond Syndicate Ltd) — энг эски ва йирик халқаро монополиялардан бири. Унинг асосини «Де Бирс консолидейтед майнс лтд.» монополияси ташкил қилади. Инглиз мустамлакачиси С. Родс томонидан 1880 йилда «Де Бирс майнинг К°» номи б-н асос солинган. Бу компания инглиз банкирлар хонадони асос солган «Кимберли сентрал майнинг К°» б-н 1888 йилдан «Де Бирс консолидейтед майнс» деган номни олди. Шунинг негизида 1892 йили О. с.— марказий савдо ташкилотига эга бўлган картель тузилди. Ташкил этилгандан бери О. с. нинг сиёсати ҳар қандай шароитда ҳам олмосининг, айниқса, безак олмосининг баҳосини юқори тутиш ва шу мақсадда олмос қазиб чиқаришни чеклаш ҳамда бозорга муайян миқдордагина олмос чиқариб туришдан иборат бўлди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин синдикат асосан 5 ташкилотдан таркиб топиб, улар орасида «Дайамонд корпорейшен» корпорацияси раҳбарлик мавқеига эга (олмос ишлаб чиқарувчилар б-н шартномалар тузади). О. с. нинг қолган 2 ташкилоти (филиаллари) безак ва техник олмослар сотиб олади, 2 таси эса уларни сотиш б-н шуғулланади. О. с. да «Де Бирс консолидейтед майнс» компанияси ҳукмрон мавқеига эга бўлиб, жанубий Африка республикаси ва Намибиядаги энг йирик олмос конлари унинг тасарруфидадир. Бу компания Африкадаги йирикроқ барча конлар фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказади. Инглиз молия гуруҳи — Оппенгеймерлар «Де Бирс»га раҳбарлик қилади. О. с. нинг обороти 1964 йили 373 млн. долларни ташкил этган бўлса, 1966 йили 498 млн. долларга кўпайди. Жаҳон капиталистик дунёсида чиқарилаётган олмос маҳсулотининг 80% дан ортиқ қисми шу О. с. га тўғри келади.

ОЛМО́С ФОНДИ, СССР олмос фонди — тарихий, бадиий ва моддий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган қимматбаҳо, нодир тошлар, заргарлик буюмлари, туғма олтин ҳамда платиналардан иборат фонд. О. ф. тарихи Пётр I давридан бошланиб, 18- аср ўрталарида бу коллекция Петербургдаги Қишки саройнинг Бриллиант хонасида сақланган. 1914 йили Москвага кўчирилган. 1922 йили А. Е. Ферсман раҳбарлигида биринчи марта унинг илмий таснифи тузилди ва 1924 йили СССР О. ф. деб номланди. СССР О. ф. нинг 18—19- асрларга оид санъат асарлари ичида жаҳонда тенги йўқ 7 тош мавжуд: «Орлов» (189,62 карат) ва «Шоҳ» (88,7 карат) олмослари, қирраланиб тўғнағичга ўрнатилган сапфир (258,8 карат), жуда йирик зумрад (136,25 карат, олтин билагузукка ўрнатилган ясси олмос (7,5 *см*²), энг йирик забаржад (192,6 карат) ва император тожини безаган тўқ қизил ёқут (398,72 карат).

Кейинги даврларда СССР О. ф. йирик олмос кристаллари: «Мария» (105,98 карат), «Чекист» (95,0 карат), «Октябрьский» (68,47 карат), «Валентина Терешкова» (51,66 карат), «Комсомольский» (48,48 карат) ва б. б-н бойиди. Туғма олтинлар ичида энг кичиги «Мефистофель» (табиий ҳайкалча, 20,25 *г*) ва энг каттаси 1842 йилда Уралда топилган «Большой треугольник» (36 *кг*) дир.

Москва Кремлида СССР 50 йиллиги муносабати б-н О. ф. нинг доимий кўргазмаси очилган.

Ад.: Сокровища алмазного фонда СССР. Альбом, М., 1967; Сокровища алмазного фонда СССР. М., 1972 (Алмазный фонд СССР. Выставка).

ОЛМОСУ́Т (Ranunculus severtzovii) — айиқтовондошларга мансуб кўп йиллик ўт. Пояси битта, бўйи 25—40 *см*. Япирма (тўп) барглари бандли, поядаги барглари бандсиз ёки қисқа бандли, икки-уч карра бўлинган. Гуллари тўғри, икки жинсли, гулқўрғони мураккаб; косабарглари ва тожбарглари одатда бештадан. Чангчилари кўп. Тўпмеваси чўзиқ ёки юмалоқчўзиқ. Мевачалари майда, узунлиги 7—7,5 *мм*, эни 5—6 *мм*. О. апрель-май, баъзан июнда гуллаб мевалайди. Узбекистоннинг Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро обл. ларида кўп.

ОЛМОШ — сўз туркумларидан бири. От, сифат, сон ва баъзан равиш ўрнида қўлланилади. О. нинг қайси сўз туркуми ўрнида келганлиги *контекстда* реаллашади. Мас., Карим Москвада эди, у келди. У олмоши *Карим* ўрнида, яъни от ўрнида келган. Ёки: Бу ерда 120 та зотли сигир боқилаётир. Унинг ёнида яна шунча сигир сиғадиган ёзлик бино ҳам қад кўтарган. Бу ерда шунча олмоши сон ўрнида ишлатилган. О. англатган маъноларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: кишилик олмоши шахслар (мен, сен, у; биз, сиз, улар) ўрнида ишлатилади; кўрсатиш олмоши предмет ва унинг белгиларини кўрсатиш учун ишлатилади (у, бу, шу, ўша, ана, мана); ўзлик олмоши, предмет маъносини таъкидлаб, кучайтириб кўрсатувчи ўз сўзидан иборат. Бу О. эгалик қўшимчалари б-н шахснинг бирлик ва кўплигида қўлланилади (ўзим, ўзинг, ўзи, ўзимиз ва ҳ.к.); сўроқ олмоши предмет, белги ва миқдор ҳақида сўроқни билдиради (ким? қандай? қанча? ва ҳ. к.); эгалик олмоши кишилик, эгалик ва кўрсатиш О. ларига -ники қўшимчасини қўшиш б-н ҳосил бўлади (мениki, сизники, уларники кабилар); белгилаш олмоши предмет ва унинг белгиларини умумлаштириб, жамлаб кўрсатади (ҳамма, бари, баъзи, ҳар нима, ҳар қандай каби); гумон олмоши предмет ва унинг белгисини, миқдорини тахминий билдиради (аллаким, алланима, аллақандай, нимадир, қандайдир каби); бўлишсизлик олмоши инкор маъносини билдиради (ҳеч ким, ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч қайси каби).

Ад.: Майтинская К. Е., Местоимения в языках разных систем, М., 1969; Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1- китоб, Т., 1966; Конопов А. Н., Грамматика современного узбекского литературного языка, М., 1960.

ОЛМУ́РОД — Фарғона обл. Ленинград р-ни Дзержинский қ. С. даги қишлоқ. Ҳамза Ҳакимзода номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Қақирдан 6 *км*. Аҳолиси 807 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан сув ичади. Клуб, кутубхона, алоқа бўлими, новвойхона, трактор парки бор.

ОЛМУ́РОД СВИТАСИ (Туркманистондаги Олмурод тоғи номидан) — *Валанжин ярусига* мансуб жинслар комплекси. Биринчи марта рус тектонисти Н. П. Херасков ажратган. О. с. қизил гилтош, доломит, мергель, оҳактош, гипс, қумтош қатламларидан таркиб топган. Қалинлиги 60—160 *м*. Оҳактош ва доломитларда пелециподa, аммонит, денгиз типратикани ва б. денгиз ҳайвонлари қолдиқлари, гилтошларда эса остракода, фораминифера ва б. қолдиғи учрайди. О. с. Дарвоз тоғларидан Амударё этакларигача бўлган терр-яда тарқалган. Узбекистон терр-ясининг баъзи жойларидаги О. с. да ош тузи кони борлиги аниқланган.

Ад.: Акрамходжаев А. М., Эгамбердиев М. и др., Литология, стратиграфия и нефтегазоносность Юго-Западного и Южного Узбекистана, Т., 1971; Стратиграфический словарь СССР, М., 1956.

ОЛМУРУ́Т — нокнинг айрим областлардаги номи (қ. *Нок*).

ОЛОВБАРДО́Ш ҚОТИШМАЛА́Р — ҳаво ёки юқори т-рали газ муҳитида *коррозия*га чидамли металл қотишмалари. Асосини никель, темир ёки темир-никель ташкил қилади; таркибида 30% гача хром бўлади. Айрим О. қ. алюминий ёки кремний б-н легирланади. Қиздирганда уларнинг сиртида зич ҳимоя пардаси ҳосил бўлади. Одатда, асосан, легирланган элементлар (хром, алюминий ва б.) оксидларидан иборат бу пардалар асосий элементларнинг оксидларига нисбатан термодинамик жиҳатдан турғун. Парданинг ҳимоя қилиш хоссаси унинг зичлиги ва асосий металл б-н мустаҳкам бирикишига боғлиқ. О. қ. кам нагрузка остида бўладиган қиздириш элементларнинг деталлари ва қаршиликларнинг элементларини тайёрлаш учун ишлатилади.

Ад.: Эванс Ю. Р., Коррозия и окисление металлов. Пер. с англ., М., 1962.

ОЛОВБАРДОШЛИ́К — металл материаллар сиртининг юқори т-рада ҳаво ёки бошқа газсимон муҳит таъсирида кимёвий емирилишига чидамлилик хусусияти. Оксидлайдиган атмосферада металл (қотишма)нинг О. хоссаси металл сиртида оксид — куйинди қатлами (металл ичида газ диффузиясини қийинлаштирадиган ва газ коррозиясининг ривожланишига қаршилик кўрсатадиган қатлам) ҳосил бўлишига боғлиқ. О. металлнинг кислород ютиши ҳисобига металл намунасининг массаси ортиши ёки намуна сиртидан куйинди йўқолиши натижасида камайиши б-н характерланади. Айни вақтда намуна сиртининг ҳолати ҳисобга олинади. Миқдор жиҳатдан бир хил бўлган намуналарнинг сифати ҳар хил бўлиши мумкин. О. материални юқори т-рали шароитда ишлатиш мумкинлигини белгилайдиган муҳим омилдир.

ОЛОВЛИ ЕР — Жанубий Америкаининг жанубий чеккасидаги архипелаг. Материкдан Магеллан бўғози орқали ажралган. Шарқий қисми Аргентина, ғарбий қисми Чили таркибида. Майдони 72 минг *км*² чамасида. Аҳолиси 40 минг кишидан ортиқ (шундан 200 киши маҳаллий аҳоли). Оловли Ер (ёки Исла-Гранде) ороли (майдони 48 минг *км*²) ва жуда кўп майда орол ва қоялардан иборат. Горн о. даги Горн бурни — Жанубий Америкаининг энг жанубий нуқтаси.


О. Ернинг жанубий ва ғарбий қисми тоғлиқ (энг баланд жойи 2469 *м*), қолган қисми сертепа текислик ва пасттекислик. Фьорд кўп. Музликлар бор. Иқлими мўътадил, салқин, океан иқлими. Январнинг ўртача т-раси 10—11°, июлники 0—2°. Йиллик ёғин 500—2000 *мм*. Ўрмонлар бор. Торфли ботқоқ кўп. Аҳолиси қўйчилик, балиқ овлаш б-н шуғулланади. Нефть ва газ қазиб чиқарилади. Энг катта аҳоли пункти — Ушуая. О. Ерни 1520 йилда Ф. *Магеллан* кашф этган. У маҳаллий аҳоли ёққан гулханларини кўриб архипелагга шундай ном берган.



Оловли Ер ороли. Ушуая шаҳри атрофидаги манзара.


ОЛОВЛИ́ КУЛЬТИВАТО́Р — бегона ўтларни йўқотиш учун ишлатиладиган қ. х. қуроли. СССРда қамраш кенглиги 2,4 *м* КО-2,4 маркали О. к. ишлаб чиқарилмоқда. 0,9 ва 1,4 *т* класс гилдиракли ҳайдов трактори тиркаб ишлатилади.

Ишлаш принципи: суюқ газ — пропан-бутан буғ босими остида автоцистернадан трактор лонжеронларига ўрнатилган чап ва ўнг резервуарлар (13) га киради. 370 *л* ли ҳар қайси резервуар 85% тўлдирилади. Суюқ газнинг сатҳи кўрсаткич (14) ёрдамида назорат қилинади. Иш жараёнида резервуарларда сиқиб чиқарилган суюқ газ сўрувчи труба (11) ҳамда тўлдириб бекитувчи (10) ва босим ростлагичи (9) орқали шланглар (7) бўйлаб ҳамда икки йўлли вентиль (3) орқали буғлаткич (1) га келади. Бу ерда суюқ газ буғ ҳолидаги газга айланади. Шундан кейин трубопровод (20) орқали 2—3 *кг/см*² босим остида тақсимловчи трубалар (16 ва 19) га, бу ердан сопло орқали инкк қатор жойлашган горелкалар (17 ва 18) га ўтади. Газ горелка корпусида ҳаво б-н қўшилиб, ёнувчи аралашма ҳосил қилади. Олдинги тўққизта горелка (17) даги аралашма запальник (15) дан, кетинги саккизта горелкадаги аралашма эса олдинги горелкалардан алангаланади. Горелка алангасининг т-раси 900—1000°. Ут камерасида ҳосил бўлган аланга б-н бегона ўтлар куйдирилади. Ариқ бўйлари ва б. жойдаги бегона ўтлар эса қўл горелкалари б-н куйдирилади.



Оловли культиватор.


Учқун чиқариш учун О. к. запальнигида электр мослама бор. Мослама магнит узгич, переключатель ва аланга свечаси (2) дан иборат индукцион галтак (4) дир. У трактор нинг электр




батареяси (5) дан қувват олади. Бакдаги газ босими манометр (6) га қараб назорат қилинади. Босим ортиб кетганда сақлагич клапан (12) ишлаб кетади. Икки йўлли вентилга келадиган газ босими манометр (8) ёрдамида назорат қилинади. О. к. нинг иш унуми соатига 0,6—0,75 *га*.

ОЛОМОУЦ — Чехословакиядаги шаҳар. Чехия Социалистик Республикасининг Шимолий Моравия областида. Морава дарёси бўйида. Аҳолиси 81 минг киши (1970). Транспорт йўллари узели. Машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати корхоналари бор. 11- асрда Морава орқали ўтган қадимги савдо йўллари кесишган ерда бунёдга келган. 12—13- аср архитектура ёдгорликлари сақланган. 19- асргача қалъа сифатида маълум эди. Ун-т бор.


«ОЛОНХО» — ёқут халқ қаҳрамонлик эпоси. «О.» услуби, композицияси, анъанавий образлари жиҳатидан бир-бирига яқин достонларни ўз ичига олади. Улар асосий қаҳрамонлар номи б-н аталади. «О». тахм. 14—15- асрларда яратилган. «О.» достонларида қабила ва уруғ муносабатлари акс этган. Халқ ботирлари эл манфаати йўлида абааслар қабиласининг ёвуз кучларига қарши курашади ва ғолиб чиқади. «О.» *монологлари* маълум оҳангда (мусикасиз) куйланиб, қолган қисми декламация қилинади. «О.» достонларини куйловчилар олонхосут деб аталади.





Олот райони. 1. Аму-Қоракўл канали насос станцияси. 2. Аму-Бухоро машина канали-нинг сув тарқатиш иншооти.





Район марказида барпо қилинаётган Туркманистон ва Ўзбекистон халқлари дўстлиги боғи ҳамда Олот нефть-газ экспедициясининг пармалаш қудуқларидан бири.

ОЛОТ — Бухоро обл. Олот р-нидаги шаҳар посёлкаси. Р-н маркази, Бухоро шаҳридан 70 *км*. 1960 йил 21 октябрда ташкил топган. Аму-Қоракўл канали посёлканинг жанубий-шарқидан ўтади. Аҳолиси 3895 киши (1973).

Посёлкада Олот матлубот жамияти, қудуқлар қазиш ва цементлаш экспедицияси, Аму — Бухоро канали бошқармаси, Аму — Бухоро канали қурилишининг 1- кўчма механизациялашган колоннаси, «Узсельхозтехника» базаси, пахта ва пилла пунктлари, алоқа бўлими, т. й. станцияси каби ташкилотлар жойлашган. О. дан Тошкент — Красноводск т. й. ва Бухоро — Фороб шоссе йўли ўтади. О. да 2 ўрта мактаб (1645 ўқувчи, профессионал-техника билим юрти (510 ўқувчи, 1974—75), 3 болалар боғчаси ва 2 болалар яслиси (260 бола тарбияланади), 2 касалхона, марказий кутубхона, болалар кутубхонаси, 2 қурувчилар кутубхонаси, қишлоқ клуби, маданият уйи, 2 кинотеатр бор.

ОЛОТ РАЙОНИ — Бухоро областидаги р-н. 1943 й. 13 февралда ташкил топган. 1960 йил январда Қоракўл р-нига қўшилган. 1973 йил 26 декабрда қайта ташкил этилган. Шимолдан Қоракўл, шимоли-шарқдан Свердлов, Бухоро, Қоғон р-нлари, жанубдан Қашқадарё области, жануби-ғарбдан ТуркмССРнинг Чоржўй области (Амударё орқали) б-н чегарадош. Майдони 3,23 минг *км*². Аҳолиси 39015 киши (1976). Р-нда 5 қ. С. (Денов, Жумабозор, Пахтакор, Толқонсаёд, Чандир) ва Олот посёлка Совети бор. Р-н маркази—Олот шаҳар посёлкаси.

Табиати. Рельефи, асосан, текислик бўлиб, адир, қир ва қумоқ чўллар, барханлар, қум қирлари, тақир, шўрҳоклардан иборат. 100 га яқин қолдиқ кўллар бор. Улардан энг каттала-ри Денгизкўл, Сомонкўл, Қоронғикўл, Шўркўл, Хўжамсаёд, Қарағанжида ва б. Қоракўл дарёсининг қуйи оқими ва собиқ Моҳондарё ўзани, асосан, текисликдан иборат. Тупроқлари ўтлоқи бўз, қумлоқ бўз, тақир бўз тупроқлардир, жанубида шўрхоклар катта майдонни эгаллайди. Ер ости сизот сувлари анча яқин. Р-н терр-ясида 132 қудуқдан фойдаланилмоқда. Йирик гидротехника иншоотлари ва насос станциялари мавжуд. Р-н терр-яси орқали Аму-Бухоро, Аму-Қоракўл каналлари ўтади. Фойдали қазилмалардан Ўртабулоқ ва Олотда табиий газ, қолдиқ кўлларда туз, қурилиш материаллари запаси катта. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси —1,8°, минимуми —34°, июлнинг ўртача т-раси 28,6°, максимуми 45,1°. Вегетация даври 208 кун. Йиллик ёғин миқдори 120—175 *мм*. Ёввойи ўсимликлардан бояличи, каврак, янтоқ, шувоқ, сигрон, саксовул, қандим, баҳорда ранг, қўнғирбош, ялтирбош ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тароқ бармоқли қўшоёқ, ингичка бармоқли юмронқозиқ, малла юмронқозиқ, суғур, сассиқ кўзан, қумсичқон, қум бўғма илони, чарх илон, чўл мушуги; қушлардан тувалоқ, қорабовур, олабовур, қирғовуллар ва б. бор. Қумли чўлларнинг типик табиий комплексларини қўриқлаш ва бойитиш мақсадида р-н терр-ясида 1971 йилда Қоракўл қўриқхонаси ташкил этилди. Қўриқхонада 200 га яқин ўсимлик тури (шундан 30 га яқини дарахт ва буталар) бор. Қўриқхонадаги сув ҳавзалари (каналлар, кўллар)да 29 тур балиқ яшайди. Бу ерда судралувчиларнинг 30 хили, қушларнинг 170 тури, сут эмизувчиларнинг 30 га яқин тури бор. Жумладан, қўриқхонада зарафшон қирғовули, қум қуёни, ёввойи чўчқа ва б. кўпайтирилмоқда.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; туркманлар, руслар, қозоқлар, тожиклар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 12,7 киши.

Хўжалиги. Р-н қ. х., асосан, пахтачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Пиллачилик, сабзавотчилик, полизчилик ҳам ривожланмоқда. Р-нда 8 пахтачилик к-зи, 1 бўрдоқичилик ва 1 қоракўлчилик с-злари бор. Қ. х. да фойдаланиладиган 236,5 минг *га* ернинг 12,38 минг гектарига экин экилади (1974), 10 минг *га* ер пахта, 1,5 минг *га* дон экинлари, 318 *га* ер сабзавот ва полиз экинлари, 1,7 минг *га* ер ем-хашак экинлари, 474 *га* ер мевазор, токзор ва тутзор б-н банд (1975). Р-н хўжаликларида 17,4 минг қорамол (шундан 5,3 минг сигир), 55,4 минг қўй ва эчки, 254 туя, 50 от, 13 минг паррандада бор (1975). Давлатга 30,4 минг *т* пахта, 11004 *т* ғалла, 3 минг *т* сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 1191 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 1972 *т* сут, 352,1 минг дона тухум, 192,9 *т* жун, 29,9 минг дона қоракўл тери, 111292 *кг* пилла сотилди (1975).

Р-ндаги 21 умумий таълим мактабида 11118 бола ўқийди. Бир ҳунар-техника билим юрти ҳам бор (1974—75). 33 кутубхонада, 22 киноустановка ишлаб турибди. Р-н «Янги ҳаёт» газетаси 1973 йилдан бери чиқиб турибди (тиражи 3100, 1974), 305 ўринли 3 касалхона, поликлиника, туғруқхона ва медпунктларда 42 врач, 203 ўрта малакали медицина ходими ишламоқда.

ОЛТИАРИҚ — Фарғона обл. Қува р-ни Акбаробод қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*. яқин т. й. станцияси — Акбароободдан 1 *км*. Аҳолиси 1701 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона бор.


ОЛТИАРИҚ — Фарғона обл. Олтиариқ р-ни Олтиариқ қ. С. даги қишлоқ. Р-ннинг маъмурий маркази, яқин т. й. станцияси — Олтиариқдан 6 *км*. Аҳолиси 11247 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона канали ва Сўх дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, р-н касалхонаси, клуб, кутубхона, болалар боғчаси, дорихона, алоқа бўлими, телеграф ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЛТИАРИҚ РАЙОНИ — Фарғона областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Жанубдан Фарғона, ғарб ва шимоли-ғарбдан Риштон ҳамда Бағдод, шимоли-шарқдан Охунбобоев р-нлари ва жанубдан КирғССР б-н чегарадош. Майдони 0,65 минг *км*². Аҳолиси 85443 киши (1976). Р-нда 8 қ. С. (Бурбалиқ, Жўйрак, Олтиариқ, Полосон, Файзнобод, Янгийўл, Янгиқўрғон, Ғайрат) ва Ҳамза Ҳакимзода ш. бор. Маркази — Олтиариқ қишлоғи.



Олтиариқдаги марказий универмаг биноси.

Табиати. Р-н терр-ясининг жанубий адирлар, сойларнинг ёйилмалари, қумли шўрхоклардан иборат. Адирлар ва адир этакларининг баландлиги 500—700 *м*. Бу ерлар тоғлардан оқиб тушадиган кўп сойларнинг қадимги конгломератларидан — Сўх свитаси комплексларидан таркиб топган (қалинлиги 80—200 *м*). Адирларнинг Марказий Фарғона текисликларига қўшилиб кетган қисмлари ёйилма кўринишда бўлиб, ташландиқлар, лойли ва қумоқ жинслардан иборат. Уларнинг ҳаммаси антропоген даврининг турли ёшдаги ётқизиқларидир. Шимолий қисмининг рельефи кенг текислик бўлиб, асосини қум, лой, ўпқоб ва чимирликка ташландиқ жинслар қоплаб ётади; уларнинг таркиби 400 *м* қалинликда палеоген даврининг карбонатли денгиз чўкиндилари бор. Иқлими қуруқ, сершамол (тезлиги секундига 12—15 *м*). Йиллик ўртача т-ра 13°, июлда 26°—28°, максимум 42°, январнинг ўртача —2°, минимум —23°. Вегетация даври 210 кунгача етади. Йиллик ёғин 100—150 *мм*. Адир ва адир этакларида оч бўз, тўқ бўз, қўнғир бўз, марказий ва шимолий қисмида ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ шўрхок тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан адирларда жуда сийрак шувоқ, баҳорда эфемер ва эфемероидлар, марказий ва шимолий қисмидаги қумликларда шўранинг турли хиллари, юлғун, селин, янтоқ ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қўён, тулки, каламуш, ўқилон, чипорилон, қарға, чумчуқ ва б. бор. Р-ннинг экин майдонлари Олтиариқсой, Жанубий Фарғона канали, Катта Фарғона канали, Шимолий Сўх каналларидан сув ичади. Аҳоли пунктлари артезиан суви б-н таъминланган. Чўл қисмида йирик минерал сув ҳавзаси бор.



Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; тожиклар, руслар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 131,4 киши.


Хўжалиги. Р-нда 1 пахта тозалаш з-ди, момиқ ф-каси, ғишт з-ди, 9 тикувчилик артели, 28 новвойхона (3 таси механизациялашган), Олтиариқда нефтни қайта тозалаш з-ди, Қопчиғай темир-бетон з-ди, Файзнобод қурилиш



Район марказида Карл Марксга ўрнатилган ҳайкал.



Қори Ниёзий номидаги мактаб.



Олтин балиқ. *1* — олтин балиқча (наслбоши); *2*—телескоп.

материаллари «Узсельхозтехника» р-н бўлимининг устахонаси, автобаза ва б. бор.

Пахтачилик қ. х. нинг етакчи тармоғи. Чорвачилик, сабзавотчилик, мевачилик ва полизчилик ҳам кенг ривожланган. Р-н деҳқонларининг эртапишар бодринг, помидор ва куврак турп етиштиришда донғи кетган. 15761 *га* майдонга пахта, 1580 *га* ерга донли экинлар, 335 *га* ерга картошка, сабзавот ва полиз экинлари, 5520 *га* ерга ем-хашак экинлари экилади, 850 *га* ер мева, ток ва тутзорлар б-н банд (1975). Р-нда 9461 қорамол (шундан 2493 сигир), 16834 қўй ва эчки, 132 от бор (1975). Давлатга 39561 *т* пахта, 8540 *ц* ғалла 80906 *ц* сабзавот, 2476 *т* пилла, 660 *т* гўшт (тирик вазнда), 3548 *т* сут, 990 минг дона тухум, 2476 *ц* жун сотилди (1975).

33 умумий таълим мактабида 22340, 2 ҳунар-техника билим юртида 539 бола ўқийди (1975—76). 134540 китоб фондига эга бўлган 33 кутубхона, 4 қироатхона, музей (Файзиобод қишлоғида), маданият саройи, 13 киноустановка, 17 кўчма кино, 3 кинотеатр бор. 635 ўринли 4 участка касалхонаси, 1 р-н касалхонаси, 27 медпункт, 4 соғломлаштириш пункти бўлиб, уларда 62 врач, 386 ўрта медицина ходими ишламоқда. «Ленинград» к-зида дам олиш уйи, чўл қисмида минерал сув б-н даволайдиган санаторий ишлаб турибди.

Р-нда 17 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони бор (1975).

ОЛТИАРИҚСОЙ — Фарғона областидаги сой. Шоҳимардонсойнинг чап тармоғи. Узунлиги 30 *км*. Водил қишлоғи ёнида Шоҳимардонсойдан ажралиб чиқиб, ғарбий йўналишда адирлар ортидаги текислик бўйлаб оқади. Йўл-йўлакай Чимён ва Хонқиз қишлоқларидан бир қанча булоқларнинг суви келиб қўшилади. Уртача йиллик сув сарфи 1,2 $м^3/сек$. Фарғона ва Олтиариқ р-нларининг 2 минг гектарга яқин экин майдонини суғоради.

ОЛТИН (Aurum), Au — Менделеев даврий системасининг I группасига мансуб кимёвий элемент. *Асл металлар*дан бири. Ат. н. 79, ат. оғ. 196,9665; ранги сариқ, оғир металл. Табиатда О. ёлғиз барқарор изотоп ^{197}Au ҳолида учрайди. О. нинг сунъий радиоактив изотопларидан ^{195}Au ва ^{198}Au нинг амалий аҳамияти бор. Ер пўстининг оғирлик жиҳатдан $4{,}3 \cdot 10^{-7}$% ни ташкил қилади.

О. инсонга қадимдан маълум бўлган энг биринчи металлардандир. Топилмалардан О. буюмларининг милоддан 5—4 минг йил илгари ясалгани маълум бўлди. Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитойда мил. ав. 3—2 мингинчи йилларда О. қазиб олинган ва ундан турли буюм ва безаклар ишланган, кейинчалик пул зарб қилинган.

О. табиатда кўпинча эркин ҳолда (туғма О.) учрайди. Табиатда учрайдиган бирикмалари жуда оз, улардан муҳими калаверит ($AuTe_2$) дир. Соф О. майда зарралар ҳолида кварцга ва, баъзан, ҳар хил сульфидли рудаларга, О. зарралари эса кўпинча қумга аралашган бўлади. СССРда (Ураль, Сибирь, Қозогистон, Ўзбекистон), Африка, Австралия, Калифорния (АҚШ), Канадада олтин конлари бор. Денгиз ва океан сувларининг 1 $м^3$ да 0,008 *г* гача, тирик организмларнинг ҳужайраси ва қонда 0,01—0,05 *мг/кг* гача О. бўлади. Ғарбий Ўзбекистонда О. маккажўхори дони ва попугида (2—4 *г/т*) ва Қизилқумда шувоқ ўсимлигида борлиги аниқланган.

О. юмшоқ, жуда пластик, чўзилувчан металл (қалинлиги $8 \cdot 10^{-5}$ *мм* гача бўлган япроққа қилиб яссилаш, 1 *кг* ни 2 *км* ли сим қилиб чўзиш мумкин), электр ва иссиқни яхши ўтказади. Зичлиги 19,32 $г/см^3$ (20°С да). Суюқланиш т-раси 1064,4°С, қайнаш т-раси 2947°С, қаттиқлиги 2,5—3. О. юмшоқ бўлганлиги учун унинг кумуш ёки мис қўшиб тайёрланган қотишмалари ишлатилади. О.— кимёвий жиҳатдан жуда пассив элемент. Ҳавода ўзгармайди. Сульфат кислота, нитрат кислота ва бошқаларда эримайди: фақат зар сувида эрийди. Хлор б-н бирикади. О. ўз бирикмаларидан осон қайтарилади ва комплекс бирикмалар ҳосил қила олади. Симобда эриб, О. амальгамасига айланади. Уз бирикмаларида бир ва уч валентли бўлади. Уч валентли О. бирикмалари бир валентли О. бирикмаларига қараганда барқарор.

О. рудалардан бир неча усулда ажратиб олинади. Мас., олтинли қумни сув б-н ювиб, зарралар ҳолида ажратиб олинади. О. *амальгамация* усулида ҳам бойитилади. Унинг калий цианид эритмасида (кислород иштирокида) ва хлорли сувда эришидан О. ажратиб олишда фойдаланилади (Багратион усули). Бунинг учун О. ли қумга калий цианид (ёки натрий цианид) эритмаси қўшилади. О. б-н калий цианиддан ҳосил бўлган комплекс туз сувда эриб кетади, қум ажралиб қолади. Комплекс тузнинг эритмасига одатда рух таъсир эттирилади. Шунда рух О. ни чўкмага туширади. О. нинг энг кўп ишлатиладиган бирикмаси хлораурат кислота $H[AuCl_4]4H_2O$ дир. Бу модда О. ни зар сувида эритиш натижасида ҳосил бўлади. О. нинг AuCl, Au_2O, Au_2O_3, $AuCl_3$ таркибли ва б. бирикмалари маълум. О. валюта сифатида, кимё саноатида, электротехникада, медицинада, фотографияда, заргарликда қўлланилади.

Лд.: Сандносирова З. Н., Аноргаиик химия, Т., 1970; Хамрабаев И. Х. и др., Рудные формации и основные черты металлогении золота в Узбекистане, Т., 1969.

ОЛТИН БАЛИҚ, тилла балиқ — кумуш ранг карас (Carassius auratus) нинг акварнумда боқиладиган тури. Дастлаб 10—12-асрда Хитойда кўпайтирилган. 1611 йилда Португалияга, сўнгра Англияга, 16-асрда Японияга, 17-аср охирида Россияга келтирилган. Мутация ва дурагайлаш йўли б-н чиройли, узун сузгичли, телескопсимон кўзли ва б. белгили кўп хиллари (комета, телескоп, шербош, жемчужинка ва б.) етиштирилган. О. б. иккинчи ёшида вояга етиб, 2—3 мингта увилдириқ ташлайди. Акварнумда 15—35 йил яшайди; чувалчанг, қиймаланган гўшт, дафния, нон увоқлари ва б. б-н овқатланади.

«ОЛТИН БАЛИҚ» — халқ фантастик эртакларидан. Эртакдаги сеҳрли балиқ ибтидоий инсон тушунчаси б-н боғлиқ бўлиб, анимистик, тотемистик дунёқарашлар асосида юзага келган. Қадимда одам балиқни ҳам муқаддас билиб, унга сиғиниган. Шунинг учун балиқ эртак қаҳрамонига айланган. «Қаландар билан Самандар», «Соҳибжон билан Аҳмаджон», «Сухроб билан Музроб», «Сеҳрли балиқ» эртаклари «О. б.»нинг вариантларидир. Олтин балиқ мазкур эртакларда бош қаҳрамонга йўлдош ва кўмакдош персонаж бўлиб, сюжет чизиғида мавжуд эпизодлар ҳаракатини таъминлайди, *ечим*да ҳал қилувчи функцияни бажаради. У «О. б.» эртаги ва унинг вариантларида балиқчининг ўғли томонидан тутилади ва қўйиб юборилади.

Олтин балиқ б-н боғлиқ бўлган эртаклар Шарқда ва умуман, жаҳон халқлари оғзаки ижодида кенг тарқалган ва шуҳрат топган. Барча эртакларда ҳам сирли балиқ ғалаба, дўстлик, муваффақият тимсоли сифатида акс этади. Олтин балиқ ҳақидаги эртакларнинг ёзма адабиётга ҳам таъсири кучли. Мас., А. С. Пушкининг «Балиқчи ва балиқ ҳақида эртак» асари ана шу хил эртаклар асосида яратилган.

ОЛТИН БАЛИҚ (лат. Dorado) — *осмон сфераси*нинг жанубий ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузи 3,3 юлдуз катталигида. СССР терр-ясида кўринмайди.

ОЛТИН БАҲОЛАРИ — товарнинг олтинда ифодаланган баҳолари. Олтин муомаласи шароитида олтин тангалар ва олтинга майдаланган банкнотлар эркин муомалада бўлган миллий пул бирлигида ифодаланган баҳолар О. б. га мувофиқ эди. Қуйма олтин ва олтин девиз стандартлари даврида миллий валюта баҳоси б-н. О. б. ўртасида деярли фарқ йўқ эди. Бироқ *олтин стандарт* бекор қилингач, капиталистик мамлакатларда номинал олтин қийматига эга бўлган валюталар муомалага киритилгандан сўнг, шунингдек эркин бозор вужудга келгач, товарларнинг миллий пул бирлигидаги баҳоси О. б. га мувофиқ келмай қолди. Бу товарлар олтин баҳосининг бозорда ўзгариб туришида акс этиб, айниқса, валюта девальвацияси ва ревальвациясида намоён бўлади. Мас., Буюк Британияда 1967 йилда фунт стерлинг девальвация қилингач, аста-секин товарларнинг баҳоси ошди. О. б. эса бирдан тез пасайди. Ҳозирги шароитда ҳар бир мамлакатнинг О. б. товарларнинг миллий валюта б-н ифодаланган ҳақиқий баҳоси ҳамда шу валюта асосида олтиннинг бозор баҳоси б-н белгиланиши мумкин.


Ички товар айирбошлашда О. б. ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Халқаро савдода шундай шартномалар тузиш ҳоллари учрайдики, бунда товарларнинг баҳолари олтин пул бирликларида белгиланади ва товар ҳақи миллий валютадаги фактик олтин қиймати негизида тўланади.

ОЛТИН ВАЛЮТА РЕЗЕРВЛАРИ — давлат хазинаси ва марказий банкларга қарашли қўйма олтин ва олтин танга запаслари, хорижий мамлакатлар банклари счётидаги чет эл валюталари ҳамда чет эл банкнотлари ва монеталари. Халқаро валюта фонди аъзолари ўзларининг О. в. р. суммасига лимитнинг эркин қолдиғини ҳам қўшадилар. О. в. р., асосан, халқаро тўлов воситаси фонди сифатида ишлатилади ва зарур шароитларда тўлов баланси дефицитини қоплашда, шунингдек валюта бозорида ўз мамлакатининг миллий валюта курсини сақлаб қолишда ҳам қўлланилади. О. в. р. доимо бир миқдорда бўлмайди. Энг муҳими, мамлакатнинг О. в. р. чет элларга тўланадиган тўловларни ўз вақтида қоплай оладиган даражада бўлиши керак. О. в. р. нинг камлиги мамлакатнинг валюта аҳволи ёмонлигидан далолат беради. Капиталистик мамлакатларнинг О. в. р. умумий суммасининг нисбий камайиб бориши четдан кам олтин олинаётганлигини кўрсатади. Шу б-н бирга, бир қанча мамлакатларда олтин қазиб олиш рентабелсиз бўлиб қолди, яъни бир тройская унциянинг расмий нархи 38 доллар (1972 йил мартгача 35 доллар) бўлди. Натижада капиталистик мамлакатларнинг олтин резервлари 1965 йилнинг охирида 42,0 млрд. долларни ташкил этган бўлса, 1971 йилнинг сентябри охирида 36,2 млрд. га тушиб қолди. О. в. р. нинг суст кўпайиши туфайли Халқаро валюта фондининг иштирокчилари АҚШ тазйиқи остида шу фонддаги валюталардан ўзаро фойдаланиш ҳуқуқини берувчи махсус сунъий халқаро резерв воситаларидан фойдаланмоқдалар. О. в. р. умумий суммаси капиталистик мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланган: 1971 йил сентябрида ГФР зиммасига 14%, Японияга 11%, АҚШга 10%, Италия, Франция ва Швейцарияга 6% дан, Буюк Британия ва Канадага 4% дан, қолган мамлакатларга 39% тўғри келди.

СССРда ва б. социалистик мамлакатларда О. в. р. социализм ва коммунизм қуриш жараёнида жамғариладиган ҳамда халқнинг фаровонлигини оширишда планли равишда фойдаланиладиган халқ хўжалиги резервининг бир қисми ҳисобланади.

ОЛТИН ЗАПАСИ — олтин қуймалар ва олтин тангаларнинг марказлаштирилган резерви. Давлатнинг эмиссия банкида ёки хазинасида тўпланади. Олтин эркин муомалада бўлган пайтда, яъни капитализмнинг умумий кризиси бошланганга қадар О. з. уч хил вазифани бажарган: 1) халқаро тўловлар учун резерв фонд (дунё пулларининг резерв фонди), 2) мамлакат ичида резерв фонд, 3) жамғармаларни тўлаш ва банкнотларни майдалаш учун резерв фонд. 1913 йилда бутун дунёдаги олтин тангалар запасининг 59% и марказлашган резерв ҳисобланган, олтиннинг 41%и эса муомалада бўлган. Металл пулларнинг қоғоз пулларга айланиши ҳамда банкнотларни олтинга айирбошлаш тугатилиши б-н олтиннинг фаолияти сусайди. Олтинни марказлашган фондларга кўпроқ тўплаш имконияти яратилди. Олтин халқаро тўловлардагина ишлатила бошлади. Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) дан сўнг валюта кризиси кескинлашиши натижасида инфляция ва валютанинг қадрсизланиши туфайли олтинга бўлган талаб кучайди. Социалистик мамлакатларда марказлаштирилган О. з., асосан, ташқи иқтисодий алоқалар б-н боғлиқ бўлган халқаро тўловлар учун резерв сифатида ишлатилади.

ОЛТИН КЕСИМ, гармоник бўлиш, кесмани ўрта ва чет нисбатда бўлиш — геометриянинг қадимий масаласи. Бунда берилг. н *AB* кесмани $AB:AC = AC:BC$ шартни қаноатлантирадиган *AC* ва *BC* кесмаларга бўлиш талаб қилинади. О. к.ни геометрик усулда ясаш расмда тасвирланган ($BE \perp AB$, $BE = \frac{1}{2}AB$, $ED = EB$, $AC = AD$). Агар $AB = a$, $AC = x$ деб белгиланса, О. к. $a:x = x:(a-x)$ тенгламанинг мусбат илдизи $x = \frac{\sqrt{5}-1}{2}a$ дан иборат кесмани ясашга келади, бунда $x \approx 0{,}62\,a$. $\varphi = \frac{\sqrt{5}-1}{2}$ коэффициент *Фибоначчи сонларидан* тузилган $\frac{2}{3}, \frac{3}{5}, \frac{5}{8}, \frac{8}{13}\ldots$ кетма-кетликнинг лимитидир.



Олтин кесим чизмаси.

О. к. масаласи *Евклид* «Негизлар»ида учрайди, томонлари *a* ва *x* бўлган тўғри тўртбурчак қадимда ва ўрта асрларда архитектура асарларида қўлланилган. О. к. терминини *Леонардо да Винчи* киритган.

ОЛТИН КРОТЛАР (Chrysochloridae) — ҳашаротхўр сут эмизувчилар туркумининг бир оиласи. Ташқи тузилиши ва ҳаёт кечириши кротларга ўхшайди. Гавдаси қизил, сариқ, яшил ва бинафша рангда товланувчи ялтироқ мўйна б-н қопланган. Гавдаси 75—235 *мм*, думи руди-



Олтин крот.



Олтин макрель.

ментлашган (қисқарган). Тумшуғи учининг юнгсиз қаттиқ қадоққа айланганлиги, олдинги оёқларидаги учинчи бармоқ тирноғининг яхши ривожланганлиги ер ковлашига ёрдам беради. 15—20 турни ўз ичига олган 5 уруғи бор. Жанубий Африканинг қуруқ чўлли, қумли саҳро ва ўрмонларида яшайди. Ер ости ҳашаротлари, личинкалар ва б. майда жониворлар б-н овқатланади.

ОЛТИН МАКРЕЛЬ (Coryphaena hippurus)— олабуғасимонлар туркумига мансуб балиқ. Гавдаси 2 *м* гача, вазни 30 *кг* гача. Устки томони оқ холли, кўк-яшил, биқини ва қорни кумуш-тилла ранг. Иссиқ денгизларининг ҳаммасида учрайди, кам тарқалган. Гўшти мазали.

ОЛТИН МЕДАЛЬ, «Ўқишда, меҳнатда аъло даражадаги муваффақиятлари ва намунали хулқи учун» олтин медаль — умумий ўрта таълим мактабини алоҳида ўрнак кўрсатиб тамомлаган ўқувчиларга бериладиган медаль. СССР ХҚСининг 1944 йил 21 июндаги қарори б-н таъсис этилган. СССР Министрлар Советининг 1968 йил 18 декабрда тасдиқланган низомига кўра, О. м. б-н 9—10 (11)-синфларда ўқиш давридаги йиллик баҳоси барча фанлардан аъло («5») бўлган ва битирув имтиҳонларининг ҳаммасини аъло («5») га топширган, намунали хулқли ва мактабнинг жамоат ишларида фаол иштирок этган ўқувчилар мукофотланади. О. м. мактабнинг педагогик кенгашида тавсия қилиниб, халқ маорифининг тегишли органлари томонидан тасдиқланади. Мактабни О. м. б-н тугатган ўқувчилар олий ўқув юртларига киришда айрим имтиёзлардан фойдаланадилар.

ОЛТИН НУҚТАЛАРИ — олтин муомаласи ва олтиннинг мамлакатлар ўртасида эркин ҳаракати *(олтин стандарт)* шароитида валюта курсининг монета паритетидан четга чиқишининг юқори ва пастки чегаралари. О. н. олтинни бир мамлакатдан иккинчисига юбориш учун кетган харажатлар (транспорт, страхование) б-н аниқланади. Олтин муомаласи ва олтинни эркин олиб келиш ва четга чиқариш шароитида ҳар қандай валюта курси юқори О. н. дан ортмайди. Олтин стандартнинг бекор қилиниши ва валюта муомалаларини чеклашнинг жорий этилиши б-н О. н. амалий аҳамиятини йўқотади.

ОЛТИН ПАРИТЕТИ (лат. paritas — тенглик, тенг қимматлилик)— 1) соф олтин оғирлигининг қонун йўли б-н миллий пул бирлигида ифодаланган миқдори. Олтин муомаласида ва қоғоз пуллар олтин ўрнида ишлатилганда олтиннинг миллий пул бирликларидаги баҳоси шу бирликдаги олтиннинг оғирлигига тўғри келар эди. Мас., АҚШ долларининг олтин қиймати 1934 йилги қонунга кўра 0,888671 *г* соф олтинга тенг эди, бир соф олтин монета унцияси (31,1035 *г*) 35 долларга тенг (қ. *Олтин валюта резервлари*). Бу баҳо жаҳон капиталистик бозорида ва АҚШнинг қиммати тушган қоғоз долари учун расмий баҳо ҳисобланарди. Бошқа капиталистик мамлакатлар, АҚШ долларига нисбатан ўз пул бирликларининг расмий курсига асосланиб, қонун б-н қайд этилган ва халқаро валюта фонди б-н келишилган ҳолда пул бирликларининг олтин қийматини белгилайди. 2) Икки пул бирлигининг қонунга кўра белгиланган олтин қийматига асосланган нисбати. О. п. бу маънода ишлатилганда «паритет курси» деб ҳам юритилади. Мас., фунт стерлинг 2,13281 *г* соф олтинга, Франция франки 0,160 *г* соф олтинга тенг. Паритет курси: 1 Ф. с.-13,33 франк. Валюта курсларини капиталистик мамлакатларнинг марказий банклари бошқариб туради. СССРда О. п. давлат томонидан планли равишда белгиланади ва СССР Давлат банкининг чет эл валюталарига баҳо белгилашга асос ҳисобланади.

ОЛТИН СТАНДАРТ — капитализм тараққиётининг маълум босқичида кўпгина мамлакатларда ҳукм сурган *монометаллизм*. О. с. даврида фақат олтин умумий эквивалент бўлиб, пул муомаласининг бевосита асоси ҳисобланган. О. с. нинг мукаммал классик шакли олтин монета стандарти бўлган. Бунга кўра, мамлакатнинг пул бирлиги қонун б-н белгиланган ҳамда ўзгармас олтин қиймати *(олтин паритети)*га эга бўлган, олтиннинг пулдаги «баҳоси» эса шу паритетга мос келган. Олтин монеталар муомалада бўлиб, қонуний тўлов воситаси ҳисобланган. Марказий эмиссия банклари банкнотларни ва пул белгиларини (қоғоз пулларни, қимматбаҳо бўлмаган металл тангаларни) номиналига қараб олтинга алмаштиришга мажбур эди. Олтин истаганча зарб этилар, четдан келтирилар ва четга олиб кетиларди.

О. с. дастлаб Буюк Британияда 1821 йилдан, Франция, Германия, Россия, Италия, Япония, АҚШ ва б. капиталистик мамлакатларда 19-асрнинг охирги чорагида жорий этилди. Айрим мамлакатлар пул системаси ягона нисбий барқарор жаҳон валюта системасига айланди. Бу ҳол жаҳон капиталистик хўжалигини ривожлантиришга, саноат ишлаб чиқаришини, ички товар оборотини ва халқаро савдони кучайтиришга, кредит системасини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга сезиларли таъсир кўрсатди. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) авж олиб, капитализмнинг умумий кризиси бошланган даврда олтин монета стандарти ҳалокатга юз тутди. У қоғоз пул муомаласи б-н алмаштирилди. Биринчи жаҳон урушидан сўнг (1924—28 йилларда) олтин қуйма ва олтин *девиз* стандарт формасида О. с. ни тиклашга ҳаракат қилинди. Олтин резерви камлиги ва унинг мамлакатлар ўртасида нотекис тақсимланганлиги туфайли олтин монета муомаласини тиклашга имкон бўлмади. АҚШдан ташқари ҳамма мамлакатларда олтин бутунлай муомаладан сиқиб чиқарилди; АҚШда 1933 йилгача муомалада бўлди. Олтинни олиб чиқиб кетиш йўли б-н тўлов баланси дефицитини қоплаш зарурати туғилган вақтларда, қоидага кўра банкнот қуйма олтинга айирбош қилинган. Лекин О. с. нинг бу формалари узоқ сақланмади. 1929—33 йилардаги жаҳон иқтисодий кризиси даврида О. с. бутунлай ва ҳамма капиталистик мамлакатларда, жумладан, АҚШда ҳам қоғоз пул муомаласи жорий этилди. 1939—1945 йилларда иккинчи жаҳон урушидан сўнг пайдо бўлган халқаро валюта системаси ҳам олтин девиз стандарти деб аталади. 1944 йил Бреттонвуд халқаро молия конференцияси қарори б-н расмийлашган бу системага кўра, ҳар давлатда олтин ва девиз резервлари, асосан, АҚШ долари ҳисобида бўлиши керак. Бироқ АҚШнинг олтин запаси камайиб кетганлиги учун 1971 йил 15 августдан бошлаб долларга олтин алмаштириш тўхтатилди.

ОЛТИН СУВИ — Зарҳал (қ. *Ҳал*).

ОЛТИН СЎМ — дастлаб чор Россиясидаги шартли пул бирлиги, олтин *монометаллизм*.

Подшо ҳукуматининг 1897 йил 3 январь қонунига бинoан жорий қилиниб, 17,424 ҳисса (1 ҳисса — 0,044435 *г*) соф олтиндан (0,774235 *г*) иборат деб белгиланган. Олтин тангалари муомалага 5, 10, 15 сўм (империаллар) ва 7 сўм 50 тийин (ярим империаллар) миқдорида чиқарилган. О. с. мамлакат ичкарисида ва ташқарисида ўзгармас пул бирлиги ҳисобланган. Банкнот эмиссияси асосан Давлат банкидаги олтин запаси б-н қопланган. Унинг курси чет эл валютасига нисбатан оз миқдорда *олтин* нуқталари доирасида ўзгариб турган. Россияда давлат банкининг кредит билетларини олтинга алмаштириш биринчи жаҳон уруши бошланиши б-н (1914 йилда) тўхтатилди, сўмда ифодаланган кредит билетлари қоғоз пулларга айлантирилди. Совет Россиясида 1921—22 йилларда совет пули қадрсизлана бошлаганлиги сабабли 1922 йил 1 апрелда О. с. рев-ягача бўлган ҳисоб бирлиги миқдорида муомалага киритилди.

Халқ Комиссарлари Советининг 1922 йил 11 октябрдаги декретига биноан Давлат банки томонидан банкнот червон қоғоз пуллар чиқарилгани сабабли. О. с. муомаладан қолди.

ОЛТИН ТУЙ — эркак ва аёлнинг оила қурганига 50 йил тўлганлигини нишонлаш маросими. Эр-хотининг қариндошлари, яқинлари, қўни-қўшни таклиф этилади. Таомлар тортилиб, зиёфат берилади. О. т. га келувчилар тўй соҳибларига совға-салом қилишади. Русларда, шунингдек кўпчилик Европа халқларида О. т. қадимдан ўтказиб келинади. Болгар халқида шундай оилавий тўйнинг йигирма тури маълум. Уларнинг ҳаммаси эркак ва аёл турмуш қурган кунининг турли саналарида ўтказилади. О. т. ни нишонлаш оила тотувлиги рамзи, фарзандлар, қариндош-уруғларнинг иттифоқлик байрами, таълим-тарбия намунасидир.

ОЛТИН УРДА, Жўжи Улуси — 13-асрнинг 40-йиллари бошида Ботухон бошчилигида ташкил қилинган феодал давлат. О. У. хонлари қуйи Дунай ва Фин қўлтиғидан Иртиш ҳавзаси ва қуйи Обгача, Қора, Каспий ва Орол денгизлари ҳамда Балхаш кўлидан Новгород ерларигача бўлган терр-яда ҳукмронлик қилган. Бироқ русларнинг туб ерлари О. У. составига кирмас, балки унга тобе бўлиб, солиқ тўлар эди. Ботухон даврида О. У. пойтахти Сарой-Бату ш. (ҳозирги Астрахань яқинида) бўлган, 14-асрнинг биринчи ярмида эса у Сарой Берка ш. (Беркахон асос солган, ҳозирги Волгоград яқини)га кўчирилган. О. У. заиф сунъий бир давлат уюшмаси бўлиб, аҳолиси миллий жиҳатдан хилма-хил эди. Ўтроқ областларда волга булғорлари, мордвалар, руслар, греклар, хоразмликлар ва б. яшар эди. Кўчманчилар эса, асосан, қипчоқ, қанғли, татар, туркман, қирғиз ва б. турк қабилаларидан иборат бўлган. О. У. аҳолисининг ижтимоий ва маданий тараққиёт даражаси ҳам турлича бўлган. Кўчманчилар ҳаётида ярим патриархал, ярим феодал муносабатлар, ўтроқ аҳоли яшайдиган р-нларда феодал муносабатлар мавжуд эди. Мўғул феодал зодагонлари экин майдонлари ва яйловларининг асосий қисмини эгаллаб олган эди. О. У. кўчманчи аҳолиси орасида ҳунармандчилик суст бўлиб, шаҳар бозорларидаги мавжуд буюм ва матолар Хоразм, Шимолий Кавказ ва б. ерлардан келтирилган усталар томонидан ишлаб чиқарилар эди. Давлатни Ботухон хонадонидан чиққан хонлар идора қилган. Сиёсий ҳаётнинг айрим ҳолларида ҳукмрон сулола ваколлари бошчилигида қурултойлар — ҳарбий феодал зодагонлар йиғинлари чақирилган. Давлат ишларини, асосан, беклар беги олиб борган. Халқдан солиқ йиғиб олиш иши б-н босқоқлар шуғулланган.



О. У. давлатининг табиатан заифлиги ва, айниқса, мустамлака халқлар миллий озодлик курашининг кучайиши унинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлди. О. У. ўзининг ташкил топиши давридаёқ 14 улусга бўлиниб бўлиб, уларни Жўжининг 14 ўғли идора қилган. Булардан 13 таси ярим мустақил давлат ҳисобланган ва Ботухоннинг олий ҳокимиятига бўйсунган.

Мангу-Темур (1266—82) вафотидан сўнг, Жўжи хонадонига мансуб шаҳзодалар ўртасида феодал урушлар бошланган даврда марказий идора органларига маҳаллий кишиларни жалб қилиш тенденциялари кўзга ташлана бошлади. Тўда-Мангухон (1282—87) ва Талабуғахон (1287—91) ҳукмронлиги даврида давлат бошлиғи расман Нўғай ҳисобланар эди. Фақат Тўхтахон (1291—1312) Нўғай ва унинг тарафдорларидан қутулишга муваффақ бўлди. 5 йилдан сўнг янгидан бошланган тўс-тўполонга Узбекхон (1312—42) чек қўйди. Узбекхон ва унинг вориси Жонибек (1342—57) ҳукмронлиги даврида О. У. нинг ҳарбий қудрати ниҳоят даражада ошди. Қўшинлар сони 300 мингга яқинлашди. Бироқ 1357 йили Жонибекнинг ўлдирилиши б-н бошланган тўс-тўполонлар О. У. нинг тушкунликка учрай бошлаганидан далолат берар эди. 1357—1380 йилларда О. У. тахтида 25 марта хон алмашди. Бу вақтда давлатни расман Мамай (1380 йили вафот этган) идора қилди. 14-асрнинг 60-йиллари бошида О. У. дан Хоразм, Астрахань ажралиб чиқди. Польша ва Литва Днепр дарёси ҳавзасидаги ерларни босиб олди. Бундан ташқари, Мамай Москва бошлиқ кучли рус князлари иттифоқи б-н тўқнашишга мажбур бўлди. У Русни заифлаштириш мақсадида жуда катта қўшин б-н юриш бошлади, бироқ *Куликово жанги*да тор-мор этилди.

Тўхтамишхон даври (1380—95) да тўс-тўполонлар барҳам топди, марказий ҳокимият асосий терр-яларни ўз назорати остига олди. Тўхтамишхон Мамай қўшинларини Қалка дарё-

си бўйида енгиб, 1382 йили Москвага ҳужум бошлади ва уни ҳийла б-н қўлга киритди, ўт қўйди. Тўхтамиш шу тариқа ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олгач, *Темурга* қарши уруш очди. Темур бир неча қонли жанглардан сўнг Тўхтамиш қўшинларини янчиб ташлади. Волга бўйидаги ва Қримдаги шаҳарларни (шу жумладан Сарой Беркани) вайрон қилди, талади. О. У. бу қақшатқич зарбадан сўнг ўзини сира ўнглай олмади. 15- асрнинг 20-йилларида Сибирь хонлиги, 40- йилларида Нўғай Урда, кейин Қозон хонлиги (1438), Қрим хонлиги (1443), 60-йилларда Қозоқ, Ўзбек, Астрахань хонликлари вужудга келди. 15- асрда Руснинг О. У. га тобелиги сезиларли даражада камайди. 1480 йили Қатта Урда хони Аҳмат (Аҳмад) Иван III ни ўзига итоат эттиришга уриниб, муваффақиятсизликка учради. 1480 йили рус халқи татар-мўғул зулмидан бутунлай халос бўлди. Қатта Урда 16- аср бошларига келиб бутунлай барҳам топди (яна қ. *Мўғул феодал империяси*).

Ад.: Греков Б. Д., Якубовский А. Ю., Олтин Урда ва унинг қулаши, Т., 1956; Сафаргалиев М. Г., Распад Золотой Орды, Саранск, 1960.

ОЛТИН ҚАЗИБ ЧИҚАРИШ САНОАТИ — кон саноатининг эндоген ва сочма конлардан олтин чиқарувчи соҳаси. Олтин қазиш жуда қадим даврдан маълум. Бизнинг эрамизда турли мамлакатларда: Гана, Мексика, Перу, Чили, Бразилия, Россия, Канада, АҚШ, Австралия, ЖАР ва б. жойларда 14—15- асрлардан бошлаб бой олтин конлари топилган. 19- асрнинг охири ва 20- асрнинг бошларида техниканинг умумий тараққиёти О. қ. ч. с. нинг ривожланишига замин яратди. Дунё бўйича 16- асрда 763 *т*, 17- асрда 914 *т*, 18- асрда 1890 *т*, 19- асрда 11616 *т*, 20- асрда (1970 йилгача, социалистик мамлакатлар бундан мустасно) 54714 *т* олтин олинди. О. қ. ч. с. 1814 йилдан сўнг, яъни Уралда ва кейинчалик Сибирнинг турли р-ларида бир қанча сочма олтин конлари топилиши б-н ривож топди.

Чор Россиясида олтин, асосан, сочма конлардан олинар эди. 1917 йилга қадар 10 га яқин йирик олтин кони мавжуд бўлиб, унда иш ярим кустарь ҳолда олиб борилган. 19- аср охирида О. қ. ч. с. да механизациялашган усуллардан фойдаланила бошлади. 1900 йилдан бошлаб О. қ. ч. с. га чет эл капитали кира бошлади. 1914 йилга келиб бу капитал О. қ. ч. с. да 55% ни ташкил этди.

Октябрь рев-ясидан сўнг Совет ҳукумати асосий эътиборни Лена ҳавзасидаги ва Ураллдаги олтин чиқариладиган р-ларга қаратди, РСФСР ХҚСнинг 1921 йил 31 октябрдаги «Олтин ва платина саноати ҳақида»ги декретида О. қ. ч. с. муҳим давлат аҳамиятига эга эканлиги кўрсатиб ўтилган.

1960- йилларда Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қавказ ва Узоқ Шарқда асосий олтин конлари топилди ва фойдаланишга топширилди. О. қ. ч. с. СССРда техникага асосланган саноат соҳасига айланди.

Капиталистик мамлакатларнинг О. қ. ч. с. 20- асрнинг 40- йилларида капиталистик мамлакатларда йилига 1140 *т* га яқин олтин қазилган, Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) натижасида олтин қазиб олиш 659 *т* га тушиб қолди. Кейинчалик олтин б-н таъминловчи конгломератлар ҳисобига олтин олиш яна кўпайди.

ОЛТИН ҚИРҒОҚ — 1) Гвинея қўлтиғининг Гана терр-ясидаги соҳили. Шарқдан Вольта ва ғарбдан Тано дарёларининг қуйилиш қисми оралиғида. Қирғоғи кам парчаланган. Ғарбий қисми сернам экваториал ўрмон, шарқий қисми бутали саванна б-н банд. О. Қ. номи у ерда олтин конлари топилиши муносабати б-н 15- асрда португаллар томонидан берилган; 2) Буюк Британиянинг Ғарбий Африкадаги собиқ мустамлакасининг номи. 1957 йилда О. Қ. ва унга қўшилган Того (Буюк Британия васийлигидаги терр-я) ўрнида *Гана* давлати ташкил топди.

«ОЛТИН ҚОВОҚ» — «Гўрўғли» туркумидаги достонлардан. Асарда тасвирланишича, Гўрўғли кексайгач, мол-дунёсини 40 йигитидан бирига топшириш ниятида олтиндан ясалган қовоқни юз газ ходанинг учига остиради ва ана шу олтин қовоққа ўқ тегиза олган кишига меросини беришни ваъда қилади. Қирқ йигит от устида қовоққа навбат б-н ўқ узади. Ниҳоят, Аваз отган ўқ олтин қовоққа тегиб, уни тенг иккига бўлади. Қадимдан катта йиғин ва тўйларда ўтказиладиган «олтин қовоқ» мусобақаси ботирлик, мардлик ва мерганликни синаш белгиси бўлган.

ОЛТИНГУГУРТ (Sulfur), S — Менделеев даврий системасининг VI группасига мансуб кимёвий элемент. Ат. н. 16, ат. оғ. 32,064. Табиий О. тўртта барқарор изотоп ^{32}S, ^{33}S, ^{34}S, ^{36}S дан иборат. Сунъий радиоактив изотоплари ^{31}S, ^{35}S, ^{37}S ҳам олинган. О. ер пўстининг оғирлик жиҳатидан 5·10⁻²% ини ташкил қилади. Денгиз сувида 0,08—0,09% О. бор. Табиатда эркин (туғма О.) ва бирикмалар ҳолида учрайди. О. нинг энг муҳим табиий бирикмалари металл сульфидлари, мас., FeS_2 — темир колчедан (пирит), ZnS — алдама рух, PbS — қўрғошин ялтироғи ёки галенит, Cu_2S — мис ялтироғи ва ҳ. к.; О. яна сульфатлар ҳолида (ангидрит $CaSO_4$, гипс $CaSO_4 \cdot 2H_2O$, оғир шпат $BaSO_4$, *глаубер тузи* ва ҳ. к.) ҳам учрайди. Бундан ташқари, О. кўмир, сланец, нефть, табиий газлар, ҳайвон ва ўсимлик организмларида органик ва анорганик бирикмалар ҳолида мавжуд. Мас., оқсилда 0,8—2,4% О. бор. Туғма О. конлари Мексика, АҚШ, Италия, Япония, СССРда. О. бир неча аллотропик кўринишларда учрайди. Улардан муҳимлари ромбик ва моноклиник О. дир. Ромбик О. сариқ тусли, зичлиги 2,07 *г/см*³ (20°С да), суюқланиш т-раси 112,8°С, қайнаш т-раси 445°С. Моноклиник О. призма шаклидаги тиниқ кристаллардан иборат, зичлиги 1,96 *г/см*³, суюқланиш т-раси 118,9°С. Ромбик О. саккиз бурчакли ҳалқасимон S_8 таркибли молекулалардан тузилган.

О. тез қиздирилса, 112,8°С да эриб, сариқ тусли ҳаракатчан суюқликка айланади. 160°С да қўнғир тусга киради, қовушоқ бўлиб қолади. О. металлоидлар жумласига киради. У инерт газлардан, азот, йод, платина, олтиндан бошқа деярли барча элементлар б-н бирика олади. Одатдаги т-рада О. нинг реакцияга киришиш қобилияти у қадар юқори эмас. Кислородда 250°С да, ҳавода 360°С да аланганади. Ишқорий металлар б-н, мис, кумуш ва симоб б-н уй т-расида реакцияга киришади. О. бирикмаларда —2, +4, +6 валентли. У фақат металлар б-н эмас, металлмаслар б-н ҳам реакцияга киришади. Мас., фтор б-н SF_6, кислород б-н SO_2 ҳосил қилади. Унинг водородли бирикмаси — водород сульфид 350°С да О. устидан водород ўтказиб ҳосил қилинади. О. нинг жуда кўп бирикмалари маълум. Мас., водород сульфид (H_2S), сульфат кислота (H_2SO_4), гипосульфит ($Na_2S_2O_3$) ва ҳ. к. О. конлардан (туғма О. ҳолида) қазиб олинади. SO_2 ни қайтариб, H_2S ни оксидлаб ҳам ҳосил қилинади. Жаҳондаги О. нинг 50% га яқини сульфат кислота, 25% га яқини сульфит целлюлоза ишлаб чиқаришга, қолгани резина саноатига, сунъий тола, портловчи моддалар ишлаб чиқаришга, органик синтез саноати ва медицина эҳтиёжларига сарфланади.

Ад.: Сандосирова З., Анорганик химия, Т., 1970.

ОЛТИНГУГУРТ ГУЛИ — олтингугуртнинг бўғи совитилганда ҳосил бўладиган кукуни. Боғдорчиликда дарахтлар, токларнинг вирусли касалликлари, айниқса рағада сепиш учун ва медицинада ишлатилади.

ОЛТИНГУГУРТЛИ БУЁҚЛАР, олтингугуртли бўяғичлар — турли органик моддаларни олтингугурт ёки натрий сульфид б-н қиздиришдан ҳосил бўладиган синтетик бўёқлар. О. б., одатда, сувда эримайдиган кўп жинсли қаттиқ моддалардан иборат. Матони бўяшда О. б. ни натрий сульфид б-н қайтариб, лейкобирикмалар ҳосил қилинади. Бу моддаларнинг натрийли тузлари сувда эрувчан бўлиб, матога сингади. Матога ёпишган лейкобирикмалар ҳаво кислороди б-н оксидланиб, дастлабки О. б. рангини олади. О. б. сариқ, жигар ранг, кўк, зангори, бинафша ранг, яшил, қора ва б. тусда бўлиши мумкин. О. б. ювилганда ранги айнимайди. Арзон, олиниши оддий бўлганлиги учун кенг қўлланилади.

ОЛТИНКОН — Наманган обл. Поп р-нидаги шаҳар посёлкаси. 1966 йил 15 декабргача Чодақбош қишлоғи. Р-н марказидан 46 *км*, яқин т. й. станцияси — Попдан 50 *км*. Аҳолиси 1800 киши (1975); асосан ишчи ва хизматчилар. Посёлкада ўрта мактаб, болалар боғчаси, клуб, медпункт, дорихона, касалхона, меҳмонхона, кинотеатр, ошхона, кутубхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЛТИНКЎЛ — ҚҚАССР Қўнғирот р-нидаги шаҳар посёлкаси. 1969 йил 21 январда ташкил топган. Р-н марказидан шарқда, т. й. станцияси — Қўнғиротдан 6 *км*. О. дан Ленинёп канали оқиб ўтади. Аҳолиси 16,7 минг киши (1974). Посёлкада йирик пахта тозалаш з-ди, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, 6 ўрта мактаб, болалар боғчаси ва яслиси, истироҳат боғи, клуб, кинотеатр, автобаза маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор. Қўнғирот р-н аэропорти О. да жойлашган.

ОЛТИНКЎЛ — ҚҚАССР Қўнғирот р-ни Свердлов овул Советидаги қишлоқ «Олтинкўл» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Қўнғиротдан 54 *км*. Аҳолиси 1589 киши (1971); пахтачилик, ғаллакорлик, полизчилик б-н шуғулланади. Майён каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт, с-з идораси, кутубхона, клуб бор.

ОЛТИНКЎЛ — ҚҚАССР Шуманай р-ни Бегжоп овул Советидаги қишлоқ. «22- партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 39 *км*, яқин т. й. станцияси — Хўжайлидан 74 *км*. Аҳолиси 612 киши (1971); пахтачилик, ғаллакорлик, полизчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шуманай каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб филиали, қурилиш-монтаж бригадасининг идораси бор.

ОЛТИНҚЎЛ — Хоразм обл. Гурлан р-ни Чўбаланчи қ. С. даги қишлоқ. «Маданият» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 26 *км*. Аҳолиси 566 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Гурлан каналидан сув ичади. Урта мактаб, к-з идораси, ёзги кинотеатр, радиоузел, алоқа бўлими, фельдшерлик пункти бор.


ОЛТИНСАРИН Ибрай (1841. 20. 10—1889. 17. 7) — қозоқ маърифатпарвари ва мутафаккири, ёзувчиси. Оренбургдаги рус мактабида ўқиган (1850—57). 1860—69 йилларда Тўрғайдаги рус-қозоқ мактабида ўқитувчи ва 1879 йилдан Тўрғай обл. даги қозоқ мактаблари инспектори. О. нинг ташаббуси б-н қозоқ болалари учун 7 та бошланғич волость мактаби, 4 та 2 йиллик мактаб, битта ҳунар билим юрти ва қозоқ ўқитувчилари учун мактаб (1883 й. Орск шаҳрида) очилган. Илк дарсликлари («Қирғизларга рус тилини ўқитиш бўйича дастлабки қўлланма», «Қирғиз хрестоматияси», 1879) ҳамда бадиий асарлари («Кел, болалар, ўқийлик!», «Ёз», «Дарё» шеърлари, «Бой боласи б-н Ҳусан», «Қипчоқ Сентқул» ҳикоялари) демократик ва инсонпарварлик руҳида ёзилган. О. қозоқ фольклорига оид бир қанча асар тўпларган ва нашр эттирган («Луқмони Ҳаким», «Ҳоза булоқ», «Сахий», «Ёлғоннинг зарари», «Избости бий» балладалари, «Қора ботир», «Қал бола» эртаклари, «Кўблонди» эпоси ва б.). О. Жан Пьер Бераненинг «Дарс», И. А. Крловнинг «Қарға б-н тулки», Л. Н. Толстойнинг «Силинчи хоним» ва б. асарларини қозоқ тилига таржима қилган. Улар қозоқ тилидаги биринчи бадиий проза ҳисобланади.

Ас.: Таңдамалы шығармалар, Алматы, 1955; Антология казах. поэзии, М., 1958.


Ад.: Ситдыков А. С., Педагогические идеи и просветительная деятельность И. Алтынсарина, 2 изд., Алма-Ата, 1968; Дербисалин А., О литературном наследии И. Алтынсарина, Алма-Ата, 1957.

ОЛТИНСОЙ — Самарқанд областидаги сой. Оқтоғнинг жанубий ён бағридан бошланади. Узунлиги 44 *км*, ҳавзасининг майдони 280 *км*². Юқори оқимида Лангарсой номи б-н жанубий-шарққа оқади. Тарама қишлоғидан қуйи қисми О. деб аталади. Чилош қишлоғи яқинида Майдонсой б-н бирлашиб, Қаттасойни ҳосил қилади. Бош қисмида тор дарадан оқади. Урта ва қуйи оқимларида 4 та кўҳна қайири бор. О. қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,22 *м*³/*сек* (Хонақа қишлоғи яқинида), оқим модули 2,1 *л/сек км*². Суви эрта баҳорда кўпаяди. Апрелда сувининг 20—25% и, августда 2—3%и оқади. Баъзан сойдан сел келади. 1963 йил баҳорида ўтган селнинг миқдори 600 *м*³/*сек* бўлган. Умумий узунлиги 130 *км* дан ортиқ ирмоғи бор. О. дан Хатирчи р-нидаги хўжаликлар ва қишлоқлар сув ичади. Сой водийсида Тарама, Оқтепа, Хонақа, Олтинсой каби қишлоқлар жойлашган.


ОЛТИНТЕПА — *бронза даври*га оид археологик ёдгорлик (мил. ав. 4- минг йиллик — 2- минг йиллик ўрталари). Жанубий Туркманистоннинг Қаахқа р-нига қарашли Меана қишлоғи яқинида. Бу қадимий шаҳар харобаси шимоли-шарқдан жанубий-ғарбга чўзилган бўлиб, баландлиги 20 *м* гача етади. О. қадимги деҳқончилик маданиятига оид ёдгорликдир. 1929 йилда А. А. Семёнов топган. 1930 йилларда О. ни археолог А. А. Марушенко текширган. 1949 йилдан бошлаб проф. М. Е. Массон раҳбарлигидаги археологик экспедиция (А. Ф. Ганялин,




Олтинтепа. 1. Буқанинг олтиндан ясалган боши (Мил. ав. 3-минг йиллик). 2. Туя қўшилган сопол аравача модели (Мил. ав. 2-минг йиллик). 3. Нақшли идиш (Мил. ав. 3-минг йиллик).



Олтинтепа. Аёл кишининг терракотадан ишланган ҳайкалчаси



Олтинтепа. Биринчи давр иншоотлари (реконструкция).



Олтинтепа. Турли давр иншоотларининг ўзаро алоқаси (реконструкция).

Д. Д. Дурушев, Б. А. Куфтин, Н. М. Массон ва б.) тадқиқот олиб борилган. С. нинг майдони 60 га дан ортиқ. Текширишларга кўра, мил. ав. 3-минг йиллик — 2-минг йиллик бошларида С. нинг атрофи қалинлиги 2 м ғишт девор билан ўралган бўлиб, ичида турли хил турар жой, хўжалик, ибодатхона ва мудофаа иншоотлари, шунингдек, маҳаллий ва ўзга С. да ўтказилган археологик қазилмалар вақтида топилган кўп сон турли буюмлар, бир неча тўпламлар, шунингдек, ёзувли ҳужжатлар топилган. Бу топилмалар Ўрта Осиёда цивилизация ва шаҳарсозлик тарихи, хусусан, қабилаларнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини ўрганишда қимматбаҳо материал ҳисобланади.

Лит.: Толстов С. П., Ранние и поздние этапы истории племен «Советских археологов», 1947, № 4; Массон В. М., Ранние земледельческие культуры, 1964.

ОЛТИНТОПГАН — Тожик ССР Ленинобод областидаги шаҳар типидаги поселка. Кайроққум ш. Советлар қишлоғи. Республиканинг саноат марказлари, Қурама тоғи этакларида, Ленинободдан 120 км жанубда. С. палеозой руда жинсларини қазиб чиқариш муносабати билан 1951 йилда вужудга келган. Аҳолиси 5,6 минг киши (1972); асосан, тог-кон саноатида ишлайди. Йирик полиметалл комбинати (концентрат) Сталинобод саноат корхоналарига қайта ишлаш учун жўнатилади.

ОЛТИНТОПГАН КОНИ — Ҳарама тоғининг жанубий-ғарбида жойлашган полиметалл кони (ТожССР). Қазиб олишда очиқ усул қўлланилади. Конда палеозой даврига мансуб қалинликлар 6-н юқори девон — қуйи тошбўмир даврларига оид карбонат жинслар оралиғи тектоник бузилишлар зонасига жойлашган. Кон бўйлаб шток ва дайка шаклларидаги граносиенит-порфир, гранит-порфир, диабазли порфиритлар кенг тарқалган. Кон шу магматик жинсларга кўпгина, оддийгина ва сланец қатламлари 6-н турли ҳолда рудали скарнлар ҳосил бўлган. Руда тўпламларининг қалинлиги ўнлаб *м*, узунлиги эса 1 *км* гача боради. Асосий фойдали қазилмалар сфалерит ва галенит минераллари ҳисобланади. Рудали скарнлар таркибида пирит-пирротин ва уларнинг ўзгаришидан ҳосил бўлган кварц-эпидот, кварц-эпидот-кальцит жинслар 6-н турли сульфидлар учрайди.

Лит.: Шаталов Б. Н., Карамазар, Л., 1935.

ОЛТИНЧИҚ — Марказий Қозоғистондаги қўлдиқ тоғлар. Бўкантоғнинг жанубий-шарқида жойлашган, жанубий-ғарбда Айтов тизмаси 6-н туташган. Узунлиги жанубий-ғарбдан шимолий-шарққа 80 *км*, абс. баландлиги 922 *м*. Палеозойнинг граник, граносиенит, метаморфик сланец, аллювиал, кварцит, мармарлашган оҳактош ва қумтош каби жинсларидан, этаклари бўр ва палеогеннинг гил, аллювиал, қумтош, тўртламчи даврнинг қумоқ, қумлоқ ва қумларидан тузилган. Унинг шимолий-ғарбий ён бағри қияроқ, жанубий-шарқий ён бағри тик ва чуқур жарлар 6-н ўйилган. Шимолий-ғарбда Авлиёсой, жанубий-шарқда Мангитасой ва Жарасой каби қуруқ ўзанлар бор. Ён бағирлари емирилган сочма тошлар, қумоқ ва қумлоқлар 6-н қопланган.

ОЛТИНҚАЛЪА — Ҳарама обл. Шоҳрат р-нида Бешмерган қ. С. дағи қишлоқ. «Пахтакор» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, поми т. й. станцияси — Шоҳратдан 10 *км*. Аҳолиси 743 киши (1971); пахтачилик, полизчилик 6-н шуғулланади. Шоҳрат канализация сув ичади.

ОЛТИНСОЙ — Ҳарама обл. Гурлан р-нида Боғлиқ қ. С. дағи қишлоқ. Хўжабакир номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, поми т. й. станцияси — Урганчдан 30 *км*. Аҳолиси 911 киши (1971); пахтачилик, полизчилик 6-н шуғулланади. Эшакбўй ариғидан сув ичади.

ОЛТИХОНА (*Catapodon taxiformis*) — дуккакгулдошлар авлодига мансуб бута. Бўйи 1—2 *м*, шохлари ёпишқоқ туклар билан қопланган. Барглари ипсимон, 2—4 *см* келади, пастки томонидаги ўсимталари ўроғлик. Косачаси 5 тишли, гултожибарги сариқ. Дуккаги тухум, узунлиги 4—5 *мм*, эни 3—4 *мм*. Май-июнда гуллаб, меваси етилади. Ўзбекистонда Бухоро ва Тошкент обл. лари тоғларида, тошли ва бағирлари, дарё қирғоқларида кўплаб тўп-тўп бўлиб ўсади.

ОЛТИШ — Тошкент обл. Бўка р-ни Чимгой қ. С. дағи қишлоқ. Ҳамза Ҳакимзода номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, поми т. й. станцияси — Чимгойдан 45 *км*. Аҳолиси 382 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик 6-н шуғулланади. Тошкент вилоятидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, фельдшерлик пункти, тикувчилик цехи бор.

ОЛТОЙ (туркий ва монгол тилларида олтин — *алтын*) — Сибирьдаги тог системаси. СССР, Миср ва Хитой терр-ясида. Шимоли-ғарбда Ғарбий Сибирь текислиги (61° шим. к.) дан жанубий-шарқда Гоби текислигигача (105° шим. у.) ча чўзилган. Узунлиги 2000 *км*. Бутун-бутун тизмалардан иборат. Баланд чўққилари ғарбий қисмида (Белуха — 4506 *м*). О. қуйидаги қисмларга бўлинади: Асл О. ёки Совет Олтойи, Гоби Олтойи ва Монголия Олтойи. Совет Олтойи РСФСР Олтой ўлкаси ва Қозоғистон Шарқий Қозоғистон областида жойлашган. У шимолда Ғарбий Сибирь текислигидан жарли-орқали ажралган, шарқи ва шимоли-шарқи Монголия Олтойи Ғарбий Саян тоғларига туташиб кетган. Гоби Олтойи Монголия Олтойининг давоми, МХР терр-ясида. Узунлиги 500 *км*, баландлиги 1500—2500 *м*, энг баланд нуқтаси 3957 *м*; тог этакларида чўл, жанубида ўсимлик ўсинлари ўсади.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. О.— мураккаб палеозой бурмали тоғлар ўлкаси. Протерозойдан кайнозой даригача ҳосил бўлган тоғ жинслари, кайнозой ва вулканоген жинслардан тузилган. Геологик тузилиши ва тектоник ривожланиш тарихига кўра, О. тог-ясининг шимоли-шарқий қисмини этакларга келадон О. ига (Алтой О.) ва ундан чуқур ёриқлар орқали ажралган ғарбий Олтойи — Жанубий-Ғарбий О. (Рудний ва Жанубий О.) га бўлинади. О. ҳар хил фойдали қазилмаларга бой (Алтой О. да темир рудаси, симоб, олтин, нодир металлар, Рудний Олтойда асл ва рангдор металлар бор).

Рельефи. Герцин орогенезида вужудга келган тог рельефи мезозойда текисланиб қолган. Палеоген охирида яна бир оз кўтарилган, неоген охири — антропоген бошларида кўтарилиш яна кучайган. Қадимги ва янги ёриқлар бўйлаб ер қатламлари пиллапоя-пиллапоя бўлиб силжиган ва, нихоят, ҳозирги мураккаб рельеф вужудга келган. Рельеф тузилишида тўртламчи

давр музликлари ва дарё эрозияси катта роль ўйнаган. Энг баланд тизмалар (3200—4000 *м* дан баланд) — Қатунь, Шимолий Чуя ва Жанубий Чуя тизмалари ва б. Совет О. ининг марказий ва шарқий қисмларида бўлиб, альп типидаги рельефи б-н ажралиб туради. О. нинг шимоли ва ғарбида О. учун айниқса типик ва баландлиги 1500—2500 *м* бўлган ўртача баландликдаги массивлар жойлашган. Кўпчилик тизмалар бир-биридан О. учун характерли бўлган йирик тектоник сойликлар («даштлар») орқали ажралиб туради.

Иқлими. О. иқлими — континентал, анча совуқ. Қиши юқори атмосфера босими (Осиё антициклони) таъсирида совуқ ва давомли. Январнинг ўртача т-раси —15° дан (тоғ олдиларида) —28° гача, Марказий О. нинг тоғлар орасидаги сойликларида —32° (Чуя «дашти»да абс. минимум —60°). Баланд тоғларда ёз қисқа ва салқин: июлнинг ўртача т-раси 1000 *м* баландликда 14,16° дан ошмайди. О.— намлик энг кўп тўпланадиган жой. Сернам шамолларга рўпара ғарбий ва шимоли-шарқий ён бағирларда йилига 800—1200 *мм* гача (айрим жойларда 2000 *мм* гача), жануби-шарқида 200—300 *мм* (Чуя «дашти»да 100 *мм*) ёғин тушади. О. да 1000 дан ортиқ музлик бор (умумий майдони 800 *км*²).

Дарё ва кўллари. О. да тоғ дарёлари кўп. Дарёлар қор сувлари ва ёмғирдан тўйинади, баҳорда тошади. Энг йирик ва сершув дарёлари: Қатунь, Бухтарма, Бия, Чуя. 3500 дан ортиқ кўл бор (Телец, Марқакўл).

Ландшафт типлари. О. да тоғ дашти, тоғ ўрмон ва баланд тоғ ландшафтлари бор. Тоғ даштлари, асосан, О. нинг тоғ олди ва паст тоғлари учун характерли (шимолда 500—600 *м* гача, жанубда эса 1000—1500 *м* гача). Марказий О. нинг қуруқ сойликларида ҳам дашт ўсимликлари ўсади. Тоғ ўрмон ландшафтлари (паст тоғлар ва, айниқса, ўртача баландликдаги тоғларда) О. терр-ясининг 70% ини эгаллайди. Тоғ ўрмонлари О. нинг шимолида 1700—2000 *м*, марказий ва шарқий қисмларида 2200—2450 *м* баландликкача учрайди. О. нинг энг баланд тизмалари баланд тоғ ландшафтини ҳосил қилган.

Экономикаси ҳақида *Олтой ўлкаси, Шарқий Қозоғистон области ва Тоғли Олтой автоном области* мақолаларига қаранг.

Тадқиқ этилиш тарихи. О. табиатини ўрганиш рус олимлари томонидан 18- асрда бошланган П. А. Чихачёв (1842), Г. Е. Шчуровский (1844) ва тоғ бошқармаси инженерлари геологик тадқиқотлар олиб борган. 1826 йилда К. Ф. Ледебур О. флорасини ўрганди. В. А. Обручев экспедициялари ва В. В. Сапожников тадқиқотлари муҳим илмий натижа берди. Совет даврида Геология министрлиги геологлари, Томск ун-ти олимлари ва СССР ФАнинг комплекс экспедициялари О. ни ўрганди.


Ад.: Камбалов Н., Природа и природные богатства Алтайского края, Барнаул, 1952; Геблер И. В., Советский горный Алтай, Томск, 1956; Куминова А. В., Растительный покров Алтая, Новосибирск, 1960; Камбалов Н. А., Сергеев А. Д., Первооткрыватели и исследователи Алтая, Барнаул, 1968; Горный Алтай, Томск, 1971.

ОЛТОЙ (тахаллуси; асл номи Қориев Боис, 1903. 20. 10, Тошкент) — ўзбек совет шоири, ва журналисти. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими (1975). 1927 йилдан КПСС аъзоси. Дастлаб эски мактабда, инқилобдан сўнг бошланғич совет мактабларида ва муаллимлар тайёрлаш курсида ўқиган. 1919 йилдан Замаҳшарий номидаги мактабда дарс берди. Хоразмда совет мактабларини очишда, Фарғонада газеталар чиқаришда ва босмачиларга қарши курашда фаол қатнашди. О. ўзбек билим юртини тугатиб (1924), шу ерда ўқитувчи ва директор бўлиб ишлади. У «Ёш ленинчи» газетасининг биринчи муҳаррири (1925), «Қизил қалам» ташкилотининг раиси (1929—30). 1930—50 йилларда турли хўжалик ва қурилиш соҳаларида ишлади. ЎзССР ФА Тил ва адабиёт ин-тида (1959—66) ва Алишер Навоий номли Адабиёт музейида катта илмий ходим (1966 йилдан). О. нинг «Ер юлдузлари» номли биринчи шеърлар тўплами 1926 йилда нашр қилинган. «Чақмоқлар» (1929—30) ва «Армуғон» (1967) шеърлар тўпламларида совет халқи ва Коммунистик партия улуғланади. Унинг «Ҳамза» поэмаси (1958) улуғ ўзбек шоири ва драматурги Ҳамзанинг ҳаёти ва ижодига бағишланган.



Олтой.

ОЛТОЙ ТИЛЛАРИ — туркий, мўғул ва тунгус-манжур тиллари гуруҳларидан ташкил топган тиллар оиласи. Баъзи тилшунослар корейс ва япон тилларини ҳам О. т. га киритадилар. М. А. Кастрен, М. Рясянен ва б. олимлар О. т. ни урал (фин-угор, самодий) тиллари б-н биргаликда урал-олтой тиллари деб атайдилар. О. т. ни тадқиқ қилган тилшуносларнинг аксарияти (Г. И. *Рамстедт*, М. Рясянен, Н. Поппе, Е. Д. *Поливанов* ва б.) туркий, мўғул, тунгус-манжур тилларининг О. т. оиласига мансублигини фактлар б-н кўрсатиб берганлар. О. т.



нинг асосий хусусиятлари: сўз ўзаклари товуш таркибига қараганда барқарор. *Агглютинация* ҳодисаси мавжуд: сўзларнинг ясалиш ва тусланишида аффикслар ўзак-негизларга қўшилади. Деярли барча О. т. да *сингармонизм* бор, махсус сўроқ юкламаларига эга, олд қўшимчалар қўлланилмайди; эгалик категорияси тараққий этган, равишдош ва сифатдошларнинг қўлланиш доираси кенг. Баъзан «О. т.» атамаси Олтойда яшовчи халқлар (олтой, хакас, тува ва б.) нинг тиллари маъносида ҳам қўлланилади.

Ад.: Очерки сравнительной лексикологии алтайских языков, Л., 1972; Проблема общности алтайских языков, Л., 1971; Рамстедт Г. И., Введение в алтайское языкознание, [Сб. ст.], Морфология, М., 1957.

ОЛТОЙ ЎЛКАСИ — РСФСР таркибидаги ўлка. 1937 йил 28 сентябрда ташкил топган. Ғарбий Сибирнинг жанубида, Обь дарёси юқори оқими ва унинг ирмоқлари — Бия ва Катунь ҳавзаларида. *Олтой*нинг деярли ҳаммасини, Салаирнинг ғарбий ён бағирларини ва унга ёндош текислик ҳамда тоғ олди терр-ялар — Даштли Олтойни ўз ичига олади. Жануби-шарқда МХР ва Хитой б-н чегарадош. Майдони 261,7 минг *км*². Аҳолиси 2638 минг киши (1974), 64 р-нга бўлинган, 10 шаҳар ва 31 ш., т. п. бор. Ўлка таркибига *Тоғли Олтой автоном области* киради. Маркази — Барнаул ш.


Табиати. О. терр-яси текислик ва тоғлик қисмларга бўлинади. Терр-ясининг шимоли-ғарбий қисмини Ғарбий Сибирнинг жанубий-шарқий чеккаси эгаллайди. Унинг йирик қисмлари — Обнинг чап соҳилидаги Қулунда даштва Обь бўйи платоси ҳамда ўнг соҳилдаги Салаир кряжининг тоғ этаги ва ён бағирлари. Йирик дарёлари: Обь ва унинг ирмоқлари (Бия, Катунь). Текисликдаги йирик кўллари: Қулунда, Кучук, Телец. Текислик қисмида иқлим мўътадил, кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси —19°, июлники 18,9°. Йиллик ёғин 250—350 *мм*. Совуқ бўлмайдиган давр 122—127 кун. Тоғларга йилига 1500—3000 *мм*, сойликлар ва водийларга 150—200 *мм* ёғин тушади.

Тупроқлари. Текисликларда қора тупроқ; ўлканинг ғарбий қисмида шўрланган тупроқлар; тоғларда тоғ подзол тупроқлар.

Усимликлари. Улка терр-ясининг $^1/_3$ қисми ўрмон. Текислик қисмини даштва ўрмонли даштэгаллайди. Даштўсимликлари деярли қолмаган, кўп ерлар ҳайдаб юборилган. Тоғларнинг энг тепасида альп ва субальп ўтлоқлари ҳамда тоғ тундраси мавжуд.

Ҳайвонот дунёси. Даштларда кемирувчилар кўп, қушлардан дашт тўрғайи ва балчиқчи, тувалоқ, бизғалдоқ, дашт бургути, дарё водийларида сув паррандалари, тоғларда лось, марал, тоғ эчкиси, тоғ қўйи яшайди. О. ў. нинг жануби-шарқий қисмида *Олтой қўриқхонаси* бор.

Аҳолиси — руслар 85%, шунингдек украинлар, белоруслар ва б. ҳам яшайди. Тоғли Олтой а. о. да *олтойлар* яшайди. 1 *км*² га ўртача 10,2 киши тўғри келади. Ўрмонли даштва даштэкислик қисмида аҳоли зич, 1 *км*² га 25—30 киши тўғри келади. Октябрь социалистик рев-ясигача О.ў. терр-ясида 3 шаҳар (Барнаул, Бийск, Славгород) бўлган. Совет даврида янги шаҳарлар — Камень-Обь, Рубцовск, Новоалтайск, Горно-Алтайск, Алейск, Змеиногорск бунёдга келди. Бальнеологик ва иқлимий курортлар бор.


ОЛТОЙ ЎЛКАСИ
65 0 65 130 км
Новосибирск
Кемерово
Промышленная
Белово
Мыски
Прокопьевск
Киселевск
Новокузнецк
Осинники
Междуреченск
Барнаул
Новоалтайск
Бийск
Рубцовск
Алейск
Горно-Алтайск
Змеиногорск
Славгород
Тогул
Целинное
Соотино
Ташанта
Красногорское
Майма
Усть-Сема
Телец
Усть-Кан
Онгудай
Усть-Улаган
Акташ
Усть-Коксa
Усть-Каменогорск
Семипалатинск
Зыряновск
Белуха г. 4506
Кош-Агач
Тогли Олтой
Новосибирская обл.
Кемеровская обл.
Алтайский край
Казахская ССР
Монгольская Народная Республика
Китайская Народная Республика
Озеро Алаколь
Озеро Зайсан
Река Обь
Река Иртыш
Река Катунь
Река Бия
Река Чарыш
Река Алей
Река Ануй
Река Бухтарма
Река Черный Иртыш
Река Кальджир
Река Кобда
Река Буркан
Река Чарын
Река Или
Река Хатынсу
Река Аягуз
Река Ханхэ
Река Кара-Ирмень
Река Кара-Ертис
Река Кара-Ертис
Река Кара-Ертис

учрайди. Энг кўп тарқалган тури оддий О. бўлиб, тоғолча б-н ёввойи олхўри (тери)нинг табиий чатишишидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ватани — Кичик Осиё, Кавказ, Шимолий Эрон. Ўзбекистонга Эрон орқали келтирилган. Ҳозир Ўрта Осиёда дастлаб келтирилган оқ олу, сариқ олу, қора олу ва улардан келиб чиққан навлар тарқалган. О. жой танламайди. 2000 га яқин (Ўзбекистонда 200 дан ортиқ) нави маълум. Улар 4 асосий группага бўлинади: венгеркалар —«итальянская», «домашная», «ажанская», «исполинская» ва б.; ренклодлар —«Зеленый», «Альтана», «Улленса», мирабеллар —«Нансн»; тухумсимон О.—«Красная № 389», «Золотая капля» ва б.

О. меваси шарсимон, тухумсимон, чўзинчоқ, 60—100 *г*, сариқ, яшил, қизил, кўкимтир-қора; мумғубор б-н қопланган. Таркибида 14—21% қанд, 0,5—1,2% кислота, азотли моддалар ва витаминлар бор. Ҳўллигича ейилади, қоқи, консерва қилинади ва ҳ. к.

О., асосан, пайвандлаб ҳамда илдиз бачкисидан кўпайтирилади. О. учун энг яхши пайвандтаг тоғолча. Кўчати ўтқазилгач, 4—6-йили ҳосилга киради. Ўзбекистонда март-апрелда гуллайди, меваси июннинг иккинчи ярмидан сентябрь охиригача пишади. 20—25 йил яхши ҳосил беради (дарахти 30—50 *кг*, айримлари 100 *кг* гача); ўрик, шафтоли, гилосга қараганда совуққа чидамли. Парвариши данакли мева дарахтларинникига ўхшаш. Ўзбекистонда О. нинг анна шпет, бертон, венгерка ажанская, исполинская, қора олу, кўксултон, сариқ олхўри (яичная желтая) каби навлари ўстирилмоқда. Зараркунандалари: *олхўри қурти, олма қурти* кабилар, касалликлари: клястероспориоз ва б. (352-бетдаги рангли вклейкага қ.).

Ад.: Сорта плодовых, субтропических, орехоплодных культур и ягод, Т., 1968; Рибаков А. А., Остроухова С. А., Ўзбекистон мевачилиги, Т., 1967.

ОЛХЎРИ ҚУРТИ (Laspeyresia funebrana Tr)— олхўри мевалари зараркунандаси. Қисман, ўрик, дўлана, тоғолча, шафтоли ва гилосга ҳам зарар етказади. Капалаги қанотлари ёзилганда 12—17 *мм*, танаси кул ранг, устки қанотлари қорамтир. Тухуми оқ, юмалоқ, 1 *мм* ча. Личинкаси (қурти) 12—15 *мм*, аввал оқиш, кейин пушти ёки қизғиш. Ғумбаги 6—7 *мм*, оч жигар ранг. Пўстлоқ остида, кесаклар орасида ва ўсимлик қолдиқларида қишлайди. Ўрта Осиё, Қозоғистон, Кавказ, Кичик Осиё, Қрим, Узоқ Шарқ ва Европада тарқалган. Йилига икки бўғин беради. Биринчи бўғин капалаги майиюнда меваларга тухум қўяди. 4—5 кундан кейин тухумдан личинкалар чиқиб, мева ичига киради. Олхўрининг зарарланган жойидан, кўпинча, елим оқади. Бундай мева ириб, тўкилиб кетади. Кураш чоралари: қ. *Олма қурти.*

ОЛЧА, оливоли (Cerasus Vulgaris L.)— раъногулдошлар (атиргуллилар оиласи)га мансуб данакли мевали ярим бута ёки дарахт. Барглари кетма-кет жойлашган. Гуллари оқ ёки пушти, тўпгули унча катта бўлмаган соябон. Меваси думалоқ данакли, сувли, нордон, оч қизилдан тўқ қизилгача. 150 тури маълум, СССРда 21 тури учрайди. О. нинг оддий О., чўл ёки бута О., қум О. си, тукли ёки хитой О. си турлари кўп тарқалган. Ўстирилаётган навларининг кўпчилиги оддий О. дан келиб чиққан. Гилос ҳам О. туркумига мансуб. О. совуққа чидамли, кўчати ўтқазилгач, 3—4-йили ҳосил беради. Март охири ва апрелда гуллайди; меваси, асосан, июнда пишади. Тупидан 30—50 *кг*, ҳатто 100 *кг* гача ҳосил олинади. Меваси таркибида 8—17,5% қанд, 0,9—2,8% кислота, 0,16—0,36% ошловчи моддалар, С ва А витаминлар бор; ҳўллигича ейилади, мураббо, жем, вино, консерва қилинади ва ҳ. к. СССРда Украина, Молдавия, Шимолий Кавказ, Белоруссияда; РСФСРнинг марказий р-нларида кўп экилади. О. данагидан, илдиз бачкисидан ҳамда пайвандлаб кўпайтирилади; унча ер танламайди, лекин сувли ва унумдор ерларда мўл ҳосил беради. Кучли ўсувчи О. навлари 6×4 *м*; ўртача ўсувчилари 5×4 *м*, 5×3 *м*; кучсиз ўсувчилари 4×3 *м* ёки 4×2 *м* схемада экилади. О. га қисқа танали қилиб, сийрак ярусли системада шакл берилади. Усишдан тўхтаган, нимжон новдалари ҳар йили куз ёки баҳорда қирқиб турилади. Усув даврида ўғитланади, суғорилади, қатор ва туп оралари юмшатилади. Ўзбекистонда О. нинг любка ташкентская, майдюк, самарқанд, қора шпанка, подбельская каби навлари экилади (352-бетдаги рангли вклейкага қ.).

Ад.: Лейн А. Н., Олча ва гилос, Т., 1962; Сорта плодовых субтропических, орехоплодных культур и ягод, Т., 1968; Рыбаков А. А., Остроухова С. А., Плодоводство Узбекистана, Т., 1972.

ОЛЧИН, олчинлар, алчинлар — бир қанча туркий халқлар таркибига кирган йирик қабила иттифоқи. О. лар қадимий туркий халқлардан бўлиб, милоднинг бошларида Олтойда ва Иртиш дарёси яқинидаги чўлларда яшаганлар. Кейинчалик ҳозирги Қозоғистон чўллари ўрнида бир вақтлар мавжуд бўлган бир қанча кўчманчи қабила иттифоқлари (турк, қағанати, кимаклар давлати, қипчоқлар иттифоқи ва б.) таркибида бўлган. Мўғуллар ҳукмронлигининг емирилиши б-н О. лар Нўғай Ўрда ва 16-аср ўрталарида эса қозоқ халқи таркибига кирганлар. О. ларнинг айрим группалари бошқирд, қозон татарлари, Қрим ва Шимолий Кавказ нўғайлари ва қорақалпоқлар составида ҳам бор. Рев-дан олдин О. лар Сирдарё, Семипалатинск, Акмолинск, Тўрғай, Урал областларининг бир қанча уездларида ҳамда Ички (Букеев) ўрданинг чегараларида жойлашган. О. нинг кичик бир қисми ўзбеклар составида ҳам бўлган. 1926 йил маълумотларига кўра, Бухоро воҳасида (2525 киши), Қармана атрофида (750 киши) ва Қашқадарёнинг қуйи оқимида (ҳозирги Ульянов р-ни терр-ясидаги Олчин қишлоғида, 300 киши) яшаганлар. О. лар алимули, байули, жетиуру қабилаларига, буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бир қанча уруғларга, мас., алимули 6 уруққа (қорасоқол, қоракесак, дуртқара, кете, чумуқай, чекли); байули 12 уруққа (адай, жаппас, черкес, тана, қизилқурт, шихлар, алача, бойбақти, маскар, берч, тазлар, исентемир); жетиуру 7 уруққа (табин, тама, кердери, жағайбайли, керайт, телеу, рамадан) бўлинган.

Ад.: Аманжолов С. А., Вопросы диалектологии и истории казахского языка, ч. 1, Алма-Ата, 1959; Вострое В. В., Муканов М. С., Родоплеменной состав и расселения казахов, Алма-Ата, 1968, стр. 81—107.

ОЛЧИН — Бухоро обл. Навоий р-ни Олчин қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-нининг шимолида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Навоийдан 28 *км*. Аҳолиси 1974 киши (1975); пахтачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қалқон каналидан сув ичади. 2 мактаб, клуб, касалхона бор.

ОЛЧИН — Наманган обл. Тўрақўрғон р-ни Шоҳанд қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Тўрақўрғондан 5 *км*. Аҳолиси 1789 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, к-з трактор парки, медпункт, болалар боғчаси, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЛЧИН — Хоразм обл. Гурлан р-ни Вазир қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 36 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 44 *км*. Аҳолиси 1133 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Гурлан каналидан сув ичади.

ОЛЧИН — Фарғона обл. Бағдод р-ни Ултарма қ. С. даги қишлоқ. «Пахтакор» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Фуркатдан 15 *км*. Аҳолиси 913 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ғишт з-ди ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОЛЧИНСОЛМА — Хоразм обл. Боғот р-ни Қизилравот қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазораспдан 8 *км*. Аҳолиси 811 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик ва чорвачилик б-н шуғулланади. Тошсоқа ва Пичоқчи каналларидан сув ичади. К-з идораси, ўрта мактаб, кутубхона, болалар боғчаси, ҳаммом, ошхона бор.

ОЛЬБОРГ — Данияда ги шаҳар. Ольборг амтининг маъмурий маркази. Ютландия я. о. нинг шимолий қисмида. Лимфьорд бўғози соҳилидаги йирик денгиз порти, т. н. узели. Аҳолиси 155 минг киши (1971). Кемасозлик, цемент з-ди, озиқ-овқат (спирт-арақ, ўсимлик мойи ва б.), тўқимачилик ва кимё корхоналари, аэропорт бор. Шаҳар 11-асрдан маълум.

ОЛЬБРАХТ Иван (тахаллуси; асли номи Камил Земан, 1882. 6. 1, Семили — 1952. 30. 12, Прага) — чех ёзувчиси ва жамоат арбоби. Чехословакия Компартияси ташкилотчиларидан. Чех адабиётида социалистик реализмнинг асосчиларидан бири. Чехословакия халқ санъаткори (1946). Берлин ва Прага ун-тларида ўқиган. Дастлабки романлари «Зиндон» (1916), «Актёр Есенийнинг ғалати дўстлиги» (1919) да чех халқи ҳаётини реалистик тасвирлади. «Ҳозирги Россия манзаралари» репортажлар китоби (1921)да совет воқелиги ва совет кишиларининг жасоратини мадҳ этди. Унинг ижодидаги муҳим асар «Анна — пролетар қизи» романи (1928) да чех адабиётида биринчи марта коммунист ишчи образи яратилди. «Никола Шугай — қароқчи» романи (1933) да халқ қасоскори образини гавдалантирди. Чехословакия Давлат мукофоти лауреати (1947).

«Анна — пролетар қизи» романи ўзбек тилига таржима қилинган (1956).

Ас.: Избранное, М., 1956.

Ад.: Клейнер П. А., И. Ольбрахт, «Очерки истории чешской литературы XIX—XX вв» китобида, М., 1963.

ОЛЬГИН — Кубанинг шарқий қисмидаги шаҳар. Орьенте провинциясида. Аҳолиси 131 минг киши (1970). Т. й. ва шоссе йўллар узели, қ. х. р-нининг савдо маркази. Озиқ-овқат, тамаки, тўқимачилик, кўн пойабзал, қурилиш материаллари корхоналари бор. О. да СССРнинг техникавий ҳамкорлиги б-н шакарқамиш ўрувчи комбайн з-ди қурилмоқда (1974).

ОЛЬМИНСКИЙ (ҳақиқий фамилияси — Александров) Михаил Степанович [1863. 3 (15). 10, Воронеж — 1933. 8. 5, Москва]— Россиядаги революцион ҳаракат арбоби, публицист, тарихчи, адабий танқидчи ва адабиёт тарихчиси. 1898 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1883 йилдан революцион ҳаракатда қатнашган. Революцион фаолияти учун қамоқ ва сургунда бўлган. 1904 йилдан Швецарияда бўлиб, В. И. Ленин раҳбарлигида «Вперёд» ва «Пролетарий» газета редакцияларида ишлади. 1905 йилдан Петербург ва Бокуда партия иши олиб борди. 1911—14 йилларда «Звезда», «Правда» газеталари, «Просвещение» журналида ишлади. 1915 йилдан Саратов, 1916 йилдан Москвада партия иши олиб борди. 1917 йилда Москвадаги большевистик «Социал-демократ» газетаси муҳаррирларидан, сўнг Петроградда «Правда» газетасида ишлади, РСДРП(б) МҚ бюроси аъзоси. 1917 йил мартда РСДРП(б) Москва комитети аъзоси. РСДРП(б) 6-съезди делегати ва съезд расларидан бири. Москвада Совет ҳокимияти учун кураш қатнашчиси. 1917 йил декабрдан Молия халқ комиссарлиги коллегияси аъзоси; 1918—20 йилларда «Правда» газетаси редколлегияси аъзоси, 1918 йилдан Социалистик, сўнг Коммунистик академия проф. 1920—24 йилларда *Истпарт* ташкилотчиси ва раҳбари. Кекса большевиклар жамияти раиси, «Пролетарская революция» журнали асосчиси ва муҳаррири. 1928 йилдан В. И. Ленин ин-ти дирекцияси аъзоси. Публицистика, тарих, адабиётшуносликка оид асарлар ва хотиралар муаллифи. Коминтерн 2-конгресси делегати (1920). Москва Қизил майдонида Кремль деворига дафн этилган.

Ас.: Соч., М., 1935; В тюрьме (1896—1898), М., 1956; Из эпохи «Звезды» и «Правды» (статьи 1911—14), М., 1956; Статьи о Салтыкове-Щедрине, М., 1959.

Ад.: Веревкин Б. П., М. С. Ольминский, М., 1972.



Ольминский М. С.

ОЛЬСТЕР (Ulster)— 1) Ирландия оролининг шимолий қисмидаги тарихий область. О. илк ўрта асрларда мустақил қироллик бўлган. 12-асрнинг 2-ярмидан Англияга қарам. 16—18-асрларда О. мустамлакачиликка қарши қўзғолонлар марказига айланди. Капитализмнинг ривожланиши б-н О. да саноат тез ўса бошлади. Англия консерваторлари О. даги миллий ҳамда диний низолар (католиклар б-н протестантлар ўртасидаги келишмовчилик)дан фойдаланиб, 1-жаҳон уруши (1914—18) арафасида О. ни Ирландиянинг автономиясига қарши кураш майдонига ва сепаратик ҳаракатнинг таянч базасига айлантирдилар. 1921 йилги Англия-Ирландия шартномасига биноан О. нинг катта қисми Буюк Британия қарамлигида қолди (қ. *Шимолий Ирландия*), қолган қисми Ирландия эркин давлати (1949 йилдан Ирландия Республикаси) таркибига кирди;

2) Матбуотда баъзан Ирландиянинг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма қироллиги таркибига кирувчи шимолий қисмини О. деб атайдилар. 20-асрнинг 60-йиллар охири — 70-йиллар бошида Шимолий Ирландияда полиция репрессияси ва ўнг экстремистик унсурлар террори шароитида кам сонли католикларнинг гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун демократик ҳаракати бошланиб кетди. 1969 йилда Англия ҳукумати тартибини сақлаш баҳонаси б-н Шимолий Ирландияга қўшин юборди. 1972 йилдан Шимолий Ирландия бевосита Лондондан идора қилина бошлади, О.



Ом Г. С.

нинг парламенти ва ҳукумати эса тарқатиб юборилди.

ОЛЬХА (Alnus glutinosa) — қайиндошларга мансуб дарахт ва буталар туркуми (қ. *Қандағоч*).

ОЛЬХОН — Байкал кўлининг шимоли-ғарбий қисмидаги орол (РСФСР Иркутск области). Майдони 730 *км*². Энг баланд жойи 1276 *м* гача. О. архей гнейси, мармар, кварцит ва гранитлардан таркиб топган. Оролнинг шимоли тилоғочли тайга, жануби дашт. О. да кучли шимоли-ғарбий шамол (сарма) эсиб турди. О. да Хужир посёлкаси жойлашган.

ОЛҒА — ҚозССР Актюбинск областидаги шаҳар. Илек дарёсининг (Урал ирмоғи) юқори оқимида. Актюбинскдан 44 *км* жанубдаги т. й. станцияси. Аҳолиси 14,8 минг киши (1968). О. 1930 йилда кимё к-ти қурилиши (фосфорли ўғитлар, микроўғитлар ва б. ишлаб чиқаради) муносабати б-н ўсди. О. 1961 йилда посёлкадан шаҳарга айланган.


ОЛҒА — Хоразм обл. Янгиариқ р-ни Хоразм қ. С. даги қишлоқ. «Хоразм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Хонқадан 8 *км*. Аҳолиси 1205 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шовот каналидан сув ичади.

ОЛҒА — Хоразм обл. Шовот р-ни Ўзбекистон қ. С. даги қишлоқ. «Қоммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 22 *км*. Аҳолиси 901 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шовот каналидан сув ичади.

ОЛҒА — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Улус қ. С. даги қишлоқ. «Улус» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 120 *км*, яқин т. й. станцияси — Нагорнаядан 70 *км*. Аҳолиси 617 киши (1971); ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқ ва булоқлардан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, фельдшерлик пункти бор.

ОЛҒА — Хоразм обл., Ҳазорасп р-ни Юқори Мухаман қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазораспдан 4 *км*. Аҳолиси 581 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Мухаманёп каналидан сув ичади.

ОЛҒИ (Fritillaria) — пиёздошларга мансуб ўтсимон ўсимликлар туркуми. Шимолий ярим шарнинг мўътадил зонасида 50 *га* яқин, СССР да 26 тури бор, шундан кўпи Кавказ ва Ўрта Осиё тоғларида ўсади. Узбекистонда 2 тури учрайди. Шундан Фарғона О. си (F. fergaensis) нинг пояси 20—50 *см*, барги наштарсимон, гули қизғиш-гунафша. Фарғона водийсида учрайди. Кўпи манзарали, доривор турлари ҳам бор. СССРнинг жанубий ва ўрта кенгликларида очиқ ерда ўстирилади. Баъзи турларининг пиёзида заҳарли алкалоидлар бор.



Олғи.

ОМ Георг Симон (1787. 16. 3, Эрланген — 1854. 7. 7, Мюнхен) — немис физиги. Эрланген ун-тини тугатгач (1806), ўқитувчилик қилган (1906—09), докторлик диссертациясини мустақил равишда тайёрлаб, Эрлангенда ёқлаган. 1833 йилдан Нюрнбергдаги Политехника мактабида директор, 1849 йилдан Мюнхен ун-тида проф. 1826 йили электр занжирини кашф қилган ва 1827 йили уни назарий асослаган. Асосий илмий ишлари электр, оптика, кристаллооптика ҳамда акустикага оид. О. Лондон Қироллик жамиятининг аъзоси (1842). Электр қаршилик бирлиги (*ом*) унинг номи б-н аталади.

ОМ — ўтказгичнинг электр қаршилик бирлиги. Немис олими *Г. Ом* шарафига қўйилган. *Ом* ёки Ω б-н белгиланади. Ўтказгичдан ўтаётган ток кучи 1 *а* ва унинг учларидаги кучланиш 1 *в* бўлганда, унинг қаршилиги 1 *ом* га тенг бўлади, яъни 1 *ом* = 1 *в*/*а*. О. нинг бошқа бирликлар б-н ўзаро муносабати қуйидагича:

1 *ом* = $1{,}11 \cdot 10^{-12}$ СГСЭ бирлик = 10^9 СГСМ бирлик. Қаршиликка тескари катталик электр ўтказувчанлик дейилади.

ОМ ҚОНУНИ — ўтказгичнинг бирор қисмидан ўтган ўзгармас ток кучи *I* ва унинг учларидаги потенциаллар айирмаси *V* ўзаро тўғри пропорционаллигини белгиловчи қонун. Бу қонунни 1826 йили Г. *Ом* кашф қилган. У қуйидагича ёзилади:

$$RI = V. \qquad (1)$$

Ўтказгичнинг геометрик, электр хоссаларига, шунингдек т-рага боғлиқ пропорционаллик коэффициенти *R* ўтказгичнинг ом қаршилиги дейилади. О.қ.ни ўтказгичнинг э.ю.к. манбаи бўлмаган занжир қисми учунгина қўллаш мумкин. Э.ю.к. манбаи (аккумулятор, термопара ва б.) мавжуд бўлса:

$$RI = V + E, \qquad (2)$$

бунда E — занжирнинг берилган қисмидаги барча манбаларнинг э.ю.к.

Берк занжир учун О.қ. қуйидаги кўринишни олади:

$$R_m I = E,$$

бунда $R_m = R + R_i$ — занжирнинг барча ташқи қаршилиги R дан ҳамда э.ю.к. манбаи ички қаршилиги R_i дан иборат қаршилик. О.қ. нинг тармоқланган электр занжири учун умумлашган кўриниши *Кирхгоф қоидалари* б-н тушунтирилади.

ОМАХА — АҚШнинг марказий қисмидаги шаҳар. Миссури дарёси бўйидаги порт. Небраска штатида. Мамлакатнинг муҳим т. й. ва автомобиль йўллари узели. Аҳолиси 347 минг, шаҳар атрофи б-н бирга 540 минг киши (1970). Чорва ва ғалла савдосининг йирик маркази. Кушхоналар, гўшт консерва з-длари, тегирмонлар, қ. х. ва транспорт машинасозлиги, самолётсозлик, электротехника, нефтни қайта ишлаш, рангли металлургия корхоналари, ун-т бор. О. яқинида ҳарбий-ҳаво базаси жойлашган.

ОМБОР — 1) дон ва дон маҳсулотлари, шунингдек товар ва материаллар сақланадиган иншоот. Тош, цемент, ғишт, ёғоч ва б. маҳаллий материаллардан қурилади (яна қ. *Дон омборлари*); 2) сув тўпланган жой, сув ҳавзаси, мас., сув омбори.

ОМБОР ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ — дон ва дон маҳсулотларини зарарлайдиган ҳамда нобуд қиладиган жониворлар. Қуритилган мева, сабзавот ва хом ашё маҳсулотларини ҳам зарарлаши мумкин. Уларнинг орасида 40 турдан ортиқ ҳашарот ва 20 турдан зиёдроқ кана бор. Зараркунандалар донинг муртаги ва унли қисмини ейди, оқибатда, ғалла ва б. маҳсулотларнинг озиқлик, товарлик сифатлари йўқолади, узоқ сақланмайди. О. з. пахта тозалаш ва ёғ з-дларида ҳам учрайди.

Каналарнинг асосий лари:

Омбор каналари — ун канаси, родионов канаси, чўзиқ кана, турон канаси, қорамтир кана ва б.

Ун канаси — эркаги 0,32—0,43 *мм*, урғочиси 0,35—0,67 *мм*; танаси тухумсимон, оёқлари ва хартуми қизил. Тухуми оқ. Личинкаси (қурти) тухумсимон. Ҳамма ерда учрайди.

Родионов канаси — урғочиси 0,51—1,24 *мм*; эркаги диморф; бир хил формаси 0,58—1,00 *мм*, бошқаси 0,70—0,95 *мм*. Тухуми 0,11—0,21 *мм*. Ўрта Осиё, Шимолий Кавказда, РСФСР Европа қисмида, Олтой ўлкасида учрайди.

Чўзиқ кана — эркаги 0,28—0,35 *мм*, урғочиси 0,32—0,42 *мм*. Танаси ун канасиникидан чўзиқроқ. Ўрта Осиё, Кавказ, Закавказьеда, СССР Европа қисмининг марказий зонаси ва Узоқ Шарқда тарқалган.

Турон канаси — 0,5 *мм* ча, оқиш; оёқ панжалари учида 6 та тикан, танаси учида уч жуфт қил бор. Ўрта Осиёда тарқалган.

Қорамтир кана — эркаги 0,30—0,32 *мм*, урғочиси 0,38—0,41 *мм*. Туси оч пушти-қўнғир. Оёқлари узун. Ўрта Осиёда, Озарбайжон, Шимолий Кавказ, Москва ва Иваново областларида учрайди.

Личинкалари вояга етган каналардан танасининг кичиклиги ва оёғининг уч жуфтлиги б-н фарқланади. Омбор каналари қулай шароитда йил бўйи ривожланиб, кўпая беради.

Ҳашаротларнинг асосийлари:

Муғамбир қўнғиз — ун ва ун маҳсулотлари, уруғ, қуруқ гармдори, доривор ўсимликлар, кийим-кечак, мўйна, жун, тери ва тулумлар, энтомологик коллекция, гербарий, қоғоз ва б. ни зарарлайди. Қўнғизи 2—4,3 *мм*, танаси тухумсимон, жигар ранг ёки қизғиш. Ғумбаги 4—4,5 *мм*, оқ; личинкаси 5 *мм* гача, оч сариқ. Озиқ-овқат маҳсулотларига тухум қўяди. Личинкаси пилла ичида ғумбакка айланади. Ер юзининг кўп жойида тарқалган.

Фриш терихўри — ипак қурти пилласини, қуритилган, дудланган балиқ ва терини зарарлайди. Қўнғизи 6—9 *мм*, танаси чўзиқ; личинкаси тўқ жигар ранг, узун қиллар б-н қопланган, 13 *мм*, ғумбаги, 8,5—9 *мм*, оч сариқ. Март-апрелда тухум қўяди. Маҳсулотни, асосан, личинкаси зарарлайди. Йилига бир неча насл беради. Деярли ҳамма мамлакатда учрайди.

Марғиб қўнғизи — ун ва ун маҳсулотларини зарарлайди, дон муртагини кемиради, чигит ва кунжарага тушади. Қўнғизи 7—11 *мм*, танаси ясси, ялтироқ, қорамтир. Личинкаси 18 *мм* ча, оқиш; ғумбаги 7—10,5 *мм*, танасининг охирида кенг қирра дўмбоқчалар бор. Личинкалик стадиясида қишлайди. Эрта кўкламда пахса ёки тахта орасида ғумбакка айланади. Йилига бир неча насл беради.

Ун митаси — ун ва ун маҳсулотлари, баъзан, тамаки ҳамда қуруқ меваларни зарарлайди. Қўнғизи 13—15 *мм*, танаси чўзиқ, цилиндр шаклида; ғумбаги 16—20 *мм*, сарғишоқ. Личинкалик стадиясида қишлайди. Кўкламда ун орасида ғумбакка айланади. Йилига 1—2 насл қолдиради. Ҳамма жойда учрайди.

Омбор узунбурруни ёки омбор митаси — жавдар, буғдой, арпа, оқ жўхори, маккажўхори, сули, гуруч, тариқ ва б. маҳсулотларни зарарлайди. Қўнғизи 2—4 *мм* ча, тўқ жигар ранг; боши узун хартумга айланган, танаси чўзиқ. Личинкаси 3 *мм* ча, йўғон, қўндаланг бурмали, оқ, оёқсиз; ғумбаги 3—5 *мм*, оқ ёки сарғиш. Йилига 3—4 насл беради. Ҳамма мамлакатда учрайди.

Гуруч узунбурруни ёки гуруч митаси — зарари, тузилиши ва ҳаёт кечириши омбор узунбурунникига ўхшаса-да, қуйидагилар б-н фарқ қилади: қўнғизи жигар ранг; устки қанотларида иккитадан қизғиш доғ бор. Омбор узунбурунига нисбатан 2 марта ошиқ — 500—600 тухум қўяди; йилига 8 мартагача насл беради.

Омбор куяси — донларни зарарлайди. Куя тушган дон фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолади. Қапалаги қанотлари ёзилганда 9—14 *мм*; олдинги қанотлари оқиш, қўнғир ва қора ёйиқ доғлари бор; кетинги қанотлари кул ранг. Личинкаси 10 *мм* гача, хира ёки сарғишоқ. Ғумбаги 4—7 *мм*, қўнғир. Йилига 1 насл беради. Ўрта Осиё, Кавказ, Сибирь, Европа ва Японияда учрайди.

Кийим куяси — қоракўл, қуён териси ва б. мўйналарни, жун, қил, пар, пат ва улардан тайёрланган буюмларни зарарлайди. Қапалаги қанотлари ёзилганда 9—16 *мм*; хира сариқ, олдинги қанотлари учида, кетингилари четида узун шокиласи бор. Личинкаси оқиш, найча-пилла ичида; ғумбаги жигар ранг, пилла ичида. Йилига 1—2 насл беради. Ер юзида кенг тарқалган.


Булардан ташқари, жануб парвонаси, ун парвонаси, дон ёки шоколад парвонаси, суринам қўнғизи ва б., шунингдек иссиқ қонли зараркунандалар — туркистон каламуши, пластинка тишли каламуш, северцов сичқони ва б. ҳам сақланаётган хом ашё ва маҳсулотларни зарарлаб ифлослайди.

Омбор зараркунандаларига қарши кураш.

Қириш чоралари. Соя тушмайдиган текис жойга брезент, палос, шолча каби нарсалар ёзиб, зарарсизлантириладиган маҳсулот юпқа қилиб ёйилади ва офтобда 3—4 куи қиздирилади. Ҳар куни ёғоч курак б-н 2—3 маҳал ағдариб турилади. Кечки пайт тўплаб, устига брезент ёпилади. Зарарсизлантирилгандан кейин маҳсулот ўлган ҳашарот ва каналардан тозаланади.

Намлаб дезинфекция қилиш. Омбор асбоб-ускуналарига ГХЦГ ёки хлорофос суспензияси пуркалади, бунда озиқ-овқат ва емларга заҳар тегмаслиги керак. Тахтали, цементланган, шувалган ерларга 1 *м*² га, 0,3 *л* дан, гувала, хом ғишт шувалмаган ерларга 0,4—0,5 *л* дан, тупроқли жойларга эса 0,6 *л* дан заҳарли суюқлик, 8—10% ли минерал мой эмульсиялари сепилади.

Аэрозоль усулида юқумсизлантириш. Бўш омбор ва бинолар АГ-Л6 ёки АГ-УД-2 аппаратлари ёрдамида дизель ёнилғиси, соляр ёки яшил мойда эритилган техник ГХЦГнинг 4% ли эритмаси б-н дориланади. Бинонинг ҳар 1 *м*³ га 10—30 *мл* суюқлик сарфланади. Г-17; К-2; К-18; ИДГ-0 каби инсектицидли шашкалар ва хлорофосли термопакетлар ишлатилади. Ҳар 1 *м*³ га Г-17, К-2, К-18 шашкалар аралашмасидан 2 *г* ёки ИДГ-0 шашкаси аралашмасидан 1,4—2,6 *г*, хлорофосли термопакетлар аралашмасидан 5—17 *г* сарфланади. Дориланган бинолар бир сутка маҳкам бекитиб қўйилади, кейин дераза, эшиклар уч-беш кун очиб қўйилиб, инсектицидларнинг ҳиди кетказилади. Эшик деразалари яхши ёпиладиган омборлар брезент ва синтетик плёнка остида газли дезинсекция (фумигация) қилинади. Фумигация қилишда 1 *м*³ жойга 20—40 *г* хлорпик-



Омбор зараркунандалари: *1* — ун канаси; *2* — ун митаси; *3* — муғомбир қўнғиз; *4* — омбор узунбурруни; *5* — фриш терихўри; *6* — гуруч узунбурруни; *7* — марғиб қўнғизи; *8* — омбор куяси.



Омиров Р. И.

рин, 250—500 *г* дихлорэтан, 20—35 *г* метил бромид сарфланади. Уруғлик чигит, маккажўхори ва нўхатни фумигация қилишда 1 $м^3$ жойга 25—35 *г* хлорпикрин, 400—800 *г* дихлорэтан, 40 *г* метил бромид сарф қилинади.

Қириш усули: иссиқ қонли кемирувчилар инига ҳар ойда 1—2 марта заҳарли ем (емга 3% ли рух фосфид ёки 1% ли крисид, 10—15% ли барий карбонат қўшилади) каламуш инига 10—12 *г*, сичқон инига 2—3 *г* дан солинади.

Олдини олиш чоралари: янги ҳосилни қабул қилиш олдидан омбор, асбоб-ускуна, қоп-қанор ва б. ремонт қилинади, пахта маҳсулотлари сақланадиган майдончалар эса ГХЦГ (1 *кг* лойга 30 *г* заҳарли химикат) аралаштирилган лой б-н сувалади, омборнинг ҳамма ёриқ ва тирқишлари ГХРЦ ли лой б-н сувалиб, заҳарли ем ташлаб турилади. Пахта тозалаш ва ёғ з-длари, тегирмонлардаги омборлар, бостирмалар ҳамда майдончаларнинг атрофи бегона ўт ва ахлатдан тозаланади, омбор шамоллатиб турилади; уруғлик, ем ва озиқ-овқатлар қопларда сақланади.

ОМБОРЖАР — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Қалқама қ. С. даги қишлоқ. Ильич номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғдан 24 *км*. Аҳолиси 1060 киши (1971); ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Аяқчи сойидан сув ичади. Урта мактаб бор.

ОМБУР (форс-тож.— انبر) — 1) металл деталлар, мих ва б. нарсаларни қисиб ушлаш, эгиш, суғуриш, баъзан, материални қирқиш учун ишлатиладиган икки жағли асбоб. Металлургия, металлсозлик, дурадгорлик, темирчилик, заргарлик, монтёрлик ва б. соҳаларда, уй-рўзғорда ишлатилади. Ясси жағли, думалоқ жағли, ўткир жағли, гажомбур (жағлари бир томонга эгилган), нўғайдўз (этикдўзлик ва кавушдўзликда ишлатиладиган), қаламгир (темирчиликда ишлатиладиган), нов О. (жағининг ўртаси новсимон, тақачилар ишлатади) ва б. хиллари бор. Баъзи станокларда О. станокнинг бир қисми вазифасини ўтайди. Турли-туман донали юкларни кўтаришда юк омбури ишлатилади. Материални (мас., симни) ҳам эгиб, ҳам қирқиб, ҳам қисадиган (монтёрлар ишлатадиган) универсал О. лар ҳам бор; 2) электротехникада юқори вольтли линияларда ток кучи ва электр кучланишини ўлчайдиган асбоб. Каллаги ферромагнит ўзакдан иборат. Унда *индуктивлик ғалтаги* жойлашган. Асбобнинг изоляцияланган дастаси ва пружинали механизми уни оддий омбурга ўхшатиб кўрсатади.

ОМДУРМАН — Судандаги шаҳар. Оқ Нил б-н Кўк Нил қўшилган жойда. Аҳолиси 258 минг киши (1971). Хартум шаҳрига яқин, у б-н трамвай йўли орқали боғланган. О.— савдо-транспорт маркази. Тўқимачилик, кўн ф-калари, озиқ-овқат корхоналари бор. Ҳунармандчилик ривожланган. Чорва, тери, газлама б-н савдо қилинади. Архитектура ёдгорликларидан Суданда 19-аср охиридаги халқ қўзғолонининг раҳбари Маҳди Суданий мақбараси бор.

ОМИЛ (араб. عامل — сабаб) — 1) бирор жараён ёки ҳодисани юзага келтирувчи, унинг характер ёки хусусиятларини белгиловчи куч, сабаб, фактор; 2) ўз ҳунари ёки ишини яхши эгаллаган киши (омилкор), мас., О. пахтакор.

ОМИРОВ Рауф Йўлдошевич (1931. 23. 8, Самарқанд) — хирург, медицина фанлари д-ри (1974). 1971 йилдан КПСС аъзоси. Самарқанд Медицина ин-тини тугатгач (1954), шу ин-т умумий хирургия кафедрасида ординатор (1954—57), аспирант (1957—60), ассистент (1960—67), доцент (1967—74), 1974 йилдан кафедра мудири. Илмий ишлари Самарқанд областида болалар ўртасида эндемик буқоқнинг тарқалиши ва ўлка касалликлари хирургиясига оид.

«ОММАВИЙ ЖАМИЯТ» — марксист бўлмаган философ ва социологлар ҳозирги жамиятнинг айрим ўзига хос томонларини ифодалаш учун ишлатадиган тушунча. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда «О. ж.» индустрлаштириш ва *урбанизация*, ишлаб чиқаришнинг стандартлашуви ҳамда оммавий истеъмол, ижтимоий ҳаётнинг бюрократлашиши, *оммавий коммуникация ва оммавий маданият* воситаларининг кўпайиши б-н боғлиқ.

«О. ж.» назарияси 18—19-асрларда Европа ва Америкадаги буржуа-демократик ўзгаришларни консерватив-аристократик нуқтаи назардан танқид қилиш асосида келиб чиққан. 20-асрнинг 20—30-йилларида Европада фашизмнинг пайдо бўлиши «О. ж.» назарияси мазмунининг кескин ўзгаришига олиб келди: элита маънавий бойликларини «ўта демократия»дан ҳимоя қилиш фикрини буржуа-демократик ҳуқуқларни «ҳоким элита»нинг чекланмаган ҳукмронлигидан ҳимоя қилиш ғояси эгаллади (Германиядан К. Манхейм, Э. Ледерер, Х. Арендт). Фашизмнинг ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий сабабларини ва синфий моҳиятини очиб беришдан йироқ бўлган бу концепцияларда фашистлар диктатураси б-н социализм ўртасидаги қарама-қаршилик эътиборга олинмайди, фашизм танқиди антикоммунизм б-н узвий чатишиб кетади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин давлат монополистик капитализмини майда буржуа либерализми ва романтизми нуқтаи назаридан танқид қилиш «О. ж.» концепцияларида асосий ўринни эгаллайди. Р. Миллс, Э. Фромм, Д. Рисмен (АҚШ) буржуа жамиятининг турли томонларини: иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий бегоналашув, ҳокимиятнинг марказлашуви, оралиқ автоном уюшма ва ташкилотларнинг инқирози, стандартлашган маданиятнинг тарқалиши ва бошқаларни танқид қилдилар. Бироқ улар бегоналашувни абсолютлаштириб, «О. ж.» ни тугатишга қодир бўлган ижтимоий кучларнинг мавжудлигини инкор этдилар. Айрим буржуа социологлари (АҚШ дан Д. М. Мартиндейл, Д. Белл, Э. Шилс) «О. ж.» ни ижобий талқин қилишга уриниб кўрмоқдалар. Улар «халқ капитализми», «умумфаровонлик давлати» доктринаси, айниқса, «ягона ўрта синф» назариясидан келиб чиқиб, оммавий ишлаб чиқариш ва оммавий истеъмол таъсирида кишиларнинг иқтисодий, социал ва сиёсий тенглашуви, синфий тафовутларнинг тугаб бориш жараёни содир бўлмоқда, деб даъво қилмоқдалар.

«О. ж.» назарияларининг марксистик таҳлили уларнинг назарий жиҳатдан асоссизлигини очиб ташлаб, айни вақтда уларда бир қанча муҳим проблемалар (ҳозирги замон

буржуа дунёсида шахс ва маданият ижтимоий эркинлигининг тақдири ҳақидаги, оммавий коммуникациянинг аҳамияти, «дастлабки» ва «оралиқ» группаларнинг роли ва б.) ҳамда буржуа цивилизациясининг танқиди мавжудлигини кўрсатиб ўтади.

Ад.: Стрельцов Н. А., Теоретические истоки и эволюция концепций «массового общества», «Вопросы философии», 1970, № 12; Ашин Г. К., Доктрина «массового общества», М., 1971.

ОММАВИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклларидан бири, чекланган номенклатурада бир хил маҳсулотни кўп миқдорда тайёрлаш. О. и. ч. ихтисослаштиришнинг олий шакли ҳисобланиб, саноатнинг кўп соҳаларига: машинасозлик (инструментлар, подшипниклар ишлаб чиқариш), асбобсозлик (соатсозлик), енгил саноат (пойабзал, галантерея), озиқ-овқат саноати (консерва тайёрлаш)га хос. Бир цех, участка ёки корхона ичида ташкил этилиши мумкин. О. и. ч. одатда маҳсулотни кўп миқдорда ва сифатли тайёрлашга, меҳнат унумдорлигини оширишга, маҳсулот таннархини пасайтиришга, рентабелликни оширишга имкон беради.

ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯ кўп сонли аҳоли ўртасида мунтазам информация (матбуот, радио, телевидение, кино, овоз ва тасвирни ёзиш йўли б-н) тарқатиш. О. к. нинг мақсади муайян жамиятнинг маънавий бойликларини қарор топтириш ҳамда кишиларнинг хулқ-атвори ва дунёқарашига идеологик, сиёсий, иқтисодий ёки ташкилий таъсир ўтказишдан иборат. О. к. нинг келиб чиқишига 20-асрнинг 1-ярмида катта ҳажмдаги оғзаки, образли ва музика информацияларини тез ва ғоятда кўпайтириб узатишга имкон берган техник қурилмаларнинг яратилиши моддий замин бўлди. Юксак профессионал мутахассис ходимлар хизмат қиладиган бу қурилмаларнинг комплекслари «оммавий информация ва пропаганда воситалари» ёки «О. к. воситалари» деб атала бошлади.

О. к. информация манбаи ҳамда ахборотни қабул қилиб олувчидан иборат системани ташкил этади. Ахборот манбаи уни қабул қилиб олувчи б-н матбуот (газета, журнал, оммавий тираждаги брошюра ва китоблар, варақалар, плакатлар), радио ва телевидение, кино, овоз ёзиш (грампластинка, магнитофон роликлари ёки кассеталар ишлаб чиқариш ва тарқатиш) системалари орқали боғланган бўлади. О. к. нинг самаралилиги ва таъсирчанлиги фақат узатилаётган ахборотнинг ўқувчи, тингловчи, томошабинга таъсирининг мақсад ва вазифалари б-н эмас, балки улар мазмуни ва шаклининг кишиларнинг доимий ва кундалик эҳтиёжларига мувофиқ келиши б-н ҳам белгиланади.

Ғоявий-сиёсий кураш, ижтимоий бошқариш, ижтимоий группалар муносабатларини тартибга солиш ва маданиятни тарқатишнинг қудратли қуроли бўлган О. к. ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва шаклига, пропагандининг идеологик, сиёсий ва б. турларига жиддий таъсир кўрсатади.

Капитализм шароитида ҳукмрон синфнинг қуроли сифатида майдонга чиқувчи О. к. капиталистик тузумни ҳимоя қилиш, унинг иллатларини яшириш, турли усуллар ва *оммавий маданият* ёрдамида шахснинг онгини заҳарлашдан иборат.

Социалистик жамиятда О. к. жамиятнинг ғоявий ва ахлоқий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашга, буржуа идеологияси ва пропагандасига қарши курашишга, ҳар томонлама гармоник ривожланган шахсни тарбиялашга хизмат қилишга бўйсундирилган.

Ад.: Социология и идеологическая деятельность, Сб., М., 1967; Шерковин Ю. А., Психологические проблемы массовых информационных процессов, М., 1973.

«ОММАВИЙ МАДАНИЯТ» — буржуа философияси ва социологиясида 20-аср ўрталаридаги ва ундан кейинги буржуа маданияти ҳолатини умумлашган шаклда ифодаловчи тушунча. Бу тушунчада буржуа маданиятидаги муҳим ўзгаришлар: *оммавий коммуникация* воситалари — радио, кино, телевиденининг кенг ривожланиши, буржуа турмуш тарзини тарғиб этувчи безакли журналларнинг ва маънавий жиҳатдан заиф, умри қисқа китобларнинг катта тираж б-н нашр этилиши, стандартлаштирилган маънавий бойликларни яратиш ва ёйишда индустриал-савдо усулларидан фойдаланиш ва б. ўз аксини топган.

Давлат-монополистик капитализми шароитида оммавий коммуникация воситаларидан фойдаланиш маданиятни экономиканинг бир соҳасига айлантиради ва «О. м.» ни вужудга келтиради. «О. м.» учун кишилар ўртасидаги муносабатларни примитив тарзда кўрсатиш, ижтимоий ва синфий конфликтларни хаспўшлаш, секс ва зўравонликка ҳамда одамларга хос инстинктларга ниҳоятда катта эътибор бериш ва ш. к. белгилар хос. Бунга ўхшаш белгилар буржуа маданиятида капитализм умумий кризисининг бошланиш даврида юзага кела бошлаган бўлса-да, хусусан сўнгги йилларда «О. м.» да мужассамлашди.

ОММАВИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ НАЗАРИЯСИ, навбатлар назарияси — амалий математика бўлимларидан бири. Унда оммавий хизмат кўрсатиш системаларидаги процессларни эҳтимоллар назарияси воситалари б-н ўрганилади. Оммавий хизмат кўрсатиш системаларига автомат алоқа линиялари орқали абонентларга хизмат қилиш, корхоналарда ишдан чиққан станокларни ремонт қилиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари мисол бўлади. О. х. к. н. нинг асосий масалаларидан бири — оммавий хизмат кўрсатиш системалари ишини маълум кўрсаткичлар бўйича оптимал ташкил қилишдир.

Мас., *n* та каналли автомат алоқа линиясини олайлик. Телефон чақириқлари линияга тасодифий тарзда тушади. Чақириқ тушган пайтда линиянинг ҳамма каналлари банд бўлса, чақириқ рад этилади, каналлардан бири бўш бўлган ҳолда чақириқ линияга уланиб, тасодифий вақт давомида хизмат қилинади. Бундай система учун хизмат қилинмаган чақириқлар сони ёки линиянинг ҳамма каналлари банд бўлган муддат муҳим кўрсаткичлар ҳисобланади ва О. х. к. н. да уларни камайтириш масаласи ўрганилади. Маълум шартларда рад қилинган чақириқлар сонининг барча чақириқлар сонига нисбати.

$$P_n = \frac{\lambda^n}{n!} e^{-\lambda} \Big/ \sum_{k=0}^{n} \frac{\lambda^k}{k!} e^{-\lambda}$$

формула б-н ифодаланиши исбот қилинади, бу ерда λ — вақт бирлигидаги чақириқлар сонини чақириқларга хизмат қилишга сарф бўлган ўртача вақтга кўпайтмаси. Бу формула б-н рад қилинган чақириқлар миқдори берилган

меъёрдан ошмаслигини таъминлаш учун қанча канал кераклиги ҳисобланади.

О. х. к. н. телефон алоқаси масалаларини ечиш асосида яратилди. Сўнгги йилларда саноат корхоналарида кўплаб автомат линиялар вужудга келиши б-н О. х. к. н. тез ривожланмоқда. Бу соҳада даниялик А. К. Эрланг, шведиялик К. Пальм, француз Ф. Поллачек, совет математиклари А. Я. Хинчин, Б. В. Гнеденко ишлари асосий ўрин тутади. О. х. к. н. ни ривожлантиришда ўзбек математиклари С. Х. *Сирожиддинов*, Т. А. Азларов ва б. нинг ҳиссалари катта.

ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИ — ялпи талафот етказиш учун қўлланиладиган воситалар. О. қ. қ. га ядро, химиявий ва бактериологик (биологик) қуроллар киради. Жанговар хусусиятларига кўра, О. қ. қ. бошқа барча жанг қуролларидан устун туради. О. қ. қ. ни турли жангларда, ҳар қандай шароитда, исталган узоқликда қўллаш мумкин. О. қ. қ. орасида энг қудратлиси ядро қуролидир [қ. *Биологик (бактериологик) қурол, Химиявий қурол, Ядро қуроли*].

ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИДАН МУДОФАА — қўшинларни, аҳоли ва мамлакат халқ хўжалиги объектларини душманнинг ядро ва бактериологик қуролларидан ҳимоя қилишга ёки бу қуроллар таъсири туфайли бериладиган талафотни максимал даражада камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар комплекси. Бу тадбирларга қуйидагилар киради: душманнинг ядро химиявий ва бактериологик қуролни қўллашга тайёрланаётганлигини аниқлаш; радиоактив ва химиявий заҳарланган, вайрон бўлган, сув босган, ёнғин чиққан р-нларни аниқлаш, радиацион, химиявий ва бактериологик разведка қилиш, дозиметрик назорат ўтказиш; радиоактив, химиявий ва бактериологик заҳарланиш ҳақида қўшинларга хабар бериш; қўшинларни тарқатиб, р-нларга навбатма-навбат жойлаштириш ва уларни ниқоблаш; *Оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя воситалари*, жанговар техника, транспорт ва жойларнинг ҳимоя қилиш имкониятларидан фойдаланиш; манёвр қилиш учун йўллар ҳозирлаш, қўшин жойлашган р-н ва позицияларни инженерлик жиҳатдан жиҳозлаш, заҳарланган зоналардан ўтишнинг энг қулай усулларини танлаш ва заҳарланган жойда ҳаракат қилаётган шахсий составнинг ҳимояланишини таъминлаш; эпидемияга қарши санитария-гигиена ва махсус профилактик чоралар кўриш; қўшинларни ҳимоя воситалари б-н таъминлаш; душманнинг оммавий қирғин қуролларини қўллагандаги оқибатларни бартараф қилиш.

Қўшинларни О. қ. қ. м. қилишда барча штаб ва командирлар зиммасига душман қўллаган ядро, химиявий ва бактериологик қуролнинг таъсирини максимал даражада камайтириш, шикастланган қўшиннинг жанговар қобилиятини қисқа муддат ичида тиклаш ҳамда заҳарланган зоналарда ҳаракат қилиш учун шарт-шароит яратиш вазифаси юкланади. Шахсий составни индивидуал ҳимоя воситалари, герметик панажойлар б-н таъминлаш, қурол-яроғ ва жанговар техникани ядро, химиявий ва бактериологик қуроллар таъсиридан сақлашни ташкил этиш ҳам қўшинни О. қ. қ. м. қилишда катта аҳамиятга эга. Душман оммавий қирғин қуролларини қўллагач, унинг оқибатларини аниқлаш учун қўшин ҳаракат қилаётган зонада радиацион, химиявий ва бактериологик разведка ўтказилади. Шахсий составнинг радиоактив нурланиши кишиларнинг, қурол-яроғ, техника, озиқ-овқат, сув ва б. нинг заҳарланиш даражаси аниқланади. Шикастланганларга ёрдам кўрсатилади, қутқарув ишлари, шахсий состав ва жанговар техникани махсус тозалаш (қ. *Дегазация, Дезактивация*) ўтказилади, касал тарқатувчи микроблар топилган жойлар *дезинфекция* қилинади. Шаҳарлар ва халқ хўжалиги объектларини О. қ. қ. м. қилишда душман оммавий қирғин қуролларини қўллаш эҳтимол бўлган шаҳар аҳолисининг бир қисми хавфсизроқ р-нларга кўчирилади, аҳоли коллектив ва индивидуал ҳимоя воситалари б-н таъминланади, профилактик, санитария-гигиена ва б. тадбирлар амалга оширилади. Халқ хўжалигининг бетўхтов ишлаши учун шарт-шароитлар яратилади, озиқ-овқат, сув, ҳайвонлар ва ўсимликларни ҳимоя қилиш чоралари кўрилади. Шаҳарлар ва халқ хўжалиги объектларини О. қ. қ. м. қилиш умумдавлат мудофаа тадбирлари системасида амалга оширилади (яна қ. *Граждан мудофааси*).

Ад.: Защита от оружия массового поражения, М., 1971, Козьмин Н. Д., Защита населения от оружия массового поражения, Т., 1974.

ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИДАН ҲИМОЯ ВОСИТАЛАРИ — шахсий составни *оммавий қирғин қуролларининг* шикастловчи таъсиридан ҳимоя қилувчи предмет ва ишоотлар. О. қ. қ. ҳ. в. тузилиши, хусусиятлари ва улардан фойдаланиш усулига кўра, индивидуал ҳамда коллектив ҳимоя воситаларига бўлинади.

Индивидуал ҳимоя воситалари киши организми ва терисига радиоактив, заҳарловчи моддалар ҳамда бактериологик воситаларнинг тушишидан сақлашда қўлланилади. Бу хил ҳимоя воситаларига нафас органлари ва терини ҳимоя қиладиган мосламалар, кийим-кечаклар киради. Нафас органлари *противогаз* ва *респираторлар* ёрдамида заҳарланишдан сақланади. Терини ҳимоя қилиш воситаларига ҳимоя комплектлари (плашч, резина этик ва қўлқоп), комбинезонлар, енгил ҳимоя костюмлари ва б. махсус кийимлар киради.

Коллектив ҳимоя воситалари *пана жойлар* ва радиоактив заҳарланишдан яшириниш жойларидир. Бу хил ҳимоя воситалари кишиларни оммавий қирғин қуролларининг бевосита таъсир этишидан сақлашга мўлжалланган. Коллектив ҳимоя воситаларидан энг ишончлиси пана жой ҳисобланади, ундаги кишилар ядро қуролининг барча шикастловчи факторларидан, заҳарловчи моддалар ва биологик воситалардан ҳимоялана оладилар. Радиоактив заҳарланишдан яшириниш жойлари кишиларни радиоактив моддалар б-н заҳарланишдан ва радиоактив заҳарланган зоналарда нурланишдан ҳимоя қилади. Яшириниш жойларида ҳавони тозаловчи фильтр-вентиляция қурилмалари бўлмайди. Бу хил ҳимоя воситалари, асосан, қишлоқларда қурилади.

Ад.: Защита от оружия массового поражения, М., 1971; Граждан мудофааси, Т., 1971.

ОММАВИЙ ҚУШИҚ — қ. *Қўшиқ*.

ОММАВИЙ-СИЁСИЙ АДАБИЁТ, агитация-пропаганда адабиёти — идеология ва сиёсий масалаларни кенг оммага тарғиб этувчи босма асарлар мажмуи. СССРда ва б. социалистик мамлакатларда О.-с. а. халқнинг коммунистик онгини ўстириш ва тарбиялашнинг муҳим воситасидир.

Ҳозирги вақтда О.-с. а. 2 турга: пропаганда ва агитация адабиётларига бўлинади. Пропаганда адабиёти идеологик назариялар (философия, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм)нинг гносеологик, синфий ва амалий моҳиятини кенг китобхонга тушунтиради, социал факт ва жараёнларнинг, марксча-ленинча партиялар ва социалистик давлатлар фаолиятининг қонуний ва прогрессив характери моҳиятини англашга ёрдам беради.


Агитация адабиёти, одатда, кундалик ижтимоий ҳаётдаги сиёсий аҳамиятга эга бўлган ва зўр ҳиссиёт уйғотадиган факт ва воқеаларни акс эттириб, уларга синфий идеал нуқтаи назаридан маънавий-сиёсий баҳо беради.

О.-с. а. сиёсий партияларнинг омма орасида идеологик ва ташкилотчилик ишларини олиб боришда таъсирчан восита сифатида 19-асрнинг 2-ярмида бирмунча ривож топди. 40-йилларнинг охирида К. Маркс ва Ф. Энгельс «Арзон қилиб чиқарилган коммунистик мазмундаги оммабоп асарлар ва брошюраларни» тарқатиш зарурлигини уқтирган эдилар (Асарлар, 2-нашри, М., 4-том, 19-бет). Россияда халқ учун махсус ёзилган революцион-демократик руҳдаги адабиёт 1860 йилларнинг бошидан чиқа бошлаган. В. И. Ленинниг «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» (1895) марксизмни кенг оммага тарғиб этиб, О.-с. а. ни социализм учун кураш тажрибаси б-н боғлади. Большевиклар партияси, шахсан В. И. Ленинниг ғамхўрлиги б-н О.-с. а. чиқарадиган нашриётлар ишга тушди. Айниқса, 1905—07 йиллар рев-яси даврида О.-с. а. ошкора суратда кўплаб чиқарилди. Миллий тилларда ҳам агитация ва пропаганда характеридаги брошюралар чиқаришга ҳаракат қилинди (қ. *Большевистик матбуот*).

Улуғ Октябрь рев-ясидан кейин О.-с. а. социалистик қурилиш вазифаларига қаратилди. Коммунистик партия О.-с. а. нашр этиш ва тарқатиш ишига доимий раҳбарлик қилиб, коммунистик қурилишнинг ҳар бир босқичида унинг вазифаларини белгилаб беради. Жумладан, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида нашр қилинган О.-с. а. партия ва ҳукумат сиёсатини маҳаллий аҳолига тушунтиришга хизмат қилиб, асосан, пропагандистик роль ўйнади. Улар орасида В. И. Ленинниг «Озиқ-овқат солиғи тўғрисида», «Яна касаба союзлари тўғрисида», «Кооперация тўғрисида», В. А. Карпинскийнинг «Совет ҳокимияти нима ва у қандай тузилади?» каби китобларини кўрсатиш мумкин (яна қ. *Ноширлик*). Ҳозирги вақтда О.-с. а. чиқариш б-н СССРдаги кўпгина марказий, республика, обл. китоб нашриётлари шуғулланади. *«Политиздат»*, «Знание», «Молодая гвардия» улар орасида энг йириги-дир.

Ўзбекистонда О.-с. а. нашр этиш б-н, асосан, *«Ўзбекистон»*, *«Ёш гвардия»* ва *«Қорақалпоғистон»* нашриётлари шуғулланади. К. Маркс ва Ф. Энгельснинг «Коммунистик партия манифести» 13 марта, В. И. Ленинниг «Нима қилмоқ керак?» асари 11 марта, «Ёшлар союзининг вазифалари» асари 22 марта ўзбек тилида босилганлиги (1974) мазкур асарлар омма орасида кенг эътибор қозонганлигидан далолат беради. Ўзбекистонда 1974 йили 307 номда (умумий тиражи 3797 минг нусха) О. с. а. нашр этилди.

ОММАТИДИЙ (юнон. *omma* — кўз) — ҳашаротлар, қисқичбақасимонлар, баъзи кўпоёқлилар мураккаб (фасеткали) кўзининг асосий, таркибий қисми. О. эволюция процессида алоҳида-алоҳида оддий кўзларнинг бир жойга тўпланишидан вужудга келган. Ҳар бир О. нур синдирувчи аппаратдан ва кўриш ҳужайралари бўлган қабул қилувчи тўр пардадан иборат. Мураккаб кўзлардаги О. лар сони 100 дан (ишчи чумолида) 28000 гача (ниначида) бўлади.



Омметрнинг умумий кўриниши.

ОММАҒОН — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Хитой қ. С. даги қишлоқ. «Комсомол» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 40 *км*, яқин т. й. станцияси — Китобдан 40 *км*. Аҳолиси 1524 киши (1971); ғаллакорлик, тамакичилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қат сойидан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, кутубхона бор.


ОММАҒОН — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Шаматон қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Китобдан 7 *км*. Аҳолиси 713 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Чоршанба каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, клуб бор.

ОММЕТР (*ом* ва... *метр*) — электр қаршилигини ўлчайдиган асбоб. Қаршилик қийматини шкалада тўғридан-тўғри кўрсатади. Иши ўзгармас кучланишли ток манбаида ўлчанадиган қаршилик орқали ўтадиган ток кучини ўлчашга асосланган. Ўлчанадиган диапазонга қараб, мегомметрлар, тераомметрлар, микроомметрларга; магнитоэлектрик ўлчагичли, магнитоэлектрик логометрли О. ларга бўлинади. Юз *ом* дан бир неча *Ом* гача қаршиликларни ўлчаш учун О. ўлчанадиган қаршиликка кетма-кет уланади.

Катта қаршиликлар мегомметр б-н, кичик қаршиликлар микроомметр б-н ўлчанади. 20-асрнинг 60-йилларидан бошлаб электрон О. лар ҳам ишлатилмоқда.

ОМОЛОН — РСФСР Магадан области ва Ёқутистон АССРдаги дарё. Колиманинг ўнг ирмоғи. Узунлиги 1114 *км*, ҳавзасининг майдони 113 минг *км*². Колима тоғлигидан бошланиб, Юкагирь ясси тоғлигининг шарқий чеккасидан, қуйи қисмида Колима пасттекислигидан оқиб ўтади. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Октябрда музлаб, майда муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари: ўнгда — Молонгда, Олой, Олойчан; чапда — Кедон. Қуйи оқимида ёғоч оқизилади. Шчербаково пристанидан қуйилиш жойигача (600 *км*) кема қатнайди.

ОМОНАТ КАССАЛАР — аҳолининг вақтинча бўш турган пул маблағларини сақлаб берувчи кредит муассасалари. О. к. 18-аср охири — 19-аср бошларида пайдо бўлди; уларни ташкил этувчилар хусусий жамиятлар, муниципалитетлар ва давлатнинг ўзи эди. Россияда О. к. 1841 йили таъсис этилган ва давлат муассасаси ҳисобланган. Социализмда аҳолидан йиғилган пул жамғармаларининг ижтимоий-иқтисодий табиати ва О. к. нинг роли капитализмдагидан тубдан фарқ қилади. СССРда мавжуд О. к. (давлат меҳнат О. к. и) ХҚСнинг 1922 йил 26 декабрь қарорига мувофиқ тузилган. О. к. га жалб қилинган маблағлар СССРда социалистик қурилишни маблағ б-н таъминлашга ишлатилади. Жамғармаларни сақлаб беришга СССР ҳукумати гарантия беради. Маблағлар пул қўйган кишининг биринчи талаби б-н қайтариб берилади (яна қ. *Омонатлар*). Социалистик жамиятда аҳоли моддий фаровонлигининг ошиб



Омматидий. Мураккаб кўздаги бир омматидийнинг тузилиши: *1* — шох (мугуз) парда линзаси; *2* — кристалл конуслар; *3* — ҳужайранинг асосий пигментлари; *4* — кўриш ҳужайрасининг ядроси; *5* — рабдомлар.




Омонгелди Имонов.

бориши О. к. нинг тез тараққий этишига шароит яратди.

Узбекистон терр-ясида 1875 йили Россия давлат банкининг Тошкентдаги бўлими ҳузурида О. к. очилган. Бу кассаларда, асосан, амалдорлар, савдогарлар, давлат хизматчилари ва аҳолининг пулдор табақалари пул сақлар эди. Улуғ Октябрь рев-ясидан кейин Узбекистонда О. к. қайта ташкил қилинди ва 1923 йилда тез ривожлана бошлади.

1924/25—1940 йиллар ўртасида республикада О. к. 60 дан 1027 га, омонатчилар сони 7,5 мингдан 526 мингга, омонатлар миқдори 500 минг сўмдан 17,7 млн. сўмга етди. 1974 йилда республикада О. к. сони 2443 та бўлиб, шундан 1541 таси қишлоқ жойларда. Омонатчилар сони 2163 мингга, омонатлар умумий суммаси 1530 млн. сўмга, омонатларнинг ўртача миқдори 707 сўмга етди, бу 1965 йилга нисбатан 2,3 баробар кўп. Омонатчилар ва омонатларнинг ўсиши республикада меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг тобора ошиб бораётганлигини ифодалайди. Ишчи ва хизматчиларнинг кўрсатмасига биноан корхона ва ташкилот бухгалтерияси иш ҳақининг бир қисмини ой сайин омонат дафтарчасига ўтказиб бориши мумкин. О. к. омонатчиларнинг талаби б-н нақд пулсиз операцияларни ҳам бажаради, айрим ташкилотларга ҳисоб-китоб ва касса хизмати кўрсатади, 3% ли давлат заёми ва пул-буюм лотереяси бўйича барча операцияларни бажаради, ютуқлар тўлайди, аҳолидан квартира ва коммунал хизматлари учун тўловлар қабул қила олади, аккредитивлар беради ҳамда тўлайди; шахсий пенсиялар, кўп болали оналарга нафақалар беради ва б. операцияларни бажаради. Республикада ва мамлакатда омонатларнинг стабил қолдиғи йил сайин ошиб бормоқда.

ОМОНАТ ШАРТНОМАСИ (СССРда) — шартнома турларидан бири. Бунда бир тараф (сақловчи)га иккинчи (сақлашга топширувчи) тарафдан топширилган мулкни сақлаш ва уни бутун ҳолда қайтариш мажбурияти юкланади. О. ш. социалистик ташкилотлар, шунингдек гражданлар ўртасида пулли ёки пулсиз тузилиши мумкин. Пулли бўлганда тўлов миқдори белгиланган такса (ставка, тариф), такса бўлмаган тақдирда томонларнинг келишуви асосида бўлади. Шартнома муддати кўрсатилиши ва кўрсатилмаслиги мумкин. Мулкни омонатга қўйган шахс омонат сақловчидан уни истаган вақтида қайтариб олишга, омонат сақловчи эса шартномани истаган вақтида (агар сақлаш муддати белгиланмаган бўлса) бекор қилишга ҳақли. Шартнома тузувчиларнинг ҳар иккиси ёки бири граждан бўлиб, омонатга қўйиладиган мулкнинг қиймати 100 сўмдан ошса, О. ш. ёзма шаклда тузилиши керак. Ашёларни қисқа муддат давомида муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг гардеробларида сақлаш учун, омонат сақловчидан номер ёки жетонлар олиб топшириш ҳоллари бундан мустасно. Гражданлик кодексида мулкнинг йўқолиши, кам чиқиши ва зарарланиши учун омонат сақловчининг жавобгарлиги белгиланган (УзССР ГК, 467-модда).



Омонқора.

ОМОНАТЛАР — корхона, муассаса ва аҳолининг кредит муассасаларида сақланаётган пул маблағлари. Капиталистик мамлакатларда О. (кўпинча, депозит деб аталувчи) ссуда капитали манбаларидан биридир. Уни, асосан, саноат, савдо капиталистлари қўяди ва у йирик банкларда тўпланиб, капиталнинг марказлашувига ва концентрацияланишига олиб келади, йирик капитал ҳукмронлигини кучайтиради.

СССР ва б. социалистик мамлакатларда О. меҳнаткашларнинг омонат кассалардаги пул жамғармалари ва Давлат банкидаги маблағларидир. О. нинг кўпайиши социалистик экономиканинг тўхтовсиз тараққий этишидан, халқнинг моддий фаровонлиги кўтарилишидан, аҳолининг реал даромадлари ортишидан далолат беради. Аҳолининг О. ини жалб қилиш пул муомаласини мустаҳкамлашга ва кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилади. СССРда аҳолининг моддий фаровонлиги ўсиши б-н О. нинг умумий суммаси ҳам тўхтовсиз кўпаймоқда. Мас., 1960 йилдан 1971 йилгача омонат кассаларда О. суммаси деярли 27 баравар ортди. 1974 йил охирида О. нинг умумий суммаси 78,9 млрд. сўмдан ошиб кетди, яъни ўртача бир омонат суммаси 789 сўмдан иборат бўлди. Шунингдек, УзССРда ҳам аҳолининг моддий фаровонлиги ортиши натижасида О. кўпайиб бормоқда (қ. *Омонат кассалар*).

Совет қонунчилиги, гражданларнинг пул маблағларини кредит муассасаларида асраб бериш, О. ни қўйгани учун процент тарзида даромад қилиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини бажариш ҳуқуқини ҳимоя қилади. О. талаб қилиб олинадиган, муддатли, ютуқли, шартли бўлади.

Талаб қилиб олинадиган О. омонатчининг талаби б-н хоҳлаган вақтда олинади ва қўйилади. Бунга йилига 2% миқдорида даромад тўланади. 6 ойдан кам бўлмаган муддатга қўйилган О. га энг юқори — йилига 3% даромад тўланади. Ютуқли О. га ютуқ формасида даромад тўланади. Йилига 2 марта ютуқ тиражи ўтказилади. Шартли О. омонатчиларга муайян шартни бажаргач, мас., олий ўқув юртини тугатгандан сўнг ва ҳ. к. вақтларда берилади.

О. чеклаймаган миқдорда қабул қилинади. Омонат кассалардаги омонат маблағлардан халқ хўжалигига кредит беришда фойдаланилади.

ОМОНБОЙ — Самарқанд обл. Қаттақўрғон р-ни Саройқўрғон қ. С. даги қишлоқ. Крупская номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Қаттақўрғондан 4 *км*. Аҳолиси 779 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қаттақўрғон сув омборидан сув ичади. К-з идораси, ўрта мактаб, клуб, алоқа бўлими, чойхона, ошхона бор.

ОМОНГЕЛДИ — Жиззах обл. Фориш р-ни Омонгелди қ. С. даги қишлоқ. «Омонгелди» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 256 *км*, яқин т. й. станцияси — Арнасойдан 3 *км*. Аҳолиси 1059 киши (1971); чорвачилик б-н шуғулланади. Қишлоқ водопровод суви б-н таъминланган. Ўрта мактаб, интернат мактаб, касалхона, ҳамом, с-з автогаражи ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОМОНГЕЛДИ ИМОНОВ (1873, Тўрғай уезди — 1919, Тўрғай) — Қозоғистондаги миллий озодлик ҳаракати (1916) нинг раҳбарларидан бири. Советлар ҳокимиятини ўрнатишда актив курашган (1917—19). 1918 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Камбағал қозоқ оиласида туғилган, дастлаб батрак, кейин темирчи бўлиб ишлаган. Деҳқонларнинг 1905—07 йилларда

бойларга қарши қўзғолонида қатнашган. 1916 йили Қозоғистоннинг Тўрғай ва б. уездларида подшо ҳукуматига қарши кўтарилган қўзғолонга бош бўлиб, бир неча уезд (Кустанай, Актюбинск ва б.) дан қўшин тўплаган, 1916 йил октябрь ойида Тўрғай шаҳрини қамал қилган, бироқ подшо ҳукуматининг қўшинлари етиб келгач, О. И. қўшини чекинган. У Октябрь рев-ясига қадар жазо отрядларига қарши уруш олиб борди. 1917—18 йилларда Тўрғай уездида ҳарбий комиссар бўлиб ишлади. Гражданлар уруши даврида А. *Жонгелдин* б-н бирга Қозоғистонда миллий Қизил қисмни тузди. Колчак қўшинларига қарши курашда фронт орқасидаги партизанларга ёрдам берди. О. И. отрядлари 1918 йилнинг ноябрида Тўрғай шаҳрини оқ гвардиячилардан озод этди. Колчак армияси ҳужумга ўтгач (1919 йил кўкламда), *Алаш Урда* тарафдорлари советларга қарши исён кўтарди, О. И. қамоққа олиниб қатл этилди.

ОМОНДАРА — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Узбекистон қ. С. даги қишлоқ. «УзССР 40 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 52 *км*, яқин т. й. станцияси — Улусдан 54 *км*. Аҳолиси 1020 киши (1971); чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Эски Анҳор каналидан сув ичади.

ОМОНДАРАСОЙ — Жиззах обл. Фориш р-нидаги сой. Нурота тоғининг шимолий ён бағридан шимолга оқади. Узунлиги 13 *км*, ҳавзасининг майдони 3,4 *км*². Ўртача йиллик сув сарфи 0,04 *м*³/*сек*, оқим модули 7 *л*/*сек км*². Эрта баҳорда суви кўпайиб, сойдан сел келади. Киров номли с-з ерларини суғоради.

ОМОНИМЛАР (юнон. homos — бир хил ва onyma — ном) — талаффузи бир хил, маъноси ҳар хил сўз ва сўз шакллари. Тил бойлигининг тараққий этиши б-н сўзларнинг бир тилдан бошқа тилга ва бир туркумдан иккинчи туркумга ўтиши натижасида пайдо бўлади.

Сўз санъаткорлари, айниқса, шоирлар поэтик таъсирчанликни кучайтириш учун О. дан моҳирона фойдаланадилар. Шеъриятда шакдош ва оҳангдош сўзларнинг қофияланиб келиши омонимик қофия деб аталади. Мас.,

Нимаси бор, нимаси ёқар.
Қайси оташ қалбини ёқар?

ОМОНОВ Бобомурод (1917, Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни) — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор (1965), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1956). 1941 йилдан КПСС аъзоси. Самарқанддаги қ. х. раҳбарлари тайёрлаш мактаби талабаси (1947—48). 1949 йилдан «Коммунизм» колхози раиси. К-зда пахтачилик, чорвачилик ва б. қ. х. маҳсулотлари етиштиришда юқори кўрсаткичларга эришган. КПСС 23-, 24-съезди делегати, 1956 йилдан УзКП МҚ аъзолигига кандидат. 1970 йилдан УзКП МҚ аъзоси, 6-, 7-, 8-, 9-чақириқ Узбекистон ССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.

ОМОНОВ Ҳамровали (1932, Наманган обл. Поп р-ни Тошматов қишлоғи) — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1973). 1957 йилдан Поп р-нидаги «Ленинград» к-зида бригада бошлиғи. 1957—72 йилларда бригададаги 110 *га* майдоннинг ҳар гектаридан 55—62 *ц*, 1973 йилда 32 *ц* (160 *га*) дан пахта етиштирилган. 6-, 7-чақириқ УзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



Омонов Б.

ОМОНТЕПА — Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Работ қ. С. даги қишлоқ. «Работ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин, т. й. станцияси — Шўрчидан 72 *км*. Аҳолиси 617 киши (1971); боғдорчилик, ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Бойсунсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОМОНУЛЛАХОН (1892. 1. 6—1960. 25. 4, Цюрих) — Афғонистон шоҳи (1919—29), амир Ҳабибуллахоннинг ўғли. Тахтга чиққач (1919 йил 21 февраль) Афғонистонни мустақил давлат деб эълон қилган (1919 йил 28 февраль). В. И. Ленин ва О. ўртасидаги дўстлик мактубларини натижасида Совет Россияси б-н Афғонистон ўртасида дипломатик алоқа ўрнатилди (1919), совет-афғон шартномаси (1921), СССР б-н Афғонистон ўртасида бир-бирига ҳужум қилмаслик ва бетарафлик шартномаси (1926) имзоланди. О. нинг *ёш афғонлар* ғоялари асосида ўтказган ички ислоҳлари мамлакатни бирлаштиришга ва унинг экономикасини ўзгартиришга олиб келди. О. 1927—28 йилларда Яқин Шарқ, Ғарбий Европа ва СССР бўйлаб саёҳат қилди. Саёҳатдан қайтгач, яна иқтисодий ва маданий ислоҳот ўтказишга уринди. Бироқ *Бачаи Саққо қўзғолони* натижасида тахтдан воз кечиб, чет элга кетди (1929). 1948 йили Афғонистон ҳукумати О. илтимоси б-н унинг гражданлик ҳуқуқини тиклади. Жалолобод (Афғонистон)да дафн қилинган.

ОМОНЧУРА — Андижон обл. Пахтаобод р-ни Уйғур қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксойдан 9 *км*. Аҳолиси 1057 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Пахтаобод каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, клуб, касалхона бор.

ОМОНҚОРА (Ungernia victoris voed) — чучмомадошларга мансуб пиёзли кўп йиллик доривор ўсимлик. Барги лентасимон, эни 2—3 *см*, узунлиги 20—25 *см*. Пояси ялпоқроқ, бўйи 5—10 *см*. Гули узунбандли, сарғиш, тўпгули соябонсимон. Меваси кўп уруғли кўсакча. Июлда гуллайди, августда мевалайди. Сурхондарёдаги адирларда ва тоғ ён бағирларида кўп ўсади. Пиёз ва баргларидан олинадиган галантамин алкалоидининг бромгидрат тузи медицинада нерв узилиши ва б. касалликларни даволашда қўлланилади.




Омонов Х.

ОМОНҚУТОН — Самарқанд обл. Ургут р-ни Қоратепа қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 38 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 42 *км*. Аҳолиси 580 киши (1971); ғаллакорлик, чорвачилик, тамакичилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, пионер лагерлари, фельдшерлик пункти, ошхона, ресторан бор.



Омонқўтонсой манзараси.




Омуль.

ОМОНҚУТОН ҒОРИ — мустье даврига оид ғор. *Омонқўтон* қишлоғидан 2 *км* шарқ томондаги Булбулзорсойнинг баланд соҳилида. Ғорни 1947—57 йилларда археолог Д. Н. *Лев* текширган. О. ғ. да 2 та маданий қатлам жойлашган бўлиб, бу қатламлар оҳакли туф қатлами (0,8 *см*) б-н ажралган. Ғорда яшаган одамларнинг меҳнат қуроллари диорит, кварц ва чақмоқ тошдан ясалган дағал қирғичлар, тиғи қиррали қўпол пичоқлар, найзасимон тош қуроллар ва дискасимон *нуклеуслар*дан иборат бўлган. Ғордан 140 та тош қурол топилган. Оҳактош юзасидаги табиий чуқурчалардан ўчоқ сифатида фойдаланилган, уларнинг атрофидан тош қуроллар топилди. Қуроллар, асосан, каттакон тош синиқларидан ясалган. Ғорнинг инсон фаолияти туфайли пайдо бўлган маданий қатламида архар, қўнғир айиқ ва б. ҳайвонларнинг суяклари кўплаб учрайди: суяклар узунасига ёрилган, уларда оловда куйганлик излари бор. Бу манзилгоҳ Узбекистонда энг қадимий ғорлардан бўлиб, археология фани учун аҳамияти катта.

Ад.: Лев Д. Н., Древний палеолит в Аман-Кутане. (Предв. сообщение). Труды Узб. гос. ун-та, новая серия, № 39, Самарканд, 1949; Лев Д. Н., Новая находка древнего палеолита в пещере Аман-Кутан близ г. Самарканда, «Природа», 1949, № 6; Новые находки в пещере Аман-Кутан, «Природа», 1958; № 1; Самарқанд тарихи, I-т., Т., 1971.

ОМОНҚУТОНСОЙ — Самарқанд обл. Ургут р-нидаги сой. Чақаликалон тоғининг шимолий ён бағридан (1200 *м*) бошланади ва бу тоғни Қоратепа тоғидан ажратиб туради. Жанубий-ғарбдан шимоли-шарққа қараб оқади. Узунлиги 13 *км*, ҳавзасининг майдони 24,31 *км*². Сой ўзанининг ўртача кенглиги 3—4 *м*, энг кенг жойи 6—8 *м*, энг тор жойи 1—2 *м*, шағал ва ҳарсанг тошлар б-н қопланиб ётади. Қор, ёмғир, булоқ сувларидан тўйинади. Баҳорда сел келади. Ўртача сув сарфи 0,46 *м*³/*сек*. Сойнинг Галабулоқ, Майдонсой, Жийдасой, Қайрағочсой, Булбулзорсой, Иўлсой, Қонсой каби ирмоқлари бор. Булар ёз ойларида кўпинча қуриб қолади.

Сойнинг ўнг соҳилида Чақаликалон тоғининг ён бағрида Омонқўтон ўрмон хўжалиги ташкил этилган. Пионер лагерлари, (ёзда бу лагерларда 6000 дан кўпроқ болалар дам олади), туристик базалар, дам олиш уйлари бор. Сой водийсида кўплаб мева дарахтлари (ёнғоқ, олма, ўрик, гилос, тут, бодом, дўлана ва б.), қарағай, чинор, қайрағоч, арча, кедр, эман ўсади. Қушлардан булбул, каклик, бедана ва б. учрайди. Сой водийсида *Омонқўтон ғори* бор.



Омоч.

ОМОЧ — улов қўшиб ер ҳайдаладиган асбоб. Уч қисмдан иборат: тана, қулоқ ва ўқ. О., кўпинча қайрағочдан қилинган. Танаси 1,20 *м* узунликда, юзи чопиб силиқланган, юқори қисмининг диаметри 15 *см*, паст томони кенгроқ, олд томонга қайрилган, учли бўлади; учига тиш кийдирилади. Қулоқ эса бир қарича қозиқ бўлиб, тананинг юқори қисмига (орка томонга) қоқилади ва қўшчи шу қулоқни ушлаб, О. ни бошқаради. Ўқ узунлиги 2 *м* ча, чорқирра, сал ясси ёғоч. Ўқ тананинг олд томонига, пастига қоқилади. О. бўйинтуруқ б-н бирга ишлатилган. Деҳқончиликда трактор ва плуг урф бўлмаган, ерлар улов кучи б-н ҳайдалган даврларда қ. х. да асосий иш қуролларидан бири бўлган.

ОМСК — шаҳар, РСФСР Омск областининг маркази. Омь дарёси Иртишга қуйиладиган ерда. Йирик порт ва т. й. узели. Аэропорт бор. Майдони 43,6 минг *га*. Аҳолиси 935 минг киши (1974). Аҳолисининг сони ва майдони жиҳатидан О. Сибирда 2-ўринда (Новосибирскдан кейин). О. да 7 шаҳар р-ни бор.

1716 йилда қалъа сифатида бунёд этилган. 1971 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган. О.— В. В. Куйбишевнинг ватани. Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат. Шина, синтетик каучук, кимё, қурум ва техник резина, кема ремонти, ёғочсозлик, газ аппаратуралари з-длари ишлаб турибди. Енгил, озиқ-овқат ва қурилиш материаллари саноатлари ривожланган. 9 олий ўқув юрти, 29 ўрта махсус ўқув юрти, 4 театр, 2 музей мавжуд.

ОМСК ОБЛАСТИ — РСФСР таркибидаги обл. 1934 йил 7 декабрда ташкил топган. Майдони 139,7 минг *км*². Аҳолиси 1858 минг киши (1974). 31 маъмурий р-н, 6 шаҳар ва 15 ш. т. п. бор. Маркази — Омск ш. О. о. Ленин ордени б-н мукофотланган (1956).

Табиати. О. о. Ғарбий Сибирь текислигида, Иртиш дарёси ҳавзасида. Ер юзаси қия-тўлқинсимон текислик, баландлиги 100—140 *м*, жанубий қисмида қатор тепа («грива»)лар; шимолий қисмида кенг ботқоқликлар бор. Иқлими континентал, мўътадил совуқ. Қиши давомли ва қаттиқ совуқ, январининг ўртача т-раси —20°, ёзи илиқ, қисқа, июлнинг ўртача т-раси 20°. Йиллик ёғин 300—400 *мм*. Вегетация даври 153—162 кун. Дарёлари Иртиш ҳавзасига мансуб. Йирик кўллари: Ик, Тенис, Салтаим ва Эбейти. Тупроқлари қора тупроқ, подзол, ўтлоқ, кул ранг ўрмон чимли-подзол тупроқлар. Ўрмон ва бутазорлар обл. терр-ясининг 1/4 қисмини эгаллаган. Қорақарағай, оққарағай, оқ қайин, кедр, тоғ терак ўсади. Айиқ, бўри, тулки, қуён, ондатра, ғоз, ўрдак яшайди, балиқ тури кўп.

Аҳолиси. Асосан, руслар 80%; шунингдек украинлар (6%), қозоқлар, татарлар, немислар ва б. яшайди. 1 *км*² га 13,2 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 61% (1974). Катта шаҳари — Омск, кичик шаҳарлардан Исилькуль, Қалачинск ўсиб бормоқда.

Хўжалиги. Саноатининг муҳим тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик, нефтни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати. Йирик корхоналари — нефтни қайта ишлаш к-ти, Сибзавод, «Омскасельмаш», газ аппаратуралари, моторсозлик, электр асбоблари, синтетик каучук ва шина з-длари. Бу з-длар электр ўлчагич аппаратуралар, қ. х. машиналари, автомобиль ва тракторлар учун эҳтиёт қисмлар, енгил ва озиқ-овқат саноатлари учун жиҳозлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Мой-пишлоқ ва сут з-длари, гўшт к-тлари, тегирмон, трикотаж ф-каси бор. Обл. Ғарбий Сибирда ишлаб чиқариладиган сариёғнинг 30% га яқинини беради. Обл. сут консерваси ишлаб чиқариш бўйича Ғарбий Сибирда 1-ўринда туради. Обл. шимолидаги 6 йирик ўрмон саноат хўжалигида йилига 2 млн. *м*³ гача ёғоч тайёрланади. Ёғочсозлик корхоналари Тара ш. яқинида ва Омск ш. атрофларида жойлашган.

170 к-з ва 208 с-з бор (1973). Экин майдони 4077 минг *га* (1973), шу жумладан ғалла экинлари 2408 минг *га*, техника экинлари 37 минг *га*, картошка ва сабзавот-полиз экинлари 82 минг *га*, ем-хашак экинлари 296 минг *га*. Чорвачилик сут-гўштга ихтисослашган. 1703,5 минг қорамол (жумладан 595,6 минг сигир), 573,6 минг чўчқа, 1016,2 минг қўй ва эчки, 100 минг йилқи бор (1974). Т. й. узунлиги 886 *км*, жумладан 527 *км* электрлаштирилган. Қаттиқ қопламали автомобиль йўллари 1313 *км*, сув йўллари 1667 *км*.

1973/74 ўқув йилида 1938 умумий таълим мактаби (387,5 минг ўқувчи), 70 профессионал-техника билим юрти (31,1 минг ўқувчи), 36 ўрта махсус ўқув юрти (42,5 минг ўқувчи), 9 олий ўқув юрти (40,4 мингдан ортиқ студент) бўлган. 1028 оммавий кутубхона (12 млн. китоб ва журналлар), 2 музей, 4 театр, филармония, 1736 клуб, 1973 киноустановка, 20,5 миг ўрин-ли 205 касалхона, 5,9 минг врач (312 кишига 1 врач) ишлаб турибди.

Ад.: Народное хозяйство Омской области, Стат. сборник, Омск, 1971.


ОМСК УНИВЕРСИТЕТИ — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1974 йилда Омскда ташкил этилган. 1974—75 ўқув йилида рус тили ва адабиёти, тарих, математика, физика, кимё, ҳуқуқшунослик мутахассисликлари бўйича студентлар қабул қилинган. 11 кафедраси, жумладан КПСС тарихи, СССР тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси, умумий физика, рус ва совет адабиёти кафедралари бор (1975).

ОМУЛЬ (Coregonus autumnalis) — лосослар оиласига мансуб балиқ. Узунлиги 64 *см* гача, оғирлиги 3 *кг* гача. Ўткинчи. Шимолий Муз океани қирғоқларида яшаб, урчиш учун Печора дарёсидан Аляска ва Канадагача бўлган жойлардаги (Обдан бошқа) дарёларга келади. 6—8 йилда жинсий етилади. Умуртқасиз жониворлар, баъзан майда балиқ ва б. б-н овқатланади. Овланади. Байкал кўлида б а й к а л омули деган кенжа тури тарқалган. Кўплаб овлангани сабабли камаймоқда.

ОНА ТИЛИ — ҳар бир элатнинг, халқнинг, миллатнинг ўз тили. О. т. луғат таркиби, асосан, шу тилга мансуб халқнинг турмуши, маданияти ва анъаналарини ифодалайдиган сўз ва тушунчалардан иборат бўлади. О. т. тараққиёти ҳар бир элат, халқ ва миллатнинг ижтимоий ривожланиши б-н узвий боғлиқдир (қ. *Миллий тил*).

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ — СССР ва б. социалистик мамлакатларда оналар меҳнати ва соғлиғини, болалар саломатлигини қўриқлайдиган, аёлларга мамлакатнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий фаолиятида иштирок этиш б-н бирга она бўлиш, соғлом, жисмонан ва ақлан баркамол болалар тарбиялашнинг имкониятини таъминлаб берадиган давлат тадбирлари системаси.

СССР Олий Совети Президиуми «Ҳомиладор аёлларга, ёлғиз оналарга давлат ёрдамини ошириш, она ва бола муҳофазасини кучайтириш тўғрисида, «Қаҳрамон она» фахрий унвонини белгилаш, «Оналик шуҳрати» ордени ва «Оналик медали» таъсис этиш ҳақида» 1944 йил 8 июлда фармон қабул қилди. Давлат кўп болали ва ёлғиз оналарга нафақа бериш, болалар муассасалари шохобчаларини кенгайтириш учун талайгина маблағ ажратди. Қам даромадли оилаларнинг моддий турмушини янада яхшилаш тўғрисида қарор қабул қилди (1974). 1975 йилга келиб республиканинг она ва болаларни даволаш муассасаларида аёллар учун 18699 ўрин, болалар учун 30087 ўрин ажратилди.



Совет меҳнат қонунлари ўспиринлар, ҳомиладорлар ва бола эмизадиган оналар меҳнатини чеклайди. Ўспиринлар кунига 6 соат ишлайди; уларга бир ойлик отпуска берилади. Тунги ва иш соатларидан ташқари ишда ҳомиладор аёллар (4-ойидан бошлаб) ва бола эмизадиган оналар меҳнатидан фойдаланиш қонунда тақиқланган. Ҳомиладор аёл енгилроқ кўчирилганда илгариги ишида сўнгги 6 ойда олган ўртача маоши сақланади. Ишчи хизматчи ва колхозчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғруқ муносабати б-н 112 кун (туғруққача 56 кун ва туғруқдан кейин 56 кун) отпуска берилади, туғруғи қийинлашган ва эгиз туққан аёлларга туғруқдан кейинги отпуска узайтирилиб, 70 кунгача етказилади. Бола эмизадиган оналарга иш вақтида ҳар 3—3,5 соатда бир марта ярим соатдан (бола эмизиш учун) танаффус берилади.

СССРда аёллар ва болаларга хизмат кўрсатадиган барча медицина муассасалари ўзаро боғланган. Туғруқхоналар б-н бир қаторда аёллар консультациялари профилактика ва даволаш соҳасида катта иш олиб боради. Ҳомиладор аёл бўйида бўлган дастлабки ойларданоқ кузатиб турилади, бу эса ҳомиладорлик токсикозлари, шу жумладан эклампсиянинг олдини олишда, болаларнинг чала туғилишини ва касалланишини камайтиришда катта аҳамиятга эга.



Омск. Ленинград майдони.

Болаларни даволаш-профилактика муассасаси — поликлиника (консультация) ва касалхона болаларга изчиллик б-н хизмат кўрсатилишини таъминлайди. Бу муассасага сут кухняси ва кўкрак сутини йиғиш пункти ҳам қўшилади. Бола туғилгандан тортиб то 15 ёшга тўлгунча уни (мактаб ўқувчиларини эса мактабни битиргунча) педиатр врач кузатиб туради. Болаларни соғломлаштиришда болалар санаторийлари ва ёзги пионер лагерлари катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда 5 мингга яқин болалар врачи, 2 мингга яқин акушер-гинеколог врачлар она ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиб туради, 15 фан доктори ва 144 фан кандидати шу соҳада илмий тадқиқот олиб бормоқда (1975). 300 ўринли шифохонаси бўлган Ўзбекистон Педиатрия илмий тадқиқот ин-ти бу тадқиқотларга етакчилик қилмоқда.

ОНАЛИК — ёпиқ уруғли ўсимликлар гулининг муҳим органларидан бири (қ. *Уруғчи*).

ОНАНИЗМ (Библиядаги персонаж Онан номидан), мастурбация — жинсий қўзғалиш ва шаҳвоний ҳисни қондириш мақсадида жинсий органларни сунъий йўл б-н механик таъсирлантириш. О., асосан, балоғатга етиш даврида кузатилади ва нормал жинсий ҳаёт бошланиши б-н кўпинча барҳам топади. Ораliққа ишқаланадиган тор кийим, орқа чиқарув йўлида *острицалар* бўлиши, жинсий ҳисни уйғотадиган китоблар ўқиш, шу мавзуда сўзлашиш ва б. омиллар О. га баҳона бўлиши мумкин.

О.— зарарли одат, чунки О. б-н тез-тез шуғулланган бола озиб, ҳолдан кетиши мумкин. О., айниқса, йигитларни уятчан, тортинчоқ, нормал жинсий ҳаётдан қўрқадиган қилиб қўяди.

Олдини олиш ва давоси. Болаларда О. нинг олдини олишга катта эътибор бериш зарур. Уларнинг кийими чов ва ораliқни қисадиган даражада тор бўлмаслиги, бола ўта юмшоқ ўринда ётмаслиги, устини қалин қилиб ёпмаслиги керак. Боланинг ҳар куни соф ҳавода бўлиши, гимнастика, жисмоний меҳнат б-н шуғулланиши муҳим. О. нинг ривожланишига ёрдам берадиган касалликлар (экзема, ич қотиши, гижжа касаллиги ва б.)ни бартараф қилиш зарур.

ОНГ — объектив воқеликни акс эттиришнинг юксак, фақат инсонга хос шакли. *Идеализм* О. ни объектив оламга боғлиқ бўлмаган ва уни яратадиган нарса, воқеликка нисбатан бирламчи деб талқин қилади. Объектив идеализм (Платон, Гегель ва б.) О. ни инсондан ҳам, табиатдан ҳам ажралган илоҳий, сирли моҳиятга айлантиради, уни бутун мавжудотнинг бош асоси деб билади. Субъектив идеализм (Беркли, Мах ва б.) барча ижтимоий алоқалардан ҳоли бўлган индивид О. ини бирдан-бир реаллик деб, ҳамма предметларни айрим киши тасаввурларининг мажмуи, деб қарайди. *Материализм* О. ни воқеликнинг инъикоси деб тушунади ва уни олий нерв фаолияти б-н боғлайди. Бироқ Марксгача ўтган материалистларнинг қарашлари чекланган эди: улар инсонни фақат табиий, биологик мавжудот деб талқин қилар, унинг ижтимоий моҳияти ва амалий фаолиятини эътиборсиз қолдирар эдилар, О. ни эса дунёнинг пассив мушоҳадасидан иборатдир деб тасаввур қилар эдилар.

Марксистик философия бу масалага принципиал равишда бошқача қаради. О. ни марксистик тушунишнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат: 1) О. ўз табиатига кўра ижтимоийдир. Ў ижтимоий инсон амалий фаолиятининг компоненти сифатида пайдо бўлади, хизмат қилади, ривожланади, предмет ва инсон ўртасидаги ўзаро таъсирнинг муҳим моменти сифатида намоён бўлади. О. «энг аввалдан бошлаб ижтимоий маҳсулдир ва, умуман, одамлар яшар экан, шундай бўлиб қола беради» (К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., т. 3, стр. 29); 2) инсон мия ёрдамида фикр қилади. Миянинг, юксак даражада ташкил топган нерв системасининг фаолияти инсон О. ининг пайдо бўлиш ва ривожланиш шартидир. Шунинг учун О. материя тараққиётининг маҳсули сифатида, юксак даражада ташкил топган материянинг хоссаси ва олий нерв фаолиятининг натижаси сифатида юзага келади; 3) О. борлиққа йўналтирилган. О. нинг маъноси — предметни билиш, ўзлаштириш, унинг моҳиятини очиб беришдан иборат. «Онг англаб олинган борлиқдан бўлак ҳеч қандай бошқа бирор нима бўлиши мумкин эмас...» (К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., т. 3, стр. 25); 4) О. фақат объектив олам инъикосини эмас, инсоннинг ўз психик фаолиятини англаши (ўз-ўзини англаш) ни ҳам ўз ичига олади. Инсон О. нинг ўзини англаш предмети қилиб, унинг формаларини, фаолиятини ва О. нинг ҳосила нарса сифатида ўз-ўзини тушуниб олади; 5) шу б-н бирга, О. ни фақат тафаккурдан ва ўз-ўзини англаш жараёнидан иборат деб бўлмайди, чунки у воқеликнинг ҳам рационал, ҳам ҳиссий инъикосини қамраб олади. Бундан ташқари, О. инсон эмоциялари, иродасини ҳам ўз ичига олади. Демак, О. инсон психик функцияларининг мажмуи, жамланишидир; 6) О. тил б-н чамбарчас боғлиқ. Тилда у ўзининг моддий ифодасини топади. Тилда моддийлашгач, О. фаолиятининг натижалари ундан кейинги авлодларга берилиши мумкин. Тил — О. нинг моддийлашиш формаларидан биридир, холос. О. аввало маданият предметларида, яъни меҳнат маҳсулларида, санъат асарларида ва б. да мужассамлашади; 7) О. ни фақат воқеликнинг назарий инъикосидан иборат деб бўлмайди, у шахснинг моддий ва маънавий ҳодисалар аҳамиятини тўғри баҳолай олишини, унинг социал мавқеларини ва б. томонларини ҳам ўз ичига олади; 8) кундалик О. (унга кишилар ўзларининг кундалик ишларида амал қиладилар) б-н илмий О. (илмий тадқиқот, назарий билимларнинг турли системаларини яратиш), индивидуал О. (айрим кишиларнинг маънавий дунёси) б-н ижтимоий О. синфлар, группаларнинг, умумжамиятнинг манфаатларини ифодаловчи О.) ўртасида фарқ бор. Гарчи ижтимоий О. одамларнинг индивидуал О. и негизида шаклланиб, у орқали тараққий этса-да, лекин у нисбий мустақилликка эга (қ. *Ижтимоий онг*); 9) О. нинг функциялари кишини атрофдаги воқеликда тўғри йўл туттириш б-н бирга, шу воқеликни билиш орқали реал дунёни ўзгартиришга, уни қайтадан қуришга кўмаклашишдан иборатдир.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Святое семейство, Соч., 2 изд., т. 2; Энгельс Ф., Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири, Т., 1965; Ленин В. И., Материализм ва эмпириокритицизм, Тўла асарлар тўпламн, 18-т; Шорохова Е. В., Проблема сознания в философии и естествознании, М., 1961; Марксча-ленинча философия асослари, Т., 1975; Исмоилов Б., Инсон қандай фикр қилади, Т., 1967.

ОНГЛИЛИК ВА СТИХИЯЛИЛИК — объектив тарихий қонуният б-н одамларнинг фаолияти ўртасидаги муносабатни ифодаловчи тарихий материализм категориялари. Стихиялиликда ижтимоий тараққиётнинг шундай ҳаракати тушуниладики, унда кишилар иқтисодий, социал қонуниятларни англаб етмайдилар, бу қонуниятлар уларнинг назоратидан ташқарида бўлади. Онглилик эса кишиларнинг ижтимоий тараққиёт қонуниятларини билиб, унга суянган ҳолда ҳаракат қилишларини англатади. О. ва с. ўзаро муносабатда бўлиб, муайян шароитларда бир-бирига ўтиб туради. О. ва с. табиат ва жамиятда содир бўладиган процесслар ўртасидаги қарама-қаршиликни ифодалайди. Табиатда стихияли кучлар, жамиятда эса муайян мақсад сари интилувчи одамларнинг онгли фаолияти ҳукмронлик қилади. Турли ижтимоий-иқтисодий формацияларда ёки бир формация тараққиётининг турли даврларида, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида О. ва с. муносабатлари турлича бўлади. Социализмгача бўлган ижтимоий-иқтисодий формацияларда ишлаб чиқариш шароити одамларни фақат энг яқин манфаатлар учун курашишга мажбур қилгани туфайли кўпинча стихиялилик ҳукмрон эди. Ишчилар ҳаракатининг дастлабки формалари, мас., иш ташлашлар стихияли бўлган. Социализмда ишлаб чиқариш воситаларининг умумий мулкка айланиши ва жамият гоявий-сиёсий бирлигининг вужудга келиши натижасида жамият тараққиёти одамларнинг онгли фаолияти натижасига айланади. Коммунистик партия оммавий ҳаракатга онглилик киритади ва уни ягона мақсад сари йўналтиради. Бироқ ижтимоий онгнинг ижтимоий борлиқдан муайян даражада орқада қолиши ҳамда объектив қонуниятлардан тўлиқ фойдалана билмаслик туфайли социализм шароитида ҳам айрим ҳолларда стихиялилик элементлари сақланиб қолиши мумкин.

ОНГСИЗЛИК (психологияда) — онг иштирокисиз содир бўладиган руҳий жараён ва ҳолатлар мажмуи. О., кўпинча, бадан ҳаракатида, хотира, хаёлда намоён бўлади. Реал мавжуд, лекин сезилмайдиган қўзғатгичлар вужудга келтирадиган жавоб реакцияларида, асли онгли пайдо бўлиб, такрорланиши натижасида автоматлашиб кетган ҳаракатларда ва б. ҳолатларда рўй беради. Мас., одам ўз ўй-хаёлларига чўмган ҳолда уйига қайтади ва ҳар ҳолда йўлдан адашмасдан келади. Агар у бирор хавфни сезиб қолса, бу хавфнинг сабаби ва қандайлигини ҳали англамасдан туриб ҳам, ҳимоя ҳаракатини қилади. Бемор психикасида вужудга келадиган алаҳлаш, *галлюцинация* каби патологик ҳодисалар, ухлаш, *гипноз* вақтида, *лунатизм* ва ш. к. чоғида юз берадиган психик фаолият ҳам О. ҳолатига киради.

Ҳозирги замон идеалистик философияси ва психологиясида О. соф иррационалистик тарзда талқин этилади. Унинг назарий асосини австриялик врач ва психолог З. *Фрейд* яратган. Фрейд назарича, онг б-н О. ўртасида муросасиз қарама-қаршилик бор. Инсоннинг бутун хатти-ҳаракати шу қарама-қаршилик б-н белгиланади. О. одам англашга ва пайқашга журъат этолмайдиган қандайдир нарса бўлиб, у инсондаги азалий майллар, ҳайвоний ҳавасларнинг маскани эмиш. Жамиятда бу эгоистик майллар бартараф этилмас, балки «онгнинг чуқур жойига» жо қилинар, «тақиқланган нарсалар» сифатида яшаб тураверар эмиш.

Совет психологиясида О. нинг психофизиологик томонлари *туш* ва гипноз ҳолатларининг таҳлили ва б. физиологик ҳодисалар бн боғлиқ равишда тадқиқ этилади. Кейинги вақтларда О. ни моделлаштиришда кибернетика тасаввури ва методларини қўллаш имкониятлари муҳокама этилмоқда. О. механизми ва тузилишини ифодаловчи яхлит назария ҳозирча яратилмаган.


Ад.: Чхартишвили Ш. Н., Проблема бессознательного в советской психологии, Тбилиси, 1966, Бассин Ф. П., Проблемы «бессознательного», М., 1968.



Ондатра.

ОНДАТРА, мушкли каламуш (Ondatra zibethica) — сут эмизувчи кемирувчилар туркумига мансуб ҳайвон. Танасининг узунлиги 35 *см* гача. Вазни 1,5 *кг* ча. Орқа оёқ бармоқлари орасида қисман сузгич парда бор. Эркагининг дум асосида бир жуфт кичик без бўлиб, урчиш даврида ундан ёқимсон оқ модда — *мушк* ажратади. Баҳорда урчийди. О. нинг урғочиси шимолий р-нларда йилига 1—2, жанубда эса 2—3 марта 5—8 тадан бола туғади. Бўғозлик даври 25—26 кун. Мўйнаси сифатли, устки томони жигар ранг ёки сариқ, остки томони қора, кул ранг, думи туксиз, қора. О. кеч куздан қишнинг охиригача овланади. Кўл, ботқоқ ва дарёларнинг ўтлар б-н қопланган қирғоқларида яшайди. Ерни ўйиб (баъзан тўғон ва суғориш иншоотларига зарар келтиради) ёки ўсимликлардан уя қуради. Ватани Шимолий Америка. 1905 йилда Европага, 1927 йилда СССРга олиб келинган. Ўзбекистон, Қозоғистон, Сибирь ва б. р-нларда иқлимлаштирилиб, ондатрачилик хўжаликлари ташкил этилган.

ОНЕГА — СССР Европа қисмининг шимолий-ғарбидаги кўл. РСФСРнинг Карелия АССР, Ленинград ва Вологда областларида. Майдони 9,7 минг *км*². Уртача чуқурлиги 30 *м*, энг чуқур жойи 120 *м*; сув ҳажми 292 *км*³. Кўл ўрни тектоник ҳаракатлар натижасида вужудга келган ва кейинчалик тўртламчи давр материк музликлари таъсирида анча ўзгарган. Шимолий ва шимоли-ғарбий қирғоқлари баланд, ўйдим-чуқур, қояли; жанубий қирғоқлари эса паст ва ясси. О. да 1369 дан ортиқ орол бор (майдони 250 *км*²). Кўлга 58 дарё қуйилиб, ундан Свирь дарёси оқиб чиқади. Суви ноябрда музлаб, майда эрийди. 47 балиқ тури бор. О. Оқ денгиз-Болтиқ канали орқали Болтиқ ва Оқ денгизлари, В. И. Ленин номли Волга-Болтиқ сув йўли орқали Волга ҳавзаси б-н боғланган. Кема қатнайди. О. даги Кижи оролида ёғочдан ишлан-





Онеггер А.

ган меъморчилик музей-қўриқхонаси бор. О. бўйида Петрозаводск, Кондопога, Медвежьегорск шаҳарлари жойлашган.

ОНЕГГЕР Артюр (1892. 10. 3, Гавр — 1955. 27. 11, Париж) — француз композитори. Асли швейцариялик. 1920 йиллар бошидан «Олтилик» композиторлар ижодий уюшмаси, 1935 йилдан Халқ музикаси федерациясининг аъзоси. О. 20-аср француз музикаси асосчиларидан. Гуманизм ва антифашизм ғоялари б-н суғорилган ижодида классик ва ҳозирги замон музика услублари уйғунлашган. Кўп асарлари чуқур драматизм б-н бошланиб оптимистик руҳда тугалланади. О. опералар («Юдифь», «Антигона» ва б.), балетлар («Шота Руставели», А. Черепнин ва К. Харсаньи б-н ҳамкорликда ва б.), кантага ва ораториялар («Шоҳ Довуд», «Жанна д'Арк оловда» ва б.), 5 симфония, вокал-симфоник асарлар (мас., Францияни гитлерчилардан озод қилиш учун курашга бағишланган «Озодлик қўшиғи», 1942 ва ҳ. к.), камер ва б. асарлар, «Мен — композиторман» (русча таржимаси, Л., 1963) номли китоб муаллифи. О. 35 га яқин кинофильм (мас., «Хўрланганлар», «Жиноят ва жазо», «Пигмалион» ва б.) га музика ёзган. У 1928 йили СССРда бўлган.

Ад.: Раппопорт Л., Артур Онеггер, Л., 1967.

ОНИКС (юнон. ónyx — тирноқ) — *ақиқ*нинг йўл-йўл тури.

ОНИХИЯ (юнон. onyx, onychos — тирноқ), онихоз — қўл-оёқ тирноқларининг касаллиги. Бунда тирноқ пластинкасининг ранги ўзгариб, бағрида ранг-баранг доғ ва ҳошиялар пайдо бўлади, тирноқ деформацияланади, қалинлашади ёки юпқалашади, тирноқ юзи ғадир-будур бўлиб қолади, кўндалангига ёки узунасига кетган эгатлар вужудга келиб, тирноқ жойидан кўчади. О. туғма бўлиши ёки турли сабаблар б-н (мас., тирноқ пластинкасининг ёки тирноқ фалангасининг шикастланиши натижасида) келиб чиқиши мумкин. *Трихофития,* кал яра замбуруғлари, шунингдек стафилококк ва стрептококклар О. га сабаб бўла олади. Ички органлар, нерв системасининг турли касалликлари, моддалар алмашинувининг бузилиши, ички секреция безларининг касалликларида, шунингдек тери касалликларидан баъзилари (экзема, псориаз ва б.) да ҳам О. учрайди.



Оникседан ишланган ваза.

О л д и н и о л и ш учун қўл-оёқ териси ва тирноқларини тоза тутиш, тирноқни шикастдан сақлаш керак.

ОНКОЛОГИЯ (юнон. onkos — бўртганлик; бу ерда ўсма ва ... *логия*) — ўсмаларнинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиши ва клиник кечишини ўрганадиган ҳамда уларни даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланадиган фан. 20-асрга келиб О. медицина фанининг мустақил тармоғи сифатида шаклланди; Ўсмалар инсониятга жуда қадимдан маълум. Қадимги замонда *Гиппократ* ва *Гален,* ўрта асрларда Парацельс ва б. ўсмаларни ўрганишга кўп меҳнат сарфлашган. 19-асрда немис олимларидан И. Мюллер, Р. Вирхов, Ю. Конгейм, Ф. Реклингхаузен ва б. О. масалалари б-н шуғулланишди, атоқли рус олими М. М. Руднев ва унинг шогирди М. А. Новинский эксперимент О. га асос солди.

1910 йилда Россияда ўсмаларга оид биринчи қўлланма нашр этилди. 20-аср бошларида атоқли рус олимларидан В. В. Подвисоцкий, И. И. Мечников ва Н. Ф. Гамалея хавфли ўсмаларни вируслар вужудга келтиради, деган таълимотни ривожлантира бошлашди. Шу даврда экспериментал О. ўсма тўқимасини тирик организмдан ташқарида ундириш каби янги метод б-н бойиди. Рус олими В. М. Зиков ва ҳамкорлари ўсмалар проблемасини ўрганишда биохимиявий йўналишга, рус олими В. Г. Кеpенчевский ва ҳамкорлари эндокринологик йўналишга асос солди. Ўсмалар гистогенези ва морфологиясига доир масалаларни ўрганишда совет олимларидан Н. Н. Аничков, Н. Н. Петров, К. П. Улезко-Строганова ва б. асарлари катта ўрин тутади. Рус олимларининг тадқиқотлари ва кашфиётлари ўсмалар профилактикаси, диагностикаси ва давоси учун рационал методлар ишлаб чиқишда янги йўллар очиб берди. СССРда О. Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан кейингина кенг равнақ топди. СССР Медицина ФА Онкология ин-ти, П. А. Герцен номидаги Онкология ин-ти (Москва), Киев Онкология ин-ти, Ўзбекистон Онкология ва радиология ин-ти ва б. хавфли ўсмалар проблемасини ўрганмоқда.

Ўсмаларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш, беморларни самарали даволаш б-н бирга аҳолини оммавий профилактик кўрикдан ўтказиш, аҳоли ўртасида рак б-н оғриган, ўлган кишиларни ҳисобга олиш ва б. шунга оид масалалар б-н онкологик диспансерлар шуғулланади (яна қ. *Рак, Ўсмалар*).

Ад.: Злокачественные опухоли, под ред. Н. Н. Петрова, т. 1, ч. 2, Л., 1948; Множественные раковые поражения, под ред Д. М. Абдурасулова, в 4 томах, Т., 1961—72; Неймаи И. М., Основы теоретической онкологии М., 1961. Комбинированное лечение злокачественных опухолей, Киев, 1975.

ОНКОСФЕРА — кўпчилик лентасимон чувалчанглардаги ривожланиш босқичларидан бири. 3 жуфт хитин илмоқли танаси шарсимон. О. чувалчанг организмидаёқ, тухум ичида ривожлана бошлайди. О. ли тухум ахлат б-н ташқарига чиққач, *оралиқ хўжайин*да ёки сувда ривожланиб, *финкалар* ҳосил қилади.

ОНКОТИК БОСИМ — қон плазмаси оқсилларининг коллоид зарралари ҳосил қилган босим; осмотик босимнинг бир қисми. Қон плазмасидаги О. б. организмда сув алмашинувида ҳужайралар орзсида суюқлик ҳосил бўлишида катта роль ўйнайди. Оқсиллар концентрацияси пасайиши сабабли О. б. камайганда тўқималар шишиб кетиши мумкин.

ОНОМАСТИКА (юнон. onomastikós — исмга оид онома — исм, ном) — 1) исмлар, уруғ ва қабилалар, элатлар, миллатларнинг номлари (қ. *Этнонимика*) ва географик атамалар (қ. *Топонимика*) ҳақидаги фан; 2) лексикологиянинг атоқли отларни, фамилиялар (онла ва уруғ исмлари)ни ўрганадиган тармоғи. Атоқли отлар келиб чиқиши (турдош отлар б-н алоқадорлиги, бошқа тиллардан ўтганлиги)га кўра, луғат таркибида тутган ўрни, улардан турдош отларни ясаш имкониятлари жиҳатидан аҳамиятли. Шунингдек, атоқли отлар шу исмларни ташувчи кишилар мансуб бўлган уруғ, қабила, элат ёки халқ тарихи учун муҳим аҳамиятга эга. Мас., ўзбек тилидаги исмлар келиб чиқиш жиҳатидан ҳар хилдир: соф ўзбекча номлардан ташқари турли тиллардан ўтган исмлар ҳам мавжуд. Бу исмлар орасидаги хорижий элементлар ўзбек халқи ва тили қандай тарихий жараёнларни кечирганлиги, қайси халқлар б-н иқтисодий ва маданий ҳамкорликда бўлганлигини кўрсатади. О. тил ва жамият тарихига оид маълумотларни пухталаштириш имконини беради. О. атоқли отлардан турдош отларнинг

ясалиши ва улар англатадиган маъноларни ўрганади.

ОНОН — МХР ва РСФСРнинг Чита областидаги дарё. О. Ингода дарёси б-н қўшилгач, Шилка дарёси ҳосил бўлади. Узунлиги 1032 *км,* ҳавзасининг майдони 96200 *км*². Хэтнэй тоғлигидан бошланади. Асосан, қордан тўйинади. Ўртача сув сарфи этагида 191 *м*³/*сек*. Ноябрда музлаб апрелда муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари: ўнгда — Хурах-Гол, Борзя, Унда; чапда — Агуца, Кира, Ага. Суви суғоришга сарф бўлади ва саноатни таъминлайди.

ОНТАРИО — Канададаги провинция. Майдони 1068,6 минг *км*². Аҳолиси 7988 минг киши (1973); 82,4% и шаҳарларда, 13% и саноат посёлкаларида яшайди. Маъмурий маркази ва энг катта шаҳри — Торонто. О. терр-ясида мамлакат пойтахти — Оттава шаҳри жойлашган. О. терр-ясининг катта қисми Лаврентий қирларида (энг баланд жойи 646 *м*). Иқлими мўътадил иқлим. Январнинг ўртача т-раси —6°, —24°, июлники 12—20°. Йиллик ёғин 500—750 *мм.* Фойдали қазилмаларга бой. Дарёлари катта гидроэнергия запасига эга. Провинция жанубида *Буюк кўллар* жойлашган. Мамлакатдаги ўрмон бойлигининг 1/4 қисми О. да.

О.— Канаданинг иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган провинцияси. О. Канададаги ишлаб берувчи саноат маҳсулотининг 1/2 қисмини ва кон саноати маҳсулотининг 1/4 қисмини беради. Қ. х. шаҳарларни озиқ-овқат маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган. О. терр-яси орқали транс-Канада йўллари ўтган. 1959 йилдан Сан-Лаврентий дарёси орқали Буюк кўлларга кемалар қатнайди.

ОНТОГЕНЕЗ (юнон. ontos — борлиқ ва genesis — келиб чиқиш) — организмнинг пайдо бўлганидан то ҳаётининг охиригача индивидуал ривожланишида кетма-кет юз берадиган морфологик, физиологик ва биохимик ўзгаришлар мажмуи. «О.» терминини фанга Э. *Геккель* киритган. Жинсий йўл б-н кўпаювчи ҳайвон ва ўсимликларда янги организм уруғланиш вақтида вужудга келади. Уруғланган тухум ҳужайра ёки зигота О. нинг бошланишидир. Жинссиз кўпаювчилардан янги организм она ҳужайранинг бўлинишидан ёки куртакланиш, шунингдек тугунак, илдизпоя ва б. да ҳосил бўлган махсус ҳужайралардан юзага келади. О. организмнинг индивидуал ҳаёти давомида рўй берадиган морфологик ва функционал ўзгаришлардаги ҳамма жараёнларни қамрайди ва бирбирига узвий боғланган миқдор ҳамда сифат ўзгаришлари йўли б-н амалга ошади. Ҳар бир организм онтогенези кетма-кет босқичлардан, ривожланиш даврларидан иборат (жинсий йўл б-н кўпаювчи организмларда муртак ёки эмбрионал ва муртакдан кейинги ёки постэмбрионал ҳамда балоғатга етиш даврлари). Ҳар бир босқич О. нинг муайян сифат ҳолати ҳисобланиб, у зарур шароит омиллари (ташқи муҳит шароити, ҳужайраларо ва тўқималараро алоқа, гуморал-гормонал ҳамда нерв регуляция ва б.) мавжуд бўлгандагина амалга ошади.

О. қонуниятларини, механизми ва ҳужайра омилларини, тўқима ҳамда органлар *дифференциация*сини биологик фанлар — экспериментал эмбриология ва морфология, молекуляр биология, цитология ҳамда генетика методлари орқали текширилади. О. ва *филогенез* тирик табиат ривожланиш жараёнининг ажралмас ҳамда ўзаро боғлиқ томонларидир; уларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисидаги проблема Ч. *Дарвин* томонидан қўйилган ва буни немис зоологи Ф. Мюллер ҳамда Э. Геккель ва б. ишлаб чиққан. Ирсий ўзгарувчанлик б-н боғлиқ бўлган барча, жумладан эволюцион жиҳатдан янги белгилар О. да вужудга келиб, улардан фақат яшаш муҳитига мослаша олганлари *табиий танланиш*да сақланади ва авлоддан авлодга берилади, яъни эволюция процессида мустаҳкамланади. О. қонуниятлари, омиллари ва сабабларининг ўрганилиши ўсимликшунослик, чорвачилик ва медицинада муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ўсимлик, ҳайвон, одам ривожланишига таъсир этиш воситаларини топишга илмий асосдир.

Ҳ а й в о н л а р О. ига оид дастлабки маълумотлар қадимги юнон олимлари Гиппократ ва Аристотель асарларига тааллуқли. 18-аср охири ва 19—20-асрларда асосий эътибор О. нинг эмбрионал даврига қаратилган. Эмбрионал давр уч босқичдан: тухумнинг бўлиниши, эмбрионал варақларнинг ажралиши ва *органогенез*дан иборат бўлиб, эмбрионнинг тухум ҳамда эмбрионал пардадан чиқиши ва тирик туғувчиларда туғилиш б-н тугайди, сўнг постэмбрионал давр бошланади. Барча кўп ҳужайрали организмлар ўз ривожининг дастлабки босқичида бир-бирига ўхшайди ва бу *биогенетик қонун*да ўз аксини топди. Постэмбрионал ривожланишнинг дастлабки босқичи тўғри (*личинкасиз*) ёки *метаморфоз* типида кечиши мумкин. Кўп ҳужайрали организмлар онтогенези бир неча соат ёки кундан (баъзи ҳашаротларда) бир неча юз (тимсоҳлар, тошбақаларда) ёки минг йиллар (веллингтония дарахтида) давом этади. Организмнинг турли белгилари, одатда, жинсий вояга етиш даврида, индивидуал ривожланиш белгилари эса О. охиригача шаклланади. Одам организми қариганида содир бўладиган ўзгаришларни *геронтология* ўрганади.

У с и м л и к л а р онтогенези тўғрисидаги маълумотлар қадимги юнон олимлари Теофраст ва Катта Плиний асарларида учрайди. 18-асрда итальян ботаниги П. Микели (1729), К. *Линней* (1751), 19-асрда Швейцария ботаниги Ж. Воше (1803), француз ботаниги Г. Тюре (1853) ва б. сувўтлар ҳамда замбуруғлар ривожланишини тадқиқ этиб, ўсимликлар О. ини ўрганишни бошлаб берди. Рус ботаниги Н. И. Железнов (1840), немис ботаниги К. Негели (1842), совет ботаниги С. Г. Навашин (1898) ва б. юксак ўсимликлар онтогенези қонуниятларини кашф қилдилар. 19-асрнинг 2-ярмида кўпгина олимлар О. ни турли группадаги ўсимликларда яшаш муҳитига боғлиқлигини аниқладилар. 20-асрнинг 2-ярмидан О. нинг морфологик, физиологик-биохимик ва генетик асосини ўрганиш устида иш олиб борилмоқда. Ўсимликлар онтогенези ўсиш (организм вазни ва ўлчамининг ортишига сабаб бўладиган янги элементларнинг вужудга келиши), ривожланиш (уруғланган тухумҳужайра ёки вегетатив муртак ҳужайранинг бўлиниши ҳамда дифференциацияси натижасида унинг етук организмга айланиши), қаримлик (барча физиологик функциялар ва оқсил биосинтезининг сусайиши) даврларига бўлинади. Кўпгина ўсимликларда икки фаза: спорофит — жинссиз бўғин ва гаметофит — жинсий бўғинининг гал-

лаиши О нинг муҳим белгиси ҳисобланади.

ОНТОЛОГИЯ (юнон. ontos — борлиқ ва ... *логия*) — борлиқнинг умумий асослари, принциплари, структураси ва қонуниятлари ҳақидаги таълимот. О. термини немис философи Р. Гокленius томонидан жорий этилган (1613). О. гояси борлиқнинг махсус назарияси сифатида немис философи Х. Вольф (1679—1754) философияда ўз ифодасини топган. Вольф умуман борлиқ ҳақидаги, оламнинг моҳияти тўғрисидаги фалсафий таълимотни тажрибага мурожаат қилмасдан, табиий фанларга таянмасдан, соф ақл юритиш йўли б-н, тушунчаларни фақат мантиқий таҳлил этиш ёрдамида яратиш мумкин, деб ҳисоблаган. Шундай йўл б-н яратилган О., Вольф фикрича, ҳар қандай хусусий фаннинг негизини ташкил этади. Табиёт илми ривожланиб бориши б-н О. нинг абстракт, догматик характери тобора кўрина бошлади. Табиий фанлар ютуқларига таянган 18-аср француз материалистлари бу О. ни танқид қилдилар; немис классик идеализми вакиллари унга қатиқ зарба бериб, уни мазмунсиз ва архаик деб эълон қилдилар. Кейинчалик марксизм метафизикага асосланган бу таълимотнинг чегараланганлигини танқид остига олди ва О. нинг гносеология ва логика б-н алоқадалиги ва бирлигини кўрсатиб берди.

20-асрда илмий билишдаги абстрактлик даражасининг ўсиши баъзи асосий онтологик проблемаларни — ҳозирги замон фани (мас., элементар заррачалар физикаси, космология) даги абстракт тушунчалари соҳасида адекват онтологик интерпретация яратиш ва фаннинг ҳозирги замон методологияси учун назарий асос (мас., кибернетика учун онтологик базис) вужудга келтириш масалаларини олға сурди. Ҳозирги замон марксистик адабиётларида О. мунозарали масала ҳисобланади: баъзилар О. мустақил фан сифатида мавжуд бўлолмайди деса, бошқалар О. диалектик материализм доирасида унинг алоҳида бўлими бўлиши керак, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги замон буржуа философиясининг айрим вакиллари (Н. Гартман, Г. Якоби) О. ни янгичасига тиклашга уринмоқдалар. Улар борлиқ ҳақидаги таълимотни эмпирик тажриба асосида яратмоқчи бўладилар, лекин аслида бу уринишлар объектив идеалистик, ўта спекулятив характерга эга. О. ҳозирги давр диний схоластика (мас., католицизм) томонидан ҳам фойдаланилмоқда.

ОНХОЦЕРКОЗ — қорамол ҳамда отларда учрайдиган гельминтоз касаллиги. Қорамолларда Onchocerca gutturosa ва Onchocerca lienalis отларда Onchorerca cervicalis ва Onchocerca reticulata нематодалари қўзғатади. Вояга етган онхоцеркалар пайларда, личинкалари (микроонхоцеркалар) терининг чуқур қисмларида паразитлик қилади. Кўпинча яғрин, бўйин ва пай мускуллари шикастланади. Мол оқсоқланади. Молнинг касалланган жойига қон қуйилади. Жинсий етук урғочи онхоцеркалар тирик личинкалар туғади, улар дарҳол лимфа ва қон орқали терига ўтади. О. қорамолларда яширин кечади, иш отларидагина узоқ давом этадиган яра флегмоналар ҳосил бўлиши мумкин. Касаллик клиник ва дермолярвоскопик усулда текшириб аниқланади.

Даволаш: йодли препаратлар, дитразин ишлатилади, шунингдек физиотерапия, хирургик усулдан ҳам фойдаланилади.

ООГАМИЯ (юнон. oon — тухум ва gamos никоҳ) — жинсий жараённинг бир тури: бунда бир-биридан шакли, ўлчами ва хусусияти кескин фарқ қиладиган жинсий ҳужайралар — гаметалар қўшилиб *зигота* ҳосил қилади. Урғочи гамета (тухумҳужайра) йирик, ҳаракатсиз, хивчинсиз. Эркак гамета — анча майда, одатда ҳаракатчан (бир ёки бир нечта хивчинлиси сперматозоид, хивчинсизи спермаций дейилади). О. ҳамма кўп ҳужайрали ҳайвонлар, кўпчилик туban ва барча юксак ўсимликларга хос.

ООГОНИЙ (юнон. oon — тухум, gone — туғилиш) — *оогамия* йўли б-н кўпаювчи туban ўсимликлар (яшил сувўтлар, фикомицетлар)нинг урғочи жинсий органи. Одатда, бир ҳужайрали, баъзан кўп ҳужайрали бўлади.

ООЛИТЛАР (юнон. óón — тухум ва lithos — тош) — темир, марганецнинг юмалоқ ва эллипс шаклидаги оксидли ва силикатли бирикмалари. О. таркибида, одатда, кальцит, доломит, арагонит, родохрозит, лептохлорит ва б. минераллар ҳам бўлади. Майда (микроскопик) зарра ҳолидан нўхат катталигигача. 2—5 *мм* катталикдаги О. п и з о л и т л а р деб аталади. О. нинг марказий қисмига, кўпинча, майда қум зарралари ёки ҳайвон чиганоқлари жойлашиб, уларнинг атрофида қат-қат О. тўпланган бўлади. О. океан, денгиз ва қайнар булоқлар тубида вужудга келади. СССРда — Урал ва Керчь я. о. да темирли оолит конлари бор. Ўзбекистонда темирли О. палеоген гил қатламларида топилган.

ООМИЦЕТЛАР (Oomycetidae) — туban замбуруғлар — фикомицетларнинг кенжа синфи. Яхши ривожланган бир ҳужайрали, кўп ядроли мицел (замбуруғтана)га эга. О. га *оогамия* хос. Шарсимон оогон бир нечта (содда О. да) ёки битта (бирмунча юқори тузилган организмларда) тухумҳужайрали бўлади. *Антеридийи* цилиндрсимон. Уруғланган тухумҳужайралари тиним даврини тупроқ ёки ўсимлик қолдиқларида ўтказади, баҳорда ўсиб жинссиз кўпайиш органлари ҳосил қиладиган ооспораларга айланади. Бунда ооспораннинг диплоид ядросида *мейоз* рўй беради. Баъзи О. зооспорангийлари ўзига хос *конидиялар* ҳосил қилади. О. нинг бир қанча тартиблари бўлиб, асосан, сувда, баъзан ўлимтикларда яшайди. Баъзи О. паразит сувўтларда, увилдириқларда, балиқларда ва қуруқлик ўсимликларида яшайди. О. нинг фитофтороз (картошка замбуруғи) ва токларда кул касаллигини қўзғатадиган турлари айниқса кўп зарар етказади.

ООРТ Ян Хендрик (1900. 28. 4, Франекер) — нидерланд астрономи. Лейден ун-ти проф. (1935), шу ун-тнинг астрономия обсерваторияси директори (1945—70). Илмий ишлари юлдузлар ҳаракатига онд. 1927 йилда Галактиканинг айланишини исботлади. 1928 йилда стационар галактика динамикаси назариясини ишлаб чиқди. 1938 йилда (совет олими М. Н. Вашакидзедан мустақил равишда) юлдузлар тақсимотининг фазовий зичлигини аниқлаш методини таклиф этди (бу метод Вашакидзе — Оорт методи дейилади). Космик радионурланиш натижаларига асосланиб, Галактика структураси ва юлдузлараро муҳитнинг тузилиши масалалари б-н шуғулланди. 1958 йилдан Халқаро астрономлар союзи президенти. СССР ФА нинг хорижий аъзоси (1966).

ООФОРИТ (лат. Oophoron — тухумдон) — тухумдоннинг яллиғланиши. Касаллик микроблари (стафилококк, стрептококк, гонококк, сил таёқчаси ва б.) нинг бачадон найи, қорин бўшлигидан, баъзан лимфа ва қон оқими б-н тухумдонга кириб кўпайишидан бўлади. Елғиз тухумдоннинг яллигланиши деярли учрамайди, у б-н бирга кўпинча бачадон найи ва атрофдаги сероз парда (қорин пардаси) ҳам яллигланган бўлади (қ. *Сальпингит*).

Одатда, яллиғланиш процесси тухумдон сирти б-н чекланиб, унинг баъзи функцияларига таъсир этади. Инфекция тухумдон бағрига (паренхимасига) кирганда катта-кичик *абсцесслар* вужудга келади. Уткир О. белгилари сальпингитга ўхшайди.

Д а в о с и. Сальпингит каби даволанади.

ОПАЛ (санскритча упал — қимматбаҳо тош) — минерал. Кимёвий таркиби $SiO_2 \cdot nH_2O$. О. да 2—14% сув мавжуд. Одатда, рангсиз, таркибидаги аралашмаларга кўра оқ, сариқ, қўнғир ва б. хиллари ҳам бўлади. Қаттиқлиги 5—6,5, с. ог. 1,8—2,3. О. нинг гиалит, асл О., гидрофан каби турлари маълум. О. иссиқ вулканоген сувлардаги кремнезём чўкиндилари ва нураш зонасида сув таъсиридан силикат қатламлар ҳамда карбонат кислотанинг ажралиши натижасида ҳосил бўлади. О. нинг катта уюмлари денгиз ҳавзалари чеккаларида *опока, трепел* ва диатомит қатламларини ҳосил қилади. Учламчи давр ётқизиқларида кўп учрайди. О. безак тоши сифатида ишлатилади. СССРда — Украина, Қозоғистон ва б. жойларда О. конлари топилган.

ОПАЛИНАЛАР (Opalina) — хивчинлилар синфига мансуб паразит ҳаёт кечирувчи содда жониворлар уруғи. Катталиги 1 *мм* ча. Танаси (баргсимон) киприкчалар б-н қопланган. Эктоплазма ва эндоплазма яхши чегараланган; бир неча ўн (баъзан юзлаб) ядроси бўлади. Оғиз тешиги йўқ, осмотик озиқланади. Жинссиз ва жинсий кўпаяди. Бир неча ўн тури маълум. Сувда ва қуруқда яшовчилар, баъзан балиқлар ва судралиб юрувчилар ичагида паразитлик қилади. Яқин вақтларга қадар О. *инфузориялар*нинг кенжа синфи ҳисобланарди, бироқ буларда инфузориялардаги каби икки типдаги ядро ва *конъюгация* йўқ.

ОПАРИН Александр Иванович (1894. 18. 2, Уч лич) — совет биохимиги, СССР ФА акад. (1946; мухбир аъзоси, 1939). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1969). 1917 йили МГУни тугатгач, бир қанча ин-т ва илмий тадқиқот ин-тларида ишлаган. 1929 йилдан МГУ проф., ўсимликлар биохимияси кафедраси мудири (1942—60). 1935 йили А. Н. *Бах* б-н биргаликда СССР ФА Биохимия ин-тини ташкил қилиб, 1946 йилгача шу ин-тда директор ўринбосари, кейин директор. СССР ФА биология фанлари бўлимининг акад.-секретари (1948—55). О. нинг илмий ишлари ўсимлик маҳсулотларини қайта ишлашнинг биохимик асосларини, ўсимликларга ферментлар таъсирини ва Ерда ҳаётнинг пайдо бўлишини ўрганишга бағишланган. 1922 йилда биринчи бўлиб Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги масалани илгари сурди. Унинг «Ҳаётнинг пайдо бўлиши» («Происхождение жизни») асари нашр қилинди (1924). 1970 йилдан Ҳаётнинг пайдо бўлишини ўрганиш халқаро жамиятининг президенти, Болгария, ГДР, Куба, Испания ва Италия ФА фахрий аъзоси. О. Ленин мукофоти (1974) ва А. Н. Бах номидаги мукофот лауреати. И. И. Мечников номидаги олтин медаль, 5 марта Ленин ордени, шунингдек совет ва чет эл орденлари ҳамда медаллар б-н тақдирланган.

Ас.: Возникновение жизни на Земле, 3 изд., М., 1957; Жизнь, её природа, происхождение и развитие, 2 изд., М., 1968.

Ад.: Александр Иванович Опарин. 2 изд., М., 1964 (АН СССР. Материалы к биобиблиографии ученых СССР. Сер. биохимии, вып. 6).

ОПАСИАКЛАР — *Жангадарё* бўйларида мил. ав. 7—2-асрларда яшаган сак қабилалари. Мил. ав. 7—5-асрларда О. ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ҳамда балиқчилик б-н шуғулланганлар. О. нинг қароргоҳлари қолдигидан кўпгина жез, темир буюмлар, сопол идишлар ва тош (кварцит) қуроллар топилган. Мил. ав. 4—2-асрларда О. маданияти юксак даражага кўтарилади. Бу даврга оид мудофаа иншоотлари б-н мустаҳкамланган антик шаҳар типидаги йирик ёдгорликлар (Чирик работ, Бабишмулла ва б.) да олиб борилган текширишлар натижасида О. маданияти ривожланганлиги ва унинг Хоразм антик маданиятига яқинлиги аниқланди (яна қ. *Саклар*).

Ад.: Толстов С. П., По древним дельтам Окса и Яксарта, М., 1962.


ОПЕРА (лат. opera — маҳсулот, асар) — музикали драматик санъат жанри. О. нинг адабий тексти — *либретто* музикавий драматургия воситалари б-н, аввало, вокал музика шаклларида гавдалантирилади. О. вокал (соло, ансамбль, хор) ва чолғу (симфоник) музика, драматургия, тасвирий санъат (декорация, костюм ва б.), хореография (рақс саҳналари)ни ўз ичига олади. Лекин музика улар орасида етакчи ўрин эгаллайди. Яккахонлик номерлари (ария, ариозо, қўшиқ, монолог, каватина), *речитатив* ансамбллар (дуэт, терцет, квартетлар), хор саҳналари, рақслар, оркестр номерлари (увертюра, антрактлар) О. музикасининг асосий шаклларидир. Барча вокал номер (саҳна)лар ва речитативлар куйланади, ҳажвий О. ларда кўпинча речитатив ўрнига диалог (сўзлашув)дан фойдаланилади. О. да воқеалар, қаҳрамонларнинг бир-бирига бўлган муносабатлари, орзу-умидлари ва, умуман, бадиий гоя музикавий талқин (речитатив, куйлаш, чолғу музика орқали) қилинади. О. нинг тузилиши унинг гоявий мақсадига, сюжет характерига, либреттонинг сценарийсига ва асосий муаллиф — композиторнинг бадиий принципларига боғлиқ.

О. санъатнинг алоҳида тури сифатида Уйғониш даври (16-аср охири)да Флоренция (Италия)да юзага келди. Композитор Я. Перининг «Дафна» (1598) ва «Эвридика» (1600) асарлари О. нинг илк намуналаридир. 17-аср О. ривожида К. *Монтеверди*, Ж. Б. *Люлли* ҳамда *Неаполь опера мактаби* композиторлари ижоди муҳим роль ўйнади. Кейинчалик О. бошқа мамлакатларга тарқалди.

Тарихий тараққиёт давомида О. нинг турли жанрлари пайдо бўлди: эпик-қаҳрамонлик, тарихий (ҳаётий, романтик, қаҳрамонлик), лирик, афсонавий, драматик, сатирик О. лар; итальянча opera-seria (жиддий О.) ва opera-buffa (ҳажвий О.); французча grand opera (катта О.), ҳажвий ва лирик О. лар; немис ва австрийсча зингшпиль; испанча сарсуэла ва тонадилья; инглиз баллада О. си; музикали драма, О.-балет ва ҳ. к. 19-аср охирида қишлоқ турмушига онд ҳаётий драмалар асосида яратилган веризм оқимига мансуб О. лар пайдо бўлди. Унинг илк намунаси П. Масканьининг «Қишлоқча номус» (1890) асаридир. Ғарбий Европа О. санъатининг йирик вакиллари: А. Скарлатти, Ж. *Перголези*, Д. Чимароза, Ж. *Россини*, Ж. *Верди*,



Опарин А. И.



Опалиналар: *1* — умумий кўриниши; *2* — бўлиниётган опалина.

Ж. *Пуччини*, Р. *Леонкавалло* (Италия), Г. Пёрселл, Г. Ф. *Гендель* (Англия), Л. *Керубини*, Г. *Берлиоз*, Ш. *Гуно*, Ж. *Бизе* (Франция), Х. В. *Глюк* (Австрия, Франция), В. *Моцарт* (Австрия), К. М. *Вебер*, Р. *Вагнер*, Р. *Штраус* (Германия), Ф. Эркель (Венгрия), С. *Монюшко* (Польша), Б. *Сметана*, Д. *Дворжак*, Л. Яначек (Чехия), Ж. Энеску (Руминия), Ж. Ж. Гершвин (АҚШ) ва б.

О. Россияда 18- асрнинг иккинчи ярмида вужудга келди. Рус классик О. сининг равнақи рус миллий музика мактабининг тараққиёти б-н боғлиқ. Рус О.санъатига М. И. *Глинка* асос солган. Рус О. лари ичида М. Глинка («Иван Сусанин», «Руслан ва Людмила»), А. *Даргомижский* («Сув париси»), М. *Мусоргский* («Борис Годунов» «Хованшчина»), А. *Бородин* («Қнязь Игорь»), Н. *Римский-Корсаков* («Қор қиз», «Садко», «Псковлик қиз», «Олтин хўроз» ва б.), П. *Чайковский* («Евгений Онегин», «Пиковая дама» ва б.) ларнинг О. лари машҳур. 19- асрнинг 2- ярмидан украин (С. Гулак-Артемовский, Н. *Лисенко*), 20- аср бошларидан озарбайжон (У. *Ҳожибеков*, А. *Магомаев*), арман (А. Тигранян), грузин (З. *Палиашвили*), латиш (А. Калнинь) О. лари яратила бошлади.

Октябрь рев-ясидан сўнг барча совет республикаларида миллий О. санъати ривожланди. Тарихий ва замонавий мавзудаги О. лар (К. Данькевич, И. Дзержинский, Н. *Жиганов*, М. Заринь, Д. *Кабалевский*, Э. Капп, Г. *Майборода*, Ю. Мейтус, В. *Мурадели*, С. *Прокофьев*, Т. *Хренников*, Ю. Шапорин, Д. *Шостакович* ва б.), халқ достонлари сюжетлари асосидаги О. лар (Р. *Глиэр*, А. *Спендиаров*, Е. Брусиловский, В. Власов, В. Фере ва б.) пайдо бўлди.

Ўзбекистонда О. жанри ўзбек *музикали драма*сининг ривожи асосида рус ва чет эл классик О. сининг таъсирида юзага келган. 1939 йилда С. Василенко, М. Ашрафийнинг *«Бўрон»* О. си саҳналаштирилган. Дастлабки ўзбек О. лари ўзбек ва рус композиторларининг ижодий ҳамкорлиги натижасида ҳамда Ўзбекистонда ижод қилган рус композиторларининг маҳаллий мавзудаги ижодида ривож топган (Р. Глиэр, Т. Содиқов, «Лайли ва Мажнун», 1940; «Гулсара», 1949; А. Козловский, «Улуғбек, 1942). Қейинчалик ўзбек композиторларининг афсонавий-романтик, тарихий, лирик, замонавий мавзулардаги мустақил О. лари пайдо бўлди: «Дилором», «Шоир қалби» (М. Ашрафий), «Зулматдан зиё» (Ҳамза номли ЎзССР Давлат мукофоти, 1966), «Номаълум киши» (Р. Ҳамроев), «Ҳамза» (С. Бобоев), «Зафар» (Ҳ. Раҳимов) ва б. Биринчи ўзбек ҳажвий О. си «Майсаранинг иши» (С. Юдаков) бўлиб, бир неча қардош республикалар (шу жумладан Москва) театрлари саҳналарида қўйилган. «Ерилтош» (С. Бобоев, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти, 1967) биринчи ўзбек болалар О. си сифатида машҳур.

Ҳозир социалистик мамлакатларда П. Дессау (ГДР), П. Владигеров, Л. Пипков (Болгария), Я. Гтовац (Югославия), Э. Сухонь (Чехословакия), З. Кодай, Б. *Барток* (Венгрия), К. Шимановский (Польша), С. Драгой (Руминия). Ғарб капиталистик мамлакатларида Д. Мийо, Ж. Ф. Малипьеро, К. *Орф*, Б. Бриттен, И. *Стравинский*, П. Хиндемит, А. Берг, К. Вайль, Л. Ноно ва б. О. композиторлари танилган.

Ад.: Черная Е. С., Опера, М., 1961; Рацкая Ц. С., Оперные формы, М., 1962; Ванслов В., Опера и её сценическое воплощение, М., 1963; Пеккер Я. Б., Узбекская опера, М., 1963.

ОПЕРАТИВ БИРЛАШМА — ҳарбий операцияларни ўтказиш учун ҳар хил қўшилмалар ва қўшин турларидан ҳамда *махсус қўшинлар*дан тузиладиган йирик муваққат ҳарбий уюшма. О. б. га *фронт*, *армия*, *флот* ва *флотилия* киради. О. б. да жанг қилувчи қўшинлардан ташқари бошқарув органлари ҳам бўлади.

ОПЕРАТИВ ГРУППА — 1) муайян операцион йўналишда ҳаракат қиладиган ва бир хил оператив вазифани бажарадиган қўшинларнинг вақтинчалик бирлашмаси. О. г. кенг кўламда операция олиб борилаётганда ва турли операцион йўналишлардаги қўшин группаларининг ўзаро ҳамкорлик қилиш имконияти бўлмаган жойларда тузилади. Баъзан алоҳида оператив вазифаларни бажариш учун ҳам О. г. ташкил этилади. Жанговар вазият, бажариладиган вазифанинг характери ва кўламига кўра О. г. нинг таркиби турлича (бир неча дивизия ёки корпус) бўлади; 2) офицерлардан тузилиб, алоқа воситалари б-н таъминланган гуруҳ. О. г. қўшин қўшин (штаб)ларга улар б-н ҳамкорлик қилиш ёки ўз қўшилмаларига муайян қўшин (куч) группировкасига раҳбарлик қилиш учун юборилади.

ОПЕРАТИВ ПЛАНЛАШТИРИШ (ишлаб чиқаришда) — ишлаб чиқариш вазифаларини белгилаб берувчи давлат планининг бир қисми. Корхона ёки унинг бўлимлари учун маълум вақт (ой, соат) га тузилади. О. п. га асосланиб кўрсатилган вазифаларнинг бажарилиши назорат қилинади ҳамда ҳисобга олиб борилади. О. п. системаси ва усуллари маълум бир корхона (цех ёки участка)да ишлаб чиқариш вазифасининг бажарилишини таъминлайдиган тадбирларни топишга ёрдам беради. О. п. ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишига, кишилар меҳнати б-н меҳнат воситаларининг рационал қўшиб олиб борилишига боғлиқ. Ишлаб чиқаришнинг маълум қисмида белгиланган календарь план ва технологик нормативлардан четга чиқилган пайтда О. п. бу ҳолатни ўз вақтида тартибга солишга ёрдам беради. Зарур нормативлар миқдори ишлаб чиқариш характери ҳамда оператив планни ишлаб чиқиш усули б-н белгиланади. Корхонада О. п. икки босқичдан иборат: биринчи босқичи з-дда (цехлараро), иккинчиси цехда (цех ичида) планлаштиришдир. Цехлараро О. п. нинг энг муҳим вазифаси цехларнинг ишлаб чиқариш программасини тайёрлаш ҳисобланади. Оммавий ишлаб чиқаришда цехлар учун кварталга мўлжаллаб (ойларга бўлган ҳолда) ишлаб чиқариш программалари тузилади. Йиллик вазифа бир меъёрда кварталлар бўйича белгилаб чиқилади. Донабай ишлаб чиқаришда йиллик программанинг номенклатура таркиби қисман маҳсулотларининг турларига қараб белгиланади. Корхоналарнинг давлат планида кўрсатилган вазифаларини бажаришда О. п. системасини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда бир қанча қўшимча шароитларни назарда тутиш зарур. Жумладан, маълум бир корхонада О. п. ни қўллашда ишлаб чиқариш программасининг таркиби, яъни маҳсулотлар номенклатураси, буюмдаги деталлар сони, йирик ҳамда кўп меҳнат сарф қилинадиган деталлар ва ҳ. к. назарга олинган ҳолда О. п. системасининг маълум вариантидан фойдаланилади.

О. п. дан унумли фойдаланишда корхона, цех ёки участканинг мавжуд фактик шароити катта таъсир кўрсатади. Бир корхонанинг ўзида турли маҳсулотлар учун турлича О. п. системаси қўлланилиши мумкин. Халқ хўжалигининг тармоқларида О. п. ни амалга ошириш учун ҳисоблаш машиналаридан кенг фойдаланилмоқда. Планли информацияларни қайта ишлаш учун ҳар бир корхонада информация-ҳисоблаш маркази ташкил этилган.


ОПЕРАТИВЛИК — вазифа ва топшириқларни тез, ўз вақтида бажариш кўникмаси.

ОПЕРАТИВЛИК САНЪАТИ — ҳарбий санъатнинг таркибий қисми; ҳарбий операцияларни тайёрлаш ва ўтказишнинг назария ҳамда практикаси. О. с. ҳарбий *стратегия* б-н ҳарбий *тактика* ўртасидаги оралиқ бўғинни ташкил этади. О. с. Биринчи жаҳон уруши ва Гражданлар уруши йилларида янги қурол-яроғларнинг қўлланилиши натижасида ҳарбий операциялар кўламининг кенгайиши б-н вужудга келди. О. с. Совет ҳарбий фани томонидан бирмунча тўлиқ ва атрофлича ўрганилган. Буржуа ҳарбий назариётчилари О. с. терминини қўлламайдилар. Лекин бунинг ўрнига «катта тактика» ёки «кичик стратегия» терминларини ишлатадилар. Аслида бу терминлар ҳам О. с. сингари ҳарбий операцияларни тайёрлаш ва ўтказиш масалалари б-н шуғулланувчи соҳани ифодалайди (яна қ. *Ҳарбий санъат*).

ОПЕРАТИВ-ТАКТИК РАКЕТАЛАР — йирик ҳарбий қўшилмалар (корпус, армия, фронт) мақсадлари йўлида душманнинг 1000 *км* гача узоқликдаги муҳим объектларига зарба бериш учун қўлланиладиган «ер-ер» классидаги жанговар ракеталар. Бундай ракеталарнинг диаметри 0,8 *м*, бўйи 5—10 *м*, старт олишдаги оғирлиги 5 *т* гача. О.-т. р. нинг асосий элементлари: жанговар қисм, корпус, двигатель, бортдаги бошқарув системаси. Жанговар қисм конуссимон бўлиб, унга жанговар заряд (фугасли заряд, ядро заряди баъзан эса кимёвий қуроллар) жойлаштирилади. Ядро зарядининг тротил эквиваленти бир неча кило тоннагача бўлиши мумкин. Корпус ракетанинг барча қисмларини ягона конструкцияга бирлаштириш учун хизмат қилади. О.-т. р. нинг двигатели қаттиқ ёнилғи б-н ишлайди. Бортдаги бошқарув системаси ракетани белгиланган траектория бўйлаб нишонга тўғри учиб боришини таъминлайди. О.-т. р. ни учиришга ва учириш ўзи юрар қурилмаларга ўрнатилган махсус механизмлар ёрдамида амалга оширилади.

АҚШ ва ГФР армиясидаги «Сержант», «Першинг» ва б. типдаги ракеталар О.-т. р. га мансуб. Бу ракеталарнинг ҳар бир типи алоҳида тактик-техник имкониятларга эга. Мас., икки босқичли ракета «Першинг»нинг учиш масофаси 185—740 *км*, старт олишдаги вазни 4,5 *т*, жанговар заряди — ядро, диаметри 1,0 *м*, бўйи 10,5 *м*, двигатели 2 дона, максимал тезлиги 1,4 *км/сек*, автоном бошқарув системасига эга. О.-т. р. б-н оператив тактик ракета қўшинлари қуроллантирилади.

ОПЕРАТОР — математик ифода, икки тўплам X ва Y элементларининг ўзаро мос келиши, яъни X нинг x элементига Y нинг бирон y элементи мос келиши. Квант назариясида О.— математик ифода. ψ ҳолат (ёки тўлқин функция) векторининг ψ_1 ҳолат (функция) векторига солиштириш учун хизмат қилади.



Оператив-тактик ракеталар. 1 «Ланс» ракета комплекси (АҚШ).2. «Першинг» 1 А ракета комплекси (АҚШ). 3. «Сержант» ракета комплекси (ГФР).

ψ ва ψ' орасидаги муносабат қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\psi' = \hat{L}\psi,$$

бу ерда $\hat{L}$ — оператор.

О. оддий турлари: кўпайтириш О. ва дифференциал О.

Квант механикада асосан чизиқли операторлардан фойдаланилади. Улар қуйидаги хусусиятга эга: агар $\hat{L}\psi_1 = \psi_1'$ ва $\hat{L}\psi_2 = \psi_2'$ бўлса бу ҳолда $\hat{L}(C_1\psi_1 + C_2\psi_2) = C_1\psi_1' + C_2\psi_2'$, бу ерда C_1 ва C_2 комплекс сонлар.

О. нинг бу хусусияти квант механиканинг асосий принципларидан бири — суперпозиция принципини ифодалайди. $\hat{L}$ О. нинг асосий хоссаси $\hat{L}_n = \lambda_n \psi_n$ тенгламасидан аниқланади, бунда λ_n сон. Бу тенгламанинг ψ_n ечимларини $\hat{L}$ О. нинг хусусий функциялари дейилади. Квант механикада хусусий тўлқин функциялар физик катталик L нинг шундай ҳолатини ифодалайдики, бу ҳолатда L λ_n қийматга эга бўлади. λ_n сони $\hat{L}$ О. нинг хусусий миқдорлари, уларнинг йиғиндисини О. спектри дейилади.

Квант механикада О. б-н муҳим амаллар бажарилади О. ни қўшиш, кўпайтириш, даражага кўтариш, улардан қаторлар тузиш мумкин.

ОПЕРАТОРЛАР НАЗАРИЯСИ — математиканинг *операторлар* ва улар хоссаларини ўрганадиган бўлими.

*E чизиқли фазо*нинг F чизиқли фазога акслантириши (A).

$$A(\lambda x + \mu y) = \lambda Ax + \mu Ay$$

хоссага эга бўлса, A акслантириш чизиқли оператор дейилади (бу ерда λ, μ—ҳақиқий ёки комплекс сонлар, $x, y \in E$). Одатда, чизиқли оператор узлуксиз бўлиши ҳам талаб қилинади. Мас., E ва F нормалаштирилган фазолар бўлган ҳолда (қ. *Норма*), барча $x \in E$ учун

$$\| Ax \| \leqslant K \| x \|$$

тенгсизликни қаноатлантирувчи K сони мавжуд бўлиши керак. Бу ҳолда A чегараланган чизиқли оператор ҳам дейилади.

Мисоллар. 1. n ўлчовли *Евклид фазосини* m ўлчовли Евклид фазосига акслантирувчи чизиқли операторлари

$$y_1 = a_{11}x_1 + a_{12}x_2 + \ldots + a_{1n}x_n,$$
$$y_m = a_{m1}x_1 + a_{m2}x_2 + \ldots + a_{mn}x_n$$

кўринишда бўлиб, мос $A = (a_{ij})$ матрица б-н тўла аниқланади. 2. Математиканинг турли соҳаларида $Ty(x) = \int_a^b K[\xi, x, y(\xi)]\, d\xi$ кўринишидаги интеграл оператор кўп қўлланилади. Хусусий ҳолда

$$Ty(x) = \int_a^b K(\xi, x)\, y(\xi)\, d\xi$$

оператор $[a, b]$ кесмада жамланувчи функциялар фазосида аниқланган чизиқли оператор бўлади. 3. Лаплас оператори $\Delta u = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} + \frac{\partial^2 u}{\partial z^2}$ ва Д'Аламбер оператори $\square u = \frac{1}{a^2}\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} - \Delta u$ математик физикада кўп қўлланиладиган дифференциал операторлардир.

О. н.да операторларнинг умумий хоссалари ўрганилиб, бу назария математика ва унинг тадбиқларида учрайдиган дифференциал, интеграл ва б. тенгламаларни энг умумий шартларда ечишга асос яратади.

Ад.: Колмогоров А. Н., Фомин С. В., Элементы теории функций и функционального анализа, [Учебник], 3 изд., М., 1972.

ОПЕРАТОРЛИК САНЪАТИ (кинода)— кинематографик ижод тури; кинорежиссёр, оператор ва рассомнинг ўзаро ҳамкорликда бадиий-тасвирий шаклдаги кинофильм ёки телевизион фильм яратиши. О. с. кино санъатининг ривожланиши б-н узвий боғлиқ ҳолда, рассомлик санъати, театр, драматургия ва б. санъатларнинг кўп асрлик ютуқларини ижодий ўзлаштириш натижасида юзага келди, ўз ифода воситаларига эга бўлди ва ривожланди. О. с. нинг бадиий воситалари бошқа тасвирий санъатларнинг (мас., рассомлик санъатининг) воситалари б-н қисман (тасвирнинг туси (тони), унинг ранги, ёркинлиги, тузилиши ва б. жиҳатлардан) ўхшаш. Фильм ва айрим кадр композициясини драматик ривожда кўрсатиш оператор маҳоратига боғлиқ. Шунинг учун кинода суръат ва ритм бошқа санъатлар (мас., музика, театр) дагидек муҳим роль ўйнайди.

О. с. нинг ўзига хос хусусиятлари фильмнинг драматик табиати ва монтаж шакли б-н боғлиқ. Овозли кинофильмда тасвир сўз (диалог, монолог), музика ва шовқин б-н узвий боғланган. Оператор ўзининг тасвирлаш композициясида, бир томондан, тасвир б-н сўз ва музика ўртасидаги алоқадан, иккинчи томондан, кадрларнинг монтажли муносабатидан келиб чиқади.

Дастлабки фильмлар «жонли фотосурат»лардан иборат бўлган. Аста-секин турли жанрдаги киноленталар О. с. нинг имкониятлари бойлиги ва аҳамиятини намоён қила бошлади. 20-йилларда суратга олинган энг яхши совет фильмлари —«Потёмкин броненосеци» (оператор Э. Тиссэ), «Она» (А. Головня) ва б. да йирик планлар, ракурсли съёмкалар, ёритиш усулларидан революцион ҳаракатнинг динамикасини кўрсатиш, рев-я кишилари образини яратиш учун фойдаланилган. Революцион тарихий ва замонавий воқеаларни гавдалантириш учун янги ифода воситаларини ўзлаштириш жараёнида совет О. с. мактаби юзага келди. 30-йилларда «Чапаев» (А. Сигаев), «Ленин Октябрда», «Ленин 1918 йилда» (Б. Волчек) ва б. кинокартиналарда О. с. юксак бадиий поғонага кўтарилди. 50-йиллар ўрталаридан кинематографиянинг янги системаси, жумладан кенг экранли ва кенг форматли кинонинг юзага келиши б-н бир вақтда О. с. нинг тасвирий имкониятлари ҳам такомиллашди. Операторлик маҳорати жиҳатидан бадиий аҳамиятга молик фильмлар, мас., «Отелло» (Е. Андриканис), «Турналар учади» (С. П. Урусевский), «Уруш ва тинчлик» (А. Петрицкий), «Халоскорлик» (И. Слабневич), «Оловнинг бўйсундирилиши» (С. А. Вронский) ва б. кўп фильмлар яратилди. Ўзбекистонда ишланган фильмлар ичида «Абу Али ибн Сино» (Г. Гарибян), «Осиё устида бўрон» (Н. Рядов), «Насриддин саргузаштлари» (Д. Демуцкий), «Улуғбек юлдузи», «Еттинчи ўқ» (А. Пани), «Абу Райҳон Беруний» (Ҳ. Файзиев), «Ўтган кунлар» (М. Красиянский, А. Муккарамов) ва б. операторлик маҳорати жиҳатидан ажралиб туради. Шунингдек, телефильмларда ҳам ифода воситалари системаси самарали ривожланди. Уларда асосий диққат инсон ички дунёсини мумкин қадар чуқур ва ишонарли очишга қаратилган, бу жиҳатдан айниқса, «Жаноб олийларининг адъютанти» (П. Терпсихоров), «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» (П. Катаев) телефильмлари диққатга сазовор.

Кинематография ва телевидениенинг оммавийлиги, жадал тараққиёти, кинодаги жанрлар ва мавзуларнинг кенгайиши уларнинг бадиий — тасвирий маданиятига, бадиий-тасвирий воситаларни асарнинг ғоявийлигига узвий бўйсундиришга бўлган талабни кучайтирмоқда. О. с. нинг ҳамма томонлари — персонажларнинг портрет характеристикалари, тасвирнинг тоналлиги ва колорити, фотографик ва техник сифати ва б. катта аҳамият касб этади.

ОПЕРАЦИОН ҲИСОБ — математик анализ методларидан бири. Чизиқли дифференциал, айирмали, интеграл ва интегро-дифференциал тенгламаларни содда амаллар воситаси б-н ечишга имкон беради. О. ҳ. механика, электротехника, автоматика ва б. соҳаларнинг турли масалаларини ечишда қўлланилади.

О. ҳ. 19-аср ўрталарида символик ҳисоб номи б-н вужудга келди. Бунда $p = \frac{d}{dt}$ дифференциаллаш операторига алгебраик миқдор деб қараб, унга боғлиқ $Q(p)$ функцияга қуйидагича изоҳ берилади:

$$Q(p) = \sum_{k=0}^{n} a_k p^k \text{ бўлса, } Q(p)\, f(t) = \sum_{k=0}^{n} a_k f^k(t),$$

$$Q(p) = \frac{1}{p} \text{ бўлса, } Q(p)\, f(t) = \int f(t)\, dt.$$

Рус математиги М. Е. Вашченко-Захарченко символик ҳисоб асосчиларидан ҳисобланади. Инглиз олими О. Хевисайд физика ва техникага оид масалаларни ечишда О. ҳ. ни систематик равишда қўллади ва ривожлантирди. У тескари оператор $\frac{1}{p}$ ни бир қийматли қилиб аниқлаган:

$$\frac{1}{p} f(t) = \int_0^t f(u)\, du \text{ ва } u < 0 \text{ учун } f(u) = 0.$$

Лекин Хевисайд ўз методини математик асослаб бера олмади ва айрим ҳолларда нотўғри натижалар олди. 20-аср бошларида *Лаплас алмаштириши*

$$f(p) = L[f] = \int_0^\infty f(t)\, e^{-pt}\, dt$$

б-н дифференциаллаш оператори $\frac{d}{dt}$ орасидаги боғланиш топилди.

Агар $\frac{df}{dt}$ ва $L\left[\frac{df}{dt}\right]$ мавжуд, $f(0) = 0$ бўлса, $L\left[\frac{df}{dt}\right] = pf(p)$ тенг ўринли, яъни Лаплас алмаштириши дифференциаллаш ва интеграллаш амалларини p ўзгарувчига кўпайтириш ва бўлишга ўтказади.

О. ҳ. методи қуйидаги тартибда қўлланилади: 1) оригинал деб аталувчи изланаётган $f(t)$ функциядан унинг тасвири $f(p)$ га ўтилади; 2) $f(p)$ устида масаладаги $f(t)$ га мос келган амаллар бажарилиб, $f(p)$ га нисбатан операторли тенглама ҳосил қилинади; 3) операторли тенглама ечилиб, $f(p)$ тасвир топилади; 4) топилган $f(p)$ тасвирдан $f(t)$ оригиналга қайтилади.

Тасвирдан оригиналга ўтиш Риман-Меллин формуласи:

$$f(t) = \frac{1}{2\pi i}\int_{\sigma - i\infty}^{\sigma + i\infty} e^{pt} f(p)\, \frac{dp}{p},\ \sigma = R_{ep}$$

га асосланади.

Кўп учрайдиган функцияларнинг тасвир ва оригиналлари ҳисобланган жадваллар тузилган.

Сўнгги йилларда поляк математиги Я. Микусиньский, совет математиги В. А. Диткин ва б. О. ҳ. методларини асослаш ва турли соҳаларга тадбиқ қилиш б-н шуғулландилар.

Ад.: Диткин В. А., Прудников А. П., Операционное исчисление, [Учебник], М., 1966; Диткин В. А. Прудников А. П., Справочник по операционному исчислению, М., 1965; Штокало И. З., Операционное исчисление, Киев, 1972.

ОПЕРАЦИОНАЛИЗМ, операционал эмпиризм — фан тилини операционал қайта тузиш ҳақидаги фалсафий концепция. 20-а. бошларида физика соҳасида эришилган муҳим кашфиётлар натижасида пайдо бўлган. О. концепциясини Н. Кэмпбелл (Англия) илгари сурган. 1920-йилларда америка физиги, философи П. У. Бриджмен асарларида О. ғоявий оқим сифатида шаклланиб, назарий табиатшунослик ва ижтимоий фанларнинг фалсафий-методологик асоси бўлишга даъво қила бошлаган. О. бўйича, тушунчаларнинг ҳақиқий маъноси ўлчаш операцияларининг йиғиндиси б-н белгиланади.

ОПЕРАЦИЯ (лат. Operatio — ҳаракат)— 1) муайян вазифа ёки мақсадни амалга ошириш учун ўтказиладиган ҳаракатлар мажмуи. Мас., *ҳарбий операция*, технологик операция ва б.; 2) муайян маҳкама, корхона ёки уларнинг бўлимлари функциясига кирувчи, навбат б-н, даврий такрорланиб турувчи ҳаракатлар (мас., бухгалтерия операцияси, почта операцияси).

ОПЕРАЦИЯ (медицинада)— тўқима ва органлардаги касаллик процессига хирургнинг аралашуви. Бунда операцион жароҳат вужудга келтирилади (қонли О.), баъзан махсус механик усуллар татбиқ этилади (қонсиз О., мас., чиққан суякни солиш, синган суяк бўлакларини бир-бирига тўғрилаб қўйиш). Аксариси даволаш мақсадида, баъзан эса диагностика мақсадида (мас., *биопсия, пункция, лапаротомия*) қилинади.

Планли ва кечиктириб бўлмайдиган (зудлик б-н қилинадиган) О. тафовут қилинади. Планли О. дан олдин бемор синчиклаб текширилади ва О. га тайёрланади (мас., меъда яраси, раки, хроник аппендицит, катарактада). Касаллик ҳолати беморнинг ҳаётига таҳдид қилиб турганда кечиктириб бўлмайдиган О. қилинади (меъда яраси тешилганда, чурра қисилиб қолганда, ичак буралганда ва б).

О. характери жиҳатдан радикал ва паллиатив турларга ажратилади. Радикал О. да патологик процесс бартараф қилинади (касаллик ўчоғи ва, ҳатто, бутун орган олиб ташланади). Патологик процесс оқибатида келиб чиққан касаллик симптомини бартараф қилиш паллиатив О. нинг вазифасидир. Тиклаш О. лари алоҳида ўрин тутади (қ. *Пластик хирургия*).

Ад.: Руфанов И. Г., Общая хирургия, 5 изд., М., 1954; Стручков В. И., Общая хирургия, [Учебник], 3 изд., М., 1972.

ОПЕРЕТТА (итал. operetta — кичик опера)— музикавий саҳна асари. Драматургияси вокал ва чолғу музика, рақс ҳамда диалогларнинг эстрада элементлари б-н узвий боғланишига асосланган. Диалогининг кенгроқ қўлланиши б-н ҳажвий операдан фарқ қилади. Европада халқ саҳна санъатининг ҳажвий жанрлари — зингшпиль (Германия), ярмарка театри (Франция), бурлеск (Австрия), тонадилья (Испания) ва б. асосида шаклланган. Мустақил жанр сифатида О. 19-аср ўрталарида Франция Ж. *Оффенбах* ижодида юзага келган. Унинг «Орфей дўзахда» (1858) асари мазкур жанрнинг илк намунасидир. Француз композиторларидан Ш. Лекок, Э. Одран ва Р. Планкетлар О. жанрида ижод қилишган. Оффенбах ижоди таъсирида 19-аср охирларида Ф. Зуппе, И. Штраус (ўғли) ва К. Миллёкер каби композиторлар томонидан Вена О. си яратилди. Композиторлардан А. Салливен ва С. Жонс 19-аср инглиз О. синнинг йирик намоёндалари эди. 19-аср О. синнинг ҳажвий операга яқинлиги унинг характерли хусусиятларидан ҳисобланади. 20-аср Вена О. си жанрига Ф. Легар, И. Кальман каби композиторлар қўшиқ, рақс элементларини киритдилар. О. нинг американча тури — мьюзикл мазкур жанр тарихида алоҳида ўрин тутади. СССРда 20-йилларнинг ўрталарида Н. Стрельников, И. *Дунаевский*, Ю. Милютин ва б. композиторлар оммавий қўшиқ жанрига таяниб илк совет О. ларини яратди. Иттифоқдош республикалардан Грузия (композиторлар Ш. Милорава, Г. Цабадзе), Озарбайжон (Р. Ҳожиев) ва Украина (О. Сандлер, А. Рябов) да миллий О. жанри ривожланмоқда.

Ўзбекистонда ҳам О. жанри ривожлана бошлади. Ўзбек музикали драма ва комедиясининг ривожланганлиги, ҳажвий опера ва замонавий эстрада қўшиқчилиги соҳасида эришилган ютуқлар О. га муҳим замин бўлаолади. *Тошкент оперетта театри* репертуаридан классик О. лар б-н бирга Ўзбекистон композиторларининг илк О. лари ҳам ўрин олган ва томошабинларга манзур бўлган.



Опоссум.

Ад.: Янковский М. О., Советский театр оперетты. Очерк истории. Л. — М., 1962; Орелович А. А., Что такое оперетта, М. — Л., 1966; Жукова Л. Л., Искусство оперетты, М., 1967.

ОПИЙ (лат. opium — кўкнори шираси) — қ. *Афюн.*

ОПИСТОДОМ, о п и с ф о д о м (юнон. opisthodomos — бинонинг орқа қисмида жойлашган) — юнон ибодатхоналарининг орқа томонига жойлашган хона. Атрофдаги хоналардан ва *наос*дан девор б-н ажратилган бўлиб, орқа томонидан ғарбий фасадга чиқиладиган эшиги бўлади. О. да ибодатхонанинг муқаддас нарсалари сақланган, шу сабабли унга фақат ибодатхона ходимлари кириши мумкин бўлган. О. дан, кўпинча давлат хазинахонаси сифатида ҳам фойдаланилган.

ОПИСТОРХОЗ — ясси гельминт (описторхис) қўзғатадиган гижжа касаллиги. Етилган описторхислар одам, мушук, ит, мўйнали ҳайвонлар жигарининг ўт йўлида, ўт пуфагида ва меъда ости бези йўлларида паразитлик қилади. Асосан, чучук сувда яшовчи моллюскалар орқали ва организмига описторхисларининг думли личинка (церкарий)лари ўрнашиб олган балиқларни хомлигича еганидан юқади.

О. Ғарбий Сибирь, Қозоғистонда, Пермь областида, Украинанинг Днепр бўйи областларида кўпроқ учрайди. Одамларда касалликнинг бошланғич даврида бемор иситмалайди, баданига тошма тошади, мушаклари, қорни оғрийди, боши айланади, кўнгли айнийди, баъзан қусади, жигари ва ўт пуфаги шишади.

Ҳайвонларда касаллик ўткир кечганда ҳазм фаолияти бузилади, ҳолсизланади. Касаллик клиник ва эпизоотологик маълумотлар асосида аниқланади. Даволашда гексалхлорпараксилол ва б. қўлланилади. Олдини олиш: касаллик тарқалган жойларда ҳайвонларга хом балиқ бермаслик керак.

ОПИТНИЙ — Сирдарё обл. Гулистон р-ни Золотая Орда қ. С. даги қишлоқ. Ўрмончилик хўжалиги терр-ясида. Р-н марказидан 40 *км*, яқин т. й. станцияси — Оқолтин. Аҳолиси 1270 киши (1971); боғдорчилик б-н шуғулланади. Киров номли каналдан сув ичади. Т. й. станцияси бор.

ОПОКА — 1) г е о л о г и я д а — мустаҳкам, говак чўкинди тоғ жинси. Таркиби 97% гача бўлган аморф кремнезёмдан иборат. Кўпинча гил, қум, глауконит ва б. қўшилган бўлади. Оч ва тўқ кул ранг, баъзан қорамтир. Ҳажм оғирлиги 1 атрофида. Тоза турлари юқори адсорбцион хоссага эга. Денгиз шароитида кимёвий йўл б-н ҳосил бўлади. Асосан палеоген (қисман юқори бўр ётқизиқларида) учрайди. СССРнинг Европа, Шарқий Урал ён бағирларида мавжуд. Қурилишда ва адсорбент сифатида ишлатилади; 2) м е т а л л у р г и я д а — қуйма қолип тайёрлаш, қолипни бир жойдан иккинчи жойга элтиш, унга суюқ металл қуйишда ишлатиладиган мослама; қолип материали (тупроқ)ни зич ушлаб туради. Пўлат, чўян, алюминий қотишмалари ва б. дан яшик кўринишида тайёрланади.

ОПОССУМЛАР (Didelphidae) — халтали суг эмизувчилар туркумининг оиласи. 12 уруққа мансуб 65 тури маълум. Америкада тарқалган. Танасининг узунлиги 8—50 *см*, думи 9—53 *см*. Мўйнаси қисқа, майин, кўнғир-кул ранг, баъзиларида узун туклари бор. Ўрмон ва чакалакзорларда яшайди. Кечқурун ва тунда актив. Ҳаммахўр. Бўғозлик даври 12—16 кун. 12—18 бола туғади. Ургочиси болаларини халтасида 70 кун олиб юради. Гўшти учун овланади. Шимолий Америка О. идан лаборатория тажрибалари ўтказишда фойдаланилади.

ОППЕНГЕЙМЕР Роберт (1904. 22 4, Нью-Йорк,— 1967. 18. 2, Принстон) — америка физиги. Гарвард, Кембриж ва Гёттинген ун-тларида ўқиган. Лейден ва Цюрихда ишлаган (1928—29). Калифорниядаги ун-т ва технология ин-тида проф. (1929), Принстондаги Фундаментал тадқиқотлар ин-тида директор (1947 йилдан). Асосий илмий ишлари *квант механика*га ва атом ядросининг тузилиши назариясига оид. 1927 йили М. *Борн* б-н ҳамкорликда икки атомли молекуланинг тузилиши назариясини ишлаб чиққан, америка физиги М. Филлипс б-н биргаликда дейтронларнинг атом ядроси б-н урилишида ядро реакцияси рўй беришини тушунтирган (1935). О. Иккинчи жаҳон уруши йилларида (1939—45) Лос-Аламосдаги ядро лабораториясига раҳбарлик қилган, атом бомбасининг яратилишида фаол иштирок этган. 1947—53 йилларда АҚШ атом энергияси бўйича Комиссиянинг бош консультатив комитети раиси бўлган. 1954 йилда махфий ишлар б-н боғлиқ бўлган барча вазифаларидан четлатилган; бунга сабаб О. нинг водород бомбаси яратишга оппозицияси, шунингдек атом энергиясидан фақат тинч мақсадларда фойдаланиш тарафдори бўлганлигидир.

ОППОНЕНТ (лат. opponens — эътироз билдирувчи) — илмий доклад ёки ёқланаётган *диссертация*ни танқидий текшириб, баҳолайдиган ва докладчи ёки диссертантга эътироз билдирадиган шахс. СССРда *фан кандидати* илмий даражаси олиш учун ёқланаётган диссертацияга 2 расмий О. (улардан бири диссертант соҳаси бўйича фан д-ри ёки проф. бўлиши шарт), *фан доктори* илмий даражаси олиш учун ёқланадиган диссертацияга камида 3 расмий О. (О. лар фан д-ри бўлиб, улардан 2 таси бошқа илмий ташкилотнинг ходими бўлиши лозим) тайинланади. Диссертация ҳимоясида норасмий О. лар сони чекланмайди. Расмий О. лар кўрилаётган диссертацияни ҳар томонлама синчиклаб таҳлил қилиб, шу асосда диссертациянинг илмий-назарий ва амалий талабга қай даражада жавоб беришлигини баҳолаб, хулоса чиқаришади. О. ўз хулосалари б-н диссертация ёқланаётганда ва у илмий кенгаш аъзолари муҳокамасига қўйилганда қатнашади.

ОППОРТУНИЗМ (лат. opportunus — қулай, фойдали) (и ш ч и л а р ҳ а р а к а т и д а) — ишчилар синфининг ҳақиқий манфаатларига қарши чиқувчи, ишчилар ҳаракатини буржуазия учун фойдали бўлган йўлга тортувчи назария ва практика.

О. 19- асрнинг 2- ярмида ишчилар синфи революцион ҳаракатининг ривожланиши б-н бирга пайдо бўла бошлади. Дастлаб унинг ғоявий асоси Марксгача бўлган социализмнинг турли шакллари бўлиб, тактикаси эса либерал реформистлар, шунингдек турли анархистик группалардан олинган. 1- ва 2- Интернационал фаолияти даврида К. Маркс ва Ф. Энгельс, бир томондан, буржуазия олдидаги тўғридан-тўғри таслимчилиги учун Ф. Лассаль, Э. Бернштейн, К. Шраммнинг, иккинчи томондан, ишчилар ҳаракатини авантюристик йўлга бошловчи М. А. Бакунин, О. Бланкининг оппортунистик концепция ва тактикаларини танқид қилдилар. Ишчилар ҳаракатида марксизм ғалаба қилгандан сўнг О. ғоявий қиёфасини ўзгартирди ва

марксистик иборалар б-н чиқа бошлади. О. ўзининг синфий табиатига кўра революцион ишчилар ҳаракати ичидаги майда буржуа идеологияси ва снёсатининг кўриниши ҳисобланади; назария соҳасида О. гоҳ ревизионизм, гоҳ догматизм кўринишида, ташкилий соҳада гоҳ ликвидаторлик, гоҳ сектантчилик сифатида юзага чиқади. Революцион ҳаракатга ўз таъсирини кўрсатиш бўйича гоҳ ўнг, гоҳ «сўл» О. сифатида чиқади; бунда О. нинг бир тури иккинчисига ўсиб ўтиши мумкин.

Унг О. ишчилар ҳаракатини буржуазия манфаатларига бевосита бўйсундиришга қаратилган ва вақтинча хусусий фойда кўриш учун ишчиларнинг туб манфаатларидан воз кечувчи реформистик назария ва тактикаларнинг ўзгарувчан мажмуасидир. Унг О. 19- асрнинг охирларидаёқ ишчилар ҳаракатида кенг ёйилди. Бернштейннинг ревизионистик ғоялари, кейинроқ К. Каутский ва бошқаларнинг догматик қондалари улар томонидан ғоявий байроқ сифатида кенг фойдаланилган. К. Маркс ва Ф. Энгельс вафотидан сўнг, Европадаги йирик социал-демократик партияларда, 2- Интернационалда асосий позицияларни аста-секин ўнг оппортунистлар эгаллаб олдилар. В. И. Ленин, большевиклар, бошқа мамлакатларнинг революцион марксистлари бир неча йил давомида ўнг О. га қарши муросасиз кураш олиб бордилар. 2- Интернационал ҳалокатидан сўнг (1914), социал-демократик партиялардаги оппортунистик группалар ғоявий жиҳатдан айниш йўлига ўтиб олди ҳамда кўпгина партиялардаги ўнг О. ғояларини мерос қилиб олган ва марксизмдан бутунлай юз ўгирган ҳозирги реформизмнинг ўтмишдошига айланди.

Халқаро коммунистик ҳаракатнинг юзага келиши б-н О. унинг қаторида ўрнашиб қолиш учун бир неча марта ҳаракат қилди, ленинизм назарияси ва практикасига қарши кураш олиб борди. 20- асрнинг 2- ярмида ўнг О. коммунистик ҳаракатда ўнг ревизионизм сифатида майдонга чиқди. Авж олган шиддатли кураш натижасида ўнг О. нинг ғоявий позицияси тормор этилди, унинг вакиллари коммунистик ҳаракатдан ажралиб қолдилар.

«Сўл» О. революцион ишчилар ҳаракатини бефойда ишларга, маъносиз қурбон ҳамда маглубиятларга тортувчи ультрареволюцион назария ва авантюристик тактикаларнинг бетайин қоришмасини ифодалайди. «Сўл» О. нинг негизи омманинг революцион ташаббусини дастак қилиб олувчи волюнтаристик концепция ҳисобланади. «Сўл» О. нинг типик мисоли *троцкизм*дир. «Сўл» О. революцион ҳаракатни авантюристик йўлга тортишга ҳаракат қилади, революцион, марксистик иборалар ниқобида коммунизмнинг обрўсини туширади ва бу б-н буржуазияга хизмат қилади.

В. И. Ленининг «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» асарида (1920) жаҳон коммунистик ҳаракатининг шаклланиш даврида вужудга келган «сўл» О. нинг пайдо бўлишидаги моҳияти ва турли шаклларининг таҳлили баён қилинган.

60- йилларнинг бошидан «сўл» О. хавфи янада ошди: унинг ажралиб турадиган хусусияти шундаки, у догматизм шаклида пайдо бўлган бўлса, кейинчалик «сўл» ревизионизм шаклини олди. Коммунистик ҳаракатда марксчи-ленинчилар б-н «сўл» О. ўртасида ижтимоий тараққиётнинг асосий проблемалари: ҳозирги даврнинг моҳияти, асосий революцион кучларнинг роли, уруш ва тинчлик масалалари, ривожланаётган мамлакатларнинг роли масаласи, халқаро кескинликни юмшатиш, социализм қуриш ва демократияни кенгайтириш йўллари ва б. масалалар юзасидан қаттиқ кураш кетмоқда. Ҳозирги «сўл» О. марксизм-ленинизмнинг барча таркибий қисмларини ўз концепцияларига б-н алмаштиришга, социалистик мамлакатлар ҳамкорлиги ва халқаро коммунистик ҳаракатда ихтилоф чиқаришга уринмоқда, коммунистларни авантюристик йўлга тортишга интилмоқда. Унг ва «сўл» О. га қарши кураш жаҳон коммунистик ҳаракатининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., [Письмо] А. Бебелю., В. Либкнехту, В. Бракке и др. («Циркулярное письмо»), 17—18 сент. 1879 г., Соч., 2 изд., т. 34; Ленин В. И., Марксизм ва ревизионизм, Ас., 15- т.; Ленин В. И., Марксизм ва реформизм, Ас., 19- т.; Ленин В. И., Оппортунизм ва II Интернационалнинг ҳалокати, Ас., 21- т.; В. И. Ленин против догматизма, сектанства, «левого» оппортунизма, Сб., М., 1964; Коммунистик ва ишчи партияларининг халқаро кенгаши. Ҳужжатлар ва материаллар, Т., 1970; КПСС XXV съездининг материаллари, Т., 1976.

ОППОҚ — Тошкент обл. Ўрта Чирчиқ р-ни Ленин йўли қ. С. даги қишлоқ. «Ленин йўли» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Тўйтепадан 1 *км*. Аҳолиси 576 киши (1971); пахтачилик, полизчилик б-н шуғулланади. Тошкент каналидан сув ичади. К-з ва қ. С. идоралари, клуб, кутубхона, автогараж, тахта тилиш цехи бор.

ОПРИЧНИНА, о п р и ш н и н а (қадимги рус. опричный — алоҳида) — 1) 1565—72 йилларда подшо хонадонига қарашли ер-мулк (терр-я, қўшин, муассасалар); 2) подшо Иван IV нинг ички снёсатида жорий қилинган тадбирлар системаси (1565—72). Иван IV *Ливон уруши* (1558—83)ни давом эттириш тараддудини кўраётган вақтда боярлар оппозициясига дуч келди. Подшонинг сарой аъёнларидан узоқлашганлиги, шунингдек унинг князь ҳамда боярларга зуғми феодал зодагонлар, руҳонийлар ўртасида Иван IV снёсатидан норозилик туғдирди. 1564 йил декабрда Иван IV Москва яқинидаги Александров слободасига кетди ва 1565 йил 3 январда руҳоний, боярлар ва б. амалдорлардан «қаҳр» қилиб, тахтдан воз кечганлигини билдирди. Боярлар ҳамда руҳонийларнинг вакили слободага бориб подшога чексиз ҳуқуқ берилажагини билдиради. Шундан сўнг Иван IV О. ни жорий қилди, яъни буюк князь хонадонига мансуб кишилар учун алоҳида ер-сув ажратиш ҳақида фармон чиқарди. О. га мамлакат марказидаги ерлар: Можайск, Вязьма, Суздаль; жануби-ғарбда — Козельск, Перемишль, Белёв, Мединс ва б.; шимолда — Двина, Великий Устюг, Каргополь, Вологда ва б. терр-ялар киритилган. Бу ерлардан тушган даромад давлат хазинасига қўшилиб, О. қўшинларини сақлашга ва идора аппаратига сарфланган. Мамлакатнинг О. га киритилмай қолган барча ерлари *Земщина* деб аталиб, уни аввалгидек боярлар думаси идора этган, лекин муҳим масалалар подшоҳнинг тасдиқидан ўтказилган. О. ни бошқариш учун махсус аппарат ташкил этилиб, унга Иван IV нинг ўзи бошчилик қилган. О. ерларидаги подшо хонадонига мансуб бўлмаган кўпгина маҳаллий ер эгалари земщинага кўчирилган, уларнинг ерлари давлат хизматидаги кишиларга бўлиб берилган. О. ни жорий қилишда қаттиқ жазо чоралари қўлланилган. Бу тадбирлар марказлашган давлат-

ни мустаҳкамлашда ва феодал тарқоқлиги қолдиқларига қарши курашда муҳим роль ўйнаган.

Ад.: Зимин А. А., Опричнина Ивана Грозного, М., 1964.

ОПТАЦИЯ (лат. optatio — хоҳиш, истак) — халқаро ҳуқуқда икки ёки ундан ортиқ давлатнинг гражданлигига эга бўлган шахсларнинг қайси давлат гражданлигига ўтишни танлаши. Манфаатдор давлатларнинг келишуви ёки уларнинг миллий қонунлари асосида амалга оширилади. О. ҳуқуқи кўпинча махсус битим асосида чегараси ўзгарган терр-ядаги аҳолига берилади. Фарзандлар, одатда, ота-онаси қабул қилинган давлат гражданлигига ўтади. Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) дан кейинги территориал ўзгаришлар б-н боғлиқ бўлган О. га 1947 йилда Италия б-н тузилган Тинчлик шартномаси мисол бўлиши мумкин. Бу шартномага кўра, бошқа давлатларга ўтадиган терр-яларда 1946 йилга қадар яшаган гражданларга бу терр-я бошқа давлатга ўтганлиги учун 1 йил муддат б-н О. ҳуқуқи берилди.

1917 йил Октябрь рев-ясидан сўнг Совет ҳукумати собиқ Россия империяси составидан ажралиб чиққан давлатлар (мас., Финляндия) б-н О. ҳақида битим тузди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ҳам СССР О. ҳақида бир қанча давлатлар б-н битим тузди (мас., 1945 йилда СССР б-н Чехословакия ўртасида Закарпатье Украинаси тўғрисидаги шартнома).

1956—66 йилларда СССР бир қанча социалистик давлатлар б-н икки томонлама гражданлик тўғрисида конвенция тузди.

ОПТИК АКТИВЛИК — баъзи моддаларнинг ўзидан ёруғлик ўтказаётганда қутбланиш текислигининг айланишини вужудга келтириш хоссаси. Биринчи марта 1811 йили француз олими Д. Ф. Араго кварцда кузатган. Француз олими Б. Био тоза суюқ моддалар (скипидар)нинг, кейинчалик эса қотишма ва буғларнинг О. а. ини кашф этган. О. а. табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Оптик актив моддалар табиий О. а. ка эга; сунъий О. а. эса ташқи таъсир, мас., ташқи магнит майдони б-н ҳосил қилинади. Ёруғлик қутбланиш текислигининг φ бурчакка ўзгариши О. а. нинг миқдорий характеристикасидир. У муҳитда ёруғликнинг ўтган йўлига ва тўлқин узунлигига тўғри пропорционал. Бундай боғланиш О. а. дисперсияси дейилади. О. а. дисперсияси молекула тузилишига, молекулалараро таъсирга, т-ра ҳамда босимга боғлиқ. Суюқлик ва газларда қутбланиш текислигининг ўзгариш бурчаги (φ) модда қалинлиги (*l*) ҳамда концентрацияси (*c*) га тўғри пропорционал: $\varphi=[\alpha]lc$ ([α] — солиштирма О. а. коэффициенти дейилади). Кристалларда φ бурчак чизиқли ўзгариб қолмасдан, эллипсоид қутбланиш ҳам рўй беради, бу дихроизм дейилади. О. а. суюқлик ва газларнинг молекулалари хоссаларини ифодалайди. Бу хоссаларга асосланиб кўпгина моддаларни, айниқса, органик моддаларни аниқлаш мумкин. Шунинг учун О. а. усулидан физика, кимё, биология ва б. соҳаларда кенг фойдаланилади.

Ад.: Агронович В. М., Оптика и спектроскопия. М., 1965; Давыдов А. С., Теория поглощения света в молекулярных кристаллах, Киев, 1951.

ОПТИК АЛОҚА — оптик диапазондаги (одатда, 10^{13}—10^{15} *гц*) электромагнит тебранишлар ёрдамида боғланадиган алоқа. Оддий алоқа системаларида ёруғликдан фойдаланиш усуллари қадимдан маълум. *Лазер* пайдо бўлиши б-н радиодиапазон учун ишлаб чиқилган информацияларни ҳосил қилиш, ишлаш ҳамда узатишнинг турли воситалари ва принципларини оптик диапазонга ўтказишга имкон яратилди. Узатиладиган информацияларнинг ҳажми жуда ортиб кетганлиги ва радиодиапазон ҳажмидан амалда тўла фойдаланиб бўлинганлиги туфайли оптик диапазонни ўзлаштириш масаласи жуда муҳим масалага айланди.

О. а. линиялари структура жиҳатидан радиоалоқа линияларига ўхшайди. Нурланишни модуляциялаш учун таъминлаш манбаига ёки генераторнинг оптик резонаторига таъсир қилиб, генерация процесси бошқарилади ёки чиқиш нурланишини маълум қонун бўйича ўзгартирадиган қўшимча ташқи қурилмадан фойдаланилади (қ. *Ёруғлик модуляцияси*). Чиқиш оптик узели ёрдамида нурланиш кам тарқалувчи нурга айланади ва кириш оптик узелига боради; бу узел уни фото ўзгартиргичнинг актив сиртига фокуслайди. Фото ўзгартиргичдан чиққан электр сигналлар информацияларни ишлаш узелига келади. Сигналларни қабул қилишнинг икки усули — тўғри детекторлаш ва гетеродин қабул усуллари бор.

Таъсир доирасига қараб, О. а. қуйидаги асосий классларга бўлинади: таъсир доираси кичик бўлган очиқ ер усти системалари (ер сирти атм. қатламларидан ўтувчи нурлардан фойдаланади); берк ёруғлик каналларидан фойдаланувчи ер усти системалари (шаҳарлараро алоқа боғлаш, АТС, ЭҲМ орасида алоқа боғлаш учун); яқин космик алоқа линиялари; узоқ космик алоқа линиялари.

СССР ва чет мамлакатларда О. а. системаларида лазерлардан фойдаланиш анча такомиллашди. Очиқ О. а. линиялари Ер б-н космос орасида алоқа боғлаш воситаси сифатида жуда муҳим. Мас., лазер нури ёрдамида 10^8 *км* масофага секундига 10^5 *бит* тезлик б-н информация узатиш мумкин (бундай масофага микротўлқин техникаси б-н секундига фақат 10 *бит* тезлик б-н узатилади). Техниканинг ҳозирги замон даражасида ярим ўтказгичли диод нурлатгичлар, ёруғлик толали кабеллар ва ярим ўтказгичли қабул қилгичлардан фойдаланиб, бир-биридан 10 *км* гача масофада мингларча телефон каналлари бўлган алоқа магистраллари қуриш мумкин. О. а. системаси келажакда магистрал ва ички алоқанинг асосий турига айланиши мумкин.

Ад.: Пратт В. К., Лазерные системы связи, Пер. с англ. М., 1972.

ОПТИК ИЗОМЕРИЯ, кўзгу изомерия — молекуласида асимметрик углерод атомлари ёки бошқа элементнинг асимметрик атомлари бўлган *изомерия*.

ОПТИК КАТТАЛАШТИРИШ — оптик система ёрдамида олинган буюм тасвири ўлчамларининг буюмнинг ҳақиқий ўлчамларига нисбати. Оптик система характеристикаси ва оптик система б-н буюм орасидаги масофага боғлиқ. Текис кўзгу ёрдамида олинган буюм тасвири ўлчамлари буюм ўлчамларидан фарқ қилмайди; бунда О. к. 1 га тенг. О. к. нинг чизиқли ёки кўндаланг, бурчакли ва бўйлама турлари бор. Чизиқли ёки кўндаланг О. к. буюмнинг оптик ўққа перпендикуляр тасвир узунлиги (*l'*) б-н шу буюм узунлиги (*l*) нисбатига тенг.

$$\beta=\frac{l'}{l}.$$

Бурчакли О. к. — тасвир туширилаётган фазода нур оғиш бурчаги тангенсининг буюм жойлашган фазода нур оғиш бурчаги тангенсига нисбатидан иборат:

$$\gamma=\frac{\operatorname{tg}u'}{\operatorname{tg}u}.$$

Бўйлама О. к. — тасвир туширилаётган фазода оптик ўқ бўйича жойлашган $\Delta x'$ кесма узунлигининг буюм жойлашган фазода Δx кесма узунлигига нисбати б-н аниқланади:

$$\alpha=\frac{\Delta x'}{\Delta x}.$$

О. к. нинг бу уч тури ўзаро боғланган. Оптик система атмосферада жойлашган бўлса, $\gamma=\frac{1}{\beta}$ га тенг; бурчак О. к. чизиқли О. к. га тескари катталик.

ОПТИК КВАНТ ГЕНЕРАТОР — атом ва молекулаларнинг мажбурий нурланишига асосланган нур манбаи (қ. *Лазер*).

ОПТИК КУЧ — симметрия ўқига эга бўлган линза ёки линзалар системасининг ёруғлик нурини синдирувчанлик қобилиятини ифодалайдиган катталик. Системанинг фокус масофасига тескари бўлади: $\varphi=n'/f'=-n/f$; бунда: n' ва n — системанинг орқа ва олд томонидаги муҳитнинг синдириш кўрсаткичи; f' ва f — системанинг орқа ва олд фокус масофаси. Ҳаводаги система ($n=n'\approx 1$) учун $\varphi=1/f'$.

Шундай қилиб, система (ёки якка линза) ёруғлик нурини қанча кучли синдирса (яъни фокус масофаси қанча кичик бўлса), О. к. шунча катта бўлади. О. к. *диоптрия* ($м^{-1}$) да ўлчанади; у йиғувчи системалар учун мусбат, сочувчи системалар учун манфий. О. к. тушунчаси кўз диоптикаси ва кўзойнак оптикасида кенг қўлланилади.

ОПТИК ЛОКАЦИЯ — оптик диапазонли (ультрабинафшадан инфрақизилгача) электромагнит тўлқинлар ёрдамида узоқдаги объектларни сезиш, координатларини ўлчаш, шаклини аниқлаш методлари мажмуи. *Лазер*ларнинг пайдо бўлиши жуда аниқ О. л. ларни яратишга имкон берди. О. л. ёрдамида координатларни аниқлашда *радиолокация* принципидан фойдаланилади: оптик локатор узатгич ёрдамида объектга нур юборади, қабул қилгич объектдан қайтган нурни қабул қилади.

О. л. б-н объектни сезиш ва унинг бурчак координатларини аниқлаш методлари иссиқлик пеленгациясидагига ўхшайди (қ. *Инфрақизил нурлар*), объектнинг узоқлиги эса радиолокациядагидек аниқланади. Агар фақат объектгача бўлган масофа аниқланса, бундай оптик локатор электрооптик масофа ўлчагич дейилади. Расмда авиацион ва космик объектларни кузатиш учун мўлжалланган оптик локаторлардан бирининг схемаси ва ишлаш принципи кўрсатилган. Лазер нури *коллиматор* орқали ўтади ва кўзгулар системаси уни объектга йўналтиради. Объектдан қайтган нурни ясси кўзгу қабул қилади ва параболик кўзгуга йўналтиради, ундан бир вақтнинг ўзида диссектор ёки фотоприёмник матрицасига (бурчак координатларини аниқлаш учун) ва фотоэлектр кўпайтиргич ёки детекторга (объектнинг узоқлигини аниқлаш учун) келади. Электр сигналлар диссектордан локаторнинг узатувчи ва қабул қилувчи оптик системаси вазиятини бошқарувчи кузатиш системасига узатилади. О. л. да радиолокациядагига нисбатан бурчак координатлар жуда аниқ ўлчанади ва жуда узоқ масофадаги объектлар аниқланади. О. л. нинг камчилиги: мураккаб метеорология шароитида (ёмғир, қор ёғиб турганда, туманлик ва б. да) ундан фойдаланиш анча қийин.


О. л. Ер, Ой сиртларини жуда (бир неча ўн *см* гача) аниқлик б-н картография қилишга, булут, самолёт, космик кема, сув ости ва сув усти объектларигача бўлган масофа ва б. ни аниқлашга имкон беради.

Ад.: Курикша А. А., Квантовая оптика и оптическая локация, М., 1973.


ОПТИК ПЕЧЬ — бирор манбадан келадиган нур энергиясини қайтаргичлар системаси ёрдамида диаметри, одатда, 1—30 *мм* ли (йирик печларда эса 350 *мм* ли) майдончага фокуслайдиган қурилма. Бу майдончада т-ра 1000—5000°С гача етиши мумкин. Нур энергияси манбаига қараб, О. п. қуёш печи (гелиопечь) ва сунъий энергия манбали (чўғланма лампалар, графитли қиздиргичлар, ёй лампалари, газ разрядли лампалар ва плазмали нурлатгичлар қўлланиладиган) печларга бўлинади. Вазифасига қараб, О. п. нинг тузилиши ҳар хил бўлади, лекин ҳар қандай О. п. нур манбаи, қайтаргич, қизиш т-расини ўзгартирадиган ва бир меъёрда тутиб турадиган ростлагич ва иш камерасидан иборат. О. п. юқори т-рада материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, материал ва организмларга интенсив нур оқимларининг таъсирини текшириш, материалларни жуда тоза шароитда эритиш, қийин эрийдиган материалларни пайвандлаш ва кавшарлаш, рангли материалларни рафинациялаш ва б. мақсадларда кенг қўлланилади.

Ад.: Оптические печи, М., 1969.


ОПТИК ПРИЗМА — ясси сиртлар б-н чегараланган ва шаффоф материалдан ясалган жисм. Бундай сиртга тушган нур шундай жисмдан ўтишида синади. О. п. ларнинг спектрал ва нур қайтариш хусусиятига эга турлари бор. Спектрал О. п. лар ёруғлик *дисперсияси* ҳодисасига асосланади ва кўпинча спектрал қурилмаларда ишлатилади. Ёруғликнинг тўла ички қайтиши ҳодисасига асосланган О. п. лар нур йўналишини ўзгартириш учун оптик системаларда қўлланилади. Спектрал призмадаги нур йўналишлари 1-расмда кўрсатилган. Бунда *BAC* — призманинг бош кесими. Агар *BA* сиртга турли тўлқин узунлигидаги *MN* параллел нур дастаси тушаётган бўлса, нур *BA* ва *AC* сиртларда синади. Ёруғлик дисперсиясига асосан тўлқин узунлиги катта нур дастаси PQ йўналишда, кичиги P_1Q_1 йўналишда чиқади. 2-расмда нур қайтариш хусусиятига эга тўғри бурчакли призма кўрсатилган. Бундай О. п. ёрдамида бирламчи нур дастаси б-н




Оптик призма. 1-расм. Спектрал призмадаги нур йўналиши.



2-расм. Нур қайтарадиган тўғри бурчакли призма.



Оптик локатор схемаси: 1— узатгич; 2— коллиматор; 3,4— кўзгулар; 5—узатувчи оптик система; 6— объект; 7— қабул қилгич; 8— кўзгу; 9— ярим шаффоф кўзгу; 10— оптик фильтр; 11— диссектор; 12— кўзгу; 13— фотоэлектр кўпайтиргич; 14— дастани бошқариш қурилмаси; 15— кузатиш системаси.



Оптик тасвир: *а* — кўзгуда ҳосил бўлган М нуқтанинг мавҳум тасвири М'; *б* — буюмнинг линзада ҳосил бўлган ҳақиқий (А' В') ва мавҳум М' N' тасвири.

90° ёки 180° ли бурчак ҳосил этадиган қайтган нур дастасини олиш мумкин.

ОПТИК ПРИЦЕЛ — нишонни мўлжалга олишда ишлатиладиган асбоб, қурилма. О. п. объектив ва мўлжалга олиш шкалалари бўлган рамкадан иборат. Нишоннинг ҳар бир нуқтасидан келувчи нурлар объективда йиғилиб, предметнинг кичрайтирилган тескари тасвирини ҳосил қилади. Объективнинг фокаль юзасида очиқ мўлжалга олишдаги «қоровул» (мушка) ва ўйиқ чизиқ ўрнини босувчи шкалали рамка жойлаштирилган. Рамкадан ташқарида тасвирни аниқлаштирадиган механизмлар мавжуд. О. п. дан фойдаланиш оддий кўз б-н мўлжал олишга қараганда самаралироқ.

ОПТИК СИСТЕМАЛАР — линза, кўзгу, призма, пластинка ва ҳ. к. оптик элементлар мажмуи. О. с. ёрдамида буюм тасвири фотопластинка, фотоэлемент ва б. да ҳосил қилинади ёки ёруғлик манбаидан чиққан нур дастасининг йўналиши, интенсивлиги ва б. ўзгартирилади.

О. с. қуйидаги кўрсаткичлар б-н характерланади: чизиқли апертура, бурчакли ёки чизиқли кузатиш майдони, оптик катталаштириш, ўлчамлари, тасвирнинг сифатлилиги, ажрата олиш қобилияти ва ёруғлик энергиясини тақсимлай олиши.

О. с. кўрсаткичларига тегишли масалалар идеал оптик система қонунлари орқали ҳал қилинади. Тасвирнинг сифатлилиги ва ажрата олиш қобилиятида эса О. с. нинг қуйидаги нозик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади: оптик система аберрацияси, дифракцион ҳодисалар, О. с. нинг нотўғри тайёрланганлиги ва ҳ. к. Тасвирнинг сифатлилигини белгилайдиган омиллар сифатида ё кўндаланг тўлқин аберрациянинг қиймати, ёки частота-контраст характеристика катталиги олинади. О. с. кинотехника, телевидение, фотография, микроскопия, ҳарбий иш ва б. кўп соҳаларда қўлланилади.

ОПТИК СИСТЕМАЛАР АБЕРРАЦИЯСИ — оптик система ҳосил қиладиган тасвирнинг нуқсонлари. Сферик аберрация, кома, астигматизм, дисторсия ва б. хиллари бор. Ёруғликнинг оптик ўққа нисбатан турли масофадан ўтиб, бир нуқтада тўпланмаслиги сферик аберрацияни вужудга келтиради. Бундай нуқсонга йўл қўймаслик учун, мас., бир неча линзалар комбинацияси қўлланилади. Оптик системадан ўтаётган ёруғликнинг оптик ўққа нисбатан симметрияси бузилиши кома аберрациясн дейилади. Ёруғлик нури дастасининг турли кесимида уларнинг фокуси турли нуқтада бўлса, астигматизм аберрациясн вужудга келади. Буюмнинг тасвири аслига геометрик жиҳатдан мос келмаслиги дисторсия ҳисобланади. Оптик системаларда бирданига бир неча аберрация мавжуд бўлиши мумкин.

Юқорида келтирилган нуқсонлар геометрик аберрациялар ҳисобланади. Ёруғликнинг тўлқин хусусиятига боғлиқ бўлган О. с. а. ҳам мавжуд. Бу, асосан, диафрагма, линза гардиши ва б. да ҳосил бўладиган ёруғлик *дифракция*сидир. Нур синдириш кўрсаткичи б-н тўлқин узунлиги боғлиқлигидан келиб чиқадиган хроматик аберрация ҳам бор. Оптик система элементлари (линзалар, кўзгулар, призмалар, пластинкалар)ни тегишлича танлаш йўли б-н О. с. а. ни йўқотиш мумкин.

ОПТИК СПЕКТРЛАР — ультрабинафша, кўзга кўринадиган ва инфрақизил нурлар, яъни 100 дан 0,01 микронгача узунликдаги тўлқинлар соҳасини ўз ичига оладиган спектрлар. О. с. шартли равишда радиотўлқинлар ва рентген нурларидан фарқ қилинади. Кўпинча, спектр нурланувчи манба табиатига қараб ажратилади. Шунга асосан, атом ва молекула ташқи электрон қобиқлари процессларида, молекулаларнинг айланма ва тебранма ҳаракатида ҳамда қаттиқ ёки суюқ моддани қиздириш ва люминесценция вақтида чиқадиган спектрлар О. с. дир.

О. с. туташ, чизиқли ва йўл-йўл хилларга бўлинади. Қиздирилган қаттиқ ёки суюқ моддалар туташ О. с. чиқаради; бунда узлуксиз турли (қизил, тўқ сариқ, яшил, кўк, ҳаво ранг, бинафша) спектрлар пайдо бўлади. Юқори т-рада яраклайдиган газ ва модда буғлари чизиқли ва йўл-йўл О. с. чиқаради. Чизиқли спектрлар айрим чизиқлардан иборат бўлиб, атомларга хос (қ. *Атом спектрлари*). Йўл-йўл спектрлар молекулалар нурланиши бўлиб, ҳар бир йўл алоҳида чизиқли спектрлардан иборат (қ. *Молекуляр спектр*).

О. с. нурланиш ва ютилиш спектрларига ажралади. Нурланиш спектри қаттиқ, суюқ, газсимон модданинг юқори т-ра ёки электр разряди таъсирида ҳосил бўлади. Маълум бир манбадан чиқаётган туташ спектр бирон муҳитдан ўтаётганда ютилиш спектри содир бўлади. *Кирхгофнинг нурланиш қонунига* асосан ҳар қандай жисм қандай спектрли нур чиқарса, шундай спектрли нурни ютади. Мас., Қуёш нурланишидаги Фраунгофер чизиқлари ютилиш спектри ҳисобланади. Бу чизиқлар Қуёшнинг т-раси юқори бўлган ташқи ички қобиғидан ажралган нурларнинг унинг «совуқроқ» қобиғи томонидан ютилиши натижасидир. О. с. ультрабинафша (тўлқин узунлиги $\lambda<3800$Å), кўзга кўринадиган (7600Å$\geq\lambda\geq$3800Å) ва инфрақизил ($\lambda>7600$Å) нурларга бўлинади. О. с. ни ўрганиш физика, астрономия ва техниканинг кўп соҳаларида, айниқса, атом ва молекула спектрлари қонуниятларини аниқлашда, уларнинг тузилиш назариясини ишлаб чиқишда катта ўрин тутади.

ОПТИК ТАСВИР — объектнинг шу объектдан акс этаётган (чиқаётган) нур ёрдамида оптик системалар воситасида ҳосил қилинадиган тасвири. Асосан, объект тасвири масштабини ўзгартириш б-н боғлиқ бўлган ишларда, шунингдек бирон сирт (киноэкран, фотоплёнка, фотокатод ва ҳ. к.) га буюм тасвирини туширишда О. т. дан фойдаланилади. Бунда буюмнинг ҳар бир нуқтаси тасвирда акс этиши муҳимдир.

О. т. ҳақиқий ва мавҳум бўлиши мумкин. Нурларнинг кесишиш нуқтасида ҳақиқий О. т., бир нуқтага йиғилмайдиган нурлар йўналишида мавҳум О. т. ҳосил бўлади (расмга қ.). О. т. нинг ўлчамлари оптик система характеристикаларига, шунингдек оптик система ва объект орасидаги масофага боғлиқ. Фақат текис кўзгу ёрдамида олинган О. т. ўлчамлари объектнинг айнан ўзига тенг бўлади. О. т. *фотография, телевидение, радиолокация* ва б. да қўлланилади.

ОПТИК ТЕЛЕГРАФ — ахборотларни *семафор* алифбеси ёрдамида визуал узатиш системаси. 19- асрнинг 1 ярмида кенг тарқалган. Биринчи О. т. ни 1794 йилда ака-ука французлар К. ва И. Шапп Париж б-н Лилл орасига (225 *км*) қурган. Қўзғалувчан рейкалардан иборат бўлган узатувчи семафор қурилма минорага ўрнатилган. О. т. линияси бир-биридан кўриниб турадиган миноралар занжиридан иборат бўлган. Ахборотлар бир минорадан иккинчи минорага бирин-кетин узатилгани учун уларни узатишга анча вақт кетган. Дунёда энг узун О. т. линияси — Петербургдан Варшавагача (1200 *км*) бўлган линия 1839—54 йилларда ишлаб турган; бунда узатиладиган сигнал бир учидан иккинчи учига 15 *мин* да келган.

ОПТИК УЗУНЛИК ЎЛЧАГИЧ — масофани ўлчаш учун ишлатиладиган қурилма. *Лазер* нуридан фойдаланиб ишлайди. Лазер нури масофаси аниқланадиган жисмга йўналтирилади, нурнинг бориб-қайтишига кетган вақт аниқланади, сўнгра олдиндан аниқ бўлган вақт шкаласи бўйича номаълум масофа аниқланади.

ОПТИК ШИША — ўта шаффоф, кимёвий турғун бир жинсли *шиша*. Аниқ берилган оптик ҳоссалари — нур синдириш кўрсаткичи (1,47—2,04) ва *дисперсия* коэффициенти (70—78) сақланган ҳолда тайёрланади. Шу кўрсаткичларига кўра, О. ш. кронларга (кичик синдириш кўрсаткичли ва катта дисперсияли) ёки флинтларга (катта синдириш кўрсаткичли ва кичик дисперсияли) бўлинади. О. ш. оптик асбоб ва буюмлар (кўзойнак, объектив, микроскоп, бинокль ва б.) тайёрлашда ишлатилади.

ОПТИК ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ — физик катталиклар ўлчанадиган асбоблар. Уларга масофа, чизиқли ва бурчак силжишлари ўлчанадиган (мас., *оптиметр*), т-ра, қуёш радиацияси ўлчанадиган (мас., *актинометр*), моддаларнинг таркиби ва концентрацияси ўлчанадиган [*калориметр*, нефелометр (қ. *Нефелометрия*), *поляриметр, интерферометр, спектрометр* ва б.], фотоэлектр катталиклар ўлчанадиган асбоблар (*люксметр, сенситометр, фотометр*) киради.

ОПТИК ЎҚ, линзанинг оптик ўқи — *линза*нинг нур синдириш сиртлари симметриясининг ўқи (тўғри чизиғи); сирт марказидан унга тик ҳолда ўтади. Оптик системага киradиган барча линзаларнинг умумий симметрия ўқи оптик системанинг О. ў. и ҳисобланади (яна қ. *Оптик системалар*).

ОПТИКА (юнон. optike — кўриш ҳақидаги фан) — физиканинг бўлими, ёруғликнинг табиатини, ёруғлик ҳодисалари қонуниятларини, ёруғлик б-н моддаларнинг ўзаро таъсирини ўрганади. О. нинг ривожланиши И. *Ньютон* ва Р. *Гук*, итальян олими Ф. Гримальди, голланд олими Х. *Гюйгенс* ва б. нинг ишлари б-н боғлиқ. Қадимги даврда О. ҳақида фақат жуда содда эмпирик қонунлар, яъни ёруғликнинг тўғри чизиқ бўйлаб тарқалиши, ёруғликнинг қайтиши ва синиши (мас., юнон философи *Аристотел*га) маълум эди). 11- асрда араб олими Ибн аль-Хайсам (Альгазен) О. тўғрисида ўзининг машҳур трактатини ёзган бўлса-да, ёруғликнинг синиш қонунларини ифодалай олмаган. Фақат 1620 йилларда бу қонунни тажриба йўли б-н голланд олими В. Снеллиус ва Р. *Декарт* исботлади. 17- асрдан ёруғлик ҳақида корпускуляр ва тўлқин назариялар пайдо бўла бошлади. Ёруғлик корпускуляр назариясининг тарғиботчиси И. *Ньютон*, тўлқин назариясининг тарғиботчиси Х. *Гюйгенс* эди. И. Ньютон назариясига асосан ёруғлик манбадан корпускула (зарра) шаклида катта тезлик б-н тарқалади. Бу назарияга кўра ёруғликнинг синиш ва қайтиш қонунларини осонгина тушунтириш мумкин. Умуман корпускуляр назария 19- асргача ҳукм сурди. Гюйгенс назарияси (принципи)га асосан ёруғликнинг ғалаёнланиши — тўлқин шаклида катта, лекин чегараланган тезлик б-н тарқалаётган эфирнинг эластик тебранишлари импульсидир. Гюйгенс — Френель принципига кўра, тўлқин етиб борган ҳар бир нуқта янги, иккиламчи тўлқин манбаи бўлади. Бу иккиламчи тўлқинлар сирти вақтнинг кейинги дақиқаларида ҳақиқий тарқалаётган тўлқинлар фронтини тасвирлайди. Лекин Х. Гюйгенс ўз ишларида олдиндан маълум бўлган *ёруғлик дифракцияси* ҳодисаси, *ньютон ҳалқаси* ва б. ҳақида ҳеч нарса демаган.

Ёруғликнинг тўлқин табиати ҳақидаги тасаввурлар *Ломоносов* ва *Эйлер* томонидан ривожлантирилди. 19- асрнинг бошларида инглиз олими Т. Юнг ва француз олими О. *Френель* ишлари ёруғлик тўлқин назариясининг узил-кесил ғалабасига олиб келди. Юнг 1801 йилда ёруғлик *интерференцияси* ҳодисасини кузатди. Бу ҳодиса ёруғлик тўлқин табиатга эга эканлигини кўрсатди. Френель (1818) ёруғлик интерференцияси асосида Гюйгенс принципини тушунтирди. У ёруғликнинг тўғри чизиқ бўйлаб тарқалишини, турли дифракция ҳодисаларини ва б. ни тушунтириб, Гюйгенс назариясини янада ривожлантирди. Ёруғликнинг қайтиши ва синишида ёруғликнинг қутбланишини француз олими Малюс (1808) кузатди. Малюс бу ҳодисани ёруғлик корпускуляр назария («поляр» зарра) асосида тушунтириш мумкинлигини кўрсатиб, фанга «ёруғлик қутбланиши» терминини киритди. Френель *кристаллоптика* ҳодисаларига тўлқин назариясини қўллади. Лекин Гюйгенс принципидаги ёруғлик — эфирнинг эластик тебранишлари, деб илгари сурилган ғоялар жуда катта қийинчиликларга олиб келди.

Буларнинг барчасини электромагнит майдон тушунчасини ривожлантирган, ёруғлик ҳам электромагнит тўлқинидан иборат деган назарияни яратган К. *Максвелл* бартараф қилди. Максвелл ёруғликнинг электромагнит назариясига асосланиб, ёруғликнинг ҳатто босими бўлишини айтди ва унинг сон миқдорини назарий аниқлади (1873). Итальян олими А. Бартоли эса 1876 йилда ёруғлик босимининг термодинамик асосини яратди. 1899 йилда рус олими П. Н. Лебедов биринчи бўлиб тажриба йўли б-н ёруғлик босимини аниқлади. Биринчи бўлиб Фарадей ёруғлик қутбланиш текислигининг магнит майдонда бурилишини кашф қилди (1846) ва электромагнитизм б-н О. орасидаги боғланишни, ток кучи электромагнит бирлигининг электростатик бирлигига нисбати ёруғлик тезлигига тенг эканлигини ($3\cdot10^{10}$ *см/сек*) топди.

Максвеллнинг назарий текширишлари электромагнит майдоннинг ёруғлик тезлигига тенг тезлик б-н тарқалишини кўрсатди. 1888 йилда немис олими Г. Герц вакуумда тарқалаётган электромагнит майдоннинг тезлиги ёруғлик тезлигига тенг эканлигини аниқлади ва Максвелл назариясини тажриба йўли б-н тасдиқлади. Максвелл назариясига ва Герц тажрибасига асосан электромагнит тўлқин муҳитда $v = c/n = c/\sqrt{\varepsilon\mu}$ тезлик б-н тарқалади; бунда: c — ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги, ε ва μ — муҳитнинг диэлектр ва магнит сингдирувчанлиги. Ньютон давридан нормал дисперсия яъни тўлқин узунлиги λ камайиши б-н синдириш кўрсаткичи n нинг ортиши маълум эди. Бу ҳодисани ёруғликнинг эластик тўлқин назарияси асосида Френель ва О. *Коши* тушунтирган. 1862 йилда эса француз олими Ф.

Леру йод бугининг дисперсия эгри чизигида λ ўсиши б-н n ортишини (аномал дисперсияни) кузатди. Немис олими А. Кундт бундай дисперсия кўпгина моддаларга тегишли эканлигини ва бу ҳодиса ёруғликнинг моддалар томонидан ютилишига боғлиқлигини тушунтирди (1871).

Немис физиги В. Зельмейер эса аномал дисперсияни ёруғлик тўлқинининг эластик резонатор б-н тўқнашиши сабабли деб тушунтирди (1872). Кейинчалик, немис олими Г. Гельмгольц ёругликнинг эластиклик назариясига асосан дисперсиянинг тўлиқ назариясини яратди (1874). Бу назариядаги формулаларнинг тажриба натижалари б-н мос келишини рус физиги Д. С. Рождественский кўрсатди (1912). Атом резонаторларнинг хусусий частотасига мос келувчи соҳаси кучли ютилиш соҳасидир, бундаги синдириш кўрсаткичи «аномал» соҳага тўғри келади.

Ёругликнинг моддалар б-н таъсирлашувини 1890 йилларда жуда кўп олимлар, немис олимлари Друде, Гельмгольц ва, айниқса, голланд олими Г. А. Лоренц текширдилар. Лоренц Друде ишларини ривожлантириб, модда ва ёруғликнинг электрон назариясини яратди. Электрон назариянинг яратилиши моддаларнинг нур чиқариши ва ютишини тушунтиришда муҳимдир. Шу назария асосида О. даги қатор ҳодисаларни текшириш ва тушунтириш мумкин бўлди. Мас., ёруғликнинг дисперсия ҳодисаси, диэлектрик сингдирувчанлик (ε) нинг электромагнит тўлқин узунлигига (λ) боғлиқ бўлиши ва ҳ. к. Бунда электр майдони таъсирида атом ва молекулалардаги электронларнинг энергетик силжишини аниқлашга, шунингдек нурланаётган ёки нур ютаётган атомга магнит майдонининг таъсир этиши [магнит майдони таъсирида нурланаётган атом спектрал чизиғининг қўшимча чизиқларга ажралиши (Зееман ҳодисаси)] кашф қилинди. Лекин классик электрон назария айрим оптик ҳодисаларни тушунтириб беролмади ва назария натижалари тажриба натижаларига мос келмай қолди, мас., абсолют қора жисмнинг иссиқлик нурланиши спектрида энергия тақсимоти ва ҳ. к. Бундай қийинчиликни бартараф қилиш учун М. *Планк* ёруғликнинг квант назариясини яратди. (1900). О. нинг кейинги ривожланиши, квант механика назариялари б-н боғлиқ. Фотоэффект ҳодисаси учун Планк назариясини *Эйнштейн* ривожлантириб, ёруғлик кванти — фотон тушунчасини фанга киритди (1905). Фотон ҳақидаги тушунчалар фотолюминесценциядаги Стокс қоидаси, комбинацион сочилишнинг оддий қонунлари, Комптон эффекти ва б. ҳодисалар орқали тушунтирилди. Ёругликнинг электромагнит назарияси *нисбийлик назариясининг* яратилишига асос бўлди.

Одатда, О. шартли равишда геометрик ва тўлқин (физик) О. сига бўлинади. Геометрик О. да ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонунлари асосида, яъни икки муҳит чегарасида ёруғликнинг синиши ва қайтиши натижасида объектларнинг тасвири ҳосил бўлишини тушунтириш мумкин. Геометрик О. да фотометрия, ёруғлик оқими, ёруғлик кучи, ёритилганлик ва ёруғликни миқдорий характерловчи бошқа катталиклар қаралади. Геометрик О. фотометрия б-н бирга оптика техникаси, яъни оптик асбоблар назарияси ва рационал ёритиш, ёруғлик дастасини тақсимлаш ва йўналтириш таълимотининг илмий асослари б-н шуғулланади.

Тўлқин О. сида интерференция, дифракция ва ёруғликнинг қутбланиши каби ёруғлик табиати б-н боғлиқ бўлган ҳодисалар ўрганилади. Бу ҳодисалар назарияларининг ривожланиши ёруғлик табиатини тўла очиб бериш б-н бирга, ёруғликнинг қайтиш ва синиш қонунларини ҳам тушунтириб бера олди. Ёруғликнинг модда б-н таъсири туфайли ҳар хил эффектлар — механик (ёруғлик босими, Комптон эффекти), хусусий оптик (ёруғликнинг сочилиши, фотолюминесценция), электр (фотоэлектр ҳодиса), кимёвий (фотохимия ва фотография эффектлари), шунингдек ёруғликнинг ютилиши ва сочилиши, иссиқлик нурланиши ва б. кузатилади.

О. нинг амалий қўлланилиш соҳаси кенг, мас., спектрал анализ соҳаси. Бунда атом ва молекулаларнинг спектрини текшириш натижасида моддаларнинг тузилишини аниқлаш мумкин. Спектрал анализ астрономия, геология, биология, медицина, тупроқшунослик, санъатшунослик ва криминалистика ишларида, шунингдек металлургия, машинасозликда, нефть, кимё саноати, енгил саноат, геология-қидирув ишлари ва б. да қўлланилади.

Ёругликнинг ютилиши ва сочилиши ранг ҳақидаги таълимот асосини ташкил қилиб, рассомлик ва санъатда кенг ишлатилади. Мас., тиниқ бўлмаган муҳитда ёруғликнинг сочилиши фотолюминесценция учун асос бўлиб хизмат қилади. Люминесценция ҳодисаси ҳозирги замон газ разряд ва люминесценция ёруғлик манбаларини яратиш мақсадида қўланилади. Бу ёруғлик манбалари электр энергиясини анча тежайди. Улардан люминесценцияланувчи экранлар тайёрлашда фойдаланилади. Бу экранлар рентгенологияда, телевидениеда, ўлчов асбобларида ва ҳарбий техникада ишлатилади. Фотоэлектр ҳодисага асосан ўлчов асбоблари, ҳар хил ёруғлик релелари ихтиро қилинади. О. техникаси ва машинасозликда металл ёки объектни назорат қилиш ёруғлик интерференцияси ҳодисасига асосланган, бу соҳада совет олими В. П. Линник жуда кўп асбоблар яратган. Ҳар хил типдаги интерферометрлар моддалар таркиби ва параметрлари (босими, т-раси) нинг ўзгариши б-н ёруғлик синдириш кўрсаткичининг кичик ўзгаришини ҳам назорат қилиши мумкин. Ёруғлик дифракцияси ҳодисаси архитектура акустикасида ультраакустик тўлқинларни оптик қайд қилишга имкон беради. Рентген нурларининг молекулалардаги, айниқса, кристаллардаги дифракцияси моддалар структурасини анализ қилишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ад.: Ландсберг Г. С., Оптика, 4 изд. М., 1957; Борн М., Вольф Э., Основы оптики, Пер. с англ., 2 изд. М., 1973.

ОПТИКА ИНСТИТУТИ, С. И. Вавилов номидаги Оптика институти — илмий текшириш муассасаси. Унда оптикага оид ишлар олиб борилади ва уни техникага татбиқ қилиниши ишлаб чиқилади. Ин-т 1918 йили Ленинградда акад. Д. С. *Рождественский* раҳбарлигида ташкил қилинган; 1932—45 йилларда бу ин-тга акад. С. И. Вавилов, 1945—56 йилларда эса акад. А. Н. Теренин директорлик қилган. Ин-тда кўпгина машҳур олимлар ўз илмий ишларини бошлаган ва ишлаган (мас., академиклардан И. В. Гребенщиков, А. А. Лебедев, В. А. Фок, И. В. Обреимов ва б.), ҳозир (1973) бу ерда В. П. Линник, П. П. Феофилов ва Ю. Н. Денисюклар ишламоқдалар. Ин-т СССРда оптика-механика саноатининг маркази

ҳисобланади. Бу ерда оптик материаллар таркиби, шу материалларни ишлаб чиқариш технологияси ва б. ўрганилади. Биринчи марта электрон микроскоп шу ин-тда яратилган. Ин-тда замонавий ҳисоблаш оптикаси мактабига асос солинган.

ОПТИМАЛ БОШҚАРИШ НАЗАРИЯСИ — *кибернетика*нинг турли системаларда оптимал (тез, қулай, арзон ва ҳ. к.) бошқариш усулларини ишлаб чиқадиган бўлими. Асосий тушунчаси — б о ш қ а р и л у в ч и с и с т е м а (объект). У б о ш қ а р у в п а р а м е т р л а р и (мас., автомобилда руль ва *акселератор* ҳолати, *мартен печи* т-раси ва б.) б-н характерланади. Бошқарув параметрлари тегишлича ўзгартирилса, системанинг ҳолати бошқарувга мос ҳаракат қонуни б-н ўзгаради. Одатда, бошқарув жараёни системани бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга келтиришдан иборат. Системани бошланғич ҳолатдан охирги ҳолатга олиб келувчи бошқарув қонунини топиш б о ш қ а р у в м а с а л а с и дейилади.

Техникада, халқ хўжалиги ва б. соҳаларда учрайдиган кўп масалалар учун бошқарув масаласи математик жиҳатдан мукаммал ўрганилган. Бошқаришнинг оптималлиги олдиндан белгиланган с и ф а т б е л г и с и га қараб аниқланади. Мас., икки пункт орасида учадиган самолётнинг энг қисқа вақтда манзилга етишини бошқариш масаласида сифат белгиси учишга сарф бўлган вақт б-н, максимал юк ташиш масаласида сифат белгиси ташилган юк оғирлиги б-н ифодаланади.

Оптимал бошқарув масаласи математик нуқтаи назардан *вариацион ҳисоб*га тааллуқли. Агар системанинг ҳолати $x=(x_1,\ldots, x_n)$ вектор б-н аниқланиб, бошқарув параметрларига $u=(u_1=,\ldots, u_m)$ вектор мос келса, системанинг ҳаракат қонуни кўп ҳолларда

$$\frac{dx}{dt} = f(x, u)$$

тенглама б-н ифодаланади. $t=t_0$ моментда система x_0 ҳолатда бўлиб, $t=t_1$ моментда уни x_1 ҳолатга олиб келиш талаб қилинса, бошқарув масаласи $\frac{dx}{dt} = f[x; u(t)]$ (1)

дифференциал тенгламалар системаси учун ушбу

$$x(t_0)=x_0,\ x(t_1)=x_1 \qquad (2)$$

чегаравий масала ечимга эга бўладиган $u(t)$ бошқарув функциясини танлашдан иборат бўлади. Бу масаланинг ечими $x(t)$ бўлса, бошқарувнинг сифат белгиси асосан

$$I=\int_{t_0}^{t} f_0[x(t),\ u(t)]\,dt \qquad (3)$$

формула бўйича ҳисобланади.

(1), (2), (3) шартларни қаноатлантирувчи функциялар о п т и м а л б о ш қ а р у в, (1), (2) масаланинг ечими $x(t)$ б-н бирга о п т и м а л ж а р а ё н дейилади.

Одатда, бошқарув параметрлари $u_0\ldots, u_m$ ихтиёрий бўлмасдан, уларга $u\in v$каби шарт қўйилган бўлади. Мас., u — автомобиль рулининг ҳолати бўлса, u нинг ўзгариши энг четки ҳолатлар б-н чекланган бўлади, яъни u параметр $u_0<u<u_1$ кўринишидаги шартга бўйсуниши керак.

Оптимал бошқарув масаласи шаклан вариацион ҳисоб масаласи бўлса-да, кўп ҳолларда уни ечиш учун классик усуллар ярамайди. Сўнгги йилларда *динамик программалаш*, Л. С. *Понтрягин*нинг м а к с и м у м п р и н ц и п и ва б. янги усуллар ишлаб чиқилди.

Космосни ўзлаштириш, фан ва техника ревяси, электрон ҳисоблаш машиналарининг кенг татбиқ қилиниши О. б. н. нинг жадал ривожланишига олиб келди. Бу соҳадаги муҳим натижалар совет олимлари Л. С. Понтрягин, Н. Н. Красовский, А. А. Фельдбаум, америка математиклари Р. Беллман, Р. Кальман, Ж. Лейман, француз математиги Ж. Лионс ва б. га тегишли. Халқ хўжалигини оптимал бошқариш масалаларини ҳал қилишда ўзбекистонлик математикларнинг ҳам ҳиссаси катта.

Ад.: Математическая теория оптимальных процессов, 2 изд., М., 1969; Ройтенберг Я. Н., Автоматическое управление, [Учеб. пособие], М., 1971; Ли Э. Б., Маркус Л., Основы оптимального управления, Пер. с англ., М., 1972; Математика на службе инженера, [Сб. ст.], М., 1973.

ОПТИМАЛ ПЛАНЛАШТИРИШ — хўжалик объектини ривожлантиришнинг кўп вариантларидан энг мақбулини (оптималини) танлашга имкон берувчи усул ва воситалар мажмуи. Бунда иқтисодий-математик усуллар ҳамда электрон ҳисоблаш машиналари муҳим роль ўйнайди. О. п. социалистик экономиканинг асосий қисмини ташкил этади. О. п. перспектив узоқ муддатли (10—15 йилга мўлжалланган) планлаштиришни, перспектив ўрта муддатли (беш йиллик) планлаштиришни ҳамда жорий (йиллик) планлаштиришни ўз ичига олади. Халқ хўжалиги тузилишига қараб, О. п. бутун халқ хўжалиги, хўжалик соҳаси ва корхона планларига бўлинади (қ. *Халқ хўжалигини планлаштириш*).

ОПТИМАЛЛАШ (лат. optimum — энг яхши) — функцияларнинг экстремал (энг катта ёки энг кичик) қийматини ва маълум ҳарфлар мажмуидан оптимал вариантини танлаш. Функция қийматлари ёки ҳарфлар мажмуидаги ҳарфлар сони чекли бўлса, О. уларни ўзаро таққослашдан иборат бўлади. Таққослаш усулини қўллаш мумкин бўлмаган ҳолларда О. математик программалаш асосида ҳал қилинади. Лекин математик программалаш масаланинг махсус шаклда бўлишини, хусусан, О. натижаси фақат битта сонли кўрсаткич б-н баҳоланишини тақозо қилади. Кўп амалий масалаларда бу шарт бажарилмайди, мас., энг кам харажат б-н энг кўп маҳсулот ишлаб чиқаришни О. натижасида иккита кўрсаткич (маҳсулот ҳажми ва харажат) қатнашади. Бу каби масалаларни ечишда математиканинг ўйинлар назарияси, операцияларни текшириш соҳалари қўлланилади.

Барча муҳим омилларни ҳисобга олиб масалани аниқ математик шаклда таърифлаб бўлмаган ҳолларда О. масаласи тажриба, эвристика усули, мутахассислар кенгашида муҳокама қилиш асосида ечилади. Сўнгги йилларда корхона ва муассасаларнинг ЭҲМ б-н кенг таъминланиши, автоматлаштирилган бошқариш системалари яратила бошланганлиги О. масалаларини илмий ҳал қилишга имкон беради.

Ад.: Вентцель Е. С., Исследование операций, М., 1972; Канторович Л. В., Горстко А. Б., Оптимальные решения в экономике, М., 1972.

ОПТИМАЛЛИК КРИТЕРИЙСИ — қабул қилинадиган қарорлар (альтернативалар)ни қиёсий баҳолашда қўлланиладиган белги. Шу белгига асосланиб альтернативалардан энг яхшиси танланади. О. к. нинг моҳияти кўп фак-

торларга: ижтимоий тузум характерига, иқтисодий қонунларга, белгиланган мақсадларга, қабул қилинган қарорнинг кўлами (халқ хўжалиги, ишлаб чиқариш тармоғи ёки айрим корхона миқёсида бўлиши)га ва ҳ. к. га боғлиқ. Оптималлик принципи математик программалаш ва бошқариш назариясидан олинган. Экономикани оптималлаш назариясининг методологик асоси — халқ хўжалиги оптималлиги принципи, яъни иқтисодий ҳодисаларни, бутун халқ хўжалигини назарга олган ҳолда ўрганиш демакдир. О. к. қарорни асослашга ёрдам бериши керак. Қарорни асослашнинг амалий вазифаларини шартли равишда уч типга бўлиш мумкин. Биринчи типдаги вазифаларнинг моҳияти ресурсларни энг кам миқдорда сарфлаб, мўлжалланган натижага эришиш имкониятини яратувчи энг қулай фаолият турини танлаш зарурлигини англатади. Иккинчи типдаги вазифаларда мавжуд ресурслар ҳажми кўрсатилади, лекин улардан фойдаланишнинг энг самарали усулини танлаш лозим бўлади. Фойдаланиладиган ресурслар ҳажмини ва олинадиган натижани ҳисобга олмаган ҳолда энг яхши вариантни қидириш жараёни учинчи типдаги вазифаларда ифодаланади.

Жамият, айрим тармоқ ёки корхона ихтиёридаги мавжуд ресурслар маълум миқдордадир, шу сабабли бир мақсад учун ажратилган ресурслар ҳажми бошқа мақсадлар учун ажратилган ресурслар ҳажмига боғлиқ. Демак, ресурсларни тақсимлашдаги ҳар қандай усул айни вақтда бир қанча мақсадлар б-н бевосита ёки билвосита боғлиқ, шу сабабли у бир қанча кўрсаткичлар б-н ифодаланади.

Ҳар қандай типдаги вазифа аслида кўпгина альтернативаларни қиёсий текшириш асосида ҳал қилинади.


Социалистик жамиятда планлаштириш ва бошқариш системасида қабул қилинадиган барча қарорлар олий мақсадга — жамият талабларини тўлароқ қондириш мақсадига имкони борича мувофиқ бўлиши керак. Бу мақсадга жамиятнинг ҳамма эҳтиёжларини қондириш йўлидаги бир қанча социал-иқтисодий мақсадларни амалга оширгандагина эришиш мумкин. Эҳтиёжларни қондириш учун жамиятда турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши керак. Маҳсулотларга бўлган талаб ҳозирги вақтда ва келажакда шахсий эҳтиёжларни, шунингдек ишлаб чиқариш б-н боғлиқ бўлмаган эҳтиёжларни қондириш даражасига боғлиқ. Шундай қилиб, ишлаб чиқаришнинг тараққиёт даражасини жамиятнинг ишлаб чиқариш б-н боғлиқ бўлмаган эҳтиёжларини қондирадиган далил сифатида тушуниш мумкин. Планлаштиришдаги муҳим вазифалардан бири турли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда энг рационал нисбатларни аниқлашдир. Планлаштириш жараёнида жамиятдаги мавжуд меҳнат ресурслари ва б. ресурсларни тақсимлаш вариантларини кўриб чиқиш лозим ва мумкин қадар жамият талабларига жавоб берадиган вариант олиниши керак. Шундай қилиб, халқ хўжалиги плани вариантлари планнинг ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ келишини ифодаловчи критерийга кўра қиёсий баҳоланиши зарур. Планлар замон ва маконда амалга ошади. Демак, ҳар бир кўрсаткичнинг мазмуни планлаштирилган даврдаги йилларда ва мамлакатнинг турли р-нларида эҳтиёжларни қондириш даражасидаги ўзгаришларни акс эттириши керак. План вариантларини жуда кўп кўрсаткичлар бўйича солиштириш анча қийинчиликларни вужудга келтиради. Кўрсаткичлар миқдорини камайтириш учун кўпинча информациялар умумлаштирилади. Планлаштирувчи органнинг мавқеи қанчалик юқори бўлса, информация шунчалик кенгроқ умумлаштирилади. Мас., энг юқори ташкилотларда қарор қабул қилиш учун аҳолининг муайян маҳсулотга бўлган эҳтиёжи қондирилиши даражасини маълум маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг шу эҳтиёжни қондира оладиган маҳсулот (аҳолига кўрсатиладиган хизмат) миқдорига нисбати деб тасаввур этиш мумкин. План вариантларининг қиёсий баҳоси кўрсаткичларнинг аҳамиятини умумлаштириш асосида ёки махсус О. к. ка кўра ишлаб чиқилади.

Ад.: Льюс Р. Д., Райфа Х., Игры и решения, Пер. с англ., М., 1961; Пугачев В. Ф., Оптимизация планирования (теоретические проблемы), М., 1968; Федоренко Н. П., О разработке системы оптимального функционирования экономики, М., 1958; Солнышков Ю. С., Как обосновать решение, М., 1972.

ОПТИМЕТР (юнон. optos — кўринувчи, кўриниб турган ва... *метр*) — ричагли-оптик механизм ёрдамида чизиқли ўлчамларни ўлчайдиган асбоб. Механизмда ричагли узатгич сифатида тебранувчи кўзгу, оптик ўзгартиргич сифатида автоколлимацион найча қўлланилади. Биринчи марта (1837 йил) немис инженери Н. Сакстон ўлчаш асбобларида тебранувчи кўзгудан фойдаланган. 1925 йилда Германияда автоколлимацион кузатиш трубкаси ва тебранувчи кўзгудан фойдаланиб асбоб тайёрланган. Ҳозир бундай асбоб анча такомиллаштирилган.

О. нинг вертикал ва горизонтал хиллари бор. Кузатиш трубкасида ўлчаш натижаси окуляр ёки проекцион усулда ҳисобга олинади. О. трубкасининг шкаласи 1 *мкм* ли бўлинмаларга ажратилган, шкала бўйича ўлчаш чегараси ±100 *мкм*.

Бўлинмаларининг қиймати 0,2 *мкм*, ўлчаш чегараси 25 *мкм* бўлган О. ультраоптиметр дейилади. О. *калибр*, ясси-параллел плиталар ва б. нинг чизиқли ўлчамларини ўлчашда ишлатилади.



Вертикал оптиметр.

ОПТИМИЗМ ВА ПЕССИМИЗМ (лат. optimus — энг яхши ва pessimus — энг ёмон) — дунёга, ҳаётга, келажакка ишонч ёки умидсизлик б-н қарашга асосланган муносабатларни ифодаловчи бир-бирига зид тушунчалар. Бу муносабатларда ҳар бир давр ва хусусан, чуқур социал ўзгаришлар даврига хос бўлган умумий маънавий шароит, шунингдек турли ижтимоий группа ва синфларнинг дунёқараши ўз аксини топади. Бунда одатда кўтарилиб келаётган илғор кучлар, синфларнинг дунёқараши, идеологияси оптимистик характерга эга бўлса, уларга қарши ўлароқ инқирозга юз ўгирган, тарих саҳнасидан чиқиб кетаётган кучлар, синфлар (мас., ҳозирги давр буржуазияси) нинг дунёқараши ва идеологияси пессимистик кайфиятлар б-н суғорилган бўлади.

Ўтмишда ҳам илғор ижтимоий кучлар идеологлари оптимистик қарашларни тарғиб қилиб келганлар. Мас., ўрта аср Шарқи ҳамда Европада Уйғониш даври гуманизмининг вакиллари, 18- аср француз маърифатпарварларининг дунёқарашлари оптимизм руҳи б-н суғорилган бўлиб, улар «ақлга мувофиқ» ижтимоий тузумга эришиш мумкинлигига ишонишган; рус революцион демократлари крепостной деҳқонларни чоризмга қарши курашга чорлаб, Россиянинг келажаги ҳақида илғор оптимистик фикрларни баён этишган.

Ўзбекистонда ҳам 19- аср охири ва 20- аср бошларида Аҳмад Дониш, Муқимий, Фурқат, Аваз Ўтар каби маърифатпарвар шоир ва мутафаккирлар халқ оммасини ҳаётни севишга, инсон ақл-идрокини қадрлашга, илм-маърифатга эришишга даъват этганлар. Уларга қарши ўлароқ, ислом дини идеологлари ўта пессимистик ғояларни тарғиб этганлар, меҳнаткашлар ўртасида руҳий тушкунлик, дунёдан, келажакдан умидсизлик, маъюсликка берилишни ифодаловчи қарашларни тарқатишга уринганлар.

Империализмнинг барча зиддиятлари кескинлашган ва капитализм жаҳон системасининг умумий кризиси чуқурлашган ҳозирги даврда ҳалокатга учраётган буржуазиянинг идеологияси ва дунёқараши тобора чуқурроқ пессимистик тус касб этмоқда ва буржуазия бундай кайфиятларни халқ оммасига сингдиришга уринмоқда. Давримизнинг энг революцион, прогрессив кучи — жаҳон ишчилар синфининг таълимоти бўлган марксизм-ленинизм ўз моҳиятига кўра оптимистик характерга эгадир. Унга хос бўлган тарихий оптимизм жаҳонда муқаррар равишда социализмнинг тўла ғалаба қилиши, инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизмга эришиш мумкинлигига асосланади.


ОПТОЭЛЕКТРОНИКА — электрониканинг ёруғлик ва электр методларидан фойдаланиб ахборотларни ишлаш, сақлаш ҳамда узатиш масалалари б-н шуғулланадиган бўлими. О. *радиоэлектроника* ва *ҳисоблаш техникаси*нинг тараққиёт босқичи сифатида юзага келди. Бу соҳаларда бир қанча фотоприёмниклар (фотоэлемент, фотоэлектрон кучайтиргич, фотодиод, фоторезистор, фототранзистор ва б.) яратилиб, улардан ёруғлик сигналларини электр сигналларига айлантиришда фойдаланилмоқда. Электр сигналларини ёруғлик сигналларига (тасвирга) айлантиришда мавжуд электрон-нур асбоблари ишлатилади. Радиоэлектрон қурилмаларнинг электр трактларида ахборотларни ишлаш жараёнлари вакуум ва яримўтказгичли асбоблар б-н амалга ошириларди.

О. яримўтказгич ва вакуум электроникадан ўзининг оптик звеноси (фотонлар алоқаси) борлиги б-н фарқ қилади. Фотонлар электр жиҳатдан нейтрал бўлганлигидан оптик алоқа каналида электр ва магнит майдонлари уйғотилмайди. Бу эса ахборотларни бузмасдан текис узатиш ва қабул қилишни таъминлайди. Ахборотлар ёруғлик нури ёрдамида узатилганда алоқа линиясида электромагнит энергияси тўпланиб қолмайди ва сочилмайди, шунинг учун ахборот кечикмай, бузилмай, ўз вақтида етказилади. Оптик тебранишлар частотасининг юқорилиги (10^{14}—10^{15} *гц*) ахборотларнинг кўп ва тез узатилишини таъминлайди.

О. нинг асосий элементлари — ёруғлик манбалари (лазерлар, ёруғлик диодлари), оптик муҳитлар (актив ва пассив) ҳамда фотоприёмниклар. Бу элементлардан турли нисбатда ва айрим-айрим фойдаланиш мумкин. О. ни ривожлантиришнинг икки йўли — оптик (когерент О.) ва электрооптик (оптроника) мавжуд. Ҳисоблаш техникаси системасини тузишнинг янги принципи ва методлари, оптик алоқа, ахборотларни эслаб қолиш ва ишлаш когерент О. б-н боғлиқдир. Оптроникани ривожланиши ёруғлик манбалари ва фотоприёмниклардан тўғри фойдаланишга асосланган. Оптрон схемалар тузилиши жиҳатидан яримўтказгичларга нисбатан ихчам ва оддий бўлади. Оптрониканинг асосий элементи — оптрондир. У электр ва оптик сигналларни кучайтириш ва ўзгартириш, алмашлаб улаш, модуляциялаш ва б. ни бажаради.

Ад.: Свечникова С. В., Элементы оптоэлектроники, М., 1971; Фотоэлектрические явления в полупроводниках и оптоэлектроника, Сб. ст., под ред. Э. И. Адировича, Т., 1972.

ОПТРОН — ёруғлик сигналларини кучайтириб ёки ўзгартириб берадиган асбоб; оптик жиҳатдан бир-бирига боғланган ва умумий корпусга жойлашган ёруғлик нурлатгичи ҳамда фото қабул қилгичдан иборат. О. элементлари ўзаро оптик, электр ёки аралаш усулда уланади (расмга қ.). О. нурлатгичи (*ФИ*) да кирувчи электр сигналлар ёруғлик сигналларига айланади ва оптик канал орқали фото қабул қилгич (*ФП*) га узатилиб, унда электр сигналларига айланади. Нурлатгич сифатида, одатда, ярим ўтказгичли ёруғлик нурлатувчи диодлардан; оптик каналнинг оралиқ муҳити сифатида оптик елимлар, шишалар, толали ёруғлик ўтказгичлар, ҳаводан; фото қабул қилгич сифатида фотодиод, фоторезистор, фототранзистор ва б. дан фойдаланилади. О. радиоэлектроника ва ҳисоблаш техникасида ишлатилади.



Оптрон. а — оптик боғланишли; б — элемент боғланишли; в — электр ва мусбат тескари оптик боғланишли.

ОПУНЦИЯ (Opuntia) — кактусдошларга мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Пояси этли, тиканакли, барги сувли, тез тўкилади. Америкада 200 дан ортиқ тури бор: баъзи турлари ёввойи ҳолда, Австралия ва Ўрта денгиз атрофига тарқалиб кетган. СССРда 30 тури манзарали ўсимлик сифатида хоналарда. Европа қисмининг жанубида эса очиқ ерларда ўстирилади. Тиканидан тозаланган О. молга озиқ бўлади.

ОРАДЯ — Руминиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Бихор уездининг маъмурий маркази. Аҳолиси 145 минг киши (1972). Транспорт йўлларининг узели. Руминия станоксозлик саноатининг янги марказларидан. Шаҳар яқинидан боксит қазиб олинади. О. қадимги Римнинг Ульпианум ш. ўрнида вужудга келган. Қўл ёзмаларда дастлаб 11- асрдан тилга олинган.

ОРАЗ (араб. عارض — ёноқ, чеҳра) — 1) *ўн икки мақом* системасидаги шўъба номи. Шашмақом таркибидаги Наво ва Дугоҳ мақомларининг Наср шўъбаларидан иборат бўлиб, Орази Наво ва Орази Дугоҳ деб номланади. Уларнинг куй тузилиши, доира усули, шеър ўлчови бир хил бўлиб, икки хил мақомнинг лад тузилишига мосланиб олинган. Орази Наво ва Орази Дугоҳ авжида Намуди Баёт учрайди. О. нинг куй оҳанглари турлича баландликларда такрорланади. Бу шўъбалар асосида Намуди О. авжи яратилган; 2) халқ музикасида мақсус *сурнай йўлларид*ан бири.

ОРАЗИЙ (тахаллуси, тўлиқ номи Алихон Муллаохун ўғли) (1869 — Наманган — 1942) — ўзбек шоири. Кулол онласида туғилган. Шаҳрихон мадрасасида, сўнгра рус-тузем мактабида таҳсил кўрган. Октябрь рев-ясидан сўнг «Қўшчи союзи», «Пахта ширкати» каби совет ташкилотларида котиблик қилган. Ижодида *Муқимий, Завқий, Хислат* каби ўзбек шоирлари анъаналарини давом эттирган. Коммунистик партияга, доҳий В. И. Ленинга ва ишчилар синфига бағишлаб шеърлар ёзган. О даврнинг актуал мавзуларида ижод қилди. Унинг лирик ва сатирик ғазаллари, мухаммас, мураббаъ ва ру-

бойилари Фарғона вақтли матбуотида мунтазам босилиб турган. Асарларида Октябрь рев-яси ва совет воқелигини акс эттирди, ёшларни илмли, меҳнатсевар, коммунистик ахлоқли бўлишга даъват этди, Гитлер фашизмига лаънатлар ўқиди: «Хотин-қизлар» (1926), «Матбуот кунига» (1927), «Илм», «Колхозлашинг» (1930), «Октябрь» (1935), «Гитлерга лаънат» (1941) ва б.

Ас.: Танланган шеърлар, Т., 1959.

ОРАҚЗОЙ — афғон қабилаларидан бири. Покистон Пуштунистони (Курам водийси)да яшайди. Умумий сони 150 минг (1964). *Пушту тилида* сўзлашади. Ислом динининг сунна мазҳабига, қисман шиа мазҳабига эътиқод қилади. О. пушту халқининг шаклланишида актив қатнашмоқда. Деҳқончилик, боғдорчилик, шунингдек чорвачилик б-н шуғулланади.

Ад.: Народы Южной Азии, М., 1963, с. 731—753; Ганковский Ю. В., Народы Пакистана М., 1964.

ОРАЛИҚ (мед.) — одам дум суягининг учи ва қуймич дўмбоқлари оралиғида ётган юмшоқ тўқималар йиғиндиси. Тўғри ичакнинг пастки бўлаги, сийдик чиқариш канали (уретра)нинг бошланғич қисми (аёлларда қин ҳам) О. дан ўтади.

ОРАЛИҚ ЗОНА, қатор ороллар зонаси — Ернинг энг йирик глобаль морфоструктураларидан бири, материкнинг сув остидаги чети б-н океан қаъри ўртасида жойлашган. Одатда, чекка денгизларнинг котловиналари, қатор ороллар ва чуқур сув новларидан иборат [Тинч океанининг шимолий ва ғарбий чеккалари, Атлантика океанидаги Карибе ва Скоша (Шотландия) денгизлари атрофлари, Ҳинд океанининг шимоли-шарқий четлари]. О. з. рельефининг хилма-хиллиги (чуқур сув новларининг чуқурлиги 11 *км* гача, қатор ороллардаги баъзи вулкан чўққиларининг баландлиги 5—7 *км* гача), магнит ва гравитация майдонларининг бир-биридан кескин фарқ қилиб туриши, ер пўсти вертикал ҳаракатлари тезлигининг катта ва кескин дифференцияланганлиги б-н ажралиб туради.

О. з. ҳозирги замон вулканизми, интенсив сейсмик ва тоғ ҳосил бўлиш областига киради.

ОРАЛИҚ НЕЙТРОНЛАР — 10^2—10^5 *эв* интервалидаги энергияли *нейтронлар*.

ОРАЛИҚ ХЎЖАЙИН (биологияда) — 1) вояга етмаган паразитлар яшайдиган ҳайвон организми; асосий хўжайинда тараққиёти давом этиб, вояга етади ва жинсий йўл б-н кўпаяди. Мас., безгак плазмодияси учун одам оралиқ, безгак чивини эса асосий хўжайин; ҳўкиз солитёри учун одам асосий, қорамол эса О. х. ҳисобланади. Паразитнинг ривожланиш циклида бир неча О. х. бўлиши мумкин. Одам, умуртқасиз ва умуртқали ҳайвонлар О. х. вазифасини ўтайди. Айрим паразитлар О. х. да ривожланиш б-н бирга жинссиз кўпаяди ҳам. О. х. ни аниқлаш паразитга қарши кураш ва касалликларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга; 2) занг замбуруғларининг маълум ривожланиш даври ўтадиган ўсимлик. Бу замбуруғларнинг кўпчилиги О. х. да споралар ҳосил қилиб, ўсимликнинг ривожланишига зарар келтиради.



Орангутан.

ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР — асосий экинлардан бўшаган ерларга ёки асосий экин қатор ораларига экиладиган ўсимликлар. Ўзбекистон шароитида жавдар, арпа, сули, нўхат, шабдор, кузги индов, хантал, берсим ва б. О. э. ҳисобланади. О. э. нинг зичлашган экин, аралаш экин, кўкат ўғитлар, қўшма экин, кулис экин, иккинчи экин деб аталувчи турлари бор. Мас., арпа беда б-н аралаш сепилганда, улар турли муддатларда йиғиштириб олинганлиги туфайли, арпа оралиқ экин ҳисобланади. Жавдар шабдор б-н аралаш сепилиб, ҳосили бир вақтда йиғиштириб олинса, зичлашган экин бўлади. Ўсув даврида ҳайдаб юборилган О. э. кўкат ўғит ёки сидерат дейилади.

Сабзавоткор хўжаликларда бир йилда икки ҳосил олинмоқда. Бунинг бири асосий, иккинчиси оралиқ экин ҳисобланади. О. э. туфайли ҳар *га* ердан олинадиган маҳсулот миқдори ортади, чорвачилик учун озуқа кўпаяди, тупроқ унумдорлиги ошади, қ. х. техникасидан, ишчи кучи, ер, сув ва б. ишлаб чиқариш воситаларидан рационал фойдаланиш имконияти туғилади.

СССРнинг Кубань, Закавказье, Украина, Белоруссия, Ўрта Осиё ва б. жойларида О. э. тобора кўпроқ экилмоқда.

ОРАН — Жазоирнинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ўрта денгиз соҳилида. Оран вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 440 минг киши (1970). Транспорт йўлларининг йирик узели; савдо-саноат марказларидан. Йирик порт (юк оборати 1971 йилда 1,9 млн. *т*); четга вино, мева ва сабзавот, альфа ўти ва б. қ. х. маҳсулотлари чиқарилади. ТЭС, ун-т, музейлар ва шаҳар яқинида аэропорт бор. Шаҳар 10-асрда бунёд этилган.

ОРАНГЛАУТЛАР (малайча orang-laut, айнан — денгиз одами), денгиз кўчманчилари, денгиз лўлилари — қабилалар группаси. Баржау, илланун, сулук, секах, барок ва б. қабилалардан иборат. Малай архипелагининг Калимантан, Суматра, Сулавеси ва б. оролларидаги дарё ҳавзаларида яшайди. Умумий сони 120 мингга яқин (1970). Малайя тилига яқин бўлган тилларда сўзлашадилар. Уларнинг кўпчилиги оролдан оролга кўчиб юради, одатда қайиқларда яшайди. О. қисман анимистик тасаввурларга, айрим қабилалар ислом динига эътиқод қиладилар. О. балиқчилик б-н шуғулланади.

Ад.: Марков Г. Е., Народы Индонезии, М., 1963; Пучков Ц. И., Население Океании, М., 1967.

ОРАНГУТАНЛАР [малайча orang-utan — ўрмон одами, (Pongo)] — *одамсимон маймунлар*нинг бир уруғи. Бир тури (Pongo pygmaeus) бор; 2 кенжа тури Суматра ва Калимантан оролларида тарқалган. Эркагининг бўйи 150 *см* ча, оғирлиги 100—150 *кг*. Ургочиси кичикроқ. Жуни узун, дағал, малла-қизғиш. Олдинги оёқлари (қўллари) орқа оёқларидан узун. Думи ва ўтиргич қадоқлари йўқ. Тропик ўрмонларда кичик гала бўлиб, кўпинча дарахтларда яшайди. Ерда 4 оёқлаб ҳаракатланади. О. 10—12 ёшида вояга етади. Бўғозлик даври 275 кун, битта бола туғади. Асосан, ўсимлик маҳсулотлари, қуш тухумлари б-н овқатланади. О. сони камайганлиги сабабли муҳофаза қилинади.

ОРАНЖ (голланд шаҳзодаси Оранский номидан) — Жанубий Африкадаги дарё. Лесото, ЖАР ва Намибия терр-яларидан оқиб ўтади. Узунлиги 1860 *км*, ҳавзасининг майдони 1036 минг *км*^{2}. Дракон тоғларининг ғарбий ён бағридан, 3160 *м* баландликдан бошланиб Атлантика океанига қуйилади. Йирик ирмоқлари: ўнгдан — Каледон, Вааль. Қуруқчил жойлардан ўтган қисмида ўзани ёзда деярли қуриб қолади. Юқори ва ўрта оқимида остона ва шаршаралар бор. Қуйи қисми (97 *км*) текисликдан оқади. Ёмғиргарчилик мавсуми (ноябрь — март)да дарё тўлиб оқади. Йиллик ўртача сув сарфи Приска ш. ёнида 350 *м*^{3}/*сек*. Суви лойқа. Океанга йилига 91 *км*^{3} сув, 153 млн. *т* оқизиқ келтиради. Дарёдан суғоришда, шаҳарларни сув б-н таъминлашда фойдаланилади. О. нинг бир неча жойида гидроэнергетика иншоотлари қурилмоқда.

Ад.: Дмитровский Ю. Д., Внутренние воды Африки и их использование, Л., 1967.

ОРАНЖЕРЕЯ (франц. orange — апельсин) — муайян шароитда ўсимлик ўстириш учун қурилган ойнаванд бино. Бута ва дарахт кўчатларини, цитрус, резавор-мева ўсимликлари, гуллар ва б. ни қишда сақлаш учун ҳам, кўпинча, О. дан фойдаланилади. О. ичида ҳаво ҳарорати керакли даражада (1° ва ундан юқори) бўлиши учун қуёш ва техник воситалар ёрдамида қиздириш усули қўлланилади. Т-ра режими жиҳатидан совуқ, мўътадил ва илиқ О. лар бўлади. Кўпинча, фақат совуғи О., илиғи эса *теплица* (иссиқхона) дейилади. О. томи жанубга қараган бир ва икки нишабли; экин турига қараб: сўкчакли, грунтли, грунтли-сўкчакли; фойдаланиш муддатига қараб: йил мобайнида экиладиган — қишки ҳамда ромлари олиб қўйиладиган — баҳорги бўлади. Катта О. ларда водопровод, суғориш мосламалари қурилади, асосий агротехника ишлари қ. х. машиналари ёрдамида бажарилади.

ОРАНИЕНБАУМ — РСФСР Ленинград областидаги *Ломоносов* шаҳрининг 1948 йилдан олдинги номи.

ОРАНҚАЛЪА — Озарбайжондаги қадимий (5—13-асрлар) шаҳар харобаси. Ждановский посёлкасидан 15 *км* шимоли-ғарбда. 1953 йилдан Озарбайжон археологик экспедицияси томонидан тадқиқ қилинмоқда. Майдони 36 *га*. Ўрта асрларда бу шаҳар Байлакан деб аталиб, қадимий Пайтаркан ш. ўрнида пайдо бўлган. О. нинг шимоли-ғарбий ва жанубий қисмида қазиш олиб борилмоқда. Шаҳарда ёнғин бўлганлигидан хабар берувчи (9—11-асрларга оид) кўмир, кул, қурилиш материалларининг қалин қатлами, бузилган пахса уй қолдиғи, турли хандақ, қудуқ ва чуқурлар очилган. Ёзувсиз тангалар, темир пайкон, 5,8 *м* чуқурликдан *аббосийлар* даврига оид мис танга, 6,1 *м* чуқурликдан сопол идиш синиқлари ва тегирмон тоши бўлаклари ҳамда бошқа ашёлар топилган.

Ад.: Якобсон А. А., Раскопки на городище Орен-Кала в 1953—1955 гг., Материалы и исследования по археологии СССР, № 67 — 133, М.— Л., 1959—65.

ОРАДОНЛАР, дҳангар (ўзларини курух деб атайдилар) — халқ, Марказий Ҳиндистоннинг Чҳота Нагпур ясси тоғлиги р-нида мундалар б-н аралаш яшайдилар. Умумий сони 1,24 млн. киши (1971). Дхангари (курух) тилида сўзлашади. Ҳиндизм б-н бирга анимистик тасаввурларга ҳам эътиқод қилади. О. *дравид халқлари*дан ҳисобланадилар. О. да ҳозиргача уруғларга бўлиниш сақланиб келмоқда. Деҳқончилик (шоликорлик) б-н шуғулланадилар.

Ад.: Народы Южной Азии, М., 1963.

ОРАРИҚ — Наманган обл. Янгиқўрғон р-ни Наримонов қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Чортоқдан 24 *км*. Аҳолиси 780 киши (1971); сабзавотчилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Поччаотасойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОРАСОЙ — Самарқанд ва Бухоро областларидаги текислик. Бахилтоғ ва Қоратоғ оралиғида жойлашган. Пролювиал ётқизиқлардан таркиб топган. Эни шарқий қисмида 6—10 *км*. Баландлиги ғарбида 300—400 *м*, шарқида 800 *м*. Текисликнинг ғарбий қисми пасаяриб, Қизилқумга қўшилиб кетади. О. даги оч бўз тупроқларда шувоқ, гулсафсар, эфемер ва эфемероидлар ўсади. Баҳорги ва ёзги яйлов сифатида фойдаланилади.

ОРАТОРИЯ (лат. oratorium — ибодат хонаси) — хонанда-солистлар, хор ва симфоник оркестр учун (одатда, драматик характердаги шеърий текст асосида) яратилган йирик музика асари. О., кўпинча, концерт ижросига мўлжалланади, баъзида (мас., А. *Онеггер*, И. *Стравинский*лар ижодида) саҳнавий турлари ҳам учрайди. Тарихан *опера* ва *кантата* б-н бир даврда (16—17-асрлар) шаклланган. Лекин О. кантатадан йириклиги, эпик-драматик характери, сюжетининг муфассаллиги, операдан эса драматик ривож ўрнига баён хусусиятларига асосланганлиги б-н ажралиб туради.

О. дастлаб Римда вужудга келган (16-аср). О. нинг монументал шаклдаги классик намуналарини Г. Гендель яратган (18-асрнинг 30—40-йиллари). Гендель «Библия» сюжетларига ёзган О. ларида, асосан, халқ ва халқ қаҳрамонларини мадҳ этган. О. кейинчалик Ғарбий Европанинг кўп композиторлари (мас., И. С. *Бах*, И. *Гайдн*, Г. *Берлиоз*, Ф. *Лист*, Р. *Шуман*, А. Онеггер, П. Дессау ва б.) ижодидан кенг ўрин олган. Россияда 19-асрдан бошлаб илк О. ларни С. Дегтярёв, А. Рубинштейн ва б. ёзган. Мазкур жанр, айниқса, совет композиторлари ижодида тараққий этди. Совет композиторлари М. Коваль, Ю. Шапорин, Д. *Шостакович*, Г. Свиридов ва б. нинг О. ларида замонавий ва тарихий муҳим воқеалар ўз ифодасини топган. Шундай О. лардан бири И. И. *Акбаров*нинг М. *Шайхзода* достони асосида яратган «Тошкентнома» О. сидир.

Ад.: Хохловкина А., Советская оратория и кантата, М., 1955; Ширинян Р., Оратория и кантата, М., 1960.



Орбели И. А.

ОРБЕЛИ Иосиф Абгарович (1887. 8. 3, Кутаиси — 1961. 2. 2, Ленинград) — совет шарқшуноси ва жамоат арбоби, тарихчи, санъатшунос. СССР ФА акад. (1935), СССР Архитектура академияси акад. (1940), Арманистон ССР ФА акад. ва унинг биринчи президенти (1943—47). Петербург ун-тининг тарих-филология ва шарқ ф-тларини тугатган (1911). Петербург (кейинчалик Ленинград) ун-тида доцент ва проф. (1914—31). 1920 йилдан Эрмитажда ишлаган. Бу ерда у ўша даврда энг йирик шарқшунослик мактаби бўлган Шарқ бўлимини очган. Эрмитаж директори (1934—51), СССР ФА Арманистон ССР филиали президиуми раиси (1938—43), Ленинград Давлат ун-ти шарқ ф-тининг декани (1955—60), СССР ФА Осиё халқлари ин-тининг Ленинград бўлими мудири (1956—61). О. нинг илмий тадқиқотлари, асосан, кавказшунослик ва Яқин Шарқнинг ўрта аср маданияти тарихига бағишланган. Салжуқийлар, сосонийлар тарихи ва маданиятига оид тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга. Туркияда (Ван кўли р-нида, 1916), Арманистон (1929, 1936) да археологик қазишлар олиб борган. О. нинг бир неча асарлари ўрта аср маданияти, арман эпиграфикаси, халқ эпоси, курд тили, Грузия ва Арманистон архитектурасига бағишланган. О. нинг педагогик фаолияти ҳам муҳим



Орбели Л. А.

аҳамиятга эга. У кавказшунослик мактабига асос солган. 2 марта Ленин ордени ва бошқа орденлар, шунингдек медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Избр. труды в 2-х томах, М., 1968; Избр. труды, Ереван, 1963; Надписи селевкидского и парфянского периодов и надписи Восточного Ирана и Средней Азии, М., 1963; Синхронистические таблицы хиджры и европейского летоисчисления, М.—Л., 1949.

Ад.: Юзбашян К. Н., Академик Иосиф Абгарович Орбели, М., 1964.


ОРБЕЛИ Леон Абгарович [1882. 25. 6 (7. 7)—1958. 9. 12]— совет физиологи, СССР ФА акад. (1935), Арманистон ФА акад. (1943), СССР Медицина ФА акад. (1944), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1945). Ҳарбий медицина академиясининг проф. (1925—50), СССР ФА Физиология ин-тининг директори (1936—50), СССР ФА вице-президенти (1942—46). О. симпатик нерв системасининг адаптацион трофик роли ҳақида таълимот яратган; янги илмий йўналиш — эволюцион физиологияни ривожлантирган; мияча мотор координацияни бошқарибгина қолмай, организмнинг вегетатив функциясини ҳам бошқаришини аниқлаб, мияча функцияси ҳақида янги тушунчани исботлаб берган. Авиацион физиология ва медицинага оид масалаларни ўрганишда қатнашган. Давлат мукофоти лауреати (1941). 4 марта Ленин ордени, 4 марта бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Избр. труды, в 5-ти т., т. 1—5, М.—Л., 1961—68.

Ад.: Шилинис Ю. А., Л. А. Орбели, (1882—1958), М., 1967; Лейбсон Л. Г., Леон Абгарович Орбели, Л., 1973.

ОРБИТА (лат. orbita — из, йўл) — 1) бирор жисмнинг ҳаракат доираси, сфераси; бирор нарсанинг тарқалиш доираси; 2) анатомияда кўз соққаси жойлашган суяк бўшлиғи, кўз косаси; 3) космик аппаратларнинг учиш траекторияси; 4) осмон жисмлари космик бўшлиқда ҳаракатланадиган траектория. О. шакли ва осмон жисмларининг ҳаракат тезлиги тортишиш кучи, ёруғлик босим кучи, электромагнит кучлар, муҳитнинг қаршилиги, реактив кучлар ва б. омиллар б-н белгиланади. Сайёралар, кометалар, сайёраларнинг йўлдошлари, Қуёш ва юлдузларнинг Галактикадаги ҳаракатида бутун олам тортишиш қонуни ҳал қилувчи роль ўйнайди. Фазода О. ни ориентациялаш, унинг ўлчамлари ва шакли, шунингдек осмон жисмининг орбитадаги вазияти О. элементлари (параметрлари) б-н аниқланади.

О. элементларини тушунтириш учун тўғри бурчакли координата системаси (*xyz*) ни чизамиз (расмга қ.). Координата бошида Қуёш (*s*) турсин, *sx, sy, sz* ўқлари осмон сфераси б-н *X, Y, Z* нуқталарида кесишсин ва орбита текислиги осмон сферасининг *NMA* катта айланаси бўйлаб, перицентр радиус вектори *A* нуқтада О. ни кесиб ўтсин. У ҳолда *N'SN* тўғри чизиқ О. текислиги б-н асосий текислик (*xy*) кесишган чизиқ бўлиб, уни тугунлар чизиғи дейилади. Олам қутби (*C*) дан қараганда, осмон жисмининг ҳаракати соат мили йўналишига тескари бўлса, *N* нуқта чиқиш тугуни, *N'* — ботиш тугуни дейилади. *XN* ёйи чиқиш тугунининг узунлиги ёки тугун узунлиги (Ω) деб аталади. Бурчак *MNZ* О. текислиги б-н асосий текислик орасидаги О. текислигининг оғиш бурчаги (*i*) дир. Бу бурчак *ZS* ёйи б-н ҳам ўлчаниши мумкин. *NA* ёйи ω б-н белгиланиб, перицентрдан тугунгача бурчак узунлиги деб аталади. Ω ва *i* қийматлар О. текислигининг ҳолатини кўрсатса, ω шу текисликда О. ориентациясини кўрсатади. *i* нинг қиймати *O* дан π гача, Ω ва ω қиймати эса О дан 2π гача ўзгариши мумкин. Агар сайёра ҳаракатланаётган бўлса, асосий текислик (*xy*) қилиб эклиптика текислиги, асосий нуқта қилиб баҳорги тенгкунлик нуқтаси Ү олинади. О. нинг шакли ва ўлчамлари *p* (параметр) ва *e* (эксцентриситет)лар б-н белгиланади. Агар орбита эллипс бўлса, бу эллипснинг параметри ва эксцентриситети бўлади ва ҳ. к. Осмон жисмининг перицентрдан ўтиш моменти (τ) ҳам О. элементи ҳисобланади. Ω, *i*, ω, *p*, *e*, τ элементлар Кеплер элементлари деб ҳам аталади. Сайёралар, кичик сайёралар, кометалар О. элементлари астрономик йилномалар ва б. нашрларда эълон қилиб турилади.



Орбита элементлари

«ОРБИТА» — СССР тер-ясида яхлит тармоқни ҳосил қиладиган Ердаги космик алоқа станцияларининг шартли номи; Марказий телевидение (МТ)нинг оқ-қора ва рангли программаларини ретрансляция қилиш учун «Молния» алоқа йўлдошидан фойдаланилади. Тармоқнинг биринчи 20 та станцияси 1967 йилдан ишлай бошлаган; 1973 йилга келиб уларнинг сони 40 тага етказилган. «О.» туфайли мамлакатимизнинг кўпгина узоқ пунктларидаги телемарказлар кабель ва радиореле линияларидан келадиган программалардан ташқари, МТ нинг 1- ёки 2- программаларини кўриш ва эшитиш имконига эга бўлдилар.

Дастлаб, космик алоқа системасида дециметрли тўлқинларда ишлайдиган «Молния-1» сунъий йўлдошидан фойдаланилган. 1972 йилда «Молния-2» сунъий йўлдош б-н сантиметрли тўлқинларда ишлайдиган «О.-2» станцияси ишга туширилди. 1973 й. майига келиб, «О.-2» орқали Москвадан узатиладиган кўрсатувларни 11 та станция қабул қилган (1974—75 йилгача яна 25 станция қуриш мўлжалланган эди). Ҳозир ишлаб турган СССР космик алоқа системаси «Молния-О.» номи б-н юритилади ва СССРнинг бутун терр-ясини қамрайди. «О.» телевизион программаларни трансляция қилиш б-н бирга бошқа хил информацияларни икки томонлама узатиш ва қабул қилиш учун ҳам хизмат қилади. Ҳар қайси «Молния» йўлдош орқали суткасига 8—10 соат алоқа сеанси ўтказилади.

«О.»нинг ердаги марказий станция тармоқлари орқали узатилган телевизион сигналларни «Молния» алоқа йўлдошлари қабул қилиб, кучайтиради ва яна Ерга узатади. Ерда қабул қилинган сигналлар тўташтириш линиялари бўйича маҳаллий телемарказларга келади, у ердан эфирга узатилади.

«О.» станциялари доира шаклидаги темирбетон иншоотга жойлаштирилади. Бу иншоот бир вақтнинг ўзида антенна системасининг таянчи вазифасини ҳам ўтайди. Барча аппаратлар станциянинг марказий залига ўрнатилган. Диаметри 12 *м* бўлган параболик қайтаргичли антенна буриладиган таянч қурилмага ўрнатилган; антенна жойнинг азимути ва бурчаги бўйича «Молия»ни жуда аниқлик б-н «кузатиб» туради. Бундай антенна мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам ишлайверади.

ОРБИТАЛ КВАНТ СОН — электроннинг атом қобиғидаги ўрнини аниқлайдиган сон; *l* б-н белгиланади. О. к. с. бош квант сон *n* б-н (қ. *Атом физикаси*) қуйидагича боғланган: $l=0, 1, 2, 3, ..., n-1$. О. к. с. спектроскопияда ҳар бир электрон ҳолати (*S, P, d, ...*) га мос белгиланади:

$$l = 0,\ 1,\ 2,\ 3,\ 4,\ 5,\ \ldots$$
$$s,\ p,\ d,\ f,\ g,\ h,\ \ldots$$

Электроннинг ҳаракат миқдори моменти О.к.с. б-н қуйидагича ифодаланади: $M = \sqrt{l(l+1)}\,\hbar$, бунда $\hbar = \frac{h}{2\pi}$, *h* — *Планк доимийси.*

ОРБИТАЛ МОМЕНТ (физикада) — сферик симметрияли куч майдонида ҳаракатланаётган микрозарранинг ҳаракат миқдори моменти. Ёпиқ эгри чизиқ бўйича ҳаракатлангани учун О. м. номини олган.

Квант механика қонунларига асосан О. м. (М) квадрати

$$M^2 = \frac{h^2}{4\pi^2} l\,(l+1)$$ га

тенг. Бунда *h* — *Планк доимийси*, *l* — азимутал (орбитал) квант сони бўлиб, 0,1, 2, 3, ... қийматларни қабул қилади. Атомдаги электроннинг квантланган ҳолатлари О. м. нинг маълум бир қийматлари б-н ифодаланади (яна қ. *Атом*). Микрозарранинг О. м. қиймати бўйича ҳолатини аниқлаш атом назарияси, атом ядроси назарияси ва б. да муҳимдир.

ОРБИТАЛ СТАНЦИЯ — Ер, Ой ёки сайёра атрофидаги орбитада узоқ вақт парвоз қиладиган оғир сунъий йўлдош. О. с. ни космонавтлар бошқариши ёки у автоматик режимда ишлаши мумкин. Вазифаси: *Ер сунъий йўлдошлари* (ЕСЙ) орбитасида Ер атрофидаги космик фазони ва Ерни тадқиқ қилиш; метеорологик, астрономик, радиоастрономик ва б. кузатишлар ўтказиш, навигация масалаларини ўрганиш, тиббий-биологик экспериментлар ўтказиш, космик учиш шароитида материаллар ва жиҳозларнинг ҳолатини текшириш ва б. Булардан ташқари, О. с. орбитада Қуёш системасидаги бошқа сайёраларга учириш учун мўлжалланган оғир космик кемаларни йиғадиган база бўлиши мумкин.

К. Э. *Циолковский*, Ю. В. Қондратюк (Россия), Г. Оберт (Германия), Гвидо фон Парке, Гермон Нордунг (Австрия) ва б. нинг ишлари О. с. назарий асосини яратди. О. с. нинг яратилиши ва орбитада узоқ вақт учиши бир қатор мураккаб илмий-техник ва тиббий биологик масалаларни ечиш б-н боғлиқ. О. с. ни яратишда ҳисобга олинадиган энг муҳим масалалардан бири — космик кемаларнинг орбитада уланиши, космонавтларнинг узоқ вақт космосда бўлишидир. 1966 й. 16 мартда бортида космонавтлар бўлган «Жеминай-8» космик кемаси қўлда бошқарилиб, «Ажена» ракетаси б-н уланган (қ. *«Жеминай»*). 1967 й. 30 октябрда биринчи марта космонавтлар қатнашмаган ҳолда Ерга яқин орбитада «Космос-186» ва «Космос-188» сунъий йўлдошлари автоматик уланган. Бу эксперимент «Космос-212» ва «Космос-213» сунъий йўлдошлари б-н қайтарилган (қ. *«Космос»*). 1969 й. 16 январда бортида космонавтлар бўлган «Союз» космик кемалари автоматик тарзда яқинлаштирилди ва қўлда бошқарилиб уланди. Кейин учирилган «Союз» космик кемалари узоқ вақт учадиган О. с. нинг яратилишига олиб келди. Мас., П. Климук ва В. Севастянов «Салют-4» да 2 ойдан ошиқ илмий тадқиқот ишлари олиб бордилар (қ. *Салют*). 1973 йилга келиб АҚШ да шундай масалани «Скайлеб» О. с. сида амалга оширилди. 1975 й. 17 июлда «Союз-19» ва «Аполлон» космик кемалари космосда уланди.


Космик фазони ўзлаштириш кўлами кенгайган сари О. с. лар ҳам такомиллашмоқда. Мас., Ой атрофида учиришга ва таъминот базаси сифатида фойдаланишга мўлжалланган чекланмаган муддатли О. с. ларнинг яратилиши космик кемаларнинг бошқа сайёраларга учишини осонлаштиради.

Ад.: Циалковский К. Э., Собр. соч., т. 1—4, М., 1951—64; Кондратюк Ю. В., Завоевание межпланетных пространств, 2 изд., М., 1947; От космических кораблей к орбитальным станциям, 2 изд., М., 1971; «Салют» на орбите, М., 1973.

ОРБИТАНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ — Ернинг сунъий йўлдошлари (ЕСЙ) орбитаси параметрларини берилган қийматда тутиб туриш мақсадида кичик манёврлар ўтказиш, орбитани тўғрилаш. Қўшимча ракета двигатели ёрдамида амалга оширилади. О. к. пайтида космик аппаратнинг ҳаракат йўналиши ва тезлиги ўзгаради. Одатда, ЕСЙ орбитасининг айланиш даври ўзгартирилади. Айниқса, синхрон алоқа йўлдошлари сутканинг маълум бир вақтида маълум терр-я устида мунтазам бўлишини таъминлашда О. к. нинг аҳамияти катта. Бунда ЕСЙнинг айланиш даври юлдуз суткасига мос тутиб турилади. Шунда йўлдош Қуёшнинг суткалик айланишига монанд айланади ва йўлдош трассаси Ердаги алоқа пунктларига нисбатан ўзгармай сақланади. Ой ва б. сайёраларга парвоз пайтида энергияни тежаб сарфлаш учун О. к. парвознинг дастлабки босқичларида амалга оширилади. Узоқ парвозларда орбита 2—3 марта тўғриланади.

ОРГАН (биологияда), аъзо — одам, ҳайвон ва ўсимлик *организм*ининг бир ёки бир неча вазифани бажарувчи қисми. Мас., мия, жигар, кўз; илдиз, поя, барг. О. лар функциясига қараб классификацияланади, мас., ҳаракат О. лари, чиқариш О. лари, фотосинтез О. лари ва ҳ. к. Бир-бирининг вазифасини тўлдирувчи О. лар системага бирлаштирилади. Аналогик ва гомологик органлар бўлади (қ. *Аналогия, Гомологик органлар*). Организм тарихий тараққиётида О. функцияси сусайиши ва у редукцияланиши (мас., горда яшовчи ҳайвонлар кўзи, лабгулдошлар оталигининг редукцияси ва б.) ёки аксинча бўлиши (мас., қуруқликда яшовчи ҳайвонларда ўпканинг вужудга келиши, сув танқис жойда ўсимлик илдизи ривожланиши) мумкин. Бу табиий танланиш ва организмнинг яшаш муҳитига мосланиши натижасидир.

ОРГАН (музикада) — ҳаво ёрдамида чалинадиган клавишли йирик чолғу асбоби. О. ёғоч ва металлдан тайёрланган йўғон-ингичка трубалардан тузилган бўлиб, бармоқлар б-н босиладиган клавиатуралари — мануаллари ва оёқ б-н босиладиган клавиатуралари — педаллари бўлади. О. да 1 тадан 7 тага қадар мануаллар (ҳар бир 48—72



Орган (чолғу асбоби) нинг умумий кўриниши.

клавишли) ва бир педаль (одатда 32 клавишли) бўлади. Замонавий О. ларининг кўплари иккинчи педаль б-н ҳам жиҳозланади. О. да регистрларга бўлинган бир неча минг (турли шаклдаги) трубалар мавжуд. Уларнинг ҳар бири маълум тембрдаги товушни ҳосил этади. Турлича созланган бир хил тембрдаги бир неча трубадан О. нинг бир регистри вужудга келади. Бир неча регистрнинг (жами 150 дан ортиқ) қўшилиб чалинишидан *оркестр*никидек садо ҳосил бўлади. О. нинг энг содда (гидравлос) тури мил. ав. Искандарияда пайдо бўлган. 14—18- асрларда О. Европа мамлакатларига тарқалди. Лекин фортепьяно юзага келиши б-н О. камер ва симфоник оркестрда кам ишлатила бошлади. Ҳозир чиқарилаётган О. лар мураккаб механизмли бўлиб, бир ижрочининг (баъзан бир-икки ёрдамчиси б-н) ижро этиши учун қулайлаштирилган. Трубаларга ҳаво электр механизмлар ёрдамида юборилади. О. нинг нота лари уч нота чизиғи (нота йўли)га ёзилади. Бармоқлар б-н чалиш (мануаллар) учун икки нота чизиғи, оёқ б-н босиш (педаль) учун бир нота чизиғи қўлланилади.

Мануаллар диапазони контроктавадаги «до$_1$»дан тўртинчи октавадаги «соль^4» гачадир. Педаль диапазони эса катта октавадаги «До» дан биринчи октавадаги «соль$_1$»га қадар.

Ҳозир СССРда О. фақат ўтмиш асарларини ижро этишдагина эмас, балки совет композиторлари (А. Гедике, Д. Шостакович ва б.) яратган О. асарларини якка ва ансамбль б-н қўшиб чалишда ҳам қўлланилади.

Узбекистонда О. учун турли жанрлардаги асарларни биринчи бўлиб Г. А. *Мушель* яратган (улар орасида 3 ва 4 қисмли сюиталар, «Поэма», «Токката», «Ноктюрн» ва б. мавжуд). Бу асарлар ўзбек халқ куйлари ва уларга хос оҳанглар асосида яратилган бўлиб, СССРнинг кўп шаҳарлари ҳамда ВХР, ЧССР ва Англияда таниқли О. чилар томонидан ижро этилмоқда. Тошкентда «Баҳор» концерт залида, Тошкент Давлат консерваториясининг кичик залида ўрнатилган О. лар бор.

ОРГАН (юнон. organon — асбоб, қурол) — 1) бирор партия ёки ташкилот томонидан нашр қилиниб, уларнинг фаолияти ва қарашларини акс эттирувчи вақтли (даврий) нашр (газета, журнал); 2) бошқариш, назорат қилиш, юстиция ва ш. к. системасига кирадиган муассаса. Мас., суд органи.

ОРГАН (ҳарбий ишда) — кўп стволли тезотар қурол. 16—17- асрларда кўпчилик давлатлар армиясида қўлланилган. О. махсус ўқ ёки рамага қатор маҳкамланган стволлардан (6—24 ва ундан ортиқ) тузилган. О. да *милтиқ, мортира* ёки кичик калибрли тўпнинг стволлари ишлатилган. Бу стволлардан *залп* б-н ёки алоҳида-алоҳида ўт очилган. О., одатда, гилдиракли *лафет*га ўрнатилган. Бирданига ўт очиб, душман аскарларига талафот беришда қўл келган.

ОРГАНИЗМ (лат. organizo — хушбичим қиламан) — тирик мавжудот. Бир ва кўп ҳужайрали О. лар асосий ҳаётий хусусиятлари — *моддалар алмашинуви*; ҳаракатланиши, таъсирланиши, ўсиш ҳамда ривожланиши, кўпайиши, ирсият ва ўзгарувчанлиги, яшаш муҳитига мосланиши (қ. *Адаптация*) б-н жонсиз материядан фарқ қилади.

ОРГАНИЗМНИ ЧИНИҚТИРИШ — терморегуляцияни такомиллаштириш мақсадида унинг шартли рефлекс реакцияларини вужудга келтириш, совуқ, иссиқ ва б. иқлим омилларига организм чидамини ошириш тадбирлари. Организм чиниқтирилганда, совуққа ўрганади ва шамоллаш касалликларига чидамли бўлиб қолади. Организм чиниқтирилмаса, совуққа шартсиз рефлекс йўли б-н реакция кўрсатади: иссиқлик чиқиш вақти чўзилиб кетади; тери томирлари етарлича тез қисқариб улгурмайди, томирлар фалаж бўлиб бўшашади, натижада организмдан иссиқлик чиқиб кетиши янада кучаяди. Чиниқтирилган организм эса шартли рефлекс йўли б-н реакция кўрсатади: иссиқлик кўпроқ ҳосил бўлади, тери томирлари тез қисқариши туфайли организмда иссиқлик тез ушланиб қолади; моддалар алмашинуви кучаяди.


О. ч. ни болаликданоқ бошлаш муҳим. Чиниқтирувчи тадбирлар комплекси конвекцион совитиш (ҳаво ва офтоб-ҳаво ванналари) ва кондукцион совитиш (совуқ сувга сочиқ ҳўллаб баданни артиш, бошдан сув қуйиб чўмилиш, оёқни сувга солиб ўтириш, ҳавзадаги сувда чўмилиш, т-раси 3°С—10°С гача фарқ қиладиган совуқ ва иссиқ сувни навбатма-навбат бошдан қуйиш, шунингдек яланг оёқ юриш)дан иборат.

О. ч. да кичик дозалардан секин-аста катта дозаларга ўтилади. Ҳаво ванналари эмадиган болалар учун 24°С дан, юқори синф ўқувчилари ва катта ёшли кишилар учун 18°—12°С т-радан (40—65% нисбий намликда) бошланади. Офтоб ванналари 3—5 минутдан бошланиб, ёшга қараб секин-аста 20—40 минутга етказилади. Сув процедураси учун юрак устидаги тери т-раси асос қилиб олинади (бир ёшгача болаларга 35—36°С, катта ёшли кишиларга 31—33°С). Шундай т-рали сувга сочиқ ҳўллаб бадан артилади. Сув қуйиб чўмилиш учун сув т-раси бундан 1—2° юқори, оёқни солиб ўтириш учун сув т-раси 1—2° пастроқ олинади. Сув т-расини 3 ёшгача болалар учун секин-аста 26—24°С га, юқори синфларнинг ўқувчилари учун 15—12° га туширилади.

О. ч. б-н мунтазам шуғулланиш муҳим. О. ч. да шуни эсда тутиш керакки, нерв системаси салга қўзғалувчан кишилар ҳаво ванналари, совуқ сувга сочиқ ҳўллаб артиниш ва б. тинчлантирувчи тадбирларга муҳтож бўлади. Нерв системаси тормозланишга мойил кишиларга бошдан сув қуйиш ва т-раси жиҳатидан ўзаро кескин фарқ қилувчи процедуралар тавсия этилади. О. ч. да баданни совуққа ўргатиш учун уни такрор совитиш керак. Қишда муздай совуқ сувда чўмилиш О. ч. нинг юксак босқичидир, аммо бундан олдин медицина кўригидан ўтиш ва машқ қилиш зарур.

Ад.: Парфенов А. П., Закаливание человека, Л., 1960; Леви-Гориневская Е. Г., Викова А. И., Закаливание организма ребенка, 3 изд., М., 1962; Маршак М. Е., Физиологические основы закаливания организма человека, 2 изд., Л., 1965; Койранский Б. Б., Охлаждение, переохлаждение и их профилактика, 2 изд., Л., 1966.

ОРГАНИЗМНИНГ РЕАКТИВЛИГИ — организмнинг ташқи муҳит таъсирига жавобан ҳаёт фаолиятини ўзгартириб реакция кўрсатиши. Юксак ҳайвонларда равшанроқ, нерв системаси оддий тузилган организмларда камроқ билинади. О. р. организм генотипидан келиб чиқади ва турга хос белги ҳисобланади. И. П. Павлов олий нерв фаолияти ва унинг типларига баҳо беришда «реактивлик» терминини татбиқ этган. Клиник медицинада беморнинг аҳволига умумий баҳо беришда О. р. термини



Орган. 1. Милтиқ стволларидан тузилган орган (17- аср). 2. 76 *мм* калибрдаги мортираларда тузилган орган (17- аср).

ишлатилади. Ички ва юқумли касалликлар клиникасида, мас., пневмония, сил, дизентерия ва б. касалликларнинг реактив (гиперергик) ва кам реактив (аллергик, гипоэргик) формалари тафовут қилинади. Тез, оғир ўтадиган касалликларни реактив формаларга, суст, билинар-билинмас ўтадиган касалликларни эса кам реактив формаларга киритилган.

Хирургияда жароҳатнинг турлича битиши, сепсис, перитонит ва б. касалликларнинг ҳар хил ўтиши О. р. нинг ўзгаришига боғлиқ. Жароҳатнинг тез битиши, бир талай қизил грануляция пайдо бўлиши, мукаммал эпителий ривожланиши О. р. нинг юксак даражада эканлигини кўрсатади.

О. р. нинг биологик (турга хос), группали ва индивидуал турлари бор. Ҳайвонларнинг муайян турига хос физиологик ва патологик реактивликнинг энг характерли хусусиятлари биологик реактивликка киритилади. Группали реактивлик биологик реактивлик асосида шаклланади. Индивидуал реактивлик индивид (шахс)нинг конституциясига, жинсига, ёшига, яшаш шароитига боғлиқ. Бола ўсган сайин О. р. такомиллашиб боради.

Ғоят зарарли омиллар таъсир этганда патологик реактивлик рўй беради. Мас., ҳомиладорлик токсикозларининг баъзи формаларида О. р. аллергик типда ўзгаради. Патологик реактивлик кўпгина касалликлар (*ревматизм, гипертония касаллиги, бронхиал астма* ва б.) патогенезида муҳим роль ўйнайди.

ОРГАНИК АРХИТЕКТУРА — 20- аср архитектурасидаги йўналиш. Айниқса 30—50- йилларда АҚШ ва Ғарбий Европада кенг тарқалган. О. а. иншоотларнинг шакли, вазифаси уларни қуршаган табиий муҳитдан келиб чиқиши, табиий организм шаклида, яъни табиатнинг ажралмас бир қисмидек бўлиши керак, деган ғояни илгари сурган. Бу ғоя илк бор 1890- йилларда америкалик архитектор Л. Салливен томонидан илгари сурилган ва шогирди Ф. Л. *Райт* ижодида назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантирилган. О. а. таъсири остида АҚШ, Италия ва Скандинавия мамлакатларида, Финляндияда регионал архитектура мактаблари вужудга келди, бир қанча мамлакатларда маҳаллий архитектура анъаналарига, халқ меъморлигига қизиқиш уйғонди. О. а. архитектурада функционализмга бўлган интилишни сусайтиради ва ўз ғояларининг гуманистик характерда эканлигини тарғиб этди. Бироқ О. а. нинг абстракт-гуманистик ғоялари, индивидуалистик характери архитектура олдида турган муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишдан узоқда эди. О. а. иккинчи жаҳон урушидан кейинги вазият талаб қилган реал архитектура-қурилиш вазифаларига, яъни оммавий-индустриал қурилиш ва стандартлаштириш методларига зид бўлиб қолди, асосан, данғиллама индивидуал уйлар, вилла ва дачалар, меҳмонхоналар қурилиши б-н чегараланди.

Ф. Л. Райтнинг вафотидан сўнг (1959), О. а. турли рационал методлар орасида қоришиб кетди. Унинг баъзи умумий принциплари ҳозирги замон архитектурасида ва бадиий конструкциялаштиришда кенг қўлланилмоқда.

ОРГАНИК БИРИКМАЛАР — углероднинг бошқа элементлар б-н бирикишидан ҳосил бўлган моддалар. Барча органик бирикмалар уч асосий: ациклик, изоциклик ва гетероциклик қатор ёки синфга бўлинади. Биринчи синф бирикмаларига (ёғ ёки алифатик синфга) углеводородлар ва уларнинг очиқ занжирли ҳосилалари: метан углеводородларининг гомологик қатори (улар *тўйинган углеводородлар* деб ҳам аталади) ёки алканлар; *тўйинмаган углеводородлар* — этилен (алкенлар), ацатилен (алкинлар), диенлар ва б. (қ. *Ациклик бирикмалар*) киради. Изоциклик (карбоциклик) бирикмалар синфига углеводородлар ва уларнинг ҳосилалари: циклопарафин ёки полиметиленли углеводородлар, циклик тўйинмаган бирикмалар қатори (қ. *Алициклик бирикмалар, Циклоалканлар*), шунингдек *ароматик углеводородлар* ва уларнинг бензол ядроси бўлган ҳосилалари (кўп ядроли *ароматик бирикмалар*, мас., нафталин, антроцен) мансубдир. *Гетероциклик бирикмалар* синфига молекуласи циклида углероддан ташқари O, N, S, P, As ёки бошқа элементларнинг атоми бўлган органик бирикмалар тааллуқлидир (яна қ. *Органик кимё*).

ОРГАНИК БИРИКМАЛАР НОМЕНКЛАТУРАСИ — органик бирикмаларни номлаш системаси. О. б. н. тараққиёти баъзи бир бирикмаларнинг яратилиш тарихи ва органик кимё назарий тасаввурларининг ривожланиши б-н чамбарчас боғлиқ. Органик кимёнинг бошланғич ривожланиши даврида янги кашф қилинган бирикмалар тривиал (носистематик) номланган. Мас., чумоли кислота, вино кислота, мочевина, сут шакари, кофеин, бензой кислота ва ҳ. к. 19- аср бошларида органик кимёда Берцелиуснинг дуалистик тасаввури (радикал назарияси) тарқала бошлагач, бензоилхлорид, этил бромид, этил ацетат, мезитил оксид каби номлар киритилди. 19- асрнинг ўрталарида Жерарнинг унитар назарияси (типлар назарияси) асосидаги номлар юзага келди. Бу хил номлар органик кимёда бирикмаларнинг биринчи марта кенг илмий номенклатура системасини (рационал номенклатурани) яратишга имкон берди.

1892 йили Женевада ўтказилган Халқаро кимё конгрессида Женева номенклатураси қабул қилинди. Бунда бирикмаларни номлашда уларнинг кимёвий тузилиши, биринчи навбатда, молекуланинг углеродли скелети характери асос қилиб олинди. 1957 йилда Парижда кимёгарларнинг съездида бу номенклатура қайта ишлаб чиқилиб, ўзгаришлар киритилди.


Тривиал ном техникада кўпроқ ишлатилади, шунингдек тузилиши аниқланмаган, янги кашф қилинган мураккаб моддаларни аташда қўлланилади.

Рационал номенклатура. Бирикманинг рационал номини тузишда гомолог қаторнинг оддий вакили асос қилиб олинади. Мас., тўйинган углеводородларни рационал номлашда метан, тўйинмаган углеводородларда этилен, ацетилен, спиртларда — метил спирт асос қилиб олинади.

Женева номенклатураси. Ҳар қандай ациклик бирикмани Женева номенклатураси бўйича аташда бирикмадаги энг узун углерод атоми занжири асос қилиб олинади ва унинг углеродлари номерланади. Углеродни номерлаш занжирнинг тармоқланган қисми қайси учига яқинроқ бўлса, шу учидаги углероддан бошланади. Сўнгра углеводороднинг қайси номерли углеродига радикал бириккан бўлса, аввал шу номер, кейин унга бириккан радикал ва, ниҳоят, энг узун занжирнинг номи айтила-


ди. Углеводород молекуласининг занжирида бир хил радикаллар сони кўп бўлса, у ҳолда радикалнинг номини аташдан илгари уларнинг сони ёзилади, ўринбосарларнинг номерлари орқали вергул ажратилади.

Қуйида углеводородларни Женева номенклатураси ёрдамида аташга мисол келтирамиз:




2- метилпропан


2- метилбутан




2,2-диметилпропан



2,3- диметилбутан



2, 2, 3, 6- тетраметилгептан



2,5- диметил-5-этил-3-изопропилгептан.

ОРГАНИК ДУНЕ, тирик табиат — Ер биосферасида тарқалган тирик мавжудот — *организмлар* (мас., микроорганизмлар, ўсимликлар, ҳайвон ва одамлар) мажмуи. О. д. нинг алоҳида компонентлари ўзаро ва анорганик табиат б-н мустаҳкам алоқада бўлади.

ОРГАНИК ИССИҚЛИК ЭЛТУВЧИЛАР — турли саноат аппаратларини қиздириш ёки совитиш учун ишлатиладиган органик бирикмалар, аралашмалар (мас., дифенил, дифенил эфир, кремнийорганик бирикмалар ва б.). О. и. э. ичида энг кўп ишлатиладигани даутерм (дифенил ва дифенилоксид аралашмаси) дир. У суюқ (0,7 *ат.* босими ва 280°С да) ёки буғ (8,1—10,6 *ат.* босими ва 380—400°С да) ҳолида қўлланилади. Кремнийорганик бирикмалардан кремний кислота эфирларини қуруқ ва зич ёпиладиган ситиш системаларида ишлатиш тавсия этилади. О. и. э. заҳарли эмас, аппаратларни занглатмайди, қотиш т-раси паст (—30°С дан —40°С гача).

ОРГАНИК КИМЁ — углероднинг бошқа элементлар б-н бирикиши ва бу моддаларнинг ўзгариш қонунлари ҳақидаги фан. *Кимё*нинг бир бўлими. Углеводородлар ва уларнинг ҳосилаларини ўрганади.

Сўнгги йилларда О. к. нинг кўпгина бўлимлари тез ривожланиб, катта-катта махсус бўлимларга айланди. Стереохимия, элемент-органик бирикмалар кимёси, юқори молекулали бирикмалар, полимерлар, табиий моддалар, антибиотиклар, витаминлар, гормонлар кимёси, фотоорганик бирикмалар, бўёқлар кимёси ва ҳ. к. шулар жумласидандир. Лекин бу бўлимларнинг барчаси О. к. нинг умумий қоидаларига асосланиши табиий.

О. к. биохимия, медицина, биология каби табиий фан соҳалари б-н чамбарчас боғланиб кетди. Ҳозирги замон каучук, пластмассалар, синтетик толалар, бўёқлар, медицина дорилари ишлаб чиқариш технологиясида, кинофотоматериаллари, ўсиш стимуляторлари, қ. х. зараркунандаларига қарши курашиш моддалари саноатида О. к. методларининг аҳамияти беқиёс. О. к. муваффақиятлари туфайли органик бирикмаларнинг тузилиши ва хоссалари бир-бирига боғлиқлиги аниқланиб, хоссалари олдиндан маълум бўлган турли мақсадларга мўлжалланган янги материалларни яратиш имконияти туғилмоқда. О. к. да оғир органик синтез соҳасида эришилган ютуқлар бир қатор ишлаб чиқариш технолгиясини ўзгартирибгина қолмай, балки маҳсулотларнинг янги турини вужудга келтирди. Табиий газлар ва баъзи нефть фракцияларини кимёвий қайта ишлаш асосида ишлаб чиқаришнинг янги тури яратилди. О. к. методлари ёрдамида нуклеин кислоталари ва муҳим оқсилларнинг тузилиши аниқланди, янги улкан антибиотиклар саноати вужудга келди.

О. к. 19- асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мустақил фан сифатида шаклланди ва ривожланди. Углерод ва бирикмаларининг хусусиятлари О. к. нинг мустақил фан ҳолида ажралиб чиқишига сабаб бўлди.

Углерод жуда кўпчилик элементлар б-н бирикмалар ҳосил қилиши мумкин. Углерод атомлари ўзаро бирикиб, ҳар хил кўринишдаги (тўғри, тармоқланган ва ёпиқ ҳалқали) углерод занжири ҳосил қилиш хусусиятига эга. Бошқа баъзи элементларда ҳам шундай хусусият бор, лекин улар ўзаро бирикканда узун занжир ҳосил қила олмайди. Углеродли бирикмалар учун изомерия ҳодисаси характерлидир. Углероднинг бундай хоссалари туфайли органик бирикмаларнинг сони 1 млн. дан ортиқ. Ҳолбуки, бошқа барча элементларнинг бирикмалари 50 мингдан ошмайди.

Органик бирикмалар мураккаб ва кўп шаклли ўзгаришларга қобилиятлилиги б-н анорганик бирикмалардан фарқ қилади. Углерод бирикмалари ўсимлик ва ҳайвон организмининг тузилиши ва ҳаёт-фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. *Оқсиллар, нуклеин кислоталар, витаминлар, гормонлар* органик бирикмалар жумласидандир. Кимё фанининг кўпгина тасаввурлари ва қонуниятларидан бўлмиш валентлик, изомерия ва ҳ. к. органик бирикмаларни ўрганиш натижасида яратилди.

Барча органик бирикмалар уч асосий: ациклик, изоциклик ва гетероциклик қатори ёки синфига бўлинади.

Баъзи органик моддалар инсонга жуда қадимдан маълум. Мас., кишилар узум шарбати ачиганда спиртга айланишини, вино очиқ ҳавода турганида сирка кислота ҳосил қилишини билардилар. Ўсимликлар мойи ва ҳайвонлар ёғи озиқ-овқат сифатида қадимдан ишлатиб келинади. Совун ва ҳар хил бўёқлардан фойдаланиш ҳам қадим замонлардан бери маълум. Бироқ илгари кишилар органик бирикмаларнинг аралашмаси б-н иш олиб борган эдилар. Соф ҳолдаги органик моддаларни дастлаб 900- йилларда араб алкимёгарлари ҳосил қилдилар.

1807 йилда швед олими Берцелиус тирик организмдан олинган моддаларни органик моддалар деб аташни таклиф қилди. Бу моддалардан тез орада сунъий йўл б-н янги органик моддалар ҳосил қилинди. Шундай қилиб, О. к. ўсимлик ва ҳайвонлардан олинадиган моддалар кимёси сифатида шаклланди. Ф. Вёлер ва Ю. Либих 1822—23 йилларда изомерия ҳодисасини кашф қилдилар. 1824 йилда Вёлер оксалат кислотани, 1828 йилда эса мочевинани синтез қилди. 1845 йилда Г. Кольбе сирка кислотани, 1854 йилда П. Бертло ёғларни, 1861 йилда А. Бутлеров биринчи сунъий қанд моддаси — акрозани синтез қилди.

Радикаллар назарияси очилгандан кейин О. к. назарий жиҳатдан ривожлана бошлади. *Типлар назарияси* органик бирикмаларнинг аниқ классификациясини тузишга имкон яратди.

1861 йилда А. Бутлеров органик моддаларнинг тузилиш назариясини яратади. У органик моддаларнинг тузилиш ғояларига, кимёвий боғлар, атомларнинг молекулада боғланиш тартиби, бевосита ва билвосита боғланган атомларнинг ўзаро таъсирлашишига оид ғояларни О. к. га киритди.

19- аср охирларида ароматик бирикмалар тўғрисида кўпгина амалий материаллар тўпланди. Мас., бензол кимёвий жиҳатдан кенг ўрганилди (бензол 1825 йилда М. Фарадей томонидан яратилган). Ароматик бирикмалар тузилишининг «бензол назарияси» деб аталган дастлабки назариясини Кекуле очди. Бу назарияда органик бирикмаларда углерод атомларининг ҳалқа шаклида бирикиши мумкинлиги биринчи бор изоҳлаб берилди.

В. Коссел (1915) ва Г. Льюис (1916) нинг кимёвий боғ ҳақидаги электрон тасаввурлари кимёвий боғ физик соҳасида олға қўйилган қадам бўлди. Лекин бу тасаввурлар кимёвий боғнинг нозик томонларини очиб бера олмади. Квант кимёси назарияси ёрдамидагина кимёвий боғнинг электрон назариясини тўла-тўкис тушунтириб бериш мумкин бўлди.

Сўнгги йилларда О. к. тараққиётида янги ўзгаришлар содир бўлди. Физик текшириш методларида эришилган муваффақиятлар: рентгеноскопия, ультрабинафша ва ультрақизил спектроскопия, айниқса, ядро магнит ҳамда протон резонанси, шунингдек мураккаб моддаларни хроматография ёрдамида ажратиш методлари мураккаб моддаларнинг тузилишини тез анализ қилишга имкон яратди.

Кинетика ва катализни ўрганиш соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришилди. Бу асосда бир қатор янги саноат тармоқлари барпо этилмоқда. О. к. соҳасидаги илмий ишлар республикамизда чиқадиган «Химия природных соединений» журналида ёритиб борилади (яна қ. *Кимё*).

Ад.: Содиқов О. С., Пўлдошев О. П., Султонов Қ. С., Органик химия, Т., 1971; Несмеянов А. Н., Несмеянов Н. А., Начала органической химии, т. 1—2, М., 1969—70; Чичибабин А. Е., Основные начала органической химии, т. 1—2, М., 1963; Теоретические основы органической химии, Пер. с англ., М., 1973.

ОРГАНИК ШИША — шаффоф пластик материал (қ. *Полиметилметакрилат*).

ОРГАНИК ЎҒИТЛАР — таркибида органик бирикмалар бўлган ўғитлар. Буларга *гўнг, гўнг шалтоғи, торф, компост*, парранда ахлати, кўкат ўғит, қ. х. чиқитлари ва б. киради. О. ў. тупроқда биологик жараёнларни кучайтириб, унинг физик ва кимёвий хоссаларини яхшилайди, озиқ моддалар миқдорини оширади. Тупроқ микроорганизмлари ҳаёт фаолияти натижасида О. ў. парчаланганда ўсимликлар ўзлаштира оладиган минерал бирикмалар ва чиринди ҳосил бўлади. О. ў. орқали, асосан, озиқ моддаларнинг тупроқ — ўсимлик — ҳайвон — тупроқ схемаси бўйича айланиши таъминланади ва ҳ. к.

О. ў. шудгорлаш (баъзан, культивация) олдидан ерга, кўчат ўтқазишда уяларга солинади, улардан экинларни қўшимча озиқлантиришда, мульчалашда, биологик ёқилғи сифатида, тупроққа ва минерал ўғитларга аралаштириб фойдаланилади. Чимли-подзол тупроқда яхши самара беради. Мас., картошка ҳосили гектарига 50—60, қанд лавлаги 30, сабзавот 60—100, галла 6—7 *ц* ортади.

ОРГАНИК-МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР — таркибида органик моддалар ва минерал бирикмалар бўлган ўғитлар. *Гумин кислоталар*дан олинади. Таркиби ва номи турлича бўлади. Мас., гумофос, гумофоска, торф-аммиакли ўғитлар, торф-минерал-аммиакли ўғитлар ва б.

ОРГАНОГЕН ТОҒ ЖИНСЛАРИ, биоген жинслар — органик (ўсимлик ва ҳайвон) қолдиқлардан ёки организмларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлган минераллардан ташкил топган чўкинди тоғ жинслари. Таркибига кўра карбонатли, кремнийли, фосфатли жинслар, шунингдек *тошкўмир*га бўлинади. Органоген карбонатли жинслар фораминифера, маржон, мшанка, брахиопода, моллюскалар, ва б. организмларнинг чиғаноқлари, сувўтларидан таркиб топган. Уларга оҳактош, бўр ва б. киради. Органоген кремнийли жинслар диатомит, спонголит, радиолярит ва б. дан иборат. Органоген фосфатли жинслар кам учрайди.

О. т. ж. қатламларининг қалинлиги 5—10 *см* дан бир неча 100 *м* гача. Таркибига қараб ранги ҳар хил, кўпроқ оч кул ранг ва оқ. О. т. ж. палеозой, мезозой, кайнозой даврлари чўкиндиларида жинслари орасида учрайди. Бу жинслар Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистонда симоб, қўрғошин, рух, газ ва нефть конларида мавжуд.

Ад.: Атлас текстур и структур осадочных и горных пород, т. 1—3, М., 1962—73; Справочное руководство по петрографии осадочных пород, т. 2, М., 1958.

ОРГАНОГЕНЕЗ (*орган* ва юнон. genesis — келиб чиқиш) — 1) ҳайвонларда органларнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни, кўпчилик органлар организмнинг дастлабки ривожланиш босқичида эмбрион варағидан вужудга келади. О. онтогенетик ва филогенетик О. га бўлинади. Онтогенетик О. да органлар *дифференциация*си ва *интеграция*си юз беради, шунингдек ҳужайра материали нотекис ўсади ҳамда ўз жойини ўзгартиради. Филогенетик О. да эса янги органлар вужудга келиши, ўзгариши, ажралиши, ривожланиши, редукцияланиши ва ҳ. к. содир бўлиши мумкин. Онтогенетик О. озми-кўпми филогенетик О. ни такрорлайди (яна қ. *Биогенетик қонун*); 2) ўсимликда асосий органларнинг *меристема*дан ҳосил бўлиши.

ОРГАНОТЕРАПИЯ (*орган* ва ... *терапия*) — беморларни ҳайвонларнинг секреция безларидан, шунингдек бошқа орган ва тўқималаридан тайёрланган препаратлар б-н даволаш. Ички секреция безларидан тайёрланган органопрепаратлар ғоят самарали, чунки уларда организмнинг энг муҳим функцияларига жуда кучли таъсир этадиган гормонлар бор. Бундай органопрепаратларга гипофиз препаратлари (питу-

итрин, пролактин, адренокортикотроп гормон ва б.), қалқонсимон без препарати (тиреоидин), қалқонсимон без ёнидаги безчалар препарати (паратиреоидин), меъда ости безининг препаратлари (инсулин, липокаин ва б.), буйрак усти безлари пўстлоқ қаватининг гормонлари (кортизон, кортин ва б.), аёл жинсий гормонлари (фолликулин, синэстрол, прогестерон ва б.), эркак жинсий гормонлари (метилтестостерон ва б.) киради (қ. *Гормонал препаратлар*). Органопрепаратларнинг аксарияти ҳазм ширалари таъсирида емирилади, шунинг учун улар организмга парэнтерал йўл б-н (тери остига, мушак орасига ёки венага) юборилади. Органопрепаратларни врач буюради.

ОРГЕЕВ — МолдССРдаги шаҳар (1835 йилдан). Реут дарёсининг ҳар иккала (Днестр ирмоғи) соҳилида. Қишинёвдан 46 *км* шимолда. Аҳолиси 29 минг киши (1974). Электроарматура, қурилиш материаллари, тамаки ферментация, консерва, сут з-длари, ун тортиш корхоналари бирлашмаси; тўқимачилик-атторлик, мебель, гилам ф-калари; ўрмон хўжалиги бор. Тарих-ўлкашунослик музейи, педагогика ва медицина билим юртлари ишлаб турибди.

ОРДАЙ — Андижон обл. Хўжаобод р-ни Коммуна қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» к-зи территориясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Гурунчмозордан 26 *км*. Аҳолиси 631 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Оқбўйра дарёсидан сув ичади.

ОРДЕН (лат. ordo — қатор, разряд) — 1) фахрий мукофотларнинг бир тури (қ. *СССР орденлари*); 2) монахларнинг папалар тасдиқлаган махсус уставга амал қилувчи ташкилоти (қ. *Монахлик орденлари, Ливон ордени, Тевтон ордени*); 3) ўрта асрда Ғарбий Европа феодалларининг ҳарбий-диний ташкилоти; 4) Ғарбдаги айрим махфий ташкилотларнинг номи, мас., масон ордени.

ОРДЕР (лат. ordo — қатор, тартиб) — ёзма буйруқ, кўрсатма, фармойиш. Мас., уй-жойга эга бўлиш ҳақидаги О., кассага пул тўлаш ҳақида берилган буйруқ, тергов органларининг тинтув ўтказиш ҳақидаги буйруғи ва ҳ. к.

ОРДЕР — архитектурада композиция типи, устун ва тўсиларнинг муайян тартибда жойлашуви, бадиийлаштирилган конструктив система. О. дастлаб Қадимги Мисрда ва Эронда расм бўлган, кейин бошқа, қўшни мамлакатлар архитектурасига ўтган (қ. *Архитектура ордерлари*).

ОРДЕР СИСТЕМАСИ — бадиий безалган ва маълум бир тартиб, система асосида жойлаштирилган устун-балка конструкциялари элементлари мажмуи (қ. *Архитектура ордерлари.*)

ОРДИНАРЕЦ (франц. ordonnance — хабарчи) — рус армиясида штаб ҳузурида ёки командир қўл остида ҳар хил топшириқларни бажарувчи ҳарбий хизматчи. О. лик хизматини оддий аскарлар (баъзан офицерлар ҳам) бажаришган. Совет Қуролли Кучларида Улуғ Ватан уруши йилларида командирлар состави ихтиёрига О. ажратилган.

ОРДИНАТА (лат. ordinatus — тартибланган) — *Декарт координаталар системаси*да нуқтанинг иккинчи координатаси.

ОРДИНАТОР (лат. ordinator — тартибга солувчи) — даволаш-профилактика муассасалари (касалхона, поликлиника, туғруқхона ва б.) да ишлайдиган врач. Стационарларда О. беморларни кўриб, врачлик процедураларини бажаради, даво буюради, касаллик тарихи варақасини тўлдириб боради ва касалхона бўйича навбатчилик қилади. Поликлиника О. и участка врачи ёки мутахассис врач вазифасини ўтайди: беморларни қабул қилиб, даво буюради, амбулаторияга келувчи беморларнинг медицина карточкаларини тўлдириб боради, беморларга *бюллетень* беради. Хроник касаллиги бор беморларни диспансер назоратига олади ва санитария-оқартув ишларини олиб боради. Уқув ёки илмий тадқиқот ва врачлар малакасини ошириш ин-тлари клиникасида мутахассислиги (терапия, хирургия ва б.) бўйича тайёргарликдан ўтаётган врач клиник О. деб аталади (яна қ. *Ординатура*).

ОРДИНАТУРА, клиник ординатура — СССРда врачлар малакасини оширишнинг олий формаси. 1946 йили медицина олий ўқув юртлари, малака ошириш ин-тлари ва илмий тадқиқот муассасалари қошида ташкил этилган. О. га, одатда, 35 ёшгача, камида 3 йиллик иш стажи бўлган врачлар конкурс б-н қабул қилинади. Уқув индивидуал план асосида олиб борилади. Ўқув муддати 2 йил.

ОРДОВИК ДАВРИ, ордовик (Уэльс территориясида яшаган қабила номидан) — *палеозой эра*сининг иккинчи даври. Радиологик тадқиқотларга кўра, 500 млн. йил аввал бошланиб, 60 млн. йил вақт давом этган. Биринчи марта 1879 йили инглиз геологи Ч. Лапуорс ажратган. 1960 йили Халқаро геологик конгрессда мустақил давр сифатида қабул қилинган. Илгари геологлар уни силур даврининг қуйи бўлими сифатида қўллаганлар. О. д. 3 бўлим (қуйи, ўрта, юқори) ва 6 ярус (тремадок, арениг, лланвирн, лландейло, карадок, ашгиль)дан иборат.

О. д. нинг бошланиши ер юзасининг чўкишига тўғри келиб, кўпгина терр-ялар денгиз суви б-н қопланган. Трансгрессия максимуми қуйи ва ўрта ордовик бўлимларида мавжуд бўлган. Юқори О. д. да *каледон бурмаланиши* туфайли денгиз сувлари б-н қопланган майдонлар камайиб, янги йирик қуруқликлар вужудга келди. Ордовик денгиз ҳавзаси икки турли бўлган: биринчиси тургун платформа структураларида тузилган эпиконтинентал денгиз ҳавзаларидан иборат; уларда асосан оҳактош, гил, кварцли қум ётқизиқлари тарқалган; иккинчиси эса геосинклиналь структураларга хос бўлиб, уларда чақиқ қум, гил ва граптолитли сланецлар ҳамда сув ости вулкан жинслари кенг тарқалган. Вулкан жинслари Уэльс, Аппалачи, Қозоғистон ва Шимолий Тяньшань геосинклиналь обл.ларида учрайди.

О. д. денгиз ётқизиқларида граптолит, трилобит, *бошоёқли моллюскалар, елкаоёқлилар*, пелециподa, форминифера ва б. умуртқасиз жониворлар қолдиғи учрайди. О. д. да денгиз типратикани, остракода, мшанкалар, булутлар мавжуд бўлган ва умуртқалилар пайдо бўла бошлаган. Усимликлардан кўк-яшил сувўтлар кўп тарқалган бўлиб, биринчи бор юксак ўсимликлар вужудга келган. *Кембрий давр*идагидек, бу даврда ҳам бактериялар ниҳоятда кўп эди.

СССРда О. д. нинг денгиз қолдиқлари Болтиқ бўйи, Урал, Марказий Қозоғистон, Урта Осиё, Сибирь ва б. р-ларда тарқалган. Урта Осиёда О. д. ётқизиқлари Шимолий Тяньшань, Чатқол, Туркистон, Зарафшон, Олай, Нурота ва Қизилқумдаги Томдитоғ, Бўкантоғ тоғларида маълум. О. д. ётқизиқларида нефть (АҚШ), ёнувчи сланец (ЭССР), фосфоритлар (Ленинград обл.), олтин (Қозоғистон) ва б. учрайди.

Ад.: Стратиграфия Узбекской ССР, в 2-х т., т. 1, Т., 1965.

ОРДОС — Хитойнинг шимолий қисмидаги чўл плато. Хуанхэ дарёсининг айланиб оққан жойида. Майдони 95 минг *км²*. О. нинг жанубий қисми лёссли платога туташган. Кўп қисмининг баландлиги 1100—1500 *м*, энг баланд жойи 2535 *м*. Асосан, юра ва бўр даврининг қумтошларидан тузилган. Ер юзаси қир ва депрессиялардан иборат. Пастқам жойлари шўр кўл, шўрхок ва ботқоқликлар б-н банд. О. терр-ясининг ярмига яқинини шамолда қисман кўчиб юрувчи қум тепалари эгаллаган. Иқлими кескин континентал, мўътадил иқлим. Январнинг ўртача т-раси —10°, июлники 23°. Йиллик ёғин 100—400 *мм*. Ландшафтининг аксари қисми чўл, чала чўл ва қуруқ дашт. Бошоқли ўт ўсимликлари ўсади, бутазорлар бор. Аҳолиси кўчманчи чорвачилик б-н ҳаёт кечиради. Тошкўмир, нефть, сода конлари топилган.

ОРЕГОН — АҚШнинг шимоли-ғарбий қисмидаги штат. Тинч океан соҳилида. Майдони 251,2 минг *км²*. Аҳолиси 2056,2 минг киши (1970), 67%и шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Сейлем ш., иқтисодий маркази ва порти — Портленд ш. О. терр-ясига европаликлар 19-аср бошидан келиб ўрнашганлар; 1859 йилда О. штат статусини олган.

О. нинг ғарбий қисми тоғлиқ (энг баланд жойи 3427 *м*), ички катта қисми плато. Иқлими соҳилида мўътадил нам (ёғин 2000 *мм*), плато қисмида қуруқ, континентал. Тоғ ён бағирлари игна баргли ўрмон б-н қопланган. О.— ўрмон запаси ва ёғоч тайёрлаш бўйича АҚШ да 1-ўринда. Колумбия дарёси ва унинг ирмоқлари гидроэнергия запасига бой. Саноатининг етакчи тармоқлари: ўрмон хўжалиги ва ёғочсозлик. Озиқ-овқат саноати балиқ, мева ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган. Йирик ГЭС лар, алюминий ва никель эритиш з-длари, металлсозлик ва машинасозлик корхоналари бор. Штат аҳолисининг 10%и қ. х. да банд. Соҳилида ва дарё водийларида деҳқончилик ва сут чорвачилиги ривожланган. Ички р-ларда яйлов чорвачилиги ва суғорма деҳқончилик б-н шуғулланилади. Асосий товар экинлари: буғдой, арпа, картошка ва ем-хашак ўтлари. О. бошқа шаҳарларга кўплаб нок ва олча етказиб беради.

ОРЕМ, Оресм Никола (1323, Орем, Нормандия — 1382, Лизьё), — француз математиги, физиги ва иқтисодчиси. Тўғри чизиқли координаталар системасини тузган, шунингдек механикага тезланиш ва текис ўзгарувчи ҳаракатнинг ўртача тезлиги тушунчасини киритган. 1368 йилда каср кўрсаткичли даражалар таълимотини яратган. «Пропорциялар алгоритми» (1368), «Сфера ҳақида рисола» (1377), «Пулнинг келиб чиқиши, табиати ва ўзгаришининг қонуний асослари ҳақида рисола» (1360) каби асарлар ёзган.

ОРЕНБУРГ (1938 йилдан 1957 йилгача — Чкалов) — шаҳар, РСФСР Оренбург обл. маркази. Урал дарёси бўйида. Т. й. узели. Аҳолиси 400 минг киши (1974). 1735 йилда қалъа сифатида ҳозирги Орск ш. ўрнида (Орь дарёси қуйилиш жойида) вужудга келган. 1740 йилда



Оренбург. Урал дарёси қирғоғининг кўриниши.

янги жойга қурилган. 1743 йилда ҳозирги жойига кўчирилган.


Шаҳар саноатида машинасозлик ва металлсозлик етакчи ўринда: станок ва асбоблар, («Металлист», «Гидропресс», асбобсозлик, станоксозлик з-длари), пармаловчи жиҳозлар, трактор ва комбайнлар учун эҳтиёт қисмлар, озиқ-овқат саноати учун машиналар, электромеханика ва холодильник асбоб-ускуналари ишлаб чиқаради. Т. й. транспортига хизмат қилувчи з-д, техник резина, нефть мойи, ун, ёрма, аралаш ем, ўсимлик мойи з-длари, қурилиш материаллари корхоналари, гўшт, ипак газламалар к-тлари ва машҳур Оренбург тивит рўмоллари к-ти ишлаб турибди. Кўн пойабзал, кигиз этик, тикувчилик-трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш ривожланган.

Архитектура ёдгорликларидан раста қатори (1749—54), эклектик карвонсарой (1836—42, арх. А. П. Брюллов) сақланган.

О. да политехника, қ. х., медицина ва педагогика ин-тлари, 15 ўрта махсус ўқув юртлари, жумладан станоксозлик, т. й. транспорти, автомобиль транспорти, ҳисоблашни механизациялаш, кооператив техникумлари, драма, мусиқали комедия ва қўғирчоқ театрлари, ўлкашунослик ва тасвирий санъат музейлари бор.

ОРЕНБУРГ ОБЛАСТИ (1938 йилдан 1957 йилгача — Чкалов области) — РСФСР таркибидаги область. 1934 йил 7 декабрда ташкил топган. Майдони 124 минг *км²*. Аҳолиси 2057 минг киши (1974). 34 р-н, 10 шаҳар, 25 ш. т. п. бор. Маркази — Оренбург ш. Икки марта Ленин ордени б-н мукофотланган (1956, 1968).

Табиати. О. о. терр-ясининг кўпчилик қисми Жанубий Урал тоғлари этакларида. Фойдали қазилмалари: нефть, газ, тоштуз, сланец, фос-





Оренбург области. Бузулук яқинидаги қарағайзор.

форит, қўнғир кўмир, никель, кобальт, мис колчедани, олтин, асбест, ўтга чидамли гиллар, яшма. Иқлими кескин континентал, қуруқ, қиши совуқ (январнинг ўртача т-раси —14°—18°), ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 19,4°—22,4°). Қишда кучли шамол ва қор бўронлари бўлади, ёзда эса қуруқ, иссиқ шамол эсади. Йиллик ёғин 300—450 *мм*. Вегетация даври 180 кун. Областни Урал дарёси ва унинг ирмоқлари кесиб ўтади, ғарбий қисмидаги дарёлари Волга ҳавзасига қарайди. Тупроқлари қора, каштан тупроқлар. Ҳар хил ўт-бетага-чалов дашт ўсимликлари ўсади. Терр-ясининг 4%и ўрмон (оқ қайин, қарағай). Тулки, оқ товушқон, малла товушқон, юмронқозиқ, суғур, ўрдак, ғоз, балчиқчи бор.

Аҳолиси. Асосан, руслар яшайди (72%), украин, мордва, чуваш, татар, бошқирд ва қозоқлар ҳам бор. 1 *км*² га ўртача 16,6 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 58%. Йирик шаҳарлари: Оренбург, Орск, Новотроицк, Медногорск, Абдулино, Бузулук, Гай.

Хўжалиги. Ялпи саноат маҳсулотининг ярмини қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлсозлик, 1/10 қисмига яқинини ёқилғи (нефть-газ) саноати, 1/4 қисмидан кўпроғини озиқ-овқат ва енгил индустрия беради. О. о. да қора металл (Орск-Халилово металлургия к-ти), мис рудаси қазиб олиш (Гай кони) ва мис эритиш (Медногорск), никель-кобальт саноати («Южноуралникель» к-ти); рангли металларга ишлов бериш (Орск), олтин ва нодир металларни қазиб олиш ривожланган. Машинасозлик саноати оғир машинасозлик корхоналари (Орскдаги Южуралмашзавод, Бузулукдаги оғир машинасозлик з-ди), электротехника буюмлари (Медногорскдаги «Уралэлектромотор»), станоклар, инструментлар, гидропресслар (Оренбург), трактор ва қ. х. машиналари учун эҳтиёт қисмлар (Бузулукдаги Киров номидаги механика з-ди) ишлаб чиқарадиган корхоналардан иборат.



Нефть ва табиий газ қазиб олинади. Нефть-газ ва металлургия саноатлари заминида О. о. да ҳар хил кимё саноати (нефть ва кокс кимёси корхоналари, олтингугурт, азотли ўғитлар ва б.) вужудга келган. Техник резина буюмлари (Оренбург), турли қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Қиимбайда йирик асбест кони бор. Озиқ-овқат ва енгил саноатнинг бир неча тармоқлари бутуниттифоқ аҳамиятига эга. О. қадимдан тивит рўмоли б-н машҳур.

Қ. х. баҳори бугдой етиштириш ва гўштжун чорвачилигига ихтисослашган. 389 к-з ва 196 с-з бор (1973). Қ. х. га яроқли ерлар 10,6 млн. *га*, жумладан, ҳайдаладиган ерлар 6,3 млн. *га*, пичанзорлар 0,6 млн. *га*, яйловлар 3,7 млн. *га* (1973). Экин майдони 6010 минг *га*, шу жумладан ғалла экинлари 77%, картошка ва сабзавот 1%, ем-хашак экинлари 20%, техника экинлари 2% (1973). 1671 минг қорамол, (жумладан, 584 минг сигир), 584 минг чўчқа, 2511 минг қўй ва эчки, 8312 минг парранда бор (1974).

Т. й. узунлиги 1,6 минг *км*. Трубопровод транспорти ривожланган. 1973/74 ўқув йилида 2147 умумий таълим мактаби (450,5 минг ўқувчи) 58 профессионал-техника ўқув юрти (25,9 минг ўқувчи), 44 ўрта махсус ўқув юрти (43,5 минг ўқувчи), 5 олий ўқув юрти (18,3 минг студент) бўлган. 1170 оммавий кутубхона (12,6 млн. китоб ва журналлар), 1751 клуб, 2052 киноустановка, 22,3 минг ўринли 247 касалхона, 4,7 минг врач бор (1974).

Ад.: Оренбургская область за 50 лет Советской власти. Стат. сборник, Челябинск, 1967.

ОРЕНБУРГ САВДО ЙЎЛИ — Россия б-н Ўрта Осиё ўртасидаги савдо йўли. 18- аср ўрталарида вужудга келган. Узунлиги тахм. 2226 *км* бўлиб, карвон 50—60 кун мобайнида босиб ўтган. Россия ва Ўрта Осиё халқлари ўртасида жуда қадимдан савдо алоқалари мавжуд бўлган. 9—10- асрларда Тошкент, Самарқанд ва Ўрта Осиёнинг бошқа бир қанча шаҳарларида зарб қилинган тангаларнинг Россияда ўтказилган археологик қазишлар вақтида топилганлиги бунинг исботидир. 17- асрда ва 18- асрнинг 30—40- йилларига қадар Россия б-н Ўрта Осиё ўртасидаги савдо-сотиқ Сибирь ва Астрахань орқали олиб борилган. *Оренбург* ш. қурилгач, Россия б-н Ўрта Осиё шаҳарлари ўртасидаги масофа анча қисқарди, ҳар икки томон учун савдо-сотиқни ривожлантириш имконияти туғилди. 1736 йили рус императори Анна Ивановна Оренбургда савдо-сотиқ ишларини яхшилаш тўғрисидаги фармонида тошкентлик савдогарларни Оренбургга жалб қилиш ва уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш лозимлигини кўрсатиб ўтган эди. Оренбургда савдо ишларини ривожлантиришга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди, савдо карвонлари хавфсизлигини таъминлаш чораси кўрилди. О. с. й. нинг вужудга келиши туфайли Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари б-н савдо алоқалари кучайди, бу йўл Россиянинг Ўрта Осиё б-н богловчи асосий савдо йўли бўлиб қолди. 1906 йилда Оренбург Тошкент б-н т. й. орқали боғланди.

ОРЕХОВО-ЗУЕВО — РСФСР Москва областидаги шаҳар. Клязьма дарёси бўйида. Т. й. узели. Аҳолиси 125 минг киши (1974). 19- асрнинг ўрталарида Зуево, Никольское, Орехово, Дубровка аҳоли пунктларидаги йирик капиталистик корхоналарнинг қўшилишидан вужудга келган. 1917 йилдан О.-З. деб атала бошланган. О.-З. биринчи ишчилар стачкаси 1863 йилда бўлиб ўтган; Россияда энг йирик стачка 1885 йилги Морозов стачкасидир. Ишчилардан иборат биринчи социал-демократлар тўгараги 1892 йил августда Федосеев Н. Е. томонидан ташкил этилган. О.-З. ишчилари 1905—07 йиллардаги революцияда актив қатнашди; 1905 йил октябрида ишчи депутатлари Совети тузилди. Совет ҳокимияти йилларида Москва областининг йирик саноат марказига айланди (етакчи тармоқ — тўқимачилик). Машинасозлик, кимё ва қурилиш материаллари саноати ривожланди. 4 техникум, 2 билим юрти, драма театри, педагогика ин-ти, тарих революция-музейи бор. 1970 йилда шаҳар Октябрь Революцияси ордени б-н мукофотланган.

ОРЁЛ — шаҳар, РСФСР Орёл областининг маркази. Ока дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Т. й. узели. Аҳолиси 265 минг киши (1974). Шаҳарда 3 р-н бор.

О. 1566 йилда Россия давлатининг жанубий чегарасини ҳимоя қиладиган қалъа сифатида вужудга келган. 1941 йил 3 октябрда немис-фашист босқинчилари О. ни босиб олдилар; шаҳарда яширин группалар ишлай бошлади. О. 5 августда Орёл-Курск ёнидаги жангда (қ. *Курск жанги*) озод қилинди; О. ва Белгороднинг озод этилганлиги шарафига Москвада Улуғ Ватан уруши тарихида биринчи марта салют берилган. Шаҳар урушдан кейинги беш йилликда тўлиқ тикланди.

Социалистик қурилиш йилларида О. йирик индустрия марказига айланди. Саноатида асосий ўринни машинасозлик эгаллайди (автогрейдер, автоюклагич, тўқимачилик, кўн пойабзал, шиша, озиқ-овқат саноатлари учун технологик жиҳозлар, сунъий тола з-длари учун асбоб-ускуналар, тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради). Приборсозлик кенг авж олган (соат, ҳисоблаш машиналарини бошқариш приборлари з-длари ва б.). Йирик пўлат прокат з-ди қурилган. Қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари, педагогика ин-ти, Бутуниттифоқ сиртқи машинасозлик ин-ти ва Москва Маданият ин-тининг филиаллари, 9 ўрта махсус ўқув юрти, драма ва қўғирчоқ театрлари, 4 музей, суратлар галереяси, телемарказ бор.

ОРЁЛ ОБЛАСТИ — РСФСР таркибидаги обл. 1937 йил 27 сентябрда ташкил топган. Майдони 24,7 минг *км*². Аҳолиси 897 минг киши (1974). 19 маъмурий р-н, 7 шаҳар ва 11 ш. т. п. бор. Маркази — Орёл ш. О. о. Ленин ордени б-н мукофотланган (1967).

Табиати. О. о. Ўрта Россия қирларида жойлашган. Дарё водийлари ва жарлар кўп. Фойдали қазилмалари: оҳактош, доломит, бўр, ҳар хил гиллар, қум, темир рудаси. Иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-раси —9°, июлники 19,5°. Йиллик ёғин 570—580 *мм*. Вегетация даври 175—185 кун. Асосий дарёси — Ока. Тупроғи қора тупроқ, тўқ кул ранг ўрмон, чимли подзол тупроқлар. 8% терр-яси ўрмон (дуб, заранг). Бўри, тулки, сув каламуши, юмронқозиқ ва б. яшайди.

Аҳолиси. Асосий аҳолиси руслар (98,4%, 1970), 1 *км*² га ўртача 36,3 киши тўғри келади (1974). Шаҳар аҳолиси 47%. Муҳим шаҳарлари: Орёл, Ливни, Мценск.

Хўжалиги. 1973 йилда 1940 йилга нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 15 марта ортди. Етакчи саноат тармоғи — машинасозлик (ялпи саноат маҳсулотининг 1/3 қисмидан кўпроғи). Тўқимачилик, кўн пойабзал, шиша, озиқ-овқат саноатлари учун технологик жиҳозлар, сув сепадиган машиналар, автоюклагичлар, марказдан қочма насослар, сунъий тола ишлаб чиқариш учун жиҳозлар, тракторлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаради. Приборсозлик (автоматлаштириш приборлари, ҳисоблаш машиналари, соат, радио деталлари), металлургия (рангли металл қуйиш, пўлат симлар ва йўғон арқон), кимё (пластмасса, резинотехника буюмлар), енгил саноат (пойабзал, тикув буюмлари, трикотаж) ривожланган. Озиқ-овқат саноати муҳим аҳамиятга эга (ялпи саноат маҳсулотининг 29%и).



Оржоникидзе Г. К.

Қ. х. ғаллачилик-чорвачиликка ихтисослашган. 302 к-з ва 107 с-з бор (1974). Экин майдони 1702,6 минг *га* (1971), шу жумладан ғалла экинлари 61%, техника экинлари 6%, картошка ва сабзавот-полиз экинлари 6,2%, ем-хашак экинлари 26,4%. Сут-гўшт чорвачилиги, чўчқачилик, қўйчилик, йилқичилик ривожланган. 716,5 минг қорамол (жумладан 292,9 минг сигир), 482 минг чўчқа, 373,4 минг қўй, 4,5 млн. парранда бор (1974).

Т. й. узунлиги 491 *км* (1972). 1973/74 ўқув йилида 1081 умумий таълим мактаби (171,7 минг ўқувчи), 15 ўрта махсус ўқув юрти (14,2 минг ўқувчи), 1 олий ўқув юрти (5647 студент) бўлган. 566 оммавий кутубхона (6 млн. китоб ва журналлар), 6 музей, 842 клуб, 878 киноустановка, 2 театр, 10,2 минг ўринли 84 касалхона, 1,9 минг врач (487 кишига 1 врач) ишлаб турибди (1971).




Орёл. Советлар уйи.

Ад.: Народное хозяйство Орловской области. Стат. сборник, Орёл, 1972.

ОРЖОНИКИДЗЕ Григорий Константинович (Серго) [1886. 12 (24). 10, Кутаиси губерниси Шаропанск уезди, ҳозирги ГрузССРнинг Оржоникидзе р-ни — 1937. 18. 2, Москва]— совет давлат ва партия арбоби. 1903 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1901—05 йилларда Тифлисдаги фельдшерлар мактабида ўқиди ва социал-демократик тўгаракда қатнашди. Закавказьедаги 1905—07 йиллар рев-яси иштирокчиси. 1905 йил декабрда революцион отрядлар учун қурол олиб келаётганда қамоққа олинди, 1906 йил майда гаровга бўшатилди ва августда Германияга жўнаб кетди. 1907 йил Бокуда партия иши олиб борди, РСДРП Боку комитети аъзоси бўлди. 1907 йил ноябрда қамоққа олиниб, 1909 йил Енисей губерниясига сургун қилинди; августда сургундан қочиб, Эронга кетди ва 1905—11 йиллар рев-яси-да қатнашди. 1911 йил Парижга келди ва Лонжюмо партия мактабида ўқиди.



Оржоникидзе шаҳридаги В. И. Ленин майдони.


ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ
Шартли белгилар:
Темир йўл станциялари
ҚС идоралари
Почта-алоқа пунктлари
Район чегараси
Қўшни республика чегараси
Қ. С. С. Р
Т О Ғ И С
Ш И М О Л И Й О С Е Т И Я
Ш А Р Қ И Й
Ш И М О Л И Й
Ғ А Р Б И Й
Ж А Н У Б И Й
Ж А Н У Б И Й О С Е Т И Я
Ғ А Р Б И Й Қ О З О Ғ И Н С Т О Н И
Ш А Р Қ И Й Қ О З О Ғ И Н С Т О Н И
Ш И М О Л И Й К А В К А З
Ш А Р Қ И Й К А В К А З
Ғ А Р Б И Й К А В К А З
Ж А Н У Б И Й К А В К А З
Ўрджоникидзе
Беслан
Шуруппак
Дзинагомак
Ардон
Чермен
Ирафский
Ногкау
Ирнисдон
Фрунзенский
Чиқобод
Майский
Заҳарига
Гизел
Ўзбекистон
Ўзбекистон кон
Ўрджоникидзе
Ўзбекистон
Ўзбекистон
Кибрай
Ўрджоникидзе
Ўрджоникидзе
Салор
Ўрджоникидзе
Ўрджоникидзе
Коробуя
Чермен
Чермен
Чермен



Орзиқулов Қ.



Орзиқулова Ҳ.



Орипов А.

богбон қизи Орзигулни Қорахон подшога беришдан бош тортган, подшо эса ҳийла-найранглар б-н Орзигулни зиндонга ташлатганида, қизнинг шу оғир мусибат ичидаги кечинмалари акс этган парчаларда ҳақсизлик, адолатсизликка қарши халқ нафрати ифодаланган. Орзигул золим Қорахонга қарши курашда ботир йигитлардан қолишмайди, вафо ва садоқатда юксак туйғу эгаси. Орзигул б-н Сувонхон муҳаббати барча тўсиқларни енгишга қодир куч сифатида намоён бўлади. Орзигул, Сувонхон ва Доно чўпоннинг Қорахон подшо қўшинлари устидан ғалабаси улар орасидаги самимий дўстликнинг ҳам тантанасидир. Асарда адолат ва ҳақиқатнинг албатта рўёбга чиқиши, зулмат устидан ёруғлик тантанаси ғояси илгари сурилган.

ОРЗИҚУЛОВ Қурбон (1911, Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Зарман қишлоғи) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1958 йилдан КПСС аъзоси. Пастдарғом р-нидаги «Қизил Меҳнат» к-зида колхозчи (1929—31), Пастдарғом 1-МТСида тракторчи (1931—41), Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45), Пастдарғом 3-МТСида (1945—58), Карл Маркс номли к-зда тракторчи (1958 йилдан). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. Ҳозир шахсий пенсионер.

ОРЗИҚУЛОВА Ҳанифа (1927, Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1965). 1959 йилдан КПСС аъзоси. Сурхондарё обл. Сариосиё р-нидаги «Коммунизм» к-зида звено бошлиғи (1954—56), Денов р-нида ташкил этилган боғча-ясли мудирлари тайёрлаш мактаби тингловчиси (1957), к-з боғча-яслисида мудир (1958—59). 1959 йилдан бригада бошлиғи. О. бошлиқ бригадада 80 *га* майдоннинг ҳар гектаридан 42,5 *ц* (1965), 41,63 *ц* (1971), 48,5 *ц* (64 *га*, 1972) пахта етиштирилган. УзКП 17-, 18-съездлари делегати. 2 марта Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОРИГИНАЛ (лат. originalis — асл нусха, туғма, ўзига хос хусусиятли) — 1) асл нусха, автор қўл ёзмаси; 2) босмахонада териш учун асос ҳисобланган қўл ёзма; матбаа усулида нусха кўчириш учун мўлжалланган расм, чизма, фотосурат ва ҳ. к. Китобларни қайта нашр қилишда О. сифатида олдинги нашр нусхасидан фойдаланилади. О. перфолента ёки магнит лента тарзида кодлаб қўйилиши мумкин.

ОРИЙЛАР [ўзларини арья (ағуа) — меҳмондўст, ҳиммatли, озод одам деб атаганлар] — ҳинд-эрон тилларида сўзлашган қадимий халқларнинг узоқ аждодлари. Ҳиндистонда яшайдиган бенгаллар, маратхилар, панжобилар, гужаротлар, эрон халқлари О. га мансубдир. «Орий қабилалари» ва «орий тиллари» тушунчалари қадимги ҳинд-эрон қабилалари ва уларнинг тилларини ифодалайди. Улар ўзларини арья, яшаган мамлакатини орийлар мамлакати деб атаганлар. Аммо айрим ирқчилик адабиётларида 19-аср ўрталаридан бошлаб О. термини ҳинд-европа тил оиласига кирадиган халқларни ифодалаган.

Фанда орҳй халқларига қадимги эроникилар ва қадимги ҳиндларнинг мансублиги ҳақида маълумотлар мавжуд.

19-аср ўрталарида буржуа реакцион ирқий назария намояндалари «орий ирқи», яъни бошқа ҳамма ирқлардан устун турадиган «олий ирқ» (қ. *Ирқчилик*) ҳақидаги ғайри илмий назария б-н чиқдилар. Немис-фашистлари «орий ирқи»ни жаҳонга маданият тарқатган ягона ирқ тарзида изоҳлаб, бу «ирқ»ка асосан, немисларни киритган эдилар. «Орий ирқи» ҳақидаги сохта назарияларнинг орийлар масаласидаги илмий проблемага ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Ад.: Сингха Н. К., Банержи А. Ч., История Индии, гл. IV, М., 1954; Струве В. В., История Древнего Востока, М., 1941; Бонград-Левин Г. М., Ильин Г. Ф., Древняя Индия. Исторический очерк, М., 1969; Гафуров Б., Таджики, М., 1973.

ОРИНОКО (маҳаллий индеецлар тилида Оринуку — дарё) — Жанубий Америкадаги дарё. Венесуэла ва Колумбияда. Узунлиги турли маълумотлар бўйича 2500—2700 *км*, ҳавзасининг майдони 1086 минг *км*². Гвиана ясси тоғлигидан бошланади ва Атлантика океанига ботқоқли дельта (майдони 20 минг *км*²) ҳосил қилиб қуйилади. Йирик ирмоқлари: ўнгдан — Вентуари, Каура, Карони, чапдан — Гуавьяре, Вичада, Мета, Араука, Апуре. Юқори оқимида О. дан Касикьяре дарёси ажралиб чиқиб Амазонканинг Риу-Негру ирмоғига қуйилади. Мета ирмоғи қуйилган жойгача остона ва тезоқар жойлари кўп. Ўрта оқимида серсув. Дельта қисмида дарё 36 тармоққа ажралган. Ёмғиргарчилик даври (апрель — сентябрь) да сув сатҳи 8—15 *м* гача кўтарилади. Бу вақтда кемалар Колумбия чегарасигача бора олади. Кема қатнайдиган қисмининг узунлиги 12 минг *км*. Дарё океанга йилига 915 *км*³ сув, 45 млн. *т* оқизиқ келтиради. Қуйи қисмида йиллик ўртача сув сарфи 29 минг *м*³/*сек*, максимали 50—55 минг *м*³/*сек*, минимали 5—7 минг *м*³/*сек*. Карони ирмоғига ГЭС лар қурилмоқда (1974). Ҳар хил балиқлар бор.

О. нинг қуйилиш жойини 1498 йилда Х. Колумб, 1499 йилда А. Охеда ва А. Веспуччи экспедицияси, ўрта оқимини 1531 йилда испан сайёҳи Диего Ордас кашф қилган. 1800 йилда немис олими А. Гумбольдт француз ботаниги Э. Бонплан б-н биргаликда О. бўйлаб саёҳат қилиб, унинг Амазонка системаси б-н туташ эканлигини аниқладилар.

ОРИНЬЯК МАДАНИЯТИ — юқори палеолит даврининг илк босқичига оид археологик маданият. Франция, Бельгия, Швейцария, ГФР, ГДР, Австрия, Чехословакия, Венгрия ва Руминияга тарқалган. 1860 йилда Э. Ларте Франциядаги Ориньяк (Aurignac) ғоридан топган. О. м. нинг илк даврида ёрма техника такомиллашди. О. м. мустье б-н солютре ўртасидаги маданият деб ҳисобланарди. Ҳозир мустье б-н ориньяк ўртасида Оди типидаги ўтиш маданияти бўлганлиги аниқланган. О. м. да тасвирий санъатнинг энг қадимги тури *ҳайкалтарошлик* пайдо бўлди. О. м. давридаги одамлар ҳозирги замон одами типига (Homo Sapiens) тааллуқли бўлган. СССРнинг Европа қисмида О. м. Юқори Дон, Қрим ғорларида, Жанубий Белоруссия ва Ғарбий Грузиягача бўлган ўлкаларда ҳам кузатилган.

Ад.: Ефименко П. П., Первобытное общество, 3 изд., Киев, 1953; Борисковский П. И., Кишлякининг энг қадимги қаёти, Т., 1959; Арциховский А. В., Археология асослари, Т., 1970. Григорьев Г. П., Начало верхнего палеолита и происхождение Homo sapiens, Л., 1968.

ОРИОН — экваториал юлдуз туркуми. *Ригель*, *Бетельгейзе*, Беллатрикс номли энг равшан юлдузлари бор. Уларнинг визуал юлдуз катталиги 1,7; 1,8; 2,0 ва 2,2. О. да катта газ-чанг туманлиги бўлиб, кўндаланг масофаси тахм. 5,5 *пс*. О. СССР терр-ясининг ўрта кенгликларида куз ва қишда кўринади.

ОРИОН КАТТА ТУМАНЛИГИ — Галактикада Қуёш системасига яқин турувчи йирик газ-чанг туманлиги; унгача бўлган масофа тахм. 300 *пс* (қ. *Туманликлар*).

ОРИОНИДЛАР — метеор оқими. Радианти *Орион* юлдуз туркумида жойлашган. Ҳар йили 15 октябрдан 25 октябргача кузатилади. Айниқса, 20—21 октябрь кечаси оддий кўз б-н бир соатда 10—20 тагача «учар юлдуз»—О. оқимини кузатиш мумкин. О. орбитаси *Галлей кометаси*га яқин жойлашган метеор жисмлар туркуми б-н боғланган. Ер Қуёш атрофида орбитал ҳаракатланаётиб, бу туркум б-н икки марта тўқнашади. Галлей орбитаси б-н боғланган иккинчи метеор оқими — Акваридлардир. Акваридлар оқими баҳорда кузатилади.

ОРИПОВ Абдулла (1941. 21. 3, Қашқадарё обл. Косон р-ни Некуз қишлоғи) — ўзбек совет шоири. Колхозчи оиласида туғилган. ТошДУ филология ф-тини тугатган (1963). «Ёш гвардия» (1963—68), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётлари (1968—74) ва «Шарқ юлдузи» журналида (1974—75) адабий ходим, бўлим мудири. 1971 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси аъзоси. Унинг қишлоқ табиати, қишлоқ кишилари ҳаётини ифодаловчи бир қанча шеърлари «Қашқадарё ҳақиқати», «Ленин учқуни» газеталари ва «Гулхан» журналида босилган. У «Митти юлдуз» (1965), «Кўзларим йўлингда» (1966), «Онажон» (1969), «Руҳим» (1971), «Ҳайрат» (1974) шеърий китобларини яратган. «Ўзбекистон» шеърий китобида (1972) халқларимизнинг фаровон ҳаёти, фидокорона меҳнати ва мамлакатимизнинг гўзал табиати акс этган. О. нинг шеърлари ўткир гражданлик пафоси, чуқур ижтимоий мазмундорлиги, ҳис ва ўйларнинг эзгулиги, поэтик умумлашмаларнинг ҳаққонийлиги ва теранлиги б-н ажралиб туради. У Леся Украинка, Никола Вапцаровларнинг баъзи асарларини ва Дантенинг «Илоҳий комедия»сининг биринчи китобини ўзбек тилига таржима қилган. Ўзбекистон ССР Ленин комсомоли мукофоти лауреати (1972).

Ас.: Онажон. Шеърлар, Т., 1969; Руҳим. Шеърлар, Т., 1971; Ўзбекистон, Қасида, Т., 1972; Ҳайрат. Шеърлар, Т., 1974; Родник, Т., 1972; Ветер Родины, М., 1975.

ОРИПОВ Эргаш (1931. 2. 3, Тошкент) — кимёгар, кимё фанлари д-ри (1972). САГУни тугатгач (1953), Л. Я. Карпов номли Москва физик-кимё илмий текшириш ин-тида аспирант (1953—56), ТошДУ физик кимё кафедрасида ассистент (1956—60), УзССР ФА Кимё ин-ти коллоид кимё кафедрасида катта илмий ходим (1960—65), 1965 йилдан шу ин-т адсорбция лабораторияси мудири. Илмий ишлари табиий минерал сорбентлар, мас., гилмоя ва б. хусусиятларини, полиэлектролитлар хоссасини ўрганишга ва тупроқ структурасини яхшилаш масалаларига бағишланган.

Ас.: Сувда эрувчан полимерлар, Т., 1970 (К. С. Аҳмедов б-н биргаликда); Природные минеральные сорбенты, их активирование и модифицирование, Т., 1970; Магнитная обработка водных дисперсий флотореагентов, Т., 1973 (К. С. Аҳмедов ва б. б-н биргаликда).

ОРИПОВ Уктам Орипович (1927. 3. 1, Жиззах ш.) — хирург, медицина фанлари д-ри (1963), проф. (1964), УзССР ФАнинг акад. (1974; 1968 йилдан мухбир аъзоси). Узбекистонда хизмат кўрсатган врач (1958), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967). 1949 йилдан КПСС аъзоси. СамМИни битиргач (1948), шу ин-т факультет хирургияси кафедрасида клиник ординатор (1948—50), ассистент (1950—56), доцент (1956—61), умумий хирургия кафедраси мудири (1961—64), УзССР Соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари (1964—71). 1971 йилдан ТошМИ ректори ва факультет хирургияси кафедраси мудири. «Мураккаб радиацион шикастланишда ампутацион культянинг шаклланиши ва марказий ҳамда периферик нерв системасидаги ўзгаришлар» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Унинг тадқиқотлари мураккаб радиацион жароҳатларнинг кечиш хусусиятларини, организмга радиацион нур таъсир қилганда шикастланган периферик нервнинг ўсиш қобилиятини тезлаштириш, хирургик касалликлардаги аутоиммун жараёнларнинг ролини ўрганишга, жароҳатланган ўт йўлининг хирургияси масалалари ва б. га бағишланган. Органларни кўчириб ўтказиш бўйича Ўрта Осиёда ташкил этилган марказнинг асосчиси. У Ўрта Осиёда биринчи бўлиб одамда буйракни кўчириб ўтказган (1972). Узбекистон Соғлиқни сақлаш министрлиги коллегияси, «Буйракни кўчириб ўтказиш» Бутуниттифоқ проблема комиссияси ва УзСЭ Бош таҳрир ҳайъати ҳамда бир неча журналлар таҳрир ҳайъатининг аъзоси. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 2 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Практическая анестезиология, Т., 1967 (П. М. Постолов б-н биргаликда); Положение детей и юношества в развивающихся странах Азии, Т., 1968 (В. К. Таточенко, А. В. Заболотский б-н биргаликда); Рентгенологические исследования в хирургии желчных путей, Т., 1969 (П. Н. Мазаев, Э. В. Гришкевич б-н биргаликда); Механическая желтуха (Диагностика, хирурголечение), Т., 1971 (П. Н. Мазаев, Э. В. Гришкевич, М. В. Данилов б-н биргаликда); Хирургия панкреатита, Т., 1974 (В. В. Виноградов, Э. В. Гришкевич, М. В. Даниловлар б-н биргаликда).

ОРИСАБА, Ситлальтепетль — Мексикадаги вулкан. Мексика тоғлигининг жанубий-шарқий чеккасида. Баландлиги 5700 *м* (мамлакатдаги энг баланд чўққи). 1545, 1566, 1630, 1687 йилларда отилган. Ён бағри 4000 *м* баландликкача ўрмон, ундан юқорида альп ўтлоқлари; 4500 *м* дан абадий қор бошланади.

ОРИССА (ория халқи номидан) — Ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги штат (1947 йилдан). Майдони 156 минг *км*². Аҳолиси 21,9 млн. киши (1971), аксари қисми ориялар. Маъмурий маркази — Бхубанешвар ш.

Штатнинг катта қисми Декан ясси тоғлигида (ўртача баландлиги 200—700 *м*). Жанубида Шарқий Гат тоғлари (баландлиги 1000—1500 *м*) бор. Шарқи Бенгалия қўлтиғига туташ. Соҳили пасттекислик. Иқлими субэкваториал муссонли иқлим. Йиллик ўртача т-ра 18—25°. Йилига 1500 *мм* гача ёғин ёғади. Тоғ ён бағирлари тропик ўрмонлар, соҳиллари қисман мангра ўрмонлари б-н қопланган.

О. — саноати энди ривожланаётган аграр штат. Аҳолисининг 4/5 қисми қ. х. да банд. Ҳайдашга яроқли ерларнинг 57% идан фойдаланилади, шундан 15%и суғорилади. Шоли (жами экин майдонининг 80%и), шунингдек тариқ, шакарқамиш, жут, бир оз пахта ва б. экинлар экилади. Соҳилга яқин сувлардан балиқ овланади. Энергетика ресурсларидан деярли фойдаланилмайди. Марганец, темир ва хром рудалари қазиб олинади. Роуркелада қора металлургия ва минерал ўғитлар з-длари, Хиракудда алюминий з-ди, кабель ва прокат ишлаб чиқарувчи корхоналар, Жода ва Раягадада ферромарганец з-длари, Ражангпур ва Баргархда



Орипов Э.



Орипов Ў. О.



Ориф Гармон.

цемент з-длари бор. Ҳунармандчиликда бадиий буюмлар ишлаб чиқариш ривожланган.

Қадимда О. терр-яси ўрнида Қалинга давлати бўлган. 16-асргача О. турли феодал давлатлар таркибида бўлиб келди. 1576 йилда О. ни Бобирийлар эгаллаган. 1803 йилда Англиянинг Ост-Индия компанияси босиб олган. 1817—18 йилларда О. терр-ясида инглиз мустамлакачиларига қарши катта қўзғолонлар бўлган. 1936 йилда алоҳида вилоят қилиб ажратилган.

ОРИФ ГАРМОН (аслида Орифжон Тошматов; 1887 — Андижон — 1944) — ўзбек актёри, созанда (гармончи). УзССР халқ артисти (1941). Дутор чалишни отаси Тошмат ҳофиздан, гармон чалишни амакиси Ҳожи Гармондан ўрганган. 1905 йилдан сайёр труппаларда актёр ва созандалик қилган. 1918 йили Андижонда Т. *Жалилов* бошчилигидаги «Саноий нафиса» тўгарагига аъзо бўлган. Туркистон ўлка сайёр сиёсий труппаси (1918—19), Андижон театри (1920—25), Асака к-з — с-з театри (1926—33) да актёр, Андижонда музика ансамбли раҳбари (1933—44). О. Г. ўзбек профессионал театрига халқ театрининг саҳна ва музика анъаналари сингдирилишига ҳисса қўшган. У гармонда «Абдураҳмонбеги», «Муножот», «Ором», «Андижон самоси», «Танавор», «Дилхирож» ва б. халқ ашула ва куйларини, «Насрулло», «Баёт», «Бузрук», «Наво» сингари мақом йўлларини ижро этган. Шунингдек, ўзбек ва рус оммабоп рақс куйлари ҳам унинг репертуаридан ўрин олган эди. О. Г. бир қанча куйлар муаллифи.



Орифжонов Р.

ОРИФЖОНОВ Рихсибой (1926. 23. 4, Тошкент) — ўзбек совет актёри, режиссёри, драматурги. УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). 1951 йилдан КПСС аъзоси. А. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик ин-тини тугатган (1953). Ҳамза номидаги Ўзбек давлат драма театри (1941—53 ва 1956—61), Қўқон театри (1953—56) да актёр, Қаттақўрғон шаҳар драма театри (1961—64), Самарқанддаги Ҳ. Олимжон номидаги драма театри (1964—67) да бош реж., Сурхондарё обл. музикали драма театрида бош реж. ва директор (1970—72), Муқимий номидаги Ўзбек давлат музикали театрида директор (1973—75), 1975 йилдан Сирдарё обл. музикали драма театрида бош реж. Омон (Туйғун, «Баҳодир»), Соли писмиқ, Асқар (Уйғун, «Қалтис ҳазил», «Ҳуррият»), Муқимий (С. Абдулла; Т. Жалилов, Г. Мушель, «Муқимий»), Незнамов (А. Островский, «Айбсиз айбдорлар») сингари образлар яратган. О. 50 дан ортиқ спектакл («Она қалби», М. Бобоев; «Фурқат», Авезов, Т. Ҳўжаев; «Қароқчилар», Шиллер; «Ажаб савдолар», Ҳ. Ғулом; М. Левиев; «Нодира», Ҳ. Раззоқов, С. Ҳайитбоев, К. Жабборов ва б.) ни саҳналаштирган. О. «Турмуш сабоқлари», «Башаранг қийшиқ бўлса...», «Она ҳукми», «Алданган қиз» каби пьесалар муаллифи; бу асарлар Ўзбекистон театрлари саҳнасида қўйилган.



Орифов У. О.

ОРИФОВ Убай Орифович (1909, Қўқон) — ўзбек совет физиги, жамоат арбоби. Физика-математика фанлари д-ри (1954), проф. (1955). УзССР ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1957). 1944 йилдан КПСС аъзоси. 1928 йилда Фарғона педагогика техникумини, 1932 йилда Самарқанд Педагогика академияси (ҳозирги СамДУ) физика-математика ф-тини битирган. 1932—34 йилларда Қўқон Пахтачилик ин-тида, 1935—41 йилларда Ўрта Осиё Давлат ун-ти (ҳозирги ТошДУ)да ишлади. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—44). УзССР ФА Физика-техника ин-ти (1945—56), Ядро физикаси ин-ти директори (1956—62), УзССР ФА президенти (1962—67). 1966 йилдан УзССР ФА Электроника ин-тида лаборатория бошлиғи ва шу институт директори, 1956—62 йилларда ва 1966 йилдан УзФА Президиуми аъзоси, физика-математика фанлари бўлимининг бошлиги. Беруний номидаги Тошкент Политехника ин-ти физик электроника кафедраси мудири. О. раҳбарлигида металл сиртидаги ионлашув коэффициенти ҳамда ион ва атомлар адсорбцияси иссиқлигини аниқлашнинг осциллографик методи ишлаб чиқилди. О. 1950 йилдан металлни ионлар б-н бомбардимон қилганда унинг сиртида рўй берадиган ҳодисалар устида илмий иш олиб борди ва кузатишдан олган натижалари асосида СССР ФА Ленинград Физика-техника ин-тида докторлик диссертациясини ёқлади.

О. ва унинг шогирдлари олиб борган тадқиқотлар қаттиқ жисм сирти б-н атомлар, бир ва кўп зарядли, мусбат ва манфий ионлар, электронлар, позитронлар, когерент бўлмаган (тўғёш нурлари), когерент бўлган (лазер нурлари) фотонларнинг ўзаро таъсирини кўрсатувчи турли аспект ва хусусиятларни ўрганишга бағишланган. О. раҳбарлигида атом ядроси физикаси, ионлаштирувчи нурларнинг моддаларга таъсири соҳасидаги илмий текширишлар, юқори т-ралар соҳасига, яримўтказгичлар ва гелиофизикага оид тадқиқотлар самарали натижалар бермоқда. Унинг раҳбарлигида чигитдан тола ва линтни ажратадиган машиналар яратилди. Унинг 2 монографияси 1963—69 йилларда АҚШда (инглиз тилида) нашр этилган. О. бошчилигида Тошкентда циклотрон ва атом реактори ишга туширилди (1959); Электроника ин-ти, Ядро физикаси ин-ти ва илмий текшириш лабораториялари ташкил қилинди.

О. 6-чақириқ СССР Олий Совети депутати, Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъати аъзоси (1968 йилдан), УзФА «Гелиотехника» журнали Бош муҳаррири (1965 йилдан). УзССР Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати (1968). Ўзбекистон КП МҚ аъзоси (1956—70). Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, икки марта «Ҳурмат Белгиси» ордени, Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Взаимодействие атомных частиц с поверхностью металла. Т., 1961; Взаимодействие атомных частиц с поверхностью твердого тела, М., 1968; Вторично-эмиссионные и структурные свойства твердых тел, Т., 1970; Об идентификации многозарядных ионов в вызываемой ими электронной эмиссии, Дубна, 1971 (Э. С. Муҳамадиев ва б. б-н биргаликда); Физика медленных позитронов, Т., 1971 (П. У Орифов б-н биргаликда); Угловые закономерности взаимодействия атомных частиц с твёрдым телом, Т., 1974 (А. А. Алиев б-н биргаликда; Сорбционные процессы при взаимодействии заряженных частиц с поверхностями твердых тела, Т., 1975 (Т. Д. Ражабов б-н биргаликда).

ОРИФХОНОВА Маъмура (1917, Чимкент ш.) — метеоролог, география фанлари д-ри (1965), проф. (1966), УзССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1967). 1946 йилдан КПСС аъзоси. О. Ўрта Осиё Давлат ун-ти (ҳозирги ТошДУ)ни (1940) ва унинг аспирантурасини тугатиб (1940—43), 1944—46 йилларда доцент бўлиб ишлади. 1946 йилдан Беруний номидаги Тошкент Политехника ин-ти (ТошПИ) доценти, олий математика кафедраси мудири (1967 йилдан). О. нинг илмий ишлари Ўрта Осиё об-ҳавосини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланган жанубий циклонлар (Мурғоб, Жанубий Каспий, Юқори Амударё циклонлари) ва шамол қонуниятларини ўрганишга оид. 6- ва 7-чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Русча-ўзбекча метеорологик лугат, Т., 1956; Матрицалар назариясининг элементлари, Т., 1968 (Я. Х. Қўчқоров б-н биргаликда); Поле ветра при прорывах южных циклонов над Средней Азией, Т., 1973.

ОРИФХОНОВА Муҳаррам Мажидовна (1911, Чимкент — 1974, Тошкент) — ботаник, биология фанлари д-ри (1965), проф. (1968). 1944 йилдан КПСС аъзоси. М. *Орифхонова*нинг опаси. УзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970). Тошкент медицина техникумини тамомлаб (1926—31), Марғилон аптекасида ассистент-фармацевт бўлиб ишлаган. САГУнинг биология ф-тини тугатиб (1932—37), юксак ўсимликлар кафедрасида аспирант (1937—42), шу кафедра ассистенти (1942—43), доценти (1944—68). О. бир қанча экспедицияларда қатнашиб, чўл-яйловларини ўзлаштириш масаласини ҳал этган. 1965 йили «Фарғона водийси ўсимликлари» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОРИЯ, у т к а л а — халқ. Ҳиндистоннинг Орисса штати аҳолиси. Умумий сони 19,72 млн. киши (1971). *Ория тили*да сўзлашади. Ҳиндуизмга, қисман ислом динига эътиқод қилади.

О. лар ҳақидаги дастлабки ёзма маълумотлар 13-асрга оид. Қадимий ёзма маълумотларда О. лар яшайдиган ерлар одра деша (одра халқи мамлакати) ёки уткала-деша (уткала халқи мамлакати) деб аталган. О. ларнинг аждодлари ҳозирги Орисса терр-ясида мил. ав. 1-минг йилликда пайдо бўлиб, *орийлар*нинг Ҳиндистонга тарқалиши даврига тўғри келади. 1956 йилдан ўз мустақил штатларига эга. Деҳқончилик (полизчилик), ҳунармандчилик б-н шуғулланадилар.

Ад.: Народы Южной Азии, М., 1963.

ОРИЯ АДАБИЁТИ — Ҳиндистоннинг Орисса штатида яшовчи ориялар адабиёти. Илк ёзма ёдгорликлари (ибодатхоналар деворидаги ёзувлар) 12-асрга тааллуқли. Бизгача сақланган халқ қўшиқлари ва ҳажвий шеърлар дастлаб 13-асрда ёзиб олинган. Шоир Сиддхесвар Парида Сараладас (15-аср) нинг «Маҳабҳарата» достонидаги анъанавий образларда ория халқининг ҳаёти ва кайфияти акс этди. «Беш дўст» группасининг аъзолари — Баларамдас, Жаганнатхдас, Анантдас, Жосавантдас ва Ачютандадас қадимги ҳинд эпоси анъаналарини (15—16-асрларда) давом эттирдилар. 16—17-асрларда Кришна худосини куйловчи адабиёт тараққий этди. Упенрадбхаж ижоди, шунингдек халқ руҳиятини акс эттирувчи вишнуизм лирикаси ривожланди. Халқ ҳаётидаги реал воқеаларга бағишланган достонларда, жумладан Бражанатҳ Бадажеанинг машҳур «Уруш тўлқинлари» достонида ория халқининг эрк учун кураши акс этди.

18-асрда адабий тил ва бадиий образлиликни демократлаштириш тенденцияси пайдо бўлди (Бхактачаран, Гопал Кришна ва Бхима Бхой). 19-асрнинг 2-ярмида О. а. да маърифатчилик ғоялари вужудга келди. Унинг фаффатчи кирмохан Сенапати (1847—1918), Радханатх Рой (1848—1908) ва Мадхусудан Рао (1853—1912) каби намояндалари муҳаббат тушунчаларини диний шаклда илгари сурди.

20-асрда миллий озодлик ҳаракатлари таъсирида О. а. халқ ҳаёти б-н яқинлашди. Гопабандху Дас, Нилакантадас, Годаварис Мишра ва б. ватанпарварлик ғояларини куйладилар. 1920—21 йилларда ташкил топган «Яшиллар» тўгараги аъзоларининг «Яшиллар поэзияси» тўплами (1930) янги формалар сари изланиш самараси бўлди. 30-йиллар О. а. да реализм шаклланди, шунингдек модернистик адабиёт таъсирида ҳам асарлар яратилди. Орисса нинг алоҳида вилоят сифатида ажралиши (1955) ва ориянинг расмий тил сифатида тан олиниши адабий ҳаёт ривожини ҳам таъминлади. Сўнгги йилларда реалистик оқим кенг тараққий қилмоқда. Гопинатха Моханти (1914) нинг ория халқи ҳаётига бағишланган, Кахнучаран Моханти (1904) нинг қишлоқ ҳаётига оид ижтимоий романлари шуҳрат қозонди. Ҳикоя жанрида Сурендранатх Моханти (1920) ва Ражкишор Рой (1914) асарлари машҳур. Шоирлардан Радхамохан Годнаяк ва Кунжабехаридас (1914) самарали ижод этмоқдалар.



Орифхонова Маъмура.

ОРИЯ ТИЛИ — Ҳиндистоннинг асосий тилларидан бири. Орисса штатининг расмий тили. О. т. Ҳиндистоннинг Андура, Прадеш, Мадҳя Прадеш, Бихар штатларида ҳам тарқалган. Ҳинд-европа тиллари оиласининг ҳинд-ория гуруҳига мансуб. 19,7 млн. киши гаплашади (1971). Бу тил қадимдан ёзувга эга, алифбоси қадимий ҳинд ёзувига асосланган. Бўғин ёзувлар турига киради. Ҳар бир ҳарф ёки ҳарфлар бирикмаси бир бўғинни билдиради, О. т. да бош ва кичик ҳарфлар фарқланмайди.

Ад.: Карпушкин Б. М., Язык ория, М., 1964.

ОРКЕСТР (юнон. orchestra — Қадимги Юнонистонда театр саҳнаси олдидаги майдонча) — турли музика асбобларини чалувчилардан тузилган ва улар учун яратилган асарларни ижро этувчи созандалар коллективи. О. камер-чолғу *ансамбл*лар (квартет, квинтет ва б.) дан баъзи партиялар якка созларда эмас, балки созандалар (одатда, бир турли) группаси томонидан унисон тарзида ижро этилиши б-н фарқланади. О. лар халқ ва профессионал музика амалиёти ва ижодиёти б-н узвий боғлиқ ҳолда ривожланиб келган. Созларнинг турлари ва тузилишига кўра, О. лар қуйидагиларга бўлинади: *халқ чолғу асбоблари оркестри, симфоник оркестр, духовой оркестр* (ва унинг тури — ҳарбий О.), торли О., эстрада оркестри ва б. Шунингдек, мазкур О. лар (мас. симфоник О.)нинг катта ва кичик турлари, сўнгги даврда аралаш О. (мас., эстрада-симфоник О.) лар тарқалган. Ўзбекистонда О. ларнинг барча турлари мавжуд. Ўзбек давлат филармониясида, Ўзбекистон Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети ҳузурида, Тошкент Давлат консерваторияси ва б. музика ўқув юртлари, опера ва балет, музикали драма ва комедия, оперетта театрларида турли О. лар ташкил қилинган.


ОРКЕСТРЛАШ, ч о л ғ у л а ш, и н с т р у м е н т о в к а — музика асарининг (камер, симфоник, духовой, халқ чолғу асбоблари ва б.) *оркестр*ларга мўлжаллаб *партитура*сини яратиш. Кенг маънода *аранжировка* ҳам О. дейилади. Композитор, одатда, симфоник ёки бошқа бирор оркестр учун асар ижод этиш жараёнида ундаги куйлар ва жўр бўлувчи овозларни оркестрнинг қайси асбоблари (якканавоз — соло, айрим группа ёки бутун бир оркестр қўшилиб) ижро қилишини уларнинг *тембр*ига биноан аниқлайди. Бундай ижодий иш *клавир* нусха-




Орифхонова М. М.



Орлов Г. М.



Орлов М. А.



Орлов Н. И.

даги асарни оркестрга мослашда ҳам бажаради. О. да асарнинг асосий ғояси ва мазмуни, унинг умумий характери, жанри, куйлар хусусияти, гармоник ва ритмик тузилмаларнинг ҳолатлари ва, ниҳоят, асбобларнинг ижрочилик имкониятлари эътиборга олинади.

Ад.: Карс А., История оркестровки, Пер. с англ., М., 1932; Римский-Корсаков Н. А., Основы оркестровки...., 2 изд., ч. 1—2, М. — Л., 1946; Василенко С. Н., Инструментовка для симфонического оркестра, т. 1, М., 1952, т. 2, М., 1959; Гиенко Б., Инструментовка, Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри учун, Т., 1970.

ОРКНИ ОРОЛЛАРИ (қадимги скандинавияликлар тилида orkn — дельфин тури ва еу — орол) — Британия ороллари таркибидаги архипелаг. Буюк Британия таркибида. 70 га яқин орол ва қоялардан иборат. Энг йирик ороли — Мейнленд. Умумий майдони 1000 *км*². Аҳолиси 17,1 минг киши (1971). Энг баланд жойи 477 *м*. Иқлими мўътадил денгиз иқлими. Йиллик ёғин 700—800 *мм*. Аҳолиси қўйчилик, балиқ овлаш ва деҳқончилик б-н шуғулланади.

ОРЛОВ Георгий Михайлович (1921. 29. 6, ҚирғССРнинг Ўш ш.) — совет партия арбоби. 1944 йилдан КПСС аъзоси. Меҳнат фаолияти 1939 йилдан бошланган. Тошкент пиёда аскарлар билим юртини (1942), Ўзбекистон КП МК ҳузуридаги республика партия мактабини (1949) ва КПСС МК ҳузуридаги Олий партия мактабини (1958) тугатган. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. 1946—47 йилларда Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент обл. комитети инструктори ва секретари. 1949 йилдан Ўзбекистон ЛКСМ МК аппаратида масъул ташкилотчи ва бўлим мудири, 1951 йилдан Ўзбекистон КП МК да сектор мудири, МК секретари ёрдамчиси, масъул ташкилотчи, 1960 йилдан Қорақалпоғистон обл. партия комитетида бўлим мудири. 1963 йилдан Ўзбекистон КП МК ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири. 1966 йилдан Ўзбекистон КП МК аъзоси. 1972 йил декабрдан Ўзбекистон КП МК бюроси аъзолигига кандидат. 6—9- чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати, Қизил Байроқ ордени, 3 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 1- ва 2- даража Ватан уруши орденлари ҳамда медаллар б-н мукофотланган.

ОРЛОВ Михаил Александрович (1888, Москва — 1972, Тошкент) — тупроқшунос, ЎзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1944), проф. (1949). В. И. Ленин йўлланмаси б-н Тошкентга келган олимлардан. МГУни тамомлагач (1912), Москва Межевой ин-тида ўқитувчи-тупроқшунос, САГУ тупроқшунослик кафедраси доценти (1920—35), мудири (1935—62). О. раҳбарлигида ва иштирокида Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё областлари, ҚҚАССР ҳамда Помирнинг табиий шароити, тупроқлари ўрганилган ва 200 га яқин хўжаликнинг тупроқ картаси тузилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ этилган. О. Урта Осиёдаги қадимдан суғориб келинаётган тупроқ хусусиятларини ўрганиб, уларнинг классификациясини ишлаб чиққан. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: О почвах Памира, Т., 1937; О сераземах и орзисно-культурных почвах, Т., 1937; Новые основы почвенной классификации, Т., 1947.

ОРЛОВ Николай Иванович (1906, Краснодар ўлкаси Калинин р-ни Челбасская станицаси) — ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1945 йилдан КПСС аъзоси. О. 1929 йилда Ерни биргалашиб ишлаш ширкати (ТОЗ) нинг аъзоси. 1930 йилда к-зга аъзо бўлиб кирган. 1931 йилда Ростовда «Ростсельмаш» з-дида токарь. 1941 йилда бу з-д Тошкентга эвакуация қилинди, О. «Таштекстильмаш» з-дида ишлай бошлади. О. з-дда узоқ йиллар самарали меҳнат қилди. 2 марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1970 йилдан Иттифоқ миқёсидаги шахсий пенсионер.

ОРЛОВ ПУРТОҚИСИ — аравага қўшиладиган от зоти. Воронеж обл. Хреново от з-дида 19-аср бошларида етиштирилган. Боши нисбатан катта, бўйни узун ва чиройли, баланд туради, оёқлари бақувват, туси, асосан, кўк ва қора, бошқа ранглилари ҳам учрайди. Айғирининг ўртача ўлчамлари (*см*): яғрининг баландлиги 160; танасининг қия узунлиги 161; кўкрак айланаси 180; почасининг йўғонлиги 20,3. Уртача оғирлиги 500—550 *кг*. ССРнинг кўпчилик р-нларида бошқа отлар зотини яхшилаш мақсадида фойдаланилади.

ОРЛОВА Любовь Петровна (1902. 29. 1, Звенигород — 1975. 27. 1, Москва) — рус совет актрисаси. СССР халқ артисти (1950). Москва консерваторияси (1919—22) ва Москва театр билим юртининг хореография бўлими (1922—25) да ўқиган. 1926—33 йиллар Немирович-Данченко номидаги музикали театрнинг, 1955 йилдан Моссовет театрининг актрисаси. «Петербург туни» (1934) фильмидаги Грушенка О. нинг кинодаги биринчи образидир. О. «Цирк» (Марион Диксон), «Волга-волга» (Дуня), «Ёркин йўл» (Таня), «Баҳор» (бу фильмда икки образ: профессор Никитина ва хонанда Шатрова) каби музикали кинокомедияларда, «Эльбадаги учрашув» (Жанет Шервуд), «Рус совғаси» (Варвара Комарова) сингари фильмларда талантли актриса сифатида танилди. О. 2 марта СССР Давлат мукофоти лауреати (1941, 1950). Ленин ордени, 2 та бошқа орден ва медаллар б-н тақдирланган.

ОРЛОВСКИЙ Кирилл Прокофьевич [1895. 18 (30). 1 — 1968. 13. 1] — Белоруссияда партизанлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1943) ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1958). 1918 йилдан КПСС аъзоси. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) да унтер-офицер. 1918 йил июнида Бобруйск уезд партия комитетининг топшириғига биноан немис босқинчиларига қарши ҳаракат қилувчи партизанлар отрядини тузган. Шу йил декабрдан 1919 йил апрелгача Бобруйск ЧК сида; кейин командирлар состави курсини тугатган. 1920—25 йилларда Ғарбий Белоруссиядаги партизан группаларининг раҳбари. Мархлевский номидаги Ғарб майда миллатлар Коммунистик ун-тини битирган (1930). 1925—37 йилларда Белоруссияда, Москва-Волга канали қурилишида, Ички ишлар Халқ комиссарлиги органларида ишлаган. 1937—38 йилларда Испаниядаги гражданлар уруши даврида жанговар топшириқларни бажарган. 1942 йил октябрдан 1943 йил августгача «Соколы» («Лочинлар») партизанлар отрядининг раҳбари. 1943 йил августдан 1944 йил декабргача Белоруссия Давлат хавфсизлиги Халқ комиссарлигида. 1945 йил январдан «Рассвет» к-зи (Могилёв обл.) раиси. 1956—61 йилларда КПСС МК аъзолигига кандидат. 3—7- чақириқ СССР Олий Советининг депутати. 5 марта Ленин ордени, Қизил Юлдуз ордени, БССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОРЛОВСКОЕ — Сирдарё обл. Сирдарё р-ни Орлов қ. С. даги қишлоқ. «1 Май» к-зи территориясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Бахтдан 5 *км*. Аҳолиси 1150 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Малик каналидан сув ичади. Урта мактаб, к-з идораси, касалхона, амбулатория, дорихона, медпункт ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОРЛОН — *полиакрилонитрил толалари*нинг савдодаги номи. АҚШда ишлаб чиқарилади.

ОРЛОТ — Самарқанд обл. Иштихон р-ни Оқтепа қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 29 *км*, яқин т. й. станцияси — Қаттақўрғондан 54 *км*. Аҳолиси 601 киши (1971); пахтачилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Булоқ ва қудуқлардан сув ичади. Мактаб, медпункт, маиший хизмат кўрсатиш пункти бор.

ОРНАМЕНТ (лат. ornamentum — безак) — қ. *Нақш*.

ОРНИТИН, $H_2N(CH_2)_3CH(NH_2)COOH$, α, δ-диамино валериан кислота — сувда ва спиртда осон эрийдиган аминокислота. Икки оптик актив (D ва L) ва битта рацемик шаклда мавжуд. L=O одам ва ҳайвон тўқимасида, қон плазмасида, баъзи ўсимлик таркибида бўлади; мочевина биосинтезида аҳамияти муҳим. О. организмда аргининнинг гидролизланишидан, L=амино=γ=формил мой кислотанинг қайтарилишидан ҳосил бўлади. О. *пролин*га айланиши мумкин. Антибиотик полипептидлар (бацитрацин, грамицидин С) таркибига киради.

ОРНИТО... (юнон. ornis — қуш) — қўшма сўз бўлаги. Қушларга тааллуқлиликни билдиради (мас., *орнитология, орнитофауна*).

ОРНИТОЗЛАР — одам ва паррандаларда учрайдиган юқумли касалликлар. Вирруссимон қўзғатувчилар — хламидиялар вужудга келтиради. Зооантропонозларга киради. О. иситма ҳамда интерстициал *пневмония* тарзида ўтади. Тўтиларда учрайдиган пситтакоз формаси яхши ўрганилган. Касал паррандалар (тўти, каптар, ўрдак, ғоз, чумчуқ, товуқ ва б.) дан одам ва чорва молларига юқади. О. каптар кўп боқиладиган жойларда айниқса кенг тарқалган. О. ўткир ва хроник бўлади. Касаллик 8—9 кун давом этади, одатда, 30% ча парранда нобуд бўлади.

О. парранда фермалари, парранда ф-калари, ҳайвонот боғлари, парранда магазинларида ишлайдиган кишиларда кўпроқ учрайди. Касаллик одамларда тўсатдан бошланади. Беморнинг дармони қурийди, боши оғрийди, уйқусизлик рўй беради, т-раси кўтарилади, 18—20 кун иситмалайди. Беморни мутахассис врач даволайди.

Даволаш — антибиотиклар ва б. қўлланилади.

Кураш чоралари: О. пайдо бўлган хўжаликлар карантин қилинади, касал паррандалар йўқотилади, паррандахоналар тозаланади ва дезинфекция қилинади. Касалланган кишилар эса даҳол касалхонага ётқизилади.

ОРНИТОЛОГИЯ (*орнито...* ва *...логия*) — зоологиянинг қушлар морфологияси, физиологияси, систематикаси, экологияси ва биогеографиясини ўрганадиган соҳаси. «О». терминини фанга 16-аср охирида итальян натуралисти У. Альдрованди киритган. Қушларга бағишланган биринчи асарни Аристотель ёзиб, 170 тур қушнинг баъзи жиҳатларини тавсифлаб берган. 18—19- асрларгача ёзилган асарларда қушларнинг фақат морфологияси, табиатда тарқалиши, систематикасига оид маълумотлар бор.



Орлова Л. П.



Орловский К. П.

19. Дарвиннинг 19- асрнинг 2- ярмида яратган «Турларнинг келиб чиқиши» асари биология фанлари қатори О. нинг ҳам ҳар томонлама ривожланишига сабаб бўлди. Уша даврда қушларнинг филогенези асосида тузилган классификация баъзи ўзгаришлар б-н ҳозиргача сақланган. СССРда О. Октябрь рев-ясидан сўнг бир қатор муассаса, ин-тлар, лабораториялар, қўриқхоналар ташкил қилиниши натижасида ривожланди. Натижада СССРдаги қушлар ҳақидаги маълумотни ўзида жамлаган «Птицы Советского Союза» (Г. П. Дементьев ва Н. А. Гладков муҳаррирлиги остида, 1—6- т.). «Фауна СССР» сериясидаги томлар, қушлар аниқлагичи ва б. вужудга келди. О. нинг ривожланишида кўпгина мамлакатлардаги орнитологик ташкилотлар, журналлар, илмий-текшириш ин-тлари, қўриқхона ва зоология музейлари муҳим роль ўйнайди. О. ўрмончилик ва қ. х. (зараркунандаларга биологик қарши курашда), овчилик ҳамда соғлиқни сақлаш ва ветеринария учун (чунки баъзи қушлар юқумли касаллик қўзғатувчилари ва гельминтозларни тарқатади) катта аҳамиятга эга.

ОРНИТОФАУНА (*орнито...* ва *фауна*), а в и ф а у н а — маълум бир терр-яда яшайдиган ёки маълум бир вақтда учрайдиган қушлар мажмуи. О. деганда зоогеографик обл. ёки областчага характерли қуш турларининг комплекси тушунилади. Қуруқликдаги зоогеографик областларни (қушлар асосида) инглиз олими Ф. Склетер тузган.

ОРО... (юнон. oros) — қўшма сўз бўлаги. Тор ёки тепага алоқадорликни билдиради. Мас., *орогенез*.

ОРОГЕН (*оро...* ва *...ген*) — *геосинклиналь* тараққиётининг иккинчи босқичи. Бу босқичда ер пўсти кўтарилиб, тоғлар пайдо бўлади. О. терминини фанга Австрия геологи Л. Кобер 1921 йилда киритган. Унинг фикрича, О. қаттиқ масса (кратоген)лар орасида пайдо бўлиб, симметрик тузилган. О. нинг узунлиги 100—1000 *км*, эни 100 *км* гача.

ОРОГЕНЕЗ, орогенезис — *геосинклиналь*да сиқувчи массалар таъсирида содир бўладиган ҳаракатлар. Бу терминни фанга 1890 йили америкалик геолог Г. Жильберт киритган. Илгари О. дан бурмалар ва тоғликлар пайдо бўлади деган фикр бор эди. Совет олимлари фикрича, О. фақат тоғ пайдо бўлиш ҳодисасини билдиради, бурмалар эса тоғ пайдо бўлишига қадар бошқа ҳаракатлар натижасида юзага келади. О. Урта Осиёда неоген ва антропоген даврларида кенг миқёсда содир бўлган. Тяньшань, Помир ва б. тоғлар О. натижасида пайдо бўлган.

ОРОГРАФИЯ (oros ва *графия*) — *геоморфология*нинг бир бўлими; рельефнинг йирик шаклари (тоғлар, қирлар, ботиқлар ва б.) га морфографик характеристика бериш; уларнинг ориентировкаси, ҳажми (баландлиги, узунлиги ва б.) тўғрисида маълумот беради. О. геоморфологик анализнинг асосий элементидир.

ОРОКЛАР (ўзларини «ульта» — «бугули одам» деб атайдилар) — элат, РСФСРнинг Сахалин областида яшайди. Умумий сони 1000 га яқин (1970). Орок тилида гаплашади. Диндорлари христианлик ва *шаманизмга* эътиқод қиладилар. О. рев-ягача кўчманчи чорвачилик (бугучилик) б-н машғул бўлганлар. 1930- йилларгача уруғларга бўлиниш мавжуд эди. Ҳозир О. с-з-ларда бугу боқиш, балиқчилик ва денгиз ҳайвонларини овлаш б-н шуғулланадилар.

ОРОЛ, о т а — 1) ҳамма томондан океан, денгиз, кўл ёки дарё суви б-н ўралган, майдони унча катта бўлмаган қуруқлик. Якка О. ва О. лар группаси — архипелаглар учрайди. Ҳосил бўлишига кўра материк, оралиқ зона ва океан О. лари бўлади. Материк О. лари қуруқликнинг чўкиши, ювилиб кетиши, дарёлар кесиб ўтиши, денгиз қирғоқлари яқинига чўкинди жинслар тўпланиши натижасида материкдан ажралиб қолиб ҳосил бўлади. Одатда, улар материк саёзлигида жойлашади: Гренландия, Калимантан, Мадагаскар ва б. Оралиқ зона О. лари ва океан О. лари денгиз тагидан вулкан отилиб чиқиши натижасида вулкан жинслари тўпланишидан ва денгиз полиплари — маржонлар фаолияти туфайли вужудга келади; 2) кўриниши атрофдаги манзарадан фарқ қиладиган жойларнинг номи (мас., Оролтепа, Орол денгизи).

Дунёдаги энг йирик архипелаглар ва ороллар.

Номи	Майдони, минг км²
Тинч океанида	
Катта Зонд	1485
Калимантан (Борнео)	735
Суматра	435
Сулавеси (Целебес)	179,4
Янги Гвинея	809
Япония	372,2
Хонсю	228 га яқин
Хоккайдо	78 га яқин
Филиппин	300 га яқин
Лусон	105,6
Минданао	94,6
Янги Зеландия	268,7
Жанубий орол	150,5
Шимолий орол	115
Кичик Зонд	128
Молукка	83,7
Сахалин	76,4
Тасмания	68 га яқин
Тайвань	36 га яқин
Хайнань	34
Атлантика океанида	
Британия	325 га яқин
Буюк Британия	218
Ирландия	84
Катта Антил	209
Куба	105
Гаити	77 га яқин
Ньюфаундленд	112,3
Оловли Ер*	72 га яқин
Ҳинд океанида	
Мадагаскар	590
Шри Ланка	65,6
Шимолий Муз океанида	
Гренландия**	2176
Канада Арктика архипелаги**	1300
Баффин Ери	478
Виктория	221
Элмир	212,7
Исландия	103 га яқин
Новая Земля	83,1
Шпицберген	62 га яқин

* Қисман Тинч океанида.
** Қисман Атлантика океанида.

ОРОЛ — Андижон обл. Андижон р-ни Шўро қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 36 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксойдан 10 *км*. Аҳолиси 2519 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан сув ичади. Урта ва саккиз йиллик мактаб, кутубхона, дорихона, медпункт, амбулатория, клуб, алоқа бўлими, чойхона, новвойхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОРОЛ — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Комсомол қ. С. даги қишлоқ. «Қарши» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Каршидан 12 *км*. Аҳолиси 704 киши (1971); сабзавотчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади.

ОРОЛ — Наманган обл. Уйчи р-ни Жийдакапа қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқдан 20 *км*. Аҳолиси 510 киши (1971); пахтачилик, шоликорлик, пиллачилик б-н шуғулланади. Норин дарёсидан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ — Урта Осиёдаги энг катта берк шўр кўл. Майдони 64,5 минг км² (ороллари б-н). Катталиги жиҳатдан дунёда тўртинчи (Каспий денгизи, Америкадаги Юқори кўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин), СССР терр-ясида Каспийдан кейин иккинчи ўринда туради (картага қаранг). О. д. шимолидан жануби-ғарбга чўзилган. Узунлиги 428 *км*. Унинг энг кенг (235 *км*) жойи 45° ш. к. га тўғри келади. Ҳавзасининг майдони 690 минг км², сувининг ўртача ҳажми 1000 км³. Кўл катталигидан денгиз деб аталади. Юқори плиоцендa ер пўстининг эгилган еридаги ботиқда ҳосил бўлган. Тубининг рельефи текис. О. д. да жуда кўп ярим ороллар ва қўлтиқлар бор. Шимолий қирғоқларида энг катта қўлтиқлардан Чернишев, Паскевич, Саричиғаноқ, Перовский, жануби-шарқий ва шарқий қирғоқларида Тушбас, Ашшибас, Оқсаға, Сулув ва б., Амударё б-н Сирдарёнинг қуядиган жойларида Ажибой, Толлиқ, Жилтирбас қўлтиқлари бор. Қулонли ва Мўйноқ энг йирик ярим ороллардир. Маъмурий жиҳатдан О. д. нинг ярмидан кўпроқ жануби-ғарбий қисми ҚҚАССР, шимоли-шарқий қисми ҚозССР терр-ясида.

О. д. қадимдан гоҳ тошиб, гоҳ қайтиб турган. Кейинги геологик даврда Сариқамиш ва Узбўй орқали Каспий б-н бир неча марта бирлашиб ҳам турган ва сув сатҳи ҳозирги вақтдагига қараганда анча баланд бўлиб, жануб ва жанубий-шарқдаги бир неча минг км² соҳили сув остида бўлган. Ҳозир денгиз сатҳидан 53 *м* юқорида. О. д. унчалик чуқур эмас (ўртача чуқурлиги 16,5 *м*). Чуқур жойлари ғарбий қисмида. Қорақалпоғистон Устюрти ёнида чуқурлиги 67 *м* га етади.

Қўлнинг саёз жойлари унинг жанубий, жанубий-шарқий ва шарқий қисмларига тўғри келади. О. д. нинг суви 1 *м* пасайганда, кўл терр-ясининг 5% га яқини қуруқликка айланади. 4 *м* пасайса, ундаги Борсакелмас, Возрождение, Беллингсгаузен ва Лазарев оролларидан бошқа барча ороллар қуруқлик б-н қўшилиб кетади. 20 *м* пасайса, бу тўрт орол ҳам бир-бири б-н қўшилиб, ярим оролларга айланади.

О. д. қирғоқларининг морфологик тузилиши жуда мураккаб бўлиб, улар бир-биридан баъзи хусусиятлари б-н фарқланади. Шимолий қирғоғи баланд, айрим ерлари паст, чуқур қўлтиқлар бор. Шарқий қирғоғи паст, қумли, жуда кўп майда қўлтиқ ва ороллар бор. Жанубий қирғоғи Амударё дельтасидан ҳосил бўлган. Ғарбий қирғоғи кам қирқилган бўлиб, Устюрт чинкидан иборат. О. д. да 300 дан ортиқ орол бор, 80% и денгизнинг жануби-шарқий қисмида. Энг катталари Кўкорол (273 км²), Возрождение (216 км²) ва Борсакелмас (133 км²).

О. д. га Амударё б-н Сирдарё қуйилади. Йилига Амударё О. д. га 38,6 км³ сув, Сирдарё эса 14,5 км³ сув олиб келади.

О. д. сувини кўпайтиришда ёғинлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди: денгиз акваториясига йилига 82 *мм* ёғин ёғади. Атрофдан денгизга йилига 5,5 км³ ер ости сувлари келиб туради.

О. д. чўл зонасида жойлашганидан унинг юзасидан ҳар йили 1 *м* сув буғланади. Бу эса денгизга дарёлар олиб келган сув, ёғин ва ер ости сувларидан ортиқдир. Шунинг учун ва иқлимнинг ўзгариши натижасида О. д. сувининг сатҳи кўп йиллар давомида ўзгариб туради. Мас., 1785 йили денгиз суви тошган, 1825 йили камайган, 1835—1850 йилларда яна тошган, 1862 йили камайган, 1881 йили сув сатҳи жуда пасайиб кетган, 1885 йилдан яна тоша бошлаган. Кўкорол 1880 йилда ярим оролга айланиб қолган. Лекин 1895 йилдан кейин бу ярим оролнинг бўйин қисмини сув эгаллай бошлаган. 1899 йилга келиб бўйин ўрнида ҳосил бўлган бўғоздан қайиқлар ўтган.

1935 йили О. д. майдони 69670 км², сувининг миқдори 1153 км³ бўлган бўлса, 1919 йили майдони 67300 км², сув миқдори 1087 км³ бўлган. Кейинги бир ярим аср мобайнида денгиз суви сатҳи анча ўзгарган.

Йил давомида О. д. сув сатҳининг ўзгариб туриши Амударёнинг баҳор-ёз пайтларида тошишига боғлиқ. Баҳордаги ёмғирдан ҳам денгиз сатҳи кўтарилади. О. д. суви сатҳининг йил давомида ўзгариши ўртача 25 *см* га тенг. Сувининг шўрлиги ўртача 10—11‰. Сувдаги тузларнинг кўп қисмини ош тузи ва сульфатли магний тузи ташкил этади. Қимёвий таркибига кўра, О. д. суви Каспий денгизи сувига ўхшаш. О. д. сувининг таркибидаги туз 11 млрд. *т* га яқин. Бу тузлар саноат аҳамиятига эга.

Денгиз суви, айниқса, марказий қисмида жуда тиниқ. Суви хусусан қишда тиниқ бўлади. Ёз ойларида ҳам 24 *м* чуқурликкача денгизнинг тубини кўринади.

О. д. суви кўпгина қисмида кўк, қирғоқлари кўкимтир тусда. Амударё б-н Сирдарёнинг қуяр жойларида сув лойқа.

Денгиз қишда музлайди. Музлаш, одатда, декабрнинг ўрталаридан бошланиб, март охиридан муз эрий бошлайди. Ёзда сувнинг юқори қисмидаги т-раси 27° га етади. Чуқурликка тушган сари т-раниг тез пасайиши О. д. нинг характерли хусусиятларидан биридир. Ёзда 1 *м* чуқурликка тушиш б-н т-ра 8° га ўзгаради. Ҳавонинг ўртача т-раси ёзда 24—26°, қишда —7°, —13,5°. О. д. да соат стрелкаси йўналиши бўйлаб ҳаракат қиладиган оқимлар бор.


О. д. балиққа бой. Сазан, чўртан, суван, судак, оқчавоқ, лаққа, таран (лешч), пилмай (шип) ва б. балиқлар учрайди. О. д. сувининг сатҳи Амударё ва Сирдарё сувининг режими б-н боғлиқлигидан, бу икки дарё суви суғоришга қанча кўп сарфланса, денгиз суви шунча камаяди. О. д. сувини сақлаб қолишда Урта Осиёга Сибирь дарёлари сувини олиб келиш катта аҳамиятга эга.

Денгизда 7 ой кема қатнайди. Йирик портлари: Аральск ва Мўйноқ. О. д. атрофида аҳоли кам. Аҳоли, асосан, балиқчилик б-н ва, қисман, чорвачилик, ондатра урчитиш ва сабзавот-полизчилик б-н шуғулланади. Орол балиқ овлаш р-ни О. д. ва унга қуядиган дарёларининг қуйилиш қисмини ўз ичига олади. Асосий иқтисодий марказлари Аральск ва Мўйноқ шаҳарларидир; бу шаҳарлар атрофида кўп сонли балиқчилик к-злари ва балиқ овлаш хўжаликлари бор. Балиқ тузлаш з-длари Амударё дельтасида, Аван посёлкасида (Кўкорол ороли), Бугун посёлкасида (шарқий соҳил), Уяли ва Узунқир оролларида жойлашган.

О. д. ни биринчи марта А. И. Бутаков 1848—49 йилларда текширган ва картага туширган.

Ад.: Берг Л. С., Аральское море, СПБ, 1908; Никольский Г. В., Рыбы Аральского моря, М., 1910; Блинов Л. К., Гидрохимия Аральского моря, М., 1956; Лымарев В. И., Берега Аральского моря-внутреннего водоёма аридной зоны, Л., 1967; Проблемы Аральского моря, (Сб. ст.), М., 1969; Матмуратов Ж., Қарақалпағыстан АССРның физикалық географиясы, Нөкис, 1968; Шульц В. Л., Машрапов Р., Урта Осиё гидрографияси, Т., 1969; Сандов А., Орол денгизининг географик муаммолари, Т., 1973.

ОРОЛ СВИТАСИ — миоцен даврига мансуб ётқизиқлар комплекси. Биринчи марта рус геологи А. Л. Яншин томонидан ажратилган. Орол денгизининг ғарбий соҳилидаги Бойғубекмурун бурнидан жануб томонда. О. с. сарғиш-кул ранг қум, кўкимтир гилтош, рангли қумтош ва чиғаноқли қатламлардан таркиб топган. Умумий қалинлиги 90 *м* га етади.





Ортиқов А.

ОРОЧЛАР (ўзларини нани деб атайдилар) — элат, РСФСРнинг Хабаровск ўлкасида яшайди. Умумий сони 1037 киши (1970). Ороч тилида гаплашади. Диндорлари *анимизм* ва *шаманизм*га эътиқод қилади. О. 20- аср бошларигача олтита экзогам уруғ бирлашмаларига уюшган. Уруғ бирлашмалари 2—7 уруғ (хала)ни ўз ичига олган. Қадимдан балиқчилик ва овчилик б-н шуғулланиб келадилар. Ҳозир к-зларга уюшган. 1930-йиллардан чорвачилик (чўчқа, қорамол), деҳқончилик (полиз экинлари) б-н машғул.

ОРС — Андижон обл.- Андижон р-ни Сулдуз қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 14 *км*. Аҳолиси 2250 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. 2 мактаб, к-з идораси, 2 болалар боғчаси, алоқа бўлими, касалхона, қорамолчилик фермаси, автомобиль ва трактор гаражи бор.

ОРСК — РСФСР Оренбург областидаги шаҳар (1865 йилдан). Жанубий Уралда, Орь дарёси Урал дарёсига қуйиладиган жойда. Т. й. узели. Аҳолиси 237 минг киши (1974). 1735 йилда қалъа сифатида вужудга келган. Совет ҳокимияти йилларида Уралнинг йирик саноат марказига айланди. Рангли металлургия, машинасозлик, нефть кимёси ва озиқ-овқат саноати корхоналари, педагогика ин-ти, Бутуниттифоқ сиртқи политехника ин-тининг филиали, 4 техникум, 2 билим юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи бор. Шаҳар 1971 йилда Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.




Ортиқов Абдураҳмон.

ОРТИКОН (юнон. orthós — тўғри ва ekion — тасвир) — узатувчи телевизион трубка. Ёруғлик сигналларини электр импульсларига айлантириб беради. О. ни 1939 йилда америка инж. А. Роз ва Х. Ямс таклиф қилишган. Бунда узатилаётган тасвир О. нишонига — объект томондан ярим шаффоф электр ўтказадиган қатлам (сигнал пластинка) б-н, электрон прожектор томондан майда доначали фотоактив қатлам (мозаик фотокатод) б-н қопланган юпқа шиша пластинкага проектцияланади. Фототок мозаика доначалари ва сигнал пластинкаларидан ташкил топган элементар конденсаторларни зарядлайди. Электрон нур б-н конденсаторлар зарядсизланади. Бунда сигнал пластинка занжирида видеосигнал бўлиб кўринади. О. ёритилганлик етарли бўлмаган шароитда тасвирларни телевидение орқали узатишда ишлатилади. 50-йиллардан анча такомиллашган суперортикон ишлатилмоқда.

ОРТИТ (юнон. orthos — тўғри), аллланит — *эпидот* гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби (Ca, Ce, Mn)$_2$(Fe^{2+}, Fe^{3+}, Mg)·Al$_2$[SiO$_4$]·[Si$_2$O$_7$]·O(OH) га яқин. О.да 6% ча Ce$_2$O$_3$ мавжуд бўлиб, кўпинча торий, уран, баъзан 8% гача Y$_2$O$_3$ учрайди. Моноклин сингонияли. Қаттиқлиги 6, с. оғ. 4,1. Ранги мумдек қора, сарғиш-қўнғир. Шишасимон ялтироқ. Кристалл шакллари қалин устунсимон, баъзан найсимон. Кўпроқ хол-хол доналар, баъзан яхлит массалар ҳолида бўлади.

Ўзбекистонда *акцессор минераллар*, нордон интрузив ва эффузив жинсларда мавжуд. Сийрак ер элементлари (церий, иттрий ва б.) олишда қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади.



Ортомарказга оид чизма.

ОРТИҚОВ Абдулла (1911 — Тошкент обл. Янгийўл р-ни Нов қишлоғи — 1967) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1939 йилдан КПСС аъзоси. Янгийўл р-нидаги «Ленинизм» к-зида колхозчи, бригадир (1928—36), Қ. х. раҳбарлари тайёрлаш мактаби талабаси (1936—37), «Ленинизм» к-зи раиси (1938—67). 1956 йили к-зда 1150 *га* ернинг гектаридан 39 *ц* дан пахта етиштирилган. ЎзКП МҚ аъзоси (1955—64). 3-, 4-, 5-чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ҳамда 3 та Меҳнат Қизил Байроқ орденлари б-н мукофотланган.

ОРТИҚОВ Абдураҳмон (1918. 15. 12, Тошкент) — фалсафа фанлари д-ри (1967), проф. (1968). 1948 йилдан КПСС аъзоси. 1940—44 йилларда Тошкент Кечки педагогика ин-тида ўқиган. 1945—47 йилларда Урта Осиё Давлат ун-ти (ҳозирги ТошДУ)нинг аспиранти. Айни вақтда шу ун-тда ўқитувчи. 1950—56 йилларда Тошкент Тўқимачилик ин-тида марксизм-ленинизм асосларидан дарс берган. 1956 йилдан Тошкент Политехника ин-тида философия кафедраси мудири. 1966 йили «Ислом идеологиясини замонавийлаштиришга уринишларнинг моҳияти» мавзуида д-рлик диссертациясини ёқлаган. Илмий асарлари илмий атеизм, исломшуносликнинг актуал проблемаларига бағишланган. Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош таҳрир ҳайъати аъзоси. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ва диний сарқитларни йўқотиш, Т., 1955; Диний маросимлар ва уларнинг зарари, Т., 1959; Ислом динининг келиб чиқиши ва унинг социал моҳияти, Т., 1961; Коммунизм ва ислом, Т., 1962; Қуръон ҳақида танқидий мулоҳазалар, Т., 1963; Ислом динини замонавийлаштиришга уринишнинг моҳияти, Т., 1965.

ОРТИҚОВА Фарогат (1918 — Самарқанд обл. Хатирчи р-ни Галабек қишлоғи — 1974) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1972). 1948 йилдан КПСС аъзоси. Самарқанд обл. Хатирчи р-нидаги К. Маркс номли к-зда колхозчи, звено, бригада бошлиги (1932—47), Чкалов номли (1948—50), «Коммунизм» к-злари раиси (1951—52), Киров номли к-з партия ташкилоти секретари (1953—54). 1955 йилдан Чкалов номли к-зда бригада бошлиғи. Бригада 70 *га* ернинг ҳар гектаридан 32 *ц* пахта етиштирган (1971). ЎзКП 17—18-съездлари делегати, 2-чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати. 2 марта Ленин ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 2 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОРТО... (юнон. orthos) — қўшма сўз бўлаги. Бирор нарсанинг тўғрилигини, ҳодисанинг бевосита, тўғридан-тўғри содир бўлишини билдиради.

ОРТОГНЕЙС (*орто...* ва *гнейс*) — магматик тоғ жинслари (*гранит* ва кварцли диоритлар)нинг метаморфланишидан ҳосил бўлган жинс. О. сланецсимон кристалли ва йўл-йўл структурага эга (қ. *Гнейс*).


ОРТОГОНАЛЛИК (*орто...* ва gonia — *бурчак*) — умумлашган перпендикулярлик тушунчаси. *Евклид фазосида* икки векторнинг ортогоналлиги уларнинг скаляр кўпайтмаси нолга тенглигини, геометрияда икки чизиқнинг ортогоналлиги уларнинг кесишиш нуқтасига ўтказилган уринмалар перпендикулярлигини ифодалайди. Математикада О. *матрица, проекция* ва б. тушунчаларга нисбатан ҳам ишлатилади.

ОРТОДРОМИЯ (*орто...* ва dromos — югуриш) — сфера юзасидаги икки нуқта орасидаги энг қисқа чизиқ; катта айлана ёйи. О. *навигация*да муҳим.

ОРТОКЛАЗ (*орто...* ва klasis — синиш) — жинс ҳосил қилувчи минерал (қ. *Дала шпатлари*).

ОРТОМАРКАЗ (*орто...*) — учбурчакнинг учта баландлиги кесишган нуқта. Учбурчак ўткир, тўғри, ўтмас бурчакли бўлишига қараб, унинг О. и тегишлича ичида, тўғри бурчаги учида ва ташқарисида ётади. Ҳар қандай *ABC* учбурчак О. и *KLM* учбурчакка ички чизилган айлана маркази бўлиб, △ *ABC* га ташқи чизилган айлана маркази ва △ *ABC* оғирлик маркази б-н бир тўғри чизиқда ётади (расмга қ.).

ОРТО-, МЕТА-, ПАРА — диалмашган бензолдаги учта изомер ҳолатининг белгиланиши. Кўпинча *о-, м-, п-* деб қисқача белгиланади. Орто- изомерларда иккала ўринбосар (бир хилдаги ёки турли хилдаги) қўшни углерод атомлари ядросида (1,2 ҳолат) жойлашади. Мета-изомерларда ўринбосарлар 1,3 ҳолатда, пара- изомерларда эса ўринбосарлар бир-биридан анча узоқда бўлади (1,4 ҳолат). 3 диоксиалмашган бензолни буларга мисол қилиб келтириш мумкин:



пирокатехин *о*—диоксибензол | резорцин *м*—диоксибензол | гидрохинон *п*—диоксибензол

Орто- қўшимчаси марказий атомда кўп сонли гидроксил группаси бўлган кислоталар ва уларнинг тузларини аташда ишлатилади. Мас., H_3PO_4 ёки OP(OH)$_3$ — ортофосфат, H_3BO_3 ёки (OH)3B — ортоборат кислота ва ҳ. к. Мета-қўшимчаси гидроксил группаси кам бўлган кислота ва уларнинг тузларини аташда қўлланилади. Мас., HPO_3 метафосфат кислота, HBO_2 метаборат кислота ва ҳ. к.

Пара- қўшимчаси баъзан полимеризация маҳсулотларини аташда ҳам ишлатилади. Мас., (CN)n парациан, $(CH_3CHO)_n$ паральдегид. Орто- ва пара- қўшимчаси водород ва гелийнинг турли формасини белгилашда ҳам қўлланилади.

ОРТОПЕДИК АППАРАТЛАР — оёқнинг таянч ва ҳаракат функцияларини тиклашга ёрдам берадиган махсус мосламалар. О. а. га боғлам, шина, *протез* ва махсус аппаратлар киради.

О. а. нинг бир неча тури бор: оёқ ёки қўл суякларини синиб, ҳадеганда битавермаса фиксация қилувчи (мустаҳкам тутиб турувчи) О. а. (туторлар, ошиқ-мошиқли, қулфсиз аппаратлар, 1-, 2-расм) қўлланилади. Нагрузкани камайтирувчи О. а. (мас., Томас ва Воскобойников аппарати) бемор юрганда ва тикка турганда оёқнинг касал бўғимини нагрузка тушишидан сақлайди. Оёқ деформациялари (мас., тизза бўғими қийшайиб қолганда) ҳамда ясси оёқликни даволашда коррекцияловчи (тўғриловчи) О. а. (корсетлар, шинали-зали аппаратлар, *ортопедик пойабзал*, супинатор, пронатор ва б.) дай фойдаланилади. Компрессион-дистракцион О. а. (Гудушуари, Илизаров, Волков-Оганесян аппаратлари) оёқнинг орттирилган ва туғма деформациялари (мас., оёқнинг қийшайиши, калталаниши, сохта бўғими)ни даволашда ишлатилади.

ОРТОПЕДИК ПОЙАБЗАЛ — оёқ панжасининг турли деформацияларн ва касалликларида, шунингдек суяк синиши, чиқиши, бўғим касалликлари, оёқ панжасининг фалажланиши натижасида оёқ калта бўлиб қолганда ва ш. к. ҳолларда буюриладиган пойабзал. О. п. ни кийганда оёқ панжасининг оғрийдиган жойларига оғирлик тушмайди, деформация тузалади, оёқ панжасининг камчилиги, оёқ калталиги унчалик сезилмайди.

Оёқ панжаси ясси, қийшиқ бўлганда, бармоқларнинг турли деформацияларида, мас., оёқнинг бош бармоғи қийшайганда, оёқ панжасини кесиб ташлаш туфайли бўладиган нуқсонларда ортопедик пойабзал кийиш тавсия этилади. Унинг икки тури расмларда кўрсатилган.

ОРТОПЕДИК СТОМАТОЛОГИЯ — *стоматология*нинг бир бўлими; тушиб кетган ёки шикастланган тишлар ўрнини сунъий тишлар, қопламалар б-н тўлдириш. Қийшиқ ўсган жағ ва тишларни даволаш (ортодонтия), юз, жағ, танглай суяклари синган ёки операция қилинган бўлса, уларни тахтакачлаш, протез ясаш ҳам О. с. нинг вазифасидир.

ОРТОПЕДИЯ (*орто...* ва paideia — парвариш қилиш) — *хирургия*нинг бир соҳаси. Туғма нуқсонлар, шикастлар ва турли касалликлар оқибатида таянч-ҳаракат органлари шакли ва функциясининг бузилишини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш йўлларини ўрганади. Ҳозирги О. фанига француз врачи Н. Андри (1658—1742) асос солган. О. узоқ тарихга эга. Умуртқа поғонасининг қийшайиши, маймоқлик, сон суягининг бўкса бўғимидан чиқиши, синган ва чиққан суякларни солиш ва тўғрилаш усуллари *Гиппократ* асарларидаёқ муфассал баён этилган эди.


Қадимги замон врачлари Асклепий, *Гален* ва б. ҳам О. га кўпгина янгилик киритдилар. Уша даврда таклиф қилинган «лордоз» (умуртқа поғонасининг олдинга қийшайиши), «кифоз» (орқага қийшайиши), «сколиоз» (ёнбошга қийшайиши) каби терминлар О. да шу кунга қадар ўз моҳиятини сақлаб қолди. Урта Осиё олимларидан *Абу Али ибн Сино, Абдулқосим Абдурраҳмон* ва б. ўз асарларида силаш усулларини тасвирладилар ва синган қўл ёки оёққа гипс боғлов қўйишни амалда татбиқ этдилар. Француз хирурги А. Паре эса қўл ёки оёқ суякларининг синиши, чиқиши, умуртқа поғонасининг қийшайиши, туғма маймоқлик ва б. нинг келиб чиқиш сабабларини тасвирлади, турли даво усулларини таклиф этди.

18-аср охирларида махсус ортопедик-даволаш муассасалари ташкил топди. Синган қўл-оёқ суягини даволашда Европада биринчи марта гипс қўлланила бошлади. О. да консерватив даво усулларидан *редрессация*, синган қўл-оёқни чўзиш, гипс боғлов қўйиш, силаш, гимнастик машқлар ва б. дан ҳам кенг фойдаланилди. *Антисептика, асептика, наркоз*, кейинчалик *рентгенография*нинг ривожланиши б-н О. да остеотомия, остеосинтез, артропластика, мушак, пайларни кўчириб ўтказиш каби оператив методлар ҳам қўлланилди.

1806 йилда Е. О. Мухин ҳаракат органлари хирургиясини тасвирлаб берди. Н. И. Пирогов О. соҳасида илмий асарлар, Н. Эллинский дес-




Ортопедия эмблемаси.



Ортопедик аппаратлар. 1. Қулфли ортопедик аппарат. 2. Қулфсиз ортопедик аппарат.



Ортопедик пойабзал. Сёқ панжаси фалажланганда кийиладиган ботинка.



Оёқ калталанганда кийиладиган ботинка (ўнгда — «қўшалоғи»).



Орф К.

мургия тўғрисида қўлланма, Н. И. Студенский «Ортопедия курси» ни яратди ва ҳ. к. Рус врачи И. В. Рклицкий биринчи бор суякни суяк пардаси остидан арралаб операция қилди. Бу даврда сон ва тизза протезлари такомиллаштирилди. 19- аср охирида В. И. Кузьмин синган ва битмаган суякларни никель штифтлар б-н бириктириш усулини амалда татбиқ этди. 1900 йилда Петербург Ҳарбий-медицина академиясида биринчи О. кафедраси ва клиникаси ташкил этилиб, 1906 йилда ин-тга айлантирилди. 1907 йили Харьков Медицина-механика ин-ти (ҳозирги Харьков Протезлаш, травматология ва ортопедия ин-ти) очилди, ортопедик аппаратлар ишлаб чиқарила бошлади. Октябрь ревясидан сўнг Совет ҳукуматининг қарорига мувофиқ мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари, жумладан Тошкентда О. илмий тадқиқот ин-ти ва клиникаси *(Узбекистон Травматология ва ортопедия илмий тадқиқот ин-ти)* ташкил этилди.

Ҳозир СССРдаги 20 га яқин травматология ва ортопедия ин-ти О. фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшмоқда.

СССР ва баъзи мамлакатларда О. травматология б-н бирга медицинанинг ягона бир соҳаси ҳисобланади.

Ад.: Многотомное руководство по ортопедии и травматологии, т. 1—2, М., 1967—68; Трубников Е. Ф., Ортопедия и травматология, М., 1971.

ОРТОФОСФАТ КИСЛОТА — қ. *Фосфат кислота*.

ОРУЖЕЙНАЯ ПАЛАТА — Москвадаги кўҳна рус музейи. Илк бор аслаҳахона сифатида 16-асрнинг 1-ярмида таъсис этилган. Бу ерда иконасозлик (1640), рассомлик (1683) устахоналари очилган. Бадиий ҳунармандчилик ва рассомлик бўйича ўқув машғулотлари ўтказиб турилган. 1960 йилдан *Москва Кремли* Давлат музейларидан бири. О. п. да Россиянинг, Ғарбий Европа ва Олд Осиёдаги қатор мамлакатларнинг 5- асрдан 20- аср бошларигача бўлган амалий-безак санъати намуналари, қурол-аслаҳалари, олтин ва кумуш идишлар, тақинчоқлар, қимматбаҳо тошлар, зарбоф кийим ва каштало, подшо ва руҳонийларнинг тожлари, асолари ва б. буюмлари, отларнинг сербезак абзаллари, кареталар ва б. тўпланган. Москвада О. п. нинг филиали (17- аср турмуши ва амалий санъати музейи) ҳам бор (1962).

Ад.: Оружейная палата, М., 1964.

ОРФ Карл (1895. 10. 7, Мюнхен) — немис (ГФР) композитори, педагог, дирижёр, театр арбоби, драматург, проф. (1950). Мюнхен музика академиясида таълим олган, 1915 йилдан Мюнхен, Мангейм ва б. театрларда дирижёр. 1924 йили Мюнхенда гимнастика, музика ва рақс мактаби (Д. Гюнтер б-н биргаликда) ташкилотчиси. Шу мактаб тажрибаси асосида болалар музика таълими ва тарбияси системасини яратган. 1962 йили Зальцбургда «Орф институти» очилган. О. системаси кўп мамлакатларда, айрим тажрибалари СССРда қўлланилмоқда. Антик давр ва ўрта асрлар шеърияти асосида «Кармина Бурана» («Буран қўшиқлари», 1937), «Катулли кармина» («Катулл қўшиқлари», 1942) ва «Афродита шодиёнаси» (1951) номли сахнавий кантаталар, «Ой» (1941), «Ақлли қиз» (1943; ГДР Миллий мукофоти, 1949), «Антигона» (1949), «Ҳийлакорлар» (1953), «Золим Эдип» (1959) каби опера ва б. музикали пьесалар, балет, симфоник ҳамда камер асарлар яратган. О. Бавария санъат академияси (1950), «Санта-Чечилия» академияси (Рим, 1957) аъзоси, Тюбинген (ГФР) ун-тининг фахрий д-ри (1955). Унинг «Кармина Бурана», «Ақлли қиз» каби асарлари СССРда ижро этилмоқда.

Ад.: Леонтьева О., Карл Орф, М., 1964; Система детского музыкального воспитания Карла Орфа, [Пер. с нем., под ред. Л. А. Баренбойма] Л., 1970.

ОРФЕЙ — фракиялик афсонавий хонанда. *Муза*лардан Каллиопанинг ўғли. Афсоналарга кўра, О. музика ва шеъриятни ижод этган. Унинг ёқимли овози фақат инсонларнигина эмас, ҳайвонлару тоғ-тошларни мафтун этган.

ОРФИКЛАР — мкл. ав. тахм. 6- асрда қадимги Юнонистонда вужудга келган диний-мистик оқим вакиллари. Орфей асос солган. Одамнинг пайдо бўлиши — О. таълимотининг марказида туради. О. бир қатор космогоник (дунёнинг пайдо бўлиши) ва теогоник (худолар тўғрисида) таълимотларни илгари сурганлар. Улар фикрича, танэ жон учун яратилган, жон эса худонинг танадаги бир қисми бўлиб, эзгулик асосидир, одам ўлганидан кейин жон қатор жараёнлар натижасида тана томонидан бутланишдан тозаланади ва қайтадан янги танага киради. Баъзи маълумотларга кўра, О. жоннинг ўлмаслиги ва бошқа танага кириши — метемпсихоз (қ. *Таносух*) ҳақидаги ғояларни илгари сурганлар.

ОРФОГРАФИЯ *(орто...* ва *графия)* — тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар системаси (қ. *Имло*).

ОРФОЭПИЯ *(орто...* ва — нутқ) — тилнинг тўғри адабий талаффузини белгиловчи қоидалар системаси, тилшуносликнинг талаффуз қонунларини ўрганиш ва қоидалаштириш б-н шуғулланадиган бўлими. О. тил товушлари ва қўшимчаларнинг талаффуз хусусиятларини, уларнинг ўзига хос сифатларини, фонетик шароитдаги ўзгаришларини ва адабий тилдаги янги тенденцияларни асослайди ва шу йўл б-н товуш сўзларини мумкин қадар қолипга тушириб боради. Шу тариқа адабий талаффуздаги ҳар хилликнинг олди олинади ва уни нормага солади.

ОРХИДЕЯДОШЛАР, орхидеягуллилар (Orchidaceae) — бир паллали кўп йиллик ўсимликлар оиласи. Барги яхлит, қинли ёки поясиз ўраб туради. Гули (кўпинча тўпгул) нотўғри, чиройли, хушбўй, ранги ҳар хил. 20 мингга яқин тури бор, ҳамма ерларда (қутб областлари ва чўллардан ташқари), кўпинча, тропикларда, нам ўрмонларда, шунингдек ботқоқликларда, майсазорларда ўсади. СССРда 122 (Ўзбекистонда 9) тури учрайди. Ўзбекистон шароитида тўқайларда, қамишзорларда, нам қояларда замбуруғлар б-н симбиоз ҳаёт кечиради. О. нинг кўп турлари манзарали ўсимлик, баъзилари зиравор (ваниль), доривор [медицинада ишлатиладиган солаб (салеп) олинади].

ОРХИС (Orchis) — солабдошларга мансуб доривор ўсимлик (қ. *Солаб*).

ОРХИТ (юнон. orchis — мояк) — моякнинг яллиғланиши. Кўпинча мояк лат еганда, юқумли касалликлар (грипп, тепки, бруцеллёз, сил, захм, сўзак ва б.)да рўй беради. Касаллик тез бошланади: гавда т-раси кўтарилади, мояк қаттиқ оғрийди, катталашиб, таранг тортади ва безиниб туради. Дори-дармон фойда бермаса, баъзан операция қилинади.

ОРХУС — Данияда шаҳар. Ютлания я. о. нинг шарқий соҳилидаги порт. Орхус амтининг маъмурий маркази. Транспорт йўллари узели.

Аҳолиси 120 минг киши (1971). О.— мамлакатнинг савдо-саноат ва маданий марказларидан. Кемасозлик. машинасозлик, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналари, ун-т (1928 йилдан), Олий савдо мактаби ва технология ин-ти, «Эски шаҳар» музейи, Бадиий музей бор. О. қадимий шаҳар. Қўл ёзмаларда 948 йилдан тилга олинган. Архитектура ёдгорликлари кўп.

ОРША — БССР Витебск областидаги шаҳар. Днепр дарёси бўйида. Йирик т. й. узели. Аҳолиси 111 минг киши (1974). Зиғир тола к-ти, тикувчилик ф-каси, станоксозлик, тикув машинаси, асбобсозлик, силикат, темир-бетон конструкциялар з-длари, озиқ-овқат саноати корхоналари (гўшт-консерва к-ти, сир, консерва з-длари ва б.), партизан К. С. *Заслонов* музейи бор. О. биринчи марта 1067 йилда тилга олинган.

ОРҚА ИЛИ ОЛАТОВИ — Тяньшань системасидаги тоғ тизмаси. ҚозССРда, ҚирғССР чегарасида. Узунлиги 350 *км*. Энг баланд нуқтаси 4973 *м* (Талғар чўққиси). Гранит, конгломерат, оҳактош ва сланецлардан таркиб топган. Баъзи чўққилари музликлар б-н қопланган (484 *км*²). Шимолий ён бағирларидан Или дарёсининг чап ирмоқлари оқиб тушади. Тоғ этакларида қуруқ даштлар, баландроқда бута, дашт ўсимликлари, ўтлоқлар ва ўрмонлар (олма, тоғтерак, қорақарағай) ўсади. Шимолий этагида Олмаота ш. жойлашган.

ОРҚА МИЯ — умуртқали ҳайвонлар ва одам марказий нерв системаси (мияси)нинг бир қисми. Умуртқа поғонасининг каналида жойлашган. Одамда Ор. м. 31—33 сегмент (8 бўйин сегменти, 12 кўкрак сегменти, 5 бел сегменти, 5 думғаза сегменти ва 1—3 дум сегменти)дан иборат, ҳар бир сегментда 2 жуфт нерв илдизи бор: олдинги (ҳаракатлантирувчи) илдизлар Ор. м. ҳужайраларидан периферияга (скелет ва томир мушакларига, ички органларга), орқадаги (сезувчи) илдизлар эса тери, пай, бўғим, мушак, томирлар, ички органлар ва б. дан Ор. м. га импульслар ўтказади. Ор. м. нинг ҳар томонидаги олдинги ва орқа илдизлар ўзаро бирлашиб, *орқа мия нервлари*ни ҳосил қилади. Ор. м. нинг марказий қисми кул ранг моддаси нерв ҳужайраларининг тўпламларидан, периферик қисми оқ моддаси нерв толаларининг тўпламларидан иборат; нерв толалари Ор. м. ҳужайраларини бир-бирига, шунингдек *бош мия*га боғлаб туради. Ор. м. кўндалангига кесилганда кул ранг моддаси капалак нусха бўлади; унда олдинги ва орқа шохлар тафовут қилинади.


Ор. м. нинг кўкрак бўлимидаги ва бел бўлимининг юқори қисмидаги ён шохларда симпатик нерв системасининг ҳужайралари бор (қ. *Вегетатив нерв системаси*); толалар гавданинг ҳамма органларига боради.

Ор. м. мия пардалари ва *орқа мия суюқлиги* б-н ўралган. Унинг оқ моддасини ташкил этадиган, марказга интилувчи нерв толалари бадандан оғриқ, т-ра ва б. сезги импульсларини бош мияга ўтказиб, шу тариқа органлар ҳолати ҳақида ҳам, ташқи муҳитдаги аҳвол ҳақида ҳам сигнал бериб туради.

Толалардан бир қисми миячадан ва бош миянинг ствол қисмидаги марказлардан келади. Тўқималарда моддалар алмашинувини бошқарувчи невронлардан келадиган толалар (трофик толалар) Ор. м. нинг оқ моддасидан ўтади.

Оддий рефлекслар Ор. м. орқали ўтади. Бунга тизза рефлекси мисол бўла олади; яъни тизза кўзининг пастидан болға урилса, оёқ тизза бўғимидан ёзилади.

Ор. м. бирон жойидан зарарланганда импульслар ўтмай қўяди. У қанча юқорисидан зарарланган бўлса, гавданинг ўшанча кўпроқ қисми фалажланади. Бунда трофик иннервация ҳам бузилгани учун баданнинг бош миядан узилиб қолган қисмларида моддалар алмашинуви бузилиб, ҳар хил яралар пайдо бўлади ва ҳ. к.



Орқа мия. *1* — бош мия; *2* — орқа мия.

ОРҚА МИЯ НЕРВЛАРИ — одамда орқа миядан бошланадиган 31—33 жуфт нерв. Таркибида сезувчи (афферент) ва ҳаракатлантирувчи (эфферент) толалар бор.


ОРҚА МИЯ СУЮҚЛИҒИ, ликвор — умуртқали ҳайвонлар ва одамда орқа мия б-н бош мия бўшлиқларини ва мия пардалари остидаги камгакни тўлдириб турадиган суюқлик. Таркиби *лимфа*га яқин туради, аммо оқсили кам; миқдори 120—220 *мл*. Миянинг баъзи касалликларида Ор. м. с. нинг босими, шунингдек таркиби ўзгаради. Шунинг учун Ор. м. с. ни текшириш диагноз қўйиш учун муҳим.

ОРҚА МИЯ СУХТАСИ — нерв системасининг хроник касаллиги, *захм*нинг учинчи давридаги бир кўриниши (қ. *Сўхта*).

ОРҚА ОЛАЙ ТИЗМАСИ — Помирнинг шимолидаги тоғ тизмаси, Олай водийсини жанубдан ўраб туради. Асосан, ҚирғССР ва ТожССР чегарасида. Узунлиги 240 *км*, энг баланд нуқтаси 7134 *м* (Ленин чўққиси). Сланец, оҳактош, қумтош ва конгломератлардан таркиб топган. Шимолий ён бағри жанубий ён бағрига нисбатан узунроқ. Ён бағирларининг қуйи қисмида тоғ-дашт ва тоғ-ўтлоқ ўсимликлари ўсади, баландроқда — абадий қор ва музликлар ётади (1436 *км*²). О. о. т. даги Қизиларт довони (4280 *м*) орқали Уш — Хоруғ автомобиль тракти ўтган.


ОРҚАЖАБРАЛИ МОЛЛЮСКАЛАР (Opisthobranchia) — қориноёқли моллюскаларнинг кенжа синфи. Гавдаси узунчоқ, ён томонидан қисилган, оёғида ўсинталар бор. Кўпчилик О. м. нинг чиғаноғи бутунлай ёки қисман редукцияланган (қисқарган). Нафас олиш органи — жабра юрак орқасига жойлашган. Баъзиларида жабра ривожланмаган, нафас олиш вазифасини орқа тешиги атрофидаги иккиламчи жабралар (номи ҳам шундан) ёки бутун тана юзаси бажаради. О. м. гермафродит (қ. *Гермафродитизм*). Усимликхўр ва йиртқич турлари бор. 10000 тури бирлаштирган 11 туркуми мавжуд. Океанларда, баъзилари чучук сувларда яшайди.

ОРҚАЛИК — шаҳар (1965 йилгача посёлка), ҚозССР Тўрғай области маркази. Областнинг жануби-шарқий чеккасида жойлашган. Тобол — Целиноград т. й. линиясининг охирги станцияси. Аҳолиси 30 минг киши (1974). О. боксит конларини (Тўрғай боксит конлари) ўзлаштириш муносабати б-н 1956 йилда посёлка сифатида вужудга келган.




Орқажабрали моллюскалимацина хелицина.

ОРҚАТОҒ, Пржевальский тизмаси — Куньлуннинг марказий қисмидаги тоғ тизмаси. ХХР терр-ясида. Узунлиги 650 *км*. Энг баланд нуқтаси 7723 *м* (Улуғмузтоғ чўққиси Куньлундаги энг баланд чўққидир). Асосан, гранит, гнейс ва қумтошлардан тузилган. Чўққилари ясси, ён бағирлари қия. Ҳамма қисмида қурум тошлар учрайди. Тошлоқ чўл-



Осака шаҳри кўчаларидан бири.



Освенцим лагери.



Осётр.

лар, кўл ботиқлари ва водийлар бор. Тоғ тепалари абадий қор ва музликлар б-н қопланган. Шимолий ён бағрида олтин конлари топилган. Тизмани 1884 йилда рус сайёҳи Н. М. Пржевальский кашф қилган.

ОСАКА — Япониядаги шаҳар. Хонсю оролининг жанубий қисмида, Йодо дарёсининг Ички Япон денгизига қуйилиш жойида. Осака (Осака-фу) префектурасининг маъмурий маркази. Майдони 206 *км²*. Аҳолиси 2,9 млн. киши (1973).


О.—иқтисодий аҳамияти жиҳатидан мамлакатда Токиодан кейин 2- ўринда. Йирик денгиз порти. Т. й. ва автомобиль йўлларининг йирик узели. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим савдо ва молия маркази. Шаҳарда 30 мингдан зиёд саноат корхонаси бор. Японияда эритиладиган пўлатнинг 15% и, прокатнинг 40% и, рангли металлдан ишлаб чиқарилаётган буюмларнинг 1/3 қисми О. ҳиссасига тўғри келади. 1960—70- йиллардан бошлаб саноат ишлаб чиқаришида оғир индустрия маҳсулотлари етакчи ўринни эгаллади. О. да 1933 йилдан метрополитен ишлаб турибди. Ун-т ва б. олий ўқув юртлари, Нафис санъат музейи, планетарий, театрлар, ботаника ва ҳайвонот боғлари бор.

О.— Япониянинг қадимги шаҳарларидан. Манбаларда 4—7- асрлардан тилга олинган. Дастлаб Нанива, 15- асрдан О. деб аталган. 16- аср охиридан О. мамлакат ҳокимининг қароргоҳи ва йирик савдо шаҳри. 20- аср бошидан ишчилар ҳаракатининг марказларидан бири. Урта аср архитектура ёдгорликларидан ибодатхоналар, қаср ва б. бор. 1970 йилда О. да «ЭКСПО-70» бутун жаҳон кўргазмаси бўлиб ўтди.

ОСАРСОЛ (Osarsolum), ацетарсол — захмга қарши препаратлардан; таркибида 27% мишъяк бор. Қайталовчи терлама, амёба дизентерияси *(амёбиаз)*, гижжа касалликларининг баъзи турларини даволашда ишлатилади.

ОСАФИЙ (тахаллуси; номи Хожа Шамсиддин, 15- аср иккинчи ярми — 1517) — шоир, *Алишер Навоий* замондоши. О. ўз ижодида Саъдий, Ҳофиз, Жомий ва Навоийнинг илғор анъаналарини давом эттирган. О. нинг ғазал ва рубоийлари дунёвий руҳда ёзилган. О. ўз асарларини тўплаб девон тузган. Бу девон ЎзФА Шарқшунослик ин-ти қўл ёзмалар фондида сақланмоқда (инв. № 2117 ва № 4318).

ОСВЕНЦИМ, Освенцим лагери — кишиларни кўплаб қириш учун гитлерчилар Освенцим ш. (Польша) яқинида қурган концентрацион лагерь (1940). О. 500 гектарга яқин майдонни эгаллаган. О. да ҳамиша 250 мингга қадар киши тутқунликда сақланган. Лагерда кишиларни ваҳшиёна ўлдиришга мўлжалланган газ камералари ва крематорийлар бўлган; гитлерчилар 4 млн. дан зиёд кишини қириб



Венгр аёллари колоннаси. Освенцимда тутқунликда бўлган Дина Готлибова томонидан чизилган сурат.

ташлаган. 1944 йил кузида тутқунлар коммунистлар раҳбарлигида қўзғолон кўтарганлар. Бироқ қўзғолон муваффақиятсизликка учраб, 200 дан ортиқ киши ҳалок бўлган, тирик қолганлардан гитлерчилар ваҳшиёна ўч олганлар. 1945 йил 27 январда О. тутқунларини Совет Армияси озод қилган. Собиқ О. лагери ўрнида музей барпо қилинган.

Ад.: Нюрнбергский процесс, т. 4. М., 1959, 295—557 бет; Краус О., Кулка Э., Фабрика смерти. Пер. с чешского., М., 1960.

ОСЕТИН ТИЛИ — *осетинлар*нинг тили. Ҳинд-европа тиллари оиласининг эрон тиллари гуруҳига мансуб. Асосан Шимолий Осетия АССРда, Жанубий Осетия автоном областида, шунингдек Қабарда-Балкария АССРда тарқалган. СССРда 432 минг киши гаплашади (1970). Ирон (шарқий) ва дигор (ғарбий) диалектларига бўлинади. Адабий О. т. га ирон диалекти асос бўлган. О. т. нинг 2 минг йилга яқин вақт давомида Қавказ тиллари б-н яқин алоқада бўлиши унга лексик, фонетик жиҳатдан таъсир кўрсатган. Мас., О. т. да кавказ тилларига хос къ, пъ, тъ, чъ, цъ портловчи бўғиз ундошлари мавжуд. О. т. учун сўз урғуси эмас, ибора урғуси характерлидир; ирон диалектида 9, дигор-диалектида 8 келишик мавжуд; О. т. да тушум келишиги, грамматик жинс категорияси йўқ. О. т. 18- аср охиридан буён ёзувга эга. 1844 йили академик А. Шегрен рус графикаси асосида осетин алфавитини тузган. 1928—38 йилларда О. т. да латин алифбоси қўлланилган; жанубий осетинлар 1938—54 йилларда грузин ёзувидан фойдаланган. Ҳозирги рус графикаси асосидаги осетин ёзувида 43 ҳарф мавжуд.

Ад.: Миллер В. Ф., Язык осетин, Пер. с нем., М. — Л., 1962; Абаев В. И., Осетинский язык и фольклор, т. 1, М. — Л., 1949.

ОСЕТИНЛАР (ўзларини ирон, Шимолий Осетиянинг ғарбида дигорон деб атайдилар) — социалистик миллат. Шимолий Осетия АССР ва Жанубий Осетия АО нинг асосий аҳолиси. Умумий сони 488 минг киши (1970). Ўзбекистонда 4003 киши (1970). *Осетин тили*да сўзлашади. Диндорлар христиан ва мусулмонлардан иборат. О. нинг 18—20- асрларда тоғлардан текисликларга кўчиб тушган қисми ўзларини моздак осетинлари деб атайдилар.

Этногенези жиҳатидан форсий халқ ҳисобланади. Шунингдек, уларнинг шаклланишида скифлар, сарматлар, аланлар ҳамда Шимолий Қавказнинг қадимий аҳолиси иштирок этган. Шимолий Қавказда яшаган аланлар О. нинг энг яқин аждодлари ҳисобланади. 13- асрда (мўғулларнинг ҳужуми даврида) О. ҳосилдор водийлардан Марказий Қавказ тоғларининг дараларига, бир қисми Закавказьега суриб юборилган (шу даврдан бошлаб О. шимолий ва жанубий группаларга бўлинган). Қавказ Россияга қўшиб олинганидан сўнг тоғларда яшайдиган О. нинг бир қисми текисликларга кўчиб туша бошлади. Бу жараён 1928 йилгача давом этди. О. деҳқончилик ва чорвачилик (қўйчилик) б-н шуғулланадилар (яна қ. *Шимолий Осетия Автоном Совет Социалистик Республикаси, Жанубий Осетия автоном области*).

ОСЕТРОВ Тимофей Николаевич (1920. 22. 1, Белгород обл. Ивня р-ни Новенькое қ.) — совет давлат ва партия арбоби. 1947 йилдан КПСС аъзоси. Меҳнат фаолияти 1939 йилдан бошланган. Москва Авиация технология ин-тини тугатган (1948). 1941—43 йилларда машинасозлик з-дида технолог. 1947—49 йилларда Москва ш. Коминтерн р-н комсомол комитети секретари. 1949 йилдан ВЛКСМ Челябинск обл. комитети секретари, иккинчи ва биринчи секретари. 1954 йилдан КПСС МК инструктори, ташкилий-партиявий ишлар сектори мудири ўринбосари ва мудири. 1970 йилдан УзССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон КП МК ва МК бюроси аъзоси. 1971 йилдан КПСС Марказий Ревизия Комиссияси аъзоси. 8—9- чақириқ СССР Олий Совети, 7- чақириқ УзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.

ОСЕТРСИМОНЛАР (Acipenseridae) — тоғайли ганоидлар группасига мансуб балиқларнинг бир оиласи. Шимолий ярим шарда тарқалган. 4 уруғи: *белугалар*, осётрлар, кураксимонлар, сохта кураксимонлар ва 23 тури бор. СССРда 13 тури учрайди (2 тури белугалар уруғидан, 8 тури осётрлар уруғидан, 3 тури сохта кураксимонлар уруғидан). О. нинг тумшуғи чўзиқроқ, тишсиз, пастки жағи ҳаракатчан, мўйлови бор. Скелети тоғайли. Чучук сувлардаги осётрсимонларга кураксимонлар, сохта кураксимонлар, стерляд, америка осётри киради. Қолган О.— ўткинчи ёки ярим ўткинчи балиқлардир. Увилдириғини дарёларга ташлайди, овқатланиш учун денгизларга сузиб келади. Йиртқич (мас., белуга, калуга, оқ кураксимон осётр ва б.), баъзилари умуртқасизлар б-н овқатланади (мас., осётр, стреляд ва б.). О. сунъий кўпайтирилади. Дунё бўйича овланадиган О. нинг 99% и СССРга тўғри келади.




Осетров Т. Н.

ОСИЕК — Югославиядаги шаҳар. Хорватия Социалистик Республикасида. Драва дарёси бўйидаги порт. Аҳолиси 96 минг киши (1973). Транспорт йўллари узели. Озиқ-овқат, кўн, тўқимачилик, ёғочсозлик, мебель, кимё ва машинасозлик (қ. х. ва тўқимачилик машиналари), корхоналари бор.


ОСИЁ (юнон. Asia, эҳтимол, осурийча асу — шарқ) — Ер шаридаги энг катта қитъа (бутун қуруқлик майдонининг 30% часини эгаллаган), *Евросиё* материгининг бир қисми.

Умумий маълумот. О. Шимолий ярим шарнинг барча географик минтақаларини ўз ичига олади; *Малайя архипелаги* қисман Жанубий ярим шарга кириб борган. О. нинг материкдаги энг чекка нуқталари: шимолдан — Челюскин бурни (77° 43′ ш. к.), жанубда Пиай бурни (1° 16′ ш. к.), ғарбда Баба бурни (26° 10′ шк. у.), шарқда Дежнёв бурни (169° 40′ ғ. у.). О. шимолдан Шимолий Муз океани, шарқда Тинч океан, жанубда Ҳинд океани, жануби-ғарбда Атлантика океани денгизлари (Ўрта, Эге, Мармара, Қора ва Азов денгизлари) ва Каспий денгизи б-н ўралган. Беринг денгизи О. ни Америкадан ажратиб туради, Сувайш бўйини О. ни Африка б-н туташтиради. Европа б-н О. чегараси шартли равишда Урал тоғларининг шарқий этагидан, Эмба дарёси, Каспий денгизи, Кума ва Манич дарёлари бўйлаб ўтади.

Майдони 43,4 млн. *км²* (Қавказ б-н); шундан 8 млн. *км²* я. о. лар (Ямал, Таймир, Чукотка, Камчатка, Корея, Ҳиндихитой, Ҳиндистон, Кичик О.), 2 млн. *км²* дан ортиғи ороллардир (Северная Земля, Новая Сибирь, Врангель, Курил, Сахалин, Япон, Рюкю, Тайвань, Хайнань, Малайя архипелаги, Андаман, Шри Ланка, Кипр). О. дунёда абсолют баландликлари катта фарқ қиладиган қитъадир. Дунёдаги энг баланд чўққи (Ҳималай тоғларидаги Жомолунгма чўққиси, 8848 *м*), энг чуқур ботиқлар — кўл бўлиб қолган ботиқлар ҳам (энг чуқур жойи 1620 *м* бўлган Байкал кўли, денгиз сатҳидан 392 *м* паст бўлган Ўлик денгиз), очиқ ботиқлар ҳам (абсолют белгиси — 154 *м* бўлган Турфон сойлиги) О. дадир.



Осиё. 1. Япониядаги қояли ороллар ва денгиз соҳили. 2. Ёкутистон тайгаси. Нюя дарёси (Леннинг чап ирмоғи). 3. Ҳималайдаги Жомолунгма чўққиси. 4. Фудзияма вулканининг кўриниши.



Ливан террасалари (Антура атрофи).

Табиати. Орографиясининг асосий хусусиятлари. О. майдонининг $^3/_4$ қисми тоғлар ва ясси тоғлардир. Энг баланд тоғлар Марказий ва Ўрта О. дадир. Тибет, Тяньшань, Помир, Ҳималай, Ҳиндикуш, Қорақурум ва Ўрта О. даги бир қанча тизмаларнинг баландлиги 7 минг *м* дан ошади. Кичик О. даги Арманистон, Эрон тоғликлари, Ҳиндихитой я. о., Япон ороллари ва б. ороллардаги тоғлар ҳам анча баланд. Кенг Ўрта Сибирь ясси тоғлиги жанубдан Олтой, Ғарбий ва Шарқий Саян тоғлари б-н ўралган; ундан шарқда Байкал бўйи ва Забайкалье тоғлари, Становой ва Алдан тоғликлари жойлашган. СССРнинг шимоли-шарқида Юқори Яна тизмаси, Черский тизмаси, Колима тоғлиги, Чукотка ва Камчатка тоғлари бор. Камчаткада, Шарқий О. ороларида ва Малайя архипелагида сўнмаган вулканлар кўп.

О. майдонининг $^1/_4$ қисми текисликлардан иборат. Энг йирик текисликлари: Ғарбий Сибирь, Турон, Буюк Хитой, Ҳинд-Ганг, Месопотамия. Тоғлар орасидаги баландроқ текисликлар — Қашқар, Жунғария, Гоби, Цайдам ва Фарғона водийлари.

Рельефи. Тоғлар ва текисликларнинг асосий хусусиятлари мезозой ва альп тоғ бурмаланишларида таркиб топган. Неоген-антропоген давридаги вертикал ҳаракатлар Марказий О. да айниқса кучли бўлган (Помир, Тибет, Ҳималай тоғлари 4000 *м* дан кўпроқ кўтарилган, материкнинг шарқий чеккаси 700 *м* гача чўккан). Копетдоғ, Фарғона тизмалари, Тяньшань, Ҳисор-Олай тоғлари ҳам анчагина кўтарилган. Эрозия таъсирида кўпгина қадимги ясси тоғликлар жуда ўйдим-қир тоғли ўлкаларга айланиб қолган. Ўрта ва Марказий О. да кенг майдонлар лёсс б-н қопланган.

Антропоген даврида шимоли-ғарбий О. нинг 60° ш. к. дан шимолий қисмини ёппасига бир неча бор музлик босиб келган ва қайтган. Уша замонларда тоғларни муз қоплаган. Қорақурум, Помир, Тяньшань, Ҳиндикуш, Ҳималай тоғларида ҳозир ҳам музликлар бор. 47° ш. к. гача замин қишин-ёзин музлаб ётади. О. рельефининг таркиб топишида вулкан ҳодисалари катта роль ўйнаган. Ҳиндистон я. о. ва Ўрта Сибирда қадимги вулкан жинслари (трапплар) ер юзасига чиқиб ётади. Шарқий О. даги қатор ороларда, Камчатка я. о., Филиппин, Катта ва Кичик Зонд ороларида ёш вулкан рельефи шакллари ва замонавий вулканизм ҳодисалари учрайди.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. О. протерозой эрасининг охиридан буён бурмаланмаган бир қанча йирик токембрий платформаларидан ҳамда бу платформалар орасида жойлашган ва қисман денгиз тубига кириб кетган бурмали кенг областлардан иборат. Токембрий платформаларининг энг йириклари: шимолда *Сибирь платформаси*, шарқда *Хитой-Корея платформаси* ва Жанубий Хитой платформаси, жануб ва жанубий-ғарбда *Ҳиндистон платформаси*, Арабистон я. о. платформаси (қ. *Нубия-Арабистон қалқони*). Булар О. материгининг қадимий ядроларидир. Платформалар ёки платформаларнинг айрим қисмлари орасида палеозой, мезозой ва кайнозой геосинклиналларидан пайдо бўлган бурмали тоғ минтақалари материкларнинг ана шу қадимий ядроларини бир бутун қилиб бирлаштирган. О. ғарбий қисмининг геологик тарихида *Шарқий Европа платформаси* муҳим роль ўйнаган — палеозой охирида шу платформанинг шарқий чеккаси бўйлаб Урал ва Марказий Қозоғистон бурмали тоғлари кўтарилган, оқибатда Европа б-н О. бир-бирига қўшилиб *Евросиё* пайдо бўлган.

Герцин бурмали тоғлари Шарқий Европа платформаси б-н Сибирь платформаси орасида, шимоли-шарқий ва меридионал йўналишда (Таймир, Урал), Қозоғистон, Саланр ва Жанубий Олтойда шимоли-ғарбий йўналишда, Тяньшань, Монголияда, Хитойнинг ғарбий қисмларида кенглик бўйлаб (Куньлунь ва Наньшань), Дунбэйда шимоли-шарқий йўналишда чўзилган.

Альп бурмаланиши Альп (Альп-Ҳималай) бурмали обл. ни ўз ичига олади. Бу ерда мезозой эрасида *Тетис* геосинклинали икки мустақил материкни — Ангарида ва Гондванани бир-биридан ажратиб турган. Кавказ, Туркманистон-Хуросон, Паропамиз, Ҳиндикуш, Помир, Ҳисор-Олай, Тавр, Загрос, Макрон, Сулаймон, Ҳималай тоғлари Альп бурмаланишида пайдо бўлган.

О. нинг энг шарқий чеккаси ҳозирги замон геосинклинал минтақасидан иборат бўлиб, материкни Тинч океан қаъридан ажратиб туради.

Неоген ва антропогенда О. материгида ер пўсти вертикал ва горизонтал йўналишда ҳаракат қилган. Баланд тоғлар 1—4 *км* ва ундан ҳам кўпроқ кўтарилган (мас., Тибет, Помир), тоғлар орасидаги ботиқлар ва чекка денгизлар (Япон, Охота ва б.) эса хийла чўккан.

Шундай қилиб, ҳозирги О. материги қиёсан яқин геологик даврларда шаклланган. Палеозой бошларида Шарқий Европа, Сибирь, Хитой-Корея ва Жанубий Хитой платформалари қуруқлик бўлган ёки саёз денгиз тубида ётган. Ҳиндистон платформаси ва Арабистон я. о. платформаси *Гондвана* материгининг таркибий қисми бўлиб, улар Тетис геосинклинали парчаланиб кетгандан сўнг Ангаридага қўшилиб, О. материгини ҳосил қилган.

О. фойдали қазилмалари ниҳоятда хилмахил. Қозоғистон (Қарағанда ҳавзаси ва б.), Сибирь (Канск-Ачинск, Лена, Кузнецк, Минусинск, Тунгуска ҳавзалари), Узоқ Шарқ (Сахалин о., Приморье), Хитой, Корея, Ҳиндистон, Ўрта О., Вьетнам ва Японияда кўмир конлари бор.

СССРнинг О. қисмидаги нефтга бой р-нлар: Закавказье, Ғарбий Сибирь текислиги, Туркманистон, Манғишлоқ я. о., Каспий бўйи пасттекислиги, Сахалин; чет элларда: Форс қўлтиғи соҳили — Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Ироқ, Эрон, Бирлашган Араб амирликлари; Хитой (Ганьсу вилояти), Индонезия (Суматра о.), Ҳиндистон, Бруней, Япония (Хонсю о.) ва б. баъзи мамлакатларда ҳам нефть қазиб олинмоқда. Енувчи газ конлари Узбекистон (Газли, Бухоро депрессиясидаги бошқа конлар), Ғарбий Сибирь текислиги ва б.; чет элларда — Яқин ва Ўрта Шарқнинг юқорида тилга олинган мамлакатларида. Ош тузи конлари Сибирь платформаси, Покистон, Эрон, Каспий бўйи пасттекислиги, Ўрта О. да. Темир рудаси конлари — Қозоғистон (Қустанай обл.), Сибирь (Ангара-Илим, Алдан қалқони); чет элларда — Хитой, Шимолий Корея, Ҳиндистонда. Ҳиндистон б-н СССР (Закавказье)да йирик марганец конлари бор. Хром рудаси конлари — Шимолий-Ғарбий Қозоғистон, Туркия, Филиппин, Эронда. Никель — Норильск (СССР), мис рудаси — Қозоғистон (Жезқазған, Қўнғирот ва б.), Сибирь шимоли; чет элларда — Япония; полиметалл рудалари Ўрта Осиё (Қорамозор, Қоратов ва б.), Рудали Олтой; чет элларда — Япония, шарқий Хитой, Бирма, Вьетнамда. Боксит Қозоғистон, Красноярск ўлкаси; чет элларда — Ҳиндистон, Бирма, Индонезия; фосфорит Қозоғистон; қалай Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқда. Олтин Шимоли-Шарқий Сибирь, Алдан, Лена дарёси бош томони, Амурбўйи, Қозоғистоннинг шимоли, Узбекистон ва б., чет элларда — Корея, Япония ва ҳ. к. Олмос конлари Еқутистоннинг ғарбий қисмида ишга солинмоқда.

Иқлими. Қуруқлик майдонининг кенглиги, тоғ тўсиқлари ва берк ботиқларнинг кўплиги қуёш радиацияси, атмосфера циркуляцияси ва иқлимнинг хилма-хил бўлишига имкон берган. О. да барча иқлим зоналари — тундра иқлими зонасидан экваториал ва жанубий тропик иқлим зоналаригача учрайди. О. кўп қисмининг иқлими континентал. Атлантика ҳавоси О. га етганда континентал ҳавога айланади. Тинч океаннинг денгиз ҳавоси О. нинг шарқий чеккасига таъсир этади. Шимолдан О. га Арктика ҳавоси бемалол кириб келади. О. жанубида тропик ва экваториал ҳаво массалари ҳукмрон. Ёзда сув юзасига нисбатан қуруқликнинг тезроқ исиши ва қишда кучлироқ совиши атмосфера циркуляциясида мавсумий ўзгаришларга олиб келади. Қуруқликнинг қишда совиб кетиши Шимолий ва Марказий О. да кўп ойлар давомида аёзли антициклон туришига сабаб бўлади (қ. *Осиё антициклони*). Энг паст т-ра — Шимолий ярим шарнинг совуқлик қутби шимоли-шарқдадир (Верхоянск, Оймякон), бу ерда айрим ҳолларда совуқ 70° га етади, январнинг ўртача т-раси эса —50° дан ҳам паст. Ёзда Олд, Ўрта ва Марказий О. да жазирама ва қуруқ континентал тропик ҳаво таркиб топади. Ёзда бутун О. устида, хусусан жанубий қисмида босим паст бўлади. *Осиё депрессияси* (паст босим) маркази Ҳиндистон я. о. нинг ғарбий қисмидадир. Депрессиянинг жанубий четлари бўйлаб, О. га ёзги муссон кириб келиб, Ҳиндистон я. о., Жанубий Ҳималай ва Ҳиндихитой я. о. да кўплаб ёмғир беради. Шарқий О. ёзда Тинч океан қутб фронти таъсирида туради. Ёзги муссон кўплаб ёғин олиб келади. Кузда шарқий О. қирғоқлари яқинида қаттиқ довул — тропик циклон (тайфун) туриб, жала ёғади.

Сибирнинг кўпгина қисмида январнинг ўртача т-раси —20°, Верхоянскда —50°, Тинч океаннинг Шимолий О. қирғоқлари яқинида эса —15°, —5°. О° январь изотермаси Самарқанд, Нанкин ва Токиодан ўтади. Тропикларда қишда т-ра +20°, +25°. Июлда Олд О. ва Ўрта О. (ўртача т-ра +30° ва ундан баланд), Такламакон ва Тар чўллари айниқса исиб кетади. +20° изотерма 55°—60° ш. к. гача етиб боради.

Шимолий О. да доимий тўнг ерлар кўп. Экваториал минтақада йилига 2000 *мм*, Жанубий ва Шарқий О. нинг денгиз соҳилидаги шамолга рўпара ён бағирларда 2000—3000 *мм* (баъзи жойларда 8000—12000 *мм*) ёғин ёғади. 1861 йил Черапунжида (Ҳиндистоннинг Ассом штати) 22900 *мм* ёғин ёққан. Шарқий Сибирда 350 *мм* дан кам, Ўрта, Марказий ва Олд О. чўлларида 150—200 *мм*, баъзи жойларда 100 *мм* дан кам ёғин ёғади.

Ички сувлари. О.— азим дарёлар ўлкаси. Обь (Иртиш б-н), Енисей (Ангара б-н), Лена (Алдан, Вилюй б-н), Яна, Индигирка, Колима Шимолий Муз океанига, Анадирь, Амур (Сунгари, Уссури б-н), Хуанхэ, Янцзи, Сицзян, Меконг, Менам Тинч океанига, Салуин, Иравади, Брахмапутра, Ганг, Ҳинд, Шатт-ул-Араб Ҳинд океанига қуйилади. О. терр-ясида кичикроқ дарёлар Азов, Қора, Ўрта денгизларга қуйилади. Кура, Амударё, Сирдарё, Или дарёлари Каспий, Орол денгизлари ва Балхаш кўлига қуйилади. Берк ҳавза дарёларининг бир қисми кўлларга қуйилади, бир қисми қум ёки шўрхокларга сингиб кетади ёки бутунлай суғоришга сарф бўлади (Тарим, Чуй, Ҳилманд).

О. нинг энг йирик кўллари Каспий ва Орол денгизларидир. Байкал, Иссиққўл, Хубсугул кўллари, Улик денгиз, Ван, Резайе, Телец кўллари тектоник ботиқлардадир. Бир қатор кўллар тоғларнинг қулашидан (Сарез кўли), карст процессидан (Ғарбий Тавр кўллари) пайдо бўлган, шунингдек шўр кўллар кўп (Кукунор, Туз ва б.). Дарёларга ГЭСлар қурилиши натижасида йирик сув омборлари пайдо бўлган: Братск (Ангара), Красноярск (Енисей), Новосибирск (Обь), Бухтарма (Иртиш), Фарҳод, Қайроққум, Чордара (Сирдарё) сув омборлари ва ҳ. к. Қурғоқчил ўлкаларда ер ости сувлари катта аҳамиятга эга. Ўрта, Марказий ва Олд О. даги воҳаларда булоқ, қудуқ ва артизиан сувларидан кенг фойдаланилади.

О. нинг дарё ва кўллари муҳим транспорт йўлларидир. Кўпгина дарёлар катта гидроэнергия запасига эга. СССР, Япония, КХДР ва ХХРда гидроэнергиядан, айниқса, кўп фойдаланилаётир.

Тупроқлари. О. да Ер шаридаги барча тупроқ типлари учрайди. Шимолдан жанубга томон иссиқликнинг орта бориши ва намлик режимининг ўзгариши б-н тупроқлар ҳам алмашина боради. О. да подзол тупроқ айниқса кўп майдонни эгаллаган. Ғарбий, Марказий ва Ўрта О. да бўз тупроқ, қўнғир ўрмон тупроқлари энг кўп майдонни эгаллаган. Субтропик тоғларида ва мўътадил минтақанинг жанубий қисмининг шарқий ва ғарбида тоғ ўрмон қўнғир тупроқлари. Тибет тоғлигида баланд тоғ чўл тупроқлари ва тоғ ўтлоқи тупроқлари асосий тупроқ типларидир. Хитойнинг чекка жанубий-шарқида, Япония, Ҳиндистон, Ҳиндихитой ва Индонезияда қизил тупроқ асосий ўрин тутади. Водийлар ва дельталарда ўтлоқи ва аллювиал ўтлоқи тупроқлар кенг майдонни эгаллаган.

Усимликлари. О. икки фитогеографик областга — *Голарктика области* б-н *Палеотропик область*га киради. Палеотропик флора доимий иссиқ иқлим шароитида ривожланган бўлиб, ниҳоятда турларга бой. Голарктика флораси муз босишлар, тоғ кўтарилишлари таъсиридан анча қашшоқлашиб қолган.

Шимолдан жанубга томон иқлимнинг ўзга-

риши б-н ўсимлик типлари ҳам ўзгара боради — бу ерда тундрадан тортиб Жанубий ярим шардаги сернам экваториал ўрмонлар ва саванналаргача учрайди.

Чекка шимолда тундра зонаси жойлашган. Тундрада ўрмон йўқ. Тундра бугулар яйлови (лишайникли тундра — қишки яйлов, ўтли ва бутали тундра — ёзги яйлов) ҳисобланади. Тундрадан жанубда ўрмонли тундра жойлашган; ўрмонли тундрада тундра б-н бирга сийрак ўрмонли жойлар ҳам учрайди. Ундан жанубда ўрмонлар зонаси жойлашган; ўрмонлар зонаси аксари тайга ўрмонларидан иборат; майда баргли ва кенг баргли ўрмонлар (шарқда) камроқ майдонни эгаллаган. Сибирнинг жануби-ғарбий р-ларида, Забайкалье ва МХРнинг ёндош р-ларида, шунингдек Хитойнинг шимоли-шарқида ўрмонли-дашт ва дашт ўсимликлари; Қозоғистоннинг жанубий р-ларида, Урта ва Марказий О. да, шунингдек Ғарбий О. тоғликларида ва Арабистон я. о. да чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади. О. нинг ғарбий р-ларида Ўрта денгиз типидаги ўсимликлар учрайди. Шарқий О. нинг субтропик р-ларида доимий яшил ва аралаш муссон ўрмонлари ҳамда саванналари тарқалган; денгиз соҳилидаги шамолга рўпара ён бағирларни доим яшил ўрмонлар қоплаб олган. Тоғларда ўсимликлар баландлик минтақалари ҳосил қилган: тоғ тундраси, тоғ тайгаси, тоғ ўрмонлари, тоғ даштлари ва чўллари, тоғ субтропик ва тропик ўсимликлари учрайди.

Ҳайвонот дунёси. О. фаунаси материк фаунасидан иборат. Эндемик ҳайвонлар кам. Кўпгина ҳайвонлари Европа, Шимолий Америка ва Африка ҳайвонларига ўхшайди. Арабистон я. о. нинг жанубий Африка б-н биргаликда *Эфиопия зоогеографик областига* киради. Филлар, каркидонлар, бугулар, товуслар ана шу областга хос ҳайвонлардир. Қичик Зонд ороллари Австралия зоогеографик области таркибидадир. Жанубий О. нинг бошқа р-лари Ҳиндистон-Малай областига киритилади. О. нинг қолган қисми Голарктика областининг Евросиё қисмига — Палеарктикага киради. Шимолий соҳиллар, тундра, тайга, дашт, чўл, тоғ чўллари, Марказий О. тоғлари, Узоқ Шарқнинг кенг баргли ва субтропик ўрмонлари, Жанубий О. тропик ўрмонлари зоогеографик зоналари бор. Кенг майдонларда инсон таъсирида ҳайвонот дунёси ўзгариб, қашшоқлашиб қолган (Шарқий Хитой, Ҳиндистон, Ява, Ғарбий Сибирнинг жануби). СССРда амалга оширилган тадбирлар бир қанча қимматли ҳайвонлар (соболь, сайғоқ, лось ва б.) ни кўпайтириш ва ареалларини тиклашга имкон берди. Ўрта О. да, асосан, чўл ҳайвонлари яшайди. Бу ерда ЮНЕСКОнинг «Қизил дафтар»ига ёзилган нодир ҳайвонлардан қулон, Бухоро буғуси — хонгул, Мензбир суғури кўрсатилади.


О. нинг табиат зоналари ва табиий географик р-лари ҳақида маълумот олиш учун *Евросиё* мақоласига қаранг.

География тадқиқотлар тарихи. Қадим замонларда осурийлар, бобилликлар, ҳиндлар, хитойлар, мисрликлар ва б. О. географиясидан озми-кўпми тасаввурга эга бўлганлар. Қадимги Миср, Юнонистон-Форс урушлари (мил. ав. 477—449), Александр Македонский юришлари (мил. ав. 4- аср), Мисрнинг Ҳиндистон б-н денгиз орқали савдо қилиши, Хитой элчиси Чжан Цяннинг Урта Осиёда бўлиши (мил. ав. 2- аср), «Ипак йўли»нинг очилиши, римликларнинг ҳарбий юришлари натижасида О. тўғрисида маълумотлар тўпланди. Ўрта асрларда О. ҳақида Ўрта осиёликлар ва араблар (Масъудий, Идрисий, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Ибн Баттута ва б.), хитойлар (Сюань-Цзан ва б.), европаликлар (салиб юришлари, Карпини, Рубрук) анчагина маълумотлар бердилар. Хусусан, 10- аср охирида ёзилган «Худуд ул олам» асарида О. географияси ўша замонга нисбатан анча тўғри баён этилган. 13- аср охирида венециялик Марко Поло Марказий О. ни кесиб ўтди ва ўз сафарлари ҳақида асар ёзди. Шимолий Муз океанининг О. соҳилини руслар кашф этди. 12- асрдаёқ новгородликлар Уралдан ғарбга ўтган эдилар. 1441—1444 йилларда Абдурраззоқ Самарқандий Ҳирот шаҳридан, Эрон орқали Ҳиндистонга сафар қилди. Рус савдогари Афанасий Никитин ҳам 1466—72 йилларда Эрондан ўтиб, Ҳиндистонга борди ва уни тасвирлаб китоб ёзди. Португаллар денгиз орқали Ҳиндистонга (1498, Васко да Гама), Японияга (1542) бордилар, 1520 йили Макаода ўрнашиб қолдилар. 1521 йили Магеллан Филиппин оролларига етиб борди. Фарғоналик Заҳириддин Бобирнинг «Бобирнома» асарида ҳозирги Узбекистон, Афғонистон ва Ҳиндистон географияси батафсил ва қизиқарли тасвирланган. 1581—82 йилларда Ермак Сибирга юриш қилди. 1639 йили И. Москвитин Охота денгизига, 1643 йили В. Поярков Амур дарёсига етиб келди. 1649—52 йилларда Е. Хабаров Амур бўйлаб саёҳат қилди. 1697—99 йилларда В. Атласов Камчатка бўйлаб саёҳат қилди. 17- асрнинг 2- ярмида П. И. Годунов ва С. У. Ремезов Сибирнинг дастлабки карталарини тузидилар. 1728 йили 1- Камчатка рус экспедицияси, 1733—43 йилларда 2- Камчатка экспедицияси Сибирь, Шимолий ва Шарқий О. табиатини ўрганишга катта ҳисса қўшди. 1737—41 йилларда С. П. Крашенинников Камчатка ҳақида асар ёзди. 1768—74 йилларда Россия томонидан уюштирилган Академия экспедицияси Шимолий О. ни ва Кавказни ўрганишга катта ҳисса қўшди. Рус олимларидан Э. Эверсман (1820—25) ва Г. С. Карелин (1832—42) Урта О. текисликларини, А. Ф. Миддендорф (1877—78) Фарғона водийсини ўрганди. 1848—63 йилларда А. И. Бутаков Орол денгизи, Амударё ва Сирдарё ҳақида асар ёзди. 19- аср ўрталаридан турли илмий ташкилотлар ва ҳарбий муассасаларда коллектив ҳолда тадқиқот қилиш ишлари ривожлана бошлади. О. нинг айрим ўлкалари ҳақида даврий нашрлар ва монографиялар сони кўпайди. Россия География жамияти ташкил этилгандан кейин (1845) Сибирь, Узоқ Шарқ, Кавказ, Марказий О., Ўрта О. га кўплаб экспедициялар уюштирилди. Жумладан, П. П. Семёнов (1856—57), Н. А. Северцов (1866—78), А. П. Федченко (1868—71), В. Ф. Ошанин (1876—78), В. А. Обручев (1886—88) Ўрта О. тоғ ва чўлларини, Ч. Валихонов (1858—59) Қашқарни, Н. М. Пржевальский (1870—85) Марказий О.ни тадқиқ қилди.

19- аср охири ва 20- аср бошларида, хусусан, И. В. Мушкетов, Л. С. Бергнинг Ўрта О., В. А. Обручевнинг Сибирь, В. Л. Комаровнинг Камчатка, А. Н. Краснов ва А. И. Воейковнинг Шарқий ва Жанубий О. га доир тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

О. ни кўпгина совет илмий тадқиқот ин-т лари ва муассасалари — СССР ФА География

ОСИЁ, ЭТНОГРАФИК КАРТА





ин-ти, СССР Госплани ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганиш Совети, СССР ФА Сибирь бўлими ўрганмоқда. Совет экспедициялари СССР нинг О. қисмида ва хорижий О. нинг қўшни қисмларида бир қанча кашфиётлар қилди, комплекс тадқиқотлар ўтказди (Арктикада бир қанча ороллар кашф этилди, Шимоли-Шарқий Сибирь, Становой тоғлиги, Помирнинг орографик схемалари янгидан тузилди ва ҳ. к.).

Аҳолиси. О. да 2 млрд. 176 млн. аҳоли яшайди (1974), бу Ер шари аҳолисининг 56% идир; шундан СССР О. қисми аҳолиси 70,8 млн. киши (1975, Қавказ б-н бирга 83 млн. дан ортиқ). 20-аср бошларидан О. аҳолиси 2 баравар ўсди; урушдан кейинги даврда аҳоли айниқса тез ўсди; 1950 йилдан 1967 йилгача 620 млн. (йилига ўртача 2%) кўпайди.

Антропологик состави. Олд, Жанубий, Шарқий ва Жануби-Шарқий О. нинг асосий р-ларида инсоният тарихининг илк даврларидаёқ одамлар яшаган, қуйи *палеолит* даврида Жануби-Ғарбий О. да эҳтимол, ҳозир-

ОСИЁ ЭТНОГРАФИК КАРТАСИГА ИЗОҲ

(қавс ичида аҳоли сони млн. киши ҳисобида келтирилган, 1975 йил ўрталари. С. И. Брук маълумотлари асосида).

ҲИНД-ЕВРОПА ОИЛАСИ

I. Ҳинд группаси

1. Бенгаллар (125)
2. Ассомлар (10)
3. Орийлар (23)
4. Бихарликлар (66)
5. Ҳиндистонлилар (109)
6. Ражастхонилар (14)
7. Панжобилар (48)
8. Лахнда (15)
9. Гужаротлар (32)
10. Бхиллар (2,6)
11. Непаллар (гуркхлар, кхаслар. тхару. (8,5)
12. Пахарлар (3,9)
13. Гужарлар (1,1)
14. Синдхлар (12)
15. Маратҳалар (48)
16. Қашмирлар (2,7)
17. Кхо. шина, кўҳистонлилар, пошоилар (0,6)
18. Сингаллар (9,8)
19. Мальдивлар (0,12)
20. Беддалар (0,0008)

II. Эрон группаси

21. Форслар (16)
22. Талишлар (0,08)
23. Осетинлар (0,5)
24. Курдлар (9,3)
25. Лурлар (1,1)
26. Бахтиёрийлар (0,6)
27. Тожиклар (6,4)
28. Помир тожиклари (0,12)
29. Ҳазоралар (1,8)
30. Чор аймоқлар (0,7)
31. Афғонлар (пштулар) (21)
32. Балужлар (2,7)
33. Нуристонилар (кофирлар) (0,14)

III. Славян группаси

34. Руслар (48)
35. Украинлар (3,5)

IV. 36. Греклар (0,7)

V. 37. Арманлар (4,5)

VI. 38. Биробижан яҳудийлари (0,015)

VII. КАВКАЗ ОИЛАСИ

39. Грузинлар (ва лазлар) (3,6)
40. Абхазлар (0,09)
41. Адигейлар, черкаслар ва кабардинлар (0,57)
42. Чеченлар ва ингушлар (0,9)
43. Тоғли Дағистон халқлари (1,1)

VIII. 44. Буришлар (0,05)

СЕМИТ-ҲАМИТ ОИЛАСИ

IX. 45. Араб халқлари (42)

X. 46. Осурийлар (айсорлар) (0,2)

XI. 47. Исроил яҳудийлари (3,0)

УРАЛ ОИЛАСИ

XII. Фин группаси

48. Комилар (0,03)

XIII. Угор группаси

49. Ҳантилар (0,02)
50. Мансилар (0,007)

XIV. Самодий группаси

51. Ненецлар ва энецлар (0,025)
52. Нганаслар (0,0001)
53. Селькуплар (0,004)

ОЛТОЙ ОИЛАСИ

XV. Туркий группа

54. Туркlар (37)
55. Озарбайжонлар (10)
56. Қашқайлар (0,5)
57. Афшарлар (0,5)
58. Туркманлар (2,9)
59. Қозоқлар (6,7)
60. Қирғизлар (1,7)
61. Ўзбеклар (12)
62. Қорақалпоқлар (0,26)
63. Уйғурлар (5,5)
64. Салорлар (0,04)
65. Татарлар (1,5)
66. Нўғайлар (0,05)
67. Қўмиқлар (0,2)
68. Болқорлар (0,07)
69. Қорачойлар (0,13)
70. Бошқирдлар (0,2)
71. Олтойлар (0,06)
72. Шорлар (0,02)
73. Хакаслар (0,07)
74. Тувалар (0,18)
75. Ёқутлар (0,32)
76. Дўлғонлар (0,005)

XVI. Монгол группаси

77. Халха-монголлар (1,1)
78. Хитой монголлари (2,1)
79. Бурятлар (0,37)
80. Ойротлар (0,1)
81. Тулар (монгорлар) (0,075)
82. Дунсянлар (0,22)
83. Дахурлар (0,06)

XVII. Тунгус-манжур группаси

84. Эвенклар (0,033)
85. Эвенлар (0,012)
86. Нанайлар (0,011)
87. Улчилар (0,002)
88. Орочлар (0,001)
89. Удэгелар (0,001)
90. Ороклар
91. Манжурлар (3,5)
92. Сиболар (0,025)
93. Орочонлар (0,003)

XVIII. 94. Корейслар (52)

XIX. 95. Японлар (110)

XX. 96. Айнлар (0,02)

XXI. 97. Эскимослар (0,115)

98. Алеутлар (0,0005)

XXII. ПАЛЕООСИЁ ХАЛҚЛАРИ

99. Чукчалар (0,013)
100. Кориклар (0,007)
101. Ительменлар (0,001)
102. Юкагирлар (0,0006)
103. Нивхлар (0,004)

XXIII. 104. Кетлар (0,001)

ХИТОЙ-ТИБЕТ ОИЛАСИ

XXIV. Хитой группаси

105. Хитойлар (ханьлар) (810)
106. Хуэйлар (5,2)

XXV. Тибет-Бирма группаси

107. Тибетлар, шерпалар (4,7)
108. Цзянлар (0,05)
109. Ҳималай халқлари (неварлар, канаурлар, лахули ва б.) (3,5)
110. Нцзулар (4,8)
111. Ханлар (0,8)
112. Лисулар (0,5)
113. Наснлар (0,2)
114. Лахулар (0,3)
115. Байлар (0,85)
116. Бара-бодолар (1,9)
117. Нагалар (0,7)
118. Качинлар (цзинпо) (0,6)
119. Куки-чинлар (2,3)
120. Бирмаликлар (23)
121. Каренлар ва каялар (3,0)

XXVI. Тай оиласи

122. Сиёмлар (кхонтайлар) (21)
123. Лаолар (12)
124. Тоғлик тайлар (2,5)
125. Шанлар (2,1)
126. Тайлар (0,7)
127. Чжуанлар (10)
128. Буйлар (1,9)
129. Дунлар (1,0)
130. Лилар (0,5)

XXVII. Мяо-яо оиласи

131. Мяолар (меолар) (4,0)
132. Яолар (1,3)

XXVIII. 133. Вьетнам оиласи (39)

XXIX. МОН-ҲХМЕР ОИЛАСИ

134. Ҳхмерлар (8,1)
135. Тоғлик ҳхмерлар (банар, седан ва б.) (1,85)
136. Монлар (талаин) (0,65)
137. Тоғлик монлар(1,3)
138. Ҳхаслар (0,53)
139. Сенойлар ва семанглар (0,035)
140. Никобарлар (0,02)

XXX. МУНДА ОИЛАСИ

141. Санталлар (4,3)
142. Мундалар (1,4)
143. Корку ва мунда оиласининг бошқа халқлари (1,6)

XXXI. ДРАВИД ОИЛАСИ

144. Тамиллар (46)
145. Телугулар (52)
146. Каннаралар (25)
147. Малаялилар (24)
148. Тулулар (ва кодагулар) (1,4)
149. Гондлар (ва кандхлар) (3,2)
150. Сраонлар (1,4)
151. Брагулар (0,45)
152. Шри Ланка мавр лари (0,75)

АВСТРОНЕЗИЯ (МАЛАЙЯ-ПОЛИНЕЗИЯ) ОИЛАСИ

XXXII. Индонезия группаси

А. Индонезлар

153. Индонезия малайлари (7,6)
154. Минангкабаулар (5,1)
155. Режанг-лебонглар (1,0)
156. Ачелар (ачинлар) (2,1)
157. Гайо ва аласлар (0,18)
158. Батаклар (3,1)
159. Ниаслар ва ментавалар (0,55)
160. Кубу ва лубу (0,025)
161. Яваликлар (60)
162. Сундлар (18)
163. Мадурлар (8,8)
164. Балиликлар (2,6)
165. Даяклар (2,5)
166. Пупанлар (0,08)
167. Минахасланлар (0,65)
168. Горонталлар (0,5)
169. Тораджлар (1,4)
170. Мандарлар (0,4)
171. Буғлар ва мажасарлар (5,2)
172. Бутунглар (0,65)
173. Кичик зонд ва Молукка ороллари индонезлари(8)

Б. Филиппинлар

174 Тагаллар, илоклар, биколлар ва Лусоннинг бошқа халқлари (20)
175. Висайлар (19)
176. Ифугао, набалойлар, букидноплар ва Филиппиннинг бошқа тоғлик халқлари (1,7)
177. Аэталар (0,07)
178. Моролар (2,0)

В. Бошқа индонезхалқлари

179. Малайзия малайлари (6,1)
180. Чамалар (0,2)
181. Тоғлик чамалар (раглай, жарай, ва б.) (0,55)
182. Жакунлар (0,014)
183. Гаошанлар (0,3)

XXXIII. 184. Андаманлар (0,0001)

XXXIV. 185. Шимолий хальмахерлар (0,3)

XXXV. Аҳоли яшамайдиган терр-ялар.

ги типдаги одам (Homo Sapiens) таркиб топган. О. нинг катта қисмида одамлар юқори палеолит ва мезолит давридан яшай бошлаган. О. дан одамлар Америка, Австралия, Океанияга ўтган. О. да европеоид, монголоид, австралоид ирқлари келиб чиққан. Аҳолининг кўп қисми (1217 млн.) монголоид ирқининг турли группаларига киради. Олд. О., Шимолий Ҳиндистон, Урта О. халқлари (тожиклар) европеоид ирқига мансуб. Бир қанча кам сонли халқлар (5 млн.) австралоид ирқи вакилларидир. Ғарбий Сибирь пасттекислиги, Жанубий Урал, Олтой, Қозоғистон, Урта О., Шимолий Ҳиндистондаги бир қанча халқлар (18 млн.) европеоид-монголоид аралаш ирқига киради.

Этник состави. О. аҳолисининг этник состави ниҳоятда хилма-хил. Бу ерда кўплаб тил оилалари ва группаларига мансуб бир неча юз халқ яшайди (этнографик картага қ.).

Аҳолисининг жойлашиши. О. да аҳоли нотекис жойлашган. 1 $км^2$ да аҳолининг ўртача зичлиги 46 киши. Япония (1 $км^2$ да 273 киши), Ливан (240 киши), Корея (185 киши), Шри Ланка (172 киши), Ҳиндистонда (155 киши) аҳоли зич. Жанубий ва Марказий Хитойдаги соҳиллар ва йирик дарёларнинг водийлари, Япониянинг жанубий қисмида, Ганг дарёси бўйида ва Брахмапутра этакларида, Ҳиндистон я. о. нинг шарқий соҳили, Меконг дарёси водийси, Ява оролида 1 $км^2$ жойга 30—500 киши, баъзан 1000—1500 киши тўғри келади. Шу б-н бир қаторда Марказий О. да шимолий ва олд О. нинг кўпчилик р-ларида аҳоли жуда сийрак. Чўлларда (Рубул-Ҳолий, Дашти Қабир, Такламакон, Гоби) ва Тибет, Ҳималай, Ҳиндикуш тоғларининг баланд жойларида аҳоли деярли яшамайди.

Демографик очерки. 1960—65 йилларда ҳар 1000 киши ҳисобидан туғилиш 41, ўлим 20, табиий ўсиш 21 нафарни ташкил қилди (бу кўрсаткичлар Европадагидан тахм. 2 марта ортиқ; СССРнинг О. қисмида ўлганлар сони О. нинг бошқа қисмларидагига нисбатан 2 марта кам). Хорижий О. да туғилганлар ва ўлганлар сонининг кўп бўлиши (хусусан болалар орасида ўлимнинг кўплиги) ва ўртача умрнинг қисқалиги (40—50 ёш) туфайли ривожланаётган мамлакатларда ёшлар кўп (14 ёшгача бўлганлар 38%, Европада эса 25% дан ҳам кам), кексалар кам (60 ёшдан катталар 6%, Европада эса 14%). О. да хотин-қизларга нисбатан эркаклар кўп (55 млн.).

Сиёсий бўлиниши. О. терр-ясининг $^1/_3$ қисмидан кўпроғи, унинг шимолий қисми Совет Иттифоқи таркибида.

О. сиёсий картаси (жадвалга қаранг) Россиядаги Окт. соц. рев-яси, хусусан 2- жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврдаги миллий озодлик кураши оқибатида таркиб топди. Монголияда (1921), Вьетнамда (1945), Кореяда (1948) халқ-демократик ҳокимияти ўрнатилди. Британиянинг собиқ мустамлакалари мустақилликка эришди (Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри Ланка, Иордания, Мальдив ороллари, Малайзия, Сингапур, Яман Халқ-Демократик республикаси, Яман Араб Республикаси, Индонезия, Сурия, Ливан, Лаос, Камбоджа). Палестинининг бир қисмида Исроил давлати пайдо бўлди. 1971 йили Абу-Даби, Дибай, Шаржа, Ал-Фужайра, Умм аул-Кайвайн, Ажман князликларининг бирлашувидан Бирлашган Араб амирликлари давлати тузилди. 1972 йили бу давлат таркибига Рас ул-Хайма князлиги ҳам қўшилди.

Тайвань ва Рюкю оролларини АҚШ идора қилади. Исроил Иордания, Миср, Сурия терр-ясининг бир қисмини босиб олган.

Хорижий Осиёнинг сиёсий бўлиниши.

Давлатлар	Майдони (минг $км^2$)	Аҳолиси (минг киши ҳисобида)	Пойтахти ва маъмурий маркази
Афғонистон	655	17900 (1973)	Қобул
Бангладеш	142,7	71300 (1974)	Дакка
Баҳрайн	598,3	225,2 (1974)	Манама
Бирлашган Араб амирликлари	86,3	310 (1972)	Абу-Даби
Бирма	678	29500 (1974)	Рангун
Бутан	50	1300	Тхимпху
Вьетнам Социалистик Республикаси	332,6	41900 (1974)	Ханой
Индонезия	1904,3	129000 (1974)	Жакарта
Иордания	97,7	2418 (1973)	Аммон
Ирок	434,9	10400 (1974)	Багдод
Исроил	20,7	3305 (1974)	Тель-Авив
Камбоджа	181	7000 (1974)	Пномпень
Кипр	9,251	638 (1974)	Никосия
Корея	220,8	47000 (1974)	
Корея Халқ-Демократик Республикаси	121,2	15200 (1974)	Пхеньян
Жанубий Корея	98,4	31800 (1974)	Сеул
Кувайт	20,7	8830 (1973)	Ал-Кувайт
Лаос	236,8	3110 (1972)	Вьентьян
Ливан	10,4	3000 (1973)	Байрут
Малайзия	3326	11000 (1973)	Куала-Лумпур
Мальдив Республикаси	298	123	Мале
Монголия Халқ Республикаси	1565	1378,1 (1974)	Улан-Батор
Непал	140,8	11556 (1973)	Катманду
Покистон	806,5	64900 (1972)	Исломобод
Саудия Арабистони	2253	8000 (1973)	Арриёд
Сейшель Республикаси	0,4	60 (1976)	Виктория
Сингапур	0,581	2200 (1973)	Сингапур
Сурия Араб Республикаси	185,2	6900 (1973)	Дамашқ
Таиланд	514	38359 (1973)	Бангкок
Туркия (Осиё қисми)	780,1	37500	Анқара
Уммон (султонлик)	212,4	730 (1973)	Маскат
Филиппин	299,7	40000	Манила
Хитой Халқ Республикаси	9597	867000 (1973)	Пекин
Шри Ланка	65,5	13234 (1973)	Коломбо
Эрон	1648	30160 (1972)	Теҳрон
Яман Араб Республикаси	195	6000 (1973)	Сано
Яман Халқ-Демократик Республикаси	287,7	2000 (1973)	(Шааб Адан Аш)
Ҳиндистон	3268,1	582000 (1973)	Деҳли
Япония	372,2	109600 (1973)	Токио
Қатар	22	170 (1973)	Дўҳа
Аоминь (Макао)	16	300 (1973)	Аоминь
Бруней (Брит-)	5,8	200 (1972)	Бандар-Сери-Бегаван
Сянган (Гонконг), (Брит.)	1,012	4300 (1972)	Сянган
Тимор (Порт.)	14,9	600 (1972)	Дили

Эслатма. Исроилга оид рақамлар босиб олган терр-ялари б-н бирга кўрсатилган, ўз майдони 14 минг $км^2$, аҳолиси 2756 минг киши (1969).

Ад.: Зарубежная Азия. Физическая география, М., 1956; Қитъалар табиий географияси, Т., 1966; Мурзаев Э. М., Узоқ Осиёда, Т., 1963; Власова Т. В., Физическая география частей света, 2 изд., М., 1966; Суслов С. П., Физическая география СССР. Азиатская часть, 2 изд., М., 1954; Сянцын В. М., Палеогеография Азии, М. — Л., 1962; Тектоника Евразии масштаб 1:5000000, под ред. А. Л. Яншина, М., 1966; Витвицкий Г. Н., Климаты зарубежной Азии, М., 1960; Павлов Н. В., Ботаническая география зарубежных стран, ч. 1—2, М., 1965; География и классификация почв Азии, (Сб. ст). М., 1965; Народы Передней Азии, М., 1957; Народы Восточной Азии, М. — Л., 1965; Народы Юго-Восточной Азии, М., 1966; Народы Южной Азии, М., 1963; Народы Средней Азии и Казахстана, т. 1—2, М., 1962—63; Народы Кавказа, т. 1—2, М., 1960—62; Ер шари аҳолиси. Справочник, Т., 1972.

«ОСИЁ» — жадидлар газетаси. 1908 йил 9 апрелдан Тошкентда А. Бектемиров муҳаррирлигида нашр этилган. Газетада эски мактаб ва мадрасаларни ислоҳ қилишга доир, маҳаллий буржуазия манфаатларини ҳимоя қиладиган мақола ва шеърлар босилган. Жами 5 сони чиққан.

ОСИЁ — Бухоро обл. Қоракўл р-ни Жиғачи қ. С. даги қишлоқ. «Бухоро» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Қоракўлдан 26 *км*. Аҳолиси 944 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Аму-Қоракўл каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт, Емонжар насос станцияси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОСИЁ АНТИЦИКЛОНИ, Марказий Осиё антициклони, Монголия антициклони, Сибирь антициклони — Осиё устидаги юқори атм. босимли барик майдон. Унинг марказида ўртача босим январь ойида 1030 *м бар* дан ошади. Осиёнинг материк қисмида О. а. даврида совуқ (ер юзасига яқин қатламларда), сокин, кам булутли, кам қорли об-ҳаво ҳукмронлик қилади. Энг паст т-ра О. а. нинг шимоли-шарқида (Верхоянск шаҳрида) кузатилади. Бунда т-ра —70°С гача пасаяди, январь ойидаги ўртача т-ра —50°С дир.

О. а. нинг пастки қатламларидан совуқ ҳавонинг чиқиб кетишига Саян, Олтой ва б. тор чўққилари тўсқинлик қилади, шунинг учун О. а. стационар— турғун антициклондир. Осиёнинг шарқий чеккаларида, шарқ ва жануби-шарқдан ахён-ахёнда денгиз ҳавоси бостириб келиши натижасида антициклоннинг марказий р-ларига қараганда қиш иссиқроқ бўлади. О. а. нинг жануби-ғарбий қисми Урта Осиё терр-ясига таъсир қилиб, бу ерда турғун, очиқ, тинч об-ҳавога сабаб бўлади. Ёзда О. а. *Осиё депрессияси*га алмашинади.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ — икки қитъа ёзувчиларининг адабий ассамблеялари. Дастлаб 1956 йил декабрда Осиё ёзувчилари Деҳлида тўпландилар. Бу конференцияда 17 мамлакат ёзувчилари, жумладан СССР ёзувчилари ҳам қатнашди. Конференция Осиё ёзувчилари ўртасида кенг алоқани вужудга келтириш, турли халқлар адабиётларини бир-бири б-н таништириш ва халқаро маданий алоқаларни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилди. Осиё ёзувчиларининг ана шу бирдамлик руҳи Тошкент конференциясини юзага келтирди. Конференцияда Африка қитъаси вакиллари ҳам қатнашадиган бўлди. Тошкент конференциясида Осиё ва Африканинг 37 мамлакатидан, шунингдек Европа ва Америкининг 13 мамлакатидан делегат қатнашди. Конференция Осиё ва Африканинг турли мамлакатларидаги адабиётлар ва маданиятларнинг ривожланиши, турли қитъаларда яшовчи халқларнинг ғарб маданиятлари ҳамда бу маданиятларнинг ғарб адабиёти б-н алоқаси масалаларини кўриб чиқди. Шунингдек, конференция «Осиё ва Африка ёзувчиларининг доимий бюросини тузиш тўғрисида резолюция»ни қабул қилди. Мазкур бюро Қоҳирада бўладиган конференцияга тайёргарлик ишини кўриб чиқди. «Тошкент руҳи» янада камол топган Қоҳира конференцияси (1962, февраль)да тинчлик, бирдамлик, тараққиёт масалаларига эътибор қилинди. Конференция Доимий бюронинг кенг составини сайлади ва Байрут конференциясига тайёргарлик кўрди. 1967 йил мартда Байрутда 2 қитъа ёзувчилари иштирокида халқаро проблемалар муҳокама қилинди, санъаткорнинг бурчи масаласи кун тартибидан асосий ўрин олди. 1968 йили Тошкентда Биринчи Тошкент конференциясининг ўн йиллигига бағишланган икки қитъа ёзувчиларининг симпозиуми бўлиб ўтди. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг навбатдаги конференцияси 1970 йил ноябрда Деҳлида ўтказилди. Бунда 40 мамлакат вакиллари қатнашди. Совет делегациясига Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси раиси Комил Яшин раҳбарлик қилди.

1974 йилнинг март ойида Олмаота шаҳрида Осиё ва Африка ёзувчиларининг бешинчи конференцияси бўлиб ўтди. Олмаота конференцияси ҳам олдинги конференциялар сингари маданиятнинг илғор арбоблари ўртасида ҳамкорлик иттифоқининг рамзи ва миллионлаб кишиларнинг фикр ва орзуларини, эзгу туйғуларини ифодаловчи адабиёт усталарининг дўстлигини ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим босқич бўлди.

ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ ТАШКИЛОТИ — халқаро жамоат ташкилоти. Вазифаси Осиё ва Африка халқларининг империализм, мустамлакачилик, неоколониализм, ирқчилик, сионизм ва фашизмга қарши озодлик курашини бирлаштириш ва координациялаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётига ёрдам беришдир. Ташкилот ўзининг Қоҳирадаги 1-конференцияси (1957 йил 26 декабрь—1958 йил 1 январь)да Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги кенгаши номи б-н тузилган. 2-конференциясида эса ташкилотнинг номи О. ва А. х. б. т. деб ўзгартирилди. Унга 80 га яқин ташкилот аъзо. Ташкилотнинг фаолиятида Европа социалистик давлатларининг бирдамлик комитетлари қўшилган аъзо сифатида, бир неча халқаро ташкилотлар, шу жумладан Жаҳон касаба союзлари федерацияси, Хотин-қизларнинг халқаро демократик федерацияси, Жаҳон демократик ёшлар федерацияси, Жаҳон тинчлик кенгаши, Студентларнинг халқаро иттифоқи кузатувчи сифатида иштирок этади. Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети бу ташкилот тузилгандан бери унга аъзо.

Ташкилот ташаббуси б-н Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари, хотин-қизлари ва ёшлари конференциялари чақирилган, антиимпериалистик курашнинг актуал масалалари бўйича конференциялар ўтказилган. Ҳар йили озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган Африка ва Осиё мамлакатлари халқлари б-н бирдамлиги куни ўтказиб турилади. Ташкилотнинг олий органи — конгресс 3 йилда 1 марта, 2 йилда 1 марта координациялаш органи Президиумининг сессияси, ҳар йили кенгаш сессиялари чақирилади. Ташкилотнинг ишчи



Осимов М. С.

органи — Доимий секретариат; Ташкилотнинг штаб квартираси — Қоҳирада. Ташкилот «Осиё ва Африка халқлари» ойлик журналини инглиз, араб ва француз тилларида нашр этади.

1973 йилгача Ташкилотнинг 5 конференцияси — Қоҳира (1957, 1972), Конакри (1960), Мошн (1963), Виннебе (1965) да ўтказилди. Зарур бўлса, Ташкилотнинг фавқулодда конференциялари ҳам чақирилади. Мас., 1967 йили Қоҳирада араб халқининг Исроил агрессиясига, 1968 йили Қоҳирада Вьетнам халқининг Америка империализмига қарши курашини қувватловчи фавқулодда конференциялари ўтказилди.

ОСИЁ ДЕПРЕССИЯСИ, Жанубий Осиё депрессияси — Осиё устида пайдо бўладиган паст босимли барик майдон. Ёз ойларининг ўртача кўп йиллик карталарида берилади. О. д. марказидаги босим июль ойида тахм. 995 *мбар*. О. д. нинг жанубий қисми экваториал депрессия, яъни Осиё материгининг экваториал қисмида қизиган ва тропик кенгликларга силжиган ҳаводан, шимолий қисми эса материк устида кўп учрайдиган циклонлардан ташкил топади.

ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ МУЗИКА МИНБАРИ — ЮНЕСКО ҳузуридаги Халқаро музика кенгаши ўтказадиган халқаро анжуман. 1969 йили таъсис этилган. Ҳар икки йилда бир марта ўтказилади. Анжуманнинг мақсади Осиё халқларининг музика мероси ва ҳозирги замон музика санъати б-н (магнит лентaларини тинглаш орқали) танишиш, бадиийлик ва ижрочилик санъати нуқтаи назаридан етук асарларни ажратиб, дунё радио муассасаларига тавсия қилишдан иборат. Биринчи ва иккинчи анжуманлар Парижда ўтказилган (1969, 1971). 1972 йили Халқаро музика кенгашининг ташкилий комитети кейинги анжуманлар Осиё қитъасида ўтказилишига қарор қилди. Учинчи анжуман Олмаотада 23 Осиё мамлакати вакиллари иштирокида ўтди (1973 йил 17—21 октябрь). Унда магнит лентaларини тинглашдан ташқари, минбар тарихида биринчи марта махсус концертлар ва назарий симпозиум ўтказилди. Анжуманда ўзбек музика мероснинг турли жанрлари б-н таништирувчи магнит лентaлари эшиттирилди. Минбарнинг саралаш комитети Тошкент Давлат консерваториясининг мақомчи-студентлари ансамбли ижро этган «Таржеи Бузрук»ни саралаган асарлар қаторига киритди. Симпозиумда Ўзбекистон музикашуносларидан Ф. Кароматов, Т. Визго, Т. Фофурбеков лар қатнашдилар.

ОСИЁ МУЗЕЙИ — рус шарқшунослиги илмий текшириш муассасаси, шарқшуносликка оид китоблар ва турли шарқ тилларидаги қўл ёзмалар тўпланган кутубхона. У 1818 йил ноябрда Петербургда (ФА қошида) очилган. Дастлаб Шарқ тангалари коллекцияси, қўл ёзмалар ва б. материаллар тўпланган. Кейинчалик Россияда Шарққа оид қўл ёзма ва китобларнинг энг йирик хазинаси бўлиб қолди. 1917 йилга келиб ўзига хос музей-кутубхонага айланган. Унда Б. А. Дорн, С. Ф. Ольденбург, В. В. Бартольд, И. Ю. Крачковский, В. М. Алексеев ва б. йирик шарқшунослар ишлаган. 1921 йили О. м. қошида Шарқшунослар коллегияси ташкил топди. 1930 йилда шу музей ва б. шарқшунослик муассасалари негизида Ленинградда СССР ФА Шарқшунослик ин-ти тузилган.

Ад.: Базилевич А., Кузнецова Н., Кулагина Л., Азиатский музей - Институт востоковедения АН СССР (1818—1968), М., 1969.

ОСИЁ РИВОЖЛАНИШ БАНКИ — Осиё мамлакатларида турли тараққиёт программаларини маблағ б-н таъминлаш учун тузилган ҳукуматлараро кредит муассасаси. О. р. б. ни барпо қилиш ҳақидаги қарор БМТнинг Осиё ва Узоқ Шарқ учун Иқтисодий комиссияси мажлиси (1965 й. дек., Манила ш.)да қабул қилинди. Устави 1966 й. августдан кучга кирди. Банкнинг асосий мақсади Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатларининг иқтисодий тараққиётига инвестиция, молия-кредит, техника ва б. воситалар б-н ёрдамлашишдан иборат деб эълон қилинди. О. р. б. нинг ҳамма операцияларида Америка доллари асосий валюта ҳисобланади.

Банкнинг устав капитали 1 млрд. доллар қилиб белгиланган. О. р. б. да АҚШ ва Япония етакчи роль ўйнайди. Булар ҳар бирининг квотаси банк устав капиталида 200 млн. долларни ташкил қилади. Саноати ривожланган капиталистик мамлакатлар устав капиталининг катта қисми (68,4%) ни назорат қилади ва банк сиёсатини белгилайди, ривожланаётган Осиё мамлакатларининг О. р. б. даги устав капитали 31,6% ни ташкил этади. Бош идораси Манила шаҳрида. Бошқариш органлари барча аъзо мамлакатларнинг вакилларидан ва бошқарма (директорат)дан иборат. Банкка мухтор мамлакат вакили ва бошқарма раиси бўлган президент бошчилик қилади.

О. р. б. иқтисодий жиҳатдан кучли мамлакатнинг ўз қарорларини иқтисодий кам тараққий этган мамлакатларга зўрлаб қабул қилдирувчи ташкилотдир.

Ад.: Ленин В. И., Империализм капитализмнинг юқори босқичи, Ас., 27-т.; Аникин А. В., Кредитная система современного капитализма, М., 1964; Шенгер Ю. Е., Очерки советского кредита, М., 1961.

ОСИЁ ЧИГИРТКАСИ (Locusta migratoria migratoria L.) — чигиртқаларнинг галалашиб яшовчи кенжа тури. Бўйи 35—55 *мм*, кул ранг, сарғиш-яшил ёки яшил; қанот устлигида қўнғир холлар бор. Личинкалари ёлғиз яшайдиган даврида яшил, сариқ, қора, галалашиб яшайдиган даврида эса қора холли оч сариқ.

О. ч. Жанубий Европа, Қозоғистон, Урта Осиё, Жанубий Сибирь, Монголия, Шимолий-Ғарбий Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва Шимолий Африкада тарқалган. СССР Европа қисми жанубидаги дарё этаклари, шунингдек Амударё, Сирдарё дельталаридаги қамишзорларда кўп учрайди. О. ч. деярли ҳамма экинни, айниқса, ғаллани қаттиқ зарарлайди (яна қ. *Чигиртка*).

ОСИЙ (араб. عاص) — 1) ислом динии ақидаларига кўра, дин ва шариатга зид ҳаракат қилган, худога, муқаддас китобларга «тил тегизган» шахс, гуноҳкор; 2) қўзғолончи, исёнкор.

ОСИЛМА МУЗЛИК — тик тоғ ён бағирларидаги саёз ботиқларда жойлашган музлик. Бундай музлик ён бағирнинг этагигача етиб келмасдан, гўё осилиб тургандай кўринади (қ. *Музликлар*).

ОСИМОВ Муҳаммад Сайфиддинович (1920. 1. 9, Ленинобод) — совет файласуфи. ТожССР ФАнинг акад. (1965), Тожикистон ССР ФА президенти (1965 йилдан). ССР ФА мухбир аъзоси (1974). 1945 йилдан КПСС аъзоси. А. Навоий номли Узбек Давлат ун-тини тугатган (1941). 1946—52 йилларда Ленинобод Пед. ин-ти директорининг ўринбосари, Душанба Политехника ин-ти ректори (1956—62), 1962—65 йилларда ТожССР Халқ маорифи министри, Тожикистон КП МҚ секретари, ТожССР Министрлар Совети раиси ўринбосари, Тожикистон КП МҚ аъзоси. Тожик Совет Энциклопедиясининг бош редактори (1969 йилдан).

О. фалсафа, физиканинг фалсафий масалалари, Шарқ халқларининг илмий ва фалсафий тафаккури тарихига оид бир қанча асарлар [«Марксистик философиянинг буюк асари» (В. И. Ленининг «Материализм ва эмпириокритицизм» асари ҳақида, 1960), «Материя ва оламнинг физик тасвири» (1966), «Фалсафий тафаккурнинг вужудга келиши ва тараққиёти» (1970)] муаллифи. 6-чақириқ ТожССР Олий Совети ва 7—9-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. Ленин ордени ва 4 та бошқа орден ҳамда медаллар б-н мукофотланган.

ОСИПЕНКО Полина Денисовна [1907. 25. 9 (8. 10)—1939. 11. 5]—совет ҳарбий учувчиси, майор, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1938). 1932 йилдан Компартия аъзоси. 1931 йилдан Совет Армиясида. Качинск ҳарбий авиация мактабини тугатган (1932). Ҳарбий учувчи ва звено командири бўлган. 1938 йили Севастополь — Евпатория — Очаков — Севастополь маршрутлари бўйлаб қўнмасдан учиб ўтган, хотин-қизлар орасида 5 марта халқаро рекорд ўрнатган. Хизмат бурчини бажариш пайтида ҳалок бўлган. 2 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОСИПОВ Василий Николаевич [1917. 17 (30). 12, Петроград] — совет ҳарбий учувчиси, майор, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1942 йил 20 июнь; 1944 йил 13 март). 1942 йилдан КПСС аъзоси. 1937 йилдан Совет Армиясида. 1-Чкалов ҳарбий-авиация билим юртини тугатган (1940). Улуғ Ватан урушида Жанубий, Жануби-Ғарбий ва б. фронтларда учувчи, звено командири, узоққа учувчи бомбардимончи авиаполкда эскадрилья командирининг ўринбосари ва командири. Донбасс, Жанубий Украина ва Қримни озод этишда қатнашган. Душманнинг муҳим объектларига 400 га яқин жанговар парвоз қилган. Ҳаво жангида 28 та душман самолётини уриб туширган. Урушдан сўнг Ҳарбий-Ҳаво Кучларида хизматда. 1949 йили Олий офицерлар учув-тактик мактабини битирган. 1954 йилдан запасда. 2 марта Ленин ордени, 3 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ОСИПОВ ИСЁНИЙ — ТуркАССРнинг ҳарбий комиссари Қ. Осипов бошчилигидаги аксилинқилобчи унсурлар исёни. 1918 йил охири ва 1919 йил бошларида Туркистон АССР фронтлар ҳалқаси ичида қолганлигидан фойдаланган оқ гвардиячи группалар антисовет қўзғолонга тайёргарлик кўра бошладилар. Англия ва Америка агентларининг ёрдамида иш кўраётган яширин оқ гвардиячи «Туркистон ҳарбий ташкилоти» 1918 йил 28 декабрда К. Осипов бошчилик қилган контрреволюцион группа б-н бирлашди. Фитначилар Совет ҳокимиятига қарши исён тайёрлаш учун К. Осипов бошчилигида контрреволюцион марказ — «Муваққат комитет» туздилар. Бу марказ ҳокимиятни босиб олиш планини ишлаб чиқди ва халқ манфаатига зид бўлган «ҳукумат» тузди. «Муваққат комитет» 1919 йилнинг март-апрелида Тошкент, Фарғона, Еттисувда бир вақтнинг ўзида Советларга қарши исён кўтаришни мўлжаллади. Бу исён оқ гвардиячилар ва интервентларнинг ҳамма фронтларда ҳужумга ўтишлари б-н бир вақтда бошланиши керак эди. Исён тайёрланаётганлиги Совет ҳукуматининг органларига маълум бўлиб қолганлиги сабабли «Муваққат комитет» белгиланган муддатни ўзгартириб, исённи 1919 йил 18 январдан 19 январга ўтар кечаси бошлашга қарор қилди. Бунда Осипов чор ҳукуматининг собиқ офицерлари бошчилик қилаётган ҳарбий қисмларга таянди. 19 январга ўтар кечаси Тошкентда *Туркистонлик ўн тўрт комиссар* ваҳшийларча ўлдирилди.

«Озодлик уйи», Тупроққўрғон ва Бош темир йўл устахоналаридан ташқари, бутун шаҳар 19 январь эрталаб исёнчилар қўлига ўтди. О. и. ҳамда партия ва совет раҳбарларининг қатл қилиниши ҳақида хабар топган Тошкент партия ташкилоти Тошкент ишчилар синфини Улуғ Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга чақирди. Бош темир йўл устахонаси ишчилари, Тупроққўрғондаги қизил аскарлар, 4-Туркистон полки солдатлари ҳамда Самарқанд, Фарғона, Перовск меҳнаткашлари юборган жанговар отрядлар бирлашиб, 1919 йил 21 январда исённи бостирдилар. Осипов кичик отряд б-н Фарғона босмачиларига қўшилди. Кейинчалик Бухорога ўтиб, амир ва инглиз разведкаси малайларидан бири бўлиб қолди. Тошкент контрреволюциясининг тор-мор қилиниши интервентлар ва маҳаллий контрреволюционерларнинг Туркистонда Совет ҳокимиятини йўқотиш планини бутунлай барбод қилди.

Ад.: Ўзбекистон ССР тарихи, 3-т., Т., 1971; Назаров М. Х., Туркистон интервенция ва граждан-лар уруши даврида (1918—1920 йиллар), Т., 1961; Иноятов Х. Ш., Ўзбекистонда Октябрь революциясининг ғалабаси, Т., 1967.



Осипенко П. Я.




Осипов В. Н.


ОСЛО (1624—1924 йилларда Кристиания) — Норвегиянинг пойтахти. Осло-фьорд соҳилида, 300—400 *м* баландликда. Иқлими мўътадил. Январининг ўртача т-раси —5° гача, июлники 16°. Йиллик ёғин 677 *мм*. Майдони 453 *км*². Аҳолиси 473 минг (1973 й.), шаҳар атрофи б-н 700 минг кишидан зиёд.


Шаҳарга 1048 йилда асос солинган. 13-а. охири — 1380 йилларда Норвегия қироллари-нинг қароргоҳи. 1572 йилдан Данияга қарашли Норвегиянинг маъмурий маркази. 1624 йилги ёнғиндан кейин шаҳар эски ўрнидан нарироқда қайта қурилган ва Кристиания деб номланган, 1924 йилдан О. деб атала бошлади. 1814 йилдан мамлакат пойтахти. 1940 й. 9 апр. дан 1945 й. 8 майгача шаҳарни немис-фашистларнинг қўшинлари оккупация қилиб турган.

О.— Норвегиянинг энг катта иқтисодий ва маданий маркази, йирик денгиз порти (юк обороти 1971 йилда 5 млн. *т*). Порт орқали мамлакат ташқи савдо юкларининг $^1/_3$ қисми ўтади. Т. й. узели. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. О. ва унинг атрофидаги корхоналар Норвегияда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 20% ини беради. Машинасозлик ва металлсозлик саноати тармоқлари ривожланган. Энер-




Осло шаҳрининг умумий кўриниши.



1 Кирол саройи
2 Тарих музейи
3 Ҳукумат биноси
4 Ратуша
5 Акерсхус қўрғони
6 Норвег халқ музейи
7 „Кон-Тики" музейи, „Фрам" музейи
8 Ботаника боғи
ОСЛО
Марибоскоген к.
Бреннкоген к.
Сонсвоин к.
Бустад
Бустадвейен
Хольменколлен
Сетерен
Ульлевол 418
Хагеборг
Тонсенхаген
Энерн
Грурюд
Хасле
Брюн
Тенер
Хейенхалль
Сименсбротен
Ламбертсетер
Нурстранд
Хольтеколлен
Несоддтанген
Приндалз 225
Хольмен
Хаслум
Хаслумстранд
Хаслумфлоттен
Хаслумсетер
Хаслумсетер о.
Хаслумсетер оф.
Хаслумскоген
Хаслумскоген о.
Хаслумскоген оф.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о.
Хаслумскоген оф. о



3-расм. Эклиптик система.



4-расм. Галактик система.



Осмон сфераси.

айланаси дейилади. Айлананинг эклиптикадан ёритқичгача бўлган ёйи эклиптик кенглама β дейилади, β ёритқичнинг эклиптика системасидаги биринчи координатидир. Ёритқичнинг иккинчи координатаси — эклиптик λ узунлама — Υ нуқтадан ёритқичнинг кенглама айланасигача бўлган ΥM ёйидир. λ Қуёшнинг йиллик ҳаракати йўналишида ҳисобланиб, 0° дан 360° гача ўзгаради. Эклиптик системада ёритқичнинг β ва λ координаталари сутка давомида ўзгармайди ва кузатиш жойига боғлиқ эмас. Галактик системада асосий катта айлана бўлиб, галактик экватор BDB^1 ҳисобланади, яъни Сомон йўлига параллель бўлган осмон сферасининг катта айланасидир, қутби — шу айлананинг қутби Г дир. Галактика шимолий қутбининг экваториал координаталари $\alpha=$ 12 соат 49 минут ва $\delta=+28°$. Ёритқич σ нинг вазиятини аниқлашда ундан ва қутб Г дан катта айлана ўтказилади, бу айланага галактик кенглама айланаси дейилади. Галактик экватордан ёритқичгача бўлган MQ ёйга галактик кенглама b, осмон экватори б-н галактик экваторнинг кесишган нуқтасидан галактик кенглама айланасигача бўлган бурчакли масофа l галактик узунлама дейилади (4-расм). (l, β)—галактик координаталар системаси дейилади.

Ад.: Полак И. Ф., Умумий астрономия курси. Т., 1965.

ОСМОН МЕХАНИКАСИ — *астрономия*нинг Қуёш системасидаги жисмларнинг гравитацион майдондаги ҳаракатларини ўрганадиган бўлими. Ҳозирги замон О. м. нинг асосий бўлими — *астродинамика*. У сунъий осмон жисмларининг ҳаракатини кузатади. «О. м.» терминини биринчи марта П. *Лаплас* (1798) фанга киритган.

О. м. шуғулланадиган масалалар: 1) осмон жисмларининг гравитацион майдондаги ҳаракатини ўрганиш (*n* жисм масаласи, хусусий ҳоллари: *икки жисм масаласи* ва *уч жисм масаласи*); 2) табиий ва сунъий осмон жисмлари (*сайёралар*, йўлдошлар, *кометалар*, космик *зонд*лар) ҳаракатининг математик қонунларини яратиш; 3) астрономик кузатишларни назарий кузатишлар б-н солиштириш ва шу йўл б-н фундаментал астрономик доимийлар (орбита элементлари, сайёра массаси, Ер шакли ва унинг гравитацион майдонини ифодалайдиган катталикларнинг сон қийматлари)ни аниқлаш; 4) астрономик эфемерид (астрономик йилномалар)ни тузиш.

Тортишиш кучи таъсирида жисмларнинг илгарилама ҳаракатини ўрганишда ҳар бир жисм массаси шу жисм массасига тенг бўлган моддий нуқта б-н алмаштирилади. О. м. да массаси m_i бўлган n та моддий нуқтанинг тортишиш кучи майдонидаги ҳаракат қонунларини ўрганиш n жисм масаласи дейилади. n жисм масаласининг математик ечими мураккаб бўлгани учун О. м. да баъзи хусусий масалалар (ечими Қуёш системасининг бирон хоссасига боғлиқ бўлган масалалар) кўрилади. Мас., сайёра ва кометалар фақат Қуёшнинг тортишиш майдонида ҳаракатланади деб қаралади. Бунда уларнинг ҳаракат тенгламасининг ечими чекли бўлади. n жисм масаласида фақат икки жисм масаласигина тўлиқ ечилган. Уч жисм масаласи баъзи ҳоллар учунгина ечилган. Катта сайёралар системасининг ҳаракат тенгламаси математик *қаторга* ёйиш (аналитик усул) ёки сонли *интегралаш* усулли ёрдамида ечилади. Йўлдошлар ҳаракати ҳам катта сайёралар ҳаракатига ўхшайди, лекин ўзига хос хусусиятлари бор: сайёра массаси Қуёш массасидан анча кичик бўлгани учун Қуёш сайёра йўлдошларига ҳам таъсир қилади. Сайёрага яқинроқ бўлган йўлдошлар ҳаракатига сайёранинг шакли ҳам таъсир қилади. Ой орбитаси Ернинг тортишиш кучи сферасидан батамом ташқарида бўлгани учун ўзига хос ҳаракатланади, шунинг учун Ой ҳаракати тенгламасининг умумий ечимида сайёраларникига қараганда чексиз қаторлар кўпроқ бўлади. Ҳозирги замон О. м. назариясида Ойнинг ҳаракат тенгламаси икки жисм масаласида эмас, Хилл масаласи (уч жисм масаласи) ёрдамида ҳал этилади.

О. м. да n жисм масаласининг бевосита татбиқ қилинадиган қисмида аналитик методлар, яъни сайёралар ва йўлдошларнинг ҳаракат назарияси ишлаб чиқилган. Аналитик усуллар ҳаракатни иккига ажратади — содда қонунлар асосида содир бўладиган асосий ҳаракат (икки жисм масаласи) ва унга киритиладиган, тузатмалар. Кўпинча, асосий ҳаракат *Кеплер* ҳаракати, тузатмалар, тенгсизликлар ёки чекинишлар дейилади. Чекинишни ҳисоблаш масаласи ҳозирча қониқарли ечимга эга эмас, лекин сайёраларнинг ҳаракатини бир неча аср учун олдиндан катта аниқликда ҳисоблаб бериш усуллари мавжуд. Аналитик усулларда чекинишлар чексиз қаторлар кўринишида берилади. Қаторнинг ҳар бир ҳади, ўз навбатида, чекиниш ёки тенгсизлик деб аталиб, қуйидаги уч кўринишдан бирини олади:

$$1)\ At^m;\ 2)\ At^m \sin(\nu t + c);\ 3)\ A \sin(\nu t + c);$$
$$(m = 1, 2 \ldots),$$

бунда: t — вақт, c — ёруғлик тезлиги, A — чекинтирувчи сайёраларнинг мусбат даражали массалари, At^m — асрий чекинишлар, $At^m \sin(\nu t + c)$ — аралаш чекинишлар ва $A \sin(\nu t + c)$ — даврий чекинишлар.

Сайёраларнинг массаси Қуёш массаси бирлигида олинганлиги учун тартиб ортган сари чекиниш миқдори жуда тез камаяди. Иккинчи тартибли чекинишлар катта сайёралар ҳаракатига сезиларли таъсир қилиши мумкин. Фақат *Юпитер* ва *Сатурн*нинг ўзаро чекинишлари текширилганда учинчи тартибли бир неча ҳад назарга олинади. Сайёраларнинг осмон сферасидаги вазиятлари (эфемеридаси)ни олдиндан ҳисоблашда уларнинг координаталарига чекинишлар учун тузатмалар киритилади.

Кичик сайёра ва кометаларнинг ҳаракатига аналитик методларни татбиқ этилса, осмон жисмлари орбиталарининг эксцентриситетлари ва оғмалигига боғлиқ бўлган кўпгина қийинчиликлар юзага келади. Уларнинг ҳаракатини ўрганишда сонли интегралаш методидан фойдаланилади.

Ой ва сайёра йўлдошлари ҳаракатини текширишда сайёра ва Қуёшнинг тортиш кучи, сайёра сфера шаклида эмаслиги ҳисобга олинади. О. м. сайёра ва йўлдошларнинг шакли ва ўз ўқи атрофида айланишини ҳам текширади. Ҳозирча фақат Ер ва Ойнинг айланиш назарияси батафсил ишлаб чиқилган.

Ад.: Дубошин Г. Н., Небесная механика. 3 изд., М., 1975; Гребеников Е. А., Рябов Ю. А., Новые качественные методы в небесной механике, М., 1971; Брумберг В. А., Релятивистская небесная механика, М., 1972; Полак И. Ф., Умумий астрономия курси. Т., 1965.

ОСМОН СФЕРАСИ — осмон ёритқичларининг вазиятини кўрсатиб берувчи хаёлий ва ихтиёрий радиусли сфера. Ёритқичларнинг ўрнини ва унинг кўринувчи ҳаракатини ўрганишда *осмон координаталаридан* фойдаланилади. Расмда О. с. нинг схемаси берилган. О. с. нинг текисликдаги проекцияси $PZSP'Z'N$ айланадир. Кузатувчи айлана марказида турса, бу айлана кузатувчи турган жойнинг меридиани бўлади. Кузатувчи турган нуқтадаги шоқулнинг йўналиши ZZ' вертикал чизиқ деб аталади. Вертикал чизиқнинг О. с. б-н кузатувчининг тепасида (горизонт юқорисида) кесишган нуқтаси *зенит* (Z) ва унга диаметрал қарама-қарши томонда кесишган нуқтаси *нодир* (Z') дейилади. Z ва Z' нуқталаридан ўтган вертикалга ўтказилган катта айлана вертикал айлана ёки вертикал дейилади. Вертикал ўққа перпендикуляр қилиб ўтказилган катта айлана $SWNE$ горизонт текислигидир. Кузатувчи О. с. нинг фақат горизонт текислигидан юқорида жойлашган ёритқичларни кузата олади.

Осмон ёритқичлари сутка давомида Ер атрофида (*олам ўқи PP'* атрофида) кўринма ҳаракатда бўлади. Олам ўқига ўтказилган перпендикуляр айланалар олам параллелларн, уларнинг энг каттаси эса олам экватори дейилади. Олам экватори б-н горизонт текислигининг кесишувидан ҳосил бўлган бурчак кузатувчи турган жойнинг географик кенглиги (Ψ) га тенг. Горизонт текислигининг осмон меридиани ($PZSP'Z'N$) б-н кесишган нуқталари оламнинг қайси қутбига яқин турганлигига қараб шимолий нуқта (N) ёки жанубий нуқта (S) деб аталади. Шимолий ва жанубий нуқталарни ўзаро бирлаштирувчи NS тўғри чизиқ туш чизиғи дейилади. *Эклиптика* олам экватори б-н $\varepsilon=23°27'$ бурчак ташкил этади. Бу текисликлар кесишган нуқталар баҳорги ва кузги тенгкунлик нуқталардир. О. с. сутка давомида шарқдан ғарбга томон юлдуз суткасига тенг давр б-н айланади.

ОСМОНСОЙ — Жиззах обл. Фориш р-нидаги сой. Нурота тоғининг шимолий ён бағридан бошланиб шимолга оқади. Узунлиги 24 *км*, ҳавзасининг майдони 31 *км*². Ўртача йиллик сув сарфи 0,17 *м*³/*сек*, оқим модули 5,5 *л*/*сек км*². Баҳорда суви кўпаяди. О. дан Киров номли с-з ерлари суғорилади.

ОСМОНСОЙ — Жиззах обл. Фориш р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Киров номли с-з территориясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззахдан 57 *км*. Аҳолиси 650 киши (1971); чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қозонбулоқдан сув ичади.

ОСМОРЕГУЛЯЦИЯ (юнон. osmos — босим ва лат. regulo — йўналтираман) — организм ички муҳитидаги (ҳужайралар ўртасидаги, лимфа ва қондаги) суюқликлар *осмотик босим*ининг нисбат бир хилда бўлишини таъминловчи физик-кимёвий ҳамда физиологик жараёнлар мажмуи. О. осмотик актив моддалар (асосан туз, шунингдек сув) концентрацияси турлича бўлган муҳитда яшовчи организмларга хос; мас., чучук сувда ва қуруқликда яшовчиларда, денгиздаги барча умуртқалиларда (миксиндан бошқа), баъзи қисқичбақасимонлар ва б. да. О. *рефлекс* асосида амалга ошади, яъни бунда қон ёки ҳужайралараро суюқликдаги осмотик босимнинг ўзгаришини осморецепторлар қабул қилиб, мазкур сигнал сув ва туз алмашинувини (нефридийлар, буйрак, туз безлари ва б. орқали) бошқарувчи нерв марказига ўтказилади. Гиперосмотик О., гипоосмотик О. ва изоосмотик О. бор. Гиперосмотик О. (бунда организм ички муҳитининг осмотик босими ташқи муҳитникидан ортиқ бўлади) чучук сувда яшайдиган барча ҳайвонларга ва денгиз тоғайли балиқларига, гипоосмотик О. (организмнинг ички осмотик босими ташқи муҳитникидан кам бўлади) денгизда яшовчи суякли балиқларга ҳамда судралиб юрувчиларга, изоосмотик О. (организмнинг ички муҳити ва ташқи муҳитнинг осмотик босимлари ўзаро тенг бўлади) денгиз моллюскалари, игна танлиларга хос ва б. Сут эмизувчиларда О. ни, асосан, *буйрак* бажаради.

ОСМОС (юнон. osmós — туртки, босим) — эритувчининг эритма б-н эритувчи орасига ёки концентрацияси турлича бўлган икки эритма орасига қўйилган ярим ўтказувчи парда орқали ўтиши ҳодисаси. Эритувчи (мас., сув) О. туфайли суюқроқ эритмадан қуюқроқ эритмага ўтади. О. эритмалар концентрацияси орасидаги фарқни йўқотиб, системани мувозанат ҳолатига келтиришга интилади. Бу ҳодисани дастлаб 1748 йилда А. Нолле кузатган. Нолле туби мол пуфаги б-н бекитилган шиша найга қанд эритмаси солиб, найнинг пуфакли қисмини сувга ботирганида най ичига пуфак орқали сув кириб, найдаги суюқлик кўтарила бошлаган. Сувнинг пуфак орқали найга ўтиши маълум босим (*осмотик босим*) туфайли содир бўлади. Суюқлик найда маълум баландликка қадар кўтарилади; найдаги суюқликнинг гидростатик босими осмотик босимга тенглашса, суюқлик кўтарилишдан тўхтайди. Бу баландликнинг катталиги осмотик босимнинг ўлчови бўлиб хизмат қилади. О. ҳажми чекланган суюқликнинг ички томонига йўналган бўлса эндосмос, ташқи томонига йўналган бўлса экзосмос дейилади.

Ярим ўтказувчи пардаларни полимер материалдан (мас., коллодийдан) ёки ивиқсимон чўкмалардан (мас., мис ферроцианн $Cu_2[Fe(CN)_6]$ чўкмасидан) тайёрлаш мумкин.

О. полимерларнинг молекуляр характеристикасини аниқлашда, эритмаларни концентрациялашда, баъзи бир полимер материалларини олишда, юқори минерали сувларни тозалашда қўлланилади. О. ҳодисаси ўсимлик ва ҳайвон организмларида ниҳоятда катта аҳамиятга эга, чунки организмдаги ҳар қайси ҳужайра ярим-ўтказгич вазифасини бажара олади. Дарахтларда сув О, тўфайли юқорига кўтарилади.

ОСМОТИК БОСИМ. диффузия босими — суюқликда эриган модданинг диффузия ҳаракати туфайли юзага чиқарадиган босими. О.б. эритувчи б-н эритма орасига қўйилган ярим ўтказувчи (ўзидан эритувчини ўтказиб, эриган моддани ўтказмайдиган) парда ва осмометр ёрдамида аниқланади. О.б. эритмада эриган модданинг концентрациясини ўта камайтириш учун эритувчининг эритмага сўрилишини юзага келтириб чиқаради (қ. *Осмос*). О. б. қонунларини Де-Фриз, В. Пфеффер ҳамда Вант-Гофф кашф этганлар. Де-Фриз қонунига мувофиқ, турли моддаларнинг бирдек моляр концентрацияли эритмалари бир хил О. б. га эга. Вант-Гофф қонунига кўра О. б. эритманинг концентрацияси ва абсолют т-расига боғлиқ: $P = CRT$, бу ерда P — эритманинг О. б. и., C — эритманинг моляр концентрацияси, T — абс. т-раси, R — универсал газ доимийси ($R = 0{,}082 \frac{л \cdot ат.}{град \cdot моль}$). Вант-Гофф О.б. қонунларига





Оссуарий. ҚҚАССРдаги Миздахқон харобасидан топилган (7—8- асрлар).

асосланиб эритмаларнинг физик назариясини яратди.

Осмотик босими бир хил бўлган эритмалар **изотоник** ёки изоосмотик эритмалар, агар бир эритманинг осмотик босими бошқасиникига нисбатан юқори бўлса, **гипертоник**, паст бўлса, **гипотоник** эритма дейилади.


О. б. ни ўлчаш методлари ва техникаси ҳақидаги таълимот **осмометрия** деб аталади. Осмометрия асосан полимерларнинг молекуляр массасини аниқлайди. Ҳайвон, ўсимлик ҳужайралари, микроорганизмлар ва биологик суюқликларнинг осмотик босими уларнинг суюқ муҳитида эриган моддаларнинг концентрациясига боғлиқ. О. б. турғунлиги сув-туз алмашинуви б-н таъминланади.

Усимликлардаги О. б. уларнинг ўсиш шароитига боғлиқ.

Ад.: Раҳимов Ҳ. Р., Физик ва коллоид химия, Т., 1964.

ОСМУНДА, **чистоуст** (Osmunda) — осмундадошларга мансуб тенг спорали ўсимликлар туркуми. Илдизпояси кучли ривожланган. Патсимон ёки қўшпатсимон йирик барглари (узунлиги 1 *м*) илдизпоядан ўсиб чиқади. Спора ҳосил қилувчи барг бўлакларининг икки томонида шарсимон, қўнғир спорангийлар бор. 9 тури маълум, Шимолий ярим шарда тарқалган. СССРда 3 тури Узоқ Шарқ ва Закавказье ботқоқликларида ўсади. О. ёш баргларининг тукидан (пахта толаси б-н аралаштириб) дағал газламалар тўқишда фойдаланилади. Илдизпояси теплицаларда эпифит орхидеялар ўстиришда субстрат бўлиб хизмат қилади.

ОСОАВИАХИМ (Общество содействия обороне, авиационному и химическому строительству — Мудофаага, авиация ва химия қурилишига кўмаклашувчи жамият)—СССР граждан ларининг кўнгилли жамияти. 1927—48 йилларда мавжуд бўлган. Жамиятнинг асосий вазифаси мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида ҳарбий билимларни кенг тарқатиш ва халқни совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялашдан иборат бўлган. 1948 йили О. ўрнига 3 жамият — ДОСАВ, ДОСАРМ ва ДОСФЛОТ юзага келган. 1951 йилда бу жамиятлар ягона жамият — *ДОСААФ* га уюшган.



Останкино саройи.

«ОСОР УЛ-БИЛОД ВА АХБОР УЛ-ИБОД» آثار البلاد و اخبار العباد («Шаҳарларнинг обидалари ва Оллоҳнинг бандалари ҳақида хабарлар»)— Эрон тарихчиси Закарийя ибн Муҳаммад Қазвиний (1203 йил туғилган) асари. Тарихий адабиётларда кўпинча шартли равишда «Жуғрофия» деб юритилади. Унда ҳар қайси иқлимнинг аҳолиси, вилоятлари, шаҳарлари, тоғ, орол, кўллари ҳамда дарё ва бошқалари ҳақидаги маълумотлар алфавит тартибида берилган. Шунингдек, Эроннинг олим ва шоирлари ҳамда бизгача сақланмаган жуда кўп араб, форс манбалари ҳақида қимматли маълумотлар ва улардан парчалар келтирилган.

ОССУАРИЙ (лат. os — суяк)— зардуштийлик динига мансуб халқларда марҳумнинг суяги солинган сопол, тош ёки ганч кўра. Урта Осиё халқларида марҳум суягини О. га солиб кўмиш одати мил. ав. 1- миng йилликнинг 2- ярмида шаклланиб, 8- асргача (мусулмонча кўмиш расмлари қабул қилингунча) давом этган. Хоразмдан топилган қадимги О. ҳайкаллар шаклида бўлиб, ўликларни илоҳийлаштиришни ифодалаган. Урта Осиё, Эрон, Фаластин, Миср, Миздахқон ва б. жойлардан кўплаб О. лар топилган бўлиб, улар ерга ёки *наос*га ўрнатиб кўмилган.

ОСТАН (форс. استان — обл., вилоят)— 1937 йилдан Эронда жорий қилинган маъмурий-территориал бирлик. 1960 йилдан Эрон 14 О. га бўлинган. Ҳар бир О. нинг тартиб номери ва номи бор. О. ларни шоҳ томонидан тайинланган генерал-губернатор (**стандор**) бошқаради. У ички ишлар министрлигига бўйсунади. О. нинг ўзи ҳам бир неча р-лар — шаҳристонларга бўлинади.

ОСТАНКИНО — 18- аср бадиий архитектура ансамбли. Дастлаб граф Шереметевларнинг Подмосковьедаги эски қўргон-қароргоҳи. 1918 йилдан крепостнойлар ижоди сарой-музейи. 1791—98 йилларда ғиштин архитектура бинолари шаклида ёғочдан қурилган (архитектор ва лойиҳачилари П. И. Аргунов, А. Ф. Миронов, Ф. Кампорези, Е. С. Назаров, Ж. Кваренги ва б.). Рельеф ва фасадларни Ф. Г. Гордеев, Г. Т. Замараев ишлаган. О. даги асосий бўлма — шинам жиҳозланган сарой-театр залидир. Зал *анфилада*си ёғоч ўймакорлиги, ганчкорлик безаклари, ёзувлар, турли-туман ёритқич асбоблар б-н юксак бадиий савияда зийнатланган. О. ва унда сақланаётган қадимги ноёб мебеллар, картиналар, гравюра ва ҳайкалтарошлик асарлари ва б. 17—18- асрлардаги рус санъати ва архитектураси камолотидан далолат беради. О. ансамбли Троицк черкови (ҳозирги Ф. Э. Дзержинский номидаги маданият ва истироҳат боғи)ни ҳам ўз ичига олади. О. совет даврида таъмир қилиниб, давлат муҳофазасига олинган.

О. яқинида баландлиги 533 *м* бўлган Бутуниттифоқ телевизион маркази минораси қурилган.

ОСТГОТЛАР, **остроготлар**, **грейтунглар** — герман қабилалари, *готлар*нинг шарқий группаси. 3- аср бошларида Қора денгиздан шимолдаги даштларда яшаганлар. 375 йили ҳуннлар готларнинг қабила иттифоқига барҳам бергач, О. тарихи алоҳида тараққий эта бошлади. 488 йили О. Италияни босиб олган. Кейинчалик эса Италия, Сицилия, Альп олди р-нлари, Далмация ва Провансни ўз ичига олган жуда катта қироллик барпо қилганлар. 6- аср ўрталарида византияликлар б-н узоқ давом этган урушдан кейин О. қироллиги Византия томонидан босиб олинган (554).

ОСТЕО... (юнон. osteon — суяк)— қўшма сўз бўлаги. Суякка алоқадорликни билдиради. Мас., *остеомиелит*.

ОСТЕОЛОГИЯ (*остео*... ва ... *логия*)— суяклар ҳақидаги таълимот, нормал анатомиянинг бир бўлими. Суякларнинг шакли, қайси жойдан бошланиб қайси жойга ёпишувини, функцияси, жинслардаги тафовути, кимёвий таркибини текширади. Эмбрионда суякларнинг ривожланиш хусусиятларини, ёшга, ташқи ва ички муҳитга қараб суяклар шаклининг ўзгаришини, шунингдек суяк тўқимасини, суяк уст пардаси (периост)нинг аҳамиятини ўрганади. Мурдани ёриб текшириш, *гистология* техникаси ва суякларни микроскопия қилиш, рентгенда текшириш методи амалда қўлланила бошлагач, О. мустақил фан сифатида ривожланди. Умумий, хусусий ва қиёсий О. ҳамда ёш остеологияси фарқ қилинади.

ОСТЕОМА (*остео*... ва юнон. oma — ўсмалар номидаги қўшимча)— суяк тўқимасидан ҳосил бўладиган хавфсиз ўсма. Кўмикли суякдан тузилган (**кўмикли**), қаттиқ суякдан тузилган (**компакт**), суяк пардаси атрофидан чиқадиган (**параостал**) ва суякнинг бириктирувчи тўқимасидан чиқадиган (**периостал**) турлари бор.

ОСТЕОМАЛЯЦИЯ (*остео*... ва юнон. malakia — юмшоқлик)— одам ва ҳайвонлар (асосан, қорамоллар)да учрайдиган касаллик. Бунда моддалар алмашинуви (айниқса, минерал моддалар алмашинуви) бузилиб, кўпроқ суяк тўқимаси зарарланади (суяк юмшаб қолади) ва деформацияланади. Аёлларда, айниқса, ҳомиладорлик даврида кузатилади. Беморга сервитамин овқатлар буюрилади.

Ҳайвонларда озуқа рационида кальций, фосфор тузлари, витамин Д етишмаслиги, офтобдан баҳра олдирмаслик, ёш даврида қочириш О. га сабаб бўлади. Белгилари: ҳайвон бўшашади, кўп ётади, қалтирайди, суякларни юмшаб мўртлашади, чаноқ, оёқ суяклари қийшаяди, тиши қимирлайди, иштаҳаси бўғилади, суяк ва бўғимлари оғрийди. **Давоси**: витаминларга, минерал моддаларга бой ем-хашак берилади. Рационга суяк уни, фосфорин, монокальций фосфат, бўр, ош тузи, балиқ мойи керакли миқдорда қўшилади. Ҳайвонга сунъий ультрабинафша нур туширилади. Касалликнинг олдини олиш учун ҳайвонларни тўйимли ва сифатли ем-хашак б-н боқиш керак.

ОСТЕОМИЕЛИТ (*остео* ... ва юнон. myelos — мағиз, кўмик), **оқма** — кўмикнинг яллиғланиши. Бунда яллиғланиш процесси ҳеч қачон кўмик б-н чекланмай, суякнинг қаттиқ (компакт) қисмига ва пардаси (периост)га тарқалади (қ. *Периостит*). О. кўпинча, одам скелети ғовак суякларининг бўғимга яқин жойида учрайди. Йирингглатувчи микроблар (стафилококк, стрептококк) кўпинча О. га (носпецифик О.) сабаб бўлади. Микроблар суяк тўқимасига узоқдаги йиринг ўчоғидан, мас., чипқондан, ангинада яллиғланган муртак безларидан, янги туғилган болаларда инфекция тушган киндикдан қон оқими б-н (гематоген йўл б-н) келиши мумкин. О. сил, захм касалликлари оқибатида ҳам пайдо бўлади (специфик О.).

О. нинг ўткир ва хроник турлари бор. **Ўткир гематоген О.**, одатда, 8—17 ёшда рўй беради. Кўпинча бадан совқотгач ёки лат егач тўсатдан бошланади. Бемор жунжиб, т-раси 39—40° гача кўтарилади, пульси тезлашади, кўз олди қоронғилашади, ухлай олмайди, алаҳлайди. Сўнгра яллиғланган суяк оғрийди, устидаги тери шишиб, қизаради. Йиринг ёриб чиққанда т-ра пасаяди, беморнинг аҳволи яхшиланади. О. оқибатида йирингли артрит ривожланиши, *суяк синиши*, *сепсис* пайдо бўлиши мумкин. Қонда лейкоцитлар кўпаяди.

Хроник О., кўпинча, ўткир О. дан (йиринг ёриб чиққандан кейин) ривожланиб, йирингчиқадиган тешик ҳосил бўлади. Йиринг бемалол чиқиб турганда т-ра нормал бўлиб, асосан, кечаси ёки об-ҳаво ўзгарганда, жисмоний иш вақтида оғриқ сезилади. Йиринг тешиги қисқа вақт беркилиб турганда иситма чиқади, оғриқ кучаяди, яллиғланган суяк устидаги тери бўртади (О. нинг зўриқиши). Сўнгра йиринг тешиги яна очилиб қолади. О. ни врач даволайди.

ОСТИНАТО (итал. ostinato — қатъият, қунт б-н)— муайян куй ёки ритмнинг кетма-кет, кўп марта такрорланиши.

ОСТ-ИНДИЯ (ингл. East Indies — Шарқий Ҳиндистон)— Ҳиндистон ҳамда Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиёдаги баъзи мамлакатлар терр-яларининг европаликлар ўртасидаги эски номи. *Вест-Индия* терминининг акси сифатида вужудга келган. Уша вақтларда Американинг Кариб денгизидаги Х. Колумб кашф қилган оролларини «Ҳиндистон» деб ҳисоблаган европаликлар шарққа томон саёҳат қилиб, ҳақиқий Ҳиндистонни топгач, уни О.-И. деб атадилар. Англия, Голландия ва Франция *Ост-Индия компанияларининг* мустамлакачилик фаолиятлари натижасида О.-И. номи узоқ вақт сақланиб келди.

ОСТ-ИНДИЯ КОМПАНИЯЛАРИ — инглиз, голланд ва француз савдо-монополистик компаниялари номи. 17—19- асрларда Англия, Голландия ва Франциянинг Жанубий ва Жанубий-Шарқий Осиё ва Африкада олиб борган мустамлакачилик сиёсатида муҳим ўрин эгаллаган.

1. **Инглиз Ост-Индия компанияси** (1600—1858) Ост-Индия ва Хитойда савдо монополияси ҳуқуқига эга бўлган. Унинг Ҳиндистондаги марказлари — Мадрас, Бомбай ва Калькуттада эди. 17- асрдаёқ компания бир неча имтиёзлар — уруш олиб бориш ва сулҳ тузиш, танга-пул зарб қилиш, ҳарбий-дала судларини ташкил этиш, ҳарбий кучлари ва флотидан ўз истагича тўла фойдаланиш ҳуқуқларига эга бўлган. Бу компания голланд ва француз компаниялари б-н уруш олиб борган, Англиянинг Франция ва Голландияга қарши урушларида фаол қатнашган. Ҳиндистонни Англия мустамлакасига айлантиришда катта роль ўйнаган. Компаниянинг Ҳиндистондан тўпланган катта бойлиги Англияда *капиталнинг дастлабки жамғарилиши*нинг асосий манбаи бўлган. Ҳинд халқи компаниянинг зулмига қарши қўзғолон кўтарган (қ. *Ҳиндистон халқ қўзғолони*, 1857—59). Қўзғолон бостирилгач, Англия Ҳиндистонни эксплуатация қилиш формаси ва методини ўзгартиришга мажбур бўлди: компанияни тарқатди, Ҳиндистон Англиянинг вице-қиролига, Ҳиндистон ишлари бўйича министрга бевосита бўйсунадиган бўлди.

2. **Голланд (Нидерланд) Ост-Индия компанияси** (1602—1798) Нидерлан-



Островский А. Н.

дия мустамлака империясини тузишда муҳим роль ўйнаган. Компания Жанубий Африка, Сиам (Таиланд), Камбоджа, Жанубий Хитой ва Япониядаги факторияларига таяниб, Молукка оролларидан португалларни сиқиб чиқарган; Ҳиндистон, Шри Ланка ва б. жойларда ўз факторияларини очган. Компания, асосан, индонез халқини эксплуатация қилган. Компаниянинг катта даромади Голландияда капиталнинг дастлабки жамғарилишининг асосий манбаи бўлган. Компания инглиз Ост-Индия компанияси б-н олиб борган урушларидан сўнг бир неча фактория ва қалъаларидан маҳрум бўлиб қолди, қарзи кўпайиб кетгач, тарқатиб юборилди.

3. Француз Ост-Индия компанияси (1664—1719) Ҳиндистон б-н бўладиган савдони монополияга айлантириш мақсадида тузилган. Компанияни Франция қироллиги ҳукумати бошқарган. Тинч ва Ҳинд океанлари оролларида савдо ва навигация ҳуқуқига эга бўлган. Ҳиндистондаги факторияларининг маркази Пондишери эди. Ҳиндистон ва Яқин Шарқни эгаллаш учун Англия б-н узоқ кураш олиб борган. 18- асрнинг бошида бу компания тугатилиб, унинг мулклари Франциянинг Ҳиндистон компанияси деган антимонополистик бирлашмаси ихтиёрига ўтди.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Соч., 2 изд., т. 9; Антонова К. А., Английское завоевание Индии в XVIII веке, М., 1958.

ОСТИТ *(остео...* ва лат. itis — яллиғланиш) — суяк тўқимасининг яллиғланиши. Одатда, *остеомиелит* б-н бирга учрайди.

ОСТОНА — Сурхондарё обл. Денов р-ни Хайробод қ. С. даги қишлоқ. «Ғалаба» к-зи территориясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Хайроболдан 2 *км*. Аҳолиси 805 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, паллачилик б-н шуғулланади. Хайробод каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, к-з сут-товар фермаси бор.

ОСТОНА — Хоразм обл. Шовот р-ни Бешмерган қ. С. даги қишлоқ. Чкалов номли к-з территориясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 15 *км*. Аҳолиси 767 киши (1971); пахтачилик, паллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шовот каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОСТОНАЛАР, остона тошлар — дарё ўзанининг кўтарилган саёз жойлари. Бундай жойларда сув тез оқади. О., одатда, дарё қояларни ёки қаттиқ жинсларни кесиб ўтган жойларда ёки ўзанда катта ғўла тош (валун)лар тўпланиб қолган ерларда пайдо бўлади. Баъзан шаршараларда ҳам О. учрайди. О. этагига ГЭСлар (мас., Днепр остонасида ДнепроГЭС, Волхов остонасида Волховстрой) қурилади. О. кўпинча кема қатновига ва ёғоч оқизишга халақит беради.



Острица: *1* — ургочиси; *2* — эркаги.

ОСТРАВА, Моравска-Острава — Чехословакиянинг шимолий қисмидаги шаҳар. Чехия Социалистик Республикасида, Одра (Одер) дарёси бўйида. Шимолий Моравия областининг маъмурий маркази. Аҳолиси 279 миг киши (1970). Транспорт йўлларининг муҳим узели. Мамлакат кўмир-металлургия базасининг асосий маркази. Машинасозлик ва кончилик саноати олий ўқув юртлари бор.

ОСТРИЦА (Enterobius vermicularis) — оксиурат кенжа туркумига мансуб юмалоқ чувалчанг. Гижжанинг бир тури. Одам паразити. Урғочисининг узунлиги 9—12 *мм* бўлиб, дум қисми ингичкалашган. Эркагининг узунлиги 2—5 *мм*, дум томони тўмтоқ, қайрилган. Учта лабли оғзи охири кенгайган қизил ўнгачга очилади. О. лар ингичка ва йўғон ичакларда яшайди. Урғочи О. тўғри ичакнинг чиқариш тешиги яқинига тухум (12 мингга яқин) қўйиб, ҳалок бўлади. О. ўрмалаш ва тухум қўйиш даврида терини қичитади. Натижада уйқусизлик, нерв ва меъда-ичак фаолиятининг бузилиши рўй беради. Орқа чиқарув тешиги ва жинсий органлар атрофига тошма тошади. Одам ифлос қўл б-н овқатланганда О. тухумларини ютиб зарарланади. Давоси: олтингугурт, фенатиазин, генцианвиолет ва б. воситаларни қўлланиш, озоделикка риоя ва содали, саримсоқли клизма қабул қилиш.

ОСТРОВИТЯНОВ Константин Васильевич (1892—1969) — совет экономисти, жамоат арбоби, СССР ФАнинг академиги (1953), Чехословакия ФАнинг ҳақиқий аъзоси (1957). 1914 йилдан КПСС аъзоси. Москва коммерция ин-тини тугатган (1917). 1916 йили РСДРП яширин Москва комитетининг аъзоси. 1917 йилда Замоскворецк ҳарбий-революцион комитети секретари. 1919—21 йилларда партия ишларида хизмат қилган. 1922 йилдан Москва олий ўқув юртларида ўқитувчи. П. В. Плеханов номидаги Халқ хўжалиги ин-тида ректор ўринбосари (1925—29), Коммунистик академиянинг ҳақиқий аъзоси, президиуми аъзоси ва унинг илмий котиби (1930), СССР ФА Экономика ин-тининг сиёсий иқтисод сектори раҳбари (1936), М. В. Ломоносов номидаги Ленин орденли Москва Давлат ун-тининг профессори (1943). СССР ФА Экономика ин-тининг директори (1947—53). «Вопросы экономики» журналининг редактори (1948—54). СССР ФАнинг вице-президенти (1953—62). О. илмий асарларининг асосий қисми социализм сиёсий иқтисодининг муҳим проблемаларини ёритишга қаратилган. Социализмнинг иқтисодий қонунлари характери, экономика б-н сиёсатнинг муносабати, социалистик экономиканинг ривожланишида Совет давлатининг роли, яқимат қонунлари, социализмда ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол қилиш ва ш. к. масалаларга оид. О. Ленининг иқтисодий назария, айниқса, социализм сиёсий иқтисоди соҳасидаги назарий меросини системали ўрганишни йўлга қўйган биринчи совет экономисти. У КПСС 19- ва 20- съездларида МК аъзолигига кандидат қилиб сайланган. 2 марта Ленин ордени ва б. орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ОСТРОВСКИЙ Александр Николаевич (1823. 31. 3, Москва — 1886. 2. 6, Шчеликово ҳозирги Кострома обл. Островский р-ни) — рус драматурги. Чиновник — юрист оиласида туғилган. 1835—40 йилларда Москва гимназиясида, сўнгра Москва ун-тининг юридик ф-тида (1840—43) ўқиган. О. нинг эстетик қарашлари В. Г. Белинский ва Н. В. Гоголнинг «натуралистик мактаби» таъсирида шаклланган. Илк асарлари «Ночор қарздор» ҳамда «Оилавий бахт манзараси» дан парчалар 1847 йили нашр қилинган. «Қўйнидан тўкилса қўнжига» сатирик комедияси (1850) Николай I томонидан ман этилган. «Суймаганга суйканма» (1853), «Камбағаллик айб эмас» (1853) пьесаларида замонасининг энг муҳим ижтимоий ва ахлоқий масалалари, акс этган, зўравонлик ва капитал ҳукмронлик аёвсиз танқид қилинган.

60- йилларнинг бошларида революцион-демократлар Н. Г. Чернишевский, Н. А. Добролюбов, Н. А. Некрасов б-н яқин алоқада бўлган. «Современник», «Отечественные записки» журналларида иштирок этган ва «Сердаромад жой» (1857), «Асранди қиз» (1859) ва б. бир қанча пьесаларини яратган. О. ижодида «Момақалдироқ» пьесаси (1859) алоҳида ўрин тутади. Асарда хусусий мулкка асосланган тузумни инкор қилиш, социал норозилик ва демократик идеаллар учун кураш ғоялари ифодаланган. У «Кутурган пуллар» (1869), «Меҳнат нони» (1874), «Бўрилар ва қўйлар» (1875), «Сўнгги қурбон» (1878) каби пьесалар муаллифи. О. нинг «Момақалдироқ», «Сердаромад жой», «Камбағаллик айб эмас» пьесалари ўзбек тилига таржима қилинган ва республика театрларида қўйилиб келинади.

Ас., Полн. собр. соч., т. 1—13, М., 1949—53; Танланган асарлар, Т., 1956; Собр. соч., т. 1—10, М., 1959—60; Полн. собр. соч., в 12-т., т. 1—2, М., 1973—74.

Ад.: Филиппов В. А., Великий русский драматург А. Н. Островский, М., 1948; Машинский С., А. Н. Островский в воспоминаниях современников, М., 1966; Холодов Е. Г., А. Н. Островский. Очерк жизни и творчества, Ярославль, 1968; Наследие А. Н. Островского и советская литература, М., 1974.

ОСТРОВСКИЙ Николай Алексеевич (1904. 16. 9, Вилияя қишлоғи, ҳозирги Ровно обл. Острог р-ни — 1936. 22. 12, Москва) — рус совет ёзувчиси. 1924 йилдан КПСС аъзоси. Ишчи оиласида туғилган. Дастлаб диний мактабда (1913) ва Олий бошланғич ўқув юртида (1917—19) ўқиган. Биринчи жаҳон уруши йилларида т. й. ишчи-большевиклари б-н алоқада бўлган, 1919 йили комсомоллар сафига кирган ва кўнгилли бўлиб, фронтга жўнаган. Граждалар уруши даврида Қизил Армия сафида петлюрачи, деникинчиларга ва поляк босқинчиларига қарши олиб борилган курашда қатнашган. 1923—24 йилларда Киев губерниясида ва Шепетовка округ комсомол комитетида ишлаб, ёшларни халқ хўжалигини тиклаш ва аксилинқилобий унсурларга қарши курашга даъват этди. 1927—28 йилларда оғир хасталик натижасида О. нинг кўзи ожиз бўлиб қолди. У умидсизликка берилмай, ўз маълумотини оширди. Я. М. Свердлов номидаги коммунистик ун-тида сиртдан ўқиди, адабий ишга ўзини тайёрлади. Оғир дардга бардош бериб, О. 1932—34 йилларда автобиографик характердаги «Пўлат қандай тобланди» романини ёзди. Романда гражданлар уруши даврида Ленин комсомолининг туғилиши ва шаклланиши тарихи ифодаланган. Асар бош қаҳрамони Павел Корчагин 20- йиллар комсомолларининг умумлашма образидир. «Инсон учун энг қимматли нарса ҳаётдир,— дейди Павел Корчагин,— у инсонга бир марта берилади, киши уни шундай яшаши керакки, самарасиз ўтган йилларга қаттиқ ачиниб, сўнгра ўкинмасин, разил ва паст ўтмишнинг уяти юракни ёндирмасин, у ўлар экан: бутун кучим ва бутун умрим дунёда энг гўзал нарсага — кишиликни озод қилиш учун курашга берилган эди дея олсин («Пўлат қандай тобланди», Т. 1970, 247- бет). «Бўрон болалари» романи (1934—36) 1919—1920 йилларда ғарбий Украинада содир бўлган воқеалар ҳақида, меҳнаткашлар революцион онгининг шаклланиши тўғрисида ҳикоя қилади. Қатор публицистик мақолалари коммунистик партиявийлик руҳи б-н суғорилган. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Ленин ордени б-н мукофотланган. Ленин комсомоли мукофоти лауреати (1966).

Ас.: Собр. соч., т. 1—3, М., 1955—56; Сочинения, т. 1—3, М., 1969; Пўлат қандай тобланди. Роман, Т., 1970; Бўрон болалари. Повесть, Т., 1965.

Ад.: Тимофеев В., Ширяева М., Николай Островский. Критико-биографический очерк, М., 1957; Трегуб С., Живой Корчагин, 2 изд., М., 1973.

ОСТРОГОЖСК — РСФСР Воронеж областидаги шаҳар. Тихая Сосна дарёси бўйида. Аҳолиси 32 минг киши (1974). 1652 йилда қалъа сифатида вужудга келган. О. да озиқ-овқат, енгил саноат тармоқлари ривожланган. Автомобиль ремонти, ғишт з-длари, бўр-оҳак к-ти; совхозтехникум, медицина билим юрти, ўлкашунослик музейи бор.



Островский Н. А.

ОСТРОГРАДСКИЙ Михаил Васильевич (1801—1861) — рус математиги, Петербург математика мактабининг асосчиларидан бири, Петербург ФА нинг акад. (1830). Харьков университида (1816—20), шунингдек Парижда машҳур француз математиклари О. *Коши*, П. *Лаплас*, Ж. *Фурье* қўлида ўқиган (1822—28). О. нинг асосий ишлари математик анализ, сонлар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва б. соҳаларга оид. У қаттиқ жисм ва суюқликларда иссиқлик тарқалиши тенгламасини, ҳажм интегралини сирт интегралига ўтказувчи формулани келтириб чиқарди (қ. *Остроградский формуласи*), каррали интегралларда ўзгарувчиларни алмаштириш ва рационал функциялар аниқмас интегралининг рационал қисмини ажратиш қоидаларини топди. Механиканинг умумий вариацион принципи консерватив системалар учун У. Гамильтон томонидан таърифланган бир даврда, О. шу принципни консерватив бўлмаган система учун ифода қилди. О. кўплигина чет эл ФА нинг аъзоси қилиб сайланган.

Ад.: Гнеденко Б. В., Погребысский И. Б., Михаил Васильевич Остроградский (1801—1862), М., 1963.

ОСТРОГРА́ДСКИЙ ФОРМУЛАСИ — V ҳажм бўйича олинган интегрални шу ҳажм чегараланган S сирт бўйича олинган интегралга ўтказадиган формула:

$$\iiint\limits_V \left(\frac{\partial P}{\partial x} + \frac{\partial Q}{\partial y} + \frac{\partial R}{\partial z} \right) dx\,dy\,dz =$$

$$= \iint\limits_S P\,dy\,dz + Q\,dz\,dx + R\,dx\,dy,$$

бу ерда P, Q, R лар $(x, y, z) \in V$ нуқтанинг функциялари, ўнг томондаги интеграл иккинчи турдаги сирт интеграли. Бу формула М. В. *Остроградский* томонидан 1828 йилда, унинг n-ўлчовли интеграл учун умумлашмаси 1834 йилда топилган. О. ф. вектор кўринишда қуйидагича ёзилади:

$$\iiint\limits_V \operatorname{div} \vec{p}\, d\tau = \iint\limits_S \vec{p}\, \vec{n}\, ds,$$

бу ерда $\vec{p}$ — майдон вектори, $\vec{n}$ — сиртга ўтказилган ташқи нормалнинг бирлик вектори, ds — шу сирт элементи. О. ф. математика ва физиканинг турли соҳаларида кенг қўлланилади.

ОСТРОУМОВ Николай Петрович (1846. 15. 11, Тамбов губернияси, Сасове қишлоғи — 1930. 17. 11, Тошкент) — рус шарқшуноси. Қозон Диний академияси (1866—70) да таълим олган. 1877 йили Тошкентга кўчиб келган. 1879 йилдан халқ билим юрти инспектори, ўқитувчилар семинарияси директори. 1889 йилдан Эрлар клас-



Остроградский М. В.



Остроухова С. А.

сик гимназияси директори. Кейинчалик яна ўқитувчилар семинариясида ишлаган. Шунингдек, 1883—1917 йилларда О. *«Туркестанская туземная газета» («Туркистон вилоятининг газетаси»)*нинг муҳаррири ҳам бўлган. О. ташаббуси ва унинг қатнашувида А. С. Пушкин («Олтин балиқ ҳақида эртак»), Л. Н. Толстой, («Инсон нима б-н тирик») асарлари, шунингдек «Қадимги Мисрнинг қисқача тарихи», «Колумб ҳаёти», «Фаннинг нафи», «Табиий география ҳақида ҳикоялар», «Жаҳоннинг географик картаси» ва ш. к. брошюралар ўзбек тилида нашр этилган. 1907 йили О. Махтумқули шеърларидан бир тўплам ва Муқимийнинг «Девон»идан парчалар нашр қилган. Муқимий, Фурқат ва б. шоирларнинг асарларини марказий ва маҳаллий матбуотда бостирган, ўзбек халқ эртаклари, мақол ва маталларини тўплаган. О. ўлкашунос-тарихчи сифатида Урта Осиё тарихи, ислом тарихи, халқ маорифи тарихини яхши билган. Октябрь рев-ясидан сўнг О. совет муассасаларида ишлаган. О. монархизм ва православ миссионерлиги руҳида тарбияланган бўлиб, сиёсий қарашлари ва маслаги реакцион бўлиб, подшо ҳукумати мустамлакаларида яшайдиган халқларни руслаштириш сиёсати тарафдори эди.

Ад.: Список печатных трудов директора Туркестанской учительской семинарии Н. П. Остроумова за время службы его в Туркестанском крае с 1877 по 1917 годы, Сасове, 1920; Смирнов Н. А., Очерки истории изучения ислама в СССР, М., 1954. Лунин Б. В., историография общественных наук в Узбекистане, Т., 1974.

ОСТРОУХОВА Серафима Андреевна (1928, Тамбов обл. Токарев р-ни Остроухово қишлоғи)— мевашунос, қ. х. фанлари д-ри (1971), проф. (1972). Тошкент Қ. х. ин-тини тамомлаган (1952). Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот ин-тида аспирант (1953—56), Тошкент Қ. х. ин-ти мевачилик ва узумчилик кафедрасида лаборант, ассистент (1956—62), доц. (1962—71), проф. (1972 йилдан). Совуқдан зарарланган боғларни жадал тиклаш усуллари, Узбекистон шароитида туркман олмаси ҳамда Хитой хурмосини ўстириш ва б. устида илмий тадқиқот олиб борган.

Ас.: Удобрения садов и виноградников Узбекской ССР, Т., 1965 (А. А. Рибаков б-н биргаликда); Ўзбекистон мевачилиги, [Дарслик], Т., 1967 (А. А. Рибаков б-н биргаликда); Ўзбекистон узумчилиги [Дарслик], Т., 1969 (А. А. Рибаков ва б. б-н биргаликда); Плодоводство Узбекистана,, [Учеб. пособие], 3 изд., Т., 1972 (А. А. Рибаков б-н биргаликда).

ОСУРИЙЛАР, айсорлар (ўзларини атураи деб атайдилар) — халқ; Эрон, Ирок, Туркия, Сурия, Иордания, Ливан, АҚШ, СССР ва Европанинг бошқа бир қанча мамлакатларида яшайди. О. 1 млн. дан ортиқ (СССРда 22 минг О. яшайди, 1959). Ҳозирги осурий (янгиосурий) тили сом-хом тиллар оиласига мансуб. Диндор О.—христиан. О. нинг кўпчилиги қ. х. б-н шуғулланади. СССРда О. асосан шаҳарда яшайдилар. О. ўзларини қадимги осурийларнинг авлодлари ҳисоблайдилар ва кўпгина қадимги одатлар, анъаналар ва маданият элементларини сақлаб келадилар.

Ад.: Мар-Юханна И. И., Ассирийский вопрос во время и после первой мировой войны (1914—1933), М., 1968.



Остфриз қорамол зоти.

ОСУРИЯ (أشور)—Яқин Шарқдаги қадимги қулдорлик давлати (мил. ав. 20—7- асрлар). О. Дажла дарёсининг ўнг қирғоғидаги қадимги Ашшур (Ассур) шаҳар — давлати номидан келиб чиққан. О. аҳолиси асосан сомий-аккад халқларига мансуб бўлган. Мил. ав. 18- аср бошида Ашшур йирик давлатнинг маркази эди. Кейинчалик Бобил. 16—15- асрларда Митанни давлатлари қўл остига ўтган. Ашшур ҳукмдори Ашшурубаллит I (мил. ав. 15- аср охири 14- аср боши) Митаннини заифлашганидан фойдаланиб, мустақил бўлиб олган ва кучли давлат тузган. У Бобилни ҳам ўзига бўйсундирган. Унинг ворислари «О. подшоҳи» унвонини олишган. Мил. ав. 14—13- асрларда Шимолий Месопотамия ҳам О. га тобе бўлган. Тиглатпаласар I даврида (12- аср охири — 11- аср бошида) О. Бобил, Шимолий Сурия, Фаластин б-н уруш олиб борди. О. шоҳлари қароргоҳи Ашшур, Калху (ҳозирги Нимруд шаҳарчаси), 8—7- асрлардан Дур-Шаррукин (ҳозирги Хорсабод) ва Ниневия (ҳозирги Куюнжик) бўлган. Тиглатпаласар III ҳукмронлиги даври (мил. ав. 745—727)да босиб олинган терр-ялардаги халқлар тамомила қириб ташланмасдан, балки бир р-ндан иккинчи р-нга кўчирилган; нойибликлар кичик қисмларга бўлиб ташланган ва нойиблар ҳуқуқи чекланган; давлат томонидан таъминланган доимий армия тузилган. 100 йил ичида Олд Осиё (Урартудан ташқари) ва Миср нинг бир қисми босиб олинган. Тиглатпаласар III, Салманасар V (727—722) кейинчалик Синахериб (705—680) ҳарбийларга кўпроқ ён босиб, оқсуяклар, коҳинлар ҳуқуқини чеклаган. Мил. ав. 8- аср охиридан бошлаб О. га қарши бўлган давлатлар ва қабилалар коалицияси тузилган. Ашшурбанипал ҳукмронлиги даври (669—633) да коалицияга қарши олиб борилган урушлар натижасида О. аҳолисининг аҳволи оғирлашган. Мил. ав. 7- аср охирида Бобил б-н Мидия бирлашиб, О. нинг асосий йирик шаҳарлари вайрон қилинган ва О. оқсуяклари қириб ташланган (мил. ав. 626—605), қолган аҳоли Месопотамиядаги арамейлар б-н аралашиб кетган

Ад.: Дьяконов М. М., Развитие замельных отношений в Ассирии, Л., 1949; Редер Д. Г., Черкасова Е. А., Қадимги дунё тарихи, 1- қисм, Т., 1974.

ОСТФРИЗ ҚОРАМОЛ ЗОТИ — гўшт ва сут учун боқиладиган қорамол зоти. Германияда маҳаллий қорамолни голланд зоти б-н чатиштириб етиштирилган, туси ола-қора. Жуссаси йирик, сигирларининг вазни 500—600 *кг*, буқалариники 1000 *кг* гача. Янги туғилган бузоқлари 35—42 *кг*. Ғунажинлари 18—20 ойлигида қочирилади. Сигиридан ўртача 2800—3200 *кг*, айримларидан 4000—5000 *кг* гача сут согилади. Сутининг ёғлилиги 3,3—3,5%. О. қ. з. дан Узбекистонда жайдари моллар зотини яхшилаш мақсадида фойдаланилмоқда.

ОСЦИЛЛОГРАММА (лат. oscillum — тебраниш ва... *грамма*)— *осциллограф* экранида тасвирланадиган ва текширилаётган процесснинг вақтга боғлиқлигини ифодалайдиган эгри чизиқ.

ОСЦИЛЛОГРАФ (лат. oscillo — тебранаман ва *граф*)— икки ёки бир неча катталиклар (параметрлар ва функциялар; электр ёки электрга айлантирилган катталиклар) орасидаги боғлиқликни кузатишга имкон берадиган, катталикларнинг вақт бўйича ўзгариш эгри чизиқларини ўз-ўзидан ёзиб оладиган асбоб. Турли техника масалаларини ҳал қилишда ишлатилади.

Ад.: Шкурин Г. П., Справочник по электро и электронно-измерительным приборам, М., 1972.

ОСЦИЛЛЯТОР (лат. oscillare — тебраниш), вибратор — механик, электромагнит ва б. тебранишлар ҳосил қиладиган система. Система ҳолатини ифодаловчи катталиклар вақт бўйича даврий ўзгараётган бўлса, бундай системалар учун О. терминидан фойдаланилади. Системани мувозанат ҳолатидан чиқарувчи куч шу системани мувозанат ҳолатига қайтарувчи кучга пропорционал бўлса, бундай О. гармоник О. дейилади. Бунда О. частотаси система параметрларига боғлиқ бўлиб, гармоник тебранади. Мас., кичик тебранишлар б-н ҳаракатланаётган *маятник* гармоник О. бўла олиши мумкин. О. электромагнит майдон назариясида диполь деб ҳисобланади. Бундай О. нинг тўлқин тарқатиши электродинамика масалаларида муҳимдир. Молекула ва қаттиқ жисмдаги ионлар, атомлар, радикаллар ва б. нинг тебранишини ҳам О. деб қараш мумкин.

ОТ — сўз туркумларидан бири; конкрет предметларни ёки предмет сифатида тасаввур қилинадиган тушунчаларни ифодалайдиган мустақил сўзлар. О. қуйидаги морфологик белгиларга: 1) сон категориясига — отларнинг бирлик ва кўплик формалари: китоб, китоблар, бир неча китоб; 2) эгалик категориясига — предметнинг нутқдаги 3 шахсдан бирига тааллуқли эканлигини ифодаловчи формалар йиғиндиси: китобим, китобинг, китоби ва ҳ. к.; 3) келишик категориясига — от ёки отлашган сўзнинг бошқа сўзларга грамматик жиҳатдан боғланишини таъминлайдиган формалар йиғиндиси: китобни, китобга, китобда, китобдан каби; 4) от ясовчи махсус аффикслярга (-чи, -дош, -каш, -бон, -шунос, -дор каби); нарса-қурол оти ясовчиларга (-к, -ик, -ук, -қ, -иқ, -уқ, -оқ, -ки, -кич, -гич, -ма каби); ўрин-жой оти ясовчиларга (-лоқ, -зор, -истон каби) абстракт от ясовчиларга (-лик, -чилик, -гарчилик, -изм кабилар) эга. Бу аффикслар турли тилларда турличадир.


Маъно жиҳатидан О. лар дастлаб икки турга — атоқли (Тошкент, Амударё, Ойбек, Эркин каби) ва турдош (шаҳар, дарё, одам каби) О. ларга бўлинади. Турдош О. лар ўз навбатида конкрет (дарахт, трамвай, троллейбус каби), абстракт (ақл, идрок, муҳаббат, фожиа каби), якка (аспирант, студент, ўқитувчи, ишчи каби) ва жамловчи (халқ, армия, озчилик, кўпчилик каби) О. ларга ажралади.

О. лар кўпроқ морфологик ва синтактик усуллар б-н ясалади: иш+чи>ишчи, касб+дош>касбдош (морфологик усул), ош+қовоқ>ошқовоқ; кўз+ойнак>кўзойнак; раҳм+дил>раҳмдил (синтактик усул) каби. Тузилишига кўра отлар содда (ручка, қалам, хизматчи каби), қўшма (бедапоя, оққуш, қорасув каби), жуфт (опа-сингил, ота-бола, қозон-товоқ) ва қисқартма (БМТ, ЎзСЭ, ТошПИ каби) бўлади. Отларнинг қизча (кичрайтиш), қизалоқ (эркалаш), онажон (ҳурмат), Абдуллавой (ҳазил ва истеҳзо) каби формалари модал формалар саналади.

О. гапда кўпроқ эга, тўлдирувчи, қаратқичли аниқловчи, ҳол вазифаларида келади. Аммо ўрин б-н сифатловчи, изоҳловчи, кесим ёки атов гап бўлиб келиши ҳам мумкин.


Ад.: Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1- китоб, Т., 1966; Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И., Ўзбек тили, Т., 1963; Усмонов С., Бош келишик формасида такрорланган отларнинг семантик ва грамматик хусусиятларига доир, Илмий асарлар, Тошкент Давлат пед. ин-ти, IV чиқиши, филол., 1957; Назаров К., Ўзбек тилида эгалик маъносининг ифодаланиш йўллари, Илмий асарлар. В. И. Ленин номидаги Тош. Давлат университети, 310- чиқиши, 1963.

ОТ, отлар (Equus)— отсимонлар оиласига мансуб тоқ туёқли ҳайвонлар авлоди. Бўйи 2,5 *м* гача, баландлиги 1,6 *м* ча, қадди келишган йирик ҳайвон. Оёқлари узун; фақат ўрта бармоғи ривожланиб, туёқ б-н қопланган. Ўтмишда О. ёввойи ҳолда Европада, Осиё ва Африкада пода бўлиб яшаган. Улар 4 кенжа авлодга бирлашган; ҳақиқий О. (буларга Пржевальск оти, қирилиб кетган тарпанлар ва хонаки О. киради), эшаклар, ярим эшаклар (мас., қулон) ва зебралар. О. милоддан тахм. 3000 йил илгари хонакилаштирилган.



Осциллограф. 1- расм. Ёруғлик-нурли осциллографнинг принципал схемаси.

Хонаки О. жаҳоннинг кўпчилик мамлакатларида тарқалган бўлиб, иш отлари, спорт отлари, гўшти ва сути (қимизи) учун боқиладиган маҳсулдор ҳайвон сифатида фойдаланилади. О. нинг 200 дан ортиқ зоти (шундан 50 таси СССРда) бўлиб, ташқи кўриниши, гавдасининг катта-кичиклиги ва иш қобилияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Улар одимкаш, йўртоқи, аравакаш, салт миниладиган-аравакаш ва салт миниладиган зотларга бўлинади. Қ. х. да механизациялаш ва автоматлаштиришнинг ривожланиши б-н от боқиладиган кўпчилик мамлакатларда 20- а. ўрталаридан бошлаб, О. нинг от спорти (йўртоқи, салт миниш), туризм (юк ортиш, салт миниш, аравага қўшиш), гўшт ва қимиз олиш учун мўлжалланган зотлари етиштирилди.



2- расм. Электрон-нурли осциллографнинг оддий блок схемаси: *П* — таъминлаш блоки; *ГР* — ёйиш генератори; *О* — осциллограф трубкаси; *YcX* — горизонтал огиш кучайтиргичи; *YcV* — вертикал огиш кучайтиргичи.

Ҳозир мавжуд от зотларининг бўйи 50—185 *см*, вазни 60—1500 *кг*. О. ни машқ қилдириш ва ҳар хил ишларга ўргатиш осон. Улар 1,5 ёшида жинсий жиҳатдан вояга етади, аммо 3—3,5 ёшидан насл беради, 5—6 ёшида ўсишдан тўхтайди. Бўғозлик даври 11 ойга яқин. Бия, одатда, битта туғади. Тойчанинг эмиш даври 6—8 ой. Бия суткасига 11—15 *л* сут беради. О. 25—30 йил яшайди. Отхонада, отхона-яйловда (баҳордан кузгача) ва яйловда (йил бўйи) боқилади. Наслчилик (янги зотлар етиштириш) ишлари от з-дларида, з-д отхоналарида, наслчилик ҳамда сунъий уруғлантириш станцияларида олиб борилади.

Хонаки О. эшаклар, зебралар ва қулонлар б-н чатиштирилиб, дурагайлар — хачирлар, отхачир, от-қулонлар, зеброидлар ва қулонсимонлар олинади, одатда, булар насл бермайди.

От зотлари: оғир юк тортадиган отлар — СССРда владимир, рус, совет, литва; чет мамлакатларда арден, брабансон, першерон, клейдесдал, суффолк, шайр ва б; йўртоқи отлар — СССРда орлов ва рус йўртоқилари, чет мамлакатларда норфолк ва голланд йўртоқилари, америка стандартбреди; аравакаш отлар — СССРда торий, кузнецк, латвия; чет мамлакатларда венгрия нониуси, фин, ольденбург, кладруб зотлари; салт миниладиган-аравакаш отлар — СССРда дон, кустанай, чет мамлакатларда венгр, великопольск, немис, бранденбург, голштин, ганновер ва б.; салт миниладиган отлар — инглиз соф қонли отлари, кўп мамлакатларда етиштириладиган немис тракенен отлари; СССРда будённий, терск отлари.

Бундан ташқари, маҳаллий иқлим шароити доирасида бир қанча от зотлари етиштирилган. Мас., дашт отлари — дон, кустанай, канада ва б.; тоғ отлари — кабарда, қирғиз, лақай, қорабоғ ҳамда жанубий чўл ва воҳа отлари — ахалтака, араби, кориб, ёвмут, барбари ва б.

Отларнинг сифати, иш қобилияти ва узоқ муддат фойдаланиш имконияти уларни боқиш ва асраш шароитига боғлиқ. Огилхонада О.



Ота Жалол Носиров.



Отабеков Ю. О.

сули, арпа, жавдар, маккажўхори дони, кунжара ва б. қўшилган терт, дон-дуккаклилар пичани, сершира озуқа (сабзи, лавлаги, картошка, силос), аралаш ем-хашак б-н, ёзда ўтлоқда боқилади. О. озуқасига ҳар куни ош тузи қўшиб бериш керак. Кунига 3 маҳал суғорилади. Жаҳонда 67,3 млн., шу жумладан, СССРда 8 млн. от бор (1970) (353-бетдаги рангли вклейкага қ).

Ад.: Яковлев А. А., Коневодство, 6 изд., М., 1966; Щеркин В. А., Чорвачилик, Т., 1968.

ОТ АНТИЛОПАЛАР (Hippotraginae) — жуфт туёқлилар туркумининг кенжа оиласи. О. а. га *бейза*, аддас, бубал, қиличшохли антилопа, сув эчкилари ва б. киради.

ОТ КУЧИ — қувват бирлиги; НР б-н белгиланади. СССР ва б. бир қанча мамлакатларда 1 о. к.=75 *кгкм/сек*=75·9,81 *ж/сек*≈736 *вт*. АҚШ, Англияда 1 о. к. =550 фут. *фунт/сек* ≈746 *вт*. Бу тушунча 18-асрда киритилган бўлиб, техниканинг бир қанча соҳаларида (асосан, автомобилсозлик ва тракторсозликда) қўлланилади.

ОТ УЙИН — 1) цирк санъатининг қадимий тури. О. ў. ҳарбий машқлар, чавандозларнинг халқ ўйинлари, мусобақалари («Човган», «Қиз қувиш», «Ағдариш», «Пойга» ва ҳ. к.)дан келиб чиққан. 19-аср охири ва 20-аср бошларида ўзбек цирки тарихига Раҳмоновлар, Хўжаевлар, Зариповлар авлоди кириб келди. Улар репертуаридан 1 тадан 6 тагача от ўйнатиш, эгарланган ва эгарсиз от устида якка ёки кўпчилик бўлиб рақсга тушиш, жонглёрлик, муаллақчилик, гимнастика машқлари ўрин олган.

«ОТ УЙИН» — халқ ўйинларидан. Тўй, сайил каби маросимларда намойиш қилинган. Уйин иштирокчилари — «чавандозлар» қўғирчоқ отларга миниб, «улоқ», «улоқ тортиш» ва б. турли ўйинларни ижро этганлар. Уйин чавандозлардан бирининг ғалабаси б-н якунланган. Узбекистоннинг айрим областларида ҳозир ҳам ўйналади.



Отабекова К. С.

«ОТ УЙИН» — болалар ўйини, асосан Сурхондарё ва Қашқадарё областларида тарқалган. Уйинда 8—15 ёшдаги болалар қатнашади. Узунлиги 1 *м*, диаметри 1—1,5 *см* бўлган арқон 10 *м*² ёки 15 *м*² текис майдончага ташланади. Бу ипни болалар яланг оёқ бўлишиб бармоқлари учига қистириб майдондан олиб чиқишлари керак. Ким кўп олиб чиқса, ўша бола ғолиб ҳисобланади;

ОТА ЖАЛОЛ Носиров (1845, Бухоро — 1928, Самарқанд) — мақомчи хонанда, созанда ва бастакор. О. Ж. мақом ижросини дастлаб онасидан ўрганган. Сўнгра мақом йўлларини яхши билган отасидан таълим олган. Амир Музаффархон (Шаҳрисабз), амир Аҳадхон (Қармана, ҳозирги Навоий), амир Олимхон (Бухоро) саройларида хонанда ва созандаларга бошчилик қилган. О. Ж. 1920—27 йиллар Бухородаги Шарқ музика мактабида, 1928 йили Самарқанд музика ва хореография ин-тида ўзбек ва тожик халқлари музика меросидан таълим берган. Шашмақомнинг ашула ва чолғу йўлларини муккаммал ўзлаштириб, Бухоро ижрочилик амалиётидаги мавжуд мақомларни системалаштирган. 1923 йили О. Ж. (ва Ота Ғиёс *Абдуғаниев*) ижросида В. А. Успенский Бухоро Шашмақомининг ашула ва чолғу йўлларини нотага ёзиб олиб, 1924 йилда Москвада нашр эттирган. О. Ж. Сегоҳ ва б. мақомларга савтлар басталаган (мас., Савти Жалолий ва б.). *Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи Абдулазиз,* Усто Шоди *Азизов,* Ш. *Соҳибов,* Б. Файзуллаев ва б. ўнлаб мақомчилар О. Ж. шогирдларидир.

ОТА ҒИЁС Абдуғаниев — мақомчи созанда ва хонанда (қ. *Абдуғаниев* Отағиёс).

ОТАБЕКЛАР — салжуқ султонлари ворисларини тарбияловчиларнинг умумий номи. Мисрда *мамлуклар* даврида ҳарбий бошлиқлар ҳам О. деб номланган. О. нинг *оталиқ* шакли ҳам бўлган.

ОТАБЕКОВ Юсуп Отабекович (1912, Қўқон) — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач (1950), проф. (1969). 1940 йилдан КПСС аъзоси. Самарқанд Медицина ин-тини тугатиб, Қўқон ш. да врач, тери-венерология диспансерининг бош врачи, соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири (1935—41), УзССР Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари, Ангрен кўмир ҳавзаси қурилишида ВКП(б) МҚ нинг партия ташкилотчиси, УзССР Соғлиқни сақлаш министри (1941—46), Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири (1946—53), УзССР Министрлар Советининг катта референти (1953—56), Тошкент Врачлар малакасини ошириш ин-тида социал гигиена ва соғлиқни сақлаш ишларини ташкил этиш кафедрасининг ассистенти, доценти ва мудири (1956—63), 1963 йилдан Андижон Медицина ин-тининг ректори, айни вақтда социал гигиена ва соғлиқни сақлаш ишларини ташкил этиш кафедрасининг мудири. Октябрь Революцияси ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари б-н мукофотланган.

ОТАБЕКОВА Кошифа Сулаймоновна (1916, Андижон ш.) — рентгенолог, медицина фанлари д-ри (1969), проф. (1970). Самарқанд Медицина ин-тини тугатиб (1936), Қўқон шаҳар касалхонасида терапевт (1937—42), ТошМИ терапия клиникасида ординатор (1942—50), рентгенология кабинетининг мудири (1950—62), Андижон Медицина ин-ти рентгенология ва радиология кафедрасининг доценти (1963—69), 1969 йилдан эса мудири. «Ярали колити бор беморлар меъда-ичак йўли функционал ва морфологик ҳолатини рентген ёрдамида ўрганиш» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари меъда-ичак касалликларига оид. Меъда-ичак касалликларини рентгенодиагностика қилишнинг О. таклиф этган методи соғлиқни сақлаш практикасига жорий этилган.

ОТАБОЕВ Кайгисиз Сардорович (1887—1937) — совет давлат арбоби, Урта Осиёда Совет ҳокимиятини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш учун кураш қатнашчиси. 1918 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясини тугатган. 1917 йилгача ўқитувчи ва банк чиновниги бўлиб ишлади. 1917—18 йилларда Марв уезди Ишчи ва солдат депутатлари Совети туркман секцияси раҳбарларидан бири, уезд озиқ-овқат комитети раиси, Марв Совети ижроия комитети раиси ўринбосари, 1919 йил июндан раиси. 1919 йил ноябрдан Закаспий обл. Революцион комитет раиси ўринбосари, ТуркАССР Ер ишлари халқ комиссари. 1920 йил июлдан ТуркКП Ижроия бюроси аъзоси. 1920 йил сентябрдан ТуркАССР ХКС раиси. 1923 йил июндан БХСР Нозирлар (Комиссарлар) Совети раиси ўринбосари. 1924 йил октябрдан Туркманистон Революцион комитети (ТуркмССРнинг биринчи ҳукумати) аъзоси, 1925 йил февралдан ТуркмССР ХКС раиси. ВКП(б) 14—15-, 17-съездлари делегати. 1920—22 йилларда Туркистон, 1924—37 йилларда Туркманистон КП(б) МҚ бюроси аъзоси. Ленин ордени, 2 марта БХСРнинг Олтин Юлдуз ордени б-н мукофотланган. 1967 йил Ашхободда О. га ҳайкал ўрнатилган.

ОТАБОЕВ Шариф Турсунович (1932. 25. 2. Тошкент обл.) — гигиенист, медицина фанлари д-ри (1970), проф. (1971). 1968 йилдан КПСС аъзоси, Тошкент Медицина ин-тини тугатгач (1954), Наманган обл. Янгиқўрғон р-ни (1954—55), Тошкент обл. Ангрен шаҳри (1955—58) даги медицина муассасаларида турли лавозимларда ишлади. 1958—61 йилларда Узбекистон Санитария, гигиена ва профессионал касалликлар илмий тадқиқот ин-тида кичик илмий ходим, 1961 йилдан тупроқ гигиенаси ва аҳоли яшайдиган жойларни тозалаш лабораторияси, 1963 йилдан заҳарли химикатлар лабораторияси мудири, 1967 йилдан шу ин-т директори. Илмий ишлари санитария ва гигиена масалаларига оид. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОТАБОЕВА Яхшигул (1920, ҳозирги Тошкент обл. Қалинин р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1948). 1947 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Янгийўл р-нидаги Ҳ. Турсунқулов номли к-зда колхозчи, звено ва бригада бошлиғи (1939—72). О. бошлиқ звенода 4 *га* еринг гектаридан 86,1 *ц* пахта етиштирилган (1947). 3 марта Ленин ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1972 йилдан пенсияда.

ОТАЖОН ҲОШИМ (Ҳошимов Отажон; 1905—Тошкент — 1938) — ўзбек совет адабиётшуноси, философ ва жамоат арбоби. Деҳқон оиласида туғилган. Тошкентдаги ўзбек билим юртида (1919—21) ва Москвадаги Рабфакда ўқиган (1921—24). 1924 йили Москва ун-тининг ижтимоий фанлар ф-тига ўқишга кирган. Узбекистон ССР Халқ маорифи комиссарлиги қошидаги илмий кенгаш раиси (1927). 1927 йил январида Самарқандда Олий педагогика ин-ти ташкилотчиларидан бири. «Қизил қалам» адабий жамиятининг раҳбари (1926). Ленинграддаги СССР ФА қошидаги Шарқшунослик ин-ти аспирантурасида ўқиган (1929—33). Шу ин-т илмий котиби (1933). Узбекистон Фанлар комитети раиси, комитет қошидаги Тил ва адабиёт илмий текшириш ин-ти директори (1934). Узбекистон Фанлар комитети раиси ўринбосари (1937). О. Ҳ. марксча-ленинча философия, педагогика, ўзбек совет адабиёти, фольклор, тил соҳасидаги актуал масалалар бўйича илмий тадқиқотлар олиб борди. Унинг «Пролетариат адабиёти ва адабий мерос», «Ўзбек шўро адабиётида пролетариат дунёқарашини эгаллаш ҳамда чет таъсирлар б-н кураш масаласи» (1933), «Ўзбек фольклори ҳақида» (1935), «Ўзбек тили тараққиёти тўғрисида» (1935), «Ёзувчи ва танқид» (1935), «Евгений Онегин» таржимаси тўғрисида» (1937) асарлари адабиётшунослигимиз муҳим масалаларига бағишланган. О. Ҳ. марксизм-ленинизмга оид «Диалектика ва диалектика усулида ўйлаш», «Давлатсиз жамият» (1925), «Давлатнинг ўлиши», «Илм ва дин» (1928) каби бир қанча мақолалар муаллифи. У К. Маркс, Ф. Энгельс ва А. С. Пушкиннинг баъзи асарларини ўзбек тилига таржима қилган.



Отабоев К. С.

ОТАЖОНОВ Ота (1922) — туркман совет шоири, публицисти ва драматурги. 1944 йилдан КПСС аъзоси. 1937 йили Тошкентдаги туркман педтехникумини тугатиб, Ашхободдаги Пед. ин-тида ўқиган. КПСС МҚ қошидаги газета курси (1946), Олий партия мактаби (1952) ва СССР Ёзувчилар союзининг адабиёт курсида ўқиган (1959—60). «Совет Туркманистони», «Ёш коммунист» газеталарининг муҳаррири. ТуркмССР Матбуот давлат комитети Бош редакцион коллегиясининг бош муҳаррири (1964—71). 1971 йилдан ТуркмССР Ёзувчилар союзи раиси ўринбосари. Дастлабки шеърий тўплами «Олма гуллай бер» 1943 й. чиққан. «Қўшкин қалъаси» драмаси (1964) да революция доҳийси В. И. Ленин образи яратилган. 30 дан ортиқ асарлари туркман ва рус тилларида нашр қилинган. Шеърлари ўзбек тилига таржима қилинган.



Отабоев Ш. Т.

ОТАЖОНОВ Раҳим Каримович (1905. 5. 5, ҳозирги Фарғона обл. Чимён қишлоғи) — математик-методист, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975). Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1944), Халқ маорифи аълочиси (1967). 1924 йилдан КПСС аъзоси. Фарғона таълим-тарбия техникумини тамомлаган (1924), шу ерда ўқитувчи (1924—30). Айни вақтда II МГУ сиртқи бўлимининг физика-техника ф-тида ўқиган (1927—30), Фарғона Педагогика ин-ти физика-математика ф-ти кечки бўлимини тамомлаган (1933). Ломоносов номли МГУ қошидаги математика ўқитувчиларини малакасини ошириш секторида сиртдан ўқиган (1935—37). Фарғона Педагогика ин-тида ўқитувчи, декан ва илмий бўлим мудири (1930—39), Низомий номли Тошкент Педагогика ин-тида катта ўқитувчи (1939—47), декан (1941—45; 1959—61), проректор (1945—47), доцент (1947—59), математика ўқитиш методикаси кафедрасининг мудири (1961—71), проф. лавозимида (1971). «Геометрик ясаш методлари» (Т., 1958), «Факультатив дарсларда геометрия» (Т., 1973), «Конструктив геометрия элементлари» (Т., 1974) ва б. дарслик ҳамда методик қўлланмалар яратган. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



Отабоева Я.

ОТАЛИҚ — гулнинг чангдон, чанг ва чангчи ипдан иборат қисми (қ. *Чангчи*).

ОТАЛИҚ — дастлаб Салжуқийлар сулоласи даври (1038—1194) да хон эътиборини қозонган кишиларга берилган мансаб. О. «ота ўрнига ота» деган мазмунга эга бўлиб, унинг вазифаси шаҳзода ёки хонзодаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етгунларига қадар бошқаришдан иборат бўлган. Тарихда баъзи О. лар ҳокимиятни ўз қўлларига олган ҳоллар ҳам бўлган. Чунончи, *Аштархонийлар* даври (1599—1753)да Балхда Маҳмудбий оталиқ (18-аср бошлари), *Манғитлар* даври (1753—1920)да Бухорода Муҳаммад Раҳим оталиқ (1753—1758) ҳокимиятни эгаллаган.



Отажонов Р.К.



1—2. Қашқадарё обл. халқ талантлари ижросида «от ўйин». («улоқ» рақси).



Отамуродов Е.



Отамуродова О.

ОТАМУРОДОВ Ёдгор (1914—Бухоро обл. Вобкент р-ни—1968)—соҳибкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1956). «Шахрудстрой» қурилишларида ишчи (1930—36), 1936 йилдан Бухоро р-нидаги «Галаосиё» узумчилик с-зида ишчи, звено ҳамда бригада бошлиғи. О. бошлиқ бригада ҳар гектар токзордан бир неча йил мобайнида 420—540 *ц* дан узум етиштирган. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОТАМУРОДОВА Орзигул (1923. 5. 1, ҳозирги Нукус р-н Бердақ номидаги с-з)— қорақалпоқ совет актрисаси, хонанда. ЎзССР халқ артисти (1969). 1944 йили К. Станиславский номидаги Қорақалпоқ давлат музикали драма ва комедия театри қошида очилган балет курсини тугатгач, 1953 йилгача шу театр актрисаси. Ойсанам (С. Хўжаниёзов; О. Ҳалимов, Ж. Шомуродов, «Суймаганга суйканма»), Ҳурлиқман (Ж. Оймирзаев; О. Ҳалимов, «Бердақ»), Шоҳиста (Уйғун; М. Левиев, «Олтин кўл») каби образларни шу даврда яратди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат филармониясининг (1959—63), ҚҚАССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг (1953—59 ва яна 1967 йилдан) солисти. «Эшвой», «Ҳошим полвон», «Ёра ёндим» каби халқ, «Ватаним — жоним онам», «Богбон қиз», «Бўйларингдан» сингари замонавий қўшиқлар О. репертуаридан кенг ўрин олган.

ОТАНИЁЗОВ Қомилжон (1917. 20. 7, Хоразм обл. Шовот р-нидаги Бўйрачи қишлоғи — 1975. 5. 11, Тошкент; ўз қишлоғига дафн этилган)— ўзбек хонандаси, созанда (торчи) ва бастакор. ЎзССР (1949), ТуркмССР (1964), ҚҚАССР (1968) халқ артисти. Хоразм мақомларининг ашула йўлларини Матпано Худойберганов дан ўрганган. Тошкентдаги Ҳамза номидаги музика билим юрти (1952—55) ва Тошкент Давлат консерваторияси (1955—56) да таълим олган. Шовот р-н театрида хонанда ва реж. (1936—40), Хива к-з — с-з театри (1941—43), Огаҳий номидаги Хоразм обл. музикали драма театри (1943—52) да актёр ва хонанда. У Фарҳод (Хуршид; В. Успенский, Г. Мушель, «Фарҳод ва Ширин»), Тоҳир, Парфи ҳофиз (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра») ва б. образларни яратган. О. обл. театрида ашула ва рақс ансамбли тузиб (1949), концертлар берган. 1956—75 йилларда Ўзбекистон Давлат филармониясида солист. 1958 йилда филармония қошида Хоразм халқ ашула ва рақс ансамбли (1969 йилгача раҳбари), 1967 йилда О. Туркм ССР Тошҳовуз обл. театрида халқ ансамбли, 1973—74 йилларда Хоразм обл. Шовот р-нида «Феруз» ансамбли ташкил қилган.



Қомилжон Отаниезов қўшиқ ижро этмоқда.

О. 30-йиллардан мураккаб халқ ашулаларини, Хоразм достонларидан қўшиқлар айта бошлаган. Хоразм суворалари ва мақомлари О. ижрочилик фаолиятининг юқори босқичи бўлди. Ҳамза номидаги Санъатшунослик ин-тида 1949 йили О. б-н К. Исмонлов ижросида Хоразм мақомларидан Рост, Наво, Дугоҳ ва Сегоҳнинг ашула йўллари магнит лентасига ёзиб олинган.

О. нинг ижрочилик санъати бастакорлик ижодига самарали таъсир кўрсатди. Хоразм халқ куй ва қўшиқларига шаклан яқин бўлган замонавий «Салом сенга Хоразмдан», «Муборак», «Азиз Ватаним», «Партия доно», «Салом ҳинд халқига», «Ўзбекистон», «Хоразм» каби қўшиқлари машҳур. А. Степанов б-н ҳамкорликда «Азиз ва Санам» (А. Бобожон пьесаси, 1954), М. Юсупов ва А. Степанов б-н «Ошиқ Ғариб» (А. Бобожон, 1958), С. Ҳайитбоев б-н «Сўнгги хон» (А. Бобожон, М. Муҳамедов, 1967) каби музикали драмалар яратган.

О. созандалик ва ашулачиликда кўплаб шогирдлар етиштирган. У Хитой, Ҳиндистон, Бирма, Афғонистон, Камбоджа, Таиландда гастролларда бўлган. 3 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОТА-ОНАЛАР ЙИҒИЛИШИ — совет мактабида ўқувчилар ота-оналари б-н яқинроқ алоқада бўлиш ва тарбиявий масалаларни биргаликда амалга ошириш мақсадида чақириладиган ота-оналар йиғилиши. Умуммактаб ва синф О.-о. й. бўлади. Умуммактаб О.-о. й. да мактаб директор (мудир)нинг ўқув-тарбиявий ишлар, ўқувчиларнинг ўзлаштириши ва интизоми ҳақидаги докладлари, ота-оналар комитети раиси ва президиум аъзоларининг ҳисоботлари, болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари юзасидан докладлар ва ҳ. к. тингланади ва муҳокама қилинади. Бундай йиғилиш ўқув йили давомида 2 марта ўтказилади. Синф О.-о. й., одатда, ҳар чоракда 1—2 марта ўтказилиб, унда ота-оналар синфининг ўқув масалалари, чоракдаги ўқув-тарбиявий ишларнинг натижалари б-н танишадилар, педагогик мавзудаги айрим масалаларни ва ш. к. ни муҳокама этадилар.

ОТА-ОНАЛАР КОМИТЕТИ — совет мактабида ўқувчилар ота-оналарининг мактаб б-н доимий ва яқиндан алоқаларини ўрнатиш мақсадида тузиладиган ота-оналар жамоаси органи. Умумий ота-оналар йиғилишида бир йил муддат б-н сайланади. Одатда, у раис, 1 ёки 2 ўринбосари, котиб ва 3—5 аъзодан иборат бўлади. Раис мактаб педагогик кенгашининг аъзоси ҳисобланади. О.-о. к. умуммактаб плани б-н келишган ҳолда йиллик ёки ярим йиллик иш плани тузади. Меҳнат ва политехника таълимини амалга оширишда, синфдан ва мактабдан ташқи ишларни ташкил этишда, педагогика пропагандасида мактабга яқиндан ёрдам беради, ота-оналар ун-тлари, лекторийлар ташкил этади, синф ота-оналар йиғилишларида оила тарбиясига оид тажрибалар алмашади; ўқувчилар ўзлаштириши, давомат каби масалалар б-н ҳам шуғулланади.

ОТА-ОНАЛАР УНИВЕРСИТЕТИ — қ. *Халқ университетлари.*

ОТА-ОНАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ — қон-қардошлик алоқаларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва бурчлар. Ота-оналар ўз фарзандларини коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси руҳида тарбиялаш, жисмоний бақувват бўлиб ўсиши, илм олиши ва ижтимоий фойдали фаолиятга тайёрлаш ҳақида ғамхўрлик қилишлари лозим. Ота-оналик мажбуриятини адо этишдан бош тортган ёки болалари б-н шафқатсиз муомалада бўлган ва ўзининг ахлоқсизлиги, жамиятга зид хулқ-атвори б-н уларга зарарли таъсир ўтказган, шунингдек ичкиликбозликка ёхуд гиёҳвандликка муттасил берилиб кетган ота-оналардан болалар тортиб олинади ёки улар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади. Ота-она ўз фарзандларининг қонуний вакили ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини барча муассасада, шу жумладан судда алоҳида ваколатсиз ҳимоя қилади, 15 ёшга тўлмаган фарзандларининг мулкий ва мулкий бўлмаган ҳуқуқларини амалга оширади (қ. *Муомала лаёқати*). Бола тарбияси ва б. масалаларда ота-она тенг ҳуқуққа эга. Тарбияга оид масалалар ота б-н онанинг ўзаро келишуви асосида ҳал қилинади. Ўзаро келишув бўлмаса, масала васийлик ва ҳомийлик органи ёки суд томонидан ота-онанинг иштирокида ҳал қилинади. Ота-она фарзандларини вояга етгунга қадар, айрим ҳолларда 18 ёшдан кейин ҳам моддий жиҳатдан таъминлаб туришлари шарт (қ. *Алимент*). Болалар ота-онаси тириклигида уларнинг мулкига эгалик қилиш ҳуқуқига эга эмас, аммо, уларнинг вафотидан кейин биринчи навбатдаги ворис ҳисобланади (қ. *Мерос, Ворислик ҳуқуқи*). Ота-она вояга етмаган фарзандини қонун ёки суд қарорига асосланмай ушлаб турган ҳар қандай шахсдан қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Совет қонунчилиги фақат ота-оналаргагина мажбурият юкламайди, балки фарзандлардан ҳам ўз навбатида меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ота-онасини боқиш ва ҳар доим улар ҳақида ғамхўрлик қилишни талаб этади. Суд қарори б-н ота-онаси учун тўлаши лозим бўлган нафақани тўлашдан атайин бош тортиш жиноий жавобгарлик ҳисобланади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган шахслар фарзандларидан ёрдам талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар.

Ад.: Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила кодекси, Т., 1969.

ОТАТУРК Мустафо Камол (1881, Салоники — 1938. 10. 11, Истанбул) — Туркия республикаси асосчиси ва биринчи президенти (1923—38), саркарда. Туркияда фамилиялар жорий қилингач (1934), Мустафо Камолга Отатурк фамилияси берилган. Салоника ва Монастирь шаҳарларидаги ҳарбий ўқув юртларини, 1905 йили Истанбулдаги Бош штаб академиясини тугатган. Ёш турклар ҳаракатида қатнашган, аммо *Ёш турклар инқилоби*дан сўнг, *«Иттиҳод ва тараққий»* партиясидан чиққан. Италия-Туркия уруши (1911—12), 2-Болқон фронти (1913), 1-жаҳон урушларида (1914—18) қатнашган. 1916 йили унга генерал унвони ва пошшо насаби берилган. 1919 йили Анатолиядаги миллий озодлик ҳаракатини бошқарган. О. раҳбарлигида Анқарада ҳокимиятнинг олий органи — Туркия Буюк миллий мажлиси тузилди (1920 йил 23 апрель). Инглиз-грек интервенциясига қарши турк миллий озодлик урушида Қуролли кучлар қўмондони. Сакарье дарёси бўйидаги ғалаба (1921 йил 23 август — 13 сентябрь)дан сўнг, О. га маршал унвони ва ғ о з и насаби берилган. 1922 йили турк армияси О. раҳбарлигида босқинчилар устидан узил-кесил ғалаба қозонди.

О. ташаббуси б-н султонлик тугатилди (1922 йил 1 ноябрь), республика эълон қилинди (1923 йил 29 октябрь), халифалик бекор қилиниди, (1924 йил 3 март), давлат ва маъмурий идораларда, турклар маданияти ҳамда ҳаётида бир қатор прогрессив ислоҳот ўтказилди. О. Халқ республикачилар партиясининг доимий раиси. Совет-Туркия дўстлигига асос солган ва уни ривожлантиришда О. нинг хизмати катта.



Отатурк.

Ас.: Nutuk, ciet 1—3, Istanbul, 1934; Путь новой Турции, т. 1—4, М., 1929—34; Atatürk ün söylev ve demeçleri, 1945—59; Избранные речи и выступления, Пер. с турец., М., 1966.

ОТАХОНОВ Эргаш Исабоевич (1914, Наманган — 1967, Тошкент) — терапевт, проф. (1947), медицина фанлари д-ри (1948), Ўзбекистон ССР ФА (1960) ва СССР Медицина ФА (1961) мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). 1956 йилдан КПСС аъзоси.



Отаҳонов Э. И.

Тошкент Медицина ин-тини тугатиб (1936), СССР Ҳарбий-Денгиз Флотида хизмат қилгач (1937—39), ТошМИ госпитал терапия кафедрасида аспирант, ассистент, доцент (1939—44), Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш илмий тадқиқот ин-тининг директори (1942—44), ТошМИ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1949—51), педиатрия ва санитария-гигиена ф-тлари ички касалликлар пропедевтикаси кафедрасининг мудири (1951—1967), айни вақтда Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги илмий медицина кенгашининг раиси (1955—62) бўлиб ишлади. Улка патологияси, овқат ҳазм қилиш органлари ва қон касалликларига оид илмий ишлар муаллифи. Ичакнинг хроник яллиғланиши (энтероколит) классификациясини яратган. Республикада биринчи бўлиб клиника қошида биофизик лаборатория очган.

Ас.: К патогенезу важнейших заболеваний кроветворной системы, Т., 1952; Сердечно-сосудистые заболевания и их предупреждение, Т., 1970; Хронические заболевания кишечника, Т., 1965.

ОТАХЎЖАЕВ Акбар Қосимович (1926, Туркистон ш.)— физик олим, ЎзССР ФА мухбир аъзоси (1974), физика-математика фанлари д-ри (1970), проф. (1971). 1951 йилдан КПСС аъзоси. 1948 йилда ЎзДУни тамомлаган. 1948—53 йилларда М. Горький номидаги Самарқанд Педагогика ин-тида ўқитувчи ва директор ўринбосари, 1953—57 йиллари А. А. Жданов номидаги Ленинград Давлат ун-ти аспиранти, 1957—59 йилларда СамДУ оптика кафедрасида ассистент, сўнгра доцент, 1959 йилдан шу кафедра мудири. 1972 йилдан СамДУ ректори.



Отаҳўжаев А.Қ.

Илмий ишлари молекуляр физикага оид. О. суюқлик молекулаларининг релаксация вақтини аниқлашнинг спектроскопик методини кашф қилган. «Суюқлик ва эритмаларда молекулаларнинг иссиқлик ҳаракати ва молекулалараро таъсирларни ўрганиш» деган темада докторлик диссертацияси ёқлаган. О. 8-чақириқ ЎзССР Олий Совети, 9-чақириқ СССР Олий Совети депутати. КПСС 25-съезди делегати.

ОТАШДОН, ўтхона (форс-тож. آتش —



Оташев Ж. О.


олов ва دان — жой, маконни билдирувчи қўшимча) — а) темирчи ва маъдансозлар ўчоғи; б) самовар, паровоз ва б. нинг ўтхонаси.

ОТАШЕВ Жума Оташевич (1897, Тўрткўл — 1971, 8. 11, Урганч) — Ўзбекистонда Октябрь рев-яси ва социалистик қурилиш иштирокчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ирригатор (1950), 1918 йилдан КПСС аъзоси. 1918—21 йилларда қизил партизанлар отряди жангчиси, Қизил Армия 2-Туркистон ўқчи бригадаси снёсий бўлимининг бошлиғи. 1921—27 йилларда партия ва совет органларида ишлаган. Тимирязев Қ. х. академиясида студент, Бутуниттифоқ гидротехника ва мелиорация илмий текшириш ин-тида аспирант, илмий ходим (1927—33), «Узводстрой» трестининг бошлиги (1933—35). 1935—61 йилларда Жанубий Хоразм ирригация системалари бошқармасининг бошлиғи, Хоразм обл. сув хўжалиги бошқармасининг бошлиғи, Хоразм лойиҳа-қидирув экспедициясининг бош инженери, бошлиғи. 1961 йилдан республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер. О. Хоразмдаги бир қанча суғориш системалари лойиҳаларининг муаллифларидан ва ташаббускорларидан. У Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва Қизил Юлдуз орденлари ҳамда бир қанча медаллар б-н мукофотланган.

ОТАШКАДА, оловхона (форс-тож. آتش — олов, کده — хона, жой) — оташпарастлар сиғинган, доимий олов ёниб турадиган махсус бино. *Зардуштийлик*да олов муқаддас ҳисобланиб, унга топинганлар. Ҳар бир шаҳар ва каттароқ қишлоқда О. лар бўлган. 1940 йилда Қорақалпоғистон терр-ясидаги *Жонбос қалъа* харобасида бир О. қазиб текширилди. О. қалъанинг тўрида жойлашган бўлиб, қатор уч хонадан иборат. Биринчи хона катта ва чўзинчоқ бўлиб, атрофида одам ўтирадиган супалари, ерда идиш синиқлари, суяк парчалари бор, деворлари тутун б-н қопланган. Иккинчи хонанинг деворлари ҳам тутун б-н қопланган. Ўртада — баланд супа, унинг ён-верида оппоқ, майин кул қатлами. Бу хона асосий О. ҳисобланиб, унда ҳар доим олов ёниб турган. О. дан айвонга ўхшаш олди очиқ жойга чиқилади. Бу учинчи хона (айвон) кул б-н тўла. О. да тўпланган «муқаддас» олов кулини шу айвонга йиғиб, ундан ҳар тарафга олиб кетганлар. Биринчи хонага оловга сиғинувчилар келиб ўтирганлар. Иккинчи хонага кираверишдаги эшик олдида икки нафар атарбон (қадимги суғдча «атар» — олов ва бон — олов ёқувчи) учун қора кийим кийиб, бошига қора чулғаб, нафаслари оловни «хафа» қилмаслиги учун оғиз-бурунларини боғлаб, оловга ўтин ташлаб, кулини тозалаб турган. Улар О. нинг ходимлари бўлгани учун ичкарига киришга муяссар бўлганлар. О. га келувчилар назр тариқасида пул, овқат, ғалла, қўй, эчки ва қуруқ ўтин келтирганлар. Улар ўз ният ва тилакларини атрабонга арз қилар, у эса ичкарига кириб, оловга айтар эди. Оловнинг алангалари ўйнашига ва тутунининг буралиб ёки ёйилиб чиқишига қараб «унинг гапини фаҳмлар» ва биринчи хонага чиқиб зиёратчига «жавоб»ини айтарди. Қалъа ҳокимлари ва подшоларнинг тахтгоҳи О. га яқин бўлиб, улар аввал О. га кириб, сўнгра «иш» жойига ўтганлар. Байрамларда О. га тўпланувчи халқ беҳисоб бўлган.



Отбалиқ



Оташкада. Қадимги Атропатена (Озарбайжон) даги Сурахана оташкадаси (милод бошлари).

ОТАШПАРАСТЛИК — қ. *Зардуштийлик*.

ОТАШХАЛФА — Хоразм обл. Қўшкўпир р-ни 18-партсъезд қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 42 *км*. Аҳолиси 1547 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Зайёп каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт, болалар боғчаси, алоқа бўлими, омонат касса бор.

ОТБАЛИҚ (Hemibarbus labeo) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқ. Гавда узунлиги 30—60 *см*, вазни 0,6—3,3 *кг*. Жануби-Шарқий Осиёнинг чучук сувларида ва СССРда — Амур ҳавзасида тарқалган. Июнда 100 мингтача увилдириқ ташлайди. Беш ёшда вояга етади. Моллюскалар, майда балиқлар ва б. жониворлар б-н овқатланади.

ОТБОЗОР — Бухоро обл. Бухоро р-ни Отбозор қ. С. даги қишлоқ. «Племшёлк» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Бухородан 2 *км*. Аҳолиси 1130 киши (1971); богдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Аму-Бухоро каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, кутубхона, автовокзал, алоқа бўлими ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОТБОСАР — ҚозССР Целиноград областидаги шаҳар. Жабай дарёси (Ишим ирмоғи) соҳилида. Т. й. узели. Аҳолиси 39 минг киши (1974). Қ. х. хом ашёларини қайта ишлаш маркази (гўшт к-ти, сут з-ди ва б. корхоналар). Ремонт-механика ва қурилиш материаллари з-длари, қ. х. ни механизациялаш техникуми, медицина билим юрти бор. 1846 йилда казаклар станицаси сифатида барпо этилган.

ОТБОШ ТУМАНЛИГИ — *Орион* юлдуз туркуми яқинида от калласи шаклида кўринадиган туманлик. О. т., асосан, чангдан иборат (чанг зарраларининг ўлчами ≈ 1 *мк*, ўртача зичлиги $\approx 10^{-22}$—10^{-24} *г/см*^{3}). Бу туманлик Ердаги кузатувчига нисбатан ўзидан нарида жойлашган юлдузларнинг нурини тўсиб қолгани учун юлдузлар орасида отнинг боши шаклида кузатилади. Галактикамизда О. т. сингари туманликлар кўп (қ. *Туманликлар*).

ОТБОШИ — Ички Тяньшаннинг жанубий қисмидаги тоғ тизмаси, ҚирғССРда. Ғарб-жануби-ғарбдан шарқ-шимоли-шарққа томон чўзилган бўлиб, Отбоши ботиғини шимолда Чатиркўл сойлигидан ва жанубда Оқсой сиртларидан ажратиб туради. Узунлиги 135 *км*. Энг баланд нуқтаси 4786 *м*. Метаморфик сланец, оҳактош, қумтош, қисман гранит ва сиенитлардан таркиб топган. Чўққисида музликлар бор (майдони 150 *км*^{2}). Тоғ-ўтлоқ ва субнивал ландшафтлар мавжуд.

ОТЕЛЬ (франц. hotel) — *меҳмонхона*нинг интернационал номи. Дастлаб 16—17-асрларда француз архитектурасида кенг тарқалган ҳашаматли катта уй О. дейилган. 18-асрда Европа шаҳарларидаги бир-икки қаватли уйлардан тортиб, ҳашаматли сарой ва қасрларгача О. деб атала бошлаган. Бундай О. лар бир ёки бир неча оилага мўлжалланган. Кейинроқ шаҳар меҳмонхоналари шуларга тақлидан қурила бошлаган.

«ОТЕЧЕСТВЕННЫЕ ЗАПИСКИ» («Ватан мактублари») — 1) 1820—30 йилларда Петербургда рус амалдори П. П. Свиньин томонидан нашр этилган ойлик рус журнали. Унда, асосан, рус саноати тарихи, этнографиясига доир мақолалар босилган; 2) адабий ва ижтимоий-сиёсий ойлик журнал. Дастлаб 1839—67 йилларда рус ноширн ва журналисти А. А. Краевский (1810—89) томонидан Петербургда нашр этилган. М. Ю. Лермонтов, В. Ф. Одоевский, А. В. Кольцов, А. И. Герцен, Н. А. Некрасов, Ф. М. Достоевский, И. С. Тургенев фаол қатнашган. 1839—46 йилларда журналнинг таниқлий-библиографик бўлимига В. Г. *Белинский* раҳбарлик қилган. Бу даврларда журнал прогрессив демократик йўналишда бўлди. 1846 йил апрелда В. Г. Белинский *«Современник»*ка ўтгандан сўнг, айниқса 1848 йилдан кейин журналнинг нуфузи жуда ҳам тушиб кетди. 50—60-йилларда у либерал оқимнинг органига айланиб қолди. 1868 йилдан «О. з.»нинг янги редакциясига Н. А. Некрасов (у вафот этгач, 1877 йилдан редакцияга Н. К. Михайловский кирди), М. Е. Салтиков-Шчедрин, Г. З. Елисеев келиши б-н журнал яна шуҳрат қозониб, революцион-демократларга хизмат қилди. Кейинчалик унда народниклик тенденцияси кучайди. 1884 йил апрелда журнал подшо ҳукумати томонидан ёпилди.

Ад.: Очерки по истории русской журналистики и критики, т. 1—2, Л., 1956—65.

ОТЗОВИСТЛАР — РСДРПда 1908 йил ташкил топган А. А. Богданов бошчилигидаги сўл оппортунистик оқим. Улар Давлат думасидан социал-демократик фракцияни чақириб олишни, ишчилар синфининг легал ҳамда ярим легал ташкилотларида партия ишини тўхтатишни, нолегал партия ташкилотларидаги ишларни кучайтиришни талаб қилдилар. О. буржуа-демократик рев-яси бўлиб ўтди, олдинда «соф пролетар» рев-яси бўлади деб ҳисоблаб, иккинчи буржуа демократик рев-ясининг муқаррарлигини инкор этдилар. Улар 1908—10 йиллардаги реакция шароитини, Россияда революцион вазият йўқлигини ҳисобга олмай, қуролли қўзғолон тўғрисидаги шиорни сақлаб қолишни қаттиқ талаб қилдилар, дарҳол ошкора революцион ҳаракатга чақирдилар. О. нинг хато тактикаси партия вазифаларини белгилашга догматик ёндашишдан келиб чиққан эди. О. фаолияти партиянинг яшашига хавф туғдирар эди: легал ишлаш имкониятларидан фойдаланишдан воз кечиш партиянинг омма б-н алоқасини узар эди; унда партия сектага айланиб қолар ва синфнинг раҳбари ролини бажара олмас эди. Шунинг учун В. И. Ленин О. ни «астарн ағдарилган ликвидаторлар» деб атади. О. РСДРП 5-Умум Россия конференцияси (1909 йил январь) да кескин зарбага учраган-ликларига қарамай, ўзларининг фракцион фаолиятларини давом эттирдилар: Италиянинг Капри оролида ўз мактабларини ташкил қилдилар. 1909 йил июнда «Пролетарий» газета редакциясининг кенгайтирилган кенгаши отзовизм ҳамда ультиматизмни большевизм б-н сиғиша олмайдиган оқим деб топди ва уларга қарши кескин курашга чақирди. О. лидери Богданов большевиклар сафидан чиқарилди. 1909 йил декабрда О. ва ультиматумчилар антипартиявий «Вперёд» группасини тузадилар. О. нинг бир қисми кейинчалик ўз хатоларига иқрор бўлди.

Ад.: Ленин В. И., Большевизмга карикатура. Тўла Асарлар тўплами, 17-т.; Ленин В. И., Отзовизм ва худо ясовчилик тарафдорлари фракцияси тўғрисида, Тўла Асарлар тўплами, 19-т.; Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи, Т., 1972.

ОТИЛУВЧИ ҲУЖАЙРАЛАР, куйдирувчи ҳужайралар, нематоцисталар — кўпчилик *ковакичлилар*нинг (тароқлилардан бошқасида) қопловчи эпителийси, шунингдек эктодермасидаги махсус ҳужайралар. Ҳимояланиш ва ўлжага ҳужум қилиш вазифасини бажаради. О. ҳ. хитиноидли капсула, бу капсула бўшлиғидаги заҳарли суюқлик ва спираль ўралган ипдан иборат. О. ҳ. сиртидаги сезги толаси — книдоцил кимёвий ёки механик таъсирдан қўзғалганда капсула куч б-н спираль ипни отади, шу пайтда заҳарли суюқлик ҳам сочилади (заҳарли суюқлик қуйдиради, майда, баъзан йирик ҳайвонларни, ҳатто, одамни ўлдиради). О. ҳ. отилгандан сўнг унинг ўрнида янгиси ҳосил бўлади.


ОТИН — 1) *эски мактаб*да қизлар ўқитувчиси; дин ва шариат билимдони. О. лар, кўпинча, аёллар ўртасидаги диний маросимлар (мас., мавлудлар)да бошчилик қилган; 2) аёлларни ҳурматлаб, улар исмига қўшиб айтиладиган сўз.

ОТИТ (юнон. otos — қулоқ) — қулоқнинг яллиғланиши. Ташқи қулоқнинг яллиғланиши ташқи О., ўрта қулоқнинг яллиғланиши ўрта О. ва ички қулоқнинг яллиғланиши лабиринтит дейилади.

Ташқи О. да қулоқ супраси ва ташқи эшитув йўли яллиғланиб, фурункул, экзема, тарқалган яллиғланиш кўринишида бўлади. Ташқи қулоқнинг яллиғланиши ташқаридан инфекция кириши ёки ташқи қулоқ терисининг ички қулоқдан оқаётган йирингдан таъсирланиши натижасида келиб чиқади.

Ўрта О. да Евстахий найи, ноғора бўшлиғи каби органлар яллиғланади ва ўткир, хроник кечади. Ўткир ўрта О., одатда, инфекцион касалликлар (грипп, ангина, қизамиқ, скарлатина ва б.) да бурун ва бурун-ҳалқумдан ўрта қулоққа микроблар кириши оқибатида пайдо бўлади; катта ёшдаги одамларга қараганда болаларда кўпроқ учрайди. Ўрта қулоқ ўткир яллиғланганда қулоқ санчиб оғрийди, бемор яхши эшитмайди, т-раси кўтарилади. Эмадиган болалар безовта бўлади, яхши ухлай олмайди, ютинганида қулоғи қаттиқ оғригани учун кўпинча эммай қўяди. Баъзи ҳолларда, айниқса, ўз вақтида даволанмаганда ўрта қулоқнинг ўткир яллиғланиши хроник формага ўтиб кетиши мумкин. Хроник ўрта О. хавфсиз (мезотимпанит) ва хавфли (эпитимпанит) бўлади. Мезотимпанитда ноғора парда тешилади-ю, суякли ноғора ҳалқасигача етиб бормайди, ноғора бўшлиғининг шиллиқ пардасигина яллиғланади. Эпитимпанитда ноғора парданинг юқори-орқа томони тешилиб, суякли ҳалқагача етиб боради; процесс ноғора бўшлиғининг суякли деворига тарқалади.

Лабиринтит (ички О.) бошқа формаларнинг асорати сифатида намоён бўлади. О. вақтида даволанмаса, лабиринтитдан ташқари *менингит*га ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун О. нинг биринчи белгилари пайдо бўлиши б-н мутахассис врачга кўрсатиб, унинг буюрган дори-дармонларини қилиш керак.



Шартли белгилар:
- Отиш жойи бўйича навбатчининг бишкаси
- Директриса
- Отиш жойининг ён-атрофи манидаги чегаралари

Полк отиш жойининг принципиаль схемаси.

Ад.: Проблема отитов, под ред. Н. А. Бобровского и др., М., 1961; Вольфкович М. И., Хронический гнойный средний отит, М., 1967; Лихачев А. Г., Қулоқ, томоқ ва бурун касалликлари, [Дарслик], Т., 1960.

ОТИШ ЖОЙИ — отиш машғулотлари ўтказиш учун мўлжалланган участка. О. ж. нинг узунлиги 5—15 *км*, кенглиги 1,5—2 *км* бўлади. О. ж. терр-яси нишонлар ўрнатилган майдон, ўқнинг учиш майдони, ҳимоя зоналари, ўт очиш марраси ва б. га бўлинади. Булардан ташқари, О. ж. да ўқ-дори бериладиган пунктлар, синфхоналар, бошқарув ва кузатув иншоотлари бўлади. О. ж. га ўрнатилган нишонлар механик ёки автоматик суратда бошқарилади. Одатда, О. ж. учун аҳоли яшайдиган пунктлардан, корхона (колхоз)лардан узоқ бўлган ер танланади.

ОТИШ СПОРТИ — спорт машқларидан бири. Қадим замонлардаёқ сопқон отиш, ёй отиш мусобақалари ўтказилган. Ёй отиш ҳозир СССР халқлари спартакиадалари, *Олимпиада ўйинлари* каби йирик спорт мусобақалари программасига киритилган. О. с. да ўтсочар қуролларни ишлатиш илк бор Англияда одат бўлган.

Эндиликда О. с. нинг иккита асосий тури бор: 1) мерганлик спорти — стволининг ичи бурама ўйиқ қурол (кичик калибрли милтиқ, пистолет, жанговар милтиқ)дан нишонга ўқ узиш; 2) овчилик спорти — силлиқ стволли ов-спорт милтиғидан ҳавога иргитилган сунъий нишонларга питра ўқ узиш. Овчилик спорти мусобақалари махсус отиш майдончаларида ўтказилади. Овчилик учун ажратилган жойларда ов қилиш мусобақалари ҳам овчилик спортига киради. Мерганлик мусобақалари шахсий биринчилик ва команда биринчилиги учун ҳам ўтказилади. Мерганлик спортидаги шахсий рекордлар ва команда ҳисобидаги рекордлар Совет Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка, обл., шаҳар, р-нлар миқёсида, шунингдек спорт жамиятлари миқёсида ҳисобга олиб борилади.

Овчилик спортидан ҳар йили СССР биринчилиги ўтказилади. Бундай биринчиликлар бир йили иттифоқдош республикалар, Москва ва Ленинград шаҳарлари ўртасида ўтказилса, иккинчи йилги мусобақада спорт жамиятларининг терма командалари учрашадилар.

ОТИШЛИК — Андижон обл. Ленин р-ни Илғор қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з территориясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Асакадан 18 *км*. Аҳолиси 560 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОТКАМАР — Қашқадарё обл. Деҳқонобод р-ни Деҳқонобод қ. С. даги қишлоқ. «Деҳқонобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Ғузордан 65 *км*. Аҳолиси 1159 киши (1971); ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқ ва булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, медпункт, алоқа бўлими бор.

ОТЛАШУВ, субстантивация — бошқа сўз туркумидаги баъзи сўзларнинг *контекст*да от сингари қўлланиб, келишик, эгалик ва кўплик аффикслари қабул қилиши. Бундай ҳолларда отлашган сўзлар синтактик жиҳатдан эга, тўлдирувчи ва қаратқичли аниқловчи сингари вазифаларни бажаради. Отлашган сўз предметнинг белгисини ёки бошқа хусусиятларини эмас, балки унинг ўзини билдиради ва ким? нима? кимлар? ва ҳ. к. сўроқларининг бирига жавоб бўлиб келади. Сўз туркумларидаги О. ўзининг қўлланилиш доираси ва характерли хусусиятлари б-н бир-бирларидан фарқланади. Мас., сифат ва сифатдошлар кўпроқ О. хусусиятига эга. Отлашган сифатлар фақат туб сифатлардангина иборат бўлади. Бунда сифат ва от бирикмаси ўрнида фақат сифатнинг ўзи келади ва от бажарадиган синтактик вазифани адо этади: Мард бир марта ўлади, қўрқоқ юз марта (мақол). Сифатдош, равиш, сонлар, ҳаракат номлари ҳам отлашади, от бажарган синтактик функцияни бажаради. Мас., ишлаган тишлар, ишламаган тишламас (мақол). Қўрққанга қўша кўринар. Икки ўн беш — бир ўттиз (мақол).

Ад.: Ўзбек тили дарслиги, 1- қисм. Фонетика ва морфология, 2- нашр, Т., 1958; Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш., Ҳозирги ўзбек адабий тили, Т., 1975; Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1- китоб. Т., 1966.

ОТЛИҚ АСКАРЛАР — қўшин тури. Мил. ав. 9- асрда Осурияда майдонга келган. Мил. ав. 6- асрда Эрон ва Ўрта Осиёда О. а. асосий қўшин тури ҳисобланиб, улар оғир қуроллангган (қилич, қалқонли) ва енгил қуролланган (камон, найзали) О. а. га бўлинган. Александр Македонский, Чингизхон ва Темур армияларининг асосий кучини О. а. ташкил этган. 8—9- асрларда Ғарбий Европа давлатлари армиясида отлиқ рицарлар пайдо бўлган. Улар қилич ва оғир найза б-н қуролланиб, устига совут, бошига шлем кийган ва қалқон тутиб олишган. 12- асрнинг 2- ярмидан отлар ҳам зирҳли жабдуқ б-н ўралган. Россиядаги О. а. тарихида казаклар, драгунлар ва гусарлар муҳим роль ўйнайди.

Совет отлиқ аскарлари мунтазам Қизил Армия тузиш жараёнида 1918 йил январидан бошлаб вужудга келди. Гражданлар уруши даврида Қизил Армиянинг ҳаракатчан, зарбдор кучини О. а. ташкил этди. С. М. Будённий қўмондонлик қилган *Биринчи отлиқ армия* ёш Совет ҳокимиятини сақлаб қолиш учун контрреволюцион кучларга қарши қаҳрамонларча кураширди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳарбий техниканинг ривожланиши, армияларнинг танк, авиация ва б. б-н қуролланиши натижасида О. а. аввалги аҳамиятини қисман йўқотган бўлсада, улардан *мустаҳкамланган районлар*га ҳужум қилиш, ёриб ўтиш, манёвр қилиш сингари ҳаракатларда кенг фойдаланилди. 50- йилларнинг ўрталарига келиб, оммавий қирғин қуролларининг ривожланиши ва армияларнинг тўлиқ моторлаштирилиши туфайли О. а. қўшин тури сифатида барҳам топди ва қисмлари тарқатиб юборилди.

ОТНИНГ КОНТАГИОЗ ПЛЕВРОПНЕВМОНИЯСИ, юқумли зотилжами — отларда учрайдиган юқумли касаллик. Пневмотроп (фильтрланувчи) вируслар қўзғатади. Кўпинча, 3—9 ёшдаги отлар касалланади. Манба — касал ҳайвон; нафас олиш йўллари орқали юқади. Касалланган ҳайвонлар ўпка ва плевраси яллиғланади, ҳарорати 40,5° гача кўтарилади, қалтирайди, тез чанқайди, иштаҳаси йўқолади. Касалликнинг оғир формасида 2—3- куни пневмония ва плевропневмония ривожланади, кўкрак қафасида суюқлик тўпланиб (30 *л* гача), ўпка гангренаси натижасида ҳайвон 8—9 кундан кейин ўлади. Касаллик клиник белгилари асосида аниқланади. Касаллик енгил ўтганда 15—20 кунда ҳайвон соғаяди.

Олдини олиш ва давоси: тўғри озиқлантириш, касал отни безовта қилмаслик; қонига новарсенол эритмаси юборилади, кўкрак қафасидаги суюқлик шприц ёрдамида сўриб олинади, карантин эълон қилинади (45 кун).

ОТО... (юнон. otos — қулоқ) — сўз бўлаги. Қулоққа алоқадорликни билдиради (мас., *отосклероз, оториноларингология*).

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ (ото..., юнон. rhis бурун, larynx — томоқ ва ...*логия*), ларингооториноло гия (лор) — қулоқ, бурун ва томоқ ҳамда унинг атрофидаги органлар касалликлари ҳақидаги таълимот. Эшитув физиологияси, унинг бузилиши ва шунга алоқадор касалликларни даволаш тўғрисидаги таълимот (аудиология), овоз физиологияси, унинг ўзгариши ва бу ўзгаришларни келтириб чиқарган касалликларни даволаш ҳақидаги таълимот (фониатрия), қулоқ касалликларини ўрганадиган ва даволайдиган таълимот (отиатрия) ҳам О. га киради. О. нормал ва патологик шароитда ички қулоқ (асосан, *лабиринт*)нинг бош миянинг турли бўлимлари б-н алоқасини ўрганади (отоневрология). Қулоқ, бурун ва ҳиқилдоқ бўшлиқларини текшириш методи (эндоскопия) бир хил.

О. 19- аср ўрталарида хирургия ва терапиядан алоҳида мустақил соҳа сифатида ажралиб чиққан. Россияда Петербург Ҳарбий медицина академиясида биринчи О. кафедраси тузилган (1893). СССРда 1922 йилдан О. медицина ин-тларида мустақил фан сифатида ўқитила бошлади, илмий тадқиқот ин-тлари ташкил этилди.

Узбекистон (Тошкент, Самарқанд, Андижон Медицина ин-тлари)да О. нинг клиник кафедралари бор. Узбекистонлик оториноларинголог олимлардан Б. Горчиков, Ғ. *Иброҳимов*, Қ. *Миразизов*, А. *Мўминов*, А. Дадамуҳамедов ва б. ўрта қулоқнинг хроник яллиғланиши асоратларини аниқлаш ва уни операция қилиш, *карлик*ни даволаш усулларини топиш, юқори нафас йўлларининг яллиғланиши, ҳалқум ракини даволаш масалалари устида иш олиб бормоқдалар.

Ад.: Многотомное руководство по оториноларингологии, под ред. А. Г. Лихачева, т. 1—4, М., 1960—63.

ОТОСКЛЕРОЗ (ото... ва *склероз*) — қулоқ касаллиги. Буйда ўрта қулоқни ички қулоқ б-н бирлаштирадиган овал дарча соҳасидаги суяк тўқимаси ўсиб кетади. Натижада товуш тебранишларининг эшитув суякчалари системаси орқали ўтиши қийинлашади ёки бутунлай тўхтайди. Деярли ҳамма вақт иккала қулоқ оғрийди, одатда 16—17 ёшда, баъзан болаликда бошланади, эркакларга нисбатан аёлларда кўпроқ учрайди. О. да беморнинг қулоғи аста-секин эшитмай қолади. Ҳомиладорлик ва туғруқ кўпинча О. ни кучайтиради. Касалликка кўпроқ ички секреция безлари функциясининг бузилиши, эшитув органининг кучли товуш таъсирида зарарланиши сабаб бўлади.

Бемор операция йўли б-н даволанади.


ОТОСКОПИЯ (ото... ва юнон. skopeo — кўраман, кўздан кечираман) — ташқи эшитув йўли ва қулоқ пардасини кўздан кечириш методи. О. да қулоққа киритиладиган махсус воронкалар, пешанага тутиладиган рефлектор (ўртаси тешик кўзгу) ва ёруғлик манбаидан фойдаланилади. Диагностик текширишда, манипуляция ва операциялар қилишда қўлланилади.

ОТПУСКА (рус. отпустить — қўймоқ, қўйиб юбормоқ) (СССРда) — ишчи ва хизматчиларга иш жойи (вазифаси) ва ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда дам олиш учун ҳар йили бериладиган муддат. Меҳнат, ўқув (қ. *Имтиёзлар*), вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (қ. *Социал страхование*), ҳомиладорлик ва туққандан кейинги О. ларга бўлинади. Вақтинча ва мавсумий ишга қабул қилинганлардан бошқа ҳамма ишчи ва хизматчилар О. олиш ҳуқуқига эга. Меҳнат О. си 2 турга — асосий ва қўшимча О. га бўлинади. Ишчи ва хизматчиларга камида 15 иш кунига тенг муддат б-н О. берилади. Бир қатор ходимлар учун узайтирилган О. (мас., 18 ёшга тўлмаган ўсмирлар учун 1 календарь ой; ўқитувчилар, айрим илмий ходимлар, маданий-оқартув муассасалари ходимлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилар состави учун 24 дан 48 иш кунигача), ўрмон саноати ва ўрмон хўжалигининг доимий ишчи ва хизматчилари учун 24 иш куни белгиланган. Корхоналарда ишлайдиган 1- ва 2- группа инвалидларига 24 иш кунилик, 3- группа инвалидлари, шунингдек уйда ишлайдиган 1- ва 2- группа инвалидларига 18 иш кунилик О. берилади.

Меҳнат шароити зарарли ишларда ишлаб турган ишчи ва хизматчиларга 3 иш кунидан 36 иш кунигача (меҳнат шароити зарарли деб белгиланган корхоналар, цехлар, касблар ва лавозимлар рўйхати СССР Министрлар Совети Меҳнат ва иш ҳақи масалалари давлат комитети ва ВЦСПС Президиуми томонидан 1960 йил 24 декабрда тасдиқланган), иш куни нормаланмаган ходимларга 6—12 иш кунига тенг қўшимча О. берилади (бериладиган қўшимча О. касаба союзининг ф-ка, з-д ва маҳаллий комитети розилиги б-н белгиланади).

Халқ хўжалигининг махсус тармоқларида ишлайдиган ва бир корхонада узоқ йилдан бери ишлаётган ишчи ва хизматчиларга (қора металлургия ташкилотлари ва корхоналарининг ходимларига бир корхонада 2 йилдан ортиқ узлуксиз ишлагани учун 3—9 иш куни; қурилиш ташкилотларида 3 йилдан ортиқ узлуксиз ишлаган ишчилар учун 6 иш кунигача), ишга тушириш ишлари б-н банд бўлган т. й. корхоналарининг эксплуатация ишларида банд ходимлари, ўрмон саноати, ўрмон хўжалиги ходимларига, с-злар ва давлатнинг бошқа қ. х. корхоналари, сув хўжалиги корхоналари ва сельхозтехниканинг тракторчи-ҳайдовчиларига қўшимча О. берилади.

Вояга етмаганлар тарбияси б-н шуғулланадиган жамоат тарбиячиларига (3 иш кунигача), жамоат тартибини сақловчи кўнгилли халқ дружиначиларига (3 иш кунигача), кўнгилли ўт ўчириш дружиналарининг аъзоларига (6 иш кунигача) рағбатлантириш мақсадида қўшимча О. берилиши мумкин. О. ишчи ва хизматчиларга ишнинг биринчи йилида муайян корхона, муассаса, ташкилотда узлуксиз 11 ой ишлагандан кейин, навбатдагилари эса йил давомида истаган вақтда берилади. Айрим ҳолларда О. 11 ой ишламасдан аввал (мас., аёлларга ҳомиладорлиги ва туққанидан кейинги О. си олдидан ёки ундан кейин; 18 ёшга етмаган ишчи ва хизматчиларга; запасга бўшатилган ва ташкилий тартибда ишга юборилган ҳарбий хизматчиларга 3 ой ишлагандан кейин ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа ҳолларда) берилиши мумкин. Шунингдек, бир корхона, муассаса ташкилотдан бошқа корхона, муассаса, ташкилотга кўчирилган ходимга 11 ой ишламаса ҳам берилади.



Оттава шаҳрининг марказий қисми.

ОТРАДНИЙ (1956 йилгача Отрадное посёлкаси) — РСФСР Куйбишев областидаги шаҳар. Т. й. станцияси (Новоотрадная). Аҳолиси 46 минг киши (1974). Нефть кони ишга тушиши муносабати б-н (1952 йилдан) вужудга келган. Газни қайта ишлаш, полимер қурилиш материаллари, темир-бетон буюмлар, ғишт, ремонт-механика, гўштни қайта ишлаш з-длари, Куйбишев политехника ин-тининг умумий техника ф-ти, нефть техникуми бор.



От-хачир.

ОТРОШЧЕНКО Ольга Сергеевна (1912. 24. 7, Куйбишев) — кимёгар, кимё фанлари д-ри (1965), проф. (1965). САГУнинг кимё ф-тини тугатгач (1938), СамДУнинг коллоид кимё кафедраси (1938—46), САГУ кимё ф-ти ўсимликлар кимёси кафедраси ассистенти (1946—53), доценти (1953—65), проф. (1965—72). 1972 йилдан табиий бирикмалар кимёси кафедраси мудири. «Дипиридиллар қаторини кимёвий ўрганиш» деган мавзуда докторлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари табиий моддалар кимёсига оид.

ОТС Георг Карлович (1920. 21. 3. Петроград—1975. 5. 9. Таллин) — эстон совет хонандаси ва опера солисти (баритон). СССР халқ артисти (1960). 1946 йилдан КПСС аъзоси. Таллин консерваториясини тугатган (1951), 1945 йилдан хор артисти, 1951 йилдан Таллиндаги «Эстония» опера ва балет театрининг солисти. О. майин лирик овозга эга. Репертуаридан опера ва оперетталардаги бош роллар, камер асарлар, қўшиқлар ўрин олган. О. операларда Дон Жуан, Фигаро (В. Моцарт, «Дон Жуан», «Фигаронинг уйланиши»), Онегин (П. Чайковский, «Евгений Онегин») оперетталарда Данила (Ф. Легар, «Қувноқ бева»), Тасилло (И. Кальман, «Марица») ва б. партияларни маҳорат б-н ижро этган. О. музикали кинофильмларда ҳам бош ролларда ўйнаган (мас., «Мистер Икс», 1958 ва б.). 3 марта СССР Давлат мукофоти лауреати (1950, 1952, 1968). СССРнинг кўп шаҳарлари (жумладан бир неча бор Тошкентда) ва чет элларда гастролда бўлган. 9-чақириқ СССР Олий Совети депутати. Ленин ордени ва 3 та бошқа орден б-н тақдирланган.

Ад.: Стрельников Б., Георг Отс, Л. — М., 1962.

ОТСИЗ ХОРАЗМШОҲ (туғилган йили номаълум — 1156) — Хоразм ҳукмдори (1127—1156), Хоразмшоҳ унвонини қайта тиклаган лашкарбоши. О. Х. шарқда қипчоқ ва туркманлардан кучли қўшин ташкил этган. Салжуқийлар султони Санжарнинг қорахонийлар (1141 й.) ва ўғузлардан (1153 й.) енгилганидан фойдаланган О. Х. қипчоқ, туркманларнинг ерларини, Мангишлоқ, Жанд, Марв, Нишопурни Хоразмга қўшиб олди. О. Х. даврида Хоразм мустақил давлатга айланди.

ОТТАВА — Канаданинг пойтахти. Оттава дарёси ва Ридо канали соҳилларида, 72 *м* баландликда, Онтарио провинциясида. Иқлими мўътадил континентал иқлим. Январнинг ўртача т-раси —11°, июлники 20,3°. Йиллик ёғин 873 *мм*. Аҳолиси 302 минг, шаҳар атрофи б-н 602,5 минг киши (1971), асосан, Европадан кўчиб борган инглиз ва французларнинг авлодлари.

О. га 19-асрнинг 20-йилларида асос солинган ва дастлаб Байтаун деб аталган. 1854 йилда шаҳар ҳуқуқини олгач, О. деб атала бошлади. 1858 йилдан Англия мустамлакасининг, 1867 йилдан Канада (доминион) пойтахти.

О. — мамлакатнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий маркази. Т. й. ва шоссе йўллар узели, дарё порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Целлюлоза-қоғоз, полиграфия, тўқимачилик, кимё, машинасозлик ва металлсозлик, ёғочсозлик, мебель, озиқ-овқт саноати корхоналари бор. Электрон-ҳисоблаш машиналари, илмий асбоблар ва ҳ. к. лар ишлаб чиқарилади. О. да 2 ун-т (Оттава ва Карлтон ун-тлари) ишлаб турибди. Канада илмий тадқиқот кенгаши (Фанлар академияси), илмий муассасалар, кутубхоналар, музейлар, Канада миллий галереяси (1880 йилдан), обсерватория, Миллий санъат маркази бор. Шаҳарда сув ҳавзалари, парк ва гулзорлар кўп. 1945 йилдан О. да кўп қаватли бинолар қурилмоқда.

ОТТАМАН ИМПЕРИЯСИ — *Усмонли турк империясининг* Европа адабиётларидаги номи.

ОТТИСК (русча) — босиш учун тайёрланган текст ёки график тасвир (босма форма)нинг полиграфия усули, яъни босим орқали бўёқ б-н қоғоз ёки бошқа материалга ўтказиш жараёни ва шу жараён натижасида олинган нусхаси.

ОТУВЧИЛАР (Cnidae) — *ковакичиларнинг* кенжа типи. 9 минг турни бирлаштирган 3 синфи: *гидроидлар, маржонполиплар* ва *сцифоидлар* бор. Барча О. тана қоплағичида *отилувчи ҳужайралар* жойлашган.

ОТ-ХАЧИР — мочахар (урғочи эшак)ни айғирдан қочириш йўли б-н етиштирилган дурагай. Эшакка қараганда отга кўпроқ ўхшайди. О.-х. насл бермайди, одатда, *хачирлардан* кичикроқ ва камқувватроқ бўлади.

ОТХОНА — от асраладиган бино. СССРда О. бир типдаги лойиҳа асосида қурилади. Наслдор ва иш отлари учун алоҳида О. қурилади. Наслдор отлар О. сида насл олинадиган биялар, айғирлар, 1,5 ёшгача ва машқ қилдирилаётган 1,5 ёшдан катта тойлар боқилади. Наслдор отлар алоҳида оғилларда боғламай, тойлар эса оғилларда ёки умумий биноларда сақланади. Насл олинадиган биялар, айғирлар ва машқ қилдирилаётган тойлар учун оғиллар 3,5×3,5 *м*, 1,5 ёшгача бўлган тойлар учун 3×2,5 *м* қилинади. Иш отлари оғилларда боғлаб боқилади. Қулунли биялар ва тойлар ҳам оғилларда сақланади. Зотли йирик отлар учун оғиллар 1,75×3 *м*, майдалари учун эса 1,6×2,85 *м* қилинади. Умумий бино (секция)ларда 1 той учун 4,5—7 $м^2$ жой ажратилади.

О. нинг ичи икки қаторли, ўртасида 2—3 *м* кенгликдаги йўл, йўлнинг икки томонида оғилар ва умумий бинолар бўлади. Оғиллар б-н умумий биноларга *охурлар* қурилади, водопровод ўтказилади. О. да от машқ қилдириладиган, ем-хашак, асбоб-ускуна сақланадиган жойлар, гўнгхона, навбатчи хонаси, айғирлар уруғи текшириладиган хона ва б. қўшимча хоналар бўлади. О. 40—100 отга мўлжаллаб қурилади.

ОТЧОПАР — отлар синаладиган ва от спорти мусобақалари (пойга, кўпкари ва б.) ўтказиладиган жой, *ипподром.*

ОТЧОПАР — Андижон обл. Андижон р-ни Харабек қ. С. даги қишлоқ. «Гулистон» к-зи территсида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 10 *км*. Аҳолиси 937 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Харабек ариғидан сув ичади. Қ-з идораси бор.

ОТҚИНДИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ — қ. *Магматик тоғ жинслари.*

ОТҚУЛОҚ (Rumex) — торондошлар (торонгуллилар оиласи)га мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. СССРда 49, жумладан Ўзбекистонда 16 тури учрайди. Илдизи йўғон, пояси кўп қиррали, бўғимли, юқори қисми шохланган. Илдиз олди барглари узун бандли, учбурчак-тухумсимон ёки кенг наштарсимон, поядагиси тухумсимон-наштарсимон, поя бўғимларида кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда, тўпгули рўваксимон. Меваси уч қиррали ёнғоқча. О. нам ерларда, ўтлоқларда, тоғ ён бағирларида ўсади. Медицинада доривор О., майда барглиО., оддий О. ва б. турлари меъданичак касалликларида ва ичдан қон кетишини тўхтатишда қўлланилади. Илдизи ва меваси таркибида 4,2% ча антрагликозидлар, витамин К, флавоноидлар, 17,3% ча ошловчи моддалар бор. Илдизи тери ошлашда қўлланилади. Нордон О. ёки шовул ва оддий О. С, В ва б. витаминларга бой бўлганидан овқатга ишлатилади.

ОУЭН Роберт (1771. 14. 5 — Ньютаун, Уэльс — 1858. 17. 11) — инглиз утопик социалисти. Черковга қарашли мактабни тугатган, кейин ўзи мустақил шуғулланган. 1781 йилдан савдо муассасаларида хизмат қилган. 1800—29 йилларда Нью-Ланарк (Шотландия)даги йигирув корхонасида бошқарувчи бўлган. О. дунёқарашининг шаклланишида унинг ортодоксал христианликдан юз ўгириши муҳим роль ўйнади.

Маърифатпарварлик философияси б-н танишиш ҳамда саноат тўнтаришининг дастлабки оқибатларини кузатиш натижасида О. индивид ва жамият тақдирига инсон характери ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, деган хулосага келди. О. фикрича, инсон муҳитнинг маҳсулидир. Агар кишилар иллатли бўлса, уларни вужудга келтирган муҳит ҳам иллатлидир. О. нинг ўз моҳиятига кўра материалистик бўлган бу ғояси атрофдаги муҳитни тубдан ўзгартиришга қаратилган эди. Бироқ О. нинг механистик-материалистик дунёқараши нопучил бўлгани ҳамда *деизм* ва *пантеизм* б-н қўшилиб кетгани учун жамиятни тубдан қайта ўзгартириш ғоясини тарихдан ташқари ҳақиқат деб тушунди. О. одамларни тарбиялаш орқалигина жамиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мумкин деб ҳисоблади. О. ўз фаолиятининг бу даврдаги программасини «Жамиятга янгича қараш ёки характерни шакллантириш ҳақида тажрибалар» (1812—13) асарида баён этди.



Отрошченко О. С.

1817 йилда О. ишсизларни «жамоа ва ҳамкорлик посёлкалари»га кўчириш «план»ини илгари сурди. Бу посёлкаларда хусусий мулк, синфлар, эксплуатация, ақлий меҳнат б-н жисмоний меҳнат ўртасидаги зиддият, шаҳар б-н қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршилик ва б. антагонизмлар бўлмайди. Бу давр О. ҳаётида *утопик социализм* позициясига бурилиш бўлди. 20-йилларда АҚШ да Янги гармония, Буюк Британияда Орбистон, Гармони-Холл ва б. тажриба коммунистик колонияларни барпо этди, бир қанча маърифатпарварлик муассасалари, журналларга асос солди. 1829 йилдан Нью Ланаркни тарк этиб, ўзини бутунлай пропагандистлик фаолиятга бағишлади. У дастлабки «план»и асосида бутун инсониятнинг ҳаётини қайта қуришга бағишланган утопик коммунистик системасини («Янги ахлоқий дунё китоби», 1836—44) ишлаб чиқишга киришди. Бу системага кўра, ихтиёрийлик асосида тузиладиган «жамоа посёлкалари» федерацияни ташкил этади. О. фикрича, бу федерация янги ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириши, шунингдек ҳар томонлама ривожланган инсонни тарбиялаши ҳамда янги ижтимоий муносабатларни ўрнатиши б-н ўзининг иқтисодий ва ахлоқий афзаллигини намойиш қилиши керак.

О. ташаббуси б-н 30-йилларда «Адолатли алмашув бозорлари» (1832—34) ва «Улуғ миллий ҳунар иттифоқи» (1833—34) ташкилотлари тузилди. Лекин О. ўз таълимотида синфий курраш, ишчилар синфининг сиёсий ҳокимиятни қўлга олиши, эксплуататорлар синфи ҳукмронлигини ағдариб ташлаш ҳақидаги ва б. асосий масалаларни эътибордан четда қолдирди. О. таълимоти инглиз ишчилар синфини маърифатли қилишда муҳим роль ўйнади. О. умрининг охирида, айниқса 1848—49 йиллардаги революциянинг мағлубиятидан кейин *мистика* ва *спиритизм*га берилди. Шунга қарамай О. нинг тарихий хизматлари катта. У социалист-утопистлар орасида биринчи бўлиб, ўзининг социалистик ғояларини бевосита ишчилар синфи иштирокида амалга оширишга уринди. Унинг таълимоти социализм ғояларининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатди.



Отс Г. К.

ОФАТИ КАЛТАКЕСАК, молох (Moloch horridus) — агамалар оиласига мансуб калтакесак. Гавдаси 22 *см* ча, танаси япалоқ, ҳар хил катталикдаги тиканлар б-н қопланган. Бошидаги тикани ҳайвон шохига ўхшайди; усти қўнғир-саргиш, оч сариқ йўлли, қорни сариқ, узунасига ва кўндаланг қора йўллари бор. Т-ра ва ташқи муҳитга қараб рангини ўзгартира олади.



Оуэн Р.




Офати калтакесак.

Кўриниши хунук ва қўрқинчли (номи шундан). Австралиянинг қумли саҳроларида тарқалган. 6—7 тухум қўйиб кўпаяди. Асосан, чумолилар б-н овқатланади.

ОФИУРЛАР, илондумлилар (Ophiuroidea) — игна танлилар типининг бир синфи. Танаси диск (диск диаметри 20 *см* ча)лар ва улардан чиққан 5 нур («қўл»)дан иборат. «Қўл»лар ёрдамида ҳаракатланади. О. кўп тарқалган. 1500, СССРда 114 тури Орол ва Каспийдан бошқа денгизларда бор. Овланадиган балиқлар (мас., *пикша*, камбала ва б.) га озуқа.

ОФИЦЕРЛАР (лат. officium — лавозим) — қуролли кучларда бошлиқлар ва командирлар составидаги ҳарбий унвон (кичик лейтенантдан то полковниккача, полковник ҳам) га эга бўлган шахслар. Рус армиясида О. унвони дастлаб 1680 йилда жорий этилган. Пётр I даврида мунтазам рус армиясининг ташкил топиши б-н 1703 йили подпоручик, 1711 йили майор, 1716 йили подполковник унвонлари жорий этилган. Пётр I нинг 1722 йилги мансаб жадвалида О. штаб О. и (полковник, подполковник ва уларга тегишлилари) ва обер-О. (подпоручикдан капитан унвонигача)га бўлинади. Денгиз флотида 1- ва 2-ранг капитанлари штаб-О. и лейтенант ва мичманлар эса обер-О. ҳисобланган. Бу тартиблар Улуғ Октябрь социалистик рев-ясигача (баъзи ўзгаришлар б-н) сақланган. 1935 йили армиянинг командирлар ва бошлиқлар составига махсус унвонлар (лейтенант, 2-ранг ҳарбий техниги, сиёсий раҳбар ва ҳ. к.) киритилди, 1943 йилдан Совет Армиясининг командир ва бошлиқлар составини О. деб юритила бошланди, уларнинг унвонларини эса погонларидаги турли белгиларидан ажратиш мумкин бўлди.



Офиурлар.

Совет О. и бўлинма, қисм, қўшилмаларга командирлик қилиш б-н қўшинларни Ватанга, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига садоқатли бўлиш руҳида тарбиялайди. Улуғ Ватан уруши (1941—45)да совет О. и юксак жанговар қобилият, Ватанга, Коммунистик партияга чексиз садоқат, жасурлик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар.

Халқ демократияси мамлакатларида Иккинчи жаҳон урушидан сўнг янги қуролли кучлар бунёдга келди ва уларда халқ ичидан чиққан кадрлар офицерликка олинган. Империалистик давлатларнинг армияларида, айниқса, АҚШда О. состави, одатда ҳукмрон синфлар вакилларидан тўлдирилади.



Офорт. В. Н. Кедрин. Ҳазрати имом мақбараси (Шаҳрисабз, 1957).


ОФИЦЕРЛАР УЙИ — Совет Иттифоқи Қуролли Кучларининг маданий-оқартув муассасаси. О. у. да Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг ишчи ва хизматчилари, уларнинг оила аъзолари орасида коммунистик тарбияга доир, уларнинг маданий эҳтиёжларини қондириш учун турли йиғинлар ўтказиб турилади. О. у. (1946 йилгача Қизил Армия уйлари деб номланган) 20-йиллардан бошлаб ташкил топа бошлади (биринчиси 1921 йилда ҳозирги Свердловскда) ва армия ҳамда флотнинг командирлар состави, шунингдек Қизил Армия активлари б-н иш олиб борди. 1927 йилги уставга кўра Қизил Армия уйлари ўз ишлари доирасини кенгайтирдилар, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини жалб эта бошлади ва ҳарбий гарнизонларда офицерларнинг маданий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тута бошлади. 1928 йили Москвада Қизил Армиянинг Марказий уйи очилди (қ. *Совет Армиясининг Марказий уйи*). Гарнизон ва округ (флот) О. у. га бўлинади. Тошкентда Туркистон Ҳарбий округи қошида 1924 йили О. у. ташкил этилган. О. у. да лекциялар, ҳарбий ва сиёсий мавзуларда суҳбатлар, кўргазмалар, конкурслар, концертлар ва кечалар бўлиб туради, кинофильмлар намойиш қилинади. О. у. қошида марксизм-ленинизм кечки ун-тлари, ҳарбий-илмий жамият ва кутубхоналар мавжуд. Булардан ташқари, ҳарбий қисмлар тарихини баён қилувчи музейлар, халқ ун-тлари ташкил этилган. Бадиий ҳаваскорлик ва турли тўгараклар ишлаб туради. О. у. нинг иш фаолияти Офицерлар уйи ҳақидаги Низомга асосан (1947 йили таъсис этилган) Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг сиёсий органлари раҳбарлигида амалга оширилади.

ОФОРТ (франц. lau-forte — нитрат кислота) — гравюра (металл ўймакорлиги)нинг кенг тарқалган турларидан бири. Бунда тасвир металл тахтага кислота таъсир эттириб ҳосил қилинади. Текис ва силлиқ мис ёки қўрғошин тахта сирти кислотага чидамли лак б-н бўялади. Кейин гравюра игнаси ёрдами б-н ўйиб тасвир чизилади. Ўйилган (қирилган) жойлар кислота таъсирида яна чуқурлашади ва у ерга бўёқ тушиб, унинг оттискасида тасвир ҳосил бўлади. Бу усул рангли босмада ҳам қўлланилади. О. 16-аср бошларидан маълум. Дастлаб Германияда вужудга келган (темир тахтага туз кислотаси таъсир эттирилган). А. Дюрер ва б. атоқли рассомлар кўпгина асарларини шу усулда яратганлар. Кейинчалик мис тахтага азот кислотаси ишлатилган. 17-асрда О. Европа реалист рассомларининг севимли техникаси бўлиб қолди. А. ван Дейк, Рембрандт, Ф. Гойя, И. И. Шишкин, И. Н. Крамской, И. Е. Репин, В. Е. Маковский, В. А. Серов ва б. О. техникасини ривожлантиришга ҳисса қўшдилар, шу йўл б-н ўлмас асарлар яратдилар.

ОФСЕТ БОСМА, офсет (инглз. offset) — босма усули; бунда бўёқ формадан эластик оралиқ сирт (резина цилиндр) га, ундан қоғозга ёки босма материалга туширилади. О. б. принципи АҚШда *офсет босма машина* яратилгандан сўнг (1905) таклиф қилинган. О. б. формаси 0,3—0,8 *мм* қалинликда рух, алюминий пластинадан фотомеханик усулда тайёрланади. О. б. формаларидан *негатив* ва *позитив* усулларда нусха кўчирилади. Негатив нусха кўчиришда металл пластина сиртига хромланган ёруғлик сезгир коллоид қатлами суркалади ва негатив қайта босиладиган оригиналга кўчирилади. Нусха бўёқ б-н қопланади, махсус эритмаларда очилтирилади ва ишланади. Позитив нусха кўчиришда диапозитивлар қўлланилади. Нусхани очилтириш ва ишлаш натижасида босма элементлари анча чуқурлашади; бу эса босма сифатини оширишга ва формадан кўплаб нусха олишга имкон беради. Ҳозир биметаллдан тайёрланган босма форма кенг қўлланилмоқда; бунда босма элементлари мис сиртда, очиқ қоладиган жойлар эса никель сиртда ҳосил бўлади. О. б. кўп рангли нашрлар (плакатлар, бадиий репродукциялар, рангли китобчалар, расмли журналлар ва б.), шунингдек бир хил рангдаги расмли китобларни босишда кенг қўлланилади.

Ад.: Сняков Н. И., Технология изготовления фотомеханических печатных форм, М., 1966; Захаров А. Г., Фуфаевский Д. А., Офсетные машины и работа на них, М., 1972.

ОФСЕТ БОСМА МАШИНА — *босма машина*нинг бир хили; унда босма формадаги бўёқ резина цилиндрга, ундан эса қоғозга ўтади (қ. *Офсет босма*). Асосан, *текис босма*да қўлланилади. Оддий О. б. м. уч цилиндр: форма, офсет (резина қопламали) ва босма цилиндрлардан иборат. О. б. м. нинг бир, икки ва кўп бўёқли; листли ва роликли хиллари бор. Икки бўёқли О. б. м. да (расмга қ.) иккита форма $Ф_1$ ва $Ф_2$, иккита офсет цилиндри $О_1$ ва $О_2$, иккита бўёқ аппарати $К_1$ ва $К_2$, иккита ҳўлловчи аппарат $У_1$ ва $У_2$ ҳамда босиш цилиндри $П$ бор. Қоғоз ўзи тахловчи мослама $С$ дан узатилади. Тайёр нусхалар транспортёр $Т$ б-н қабул қилувчи стапель $ПС$ га узатилади. О. б. м. афзаллиги: кўп бўёқли нашрларни тез босиш мумкин, ҳар хил силлиқликдаги қоғозга ҳам босилаверади, босма формалари кам ейилади.



Офсет босма машина.

ОФТАЛЬМОЛОГИЯ (юнон. ophthalmos — кўз ва ...*логия*) — кўз касалликлари ҳақидаги таълимот. О. 17-асрдагина мустақил фан бўлиб ривожлана бошлади, кўз типик муҳитларининг нур синдирувчи хоссалари (диоптрикаси) ҳақидаги тасаввур ўша вақтда вужудга келди, рефракция аномалияларини тушуниш ва уларни кўзойнак б-н тузатишга шу тариқа асос солинди, кўзнинг тўр пардаси унинг ёруғлик сезувчи қисми эканлиги, катаракта кўз гавҳарининг хира тортишидан иборат эканлиги аниқланди. 18-аср охирида О. б-н, асосан, хирурглар шуғулланишди.

19-асрнинг 1-ярмида кўзнинг, асосан, ташқи касалликлари ўрганилди ва операция техникаси ишлаб чиқилди, шу асрнинг 2-ярмида, офтальмоскоп кашф этилгач, кўз «туби»— тўр пардаси ва кўрув нервининг касалликлари чуқурроқ ўрганила бошлади. 19-аср охирида бактериология муваффақиятлари туфайли бир қанча кўз касалликларининг юқумли эканлиги аниқланди. 20-асрда кўзни текширишнинг нозик методлари тараққий топди, жумладан, биомикроскопия (кўзнинг турли қисмларини микроскоп ёрдами б-н текшириш) методи жорий қилинди. Кўзойнак оптикаси катта муваффақиятларга эришди.

Мамлакатимизда бир қанча О. илмий тадқиқот ин-тлари барпо этилди.

Узбекистонда (жумладан, ТошМИ, СамМИ, САМПИ, АндМИ ва Тошкент офтальмология касалхонасида) О. кафедралари бор. М. *Комилов* ишлаб чиққан техника эстетикасининг амалда кенг жорий этилиши саноат корхоналарида кўз жароҳатланишининг олдини олишда (СССР миқёсида ҳам) улкан аҳамиятга эга бўлди. Кўз токсоплазмозини аниқлаш, даволаш усулларини республикада биринчи бўлиб М. *Ҳамидова* йўлга қўйди. Узбек офтальмологларидан К. Қодирова *лагохилус* дорисини, У. Тошмуҳамедов, М. Комиловлар бромгидратгалантамин препаратини *глаукома* касаллигини даволашда биринчи бор муваффақиятли қўлладилар, шунингдек бу касалликни хирургик йўл б-н даволашда янги усул — диатермокоагуляцияни циклодиализ б-н қўшиб операция қилиш усулини ҳам илк бор ўзбекистонлик олимлари амалга оширди. Узбекистон офтальмологлари меҳнат ва турмушда бўладиган кўз жароҳатланишининг олдини олиш, кўзи жароҳатланган беморларга шошилинч ёрдам кўрсатиш, умумий касалликлар (гипертония, атеросклероз, қанд касаллиги ва б.)да, мия яллиғланиши — оптохиазмал лептоменингитда кўзда содир бўладиган ўзгаришларни аниқлаш ва янги даво усулларини топиш (Х. Комилов), *катаракта* касаллигининг эпидемиологияси, этиологияси, даволаш ҳамда олдини олиш усуллари (М. Ҳамидова), болаларда яқиндан кўришнинг олдини олиш (О. Левченко) ва О. да кибернетика ютуқларидан фойдаланиш масалалари ва б. йўналишларда изланиш олиб бормоқдалар.

Ад.: Многотомное руководство по глазным болезням, под ред. В. Н. Архангельского, т. 3, кн. 1, М., 1962; Золотарева М. М., Кўз касалликлари, [Дарслик], Т., 1969.

ОФТАЛЬМОСКОПИЯ (юнон. ophtalmos — кўз ва skopeo — кўраман, текшираман) — кўзнинг ички пардаларини (тубини) текшириш методи. Ўртаси тешилган махсус кўзгу — офтальмоскоп (ёруғлик нурини кўз ичига йўналтиради), ёруғлик манбаи ва лупа (катталаштириб берувчи шиша)дан фойдаланиб қоронғи хонада О. қилинади. Офтальмоскопларнинг кўпроқ такомиллаштирилган ва мураккаброқ моделлари ҳам бор.

ОФТОБ УРИШИ — қуёш нурлари тик тушиб турганда бошнинг (айниқса яланг бошнинг) ўта қизиб кетишидан келиб чиқадиган оғир касаллик ҳолати.


Офтоб урганда мия қон айланиши бузилади; мия пардалари ва моддасининг томирлари кенгайиб, қонга тўлиб кетади, мия шишади. О. у. оғир бўлганда майда қон томирлари ёрилиб, миянинг турли бўлимларига ва пардаларига қон қуйилади, натижада марказий нерв системаси турли бўлимларининг функцияси бузилади. О. у. енгил бўлганда бош айланади, оғрийди, дармон қурийди, кўз тинади. Оғир О. у. да бемор талвасага тушиб, қусади, ҳушдан кетади, териси қизаради, пульси ва нафас олиши тезлашади, т-раси 38—39° гача кўтарилади.

Профилактикаси: офтобда ишлаганда ёки юрганда албатта бош кийими кийиб олинади.



Офтальмоскопияда қўлланиладиган оддий офтальмоскоп.

ОФТОБАЧИЧЕК — Андижон обл. Андижон р-ни Олтинкўл қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 16 *км*. Аҳолиси 1745 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади.



Оффенбах Ж.

ОФТОБИГУЛҚАНД — атиргулининг гултожбарги ва шакардан тайёрланадиган ширинлик тури (қ. *Гулқанд*).

ОФТОБРЎЙ — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Паландара қ. С. даги қишлоқ. «Паландара» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Китобдан 26 *км*. Аҳолиси 624 киши (1971); богдорчилик б-и шуғулланади. Жиннидарёдан сув ичади.

ОФФЕНБАХ (аслида Эбершт) Жак (Якоб) 1819. 20. 6, Кёльн — 1880. 4. 10, Париж) — француз композитори, классик *оперетта* асосчиларидан. 1849 йилдан «Комедия Франсез» театрида дирижёр. 1855—61 йилларда ўзи асос солган «Буфф-Паризьен» театри, 1872—76 йиллар «Дела Гэте» театрини бошқарган. О. 100 га яқин оперетта ёзиб, мазкур жанр тарихини бошлаб берган. Улардан «Орфей дўзахда» (1858), «Гўзал Елена» (1864), «Кўк соқол» (1866), «Париж ҳаёти» (1866), «Перикола» (1868), шунингдек «Гофман эртаклари» номли романтик операси (1880) кўп мамлакатларда саҳналаштирилган. О. ўткир пародияли оперетталарида Иккинчи империя буржуа аристократлар жамиятини қадимги мифологик ва тарихий мавзулар асосида ҳажв қилган.


Ад.: Соллертинский И., Жак Оффенбах, М., 1962.



«Охрана труда и социальное страхование» журнали

ОХА — РСФСР Сахалин областидаги шаҳар. Сахалин оролининг шимоли-шарқий қисмида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 31 минг киши (1974). Сахалин нефть саноати р-нининг йирик маркази, бу ердан нефть қувурлар орқали Комсомольск-Амур шаҳрига боради. Механика, ёғочсозлик, темир-бетон буюмлар ва девор материаллари з-длари, озиқ-овқат саноати корхоналари, нефть техникуми бор.

ОХИРГИ ЗАРУРАТ (ҳуқуқда) — давлат, жамият ёки шахсий манфаатларга хатарли бўлган хавфни қайтариш учун қилинган ҳаракат. Бу ҳаракат жиноят белгиларига эга бўлади. Совет жиноят ҳуқуқига кўра, О. з. хавфни бошқа чоралар б-н қайтариш мумкин бўлмаган ҳамда келтирилган зарар олди олинган зарарга қараганда камроқ бўлса жиноят ҳисобланмайди (УзССР ЖК, 14-модда). Буржуа давлатлари қонунларида О. з. тўғрисида аниқ бир критерий йўқ. Айрим мамлакатлар (мас., Буюк Британия ва АҚШ)да О. з. тушунчасини белгилайдиган умумий норма бўлмаганлиги сабабли жиноятчилар аниқ жинояти учун жавобгарликка тортилади (яна қ. *Зарурий мудофаа*).


ОХОТА ДЕНГИЗИ
250 0 250 500км
Сурилиб келувчи музларнинг энг кўп тарқалган даври (март-апрель)даги чегараси
Оқимлар
О Х О Т С К
Я П О Н
Т И Н Ч
Курильск
Северо-Курильск
Южно-Сахалинск
Корсаков
Холмск
Невельск
Углегорск
Оха
Шахтерск
Александровск-Сахалинский
Ноглики
Охинское нефтяное месторождение
Шебунино
Северный Сахалин
Мыс Елизаветы
Мыс Терпения
Мыс Анива
Мыс Крильон
Мыс Сюсу
Мыс Лопатка
Курильские о-ва
Шикотан о.
Кунашир о.
Итуруп о.
Уруп о.
Симушир о.
Парамушир о.
Онекотан о.
Шиашкотан о.
Матуа о.
Расшуа о.
Ушишир о.
Кетой о.
Чирпой о.
Броутона о.
Харимкотан о.
Экарма о.
Райкоке о.
Ушишир о.
Ратманова о.
Фоккера о.
Буссоль пр.
Екатерины о.
Фриза



Ё. Охунбобоев бошлиқ Ўзбекистон делегацияси Ғарбий фронтда. 1942 йил.

нинг сув учун, янги ерларни ўзлаштириш учун, СССРда пахтачиликни ривожлантириш учун олиб борган курашига бағишланган. О. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ва ЎзССРнинг Меҳнат Қизил Байроқ орденлари б-н мукофотланган. Фарғона областидаги р-н, Андижон шаҳридаги театр, кўпгина корхона, к-з, мактаблар О. номига қўйилган. Марғилонда музей очилган.


Ас.: Танланган асарлар, Т., 1976.

Ад.: Валиев В., Халқ оқсоқоли, Т., 1960; Валиев В. В., Юлдаш Ахунбабаев, Т., 1968.

ОХУНБОБОЕВ (1975 йил 31 октябргача — Сўфиқишлоқ шаҳар посёлкаси) — шаҳар. Андижон обл. Жалақудуқ р-ни маркази. Андижондан 29 *км*, яқин т. й. станцияси — Гурунчмозордан 1 *км*. Аҳолиси 12000 киши (1975), асосан ишчи ва хизматчилар. Пахта тозалаш з-ди, момиқ ф-каси, қурилиш ташкилотлари, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш к-ти, 5 ўрта мактаб, музика мактаби, пионерлар уйи, кинотеатр, касалхона, поликлиника бор.

ОХУНБОБОЕВ — Сурхондарё обл. Гагарин р-ни Бешқўтон қ. С. даги қишлоқ. «Янгиобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Шероободдан 10 *км*. Аҳолиси 3516 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Занг каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, касалхона, ҳаммом, кутубхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОХУНБОБОЕВ — Сирдарё обл. Ховос р-ни Фарҳод қ. С. даги қишлоқ. «Фарҳод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Ховосдан 11 *км*. Аҳолиси 3155 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Мирзачўл машина каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, поликлиника, дорихона, пахта пункти, алоқа бўлими, болалар боғчаси, ошхона бор.



ОХУНБОБОЕВ — Сирдарё обл. Боёвут р-ни Боёвут-1 қ. С. даги қишлоқ. «1-Боёвут» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Боёвут разъездидан 27 *км*. Аҳолиси 1197 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Мирзачўл каналидан сув ичади.

ОХУНБОБОЕВ — Сурхондарё обл. Денов р-ни Хайробод қ. С. даги қишлоқ. «Ғалаба» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Деновдан 5 *км*. Аҳолиси 1129 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Хайробод каналидан сув ичади.

ОХУНБОБОЕВ — Тошкент обл. Чиноз р-ни Чиноз қ. С. даги қишлоқ. «Қизил Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Чиноздан 3 *км*. Аҳолиси 1025 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қуркулдак ариғидан сув ичади.

ОХУНБОБОЕВ — Андижон обл. Бўз р-ни Ховос қ. С. даги қишлоқ. Тельман номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихондан 15 *км*. Аҳолиси 856 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, касалхона, болалар боғчаси ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОХУНБОБОЕВ — Тошкент обл. Янгийўл р-ни Шўралисой қ. С. даги қишлоқ. Ҳамроқул Турсунқулов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Янгийўлдан 10 *км*. Аҳолиси 779 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Жўн каналидан сув ичади.

ОХУНБОБОЕВ — Бухоро обл. Қоракўл р-ни Қорауи қ. С. даги қишлоқ. Максим Горький номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — Қоракўлдан 20 *км*. Аҳолиси 760 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Аму-Қоракўл каналидан сув ичади. К-з идораси, к-з трактор парки ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОХУНБОБОЕВ — Наманган обл, Уйчи р-ни Қизилравот қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқдан 15 *км*. Аҳолиси 720 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади.

ОХУНБОБОЕВ — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Сариосиё қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Сариосиёдан 10 *км*. Аҳолиси 668 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Харкуш дарёсидан сув ичади.

ОХУНБОБОЕВ — Самарқанддан 44 *км*. Аҳолиси 1350 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Пай каналидан сув ичади. Медпункт, болалар боғчаси, ҳаммом бор.

ОХУНБОБОЕВ — ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Охунбобоев овул Советидаги қишлоқ. Димитров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 42 *км*. Аҳолиси 1395 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик ва полизчилик б-н шуғулланади. Амударёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона бор.

ОХУНБОБОЕВ — Наманган обл. Уйчи р-ни Ёрқўрғон қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқдан 5 *км*. Аҳолиси 625 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кинотеатр, кутубхона бор.

ОХУНБОБОЕВ — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Сўфиён қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Сариосиёдан 10 *км*. Аҳолиси 619 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Обизаранг дарёсидан сув ичади. К-з қорамолчилик фермаси бор.

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ЁШ ТОМОШАБИНЛАР ТЕАТРИ — қ. *Ёш томошабинлар театри.*

ОХУНБОБОЕВ РАЙОНИ — Фарғона областидаги р-н. 1952 йилда ташкил этилган. Ғарбдан Олтиариқ, жанубдан Фарғона, шарқдан Тошлоқ, Андижон областининг Бўз, Комсомолобод р-нлари, шимолдан Наманган областининг Задарё р-ни б-н чегарадош. Майдони 718,7 км². Аҳолиси 98452 киши (1975). Р-нда 12 қ. С. (Гулистон, Ёзёвон, Лангар, Ленин, Қумтепа, Йўлдошобод, Охунбобоев, Пахтакор, Хонобод, Шаҳартепа, Уқчи, Қорақўшчи) бор. Маркази — Ёзёвон посёлкаси.

Табиати. Р-н Фарғона водийсининг марказида, Ёзёвон чўлида жойлашган. Рельефи кенг текисликдан иборат бўлиб, шимолга томон пасайиб боради; бу ерда дарё ёйилмалари ва уларнинг оралиғидаги пастликлар ҳамда Сирдарёнинг қайир усти террасаси, суви қуриб қолган кўл ботиқлари б-н бирга қадимги сойларнинг ўзанлари, қум барханлари ва тепалари учрайди. Иқлими кескин континентал. Ези қўшни р-нларга нисбатан иссиқроқ, қиши эса совуқроқ. Баҳорда ғарбдан шамол эсиб туради. Йиллик ўртача т-ра 13,6°. Июлда ўртача т-ра 27°, максимум 42°, январда ўртача т-ра —2,2°, минимум —23°. Вегетация даври 218 кун. Йиллик ёғин 100—120 *мм*. Р-н терр-яси орқали Марғилонсой, Катта Фарғона канали ва Катта Андижон канали, Ёзёвон сойи оқиб ўтади. Р-н терр-яси мураккаб гидрогеологик ўринда жойлашган. Теварак-атрофдаги баландликлардан сизот сувлар ва суғоришдан чиққан оқова сувлар бу ерга келади ва ер ости сувини кўпайтиради. Сизот суви юза (1—2 *м*). Ер остида бир нечта сувли қатламлар бўлиб, уларнинг суви артезиан қудуғи орқали тортиб олинмоқда.

Р-н терр-ясининг катта қисмини озми-кўпми шўрлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, баъзан шўрхок тупроқлар ишғол қилади. Ўтлоқи тупроқларда бутун вегетация даврида намлик етарли бўлади. Жанубий қисмида оч бўз, суғориладиган бўз-ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар (чириндиси 2—4%) бор.

Ёввойи ўсимликлар р-нинг шимолидагина сақланиб қолган. Қум тепалари ва қумоқ ерларда черкез, қандим, селин, юлғун, қум тепалари орасидаги текисликларда шўра, лёсслигилли ерларда шувоқ ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қуён, тулки, кемирувчилар ва судралувчилар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (91%); қирғизлар, тожиклар, қорақалпоқлар, руслар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 123 киши (1975).


Хўжалиги. Р-нда нон к-ти, авторемонт з-ди, «Узсельхозтехника»нинг бирлашган устахонаси, маиший хизмат к-ти ва б. бор. Қ. х. нинг барча тармоқлари яхши ривожланган. 22800 *га* ерга пахта, 186 *га* ерга шоли, 170 *га* ерга сабзавот, 324 *га* ерга полиз экинлари, 1369 *га* ерга маккажўхори экилади, 5,7 минг *га* ер емхашак экинлари, 1100 *га* ер мевазор боғлар, токзор ва тутзорлар б-н банд (1975). «1 Май» к-зида қовуннинг йўқолиб бораётган навларини тиклайдиган ва янги қовун навлари етиштирадиган тажриба участкаси бор. Иприк бўрдоқичилик базаси ишлаб турибди. Р-н хўжаликларида 11800 қорамол (шундан 3682 сигир), 44311 қўй ва эчки, 57256 парранда мавжуд (1975). Давлатга 79848 *т* пахта, 31,8 минг *ц* дон (шундан 2 минг *ц* шоли), 204840 *ц* сабзавот, 989 *т* гўшт, 4461 *т* сут, 968 минг дона тухум (1974), 633 *т* пилла сотилди (1975).

Р-нда 36 ўрта, 16 саккиз йиллик, 1 бошланғич мактабда 28455 ўқувчи таълим олади. (1974/75). Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик техникуми ва икки ҳунар-техника билим юрти ҳам бор. 300000 китоб фондига эга бўлган 88 кутубхона, 42 киноустановка ишлаб турибди (1975). Р-н «Ленин йўли» газетаси 1953 йилдан бери чиқади (16475 нусха). 720 ўринли 7 касалхона, санэпидстанция, 64 медпунктда 66 врач, 410 ўрта медицина ходими ишлайди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари А. Раҳмонов, Э. Ҳамидов, Ҳ. Ҳасанов, С. Мусаев, И. Иброҳимовлар шу р-нлик.

ОХУНДОВ Мирза Фатали (1812. 30. 6, Шеки, ҳозирги Нуха — 1878. 26. 2, Тифлис) — озарбайжон ёзувчиси, маърифатпарвар, философ-материалист. Озарбайжон драматургиясининг асосчиси. Рус, араб ва форс тилларини билган. Ижоди 30-йиллардан бошланган. Унинг «Пушкиннинг ўлимига шарқ поэмаси» асари (1837) улуғ рус ёзувчиси А. С. Пушкинга бағишланган. О. 1851 йили «Ҳикояти мулла Иброҳим кимёгар» ва «Ҳикояти мусье Жордан ҳакими наботот ва дарвеш Мастали шоҳ жодукуни машҳур» («Наботот ҳакими мусье Жордан ва сеҳргар дарвеш Мастали шоҳ ҳикояти») комедияларини яратган. «Саргузашти вазири хони Ланкарон» (1851), «Ҳикояти ҳирси қулдурбосан», «Ҳожи Қора» (1852), «Мурофия вакилларининг ҳикояти» (1856) комедияларида 19-аср 1-ярми озарбайжон ҳаёти акс этган. «Алданмиш кавокиб» қиссаси (1857) б-н озарбайжон реалистик прозасига асос солган. Асарда ижтимоий тузум ва ҳоким гуруҳлар б-н халқ



Охундов М. Ф.



Охунбобоев райони. 1. Район марказидаги Й. Охунбобоев ҳайкали. 2. «Иттифоқ» колхози правлениеси биноси. 3. Ёзёвон посёлкасининг кўчаларидан бири.



Охунжонов С. С.

оммаси орасидаги кескин қарама-қаршилик тасвирланган. О. нинг дунёқараши Яқин Шарқ, шунингдек 18-аср рус философияси ва француз материалистларининг илғор ғоялари таъсирида шаклланди. У материалистик ғояларни тараққий эттирди, философия ва фанни диндан ажратди, табиатни ўрганишга чақирди. Билиш назариясида материалистик сенсуализм позициясида турди. Ижтимоий зулмга қарши чиқиб, шарқ аёлларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилди. Унинг философияга оид фикрлари «Инглиз файласуфи Юмга жавоб» асари (1870) да ифодаланган. Асар бирмунча ўзгартирилиб «Ҳиндистон шаҳзодаси Камалиддавланинг Эрон шаҳзодаси Жалолиддавлага ёзган хати ва Жалолиддавланинг жавоби» философик рисоласига илова қилинган. О. араб алфавитини ислоҳ қилишга бағишланган «Араб, форс ва турк тилларининг ёзувлари учун янги алфавит» асарининг (1857) муаллифи.

Ас: Эсэрлэри, ч. 1—3, Баки, 1949—1955; Избранное, М., 1956; Избр. философские произведения, М., 1962.

Ад.: Джафаров Дж., М. Ф. Ахундов, Критико-биографический очерк, М., 1962; Мамедов Ш. Ф., Мировоззрение М. Ф. Ахундова, М., 1962; Зоҳидов В., Донолар даврасi, Т., 1973.



Охунов Қ.

ОХУНЖОН ҚИЗИҚ Ҳузуржонов (1903—Маргилон — 1967) — халқ қизиқчиси. Қизиқчиликни *Юсуфжон қизиқ* Шакаржоновдан ўрганган. У Юсуфжон қизиқ б-н Тошсовет номидаги театр, Узбекистон филармонияси ва эстрадасида ишлаган. О. қ. анъанавий ўзбек театрининг, асосан, кулки-қикоя жанри ижросида танилди. У бир томондан мавжуд кулки-қикоялардан фойдаланса, иккинчи томондан ўзи ҳам кулки-қикоялар тўқиган. О. қ. турли хил воқеаларни бир сюжет ипига тизиб бадиий тўқима ҳосил қилишда, ўхшатиш, сифатлаш ва бўрттириб тасвирлашда юксак маҳоратга эга бўлган. «Саводсиз сартарош», «Самолёт», «Сумалак», «Қинначи кампир», «Поезддаги билетсиз киши», «Зарарли ичимлик», «Зиёрат», «Граммофон» каби элликдан ортиқ кулки-қикояларда кундалик ҳаётимизда учраб турадиган қаллоблар, товламачилар, шахсиятпарастларни фош этди. У Москвада бўлиб ўтган Узбекистон санъати ва адабиёти декадалари (1937, 1951, 1959) нинг қатнашчиси. Умрининг охирги йилларида Маргилон халқ театрида ишлаган. О. қ. санъатини унинг ўғли Одилжон Охунов б-н Муҳиддин Дарвешовлар давом эттирмоқда.



Охунова М. О.

ОХУНЖОНОВ Собир Собирович (1919. 10. 10, Тошкент) — ҳарбий арбоб, генерал-майор (1973). Ишчи оиласида туғилган. 1941 йилдан КПСС аъзоси. 1938 йилдан Совет Армиясида. В. И. Ленин номидаги Қизил Байроқ орденли ҳарбий пиёдалар билим юртини (1940), М. В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни (1955), Улуғбек номидаги Фарғона Педагогика ин-тини (1966) тугатган. Улуғ Ватан уруши (1941—45) да Сталинград, Жанубий-ғарбий, 3- 4- ва 1-Украина фронтларида взвод, рота командири, штаб бошлиғининг ёрдамчиси. Сталинград мудофаасида, Днепр ва Висла дарёларини кечишда, Польша ва Чехословакияни озод этишда қатнашган. Урушдан сўнг Волгабўйи Ҳарбий округи, Туркистон Ҳарбий округи штабида турли лавозимларда ишлади. Туркистон Ҳарбий округида полк командири (1958—64), Фарғона обл. Ҳарбий комиссари (1964—67), УзССР Ҳарбий комиссарининг ўринбосари (1967—71), 1971 йилдан УзССР Граждан мудофааси штабининг бошлиғи. Қизил Байроқ орденни, 2 марта 1-даража Ватан уруши, 2 та Қизил Юлдуз ордени ва 11 та медаль б-н мукофотланган.

ОХУНОВ Қосимжон (1904, Андижон) — ўзбек совет актёри. УзССР халқ артисти (1957). 1954 йилдан КПСС аъзоси. 1924 йилдан И. Охунбобоев номидаги Андижон область музикали драма ва комедия театрининг актёри. В. Яннинг «Ҳужум» спектаклидаги табиб О. нинг театр саҳнасида яратган илк образидир. Вали (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон»), Раҳим ота (Ғ. Зафарий, «Ҳалима»), Соли домла (К. Яшин, «Ўртоқлар»), Фарҳод (Ҳуршид пьесаси; В. Успенский музикаси, «Фарҳод ва Ширин»), Мулладўст (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Зайд (Ҳуршид; Т. Содиқов, Н. Миронов, «Лайли ва Мажнун»), Бобчинский (Н. Гоголь, «Ревизор») сингари образлари б-н ўзбек театри санъатининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. 1970 йилдан пенсионер.

ОХУНОВА Мелихон Охуновна (1928. 28. 12, Наманган обл. Учқўрғон ш.) — тарихчи олима, тарих фанлари д-ри (1972). 1953 йилдан КПСС аъзоси. 1949 йилда УзДУнинг тарих ф-тини битирган ва шу йилдан УзФА Тарих ва археология ин-тининг аспиранти. 1953—61 йилларда мазкур ин-тда илмий ходим, 1961—65 йилларда ин-т директорининг ўринбосари, 1965 йилдан УзФА Тарих ин-ти директори. Докторлик диссертацияси «Узбекистон ишчилар синфи социализм тараққиёти даврида (1959—1970 йиллар)» мавзуига бағишланган. О. «Узбекистон ССР тарихи» (3- ва 4- жилдлар), «Узбекистон ССР тарихи» (бир томлик) ва «Самарқанд тарихи» (2- жилд) муаллифларидан бири. Бир қанча илмий асарлари нашр қилинган. УзСЭ Бош таҳрир ҳайъатининг аъзоси. Унга «Узбекистонда ишчилар синфи тарихи» (3 томлик) асарининг муаллифлари қаторида Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилган. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Тошкентда Совет ҳокимиятининг галабаси, Т., 1957; Совет Узбекистонининг интернационал алоқалари, Т., 1969; Рабочий класс Узбекистана в период развитого социализма (1959—1973), Т., 1974.

ОХУНОВА Турсуной (1937, Тошкент обл. Чиноз р-н Эски Тошкент қишлоғи) — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1959), 1962 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Чиноз р-нидаги Киров номли к-зда колхозчи (1949—52), «Пахта» МТСда механизатор (1952—60), яна Киров номли к-зда комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадаси бошлиги ва механик-ҳайдовчи (1960 йилдан). Хотин-қизлар орасида механик-ҳайдовчилик касбини эгаллаш учун бошланган оммавий ҳаракатнинг ташаббускори (қ. *Турсунойчилик ҳаракати*). О. бошлиқ бригада гектаридан 40,5 *ц* пахта етиштирган ва ўзи машинада 322 *т* пахта терган (1958). Вертикал шпинделли пахта териш машинасини ишлаб чиқаришга жорий этишда хизматлари учун Ленин мукофоти лауреати (1967). СССР Олий Совети Президиуми аъзоси бўлган. УзКПнинг 17—19-съездларида МК аъзоси. 6-, 7-чақириқ СССР Олий Совети, 9-чақириқ УзССР Олий Совети депутати. КПСС 25-съезди делегати. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОХУНОВА Эътибор (1934. 1. 9, Андижон) — ўзбек совет шоираси ва журналисти. 1962 йилдан КПСС аъзоси. Хизматчи оиласида туғилган. 1950—55 йилларда ТошДУ филол. ф-тида ўқиган. Ўрта мактабда ўқитувчи (1955—56), «Шарқ юлдузи» журнали редакциясида адабий ходим (1957—59). 1960 йилдан «Совет Узбекистони» газетасида адабий ходим ва бўлим бошлиғи. Илк шеърлар тўплами «Тонгда» 1961 й. чиққан. «Марҳабо, баҳор» (1964), «Хаёлимдасан», «Кўнгил дафтари» (1967), «Камалак» (1970) шеърий китоблари ва «Биз дарёлармиз» достонида (1973) халқлар ўртасидаги бузилмас дўстлик ва замонамиз кишиларининг олижаноб ҳис-туйғулари акс этган. «Бир жуфт терак» ҳикоялар тўплами (1969) ва «Кўнгил мулки», «Дунай тўлқинлари» (1968), «Умр мазмуни» (1969) каби очерклар тўпламини яратган. О. одоб ва ахлоқ масалаларига оид «Қадр ва қиммат» (1967), «Субҳидам саболари», «Қиз ҳусни» (1973) мақолалар тўплами ва «Нозигул» опера либереттоси муаллифи.

ОХУНОВА Ҳабиба Хўжановна (1943. 10. 1, Андижон обл. Ленинск ш.) — ўзбек совет актрисаси, хонанда. УзССР халқ артисти (1974). 1973 йилдан КПСС аъзоси. 1959—63 йиллар Андижон театри, 1963 йилдан Наманган обл. музикали драма ва комедия театрининг актрисаси. О. Кумуш (Д. Файзий пьесаси; Д. Соатқулов музикаси, «Зарафшон қизи»), Лайли (Ҳуршид; Т. Содиқов, «Лайли ва Мажнун»), Зуҳра (С. Абдулла; Т. Жалилов, Б. Гиенко, Г. Собитов, «Тоҳир ва Зуҳра»), Нурхон (К. Яшин; Т. Жалилов, Г. Собитов, «Нурхон»), Барчин (С. Абдулла; Т. Жалилов, Б. Надеждин, «Алпомиш»), Амалия (Ф. Шиллер, «Қароқчилар») каби ролларни маҳорат б-н ижро этган. О. лирик-драматик образларнинг руҳий ҳолатларини ифодалашда ўзининг хонандалик санъати ва саҳна маҳоратини эркин уйғунлаштиради. О. репертуаридан ашулалар ҳам ўрин олган.

ОХУНҚАЙНАР — Фарғона обл. Узбекистон р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. «Пахтақайнар» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 3 *км*. Аҳолиси 683 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёси ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади.

ОХУР — чорва молларига ем-хашак бериладиган мослама. Ем-хашак тўкилиб-сочилиши ва инфлосланишининг олдини олиш мақсадида қурилади. О. нинг катта-кичиклиги ва тузилиши мол тури, ёши ва боқилиш усулига боғлиқ.

Қорамол учун бир томонлама, икки томонлама, якка ва кўп, кўчирилмайдиган (стационар) ва кўчма О. қурилади. Қорамолни боғлаб ва боғламай боқиш учун СССРда, асосан, кўчирилмайдиган, бузоқларга эса кўчма, сут сочиш установкаларига якка О. қилинади. Йилқичилик фермаларида деворлари олиб-қўйиладиган О. қурилади. Қўй-эчкилар учун кўчирилмайдиган ва кўчма, бир томонлама ва икки томонлама О. қуриш мумкин. Пичан ва силос, концентратлар учун махсус О. қилинади.

ОЧ ҚОЛИШ, оч қўйиш (медицинада) — озиқ моддаларнинг организмга бутунлай ёки етарли кирмай қўйиши ёки тузук ўзлаштирилмаслиги сабабли организмда рўй берган ҳолат. Сут эмизувчилар қишки ва ёзги уйқуга кирганда, амфибиялар, ҳашаротлар, балиқлар ва рептилиялар совуқда карахт бўлиб ётганда О. қ. физиологик ҳодиса сифатида учрайди. Бундай ҳолларда О. қ. б-н бирга маркази нерв системаси тормозланади, моддалар алмашинуви кескин даражада пасаяди, бу эса оз энергия сарфлаб узоқ яшаб туришга имкон беради.



Охунова Т.

Одамда О. қ. патологик ҳодиса бўлиб, овқат ейилмай, ейилган овқат ҳазм бўлмаганда (айниқса меъда-ичак касалликларида) рўй беради. Организмга сувдан бошқа овқат кирмаса, тўлиқ О. қ. дейилади, организм жами сарфлаётган энергиясига нисбатан камроқ овқат олса, чала О. қ. деб аталади, организмга овқат ҳам, сув ҳам кирмаса, мутлақ (абсолют) О. қ. деб, айрим озиқ моддалар (оқсиллар, минерал моддалар, витаминлар ва ҳ. к.) организмга етарли кириб турмаса, жузъий (сифат жиҳатдан) О. қ. деб юритилади. Тўлиқ О. қ. да гавдадаги озиқ моддалар (айниқса ёғ) запаси ҳисобига организм бир неча вақт яшаб туради. Ўлим пайтигача оқсил дастлабки миқдорининг қарийб 40—50% и емирилади. О. қ. да умр узунлиги гавда оғирлигига, ёшга (болалар ва кексаларга О. қ. тез таъсир этади), жинсга (аёллар О. қ. га кўпроқ чидамли), энергия сарфига (энергия кам сарфланганда — одам ётганда — умр узоқроқ бўлади) ва организмнинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ. Одам учун О. қ. нинг чегараси 60—70 кун (мутлақ О. қ. да — бир неча кун). Тўлиқ О. қ. уч даврга бўлинади. Биринчи давр (организмнинг дастлабки мослашуви) 2—4 кун бўлиб, очлик ҳисси кўпроқ сезилади, иштаҳа очилиб, меъда ҳаракати кучаяди. Дастлабки кунлари гавда вазни кунига 1 *кг* га қадар камаяди. Иккинчи давр (организмнинг О. қ. шароитига мослашуви) узоқроқ давом этади, очлик ҳисси камаяди, иштаҳа йўқолади; тил оқ караш бойлайди, оғиздан ва теридан ацетон ҳиди келади. Организмда пича сув тўпланади. Учинчи (агониядан олдинги) давр 5—7 кун давом этади, унда марказий нерв системасининг функцияси кескин даражада сусаяди, иштаҳа йўқолади, дармон қурийди, бемор ҳолатидаразм бўлиб, пировардида чуқур *кома* ҳолати бошланади.

Ёғ босишни, баъзан эса моддалар алмашинувининг бузилишига алоқадор бўлган бошқа касалликлар (*ревматизм, подагра*, қандли *диабет, атеросклероз* ва б.) ни даволаш мақсадида тўлиқ ва жузъий О. қ. татбиқ этилади.



Охунова Э.

ОЧАМАЙЛИ, ачамайли — ўзбекларнинг *дўрмон, кенагас, найман, қўнғирот, қурама, юз* қабилаларининг таркибига кирган йирик уруғлардан бири. Қозоқлар ва қорақалпоқлар таркибида ҳам ашамайли уруғи бўлган.



Охунова Х.

ОЧАМАЙЛИ — Тошкент обл. Бекобод р-ни Қиёт қ. С. даги қишлоқ. «Победа» к-зи территориясида. Р-н марказидан 60 *км*, яқин т. й. станцияси — Бекободдан 30 *км*. Аҳолиси 1037 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Киров номли каналдан сув ичади. Урта мактаб, болалар боғчаси, медпункт бор.

ОЧАМАЙЛИ — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Октябрь қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида.



Охунова Х. «Гулсара» спектаклида Гулсара ролида.



Очанка: *1* — гули; *2* — барги; *3* — меваси.

Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Қитобдан 13 *км*. Аҳолиси 645 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади.

ОЧАМЧИРА — Абхазия АССРдаги шаҳар (1926 йилдан). Қора денгиз соҳилида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 19 минг киши (1974). Мой-экстракция, консерва з-длари, 2 чой ф-каси, тамаки-ферментация корхоналари, маҳаллий саноат к-т ишлаб турибди.

ОЧАНКА (Euphrasia) — сигирқуйруқдошлар (сигирқуйруқгуллилар оиласи)га мансуб ўсимликлар туркуми. Бир йиллик, баъзан кўп йиллик ярим паразит ўтлардан иборат. Пояси сертук. Барги қарама-қарши, йирик тишли. Гули нотўғри, икки лабли, гултожиси оқ ёки пушти. Меваси — кўсакча. Шимолий ярим шарда, шунингдек Малайя архипелагидаги тоғларда, Австралияда ва Жанубий Американинг мўътадил минтақаларида 200 га яқин тури ўсади. СССР да 60 тури ўтлоқларда, ўрмон ялангликларида учрайди. Эрта ва кеч гуллайдиган турлари бор. Баъзи турлари (E. tsricta), асосан, ғалла экинларининг илдизида ўсиб, ҳосилдорликни пасайтиради.

ОЧАРЧИЛИК — антагонистик ижтимоий-иқтисодий формацияларга хос социал ҳодиса. Ҳақиқий (абсолют О.) ва яширин (тўйиб овқатланмаслик, яшаш учун зарур бўлган озиқ-овқат миқдорининг камлиги) формаларда содир бўлади. Ҳар иккала формаси ҳам оғир оқибатларга — турли касалликларга, ақлий ва жисмоний ўсишнинг секинлашувига, бевақт ўлимга олиб келади.

О. ибтидоий жамоа тузуми даврида ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг пастлиги ва инсоннинг табиатга ниҳоятда қарамлиги оқибатида содир бўлган. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши б-н бу қарамлик камая борган. Бироқ социалистик тузумга қадар О. кўпчилик меҳнаткаш омма учун социал бахтсизлик бўлиб келди. Ҳосилсизлик ҳам оммавий О. ни вужудга келтиради. О. ка асосий сабаб халқ бойлиги асосий қисмининг эксплуататорлар томонидан ўзлаштирилиши ва таланишидир.

О. ҳозирги даврда капиталистик жамғаришнинг умумий қонуни кўринишларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. У ҳатто тараққий этган капиталистик мамлакатларда ҳам барҳам топмаган. У ердаги энг камбағал аҳоли яширин О. га маҳкум этилган. Анчагина ривожланаётган мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг заифлиги туфайли тез-тез О. бўлиб туради. 1975 й. БМТ маълумотига кўра, бу ерда О. га 500 млн. киши мубтало бўлди. О. туфайли бир ёшга тўлмаган ҳар 100 боладан Ҳиндистонда 22 таси, Африкада 23 таси ҳалок бўлди. Мазкур мамлакатларда аҳоли жон бошига ўртача кунига 1875—2040 калория тўғри келади, яъни бу БМТ белгилаган калория нормасининг 50%идир. Бу мамлакатларда қ. х. экинларидан кам ҳосил олинади. Ишлаб чиқариш техникаси қолоқ. СССР ва б. социалистик мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларга ҳосилдорликни оширишда ва табиий офатлар оқибатини бартараф этишда яқиндан ёрдам бермоқда. Жамиятни социалистик асосда қайта қургандагина О. ҳолларини бартараф этиш мумкин.

Социалистик тузум О. ни вужудга келтирадиган сабабларни тугатди, озиқ-овқат етарли бўлишини таъминлайдиган социал ва ишлаб чиқариш шароитини яратди. Буни СССР тажрибасида кўриш мумкин. Подшо Россиясида О. тез-тез бўлиб турадиган ҳол эди (18- асрда 34 марта, 19- асрда 40 марта, 1901—12 йилларда 7 марта). СССРда социалистик жамият қурилиши б-н О. батамом тугатилди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайиши аҳоли ўсишидан орқада қолиши туфайли О. муқаррардир, деб даъво қилувчи мальтусчи ва неомальтусчи буржуа назариячиларининг фикрлари социалистик мамлакатларнинг тажрибасида фош этилмоқда.

ОЧЕРК — бадиий адабиётнинг насрий жанрларидан бири. У ҳикоядан ягона, тез ҳал қилинувчи конфликтнинг йўқлиги ва тавсифий характерда бўлиши б-н фарқланади. Одатда О. да ҳикоя, қисса, роман, драмалардагидек автор «ихтиёридан ташқари» турадиган қатъий бир композиция бўлмайди. Воқеа ва образларнинг зарур системага солинишида автор ихтиёри, у баён қилмоқчи бўлган масала ёки шахс ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Сюжет, конфликт, характер каби бадиий воситалар автор назаридаги масала ёки шахс талаби асосида О. дан жой олади, унга хизмат қилади.

Ҳаётни акс эттириш принципи жиҳатидан ҳақиқий О. лирикага ўхшаб кетади. Унда ёзувчи ҳаётдан олган таассуротини, юрак тўлқинини ёзади. Ўзбек О. ининг асосчиларидан бири ёзувчи Абдулла Қаҳҳор бу жанрни қуйидагича характерлайди: «...Очеркнинг материали, ёзилиши бошқа жанрлардан фарқ қилар экан, бу фарқ уни адабиётда иккинчи даражали жанр дейишга мутлақо асос бўлолмайди... Очерк ҳам адабиётда тўла ҳуқуқли жанр. Очеркист-ёзувчидир. Демак, гап жанрда эмас, асарнинг қандай ёзилганида. Ҳикоя ҳикоянависдан қанча меҳнат, қанча моҳирлик, қанча маданият талаб қилса, очерк ҳам очеркистдан шунча меҳнат, шунча маҳорат, шунча маданият талаб қилади. Яхши ҳикоя узоқ умрли бўлса, яхши очерк ҳам узоқ умрли бўла олади».

Миллий адабиётлар тарихидан маълумки, О. ижтимоий муносабатларнинг таназзулга юз тутиши ёки янгича ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ равишда равнақ топади. Хусусан, рус совет адабиёти ва, умуман, кўп миллатли совет адабиётида О. жанрининг тараққиёти учун М. Горький катта ҳисса қўшди. Унинг «Россия бўйлаб» очерклари бу жанрнинг совет давридаги тараққиёт йўлларини белгилаб берди.

Ўзбек адабиётида бу жанр намуналари кўп асрлардан бери маълум. Ўзбек классик адабиётидаги саёҳатномалар, баъзи бир тарихий асарлар О. шаклида яратилган. Унинг энг характерли намунаси «Бобирнома»дир. Бу асар ҳажм жиҳатдан О. дан катта бўлиб, асосан мемуар асар ҳисобланса-да, ҳаётни акс эттириш усулига кўра О. ка яқин. Унда ўша давр Ўрта Осиё табиатига тегишли фактлар, бу ерда яшайдиган халқлар ҳаётига оид лавҳалар берилган.

Ўзбек совет адабиётида О. нинг туғилиши А. Қодирий, Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Ш. Рашидов номлари б-н боғлиқ. О. Улуғ Ватан урушидан кейинги йилларда мустақил жанр сифатида шаклланди. Бу даврга келиб О. жанрида махсус ижод қиладиган ёзувчилар пайдо бўлди: Назир Сафаров, Йўлдош Шамшаров, Ҳабиб Нўъмон, Суннатулло Анорбоев ва б. А. Қаҳҳорнинг чўлқуварлар, Назир Сафаровнинг Турсуной, И. Шамшаровнинг гурумсаройликлар ҳақидаги О. лари ўзбек адабиётида намуна бўларли асарлардир.

Воқеликни акс эттириш жиҳатидан О. ҳужжатли, проблематик, этнографик, йўл О. лари сингари кўринишларга эга. Ўзбек адабиётида асосан ҳужжатли, хусусан, портрет О. лар кўпроқ учрайди. Уларда ёзувчиларимиз ҳаётни ўзгартираётган қаҳрамонлар — ишчилар, колхозчилар, раҳбар ходимлар ҳаёти ва фаолиятидаги ўрнак томонларни танлаб акс эттирадилар.

Ад.: Теория лит-ры. Основные проблемы в историческом освещении, [кн. 1—3], [кн. 2]. Роды и жанры литературы, М., 1964; Қўшжонов М., Ҳаёт ва маҳорат, Т., 1962; Кантарович В., Заметки писателя о современном очерке, 2 изд., М., 1973.

ОЧИҚ ВА ЁПИҚ ТЎПЛАМЛАР — тўғри чизиқ, текислик, фазо нуқталарининг тўпламлари. Очиқ A тўплам шу A га тегишли ҳар бир x нуқтанинг бирор $u(x)$ атрофи A да ётиши б-н характерланади, яъни очиқ тўплам ўзининг ҳар бир нуқтаси б-н унга етарлича яқин нуқталарини ҳам ўз ичига олади. Мас., $f(x, y, z)$ узлуксиз функция бўлса, $f(x, y, z) > 0$ бўлган соҳа фазонинг, (a, b) интервал тўғри чизиқнинг, $\{x^2 + y^2 < 1\}$ доира текисликнинг очиқ тўпламлари бўлади. Ёпиқ тўплам ўзининг барча уриниш нуқталарини ўз ичига олганлиги б-н характерланади, яъни A тўпламнинг x нуқтага исталганча яқин нуқталари бўлса, x ҳам A да ётади. Мас., $f(x, y, z)$ узлуксиз функция бўлса, $f(x, y, z) \geqslant 0$ ва $f(x, y, z) = 0$ соҳалар фазонинг, (a, b) сегмент ва бутун сонлар тўплами тўғри чизиқнинг, $\{x^2 + y^2 \leqslant 1\}$ доира текисликнинг ёпиқ тўпламлари бўлади. (a, b) интервал текисликда очиқ ҳам, ёпиқ ҳам бўлмайди. Бир неча тўплам кесишмаси ва исталганча очиқ тўпламлар бирлашмаси очиқ, бир неча ёпиқ тўпламлар бирлашмаси ва исталганча ёпиқ тўпламлар кесишмаси ёпиқ бўлади.

Очиқ тўплам тўлдирмаси ёпиқ ва, аксинча, ёпиқ тўплам тўлдирмаси очиқ бўлади. О. ва ёт. *топологияда* умумлаштирилиб, лимит, узлуксизлик, ўлчов ва б. ўрганишга имкон беради.

Ад.: Саримсоқов Т. А., Ҳақиқий ўзгарувчининг функциялари назарияси, Т., 1968.

ОЧИҚ ДЕНГИЗ (халқаро ҳуқуқда) — территориал сув чегараларидан ташқарида бўлган, барча давлатлар эркин фойдаланадиган денгиз саҳни. О. д. дан фойдаланиш халқаро ҳуқуқ режими Женева конвенцияси (1958) ва б. халқаро ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинади. О. д. ҳақидаги конвенция денгиз бўйидаги ва денгизга яқин бўлмаган барча мамлакатларга: кемаларнинг эркин сузиш, сув ости кабели ва трубопроводлари ўтказиш, денгиз устидан учиш, шунингдек балиқ овлаш, океан ости рельефини ўрганиш ва илмий текширишлар олиб бориш ҳуқуқини беради. О. д. эркинлиги мутлақ чексиз эмас. Бошқа мамлакатларнинг қонуний манфаатлари б-н ҳисоблашмай, ундан турли мақсадларда фойдаланиш ман қилинади (мас., ядро синовлари жараёнида денгиз сувини радиоактив моддалар б-н заҳарлаш, чиқиндилар б-н булғаш ва б.).

ОЧИҚ СПОРАЧИ ҚАТЛАМ — қ. *Апотеций*.

ОЧИҚ УСУЛДА ҚАЗИШ — фойдали қазилма бойликларини тўғридан-тўғри ер юзасидан қазиб олиш. О. у. қ. қадимдан маълум. Милоддан 6 минг йил аввал тош шу усулда қазилган. Милоддан 4 минг йил аввал Ҳиндистон, Қавказ, Шимолий Эфиопия ва б. жойларда полиметалл рудалар очиқ усулда олинган. Милоддан 2 минг йил аввал Яқин Шарқ мамлакатлари, Ҳиндистонда, кейинчалик Жанубий Европада темир рудалари шу усулда қазилган.

Россияда 18- асрда, аввал Уралда, кейин Сибирда сочма қазилма бойликлар очиқ усулда қазиб олинган. Кон ишларини механизациялаштириш туфайли О. у. қ. 20- асрда кенг қўлланила бошлади. Ҳозир рудали ва рудасиз хом ашёнинг 60—65% и ва барча қаттиқ фойдали қазилмаларнинг 45% га яқини очиқ усулда қазиб олинмоқда.



Ошанин В. Ф.

О. у. қ. да баъзи *карьерлар*нинг чуқурлиги 300—500 *м* га етади, лекин, кўпинча, 100 *м* дан ошмайди, чунки карьер қанчалик чуқур ковланса, тоғ жинсларини ташқарига чиқариб ташлаш шунча қимматга тушади. Одатда, запаси катта, унча чуқур жойлашмаган, ён-веридаги тоғ жинслари мустаҳкам бўлган фойдали қазилма бойликлари очиқ усулда қазиб олинади. О. у. қ. да кон сиртини тайёрлаш, қазиб чиқаришга халақит берадиган ўрмон хўжалиги, дарё ўзани, ботқоқлик, йўл ва б. дан конни холи қилиш; кон сувини қуритиш (олдиндан ва эксплуатация вақтида); сув босишининг олдини олиш, карьер транспорти коммуникациялари учун капитал зовур қазиш; иш фронти, экскаваторлар, бурғилаш қурилмаси, *гидромонитор* ва б. учун жой ҳозирлаш (капитал-кон ишлари); фойдали қазилма бойлиги устидаги бекорчи жинсларни бошқа ерга кўчириб туриш; фойдали қазилма бойлигини қазиб олиш; фойдасиз жинсларни қўпориш, юклаш, ташиш ва б. ишлар бажарилади.

О. у. қ. да вагонлар, ўзи ағдарар автомобиллар, конвейер, экскаваторлар, драглайнлар ва б. ишлатилади. О. у. қ. ни механизациялаштириш осонлиги туфайли карьерда иш унумдорлиги шахтага нисбатан 2—6 марта юқори, қазилган маҳсулот таннархи эса 2—3 марта паст бўлади.

ОЧИҚУЙИ — Хоразм обл. Янгиариқ р-ни Коммуна қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» к-зи территориясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Хонқадан 13 *км*. Аҳолиси 795 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қовуқтом каналидан сув ичади.

ОЧИҚ УРУҒЛИЛАР — қ. *Яланғоч уруғлилар*.

ОЧКО — спорт мусобақаларида рақибларнинг эришган ютуқларини белгилаб берувчи ҳисоб. О. орқали командаларнинг ўрни аниқланади. Спортда О. лар системаси турли хил бўлади. Мас., футболда ғолиб чиққан командага 2 О., дуранг натижага эришилса ҳар иккала командага ҳам 1 О. берилади. Шахматда ютганга 1 О., дурангда рақибларнинг ҳар бирига 0,5 О. дан берилади. Енгил атлетикада О. лар бир неча вариантда аниқланади: а) кўрсатилган натижани махсус О. лар жадвалига солиштириб тегишли сонни олиш б-н; б) эгаллаган ўрнига қараб О. бериш б-н, мас., 1 ўринга — 9 О., 2—7, 3—6 ва ҳ. к. ёки, аксинча, 1 ўринга — 1 О., 2 ўринга — 2 О. ва ҳ. к. О. ларни аниқлаш тартиби мусобақалар низомида белгиланган бўлади.

ОШ ТУЗИ — натрий хлорид (қ. *Натрий*).

ОШАНИН Василий Фёдорович [1844. 21. 12 (1845. 2. 1), Липецк обл. Данков р-ни Политово қ.— 1917. 25. 1 (7. 2), Петроград]— рус энтомологи ва сайёҳи. Москва ун-тини тугатган (1865). 1872—1906 йилларда Туркистон ўлкасида ишлаган. 1878 йилда Помирга уюштирилган экспедицияга раҳбарлик қилиб, Пётр I тизмасини ва Федченко музлигини кашф қилди. Асосий



Ошанин Л. В.

илмий ишлари ҳақиқий ярим қаттиқ қанотли (каналар) ва тенг қанотли ҳашаротларнинг систематикаси ва уларнинг географик тарқалишини ўрганишга бағишланган. Ўрта Осиё ва Россия Европа қисмининг ўрта полосасида яшовчи ҳашаротлари ўрганиб, янги турларини кашф қилган. Палеарктика чин ярим қаттиқ қанотлилар, цикадалар ва барг бургачалари (5 минг турдан зиёд)нинг систематик ва географик каталогини тузган.

Ас.: Зоогеографические задачи в Туркестане, Т., 1880; Зоогеографический характер фауны полужесткокрылых Туркестана, СПБ, 1891; Указатель лит-ры необходимых при определении полужесткокрылых... Пг., 1916.

Ад.: Кириченко А. Н., Василий Федорович Ошанин — зоолог и путешественник (1844—1917), М., 1940; Захидов Т. З., Фаунистические исследования пустынь Узбекистана, Т., 1950; Ошанин Л. В., Азатьян А. А., Василий Федорович Ошанин. Очерк жизни и деятельности, М., 1961.

ОШАНИН Лев Васильевич (1884. 7. 3 — Тошкент — 1962. 9. 1) — совет антропологи, проф. (1935), биология фанлари д-ри (1939). УзССР да хизмат кўрсатган фан арбоби (1959). В. Ф. *Ошанин*нинг ўғли. Тошкент гимназиясида (1895—1903), Петербург ва Женева ун-тларининг биология ф-тида (1903—08), Петербург Ҳарбий академиясида (1908—12) таълим олган. Турли жойларда врач бўлиб ишлаган (1913—17). 1917 йилда Тошкентга қайтиб келган. Ўрта Осиё Давлат ун-ти (ҳозирги ТошДУ) биология ва мед. ф-тида ординатор, ассистент, шу ф-т декани (1922—25). 1925—39 йилларда ун-т биология кафедрасида доцент, 1939—60 йилларда антропология кафедрасининг мудири. Айни вақтда УзССР ФА Тарих ва археология ин-тида катта илмий ходим (1942—60). Ўрта Осиё антропологияси асосларини ишлаб чиққан. 4-чақириқ УзССР Олий Советининг депутати. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н тақдирланган.



Ошейко А. К.

Ас.: Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез её народов, ч. 1—3, Ереван, 1957—59 (Труды Среднеаз. Гос. ун-та, Нов. сер, вып. 96—98; Исторические науки, кн. 16—18).

Ад.: Список важнейших трудов Л. В. Ошанина по антропологии, «Вопросы антропологии», 1962, № 12.

ОШЕЙКО Анатолий Кузьмич (1913. 31. 12, Узоқ Шарқ ўлкасидаги Липовци ш.) — график рассом, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1975). 1954 йилдан КПСС аъзоси. Владивосток ш. рассомлик мактабида ўқиган (1930—31). 1933 йилдан Тошкентда. 1934 йилдан «Пионер Востока» газетаси редакциясида графика бўлимининг мудири, 1935—36 йилларда Қизил Армия сафида, 1937 йилдан «Комсомолец Узбекистана» газетаси редакциясида ретушёр рассом, 1941—45 йилларда Ватан уруши фронтларида. 1946 йилдан Туркистон ҳарбий округи Сиёсий ишлар бош бошқармасида, 1947 йилдан «Узбекистон хотин-қизлари» (ҳозирги «Саодат») журнали редакциясида рассом, 1960 йилдан УзКП МК нашриётида бош рассом.



А. К. Ошейко. «Қиш. Анҳор» (Тошкент). Рангли линогравюра. 1958.

Ҳусайн Шамснинг «Душман», Ш. Рашидовнинг «Дўстлик байроғи», М. Шайхзоданинг «Шуъла», М. Миршакарнинг «Олтин қишлоқ» китобларига ишлаган муқовалари диққатга сазовор. Офортлари, акварелларида табиат манзаралари, совет кишиларининг ижодий меҳнати маҳорат б-н акс эттирилган. Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



А. К. Ошейко. М. Шайхзоданинг «Шуъла», М. Миршакарнинг «Олтин қишлоқ» китобларига ҳамда «Узбекистон ҳақида қўшиқлар» шеърий тўпламига ишланган муқовалар.

ОШИҚ — озарбайжонлар ва уларга қўшни бўлган туркий халқлар қўшиқчиси, достончиси, О. лар халқ орзу-умидини, эл тинчлиги, ватан осойишталигини куйлаганига нисбат берилиб, халқ орасида «эл оғаси» деб аталган. О. лар шеърияти 10 дан ортиқ шакл ва кўринишга эга, мусиқаси бой ва ранг-баранг. Улар ишқий, қаҳрамонлик, ахлоқий-маиший мавзуларда достонлар куйлаганлар. О. лик поэзияси анъаналари ҳозир ҳам мавжуд.

«ОШИҚ ҒАРИБ» — Урта Осиё ва Яқин Шарқда кенг тарқалган достон. «Ошиқ Ғариб», «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ғариб ва Санам», «Шоҳсанам Ғариб», «Ғариб Ошиқ», «Ғарибжон» каби номлар б-н машҳур. Достон тахм. 14-асрда юзага келган. Унда Ўрта Осиё ва Кавказ халқлари ўртасидаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар, шунингдек дўстлик, самимийлик, инсоний ишқ-муҳаббат, вафодорлик каби фазилатлар акс этган. Достонда тасвирланишича, Шоҳаббос вазири б-н қуда бўлишга ваъдалашади. Шоҳсанам ва Ғариб биргаликда ўқиб, вояга етишади, улар орасида сеьги пайдо бўлади. Аммо вазир вафотидан сўнг шоҳ ваъдасидан қайтади. Ғариб етти йиллик дарбадарликдан кейин Шоҳсанам ва Шоҳваладнинг тўйи куни созанда қиёфасида саройга келади, севишганлар бир-бири б-н тонишади. Достонда юксак муҳаббатнинг ҳар қандай машаққат, жабр ва зулмни енгишга қодир қудратли куч эканлиги мадҳ этилади.

ОШИҚУТ (Chrozophora obliqua) — сутламадошлар (сутламагуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўт. Сершох, барги оддий, узун бандли, чочоқ тўпгулли. Қўсакчаси юлдузсимон туклар б-н ўралган. Уруғи силлиқ. Ўрта Осиёда экинлар орасида учрайди. Бўёқ олинади.

ОШКОРМАС ФУНКЦИЯ — эрксиз ўзгарувчига нисбатан ечилмаган ҳолда берилган функция. Бир аргументли О. ф. нинг умумий кўриниши:

$$F(x, y) = 0. \qquad (1)$$

Мас., $y^3 - x = 0$ тенглама $y = \sqrt[3]{x}$ О. ф. ни, $x^2 + y^2 - 1 = 0$ тенглама $y = \sqrt{1 - x^2}$ ва $y = -\sqrt{1 - x^2}$ О. ф. ларни аниқлайди. (1) кўринишдаги тенглама О. ф. ни аниқламаслиги ҳам мумкин, мас., $x^2 + y^2 + 1 = 0$. Агар (x_0, y_0) нуқтанинг бирор атрофида $F(x, y)$ функция ва унинг хусусий ҳосилалари узлуксиз, шунингдек $F(x_0, y_0) = 0$, $F'_y(x_0, y_0) \neq 0$ бўлса, (1) тенглама $y(x_0) = y_0$ шартни қаноатлантирувчи ягона $y = y(x)$ О. ф. ни аниқлайди. Бу ҳолда О. ф. ҳосиласи

$$y'(x) = -\frac{F'_x[x, y(x)]}{F'_y[x, y(x)]}$$

формула б-н ҳисобланади. (1) тенглама О. ф. ни аниқласа ҳам у элементар функциялар б-н ифодаланмаслиги мумкин. Мас., $x + 2y + \sin y = 0$. Бундай ҳолларда О. ф. нинг қийматини ҳисоблашда тақрибий методлар қўлланилади.

Ад.: Фихтенгольц Г. М., Математик анализ асослари, 2- т., Т., 1972.

ОШҚЎКЛАР — таомларга (кўк ҳолича) қўшиладиган кўкатлар. О. га жамбил, кашнич, петрушка, райҳон, кўк (барра) пиёз, шивит, саримсоқ кўки, сельдерей ҳамда баҳор пайтларида ёввойи ўсадиган ялпиз ва б. киради. Улар лаззатли таом тайёрлашда *зираворлар* каби муҳим аҳамиятга эга. О. ифори (эфирли) мойга, турли витаминларга бой. О. қўшилган таомлар яхши иштаҳа қўзғатади, меъдадан ширa ажралиб чиқишига ижобий таъсир кўрсатади, таомнинг ҳазми яхшиланади. Аксарият О. чопилган ҳолда суюқ ошларга қўшилади, шунингдек уларнинг шохчалари салатларни безашда ишлатилади. О. дан райҳон, жамбил шўрваларга шохчаси б-н ҳам солинади. Баъзи О. (мас., укроп, петрушка) бодринг ва помидор тузлашда, сиркалаб консерва қилишда ишлатилади. Соя жойда қуритиб элаки қилинган О. толқонидан қиш фаслида ҳам фойдаланиш мумкин.

Узбек пазандалигида отқулоқ, исмалоқ, ялпиз, жағжағ, момақаймоқ, беда, анзур пиёзи, семиз ўт кабиларнинг янги униб чиққан баргларидан ёғ қўшиб таомлар (сомса, чучвара ва б.) қилинади.

ОШЛОВЧИ МОДДАЛАР — тери ва мўйнани ошлашда ишлатиладиган моддалар. Ош. м. минерал ва органик турларга бўлинади. Хром, алюминий, цирконий, титан, кремний, темир бирикмалари минерал Ош. м. га киради. Бу бирикмаларнинг кўпчилиги сульфат кислотанинг асосий тузларидир. Улар ошлаш учун сувли эритмалар ҳолида ишлатилади. Хром бирикмалари тери ва мўйналарнинг барча турини ошлашда кенг қўлланилади. Цирконий бирикмалари терини чидамли ва сиртини силлиқ қилади.

Органик Ош. м. ҳайвон, ўсимлик, сунъий ва синтетик турларга бўлинади. Турли балиқлар ва денгиз ҳайвонларининг юқори тўйинмаган ёғлари ҳайвон Ош. м. ига мансубдир. Улар замшани ошлашда қўлланилади. Ўсимлик Ош. м. ига кирадиган таннидлар ўсимликларининг органларида бўлади. Турли ўсимликлардан олинган таннидларнинг таркиби турлича, улар гидролизланадиган, конденсирланадиган ва аралаш хилларга бўлинади. Таннидлар эритмаси ҳар қандай турдаги терини ошлашда ишлатилади.

Сунъий Ош. м. юқори молекулали моддалар бўлиб, органик хом ашёларни қайта ишловчи саноат чиқиндиларидан иборат. Сунъий Ош. м. ни ишлатиш осон бўлиши мақсадида концентрланади, баъзида тозаланади ҳам. Целлюлозани қайта ишлашда ҳосил бўлган сульфит-целлюлоза экстракти сунъий Ош. м. нинг типик вакилидир. Бу хил Ош. м тери ярим-фабрикатига таннидларга қараганда тез сингийди.

Синтетик Ош. м. ёки синтанлар турли органик бирикмалардан олинадиган Ош. м. дир. Фенол ва унинг ҳосилалари, ароматик углеводородлар, нафтоллар, сульфонлар, лигносульфон кислоталар, формалин, мочевина ва бошқалар синтанларнинг асосий хом ашёси ҳисобланади. Синтанларнинг ўсимлик Ош. м. б-н бирга ишлатиладиган ёрдамчи хили ҳам бор. Юқори сифатли синтетик Ош. м. яратиш қимматбаҳо эман дарахти экстракти ишлаб чиқаришдан қутилишга, Ош. м. нинг турини кўпайтириш, хоссаси ва сифатини яхшилашга ва тери ишлаб чиқариш жараёнини тезлатишга ёрдам беради.

Хинон ва формальдегид ошлаш хоссасига эга бўлган оддий органик бирикмалардандир. Улар таннидлар ва хром бирикмалари б-н биргаликда комбинирланган ошлашда ишлатилади.

ОШОҒБО — Нигериянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Ғарбий штатда, Ошун дарёси бўйида. Т. й. ва автомобиль йўллари узели. Аҳолиси 252,6 минг киши (1971). Какао, мойли пальма меваси, пахта, тамаки етиштириладиган қ. х. р-нининг йирик маркази. Тамаки ва пахта тозалаш корхоналари бор.

ОШОҚЛИ — Тошкент обл. Урта Чирчиқ р-ни Оржоникидзе қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкентдан 10 *км*. Аҳолиси 709 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Чирчиқ дарёсидан сув ичади. Урта мактаб бор.

ОШОҚҚАЛА — Хоразм обл. Қўшкўпир р-ни 18-партсъезд қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 42 *км*. Аҳолиси 1139 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Зайёп каналидан сув ичади.

ОШХОНА — ТожССРдаги ибтидоий жамоа даврига оид ёдгорлик. Тош қурол ишлайдиган устахона ва қароргоҳдан иборат. О. Шарқий Помирдаги Маркансув дарёсининг ўнг ирмоғи ҳавзасида, Уйсу музлигидан 12 *км* узоқликда (денгиз сатҳидан 4100 *м* баландликда). 1957 йилда В. А. Ранов бошчилигидаги ТожССР ФА нинг археологик отряди очган (майдони 3—5 *км*²). 1958—60 йилларда археологик текшириш олиб борилиб, *мезолит*дан илк неолитга




Оқ айиқ.


ўтиш даврини қамраб олувчи тўртта маданий қатлам очилган. О. материаллари кварцит ва чақмоқ тош қуролларга архаик палеолит усули б-н ишлов берилганлигини ва *микролитлар, нуклеуслар* пайдо бўлаётганлигини кўрсатади. О. ни ўрганиш Шарқий Помирдаги тош ишлаш усулига ўхшаш бўлган кўпгина ибтидоий қароргоҳларни саналашда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Ранов В. А., Результаты разведок каменного века в 1957 г. (в низовьях Вахша и на Восточном Памире), Тр. АН ТаджССР, 1959, т. 103; Бутамо С. В., Ранов В. А., Сидоров Л. Ф., Некоторые вопросы исследования каменного века на Памире, «Советская археология», 1964, № 4.

ОШХОНА ЭЛЕКТР АСБОБЛАРИ — озиқ-овқат маҳсулотларига ишлов берадиган (ювадиган ва б. тўғрайдиган, қайнатадиган), идиш-товоқларни ювадиган жиҳозлар. О. э. а нинг индивидуал ва универсал хиллари бор. Индивидуал О. э. а.: *гўшт қиймалагич*, кофе майдалагич, кофе тегирмони, кофе қайнатгич (1-расм), мевалариниг шарбатини олиш машиналари, аралаштиргич (миксер)лар, сабзавот кескичлар ва б. Кофе майдалагичнинг иш қисми тишли диск ва конусдан, кофе тегирмонининки эса тез айланувчи (15—20 *айл/мин*) пичоқдан иборат. Саноатимизда «Рига», «ИП-30», «КМ-2» кофе тегирмонлари ишлаб чиқарилади. Миксер (аралаштиргич)лар совуқ ичимликларни аралаштириш, сутли коктейл, кремлар, хамир ва б. тайёрлашда ишлатилади. Сабзавот кескичлар электр юритмали корпус, қабул қилгич-таъминлагич ва алмаштирилувчи пичоқлардан иборат. Дискли ва барабанлиси кўп ишлатилади. Дисклисида ясси пичоқлар айланувчи дискка маҳкамланади. Маҳсулот шу пичоқлар орасидан ўтиб кесилади (2-расм). Барабанлисида пичоқлар барабанга ўрнатилади. Сабзавотлар пассерланади, димланади, буғда пиширилади (3-расм). Универсал О. э. а. га 12 тагача иш машинасини киритиш мумкин. Мас., «Страуме» машинаси комплектига гўшт қиймалагич, сабзавот кескич, хамир қоргич, миксер, кофе тегирмони ва б. киради. Максимал қуввати — 400 *вт*. Идиш-товоқ ювиш машиналар кўриниши, автоматлашганлик даражаси ва иссиқ сув тайёрлай олиш-олмаслиги б-н бир-биридан фарқ қилади. Баъзи машиналарда ювиладиган идиш-товоқлар бир жойда туради, айланадиган сопло уларга сув пуркайди, бошқаларида, аксинча, идиш-товоқ ҳаракатланиб туради, сопло бир жойда туриб сув пуркайди (4-расм).



Ошхона электр асбоблари: *1*- расм. Электр кофе қайнатгич ЭКВ-2; *1* — ички идиш; *2* — идиш туби; *3* — пўлат кожух; *4* — спираллар; *5* — шамот массаси; *6* — пластина; *7* — симли вилка; *8* — буғ тутгич қалпоқчаси; *9* — гейзер; *10* — фильтр; *11* — тешиклар; *12* — қайтаргич; *13* — қопқоқ; *14* — жўмрак.




2- расм. Универсал электр таом пиширш аппарати УЖГ-Э1: *1* — чуқур това; *2* — қопқоқ; *3* — қоплама.

Ад.: Зайцев В. А., Товароведение электротоваров, бытовых машин, М., 1971.

ОШҚОВОҚ — қовоқдошлар (қовоқгуллилар оиласи)га мансуб ўсимлик (қ. *Қовоқ*).

ОШҲАЛОЛ, ошалол — подачиларни меҳмон қилиш одати. Қишлоқларда инқилобгача моли кам оилалар молларини бирлаштириб пода тузар, подани боқиш учун камбағалроқ бир кишини подачи қилиб тайинлаганлар. Подачи меҳнат ҳақига дон ёки пул олишдан ташқари, яна подада моли бор хонадонлардан ҳар оқшом пиширган таом ёки битта нон олар эди. Подачига бериладиган бу ҳақ «ошалол» (яъни подачининг ҳалол меҳнати учун унга аталган ош, таом) аталган.



3- расм. Сабзавот кескичнинг иш қисмлари: *1* — қопқоқ; *2* — гайка; *3* — пичоқли диск; *4* — қабул қилгич; *5* — даста.

ОЯТ (араб. آيَة — илоҳий белги, мўъжиза) — Қуръон сураларининг бандлари. О. Оллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммадга ваҳий қилиб, бандаларига қўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизаси деб талқин этилади. Қуръоннинг 7—8- асрларга оид илк нусхаларидаёқ суралар О. ларга бўлинган ва ҳар сура донасида тартиб б-н рақамланган. О. лар қадимги араб тилида, бир қисми сажъ б-н ёзилган. Айримлари қисқа иборадан, баъзилари бир неча жумладан ташкил топган. О. лар мазмунан бир-бирини кўп такрорлайди (яна қ. *Сура, Қуръон*).

ОҚ АЙИҚ (Ursus maritimus) — айиқсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон. Арктик *фауна*сининг типик вакили. Шимолий Муз океанининг Осиё ва Америка қирғоқлари яқинида сузиб юрувчи музлар устида яшайди. Гавдаси қўнғир айиқдан йирикроқ (танасининг узунлиги 3 *м* га, оғирлиги 700 *кг* га). Мўйнаси қуюқ ва узун, оқ-сарғиш тусда. Оёқ панжасининг ости жунлар б-н қопланган. Яхши сузади ва шўнғийди. Қишки уйқуга кирмайди (бўғоз урғочисидан бошқаси). Одатда, 2 йилда бир марта урчийди. Фев.-мартда 2 та бола туғади. Асосан, тюленлар б-н овқатланади. О. а. гўшти-мўйнаси учун овланади. СССРда камайиб кетганлиги учун овлаш ман этилган.

ОҚ АКАЦИЯ (Robinio pseudo-acacia L.) — дуккакдошлар (дуккаклилар оиласи)га мансуб тиканли дарахт. Бўйи 20—25 *м*. Барги узун бандли, патсимон мураккаб; ҳар бир барги 5—12 жуфтгача япроқчали. Гуллари оқ, ҳидли, шингили, тўпгули шингилсимон. Дуккаги туксиз, узунлиги 5—7 *см*. Апрелнинг охири — майнинг бошида гуллайди, октябрда мевалайди. СССР Европа қисмининг жанубида ва Урта Осиёда манзарали (асалли) дарахт сифатида парк ва хиёбонларга экилади; қирғоқчиликка ва шўрга чидамли бўлгани учун тоғ ён бағирларини ва адирларни ўрмонга айлантириш учун кўпайтирилади. Ёғочи пишиқ. Дурадгорликда ишлатилади.

ОҚ АМУР (Ctenopharyngodon idella) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқ. Танасининг узунлиги 122 *см* гача, вазни 32 *кг* гача. Амурда ва Хитойнинг текисликдаги дарёларида учрайди. Асосан, юксак сув ўсимликлари б-н озиқланади. 1 млн. га яқин увилдириқ ташлайди. Европа ва Осиёнинг кўпгина мамлакатларида ҳовуз балиқчилигида ҳамда ирригация тармоқларини ўсимликлардан тозалашда О. а. дан фойдаланилади. СССРнинг Европа қисми ва Урта Осиёда ҳам иқлимлаштирилган. Балиқ урчитиш з-дларида кўпайтирилиб, ҳовузларда карп б-н бирга ўстирилади. Бегона ўтларни йўқотиш учун ёшлари шолипояларга қўйиб юборилади. Овланади.

ОҚ БОЯЛИШ (Salsola arbuscula) — шўрадошлар (шўрагуллилар оиласи)га мансуб бута. Бўйи 1,5 *м* ча. Сершох. Барги оддий, қалин, узунлиги 5—35 *мм*. Тўпгули бошоқсимон. Гули тўғри, икки жинсли. Гулқўрғони оддий. Меваси қанотчали. О. б. июнь — сентябрда гуллаб мевалайди. Узбекистоннинг кўпчилик областларида, шунингдек ҚҚАССРда кенг тарқалган. Кўпроқ шўр ва қумли ерларда ўсади. О. б. чорва моллари, айниқса, қўйларга яхши озуқа. Ундан ёқилғи сифатида ва қум кўчишининг олдини олиш учун фойдаланилади.

ОҚ ДЕНГИЗ — Шимолий Муз океанининг денгизи. СССР Европа қисмининг шимолий қирғоқлари ёнида. Шимолда Горло бўғози орқали Баренц денгизи б-н туташган. Майдони 90 минг *км*² га яқин. Уртача чуқурлиги 60 *м*, энг чуқур жойи 330 *м*. Йирик қўлтиқлари: Кандалакша, Онега, Двина ва Мезень. Йирик ороллари: Соловец, Моржовец, Мудьюга. О. д. га Шимолий Двина, Мезень, Онега, Виг, Нива, Умба, Варзуга, Поной дарёлари қуйилади. Иқлими денгиз қутб иқлими б-н континентал мўътадил иқлим орасида. Январда ҳавонинг ўртача т-раси —9° дан —13° гача, июлда 8° дан 15° гача. Йиллик ёғин жанубда 529 *мм*, шимоли-шарқда 282 *мм*. Сувининг т-раси денгиз юзасида ёзда 6,9° дан 15° гача, қишда марказий қисмида —1,3° дан —1,7° гача ва қўлтиқларда 0,5° дан 0,7° гача. Сувининг шўрлиги 24‰ дан 34,5‰ гача. О. д. октябрь-ноябрдан бошлаб май-июнгача музлаб ётади. Сув кўтарилиши (прилив) 10 *м* гача. Денгиз тубида яшайдиган 720 тур ҳайвон, 60 тургани ортиқ балиқ, 5 тур денгиз сут эмизувчилари бор. Портлари: Архангельск, Онега, Беломорск, Кандалакша, Кемь, Мезень, Умба. О. д. Оқ денгиз-Болтиқ канали орқали Болтиқ денгизи ва Волга-Болтиқ сув йўли орқали эса Азов, Каспий ва Қора денгизлар б-н боғланган.

ОҚ ДЕНГИЗ-БОЛТИҚ КАНАЛИ — Оқ денгизни Онега кўли б-н боғлаб турадиган канал. 1930—33 йилларда қурилган. Умумий узунлиги 227 *км*, шу жумладан 37 *км* сунъий сув йўли. Канал йўли таркибига Виг ва Повенчанка дарёлари, шунингдек Вигозеро, Водлозеро, Узкое, Маткозеро кўллари киради. Каналда 19 шлюз, 15 тўғон, 49 дамба, 12 сув дарвозаси бор. Канал Ленинград ва Архангельск орасидаги йўлни Скандинавия ярим оролини айланиб ўтгандагига қараганда 4000 *км* га қисқартирди. Канал ишга тушгандан сўнг, канал атрофида кўпроқ ёғоч ва целлюлоза-қоғоз саноати ривожланди, янги шаҳар ва посёлкалар (Медвежьегорск, Сегежа, Надвонци) бунёд этилди. Каналда йирик тоннажли кемалар қатнайди. Совет Иттифоқининг бошқа р-нларига ёғоч, руда ва минерал ўғитлар, шунингдек Скандинавия мамлакатлари портларига экспорт-импорт юклари ташилади.

ОҚ ЖУХОРИ, қўқон жўхори (Sorghum cernuum) — бошоқдошлар (ғаллагуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўсимлик. *Жўхори*нинг бир тури. Эртапишар навларининг пояси 1—1,5 *м*, ўртапишарлариники 2—3 *м*, кечпишарлариники 4—5 *м*, илдизи ёйиқ, ерга 100—150 *см* киради. Барги наштарсимон. Тўпгули зич рўваксимон, тик ёки эгилган. Дони думалоқ, қобиқли ёки қобиқсиз. 1000 донаси 20—40 *г*. Донидан озиқ-овқат саноатида, кўк поясидан силос бостиришда фойдаланилади.

Ватани Африка. Ҳиндистон, Хитой ва Урта Осиёда ҳам тарқалган. Узбекистонда қадимдан ўстирилади, Хоразм, Бухоро областлари, ҚҚАССР, Фарғона областининг Қўқон группа р-ларида кўп экилади.

О. ж.— иссиқсевар ўсимлик. Уруғи 10—12° да унib чиқади. Шўр ва кам сув ерларда ҳам ҳосил беради.

Гектаридан 500—600 *ц* кўк поя, 40—50 *ц* дон олиш мумкин. Уруғи Узбекистоннинг жанубий р-ларида апрелнинг биринчи ярмида, Хоразм области ва ҚҚАССРда апрель охири — май бошларида 60×30 *см*, 90×60 *см*, силос учун 30×20 *см* схемада экилади. Уруғ сарфи гектарига 12—15 *кг*. Силос учун 25—35 *кг*. Усув даврида суғорилади, қатор оралари юмшатилади. Узбекистонда О. ж. нинг катта бош, хўраки, чиллаки, Хитой каҳрабоси 813, оранжевое 160 ва б. навлари экилмоқда.

Ад.: Усимликшунослик, Т., 1968.

ОҚ ИДИЛ — Бошқирдистон АССРдаги дарё. Қаманинг чап ирмоғи. Узунлиги 1430 *км*, ҳавзасининг майдони 142 минг *км*². Иремель ш. шарқидан (Жанубий Урал) бошланади. Юқори оқимида Жанубий Урал тоғлари бўйлаб, Уфа дарёси қуйилган жойдан қуйироқда текислик бўйлаб оқади. Асосан қордан тўйинади. Уртача йиллик сув сарфи Бирск яқинида 858 *м*³/*сек*. Ноябрда музлаб, апрелда муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари: ўнгда Нугуш, Сим, Бир, Танып, Уфа; чапда Ашкадар, Уршак, Қармасан, Чермасан, База, Сюнь, Дёма. Уфа шаҳридан бошлаб кема қатнайди. О. И. бўйида Белорецк, Салават, Ишимбай, Стерлитамоқ, Уфа, Бирск шаҳарлари жойлашган.


ОҚ ИЛОН, чипор илон (Coluber ravergieri Menet) — судралонсимонлар оиласининг бир тури. Гавдасининг узунлиги 1—1,5 *м*. Кўпинча кул ранг, баъзан сарғиш, яшил тусда товланади. Қалтакесаклар, қушлар ва кемирувчилар б-н овқатланади. Кундузи девор ёриқларида, тошлар тагида, турли кемирувчилар инида, баъзан одам яшайдиган биноларда яширинib ётади, эрталаб ва кечқурун актив. Ургочиси июнь-июль ойларида 5—20 тухум қўяди. Миср, Қичик Осиё, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ва Урта Осиёнинг дашт, чўл, чала чўлларида яшайди. Заҳарсиз, безовта қилинса, тишлайди.

ОҚ КАКЛИК (Lagopus lagopus) — курсимонлар оиласига мансуб қуш. Гавдаси 35—38 *см*, вазни 400—870 *г*. Бармоқлари тирноғигача патлар б-н қопланган. Патлари қишда оқ, ёзда сарғиш-қўнғир. Модаси патининг ранги йилига 3, нариниси 4 марта ўзгаради. Европанинг шимолида, Осиё ва Шимолий Америкада тарқалган. Тундрадаги ўрмонларда, йўсинли ботқоқликларда яшайди. 8—12 тухум қўйиб, 18—20 кун босади. Асосан, ўсимликлар б-н озиқланади. Шимолий р-ларда овланади.






Оқ каклик: қишки (*а*) ва ёзги (*б*) кўриниши.



Оқ жўхори.

ОҚ КАПАЛАК (Pieridae) — ҳар хил қанотли капалаклар кенжа туркумининг оиласи. Ранги, асосан, оқ (номи шундан) ёки сарғиш, қора холли. О. к. қанотларининг чети текис, мўйлови узун, кўзлари катта. Қурт (личинка)ларининг танаси ялтироқ, туклар б-н қопланган. Ер юзида 500 дан ортиқ, СССРда 80 га яқин тури бор. О. к. лар ҳаётни маълум бир оила ўсимликлари б-н боғлиқ. Мас., карам О. к. нинг (қанотлари ёйилганда 70 *мм* ча) личинкаси карам ва бошқа крестгулдошларни, дўлана капалагининг личинкаси дўлана, олма, гилос ва б. ни зарарлайди. Узбе-





Оқ каррак.

кистонда кўп тарқалган. Кураш чоралари: тухумлари ва личинкасини механик ҳамда кимёвий йўл б-н йўқ қилиш.

ОҚ КАРРАК (Onopordon)— мураккабгулдошлар (мураккабгуллилар оиласи)га мансуб икки ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. 50 тури маълум, шундан 10 таси СССРда, 2 таси Ўзбекистонда учрайди. Медицинада ишлатиладиган оддий О. к. сертикан, икки йиллик, бўйи 120 *см* ча. Пояси тиканли, юқори қисми шохланган. Поя пастидаги ва илдиз бўғзидаги барглари чўзиқ тухумсимон, қисқа бандли ёки бандсиз, патсимон қирқилган, юқори қисмидагиси эса наштарсимон, тиканли. Барглари пояда кетмакет жойлашган. Гуллари тўқ қизил, тўпгули саватча. Меваси тескари тухумсимон. О. к. СССРнинг Европа қисми, Қавказ, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда йўл ёқаларида, аҳоли яшайдиган ерларда ўсади. Уруғи таркибида 35% ча мой, баргида 0,05% ча алкалоид ва б. бирикмалар бор. Халқ табобатида қайнатмаси йирингли яраларни, бачадон раки ва ёмон шишларни даволашда ҳамда қон оқишини тўхтатувчи сифатида қўлланилади.

ОҚ ҚИЙМЛИҚЛАР — қ. *Муқанна қўзғолони.*

ОҚ ҚИШМИШ — уруғсиз узум нави. Тупи ўртача ва кучли ўсади. Барги ўртача, тўғарак, 3—5 бўлакчали, четн арра тишли. Гули қўш жинсли. Узум боши ўртача (180—250 *г*), цилиндр-конуссимон, шингиллари зич. Ғужуми майда, тухумсимон, сарғиш-яшил ва оч сариқ. Таркибида 24—26% қанд, 4—4,5% кислота бор. Гектаридан 30 *т* гача ҳосил олинади. Ейилади ҳамда майиз солинади. Ўзбекистоннинг ҳамма областларида учрайди.

ОҚ МОМИҚ (Lachnophyllum gossypium)— мураккабгулдошларга мансуб бир йиллик ўсимлик (қ. *Момиқбош*).

ОҚ МУМ — асалари муминнинг офтобда ёки кимёвий йўл б-н оқартирилган тури (асалари муми ҳақида қ. *Мум*). Ранги, қаттиқлиги ва мўртлиги б-н асаларининг бошқа мумларидан фарқ қилади. Парфюмерия-косметикада, лакбўёқ ишлаб чиқариш ва б. да қўлланилади.

ОҚ НИЛ, Баҳр ул-Абяз (араб. *баҳр* ва ابيض — оқ)— Нил дарёсининг чап ирмоғи — Ал-Ғазал дарёси қуйилган жойдан Кўк Нил қуйиладиган жойгача бўлган қисмининг номи. Узунлиги 957 *км*. Энг катта ирмоғи (ўнгдан)— Собат (у тўлиб оққан вақтларда кўплаб оқиш рангдаги муаллақ зарралар келтиради; дарё номи ҳам шундан олинган). Собат қўшилган жойдан Кўк Нил қуйиладиган жойгача жуда секин оқади. Юқори қисмида йиллик ўртача сув сарфи 453 *м³/сек*, Хартум шаҳри ёнида эса 808 *м³/сек* (максимал сув сарфи — октябрда; 1354 *м³/сек*). Нил сувини тартибга солиш учун Хартум шаҳридан 40 *км* юқорига тўғон қурилган. О. Н. дан суғоришда фойдаланилади, балиқ овланади. Кема қатнайди.

ОҚ НУҚУЛ — маҳаллий ўрик нави. Кўчати ўтқазилгач, 4—5-йили ҳосил беради. Дарахти нисбатан катта, шох-шаббаси йиғинчоқ. Апрелда гуллайди, меваси июнда пишади. Уриги 22—25 *г*, юмалоқ, оч сариқ, сершув, эти данагидан осон ажралади, таркибида 16% қанд, 0,5% кислота бор. Тўлиқ ҳосилга кирган дарахти 200—300 *кг* гача ҳосил беради. Уригидан 24—26% баргак, 33% туршак тушади. Асосан, Хоразм ва ҚҚАССРда ўстирилади.

ОҚ САКСОВУЛ (Haloxylon persicum Bge)— шўрадошлар (шўрагуллилар оиласи)га мансуб дарахт. Бўйи 5 *м* ча. Барги қарама-қарши. Гули майда, икки жинсли, гулқўрғони оддий. Чангчилари 5 та. Меваси қанотчали. Март — октябрда гуллаб, мевалайди. Узбекистоннинг кўпчилик областларида, ҚҚАССРда ўсади. О. с. кўчма қумларни мустаҳкамлайди, ёғочи ёқилғи сифатида ишлатилади. Ёш ниҳоллари моллarга озуқа.

«ОҚ СОЛАР» — аза даврининг тугаши; мотам либосини ташлаш одати. Урта Осиё халқларида қариндош ёки яқинлари вафот этган аёллар дафн маросимида аза белгиси сифатида кўк, қора кийим кийганлар.

Йил маросимида «О. с.»— мотам либосини ўзгартириш маъракаси қилинган. Аксарият азадор аёллар, бир-бирининг бошларига бир кийимлик (фақат қорадан бошқа) мато қуйиб, «Оқинг муборак бўлсин, кўрган-кечирганинг шу бўлсин (бошқа ўлим бўлмасин)» дейишган. Ўзбекистоннинг баъзи р-нларида (ўзбек-қарлуқларда) йил ошида бева қолган хотин аза тутган қариндош уруғларига мотам даврини тугатганлиги белгиси қилиб қизил рўмол берган, О. с. бирор зарурият тақозоси (тўй ёки б. йиғинлар) б-н марҳумнинг вафотига бир йил тўлишини кутмай ҳам ўтказилганди.

Ад.: Шаниязов К., Узбеки-карлуки (Ист.-этнографический очерк), Т., 1964.

«ОҚ СУЯК», суяк отиш — болалар ўйини. УзССРнинг чорвачилик р-нларида, асосан, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм обл. ларида ўйналиб келган. Асосан, ойдин кечада 10 ёшдан юқори бўлган болалар ўйнаганлар. Ўйин учун текис кўкаламзор майдонча танланган ва унда 5 тадан 20 тагача бола қатнашган. Ўйин қоидаси: иштирокчилар белгиланган майдонча чизиғида тескари туриб, кўзларини бекитиб оладилар, командага сайланган бошлиқ суякни майдон ичига отади ва олдиндан келишиб олинган рақамгача санаб бўлгач, «ахтаринглар» деган буйруқ беради. Қайси бири отилган суякни топиб олиб, белгиланган маррага ҳеч кимга тутқазмасдан етиб келса, ўз ҳисобига очко ёзиб қўяди ва суякни ўша ўйинчининг ўзи отади. Шу тариқа ўйинчилар сони нечта бўлса, шунча марта суяк отилади. 1-, 2-, 3- ўринларни эгаллаган ўйинчиларни охиридан 1-, 2-, 3- ўринда бўлган ўйинчилар елкаларида кўтариб, майдонни айлантириб чиқадилар. Бу ўйин ҳозир кам учрайди.

ОҚ ТАНГА — Туркистон тизма тоғининг Зарафшон дарёси воҳасидаги ибтидоий одамлар яшаган унгур. 1959 йили ТожССР ФА Тарих ин-тининг археология отряди топган. 1954—63 йилларда Б. А. Литвинский ва В. А. Рановлар текширган. Қазиш жараёнида 80 *м²* майдон очилиб, турли даврга оид 11 та маданий қатлам топилган. Булардан энг қадимгиси *мезолит, неолит, энеолит*, бронза (қ. *Бронза даври*) антик давр ва ўрта асрларга оид қатламлардир. Неолитга оид қатламдан топилган турли майда тош қуроллар Марказий Фарғона маконларидаги неолит даври қуролларига, юқори қатламдаги тош қуроллар эса ҳисор маданиятига оид қароргоҳлардан топилган тош қуролларга ўхшайди. О. т. қароргоҳидан топилган ибтидоий одамларнинг маданиятига оид археологик қолдиқлари республиканинг қадимги тарихи ва маданиятини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

Ад.: Литвинский Б. А., Ранов В. А., Раскопки навеса Ак-Танги в 1959 г., Тр. Ин-та истории АН ТаджССР, т. 42, 1964.

«ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК» — болалар ўйини. Бу ўйинда иштирокчилар бўйи, кучи ва чаққонлигига қараб тенг 2 командага бўлиниб (ҳар командада 10 дан 20 тагача бола қатнашади), 15—20 *м* оралиқдаги масофада қўл ушлашиб сафланиб турадилар. Биринчи командаги сайланган бошлиқ 2-командан бирининг отини айтиб чақиради.

— Оқ теракми, кўк терак!

— Биздан сизга ким керак?

— Сиздан бизга, «фалончи» керак. Шундан сўнг ўша чақирилган бола югуриб келиб, рақиб команда аъзоларининг қўл ушлашиб турган ерини кўкраги б-н узишга уринади. Агар қўллар ушлашган жойидан узилиб кетса қўли узилиб кетган болалардан хоҳлаганини ўз командасига олиб кетади, узолмаса ўзи ўша командада қолади. Ўйин шу тариқа навбат б-н давом этади. Қайси командада ўйинчилар қолмаса, ўша команда ютқазган бўлади.

ОҚ ТОЛ (Salix alba L)— толдошлар (толгуллилар оиласи)га мансуб манзарали дарахт. Новдалари тўғри, эгилувчан, барги ингичка (1—3 *см*), узун (5—15 *см*), четн арра тишли, иккала томони кумуш ранг туклар б-н қопланган. Кучаласи 3—5 *см*, барги б-н бир вақтда чиқади. Чангчи гуллари сариқ. Меваси кўсакча (5 *мм*), уруғи майда, узун туклар б-н қопланган. Апрель-майда гуллаб мевалайди. Воҳаларга, каналлар, ариқлар ва ҳовузлар бўйига экилади. Новдасидан қаламча қилиб кўпайтирилади. Бир йиллик новдаларидан сават ва б. нарсалар тўқилади, 3—4 йилликлари эса сўри қилишда ишлатилади. Узбекистонда толнинг бошқа турлари б-н чатиштиришдан ҳосил бўлган дурагайлари ҳам экилади.

ОҚ ТУНЛАР — ёруғ тунлар. Оқшом ғира-ширалиги тонг б-н қўшилиб кетадиган даврда содир бўлади. Оқшом (қош қорайиши) ботаётган Қуёш гардиши марказий нуқтаси горизонтдан 7° оғгунча ($h_\odot = -7°$ бўлгунча), эрталабки ғира-ширалик (тонг ёришиши) эса чиқаётган Қуёш гардиши марказий нуқтаси горизонтга 7° етмасдан бошланади. Астрономик ғира-ширалик $h_\odot = -18°$ гача давом этади. О. т. Шимолий ярим шарнинг 59,5° ш. к. ва Жанубий ярим шарнинг 59,5° ж. к. оралигидаги жойларда содир бўлади. О. т. давомийлиги жойнинг географик кенглигига боғлиқ, мас., Ленинградда 11 июндан 2 июлгача, Петрозаводскда 27 майдан 17 июлгача, Архангельскда 13 майдан 30 июлгача давом этади ва ҳ. к.

ОҚ ТУНЛИ — *қанғли* қабиласи таркибига кирган йирик уруғлардан бири.

ОҚ УЙ (White House)— АҚШ президенти резиденцияси ва идораси (1800 йилдан). Вашингтон марказида жойлашган. Классицизм услубида қурилган (1792—1829). Президент бошқарадиган АҚШ ҳукумати кўпинча «О. у.» деб аталади.

ОҚ УИЛИК — мамлакатлар ва ҳукмдорлар сиёсий муносабатларида сиёсат гарови тариқасида бир ҳукуматдан иккинчи ҳукуматга бериладиган одамлар. Урта Осиё ва б. жойларда бир подшо иккинчи подшога дўстлиги ёки тобелиги исботи тариқасида ўз томонидан О. у. юборар эди. О. у. сифатида тобе подшонинг ўғли, биродари ёки мамлакатнинг донгдор кишиларидан бир гуруҳи юборилган. О. у. лар борган мамлакатда доим кузатишда ва хавфда яшар, чунки уларни юборган подшо ўз аҳдини бузса, О. у. ларнинг ўлдирилиши мумкин эди. Ғоҳо подшолар ўзига сиёсий жиҳатдан зид бўлган шаҳзодаларни ёки зодагонларни тантаналн суратда О. у. қилиб юбориб, улардан қутулар эди.

ОҚ ЧИНҒИЛ (Lycium turkomanicum)— томатдошлар (итузумгуллилар оиласи)га мансуб сершох бута. Бўйи 60—150 *см*. Пояси ва шохлари қаттиқ тиканли, пўстлоғи оқиш. Барги қалин, цилиндрсимон. Гули оч пушти. Меваси қизил этли, кўп уруғли. Майда гуллайди, августда мевалайди. О. ч. Узбекистонда шўр ерлар атрофида, жарлар ёқасида, тақирлар четида тўп-тўп ўсади. Баргида 0,36% гача алкалоидлар бор, мевасини чорва моллари яхши ейди. Поялари — ёқилғи. Кўчма қумларни мустаҳкамлаш учун экилади.


ОҚ ЧУЯН — *перлит* б-н *цементит*дан иборат *чўян*.

ОҚ ШАФТОЛИ — маҳаллий шафтоли нави. Кўчати ўтқазилгач, 2—3-йили ҳосил беради. Дарахти нисбатан катта, шох-шаббаси йиғинчоқ. Барглари ўртача, наштарсимон. Март-апрелда гуллайди. Меваси август-сентябрда пишади, 90—100 *г*, думалоқ, кўкиш-оқ, сершув, хушбўй. Таркибида 13,5% қанд, 0,39% кислота бор. Тўлиқ ҳосилга кирган дарахти 100 *кг* гача ҳосил беради. Узбекистоннинг кўпчилик областларида ўстирилади.

ОҚ ШЕЪР — шеърий услублардан бири; қофиясиз шеър. Вазн, мисралардаги туроқларнинг ранг-баранг ритмик қурилиши О. ш. нинг оҳангдорлигини таъминлайди. Рус адабиёти классиклари (А. С. Пушкин «Борис Годунов», «Сув париси»; М. Ю. Лермонтов «Қалашников ҳақида қўшиқ»; Н. А. Некрасов «Русияда ким яхши яшайди» ва б.) О. ш. нинг ажойиб намуналарини яратганлар. О. ш. ўзбек совет адабиётига рус адабиётидан кириб келган. М. Шайхзоданинг «Чорак аср девони» (1958) га кирган «Уруғ сочарлар» шеъри, «Мирзо Улуғбек» трагедияси ва кўпгина шоирларнинг қатор шеърлари О. ш. усулида ёзилган.

ОҚ ЯПАЛОҚҚУШ (Nyctea scandiaca)— япалоққушлар туркумига мансуб қуш. Пати, асосан, оқ, қўнғир холли. Гавдаси 55—65 *см*, қаноти ёйилганда 150—160 *см*, вазни 1,5—2,5 *кг*. Ерни ўйиб йўсин тўшалган уясига май ойида 3—11 тухум қўяди, тухумини 1 ойга яқин босади; тухумлар сони асосий овқати — леммингларнинг оз-кўплигига боғлиқ. Шимолий Америка, Европа ва Осиёнинг тундра зонасида, Шимолий Муз океанининг айрим оролларида тарқалган.

ОҚ УРДА — *Олтин Урда*нинг бир қисми. *Жўжихон*нинг ўғли *Ботухон* ва унинг авлодлари томонидан идора қилинган; иккинчи қисмини Жўжихоннинг бошқа ўғли Урдахон бошқарган. Бу ҳолат 13—14-асрлар давомида ўзгармай келган. Ботухон авлодларига номигагина қарам бўлган Урдахон авлодлари кейинчалик тўла мустақил бўлиб олганлар. Олтин Урда тушунчаси Ботухон ҳукмронлиги давридан бошлаб бутун *Жўжи улуси*га, 14-аср бошидан эса О. У. га нисбатан қўлланилган. Бу даврда О. У. фақат Ботухоннинг ўз улуси (Волга бўйи) ва укалари: Беркахон (Шимоли-Шарқий Кавказ), Шибан (ҳозирги Қозоғистон ва Ғарбий Сибирь) ҳамда Мовал (Қора денгиз бўйидаги ерлар) улусларидан иборат бўлган. Ботухон ва Беркахон улуслари кейинчалик (Беркахон



Оқ тунлар ҳодисасига оид схема.



Оқ япалоққуш.



Оқ бовур.

ҳукмронлиги даврида) бирлаштирилган. 15-асрда О. У. терр-ясида Олтин Урданинг давоми сифатида янги давлатлар (Катта Урда, Нўғай Ўрда, Қосимов подшолиги ҳамда Ўзбек, Қрим, Қозон, Сибирь ва б. хонликлар) вужудга келди.

Ад.: Федоров-Давыдов Г. А., Кочевники Восточной Европы под властью золотоордынских ханов. М., 1966; Сафаргалиев М. Г., Распад Золотой Орды, Саранск, 1960.

ОҚ ЎРИК — ўртапишар ўрик нави. Кўчати ўтқазилгач, 4—5-йили ҳосил беради. Дарахти катта, мартда гуллайди, 80—100 *кг* ҳосил беради. Меваси июннинг иккинчи ярмида пишади, ўртача оғирлиги 37 *г*, думалоқ, оч сариқ. Эти сарғиш, серсув, ширин ва сал нордон. Асосан, ҳўллигича ейилади. Тошкент, Фарғона областлари учун районлаштирилган.

ОҚ ҚАРАҒАЙ (Abies sibirica) — қарағайдошлар (қарағайгуллилар оиласи)га мансуб доим яшил дарахт. Бўйи 30 *м* ча. Танаси тўқ кул ранг, силлиқ пўстлоқли. Игна барглари юмшоқ, учи тўмтоқ, хушбўй. Гуллари чангчи ва уруғчилардан иборат. Уруғи қўнғир новдаларда, тухумсимон гуддада ривожланади. О. қ., асосан, Сибирда (айниқса, Саян ва Олтойда) ва СССР Европа қисмининг шимоли-шарқида ўрмон ҳосил қилади. Барги ва ёш новдаларида 3,27% эфир мойи, 0,32% ча витамин С ва б. моддалар бор. Эфир мойи асосан борнилацетат (30—60%), борнеол камфен (10—20%), пинен (10%) ва б. бирикмалардан иборат. Борнилацетат ва борнеолдан *камфара* синтез қилинади. Смоласидан скипидар олинади. Барги ва ёш новдаларидан тайёрланган қайнатма витамин С га бой бўлиб, цинга касаллигини даволаш ва олдини олишда ишлатилади.

ОҚ ҚУЮНЛИ, оқ қўйли — турк-ўғуз қабилалари иттифоқи. Кўчманчи турк-ўғуз қабиласининг бирлашиши натижасида (8—11-асрда) вужудга келган. Кейинчалик салжуқийларнинг юришларида қатнашиб, уларнинг таркибида жануб ва ғарб томонлар (Қавказ, Ҳуросон, Олд Осиё) га кўчиб ўтдилар. Сирдарё бўйларида ҳамда Нурота тоғ этакларида қолган О. қ. лар эса ўзбеклар ва қорақалпоқларнинг таркибига кирган. О. қ. этноними 20-асрнинг бошларигача ўзбек-қўнғиротлар (қ. *Қўнғирот*), шунингдек Зарафшон водийсида яшовчи қорақалпоқлар таркибида сақланиб қолган. Жануб ва ғарбга томон силжиб кетган. О. қ. ларнинг катта қисми 14-асрнинг охирларида Юқори Месопотамияни эгаллаб турганлар: уларнинг маркази Диёрбакр ш. бўлган. О. қ. давлатида ҳукмронлик қилган сулола О. қ. деб номланган. О. қ. лар давлатининг ҳокими Узун Ҳасан (1453—1478) Трапезунд императори Довудниng ёрдами б-н (Узун Ҳасан Довуднинг сиңлисига уйланган эди) 15-асрнинг 50-йилларида ўз душмани бўлган Қора қўюнлилар сулоласи устидан ғолиб чиқиб, Арманистонни эгаллади. 1467 йили О. қ. лар Арманистонни қайтариб олиш ниятида қўшин тортиб келган Қора қўюнлилар давлати бошлиғи Жаҳон-шоҳни енгдилар ва улар эгаллаб турган Озарбайжонни босиб олдилар. Шу тариқа О. қ. лар давлати 15-асрнинг 60-йиллари жуда катта терр-яга: Жанубий Озарбайжон (Қорабоғ б-н бирга), Ироқ, Эроннинг (Хуросон, Мозандарон, Ғилондан ташқари) катта қисмини эгаллади. Давлат маркази Табриз шаҳрига кўчирилди. О. қ. лар давлати турли халқлар яшайдиган ва зўрлик б-н босиб олинган катта терр-яда ташкил топган, кўчманчи зодагонлар томонидан идора этилган феодал давлат эди. 16-асрнинг бошида О. қ. лар давлати *Исмоил* I бошлиқ қизил бошлилар томонидан тор-мор қилинган.

Ад.: Бобиринома, Т., 1961.; Сб. статей по истории Азербайджана, вып. 1, 1949, стр. 144—211.

ОҚАР КУЛ — бир ёки ундан ортиқ сой-дарё қуйилиб, яна суви оқиб чиқиб кетадиган кўл. Мас., Тожикистондаги Искандаркўлга Ҳисор тоғларидаги музликлардан бир неча сой ва дарёлар оқиб тушади ва ундан биргина Искандардарё оқиб чиқади. Кўпгина кўллар О. к. лардир (Байкал, Ладога, Онега, Эри). О. к. ларнинг суви, одатда, чучук бўлади (қ. *Оқмас кўл*).

ОҚАРИҚ — Фарғона обл. Фарғона р-ни Фарғона қ. С. даги қишлоқ. «Ёш ленинчи» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 27 *км*, яқин т. й. станцияси — «Фарғона-2» дан 5 *км*. Аҳолиси 3024 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Исфайрамсой ва Марғилонсойлардан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб бор.

ОҚАРИҚЛАР — Хоразм обл. Урганч р-ни Чакашоликор қ. С. даги қишлоқ. Қалинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 5 *км*. Аҳолиси 685 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Урганчарна каналидан сув ичади. Мактаб, болалар боғчаси бор.

ОҚБАЙТАЛ — Шарқий Помирдаги довон. ТожССРда. Баландлиги 4665 *м*. Сариқўл ва Музқўл тизмаларини бир-бирига туташтирадиган ва Музқўл (Қоракўл ҳавзаси) дарёси б-н Жанубий Оқбайтал (Оқсув-Мурғоб ҳавзаси) дарёсининг юқори қисмларини ажратиб турадиган сувайиргичда жойлашган. О. орқали Ўш—Хоруғ автомобиль тракти ўтади.

ОҚБИЛОЛ — Фарғона обл. Фарғона р-ни Чекшўро қ. С. даги қишлоқ. «Ғалаба» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 37 *км*, яқин т. й. станцияси — «Фарғона-1» дан 15 *км*. Аҳолиси 1606 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шоҳимардонсой ва Исфайрамсойлардан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, сут-товар фермаси, болалар боғчаси, медпункт, туғруқхона, клуб, кутубхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚБОВУР (Pterocles alchata) — булдуруқлар туркумига мансуб қуш. Танасининг узунлиги 35—37 *см*. Жанубий Европа, Осиё ва Африкада тарқалган. СССРда Закавказье, Қозоғистон ва Ўрта Осиёда учрайди. Жанубдагилари ўтроқ; шимолдагилари кузда иссиқ ўлкаларга учиб кетади. О. ерда яхши югуради, тез учади. Саҳро ва чўлларда яшайди. Уясини ерга ясайди. 2—4 тухум қўяди. Тухумини нари б-н модаси бир ой галма-гал босади. Усимлик уруғлари, баъзан ҳашаротлар б-н овқатланади. Гўшти ва пари учун овланади.

ОҚБОШ ТИКАН (Cousinia umbrosa Bge) — мураккабгулдошлар (мураккабгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўт. Пояси юқори қисмидан шохланган. Бўйи 60—120 *см*. Барглари юпқа, усти туксиз, орқаси сертук. Гуллари икки жинсли, найсимон, чангчилари туташмаган, чангдонининг пастки қисмида патсимон ўсимтаси бор. Тўпгули савatча. Уруғи тескари тухумсимон, узунлиги 6 *мм*, эни 3 *мм*. О. т. июнь-июлда гуллаб, июль-августда уруғлайди. Ўзбекистонда — Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Сурхондарё обл. ларида, асосан, адирларда, тоғ этакларида ва экинлар орасида ўсади.



Оқбош тикан.

ОҚБОШТОВ — Қашқадарё областидаги тоғ. Энг баланд жойи 2172 *м*. Шимоли-шарқдан жанубий-ғарбга 12—15 *км* чўзилган. Ғарбий ён бағри қия, шарқий ён бағри тик. Оҳактош, қумтош, гипслардан таркиб топган. Карст ҳодисаси ривожланган. Бир қанча булоқлар бор. Сувлари қувурлар орқали Деҳқонобод р-нидаги қишлоқларга келтирилган.

ОҚБУЛОҚ — Тошкент областидаги сой. Чатқол дарёсининг иккинчи энг йирик ирмоғи. Чатқол тизмасининг сув айирғич қисмидаги (3477 *м*) кичик тоғ кўлидан бошланади. Узунлиги 40 *км*, ҳавзасининг майдони 818 *км*². Юқори оқимида водийси кенгроқ, қуйи оқимида водийси жуда тор, ён бағирлари тик. Қор ва ёмғирдан тўйинади. Умумий узунлиги 135 *км* бўлган 85 та ирмоғи бор. Энг йириклари Тошкескансой, Қўшмонсой, Саргардонсой, Қораарчасой.

ОҚБУЛОҚ — Жиззах обл. Зомин р-ни Ударник қ. С. даги қишлоқ. «Ударник» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Зарбдордан 1 *км*. Аҳолиси 1038 киши (1971); ғаллакорлик ва чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқ ва қудуқлардан сув ичади.

ОҚБУЛОҚ — Наманган обл. Наманган р-ни Тепақўрғон қ. С. даги қишлоқ. «Қизил Байроқ» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Оқтошдан 8 *км*. Аҳолиси 673 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Колхозлараро паррандачилик фермаси, ветеринария пункти бор.

ОҚБУЛОҚ — Андижон обл. Жалолқудуқ р-ни Абдуллабий қ. С. даги қишлоқ. Ильич номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Савайдан 11 *км*. Аҳолиси 587 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Пионерлар лагери бор.

ОҚБУЛОҚСОЙ — Жиззах обл. Фориш р-нидаги сой. Нурота тоғининг шимолий ён бағридан бошланиб, шимолга оқади. Узунлиги 12 *км*, ҳавзасининг майдони 13 *км*². Йиллик ўртача сув сарфи 0,08 *м*³/*сек*, оқим модули 6 *л*/*сек км*². Эрта баҳорда суви кўпаяди. Сойдан баҳорда сел келади. Қиров номли с-з ерлари суғорилади. О. водийси ўзининг токзор, ёнғоқзор ва боғлари б-н машҳур.

ОҚБУЙИН — Қашқадарё обл. Ғузор р-ни Гулшан қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Ғузордан 3 *км*. Аҳолиси 811 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Авғонбоғ ариғидан сув ичади. Болалар боғчаси, алоқа бўлими бор.

ОҚБУЙРА — Фарғона водийсининг жанубишарқидаги дарё. Қичик Олай тизмасининг сув айирғич қисмидан бошланади. Узунлиги 70 *км*. Ҳавзасининг майдони 2676 *км*². Ўш шаҳридан шимолда тармоқларга бўлиниб кетади. Текисликка чиққунча 60 *км* масофада чуқур дарада оқади. Қор ва муз сувидан тўйинади. Уртача йиллик сув сарфи 21,1 *м*³/*сек*, оқим модули 7,90 *л*/*сек км*². Июнь-июль ойларида йиллик сувининг 16,6—17% и оқиб ўтади. Ўш областининг пахтакор р-нлари ва Андижон областининг Хўжаобод р-ни ерларини суғоради.

ОҚБУЙРА — Андижон обл. Ленин р-ни Мустаҳкам қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Асакадан 4 *км*. Аҳолиси 2740 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, қ. С. идораси, к-з трактор парки, дорихона, алоқа бўлими, кутубхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚБУЙРА — Фарғона обл. Олтиариқ р-ни Файзиобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Олтиариқдан 10 *км*. Аҳолиси 2371 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, алоқа бўлими, кутубхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚБУЙРАСОЙ — Самарқанд областидаги сой. Зарафшон тизмасидаги Қоратепа тоғидан бошланиб, шимоли-ғарбга оқади. Узунлиги 11 *км*, ҳавзасининг майдони 10,6 *км*². Илгари Оҳаклисойга қуйилган, ҳозир 3 *км* берида қуриб қолади. Баҳорда сел келганда Оҳаклисойга етиб боради. Ўртача йиллик сув сарфи 0,01 *м*³/*сек*, оқим модули 12,2 *л*/*сек км*².


ОҚГУЗАР — Қашқадарё обл. Қамаши р-ни Қорабоғ қ. С. даги қишлоқ. «Фарғона» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Қамашидан 3 *км*. Аҳолиси 770 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қорасув ариғидан сув ичади.

ОҚДАРЁ — Зарафшон дарёсининг тармоғи. Самарқанд шаҳридан 7 *км* қуйида, Чўпонота тепалиги яқинида Зарафшон иккига — Оқдарё ва *Қорадарё*га ажралади. Хатирчи қишлоғида яна бирлашади. О. нинг узунлиги 131 *км*, сув сарфи 230 *м*³/*сек* (Самарқанд гидроузелида). О. дан 22 ариқ сув олади. Шундан 13 таси ўнг қирғоқда (Қурбонобод — 9,6 *км*, Янгикент — 34 *км* ва б.), 9 таси чап қирғоқда (Шахоб — 17 *км*, Ғазара — 26,8 *км*, Челак — 9 *км* ва б.). Бу каналлар орқали О. Пайариқ, Иштихон ва Хатирчи р-нларидаги 50 минг *га* ерни суғоради.


ОҚДАРЁ РАЙОНИ — Самарқанд областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Иштихон, Пастдарғом, Самарқанд, Жомбой, Пайариқ р-нлари б-н чегарадош. Майдони 0,36 минг *км*². Аҳолиси 55,5 минг киши (1976). Р-нда 6 қ. С. (Даҳбед, Октябрь, Примкент, Зарафшон, Янгиқўрғон, Янгикент) бор. Р-н маркази — Лойиш қишлоғи.

Табиати. Р-н терр-яси Зарафшон дарёсининг ирмоқлари — Қорадарё ва Оқдарё водийсида жойлашган. Ерининг устки қисмини дарёлар олиб келган аллювиал ётқизиқлар қоплаган. Рельефи, асосан, в ясси тектоник бўлиб шарқдан ғарбга нишабдир. Абсолют баландлиги 450 *м*. Зарафшон дарёсининг фаолияти натижасида қатор кўҳна қайирлар (террасалар) ҳосил бўлган. Иқлими континентал. Шимол, шимоли-шарқ ва шарқ томондаги тоғлар Арктика шамолларини тўсиб, қишда ҳавони унча совитмайди. Январнинг ўртача т-раси —1°, июлники 27—28°. Йилига ўртача 200—300 *мм* ёғин ёғади. Вегетация даври 217 кун. Тупроқлари қадимдан суғориладиган 1—2% чириндили бўз тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан қамиш, буғдо-


ОҚДАРЁ РАЙОНИ
Шартли белгилар
Район маркази
ҚС марказлари
Бошқа аҳоли пунктлари
Районлар чегараси
Самарқанд райони
Челак
Қўшработ
Янгикент
Зарафшон
Ғазара
Қўшрабод
Қўшработ
Қўшработ
Қўшработ



Оқдарё райони. Район марказида қурилган янги турар жой бинолари.



Оқёқа.

йиқ, шўражриқ, кампирсоч, юлғун ва б. ўсади. Бўри, тулки, қуён, чиябўри, жайра, тўқайзорларда қирғовул, лойхўрак, ўрдак, сўфитўрғай, чуғурчиқ, зарғалдоқ; судралувчилардан геккон калтакесаги, тошбақа, сариқ илон, эчкемар; кемирувчилардан кўрсичқон, кичик қўшоёқ, қумсичқон, типратикан, юморонқозиқ, каламуш ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; тожиклар, руслар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 159 киши.

Хўжалиги. Р-нда ғишт з-ди, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, 3 пахта пункти, СоюзНИХИнинг филиали — Самарқанд тажриба станцияси, мева кўчатлари етказиб берувчи хўжалик, к-зларароқурилиш бошқармаси, к-зларароқ бўрдоқичилик базаси мавжуд. Қ. х. нинг барча тармоқлари ривожланган. Пахтачилик — етакчи тармоқ. Р-нда 9 к-з, 2 с-з бор. Қ. х. да фойдаланиладиган 24595 *га* ернинг 17428 гектарига пахта, 2318 *га* ерга дон экинлари, 180 *га* ерга картошка, сабзавот, полиз экинлари, 4,6 минг *га* ерга ем-хашак экинлари экилади, 1,3 минг *га* ер мевазор, токзор ва тутзорлар (1976). Р-н хўжаликларида 13316 қорамол (шундан 3670 сигир), 522 от, 9160 товуқ, 268 қуён бор (1976). Давлатга 47776 *т* пахта, 3328 *т* ғалла, 1709 *т* сабзавот, 978 *т* полиз маҳсулотлари, 2018 *т* ҳўл мева, 374 *т* узум, 240 *т* картошка, 1050 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 4850 *т* сут, 791 минг дона тухум, 17,6 *т* жун, 222,5 *т* пилла сотилди (1975).

Р-ндаги 46 умумий таълим мактабида 16901 бола ўқийди (1975—76). 34 кутубхона, 13 клуб, 19 киноустановка ишлаб турибди (1976). 1969 йилдан «Ленинизм йўлидан» газетаси чиқиб турибди (тиражи 5000 нусха). 375 ўринли 4 касалхона, 46 медпунктда 45 врач ва 280 ўрта медицина ходими ишламоқда. Р-н терр-яси орқали Катта Ўзбекистон тракти ўтган. Янгиқўрғон — Самарқанд маршрути бўйлаб автобус қатнайди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари М. Муродов, Т. Саидова шу р-иликдир.

ОҚЁР — Наманган обл. Наманган р-ни Ўзбекистон қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Намангандан 15 *км*. Аҳолиси 532 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚЁР — Фарғона обл. Риштон р-ни Оқер қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқатдан 12 *км*. Аҳолиси 4553 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, клуб, кутубхона, медпункт, дорихона, к-з автопарки ва трактор парки, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚЁП — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Карвак қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп дан 12 *км*. Аҳолиси 1748 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Тошсақо каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ёзги ва қишки кинотеатр, к-з идораси, кутубхона, меҳмонхона, пилла қабул қилиш пункти, алоқа бўлими, ветеринария пункти, қишлоқ маданият уйи ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.


ОҚЁП — Хоразм обл. Урганч р-ни Бекобод қ. С. даги қишлоқ. Нариманов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 18 *км*. Аҳолиси 729 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Кулобод каналидан сув ичади. Қ. С. ва к-з идоралари, медпункт, кутубхона, клуб, радиоузел, алоқа бўлими, маиший хизмат кўрсатиш к-ти бор.

ОҚЁП — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Юқори Мухаман қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп дан 3 *км*. Аҳолиси 623 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Мухаманёп каналидан сув ичади.

ОҚЁР — Андижон обл. Андижон р-ни Ёрбоши қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — «Андижон-2» дан 3 *км*. Аҳолиси 1318 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОҚЁҚАЛАР — ржанкалар оиласига мансуб бир неча қуш турларининг умумий номи. Боши катта, тумшуғи қисқа, нимжон, оёғи ингичка, қаноти узун. Ер юзида кенг тарқалган. СССР да 9 тури (жумладан сариёқа, оқёқа ва б.) бор. Танасининг узунлиги 18 *см* ча, боши, бўйни ва томоғи оқиш-қора, усти қўнғир-кул ранг. Сув ҳавзалари қирғоқларида яшайди. Уясини қумга ясайди, 4 тухум қўяди. Узбекистонда куз ва баҳорда учрайди.

ОҚЖАНГАЛ — Қашқадарё обл. Ульянов р-ни Қатағон қ. С. даги қишлоқ. «Москва» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Қосондан 12 *км*. Аҳолиси 1108 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.



1. Союз НИХИ филиали — Самарқанд тажриба-хўжалик станциясининг маъмурий биноси. 2. Энгельс номли колхозидаги «Саёҳат» чойхонаси.

ОҚЖАР — *мустье даврига* оид манзилгоҳ. *Кўрғонтепа* шаҳридан 22 *км* жанубий-ғарбда. О. дан мустье даврига оид қирғич, сихча, пластина, тош чиқиндилари, нуклеуслар ва б. тош қуроллар топилган. Қурол ишлаш техникаси ва формасининг О. дан 10 *км* узоқликда жойлашган *Қорабура* маконидаги қуролларникига ўхшашлиги, ҳар иккала қароргоҳда яшаган неандерталларнинг бир ибтидоий тўдага оид эканлигини кўрсатади.

Ад.: Ранов В. А., Два новых памятника каменного века в Южном Таджикистане, Труды ин-та истории АН ТаджССР, т. 34, 1962; Костенко Н. П., Несмеянов С. А., Ранов В. А., О находке палеолитических орудий на возвышенности Ак-Джар Южный Таджикистан), Докл. АН ТаджССР, т. 4, № 6, 1961.

ОҚЖАР НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНИ — Бухоро обл. Қизилтепа р-нидаги кон. 1959—62 йилларда конда разведка ишлари олиб борилган. 1964 йили нефть ва 1966 йили газ олина бошлади. Кон юра, бўр, палеоген ва неоген даврлари жинсларидан таркиб топган. Нефть ва газ юра —бўр даврлари жинслари орасида. Юра даври жинслари кул ранг қумтош, алевролит, гил, ангидрит, мергель ва гилли оҳактошлардан, бўр даври жинслари эса қўнғир, қизил, кўкимтир, кул ранг қумтош, алевролит ва гилдан иборат. Бу жинсларнинг умумий қалинлиги 120—550 *м*. Палеоген даври жинслари сарғиш оҳактош ва кўк гил қатламларидан тузилган. Умумий қалинлиги 35 *м*.

Горизонтларнинг узунлиги 0,84 *км* гача, эни 0,33—2 *км*, баландлиги 8—160 *м*, умумий қалинлиги 7,4—167 *м*, маҳсулдор қалинлиги 1,3—47 *м*; жинсларнинг ғоваклиги 7,25—26%, ўтказувчанлиги 22—913 миллидарси.

Газ таркибида 94,6% метан, 3,2% азот, нефть таркибида 1,57% олтингугурт, 0,68% асфальтен, 5,16% парафин бор.

Ад.: Ходжаев А. Р., Акрамходжаев О. М., [и др.], Нефтяные и газовые месторождения Узбекистана, Т., 1964; Ходжаев А. Р. [и др], Минеральные топливные ресурсы Узбекистана и экономика их использования, Т., 1972.

ОҚЖАРСОЙ — Сурхондарё областидаги сой. Қоратоғдарёнинг ирмоғи. Узунлиги 50 *км*, ҳавзасининг майдони 38 *км*². О. камсув. Йиллик ўртача сув сарфи 0,60 *м*³/*сек*, ўртача оқим модули 15,8 *л*/*сек км*². Қор, ёмғир сувларидан тўйинади. Март — июнда суви кўпаяди.

ОҚЖОНКЕНАГАС — ҚҚАССР Чимбой р-ни Бахтли овул Советидаги қишлоқ. «Октябрь 40 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Хўжайлидан 94 *км*. Аҳолиси 541 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Қегейли каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ОҚЖУСАН (Artemisia terra albae) — мураккабгулдошлар (мураккабгуллилар оиласи)га мансуб ярим бута. Пояси сершох, бўйи 10—40 *см*. Барглари сертук, бир ёки икки карра патсимон бўлинган, энг юқоридагилари баъзан оддий. Тўпгули ёйиқ рўваксимон. Гуллари икки жинсли, сариқ. Уруғи тескари тухумсимон, узунлиги 1,5 *мм*. Сентябрда гуллаб, ноябрда мевалайди. Узбекистонда — Бухоро, Хоразм ва ҚҚАССРда майда чағир тошли тоғларда, қўнғир қум уюмларида, баъзан шўр ерларда ўсади.

ОҚИЛБЕКОВ Жўра (1902, Жанубий Қозоғистон обл. Қизилқум р-ни Чимқўрғон қишлоғи) — чўпон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1958). 1962 йилдан КПСС аъзоси. Жанубий Қозоғистон обл. Қизилқум р-нидаги Молотов номли к-зда чўпон (1930—40), Жиззах обл. Фориш р-нидаги Киров номли с-зда бош чўпон (1940—65). Ҳар бош қўйдан 3,5 *кг* жун, ҳар 100 совлиқдан 180—185 қўзи олган (1958). Ленин ордени ва медаль б-н мукофотланган. 1965 йилдан пенсионер.



Оқилбеков Ж.

ОҚИЛОВ Атоулла Тўрахонович (1929. 11. 6, Тошкент) — биолог-генетик, биология фанлари д-ри (1973), проф. (1974). 1965 йилдан КПСС аъзоси. ТошМИни тугатгач (1953), шу ин-т нормал анатомия кафедраси ассистенти (1953—56, 1959—63), аспиранти (1956—59). 1964 йилдан ТошМИ биология ва ирсият кафедрасида доцент, 1972 йилдан Урта Осиё Медицина педиатрия ин-ти биология ва умумий ирсият кафедраси мудири. 1976 йилдан ин-т декани. Илмий ишлари, асосан, одамларда буқоқ безининг нормал ҳолатда ва буқоқ касаллигида қон томирлари морфологияси, умуртқали ҳайвонлар қони таркибий қисмлари ва қон ишловчи органларининг нормал ҳамда ионлаштирувчи нурланишлар таъсиридаги ҳолатини ўрганишга бағишланган. Республика марказий матбуотида коммунистик ахлоқ ва врачлар этикаси масалаларига оид кўплаб мақолалари б-н қатнашиб келади. 1962 йилдан «Медик» (ТошМИ), 1972 йилдан «Педиатр» (Урта Осиё Медицина педиатрия ин-ти) кўп тиражли газеталари муҳаррири. Ўзбекистон генетиклар ва селекционерлар илмий жамиятининг вице-президенти (1971).

Ас.: Умумий биологиядан амалий машғулотлар, Т., 1970 (Ж. Ҳ. Ҳамидов, Т. М. Саидов б-н биргаликда); Ўғилми, қизми? Т., 1970 (Ж. Ҳ. Ҳамидов, Р. Э. Худойбердиев б-н биргаликда); Ички секреция безлари ва уларнинг ҳаётий аҳамияти, Т., 1966 (Х. З. Зоҳидов б-н биргаликда); Зурриёт сирлари, Т., 1975 (Ж. Ҳ. Ҳамидов б-н биргаликда); Реакция периферической крови и кроветворения у анамний и аминиот при действии ионизирующего излучения. «Материалы IX Всемирного конгресса анатомов» тўпламида, Л., 1970.



Оқилов А. Т.

ОҚИЛОВ Исоҳор Ҳанимович (1914. 14. 7, Самарқанд) — раққос, балетмейстер. ЎзССР халқ артисти (1964). Самарқанддаги Музика ва хореография ин-тида (1928—29), Ўзбек давлат музикали театри студияси (1929—32) да таълим олган, СССР Давлат халқ рақс ансамбли ва Большой театрда малакасини оширган (1953—54). 1932—36 йилларда тожик ва яҳудийлар музикали театри (Самарқанд, Бухоро)да ишлаган. 1936 йилдан М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясида ишлайди. «Чархи дўзон», «Қатта ўйин», «Лазги», «Яккақарс», «Оҳанги кўҳистон» каби рақсларни маҳорат б-н ижро этган. О. анъанавий-классик («Севги таронаси», «Муножот», «Бухоро юлдузи» каби), замонавий («Тонг маликаси», «Уч гўзал», «Шодиёна» сингари) рақсларни саҳналаштирган. О. Бухоро классик рақсининг анъаналарини совет даврида ривожлантирди. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган. Ешлар ва студентларнинг 6- жаҳон фестивали, 3 марта Драматик ва музикали театрлар, ансамбллар ва хор коллективлари Бутуниттифоқ фестивалининг лауреати. О. нинг қизлари Вилоят, Зулайҳо, Лола, Гавҳар ҳам раққоса. ЮНЕСКО буюртмаси б-н «Оқиловлар рақсга тушади» («Чархи ларзон») фильми яратилган.

Ад.: Аҳмедов М., Исоҳор Оқилов, Т., 1975.



Оқилов И. Х.

ОҚИЛОВА Маргарита (1920. 20. 1, Самарқанд) — раққоса, ЎзССР халқ артисти (1970).



Оқилов И. «Фарғонача рақс» ижро этилмоқда.



Оқилова М.



Оқилова М. «Бухороча рақс» ижро этилмоқда.

(1970). И. *Оқилов*нинг рафиқаси. 1932—35 йилларда Душанбедаги Лоҳутий номидаги Давлат музикали театрида ишлаб, шу театр студиясини тамомлаган. 1935—36 йилларда Самарқанддаги тожик ва яҳудийлар музикали театрида солистка. 1936—60 йилларда Ўзбек давлат филармониясида ишлаган. «Занг ўйин», «Гулузорим», «Танавор», «Дилхирож» каби рақсларни ижро этган. 1960 йилдан пенсионер ва Тошкент Тўқимачилар саройи қошидаги халқ рақс ансамблида бадиий раҳбар. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ОҚИМ — 1) сув ва ҳаво массасининг бир жойдан иккинчи жойга маълум йўналишда силжиши. О. га ер юзасининг нишаби, босим, бир томонга қараб эсувчи шамоллар, сув т-раси ҳамда шўрлигидаги тафовут ва б. сабаб бўлиши мумкин. Денгиз, дарё, бўғоз, ер ости суви ва ҳ. к. оқимлари бўлади (қ. *Денгиз оқимлари);* 2) нурланиш оқими, нурланиш қуввати — берилган сиртдан вақт бирлиги ичида ўтаётган тўлиқ энергия миқдори; магнит оқими, магнит индукция оқими — бирор сиртдан ўтаётган магнит индукция вектори оқими.

ОҚИМНИ ЎРГАНИШ СТАНЦИЯСИ — махсус гидрометеорология станцияси. Вазифаси *сув баланси* элементлари ва омилларини комплекс кузатиб бориш. Кузатиш объекти — майдони бир неча юз *км*² ли сув йиғиш ҳавзалари ва оқим майдончалари. О. ў. с. да қор ва ёмғир сувларидан ҳосил бўлган оқимни ўрганиш б-н бирга, сув ва тупроқ намлигининг бугланиши, ер ости сувлари ва б. ни кузатиш ишлари ҳам олиб борилади.

ОҚИН — қозоқ ва қирғизларнинг бадиҳагўй шоири, куйчиси. О. анъанавий текстни айнан такрорламайди, балки унинг сюжет асосини сақлаган ҳолда ижодий ўзгартишлар ҳам киритади. О. ижодкор сифатида жировлардан фарқ қилади. Жировлар, асосан, қаҳрамонлик эпосини куйласалар, О. лар дўмбира жўрлигида достон, терма, тўлғов, қўшиқ ва фольклорнинг бошқа жанрлари намуналарини ижро этадилар, айтишувларда қатнашадилар.

Инқилобгача бўлган кўчманчилик ва халқ саводсизлиги шароитида О. халқнинг ўй ва туйғуларини ифодалаш, қаҳрамонларини мадҳлаш, ижтимоий нуқсонларни фош қилиш б-н муҳим роль ўйнаган. Октябрь инқилобидан кейин О. санъати мазмун ва шакл жиҳатидан янгиланди. Жамбул, Нурпеис, Иса, Нурлибек, Нурхон, Умбетали, Мойлихўжа ва б. О. лар номи халқ орасида машҳур.

Узбекларда О. чечан, сўзамол, баъзан достончи маъносида қўлланади.

Ад.: Исманлов Е., Акыны, Алма-Ата, 1957.

ОҚИРТМА — Қашқадарё обл. Деҳқонобод р-ни Қизилча қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 32 *км*, яқин т. й. станцияси — Ғузордан 77 *км*. Аҳолиси 1581 киши (1971); чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Булоқ ва қудуқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, касалхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚИШОҚ — шоли оқланганда синган гуруч. Асосан, суюқ овқатларга ишлатилади.

ОҚҚУЗЛАР (Zosteropidae) — чумчуқсимонлар туркумига мансуб майда қушлар оиласи. Қўзининг атрофи майин оқ парлар б-н ўралган. Усти яшил. Шарқий ярим шарнинг тропик ва субтропикларида 85 тури тарқалган. Инларини дарахт ва буталарга қуради. 2—3 тухум қўяди. Асосан, ҳашаротлар, баъзан ўсимликларнинг мева ва уруғлари б-н овқатланади. СССРда Амур ўлкасида қўнғирбиқин О. учрайди.

ОҚҚЎЛ — Хоразм обл. Янгиариқ р-нидаги бир группа кўллар номи (Оққўл, Газкўл, Шўркўл, Отакўл, Боғотликўл). Бу кўлларнинг майдони 4 минг *га*, ўртача чуқурлиги 1 *м*, суви шўрроқ. Кўлларнинг туби гил ва қумлардан иборат, соҳиллари, асосан, ясси. Кўллар коллекторлар орқали бирлаштирилган, шу сабабли ҳаммасининг сув юзаси бир меъёрда туради. Ташландиқ ва сизот сувлар ҳисобига тўйинади. Юзасининг 30—80% и қамиш ва қўға б-н қопланган. Чўртан балиқ, сазан каби балиқлар бор, ондатра урчитилади. Кўллар тобора саёзлашиб бормоқда.

ОҚҚЎЛ — Хоразм обл. Шовот р-ни Узбекистон қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 19 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 29 *км*. Аҳолиси 820 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шовот каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОҚЛАР — Сурхондарё обл. Денов р-ни Қуйбишев қ. С. даги қишлоқ. Генерал Раҳимов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Деновдан 23 *км*. Аҳолиси 902 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Ҳазорбоғ каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, маданият уйи, болалар боғчаси, медпункт, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚЛОВЧИ ГИЛЛАР — моддаларни ютиш ва тозалаш хусусиятига эга бўлган фойдали қазилмалар. Таркибида 4—10% ишқор ва ишқорий-ер элементлари бўлган сувли алюмосиликатлардан иборат. Вулканоген жинсларнинг гидрохимик йўл б-н ўзгаришидан ҳосил бўлади. Табиий О. г. ва активлантирилган, яъни кислоталар қўшилган О. г. (мас., кримсиль, осканит) бўлади. Кислотали О. г. нинг ютиш ва оқлаш хусусияти энг яхши табиий О. г. никидан 3—3,5 марта юқори бўлади. О. г. нефть маҳсулотлари, мой ва ҳайвон ёғлари, сирка, виноларни тозалаш, сувни юмшатиш, газламаларни оқартиришда, шунингдек упа-элик саноатида ишлатилади. Гиллардан ташқари, трепел, опока ва диатомитлар ҳам табиий *адсорбентлар* ҳисобланади.

ОҚМА — бадан сиртига очиладиган патологик канал (фистула)нинг ҳаёт даврида орттирилган тури. Кўпинча, йирингланиш ва йиринг ёриб чиқиши б-н давом этадиган яллиғланиш процесслари, мас., *остеомиелит*, шу жумладан сил остеомиелити О. деб аталади.

О. атрофидаги терини синчиклаб парвариш қилиш зарур. Унга Лассар пастаси суртиб турилади.

ОҚМАКТАБ — Хоразм обл. Урганч р-ни Ғойиба қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 6 *км*. Аҳолиси 1122 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қуловот каналидан сув ичади.

ОҚМАНҒИТ — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Тельман қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Суперфосфатнийдан 3 *км*. Аҳолиси 796 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Эски Анҳор каналидан сув ичади.

ОҚМАС КЎЛ — бир ёки бир неча сой-дарё қуйилса ҳам суви оқиб чиқмайдиган кўл. Бундай кўл суви, асосан, буғланишга сарф бўлади. Мас., Қирғизистондаги Иссиққўлга Туп, Жирғалан каби кўплаб дарё ва сойлар қуйилади. Қозоғистондаги Балхаш кўлига Или, Қоратол, Оқсув, Лепси ва б. сувлар қуйилади, лекин улардан бирорта ҳам сой оқиб чиқмайди. Каспий, Орол денгизлари ҳам аслида О. к. лардир; О. к. ларнинг суви, одатда, шўр бўлади (қ. *Оқар кўл*).

ОҚМАСЖИД — Хивадаги архитектура ёдгорлиги (18—19- асрлар). Уч тарафидан айвон б-н ўралган. Қатта хонанинг гумбази чорси асосга ўрнатилган. Хона равоқлар ёрдамида кенгайтирилган. Ясси том устидан кўтарилган баланд гумбаз квадрат асоси б-н биргаликда узоқдан оппоқ бўлиб кўринади (номи ҳам шундан). Масжид безакка унчалик бой эмас. Бироқ панжаралардаги ва ҳар учала эшикдаги геометрик нақшлар маҳорат б-н, ўзига хос услубда ишланган. Эшиклардаги жимжимадор нақшларни ота-бола Одина Қаландар ўғли Нурмуҳамедов ва Саидмуҳаммад ўғли Қаландар бажаришган. Ёғоч устунлар оддий, фақат устунларнинг юқори қисми хатамкорий — пилаклардан териб безатилган. Масжид архитектураси ўзининг ноёблиги ва оригиналлиги б-н Хивадаги бошқа масжидлар архитектурасидан батамом ажралиб туради.


ОҚМАСЖИД — Самарқанд — Термиз йўлида жойлашган архитектура ёдгорлиги (19- аср). Масжид 1959 йили қайта тикланган. Унда масжиднинг дастлабки плани, меъморлик деталлари ва безакларини деярли тўла сақлаб қолишга ҳаракат қилинган. Масжид ёнига 1910 йилда уста Мухтор минора қурган. Минора саккиз қиррали, ичи айланма зинали. Мезанасида саккизта дарча бўлиб, тепаси қиррали гумбаз.

ОҚМАЧИТ — Фарғона обл. Узбекистон р-ни Ғаннобод қ. С. даги қишлоқ. «Ғаннобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 29 *км*. Аҳолиси 2088 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, медпункт ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚМАЧИТ — Андижон обл. Москва р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Шаҳрихондан 1 *км*. Аҳолиси 1776 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОҚМАЧИТ — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Даштакиболо қ. С. даги қишлоқ. «Ленин байроғи» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 16 *км*. Аҳолиси 1600 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шавдор ариғидан сув ичади. Қ. С. идораси, ўрта мактаб, касалхона, кутубхона, ҳаммом, дорихона, ёзги кинотеатр, болалар боғчаси, алоқа бўлими, омонат касса, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚМАЧИТ — Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Сайроб қ. С. даги қишлоқ. «Сайроб» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 62 *км*. Аҳолиси 1132 киши (1971); чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади.



Қўнғирбиқин оққўз.

ОҚМАЧИТ — Самарқанд обл. Нурота р-ни Жўш қ. С. даги қишлоқ. Эргаш Жуманбулбул номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 70 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғондан 130 *км*. Аҳолиси 801 киши (1971); чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ОҚМАЧИТ — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Боботоғ қ. С. даги қишлоқ. «Боботоғ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 158 *км*, яқин т. й. станцияси — Деновдан 150 *км*. Аҳолиси 744 киши (1971); чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, қ. С. ва к-з идоралари бор.

ОҚМОЗОР — Андижон обл. Избоскан р-ни Намуна қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Пойтуғдан 11 *км*. Аҳолиси 641 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Қатта Фарғона каналидан сув ичади.

ОҚОВА — экин суғоришда пайкал этагидан оқиб чиқадиган сув.

ОҚОЛТИН — Андижон обл. Комсомолобод р-ни Оқолтин қ. С. даги қишлоқ. «Оқ олтин» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихондан 48 *км*. Аҳолиси 3700 киши (1971); пахтачилик, полизчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсой ва Марказий Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, касалхона, болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚОЛТИН — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Чархин қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Улуғбекдан 2 *км*. Аҳолиси 1556 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Эски Анҳор каналидан сув ичади. К-з идораси, клуб бор.

ОҚОЛТИН — Сирдарё обл. Гулистон р-ни Золотая Орда қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 40 *км*, яқин т. й. станцияси — Оқолтиндан 1 *км*. Аҳолиси 1430 киши (1971); пахтачилик ва чорвачилик б-н шуғулланади. Киров номли каналдан сув ичади. Ўрта мактаб, қ. С. идораси, касалхона, ошхона бор.

ОҚОЛТИН — Тошкент обл. Чиноз р-ни Чиноз қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Чиноздан 2 *км*. Аҳолиси 1409 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Куркулдак ариғидан сув ичади.

ОҚОЛТИН — Андижон обл. Москва р-ни Чкалов қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Шаҳрихондан 16 *км*. Аҳолиси 1179 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚОЛТИН — ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Охунбобоев овул Советидаги қишлоқ. Димитров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 39 *км*. Аҳолиси 1018 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Амударёдан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, р-н касалхонасининг филиали, к-з ва овул Совети идоралари бор.



ОҚОЛТИН — Хоразм обл. Урганч р-ни Юқоribоғ қ. С. даги қишлоқ. Чапаев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 12 *км*. Аҳолиси 806 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Урганчарна ва Наврўз каналларидан сув ичади.

ОҚОЛТИН — Бухоро обл. Қоракўл р-ни Қоракўл қ. С. даги қишлоқ. Максим Горький номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Қоракўлдан 22 *км*. Аҳолиси 746 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Амударё каналидан сув ичади.

ОҚОЛТИН — Фарғона обл. Ленинград р-ни Учкўприк қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Қақирдан 10 *км*. Аҳолиси 672 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёси ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади.



Оқолтин райони. 1. Район марказидаги В. И. Ленин ҳайкали. 2. Қишлоқ хўжалик техникумининг биноси.

ОҚОЛТИН — Андижон обл. Бўз р-ни Ховос қ. С. даги қишлоқ. «Янги ҳаёт» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихондан 18 *км*. Аҳолиси 585 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси бор.

ОҚОЛТИН — Сирдарё обл. Гулистон р-ни Орджоникидзе қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 33 *км*, яқин т. й. станцияси — Гулистондан 5 *км*. Аҳолиси 531 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Киров номли каналдан сув ичади. Мактаб, медпункт, нон цехи, алоқа бўлими бор.

ОҚОЛТИН РАЙОНИ — Сирдарё областидаги р-н. 1971 йил 29 августда ташкил топган. Шимолдан ҚозССР Чимкент областининг Пахтаорол р-ни, шимоли-ғарбдан Жиззах областининг Мирзачўл, жануби-ғарбдан Дўстлик р-нлари, жануби-шарқдан Ильич, Ховос ва Гулистон р-нлари б-н чегарадош. Майдони 0,60 минг *км*². Аҳолиси 27,3 минг киши (1976). Р-нда 5 қ.-С. (Сардоба, Фарғона, Андижон, Бўстон, Галаба) бор. Р-н маркази — Сардоба қишлоғи.

Табиати. Рельефи, асосан, текислик бўлиб, Мирзачўл даштидан иборат. Тупроқлари турли хил бўз тупроқ. Баъзи с-зларда ер ости сувлари юза, бу ерларда шўрхок тупроқлар тарқалган. Ернинг шўрланишига қарши очиқ ва ёпиқ коллектор-зовурлардан кенг фойдаланилмоқда. Ерлар А. А. Саркисов номли Жанубий Мирзачўл канали ва Марказий тармоқ каналидан суғорилади. Иқлими кескин континентал. Қиши совуқ. Кучли совуқ шамоллар эсади. Январда т-ра —15°—20° гача пасаяди. Ёзи иссиқ, июлда ўртача т-ра 30°. Аҳён-аҳёнда гармсел эсади. Гармселга қарши сув бўйларида дарахтзорлар барпо қилинмоқда. Баҳор серёғин. Март, апрелда йиллик ёғинининг 70% и ёғади. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, шувоқ, юлғун, оқбош, туяқорин ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, чиябўри, ондатра, қуён, тулки, юмронқозиқ, тошбақа, турли хил илонлар, калтакесаклар; қушлардан чўл бургути, калхат, бойўғли, ғуррак, попишак, сўфитўрғай, булбул, зоғча, тоғ майнаси ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; қозоқлар, тожиклар, руслар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 45,5 киши (1976).

Хўжалиги. Р-нда 5 с-з бор. Тўртта хўжаликда комплекс механизациялашган сут-товар фермаси мавжуд. Пахтачилик р-н хўжалигининг асосий тармоғидир. Умумий экин майдони 36465 *га*. Шундан 27626 *га* ерга пахта, 2907 *га* ерга дон экинлари, 1006 *га* ерга сабзавот ва полиз экинлари, 6078 *га* ерга беда экилади, 410 *га* ер мевазор ва токзор, 90 *га* ер тутзор. Р-нда 3454 қорамол (шундан 951 сигир) бор (1975). Давлатга 68105 *т* пахта, 9490 *т* сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 849 *т* мева ва узум, 5,4 *т* пилла, 107 *т* гўшт (тирик вазнда), 2137 *т* сут сотилди (1975).

Р-ндаги қишлоқ хўжалик техникумида қ. х. ни механизациялаштириш, гидромелиорация, бухгалтерия соҳаларида мутахассислар тайёрланади. 9 ўрта, 1 саккиз йиллик, 19 кечки ишчи ёшлар ва 2 бошланғич мактабда 5570 ўқувчи таълим олмоқда (1975—76). 25 кутубхона, 6 клуб, 5 доимий, 2 кўчма киноустановка ишлаб турибди. Сардоба посёлкасида «Лола» ашула ва рақс ансамбли ташкил этилган. 1972 йил 1 майдан р-н «Оқ олтин» газетаси чиқарилади (тиражи 2700 нусха). 210 ўринли марказий касалхона, 4 участка касалхонаси, 5 поликлиника бўлиб, уларда 29 врач ва 103 ўрта медицина ходими ишламоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари К. Укубоев, С. Сиддиқовлар шу р-нликдир.

ОҚОСТОНА — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Телпакчинор қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Сариосиёдан 13 *км*. Аҳолиси 1023 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қоратоғ дарёсидан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, к-з қорамолчилик фермаси бор.



1. «Фарғона» совхозида силос ва пичан тайёрлаш. 2. Совхоз фермасининг умумий кўриниши.



Оқолтин райони. 1. Фарғона совхозидаги дала ишлари. 2. «23-партсъезд» колхози қишлоғидаги кўча.

ОҚОТА — Тошкент обл. Тошкент р-ни Юнусобод қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Келесдан 10 *км*. Аҳолиси 1465 киши (1971); сабзавотчилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Дарбозакент ариғидан сув ичади. К-з идораси, қорамолчилик фермаси, клуб, алоқа бўлими, автогараж, болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚПАДАР, оқ қилиш — ота-она томонидан ўз боласини фарзандликдан маҳрум этиш. Уғил ёки қиз жуда қаттиқ гуноҳ (ватанга хоинлик, қотиллик, бузуқлик ва б.), ножўя хатти-ҳаракат б-н ота-онага номус келтирадиган иш қилса, ота-она бундай фарзанддан воз кечган ва ўз қарорини кўпчилик олдида очиқдан-очиқ эълон қилган. Оқ қилинган болалар «оқпадар» деб аталган (аксарият, фарзандларини оталар (падарлар) оқ қилганлари учун шундай аталган). Улар меросдан маҳрум этилган ва уйдан бадарға қилинган, унга қиз бермаганлар, жамоатга аралаштирмаганлар. Оқпадарлар кўпинча эл-юртдан чиқиб, мусофирликда яшашга мажбур эди. О. ота-она томонидан фарзандларга бериладиган энг олий ахлоқий жазо бўлган. Ҳозир О. жуда кам учрайди.

ОҚПЕЧАК (Convolvulus erinaceus Lab) — печакдошлар (печакгуллилар оиласи)га мансуб серпоя ва сершох кўп йиллик ўт. Бўйи 30—40 *см*. Шохлари эгри-бугри, бир-бири б-н чалкашиб кетган. Барглари ингичка ва қисқа, тез тўкилади. Гули оқ, карнайсимон, қисқа шохлар учида биттадан ўрнашган. Меваси кўсакча, 5 *мм* ча. О. апрелда кўп йиллик илдизидан униб чиқади, июлдан августгача гуллайди, октябрда мевалайди. Урта Осиёдаги ҳамма қумли чўлларда учрайди. Кеч куз ва қишда қуригандан сўнг моллар ейди. Таркибида 5,4% кул ва 12,6% протеин моддалари, 3,2% мой, 43,6% клетчатка, 35,2% азотсиз экстракт моддалар бор.

ОҚРАБОТ — Қашқадарё обл. Қамаши р-ни Оқработ қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Қамашидан 56 *км*. Аҳолиси 638 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, к-з қорамолчилик фермаси бор.

ОҚРАБОТ — Бухоро обл. Ғиждувон р-ни Районобод қ. С. даги қишлоқ. «Пахтаобод» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепадан 25 *км*. Аҳолиси 633 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб бор.

ОҚРАБОТ — Қашқадарё обл. Деҳқонобод р-ни Оқтош қ. С. даги қишлоқ. «Оқработ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 32 *км*, яқин т. й. станцияси — Ғузордан 80 *км*. Аҳолиси 574 киши (1971); чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, алоқа бўлими, медпункт, кутубхона, метеорологик станция бор.

ОҚРАБОТ — Бухоро обл. Ғиждувон р-ни Сармижон қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепадан 34 *км*. Аҳолиси 548 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади.

ОҚСАРОЙ — Самарқанддаги архитектура ёдгорлиги (15- аср), темурийларнинг сўнгги дахмаси. Темурийлар жасади қўйилган *Ишратхона* ва *Амир Темур мақбарасида* кейинги амирзодалар учун жой бўлмаганлиги туфайли О. қўшимча дахма сифатида Абу Саид (1449—69) ва Султон Аҳмад Мирзо (1469—94) ҳукмронлиги даврида қурилган. Мақбара пишиқ ғиштдан ганч б-н ишланган. О. хоч (бут)симон пландаги катта хона ва қарама-қарши жойлаштирилган тоқли хоналардан иборат. Миён сарой жойлашган бош фасад жанубга қараган. Ўртадаги асосий хона тагида дахма жойлашган.

О. конструкциясида ўша давр архитектурасидаги энг замонавий усуллар қўлланилган: хочсимон асосий зал гумбази тўртта катта равоқ ва ўзаро кесишган равоқчалар ҳамда тоқилар ёрдамида ёпилган. Бу конструкциялар шарафалар ва ганч безаклари б-н безалган. Бино ичи ҳар томонлама мукаммал ва тўла-тўкис безатилган. Безакларнинг аксарият қисми Ишратхонадагидек кундал услубида бажарилган. Нафис ишланган оқ, кўк ранглар ва олтин ҳал ўзаро уйғунлашиб ажойиб кўриниш касб этган. Нақш шакллари ўзаро такрорланмаган. Бир равоқдаги нақшда бир-бирига ўхшамайдиган 67 хил безак-гул бўлган. Бироқ бинонинг ташқи архитектураси ниҳоясига етказилмаган — асосий зал гумбазининг ташқи безаги тугалланмаган. Саккиз қиррали барабан қуриб битказилмаган. Шунга қарамай О. темурийлар даври архитектурасининг ноёб намунасидир.



Оқсарой. Гумбазнинг ички кўриниши (фрагмент).

ОҚСАРОЙ — Шаҳрисабздаги архитектура ёдгорлиги (14-аср). Амир Темур қурдирган. Шаҳарнинг шимоли-шарқида — бош майдон ва аслзодалар маҳалласининг ёнида жойлашган. О. тўғрисида машҳур тарихчи *Абдураззоқ Самарқандий* қуйидагича маълумот беради: Темур «ишга яроқли бўлганларнинг ҳаммасини

Хоразмдан Мовароуннаҳрга кўчириш учун буйруқ берди... хоразмлик усталар баланд ва салобатли сарой қуришди, ҳозир у Оқсарой номи б-н машҳур». О. дан бизгача улкан пештоқнинг икки чеккаси ва саройнинг бир қисмигина етиб келган. 200 йил муқаддам қулаб тушган баланд пештоқ тоқининг эни 22,5 *м*, баландлиги 40 *м* бўлган. Тоқи устидаги равоқлари б-н пештоқнинг умумий баландлиги 50 *м* дан ошган. О. ҳозирги ҳолатида ҳам салобатли ва гўзал (38 *м*). Бу салобатлилик ва гўзалликка ғиштларнинг яхлит бўлиб кўринишини таъминлаш — олд ва шимолий девор юзасини сиркор парчинлар б-н бир текисда ишлаш туфайли эришилган. Гумбаз ичи ва ёнларига, бурчаклардаги минораларга кошин-ғиштлардан қалқон шаклидаги геометрик нақшлар ишланган. Бу нақшлар силлиқланган ғишт ва феруза рангли сиркор парчиндан ёзилган куфий хатлар фонида йўғон кўк белбоққа ўхшаш композицияни ташкил этган. О. деворларидаги турли-туман рангларнинг жилоси, кошинкорий сюжетлар, тарихий, фалсафий ва диний мавзудаги куфий, сулс ёзувлари, ислимий, геометрик ва ўсимликсимон нақшларнинг ўзаро уйғунлиги бинога ажойиб ва сеҳрли мазмун бағишлаган. Рангларнинг ой ёруғида жилоланиб — оқариб кўринишидан бино О. деб номланган. Ёзувлар орасида бинога ишланган безакларнинг вақти битилган (16/10≈1395—5/10=1396), байтларда Оллоҳ ва Темур улуғланган. Испан элчиси *Клавихо* бу ердан Самарқандга ўтаётганида (1403) бино ҳали қурилиб битмаган эди. Шунга қарамай, у ўз эсдаликларида О. нинг қурилишидан жуда ҳайратланганлигини, унинг ниҳоятда гўзаллигини ёзади. О. қарийб 20 йил давомида қурилган. Тарихчиларнинг ёзишича, О. турар жой ва жамоат биноси сифатида қурилиб, хоналар улкан ҳовли атрофида жойлашган. Бобир маълумотларига кўра, ҳовли юқорисида гумбазли катта хона — девонхона, ёнларида маслаҳатчилар учун кичик зал, ички томонда ҳарам ва амирнинг хонаси жойлашган. Саройнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — том тепасига ишланган ҳовуз бўлган. Ҳовузга сув Тахтақорача довонидан қўрғошин қувурлар орқали оқиб келиб, ундан шаршара ҳосил қилиб пастга тушган. Ҳозир О. нинг пештоқ деворлари таъмир қилиниб, давлат муҳофазасига олинган.

ОҚСАРОЙ — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Ошоққорвак қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазораспдан 12 *км*. Аҳолиси 1046 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Тошсоқо каналидан сув ичади.

ОҚСИЛ КАСАЛЛИГИ, яшчур — асосан, жуфт туёқли ҳайвонларда шиддатли ўтадиган юқумли касаллик. Ҳайвонларнинг оғиз-бурун, туёқ ва елин териси эпителийларида пуфакчалар ҳосил бўлади. О. одамларга ҳам юқиши мумкин. Касалланган ҳайвонлар сути камаяди, бола ташлайди, 50—75% и ўлади.

Қўзғатувчиси — фильтрланувчи вирус; у 1897 йили Леффлер ва Фрош томонидан аниқланган. Ҳозиргача вируснинг Жанубий Африка типи, Осиё-1, Осиё-2 типлари аниқланган. Вируслар ташқи муҳит таъсирига чидамли, ажралиб тушган тери эпителийларида 67 кун, ахлат ва сийдикда 39 кун, кўлмак сувда 103 кун ўз хусусиятини сақлайди. Совуқ унча таъсир қилмайди, юқори т-рада тез ўлади, ўювчи ишқор ва формальдегид кучли таъсир этади. Касаллик ҳайвондан оғиз, жароҳатланган тери ва шилимшиқ пардалар орқали юқади ҳамда 2—3 ойлик бузоқлар, қўзилар ва чўчқа болаларида, кўпинча, оғир, эпизоотик ёки панзоотик кўринишда ўтади.

Вирус организмга тушиб, тери эпителийсида ривожланади ва шу жойни яллиғлантиради; кейинчалик қонга ўтиб, септицемия авж олади. Касаллик типик ва атипик (ёмон сифатли) кўринишда бўлади. Типик кўринишда сўлак ажралиши кучаяди, кавш қайтариш сусаяди ва тана ҳарорати 40,5—41,5° гача кўтарилади. Касалликнинг 2—3-куни оғиз бўшлиғининг шилимшиқ пардаларида, туёқ оралиғи ва елин териси эпителийсида пуфакчалар вужудга келади. Кейинчалик улар ёрилиб, эрозиялар пайдо бўлади, ҳайвон оқсайди, туёғи тушиши мумкин. Маститлар, эндометритлар ривожланади. Ёш бузоқларда шиддатли гастроэнтерит пайдо бўлиб, кўпинча, ўлим б-н тугайди. Атипик кўриниш, кўпинча, типик кўринишнинг давоми бўлиб, тузала бошлашнинг 7—10-кунида бирданига ҳайвон ҳолати оғирлашади, юрак фалажи натижасида 20—50% ҳайвон ўлади.

Кураш чоралари: оғиз жароҳатлари калий перманганат, фурациллин эритмалари б-н чайиб турилади. Туёқ жароҳатлари формалин эритмаси, йод настойкаси ёки калий перманганат-стрептоцид аралашмаси, елин жароҳатлари эса антисептик мазлар б-н даволанади. Касал ҳайвонлар соғломлардан ажратиб даволанади. Молхоналар ҳар куни дезинфекция қилинади. Гўнг биотермик йўл б-н зарарсизлантирилади. Шундай ҳайвонларнинг гўшт ва сут маҳсулотларини қайнатиб истеъмол қилиш мумкин. Касаллик тарқалган хўжаликлар карантин қилинади (14 кун).

Ад.: Сосов Р. Ф., Ящур сельскохозяйственных, животных, М., 1969.

ОҚСИЛ МИНИМУМИ — организмда азот мувозанати сақланиши учун овқатда бўлиши зарур оқсилнинг энг кам миқдори. Овқатдаги оқсил Оқ. м. дан камайиб кетганда организмнинг ўз оқсиллари парчаланади. Оқ. м. организмнинг индивидуал хусусиятларига, ёшига, семизлигига, шунингдек овқатдаги углеводлар, ёғлар, витаминлар ва б. сифатига ҳамда миқдорига боғлиқ. Овқат рационлари тузиш учун оқсил оптимуми (организм эҳтиёжларини тўла таъминлаш учун зарур оқсил миқдори) асос қилиб олинади. Катта ёшли одамга бир суткада ўрта ҳисоб б-н 80—100 *г* (оғир жисмоний ишда 150 *г*) оқсил керак (яна қ. *Оқсил, Моддалар алмашинуви*).

ОҚСИЛ ПЛАСТИКАЛАР — ҳайвон ёки ўсимлик оқсилларидан тайёрланган пластмассалар. Асосан, сут оқсили (казеин), шунингдек маккажўхори дони, ер ёнғоқ ва соя донидаги оқсиллар хом ашё бўлиб хизмат қилади. О. п. таркибида оқсилдан ташқари, пластификаторлар, бўяғичлар бўлади. О. п. дан кўпроқ тарқалгани — галалит асосан тугма ва тўқа тайёрлашда ишлатилади.

ОҚСИЛЛАР, протеинлар — аминокислоталардан ташкил топган юқори молекулали органик моддалар. О. таркибига ўзгармас нисбатда азот, углерод, водород, кислород, деярли ўзгармас нисбатда олтингугурт ва, баъзан, фосфор киради. Кислота, ишқор ва баъзи *ферментлар* таъсирида парчаланганда (гидролизланганда) альфа-аминокислоталар ҳосил қилиши унинг энг характерли белгисидир. О. ҳаётий процесс-

ларда, ҳужайранинг тузилишида энг муҳим роль ўйнагани учун протеин (юнонча proteius — биринчи даражали) ҳам деб аталган. О. барча тирик организмлар — бир ҳужайрали сув ўсимликлари ва бактериялар, кўп ҳужайрали ўсимлик ва ҳайвонлар, одам организми ҳужайралари, тирик организм б-н ўлик табиат чегарасида турган *вирусларнинг* ҳам ажралмас таркибий қисмидир.

О. хусусиятлари ва функциялари жиҳатидан жуда ҳам фарқланади. Уларнинг баъзилари — инерт толалар, мас., соч, тери ва жун *кератини* ёки пай ва боғловчи тўқима *коллагени* ҳайвон организмида муҳим структура функциясини бажаради. Улар сувда, туз эритмаларида эримайди ва узун ип шаклида бўлиб, фибриллярО. деб аталади. Бошқалари, мас., тухум альбумини ёки тухум оқи, қон зардоби альбумини ёки қизил қон таначалари гемоглобини сувда ва кучсиз туз эритмаларида осон эрийди, уларнинг молекулалари думалоқ ёки сферик шаклда бўлиб, глобуляр О. деб аталади. Организмда барча ҳаётий жараёнларни тезлатувчи биокатализаторлар — ферментлар О. моддалардир. Кўп *гормонлар*, мас., *инсулин*, гипофиз гормонлари, организмнинг иммунологик хоссаларини таъминловчи *антителолар*, кўп ҳайвон *токсинлари*, мас., илон заҳари ҳам О моддалардир. О. ҳайвонлар ва инсон овқатининг зарур таркибий қисмидир. О. гидролизланганда асосан 20 та альфа-аминокислота ажралиб чиқади. Уларнинг умумий формуласи $R—\underset{\displaystyle NH_2}{\underset{|}{CH}}—COOH$. Табиатда учрайдиган О. нинг чексиз сони ва хиллари шу аминокислоталарнинг турли нисбатда ва тартибда *пептид боғи* $—\underset{\displaystyle O}{\underset{\|}{C}}—\underset{\displaystyle H}{\underset{|}{N}}—$ ҳосил қилиб, ўзаро бирикишидан келиб чиқади. Пептид боғи икки аминокислота, бири — COOH ва иккинчиси — NH_2 группаси орқали бир молекула сув ажратиб бирикишидан тузилади. Ҳосил бўлган бирикма — пептид узун ёки калта бўлиши мумкин. Аксари О. таркибига кирадиган аминокислота қолдиқларининг сони 100 дан кам эмас. Улар О. таркибида қатъий тартибда бирин-кетин жойлашиб, О. молекуласининг полипептид занжирини, яъни барқарор бирламчи структурасини ташкил қилади. Жуда кўп аминокислоталардан тузилган узун полипептид занжирининг турли қисмлари ўзаро боғланиши туфайли О. молекуласининг юксак ташкилий шакллари — иккиламчи, учламчи ва тўртламчи структуралари ҳосил бўладики, у О. нинг ташқи муҳит таъсирига нисбатан жуда ҳам беқарор фазовий уч ўлчовли шаклини белгилайди.

О.— катта молекулали бирикма; уларнинг молекула оғирликлари 10000 дан бир неча ўн миллионгача тенг. Энг кичик молекулали О.— *инсулин*нинг молекула оғирлиги 5733, рибонуклеаза ферментиники 13383, тухум альбумининики 43000, гемоглобинники 64450, миозинники 500000; аммо бир неча миллионли молекула оғирликига эга О. ҳам жуда кўп учрамайди. О. нинг молекула оғирлиги осмотик босимни ва нур тарқатишини ўлчаш, ультрацентрифугада седиментация (чўкиш) мувозанати, седиментация тезлиги, диффузияни аниқлаш ва б. йўллар б-н белгиланади. Молекуланинг ўлчови ва шакли ҳақида ҳам турли методлар б-н тегишли информация олинади. О. молекуласи жуда мураккаб ва нозик структурали. Жуда кўп глобуляр О. ташқи муҳит таъсирида ўз табиий хусусиятларини осонлик б-н ўзгартиради. Денатурация деб аталадиган бу ҳодисада пептид боғи узилмайди, О. парчаланмайди, аммо унинг юксак ташкилий шакллари, фазодаги ҳолати ўзгаради: осонлик б-н чўкмага ўтади. О. юқори температурада қизитилганда (мас., тухум оқсилининг пишиши, сут ва қоннинг ивиши), кучли ишқор ва кислоталар, оғир металл тузлари ва б. моддалар ҳам шароитлар таъсирида денатуратланади. Денатуратланган О. қайтадан ўз ҳолатига келмайди.

О. молекуласида жуда кўп ва хилма-хил кимёвий актив группалар мавжуд. О. да ишқор хусусиятли NH_2 ва кислота хусусиятли COOH группалар мавжуд бўлганидан уларда кислота ва ишқор хусусиятлари бор. Асосан, мана шу группаларнинг диссоциацияси натижасида молекуланинг юзаси мусбат (+) ва манфий (—) электр зарядларига эга. Шунинг учун О. молекуласи электр майдонида ҳаракатга келади ва унинг шу хусусиятидан фойдаланиб, электрофоретик ҳаракатчанлиги асосида аниқлаш, ажратиб олиш мумкин (қ. *Электрофорез*).

Фақат аминокислоталардан ташкил топган содда О. дан ташқари, содда О. нинг оқсилмас бошқа молекула б-н бирикишидан ҳосил бўлган мураккаб ёки коньюгирланган О. группаси ҳам бор. Булар қаторига содда О. нинг *углеводлар* б-н қўшилишидан келиб чиққан *гликопротеинлар* ва *мукопротеинлар*, *ёғ кислоталари*, *холестерин* ва *фосфолипидлар* тутадиган *липопротеидлар*, таркибида темир комплекси — *гем* тутувчи *гемоглобин* ва бир қатор оксидловчи ферментлар каби гемпротеидлар, *нуклеин кислоталар* тутувчи *нуклеопротеидлар* киради. О. структурасининг ўрганилиши улар (мас., инсулин)ни синтез қилиш имконини яратди.

Ад.: Биосинтез белка и нуклеиновых кислот, под ред. А. С. Спирина, М., 1965; Гауровиц Ф., Химия и функции белков, Пер. с англ., [2 изд.], М., 1965; Ўрақулов Е. Х., Биохимия, Т., 1970; Збарский ва б., Биологик химия, [Дарслик], Т., 1972.

ОҚСИЛЛАР БИОСИНТЕЗИ — тирик организмлар ҳужайрасида аминокислоталардан оқсил пайдо бўлиш жараёни. О. б. механизмининг кашф этилиши биология ва кимё фанларининг 20-аср 60-йилларидаги катта ютуғидир. Бу механизм турли ҳужайра ва организмлар учун бир хил ёки ўзаро жуда ўхшаш бўлиб, унда *нуклеин кислоталар* иштирок этади. Процесс аденозин трифосфат кислота (АТФ) кўринишида тўпланган энергия манбаи ҳисобига боради.

О. б. *рибосомаларда* кечади. Синтезланаётган полипептид занжирнинг бирламчи структураси оқсил тузилишини белгиловчи информацион рибонуклеин кислота (и-РНК)нинг рибосома б-н бирикиши натижасида шаклланади. Бу информацияни и-РНК дезоксирибонуклеин кислота (ДНК) дан олади. Аминокислоталар рибосомага тушишидан олдин АТФдан энергия олиб активлашади ва аденил кислота б-н бирикма ҳосил қилади. Кейинчалик ушбу аминокислота қолдиғи ўзига мос ташувчи РНК (т-РНК)га ўтади. Бу икки процессда ҳар бир аминокислотанинг ўзига мос ферменти иштирок этади. Т-РНК б-н бириккан аминокислоталар қолдиғи кейинчалик рибосомаларга ўтади ва у ерда полипептид занжир вужудга келади.



Оқсор.

Рибосомалар занжирга и-РНҚ ёрдамида бирикади ва оқсил ҳосил қилувчи актив структуралар — полирибосомалар (полисомалар)ни ҳосил қилади. Натижада нуклеотидлар маълум тартибда кетма-кет жойлашиб и-РНҚ (полипептид занжирининг бирламчи структураси)ни ҳосил қилади. Оқсилдаги ҳар бир аминокислота жойини уч нуклеотид қолдиғи (триплео) белгилайди, яъни кодлаштиради (қ. *Генетик код*).

Полисомаларда т-РНҚ и-РНҚ нинг тегишли кодонлари (ҳар бир аминокислотага мос триплетлар группаси)га бирикади. Бу биринчи рибосомалар ичида содир бўлади. и-РНҚ нинг нуклеотид занжири бўйлаб рибосоманинг силжиши б-н қўшни кодонларга т-РНҚ нинг янги молекулалари келиб бирикади. Бу вақтда олд т-РНҚ эркин қолади ва ўз аминокислотасининг карбоксилли учи б-н (пептид боғ ҳосил қилиб) янги аминокислотанинг аминогруппасига бирикади. Шундай қилиб, полипептид занжир рибосомалар и-РНҚ бўйлаб силжигани сари (синтез тугагунгача) ўсаверади. Бирламчи структура вужудга келгач, занжирлар спираль бўлиб ўралади, «тахланади» ва ўзаро таъсир кўрсатади, ҳамда иккиламчи, учламчи, гоҳо тўртламчи структура юзага келади.

О. б. нинг бошқарилишини ўрганиш жуда муҳимдир. Бу синтез проблемаларининг ўрганилиши фақат назарий эмас, балки амалий жиҳатдан (қатор касалликларни даволашда, қ. х. экинлари ҳамда чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш ва ҳ. к. да) ҳам катта аҳамиятга эга.

Ад.: Сисакян Н. М., Гладилин К. Л., Биохимические аспекты синтеза белка, «Успехи биологической химии» китобида, т. 7, М., 1965; Молекулы и клетки. [Сб. ст.], Пер. с англ., М., 1966; Шамин А. Н., Развитие химии белка, М., 1966; Введение в молекулярную биологию, Пер. с англ., М., 1967.

ОҚСОЙ — Самарқанд областидаги сой. Зарафшон тизмасидаги Қоратепа тоғининг шимолий ён бағридан бошланиб, шимоли-шарққа оқади. Узунлиги 26 *км*, ҳавзасининг майдони 25,6 *км*². Бош қисмида Эрикўл деб аталади. Исломтепа яқинида Қорадарёга қуйилади. Уртача йиллик сув сарфи 0,31 *м*³/*сек*, оқим модули 12 *л*/*сек км*². Сувининг асосий қисми эрта баҳорда ўтади. Сойдан сел келади. О. водийсида яйловлар бор.

ОҚСОР (Buteo lagopus) — қарчиғайсимонлар оиласига мансуб қуш. Танасининг узунлиги 60 *см* ча; оғирлиги 1 *кг* ча. Қорни ва ён томонлари қўнғир, бош ҳамда кўкрак қисми оқ. Шимолий Америка, Осиё ва Европанинг шимолий р-нларида тарқалган. Шимолий Европа, Осиё ва Америкада, СССРнинг ғарбий чегараларидан Тинч океангача бўлган жойларда қоя ва дарахтларга уя қуради. Моногам. 2—7 тухум қўяди. Асосан, кемирувчилар, баъзан қушлар б-н овқатланади. Қишлаган жойларида, жумладан Ўзбекистонда зараркунанда кемирувчиларни қириб, қ. х. га фойда келтиради.

ОҚСОҚОЛ — Ўрта Осиёдаги кўпчилик халқлар орасида эътиборли, нуфузли, ёши улуғ кишиларга нисбатан ҳурмат юзасидан ишлатиладиган атама.

Уруғдошлик жамиятида О. уруғ бошлиғи, феодализм жамиятида патриархал-феодал аъёнлар вакили (мас., қозоқларда 18-асргача). Қишлоқ ҳунармандлари устахоналарининг бошлиқлари ҳам О. деб аталган. Ҳозирги вақтда ҳам бу атама ўз маъносини сақлаб қолган. Мас., жамоатчилик асосида маҳалла аҳлига раҳбарлик қилувчи қарияларни ҳурматлаб, «маҳалла оқсоқоли» дейилади.

ОҚСОҚОЛ — Андижон обл. Ленин р-ни Кужган қ. С. даги қишлоқ. «Правда Востока» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Асакадан 12 *км*. Аҳолиси 1042 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, богдорчилик б-н шуғулланади. Полвонтош ариғидан сув ичади.

ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ — 1) Францияда *Директория* ҳукумати даври (1795—99) да Қонун чиқарувчи корпуснинг иккинчи палатаси. Унга 250 депутат сайланган; 2) Парламентга кирувчи партия раҳбарларидан тузилган кенгаш; 3) СССРда Советларнинг делегатлар вакиллари ва бир группа депутатлардан ташкил топган ёрдамчи органи. О. к. СССР Олий Советининг ҳар иккала палатасида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларида бўлади. Булар республика, ўлка, обл. депутатлари группаси вакилларидан ташкил топади. О. к. фақат Олий Советларнинг сессиялари даврида ишлайди. Кенгаш сессиянинг кун тартибини, унда кўриладиган масалаларни муҳокама қилиш тартибини, Олий Совет томонидан тегишли органларга сайланадиган номзодлар составини кўриб чиқади ва тавсия қилади.

ОҚСОҚОЛОТАСОЙ — Самарқанд обл. Хатирчи р-нидаги сой. Қоратоғнинг жанубий ён бағридан бошланувчи Қорамачитсой ва Гумассойларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Узунлиги 33 *км*, ҳавзасининг майдони 20,6 *км*². О. жанубга, сўнг жанубий-ғарбга оқиб, Полвонота қишлоғи яқинида Қаҳрамон каналига қуйилади. Қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Уртача йиллик сув сарфи 0,03 *м*³/*сек*, оқим модули 1,7 *л*/*сек км*². Ирмоқларининг умумий узунлиги 50 *км*, энг йириги Лабиараб (16 *км*). Баҳорда сел келади. О. дан Хатирчи р-нидаги Ленин номли к-з ерлари сув ичади.

ОҚСОҚОТАСОЙ — Тошкент обл.даги сой. Чирчиқнинг йирик чап ирмоғи. Чатқол тоғ тизмасининг жанубий-ғарбидан бошланиб, Барраж посёлкаси яқинида Чирчиққа қуйилади. Узунлиги 48 *км*, ҳавзасининг майдони 453 *км*². Сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 1840 *м*. Юқори қисмида тор, чуқур водийдан оқади. Чирчиқ водийси текислигига чиқиладиган қуйи қисмида эса дарё водийси кенгаяди. Энг йирик ирмоқлари: Белдорсой ва Нуракотасой. Қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Тўлин сув даври апрель — июнь ойларида, энг катта сув сарфи эса май ойида кузатилади. Июль — октябрь ойларида суви камаяди. Уртача оқим модули 14 *л*/*сек км*². Максимал сув сарфи 72,1 *м*³/*сек*, минимал сув сарфи 1,1 *м*³/*сек*.

ОҚСУВ — Ўрта Осиёда кенг тарқалган термин. Кўпинча сув номлари (гидроним)га айланган. Кўпгина олимлар, жумладан Н. Г. Маллицкий, музлик тагидан оқиб чиқадиган сув оқсув дейилади, чунки таркибидаги муз зарралари туфайли музлик суви оқ кўринади, деб ҳисоблайди. В. Л. Вяткин фикрича, тоғ дарёлари оқсув (ёки оқдарё)дир. Академик В. В. Бартольд кузатишича, ўз ўзанида оқадиган сув Оқсув ёки Оқдарё, канал қазиб оқизилган сув эса Қорасув ёки Қорадарё деб юритилади (қ. *Корасув*). А. Н. Кононов оқсувни оқар сув деб билади. Оқсув сўзи «Бобиринома»да кўп учрайди. Умуман, музлик сувлари оқиш кўринганидан шундай ном олган.

ОҚСУВ — Қашқадарё областидаги сой. Қашқадарёнинг ирмоғи. Ҳисор тизмасининг ғарбий ён бағридаги музликлардан бошланади. Узунлиги 62 *км*. Сув йиғилиш майдони 845 *км*², ўртача баландлиги 2444 *м*. Унга чап томондан Даҳансой, Обикихона, Гелендарё, Работ ва Сужар каби ирмоқлар, ўнг томондан Шут ирмоғи қуйилади. О. Чироқчидан 18 *км* юқорида Қашқадарёга қуйилади. Қор-музликлардан сув олади. Уртача йиллик сув сарфи 12,3 *м*³/*сек*, суви апрелдан кўпайиб бориб, июнда энг кўп (32,7 *м*³/*сек*) бўлади. Максимал сув сарфи июнь ойига, минимал сув сарфи дек.-январга тўғри келади. Йиллик сувининг 49,2%и март — июнда оқиб ўтади. О. нинг ўртача оқим модули 14,6 *л*/*сек км*². О. дан Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи р-ларининг экинзорлари сув ичади.

ОҚСУВ-ЖАБАҒЛИ ҚУРИҚХОНАСИ — ҚозССРда. Чимкент шаҳридан 90 *км* шарқда, Талас Олатовининг шимоли-ғарбий ва ғарбий тармоқларида. 1926 йили Ғарбий Тяньшанинг шимолий қисмларидаги табиат комплексларини қўриқлаш учун ташкил этилган. Майдони 73 минг *га* (1967). Баландлик минтақалари яққол кўринади: тоғ этакларида бўғдойиқ ва ҳар хил ўтлар ҳамда чалов-шувоқ даштлари бўлиб, тувдоғ, бизғалдоқ, пушти чуғурчиқ, қўшоёқ ва бошқалар яшайди; баландроқда арчазорлар, субальп ва альп ўтлоқлари бор. Елик, марал, ёввойи чўчқа, архар, така, барс, оқ тирноқ айиқ, жайра, улар ва б. учрайди. О.-Ж. қ. терр-ясини Оқсув дарёсининг манзарали дараси (чуқурлиги 500 *м* гача) кесиб ўтади.

ОҚСУХТА (Dactylis glomerata L) — бошоқдошлар (ғаллагуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўт. Бўйи 100—150 *см*. Пояси кўп, ковак, сербарг. Илдиз олди барглари жуда кўп, ингичка ва узун (100 *см* гача). Тўпгули бир ёнлама рўвак, поянинг учида. Илдизи сершох, узун (100 *см* гача).

О. қор остидаёқ кўкара бошлайди, июнда гуллайди, августда уруғи пишади ва ер устки қисми қурийди. Узбекистонда тоғларнинг шимолий ён бағирларида, айниқса, дарахт ва буталар остида кўп ўсади. О. энг яхши озиқбоп ўсимликлардан бири; таркибида 6,2—24,3% протеин бор. Уни кўк ҳолда ҳам, пичанини ҳам молейди. 19-аср бошларида О. лалмикор ва сугориладиган ерларга экила бошлаган. 6—7 йил мобайнида гектаридан 60—70 *ц* дан пичан олиш мумкин.

ОҚТЕПА — Ашхободдан 3,6 *км* жануби-ғарбдаги *анов маданияти* маконларидан бири (мил. ав. 5-минг йилликнинг охири — 3-минг йилликнинг 2-ярми). О. дастлаб бир уруғнинг, кейинчалик йирик оила жамоасининг қароргоҳи ва, ниҳоят, кичик оиланинг қўрғони бўлган. Кейинги даврга оид хом ғиштдан ишланган уй-жойлар (4 хонали), хўжалик буюмлари учун майда ҳужралар ҳамда оила ибодатхонаси ва б. топилган. О. да яшаган кишилар деҳқончилик, узумчилик, чорвачилик б-н шуғулланган. Улар бронза қуроллар ва сирли сопол идишлардан фойдаланганлар. О. дан топилган баъзи буюмлар Шимоли-Шарқий Эрондан келтирилган.

Ад.: Марков Г. Е., Средневековые кладбища Ак-Тепе, Труды Ин-та истории, археологии и этнографии АН ТуркмССР, т. 5, 1959.

ОҚТЕПА — Тошкентдаги қадимий бинолар қолдиқлари ва археологик маданий қатламлар сақланган тепаликлар номи. О. Сағбон, Чиғатой, Кўкча терр-яларида мавжуд. Абразив з-ди яқинидаги О. ни 1940—41 йилларда А. И. Тереножкин, Чилонзор р-нидаги О. ни 1962—72 йилларда М. И. Филанович археологик жиҳатдан ўрганган. Абразив з-ди яқинидаги О. нинг баландлиги 20 *м* бўлиб, 6—8-асрларда феодал-деҳқон қалъаси бўлган. Қалъа деворлар б-н ўралиб, атрофи хандақ қилинган: унда икки қаватли минора, омборхона ва турли уйлар жойлашган ҳовли, меҳнат аҳли яшайдиган кулбалар бўлган. О. ёдгорликларида сақланган архитектура-қурилиш қолдиқлари араб босқинчилиги арафасида Шош (Чирчиқ дарёси воҳасидаги областнинг номи) бинокорлик санъати юқори даражада бўлганлигини кўрсатади. Чилонзор О. си (баландлиги 15 *м*) минора қолдиқларидан, 5—6-аср охирига оид пастқам боғдан ва 7—8-асрларга тааллуқли ибодатхонадан иборат. Квадрат минора ва унга ёндаштириб бино этилган қўрғон қурилмалари (гумбазлар, тоқлар, ички парвоналар, шинакли бурчак миноралари, ўқ отишга қулайлаштирилган йўлаклар)ни қилишда ўша вақтлардаги қурилиш техниқасидан фойдаланилган. Бу ердан тахмонли девор б-н айлантирилган саҳн ва пойдеворли тўғри бурчакли ҳовли, қурбонлик бериш ҳамда мусулмон динигача мавжуд бошқа маросимларга таллуқли овқатланиш хоналари қолдиғи топилган.

Ад.: Тереножкин А. И., Холм Ак-Тепа близ Ташкента (раскопки 1940 г.), Труды Ин-та истории и археологии АН УзССР, т. 1, стр. 71—133, 1948; Воронина В. Л., Архитектура замка Ак-Тепе близ Ташкента по данным работ 1940, Труды Ин-та истории и археологии АН УзССР, т. 1, 1948.

ОҚТЕПА — Тошкент обл. Калинин р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Келесдан 10 *км*. Аҳолиси 4036 киши (1971); сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қалковуз каналидан сув ичади.

ОҚТЕПА — Андижон обл. Андижон р-ни Олтинкўл қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг ғарбида. «1 Май» к-зи терр-ясида. Андижон — Наманган автомагистрал йўли кесиб ўтади. Аҳолиси 4000 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик ва боғдорчилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона ва Улуғнов каналларидан сув ичади. 2 ўрта мактаб, клуб, дорихона, 2 кутубхона, новвойхона, шон-шуҳрат хонаси, 2 медпункт, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, к-з идораси бор.

ОҚТЕПА — Тошкент обл. Оржоникидзе р-ни Гулистон қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон 50 йиллиги» к-зи терр-ясида. Аҳолиси 3092 киши (1971); сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қинғироқ ва Оқтепа ариқларидан сув ичади. Ўрта мактаб, фельдшерлик пункти, теплица к-ти, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚТЕПА — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Йўлдошобод қ. С. даги қишлоқ. «Большевик» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 37 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилондан 11 *км*. Аҳолиси 2220 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ОҚТЕПА — Фарғона обл. Фарғона р-ни Аввал қ. С. даги қишлоқ. «Фарғона» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 26 *км*, яқин т. й. станцияси — «2-Фарғона»дан 8 *км*. Аҳолиси 1507 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Исфайрамсой ва Шоҳимардонсойлардан

сув ичади. Р-н «Узсельхозтехника» бирлашмаси, трактор ремонти устахонаси, саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси, ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚТЕПА — Жиззах обл. Зомин р-ни Зомин қ. С. даги қишлоқ. «Зомин-1» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Обручеводан 20 *км*. Аҳолиси 1035 киши (1974); чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади.

ОҚТЕПА — Фарғона обл. Бувайда р-ни Бекобод қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқатдан 22 *км*. Аҳолиси 992 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан ва Сўх дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси бор.


ОҚТЕПА — Андижон обл. Балиқчи р-ни Сиза қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 42 *км*, яқин т. й. станцияси — Пойтуғдан 15 *км*. Аҳолиси 826 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қорадарё ва Хўжаободсойдан сув ичади.

ОҚТЕПА — Самарқанд обл. Иштихон р-ни Қаттақанғли қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғондан 20 *км*. Аҳолиси 740 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик ва чорвачилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан сув ичади. Урта мактаб, пахта пункти, к-з идораси, кутубхона бор.

ОҚТЕПА — Самарқанд обл. Пахтачи р-ни Карл Маркс қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Зиёвуддиндан 22 *км*. Аҳолиси 705 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Нарпай каналидан сув ичади. Медпункт бор.

ОҚТЕПА — Фарғона обл. Ленинград р-ни Фозиғиждон қ. С. даги қишлоқ. «Социализм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 15 *км*. Аҳолиси 696 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан ва Сўх дарёсидан сув ичади.

ОҚТЕПА ГЭС, Йўлдош Охунбобоев номидаги Оқтепа гидроэлектр станцияси — Чирчиқ-Бўзсув сув трактининг ўрта қисмида жойлашган (Тошкент ш. да).



Оқтепа ГЭСи.

1935 йил 2 майда қурила бошлаган. Улуғ Ватан уруши бошланиши б-н қурилиш вақтинча тўхтатиб қўйилди. ГЭС қурилишида Тошкент ш. нинг аҳолиси ҳашар йўли б-н фаол қатнашди. Станцияда битта 15 минг *кВт* ли агрегат ўрнатилди. ГЭС 1943 йил 5 январда ишга туширилиб, кейинчалик Ўрта Осиё энергия системасига уланган.

ОҚТЕПАСОЙ — Самарқанд областидаги сой. Нурота тизмасининг жанубий ён бағридан бошланади. Узунлиги 60 *км*, ҳавзасининг майдони 715 *км*². Юқори оқимида Шағалсой номи б-н жануби-шарққа, Қизилолма қишлоғи яқинида жануби-ғарбга оқади. Қўрғон қишлоғида Пангатсой б-н қўшилиб Қўшработсойни, у Ғужумсой б-н қўшилиб О. ни ҳосил қилади. О. Иштихон р-ни терр-ясида Оқдарёга қуйилади. Водийсида тор даралар, тик қояли ён бағирлар, кўҳна қайирлар учрайди. Водийнинг кенглиги бир неча юз метрдан 2 *км* гача боради.

Сой, асосан, мавсумий қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1,15 *м*³/*сек*, оқим модули 1,6 *л/сек км*². Февраль — майда суви кўпаяди, ёз ва кузда суви кескин камайиб кетади. О. нинг 60 дан ортиқ (умумий узунлиги 150 *км*) ирмоқлари бор. Йириклари: Пангатсой, Қизилолмасой, Шоввасой, Ғужумсой ва б.

Сой водийсида камёб ҳайвонлар (архар, каклик, ёввойи чўчқа ва б.) ва ўсимликлар учрайди. Сойдан Нурота ва Иштихон р-нидаги «Қўшработ-1», «Қўшработ-2», Свердлов номли с-зларнинг экин майдонлари суғорилади.

ОҚТОВ — ҚозССР Гурьев областидаги *Шевченко* шаҳрининг 1964 йилгача бўлган номи.

ОҚТОВ СЕРИЯСИ — Жанубий Ўзбекистон *палеоцен* ётқизиқларидаги стратиграфик бирлик. О. М. Акрамхўжаев ва М. Эгамбердиев томонидан ажратилган. Оққжар (остки палеоцен) ва Бухоро (ўрта ва юқори палеоцен) қатламларини ўз ичига олади. Таркиби ритмик шаклда қатламлашган гипс-ангидрит, яхши коллектор хусусиятига эга говак оолит ҳамда форамининфера қолдиқларига бой доломит ва оҳактошлардан иборат. Умумий қалинлиги 40—50 *м* дан 390 *м* гача. О. с. қатламлари Тожикистон депрессияси ва Бухоро — Хива обл. да ҳам кенг тарқалган. Сурхондарё ҳавзаси О. с. қатламларида 6 коллектор, горизонт ва бир неча нефть конлари мавжуд. О. с. стратиграфик аҳамиятга эга.

ОҚТОВЎҚ — Фарғона обл. Киров р-ни Бешариқ қ. С. даги қишлоқ. «Бешариқ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Рапқондан 8 *км*. Аҳолиси 1406 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан ва Исфара дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, с-з қорамолчилик фермаси, болалар боғчаси, медпункт бор.

ОҚТОМ — Фарғона обл. Фарғона р-ни Аввал қ. С. даги қишлоқ. «Фарғона» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — «2-Фарғона»дан 15 *км*. Аҳолиси 910 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Исфайрамсой ва Шоҳимардонсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚТОМ — Тошкент обл. Бекобод р-ни «Далварзин-1» қ. С. даги қишлоқ. «Далварзин-1» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Бекободдан 30 *км*. Аҳолиси 895 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Унг тармоқ каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ОҚТОМ — Фарғона обл. Узбекистон р-ни Нурсуқ қ. С. даги қишлоқ. Ғафур Ғулом номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 32 *км*. Аҳолиси 790 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёси ва Усмон Юсупов номли

Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, касалхона, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚТОМ — Сурхондарё обл. Денов р-ни Юрчи қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Деновдан 15 *км*. Аҳолиси 612 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Тўполондарёдан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона бор.

ОҚТОМ ҚАБРИСТОНИ — Жанубий Фарғонадаги *Марғилонсой*нинг чап қирғоғидаги, Оқтом ва Дамкўл қишлоқлари қаршисидаги қабристон (мил. ав. 5—3- асрлар). Археолог А. Г. Горбунов ва Б. З. Гамбург текширган. О. қ. икки группадан — Оқтом ва Дамкўл группаларидан таркиб топган. О. қ. да 65 та мозорқўрғон бўлиб, улардан 50 таси Фарғона маданиятининг оқтом босқичига оид. Тош кўтармали *мозорқўрғонлар* 2 типга: 3 тадан 9 тагача қабр чуқурини беркитиб, шимолдан жанубга чўзилган, катталиги 15×3 *м* дан 67×4 *м* гача бўлган «узун» ва шимолдан жанубга давом этувчи 3—5 *м* диаметрли «қисқа» мозорқўрғонларга бўлинади. Мурдалар овал шаклидаги чуқурларга букилган ҳолда, боши ғарбга қаратиб кўмилиб, боши, баъзан оёқлари остига тош ёстиқлар, бошининг ўнг томонига қўлда ёки кулолчилик чархида ясалган сопол идишлар қўйилган. Қўлда ясалган ярим шар шаклидаги товоқ ва таги ясси косачалар ичида газмол излари бор. Идишлар қора ёки қизил ранг б-н ёхуд бўёқли нақш б-н қопланган бўлиб, нақшлари учбурчак, тўр ёки зинапоя шаклидадир.

О. қ. дан ингичка темир пичоқлар, узук, билагузук, тўғнагич, ҳалқа ва қуббалар: уч парракли бронза ўқ учи, кумуш балдоқ ва нақшланган мунчоқлар топилган. О. қ. да мезобрахикрон типига мансуб, деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган сак-усун қабилалари яшаган. Ривожланишни сўнгги *бронза давр*идан давом эттирган О. қ. ни ўрганиш Фарғона маданиятида алоҳида Оқтом (Элатон) босқичини ажратишга олиб келди.

Ад.: Гамбург Б. З., Горбунов Н. Г., Ак-Тамский могильник, «Краткие сообщения ин-та истории материальной культуры», вып. 69, 1957; Гамбург Б. З., Горбунова Н. Г., Археологические работы Ферганского областного краеведческого музея в 1953—54 гг. «История материальной культуры Узбекистана» китобида, вып. I. Т., 1959; Горбунова Н. Г., Культура Ферганы в эпоху раннего железа, «Археологический сборник» (Гос. Эрмитаж), вып. 5, Л., 1962.

ОҚТОМОҚ СУВСАР, тоғ сувсари (Martes foina) — сувсарсимонлар оиласига мансуб йиртқич ҳайвон. Гавдаси 50 *см* ча, эластик, оёқлари қисқа, беш бармоқли. Думи момиқли, 25 *см* ча. Жуни қалин ва майин. Мўйнаси, асосан, қўнғир-қорамтир бўлиб, кўкраги б-н томоғининг ости оқ. Европа, Осиёда, СССРнинг Ўрта Осиё, Олтой ва Европа қисмида тарқалган. Тунги ҳайвон. Қояларда, жарларда ва ўрмонли тоғларда яшайди. Майда сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар, сувда ва қуруқда яшовчилар, камдан-кам ўсимликлар б-н овқатланади. 1—8 бола туғади. Мўйнаси қадрланади.



Оқтомоқ сувсар.

ОҚТОШ — Самарқанд обл. Нарпай р-нидаги шаҳар. Р-нинг маъмурий маркази. 1967 йил 31 сентябрда ташкил этилган. Самарқанд шаҳридан 118 *км* ғарбда. Аҳолиси 13735 киши (1973), асосан, ўзбеклар; руслар, татарлар, тожиклар ва б. ҳам бор.

Шаҳарда ремонт-механика з-ди, Зирабулоқ пахта тозалаш з-ди, газ-компрессор станцияси, мой-пишлоқ з-ди, 2-механизациялашган кўчма колонна, механизациялашган сув хўжалиги қурилиш ташкилоти (ПМК — Водстрой), колхозлараро қурилиш бошқармаси, автобаза, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси ва б. бор. Тошкент-Красноводск т. й. ўтади; Зирабулоқ т. й. станцияси жойлашган.

О. да 4 ўрта мактаб (2932 ўқувчи ва 155 ўқитувчи), 2 саккиз йиллик мактаб (830 ўқувчи ва 70 ўқитувчи), ҳунар-техника билим юрти (449 ўқувчи ва 19 ўқитувчи), 10 болалар боғчаси ва болалар яслиси (1191 бола), 3 кинотеатр, 2 клуб, маданият уйи, 6 кутубхона, қироатхона, туғруқхона бор.

ОҚТОШ — Наманган обл. Тўрақўрғон р-ни Шоҳанд қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*. Аҳолиси 1320 киши (1974); пахтачилик, боғдорчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қосонсойдан сув ичади. Тўрақўрғон т. й. станцияси ва райолараро савдо базаси, пахта пункти, асфальт-бетон з-ди, райолараро қурилиш бошқармаси, қурилиш материаллар карьери, «Узсельхозтехника» бирлашмаси, бўрдоқичилик базаси, саккиз йиллик мактаб, алоқа бўлими, дорихона бор.

ОҚТОШ — Тошкент обл. Бўстонлиқ р-ни Сойлиқ қ. С. даги қишлоқ. «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Барраждан 10 *км*. Аҳолиси 520 киши (1971); боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Оқтошсойдан сув ичади. Оқтош санаторийси, дам олиш уйи, 2 пионерлар лагери, алоқа бўлими, фельдшерлик пункти бор.

ОҚТОШ КОНИ — Тошкент областидаги кон; Ғазалкент ш. яқинида. Конда 1923 йили А. Е. Ферсман агальматолит, дюмортьерит, А. С. Уклонский иккиламчи кварцитларда *алунит* борлигини аниқлашган. Кон тошкўмир даврига мансуб ҳар хил таркибли эффузив жинслар (Аққа свитаси)да топилган. Эффузивлар гумбазсимон букилмалар ҳосил қилади. Уларда турли йўналишдаги ёриқлар ривожланган. *Лейкократ* гранитлар атрофи эни 50—300 *м* кварц-серицит, кварц ва андалузит-корундли жинслар б-н ўралган. Аққа свитаси (қалинлиги 400—600 *м*) даги паст т-рада ҳосил бўлган кварцит фация зонасида алунит, диаспор, агальматолитларнинг линзасимон, устунсимон руда уюмлари жойлашган. Кварцитли зонанинг жанубида дюмортьерит, корундга бой кварц-серицитли жинслар, шимолида каолинитли, диаспор-каолинит-пирофиллитли, диаспор ва алунитли кварцитлар кенг тарқалган. Алунитли уюмлар 20—120 *м* ли изометрик шаклларга эга. Алунитнинг жинсдаги умумий миқдори 5%—70%. Бурғилаш йўли б-н 100—500 *м* чуқурликкача алунитли кварцитлар борлиги кузатилган.

ОҚТОШСОЙ — Тошкент областидаги сой. Чирчиқ дарёсининг ўнг ирмоғи. Қоржонтов тизмасининг жануби-ғарбидан бошланиб, Барраж яқинида Чирчиққа қуйилади. Узунлиги 14 *км*, ҳавзасининг майдони 19,3 *км*². Сув йиғилиш майдонининг ўртача баландлиги 1670 *м*. Водийсининг юқори қисми қояли тоғлардан иборат бўлиб, асосан, эффузив тоғ жинсларидан таркиб топган. Бу ерда О. га ўнг ирмоғи Олчавонсой ва чап ирмоғи Аччисой келиб қўшилади. Дарё водийсининг ён бағирлари ўтлоқ, дарахтзор. Қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Тўлин

сув даври апрель — июнь, энг катта сув сарфи май ойида кузатилади. Июль — октябрда суви камаяди. Ўртача йиллик оқим модули 20,9 *л/сек км²*, ўртача сув сарфи 7,09 *м³/сек*. Сойнинг ўнг соҳилида Оқтош қишлоғи жойлашган. О. водийси жуда хушманзара. Бу ерда пионер лагерлари, санаторийлар, дам олиш уйлари жойлашган.

ОҚТОШСОЙ — Самарқанд областидаги сой. Зарафшон тизмасидаги Қоратепа тоғининг шимолий ён бағридан бошланувчи Терсаксойнинг чап ирмоғи. Бош қисмида Қўзичисой деб аталади. Узунлиги 14 *км*. Ўртача йиллик сув сарфи 0,1—0,2 *м³/сек*. Сой водийси Ургут р-нининг яйлов ва пичанзорларидир.

ОҚТОҒ — *Нурота тоғлари*даги тизма. У шарқда Қароқчитоғ, ғарбда Қизилқум чўли ва жанубий-ғарбда Қоратоғ б-н чегараланади. Тизманинг шимолий ён бағри тик, жанубий ён бағри қия. Палеозойнинг оҳактош, сланец ва гранитларидан таркиб топган, герцин бурмаланишида вужудга келган.

Марказий қисми ғарбий ва шарқий қисмларига нисбатан анча баланд. Энг баланд жойи — Тахку (Такатоғ) чўққиси (2003 *м*). Тизма бир-биридан ажралиб турган ғарбдан-шарққа йўналган бир нечта кичик тоғлар (Оқтош, Дўлтали, Пистали ва Бахилтоғ)дан иборат. Тизманинг гранитдан тузилган юқори қисмларида платосимон текисликлар (яйловлар) мавжуд. Оҳактош ва сланецдан тузилган жойларида сойликлар кўп.

Йиллик ўртача ёғин 200—300 *мм*. Булоқлар кўп, уларнинг кўпчилиги ёзда қуриб қолади. О. дан Зарафшон водийсига Зарбандсой, Қуруқсой, Андоқсой, Тосмачисой, Майдонсой, Олтинсой, Кўксаройсой, Оқсоқолотасой ва б. оқиб тушади.

Тупроғи, асосан, бўз тупроқ. Эфемероид чала чўл ўсимликлари б-н қопланган. Бодом, наъматак, учқат, сойлар бўйида тол ва дўланалар ўсади. О. дан, асосан, яйлов сифатида фойдаланилади.

ОҚТУМОР — Андижон обл. Балиқчи р-ни Қўштепасарой қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрихондан 17 *км*. Аҳолиси 1295 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Мойлисойдан сув ичади. Мактаб бор.

ОҚТУМШЎҚ — Орол денгизининг ғарбий соҳилидаги энг катта бурун. Устюрт платосининг шарқида, антиклиналь структурасининг энг баланд кўтарилган жойида, тектоник ва денудация ҳодисаларининг таъсири натижасида вужудга келган. Юқори бўр ва эоценнинг кул ранг ва оқ-сариқ оҳактош ва гилларидан таркиб топган. Денгизга анча кириб бориб, денгизнинг абразия-сурилма шаклидаги соҳилидан тик кўтарилган. Қадимги (юқори тўртламчи давр) сурилмаларининг излари (кенглиги 2 *км*) бор. Бурун ва унинг атрофи кўпгина жарликлар ва карст ҳодисаларининг шакллари б-н ўйдим-чуқур бўлиб кетган. Оҳактош қатламлари сув остида тик давом этади.

ОҚТУМШУҚ — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Оқтумшуқ қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь 30 йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Шўрчидан 10 *км*. Аҳолиси 552 киши (1971); пахтачилик, шоликорлик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Дайтўлак каналидан сув ичади.

ОҚТУПРОҚ — Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Равот қ. С. даги қишлоқ. «Равот» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Шўрчидан 74 *км*. Аҳолиси 505 киши (1971); боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади.

ОҚТУНЛИ — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Чиёл қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли с-з. терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабогдан 45 *км*. Аҳолиси 1985 киши (1971); ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқлардан сув ичади.

ОҚТУНЛИК — Андижон обл. Москва р-ни Тоштепа қ. С. даги қишлоқ. Фрунзе номли к-з. терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Шаҳрихондан 6 *км*. Аҳолиси 604 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади.

ОҚУВЧАНЛИҚ (машинасозликда) — материалга таъсир этаётган кучнинг қиймати оширилмагани ҳолда материалнинг деформацияланишда давом этиши. О. кам ва ўртача углеродли пўлатларга хос. О. ҳар қайси материал учун кучланишнинг маълум чегараси (О. чегараси)да ҳосил бўлади; металларнинг мустаҳкамлигида О. чегарасининг аҳамияти катта. Агар материал О. хусусиятига эга бўлмаса, унга шартли О. чегараси қўйилади, бу эса намуна узунлигини 0,2% узайтирадиган нагрузка вужудга келтирадиган кучланишга тенгдир. Металларни қиздириб ҳамда совуқлайин босим б-н ишлашда О. хоссасидан фойдаланилади.

ОҚУЗБУЛОҚ (Ҳўкизбулоқ) СЕРИЯСИ — Жанубий ва Жанубий-Ғарбий Ўзбекистоннинг қуйи бўр ётқизиқларини ўз ичига олган стратиграфик бирлик. Ўрта қисми денгиз шароитида ҳосил бўлган кул ранг гилтош, пастки ва юқори қисмлари эса лагуналарда ҳосил бўлган гипс қатламларидан таркиб топган. О. с. биринчи марта (1936) В. А. Вахрамеев, А. В. Пейве, Н. П. Херасковлар томонидан аниқланган. О. М. Акрамхўжаев, М. Эгамбердиев ва Ҳ. Ҳ. Миркамоловлар (1971) серия сифатида баҳолаб, бу ётқизиқлар комплексини учта маҳаллий — мачай (гипсли гилтошлар, қалинлиги 20—30 *м*), кўндалангтоғ ва лалмикон свиталарига ажратишган. О. с. стратиграфик аҳамиятга эга.

ОҚУРУҒ — ўртапишар қовун нави. Қўкариб чиққач, 80—88 кунда пишади. Йирик (4—7 *кг*), чўзинчоқ, тухумсимон, сирти текис, сертўр, туси оқиш-яшил, жимжимали яшил йўллари бор. Пўсти қаттиқ. Эти қалин (5,5—6,7 *см*), оқ, куврак, ширин. Таркибида 7,6—11,7% қанд бор. Уруғхонаси ўртача, уруғи йирик, сариқ. Гектаридан 250—300 *ц* ҳосил олинади. Тошкент, Сирдарё областларида экилади.


ОҚЧА — Андижон обл. Жалолқудуқ р-ни Қатортол қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Гурунчмозордан 17 *км*. Аҳолиси 777 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади.

ОҚЧАНГАЛ — Фарғона обл. Бағдод р-ни Чувалачи қ. С. даги қишлоқ. «Победа» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқатдан 9 *км*. Аҳолиси 660 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади.



Олхўри навлари. 1. фиолетовая десертная. 2. Малиновая. 3. Исполинская. 4. Кўксултон.
Олча навлари. 5. Подбельская. 6. Англия эртапишари. 7. Самарқанд олчаси. 8. Любская-15.

Олхўри ва Олча мақолаларига.



От зотлари. 1. Лақай. 2. Араби. 3. Қорабайир. 4. Аҳалтака оти. 5. Оғир юк тортувчи Владимир оти. 6. Орлов йўрғаси.

Отлар мақоласига.

ОҚЧУРАГАСИ — Самарқанд обл. Иштихон р-ни Каттақангли қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғондан 17 *км*. Аҳолиси 591 киши (1971); пахтачилик, пилла-чилик б-н шуғулланади. Хатирчи каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, алоқа бўлими, қ. С. идораси, фельдшерлик пункти бор.

ОҚЧУП СВИТАСИ — Фарғона водийсининг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмлари ўрта плиоцен (неоген) қатламлари таркибидаги стратиграфик бирлик. М. Н. Грамм ажратган. О. с. оч қўнғир, қизғиш ҳамда тўқ қўнғир рангдаги гилтош, гилли алевролит, қумтош ҳамда конгломератлардан таркиб топган. Умумий қалинлиги 400 *м* дан (Избоскан) 800—1000 *м* гача (Оқчўп, Супатоғ). Қатламлар ёши айрим денгиз ҳайвонлари ҳамда субтропик ўсимликлар қолдиқларига қараб аниқланган. О. с. стратиграфик аҳамиятга эга.

ОҚШИЯРОҚ — Тяньшандаги тоғ массиви. ҚирғССРда. Жануб-жануби-ғарбдан шимол-шимоли-шарққа томон чўзилган ва Норин дарёси ҳамда Сарижаз дарёсининг ҳавзасидаги дарёлар (Учкўл ва б.) ўртасида сувайирғич хизматини ўтайди. 3 та параллел тизмадан иборат. Энг баланд нуқтаси 5126 *м*, узунлиги 50 *км*. Метаморфик сланец, оҳактош, гранитлардан таркиб топган. Тяньшандаги муҳим музлик маркази (майдони 439 *км*²); 59 музликдан энг каттаси Петров музлиги бўлиб, Норин дарёси шу ердан бошланади. Баланд тоғ-субнивал ва гляциал-нивал ландшафтлар асосий ўрин тутади.

ОҚШИХ — Бухоро обл. Свердлов р-ни Свердлов қ. С. даги қишлоқ. Свердлов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Шаҳрисломдан 12 *км*. Аҳолиси 556 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Хайробод каналидан сув ичади. Қ-з идораси, ўрта мактаб, медпункт бор.


ОҚШОҚ — Фарғона обл. Тошлоқ р-ни Оқшоқ қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилондан 10 *км*. Аҳолиси 630 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона канали ва Исфайрамсойдан сув ичади. Урта мактаб, новвойхона, р-н санэпидстанцияси, ўсимликларни ҳимоя қилиш р-н идораси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚЭҲКИ — Андижон обл. Жалолқудуқ р-ни Жалақудуқ қ. С. даги қишлоқ. Димитров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*. Аҳолиси 584 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади.

ОҚҚАЛА — Орол денгизининг жанубий қирғоғидаги катта бурун. Амударё дельтасида, денгиз томон 8 *км* кириб борган. Амударё тармоқлари лойқаларининг денгиз соҳилида йиғилиб боришидан ҳосил бўлган. Ер юзаси қум, қумлоқлардан иборат. Кўпчилик қисми қамишзор б-н банд. О. нинг ғарбий томонида Аббос қўлтиғи, шарқида Оққала қўлтиғи бор.

ОҚҚАМИШ-1 — ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Оққамиш овул Советидаги қишлоқ. «Ленин йўли» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 65 *км*. Аҳолиси 767 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, ғаллакорлик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Амударёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ОҚҚАМИШ-2 — ҚҚАССР Тўрткўл р-ни Оққамиш овул Советидаги қишлоқ. «Ленин йўли» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 60 *км*. Аҳолиси 526 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Амударёдан сув ичади. Мактаб филиали бор.



Оққовоқ ГЭСлари. 2- Оққовоқ ГЭС

ОҚҚАНОТ, олақаноат (Aythya fuligula) — ўрдаклар кенжа оиласининг шўнғувчилар уруғига мансуб қуш (қ. *Чағирғанот*).

ОҚҚИШЛОҚ — Қашқадарё обл. Деҳқонобод р-ни Оқтош қ. С. даги қишлоқ. «Оқработ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 40 *км*, яқин т. й. станцияси — Ғузордан 91 *км*. Аҳолиси 615 киши (1971); ғаллакорлик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Кичик Урадарёдан сув ичади.


ОҚҚОВОҚ ГЭСлари — Тошкент обл. даги Чирчиқ-Бўзсув ирригация каналига қурилган. 1-ГЭС 1941 йил ноябрда қурила бошлаб, 10700 *квт* қувватли биринчи навбати 1943 йил 7 мартда ишга туширилди. ГЭСнинг 26100 *квт* қувватли иккинчи навбати 1946 йил июлда қурила бошлаб, 1951 йил июлда тугалланган. ГЭСда йилига ўрта ҳисобда 170 млн. *квт-с* электр энергияси ҳосил қилинади.

2-ГЭС 4 *км* қуйироқда қурилган. Бу ГЭС 1943 йил мартда қурила бошлаб, 1946 йил мартда тугалланган. ГЭС иншоотлари тупроқ-тўғон, узунлиги 2833 *м* бўлган очиқ деривация канали, босим ҳавзаси, станция бинои ва очиқ электр тақсимлаш қурилмасидан иборат. Станция биносида умумий қуввати 9 минг *квт*ли иккита агрегат ўрнатилган. ГЭС автоматлаштирилган. У Қодирия ГЭСдан туриб бошқарилади. ГЭСда йилига ўрта ҳисобда 65 млн. *квт-с* электр энергияси ҳосил қилинади.

ОҚҚОВУН — Самарқанд обл. Булунғур р-ни Қорамўйин қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Красногвардейскийдан 6 *км*. Аҳолиси 545 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Қорасув ариғидан сув ичади. Урта мактаб бор.

ОҚҚОПЧИҒАЙ — Сурхондарё областидаги сой. Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи. Ҳисор тизмасининг жанубий-шарқий ён бағридан бошланади. Узунлиги 61 *км*, ҳавзасининг майдони 65,4 *км*². Юқори оқимида тор дарасимон водийда оқади. Оққопчиғай дарасигача ўзанининг кенглиги 6—8 *м*, ундан сўнг 80—150 *м* гача кенгаяди. Қор, ёмғир сувларидан тўйинади. О. га баҳорда вақтинча оқар сойлар қуйилади. Уртача йиллик сув сарфи 4,9 *м*³/*сек*.

ОҚҚОПЧИҒАЙ — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Оққопчиғай қ. С. даги қишлоқ. Гагарин номли наслчилик с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Шўрчидан 6 *км*. Аҳолиси 1120 киши (1971); чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Қумқўрғон каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.



ОҚҚУВЛАР — ғозсимонлар туркумига мансуб парранда (қ. *Оққушлар*).

ОҚҚУМ — Хоразм обл. Гурлан р-ни Вазир қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 26 *км*. Аҳолиси 2327 киши (1974); шоликорлик б-н шуғулланади. Қоракўз каналидан сув ичади. К-з идораси, ўрта мактаб, касалхона, дорихона бор.



Оққўрғонда В. И. Ленинга ўрнатилган ҳайкал.

ОҚҚУМ — Хоразм обл. Гурлан р-ни Вазир қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 31 *км*. Аҳолиси 611 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Гурлан каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ОҚҚУРАЙ (Psoralea drupacea) — дуккакдошлар (дуккаклилар оиласи) га мансуб кўп йиллик ўсимлик. Илдизи йўғон ва узун. Пояси бир нечта, шохланган, узунлиги 130 *см* ча. Барги яхлит, юмалоқ ёки уч бўлакли, четн аррасимон, бандли, кетма-кет жойлашган. Гули майда, тўпгули шингилсимон. Меваси бир уруғли дуккак. Пояси, барги ҳамда меваси тук ва майда безчалар б-н қопланган. Ўрта Осиё адир ва тоғ этакларида ўсади. Илдизи ва мевасида фурокумаринлар (псорален, изопсорален ва б.), мевасида эфир мойи ва б. бор. Илдизи ва мевасидан олинадиган псорален препарати песни (витилиго) даволашда ишлатилади.


ОҚҚУРТ (Convolvulus divaricatus) — печакдошлар (печакгуллилар оиласи)га мансуб серпоя чала бута. Бўйи 40—50 *см*. Поялари тубидан шохланган, камбарг, сертук. Барглари майда, ёзда тўкилиб кетади. Гули оқиш, карнайсимон, якка. Меваси кўсакча, 5—6 *мм*. Кўп йиллик илдизидан апрелда униб чиқади. Май — июлда гуллайди, сентябрда мевалайди. Ўрта Осиё қумли чўлларида тарқалган. Моллар О. ни баҳорда, кеч кузда ва қишда ейди. Таркибида 9,2% кул моддалари, 13,7% протеин, 12,7% оқсил, 2,9% мой, 40,3% клетчатка ва 33,2% азотсиз экстракт моддалар бор.

ОҚҚУШ (лат. Cygnus) — *осмон сферасининг* Шимолий ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузлари α (Денеб), γ, ε ва δ бўлиб, уларнинг ёруғлиги 1,3; 2,2; 2,5; 2,9 визуаль юлдуз ёруғлигига мос келади. О. *Somon йўлида* жойлашган. Уни июль, август ойларида кузатиш мумкин. СССРнинг ҳамма еридан кўринади.

ОҚҚУШЛАР, оққушлар — ўрдаклар оиласига мансуб энг йирик қушлар. Гавдасининг узунлиги 180 *см* ча, вазни 13 *кг* ча. Бўйни тана узунлигига тенг. Ранги, кўпинча, оқ. 6 тури бор. Шулардан шипун О.— бўйнининг эгиклиги ва тумшуғидаги қора ғурраси б-н бошқа турлардан фарқ қилади. СССРнинг Ўрта Осиё, Қозоғистон, Шимолий Сибирь ва Европа қисмида тарқалган. Ғақилдоқ (кликун) О. нинг гавдаси 160 *см* ча, вазни 12 *кг* ча. СССРнинг тундра зонасидан бошқа ҳамма ерида учрайди. Кичик О. нинг гавдаси 120 *см* ча, вазни 7 *кг* ча. Тундрада яшайди. СССРдаги О. Каспий, Қора ва Ўрта денгизлар атрофида қишлайди. Чучук сувли кўл, баъзан денгиз қирғоқларидаги қамишзорларга уя қуради. 5—12 тухум қўйиб, модаси 35—40 кун босади. Нари уя қуришда ва болаларини боқишда қатнашади. О. жуда яхши учади ва сузади. Ўсимликлар, майда сув жониворлари б-н овқатланади. Чиройли бўлгани учун паркларда боқилади. СССРнинг фақат шимолий р-ларида овлашга рухсат этилган.

ОҚҚЎРҒОН — Фарғона обл. Бувайда р-ни Оққўрғон қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Бувайдадан 12 *км*. Аҳолиси 2581 киши (1973); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона канали ва Сўх дарёсидан сув ичади. Ўрта ва саккиз йиллик мактаб, клуб, ёзги кинотеатр, кутубхона, 2 болалар боғчаси, дорихона, 2 медпункт, алоқа бўлими, к-з идораси, автогараж, новвойхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚҚЎРҒОН — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Янгибозор қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — 166- разъезддан 6 *км*. Аҳолиси 1648 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қумқўрғон каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, ёзги клуб, болалар боғчаси бор.



Оққўрғон райони: 1. Янги профилактория биноси. 2. «Оққўрғон» совхозидаги болалар боғчаси. 3. Улуғбек номли 30- ўрта мактаб биноси.

ОҚҚЎРҒОН — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Оққўрғон қ. С. даги қишлоқ. «Пайариқ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 29 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 26 *км*. Аҳолиси 1557 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона, алоқа бўлими, дорихона, болалар боғчаси, ошхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚҚЎРҒОН — Сурхондарё обл. Шеробод р-ни Оққўрғон қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳардан 60 *км*. Аҳолиси 1192 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шерободдарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт бор.


ОҚҚЎРҒОН — Андижон обл. Балиқчи р-ни Балиқчи қ. С. даги қишлоқ. «Коммунист» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Намангандан 19 *км*. Аҳолиси 1080 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Мойлисойдан сув ичади. Пахта тайёрлаш пункти, саккиз йиллик мактаб, музика мактаби, ўсимликларни ҳимоя қилиш идораси бор.

ОҚҚЎРҒОН — Сурхондарё обл. Денов р-ни Денов қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь 50 йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Деновдан 10 *км*. Аҳолиси 855 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Денов ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ОҚҚЎРҒОН — Сурхондарё обл. Жарқўрғон р-ни Оққўрғон қ. С. даги қишлоқ. «22- партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Жарқўрғондан 16 *км*. Аҳолиси 548 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Сурхондарёдан ва Занг каналидан сув ичади. Медпункт, мактаб, болалар боғчаси бор.


ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ — Тошкент областидаги р-н. 1935 йил 28 июлда ташкил топган. Янгийўл, Ўрта Чирчиқ, Бўка, Чиноз р-нлари ва Сирдарё области б-н чегарадош. Майдони 0,89 минг *км*². Аҳолиси 62 минг киши (1976). Р-нда 7 қ. С. (Дружба, Ильич, Куйбишев, Октябрь, Оққўрғон, Тоштўғон, Элтамғали) ва 2 шаҳар посёлкаси (Олимкент, Оққўрғон) бор. Р-н маркази — Оққўрғон посёлкаси.

Табиати. Р-н терр-яси Сирдарё ва унинг ирмоғи Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган. Жанубий-ғарбидан Сирдарё, шимоли-ғарбидан Оҳангарон ва унинг ирмоқлари (1—2- Қорасув ва б.) оқиб ўтади. Сирдарё бўйларидаги ботқоқлашган ерлар қуритилиб, экинзорга айлантирилган. Сирдарёдан шарққа томон ер юзаси баландлаша боради. Дарёлар кўҳна қайирлар (террасалар) ва жарликлар ҳосил қилган. Денгиз сатҳидан баландлиги 320 *м*. Шимоли-ғарбий томони очиқ бўлганидан Арктика ҳаво массаси бемалол кириб келади ва қишда т-ра пасайиб кетади. Январининг ўртача т-раси —3,1°, минимал —33°, июлники 26,5°, максимал 42°. Йилига ўртача 256 *мм* ёғин ёғади. Вегетация даври 200—212 кун. Тупроғи ер ости суви юза бўлганидан чириндиси кам аллювиал ўтлоқи тупроқ. Оҳангарон бўйларида эса (1—2% чиринди) бўз тупроқ учрайди. Р-н терр-яси орқали Моргуненко номли канал оқиб ўтади. Ёвойи ўсимликлардан турангил, терак, жийда, тол, қамиш, янтоқ, оққурай, туяқорин ва б. ўсади. Сирдарё ва Оҳангарон қайирларида, Хонариқ бўйларида тўқай мушуги, қуён, тулки, чиябўри, юмронқозиқ, ўрдак, ғоз, қирғовул, сув каламуши, сичқон, чумчуқ, лойхўрак, бақа, сувилон ва б. яшайди.




Навоий номли колхоз посёлкасининг умумий кўриниши.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; кореецлар, қозоқлар, руслар, татарлар, туркмар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 69,6 киши.




1. Оққўрғон р-ни тарих ва ўлкашунослик музейи. 2. «Она» монументи.



Район маданият уйи олдидаги Султон Сегизбоев бюсти.

Хўжалиги. Р-нда ғишт з-ди, 2 та пахта тозалаш з-ди, 4 та пахта тайёрлаш пункти, 3 қурилиш ташкилоти, 2 автобаза, 1 автобус - таксомотор парки, тўқимачилик-галантерея ф-каси, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, р-н босмахонаси, водопровод бошқармаси бор. Р-н комплекс ривожланган қ. х. га эга. 12 к-з, 2 с-з бор. Қ. х. да фойдаланиладиган 66,8 минг *га* ер майдонининг 29,4 минг гектарига пахта, 9,2 минг гектарига каноп, 5,2 минг *га* ерга картошка, сабзавот ва полиз экинлари, 8,7 минг *га* ерга ем-хашак экинлари (беда, маккажўхори, сули, ошқовоқ, лавлаги ва б.) экилади. 2,6 минг *га* ер мевазор, токзор, тутзорлар б-н банд (1973). Р-н хўжаликларида 21,9 минг қорамол (шу жумладан 6 минг сигир), 8 минг чўчқа, 2 минг қўй ва эчки, 1,5 минг от, 41 минг парранда бор (1973). Давлатга 103 минг *т* пахта, 70202 *т* сабзавот, 15017,7 *т* полиз маҳсулотлари, 431,3 *т* картошка, 5312 *т* мева, 7625,9 *т* узум, 1883,6 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 10419,6 *т* сут, 761,7 минг дона тухум, 520 *ц* жун, 184,3 *т* пилла, 130 минг *т* каноп сотилди (1973).



Улуғ Ватан уруши (1941—45)да ҳалок бўлган оққўрғонликлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ансамбли.

Р-ндаги 46 умумий таълим мактабида 16345 бола ўқийди (1975/76). 51 кутубхона, 64 клуб ва маданият уйи, 43 киноустановка ишлаб турибди. Р-нда 20 маршрутда пассажир автобуслари қатнайди. «Меҳнат ва шон-шуҳрат музейи», 10 к-лар тарихи музейи, «Мангулик қўрғони» бор. Бу музейларни 30 дан кўпроқ чет элдан туристлар келиб кўрди. 1935 йилдан бери 5000 нусхали р-н «Мўл ҳосил учун» газетаси чиқиб турибди. Р-ндаги 470 ўринли касалхона, 2 поликлиника, 54 медпунктларда 57 дан ортиқ врач ва 333 дан ортиқ ўрта медицина ходими ишламоқда. 30 дан ортиқ болалар муассасалари ишлаб турибди.

Р-ндаги Мангулик қўрғонида Улуғ Ватан уруши (1941—45) да ҳалок бўлган Оққўрғонлик р-лик жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ансамбли, тарих ва ўлкашунослик музейи бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Т. Алижонов, Р. Анорқулов, М. Қўлдошев, М. Юнусов шу р-ликдир.

ОҚҚЎРҒОНЛИК — Жиззах обл. Жиззах р-ни Октябрь қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Жиззахдан 7 *км*. Аҳолиси 2298 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қулиңёз ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, кутубхона, к-з трактор парки, медпункт ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ОҚҚЎРҒОНЧАСОЙ — Самарқанд областидаги сой. Зарафшон тизмасидаги Чақаликалон тоғининг шимолий ён бағридан бошланиб, шимолга оқади. Узунлиги 25 *км*, ҳавзасининг майдони 23 *км*². Юқори оқимида Қечкелдик, Тангисой деб аталади. Дарғом каналига етмасдан Қорақўтон қишлоғи яқинида тугайди. Қор, ёмғир ва булоқлардан сув олади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,2 *м*³/*сек*, оқим модули 11 *л*/*сек км*². Сувининг асосий қисми баҳорининг иккинчи ярмида оқиб ўтади. О. Ургут р-ни ерларини суғоради.

ОҒА (туркча — жаноб) — 1) Усмонли турк империяси ҳарбий бошлиқларининг унвони (яничарлар командири), шунингдек сарой ходимлари бошлиғи. Яничарлар корпуси тугатилгач (1826), Туркия армиясидаги кичик ва ўрта офицерлар О. дейилган. Ҳозир Туркияда ер эгаларига мурожаат қилинганда О. қўшиб ишлатилади, баъзан кишилар исмининг бир қисми бўлиб ҳам қўлланилади; 2) О. нинг *ака* маъноси ҳам бор (мас., оға-ини — ака-ука); 3) хон саройи ёки бой хонадонидаги канизак, уйғур хонадонидаги энг кекса аёл оғача дейилган; 4) *ҳарам* қўриқчиси (бичилган қул) ҳарам оғаси деб аталган; 5) Хоразмда хон саройига арзга келувчиларни қабул қилувчи киши эшик оғаси дейилган; 6) хотинининг акаси ёки укаси (агар эридан катта бўлса) эр учун, эрнинг акаси ёки укаси (агар хотинидан катта бўлса) хотин учун қайин оға ҳисобланади; 7) бу термин Эронда оқо шаклида ишлатилади.

ОҒА МИРАК Исфаҳоний (16-аср) — наққош, мусаввир. Камолиддин Беҳзоднинг шогирди, *Табриз миниатюра мактаби*нинг йирик вакили. Ленинграддаги М. Салтиков-Шчедрин номидаги халқ кутубхонасида сақланаётган миниатюрасида икки аждарининг олишуви акс эттирилган. Парижда Картье коллекциясида сақланаётган Низомийнинг «Хамса»си (1520 йилда кўчирилган)га миниатюралар чизган. Шу асарнинг Британия музейида сақланаётган бир нусхасида унинг 5 миниатюраси бор. 1539—43 йилларда Эрон шоҳи учун кўчирилган Низомий «Хамса»сига (Британия музейи) ҳам миниатюралар чизган.

ОҒАЛИК, Оҳаклик — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Оғалик қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 24 *км*. Аҳолиси 1524 киши (1971); чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан ва булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, р-н касалхонаси, болалар боғчаси, алоқа бўлими, санаторий, 4 пионерлар лагери, медпункт, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, к-з қорамолчилик ва паррандачилик фермалари бор.

ОҒАЛИҚ, оғалик — асосан, *Бухоро хонлиги*да айрим вилоятлар ҳокимларининг амир тасдиқидан ўтган вакили. Амир 4 вилоят (Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз, Китоб) учун О. тайинлаган. Мазкур вилоятлар аҳолиси ўрта асрларда амир ҳокимиятига узоқ вақт бўйсунмай келган. Аҳолининг исёнкорлик руҳи амирни аҳоли б-н вилоят ҳокими ўртасида воситачилик қилувчи шундай вакил тайинлашга мажбур этган.

Ад.: Семенов А. А., О среднеазиатском (бухарском) термине «агалык», Доклады АН ТаджССР вып. III, 1952, стр. 3—6.

ОҒАР — Бухоро обл. Свердлов р-ни Қорали қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 18 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккатутдан 5 *км*. Аҳолиси 768 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Жўйизар каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, клуб, қорамолчилик, чўчқачилик ва паррандачилик фермалари бор.


ОҒАР — Бухоро обл. Свердлов р-ни Сепатта қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккатутдан 3 *км*. Аҳолиси 570 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Обгур ариғидан сув ичади.

ОҒАСАРОЙ — Наманган обл. Чуст р-ни Ғова қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Чустдан 39 *км*. Аҳолиси 1650 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Ғовасойдан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона, туғруқхона, алоқа бўлими, кутубхона, клуб, болалар боғчаси, пионерлар лагери, новвойхона бор.

ОҒАХОН (آغه خان) — *исмоилийлар* мазҳаби бошлиғининг унвони. Ўрта аср охирларидан бошлаб исмоилийлар ўртасида ўз раҳнамоларини тирик худо деб билиш, унинг амр-фармонларини сўзсиз адо этиш, унга назр-ниёзлар келтириб бериш одат тусига кирган. О. лар сулоласига 18- асрда эроплик феодал Абул Ҳасан асос солган. У ўзини шиа имомларининг вориси деб даъво қилган. О. қароргоҳи Бомбей (Ҳиндистон) шаҳрида жойлашган. 8 ёшидан имомликни эгаллаган Султон Муҳаммадшоҳ (1877—1957) машҳур О. лардан бири саналади. У Ғарбий Европа реакцион ҳукмдорлари б-н тил бириктириб иш олиб борган, Англиянинг Ҳиндистондаги мустамлакачилик сиёсатини ёқлаб чиққан, «Бутун Ҳиндистон мусулмонлар лигаси»нинг биринчи раиси бўлган. Унинг вафотидан кейин набираси Каримхон имомликка ўтган. У Европа ун-тларида ўқиган, европача тарбия кўрган. О. лар бошқа мамлакатларда яшайдиган исмоилийлардан закот олиб турадилар. Улар меҳнаткашлар ҳисобига беҳад бойлик тўплаб, доимо Шарқ халқларининг миллий озодлик интилишларига қарши курашиб, мустамлакачилар манфаатини ҳимоя қилиб келмоқда.

ОҒЗАКИ ДРАМА, оғзаки драматургия — халқ бадиий ижодининг бир тури. Жаҳондаги барча халқларнинг ёзма драматургияси О. д. дан бошланган. О. д. халқ анъанавий театри б-н чамбарчас боғланган ҳолда шаклланиб ривож топиб келган. Унинг тексти анъанавий фабула ва баъзи барқарор *диалоглар* асосида ижро пайтида тўқилган. Халқ О. д. томошаларининг сюжети, одатда, солда бўлиб, асосий эътибор сюжетга эмас, вазиятга, қаҳрамонларнинг ҳолатига қаратилган, унда диалог ва ижро пайтида тўқиладиган эпизодлар муҳим роль ўйнаган. Айниқса, ҳажвий диалогнинг ишланишига кўп эътибор қилинган. О. д. томошабинларни кулдирибгина қолмасдан, катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга ҳам эга бўлган.

Ўзбек халқ О. д. синлк феодализм даврида масхарабозлар ва қўғирчоқбозлар санъати б-н боғлиқ ҳолда майдонга келиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтган. У профессионал масхарабозлар, муқаллидлар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар томонидан бадиҳа йўли б-н тўқилган. О. д. «Танқид», «Муқаллид», «Қулки-ҳикоя», «Қўғирчоқ ўйин» деб аталган пьесалар туркумларини ўз ичига олади. Тематик жиҳатдан О. д. ниҳоятда бой. Унда халқ турмуши, урф-одатлари, меҳнати б-н боғлиқ бўлган воқеалар ҳам ўз аксини топади. Ўзбек халқ О. д. симоранинг феодализм давридаги эксплуататор синф вакилларини фош этувчи асарлар белгилаган (19- асрнинг биринчи ярмида яратилган «Мударрис», «Эшони раис», «Қорибозлик», «Бола ўқитиш» каби сатирик оғзаки ҳикоялар). О. д. Ўзбекистонда ёзма профессионал драманинг яратилиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнади. Ҳ. Ҳ. Ниёзий ўз драматургиясида, жумладан «Туҳматчилар жазоси», «Майсаранинг иши» комедияларида халқ ижодининг бошқа турлари қатори О. д. мотивлари ва тасвирий воситаларидан фойдаланган. О. д. анъаналарини совет даврида Юсуфжон Шакаржонов, Бердиёр Диёров, Охунжон Ҳузуржонов, Ҳожи тамтамлар давом эттириб, санъатимиз ривожига муҳим ҳисса қўшдилар (яна қ. *Драма*).




Оға Мирак (?). Ширин ҳузурида қабул. Амир Хусрав Деҳлавийнинг «Панж ганж» асарига ишланган миниатюра.

ОҒЗАКИ НУТҚ — нутқининг сўзлашув формаси. О. н. ёзма нутқдан *интонация* ва *оҳанг* б-н фарқ қилади. О. н. икки шаклга эга: монологик нутқ ва диалогик нутқ.

Ад.: Будагов Р. А., Введение в науку о языке, 4 изд., М., 1965.

ОҒЗАКИ ҲИКОЯ — халқ оғзаки ижодининг бир тури; ҳаётий ҳодисалар, тарихий шахслар ҳақидаги бадиий асар. О. ҳ. ҳажми қисқа, икки ёки уч эпизоддан ташкил топади, анъанавий стилистик шаклга эга бўлмай, айтувчи эркин ҳикоя қилади, текст кўп вақт оддий баён ёки айтувчининг монологидан иборат бўлади. Ҳар бир ҳикоя асосида воқелик ва тарихий шахс б-н боғлиқ бўлган ҳодисалар ётади. Адабий манбаларда О. ҳ. ларнинг баъзи қадимги намуналари учрайди. Хондамир «Макорим-ул ах-



Оғиз бўшлиғи. *1* — юқори лаб; *2* — оғиз бўшлиғи даҳлизи; *3* — милк; *4* — тишлар; *5* — қаттиқ танглай; *6* — юмшоқ танглай; *7* — тилча; *8* — тил-танглай разори; *9* — танглай муртаги; *10* — тил; *11* — пастки лаб; *12* — танглай-ютқин равоғи; *13* — томоқ.

лоқ», Зайниддин Восифий «Бадоеъ ул-воқоеъ», Бобир «Бобирнома» асарида Алишер Навоий, Жомий, Улуғбек, Абу Али ибн Сино, Ҳусайн Бойқаро каби тарихий шахслар б-н боғлиқ эл оғзига тушган ҳикояларни келтирадилар.

Инқилобдан сўнг бир қанча оғзаки ҳикоя ва ривоятлар ёзиб олинди. «Асил пошша», «Очил қўрбошининг ўлдирилиши», «Фрунзе билан учрашув» каби ҳикоялар фактик материал ҳамда бадиий асар сифатида қимматли. Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан уруши йилларида Абдулла Набиев, Турсуной, Нурхон, Қўчқор Турдиев сингари ватанпарвар қаҳрамонлар ҳақидаги О. ҳ. лар оғиздан-оғизга ўтиб шаклланди, маълум бадиий форма ва қатъий сюжетга эга бўлди.

ОҒЗИКЕНГ — Сурхондарё обл. Шўрчи р-ни Оққопчиғай қ. С. даги қишлоқ. Гагарин номли наслчилик с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 132 *км*, яқин т. й. станцияси — Қумқўрғондан 98 *км*. Аҳолиси 597 киши (1971); чорвачилик б-н шуғулланади. Кофариҳон ва Сурхондарё дарёларидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ОҒИЗ, у в и з — янги туққан сигир сутидан тайёрланадиган таом (қ. *Далама*).

ОҒИЗ БЎШЛИҒИ — ҳазм йўлининг бошланғич бўлими. Олдинги ва ён томондан ва лунж б-н, юқоридан юмшоқ ва қаттиқ танглай, пастдан О. б. туби — тил ости мушаклари б-н чегараланган. Орқа томондан О. б. тоқ тешик — томоқ орқали ҳалқум бўшлиғига туташади.

Тишлар ва милклар О. б. ни оғиз даҳлизи (оғизга кираверишь) б-н асли О. б. га ажратиб туради. Оғиз даҳлизи оғиз тешиги орқали ташқи муҳитга туташади. Оғиз юмилганда О. б. тораяди ва уни тил тўлдириб туради. Сўлак безлари О. б. даҳлизига очилади.

ОҒИЗ ЕЛИКИШИ — қ. *Нома*.

ОҒИЗ ОҚАРИШИ — оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг касаллиги. Оғиз, қин, ичак шиллиқ пардасида яшайдиган ачитқи замбуруғлари О. о. га сабаб бўлади. Эмадиган болаларда кўпроқ учрайди. Қаттароқ болалар ва кишилар узоқ касалланиб (дизентерия, терлама) озиб кетганда, уларда ҳам кузатилади. Оғиз шиллиқ пардасида сутдай оқ пардачалар пайдо бўлади; булар бир-бирига туташгач, оғиз оқариб қолади. Парда кўчирилса, ўрни қизаради ёки қонайди. О. о. га гумон туғилганда дарҳол врачга мурожаат қилиш зарур, чунки у тарқалиб, ҳалқум, қизилўнгач ва нафас йўлларига ўтиши мумкин.

О. о. врач назорати остида даволанади: оғиз 2% ли бура эритмаси б-н чайилади ёки ювилади; бурали глицерин, генцианвиолетнинг сувдаги эритмаси суртилади. Витаминотерапия ва витаминли овқат (витамин С) даволашга ёрдам беради.

ОҒИЗ СУТИ — ҳомиладорлик ва бўғозликнинг сўнгги ҳафталарида ва туғруқдан кейинги дастлабки 2—3 кунда сут безларида ишланиб чиқадиган сут. О. с. оддий (етилган) сутдан юксак даражада тўйимлилиги ва енгил ҳазм бўлиши, ёғ, оқсил, тузлари кўплиги ва қанди камлиги б-н фарқ қилади. О. с. даги ёғ ва тузлар таркиби янги туғилган бола организмидаги ёғ ва тузлар таркибига ўхшайди. О. с. витаминларга бой, унда антителолар ҳам кўп. Бола янги ҳаёт шароитига мослашган сари О. с. нинг таркиби оддий сутникига ўхшаб боради.



Оғизоёқли қисқичбақасимонлар. Сгулла оратория.

ОҒИЗ ЧАЙИШ (м е д и ц и н а д а) — оғиз шиллиқ пардаси, тиш, томоқни тозалаш процедураси. Оғиз бўшлиғи касалликлари ва ангинани даволаш, юқумли касалликларнинг олдини олиш ва гигиена мақсадида татбиқ этилади. Тоза илиқ сув ёки кучсиз ишқорий эритма, одатда 2% ли сода эритмаси (1 стакан сувга 1 чой қошиқ), дезинфекцияловчи моддалардан калий перманганат (1 стакан сувга 2—4 кристалл), борат кислота (1 стакан сувга 1 чой қошиқ), водород пероксид (1 стакан сувга 1 ош қошиқ) О. ч. учун ишлатилади.

ОҒИЗ ҲИДЛАНИШИ — оғиз бўшлиғини парвариш қилиш қоидаларига риоя этмаслик (тишни тозалаб турмаслик, оғриган тишни даволатмаслик ва б.) натижасида оғиздан бадбўй ҳид келиши. Қўпинча сунъий тиш (тиш протези)ни парвариш қилмаслик оқибатида унинг остида овқат қолдиқлари тўпланиб, сасишидан, оғиз бўшлиғи шиллиқ пардасининг баъзи касалликлари — *гингивит, стоматит, пародонтоз* ҳам О. ҳ. га сабаб бўлади.

ОҒИЗОЁҚЛИ ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР (Stomatopoda) — юқори тузилган қисқичбақасимонлар туркуми. Танасининг узунлиги 1—34 *см*. Овқатни оғзига олиб келадиган жағ оёқлари 5 жуфт. Кўкрак қисмидаги оёқларининг иккинчи жуфти яхши ривожланган, овқат тутиш вазифасини бажаради. Қорин қисми бошкўкракдан узун; унда сузгич оёқлар бор. 150 га яқин тури маълум, СССРда Узоқ Шарқ денгизларида бешиктерват-қисқичбақа тури учрайди.

ОҒИЗЧА, н а ф а с й ў л и, у с т ь и ц а — барг, новда ва поя эпидермисининг икки туташ (хлоропластли) ҳужайралари орасидаги майда тешикча. Тешикча ҳолатининг ўзгариши (очилиб, ёпилиши) сув буғланиши (транспирация) ва газлар алмашинувини бошқариб туради. Туташ ҳужайралардаги тургор босимининг ўзгариши натижасида ҳужайра ҳажми ва шакли ўзгариб, О. очилади ёки ёпилади. Одатда, О. кечаси, баъзан сув кам бўлганда кундузи ҳам ёпиқ бўлади. О. ҳамма қирққулоқсимонлар, гулли ўсимликлар ва баъзи йўсинларга хос. Ҳар хил ўсимликлар баргининг 1 *мм²* юзасида 100—300 тагача О. бўлади.

ОҒИР АТЛЕТИКА — спорт тури; оғирлик (штанга) кўтариш мусобақаси. Замонавий программаларининг расмий мусобақаларига (1972 йилдан) штангани икки қўллаб даст кўтариш, силтаб кўтариш машқлари киритилган. 1934—72 йилларда жим, икки қўллаб даст ва силтаб кўтариш — классик учкураш, 1934 йилгача бешкураш (жимда икки қўллаб кўтариш, бир қўллаб, икки қўллаб ҳамда силтаб кўтариш) тури қўлланилган. Халқаро расмий мусобақалар 9 вазн категорияларида ўтказилмоқда.

1-СССР чемпионати 1923 йилда ўтказилган (1933 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказилмоқда). 1946 йили совет О. а. чилари Халқаро оғир атлетика федерациясига кирган. 1946—75 йилларда совет спортчилари Олимпиада ўйинларида 21, жаҳон чемпионатида — 89, Европа чемпионатида эса — 122 та олтин медални қўлга киритганлар. Г. И. Новак, В. Е. Стогов, Р. А. Чимишкян, Е. Г. Минаев, Ю. П. Власов, В. Г. Куренцов, А. Н. Воробьёв, Л. И. Жаботинский, В. И. Алексеев, Я. А. Тальтс, Д. А. Ригерт ва б. бир неча марта чемпион бўлганлар.

СССРда О. а. чиларнинг физкультура коллективларида (300 мингдан ортиқ киши) 1,5 минг секцияси бор (1973). Ҳар йили 500 атрофида спорт мастерлари тайёрланади. Чет элларда О. а. кўпроқ АҚШ, БХР, ВХР, ГДР, Япония, Буюк Британия ва б. мамлакатларда тараққий этган.

Турли вази категорияларида жаҳон рекорди 1975 йил 15 ноябргача қуйидагича: ў т а е н г и л в а з и (52 *кг* гача): даст кўтариш — 108 *кг*, силтаб кўтариш — 140 *кг*, жами 242,5 *кг*; э н г е н г и л в а з и (56 *кг*): даст кўтариш — 117,5 *кг*, силтаб кўтариш, 151 *кг*, жами 260 *кг*; я р и м е н г и л в а з и (60 *кг* гача): даст кўтариш — 128 *кг*, силтаб кўтариш — 168 *кг*, жами — 285 *кг*; е н г и л в а з и (67,5 *кг* гача): даст кўтариш — 138 *кг*, силтаб кўтариш — 177,5 *кг*, жами 312,5 *кг*; я р и м ў р т а в а з и (82,5 *кг* гача): даст кўтариш — 153 *кг*, силтаб кўтариш — 190 *кг*, жами 340 *кг*; ў р т а в а з и (82,5 *кг* гача): даст кўтариш — 165,5 *кг*, силтаб кўтариш — 203,5 *кг*, жами 365 *кг*; я р и м о ғ и р в а з и (90 *кг* гача): даст кўтариш — 178 *кг*, силтаб кўтариш — 217,5 *кг*, жами 395 *кг*; 1-о ғ и р в а з и (110 *кг* гача): даст кўтариш — 180 *кг*, силтаб кўтариш — 237,5 *кг*, жами — 417,5 *кг*; 2-о ғ и р в а з и (110 *кг* дан юқори): даст кўтариш — 195 *кг*, силтаб кўтариш — 246 *кг*, жами — 430 *кг*.

УзССРда О. а. б-н республикамиз спорт жамиятлари қошида шуғулланилмоқда. Узбекистонлик О. а. чи Э. *Каримов* ярим енгил вазн бўйича 3 марта СССР чемпиони бўлган.

Ад.: И в а н о в Д. И., Штанга на весах времени, М., 1969; В о р о б ь ё в А. Н., Тяжелоатлетический спорт. Очерки по физиологии и спортивной тренировке, М., 1971; Яна уники, Тяжелая атлетика, М., 1972; Р о м а н Р. А., Тренировка тяжелоатлета в двоеборье, М., 1974.

ОҒИР МАШИНАСОЗЛИК — машинасозлик тармоқлари мажмуи; корхоналари металлургия, кон-руда, йирик темирчилик-пресслаш, кўтарма-транспорт асбоб-ускуналари, шунингдек йирик экскаваторлар, тепловозлар, т. й. вагонлари, дизеллар ва ш. к. ишлаб чиқариш б-н шуғулланади.

Оғ. м. оғир саноат ва қурилишнинг асоси ҳисобланади. Оғ. м. нинг кўп заводлари ўз таркибида йирик ҳажмли кам учрайдиган ишлаб чиқариш цехларига эга. Оғ. м. заводлари, одатда, комплекс, универсал типга эга бўлган корхоналардир.

СССРда Оғ. м. тиклаш даврида ривожлана бошлади. Биринчи беш йилликлар даврида (1929—40) металлургия, транспорт, кўмир, кон-руда саноати асбоб-ускуналари тез суръатлар

СССР да Оғ. м. корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларининг айрим турлари.

	1913	1928	1940	1960	1974
Металлургия ускуналари (минг *т*)	—	—	24	218	339
Кўмир тозалайдиган комбайнлар (дона)	—	—	22	681	1148
Нефть аппаратлари (минг *т*)	—	—	16	93	172
Турбина (минг *квт*)	6	44	1179	9200	17271
Турбинага генераторлар (минг *квт*)	—	8,4	468	7915	16000

б-н ишлаб чиқарилди (қ. жадвал). Кўп машинасозлик заводлари Оғ. м. маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ўтди, янги корхоналар қурилди ва эскилари реконструкция қилинди, бу ҳол Оғ. м. ни капиталистик мамлакатлардан кўплаб турдаги асбоб-ускуналар олиб келишдан озод қилди.

Оғ. м. СССР халқ хўжалигининг йирик машина ва асбоб-ускуналарга эҳтиёжини қондирибгина қолмай, балки ўз маҳсулотининг кўп қисмини чет мамлакатларга экспорт ҳам қилади.

СССРда м е т а л л у р г и я м а ш и н а с о з л и г и биринчи беш йилликлар даврида металлургия саноатининг ривожланиши муносабати б-н тез тараққий эта бошлади. 1929 йили Иркутск з-ди қурилди, 1933—34 йилларда 2 йирик з-д — Уралмаш заводи (Свердловск), Ново-Краматорск машинасозлик з-ди (Краматорск) ишга туширилди. Янги з-длар ишга туширилиб, эскилари реконструкция қилинди, техник хизматлар ташкил этилиб, кадрлар тайёрланди. Улуғ Ватан урушининг бошларида СССР металлургия асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш бўйича сезиларли қувватга эга эди. Уруш даврида Электросталь ва Олмаота з-длари қурилди. Ҳозирги кунда, булардан ташқари, Жданов ва Бузулук з-длари металлургия асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш б-н шуғулланмоқда.

К о н - р у д а с а н о а т и м а ш и н а с о з л и г и. Улуғ Октябрь социалистик рев-ясигача Россияда кон техникаси ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган машинасозлик корхоналари бўлмаган, асбоб-ускуналар четдан келтирилган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳам кон асбоб-ускуналари импорти давом этди. 1930 йилдагина механика з-ди барпо этилиб, 1937 йилда Кривой Рогда «Коммунист» з-ди ишга туширилди, з-д кон машиналари тайёрлаш ва уларни ремонт қилиш б-н шуғулланди. Кейинчалик кўплаб заводлар қурилиб, ишга туширилди.

Улуғ Ватан уруши йилларида кон-руда асбоб-ускуналарини ишлаб чиқаришга немис-фашистлар катта зарар етказди. Кўп з-длар мамлакатнинг шарқий р-ларига кўчирилди ва у ерда кон-руда машинасозлигининг янги базаси вужудга келтирилди. 1975 йили кон-руда асбоб-ускуналари ишлаб чиқарадиган 20 дан ортиқ завод мавжуд эди. Булардан Ясногорск, Донецк, Ворошиловград, Ясиноват, Воронеждаги корхоналар энг йирикларидир.

К ў м и р с а н о а т и м а ш и н а с о з л и г и. СССР да кўмир машинасозлиги «Донуголь» трести таркибида ёрдамчи корхоналар бошқармаси ташкил этилгач, 1924 йилда вужудга келди, сўнг бир нечта з-длар қурилди.

Кўмир саноати машинасозлиги корхоналари кўмирни ер остидан қазиб олишнинг асосий жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш учун машина ва асбоб-ускуналар, шу жумладан турли комбайнлар ва шахтада ҳар хил ишларни амалга оширадиган асбоб-ускуналар тайёрлайди.

Ю к ў т а р и ш-т р а н с п о р т м а ш и н а с о з л и г и. Россияга бу асбоб-ускуналар асосан чет эл фирмаларидан олиб келинган. Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан сўнг турли саноат тармоқлари корхоналарида ишлаб чиқариладиган бўлди, 1940 йили бундай асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш нисбатан юқори даражага етди.

Тармоқ корхоналарида барча турдаги кранлар, конвейерлар, экскаваторлар ва б. асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади.

Дизельсозлик умумсаноатда қўлланиладиган дизеллар ишлаб чиқаради, Россияда дизельсозлик 19-асрнинг охирида ривожлана бошлади. Октябрь рев-ясидан кейин бу тармоқ тез суръатлар б-н тараққий этди, 1924 йили текшириш лабораторияси, кейинроқ Марказий илмий текшириш дизель ин-ти ташкил этилди.

Брянск машинасозлик з-ди, Барнаулдаги «Трансмаш» з-ди, Ленинграддаги «Звезда» з-ди, Тўқмоқдаги С. М. Киров номидаги з-д ва б. бу тармоқнинг энг йирик корхоналари ҳисобланади.

Ўзбекистон ССРда Оғ. м. Улуғ Ватан уруши даврида вужудга келди ва кейинги йилларда тез тараққий этмоқда (қ. жадвал).

Ўзбекистон ССРда Оғ. м. корхоналари ишлаб чиқарган маҳсулотларнинг айрим турлари.

Маҳсулот номи	1940	1960	1974
Электр кўприк кранлари (дона)	—	670	1141
Лифтлар (дона)	—	—	4030
Қимё асбоблари (млн. сўм ҳисобида)	—	10,8	25
Компрессорлар (дона)	—	696	4900

Транспорт, кўтариш-тушириш ҳамда склад ишларини, кўмир, нефть, кимё ва б. соҳаларда иш жараёнини механизациялаш учун янги машиналар ишлаб чиқарилмоқда.

Оғ. м. корхоналарини ихтисослаштиришга, ишлаб чиқариш процессларига энг яхши технологияни ва автоматизацияни жорий этишга, меҳнат унумдорлигини оширишга жиддий эътибор берилди. Ўзбекистон ССРда Оғ. м. тез суръатлар б-н ривожланмоқда: «Подъёмник» з-ди реконструкция қилингач, электр кўприк кранлари ишлаб чиқариш 1974 йилда 1970 йилга нисбатан 1,9 баравар кўпайди, шунингдек Самарқанд лифтсозлик з-ди тўла қувват б-н ишлаб, 8 баравар кўп маҳсулот берди.

Оғ. м. бошқа социалистик мамлакатлардан Чехословакияда, ГДРда, Польшада, Венгрияда, Руминияда, Болгарияда юқори суръатларда ривожланган.

Капиталистик мамлакатлар орасида АҚШ, ГФР, Япония, Буюк Британия, Франция, Италияда Оғ. м. маҳсулотлари кўплаб ишлаб чиқарилади.

ОҒИР САНОАТ — ишлаб чиқариш воситаларини — меҳнат воситалари (машиналар, двигателлар, механизмлар) ва меҳнат предметлари (хом ашё, материал, ёқилғи)ни ишлаб чиқарувчи саноат соҳаларининг мажмуи. О. с. га қазиб чиқариш соҳалари, қайта ишлаш саноатининг қатор муҳим тармоқлари — электроэнергетика, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари саноати, кимё, ёғочни қайта ишлаш саноатлари киради. О. с. нинг негизи — машинасозлик. Ишлаб чиқариш воситалари фақат О. с. да эмас, балки бошқа соҳаларда ҳам тайёрланади, лекин О. с. ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиётида ҳал қилувчи роль ўйнайди, чунки ишлаб чиқариш қуролларини фақат О. с. ишлаб чиқаради. Халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларидаги техника тараққиёти О. с. нинг тараққиёт даражаси б-н ўлчанади ва у ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсишига асос яратади ҳамда мамлакатнинг ҳарбий қудратини таъминлайди. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш қонуни ишлаб чиқариш воситаларини, айниқса, О. с. ни тез суръатлар б-н ривожлантиришдан иборат.

Октябрь рев-ясига қадар Россияда О. с. жуда суст тараққий этган эди. 1913 йилда ялпи саноат маҳсулотининг фақат 42,9% игина О. с. га тўғри келар эди. Автомобилсозлик, станоксозлик, асбобсозлик каби муҳим соҳалар, кимё саноатининг кўп соҳалари йўқ эди. Меҳнат воситаларининг кўпчилиги Россияга чет элдан келтириларди.

Улуғ Октябрь рев-ясидан сўнг социализм қурилишнинг ленинча планини ҳаётга татбиқ қилиб Коммунистик партия ва Совет давлати О. с. ривожланишига муттасил катта эътибор берди. ГОЭЛРО плани ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Мамлакатни индустрлаштириш йирик машинасозлик ишлаб чиқаришини яратишга имкон берди. Бутун халқ хўжалигининг техника прогрессига таъсир этувчи машинасозлик, электротехника, кимё саноати ва О. с. нинг бошқа тармоқлари ривожлантирилди. Урушгача беш йилликларда (1929—40) кўпгина йирик корхоналар қурилди. О. с. нинг янги тармоқлари (авиация, автомобиль, трактор, комбайнсозлик, станоксозлик, металлургия машинасозлиги ва б.) вужудга келтирилди, ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ўсди. 1940 йилда О. с. урушгача даражасидан 15 марта ошди.

Социалистик экономикада О. с. тараққиёти алоҳида аҳамиятга эга. У халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида техника тараққиётига ҳамда юқори меҳнат унумдорлигига эришишда, халқ фаровонлигини муттасил ошириб боришда, мамлакатнинг техник-иқтисодий мустақиллигини таъминлашда асос ҳисобланади. Партиянинг

СССР оғир саноатида муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши.

	1913	1940	1960	1970	1974
Электр энергияси млрд. *квт-с*	2	48,3	292,3	740,9	976
Нефть, млн. *т*	10,3	31,1	147,2	348,8	459
Газ, млрд. *м³*	0,02	3,2	45,3	197,9	261
Кўмир, млн. *т*	29,2	165,9	509,6	624,1	685
Чўян, млн. *т*	4,2	14,9	46,3	85,9	99,9
Пўлат, млн. *т*	4,3	18,3	65,3	115,9	136
Қора металлар прокати, млн. *т*	3,6	13,1	51,0	92,5	109
Турбиналар, млн. *кВт*	0,01	1,2	9,2	16,2	17,3
Металл кесувчи станоклар, минг дона	1,8	58,4	155,9	202,3	226
Автомобиллар, минг дона	—	145,4	523,6	916,1	1846,3
Тракторлар, минг дона	—	31,6	238,5	458,5	531
Экскаваторлар, минг дона	—	0,3	12,6	31,0	37,059
Цемент, млн. *т*	1,8	5,7	45,5	95,2	115

14-съезди (1925 йил декабрь) да қабул қилинган қарорга кўра, СССРда социалистик индустрлашнинг асосий йўли, яъни О. с. ни тез суръатлар б-н ривожлантириш зарурлиги кўрсатиб берилган эди. Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати 1973 йилда 1913 йилдагига нисбатан 934 марта, кимё ва нефть саноати 517 марта, қора металлургия 56 марта, ёқилғи саноати 43,5 марта, электр энергияси ишлаб чиқариш 400 марта кўпайди. 1913 йилда ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш саноат маҳсулотининг умумий ҳажмига солиштирганда 35,1% ни, истеъмол буюмлари эса 64,9% ни ташкил этган, 1973 йилда эса ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш 73,4% га ва истеъмол буюмларини тайёрлаш 26,6% га тўғри келди (қ. жадвал).

КПССнинг саноатни, унинг асоси — оғир индустрияни ривожлантиришга қаратган тадбирлари натижасида СССР қудратли давлатга айланди. Дунё ишлаб чиқаришида СССРнинг О. с. салмоғи ошди. 1974 йилда СССР дунёда кўмир, нефть, темир, чўян, кокс, цемент, темирбетон конструкциялари ва деталлар, трактор тайёрлашда биринчи ўринни, электр энергияси ва газ чиқариш, машинасозлик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иккинчи ўринни эгаллади.

Ўзбекистон терр-ясида 1913 йилда О. с. зиммасига ялпи саноат маҳсулотининг 2%игина тўғри келарди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан сўнг Ўзбекистонда О. с. тез суръатлар б-н ривожланди. Мас., 1940—74 йиллар мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 10 марта ортган бўлса, электр энергияси ишлаб чиқариш 80 марта, кўмир қазиш 492 марта, қора ва рангли металл ишлаб чиқариш 4320 марта, кимё ва нефть кимёси маҳсулотлари тайёрлаш 123 марта, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш 100 марта, шу жумладан машинасозлик 349 марта ривож топди. Оғир индустрия соҳаларининг умумий салмоғи 1973 йилда саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмида 42,8% ни ташкил этди.

Ўзбекистон ССРда О. с. соҳаларининг тез суръатлар б-н тараққий этганлиги натижасида умумиттифоқ миқёсидаги ишлаб чиқаришда бу соҳаларнинг салмоғи ошди. Мас., 1974 йилда чиқарилган газнинг 14,2%и, пахта терувчи ва кўсак терувчи машиналарнинг 100% и, пахта тозалаш ускуналарининг 90,6% и, текисловчи машиналарнинг 100% и, йигирув машиналарининг 28,1% и, экскаваторларнинг 3,6% и Ўзбекистонда тайёрланди (қ. жадвал).

Хорижий социалистик мамлакатларда О. с. юқори суръатлар б-н ривожланмоқда. 1974 йилда бу мамлакатларнинг жаҳонда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги ҳиссаси (мас., 1974 йилда 1950 йилга нисбатан электр энергияси ишлаб чиқариш 14,9% дан 23% га, нефть олиш 8,5% дан 19% га ва ҳ. к.) ўсди.

Капиталистик мамлакатлар О. с. 19-асрнинг 2-ярмида кўп мамлакатларда йирик машина ишлаб чиқаришининг сезиларли ўсиши б-н характерланади; ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш истеъмол предметлари ишлаб чиқаришдан ўзиб кетди. Саноат ишлаб чиқариш умумий ҳажмида ёқилғи саноати, металлургия, машинасозлик муҳим ўринда туради. 20-асрнинг биринчи ярмида электроэнергетика, кимё, машинасозлик саноатида ишлаб чиқариш интенсив ўсди. 2-жаҳон урушидан

Ўзбекистоннинг оғир саноатида муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсиши.

	1913	1940	1960	1970	1974
Электр энергияси, млн. *квт-с*	3,3	482	5684	18327	30000
Нефть, минг *т*	13	119	1603	1805	1395
Табиий газ, млн. *м³*	—	0,7	447	32094	37064
Кўмир, минг *т*	—	3,4	3410	3747	4722
Пўлат, минг *т*	—	11	297	389	408
Қора металлар прокати, минг *т*	—	—	192	322	349
Цемент, минг *т*	—	267	1190	3196	3480
Тракторлар, минг дона	—	—	8,0	21,1	21,6
Пахта териш машиналари (физик бирликда)	—	5	3184	5921	7402
Экскаваторлар, дона	—	—	700	1000	1400
Электр кўприк кранлари, дона	—	—	670	871	1141
Йигирув машиналари, дона	—	—	419	811	1448

сўнг атом, электрон, аэрокосмик ва ш. к. янги саноат тармоқлари вужудга келди.

ОҒИР СУВ, HDO ва D_2O — водороднинг изотопи дейтерий (D) нинг кислород б-н бирикмаси. Табиий сув ва атмосфера ёғинларида мавжуд. D нинг H га нисбати дарё ва кўл сувларида кам фарқ қилади ва у тахм. 1:6800 нисбатда, денгиз сувида тахм. 1:5600 нисбатда бўлади. Баъзи бир қорда 1:9000 нисбатгача, арктиканинг баъзи музида 1:5500 нисбатгача учрайди. О. с. ни 1932 йилда Г. Юри ва Э. Осборн кашф этган. Г. Люис ва Р. Макдональд 1933 йилда электролизлаб соф ҳолда ажратиб олган. Сув электролиз қилинганда парчаланади. 165 *т* сувдан 1 *кг* га яқин D_2O олиш мумкин; 1 *т* сувни электролизлаш учун 5—6 минг *квт. с* электр энергияси сарфланади. О. с. кўпгина хоссалари жиҳатидан оддий сувдан фарқ қилади: с. оғ., мол. оғ., қайнаш ва қотиш т-раси оддий сувникидан юқори. О. с. ядро реакторларида нейтронлар тезлигини сусайтиришда қўлланилади.

ОҒИР ФРАКЦИЯ — тоғ жинсларининг оғир (с. оғ. 2,8 дан ортиқ) минераллардан иборат қисми. Магматик ва метаморфик тоғ жинсларида О. ф. нинг миқдори сезиларли даражада кўп бўлади, чўкинди жинсларда эса 1% га етиб, асосан *акцессор минераллар*дан иборат. Жинсларнинг О. ф. сини ўрганиб, қўшни терр-ядаги магматик чўкинди жинслар б-н генетик боғлиқлигини исботлаш мумкин.

ОҒИР ЮК ТОРТАДИГАН ОТ ЗОТЛАРИ — одимкаш иш отлари. Узоқ муддат мобайнида жайдари отларни яхшилаб боқиш, танлаш ва саралаш натижасида етиштирилган. Оғир юк ташиш ва қ. х. ишларида фойдаланилади. СССРда совет, владимир ва рус О. ю. т. о. з., першеронлар ва болтиқ бўйи арденлари етиштирилди. Ғарбий Европа мамлакатларида бельгия иш оти (брабансонлар), рейн ва ютландия оғир юк тортадиган от зотлари, першеронлар, булон ва бретон иш отлари, шайрлар, клейдес-

даллар, суффолькларҳамда арденлар етиштирилди.

ОҒИРЛИҚ — *оғирлик кучи* майдонида тинч турган жисмнинг эркин тушишга тўсқинлик қиладиган горизонтал таянчга таъсир кучи. Миқдор жиҳатдан шу жисмга таъсир этадиган О. кучига тенг, яъни $P=mg$, бунда: m — жисм массаси, g — эркин тушиш тезланиши (ёки О. кучи тезланиши). Жисм массаси m — ўзгармас катталик; g қиймати жойнинг географик кенглиги ва баландлигига қараб ўзгаргани учун жисмнинг оғирлиги ҳам ўзгаради. g қиймати ва жисмнинг оғирлиги Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш тезланишига боғлиқ, шунинг учун жисмнинг экватордаги оғирлиги қутбдаги оғирлигига қараганда 1/288 марта кичик.

О. ва масса ҳар хил физик катталик; О.— куч бирлиги (*н, кгк, тк* ва б.)да, масса — масса бирлиги (*кг, г, т* ва б.)да ўлчанади.

ОҒИРЛИҚ КУЧИ — Ер сирти яқинидаги моддий заррага таъсир этувчи куч. О. к. Ер айланишидан вужудга келадиган марказдан қочма куч б-н Ер тортиш кучининг тенг таъсир этувчисига тенг. Марказдан қочма куч Ер экваторида максимум қийматга эга бўлиб, О. к. нинг 1/288 қисмига тенг. Шу туфайли, Ер сиртидаги О. к. Ернинг шакли ва ўлчамига, жойнинг географик кенглигига боғлиқ. О. к. нинг йўналиши Ер сиртидаги жойнинг вертикали ҳисобланади. Бирор кичик майдондаги (яъни Ер сиртининг бир неча $км^2$ даги) О. к. йўналишларини ўзаро параллел деса бўлади; демак, Ер сиртига тик йўналган ва mg га тенг бўлган О. к. лар бир жинсли куч майдонини ҳосил қилади (m — Ерга тортилаётган зарра массаси, g — О. к. тезланиши).

ОҒИРЛИҚ КУЧИ ТЕЗЛАНИШИ — Ернинг тортиш кучи (оғирлик кучи) таъсирида жисм олган тезланиш. Бутун олам тортишиш қонунига кўра, Ерга яқин ҳар қандай жисм (вакуумда) унга бир хил тезланиш (g) б-н тушади, $g=9{,}81\ м/сек^2$ га тенг. Ернинг ўз ўқи атрофида айланиши жисмнинг Ерга тушиш тезланишига таъсир қилади, шу сабабли, О. к. т. (g) нинг қиймати қутбдан экваторга камайиб боради (бу камайиш 0,5% дан ортмайди).

ОҒИРЛИҚ МАРКАЗИ — қаттиқ жисм б-н мунтазам боғланган нуқта; жисм зарраларига таъсир этувчи оғирлик кучларининг тенг таъсир этувчиси шу нуқтадан ўтади. Турли шаклдаги жисмларнинг О. м. турли жойда (мас., тўғри чизиқнинг О. м. унинг ўртасида, параллелограммнинг О. м. диагоналлари кесишган нуқтада, учбурчакники медианалари кесишган нуқтада ва ҳ. к.) бўлади.

ОҒИШ БУРЧАГИ — *осмон координаталари*нинг экваториал системасидаги (ёритқич ва олам қутбидан ўтувчи) катта айлананинг экватордан юлдузгача бўлган ёйи б-н ўлчанадиган бурчак. О. б. шимол томондаги осмон жисмлари учун мусбат, жануб томондагилари учун манфий қийматга эга бўлиб, 0° дан (экваторда) ±90° гача (олам қутбларида) ўзгаради.

ОҒРИҚ — ҳужайра ва тўқималарни емирувчи ўта кучли таъсирловчиларнинг организмга таъсирига жавобан рўй берадиган ўзига хос физиологик процесс, организмнинг ҳимояланиш реакцияси. Оғриқ сезаётган киши дарҳол хавф-хатардан сақланиш чораларини кўради ва уни бартараф қилади. Мас., одам қўли иссиқ дазмолга текканда уни дарҳол тортиб олади. О. бутун организм ёки органлар функциясининг бузилгани ҳақида, касаллик тўғрисида огоҳлантиради, врачнинг касалликни аниқлашига ва, кўпинча, тўғри даволаш йўлини топишига ёрдам беради.

Оғритувчи таъсиротга жавобан организмда бир қанча ўзгаришлар (вегетатив реакциялар) рўй беради: қон томирлари торайди, қон босими кўтарилади, қоннинг ивиш хоссаси ошади ва қондаги қанд миқдори кўпаяди. Лўқилловчи, санчувчи, кесувчи, ловиллатувчи, симилловчи, тимдаловчи ва б. хил О. лар бўлади. Бирор органнинг ўта кучли таъсирланиши учун шароит вужудга келганда (мас., спазм, яра пайдо бўлиши, яллиғланиш процессининг ривожланиши ва ҳ. к.) О. вужудга келади.

О. бевосита пайдо бўлган жойида (мас., гастритда тўш остида) ёки бу жойдан анча узоқда (мас., сийдик тоши касаллигида жинсий органлар ва човда) сезилиши мумкин ва нервлар орқали гавданинг муайян соҳаларига тарқалади, буни О. иррадиацияси деб аталади. Ички органларнинг касалликларини аниқлашда О. тури ва иррадиация характери назарда тутилади.

Оғритувчи таъсиротни сезадиган рецепторлар аниқланган, шу таъсиротнинг орқа мия орқали бош мияга ўтадиган йўллари ўрганилган. О. сезгиси бош мия пўстлоғида шаклланиб, кейин периферияда акс этади. Тўқима шикастланганда биологик актив моддалардан гистамин, кинин ва б. ажралиб чиқиб, рецепторларга таъсир этади (яна қ. *Каузальгия*).

О. сезгиси ҳиссий кечинма сифатида кишини эзади, унга ором ва уйқу бермайди. Баъзан, О. касалликнинг ўзига нисбатан кўпроқ азоб беради. Энди О. ҳимоя реакцияси бўлмай қолади. О. ҳаддан ташқари кучли бўлса, *шок* рўй бериши мумкин. Иккинчидан, О. узоқ давом этганда етарли идрок этилмайди, О. ни бошқа ҳиссий кечинма сиқиб чиқариши мумкин.

Ад.: Дионесов С. М., Боль и её влияние на организм человека и животного, 2 изд., М., 1963; Кассиль Г. Н., Боль и обезболивание, 2 изд., М., 1965; Кассиль Г. Н., Наука о боли, 2 изд., М., 1975; Русецкий И. И., Боль, ее формы и патогенез, 2 изд., Казань, 1964.

ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ — хирургик операциялар, даво ва диагностика процедураларида сунъий йўл б-н оғриқ сезгисини йўқотиш. О. ҳақидаги таълимот анестезиологиянинг асосий бўлимидир. Энг оддий О. усуллари ва доривор ўсимликлардан олинадиган оғриқсизлантирувчи моддалар қадимдан маълум. 19-асрда О. учун *морфин* қўлланилган. О. маҳаллий (анестезия) ва умумий (*наркоз*) бўлади. Маҳаллий О.да операция қилинадиган жой яқинига новокаин ёки бошқа оғриқсизлантирувчи моддалар юборилади. Умумий О. да бош миядаги оғриқ қабул қиладиган тузилма фаолияти тўхтатилади. *Гипноз* б-н ҳам оғриқ сезгисини камайтириш ёки йўқотиш мумкин.

Кейинги вақтларда баъзи органлар (мас., тиш)ни даволашда электрооғриқсизлантирувчи аппаратлардан ҳам фойдаланилмоқда.

Ад.: Смольников В. П., Вопросы экстренной анестезиологии, М., 1962; Арипов У. А., Постолов П. М., Практическая анестезиология, [Краткое пособие], Т., 1967; Болтаев Қ., Анестезиологиядан амалий қўлланма (қайта ишланган 2-нашри), Т., 1972.

ОҒУЛЛУҚ — Андижон обл. Андижон р-ни Кўнчи қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з территорияси. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 5 *км*. Аҳолиси 2213 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Эшонқайилма ариғидан сув ичади. Мактаб, клуб, медпункт бор.

ОҲАК — қурилиш материали. Оҳактош, бўр ва б. карбонатли жинсларни 900°С дан юқори т-рада куйдириб, ишлов бериб олинади. Қўпинча, О. деганда сўндирилган кальций гидроксид — $Ca(OH)_2$ ва сўндирилмаган кальций оксид — CaO тушунилади. О. қадимдан қовушоқ материал сифатида ишлатиб келинган. Мил. ав. 3000—2500 йиллардаёқ О. нинг қум ва сув б-н қоришмасидан турли иншоотлар қуришда тош ва ғиштни бириктиришда, деворларни сувашда ҳамда бўёқ тайёрлашда фойдаланилган.

О. бўлак ва кукун ҳолида ишлаб чиқарилади. Қимёвий таркибига қараб, ҳавода қотувчи ва гидравлик хилларга бўлинади. Ҳавода қотувчи О., асосан, кальций ва магний оксидларидан иборат. Гидравлик О. таркибида, бундан ташқари, анча миқдорда кремний, алюминий ва темир оксид бўлади. Ҳавода қотувчи О. қурилиш аралашмалари ва бетоннинг қуруқ ҳавода қотишини, гидравлик О. ҳавода ҳам, сувда ҳам қотишини таъминлайди. О. қурилишда, металлургияда, кимё саноатида, қанд, қоғоз, ойна ишлаб чиқаришда, шунингдек сувни тозалаш ва б. мақсадларда кенг қўлланилади.

ОҲАК ЕҚМАС ЎСИМЛИКЛАР, кальцефоблар (лат. calcis — оҳак ва юнон. phobos — қўрқув) — сероҳак тупроқда ёмон ўсадиган ўсимликлар. Оҳакнинг таъсири водород ионлари концентрациясига тенг келса (PH 5,7 дан ошмаса) О. ё. ў. сероҳак тупроқда ҳам ўсиши мумкин. Момиқбош, сфагний кабилар О. ё. ў. ҳисобланади. О. ё. ў. кислотали ёки нейтрал реакцияли тупроқда яхши ривожланади (*Оҳаксевар ўсимликларга* таққосланг).

ОҲАҚЛИСОЙ — Самарқанд обл. Самарқанд р-нидаги сой. Қоратепа тоғининг жанубий ён бағридан бошланади. Шимолга 37 *км* оқиб, Дарғом каналига қуйилади. Ҳавзасининг майдони 71 $км^2$. Водийсининг эни 1—2 *км*, тоғдан чиққач, катта ёйилма ҳосил қилади. Қор, ёмғир ва булоқлардан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,95 $м^3/сек$, оқим модули 16 $л/сек\ км^2$. Сувининг асосий қисми (65—75%) баҳорда оқади.

О. нинг узунлиги 100 *км* дан ортиқ бир қанча ирмоқлари бор (энг йириги — Оқбуврасой). Сой водийси жуда хушманзара, Самарқанд шаҳрига яқин бўлганидан, бу ерда дам олиш уйлари, пионер лагерлари, спорт майдонлари, даволаш муассасалари кўп.

ОҲАКСЕВАР ЎСИМЛИКЛАР, кальцефитлар (лат. calcis — оҳак, юнон. phileo — севаман) — сероҳак тупроқда ўсадиган ўсимликлар. О. ў. нинг оҳакли тупроқда ўсиши тупроқдаги ишқорли реакциялар ва тупроқнинг бошқа физик хоссалари (сувни осон шимиши, яхши қизиши кабилар)га боғлиқ. Тобулғи, европа тилоғочи, оҳак эмани ва б. О. ў. ҳисобланади (*Оҳак ёқмас ўсимликларга* таққосланг).

ОҲАКТОШ — кўпроқ кальцит ($CaCO_3$), баъзан арагонит минералидан ташкил топган чўкинди тоғ жинси. Таркибида доломит ($MgCO_3$), кварц, қумтош, гил заррачалари, темир ва марганец оксиди, кремнезём, шунингдек пирит, марказит, фосфатлар, гипс, органик моддалар ва б. учрайди. Тоза О. лар таркибида буларнинг миқдори 5% дан ошмайди. Тоза О. нинг кимёвий таркиби кальцитники (56% CaO ва 44% CO_2) га яқинлашади. Таркибида 4—17% MgO бўлган О. доломитлашган О. ҳисобланади. Магний миқдори ошганда О. *доломит*га айланади. 25—50% гилли О. *мергель* дейилади. 96—99% $CaCO_3$ дан таркиб топган О. табиий *бўр*дир. Метаморфизм натижасида О. дан *мармар* ҳосил бўлади. Тузилишига кўра, кристалл, органоген, чақиқ ва аралаш структурали О. лар мавжуд. Ранги оқ ёки кул ранг. Органик моддалар О. ни қора, кул ранг, темир оксидлари сариқ, қўнғир, қизил рангга бўяши мумкин. Ҳосил бўлиш жараёнига қараб: органоген, хемоген ва чақиқ О. лар фарқ қилинади. Органоген О. денгиз ва океанда яшаган ҳайвон қолдиқларининг тўпланишидан пайдо бўлади. Хемоген О. суюқликлардан, кальцит чўкишидан ҳосил бўлади (мас., оҳактошли туф, оолитли О. ва ҳ. к.). Қадимий О. ларнинг емирилишидан ҳосил бўлган бўлакларнинг йиғилиб, цементланишидан чақиқ О. лар ҳосил бўлади. О. ер тарихий тараққиётининг қарийб ҳамма даврларида ҳосил бўлган. Узбекистонда О. лар Чатқол, Қурама, Султон Увайс, Олай-Туркистон, Зирабулоқ-Зиёвуддин ва Марказий Қизилқум тоғ тизмаларида кўплаб учрайди. Қалинлиги 1500—1800 *м*. О. лар цемент ва оҳак олишда, саноатда, бинокорлик ва йўл қурилишида, қора металлургияда (флюс сифатида), қ. х. да (нордон тупроқларни ишқорлашда), аралаш-қўшимча сифатида, полиграфияда (литограф тошларини ясашда) кенг қўлланилади.


Ад.: Швецов М. С., Петрография осадочных пород, 3 изд., М., 1958.

ОҲАНГ (форс-тож. آهنگ) (музикада) — ифода воситасига эга бўлган муайян куй бўлаги. Одатда, О. маълум усул б-н бирлаштирилган товушлар бўлиб, шеъриятдаги рукнларга мос келади ва куй жумлаларининг тузилишида асосий восита ҳисобланади. Форс-тожик ва ўзбек халқлари музикасида ашуланинг куй жумлалари орасида шеърсиз ижро этиладиган куй парчалари ҳам О. ёки ҳанг деб аталади. Ҳинд музикасида музика товушлари оҳангит дейилади. Халқ орасида О. куй, ашула, қўшиқ ва б. маъноларда ҳам қўлланилади.

ОҲАНГ, тон — 1) муайян баланд овоз. О. тебраниш кучи ва чўзиқ талаффуздан таркиб топади. У *интонация*нинг қабул қилинувчи компонентларидан. Мураккаб товушнинг тебраниш частоталари кўп бўлса, О. нинг эшитилиш баландлиги ҳам юқори бўлади. О. интонациянинг кўтарилиши ёки пасайиши б-н чекланмайди. О. ва интонация ички тузилишлари б-н бир-биридан фарқ қилади, интонация О. га кўчмайди. Турли тилларда бир хил акустик хоссалардан турлича фойдаланилади. Бу хоссалар ҳар бир тилда турли маъно беради; маълум тилда гаплашувчи киши О. ни шу тилнинг фонологик, лексик, грамматик қонуниятлари асосида қабул қилади. О. ўзбек тилида ҳам нутқнинг муҳим физик хоссаларидан бўлиб, грамматикада роли каттадир.

Ад.: Артемов В. А., Тон и интонация. IV международный конгресс по фонетическим знаниям, Хельсинки, 1961; Маҳмудов А., Интонацион структура ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари», Т., 1962, № 6.

ОҲАНГАРОН — Тошкент областидаги шаҳар. Оҳангарон р-нининг маркази. Қурама тоғининг этагида, Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида,



Оҳангарон шаҳридаги янги турар жой бинолари.

Тошкентдан 68 *км*. 1960 йилгача қишлоқ. 1966 йилгача шаҳар посёлкаси. Тошкент — Ангрен т. й. даги станция. Аҳолиси 28 минг киши (1973). Шаҳарнинг тез ўсишига унинг яқинидаги Ангрен кўмир конлари ва Олмалиқ рангли металл руда конлари сабаб бўлди. О. да цемент к-ти, ванна, газ плита, раковина, чўян труба ва б. чиқарувчи «Сантехлит» з-ди, қурилиш материаллари ва пластмасса буюмлари к-ти (полиэтилен қувур, кошин, линолиум ва б.). темирбетон буюмлари з-ди, ун к-ти бор. Олмалиқ шаҳридаги тошга ишлов бериш к-тининг О. участкаси ишга тушди (1974). О. да кўп қаватли уй-жой қурилиши тез суръатлар б-н олиб борилмоқда. Шаҳарда клуб, кинотеатр, поликлиника, касалхона, болалар боғча ва ясли-лари, 5 умумий таълим мактаби, бинокорлик материаллари техникуми, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари ишлаб турибди.

ОҲАНГАРОН ГРЭС, Ангрен давлат район электр станцияси — УзССРнинг йирик иссиқлик электр станцияларидан бири. Тошкент обл. да 1953 йилда қурила бошлаган. Унга 110 атм. буғ босимида ва 540°С т-рада ишлайдиган агрегатлар ўрнатилган. 1957 йили станциянинг дастлабки агрегати ишга туширилди. 1963 йилда станциянинг қуввати лойиҳадаги 600 минг *квт* га етказилди.

Станция Оҳангаронда қазиладиган қўнғир кўмир ва ер остида кўмирни газга айлантирадиган станция гази асосида ишлайди, тутатқи ёқилғи сифатида мазут ишлатилади. Станцияда 4 та 50 минг *квт* ли, 4 та 100 минг *квт* ли агрегат, 5 та тутун қувури ўрнатилган. Кўмир кули сув ёрдамида чиқариб ташланади. Барча буғ қозонлари кул тутиб қоладиган ускуналар б-н жиҳозланган. Ишлаб чиқарилган ҳар бир *квт-с* электр энергиянинг таннархи 0,716 тийин бўлиб, бунинг учун 441 *г* шартли ёқилғи сарфланади. 1970—71 йилларда икки турбина қайта, модернизация қилинди. Натижада Оҳангарон шаҳридаги уй-жойлар ва саноат корхоналари буғ б-н иситиладиган ҳамда иссиқ сув б-н таъминланадиган бўлди. Станция Ўрта Осиё энергия системасига уланган.



Оҳангарон ГРЭС.

ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ — Тошкент областидаги дарё. Чатқол ва Қурама тоғ тизмаларидан оқиб тушадиган бир қанча сойлардан ҳосил бўлади. Узунлиги 236 *км* (Оқтошсойнинг бошланиш еридан), ҳавзасининг майдони 7710 *км*². Човлисой қуйилган ердан Турк қишлоғига қадар дарё Оҳангарон платосини кесиб ўтган тор дарадан оқади. Даранинг чуқурлиги 250 *м* (дарёнинг бош қисмида), Яккаарчасой қуйилган жойида 800 *м*. Дарё водийси жуда тор. Турк қишлоғига қадар дарёнинг нишаби катта; у жуда тез оқади. Бу қишлоқдан ўтгач, водий кескин кенгаяди, Облиқ қишлоғи яқинида унинг кенглиги 700 *м*, Оҳангарон ш. яқинида 4—5 *км*. Водий ён бағирлари ётиқ, кўпдан-кўп сойлик ва жарликлар учрайди. Облиқ қишлоғидан қуйида унда-бунда аллювиал кўҳна қайир (терраса)лар учрайди. Оҳангарон шаҳридан ўтгач, дарё кенглиги 8 *км* лик водийда оқа бошлайди.

О. д. қор ва ёмғирдан тўйинади. Апрель — июнда суви кўпаяди, энг кўп сув сарфи май ойида, сувининг 51% и шу ойларда оқади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи Турк қишлоғи ёнида 22,8 *м*³/*сек*, ўртача йиллик сув сарфи 11,6—36,2 *м*³/*сек*. Максимал сув сарфи 400 *м*³/*сек*.

О. д. нинг ирмоқлари жуда кўп, йириклари: Арашон, Ертошсой, Тошсой, Дукентсой, Қорабайирсой, Оқчасой, Ниёзбоши, Обжазсой, Гушсойлардир.

1960 йилда О. д. нинг қуйи оқимида Тошкент денгизи деб ном олган *Тошкент сув омбори* қурилган. Дарёдан Таначибуқа ва Ердон каналлари чиқарилган.

ОҲАНГАРОН КЎМИР КОНИ — Қурама тоғ тизмасининг шимолий ён бағридаги кон. Тошкентдан 120 *км* жанубда, эски Жиғиристон қишлоғи ўрнида жойлашган.

Дастлабки қидирув ишлари 1933 йилда бошланган. 1934 йилда р-нининг геологик картаси тузила бошлади. 1940 йилда Г. С. Чикризов қидирув ишларини бошлаган. Тез орада 1, 2, 3-, кейинроқ 8, 9-шахталар ишга туширилди ва Узбекистонга кўчирилган мудофаа саноати корхоналарини ёқилғи б-н таъминлай бошлади. Кўмир қатлами водийнинг икки ён бағри ва янги шаҳарнинг жанубий чеккаси б-н чегараланиб, узунлиги 12 *км*, эни 9 *км* бўлган майдондан иборат. Кўмир қатламлари юра даврига мансуб бўлиб, палеозой даврига оид отқинди тоғ жинсларининг емирилишидан ҳосил бўлган каолинли қатлам устида қум ва гил жинслар б-н алмашиниб ётади. Кўмир қатламларининг тарқалиши қадимий рельеф тузилишига мувофиқ ҳолда ўзгаради.

Кон кўмир пайдо бўлиш шароити, қатламларнинг тузилишига қараб уч зонага бўлинади: 1) остки ва устки қисмлари кўмир ва б. тоғ жинслари қатламлари б-н алмашиниб, ўрта қисми соф кўмир қатламидан иборат бўлган зона; 2) кўмир ва тоғ жинслари қатламлари б-н алмашиниб ётувчи, аммо кўмир қатламларининг умумий қалинлиги ўзгармайдиган зона; 3) кўмир қатламларининг умумий қалинлиги пасайиб кетган зона. 1- ва 2- зоналарни қалин кўмир қатламлари ишғол қилади. 1- зона қатламларининг қалинлиги 40—50 *м* атрофида. Кўмир қатламларининг чуқурлиги 30—500 *м*. О. к. к. кўмири сифати ва таркиби жиҳатидан Қизилқия, Шўроб, Москва ёни кўмир конларинникидан кам фарқ қилади, аммо Донбасс, Кузбасс каби кўмир конларининг кўмирларидан қўнғирлиги, юмшоқлиги, кулининг кўплиги, калориясининг пастлиги б-н ажралиб туради.

Ад.: Батыгин А. Г., Ангренский угольный бассейн, Т., 1957; Русанова О. Д., Строение угольного комплекса Ангренского месторождения, Т., 1959.

ОҲАНГАРОН РАЙОНИ — Тошкент областидаги р-н. 1929 йилда Қурама р-ни номи б-н ташкил топган. 1939 йилдан Оҳангарон р-ни номи б-н юритила бошлади. 1957 йилда Урта Чирчиқ ва Пискент р-нлари таркибига қўшилган. 1971 йил 31 августда қайта ташкил этилди. Майдони 3,10 минг *км*². Аҳолиси 62 минг киши (1975). Р-нда 7 қ. С. (Бирлик, Ленинчи, Қорахитой, Облиқ, Инқилоб, Сусам, Телов) ва шаҳар посёлкаси бор. Маркази — Оҳангарон ш.

Табиати. Р-н терр-яси шимоли-шарқда Қурама, шимол-шимоли-ғарбда Чатқол тоғ тизмалари ўртасидаги водийда жойлашган. Бу тоғ тизмалари Қамчиқ довонида бирлашиб, КирғССРдаги Талас Олатовига бориб қўшилади. Тоғлардан водийга ҳар томондан оқиб тушган сойлар ён бағирларини ювиб, адирлар ҳосил қилган. Фойдали қазилмалардан қўнғир кўмир (Ангрен, Обпартак, Чўчқабулоқ), мис, рух, молибден, олтин (Кучбулоқ, Новгарзан, Олтинтопган), флюорит (Гушсой, Алюнит, Оқча, Новгарзан), бинокорлик материаллари бор. Ўтга чидамли тупроқ, қум, шағал, оҳактошнинг запаслари катта. Иқлими континентал; январнинг ўртача т-раси —3°, —5°, июлники 22°—26°. Йилига 220—280 *мм* ёғин ёғади. Лекин ҳарорат ва ёғин миқдори жиҳатидан тоғлар б-н адирлар ўртасида сезиларли фарқ бор. Оҳангарон водийсида тезлиги 5—10 *м* фён шамоли есади. Вегетация даври 180 куи. Р-н терр-ясидан Оҳангарон дарёси ва унинг ирмоқлари (Бешкўл, Иртош, Кўксарой, Четсув, Сарка, Чинор, Қорабоғ, Оқча, Шоввоз, Новгарзан, Гушсой, Сеганак ва б.) оқиб ўтади. Р-н терр-ясида Турк сув омбори қурилмоқда. Дарё қайирларида ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқ, адирларда типик бўз тупроқ (чириндиси 1,5—2,6%), тоғ этакларида тўқ бўз тупроқлар (чириндиси 3—4%) тарқалган. Р-н ёввойи ўсимлик ва ёввойи ҳайвонот дунёсига бой. Адирларда эфемер ва эфемероидлар кўп. Қўнғирбош, ранг, оққурай, қўзиқулоқ ва б. ўсади. Лекин адирларнинг кўп қисми ҳайдалиб, экинзорларга айлантирилган. Тоғ этаклари ва тоғ тизмаларида арча, ёнғоқ, писта, тоғолча, дўлана, олма кўп. Қушлардан тустовуқ, сўфитўрғай, чуғурчиқ, каклик, каптар, бургут, калхат, қарчиғай, зарғалдоқ, булбул, қизилиштон, попушак, саъва ва б. бор. Ҳайвонлардан кўрсичқон, юмронқозиқ, сассиқкўзан, сувсар, кийиклар, архар (тоғ қўйлари), чиябўри, тулки, бўри, қуён, бўрсиқ, типратикан, ёввойи чўчқа кўп, баъзан айиқ учрайди. Судралувчилардан калтакесаклар, ҳар хил илон, ҳашаротлардан қорақурт, ўргимчак ва б. мавжуд.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; тожиклар, қозоқлар, қирғизлар, руслар, татарлар, украинлар ва б. яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 20 киши (1975).

Хўжалиги. Оҳангарон цемент к-ти республикада ишлаб чиқариладиган цементнинг 60%-ини беради. «Сантехлит» з-ди республикада ягона. Бетон з-ди, ун к-ти, пластмасса к-ти ҳам бор. Кўмир, мис, рух, молибден, олтин, флюорит қазиб чиқарилмоқда. Р-нда 8 с-з («Оҳангарон — 1, 2, 3, 4», «Октябрь», «Олмалиқ», «Галақудуқ», Серго номли) ва «Тошкент» от з-ди бор. Қ. х. галла етиштириш, сабзавот ва полизчилик, боғдорчилик ва сут чорвачилигига ихтисослашган. Қ. х. да фойдаланиладиган ерларнинг 24565 гектари ҳайдалади, 1775 *га* пичанзор, 67496 *га* яйлов б-н банд. 17966 *га* ерга дон ва маккажўхори экинлари, 2560 *га* картошка, сабзавот ва полиз экинлари экилади (1975), 1685 *га* майдонда ток ва мевали дарахтлар, 5000 *га* бедазор бор. Р-н хўжаликларида 13071 қорамол (шу жумладан 4098 сигир), 82025 қўй, 991 эчки, 1505 йилқи, 17168 чўчқа, 58800 парранда, 894 яшик асалари боқилади (1975). 1975 йилда давлатга 90 *т* пилла сотилди. Облиқ қишлоқ Совети терр-ясида 42 *га* майдонда нутрия (сув қундузи) боқилади ва ҳар йили 26 минг дона мўйна олинади.




43 умумий таълим ва 2 кечки мактабларда 16265 бола билим олади. Бундан ташқари, 2 музика мактаби (350 бола ўқийди), қурилиш материаллари техникуми (600 ўқувчи бор), сиртқи ўрта мактаблар (361 ўқувчи таълим олади) ҳам ишлаб турибди. 65 кутубхона, 14 киноустановка бор. 1971 йилдан р-н «Оҳангарон» газетаси 4400 нусхада чиқиб турибди. 540 ўринли 6 касалхона, 1 поликлиника, 5 амбулатория, 38 медпунктда 500 врач ва ўрта медицина ходими ишлайди (1975).

Автомобиль йўлларининг узунлиги 199 *км*. Р-н терр-яси орқали Тошкент — Қўқон, Тошкент — Наманган, Ангрен — Қўқон, Ангрен — Андижон, Ангрен — Наманган, Ангрен — Шайдон, Ангрен — Тошкент, Янгиобод — Тошкент, Оҳангарон — Тошкент, Оҳангарон — Тўйтепа, Олмалиқ — Оҳангарон, Оҳангарон — Қорахитой, Ангрен — Бекобод, Олмалиқ — Чирчиқ ва б. маршрутлардаги автобуслар ўтади. Р-н терр-ясидан Тошкент — Ангрен т. й. ўтган.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони Т. *Бобоев* шу р-нлик.

ОҲАНГАРОН ЦЕМЕНТ КОМБИНАТИ — Ўрта Осиёдаги йирик корхоналардан бири. 1959 йилда қурила бошлаган. Комбинат 1962 йилда биринчи маҳсулот берди. 1967 йили 4-технологик линия ишга туширилгач, 1974 йилга келиб, 1741 минг *т* цемент ишлаб чиқарадиган бўлди. К-т шифер ҳам тайёрлайди. 1965 йилда 56,6 млн., 1974 йилда 153,1 млн. дона шифер тайёрлади. О. ц. к. минерал тола ва асботруба ишлаб чиқаришни ўзлаштирган.



Оҳангарон райони. Оҳангарон чорвачилик комплексининг умумий кўриниши.



Оҳу.

лаб чиқаришни ҳам ўзлаштирди ва 1974 йилда 216 минг $м^3$ асботруба (1483 шартли *км*) тайёрланди. Комбинат базасида темир-бетон буюмлари з-ди ишга туширилган. О. ц. к. замонавий асбоб-ускуналар, янги техника ва ишлаб чиқариш технологиясининг прогрессив воситалари б-н таъминланган. Унинг маҳсулотлари Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги қурилишларга жўнатилади.

ОҲАНГДОШЛИК — турли баландликдаги музика товушларининг бир вақтда садоланиб қўшилиши. О. икки ва ундан ортиқ товушлардан тузилиб, *консонанс* ёки *диссонанс* хусусиятига эга бўлиши мумкин.

ОҲАНРАБО (форс-тож. رِبا آهَن — темир ва тортувчи) — қ. *Магнит*.

ОҲОРЛАШ (тўқимачиликда) — *танда* ипига махсус модда (оҳор) шимдириш. Оҳор крахмал кислоталар, ишқорлар, совун, ёғлар, глицерин, антисептик моддалар ва б. дан тайёрланади. Асосан жун, пахта, луб толаларидан йигирилган ип оҳорланади. Анча пишиқ, дағал иплар оҳорланмайди. Илгари оҳор буғдой унидан атала кўринишида тайёрланган ва латтада сузилган. Тўқиш учун дўконга солинган танда парралари (туклари) гулага ва тиғ тишларига ёпишиб қолиб, тўқишга халақит берган, ип салга узилаверган. Шу сабабли, тўқувчи тандага оҳор пуркаб, ип парраларини ётқизиб силлиқлаган. Шу жараён О. деб аталган. Ҳозир О. махсус оҳорлаш машиналарида бажарилади. Бунинг учун машинага бир неча танда ипи жойланади. Сўнгра ип оҳорли тоғорага ботирилади. Оҳор шимиб олган ип қуритиш барабанлари ёки қуритиш камерасида қуритилади. Оҳор ип сиртини силлиқлайди, уни пишиқлантиради. Оҳорланган ипдан тўқилган газлама кўркам, пишиқ чиқади.

ОҲУ, оҳулар, ғизоллар — катталиги ва ташқи кўриниши жиҳатидан ўзаро ўхшаш туёқлиларнинг умумий номи. 7 уруғи (антилопа кенжа оиласининг 15 уруғидан 7 таси) ва 19 тури бор. О. Африка, Осиё, Шимоли-Ғарбий Ҳиндистоннинг чўл ва саҳроларида тарқалган. Гавдаси келишган. Шохи лирасимон қайрилган. Тез югуради. О. полигам ҳайвон, пода бўлиб яшайди. Йилда 1—2 бола туғади. Ўтхўр. Шохи, териси ва гўшти учун овланади. СССРда 2 тури: қора қуйруқ ёки *жайран* ва буқоқ О. (дзерен) учрайди.

П


П — ўзбек алифбосининг 17-ҳарфи. Портловчи, жарангсиз, шовқинли ундош *фонема*ни ифодалайди. Сўзларда ҳамма ўринда келади: пахта, опа, қоп.

ПА (лат. passus — қадам, одим) — 1) рақс одими, муайян вазиятда (орқага, олдинга, ёнга) оёқ қўйиш б-н боғлиқ ритмик ҳаракат. Рақс одимининг хусусияти Па сўзидан кейин қўшиладиган сўз б-н белгиланади. Мас., па-шассе сирғалиш характеридаги одимни ифодалайди; 2) рақс одимлари бирикмаси. Па ана шу маънода балет амалиётига балет рақси номининг таркибий қисми бўлиб кирган. Мас., икки киши ижро этувчи рақс па-де-дё ва уч киши ижро этувчи рақс па-де-труа ҳамда оммавий рақс гранд-па деб аталади. Па атамаси балетдан бал рақслари номига ҳам ўтган: па-де-патинер, па-де-катр, па-де-грас, па-д'эспань ва ҳ. к.

ПААСИКИВИ Юхо Кусти (1870. 27. 11, Тампере — 1956. 14. 12, Хельсинки) — Финляндия давлат арбоби. Финляндия сеймининг депутати (1907—13), давлат молия бошқармасининг бош директори (1903—14), Миллий акционер банкининг генерал директори (1914—34). 1918 йил май ойидан ноябргача Бош министр. Тинчлик ҳақидаги Совет-Финляндия музокараларида Финляндия делегациясига раҳбарлик қилиб, 1920 йил 14 октябрда Финляндия б-н РСФСР ўртасида тузилган сулҳ шартномасини имзолаган. 1934—36 йилларда Миллий коалицион партиянинг раиси. 1936—39 йилларда Финляндиянинг Швециядаги элчиси. 1940 йил апрелидан 1941 йил май ойигача Финляндиянинг СССР даги элчиси, 1941—44 йилларда хусусий банк правлениесининг раиси. 1944 йил февраль-март ойларида Совет ҳукумати б-н сулҳ тузиш ҳақида норасмий музокара олиб борди. П. Финляндиянинг Бош министри (1944 йил ноябрь — 1946 йил март), Финляндия республикасининг президенти (1946—1956). Урушдан кейинги даврда Финляндияда Финляндия б-н СССР ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришни кўзда тутган тинчликсеварлик руҳидаги ташқи сиёсий йўлнинг жорий этилиши П. нинг номи б-н боғлиқдир. 1948 йилда П. дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида Совет-Финляндия шартномасини имзолаш учун ваколат берди, 1955 йили П. иштирокида ўша шартноманинг муддатини узайтириш ҳақидаги Протокол имзоланди. П. 1944—56 йилларда «Финляндия — СССР» жамиятининг фахрий раиси. Финляндия б-н Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик муносабатларини ривожлантиришдаги хизматлари учун 1954 йили Ленин ордени б-н мукофотланган.


ПАВЕЛ I (1754. 20. 9 — Петербург — 1801. 12. 3) — рус императори (1796—1801), Пётр III ва Екатерина II нинг ўғли. П. I тахтга ўтиргач, Екатерина II ўрнатган тартибларни бирмунча ўзгартди, лекин унинг олиб борган ички сиёсати, асосан Екатерина II сиёсатидан фарқ қилмасди. Франция рев-ясидан ва Россияда қўзғалаётган деҳқонлар ҳаракатидан чўчиб қолган П. I реакцион сиёсат юргизди. Қаттиқ цензура ўрнатилди. Хусусий босмахоналар ёпилди (1797), чет элдан китоблар келтириш ман этилди (1800), жамоатчилик орасида илғор ғояли кишилар таъқиб остига олинди. П. I феодал тузум кризиси кескинлашган бир шароитда помешчиклар манфаатини ҳимоя қилди. Унинг армияда Пруссияга тақлид қилиб ўтказган ислоҳоти кўпгина офицер ва генералларнинг норозилигига сабаб бўлди. П. I Екатерина II нинг ташқи сиёсатини давом эттириб, Францияга қарши коалицион урушда қатнашди. Унинг ўзбошимчалиги, Англия б-н савдо алоқаларини бўшаштириб юборган ташқи сиёсати дворянлар оппозициясини келтириб чиқарди. Орадан кўп ўтмай, гвардия офицерлари ўртасидан чиққан фитначилар томонидан ўлдирилди.

ПАВИАНЛАР (Papio) — мартишкалар кенжа оиласига мансуб тор бурунли маймунлар уруғи. Танасининг узунлиги 75—80 *см*, думи 50—60 *см*, оғирлиги 25 *кг* дан ортиқ. Жуни узун, баъзан ёл ҳосил қилади. Қуймич қадоғи катта, қизил. 3—5 ёшида вояга етади, бўғозлик даври 170 кун, одатда, битта бола туғади. Африка, Арабистонда ва Сулавеси оролида учрайди. Қояларда пода бўлиб яшайди. Ўсимликнинг илдизмевалари, пиёзлари, ҳашарот, майда судралиб юрувчилар ва б. б-н озиқланади. Баъзан боғ ва узумзорларга зарар келтиради. П. нинг 5 тури бор, жумладан *гамадрил, бабуин* ва б.




Сулавеси павиани.

ПАВИЛЬОН (лат. papilio — чодир) — 1) ихчам ва енгил қурилма. Хитой, корейс, мўғул халқ меъморлигида, сарой ва ибодатхоналар архитектурасида қадимдан маълум. 17—18-асрларда Франция ва Англияда кўплаб П. лар яратилган. 18—19-асрларда Петербургдаги «Царское село», «Павловск» ва «Царицин» боғларида, Москва атрофида П. нинг ажойиб намуналари қурилган;



Гул павильони. Тошкент, Инқилоб хиёбони.

2) катта биноларнинг (асосан, ҳашаматли саройларнинг) бир қисми. Бундай П. ларнинг плани, кўпинча квадрат, кўп қиррали бўлиб, тепаси алоҳида ёпилади; 3) доимий ёки вақтинча фойдаланиладиган енгил иншоотлар. Мас., кинопавильон, фотопавильон, кўргазма П. и, савдо П. и. ва ҳ. к; 4) уй, зал кабиларнинг ички томонини тасвирловчи театр *декорацияси*.



Павильон. ЎзССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси асосий зали, Тошкент.



Павлов И. П.



Павлов И. Ф.



Павлов Т. Д.



Павлова О. Н.

ПАВЛОВ Иван Петрович (1849. 14 (26). 9, Рязань — 1936, 27. 2, Ленинград) — совет физиологи, ҳайвонлар ва одам *олий нерв фаолияти* тўғрисидаги материалистик таълимот асосчиси. Россия ФА акад. (1907; мухбир аъзоси, 1901). Медицина-хирургия (Ҳарбий-медицина) академиясини тугатгач (1879), С. П. *Боткин* лабораториясида ишлади. 1883 йили «Юракнинг марказга интилувчи нервлари тўғрисида» деган мавзуда докторлик диссертацияси ёқлади. 1890 йилдан Ҳарбий медицина академиясининг проф. ва фармакология кафедрасининг мудири, физиология кафедрасининг мудири (1896—1924), айни вақтда Экспериментал медицина ин-тида физиология бўлимини бошқарди. 1925 йилдан СССР ФА Физиология ин-ти директори. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати П. га илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун 1921 йили Ленинград яқинидаги Колтуши (ҳозирги Павлово) қишлоғида илмий-тажриба станцияси қуриб берди. П. қон айланишига, овқат ҳазм қилишга ва олий нерв фаолиятига оид муҳим илмий ишлар қилди. Иссиқ қонли ҳайвонларда юрак фаолиятини кучайтирувчи ва сусайтирувчи махсус нерв толалари борлигини биринчи марта кўрсатди. Бу эса нерв системасининг трофик функцияси тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқиш учун асос бўлди. П. шартли рефлексларни кашф қилди ва ўрганди. П. нинг одам учун характерли бўлган олий нерв фаолияти, *иккинчи сигнал системаси* тўғрисидаги тадқиқотлари амалий аҳамиятга эга, шунингдек диалектик материализмнинг табиий-илмий асосини кенгайтиради ҳамда идеализмга қарши ғоявий курашда ўткир қурол бўлиб хизмат қилади. Нобель мукофоти лауреати (1904). П. чет элларнинг кўпгина ФА илмий жамиятларига аъзо ва фахрий аъзо қилиб сайланган. СССР ФА Физиология ин-тига, 1-Ленинград Медицина ин-тига ва б. ташкилотларга П. номи берилган: СССР ФА 1934 йили П. номидаги мукофот (физиология соҳасидаги яхши ишлар учун), 1949 йили П. номидаги олтин медаль (П. таълимотини ривожлантиришда қилинган ишлар учун) таъсис этди.

ПАВЛОВ Иван Фомич (1922. 25. 6, ҳозирги Кустанай обл. Боровск р-н Борис-Романовка қишлоғи — 1950. 12. 10) — совет учувчиси, майор (1948), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944 йил 4 февраль ва 1945 йил 23 февраль). 1943 йилдан КПСС аъзоси. 1940 йилдан Совет Армиясида. Чкалов номли ҳарбий авиация учувчилари мактабини (1942), М. В. Фрунзе номли Ҳарбий академияни (1949) тугатган. Улуғ Ватан уруши (1941—45) да 1942 йилдан бошлаб Қалинин, Марказий ва 1-Болтиқбўйи фронтларида учувчи, катта учувчи, звено командири, авиаэскадрилья командирининг ўринбосари ва командири, 6-гвардиячи-штурмчи авиаполкда штурман бўлган. 200 дан ортиқ жанговар парвоз қилиб, душманнинг 3 та самолётини уриб туширган. Урушдан сўнг қирувчи авиация полкининг командири. Хизматни ўташда ҳалок бўлган. 2 марта Ленин ордени, 4 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАВЛОВ (тахаллуси П. Досев) Тодор Димитров (1890. 14. 2, Штип, Македония) — болгар марксист философи, адабий танқидчи ва жамоат арбоби; Болгария ФА акад. (1945), президенти (1947—62), Фахрий президенти (1962 йилдан). БХР қаҳрамони, 2 марта БХР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, 1919 йилдан БКП аъзоси, БКП МК Сиёсий бюроси аъзоси (1966—1976). Болгария ФА Фалсафа ин-ти директори (1948—52 ва 1960 йилдан). «Философска мисъл» журналининг бош редактори (1945 йилдан). София ун-тининг фалсафа ҳамда педагогика факультетларини тугатган. 1922 йили «Младеж» («Ёшлар») газетасининг редактори бўлган. 1924 йилдан БКП МК аъзоси. Фашизмга қарши фаол курашган, концлагерда қамоқда бўлган (1941—44). П. 1946—48 йилларда София ун-тида проф. 20-йиллардан бошлаб диалектик ва тарихий материализм, эстетика, тилшунослик, фан методологияси, болгар халқи ва унинг фалсафий тафаккур тарихи соҳаларида ишлаб келмоқда. Мас., «Инъикос назарияси» (1936) номли асарида марксча-ленинча билиш назариясининг материя б-н онг, предмет б-н образ, назария б-н практиканинг бирлиги масалалари таҳлил қилинган. Унинг «Философия ва хусусий фанлар», «Информация, инъикос ва ижод» (1965) ва б. асарлари фалсафа б-н табиатшунослик фанларининг ўзаро алоқаси масалаларига бағишланган.

П. болгар марксистик адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Унинг қатор тадқиқотлари социалистик реализмнинг вужудга келиши ва ривожланиши, партиявийлик ва халқчиллик масалаларига бағишланган. П. буржуа фалсафаси ва идеологияси, хусусан, фрейдизм, позитивизм, иррационализм ва ҳ. к. га қарши муросасиз курашиб келмоқда. П. бир қанча чет эл ФАларининг аъзоси; жумладан СССР ФА фахрий аъзоси (1947), СССР Бадиий академияси аъзоси (1959). 5 марта Георгий Димитров ва 2 марта Ленин ордени б-н мукофотланган.

Ас.: Избранные философские произведения, т. 1—4, М., 1961—63.

Ад.: Калошин Ф. И., Т. Павлов, М., 1960; Марков Д. Ф., Из истории болгарской литературы, М., 1973.

ПАВЛОВА Ольга Николаевна (1895. 20. 11, Марғилон) — терапевт, медицина фанлари д-ри (1945), проф. (1948), Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1950). САГУнинг медицина ф-тини битиргач (1923), шу ф-т терапия клиникасининг ординатори (1924—26), ассистенти (1927—31), ТошМИ терапия клиникасининг ассистенти (1931—39), доценти (1939—48), кафедра мудири (1946—66), госпиталь терапия клиникасининг консультанти (1966—68), 1968 йилдан пенсионер. «Помирнинг турли баландликлари ва Қорақумнинг субтропик чўллари иқлими шароитида юрак-томир ва қон яратиш системалари климатофизиологияси» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Ўлка медицинаси, қон ва касб касалликлари ҳамда ички касалликларга оид бир қанча илмий иш муаллифи. 3, 4, 5-чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати. 3 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: К вопросу сущности псевдогемофилии и её лечение, Т., 1930; К клинике и диагностике острых и подострых алейкемических миэлозов, Т., 1938; Картина крови в условиях высокогорного климата, Т., 1937.

ПАВЛОВА Таисия Григорьевна (1929. 1. 9, Курган обл.) — ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1962). 1963 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент авиация техникумини тугатган (1968). 1946 йилда комсомол йўлланмаси б-н Тошкентга келиб, 14-ФЗО мактабида таълим олган. 1947 йилдан Чкалов номли з-дда парчинловчи ишчи. 1965—72 йилларда ишлаб чиқариш бўйи-



Палак. Тошкентда 1960 йилларда каштачи машина билан тикиб тайёрланган палаклар (Ўзбекистон ССР амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси, Тошкент).



Палак мақоласига.



Палех санъати. Палех санъаткорлари қутичаларга ишлаган миниатюралардан: И. Вакуров М. Лермонтовнинг „Савдогар Калашников ҳақида қўшиқ" поэмаси сюжети асосида ишлаган миниатюра.

И. Голиковнинг „Уч отли аравага ҳужум қилаётган бўрилар" миниатюраси.

Палех санъати мақоласига.

ча мастер. 1972 йилдан инженер-технолог. Ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришган, кўплаб малакали кадрлар етиштирган. Ўзбекистон Коммунистик партиясининг 17- съезди делегати. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАВЛОВНИЯ (Paulownia) — сигирқуйруқдошлар (сигирқуйруқгуллилар оиласи)га мансуб дарахтлар туркуми. Асосан, Шарқий Осиёда ўсадиган 10 тури бор. Осиё, Европа, Америка ва СССРнинг субтропик р-нлари ва Ўрта Осиёда ўстирилади. Чигал тукли П. Ўзбекистонда манзарали ўсимлик сифатида экилади. Бўйи 12—20 *м*, барги оддий, юраксимон, четлари текис, кузда тўкилади. Гултожиси қўнғироқсимон, барг чиқаргунча очилади. Меваси йирик қаттиқ кўсакча. Уруғи майда. Ёғочи енгил, юмшоқ, Хитой ва Японияда музика асбоблари, мебель тайёрлашда ишлатилади. Фарғонада 35 ёшли, бўйи 12 *м* ча, диаметри 30 *см* келадиган бир туп П. бор. У ҳар баҳорда гуллаб мевалайди.

ПАВЛОВО — РСФСР Горький областидаги шаҳар. Ока дарёси ўнг соҳилидаги пристань. Т. й. станцияси. Аҳолиси 67 минг киши (1974).

П.— машинасозлик ва металлсозлик маркази. Автобус, асбобсозлик, механизациялашган асбобсозлик тажриба-эксперимент, эсдалик буюмлари з-длари, С. М. Киров номли металл буюмлар з-ди, озиқ-овқат саноати корхоналари, автомеханика техникуми, Саноат музейи бор.

ПАВЛОВСКИЙ Евгений Никанорович [1884, 22. 2 (5. 3), Бирюч (ҳозирги Красногвардейск), Воронеж обл.— 1965. 27. 5, Ленинград]— зоолог, паразитолог, СССР ФА акад. (1939), СССР Медицина ФА ҳақиқий аъзоси (1944). Тожикистон ССР ФА фахрий аъзоси (1951), РСФСР (1935) ва Тожикистон ССР (1943) да хизмат кўрсатган фан арбоби. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1964). Медицина хизмати генерал-лейтенанти. 1940 йилдан КПСС аъзоси. СССР ФА Зоология ин-ти директори (1942—62), СССР Медицина ФА Эпидемиология ва микробиология ин-ти паразитология ва медицина зоологияси бўлимининг бошлиғи (1946). Асосий ишлари юқумли касалликлар қўзғатувчиларини, улар географиясини ўрганиш, қарши кураш чораларини ишлаб чиқишга бағишланган. П. раҳбарлигида Ўрта Осиё, Закавказье, Қрим, Узоқ Шарқ ва б. жойлардаги эндемик паразитар ҳамда трансмиссив касалликлар (каналар қўзғатадиган қайталама тиф ҳамда энцефалит, *искабтопар иситмаси, лейшманиоз* ва б.) ни ўрганиш мақсадида комплекс экспедициялар уюштирилди ва текшириш методлари яратилди. СССР Энтомология (1931) ва География (1952—64) жамиятлари президенти. СССР География жамияти фахрий аъзоси (1955). Ленин мукофоти (1965) ва СССР Давлат мукофоти лауреати (1941, 1950), 6 марта Ленин ордени, 4 та бошқа орден ҳамда СССР ФА И. И. Мечников номидаги олтин медаль, СССР География жамияти Катта олтин медали б-н мукофотланган.

Ас.: Учебник паразитологии человека с учением о переносчиках трансмиссивных болезней, 6 изд., Л., 1951; Общие проблемы паразитологии и зоологии. Изб. статьи, М.—Л., 1961; Работы по функциональной и сравнительной морфологии, Л., 1967.

Ад.: Евгений Никанорович Павловский, 2 изд., М., 1956 (АН СССР. Материалы к биобиблиографии трудов ученых СССР. Сер. биологических наук. Паразитология, вып. 1); Прохорова Н. П., Академик Е. Н. Павловский, М., 1972.

ПАВЛОВСКИЙ ПОСАД — РСФСР Москва областидаги шаҳар. Клязьма дарёси (Ока ирмоғи) бўйида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 68 минг киши (1974). Тўқимачилик саноатининг қадимий маркази. Асосан, жун (камволь к-ти), ипак ва ип газлама саноатлари ривожланган. Керамика, қ. х. машиналари, металл қуйиш-механика з-длари, кечки тўқимачилик техникуми бор.

ПАВЛОГРАД — УССР Днепропетровск областидаги шаҳар. Волчья дарёси (Днепр ҳавзаси) бўйида. Т. й. узели. Аҳолиси 94 минг киши (1974). Қимё машинасозлиги, металл қуйиш машиналари з-длари, электр ёритқич арматуралари, кўн, канопни қайта ишлаш з-длари, уйсозлик к-ти, мебель ва тикувчилик ф-калари бор. Шаҳар яқинидан кўмир қазиб чиқарилади. Озиқ-овқат саноати корхоналари ишлаб турибди. Машинасозлик техникуми, медицина билим юрти, Халқ тарих-революция музейи мавжуд.

ПАВЛОДАР — шаҳар, ҚозССР Павлодар областининг маркази. Иртишдаги йирик порт. Т. й. станцияси. Аҳолиси 228 минг киши (1974). П. га 1720 йилда асос солинган. Ҳозирги П. Павлодар-Экибастуз саноат тугунининг ташкилий маркази, ишлов берувчи саноатнинг йирик маркази. П. нинг янги йирик корхоналари: трактор, алюминий, кемасозлик-кема ремонти, шина ремонти ва автомобиль ремонти з-длари, 4 темир-бетон буюмлари к-ти, 3 ТЭЦ. Озиқ-овқат ва енгил саноат катта аҳамиятга эга. П. да индустрия ва педагогика ин-тлари, 3 техникум, 3 билим юрти, драма театри, 2 музей бор.

ПАВЛОДАР ОБЛАСТИ — ҚозССР таркибидаги область. 1938 йил 15 январда ташкил топган. Майдони 127,5 минг *км*². Аҳолиси 750 минг киши (1974). 12 маъмурий р-нга бўлинган, 4 шаҳар ва 11 ш. т. п. бор. Маркази — Павлодар ш. П. о. 1958 йил 11 октябрда Ленин ордени б-н мукофотланган.

Табиати. П. о. республиканинг шимоли-шарқий қисмида ўрмонли дашт, дашт ва чала чўл зоналарида, Иртиш дарёсининг ўрта оқимида жойлашган. Фойдали қазилмалари: тошкўмир ва қўнғир кўмир, мис ва полиметалл рудалари. Кўлларда ош тузи ва глаубер тузлари бор.

Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 20°—22°, январники —19,5°—17,5°. Йиллик ёғин миқдори 220—320 *мм*. Вегетация даври 167—178 кун.

Энг йирик дарёси — Иртиш; кўллар кўп. П. о. нинг катта қисми тўқ каштан тупроқли чалов-бетага даштидан иборат.

Даштларда оқ товушқон, юморнқозиқ, қўшоёқ, бўри, тулки, латча, тўрғай, бедана, ўрдак, балчиқчи яшайди. Кўлларда балиқ тури кўп.

Аҳолиси. П. о. да қозоқлар, руслар, украинлар, татарлар, белоруслар, молдаванлар, мордвалар, чувашлар, удмуртлар, бошқирдлар яшайди. 1 *км*² га ўртача 5,9 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 54%.




Павлова Т. Г.



Павловский Е. Н.





Павлодар области. Иртиш-Қарағанда каналининг бош насос станцияси.

Хўжалиги. П. о. да йирик саноат, хусусан энергетика, ёқилғи, металлургия, машинасозлик, кимё саноати, шунингдек енгил ва озиқ-овқат саноатлари устун туради. Энергетика областдаги Экибастуз кўмири, шунингдек Кузнецк ва Қарағандадан келтирилган кўмир б-н ишлайди. Тоғ-кон обл. саноатининг асосий тармоқларидир. Кўмир (Экибастуз ва Майкубен конлари) ва рангли металлар ҳамда олтин (Майқаин, Бўзшакўл), Иртиш дарёси бўйидаги кўллардан туз, Иртиш водийсидан ўтга чидамли гил ва оҳактош қазиб олинади. Деярли барча ишлов берувчи саноат корхоналари Павлодарда жойлашган. Павлодарда алюминий, Ермакда ферроқотишма з-длари ва ГРЭС қурилди. Омск — Павлодар — Чимкент нефть қувури ва нефтни қайта ишлаш з-ди қурилмоқда (1974).

Яйловлар 6237 минг *га*, пичанзорлар 297 минг *га*, ҳайдаладиган ерлар 3454 минг *га*. 1954—58 йилларда, асосан, Иртишнинг чап соҳилида бир неча млн. *га* қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилди ҳамда янги ғаллачилик с-злари барпо этилди. Экин майдони 3289,9 минг *га* (1973), шу жумладан ғалла экинлари 1827,3 минг *га*, ем-хашак экинлари 1413,3 минг *га*, техника экинлари 23,8 минг *га*, картошка, сабзавот ва полиз экинлари 25,5 минг *га*. 1613,8 минг қўй, 612,5 минг қорамол (жумладан 196,5 минг сигир), 100,7 минг йилқи, 120,3 минг чўчқа, 21,1 минг эчки ва 2335,8 минг уй паррандаси бор (1974).

Т. й. 574 *км* (1973). Автомобиль йўллари 8006 *км*. Иртишда мунтазам кемалар қатнайди. Павлодар ҳаво йўли орқали П. о. нинг барча р-н марказлари ва Қозоғистон обл. марказлари ҳамда б. шаҳарлар б-н боғланган.

Маданий қурилиши ва соғлиқни сақлаш. 1973/74 ўқув йилида 612 умумий таълим мактаби (191,7 минг ўқувчи), 28 профессионал-техника билим юрти (13,3 минг ўқувчи), 12 ўрта махсус ўқув юрти (11,7 минг ўқувчи), 2 олий ўқув юрти (8,5 минг студент) бўлган. 1973 йилда 403 боғчаяслида 43,8 минг бола тарбияланди.



Павлодар трактор заводининг йиғиш конвейери.

1974 йилда 478 оммавий кутубхона (3,9 млн. китоб ва журналлар), 3 музей, 1 театр, 474 клуб, 564 киноустановка, 8,9 минг ўринли (1000 кишига 11,9 ўрин) 116 касалхона, 1,3 минг врач (583 кишига 1 врач) ишлади. Муялди балчиқ курорти, 3 дам олиш уйи, 5 санаторий бор.

«Қызыл ту» («Қизил байроқ», қозоқ тилида, 1929 йилдан) ва «Звезда Прииртышья» (1918 йилдан) обл. газеталари чиқади.

Ад.: Казахстан. М., 1970 [Серия «Советский Союз»].

ПАГАНИНИ Никколо (1782. 27. 10, Генуя — 1840. 27. 5, Ницца) — итальян скрипкачиси, гитарачи ва композитор. А. Корелли, А. Вивальди, Ж. Тартини каби итальян созанда-композиторларининг анъаналарини давом эттириб, скрипкада ижрочилик санъатини янада кенгайтирган. 1797 йилдан бошлаб Италияда, 1828 йилдан Европанинг кўп мамлакатларида ижрочилик маҳоратини намойиш қилган. П. композитор сифатида музика *романтизми* асосчиларидан. Скрипка учун 24 та каприччиоси (каприси), скрипка ва оркестр учун 1- ва 2- концертлари (жами 5 та), шунингдек квартетлари, сонаталари (айниқса, скрипка ва гитара учун), якка гитара (жами 200 дан ортиқ) ва б. созларга мўлжалланган пьесалари чолғу музика тарихида муҳим аҳамиятга эга. П. нинг куйлари асосида Ф. Лист, И. Брамс, А. Казелла, С. Рахманинов, Л. Даллапиккола, В. Лютославский ва б. композиторлар мустақил асарлар яратган. 1954 йилдан Генуяда ҳар йили скрипкачиларнинг П. номидаги халқаро конкурси ўтказилади.

Ад.: Пальмин А. Г., Никколо Паганини, Л., 1962; Ямпольский И. М., Никколо Паганини, 2 изд., М., 1963.

ПАГОДА (португалча pagoda, санскритча бҳагават — муқаддас сўзидан) — Хитой, Корея, Япония, Вьетнам ва Узоқ Шарқдаги бошқа мамлакатларда диний ва мемориал будда иншооти. П. минорасимон, кўп қиррали ва кўп ярусли бўлиб, ичида буддизмга алоқадор «муқаддас» нарсалар сақланади. 1- асрларда Хитойда қурила бошлаган. Хитойда (Таньян, 10—11- аср) темирдан ясалган П. бор. Кореядаги П. лар аксарият тошдан ишланган. Японияда 7- асрда ёғочдан қурилган П. сақланиб қолган. 14- асрга келиб П. архитектураси тўла шаклланди. Унинг ташқи қиёфаси ўзига хос енгил ва хушбичим кўринишга эга бўлиб, ярус карнизлари ҳар хил ҳайкалчалар б-н безатилган.

ПАГО-ПАГО — Шарқий Самоа (АҚШнинг Тинч океандаги мустамлакаси)нинг маъмурий маркази. Тутуила оролида. Аҳолиси 2500 киши (1970). Денгиз порти (четга копра ва балиқ консервалари чиқарилади). Консерва корхоналари бор.

ПАГУОШ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ — тинчлик, қуролсизланиш ва халқаро хавфсизлик, инсониятни термоядро уруши хавфидан халос қилиш, илмий ҳамкорлик учун курашувчи турли мамлакат олимларининг халқаро учрашувлари. Конференцияни чақиришда жаҳонга машҳур бир гуруҳ олимлар, жумладан А. *Эйнштейн*, Ф. *Жолио-Кюри*, Б. *Рассел* ташаббус кўрсатганлар. 1955 йил улар дунёдаги барча олимларга мурожаат қилиб, атом энергиясидан ҳарбий мақсадда фойдаланишга қарши курашга чорладилар. 1957 йил 7 июлда АҚШнинг машҳур жамоат арбоби С. Итонининг актив ёрдами б-н унинг ватани Пагуошда (Канада; номи ҳам шундан олинган) биринчи Пагуош конференцияси чақирилди. Унга дунёдаги 10 мамлакатнинг 22 олими қатнашган. Шундан бошлаб ҳар йили 1—2 марта турли мамлакатларда П. к. чақирилади. СССРда 6- (1960 йил ноябрь-декабрда Москвада), 19- (1969 йил октябрда Сочида) П. к. бўлиб ўтган (1975). П. к. раҳбар органи — 5 мамлакат вакилидан иборат доимий Пагуош комитети. Унинг штаб-квартираси Лондон (Буюк Британия)да. П. к. да СССР олимлари фаол иштирок этади.

ПАДАНА ТЕКИСЛИГИ, Падана-Венеция текислиги — Италиянинг шимолий қисмидаги текислик. Альп ва Апеннин тоғлари б-н Адриатика денгизи оралиғида. П. т. усти қалин денгиз ва дарё жинслари б-н тўлган тектоник букилмадир. Узунлиги 500 *км* чамасида, эни 200 *км* гача. Ер юзаси, асосан, текис, баландлиги ғарбида 300—400 *м*. Текисликнинг марказий қисмидан По дарёси ва унинг қирмоқлари оқиб ўтади. Иқлими субтропик, айрим жойларида мўътадил иқлим. Январнинг ўртача т-раси 0—4°, июлники 22—24°. Йиллик ёғин 600—1000 *мм*. Тошқинлар бўлиб туради. Ўрмонлар қирқилиб ўрни экинзорга айлантирилган. П. т.— Италиянинг асосий саноат ва қ. х. р-ни. Асосий экинлари: буғдой, маккажўхори, шоли. Токзорлар ва мевали боғлар бор. П. т. да Милан, Турин, Венеция, Болонья шаҳарлари жойлашган.

ПА-ДЕ-КАЛЕ, Дувр бўғози — Европанинг материк қисми (Франция) б-н Буюк Британия ороли орасидаги бўғоз. Антропоген даврида қуруқликнинг чўкишидан вужудга келган. Энг камбар жойи (Дувр б-н Кале шаҳарлари ораси) 29 *км*, энг чуқур жойи 64 *м*. Энг йирик портлари: Дувр (Буюк Британия), Кале ва Булонь (Франция).

ПАДУЯ — Шимолий Италиядаги шаҳар. Венеция областида, Адриатика денгизига чиқиладиган канал бўйида. Падуя провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 231 минг киши (1971). Транспорт йўлларининг муҳим узели. Сунъий тола, ҳар хил машинасозлик (қ. х. машинасозлиги, моторсозлик ва ҳ. к.), электротехника, озиқ-овқат, пойабзал, мебель ва ёғочсозлик, қоғоз, полиграфия саноати корхоналари бор. П. да ҳар йили халқаро ярмарка ўтказилади. 12—15- асрларга оид архитектура ёдгорликлари (черков ва саройлар) сақланиб қолган. Ун-т (1222 йилдан), 3 йирик музей бор. П. мил. ав. 4- асрда тилга олинган. Уйғониш даврида рассомлик санъати юксалган марказлардан бири бўлган (Тициан ва б.). 1866 йилда Италия қироллигига қўшилгунга қадар турли давлатлар таркибида бўлиб келган.

ПАДУЯ МАКТАБИ — 14—16- асрлардаги философик оқим. Аристотелизм традицияларини *аверроизм* ғоялари талқинида ривожлантирган. Шимолий Италиянинг Падуя шаҳрида шаклланган. Бу оқимнинг тарқалиши Падуя ун-тининг проф. Пьетро д'Абано (13- аср охири — 14- аср боши) фаолияти б-н боғлиқ. П. м. нинг кейинги даврдаги баъзи вакилларининг философик фикрлари *томизм* ғояси таъсирида ривожланди. П. м. вакиллари учун ҳурфикрлилик элементлари хос бўлган. Улар икки ҳақиқат назариясини қабул қилиб, ўз тенденциясига кўра материалистик бўлган ва черков таълимоти б-н келиша олмайдиган қондаларни (мас., гносеологияда ўзига хос сенсуализм, инсон зотининг худо томонидан яратилмаганлиги ва инсониятнинг абадийлиги, инсон продасининг эркин эмаслиги ҳақидаги ва б. қондаларни) ривожлантирдилар. П. м. итальян философлари — Помпонацци, Бруно, Ванинига катта таъсир кўрсатди.

ПАЕК — ҳарбий хизматчи (баъзан махсус буйруқ б-н унинг оиласи) учун бир кеча-кундуз ёки бир ойга мўлжаллаб бериладиган муайян озиқ-овқат нормаси. Совет Армиясида П. фронт орқаси, ҳар хил қўшин турлари, даволаш муассасалари ва ҳарбий хизматчиларнинг турли тоифалари учун, уларнинг хизмат шароитларига қараб табақалаштирилган.

ПАЛЕНИГУМБАЗ — Самарқанд обл. Пахтачи р-ни Карл Маркс қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Зиёвуддиндан 15 *км*. Аҳолиси 434 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. Медпункт, мактаб бор.

ПАЙ — бириктирувчи тўқимадан иборат пишиқ тузилма. Мушаклар П. ёрдамида суякларга бирикади. П. шакли ва узунлиги ҳар хил; кўпинча, тизимча (мас., елканинг икки бошли мушаги пайи), лента (сонининг тўрт бошли мушаги пайи) ёки пластинка (қорининг сербар мушаги пайи) кўринишида бўлади. П. нинг мушакларга ёпишган учи мушак тўқимасига, суякларга ёпишган охири эса суяк тўқимасига маҳкам бирикган. П. шунчалик пишиқки, кўндаланг кесимининг 1 *мм*² и 10 *кг* юк кўтаради. П. суяк тўқимасига шунчалик маҳкам бирикканки, бирор шикаст етиши натижасида П. ҳаддан ташқари чўзилиб кетганда, одатда, суяк тўқимаси б-н бирга узилади. Баъзи П. лар, мас., бармоқларни букадиган узун мушаклар пайи канал (пай қини)да жойлашган. Узоқ вақт бўғимларни қимирлатмасликка мажбур бўлинганда (мас., синган суякни даволаш мақсадида) П. қисқариб, чандиқланиб қолиши мумкин. П. касалликларидан П. қинининг яллиғланиши (тендовагинит), П. *чўзилиши* ва узилиши кўпроқ учрайди. Пластик операция қилиб, П. ни чўзиш ва қисқартириш амалда қўлланилади.

ПАЙ — 1) бирор ширкат, акционерлик жамиятида иштирок этиш учун тўланадиган маблағ. Бундай жамиятлар иштирокчиси муайян мулкий ҳуқуққа эга бўлади; 2) СССРда кооперация ташкилотлари аъзоларининг, шунингдек турар жой қуриш ва б. кооператив аъзоларининг бадали. П. кооператив уставига мувофиқ, кооперация аъзоларининг умумий йиғилиши қарори б-н белгиланади.

ПАЙ ЧЎЗИЛИШИ — тўсатдан кескин, қалтис ҳаракат қилганда бўғимлардаги пайнинг чўзилиши. Бунда қон томирлари ёрилади, толалар узилади. Натижада пай тўқимасига қон қуйилади. Лекин бўғимдаги суякларга шикаст етмайди. Пайларда нерв учлари жуда кўп бўлганидан улар чўзилганда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, бўғим атрофи шишади, териси кўкаради, бўғимда ҳаракат қийинлашади. Қўпинча, болдир ва оёқ панжаси бўғими пайлари чўзилади. П. ч. га етарли аҳамият бермай врачга мурожаат қилинмаса, шикаст сурункали ҳолатга ўтиб, касаллик узоқ вақт беморни безовта қилади.


Давоси. Пайи чўзилган бўғимни эластик ёки оддий бинт б-н сиқиб боғлаб, бўғимга ором бериш, уни қимирлатмаслик керак. Баъзан оғриқни камайтириш учун гипсли лонгет қўйилади. Бўғимда қон тўпланишининг олдини олиш учун 1—2- кунлари бўғимга совуқ (муз) қўйиш керак. Сўнгра, аксинча, иссиқ қилинади: грелка, компресс, парафин қўйилади, массаж буюрилади, иссиқ ваннага туширилади.



Паганини Н.



Пагода. Нам-Динь. Тик- мак ибодат хонаси, Вьетнам.



ПАЙАРИҚ РАЙОНИ — Самарқанд областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Шимолдан Жиззах областининг Фориш р-ни, шимоли-ғарбдан Нурота р-ни, ғарбдан Иштихон р-ни, жанубдан Оқдарё ва Жомбой р-нлари, шимолишарқдан Жиззах областининг Ғаллаорол р-ни б-н чегарадош. Майдони 1,33 минг $км^2$. Аҳолиси 89 минг киши (1975). Р-нда 8 қ. С. (Бирлашган, Ленинизм, Наримонов, Ойтамғали, Оққўрғон, Саноат, Чоштепа, Қўлтусин), Челак шаҳар посёлкаси бор. Маркази — Наримоновка қишлоғи.

Табиати. Р-н территяси Нурота тоғи тизмаларининг жанубида жойлашган. Рельефи шимолда тоғлар, адирлар, тоғ ботиқлари, жанубий қисми текисликдан иборат. Денгиз сатҳидан баландлиги 610 *м*. Тупроқлари, асосан, оч бўз тупроқ, тоғ этакларида тўқ бўз тупроқ, жигар ранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ-шўра аралаш эфемерлар, буғдойиқ ва тоғ-чалачўл ўсимликлари ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўри, қуён, жайран, жайра, геккон калтакесаги, тошбақа, сариқ илон, эчкемар, кўрсичқон, типратикан, каламуш, сўфитўрғай, чумчуқ, чуғурчиқ, зарғалдоқ ва б. учрайди. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 13,4°, январининг ўртача т-раси —1,2°, июлники 27,0°. Максимал т-ра 45°, минимали —28°. Вегетация даври 196 кун. Йиллик ўртача ёғин миқдори 312 *мм*. Ёғин қишда ва баҳорда ёғади. Р-нининг шимолий қисмидаги тоғлардан оқиб тушадиган (ёзда қуриб қоладиган) кўп майда сойлар Сағаноқсойга бориб қуйилади. Жанубий текислик қисмидан Зарафшон дарёсининг ирмоқлари — Қорасув ва б. майда сойлар оқиб ўтади. Экинларни суғоришда Зарафшон ва б. дарё ҳамда сойлардан фойдаланилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, тожиклар, қозоқлар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$ га 67 киши.

Хўжалиги. Р-нда пахта тозалаш з-ди (Челак), к-злараро қурилиш ташкилоти, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, кондитер к-ти, лимонад цехи, сут-мой з-ди ва б. ишлаб турибди. Р-нда 12 к-з ва 3 с-з бор. Пахтачилик б-н бир қаторда дон етиштириш ва чорвачилик ҳам муҳим тармоқлардан. Қ. х. да фойдаланиладиган ерларининг 23,2 минг гектарига пахта, 30 минг *га* ерга дон экинлари, 0,8 минг *га* ерга картошка, сабзавот ва полиз экинлари, 9,1 минг *га* ерга ем-хашак экинлари экилади, 1,1 минг *га* ер мевазор, токзорлар ва тутзорлар б-н банд (1975). Р-н хўжаликларида 19,4 минг қорамол (шундан 5,3 минг сигир), 4000 чўчқа, 36,2 минг қўй ва эчки, 755 от бор (1975). Давлатга 70 минг *т* пахта, 7165 *т* галла (шундан 1214 *т* маккажўхори), 3415 *т* картошка ва сабзавот, 2225 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 6828 *т* сут, 1239 минг дона тухум, 138,8 *т* жун (1974), 198,8 *т* пилла, 15573 дона қоракўл тери (1975) сотилди.

Р-ндаги 64 умумий таълим мактабида 26,9 минг бола ўқийди (1974—75). 53 кутубхона, 26 клуб, 31 киноустановка ишлаб турибди. Самарқанд — Нариманов — Оққўрғон, Челак — Дальняя — Баҳори, Нариманов — Димитров — Челак — Қулбости ва Челак — Митан маршрутлари бўйлаб автобуслар қатнайди. Челак — Хатча — Митан ўртасида қаттиқ қопламали автомобиль йўли бор. Р-н «Коммунизм байроғи» газетаси 1932 йилдан бери чиқиб турибди (тиражи 8000 нусха). Р-ндаги 610 ўринли 8 касалхона, 67 медпункт, 3 туғруқхона, поликлиника ва амбулаторияларда 76 врач ва 415 ўрта медицина ходими ишлаб турибди (1975).

Совет Иттифоқи Қаҳрамони П. Нурмонов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Рўзимуродов шу р-ликдир.



Оқдарё соҳилларида.



1, 2. Наримоновка қишлоғидаги маданият уйи ва шифохона биноси.

ПАЙВАНД БИРИКМАЛАР — металл қисмларни *пайвандлаш* йўли б-н ҳосил қилинадиган бирикмалар. Учма-уч (1-расм, *а*), таврли (1-расм, *б*), устма-уст (1-расм, *в*), бурчакли (1-расм, *г*), тиқинли (1-расм, *д*), ўйма (1-расм, *е*) хиллари бор. П. б. нинг асосий қисми пайванд чок ҳисобланади. Чок кесимига металл тўлдириш даражасига қараб, нормал (2-расм, *а*), қабариқ (2-расм, *б*) ва ботиқ (2-расм, *в*) хилларга бўлинади. П. б. чоклари узлуксиз (2-расм, *г*) ва узлукли (2-расм, *д*) бўлади. П. б. мустаҳкамлиги асосан пайванд чокининг сифати б-н аниқланади. П. б. машинасозлик, қурилиш, автомобиль саноати ва техниканинг бошқа соҳаларида қўлланилади.

ПАЙВАНД ТРУБАЛАР, пайванд чокли трубалар — пўлат лист ёки лентани труба шаклида букиб учма-уч ва устма-уст *пайвандлаш* йўли б-н тайёрланадиган трубалар. Электр пайванд, газ пайванд ва печь пайванд усуллари б-н тайёрланади. Электр пайвандининг қаршиликли ва ёйли хиллари бор. Газ пайвандда металл полосани станокда труба шаклида букиб, ацетилен-кислород горелкасида қиздирилади. Печь пайвандда металл полосани печда қиздириб, труба шаклига келтирувчи махсус воронкадан тортиб ўтказилади (расмга қ.). П. т., асосан, газопроводлар учун ишлатилади.

ПАЙВАНДЛАШ (қишлоқ хўжалигида) — бир ўсимликка иккинчи ўсимликнинг қаламчаси ёки куртагини улаш. Пайванд қилинадиган ўсимлик *пайвандтаг*, уланадигани *пайвандуст* дейилади. Мевачиликда П. вегетатив кўпайтиришнинг асосий усули ҳисобланади. П. пайвандланаётган ўсимликнинг нав хусусиятини мустаҳкамлаш ва сақлаш; хўжалик кўрсаткичлари паст навларни, аъло сифатли, совуққа, зараркунанда ва касалликларга чидамли навлар б-н алмаштириш; гуллаши ва мева тугишини жадаллаштириш; ўсимликнинг манзарали ва илашувчи формаларини яратиш каби мақсадларда қўлланилади.

П. нинг икки усули (куртак ва қаламча пайванд)дан кўп фойдаланилади. Куртак пайвандда пайвандтагга битта куртак, қаламча пайвандда 2—3 куртакли қаламча уланади. Куртак пайванд июль охиридан сент. ўртасигача ўтказилади. Куртак пайванд қилишдан 4—5 кун олдин кўчатзор суғорилади, пайвандтаг илдиз бўғзидан 15—20 *см* гача барча ён шохлар олиб ташланиб, ҳўл латта б-н тозаланади. Куртаклар ҳосилга кирган, нав хусусияти яхши, соғлом дарахтларнинг кун салқин вақтида кесилган қаламчаларидан олинади. Қаламчадаги барглар 0,5—1 *см* банд қолдириб кесилади. Тайёр қаламчалар П. вақтигача ҳўл чипта, похол кабиларга ўралиб, салқин жойда сақланади.

П. техникаси: пайвандтаг пўстлоғи ёғочлик қисмигача 3 *см* узунликда «Т» шаклида П. пичоғи б-н тилинади, сўнгра пўстлоқ сал очилади, бу жойга бир оз ёғочлик қисми б-н кесиб олинган куртак ўрнатилади ва чипта, полиэтилен плёнка б-н боғланади (расмга қ.). П. иши тугагач, участка қондириб суғорилади. Уланган куртаклар 15—16 кунда тутади. Тутган куртакдаги барг банди тушган бўлади ёки бармоқ б-н сал тегилса, тушиб кетади; тутмаганда барг банди қуриб, куртак пўстлоғи буришиб қолади. Бундай ҳолда пайвандтагнинг қарама-қарши томонидан қайта пайвандланади. Пайванд тутиб кетгач, куртак уланган жойдан юқориси эрта кўкламда кесиб ташланади. Пайванд ҳам куртак пайвандга киради, бу усулда, асосан, ёнғоқ, анжир, пекан пайвандланади.


Қаламча пайванд, асосан, баҳорда қўлланилади. Бир қанча хиллари бор: оддий ва тилчали қаламча пайванд, қўндирма пайванд, пўстлоқ остига П., искана пайванд, ёнбошига П., кўприксимон П. ва ҳ. к. Оддий қаламча пайвандда пайвандтаг ва пайвандуст бир хил йўғонликда бўлиши керак. Уларнинг ҳар бири 3—4 *см* узунликда қия кесилади. Кесилган юзалари бир-бирига жуда мос келиши керак, пайвандтаг ва пайвандуст зич боғланиб, устидан боғ малҳами суртиб қўйилади. Тилчали қаламча пайвандда қаламча кесилган жойининг $^1/_3$ қисмида тилча ҳосил қилинади, сўнг қаламча б-н пайвандтаг тилчаларини бир-бирига тушириб, зич боғланади ва боғ малҳами суртилади. Бу П., асосан, кўкламда куртаклар ёзилгунча қилинади.

Искана (ёрма) пайвандда пайванд қилинадиган дарахт ёки унинг шохи кўндаланг кесилади. Кесилган жойи силлиқланиб, махсус пичоқ ёки искана б-н ўртасидан ёрилади. 3—4 куртакли қаламча ҳар икки томонидан кертиб йўнилади. Пайвандтаг ёриғига қаламча ўрнатилиб (камбий қатлам бир-бирига тўғри келсин), зич боғланади ва боғ малҳами суртилади (2-расмга қ.).

Қўндирма пайванд пайвандтаг пайвандустдан йўғонроқ бўлганда қўлланилади. Бундай П. да қаламча ўрнатиладиган томонидан сал қия, кўпинча, тилчали ёки эгарчасимон қилиб кесилади. Қаламчадаги кесик пайвандтаг кесигига мос тушиши керак. Зич боғлаб, боғ малҳами суртиб қўйилади (3-расмга қ.).


Пўстлоқ остига. П. да пайвандтаг кўндалангига кесилади, пўстлоғи узунасига тилинади. 3—4 куртакли қаламчанинг пастки томони кесилиб, тилинган пўстлоқ остига ўрнатилади. Бундай П. апрель-майда қилинади.

Кўприксимон П. дарахт пўстлоғи қаттиқ шикастланганда қўлланилади. Шикастланган жойдан ошадиган узунликда қаламча тайёрланади. Шикастланган пўстлоқнинг пастки ва юқориги қисми тозаланади, узунасига тилиниб, қаламчалар ўрнатилади. Уланган қаламчалар кўприкка ўхшаб кўтарилиб туради (4-расмга қ.). Бундай П. апрель-майда қилинади.




Пайванд бирикмалар. *1*-расм. Пайванд бирикмаларнинг хиллари.


2-расм. Пайванд бирикма чокларининг хиллари.




Трубани махсус воронкадан тортиб ўтказиб пайвандлаш.




Пайвандлаш. *1*-расм. Куртак пайванд: *1*—пайвандлаш учун куртаги олинадиган тайёр қаламча; *2, 3*—куртакни бир оз ёғочлик қисми б-н кесиб олиш; *4*—пайвандтаг пўстлоғини кесиш; *5, 6*—куртакни ўрнатиш; *7*—боғлаш.




4-расм. Кўприксимон пайванд.




3-расм. Қўндирма пайванд: чапда—тилчали; ўнгда—эгарчасимон.



2-расм. Искана пайванд.



Пайвандлаш. 1- расм. Н. Н. Бенардос усули б-н пайвандлаш схемаси: *1*—кўмир электрод; 2—пайванд ланадиган деталь; *3*—эриб тўлдирадиган металл.




2- расм. Газ-пресс пайвандлаш схемаси.

Ад.: Мирзаев М. М., Темуров Ш., Богбонларга эсдалик, Т., 1974.

ПАЙВАНДЛАШ (техникада) — қаттиқ материаллар (металлар, шиша, пластмасса ва б.) ни ажралмас қилиб бириктириш усули.

Металларни пайвандлаш қадимдан маълум. 1882-йилгача босим остида П. нинг темирчилик усулидан фойдаланилган. 1882—84 йилларда рус ихтирочиси Н. Н. *Бенардос* биринчи марта металларни кўмир электроддан фойдаланиб П. (электр ёй) усулини топган (1-расм). 1888—90 йилларда рус инженери Н. Г. Славянов буни такомиллаштириб, кўмир электрод ўрнига металл электрод ишлатган. 1895 йилда *ацетилен* топилгандан кейин Э. Фуше газ пайвандини ихтиро қилди. Маълумки, ўтказгичлардан электр токи ўтганда контактлар қизийди. Шу ҳодисага асосланиб, америкалик олим Э. Томсон 1877 йилда қаршиликли учма-уч П., кейинчалик Н. Н. Бенардос нуқтавий контакт П. усулини ихтиро қилди. 1894—1910 йилларда термит ёрдамида П. усули ривожланган. Бунда алюминий ва темир оксидидан иборат термит кукуни ёниб, экзотермик реакция юз бериши ҳисобига П. содир бўлади. СССРда 1920 йилдан бошлаб электр П. б-н шуғулланилган. Уша йиллари Узоқ Шарқдаги кемасозлик з-дида проф. В. П. Вологдин электр П. усулида кўприклар, шатакчи катерлар, фермалар ва б. ни пайвандлади. 1924—25 йилларда проф. В. П. Никитин бошчилигида биринчи П. машинаси — СМ-1 яратилди. 1940 йилда Украина ФА Электр пайванд ин-тида акад. Е. О. *Патон* бошчилигида *флюс* остида автоматик электр ёй П. усули, кейинчалик Б. Е. *Патон* бошчилигида электр шлакли П. усули ишлаб чиқилди.

Босим остида П. да металлни пластик ҳолатга келтириб бириктирилади; бириктириладиган жойга ташқи куч таъсир эттирилади. Бундай П. нинг механик, кимёвий-механик ва электромеханик усуллари бор. Механик (совуқлайин) П. да металлнинг пайвандланадиган жойи тозаланади ва махсус штамп ёрдамида бу жойга анча катта сиқувчи куч таъсир эттирилади. Доира ёки тўғри тўртбурчак шаклидаги *пуансон* б-н сиқилганда металлда пластик деформация ҳосил бўлади; металл зичлашади ва доначалари майдалашади. Алюминий ва унинг қотишмалари, мис, никель, рух, алюминий-мис қотишмаларидан тайёрланган буюмлар шу усулда пайвандланади. Кимёвий-механик усул темирчилик, газ-пресс ва термит хилларга бўлинади. Темирчилик усулида металлнинг пайвандланадиган жойи юмшагунча қиздирилиб, болғаланади ёки пресс б-н қисилади. Металл сиртида тўла пайвандланишга қаршилик кўрсатадиган оксид қатлами ҳосил бўлади. Уни йўқотиш учун кукун ёки паста кўринишидаги флюсдан фойдаланилади. П. вақтида флюс эриб, металл сиртини оксидланишдан сақлайдиган юпқа тошқол қатлами қоплайди. Пўлат поковкалар ва б. шу усулда пайвандланади. Газ-пресс усулида бириктириладиган металл қисмлар учма-уч келтирилиб, шу жой газ горелкаси алангасида қиздирилади, сўнгра махсус мослама б-н сиқилади (2-расм). Одатда, ёқилғи сифатида ацетилен ишлатилади. Бу усул б-н пўлат, латунь, мис, алюминий қотишмаларидан тайёрланган буюмлар пайвандланади. Термит усулда металл термитда кимёвий реакцияга киришиши натижасида қизиб бирикади. Бундай П. бир неча секундгина давом этади. Электромеханик (контакт) П. да металл электр токи б-н қиздирилади ва механик куч таъсирида сиқилади. У нуқтавий (3-расм), роликли (4-расм) ва импульсли хилларга бўлинади. Электромеханик П. да ҳаводаги кислороднинг таъсир даври жуда қисқалигидан оксид қатлами ҳосил бўлмайди, шунинг учун бу усулда флюс ишлатилмайди (қ. *Контакт пайванд*).



3- расм. Нуқтавий контакт пайвандлаш схемаси: *а*—пайвандланадиган буюмни электродлар орасига сиқиб; *б*—бир нуқтавий; *в*—икки нуқтавий; *г*—рельефли усуллари.

Эритиб П. да бирор иссиқлик манбаи таъсирида буюмнинг пайвандланадиган жойлари ва пайванд чивиқ (агар у ишлатилса) суюқланиш ҳолатига келтирилади. Бу усулнинг кимёвий, электр-кимёвий ва электр ёй усуллари бор. Кимёвий усул газ ва термит хилларга бўлинади. П. вақтида содир бўладиган оксидланиш реакцияси чок металларининг таркибий элементларини куйдиради, натижада металлнинг кимёвий таркиби ўзгаради ва пайванд бирикманинг механик хоссалари пасаяди. Шунинг учун П. техникасида эритиб ёпиштириладиган металлдаги фойдали аралашмаларни куйишдан, унга азот ва кислород киришидан сақлайдиган пайванд бирикмалар ҳосил қилишнинг янги метод ва режимлари изланмоқда. Мас., газ пайвандда буюмларнинг пайвандланиш хусусиятини яхшилайдиган ва уларни атрофдаги муҳит таъсиридан сақлайдиган турли флюслар ёки махсус қопламалардан ва газ ҳимоя усулларидан фойдаланилади. Термит усулда деталларнинг бириктириладиган сиртини суюқлантириб, термит металл б-н яхлит қуйма чок ҳосил қилинади (қ. *Термит пайванд*).

Электр кимёвий усулда П. зонаси (буюм б-н электрод орасида ёнадиган ёй) водород б-н, баъзан, водород ва углерод оксиди аралашмаси б-н ёки азот ва водород аралашмаси б-н ўралади; натижада эритиб ёпиштириладиган металл атрофдаги муҳитнинг кимёвий таъсиридан сақланади. Сўнгги вақтларда П. зонасини аргон, гелий ёки карбонат ангидрид гази б-н ҳимоя қилиш усули кенг қўлланилмоқда. Электр ёй б-н П. да буюмларнинг пайвандланадиган жойлари электр ёйи б-н эритиб бириктирилади. Бу усул эрувчан электродли ва эримайдиган электродли хилларга бўлинади. Бундай П. қўлда ва автоматик (5- расм) тарзда бажарилади. Эрувчан электрод б-н П. да буюм сиртида суюқ металл «ванна»си ҳосил бўлади. Электрод метали электр ёйида эриб, ванна *2* га томчилаб туради. Бунда электрод метали буюмнинг суюқланган металига аралашади. Ванна қотиб, чок ҳосил бўлади. Электр ёй б-ночиқ ёй ҳосил қилиб П. да ишлатиладиган электрод диаметри 0,8—12 *мм* ли думалоқ металл чивиқдан иборат. Унинг сиртига махсус қоплама қопланган. Бу қоплама чивиқ б-н бирга эриб, суюқ металл (ванна) сиртини юпқа қатлам б-н қоплайди. Электр ёй б-н берк ёй ҳосил қилиб П. да яланғоч электроддан фойдаланилади. Бунда П. сочилувчан флюс қатлами остида бажарилиб, ёй кўзга кўринмайди. Эримайдиган электрод б-н П. да кўмир электрод ишлатилади. Суюқ металл «ванна»си флюс, ёй зонасига нейтрал газ (аргон, гелий) ёки актив газ (карбонат ангидрид, водород) юбориш йўли б-н ҳаво таъсиридан сақланади. Электр ёй усули металл ва уларнинг қотишмалари, шиша, чинни, базъи пластмассалар, турли минераллар ва б. ни бириктиришда қўлланилади.

Булардан ташқари, юқори частотали ток ва электрон нур ёрдамида П. усуллари кашф қилинган. Сув остида П. (мас., кемаларнинг тагини ремонт қилиш), космосда П. (мас., космик станцияларни космосда монтаж қилиш) усуллари такомиллаштирилмоқда. 1969 йил 11 октябрда учирилган «Союз-6» космик кемасида (кема командири Г. С. *Шонин*, бортинженер В. Н. *Кубасов*) юқори вакуум ва вазнсизлик шароитида турли металларни П. усуллари текширib кўрилди. Ҳозир лазер нурлари ёрдамида П. усуллари ишлаб чиқилмоқда.

ПАЙВАНДТАҒ — *пайвандуст* пайванд қилинадиган ўсимлик ёки унинг қисмлари. Пайванд қилинган ўсимлик илдиз системаси мевали дарахт фундаментини ташкил этади. П. кўпайтириш усули, келиб чиқиши, ўсиш кучига қараб фарқланади. Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон шароитида П. сифатида олма учун сиверса ва туркман олмаларининг уруғкўчати, вегетатив кўпаядиган олмаларнинг ЕМ II, ЕМ IV, ЕМ V, ЕМ IX, ММ 104, ММ 106 типлари ва ҳ. к. лардан; нок учун ўрмон ва жайдари нок уруғкўчати, беҳи ва б. дан; ўрик учун жайдари ўрик; шафтоли учун унинг жайдари формалари ва оқ шафтолидан; гилос ва олча учун уларнинг барча турлари ва камхастакдан; олхўри учун тоғолчанинг уруғ кўчатларидан фойдаланилади.

Ад.: Рибаков А. А., Остроухова С. А., Узбекистон мевачилиги, Т., 1967; Трусевич Г. В., Подвои плодовых пород, М., 1964.

ПАЙВАНДУСТ — 1) *пайвандтаға* уланадиган қаламча ёки куртак; 2) уланган қаламча ёки куртакдан ўсиб чиққан ўсимликнинг ер устки қисми. П. навдор, соғлом, ҳосилдор, турли ноқулай шароитларга чидамли ўсимликлардан олинади. П. мазкур ўсимлик хусусиятлари ва б. белгиларини деярли тўла сақлайди.

ПАЙЗА, пайдза, пайзе — мўғул хонлари томонидан бирор топшириқ б-н юборилган шахсга берилган расмий ҳужжат. Тарихчи Рашиддиннинг ёзишича, Чингизхон ва унинг ворислари — Ўқтой (1229—1241) ва Гуюк даври (1246—1248) да Чингизхон хонадонининг аъзолари феодал ва савдогарларга П. тақдим қилган. П. тилла, кумуш, жез ёки ёғочдан қилинган (тахтача шаклида) бўлиб, маҳаллий аҳоли уни кўрсатган кишини озиқ-овқат, турар жой, отини ем-хашак б-н таъминлашга мажбур бўлган. Шунингдек, П. гувоҳнома ҳамда рухсатнома вазифасини ҳам ўтаган. Археологлар П. нинг бир неча нусхаларини СССР, ХХР ва МХР терр-ясида топган (яна қ. *Ерлиқ*).

ПАЙКАЛ — сугориладиган даланинг бир қисми; шоликорликда пол.

ПАЙКАЛ ЕРИ — қишлоқ жамоасига хос бўлган ерга эгалик қилиш формаси. П. е. қишлоқ жамоасига қарашли мулкдан жамоанинг умумий йиғилиши қарорига кўра, деҳқонлар бирлашмасига ажратиб берилган. Ўрта Осиёнинг айрим р-ларида Октябрь рев-ясидан аввал мавжуд бўлган. П. е. га деҳқонлар биргаликда ишлов беришган, олинган ҳосилдан энг аввал солиқлар чегирилган, қолган қисми пайкал ишторокчилари ўртасида тенг тақсимланган. П. е. ни сугориш кўп меҳнат талаб қилган, шунга кўра, унда хўжалик юритиш учун бир неча деҳқон оиласи биргаликда меҳнат қилган. Маълумотларга кўра, Бухоро амирлигининг Қашқадарёдаги Майманак қишлоғида 1918 йилда 64 П. е. бўлиб, унинг ҳар бирида 6—9 деҳқон хўжалиги бирлашган. Ҳар бир пайкалнинг оқсоқоли пайкалбоши деб аталган. П. е. жамоа ери сифатида хусусий мулк бўлган ерлар б-н ёнма-ён турар эди. Ҳар бир пайкалда, умумий ердан ташқари, хусусий мулк ҳисобланган алоҳида ерлар бўлиб, улар ҳаёт ери деб юритилган. П. е. емирилаётган қишлоқ жамоасига хос эди. У деҳқончиликни юксалтириш талабига жавоб бера олмас эди, жамоа ери ҳар йили қайтадан пайкалларга бўлингани ва уларни ишловчилар ўзгариб турган учун деҳқонлар П. е. шароитини яхшилашга интилмаган. Агар Ўзбекистоннинг гоят кам ривожланган р-ларида П. е. жамоа мулкчилигининг реал ифодаси бўлса, товар-пул муносабатлари ва хусусий ер мулки ривожланган р-ларда у анъанавий ном бўлган, холос. Айрим кишиларга қарашли ер майдони ҳам эскичасига пайкал деб аталаверган.

ПАЙКОН — камон ва найзага қадаладиган уч. П. тош асрининг *мезолит, неолит* даврларида ва бронза асрида чақмоқ тошдан (баъзан суякдан) ясалган. Бронзадан ясалган П. темир асрининг дастлабки даврларида кенг тарқалган. Ўрта асрларда П. темирдан ясалган.

ПАЙ НАМ СЕБ (1908, Приморье ўлкаси, Посьет р-ни) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1941 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Оққўрғон р-н МТСда ва Димитров номли к-зда механизатор (1937—72). П. ишлаган 398 *га* ернинг гектаридан 76,3 ц каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1972 йилдан пенсионер.



Пай Нам Себ.


ПАЙНОБ — Андижон обл. Пахтаобод р-ни Уйғур қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксойдан 3 *км*. Аҳолиси 589 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Пахтаобод каналидан сув ичади.

ПАЙПАСЛАГИЧ — *ковакичлилар, моллюскалар, мшанкалар, елка оёқлилар* ва б. нинг ҳаракатчан тана ўсимтаси. П. тананинг олдинги қисмига, кўпинча оғиз теварагига жойлашган бўлиб, сезиш, нафас олиш ҳамда овқатни тутиш вазифасини бажаради.

ПАЙПАСЛАГИЧЛИЛАР (Tentaculata) — 1) ковакичли ҳайвонлар — тароқлилар кенжа синфи; 2) баъзи зоологлар фикрича, *мшанкалар, форонидлар* ва *елка оёқлилар*ни, бошқа олимлар фикрича эса фақат мшанкалар б-н форонидларни бирлаштирадиган группа.

ПАЙРОВ — ўзбек халқ ижоди турларидан, *аския*нинг оммавий усули. П. нинг «Тутал», «Афсона», «Баҳри байт», «Сафсата», «Раббия», «Қофия», «Радиф» каби қадимий ва «Пахтачилик», «Паррандачилик», «Богбончилик», «Чавандозлик», «Ухшатдим», «Бўлаcизми», «Гулмисиз, райҳонмисиз, жанбулмисиз?» сингари замонавий усуллари кенг тарқалган. П. лар орқали ҳаётимиздаги айрим иллатлар ва нуқсонлар танқид қилинади.

4- расм. Роликли контакт пайвандлаш схемаси: *1*—бириктириладиган деталь; *2*—ролик; *3*—трансформатор.



5- расм. Флюс остида электр ёй пайвандлаш схемаси.



Пайкон. Неолит, бронза ва темир даврига оид пайконлар.



Пак. А. И.



Пак В.



Пак И. А.



Пак Гван Ок.

ПАЙСА — қадимги оғирлик бирлиги. Ҳар жойда ҳар хил ишлатилган. Мас., Хўжанд, Наманган, Қўқон, Фарғонада 1 П.— 25,6 *г*, Косонда 1 П.— 31,85 *г*, Тошкентда 1 П.— 33,2 *г* бўлган. Ҳозир ишлатилмайди.

Ад.: Турдиев М., Етти ўлчаб бир кес, Т., 1974.

ПАЙСА — тернинг қавариши. Тез пайдо бўлиб, бир неча соат ёки бир неча кундан сўнг йўқолиб кетади, П. бўлган жой қичишади ва ачишади. Қичитқи ўт куйдириши, чивин ва б. қон сўрувчи ҳашаротлар чақиши, баъзи озиқ моддалар ва дориларга нисбатан сезувчанликнинг юқори бўлиши (қ. *Аллергия*), моддалар алмашинувининг бузилиши натижасида пайдо бўлади.

ПАЙ-ХОЙ — Қутбий Уралнинг шимолий қисмидан Югорский Шар бўғозигача чўзилган тоғ кряжи. Узунлиги 200 *км*. Энг баланд нуқтаси 467 *м* (Мореиз тоғи). Кристалли сланец, қумтош, мергель, оҳактошдан таркиб топган. Ён бағирлари тундра ўсимликлари б-н қопланган.

ПАЙШАНБА (форс-тож. پنجشنبه–беш ва *шанба*) — ҳафтанинг тўртинчи куни (қ. *Ҳафта*).

ПАЙШАНБА — Самарқанд обл. Қаттақўрғон р-ни Гирдиқўрғон қ. С. даги қишлоқ. Тельман номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Қаттақўрғондан 15 *км*. Аҳолиси 7920 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. 3 ўрта мактаб, интернат мактаб, пионерлар лагери, 2 болалар боғчаси, колхозлараро қурилиш бошқармаси, р-н касалхонаси, р-н маиший хизмат к-ти, райпромкомбинат, маданият уйи, алоқа бўлими, кинотеатр, дорихона, пионерлар уйи, касалхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПАЙШАНБАЛИК — *эски мактаб*да ҳафтанинг ҳар пайшанба куни ўқувчилар домлага олиб келадиган назр-ниёз (пул, нон, озиқ-овқат ва ш. к.).

ПАЙШАНБАСИЁБ — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Тайлоқ қ. С. даги қишлоқ. «22- партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 22 *км*. Аҳолиси 1059 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қорасув дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, к-з идораси, болалар боғчаси, пионерлар лагери, медпункт, кутубхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПАЙҒАМБАР (форс-тож. پیغام — хабар ва بردن — келтирмоқ, олиб келмоқ) — илоҳий кучлардан ваҳий (фармойиш, илоҳий кўрсатма) олган, деб эътиқод қилинадиган шахсларнинг умумий номи. Худонинг ердаги вакили, «элчиси» ҳам ҳисобланади. П. ларга эътиқод қилиш барча динларга хос. Яҳудий, христиан, ислом динларида муқаддас ҳисобланган *Библия, Талмуд, Қуръон*да юзлаб П. лар ҳақида ривоятлар келтирилган. Исломда эътироф этилган кўп П. лар — Нуҳ (Ной), Иброҳим (Авраам), Исҳоқ (Исаак), Яъқуб (Иаков), Юнус (Иона), Айюб (Иов), Яҳъё (Иоанн), Зикриё (Закарий) ва б. ҳақидаги ривоятлар Таврот ва Инжилдан Қуръонга ўтган. Уларнинг асосий кўпчилиги афсонавий, лекин пайғамбарлаштирилган тарихий шахслар ҳам учрайди (мас., Довуд, Сулаймон, Муҳаммад, Искандар Зулқарнайн ва ҳ. к.). П. лар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши қадимги даврларга хос ижтимоий-тарихий ва ғоявий муҳит б-н боғлиқ. Тарихда мавжуд тузум ва ғоявий муҳитга оппозицион тарғибот б-н майдонга чиққан шахслар (хусусан мил. ав. ва милоднинг дастлабки асрларида), кўпинча, ўзларини П. деб эълон қилганлар. Бирмунча афсонавий П. лар (хусусан, Иброҳим, Мусо, Исо ва б.) ҳақидаги тасаввурлар ҳам ана шундай шахсларнинг умумлаштирилган образи сифатида шаклланган. Тарихда халқ қўзғолонларига бошчилик қилган баъзи шахслар ҳам ўзини П. деб эълон қилган (мас., Эронда Боб, Суданда Маҳдий ва б.). Лекин П. лик даъво қилган шахслар кишиларни охиратдаги бахт-саодатга умид боғлатиб, реал ҳаётдан четга тортган, бу йўлда тарғибот олиб бориб, тарихда реакцион роль ўйнаган.

ПАК (ингл. раск) — қутб ҳавзаларидаги кўп йиллик денгиз музи. П. бир текис қалинликдаги (3—5 *м*) мустаҳкам муз далаларидан иборат.

ПАК Андрей Инсунович (1926. 29. 9, Приморье ўлкаси, Черниговка ш.) — геолог олим, Ленин мукофоти лауреати (1959). 1953 йилдан КПСС аъзоси. 1951 йилда УзДУни тамомлагач, Тошкентдаги Краснохолм экспедициясида геолог (1952), катта геолог (1953—55) ва бош геолог (1956—67). 1965 йили геология-минералогия фанлари кандидати илмий даражасини олган. 1967 йилдан УзССР ФА Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика ин-тида катта илмий ходим. Илмий ишлари нодир элементлар геологияси, геохимияси ва уларнинг пайдо бўлишига бағишланган. Меҳнат Қизил Байрок ордени б-н тақдирланган (1962). Нодир минерал хом ашё конини топишда қатнашганлиги учун Ленин мукофотига сазовор бўлган.

ПАК Валентин (1923, Узоқ Шарқ ўлкаси) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). Тошкент обл. Юқори Чирчиқ р-нидаги Свердлов номли к-зда колхозчи, звено ва бригада бошлиғи (1945 йилдан). П. бошлиқ звенода 9,1 *га* ернинг гектаридан 115,8 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950), Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАК Иван Афанасьевич (1912, Приморье ўлкаси) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1947 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Оққўрғон р-нидаги Киров номли к-зда звено ва бригада бошлиғи (1937—67). П. бошлиқ бригадада 12 *га* ернинг гектаридан 102,2 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). УзКП 16- съезди делегати. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган. 1968 йилдан пенсионер.

ПАКА (Cuniculus paca) — кемирувчилар туркумига мансуб ҳайвон. Гавдаси 60—75 *см*, қисқа думли. Узун мўйлови бор. Америка тропик ўрмонларида тарқалган. Тунги ҳайвон. Ўткир тишлари ва бақувват тирноқли оёқлари ёрдамида ерни қазиб, уя ясайди. Ўсимлик илдизи, барги ва меваси б-н озиқланади. Овланади.

ПАКАНА — Фарғона обл. Қува р-ни Мўён қ. С. даги қишлоқ. «Мўён» с-зи терр-ясида. Қувасой ш. ва Қувасой т. й. станциясидан 9 *км*. Аҳолиси 617 киши (1971); боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Исфайрамсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, клуб бор.

ПАКАНА УСИМЛИКЛАР, паст бўйли дарахтлар — ҳар бир тур ёки уруққа мансуб анормал, паст бўйли ўсимликлар. П. ўт., мас., оқ қайин, қарағай, тол, қорақарағай каби ҳар хил ўсимликларнинг ўсишида ташқи муҳитнинг таъсири натижасида пайдо бўлади. Бундай П. ларнинг пайдо бўлишида ирсий омиллар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ёввойи ҳолда ўсадиган П. ларнинг кўпчилиги ҳосилдор эмас. Ҳосилдор П. лар ҳосил берадиган дарахтларнинг ўсишини секинлаштириш, ҳосилини кўпайтириш ва ҳосилини олишни осонлаштириш мақсадида ўстирилади. Мас., олма, нок, шафтоли, олча, гилос, ўрик, беҳи, анжир, хурмо, цитрус, ёнғоқ, бодом, зайтун, чой, кофе, какао, ток, малина, смородина, крыжовник, ежевика, ананас, банан, финик, ананасли гуллар, атиргул, хризантема, гвоздика, гортензия, фикус, пальма, кактус, сансевиерия, хлорофитум, аспарагус, аралия, драцена, монстера, филодендрон, диффенбахия, плющ, пеларгония, бегония, фуксия, цинерария, примула, цикламен, гиацинт, нарцисс, лола, ирис, гладиолус, калла, фрезия, тюльпан, крокус, шафран, ранункулюс, анемон, эремурус, эустома, гербера, гелиотроп, ясмин, лимонарик, ранний, ирга, чубушник, форзиция, сирень, спирея, вейгела, калина, жасмин, барбарис, облепиха, шиповник, ялпиз, розмарин, лаванда, шалфей, эвкалипт, лимонник, актинидия, виноград, глициния, кампсис, ипомея, ломонос, плетистый розалар ва б. ўсимликлар П. ларга мисол бўлади.

Ад.: Рибаков А. А., Остроухова С. А., Ўзбекистон мевачилиги, Т., 1967.

ПАКАНАЛИК, миттилик, нанизм — бўйнинг ҳаддан ташқари паст (эркакларда 130 *см* дан, аёлларда 120 *см* дан паст) бўлиши. Асосан, ички секреция безлари нуқсони сабаб бўлади. П. шартли равишда пропорционал ва нопропорционал П. ка бўлинади. Пропорционал П. ка гипофизар, тиреоген, инфантиль П. (қ. *Инфантилизм*) ва бош мия касаллиги (энцефалит, истиско) оқибатида келиб чиққан П. киради. Гипофизнинг олдинги бўлаги (ёки *гипоталамус*) зарарланиши, ўсма, инфекция, *интоксикация*, шикастлар натижасида пайдо бўлган гипофизар П. да ақл-ҳуш нормал бўлса ҳам, гавда болалар гавдасига ўхшайди, жинсий безлар ривожланмайди, кўпинча ёғ босади, юзга ажин тушиб, қаримсиқ кўринади. Қалқонсимон без зарарланиши оқибатида келиб чиққан тиреоген П. да суякланиш, моддалар алмашинуви жараёни бузилади, паканалар териси қуруқ, ақли паст бўлади. Скелетнинг анча ўзгариши натижасида пайдо бўлган рахитик П., хондродистрофия (тоғай ҳосил бўлишининг туғма бузилиши) даги П., суякларнинг системали касаллигидаги П. нопропорционал П. ка киради.

П. белгилари кўрина бошлаши биланоқ мутахассис врачга мурожаат қилиш керак.

ПАКАНДИ — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Чироқчи қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғдан 20 *км*. Аҳолиси 2051 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. Урта мактаб бор.

ПАК ГВАН ОК (1922, Хабаровск ўлкаси) — шоликор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1948). Тошкент обл. Қуйи Чирчиқ р-нидаги «Заря коммунизма» к-зида колхозчи (1941—46), звено бошлиғи (1948 йилдан). У бошлиқ звено 5 *га* ернинг ҳар гектаридан 86,6 *ц* дан шоли етиштирган (1948). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАК ДЕН АЙ (1907) — Корея снёсий ва жамоат арбоби. 30- йиллардан бошлаб революцион ҳаракатда қатнашган. 1935 ва 1944 йиллари японлар томонидан қамалган. 1945—46 йиллари Шимолий Корея Компартияси МҚ аъзоси. 1946—70 йиллари Корея Меҳнат партияси (КМП) МҚ аъзоси. 1946—48 йилларда КМП МҚнинг хотин-қизлар бўлими мудири, 1948—72 йиллари КХДР Олий халқ кенгаши (ОХК) депутати, 1948—71 йиллари КХДР ОХК Президиуми аъзоси. 1950—53 йиллари КМП МҚ секретари, 1953—61 йиллари КМП МҚ раиси ўринбосари, 1951—70 йиллари КМП МҚ снёсий комитети аъзоси, 1960—62 йиллари КХДР Қ. х. министри. 1962—71 йиллари КХДР ОХК Президиуми раиси ўринбосари. «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти лауреати (1951).

ПАК ДИН СЕБ (1921, Узоқ Шарқ ўлкаси) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1948 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Юқори Чирчиқ р-нидаги Свердлов номли к-зда колхозчи, звено ва бригада бошлиғи (1941 йилдан). П. бошлиқ звенода 9 *га* ернинг гектаридан 114,1 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАК ДЮН ГЕР (1913, Приморье ўлкаси) — лубкор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). Тошкент обл. Оққўрғон р-нидаги Димитров номли к-зда колхозчи, звено бошлиғи, механизатор (1937—70). П. бошлиқ звенода 12 *га* ернинг гектаридан 99,5 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1971 йилдан пенсионер.

ПАК ИН БОК (1922, Приморье ўлкаси—1972, Тошкент обл.) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). Тошкент обл. Оққўрғон р-нидаги Димитров номли к-зда колхозчи, звено бошлиғи (1939—67). Звенода 4,3 *га* майдоннинг ҳар гектаридан 100,4 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган. 1968 йилдан касаллиги туфайли пенсияда бўлган.

«ПАКИСТАН ТАЙМС» («Покистон вақти») — Покистонда инглиз тилида чиқадиган кундалик газета. Ҳукуматнинг ғайри расмий органи. 1946 йилдан Лаҳор ва Равалпиндида нашр этилади. Тиражи қарийб 100 минг (1975).

ПАКТ (лат. pactum — шартнома, битим) — турли халқаро шартномаларни ифодалаш учун қўлланиладиган термин. П. ўзаро ёки коллектив хавфсизлик, ўзаро ёрдам, бир-бирига ҳужум қилмаслик ёхуд ўз ташқи сиёсатини амалга оширишда белгиланган принципларга амал қилиш каби сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалаларни ўз ичига олади (яна қ. *Халқаро шартнома*).

«ПАКТА СУНТ СЕРВАНДА» (лат. pacta sunt servanda — шартномаларга амал қилиниши лозим) — халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бирини ифодалайдиган қоида. Унга кўра, ҳар бир давлат ўзининг халқаро мажбуриятларини тўла ва виждонан бажариши шарт. Бу принцип БМТ Устави ва б. бир қанча халқаро ҳужжатларда ўз ифодасини топган. 1969 йили Венада «Халқаро шартномалар ҳуқуқи тўғрисида» қабул қилинган конвенцияга кўра, бу принцип юридик кучга эга бўлди. Конвенцияда амалдаги ҳар бир шартнома унинг иштирокчилари учун мажбурийлиги ва шартноманинг иштирокчилар томонидан матлуб даражада бажарилиши шартлиги баён қилинган. «П. с. с.» принципининг норматив мазмуни БМТ Бош Ассамблеясининг 25- сессиясида қабул қилинган. Халқаро ҳуқуқ принципларининг декларациясида мукаммал ишлаб чиқилган.

ПАК ХАК СОН (1924, Приморье ўлкаси) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). 1952 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент обл. Қуйи Чирчиқ (ҳозирги Оққўрғон) р-н Димитров номли к-зда звено ва бригада бошлиғи (1945—57), Ҳамза номидаги к-зда полевод (1957—60), маданий-оқартув ишларида (1960—62), 1962 йил-



Пак Ден Ай.



Пак Дин Себ.



Пак Дюн Гер.



Пак Хак Сон.



Пак Ин Бок.



Пак Чи Сун.

дан «Победа» к-зида бригадир. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАК ЧИ СУН (1908, Узоқ Шарқ ўлкаси Суган ш.) — лубкор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1951). Тошкент обл. Юқори Чирчиқ р-нидаги «Правда» к-зида колхозчи, звено бошлиғи (1937—51), омбор мудири (1951 йилдан). П. бошлиқ звенода 16 *га* ернинг гектаридан 86 *ц* каноп пояси етиштирилган (1950). Ленин ордени б-н мукофотланган.

ПАЛА, импала (Aepyceros melampus) — қувушохлилар оиласига мансуб жуфт туёқли сут эмизувчи ҳайвон. Танаси 1,1—1,8 *м*, думи 25—40 *см*, оғирлиги 40—90 *кг*. Эркаги шохли. Танасининг усти ҳамда ёни жигар ранг-сарғиш, қорин ва дум атрофи оқ. Асосан, Марказий ва Жанубий Африкада тарқалган. Дарё қирғоқларида кичик подa бўлиб яшайди. Овланади.



Пала.

ПАЛАК — *каштадўзлик* буюми. Уй ичини безатиш мақсадида деворга осиб қўйилади. Қаштачилик маҳсулотларининг энг йириги ва қимматлиси бўлиб, ўтмишда оқ ёки малла бўзга кашта тикиб тайёрланган. П. каштасида тўлин ойли осмон (номи ҳам шундан) акс эттирилади. Гулларининг йириклиги, замин (фон)ига ҳам кашта қопланиши б-н *сўзана*дан фарқланади. Матонинг ўртасида йирик ой тасвири қизил, қирмизи, пушти ипак (баъзан жун ип) б-н кўпинча босма чокда кашта тикилиб, атрофида ой ёғдуси сариқ ипак б-н ифодаланади, баъзан ўсимликсимон гуллар ишланади. Композицияни жозибадор қилиш мақсадида ҳошия орасига бодом, қалампир, шунингдек турли гуллар шаклида кашта тикилади.



Пака.

П. нинг айрим хилларида ой тасвири бир нечта бўлади, шу ой (доира) лар сонига қараб «Олти ойлик П.», «Ун икки ойлик П.» деб юритилади. Катта уйлар учун «Қирқ ойлик П.» тикилгани тўғрисида маълумотлар бор. Каштадўзлар П. да рангларнинг жилоланишига эришиш учун ой тасвирини иккига, баъзан бир неча қисмга бўлганлар, ички доирани бир рангдаги, ташқи доираларни бошқа-бошқа рангдаги ипак б-н тикканлар. Моҳир каштачилар баъзан ой ичини турли-туман нақшлар б-н безаб, ўз маҳоратларини намойиш этганлар. Ой тасвири сидирға рангда ифодаланган бўлса «Ой П.», гули, нақши кўп бўлса «Гул П.» ва ҳ. к. деб аталган. Саноат тараққиёти оқибатида турли ранглардаги нафис матолар кўп ишлаб чиқарилаётгани кашта гуллари заминида матоларнинг рангини сақлаб қолишни тақозо этди, шу сабабли ва П. кўп қўл меҳнатини талаб қилганидан унинг ўрнини *сўзана* эгаллай бошлади. (368-бетдаги рангли вклейкага қ.).

Ад.: Народное декоративное искусство Узбекистана, М., 1955; Морозова А., Узбекистонда йўрмадўзчилик, Т., 1960; Рассудова Р., Узбек каштачилик санъати, Т., 1961; Чепелевецкая Г. Л., Узбекистон сўзаноси. Каштачилик, Т., 1961; Фахреддинова Д. А., Декоративно-прикладное искусство Узбекистана, Т., 1972.



Қора бўйин паламедея

ПАЛАМЕДЕЯЛАР (Anhimidae) — ғозсимонлар туркумига мансуб қушлар оиласи. Танасининг узунлиги 70—90 *см*. Қаноти ёйилганда 2 *м* дан ортиқ. Бошида терига ёпишган шох ўсимта, бармоқлари асосида тери парда бор. Оқ, қора, кўкиш ва қўнғир-кул рангда. Яхши учолмайди. Анхима уруғининг ягона вакили шохли паламедея Жанубий Америка ўрмонларида яшайди. Хауна уруғига мансуб кокиллипаламедея Жанубий Бразилия ва Аргентинада, қора бўйин паламедея тури эса Колумбия ва Венесуэлада тарқалган. Уясини ботқоқликларга ўсимликлардан ясайди. 2—6 тухум қўяди. Тухумини нари ва модаси 44 кунча босади. Усимликлар б-н овқатланади. Овланади.

ПАЛАНА — шаҳар типидаги посёлка, РСФСР Камчатка области Қоряклар миллий округининг маркази. Камчатка ярим оролининг ғарбий соҳилида, Палана дарёси Охота денгизига қуйилиш жойидан 8 *км* да жойлашган. Аҳолиси 3,3 минг киши (1974). Ёқилғи ва озиқ-овқат саноати корхоналари, ўлкашунослик музейи бор.

ПАЛАСТИН — қ. *Фаластин*.

ПАЛАТА (лат. palatium — сарой, қаср) — 1) ўрта аср рус архитектурасига хос ҳашаматли турар жой биноси. П. кўп хонали бўлган, тошдан ва ёғочдан қурилган. П. 2—3 ва ундан ортиқ қаватли бўлган. Пастки қаватларида турли хил хизмат кўрсатиш хоналари жойлашган, юқориси турар жой вазифасини ўтаган. 17-аср охирларидан, айниқса Москва архитектурасида унча катта бўлмаган сарой бинолари ва ҳашаматли турар жойлар ҳам П. деб атала бошлаган; Зал типидаги катта ва ҳашаматли ички хоналар ҳам П. деб аталган (мас., Москва Кремлидаги Оружейная П.); 2) Давлат ҳокимиятининг Олий органи ёки унинг бир қисми (мас., СССР Олий Совети тенг ҳуқуқли 2 П. дан иборат — Иттифоқ Совети ва Миллатлар Совети); капиталистик давлатларда парламентнинг бир қисми (мас., инглиз парламентида умумий П., лордлар П. си); 3) баъзи давлат ва жамоат муассасалари номи (мас., Китоб П. си, Савдо П. си); 4) даволаш муассасаларида беморлар хонаси.

ПАЛАУ (ўзларини — таан, катур, брао, риан ва б. деб атайдилар) — халқ; Бирма Иттифоқидаги Шань миллий давлати терр-ясида яшайди. Умумий сони 200 мингга яқин (1972). П. тили мон-кхмер тилларининг шимоли-шарқий тармоғига мансуб. Буддизм расмий дин ҳисобланса-да, анимистик тасаввурларнинг таъсири, айниқса аждодлар руҳига сиғиниш кучли. П. деҳқончилик (чой, шоли, пахта), ҳунармандчилик б-н шуғулланадилар (яна қ. *Бирма*).

ПАЛАЦЦО — *палата*нинг итальянча номи. П. итальян архитектурасига хос.

ПАЛЕАРКТИКА ОБЛАСТИ, Палеарктика (юнон. palaiós — қадимги ва arktikós — шимолий) — қуруқликдаги зоогеографик область. Европа, Шимолий Африка (Саҳрои Кабир б-н бирга), Арабистон я. о. (жанубидаги тоғлиқ қисмидан ташқари), Осиёнинг Ҳинд дарёси, Ҳималай тоғлари ва Янцзи дарёсигача бўлган совуқ ва мўътадил қисмларини ўз ичига олган. П. о. таркибига бир қанча ороллар, жумладан Тинч океандаги Командор, Курил, Сахалин, Япония ороллари, Атлантика океанидаги Исландия, Яшил Бурун, Канар, Мадейра, Азор ороллари ҳам киради. П. о. фаунаси кўпроқ *Неарктика область*иникига ўхшаш. Шунинг учун кўпчилик зоогеографлар Неарктика области каби П. о. ни ҳам *Голарктика область*нинг бир қисми деб ҳисоблайдилар. П. о. қуйидаги 5 кичик областга бўлинади: Арктика, Циркумбореал, Ўрта денгиз атрофи, Марказий Осиё ва Хитой-Ҳимолай областчалари.

ПАЛЕМБАНГ — Индонезиядаги шаҳар. Жанубий Суматра провинциясининг маъмурий маркази. Муси дарёсининг қуйилиш жойидан 86 *км* юқоридаги порт (йиллик юк обороти 10 млн. *т* дан зиёд). Аҳолиси 583 минг киши (1971). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. П. — мамлакатда нефть қазиб олинадиган асосий р-нинг маркази. Нефть ва каучукни қайта ишлаш, озиқ-овқат, кемасозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари корхоналари, азот ўғитлари з-ди бор. Четга нефть ва нефть маҳсулотлари, каучук, кофе ва ҳ. к. лар чиқарилади. Аҳоли қозиқлар устига қурилган уйларда ёки қайиқларда яшайди.

ПАЛЕО... (юнон. palaios — қадимги) — қўшма сўз бўлаги. Қадимги, қадим замонга оид маъноларини ифодалайди.

ПАЛЕОАНТРОПЛАР (юнон. *палео...* ва anthropos — одам) — мил. ав. 250—35 минг йилликда Осиё, Африка ва Европадаги маконларида яшаган қазилма одамларнинг (системали бўлмаган) умумий номланиши. П. геологик жиҳатдан Миндель-рисс музликлараро даври охиридан то вюрм музлик босқичи ўрталаригача бўлган даврга тўғри келади.

Илк П. учун ўрта ва сўнгги ашель археологик маданияти (қ. *Ашель маданияти*), сўнгги П. учун эса кўпроқ *Мустье маданияти*нинг турли вариантлари характерлидир. Ҳозирги замон одами *(неоантроп)* вужудга келиши б-н П. антропогенезнинг қонуний босқичи ҳисобланди. П. антропологик белгилари ва, қисман, тош қуролларининг хусусиятига кўра, бир-биридан фарқланадиган бир неча группалар (илк ва қуйи П. нинг Европа, Жанубий Африка, Жанубий Осиё шакллари; Олд Осиё П. и)га бўлинади. Охирги группа (мил. ав. 70—60 минг йилликлар) ҳозирги замон одамига кўпгина белгиларининг ўхшашлиги б-н фарқланади. Тадқиқотчилар бунга неоантропларнинг дастлабки шакли деб қарамоқдалар. Ғарбий Европадаги сўнгги П. *(неандерталлар)* юқори даражада морфологик ихтисослашиши б-н ҳозирги замон одамидан фарқланади.

Ад.: Нестурх М. Ф., Происхождение человека, 2 изд., М., 1970; Урысон М. И., Начальные этапы становления человека, «У истоков человечества» тўпламида, М., 1964; Иванова И. К., Геологический возраст ископаемого человека, М., 1965; Семенов Ю. И., Как возникло человечество, М., 1966.

ПАЛЕОАНТРОПОЛОГИЯ — *антропология*нинг қадимги қазилма одамлар *(питекантроп, синантроп,* гейдельберг одами ва б.) типларини ўрганадиган бўлими. П. қазилма одамлар ва одамнинг яқин ўтмишдошлари — олий приматлар суяк қолдиқларини ўрганади. Шунингдек, П. қиёсий анатомия ва эмбриология б-н бирга одамнинг келиб чиқиши ва унинг эволюцияси проблемаларини аниқлашга хизмат қилади. Шу сабабли П. ҳам *антропогенез* тўғрисидаги таълимот таркибига киради. П. фақат бош суягини текширишгагина эмас, балки скелетни текширишга ҳам асосланади. Ибтидоий давр тарихи учун П. материалларининг аҳамияти катта. Энгельс «Қадимги германлар тарихига оид» асарида П. материалларидан фойдаланиб, Европа халқларининг қадимий кўчишлари тўғрисида турли фаразлар айтган эди. Даврга қараб одам типлари ўзгариш жараёнини ўрганиш П. нинг асосий мақсадларидан биридир.

Ад.: Дебец Г. Ф., Палеоантропология СССР. М.—Л., 1948 (Труды Ин-та этнографии им. Н. Н. Миклухо-Маклая, нов. серия, т. IV).

ПАЛЕОБОТАНИКА *(палео...* ва *ботаника)*, палеофитология — ботаниканинг қазилма ўсимликларни ўрганувчи бўлими. П. қазилма ўсимликларнинг систематикаси, ташқи (морфологик) ва ички (анатомик) тузилиши, ер юзида тарқалиш қонуниятлари, муҳит б-н қай даражада боғлиқлиги, ривожланиш тарихи, бир-бири б-н уруғдошлиги, ўсимлик қоплами алмашинуви қонуниятлари каби масалаларни ўрганиш б-н шуғулланади. П. маълумотлари систематика, морфология, анатомия, эволюция, филогения, география, геологияга оид кўп масалаларни ҳал қилишда ёрдам беради.

Одатда табиий шароитга мослашган ўсимликлар ривожланиб келган, мослаша олмаганлари эса йўқ бўлиб кетган. Демак, қазилма ўсимликлар геологик даврлардаги табиат ўзгаришларини белгиловчи метеорологик қурол ҳисобланади. Геологик ва стратиграфик қазилма бойликларни қидиришда П. маълумотларидан фойдаланилади, чунки Ер қобиғидаги ёқилғиларнинг ҳаммаси (тошкўмир, антроцит ва б.) асосан ўсимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган.

Текшириш объектларига кўра П. қуйидаги мустақил тармоқларга бўлинади: палеопалинология — қазилма ўсимликларнинг чанг ва спораларини (кимёвий усулда махсус ишлагандан кейин) микроскоп ёрдамида ўрганади, палеокарпология — ўсимликларнинг қазилма уруғи, меваси, данаги ва мева пўчоқларини ўрганади, палеоксилология — ўсимлик ёғочларининг кўмир ва тошга айланган қолдиқларини махсус (шлифт) тайёрлаб, микроскопда текширади, ихнофитология — ўсимлик барги, шохи, гули ва кўпайиш органларининг тоғ жинсларида қолган изини ёки эпидермис қолдиқларини ўрганади.

П. дан палеомикология ва палеоальгология ёки палеофикология мустақил фан сифатида ажралиб чиққан. Планктон қазилма сувўтларини ўрганиш айниқса муҳим аҳамият касб этади. Чунки органик дунёнинг бошланғич ривожланиш босқичларини тушунишда қадимги бактерия, цианобактерия ва сувўтларни ўрганиш жуда муҳим.

Усимликларнинг қазилма қолдиқлари қадимдан олимлар диққатини жалб қилган. Мас., мил. ав. 6—5-асрларда Ксенофан Парос ороли тоғ ётқизиқларидан «лавр япроқлари» топганлиги ҳақида ёзган эди. Аммо ўсимликларнинг қазилма қолдиқлари ва излари анча вақтларгача табиат ажойиботи деб тушунилган. Аммо улар бир вақтлар ўсган ўсимликларнинг қолдиқлари эканлигини даставвал Леонардо да Винчи (15-аср охири) кўрсатган. П. ни алоҳида фан сифатида ўрганишни француз олими А. Броньяр бошлаб берган. 19-аср охири ва 20-аср бошларида янги кўмир конларининг очилиши туфайли кўмир қатламларидаги ўсимлик қолдиқларини ўрганиш имкони туғилди.


СССРда П. нинг ривожланишида А. Н. Криштофовичнинг илмий ва ташкилий фаолияти айниқса муҳим аҳамиятга эга. У кўплаб қазилма ўсимликларни ўрганиш б-н бирга бир қатор назарий масалаларни ҳам ишлаб чиқди.

Ўрта Осиёда П. Октябрь рев-ясидан кейин бир қанча кўмир конлари топилиши муносабати б-н ривожланди. Бу ерда айниқса юра ва учламчи ҳамда тўртламчи давр қазилма ўсимликлари яхши ўрганилди. Узбекистон терр-ясида қуруқликда яшашга ўтган ўсимлик — псилофитлар 360 млн. йил аввал — девон даврида яшаганлиги аниқланди. Карбон даврида ўсимликлар олами бирмунча мураккаблашган; бу даврда ҳозирги қирқбўғимлар, қирққулоқлар ва игнабарглиларнинг қадимий аждодлари яшаган. Бу даврга оид 40 дан ортиқ ўсимлик қолдиқлари Бўкантоғ, Зирабулоқ, Ҳисор, Қурама, Олай, Нурота, Туркистон ва б. тоғлардан

топилган. Пермь ва триас давридан 80 га яқин, юра давридан эса 100 дан ортиқ ўсимлик туркуми аниқланган. Ўрта Осиё кўмир конларининг ҳосил бўлишида бу ўсимликлар муҳим роль ўйнаган. Ўрта Осиёда бўр даврига келиб денгиз сатҳини қуруқлик эгаллашидан ўсимлик оламида катта ўзгаришлар рўй берган. Очиқ уруғли ўсимликлардан янги шароитга мослаша олмаганлари йўқ бўлиб кетиб, янги — ёпиқ уруғли ўсимликлар типи ривожланган. Узбекистон терр-ясида бўр даврида пайдо бўлган ўсимликлардан тол, терак, чинор, тут, хурмо, қайрагоч, анжир, чилонжийда ва б. ҳозиргача сақланиб қолган.

Ад.: Криштофович А. Н., История палеоботаники в СССР, М., 1956; Палеоботаника Узбекистана, т. 1—2, Т., 1968—71; Красилов В. А., Палеоэкология наземных растений, Владивосток, 1972.

ПАЛЕОГЕН ДАВРИ (СИСТЕМАСИ), палеоген *(палео...* ва *...ген)* — Ер тарихи *кайнозой эрасининг* бошланиш даври. П. д. тахм. 70 млн. йил муқаддам бошланиб, 30—40 млн. йил давом этган. П. д. ётқизиқлари ер юзида кенг тарқалган бўлиб, Америка, Европа, Шимолий Африканинг анчагина қисмини қоплаб ётади. СССРда П. д. ётқизиқлари Украина, Ғарбий Сибирь, Қавказ, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ривожланган. СССР терр-яси П. д. ётқизиқларини рус ва совет геологларидан А. П. Павлов, А. В. Нечаев, А. Д. Архангельский, Н. А. Соколов, И. М. Губкин, О. С. Вялов, И. А. Коробков, М. В. Муратов, А. Л. Яншин; Узбекистонда В. И. Попов, С. Х. Миркамолова, О. М. Акрамхўжаев, М. З. Зокиров, М. И. Эгамбердиев ва б. ўрганишган.



Палеоген даврига мансуб қазилмалар: *1* — Discoaster barbadiensis Tan Sin Hok, Қрим, эоцен; (6000 марта катталаштирилган); *2* — Truncorotalis aragonensis Nuttal., Қавказ, эоцен; *3* — Nummulites distans Pusch, Пиренея тоғлари, эоцен (чапда); Nummulites lucasianus Defr., Карпат тоғлари, эоцен (ўнгда); *4* — Conoclupeus burlensis Bajarunas, Мангишлоқ, палеоцен; *5* — Exogyra galeata Kon, Фарғона, эоцен; *6* — Glicymeris obovatus Lam., Австрия, олигоцен; *7* — Corygphodon, эоцен; *8* — Turbo (Ninella) parkinsoni Bast, Франция, олигоцен; *9* — Coelopleurus eguis Agass, Франция, эоцен.

Стратиграфик жиҳатдан П. д. *палеоцен, эоцен* ва *олигоцен* бўлимларига, бўлимлар эса ярус, свита, қатламларга бўлинади.

П. д. да йирик тектоник ҳаракатлар бўлиб ўтган. Шимолий ва Жанубий Америкасининг ғарбий қисмида Кордильера ва Анд тоғларининг кўтарилиши давом этган. Уларнинг атрофида (тоғ олди букилмаларида) қалин вулканоген ва терриген қатламлар тўпланган. Европа б-н Африка оралиғида, шунингдек Осиёнинг жанубий қисмида ястаниб ётган йирик геосинклинал система мавжуд бўлиб, ҳозирги Пиреней тоғларидан Бирмагача бўлган террясини эгаллаган. П. д. нинг 2-ярмида бурмаланиш ва тоғлар ҳосил бўлган, натижада Ўрта денгизнинг жанубий ва шимолий соҳиллари бўйлаб тоғли оролларнинг икки занжири вужудга келган. П. д. да Африканинг шарқий чеккалари бўйлаб меридионал йўналган йирик грабенлар—Шарқий Африка синиқлар зонаси пайдо бўлган. Узоқ Шарқ терр-ясида Тинч океан геосинклинал минтақаси ривожланган. Юқоридаги регионлардан ташқари, Қичик Осиё, Болқон я. о., Гренландия, Япония терр-яси, СССРда — Закавказье, Қамчатка, Приморье ва б. жойларда вулкан ҳаракатлари бўлганлиги қайд этилган. Палеоген трансгрессияси Шимолий ярим шарнинг кўп жойларида, айниқса, эоцен охирида максимал даражага етган. Бу вақтда Шарқий Европа платформасининг жанубий қисми, Турон ва Ғарбий Сибирь плиталари, Закавказье, Ўрта ва Жанубий Европа, Африканинг шимоли ва б. жойларни сув босган. Олигоцен бошларида бўлган тектоник ҳаракатлар денгиз регрессиясига (Ўрта Европа, Қариб денгизи, Мексика қўлтиғи ва б. дан ташқари) олиб келган. Бу даврда континентал иқлим ҳукмрон бўла бошлаган. Геосинклинал ҳавзаларда *флиш*лар, олигоцендан бошлаб денгиз молассалари шаклланган. Ўрта денгиз ҳавзаларида П. д. га хос нуммулит ва лепидоциклин оҳактошлар тўпланган. Платформаларда карбонатли гил, глауконит ва кварцли қум, опока, трепел, спонголит, шунингдек гил ётқизиқлари ҳосил бўлган. Олигоцен ҳавзаларида мергель, доломит ва анкерит конкрецияли тўқ гиллар кенг тарқалган. Атлантика, Тинч ва Ҳинд океанларининг тубида карбонатли, баъзан терриген гиллар тўпланган. Континентал ётқизиқлар орасида кўмирли чўкинди ва қизил рангли гиллар кўп учрайди.

П. д. нинг қуруқликдаги фаунаси бўр давриникидан кескин фарқ қилади. П. д. бошларида судралиб юрувчилар (динозаврлар, учувчи калтакесаклар ва денгиз калтакесаклари — ихтиозавр ва плиозаврлар) нинг кўпчилиги қирилиб кетган. Бу даврда ҳозирги амфибиялар яшаган. Суякли балиқлар кўп бўлган. П. д. да сут эмизувчилар кенг тарқалиб, палеоценда улар ибтидоий ҳолда бўлган, эоцендан бошлаб эса ҳашаротхўрлар, кемирувчилар, приматлар, йиртқич ҳайвонлар, туёқлилар, хартумлилар, китсимонлар ва б. пайдо бўла бошлаган. П. д. да ёпиқ уруғли ўсимликлар кўпайган. Яланғоч уруғлилар ҳам ўсган. Палеоцен ва қуйи эоценда ёпиқ уруғли ўсимликлар кенг тарқалган, кейинчалик йўқолиб кетган.

Узбекистонда П. д. ётқизиқлари Фарғона, Сурхон ва Зарафшон водийлари, Ҳисор, Нурота, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмаларининг этаклари ва ён бағирларида, Устюрт ва Қизилқум чўлида кўпгина терр-яни ишғол қилади. П. д. ётқизиқлари оолитли доломит, оҳактош, қумтош, гилтош, кварц қумлари, бентонит ҳамда вулканли тоғ жинсларидан таркиб топган.

Узбекистоннинг қуруқлик ландшафтида паст бўйли, игнабарглиқ, гулли дарахтлар тараққий этган.

П. д. ётқизиқларида **фойдали қазилмалардан** нефть ва газ (Шимолий Қавказ, Карпатда), қўнғир кўмир (Украина, Узоқ Шарқда), марганец, темир (Қозоғистонда), боксит (Украинада) бор. Узбекистон терр-ясида П. д. ётқизиқларидан нефть ва газ, фосфорит, калий, палигорскит, гилмоя конлари, кварцли қумлар, безак тошлар, гипс-ангидрид каби қурилиш материаллари ва б. топилган

Ад.: Архангельский А. Д., Геологическое строение и геологическая история СССР, 4 изд., т. 2, М.—Л., 1948; Стратиграфия Узбекской ССР, т. 2, Т., 1966; Акрамходжаев А. М., Эгамбердиев М. и др., Литология, стратиграфия и нефтегазоносность Южного и Западного Узбекистана, Т., 1971.

ПАЛЕОГЕОГРАФИЯ *(палео...* ва *география)* — Ер ва ер пўстининг ўтган геологик замонлардаги табиий географик ҳолатини ўрганадиган фан, *тарихий геологиянинг* бир қисми. П. нинг асосий вазифаси қадимги даврлардаги қуруқлик ва денгизларнинг жойлашиши, чуқурлиги, сувининг шўрлиги, сув ости рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ландшафти, иқлими, қуруқлик ва денгизларда содир бўлган физик-кимёвий ҳамда табиий-географик жараёнларни тадқиқ қилишдан иборат. П. тоғ жинслари, улардаги органик қолдиқларининг таркиби, структураси, текстураси, жойланиши ва б. ни батафсил ўрганишга асосланади. У фациялар ҳақидаги таълимот, литология, *стратиграфия, тектоника, палеонтология,* палеоэкология, палеоиқлимшунослик, *геохимия* ва *геофизика* б-н узвий боғлиқ.

Илк палеонтологик маълумотлар ўрта аср Шарқ олимлари, хусусан, Абу Райҳон Беруний асарларида келтирилган. Бироқ П. яхлит фан сифатида 19-асрнинг ўрталаридан таркиб топа бошлади. Биостратиграфия маълумотлари асосида нисбий геохронологик шкала ишлаб чиқилиши, фациялар ҳақидаги таълимотнинг вужудга келиши, инглиз геологи Ч. Лайель томонидан актуализм методининг асосланиши, турли палеогеографик карталарнинг тузилиши П. нинг вужудга келишига асос бўлиб хизмат қилди.

20-асрнинг 30-йилларидан палеогеографик реконструкциялар фойдали қазилмаларни қидириб топишнинг зарурий асоси бўлиб қолди. Фациялар ҳақидаги таълимот (У. Твенхофел, Д. В. Наливкин) такомиллашди. Хилма-хил тадқиқот усуллари яратилиб, бунинг натижасида П. да бир неча йўналишлар пайдо бўлди; улар Ернинг ўтган замонлардаги табиий-географик шароитларини турли томондан ўрганади. **Палеоэкологик** йўналиш чўкинди жинслар таркиби ва б. хусусиятлари ҳамда улардаги органик қолдиқларни текширади; ўтган геологик даврнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, сув ҳавзалари, уларнинг қўшни денгизлар б-н боғлиқлиги, иқлим шароити, шўрлик даражаси ва б. хусусиятларини ўрганади. **Палеобиогеографик** йўналиш айрим геологик даврлардаги зоогеография ва флора провинцияларини ҳамда обл. ларини белгилаб беради. Палеобиогеографик, литологик-геохимиявий ва б. маълумотлар палеоиқлим реконструкцияларида фойдаланилади. **Терриген-минералогик** йўналиш муайян таркибли чақиқ чўкиндиларнинг кўчиш йўллари, тўпланиш обл. лари ва келиб чиқишини аниқлаш имконини беради. **Геохимик** йўналиш қадимги сув ҳавзалари шўрлиги ва физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда уларнинг эволюциясини ўрганади. Шунингдек, аутиген минераллар Cl, F, B, Br, Ca, Mg, Sr каби элементлар концентрацияси, гилли ва карбонатли жинсларда темир оксиди [$Fe(Fe_2O_3)$] нинг миқдорига асосланиб, қадимги даврлар атмосферасининг таркибини аниқлайди. **Динамик** П. қадимги сув ҳавзалари, қўл, дарёлар ҳаракатини ўрганади, оқимларни, чўкиндилар тўпланган муҳит хусусиятларини текширади.

30-йиллардан **палеотектоник** усул кенг тарқалди. Бу усул фацияларни ажратиш, қадимги ётқизиқлар қалинлиги, формациясини аниқлашга асосланган. П. нинг махсус тармоқларидан бири **палеовулканология**дир. У вулканли обл. ларининг палеогеографик реконструкцияси б-н шуғулланади. **Палеогеоморфология** қадимги рельефларни ўрганади.

1968 йилдан океанлар тубида бурғилаш ўтказила бошлаши океанлар П. сини тўғридан-тўғри аниқлашга имкон берди. Сўнгги ўн йил ичида қуруқликларнинг чўкинди қатламларида ҳам чуқур бурғилаш ўтказила бошлади. Натижада СССР ва б. мамлакатларда йирик масштабли карталар тузилмоқда.

П. ёрдамида Узбекистон терр-ясининг кўп қисми мезозой эрасининг келловей, оксфорд, альб, турон, сенон асрларида ва эоценда денгиз суви б-н қопланганлиги аниқланди. Бу ерлар, аксинча, юра даврининг бошлари ва ўрталарида, бўр даврининг неоком, сеноман ва турон асрлари 2-ярмида қуруқлик бўлган. Тошкент атрофи, Қизилқум чўли, Амударё этаклари, Орол денгизи ўрни ва Устюрт платосида тарқалган турон асри қумтошларидан топилган динозавр скелетлари ва гигант дарахтларининг тошга айланган таналари ҳамда қуйи ва ўрта юра даврларида ҳосил бўлган конлар ўша даврларда ботқоқлик, ўрмонлар ва тоғлар б-н ўралган лагуна ва кўллар, саёз дарёлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Ад.: Марков К. К., Палеогеография, 2 изд., М., 1960; Рухин Л. Б., Основы общей палеогеографии, Л., 1962; Геология, палеонтология, палеогеография. Сборник трудов, М., 1973; Попов В. И., Литология кайнозойских моласс Средней Азии, т. 1—3, Т., 1954—56; Бабаев А. Г., Акрамходжаев А. М., Палеогеография нефтегазоносных меловых отложений Узбекистана, Т., 1960.

ПАЛЕОГРАФИЯ *(палео...* ва *...графия)* — *ёзув* тарихи, унинг график шакллари тарихий тараққиёти қонуниятларини, ҳарф, ёзув белгилари (мас., иероглифлар), *шрифт* шакллари эволюциясини ўрганадиган тарихий-филологик фан. П., шунингдек қадимги ёзув ёдгорликлари ва материаллари, қуроллари, уларда ишлатилган орнаментлар ва ш. к. ни ҳам тадқиқ этади. Ёзув ёдгорликларини фақат П. эмас, *эпиграфика* (тош, ёғоч, металл, сопол, ва ш. к. да сақланган ёзувларни), *сфрагистика* (муҳрлардаги ёзувларни), *нумизматика* (танга-чақага босилган ёзувларни) ҳам ўрганади. П. нинг махсус тармоғи — *криптография*да махфий ёзувлар ўрганилади.

П. нинг асосий мақсади қўл ёзма ёдгорликларининг яратилиш вақти, жойи ва муаллифини аниқлаш, шунингдек қўл ёзмани тўғри ўқишдан иборат. Унинг ўзига хос текшириш, тадқиқ қилиш усуллари бор. Қўл ёзманинг ёзилиш даври ва жойини аниқлашда ёзувнинг хили (мас., Ўрта Осиё терр-ясида турли даврларда руник, сўғд, уйғур, хоразм, тохар, араб ёзувлари бўлган), имло, қоғоз, сиёҳ тури, хаттотлик, рассомлик, саҳҳофлик усуллари ва ҳ. к. дан фойдаланилади. Палеографик текширишлар тилшунослик, текстология, тарих, адабиёт тарихи, санъат тарихи ва б. тарихий маълумотларга асосланади. Айниқса, палеографик тадқиқотларда сиёҳ ва бўёқларнинг таркибини анализ қилишда кимё фани ҳамда қўл ёзмалар таркибидаги органик материаллар даврини белгилашда физика фанлари методларидан кенг

фойдаланилади. П. ёзув хилига ва қўл ёзмасининг қандай халқларга мансублигига қараб турк П. си, славян-рус П. си, шарқ П. си, араб П. си, ҳинд П. си ва ҳ. к. ларга бўлинади. Умумий П. тушунчаси ҳозирча мавжуд эмас. Айрим олимлар барча ёзувлар учун умумий бўлган қонуниятларни очиб берадиган умумий П. ни яратиш масаласини қўймоқдалар. 20-асрнинг 50-йилларидан илгари ҳеч ўрганилмаган янги давр ёзувини ўрганишга аҳамият берилмоқда.

Ўзбекистонда ёзма ёдгорликлар, асосан, араб алфавитидаги ҳарфларда бўлгани учун араб П. си устида тадқиқотлар олиб борилади. ЎзССРда палеографик тадқиқотлар, асосан, Ўзбекистон ССР ФА нинг Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик ин-тида ва Алишер Навоий номли Адабиёт музейида ўтказилади. Бу муассасаларда араб, туркий, форс, қадимги ўзбек ва б. тилларда ёзилган қўл ёзмалар каталоглари тузилиб, муҳим палеографик тадқиқотлар қилинмоқда (яна қ. *Арабшунослик*).

Ад.: Крачковская В. А., Крачковский И. Ю., Древнейший арабский документ из Средней Азии, «Крачковский И. Ю., Избр. соч. т. I» китобида, М.—Л., 1955; Семёнов А. А., Рецепты оформления старинных восточных рукописей, «Труды Таджикского филиала АН СССР» тўпламида, т. 28, М., 1951; Крачковская В. А., Памятники арабского письма в Средней Азии и Закавказье до IX в., «Эпиграфика Востока» тўпламида, в. 6, М.—Л., 1952.

ПАЛЕОЗОЙ ЭРАСИ (ГРУППАСИ), палеозой (*палео...* ва юнон. zoé — ҳаёт) — ер геологик тарихининг учинчи эраси (қ. *Стратиграфия*). Радиологик текширишларга кўра, П. э. 570 млн. йил аввал бошланиб, 340—350 млн. йил давом этган. 1837 йили инглиз геологи А. Сежвик ажратган. Ҳозир П. э. *кембрий, ордовик, силур, девон, тошкўмир* ва *пермь* даврларига бўлинган (Ўзбекистонда эса П. э. га қуйи триас даври ҳам киритилган).

Юқори *токембрий* давридан бир оз олдин кучли бурмаланиш натижасида *платформа* (Шарқий Европа, Сибирь, Хитой-Корея, Жанубий Хитой, Шимолий Америка, Бразилия, Африка, Австралия, Ҳиндистон платформалари) ва *геосинклиналлар* шаклланган. Вақт-вақти б-н платформаларни сув босиб, саёз денгизлар пайдо бўлган. Денгиз остида унча қалин бўлмаган турли таркибли чўкиндилар тўпланган. Платформаларнинг чеккалари томон чўкиндиларнинг қалинлиги ортиб борган. Геосинклиналлар платформаларга нисбатан серҳаракат бўлган. Уларда кўп миқдорда вулкан ва кремнийли жинслар тўпланган. П. э. да *каледон* ва *герцин* бурмаланиши бўлиб ўтган. Шу даврда тоғлар пайдо бўлиб, кўлгина қизғиш моласслар ҳосил бўлган. Герцин бурмаланиши натижасида Марказий Европа, Урал, Аппалачи ва б. тоғ системалари қад кўтарган. Буюк *Гондвана* қуруқлиги Жанубий ярим шар платформаларини эгаллаган. Шимолий ярим шарда П. э. нинг 2-ярмида Сибирь платформаси ва унга ёндош тоғ тизмаларини ўз ичига олган улкан Ангарида материги бўлган.

П. э. бошланишида илгари яшамаган қаттиқ скелетли ҳайвонлар (хиолитлар, хиолительминтлар, гастроподалар, брахиоподалар ва археоциатлар) пайдо бўлган. Қуйи палеозойда трилобитлар кембрий ва ордовик даври денгиз ҳайвонларининг кўпчилигини ташкил қилган. Улар П. э. охирида қирилиб кетган. Бу даврда елкаоёқлилар (брахиоподалар)нинг турлари кўпайган. Ордовик даврига келиб мшанкалар ҳамда строматопороидалар пайдо бўлган. Умуртқасиз ҳайвонлардан граптолитлар ва бошоёқлилар кўп яшаган. Девон даврида гониатитлар кенг тарқалган. Юқори П. э. да бир ҳужайрали ҳайвонлардан фораминифералар кўпайган. П. э. да умуртқалилардан балиқлар яшаган; кембрий ва ордовик даврида оддий ва жағсиз балиқлар кўп бўлган. Силур, айниқса девон даврида икки ёқлама нафас олувчи ва чўткақанотлилар жуда ривож топган. Чўткақанотлилардан сувда ва қуруқликда яшовчи (амфибия)лар вужудга келган (улар девон даври охирларида қуруқликка чиққан). Карбон, айниқса, пермь даврида ўтхўр ва йиртқич судралиб юрувчилар яшаган.

П. э. да ўсимликлар тез ривожланган. Кембрий ва ордовикда ўсимликлар, асосан, *сувўтлар*дан иборат бўлган. Силур жинсларида спора қолдиқлари сақланган. Қуйи девон даври жинсларида паст бўйли ибтидоий ўсимликлар — псилофитларнинг излари учрайди. Ўрта ва юқори девонда ўсимликларнинг турлари кўпайган, дарахтсимон плаунлар, содда тузилган папоротниклар ўсган ва дастлабки очиқ уруғлилар вужудга келган. *Карбон даври*да ўсимликлар жуда ҳам ривожланган. Ўрмонлар ўрнида тошкўмир қатламлари ҳосил бўлган.

СССР терр-ясида П. э. га мансуб платформа ва геосинклинал ётқизиқлар кўп учрайди. Шарқий Европа ва Сибирь платформалари асосан П. э. чўкинди жинслари комплексидан иборат. Шарқий Европа платформасининг шимолий-ғарбий қисмида кембрий даврлари денгиз гиллари ва қумтошлари, ордовик ва силур оҳактошлари тарқалган. Девон ва карбон даврида денгизда ҳосил бўлган жинслар орасида айниқса оҳактошлар жуда кўп. Бу жинсларда кўмир, нефть, боксит ва ўтга чидамли гил қатламлари бор. Сибирь платформасида П. э. жинслари орасида кембрий даври денгиз чўкинди жинслари — *оҳактош, доломит*, айрим жойларда тоштуз, гипс ва ангидрид кўп. Карбонат-сланец ва қумтошли гил қатламларидан таркиб топган силур ва девон даври ётқизиқлари кам учрайди. Карбон ва пермь даври жинслари кўмирли қалин қатламлардан иборат.

Ўзбекистоннинг деярли ҳамма ерларида П. э. жинслари учрайди. Қуйи кембрий жинслари 20—50 *м* қалинликдаги ванадийли, фосфоритли, кремнийли ва кўмир-кремнийли сланецлардан таркиб топган. Бу жинслар Писком ва Сандалаш тоғларида тарқалган. Томдитоғда қуйи кембрий жинслари алевролит, қумтош, доломит ва оҳактош қатламларидан иборат. Ўрта кембрий, ордовик ва қуйи силур даври оҳактош, доломит, терриген-вулкан, аргиллит, алевролит, сланец, қумтош ва руда қатламларидан тузилган. Юқори силур — қуйи девон даври терригенли оҳактош ва оҳактошлардан, қизғиш вулкан жинсларидан таркиб топган. Ўрта девон ва қуйи триас даврида шағалтош, қумтош, алевролит, аргиллит, оҳактош, доломит ва вулкан жинсларининг қалин қатламлари ҳосил бўлган.

П. э. жинсларида турли фойдали қазилмалар топилган. Урал, Қозоғистон, Олтой, Ғарбий Европа ва Шимолий Америкадаги бой руда конлари П. э. нинг интрузив жинслари б-н боғлиқ. П. э. чўкинди жинсларида нефть, тошкўмир, ёнувчи сланец ва мисли қумтош, шунингдек фосфорит, боксит, тоштуз, калий тузи тўпланган.


Ўзбекистон П. э. ётқизиқларида мис, қўргошин, қалай (Олмалиқ), флюорит (Навғарзон), вольфрам (Ингичка), олтин, алунит ва б. бор. П. э. тоғ жинсларининг кўпи қурилиш материали сифатида ишлатилмоқда.

Ад.: Страхов Н. М., Основы исторической геологии, 3 изд., ч. 1—2, М—Л., 1948; Жинью М., Стратиграфическая геология, Пер. с франц., М., 1952; Лазько Е. М., Основы региональной геологии СССР, т. 1—3, Львов — М., 1962—71; Палеомагнетизм палеозоя, Л., 1974; Миклухо-Маклай А. Д., Верхний палеозой Средней Азии, Л., 1963; Ахмеджанов М. А. и др., Геологическое строение и состав палеозойского фундамента Узбекистана, т. 1, Т., 1967.

ПАЛЕОЗООЛОГИЯ (*палео...* ва *зоология*) — *палеонтология*нинг қазилма ҳайвонларни ўрганувчи бўлими. П. нинг палеомнология — мускулларни, палеоневрология — нерв системасини ўрганувчи ва б. соҳалари бор.

ПАЛЕОИҚЛИМШУНОСЛИК (*палео...* ва *иқлимшунослик*) — Ернинг ўтмишдаги иқлими ва иқлим тарихини ўрганадиган фан. Қадимги иқлим қуйидаги белгилар — чўкинди тоғ жинсларининг моддий таркиби ва уларнинг текстура хусусиятларига, ўсимлик ва ҳайвонот организмлари қолдиқларига қараб аниқланади. П. ўтмиш даврлар иқлимини аниқлайди ва *палеогеография*нинг муҳим қисми ҳисобланади; у стратиграфия ва палеонтология, геоморфология ва фойдали қазилмалар тўғрисидаги фанлар б-н чамбарчас боғланган. Геологик маълумотлар иқлимшунослик, метеорология, география, геофизика ва астрономиянинг назарий қоидалари асосида таҳлил қилинади ва умумлаштирилади. Литологик маълумотлар жуда муҳим иқлим индикаторлари хизматини бажаради: мас., туз (арид иқлим самараси), боксит ва донадор руда (нам ва қуруқ иқлимлар алмашиниб туриши оқибати), торф ва тошкўмир, каолин (нам иқлимда пайдо бўлади), оҳактош (илиқ иқлимда вужудга келади).

Қадимги иқлимнинг геологик индикаторлари орасида асосий уч группа: литологик, палеоботаник ва палеозоологик кўрсаткичлар алоҳида ўрин тутади. Литологик кўрсаткичлар деярли ҳамма жойда тарқалган; ўтмиш даврларда иқлим шароитлари қандай бўлганлиги нураш хусусияти ва суръати, чўкинди жинслар дифференциацияси даражаси, аутиген йўл б-н минерал пайдо бўлиши миқёси орқали аниқланади. Палеоботаник кўрсаткичлар ўсимликларнинг қазилма қолдиқларидир; бундай қолдиқлар иқлим таъсирини, ўсиш вақти ва жойини акс эттиради. Мас., тропик ўрмонлар формацияси иқлимнинг иссиқ ва нам бўлганини, саванна ва ксерофил сийрак ўрмонлар формацияси иқлимининг иссиқ ва қуруқ бўлганини кўрсатади; барг тўкадиган ўрмонлар формацияси мўътадил иқлим индикатори бўлиб ҳисобланади. Дендроиқлимшунослик фани ўрганадиган соҳа — дарахтларнинг йиллик ҳалқалари ҳам палеоботаник индикатордир. Палеозоологик кўрсаткичлар организмларнинг яшаган давр иқлимини акс эттирадиган қолдиқларидан иборат. Денгиз фаунаси тошкўмир давридан бошлаб тропик ва бореал биогеографик минтақаларга ажралган. Бу минтақаларда ўтмишнинг т-ра режими суст дифференциацияланганлиги акс этган. Қуруқликда яшовчи умуртқалилар девон даврида пайдо бўлган; кайнозой давридаги сут эмизувчилар турли иқлимга яхши мослашиб, кенг терр-яларда яшаган.



Қадимги иқлим палеозой эрасидан бошлабгина умумий тарзда аниқланган. Геологик давр ўзгариши б-н Ер атмосферасининг таркиби ҳам ўзгариб борган — сув буғлари ва CO_2 камайган, кислороднинг нисбий роли ошиб борган. Шу б-н боғлиқ равишда қутблар ва экватор ўртасидаги термик фарқ кўпая борган. Олигоценнинг иккинчи ярмидан совуқ давр бошланади. Антропогенда совуқ янада кучаяди. Т-ра ва намликнинг кўп марта ўзгариб туриши натижасида юқори кенгликларда музлик даврлари ва улар орасидаги даврлар алмашиниб турган, қуйи кенгликларда эса плювиал ва ксеротермик иқлимлар вужудга келган.

П. Ер иқлимининг тарихини ўрганиш орқали фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиши, ўтмиш геологик даврдаги ҳайвон ва ўсимликларнинг яшаш шароитини кўрсатади ва иқлим ўзгаришини олдиндан айтиш имконини беради.

ПАЛЕОЛИТ (лат. *палео...* ва юнон. lithos — тош, қадимги *тош асри*) — тош асридаги асосий икки даврнинг биринчиси (*неолит*дан аввалгиси). Тош асрининг 2 даврга — П. ва неолит даврларига бўлиб текширишни биринчи марта 1865 йилда инглиз археологи Ж. Леббок тавсия қилган. П. қуйи (илк) П., ўрта П. ва юқори (сўнгги) П. даврларига бўлинади.

Қуйи П. бундан 2 млн. йилдан олдинроқ бошланиб, 100 минг йил илгари тугаган. Бу даврда Ерда энг қадимги маймунсимон одамлар пайдо бўлган. Қуйи П. нинг дастлабки босқичи шелль (қ. *Шелль маданияти*), иккинчи босқичи эса ашель (қ. *Ашель маданияти*)дир. Қуйи П. дан ўрта П. га ўтиш бундан 100—40 минг йил аввал содир бўлган. Рисс музлиги кенгайиб, ҳавонинг совиши натижасида ҳайвонот ва ўсимлик дунёси ҳам ўзгарган. Иссиқни севувчи ҳайвонлар ҳалок бўлган ёки қисман жанубга кўчган. Уларнинг ўрнини янги шароитга мослашган мамонтлар, айиқлар, сибирь каркидонлари, отлар, баҳайбат кийиклар ва б. ҳайвонлар олган. Бу ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари Европада, Осиёда, шунингдек Урта Осиё ва Қозоғистонда ҳам топилган. Урта П. да овчилик хўжалиги такомиллашган. Одам

олов чиқаришнинг турли усулини кашф этган, яшаш учун фақат табиий ғорлардан фойдаланиб қолмасдан, балки биринчи марта яланг ерда ўзига турар жой қурган. Бу даврда яшаган одамлар анча мустаҳкам коллективларга бирлашганлар. Бу коллективда уруғдошлик тузуми ҳамда жинслар ўртасида меҳнатни тақсимлашнинг дастлабки нишоналари, шу давр охирида эса кўмиш маросими пайдо бўлган. Бу ҳол қадимги одам маънавий турмушда анча олға силжиганидан далолат беради. Шу даврга оид маданият биринчи марта Франциянинг Ле-Мустье ғоридан топиб ўрганилган (қ. *Мустье маданияти*).

Юқори П. 35-минг йилликдан 10-минг йилликка қадар давом этиб, музлик кенгайиб борган даврнинг вюрм ёки валдай фазаси б-н бир вақтга тўғри келади. Бу даврда ер юзининг катта қисмида, шу жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистонда иқлим қуруқ, кескин континентал бўлиб қолган. Совуқ иқлим шароитида яшашга мослашган ҳайвонлар (сержун каркидонлар, ёввойи отлар ва б.) пайдо бўлган. Юқори П. да суяк ва шохдан буюмлар ясалган: игна, қармоқ, бигиз, бургу (парма), камон ўқи, найза, турли хил безак буюмлари ва б.

Меҳнат қилиш жараёнида одамнинг физик типи ҳам ўзгарган. Палеоантроплар ўрнига неоантроплар пайдо бўлган. Одамларнинг ирқи ҳамда турли хил антропологик типлари вужудга келган. Улар ҳозирги вақтда мавжуд бўлган уч ирқ (европеоид, негроид ва монголоид)қа ўхшаб кетади. Мана шу ўзгаришлар натижасида ибтидоий тўда ўрнини матриархат эгаллаган. Эркакларнинг асосий вазифаси ов қилиш, меҳнат қуролларини тайёрлаш ва ш. к. дан иборат эди.

Юқори П. нинг ориньяк (қ. *Ориньяк маданияти*), солютре (қ. *Солютре маданияти*) ва мадлен (қ. *Мадлен маданияти*) деган уч босқичи ҳам Францияда топиб текширилган маконлар номи б-н аталган.

Ад.: Борисковский П. И., Кишиликнинг энг қадимги ҳаёти, Т., 1959; Арциховский А. В., Археология асослари, [Дарслик], Т., 1970; Ўзбекистон ССР тарихи, 1-т., Т., 1970; Палеолит и неолит, [Сб. статей], М., 1971.

ПАЛЕОМАГНЕТИЗМ — тоғ жинсларининг шаклланиш даврида Ер магнит майдони таъсирида магнитланиши ва уни кейинги даврларда сақлаб қолиш хусусияти. Бундай магнитланишнинг миқдори ва йўналиши бундан юз млн. йиллар аввал ер юзасининг маълум қисмида жинс ҳосил бўлаётганда мавжуд бўлган магнит майдонига тўғри келади. П. геомагнит майдони (қ. *Ер магнетизми*) эволюциясини ўрганиш имкониятини беради. Ҳар бир жинсда маълум миқдорда ферро- ёки ферримагнит минераллар (*магнетит, титаномагнетит, гематит, ильменит,* маггемит, *пирротин*) доначалари бўлади. Тоғ жинслари шаклланиш шароитига боғлиқ ҳолда интенсивлик ва стабиллик (магнитсизлантирувчи таъсирларга қарама-қарши) жиҳатидан турлича магнитланади. Геомагнит майдонида *Кюри нуқтаси*дан юқори т-рада тоғ жинслари қотаётганда ҳосил бўладиган қолдиқ термомагнитланиш (TRM) кўп учрайди. TRM, асосан, лава, интрузиялар совиётганида вужудга келиб, отқинди жинсларга хосдир. Кимёвий магнитланиш (CRM) магнит майдонида ферромагнит зарраларнинг кўпайишидан ҳосил бўлади. Ёпишқоқ (қолдиқ) магнитланиш жинсга магнит майдонининг узоқ вақт таъсири натижасида (термоактивацион ва диффузион жараёнлар ҳисобига) юзага келади. Ориентацион қолдиқ магнитланиш (DRM) чўкинди жинсларда ҳосил бўлади. Бунда TRM ва CRM га эга бўлган ювилган кристалл жинсларнинг магнитланган доначалари, сув ҳавзалари ва дарёлар тубида чўкиб, магнит майдонида компас стрелкаси каби ориентирланади. Кейин заррачалар чўкинди қотаётганда унга цементланиб ёпишади ва ўз ориентациясини сақлаб қолади — бу жинснинг магнитланишини белгилайди. Чўкинди жинсларда CRM шаклланиш даврида, шунингдек кейинроқ ҳосил бўлиши мумкин. Отқинди жинсларда эса CRM ҳамма вақт иккиламчидир, яъни кейинчалик вужудга келади. VRM ҳамиша иккиламчи, у аниқ ёшга эга эмас. Шундай қилиб, TRM ва DRM жинснинг шаклланиш жараёни б-н боғлиқ. Агар жинснинг ёши маълум бўлса (қ. *Геохронология*), магнитланиш вужудга келган вақт ҳам аниқ бўлади — бу геомагнит майдонининг вақт бўйича ўзгаришини ўрганишга имкон беради.

20-асрнинг 50-йилларидан турли мамлакатларда систематик равишда палеомагнит тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ад.: Храмов А. Н., Шолпо Л. Е., Палеомагнетизм, Л., 1967; Нагата Т., Магнетизм горных пород, Пер. с англ., М., 1965; Белоконь В. И. и др., Методы палеомагнитных исследований горных пород, Л., 1973; Палеомагнетизм палеозоя, Л., 1974.

ПАЛЕОНТОЛОГИЯ (*палео...* ва *онтология*) — қадимги геологик даврларда мавжуд бўлган, қазилма қолдиқлари сақланган организмлар, уларнинг ҳаёт фаолияти ва ориктоценозлар ҳақидаги фан. Неонтология (ҳозирги давр органик дунёси ҳақидаги фан) б-н узвий боғлиқ. П. 2 йирик бўлим — *палеозоология* ва *палеоботаника*дан иборат.

Тарихи. Тошқотган организмлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар антик даврдаёқ табиатшунос-файласуфлар (Ксенофан, Ксант, Геродот, Теофраст, Аристотель) га маълум эди. Тошқотган организмлар кейинчалик табиатшунослар томонидан тўғри таърифланди. Бироқ бу тошқотганлар қирилиб кетган организмларнинг қолдиқлари эканлиги ҳақида ҳали аниқ тасаввур юзага келмаган эди. Табиатшунос олимлардан даниялик Н. Стено ва инглиз Р. Гук ўлиб кетган ҳайвонларнинг турлари ҳақида дастлабки фикрларни айтишган. 18-аср ўрталарида Россияда М. В. Ломоносов, Францияда Ж. Бюффон ва Жиро-Сулави, Буюк Британияда Ж. Геттон ва б. ғояларининг ривожланиши б-н қадимги даар жонли табиатидаги узлуксиз ўзгаришлар (тараққиёт назарияси) ва ўтмишни билишнинг муҳимлиги ҳақидаги қараш тарафдорлари тобора кўпая бошлади. Қазилмалар б-н ҳозирги организмларнинг бирлигини К. *Линней* ҳам тан олган, бироқ у турларнинг ўзгариши мумкин деган ғояни бутунлай инкор қилган.

19-аср бошлари П. учун ҳал қилувчи давр бўлди. Бу пайтда Буюк Британияда У. Смит биринчи бўлиб умуртқасиз тошқотган организмлар асосида қатламларнинг нисбий геологик ёшини аниқлади ва шу асосда биринчи марта геологик карта тузди (1794).

П. фан сифатида *тарихий геология* б-н бир вақтда ва у б-н узвий боғлиқ ҳолда вужудга келди. Ҳар икки фан асосчиси Ж. *Кювье* ҳисобланади; у Коллеж де Франсда 1808 йили биринчи марта «Қазилмалар тарихи» курсини



Т. Оганесов. Ҳамза портрети.

Оганесов Т. мақоласига.



Палос. Шаҳрисабзда 1960-йилларда тўқилган палос (Ўзбекистон ССР амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси, Тошкент).

Палос мақоласига.



Пиёз ва **Помидор** мақолаларига. 1. Уруғлик пиёз. Пиёз навлари: 2. Каба. 3. Қоратол. 4. Маргилон пиёзи. 5. Андижон оқ пиёзи. 6. Самарқанд қизил пиёзи. 7. Помидорнинг гулли шохи. Помидор навлари: 8. Майкопский урожайний -2090. 9. «Будёновка». 10. Волгоград-585. 11. Помидор барги. 12. «Юсупов».

ўқий бошлаган ва сут эмизувчиларнинг қазилма суякларини чуқур қиёсий-анатомик ўрганиш натижасида умуртқалилар П. сини яратган. Кейинроқ француз ботаниги Адольф Броньярнинг «Қазилма ўсимликлар тарихи» нашр этилгач, палеоботаника вужудга келди. Кювье ва француз геологи Александр Броньяр (1811) геологияда тошқотган организмлар ҳақидаги тасаввурларни ривожлантирдилар; уларнинг ҳар иккиси қазилмалар б-н ҳозирги замон организмларини ўзаро боғлаб, *ҳалокатлар назарияси*ни ёқлаб чиқдилар. «П.» терминини биринчи марта (1822) француз зоологи А. де Бленвиль ишлатган. Дастлабки эволюцион назария асосчиси бўлган Ж. Б. *Ламарк* умуртқасизлар П. сини ҳам яратган. 19-асрнинг 1-ярмида П. да турларнинг ўзгармаслиги ва уларнинг ҳаётида кетма-кет кескин ўзгаришлар бўлиб туриши ҳақидаги ғоя ҳукмрон бўлган. Шу б-н бирга, бу умумий қарашларни швейцариялик геолог ва палеонтолог Л. Агассис, инглиз геологи А. Сежвик ва, айниқса, француз палеонтологи А. Д.' Орбиньилар тез ривожлантирдилар. Натижада стратиграфик П. шаклланди ва 40-йилларнинг бошида ернинг умумий стратиграфик шкаласи ишлаб чиқилди.

19-асрнинг 60-йилларидан П. да бутунлай янги босқич вужудга келиб, у табиатшунослик фанларининг кейинги ривожига буюк таъсир кўрсатган эволюцион назариянинг яратилиши (Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» асари, 1859) б-н боғлиқ. 19-асрнинг кўпгина палеонтологлари дарвинист бўлмасалар-да, эволюционизм ғояларини П. да тез ёя бошладилар. В. О. *Ковалевский* ҳозирги эволюцион П. нинг чинакам асосчиси сифатида энг муҳим ўрин тутади. Унинг умуртқалилар П. си ва австриялик геолог ва палеонтолог Неймайрнинг умуртқасизлар П. сига оид асарларидан кейингина дарвинизм палеонтологик асосга эга бўлди. Умуртқалилар П. си эволюциянинг назарий масалаларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга. Эволюцион назария асосида Ковалевский издошлари муҳим палеонтологик хулосаларга келдилар. П. нинг ривожланишида рус биологлари (А. Н. Северцов, И. И. Шмальгаузен, В. Н. Беклемишев, Д. М. Федотов ва б.) нинг асарлари муҳим аҳамият касб этди.

П. нинг тараққиёти ва бошқа фанлар. П. *биология* ва популяцион генетика, ривожланиш биологияси, цитология, биохимия, биометрия каби фанлар б-н узвий боғлиқ бўлиб, қисман уларнинг методларидан фойдаланади. П. да турли нурлар, кимёвий анализ, электрон ва б. микроскоплардан фойдаланишга асосланган янги усуллар қўлланмоқда. У қиёсий анатомия, ҳайвонлар ва ўсимликлар морфологияси ва систематикаси б-н узвий боғлиқ бўлиб, бу фанлар бир-бирини бойитмоқда. Морфологик-функционал анализ ва қазилмаларнинг скелетлари структураси морфогенезини ўрганиш П. ни физнология, эмбриология, биомеханика б-н яқинлаштиради. Қадимги организмларни қиёсий-тарихий ўрганиш натижасида П. экология, биогеоценология, биогеография, гидробиология ва океанология б-н тобора кўпроқ боғланмоқда. Қадимги денгизлар ва ҳозирги дунё океанлари ҳаётини ўрганиш қатор архаик организмларни топиш имконини берди. П. нинг эволюцион таълимот б-н муносабати муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Турларнинг келиб чиқиши, эволюция факторлари ва суръатлари, унинг йўналишларига онд биологиядаги энг муҳим масалалар П. б-н неонтологияни ўзаро узвий боғлайди.

Ер тўғрисидаги фанлар ичида П. нинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Геология 18—19-асрларда *стратиграфия*нинг вужудга келиши б-нгина Ер ҳақидаги чинакам тарихий фанга айланди. Табиий танланиш назарияси, эволюцион жараённинг таназзулсиз кечиши ҳақидаги концепцияга таянган эволюцион таълимот П. нинг стратиграфик геологияда қўлланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Марказий Европа юра ётқизиқларини ўрганган француз палеонтологи ва геологи А. Оппель биринчи марта зонал ётқизиқларни қиёслашда палеонтологик методни таклиф қилди. Биостратиграфия ҳам шу вақтдан ривожлана бошлади. П. геологияга ўзининг вақтни ҳисоблаш методи (биохронология)ни жорий этди ва ҳ. к. Регионал стратиграфияда экологик контроль палеонтологик методга, биогеографик контроль эса ётқизиқларнинг регионлар ва планета бўйича корреляциясига борган сари кўпроқ таъсир ўтказяпти. Бунда П. нинг чўкинди жинслар ҳақидаги таълимот, литология ва седиментология, чўкинди жинслар геохимияси ва биогеохимияси б-н узвий боғлиқлиги намоён бўлмоқда. Литологик-фациал карталар тарихий геологияда катта аҳамиятга эга бўлиши б-н бирга, кўмир, нефть, газ, боксит, туз, фосфорит ва б. фойдали қазилмаларни қидириб топишда ҳам муҳим воситадир.

Чет элларда, шунингдек СССРда жуда кўп палеонтологик жамиятлар ҳамда илмий муассасалар мавжуд. П. га оид илмий асарлар, қўлланмалар, журналлар нашр этиляпти. Мунтазам равишда олиб борилган илмий тадқиқотлар совет палеонтологларига СССР терр-ясида топилган органик қолдиқлар морфологиясини ўрганишга, уларни тўғри классификация қилишга имкон берди. А. Д. *Архангельский*, В. Н. *Вебер*, А. П. *Карпинский*, А. Д. *Миклухо-Маклай*, Д. В. *Наливкин*, Г. Д. *Романовский* ва б. Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда дастлабки палеонтологик тадқиқотлар олиб боришган. Ўзбекистонда П. нинг ривожланиши В. А. Вахрамеев, Т. А. Сикстель, А. И. Туруганова-Кетова, С. Х. Миркамолова, О. И. Сергунькова, Е. А. Репман, К. А. Алимов, Я. Х. Иминов, Н. Эшназаров, Р. Абдуллаев ва б. номлари б-н боғлиқ. Ҳозир СССР Палеонтология жамиятининг Ўзбекистон бўлими, ТошДУ геология ф-ти, ЎзССР ФА Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика ин-ти, Нефть ва газ геологияси ва разведкаси ин-ти (ИГИРНИГМ) ва б. илмий муассасалар Ўзбекистонда П. фанининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Ад.: Давиташвили Л. Ш., История эволюционной палеонтологии от Дарвина до наших дней, М.—Л., 1948; Рауп Д., Стэнли С., Основы палеонтологии, Пер. с англ., М., 1974; Друщиц В. В., Обручева О. П., Палеонтология, [Учебник], 2 изд., М., 1971; Палеонтологический словарь, М., 1965; Сикстель Т. А., Худайбердиев Р., О флорах прошлого Средней Азии, «Палеоботаника Узбекистана» китобида, т. 1, Т., 1968.

ПАЛЕООСИЁ ТИЛЛАРИ — қ. *Шимол тиллари*.

ПАЛЕОПАТОЛОГИЯ (*палео...* ва *патология*) — узоқ ўтмишда ер юзида мавжуд бўлган ҳайвон ва ўсимликларнинг касалликларини ўрганадиган фан. Питекантроп ва неандерталда ҳам, одамнинг улардан кейинги авлодларида ҳам касаллик ва жароҳат излари аниқланган. П. фани

касаллик сабаблари, қанчалик кўп учраши, шунингдек ўша давр халқ табобати даражасини ўрганиш имконини берди. Давр қанчалик узоқ бўлса, суяк-бўғим аппарати касалликлари — *спондилёз*, артроз ва оғир меҳнат натижасида келиб чиққан бошқа касалликлар изи шунчалик кўпроқ кўринади. *Сил спондилити, остеомиелит* ва шу каби кўпгина касалликлар бўлганлиги ҳам аниқланди.

П. археологик қазилмаларда топилган суяк материалларини ўрганишда анатомик анализ методи, шунингдек рентгенография, микроскопия, стереомикроскопиядан фойдаланади.

ПАЛЕОТРОПИК ОБЛАСТЬ, Палеотропик ўсимликлар дунёси — Ер шаридаги асосий ботаник-географик бўлинмалардан бири. Эски Дунё материк қисмининг (Австралиядан ташқари) тропик иқлимли жойларини, шунингдек Ҳинд ва Тинч океанлардаги оролларни ўз ичига олган. Баъзан П. о. га Жанубий-Ғарбий Африканинг субтропикли қисмини (қ. *Кап области*) ҳамда Янги Зеландия ва унга ёндош оролларни (қ. *Янги Зеландия областчаси*) киритадилар. П. о. шимолдан *Голарктика области* б-н чегараланган.

П. о. ўсимликка бой. Областнинг айрим қисмлари сув ҳавзалари орқали ажралганлиги, иқлим шароитларининг турли-туманлиги, тарихий тараққиётининг мураккаблиги натижасида ўсимликлари кучли дифференцияланган. Флора таркибида умумтропик ўсимлик оилаларидан пальмадошлар, тутдошлар, сутламадошлар, маренадошлар, мимозадошлар, цезальпиндошлар, анонадошлар, миртадошлар, меластомадошлар ва б. энг кўп учрайди. Бу оилалардан анчагина қисмини махсус палеотропик туркумлар ташкил этади. Космополит ўсимлик оилаларидан бошоқдошлар, бардидошлар, капалакгулдошлар, мураккабгулдошлар, орхисгулдошлар кўп. П. о. учун эндемик оилалардан диптерокарплар, пандануслар, непентеслар ва ҳ. к. лар характерлидир. П. о. да сернам тропик ўрмонлар, муссонли ва саванна ўрмонлари, саванналар, мангра чакалакзорлари, чўл ўсимликлари ва б. кўп тарқалган.

П. о. ни кичик областларга бўлишнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган ягона принципи йўқ. Баъзилар П. о. ни икки областчага — Малезия ва Ҳиндистон-Африка областчаларига, бошқалар 10—15 областчага бўладилар. Эндемик ўсимликлар айниқса Гавайи, Янги Каледония, Мадагаскар каби оролларда жойлашган областчаларда кўпроқ учрайди (яна қ. *Флора областлари*).

ПАЛЕОЦЕ́Н (*палео...* ва юнон. kainós — янги) — *палеоген даври*нинг қуйи бўлими. 1874 йили немис палеоботаниги В. Шимпер томонидан киритилган П. қуйи ва юқори бўлимларга ажратилади. СССРда П. инкерман ва качин ярусларига бўлинади. Ўрта Осиёда П. Бухоро қатламларининг ёшига тўғри келади.

ПАЛЕ́РМО — Италиядаги шаҳар ва порт. Сицилия области ва Палермо провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 652 минг киши (1972). Иқтисодий аҳамияти жиҳатидан Италия жанубида Неаполдан кейин 2-ўриндаги шаҳар. Портининг юк обороти 2,2 млн. *т* (1972). Кемасозлик ва кема ремонти, самолётсозлик, қ. х. машинасозлиги, кимё, ёғочсозлик, цемент, озиқ-овқат, тўқимачилик, пойабзал, пўлат қуйиш, полиграфия, тамаки, электротехника ва электрон саноати корхоналари бор. П.— туризм маркази, қишки курорт. Шаҳар атрофида субтропик ўсимликлар плантациялари, апельсинзорлар, пляжлар кўп. П. да ҳар йили ярмарка бўлиб туради. Ун-т (1777 йилдан), Нафис санъат академияси, консерватория, музейлар, галереялар, опера ва драма театрлари бор.

ПАЛЕСТРИ́НА, Жованни Пьерлуижи да Палестрина (тахм. 1525, Палестрина, Рим яқини — 1594. 2. 2, Рим) — итальян композитори, Рим полифоник мактаби асосчиси, Уйғониш даври музикасининг намояндаси. 1544—51 йиллари Палестрина шаҳридаги черков хор капелласининг раҳбари ва органчиси, сўнгра Аврлиё Пётр собори капельмейстери (1551—54). Санта-Мария Мажоре черковида регент (1561—67) ва 1571 йилдан умрининг охиригача яна Аврлиё Пётр соборида капельмейстер. Илк юксак асарлари — «Папа Марчелло мессаси», «Импроперий» ва б. ни григориан куйлари асосида 1550 йилларда яратган. Айрим месса ва мадригалларида итальян халқ куйлари ва усулларига таянган, баъзиларини Ф. Петрарканинг ишқий лирик шеърлари асосида ёзган. П. жами 103 месса, 139 мадригал, 42 псалм, 600 дан ортиқ бошқа жанрлардаги асарлар муаллифи.

Ад.: Иванов-Борецкий М. В., Палестрина, М., 1909; Розеншильд К., Музыка в Италии (Эпоха Возрождения), М., 1963.

ПАЛЕ́ТКА (франц. palette — пластинка, планка) — турли ўлчамдаги квадратларни ҳосил қиладиган чизиқлари бўлган шаффоф қоғоз, шиша ёки целлулоид. План ва карталарда юзаларни аниқлаш, нуқта координаталарини ҳисоблаш ва б. масалаларни ҳал қилишда ишлатилади. П. ёрдамида сонли интеграллашнинг энг оддий график усули амалга оширилади.

ПАЛЕ́Х САНЪАТИ — рус халқ тасвирий ва амалий санъатининг Иваново области (РСФСР) даги Палех посёлкасида ривож топган услуби. Палех рассомлик санъатининг марказларидан бири сифатида 17-асрдан маълум, лекин унинг анъаналари анча қадимий бўлиб, қадимги рус икона рассомлиги ва Византия санъати анъаналарининг давомидир.

Палехда *миниатюра*, заргарлик ривожланган. Палех миниатюраси, асосан, папье-машедан тайёрлаб лакланган қутича, портсигар, пудрадон ва турли бадиий буюмларга, шунингдек заргарлик буюмларига ишланади. Миниатюралар образларга бойлиги (фольклор, тарихий, замонавий мавзуларда, манзара, бадиий асарларнинг сюжетлари асосида) ва нафис ишланиши б-н диққатга сазовор. Тасвир, одатда, қора фонда бўлиб, атрофи зарҳал ёки сариқ нақш б-н ўралади.

Палех рассомлари деворий расмлар (мас., Иваново шаҳридаги Тўқимачилар маданият саройи, 1974), китобларга иллюстрация, спектаклларга декорациялар (мас., 1946 йилда Н. Парилов Саратов опера ва балет театрининг «Олтин хўроз» операсига, бир гуруҳ рассомлар 1949 йилда Ленинград академик кичик театрининг «Улик малика» балетига) ишлайдилар. Миниатюралар темпера б-н нозик, декоратив руҳда ишланади, композициялар лирик, тиниқ рангларда жозибадор тасвирланади, тасвирнинг силуэтига алоҳида аҳамият берилади. 1976 йил Тошкентда П. с. кўргазмаси бўлиб ўтди (369-бетдаги рангли вклейкага қ.).

Ад.: Некрасова М. М., Искусство Палеха, М., 1966; Зиновьев Н. М., Искусство Палеха, Л., 1968; Василенко В., «Одно из маленьких чудес, созданных революцией». «Проблемы современного Палеха, «Декоративное искусство СССР», 1974, № 12; Ильин М., Выставка Палеха: ювелирные работы, «Декоративное искусство СССР», 1975, № 9.

ПАЛИАШВИЛИ Захарий Петрович [1871. 4 (16). 8, Кутаиси — 1933. 6. 10, Тбилиси] — грузин композитори, созанда, дирижёр, музика жамоат арбоби. ГрузССР халқ артисти (1925). Грузин профессионал музикаси асосчиларидан. Тифлис музика билим юрти (1895—99) ва Москва консерваториясида (С. И. Танеевда; 1900—03) таълим олган. Грузия халқлари (кахетин, гурий, сван ва б.) нинг жами 300 га яқин қўшиқларини тўплаган, Грузин филармония жамиятига (1905) асос солган. 1919 йилдан Тбилиси консерваториясининг проф., директори (1919, 1923, 1929—32), Грузин опера ва балет театри дирижёри. Ижодининг илк қадамларидан грузин музика мероси хусусиятларини чет эл ва рус классик музикасининг анъаналари б-н боғлашга интилган. «Абесалом ва Этери» (1910—18), «Даиси» (1923) опералари б-н грузин опера санъати ривожига муҳим ҳисса қўшган. П., шунингдек «Латавра» (1927) операси, «Тантаналик кантата» (Октябрь рев-ясининг 10 йиллигига, 1927), оркестр учун «Грузинча сюита», қўшиқ ва романслар, хор асарлари муаллифи. Тбилисидаги Грузин Давлат опера ва балет театри, Марказий ўн йиллик музика мактабига П. номи берилган.

Ад.: Донадзе В., Захарий Палиашвили, 2 изд., М., 1971.

ПАЛИБИНИА (Palibinia) — ёпиқ уруғли ўсимликларнинг қирилиб кетган туркуми. Барг изларини дастлаб проф. Е. П. Коровин 1925 йилда Туркманистоннинг жанубидаги Ер-Ойландуз кўлининг шарқий соҳилидаги палеоген қатламларидан топиб, совет ботаниги И. В. Палибин (1872—1949) номи б-н атаган. Топилган изларига кўра, барги лентасимон, чети кунгурали, қисқа бандли, спираль шаклда бўлган. Кейинги текширишлардан П. нинг иккита тури бўлганлиги аниқланди. П. нинг бирор ўсимликлар оиласига яқинлиги ҳақида аниқ бир фикр йўқ. Иссиқсевар субтропик ўсимлик вакили ҳисобланади.

ПАЛИГОРСКИ́Т (Уралдаги Палигорск кони номидан), тоғ териси, тоғ пўкаги, тоғ ёғочи — монтмориллонит гуруҳига мансуб минерал, магнийнинг сувли силикати. Кимёвий таркиби тахминан $Mg_5[Si_4O_{10}]_2(OH)_2(H_2O)_4 \cdot 4H_2O$. Моноклин ёки ромбик сингонияли. Ранги оқ, баъзан сарғиш-кул ранг. Қаттиқлиги 2—2,5, с. оғ. 2,0—2,3. Нураш жараёнида ҳосил бўлади. П. нефтни қайта тозалаш, қоғоз саноати, медицинада, пармалаш ишлари ва қурилишда кенг қўлланилади. Украина, Шимолий Кавказда, Ўзбекистонда Фарғона, Сурхондарё области ҳамда Қизилқумда П. конлари бор.

ПАЛИНГЕНЕ́ЗИС, палингенез (юнон. pálin — қайта, яна ва *генезис*) — Ернинг жуда чуқур қатламларидаги отқинди ёки метаморфик тоғ жинсларининг трансмагматик эритмалар таъсирида қисман ёки тўла эриб, *магма*га айланиши. П. натижасида геосинклинал зоналарда инъекцион гнейслар, мигматитлар ва б. жинслар ҳосил бўлади.

ПАЛИНОЛОГИЯ (юнон. paline — майин чанг ва *логия*) — ботаниканинг ўсимлик чанги ва спорасини ўрганадиган тармоғи. «П.» терминини инглиз палеоботаниклари Х. Хайд ва Д. Уильямс (1944) таклиф қилган. Палиноморфология П. нинг асосий тармоғи бўлиб, спора ва чанг доналарининг шакли, тузилиши ва ривожланишини текширади. П. чанг ва спораниг қобиғини, морфология ва анатомиясини ўрганади. Палинологик текширишлар цитология, генетика, морфология, физика, химия ва математика фанлари ютуқларига асосланган ҳолда микроскоп, электрон микроскоп ва рентген нурларидан фойдаланиб ўтказилади.

Ер шарининг қобиғини ўрганишда, ундаги қазилма бойликларни қидиришда, шунингдек ўсимликлар ва иқлим тарихини аниқлашда. П. маълумотларидан фойдаланилади.

ПАЛИТРА (франц. palette) — рассом бўёқ қорадиган тахтача. Металл, чинни, баъзан ёғочдан тайёрланади. Маълум бир рассом, расм учун характерли бўлган ранг, бўёқлар ҳам П. деб юритилади.



Палиашвили З. П.

ПАЛЛА́ДА — астероид (кичик сайёра). Тартиб номери 2. 1802 йилда немис астрономи Г. Ольберс кашф этган. Диаметри ≈ 400 *км*. Диаметрини ўлчашнинг имкони бўлган тўртта кичик сайёранинг энг ёруғи ва йириги. Қуёшдан ўртача узоқлиги 2,77 *астрономик бирлик*ка тенг. Ўртача юлдуз катталиги 8,0. П. нинг орбита текислиги б-н *эклиптика* текислиги орасидаги бурчаги (орбита оғиши) $i = 34{,}8°$. Қадимги юнон худоси Афина Паллада номи б-н аталади.

ПАЛЛА́ДИЙ (Palladium), Pd — Менделеев даврий системасининг VIII группасига мансуб кимёвий элемент; тартиб номери 46, ат. оғ. 106,4. Табиий П. 6 та барқарор изотоп: ^{102}Pd, ^{104}Pd, ^{105}Pd, ^{106}Pd, ^{108}Pd, ^{110}Pd дан иборат.

П. ни 1803 йили инглиз олими Волластон тозаланмаган платинадан ажратиб олган ва уни 1802 йилда кашф қилинган *паллада* астероиди номи б-н атаган. П. ер пўстининг оғирлик жиҳатидан $1{\cdot}10^{-6}\%$ ини ташкил этади. Табиатда тўғма ёки бошқа ноёб металлар ва кимёвий бирикмалар б-н қотишмалар ҳолида учрайди.

П. платина группачасидаги металларнинг энг юмшоғи, энг енгили ва энг болғаланувчанидир. П. кумуш каби ялтироқ, ташқи кўриниши платинани эслатади. Зичлиги 12,02 *г/см*^{3}, суюқланиш т-раси 1552°С; қайнаш т-раси 3980°С. П. платина группачасидаги бошқа металларга қараганда кимёвий жиҳатдан актив. Зар сувида, нитрат кислотада, концентрланган қайноқ сульфат кислотада эрийди. 700°С гача қиздирилганда сирти оксидланади, уй т-расида нам хлор ва бром б-н, қип-қизил чўғ бўлгунча қиздирилганда қуруқ фтор, хлор ҳамда олтингугурт б-н реакцияга киришади. П. жуда кўп миқдорда водород ютиш хусусиятига эга (1 ҳажм П. 900 ҳажмга яқин водород ютади).

П. бирикмаларда, одатда, 2 ва 4 валентли, камчилик ҳолда 3 валентли. 2 валентли бирикмалари барқарорроқ. П. нинг палладий (II) = оксид PdO, палладий (III) = оксид Pd_2O_3, палладий (IV) = оксид PdO_2 таркибли оксидлари маълум. Галогенлар б-н палладий (II) = фторид PdF_2, палладий (III) = фторид PdF_3, палладий (II) = хлорид $PdCl_2$, палладий (II) = йодид PdI_2 ҳосил қилади. Олтингугуртли бирикмаларидан палладий (II) = PdS, палладий (IV) = сульфид PdS_2 лар бор. П. тузларининг кўпчилиги сувда яхши эрийди ва эритмаларида кучли гидролизланади.

П. сульфидли мис-никель рудаларидан платина б-н биргаликда ва, шунингдек, олтин сочилмалари ва рудаларидан олинади. П. ва унинг қотишмалари электротехникада, кимё саноатида, заргарликда, стоматологияда ишлатилади.



Палладин А. В.

Ад.: Ахметов Н. С., Неорганическая химия, М., 1964.

ПАЛЛА́ДИН Александр Владимирович (1885. 29. 8, Москва — 1972. 6. 12, Киев) — совет биохимиги, СССР ФА акад. (1942), Украина ССР ФА акад. (1929), УССР ФА президенти (1946—62), СССР Медицина ФА нинг ҳақиқий аъзоси (1944), БССР ФА Фахрий аъзоси (1950), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1955). 1932 йилдан КПСС аъзоси. УССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1935). Петербург ун-тини тугатган (1908). Харьковдаги Қишлоқ хўжалиги ва ўрмончилик ин-тида, Медицина ин-тида, сўнгра Киев ун-тида ишлаган. 1925 йили Харьковда Украина Биохимия ин-тини ташкил қилиб (ҳозирги УССР ФА Биохимия ин-ти), умрининг охиригача унинг директори.

П. Украина биохимиклари мактабининг асосчиси. Илмий ишлари витаминлар биохимияси, моддалар алмашинуви (ҳужайра ичида углевод ва фосфор алмашинуви), турли функционал ҳолатларда бош мия ва нерв тўқималарининг чоғиштирма биохимиясига бағишланган. 2—5-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. Болгария, Венгрия, Руминия ФАнинг фахрий, Польша ФАнинг чет эл аъзоси, В. И. Ленин номли мукофот лауреати (1929). 5 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени ва 3 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Основы питания, 3 изд., М., 1927; Химическая природа витаминов, 3 изд., Киев, 1941; Биохимия головного мозга, М., 1955; Вопросы биохимии нервной системы, Киев, 1965; Белки головного мозга и их обмен, Киев, 1972 (Я. В. Белик, Н. М. Полякова б-н биргаликда).

ПАЛЛА́ДИО (тахаллуси; асл исми ди Пьетро Андреа, 1508. 30. 11, Падуя — 1580. 19. 8, Виченца) — итальян архитектори, сўнгги Уйғониш даври архитектура назариётчиси. П. лойиҳаси асосида Виченца шаҳрида Тьене ва Кьерикати (ҳозир шаҳар музейи), Вальмарано, Порто Барбарано ва б. *палаццолар*, Сарего, «Ротонда» (1551—57, архитектор В. Скамоцци охирига етказган) каби виллалар, Олимпико театри (1580—85, архитектор В. Скамоцци охирига етказган), Венецияда Зафар дарвозаси, Сан-Жоржо Мажоре (1565—80) ибодатхонаси ва б. бинолар, жамоат, турар жой бинолари, турли иншоотлар қурилган. Ордерлар композициясининг бойлиги, бинолар интерьери б-н ташқи безакларининг мутаносиблиги П. ижодига хос асосий хусусиятлардандир. П. нинг «Рим обидалари» (1554), «Архитектура ҳақида тўрт китоб» (1570) ва б. асарлари ҳам машҳур. П. ижоди Европанинг *классицизм* архитектурасига кучли таъсир кўрсатди ва унда палладиочилик оқимини юзага келтирди.



Палладио А.

ПАЛЛА́С Пётр Симон (1741. 22. 9— Берлин — 1811. 8. 9) — табиатшунос олим, географ ва сайёҳ. Петербург ФАнинг аъзоси (1767 йилдан). 1768—74 йилларда Россиянинг марказий областлари, Қуйи Волга бўйи, Каспий бўйи пасттекислиги, Урта ва Жанубий Урал, Жанубий Сибирь (Олтой, Байкал атрофи ва Байкал орти)ни тадқиқ этган экспедицияга бошчилик қилган. 1793—94 йилларда Урта ва Қуйи Волга бўйи, Шимолий Кавказ, Қримда бўлган. Саёҳат даврида география, геология, ботаника, зоология, фойдали қазилмалар, кон саноати, ўрмончилик, қ. х., этнография ва б. соҳалар бўйича кўплаб материал тўплаган ва умумлаштирган. Ўсимлик ва ҳайвонларнинг янги турларини кашф этган ва тасвирлаб ёзган. П. муҳим илмий хулосалар чиқарган. «Россия флораси» номли кўп жилдли асар яратиш учун ҳаракат қилиб, икки жилдини латин тилида нашр этган (1784—88), ҳашаротлар кўрсаткичини тузган. Бир қанча хорижий академия ва илмий жамиятлар аъзоси бўлган. Курил оролларидаги вулканлардан бири, Янги Гвинея о. яқинидаги риф, бир неча ўсимлик ва ҳайвонлар, бир хил метеоритлар — палласитлар П. номига қўйилган.

Ад.: Райков Б. Е., Русские биологи-эволюционисты до Дарвина, т. 1, М.—Л., 1952.

ПАЛО́В — миллий таом тури. Пиширш усулининг хилма-хиллигига ва ишлатиладиган масаллиғининг турига қараб П. 40 дан ортиқ турга бўлинади. Мас., қовурма П., ивитма П., майиз П., бедана П., қази П., беҳили П., тўғрама П., тўй П., шодибеги П., қийма П. ва б. П. нинг софаки П. (Самарқанд обл.), қорма П. (Қашқадарё), сузма П. (Хоразм), угра П. (Сурхондарё) ва б. турлари бор. Барча турдаги П. ларни пиширишнинг умумий қоидасида муҳим уч жараён бор: а) ёғ доғлаш. Ёғни қозонга солиб, оқ тутун ҳосил қилгунча қиздириш; б) *зирвак* пишириш; в) гуруч солиш. Гуруч териб тозаланиб, илиқ ёки совуқ сувда 3—4 марта ювиб юборилади (гуручни икки кафт орасига олиб ишқалаб ювиш керак). Гуруч зирвак юзига бир текис қилиб солинади ва сувнинг қолган қисми қуйилади (сув миқдори 1 *кг* гуручга 2 *л*; 1 *л* и зирвакка, 1 *л* и гуруч юзидан қуйилади). Гуруч солингач, чўғсиз кучли аланга бериб, қозон юзасини баб-баравар қайнатишга эришиш зарур, акс ҳолда палов «тирик» бўлиб қолади. Гуруч сувни батамом тортгандан сўнг, гуручни қапғир б-н қозоннинг ўртасига гумбаз қилиб уйиб, дамчўп суқилади ва дамтовоқ б-н жипс ёпиб, 20 минутча дамланади. П. нинг энг кўп тайёрланадиган 2 тури:

Қовурма (фарғонача) П. Қўй ёғи эритилади, жиззаси сузиб олинади, ёғ доғлангандан сўнг унга гўштдан тозаланган бир бўлак суяк ташлаб юборилади. Суяк қизғиш тусга киргунча қовурилади (бу жараён ошга қизил тус беради). Суяк олиб ташланиб, паррак-паррак тўғралган пиёз ташланади. Лўнда-лўнда тўғралган гўшт солиб, қовуриш давом эттирилади. Пиёз қизариб қовурилгач, қозонга сомонча қилиб тўғралган сабзи солинади, бир оз туз сепиб аралаштирилади. Сабзи жигар ранг тусга кирганда, ошга солинадиган сувнинг ярми қуйиб қайнатилади. Зирвак 20—25 мин. милдиратиб қайнатилади. Қовурма П. учун 1 *кг* гуручга 500 *г* гўшт, 250 *г* ёғ, 500 *г* сабзи, 4—5 бош пиёз, бир чой қошиғида зира, зирк, қалампир керак.

Ивитма П. Доғланган ёғда лўнда-лўнда тўғралган гўшт қовурилади, сўнгра пиёз солинади. Қовуриш пиёз қизаргунча давом этади. Қозонга тўғралган сабзи ташланиб, 10—15 мин. давомида қовурилади, бир оз туз ҳам ташланади ва қозонга сув қуйилади. Зирвак тайёрлашга киришишдан олдин гуручни тузли сувда 3—4 марта ювиб, иссиқ сувга ивитиб қўйилади. Ивитма П. учун 1 *кг* гуручга 150—200 *г* нўхат солинади. Нўхат камида ўн соат илгари ивитиб қўйилиши керак.

П. қадимдан Урта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ўртасида машҳур таом. Узбекларнинг ҳар қандай тўй, сайил, байрам ва меҳмондорчиликларида П. тайёрланади. П. тайёрлашни билиш ўзбеклар ўртасида айниқса эркаклар (йигитлар) га фазилат ҳисобланади.

Ад.: Узбекистон халқлари тарихи, 2-том, Т., 1947; Маҳмудов К., Узбек таомлари, Т., 1970.

ПАЛОНЗЕ́ — Бухоро обл. Ғиждувон р-ни Фиришкент қ. С. даги қишлоқ. «Зарафшон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Қизилтепадан 22 *км*. Аҳолиси 793 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. Болалар боғчаси, фельдшер-акушерлик пункти бор.


ПАЛО́С, шолча — рўзғор буюми. Асосан қўлда жун, пахта ипи, сунъий толадан тўқилади; патсиз — тақир бўлади. Кўпинча полга, ерга тўшалади. Шарқ мамлакатларида, хусусан Ҳиндистон ва Эронда, шунингдек Ўрта Осиё ва Қозоғистонда қадимдан кенг тарқалган. Болгария, Руминия, Украина, Молдавияда ҳам маълум. П. ларнинг тўқима (гули тўқиладиган), босма (гули бўяб босиладиган), тикма (гули тикиладиган) хиллари бор. Безаги йўл-йўл, шунингдек геометрик шакл ва ҳар хил гул нақшлардан иборат бўлиши мумкин. Самарқанд обл. нинг Нурота, Ургут р-ларида, Бухоро обл. нинг Ғиждувон, Қизилтепа р-ларида ҳамда Шаҳрисабз, Хива ва б. жойларда П. тўқиш ф-калари ишлаб турибди. Айрим жойларда, хусусан Сирдарё, Қашқадарё обл. ларида ҳозир ҳам қўлда турли безакли замонавий П. лар тўқилмоқда (384-бетда рангли вклейка берилган).

ПАЛТУСЛАР — камбаласимонлар туркумига мансуб 4 та тур балиқнинг умумий номи. Тинч ва Атлантика океанининг шимолий қисмида тарқалган. СССРда 4 тури ҳам бор: оқ танли П. (гавдаси 4,5 *м* ча, вазни 335 *кг* ча), қора П. (гавдаси 1,2 *м* ча, вазни 45 *кг* ча), Осиё найза тишли палтуси (гавдаси 73 *см* ча, вазни 2—3 *кг* ча). Охота, Беринг ва Баренц денгизларида яшайди. Шарқий Камчатка қирғоқларида камдан-кам америка найза тишли палтуси учрайди. П. йиртқич. 300 мингдан 3,5 млн. гача увилдириқ ташлайди. Овланади.

ПАЛУБА (славянча луба — йўнилган тахта) — кемаларнинг сув ўтказмайдиган горизонтал ёпмаси. П. кемани баландлиги бўйича бир неча қисмга ажратади, мустаҳкамлигини оширади, турли юк ва тўлқин зарбини ўзига қабул қилади. П. да хизмат ва турар жой хоналари, механизм ва жиҳозлар жойлашади. Пўлат кемаларда П. пўлат листлардан қилиниб, бўйлама ва кўндаланг богловчилар б-н мустаҳкамланади. П. нинг кема бортига тегиб турадиган жойлари узунасига қалин пўлат тўшамадан ясалади; улар палуба стрингери деб аталади. Кема корпусида бир ёки бир неча П. ва платформа бўлади. П. ларо бўшлиқ твиндек, энг пастки П. остидаги бўшлиқ трюм деб аталади.

ПА́ЛЬМА — Испаниядаги шаҳар ва порт. Урта денгиздаги Мальорка оролида (Балеар оролларн). Балеарес провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 223 минг киши (1971). Озиқ-овқат, кемасозлик, тўқимачилик, ойна, кимё, кўн пойабзал корхоналари бор. Гилам ишлаб чиқарилади. Портининг йиллик юк обороти 1,4 млн. *т* дан зиёд. П. ёнида халқаро аэропорт бор. Шаҳар 3-асрда бунёд этилган. 13—15-асрлар архитектура ёдгорликлари сақланган. П. ва унинг атрофи курорт. П. га йилига 2 млн. га яқин турист келиб кетади.

ПАЛЬМАДОШЛАР, пальмалар (Palmae ёки Arecaceae) — бир паллали дарахтсимон ўсимликлар оиласи. Тропик ва қисман субтропикларда ўсадиган 240 тача туркумни, 3400 тача тури маълум. П. нинг кўп турлари Осиёда (Индонезия), Африка ва жанубий Америкада, П. нинг паст бўйли тури эса Европада тарқалган. Кўпинча шохламай тик ўсади. Танасининг бўйи 60 *м* ча, диаметри 1 *м* га етади. Баъзи турлари бутасимон лианасимон (300 *м* гача). Барглари патсимон, дарахтсимонларида тана учида тўда бўлиб, бутасимонларида эса ер бағирлаб осилиб ётади. Баргларининг узунлиги ҳатто 15 *м* ча. П. бир ва икки уйли ўсимлик. Айрим турлари ҳар йили, баъзилари фақат бир марта гуллаб мевалайди. Тўпгули йирик, оқ, сарғиш ёки кўкиш, айрим жинсли, баъзан қўш жинсли майда гуллардан иборат. Мевалари — қуруқ ёки этли данак: камроқ резавор-мевасимон, баъзилари узум уруғидек, бошқалари эса бола бошидек келади. П. 5—12 ёшида гуллайди, 30—50 йил яшайди.



Палладио. Олимпико театри.

П. 2 кенжа оилага бўлинади. Қўпгина П. нинг меваси ейилади. Хом мевасидан кокос сути олинади. Пўсти арчилган меваларидан ёғ ва маргарин олишда фойдаланилади (*мойли пальма*). Поя толаларидан жуда пишиқ арқон тўқилади, барг толаларидан сават, шляпалар тўқилади. Поясининг крахмалли ўзагидан саго (*саго пальмаси*, мавриқия пальмаси) олинади. *Финикия пальмаси*нинг меваси истеъмол қилинади.

СССРда Қавказнинг Қора денгиз соҳилларида, Ғарбий Грузияда, Қримнинг жанубий соҳилларида, Туркманистон ССРнинг ғарбий қисмида ва б. ерларда қадимдан манзарали ўсимлик сифатида экилади. П. уруғидан, баъзилари пархишлаб кўпайтирилади.



Оқ танли палтус.

ПАЛЬМЕРСТОН Генри Жон Темпл (1784. 20. 10 — 1865. 18. 10) — инглиз давлат арбоби, виконт. Умум палатаси аъзоси (1807—65), Ҳарбий ишлар, министри (1809—29), Ташқи ишлар министри (1830—34, 1935—41 ва 1846—51), Ички ишлар министри (1852—55), Бош министр (1855—58 ва 1859—65). П. ички сиёсатда ҳар қандай ислоҳотлар ўтказишга қарши чиқиб, Ирландиядаги ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатига қарши жазо чоралари қўллаш



Пальмадошлар. 1. Финикия пальмалари. 2. Мумли пальмалар.





Пальметта намуналари.

тарафдори бўлган. Ташқи сиёсатда Европа давлатлари ўртасида қарама-қаршиликларни кучайтириб, Англиянинг анъанавий «кучлар мувозанати» сиёсатини давом эттирган. Россияни Англиянинг асосий рақиби деб ҳисоблаган. Россия қудратининг ошиши, шунингдек Россия империяси терр-ясининг Ҳиндистон томонга қараб кенгайиб боришидан хавфсираш П. нинг Россияга нисбатан тутган сиёсатини белгилаган. Қрим уруши (1853—56) даврида П. Севастополни ва Россиянинг бир қанча областларини босиб олиш сиёсатини ёқлаб чиққан. П. ҳукумати Ҳиндистон халқ қўзғолони (1857—59) ни бостирган, Хитойда тайпинлар ҳаракатини (1851—64) бостиришда иштирок этган. АҚШ даги Гражданлар уруши даври (1861—65) да П. жанубдаги қулдорларни қўллаб-қувватлаган.

ПАЛЬМЕТТА (франц. palmette)— архитектура безаги, нақш тури. *Пальма* дарахти баргига, елпиғичга ўхшаш бўлади. Дастлаб қадимги Шарқ ва Юнонистон архитектурасида пайдо бўлган. Кейин Италия орқали Европанинг бошқа мамлакатлари архитектурасига ўтган. П. лар фризларда, девор безакларида қўлланилган. П. нусхалари баъзан турли идиш, ваза, газлама ва б. нарсаларда (амалий-безакчилик санъатида) ҳам ишлатилган. Ҳозир ҳам П. нинг кўп хил ва шакллари мавжуд.

ПАЛЬМИРА (юнонча Palmyra, арамейча Тадмор)— Сурияниинг шимоли-шарқий қисмидаги қадимги шаҳар, йирик савдо ва ҳунармандчилик маркази. П. тўғрисидаги маълумотлар дастлаб мил. ав. 2- минг йилликнинг 1- ярмига оид манбаларда учрайди. 1—3- асрларда П. савдогарлари Жанубий Месопотамия, Скифия, Ўрта Осиё, Жанубий Арабистон шаҳарлари б-н савдо-сотиқ олиб борган. Мил. ав. 64 йилда Сурия Рим вилоятига айлантирилган вақтда ҳам П. автоном ҳуқуқига эга бўлган. Милодий 3- асрнинг 60- йилларида П. да римликларга қарши қўзғолон кўтарилган (267—272). Бунинг натижасида Олд Осиё ва Мисрнинг барча терр-яси П. га тобе бўлиб қолган. Аммо Рим императори Аврелиан қўзғолонни шафқатсиз бостириб, П. ни бутунлай вайрон қилган (273). П. да 1900 йилдан бошлаб, археологик қазиш ишлари олиб борилади. Жуда кўп ҳайкаллар, бўртма тасвирлар, деворий расмлар топилган.

Ад.: Михайловский К., Пальмира. Альбом, Варшава, 1968.

ПАЛЬМИТИН КИСЛОТА (гексадекан кислота) $C_{15}H_{31}COOH$ — бир асосли тўйинган карбон кислота, рангсиз кристаллардан иборат. М. о г. 256,42; суюқланиш т-раси 63,1°С; қайнаш т-раси 351,5°С; сувда эримайди, спирт, бензол, ацетонда ўртача эрийди. Табиатда кенг тарқалган тўйинган ёғ кислотасидир. Барча табиий ёғларда триглицерид ҳолида учрайди. Пальма мойида 32—40%, сигир ёғида 25%, соя мойида 6,5%, чўчқа ёғида 30% П. к. бўлади. П. к. спермацет, асалари мумининг асосий таркибий қисмидир. П. к. тирик организмда кофермент А иштирокида биосинтезланади.



Пама.

П. к. ёғни совунлаб олинган кислоталар аралашмасини ректификациялаб ёки қайта кристаллаб олинади. П. к. тузлари бошқа кислота тузлари б-н биргаликда совунга ишлатилади. Баъзи эфирлари бўёқ ва синтетик детергентлар олишда, стеарин кислота б-н биргаликда шам тайёрлашда қўлланилади (яна қ. *Ёғлар, Усимлик мойлари*).

ПАЛЬПАЦИЯ, пайпаслаш — беморни текшириш усулларидан бири. Бунда терининг дағаллиги, эластиклиги, намлик даражаси, оғриш-оғримаслиги ва температураси аниқланади. Суяклар, бўғимлар, мушаклар, лимфа тугунлари, ўсмалар, юза жойлашган қон томирлар ҳам пайпаслаб текширилади. Упка касалликларини (мас., зотилжам), юрак порокларини (мас., митрал ва аорта тешикларининг торайиши), ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг катта-кичиклигини аниқлашда П. дан фойдаланилади. Қорин-даги органлар: меъда, ичак, жигар, талоқ, буйракни текширишда П. усули катта аҳамиятга эга; бунда шу органлар консистенцияси, катта-кичиклиги, оғриш-оғримаслиги, қанчалик ҳаракат қилиши билинади.

ПАМА (Bungarus fasciatus)—аспидлар оиласининг бунгарлар уруғига мансуб илон. Танасининг узунлиги 2 *м* ча; қора ёки қорамтир яшил бўлиб, сариқ ҳалқали шакллари бор. Ҳиндистон, Жанубий-Шарқий Осиё, Зонд оролларида тарқалган. Тунда актив. П. нинг заҳари жуда кучли. Майда сут эмизувчилар, судралиб юрувчилар ва б. б-н овқатланади.

ПАМПА, пампас — 1) Жанубий Америкадаги, асосан, ўт ўсимликлар ўсадиган баъзи бир текисликларнинг номи. Аслида Аргентина терр-ясининг 29—39° ж. к. лар ораси ва ғарбда Сьеррас-де-Кордова тоғларигача бўлган жойлар П. дейилади. Ер юзаси шарқида ботқоқли пасттекислик. Ғарбида дюналар учрайди; жанубий-шарқида тоғлар бор (энг баланд жойи 1250 *м*). Иқлими субтропик, ғарбида континенталроқ иқлим. Январнинг ўртача т-раси 19—24°, июлники 6—10°. Йиллик ёғин 800—950 *мм*, ғарбида 300—500 *мм*. Жанубдан кучли шамол (памперос) эсиб туради. Оқар сув кам. Энг йирик дарёлари — Парана ва унинг ирмоқлари. Тупроғи шарқида қизғиш-қора, ғарбида бўзжигар ранг тупроқ. Ҳозирги вақтда П. нинг табиий ўсимликлари деярли бутунлай йўқ қилиниб, ўрни экинзор (буғдой, маккажўхори) ва яйловга айлантирилган. П.— Аргентинанинг асосий иқтисодий р-ни.

2) Жанубий Америка жанубининг текислик қисмларида ўсувчи субтропик дашт ўсимликлари.

ПАМПАС БУҒУ (Odocoileus bezoarcticus)— буғулар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвон; баъзан алоҳида уруғ ёки кенжа уруғ ҳисоблайдилар. Уч кенжа тури маълум. Танасининг узунлиги 110—130 *см*, бўйи 70—75 *см*, оғирлиги 30—40 *кг*. Шохи кичкина, уч бутоқли. Мўйнаси бир оз жингалак, елкасида узун туклар бор. Туёқлари орасидаги бездан бадбўй ҳид тарқалади. Ўрчиш даврида жуфт бўлиб яшайди. Қўнғир тусли, оқ холли бир бола туғади. Ўтхўр. Бразилия, Боливия, Парагвай, Аргентина ва Уругвайдаги *пампа*ларда тарқалган. Ерларининг ўзлаштирилиши сабабли П. б. лар сони камайиб бормоқда. Ўсимликлар б-н озиқланади. Гўшти, териси ва шохи учун овланади.

ПАМПАС ЎТ (Cortaderia dioica)— бошоқдошлар (галлагуллилар оиласи)нинг картадерия туркумига мансуб икки уйли кўп йиллик ўсимлик. Тўпгули рўваксимон, йирик, кумуш ранг. Жанубий Бразилия ва Аргентинада ёввойи ҳолда ўсади. Баргидан қоғоз тайёрланади. П. ў. (айниқса гуллаганда) заҳарли бўлиб, мевалаганидан кейин заҳари йўқолади. СССРда манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

ПАМУҚ — Қашқадарё обл. Ульянов р-ни Жўйнов қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 40 *км*, яқин т. й. станцияси — Мубораксан 30 *км*. Аҳолиси 2944 киши (1974); чорвачилик б-н шуғулланади. Қудуқлардан сув ичади. Урта мактаб, касалхона, дорихона бор.

ПАМФЛЕТ (инглл. pamphlet) — публицистик асар, термин сифатида 14- асрда пайдо бўлган. Шеърий, прозаик ёки драматик шаклда ёзилиши мумкин. П. да жамиятдаги, турли шахслар характеридаги нуқсоилар, ножўя хатти-ҳаракатлар, хатолар, аччиқ киноя, ўткир сарказм воситалари б-н фош этилади. П. нинг илк намуналари антик даврда яратилган. П., кўпинча, публицистик ва сатирик характердаги кичик ҳажмли асарлар (мақола, очерк ва б. тарзида) бўлган. Кейинчалик катта ҳажмдаги бадиий асарлар ҳам П. усули б-н яратилди. Мас., Ж. Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари» романи, Б. Брехтнинг «Мистер Уиниг мартабаси» пьесаси ва ҳ. к. П. Уйгониш ва, айниқса, Маърифатпарварлик даврида кучли сиёсий қуролга айланди. 19—20- асрларда П. Л. Курье, В. Гюго, Э. Золя, Г. Манн, Э. Қиш, А. Н. Радишчев, В. Г. Белинский, А. И. Герцен, Л. Н. Толстой П. лари кенг тарқалди. К. Маркс («Жаноб Фогт»), В. И. Ленин («Граф Гейден хотирасига»), П. Лафарг, А. В. Луначарский П. ларида социалистик мафкура душманларининг кирдикорлари фош этилди. М Горький, В. Маяковский, С. Айний, F. Ғулом ва б. кучли П. лар яратдилар.

ПАН... (юнон. pan — ҳамма)— қўшма сўз бўлаги. Воқеа-ҳодиса, ҳукмронлик ва ш. к. нинг барча томонлари қамраб олинишини ифодалайди (мас., *пандемия, пантеизм, пантуркизм*).

ПАН... (полякча pan)— феодал ва буржуа Польшаси ва Литвасида, шунингдек Октябрь социалистик рев-ясига қадар Белоруссия ва Украинада помешчик ва барларнинг номига қўшиб айтиладиган олд қўшимча. ПХР да «П.» (аёлларга нисбатан «пани») қўшимчаси улуғлаш, ҳурматлаш ва хушмуомалалик белгиси сифатида ҳам қўлланилади.

ПАНА ЖОЙ (ҳарбий ишда)— кишиларни турли заҳарловчи моддалар, снаряд, авиация бомбаси, атом қуроллари ва ҳ. к. дан муҳофаза қилиш учун ёғоч, бетон, темир-бетон ёки тошдан махсус қурилган инженерлик иншооти. П. ж. лар ер ости ва котлован типида бўлиши мумкин. Ер ости типидаги П. ж. ер усти қатлами қазиб олинмасдан қурилади. Аҳоли яшайдиган жойларда, одатда, аҳолини муҳофаза қилиш учун алоҳида қилиб қурилган ёки граждан ва саноат биноларининг подвалларида қурилган турли хил П. ж. лар бўлади. Қўшинларнинг шахсий составини ҳимоя қилиш учун эса взвод, рота, артиллерия ва миномёт батареялари, шунингдек кузатиш ва медпунктлар учун котлован ёки ер ости П. ж. лари қурилади. Котлован типидаги П. ж. ларнинг устига тўкилган тупроқнинг қалинлиги 150 *см* ва ундан кўпроқ, ер ости типидаги П. ж. устидаги тупроқнинг қалинлиги 4 *м* ва ундан юқори бўлиши лозим. Дала шароитидаги П. ж. лар 20—30 киши ва ундан кўпроққа мўлжаллаб қурилади (яна қ. *Бомбапана*).

ПАНАМА (Panamá), Панама Республикаси (República de Panamá)— Марказий Америкаиинг Панама бўйнида жойлашган давлат. Коста-Рика ва Колумбия б-н чегарадош. Шимолдан Кариб денгизи, жанубдан Тинч океан ўраб туради. Майдони *Панама канали зонаси* б-н бирга 77,08 минг *км²*. Аҳолиси 1,6 млн. киши (1974). Пойтахти Панама ш. Маъмурий жиҳатдан 9 провинцияга бўлинган.

Давлат тузуми. П.— республика. 1972 йилги конституцияга мувофиқ қонун чиқарувчи ҳокимият бир палатали Миллий ассамблея ихтиёрида. Президент Миллий ассамблея томонидан 6 йилга сайланади. Миллий гвардия қўмондони ҳукумат бошлиғи ҳисобланади.


Суд системасини 3 судьядан иборат Юқори суд бошқаради. П. байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Табиати. П. Марказий Америкаиинг энг кам-бар (48—200 *км*) қисмида. Қирғоқлари аксари қисмида паст. Тинч океанга туташ соҳиллари парчаланган; қўлтиқ, я. о. ва ороллар бор. П. терр-ясининг ярми пасттекислик, қолган қисми тоғлар б-н банд. Тез-тез зилзила бўлиб туради.

Иқлими — субэкваториал, иссиқ ва сернам. Ўртача ойлик т-ра 25—28°. Йиллик ёғин 2500—3700 *мм*. Дарё кўп бўлса ҳам кема қатновига яроқсиз, аммо гидроэнергия запасларига бой.

Аҳолиси, асосан, *панамалар*. П. нинг туб аҳолиси — индеецлар; хитойлар, АҚШ граждан-лари ва б. ҳам яшайди. Расмий тил — испан тили. Ҳукмрон дин — католик дини, аҳолининг бир қисми протестант. Иқтисодий актив аҳоли 482 минг киши (1972). Йирик шаҳарлари: Панама, Колон.

Тарихи. П. терр-ясини испанлар мустамлака қилгунга қадар, у ерда 60 дан ортиқ индеец қабиласи яшар эди. П. ни дастлаб 1501 йили испан конкистадори Родриго де Бастидас кашф этган. 1519 йилда Панама ш. га асос солинди. П. 1542—65 йилларда Гватемала генерал-капитанлигига бўйсуниган, 1565—1718 йилларда Перу вице-қироллиги, кейинчалик Янги Гранада вице-қироллиги таркибида бўлган. 19- аср 1-чорагида испан мустамлакаларининг озодлик учун кураши П. терр-ясига ҳам ёйилди. 1821 йил ноябрда қўзғолончиларга С. Боливар юборган отрядлар қўшилди. Шиддатли жанглардан сўнг 1821 йил 28 ноябрда П. мустақиллиги эълон қилиниди, кейин Янги Гранада (1886 йил-





Қишлоқ уйлари.

дан *Колумбия)нинг* департаменти бўлиб қолди. 1903 йил 3 ноябрда П. Колумбиядан ажралиб, ўзини мустақил республика деб эълон қилди. Лекин АҚШга тўла қарам бўлиб қолди. 1903 йил 18 ноябрда АҚШ б-н П. ўртасида тузилган шартномага кўра, канал *(Панама канали)* қурилиши мўлжалланган терр-яни АҚШга «абадий фойдаланиш, эгаллаш ва назорат қилиш»га берилди. АҚШ 1918 йилда Панама ва Колон шаҳарларини эгаллаб олди. 1928 йилда П. да дастлабки касаба союзлар тузилди. 1930 йилда айрим коммунистик группалар П. Компартиясига бирлашди. 1943 йили компартия П. Халқ партияси номида қайта тикланди (1953 йилдан нолегал иш олиб боради). 1968 йил 11 октябрда давлат тўнтариши натижасида ҳокимиятни ҳарбийлар эгаллади. 1972 йил сентябрда янги конституция қабул қилинди.

Сиёсий партия ва касаба союзлари. Мамлакатда ҳамма сиёсий партиялар тақиқланган. Панама Халқ партияси (ПХП)—П. коммунистлари партияси; П. меҳнаткашлари касаба союзлари федерацияси (1947); П. меҳнаткашлари конфедерацияси (1950); П. меҳнаткашлари миллий касаба союзлари маркази ва б.


Хўжалиги. П.— иқтисодий заиф, аграр мамлакат. Хўжалигида асосий мавқени АҚШ монополиялари эгаллаб олган.

Қишлоқ хўжалигига яроқли ерлар 21,4%, шу жумладан 5,4%и ҳайдаладиган ерлар, 14,7%и ўтлоқ ва яйлов, 1,3%ига кўп йиллик ўсимликлар экилади. Асосий экспорт махсулоти — банан. Какао, абаку, шакарқамиш маҳсулотлари ҳам экспорт қилинади. Шоли, маккажўхори, дуккакли экинлар, ананас, тамаки, пахта, картошка экилади. Қорамол, парранда боқилади. Денгиздан креветка (денгиз қисқичбақаси) овланади.

Саноати заиф. Электр станцияларининг қуввати 171,7 минг *квт* (1971). Ишлаб берувчи саноати қ. х. ва ўрмон маҳсулотларини ишлайди. Иш б-н банд аҳолининг $^1/_2$ қисми озиқ-овқат саноатида. Сут, мева, сабзавот, балиқ консервалари тайёрланади. Асосий саноат марказлари: Панама, Колон, Ната, Педрегаль, Консепсьон. Кўн пойабзал ва тикувчилик, қоғоз, мебель, фанер, цемент ва керамика буюмлари корхоналари, Лас-Минасда нефтни қайта ишлаш з-ди бор.

Т. й. ларининг умумий узунлиги 474 *км*, шоссе йўллар 7 минг *км*. Энг катта порти — Панама. Пойтахт яқинида халқаро аэропорт бор.

Экспорт моллари қийматининг 50%и банга, 20%и нефть маҳсулотларига, 10%и креветкага, 5%и шакарқандга тўғри келади. Четдан транспорт воситалари, саноат буюмлари; нефть, озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилади. Асосан АҚШ б-н савдо қилади. Пулбирлиги— бальбоа. АҚШ нинг 1 долларига тенг.



Панама ш. соҳил қисмининг кўриниши.

Куролли кучлари (5—6 минг киши)— Миллий гвардия қуруқликдаги қўшинлардан иборат. Қўшинларга бевосита раҳбарликни Миллий гвардия қўмондони амалга оширади.

Соғлиқни сақлаш. 1971 йилда ҳар минг киши ҳисобидан туғилиш 34,5, ўлим 5,7 (болаларда 37,6) нафарни ташкил этди. Ўртача умр 55,8 йил. Юқумли касалликлар кенг тарқалган. Улимнинг асосий сабаблари: юрак-томир касалликлари, хавфли ўсмалар, энтерит, ичак касалликлари, болалар инфекцияси ва б. 1972 йили 5,7 минг ўринли (1 минг кишига 1 ўрин) 38 касалхонада 1,2 миг врач (1,2 минг кишига 1 врач), 155 тиш врачи, 60 фармацевт ва 3 мингга яқин ўрта медицина ходими ишлаган. Врачлар Панама ун-тининг медицина ф-тида тайёрланади.

Маорифи. 7—15 ёшдаги болалар учун 1946 йилдан мажбурий таълим жорий қилинган. 1972 йили 9,3 минг ўринли 170 болалар боғчаси бўлган. 1972/73 ўқув йили барча умумтаълим мактабларда 404,7 мингдан ортиқ ўқувчи, 2 ун-тда 16,4 минг студент ўқиган.

Панама ун-ти кутубхонаси, Миллий кутубхона, П. миллий музейи (1925) бор.

Илмий муассасалари. П. да илмий тадқиқот ишлари 20- асрнинг 20-йилларидан бошланди, бир неча илмий муассасалар ташкил этилди. Мамлакатнинг энг йирик илмий муассасалари — П. ун-ти ҳузуридаги Қ. х. тадқиқот маркази, Ҳисоблаш маркази, Антропологик тадқиқотлар ин-ти, Ижтимоий тадқиқотлар маркази ишлайди. Фанлар бўйича миллий кенгаш (1963) илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади.

Матбуоти, радиоси ва телевидениеси. 1974 йили П. да 16 даврий нашр чоп этилди, шулардан 5 таси кундалик газета: «Critica» (1959), «Матутино» (1964), «Ора» (1947), «Унидад» (1973, П. Халқ партияси органи, ойда 2 марта чиқади).

Радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар хусусий компаниялар қўлида. П. да 112 радиостанция, 2 телестанция мавжуд. «Либертад» ҳукумат радиостанцияси 1971 йилдан, телевидение 1959 йилдан ишлайди.

Адабиёти 19- асрнинг ўрталарига Колумбия адабиётининг бир тармоғи сифатида ривожланди. 1845 йилда асос солинган Ҳаваскор маърифатпарварлар жамияти П. миллий адабиётини яратишда катта роль ўйнади.

Мексикадаги буржуа демократик рев-яси (1910—17) ва Биринчи жаҳон уруши адабий зиёлиларни икки оқимга бўлинишига сабаб бўлди. Р. Синан, Р. Лауренс каби шоирлар ўзларини «авангардизм» тарафдори деб эълон қилдилар ва формализм йўлига кириб кетдилар. Д. Корси, Д. Эррера Севильяно каби шоирлар ижтимоий зиддиятларни тасвирлашни давом эттирдилар. И. де Х. Вальдес ва б. прозаиклар шаҳар ва қишлоқ ҳаётини реалистик тасвирладилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин ёзувчилар ижодида ижтимоий адолатсизликка қарши кураш темаси муҳим ўрин олди (М. Риера, П. Ривера, Х. Франко). Кейинги йилларда эса тинчлик, демократия ва Америка империализмига қарши курашга бағишланган асарлар яратилмоқда.

Архитектураси ва тасвирий санъати қадимий. П. маданияти Мексика, Марказий Америка б-н Колумбия ва б. жанубий ўлкалар маданиятларининг ўзаро таъсирида шаклланди.

Маҳаллий индеецлар монументал иншоотлар қурмаганлар. Испанлар ҳукмронлиги йилларида мудофаа иншоотлари, қул бозорлари, божхона, омборлар қурилган. 20- асрда Панама ва Колон шаҳарларида ҳашаматли кварталлар, парклар б-н уйғунлаштириб квартал ва ансамбллар, АҚШ архитектураси таъсирида турли бинолар қурилди.

Тасвирий санъати мустамлака йилларида, асосан, бошқа мамлакатлардан келган усталарнинг ишларидан иборат бўлди. 20- асрда етишиб чиққан маҳаллий рассомлар Европа ва Америка модернистик оқимлари таъсирида ижод қила бошладилар. Маҳаллий индеецларнинг ижоди қадимий анъаналарга бой. Ёғочдан турли ҳайкалчалар ясаш, сомон шляпалар тўқиш, кийимларга кашта тикиш каби амалий санъат турлари ривож топган.

Ад.: Зубок Л. И., Империалистическая политика США в странах Карибского бассейна, 1900—1939, М.—Л., 1948; Гонионский С. А., История панамской революции, М., 1958; Венин В. М., Панама и Панамский канал, М., 1951; Кравец Н. А., Панама, М., 1968; Панама. 1903—1970 гг., Сокр. Пер. с исп., М., 1974.


ПАНАМА — Панаманинг пойтахти. Панама каналига Тинч океани томонидан кираверишдаги денгиз порти. Т. й. ва шоссе йўл орқали Карибденгизи бўйидаги Колон порти б-н боғланган. Аҳолиси 502 минг киши (1973). Шаҳар 1519 йилда индеецларнинг Панама номли қишлоғи ёнида испанлар томонидан бунёд этилган. 1671 йилги ёнғинидан кейин бир неча *км* нарида ҳозирги П. қурила бошлаган. 1903 йилдан мамлакат пойтахти. П. аҳолисининг кўпчилиги каналдаги кема қатновига хизмат қилади. Озиқ-овқат, тўқимачилик, мебель, кўн пойабзал, кимё, цемент корхоналари бор. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. 2 ун-т, Миллий академия ва б. академиялар, кутубхоналар, музей, театрлар, консерватория ва ҳ. к. лар мавжуд.

ПАНАМА КАНАЛИ — Марказий Америкадаги сунъий сув йўли. Панама терр-ясида. Панама бўйининг энг паст жойидан ўтган. Атлантика океанини Тинч океан б-н бирлаштириб туради. Халқаро аҳамиятга эга бўлган энг муҳим сув йўлларидан бири. 1903 йилда АҚШ Панама ҳукуматидан Панама бўйида канал қуриш ҳуқуқини олди. П. к. ни қуриш 1904 йилда бошланди. 1914 йилда битказилиб, ўша йилнинг 15 августида канал орқали дастлабки кема ўтди. П. к. нинг расмий очилиши 1920 йил 12 июнда бўлди.

П. к. нинг узунлиги 81,6 *км*, шундан 65,2 *км* қуруқлик орқали, 16,4 *км* Панама ва Лимон қўлтиқлари орқали ўтган. 1970 йилда каналнинг кема ўтказиш қобилиятини оширмоқ учун тубида энг камбар жойининг эни 150 *м* га етказилди. Гарантияли чуқурлик шлюзларда 12,5 *м* гача. Кема канални 4—8 соатда сузиб ўтади. Қаналдан бир суткада ўртача 36 та кема ўтади. П. к. туфайли АҚШ ва Канаданинг ғарбий ва шарқий соҳиллари ҳамда Латин Америкаси мамлакатлари ўртасидаги кема йўллари бир неча марта қисқарган. 1971 йилда канал орқали 15,3 минг кема ўтган. Ташилаётган юкларнинг 70%и АҚШга тегишли. П. к. бўйлаб Панама б-н Колон шаҳарлари ўртасида т. й. ва шоссе йўл ўтказилган.

ПАНАМА КАНАЛИ ЗОНАСИ — Панама давлати терр-ясининг Панама канали ўтган қисми. Эни 16,1 *км* ли узун полоса бўлиб, Панама каналининг иккала соҳили бўйлаб Атлантика океанидан Тинч океангача давом этган. П. к. з. Панамани икки қисмга ажратиб туради. Майдони 1432 *км*². Аҳолиси 45 минг киши (1972), аксари қисми АҚШ гражданлари. Маъмурий маркази — Бальбоа-Хайтс ш. П. к. з. орқали т. й. ва шоссе йўл ўтказилган.

1903 йилги АҚШ — Панама шартномасига кўра П. к. з. ни АҚШ муддатсиз ижарага олган ва бу терр-я устидан сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий назорат ўрнатган. П. к. з. ни АҚШ президенти тайинлайдиган губернатор идора қилади. 1939 йилдан зона АҚШ ҳарбий министрлиги ихтиёрида. П. к. з. да АҚШнинг ҳарбий-денгиз ва авиация базалари, ҳарбий ўқув юртлари бор. П. к. з. дан фойдаланганлиги учун АҚШ ҳукумати 1955 йилдан Панамага йилига салкам 2 млн. доллар тўлайди (1973 йилда АҚШ канални эксплуатация қилишдан 100 млн. доллар фойда олган). Панама АҚШдан П. к. тўғрисидаги 1903 йилги тенгсиз шартномани қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда.



Панама канали.

ПАНАМАЛАР — халқ. Панама республикасининг асосий аҳолиси. Умумий сони 1,5 млн. дан ортиқ (1974). Индеец тилларининг лексик таъсиридаги испан тилида гаплашади. Христиан динининг католик ва протестант мазҳабларига эътиқод қиладилар. П. оқ танлилар (Европадан келган мустамлакачилар авлоди), мулатлар ва метислар, негрлар ҳамда маҳаллий халқ — индеецлардан иборат. Индеецларнинг умумий сони 65 мингдан ортиқ (гуайми, куна, чоко қабилалари мамлакатнинг ғарб ва шарқида яшайди, деҳқончилик, овчилик б-н шуғулланади). Ирқий камситиш ва чеклашлар П. миллий уюшувига катта тўсиқ бўлиб келмоқда.

Ад.: Народы Америки, т. 2, М., 1959; стр. 157—197.

ПАНАМЕРИКАНИЗМ — АҚШ империалистлари Латин Америкаси мамлакатларини асоратга солиш мақсадида қўллайдиган реакцион сиёсий доктрина. 19- асрда вужудга келган. П. учун Америка қитъасидаги халқларнинг амалда бўлмаган сиёсий, иқтисодий ва маданий «бирлигини», «умумийлигини» даъво қилиш характерлидир.

АҚШ Иккинчи жаҳон урушидан сўнгги даврда Ғарбий ярим шар давлатлари ишларида, «коммунистларнинг аралашуви»га қарши кураш ниқоби остида, Латин Америкаси мамлакатларига ҳарбий-сиёсий ва иқтисодий тазйиқ б-н бирга ғоявий (идеологик) жиҳатдан ҳам кириб келмоқда. Латин Америкаси мамлакатларини «коммунистик хавф»дан сақловчи ролини ўйнаб, АҚШ Кубага 1961 йили контрреволюционерларнинг ҳужумини уюштирди ва уни Америка давлатлари ташкилоти (АДТ)дан чиқаришга эришди (1962). Бироқ Латин Америкаси мамлакатларида антиимпериалистик ҳаракатнинг кучайиши ва барча мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланиши, жумладан АДТ ташқи ишлар министрларининг Сан-Хоседа бўлиб ўтган 16- маслаҳат кенгаши (1975 йил 31 июль) Кубага нисбатан эмбаргони бекор қилиниши П. гояларининг инқирозга учраётганини кўрсатди.

ПАНГАМАТ КИСЛОТА — қ. *Витаминлар.*


ПАНГОЛИНЛАР, яшчерлар, (Pholidota)— сут эмизувчи ҳайвонлар туркуми. Бир оилага мансуб 7 тури бор. Гавдаси 60—170 *см* (думи б-н бирга). Оғирлиги 4,5—27 *кг*. Танасининг усти ва дум қисми йирик шох тангачалар б-н қопланган. Кул ранг-қўнғир тусда. Тумшуғи чўзиқ, тиши йўқ. Жанубий Осиё ва Африкада тарқалган. П.— тунда актив. Ерда, баъзилари дарахтларда ҳаёт кечиради. 1—3 бола туғади. Узун тили б-н, асосан, чумоли ва термитларни териб ейди. Маҳаллий аҳоли П. гўштини истеъ-




Дашт панголини.



Панда.




Пардури.



Панель. Девор-панель: *1*—трубалар; *2*—сув келиш трубаси; *3*—вентиль.



Пандус. «Уголок» кафеси (Тошкент. 1965).



Тошкент марказидаги маъмурий бино ёнидаги пандус. 1970.

мот қилади, шох тангачаларидан эса ҳар хил буюмлар ясайди.

ПАНДА, кичик панда, мушуксимон айиқ (Ailurus fulgens) — енотсимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Гавдаси 51—64 *см*, думи 28—48 *см*. Оғирлиги 3—4,5 *кг*. Танаси майин жун б-н қопланган, устки қисми малла-сарғиш, қорни қўнғир-малла ёки қора. Думи бароқ, ҳалқа шаклли бор. Тунда актив, кундузи дарахт коваклари да ётади. Ўсимликлар, баъзан майда кемирувчилар, қуш ва уларнинг тухумлари б-н овқатланади. 1—2 бола туғади. Асосан, Ҳимолай тоғларидаги ўрмонларда яшайди.

ПАНДАНУС, пандан (Pandanus) — пандандошлар (панданогуллилар оиласи)га мансуб бир паллали дарахт ва буталар туркуми. Танаси нисбатан ингичка, кўпининг пастки қисмидан ҳаво илдизлари чиқади. Барги энсиз, қаттиқ, лентасимон, четлари ўткир тишли. Гули гулёнбаргсиз. Меваси резавор ёки данакли. Шарқий ярим шарнинг тропикларида 1600 га яқин тури бор; денгиз соҳиллари, дарёларнинг қуйилиш жойлари ва зах ўрмонларда учрайди. Истеъмол қилинадиган меваси ва ҳар хил нарсалар тўқиладиган барги учун тропикларда экилади. Айримлари манзарали.

ПАНДЕМИЯ — эпидемик касалликнинг бир неча мамлакатда ёппасига тарқалиши.

ПАНДИГОН — Фарғона обл. Риштон р-ни Уйрат қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон 50 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқатдан 11 *км*. Аҳолиси 1602 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, алоқа бўлими бор.

ПАНДИРОН — Қашқадарё обл. Ульянов р-ни Новқат қ. С. даги қишлоқ. «Қашқадарё» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Қаршидан 27 *км*. Аҳолиси 848 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қашқадарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПАНДИТ (санскритча — олим, донишманд, ўқитувчи) — Ҳиндистонда санскрит ва ҳинд каноник адабиётларини яхши билган браҳман олимларга қадимда берилган фахрий унвон. Кашмирда ҳамма браҳманларни П. дейишади.

ПАНДУРИ (юнон. pandura — уч торли соз) — грузин, абхаз, ажар халқларининг уч торли тирнаб чалинадиган мусиқа асбоби. Косаси чўзиқ шаклли, умумий узунлиги тахм. 750 *мм*. Торлари турлича созланади. Товуш бармоқ ёки плектр (нохун) б-н ҳосил этилади. Ҳозир оркестрларда П. нинг реконструкцияланган прима, альт, тенор каби турлари қўлланилади.

ПАНДУС (франц. pente douce — нишаб, қиялик) — баландда ёки пастда жойлашган бино, гараж, кўприк ва ҳ. к. ларга одам, транспорт ўтиши учун хизмат қилувчи қия (одатда 13°—14° гача) йўл. Баъзан П. бино ва паркларда зина вазифасини бажаради, лекин устки қисми зиналарга бўлинмайди, текис бўлади.

П. лар ўзбек меъморлигида қадимдан қўлланилган. Қашқадарё обл. Ғилон қишлоғида жойлашган турар жой биноларига кириш учун махсус П. лар қурилган. Нурота тоғ тизмасида бунёд этилган қадимий қўрғон ва қалъаларга чиқишда ҳам П. шаклидаги довонлардан фойдаланилган. Мазкур П. лар қисқа-қисқа бурилишли қилиб ишланган. Маҳаллий П. лар орасида Сурхондарёдаги «Бибишой кўприги», айниқса, диққатга сазовор. У Бойсун тоғ тизмасидаги Деҳан Боло қишлоғи ёнидаги тик (800 *м*) қоядан ўтиш учун 1793 йили Уста Олим раҳбарлигида (Бибишой исмли аёл ташаббуси б-н) қурилган (расмга қ.). Бу П. ҳар қайсиси 10—15 *м* келадиган 40 дан ортиқ кўприк — П. лардан иборат.

Замонавий архитектурада ҳам П. лардан фойдаланилмоқда (мас., Тошкент аэропорти ёнидаги П. ли кўприк, В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали биноси П. лари ва ҳ. к.). Аксарият, маъмурий ва саноат бинолари, транспорт иншоотлари ва б. ёнига қурилмоқда.


ПАНЕВЕЖИС — ЛитССРдаги шаҳар. Невежис дарёси (Нямунас ирмоғи) бўйида. Т. й. узели. Аҳолиси 88 минг киши (1974). П. 16- асрда вужудга келган. Шаҳарнинг асосий корхоналари: кинескоп, кабель, автокомпрессор, электротехника, шиша, металл буюмлар, қанд-шакар, аралаш ем з-длари, спирт, гўшт, сут ва зиғир тола к-тлари, мебель ва тикувчилик ф-калари. Қаунас Политехника ин-тининг кечки ф-ти, 2 техникум, 2 билим юрти, ўлкашунослик музейи, драма театри бор.

ПАНЕЛЬ (нем. Paneel) — 1) йиғма бинолар девори ёки пардеворининг йирик элементи (қ. *Йирик панелли конструкциялар*). П. тайёрланаётганда дераза ва эшик ўринлари қолдирилади ва ичига иситиш трубалари қўйиб кетилади. Трубаларга иссиқ сув ёки буғ б-н иситиш системаси уланади. Бундай иситиш радиаторли иситишга қараганда санитария-гигиена ва эстетика жиҳатдан анча афзал (расмга қ.); 2) кўча четида пиёдалар учун асфальт-бетон, тош ва б. дан тўшалган йўлкалар; 3) бино ички деворининг пастки қисмидаги ёғоч қоплама, кошин ёки бўёқ; 4) олд томонига назорат ва бошқариш асбоблари ўрнатиладиган электротехника детали; 5) *ферманинг* асосий нагрузкани қабул қиладиган икки қўшни узели орасидаги қисми.

ПАНЖ — *Амударёнинг* юқори қисми. Вахш дарёси қуйилган жойгача шу ном б-н аталади.

ПАНЖ (1931 йилгача Сарой Қамар, 1931 йилдан 1936 йилгача Бауманобод, 1936 йилдан 1963 йилгача, Кировобод) — ТожССРдаги шаҳар. Панж дарёси бўйида, Душанба т. й. станциясидан 206 *км*. Аҳолиси 6,6 минг киши (1973). Пахта тозалаш з-ди бор.

ПАНЖА РАЗРЯД — газлардаги электр разряд тури (қ. *Электр разряд*).



Панжакентдаги маҳалла плани. Рақамлар б-н турар жой биноларининг харобалари кўрсатилган. Бир-бирига яқин бинолар (мас., 8, 6, 10 сингари) бир комплексни ташкил этган. Схемада шундай комплекслардан 10 таси кўрсатилган.

ПАНЖАКЕНТ — ТожССР Ленинобод областидаги шаҳар (1953 йилгача посёлка). Зарафшон дарёси водийсида, Самарқанддан 68 *км* жануби-шарқда. Аҳолиси 16 минг киши (1974). Вино, гиштт, сут, тамаки ферментация, консерва з-длари, гўшт, шоли-ун к-тлари; тарих ўлкашунослик музейи, педагогика билим юрти бор.

Ҳозирги П. дан 1,5 *км* жанубий-шарқда қадимги П. шаҳри харобалари жойлашган. Унинг майдони 13,5 *га*, шаҳристон, қўрғон, рабод ва қабристондан иборат. П. ни 1938—40 йилларда археолог В. Р. Чейлитко текширган. 1946 йилдан ТожССР Археология экспедициясининг Панжакент отряди (раҳбарлари: А. Ю. Якубовский, 1953 йилдан М. М. Беленицкий) текшириш олиб бормоқда. Шаҳристондан кўча тармоқлари, қасрсимон иморатлар, турар жой бинолари, ҳунармандчилик устахоналари ва дўконлар топилди. Қасрлар яланг бўшлиқлар ва деворлари ранг-баранг манзаралар б-н безатилган пешайвонлардан иборат. П. дан бир неча минг бронза танга топилди. Булардан П. да зарб қилинган суғд тангалари алоҳида қимматга эга. Сопол парчаларига суғд тилида ва камдан-кам араб тилида тушь-сиёҳда ёзувлар битилган. Кўпчилиги ёнғин пайтида куйиб кетган сопол ҳайкаллар, ўйиб ишланган ёғоч шакллар, шунингдек ҳар хил мазмундаги манзаралар тасвири ва нақш-гул солинган ёғоч ғўлалар топилди. Айниқса, деворларга ишланган расмлар — оқсуяклар базмлари, диний маросимлар, ов, жанглар ва мифологик шакллар тасвирланган манзаралар алоҳида қимматга эга.


Шаҳар 5- асрдан 8- асрнинг биринчи чорагигача яхши ривожланган. Шаҳарни 8- аср охирида араблар вайрон қилган.

Ад.: Якубовский А. Ю., Древний Пенджикент, «По следам древних культур» тўпламида, М., 1951; Беленицкий А. М., Распопова В. И., Древний Пенджикент, Душанбе, 1971; Беленицкий А. М., Монументальное искусство Пенджикента, М., 1973.


ПАНЖАКЕНТ САНЪАТ ОБИДАЛАРИ — *Панжакент*да археологик қазишлар туфайли топилган деворий расм, ҳайкал, ёғочга ўйиб ишланган тасвир ва нақшлар. Қадимий Панжакент харобалари СССР Фанлар академияси, Тожикистон ССР Фанлар академияси, Давлат Эрмитажи экспедициялари томонидан (ҳамкорликда) 1946 йилдан бошлаб систематик қазиб ўрганилган. 70- йилларгача бир пайтлар деворларига сюжетли расмлар ишланган 50 дан ортиқ бино (2 ибодатхона, сарой, шахсий уйлар) қазиб очилган. Бинолар ёнғин, турли урушлар оқибатида вайрон бўлиб, улардаги санъат асарлари бузилган, тупроқ остида қолиб кетган. Плани бир-бирига анча ўхшаш бўлган 2 ибодатхона деворларида қисман сақланган деворий расмлар, айниқса, диққатга сазовор.

Икки устунли бир айвонда гилам устида ўтирган икки эркак расми кўзга ташланади (уларнинг юзлари атайин қириб ташланган, бу — араб истилочиларининг иши бўлса керак), белларида ханжар, қилич осилган, бош кийимларида гуллаган дарахт новдалари қадалган, бир қўлларида ҳам новда, бошқа қўлларида мева солинган идиш тутганлар. Бошқа бир деворда қўлларида новда ва қадаҳ тутган кишилар акс эттирилган. Бир деворда қурбонлик қилиш маросими тасвирланган. Кишилар бош кийимсиз, белларида қимматбаҳо тошлар қадалган камарлар, камарларда пичоқ осилган. Бошқа бир жойда базм ифодаланган — рақсга тушаётган, музика чалаётган кишилар ялангоч ёки ярим ялангоч қилиб ишланган. 2- ибодатхона ёнғинда зиён кўрмагани учун унда расм қолдиқларини кўпроқ сақланган. Эшик яқинидаги деворда ичкарига кираётган отлиқлар тасвирланган.


Бадавлат кишилар яшаган стандарт икки қаватли уйлар ҳам деворий расм, ҳайкал ва нақшлар б-н безатилган. Уларда жанг ва ов лавҳалари, маиший ҳаёт, спорт мусобақалари (кураш) акс эттирилган.



Тоғда пандус кўприк. Сурхондарё обл. Деҳан Боло қишлоғи яқинидаги «Бибишой кўприги».



Панжакент. Топилган археологик ашёлар. *1, 2, 9, 11, 15, 17*—темирдан ясалган хўжалик буюмлари ва қуроллар; *3, 4, 6—8, 12, 14, 16*—сопол буюмлар; *5, 11*—тошдан ясалган буюмлар; *10, 13*—сердолик тошлар; *12, 18*—бронза буюмлар.



Панжакент санъат обидалари. Ёғочга ўйиб ишланган нақш қолдиғи.



Панжакент деворий расмларидан. Арфа чалаётган аёл. 7—8-асрлар.

Панжакент биноларида қисман сақланган ёғоч ўймакорлиги намуналари араб истилосига қадар Урта Осиёда ёғочни йўниб, ўйиб ҳайкаллар, турли тасвир ва нақшлар яратиш санъати ривож топганини яна бир марта исботлайди. Лекин нам тупроқда бу намуналар нобуд бўлиб кетган, фақат ёнғинда чала куйган айрим намуналаригина сақланган. Топилган 3 ёғоч ҳайкалда (бўйи 120 *см* гача) белигача яланғоч раққосалар акс эттирилган. Ёғочни ўйиб, рельеф ҳосил қилиб ишланган ҳайкалларда тахтда ўтирган ҳукмдор, аравада ўтирган киши, шер минган аёл, шер овлаётган отлиқ, от чоптириб кетаётган киши ва б. тасвирланган. Ёғочга ўйиб ишланган турли-туман нақш қолдиқлари ҳам топилди.

П. с. о. орасида деворга лойдан ишланган ҳайкаллар ҳам бор. Монументал лой ҳайкаллар, асосан, ибодатхоналарда бўлиб, диний мавзуларда, айримларида аждар, балиқ; афсонавий ҳайвонлар, сувдан чиқиб келаётган кишилар акс эттирилган.

П. с. о. ўсимликлардан олинган елим, минерал бўёқлар б-н бўялган. Ганч оқ бўёқ ўрнида, куйдирилган суяк, қора куя, кўмир эса қора бўёқ ўрнида қўлланилган. Санъат обидаларининг кўплиги бу ерда жуда ҳам кўп рассом ва ҳайкалтарошлар ижодий меҳнат қилганини кўрсатади. Улар ўз даврида Самарқанд санъаткорлари б-н алоқадор бўлганлар. П. с. о. сўғдийларнинг юксак маданияти тўғрисида тасаввур берувчи далил сифатида тарихга кирди.

Ад.: Беленицкий А. М., Монументальное искусство Пенджикента, М., 1973.

ПАНЖАОЁҚЛИЛАР (Heliornithes) — қушларнинг бир туркуми. Гавдаси 30 *см* гача. Тумшуғи ингичка, бақувват. Оёқлари калта, йўғон бўлиб, олдинги узун бармоқлари тери парда орқали ўзаро туташган, патлари қаттиқ, қалин. Бир оилага мансуб 3 тури бор. Африка, Осиё, Америкада, Ҳиндихитой ва Суматранинг жанубий қисмида тарқалган. П. ботқоқли ўрмонларда яшайди. Яхши учади, сузади ва шўнғийди. Уясини сув устига ясайди. 2—3 тухум қўяди. Усимлик ва майда умуртқасиз ҳайвонлар б-н овқатланади.

ПАНЖАРА — архитектура детали. Биноларнинг эшик, дарча, туйнук, зинапояларида, айвонларда тўсиқ ва айни пайтда безак вазифасини ўтайди. Боғларда тўсиқ, уй ускуналарида безак сифатида ҳам фойдаланилади. Ғиштни ва ёғоч тахтачаларни ўзаро қалаб, ганчни ўйиб ёки қуйиб, тошни ўйиб, металлни қуйиб ёки ўйиб геометрик, ўсимликсимон нақш ҳосил қилиб тайёрланади. Айниқса, шарқ архитектурасида кенг тарқалган.


Археологик материаллар П. санъати қадимдан мавжудлигини кўрсатади. *Тупроққалъа* (3-аср) саройларида хом ғиштни қалаб, *Варахша* (8-аср) биноларида ганчни ўйиб ишланган П. қолдиқлари бор. *Исмоил Сомоний мақбараси*да пишиқ ғиштни қалаб П. ҳосил қилинган. *Шоҳи Зинда* комплексида катта санъат б-н ишланган ёғоч П. сақланган (14-аср). Улуғбек даври архитектура ёдгорликлари бу даврда мармарни бадиий ишлаб жозибадор П. намуналари яратилганини кўрсатади. Бухородаги Мир Араб, Абдуллахон (16-аср), Самарқанддаги Шердор (17-аср) мадрасаларида ранг-баранг кошинлардан ишланган мозаика П. ларининг ажойиб намуналари сақланган. Урта Осиёда 11—17-асрларда П. санъати кенг ривожланган, бу даврларга мансуб архитектура ёдгорликлари орасида П. сиз бино кам. 18-асрда монументал иншоотларга кам эътибор берилгани туфайли П. ларнинг сифати пасайган. 16-асрда ва 20-асрнинг бошларида Бухоро, Хива, Қўқонда ишлаш техникаси ва шакли жиҳатдан фарқланадиган услублар вужудга келган.

П. схемалари турли-туман. Квадрат, тўртбурчак, томонлари тенг учбурчак шаклларнинг симметриясидан иборат содда П. лардан тортиб қуш, гул, дарахтлар акс эттирилган тематик, жуда ҳам мураккаб П. лар бор. П. санъатининг бой традициялари Совет ҳокимияти йилларида халқ усталари томонидан янада ривожлантирилди. Совет архитекторлари жамоат биноларида, турар жойларда халқ усталари маҳоратидан ҳам фойдаланмоқдалар (Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалиги кўргазмасида Ўзбекистон павильони ва унинг қошидаги чойхона, архитектор С. Н. *Полупанов;* Навоий номидаги театр биноси, архитектор А. В. *Шчусев;* Тошкентдаги Собир Раҳимов номидаги кинотеатр, архитектор А. Б. *Бобохонов;* В. И. Ленин хиёбонидаги «Кўк гумбаз» кафеси қошидаги чойхона ва б.).

П. тайёрлаш техникаси П. нинг материалига, унинг вазифаси, ўрни, устанинг малакаси ва маҳоратига боғлиқ. Ёғоч П. учун ўймакорликда ишлатиладиган ёғочлардан фойдаланилади. Ёғоч П. тайёрлашнинг кенг тарқалган усули — олдин ром тайёрланиб, чизма бўйича ҳозирланган тахтачалар унинг ичига қалаб-йиғиб чиқилади. Бу устадан кўп меҳнат, маҳорат, аниқлик талаб қилади. Тахтани парма ва искана б-н ўйиб ҳам П. тайёрланади. Ганч П. лар ганчнинг энг яхшисидан қолипга қуйиб ёки олдин тахта ҳосил қилиниб, кейин уни ўйиб тайёрланади, кейин пардоз берилади. Шакли олдин ганчдан ёки ғишт қалаб тайёрланиб, устига кошин қопланган П. лар ҳам бор. Металл П. лар камдан-кам бўлиб, қуйиб ёки мис тахтасини ўйиб тайёрланган (ҳозир, кўпинча чўяндан қуйиб тайёрланмоқда). П. Шарқ мамлакатларида, айниқса Яқин ва Ўрта Шарқда кўп учрайди.



Панжакент санъат обидалари. Елим бўёқ билан ишланган кўп фигурали деворий расм.



Панжара. Ёғочни ўйиб (1, Шоҳи Зинда, Самарқанд), ёғоч тахтачаларни қалаб (2, Самарқанд) ва ганчни ўйиб (3, Самарқанд) ишланган.

Ад.: Ремпель Л. И., Панджара. Архитектурные решетки и их построение. Т., 1957.

ПАНЖГОҲ — 1) *Ун икки мақом* системасида маълум шўъба номи; беш погонали товушқатор ва унга мос куй (яна қ. *Пентатоника*). Шашмақомнинг Рост мақомида Мухаммаси П. деб аталган чолғу қисми ҳам мавжуд. Унинг халқ орасида тарқалган вариантларидан бири Рости П. дир; 2) Хоразмда фақат чолғу куйлардан иборат мақом йўли. Айрим мутахассислар П. ни мустақил мақом деб ҳисоблаган, лекин у Рост мақомининг чолғу қисмларидан олинганлиги сабабли уни мустақил мақом деб ҳисоблаш нотўғрилиги аниқланган; 3) уйғур ўн икки *муқом*идан бири. Уйғурча П. муқом йўллари куй тузилиши ва доира усуллари жиҳатидан бошқа П. лардан тубдан фарқ қилади.

ПАНЖИ — Қашқадарё обл. Китоб р-ни Қуёқбой қ. С. даги қишлоқ. «19-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Китобдан 15 *км*. Аҳолиси 530 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қорабулоқ ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.


ПАНЖОБ — Ҳиндистон ва Покистон терр-яларидаги табиий ва тарихий область. Ҳинд-Ганг текислигининг шимолий қисмида, Ғарбда Сулаймон тоғларидан шарқда Жамна дарёсигача давом этган. Ер усти аллювий жинслардан тузилган. Панжнад дарёси (Ҳинд дарёсининг сўл ирмоғи)га қуйиладиган Сатлаж, Желам, Чиноб, Рави ва Биас дарёларидан суғорилади. Дарёлари ёзги муссон даврида тошиб, ўзанини ўзгартириб туради. Рельефи бир оз қия, жарлар бор. Аксари қисмининг баландлиги 150—350 *м*. Иқлими қуруқ тропик иқлим. Ҳарорат кескин ўзгариб туради. Январнинг т-раси 13—16°, майники 35°. Йиллик ёғин ғарбида 150 *мм*, шарқида 700 *мм* гача. П. терр-ясининг 70—90%и ўзлаштирилган. Қанал кўп. Обикор деҳқончилик қилинади. Табиий ўсимликлари (тиканли бута-зорлар, саванналар) сувайирғич тепаликларда сақланган.


П.— энг қадимги маданият ўчоқларидан бири. Мил. ав. 3-минг йилликда П. терр-ясида анча ривожланган Хараппа маданияти мавжуд бўлган. 2-минг йилликнинг 2-ярмида П. га ғарб ва шимоли-ғарбдан орийлар келиб ўрнашган. Уларнинг маҳаллий аҳоли б-н аралашиб кетиши натижасида ҳинд-орий халқлари ва қабилалари (мадра, жартика, кекайя ва б.) шаклланган. Ҳиндистоннинг чегара р-ни бўлгани учун қадимда ва ўрта асрларда П. га қўшни халқлар (мил. ав. 6-асрда форслар, мил. ав. 4-асрда юнонлар, мил. ав. 2-асрда грек-бактрийлар, милоднинг бошларида *кушанлар*, 5—6-асрларда эфталитлар, ўрта асрларда афғонлар, туркlар, 13—14-асрларда мўғуллар) тез-тез бостириб кирган. П. Маурья давлатининг вилояти (мил. ав. 3-аср), ҳинд-грек шоҳлари ўлкаларининг маркази (мил. ав. 2—1-аср) бўлган. Эфталитлар, Ғазнавийлар давлатлари (11—12-асрлар), Деҳли султонлиги, *Бобурийлар давлати* таркибига кирган. Мусулмон ҳукмдорларининг ҳукмронлиги даврида П. да ислом дини кенг тарқалди. 17—18-асрларда П. да сикҳ деҳқонларининг йирик ҳаракати бошланган, кейинчалик сикҳ давлати тузилган (1765).

Инглиз-сикҳ урушлари (1845—46, 1848—49) дан сўнг, П. ни инглиз Ост-Индия компанияси босиб олган. Шундан кейин П. Британия Ҳиндистонининг провинциясига ва 43 кичик князликларга бўлиб ташланди. 1947 йили Ҳиндистон 2 қисмга — Ҳиндистон ва Покистон республикаларига бўлингач, аҳолисининг кўпчилиги мусулмон бўлган П. нинг ғарбий қисми Покистонга, ҳинд ва сикҳлар яшайдиган шарқий қисми Ҳиндистонга ўтган.



Панжаоёқлилар. Африка панжаоёғи.





Панжара нақшларини ясаш схемаси.

ПАНЖОБ — Покистоннинг шимоли-шарқий қисмидаги провинция. Ҳинд дарёсининг Чиноб ва б. ирмоқлари ҳавзасида. Майдони 182 минг *км*². Аҳолиси 37,4 млн. киши (1972). Маъмурий марказ — Лоҳур ш. (Провинциянинг табиати тўғрисида *Панжоб* — табиий ва тарихий обл. мақоласига қаранг).

П.— мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган қисми. Хўжалигининг етакчи тармоғи — суғорма деҳқончилик. Қ. х. да фойдаланилаётган 6,5 млн. *га* ердан қарийб 5 млн. *га* суғорилади. Мамлакат терр-ясининг 25% и, аҳолисининг 58% и П. ҳиссасига тўғри келади. П. Покистонда етиштирилаётган буғдойнинг 77% ини, шолининг 43% ини, пахта ва шакарқамишнинг 72% ини, саноат маҳсулотининг 45% ини беради. Асосий қ. х. экинлари: буғдой (жами экин майдонининг 37%и), грэм, бажра, шоли, жовар, маккажўхори, пахта, шакарқамиш ва мойли экинлар. Чорвачилик б-н провинциянинг шимолий ва шимоли-ғарбий р-нларида шуғулланилади; асосан, қўй (9 млн.) ва эчки (4 млн.) боқилади.

Кўмир, сурьма, тошгуз, табиий газ, нефть қазиб чиқарилади. Лайалпур ва Мўлтон шаҳарларида ип газлама саноатининг нисбатан йирик корхоналари жойлашган. Озиқ-овқат, кўн-тери, машинасозлик, металлсозлик, кимё, қоғоз, цемент, пахта тозалаш корхоналари бор. Ҳунармандчилигида металл ва сополдан уй-рўзғор буюмлари, фил суягидан бадиий буюмлар тайёрланади.

ПАНЖОБ — Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги штат. Сатлаж дарёси ҳавзасида. 1956 йилда тузилган. Майдони 50 минг *км*². Аҳолиси 13,5 млн. киши (1971); панжоби ва ҳинди тилларида сўзлашади. Маъмурий маркази — Чандигарх шаҳри (штатнинг табиати тўғрисида *Панжоб* — табиий ва тарихий область мақоласига қаранг).

П.— мамлакатнинг буғдой ва ингичка толали пахта етиштириладиган асосий қ. х. р-ларидан. Ишланадиган ерларнинг ярмига яқини суғорилади. Асосий озиқ-овқат экини — буғдой (мамлакатда олинаётган буғдой ҳосилининг ¼ қисми), дуккакли экинлар, арпа, маккажўхори, тариқ, картошка ва шоли. Техника экинларидан пахта, шакарқамиш экилади. Канградa чой плантациялари бор. Чорвачиликда қорамол (6 млн.), қўй ва эчки (1 млн. дан зиёд), туя боқилади. Саноати қ. х. маҳсулотларини қайта ишловчи ва кустарь корхоналардан иборат. Тўқимачилик (ип газлама, шойи, мовут) корхоналари, қанд, цемент, минерал ўғит, оғир сув з-длари, ремонт устахоналари, қоғоз, чой ф-калари ва б. бор. Ҳунармандчиликда гилам, пойабзал, ёғоч буюмлар ишлаб чиқарилади. П. орқали Ҳиндистонни Покистон б-н боғловчи асосий транспорт йўллари ўтган. Бхакра-Нангал гидроэнергетика комплекси П. хўжалигида салмоқли ўрин тутади.

ПАНЖОБ — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Каттақўрғонариқ қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 8 *км*. Аҳолиси 946 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Даргом каналидан сув ичади.

ПАНЖОБ АДАБИЁТИ — панжобилар адабиёти. Горакхнатх (9- ёки 11- аср), Жаландхарнатх, Чарпат (890—990) ларнинг диний мавзуда яратган гимнлари, баъзи эртаклар, достонлар ва А. Мўлтонийнинг «Мактублар» поэмаси П. а. нинг илк намунаси ҳисобланади. Панжоб ёзма адабиёти асосчиларидан бири Шайх Фарид Шакарганж (1173—1265) дир. Унинг ижоди суфизм б-н боғланган. Шу б-н бирга унинг байтларида тенг ҳуқуқлилик, ҳалоллик каби ғоялар илгари сурилган. У панжоб адабий тилининг ривожида катта роль ўйнаган.

12—15- асрларда Ҳиндистонда сиқҳ динининг шаклланишида асос бўлган бхакта ҳаракати кенг тарқалди. Бу даврда *Нанак* «Сиғиниш», «12 ой», «Бахт гимни» асарларида сиғинишга қарши чиқди, аёл ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли бўлишини талаб қилди. Унинг шеърлари сингхларнинг муқаддас китоби «Адигрантх» («Бошланғич китоб», 1604) га киритилган.

16- асрда П. а. да янги жанр — *қиёса* пайдо бўлди. Бу жанр араб ва форс анъаналари асосида («Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайхо» ва б.) яратилди. Дамодар («Хир ва Ранжха»), Пила («Мирза ва Соҳибон»), Ҳафиз Баркхурдур («Юсуф ва Зулайхо»), Ворис Шоҳ («Хир ва Ранжха») ва б. қисса жанрида ижод қилганлар. Бу даврда Шоҳ Ҳусайн (1538—93), Буллха Шоҳ (1680—1752/1758) каби шоирлар суфийлик руҳида асарлар яратдилар. 1848—49 йилларда Панжоб инглиз мустамлакачилари томонидан босиб олингач, адабиётда *жангнома* характеридаги асарлар пайдо бўлди, уларда озодлик ва демократик мотивлар баён қилинди (Шоҳ Муҳаммаднинг «Инглизлар билан сиқҳларнинг жанги тўғрисида ривоятлар» ва б.).

Ҳозирги замон П. а. га Бхай Вир Сингх (1872—1957), Дханирам Чатрик (1876—1954) каби ижодкорлар асос солдилар. 20- аср бошларида П. а. да миллий озодлик ҳаракатининг кўтарилиш йиллари бўлди. Адабиётга драматург Нанда, сатирик Чаран Сингх Шаҳид, шоир Пуран Сингхлар кириб келдилар. 1926 йили илғор ёзувчилар Панжоб адабий жамиятига бирлашдилар. 1936 йили Ҳиндистонда Прогрессив ёзувчилар ассоциацияси тузилди. Бу жамиятга Мулк Раж Ананд, Иқбол Сингх ва б. аъзо бўлиб кирдилар. 1947 йили Ҳиндистонда мустақиллик эълон қилингандан сўнг П. а. янада ривожланди, адабиётда халқ ҳаёти яна ҳам ёркинроқ акс этди. Бу нарса Нанак Сингх, Гурбакхш Сингх, Картар Сингх Дуггал, Сантох Сингх Дхир, Амрита Притам, Притам Сингх Сафир каби бир қанча шоир ва ёзувчилар ижодида ўз ифодасини топди.

60—70- йилларда адабиётнинг ижтимоий роли ортди, илғор ёзувчиларнинг модернизмга, шунингдек ўнг реакциянинг П. а. ни чекланган диний-жамоа ҳолатига қайтаришга уринишига қарши кураши кучайди.

Танқидий реализм — Ҳиндистондаги П. а. нинг етакчи йўналиши. Бу йўналиш тарафдорлари панжобликлар ҳаётини мустамлакачилик оқибатларини тугатиш, мамлакатда ва бутун дунёда демократик ўзгаришлар қилиш учун курашаётган Ҳиндистондаги бошқа халқлар ҳаёти б-н бирга тасвирлашга уринмоқдалар.

Покистондаги П. а. намояндалари М. Ниёзий, А. Нағий, М. Софдар, М. А. Бхатти, З. Иқбол, А. Эҳсон ва б.

Поэзияда ғарб модернизми намуналарига эргашувчи экспериментализм, шунингдек кўпроқ урду тилидаги поэзия таъсирида бўлган анъанавий шеърият сезиларли роль ўйнади. Танқидчиликда демократик ва прогрессив тенденциялар кучайди.

Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг конференциялари ҳам П. а. ривожига таъсир кўрсатди. П. а. вакилларининг асарлари Совет Иттифоқида, жумладан Узбекистонда ҳам таржима қилинмоқда (Мулк Раж Ананд, Амрита Притам ва б. асарлари).

ПАНЖОБ ТИЛИ, панжоби — *Ҳинд-европа тиллари* оиласининг ҳинд-орий тилларига мансуб тил. Ҳиндистон ва Покистонда тарқалган. П. т. да 36 млн. киши гаплашади (1971). П. т. мажи, жаландхари, потхохари, доаби каби диалектларга бўлинади. Бу диалектлар (доаби диалектидан ташқари) бир-бирларидан кам фарқ қилади. Панжоб адабий тилига мажи диалекти асос бўлган. П. т. аслида агглютинатив тиллардан бўлиб, кейинчалик унда флексия ривожланган. Лексик, грамматик жиҳатдан П. т. ҳинд тилига яқин, лекин фонетик хусусиятларига кўра, ундан кескин фарқ қилади. П. т. да қисқа ва чўзиқ унлилар, ўзига хос ундош товушлар бор. Сўз урғуси кучли, сўздаги урғусиз бўғинлар ҳам урғули бўғинлар сингари аниқ талаффуз этилади. Отларда 2 (музаккар ва муанниас) жинс категорияси бор. Келишиклар 6 та. П. т. лексикасининг 60% ини қадимги ҳинд тилига мансуб сўзлар ташкил қилади. Форс, араб, туркий ва инглиз тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам мавжуд. П. т. нинг ёзма ёдгорликлари 15- асрга оид. П. т. нинг бўғин ёзувига асосланган гурмукхи алифбосида 35 та ҳарф бор. Ғарбий Панжобда араб графикасидаги урду алифбоси, Шарқий Панжобда деванагари ёзуви ҳам қўлланилади.

Ад.: Толстая Н. И., Язык панджаби, М., 1960.

ПАНЖОБИЛАР — халқ. Ҳиндистон я. о. даги Панжоб табиий ва тарихий областининг асосий аҳолиси. Ҳиндистоннинг Панжоб ва Харьяна штатлари ва Покистоннинг Панжоб вилоятида яшайди. Умумий сони 58 млн. дан ортиқ (1972). Панжоб тилида сўзлашади (аммо Ҳиндистондаги П. ҳинди тилини, Покистондаги П. урду тилини яхши билади). Ҳиндистондаги П. асосан ҳиндуизм ва сиқҳизмга, Покистондагилари эса исломга эътиқод қиладилар. Панжоб маданиятнинг энг қадимий бешкираларидан бири ҳисобланади. Мил. ав. 3- минг йилликда Панжобда *Хараппа маданияти* гуллаб яшнаган. Панжоб аҳолиси этник ва тил жиҳатидан Урта Осиё ва Эроннинг энг қадимий аҳолиси б-н қардош. Панжобда яшаган халқларнинг тарихий этногенезида бу ерни босиб олган форслар, юнонлар, сак (шак)лар ва парфияликлар, кушонлар, араблар, мўғуллар маълум роль ўйнаган. Бобир Ҳиндистонни босиб олгандан сўнг (1526) Панжобга афғон қабилалари ҳамда ўзбеклар ҳам кўчиб келган. 19- асрнинг иккинчи ярмида Панжобни инглизлар босиб олдилар. П. халқ сифатида 17—18- асрларда шаклланган. Қ. х. да буғдой, тариқ, маккажўхори, пахта экилади, ҳунармандчилик б-н шуғулланади.

Ад.: Народы Южной Азии, М., 1963, стр. 318—342; 706—715.

ПАНЖТОР — Узбекистон ва Тожикистонда *нохун* б-н чертиб чалинадиган беш торли музика асбоби, *танбур* тури. П. нинг косаси танбурникидан каттароқ бўлиб, кучлироқ садо беради. Икки чеккадаги жуфт торлари бир хил (унисонга) созланади. Улар ўртасидаги бам тори, ижро этиладиган куйнинг тузилиши, диапазони ва умумий характерига кўра (чекка торларга нисбатан) катта секунда, кварта ёки квинтага созланади. П. да куйлар баъзан камон б-н (*сато* ўрнида) ҳам ижро этилади.

ПАНЗООТИЯ (пан... ва юнон zoon—ҳайвон) — ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликнинг тез ва кенг тарқалиши. П. да юқумли касаллик бир ёки бир неча мамлакатда, бутун қитъада кенг тарқалиб, деярли ҳамма ҳайвон касалланади. Оқсил, ўлат ва б. шундай касалликлардан. Бу касалликлар тез юқади, инкубация даври қисқа, касал ҳайвон тузалгандан кейин кучли иммунитет ҳосил бўлмайди.

Социал-иқтисодий факторлар, биринчи навбатда, хўжаликларнинг мамлакат ичида ва ўзаро тез-тез алоқада бўлиб туриши, шунингдек мол боқиш шароитининг ўзгариши П. ривожланишига маълум даражада сабаб бўлади. П. га қарши муваффақиятли курашиш касалликлар қай даражада ўрганилганлигига, диагностиканинг самарали усулларига ва профилактиканинг ўзига хос воситалари, шунингдек эпизоотик тадбирларнинг тўла амалга оширилишига боғлиқ.

ПАНИПАТ ЖАНГЛАРИ — Ҳиндистон тарихида муҳим ўрин эгаллаган, Панипат ш. (Деҳлидан тахм. 100 *км* шимолда жойлашган) атрофида бўлган 3 жанг: 1) 1526 йил 21 апрелда Деҳли султони *Иброҳим Лўдий* аскарлари б-н Қобул ҳукмдори Бобир қўшини ўртасида бўлган жанг. Бу жангда Бобир ғалаба қозониб Ҳиндистонда Бобирийлар давлатига асос солган (яна қ. *Бобир*); 2) 1556 йил 5 ноябрда *Акбаршоҳ* армияси Байрамхон қўмондонлигида Деҳли тахтининг даъвогари Хему устидан ғалаба қозонди. Бу ғалаба натижасида Бобирийлар Ҳиндистонда мустаҳкамланиб олди;

3) 1761 йил 14 январда маратҳа ҳукмдорларининг бирлашган қўшини б-н *Аҳмадшоҳ Дурроний* қўшини ўртасидаги жанг. Бу жангда маратҳалар бутунлай тор-мор келтирилди. Лекин афғонлар бу ғалабани мустаҳкамлай олмадилар, чунки шу вақтда Афғонистонда ўзаро кураш кучайиб кетган эди. Натижада Аҳмадшоҳ Афғонистонга қайтиб кетишга мажбур бўлган. Бу урушда маратҳалар б-н афғонлар кучсизланди, бундан фойдаланган инглизлар Ҳиндистонни босиб олишга киришди.

ПАНИСЛОМИЗМ (*пан...* ва *ислом*) — 19- асрнинг охирида Яқин ва Урта Шарқдаги мусулмон мамлакатларида вужудга келган диний-сиёсий оқим. Асосчиси *Жамолиддин ал-Афғоний*. П. тарафдорлари чет эл капиталининг мусулмон Шарқига суқулиб киришига монелик қилиш, чет эл мустамлакачилари зулмидан қутқариш мақсадида мусулмонларни миллати ва ижтимоий ҳолатидан қатъи назар халифалик типидаги ягона мусулмон давлатига бирлаштириш ғоясини илгари сурганлар. Бу йўлда мустамлакачиларга қарши актив тарғибот олиб борганлар, махфий ташкилотлар тузганлар, газеталар нашр қилганлар. Айни вақтда, панисломистлар диний ислоҳчилик позициясида туриб, ислом динини давр талабларига мувофиқ ислоҳ қилишга ҳам интилганлар.

20- асрнинг бошларига келиб П. ўзининг антиимериалистик характерини йўқота бориб. турк ломешчиклари, буржуазия ва мусулмон руҳонийлари юқори табақаларининг идеологиясига айланди. П. ғояларидан манфаатдор бўлган султон Абдул Ҳамид ва турк ҳукмрон доиралари ундан ўзларининг босқинчилик ҳаракатларида ҳамда ўзларига тобе бўлган мусулмон мамлакатларида пайдо бўлаётган революцион ҳаракатнинг олдини олиш мақсадларида фойдаландилар.



Панжтор.



Панков М. А.

Биринчи жаҳон уруши даврида П. ўта реакцион характер касб этиб, мусулмон мамлакатларида миллий ва диний низоларнинг кучайишига олиб келди, меҳнаткаш халқ оммасининг онгини заҳарлаб, уларни синфий кураш йўлидан қайтариш учун ҳукмрон табақалар қўлида ғоявий қурол бўлиб хизмат қилди.

Подшо Россиясида П. ғоялари Ўрта Осиё, Волга бўйи ҳамда Қримда яшовчи мусулмон буржуазияси ва буржуа интеллигенциясининг бир қисми ўртасида тарқалган бўлиб, Октябрь рев-ясидан кейин Совет давлатига қарши қаратилган хавфли ғоявий кучга айланди. В. И. Ленин П. нинг зиддиятли характерини ва миллий озодлик ишига ниҳоятда зарарли эканлигини очиб ташлаб: «Европа ва Америка империализмига қарши озодлик ҳаракатини хонлар, помешчиклар, муллалар ва шулар кабиларнинг позициясини мустаҳкамлаш билан бирга қўшишга уринувчи панисломизм ва шу каби оқимларга қарши кураш олиб бориш зарур...», деб уқтирган эди (В. И. Ленин, Асарлар, 31-т., 143-б.).

П. нинг контрреволюцион, антисовет моҳияти айниқса, Гражданлар уруши ва Ғарб империалистик давлатларининг Советлар Россиясига қарши уюштирган ҳарбий интервенцияси вақтида намоён бўлди.



Панкратова А. М

Иккинчи жаҳон уруши даврида ва ундан кейин ҳам империалистик доиралар ўзларининг жаҳон социализм системасига, биринчи навбатда Совет Иттифоқига, халқаро ишчи ва коммунистик ҳаракатга, Шарқ халқларининг миллий озодлик ҳаракатига, сиёсий ва иқтисодий мустақилликка, социал тараққиётга қарши курашида бошқа воситалар б-н бир қаторда П. дан ҳам фойдаланиб келмоқдалар.

Ад.: Ленин В. И., Миллий ва мустамлака масалаларига оид тезисларнинг дастлабки ёзмаси, Ас., 31-т.; Аршаруни А. А., Габидуллин Х. З., Очерки истории панисламизма и пантюркизма в России, М., 1931; Хорижий Шарқ халқларининг илғор ижтимоий-фалсафий фикрлари тарихи очерки, Т., 1971.

ПАНКОВ Михаил Александрович (1902, Кустанай обл.— 1975, Тошкент) — тупроқшунос, қ. х. фанлари д-ри (1947), проф. (1948), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). 1952 йилдан КПСС аъзоси. САГУ қ. х. ф-тини тугатган (1927). Тупроқшунослик ва геоботаника ин-тида илмий ходим (1927—37), ЎзССР Фанлар комитетида ва СССР ФА Ўзбекистон филиалида катта илмий ходим (1937—47), Тошкент Қ. х. ин-ти тупроқшунослик кафедраси мудири (1945—67). 1967 йилдан шу кафедра профессори.



Пани А. М.

П. Жиззах, Ғарбий Тяньшань, Вахш, Ҳисор, Фарғона тоғли р-ларининг тупроқ эрозияси ҳамда Амударё қуйи қисмидаги ерларининг шўрланиш сабаблари устида тадқиқот олиб борган. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Ўзбекистон тупроқлари, 1, 2-т., Т., 1947; 1957 (бошқалар б-н ҳамкорликда); Тупроқшунослик, [Дарслик], Т., 1963; Почвоведение, [Дарслик], Т., 1973; Мелиоративное почвоведение, [Дарслик], Т., 1974.

ПАНКРАТОВА Анна Михайловна (1897. 4. 2, Одесса — 1957. 25. 5, Москва) — совет тарихчиси, партия ва жамоат арбоби, СССР ФА нинг акад. (1953), БССР ФА нинг ҳақиқий аъзоси (1940), РСФСР Педагогика ФА нинг ҳақиқий аъзоси (1944). 1919 йилдан КПСС аъзоси. Ишчи оиласида туғилган. 1917 йили Одесса (Новороссийск) ун-тини тугатган. Гражданлар уруши (1918—20) даврида партизанлар ҳаракатида иштирок этган. Украина ва Уралда партиявий ишда (1920—21). Қизил профессура ин-тини тугатган (1925). 1926 йилдан турли олий ўқув юртларида дарс берган. 1939 йилдан СССР ФА нинг тарих ин-тида ишлаган. 1953—57 йилларда «Вопросы истории» журналининг бош муҳаррири. П. нинг илмий асарлари асосан Россиядаги ишчилар ҳаракатига, Совет жамияти тарихи ва Ғарбий Европа пролетариати тарихига бағишланган. «История дипломатии» («Дипломатия тарихи») асарини яратишда қатнашгани учун СССР Давлат мукофоти б-н тақдирланган (1946). КПСС 19- ва 20-съездларида КПСС МҚ аъзолигига сайланган. 4-чақириқ СССР Олий Советининг депутати, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси. Ленин ордени, 2 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАНКРЕАТИН (Pancreatinum) — ҳайвонларнинг меъда ости безларидан олинадиган ферментли препарат. Ўзига хос ҳидли сарғиш аморф порошок. Сувда кам эрийди, спирт ва б эритувчиларда эримайди. Меъда ширасида хлорид кислота миқдори камайганда, панкреатит касаллигида, ҳазм қилиш процесси сусайганда, жигар ва меъда ости безлари касалликлари, хроник энтероколитда қўлланилади. Порошок ва таблетка ҳолида чиқарилади.


ПАНКРЕАТИТ (юнон. pankreas — меъда ости бези) — меъда ости безининг яллиғланиши. Ўткир ва хроник бўлади. Ўткир П. турли микроблар таъсирида пайдо бўлади ва кўп учрайди. Меъда ости бези ўт йўллари ва меъдачак йўллари касалликлари натижасида, шунингдек қон б-н инфекция ўтиши оқибатида ҳам яллиғланади. Артериосклерозда, ўт йўлида тош пайдо бўлганда ва спиртли ичимликлар, ҳаддан ташқари ёғлиқ овқатларни истеъмол қиладиган семиз кишиларда кўпроқ кузатилади. Ўткир П. да бемор иситмалаб, эти увишади, кўнгли айнаб, қусади. Тўш ости, чап қовурғалар ости, чап елка ва орқага тарқаладиган кучли оғриқ пайдо бўлади. Бемор дармонсизланиб, томири дастлаб секин уради, кейин қон босими пасайиб кетгач тез-тез уради.

Хроник П. меъда ости безининг секрет чиқарадиган асосий йўли беркилиб қолганда (яъни ўсма, тош пайдо бўлганда), ичакларининг хроник касалликларида иккиламчи касаллик сифатида вужудга келади. Хроник П. да меъда ости безида кичрайиб, қаттиқлашади, без йўли кенгаяди, киста пайдо бўлади. Касаллик зўрайганда беморнинг меъда ости безида соҳаси санчиб оғрийди ва оғриқ чап томонга тарқалади, бемор ичи кетиб, озади, дармони қурийди. П. нинг гипертрофик формасида без бошчасининг катталашуви, умумий ўт йўлининг босилиб қолиши туфайли беморнинг бадани сарғайиб кетади. Атрофик П. да организмда карбонсувлар алмашинуви бузилиши мумкин (диабет).

Давоси. Касалликнинг йирингли ёки некротик турлари бўлмаса, дори-дармонлар б-н даволанади, парҳез буюрилади ва ҳ. к. Йирингли ва некротик П. бошланган ёки перитонит белгилари бўлса, операция қилинади.

ПАНН Александр Михайлович (1914. 25. 3) — совет кинооператори. ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1966). 1942 йилдан КПСС аъзоси. Бутуниттифоқ кинематография ин-ти (ВГИК)нинг операторлик ф-тини тугатган (1939). 1940 йилдан «Ўзбекфильм» киностудиясининг оператор ассистенти. Улуғ Ватан уруши





Панноlар. 1. Тошкентдаги „Динамо" стадионида деворга ишланган мозаика панноси. **2.** ЎзССР амалий санъат асарлари доимий кўргазмаси (Тошкент) деворига гончи ўйиб, нақш заминини бўяб ишланган панно.

Панно мақоласига.





Панно мақоласига. Паннолар. Бухоро заргўзлари тиккан заргўзлик панноллар (1950-йиллар, Ўзбекистон ССР амалий санъат асарлари донмий кўргазмаси, Тошкент).

йиллари (1941—45) фронтда сиёсий ходим. Урушдан қайтгач, «Фарғона қизи» фильмида оператор ассистенти бўлиб қатнашди. Кейинчалик «Совет Узбекистони», «Самарқанд» каби ҳужжатли фильмларни суратга олди. П. 15 дан ортиқ бадиий фильмга операторлик қилди («Улуғбек юлдузи», «Еттинчи ўқ», «Зулматни тарк этиб» ва б.).

ПАННО (лат. pannus — мато парчаси) — 1) бино девори ёки шифтининг рамкага олиниб, расм, нақш, *барельеф* ишланган қисми. Расм мойли бўёқ б-н *темпера, фреска, мозаика* усулларида ишланади (нақш композициялари ҳам ишланиши мумкин). Юнонистон, Қадимги Римда, Уйғониш даврида Европа мамлакатларида бундай П. нинг жозибадор намуналари яратилган. Урта Осиёда ганчга ўйиб ишланган нақш П. лар биноларда кўп учрайди. Совет ҳокимияти йилларида, айниқса, 40-йиллардан кейин жамоат биноларида халқ усталари П. нинг бундай хилларини кўп яратдилар. Деворга ишланган рамкасиз мозаика, керамик, тасвир расмлар ҳам П. деб аталади (мас., ЎзССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, Тошкентдаги «Россия» меҳмонхонаси ва шу меҳмонхона яқинидаги Моделлар уйи деворидаги керамик П. лар); 2) бино интерьерини безаш учун деворнинг маълум бир жойига мўлжаллаб махсус яратилган картина, ёғоч ёки ганч ўймакорлиги асари, металлга зарб бериб, қабартиб ишланган тасвир, каштадўзлик, зардўзлик буюми, тематик ёки декоратив безак. Картина П. лар Европа санъатида кенг тарқалган. Совет рассомлари ижодида ҳам кўп учрайди (мас., Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрида У. Тансиқбоев, М. А. Аринин, К. П. Чепраков ишлаган П., 1957). Ўзбек каштадўзлари тиккан палак, сўзаналар ўзига хос П. бўлиб, хонадонларни безаган. Совет ҳокимияти йилларида ўзбек каштадўз, зардўзлари тематик, декоратив П. ларнинг ажойиб намуналарини яратдилар (400—401-бетдаги рангли вклейкага қ.); 3) циркда от устида мураккаб машқлар бажариш учун махсус тайёрланган эгар (бўйи—узунлиги 1 *м*, эни 60—70 *см*).


ПАННОНИЯ ПАСТТЕКИСЛИГИ — *Урта Дунай текислиги*нинг ҳозир кам қўлланиладиган иккинчи номи.

ПАНОРАМА (*пан...* ва юнон. horama — кўриниш) — *тасвирий санъатда* — теварак-атрофни қамраб олиб акс эттирадиган картина. П. ла атрофдаги манзара, рўй бераётган воқеа тўла акс эттирилади, *иллюзия* ёрдамида воқеа жонли гавдаланмоғи учун картинанинг олдига бинолар, турли жойларнинг макети, нарсалар, кишши, ҳайвонларнинг шакллари ишлаб жойлаштирилади. П. айлана бино ичидаги деворда бўлиб, томошабинлар шу бинонинг ўртасида махсус қурилган майдончадан П. ни кўрадилар. Биринчи П. ни 1787—88 йилларда ирландиялик рассом Р. Баркер Эдинбургда яратган. П. санъати 19-асрда Францияда ривож топган. Россияда П. нинг тўнғич устаси Ф. А. Рубо ҳисобланади («Севастополь мудофааси», 1902—04; «Бородино», 1911). СССРда П. санъатини ривожлантиришда М. Б. Греков номидаги ҳарбий рассомлар студиясининг хизмати катта («Сталинград жанги», 1950). Рассом Н. Г. Котов бошчилигида бир гуруҳ рассомлар яратган «Царицин мудофааси», «Сталинград мудофааси» П. лари диққатга сазовор. Шу вақтга қадар яратилган П. ларда жанг эпизодлари гавдалантирилди.




Ф. А. Рубо. «Севастополь мудофааси» панорамаси (1902—04).

ПАНОРАМА КИНО — кинофильмларни суратга олиш ва намойиш қилиш усули. Кинофильмлар махсус аппаратлар б-н кинога олинади ва жуда катта доиравий экранга туширилади. Бир-бирига нисбатан 48° бурчак остида жойлашган уч объективли аппарат ишлатилади (1-расм). Кадрлар 35 *мм* ли учта киноплёнкага олинади (ҳар қайси плёнкага умумий панорама кадрининг $^1/_3$ қисми туширилади) (2-расм). Киноплёнкалар кинога олиш аппаратларида 712,5 *мм/сек* тезлик б-н силжийди. Фильмлар жуда ботиқ цилиндрик экранли (эни 20—30 *м* ли) кинотеатрларда учта кинопроектор б-н намойиш қилинади. Бунда тасвир горизонтал бўйича 146°, вертикал бўйича эса 55° бурчак остида ҳосил бўлади (3-расм).




1-расм. Панорама кинофильмларни кинога олиш.

Овоз стереофоник усулда 35 *мм* ли плёнкага қайд қилинадиган 7 та каналга (АҚШ системаси «Синеорама») ёки 9 та каналга (Совет Иттифоқи системаси «Кинопанорама») ёзиб олинади ва эшиттирилади. Ҳаракат б-н олинган фильм кадрлари намойиш қилинганда томошабинлар ўзларини гўё экранда бўлаётган воқеалар қатнашчисидек сезадилар. Бунда стереоскопик эффект (кинога олинган асосий объ-



2-расм. Панорама кинофильм плёнкалари.



3-расм. Панорама фильмни кўрсатиш.


ектларнинг ёнида жойлашган нарсаларни кўриш таъсири) ҳосил бўлади, бу эса фильмни тушунишни осонлаштиради.

П. к. мураккаблигидан тахм. 1963 йилдан бошлаб, унинг ўрнига кинога олиш ва кўрсатишда бир объективли методдан ва 70 *мм* ли стандарт киноплёнкадан фойдаланиладиган система қўлланила бошлади.

Ад.: Голдовский Е. М., Кинофильмлар қандай яратилади, Т., 1963.

ПАНПСИХИЗМ (*пан...* ва юнон. psyche — руҳ) — табиатни жонлантириб ва уни руҳга эга деб кўрсатувчи идеалистик таълимот. Унинг вакили Г. *Лейбниц* бўлган. Ҳозирги замон буржуа философиясидаги *персонализм* П. га жуда яқин туради.

ПАНСИОН (лат. pansio — ижара) — ҳозирги баъзи чет мамлакатларда ва подшо Россиясида аристократ ва буржуазия болалари учун очилган махсус (ётоқхонали) ўқув-тарбия муассасаси; 2) истиқомат қилувчиларни ҳақ бараварига ўзининг тўла таъминотига олувчи меҳмонхона, дам олиш уйи типидаги муассаса.



Пантограф. 1-расм. Осма пантограф.

ПАНСЛАВИЗМ — 19-асрнинг 2-ярми — 20-аср бошларида рус дворянлари ва буржуазияси муҳитида тарқалган миллатчилик мафкураси ҳамда унга хос сиёсий оқим. Россияда П. Қрим уруши (1853—56)да Россиянинг мағлубиятга учраши ва Польша қўзғолони (1863—64) нинг бостирилиши таъсири натижасида пайдо бўлди. Бу мафкуранинг асосида айрим халқларнинг, жумладан Европадаги романо-германлардан фарқланган славян халқлари ва уларнинг маданий-тарихий тараққиёти ҳақидаги идеалистик назария ётарди. Славянчиликнинг тарихий тараққиётига оид назарий муҳокамалар Россия бошчилигида бутун славян халқларини бирлаштириш зарурати ҳақидаги сиёсий хулосанинг келиб чиқишига асос бўлди. Бу мафкурани тарғиб этувчи намояндалар (Н. П. Игнатьев, В. А. Черкасский, М. Г. Черняев, М. Д. Скобелев ва б.) нинг сиёсий лойиҳалари кўпинча бир-бирига қарама-қарши эди. 19-аср охирида П. кризисга учради, бу кризис буржуа-демократик рев-яси бўсағасида турган Россиянинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти б-н боғлиқ эди. 1905—07 й. рев-яси давридаги пролетариатнинг етакчилик роли, умуман буржуазия мафкурасида, хусусан П. да кризисни келтириб чиқарди. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) арафасида П. мафкураси бир қадар жонланди. Аммо Улуғ Октябрь рев-асидан сўнг бу ҳаракат бутунлай барбод бўлди.

Ад.: Волков В. К., К вопросу о происхождении терминов «пангерманизм» и «панславизм», «Славяно-германские культурные связи и отношения» китобида, М., 1969.


ПАНТЕИЗМ (*пан...* ва theos — худо) — худо б-н табиат айнан бирдай, улар бир бутунни ташкил қилади деювчи фалсафий таълимот. П. терминини Ж. *Толанд* киритган (1705). Бу тушунча Шарқда *вужудшон* номи б-н аталади. Ғарб фалсафий системаларида П. материалистик қарашларни ҳам, идеалистик қарашларни ҳам ифода этган. Идеалистик П. (Иоанн Скот Эриугена, Н. Мальбранш ва б.) худони бутун мавжудотни, бутун оламни ўзига сиғдириб олувчи ғайри табиий ибтидо (илоҳий руҳий бошланғич ёки ирода) деб қарайди. У мистика б-н маҳкам чатишиб кетган. Материалист-пантеистлар (*Бруно, Спиноза* ва б.) худо табиатдан устун турмайди, у одамдан илгари мавжуд бўлган ҳамма нарсага қудрати етадиган ғайри табиий куч эмас, балки абадий яшайдиган, ҳеч ким яратмаган, ўз табиий қонунларига биноан ривожланадиган табиатнинг бошқа номидир, деб билганлар. Уларнинг бу қарашлари атеистик характерга эга эди. Ибодатхоналарни, тоат-ибодатларни ва динининг бошқа кўринишларини ортиқча қилиб қўйган бу хилдаги П. га черков ва дин пешволари қарши чиққанлар. Ҳозирги замонда П. нинг материалистик тенденцияси бир қанча буржуа табиатшунос олимларнинг қарашларига хос бўлиб, уларнинг дунёқараши ноизчил ва бир ёқлама табиий-илмий материализмга асосланади. Идеалистик П. учун характерли қарашлардан ҳозирги вақтда, баъзи фалсафий оқимлар, мас., *персонализм* фойдаланмоқда.

Ад.: Соколов В. В., К исторической характеристике пантеизма в западноевропейской философии, «Философские науки», 1960, № 4; Ҳайруллаев М. М., Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири, Т., 1971.

ПАНТЕОН (юнон. Pantheion — ибодатхона) — 1) Қадимги Римда барча худоларга бағишлаб қурилган ибодатхона, ноёб архитектура ёдгорлиги. 2-асрда барпо этилган. П. — ярим доира шаклидаги киррадор гумбазли (диаметри — 43 *м* дан ортиқроқ) иншоот. Кириш томони пештоқли, 16 та коринф колоннаси б-н безатилган. Бино ичи айлана цилиндр шаклида бўлиб, икки ярусга бўлинган. П. ўзининг улуғворлиги, аниқ ва яхлитлиги б-н ўз даври ва кейинги давр архитектурасига катта таъсир кўрсатган. Ўрта асрда бир неча марта таъмир қилиниб черковга, кейинроқ миллий мавзолейга айлантирилган. Унда италиялик машҳур шахсларнинг жасади (Рафаэль, Б. Перуцци ва б.) қўйилган; 2) машҳур шахслар мақбараси. Мас., Париждаги Сент-Женевьев черкови (1764—90; архитектор Ж. Ж. Суфло). 1791 йилда — Буюк француз рев-яси даврида бу черков француз П. ига айлантирилган. Бу ерда Ж. П. Марат, Вольтер, Ж. Ж. Руссо, В. Гюго, Э. Золя ва б. дафн қилинган.

ПАНТИРА, Панжара — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Саноат қ. С. даги қишлоқ. Фрунзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳазорасп дан 0,5 *км*. Аҳолиси 897 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Ҳасоёпдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси, ҳаммом, к-з идораси, касалхона, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, колхозлараро қурилиш ташкилоти бор.

ПАНТОГРАФ (*пан...* ва *граф...*) — 1) чизма, план ва карталарни бошқа (одатда, кичик) масштабда ва аксинча кўчириб чизадиган асбоб. 1-расмда осма П. кўрсатилган; 2) моторли вагон ёки электровоз томига ўрнатилиб, *контакт тармоғи* симидан ток оладиган қурилма. Пружиналар ёрдамида контакт тармоғига сиқиб турадиган ползун (чанғилар ва контакт қуймалар)дан иборат (2-расм). П. юқори тез-



2-расм. Электровоз пантографи: *1*—ползун; *2*—рамка; *3*—изоляторлар; *4*—бурилганда пантографни кўтарувчи валлар; *5*—стержень; *6*—пружина.

ликда сим б-н яхши контакт ҳосил қилишга имкон беради ва транспортнинг йўналиши ўзгарганда қайта ўрнатишни талаб қилмайди.

ПАНТОКРИН (*пан...* ва юнон. krino — ажратаман) — буғунинг қотмаган шохидан олинадиган экстракт. Рангсиз ёки қорамтир тиниқ суюқлик. Фенол ҳиди келиб туради. Невроз, неврастения касалликларида, қувватсизликда, юрак мушаклари сусайганда ва қон босими пасайганда буюрилади. Таблетка ҳолида, флакон ва ампулаларда чиқарилади.

ПАНТОМИМА (*пан...* ва mimos — тақлид) — театр томошасининг тури. Унда бадиий образ сўзсиз, мимика, имо-ишоралар, гавдани ҳар муқомга солиш орқали яратилади. Европа халқлари П. тарихи Юнонистон ва Рим П. ларидан бошланади. П. нинг трагедия, драма, памфлет, эртак, фельетон ва б. жанр ҳамда турлари бор. Баъзан П. музика, ашула, ҳатто декламация б-н бирга қўшиб олиб борилади. Бу хилдаги П. лар Осиё мамлакатларида, жумладан Ҳиндистон, Индонезия, Хитой ва Японияда кенг тарқалган. Узбек халқининг қадимий масхарабозлик театрида ҳам П. санъати катта ўрин олган. Узбек П. санъати бой репертуарга эга бўлган. 19-асрда ва 20-аср бошларига қадар ўзбек актёрлари томонидан «Дунган ош», «Хум ўғриси», «Дорбоз», «Овчи», «Қоровул уйқуси» каби юзлаб П. спектакллари ўйналиб келинган.

П. санъати икки турга бўлинади. Шулардан бири «мим» бўлиб, унда фақат бир актёр қатнашади. Мас., Декру, Барро ва Марсо каби француз актёрларининг санъати бунга мисол бўла олади. П. нинг иккинчи тури кўпчилик қатнашадиган пантомим спектакллардир. СССР да иккала тури ривож топди.

ПАНТОМИМИКА — одам танасининг *ифодали ҳаракати*, *мимика*, имо-ишора ва нутқ оҳанги б-н бир қаторда, инсоннинг психик ҳолатини, айниқса, ҳис-туйғуларини ифодалашга хизмат қилади. П. *пантомимада* кенг қўлланади.

ПАНТОТЕНАТ КИСЛОТА — қ. *Витаминлар*.

ПАНТОЦИД (Pentocidum) — кучли *антисептик воситалардан*. Қимёвий усул б-н синтезлаб олинади. Оқ порошок, хлор ҳиди келиб туради. Сув ва кислоталарда оз эрийди. Сувни зарарсизлантириш, қўлни дезинфекция қилиш, жароҳатларни тозалаш учун ишлатилади. Таблетка ҳолида чиқарилади.

ПАНТУРКИЗМ (*пан...* ва *турк*) — турк тилида сўзлашувчи барча халқларни Туркия қўл остида бирлаштириш ғоясини илгари сурган оқим. П. 19-аср охири ва 20-аср бошида Туркия буржуа-помешчик доиралари ўртасида ва Россиянинг айрим туркий халқлар яшайдиган р-ларида вужудга келган. П. дастлаб *ёш туркилар* партияси *«Иттиҳод ва тараққий»*нинг ғояси сифатида пайдо бўлди. У турк буржуа миллатчилиги — туркизмнинг бўлаги бўлиб ёйилди. 1908 йилдги *ёш туркилар инқилоби*дан кейин «Иттиҳод ва тараққий» партиясининг сиёсатида реакцион тенденциянинг кучайиб бориши б-н П. туркизмдан устун кела бошлади. Биринчи жаҳон уруши арафасида эса бутунлай уни қамраб олди. Ёш туркилар ҳукуматининг Россияга қарши уруш очишида П. асосий ташвиқот қуроли бўлиб хизмат қилди.

Ўрта Осиё ва Закавказьедаги айрим буржуа миллий партия ва ҳаракатлар (мас., жадидизм) меҳнаткашларни революцион курашдан четлаштириш ва Россиядан унинг миллий чегара-

р-ларини ажратиб олиш мақсадида П. ни кенг ташвиқ қилдилар. 1912—13 йилларда татарлар орасида, кейинчалик Совет Туркистонида ҳам пайдо бўла бошлади. Бу ишда турк ҳарбий офицерларининг бир қадар таъсири бўлди. Лекин Туркистон республикаси муҳитида П. идеологияси ўзига замин топа олмади.

П. Туркиянинг ўзида ҳам мағлубиятга учради. Туркия миллий буржуазия рев-яси раҳбарлари туркизмни П. дан ажратдилар. Кейинчалик туркизм терминини «миллатчилик» б-н алмаштирдилар. Мустафо Камол Отатурк П. дан воз кечиш б-н бирга уни миллатга қарши оқим деб қаттиқ танқид қилди. Отатурк вафотидан сўнг, айниқса Иккинчи жаҳон уруши даврида П. ни ташвиқ қилиш кучайди. Пантуркистлар фашистлар Германияси б-н алоқани мустаҳкамлаб, Совет Иттифоқига қарши компанияни авж олдирдилар, совет терр-яларини босиб олишга чақирдилар ҳамда П. ни фашизмнинг кўринишига айлантириб, Гитлер Германиясининг агентураси сифатида иш олиб бордилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Туркиядаги реакцион доиралар коммунизмга қарши курашда П. дан асосий воситалардан бири сифатида фойдаланмоқдалар.

ПАНФИЛОВ Иван Васильевич [1892. 20. 12 (1893. 1. 1), ҳозирги Саратов обл. Петровск ш. — 1941. 19. 11, Москва обл. Гуськово қишлоғи] — совет ҳарбий арбоби, генерал-майор (1940), Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1942 йил 12 апрель, ўлимидан сўнг). 1920 йилдан Коммунистлар партияси аъзоси. 1918 йилдан Қизил Армия сафида. Гражданлар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси даврида 25-Чапаев дивизияси составида Дутов, Колчак, Деникин ва оқ поляклярга қарши жангларда иштирок этган. Гражданлар урушидан сўнг, Киевдаги Бирлашган олий ҳарбий мактабни тугатиб (1923), батальон ва полк командири, 1937 йили Ўрта Осиё ҳарбий округи штабида бўлим бошлиғи бўлган. 1938 йилдан ҚирғССР ҳарбий комиссари. Улуғ Ватан урушида (1941 йил июлдан) Шимоли-Ғарбий ва Ғарбий фронтлардаги 316-ўқчи дивизия командири. Москва остоналаридаги мудофаа жангларида (1941 йил октябрь-ноябрь) П. командирлигидаги 316-ўқчи дивизия оммавий қаҳрамонлик кўрсатган (қ. *Панфиловчилар*). Жангда ҳалок бўлган. Ленин ордени, 2 та Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган. Москвадаги Новодевичье қабристонига дафн этилган.

ПАНФИЛОВ Михаил Михайлович (1915, ҳозирги Куйбишев обл.) — сержант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1943 йил 26 октябрь). 7-гвардиячи армиянинг 1669-артиллерия полкида взвод командирининг ёрдамчиси. Ишчи оиласида туғилган. Ҳарбий хизматга Самарқанд ш. ҳарбий комиссарлиги томонидан чақирилган. Улуғ Ватан уруши даврида Днепр дарёсини кечиб ўтишда кўрсатган жасорати учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Урушдан сўнг Самарқанд шаҳридаги 5-ун комбинатида дурадгор. 2-даража Ватан уруши ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАНФИЛОВ (1942 йилгача — Жаркент) — ҚозССР Толдиқўрғон областидаги шаҳар. Сариўзак т. й. станциясидан 200 *км* шарқда. Аҳолиси 19 минг киши (1974). Нон маҳсулотлари к-ти, қурилиш материаллари з-ди, педагогика билим юрти, ўлкашунослик музейи бор. И. В. *Панфилов* номи б-н аталади.



Панфилов И. В.



Панфилов М. М.



Пантомима. Ўзбек мими Л. Бобохонов.

ПАНФИЛОВЧИЛАР — Улуғ Ватан уруши (1941—45)да И. В. *Панфилов* командирлик қилган 316-ўқчи дивизия жангчилари. Дивизия 1941 йил июль-августида Олмаотада 1073-, 1075-, 1077-ўқчи ва 857-артиллерия полкларидан ташкил топган. 1941 йилнинг августида Шимоли-Ғарбий фронтга жўнатилиб, 52-армиянинг резервида турган. 7—10 октябрда Москва остоналаридаги 16-армия составига киритилган ва Волоколамскнинг ғарбида 44 *км* лик мудофаа маррасини эгаллаб турган. Шу тариқа душман кучларига қарши мудофаа жанглари 17 кун давом этган, душманнинг 150 танки ва бир неча батальонини яксон қилган. Дубосеково разъезди мудофаасида политрук В. Г. Клочков раҳбарлигидаги 1075-ўқчи полк 2-ўқчи батальони 4-ротасининг 28 жангчиси кўрсатган жасорати натижасида душманнинг артиллерия тайёргарлиги ва автоматчилари ҳужуми қайтарилди, душман томонидан ёрдамга ташланган 20 танкдан 14 таси яксон қилинди. Немислар 30 танк б-н 2-марта қилган ҳужумидан сўнг (бунда ҳам 4 танки яксон этилган) мудофаани ёриб ўтган. Рота жангчиларининг деярли барчаси ҳалок бўлган (мазкур жангнинг барча иштирокчиларига 1942 йил 21 июлда Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди). Дивизия 17 ноябрда Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланди ва 18 ноябрда 8-гвардиячи дивизия деб номланиб, 23 ноябрда генерал-майор Панфилов номи берилган. Холм шаҳри учун бўлган жангдаги жасорати учун Ленин ордени б-н мукофотланган. 1944—45 йилларда 2-Болтиқбўйи фронти 10-гвардиячи ўқчи корпус составида бўлиб, Суворов ордени б-н тақдирланган. П. дан 34 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олган, 5891 киши СССР орденлари б-н мукофотланган.

Дивизиядаги командирларнинг кўпчилик қисми Тошкент ҳарбий пиёдалар билим юртини битирган эди. П. сафида ўзбекистонлик жангчилардан бир қанчаси фидокорона жанг қилдилар (полк командирларидан И. В. Каиров, Г. Ф. Курганов, батальон командирларидан И. *Жалилов*, В. Н. Задорин, А. Г. Ямпульский, взвод командирларидан Т. Одилов, Р. Қаюмов ва б.). Улуғ Ватан урушн йилларида П. нинг жасорати жангчиларимиз учун намуна бўлиб қолди.

Ад.: Подвиг у стен Москвы, [Алма-Ата, 1967]; Владимиров Б. П., Сорок первый километр, М., 1970.

ПАНЦЕРИЯ (Panzeria lanata)—лабгулдошлар (лабгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Бўйи 30 *см* ча. Пояси тўрт қиррали, юқори қисми шохланган. Барги 5 бўлакли, пастки томони тукли, пояда қарама-қарши жойлашган. Гули сариқ, йирик, 2 лабли, поя учида бошоқсимон тўпгул ҳосил қилади. Меваси ёнғоқча. П. Олтой, Тува, Байкал атрофи ва Красноярск ўлкасининг жанубий районларида учрайди. Таркибида алкалоидлар, флавоноидлар, ошловчи ва б. моддалар бор. Халқ медицинасида истисқо, бод ва юрак касалликларини даволашда қўлланилади. Дамламаси тинчлантириш хусусиятга эга.

ПАНЧА ШИЛА (ҳиндча беш принцип) — қ. *Тинч-тотув яшашнинг беш принципи.*

«ПАНЧАТАНТРА» (санскритча «Беш ҳикмат») — санскрит ёзма адабиёти ёдгорлиги. 3—4-асрлар ўртасида яратилган. Сўнгги вариантлари сақланиб қолган. Автори Вишнушарман ҳисобланади. «П.» ҳайвонлар ҳақидаги ҳикоя ва масалларни ўз ичига олган 5 бўлимдан иборат. «П.»да ҳинд жамоалари ҳаёти тасвирланган. Ёзувчи аллегорик образлар орқали инсон типларини яратган, ҳинд табақалари ўртасидаги ижтимоий муносабатларни танқид қилган. Асар кенг тарқалган бўлиб, дунё адабиётн ривожига катта таъсир кўрсатган. Едгорлик 6-аср ўрталарида паҳлавий тилига таржима қилинган. Бу таржима *«Калила ва Димна»* учун асос бўлган. Ҳиндистонда «П.»дан бир қанча афсонавий поэмаларни яратишда фойдаланилган.

ПАНЬМИНЬЖОН, Пханмунден — КХДР даги аҳоли пункти. Демаркация чегараси яқинида, 38° ш. к. да. Сеул—Кэсон—Пхеньян т. й. ёқасида. П. да 1951 йил октябрдан Кореяда яраш ҳақида музокаралар бошланиб, 1953 йил 27 октябрда яраш тўғрисидаги битим имзоланди. Бу битим Америка империализми ва Жанубий Корея маъмурларининг КХДРда олиб борган агрессив урушига чек қўйди.

ПАПА (юнон. pappas — ота), Рим папаси — католик черкови ва Ватикан давлатининг раҳбари (қ. *Папалик*).

ПАПАВЕРИН (Papaverinum) — *афюн* таркибидаги алкалоид. Синтетик йўл б-н ҳам олинади. Оқ кристалл порошок, таъми аччиқ. Сувда секин, спиртда ёмон эрийди. Медицинада гидрохлорид тузи ҳолида ишлатилади. *Гипертония касаллиги, стенокардия,* мия томирлари спазми ва *эндартериит*да тавсия этилади. Таблетка ҳолида ва 2% ли эритмаси ампулаларда чиқарилади.

ПАПАЛИК — католик черковининг *папа* бошқарадиган диний маркази. П. христианликнинг тарқалиши ва Ғарбий Европа мамлакатларида марказлашган католик черкови пайдо бўлиши жараёнида таркиб топган. Бу жараёнда, яъни католик черковига ҳукмрон бўлиш учун узоқ вақт Рим шаҳрининг епископлари (папалари) кескин кураш олиб борганлар. Бу курашни асослаш мақсадида улар биз апостол Петрнинг ворисларимиз деб чиқдилар, 8-аср ўрталарида папа франклар давлатининг қироли Пакана Пипинга тахтни эгаллашда катта ёрдам бергани учун у папага лангобардлардан тортиб олинган терр-яни инъом қилди. Натижада Римда алоҳида давлат — Папа области вужудга келди (қ. *Ватикан*).

П. феодал зулмни, ижтимоий ва мулкий тенгсизликни муқаддаслаштирди, мазлум халқларнинг синфий курашига қарши чиқди. П. дунёвий ҳокимиятдан мустақил бўлишга, иложи бор жойларда ҳукмдорлардан устун турадиган теократик ҳокимият ўрнатишга уринди. Бироқ бу уриниш муваффақият қозонмади. П. *салиб юришлари* каби мудҳиш хунрезликларга ҳамда машъум *инквизиция*га бош бўлди. Феодал тартибларга қарши курашнинг кучайиши, фан, техника ва маданиятнинг ривожланиши натижасида католик черковининг чекланмаган ҳокимиятига зарба берилди. *Реформация* ҳаракати натижасида қатор мамлакатларда П. мавқеи пасайди ва унга ёт протестант черковлари пайдо бўлди. П. 19-аср ўрталарига қадар феодал — теократик кучлар таянчи бўлиб келди. Европада капитализм ғалаба қилгач, П. католик черковини янги тарихий шароитга мослаб, теократик ташкилотдан капиталистик тузум б-н мустаҳкам боғланган ташкилотга айланди, империализмнинг мустамлакачилик сиёсати ҳамда босқинчилик урушларини ҳимоя қила бошлади.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин жаҳондаги кучлар нисбатининг социализм фойдасига ўзгариши, миллий озодлик ҳаракатининг ёйилиши, фан тараққиёти католик черковининг таназзулига сабаб бўлди. П. католик черковининг мавқеини мустаҳкамлаш учун диний маросимлар, ақидалар, ҳатто халқаро сиёсат соҳаларида черковни ҳозирги давр талабларига мослаштиришга уринмоқда. П. социализм душмани бўлса-да, ҳозирги даврда тинчлик ва қуролсизланиш, мунозарали халқаро масалаларни тинч йўл б-н ҳал қилиш тарафдори бўлиб чиқмоқда. П. нинг ҳозирги раҳбари Павел VI (1963 йилдан).

Ад.: Лозинский С. Г., История папства, М., 1961; Шейнман М. М., Папство, М., 1961.

ПАПАНИН Иван Дмитриевич [1894. 14 (26). 11, Севастополь]—совет қутб тадқиқотчиси. География фанлари д-ри (1938). Контр-адмирал (1943). Икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1937, 1940). 1919 йилдан КПСС аъзоси. 1923—32 йилларда. Алоқа Халқ комиссарлигида ишлаган. 1932—35 йилларда Арктика станцияларининг бошлиғи. 1937—38 йилларда Марказий Арктикада муз парчаси устида уюштирилган биринчи совет қутбий станцияси — «Северный Полюс» («СП-1») га раҳбарлик қилган. 1939—46 йилларда Шимолий денгиз йўли Бошқармасининг бошлиғи. 1948—51 йилларда СССР ФА Океанология ин-ти директорининг экспедициялар бўйича ўринбосари; 1951 йилдан эса СССР ФА нинг Денгиз экспедициялари ишлари бўлимининг бошлиғи, айни вақтда 1952—72 йилларда СССР ФА Ички сувлар биологияси ин-ти директори. СССР География жамиятининг фахрий аъзоси (1938). 1945 йилдан СССР География жамияти Москва филиалининг раиси. ВКП(б) 18-Бутуниттифоқ конференцияси (1941 йил) да Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси қилиб сайланган. 1—2-чақириқ СССР Олий Совети депутати. П. 8 та Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, 2 Қизил Байроқ ордени, 1-даража Нахимов ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени ҳамда медаллар б-н мукофотланган. Таймир я. о. даги бурун, Антарктидадаги тоғлар, Тинч океандаги сув ости тоғи П. номига қўйилган.

Ас.: Жизнь на льдине. Дневник, М., 1972.
Ад.: Вишневский В. В., Герой Советского Союза Иван Дмитриевич Папанин, М., 1938.

ПАПАНИН — Самарқанд обл. Ургут р-ни Коммунизм қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 33 *км*. Аҳолиси 586 киши (1974); тамакичилик, чорвачилик, пилламчилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Янгиариқдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, клуб бор.

ПАПАСКИРИ Иван Георгиевич (1902. 12. 12, Кутол қишлоғи, ҳозирги Абхазия АССР Очамчир р-ни) — абхаз совет ёзувчиси. ГрузССР да хизмат кўрсатган маданият ходими (1968). 1938 йилдан КПСС аъзоси. Ижоди 1926 йилдан бошланган. Илк ҳикоялари («Корвал милтиги», «Кунач», «Телушка»)да ижтимоий ҳаёт воқеалари акс этган. П. илк романи «Темур» (1937)да абхаз қишлоқларида мавжуд бўлган ўтмиш урф-одатларига қарши кураш ва қишлоқларни қайта қуриш тасвирланган. П. нинг уч китобдан иборат «Аёл ғурури» романи (1949)да абхаз аёлларининг босиб ўтган ҳаёт йўли тасвирланган. «Эрцаха остоналарида» романи (1953) ва «Ҳикоялар» тўплами (1956) нашр қилинган. 1971 йилдан Абхазия АССР Олий Совети Президиуми аъзоси. Бир қанча орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Рассказы, Сухуми, 1959; Спасение. Роман, Сухуми, 1968; Женская честь. Роман в 3-х кн., Сухуми, 1970; Темур. Роман, Сухуми, 1972.
Ад.: Митин Г., Художник из Апсны. Критико-биогр. очерк [о И. Г. Папаскири], Сухуми, 1973.



Папанин И. Д.

ПАПЕЭТЕ — шаҳар. Франциянинг Океаниядаги мустамлакалари — Франция Полинезияси (расман денгиз ортидаги территорияси)нинг маъмурий маркази. Таити оролида (Жамият ороллари). Аҳолиси 25,3 минг киши (1971). Денгиз порти; четга копра, ваниль, садаф, тропик мевалар чиқарилади. Шакар-қанд, совунгарлик з-длари бор. Марварид олинади. Туризм маркази.

ПАПИЛЛОМАТОЗ (лат. papilla — сўрғич) — ҳайвонларда учрайдиган вирус касаллиги. Ҳамма мамлакатларда тарқалган. Қорамол, от, ит ва қуёнлар, баъзан, қўй, эчки ва эввойи ҳайвонлар ҳам касалланади. П. касал ҳайвондан юқади. Тери ва шилимшиқ пардаларда фиброэпителиал шишлар пайдо бўлади. Қорамолда бош, бўйин, тана, оёқларнинг терилари, елин ва жинсий аъзолар зарарланади. Аввал, терида нўхатдек якка дўмбоқчалар пайдо бўлади, кейин улар тўп-тўп бўлиб жойлашади. Сирти қуруқ, мугузланган, ёрилган бўлади. Зарарланганда қонайди, ярага айланади. Асосан, хирургия йўли б-н даволанади.

ПАПИРУС (юнон. paryros) — ўтсимон ўсимлик ва қадимда ундан тайёрланган қоғозсимон материал, шунингдек шу қоғозга ёзилган қўл ёзмалар. П. (Cyperus paryros) — бардидошларга мансуб кўп йиллик ўт. Гулли новдалари 5 *м* гача, уч қиррали, йўғон, пастки қисми тангачасимон барглар б-н қопланган; вегетатив новдаларидаги барглари ингичка, ланцетсимон. Тўпгули йирик, соябонсимон. П. Африка тропикларининг дарё ва кўл соҳилларидаги тинч оқар сувларда ўсади. Қадимда Миср, Фаластин ва Жанубий Европанинг баъзи мамлакатларида ўстирилган. Новдаси овқатга ишлатилган ва ундан қоғоз, газлама, пойабзал ва б. нарсалар тайёрланган. П. манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

ПАПОРОТНИКСИМОНЛАР — қ. *Қирққулоқсимонлар.*

ПАПП Александрийский, Папп Исканда-рийлик (мил. ав. 3-аср) — эллинизм даври математиги. Қадимги юнон математикасида қўлга киритилган маълумотларни тўплаб, тартибга келтириш б-н шуғулланган. П. нинг 8 мақоладан иборат «Тўплам» рисоласи ўша даврда геометрияга оид мукаммал қўлланма бўлган. Рисолада 30 га яқин юнон олими ва уларнинг асарлари ҳақида маълумотлар келтирилган.


ПАППАТАЧИ ИСИТМАСИ — қ. *Искабтопар иситмаси.*

ПАПУА — Маржон денгизининг қўлтиғи. Янги Гвинея оролининг жанубий-шарқий соҳили яқинида. Узунлиги 150 *км*, кенглиги денгиздан кириш қисмида 330 *км*. Энг чуқур жойи 969 *м*. Соҳилга яқин қисми саёз. Қирғоқлари маржон рифлари б-н ўралган. Қўлтиққа Флай дарёси қуйилади.

ПАПУА ОБЛАСТЧАСИ, Янги Гвинея областчаси — Австралия зоогеографик қуруқлик областининг бир қисми. П. о. га Янги Гвинея о. ва унга ёндош Ару Хальмахера, Бисмарк ва Соломон ороллари киради (4-т. 496-



Папирус.



Парабола.

бетда берилган Зоогеографик районлаштириш картасига қаранг). П. о. фаунага бой. Сернам тропик ўрмон ҳайвонлари кўпроқ. Сут эмизувчилардан бир тешиклилар (ехидна, проехидна) ва халталилар бор. Дарахтда яшовчи митти кенгуру ҳамда кускуслар ва б. учрайди. Олий сут эмизувчилардан сув сичқонлари, папуа ёввойи чўчқаси ва ҳ. к. лар яшайди. Қушлардан кўкрактожсизлар (казуарлар), капачи қушлар ва жаннат қушлари, какаду тўтиси, узун оёқли товуқлар, ёввойи каптарлар бор. Йиртқич қушлардан гарпия учрайди. Судралиб юрувчилардан гекконлар ва сцинклар, эчкемар, тимсоҳлар, косасиз тошбақалар, илонлар, сувда ва қуруқда яшовчилардан фақат қурбақа яшайди.

ПАПУАС ТИЛЛАРИ — Янги Гвинеянинг туб жой қабилалари ва Меланезиянинг баъзи ороллари да яшовчи қабилаларнинг тиллари. П. т. да 2 млн. дан ортиқ киши сўзлашади (1970). П. т. нинг дунёдаги бошқа тиллар б-н ҳеч қандай қариндошлик алоқаси йўқ. Уларга 600 дан ортиқ қабила тиллари киради. П. т. да ёзув йўқ. Кўпчилик П. т. ҳалигача ўрганилмаган.

ПАПУАСЛАР (малайя тилида papuwa — жингалак) — Янги Гвинея, Меланезия ва Молукка ороларининг туб аҳолиси. Сони 3 млн. дан ортиқ (1972). Антропологик жиҳатдан *меланезия ирқи*га мансуб. *Папуас тилларид*а гаплашади. 30 га яқин этник ва қабилавий группалардан иборат. Расман христиан динига эътиқод қиладилар (19-аср охирида миссионерлар томонидан тарқатилган), аммо аждодлар руҳига сиғинишнинг таъсири кучли. П. 19-аср охиригача деярли уруғдошлик тузуми муҳитида яшаб келганлар. 17-асрдан то Иккинчи жаҳон урушининг охирига қадар Голландия, Германия, Англия, Австралия давлатларининг мустамлака зулми асоратида яшади. Индонезия революцияси (1945) галабаси туфайли Янги Гвинея (Ғарбий Ирian) нинг ғарбий қисми ва Молукка ороллари мустамлакачилардан озод бўлгач, Индонезия Республикаси таркибига кирди. Меланезиянинг бошқа терр-ясидаги П. миллий озодлик учун курашмоқдалар. Деҳқончилик, боғдорчилик (кокс пальмаси, банан), чорвачилик (чўчқа), балиқчилик б-н шуғулланадилар. П. этнографиясини илмий ўрганишга Н. Н. Миклухо-Маклай катта ҳисса қўшган (яна қ. *Папуа — Янги Гвинея*).

Ад.: Миклухо-Маклай Н. Н., Собр. соч., т. 1—5, М.—Л., 1950—54; Народы Австралии и Океании. М., 1956; Бутинов Н. А., Папуасы Новой Гвинеи, М., 1968.

Параболоидлар.

ПАПУА — ЯНГИ ГВИНЕЯ (Papua New Guinea) — Тинч океанининг жануби-шарқий қисмидаги давлат. П.— Я. Г. таркибига Янги Гвинея о. нинг шарқий қисми ва унга ёндош ороллар, Бисмарк архипелаги, Соломон ороллари нинг шимолий қисми, Д'Антркасто ороллари, Луизиада архипелаги, Тробриан ороллари, Муруа о. ва 200 га яқин катта ва кичик ороллар киради. Умумий майдони 461,7 минг *км*². Аҳолиси 2,6 млн. киши (1972). Маъмурий маркази — Порт-Морсби ш.

П.—Я. Г. нинг маҳаллий аҳолиси 670 минг киши; шундан 570 минги папуаслар, 100 минги меланезлар. Европаликлар, асосан, инглиз-австралияликлардир. Расмий тил — инглиз тили. Аҳолисининг 90% дан кўпроғи христиан.

1884 йилда Янги Гвинея о. нинг жануби-шарқий қисми устидан Англия протекторати ўрнатилди ва у терр-я Папуа деб аталди; ороллининг шимоли-шарқий қисмини Германия босиб олди. 1888 йилда Буюк Британия Папуани ўз мустамлакаси деб эълон қилди. 20-аср бошида Папуа ва Янги Гвинея о. нинг шимоли-шарқий қисми Австралия Иттифоқига мандатли терр-я сифатида берилди. 2-жаҳон уруши (1939—45) дан кейин Янги Гвинея БМТнинг васийлигидаги терр-я сифатида Австралия Иттифоқининг бошқарувида қолаверди. 1949 йилда Австралия маъмурлари Папуа ва Янги Гвинеяни бирлаштирдилар. 1973 йил декабрда П.—Я. Г. ички ишларини ўзи бошқариш ҳуқуқини олди. 1975 йил сентябрдан мустақил давлат.

Хўжалигининг етакчи тармоғи — қ. х. Иқтисодиётида Австралия капитали ҳукмрон. Плантацияларда кокос пальмаси, каучукли ўсимликлар, кофе, какао, чой, мойли пальма ўстирилади. Ички эҳтиёжлар учун жўхори, таро, ямс, батат экилади. Чорвачилик гўшт етиштиришга ихтисослашган (1972 йилда 95 минг қорамол бўлган). Балиқ овланади. Ёғоч тайёрланади. Озиқ-овқат, ёғочсозлик корхоналари бор. Олтин, мис, рух қазиб чиқарилади. Т. й. йўқ. Автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 16,2 минг *км*. Асосий денгиз портлари: Порт-Морсби, Рабаул, Лаэ, Маданг. Йирик аэропортлари Порт-Морсби ва Лаэда. Экспорт молларининг ярмига яқини Австралияга, $^1/_3$ қисми Буюк Британияга жўнатилади. Четга копра, кокос мойи, кофе, чой, ёғоч-тахта, каучук, олтин, мис чиқаради; четдан озиқ-овқат моллари, машина, асбоб-ускуна ва ҳ. к. лар олади.

ПАПЬЕ-МАШЕ (франц. papier mache — эзилган қоғоз) — туйиб эзилган қоғоз, картон ва б. нарсаларга ёпишқоқ моддалар, крахмал, гипс қориштириб ҳосил қилинадиган материал. Бадиий маҳсулотлар, ўйинчоқлар, айрим рўзғор буюмлари, ўқув қўлланмалари тайёрлашда, спектаклларни безашда фойдаланилади. Хитой, Корея, Японияда миниатюралар тайёрлашда қадимдан фойдаланилган, Европада безак мақсадларида ишлатилган. П.-м.ни бўяш, лаклаш, қавартиб турли тасвирлар ишлаш, расмлар чизиш мумкин. Қутича, ниқоблар тайёрлашда кўп фойдаланилади.

ПАРА (форс-тож. پره — бўлак, парча) — 1) 1623 йилдан муомалада бўлган Туркия кумуш тангаси-дастлаб 1,1 *г* кумушга тенг бўлган. 17-асрнинг охиридан $\frac{1}{4}$ пиастрга тенг асосий пул бирлиги ҳисобланган. 19-аср ўрталарида қиймати 0,09 *г* га камайди. 1930 йилдан П. $\frac{1}{40}$ курушга тенг ҳисоб бирлиги сифатида ишлатила бошлади; 2) Қрим хонлигининг кумуш тангаси (17-аср); 3) Россиянинг Молдавия ва Валахия учун чиқарган мис тангаси (1771—74); 4) Югославияда П. $\frac{1}{100}$ динорга тенг.

ПАРА... (юнон. para) — сўз бўлаги; ташқари, қўшимча, ён, қарши каби маъноларни билдиради (мас., *парамагнетизм*).

ПАРАБИОЗ (*пара...* ва *биоз*)—1) тирик тўқиманинг қўзғатувчи таъсирига жавобан кечирадиган даврий ҳолати. Бунда тўқиманинг асосий хусусиятлари — таъсирни қабул қилиши, ўтказиши ва *қўзғалиши*н нормал ривожланади. П. ҳақидаги тушунча ва назарияни Н. Е. *Введенский* таклиф қилган ҳамда ишлаб чиққан. П. да қуйидаги даврлар кузатилади: дастлабки ёки трансформация даври—бунда нормал нерв қисмларига кўрсатилган кучли ёки кучсиз таъсиротга жавобан мушаклар бир хилда қисқаради; парадоксал давр — шу қисмга кўрсатилган кучли таъсирга мушаклар кучсиз қисқариш б-н жавоб беради ва аксинча; тормозловчи давр—кучсиз ва кучли таъсирга жавобан мушаклар қисқармайди; 2) икки (баъзан бир неча) ҳайвонни қон айланиш ва лимфатик система орқали бир-бирига (операция йўли б-н) сунъий улаш усули. Бунда орган ва тўқималарнинг ўзаро гуморал таъсири ўрганилади.

ПАРАБОЛА (юнон. parabole) — конус кесимларидан бири, ҳар бир нуқтасидан фокус деб аталадиган нуқта ва директриса деб аталадиган тўғри чизиққача масофалари тенг бўлган чизиқ (расм, *а*). Фокусдан ўтиб, директрисага тик бўлган *FN* тўғри чизиқ П. нинг ўқи, ўқ б-н П. нинг кесишиш нуқтаси *O* унинг учи дейилади. П. ўз ўқига нисбатан симметрик чизиқ. *O* нуқта *Декарт координаталар системаси*нинг координата боши, *FN* эса *Ox* ўқи қилиб олинса, П. нинг тенгламаси $y^2=2px$ кўринишида бўлади, бу ерда: p — П. нинг параметри. Ўқи *Oy* га параллел бўлган П. тенгламаси $y=ax^2+bx+c$ кўринишида, яъни П. квадрат учҳаднинг графиги бўлади (расм, *б*).

Ҳаво қаршилиги ҳисобга олинмаса, бошланғич тезлиги вертикал бўлмаган, эркин ҳаракатланаётган жисмнинг траекторияси П. чизади. П. ни ўз ўқи атрофида айлантириб ҳосил қилинган сирт (айланма параболоид) параллел нурлари бир нуқтага йиғади ва, аксинча, фокусидан тарқалаётган нурлар параболоиддан қайтиб, параллел даста ҳосил қилади (расм, *в*). П. нинг бу хоссасидан прожектор ва автомобиль фаралари ясашда, қуёш энергиясини қўллаш (концентраторлар)да фойдаланилади.

ПАРАБОЛОИДЛАР — иккинчи тартибли сиртлар. *Декарт координаталар системаси*да каноник тенгламалари

$$\frac{x^2}{2p}+\frac{y^2}{2q}=z \quad \text{(эллиптик П., расм, } а\text{)},$$

$$\frac{x^2}{2p}-\frac{y^2}{2q}=z \quad \text{(гиперболик П., расм, } б\text{)}$$

кўринишида бўлади (p, q — мусбат сонлар). Бир параболани иккинчиси бўйича илгарилама ҳаракатлантириб П. ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун параболалар ётган текисликлар ўзаро тик, ўқлари параллель, биринчи параболанинг учи иккинчи парабола бўйлаб сирпаниши керак. Бунда параболалар бир томонга йўналган бўлса, эллиптик параболоид, турли томонга йўналган бўлса, гиперболик параболоид ҳосил бўлади. Эллиптик параболоид текислик б-н кесилса, кесимда эллипс ва параболалар; гиперболик параболоид кесилса, парабола, гипербола ва ўзаро кесишувчи тўғри чизиқлар ҳосил бўлади. Гиперболик параболоидни тўғри чизиқни ҳаракатлантириб ҳам ҳосил қилиш мумкин. Унинг бу хоссасидан архитектурада фойдаланилади.

ПАРАГВАЙ — Жанубий Америкадаги дарё. Бразилия ва Парагвай терр-яларида, Парана-нинг ўнг ирмоғи; айрим қисмлари Парагвай, Бразилия ва Аргентина ўртасидаги давлат чегарасидан оқади. Узунлиги 2200 *км*, ҳавзасининг майдони 1150 минг *км*². Бразилия ясси тоғлигининг шимоли-ғарбий қисмидан бошланиб, жанубга томон ботқоқликлар орқали оқади. Дарёнинг кенглиги ўрта оқимида 350—600 *м*, қуйи оқимида 1000—1500 *м*, чуқурлиги 10—20 *м*. Ёғингарчилик даври (окт.— апр.)да тошади. Ўртача сув сарфи Асунсьон ш. ёнида 2940 *м*³/*сек*, қуйилиш жойида 4000 *м*³/*сек*. П.— Парагвайнинг асосий транспорт магистрали. Корумба ш. гача кема қатнайди. Денгиз кемалари Асунсьон ш. гача бора олади.

ПАРАГВАЙ (Paraguay), Парагвай Республикаси (Republika del Paraguay) — Жанубий Американинг марказий қисмидаги давлат. Боливия, Бразилия ва Аргентина б-н чегарадош. Майдони 406,8 минг *км*². Аҳолиси 2,7 млн. киши (1973). Пойтахти Асунсьон ш. Маъмурий жиҳатдан 16 департамент ва пойтахт округига бўлинган.

Давлат тузуми. П. — республика. Амалдаги конституцияси 1967 йилда қабул қилинган. Давлат ва ҳукумат бошлиғи президент, у аҳоли томонидан 5 йилга сайланади. Президент ҳузурида Давлат кенгаши мавжуд. П. парламенти 2 палата—сенат ва депутатлар палатасидан иборат. 18 ёшдан бошлаб барча гражданлар сайлов ҳуқуқига эга. Суд системаси Олий суд, аппеляция судлари ва б. судлардан иборат.

П. байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Табиати. П. нинг марказий қисми Парагвай дарёсининг аллювиал пасттекислиги б-н банд. Жануби-шарқида *Бразилия ясси тоғлиги*, шимоли-ғарбида *Гран-Чако* текислиги бор. Мамлакат терр-яси Бразилия платформасининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган. Иқлими тропик иқлим. Июлнинг ўртача т-раси 17—19°, январники 27—29°. Йиллик ёғин 700—2000 *мм*. Йирик дарёлари: Парана, Парагвай ва уларнинг ирмоқлари. Тупроқлари П. нинг шарқида қизил ферралит, марказида ўтлоқ, ғарбида жигар ранг-қизил тупроқ. Мамлакат терр-ясининг $^1/_2$ и ўрмон. Парагвай дарёси водийсида ботқоқли ерлар кўп. П. да тапир, пекар, сув чўчқаси, ботқоқ буғуси, пума, зирҳли ва ҳ. к. лар яшайди. Парранда ва илон кўп.

Аҳолиси, асосан, *парагвайлар*. 30 мингга яқин индеец яшайди. Қўшини мамлакатлардан, Европа ва Осиёдан кўчиб келганлар ҳам бор. Расмий тил — испан тили. Асосан кўпчилик гуарани тилида сўзлашади. Давлат дини — католицизм. Иқтисодий актив аҳолисининг 54% и қ. х. ва ўрмон хўжалигида, 16% и саноатда банд (1972). Аҳолисининг 36% и шаҳарларда яшайди (1972). Йирик шаҳарлари: Асунсьон, Энкарнасьон, Консепсьон ва б.



Тарихи. П. терр-ясида индеец қабилалари қадимдан яшайди. Мустамлакачилар келгунига қадар улар ибтидоий жамоа тузумининг турли босқичида бўлган. П. терр-ясини 16-асрнинг 2-



Учбурчак шаклидаги бино. Асунсьон, 20-аср ўрталари.

чорагидан испан мустамлакачилари эгаллай бошлади. П. дастлаб Перу вице-қироллигига киритилди, 17-асрда мустақил вице-губернаторлик бўлди. 18-асрда ҳунармандчилик, савдо, товар-пул муносабатлари ривожланди. П. 1776 йилдан Ла-Плата вице-қироллигининг провинцияси. 1811 йил май ойидаги қўзғолон П. мустақиллиги эълон қилиниши ва мамлакатда революцион хунтанинг ўрнатилиши б-н тугади. 1814 йили П. да Х. Г. Франсиа диктатураси ўрнатилди. Франсиа ўрта, майда деҳқонлар ва миллий буржуазияга таяниб мамлакатда буржуа демократик ўзгаришлар қилди. 1844 йилда биринчи конституция қабул қилинди. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши б-н жамиятнинг синфий структураси ҳам ўзгарди. Миллий буржуазиянинг ўсиши натижасида П. да ишчилар синфи вужудга келди. 1864—70 йилларда мамлакат терр-ясининг ярмини Аргентина ва Бразилия босиб олди. 1870 йили помешчик ва савдо буржуазияси ҳукмронлигини мустаҳкамлайдиган конституция қабул қилинди. Мамлакат экономикасининг чет эл капиталига қарамлиги ортди. 1887 йили миллий буржуазия ва деҳқонлар манфаатини кўзловчи Либерал партия ташкил топди. Йирик латифундистлар ва ҳарбийлар Миллий республика ассоциацияси («Колорадо»)га бирлашди. 1-жаҳон уруши даври (1914—18)да П. ўзининг нейтраллигини эълон қилди. Россиядаги Улуг Октябрь социалистик рев-ясининг таъсирида П. да ишчи ва студентларнинг олигархия ва чет эл империализмига қарши ҳаракати кучайди. 20-йилларда биринчи коммунистик группалар вужудга келди. 1928 йилда Парагвай Коммунистик партияси ташкил топди. Англия ва АҚШ нефть монополияларининг П. экономикасидаги рақобати 1932—35 йилларда П. б-н Боливия ўртасида урушга сабаб бўлди. 2-жаҳон уруши даври (1939—45) да П. да янги саноат тармоқлари вужудга келди, давлат савдо флоти ташкил топди. П. 1945 йил февралда Германия ва Японияга уруш эълон қилди. Урушдан кейин П. да тез-тез давлат тўнтариши бўлиб турди. 1954 йил майдаги давлат тўнтаришидан кейин ҳокимиятни ҳарбий хунта эгаллади, мамлакатда ҳарбий-полиция диктатураси ўрнатилди, барча оппозицион партияларнинг фаолияти тақиқланди. Ҳукумат репрессияларига қарамасдан П. халқи диктатура режимига қарши кураш олиб бормоқда.

Синфий партиялари ва касаба союзлари. Миллий республика ассоциацияси («Колорадо», 1887)—ҳукмрон партия, юқори лавозимдаги офицерлар, латифундистлар, компрадор буржуазия манфаатларини кўзлайди. Либерал-радикал партия—1962 йилда Либерал партиядан ажралиб чиққан; Парагвай Коммунистик партияси (1928) ва б. Парагвай меҳнаткашлар конфедерацияси, Меҳнаткашлар христиан конфедерацияси ва б.



Гуарани индеецларининг уйлари.

Ҳўжалиги. П.—Латин Америкасида иқтисодий жиҳатдан энг қолоқ ва қарам мамлакатлардан. Ҳўжалигининг асосий тармоқлари: чорвачилик ва ўрмон хўжалиги. Ялпи миллий маҳсулотнинг 32,6%и қ. х., 3,6%и ўрмон хўжалиги, 15,5%и ишлаб берувчи саноат, 3,9%и транспорт ва алоқа, қолган қисми бошқа соҳалар ҳиссасига тўғри келади.

Қишлоқ хўжалиги. Фойдаланиладиган ерлар, асосан, латифундистлар ва ажнабий монополиялар қўлида. Деҳқонларнинг ярми ерни оғир шартлар б-н ижарага олиб экади. Мамлакат терр-ясининг чорак қисмидан қ. х. да фойдаланилади, шунинг 91%и ўтлоқ ва яйлов, 8%и экинзор. Қ. х. нинг етакчи тармоғи—яйлов чорвачилиги гўшт етиштиришга ихтисослашган. 6 млн. га яқин қорамол, 0,5 млн. қўй, 0,7 млн. от бор (1972). Асосий озиқ-овқат экинлари: маккажўхори ва маниок, шунингдек шоли, буғдой, батат, шакарқамиш ва ловия ҳам етиштирилади. Экспортга тамаки, чой, пахта, кофе чиқарилади. Токзорлар бор.

Саноати заиф. Етакчи тармоқлари: гўшт ва гўшт маҳсулотлари тайёрлаш, ёғочсозлик. П. квебрахо дарахти ёғочидан ошловчи экстракт тайёрлаб чиқаришда дунё бозорида олдинги ўринлардан бирида туради. Тўқимачилик (ип газлама ва мовут) ф-калари, нефтни қайта ишловчи ва цемент з-длари, ўсимлик мойлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, тамаки ф-калари, шакар-қанд з-длари бор. Электр станцияларининг қуввати 110 *Мвт* (1973). Акарай дарёсига катта ГЭС қурилган. Мамлакат ташқи савдо юкларининг деярли ҳаммаси Парана ва Парагвай дарёлари орқали ташилади. Энг катта порти — Асунсьон. Т. й. ларининг умумий узунлиги 1,3 минг *км* (1973). Асфальтланган йўллари 421 *км* (1973). 13 минг енгил машина, 1,7 минг юк машинаси бор (1973).

Ташқи иқтисодий алоқалари. П. ташқи савдосининг аксари қисмини чет эл, асосан, АҚШ фирмалари назорат қилади. Четга гўшт ва гўшт маҳсулотлари, ўрмон маҳсулотлари, тамаки, ўсимлик мойи ва ҳ. к. лар чиқаради; четдан машина ва ускуналар, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва ҳ. к. лар келтиради. Асосан, АҚШ, Аргентина, ГФР, Буюк Британия б-н савдо-сотиқ қилади. Пул бирлиги — гуарани; 126 гуарани 1 АҚШ долларига тенг (1974 йил апрель).

Қуролли кучлари (14 минг кишига яқин; 1972) қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари ва Ҳарбий-Денгиз Кучларидан иборат. Олий бош қўмондон—президент. Қуролли кучларга миллий мудофаа министри, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари ва Ҳарбий-Денгиз Кучлари қўмондонлари раҳбарлик қилади. Армия умумий ҳарбий мажбурият ҳақидаги қонун асосида тўлдирилади; йигитлар 18 ёшдан хизматга чақирилади, хизмат муддати 2 йил. Командирлар состави ҳарбий билим юртларида, шунингдек АҚШ ва Канадада ўқиб келади.

Соғлиқни сақлаш. 1971 йилда ҳар минг киши ҳисобидан туғилиш 32,3, ўлим 5,6 (болаларда 33,6) нафарни ташкил этган. Уртача умр 61,5 йил. Юқумли касалликлардан безгак, грипп, қизамиқ, сил, проказа ва венерик касалликлар учрайди. Ичак гельминтозлари, айниқса аскаридоз ва анкилостомидоз кенг ёйилган. Аҳолининг бир оз қисми бепул медицина ёрдами олади. 1917 йилда 3,8 минг ўринли (минг кишига 2,1 ўрин) 132 давлат касалхонаси бўлган: 1,3 минг врач (1,6 минг кишига 1 врач), 383 тиш врачи, 818 фармацевт ва 1,5 минг ўрта медицина ходими ишлаган.

Ветеринарияси. П. ҳайвонлари орасида инфекцион ва инвазион касалликлар кўп тарқалган. 1973 йили қорамоллар орасида оқсил касаллиги, куйдирги, қутуриш, сил каби касалликлар кўпайгани аниқланди. Паррандаларда сальмонеллёзлар, чечак-дифтерит, лейкоз, Ньюкасл касаллиги учрайди. П. да 300 ветеринария врачи бор (1973).

Маорифи. П. да аҳолининг 26%и саводсиз (1973). 1970/71 ўқув йили бошланғич мактабларда 424,2 минг ўқувчи, 520 ўрта ўқув юртида 55,8 минг киши (шундан 87%и ўрта умумтаълим мактабларида, 6%и профессионал-техника га 6%и педагогика билим юртларида) ўқиди. 1972/73 ўқув йили Асунсьон миллий ун-ти (1890) ва «Нуэстра Сеньора де ла Асунсьон» католик ун-тида 6,7 минг студент таълим олди. Пойтахтда Миллий кутубхона, Нафис санъат ва қадимий ёдгорликлар миллий музейи, Табиий тарих ва этнография музейи бор.

Илмий муассасалари. 20-асрнинг 1-ярмида аксар хусусий маблағ ҳисобига қурилган ижтимоий ва табиатшунослик фанлари илмий тадқиқот муассасалари юзага келди: П. Педиатрия ва болалар гигиенаси ин-ти, П. Тарихий тадқиқотлар ин-ти, Гуарани тили ва маданияти академияси ва б. Иккинчи жаҳон уруши (1939—45)дан кейингина илмий тадқиқотлар давлат сектори шаклланди. Асунсьондаги Миллий ун-тнинг Фанлар ин-ти (1962)да Табиатшунослик ва техника фанлари бўйича назарий ва татбиқий текширишлар олиб борилади. 70-йилларнинг бошларида П. да 20 дан ортиқ илмий тадқиқот муассасаси ишлади.

Матбуоти, радиоси ва телевидениеси. П. да 10 дан ортиқ кундалик газета нашр қилинади; йириклари: «Патрия» (1946), «Панс» (1923), «Трибуна» (1925), «Аделанте» (Парагвай Коммунистик партияси марказий органи, яширин ҳолда чиқади). Ҳафталик газеталари ҳам чиқади.

Давлат миллий телевизион алоқалар бошқармаси мамлакат радиоси ва телевидениеси ишини назорат қилади. «Радио насьональ» давлат радиостанцияси, 16 хусусий радиостанция ва «Телевисьон Серро-Кора» хусусий телестанцияси бор.

Адабиёти испан ва гуарани тилларида ривожланмоқда. Мустамлака даври (16—19-аср бошлари)да ёзма адабиёт йўқ даражада эди. Биринчи романтик шоир Н. М. Талавер (1839—67) ватанпарварлик руҳидаги шеърияти б-н П. адабиёти тарихида муҳим роль ўйнади. 20-аср бошларида маърифатпарварлик ғоялари кенг тарқалди, бу соҳада айниқса Х. Э. О'Лири, М. Ортис Герреро каби шоирларнинг ижоди диққатга сазовор. Шоир Х. Корреа миллий драматургия ривожига салмоқли ҳисса қўшди. 20-асрнинг 20-йилларидан бадиий проза равнақ топа бошлади. А. Роа Бастоснинг П. халқи тақдири ҳақида ҳикоя қилувчи «Инсон фарзанди» (1960) романи П. адабиётида муҳим воқеа бўлди. Унда ижтимоий кескинлик б-н мифологик мотивлар уйғунлаштирилган. Мамлакатда ҳарбий-полиция диктатураси режими туфайли П. ёзувчиларининг кўпчилиги чет элларда яшайди.

Архитектура ва тасвирий санъати. П. терр-ясида яшаб овчилик, балиқчилик, ибтидоий усулларда деҳқончилик б-н шуғулланган индеец қабилаларида сопол идишларни нақшлаб безатиш, баданга нақш ишлаш, кийимга каштачикиш санъати қадим замонлардан ривожланган. Мустамлака даврида незуитлар П. терр-ясида мустаҳкамланган аҳоли пунктлари қурганлар. Бу пунктларда қурилган ибодатхона, устахона, омбор, казарма, ошхоналар индеецларнинг кулбалари б-н ўралган. 17—18-асрларда *барокко* услубида черковлар қад кўтарган. Шаҳарлар тўғри тўрт бурчакли тархда қурилиб, кўпинча, иккита катта майдон (бирида ратуша, иккинчисида — черков)дан иборат бўлган. П. мустақилликка эришгач, йирик шаҳарлар қайта қурилди, *классицизм* ва итальян *Уйғониш даври* услубларида сарой, жамоат бинолари қурилди, ғишт ва тошдан 2—3 қаватли турар жойлар қуришга аҳамият берилди. П. архитектурасида 1945 йилгача *неоклассицизм* ҳукмронлик қилди. Кейин АҚШ ва Бразилия архитекторлари иштирокида замонавий қурилиш материалларидан комплекслар, саноат ва турар жой р-нлари қурилди. Тўнғич маҳаллий рассомлар (манзарачи С. Риос, портретчи А. Гарсиа) 19-аср ўрталарида П. ҳаётини акс эттирадиган картиналар яратдилар. 20-асрда мамлакатнинг ҳаёти, тарихи, халқининг бадиий анъаналари П. Альборно каби рассом, В. Польяроло каби ҳайкалтарошларнинг ижодида ўз ифодасини топди. АҚШ санъати таъсирида формалистик оқимлар ҳам тарқалди. Халқ санъатида бадиий тўр тўқиш, лойдан ҳайкалчалар ишлаш, суяк ва ёғоч ўймакорлиги, кумуш ва мис тақинчоқлар, сопол идишлар тайёрлаш санъати ривожланган. Индеецларнинг сопол идишларини қолипаки нақшлаб геометрик нақшлаб сумкалар тўқиш, қуш паридан турли безаклар ишлаш санъати сақланган.

Музикаси қадимий анъаналарга бой. Сурнай, турли-туман ноғора, шақилдоқлар жўрлигида ашула айтиб, рақсга тушилади, гуарани индеецлари орасида диний, ҳарбий ва турли маросим рақслари кенг тарқалган. Креоллар орасида Европа музика анъаналари ривожланган. Профессионал музика маданияти 19-асрнинг 2-чорагидан равнақ топа бошлаган. 19-асрнинг охири ва 20-асрнинг бошларидан дастлабки музика муассасалари, жамиятлари, ассоциациялари ташкил этилди. Асунсьонда музика педагогика билим юрти, бир неча шахсий музика мактаби бор.

Театри тарихи, асосан, 16-асрдан бошланади. 16-аср ўрталарида незуитлар диний мазмундаги саҳна томошалари кўрсатган. Миллий театр 19-асрнинг ўрталаридан ривож топа бошлади. 1858 йилда Асунсьонда театр биноси қурилган. 20-аср ўрталаридан гуарани театри ривожлана бошлади. Лекин ҳарбий-полиция диктатураси шароитида миллий санъат суст ривожланмоқда.

Ад.: Гоннонский С. А., Очерки новейшей истории стран Латинской Америки, М., 1964; Нитоburг Э. Л., Парагвай, М., 1964; Ромеро Э., Родники парагвайской поэзии. «Проблемы идеологии и национальной культуры стран Латинской Америки» тўпламида, М., 1967.

ПАРАГВАЙЛАР — халқ, Парагвайнинг асосий аҳолиси. Умумий сони 2,6 млн. га яқин (умумий аҳолининг 99%и) (1973). П. икки тилда: испан тили (расмий давлат тили) ва гуарани тилида сўзлашадилар. Католицизм расмий дин ҳисобланади, маҳаллий индеецлар сиғинадиган тотемизм ва шаманизмнинг таъсири кучли. П.,

асосан, мустамлакачилар авлодлари сингиб кетган туараннлар ва метислардан иборат. Метислар испан мустамлакачилари авлодлари б-н гуарани̇ларнинг аралашувидан пайдо бўлган (17—18- асрлар). П. таркибидаги индеецлар ўрмонларда яшайди ва плантацияларда ёлланиб ишлайдилар.

Маккажўхори, пахта, тамаки, цитрус мевалари етиштирадилар, чорвачилик б-н шуғулланадилар (яна қ. *Парагвай*).

Ад.: Народы Америки, т. 2, М., 1959; Нации Латинской Америки, М., 1964.

ПАРАГНЕЙС (*пара...* ва *гнейс*) — чўкинди жинсларнинг ўта метаморфланишидан ҳосил бўладиган тоғ жинси. Асосан, *терриген жинслар* (қумтош, алевролит, гилли сланец ва б.) юқори босим ва т-ра таъсирида ўзининг физик ва кимёвий хоссаларини ўзгартириб, П. га айланади. П. таркибини, улар тарқалган терранни тўғри белгилаш шу ердаги метаморфизм ҳамда бу жараён б-н боғлиқ бўлган фойдали қазилмаларни қидириб топишга имкон беради.

ПАРАГОНИТ — *слюдалар* гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $NaAl_2[AlSi_3O_{10}](OH)_2$. Моноклин сингонияли, юпқа танга-танга ялтироқ агрегат тузилишига эга. Қаттиқлиги 2—2,5, с. оғ. 2,78—3,00. Ташқи кўринишидан *мусковит*га жуда яқин бўлиб, оптик хусусиятлари б-н ундан ажратиб бўлмайди. Сланецларда учрайди. Швейцария, АҚШ ва СССР (Урал)да топилган. Йирик кристалларидан изоляторлар тайёрланади. П. геологик термометр сифатида ҳам қўлланилади.

ПАРАГРИППОЗ ИНФЕКЦИЯ, парагрипп — парагриппоз вируслар қўзғатадиган ўткир инфекцион касаллик. Касаллик беморлардан, шунингдек вирус ташувчи соғлом кишидан ҳаво орқали тарқалади. Асосан, болаларда учрайди. Қайталаниб туриши мумкин. Касалликнинг яширин даври 1—6 кун. Одатда енгил ўтиб, 2—3 кун давом этади: нафас йўллари катаридаги каби белгилар пайдо бўлади; бемор тумов бўлиб, томоғи, тили, юмшоқ танглайи қизаради, т-раси нормал туради ёки бир оз кўтарилади. Овоз бўғилиб, қаттиқ йўтал тутиши П. и. нинг дастлабки белгисидир. Чақалоқ ва эмадиган болаларда П. и. кўпинча зотилжам, оғир пневмония, отитга сабаб бўлади.

Давоси: иссиқ ванна қилинади, горчичник қўйилади, балғам кўчирадиган ва антиспастик препаратлар, кислород, юрак дорилари буюрилади, венага глюкоза юборилади.

ПАРАД (лат. *раго* — тайёр қиламан, тайёрлайман сўзидан) — 1) расмий байрамларда ҳарбий қўшинларнинг жанговар техника б-н тантанали ўтиши (қ. *Қўшинлар паради*), спортчилар ва б. коллективларнинг тантанали юриши; 2) цирк ва театр иштирокчиларининг томоша бошланиши олдидан ёки унинг охирида саҳнага умумий чиқиши.

ПАРАДИЗКА (Malus pumila var. paradisiaca) — олманинг паст бўйли тур хили. Паст бўйли олма дарахти етиштиришда *пайвандтаг* сифатида фойдаланилади.

ПАРАДОКС (юнон. paradoxos — кутилмаган, ғалати) — кўпчилик томонидан қабул этилган традицион фикр, тажрибага ўз мазмуни ёки шакли б-н кескин зид бўлган, кутилмаган мулоҳаза (муҳокама, жумла). Ҳар қандай П. «шубҳасиз тўғри» (асослими, асоссизми, бундан қатъи назар) ҳисобланган у ёки бу фикрни инкор этишдай кўринади. П. терминининг ўзи ҳам дастлаб антик философияда ҳар қандай ғалати, оригинал фикрни ифодалаш учун ишлатилган.

Логик П. лар. Улар формал логика қоидаларига риоя қилиб фикр юритишда баъзан юзага келади. Логикада П. ларни ҳақиқатдан чекиниш, деб билиш ўринлидир. Шунинг учун *антиномия, апория, зиддиятни* П. нинг синонимлари деб ҳисоблаш мумкин. П. бир-бирини истисно қилувчи икки фикрни баб-баравар исбот қилиш мумкинлигини билдиради. Логик П. лар учун қадимги даврлардан сақланиб келган «Ёлғончи» («Ёлғончи критлик») парадокси характерлидир: «Бир критлик айтибди-ки: «Барча критликлар ёлғончи бўладилар». Унинг фикри чинми ёки ёлғонми?» Агар унинг фикри чин бўлса, бу гап ёлғон бўлади, агар фикри ёлғон бўлса, критликнинг гапи чин бўлади.

Логик П. лар, одатда, логик асослари тўла аниқланмаган назарияларда учрайди. Мас., 19-асрнинг охирлари — 20- асрнинг бошларида математикадаги тўпламлар назарияси ва математик логикада кўплаб аниқланган формал-логик зиддиятлар П. ларнинг бир туридир. Муҳокама (назария)да формал-логик зиддиятлар (П.)нинг мавжудлиги бу муҳокама (назария)нинг илмий жиҳатдан яроқсизлигини кўрсатади. Бундан П. ларнинг пайдо бўлиш сабаблари ва уларни бартараф этиш йўлларини топиш масаласи келиб чиқади. Илмий муҳокамада П. пайдо бўлишининг асосий сабаби инсон билиш жараёнининг мураккаб диалектик характерга эгалиги ва бунда шакл ва мазмуннинг ўзаро зиддиятли муносабатда бўлишидадир; бундан ташқари билиш жараёнидаги абстракциялар, у ёки бу даражадаги формаллаштириш ва ҳ. к. ларнинг чекланганлиги ва улар ифодалаши керак бўлган мазмунга фақат муайян даражадагина мувофиқ келишидадир.

П. ларни бартараф этишнинг универсал йўли йўқ. Логика ва математикада муайян П. ларни (типлар назарияси, абстракция принципини чеклаш ва ҳ. к.) бартараф қилиш усуллари ишлаб чиқилган.

ПАРАЗИТ ТАШУВЧИЛИК — танада касаллик қўзғатадиган ўсимлик ва ҳайвон паразитлари (гельминтлар, бактериялар ва ҳ. к.)нинг сезилмаган ҳолда яшаши. Паразит ташувчилар касаллик пайдо қиладиган паразитлар тарқатувчи манба ҳисобланади. Бацилла ташувчилик ва вирус ташувчилик П. т. нинг тез-тез учраб турадиган хилларидир.

П. т. турли методлар б-н аниқланади: протозой *инфекция*лар ва *гельминтоз*ларда микроскопия қилинади; бактерия ташувчиликда экиш усули қўлланилади; вирус қўзғатган инфекциялар ва *риккетсиоз*ларда вирус тўқима культурасида ундирилади ҳамда биопроба олинади ва ҳ. к. усуллардан фойдаланилади. П. т. ка қарши курашишда озиқ-овқат корхоналари ва болалар муассасаларининг ишчи-хизматчилари ўртасида П. т. ни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бундай корхоналар ва муассасаларда ишга қабул қилинаётган ҳар бир киши махсус лаборатория текширувидан ўтказилади, санинимум бўйича имтиҳон топширади, кейинчалик иш давомида маълум ойларда махсус медицина кўригидан ўтиб туради, шунингдек болалар боғчалари ва мактабларда ҳам бундай кўриклар тез-тез ўтказилади.

ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР — паразитлар қўзғатадиган касалликлар. Одамларда учрайдиган П. к. ни энг содда жониворлар (қ. *Лейшманиялар, Безгак чивинлари, Токсоплазмоз*), паразит чувалчанглар (қ. *Гельминтозлар*) ва бўғимоёқлилар келтириб чиқаради. Пашша личинкалари қўзғатадиган касалликлар, каналар келтириб чиқарадиган қўтир ва ҳар хил тери касалликлари (дерматитлар) шулар жумласидандир. Битлар пайдо қиладиган «паразитар терлама» (тепкили терлама ва қайталовчи терлама)ни ҳам баъзан шартли равишда П. к. га киритадилар. Кўпгина П. к. нинг қўзғатувчилари одамларда ҳам, ҳайвонларда ҳам учраши мумкин. П. к. га қарши кураш даволаш воситалари ва профилактика тадбирларидан иборат. Бундай тадбирлар паразитларнинг биологик хусусиятлари — яшаш цикллари ва киши организмига ўтиш йўлларини чуқур билиш асосида амалга оширилади. СССРда П. к. га қарши кескин кураш олиб бориш натижасида безгак, ришта каби П. к. мутлақо йўқотиб юборилди, қолганлари ҳам жуда кам учрайди.

ПАРАЗИТИЗМ (юнон. parasitos — текинхўр, ҳамтовоқ) (биология да) — ҳар хил турдаги организмлар (ўсимликлар, ҳайвонлар, микроорганизмлар)нинг ўзаро муносабат усулларидан бири. Бунда организмларнинг бири паразит бўлиб, иккинчиси (хўжайини)нинг тўқималари ёки ҳазм қилган овқати б-н тўйинади. Яшаш жойига қараб ташқи П.— эктопаразитизм (паразит хўжайин танасининг ташқарасида яшайди) ва ички П.— эндопаразитизм (паразит хўжайин танасининг тўқима ёки бўшлиқларида яшайди) бўлади. Вақтинчалик (паразит ҳаётининг бир қисми паразитлик б-н ўтади) ва доимий П. (доимо паразит) бор. Кўпгина паразит бактериялар ҳайвон ва одамда турли хил инфекцион касалликлар (вабо, ўлат, зотилжам ва б.) қўзғатади. Паразит замбуруғлар эса, кўпинча, ҳашаротларни қиради ва ҳайвон ҳамда одамларда микоза касаллиги қўзғатади.

П. ни ўрганиш ва паразитларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш б-н *паразитология, микробиология, вирусология* ва *фитопатология* шуғулланади.

Гулли паразит ўсимликлар орасида хўжайинидан асосан сув ва минерал моддалар шимадиган паразитлар (шумғия) ва хўжайинидан ҳамма озиқ моддаларни шимадиган тўла паразитлар (девпечак ва зарпечак) бор. Тўла паразитларнинг айримлари сапрофит, яъни ўлик тўқима қолдиқлари билангина озиқланадиган факультатив паразит ва баъзилари фақат тирик тўқималар б-н озиқланадиган облигат ёки чин паразитдир. Облигат паразитлар маълум бир ўсимлик турларининг фақат бирор аъзосини зарарлайди. Паразитнинг фаолияти ўзининг физиологик активлигига ва хўжайинининг чидамлилигига боғлиқ.

Паразит турлар ҳайвон ва ўсимликларнинг кўпчилик турларида учрайди. Бутунлай паразит турлардан иборат синфлар, туркумлар, тартибларга (мас., сўргичлилар, лентасимон чувалчанглар, бургалар, битлар ва б.) бор. Бир хўжайинли ва кўп хўжайинли паразитлар мавжуд. Кўпинча паразитлар хўжайинини алмаштириб туради. Мас., занг замбуруғлари ривожланиш босқичларида турли ўсимликларда яшайди, жумладан чизиқсимон занг аввал зиркда, кейин ғалладошларга ўтади. Эндопаразитизм натижасида организм тузилиши соддалашади. Мас., ўсимликнинг барги ёки барг ва поялари редукцияланиб, ипсимон шаклга киради. Паразит ҳайвонларнинг ҳаракатланиш, ҳазм қилиш, қон айланиш органлари кичрайиб (йўқолиб), кўпайиш органлари кучли ривожланади.

Паразитларнинг ҳаёт цикли ва тарқалишини ўрганиш уларга қарши кураш ва, айниқса, касалликларнинг олдини олишда жуда муҳим. Бунда паразитлар, айниқса, паразит ташувчи ва оралиқ хўжайинлар дорилар ёрдамида йўқотилади. Паразит (зараркунанда) ўсимликларга қарши биологик курашдан кенг фойдаланилади (мас., парда қанотли ҳашаротлар — яйдоқчилардан).


Ад.: Курсанов Л. И., Микология, 2 изд., М., 1940; Гешеле Э. Ж., Основы фитопатологической оценки в селекции, М., 1964; Горленко М. В., Краткий курс иммунитета растений к инфекционным болезням, 3 изд. М., 1973; Генетические основы селекции растений на иммунитет, М., 1973.

ПАРАЗИТЛАР — бошқа организмлар (хўжайин) ҳисобига яшайдиган ва унга зарар етказадиган жониворлар (яна қ. *Паразитизм*).


ПАРАЗИТОЛОГИЯ [*паразит(лар)* ва *...логия*]— *паразитизм* ҳодисаларини, паразитларни, уларнинг ҳайвон, одам ва ўсимликларда қўзғатадиган касалликларини ҳамда буларга қарши кураш чораларини ўрганадиган фан. П. паразитлар систематикаси, морфологияси, гистологияси, эмбриологияси, географияси, экологияси, физиологияси, биохимияси, филогенияснни ҳамда паразит ва хўжайин орасидаги муносабатларни текширади. Уни қуйидаги бўлимлар: паразит содда ҳайвонлар П. си, паразит чувалчанглар П. си, паразит қисқичбақасимонлар П. си, паразит ўргимчаксимонлар П. си, паразит ҳашаротлар П. сига ажратиш мумкин. Паразитларнинг яшаш объектлари бўйича медицина П. си, ветеринария П. си, агрономия (яъни ўсимликлар) П. си ва умумий П. га бўлинади.

П. инвазион касалликлар эпидемиологияси, эпизоотологияси, патологик анатомия ва патологик физиология, иммунология, юқумли ва юқумсиз касалликлар патологияси, фармакология ва ветеринария-санитария экспертизаси б-н узвий боғланган. П. да анатомик, физиологик, гистологик, биохимик, иммунологик ва б. турли тадқиқ этиш методлари кенг қўлланади.


Кўп асрлар давомида олимлар фақат кўзга кўринадиган паразит чувалчанглар ва ташқи паразитларни таърифлаш б-нигина чегараланиб келдилар. Кўзга кўринмас паразитлар тўғрисидаги илк маълумотлар Абу Али ибн Сино асарларида учрайди. П. тараққиётига микроскопнинг ва микроскопик тадқиқотларнинг такомиллашуви ёрдам берди, шу туфайли 19- асрда П. фан сифатида шаклланди. 19- асрнинг иккинчи ярмидаёқ турли касалликларни қўзғатувчи энг содда ҳайвонлар топилди. Кейинроқ эса ҳашарот ва каналарнинг баъзи касалликлар қўзғатувчиларини тарқатишдаги роли, шунингдек фақат одамга хос бўлган паразитар касалликлар ҳам аниқланди. Бу даврда П. нинг ривожланишига рус олимлари Э. А. Островский, А. П. Федченко, Э. К. Брандт, Н. М. Мельников, И. И. Мечников, Ф. А. Леш, немис олимлари Ф. Кюхенмейстер, К. Фохт, Р. Лейкарт, инглиз олимлари Р. Росс, П. Менсон, Ж. Даттон, Ж. Тодд, италия олими Б. Граси, француз олими Ш. Николь ва б. катта ҳисса қўшдилар.



Параллактик учбурчак.



Параллактик (экваториал) қурилма.



Параллелепипед: *а*) оғма параллелепипед; *б*) тўғри параллелепипед.

СССРда П. соҳасида бир қатор илмий мактаблар вужудга келди. Акад. К. И. *Скрябин* совет гельминтологлари мактабини яратиб, девастация ҳақидаги (патогенгельминтларни тагтуги б-н йўқотиш) таълимотга асос солди. Е. Н. *Павловский* умумий П., ўлка П. си проблемаларини ўрганди ва трансмиссив касалликларнинг табиий ўчоги тўғрисидаги таълимотни, организм паразитлар яшаш объекти эканлиги ва *паразитоценозлар* ҳақидаги назарияни яратди. СССР ФА мухбир аъзоси В. А. Догель (экологик П. асосчиси) ва унинг издошлари П. нинг умумий масалаларини, балиқ паразитларини, паразит содда ҳайвонларни ва б. ни, проф. В. Л. Якимов ва б. ҳайвонларнинг пироплазмидозлари, лейшманиозлари, кокцидиозлари, трипонозамозларини ўрганиб унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқдилар. Медицина П. си соҳасида, айниқса, безгакни ва б. паразитар касалликларни йўқотишда жуда катта ишлар амалга оширилди.

СССР ФА Зоология ин-тининг паразитология бўлими, СССР ФА гельминтология лабораторияси, республикалар ФА қошидаги Зоология ва паразитология ин-тлари, зоология ин-тларининг паразитологик лабораториялари, СССР ФА нинг қатор филиалларидаги паразитологик лабораториялар, К. И. Скрябин номидаги Бутуниттифоқ гельминтология ин-ти, Е. И. Марциновский номидаги Медицина паразитологияси ва тропик медицина ин-ти, ветеринария илмий текшириш ин-тлари ва станцияларининг паразитологик лабораториялари, ун-тларнинг, қ. х., ветеринария, медицина ва педагогика ин-тларининг кафедралари ва кўпгина бошқа ташкилотлар П. масалалари б-н шуғулланади ҳамда паразитолог мутахассислар тайёрлайди. Ўзбекистонда П. бўйича илмий ишлар ЎзССР ФА Зоология ва паразитология ин-тида, ЎзССР ФА Қорақалпоғистон филиали ин-тларида, Тошкент ва Самарқанд Давлат ун-тларида, Ўзбекистон Ветеринария, Самарқанд қ. х., Ўзбекистон Медицина паразитологияси ҳамда Урта Осиё Фитопатология ин-тларида, Тошкент ва Самарқанд Медицина ин-тларида олиб борилмоқда. ЎзССР ФА мухбир аъзолари А. Т. *Тўлаганов*, М. А. *Султонов*, Э. Х. *Эргашев*, мед. фанлари д-ри С. Н. *Бобожонов*, Н. А. *Деҳқонхўжаева*, ветеринария фанлари д-ри Н. М. *Матчонов*, Ш. А. *Азимов*, биология фанлари д-ри Э. И. *Ган*, С. О. *Османов*, В. М. *Содиқов*, У. Я. *Узоқов* ва уларнинг шогирдлари П. фанини ривожлантиришда муҳим илмий тадқиқот ишларини амалга оширмоқдалар.

Ад.: Скрябин К. И., Шульц Р. С., Основы общей гельминтологии, М., 1940; Павловский Е. Н., Общие проблемы паразитологии и зоологии, М.—Л., 1961; Строительство гельминтологической науки и практики в СССР, т. 1—5, М., 1962—72.

ПАРАЗИТОЦЕНОЗ (юнон. parasitos — текинхўр, ҳамтовоқ ва koinos — умумий) — одам, ҳайвон ва ўсимликда яшайдиган паразит организмлар мажмуи. «П.» терминини фанга совет олими Е. Н. *Павловский* киритган. Содда ҳайвонлар, чувалчанглар, кана, ҳашарот шунингдек бактериялар, вируслар ва замбуруғ каби паразитлар (хўжайин организм — одам, ҳайвон ва ўсимликка зарар келтириш ёки келтирмаслигидан қатъи назар) П. таркибига кириши мумкин. П. даги паразит организмлар тури ва сони ўзгариб туради. Баъзи турлар бошқа турнинг яшашига ноқулай шароит яратади. Мас., аскаридаси бўлган одамда аскаридасизга нисбатан лямблиялар сони 2—4 марта кам. П. таркибига кирувчи касаллик паразитлари бошқа тур паразитлар мавжудлиги туфайли касаллик қўзғатмаслиги ҳам мумкин. П. ни ўрганиш юқумли касалликларни аниқлаш, уларни даволаш ҳамда олдини олиш чораларини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга.

ПАРАЛЛАКС (юнон. parallaxis — оғиш) — фазонинг бирор нуқтаси (мас., ёритқич — сайёра, юлдуз маркази)дан Ер орбитасининг радиуси кўринадиган бурчак. П. ёритқич б-н Ер орасидаги масофани аниқлашга имкон беради. Агар ёритқичнинг П. и маълум бўлса, тригонометрик формулалар ёрдамида унинг Ердан узоқлигини аниқлаш мумкин. Суткалик П.—Ер радиуси б-н осмон ёритқичи кўринадиган чизиқ орасидаги бурчак (мас., Ой учун суткалик П. 57′2″70, Қуёш учун 8″80). Йиллик П.—Ер орбитасининг катта ярим ўқи б-н осмон ёритқичи кўринадиган чизиқ орасидаги бурчак.

ПАРАЛЛАКТИК УЧБУРЧАК — сферик учбурчак. *Осмон сферасида* меридиан ёйи, вертикал доира ёйи ва ёритқич б-н зенитни бирлаштирувчи ёйнинг кесишишидан ҳосил бўлади. П. у. учларида олам қутби (*P*), зенит (*Z*) ва ёритқич (*M*) жойлашган (расмга қ.). Томонлари 90°—φ, *z* ва 90° — δ ёйдан иборат (*z* ва δ — *M* ёритқичнинг зенит масофаси ва оғиш бурчаги, φ — жойнинг географик кенглиги), бурчаклари — t, 180°—*A* (t, *A*—*M* ёритқичнинг соат бурчаги ва азимути), *q* — параллактик бурчаги.

ПАРАЛЛАКТИК ҚУРИЛМА, экваториал қурилма — телескопнинг оптик ўқини *олам ўқига* параллел қилиб ўрнатишда ишлатиладиган қурилма (расмга қ). Бунда ёритқичларнинг оғиш бурчагини кўрсатувчи белгилар оғиш ўқига перпендикуляр ўтказилган доирага қўйилади. Телескопни олам ўқи атрофида соат механизмига ўхшаш механизм айлантиради. Ҳозирги замон телескопларининг кўпчилиги П. қ. ли.

ПАРАЛЛЕЛ РЕАКЦИЯЛАР — биргаликда борадиган кимёвий реакциялар. Бунда реакцияга киришувчи бошланғич моддалардан камида биттаси умумий бўлиши керак. Мас., фенолни нитролаб орто-, мета- ва паранитрофенол ҳосил қилиш (бошланғич моддалари бир хил), бензол б-н толуол аралашмасини нитролаш (бунда бошланғич моддалардан бири—нитрат кислота умумий ҳисобланади).

ПАРАЛЛЕЛ ТЎҒРИ ЧИЗИҚЛАР *(Эвклид геометриясида)* — бир текисликда ётилган, лекин кесишмайдиган тўғри чизиқлар. Фазода икки текислик (ёки текислик б-н тўғри чизиқ) умумий нуқтага эга бўлмаса, улар параллел дейилади. Текисликнинг *Декарт координаталар системасида* $Ax+By+C=0$ ва $A_1x+B_1y+C_1=0$ тенгламалар б-н берилган тўғри чизиқларнинг параллел бўлиши $A:A_1=B:B_1=C:C_1$ шарт б-н аниқланади. Тенгламалар $y=k_1x+b_1$, $y=k_2x+b_2$ кўринишида бўлса, параллеллик шарти бурчак коэффициентлар тенглигидан иборат: $k_1=k_2$. *Лобачевский геометриясида* П.т.ч. бошқача таърифланади.

ПАРАЛЛЕЛЕПИПЕД *(параллел* ва юнон. epipedon — текислик) — қарама-қарши ёқлари ўзаро параллел ва тенг параллелограммлардан иборат олтиёқлик. П. нинг 8 учи, 12 қирраси бўлади. Ён қирралари асос текислигига тик бўлган П. тўғри, акс ҳолда оғма П. дейилади (расмга қ.). Тўғри П. нинг ён ёқлари тўғри тўртбурчаклардан иборат. Асоси тўғри тўртбурчакдан иборат П. тўғри бурчакли П., ёқлари квадратлардан иборат П. *куб* дейилади. П. ҳажми асосининг юзи *S* б-н баландлиги *H* кўпайтмасига тенг.

ПАРАЛЛЕЛИЗМ (юнон. parallelos — ёнма-ён турувчи) парафилия, параллел ривожланиш — бир гуруҳ организмлар эволюцияси принципи, мас., ҳайвонлар тузилишидаги ўхшаш белгиларнинг умумий аждодларидан наслдан-наслга ўтиб келаётган хусусиятлари асосида мустақил ҳолда ҳосил бўлиши.

Битта умумий бешта бармоқли аждоддан тарқалган Шимолий ярим шардаги тоқ туёқлилар ва Жанубий Америкадан топилган қазилма туёқли ҳайвонлар литоптерида бармоқларининг сони эволюция жараёнида параллел равишда 5 тадан 1 тагача камайганлиги, йиртқич сут эмизувчиларнинг турли группаларида қиличсимон йиртқич тишининг ҳам параллел ҳолда пайдо бўлганлиги ва ҳ. к. ҳам П. га мисол бўла олади. П. *табиий танланиш* б-н тушунтирилади.

ПАРАЛЛЕЛИЗМ (адабиётшуносликда) — поэтик нутқ усулларидан: икки ҳодисани ёнма-ён қўйиб тасвирлаш. Узбек ва тожик классик поэтикасида П. мутобиқа деб ҳам юритилган. П. нинг қуйидаги турлари мавжуд: Тематик (мантиқий) П. да мавзу ёки мантиқий жиҳатдан бир-бирини такрорлаётган икки ҳодиса ёнма-ён қўйилган бўлади. Бу хил П. да муаллиф мантиқий-фикрий йўналиши бир хил бўлган мисраларни атайлаб ёнма-ён қўяди.

Булбул қайда сайрайди
Гулзоримда, боғимда,
Қўнглим гулдай яйрайди
Сени кўрган чоғимда.

(Уйғун, «Олтинкўл»).

Синтактик П. да бир хил поэтик ифода айнан ёнма-ён келтирилади. Мас.,

Яна келдинг, қалбимнинг рамзи,
Яна келдинг жилва билан,
Яна келдинг ясанди дунё,
Далаларга тўшалди гилам...

(Уйғун, «Баҳор ҳақида»).

Халқ оғзаки ижоди (айниқса, қўшиқлар, лапарлар ва топишмоқлар)да П. нинг ҳар хил кўринишлари учрайди.

ПАРАЛЛЕЛИЗМ (музикада) — бир *интервал* оралиғини сақлаган овозлар ҳаракати (мас., терция, кварта, квинта, секста интервалларида параллел ҳаракат). Тор маънода *гармониялашда* икки мустақил овознинг бирикишидан юзага келган параллел квинта ва октавалар ҳаракати (тақиқланган П.) тушунилади. Халқ (жумладан ўзбек чолғу) музикасида, кўпинча кварта, квинта интервалларидаги П. мисоллари учрайди. Баъзи композиторлар (мас., Ўзбекистонда В. А. Успенский) халқ куйларини қайта ишлашда мазкур П. га таянишган.

Ад.: Тюлин Ю. Н., Параллелизмы в музыкальной теории и практике, Л., 1938.

ПАРАЛЛЕЛОГРАММ *(параллель* ва ... *грамма)* — қарама-қарши томонлари ўзаро параллел тўртбурчак. П. нинг хусусий ҳоли — *квадрат*, *ромб*. П. диагоналлари кесишган нуқтада тенг иккига бўлинади, бу нуқта П. нинг симметрия маркази ҳисобланади (расмга қ.). П. нинг юзи асоси *a* б-н баландлиги *h* кўпайтмасига тенг.

ПАРАЛЛЕЛЬ (юнон. parallelos — ёнида борувчи) — 1) геометрияда — қ. *Параллел тўғри чизиқлар*; 2) географияда — Ер шари сиртининг экваторга параллел текислик б-н кесишиши чизиғи. Бир П. да ётган барча нуқталарининг географик кенглиги бир хил бўлади; 3) астрономияда — осмон сферасининг кичик айланаси; текислиги осмон экватори текислигига параллель бўлади. Осмон сферасининг олам ўқи атрофида кўринма суткалик айланиши натижасида осмон сфераси нуқталари (олам қутбларидан ташқари) ўтган йўллардан иборат.


ПАРАМАГНЕТИЗМ *(пара...* ва *магнетизм)* — ташқи магнит майдонига киритилган жисмларнинг шу майдон йўналишига мос йўналишда магнитланиш хоссаси. Магнит қутби яқинига жойлаштирилган ҳар қандай парамагнит жисм (қ. *Парамагнетиклар*) шу қутбга тортилади. Ташқи магнит майдони бўлмаганда, яъни $H=0$ бўлганда, парамагнетикларнинг магнитланганлиги нолга тенг бўлади.

«П» терминини фанга М. *Фарадей* киритган (1845). У ферромагнитдан бошқа барча моддаларни магнит хоссалари бўйича диамагнит (қ. *Диамагнетиклар*) ва парамагнит моддаларга ажратди. П. зарралари (атом, молекула, ион, атом ядроси) хусусий магнит моментига эга бўлган жисмлар учунгина характерли бўлиб, бу моментлар ташқи майдон бўлмаганда тартибсиз ориентирланади, яъни $j=0$ бўлади. Ташқи майдон мавжуд бўлганда атом ва молекулаларнинг магнит моменти майдон йўналишида ориентирланади. Кучсиз магнит майдонида, яъни $mH \ll kT$ (бунда m — модда атоми, k — Больцман доимийси, T — абс. т-ра) бўлганда, парамагнетикнинг магнит моменти M майдон кучланганлиги H га пропорционал, яъни $M(H)=\chi H$, бунда χ парамагнит қабул қилувчанлик. Парамагнетикларда χ ҳамиша мусбат бўлади.


Металлда хусусий магнит (спин) моментига ($\sim 1\mu_б$, $\mu_я$ — *Бор магнетони*) ва электр ўтказувчанлик хоссасига эга бўлган электронларнинг мавжудлиги шу металлнинг парамагнит хоссасини ифодалайди. Ташқи магнит майдони таъсирида бу электронлар магнит моментининг йўналиши майдон йўналиши б-н бир хил бўлади.

Атом ядроси ҳам хусусий магнит моменти (спин)га эга. Ядро магнит моменти электрон магнит моменти $\mu_б$ дан тахм. 1000 марта кичик. Шунинг учун атом ядросининг парамагнит қабулчанлиги электрон қабулчанлигидан тахм. 10^6 марта кичик. Парамагнит модда кучсиз ташқи магнит майдони таъсирида жуда кучсиз, лекин жуда паст (абсолют ноль градуса яқин) т-раларда, шунингдек ўта юқори ташқи магнит майдони ($\geqslant 10^5$ эрстед) таъсирида кучли магнитланади. Кучсиз майдонда парамагнит моддаларнинг магнитланганлиги майдон кучланганлиги ўсиши б-н қуйидаги қонун бўйича ўсади: $j=\chi H$, бунда χ — 10^{-5} дан 10^{-3} гача қийматларни олади. Агар майдон кучли бўлса, парамагнит заррачалари магнит моментларининг йўналиши ташқи магнит майдони йўналишидек бўлади (магнит тўйиниши рўй беради). Узгармас кучланишли майдонда т-ра T ортиши б-н магнит қабулчанлик Кюри қонуни бўйича камаяди:


$$\chi = C/T.$$



Параллелограмм.



Индуктив параметрон.



Сиғимли параметрон.

бунда C — Кюри доимийси (жисмнинг табиатига боғлиқ).

П. моддаларнинг кимёвий таркибига ҳамда агрегат ҳолатига ҳам боғлиқ (қ. *Магнетизм*). Турли модданинг П. ни ўрганиш якка атом, ион, молекула, ядроларнинг магнит моментини, мураккаб молекулаларнинг тузилишини, шунингдек техникада қўлланиладиган материалларни нозик структуравий анализ қилишда муҳим ўрин эгаллайди.

Ад.: Вонсовский С. В., Магнетизм микрочастиц, М., 1973; Вонсовский С. В., Магнетизм, М., 1971; Киттель Ч., Введение в физику твердого тела, Пер. с англ., 2 изд., М., 1963.

ПАРАМАГНЕТИКЛАР — ташқи магнит майдонида шу майдон йўналишида магнитланиш хусусиятига, яъни оддий т-рада *парамагнетизм* хусусиятига эга бўлган модда. Ташқи магнит майдони бўлмаганда П. магнит ҳисобланмайди. П. атомлари (ионлари) хусусий магнит моментига эга, лекин ферро ва антиферромагнетикларга хос бўлган магнит структура П. да йўқ. Ташқи магнит майдон таъсирида П. атомлари (ионлари)нинг магнит моментлари майдон йўналишида ориентирланади, натижада П. майдон кучланганлиги H га пропорционал ва майдон йўналишига мос йўналишдаги магнит моментлари йиғиндиси J га эга бўлади. П. магнит қабул қилувчанлиги $\chi = \frac{J}{H}$ ҳамиша мусбат бўлади. χ кучсиз майдонда майдон кучланганлигига боғлиқ бўлмайди, лекин т-рага жуда кучли боғлиқ бўлади. Молекуляр кислород O_2, азот оксид NO, кобальт, никель, темир тузи, ишқорий металлар, ишқорий—ер металлар ва б. П. ҳисобланади. Шунингдек, ядроннинг магнит моментига асосланган парамагнетизмли П. ҳам мавжуд (мас., $T < 0{,}1°K$ т-радаги ^3He).

ПАРАМАГНИТ КУЧАЙТИРГИЧ — парамагнит кристалл (мас., ёқут) ёрдамида ўта юқсак частотали тўлқинларни кучайтирувчи квант асбоб. Уч сатҳли кучайтиргичларда дастлаб Cd, Ge парамагнит ионлари аралашмаси бўлган лантан эгил сульфати $[La(C_2H_2SO_4)\cdot 9H_2O]$ ва Cr ионлари аралашмаси бўлган калий—кобальт гексацианид кристаллар $[K_3C_0(CN_6)]$ ишлатилган.

Кейинчалик бу кристалларга нисбатан П. к. да ишлатилган ёқут бирмунча афзал экани маълум бўлди. П. к. нинг кўчайтириш коэффициенти $\alpha = 3\cdot 10^{-z}\cdot\lambda^{-1}$ га тенг, бунда z — тўлқинниг кристаллдаги йўли, λ — тўлқин узунлиги. Ёқутли П. к. нинг резонанс частотадаги кучайтириш коэффициенти $K_0 = 100$, спектр чизиғининг кенглиги $\Delta\nu_{макс} \approx 60$ *Мгц*, ўтказиш кенглиги $\Delta\nu \sim 40$*Мгц*. П. к. ядро физикасида, космик нурларни татбиқ қилишда кўп ишлатилади.

ПАРАМАРИБО — Суринам Республикасининг пойтахти ва асосий порти. Суринам дарёсининг Атлантика океанига қуйилиш жойидан 20 *км* юқорида. Аҳолиси 102 минг киши (1971). Савдо маркази. Олтин ва боксит қазиб чиқариладиган р-нлар б-н т. й. орқали боғланган. Озиқ-овқат, тахта тилиш ва б. корхоналари бор. Порт орқали четга шоли, ёғоч-тахта, шакар-қанд, банан, цитрус мевалар ва ҳ. к. лар чиқарилади.

ПАРАМАЧ, анжир гўмма — сомса турларидан бири. Тайёрлаш усули: қатиқ ва тухум солиб хамир қорилади. Хамир етилгач, 20—30 *г* ли зувалачалар ясаб, қалинлиги 2—3 *мм* ли жилдлар ёйилади. Жилдга қийма солиб, ўртасида тангадек очиқ қолдирилиб тугилади. Қизиган ёғли товага П. аввал тўнтариб (очиқ томони б-н), сўнгра ўнглаб қўйилади, пиширш давомида П. ичига қошиқда ёғ томизиб турилади. Дастурхонга тортишда бетига узум сиркаси сепилади. П. хамири учун: 1 *кг* унга 2 стакан қатиқ, 1 дона тухум, 2 чой қошиқ туз керак. Қийма учун 1,5 *кг* гўшт, 3—4 бош пиёз, таъбга кўра туз ва мурч солинади. Қовуриш учун 200 *г* сариёғ, бетига сепиш учун 1 ош қошиғида сирка етарли.

ПАРАМЕТР (юнон. parametron — ўлчайдиган) — 1) математик формула ва ифодаларда ишлатиладиган катталик. П. қийматлари орқали бирор тўплам элементлари бир-биридан фарқланади. Мас., *Декарт координаталар системасида* $(x-a)^2+(y-b)^2=4$ тенглама xOy текисликда жойлашган, радиуси 2 га тенг айланалар тўпламини аниқлайди. Бу тенгламада x, y — ўзгарувчи координаталар, a, b эса радиуси 2 га тенг айланалар марказини аниқловчи П. лардир. $a=3$, $b=-1$ бўлса, маркази 3, — ! нуқтада бўлган айлана тенгламаси, a, b нинг бошқа қийматларида бошқа айланалар тенгламаси ҳосил бўлади. Дифференциал геометрияда чизиқ ва сиртларни текширишда махсус П. орқали ёзилган тенгламалар (параметрик тенгламалар) қўлланади. Мас., $x = lt + x_0$, $y = mt + y_0$ тўғри чизиқнинг, $x = a\cos t$, $y = b\sin t$. $z = kt$ винт чизиқнинг, $x = a\cos\varphi\cdot\cos\psi$, $y = b\cos\varphi\cdot\sin\psi$, $z = c\cdot\sin\psi$ эллипсоиднинг параметрик тенгламаларидир; 2) техникада — технологик жараён, ҳодиса, система, техник қурилма ва б. нинг бирор хоссасини ифодалайдиган катталик. Мас., механик системаларда масса, ишқаланиш коэффициенти, инерция моменти ва ҳ. к.

ПАРАМЕТРИТ (*пара...* ва юнон. metra — бачадон) — бачадон атрофидаги клетчаткалар (параметрия)нинг яллиғланиши. Асосан стрептококк, стафилококк каби микроблар, баъзан ичак таёқчаси қўзғатади. Кўпроқ аборт, акушерлик ва гинекологик операциялар асорати сифатида намоён бўлади. Шунингдек, *парапроктит*, аппендицит, бачадон ортиқларин касалликлари, умумий инфекцион касалликлар оқибатида ҳам П. келиб чиқади. П. да қон ва лимфа томирлари кенгаяди. Т-ра 38—39° гача кўтарилади, эт увишиб, қорин пасти оғрийди, бемор дармонсизланади. Қин орқали текширилганда қаттиқ инфильтрат пайдо бўлганлиги ва бачадон бир томонга оғиб, юқорига кўтарилганлиги аниқланади. Процесс қовуққа яқин жойлашган бўлса ва қовуқни инфильтрат эзса, бемор тез-тез сияди. Инфильтрат тўғри ичак атрофидаги клетчаткага тарқалган бўлса, қабзият кузатилади. Баъзан инфильтрат йиринглансa, йиринг қовуққа, тўғри ичак ёки қорин бўшлиғига тешиб ўтиши ҳам мумкин.


Давоси. Ўткир П. да организмнинг қаршилик кучини ошириш тадбирлари ва инфекцияга қарши чоралар кўрилади. Бемор тезда ётқизилиб, антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлар буюрилади, қорин пастига совуқ қилинади, ич нормал юриштириб турилади, оғриқ зўрайганда наркотик ва спазмолитик препаратлар қўлланилади. Ўртача ўткир ва хроник П. да физиотерапия ва курортда даволаниш тавсия этилади; абсцесс пайдо бўлса, операция қилинади.

ПАРАМЕТРОН—рақамли ЭҲМ элементи; ишн электр тебранишларнинг параметрик уйғотилиши ва кучайтирилишига асосланган. Индуктив ва сиғимли хиллари бор. Индуктив П. да (расмга қ.) бир-бирига қарама-қарши уланган иккиламчи ўрами бўлган иккита торроидал трансформатор (*1* ва *2*) L_1, L_2, C контурда шу трансформаторларнинг бирламчи чулғам занжирларидан ўтадиган ток *индуктивлик* ҳосил қилади. П. ҳисоблаш машиналарида ишлаганда алоқа трансформатори *3* орқали ўтаётган сигналлар маълум фазали бошланғич тебранишларни вужудга келтиради; бу тебранишлар турғун қийматгача ўсиб боради. Ҳисоблаш қурилмасининг бошқа элементларидан келган информацияларни узатиш усулини комбинациялаб, П. дан кучайтирадиган, хотирада сақлайдиган ва б. элемент сифатида фойдаланиш мумкин.

Сиғимли П. нинг (расмга қ.) баланс схемасида уйғотиш кучланишини компенсациялаш учун чизиқли бўлмаган иккита бир хил сиғим (*1* ва *2*) қўлланилади. Бундай сиғимлар сифатида яримўтказгичли диодларнинг қўлланилиши уйғотиш частотасини юз *Мгц* гача оширишга имкон беради; бу эса П. да бажариладиган битта элементар операция учун кетадиган вақтни юздан бир секундгача камайтиради.

Ад.: Параметроны, (Сб. статей), Пер. с япон., кн. 1—2, М., 1961—1962.

ПАРАМЕЦИЯЛАР (Paramecium), туфелькалар — *инфузориялар* синфига мансуб энг содда ҳайвонларнинг бир уруғи. Танаси узунчоқ-овалсимон (0,3 *мм* гача), киприкчалар б-н қопланган, киприкчалар оралиғида ҳимоя органи — трихоцисталар бор. Оғзи танасининг ён қисмида жойлашган. Асосан, бактериялар б-н озиқланади. П. нинг баъзи турларидан лабораторияларда фойдаланилади.



Парамециялар. Инфузория туфелькасининг умумий кўриниши: *1*—киприкчалар; *2*—ҳазм вакуоласи; *3*—катта ядро; *4*—кичик ядро; *5*—оғиз тешиги; *6*—қолдиқ озиқнинг ташқарига чиқарилиши; *7*—тиҳоцисталар; *8*—қисқариш вакуоласи.

ПАРАМОН — Наманган обл. Янгиқўрғон р-ни Заркент қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон 50 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Чортоқдан 46 *км*. Аҳолиси 1426 киши (1974); пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик, узумчилик б-н шуғулланади. Поччаотасойдан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ПАРАМОНОВ Петр Митрофанович (1882, Тула губерняси Овечкина қишлоғи — 1949) — Туркистонда гражданлар уруши қаҳрамони. 1918 йилдан Компартия аъзоси. Рус-япон урушида (1904—05) қатнашган, *прапорщиклар* мактабини тугатган (1908). Чор армияси сафидан бўшаб (1911), Қўқонга келган. 1912 йили яна чор армияси сафига чақирилиб, Биринчи жаҳон урушида қатнашган (1914—17). Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан кейин (1917), яна Қўқонга келган. П. Туркистонда Совет ҳокимиятини ўрнатиш, «Қўқон автономияси»ни тугатиш ва Қўқонда ишчилардан Қизил Армия отрядини тузишда фаоллик кўрсатган. П. алоҳида отлиқлар бригадасининг командири сифатида *Мадаминбек*, *Кўршермат*, Холхўжа тўдаларига, Врангель ва маҳаллачиларга қарши курашда қатнашган (1919—20). 1922 йили Фарғона обл. ҳарбий комиссари. Қашқадарё, Фарғона обл. милиция органларида ишлаган (1923—32). 1932 йилдан Урта Осиё ҳарбий округида ва 1939—40 йилларда ҚирғССРда масъул лавозимларда. Улуғ Ватан урушида Шимоли-Ғарбий, Калинин фронтларида қатнашган. Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАРАНА (гуарани индеецлари тилида Рагапà — катта дарё) — Жанубий Америкадаги дарё. Бразилия ва Аргентина терр-яларида, қисман Аргентина б-н Парагвай чегарасидан оқади. Узунлиги 4380 *км*, ҳавзасининг майдони 4250 минг *км*². Риу-Гранди ва Парананиба дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Бразилия яссi тоғлигидан бошланиб, қуйи қисмида Уругвай дарёси б-н қушилгач, Ла-Плата эстуарийсига қуйилади. Энг йирик ирмоқлари: чапдан — Тьете, Паранапанема, Игуасу, Уругвай, ўнгдан — Парагвай, Рио-Салado. П. да остона тошлари ва шаршаралар кўп. Дарё лавали платони кесиб ўтгач, Посадас ш. ёнидан бошлаб Ла-Плата пасттекислигида оқади. Ёмғир сувларидан тўйинади. Январь—май ойларида тўлиб оқади. Қуйи оқимида йиллик ўртача сув сарфи 14880 *м*³/*сек*, максимали 30 минг *м*³/*сек*, минимали 7—10 минг *м*³/*сек*. Дарё йилига океанга 480 *км*³ (Уругвай дарёси б-н бирга 650 *км*³) сув, 150 млн. *т* гача оқизиқ келтиради. Посадас ш. гача кема қатнайди. П. нинг гидроэнергия потенциали 20 *Гвт* чамасида. Бир неча ГЭС қурилган. П. бўйида йирик шаҳарлардан Посадас, Корриентес, Санта-Фе, Парана, Росарио; Ла-Плата эстуарийси соҳилида Буэнос-Айрес ва Монтевидео жойлашган.

ПАРАНА — Аргентинанинг шарқий қисмидаги шаҳар. Парана дарёсининг сўл соҳилидаги денгиз порти. Энтре-Риос провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 128 минг киши (1970). Т. й. станцияси. Деҳқончилик ва чорвачилик р-нининг савдо-саноат маркази. Озиқ-овқат, цемент, кўн пойабзал, тамаки ва керамика саноати корхоналари бор. Шаҳар га 1730 йилда асос солинган.

ПАРАНЕКРОЗ (*пара...* ва юнон. nekros — жонсиз, ўлик) — физик ва кимёвий агентлар (кислота, наркотиклар, иссиқлик ёки механик ва б.) таъсирига жавобан тирик ҳужайрада қайта тикланадиган ўзгаришлар мажмуи. «П.» терминини фанга 1934 йили совет цитофизиологлари Д. Н. Насонов ва В. Я. Александров киритган. П. да ҳужайра оқсиллари *денатурация*си кузатилади.

ПАРАНЖИ (араб. فرجية — кенг кўйлак) — кўпчилик мусулмон аёлларининг ёпинчиғи. Аёлларнинг гавдасини, юз-кўзини яшириб туришга хизмат қилган. Шарнатга кўра, П. уйдан ташқарида ёпиниларган. П., асосан, *бахмал*, *кимхоб*, *зарбоф*, *банорас*, *олача*, тринка, бўз каби матолардан тикилган. Кенг, тўн шаклида, чит ёки сатин астарли бўлган, енгга ўхшаш иккита бандаги бош қисмидан пастга томон ингичкалашиб бориб, учроғидан бир-бирига чатилган (қўли боғлиқ қул рамзини ифодалаган). Бой-бадавлат аёлларнинг П. ларига зангори, пушти ёки сидирға шойидан ҳошия, четларига безак учун ранг-баранг жияклар тутилган. Жияк атрофига П. нинг рангига қараб ҳар хил ипакдан *бахялар* тикилган. Бош қисмига мехроб шаклида ёки бошқача турли хил безаклар тикилган бўлиб, унинг икки ёнига амуд шаклида, яъни тик тушган 25 *см* узунликдаги иккита жияк туташтириб чатилган, жияк учларидан попукчалар чиқарилган ёки турли хил қўнғироқчалар тақилган. Тўйларда ёпиниладиган алоҳида безатилган. Камбағал аёлларнинг П. лари бўздан ёки оддий читдан безаксиз қилиб тикилган. П. нинг олд томони (юзни бостириб туриш учун) тўрсимон *чачвон* (чиммат) б-н ёпилган.



Паранжи ёпинган аёл.



Паранжи. 1. Олдидан кўриниши. 2 Орқасидан кўриниши.

Шариат қонунларига биноан барча мусулмон аёллар, 9—11 ёшдаги қизлар ҳам П. ёпиниши шарт бўлган. П. хотин-қизларни узлатда сақлашнинг асосий воситаларидан саналган,



Парапет. Билимлар уйи парапети. Тошкент.

гигиена жиҳатдан ҳам ғоятда зарарли бўлган. Ўзбекистонда хотин-қизларни социалистик ҳаётга жалб қилиш жараёнида, уларнинг озодлиги учун курашда Коммунистик партия, совет ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлиги остида 1927 йилда *«Ҳужум»* — эски турмуш илатларига қарши кураш эълон қилинди. Синфий душманнинг қаттиқ қаршилигига қарамай, 1927 йилнинг охирига келиб 100 мингга яқин хотин-қиз паранжисини ташлади. Паранжиларни ташлаш ва ёқиш (хотин-қизларнинг очилиши) оммавий тус олди. СССРда П. урфдан чиқди.

ПАРАНОЙЯ (юнон. paranoia — ақлсизлик, жиннилик) — руҳий касаллик; *алаҳлаш* синдромларининг бир тури. П. га асосий сабаб бош миянинг пўстлоқ қаватида турғун қўзғалиш ўчоқлари пайдо бўлишидир. Бир қанча касалликлар (мас., *шизофрения,* хроник алкоголизм ва ҳ. к.)нинг маълум даврларида учрайди. Паранойял синдром маълум касалликка оид синдром бўлиб, бунда беморлар бир хил мавзуга бағишланган васваса ғояларини илгари сурадилар, реал далилларни нотўғри талқин эта бошлайдилар. Эътироф этилмаган буюклик васвасаси айниқса кўп учрайди. Бунда беморлар ўз ғояларининг тўғрилигига ниҳоятда ишониб, ўзлари ва ғоялари қаттиқ таъқиб қилинаётганлигини ҳаммага уқтиришга ҳаракат қиладилар ва васваса кучайганда ҳатто жиноий иш қилиб қўйишлари ҳам мумкин. П. да бошқа руҳий ўзгаришлар, *галлюцинация* ва иллюзиялар кузатилмайди, беморнинг меҳнат қобилияти сақланиб қолади. П., асосан, хроник ўтади.


Давоси: тинчлантирувчи ва қувватга киритувчи дори-дармонлар буюрилади ва рационал *психотерапия* олиб борилади.

ПАРАПЕТ (итал. parare — ҳимоя қилмоқ, petto — кўкрак) — 1) бино томининг чеккасига, айвонларга, зина ёнларига, кўприк четларига, йўл, анҳор, дарё ва денгиз бўйларидаги қияликларга ишланадиган тўсиқ. П. ғишт, ёғоч, металл ва темир-бетондан ишланиб, ҳар хил шаклга (панжара, девор ва б.) эга бўлади; П. декоратив ваза ва ҳайкалчаларга таглик вазифасини ҳам ўтайди. Тошкентдаги В. И. Ленин майдонидаги катта фонтан бўйида, «Кўк гумбаз» кафеси, «Узбекистон» меҳмонхонаси атрофларида ва б. жойларда замонавий П. намуналари бор. 2) отишмаларда ҳимоя воситаси сифатида қуриладиган кўтарма; тўғон ва дамбаларни тўлқинининг емиришидан асрайдиган қурилма.

ПАРАПРОКТИТ (*пара...* ва proktos — чиқарув тешиги) — орқа чиқарув тешиги (юза П.) ёки тўғри ичак (чуқур П.) атрофидаги клетчаткаларнинг йирингли яллиғланиши. П., кўпинча, орқа чиқарув тешиги атрофининг ёрилиши ёки бавосилни вақтида даволатмаслик натижасида тўғри ичак шиллиқ пардасида пайдо бўлган яранинг асорати сифатида вужудга келади. Ёрилган жой ва ярадан тўғри ичак атрофидаги тўқима (клетчатка)га тўғри ичакда доимо бўладиган йиринг пайдо қилувчи микроблар ўтади. Касаллик ўткир ва хроник кечади.

Ўткир юза П. да ични бўшатиш вақтида қаттиқ оғриқ бўлади, орқа чиқарув тешигининг атрофи шишиб, безиллаб туради, гавда т-раси кўтарилади. Чуқур П. да, айниқса чаноқ бўшлиғининг юқорисидаги клетчатка зарарланган бўлса, аввал оғриқ сезилмайди, лекин беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади, т-раси кўтарилади, эти увишади, қаттиқ терлайди. Чуқур П. абсцесс, йирингли флегмона сифатида ўтади. Хроник П. да тўғри ичак атрофидаги клетчаткада яллиғланиш инфильтрати яширин ҳолда ёки оқма сифатида бўлади. Касаллик секинаста ривожланади.

П. ни даволашда антибиотиклар қўлланилади, иссиқ қилинади. Хроник (оқма) ва чуқур (флегмона) П. операция қилинади.




Балконсимон парапет.

ПАРАПСИХОЛОГИЯ (*пара...* ва *психология*), биоинформация, биоинтроскопия, психотроника — психологик тадқиқот соҳаларидан бири. Бунда асосан информация қабул қилишнинг маълум сезги органлари фаолияти б-н тушунтириб бўлмайдиган усуллари, шунингдек организмдан ташқарида пайдо бўладиган табиий ҳодисаларга тирик мавжудотнинг мушаклар ҳаракати ёрдамисиз таъсир этиш (мас., фикран таъсир этиш) формалари ўрганилади. Парапсихологлар бундай сезгирликни, одатда, қуйидаги формаларга ажратадилар: телепатия — фикр узатувчи (индуктор) б-н қабул қилувчи (реципиент) ўртасидаги алоқа, яъни бировнинг фикрини ҳеч қандай сенсор каналлар (сезги органлари)сиз идрок қилиш; «ром» сезгирлик — сезги органлари ишига ва ақлий муҳокамага асосланмаган ҳолда ташқи оламдаги объектив воқеалар ҳақида маълумот олиш; башоратқилиш (проскопия) — келгусидаги ҳодисаларни айтиб бериш; психокинез — кишининг теварак-атрофдаги буюмларга (мас., ўсимликнинг нормал электр активлигига), уларнинг жойлашишига фикран таъсир этиши; парамедицина П. га ёндош соҳа бўлиб, сабабини тушунтириб бўлмайдиган турли даъволаш методларини (бемор қўлини ушлаб туриб ёки фикран ишонтириб даволаш ва ҳ. к. ни) ўз ичига олади. Сезгирликнинг бу формалари умумлаштирилиб экстрасенсор (сезгидан ташқаридаги) идрок деб аталади.

П. ни ўрганишга Европада 19- аср охирларидан киришилди. Бировларнинг фикрини уқиш, башоратгўйлик ва ш. к. ни билишга қизиқишнинг кучайиши натижасида 1882 йили Лондонда «Психик» ҳодисаларни ўрганиш жамияти» тузилди (бу жамият ҳозирда ҳам бор). Шундан сўнг шунга ўхшаш ташкилотлар бошқа кўп мамлакатларда ҳам тузилиб, кейинчалик тарқаб кетди. Парапсихологларнинг ҳисобига кўра, 1970 йилларнинг бошида 30 мамлакатда П. соҳасида 240 дан ортиқ лаборатория ва жамият ишлади (уларнинг кўпи АҚШда). Буларнинг асосий қисми Халқаро П. ассоциациясига (Нью-Йорк) бирлашган. АҚШдаги бир неча ун-тларда ва илмий тадқиқот марказларида парапсихологик тадқиқотлар ўтказилади, махсус журналлар чиқарилади.


СССРда 1920 йиллардан бошлаб Ленинградда В. М. *Бехтерев*нинг шогирди Л. Л. Васильев телепатия ва башоратгўйлик соҳасида кузатишлар олиб борди. 1965 йили А. С. Попов номидаги Радиотехника ва электр алоқаси илмий техника жамиятининг Москва бўлими ҳузурида биоинформация секцияси, 1967 йили Асбобсозлик саноати илмий-техника жамияти Марказий правлениеси ҳузурида техник П. ва биоинтроскопия секцияси ташкил этилди.

П. да дастлаб жуда оддий тадқиқот методларидан фойдаланилган. Кейинроқ парапсихологик методларга инженер ва физиклар катта таъсир кўрсатдилар. Улар инсон мияси электрон қурилма каби ишлайди, шунинг учун уни




Оллоқулихон мадрасаси. Мадрасанинг олд томонидан кўриниши.

Оллоқулихон мадрасаси мақоласига.



Паҳлавон Маҳмуд мақбараси. Мақбаранинг пештоқи.

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси мақоласига.



Пардақанотлилар. 1 — қумлоқ аммофиласи; 2 — ялтироқ ари; 3 — катта шохдум; 4 — яшил арракаш; 5 — дурадгор ари; 6 — қизғиш қовоғари; 7 — оддий сариқ ари; 8а — сариқ чумоли ишчиси; 8б — ургочиси; 8в — эркаги; 9 — катта сколия ариси; 10 — яйдоқчи; 11 — қора шохдум; 12 — асалари ишчиси; 13 — тухумхўр трихограмма; 14 — бомбус ари; 15а — визилдоқ (соқоп) ари (ургочиси); 15б — эркаги.

Пардақанотлилар мақоласига.

ўрганганда физиканинг тегишли бўлимларига оид тушунчаларни тўғридан-тўғри тадқиқ этиш мумкин деб, ўз методларини П. га ҳам жорий қилишга уринадилар. Ҳозирги замон П. сида бир қанча янги техника воситаларидан, хусусан ҳисоблаш техникасидан фойдаланилади. Айрим парапсихологлар П. ҳодисаларига одатдаги табиий ҳодисалар сифатида қараб, уларни электромагнит нурланиш ёрдами б-н тушунтириш мумкин деб даъво қиладилар. Номлари турлича (мас., биоплазма, биопотенциал ва ҳ. к. деб) аталадиган электромагнит майдонларини излаш ва ўлчаш давом этмоқда. П. соҳасида, жумладан индивиднинг функционал ҳолатини баҳолашнинг инструментал методлари анча ривожланган. Парапсихологик ҳодисаларни тушунтиришдаги асосий қийинчилик экстрасенсор идрокли кишилар сезгирлигини тадқиқотчи хоҳлаган вақтда бемалол тиклайолмаслигидадир. Бу ҳодисалардан баъзилари эҳтимол, ҳақиқатан бор бўлса керак. Бироқ уларни мавжуд дейишга информация узатиш ёки таъсир этиш каналларининг номаълумлиги тўсқинлик қилмоқда. П. деганда бир томондан, сохта мутаассиб ва фирибгарлар пеш қилувчи «ғайри-табиий» галати ҳодисалар б-н, иккинчи томондан реал мавжуд бўлса-да, лекин ҳали илмий изоҳланмаган ҳодисаларни бир-биридан тафовут этиш керак. Ҳақиқатда мавжуд бўлган бундай ҳодисалар психология, физиология, биофизика лабораториялари ва б. илмий муассасаларда ўрганилмоқда.

Ад.: Васильев Л. Л., Таинственные явления человеческой психики, 3 изд., М., 1964; Зинченко В. П. и др., Парапсихология: фикция или реальность?, «Вопросы философии», 1973, № 9; Хэнзел Ч. Парапсихология. Пер. с англ., М., 1970.

ПАРАСИМПАТИК НЕРВ СИСТЕМАСИ — *вегетатив нерв системасининг* бир қисми. П. н. с. ўзи иннервация қиладиган органларга хилмахил, кўпинча, *симпатик нерв системаси* таъсирига қарама-қарши таъсир кўрсатади.

ПАРАСКАРИДОЗ — от, эшак ва хачирларнинг гельминтоз касаллиги. Юмалоқ паразит чувалчанг — параскарид қўзғатади. Параскарид 15—28 *см* бўлиб, ингичка ичак, баъзан, ошқозонда паразитлик қилади. Жинсий вояга етган ургочилари уруғланиб, кўп тухум қўяди; тухумлар ҳайвон тезаги б-н ташқарига чиқади; иссиқ (18—38°), нам шароитда бир неча (15—30) кунда личинка ривожланиб, ҳайвонларга юқиш қобилиятига эга бўлади. Ҳайвон личинка тушган ем-хашак ейиш б-н касалланади.

Асосан, ёш моллар касалланади, касал ҳайвонининг аҳволи оғирлашади, йўталади, бурнидан сув оқади, нафас ҳаракатлари тезлашади, тана ҳарорати қисқа вақт кўтарилади, ичи қотади ёки суради. Камқонлик (анемия) белгилари кўринади; тойлар ўсиши кечикади ёки тўхтайди.

Даволаш: углерод тетрахлорид, пиперазин тузлари, натрий кремнефторид ишлатилади. Олдини олиш: санитария қоидаларига риоя қилинади, дегельминтизация ўтказилади ва ҳ. к.

ПАРАТГОРМОН, паратиреоид гормон, паратиреокрин — *паратиреоид безлар* ишлаб чиқарадиган гормон. 1925 йилда канадалик олим Ж. Коллип томонидан буқанинг қалқонсимон безидан ажратиб олинган.

ПАРАТИРЕОЙД БЕЗЛАР (*пара...* ва юнон. thyreoides — қалқонсимон) — *қалқонсимон безнинг* устки қисмида жойлашган икки жуфт кичик без, одам ва умуртқали ҳайвонларнинг (балиқлардан ташқари) ички секреция органлари. Улар баъзи сут эмизувчилар (сичқон, каламуш, кўрсичқон, чўчқа, тюлень)да бир жуфт, бошқалари (кўршапалак, ит, қуён, туя, эчки)да ва одамда 2 жуфт. П. б. организмда кальций ва фосфор алмашинувини бошқарадиган паратиреоид гормон (*паратгормон*) ишлаб чиқаради.

ПАРАТИФЛАР (*пара...* ва юнон. typhos — қарахтлик) — сальмонелла уруғига мансуб микроорганизмлар қўзғатадиган юқумли ичак касалликлари. А ва В паратифлар (келиб чиқиши, тарқалиши, клиник кечиши б-н *ич терламага* ўхшаш) ҳамда *овқатдан бўладиган токсикоинфекциялар* тарзида ўтувчи паратиф С ва б. бор. Паратиф С, одатда, турли юқумли ёки хроник касалликлар б-н оғриб, дармонсизланган беморларда учрайди. Инфекция, асосан, касалланган қорамол, чўчқа ва б. гўштини яхши пиширмай еганда юқади. П. нинг *инкубацион даври* 3 кундан 2 ҳафтагача. Уткир бошланиши, деярли енгил кечиши ва тез соғайиши б-н терламадан фарқ қилади.

Ад.: Бунин К. В., Инфекционные болезни, 4 изд., М., 1972; Эпизоотология, под общ. ред. Р. Ф. Сосова, М., 1969.


ПАРАТУБЕРКУЛЕЗ, паратуберкулёз энтерити — кавуш қайтарувчи ҳайвонларда учрайдиган сурункали юқумли касаллик, манбаи — касал ҳайвон. Мол яхши боқилмаса, боқиш шароити ёмон бўлса, молдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилса, касаллик тарқалади. Қўзғатувчиси таёқча шаклидаги бактерия. Бактерия ошқозон-ичак йўлидан ичак шилимшиқ пардасига киради ва сурункали яллиғланиш процессини вужудга келтиради. Ҳайвон озади, ичи кетади, маҳсулдорлиги пасаяди. Жаҳонниинг кўпгина мамлакатларида, жумладан СССРнинг шарқий ва жанубий р-ларида учрайди.

Даволаш: сульфантрол, дисульфен ва фталазолдан фойдаланилади. Олдини олиш: зоогигиена қоидаларига амал қилинади. Ҳайвонлар 1 ой карантинда сақланади.

ПАРАФИЗЛАР (юнон. paraphysis — ўсиш) — чўзиқ ҳужайралар ёки кўп ҳужайрали иплар. Баъзи қўнғир сувўтлар, кўпчилик халтачали ва базидияли замбуруғлар ва йўсинларнинг жинсий ёки спорали органлари орасида ривожланади ҳамда бу органларни қуриб қолишдан, шикастланишидан сақлайди.

ПАРАФИЛЯРИОЗ — от ва, баъзан, қорамолларда учрайдиган гельминтоз касаллиги. Filariidae кенжа туркумига мансуб оқ, узун ипсимон нематода Parafilaria multipapil losa қўзғатади. Ҳайвон териси ости мускули орасидаги бириктирувчи тўқимада паразитлик қилади. Қон сўрувчи пашша Haematobia otripalis орқали ҳайвонларга тарқалади. Асосан, жанубий ва жануби-шарқий р-ларда кенг тарқалган. Отларнинг бўйин, елка ва кураклари атрофида нўхатдек тугунчалар пайдо бўлади. Иссиқ фаслда қон оқади. Маълум муддатдан кейин қон тўхтайди, қотади, қора қўтир бўлиб қолади. Даволаш усули етарли ўрганилмаган. Олдини олиш — қон сўрувчи пашшалар йўқ қилинади.

ПАРАФИН (нем. Paraffin, лат. parum — оз ва affins — ўхшаш) — тўйинган қаттиқ углеводородлар аралашмаси. Умумий формуласи C_nH_{2n+2}. Асосан, нефть, тошкўмир, озокерит-



Парашют. 1-расм. Парашют гумбази.

дан, шунингдек сунъий усулда углерод (II)-оксидни водород б-н қайтариб олинади. Тоза П. рангсиз, ҳидсиз, тамсиз модда. Қўлга ёғдек унийди, сувда, спиртда эримайди, кўпгина органик эритувчиларда ва минерал мойларда яхши эрийди. Суюқланиш т-раси 42—54°С.

Қоғоз, тўқимачилик, полиграфия, кўн, лакбўёқ саноатида, электротехникада, медицинада қўлланилади. Юқори ёғ кислоталари, спиртлар, ювувчи ва сирт актив моддалар олишда ишлатилади (яна қ. *Тўйинган углеводородлар*).

ПАРАФИНОТЕРАПИЯ, парафин билан даволаш — парафиндан даво мақсадида фойдаланиш. Дезинфекция қилиш мақсадида парафин сув ҳаммомида 100—120° гача қиздирилади, 50—65° гача совитилгач, гавданинг оғриётган жойига (жароҳатга, ярага ёки юзга) чўтка, пахта тампон б-н суртилади ёки пульверизаторда пуркалади, қўл ёки оёқ иситилган парафин солинган ваннага тиқиб ўтирилади. П. нинг энг кўп тарқалган усулида қиздирилган парафин клеёнка тўшалган кюветага қуйилади, у 52—55° гача совигач, кюветадан олиб, гавданинг оғриётган қисмига қўйилади, клеёнка ёпиб, устидан адёл ёки кўрпа б-н ўралади. Шу ҳолатда 30—60 мин. туради. Парафин олингач, бемор иссиқ адёлга ўралиб, 30—40 мин. дам олади. Парафин оғриқ қолдириш ва сўриб олиш хоссасига эга, шунингдек моддалар алмашинувини хучайтиради. Бўғимлар, пай қини, бойлам ва мушакларнинг ўткир ва хроник касалликларида, шикастларда, нерв системасининг оғриқ б-н ўтадиган касалликлари (*радикулит, ишиас, невралгия*)да, ўпка яллиғланганда (айниқса болаларда). овқат ҳазм қилиш йўллари касалликлари (яра касаллиги, *колит, гастрит*)да эркак ва аёллар жинсий органлари яллиғланганда, қулоқ, бурун, томоқ касалликларида, айрим тери касалликлари (қуруқ экзема, қизил температураси ва б.)да қўлланилади; косметикада чандиқ, ажинни йўқотиш учун ишлатилади. П. фақат врач тавсияси б-н қўлланилади.

ПАРАФОРМАЛЬДЕГИД — қ. *Формальдегид.*

ПАРАХОР (*пара...* ва юнон. *chores* — фазо) — индивидуал модда (асосан ассоциланмаган органик суюқликлар)нинг баъзи физик хоссаларини ифодаловчи эмпирик катталик. П. фанга инглиз олими С. Сегден томонидан киритилган. П. қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:


$$P = \frac{M}{D - d} \cdot \frac{1}{4},$$

бунда P — парахор, M — молекулар оғирлик; D ва d — суюқлик ва унинг тўйинган буғининг зичлиги; σ — суюқликнинг сирт таранглиги, *бинёсм*. П. нинг турли тузилиш (ядро, атом ва б.) масалаларини ечишда аҳамияти катта.

ПАРАШЮТ (*пара...* ва франц. *chute* — тушиш) — 1) баландликдан тушиш тезлигини камайтирадиган аппарат. *Леонардо да Винчи* П. ғоясини илмий асослаб берган. 18-асрда француз Ж. Монгольфье оддий П. б-н минорадан сакраган. Ҳозирги замон авиация парашютини Россияда биринчи марта Г. Е. Котельников яратган (1911).

П. гумбаз (1-расм) ва осма системалардан иборат (2-расм). Самолётдан сакраш, бориш қийин бўлган жойларга юк ташлаш, ёнғиндан муҳофаза хизмати парашютчиларини ўрмоннинг ёнаётган жойларига тушириш; космик кема тушиш аппарати ва космонавтларни ерга юмшоқ қўндириш [мас., «Космос», «Союз», «Луна-16» (СССР), «Жеминай», «Аполлон» (АҚШ) космик кемаларида П. дан фойдаланилади], махсус ҳаво-десант қўшинлари ва ҳарбий техникани ташлаш ва б. мақсадларда ишлатилади. Шунга кўра, қутқарув, қўндирув, тормоз ва спорт П. лари бўлади.

П. лар тортиш ҳалқасини бевосита тортиш йўли б-н ёки сакровчининг иштирокисиз очилади. Бунинг учун махсус тизимча бўлиб, бир учи самолётга, иккинчи учи тортиш ҳалқасига маҳкамлаб қўйилади. Парашютчи самолётдан тизимча узунлигича узоқлашиши б-н ҳалқа тортилади ва П. гумбази очилади; П. гумбазининг юзаси 0,01 дан бир неча минг $м^2$ гача бўлиши мумкин. П. нинг тушиш тезлиги 1—5 *м/сек*; 2) шахтада бош арқон узилиб кетган ёки тормоз ишламай қолган ҳолларда, шунингдек *клет* йўл қўйилган тезликдан тез тушганда уни ушлаб қолувчи қурилма.



2-расм. Парашютнинг осма системалари: 1—тўғи; 2—карабин; 3—кўкрак боғичи; 4—тортиш боғи; 5—орқа ҳалқалар; 6—чап ҳалқа; 7—тортиш ҳалқаси; 8—ёнбош қисми; 9—ўнг ёнбош ҳалқаси; 10—ёнбош; 11—ножой ҳайкаш; 12—карабин; 13—ён ҳалқалари.

ПАРАШЮТ СПОРТИ — авиация спортининг тури. П. с. да турли учиш аппаратларидан (самолёт, вертолёт, планёр, дирижабль, аэростат ва б.) парашютда сакралади. Замонавий П. с. мусобақалари программасига қуйидагилар киради: а) якка ва группавий сакраб ерга аниқ қўниш (бунда радиуси 10 метрли нишон—доирага 600—1500 *м* баландликдан сакралади); б) якка ҳолда сакраб ҳавода акробатик фигуралар комплексини бажариш (2000 *м* баландликдан); г) эркин тушиш пайтида эстафета таёқчаларини узатиш ва нишон—доирага аниқ қўниш машқи бажариладиган группавий комплекс сакраш (баландлиги 2400 *м*); эркин тушишда муайян фигуралар ясаб группавий акробатик сакраш (баландлиги 2400—4000 *м*); ерга аниқ қўниш, кичик калибрли винтовкадан отиш, кросс, сузишни ўз ичига олувчи парашют кўпкураши. П. с. 20-йилларининг охири ва 30-йилларнинг бошларида вужудга келган. СССРда П. с. га 1930 йилдан оммавий қизиқиш бошланган. Осоавиахим томонидан 1934 йили «СССР парашют спорти мастери» унвони таъсис этилди. 1935 йили мамлакатимизнинг турли шаҳарларидаги аэроклуб ва парашют станцияларини бирлаштирган СССР марказий аэроклуби ташкил этилди; П. с. бўйича Бутуниттифоқ биринчилиги мусобақалари ўтказилди. 1948 йили Бутуниттифоқ П. с. секцияси ташкил этилиб, кейинчалик (1960) СССР авиация спорти федерацияси составига киритилди. 1966 йилда эса мустақил СССР П. с. федерацияси тузилди. 1949 йилдан бошлаб мунтазам суратда П. с. бўйича СССР биринчилиги ўтказиб турилади. 1950 йили Халқаро авиация федерацияси (ФАИ) қошида П. с. бўйича жаҳон биринчилиги ўтказиш ва П. с. ни ривожлантириш мақсадида комиссия тузилди. 1951 йили Югославияда 1-жаҳон чемпионати ўтказилди. 1954 йилдан бошлаб ҳар 2 йилда бир марта жаҳон чемпионати ўтказилади. 1954—72 йилларда совет спортчилари 8 марта шахсий, 6 марта команда биринчилигида ғолиб чиққанлар. 1974 йил 1 январгача ўрнатилган 23 жаҳон рекордидан 21 тасига совет спортчилари эришган.

П. с. Ўзбекистонда 1932 йилда Осоавиахим базасида шакллана бошлади. 1935 йилга келиб П. с. б-н шуғулланиш оммавий тус олди. Урушдан сўнг ўзбекистонлик А. Фасхутдинов, Ю. Бесстрашнов, И. Карнюхинлар жаҳон рекордчилари бўлган. СССР халқларининг III ва VI спартакиадаларида республикамиз терма командаси 3-ўринни эгаллаган. Ўзбекистонлик В. Крестьянников жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлган (1966). Республикада ҳаммаси бўлиб 18 та жаҳон ва СССР чемпиони бор (1975).

П. с. АҚШ, Франция, Чехословакия, ГДР, Канада, Югославия ва Польша каби мамлакатларда ҳам кенг тараққий этган.

ПАРАШЮТ-ДЕСАНТ ҚИСМЛАРИ (бўлинмалари) — душман орқасига жанговар вазифаларни амалга ошириш учун парашютдан ташланадиган махсус қисмлар. П.-д. қ. ҳаво десанти қўшинлари составига киради. П.-д. қ. дастлаб Қизил Армия сафида 1930—35 йилларда пайдо бўлган, 1935—39 йилларда бошқа армияларда ҳам шакллана бошлаган. Иккинчи жаҳон уруши даври (1939—45)да оператив ва тактик муҳим объектлар (аэродромлар, йўл узеллари, тоғ довонлари, ҳар хил сув тўсиқлари ва ҳ. к.) ни қўшинлар етиб келгунга қадар қўлга киритиш ва уни ушлаб туришдек жанговар вазифани бажаришда кенг қўлланилган. Ҳозирги замон П.-д. қ. ҳар хил автоматлар, пулемётлар, артиллерия ва танкка қарши бошқариладиган снарядлар ва б. қуроллар б-н қуроллантирилган. П.-д. қ. даги қўшинлар шахсий состави алоҳида парашютларда, оғир қуроллар эса юк парашютларида ташланади. Ташланган юклар жойларга юк самолётлари ва вертолётларда олиб борилади. П.-д. қ. душманга тўсатдан зарба бериш, унинг техникаси, турли ўт очиш воситалари, ракеталар, ҳар хил ўқ-дорилар сақланадиган омборлар, аэродромдаги самолётлар ва б.ни қўлга олишга ҳам қодир бўлади. Жанговар вазифаларни амалга оширишда П.-д. қ. бошқа қўшин турларининг қисмлари ва қўшилмалари составига қўшилишлари ҳам мумкин. Десант қўшинлари ташланган р-ндаги душманни қўлга олиш учун турли қуроллар ва авиациядан фойдаланилади.

ПАРВАРДА — ширинлик тури. Тайёрлаш усули: шакар, олий нав буғдой уни, ўсимлик ёғи, лимон кислотаси олинади. Қозонга шакар ва сув солиб (шакар миқдорига нисбатан сув 30—40%) қайнатилади, қайнаш 8—10 мин. давом этгач, лимон кислотаси қўшилади, қайнатиш қозондаги масса намлиги 3—3,5% қолгунча давом эттирилади (пиширш охирида қозондаги қандалат массаси температураси 130—140°га етади). Сўнгра қозондаги масса 70—80° га қадар совитилиб, қандалат чўзиш станокларида ишлов берилади, яъни ёстиқча шаклида кесилади ва 20—25° т-рада унга буланиб, 18—24 соатгача совитилади. Сўнгра махсус қутичаларга солинади.


ПАРВИН ЭТЕСОМИЙ (1907, Табриз — 1941, Теҳрон) — эрон шоираси. Теҳрондаги аёллар мактабини тугатган (1925). Форс ва араб тилларидаги классик асарларни ўрганган. Бир қанча мамлакатларга саёҳат қилган. Унинг қасида ва ғазалларида ҳаётнинг мураккаб масалалари акс этган. «Маст ва ҳушёр», «Қози ва ўғри» шеърларида ёлғончилик ва алдамчилик танқид қилинган. «Заҳматкаш» шеърида меҳнат ва меҳнат кишиси улуғланган. «Камбағал», «Етим», «Қалби мажруҳ» шеърларида болаларнинг оғир аҳволи тасвирланган. «Мунозара» шеърида шахс эркн учун кураш ғояси ифодаланган. У ўз шеърларини тўплаб, девон тузган.

Ад.: Диване касаел ва маснавийат ва тамсилат ва мугаттаате ханом Парвин Этесами, 3-нашри, Теҳрон, 1944.

Ад.: Михалевич Г. П., Парвин Эътесами и ее творчество, «Иран» тўпламида, М., 1963; Короглы Х., Современная персидская литература, М., 1965.

ПАРВОНАЛАР (Pyralididae — капалакларнинг бир оиласи. Қанотлари ёйилганда бир неча *мм* дан 5 *см* гача. 20 мингга яқин тури маълум, жумладан СССРда 1500 тача тури учрайди. Ер шарида кенг тарқалган. Асосан, саҳро, чўл ва ўтлоқларда яшайди. Кўпчилиги зараркунанда. Урта Осиёда *жануб парвонаси, ун парвонаси*, дон ёки шоколад парвонаси ва б. тарқалган. Дон парвонасининг қанотлари ёйилганда 12—17 *мм*. Олдинги қанотлари кул ранг, четлари қизғиш-қўнғир. Кейинги қанотлари оч кул ранг. Пилда 3—4 насл беради. Дон, ун, қуруқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва б. га зарар келтиради. Қарши курашда заҳарли кимёвий моддалардан фойдаланилади.

ПАРВОНАЧИ — 17—18-асрларда Бухоро хонлигида мавжуд бўлган мансаб: вазир муовини, фармон ижро қилувчи. П. хон фармонларини ёзиб, тегишли кишиларга етказиб турган. Юқори мансабга тайинланган амалдор П. томонидан битилган фармонни уч кун мобайнида ўз саласига қистириб юриши лозим бўлган.



Парашют спорти. 1. «Ҳалқа» усулида сакраш. 2. Республика байроғи б-н сакраш. 3. Белгиланган жойга аниқ сакраш.

ПАРГАР — бир учи *шарнирли* бириктирилган икки оёқли чизмакашлик ва ўлчаш асбоби (қ. *Циркуль*).

ПАРГАРИ — ўзбек ва тожик халқ наққошлигида кенг тарқалган нақш тури. *Паргар* ёрдамида ишланиши туфайли шу ном б-н аталади. Чизиб, бўяб, ўйиб тасвир ҳосил қилиб, заминини ўйиб, тасвирни бўрттириб (рельеф ҳосил қилиб, одатда рельефи 1—1,5 *мм*) ишланади. *Панжара*, ганч ўймакорлигида, сопол ва чинни идишларни бўяшда кўп қўлланиладиган айлана (давра) нақшлар ҳам П. деб аталади. Архитектура қисмларида П. нақшлар йирик бўлиб, кўпинча лакланмайди, рўзғор буюмлари, уй жиҳозларида П. лар, кўпинча кичик бўлиб, пардозланади, лакланади.

П. нақшининг техникаси мураккаб, устадан қунт, кўп меҳнат, геометрик шакллар ҳосил қилишда катта билимдонлик, маҳорат талаб қилади. Уста тайёр андаза—улги (қоғозга чизиб, қирқиб ишланган)дан фойдаланиши ёки нақш ишланадиган жойга ўзи қалам, чизғич, паргар ёрдамида чизма чизиб, кейин уни ўйиб П. ишлаши мумкин. П., кўпинча ёнғоқ, чинор, арча, қайрагоч, шунингдек тол, терак ёғочларига со-



Паргари нақш намуналари.



Паргари нақш.

линади. Уста искана, нов искана, гурзи, ўйма қаламлар, тишли искана каби асбоблар б-н иш кўради. Т. *Айюбхўжаев*, А. *Турсунбоев*, Ҳ. *Наҳмиддинов*, Қ. *Ҳайдаров*, С. *Хўжаев*, О. *Файзуллаев* каби усталар П. нақшларининг жозибадор намуналарини яратганлар.

Ад.: Аведова Н. А., Паргари, вид резьбы по дереву в работах народного мастера Сулеймана Ходжаева, Т., 1958; Аведова Н. А., Искусство оформления узбекских музыкальных инструментов, Т., 1966.

ПАРДА — 1) хонани қуёш нури, шамол ва ҳоказолардан тўсиш ёки безак учун дераза, эшикларга тутиладиган газлама, мато. Мас., дераза, эшик П. лари, тўр П. ва б. Токча, бурчак ёки хонанинг бирор қисмини тўсиш мақсадида ҳам қўлланилади. Турли материаллардан қилинади (яна қ. *Дарпарда*).

2) Торли музика асбоблари (уд, танбур, дутор, рубоб ва б.) дастасига боғланадиган тўсиқ, бўғинлар. Ижрочи соз торларини бармоқлари б-н маълум П. ларда босиб чертганда турли баландликдаги товушлар ҳосил қилади. Музика рисолаларида П. «дастон» деб ҳам аталган. Утмишда П. лар ичакдан эшилган иплардан боғланган. Ҳозир мис ёки пластмассадан ҳам ишланиб ўрнатилади. Турли музика асбобларида П. лар сони турлича. Мас., удда (ўтмишда) 8, дуторда 15, танбурда 16 ва ҳ. к. Баъзи созларда хас, чўп П. лар ҳам ишлатилиб, музика асбобларининг қорнига ёпиштирилади ва уларда энг баланд авжлар ижро этилади. Бундай П. лар, айниқса мақомлар ва б. кенг диапазонли куй, ашулалар ижросида қулайлик туғдиради. Шашмақом таркибидаги мақомлар муайян П. дан бошланиб, мақомлар номи б-н аталади. Мас., Наво П. си (тахм. фа нотаси), Рост П. си (до нотаси), Сегоҳ П. си (ре нотаси) каби. Утмишда якгоҳ (тожикча бир П., биринчи П.), дугоҳ (икки П., иккинчи П.), сегоҳ (уч П., учинчи П.), чоргоҳ (тўрт П., тўртинчи П.) каби иборалар П. тушунчасини ҳам англатган.



Парда Турсун.

3) Театрда саҳна жиҳози ёки спектакль безаги. Айрим кўринишлар орасида, спектакль боши ва охирида, шунингдек танаффусларда саҳнани томоша залидан тўсиб турувчи П. танаффус П. си деб аталади. Авансценада интермедиялар ўйналаётганда саҳнанинг бир қисмини беркитиб турувчи П. интермедия пардаси дейилади. Ёнга очилувчи, кўтарилиб-тушувчи, ёнғидан сақловчи (темир ёки асбестдан ясалган) П. лар, шунингдек айрим спектакллар учун безак П. лар бўлади. Баъзан П. ўрнида нурдан ҳам фойдаланилади. Театрларнинг баъзи спектакларида П. умуман ишлатилмайди.

4) Драматик асар, спектаклнинг бўлими (акт). Воқеанинг мураккаблиги ва давомлилигига кўра пьеса ва спектакль бир қанча П. ларга бўлинади. Ҳар бир П. да воқеанинг муайян ҳалқаси бошланиб тугалланади. Биринчи П. да, одатда, экспозиция ва воқеанинг тугуни, сўнгги П. да ечими берилади.

ПАРДА ТУРСУН (1909. 7. 11, Наманган обл. Поп р-ни Чоркесар қишлоғи — 1957. 28. 9, Тошкент) — ўзбек совет ёзувчиси. 1943 йилдан КПСС аъзоси. Дастлабки маълумотни совет мактабида олиб, ўқитувчилик қилган. УзССР МИҚ раиси Йўлдош Охунбоевнинг шахсий котиби (1937—38), «Қизил Ўзбекистон» газетаси редакциясида адабий ходим (1930—34; 1939—40). 1935—36 йилларда Урта Осиё План-экономика ин-ти студенти. УзТАГда (1940—42; 1944—45) ва «Ёш Ленинчи» газетасида муҳаррир. 1946—48 йилларда икки йиллик республика Олий партия мактабида ўқиган. 1948—50 йилларда Ўзбекистон Компартияси тарихи институтида илмий ходим. Дастлабки ҳикояси «Алвасти» «Батрак» газетасида босилган (1929). «Зўрлик» (1932), «Колхоз очерклари» (1934), «Ҳикоялар» (1935), «Элга навбат» (1969, вафотидан сўнг) каби тўпламларига кирган ҳикоя, очеркларида эксплуатация чангалида эзилган меҳнаткаш халқнинг аччиқ тақдири, унинг янги турмуш, маърифат ва маданият учун олиб борган мардонавор кураши ҳамда ғалабаси акс этган. «Ҳақ йўл» қиссаси (1947)да ўзбек қишлоғида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, коллективлаштириш, маданий рев-я тантанаси ва бу ижтимоий ҳаракатда Коммунистик партиянинг, ўзбек зиёлиларининг муҳим ўрни тасвирланган. «Ўқитувчининг йўли» қиссаси (1949)да Октябрь инқилоби арафаси ва ундан кейинги воқеалар, миллий интеллигенциянинг шаклланиши акс эттирилган.

П. Т. иккала қиссани бирлаштириб, ўзбек зиёлисининг ва ўзбек социалистик миллатининг шаклланиш жараёнини кўрсатувчи «Ўқитувчи» романини (1951) яратган. Асарда ўзбек халқи ҳаётининг уч босқичи — инқилоб арафаси, инқилоб даври, Узбекистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва қ. х. ни коллективлаштириш йиллари ўзининг бутун мураккаблиги б-н акс этган.

«Ўқитувчи» романи автобиографик характерга эга. Унинг бош қаҳрамони Элмурод Дўстматов образига авторнинг ўз бошидан кечирганлари асос қилиб олинган. Роман рус, украин, латиш, эстон, тожик, қирғиз, уйғур ва б. тилларга таржима қилинган. П. Т. рус ва б. халқлар ёзувчиларининг бир қанча асарларини ўзбек тилига таржима қилган. У «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган. Бир қанча мактаб, санаторий ва кўчалар П. Т. номига қўйилган.

Ас.: Ҳақ йўл. Повесть, Т., 1948; Ўқитувчининг йўли. Повесть, Т., 1949; Элга навбат. Ҳикоялар, Т., 1969; Ўқитувчи. Роман. Т., 1972.

Ад.: Икромов О., Парда Турсун, Адабий портрет. Т., 1968; Тўраев П., Парда Турсун. «Ўзбек совет адабиёти тарихи» китобида. 3- т. 1- к., Т., 1972.

ПАРДА ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАР — бирор сиртга сурилганда қисқа вақт ичида парда (плёнка) ҳосил қиладиган синтетик ёки табиий моддалар. Бу пардаларнинг муҳим хоссаси шундаки, улар сиртга адгезияланади (ёпишиб туради), қаттиқ, эластик, нам ўтказмайди, ташқи муҳит таъсирига чидамли. П. ҳ. қ. м. сиртга органик эритувчиларда эритилган эритмалар ҳолида, сув ёки *пластификаторлар*даги дисперсия ҳолида берилади. Парда рангсиз (пигмент бўлмаса) ёки сариқдан тўқ жигар ранггача бўлиши мумкин. П. ҳ. қ. м. табиий (ўсимлик ва ҳайвон елими, зиғир, тунг ва дегидратланган канакунжут мойи, канифолни қайта ишлаш маҳсулотлари) ва синтетик (алкид, эпоксид, перхлорвинил смолалари) хилларга бўлинади.

ПАРДАЕВ Тожи (1912, Сурхондарё обл. Денов р-ни) — пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1959 йилдан КПСС аъзоси. Сурхондарё обл. Денов р-нидаги «Ғалаба» к-зида тракторчи (1931—68). П. к-зда пахтадан мўл ҳосил етиштиришда катта ҳисса қўшган. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1968 йилдан пенсияда.

ПАРДАЛИЛАР, личинка хордалилар, туникатлар (Urochordata, Tunicata) — хордалилар типига мансуб денгиз ҳайвонларининг кенжа типи. 1000 дан ортиқ тури бор. Гавдаси бир неча *мм* дан 50 *см* гача (ҳатто 30 *м* гача; пиросом колонияси). Танаси дирилдоқ ёки тоғайсимон парда-туника б-н қопланган. Қўпида хорда фақат личинкали даврида бўлади. Жинсий ва жинссиз кўпаяди. Баъзиларида *гермафродитизм* кузатилган. П., кўпинча, колония бўлиб яшайди. Нерв системаси ҳамда хордасининг мавжудлиги ва тузилишидаги б. белгилари б-н умуртқалиларга яқин туради. Уч синфи бор: *аппендикуляриялар, асцидиялар* ва Thaliacea.

ПАРДАҚАНОТЛИЛАР (Hymenoptera) — ҳашаротларнинг бир туркуми. П. нинг 90 мингга яқин тури бўлиб, шундан 10 мингга яқини СССРда. П. га *арракашлар, пиндикчалар, арилар, чумолилар* ва б. киради. Кўпчилик П. нинг 2 жуфт тиниқ парда қанотлари бўлади. Боши гавдасига ҳаракатчан ўрнашган. Кўзлари мураккаб. Оғиз аппарати ялаб-кемирувчи ёки кемирувчи; пастки лаби хартумчага айланган. Ургочисида, одатда, тухум қўйгич ёки найза (ҳимоя органи) мавжуд. Тўла ўзгариш б-н ривожланади. Баъзи П. *партеногенез* тарзида кўпайса, баъзиларида *полиэмбриония* кузатилган. Эркак П. уруғланмаган, ургочилари эса, одатда, уруғланган тухумдан тараққий этади. Бошқа ҳашаротларга нисбатан П. да (мас., *асаларилар*да) *инстинкт* яхши ривожланган, тўда бўлиб яшайди. Баъзи П. (яйдоқчилар, тухумхўрлар ва б.) қ. х. зараркунандаларини қириб, баъзилари (асалари ва б.) ўсимликларни чанглатиб фойда келтирса, айримлари (арракашлар, пиндикча ва б.) ўрмончиликка ҳамда қ. х. экинларига зарар келтиради. Қ. х. экинлари зараркунандаларига қарши биологик курашда фойдаланиладиган П. ҳам бор (417- бетдаги вклейкага қ.).

Ад.: Жизнь животных, в 6 т., т. 3, М., 1969; Суитмен Х., Биологический метод борьбы с вредными насекомыми и сорными растениями, Пер. с англ., М., 1964.

ПАРДЕВОР — хоналарни бир-биридан ажратиб турадиган девор. Тахта, гипс, ғишт, шлакбетон, темир-бетон ва б. материалдан кўтарилади. П. га юқоридан ҳеч қандай куч таъсир қилмайди. Бинонинг ташқи деворларига қарағанда П., кўпинча, юпқароқ бўлади. Ҳозир сурилма П. ли турар жой бинолари ҳам қурилмоқда. П. ни суриб бир хонани вақтинча кенгайтириш мумкин. Пахса ёки синчли иморатларда гуваладан тўсин баландлигида уриладиган девор ҳам П. дейилади.

ПАРЕЗ (юнон. paresis — бўшашиш, заифлашиш) — чала *фалаж*. Бунда тананинг фалажланган қисмида ҳаракат бир оз сақланиб қолади. П. сабаблари фалаждаги каби. П. оғир касаллик белгиларидан бўлгани учун дарҳол врачга мурожаат қилиш керак. П. ни илк босқичида даволаниса, процессни тўхтатиб, фалажнинг олдини олиш мумкин.

Давоси. П. ни келтириб чиқарган сабаблар бартараф қилинади.


ПАРЕНХИМА (юнон. parenchyma — тўлдириш, тўлдирувчи масса) — 1) ички органларнинг эпителий ҳужайраларидан ташкил топган ва шу органларга хос асосий ишчи қисм. Мас., ўсма П. си — ўсманинг специфик қисми; ўсма ҳосил қилувчи ҳужайраларнинг кўпайишидан келиб чиқади. П. га бой органлар (жигар, меъда ости безлари, жинсий безлар, талоқ ва б.) кўпинча паренхиматоз органлар деб аталади; 2) ўсимликларнинг эни, узунлиги ва қалинлиги деярли тенг бўлган ҳужайралардан таркиб топган асосий тўқимаси. Мас., барг эти П. си. П. ассимиляция, чиқариш ва б. функцияларни бажариши мумкин. П. ҳужайра оралиқлари (бўшлиқлар) га эга бўлгани учун газ алмашинувида қатнашади. Таянч функциясини бажарадиган П. ҳужайралари чўзиқ, шохланган, юлдузсимон бўлиб, йўғон, кўпинча ёғочланган деворчага эга. Тирик П. ҳужайралари бўлиниш хусусиятига эга; 3) ҳайвонларда П. ҳақиқий тўқиманинг филогенетик асосчиси бўлиб, бошланғич П. ва аралаш П. га бўлинади. Баъзан жигар, қора жигар, ўпка, безлар ва кўндаланг тарғил мушакларнинг асосий функционал тўқимаси ҳам П. деб юритилади.

ПАРИ — Шарқ халқлари фольклорида кенг тарқалган образ; маъшуқа тимсолининг идеаллашган формаси. Яратилиш манбаи зардўштийлик мифологиясига («Авесто»да «пайрика») бориб тақалади. Ривоятларга кўра, П. лар Кўҳи Қоф тоғи яқинидаги Эрам боғида яшаганлар, ўз шоҳи ва салтанатига эга бўлишган, уларни ғайри табиий кучлар қўриқлаган. Фольклор асарларида П. лар ҳаёти орқали инсон турмушининг идеал манзаралари акс этган.


ПАРИЖ (Paris) — Францияниг пойтахти. Мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази. Дунёдаги энг йирик ва гўзал шаҳарлардан. Сена дарёси соҳилида. Иқлими юмшоқ, мўътадил, денгиз иқлими. Январнинг ўртача т-раси 3,4°, июлники 18,8°. Йиллик ёғин 645 *мм*. Майдони шаҳар чегарасида 105 *км*², аҳолиси 2455 минг киши (1973). Катта П. нинг майдони 1700 *км*², аҳолиси 10 млн. киши (1974). Катта П. да мамлакат аҳолисининг қарийб 20%и яшайди. Аҳолисининг 60%и асли парижлик, қолган қисми Францияниг бошқа р-нларидан ва чет эллардан келган. Шаҳар 20 маъмурий р-нга бўлинган.




Пардаев Т.



Пардалилар. Бочкасимон пардали.



Пардақанотлилар. Барг арракаши.



Мил. ав. 1-асрда ҳозирги П. ўрнида, галль қабиласидан бўлган паризийларнинг Лютеция қишлоғи бўлган; римликлар даврида йирик савдо маркази, мил. 3—4-асрдан Паризия деб аталган (Париж шундан олинган). 497 йилдан франк қироллари қароргоҳи. Каролинглар даврида — графлик маркази. 885—886 йилларда П. норманнлар қамалига бардош берган. 987 йилдан П. француз қироллиги пойтахти. 14—15-асрларда П. бир қатор халқ ҳаракатлари майдонига айланган. *Юз йиллик уруш* даври (1337—1453)да П. инглизлар томонидан босиб олиниб (1420), 1436 йилгача улар қўлида бўлган. 16-асрдаги диний урушларда П. нинг сиёсий мавқеи кучайди. 17-асрнинг ўрталарида, айниқса, 18-асрда П. Европанинг маданий марказига айланган. П. 18-аср охиридаги француз буржуа рев-яси (1789—94)нинг, 1830 йилги июль рев-ясининг, 1848 йил рев-яси, хусусан, 1848 йилги июнь қўзғолонининг маркази бўлган, Франция-Пруссия уруши (1870—71) даврида П. ни герман қўшинлари босиб олди. 1871 йилги *Париж Коммунаси* П. ва бутун Франция тарихида оламшумул-тарихий аҳамиятга эга энг йирик воқеалардан бири бўлган. 1895, 1902, 1904 ва 1908—1912 йилларда В. И. Ленин П. да бўлган.


Иккинчи жаҳон уруши даврида Франциянинг сотқин ҳукумати 1940 йил 14 июнда П. ни гитлерчи босқинчиларга топшириб, пойтахтдан қочган; Ватанпарварлар оккупантларга қарши мардонавор кураш олиб бордилар. П. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг йирик марказларидан бирига айланди. Шаҳар 1944 йил 19—25 августдаги умумхалқ қўзғолони натижасида озод қилинган.

П. мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг $^1/_4$ қисмини беради. Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик (айниқса автомобилсозлик, электротехника ва электрон саноати) ва металлсозлик. 1972 йилда П. да 2634 минг автомобиль ишлаб чиқарилган. Самолётсозлик, станоксозлик, аниқ механика ва оптика буюмлари ишлаб чиқариш, ҳарбий саноат ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Кимё саноатида резина, дори-дармон, фотоматериаллар ва ҳ. к. лар ишлаб чиқарилади. П. да тайёрланган галантерея ва парфюмерия ҳамда заргарлик буюмлари, тайёр кийимлар, сафар анжомлари, туристлар учун эсдалик буюмлари дунёга машҳур. Тикувчилик, қоғоз, полиграфия, мебель, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати ривожланган. Туристлар кўп келади.


П. — транспорт йўлларининг йирик узели. Дарё порти (1972 йилда юк обороти 24 млн. *т*). Шаҳардан 11 томонга радиал кетган т. й. лар икки қатор ҳалқа йўл б-н бирлаштирилган. 3 та йирик аэропорт бор. П. да 1900 йилдан метрополитен ишламоқда (узунлиги 229 *км;* 343 станцияси бор).

Шаҳар радиал-ҳалқасимон қилиб планлаштирилган. Бир-бирига боғланиб кетадиган, шаклан ўзига хос ансамблар системаси шаҳар қиёфасига алоҳида ҳусн бағишлайди. Шаҳарнинг қадимги маркази Сите ороли бўлган. Бу ерда готика услубида қурилган Биби Марям ибодатхонаси (Нотр-Дам, 1163—1257), Сент-Шапель бутхонаси (1243—48) каби ёдгорликлар сақланган. 16—17-асрларда П. салобатли пойтахт қиёфасига кирган. Кўчалар, майдонлар план асосида қурилган. П. Леско, Ж. Лемерсье, К. Перро, Ж. Ардуэн-Мансар ва б. архитекторлар йирик бино ва ансамблар бунёд этдилар (Сенанинг ўнг қирғоғида Лувр, 1546—19-аср ўрталари, Пале-Руаяль, 1629—36; чап қирғоғида Люксембург саройи, 1615—21, Сорбонна ун-ти ва унинг черкови, 1629—53, Инвалидлар уйи, 1671—76, Инвалидлар собори, 1680—1706, Вогезлар майдони, 1606—12, Вальде-Грас монастири, 1645—1710 ва б.). Бинолар фасадининг П. архитектурасига хос кўркам шакллари, катта ордерлар ҳамда *мансардалар* ишлаб чиқилди. 18-асрда ва 19-аср бошларида П. марказида улкан майдон барпо қилинди. Бу майдон Сена дарёси ўнг қирғоғи бўйлаб планлаштирилган ансамблнинг бир қисмини ташкил этиб, Лувр майдонини, Карусель (1806) майдонидаги аркни янги Риволи кўчаси, Тюильри боғи, Елисей майдони, де Голль (собиқ Юлдуз майдони) (1806—37) майдонидаги Зафар дарвозаси (1806—37) б-н бирлаштиради. Шу р-нинг ғарбида буржуа аристократияси учун турар жой кварталлари жойлашган. У Булонь ўрмонига бориб тақалади. Дарёнинг чап қирғоғида Пантеон (1758—90), Бурбонлар саройи (18—19-аср, ҳозир Миллий кенгаш биноси), Гранд-Опера театри биноси (1860—75), Эйфель минораси (1889) қад кўтарган. 20-асрда П. да замонавий архитектура услубида Марс майдони (1908—28), Шайо саройи (1936), 60-йилларда ва 70-йилларнинг бошларида ЮНЕСКО биноси, Франция Компартияси МК биноси, шаҳар чеккасида Вильжюив, Сен-Дени ва б. турар жойларнинг янги комплекслари бунёд қилинди.

П. да мамлакатнинг етакчи илмий тадқиқот ин-тлари ва олий ўқув юртлари жойлашган. Париж (Сорбонна) ун-ти (13-аср), Франция колледжи, Миллий консерватория, Олий кончилик, санъат ва мануфактура мактаблари,



1. Нотр - Дам собори (12—13-асрлар). 2. Шайо саройи.



1. Де Голль майдони. Ўртада Зафар тоқи (1806—37, архитектор Ж. Ф. Шальгрен). 2. Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети биноси.

Агрономия ин-ти, Франция ин-ти (таркибида 5 академия мавжуд), музейлар (Лувр музейи, П. тарихи музейи ва б.), 60 дан зиёд театр (жумладан, «Гранд-Опера», «Комеди Франсез»), концерт заллари, Кино олий таълими ин-ти, йирик кутубхоналар, обсерватория, космосни тадқиқ қилиш маркази, телемарказ ва б. бор. Шаҳарда монополистик саноат ва савдо бирлашмалари, йирик маҳаллий ва ажнабий банклар, давлат маъмурий-бошқарув идоралари, сиёсий партияларнинг раҳбарлик органлари ва ҳ. к. лар жойлашган. Ҳар йили П. да савдо ярмаркалари ўтказилади. Шаҳар атрофида қадимий ўрмонлар сақланган. Мари-Роз кўчасида В. И. Ленин яшаган Музей-уй бор.

Ад.: Бирюков В. П., Париж, М., 1968; Аркин Д., Париж. Архитектурные ансамбли города, [М.], 1937; Калитина И. Н., Музеи Парижа, Л.—М., 1967; Пилявский В. И., Лейбошиц Н. Я., Париж, Л., 1968; Моруа А., Париж, [Пер. с франц.] М., 1970 (Города и музеи мира).

ПАРИЖ БИТИМИ (1973)—Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш ҳақидаги битим. ВДР, АҚШ, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати (ЖВРМРҲ) ва Сайгон маъмурияти давлатларининг Ташқи ишлар министрлари томонидан 1973 йил 27 январда имзоланган. Битимнинг тексти, қатнашувчи тўрт томоннинг 1969 йил январь ойидан бошлаб Парижда ўтказилган Вьетнам масаласидаги музокаралари давомида ишлаб чиқилган. Битимнинг 1-моддасига кўра АҚШ Вьетнамнинг мустақиллигини, суверенитетини, территориал бирлигини тан олиш ва ҳурмат қилиш мажбуриятини олди. Битимнинг кейинги моддаларида Жанубий Вьетнамдаги ҳарбий ҳаракатларни, шунингдек АҚШнинг Вьетнамга қарши қаратилган жами ҳарбий операцияларини зудлик б-н тўхтатиш, Жанубий Вьетнамдан АҚШ ва Сайгон маъмурияти иттифоқчилари бўлган давлатларнинг қўшинларини ва ҳарбийларини 60 кун ичида бутунлай олиб чиқиб кетиш, шунингдек Жанубий Вьетнамдаги Америка ҳарбий базаларининг жойидан кўчириб олиб кетилиши ва томонлар қўлга туширган ҳарбийларни ҳамда



Париждаги ЮНЕСКО биноси (1953—57, архитекторлар М. Л. Брёйер, Б. Зерфюсс, П. Л. Нерви).


да чет эл гражданларини 60 кун ичида бир-бирларига қайтаришлари қайд этилди. Икки жанубий томон, яъни ЖВРМРҲ ва Сайгон маъмурияти асир олиниб, Жанубий Вьетнамда қамоқда тутилаётган Вьетнам гражданларини озод қилиб, ўз ватанига қайтариш масаласини 90 кун ичида ҳал қилишлари кўзда тутилди.

Битимнинг 4-бобида Жанубий Вьетнамнинг ички масалалари кўрилди ва белгиланди. АҚШ ва ВДР ҳукуматлари Жанубий Вьетнам аҳолисининг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбуриятини олдилар. Томонлар Жанубий Вьетнам аҳолисининг келажаги эркин ва демократик сайловлар (халқаро назорат остида) ўтказиш йўли б-н ўз халқи томонидан белгиланади; деб келишдилар (9-модда). Буларни ташкил қилиш учун Миллий Совет тузиб унда ЖВРМРҲ ва Сайгон маъмуриятидан, шунингдек Жанубий Вьетнамнинг тинч, бетараф, мустақил ривожланиши тарафдори бўлган сиёсий арбоб ва группалардан иборат «учинчи куч» томонидан қатнашадиган вакилларнинг ўзаро сулҳи ва келишувини эътиборга олиш кўзда тутилди. Битимнинг 5-бобида Шимолий ва Жанубий Вьетнамни бирлаштиришни уларнинг ўзаро келишуви асосида, чет давлатларнинг иштирокисиз тинч йўл б-н амалга ошириш масаласи кўриб чиқилди ва келишилди. Томонлар ўртасидаги демаркацион чегаранинг (17-параллел бўйича) вақтинча характерга эга эканлиги ҳақидаги ҳамда Шимолий ва Жанубий Вьетнамнинг ҳарбий иттифоқ ёки блокларга кирмаслиги тўғрисидаги Женева битими (1954)нинг шартлари маъқулланди. П. б. шартларининг бажарилишини текшириш ва назорат қилиш халқаро Комиссияга топширилди. Комиссия таркибига Канада, Венгрия, Индонезия ва Польша давлатларининг вакиллари киритилди. 1973 йил 31 июлда Канада Комиссия составидан чиқиб кетди, унинг ўрнига Эрон вакили киритилди. П. б. нинг шартларини бажаришда биргаликда ҳаракат қилишни таъминлаш учун Жанубий Вьетнамда 4 томон (ВДР, АҚШ, ЖВРМРҲ ва Сайгон маъмурияти)нинг бирлашган ҳарбий комиссиясини, шунингдек Жанубий Вьетнамдаги икки томоннинг худди шундай бирлашган ҳарбий комиссиясини тузиш кўзда тутилди (6-модда). П. б. га имзо чеккан томонлар Камбоджа ва Лаос халқларининг асосий миллий ҳуқуқларини тан олган ҳолда Камбоджа хусусидаги Женева битими (1954) га ва Лаос хусусидаги Женева битими (1962)га қатъий риоя қилиш мажбуриятини олдилар (20-модда). АҚШ Вьетнамдаги, ҳатто бутун Ҳиндихитойдаги уруш вайронгарчиликларини тиклаш учун маблағ (ҳисса) тўлашга розилик билдирди (21-модда). П. б. ни имзолаш б-н бир вақтда, шу битимга қўшимча равишда 4 та Протокол имзоланиб, уларда мазкур битимнинг асосий моддаларини бажариш хусусидаги конкрет масалалар аниқлаб берилди.

П. б. ни амалга оширишда жиддий қийинчиликлар юз берди. Сайгон маъмурияти империалистик доиралар ёрдамига суяниб, Жанубий Вьетнамдаги ички сиёсатни ҳал этишга тўсқинлик қилибгина қолмай, ҳатто улар озод қилинган р-нларга қарши қуролли провокацияларни давом эттирдилар. Бунга жавобан Вьетнам ватанпарварлари норозилик билдириб, қўғирчоқ Сайгон ҳукуматига қарши кураш олиб борди. Натижада 1975 йил 30 апрелда Жанубий Вьетнамнинг барча терр-яси Сайгон маъмурияти ҳукмронлигидан тўла озод қилинди.

ПАРИЖ БИТИМЛАРИ (1954 йил 23 октябрь)—ГФР, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия, Нидерландия, Люксембург ўртасида ҳарбий, сиёсий ва б. масалалар юзасидан қабул қилинган ҳужжатлар. Буларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат: 1) АҚШ, Буюк Британия, Франция ва ГФР ўртасида имзоланган, ГФРда оккупацион режимни бекор қилиш тўғрисидаги протокол ва унга қўшимча — уч буюк давлатларнинг (АҚШ, Буюк Британия, Франция) ўзаро ва ГФР б-н муносабатлари, ГФР терр-ясига жойлаштирилган чет эл қўшинларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, уруш ва оккупация туфайли юзага келган масалаларни бартараф қилиш, Берлин тўғрисидаги ҳужжатлар ва ГФР терр-ясида чет эл қуролли кучларини бундан буён бўлиши тўғрисидаги протокол ва битимлар; 2) Буюк Британия, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург ва ГФР томонидан ўзгартирилган ва тўлдирилган 1948 йилги Брюссель шартномаси асосида, НАТО доирасида янги ҳарбий группировка—Ғарбий Европа иттифоқини тузиш тўғрисидаги протоколлар; 3) НАТО аъзолари бўлмиш давлатларнинг ГФР ни Шимолий Атлантика блокига қабул қилиш тўғрисидаги резолюцияси.

Потсдам конференцияси қарорларини қўпол равишда бузган П. б. Ғарбий Германия ҳарбий саноат потенциалини чегаралаш тўғрисидаги тўсиқларни бартараф қилиб, ГФРга 12 та пиёда дивизияси, ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз флотини тузишга рухсат берди. ГФР да атом ва б. оммавий қирғин келтирувчи қуролларни ишлаб чиқариш тақиқланди (бироқ П. б. да бундай қуролларни четдан олиниши ёки бошқа терр-яда ишлаб чиқариш мумкинлиги ҳақида ҳеч қандай сўз айтилмади). 1955 йил 5 майда П. б. кучга кирди. У Ғарбий Германияда милитаризмнинг қайта тикланишига йўл очиб берди. ГФР ҳукумати қонунсиз равишда немис халқининг халқаро ишлардаги «ягона вакили» деб эълон қилинди. АҚШ, Буюк Британия ва Франция Ғарбий Берлиндаги қуролли кучларини сақлаш «ҳуқуқ»ларини таъкидладилар. 1945 йилги *Потсдам конференцияси*га хилоф равишда имзоланган П. б. халқаро кескинликни кучайтирди. П. б. га қарши СССР, ГДР ва б. социалистик давлатлар, Европа мамлакатларидаги тинчликсевар жамоатчилик қатъий норозилик билдирдилар.




Париж Коммунаси. 1. Коммунанинг эълон қилиниши. 2. Париж кўчаларидаги баррикадалар.

ПАРИЖ КОММУНАСИ (1871)— биринчи пролетар рев-яси ва ишчилар синфининг биринчи ҳукумати; 72 кун ҳукм сурган (18 март —28 май). П. К. ички ижтимоий қарама-қаршиликларнинг кучайиши, 60-йиллар охиридаги саноат рев-яси тугалланиши, пролетариатнинг ҳар жиҳатдан ўсиши процессида содир бўлди.

1870 йил 4 сентябрда Парижда халқ қўзғолон кўтарди, империя қулади. Республика тузилди (*Учинчи республика*). Лекин янги «Миллий мудофаа ҳукумати» Наполеон III нинг халққа қарши қаратилган сиёсатини давом эттирди, Парижни душман ҳужумидан мудофаа этишга совуққонлик б-н қаради. Бу 1870 йил 31 октябрда Парижда халқ қўзғолони кўтарилишига олиб келди. Лекин қўзғолон пухта тайёргарлик кўрилмаганлиги учун эртаси куни қаттиққўллик б-н бостирилди. 1871 йил 22 январда халқ яна қўзғолон кўтарди, бу ҳам бостирилди. 28 январда Франция-Пруссия ўртасида сулҳ тузилди. 15 февралда буржуа республикачилари ва яширин монархистларнинг А. Тьер бошлиқ ҳукумати тузилди. А. Тьер ҳукуматининг сиёсатида ҳеч қандай ижобий ўзгариш юз бермаганлиги туфайли халқ оммаси ўзининг қонуний талабларини амалга ошириш учун қуроллана бошлади. Миллий гвардия тузилиб, унга Марказий Комитет (МК) раҳбарлик қилди. 18 мартга ўтар кечаси Тьер халқни қуролсизлантириш ва Миллий гвардия МК аъзоларини қамоққа олиш мақсадида ҳарбий қисмлар юборди, лекин солдатлар халққа қарши ўқ узишдан бош тортдилар. Миллий гвардия қисмлари қарши ҳужумга ўтиб давлат идора маҳкамаларини қуршаб олдилар. Тьер ҳукумати Париж яқинидаги Версалга қочди. Шу тариқа П. К. ғалаба қозонди. Миллий гвардия МК П. К. Муваққат ҳукумати ролини ўтади. П. К. қонуний ҳукуматини тузиш учун 26 март куни сайлов ўтказилди. Сайлов натижасида ишчи, зиёли, майда буржуа намояндаларидан 86 киши П. К. депутатлигига сайланди. П. К. нинг тарихда тутган асосий ўрни шундан иборат бўлдики, Коммуна буржуа давлат формаларидан принципиал фарқ қилувчи янги типдаги давлатни юзага келтирди. 29 март куни Коммуна декрет қабул қилди. Унга кўра, мамлакатни идора қилиш учун Коммуна аъзоларидан 10 та махсус комиссия тузилиб, у ижроия, ҳарбий масала, ташқи сиёсат, юстиция, меҳнатни ташкил қилиш ва ҳ. к. масалалар б-н шуғулланди.

П. К. амалга оширган муҳим тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлди: ишчиларни қуроллантирди, черковни давлатдан, мактабни черковдан ажратди, ўзбошимча жарималарга чек қўйди, квартира учун тўланадиган қарзларни тўлаш муддатини узайтирди, рев-я даврида эгалари ташлаб кетган корхоналарни давлат ихтиёрига олди ва улар устидан ишчилар назоратини ўрнатди, ишсизликка барҳам бериш чора-тадбирларини кўрди, иш ҳақи минимумини белгилади, уруш натижасида бева қолган аёлларнинг оиласи учун пенсиялар белгилади, майда ер эгаларини, қ. х. батраклари ва ишчилари аҳволини яхшилашга қаратилган ислоҳот лойиҳасини ишлаб чиқди ва ҳ. к. Ташқи сиёсат соҳасида П. К. халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик, биродарлик принципларини олға сурди. П. К. пролетар интернационализмининг амалдаги кўриниши бўлди. Унинг фаолиятида турли миллат вакиллари катнашдилар. 1-Интернационал жаҳон меҳнаткашларини П. К. б-н бирдамликка чорлаган эди.

Лекин П. К. бир қатор хатоликларга йўл қўйди, бу Коммунани ҳалокатга олиб келди: буржуазияга қарши шафқатсиз курашмади, ҳокимиятдан ағдарилган буржуазиянинг ўз қўшинларини Париждан Версалга олиб чиқиб кетишига йўл қўйди, Версалга юриш қилмай, контрреволюционерларга қайта куч тўплаш имконини туғдирди, Франция банкини национализация қилмади, контрреволюционер ва жосусларга қарши кураш чораларини кўрмади, провинциялардаги ишчилар синфи ва деҳқонлар оммаси б-н алоқа ўрнатмади ва ҳ. к.



1. Коммунарлар жангда. 2. Пер-Лашез қабристонидаги жанг.

Контрреволюцион француз буржуазияси П. К. га қарши реакцион Пруссия б-н биргаликда кураш олиб борди. Пруссия асир олинган 100 минг солдатни версалчиларга қайтариб бериши натижасида 130 минг армия тўплаган Тьер Пруссия б-н тил бириктириб, 21 майда Парижга ҳужум бошлади. Бир ҳафта давомида Париж кўчаларида қаттиқ жанглар бўлиб, ниҳоят рев-я қонга ботирилди. 30 мингдан ортиқ коммунар судсиз-сўроқсиз отиб ташланди. Минглаб коммунарлар қамоққа олинди, сургунга юборилди. Францияда яна реакция ҳукм сурди. П. К. тажрибаси илмий социализм ва коммунизм назариясини ишлаб чиқишда, Улуғ Октябрь социалистик рев-ясини тайёрлашда ва амалга оширишда катта роль ўйнади. Шунинг учун ҳам жаҳон меҳнаткашлари ҳар йили 18 мартда П. К. кунини нишонлайди.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф. и Ленин В. И., О Парижской Коммуне. (Сборник). М., 1971; Парижская Коммуна 1871. Пер. с франц. М., 1964; История Парижской Коммуны 1871 г., М., 1971.

ПАРИЖ КОММУНАСИ — ҚҚАССР Беруний р-ни Коммунизм овул Советидаги қишлоқ. Охунбобоев номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 34 км, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 54 км. Аҳолиси 505 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, богдорчилик, шоликорлик, полизчилик б-н шуғулланади.

ПАРИЖ ОБСЕРВАТОРИЯСИ — Европадаги дастлабки обсерваториялардан бири; 1667 йилда барпо этилган. Парижданн 9 км узоқликда—Медонеда астрофизика бўлими бор. П. о. нинг меридиан астрономия, вақт хизмати, Қуёш физикаси, фотоэлектр, фотометрия, электрон астрофотография, астрономия оптикаси соҳаларига оид ишлари машҳур. П. о. қошида Халқаро вақт бюроси жойлашган.

ПАРИЖ СУЛҲ ШАРТНОМАЛАРИ (1947) — Иккинчи жаҳон урушида (1939—1945) ғолиб



Миллий гвардиячи.

чиққан давлатлар б-н фашистлар Германиясининг собиқ иттифоқчилари (Италия, Болгария, Венгрия, Руминия ва Финляндия) ўртасида тузилган шартномалар. 1947 йил 10 февралда Парижда имзоланган. Шартнома кириш қисмини, территориал, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий масалаларни, шунингдек товон тўлаш каби шартларни ўз ичига олган.

Италия б-н тузилган сулҳ шартномаси СССР, Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Франция, Австралия, Бельгия ва б. давлатлар томонидан имзоланган. Шартномага биноан Италия б-н Югославия ўртасидаги чегара Югославия фойдасига ўзгарган: История я. о., Фиуме (Риека) шаҳри, Пелагоза ороли (атрофидаги ороллар б-н бирга) Югославияга ўтди. Трнест озод терр-я бўлиб қолди, кейинроқ, 1954 йил 5 октябрдаги Италия-Югославия битимига биноан Трнестнинг бир қисми (290 минг аҳоли) Италияга, қолган қисми (70 минг аҳоли) Югославияга берилди. Додеканес ороллари Грецияга берилди. Франция б-н Италия ўртасидаги чегара Франция фойдасига ўзгарди. Италия Сомали, Эритрея, Ливиядан воз кечди ва Албания ҳамда Эфиопиянинг мустақиллигини тан олди. Шартноманинг ҳарбий масалага оид қарорлари Италиянинг ҳарбий қувватини чеклашни кўзда тутди.

Шартномада уруш зарарлари учун Италия томонидан тўланадиган товон миқдори (ҳажми) кўрсатилди: СССР га 100 млн., Албанияга 5 млн., Эфиопияга 25 млн., Грецияга 105 млн., Югославияга 125 млн. доллар. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг Италия НАТО га аъзо бўлиб кирди (1949). Умуман Италия шартномаининг бир қанча қарорларини қўпол равишда бузди: армиясининг сони ва қуроллари шартномада қатъий қилиб кўрсатилган рақамлардан анча ошиб кетди, Италия терр-ясида АҚШ ракета базалари жойлаштирилди, ҳарбий жиноятчилар жазога тортилмади, шунингдек Италия ҳукумати Совет Иттифоқига уруш зарарлари учун товон тўлаш мажбуриятини ҳам бажармади.

Финляндия б-н тузилган сулҳ шартномаси СССР, Буюк Британия, АҚШ, Хитой, Франция, Австралия, Бельгия ва б. давлатлар томонидан имзоланган. Шартнома Финляндия давлат чегарасини 1941 йил 1 январдаги ҳолатида қолдиришга қарор қилди ва Финляндия томонидан Петсамо областининг Совет Иттифоқига қайтариб берилишини маъқуллади. Шунингдек, шартнома Финляндия томонидан Совет Иттифоқига совет ҳарбий базаси учун 50 йил муддатга Порккала-Удд районидан терр-я ажратиб берилишини (ҳар йили Финляндия маркаси б-н 5 млн., тўлаш шарти б-н) тасдиқлади (аммо, 1955 йил СССР Порккала-Уддни ижарага олиш ҳуқуқидан воз кечди). Шартноманинг ҳарбий масала юзасидан қабул қилган қарорлари Финляндиянинг қуролли кучларини маълум даражада чеклади. Финляндия Совет Иттифоқига уруш чиқимларини тўлаш (300 млн. доллар) ва уруш вақтида совет терр-ясидан олиб кетилган қимматбаҳо буюмларни қайтариш мажбуриятини ўз устига олди.

Болгария, Венгрия ва Руминия б-н тузилган сулҳ шартномалари СССР, Буюк Британия, АҚШ, Белоруссия, Чехословакия, Украина ва б. давлатлар томонидан имзоланган. Шартномага кўра Болгария давлат чегараси 1941 йил 1 январдаги ҳолатида қолдирилди; Венгрия б-н Австрия, Югославия, Руминиялар ўртасидаги чегарани 1938 йил 1 январдаги ҳолатида қолдириш маъқулланди; Венгрия б-н Чехословакия ўртасидаги чегаралар эса Братислава р-нида Чехословакия фойдасига бир оз ўзгарди; Руминия чегарасининг Руминия, Венгрия ўртасидаги чегара чизигидан ташқари қисми 1941 йил 1 январдаги ҳолатида, Руминия-Венгрия чегара чизиғи эса 1938 йил 1 январдаги ҳолатида қолдирилди. Шартноманинг сиёсий масалаларга оид қарорлари Италия б-н тузилган шартноманинг шу мавзудаги қарорларидан фарқ қилмайди (фашистик ташкилотларни тарқатиб юбориш, демократик эркинликни тиклаш ва ҳ. к.). Шартноманинг ҳарбий масаладаги қарорлари мазкур давлатларнинг ҳарбий куч-қувватини, белгили даражадан оширмаслик масаласини ҳал қилди. Шунингдек, шартнома мазкур давлатлар (Болгария, Венгрия, Руминия) томонидан уруш туфайли етказилган зарар учун тўланадиган товонларнинг ҳажмини белгилади. Аммо, кейинчалик СССР Болгария, Венгрия ва Руминиянинг иқтисодий юксалишига ёрдам кўрсатиб, ўзига тегишли товон тўловларининг кўп қисмидан воз кечди.

Совет Иттифоқининг фаол иштироки б-н тайёрланган П. с. ш. озод қилинган давлатларнинг мустақиллигини сақлашга, шунингдек Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатларининг эркин равишда ривожланишига хизмат қилди, натижада уларнинг халқлари ҳокимиятни қўлга олиб, социалистик қурилиш жараёнини бошлаб юбордилар.

ПАРИЖ СУЛҲ ШАРТНОМАСИ (1856)—Россия ва унга қарши уруш олиб борган Буюк Британия, Франция, Австрия, Пруссия, Туркия, Сардиния давлатлари ўртасида тузилган ва Қрим уруши (1853—56) га якун ясаган шартнома. 1856 й. 30 мартда Париж конгрессида имзоланган. Россия б-н Туркия Қрим урушида босиб олган терр-яларини бир-бирларига қайтардилар, Қора денгиз бетараф деб эълон қилинди. Шартномага илова қилинган конвенцияга кўра, Россия ҳамда Туркия Қора денгизда ҳарбий флот сақлаш ва унинг киргогида ҳарбий қалъа қуриш ҳуқуқидан маҳрум этилди, ҳарбий кемаларни ўтказмаслик учун Дарданел ва Босфор бўғозлари ёпиб қўйилди. 1870—71 йилларда Россия П. с. ш. нинг Қора денгизда ҳарбий кемалар юргизиш ҳақидаги моддасини тан олишдан бош тортди. 1877—78 йиллардаги рус-турк уруши Россия галабаси б-н тугагач, П. с. ш. янги трактат (1878 йилги Берлин конгрессида қабул қилинган) б-н алмаштирилди.

ПАРИЖ УНИВЕРСИТЕТИ, Сорбонна—Франциядаги йирик ўқув ва илмий марказлардан бири. 1215 йилда черков мактаби негизида вужудга келиб, Европада биринчи дунёвий ун-т ҳисобланган. Дастлаб санъат, ҳуқуқ, илоҳиёт ва медицина ф-тлари бўлган. 1257 йилда Парижнинг Латин кварталида Сорбонна деб аталган колледж ташкил этилди (номи асосчиси Р. де Сорбонна б-н боғлиқ). 17-асрда Сорбонна колледжи б-н П. у. қўшилиб, уларнинг ҳар икки номи айнан ишлатила бошланди. П. у. ўрта асрларда ва 17-асрга қадар Европада илоҳиёт ва юриспруденция соҳасида йирик ўқув юрти ва илмий марказ ҳисобланган. 1773 йили Конвент қарорига мувофиқ ун-т ёпилди ва 1806 йилда қайта тикланди.

П. у. таркибида ҳуқуқ ва иқтисод фанлари, табиий фанлар, адабиёт ва ижтимоий фанлар, медицина, фармакология ф-тлари бор. Улар 13 мустақил ун-тга бўлинган, шулардан 10 таси иқтисод, ҳуқуқ, адабиёт ва ижтимоий фанлар, 1 таси медицина ва биология, 2 таси физика-математика фанлари, биология, кимё ва Ер ҳақидаги фанлар бўйича ўқув ва илмий тадқиқот бўлинмаларига эга. П. у. да 100 дан ортиқ илмий тадқиқот ин-тлари, марказлар, олий мактаблар мавжуд. Ун-тда турли фан тармоқларидан 35 кутубхона бор (1972). 1972 йили П. у. да 183 минг студент таълим олди, қарийб 4,5 минг ўқитувчи ишлади. П. у. ректорини Миллий таълим министрлиги тавсияси б-н Франция президенти тайинлайди.

ПАРИЖ ШАРТНОМАСИ (1952 йил 27 май)—«Европа мудофаа бирлашмаси»ни тузиш тўғрисида Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург давлатлари ташқи ишлар министрлари томонидан имзоланган шартнома. П. ш. социалистик давлатлар, демократик кучлар ва миллий озодлик ҳаракатига қарши қаратилган. П. ш. 132 модда, бир қанча протокол ва келишувлардан иборат бўлиб, иштирокчи давлатлар томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга кириши керак эди. П. ш. 2- ва 5-моддаларида кўрсатилишича, тузилувчи бирлашма «НАТО доирасида ва у б-н мустаҳкам алоқада бўлган ҳолда» иш кўриши лозим эди.

Тузилиши керак бўлган «Европа армияси»га Франция — 14 дивизия, ГФР—12 дивизия, Италия — 12 дивизия, Бельгия, Нидерландия ва Люксембург биргаликда — 5 дивизия беришлари кўзда тутилган. П. ш. да кўрсатилишича, «Европа армияси»га йирик ҳарбий қисмларнинг ажратилиши 1945 й. Потсдам конференцияси қарорларининг қўпол равишда бузилишидан далолат берарди. П. ш. имзоланиши Ғарбий Европа мамлакатларида демократик жамоатчилик норозилигининг кучайишига олиб келди. Лекин, шунга қарамай, 1955 й. империалистик давлатлар бошқа бир шаклда Европа мудофаа бирлашмасини туздилар.

ПАРИЖ ҲАВЗАСИ, Шимолий Франция пасттекислиги—Франциянинг шимолий қисмидаги сертепали текислик. П. ҳ. мамлакат терр-ясининг 1/4 қисмини эгаллаган. Марказий қисми (Париж ш. атрофи)нинг баландлиги 100 *м* бўлиб, атрофидаги Марказий Франция массиви, Вогез ва Арденна тоғларига томон баландлашиб боради. Ҳавзанинг чеккаларида баландлиги 500 *м* куэстали қатор тепалар бор. П. ҳ. палеозой бурмали заминининг букилган қисмидир. Заминининг чуқурлиги ҳавзанинг марказий қисмида 1530 *м*. Нефть ва газ конлари топилган. Дарё кўп, ҳаммаси сершув; энг каттаси — Сена.

ПАРИК (итал. parrucca)—соч (ёки ҳайвон жуни), сунъий толани матога ёпиштириб тайёрланган ясама соч. Қадимги Миср, Осурия, Бобилда бош кийими сифатида фойдаланилган. Юнонистон ва Римда (1-асрдан) П. хотинқизлар орасида кўпроқ тарқалган. 16-аср охирида Европа мамлакатларида пайдо бўлган. 18-асрда дворянлар, мансабдорлар П. кийиши шарт бўлган. 18-аср охирида П. урфдан чиққан. 20-асрда анъанавий бош кийими сифатида инглиз судьяларидагина сақланган. 1960-йиллар охиридан аҳоли ўртасида П. қайта ишлатила бошлади. П. актёрга муайян давр кишисининг қиёфаси, мавқеи, ёши ва б. ни ифодалашга ёрдам беради.

Ад.: Лифшиц П. Б., Темкин А. Н., Сценический грим и парик, М., 1953; Раугул Р. Д., Грим, М., 1947.



Парин В. В.

ПАРИН Василий Васильевич [1903. 5 (18). 3, Қозон — 1971. 15. 6, Москва]— совет физиологи. СССР ФА (1966) ва СССР Медицина ФА акад. (1944). 1939 йилдан КПСС аъзоси. Пермь ун-тининг медицина ф-тини тугатган (1925) ва ўша ерда ишлаган. Свердлов Медицина ин-тининг физиология кафедраси мудири, декани, ректор ўринбосари, ректори (1932—41). 1-Москва Медицина ин-ти проф. (1941—43), СССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарининг ўринбосари (1942—45). СССР Медицина ФА нинг асосчиси ва биринчи академик-секретари, 1963—66 йиллари вице-президенти. СССР Медицина ФА Нормал ва патологик физиология ин-тининг директори (1960—65) ва б. лавозимларда ишлаган. Асосий ишлари қон айланишининг нормал ва патологик физиологияси, космик биология ва медицина ҳамда б. масалаларга бағишланган. П. сунъий ер йўлдоши ва космик кемаларда медико-физиологик тажрибалар ўтказишда актив иштирок этган. Халқаро астронавтика академиясининг ҳақиқий аъзоси (1964), РСР ва ЧССР медицина жамияти ва б. ларнинг фахрий аъзоси. Ленин ордени, 3 бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Избр. труды, т. 1—2, М., 1974.

Ад.: Академик В. В. Парин. [Некролог], «Успехи физиологических наук», т. 2, 1971.

ПАРИНЬЯС — Перу терр-ясидаги бурун. Жанубий Америка материгининг энг чекка ғарбий нуқтаси (4° 45′ ж. к. ва 81° 20′ ғ. у. да).

ПАРИТЕТ (лат. paritas — тенглик, баравар-лик)— 1) ҳуқуқда — манфаатдор томонларнинг бирон ташкилотдаги вакиллари сонининг тенглиги принципи. П. асосида, мас., чегара масалалари бўйича халқаро комиссиялар тузилади; 2) экономикада — турли мамлакатлар пул бирликларининг ўзаро нисбати, пул бирликлари олтин қийматига асосланади.

ПАРИХОН, пархон (форс-тож. پری —руҳ ва خواندن—ўқимоқ)— руҳий ёки асаб касаллигига учраган одамларни хурофий амаллар б-н даволашга уринувчи сеҳргар. Баъзи жойларда бахши деб юритилади. П. лик Ўрта Осиёнинг айрим р-ларида тарқалган эди. П. лик жуда мураккаб тарихий илдизга эга. Дунёдаги кўпгина халқларда унинг кўриниши ва қолдиқлари учрайди. П. лик ҳақидаги маълумотлар «Авеста»да ҳам тилга олинади. П. бетобликнинг ўзини жин, албасти, пари ва б. фантастик мавжудотларнинг иши деб ҳисоблаган. П. нинг асосий даволаш қуроли чилдирма ёки қамчи (баъзан дутор ёки хивчин)дан иборат бўлган. П. беморни қоронғи жойга киритиб, ёд олинган ибораларни такрорлаб, беморга теккан деб гумон қилинган жиларга гўёки дўқ-пўписа қилган, чилдирма ёки дутор чалиб қамчи б-н танасидан ҳайдагандек бўлган. Аксарият беморга теккан парилар учун товуқ, улоқ, қўзи кабиларни қурбонлик қилган (қурбонликнинг қони париларга бағишланади). П. нинг фаолияти беморнинг руҳига таъсир этишга асосланган бўлиб, ғайри илмий ва реакциондир. П. лик шаманликнинг Ўрта Осиё шароитларидаги қолдиғидир (яна қ. *Кинна, Кўчирик, Шаманизм*).

Ад.: Снесарев Г. П., Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, М., 1969, стр. 43—72.

ПАРИШОНХОТИРЛИК—диққатнинг беқарорлиги, бошқа нарсаларга чалғишидан иборат психик ҳолат (қ. *Диққат*).

ПАРК (лат. parricus — иҳота қилинган жой)— 1) кишиларнинг дам олиб, ҳордиқ чиқаришлари учун махсус барпо этилган боғ (қ. *Боғ-парк, Маданият ва истироҳат боғлари);* 2) транспорт воситалари ишлаб чиқариш корхонасининг ишлаб чиқариш қуроллари мажмуи, шунингдек уларнинг турадиган ва хизмат кўрсатадиган махсус жойи (мас., вагонлар парки, таксилар парки, станоклар парки, трамвай парки).

ПАРКЕНТ — Тошкент обл. Юқори Чирчиқ р-ни Паркент қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» ва «Гулистон» к-злари терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкентдан 48 *км*. Аҳолиси 18496 киши (1971); пиллачилик, боғдорчилик, токчилик, ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Паркентсойдан сув ичади. Тикувчилик ф-каси, Тошкент шаҳридаги «Гунча» ф-касининг филиали, к-з бозори, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, 9 мактаб, маданият уйи, касалхона, кинотеатр, 2 болалар богчаси, алоқа бўлими, вино пункти бор.

ПАРКЕТ (франц. parquet)— турар жой ва жамоат бинолари полларига қоплаш учун мўлжалланган юпқа тахтача ёки ундан қилинган пол. П. пол кўркам чиқади, товуш ва иссиқликни унча ўтказмайди. Қаттиқ жинсли дарахт (заранг, эман, қайин, ёнғоқ, қора қайин ва б.) дан тайёрланади.

Планкали (йиғма), шчитли ва листли хиллари бор. Планкали П. узунлиги 150—500 *мм*, эни 35—90 *мм* ва қалинлиги 12—20 *мм* ли тўғри тўртбурчак планка (тахтача)лардан иборат. Ҳар бир планка четларида ариқчалар қилинган. Планка қоплашда олдин полга сийракроқ қилиб тахта қоқилиб, устига картон ёки қоғоз тўшалади. Планкани шу тўшама устига қўйиб, ёнидаги ариқчасига қиялатиб мих қоқилади, ариқчага тирноқ (энсиз юпқа тахтача) тиқилади, тирноқнинг ариқчадан чиқиб қолган қисмини навбатдаги планка ариқчасига киритиб, шу планканинг нариги четидаги ариқчасига мих қоқилади. Планкалар бирин-кетин шу тарзда маҳкамлаб кетилаверади. Планкаларни ҳар хил нақш ҳосил бўладиган қилиб қоқиш мумкин (расмга қ.). П., баъзан, асфальт устига қопланади. Шчитли П. 5×1,5 *м* гача ўлчамли шчит тарзида тайёрланади. Шчитлар сийрак қоқилган тахта устига мих б-н маҳкамланади, шчитлар орасида ҳосил бўлган тирқишга юпқа тахтачалар тиқиб ёпиштирилади. Листли П. қаттиқ ёғоч-толали плиталар устига юпқа (4—6 *мм* ли) тахтачалар ёпиштириб тайёрланади. П. ни рандалайдиган, пардозлайдиган махсус машиналар бор. П. ни ювиб бўлмайди, нам қипиқ, нам латта б-н артилади, одатда, ҳар ойда бир марта махсус П. мастикаси б-н (мовут латта ёки чўтка ёрдамида) пардозлаб турилади.



Паркет нақшлари.

ПАРКИНСОНИЗМ, Паркинсон касаллиги, титроқ фалаж — *марказий нерв системасининг* хроник касаллиги. Бунда ҳаракат функциялари бузилади. Касалликни биринчи бўлиб таърифлаган инглиз врачи Д. Паркинсон номидан олинган. Касаллик 50—60 ёшдаги эркакларда кўпроқ учрайди. Энцефалит, бош мия томирлари атеросклерози, мия травмалари, интоксикациялар (ис газидан заҳарланиш ва ҳ. к.) П. га сабаб бўлади. П. да асосан бош мия ярим шарлари пўсти остидаги тугунларида яллиғланиш ёки дегенератив ўзгаришлар кузатилади. Қасалликнинг асосий белгилари: қўл ва оёқ, баъзан бош ва пастки жағ ҳам титрайди, беморнинг юзи ҳаракатсиз, ниқоб кийгандек қотиб қолади, кўп сўлак оқади, мушаклар тонуси ошади, бемор баъзан узоқ вақт бир ҳолатда қотиб туради, ҳаракатлар чекланиб, киши майда қадам ташлаб юради, ғулдираб гапиради.

ПАРЛАМЕНТ (франц. parler — гапирмоқ, сўзламоқ) — буржуа давлатларида олий ваколатли орган. Биринчи марта 13-асрда Англияда таъсис этилган. 17—18-асрлардаги буржуа революцияларидан кейин реал ҳозирги маъносига эга бўлди. «П.» ваколатли муассаса сифатида Буюк Британия, Франция, Италия, Япония, Канада, Бельгия, Ҳиндистон ва б. мамлакатларда мавжуд. АҚШ ва Латин Америкаси мамлакатларида П. (Олий ваколат органи) конгресс, Швецияда риксдаг, Финляндияда сейм, Норвегияда стортинг деб аталади. П. бир ёки икки палатали бўлади. Федератив давлатлар (АҚШ, Канада, ГФР, Австралия ва б.) да П. икки палаталидир. Икки палатали П. нинг қуйи палатаси ва бир палатали П. ҳамма вақт тўғридан-тўғри сайлов йўли б-н, юқори палата тўғридан-тўғри (АҚШ, Италия) ёки кўп босқичли сайлов йўли б-н (Ҳиндистон, Франция) тузилади; юқори палата аъзоларининг бир қисми П. га ворислик йўли б-н ўтади ёки тайинланади (Буюк Британия, Канада). Палаталарда қонун лойиҳалари ва б. масалаларни олдиндан кўрадиган комитетлар ёки комиссиялар тузилади.

П. функциясига қонун чиқариш, давлат бюджетини қабул қилиш, халқаро шартномаларни ратификация қилиш, конституцион назорат органларини тайинлаш масалалари киради (яна қ. *Парламентаризм*).

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯЛАРИ— буржуа давлатларида парламентлар (ҳар бир палата ёки ҳар иккала палата) томонидан ташкил этиладиган ёрдамчи орган. Қонун чиқарувчи П. к. муҳим ўрин тутади. Бу комиссиялар парламент қабул қиладиган қонун, резолюция ва б. ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқади. Қонун чиқарувчи П. к. ваколат муддати ва компетенция доирасига кўра, доимий (парламент ваколати муддатининг охиригача), вақтли, махсус ва б. комиссияларга бўлинади. Кўпгина буржуа давлатлари (АҚШ, Франция, Италия, ГФР, Финляндия)да парламент махсус (иқтисодий, қ. х., молиявий, ташқи ишлар, ҳарбий ва б. бўйича) қонун чиқарувчи доимий П. к. тузади. Вақтли комиссиялар бирон-бир конкрет масалани ҳал этиш учун ташкил этилади. АҚШ, Италия ва б. давлатларда қонун лойиҳаларини кўришда П. к. га кенг ваколатлар берилган. П. к. расман сайланса-да, амалда тайинланади.

Социалистик давлатларда давлат ҳокимиятининг олий органлари турли бошқариш соҳалари бўйича комиссиялар ташкил этади (бу ҳақда қ., *Доимий комиссиялар*).

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ — буржуа вакиллик системаси. П. тарихи Англияда 1215 йили қабул қилинган «Эркинликнинг Буюк Хартияси»дан бошланади. П. феодализм негизида шаклланган капиталистик ишлаб чиқариш муносабатлари маҳсули бўлиб, у шу иқтисодий тузумга хос бўлган меҳнат тақсимотини давлат ҳокимиятини амалга ошириш ва давлатни бошқаришга татбиқ қилишни акс эттиради. Ҳокимият учун курашга отланаётган буржуазия синфи 18-аср француз мутафаккири Ш. Монтескьёнинг гояларига асосланиб, гўё давлатни оқилона тузиш ва ташкил қилиш учун ҳокимиятни аввало қонун чиқарувчи, ижро қилувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш кераклигини даъват қилган ва шу йўл б-н феодал давлат механизми системасида мамлакатда қонун чиқариш ва судловни амалга ошириш устидан ўз назоратини ўрнатишга, ҳатто ҳукуматни ташкил қилишда қатнашишга муваффақ бўлган, натижада П. нинг шаклларидан бири — конституцион монархия (Англия ва б. мамлакатларда) таъсис қилинган. Буржуазия ҳокимиятни тўла қўлга олган давлатлар — буржуа-демократик республикаларида ҳукумат парламент томонидан тузилган ва у парламент олдида жавобгар бўлган (Франция ва б. да). Шундай буржуа парламентар давлатлар ҳам борки, уларда ҳукуматни тузишда президент катта ваколатга эга ва ҳукумат бевосита президент олдида жавобгар (мас., АҚШ ва б. да).

П. да қонун чиқарувчи ҳокимият асосан буржуазия синфи томонидан сайланиб қўйилган вакиллик органида мужассамлашади. Бу вакиллик органини таъсис қилишда меҳнаткашлар деярли қатнашмайди. В. И. Ленин қайд қилганидек, «фақат парламентчи-конституцион монархиялардагина эмас, балки энг демократик республикаларда ҳам буржуа парламентаризмининг ҳақиқий моҳияти — ҳукмрон синфнинг қайси аъзоси парламентда халқни бостириши, янчиши керак, деган масалани бир неча йилда бир марта ҳал қилишдан иборат» (В. И. Ленин, Асарлар, 25-том, 465-бет). Парламентнинг амалдаги мавқеи, унинг ҳукумат б-н муносабати буржуа жамияти тараққиётининг турли босқичларида турлича мазмунга эга бўлиб, бу ҳолат кўп жиҳатдан буржуа доираларидаги прогрессив ва реакцион гуруҳлар, уларнинг сиёсий партиялари ўртасидаги кучлар нисбатига боғлиқдир.

Ишчилар синфи ва унинг партиялари айрим мамлакатларда буржуа парламентларидан ўз сиёсатларини амалга оширишда, тинчлик, озодлик, социализм учун курашда фойдаланадилар.

Ад.: Левин И. Д., Современная буржуазная наука государственного права. Критика основных направлений, М., 1960; Крылов Б. С., Парламент буржуазного государства, М., 1963; Мишин А. А., Центральные органы власти буржуазных государств, М., 1972.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ — миллий парламент группалари уюшмасидан иборат (ҳукуматлар қарамоғида бўлмаган) халқаро парламент группаларини ўз ичига олади (1974 йил 1 январь). 1922 йили қабул қилинган Уставга кўра, П. и. нинг мақсади ваколатли муассасаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишида хамда халқаро тинчлик ва ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш манфаатлари йўлида барча парламентлар аъзолари ўртасида шахсий алоқаларни кенгайтиришдан, ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари учун уларни бирлаштиришдан иборат. П. и. нинг қарори мажбурий кучга эга эмас. Бироқ П. и. қарорлари жаҳондаги кўпчилик мамлакатлар қонун чиқарувчи органлари вакиллари фикрининг ифодаси бўлгани учун бу қарорлар жаҳон жамоатчилигига, ҳукуматлар ва б. халқаро ташкилотларга маълум даражада таъсир кўрсатади.


П. и. нинг олий органи — йилда 1 марта чақириладиган конференция. Конференциялар ўртасида ташкилотга (ҳар бир миллий парламент группасидан 2 вакил иштирок этадиган) Парламентлараро кенгаш раҳбарлик қилади. Кенгаш раиси 4 йилга сайланади; у кенгаш ва П. и. нинг маъмурий органи — Ижроия комитет ишига раҳбарлик қилади. Доимий ёки муваққат комиссиялар муҳокамага қўйиладиган масалаларни кўриб чиқади, шунингдек конференцияларнинг резолюция лойиҳаларини тайёрлайди ва ҳ. к. П. и. секретариати — Парламентлараро бюро бўлиб, Женевада жойлашган, уни кенгаш томонидан 4 йилга сайланадиган бош секретарь бошқаради. *СССР Олий Совети парламент группаси* бу иттифоққа 1955 йилдан аъзо.

ПАРМА — Италиянинг шимолий қисмидаги шаҳар. Эмилия-Романья областида. Парма провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 174,4 минг киши (1971). Транспорт йўлларининг муҳим узели. Қ. х. машинасозлиги, консерва саноати учун ускуналар ишлаб чиқариш, ойна, цемент, нефтни қайта ишлаш, тўқимачилик, пойабзал, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Ўғит, дори-дармон, атир-упа (машҳур «Парма бинафшаси» атири) ишлаб чиқарилади. Ҳар йили П. да халқаро консерва кўргазмалари ўтказилади. Ун-т (1065 йилдан), Нафис санъат академияси, консерватория, Хитой санъати музейи ва ҳ. к. лар бор. П. қадимий шаҳар, мил. ав. барпо қилинган. 1860 йилда Италияга қўшилгунча турли маъмурий бирликлар таркибида бўлиб келган. 11—17-асрларга онд архитектура ёдгорликлари сақланган.


ПАРМА — металл, ёғоч ва б. материалдан ясалган буюмларга тешик очишда ишлатиладиган кесувчи асбоб. Иш ва қуйруқ қисмидан иборат. Иш қисмида кесиш элементлари жойлашган. Қуйруқ қисми конус (П. ни патронга ўрнатиш учун) ва цилиндр (П. ни станок ёки коловратга ўрнатиш учун) шаклли бўлади. Металл ишлашда спираль П. кенг қўлланилади (1-расм). Унинг иш қисми кесувчи қирралардан, қириндини чиқариб турувчи ариқчалардан, П. ни тешикда тўғри йўналтирувчи лентачалардан иборат. П. учидаги бурчак (2φ) пўлат ва чўяини ишлаш учун 116°—118°, юмшоқ материалларни ишлаш учун эса 130°—140° олинади. П. лар углеродли ёки кескир пўлатдан ясалади, баъзан, кесувчи қирраларига қаттиқ қотишмалардан тайёрланган пластина ёпиштирилади. Тузилишига кўра, спираль (винтсимон), чуқур тешиклар тешадиган, марказловчи, патсимон тиғли ва б. П. лар бўлади.

Ёғоч буюмлар учун мўлжалланган П. ларнинг кесувчи қисми бошқачароқ тузилган (2-расм). Цилиндрик ва винтсимон хиллари бўлинади. Цилиндрик П. нинг марказловчи ва қошиқли, винтсимон П.нинг спиралсимон, шнексимон, штопор ва б. хиллари бор.

ПАРМАЛАШ — металл ва ёғоч буюмларига тешик очиш, чуқурча ўйиш. П. тартаракли қўл *парма*, механик асбоблар (электр парма, электр дрель), пармалаш станоклари, пармалаш авто-



1-расм. Металл ишлашда қўлланадиган парманинг элементлари.



2-расм. Ёғоч пармалайдиган пармалар: *а* — штопор бурги; *б* — чуқур пармалайдиган бурги; *в* — қошиқ парма; *г* — перолик марказловчи парма; *д* — шнексимон ва спираль парма; *е* — разсенковка.



Пармузин Б. С.

матлари, токарлик станоклари ва б. да бажарилади.

ПАРМАЛАШ СТАНОКЛАРИ — металл ва ёғоч буюмларга цилиндрик тешиклар очиш, ариқча ва уялар ўйиш, уларга ишлов бериш учун мўлжалланган станоклар. П. с. да кесувчи асбоблар (*парма, развёртка, зенкер,* кескичли каллаклар) *шпинделга* ўрнатилади ва шу шпиндель б-н бирга ҳаракатланади. П. с. нинг столга ўрнатиладиган, радиал-пармалаш, пармалаш-йўниб кенгайтириш ва б.; бир ва кўп шпинделли; вертикал ва горизонтал хиллари бор. Радиал П. с. дан бошқа станокларда фақат шпиндель қаршисидаги тешик, ариқча ёки уялар ишланади. Радиал П. с. да деталнинг исталган жойига тешик очиш мумкин. Унда пармалаш каллаги ва шпиндель асосий двигатель б-н бирга траверса бўйлаб силжийди; траверсани алоҳида двигатель ёрдамида гильза бўйлаб юқорига-пастга силжитиш ва колонна атрофида айлантириш мумкин. Радиал станок плитага қўзғалмас қилиб маҳкамланган.

Расмда вертикал пармалаш станоги кўрсатилган.

ПАРМАНЧАК — қ. *Маймунжон.*


ПАРМЕНИД (тахм. мил. ав. 540 йилда туғилган) — қадимги юнон философи, *элей мактаби* вакили. П. Анаксимандр ва пифагорчилар б-н ғоявий яқин бўлган. Философиядан ташқари қонуншунослик б-н ҳам шуғулланган. П. философиясининг моҳияти шундаки, у тафаккур б-н сезгиларни ва шунга мувофиқ равишда тафаккур ёрдамида билинадиган дунё б-н сезгилар ёрдамида билинадиган дунёни бир-биридан кескин фарқлаган. Бу П. нинг чинакам фалсафий кашфиёти эди. П. тафаккур б-н унга мувофиқ келадиган (фикрда акс этган) дунёни «бир бутун», «ягона» абадий ва қўзғалмас, бир хил, бўлинмас ва тугал деб билган. Унинг фикрича, худолар учун ўтмиш ҳам, келажак ҳам йўқ, фақат ҳозирги замонгина мавжуд. П. борлиқ ва тафаккурнинг айнанлигини биринчи бўлиб таърифлаб беришга уринди. Гарчи, П. дунёни ҳиссий билишни инкор этмаган бўлсада, аммо уни фалсафий ва илмий тушуниш учун фақат ҳиссиётнинг ўзи етарли эмас деб кўрсатди. П. фикрича, ақл-идрок ҳақиқат мезонидир. П. дунёни илк юнон натурфилософияси руҳида баён қилган.

ПАРМИТАН — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Ертепа қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» с-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Қаршидан 12 *км.* Аҳолиси 569 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПАРМУЗИН Борис Сергеевич (1924. 20. 9, Воронеж обл. Верхний-Карачан р-ни) — рус совет шоири, ёзувчиси, журналисти ва таржимони. УзССРда хизмат кўрсатган маданият ходими (1973). 1951 йилдан КПСС аъзоси. Улуг Ватан уруши қатнашчиси (1943—45). Тошкент Давлат юридик ин-тини тугатган (1948). УзЛКСМ МҚ да инструктор (1948—51) ва «Комсомолец Узбекистана» газетасида бўлим мудири (1951—52). «Звезда Востока» журналида муҳаррир ўринбосари (1969—74). 1975 йилдан Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси раиси ўринбосари. Илк шеърлар тўплами «Қўшиқнинг туғилиши» 1954 йилда нашр қилинган. «Қадимги бухоролик қиз» (1960), «Қутилмаган йўллар дафтари» (1962), «Таниш» (1972) каби шеърий китобларини яратган. Ҳарбий ватанпарварлик мавзуи П. ижодида етакчи ўрин тутади. «Гувиллар қор бўрони» (1956), «Қичик ҳикоялар» (1956), «Кўримсиз одам» (1958), «Ҳорманг» (1959), «Чўл шоввозлари» (1964) ҳикоялар китоби, «Чегарадан саксон километр нари» (1959), «Жадвал яна бузилди» (1965) қиссалари, «Махсус буйруққача» (1973) каби романида Туркистон ҳарбий округи жангчиларининг жасорати; совет чекистларининг матонати акс этган. П. ўзбек ёзувчиларининг бир қанча асарларини (Ойбекнинг «Қуёш қораймас», «Нур қидириб» ва б.) рус тилига таржима қилган.

Ас.: Память. Рассказы. М., 1972; До особого распоряжения. Роман-Хроника. Т., 1973; Признание. Лирика. Т., 1972; Цвет восточного неба. Повесть. Т., 1975.


ПАРНИК — усти ойнаванд ромлар ёки шаффоф плёнка б-н ёпилиб, деҳқончилик қилинадиган жой. П. да, асосан, кўчат ва эртаги сабзавот етиштирилади. Сабзавотчиликда П. нинг бир ва икки нишабли; чуқур ва ер устки; офтоб, биологик ёқилғи ва техника воситалари (сув ҳамда электр) ёрдамида иситиладиган турлари бор. Ўрта Осиёда биологик ёқилғи б-н иситиладиган чуқур, бир нишабли (20 ромли) П. кўп ишлатилади. П. ромлари, асосан, 160××106 *см,* Узбекистонда, баъзан 213×107 *см* қилинади. Қандай экин экилиши ва фойдаланиш муддатига қараб, П. иссиқ, илиқ ва совуқ бўлади. Иссиқ П. 70—80 *см* чуқур қилиниб, 50—60 *см* қалинликда янги гўнг солинади ва қишда фойдаланилади. Илиқ П. 50—60 *см* чуқур қилинади, 30—40 *см* қалинликда гўнг солинади ва эрта баҳорда фойдаланилади. Совуқ П. 25—30 *см* чуқур қилиниб, гўнг солинмайди. Кўчат етиштириладиган П. даги биологик ёқилғининг қалинлиги 10—12 *см,* пикировка қилинадиган П. даги эса 15—18 *см,* ердан П. ромигача бўлган оралиқ 8—12 *см* бўлади. Баъзи хўжаликларда усти плёнка б-н ёпиладиган П. қурилади. Бунда плёнка УРП-20 (ён тахталар, старапилалар ва харидан иборат парник) кўчма ёпқичга тортилади. Бундай П. нинг эни 1,6 *м,* бўйи 6 *м* бўлади. Плёнка ёпилганда П. икки нишабли бўлиб қолади (яна қ. *Парник хўжалиги*).



Механик сургичли вертикал пармалаш-ўйиш станоги (СВА): *1*—суриш электр двигатели; *2*—шпинделларни ҳаракатлантириш электр двигатели; *3* — шпиндель; *4*—қисқич; *5* — стол; *6*—столни ёнлама суриш маховиги.

Ад.: Балашев Н. Н., Земан Г. О., Сабзавотчилик, Т., 1962; Босс Г. В., Овощные культуры в закрытом грунте, Л., 1968; Сабзавотчиликка оид справочник, Т., 1973.

ПАРНИК ХЎЖАЛИГИ — *парник*ларда кўчат ва эртаги сабзавот етиштириладиган хўжалик. Парниклар текис ёки жанубга, жануби-шарққа қияроқ, соя тушмайдиган, ер ости сувлари 1,5 *м* дан чуқур жойларга қурилади. Парник қуриладиган майдон квартал ларга бўлиниб, ҳар қайси кварталга 25 та 20 ромли парник жойлаштирилади. Парниклар орасида 0,7—0,9 *м* кенгликда йўл қолдирилади. Бир томонга нишаб парниклар ғарбдан шарққа, икки нишаблилари эса шимолдан жанубга қараб ўрнатилади. Парникларнинг эни бўйлаб, кварталнинг бир томонидан 10 *м,* иккинчи томонидан 15 *м* кенгликда йўллар қолдирилади. 10 *м* ли йўлларда парник тупроғи, 15 *м* лида эса биологик ёқилғи (торф, гўнг, чириндн ва б.) сақланади. Кварталлар орасида парниклар бўйлаб транспорт юриши учун 5—6 *м* кенгликда йўллар қолдирилади.



Бир нишабли чуқур парникнинг кўндаланг кесими.

Майдони катта хўжаликларда парниклар бир қатор жуфт-жуфт қилиб жойлаштирилиб, ҳар қайсиси орасида трактор юриши учун 2,5—3 *м* жой қолдирилади. Бунда парник тупроғи ва биологик ёқилғи яқинроқдаги алоҳида майдонда сақланади.

П. х. да ром ва бордонлар сақланадиган айвон, асбоб-ускуналар қўйиладиган омбор, ромларни тузатиш ва ойна солиш учун устахона, ходимлар хонаси, кўчат иссиқхонаси, сув минораси, тувакчалар тайёрланадиган бино ва ҳ. к.; умумий ва махсус техника воситалари бўлиши керак. Чимли тупроқ тайёрлаш, тупроқ ва компостни ағдариб туриш, биологик ёқилғини қирқиб бўлиш ишлари Э-153А маркали экскаватор, СНУ-40М маркали аралаштиргич-юклагич, ПГ-0,5Д ёки ПШ-0,4 маркали юклагич; чириндини сочиш иши ТП-5-30 маркали сочкич; парникларни тозалаш, уларга биологик ёқилғи ва тупроқ солиш ишлари юклагичлар ёки платформа тиркалган Т-16 маркали ўзи юрар шасси ёрдамида қилинади. Иирик П. х. да парникларни тозалаш, уларга биологик ёқилғи ва тупроқ солишда АОП-30 маркали агрегат ва элеватор типидаги ППС-1,62 маркали ўзи юрар юклагич ишлатилади. Кўчат тувакчалари автомат, ярим автомат ва дастаки станокларда тайёрланади. Парникларга уруғ махсус сеялкаларда сепилади. Бордон МВИ-250 маркали бордон тўқиш машинасида тайёрланади. Тупроқни зарарсизлантириш учун СТАЗР-ВСХВ маркали стерилизатор, буғлатиш агрегати ёки АГ-УД-2 маркали аэрозоль генератор; ўсимликларни дорилашда дастаки ва трактерга тиркаладиган узун шлангли пуркагич ҳамда чанглагичлардан фойдаланилади. Бундан ташқари, маркер, хаскаш, зичлагич, паншаха, белкурак, челак ва б. бўлади (яна қ. *Парник*).

Ад.: Боос Г. В., Овощные культуры в защищенном грунте, Л., 1968; Балашев Н. Н., Земан Г. О., Овощеводство, [Учебник], 3 изд., Т., 1972.

ПАРНИК ЭКИНЛАРИ — *парник*да ўстириладиган сабзавот ўсимликлари. Парникда болдиринг, помидор, гулкарам, редиска ва кўкат сабзавот (салат, шпинат, укроп, петрушка, сельдерей, пиёз ва б.) ўстирилади.

Бодринг — парникда Ўзбекистон-740, Тошкент-86 маҳаллий навлар ва Европадан келтирилган неросимий нави етиштирилади. Иссиқ ёки илиқ парникка гўнг-чириндили тувакчаларда 3—5 чин барг чиқарган кўчати ўтқазилади. Қатор оралиғи 60—70 *см,* қатордаги туп оралиғи 25—35 *см* дан икки қатор экилади ва дарҳол суғорилади, парникнинг ромлари бекитилиб, бордон ёпиб қоронғилатилади; парник ҳавосининг т-раси кундузи 25—28°, тунда 15—20°, нисбий намлиги 85—95% бўлиши керак. Кўчат ўтқазилгандан 10—15 кун ўтгач, 10 *л* сувга 15—30 *г* аммиакли селитра, 40—60 *г* суперфосфат ва 20—30 *г* калий хлорид аралаштириб тайёрланган эритма б-н ҳар 8—10 кунда озиқлантирилади. Усимликлар сунъий чангланади. Ҳар бир ромдан 8—14 *кг* ҳосил олинади.

Помидор — парникда эртапишар перемога-165 ва талалихин навлари ўстирилади. 5—6 чин барг чиқарган 50—60 кунлик кўчатлар оралиғини 25—35 *см* дан қилиб уч қатор ўтқазилади. Ҳаво исиб кетгач, парник ромлари олиниб, туплар ёнига ўрнатилган қозиқларга боғлаб қўйилади. Парник ҳавосининг т-раси кундузи 25—28°, тунда 12—18°, нисбий намлиги 60—65% бўлиши керак. Помидор гуллагач, минерал ва органик ўғитлар эритмаси б-н ҳар 10—15 кунда озиқлантирилади. Минерал ўғитлар 10 *л* сувда 20—30 *г* аммиакли селитра, 30—40 *г* суперфосфат ва 15—20 *г* калий хлорид аралаштириб тайёрланган эритма ҳолида берилади. Усимликларда 1—3 тадан поя қолдирилиб, ортиқча шохлари олиб ташланади, учи чилпилади. Ҳар бир ромдан 10—12 *кг* ҳосил олинади.

Гулкарам — парникда эртаги грибовский, отечественний ва снежинка навлари ўстирилади. 3—5 баргли кўчатлари февраль бошларида туп ораларини 25—30 *см* дан 3—4 қатор ўтқазилади. Ҳар бир ромдан 4—6 *кг* ҳосил олинади. Парвариши далага экилган гулкарамникидан фарқ қилмайди.

Редиска — парникда сакса ва оқ учли пушти эртапишар навлари ўстирилади. Р. ни йилнинг бутун совуқ даврида ҳам парникда ўстириш мумкин, у кўкариб чиққач, 30—40 кунда етилади. Уруғи қўлда ёки парник сеялкасида ҳар бир ром остига 4—7 *г* дан февраль бошларида сепилади. Биринчи чин барг чиқиши б-н ягона қилиниб, экин 3—5 *см* ораликда қолдирилади. Парник ҳавосининг т-раси 15—18°, майса кўкариб чиққач, 5—6° бўлиши, парник тез-тез шамоллатиб ва суғориб турилиши керак. Ҳар бир ромдан 5—8 *кг* ҳосил олинади.


Кўкат экинлар — йилнинг ҳамма фаслида парникда ўстирилиши мумкин. Ҳар бир ром остига 1,5—2 *г* салат, 30—40 *г* шпинат ёки укроп уруғи сепилади: 8—12 *г* петрушка, 13—15 *г* сельдерей илдиз меваси ва 10—16 *г* майда пиёз экилади. Булар октябрдан бошлаб экилиб, январдан йиғиштириб олинади. Парник ҳавосининг т-раси кундузи 12—18°, тунда 6—8° бўлиши, экинлар яганалаб ва суғориб турилиши керак. Ҳар бир ромдан 4—6 *кг* салат ва шпинат, 2—3 *кг* дан укроп, 5—8 *кг* дан сельдерей, 8—10 *кг* дан петрушка, 15—18 *кг* дан кўк пиёз олинади.

Ад.: Балашев Н. Н., Земан Г. О., Овощеводство, [Учебник], 3 изд., Т., 1972.


ПАРО... (рус. пар—буғ) — қўшма сўз бўлаги. Буғ кучи б-н ҳаракатланувчи парсага оидликни билдиради, мас., паротурбина, пароход.

ПАРОВОЗ (*паро...* ва возить — элтиш) — поездларни рельсли изда тортиш учун мўлжалланган ўзи юрар буғ-куч қурилмаси; *локомотив*нинг бир хили. Асосий қисмлари: қозон, буғ машинаси, экипаж ва тендер. Кенг (СССРда 1524 *мм*) ва тор (1000, 900 ва 750 *мм*) изда юрадиган, юк ва пассажир поездларини тортадиган ҳамда маневр мақсадларида фойдаланиладиган хиллари бор. П. да асосан, кўмир ва нефть, баъзан, ўтин ёқилади. Сув ва ёқилғи запаси тендерда сақланади.

Биринчи П. — «Ракета»ни (қуввати 12 о. к., тезлиги 22 *км/соат*) Англияда Ж. Стефенсон 1829 йилда ясаган. Россияда биринчи П. ни Е. А. ва М. Е. Черепановлар 1833—34 йилларда ясашган. 19-асрда ва 20-аср бошларида П. юк ва йўловчиларни ташишга имкон берадиган паровозлар ишлаб чиқарилган.



Е. А. ва М. Е. Черепановлар ясаган паровоз.



СССРда 1940 йилларда ишлаб чиқарилган Л серияли 1—5—0 типдаги паровоз.

ган ягона машина ҳисобланган. Ҳозирги П. ларнинг қуввати 4000 о. к. га, тезлиги 130 *км/соат* га етади. 20-аср ўрталаридан бошлаб анча тежамли локомотивлар — *тепловоз* ва *электровоз*нинг тез такомиллашиши натижасида П. ишлаб чиқариш кескин қисқарди. СССРда магистрал П. лар ишлаб чиқариш 1957 йилда тўхтатилди, лекин мавжуд П. лардан ҳали ҳам фойдаланилмоқда.

ПАРОДИЯ (юнон. parodia — зид қўшиқ) — ҳажв турларидан бири. Адабиёт, музика ва тасвирий санъатда бирор санъаткор ижоди ёки айрим асарининг услубига тақлид қилиш йўли б-н танқид руҳида яратилган асар. Бадиий ижод соҳалари, авторнинг дунёқараши, ғоявий позицияси, шунингдек ижтимоий ҳаётдаги ҳар хил иллатлар П. объекти бўла олади. Ёзувчи ижодининг ташқи хусусиятлари, адабий услублари, кўп ишлатадиган жумлалари, нутқий изоҳлари киноя йўли б-н П. қилинади. П. да объектнинг шакли, оҳанги, услуби сақланади.

П. антик даврда, милоддан аввал пайдо бўлганлиги маълум. П. кўпгина жанр хилларини қамраб олган. В. В. Маяковский ўз поэзиясида П. дан тез-тез фойдаланиб турган. Бу жиҳатдан унинг «Молчанов томонидан тарк этилган севимлисига хат» асари характерлидир.

П. кўпинча муболаға характерида бўлади. Унда нуқсонлар, камчиликлар, хатолар оширилиб кўрсатилади, қаттиқ танқид қилинади. Совет даврида П. нинг янги, юмористик хусусияти пайдо бўлди ва ривожланди. Унда нуқсонлар, хатолар ўртоқлик танқиди б-н қораланади. Мас., А. Қаҳҳорнинг «Нутқ», «Бизнинг мулоҳазаларимиз» асарлари ва б. Баъзи шоирларнинг бадиий бўш, мазмунан саёз шеърларига ҳам П. қилинади.

Театр, цирк ва эстрадада ҳам П. мавжуд. Қадимги Юнонистонда Аристофан адабий ва саҳнавий ҳаётдаги баъзи консерватив ҳодисаларни П. қилувчи «Булутлар», «Қурбақалар» каби комедиялар ёзиб саҳналаштирган. Кейинчалик ҳатто махсус П. театрлари ҳам бўлган. Мас., Россиядаги «Қийшиқ кўзгу» театри ва б. 17—18-асрларда опера П. лари яратилган (Ж. Гей, «Гадо операси» ва б.), 19-аср операсида пародик-сатирик йўналиши б-н ажралиб туради (айниқса, композиторлар Ф. Эрве ва Ж. Оффенбах ижодида). Совет эстрадасида А. Райкин, С. Образцов, Г. Дудник, Е. Арнольдова ва б. нинг П. лари машҳур. Рус ва совет циркида В. Лазаренко, С. Альперов ва Бернардо, Б. Вяткин, Д. Альперов ва М. Калядин, Эйжен ва Лепом, Карандаш ва б. П. нинг моҳир ижрочиларидир. П.-фильмлар ҳам яратилмоқда («Лимонад Жо», 1964, ЧССР ва ҳ. к.).

Узбекистонда масхарабоз ва қизиқчилар театрида *муқаллид* номли П. лар бўлган. Ҳожи Там-там (Ҳожи Қурбон Ҳамидов), Охунжон Ҳузуржонов, Сафар Масхара Абдуллаев кабилар созанда ва ҳофизларни П. қилишда маҳорат кўрсатишган. Ҳозирги даврда П. ўзбек цирк коллективларида эстрада концертларида учрайди. Телевизион миниатюралар театрида радиотеатр ва қўғирчоқ театрида ҳам П. дан фойдаланилади.

ПАРОДОНТОЗ (*пара*... ва юнон. odontos — тиш), альвеоляр пиорея, амфодонтоз — жағ тишларни ўраб турувчи тўқималарнинг яллиғланиши. Қаттиқ нарсаларни чайнаб тишга зўр бериш, нотўғри тишлаш, тишни нотўғри парвариш қилиш, пломба, сунъий тишларни тўғри қўймаслик, шунингдек атеросклероз, *подагра*, диабет каби умумий касалликлар ва эндокрин системалар касалликлари П. га сабаб бўлади. Касалликда милк яллиғланиб қизаради, қичишади ва тиш илдизи атрофидаги милк чўнтакчасидан йиринг ажралади. Тиш чўтка б-н ювилганда ёки қаттиқроқ таом истеъмол қилинганда милк қонайди. Оғиздан қўланса ҳид келади. Муздек ва иссиқ овқат ичилганда, нордон ва ширин нарса ейилганда, совуқ ҳаводан нафас олинганда тиш зирқираб оғрийди. П. натижасида овқат чайнаш ва ҳазм қилиш бузилади. Уз вақтида даво қилинмаса, тишларнинг анатомик шакли ўзгармай, чиримай туриб, аста-секин қимирлаб тушиб кетади. П. кенг тарқалган: ўрта яшар кишиларнинг 50% ида, ўсмирларда ва, ҳатто, болаларда ҳам учрайди. П. белгилари пайдо бўлиши биланоқ стоматолог врачга мурожаат қилиш керак. Касалликнинг олдини олиш учун тишни ҳар куни тозалаб ювиш, ярим йилда бир марта мутахассис врачдан маслаҳат олиб даволаниш лозим.

ПАРОКАНДА — Наманган обл. Учқўрғон р-ни Қўғайўлмас қ. С. даги қишлоқ. «Ленинчи» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 19 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўғайдан 7 *км*. Аҳолиси 1330 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб бор.

ПАРОКСИЗМ (юнон. paroxysmos — таъсирланиш) — касалликнинг вақт-вақти б-н тўсатдан кучайиши; мас., оғриқнинг бирдан зўрайиши (*стенокардияда*), юракнинг тез ура бошлаши (*тахикардияда*), йўтал тутиши (*кўкйўталда*), иситма тутиши (*безгакда*) ва б. П. термини, шунингдек кучли эмоционал ҳолат (яъни ғазаб П. и, умидсизлик П. и) ни ҳам англатади.

ПАРОЛЬ (франц. parole — сўз) — маълум муддатга белгиланган махфий сўз. Совет Қуролли Кучларида П. ҳар куни қоровуллик хизматини ўташда гарнизон қоровуллари учун гарнизон коменданти томонидан, ички қоровуллар учун қисм штабининг бошлиғи томонидан белгиланади. Қоровул хизматида П. смена алмашиш учун келган шахснинг ҳақиқийлигини тасдиқлайди, шунингдек қўриқланаётган жой ёки объектга кириш ҳуқуқини беради. Амал қиладиган П. ва кейинги сутка учун белгиланган П. қоровулларни развод қилиш (алмаштириш) пайтида қоровул бошлиғи томонидан эълон қилинади. П. ни билган ҳар бир шахс уни ниҳоят даражада махфий сақламоғи зарур. Рус армиясида *Дала устави* (1912) юзага келгунга қадар П. қоровуллик хизматида эмас, балки соқчилик хизматида ҳам қўлланилган. Шунингдек, П. яширин ташкилотларда ҳам қўлланилади.

ПАРОМ — одамлар, транспорт воситалари, юкларни сув орқали ўтказадиган (ўзи юрар ёки тортиб юриладиган) иншоот. Кема қатнамайдиган, кичик (эни 100 *м* гача), сокин дарёларда П. учлари қарама-қарши қирғоқларга маҳкамланган трос бўйлаб, кема қатнайдиган катта дарёларда П. блоклар ва занжирлар ёрдамида сув тагига қўйилган кабель бўйлаб силжийди. Узи юрмайдиган П. буксир кемалар ёки эшкаклар ёрдамида силжитилади. Катта бўғозлардан олиб ўтишда П. сифатида махсус ёки мослаштирилган ўзи юрар кемалардан фойдаланилади (расмга қ.). П. юк платформаси маҳкамланадиган сузувчи таянч (қайиқ, понтон, баржа)дан иборат. П. кам юк ташиш ёки кўприк қурилгунча вақтинча ўтказиб туришда қўлланилади. Ўзбекистонда Сирдарёда П. дан фойдаланилади.

ПАРОПАМИЗ ТОҒЛАРИ — Афғонистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги тоғ системаси. Унинг шимоли-ғарбий этаклари — Бодхиз ва Қорабел қирлари ТуркмССР терр-ясида. Кенглик бўйлаб ётувчи тизмалар (Банди Туркистон, Сафедкўҳ ва б.) дан иборат. Узунлиги 600 *км* чамасида, эни 250 *км* гача. Кўп қисмининг баландлиги 3000—3500 *м*; энг баланд жойи 4565 *м* (Ҳисор тизмасида). Тоғлар аксари оҳактош ва сланецлардан, жанубий ва шарқида гранит ва гнейслардан тузилган. Шимолий этаклари лёсс б-н қопланган. Иқлими субтропик, континентал иқлим; водийларда т-ра июлда 24—30°, январда 0—8°. Йиллик ёғин 100—350 *мм*. Ландшафти аксари қисмида тоғ чўли ва даштидан иборат. Сийрак арча ўрмонлари ҳам бор. Ёввойи ҳайвонлардан тоғ эчкиси ва қўйи, жайран, қулон, кемирувчилар ва судралиб юрувчилар яшайди. Аҳолиси тоғларда кўчманчи чорвачилик б-н ҳаёт кечиради. Водийларда боғлар, токзорлар бор, буғдой ва пахта етиштирилади.


ПАРОТИТ (*пара*... ва юнон. otos — қулоқ) — қулоқ олди сўлак безининг яллиғланиши. Эпидемик бўлмаган П. ва *эпидемик* П. фарқланади. Уткир эпидемик бўлмаган П. кўпроқ катта ёшдаги кишиларда кузатилади ва юқумли касалликлар (тиф, дизентерия ва б.), оғир операциялар, безларнинг шикастланиши, стоматит ва ҳ. к. оқибатида пайдо бўлади, кўпинча стафилококк қўзғатади. Касаллик бошланганда дастлаб сўлак безлари шишиб, қаттиқ бўлиб қолади, оғиз қақрайди, пастки жағнинг ҳаракатланиши қийинлашади. Гавда т-раси 38—39°га кўтарилиб, без йўлидан қуюқ, хира сўлак, кейин йиринг ажралади. П. да юз нерви зарарланиб неврит пайдо бўлиши, без массасининг некрозга учраши, абсцесс вужудга келиши ва б. асоратлар қолиши мумкин. Касаллик асосан 10—14 кундан сўнг йўқолади, баъзан сўлак оқмалари кузатилади ёки қайталаб турадиган хроник П. келиб чиқади.

Давоси. Шишни қайтарувчи дори-дармонлар, сўлак ажралишини камайтирадиган препаратлар, антибиотиклар қўлланилади, парҳез буюрилади. Абсцесс ҳосил бўлганда операция қилинади.

ПАРОХОД (*паро*... ва ход — йўл) — *буғ машинаси* ёки *буғ турбинаси* ҳаракатлантирадиган ўзи юрар кема. Пассажир ва юк П. лари бор. Буғ машинаси ўрнатилган биринчи ёғоч П. 1802 йилда Англияда пайдо бўлди. Россияда буғ машинали биринчи П. 1810 йилда қурилди. Петербург б-н Кронштадт орасида қатнаган (1915) «Елизавета» П. и дунёда биринчи денгиз кемаси ҳисобланган (яна қ. *Кема*).

ПАРПАША — ипак ва ип аралаштириб тўқилган газлама. Косиб дўконларида *полотно*га

ўхшатиб тўқилган. Нафис, йўл-йўл чизиқлари бўлган. П. да ўриш ипи сифатида оҳорлаб оқартирилган ипак толаси, *арқоқ* ипи сифатида нилга бўялган ип ишлатилган. Тўқ кўк чизиқларни ҳосил қилиш учун кўпинча, маълум интервалдан кейин ўриш иплари ташлаб кетилиб, арқоқ ипларни ялангочланган. Баъзи манбаларга қараганда, Октябрь инқилобига қадар П. ўришида шойи, арқоғида эса жун ишлатилган. П. Наманган, Марғилон, Бухоро, Тошкент ва б. жойларда кўплаб тайёрланган. 20-аср бошларигача П. дан асосан, паранжи, яктак, шунингдек эркак ва аёллар учун уст кийим тикилган.



«Южный» паром-теплоэлектроходи.


ПАРПИ, аконит (Aconitum) — айиқтовондошлар (айиқтовонгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Илдизи картошкасимон, йўғонлашган, пояси тик, бўйи 70—130 *см*. Барглари панжасимон қирқилган ёки панжасимон мураккаб, пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари сариқ, кўк, бинафша, баъзан оқ, тўпгули шингилсимон. Меваси кўп уруғли. Шимолий ярим шарда 300 тури бор; шундан СССРда 75 тури учрайди. Кўп турлари заҳарли. Медицинада 2 тури — қоракўл П. си ва жунғор П. си ишлатилади. П. нинг бу турлари Тяньшань тоғларидаги сув ёқаларида ва нам ерларда ўсади. Картошкасимон илдизи таркибида 1,5% гача алкалоид (аконитин, зангорин ва б.) бўлиб, настойкаси бод, невралгия, мигрен ва б. касалликларда оғриқни қолдириш учун ишлатилади.

ПАРПИОТА — *Тунка*дан 4 *км* ғарбда (*Имлоқ* тарафда) жойлашган 6-асрга онд тепалик ва қабристон. 1934 йилда М. Е. Массон аниқлаган. Шимолдан жанубга 2 *км* чамаси чўзилган баланд гранит тош девор бағрида жойлашган. Мозор атрофида чилонжийда, аччиқ бодом ва б. дарахтлар ўсади. Кичик булоқ ҳамда сиғлиқ, одам сиғадиган тешик тош бор. Маҳаллий аҳоли П. га сиғиниб келган.

ПАРРАК — 1) *вентилятор, компрессор, насос* ва б. нинг иш қисми: бир ўққа маҳкамланган бир неча куракдан иборат; 2) *самолёт, вертолёт, дирижабль* ва б. нинг учиши учун ҳавода тортиш кучи ҳосил қиладиган қурилма, *ҳаво винти*; пропеллер деб ҳам аталади.

ПАРРАНДАЛАР — қ. *Қушлар*.

ПАРРАНДАЛАРНИ ҲАЛҚАЛАШ — ёввойи қушлар биологиясини ўрганишда фойдаланиладиган усуллардан бири. Тутилган қушлар болдирига номерланган ва шартли адрес ёзилган енгил (одатда алюминдан ясалган) ҳалқа кийдирилади; ҳалқаланган вақти ва жойи рўйхатдан ўтказилиб, ҳалқалаш марказига хабар берилади. Илмий мақсадда П. ҳ. дастлаб Данияда қўлланилган (1899). Шундан бери турли мамлакатларда ҳалқаланган 30,5 млн. дан ортиқ қуш ҳисобга олинган. Қушларни тўлиқ кузатиш учун якка-якка ёки бутун бир тўпи ҳалқаланади. Овчи, илмий ходим ва б. нинг қўлига тушган ҳалқали қуш тўғрисидаги маълумотлар ҳалқалаш марказига юборилади. Шу маълу-



Паррандаларни ҳалқалаш. Чапда—чет элларда. Ўнгда—СССРда ишлатиладиган ҳалқа намуналари; ўртада—ҳалқаланган қуш оёғи.

мотлар асосида у ерда қушларнинг қаерга бориб жойлашганлиги, қай тарафга қанча вақт учганлиги, ҳалок бўлиш сабаблари, қанча яшаганлиги ва бошқалар тўғрисида хулоса чиқарилади. П. ҳ. овчиликни ривожлантиришда турли касаллик паразитлари ҳамда қўзғатувчиларини ташувчи қушларни ўрганишда катта аҳамиятга эга 1962 йилда паррандаларни ҳалқалаш Халқаро комитети (Парижда) тузилган.

ПАРРАНДАХОНА — қ. х. паррандалари асраладиган бино. Паррандаларнинг тури ва ёшига, хўжаликда фойдаланиш йўналишига ҳамда асраш системасига қараб ҳар хил бўлади. 30—60 кунликкача бўлган товуқ жўжалари батареяли цехларда (ерда ёки катакларда), 60—70 дан 140—150 кунликкача бўлганлари эса акклиматизаторларда асралади. Қўпчилик хўжаликларда 1 дан 140—150 кунликкача бўлган жўжалар битта П. да боқилади. Ўрдак ва курка жўжалари, баъзан дастлабки 10—20 кунда батареяли цехларда сақланади. Гўшт учун боқиладиган жўжалар (*бройлерлар*), 1 дан ёки 21 дан 120 кунликкача бўлган курка жўжалари ва 1 дан ёки 10—20 дан 55 кунликкача бўлган ўрдак жўжалари махсус П. да ўстирилади. Вояга етган паррандалар ерда, саноат мақсадида етиштириладиганлари эса ерда ва катакда боқилади. П. эни 12 ёки 18 *м*, бўйи 72, 84, 96 ва 108 *м* қилиб қурилади. Саноат мақсадида боқиладиган 120—150 минг бош товуққа мўлжалланган 4—6 қаватли ва 80 минг бройлерга мўлжалланган 4 қаватли тажриба П. лари қурилмоқда.

ПАРРАНДАЧИЛИҚ — чорвачиликнинг бир тармоғи. Гўшт, тухум, шунингдек пат ва пар етиштириш учун парранда (асосан, товуқ, ўрдак, ғоз ва курка) боқилади. Гўшти учун боқилган 2 —2,5 ойлик товуқ жўжаси 1,4—1,6 *кг* келади. Товуқ 5—6 ойликдан тухумга киради. Товуқ йилига ўртача 250 та тухум қилади. Битта ўрдакдан бир йилда 70—100 жўжа (170—200 *кг* гўшт), битта курка наслидан 100—120 *кг*, битта ғоз жўжаларидан эса 70—160 *кг* гўшт етиштириш мумкин. 60 *г* ли товуқ тухуми таркибида 5 *г* ёғ, 7,5 *г* оқсил, А, В, Д, Е, К витаминлар ва минерал моддалар; гўштининг таркибида эса 20% гача оқсил, 7—8% ёғ ва 1% минерал моддалар бор. Қўплаб тухум ва гўшт етиштириш учун ташкил қилинган, ихтисослаштирилган П. хўжаликлари мавжуд.

1964 йилда П. ишларига раҳбарлик қилиш учун саноат паррандачилик бошқармаси «Узптицепром» ташкил этилди. Паррандачилик инкубатор станциялари; ф-калар ва с-злар унинг ихтиёрига ўтди. Ўзбекистонда ихтисослаштирилган 15 та П. ф-каси, 8 та с-з, 2 та наслчилик з-ди ва 5 та инкубатор станцияси бор. Механизациялаштирилган йирик хўжаликларда 1 *кг* парранда гўшти учун 2—2,5 *кг*, 10 дона тухум учун 1,7—1,8 *кг* аралаш озиқ сарфланмоқда. Чорвачиликнинг бошқа тармоқларидан П. нинг афзаллиги ҳам шунда; шу б-н бирга, П. да маҳсулотни қисқа муддатда кўп етиштириш имконияти ҳам бор. Ихтисослаштирилган янги хўжаликлар барпо этиш ва мавжудларини кенгайтириш эса тухум таннархини камайтириш ва П. маҳсулотини кўпайтириш имконини беради. Мас., «Узптицепром» системасида ихтисослаштирилган П. ҳўжаликлари тузилмасидан олдин (1961 йили) П. корхоналарида жами 7,4 млн. тухум етиштирилган, битта товуқдан эса 96 тухум олинган. Ихтисослаштирилган саноат корхоналари ташкил этилгандан кейин (1973 йили) 319 млн. тухум ва 7,2 минг *т* парранда гўшти етиштирилди, бир товуқдан 186 тухум олинди.

Ўзбекистон паррандачилигида ихтисослаштирилган корхоналар қуйидаги йўналишларда иш олиб бормоқда:

Тухум етиштириш — серпушт товуқ зоти ва линияларини боқиб, товар маҳсулот—тухум олинади. Бундай хўжаликларда етиштириладиган парранда гўшти қўшимча маҳсулот ҳисобланади.

Гўшт етиштириш — гўштдор парранда зоти боқилади, бунда парранда гўшти товар маҳсулот, тухум эса қўшимча маҳсулот (хўжаликлар товуқ, курка, ғоз ва ўрдак жўжаларини боқишга ихтисослаштирилган) бўлади. Бройлер П. ф-калари, ихтисослаштирилган к-з ва с-з фермалари шу йўналишда ишлайди.

Наслчилик ишлари — наслчилик з-дларида, асосан, инкубация қилинадиган тухумлар ҳамда наслдор парранда жўжалари етиштирилади.

СССРда П. бўйича Москва областидаги Бутуниттифоқ паррандачилик илмий тадқиқот технология ин-ти (ВНИТИП), К. А. Тимирязев номидаги Москва Қ. х. академияси, Ўзбекистон Чорвачилик илмий тадқиқот ин-ти, Самарқанд Қ. х. ин-ти ва ҳ. к. да илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ад.: Ўзбекистон паррандачилари учун справочник, Т., 1967; Коняев Н. И., Колобов Г. М., Мясное птицеводство, М., 1960.

ПАРРАНДАЧИЛИҚ ФАБРИКАСИ — парранда гўшти ва тухум етиштириладиган давлат корхонаси. П. ф. да ишлаб чиқариш жараёнлари автоматлаштирилган ва механизациялаштирилган. 100—900 минг ва ундан ортиқ товуқ боқиладиган паррандачилик ф-калари бор. Етиштирадиган маҳсулотига қараб, тухум ҳамда гўшт (бройлер) олиш учун парранда боқиладиган ф-калар мавжуд. Асосан, тухум етиштириладиган П. ф. да парранда гўшти ва инкубация учун тухум, асосан, парранда гўшти (бройлер) етиштириладиган П. ф. да эса инкубацияга яроқсиз тухумлар қўшимча маҳсулот ҳисобланади. Гўшт учун мўлжалланган ф-калар товуқ гўшти, курка гўшти ва ўрдак гўшти етиштириш тармоқларига бўлинади. П. ф. нинг бир ёки кўп қаватли катакларда ва полда (ерда) парранда боқиладиган хиллари бор. Полда парранда боқиладиган П. ф. поли қалин, алмаштирилмайдиган тўшамали, паррандалар яйратиладиган майдончали ёки майдончасиз бўлади.

Тухум олиш учун полда парранда боқиладиган ф-каларда «Промышленный I», «Промышленный II», «Промышленный I-ц», «Промышленный II-ц» маркали технологик ускуналар кўп қўлланилади. Гўшт учун полда парранда боқиладиган ф-каларда «Бройлер-10», «Бройлер-20», ЦБК-10 ва ЦБК-20 маркали ускуналардан; катакларда парранда боқиладиган ф-каларда КБЭ-1, КБМ-2, КБМ-1, ОБН, КБУ-3, КБУ-4, КБНЦ-4 маркали батареялардан фойдаланилади. Паррандачилик фабрикаларидаги озиқ тарқатиш, бинони тозалаш, тухумларни йиғиб олиш, тегишли микроиқлим ва ёруғлик режими яратиш ишлари механизациялаштирилган.

ПАРСЕК (*параллакс* ва *секунда*) — астрономияда Қуёш системаси ва ундан ташқаридаги осмон жисмларигача бўлган масофани ўлчаш бирлиги. Қисқача *пс* (халқаро бирлиги рс) б-н белгиланади. Бир П. 3,26 *ёруғлик йили*га, 206 265 *астрономик бирлик*ка ёки $30{,}857 \cdot 10^{12}$ *км* га тенг. 1 *килопарсек* $= 10^3$ *парсек*, 1 *мегапарсек* $= 10^6$ *парсек*. П. да ифодаланган масофа йиллик параллаксга тескари миқдор ҳисобланади. Мас., 10 *пс* га тенг масофа 0,1″ параллаксга мос келади.

ПАРСОНС Толкотт (1902. 13. 12, Колорадо-Спрингс, Колорадо) — америкалик назариётчи-социолог, социологиядаги функционал структура оқимининг асосий вакилларидан бири. Америка социология ассоциацияси президенти (1949). 1927 йилдан Гарвард ун-тида ишлайди; 1946—56 йилларда ижтимоий муносабатлар бўлими мудири. П. социологик тадқиқотларининг асосини жамиятни муайян турғун ҳолатда сақлаб туриш масаласи ташкил этади. П. фикрича, жамият доимо «абсолют мувозанат» томон ҳаракат қилади, ижтимоий зиддиятлар ва тенденциялар жамиятнинг «касаллиги» ҳисобланади. П. жамият ҳаётидаги қонуниятлар заминида ижтимоий онгнинг бирон-бир шакли, аввало психологик ва ахлоқий ҳодисалар—бойлик, нормалар, урф-одат ва бошқаларнинг ўзгариши ётади, деб даъво қилади. П. татбиқ қилган тушунчалар системаси Америка социологиясига, жумладан, эмпирик тадқиқотга катта таъсир кўрсатди. Шу б-н бирга, унинг назарияси буржуа социологлари томонидан танқидга учради. Марксист-социологлар П. назариясини формализм, тарихийликдан ташқари, идеалистик йўналиш, ижтимоий конфликт ва зиддиятларнинг аҳамиятини баҳолай олмайди деб танқид қилдилар.

Ад.: Здравомыслов А. Г., Проблема интереса в социологической теории, Л., 1964; Новиков Н. В., Критика современной буржуазной «науки о социальном поведении», М., 1966.

ПАРТАВ (тахаллуси; исми Ота Махдум Муҳаммад Латиф ўғли, 1905—Хива — 1956) — ўзбек шоири. Зиёли оиласида туғилган. Бошланғич маълумотни отасидан олган. Мадрасада ўқиб юрган вақтларидаёқ шеърлар ёзган. *Аваз Утар* ўғли ва *Баёний* б-н дўстлашган. Совет тузумининг дастлабки кунлариданоқ ўқитувчилик қилган ва айни вақтда маориф нозирлигида масъул котиб вазифасида ишлаган. 1922—32 йилларда «Инқилоб қуёши» («Хоразм ҳақиқати») газетасида ва 30-йилларда Тошкентдаги маданият муассасаларида турли вазифаларда ишлаган. Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи муносабати б-н тузилган комитетда ишлаб, шоир асарларини нашр эттиришда қатнашган. 1953 йилдан умрининг охиригача Хоразм театрида адабий эмакдош. П. нинг шеърлари «Чўлдан гулга» номли тўпламда нашр этилган (1934). Она табиат ва деҳқон меҳнати мадҳияси П. ижодининг асосий йўналишидир.

Ад.: Юсупов Ю., Хоразм шоирлари, Т., 1967; Мирзаев Ю., Партав, «Ўзбек тили ва адабиёти». 1969. № 2.

ПАРТАК, эчкинчак (Convolvulus hammadae) — печакдошлар (печакгуллилар оиласи) га мансуб чала бута. Танаси туклар б-н қалин қопланган. Бўйи 35—45 *см*. Новдалари сершох, барглари энсиз, лентасимон. Гуллари оч пушти, воронкасимон, шохчалари учида биттадан жойлашган. Июнь-июлда гуллайди, августда уруғлайди. П. Қизилқумдаги гипсли тупроқларда ва тор ён бағирларидаги чағир тошли тупроқларда ўсади. Қуриган П. молга озуқа. Поя ва баргларида 0,19%, илдизида 0,8% алкалоидлар бор.

ПАРТЕНОГЕНЕЗ (юнон. parthenos — қиз ва genesis—келиб чиқиш) — организмнинг жинсий кўпайиш шаклларидан бири. Бунда *тухумҳужайра* уруғланмасдан ривожланади. П. айрим жинсли организмлар эволюцияси жараёнида вужудга келган бўлиб, тур кўпайишини тезлаштиради, чунки ҳосил бўлган ҳамма индивидлар авлод қолдириш қобилиятига эга. Бунда фақат бир хил жинсли, яъни ё ургочи, ёки эркак индивидлар ривожланади, шу сабабли П. жинсий нисбатни тартибга солади (мас., ариларда). П. б-н жинссиз кўпайиш (қ. *Вегетатив кўпайиш, Куртакланиш*) ни фарқлаш лозим.

П. табиий П. (баъзи организмларнинг табиатда нормал кўпайиш усулларидан бири) ва сунъий П. (уруғланмаган, лекин уруғланишга мойил тухумҳужайрага ҳар хил қўзғатувчилар б-н таъсир қилиб ҳосил қилинадиган кўпайиш)га бўлинади.

Ҳайвонлардаги П. нинг илк формаси мурта кли ёки рудимент П. дир. Бу жуда кўп ҳайвонларга хос бўлиб, эмбрион тараққиётининг дастлабки босқичи б-н чегараланади. Баъзан ривожланиш ниҳоясига етади (тасодифий ёки акциденталь П.). Тўлиқ табиий П. (уруғланмаган тухумҳужайрадан тўлиқ ривожланган организмнинг вужудга келиши) умуртқасизларнинг ҳамма типларида учрайди; умуртқали ҳайвонларнинг эса баъзиларида аниқланган (мас., гекконларда, қуёнларда, парранда ва б. да). П. облигат П. (тухумҳужайра фақат партеногенетик ривожланади) ва факультатив П. (тухумҳужайранинг ҳам П. йўли б-н, ҳам уруғланиб ривожланиши)га ажралади. Факультатив П. кўпгина пардақанотли ҳашаротларга хос (мас., ариларнинг уруғланмаган тухумҳужайрасидан эркак индивидлар, уруғланганидан эса урғочи индивидлар, яъни она ва ишчи ҳашаротлар ривожланади). П. йўли б-н ривожланиш кўпинча икки жинслилик б-н галланади. Бироқ эркак индивидлари бўлмаган кўпгина ҳайвон турлари фақат П. б-н кўпаяди (бу константт П. деб аталади).

Шунингдек генератив ёки гаплоид П. [бўлинаётган ҳужайрадаги хромосомалар сони гаплоид (n) бўлади] ва соматик П. [бўлинаётган ҳужайрадаги хромосомалар сони, асосан, диплоид (2 n) ёки полиплоид (3 n, 4 n, баъзан ҳатто 8 n) бўлади] бор. П. нинг ўзига хос формаси педогенез, яъни партеногенетик кўпайиш личинкада содир бўлади.

Ҳайвонларда сунъий П. ни биринчи бўлиб рус зоологи А. А. Тихомиров ипак қуртининг уруғланмаган тухумларига ишқалаш, кучли кислоталар эритмаси ва б. физик-кимёвий омиллар б-н таъсир қилиб, уларни ривожлантириш мумкинлигини аниқлади (1886). Кейинчалик шу асосда қилинган илмий тадқиқот

ишлари П. нинг ипакчиликни ривожлантиришда амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Усимликлардаги (асосан уруғли ва спораллардаги) П., одатда, константт П. га киради, айрим ҳоллардагина факультатив П. аниқланган (мас., санчиқўтнинг баъзи турларида). Генератив П. сувўтлар (кутлерия, спирогира) ва замбуруғлар (сапролегния, мукор)да учрайди. Гулли ўсимликларда эса бунга фақат тажрибада эришиш мумкин (тамаки, ғўза ва б.). Соматик П. сувўтлар (хара, кокконеис), қирққулоқлар (друммонд марселияси) ва гулли юксак ўсимликларда (хондрилла, қоқиўт) бор. Сунъий П. баъзи сувўтлар ва замбуруғларда гипертоник эритмалар таъсирида, шунингдек урғочи жинсий ҳужайраларни қисқа муддатда ишлаб ҳосил қилинган.

Усимлик ва ҳайвонларнинг ўзига хос ривожланиш усуллари — *гиногенез* ва *андрогенез* ҳам П. га киради.

Ад.: Астауров Б. Л., Цитогенетика развития тутового шелкопряда и её экспериментальный контроль, М., 1968; Астауров Б. Л., Дёмин Ю. С., Партеногенез у птиц, «Онтогенез», т. 3., № 2, 1972.

ПАРТЕР (франц. parterre — ер бўйлаб) — 1) театр, кинотеатр ва концерт залларининг саҳнага нисбатан паст жойлашган, томошабинлар ўтирадиган қисми. П. нинг ярим доира шаклидаги қатор ўриндиқли илк намуналари қадимги Рим театрларида бўлган. Ложа яруслари 6-н ўралган П. лар дастлаб Италияда 16-асрнинг бошларида пайдо бўлган. Ҳозирги замон П. ларида ўриндиқлар энига қатор, бўйига параллел жойлаштирилади. Саҳнанинг ёки экраннинг яхши кўриниши учун П. да ўриндиқлар қатори орқага томон кўтарилиб боради; 2) парк ёки боғларнинг майсазор, гулзор, ҳовуз, фонтан, ҳайкал ва ҳ. к. б-н безаб, обод қилинган очиқ қисми.

ПАРТИЗАН (франц. partisan — тарафчи) — душман босиб олган терр-яларда ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашувчи киши; *партизанлик ҳаракати*нинг қатнашчиси. П., одатда, партизанлик ҳаракатига кўнгилли бўлиб қўшилади.

ПАРТИЗАН — Сирдарё обл. Сирдарё р-ни Чўлтўқай қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Сирдарёдан 7 *км*. Аҳолиси 509 киши (1974); пахтачилик б-н шуғулланади. Ўринбой каналидан сув ичади. Касалхона, болалар яслиси, мактаб, трактор ремонт устахонаси бор.

ПАРТИЗАН — Сурхондарё обл. Термиз р-ни Пахтаобод қ. С. даги қишлоқ. «Намуна» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Термиздан 0,5 *км*. Аҳолиси 787 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сурхондарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт бор.

ПАРТИЗАН — Тошкент обл. Тошкент р-ни Юнусобод қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Келесдан 13 *км*. Аҳолиси 578 киши (1971); сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Дарвозакент ариғидан сув ичади.

ПАРТИЗАН — Хоразм обл. Хонқа р-ни Сарапаён қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Хонқадан 8 *км*. Аҳолиси 1637 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қувасой каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, болалар боғчаси, к-з қорамолчилик фермаси бор.

ПАРТИЗАНЛИК ҲАРАКАТИ — оккупация қилинган терр-яларда чет эл босқинчиларига, гражданлар ва миллий озодлик урушларида эса ички контрреволюцион кучларга қарши халқ оммаси олиб борадиган қуролли кураш шакли. Ф. Энгельс П. ҳ. га баҳо бериб, «...бу тутқич бермас, гоҳ тўхтаб, гоҳ яна авж оладиган, лекин ҳамиша ҳам душманга тўсқинлик қиладиган халқ қўзғолонидир» (Маркс К., Энгельс Ф., Соч., 2 изд., т. 17. стр. 203) деган эди. Миллий озодлик учун олиб борилаётган П. ҳ. чет эл босқинчилари ва уларнинг малайларига қаратилади. Кўпинча революцион халқ оммасининг эксплуататорлар синфи ҳукмронлигини йўқотиш учун олиб бораётган гражданлар уруши ҳам П. ҳ. шаклида бўлади. Марксизм-ленинизм халқ оммасининг тарихий тараққиётдаги ҳал қилувчи ролини таъкидлайди ва П. ҳ. нинг қонуний ҳол эканлигини эътироф этади.

Тарихий тажрибалар П. ҳ. бутун армиянинг ҳаракатини қамраб олиши мумкинлигини кўрсатади. Баъзи ҳолларда мунтазам қўшинларнинг операциялари партизанлар курашини ўз ичига олади. П. ҳ. нинг характерли хусусиятлари ватанпарварлик, босқинчиларга нисбатан ғазаб ва нафрат, бу ҳаракатда қатнашаётган кишилар (партизанлар)нинг кўнгилли эканликларидир. П. ҳ. нинг ҳаракатга келтирувчи кучлари тарихий шароит ҳамда курашнинг мақсад ва вазифаларига боғлиқ. П. ҳ. одатда, кенг халқ фронти асосида, бирмунча прогрессив ижтимоий синф раҳбарлигида олиб борилади. Чет эл босқинчиларига қарши курашга қаратилган П. ҳ. нинг оккупация қилинган мамлакат ҳукумати б-н ўзаро муносабатлари ҳар хил кўринишда бўлади. Агар босиб олинган мамлакатнинг ҳукумати босқинчиларга хизмат қилувчи органга айланса, халқ оммасининг миллий озодлик ҳаракати бундай ҳукуматга қарши курашни ҳам ўз ичига олади. Агар ҳукумат босқинчилар б-н келишмай, уларга қарши курашса-ю, лекин халқ оммасининг кучли ҳаракатга келишидан қўрқиб, уни пассивликка ва нажот кутишга чақирса (мас., бу ҳол Иккинчи жаҳон уруши йилларида Франция ҳукуматининг сиёсатида яққол кузатилди), бундай шароитда ҳукумат б-н халқ оммаси ўртасида кескин зиддият вужудга келади. Ҳукуматнинг сиёсатидан қатъи назар П. ҳ. кенг авж олади (мас., Францияда Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг вужудга келиши). Агар ҳукумат халқ оммаси б-н биргаликда босқинчиларга қарши курашса, П. ҳ. б-н мунтазам армиянинг ҳаракатлари бир мақсадга қаратилади. Ҳукумат кучлари б-н халқ оммасининг бирлашиши, аввало, шу мамлакатнинг синфий характерига боғлиқ. П. ҳ. нинг энг муҳим аҳамияти шундаки, у душман қўшинларига жиддий зарба беради ва душманнинг фронт орқасидаги таъминот фаолиятини бузади, босқинчилар армиясининг кайфиятига путур етказади, улар учун ниҳоятда оғир вазиятни вужудга келтиради. Шу б-н бирга П. ҳ. душман устидан эришиладиган пировард ғалабага омманинг ишончини мустаҳкамлайди, уни босқинчиларнинг ҳарбий маъмурлари ва маъмурияти кўрадиган барча тадбирларни пучга чиқариш учун фаол курашга жалб этади.

П. ҳ. жуда қадим замонларда пайдо бўлган. Урта Осиё халқларининг мил. ав. 4-асрда Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) армиясига қарши олиб борган кураши П. ҳ. нинг дастлабки кўринишларидан биридир. Спитамен бошчилигидаги халқ қасоскорлари она юртни ажнабий босқинчилардан озод қилиш учун қаҳрамонона кураш олиб борган (қ. *Спитамен қўзғолони*). Урта Осиёда араблар истилоси даврида ҳам П. ҳ. кенг ёйилди (қ. *Маҳмуд Торобий қўзғолони*). Муқанна бошчилигидаги халқ қўзғолонлари П. ҳ. характерида эди. Мўғуллар истилоси даврида (13—15-аср) ҳам халқ оммаси босқинчиларга қарши П. ҳ. ни авж олдирди. Россияда ҳам П. ҳ. мўғул-татар истилоси давридан маълум. Феодализм даврида бўлиб ўтган деҳқонлар қўзғолонлари (Россияда — И. *Болотников*, С. *Разин*, Е. *Пугачёв* бошчилигидаги қўзғолонлар; Германияда 1524—25 йиллардаги деҳқонлар уруши; Австрияда 1626 йилги деҳқонлар уруши)да ҳам курашнинг П. ҳ. формасидан кенг фойдаланилди.

П. ҳ. Россия халқларининг Наполеон бошчилигидаги француз босқинчиларига қарши олиб борган Ватан уруши (1812) да катта роль ўйнади. Душман босиб олган терр-яда юзлаб партизан отрядлари тузилди. П. ҳ. да фақат деҳқонлар оммаси эмас, балки М. И. *Кутузов* томонидан ажратилган армия партизанлари ҳам қатнашди.

Гражданлар уруши даврида П. ҳ. Октябрь революцияси ғалабаларини интервентлар ва оқ гвардиячилардан ҳимоя қилишга қаратилди. Оқ гвардиячилар ва интервентлар томонидан ўрнатилган режим меҳнаткаш оммани қаршилик кўрсатишга, партизанлик кураши олиб боришга ундади. Украина, Белоруссия, Сибирь, Узоқ Шарқ ва Шимолий Кавказда П. ҳ. кенг авж олди. П. ҳ. 1918 йилнинг баҳорида Украина ва Белоруссиядаги австро-герман интервентлари босиб олган терр-яларда бошланди. Большевикларнинг яширин ташкилотлари П. ҳ. га бошчилик қилди. Ўша йилнинг ёзида В. С. Баляс, М. С. Петренко ва б. бошчилигидаги 30 мингга яқин партизан гетман Скоропадскийнинг қўшинлари ва уч немис дивизиясига қарши жанг қилди. Гомель—Новозибков—Черигов р-ларида қарақат қилган партизанлар отрядига Н. А. *Щорс* қўмондонлик қилди. 1918 йил июлда Н. Г. Крапивянский бошчилигида Ҳарбий кўзғолонлар марказий штаби ташкил этилди. Украинадаги партизанлар совет қўшинлари етиб боргунча Павлодар, Екатеринослав, Қонотоп, Полтава ва б. шаҳарларни интервентлар ва гетманчилардан озод қилдилар. 1918 йил баҳоридан Белоруссия ва Литвада ҳам П. ҳ. жонланди. Ўша йилнинг ёзида Минск атрофида 25 га яқин партизан отряди қарақат қилди. 13 мингга яқин партизан Витебск губерниясининг Полоцк уездида душманга қарши кураш олиб борди. Белоруссия ва Литва коммунистик ташкилотларининг Смоленскда ўтказилган (8—11 август) 1-конференцияси П. ҳ. нинг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнади. Новороссийск, Кубань ва Қора денгиз бўйидаги партизанларнинг Деникин қўшинларига қарши курашига бошчилик қилиш учун Ростов-Донгаги РҚП(б) комитети қошида ҳарбий штаб ташкил этилди. 1919 йилнинг ёзида И. Павленко, И. Пугачёв, Г. Гриченко, П. Самсонов ва б. нинг отрядлари оқ гвардиячиларга қарши қаҳрамонона жанг қилиб, 6 мингга яқин деникинчини фронтдан чалғитиб турди. Шу даврларда Сочи—Гагра р-нида ҳам 30 га яқин партизан отряди муваффақиятли ҳаракат қилди. 1919 йили Екатеринослав, Херсон губерняларида ва Баштанка қишлоғида йирик партизан отрядлари тузилди. Шу йилнинг ноябрига келиб *Революцион Ҳарбий Совет* ихтиёридаги партизан отрядларида 50 мингга яқин жангчи бор эди.

Гражданлар уруши йилларида Урал, Сибирь ва Узоқ Шарқда ҳам П. ҳ. авж олди. Мамлакатнинг турли р-ларида ташкил этилган партизан отрядлари Деникин, Юденич, Колчак сингари оқ гвардиячилар ва уларнинг ажнабий шерикларига қарши муваффақиятли жанг қилдилар. 1919 йилнинг кузига келиб, 100 мингга яқин сибирлик партизанлар жуда катта терр-яни оқ гвардиячилардан озод қилди. Япония ва АҚШ интервентлари оккупация қилган Узоқ Шарқ П. ҳ. нинг кенг майдонига айланди. Бу ердаги П. ҳ. ча С. Г. *Лазо*, М. И. Губельман, И. М. Сибирцев, А. А. Фадеев, Я. Н. Кортаев, Ф. А. Погадаев, М. М. Яминов, Г. Д. Дрогошевский, И. Г. Бездорних сингари кўпгина революционер ватанпарварлар бошчилик қилди. Узоқ Шарқ республикасининг халқ озодлик армиясига партизан отрядларининг берган актив кўмаги туфайли оқ гвардиячилар ва интервентларни 1922 йилнинг октябрида Узоқ Шарқ тупроғидан қувиб чиқаришга муваффақ бўлинди. Гражданлар уруши йилларида мамлакатимизда кенг тарқалган П. ҳ. ёш Совет республикасини интервентлар ва оқ гвардиячилар хуружидан сақлаб қолишда катта роль ўйнади.

Улуғ Ватан уруши даври (1941—45) даги П. ҳ. СССРнинг немис-фашист босқинчилар томонидан вақтинча оккупация қилинган терр-ясида социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллиги учун олиб борилган умумхалқ

Улуғ Ватан уруши (1941—45)да партизанлар жанговар фаолиятининг натижалари[1].

Иттифоқчи республикалар ва РСФСР областларининг партизанлари	Ўлдирилган, ярадор бўлган, асирга олинган фашистлар ва уларнинг кўмакчилари	Поездлар ҳалокатининг сони	Сафдан чиқарилган				Сафдан чиқарилган ва қўлга олинган паровозлар (сурат) ҳамда вагонлар (махраж), минг дона
			танклар, бронемашиналар	автомашиналар	плоқа бўлдирғи, км	кўприклар	
Карело-Фин ССР	13407[2]	31	11	314	236	146	20/536
Эстония ССР	3362	11	9	157	45	34	11/128
Латвия ССР	30000	279	—[3]	—[3]		53	261/3675
Литва ССР	364	—	—[3]	—[3]			300/2000
Белоруссия ССР	500000	11128	1355	18700	7300	5529	7234/72195
Украина ССР	464682	4958	1566	13535	—[3]	2206	5291/51981
Молдавия ССР	27026	309	133	493	—[3]	62	318/2484
РСФСР							
Ленинград обл.	101242[2]	1106	280	4647	2153	1381	1050/18643
Калинин обл.	91130	751	103	3048	546	1309	552/6708
Смоленск обл.	112680	1358	537	3225	210	583	914/13428
Москва обл.	7159[2]	5	64	883	—[3]	35	—[3]
Тула обл.	1600	—[3]	15	280	18	—[3]	6/350
Орёл обл.	154275	839	331	1549	305	260	842/12316
Курск обл.	17904	147	32	268	100	62	112/2283
Крим обл.	30000	—[3]	16	2023	112	—[3]	48/947
Краснодар ўлкаси	15586	14	15	206	72	57	15/307
Ставрополь ўлкаси	1000[2]	—[3]	9	25	—[3]	—[3]	—[3]
Шимолий Осетия АССР	166[2]	—[3]	—[3]	5	—[3]	—[3]	—[3]
Кабарда-Балкария АССР	515[2]	—[3]	15	280	—[3]	—[3]	—[3]

[1] Жадвал П. ҳ. штабларидан олинган маълумотлар асосида тузилган. [2] Фақат ўлдирилганлар. [3] Аниқ маълумотлар йўқ.



1. Совет партизанлари Партизанлар қасамномасини имзоламоқдалар, Ленинград области, 1943. 2. Припять дарёси (Белоруссия ССР Аревичьев қишлоғи яқини)да немис-фашистлари флотилиясини тор-мор этган С. А. Ковпак ва А. Ф. Федоров партизанлар қўшилмаларининг жангчилари, 1943.

курашига айланди. Уруш даврида душман ичкарисида 1 млн. дан ортиқ партизан ва кўп минг кишилик яширин ташкилотлар ҳаракат қилди (616—617-бетда Улуғ Ватан уруши йилларидаги П. ҳ. картаси берилган). Уларни ўн миллионлаб совет ватанпарварлари қўллаб-қувватлади. Совет партизанлари томонидан 1 млн. га яқин фашист ва уларнинг кўмакчилари янчиб ташланди ва асир олинди. 4 мингдан ортиқ танк ва бронемашина, 1600 дан кўпроқ т. й. кўприклари ишдан чиқарилди, 20 мингдан ортиқ т. й. эшелонлари ҳалокатга учратил-



Партизан отрядлари командирларининг кенгаши. Ленинград области, 1942.

ди (жадвалга қ.). 1941 йил 29 июнда СССР Халқ Комиссарлари Совети ВКП(б) МК жойлардаги партия ва совет ташкилотларига душмани тор-мор келтириш ҳақидаги директивани жўнатди. Директивада кўрсатилишича, урушда совет халқининг умумий вазифаси б-н бирга П. ҳ. ни кенг авж олдириш программаси



Партизанлик билети, УССР, 1970.



Украина ССРда ҳаракат қилган А. М. Грабчак қўмондонлигидаги қўшилма партизани, заркентлик Миртожи Эрмоновнинг партизанлик билети.

ишлаб чиқилганди. 1941 йил 18 июлда ВКП(б) МК «Германия қўшинларининг орқасида курашни ташкил қилиш ҳақида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда подпольe ишлари ва П. ҳ. ни республика, обл., шаҳар ва р-н партия ташкилотларининг раҳбарлари бошқариши кераклиги кўрсатилди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг душманга қарши умумхалқ курашига отланишга чақириб қилган мурожаатига жавобан оккупация қилинган терр-яларда партизан отрядлари тузила бошлади. 1941 йилнинг кузида 10 обл. комитети, 260 дан ортиқ округ, шаҳар ва р-н комитетлари яширин ташкилотлари иш бошлади. 1943 йил кузига келиб 24 обл., 370 дан ортиқ округ, шаҳар, р-н ва б. органларнинг комитетлари душман орқасида кураш олиб борди. Белоруссия ва Ленинград, Калинин, Смоленск Орёл областларининг ўрмонли р-нларида партизанлар қўл остидаги зоналар, ўлкалар ҳосил бўлди. Брянск ўрмонларида орёллик, брянсклик партизанларнинг асосий кучлари ва С. А. *Ковпак*, А. Ф. *Фёдоров*, А. Н. Сабуров ва б. қўл остидаги Украина партизанларининг йирик қўшилмалари ўрнашган эди.

1941 йилнинг охири ва 1942 йилнинг бошларида Минск, Смоленск, Киев, Одесса, Днепропетровск, Каунас, Краснодон, Людинов ва б. ерларда яширин партия ва комсомол ташкилотларининг фаолияти бошланди. П. ҳ. ни совет қўшинлари ҳаракати б-н мослаштириш мақсадида 1942 йил 30 майда Давлат Мудофаа Комитети Олий Бош қўмондонлик ставкаси қошида П. ҳ. Марказий штаби тузилди (штаб бошлиғи — П. К. Пономаренко).

1942 йилнинг ёзида П. ҳ. штаблари ҳисобида турган партизан отрядларининг 30%и «Катта ер» б-н радиоалоқа қилиб турган бўлса, 1943 йилнинг ноябрига келиб 94% отряд П. ҳ. раҳбар органлари б-н радиоалоқада бўлган. 1943 йилда — фақат узоққа учувчи авиация ва граждан ҳаво флоти томонидан душман орқасига 12 мингдан ортиқ самолёт учган (шундан ярми партизанларнинг аэродром ва майдонларига қўнган). Уруш йилларида мамлакат ичкарисидаги партизанлик мактаблари ва ўқув пунктларида 30 мингга яқин командирлар ва мутахассислар тайёрланди.

Улуғ Ватан урушининг иккинчи даври (1942 йил ноябрь — 1943 йил декабрь)да П. ҳ. янада авж олди. 1943 йилга келиб, Белоруссиянинг 60 дан зиёд жойида партизанлар актив ҳаракат олиб бордилар. Курск жанги давомида ва совет қўшинларининг кейинги ҳужум операциялари вақтида партизанлар «рельс уруши»ни кучайтирдилар. Душман оккупация қилган терр-ялардаги т. й. коммуникацияларига йирик кучларини сафарбар этишга мажбур бўлди. Уруш тажрибасининг кўрсатишича гитлерчилар ҳар 100 *км* т. й. ни қўриқлашда бўш ҳимоя учун 1 батальон, кучли ҳимоя учун 1 полк, баъзида эса партизанларнинг фаол ҳаракати натижасида ҳар 100 *км* т. й. га 2 полкни сафарбар этишга мажбур бўлганлар.

1944 йил П. ҳ. Белоруссия ва РСФСР нинг қатор областларида, айниқса, кескинлашди. Партизанлар душман коммуникацияларига ҳужум қилиб, Германияга жўнатилаётган моддий ва маданий бойликларни олиб қолиш, асирларни қутқариш ишларини авж олдирдилар. Озод қилинган терр-ялардаги партизанлар мунтазам армияга қўшилиб жанг қилдилар. Брянск,

Вильнюс, Витебск, Ворошиловград, Гомель, Днепропетровск, Жлобин, Каунас, Керчь, Киев, Кировоград, Краснодар, Львов, Минск, Могилёв, Николаев, Новороссийск, Одесса, Псков, Симферополь, Смоленск, Таганрог, Харьков ва б. бир қанча шаҳарларнинг яширин ташкилотлари муваффақиятли иш олиб бордилар.

Доимий қўшинлар жанговар топшириқларни амалга оширишида партизанларнинг рейдлари катта аҳамиятга эга бўлди. 1942 йил октябрнинг охирида С. А. Ковпак ва А. Н. Сабуров қўмондонлигидаги партизанлар Брянск ўрмонларидан рейд уюштириб, ноябрнинг ўрталарига келиб Унг қирғоқ Украинагача бўлган 700 *км* ли масофани босиб ўтдилар. 1942—43 йилларнинг қишида Ковпак, Я. И. Мельник, М. И. Наумов ва А. Ф. Фёдоровлар қўмондонлигидаги рейдлар душманга кучли зарба берди.

Қизил Армиянинг 1941—42 йилги қишки ҳужуми даврида партизанларнинг доимий қўшинлар б-н биргаликда олиб борган ҳаракати кенгайди. Партизанлар душман коммуникациялари штаб ва омборхоналарига кучли зарбалар бериш б-н бирга, аҳоли пунктларини душмандан озод этишда, душман объектларига совет авиацияларини бошқаришда яқиндан ёрдам кўрсатдилар. 1942 йилнинг ёзида П. ҳ. душманнинг 24 дивизиясини чалғитди. Партизанлар томонидан шу йили августда 148 та, сентябрда 152, октябрда 210, ноябрда 238 т. й. эшелонлари ҳалокатга учратилди.

1944 йил июнь ўрталарида Белоруссия терр-ясида 150 бригада ва 49 отряд составида 143 минг кишидан ошиқ (резервдаги 250 минг кишини ҳисобга олмаганда) партизанлик группировкалари душманга қарши кураш олиб борган. Партизанлар 20 июнь кечаси душманнинг муҳим т. й. коммуникацияларига оммавий ҳужум уюштириб, 40 мингдан ортиқ рельсини портлатдилар. Улар совет қўшинларига Березина, Случь, Птичь, Неман ва б. кўпгина дарёларни кечиб ўтишда катта ёрдам кўрсатдилар. *Белоруссия операциясида* партизанлар томонидан душманнинг 15 мингдан ортиқ солдат ва офицери янчиб ташланди, 17 мингдан ортиқ солдат ва офицери асир олинди.

Улуғ Ватан уруши (1941—45)да 185 минг партизан СССРнинг орден ва медаллари б-н мукофотланган, 230 дан ортиқ киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Совет халқининг П. ҳ. интернационал характер касб этди. Совет партизанлари б-н биргаликда умумий душманга қарши кўпгина ажиналбий антифашистлар кураш олиб бордилар. Улардан чехословак ватанпарвари Ян Налепка ва немис антифашисти Фриц Шменкеллар ўлимидан сўнг Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлишди. Кўпгина совет партизан отрядлари Шарқий ва Жануби-Шарқий Европа халқларига ёрдам берди. Бу отрядларга Х. Н. Асмолов, В. А. Карасев, П. А. Величка В. Квитинский ва б. кўпгина талантли партизанлар бошчилик қилди.

Улуғ Ватан уруши йилларидаги П. ҳ. да СССРда яшайдиган барча халқларнинг фарзандлари, жумладан ўзбек халқининг фарзандлари қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Мас., фарғоналик Мамадали *Топиболдиев* Белоруссияда, сайрамлик Зиямат Ҳусанов (Совет Иттифоқи Қаҳрамони) Болгарияда бу ишда шуҳрат қозонди.

Иккинчи жаҳон уруши даврида немис ва



1. Ёш партизанларга қурол топширилмоқда. Белоруссия, 1943. 2. Партизанлар жанговар топшириқни бажариб қайтмоқдалар. Пинск области, 1943. 3. Темир йўлга мина қўйиш. Белоруссия, 1943. 4. Партизанлар портлатган эшелон. Ленинград области, 1942.

япон босқинчилари томонидан оккупация қилинган Европа ва Осиё мамлакатларидаги терр-яларда ҳам П. ҳ. вужудга келди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Вьетнам, Жазоир (1954—62), Латин Америкаси, Африка мамлакатларида П. ҳ. кенг тарқалди. Кубадаги халқ революцияси ҳам П. ҳ. шаклида ривожланди.

Ад.: Энгельс Ф., Шансы войны, Маркс К. и Энгельс Ф., Соч., 2-изд., т. 17; Ленин В. И., Партизан уруши, Ас., 11-т.; История Великой Отечественной войны Советского Союза 1941—1945, т. 1—6, М., 1960—65; Узбекистон ССР тарихи, 1-т, Т., 1970; История гражданской войны в СССР, т. 3—5, М., 1957—60; Бычков Л. Н., Партизанское движение в годы Великой Отечественной войны 1941—45, М., 1965; Мардлик-мангулик, Т., 1970; Джураев Т. Дж., Узбекистанцы — участники партизанской войны, Т., 1975.

«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ» («Партия турмуши»)— КПСС МКнинг журнали. Москвада рус тилида ойда икки марта чиқади. Партия ходимлари, кенг партия активи, бошлангич партия ташкилотлари секретарлари ва б. учун мўлжалланган. 1919 йилда Коммунистик партиянинг 8-съезди қарори асосида ташкил этилган. 1919—29 йилларда «Известия ЦК РКП(б)» [1926 йилдан «Известия ЦК ВКП(б)»— «ВКП(б) МК ахбороти»], 1929—46 йилларда «Партийное строительство» («Партия қурилиши») номларида чиқди. 1946 йилдан «П. ж.» деб аталади (1948 йил апрелдан 1954 йил апрелгача журнал нашр этилмади).

«П. ж.» Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсатини ташвиқот қилади, партия қурилишининг актуал масалаларини ёритади; ички партия демократиясининг ривожланишига, партия интизомининг мустаҳкамланишига ёрдам беради. Журналда КПСС ва б. қардош партияларнинг жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлаш, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати бирлиги учун олиб бораётган кураши ифодаланади. Журнал КПСС МК қарорларини, партия қурилиши назарияси ва практикасига оид актуал масалаларни ёритади; ўқувчиларни хўжаликка партиявий раҳбарлик



«Партийная жизнь» журнали.

тажрибалари, партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг ташкилий-партиявий ва идеологик ишлари б-н таништиради. Унда мақола, корреспонденция, очерк, тақриз, обзор, консультация, коммунистлар хатлари, ўқувчилар саволларига жавоблар берилади. Тиражи 1 млн. 160 минг (1976).

«ПАРТИЙНАЯ ЖИЗНЬ» («Партия турмуши») — Узбекистон КП МҚнинг ойлик журнали. Рус ва ўзбек тилларида чиқади (қ. *«Партия турмуши»*).

ПАРТИТУРА (лат. partio — бўламан, ажратаман) — оркестр, хор, камер ансамбль ва б. учун мўлжалланган кўп овозли музика асарининг ҳар бир овоз ёки соз *партияси* кўрсатилган нота ёзуви. П. асарнинг барча овоз (партия)ларини жамлайди ва уларнинг ҳар бирини тўла акс эттиради. Овозларнинг бир вақтда янграшидаги ҳаракат йўналишини осон англаш учун унда нота белгилари сатрма-сатр, устмауст ёзилади. П. ни вертикал йўналишда (юқоридан ёки пастдан) ўқиганда алоҳида аккордлар бирлиги, горизонтал (фақат чапдан ўнгга) ўқиганда эса музикавий қаторларнинг алмашиниши ифодаланади. П. да овозлар муайян тартибда жойлаштирилади. Вокал (хор) П. ларида юқориги мисрада хотин-қизлар овози (сопрано, альт), қуйида эркаклар овози (тенор, бас) ёзилади. Замонавий симфоник оркестр П. сида чолғу асбоблар партиялари группаларга, группаларда эса товушнинг баланд-пастлигига кўра юқоридан пастга қараб жойлаштирилади (мас., ёғочдан ясалган пуфлаб чалинадиган созлар, мисдан ясалган пуфлаб чалинадиган созлар, уриб чалинадиган созлар, камонли созлар). Арфа, фортепьяно, яккахон овоз ёки соз ҳамда хор партиялари уриб чалинадиган ва торли чолғу асбоблар орасида жойлаштирилади. Барча овозлар, одатда, итальянча, немисча (баъзан французча ва б.) номлар б-н кўрсатилади. Шунингдек, духовой оркестр, халқ чолғу асбоблари оркестрларининг ўзига хос П. тузилишлари бор.

Ад.: Аносов Н., Практическое руководство по чтению симфонических партитур, М.—Л., 1951; Полтавцев И., Светозарова М., Курс чтения хоровых партитур, т. 1—2, М., 1965.

ПАРТИЯ (лат. partio—бўламан, ажратаман)— 1) маслаги, дунёқараши бир бўлган (қ. *Сиёсий партия*) ёки бирор ишни бажаришга ажратилган кишилар гуруҳи (мас., қидирув П. си); 2) бир адресга юборилаётган маълум миқдордаги товар-мол ва ш. к. тўдаси, тўпи; 3) бир давра ўйини, мас., шахмат П. си; 4) кўп овозли музика асарининг якка созанда ёки якка хонанда ижро этадиган таркибий қисми. Музикасаҳна асарларида П. лар. одатда, қаҳрамонлар номи б-н қўшиб айтилади (мас., «Лайли ва Мажнун» музикали драмасида Қайс П. си, «Бўрон» операсида Норгул П. си, «Таҳаввор» балетида Раъно П. си). Чолғу (соната, симфония, концерт, увертюра каби) асарларнинг муҳим мавзулари баён этиладиган қисми ҳам П. дейилади (мас., бош П., ёрдамчи П.).

ПАРТИЯ АКТИВИ (КПССда)—партиянинг энг илғор, фаол, ташаббусли, тажрибали қисми. П. а. ташкилотга раҳбарлик қилиш, уни тўлдириш манбаи ҳисобланади. Ишдаги муҳим масалаларни ҳал қилишда П. а. йиғилишлари катта роль ўйнайди. П. а. совет жамияти турмушида катта сиёсий аҳамиятга эга. Активнинг барча ҳаракати, энг аввало, партиянинг асосий вазифаларини ҳал қилиш, совет халқини коммунистик жамият қуришга сафарбар этиш, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий томондан донмий ўсишини таъминлаш, унинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, совет халқининг турмуш даражасини оширишга қаратилган. «Партиянинг энг муҳим қарорларини муҳокама қилиш ва уларни амалга ошириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш учун, шунингдек маҳаллий ҳаётга онд масалаларни қараб чиқиш учун район, шаҳар, округ, область, ўлка партия ташкилотлари ва иттифоқдош республикалар компартиялари активларининг йиғилишлари чақириб турилади» (Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави, Т., 1971, 16-б.). Партия активларидан партия, меҳнаткашлар депутатлари Совети, касаба союзлари, бошқа жамоат ташкилотлари раҳбар органларига (маҳаллийдан марказийгача) аъзолар сайланади, шунингдек давлат муассаса ва корхоналарга раҳбарлар тайёрланади.

ПАРТИЯ БИРЛИГИ — революцион марксистик партиянинг асосий принципларидан бири. П. б. нинг негизини қуйидагилар ташкил қилади: а) ишчилар синфи партиясининг умумназарий асоси бўлган марксча-ленинча дунёқараш (синфий кураш, социалистик рев-я, пролетариат диктатураси, социализм ва коммунизм қуриш тўғрисидаги таълимот); Коммунистик партия Программасида қатъий белгилаб қўйилган мақсад, метод ва фаолият шаклларининг, турли синф ҳамда социал группаларнинг ўзаро муносабат принципларининг умумийлиги ва ҳ. к. (революцион стратегия ва тактика бирлигини ўз ичига олувчи ғоявий бирлик); б) партия Уставида белгиланган демократик централизмда кўзда тутилган ва партия қарорларининг бажарилишида коммунистларнинг актив фаолияти мўлжалланган қатъий партия ички интизоми, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, партия юқори органларининг қарорлари қуйи органлар учун мажбурийлиги (ташкилий бирлик). Партиянинг ташкилий ва ғоявий бирлиги бир-бири б-н чамбарчас боғлиқлигини В. И. Ленин таъкидлаб ўтган эди. КПСС П. б. тўғрисидаги ленинча қоидани сақлаб қолди ва уни янада ривожлантирди. «Партия сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги, монолитлиги, барча коммунистларнинг юксак онгли интизоми,— деб кўрсатилади КПСС Уставида,— КПСС ҳаётининг бузилмас қонунидир» (Т., 1971, 4-бет).

П. б. синф сифатида пролетариатнинг жипслиги ва онглилиги даражасига, унинг меҳнаткашларнинг нопролетар қатлами б-н алоқаларининг мустаҳкамлигига, уларни социалистик рев-яга, унинг ғалабасидан сўнг, социалистик ва коммунистик қурилишда раҳбарлик қилишга жалб этиш қобилиятига боғлиқ. Коммунистик партия буржуа ва майда буржуа идеологияси таъсирига қарши, уларнинг ташкилий томондан ажратиб қўйиш тенденциясига, яъни П. б. нинг бузишига қарши доимо кураш олиб боради. П. б. ни ҳимоя қилиш ревизионизм ва оппортунизмнинг барча кўринишларига қарши курашни билдиради.

Рев-ягача бўлган даврда П. б. учун кураш партиядан экономистлар, ликвидаторлар, меньшевиклар ва б. оппортунистларни ҳайдаш б-н тугалланди. 1917 йил Октябрь рев-ясидан сўнг, буржуазия ва майда буржуазиянинг ишчилар синфига таъсири партияда П. б. принципини бузувчи турли фракцион группалар («сўл коммунистлар», «ишчи оппозицияси», «демократик централизм» группаси, троцкийчилар, ўнг оғмачилик) шаклида акс этди. Фракцияларнинг пайдо бўлиши партиянинг бўлиниб кетиш хавфини туғдирар ва унинг раҳбарлик ролининг пасайишига олиб келар эди. РКП(б) 10-съезди (1921) В. И. Ленин таклифи б-н ҳар қандай фракциячиликни бутунлай тугатиш тўғрисида резолюция қабул қилди. КПССда П. б. принципи эксплуататор синф қолдиқлари бутунлай тугатилгач, тўла ғалабага эришди. КПСС бирлиги СССРда ягона социалистик хўжалик системаси, партия сиёсатининг бош масалаларида ишчилар синфи б-н колхозчи деҳқонлар манфаатларининг тўлиқ мос келиши, халқнинг умумий маданиятининг муттасил ўсиши, партия аъзолари томонидан марксча-ленинча назариянинг чуқур ўзлаштирилиши ва уни амалий фаолиятда ижодий қўллаш, партия ички демократиясини ривожлантириш ва партия сафида онгли интизомни мустаҳкамлаш б-н таъминланади. КПСС бирлиги коммунистик қурилишни муваффақиятли амалга ошириш гаровидир.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Коммунистик партия манифести, Т., 1966; Ленин В. И., «Искра» редакциясининг баёноти, Ас., 4-т.; Ленин В. И., Коммунизмда болаларча «сўллик» касали, Ас., 31-т.; Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси, Т., 1971; Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави, Т., 1971.

ПАРТИЯ БЮРОСИ, бошланғич партия ташкилоти бюроси, партия комитети бюроси — партия ташкилотининг кундалик ишларига раҳбарлик қиладиган ижрочи орган. КПССда П. б. бошланғич, цех партия ташкилотлари томонидан бир йил муддатга сайланади. Унинг миқдори партия йиғилиши томонидан белгиланади. Партия аъзоларининг сони 15 дан кам бўлган бошланғич ва цех партия ташкилотларида бюро эмас, балки секретарь ва унинг ўринбосари сайланади. Р-н, шаҳар, округ партия комитетларининг бюроси 2—3 йилда 1 марта чақириладиган партия конференциялари (округ, шаҳар, р-н) ёки коммунистларнинг умумий йиғилишида сайланган тегишли комитет состави аъзоларидан сайланади. Обл., ўлка партия комитетлари бюроси 2—3 йилда 1 марта чақириладиган партия конференциясида сайланган тегишли комитет состави аъзоларидан, иттифоқдош республика компартиялари МҚ бюроси камида 5 йилда 1 марта чақириладиган партия съездида сайланган МҚ состави аъзоларидан сайланади (яна қ. *КПСС МҚ Сиёсий бюроси*).

ПАРТИЯ ГРУППАЛАРИ (КПССда) — партия аъзоларининг КПСС Уставига мувофиқ 50 дан ортиқ партия аъзоси ва кандидати бўлган корхона, к-з, муассаса бошланғич партия ташкилоти составига кирувчи цех, участка ва ш. к. партия ташкилотлари ичида бригадалар ҳамда ишлаб чиқаришнинг бошқа звенолари бўйича. тузиладиган ташкилотлари. Шунингдек 50 дан кам партия аъзоси ва кандидати бўлган бошланғич партия ташкилотларида ҳам тузилади. П. г. меҳнаткашларнинг тегишли коллективларига партия таъсирини кучайтириш учун тузилади. П. г. коммунистларнинг авангардлик ролини оширади, ишлаб чиқариш жараёнини яхшилашга доимо аҳамият беради. П. г. партбюро, партия комитети қарори б-н партия аъзоси 3 дан кам бўлмаган бригада, муассаса бўлими ва шу кабиларда тузилади. Бирор объектни қуриш, экиш ёки йиғим-терим кампанияси давр-

рида к-з ва с-зларнинг дала шийпонларида вақтинча П. г. тузилиши мумкин. П. г. нинг кундалик ишини олиб бориш учун партгруппорг сайланади. У партия группаси кирган бошланғич партия ташкилоти партбюроси раҳбарлигида ишлайди.

Партия ташкилотларидан бошқа ташкилотлардаги партия группалари Советлар, касаба союзлари, комсомол ва меҳнаткашларнинг бошқа оммавий ташкилотларида партия раҳбарлигини кучайтириш мақсадида тузилади.

Амалдаги КПСС Устави (1971) га мувофиқ совет, касаба союз, кооператив ташкилотлари ва меҳнаткашларнинг бошқа оммавий ташкилотлари томонидан чақириладиган съездларда, конференцияларда, кенгашларда, шунингдек бу ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган органларида, партия аъзолари 3 кишидан кам бўлмаса, П. г. тузилади. Бу П. г. нинг вазифаси— партиясизлар ўртасида партия таъсирини ҳар томонлама кучайтириш ва партия сиёсатини ўтказишдан, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлашдан, бюрократизмга қарши кураш олиб боришдан, партия ва совет директиваларининг бажарилишини текширишдан иборат. П. г. тегишли партия органларига: КПСС МК га, иттифоқдош республикалар КП МКга, ўлка, обл., округ, шаҳар, р-н партия комитетига бўйсунадилар. П. г. барча масалаларда раҳбар партия органларининг қарорларига қатъий ва оғишмай амал қилишлари лозим. П. г. томонидан қабул қилинган қарорлар П. г. нинг барча аъзолари учун ҳам мажбурийдир. П. г. нинг иш муддати тегишли партия ташкилотларидан бошқа ташкилотлардаги сайланувчи органнинг иш муддати б-н белгиланади.

ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛЬ КОМИТЕТИ — қ. *КПСС МК ва СССР Министрлар Совети Партия-давлат контроль комитети.*

ПАРТИЯ ИНТИЗОМИ — марксча-ленинча партиялар уюшқоқлиги ва жанговарлигининг зарур шарти; партия Программаси, Устави талабларини, партия органларининг қарорлари ва партия ахлоқини коммунистлар ҳамда партия ташкилотлари томонидан бажарилишидаги ҳал қилувчи шарт. П. и. янги типдаги пролетар партиясининг ташкилий асосларидан бири сифатида, партия ташкилий тузилишининг раҳбар принципи — демократик централизм б-н узвий боғланган.

П. и. нинг муҳим принципларини В. И. Ленин ишлаб чиққан ва асослаб берган. В. И. Ленин ишчилар синфининг ҳокимият учун қуролли кураши, уни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш даврида партиянинг темир интизоми муҳим аҳамиятга эга, деб таъкидлади. Партия темир интизоми партия ичидаги танқид ва ўз-ўзини танқидни, онглилик, ихтиёрий бўйсунишни истисно қилмай, балки тақозо этади. П. и. пролетар партиясининг ғоявий бирлиги б-н узвий боғланган. Фақат онгли интизомгина ҳақиқатда темирдек мустаҳкам, ғоявий ва принципиал интизом бўлиши мумкин. П. и. га барча коммунистларнинг бўйсуниши мажбурийдир.

КПССнинг П. и. принциплари КПСС Уставида баён этилган. Партия аъзоси партия кучқудратининг асосий шарти бўлган партия бирлигини ҳар томонлама сақлаши, П. и. ва давлат интизомига риоя қилиши керак. Партия КПСС Программаси ва Устави, партия, давлат интизомини бузишдаги айбдорларни ҳамда партия

ахлоқини бузувчиларни партиявий жавобгарликка тортади.

Қардош коммунистик ва ишчи партиялар КПССнинг тарихий тажрибасини эътиборга олиб, интизомни ҳамда ўз сафларида бирликни мустаҳкамламоқдалар. Марксча-ленинча П. и. талабларидан ўнг ва «сўл» ревизионистлар каби чекиниш партияни реформистик-анархистик ёки ҳарбийлаштирилган типдаги ташкилотга айланишига олиб келади.

Ад.: Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави, Т., 1971.

ПАРТИЯ ИЧКИ ДЕМОКРАТИЯСИ — КПСС ва б. марксча-ленинча коммунистик ҳамда ишчи партияларнинг тузилиши ва фаолиятининг негизи, партия ташкилий тузилишининг раҳбар принципи — демократик централизмнинг муҳим томони. П. и. д. деганда, барча партия ишларини ҳал қилишда коммунистларнинг фаол иштироки тушунилади.

КПСС Уставида баён қилинган П. и. д. нинг муҳим қоидаси шуки, партия аъзоси алоҳида партия ташкилотларида ва, умуман, партияда партия сиёсати масалалари бўйича эркин ва амалий муҳокама қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир партия аъзоси таклифлар киритиши, ташкилот қарор қабул қилгунга қадар ўз фикрини очиқ айтиб чиқиши ва ҳимоя қилиши мумкин. Ҳар бир партия аъзоси истаган коммунистни унинг эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, танқид қилиш ҳуқуқига эга. Танқидни бўғишда ва танқид қилинганлиги учун таъқиб этишда айбдор бўлган шахслар КПСС сафидан чиқарилишига қадар қаттиқ партиявий жавобгарликка тортилади. КПСС 24-съездидаги МҚнинг ҳисобот докладида: «Партия ички демократиясининг ривожланиши партия интизомини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлангандир. Тажриба шуни кўрсатдики, партиянинг кучи, қобилияти кўп жиҳатдан демократик централизм принципи қай тарика изчил ва тўғри амалга оширилаётганлиги билан белгиланади. Демократия ниқоби остидаги анархик бошбошдоқлик ҳам, коммунистларнинг ташаббусини ва активлигини ривожлантиришга халақит берувчи бюрократик централизация ҳам марксча-ленинча партия учун баб-баравар зарарлидир» дейилган (КПСС XXIV съездининг материаллари, Т., 1971, 107-б). П. и. д. тўғрисида КПСС 25-съездидаги МҚ ҳисобот докладида бундай дейилган: «Партия ички демократиясини изчил ривожлантириш, партиянинг ҳар бир аъзосига нисбатан талабчанликни ошириш — бу ленинча принциплар ўтилган босқич эмас. Бу бизнинг кунларда ҳам партия тараққиётининг негизидир» (Л. И. Брежнев, КПСС МҚ ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари, Т., 1976, 90-б.). П. и. д. га қатъий риоя қилиш ва уни ривожлантириш фақат КПСС учун эмас, балки барча халқаро коммунистик ҳаракат учун ҳам улкан аҳамиятга эга.

ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ, КПССнинг партия комитетлари — партия ташкилотларининг ижро қилувчи органи. Партия ташкилотларининг съезд, конференция, умумий йиғилишлари орасидаги даврда партия ташкилотларининг барча кундалик ишига раҳбарлик қилади (яна қ. *Партия бюроси*). П. к. ўз фаолиятида КПСС Программаси ва Уставига амал қилади, партия сиёсатини амалга оширади, унинг юқори органлари директиваларини бажаришни уюштиради. П. к. нинг асосий вазифалари КПСС Уставида (42-параграф) белгиланган. П. к. съезд, конференция, коммунистларнинг умумий йиғилишида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли б-н сайланади.

КПСС маҳаллий ташкилотлари ва уларнинг П. к. СССРнинг маъмурий-территориал бўлинишига мувофиқ тузилади ва *демократик централизм* принципи асосида иш олиб боради. КПСС республика ташкилотлари фаолиятига иттифоқдош республика КП МҚлари, ўлка ташкилотлари фаолиятига ўлка комитетлари, обл. ва автоном республикалар ташкилотлари фаолиятига обл. комитетлари, округ ташкилотлари фаолиятига округ комитетлари, шаҳар ташкилотлари фаолиятига шаҳар комитетлари, р-н ташкилотлари фаолиятига р-н комитетлари раҳбарлик қилади; 300 дан ортиқ (айрим ҳолларда 100 дан ортиқ) коммунисти бўлган корхона ва муассасанинг, 50 коммунисти бўлган к-з ва с-знинг бошланғич партия ташкилотлари фаолиятига парткомлар раҳбарлик қилади. Иттифоқдош республика КП МҚлари иттифоқдош республика КП съездлари томонидан 5 йил муддатга сайланади. Ўлка, обл., округ, шаҳар, р-н комитетлари ўлка, обл., округ, шаҳар, р-н партия конференциялари томонидан 2—3 йиллик муддат б-н сайланади. П. к. бюро (Украина КП МҚ эса Сиёсий бюро), шунингдек комитет секретарларини сайлайди. Барча П. к. махсус бўлим ва секторларни тузади. Кундалик масалаларни кўриб бориш ва ижрони текшириш учун иттифоқдош республика КП МҚлари ҳамда ўлка ва обл. комитетларида секретариат тузилиши мумкин. Иттифоқдош республика КП МҚлари, ўлка ва обл. комитетларининг пленумлари камида 4 ойда 1 марта, округ, шаҳар, р-н комитетларининг пленумлари камида 3 ойда 1 марта чақирилади. Иттифоқдош республика КП МҚлари, КПСС ўлка ва обл. комитетлари округ, шаҳар, р-н партия ташкилотларига раҳбарлик қилади. Ўлка ва иттифоқдош республикалар составига кирувчи автоном республика, шунингдек автоном ва б. обл. партия ташкилотлари ўлка комитетлари, иттифоқдош республикалар КП МҚлари раҳбарлигида ишлайди. РСФСР терр-ясида иш олиб борувчи ўлка ва обл. партия ташкилотларига бевосита КПСС МҚ раҳбарлик қилади. КПСС округ, шаҳар, р-н комитетлари бевосита ўз терр-ясидаги бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилади.

Корхона, муассаса, олий ўқув юртларининг парткомлари бошланғич партия ташкилотининг конференцияси, умумий йиғилиши томонидан 2—3 йил муддатга сайланади. Кундалик ишларни олиб бориш учун секретарь ва унинг ўринбосарлари сайланади. 1000 дан ортиқ коммунисти бўлган ташкилот парткомларига иттифоқдош республика КП МҚ (РСФСР учун КПСС МҚ) рухсати б-н партияга қабул қилиш, партия аъзолари ва кандидатлари ҳисоботини юргизиш ҳамда коммунистларнинг шахсий ишларини кўриб чиқиш юзасидан р-н партия комитети ҳуқуқлари берилиши мумкин.

П. к. ўз фаолияти тўғрисида партиянинг съезд, конференция йиғилишларида ҳисоб беради. Съезд, конференция, йиғилишлар ўртасидаги даврда П. к. ўз иши тўғрисида партия ташкилотларига мунтазам ахборот бериб туради.

Ад.: Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Устави, Т., 1971; Партийное строительство, 3 изд., М., 1973.

ПАРТИЯ КОНТРОЛЬ КОМИТЕТИ—к. *КПСС МҚ ҳузуридаги Партия контроль комитети.*

ПАРТИЯ КОНФЕРЕНЦИЯСИ — 1) Бутуниттифоқ (1924 йилгача Бутун Россия) партия конференцияси — партия сиёсатининг муҳим масалаларини муҳокама қилиш учун КПСС МҚ томонидан зарур бўлиб қолган ҳолларда чақириладиган партия органи. Бутуниттифоқ П. к. ни ўтказиш тартибини КПСС МҚ белгилайди. Октябрь социалистик рев-ясига қадар еттита Бутун Россия П. к. бўлиб ўтган. Совет ҳокимияти ўрнатилгач, Бутуниттифоқ (Бутун Россия) П. к. 1941 йилгача чақирилган (яна қ. *КПССнинг Бутуниттифоқ конференцияси*); 2) обл., ўлка, округ, шаҳар, р-н партия ташкилотларининг олий органи. П. к. тегишли партия комитетлари томонидан 2—3 йилда 1 марта чақирилади (округ, шаҳар, р-ларда П. к. б-н бирга коммунистларнинг умумий йиғилиши ҳам ўтказилиши мумкин). У комитетнинг, ревизия комиссиясининг ҳисоботларини эшитади, партия, хўжалик ва маданий қурилишга доир масалаларни муҳокама қилади, обл., ўлка, округ, шаҳар, р-н комитетларини, ревизия комиссиясини, юқори орган конференциясига ёки съездга делегатларни сайлайди. П. к. га вакиллик нормаларини тегишли партия комитети белгилайди. Навбатдан ташқари (Фавқулодда) П. к. тегишли партия комитети қарори б-н ёки шу партия ташкилотига кирувчи партия аъзоларининг 1/3 қисмининг талаби б-н чақирилиши мумкин. Иттифоқдош республикалар компартиялари съездлари ўртасидаги даврда партия ташкилотлари фаолиятининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш учун республика П. к. чақирилиши мумкин, уни ўтказиш тартибини иттифоқдош республикалар компартияларининг МҚлари белгилайдилар.

ПАРТИЯ МАКТАБЛАРИ, КПССнинг Олий партия мактаблари — раҳбар партия ва совет кадрларини тайёрловчи республика ҳамда областлараро ўқув юрти. П. м. 2 бўлимдан иборат бўлиб, олий маълумотлилар учун ўқув муддати — 2 йил, ўрта маълумотлилар учун ўқув муддати — 4 йил. П. м. га иттифоқдош республикалар КП МҚлари, КПСС обл. ва ўлка комитетларининг тавсияси б-н камида 3 йиллик партия стажига ва партия, совет, журналистик иш тажрибасига эга бўлган партия аъзолари (40 ёшгача бўлганлар 2 йиллик бўлимга, 35 ёшгача бўлганлар 4 йиллик бўлимга), шунингдек сайланувчи партия ва совет органларида ташкилотчилик қобилияти б-н ўзини кўрсатган коммунист ишчи ва колхозчилар қабул қилинади. П. м. да КПСС тарихи, марксча-ленинча философия, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, партия қурилиши, совет давлат қурилиши ва ҳуқуқи, халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракати, совет экономикаси ва халқ хўжалигини бошқариш, журналистика, рус тили, чет тиллар ва б. кафедралар бор. П. м. да партия ва давлат фаолиятининг услуб ҳамда методларини такомиллаштириш проблемаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. П. м. КПСС МҚ ҳамда тегишли итифоқдош республикалар КП МҚ лари, КПСС обл. ва ўлка комитетлари раҳбарлигида иш олиб боради. Бу мактабларга ўқув-методик раҳбарликни КПСС МҚ ҳузуридаги Олий партия мактаби ва КПСС МҚ ҳузуридаги сиртқи Олий партия мактаби амалга оширади.

Партия кадрларини тайёрловчи биринчи ўқув юрти В. И. Ленин томонидан 1911 йилда ташкил этилган *Лонжюмодаги партия мактаби*дир. Октябрь рев-ясидан сўнг, совет ва партия иши курслари, мактаблари, 1918 йилда Я. М. Свердлов номли Коммунистик ун-т ташкил этилди. Партия МҚнинг 1946 йил 2 август қарорига мувофиқ *Ижтимоий фанлар академияси*, шунингдек партия МҚ ҳузуридаги Олий партия мактаби б-н бирга иттифоқдош республика КП МҚлари, обл. ва ўлка партия комитетлари ҳузурида 2 йиллик П. м. ташкил этилди. Жумладан, Тошкентда ҳам Ўзбекистон КП МҚ ҳузурида 2 йиллик партия мактаби ва 9 ойлик курс ташкил этилди. КПСС МҚнинг 1956 йил 26 июндаги қарори б-н П. м. нинг сони қисқартирилди; 2 йиллик П. м. олий П. м га айлантирилди. КПСС МҚ ҳузурида сиртқи Олий партия мактаби ҳам бор. 1976 йил П. м. нинг сони 16 та эди.

ПАРТИЯ МАОРИФИ — коммунистларнинг марксча-ленинча таълими системаси, КПСС идеология ишининг муҳим таркибий қисми. Марксча-ленинча назарияни эгаллаш — партия аъзосининг уставдаги вазифаси, коммунистларнинг авангардлик ролини оширишнинг муҳим шарти. П. м. нинг мақсади коммунистларда марксизм-ленинизм асосида ижтимоий турмуш ҳодисаларига тўғри баҳо беришни тарбиялаш, онгли равишда партия сиёсатини амалга ошириш ва оммага тушунтиришдир. П. м. ни ташкил этишда партия органлари МҚнинг идеология ишлари бўйича қарорларига амал қиладилар. Унда сиёсий ўқувнинг вазифа, шакл ва методлари белгиланган бўлади. П. м. 3 звенодан иборат. Бошланғич звено (бошланғич сиёсий мактаб) сиёсий адабиётлар устида мустақил ишлаш малакасига эга бўлмаганлар учун белгиланган. Бошланғич сиёсий мактаб программасига В. И. Ленин биографиясини, сиёсий ва иқтисодий билимлар асосини ўрганиш киради; қўшимча равишда КПССнинг кундалик ҳужжатлари, партия тарихининг оммабоп курси ўрганилади. Машғулотни ўтказиш методи — пропагандистнинг сўзлаб бериши, тингловчилар б-н суҳбат. П. м. нинг ўрта звеноси — марксизм-ленинизм асослари мактаби. Унда КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, философия, илмий коммунизм, қўшимча равишда — экономика асослари ва ишлаб чиқаришни бошқариш, партия қурилиши масалалари ўрганилади. Тингловчилар марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, партия ҳужжатлари, ижтимоий-сиёсий адабиёт устида мустақил ишлашни, омма орасида сиёсий иш олиб боришни ўрганадилар. Машғулот методи — лекция, суҳбат ҳамда партия, совет, хўжалик, идеология ишлари бўйича маҳаллий материалларни анализ қилиш ва тартибга солиш б-н боғлиқ бўлган вазифаларнинг тингловчилар томонидан бажарилиши. П. м. нинг олий звеноси марксча-ленинча назария ва КПСС сиёсати, партия раҳбарлигининг ленинча принциплари, коммунистик қурилишнинг назария ва тажрибаси ҳамда меҳнаткашларни тарбиялаш, халқаро муносабат ва жаҳон революцион ҳаракати бўйича чуқур, системали билим беради. Машғулот методи — лекция, назарий суҳбат, тингловчилар томонидан тайёрланган рефератларни муҳокама қилиш.

Коммунистлар ташкилий шаклдаги ўқув б-н бирга индивидуал план асосида ҳам шуғулла-

нишлари мумкин. Мустақил равишда шуғулланувчиларга ёрдам тариқасида партия комитетлари лекция ва лекциялар цикли, консультация, назарий конференциялар уюштиради. Сиёсий ўқувнинг асосий методи — биринчи манбаларни бевосита ўрганиш.

П. м. системасига асосий звенолардан ташқари, лекция пропагандаси: тематик лекциялар, маркса-ленинча назария, ҳозирги замон экономикаси, маданияти, халқаро ҳаёт проблемаларига оид лекциялар цикли ҳам киради. Бу коммунистларнинг ғоявий-назарий савиясини оширади, сиёсий адабиётларни ўқишга қизиқиш уйғотади. КПСС П. м. системаси машғулотларини ғоявий томондан мазмунли, назарий савияси юксак даражада бўлишини талаб қилади. Пропагандист кадрларни тайёрлаш марксизм-ленинизм ун-тлари, пропагандистлар мактаби ва курслари томонидан амалга оширилади. Пропагандистларнинг кундалик ўқув шакли сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари ҳузуридаги доимий семинарлардир. П. м. системаси учун ўқув планлари, программалар, қўлланмалар нашр этилади. Машғулотлар учун материаллар 35 та марказий журнал ва газеталарда эълон қилинади. Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси бўйича махсус «Ленинча миллионлар университети» эшиттириши берилади.

ПАРТИЯ САФАРБАРЛИГИ (СССРда) — армияга ёки халқ хўжалиги соҳасига коммунистларни оммавий ва шахсан чақириш, сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий вазиятнинг оғир шароитида Коммунистик партия ташкилий ишларининг фавқулодда шакли. Умумпартиявий сафарбарлик партия МҚ қарори б-н, маҳаллий сафарбарлик тегишли партия органлари қарори б-н ўтказилган.

Қизил Армияга биринчи оммавий П. с. РКП(б) МҚнинг 1918 йил июль қарорига мувофиқ Шарқий фронтда аҳвол оғирлиги туфайли ўтказилди ва Шарқий фронтга 25 минг коммунист жўнатилди. 1918 йил декабрь — 1919 йил январда Жанубий фронтга 2557, 1919 йил Колчакка қарши курашга 20 минг коммунист сафарбар қилинди. Айни вақтда 1919 йил майда РКП(б) МҚ қарорига мувофиқ Юденич қўшинларига қарши Ғарбий фронтга қисман П. с. ўтказилди. 1919 йилнинг иккинчи ярмида Жанубий фронтга 30 минг коммунист сафарбар қилинди. Оқ поляклар ва Врангель қўшинларига қарши кураш даври (1920 йил апрель—ноябрь)да П. с. б-н 24244 коммунист, бундан ташқари, Украина КП(б) МҚ томонидан эълон қилинган П. с. бўйича яна 3 минг коммунист Қизил Армия сафига келди. Гражданлар уруши йиллари (1918—20) П. с. бўйича армия сафига ҳаммаси бўлиб 200 мингдан ортиқ коммунист келди.

Меҳнат фронтига П. с. биринчи марта МҚнинг 1920 йил 2 март қарорига мувофиқ ўтказилди ва транспортни тиклаш учун 5 минг коммунист сафарбар қилинди. Транспортга ҳаммаси бўлиб 900 раҳбар партия ходими ва 6 минг оддий коммунист юборилди. 1920—21 йилларда саноатнинг турли соҳаларига қисман П. с. ўтказилди.

Қишлоқ хўжалигини кўтариш, уни социалистик қайта қуриш учун ҳам бир қанча П. с. ўтказилди. 1920 йил августда озиқ-овқат ишига, 1921 йил январда экиш кампаниясига (18 минг киши) сафарбарлик эълон қилинди. 1924 йил 13 февралда МҚ 3 минг кишини кооператив, маданий-оқартув, совет ва партиянинг қишлоқдаги органларида ишлаш учун сафарбар этишни маҳаллий партия ташкилотларига таклиф қилди. 1924 йил 27 октябрда МҚ Пленуми масъул партия ва совет ходимларини 3—4 ойлик муддат б-н қишлоқда ишлаш учун сафарбар этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Партия 14-конференцияси (1925 йил апрель) партия-тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида 3 минг пропагандистни ва уезд партия комитетларида инструкторлар составини мустаҳкамлаш мақсадида минг нафар партия ходимини қишлоққа жўнатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Партия 15-съезди (1927) дан сўнг ВКП(б) МҚ 11 минг партия, совет, кооператив ходимларини П. с. бўйича қишлоққа юборди. ВКП(б) МҚнинг ноябрь Пленуми (1929) қарорига мувофиқ 25 минг ишчи-коммунист қишлоқларга жўнаб кетди.

Улуғ Ватан уруши (1941—45) бошларида партия яна П. с. ўтказишга мажбур бўлди. Урушнинг биринчи йилида партия Совет Қуролли Кучларига 1 млн. дан ортиқ коммунистни юборди. Уруш тамом бўлгандан сўнг юз минглаб коммунистлар саноатнинг турли соҳаларида халқ хўжалигини тиклашга юборилди. КПСС МҚнинг сентябрь Пленуми (1953) қароридан сўнг, шаҳарлардан ўн минглаб раҳбар ва инженер-техник ходимлар к-з, МТС ва с-зларга жўнатилди. К-зларда раҳбарликни таъминлаш мақсадида 1955 йил партия, совет ва хўжалик кадрлардан, инженер-техник ходимлардан 30 минг кўнгилли қишлоқларга юборилди.

П. с. партия кучларини тез тақсимлаш ва коммунистларни ҳарбий, партия, совет, хўжалик қурилишининг муҳим участкаларига эътибор беришни таъминлаган.

Ад.: КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида, 2-қисм, Т., 1954; Петров Ю. П., Партийные мобилизации в Красную Армию (1918—1920 гг.), М., 1956; Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи, Т., 1972.

ПАРТИЯ ТАРИХИ ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон КП МҚ ҳузуридаги Партия тарихи институти — КПСС МҚ ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтининг филиали — Ўзбекистон КПнинг илмий тадқиқот муассасаси. Ин-тнинг ташкил этилишига 1922 йил Тошкентда тузилган Туркистон КП МҚ ҳузуридаги Истпарт асос бўлди. Шундан бери ин-тнинг номи бир неча марта ўзгарди. 1956 йилдан Ўзбекистон КП МҚ ҳузуридаги Партия тарихи ин-ти деб аталди. Ин-тда партия тарихи, партия қурилиши, таржима секторлари ва партия архиви мавжуд. Ин-т ҳузурида жамоатчилик асосида к-з ва с-злар тарихи ин-ти иш олиб бормоқда. Ин-т партия тарихи фанининг актуал проблемаларини тадқиқ этиш б-н шуғулланади. Ин-т томонидан Ўрта Осиёда революцион ва коммунистик ҳаракат тарихи, Туркистон ва Ўзбекистон Компартиялари тарихи ҳамда партия қурилиши масалалари бўйича 180 дан ортиқ илмий асар тайёрланди ва нашр этилди. Бундан ташқари, ин-т республикада партия тарихи ва партия қурилиши соҳасида илмий тадқиқотларни координациялаш бўйича катта иш олиб бормоқда. Ин-т Ўзбекистонда партия тарихи фанининг ҳақиқий маркази бўлиб қолди. Ин-т фаолиятида марксизм-ленинизм классикларининг асарлари ва партия қарорларини ўзбек тилига таржима қилиш муҳим ўрин эгаллайди. Фақат 1946—73 йилларда марксизм-ленинизм классикларининг умумий тиражи 4,5 млн. нусхада 200 дан ортиқ китоби таржима қилинди ва нашр этилди. Ин-т В. И. Ленинниг Тўла асарлар тўпламини ўзбек тилига таржима қилишни муваффақиятли равишда амалга оширмоқда.

Партия тарихи фанини ривожлантириш ва марксизм-ленинизм классикларининг ғоявий-назарий меросини пропаганда қилишдаги хизматлари учун ҳамда ташкил этилганлигининг 50 йиллигида ин-т Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1972).

«ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ПАРТИЯ АДАБИЁТИ» — В. И. Ленин мақоласи. 1905 йил 13 ноябрда ёзилган. Асарда партия матбуоти ва умуман партия адабиётининг 1905 йил рев-яси натижасида Россияда вужудга келган янги шароитдаги конкрет вазифалари ҳамда социалистик жамият адабиёти ва санъатининг энг муҳим белгилари чуқур илмий таҳлил қилинган. Россиядаги революцион ҳаракат натижасида инқироз олдида турган подшо ҳукумати ўзига душман бўлган синфларга ҳам сиёсий чиқиш учун муайян эркинликлар беришга мажбур бўлди. Гарчи бу эркинликлар нисбий бўлса-да, янги тарихий шароитда Коммунистик партия барча легал ташкилотлардан ва легал матбуот органларидан социалистик рев-я ғояларини пропаганда қилиш учун максимал фойдаланиш талабини илгари сурди. «П. т. ва п. а.»да партиянинг легал матбуот олдига қўйган бу талаби ҳам ўз аксини топган. В. И. Ленин ўз асарида социалистик адабиётнинг изчил партиявийлиги шиорини илгари сурди ва асослади. Асарда адабиёт ва санъат ҳақида ленинча коммунистик партиявийлик назариясининг асосий тезислари қисқа, лекин чуқур илмий ифодаланган.

«П. т. ва п. а.»да «санъат — санъат учун» шиорининг асоссизлиги, «соф санъат» ҳақидаги «назария» фақат буржуа санъати ва адабиётининг халққа қарши моҳиятини ниқоблашга уринишдан, санъат б-н ҳаётнинг муносабатини инкор этиш эса аслида ижодий интеллигенция вакилларининг синфий кураш манфаатларига хизмат қилишига қарши чиқишидангина иборатлиги далиллар б-н асослаб берилган. В. И. Ленин маълум синфий манфаатлар б-н боғлиқ бўлмаган адабиёт тарихда бўлмаганлигини ва бундан кейин ҳам бўлмаслигини кўрсатди. Пролетар адабиёти эса, пролетариатнинг ҳаётий манфаатларини ифодалайди, унинг меҳнаткаш халқ ҳаёти б-н алоқаси ғоят мустаҳкам. Шунинг учун чуқур партиявий адабиётдир. В. И. Ленин эстетик тафаккур тарихида биринчи бўлиб партиявийликнинг ижод эркинлиги б-н муносабатини тамомила янгича талқин этди. У социализм ғояларига очиқдан-очиқ ва ҳалол хизмат қилиш санъаткорларга тўла ижодий эркинлик бағишлашини таъкидлади. В. И. Ленин буржуа жамиятида ижод эркинлиги ҳақидаги гаплар қуруқ сафсатадан иборат эканлигини усталик б-н исботлаб берган. Шу б-н бирга, у социализм ғояларига хизмат қилувчи адабиётнинг ҳақиқий эркин адабиёт бўлиши сабабларини чуқур таҳлил этади. «П. т. ва п. а.» нинг асосий пафоси ҳам социалистик ғоялар ва меҳнаткашлар манфаати б-н очиқдан-очиқ боғланган, шу сабабли чуқур коммунистик партиявийлик руҳи б-н суғорилган адабиётгина ҳақиқий эркин адабиёт бўла олишини исботлашдан иборатдир. Бу айни пайтда адабий услуб ва ижодий манерадаги ранго-рангликни ҳам тақозо этади.

Ад.: Ленин В. И., Партия ташкилоти ва партия адабиёти, Тўла асарлар тўплами, 10-т.; Ленин В. И., Адабиёт тўғрисида. Тўплам, Т., 1974; Қосимов С., Ленин. Партия. Адабиёт. [Адабиёт масалалари], Т., 1972; В. И. Ленин ва хорижий шарқ адабиёти. Тўплам, Т., 1970.

«ПАРТИЯ ТУРМУШИ» («Партийная жизнь») — Ўзбекистон Компартияси МҚнинг ижтимоий-сиёсий ойлик журнали. Партия, совет, комсомол ходимлари ҳамда кенг журналхонлар оммасига мўлжалланган. 1958 йилдан ўзбек тилида, 1960 йил июлдан ўзбек ва рус тилларида Тошкентда нашр этилади. Журналда КПСС МҚ ва Ўзбекистон Компартияси МҚ пленумлари, бюро қарорлари муntазам бериб борилади, унинг саҳифаларида республикадаги обл., шаҳар, р-н партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг хўжаликка раҳбарлик, партиявий-ташкилий ва оммавий-сиёсий иш соҳасидаги фаолияти, коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги пешқадамлик роли кенг ёритилади; КПСС ва Ўзбекистон Компартияси тарихига, партия турмушининг амалий ва назарий жиҳатларига оид материаллар, партия турмушига ва партия тарихига бағишланган китобларга тақризлар босилади.

Муҳаррирлари: Х. *Едгоров*, Р. *Абдураҳмонов*, 1962 йилдан Т. *Соатов*. Журналда Ўзбекистон Компартияси МҚ секретарлари, бўлим мудирлари, республика Олий Совети Президиуми, Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари Марказий совети, Ўзбекистон ЛКСМ МҚ масъул ходимлари, обл., шаҳар, р-н партия комитетларининг секретарлари фаол қатнашади. Тиражи ўзбек тилида 70 мингдан, рус тилида 24 мингдан ортиқ (1976).



«Партия турмуши» журнали.

ПАРТИЯ ЯЧЕЙКАСИ — 1934 йилгача Коммунистик партиянинг қуйи, бошланғич ташкилоти номи. ВКП(б) 17-съезди (1934) меҳнат коллективлари ва, умуман, социалистик қурилишда П. я. нинг роли ошиб бораётганлигини назарда тутиб, уни *бошланғич партия ташкилотлари* қилиб қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди.

ПАРТИЯ ҚУРИЛИШИ (КПССда) — партия тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотнинг ажралмас қисми. Фан сифатида Коммунистик партия раҳбарлик ролининг ривожланиб ва ортиб бориш қонуниятларини, унинг тузилиш принципларини, ташкил этиш шаклларини ва ички ҳаёти қоидаларини, партиянинг оммa ўртасидаги ташкилий, сиёсий ва ғоявий ишларининг, хўжалик ва маданий қурилиш, меҳнаткашларнинг давлат ҳамда жамоат ташкилотларига раҳбарлик қилиш усул ва методларини ўрганади. П. қ. КПСС тарихи б-н чамбарчас боғланган бўлиб, унинг асосини КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракат тажрибаси ташкил этади.

КПСС В. И. Ленин томонидан ишлаб чиқилган ғоявий-сиёсий ва ташкилий принциплар, партия ҳаёти нормалари ҳамда партия раҳбарлиги принциплари асосида тузилади ва ишлайди. КПССнинг ташкилий тузилиши, партия ишининг шакллари ҳамда партия раҳбарлигининг методлари партия олдида турган конкрет тарихий вазият ва вазифаларнинг хусусиятларига қараб ўзгаради. П. қ. масалалари партиянинг барча съезд ва конференцияларида, МҚ

нинг кўпгина пленумларида кўриб чиқилган. Партиянинг ташкилий шакл ва иш методларидаги ўзгаришлар партия ҳаёти ҳамда П. қ. нинг асоси ҳисобланган партия Уставида акс этган.

Партия ташкилий тузилишининг раҳбар принципи демократик централизмдир, аммо унинг конкрет мазмуни, шакл ва қўллаш доираси ўзгармас эмас. Улар партия иш олиб борадиган реал шароитлардаги мавжуд ижтимоий системада партия мавқеига қараб ўзгариб туради. Рев-ягача бўлган яширин иш шароити даврида партия ташкилий тузилиши ва унинг ички ҳаёти принципи қатъий централизация бўлган. Бу партия ташкилотлари структурасининг тузилишини, партия органларининг шакланиши ва уларнинг иш методларини белгилаган. Партия 2 қисмдан: профессионал революционерлар ва корхона ҳамда шаҳарларда партия аъзоларини бирлаштирган партия ташкилотларининг кенг тармоғидан иборат бўлган.

Октябрь социалистик рев-яси ғалабасидан сўнг, партия ўз ташкилотлари ва бутун партия структурасини ўзгартирди. 1919 йил РКП(б) МҚ Ташкилий бюроси ва Секретариати, 1920 йил партия бирлигини сақлаш мақсадида Марказий контроль комиссия ва жойларда контроль комиссиялар тузилди. Уч ва ундан ортиқ партия аъзоси бўлган корхона, қишлоқ, Қизил Армия, муассасаларда партия ячейкалари (бошланғич партия ташкилотлари) вужудга келди. Маъмурий-территориал бўлинишга мувофиқ волость, уезд, шаҳар, округ, губерия, ўлка партия ташкилотлари, миллий коммунистик партиялар (кейинчалик — р-н, шаҳар, округ, обл., ўлка партия ташкилотлари, иттифоқдош республика компартиялари) ташкил этилди. Қизил Армия ва Ҳарбий-Денгиз Флотида партия-сиёсий ишларни ташкил этиш ва амалга ошириш учун сиёсий органлар тузилган.

П. қ. масалалари КПСС 22-съездида қабул қилинган КПСС Программасида, КПСС 23-, 24-, 25- съезд материалларида, амалдаги КПСС Уставида, партия МҚ пленумларининг партия ишининг турли масалалари бўйича қарорларида, КПСС МҚнинг бошқа ҳужжатларида кенг ёритилган.

Ривожланган социалистик жамиятда КПССнинг ташкилий тузилиши, унинг ташкилотларининг структураси ва иш методи коммунистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этишда ёрдам беради. Партия партия ички демократиясини янада ривожлантириш, коммунистларнинг фаоллигини ошириш, партия турмушининг ленинча нормаларига қатъий риоя қилиш, ишчилар синфи, барча совет халқи б-н алоқани мустаҳкамлаш йўлини олиб бормоқда.

П. қ. партия тарихи, КПСС ва халқаро коммунистик ҳаракат тажрибаси б-н узвий боғлиқ. П. қ. асосларини чуқур ижодий ўрганиш раҳбар кадрлар, барча коммунистларнинг сиёсий савиясини ва ғоявий жиҳатдан чиниқишини оширади, партия ташкилотларининг иш услуби ва методларини яхшилашга, навбатдаги вазифаларни муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам беради. КПССнинг П. қ. тажрибаси барча қардош коммунистик ва ишчи партиялари томонидан фойдаланилмоқда.

П. қ. назарияси КПССнинг партия мактабларида ва партия маорифи системасида ўрганилади. КПСС МК ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясида, КПСС МК ҳузуридаги Олий ва Сиртқи олий партия мактабларида, республика ва областлараро олий партия мактабларида П. қ. кафедралари, КПСС МҚ ҳузуридаги Марксизм-ленинизм ин-тида П. қ. бўлими мавжуд. П. қ. масалалари КПСС МҚнинг «Коммунист», «Партийная жизнь» журналларида, «Правда» газетасида ва партия матбуотининг бошқа органларида ёритилади.

Ад.: В. И. Ленин о нормах партийной жизни и принципах партийного руководства, М., 1973; Брежнев Л. И., Об актуальных проблемах партийного строительства, М., 1973; Партийное строительство, 3 изд., М., 1973.

ПАРТИЯ ҲАФТАЛИГИ — ишчи ва деҳқонларни РКП(б) сафига оммавий қабул қилиш. 1919 йил кузда ўтказилган. П. ҳ. Совет республикаси учун оғир шароитда, чет эл ҳарбий интервенцияси ва ички контрреволюция даврида ўтди. П. ҳ. дастлаб 10—17 августда Петроградда, 20—28 сентябрда Москва губерия, октябрнинг бошларида Москва ш. партия ташкилотида ўтказилди. РКП(б) МКнинг 1919 йил 26 сентябрдаги Пленуми бошқа шаҳар ва қишлоқларда, Қизил Армия қисмларида ҳам П. ҳ. ни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. МКнинг 30 сентябрдаги барча партия ташкилотларига «Партия ҳафталиги тўғрисида»ги хатида П. ҳ. вақтида партияга фақат ишчи, деҳқон, матрос ва қизил аскарларни қабул қилиш кераклиги кўрсатилди. Шу б-н бирга, МҚ партияни сон жиҳатдан кенгайтириш б-н бир қаторда, унинг сифат составини ҳам яхшилаш зарур, деб кўрсатди. Партияга қабул қилиш тўғрисидаги масалалар ва П. ҳ. ўтказиш муддатлари маҳаллий партия ташкилотлари томонидан ҳал қилинди. П. ҳ. даврида 300 мингга яқин киши партияга кирди.

ПАРТИЯВИЙЛИК — 1) шахснинг бирор сиёсий партияга дахлдорлиги; 2) муайян синфлар, ижтимоий группаларнинг манфаатларини ифодалайдиган дунёқараш, философия, ижтимоий фанлар, адабиёт ва санъатнинг ғоявий йўналиши, ғоявий кураш қуроли. Синфнинг идеологлари яратадиган назарияларда, философ, ёзувчи, рассомнинг илмий, бадиий ижоди ёки шахсий позициясида намоён бўлади.

Ҳар бир ижтимоий синф, группанинг алоҳида иқтисодий ва сиёсий манфаати, ўзининг маънавий бойлиги — ахлоқий норма ва принциплари, анъана ва одатлари, мақсад ва идеаллари бўлиб, уларни идеологлар, олимлар, маданият арбоблари у ёки бу тарзда ҳимоя қилади, асослайди ва ривожлантиради. «...Ҳеч бир тирик одам(синфлар ўртасидаги муносабатларни англагач) бironта синф т о м о н и н и о л м а с д а н қ о л а о л м а й д и, бу синфнинг муваффақиятига хурсанд, муваффақиятсизлигига хафа бўлмасдан иложи йўқ, бу синфга душман бўлганларга қолоқ назарияларни ёйиб бу синфнинг ўсишига тўсқинлик қилувчиларга ...ғазабини тўкмасдан иложи йўқ» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 2- т., 263- б.). П. тушунчаси синф ёки ижтимоий группанинг манфаатларини ёркин ифодалайдиган, унинг сиёсий курашига раҳбарлик қиладиган сиёсий партия фаолияти б-н боғлиқ. Ҳозирги тушунчадаги сиёсий партиялар бўлмаган қуллдорлик ва феодализм жамиятларида ҳукмрон синфлар турли табақаларининг манфаатларини сиёсий гуруҳлар, турли фалсафий ва ижтимоий-сиёсий оқимлар ифода қилиб келган. Муайян сиёсий гуруҳ қандай синфнинг — прогрессив ёки реакцион синфнинг—манфаатларини ифода этганига қараб, бу гуруҳнинг П. принципи жамият тараққиётида ё реакцион, ё прогрессив роль ўйнайди. Буржуазия ва пролетариатнинг пайдо бўлиши б-н П. сифат жиҳатидан янги мазмун б-н бойиди, синфлар курашида, жамиятнинг ғоявий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнай бошлади. Пролетариатнинг революцион куч сифатида майдонга чиқиши, унинг манфаатларини изчил ифода этган илмий идеология — марксизм-ленинизмнинг шаклланиши, ишчилар синфи сиёсий партиясининг тузилиши сиёсат соҳасидагина эмас, балки философия, социология, илмий ва бадиий ижод соҳаларида ҳам ишчилар синфи ва бутун меҳнаткашларнинг манфаатларини капиталистлар ва б. эксплуататор синфлар манфаатига ҳар томонлама қарама-қарши қўйиш имконини берди. П. принципи ижтимоий ҳодисалар, илмий концепциялар, сиёсий программа ва шиорларни таҳлил қилиш ва баҳолашнинг умумий принципи бўлиб қолди.

Марксча-ленинча назария ишчилар синфининг мақсад ва вазифаларини, коммунистик партиянинг сиёсатини ҳимоя қилиб ва асослаб, эксплуататорлик тузумини, унинг сиёсати ва идеологиясини аёвсиз танқид қилади. Табиийки, бундай назария ҳар қандай сиёсат ва идеологиянинг партиявийлигини кўрсатмасдан иложи йўқ. Бунга қарама-қарши равишда манфаатлари кўпчилик аҳоли манфаатларига зид бўлган буржуазия ўзининг ғаразли интилишларини яширишга, иқтисодий ва сиёсий мақсадларини бутун жамиятнинг мақсадлари қилиб кўрсатишга, партиясизлик ниқобига яширинишга мажбур.

Жаҳон социалистик системасининг мустаҳкамланиши, унинг капитализмдан тарихий устунлигининг тобора равшанроқ намоён бўлиши коммунистик ғояларнинг обрўсини оширмоқда, меҳнаткашлар оммасининг буржуа идеологиясидан тобора узоқлашиб, коммунизмнинг ғоявий позицияларига ўтишига имкон бермоқда.

Империалистик пропаганда социалистик турмуш тарзини ҳар қандай воситалар б-н обрўсизлантиришга ҳаракат қилиб, айни вақтда илмий техника рев-яси асрида социализм ва капитализм шароитида ижтимоий ҳаёт формаларининг автоматик яқинлашиши содир бўлмоқда, ғоявий принциплар, идеологик тафовутлар гўё ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотмоқда деган қарашларни тарқатмоқдалар. Бироқ тажриба шуни кўрсатмоқдаки, дунёда антагонистик синфлар, кишининг киши томонидан эксплуатация қилиш сақланиб қолаверан, монополистик капитал б-н ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик мавжуд экан, монополияларнинг иқтисодий ва сиёсий ҳукмронлигига қарши меҳнаткашларнинг синфий кураши сўзсиз давом этади.

П. принципи ижтимоий фанларда, философия, адабиёт ва санъатда ўзига хос тарзда намоён бўлади.

Философияда, ижтимоий фанларда П. воқеликни билиб олиш, прогрессив ғояларнинг ривожланиши б-н боғлиқ. Философик қарашларнинг партиявийлиги дунёни (материя б-н руҳнинг, борлиқ б-н онгнинг муносабатини), инсоннинг дунёда тутган ўрнини, унинг ахлоқий ва эстетик бойликларга муносабати ва бошқаларни бир бутун ҳолда тушунтириб беришга турлича ёндашишдан иборат. Ҳозирги даврнинг ҳақиқий илмий ва революцион философияси бўлган марксча-ленинча назария Коммунистик партиянинг ғоявий қуролидир ва идеализмнинг турли-туман мактаблари ва оқимларига қарши туради. Марксистик философия илмийликнинг зарурий элементи бўлган П. ни, яъни пролетариат манфаатларини ҳимоя қилишни ўз ичига олади. «Бундан икки минг йил муқаддам философия партиявий бўлгани сингари, энг янги философия ҳам партиявийдир» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 18- т., 427- б.).

Адабиёт ва санъатда П. ёзувчи, рассом, артист, музикачи ижодининг ғоявий йўналишида намоён бўлади. Санъаткор тасвирлаётган қаҳрамонларининг ижтимоий позицияси ва интилишларини аниқ талқин қилишдан, шунингдек шахсий симпатиялари ва антипатияларидан четда тура олмайди. Чунки ҳар бир киши муайян синфлар, социал группаларнинг манфаатлари ва маънавий бойликлари б-н узвий боғланган ва уларга таянади. Адабиёт ва санъатда ғоявий йўналиш ҳамиша ўрин олиб келган бўлса ҳам, бадиий ижоднинг П. принципини биринчи марта В. И. Ленин аниқ таърифлаб берди. *«Партия ташкилоти ва партия адабиёти»* деган мақоласида Ленин ижоднинг абсолют эркинлиги ҳақидаги фикрларининг ёлғон эканлигини кўрсатди. «Буржуа ёзувчиси, рассоми, артистининг эркинлиги пулдорга, пулга, хўжасига ниқобланган (ёки мунофиқона ниқобланадиган) қарамликдан бошқа нарса эмас» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 12- т., 111- б.). Ленин ўша вақтдаёқ эркинлиги сохта, аслида буржуазияга қарам адабиётга ҳақиқатан эркин ва очиқдан-очиқ пролетариатга боғлиқ адабиётни қарши қўйиш вазифасини кўрсатиб ўтган эди. П. принципига асосланган социалистик адабиёт ва санъат, Ленин башорат қилганидек, ҳақиқий эркинлик «ўн мингтача зодагонларга» эмас, балки мамлакатнинг гули бўлган, унинг куч-қуввати, унинг истиқболи бўлган миллионлаб ва ўн миллионлаб меҳнаткашларга хизмат қилишини исботлади. Коммунистик партия адабиёт ва санъатга раҳбарлик қилиб, П. принципини муттасил ривожлантириб бориш зарурлигини таъкидлайди.

ПАРТИЯГА ЛЕНИНЧА ЧАҚИРИҚ — 1924 йил В. И. Ленин вафоти муносабати б-н илғор ишчиларни оммавий равишда РКП(б) га қабул қилиш. В. И. Ленин вафотидан кейинги мотам кунлари партия МКга партияга қабул қилишни сўраб, ишчилардан минглаб аризалар тушди. 3-д ва ф-ка ишчиларининг йиғилишларида коллектив бўлиб партияга кириш тўғрисида резолюциялар қабул қилинди. РКП(б) МКнинг пленуми (1924 йил 29—31 январь) партияга ишчиларнинг оммавий суратда киришининг улкан сиёсий аҳамиятини таъкидлаб, унинг ташкилий характерини ошириш учун ленинча чақириқ эълон қилди. Пленум партияга фақат саноат ишлаб чиқаришида банд бўлган ишчиларни қабул қилиш тўғрисида қарор қилди; МҚ партияга 20 минг камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларни ҳам қабул қилиш тўғрисида қарор чиқарди. Ленинча чақириқни ўтказиш муддати 15 февралдан 15 майгача қилиб белгиланди. 1924 йил 22 январдан 15 майгача 350 мингдан ортиқ ариза тушди. Ундан 241,6 минг киши қабул қилинди, уларнинг 92,4% и ишчилар эди. Натижада РКП(б) нинг таркибий составы яхшиланди (1924 йил январда партиядаги ишчилар 44%, 1924 йил майда 60%).

РКП(б) МҚ, унинг Ўрта Осиё бюроси раҳбарлигида Туркистонда ҳам ленинча чақириқ бўйича партияга қабул қилиш муваффақиятли ўтказилди. Туркистонда ҳаммаси бўлиб 8113 киши партияга қабул қилинди. Туркистонда П. л. ч. натижасида ТуркКП сафи маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига 43% ўсди. П. л. ч. партиянинг юксак обрўга эга эканлигини тасдиқлади, пролетариат диктатурасини, ишчилар синфи б-н деҳқонлар иттифоқини мустаҳкамлашга ёрдам берди.

Ад.: КПСС съездлар, конференциялар ва Марказий Комитет пленумларининг резолюция ва қарорларида, 1-қисм, Т., 1954; Горлов П. М., Ленинский призыв, М., 1962.

ПАРТИЯНИ ТОЗАЛАШ — Коммунистик партияни мустаҳкамлаш, унинг сафини ёт ва душман элементлардан ҳамда номуносиб кишилардан холи қилиш чораси. 1921, 1929, 1933 йилларда ўтказилган. Мамлакатда капиталистик элементлар тугатилган янги шароитда тозалаш ўтказиш ўз аҳамиятини йўқотганлиги муносабати б-н ВКП(б) 18-съезди оммавий равишда П. т. ни бекор қилди. Тозалаш ўтказишлардан воз кечиш партия ўз сафларининг софлиги учун курашни бўшаштириб юборди, деган маънони билдирмайди. КПСС 24-съезди ва партия МҚ нинг 1972 йил май Пленуми асосида партия ҳужжатларининг алмаштирилганлиги партияни янада мустаҳкамлашга, унинг сафларининг жанговар қобилиятини оширишга хизмат қилади.

ПАРТИЯ-СОВЕТ МАТБУОТИ — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукумати органларининг вақтли (даврий) нашрлари, оммавий ахборот ва пропагандаининг асосий воситаси, коммунистик қурилиш жараёнида партия ва давлат раҳбарлигининг муҳим қуроли, СССРдаги барча матбуотининг етакчи отряди. П.-с. м. Октябрь рев-ясигача бўлган *большевистик матбуот* анъаналарини давом эттирди. Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан кейинроқ, 1917 йил 28 октябр (10 ноябрь)да эълон қилинган «Матбуот ҳақидаги декрет» асосида П.-с. м. системасининг ташкил топиш жараёни бошланди. Большевистик матбуот принциплари — коммунистик партиявийлик ва ғоявийлик, халқчиллик, ҳаққонийлик П.-с. м. нинг ҳам асосий принциплари бўлиб қолди.

Партия ҳамма вақт П.-с. м. барча тармоқларининг ривожланишига ва амалий фаолиятига раҳбарлик қилади. КПСС ва Совет ҳукуматининг бевосита раҳбарлиги остида Совет ҳокимияти йилларида СССРда матбуотнинг изчил системаси вужудга келди. П.-с. м. системасини КПСС МҚ, СССР Олий Совети, иттифоқдош республикалар Олий Советлари, иттифоқдош республикалар Компартиялари МҚ, Олий Советлари ва Министрлар Советларининг қўшма органлари, КПСС обл. комитетлари, автоном республикаларнинг Олий Советлари ва Министрлар Советлари, ўлка, обл., шаҳар, р-н партия комитетлари ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари органлари, корхона ва муассасаларнинг матбуот органлари (қ. *Кўп тиражли газета, Деворий газета*) ташкил этади (1975).

КПСС МҚ нашрлари: газеталари — *«Правда»* (МҚ органи), *«Социалистическая индустрия»*, *«Сельская жизнь»*, *«Советская культура»*, *«Экономическая газета»*, *«Советская Россия»* (КПСС МҚ, РСФСР Олий Совети ва Министрлар Совети органи); журналлари — *«Коммунист»*, *«Партийная жизнь»*, *«Политическая самообразование»*, *«Агитатор»*.

СССР Олий Совети нашрлари: *«Известия»* газетаси, «Советы депутатов трудящихся» журнали, *«Ведомости Верховного Совета СССР»* бюллетени. Иттифоқдош республикаларда миллий тилларда республика Олий Советларининг бюллетенлари (жумладан ЎзССРда *«Ўзбекистон ССР Олий Советининг ведомостлари»*) нашр этилади.

Иттифоқдош республикаларда республика Компартиялари МҚ, Олий Советлари ва Министрлар Советларининг қўшма органлари сифатида маҳаллий тилларда ва рус тилида газеталар ва республика Компартиялари МҚ органи сифатида журналлар нашр этилади. Хусусан ЎзССРда республика миқёсида қуйидаги П.-с. м. бор: газеталар — *«Совет Узбекистони»*, *«Правда Востока»*, *«Ҳақиқати Ўзбекистон»*, *«Ленин байрағы»*, *«Қишлоқ ҳақиқати»* — «Сельская правда», журналлар — *«Ўзбекистон коммунисти»* — «Коммунист Узбекистана», *«Партия турмуши»* — «Партийная жизнь», *«Гулистон»*, *«Саодат»*, *«Меҳнат ва турмуш»*, *«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги»* — «Сельское хозяйство Узбекистана», *«Ўзбекистон агитатори»* — «Агитатор Узбекистана». Улка, обл., округ, р-н ва шаҳарларда тегишли партия ва совет органларининг қўшма газеталари, шунингдек айрим жойларда КПСС маҳаллий комитетларининг журналлари нашр этилади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати органлари нашрлари «Правда», «Известия» нашриётларида, республика универсал нашриётлари [ЎзССР, ГрузССР, ЛитССР, МолдССР, УзССР (қ. *Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети нашриёти*) ва ЭССР да республика Компартиялари МҚ ҳузурида партия нашриётлари бор], зонал ва обл. нашриётларида нашр этилади (яна қ. *Матбуот, Газета, Журнал, Журналистика, Ноширлик, Полиграфия саноати*).

ПАРТКАБИНЕТЛАР — партия маорифи системасида марксча-ленинча назарияни ўрганувчиларга ўқув ва методик ёрдам кўрсатиш учун маҳаллий партия комитетлари томонидан тузилган; 1952 йил партия кутубхоналарига, 1956 йил *сиёсий маориф кабинетлари*га айлантирилган.


ПАРТОВ ЕР — узоқ муддат (8—15 йил) ишланмай ташлаб қўйилган ер. П. е. да органик моддалар тўпланади, ўт, чим ҳосил бўлади, тупроқ зичланиб ва структурали бўлиб боради. П. е., дастлаб, чимқирқарли плуг б-н ҳайдалади, кейин дискланади.

ПАРТОВЧИЙ — ҚҚАССР Беруний р-ни Шимоий овул Советидаги қишлоқ. Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 8 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 28 *км*. Аҳолиси 513 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, богдорчилик, шоликорлик, полизчилик б-н шуғулланади. Шимом каналидан сув ичади. К-з идораси, саккиз йиллик мактаб, машина-трактор парки, ремонт устахонаси бор.

ПАРТОРГ (партийный организатор), КПСС МҚнинг партия ташкилотчиси — халқ хўжалиги ва, умуман, мамлакат учун муҳим аҳамиятга эга бўлган социалистик қурилишнинг айрим участкалари (йирик корхона, қурилиш ва ш. к.) да раҳбарликни ва партия ишларини кучайтириш мақсадида 1933—61



Ойбек мақоласига. 1. Ойбекнинг студентлик йиллари (Ленинград, 1929). 2. Ойбек отаси билан (1929). 3. Ойбек СССР Ёзувчилари союзи пленуми қатнашчилари орасида (1947). 4. Ойбек ЎзССР ФА мажлисида (чапдан ўнгга А. Н. Аскоченский, Ойбек, С. Айний, В. И. Романовский, 1947). 5. Покистон адиби Файз Аҳмад Файз Ойбек меҳмони (1958). 6. Ойбекнинг Ленин вафотига ёзган «Пўклаш» марсияси қўл ёзмаси (1924). 7. «Навоий» романининг қўл ёзма саҳифаси (1944). 8. «Болалик» қиссасига Л. Абдуллаев ишлаган расм (1963). 9. Ойбек портрети (рассом Н. Баскаков, Ленинград, 1975). 10. Адибнинг илк шеърлар тўплами — «Туйғулар» (1926). 11. Мукаммал асарлар тўпламининг 1-томи муқоваси (1975). 12. «Қутлуғ қон» романидаги Унсин (Ч. Аҳмаров ишлаган расм, 1950). 13. Ойбекнинг уй-музейи.



СССРда турли йилларда ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари. 1. СХМ-48 (1948); 2. СХМ-48 М (1953); 3. ХВС-1,2 (1958); 4. ХТ-1,2 (1964); 5. 17ХВ-1,8 (1966); 6. 14ХВ-2,4А («Ўзбекистон», (1968); 7. ХН-3,6 («Ўзбекистон», 1972); 8. ХВ-5,4 (1974).

Пахта териш машиналари мақоласига.


йилларда КПСС МҚ томонидан тайинланган. КПСС МҚ парторги айни вақтда бошланғич партия ташкилоти партия комитети бюросининг сайлаб қўйилган секретари ҳам ҳисобланган.

ПАРТСЪЕЗД — Фарғона обл. Фарғона р-ни Лағон қ. С. даги қишлоқ. Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 26 *км*, яқин т. й. станцияси — «Фаргона-1» дан 2 *км*. Аҳолиси 1203 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Исфайрамсой ва Шоҳимардонсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПАРФЕНО́Н (юнон. parthenon, parthenos — бокира қиз) — Афина Акрополидаги ибодатхона. Қадимги юнон архитектурасининг улкан ёдгорлиги. Маъбуда Афина Парфенос шарафига қурилган (мил. ав. 447—438 йиллар, архитектор Иктин ва Қалликрат). П. нинг асоси (30,89 *м*×69,54 *м*) 3 погонали супа (*стилобат*)дан иборат. Бино дорий *периптери* шаклида қурилган. Энига 8 тадан, узунасига 17 тадан ташқи, шарқий ва ғарбий томонларига 6 тадан ички колонналар ўрнатилган. Ибодатхонанинг марказий қисмидаги асосий зал (целла)да ҳайкалтарош Фидий тилла ва фил суягидан ясаган 12 *м* ли Афина Парфенос ҳайкали ўрнатилган. Ҳайкал орқа ва ён томонларидан то эшиккача устунлар б-н ўралган. Целланинг ғарбий томонига «Парфенон» аталмиш кичикроқ зал туташган бўлиб (П. номи ҳам шундан), унда Афинанинг хазинаси сақланган.

Архитекторлар обидада дорий ва ионий ордерлар системасини қўллаш б-н П. нинг умумюнон (панэллинистик) аҳамиятини алоҳида таъкидлаганлар. Целла ва «Парфенон» заллари атрофидаги фризларда Панафиней (диний маросим) кунларини байрам қилиш тасвирланган. Бино бўғотидаги 92 метопа (квадрат сатҳдаги бўртма тасвир)да юнонларнинг душман кучлари б-н жанги тасвирланган. П. *фронтон*ларининг шарқий томони маъбуда Афинанинг туғилишини, ғарбий томони унинг Посейдон б-н баҳсини ифодаловчи юнон афсоналари мавзуидаги ҳайкаллар композицияси б-н безатилган. Бинонинг салобатида, бадиий тасвирларида умумюнон бирлиги ғоялари, Афина қулдорлик демократиясининг улуғворлиги ифодаланган. 1687 йилда туркларб-н бўлган урушда венецияликлар томонидан вайрон қилинган. 1801—03 йилларда П. ҳайкалларининг кўп қисми Англияга олиб кетилган ва 1816 йилда Лондондаги Британия музейига қўйилган.

ПАРФИЯ, Парфия подшолиги — мил. ав. тахм. 250 йилда Каспий денгизининг жанубий ва жануби-шарқий томонида ташкил топган қадимий давлат. Мил. ав. 1-асрнинг ўрталарида Месопотамиядан Ҳиндистонгача бўлган терр-яни ўзига бўйсундирган. Милодий 3-асрнинг 20-йилларига қадар мавжуд бўлган. Мил. ав. тахм. 250 йилда парнлар (дахлар)нинг кўчманчи сак қабилалари Аршак (*Аршакийлар* сулоласининг асосчиси) бошчилигида Салавкийлар *сатрапияси* — П. га бостириб кирган. Улар П. ни ҳамда унинг қўшни вилояти — Гирканияни ишғол қилган. Салавк II ўз ҳокимиятини қайта тиклаш мақсадида олиб борган бир неча муваффақиятсиз уринишлар (мил. ав. 230—227) дан сўнг П. да аршакийлар ҳукмронлигини тан олишга мажбур бўлган. 209 йили П. ни *Салавкийлар* подшоҳи Антиох III босиб олган. Бироқ Салавкийлар давлатининг заифлашганидан фойдаланган П. тезда ўз мустақиллигини тиклаган. Мил. ав. 170—138/137 йилларда П. подшоҳи Митридат I Салавкийларнинг шарқий сатрапияларини босиб олган. Мил. ав. 1-аср бошида П. нинг қудрати янада ортиб, Рим империясининг хавфли рақибига айланган. Мил. ав. 53 йили П. Рим б-н тўқнашиб, Карри ш. яқинидаги жангда ғалабага эришган. Мил. ав. 40-йилда парфияликлар Кичик Осиёнинг деярли ҳаммасини, Сурия ва Фаластинни забт этган. Мил. ав. 39—37 йилларда Рим бу ерлар устидан ўз назоратини қайта ўрнатган. Тез орада П. маҳаллий сепаратизм, сулолалар ўртасидаги муттасил низолар ва кўчманчи аланларнинг ҳужумлари натижасида таназзулга учрай бошлаган. Бундан фойдаланган римликлар П. нинг ғарбий областларини қаттиқ талон-тарож қилган. Парфияликлар вақт-вақти б-н римликлар устидан ғалаба қозонган бўлсалар-да, давлатни сиёсий тушкунликдан қутқариб қололмадилар. Ташқи ва ички урушлар мамлакатни ниҳоятда ҳолдан тойдирган. 3-асрнинг 20-йилларида П. Сосонийлар давлатига қўшиб олинди.



Парфенон.

П. нинг энг қадимий пойтахти *Нисо* кейинчалик эса Дара, Гекатомпил, Экбатан ва Ктесифон шаҳарлари бўлган. П. бир томондан, Ҳиндистон ва Хитой мамлакатлари, иккинчи томондан, Рим империяси ўртасида олиб борилган савдо-сотиқда воситачи ролини ўйнаган. П. бир хил ижтимоий структурага эга бўлган эмас. Шарқий вилоятлар аҳолисининг асосий қисмини давлат томонидан эксплуатация қилинувчи, шахсан эркин жамоа деҳқонлари ташкил қилган. Бу ерларда қулчилик тараққий этмаган. Ғарбий вилоятларда эса қулчилик анча ривожланган. П. терр-яси сатрапияларга бўлинган. Подшо ҳокимияти қабила зодагонлари ва коҳинлар кенгаши томонидан чеклаб қўйилган. Сатрапияларда давлат хўжаликлари мавжуд бўлган. Улардан олинадиган солиқлар подшо хазинасига тушган. П. да ягона давлат дини бўлмаган.

Архитектураси, тасвирий ва амалий-безак санъати дастлаб шарқий эллин маданиятининг шохобчаларидан бири сифатида ривожланган. Кейинчалик П. таркибига кирган маҳаллий халқларнинг бадиий анъаналари б-н бойиб тараққий этган. Подшоликнинг шарқий қисмида асоси квадрат шаклидаги ибодатхоналар (Нисо, ТуркмССР, мил. ав. 2- ва милодий 1-асрлар), айвонли саройлар (Кўҳи Хўжа, Эрон, 1-аср) қурилган, биноларгарбдан келтирилган мармар ҳайкаллар ва маҳаллий усталар лойдан қиздириб пиширган ҳайкаллар б-н безатилган (династияларнинг илоҳийлаштирилган аждодлари қиёфалари ва б.). Қояларда ишланган рельефларда аъёнларнинг подшога таъзими, қурбонлик маросимлари ва б. акс эттирилган. Нисодан топилган кумуш, фил суяги, сопол буюм, идиш, турли безаклардаги тасвирларнинг сюжети юнон афсоналари асосида, лекин кишилар-



Парфия. Кўҳи Хўжа тоғидаги қаср деворига ишланган расм (фрагмент милоднинг дастлабки асрлари).



Фил суягидан ясалган ритон (мил. ав. 2-аср).



Мармар ҳайкал (сатирнинг боши). Мил. ав. 2- аср.


нинг қиёфалари, кийимлари маҳаллий халқларни эслатади.

Подшоликнинг ғарбий қисмида ибодатхоналарнинг турли-туман типлари мавжуд бўлиб, юнон-рим архитектурасининг кучли таъсири кўзга ташланади, шу б-н бир қаторда айвонли бинолар қурилган. Сарой ва қалъалар архитектураси юнонча анъаналардан аста-секин маҳаллий анъаналарга ўтилганини кўрсатади. Деворий расмлар, худо ва подшоларнинг ҳайкаллари бино безагининг бир қисмига айлантирилган. Суякдан ишланган аёл ҳайкалчалари сақланган. П. нинг шарқи б-н ғарби ўртасидаги Сузиёна вилоятида қоя рельефлари сақланган (аъёнлари орасида турган подшо, жанг лавҳаси). Теҳрондаги Археология музейида сақланаётган бронза ҳайкал (Шомдан топилган), малика тасвирланган мармар ҳайкалнинг бош қисми (Сузадан топилган) бу ерда ҳам бинолар ҳайкаллар б-н серҳашам қилиб безатилганини кўрсатади.

Ад.: Бокшанин А. Г., Парфия и Рим, (ч. 1—2), М., 1960—66; Кошеленко Г. А., Культура Парфии, М., 1966; Ўзбекистон ССР тарихи, 1- ж., Т., 1970.

ПАРФЮМЕ́РИЯ (франц. parfum — ёқимли ҳид, атир)—1) тери, соч, кийим-бошларни хушбўй қилиш, шунингдек гигиеник восита сифатида ишлатиладиган маҳсулотлар. Қадим вақтларда хушбўй моддалар сифатида фақат табиий маҳсулотлар (эфир мойлари, бальзам, смолалар) қўлланилган. Органик кимёнинг ривожланиши натижасида эфир мойлари ва ҳайвон маҳсулотлари (анбар, мушк ва ҳ. к.) б-н бир қаторда П. маҳсулотлари тайёрлашда синтетик хушбўй моддалардан фойдаланила бошланди.

Атир, одеколон, хушбўй сув асосий П. маҳсулотлари ҳисобланади. Крем-атир ҳам П. маҳсулотидир. Ич кийимларга хушбўй ҳид бериш мақсадида қуруқ атир (саше) ишлатилади. Косметика воситалари (қ. *Косметика),* атир совун, ювувчи порошоклар ва б. га ҳам П. маҳсулотлари қўшилади; 2) П. маҳсулотлари тайёрлайдиган саноат соҳаси (қ. *Парфюмерия-косметика саноати*).



Парфюмерия-косметика саноати. Тошкентдаги парфюмерия косметика ф-каси цехларидан бири.

ПАРФЮМЕ́РИЯ-КОСМЕ́ТИКА САНОАТИ — упа-элик ашёлари, хушбўй совунлар, эфир мойи, синтетик хушбўй моддалар ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи. Озиқ-овқат саноатига киради.

Парфюмерия - косметика маҳсулотларини тайёрлаш қадимдан мавжуд; улар 17- асрнинг охирларида Францияда, кейинроқ Италия, Буюк Британия ва б. мамлакатларда саноат усулида ишлаб чиқарила бошлаган. Россияда П.-к. с. 19- асрнинг ўрталарида вужудга келди, 1914 йилда 20 та майда корхона ва цехлар бўлиб, уларда маҳсулот асосан чет эл хом ашёсидан тайёрланарди.

СССРда П.-к. с. маҳсулотлари 1922 йилдан «Новая Заря» фабрикасида ишлаб чиқарила бошлади. 1950—60 йилларда Николаев, Тбилиси, Рига, Симферополь, Қозон, Краснодар, Тошкент ва Свердловск шаҳарларида йирик парфюмерия-косметика ф-калари қурилди, бир қанча шаҳарлардаги корхоналар реконструкция қилинди. 1974 йилда 24 ихтисослашган (ишлаб чиқариши юқори даражада марказлашган) корхона бўлиб, булардан энг йириги Москвадаги «Новая Заря» ф-каси ҳисобланади. П.-к. с. 700 номда парфюмерия ва 450 номда косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Хом ашё базаси ривожланган; 20 хилга яқин (асосан Қрим, Украина, Грузия, Ўрта Осиё, Молдавия, Шимолий Қавказнинг марказий қора тупроқли р-нларида) эфир мойли ўсимликлар етиштирилади. 1974 йилда 270—280 минг *т* хом ашё қайта ишланди. СССР чет элга ҳам кўплаб эфир мойи чиқаради.

Ўзбекистонда ҳам П.-к. с. ривожланган. Ўрта Осиёда ягона *Тошкент парфюмерия-косметика ф-каси* турли хил атирлар, упа-элик маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Бу ерда 1974 йили 12,6 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Социалистик мамлакатларда (хусусан Болгария, ГДР, Польшада) косметика маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирмунча тараққий этган.

ПАРХИ́Ш — ўсимликларни вегетатив йўл б-н кўпайтириш усулларидан бири. П. қилишда асосий ўсимликнинг бир неча куртакли новдаси (пояси) ерга ётқизилган ҳолда кўмилиб, куртакли учи ер бетига чиқариб қўйилади ва кўмилган қисми илдиз олмагунча асосий ўсимликдан ажратилмайди. Илдиз олгандан кейин асосий ўсимликдан ажратилади, шунда у мустақил ҳолда ўсади ва ривожлана бошлайди. Бу усулдан мевачилик, токчилик, манзарали боғдорчилик ва ўрмончиликда кенг фойдаланилади.

ПАРХО́МЕНКО Александр Яковлевич [1886. 12 (24). 12, ҳозирги Ворошиловград обл. Краснодон р-нидаги Пархоменко қишлоғи — 1921. 3. 1, ҳозирги Черкасск обл. Жашков р-н Бузовци қишлоғи]— гражданлар уруши қаҳрамони. 1904 йилдан Коммартия аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. 1900 йилдан Луганск (ҳозирги Ворошиловград) шаҳридаги паровоз қурилиши з-дида ишчи, яширин ишлари учун бир неча марта қамалган. П. 1916 йилда ҳарбийларга қарши кўзғолон уюштиришда айбланиб, аскарликка топширилган. Москвада, Февраль рев-яси (1917) да қатнашган, сўнгра Луганскдаги қизил гвардиячилар бошлиғи. 1918 йили Каледин тўдалари ва немис босқинчиларига қарши жангларда иштирок этган. 5- Украина армияси б-н бирга Царицинга қарши юриш қилган. Шу йилнинг октябридан 10- армиянинг Революцион Ҳарбий кенгашида махсус вакил. 1919 йил январдан Харьков губернияси ҳарбий комиссари, шу йилнинг мартидан эса Харьков ҳарбий округида таъминот бўйича вакил, декабридан 1- отлиқ армиянинг Революцион Ҳарбий кенгаши қошидаги махсус вакили. 1920 йил апреллдан 14- отлиқ дивизиянинг бошлиғи, оқ поляклар, Врангель ва махночи тўдалар б-н бўлган жангларда қатнашган. Махночилар б-н бўлган жангда ҳалок бўлган. Ворошиловградда дафн этилган. 2 та Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.

ПАРХЎРЛАР (Mallophaga)—паррандаларда (пархўрлар) ва сут эмизувчиларда (жунхўрлар) паразитлик қилувчи ҳашаротлар туркуми. Гавдаси 0,5—14 *мм.* Ҳипча, сарғиш; қўнғир қорамтир доғли. Оғиз аппарати кемирувчи. Танахумини пат, тукларга ёпиштириб, биттадан ёки тўп-тўп қилиб қўяди. Чала ўзгариш б-н ривожланади. П. пат, жун, баъзан терининг қазғоғи ва б. б-н озиқланади. П. нинг 2500 га яқин тури маълум. Шундан 30 тури Урта Осиёда (27 тури Ўзбекистонда) учрайди. Жунхўрлар сут эмизувчиларда (одам мустасно) паразитлик қилади. Қарши курашда парранда ва молхоналар, ҳашарот манбалари дезинсекцияланади.

ПАРЦЕ́ЛЛА ХЎЖАЛИГИ (франц. parcelle — қисм, улуш) — оилавий-индивидуал деҳқон хўжалиги. Ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, бир никоҳли оила — *моногамия* ва хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, синфий жамиятга ўтиш даврида вужудга келди. Капитализмгача бўлган жамиятларда бундай хўжалик қ. х. ишлаб чиқаришининг асосий формаси ҳисобланган. Меҳнатнинг фақат табиий шароитларга боғлиқлиги, қўл меҳнатининг ҳукмронлиги, меҳнат тақсимотининг оила доирасида чекланганлиги П. х. нинг ўзига хос хусусиятидир. У натуранстеъмол характерига эга бўлиб, универсаллиги, деҳқончилик ва хонаки саноатнинг узвий бирлиги б-н фарқ қилади. Кенгроқ меҳнат кооперацияси ва ижтимоий муносабат ўрнатишга бўлган эҳтиёж П. х. бирлашиб, қишлоқ жамоасининг вужудга келишига сабаб бўлди. Булар П. х. нинг ўзига хос шакли эди. П. х. нинг тарқоқлиги ва бир-биридан алоҳидалиги уларнинг ҳоким синфга — қулдорлар, феодаллар ҳамда давлатга қарам бўлиб қолишига олиб келдики, натижада бу хўжаликлар эксплуатация қилишнинг асосий объекти ва қўшимча маҳсулот олиш манбаига айланди. Феодализмда чек ерлар деҳқонлар ихтиёрида бўлса-да, лекин улар бу ерларнинг эгалари эмас эди.

Капиталистик ишлаб чиқариш усулининг қарор топиши П. х. га мансуб деҳқонларни эркин ер эгаларига айлантирди. Лекин қ. х. га капиталистик муносабатларнинг кириб келиши б-н парцелла мулклари барҳам топа бошлади.

Россияда П. х. тахм. 10- асрларда пайдо бўлган. 1861 йилги деҳқонлар ислоҳоти деҳқон хўжалигини қийинчиликлардан қутқармади. Ер деҳқонларнинг хусусий мулкига ўтмади, у жамоа мулки бўлиб қолди. Улуғ Октябрь социалистик рев-яси натижасида қишлоқ помешчик ер эгалигидан ва унга боғлиқ бўлган феодалкрепостнойлик қолдиқларидан қатъиқий озод бўлди. СССРда ерга хусусий мулкчилик тугатилиши ҳамда к-з тузумининг ғалабаси туфайли П. х. нинг келиб чиқиш асослари тугатилибгина қолмай, балки дунёда энг йирик механизациялашган қ. х. вужудга келди.

Ривожланаётган мамлакатларда П. х. нинг тараққиёти ўзига хос хусусиятларга эга. Бу ерда деҳқонлар аҳолининг кўпчилигини ташкил этади. Социалистик ориентация мамлакатларида ҳукумат парцелляр хўжаликларининг қашшоқланиш жараёнини кооперациялаш йўли б-н тўхтатишга уринмоқда.

Ад.: Маркс К., Капитал, 1- т., Т., 1955; Маркс К., Экономические рукописи 1857—1859 годов, Маркс К., Энгельс Ф., Соч., 2 изд., т. 46, ч. I, стр. 461—508; Ўзбекистон ССР тарихи, 1- т., Т., 1970.

ПАРЦИАЛ БОСИМ (лат. partialis — қисман)— газлар аралашмаси умумий босимининг шу аралашмадаги ҳар бир газ ҳиссасига тўғри келадиган қисми. Газлар аралашмасининг умумий босими аралашмадаги айрим газлар П. б. ининг йиғиндисига тенг (қ. *Дальтон қонунлари).*

ПАРЧАНХО́С — Хоразм обл. Хива р-ни Ўзбекистон қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км,* яқин т. й. станцияси — Урганчдан 21 *км.* Аҳолиси 947 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Полвонёп каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, кутубхона, нефть базаси ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПАРЧАЧАНДИР — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Санчикўл қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 8 яқин т. й. станцияси — Жумадан 10 *км.* Аҳолиси 1432 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Дарғом каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ПАРЧАЮЗ — Жиззах обл. Зомин р-ни Ғаллакор қ. С. даги қишлоқ. «Зомин-1» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км,* яқин т. й. станцияси — Обручеводан 21 *км.* Аҳолиси 517 киши (1974); пиллачилик, полизчилик б-н шуғулланади. Зоминсув ариғидан сув ичади.

ПАРЧАЮЗ — Тошкент обл. Бекобод р-ни Далварзин-3 қ. С. даги қишлоқ. «Далварзин-3» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км,* яқин т. й. станцияси — Бекободдан 38 *км.* Аҳолиси 990 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Сирдарёдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПАРЧАҚОРА — Самарқанд обл. Пастдарғом р-ни Санчикўл қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси—Жумадан 9 *км.* Аҳолиси 1670 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Дарғом каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ПАРЧИН (форс-тож. پرچین) — архитектура безагида ишлатиладиган сирланган сопол тахтача. Сирти турли рангларда сирланади, шу б-н *кошин*дан фарқ қилади (кошин эса бир хил рангда сир б-н бўялади). Нақш, ёзув, тасвирлар ишлашда (*мозаика*да) фойдаланилади. Шакли кўпинча тенг томонли учбурчак, квадрат, тўрт бурчакли, баъзан олти, саккиз қиррали бўлади. Уста П. техникасида безак яратиш учун олдин хом лой тахтачаларни тайёрлайди, улар хумдонда қиздирилиб сопол ҳолига келгач, устидан сир берилади (бўялади). Сирланган тахтачалар яна хумдонда пиширилиб олинади, шундан кейин бино безагида ишлатилади. П. дан замонавий архитектурада ҳам фойдаланилмоқда.



Пархоменко А. Я.

ПАРЧИНЛАШ — конструкция элементларини парчин михлар ёрдамида ажралмас қилиб бириктириш. Қуйидаги операциялардан иборат (1- расмга қ.): парчин мих ўрнини очиш (пармалаш ёки ўйиш); парчин михнинг яширин каллагига уя очиш (зенкерлаш ёки штамплаш); парчин михни тешикка ўрнатиб, иккинчи томонидан каллак ҳосил қилиш (пресслаш ёки уриш). Пресслаб П. парчинлаш машинасида бажарилади.


Парчинлаш машинаси — парчинлаш прессларн ва автоматларига бўлинади. Парчинлаш прессларида фақат бир операция бажари-



Пархўрлар: 1. Товуқ пархўри; 2. Ит жунхўри.




Паршин Г. М.




Парчинлаш. 1-расм. Асосий операциялар: *а*— тешик очиш; *б*—парчин михнинг яширин қаллагига уя очиш; *в*—парчин михини тешикка ўрнатиш; *г*—иккинчи томондан каллак ҳосил қилиш; *1*—парчин мих каллаги; *2*—стержень; *3*—иккинчи томонидаги каллак; *4*—қисқич; *5*—тутқич.

2-расм. Парчин мих турлари: *а*— ярим доира каллакли; *б*— яширин каллакли; *в*—текис (цилиндрик) каллакли; *д*—конус каллакли; *1*—стержень; *2*—каллак; *3*—ҳосил қилинадиган каллак.



3-расм. Трубкали парчин мих.



4-расм. Портловчи парчин мих: *а*—ўрнатишгача; *б*—бириктиришдан кейин.

лади: парчин михнинг иккинчи каллаги ҳосил қилинади. Парчин мих стержени икки штамп орасига ўрнатилади. *Пуансон* бир марта юрганда штамп бир ёки бир неча парчин михни парчинлайди. КП-602 прессида бир соатда мингтагача 4 *мм* ли парчин михни парчинлаш мумкин. Парчинлаш автоматларида парчинлашдаги барча операциялар: буюмлар сиртини текислаш, уларни сиқиш, тешик пармалаш ва зенковкалаш, парчин мих ўрнатиш, парчинлаш, буюмни силжитиш ва б. бажарилади; бунда механизмлар автоматик тарзда бошқарилади. Бундай автоматлар соатига 300—600 парчин михни парчинлайди.

Парчин михнинг ярим доиравий, яширин, цилиндрик, конус каллакли хиллари бор (2-расм). Уларнинг ўлчамлари давлат стандартларида белгилаб қўйилади. Стандарт парчин михлардан ташқари махсус: трубкали (3-расм), портловчи (4-расм) ва б. қўлланилади. Пўлат, мис, латунь, алюминий ва б. материалдан тайёрланади. Парчин мих материали бириктириладиган деталлар материали б-н бир хил олинади.

П. кемасозлик, вагонсозлик, самолётсозлик ва б. соҳаларда қўлланилади. *Сандиқсозлик*да сандиқнинг юз томонига гулли нақш чиқариш, тунука б-н ишлаш ҳам П. дейилади.

ПАРША́ — қ. *Калмараз.*

ПАРШИН Георгий Михайлович [1916. 10 (23) 5, ҳозирги Орёл обл. Залегощь р-нидаги Сетуха қишлоғи — 1956. 13. 3]— майор (1944), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944 йил 19 август ва 1945 йил 19 апрель). 1942 йилдан КПСС аъзоси. Граждан Ҳаво Флоти учувчи инструкторлари мактабини тугатиб (1936), Граждан Ҳаво Флотида ишлаган. 1941 йилдан Совет Армияси сафида. Улуғ Ватан уруши (1941—45) да учувчи, звено командири, эскадрилья командирининг ўринбосари ва командири, 943-штурмчи авиация полкида полк штурмани ва командири сифатида Ғарбий, Шимолий Қавказ, Ленинград ва 3-Белоруссия фронтларида хизмат қилган. Душманнинг муҳим объектларига 253 марта парвоз қилган ва 10 самолётини уриб туширган. Хизматни ўташда ҳалок бўлган. Ленин ордени, 7 та бошқа совет ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАРҒУ́ЗА — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Комсомол қ. С. даги қишлоқ. «Плодопитомник» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 28 *км*, яқин т. й. станцияси — Қаршидан 15 *км*. Аҳолиси 423 киши (1974); боғдорчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, с-з идораси, медпункт, болалар боғчаси, новвойхона бор.

ПАРҲЕ́З, диета — овқатнинг миқдори, кимёвий таркиби, физик хоссалари, уни тайёрлаш (пиширш) усуллари ва неча маҳал овқатланишга доир махсус режим. Соғлом одамнинг касби, жинси, ёшига мувофиқ овқатланиш режими (рационал П.)ни *овқатланиш гигиенаси* фани ўрганади. Беморлар учун П. танлаш ва тавсия этиш б-н *диетология* шуғулланади. П. буюришда одам организмида рўй берадиган функционал патоморфологик ўзгаришларга асосланилади. Тўғри буюрилган П. турли дорилармонларни қўллаш учун бирмунча қулайлик туғдиради, улар таъсирини кучайтиради ва ҳ. к. П. нинг профилактик аҳамияти шундаки, у ўткир касалликнинг хроник формага айланишига йўл қўймайди.

Ҳ а й в о н л а р д а — касал ҳайвонларни боқиш режими. П. буюришда касаллик диагнози, касалликнинг ўтиши, касал ҳайвонларнинг умумий аҳволи, ёши, жинси, зоти, маҳсулдорлиги ҳисобга олинади. Касал ҳайвонлар рационида сифатли, тўйимли, тез ҳазм бўладиган озиқлар бўлиши керак. Ўткўр ҳайвонлар овқатида витаминларни кўпайтириш учун рационига дуккакли ўсимликлар пичани ва кукуни, аралаш силос, ундирилган дон, озуқа ачитқилари; этхўр ҳайвонлар рационига сут, тухум, гўшт, балиқ, жигар қўшилади.

Ад.: Покровский А. А., Беседы о питании, М., 1968; Лечебное питание, под ред. И. С. Савощенко, М., 1971; Маҳкамов Р. М., Тўғри овқатланиш — саломатлик гарови, Т., 1973.

ПАРҲЕ́З ОВҚАТЛА́Р — турли касалликларда даво мақсадида фойдаланиладиган таомлар. П. о. нафи овқат таркибининг сифати ва миқдори (оқсил, ёғ, углевод, витаминлар, минерал моддалар, микроэлементлар ва б.), калорияси, физик хоссалари (ҳажми, т-раси, консистенцияси), овқатланиш режими, айрим маҳсулотлар (творог, сут, асал ва б.) нинг шифобахш таъсирига боғлиқ.

П. о. касалликнинг патогенетик моҳияти, асосий ва қўшимча касалликларнинг кечиш хусусиятлари, беморнинг қандай таомларни кўнгли тусашини ҳисобга олган ҳолда буюрилади. П. о. баъзан асосий даволаш методи ҳисобланиб, бошқа даво тадбирлари ўша асосида амалга оширилади. Баъзи ҳолларда фақат сут ичиладиган, творог, олма, тарвуз, картошка ейиладиган, шунингдек калий, магний ва б. элементи кўп овқатлар бериладиган кунлар ҳам бўлади.

Хроник ичак касаллиги б-н огриган беморлар учун парҳез асосий даво методи ҳисобланади. Жигарнинг хроник касаллигида П. о. липотроп моддалари бор оқсиллар б-н бойитилади (творог, соя, сули ёрмаси ва б.) ҳамда ўсимлик мойи ишлатилади. Гепатитнинг баъзи хилида П. о. ёғликроқ қилинади, бошқа хилида (ўткир гепатит, ўт тоши касаллиги, жигар циррози) ёғсиз П. о. берилади. Атеросклероза ҳайвонлар ёғи, холестерини моддалар, оддий углеводлар (глюкоза, фруктоза), ош тузи, витамин Д, С, B_1, B_6, Р, РР ва б. миқдори камайтирилади. Бунда липид моддасининг алмашинуви, томирлар деворининг аҳволи, қоннинг ивитадиган ва ивитишга қарши системалари, қон айланиш аппарати ва б. системалар функцияси нормаллашади. Гипертоник касаллик б-н огриган ва юрак-томирларида хроник нуқсони бор беморларга тузи паст, калий, магний тузлари, витамини кўп П. о. буюрилади. Қандли диабетда кўпчилик беморлар учун углевод миқдори чекланган П. о. тавсия этилади. Ўткир инфекцион касалликлар (грипп, пневмония, скарлатина)да сув-туз баланси ва энергия мувозанатини сақлаш учун калорияли овқатлар (сут маҳсулотлари, осон ҳазм бўладиган углеводлар ва б.), кўп ичимлик ва витаминлар (айниқса, витамин С, Р, РР, А) берилади.

Ад.: Покровский А. А., Беседы о питании, М., 1968; Лечебное питание, под ред. И. С. Савощенко, М., 1971.

ПАСК, пара-аминосалицилат кислота — силга қарши препаратлардан. Синтез йўли б-н олинади. Оқ ёки оч сарғиш порошок. Сувда осон, спиртда ёмон эрийди. Порошок ва таблетка, эритма ҳолида чиқарилади.

ПАСКА́ЛЬ Блез (1623. 6. 19, Клермон-Ферран — 1662. 8. 19, Париж) — француз математиги, физиги, философи ва ёзувчиси. «Қонус кесимлар назариясининг тажрибаси» номли асарида (1639) проектив геометриянинг асосий теоремаларидан бири — Паскаль теоремасини исботлаган (қ. *Иккилик принципи*). 1641 йилда жамловчи машина қурган. Арифметика, сонлар назарияси, алгебра, эҳтимоллар назарияси, проектив геометрия ва б. соҳаларга оид ишлари муҳим. П. биринчи марта математик индукция методини қўллаган, Шарқ математикларидан мустақил ҳолда биномиал коэффициентларни ҳисоблаш усулини топган (қ. *Арифметик учбурчак*). П. қўллаган юза ва ҳажмларни ҳисоблаш усуллари дифференциал ва интеграл ҳисоблар яратилишида асос бўлди. П. физика соҳасида гидростатика б-н шуғулланиб, 1648 йилда атм. босими мавжудлигини исботлайдиган тажриба ўтказган. *Паскаль қонуни*ни асослаган.

П. фалсафий қарашлари б-н рационализм ва скептицизм орасида иккиланиб турган. Унинг «Провинциалга хатлар» асари француз прозаси ва театрида муҳим ўрин тутади. П. француз классик прозасининг шаклланишига катта ҳисса қўшган.

ПАСКА́ЛЬ ЧИҒАНОҒИ́ — тўртинчи тартибли ясси чизиқ. Айлананинг бирор *O* нуқтасидан чиққан ватарларини берилган *a* кесмага узайтириш ва қисқартириш натижасида ҳосил бўлган *M* ва M_1 нуқталар тўплами (расмга қ.) П. ч. нинг *Декард координаталар системаси*даги тенгламаси

$$(x^2+y^2-2Rx)^2=a^2(x^2+y^2),$$

қутб координаталари системасида $\rho=2R\cos\varphi\pm a$, бу ерда R — берилган айлана радиуси. $a=2R$ бўлса, П. ч. *кардиоид*адан иборат. $a>2R$ бўлса, П. ч. ўзини ўзи кесмайди. П. ч. француз математиги Э. Паскаль (1588—1651. Б. *Паскаль*нинг отаси) номи б-н аталади.

ПАСКА́ЛЬ ҚОНУНИ — *гидростатика*нинг асосий қонуни. П. қ. га кўра, ташқи кучларнинг суюқлик сиртига берган босим таъсири суюқлик ичида барча йўналишлар бўйича бирдек бўлади ёки, бошқача айтганда, ташқи кучларнинг суюқлик сиртига берган босими унинг ҳар бир нуқтасига ўзгаришсиз тарқалади. Бу қонунни Б. *Паскаль* аниқлаган. П. қ. дан техникада (мас., гидравлик прессда) кенг фойдаланилади.

ПАСКА́РЬ Пётр Андреевич (1929. 22. 9, Рибница р-н Строенци қишлоғи, ҳозирги МолдССР)— совет давлат ва партия арбоби. 1956 йилдан КПСС аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. М. В. Фрунзе номли Қишинёв Қ. х. ин-тини (1954) ва КПСС МК ҳузуридаги Олий партия мактабини (1971) тугатган. 1954—59 йилларда МолдССР даги МТСда ва р-н қ. х. инспекциясида агроном, бош агроном, МолдССР Қ. х. министрлигида инспекция бошлиғи — инспекция бош агрономи. 1959 йилдан партия ва давлат ишида; 1962—70 йилларда Молдавия КП МК секретари. 1970 йил апрелдан МолдССР Министрлар Совети раиси; айни вақтда (1971 йил февралдан) МолдССР Ташқи ишлар министри. 1976 йил июлдан СССР Госплани раисининг биринчи ўринбосари. КПСС 24—25-съездларида МК ни ўринбосари. КПСС 24—25-съездларида МК аъзолигига кандидат қилиб сайланган. 6-, 8-, 9-чақириқ СССР Олий Совети депутати. 2 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАСПО́РТ (франц. passeport) (СССРда)— 1) гражданларнинг шахсини тасдиқлайдиган расмий ҳужжат. *Паспорт системаси* жорий қилинган жойларда 16 ёшга тўлган ҳамма совет гражданлари П. олиши шарт. СССРда П. нинг ягона нусхаси тасдиқланган. П. тексти русча ва у қайси иттифоқдош ёки автоном республика терр-ясида берилаётган бўлса, шу республика тилида ёзилган бўлади. П. да шахснинг фамилияси, исми, тугилган жойи, йили, ойи, куни, миллати, ижтимоий аҳволи, ҳарбий хизматга муносабати, қайси милиция органидан ва қачон берилганлиги кўрсатилади.

П. граждан яшаётган р-ндаги милиция органи томонидан берилади. П. муддати белгиланмайди: граждан 25 ва 45 ёшга кирганда унинг шу ёшдаги фотосуратлари П. га ёпиштирилади. Шундай сурати бўлмаган П. ҳақиқий ҳисобланмайди. П. га прописка, никоҳга оид, ишга қабул қилинганлик ва бўшатилганлик, туғилган болалар тўғрисида белги қўйилади; 2) чет элга кетаётган совет гражданларига бериладиган ҳужжат. У дипломатик, хизмат юзасидан бериладиган ва оддий (гражданларга бериладиган) П. ларга бўлинади; 3) корхоналардаги машиналар ва б. жиҳозларни, шунингдек гражданларнинг айрим техник хўжалик ашёларини ҳисобга олиш учун қўлланиладиган технологик ҳужжат. П. да жиҳоз ёки ашёнинг асосий вазифалари ҳақидаги маълумотлар бўлиб, булар ундан тўғри фойдаланишни кўрсатиб беради. П. жиҳоз б-н бир вақтда истеъмолчига берилади.

ПАСПО́РТ СИСТЕМАСИ́ — аҳолини ҳисобга олиш ва унинг кўчиб юришини тартибга соладиган қоидалар мажмуи. П. с. гражданларга паспортга эга бўлиш ва албатта пропискадан ўтиш мажбуриятини юклайди. СССРда П. с. СССР МИҚ ва ХКСнинг 1932 йил 27 декабрь қарори б-н шаҳарлар, шаҳар типидаги посёлкалар, р-н марказлари ва б. жойларда жорий этилган. П. с. ҳақидаги (амалдаги) Низом СССР Министрлар Советининг 1974 йил 28 август қарори б-н тасдиқланган. Турар жойини ўзгартирувчи гражданлар янги жойга келгандан сўнг 24 соат ичида пропискадан ўтиши лозим. Прописка қилдириш ва ундан ўчиш ишлари уй ва посёлка (қишлоқда) дафтари бўйича амалга оширилади. Прописка қилдириш учун: паспорт ёки паспортсиз яшаш ҳуқуқини берадиган бошқа ҳужжат, уй дафтари, адрес варақаси, уй бошқарувчисининг турар жой ва унда прописка қилинган шахслар сони тўғрисидаги справкаси б-н бирга паспорт эгасининг аризаси, уй эгасининг розилиги милиция органига тақдим қилинади. 16 ёшга тўлмаган шахслар паспортсиз прописка қилинади. Доимий яшаш учун ёки бир ярим ойдан ортиқ муддатга бошқа жойга кетаётган шахслар (командировка, отпуска, даволанишга кетаётганлардан ташқари), ҳарбий хизматга чақирилганлар, вафот этганлар (вафоти қайд этилгандан кейин), озодликдан маҳрум этилганлар (суд ҳукми кучга киргандан кейин) ва б. пропискадан ўчирилиши керак. П. с. тартибини бузиш маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

ПАССА́Ж (франц. passage — ўтиш, йўл)— 1) ҳар икки томонида қатор савдо дўконлари бўлган ёпиқ бино, *раста*, тим; 2) бир хил молтовар сотиладиган катта магазин, мас., китоблар пассажи; 3) музика асарининг баланд пардадан паст пардага ёки, аксинча, паст пардадан баланд пардага изчил ва тез ўтиб ижро этиладиган (одатда *гамма* ёки *арпежио*га асосланган) бир қисми.




Б. Паскаль.




Паскарь П. А.



Совет паспорти.



Паскаль чизмаси.



Пассаж асбобининг умумий кўриниши.

ПАССА́Ж АСБОБИ (франц. passage — ўтиш)— ёритқичларнинг *осмон сферасидаги* вертикал доира текислигидан ўтишини кузатишда, шунингдек жойнинг географик кенглигини аниқлашда ишлатиладиган асбоб. Горизонтал ўқда айлана оладиган телескопдан иборат (расмга қ.). П. а., асосан, меридиан (жануб, зенит ва шимол йўналишидан ўтган осмон сфера чизиғи) бўйича ўрнатилиб, унда ёритқичнинг меридиан текислигидан ўтиш вақтини аниқлаш йўли б-н унинг тўғри чиқиш масофаси аниқланади. Айрим ҳолларда биринчи вертикал (шарқ, зенит ва ғарб йўналишидан ўтган осмон сфера чизиғи) бўйича ўрнатилган П. а. ёрдамида географик кенглик аниқланади. П. а. ни 1689 йилда дания астрономи О. Рёмер ихтиро қилган. Кейинчалик, 1937 йилда Пулково обсерваториясининг астрономи Н. Н. Павлов ёритқичларнинг меридиандан ўтишини автоматик равишда қайд қиладиган фотоэлектр П. а. ни ишга туширди. Бу б-н кузатиш аниқлиги оширилди.

ПАССАЖИР КЕМА́ — йўловчилар ташиш учун мўлжалланган *кема*. П. к. хоналари бир-биридан сув ўтказмайдиган ва ўтга чидамли материаллар б-н ажратилади. Йўловчиларнинг хоналари (каюталар) меҳмонхона типида жиҳозланади. Одатда, 1—2 кишилик биринчи, 4—6 кишилик иккинчи класс каюталари бўлади. П. к. денгиз ва дарёда сузадиган хилларга бўлинади. Денгиз П. к. си портга кириш қулай бўлиши учун икки винтли қилиб қурилади. *Палубалари* сони кўп (8 тагача), ташқи қиёфаси чиройли (расмга қ.). Устки палубасида маиший хоналар, дам олиш ва сайр қилиш хоналари, пастки палубаларида эса каюталар жойлашади. Дарё П. к. си денгиз П. к. сидан борти пастлиги, калталиги, сайр қилиш майдонлари кенглиги ва б. б-н фарқ қилади.



«Ўзбекистон» пассажир кемасининг кўриниши.

ПАССАЖИР САМОЛЁТ — пассажирлар ташиш учун мўлжалланган самолёт. Винт-моторли, турбовинтли ва турбореактив хиллари бор (жадвалга қ.):

Пассажир самолёт типи	Пассажирлар сони	Тезлиги, *км/соат*	Учиш масофаси, *м*
Винт-моторли			
Ил-14М	36	320	1750
ЛИ-2	24	220	2000
АН-2	10	190	850
Турбовинтли ва турбореактив			
ТУ-104Б	100	800	3100
ИЛ-18Д	122	650	6500
ТУ-114	170	770	8950
АН-10А	100	630	4000
АН-24	50	450	2000
ТУ-124	56	800	2100
ТУ-134	72	870	3250
ИЛ-62	186	850	9200
ЯК-40	24	600	1500
ТУ-154	164	1000	6000

Маҳаллий (бир республика), шаҳарлараро ва халқаро линияларда учадиган П. с. лари бўлади. П. с. да пассажирлар учун барча қулайликлар яратилади. Тошкентдан СССРнинг деярли барча йирик шаҳарларига, республиканинг деярли барча областларига П. с. лар мунтазам қатнайди. Тошкент — халқаро авиалиния маркэзларидан бири (яна қ. *Авиация*).

ПАССАЖИР ТАШИШ — турли хил транспортлар ёрдамида йўловчиларни бир жойдан иккинчи жойга етказиш. Шаҳар ичида, шаҳар атрофи доирасида, шаҳарлараро, халқаро, шунингдек қитъаларараро миқёсда амалга оширилади. Қанча пассажир ташилгани ва пассажир *км* ҳажми (пассажирлар сонининг уларни ташиш масофасига кўпайтмаси) б-н ўлчанади.

Шаҳар ичида П. т. автобус, шаҳар электр транспорти (троллейбус, трамвайлар), такси, шунингдек сув ва т. й. транспорти, баъзи йирик (1 млн. кишидан ортиқ аҳолиси бўлган) шаҳарларда эса метрополитен воситасида амалга оширилади. Шаҳар атрофи доираси *темир йўл транспорти* ва автобуслардан, шаҳарлараро узоқ йўлларда т. й. ва *ҳаво транспорти*дан, қитъаларараро миқёсда ҳаво ва *денгиз транспорти*дан фойдаланилади. Ижтимоий меҳнат тақсимотининг тараққиёти, ишлаб чиқариш ҳажмининг, аҳоли сонининг, шаҳарларнинг кўпайиши б-н П. т. ҳам мунтазам ошиб боради. 1913 йилдан 1974 йилгача жаҳонда пассажир оборoти, тахминий ҳисобларга кўра, 18 марта ўсди. СССРда пассажир обороти бундан юқорироқ суръатда ўсди: П. т. ҳажми 1913 йили 32,7 млрд. пассажир *км* бўлса, 1974 йили 702,5 млрд. га етди, яъни 21,5 марта кўпайди.

УзССРда ҳам тез юрадиган, ҳамма қулайликларга эга бўлган шаҳарлараро П. т. га мослаштирилган автобуслар, шунингдек асфальтбетон, цемент-бетон автомобиль йўллар кўпаймоқда. 1960 йилда республикада барча автомобиль йўлларининг узунлиги 27,7 минг *км* ни ташкил этган бўлса, 1974 йилда 30,1 минг *км* ни ташкил этди. Узбекистонда П. т. нинг анча қисмини ҳаво транспорти бажаради. Республикада маҳаллий ҳаво линияларининг узунлиги 1940 йилда 9,2 минг *км* дан 1974 йилда 57,8 минг *км* гача узайди. Ҳаво транспортида 1940 йилда 40 минг, 1974 йилда 3816 минг пассажир ташилди. 1960 йилда автомобиль транспортида 346,8 млн. пассажир ташилган ва 2382 млн. пассажир *км* иш бажарилган бўлса, 1974 йилда 1349,8 млн. пассажир ташилган ва 10624 млн. пассажир *км* иш бажарилган. 1975 йилда республикада автобус маршрутлари сони 1586 тага етди; шу жумладан шаҳар ичидаги маршрутлар 337, шаҳар атрофидаги маршрутлар 339 та бўлди. Енгил такси машиналари ҳам пассажир транспорти турларидан бирига айланди. Республика шаҳарларида саноат тармоқларининг тараққиёти, фан-маданият марказларининг кенгайиши туфайли транспорт воситаларига бўлган талаб янада ошди. Тошкент ш. аҳолиси ўсиши ва терр-ясининг кенгайиши ер усти транспорт воситаларининг кўпайишини талаб қилди. Аҳоли учун қулайликлар яратиш мақсадида 1971 йилдан *Тошкент метрополитени* қурила бошлади.

1913 йилда жаҳонда П. т. ҳажмининг қарийб 98% и умумий фойдаланиладиган транспортда, асосан, магистраль т. й. ва шаҳар электр транспортида бажарилган. Автомобиль ва ҳаво транспортида П. т. айниқса тез ривожланмоқда.

Жаҳон пассажир оборотида автомобиль транспортининг салмоғи 1913 йилги 3,4% дан 1974 йилда 76,0% га, ҳаво транспортининг салмоғи 1937 йилги 0,1% дан 1974 йилда 7,5% га ошди.

ПАССАКА́ЛЬЯ (испанча pasar — ўтмоқ ва calle — кўча)— 1) испанча қадимий рақс. 17—18-асрларда Ғарбий Европа мамлакатларида кенг тарқалган. Францияда якка рақкос ёки рақкоса ижро этадиган сарой рақси бўлган. Ж. Б. Люлли ўзининг французча опера ва балетларига П. рақсини киритган; 2) орган, баъзан клавир учун ёзилган вариация шаклидаги музика пьесаси. П., одатда, улуғвор, баъзан ғамгин, фожиавий характерга эга. Музика ўлчови $^3/_4$ ёки $^3/_2$. П. *чаконага* яқин, Д. Букстехуде, Ф. Куперен, И. С. Бах, Г. Гендель ва б. П. ёзган. Д. Шостакович ижодида циклли асарлар (8-симфония, фортепьяно трноси, скрипка ва оркестр учун концерт ва б.) қисми сифатида ўрин олган. Узбекистон композиторларидан Б. Гиенко, Г. Мушель, М. Тожиев ва б. ижодида П. намуналари мавжуд.

ПАССАЛУРО́З — қуёнлар гельминтоз касаллиги. Passalurus ambiguus нематода қўзғатади. Қуёнларнинг йўғон ичагида паразитлик қилади. Қасал қуённинг кўричаги яллиғланиб, яра пайдо бўлади, орқа чиқарув тешиги шилимшиқ пардаси қизариб қичишади, ичи кетади, ёш қуёнлар ўсишдан қолади.

Даволаш — пиперазин, фенотиазин берилади. **Олдини олиш** — касал қуёнлар айрим боқилади, дегельминтизация ўтказилади. Қуёнхоналар биотермик ва химиявий усуллар б-н зарарсизлантирилади.

ПАССА́Т ОҚИМЛАР — Дунё океанида Жанубий ва Шимолий ярим шарларнинг тропик кенгликларида ҳукмрон бўлган пассатлар таъсирида юзага келадиган устки оқимлар. Кўчма оқимларнинг энг ёрқин намуналаридан биридир. Пассат шамоллари эсиб турганидан П. о. шарқдан ғарбга томон соатига 1—2 *км* тезликда ҳаракат қилади (океанларнинг ғарбий қисмларида бу тезлик соатига 3 *км* га етади). П. о. океанларнинг шарқида, антициклонал айланма шамолларнинг совуқ оқимларидан бошланади; ғарбга силжиган сари суви анчагина исиб қолади. Экваторда шимоли-шарқий ва жанубий-шарқий пассатлар таъсирида шимолий ва жанубий пассат оқимлари оралиғида (экваториал) тескари оқимлар вужудга келади. Бу система Тинч океанда йил бўйи давом этади; Атлантика океанида ёзда бўлади; Ҳинд океанида қишки П. о. йўқ, чунки бу океаннинг шимолий қисми муссон шамоллари таъсирида туради. Океанларнинг ғарбий қисмларида П. о. дан илиқ оқимлар бошланади.

ПАССАТЛА́Р — океанларнинг тропик кенгликларида йил бўйи барқарор эсиб турадиган ҳаво оқимлари, атмосфера умумий циркуляциясининг бир қисми. П. шарқдан ғарбга томон эсади. Тропосферанинг қуйи қисмида (1—2 *км* баландликда) П. га меридиан бўйлаб экватор томон йўналган оқимлар қўшилади; натижада Шимолий ярим шарда П. кўпроқ шимоли-шарқий шамоллар, Жанубий ярим шарда эса жанубий-шарқий шамоллар бўлиб эсади. П. субтропиклардаги антициклонлар б-н чамбарчас боғланган (улар бу антициклонларнинг экватор томондаги чеккаларига қараб эсади). Шамол режими тез-тез ўзгариб турадиган тропик ўлкаларида П. анча суст, баъзи жойларда П. ўрнини муссонлар олади.

Шимолий ярим шарда П. океан юзасининг 11% ини, Жанубий ярим шарда 20% ини эгаллайди. П., одатда, ўртача тезликда эсади (5—8 *м/сек*, баъзан 15 *м/сек*). П. нинг қалинлиги бир неча *км* га етади ва субтропикдан экваторга томон кучая боради. Бундан баландда, юқори тропосфера ва қуйи стратосферага хос бўлган ва бутун ер шари бўйлаб эсадиган ғарбий ҳаво оқимлари ҳукмрон. П. устидаги бу оқимлар *антипассатлар* деб аталади.

П. ва антипассатлар экватор б-н субтропиклар ўртасида циркуляция системасини ҳосил қилади. П. ҳавоси экваториал минтақада юқорига қараб кўтарилади, бир қисми антипассатлар оқими б-н субтропикларга томон қайтади, пасаяди ва яна қуйи кенгликларга қараб ҳаракат қилади. Лекин, П. циркуляцияси ёпиқ доира шаклида бўлмайди. П. га ўртача кенгликлардаги анча совуқ ҳаво массалари қўшилиб туради, П. даги ҳавонинг бир қисми эса субтропик антициклонларнинг ғарбий чеккалари бўйлаб ўртача кенгликларга қараб кетади.

П. нинг океанлар юзасида қуйи кенгликларга қараб оқадиган ҳавоси сувдан кўра совуқроқ бўлади. Шунинг учун бу ҳаво тагидан илийди ва тўп-тўп булутли конвекция вужудга келади. Лекин бу булутлардан ёғин ёғмайди ва П. ҳукмрон ўлкаларнинг ҳавоси қуруқ бўлади (лекин тоғлиқ соҳилларда П. ҳавоси тик ён бағирлар бўйлаб кўтарилади ва ёмғир беради). Материкларда П. эсадиган жойларда тропик чўллари ҳосил бўлган. Лекин Шимолий ва Жанубий ярим шарлардаги П. оралигидаги зонада конвекция кучи ва баландлиги кескин ортади; катта баландликларгача кенг булутлар тўдаси юзага келади, улардан жала ёмғирлари қуяди. Қуруқликда бу зона нам субэкваториал ва экваториал ўрмонлар зонасига тўғри келади.

ПАССИВ, пассивлик (лат. passivus — бефарқ, иродасиз, фаолиятсиз)—атрофдаги нарса ва ҳодисаларга, кишиларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлишдан, фаолиятсизликдан иборат ҳолат.

ПАССИВ — *бухгалтерия балансининг* ўнг томони; социалистик корхона ва ташкилотлар маблағларининг пайдо бўлиш манбаларини ифодалайди.

ПАССИВ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ — гражданларнинг турли давлат органларига сайланиш ҳуқуқи. Кўпгина буржуа давлатларида П. с. ҳ. мулк, ёш, маълумот ва б. цензлар б-н белгиланади. Мас., мулк цензи Аргентина, Бельгия, Канада, Коста-Рика, Либерия ва б. давлатларга хос. П. с. ҳ. га эга бўлиш учун ёш цензи жуда юқори; мас., Бельгия, Гана, Италия, Ливан, Нидерландия, Покистон, АҚШ, ГФР, Япония ва б. да 25 ёш, Австрияда 26, Эрон, Ливия, Туркияда 30 ёш. Икки палатали парламенти бўлган мамлакатларда юқори палатага сайланиш учун янада юқорироқ ёш (мас., АҚШ, Ҳиндистон ва Японияда 30, Бразилия, Франция ва Филиппинда 35, Бельгия, Ливан ва Туркияда 40 ёш) талаб қилинади. Маълумот цензи Бразилия, Лаос, АҚШ, Туркия ва б. мамлакатларда белгиланган.

Кўпгина давлатларда ваколатли органлар аъзолигига кўрсатилган номзодлар сайлов гарови сифатида жуда кўп миқдорда пул тўлашлари лозим. Бу оғир цензларнинг қўйилишидан мақсад парламентга меҳнаткашлар вакиллари сайланишининг олдини олишдир.

Социалистик мамлакатларда ҳокимиятнинг

ваколатли органлари умумжамият манфаати нуқтаи назаридан тузилади. Давлат ҳокимиятининг олий органларига мулки, маълумоти, ўтроқлигидан қатъи назар, муайян ҳаётий тажрибага эга бўлган кишилар сайланади. СССРда 21 ёшга тўлган шахс иттифоқдош республика Олий Советига, 23 ёшга тўлган шахс СССР Олий Советига сайлана олади.

ПАССИМЕТР (франц. passer — ўтмоқ ва *метр*) — машина деталларидаги тешиклар диаметри контакт усули б-н (бевосита ўлчаб) аниқланадиган асбоб. Ҳозир П. ўрнига *нутромер, штангенциркуль, циркуль* ва б. ишлатилади.

ПАСТ ТЕМПЕРАТУРАЛАР, криоген температуралар — суюқ ҳавонинг қайнаш т-раси (≈80°К) дан паст т-ралар. Бундай т-ралар абс. ноль т-ра (—273°С ёки 0°К) дан ҳисобланиб, *кельвин*да ифодаланади.

П. т. ҳосил қилиш. П. т. ни ҳосил қилиш ва сақлаб туришда, одатда, суюлтирилган газлардан фойдаланилади. Бунинг учун махсус қурилма — суюлтиргичлар ишлатилади. Атмосфера таъсирида буғланувчи суюқ газ Дьюар идишлари (суюқ газнинг нормаль қайнаш т-раси T_N яхши сақланадиган идишлар)да сақланади. Амалда қуйидаги суюлтирилган газлардан фойдаланилади: кислород ($T_N = 90$, 2°К), ҳаво ($T_N = 80$°К), азот ($T_N = 77{,}4$°К), неон $T_N = 27$°К), водород ($T_N = 20{,}4$°К) ва гелий ($T_N = 4{,}2$°К). Махсус қурилмалар ёрдамида идишдаги буғланаётган суюқ газни сўриб олиб, суюқлиқ устидаги босимни камайтириш ва шу б-н унинг қайнаш т-расини пасайтириш мумкин. Шундай қилиб, қайнаётган суюқлиқ устидаги босимни ўзгартириб, унинг т-расини пасайтириш ва шу йўл б-н янада паст т-ралар олиш мумкин экан. 1932 йилда 0,73°К т-ра олинган. Б. Г. Лазарев ва Б. Н. Есельсонлар эса 0,72°К ли П. т. ҳосил қилганлар (1942; Харьков), 0,3°К дан паст т-ралар соҳаси ўта П. т. деб қабул қилинган. Ўта П. т. ни олишда парамагнит тузларни адиабатик магнитсизлантириш усули кенг қўлланилади. Бу усулни 1926 йилда П. Дебай (Германия) ва В. Жиок (АҚШ) кашф этган.

П. т. ни ўлчаш. 90°К дан 10°К гача П. т. қаршилик термометрлари ёрдамида ўлчанади. Бу термометрлар платинанинг электр қаршилигига асосланган бўлиб аниқ ўлчашларда ишлатилади. П. т. соҳаси учун ягона термометр асбоби ишлаб чиқилмаган. 1°К гача т-раларни аниқлашда, дастлаб, газ термометрлари ишлатилган, 1,5°К—5,2°К соҳа учун 1958 йили Халқаро шкала қилиб идишдаги суюқ гелий тўйинган буғи босими P_s нинг т-ра Т га боғлиқлиги қабул қилинган.

Янада паст (0,1°К гача) т-рани ўлчашда бронзали термометрлар ишлатилади. Бу термометрлар жуда сезгир (сезгирлиги 0,0001°К) бўлиб, улар магнит майдонига ва ўлчаш токининг катталигига боғлиқ. Ҳозирги пайтда яримўтказгичли (мас., германийдан ясалган) термометрлар ҳам ишлатилади. Ўта П. т. даги термодинамик т-ра магнит усуллари ёрдамида аниқланади.

П. т. дан кўпгина ҳодисаларни ўрганишда кенг фойдаланилади, чунки моддалар П. т. да янгича хусусиятларга эга бўлади. Бу ҳолатда атомларнинг одатдаги т-радаги кучли иссиқлик ҳаракатлари йўқолиб, жуда кучсиз ўзаро таъсирларгина намоён бўлади. Модданинг П. т. даги янги хусусиятларини квант механика нуқтаи назаридан тушунтириш мумкин. П. т. да юзага келадиган суюқ гелийнинг ўта оқувчанлиги ва металлардаги ўта ўтказувчанлик каби ҳодисаларни ҳам квант механиканинг қонунлари асосида ўрганилади. Бу ҳодисаларни ўрганиш ҳозирги кунда П. т. физикасида катта аҳамиятга эга. Енгил гелий изотопи ^{3}He нинг хоссаларини ўрганиш, айниқса, қизиқарли бўлди, чунки ^{3}He 1°Кда ҳам ўта оқувчан бўлмай, 0,001°К дагина шу хусусиятга эга бўлади. Бу эса катта амалий аҳамиятга эга.

П. т. нинг қўлланилиши. П. т. дан газларни ажратиб олиш (мас., ҳавони суюлтириб кислород ва азот олиш)да, катта ҳажмдаги юқори вакуум ҳосил қилишда фойдаланилади. Ўта ўтказувчан ўтказгичлар тайёрлашда, шовқини паст кучайтиргичлар ва махсус ўта юксак частотали генераторлар ясашда ҳам П. т. ҳосил қилиш усуллари қўлланилади.

Ад.: Зисман Г. А., Тодес О. М., Курс общей физики, в 3-х кн., 5 изд., М., 1972.



ПАСТАРАБ — Қашқадарё обл. Қамаши р-ни Қизилтепа қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Қамашидан 7 *км*. Аҳолиси 823 киши (1974); чорвачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Лангардарёдан сув ичади.

ПАСТБУРҚУТ — Самарқанд обл. Пахтачи р-ни Пахтакор қ. С. даги қишлоқ. «Пахтакор» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — 33- разъезддан 4 *км*. Аҳолиси 417 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Ниёзёби ариғидан сув ичади. К-з идораси, медпункт, кутубхона бор.

ПАСТГАРДИЁН — Бухоро обл. Қизилтепа р-ни Гардиён қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Қизилтепадан 10 *км*. Аҳолиси 698 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади.

ПАСТГУЗАР — Самарқанд обл. Ургут р-ни Ғус қ. С. даги қишлоқ. «УзССР беш йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 51 *км*. Аҳолиси 1381 киши (1971); боғдорчилик, тамакичилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Обирўшон булоғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, к-з идораси, қишлоқ касалхонаси, медпункт, дорихона бор.


ПАСТДАРҒОМ РАЙОНИ — Самарқанд областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Шимолдан Оқдарё ва Иштихон, ғарбдан Қаттақўрғон ва Советобод р-нлари, жанубдан Қашқадарё области ва шарқдан Самарқанд р-ни б-н чегарадош. Майдони 844,4 *км*². Аҳолиси 118 минг киши (1975). Р-нда 9 қ. С. (Арабхона, Болатош, Ильич, Қалинин, Ленин, Санчиқўл, Тельман, Чархин, Красновосточний) ва Жума шаҳар посёлкаси бор. Маркази — Жума ш.

Табиати. Рельефи ясси текислик бўлиб, шарқдан ғарбга нишаб. Юзаси учламчи давр чўкинди жинсларидан таркиб топган. Устки қисмини Зарафшон ва унинг ирмоқлари олиб келган аллювиал ётқизиқлар қоплаб олган. Бу ерда неоген давригача денгиз бўлган ва альп орогенетик жараёни таъсирида қуруқ водийга айланган. Р-н терр-ясининг шарқи-жануби Зарафшон тоғ тизмаларининг ғарбий учи б-н банд. Абсолют баландлиги 2204 *м*. Жануби-ғарбий қисми Қарнобчўл даштининг шарқий ва Қарши чўлининг шимолий чеккаларидан иборат чала чўллардир. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Чўл зонасида озроқ шўрхоклар бор. Тоғ этакларида жигар ранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари тарқалган. Ёввойи ўсимликлари шувоқ, буғдойиқ ва тоғ-чалачўл ўсимликларидан иборат. Дарёларнинг қайирларида рўвак, қамиш, шўр ажриқ, сувранг, кампирсоч, итгунафша, юлғун ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвон ва паррандалардан бўри, тулки, қуён, чиябўри, жайран, жайра, ёввойи чўчқа, калтакесак, тошбақа, сариқ илон, эчкемар, кўрсичқон, кичик қўшоёқ, қумсичқон, типратикан, каламуш, қирғовул, лойхўрак, ўрдак, сўфитўрғай, чуғурчиқ, зарғалдоқ ва б. учрайди. Р-н терр-ясининг шимолий чегараси бўйлаб Зарафшон дарёсининг тармоғи Қорадарё ва бошқа сойлар ўтади, Зарафшон тоғидан майда сойлар оқиб тушади, ғарбида ёзда қуриб қоладиган сойлар бор. Р-н терр-яси орқали Дарғом канали, Ўзбекистон Ленин комсомоли номли Эски Анҳор канали ўтади. Иқлими кескин континентал. Лекин, шимол, шимоли-шарқ ва шарқ томондан тоғлар б-н ўралганидан қиш илиқроқ. Январининг ўртача т-раси —1,9°, минимали —26°, июлники 27,2°, максимал т-ра 44°. Йиллик ёғин 328 *мм*. Ёғин, асосан, қишда ва баҳорда ёғади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, тожиклар, татарлар, кореецлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 13,9 киши.

Хўжалиги. Р-н терр-ясида Самарқанд суперфосфат з-ди, Самарқанд яйлов хўжалигининг базалари, Самарқанд спирт-арақ з-дининг базалари, пахта тозалаш з-длари (Чархин ва Жума), «Узбиокомбинат», суяк уни тайёрлаш з-ди, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси, кўрлар жамияти, босмахона, «Узсельхозтехника»нинг обл. савдо базаси, қурилиш-монтаж идоралари бор.

Р-н қ. х. комплекс ривожланган. 13 к-з, 3 с-з, к-элараро бўрдоқичилик комплекси бор. Қ. х. да фойдаланиладиган 191353 *га* ерининг 95577 гектари суғорилади, 74330 га ерга экин экилади. 23445 га ерга пахта, 36647 га ерга дон экинлари, 20 *га* ерга картошка, 197 *га* ерга сабзавот, 432 *га* ерга полиз экинлари, 11589 *га* ерга ем-хашак экинлари экилади, 125 *га* ер боғ, 555 *га* токзор, 682 *га* тутзор б-н банд (1975). Р-н хўжаликларида 21624 қорамол (шундан 4886 сигир), 15891 чўчқа, 98487 қўй ва эчки, 1264 от, 19 туя, 91212 товуқ бор (1975). Давлатга 65714 *т* пахта, 5406 *т* ғалла, 2910 *т* мева, 6905 *т* узум, 63 *т* картошка, 5508 *т* сабзавот, 3392 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазида), 6597 *т* сут, 2 млн. 252,4 минг дона тухум, 362 *т* жун, 168 *т* пилла, 48098 дона қоракўл тери, 2423 *т* полиз маҳсулотлари сотилди (1974).



Пастдарғом район и. 1. Академик Шредер номидаги боғдорчилик, токчилик ва виночилик илмий тадқиқот ин-ти филиали. 2. Жума шаҳрининг марказий кўчаларидан бири.

Р-ндаги 76 умумий таълим мактабида 33170 бола ўқийди (1975—76). 153 кутубхона, 72 қироатхона, 46 клуб, 46 киноустановка, 6 маданият уйи, халқ театри, 8 халқ университети, 43 доимий болалар боғчаси ишлаб турибди. 1931 йилдан р-н «Пастдарғом ҳақиқати» газетаси чиқиб турибди (тиражи 8200 нусха). 1705 ўринли 12 касалхона, 66 фельдшер-акушерлик пунктлари, 10 аптека, 4 қишлоқ амбулаторияси ва 90 ўринли туғруқхонада 110 врач ва 570 медицина ходими ишлаб турибди (1975).

Р-н терр-яси орқали Тошкент — Красноводск, Тошкент — Душанба, Тошкент — Қарши поездлари ўтади. Қаттақўрғон — Жума — Самарқанд, Самарқанд — Сазағон — Жом, Жума—Хончарвоқ ва б. маршрутларда автобуслар қатнайди. Тошкент — Урганч, Тошкент — Навоий маршрутлари бўйлаб қатнайдиган автобуслар ҳам р-н терр-яси орқали ўтади. Жума — Сазағон ўртасида қаттиқ қопламали автомобиль йўли ўтказилган.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ва Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. А. *Трайнин*, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ж. Юсупов, Х. Имомова, Н. Давлатова, Ҳ. Эргашев, Қ. Орзиқулов, Ҳ. Намозов, Б. Кўмаков, Т. Қўлдошев, С. Худойқулов, М. Қўчқоровлар шу р-ликдир.

ПАСТЕЛЬ (итал. pasta — хамир) — расм чизиладиган махсус рангли қалам; шу қалам б-н чизилган расм. Графикада кўп фойдаланилади. Рассомлар янги асарлари учун *этюд*лар чизишда ҳам П. ни ишлатадилар.



Пастдарғом райони. Жума шаҳридаги пахта тозалаш заводи.



Пастернак Н. И.

ПАСТЕ́Р Луи (1822—1895) — француз микробиологи ва кимёгари, ҳозирги замон микробиология ва иммунология асосчиси. Париж ФА (1862) ва Франция Медицина академиясининг (1873), Франция академиясининг (1881) ҳақиқий аъзоси, Петербург ФАнинг (1893) фахрий аъзоси. П. Олий нормал мактабни тугатгач (1847), Страсбург ун-ти (1849), Лилль ун-ти (1854), Нормал мактаби (1857) ва Париж ун-тининг (1867) проф. П. Микробиология илмий текшириш ин-тининг (Пастер ин-ти) биринчи директори. Шу ин-тда бошқа олимлар қатори рус олимларидан И. И. Мечников, С. Н. Виноградский, Н. Ф. Гамалея, В. М. Хавкин, А. М. Безредка ва б. ишлаган. П. бижғиш процессини ўрганиб, вино, пиво ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатига илмий асос солди. Пастеризация усулини таклиф этди. П. ипак қурти касаллигини ўрганиб (1870), унинг юқумлилигини аниқлади ва қарши кураш чораларини ишлаб чиқди. Одам, ҳайвон ва паррандаларнинг юқумли касалликлари (куйдирги, қутуриш, вабо, қизилча ва б.) ни ўрганди.

ПАСТЕ́Р СТАНЦИЯСИ, Пастер пункти — қутурган ҳайвон тишлаган кишиларни эмлаш йўли б-н *қутуриш касаллиги*дан сақлайдиган санитария-профилактика муассасаси. Л. *Пастер* номидан олинган.

Россияда (Одесса) 1886 йилда антирабик вакцина ишлаб чиқариш ва қўллаш бўйича лаборатория ташкил қилиниб, П. с. деб аталди. Унинг ташкилотчилари рус олимлари И. И. *Мечников* ва Н. Ф. *Гамалея*лар эди.

Урта Осиёда П. с. дастлаб 1906 йилда (Тошкентда) ташкил этилди. 1927 йилда Самарқанд ва б. шаҳарларда очилди. 1929 йилга келиб Республикада П. с. сони 9 га етди. 1969 йилда СССРда П. с. тармоқлари тугатилиб, поликлиника, амбулатория ва касалхоналар қошида Пастер кабинетлари ташкил этилди. Шунингдек фавқулодда ҳолларда ташкилий ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш б-н СЭС лар қошидаги Пастер бўлимлари шуғулланади.

ПАСТЕРЕЛЛЕЗ (геморрогик септицемия) — одам ва ҳайвонларда учрайдиган юқумли касаллик; пастерелла группасига мансуб бактериялар қўзғатади. Касал ҳайвонларнинг ҳарорати кўтарилади, сўлаги оқади, нафас ҳаракатлари тезлашади, йўталади ва ичи кетади, мол ориқлайди, боши, бўйни, ҳалқуми, тили, кўкраги, яғрин атрофи ва оёқлари шишади. Касаллик узоқ давом этиб ўлимга олиб боради.

Даволаш: П. га қарши зардоб (сиворотка), юрак фаолиятини яхшилайдиган, ичакларни дезинфекцияловчи антибиотик ва сульфаниламид дорилар ишлатилади.

Олдини олиш: молларни яхши шароитда тўйдириб боқиш; касал ҳайвонларни алоҳида сақлаш ва даволаш, молхонани тозалаш, дезинфекция қилиш ва б.

ПАСТЕРИЗАЦИЯ, пастерлаш — озиқ-овқат маҳсулотларини 100°С дан паст (одатда, 60—70°С) т-рагача 15—30 *мин* қиздириб *консервалаш*. Л. *Пастер* таклиф этган. Юқори т-рада сифати ўзгармайдиган сут, қаймоқ ва мевалар шарбати, желе ва б. озиқ-овқат маҳсулотлари П. қилинади. П. натижасида спорасиз бактериялар, моғор замбуруғлари ўлиб, ферментлар бузилади. П. дан кейин ҳам баъзи споралар сақланиб ривожланиши мумкин. Уларни йўқотиш учун озиқ-овқат маҳсулотлари 4 мартагача П. қилинади. П. махсус аппарат — пастеризаторда бажарилади. Шишага солинган озиқ-овқатларни тезроқ П. қилиш учун шишаларни айлантириб турувчи мосламали пастеризатор қўлланилади.



Пастернак.

ПАСТЕ́РНАК Борис Леонидович [1890. 29. 1 (10. 2), Москва — 1960. 30. 5, Москва обл. Ленин р-ни Переделкино қ.]—рус совет ёзувчиси. Ижоди 1913 йилдан бошланган. «Булутдаги эгизак» (1914), «Тўсиқлар устидан» (1917), «Ҳаёт менинг опам» (1922) шеър тўпламларида символистлар ва футуристларнинг таъсири кучли. «Тўққиз юз бешинчи йил» (1925—26), «Лейтенант Шмидт» (1926—27) поэмалари биринчи рус рев-ясига бағишланган. «Ҳаво йўли» ҳикояси ва тугалланмаган «Спекторский» шеърий романи (1931)да Октябрь рев-ясига маънавий ишонч ғояси мавжуд эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида уруш қаҳрамонлари, уларнинг мардлиги ва матонатини тасвирловчи бир қанча асарлар яратди («Сапёрнинг ўлими» ва б.). 1943 йили «Илк поездларда» тўплами нашр қилинди. Лекин 50-йилларда П. ижодида тушкунлик юз берди. Унинг «Доктор Живаго» романида рев-яга салбий муносабат ва жамиятни ижтимоий жиҳатдан ўзгартириш мумкинлигига ишончсизлик акс этди. Роман 1957 йили чет элда нашр қилинди ва бу асар учун П. га Нобель мукофоти берилди (1958). Роман совет матбуотининг танқидига учради. П. Нобель мукофотини олишдан бош тортди. Умрининг сўнгги йилларида яратган «Қайф-сафо сурганда» туркум шеърларида (1956—59) ижодий кўтаринкилик сезилади.

Ас.: Стихотворения и поэмы, 2 изд., М.—Л., 1965; Стихи, М., 1966; Люди и положения, «Новый мир» 1967, № 1, [Письма Б. Пастернака], «Вопросы литературы», 1972, № 9; Стихи о Грузии. Грузинские поэты, Тб., 1958.

Ад.: Горький и советские писатели. Неизданная переписка «Литературное наследство» китобида, т. 70, М., 1963; Тагер Е., «Избранное», Б. Пастернака, «Литературная газета 1966, 11 авг.; Паперный З., Б. Л. Пастернак, «История русской советской лит-ры» китобида, т. 3, М., 1968.

ПАСТЕ́РНАК Натан Израилович (1925, Киев) — патофизиолог, медицина фанлари д-ри (1970), 1948 йилдан КПСС аъзоси. Самарқанд Медицина ин-тини тугатгач (1950), шу ин-т патологик физиология кафедрасининг катта лаборанти, сўнг ассистенти (1951—58), Андижон Медицина ин-ти патологик-физиология кафедраси доценти (1958—61), 1961 йилдан кафедра мудири. «Баъзи органлар гомоантигенларининг организм реактивлигига таъсири» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари аллергия ва аутоаллергияга оид.

ПАСТЕРНАК (Pastinaca) — соябонгулдошлар (соябонгуллилар оиласи)га мансуб икки ёки кўп йиллик ўсимлик. Биринчи йили барг ва илдизмева ҳосил қилади. Барглари патсимон, ёйиқ, тик. Илдизмеваси этли. Сариш-оқ, силлиқ, юмалоқ-чўзиқ ёки конуссимон-чўзиқ. Иккинчи йили 1 *м* ча сершох поя ўсиб чиқади. Гуллари майда, икки жинсли, четдан чанглanади, тўпгули соябонсимон. Меваси қўш писта, уруғи майда, оч жигар ранг. Европа ва Осиёда 15, СССРда 5 ёввойи ва 1 экма тури бор.

П. совуққа чидамли, намсевар, хушбўй ўсимлик. Қор остидан ковлаб олиб, янги сабзавот сифатида фойдаланиш мумкин. Илдизмевасида 17,5—18,7% қуруқ модда, 8,6—10,5% қанд, оқсил, ёғ, витамин С, B_1, B_2 ва эфир мойи бор. Илдизмеваси зиравор сифатида истеъмол этилади. П. ҳамма ерда (СССРда

1,5—2 минг *га* майдонга) экилади. Ўзбекистонда П. уруғи эрта баҳорда ёки кеч кузда сабзи сингари сепилади, гектарига 5—6 *кг* уруғ сарфланади. Ҳар *га* ердан 400—700 *ц* ҳосил олинади.

ПАСТКИАЛГА́Р — Самарқанд обл. Ургут р-ни Мирзақишлоқ қ. С. даги қишлоқ. Максим Горький номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқандан 55 *км*. Аҳолиси 666 киши (1974); тамакичилик, пилла-чилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади.

ПАСТКИБУЛОҚБОШИ́ — Фарғона обл. Риштон р-ни Бешкапа қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Фурқатдан 9 *км*. Аҳолиси 844 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Қатта Фарғона каналидан ва Сўх дарёсидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПАСТКИБУ́З — Андижон обл. Ленин р-ни Кужган қ. С. даги қишлоқ. «Правда Востока» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Асакадан 4 *км*. Аҳолиси 837 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Полвонтош ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПАСТКИДАРХО́Н — Тошкент обл. Қалинин р-ни Узгариш қ. С. даги қишлоқ. Куйбишев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 13 *км*, яқин т. й. станцияси — Собир Раҳимовдан 6 *км*. Аҳолиси 2433 киши (1971); сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Салор каналидан сув ичади. Урта мактаб, к-з идораси ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПАСТКИМАЧИ́Т — Тошкент обл. Тошкент р-ни Карл Маркс қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Келесдан 7 *км*. Аҳолиси 1665 киши (1971); сабзавотчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Зах каналидан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, медпункт, дорихона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПАСТКИОВУ́Л — Самарқанд обл. Пайариқ р-ни Қўлтўсин қ. С. даги қишлоқ. Киров номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 36 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғондан 58 *км*. Аҳолиси 520 киши (1971); чорвачилик, пиллачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. С-з идораси, автогараж бор.

ПАСТКИЧАҚИ́Р — Сирдарё обл. Ховос р-ни Ховос қ. С. даги қишлоқ. «Ховос» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Ховосдан 33 *км*. Аҳолиси 623 киши (1971); чорвачилик, боғдорчилик ва ғаллакорлик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт, кутубхона бор.

ПАСТКИУҚЧИ́ — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Уқчи қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилондан 7 *км*. Аҳолиси 891 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона канали ва Исфайрамсойдан сув ичади.

ПАСТКИҚИШЛОҚ — Андижон обл. Пахтаобод р-ни Иттифоқ қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксойдан 1 *км*. Аҳолиси 764 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қорадарёдан сув ичади.

ПАСТКИҚОРАБО́Ғ — Наманган обл. Янгиқўрғон р-ни Алихон қ. С. даги қишлоқ. Ҳамид Олимжон номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқдан 8 *км*. Аҳолиси 476 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Чортоқсойдан сув ичади. Урта мактаб бор.

ПАСТКИҚУРИҚ — Фарғона обл. Ўзбекистон р-ни Ғаниобод қ. С. даги қишлоқ. «Ғаниобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 25 *км*. Аҳолиси 2038 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.

ПАСТКИХАСАНБОЙ — Тошкент обл. Тошкент р-ни Ҳасанбой қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси — Шумиловдан 3 *км*. Аҳолиси 2900 киши (1971); сабзавотчилик, пиллачилик, богдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Зах ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, ғишт з-ди, кутубхона, медпункт ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПАСТМАҲАЛЛА́ — Андижон обл. Избоскан р-ни Қизил юлдуз қ. С. даги қишлоқ. «Узбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Пойтуғдан 6 *км*. Аҳолиси 889 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Қатта Фарғона каналидан сув ичади. Бошланғич мактаб бор.

ПАСТО́Р (лат. pastor — чўпон) — протестант черковининг руҳонийси. Православ ва католик руҳонийларидан фарқ қилиб, у валинеъмат ҳисобланмайди, алоҳида ибодат қийими киймайди, оддий кишилардек ҳаёт кечиради.

ПАСТОРА́ЛЬ (лат. pastoralis — чўпонники, чўпонга оид) — 1) деҳқонлар, чўпонлар ҳаётидан олинган сюжет асосида яратилган адабий, музика ва театр (одатда кичик опера, пантомима, балет) ҳамда тасвирий санъат жанри. Лонгнинг «Дафнис ва Хлоя» романи (тахм. 2—3-асрлар) қадимги П. намуналаридандир. П. Уйғониш даврида Ғарбий Европа адабиёти ва санъатида кенг ривожланди. Рус поэзиясида П. жанри 18-асрнинг 2-ярмида тарқалган. П. И. Чайковскийнинг «Пиковая дама» (1890) операсида П. га хос саҳна берилган; 2) қишлоқ ҳаёти, табиат манзараларини тараннум қилувчи программали чолғу пьеса ёки циклли асар (соната, концерт, симфония ва б.) қисми. Баъзан циклли асарлар бутунлай П. характерида бўлади (мас., Л. Бетховеннинг 6-симфонияси, фортепьяно учун 15-сонатаси). Узбек музика мероси, айниқса чолғу (кўпроқ дўмбира, най) куйларида П. хусусиятларига эга асарлар учрайди.

Ад.: Тассо Т., Аминта. Пастораль, вступ. ст. М. Эйхенгольца, М.—Л., 1937; Кароматов Ф., Узбекская домбровая музыка, Т., 1962.

ПАСТО́М — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Питнак қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 26 *км*, яқин т. й. станцияси — Питнакдан 4 *км*. Аҳолиси 781 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Питнакарна каналидан сув ичади.

ПАСТСОМО́Н — Сурхондарё обл. Сариосиё р-ни Дашнобод қ. С. даги қишлоқ. «Ленинград» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Узундан 14 *км*. Аҳолиси 720 киши (1971); пахтачилик, боғдорчилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Обизаранг сойидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.

ПАСТТЕКИСЛИКЛАР — океан сатҳидан 200 *м* гача баланд бўлган қуруқликлар. П. нинг ер

юзаси кўпинча ясси ёки паст-баланд текисликлардан иборат. П. тектоник чўкиш натижасида ҳосил бўлиб, денгиз чўкиндилари ёки дарё аллювийларидан таркиб топган. Баъзи П. океан сатҳидан паст жойлашган (Каспий бўйи, Жанубий Каспий ва б.).

ПАСТҲАЗОРА — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Қутчи қ. С. даги қишлоқ. Киров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Китобдан 24 *км*. Аҳолиси 770 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Таноздарёдан сув ичади.

ПАСУРХӢ — Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Работ қ. С. даги қишлоқ. «Работ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Шўрчидан 72 *км*. Аҳолиси 1738 киши (1974); боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Бойсунсойдан сув ичади. Ўрта мактаб бор.


ПАСҲА (қадимги яҳудийча песах — ўтмоқ сўзидан) — *иудаизм* ва христиан динларида баҳор байрами. Қадимда кўчманчи семит қабилалари П. ни чорва молларининг баҳорги қўзилатиш вақтида байрам қилганлар. Бу қабилаларнинг ўтроқлашиши ва деҳқончилик б-н шуғулланиши натижасида П. ўрим-йиғим байрамига айланган. Кейинчалик П. *мессия*нинг қайтиб келиши умидида ўтказилган.

Христианликда П. Исонинг «туғилиши» шарафига бағишлаб ўтказилади. Дастлабки вақтларда иудаизмда ҳам, христианликда ҳам П. бир вақтда ўтказилган. Кейинчалик (325 йилдан бошлаб) христианлар П. си яҳудийлар П. сидан сўнг (бир ҳафта ўтгандан кейин келадиган биринчи якшанбада) байрам қилинадиган бўлди. Бу байрам, одатда, 4 апрелдан 8 майгача бўлган даврга тўғри келади. Бунда тухумлар бўялади ва б. таомлар тайёрланади. Байрам кунларида христианлар бир-бирларини «Христос воскрес» («Исо тирилди»), «Воистину воскрес» («Ҳақиқатдан тирилди») деб қарши оладилар. П. байрами ўз моҳияти б-н реакцион байрамдир.

ПАСХА ОРОЛИ, Рапануи — Тинч океанинг шарқий қисмидаги вулкан ороли. Маъмурий жиҳатдан Чилига қарашли. Майдони 165,5 км². Аҳолиси 2000 киши (1972); 40%и маҳаллий аҳоли — полинезлар, қолган қисмининг кўпчилиги чилиликлар. Маъмурий маркази — Ханга-Роа. Оролда 3 та вулкан бор: Рано-Арои (539 *м* — оролнинг энг баланд жойи), Катики (377 *м*) ва Рано-Као (324 *м*). Оролнинг қирғоқлари қояли. Иқлими субтропик, сернам иқлим. Ўртача ойлик т-ра 18—23°. Йиллик ёғин 1300 *мм*. Оролда, асосан, ўтлар ўсади; ондасонда эвкалипт ва банан учрайди.

П. о. ни 1722 йил 5 апрелда голланд денгизчи сайёҳи Я. Роггевен пасха байрами кунида кашф қилган. 1888 йилда орол Чилига қўшиб олинган. П. о. нинг маҳаллий аҳолиси деҳқончилик (батат, шакарқамиш, банан етиштириш) ва балиқ овлаш б-н шуғулланади, чорвачилик фермаларида ишлайди.

Оролда пасхаликларнинг қадимий маданият қолдиқлари — тош ҳайкаллар, ёзувлар битилган тахтачалар сақланган. П. о. да 1955—56 йилларда Т. *Хейердал* раҳбарлигида Норвегия-Америка экспедицияси археологик қазишмалар ўтказди. Т. Хейердалнинг фикрича, оролнинг дастлабки аҳолиси Перудан кўчиб борган. 15-асрда П. о. га Маркиз оролларидан полинезлар бориб ўрнашган. Улар 17-асрда оролнинг дастлабки аҳолисини бутунлай қириб ташлаган.



Пат. Контур патининг тузилиши: *1*—ўзак; *2*—елпиғич; *3*—қалам учи; *4*—тана.

Ад.: Пучков П. И., Население Океании, М., 1967, Хейердал Т., Аку-Аку. Тайна острова Пасхи, (Пер. с норв.), М., 1959.

ПАТ — қуш терисидаги шохсимон моддали тузилма. Контур, ипсимон, парсимон, пар ва қилсимон П. турлари бўлади. Контур П. қалам учи, ўзак, тана (ствол) ва унга жойлашган елпиғичдан иборат. Контур П. қуш қанотининг сиртида, думида, танасида бор. Ипсимон П. узун, нозик ва юмшоқ ўқ ҳамда унинг учидаги сийрак соқолчалардан тузилган. Одатда бу П. лар контур П. тагида бўлади. Парсимон П. нозик ўзак ва бир-бири б-н илашган майин соқолчалардан ташкил топган; пар б-н бирга танани совишдан сақлайди. Пар П. қисқа, юмшоқ ўзак ва бир-бири б-н илашмаган соқолчалардан иборат. Қилсимон П. да ўзак бўлиб, соқолчалар йўқ. Булар ҳам ипсимон П. га ўхшаб, туйғу вазифасини бажаради деб тахмин қилинади. П. нинг ейилиб (сийқаланиши) ва рангининг йўқолиши *туллаш*га олиб келади.

ПАТАГО́НИЯ — Жанубий Америкадаги табиий область. Аргентинанинг жанубий қисмида, Рио-Колорадо ва Рио-Негро дарёларидан жанубда, Анд тоғларидан шарқда жойлашган. Ер юзаси Атлантика океани соҳилидан шарққа 2200 *км* гача зинапоясимон баландлашиб борган. Шимоли-шарқий қисми пасттекислик. Замини қадимги кристалли жинслардан тузилган, уларнинг устини чўкинди ва вулкан жинслари ҳамда морена ётқизиқлари қоплаган. Иқлими мўътадил, чала чўлга хос иқлим. Йиллик ёғин шимолида 150 *мм* дан, жанубида 500 *мм* гача. Анд тоғлари этагида 600—700 *мм*. Июлнинг ўртача т-раси 8—2°, ғарбида —5° гача (энг паст т-ра —35°); январники 20—10° (энг юқори т-ра 34°). Кучли шамол эсиб туради. Дарёлари Анд тоғларидан бошланиб, П. ни чуқур канъонлар орқали кесиб ўтади. Тупроғи қўнғир, бўз ва каштан тупроқ. Бошоқли ўтлар ва буталар ўсади. Эндемик ҳайвонлардан лама, магеллан ити, пампа мушуги, сассиққўзан, зирҳлилар ва б. бор; қуш кўп. Аҳолиси, асосан, қўйчилик б-н шуғулланади. Нефть ва табиий газ конлари бор. Ф. *Магеллан* экспедицияси бу қабилани патогонлар («катта оёқлилар») деб атаган. П. номи ҳам шундан.

ПАТАГО́НИЯ ОБЛАСТИ, Магеллан области, Жанубий Америка нотель области — Дунё океанининг зоогеографик областларидан бири. Жанубий Америка жанубий қисмининг шельфи ва материк ён бағри ҳамда ёндош ороллар атрофини ўз ичига олган. П. о. доим кучли совуқ оқимлар таъсирида. Т-ра сувнинг юза қисмида ёзда 8—17°, қишда 4—13°. П. о. биологик жиҳатдан сермаҳсул, планктон ва бентос кўп бўлса ҳам, аммо турлари кам. Турларининг ярмидан кўпроғи эндемик. П. о. нинг Чили қисмидаги фаунаси Аргентина қисмидаги фаунадан анча фарқ қилади. П. о. нинг бентосида қўнғир сувўтлар, моллюскалар ва игнатанлилар кўп; краб ва маржонлар оз. Денгиз қушлари, денгиз мушуги, денгиз арслони, китлар ва ҳ. к. лар яшайди. Балиқ ва умуртқасиз ҳайвонлар (креветка, моллюска, денгиз кирписи ва б.) овланади.

ПАТАГО́НИЯ-АНД ОБЛАСТЧАСИ, Чили областчаси — Неотропик зоогеографик областининг бир қисми. Жанубий Американинг жанубий ва шимоли-ғарбий қисмларини ўз ичига олган. Гвиана-Бразилия областчасидан серёмғир ўрмонларининг йўқлиги, даштларнинг кўплиги, айрим жойларда арид ва чўл жойларнинг мавжудлиги б-н кескин фарқ қилади. Тоғлари (Анд тоғлари)да ўрмон кам, баландлик минтақалари учрайди. П.-А. о. фаунага бойлиги жиҳатдан Гвиана-Бразилия областчасидан кейин туради. Неотропик областга хос кўп ҳайвон группалари ва турлари П.-А. о. да учрамайди. П.-А. о. да гуанако, викунья, пампа бўғуси, пуду, кўзойнакли айиқ, пампа мушуги, ёлдор бўри, шиншилла, нутрия, денгиз чўчқаси, зирҳлилар (2 уруғи), улкан чумолихўр яшайди. Халталилар ҳам бор, улардан баъзилари эндемик. Кўршапалаклар кам. Қушлардан туяқушининг нанду туркуми, шунингдек америка тасқараси, колибрининг бир неча тури ва б. бор. Судралувчилар кам. Сувда ва қуруқда яшовчилардан ринодерма бақаси характерли.

ПАТА́Н, Лалитпур — Непалдаги шаҳар. Катманду водийсида, Багҳмати дарёси бўйида. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 135 минг киши (1970). Ҳунармандчиликда газлама, гилам, металл буюмлар ишлаб чиқарилади. Ёғоч ўймакорлиги ривожланган. Шаҳар четида ғишт-черепица з-ди, ҳайвонот боғи бор. П.— Непалнинг энг қадимий шаҳарларидан; мил. ав. 3-асрда асос солинган. Арх. ёдгорликларидан қирол саройи (9—17-асрлар), ибодатхоналар ва ҳ. к. лар сақланган. П.— непалларнинг диний зиёратгоҳ жойларидан бири.

ПАТАРИ́ДЗЕ Зураб Александрович (1928. 9. 9, Тбилиси) — совет, давлат ва партия арбоби. 1955 йилдан КПСС аъзоси. 1952 йилда Грузия Политехника ин-тини тугатган; кон қурувчи-инженер. 1952—62 йилларда «Чиатурмарганец» трестида смена мастери, кон бошлиғи, кон бошқармаси бош инженери, трест бош инженери. 1962 йил мартдан Грузия КП Чиатура шаҳар комитети секретари. 1967—72 йилларда КПСС МК нинг партиявий-ташкилий ишлар бўлими инструктори. 1972 йил июндан Грузия КП МК секретари. 1975 йил декабрдан ГрузССР Министрлар Совети раиси. Грузия КП МК бюроси аъзоси. КПСС 25-съездида КПСС МК аъзолигига кандидат қилиб сайланган 6—9-чақириқ ГрузССР Олий Совети депутати. Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПАТЕ́НТ (лат. patentis — ўрта асрда Ғарбий Европа мамлакатларида маълум мансаб ва унвонни олиш ҳуқуқини берадиган гувоҳнома, ёрлиқ) — 1) ихтирочининг ўз ихтиросига олган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат. П. қайси давлат томонидан берилган бўлса, шу давлат терр-ясида юридик кучга эга бўлади. П. 15—20 йил муддатга берилади, айрим мамлакатларда бу муддат узайтирилиши ҳам мумкин. П. бериш вақтида пошлина олинади. Муайян ҳолларда П. қонунда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

СССРда П., одатда, чет эллиқлар ихтиродан фойдаланганда уни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш шаклларидан биридир. П. эгасининг ҳуқуқ доираси ишлаб чиқариш воситаларининг Совет давлатининг мулки эканлиги ҳақидаги қонунлар ва ташқи савдо монополияси ҳақидаги қоидалар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. *Авторлик гувоҳномаси* эса ихтирони муҳофаза қилиш тартибининг кенг тарқалган иккинчи шаклидир; 2) савдо-сотиқ ёки ҳунармандчилик б-н шуғулланиш учун берилган ҳужжат.

ПАТЕРНАЛИ́ЗМ (лат. paternus — оталарча) — буржуа давлатларида корхона эгаларининг меҳнаткашларга сохта хайр-саховат ва ғамхўрлик қилиш шакли, капиталистнинг ёлланма ишчилар устидан ўз ҳукмини ўтказишнинг алоҳида усули. Буржуа пропагандасида капиталист фақат ўзининг иши ҳақида ўйламасдан, балки ўз корхонасидаги ишчилар эҳтиёжи ҳақида ҳам қайғурадиган шахс сифатида мадҳ этилади. Ана шу сохта ғамхўрликка жавобан, ишчилардан «содиқлик, фидокорлик ва итоаткорлик» талаб қилинади. Соҳибкорларнинг жабр-зулмига кўрсатилган ҳар қандай қаршилик «содиқлик шарти»ни бузиш ҳисобланиб, ишдан ҳайдаш хавфи б-н қўрқитилади.

Меҳнаткашларнинг капиталистик эксплуатацияга қаршилик ҳаракати кучая бориши б-н 19-аср охири — 20-аср бошларида буржуа идеологлари П. ғояларини онгли пропаганда қилдилар. Соҳибкорларнинг «сохта оталарча ғамхўрлик қилиш фаолияти» Германия, АҚШ, Россия ва б. мамлакатларда кенг ёйилди. 20-асрда Японияда хотин-қизлар ишловчилар орасида катта процентни ташкил этган ва феодал анъаналари жуда кучли бўлган шароитда П. айниқса кенг ёйилди ва ўзига хос характер касб этди.

Капитализмнинг умумий кризиси даврида буржуазия ишчилар ташкилотларини кучсизлантириш ва синфий курашни юмшатиш учун П. дан фойдаланади, П. ёрдамида капиталистлар меҳнаткашларни корхона эгалари б-н «ҳамкорлик» қилиш орқали, меҳнат шароити яхшиланади, деб ишонтиришга уринадилар. Ишчилар қўшимча ҳақ олишга, баъзи бир имтиёзларга, қарилиги сабабли ишламаётганларга нафақа ундириш ва шу кабиларга кескин синфий кураш орқали эришмоқдалар.

Ҳозирги даврда П. соф шаклда Испания, Италия, Японияда сақланиб қолди. Капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашлар П. сиёсатига қарши чиқмоқдалар. Коммунистик партиялар ва прогрессив касаба союзлар П. нинг ҳар қандай кўринишига барҳам беришни талаб қилаётирлар.

ПАТЕТ-ЛА́О (лао халқи тилида — Лао мамлакати) — Лао Иссара миллий ҳаракати томонидан 1945 йил окт. қўзголонидан кейин Лаосга берилган ном. 1950 йилда вужудга келган Лаос ягона миллий фронти ҳам кўпинча П.-Л. деб аталган. Кенг маънода шу фронт раҳбарлик қилган миллий озодлик ҳаракати П.-Л. деб аталган. Кейинчалик П.-Л. 1956 йилда тузилган Нео Лао Хаксат — Лаос Ватанпарварлик фронти (ЛВФ)нинг иккинчи номи сифатида қўлланилган. ЛВФ раҳбарлигида лаос халқи 1975 йил декабрда монархияни агдариб ташлаб, Лаос Халқ Демократик Республикаси тузилганлигини эълон қилди.

ПАТЕФО́Н (француз фирмаси Пате номи ва *фон* сўзидан) — *граммофон* пластинкасига ёзилган товушни қайта эшиттириш учун хизмат қиладиган аппарат, граммофоннинг бир тури. П. карнайи қути ичига жойлаштирилган. П. дан товушни ёзиб олишда ҳам фойдаланилган. П. 20-а. 40-йилларигача ишлатилган.

ПАТЖАБРАЛИЛА́Р (Pterobranchia) — чала хордалилар кенжа типига мансуб денгиз ҳайвонлари синфи (қ. *Қанотсимон жабралилар*).

ПАТИЛА (араб. فتيلة — пилта, пилик) — *зардўзлик* асбоби. Ёғочдан 4 қиррали қилиб ишланган таёқча (бўйи 15—20 *см*, йўғонлиги 1—3 *см*) найчага ўхшатиб тешилиб, ичига қўрғошин таёқча тиқилади (бу — П. нинг оғир бў-



Патаридзе З. А



Патиссон.

лишини таъминлайди). П. ғалтак ва айни пайтда моки вазифасини ўтайди (унга зар ип ўралади).

ПАТИР — нон тури. Ширмой П., қашқаои П., кўк П., қиймали П., патирча каби турлари бор. Уларнинг ҳар бири масаллиғи, тайёрланиш усули б-н фарқ қилади. Тайёрланиши: илиқ сутда туз ва хамиртуруш эритилади, сўнгра қўй ёғи (ёки сариёғ) қўшилиб хамир қорилади. Хамир ошгач, 500 *г* ли зувалалар узилади. Зуваладан чеккаларининг қалинлиги 3—4 *см*, ўртасининг қалинлиги 1 *см* келадиган нон ясалади, унинг юпқа жойига зич тикач (чакич) урилади. Нон четлари пичоқ б-н тилиниб, нақш берилади. Ясалган П. бетига 15—20 минут дастурхон ёпиб қўйилади. Тандирга ёпиш олдидан олов кул б-н кўмилади, намакоб сепилади. Тандирдан узилган П. нинг юзига эритилган думба ёғи суркалади. П. учун 1 *кг* унга 1 стакан сут, 150 *г* ёғ, 40 *г* хамиртуруш, 2 чой қошиғида туз керак (56—57- бетлардаги рангли вклейкага қ.).

Ад.: Маҳмудов Қ., Ўзбек таомлари, Т., 1970.

ПАТИССОН (Cucurbita pepo var. patisson), кулча қовоқ — қовоқдошлар (қовоқгуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик сабзавот ўсимлиги. Илдизи яхши ривожланган. Пояси йўғон. Барглари катта, дағал, уч ёки беш бурчакли. Гуллари бир уйли, бир жинсли, йирик, сариқ пояларда якка-якка жойлашади. Меваси — қовоқча: чети кунгурали, думалоқ-ясси, силлиқ ёки ғуддали; сариқ, оқ ёки кўк.

П. иссиқсевар ўсимлик. Нами етарли, унумдор тупроқда яхши ўсади. Мевасида 6—6,5% қуруқ модда, 2,5—2,9% қанд, 20—30 *мг* С витамини, уруғида ёғ ва сантанин бор. Асосан, тузланган, консерваланган ҳолда истеъмол қилинади, жуда катта бўлиб кетган меваси молга берилади. СССРнинг жанубий р-ларида, жумладан, Ўзбекистонда кўчати ўтқазилади, шимолий р-ларида эса уруғи сепилади. 1 *га* ерга 3—4 *кг* уруғ сарфланади, кўчати 70×70 ёки 80×80 *см* схемада экилади. Қовоқ каби парвариш қилинади. Гектаридан 100—120 *ц* ҳосил олинади.

ПАТЛОҚ (Smirnovia turkestana) — дуккакдошлар (дуккаклилар оиласи)га мансуб сершох бута. Бўйи 90—100 *см*. Барги оддий, тескари юраксимон ёки тескари тухумсимон, ҳар икки томони кумуш ранг оқ туклар б-н қопланган. Гуллари қизғиш, барглар қўлтиғида якка-якка жойлашган. Меваси йирик, бир хонали, пуфаксимон, учида пастга қайрилган бурунчаси бор. Апрель-майда гуллайди, июнь охирида мевалайди. П. чўллардаги қумли тепаликларда, айниқса қудуқлар атрофидаги қумларда норселов ва қуёнсуяк каби ўсимликлар б-н бирга ўсади. Мол емайди. Поя ва баргларида алкалоидлар бор. Кўчма қумларни тўхтатиш мақсадида экиш мумкин.



Патлоқ.

ПАТНА — Ҳиндистондаги шаҳар. Ганг дарёсининг ўнг соҳилидаги порт. Бихар штатининг маъмурий маркази. Транспорт йўлларининг муҳим узели. Қ. х. маҳсулотлари б-н савдо қилинадиган марказ. Аҳолиси 490 минг киши (1971). Ип газлама, озиқ-овқат, металлсозлик корхоналари бор. Ҳунармандчиликда гилам ва парча тўқилади, мебель, металл буюмлар тайёрланади. Ун-т (1917 йилдан), музей, ноёб қўл ёзма асарлар сақланаётган кутубхона бор. Шаҳар ҳозирги номи б-н 12- асрдан маълум. Қадимда ва илк ўрта асрларда П. ўрнида Маурья давлатининг пойтахти — Паталипутра шаҳри бўлган. 5—6- асрларда тушкунликка учраган.

ПАТНИС, патнус (рус. поднести — олиб келиш сўзидан) — нон, мева-чева солинадиган юзи ёйиқ, кенг идиш. Донра, тўртбурчак шаклида, турли катталикда бўлади. Мисдан, тунукадан, кейинги йилларда пластмассадан қилинади. Уйиб нақш ишланган, шунингдек бўяб гул солинган хиллари бор.

ПАТНУСАҚИ АШУЛА — *катта ашула*нинг иккинчи номи. Ашулани ҳофизлар қўлларига патнис ёки ликопча ушлаб айтганлари учун шундай деб юритилади. Патнис хонандага ашуланинг, айниқса, авж қисмида овоз йўналишини ўзгартиришга ҳамда уни силкитиш орқали овозни тўлқинлатиб қочиримлар қилишга ёрдам беради.

ПАТО... (юнон. pathos — касаллик) — қўшма сўз бўлаги. Касалликка онд деган маънони билдиради (мас., *патология*).

ПАТОГЕН МИКРОБЛАР — одам ва ҳайвонлар организмида паразитлик қилиб, унда касаллик қўзғатадиган микроблар.

ПАТОГЕНЕЗ (*пато...* ва юнон. genesis — пайдо бўлиш) — касаллик ва унинг айрим белгилари пайдо бўлиши ҳамда ривожланишидаги процесслар мажмуи; *патологияни*нг бир бўлими. Ҳужайра, тўқима ва органларнинг шикастланиши, организмнинг носпецифик жавоб реакциялари ва типик патологик процесслар (мас., яллиғланиш)нинг ривожланиши П. нинг умумий қонуниятларидир. Носпецифик жавоб реакциялари ва типик патологик процесслар умумий П. нинг мазмунини ташкил этади. Касалликларнинг ривожланишида шикастланишдан содир бўладиган турли реакцияларнинг мураккаб комплекси кузатилиб, улар турнинг яшаши учун фойдали бўлиши, индивидуумга нисбатан эса (ривожланиш даражаси, давом этиш муддати ва б. омилларга қараб) ҳам фойдали, ҳам зарарли бўлиши мумкин. Мас., гавда т-расининг кўтарилиши инфекцияга қарши курашишга кўмаклашади, аммо т-раниг ҳаддан ташқари (40°С дан юқори) ортишининг ўзи ҳаёт учун хавфли оқибатларга (артериал қон босимининг пасайиб кетиши ва б.) олиб келиши мумкин.

Айрим касалликларда П. қонуниятларини, яъни организм тўқималари, органлари ва системаларининг типик («стандарт») морфологик, биохимиявий ва физиологик ўзгариш қонуниятларини ҳамда уларга хос клиник кўринишларни (иситма тури ва қондаги ўзгаришлар ва ҳ. к.) билиш касалликни аниқлаш, прогнозлаш ва патогенетик даволаш (яъни асосий патологик процессни ва патогенетик омилларни бартараф қилишга қаратилган даволаш)нинг асосий негизидир. Мас., ирсий нуқсонлар туфайли организмда *инсулин*нинг етарли даражада ҳосил бўлмаслиги болада қандли *диабет*нинг вужудга келишига сабаб бўлади.

Патогенетик даводан фарқли ўлароқ, этиологик давода касаллик сабаби бартараф қилинади, симптоматик давода эса касалликнинг айрим белгилари камаяди ёки йўқолади. Мас., йирингли *менингит*да пенициллин — этиологик, сийдик ҳайдовчи моддалар — патогенетик, оғриқсизлантирадиган моддалар — симптоматик даво воситаси ҳисобланади.

Касаллик бутунлай йўқолиши, яъни тўқимадаги етишмовчилик тўлдирилиши ва функцияси

тикланиши ёки тиклаб бўлмайдиган ўзгаришлар юзага келиши (мас., яра ўрнида чандиқ ҳосил бўлиши) ва, ниҳоят, ўлим б-н тугалланиши мумкин.

ПАТОЛОГИК АНАТОМИЯ, патологик морфология — одам ва ҳайвон организмидаги патологик процессларнинг морфологик асосларини, *патогенез*нинг морфологик томонларини ўрганадиган фан; *патология*нинг энг муҳим қисми. П. а. *патологик физиология, микробиология, гигиена* каби фанлар б-н чамбарчас боғланган.

П. а. умумий ва хусусий қисмларга бўлинади. Умумий П. а. умумий патологик жараёнлар (қон айланишининг бузилиши, яллиғланиш ва б.)ни, хусусий П. а. эса орган ва системалар (мас., нерв системаси, юрак, томирлар ва б.)даги патологик жараёнларни ўрганади. Маълум касалликларда келиб чиқадиган ўзгаришларни ўрганадиган махсус П. а. ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мурдани ёриб (қ. *Мурдани ёриш*), органлардаги ўзгаришларни ўрганиш ва тўқималарни микроскопда текшириш П. а. нинг асосий методидир. П. а. касаллик натижасида орган ва тўқималарда рўй берган ўзгаришларни ўрганишда *биопсия* усулидан ҳам фойдаланади, яъни аниқ диагноз қўйиш мақсадида тўқима ёки орган бўлаклари кесиб олиб текширилади; операция вақтида олиб ташланадиган органлар ҳам патологик-анатомик текширувдан ўтказилади. Тўқималардаги алмашинув жараёнини мукаммал анализ қилишга имкон берадиган гистохимиявий текшириш методи кенг тарқалган. Патологик ўзгаришларнинг авж олишини ҳайвонларда тажриба йўли б-н пайдо қилиш жуда муҳим. Бу метод касалликнинг авж олишидаги ҳамма давр ва фазаларни аниқ кузатиб боришда бирмунча қўл келади.

П. а. узоқ тарихга эга. Мисрда жиноят қилганлиги учун қатл этилган кишининг мурдаси Птолемей II буйруғи б-н врачларга илмий тадқиқот учун берилар эди. Герофил ва Гиппократлар шу даврда биринчи анатомик текширишлар ўтказишган. Абу Али ибн Сино ҳам мурдани ёриб, органлардаги ўзгаришларни аниқлашга уринган кўрганлиги маълум. Бироқ диний эътиқодларга кўра мурдани ёриш тақиқлаб қўйилганлиги туфайли П. а. узоқ вақтгача ривожлана олмади. П. а. нинг мустақил фан сифатида шаклланишида итальян анатоми Ж. Морганьи (18- асрнинг 2- ярми) ва француз анатоми М. Ф. К. Бишаннинг (19- асрнинг бошлари) классик тадқиқотлари катта роль ўйнади. 19- асрнинг ўрталарида П. а. дан атлас ва қўлланмалар чоп этилди. Бу даврда Европанинг кўпгина ун-тларида П. а. кафедралари очилди.

Россияда 1849 йили Москва ун-тининг медицина ф-тида биринчи П. а. кафедраси ташкил этилди. А. И. Полунин Москва патолог-анатомлари мактабига асос солди.

Дастлаб 1859 йилда Петербург Медицина — ҳарбий академиясида проф. М. М. Руднев бошчилигида П. а. кафедраси очилди. Сўнгра бундай кафедралар Қозон, Харьков, Киев ва б. шаҳарларда ҳам ташкил этилди. Ўзбекистондаги бир қанча медицина ин-тлари (ТошМИ, СамМИ, Андижон Медицина ин-ти ва б.)да П. а. кафедралари, илмий тадқиқот ин-тлари (Ўзбекистон Сил касаллиги илмий тадқиқот ин-ти, Онкология, радиология илмий тадқиқот ин-ти)да П. а. бўлимлари бор.

Ўзбекистонда П. а. фанининг асосчилари рус олимлари В. В. Василевский, Г. Н. *Терехов*, С. Д. *Татаренчик*, Н. И. Аничков ва б. бўлди. Фанининг кейинги тараққиётига А. И. *Маърупов*, Т. А. Сирота, Р. И. *Данилова*, Ф. Х. *Тўлаганов*, Р. А. Аъзамов, В. А. Алимов, М. С. *Абдуллахўжаева*, Э. С. Қосимхўжаев ва б. ўзбекистонлик патанатом олимлар улкан ҳисса қўшдилар.

П. а. нинг актуал масалалари — марказий нерв системасининг патоморфологияси, мия ўсмаларининг келиб чиқиш сабаблари, тўқималар номутаносиблиги, ҳомиладорликда марказий нерв системасининг фаолияти ва ҳ. к. устида иш олиб борилмоқда; эндемик буқоқ патоморфологияси масалалари ҳал қилинмоқда; турли антибиотиклар, кимёвий препаратларнинг (морфологик аспектда) сил касаллиги кечишига таъсири, қон ўрнида ишлатиладиган турли моддаларнинг организмга таъсири ва ҳ. к. ўрганилмоқда (1976).

Ҳайвонлар П. а. си одам П. а. си муваффақиятлари б-н боғлиқ ҳолда ривож топди ва умумий, қиёсий ҳамда экспериментал патология учун кенг материал манбаи бўлди. Бундан ташқари, ҳайвонлар касалликларининг моҳияти ва ривожланишини ўрганиш, улар диагностикаси, суд ветеринарияси ҳамда гўшт ва гўшт маҳсулотларининг ветеринария-санитария экспертизаси учун ҳайвонлар П. а. си мустақил аҳамиятга ҳам эга.

Ҳайвонлар П. а. си 19- асрнинг иккинчи ярмидан ривожлана бошлади. Чет элларда Т. Китт, Э. Иост, Н. Ниберле, В. Бабеш ва мамлакатимизда И. И. Равич, А. А. Раевский, Н. Н. Мари сингари таниқли олимлар етишиб чиқди.

СССРда барча ветеринария илмий тадқиқот ин-тлари ва олий ўқув юртларида П. а. кафедралари, диагностика лабораториялари ва кўпгина гўшт комбинатларида П. а бўлимлари бор.

Ад.: Давыдовский И. В., Общая патология человека, М., 1969; Струков А. И., Патологическая анатомия. [Дарслик]. Т., 1973.

ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ — касал организм (одам ва ҳайвон)нинг ҳаёт фаолияти, ундаги функционал ўзгаришлар, касалликнинг пайдо бўлиши, авж олиши, кечиши ва оқибати қонуниятларини ўрганадиган фан. П. ф. нормал *физиология, патологик анатомия,* хусусий *патология* б-н чамбарчас боғланган. П. ф. умумий ва хусусий қисмдан иборат.

Умумий қисмда касаллик биологик қонуният сифатида, бир бутун организмнинг реакцияси сифатида ўрганилади. Касаллик негизи, ривожланиши, кечиш даврлари ва оқибатлари (соғайиш, ўлим) классификацияси каби масалалар ҳам шу қисмда ўрганилади. Бунда организмнинг реактивлиги, неврогенлик, гуморал, эндокрин ва б. факторлар роли умумий ва маҳаллий ўзгаришларнинг ўзаро муносабати, патологик процесс у ёки бу тўқима ва системаларда рўй бергандаги хусусиятлар, процесснинг организмга тарқалиш йўллари аниқланади. Яллиғланиш, иситма, қон айланишининг маҳаллий бузилиши, гипоксия, моддалар алмашинувининг бузилиши каби патологик процесслар ўрганилади. Функциялар бузилганда мосланиш (қ. *Адаптация*) ва уларнинг тикланиш механизмлари текширилади; патологик процессларни даволаб бартараф этиш йўллари (экспериментал терапия) ишлаб чиқилади.

Хусусий қисмда турли орган ва системалар (мас., юрак, жигар, нерв системаси, *ички секреция* безлари ва б.) функциясининг бу-

знлиш сабаблари, ривожланиши, кечиши ва оқибатининг умумий қонуниятлари ўрганилади. Бунда айрим касалликларнинг механизмларини ўрганиш учун эксперимент шароитида уларнинг моделлари яратилиб текширилади.

П. ф. да турли методлар, асосан патофизиологик эксперимент методидан фойдаланилади: ҳайвонларда турли касалликлар пайдо қилиниб, уларнинг сабаблари, ривожланиши ва ҳ. к. ўрганилади. Шу боисдан П. ф. экспериментал фан ҳисобланса-да, асосий вазифаси клиникага ёрдам бериш бўлгани учун бевосита касалларни текширади. И. М. *Сеченов*, И. П. *Павлов*, И. Е. Дядьковский, А. А. *Богомолец* каби рус олимлари, француз олими К. Бернар ва б. П. ф. нинг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Медицина ин-тларида П. ф. кафедралари ва илмий тадқиқот ин-тларида лабораториялар бор. Бутуниттифоқ патофизиологларнинг илмий медицина жамияти мавжуд.

Ўзбекистонда медицина олий ўқув юртлари — ТошМИ, СамМИ, Андижон Медицина ин-ти, Урта Осиё Медицина педиатрия ин-тида П. ф. кафедралари, айрим медицина илмий тадқиқот ин-тлари (мас., Ўзбекистон гематология ва қон қуйиш ин-ти, Ўзбекистон тери-таносил касалликлари ин-ти ва ҳ. к.)да П. ф. лабораториялари мавжуд. Ўзбекистонда П. ф. фанининг шаклланиши рус патфизиолог олимлари проф. В. В. Василевский, М. Н. *Ханин*, ривожланиш тарихи ўзбекистонлик олимларидан Х. Р. Фарҳодий, Р. П. Пўлатов, Н. Ҳ. *Абдуллаев*, М. М. *Ҳақбердиев*, З. Н. *Каримов*, Г. С. *Левин* ва б. номи б-н боғлиқ. Ўзбекистонда 1972 йилда патфизиологлар жамияти тузилган.

Меъда-ичакнинг турли токсик моддалар таъсирида зарарланиши, жигар шикастланишида рўй берадиган иммунологик процесслар, Ўзбекистон шароитида аллергик касалликлар ривожланишининг ўзига хослиги, илон заҳарининг организмга фойдали ва зарарли таъсир этиш механизмларини ўрганиш устида тадқиқотлар олиб борилмоқда (1976).

П. ф. масалалари «Архив патологии», «Бюллетень экспериментальной биологии и медицины», «Врачебное дело» каби журналларда ёритиб борилади.

Ад.: Альперн Д. Е., Патологик физиология, Т., 1965; Руководство по патологической физиологии, т. 1—4, М., 1956; Патологическая физиология, М., 1973; Наука в Узбекистане, т. 1. Т., «Фан», 1974.

ПАТОЛОГИЯ (*пато...* ва *...логия*) — одам ва ҳайвонлар организмида пайдо бўладиган касалликнинг кечиши ва оқибати ҳамда айрим патологик процесслар ҳақидаги фан. *Медицина*нинг бир тармоғи. Организм ҳаёт фаолиятининг ўзгариши ёки бузилишини ўрганади. П. ўз ичига *патологик анатомия* ва *патологик физиология*ни олади. П. асосида организмнинг ташқи муҳит б-н ўзаро нормал муносабатининг бузилиши ҳақидаги таълимот ётади.

Умумий ва хусусий П. бор. Умумий П. патологик жараёнларнинг умумий қонуниятларини, уларнинг пайдо бўлиш, ривожланиш ва оқибатларининг умумий белгиларини ўрганади. Хусусий П. турли касалликларда айрим органлар, системалар ва бутун организм функциясининг бузилишини ўрганади. Бундан ташқари, экспериментал, қиёсий, клиник, географик П., ўлка П.си, палеопатология, шунингдек кимёвий ва физик-кимёвий, профессионал, молекуляр ва б. П. лар бор. Экспериментал П. одамлар (ҳайвонлар)да учрайдиган касалликларни тажриба ҳайвонларида сунъий йўл б-н пайдо қилиб, унинг авж олиш механизмларини ўрганади; қиёсий П. одам ва ҳайвонлардаги патологик жараёнларни қиёсий-эволюцион аспектда ўрганади; клиник П. орган ва системаларнинг функционал ҳолатини аниқлаш мақсадида беморни текширади, шунингдек клиник-лаборатория, биохимиявий ва б. текширувлар ўтказади; ўлка П. си касалликни турар жойнинг географик жойлашиши ва об-ҳаво шароитининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўрганади; палеопатология қазилма ҳайвонлардаги патологик процесслар изини аниқлаш б-н шуғулланади.

19-асрнинг ўрталарида Р. *Вирхов* асос солган целлюляр П. (ҳужайра П. си) назариясига кўра, касаллик ҳужайра ва органларнинг тузилишидаги ўзгаришлар оқибатидир. Бу касаллик моҳиятини билишда узоқ вақтгача ҳукмрон назария бўлиб келди. П. даги экспериментал, гистологик ва биохимиявий текширув методлари заминида бойиган патоморфологик йўналиш Россияда А. И. Плунин, М. М. Руднев, В. В. Подвисоцкий ва б. яратган илмий мактаб асосида ривожланди.

*Физиология*да эришилган муваффақиятлар касалликнинг сабаби, пайдо бўлиши ва авж олишини экспериментал-физиологик метод б-н ўрганишга ва функционал П. нинг шаклланишига имкон берди. Касал организмдаги биохимиявий ва физик-химиявий ҳолатларни ўрганиш туфайли патохимия (Е. С. Лондон) вужудга келди.

Касаллик ҳақидаги умумий таълимот; *организмнинг реактивлиги;* биологик мембраналарнинг ўтказувчанлиги ва микроциркуляция П. си; ҳаёт учун муҳим функцияларнинг бузилиши ва тикланиши механизмлари; адаптация механизмлари ва б. замонавий П. нинг энг муҳим проблемаларидир.

СССРда П. га оид масалалар «Архив патологии» (1935), «Патологическая физиология и экспериментальная терапия» (1957) журналлари, «Бюллетень экспериментальной биологии и медицины» ва б. да ёритиб борилади.

ПАТОМ ТОҒЛИГИ — РСФСР Иркутск областидаги тоғлиқ. Ғарб, жануб ва шарқда Витим ва Чара дарёлари орасида ҳамда шимоли-ғарбда ва шимолда Лена дарёси водийси орасида ётади. Баландлиги 1200—1300 *м* (энг баланд нуқтаси Лонгдор тоғи, 1924 *м*). Протерозойнинг кристалли сланец, оҳактош ва кварцитларидан, шимоли қуйи палеозой жинсларидан таркиб топган. Ён бағирлари 900—1100 *м* баландликкача кедр аралаш қарағай тайгаси, ундан юқориси пакана кедр ва қайин б-н, 1200 *м* дан юқориси тошлоқ тундра б-н қопланган. Олтин конлари ва қурилиш материаллари бор.


ПАТОМОРФОЗ (*пато...* ва юнон. morphē — тур, шакл) — касалликлар б-н оғриш ва ўлим сабаблари, шунингдек айрим касалликлар хоссаларининг ташқи муҳит омиллари таъсирида ўзгариши. П. тушунчасини 1929 йилда немис олими Гельпах киритган.

20-асрда иқтисодий жиҳатдан юксалган мамлакатларда аҳолини *иммунизация* қилиш ва давлат миқёсида санитария-профилактика тадбирларини ўтказиш натижасида кўпгина инфекцион касалликлар (мас., ришта, чечак, вабо ва б.) йўқотилди ва юқумли касалликлардан ўлиш болалар ўртасида кескин камайди. Турмуш шароитининг ўзгариши *анемия, ави-*



Пахта етиштиришдаги асосий ишлар. 1. Ер ҳайдаш. 2. Шўр ювиш. 3. Далага ўғит чиқариш. 4. Чигит экиш. 5. Ғўзани культивация қилиш. 6. Суғориш. 7. Дори сепиш. 8. Озиқлантириш.

Пахтачилик мақоласига.



Пахта етиштиришдаги асосий ишлар. 1. Ғўзага ОВХ б-н дори сепиш. 2. Чеканка қилиш. 3. Дефолиация. 4. Пахта териш. 5. Пахта пункти.

Пахтачилик мақоласига

таминоз ва б. касалликларнинг камайишига олиб келди. Лекин айни вақтда юрак-томир касалликлари, шикастланиш, ўсма ва вирусли касалликлар кўпая бошлади. Ташқи муҳитнинг ўзгариши (мас., кимё саноатининг ривожланиши)га боғлиқ ҳолда янги ирсий ва *касб касалликлари* пайдо бўлди. Терапевтик П., яъни даво таъсирида касалликлар клиник кўринишининг ўзгариши муҳим аҳамият касб этди. Мас., актив даво воситаларининг қўлланилиши тиреотоксикоз ёки анемиянинг йўқолишига сил *менингит*нинг, қандли диабетда *кома*нинг ва б. нинг камайишига сабаб бўлди.

ПАТОН Борис Евгеньевич (1918. 27. 11, Киев) — металлургия ва электр пайванд соҳасидаги совет олими, СССР ФА акад. (1962) ва Президиуми аъзоси (1963), УССР ФА акад. (1958) ва президенти (1962 йилдан), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1969). КПСС аъзоси. (1952). Е. О. *Патон*нинг ўғли. Киев Индустриал ин-тини тугатгач (1941), УССР ФА Электр пайванд ин-тида илмий ходим, лаборатория бошлиғи (1942—50), директор ўринбосари (1950—53) ва 1953 йилдан шу ин-т директори.

П. раҳбарлигида пайвандлашнинг янги усули — электр-тошқолли пайвандлаш усули яратилди, электр пайванд усуллари халқ хўжалигининг турли тармоқларига татбиқ қилинди, СССРда пайвандлаш саноати, фани ҳамда техникасини ривожлантиришнинг комплекс программаси ишлаб чиқилди. П. махсус пўлат ва қотишмалар сифатини оширишнинг янги усули — электр-тошқолли қайта эритиш усулини таклиф қилди; пайвандлашда ишлатиладиган иссиқлик манбаларини махсус эритиш агрегатларига қўллашга ва *металлургия*нинг янги тармоғи — махсус электр металлургиясини яратишга онд тадқиқотларга раҳбарлик қилди.

П. КПСС МК аъзолигига кандидат (1961—66), МҚ аъзоси (1966 йилдан), 6—9-чақириқ СССР Олий Совети депутати, СССР Олий Совети Иттифоқ Совети раисининг ўринбосари (1973—74). СССР Давлат мукофоти (1950), Ленин мукофоти (1957) лауреати. П. Болгария (1969) ва Чехословакия (1973) академиялари аъзоси. 2 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Электрошлаковая сварка, М., 1960; Плазменные процессы в металлургии и технологии неорганических материалов, М., 1973.

ПАТОН Евгений Оскарович (1870. 20. 2 (4. 3), Ницца — 1953. 12. 8, Киев) — пайвандлаш ва кўприксозлик соҳасидаги совет олими. УССР ФА акад. (1929), вице-президенти (1945—52), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1943). 1944 йилдан КПСС аъзоси. Дрезденлаги Политехника ин-тини (1894) ва Петербург темир йўл инженерлари ин-тини (1896) тугатгач, Россия т. й. ларида ишлаган, Москва инженерлик билим юртида дарс берган (1898), Киев Политехника ин-тида проф. (1905). 1921—31 йилларда Киев кўприклар синаш станциясини бошқарган, 1929 йилдан электр пайванд масалалари б-н шуғулланган. П. ташаббуси б-н пайвандлаш лабораторияси ташкил этилган ва 1934 йилда Электр пайванд илмий тадқиқот ин-тига айлантирилган. Шу ин-т очилган кундан бошлаб, П. унга директорлик қилган, 1945 йилда ин-тга П. номи берилган.

Илмий ишлари электр пайвандлашга оид. П. пайвандлашни автоматлаштириш, *флюс* қатлами остида пайвандлаш ва пайванд бирикмаларнинг мустаҳкамлиги масалаларини ишлаб чиққан. Кўприксозлик масалалари б-н ҳам шуғулланган. П. «Автоматическая сварка» («Автоматик пайвандлаш») журнали ташкилотчиси ва муҳаррири. П. 2—3-чақириқ СССР Олий Совети депутати. Давлат мукофоти лауреати (1941), 2 марта Ленин ордени, 4 бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.



Патон Е.О.

ПАТОПСИХОЛОГИЯ (*пато...* ва *психология*) — инсон миясининг патологик ҳолатидаги ва олий нерв фаолияти бузилгандаги психик фаолият ўзгаришларини ўрганадиган психология соҳаси. П. нинг пайдо бўлиши *психиатрия* тараққиёти б-н узвий боғлиқ. Психоневрологик муассасалардаги биринчи экспериментал психологик лабораториялар 19-аср охирларида немис психологи В. *Вундт*, рус психоневрологлари В. М. *Бехтерев* ва С. С. *Корсаков* томонидан тузилган. СССРда П.нинг ривожланишида Л. С. *Выготский* ғоялари катта роль ўйнади.


Патопсихологик тадқиқотлар психологиянинг бир қанча умумий методологик проблемалари учун, хусусан *психика*нинг ривожланишидаги биологик ва социологик муносабат ҳақидаги масалани ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга. Патопсихологик тадқиқотлар маълумотлари психиатрияда диагностик мезон сифатида, интеллектуал сусайиш даражасини белгилашда, экспертизалар ўтказишда, йўқолган иш қобилиятини тиклаш ҳақидаги масалани ҳал этишда ва ш. к. да қўлланади.

П. да тадқиқотнинг экспериментал методларидан фойдаланилади. Патопсихологик экспериментлар фақат ақлий операциялар учун эмас, бемор кишилар мотивини ўрганиш учун ҳам зарурдир.

Ад.: Вопросы экспериментальной патопсихологии, [Сб. ст.], М., 1965; Вопросы патопсихологии, М., 1970; Рубинштейн С. Я., Экспериментальные методики патопсихологии..., М., 1970; Зейгарник Б. В., Личность и патология деятельности, М., 1971.

ПАТОС, фасод — яллиғланган жойда тўпланадиган суюқликнинг бир тури (қ. *Йиринг*).

ПАТРА, Патрас — Грециядаги шаҳар ва порт. Пелопоннес ярим оролида, Иона денгизининг Патраикос қўлтиғи соҳилида. Ахея номи (области) нинг маъмурий маркази. Аҳолиси 112 минг киши (1971). Т. й. станцияси. Тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, металлсозлик ва қоғоз саноати корхоналари, аэропорт бор. П. орқали четга зайтун мойи, цитрус мевалар, вино ва б. чиқарилади. Арх. ёдгорликларидан қаср ва б. сақланган. Ун-т (1966 йилдан) ҳам бор.



Патрашкин А. Т.

ПАТРАШКИН Александр Тимофеевич (1895, 15, 3, ҳозирги Куйбишев обл., Сизрань — 1973. 14. 7, Самарқанд) — рассом. УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967). Қозон рассомлик мактабида таълим олган (1911—15). 1918—21 йилларда



А. Т. Патрашкин. Самарқанд Ўзбек давлат драма театрининг «Нозира» спектаклига декорация эскизи (1963).

Қизил Армия штабларида декоратор рассом. 1935—40 йилларда Самарқанд бадиий билим юртида ўқитувчи, кейинчалик Самарқанд обл. Музикали драма театрида (1941—45), рус драма театрида (1948—52) рассом, 1955 йилдан Самарқанд обл. Музикали драма театрида бош рассом. А. Чеховнинг «Олчазор» (1951), И. Акрамнинг «Тақдир» (1953), Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», К. Яшиннинг «Нурхон» (1954), «Равшан ва Зулхумор» (1957), Ҳамид Ғуломнинг «Фаргона ҳикояси» (1960) асарлари асосида яратилган спектакларни безаган.

ПАТРИАРХ (юнон. pater — ота ва archo — бошқараман)—1) Библияда одамзоднинг афсонавий бобокалонлари номи. Яҳудий қабилалари асосчилари ҳам П. деб аталган; 2) жамият тараққиётининг патриархал босқичида уруғ жамоаси бошлиғи, уруғ оқсоқоли; 3) бир қанча мамлакатлардаги православ, католик ва б. черковлар бошлиқларининг олий унвони. Халкидон черков собори томонидан белгиланган (451). Митрополитлар ва епископлар йиғини томонидан сайланади.

ПАТРИАРХАЛ ОИЛА — оиланинг тарихий шаклларидан бири; оиланинг ота (ёки катта ўғил) томонидан бошқарилиши, унда ота (эркак) ҳукмронлиги. П. о. таркибига кўра, оила бошлиғи (ота), унинг ўғиллари, қариндошлари, авлодлари, уларнинг хотинлари ва болалари, шунингдек уй қуллари ва б. лардан иборат бўлган. П. о. ўз таркиби, сонига кўра *катта оила* ёки бўлинмаган катта оила деб аталган. П. о. оиладаги ҳукмронлик характерига кўра матриархал (она томонидан бошқариладиган) оила б-н «демократик» (оилада эр-хотин мавқеининг тенглиги) оила оралиғида туради. П. о. (мил. ав. 3—1-минг йилликда) *матриархат*дан *патриархат*га ўтилиши оқибатида, ижтимоий ҳаётда эркаклар ҳукмрон мавқеининг дастлабки натижаси сифатида пайдо бўлди.

П. о. асосан хўжалик жамоаси бўлган, унинг иқтисодий асосини ерга ва ишлаб чиқариш қуролларига умумий эгалик ташкил этади, ишлаб чиқариш ҳам, истеъмол ҳам коллектив равишда олиб борилади. Шу сабабли дастлаб П. о. даги ҳаёт демократик характерда бўлган. П. о. нинг классик кўриниши қуллордлик жамиятининг илк босқичларида мавжуд бўлган, аммо унинг турли кўринишлари феодализм даврида ҳам кўпгина халқларда сақланиб қолди. Ўрта Осиёда, айниқса, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли ўртасида 19-аср охири 20-асрнинг бошларигача қолдиқлари сақланиб келди.

Капиталистик муносабатлар оила ҳаёти б-н ишлаб чиқариш ўртасидаги феодализмга хос бўлган боғланишларни бузиб ташлайди. Оила фақат истеъмол ва турмушни уюштириш функцияларини сақлаб қолади. П. о. ўрнига эр-хотин ва уларнинг болаларидан иборат нуклеар — кичик оила кенг тарқалган форма бўлиб қолди.

Ад.: Энгельс Ф., Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1967; Тейлор Э., Первобытная культура, т. 1—2, М., 1939; Косвен М. С., Семейная община и патронимия, М., 1963; Кисляков Н. А., Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана, М.—Л., 1969.

ПАТРИАРХАЛ ХЎЖАЛИК — энг содда деҳқончилик ёки кўчманчи чорвачилик хўжалиги. Ибтидоий жамоа тузуми бўлиниб кетган даврда катта патриархал оилалар мустақил хўжалик сифатида ажралиб чиққанлиги натижасида пайдо бўлган. П. х. натурал характерга эга (қ. *Натурал хўжалик*).

ПАТРИАРХАТ (юнон. pater — ота ва archo — бошқараман, ҳукмронлик қиламан) — *ибтидоий жамоа тузуми*га хос бўлган муносабат шаклларидан. Ибтидоий жамият муносабатларининг емирилиш даврида кенг тарқалган бўлиб, хўжаликда, жамоа ва оилада эркаклар мавқеининг устунлиги б-н характерланади. П. га ўтиш ибтидоий жамоа хўжалигининг ҳамма кўринишлари (деҳқончилик, чорвачилик, овчилик, балиқ овлаш)да ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва меҳнат унумдорлигининг ошиши даврида юз берди. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва айирбошлашнинг ўсишига олиб келди.

Аёллар эркаклар томонидан деярли ҳамма жойда асосий ишлаб чиқариш соҳаларидан сиқиб чиқарилди ва уларнинг меҳнати уй-рўзғор ишлари б-н чекланиб қолди. П. учун қариндошликнинг отага қараб белгиланиши, уруғдаги хўжалик бирлигининг йўқолиши, жуфт никоҳдан *моногамия*га ўтилиши, хотининг эр жамоасига кўчиб ўтиши (*патрилокал никоҳ*) ва катта *патриархал оила*ларнинг вужудга келиши ҳам характерлидир.

Баъзи олимлар фан тарихида инсоният жамиятининг ибтидосини П. дан бошланган деб ҳисоблайдилар (ҳатто антик даврда Платон ва Аристотель ҳам шу фикрда бўлганлар). 19-асрнинг 60—70-йилларида И. Бахофен ва И. Морган бу фикрларни рад этиб, жамият тарихи *матриархат*дан бошланганлигини исбот қилганлар. Ф. Энгельс Морган қарашларининг асосий томонларини қувватлаган ва ривожлантирган. Аммо 20-асрда ҳам айрим буржуа этнографлари П. нинг азалийлигини эътироф этадилар.

Ад.: Энгельс Ф., Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1967; Морган Л. Г., Древнее общество, Пер. с англ., Л., 1934; Косвен М. О., Переход от матриархата к патриархату, Тр. Ин-та этнографии, т. 14, М., 1951; Проблемы этнографии и антропологии в свете научного наследия Ф. Энгельса, М., 1972.

ПАТРИЛОКАЛ НИКОҲ (лат. pater — ота ва locus — жой) — хотининг эр уйига келиб яшаши, никоҳдан сўнг кўчиб ўтишнинг ҳозирги даврда кенг тарқалган шаклларидан бири. Дастлаб, эр хотинини ўз уйига олиб келиши б-н пайдо бўлган. Ибтидоий жамоанинг сўнгги босқичида жуфт никоҳ пайдо бўлган даврда эр ҳам, хотин ҳам ўз уруғида яшашни давом эттирган, бу даврда эр-хотининг бирга яшаши доимий бўлмай, ҳатто уларнинг умумий рўзғори ҳам бўлмаган. Кейинчалик эр хотини уруғига кўчиб ўтадиган бўлган (*матрилокал никоҳ*). Бу даврда болалар онага ва унинг уруғига тегишли бўлган. *Матриархат*дан *патриархат*га ўтилгандан сўнг *моногамия* вужудга келди, эр хотинини ўз уруғига олиб келадиган, авлодлар ҳам ота уруғига мансуб ҳисобланадиган бўлди (қ. *Патриархал оила*).

П. н. ҳозир ҳам никоҳланувчилар кўчиб ўтишининг асосий шакли бўлиб қолмоқда. Лекин матрилокал никоҳнинг қолдиқлари Жанубий ва Жанубий-шарқий ва Марказий Осиёдаги бир қанча халқларда — хотининг маълум муддат отаси уйида яшаб туриши, эрнинг хотин уйига кириши каби формаларда сақланиб қолмоқда (қ. *Ичкуёв*).

ПАТРИЦИЙЛАР (лат. pater — ота) — дастлаб Рим уруғ жамоасининг аъзолари, кейинчалик Қадимги Римда уруғ аристократияси. Синфий жамият ва давлат шаклланаётган даврда (мил. ав. 6-асрдан бошлаб) П. Рим республикасининг ҳукмрон синфига айланган; улар жамоа ерларидан фойдаланишда чексиз ҳуқуққа эга бўлган. Тахм. мил. ав. 5-асрдан П. ва *плебейлар* ўртасида кураш бошланган. Мил. ав. 3-асрнинг бошларига келиб плебейлар П. б-н тенг ҳуқуққа эга бўлганлар. Шундан сўнг П. ва плебейларнинг бошлиқларидан мулкдорлар — нобилитет вужудга келган. Рим империяси даврида сенаторлар табақасининг бир қисми — имтиёзли П. дан иборат янги патрициат вужудга келди; унга император тайинлаган кишилар (Италия ва провинциялар аҳолисидан) киритилган.

ПАТРО́Н (ҳарбий ишда)—гильза (снаряд) ўқи б-н бирлашган, порохли (жанговар) заряд ва капсюла ёки капсюль втулкаси. Ўқ (снаряд)ни нишонга уриш учун хизмат қилади. Порохли (жанговар) заряд ўқ (снаряд)ни ствол каналидан чиқариб ташлашга мўлжалланган. Гильза П. нинг ҳамма қисмларини бирлаштириш учун хизмат қилади. Бундан ташқари гильза зарядни ташқи таъсирлардан ҳам сақлайди. Капсюль (капсюль втулкаси) порохли зарядни ўт олдиришга хизмат қилади. 17-асрларда юзага келган қоғоз гильзали П. га порохли заряд ва ўқ жойланган. 19-асрнинг 60-йилларида қоғоз қўшилган П. ларнинг гильзасига порохли заряд ўқ ва капсюль жойланган. Бу П. лар ўрнига металл аралашган П. лар ишлаб чиқилди. П. нинг пистолет, милтиқ ва б. қуролларга мўлжалланган турлари бор. Ҳарбий қуролларда П. жанговар ва ёрдамчи (ўқсиз, ўқув-машқ) турларга бўлинади.

ПАТРО́Н—1) металл кесиш станокларида заготовка ёки кесувчи асбоблар маҳкамланадиган мослама. Механик (расмга қ.), электромагнит, пневматик хиллари бор; 2) токарлик станокларида ички ҳовол буюмлар тайёрлашда лист заготовкалар эзиладиган модель; 3) трубаларга ташқи конус резьбалар ва шу трубаларнинг муфталарига ички конус резьбалар кесадиган асбоблар; нефть саноатида (бурғилашда, насос-компрессорда ва б. да) қўлланилади; 4) электр лампаларни бураб маҳкамлаш учун ишлатиладиган мослама; 5) кийим бичиладиган намуна ва андаза.

ПАТРО́Н (аввалги номи — Эски Анҳор)— Қашқадарё обл. Қарши р-ни Бешкент қ. С. даги қишлоқ. «Москва» к-зи терр-ясида. Қарши — Ульяновск асфальт йўли ёқасида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Қаршидан 20 *км*. Аҳолиси 1694 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Москва ва Қарши магистраль каналларидан сув ичади.

ПАТРО́НА ХАЛИЛ ҚУЗҒОЛОНИ — Истанбул шаҳар камбағалларининг, 1730 йилги қуролли қўзғолони. Қўзғолон солиқларнинг кўплиги, нарх-навонинг ошиб кетганлиги ва амалдорларнинг бебошлигига қарши кўтарилган. Унда, асосан, ҳунармандлар, майда савдогарлар ҳамда эрон-турк урушининг бошланишидан норози бўлган яничарлар қатнашган. Қўзғолонга контр-адмирал Патронабек раҳбарлигидаги пароходнинг матроси албан Халил бошчилик қилган. Қўзғолончилар буюк вазир Иброҳимпошони ўлдирдилар, султон Аҳмад III (1703—30) ни тахтдан агдариб, илгари солиган солиқ ва божларни бекор қилдилар. Лекин уларнинг ўртасидаги келишмовчиликлардан фойдаланган янги султон Маҳмуд I (1730—54) қўзғолонни бостирди; Патрона Халил ўлдирилди.

Ад.: История стран зарубежной Азии в средние века, М., 1970.

ПАТРОНАЖ (франц. patronage — ҳомийлик)— болалар консультация-поликлиникалари, аёллар консультациялари, сил диспансери ва б. диспансерлар томонидан ёш болалар, ҳомиладорлар ва айрим беморларга уй шароитида медицина ёрдами кўрсатиш системаси. Болалар консультация-поликлиникаларида врачга у хизмат қиладиган участка бириктирилади; врачга бир ёки иккита П. ҳамшира ёрдам беради, улар ўз участкасидаги болаларга уйда ёрдам кўрсатади. П. ҳамшира боланинг соғлиғини, бола парваришини, оиланинг моддий-маиший турмушини аниқлайди. П. ҳамшира ва (акушер) врач уйда оналар б-н суҳбат ўтказади, бола эмизиш, парвариш қилиш, чиниқтириш қоидаларини ўргатади; рахит, сил, меъда-ичак касалликларининг олдини олиш, чечак, *дифтерия, кўкйўтал, полиомиелит*, силга қарши эмлашнинг аҳамиятини тушунтиради. Бола касал бўлиб қолса, қандай парвариш қилишни онага ўргатади. Она туғруқхонадан чиққанидан кейин 3 кун орасида П. ҳамшира ёки врач уйга бориб, чақалоқни синчиклаб текширади; сўнгра 1 ойлик бўлгунча ҳафтасига 1 марта, 2 ойдан 6 ойгача ойига 2 мартадан, 7 ойдан 12 ойгача ойига 1 марта боланинг ҳолидан хабар олиб туради.


Аёллар консультацияси хотинларга ҳомиладорлик ва туққандан кейинги даврда П. ёрдами беради.

Сил диспансери ва б. диспансерларда П. дан беморнинг маиший, санитария-гигиеник турмуш шароитини яхшилаш, бемор ҳамда оила аъзоларини гигиеник тарбиялаш, беморларнинг диспансерга мунтазам қатнаб, врач белгилаган режимни бажаришини назорат қилиш учун фойдаланилади.

ПАТРОНА́Т (лат. patronus — ҳомий)—1) Қадимги Италияда тўла ҳуқуқли гражданларнинг ўзлари озод этган кишиларга ҳомийлик қилиши. Кейинчалик унинг турли шакллари бўлган. Амалда П. ҳуқуқсиз ёки камбағалларнинг бойларга қарамлигини ифодалаган; 2) СССРда бола тарбияси шаклларидан бири. Етим қолган ёки ота-онаси ташлаб кетган болалар шартнома б-н давлат органларининг топшириғи ва назорати остида бирор оила ёхуд киши тарбиясига берилади. Одатда, П.ликка 5 ойликдан 14 ёшгача бўлган болалар олинади. Тарбиячига давлатдан моддий ёрдам берилади. П. давлат болалар уйлари барча етим болаларни тўлиқ таъминлай олмаган йиллари кенг тарқалган. Хусусан, Улуғ Ватан уруши даврида Узбекистонда кўп оилалар етим болаларни ҳомийликка олганлар (қ. *Самадовлар оиласи, Шомаҳмудовлар оиласи*). Ҳозирги пайтда П. лик *васийлик*дан фарқ қилмайди.

ПАТРУБО́К — *резервуар*, асосий труба ва бошқалардан чиқариладиган шохобча, калта труба. Трубаларни бирлаштирувчи қисм ҳам П. деб аталади.

ПАТРУ́ЛЬ, патруллик хизмати (франц. patrouiller — шалоплатиб лой кечмоқ)— бирор р-н, ҳаво ёки денгиз терр-ясини белгиланган маршрут бўйича айланиб чиқиш (айланиб учиш) йўли б-н қўриқлайдиган кичик бўлинма. Гарнизон П. и ҳарбий хизматчиларнинг хатти-ҳаракатлари ва гарнизонда тартиб-интизом сақлашни назорат қилади. Ҳарбий қисмлар жойлашган терр-яларда бу вазифаларни ички П. бажаради. П. бошлиғи офицер ёки сержант (старшина)' составидан тайинланади. Аҳоли яшайдиган жойларда, йўлда ва сувда жамоат



Металл кесиш станокларида ишлатиладиган патрон: *1*— поводокли; *2*—уч кулачокли; *3*—тўрт кулачокли.




Паули В.

тартибини сақлаш мақсадида милиция органларидан П. тузилади.

ПАТТАКЕСАР — Сурхондарё обл. Термиз р-ни Паттакесар қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Терминдан 6 *км*. Аҳолиси 1529 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Термиз ва Ғатаба каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт, кутубхона, к-з сут-товар фермаси бор.

ПАТҚАНОТЛИЛАР, чўткақанотлилар (Crossopterygii) — суякли балиқлар гуруҳи. Қураксимон жуфт сузгич қаноти тўрт оёқли умуртқалилар оёғига ўхшаш. 2 та қисқа елка сузгич қанотлари ҳам бор. Мия қутиси ички томондан олдинги ва орқа қисмларга бўлиниган. Умуртқалар ҳалқа ёки ярим ҳалқа шаклда бўлиб, хордаси сақланиб қолган. Умуртқасизлар б-н овқатланади. Қазилма П. танасининг узунлиги 5 *м* гача, 3 туркуми маълум. Ҳозир *латимерия* уруғининг Ҳинд океанда яшаётган вакиллари бор.

ПАУЗА (юнон. pausis — тўхташ, тугаш) — 1) м у з и к а асари ижросида бир, бир неча, баъзан барча (генерал П.) товушларнинг муайян вақт тўхтатилиши ҳамда шу вақтни кўрсатувчи махсус белги. Ҳозирги замон музикасида *нота*лар давомийлигига тенг бутун, ярим, чорак, саккизталик (нимчорак), ўн олтиталик, ўттиз иккиталик ва олтмиш тўртталик П. лар қўлланилиб, улар нота ёзувида куйидагича ифодаланади:



Мазкур П. лардан қисқалари деярли учрамайди. узунлари узун чизиқ ва унинг устига қўйилган (тактни англатувчи) рақам б-н кўрсатилади.

2) Н у т қ даги танаффус, интонация элементларидан бири. Оғзаки ва ёзма нутқда муайян бўлакни таъкидлайди; фикрни англатишга имкон беради. *Тинши белгилари* қўйиладиган ўринлардаги маъноли П. ва ритмик П. каби турлари бор. Маъноли П. ҳар қандай нутққа хос, ритмик П. эса фақат шеърий нутқда учрайди. Ритмик П. мисрада етишмаган бўғин, сўз ёки жумла ўрнини қоплайди; маъно ва вазнга уйғунлашиб, чўзиқлик ҳосил қилади.

Ад.: Т ў ҳ ч и е в У., Узбек совет поэзиясида бармоқ системаси, Т., 1966.

ПАУЛИ Вольфганг (1900. 25. 4, Вена — 1958 15. 12, Цюрих) — Швейцария физик-назариётчиси. Мюнхен ун-тини тамомлагач (1921), Гёттинген (1921—22), Копенгаген (1922—23) ва Гамбург (1923 йилдан) ун-тларида ишлаган. Цюрих Олий техника билим юртида (1928 йилдан), Принстон (АҚШ) фундаментал тадқиқотлар ин-тида проф. (1940—46).

Асосий ишлари *квант механика*га ва майдонларнинг квант назариясига оид. П. 1925 йилда квант механиканинг асосий принципи *Паули принципи* деб номланган қонуниятни топган. Кейинги ишларида П. бу принципни умумлаштириб, уни ишқорий металлардаги парамагнетизм ҳодисасини тушунтиришга татбиқ қилган (1927), квант механикага спинни киргизиш йўлини кўрсатган (1928), кейинчалик киргизиш спинли зарралар П. принципига бўйсунишини исбот қилган (1940). П. Иордан ва В. Гейзенберг б-н биргаликда майдоннинг релятивистик квант назариясига асос солган (1929). β—емирилишнинг ўзига хослигини муҳокама қилиш жараёнида П. нейтриноннинг мавжудлиги тўғрисидаги гипотезани илгари сурди (1930—33). Унинг ядро кучининг мезон назарияси тўғрисидаги ишлари, ҳозирги замон назарий физикасига оид муҳим масалаларнинг бир қатор обзорлари, фан тарихи ва фалсафаси ва б. тўғрисидаги мақолалари ҳам муҳим. Нобель мукофоти лауреати (1945).



Патқанотлилар. Қазилма патқанотли балиқ.

ПАУЛИ ПРИНЦИПИ — *квант механика* принципи, табиатнинг асосий қонуни; унга кўра, яримбутун *спин*ли бир хил зарралардан (мас., электрон, нейтрон, протонлардан) тузилган системада 2 зарра бир вақтда айнан бир ҳолатда бўлмайди. 1925 йилда В. *Паули* кашф қилган. П. п. дастлаб атомдаги электронлар учун, сўнгра яримбутун спинли зарралар (элементар зарра, ядро, атом ва молекулалар) учун ифодаланган. Атом электронининг ҳолати, шу электроннинг тўлиқ энергияси, орбитал ва магнит моменти, электрон спини — 4 та квант сони б-н аниқланади. П. п. га кўра атом ядросига яқин бўлган электрон қобиқда (K=қобиқда) 2 электрон, ундан кейинги қобиқда (L=қобиқда) 8 электрон ва ҳ. к. бўлади.

П. п. Д. И. Менделеев даврий системасида жойлашган элементларнинг атомларида ёпиқ электрон қобиқларнинг мавжудлигини тўғри тушунтириб берди; атом ва молекула спектрларини тушунтиришда бошланғич манба бўлди. П. п. қаттиқ жисмнинг квант назариясида асосий ўрин олган; П. п. ни қўллаш қаттиқ жисмнинг иссиқлик, электр ва магнит хоссаларини тушунтиришда асос бўладиган электрон газ учун янги, Ферми статистикасининг келиб чиқишига сабаб бўлди. П. п. ядро назариясида (мас., ядро қобиғининг модели П. п. га асосланган), шунингдек ядро реакцияси ва элементар зарралар орасидаги реакциялар назариясида ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

ПАУЛЮС Фридрих (1890. 23. 9, Брейтенау, Гессен — 1957. 1. 2, Дрезден) — немис-фашист генерал-фельдмаршали (1943). 1910 йилдан ҳарбий хизматда. 1-жаҳон урушида қатнашган (1914—18). Танк қўшинлари штаби бошлиғи (1935—39). 2-жаҳон урушининг бошларида, Польшага қарши агрессив ҳаракатлар даврида (1940) 4-армия штабининг бошлиғи. 1940 йил сентябрдан 1942 йил январгача қуруқликдаги қўшинлар Генштабининг 1-оберквартирмейстери. *«Барбаросса плани»*ни тузишда актив иштирок этган. 1942 йил январдан бошлаб Шарқий фронтда 6-армияга қўмондонлик қилган ва Сталинградга қарши ҳужумни жадаллаштиришда умумий раҳбарлик ишларини олиб борган. П. армияси Сталинград остонасида совет қўшинлари томонидан ўраб олингач, у чекиниб қуршовни ёриб ўтиш планини таклиф қилди. Гитлер эса буни рад этди. 1943 йил 31 январда ўз штаби ва армиясининг айрим қисмлари б-н совет қўшинлари томонидан асир олинди. 1944 йил асирлик вақтида немис офицерларининг фашистларга қарши Иттифоқига кирди, кейинроқ Озод Германия Миллий комитетига аъзо бўлди. *Нюрнберг процессида* асосий ҳарбий жиноятчиларни айблашда гувоҳ бўлиб қатнашди. 1953 йилдан умрининг охиригача ГДР да яшаган.

ПАУПЕРИЗМ (лат. pauper — қашшоқ, камбағал) — ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклигига асосланган жамиятларда аҳоли оммасининг яшаши учун энг зарур воситаларнинг йўқлиги, мулкий тенгсизлик ва бир синфни иккинчи синф томонидан эксплуатация қилиниши. Капиталистик жамиятда П. капиталистик жамғаришнинг умумий қонуни ҳаракатининг муқаррар натижасидир. Капитализмнинг умумий кризиси шароитида, оммавий ишсизлик узлуксиз характер касб этганда, *инфляция* капиталистик экономиканинг ажралмас қисми бўлиб қолади, оқибатда монополиялар меҳнаткашларни кўпроқ талай бошлайди ва шу б-н П. янада кучаяди.

ПАУСТОВСКИЙ Константин Георгиевич [1892. 19 (31). 5, Москва — 1968. 14. 7, Калуга обл. Таруса ш.] — рус совет ёзувчиси. Ижоди 1912 йилдан бошланган. 1916—23 йилларда ёзилган дастлабки романи — «Романтиклар» 1935 йили нашр қилинган. «Нурафшон булутлар» романи (1929) да инсоннинг олижаноб фазилатлари тасвирланган. Илк ҳикоя ва қиссаларида («Лихорадка», 1925; «Мустамлака моллари учун этикетлар», 1928; «Қора денгиз», 1936) узоқ мамлакатлар, саёҳат ва учрашувлар ҳақида ўз фикрларини баён қилган. «Қорабўғоз» (1932), «Колхида» (1934) қиссалари ва кўпгина ҳикояларида ёзувчи рус халқининг тарихига мурожаат этади. «Орест Кипренский», «Исаак Левитан» (1937), «Тарас Шевченко» (1939), «Урмонлар ҳақида қисса» (1949), «Олтин гул» (1956) асарларини яратди. «Ҳаёт ҳақида қисса» автобиографик эпопеясида 20-аср бошларидаги Россия ҳаёти акс этган. Асар бир-бири б-н зич боғланган 6 китобдан иборат (1-қисм «Ипроқ йиллар», 1945; 2-қисм «Серташвиш ёшлик», 1955; 3-қисм «Номаълум даврнинг бошланиши», 1957; 4-қисм «Катта умидлар даври», 1959; 5-қисм «Жанубга интилиш», 1960; 6-қисм «Дарбадарлик дафтари», 1963). П. нинг «Ипроқ йўллар» (1966), «Олтин гул» (1967) қиссалари ва бир қанча ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган. Ленин ордени ва б. орден, медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Собр. соч., т. 1—6, М., 1957—58; Собр. соч., т. 1—8, М., 1967—70; Избранное, М., 1952; Эски шиналли чол. Ҳикоялар, Т., 1963; Повесть о жизни, кн. 1—2, М., 1962; Избр. проза, М., 1965; Наедине с осенью, 2 изд., М., 1972; Родина, М., 1972.

Ад.: Л ь в о в С., Константин Паустовский. Критико-биографич. очерк, М., 1956; Л е в и ц к и й Л., Константин Паустовский. Очерк творчества, М., 1963.

ПАХАРЛАР (ҳинд тилида т о ғ л и қ маъносида) — Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмир штати ҳамда Непалда (Ҳимолай тоғлари ён бағирлари) яшайдиган халқларнинг умумий номи. Умумий сони 4 млн. дан ортиқ (1967). Ҳинд-орий группасининг пахар лаҳжаларида сўзлашади. П. ўртасида ҳиндуизм, ислом, буддизм кенг тарқалган. Таркибига 30 дан ортиқ халқ киради. Энг йириклари: кумаонлилар (1 млн. га яқин), гарҳвалилар (800 минг), шунингдек гужарлар, кангри, галди, чампи, манди ва б. Қадимда П. кхасилар номи б-н маълум бўлган. Урта асрларда уларнинг этник тараққиётига ражпутлар (қ. *рожастхонилар*) кучли таъсир кўрсатган. П. нинг 90% и қишлоқларда яшаб, деҳқончилик б-н, гужарлар ва гаддилар эса кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланади. П. нинг айрим группаларида уруғдошлик муносабатлари қолдиқлари, *левират, сорорат, полиандрия* каби никоҳ одатлари, айрим группаларида касталарга бўлиниш ҳозиргача сақланиб келмоқда.

Ад.: Народы Южной Азии, М., 1963, стр. 29, 503.



Паустовский К. Г.

ПАХИКАРПИН (Pachycarpinum — *ганглиоблокаторлар*дан. Аччиқмия ўсимлигидан олинадиган алкалоид, бачадон мушаклари қисқаришини кучайтириш хоссаси бор. Аччиқ, оқ кристалл порошок бўлиб, сувда эрийди. Туғруқни тезлаштиришда, периферик қон томирлар спазмида, ганглионитда ишлатилади. Таблетка ҳолида ва 3% ли эритмаси ампулаларда 5 *мл* дан чиқарилади.

ПАХМОБ — Самарқанд обл. Ургут р-ни Гулбор қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 3 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 60 *км*. Аҳолиси 1940 киши (1974); тамакичилик, пиллачилик, токчилик; чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади.

ПАХМОҚ (Asrlepias syriaca) — пахмоқдошлар (пахмоқгуллилар онласи)га мансуб кўп йиллик ўт. Бўйи 1—1,5 *м*, пояси, айниқса поя бўғимлари қалин туклар б-н қопланган. Барглари узун, эллипссимон, йирик туклар б-н қопланган. Гуллари қизғиш-пушти, хушбўй. Тўпгули соябон, 10—12 *см*. Уруғи узун туклар б-н қопланган. Ватани Шимолий Америка. СССРнинг деярли ҳамма ерида учрайди. Уруғида 24% гача мой бор. П. таркибидаги сутшираден каучук ва материаллар тўқишда ишлатиладиган толалар олинади.

ПАХМУТОВА Александра Николаевна (1929. 9. 11, ҳозирги Волгоград) — совет композитори. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1971). Москва консерваториясини (1953), аспирантурасини (1956) тугатган. 1968 йилдан СССР Композиторлар союзи правлениесининг секретари. «Гагарин буржи» қўшиқлар туркуми, «Ташвишли ёшлик ҳақида қўшиқ», «Геологлар», «Нафосат» ва б. қўшиқлар муаллифи сифатида танилган. П. йирик жанрларда ҳам ижод қилмоқда. Кантаталар («Василий Тёркин», «Ленин дилимизда» ва б.), увертюралар («Ёшлик», «Тюрингия»), труба ва оркестр учун концерт, оркестр учун концерт (1972, бу асар музикасига «Рўшнолик» балети саҳналаштирилган, 1974), шунингдек бир қанча камер асарлар, кинофильмларга музикалар муаллифи. П. Тошкентда ўрнатилган Ю. А. Гагарин ёдгорлигига атаб хор ва оркестр учун «Эпитафия» ёзган (1969). Қўшиқлари учун Ленин комсомоли (1966), СССР Давлат мукофоти лауреати (1975). Икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н тақдирланган.



Пахмутова А. Н.

Ад.: Д о б р ы н и н а, Е., Александра Пахмутова, М., 1973.

ПАХСА — лой девор ёки унинг қавати. Урта Осиё архитектурасида қадимдан маълум. Қадимда баъзи шаҳарларнинг деворлари, қалъа қўрғонлари П. дан ишланган. Улар мудофаа аҳамиятига эга бўлганлиги сабабли жуда мустаҳкам қурилган. Шаҳар деворларининг икки чеккаси П. дан кўтарилиб, ўртаси тупроқ б-н тўлдирилган (Тешик қалъа, Қўйқирилган қалъа,



Пахса деворни тиклаш жараёни.



Пахса деворни пардозлаш.

Тупроқ қалъа ва б.). Дастлаб П. қамиш ёки ёғоч пойдевор (тирноқ) устига урилган. Ҳозир П. деворлар бетон, пишиқ ғишт ёки тош пойдевор устига қўйилади. П. учун тупроқ пойдевор атрофидан олиниши ёки бошқа жойдан келтирилиши ҳам мумкин. Одатда, соз тупроққа сув урилиб, лой қорилади. Лой тепкилаб (баъзан от б-н бостирилиб) пишитилади. Қетмон ёки бел б-н икки-уч марта ағдариб пишитиб меъёрига етказилади. Лойкаш пишитилган лойни махсус бел-капча б-н кесиб, пешмон (уста) га отади. Пешмон лойни илиб олиб куч б-н бўлажак девор ўрнига уриб боради. Оддий иморат қуришда бир П. нинг баландлиги 60 *см* дан 1 *м* гача, қалинлиги 40—60 *см* бўлади. Девор сўнгигач, уста тараш капча (ясси бел) б-н девор юзасини текислайди, гултараш б-н унга пардоз беради, баъзан нақшлар ҳам ўяди (расмга қ.). 1-П. маълум даражада қуригач, пешмон унинг устига чиқиб, 2-қават П. ни ура бошлайди. Шу тариқа девор 3—4 (айрим ҳолларда 5—6) П. дан иборат бўлган. Урта Осиёда индивидуал иморат қуришда П. дан ҳозир ҳам фойдаланилмоқда.

ПАХТА — саноатнинг муҳим хом ашёси. П. олиш учун етиштириладиган экин — *ғўза* ҳам кўпинча П. деб аталади. П. Урта Осиё, Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Перу ва Мексикада қадимдан маълум (қ. *Пахтачилик*). Ҳозирги Ўзбекистон терр-ясида бундан 2 минг йил илгари ҳам П.-толадан ип йигирилган ва газлама тўқилган.

Пишган П. қўлда ёки машинада териб олиниб, тайёрлов пунктларига ёки пахта тозалаш з-дларига жўнатилади. Тайёрлов пунктларида П. *бунт*ларда сақланади. Қўлда терилган чигитли П. ГОСТ 10202-62, машинада терилгани ГОСТ 16280—70 га мувофиқ I, II, III ва IV сортларга ажратилади. Ҳар бир сорт учун нфлослик нормаси ва кондицион (нормал) намлик белгиланади (1-жадвалга қ).

Пахта тозалаш з-дларида пахтани қайта ишлаб тола, чигит ва *линт* (момиқ) олинади (100 *кг* чигитли П. дан 34—35 *кг* тола, 55—57 *кг* чигит, 5—12 *кг* линт чиқади; 1 *кг* толадан 5 *м* мато ёки 140 ғалтак ип ишлаб чиқарилади). Толалар тойланиб, йигирув ф-каларига жўнатилади (қ. *Йигириш*). Чигитли П., П.-тола, линт, чигит ва тола чиқиндиларининг намлигини аниқлаш учун улардан намуналар олинади. Намуналар қуритиш шкафлари ёки кондицион аппаратларда 105—110°С гача қиздириб қуритилади. Намунанинг намлиги қуйидаги формуладан аниқланади:

$$W = \frac{G_0 - G_c}{G_0} \cdot 100\%,$$

бунда: G_0 — намунанинг қуритилмасдан олдинги оғирлиги, *г*;

G_c — қуритилгандан кейинги оғирлиги, *г*.

Ҳавонинг нисбий намлиги ва П. сортига қараб, П. абсолют намлиги турлича бўлади. Нормал намликка келтириш учун П. табиий ва сунъий усулларда қуритилади. Табиий усулда П. офтобга ёйиб қуритилади. Бунда П. намлигини 2—3% камайтириш мумкин. Сунъий усулда П. қуритиш-тозалаш цехларида махсус қуритгичлар (сушилкалар)да 200—300°С да қуритилади. Бунда П. намлигини 7—8% камайтириш мумкин.

П.-толанинг узунлиги, пишганлик даражаси, пишиқлиги, ингичкалиги ва эластиклиги унинг муҳим кўрсаткичларидир. П.-тола қандай ғўза навидан олинганига ҳамда ингичкалигига қараб, ўрта толали ва ингичка толали хилларга бўлинади. Толанинг пишганлик даражаси ва пишиқлигига қараб, ГОСТ 3279—63 га мувофиқ П.-тола 7 сортга бўлинади: сара (О), I, II, III, IV, V ва VI сортлар. Сортлар бўйича П.-тола кўрсаткичлари 2-жадвалда келтирилган.

П. энг арзон ва кенг тарқалган хом ашёдир. Ҳар йили бутун дунёда тайёрланадиган барча тўқимачилик толаларининг қарийб ярмини П.-тола ташкил қилади. П.-толадан газлама, трикотаж, техник тўқималар — корд, транспортёр лентала ри, тасмалар ва б. (жами 50 га яқин) турли-туман буюмлар олинади. Чигит таркибида эса 24—29% мой бўлиб, ундан 45 дан ортиқ маҳсулот (пахта мойи, шулха ва б.) тайёрланади.

Ад.: Отаметов Т. У. ва б., Пахтани ишлаш технологияси, Т., 1965; Дадабаев А. Д. и др., Узбекский хлопок, Т., 1973; Хлопководство Узбекистана за 50 лет, Т., 1973.

ПАХТА — Фарғона обл. Бағдод р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. «Қизил Ўзбекистон» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Фурқатдан 11 *км*. Аҳолиси 769 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Мактаб бор.

ПАХТА БАЙРАМИ — Ўзбекистонда қ. х. ходимларининг пахта ҳосили йиғиб олингандан сўнг ўтказилган анъанавий байрами. Ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида (5—6 декабрь кунлари) ўтказилган. 1972 йилдан *Ҳосил байрами* деб номланади.

ПАХТА МОЙИ — чигитни пресслаб ёки эритувчилар б-н экстракциялаб олинадиган мой. Тоза П. м. кўпгина органик эритувчиларда эрийдиган, оч сариқ шаффоф суюқлик бўлиб, ярим қурийдиган мойлар группасига киради. П. м. триглицеридлари таркибига, асосан, тўйинмаган ёғ кислоталар: линолат (41,7—53,69%), оленинат (23,0—35,2%), тўйинган кислоталар: пальмитинат (19,6—23,4%), арахинат (0,1—0,7%), стеаринат (1,9—2,7%), миристинат (0,3—2,0%) киради. П. м. нинг зичлиги 0,905—0,930 *г/см*³, нур синдириш коэффициенти 1,472—1,477, йод сони 102—111, совунланиш сони 191—199. П. м., табиий ҳамда гидрогенизацияланган ҳолда маргарин, истеъмол қилинадиган ёғлар, совун, алиф мой ва б. тайёрлашда ишлатилади.

«ПАХТА МУСТАҚИЛЛИГИ УЧУН» — пахтачиликка оид ойлик журнал. Урта Осиё, Закавказье, Қозоғистон пахта марказининг нашри. 1929—30 йилларда «Хлопковое дело» («Пахтачилик иши») номи б-н Тошкентда, 1931 йил январдан «За хлопковую независимость» («П. м. у.») номи б-н Тошкент—Москвада рус тилида нашр қилинган. ВКП(б) МҚ Урта Осиё Бюросининг қарори б-н журнал 1931 йил августдан беш тилда — рус, ўзбек, тожик, қозоқ, туркман тилларида чиқа бошлаган. 1931—32 йиллар давомида 5 сони чиқиб тўхтаган.

Журнал саҳифаларида республика пахтачилиги тараққиётига ҳисса қўшган агроном-олимлардан Б. П. Страумал, В. Новицкий, А. М. Мальцев, И. Рейнгольд, шунингдек партия ва Совет давлатининг атоқли арбоблари — К. Я. Бауман, А. Икромов, Ф. Хўжаевлар қатнашган. Тиражи 5 минггача етган.

ПАХТА САНОАТИ МАРКАЗИЙ ИЛМИЙ ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ (ЦНИИХпром) — СССР Енгил саноат министрлигига қарашли технологик илмий текшириш ин-ти. СССР Халқ Комиссариатининг 1936 йил 5 апрелдаги қарорига мувофиқ Тошкентда ташкил қилинган. Совет Иттифоқидаги барча пахта экадиган республикаларга хизмат кўрсатади.

Асосий вазифалари: ғўзанинг янги селекцион навларини яратишда қатнашиш; чигитли пахтанинг физик-механик ва технологик хоссаларини ўрганиш; чигитли пахтани қуритиш ва тозалаш; чигитдан толани ажратиш, чигитни линтерлаш, тола ва линтни пресслаш; уруғлик чигитни тайёрлашга оид янги технологик усулларни топиш; чигитли пахта, тола, линт сорти, сифати ва б. хоссаларини тез аниқлашга имкон берадиган янги такомиллашган ва аниқ методлар ҳамда асбобларни яратиш; канопни дастлабки ишлаш технологиясини ташкил қилиш; чигитли пахтани қабул қилиш, сақлаш ва ташиш рационал схемаларини ишлаб чиқиш; пахтани автоматик бошқариладиган линияларда дастлабки ишлашга ҳамда пахта тозалаш з-дларини тўлиқ автоматлаштиришга ўтиш учун контрол-ўлчаш ва созлаш аппаратларини яратиш; меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси воситаларини такомиллаштириш ва ҳ. к.


Бўлимлари: а) чигитли пахтани қуритиш ва тозалаш; б) луб толалари; в) хом ашё; г) аэродинамика, чангсизлантириш ва хавфсизлик техникаси; д) илмий-техника информацияси; е) конструкторлик бўлими. Бу бўлимлардан ташқари, 6 та мустақил лаборатория бор. Ин-тда 1951 йилда аспирантура ташкил қилинган. Ин-тнинг Озарбайжон ССР Кировобод шаҳрида филиали бор.

ПАХТА ТАННАРХИ — пахта етиштиришда қилинган барча харажатларнинг ҳар центнерга тўғри келган суммаси, пахтакор хўжаликлар фаолиятининг асосий иқтисодий кўрсаткичи. П. т. қуйидаги харажатлардан ташкил топади: меҳнат ҳақи (с-зларда иш ҳақи ва социал страхованиега ажратилган пуллар), уруғлик, ўғитлар сарфи, химикатлар, нефть маҳсулотлари (ёнилғи ва сурков мойлари), амортизация ажратмалари (асосий фондларнинг эскириши), асосий фондларнинг жорий ремонти, умумишлаб чиқариш ва умумхўжалик харажатлари. Меҳнат ҳақи харажатларига к-зчилар, с-з ишчилари ва ёлланган кишиларга ишбай, вақтбай ҳамда бир йўла тўланадиган асосий ва қўшимча иш ҳақлари; уруғлик сарфига уруғлик чигит харид қилиш, ташиш, юклаш ва тушириш харажатлари; ёнилғи ва сурков мойлари сарфига ер ҳайдаш, чигит экиш, экинни парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиштириб олиш вақтида трактор ва б. агрегатлар истеъмол қилган нефть маҳсулотлари қиймати; асосий фондлар амортизациясига асосий воситаларнинг амортизация нормалари бўйича ҳисобланган эскириш қиймати ва асосий воситаларнинг ремонти учун қилинган харажатлар; бошқа харажатларга ғўза баргини тўкиш, пахтани тозалаш ва қуритиш, ёрдамчилар учун қилинган ва б. харажатлар киради.

ПАХТА ТЕРИШ МАШИНАЛАРИ — очилган пахтани терадиган машиналар. Совет Иттифоқида ва АҚШда чиқарилади. Ишлаш принципига қараб, пневматик, механик, пневмомеханик ва электромеханик турларга бўлинади. Пневматик П. т. м. да пахта ҳаво оқими ёрдамида терилади. Улар вакуум, эжектор-шлангли, сўрувчи, пуфлаб сўрувчи машиналарга бўлинади. Бу машиналарнинг иш органлари турли сопло (сўргич) ва насадкалардан иборат. Механик П. т. м. да пахта механик қурилма ёрдамида терилади. Булар иш органларининг типига қараб, шпинделли, игна ўрнатилган лентали (кардали), илмоқли, дискли бўлади. СССРда шпинделли П. т. м. кенг тарқалган. Улар горизонтал ва вертикал шпинделли П. т. м. га бўлинади. Горизонтал шпинделли П. т. м. да шпиндель ғўза туплари орасига ён томондан горизонтал ҳолатда киради ва ўқи атрофида айланиб, очилган пахтани ўзига ўраб чиқади. Вертикал шпинделли (ҳозир ишлаб чиқарилаётган) П. т. м. да шпинделлар барабанга ёки занжирга ўрнатилади. Ғўза туплари икки барабан орасидан қисилиб ўтади. Барабандаги шпинделлар ўз ўқи атрофида ва барабан б-н айланиб, пахтани ўраб олади. Пневмомеханик П. т. м. да пахта ҳаво ва механик мослама ёрдамида терилади.

П. т. м. дастлаб 1850 йилда (АҚШ)да яратилди. 1929 йилда СССР да биринчи пневматик П. т. м. ихтиро этилди.

1933 йилда СТЗ тракторига ўрнатиладиган эжектор-шлангли машина ихтиро қилинди. Бу машинада 15 та ҳаво сўрувчи шланг бўлиб, ҳар қайси шлангни бир теримчи ушлаб, очилган пахтага рўпара қиларди. Шунда пахта ҳаво ёрдамида сўралиб, махсус идишга тўпланарди. Бунда ҳар бир теримчи соатига 5,3 *кг* гача пахта терарди. Ўша йили биринчи горизонтал



ХН-3,6 пахта териш машинасининг технологик схемаси

1-жадвал.

Чигитли пахта сорти	Дастлабки оғирлигига нисбатан нфлосликлар нормаси, %	Толани узувчи куч, *г. куч*	Абс. қуруқ массага нисбатан намлик, %	
			Урта Осиё, Қозоғистон учун	Озарбайжон учун
I	0,5	5,4 ва юқори	8,0	9,0
II	1,0	3,9—4,3	10,0	11,0
III	1,9	3,2—3,8	11,0	12,0
IV	3,6	3,1 ва бундан кам	13,0	14,0

2-жадвал.

Кўрсаткичлар	Сортлар бўйича норма						
	О	I	II	III	I	V	VI
Пишиқлиги (узувчи куч), *г. куч*	4,9 ва ортиқ	4,9—4,4	4,3—3,9	3,8—3,4	3,3—3,0	2,9—2,5	2,5 дан кам
Пишганлик коэффициенти	2,1	2,0	2,0	1,6	1,4	1,2	1,2 дан кам
Толадаги нуқсон ва нфосликлар нормаси, %	1,9	2,1	2,6	3,5	5,3	8,6	12,5
Тола намлиги, % (қуруқ тола оғирлигига нисбатан)	8,0	8,0	9,0	10,0	11,0	12,0	12,0

шпинделли машина ҳам яратилди. У икки барабанли (бир қаторли), кертик шпинделли бўлиб, тракторга тиркаб ишлатилган. Иш унуми паст бўлган.

1935 йилда «Универсал-1» тракторига ўрнатиладиган бир барабанли, горизонтал шпинделли машина яратилди. Бу машина пахтанинг 40% ини териб, 15% ини тўкар, иш унуми паст эди.

1936 йилда икки қаторли, горизонтал шпинделли БШМ-1 маркали машина чиқарилди. Унинг иш аппарати тўртта барабандан иборат бўлиб, ҳар бир барабанга 352 та конус шпинделъ ўрнатилган; машина юрганда ғўза тупининг икки томонидаги пахтани терган. Бу машина 1939 йилгача такомиллаштирилиб, пахта далаларида синаб кўрилди.

1937 йилда Ташсельмаш з-дида биринчи ХА маркали пневматик машина ишлаб чиқарилди. Машинада бир неча сўриш туйнуклари бўлиб, пахтани ҳаво ёрдамида терарди. Бу ҳам такомиллаштирилиб, 1948 йилда СХП-48 маркали машина яратилди. У ўзи юрар шасси, вентилятор, иш органи, сепаратор, ҳаво трубалари ва бункердан иборат.

1938 йилда Л. М. Розенблюм СССРда биринчи вертикал шпинделли ХВШ маркали П. т. м. ихтиро этди. Унинг иш аппарати ўзи юрар шассига ўрнатилиб, ҳар бири 32 шпинделли иккита барабан ва тўртта чўткали ажраткичдан иборат эди. Машина пахтанинг 54—65% ини териб, 8—15% ини тўкарди. Машина бирмунча такомиллаштирилгач, терилган пахта 80,8%, тўкилгани 16,5% бўлди. Асосий нуқсони терилган пахтанинг шпинделдан қийин ажралиши ҳамда чўткали барабанга ўралиб қолиши эди.

1941 йилда ХВШ-4Б маркали тўрт барабанли П. т. м. яратилди. Машина бир юришда ҳар туп ғўзадаги пахтани икки марта терарди; бунда терилган пахта 75%, тўкилгани 8% эди. 1945 йилда ХВШУ маркали ўзи юрар машина яратилди. Бу машина икки барабанли аппарат ва ўзи юрар шассидан иборат бўлиб, унинг шпинделлари фақат бир томонга айланарди.

1946 йилда диаметри 16 *мм* ли 42 шпинделли, барабанли ХВШН-46 маркали П. т. м. хўжалик синовидан ўтказилди. 1947 йилда «Пахтаорол» ва «ЎзССР беш йиллиги» с-злари далаларида икки барабанли ХВШН-47 ва тўрт барабанли ХВШН-2 маркали П. т. м. синаб кўрилди. ХВШН-2 маркали машина пахтанинг 77,8—92,7% ини териб, 1,8—5,3% ини тўкди.

1947 йилда конструктор М. Н. Марков бошчилигида СХМ-47 ва 1948 йилда СХМ-48 маркали П. т. м. чиқарилди. СХМ-48 маркали машина бир юришда пахтанинг 75—85% ини териб, 8—22% ини тўкди. Ҳар қайси барабандаги шпинделга ўралган пахта саккиз планкали иккита ажраткич ёрдамида ажратиб олинарди. 1949 йилда «Ташсельмаш» з-ди СХМ-48 маркали вертикал шпинделли бир қаторли машинани ишлаб чиқара бошлади. Бу машина 1949—52 йилларда «Универсал-1» тракторига ўрнатиб ишлатилди. 1953—54 йилларда «Универсал-4М» тракторига ўрнатиб (СХМ-48М маркада) чиқариладиган бўлди.

СХМ-48 маркали П. т. м., асосан, иш аппарати, рама, икки вентилятор, ҳаракат узатиш механизми, аппаратни кўтариш-тушириш механизми, туп кўтаргич, обтекатель, бункер ва трактордан иборат. Машинанинг барча механизмлари тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракатланади, уни механик-ҳайдовчи бошқаради. 1958—64 йилда вертикал шпинделли икки қаторли ХВС-1,2 маркали машина, сўнгра ўзи юрар шассили икки қаторли ХВС-1,2 ва Т-28Х-3 тракторига ўрнатиладиган ХВС-1,2М маркали, 1964—68 йилларда икки қаторли ХТ-1,2 маркали, 1966 йилдан икки қаторли 17ХВ-1,8 маркали кенг (90 *см*) қаторли, 1968 йилдан Т-28Х-4 тракторига ўрнатиладиган тўрт қаторли 14ХВ-2,4А («Ўзбекистон») маркали ва 1972 йилдан МТЗ-50Х тракторига ўрнатиладиган тўрт қаторли ХН-3,6 маркали, 1974 йилдан олти қаторли ХВ-5,4 маркали П. т. м. ишлаб чиқарила бошлади.

Бу машиналар, асосан, териш аппарати, ҳаракат узатувчи редуктор, вентиляторлар, сув насоси, бункер, ҳаво трубалари, бошқариш системаси ва рамадан, териш аппарати эса рама, шпинделли барабанлар, ажраткич барабанлари, шпинделларни айлантирувчи узатма, қабул камераси, иш тирқишини созловчи механизм, туп кўтаргич, редуктор, қўшувчи муфта, сақловчи мосламалардан иборат. ХВС-1,2 ва ХТ-1,2 П. т. м. га қўшимча пневматик подборшчиклар ўрнатилган. Улар бир-биридан айрим қисмларининг тузилиши, шпинделларининг сони ва териш кенглиги б-н фарқланади. Машина қатор ораларида юрганда туп кўтаргичлари ғўзани шпинделли барабанларнинг иш тирқишига йўналтиради. Ғўза айланувчи барабанлар орасидан ўтаётганда барабан шпинделлари

Шпинделли пахта териш машиналарининг қисқача техник маълумотлари.

Кўрсаткичлар	СХМ-48	СХМ-48М	ХВС-1,2	ХТ-1,2	17ХВ-1,8	14ХВ-2,4 «Ўзбекистон»	ХН-3,6 «Ўзбекистон»
Териладиган қаторлар сони	1	1	2	2	2	4	4
Қатор ораси, *мм*	700	700	600	600	900	600—900	900
Машинанинг иш унуми, соатига *га*:							
биринчи теримда	0,2	0,2	0,39	0,46	0,69	0,9	1,48
иккинчи теримда	—	—	—	0,63	0,93	1,2	1,97
Тракторнинг ишлаш тезлиги, соатига *км*							
биринчи тезликда	4,1	4,1	3,24	3,86	3,86	3,75	3,25
иккинчи тезликда	—	—	—	5,2	5,2	5,05	5,24
Трактор двигателининг қуввати, от кучи	20—21	20—21	35—40	40	40	50	60
Тракторнинг типи	универсал-4М		ГАЗ-321 Ўзи юрар шасси	Т-28ХЗ	Т-28Х3	Т-28Х4	МТЗ-50Х
Шпинделли барабанларининг сони	4	4	8	8	8	16	16
Барабандаги шпинделлар сони	15	18	15	15	15	10	10
Шпинделнинг диаметри, *мм*	24	18	24	24	24	24	24
Бункернинг ҳажми, $м^3$	4	4	5	6,8	8,8	14,6	14,6
Габарит ўлчамлари, *мм*							
Бўйи	4650	4500	6020	6150	6000	6470	7400
Эни	2450	3050	2900	2970	2900	3335	3870
Баландлиги	2775	2200	3800	3800	3800	3980	4350
Машинанинг вазни, тракторсиз	—	—	—	3200 (+3)	2750	4400	4600
трактор б-н	3600	3650	4900	5500 (+3)	5200	6910	7780
Барабанларнинг минутига айланиш сони, 1-иш тезлигида	93,5	96,6	93,2	106	105,7	105,7	110,67
2-иш тезлигида	—	—	—	124	123,6	123,6	125,0
Чўткали барабанларнинг минутига айланиш сони 1-иш тезлигида	1762	1806	1681	1935	1573	1573	1704
2-иш тезлигида	—	—	—	2265	1847	1847	1924

пахтани ўраб олади. Пахта ўралган шпинделлар барабан б-н, териш зонасидан ажратиш зонасига ўтганда эса тескари айланади, бунда чўткали барабан пахтани ажратиб олади ва қабул камерасига ташлайди. Ундан ҳаво ёрдамида бункерга узатилади. ХВС-1,2 маркали П. т. м. қатор оралари 60 *см* ли ғўза пахтасини теради. Машина, асосан, ГАЗ-321 двигателли ўрнатилган ўзи юрар шасси, иккита териш аппарати, кўтариш механизми, иккита пневматик транспортёр, шпинделларни ювиш системаси, ҳаракат узатиш механизмлари, бункерлар ва электр чироқлардан иборат.

ХТ-1,2 маркали П. т. м. қатор оралари 60 *см* ли ғўза пахтасини теради. У тўкилган ва шпинделли барабанларга илинмай қолган пастки шохлардаги пахтани терадиган пневматик подборшчик б-н ускуналанган. Т-28Х-3 тракторига ўрнатиб ишлатилади. Машина икки тезликда пахта теради (жадвалга қ.). У, териш блоки, рама, териш аппарати, пневматик транспортёр, пневматик транспортёрли иккита подборшчик, ағдарма бункер, ҳаракат узатиш механизми ва муҳофаза мосламаларидан иборат. Шунингдек, шпинделларни ювиш ва бакка сув узатиш системаси, териш аппаратлари блокини кўтариш ва тушириш, бункерни тўнтариш гидросистемаси, электр чироқлар системаси б-н ускуналанган.

1971 йилдан олти қаторли, вертикал шпинделли ХВ-5,4 ўзи юрар П. т. м. си яратиш устида иш олиб борилди. Бу машина 1974 йили давлат синовидан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга тавсия қилинди. У МТЗ-80Х тракторига ўрнатилган. Бир ўтишда қатор оралиғи 90 *см* дан бўлган олти қатор ғўза пахтасини икки тезликда теради.

14ХВ-2,4А («Ўзбекистон») маркали тўрт қаторли машина Т-28Х-4 маркали тракторга ўрнатилган. Бу машинанинг икки варианти: 12 шпинделли ва 15 шпинделли барабанлар ўрнатилган териш аппаратли П. т. м. ишлаб чиқарилди. Машинада тўртта териш аппарати иккитадан икки ён томонига ўрнатилган. Уни 60 *см*, 90 *см* қатор ораларида юришга ростлаш мумкин. Ҳар қатор пахтаси икки қайта терилади. Машина, асосан, рама, териш аппаратлари, ҳаракатни тақсимлаш редуктори, бункер, вентиляторлар ва бошқариш системасидан иборат. Шунингдек, шпинделларни ювиш ва бакка сув қуйиш, машинани мойлаш системаси б-н ускуналанган. Қолган қисмлари юқорида келтирилган машиналарникидек.

17ХВ-1,8 маркали икки қаторли П. т. м. Т-28Х-3 маркали трактор ўрнатилган. У териш аппаратлари блоки, ҳаракатни тақсимлаш редуктори, аппаратни ўрнатиш системаси, бошқариш системаси, бункер, пневматик транспортёр, вентилятор, муҳофаза қисмларидан иборат.

ХН-3,6 маркали тўрт қаторли П. т. м. МТЗ50Х тракторига ўрнатилган. Териш аппаратлари машинанинг олд қисмига жойлаштирилган. Автоматик бошқариш системаси, туп кўтаргичлар, датчиклар ва ҳ. к. б-н ускуналанган. Ҳар қайси барабанга биттадан чўткали ажраткич ўрнатилган. Териш аппаратларини техник қароводан ўтказиш осонлаштирилган, деталлар чиқишиқ ва ишлаш муддати узайтирилган, кипишиқ диаметрли 10 шпинделли барабанлар, шпинделларга ҳаракат узатувчи қайиш ўрнатилган. Барча маркадаги П. т. м. нинг териш аппаратлари ва барабанлари, асосан, айрим қисмларининг тузилиши, шпинделларининг сони б-н бир-биридан фарқланади. Тузилиши оддий ва иш унуми юқори бўлган СХМ-48 маркали машинани яратгани ва ишлаб чиқаришга татбиқ этгани учун 1950 йилда конструкторлар Г. И. Волков, Л. М. Розенблюм, М. Н. Марков, В. Д. Нехорошев ва Г. Т. Низовойлар Давлат мукофотига ҳамда вертикал шпинделли икки қаторли ХТ-1,2 маркали машина яратгани ва қишлоқ хўжалигига татбиқ қилгани учун 1967 йилда Ф. И. Глазатов, А. Н. Приходько, М. Н. Марков, В. Д. Тютковлар ва донгдор механизаторлар Ж. Кўчиев, Т. Охунова, В. Тюпко Ленин мукофотига сазовор бўлдилар.

ЎзССР ФА Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-ти, Пахтачилик бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси (ГСКБ) ва б. П. т. м. ни такомиллаштиришга катта ҳисса қўшмоқда (449- бетда пахта териш машиналарига онд вклейка берилган).

Ад.: Волков Г. И., Сабликов М. В., Машины для комплексной механизации уборки хлопка. М., 1951; Ландсман М. И. ва б., Пахта йиғим-терими ишларини машиналаштириш, Т., 1965.

ПАХТА ТОЗАЛАШ САНОАТИ — енгил саноатнинг пахтага дастлабки ишлов берадиган тармоғи. П. т. с. халқ хўжалиги комплексида қ. х. б-н саноат соҳаларини — аввало тўқимачилик, ёғ-мой, кимё саноати ва б. ни боғловчи звено бўлиб, пахтани қабул қилиш, бунтлаш, чигитли пахтани стандарт намлик даражасигача қуритиш ва майда хас-чўплардан тозалаш, пахтани узлуксиз технологик оқимда қўшимча қуритиш, толани чигитдан ажратиш, толаларни тозалаш, пресслаб той қилиш, чигитни тозалаш, чигитни икки-уч марта *линтерлаш*, линтни тозалаш, пресслаш ишларини бажаради.

Эли Уитни (АҚШ) 1793 йилда тола ажратувчи машина кашф қилгач П. т. с. ривожлана бошлади. Шунга қадар пахта толаси чигитдан қўл б-н ажратилар эди. 19- асрнинг 80- йилларигача Ўрта Осиёда пахтани ишлашда чигириқдан фойдаланилган; бунда кунига 6—8 *кг* пахта толаси олинган. Умуман, Туркистон ўлкаси Россияга қўшилгунга қадар йилига бу ердан Россиянинг тўқимачилик ф-каларига 15—16 минг *т* пахта толаси юборилган. 1881 йилда Тошкентда биринчи пахта тозалаш з-ди қурилди. 1890 йилда Ўрта Осиёда 40 та пахта з-ди бўлиб, шулардан 30 таси Фарғона водийсида жойлашган. 1913 йилда ҳозирги Ўзбекистон терр-ясида 180 пахта з-ди бўлган, 1918 йили 517 пахта з-дида тола ажратадиган 1610 та *жин машина*дан фойдаланилган. Россия 1913—14 йилларда пахта маҳсулотлари тайёрлаш бўйича дунёда 5- ўринда эди. СССР да П. т. с. муҳим саноат тармоғи сифатида ривожлантирилди. РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг 1920 йил 2 ва 27 ноябрда В. И. Ленин имзо чеккан қарорлари пахтачилик саноатининг ривожланишида муҳим тарихий роль ўйнади. Шу қарорларда кўрсатилган бир қатор тадбирларни амалга ошириш натижасида пахта з-дларини машина ва асбоб-ускуналар б-н таъминловчи махсус машинасозлик тармоғи вужудга келди, пахтани дастлабки ишлаш технологияси такомиллашди. Совет ҳокимияти йилларида ярим қустарь майда корхоналар ўрнига йирик пахта тозалаш з-длари вужудга келди. 1941 йилгача пахта экиладиган р-ларда

да 87 та янги пахта тозалаш з-ди қурилди. Мамлакатдаги деярли ҳамма пахта тозалаш з-длари тубдан реконструкция қилинди, оғир меҳнат талаб қиладиган жараёнлар механизациялаштирилди.

1913 йилда 223 минг *т* пахта толаси ишлаб чиқарилган бўлса, 1974 йилда 2476 минг *т* пахта толаси ишлаб чиқарилди.

1917 йилда бир пахта тозалаш з-ди 2,6 минг *т* пахтани қайта ишлаган бўлса, ҳозирги вақтда Ленинск, Москва, Ғиждувон, Бухоро, Жума з-длари каби корхоналар йилига 100 минг *т* ва, ҳатто, ундан ҳам кўп пахтани қайта ишлайди. 8-беш йилликда (1966—70) республикада 15 янги пахта тозалаш з-ди, 109 қуритиш-тозалаш цехи ва 22 тайёрлов пункти қурилди, 16 з-д реконструкция қилинди. 1971—73 йилларда 18 пахта тозалаш з-ди, 23 қуритиш-тозалаш цехи, 29 тайёрлов пункти қурилиб ишга туширилди.

СССРда 163 пахта тозалаш з-ди, 705 пахта тайёрлаш пункти мавжуд. Жумладан, ЎзССР да 102 пахта тозалаш з-ди, 455 пахта тайёрлаш пункти бор (1975 йил, 1 сентябрь).

Ўзбекистонда пахта толаси ишлаб чиқариш (минг *т* хисобида)


Йиллар	Пахта толаси	Линт
19 3	178,8	—
1940	538,5	14,3
1960	1092,3	113,3
1970	1383,8	129,0
1974	1581,5	180,3

Ўзбекистон ялпи саноат маҳсулоти қийматининг 30% и П. т. с. га тўғри келади. Ўзбекистон П. т. с. йилига 3 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради ва СССРда тайёрланадиган пахта толасининг 63% ини беради (1974).

«ПАХТА УЧУН КУРАШ» — Ўзбекистон қ. х. ходимларининг ойлик оммавий журнали. Ўзбекистон Ер ишлари халқ комиссарлигининг органи. 1933—37 йиллар Тошкентда нашр этилган (қ. *«Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги»*).

ПАХТАБУҒОТ — Хоразм обл. Ҳазорасп р-ни Ошоқкорвак қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Ҳазораспдан 10 *км*. Аҳолиси 1317 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шўрёп ариғидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПАХТАГУЛ (Hibiscus hybridus Hort) — гулхайридошлар (ғўзадошлар)га (ғўзагуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўт. Бўйи 2,5 *м* ча, пояси бақувват, ер усти бўғзидан шохлаб, катта туп ҳосил қилади. Барглари ҳар хил катталикда, панжасимон ўйма. Гуллари йирик, икки жинсли, актиноморф, пахта гулини эслатади, оқиш-сариқ пушти, бинафша ва ҳ. к. Косачаси икки қават, чангчиси кўп, ипчалари туташган. Уруғчиси битта. Меваси кўсак. П. нинг Шимолий Америкада тарқалган турларини Ўзбекистонда дурагайлаб етиштирилган хиллари манзаралари ўсимлик сифатида экилади. Июнь-июлдан совуқ тушгунча гуллайди. Уруғи ва қаламчаларидан кўпайтирилади.



«Пахтакор» стадионининг умумий кўриниши.

ПАХТАГУЛ — Хоразм обл. Хонқа р-ни Сарипаён қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Хонқадан 3 *км*. Аҳолиси 1498 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Қулавой каналидан сув ичади. К-з идораси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПАХТАК (Astragalus sieversianus) — дуккакдошлар (дуккаклилар оиласи)га мансуб, ер бағирлаб ўсувчи кўп йиллик серпоя ўт. Бўйи 60—150 *см*. Поясининг ичи ковак, сирти пахта сингари оқ ва юмшоқ қалин туклар б-н қопланган. Барги патсимон, мураккаб. Гуллари сарғиш, тўпгули шингилсимон. Меваси ёнғоқдек, сирти узун юмшоқ, оқ туклар б-н қопланган (номи шундан). Майнинг иккинчи ярмида гуллайди, августда мевалайди. Адирларда ва тоғ ён бағирларида якка-якка ўсади. П. тўйимли озиқ: таркибида 17,9% протеин бор.

«ПАХТАКОР» — қишлоқ кўнгилли спорт жамияти. 1950 йили ташкил этилган. 1956 йилда касаба союзларининг «Урожай» кўнгилли спорт жамияти б-н бирлашган. «П.» нинг вазифаси республикадаги қишлоқ меҳнаткашлари орасида оммавий физкультура ва спорт ишларини ривожлантиришдан иборат. «П.»нинг 1987 физкультура коллективи бўлиб, унда 540511 аъзо бор (1976 йил 1 январь). Шулардан 3 киши халқаро спорт мастери, 80 киши СССР спорт мастери, 3043 киши СССР спорт мастерлигига номзод ва I разрядли спортчилардир. 1975 йили «П.» 34 та СССР спорт мастерини тайёрлаган. «П.» 34 стадион ва 38 спорт зали, 1365 баскетбол ва 64 волейбол майдони, 473 кўл тўпи ва 1209 футбол майдончаларига эга. Жамиятда миллий спорт ўйинлари — кураш, от спорти ўйинларига алоҳида эътибор берилади.

«ПАХТАКОР» — УзССРнинг етакчи футбол командаси. 1956 йилда тузилган. 1960 йилдан «А» классининг олий лигасида (1964, 1972, 1976 йиллар биринчи лигада). «П.» нинг СССР биринчилигида эришган энг юқори натижаси 6-ўрин (1962). «П.» СССР биринчилигида (1976 йил 1 январгача) 458 учрашув ўтказиб, 131 марта голиб чиққан, 149 ўйинни дуранг қилиб, 178 марта ютқазган. Жами 411 очко тўплаган, тўплар нисбати 508:663. СССР кубоги учун ўтказилган мусобақаларда финалга чиққан (1968). «П.» СССР кубоги учун 42 учрашувда қатнашиб, 20 галаба, 6 дуранг натижага эришган ва 16 марта мағлуб бўлган; тўплар нисбати 65:65. 1971 йили «Ғалаба учун ирода» совғини «П.» га берилган. «П.» 50 дан ортиқ халқаро учрашув (Афғонистон, Хитой, Япония, Индонезия, ГДР, Бразилия, Уругвай, Италия ва б. давлатлар командалари б-н) ўтказган.

«ПАХТАКОР» — Тошкент шаҳридаги марказий стадион. Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ҳамда республика Физкультура ва спорт комитетининг ташаббуси б-н қурилган (1956). 55 минг томошабинга мўлжалланган. «П.» стадионининг катта спорт аренасида узунлиги 104 *м*, эни 69 *м* га тенг футбол майдони, 400 *м* айланали 8 та резина битум ётқизилган (1969) югуриш йўлкаси, 3 та узунликка ва уч ҳатлаб сакраш, 2 та лангарчўп б-н сакраш, 1 та баландликка сакраш ва 1 ядро улоқтириш

секторига эга. Булардан ташқари «П.» стадиони комплексида яна 1 енгил атлетика стадиони, футбол майдони ва 20 га яқин катта теннис майдончалари мавжуд. Катта спорт аренасида 22×8 *м* катталикдаги универсал табло ўрнатилган (1965).

ПАХТАКОР — Жиззах обл. Пахтакор р-ни Пахтакор қ. С. даги қишлоқ. «Пахтакор» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Пахтакордан 0,3 *км*. Аҳолиси 5225 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Урта ва саккиз йиллик мактаб, дорихона, касалхона, профессионал техника билим юрти бор.

ПАХТАКОР — Андижон обл. Балиқчи р-ни Алимбек қ. С. даги қишлоқ. «Қизил юлдуз» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳаққулободдан 20 *км*. Аҳолиси 793 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ПАХТАКОР — Сирдарё обл. Ворошилов р-ни Шўрўзак қ. С. даги қишлоқ. «Социализм» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 34 *км*, яқин т. й. станцияси — Оқолтиндан 12 *км*. Аҳолиси 1500 киши (1971); пахтачилик б-н шуғулланади. Киров номли каналдан сув ичади. Пахта пункти, касалхона, клуб, с-з бўлими идораси, меҳмонхона бор.

ПАХТАКОР — Андижон обл. Андижон р-ни Жалабек қ. С. даги қишлоқ. Калинин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 22 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 6 *км*. Аҳолиси 2037 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ПАХТАКОР — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Пахтакор қ. С. даги қишлоқ. Фрунзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилондан 14 *км*. Аҳолиси 1337 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Қасалхона, пахта пункти, ўрта мактаб, қ. С. идораси бор.

ПАХТАКОР — Сирдарё обл. Боёвут р-ни Боёвут-1 қ. С. даги қишлоқ. «Боёвут-1» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 24 *км*, яқин т. й. станцияси — Боёвут разъездидан 23 *км*. Аҳолиси 838 киши (1974); пахтачилик б-н шуғулланади. Жанубий Мирзачўл каналидан сув ичади. Мактаб, с-з бўлими идораси, болалар боғчаси ва яслиси бор.

ПАХТАКОР — Сурхондарё обл. Термиз р-ни Пахтаобод қ. С. даги қишлоқ. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Термиздан 8 *км*. Аҳолиси 1083 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Сурхондарёдан сув ичади.

ПАХТАКОР — Хоразм обл. Хонқа р-ни Хоразм қ. С. даги қишлоқ. «Хоразм» к-зи терр-ясида. Р-н маркази ва яқин т. й. станцияси — Хонқадан 3 *км*. Аҳолиси 870 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Хонка ариғидан сув ичади.

ПАХТАКОР — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Эски Ангор қ. С. даги қишлоқ. Файзулла Хўжаев номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 58 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғдан 8 *км*. Аҳолиси 689 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Урта мактаб, медпункт бор.

ПАХТАКОР — Сурхондарё обл. Гагарин р-ни Болдир қ. С. даги қишлоқ. Абдулла Набиев номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 20 *км*, яқин т. й. станцияси — Болдирдан 4 *км*. Аҳолиси 530 киши (1971); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Занг каналидан сув ичади.


ПАХТАКОР РАЙОНИ — Жиззах областидаги р-н. 1967 йил 9 январда ташкил топган. Шимолдан Дўстлик, шарқдан Ильич, ғарбдан Октябрь р-нлари б-н чегарадош. Майдони 0,32 минг *км*². Аҳолиси 24 минг киши (1975). Р-нда 4 қ. С. (Ақмал Икромов, Мингчинор, Самарқанд, Пахтакор) бор. Маркази — Пахтакор ш.


Табиати. Р-н терр-яси Мирзачўлнинг ғарбида жойлашган. Рельефи, асосан, текислик (ўртача баландлиги 295 *м*). Ер ости сувлари юза ва шўр ҳамда шўртоб. Р-н терр-ясидан Саркисов номли Жанубий Мирзачўл канали ўтади. Оқова шўр сувларни чиқариб юбориш учун қазилган зовурлар бор. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 28°—30°, максимал т-ра 40°, январники —4°. Йиллик ёғин 280—300 *мм*. Вегетация даври 205—210 кун. Тупроқлари, асосан, бўз, оч бўз, шўрхок тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, шўра, шувоқ, қўнғирбош, қиёқ, қамиш, юлғун, оқбош, ғумай, печак, итузум, тол, жийда, терак ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, чиябўри, қуён, каламуш, тошбақа, илон, калтакесак, ўрдак, тустовуқ, қирғовул, калхат, каптар, чуғурчиқ, қарға, сўфитўрғай, майна ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, қозоқлар, татарлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 7,5 киши.

Хўжалиги. Р-нда пахта тозалаш з-ди, 4 пахта пункти, 5 қурилиш ташкилоти, 2 автобаза, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси, босмахона, 4 кийим-кечак, 2 пойабзал тикиш ва б. маиший хизмат кўрсатиш корхоналари бор.

Қ. х. нинг етакчи тармоғи — пахтачилик. Р-нда 7 с-з бор. Суғориб деҳқончилик қилинадиган 24736 *га* ернинг 17628 гектарига пахта, 2149 гектарига дон экинлари, 1630 гектарига сабзавот ва полиз, 3304 гектарига ем-хашак экинлари экилади. 19 *га* ер боғ, 12 *га* ер токзорлар ва б. б-н банд (1974). Р-н хўжаликларида 2004 қорамол (шундан 610 сигир) бор (1974). Давлатга 47886 *т* пахта, 757 *т* дон, 2860 *т* сабзавот, 19259 *т* полиз, 208 *т* мева, 79 *т* узум, 83 *т* гўшт (тирик вазнда), 975 *т* сут сотилди (1974).





Пахтакор райони. Саркисов номли канал.

Р-нда 11 кутубхона, 6 клуб, 3 кинотеатр, 12 киноустановка ишлаб турибди. 10 умумий таълим мактабида 5843 ўқувчи ўқийди (1974—75). 350 ўринли 4 касалхона, 4 медпункт, 6 амбулатория ва поликлиника, 4 аптека, диспансер, туғруқхона, хотин-қизлар ва болалар консультацияси, санитария ва эпидемиология станцияси, 175 ўринли болалар кардиоревматология санаторийсида 39 врач, 162 ўрта медицина ходими ишлаб турибди (1974). 11 болалар боғчасида 10350 бола тарбияланмоқда.


1969 йилдан «Пахтакор» р-н газетаси чиқади (тиражи 2,5 минг, 1975).

Пахтакор — Гулистон (129 *км*), Пахтакор — Тошкент (246 *км*), Пахтакор — Жиззах (30 *км*), Пахтакор — Самарқанд 120 *км*), Пахтакор — Еттисой (90 *км*) маршрутлари бўйлаб автобуслар қатнайди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Валиев шу р-нликдир.

ПАХТАЛИКЎЛ — Наманган обл. Янгиқўрғон р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. Ульянов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 43 *км*, яқин т. й. станцияси — Наманғандан 13 *км*. Аҳолиси 1045 киши (1974); пахтачилик, пилланачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Санаторий, клуб, дорихона, амбулатория бор.

ПАХТАОБОД—Андижон обл. Пахтаобод р-нидаги шаҳар (1975 йил 29 августгача Қўқонқишлоқ шаҳар посёлкаси). Р-нининг маъмурий маркази. Обл. маркази — Андижондан 44 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксойдан 1 *км*. Аҳолиси 17 минг киши (1975).



«Пахтакор» совхозининг маданият сарейи.

П. да пахта тозалаш з-ди, Андижон трикотаж ф-каси филиали, қурилиш ташкилотлари, автобаза, 3 ўрта мактаб, болалар боғча ва яслилари, 3 клуб, ёзги ва қишки кинотеатр, касалхона, дорихона, медпункт, поликлиника, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПАХТАОБОД — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. «Қизил юлдуз» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғдан 30 *км*. Аҳолиси 1451 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қайирма ариғидан сув ичади. К-з идораси, касалхона, саккиз йиллик мактаб бор.

ПАХТАОБОД — Қашқадарё обл. Қарши р-ни Дашт қ. С. даги қишлоқ. «Пахтаобод» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 30 *км*, яқин т. й. станцияси — Қаршидан 19 *км*. Аҳолиси 2411



киши (1974); пахтачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, болалар боғчаси, медпункт бор.

ПАХТАОБОД — Тошкент обл. Чиноз р-ни Чиноз қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Чиноздан 3 *км*. Аҳолиси 886 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Қуркулдак ариғидан сув ичади. Медпункт бор.

ПАХТАОБОД — Сурхондарё обл. Жарқўрғон р-ни Жарқўрғон қ. С. даги қишлоқ. Норали Боймуродов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Жарқўрғондан 15 *км*. Аҳолиси 877 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қакайди каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, алоқа бўлими бор.

ПАХТАОБОД — Фарғона обл. Қува р-ни Намуна қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Федченкодан 12 *км*. Аҳолиси 545 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ПАХТАОБОД-2 — Қашқадарё обл. Чироқчи р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. «Қизил юлдуз» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 12 *км*, яқин т. й. станцияси — Яккабоғдан 31 *км*. Аҳолиси 678 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Қайирма ариғидан сув ичади.


ПАХТАОБОД РАЙОНИ — Андижон областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. 1962 йил 24 декабрда Избоскан р-ни б-н бирлаштирилган.1970 йил 7 декабрда қайта ташкил этилган. Шимолдан ҚирғССР, ғарбдан Избоскан, жанубдан Андижон, шарқдан Жалақудуқ р-нлари б-н чегарадош. Майдони 0.26 минг *км*². Аҳолиси 70 минг киши (1975). Р-нда 5 қ. С. (Иттифоқ, Бўстон, Маданият, Пахтакор, Уйғур) ва Пахтаобод шаҳри бор. Маркази — Пахтаобод ш.

Табиати. Р-н терр-яси областнинг шимолида, Норин ва Қорадарё воҳасидаги ясси текисликда жойлашган. Рельефи ғарбдан шарққа баландлаша боради. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқ. Дарё бўйларида ўтлоқи бўз тупроқ, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар тарқалган. Адирларда эфемер ва эфемероид ўсимликлар, захкаш ерларда қамиш, қўға, қиёқ ўсади. Ёв-

войи ҳайвонлардан қизил қуйруқ, қум-сичқон, жайра, қўшоёқ, кўрсичқон, қуён, бўри, тулки, тўнғиз, бўрсиқ, калтакесак, илон ва б. бор. Чумчуқ, чуғурчиқ, сўфитўрғайлар кўп. Р-н терр-яси орқали Қорадарё, Тентаксой, Чиртак, Мойлисой оқиб ўтади. «Дўстлик» насос станцияси қурилган. Қ. х. экинлари Қорадарё, Мойлисой, Норин дарёлари, сойлардан суғорилади. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси —3,5°, июлники 26,7°. Минимал т-ра —26°, максимал 42°. Вегетация даври 217 кун. Йиллик ўртача ёғин 300—400 *мм*. Ёғин, асосан, қишда ва баҳорда ёғади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; уйғурлар, руслар, татарлар, қирғизлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 269 киши. Шаҳар аҳолиси 18 минг киши.

Хўжалиги. Р-нда пахта тозалаш з-ди, Андижон трикотаж ф-касининг филиали ишлаб турибди. Р-нда 9 к-з, 2 с-з бор. Қ. х. да фойдаланиладиган 26385 *га* ернинг 14 минг гектарига пахта (1975), 1,7 минг *га* ерга дон экинлари, 0,5 минг *га* ерга картошка, сабзавот ва полиз экинлари, 2,1 минг *га* ерга ем-хашак экинлари экилади (1974). 368 *га* боғ, 208 *га* тутзор, 55 *га* ер токзор б-н банд (1975). Р-н хўжаликларида 8132 қорамол (шундан 2540 сигир), 17900 қўй ва эчки (1975), 0,7 минг от



Пахтаобод район марказидаги тарих музейи бинoси.

бор (1974). Давлатга 50 000 *т* пахта, 6835 *т* ғалла, 2400 *т* картошка ва сабзавот, 1300 *т* ҳўл мева, 565 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 3320 *т* сут, 1019 минг дона тухум, 587 *ц* жун, 239 *т* пилла сотилди (1975).

Р-ндаги 35 умумий таълим мактабида 19789 бола ўқийди (1974—75). 30 кутубхона, 1 музей, 18 киноустановка ишлаб турибди. 405 ўринли касалхона, поликлиника, туғруқхона, медпунктларда 236 врач ва ўрта медицина ходими ишлаб турибди. Р-н «Пахтаобод» газетаси 1935 йилдан бери чиқиб турибди (тиражи 6800 нусха, 1975). Андижон — Пахтаобод поезди қатнайди.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари И. Арабов, М. Мамазокиров, М. Умарова, Б. Мамадалиев, О. Қурбонов, Т. Еқубов, У. Каримов, К. Холиқовлар шу р-нликдир.

ПАХТАТИКАН (Cirsium ochrolepideum Zuz)— мураккабгуллдошлар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўт. Пояси тик, бўйи 40—100 *см*. Барги наштарсимон, чети кунгура, бандсиз, баъзан остки томони қалин туклар




Пахтаобод райони. 1. Район Совети бинoси. 2. Марказий касалхона.


б-н қопланган. Тўпгули саватча (икки уйли), уруғчи саватчалари қўнғироқсимон ёки цилиндрсимон, эни 12—15 *мм*, чангчи саватчаларининг эни 8—10 *мм*. Урама баргчалари устмауст жойлашган. Гули пушти. Чангчи иплари туташган, тукли. Уруғи тескари тухумсимон, туксиз. П. июнь-июлда гуллаб, июль — сентябрда уруғлайди. Асосан, экинлар орасида, ташландиқ ерларда тарқалган. ЎзССРда Cirsium туркумининг яна 8 тури учрайди.

ПАХТАЧИ — Хоразм обл. Гурлан р-ни Олға қ. С. даги қишлоқ. «Правда» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 30 *км*. Аҳолиси 633 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Нукусён каналидан сув ичади.

ПАХТАЧИ РАЙОНИ — Самарқанд областидаги р-н. 1935 йилда Нарпай р-ни таркибидан Пахтакор р-ни номи б-н ажралиб чиқиб, 1963 йилда яна Нарпай р-нига қўшилган эди. 1973 йил 12 апрелда Пахтачи р-ни номи б-н яна Нарпай р-нидан ажралиб чиқди. Шарқдан Нарпай, шимолдан Хатирчи, шимоли-ғарбдан Нурота р-нлари, ғарбдан Бухоро области, жанубдан Советобод р-ни б-н чегарадош. Майдони 2,59 минг *км*². Аҳолиси 58500 киши (1976). Р-нда 5 қ. С. (Пўлатчи, Свердлов, Мисит, Карл Маркс, Пахтакор), Зиёвуддин шаҳар посёлкаси, 104 қишлоқ бор. Маркази — Зиёвуддин шаҳар посёлкаси.

Табиати. Р-н областнинг ғарбий қисмида. Зарафшон тоғ тизмасининг давоми бўлган Зирабулоқ ва Зиёвуддин тоғлари р-н терр-ясини икки қисмга: жанубий қисмга—суғорилмайдиган кенг Қарноб чўлига ва шимолий қисмга — суғориладиган Зарафшон водийсининг чап соҳили текислигига ажратиб туради. Терр-яниинг шимолий қисмидан (шарқдан ғарбга томон) Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Унинг ўзани анча паст бўлганлигидан сувидан суғоришда кам фойдаланилади. Экинларни суғоришда Нарпай каналидан фойдаланилади. Р-нининг дашт қисмида канал суви насослар ёрдамида юқорига кўтарилади.





Пахтачи райони, Зарафшон дарёсининг район территориясидаги кўринишларидан бири.

Қишлоқларда булоқ сувларидан ҳам фойдаланилади.

Иқлими кескин континентал. Йилига 230—250 *мм* ёғин ёғади. Баҳор илиқ ва серёғин. Ёзда ҳавот-раси 42°—45° га етади. Июлнинг ўртача т-раси 28°. Январнинг ўртача т-раси —1°, айрим кунлари совуқ —30° га етади. Тупроқлари, асосан, бўз тупроқлардан иборат. Баъзи к-з-ларнинг терр-ясида шўрхок, қумоқ ёки гилли бўз тупроқлар учрайди. Зарафшон дарёси қайирида ер ости сувлари юза бўлгани учун катта-катта майдонларда аллювиал жинслар устида ботқоқ-ўтлоқ тупроқлар пайдо бўлган. Ёввойи ўсимликлардан Қарноб чўлида саксовул, эфемер ва эфемероидлар учрайди, шувоқ, шўра, қиёқ, қўнғирбош, сариқ гулли беда, чайир, лолақизғалдоқ, туяқорин, янтоқ; Зарафшон дарёси тўқайларида хилма-хил ўсимликлар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тўқайларда, Зиёвуддин ва Зирабулоқ тоғларида толай товушқони, жайра, жайран, ёввойи чўчқа, тулки, чиябўри, юмронқозиқ, дала сичқони, каламуш, ондатра ва б. сут эмизувчилар; қушлардан қирғовул, ўткинчи ёввойи ўрдаклар, кўкқўтан, лайлак, тўқай чумчуқлари, читтак, майна, жарқалдирғоч, кўккарға, каптар, зағизғон, бойўғли, сўфитўрғай, каклик ва б.; сув ҳавзаларида ҳар хил балиқлар бор. Чаён, ҳар хил ўргимчак, ниначи, сувилонлар, калтакесаклар, тошбақа ва б. учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; руслар, татарлар, тожиклар, қозоқлар ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км²* га 23,9 киши.

Хўжалиги. Р-нда тош-шағал з-ди, «Узсельхозтехника» р-н бирлашмаси ишлаб турибди. Қ. х. пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, дон етиштиришга ихтисослашган. Р-ндаги умумий ер фондининг 19272 гектари ҳайдалади ва суғорилади. Суғориладиган ерларнинг 12714 гектарига пахта, 2403 *га* ерга беда, 1267 *га* ерга маккажўхори, 2434 *га* ерга дон, 354 *га* ерга полиз-сабзавот ва б. экилади (1976). Р-н хўжаликларида 11558 қорамол (шундан 2672 сигир), 2786 чўчқа, 62671 қўй, 379 эчки, 528 от, 14770 товуқ бор (1976). Давлатга 471732 *ц* пахта, 254045 *ц* беда, 78620 *ц* маккажўхори, 7344 *ц* дон, 70800 *ц* сабзавот ва полиз маҳсулотлари, 219987 *кг* пилла сотилди (1973).



Карл Маркс номли колхоздаги болалар боғчаси.

Р-ндаги 38 умумий таълим мактабида 16482 бола ўқийди (1974—75). 24 кутубхона бор. 1974 йилдан р-н «Пахтачи» газетаси чиқиб турибди. 410 ўринли 3 касалхона, 1 туғруқхона ва поликлиникаларда 54 врач, 70 фельдшер, 145 мед. ҳамшираси ишламоқда.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари З. Норқулова, С. Толмасов, Б. Шовқиев шу р-ликдир.

ПАХТАЧИЛИК — ўсимликшунослигининг йирик тармоғи, *ғўза* ўстириш ва саноат хом ашёси — *пахта* етиштириш б-н шуғулланадиган хўжалик соҳаси. Пахтани қайта ишлаб (тозалаб), тола (30—40%), чигит (60—70%) ва момиқ олинади. Чигит таркибида 24—29% мой, бир оз момиқ бор. Ғўза барги, пояси ва пўстлоғидан 100 дан ортиқ, пахта толасидан 50 га яқин, чигитдан 45 дан ортиқ маҳсулот тайёрланади. П. маҳсулотларидан саноатнинг кўпгина тармоқлари (тўқимачилик, авиация, кимё, автомобиль ва б.)да фойдаланилади. 1 *га* ерда етиштирилган пахтадан (ҳосилдорлик ўртача 30 *ц* бўлганда) 7—8,5 минг *м* газлама, 277 *кг* пахта мойи, 726 *кг* кунжара, 47 *кг* совун, 108 *кг* момиқ, 240 *кг* чигит ва б. олинади. СССРда пахта Узбекистон ССР, Туркманистон ССР, Тожикистон ССР, Озарбайжон ССР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон ССРда етиштирилади.

П.— деҳқончиликнинг қадимий тармоғи. Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Перу ва Мексикада



1. «Коммунизм» колхозида қурилган янги турар жой бинолари. 2. Ғишт заводи.

милоддан аввал ҳам пахта етиштирилган. Ўрта Осиё республикалари, жумладан Узбекистон ҳам бой П. тарихига эга. Ҳозирги Узбекистон терр-ясида бундан 2 минг йил илгари ҳам П. б-н шуғулланилган. Амударё, Сирдарё, Мургоб ва Зарафшон дарёлари водийларидаги мил. ав. 4—3- асрларга оид манзилгоҳлардан чигит ва ип газлама парчалари топилган. 5—6- асрлардаёқ Марв, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва б. пахта ипидан тўқилган матолари б-н шуҳрат қозонган.10- ва 11- асрларда Ғарбий Европада — Венеция ва Болқон ярим оролидаги мамлакатларда ҳам ғўза ўстирилган. Ҳозирги Озарбайжон ССР терр-ясида шу даврда П. пайдо бўлган. Пахта толасидан кийимкечак ва б. тайёрлашда қадимдан, аммо жуда кам фойдаланилган, чунки чигитдан қўлда тола ажратиб олиш кўп меҳнат талаб қилган. Р. Глинков «Ўзи ип йигирувчи» чарх кашф этганидан кейин пахта кўп етиштириладиган бўлди. Бундан бир неча йил кейин америкалик Уитней б-н Холме тола ажраткич ижод қилишди. Механизациянинг бундай энг оддий ва каммаҳсул воситаларидан фойдаланиш П. нинг ривожланишига сабаб бўлди. Уша вақтдан бошлаб пахта майдони кенгайиб борди, тўқимачилик корхоналари қурилди, П. тўғрисидаги фан вужудга келди.

18- аср охирига келиб, кийим-кечак ва б. тайёрлашда фойдаланиладиган табиий (пахта, жун, зиғир, ипак) толаларнинг 77% ини жун, 18,5% ини зиғир ташкил этар, пахта ва ипак толаси 3—4- ўринларда турар эди. Орадан юз йил ўтгач, пахта толаси биринчи ўринга чиқди. Жаҳонда ишлатиладиган толанинг 73% ини пахта толаси, 20,5% ини жун тола ташкил этди. 20- аср ўрталарига келиб жами толанинг 84% ини пахта толаси ташкил этди.

Россияда капитализмнинг ривожланиши, Туркистон ўлкасининг империяга қўшилиши Ўрта Осиё пахтасига бўлган талабни оширди. Пахта майдони йил сайин кенгайди. П. саноат аҳамиятига эга бўла бошлади. Узбекистонда 1900 йили 44,4 минг *га* ерга чигит экилди; 1913 й. 429 минг *га* ерга чигит экилиб, 522 минг *т* (*га* дан ўртача 12,2 *ц*) пахта етиштирилди.

Ўрта Осиёда ўтган аср охирларида пахтакор р-нлар б-н саноат марказларини бирлаштирувчи т. й. қурилиши, серҳосил ғўза навларининг етиштирилиши П. нинг ривожланишига имкон туғдирди, аммо ғўза ўстириш ва пахтани қайта ишлаш усуллари қолоқ эди. Ер ва сув бойлар қўлида бўлиб, ер деҳқонларга ижарага бериларди. Кўп асрлардан бери қўлланиб келинган қолоқ агротехника Октябрь рев-ясигача деярли ўзгармади. Қ. х. қуроли омоч, мола, кетмон ва ўроқ эди. Ер 15—27 *см* гача ҳайдалиб, чигит жўякка (асосан, Фарғона водийсида ва Тошкент атрофида) сепма усулда экиларди. Пахта рангига қараб сорт ва классларга бўлинарди. Хива ва Фарғона пахтаси дунёдаги энг яхши пахта сортларига тенглашган. Фарғона пахтаси барқарор сифатли ҳисобланиб, бошқа сортлар шунга қараб баҳоланган. Тошкент, Мирзачўл, Самарқанд ва Бухоро пахталари Фарғона пахтасидан кейин юрган. П. нинг ривожланиши б-н пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш саноатлари ривожлана бошлади. 1884 й. Қўқонда, сўнг Тошкентда ёғ з-ди қурилди. Рев-яга қадар Россияда етиштирилган пахта мамлакат талабини қондиролмас эди. Ҳар йили саноатда ишлатиладиган пахтанинг 60% часи чет мамлакатлардан сотиб олинарди.

П. нинг ривожланишида Октябрь социалистик рев-яси муҳим бурилиш ясади. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати рев-яниг дастлабки йилларидаёқ П. ни тиклаш ва ривожлантиришга ғамхўрлик қилди. 1918 йилнинг май ойида В. И. Ленин Туркистонда суғориш ишларини ташкил этиш учун 50 млн. сўм ажратиш ҳақидаги декретга, 1920 йилнинг 2 ва 27 ноябрида Туркистон ҳамда Озарбайжонда П. ни ривожлантириш ҳақидаги махсус қарорларга имзо чекди. Бу ҳужжатлар мамлакатда кўплаб пахта етиштиришда, Совет Шарқи республикаларида қисқа муддат ичида қ. х. ни, биринчи галда, П. ни қайта тиклаш ва уни ривожлантиришда мукаммал программа бўлиб хизмат қилди. П. ни тиклаш, уни ривожлантиришда 1925—28 йиллари Ўрта Осиёда ўтказилган ер-сув ислоҳоти муҳим роль ўйнади. Мамлакатни социалистик индустрлаш ва коллективлаштириш П. нинг жадал ривожланишига йўл очиб берди. Биринчи беш йиллик охирида СССРда пахтага бўлган эҳтиёж тўла қондирилди.

Улуғ Ватан уруши йиллари (1941—45) да пахта нисбатан кам етиштирилди. Урушдан сўнг — 1948 йилга келиб, совет пахтачилиги қайта тикланди.

Совет ҳокимияти даврида пахта толаси ишлаб чиқариш 231 минг *т* дан (1913—14) 2 млн. 476 минг *т* га кўпайди (1974). Пиллик ўсиш 19% бўлди. Пахта толаси етиштириш ва ҳосилдорлик бўйича СССР дунёда биринчи ўринга кўтарилди. 1974 йили СССРда 8 млн. 408 минг *т*, жумладан Узбекистонда 5 млн. 330 минг *т* пахта етиштирилди. 1974 йили СССРда етиштирилган пахтанинг 63% дан ортиғини Узбекистон, 13,3% ини Туркманистон, 10,7% ини Тожикистон, 6,3% ини Озарбайжон, 4% ини Қозоғистон ва 2,5% часини Қирғизистон берди (1- жадвалга қ.).



Пахтачи райони. Район марказида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Қудрат Суюновга ўрнатилган ҳайкал.

СССР пахтакор республикаларида пахта майдони ва ҳосилдорлик, *га/ц*.

Республикалар	Экин майдони, минг *га*					Ҳосилдорлик, *га/ц* (чигитли пахта ҳисобида)				
	1913	1960	1965	1970	1974	1913	1960	1965	1970	1974
Узбекистон	429,3	1449,6	1616,4	1782,7	1731,5	12,2	20,3	24,1	26,2	30,8
Тожикистон	26,7	172,4	223	254,5	264,9	12,1	23,2	26,7	23,6	33,2
Туркманистон	69,4	222,0	257,8	397,2	484,7	10,0	16,3	21,5	21,9	23,0
Озарбайжон	103,2	220,2	214,8	193,0	209,6	6,2	16,6	15,6	17,4	25,3
Қозоғистон	15,0	42,6	45,6	44,0	115,2	6,6	11,5	18,8	23,9	29,5
Қирғизистон	21,6	71,2	73,0	74,9	74,0	13,1	17,7	22,9	25,0	28,4
СССР бўйича	688	2191,9	2441,8	2745,8	2880,0	10,8	19,6	23,2	25,1	29,2

СССР бўйича ҳар *га* ердан олинган ҳосил ўртача 29,2 *ц*, Узбекистон бўйича эса 30,8 *ц* бўлди. Бу дунё бўйича энг юқори кўрсаткичдир.

Ингичка толали пахта етиштиришда Узбекистон Тожикистондан кейин 2- ўринда туради. Узбекистонда ингичка толали пахта, асосан, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро областларида етиштирилади. Республикада 1974 йили 63,6 минг *га* ерга ингичка толали ғўза навлари экилиб, ҳар гектар ердан 27,7 *ц* дан, жами 187,9 минг *т* ҳосил олинди.

Сўнгги йилларда янги ва такомиллашган суғориш системаларининг қурилиши, суғориш-

нинг янги системасига ўтилиши, илғор агротехника асосида иш олиб борилиши, янги ерлар ўзлаштирилиши, оғир ишларнинг механизациялаштирилиши ва автоматлаштирилиши, замонавий пахта териш машиналарининг яратилиши П. ни янада ривожлантиришга, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга олиб келди. Совет ҳукуматининг ғамхўрлиги туфайли, совет пахтачилиги юксак механизациялашган қ. х. тармоғига айланди. Буни СССР пахтачилигининг асосий базаси — Ўзбекистон ССР тимсолида кўриш мумкин (2- жадвалга қ.). Ўзбекистон дунёда энг йирик пахтакор ўлка. Бу ерда 103 р-н П. б-н шуғулланади. Дунёда етиштириладиган пахтанинг 12,6% ини ЎзССР беради.

Ўзбекистон областларида пахта майдони ва ҳосилдорлик, *га/ц*

Областлар	Майдони, минг *га*					Ялпи ҳосил, минг *т*					Ҳосили, *га/ц*				
	1913	1960	1965	1970	1974	1913	1960	1965	1970	1974	1913	1960	1965	1970	1974
Тошкент	42	128	146	145	140,6	49	249	353	380	451,6	11,4	19,5	24,2	26,2	32,1
Сирдарё	19	155	211	278	130,4	21	284	441	576	336,4	11,1	18,3	20,9	20,7	25,8
Фарғона	90	175	292	209	190,2	118	323	465	495	583,7	13,0	18,9	24,3	23,7	30,7
Наманган	61	122	129	148	134,3	73	292	352	374	424,3	12,1	—	27,2	25,3	31,6
Андижон	114	163	179	193	185,3	130	430	485	501	606,0	11,4	25,4	27,0	26,0	32,7
Самарқанд	34	159	170	186	177,0	44	311	382	443	529,8	12,9	19,6	22,5	23,8	29,9
Бухоро	30	146	166	166	163,2	33	218	314	469	508,2	11,0	14,9	18,9	28,3	31,1
Қашқадарё	2	78	92	114	128,3	1	144	194	302	370,6	7,0	18,5	21,1	26,5	28,9
Сурхондарё	8	95	109	119	135,4	6	226	306	386	451,6	7,7	23,8	28,0	32,3	33,3
Хоразм	17	98	101	105	105,5	31	265	352	407	435,2	18,3	27,0	34,9	39,0	41,3
ҚҚАССР	12	131	121	120	123,2	16	207	260	335	371,3	13,9	15,8	21,4	27,9	30,1
Жиззах	—	—	—	—	118,1	—	—	—	—	261,3	—	—	—	—	22,1
Жами	429	1450	1616	1783	1731,5	522	2949	3904	4668	5330,1	12,2	20,3	24,1	26,2	30,8

Ўзбекистоннинг суғориш системаларида 31 мингдан ортиқ гидротехника иншоотлари ишлаб турибди. Қурилган сув омборларининг умумий ҳажми 3,7 млрд. $м^3$. Суғориш тармоқларининг узунлиги 180 минг *км*, коллектор-зовур тармоқлари эса 45 минг *км*.

Ҳозир пахта етиштириш деярли тўлиқ механизациялаштирилганлиги натижасида меҳнат сарфи ва пахта таннархи анча камайди. Пахта теришни механизациялаштиришда ҳам катта ютуқларга эришилди. Сирдарё, Жиззах ва б. областлардаги бир қатор хўжаликларда пахта фақат машиналарда терилмоқда. Ўзбекистонда 1950 йили 3%, 1960 й. 17,7%, 1970 й. 33,7%, 1972 й. 45,8%, 1974 й. эса 51%, яъни 2 млн. 715 минг 900 *т* пахта машиналарда териб олинди. Механизаторлардан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова, Ленин мукофоти лауреати Жавод Кўчиев, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Шойимардон Қудратов, Ҳафиз Полвонов, Тўлан Дадажонов, Абдусаттор Қурбонов, Обиджон Акбаров, Аҳмаджон Валиев ва б. жаҳон пахтачилигида рекорд қўйдилар. 1974 йили 50 мингдан ортиқ пахта ва кўсак териш машиналари, подборщик ва кўсак чувиш машиналари ишлади. Қ. х., жумладан П. нинг самарадорлигини оширишда химизация катта аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистонда рев-га қадар минерал ўғитлар умуман бўлмаган. 9-беш йилликда республикамиз хўжаликлари 20 млн. *т* дан ортиқ минерал ўғит олди.

Мўл ва сифатли пахта етиштиришда гербицидлар, пестицидлар, дефолиант ҳамда десикантлардан самарали фойдаланилмоқда. П. ни жадал ривожлантиришда, пахта толасининг технологик кўрсаткичлари юқори бўлган ғўза навларини яратиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Совет ҳокимияти даврида бир қанча ғўза навлари яратилиб, 5 марта нав алмаштирилди. 1972 йили 5- марта нав алмаштирилиб, ўрта толали 108-Ф ғўза нави б-н бир қаторда Содиқ Мираҳмедов яратган вилтга чидамли «Тошкент» навлари, 5904-И ингичка толали ғўза нави б-н бир қаторда Давлат мукофоти лауреати Ю. П. *Хуторной* яратган С-6030 ингичка толали совет ғўза нави ҳам экила бошлади. 1973 йили Ўзбекистонда «Тошкент» навлари 1 млн. 200 минг гектарга экилди.

Пахта майдони йил сайин кенгайиб бормоқда. Мирзачўл, Қарши дашти, Марказий Фарғона, Сурхон-Шеробод чўлида янги ерлар ўзлаштирилмоқда, 9- беш йилликда пахтакор республикаларда 600 минг *га*, жумладан Ўзбекистоннинг чўл р-нларида 465 минг *га* янги ер ўзлаштирилади. 1980 йилга бориб, СССР да 8 млн. *т*, Ўзбекистонда 6 млн. *т* пахта етиштириш кўзда тутилган.

СССРда, жумладан Ўзбекистонда П. нинг ривожланиши қишлоқ меҳнаткашларининг турмуш даражасини тубдан ўзгартирди, пахтакор хўжаликлар иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамланди, қишлоқлар тўлиқ электрлаштирилди ва газлаштирилди, замонавий уйлар қурилди. Совет пахтачилигини илмий асосда ташкил эта биладиган қ. х. кадрлари кўплаб етишди. Ғўза-беда алмашлаб экиш системаси жорий этилди. СССР Министрлар Советининг «Давлатга пландан ташқари сотиладиган пахтанинг харид нархларига устама ҳақ тўлаш» тўғрисидаги 1975 й. 18 июнь қарори катта аҳамиятга эга бўлди.

П. ни ривожлантиришда Бутуниттифоқ Пахтачилик илмий тадқиқот ин-ти (СоюзНИХИ), ЎзССР ФА Усимликлар экспериментал биологияси ин-ти, Г. С. Зайцев номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ғўза селекцияси ва уруғчилиги ин-ти, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Урта Осиё Қ. х. ни механизациялаш ва электрлаштириш ин-ти, Урта Осиё Усимликларни ҳимоя қилиш, Урта Осиё Қ. х. экономикаси, Ўзбекистон Тупроқшунослик ва агрохимия, В. Д. Журин номидаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли Урта Осиё Ирригация, Қорақалпоғистон Деҳқончилик илмий тадқиқот ин-тлари, малакали кадрлар етиштиришда Тошкент Қ. х. ин-ти, Тошкент Ирригация ва қ. х. ни механизациялаш инженерлари ин-ти, Андижон Пахтачилик ин-ти ва б. нинг хизмати катта. Республика илмий тадқиқот муассасаларида 1500 дан ортиқ илмий ходим, жумладан 20 дан зиёд фан д-ри ва 250 дан ортиқ фан канидати П. бўйича ишламоқда (1975). Ўзбекистон республикаси халқ хўжалигини, хусусан, қ. х. ва П. ни ривожлантиришдаги ютуқлари учун икки марта Ленин ордени б-н мукофотланди.

Ҳозир 70 дан ортиқ мамлакатда пахта етиштирилади. Дунё бўйича етиштириладиган пахтанинг 85—90% ини, асосан, СССР, АҚШ, Хиндистон, Покистон, Мексика, Миср Араб Республикаси, Бразилия, Туркия беради. СССРдан бошқа пахта етиштирадиган асосий мамлакатларнинг пахта майдони (минг *га*): АҚШ — 4658, Ҳиндистон — 7487, Покистон — 1902, Бразилия — 2631, МАР — 688, Туркия — 670, Мексика — 459.

СССРда П. нинг назарий ва амалий масалалари «Хлопководство», «Земледелие», «Химия в сельском хозяйстве», «Защита растений», «Селекция и семеноводство» каби марказий, «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги», «Сельское хозяйство Узбекистана» каби республика журналларида ёритилади (464- бетда мақолага оид вклейка берилган).

Ад.: Ленин В. И. Урта Осиё ва Қозогистон тўғрисида, Т., 1960; Шлейхер А. И., Пахтачилик, 1-қисм, Т., 1958; Дадабаев А. Д. и др., Узбекский хлопок, Т., 1973; Хлопководство Узбекистана за 50 лет, Т., 1973.

ПАХТАЧИЛИК — Сурхондарё обл. Денов р-ни Денов қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь 50 йиллиги» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Денов дан 11 *км*. Аҳолиси 1057 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Ҳазарбоғ каналидан сув ичади. Урта мактаб, к-з идораси, клуб, болалар боғчаси, медпункт, касалхона, к-з автопарки, трактор парки, қорамолчилик фермаси ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПАХТАЧИЛИК БРИГАДАСИ — пахтакор хўжаликларда меҳнатни ташкил этишнинг асосий формаси. Ишлаб чиқариш фаолияти характерига қараб, бригадага ер, ишчи кучи, техника ва б. ишлаб чиқариш воситалари биркитиб қўйилади. К-злар йириклаштирилганлиги, ишларни механизациялаш даражаси ва кадрлар маҳорати ортганлиги муносабати б-н пахтачиликда меҳнатни ташкил этишнинг янги прогрессив усули — трактор-далачилик бригадалари ташкил этилди. Бу бригадалар ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ошириш, машина-трактор парки ва ишчи кучларидан унумли фойдаланиш ҳамда иш сифатини яхшилаш имконини беради. Кейинги йилларда илғор пахтачилик к-злари ва с-ларида меҳнатни ташкил этишнинг янги усули — комплекс механизациялашган бригадалар вужудга келди. Бу бригадалар пахта етиштиришдаги ҳамма ишларни механизмлар б-н бажариб, ҳосилни ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга ёрдам беради.

ПАХТАҚАЙНАР — Наманган обл. Поп р-ни Умрзоқов қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 19 *км*, яқин т. й. станцияси — Попдан 20 *км*. Аҳолиси 1049 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Шимолий Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ПАЦАЕВ Виктор Иванович (1933. 19. 6, Актюбинск ш.— 1971. 30. 6) — СССР космонавт-учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1971, ўлимидан сўнг). 1968 йилдан КПСС аъзоси. Пенза индустриал ин-тини тугатиб (1955), Марказий аэрологик обсерватория ва турли конструкторлик бюроларида ишлаган. 1969 йилдан космонавтлар отрядида. 1971 йил 6 июнда «Союз-11» космик кемасининг синовчи-инженери сифатида (кема командири Г. Т. *Добровольский* ва борт-инженери В. Н. *Волков*лар б-н бирга) «Союз-11» космик кемаси ва бошқариладиган «Салют» орбитал станциясидан иборат космик комплексни синашда қатнашган, космосда 23 кеча-кундуз атрофида парвоз қилган. Синов муваффақиятли тамомлангандан сўнг, космик кема Ерга қайтаётганда, қўнишдан 30 минут аввал аппаратда босим пасайиб, космонавтлар ҳалок бўлганлар. Ленин ордени б-н мукофотланган.



Пацаев В. И.

ПАЧКАМАР СУВ ОМБОРИ — Қашқадарё областидаги сув омбори. Р-н маркази — Ғузордан 15 *км*. Қашқадарёнинг чап ирмоғи—Ғузордарёда қурилиб, узунлиги 593 *м*, баландлиги 70 *м* ли тўғон б-н тўсилган. Сув омбори қурилиши 1967 йилда бошланиб, 1969 йилда тугалланди. Унда 283 млн. $м^3$ сув жамғарилади, сув юзасининг майдони 13,5 $км^2$, ўртача чуқурлиги 30 *м*. Тўғон ёнида қурилган темир-бетон қувурдан 55 $м^3/сек$ сув чиқарилади. Сув омборидан чиқарилган Чап соҳил каналидан 20 $м^3/сек$ сув оқизиш мўлжалланган.

Сув омборининг қурилиши муносабати б-н Ғузор р-нининг сув таъминоти яхшиланди, пахта майдони кескин кенгайди, ҳосилдорлик ошди. Халқобод массиви ўзлаштирилиб, янги хўжаликлар пайдо бўлди. Сув омбори қурилмасдан аввал дарё суви б-н 1,9 минг *га* ер суғорилган бўлса, 1973 йили суғориладиган ер 18 минг гектарга етди, шундан 11,2 минг гектари пахтазор.

Сув омборида балиқчилик ривожлантирилмоқда.

ПАЧМОҚТЕПА — Сурхондарё обл. Шеробод р-н Киров номли к-зининг Саидобод қишлоғи терр-ясидаги қишлоқ типидаги тепача (мил. ав. 5—4- асрлар). П. нинг этимологияси номаълум. 1972 йилда ЎзФА Археология ин-тининг Бактрия экспедицияси томонидан археологик қазиш олиб борилган. П. айлана шаклида бўлиб, диаметри 30 *м* (ундан катта хона очилган), майдони 21,5×21,2 *м*, баландлиги 2,6 *м*. П. нинг жанубий ва шарқий томонидаги устки қатлами очилди. 30—35 *см* чуқурликдан сомонли лой б-н сувалган пахса девор қолдиғи топилган (қалинлиги 30—37 *см*, баландлиги 25—30 *см*). Хонанинг архитектура планировкаси Эрон ёдгорликларига ўхшайди. Хона диний маросимларга мўлжалланган бўлиши мумкин. П. дан хум, товоқ, ликопча, қозон каби хўжалик буюмлари ҳамда сопол идиш синиқлари топилган. Сопол идиш синиқлари ва унинг ишланиши ТуркмССР ва Хоразм терр-ясидан топилган сополларга, айниқса, Афросиёб топилмаларига жуда ўхшайди. П. Урта Осиё терр-ясида ўрганилаётган ахоманийлар даврига оид биринчи ёдгорлик бўлиб, ахоманийлар даврига оид халқларнинг диний тасаввурларини билишда муҳимдир.

Ад.: Пидаев Ш. Р., Открытие нового памятника середины I тысячилетия до нашей эры, «Общественные науки в Узбекистане», 1973, № 11.

ПАШАЭЛИ, Чаталжа — Туркиянинг Европа қисмидаги ярим орол. Қора ва Мармара денгизлари ҳамда Босфор бўғози оралиғида. Болқон я. о. нинг энг чекка шарқий қисми. Ер юзаси сертепали текислик (энг баланд жойи 324 *м*). Шимоли-ғарбий қисмида Истранжа тоғларининг тармоқлари бор. Усимликлари Ўрта денгиз атрофи ўсимликларига ўхшаш. П. нинг жанубий-шарқий соҳилида Истанбул шаҳрининг катта қисми жойлашган.

ПАШЕН ҚОНУНИ — икки ясси электрод орасида газ разрядининг ёнишини ҳосил қилувчи энг кичик кучланиш (бир жинсли электр майдонида) *pd* нинг бир хил қийматларида ўзгармас катталик эканлигини билдирувчи қонун (*pd*— газ босими *p* нинг электродлар орасидаги масофа *d* га кўпайтмаси). 1889 йилда немис олими



Пашенная В. Н.

Ф. Пашен (1865—1947) кашф қилган. П. қ. газ разрядлари ўхшашлиги тўғрисидаги қонуннинг хусусий ҳолидир: агар газ босимининг электродлар орасидаги узунликка кўпайтмаси ўзгармас бўлса ва электродларнинг геометрик шакли сақланса, разряд ҳодисалари бир хил содир бўлади. П. қ. тақрибий қонун ҳисобланади. П. қ. газ босими кам ва электродлар орасидаги масофа кичик бўлган ҳолларда тасдиқланган.

ПАШЕ́ННАЯ Вера Николаевна [1887. 7 (19). 9— Москва — 1962. 28. 10]— рус совет актрисаси. СССР халқ артисти (1937). Москва театр билим юртини тугатгач, 1907 йилдан Кичик театр артисти. Любовь Яровая (К. Тренёв, «Любовь Яровая»), Васса Железнова (М. Горький, «Васса Железнова»), Нискавуори бекаси (Х. Вуолийоки, «Тош уя»), Кабаниха, Мурзавецкая (А. Островский, «Момақалдироқ», «Бўрилар ва қўйлар») сингари образлари б-н шуҳрат қозонган. 1914 йилдан Кичик театр студиясида, 1945 йилдан М. С. Шчепкин номидаги театр билим юртида педагог (1941 йилдан проф.). СССР Давлат мукофоти (1943), Ленин мукофоти (1961) лауреати. 2 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Ступени творчества, М., 1964.

Ад.: Толченова Н. П., Живая Пашенная, М., 1969; Вера Николаевна Пашенная. Статьи и воспоминания, М., 1971.



Пашшалар: 1—яшил ўлакса пашшаси; 2—куз пашшаси.

ПАШМАҚ — ширинлик тури. Ўрта Осиёда қадимдан машҳур. П. учун шакар, сирка эссенцияси, олий нав бугдой уни ва қўй ёғи ишлатилади. Тайёрлаш усули: қозонга шакар ва сув солинади (сув миқдори шакар миқдорига нисбатан 30—40% кам). Қозон тўхтовсиз қайнатилади. Қайнатиш (сирка эссенцияси қўшилиб) намлик 1,5—1,7% қолгунига қадар давом эттирилади, сўнгра қўй ёғи қўшилади. Тайёр қандалат массасини унга белаб, қўл б-н тола-тола бўлгунча чўзиб ишлов берилади. Толалар тўпга йиғилиб, махсус ўлчовда кесилади.

ПАШМАҚ (Salsola leptoclada)— шўрадошлар (шўрагуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўсимлик. Пояси тик, сершох, узунлиги 15—45 *см*. Барглари оддий, серэт, ярим цилиндрсимон, тукли, кетма-кет жойлашган. Гуллари тўғри, икки жинсли. Гулқўрғони 5 бўлакли, мева етилиши жараёнида ҳар бир гулқўрғон бўлагидан биттадан қаноткча шакллана боради. П. июль — сентябрда гуллаб, мевалайди. Узбекистоннинг барча областларида тарқалган (ҚҚАССРдан ташқари). Асосан, чўл ва адирлардаги шўр ерларда ўсади.



Пашшақопқон.

ПАШХУРД — Сурхондарё обл. Шеробод р-ни Зарабог қ. С. даги қишлоқ. «Коммунизм» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 35 *км*, яқин т. й. станцияси — Навшаҳардан 80 *км*. Аҳолиси 2398 киши (1974); чорвачилик, пиллачилик, ғаллакорлик б-н шуғулланади. Булоқ ва коризлардан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона, болалар богчаси, ҳаммом, кутубхона, ошхона, чойхона бор.

ПАШШАЛАР (Тошкент шевасидан бошқа шеваларда чивин деб аталади), қисқа мўйловли иккиқанотлилар (Brachycera)— *икки қанотлилар*нинг кенжа туркуми. Ер юзида кенг тарқалган (қ. *Гессен пашшаси, Гўшт пашшалари, Уй пашшаси, Чин пашшалар* ва б.). Буларга қарама-қарши равишда иккинчи кенжа туркумни *чивинлар* ташкил этади.

ПАШШАТОҒ — Нурота тоғ системасидаги Бахилтоғнинг ғарбий давоми. Энг баланд қисми 850 *м*. Оҳактош ва сланецлардан таркиб топган. П. даги оч бўз тупроқларда шувоқ, эфемер, эфемероид ўсимликлар ўсади. Яйлов сифатида фойдаланилади.

ПАШШАҚОПҚО́Н, пашшатутар (Dionaea mucipulum)— шудринггўтдошлар (шудринггўтгуллилар оиласи)га мансуб ўсимлик. Шимолий Американишт торфли ботқоқларида ўсади. Барглари илдиз бўғзидан тўп бўлиб чиқади. Барги икки паллали бўлиб, ҳар палласининг учида тишлари, ўртасида эса учтадан қили бўлади. Бу паллалар П. нинг ҳашаротни тузоққа илинтирадиган сезгир қопқони ҳисобланади. Унга ҳашарот қўниб, қилчаларга тегиб кетиши б-н паллалари беркилиб, тишлари бирикади. Шу заҳоти паллалардан ҳашаротни ҳазм қиладиган суюқлиқ чиқади. Ўлжа ҳазм бўлганидан сўнг паллалар яна очилади.

ПАҚ-ПАҚ, пардарусак (Physalis)— томатдошлар (итузумдошлар, итузумгуллилар оиласи)га мансуб ўтсимон ўсимликлар туркуми. Асосан, Америка ва Осиёнинг тропик ва субтропик ерларида 120 га яқин тури ўсади. СССРда учта ёввойи тури, жумладан Ўрта Осиёда оддий П.-п. учрайди. Пояси тик, баъзан шохланган, бўйи 30—80 *см* ча. Барглари оддий, тухумсимон, чети текис кунгурали, икки томони (асосан, томирлари) туклар б-н қопланган. Гуллари якка, барг қўлтиғидан чиқади. Гултожибарги оқимтир. Косачаси қўнғироқсимон, гуллаб бўлганидан сўнг катталашиб пуфакчага айланади. Меваси олчадек, этли, резавор. Май охирида гуллаб, июнда мевалайди. Меваси таркибида қанд, лимон кислота, алкалоидлар бор. Америкада баъзи турларининг меваси овқатга ишлатилади. Қадимда халқ табобатида қўлланилган.

ПАҲЛАВИЙ (1925 йилгача — Энзели)— Эроннинг шимолий қисмидаги шаҳар ва порт. Каспий денгизининг жанубий соҳилида, Гилон остонида. Балиқ овлаш ва қайта ишлашнинг муҳим маркази. Аҳолиси 48 минг киши (1971). Пахта тозалаш, шоли оқлаш, ёғ-мой, ёғочсозлик, кемасозлик, балиқни қайта ишлаш ва тамаки корхоналари, электр станцияси бор. П. ёнидан полиметалл рудалари қазиб чиқарилади. П. орқали СССР б-н Эрон ўртасидаги ташқи савдо юклари ташилади. П.— денгиз бўйи курорти.

ПАҲЛАВИЙЛАР — Эронда 1925 йилдан ҳукмронлик қилаётган сулола. Асосчиси Ризошоҳ Паҳлавий (1878—1944). Ҳозирги Эрон шоҳи *Муҳаммад Ризошоҳ* Паҳлавий ҳам шу сулоладан.

ПАҲЛАВО́Н МАҲМУ́Д (1247 — Хоразм — 1326)—шоир ва мутафаккир. Асли Кўҳна урганчлик бўлиб, кейинчалик Хивада яшаган. Ў пўстиндўзлик, телпакдўзлик б-н шуғулланган. Ҳиндистон ва Эронда полвонликда донг таратган. Шунга кўра Паҳлавон Маҳмуд деб аталган. Шамсиддин Сомийнинг «Қомус ул-аълом», Лутф Алибек Озарнинг «Оташкадаи Оразий» асарларидаги маълумотларга қараганда, у «Ганз ул-ҳақоиқ» номли маснавий яратган. П. М. нинг бизгача рубоийлари етиб келган. Асарларида моддий борлиқнинг мангулиги, инсон ва табиат, ёр васли ва унинг лаззати ҳақида фикр юритади, одамийликни улуғлайди, ўзи яшаган социал муҳит ва ундаги ярамас хатти-ҳаракатларни, риёкор шайхлар, мунофиқ зоҳидларни аёвсиз фош этади. Форс тилида ижод этган. П. М. рубоийларини Тўхтасин Жалолов, Муинзода, Васфийлар ўзбек тилига таржима қилишган.

Ас.: Рубоийлар, Т., 1962.

Ад.: Маллаев Н. М., Узбек адабиёти тарихи, 1-китоб Т., 1965; Жалолов Т., Маҳмуд Паҳлавон, «Шарқ юлдузи», 1961, № 5.

ПАҲЛАВО́Н МАҲМУ́Д МАҚБАРАСИ, Полвон ота мақбараси — Хивадаги архитектура ёдгорлиги. Мовий гумбазли хонақоҳ, мақбара ва зиёратхонадан иборат комплекс. *Паҳлавон Маҳмуд* дахмаси устига 1664 йилда қурилган кичик синч иморат ўрнида бунёд этилган (1810—35). П. М. м. га пештоқли дарвозахона орқали кирилади, сўнг кичик ҳовлига ўтилади. Қаршида буюк пештоқ ва гумбазли хонақоҳ, мақбара, ғарбда қорихона, шарқда нафис ўймакор устунли айвон. Ҳовли саҳнида «муқаддас» қудуқ бор.

Хонақоҳ пештоқининг юзаси ғиштин; гумбази мовий ранг сиркор кошинлар б-н безатилган. Мақбаранинг ичкариси ҳам то гумбаз қуббасигача мовий ранг сопол б-н жуда нозик ва нафис ишланган. Безак гуллар орасидаги *китоба*лар Паҳлавон Маҳмуд рубоийларидан иборат. Хонақоҳнинг ғарб эшиги орқали зиёратхонага ўтилади. Унда Паҳлавон Маҳмуднинг нафис безакли саганаси қўйилган. Кейинчалик П. М. м. га ва унинг атрофига Хива хонлари қабри жойлаштирилган. Натижада П. М. м. Хоразм хонлари хонадонига мансуб хилхонага айланган. Абдулғозихон (ҳукмронлик йиллари: 1643—63), Шоҳниёзхон (1699—1702), Муҳаммад Раҳим I (1807—26), Темурғозихон (1857—58) ва б. нинг қабрлари бор. П. М. м. комплекси қурилишини ҳазорасплик меъмор Одина Муҳаммад Мурод бошқарган. Сиркор безакларини Хива усталаридан Мулла Нормурод Қаландар ўғли, Сўфи Муҳаммадниёз Абдужаббор ўғли, Абдулла «жин» ва б. бажарган. 1913 йилда П. М. м. ҳовлисининг ғарбига икки қаватли қорихона, унинг қаршисига айвон қурилган. Комплекс Хива меъморлигининг ноёб намунаси бўлиб, унда 19-асрдаги бадиий санъат услуби ёрқин акс этган. Давлат муҳофазасига олинган (416-бетда мақбаранинг рангли расми берилган).

ПАҲЛАВО́Н ТУҚАЙ ҚУРИҚХОНАСИ, Паланғдара қўриқхонаси (Тигровая Балка)— Тожикистоннинг жануби-ғарбидаги қўриқхона. Қуйи Вахш водийсида тўқай ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш мақсадида 1938 йилда ташкил этилган. Майдони 41100 *га*. Асосан, Вахш дарёсининг тўқайзор чап соҳилидаги қайирини ва Қашқақум чўлининг бир қисмини эгаллаган. Қайир Жиликўл қишлоғидан Вахш дарёси Панж дарёси б-н қўшилган жойгача чўзилиб тушган. Қўриқхона терр-яси ўр-қир, дарё қуяр жойлари гил-қумли пасттекислик, ораларида ботқоқ, катта-кичик кўллар бор. Иқлими кескин континентал, январнинг ўртача т-раси 1—3°, июлники 30°. Қайир балини қамишзор, турангил, тол ва жийда, баланд бўйли ўтлар б-н қопланган. Шумтол, заланд бўйли ўтлар б-н қопланган. Шумтол, заранг, қайрагочлардан иборат дарахтзорлар бор. Ўрдак, гоз, лойхўрак, чағалай (чайка), қорабузов, қирғовул яшайди. Сувда лаққа балиқ (100 *кг* га етадиганлари ҳам учрайди), сазан ва б. бор. Инртқич ҳайвонлардан чиябўри, қамишзор мушуги, жайра, сувсар ва б. яшайди. Қамайиб кетган буғу-хонгул ва жайранни кўпайтириш соҳасида ишлар олиб борилмоқда. Бу ерда бўз ранг эчкемар, геккон калтакесаги, заҳарли кўлбор илон, чарх илон (эфа) ва б. учрайди. Қишда шимолдан жуда кўп қушлар учиб келиб қишлайди. Қўриқхона ходимлари илмий тадқиқот ишлари олиб борадилар.

ПЕАНО ЭГРИ ЧИЗИҒИ— *квадрат*нинг барча нуқталаридан ўтадиган узлуксиз чизиқ, яъни $\varphi(t)$, $\psi(t)$ шаклдаги нуқталар тўплами. Бунда $0<t<1$, $\varphi(t)$, $\psi(t)$ узлуксиз функциялар. Бундай чизиқни итальян олими Ж. Пеано топган (1890). П. э. ч. $x=\varphi(t)$, $\psi(t)$ узлуксиз функциялар б-н чизиқ тушунчасини таъриф лаш етарли эмаслигини кўрсатади. Шунинг учун одатда бу функцияларга ўзаро бир қийматли, узлуксиз дифференциалланувчи каби шартлар қўйилади.

ПЕВЦОВ Михаил Васильевич [1843. 21. 5 (2. 6), Новгород губернияси — 1902. 25. 2 (10. 3), Петербург]— Марказий Осиёни тадқиқ қилган рус сайёҳи, генерал-майор. 1876 йилда Жунғарияга, 1878—79 йилларда Монголия (Гоби чўли) орқали Калганга саёҳат қилган; босиб ўтган жойларини маршрут картасига туширив, географик жиҳатдан мукаммал тасвирлаб ёзган. 1889—1890 йилларда Қашқарга ва Куньлунь тоғларига экспедиция уюштириб, бой географик материал тўплаган. П. ва унинг ёрдамчилари — П. К. Козлов, В. И. Роборовский, шунингдек геолог К. И. Богданович 10 минг *км* дан кўпроқ масофани картага туширганлар ва «Шарқий Туркистон ва Тибет тоғлигининг шимолий чеккалари» картасини тузганлар. П. бир хил баландликда туриб иккя юлдузни кузатиш йўли б-н географик кенгликларни аниқлаш усулини ишлаб чиққан; бу усул кейинчалик геодезияда қўлланила бошлади. Олтойдаги музлик П. номи б-н аталган.

Ас.: Путешествие по Китаю и Монголии, М., 1951; Путешествие в Кашгарию и Кунь-Лунь, М., 1949; Об определении географической широты по соответственным высотам двух звёзд, СПБ, 1887.

Ад.: Селиханович В. Г., М. В. Певцов, Путешественник, географ и астроном, М., 1956.

ПЕГА́С (лат. Pegasus)— *осмон сферасининг* шимолий ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузлари 2,4; 2,4; 2,5; 2,8; 3,0 визуал юлдуз катталигида, *Калтакесак, Оққуш, Дельфин, Кичик От, Далв, Ҳут* ва *Андромеда* юлдуз туркумлари оралиғида жойлашган. П. нинг учта ёруғ юлдузи б-н Андромеданинг α юлдузи квадрат ҳосил қилади. СССР терр-ясида август-сентябрь ойларида яхши кўринади.

ПЕГМАТИТЛАР (юнон. pēgma — жипслашган)— магматик тоғ жинслари. Таркибининг асосий қисмини жипслашиб кристалланган *дала шпати* ва кварц ташкил этади. «П.» термини фанга француз олими Р. Ж. Гаюи томонидан киритилган (1801). П. деярли ҳамма вақт нордон ва ишқорли магматик жинслар б-н, баъзан асосли магматик жинслар б-н учрайди. П. нинг пайдо бўлиши ҳақида турлича қарашлар мавжуд. Айрим олимлар фикрича, П. гранит ва б. майда кристалли жинсларнинг газсимон суюқликлар таъсирида қайта кристалланишидан ҳосил бўлади, бошқалар айтишича эса, ер пўстидаги таркибида нодир элементлар бўлган енгил учувчан суюқликларнинг тоғ жинслари оралиқларига кириб кристалланишидан пайдо бўлади. Кўпинча, П. қалинлиги 1—2 *см* дан 10—12 *м* гача, узунлиги 5—10 *см* дан 1—2 *км* гача бўлган ертомир ёки линза шаклида учрайди.

П. даги минералларнинг кристаллари, одатда, ертомирнинг четидан ўртасига қараб катталашиб боради. Айрим кристалларнинг каттлиги 1—2 $м^3$.

Энг кўп тарқалган гранитли П. амалий аҳамиятга эга бўлиб, гранитлар интрузияси б-н боғлиқ. Улар бир неча турга бўлинади; асосийлари қуйидагилар: слюдали П. ерининг чуқур (6 *км* дан ортиқ) қисмида ҳосил бўлиб, плагиоклаз, микроклин, кварц, мусковит, биотит, қора турмалин ва б. дан таркиб топган. Нодир металли П. ўртача (4—6 *км*) чуқурликда шаклланиб, микроклин, кварц, альбит, мусковит, лепидолит ва берилл, рангли турмалин, колумбит, танталит, касситерит, поллуцит ва б. дан иборат. Биллурли П. ерининг нисбатан юза (3—4 *км*) қисмида ҳосил бўлади, таркибида микроклин, кварц ҳамда альбит, мусковит, биотит бор. Булардан ташқари, ертомирлар шаклидаги П. ультраасосли жинслар б-н боғлиқ П., асосий магмалар б-н боғлиқ П., ишқорли П. мавжуд.

П. дан дала шпати, кварц, слюда ажратиб олиниб, керамика, шиша, электротехника саноатида хом ашё сифатида ишлатилади. Нодир элементли П. ҳам саноатнинг айрим соҳаларида муҳим аҳамиятга эга. Асосий конлари СССР да — Карелия, Украина, Уралда, чет элларда эса Швеция, Норвегия ва АҚШда.

Ад.: Ферсман А. Е., Пегматиты, 3 изд., т. 1, М.—Л., 1940; Пегматиты, Сб., Л., 1972; Бабаев К. Л., Гранитные пегматиты Средней Азии, т. 1, Т., 1960.

ПЕДАГОГ (юнон. paidagogos — тарбиячи) — умумий таълим мактаблари, профессионал-техника, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчиси; мактабгача тарбия муассасалари, интернат мактаблари, болалар уйлари, тарбия колонияларн тарбиячиси; педагогика фани проблемалари устида тадқиқот ишлари олиб борувчи илмий ходим.

ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ — муайян мақсадга қаратилган педагогик жараёнда вужудга келадиган психик ҳодисаларни ўрганувчи психология соҳаси. *Таълим* ва *тарбия*нинг психологик асосларини ишлаб чиқади. Психология фанининг мустақил тармоғи сифатида 19-аср охири — 20-аср бошларида пайдо бўлди. П. п. умумий ва *болалар психологияси*, шунингдек *педагогика* б-н узвий боғлиқ. П. п., асосан, таълим психологияси ва тарбия психологиясига бўлинади. Таълим психологиясида ўқув жараёнида *хотира, тафаккур, нутқ, хаёл, ироданинг* роли, шунингдек ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари (*темпераменти, характери, қизиқишлари*), ўқув предметларининг ўзига хос томонлари, таълим жараёнини бошқаришнинг психологик принциплари ва ш. к. ўрганилади. Ҳозирги замон таълим психологиясида ўқувчиларга доимий янгиланиб турадиган ахборотларни мустақил ўзлаштириш имкониятини берадиган, илмий-техника рев-ясидан орқада қолмасликни таъминлайдиган тафаккур сифатларини ўрганиш муҳим масаладир. Совет таълим психологиясида мактабда меҳнат таълими психологик масалаларини ўрганишга алоҳида аҳамият берилади.

Мактабдаги тарбиявий ишлар жараёнида шахснинг шаклланиши масаласини ишлаб чиқиш тарбия психологиясининг асосий вазифасидир. Унда шахснинг ахлоқий сифатларининг шаклланишига алоҳида аҳамият берилади. Совет тарбия психологиясида коммунистик тарбия методикасининг психологик асоси, ўқувчилар коллективининг психологияси муҳим ўрин тутади. П. п. тадқиқотлари ўқув материали мазмунини танлаш, ўқув программалари, дарсликлар тузиш, таълимнинг ҳар хил босқичларида ўқитиш методлари системасини ташкил қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Иванов П. И., Таълимнинг психологик асослари, Т., 1961; Левентуев П. И., Чудовский В. Э. ва б., Болалар психологияси очерклари, Т., 1964; Крутецкий В. А., Основы педагогической психологии, М., 1972; Ительсон Л. Б., Проблемы современной педагогической психологии, М., 1970; Возрастная и педагогическая психология, М., 1973.

ПЕДАГОГИКА (юнон. paidagogike) — инсонни шакллантиришда муайян мақсад сари қаратилган систематик фаолият тўғрисидаги ҳамда таълим-тарбия беришнинг мазмуни, шакли ва методлари ҳақидаги фан.

П.нинг асосий категориялари: шахсни шакллантириш, тарбиялаш (қ. *Тарбия*), *маълумотли* қилиш, *таълим* бериш. Шахсни шакллантириш деб муайян мақсад (тарбия) ҳамда атроф-муҳитнинг турли-туман, кўпинча қарама-қарши таъсири жараёнида инсон индивидуминнинг шаклланиши тушунилади. Марксистик П. да тарбия асосий тушунча ҳисобланиб, у жамият ва онланинг ҳар томонлама ривожланган инсонни шакллантиришдаги муайян фаолиятини ифодалайди. Тарбия тушунчасида, одатда, дунёқарашни шакллантириш, ақлий, ахлоқий меҳнат, эстетик ва жисмоний тарбия компонентлари ажратилади. Билимлар системасини ўзлаштириш, амалий фаолият учун зарур бўлган малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни маълумот олишни англатади. Маълумот умумий ва махсус маълумот бўлиши мумкин. Умумий маълумот кишини унинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган билим, малака, кўникма б-н таъминлайди ва келгусида махсус маълумот олишида асос ҳисобланади. Махсус маълумот бирор касбга тайёрлайди. Умумий маълумот ҳам, махсус маълумот ҳам даражаси ва ҳажми жиҳатидан бошланғич, ўрта ва олий бўлиши мумкин; политехника маълумоти — умумий маълумотнинг таркибий қисми. Маълумот олиш ва тарбиянинг муҳим воситаси таълим бўлиб, у билим, кўникма ва малакаларни бериш ва актив ўзлаштириш жараёнини англатади. Таълим педагогнинг билим бериш ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ишлаш фаолиятларини ўз ичига олади.

П. инсон ва инсоният жамиятини ўрганадиган фанлар системасига (фалсафа, этика, эстетика, психология, сиёсий иқтисод, социология, тарих, анатомия, физиология, медицина ва б.) киради ҳамда бу ва б. фанлар (жумладан математик статистика ва кибернетика)нинг назарий асосларидан, тадқиқот методларидан, шунингдек конкрет тадқиқот натижаларидан фойдаланади.

П. да таълим-тарбия жараёнининг айрим томонларини ўрганиш б-н боғлиқ бир неча мустақил бўлимлар бор. Таълим ва маълумотнинг мақсади, вазифаси, принципи, методлари б-н *дидактика* шуғулланади; шахснинг ахлоқий сифатлари, сиёсий этиқоди, эстетик диди шаклланиши масалаларини, ўқувчиларнинг турли фаолиятларини уюштириш масалаларини тарбия назарияси ва методикаси фани ўз ичига олади; *халқ маорифи*ни бошқариш ва таълим-тарбия муассасаларига раҳбарлик қилиш б-н боғлиқ барча ташкилий-педагогик масалалар устидаги тадқиқотлар б-н *мактабшунослик* шуғулланади. П. соҳасида илмий тадқиқот фаолиятини конкретлаштириш ва П. ни ўқув предмети сифатида чуқур ўрганиш мақсадида П. *мактабгача ёшдаги болалар педагогикаси, умумий таълим, профессионал-техника таълими, олий таълим* каби тармоқларга ажратилган. П. турли хилдаги ўқув юртларида ўқитиладиган айрим фанларни ўқитиш методикасини ҳам ўз ичига олади. Аномал болалар ривожланишининг психофизиологик хусусиятлари, уларга тарбия ва маълумот бериш қонуниятлари *дефектологияда* ўрганилади. Дефектология *сурдопедагогика, тифлопедагогика, олигофренопедагогика, логопедия* каби соҳаларга бўлинади. Тарбия ва таълим назарияси ҳамда практикасининг тарихий даврлардаги ривожланиши П. тарихида ўрганилади.

Тарихи. Тарбиянинг илк шакллари ибтидоий жамият давридаёқ пайдо бўлган: кекса авлод меҳнат жараёнида орттирган тажрибаларини ёш авлодга ўргатишга ҳаракат қилган. Қулдорлик тузуми даврида Шарқда тарбияга оид турли педагогик қарашлар вужудга келди. *Демокрит, Платон, Аристотель* ва б. қадимги юнон философлари асарларида тарбиянинг мақсади, вазифаси, мазмуни ва воситалари ҳақида фикрлар билдирилган. Бу фикрлар мустақил педагогик назариялар тарзида эмас, балки муайян фалсафий система ичида баён қилинган эди. Қадимги юнон философларининг тарбияда этика ва психологик принципларга таяниш, ақлий, ахлоқий ва жисмоний тарбиянинг бирлиги тўғрисидаги ғоялари педагогик тафаккурнинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Феодализм жамияти даврида таълим-тарбия ишлари ҳукмрон феодал тузуми ва диний мафкура мақсадига қаратилди. Хусусан, Ўрта Осиёда тасаввуф маслагининг реакцион шаклари мактаб (қ. *Эски мактаб*) ва *мадрасалар*га катта таъсир кўрсатди. Таълим-тарбия соҳасида икки оқим вужудга келди. Бири диний фикрларни тарғиб қилувчи, таркидунёчиликка чақирувчи, фақат илоҳий «илм»ларни, догматик фикрларни ақлнинг асосий моҳияти деб тушунувчи реакцион оқимдир. *Faззолий, Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Хўжа Аҳрор* кабилар бу оқимнинг йирик намояндалари эдилар. Булар мадрасаларда аниқ фанлардан таълим берилишига қарши турдилар. Иккинчи оқим дунёвий таълимни илгари сурди. Бу оқимнинг моҳияти *Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Улуғбек, Низомий Ганжавий, Носир Хисрав, Саъдий, Умар Ҳайём, Алишер Навоий* каби мутафаккирлар фаолиятида намоён бўлди. Булар тиббиёт, мантиқ, музика, адабиёт, география, математика каби илмлар б-н ёш авлодни тарбиялаш фикрини олға сурдилар. Хусусан Форобий инсоннинг маънавий етук ва мукаммал бўлиши учун жисмоний, ақлий, эстетик ва ахлоқий тарбияни биргаликда олиб бориш зарурлигини қайд этди. Шарқ мутафаккирлари инсон ақл орқали ҳар қандай билимни эгаллашга қодир эканини таъкидладилар ва инсон қобилиятига қаттиқ ишондилар. *«Калила ва Димна»*да, шунингдек Кайковуснинг *«Қобуснома»*, Низомулмулкнинг *«Сиёсатнома»*, Носир Хисравнинг *«Саодатнома», «Рўшноийнома»*, Юсуф Хос Ҳожибнинг *«Қутадғу билик»*, Маҳмуд Кошғарийнинг *«Девону луғотит-турк»*, Аҳмад Югнакийнинг *«Ҳибат ул-ҳақойиқ»*, Алишер Навоийнинг *«Маҳбуб ул-қулуб»* асарларида илғор педагогик қарашлар ҳам ифодаланган.

Ўрта аср Уйғониш даврида Шарқда дунёвий таълим кенг ривожланди. Бироқ кейинги асрларда бутун маданиятда бўлгани сингари таълим-тарбия ишида ҳам диний мафкура, схоластика устунлик қилиб келди. Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилиши (19-асрнинг 70-йиллари) бу ердаги педагогик тафаккурга ҳам прогрессив таъсир кўрсатди. Ўлкада очилган *рус-тузем мактаблари, гимназиялар* таъсирида таълим-тарбия ишларини, таълим методларини қайта қуриш ҳаракати бошланди. Натижада *жадид мактаблари*, турли халқ мактаблари пайдо бўлди. Рус педагоглари таъсирида *Ҳамза* Ҳакимзода Ниёзий, *Абдулла Авлоний*, С. *Саидазизов*, Саид Аҳмад Сиддиқий *(Ажзий)* ва б. илғор педагогик қарашларни илгари сурдилар, П. соҳасида амалий иш олиб бордилар.

Инсонни тарбиялашнинг яхлит назарияси бўлган П. тарихи Европадаги биринчи буржуа рев-ялари давридан бошланиб, чех мутафаккири Я. А. *Коменский* номи б-н боғлиқ. Коменский Европа тарбиясини умумлаштириб, таълим ва тарбиянинг асосий масалаларини ишлаб чиқди, *синф-дарс таълими* системасини яратди. Кейинчалик инглиз философи Д. *Локк*, француз материалистлари А. *Гельвеций*, Д. *Дидро*, Ж. Ж. *Руссо* ва б. П. фанини илғор ғоялар б-н бойитдилар. Педагогик проблемаларни ишлаб чиқишда Швейцария педагог-демократи И. Г. *Песталоцци* фаолияти муҳим босқич ҳисобланди, у тарбия ва таълим назариясини психология негизида қуришга ҳаракат қилди. Песталоццининг таълим ва тарбия жараёнида боланинг ривожланиши, меҳнат таълими масаласи, бошланғич таълим методикасига доир тажриба ва фикрлари 19-асрнинг 1-ярмида тарбия ҳақидаги фаннинг ривожланиши учун омил бўлди. Песталоцци халқ мактабининг биринчи назариётчиси эди. 19-асрнинг 1-ярмида немис педагоги, психологи ва философи И. Ф. *Гербат* П. ни философия ва психологияга суянган назария сифатида кўрсатишга уринди. Унинг консерватив педагогик таълимотини буржуа педагоглари маъқуллаб ривожлантирдилар. 19-аср охирида П. да буржуазия табақалари манфаатларини ифодалайдиган ислоҳотлар б-н чиққан турли оқимлар вужудга келди.

Россияда илғор педагогик ғоялар рус революцион-демократлари (А. Н. *Радишчев*, А. И. *Герцен*, В. Г. *Белинский*, А. Н. *Добролюбов*, Н. Г. *Чернышевский*, Д. И. *Писарев* ва б.) нинг ижтимоий-фалсафий қарашларида айниқса ёрқин намоён бўлди. Улар тарбиянинг мақсади революцион-материалистик дунёқарашга эга бўлган маълумотли, меҳнатсевар, ватанпарвар гражданларни тайёрлашдан иборат деб ҳисобладилар. Россияда П. фанининг вужудга келиши К. Д. *Ушинский* номи б-н боғлиқ. У 19-аср ўрталарида П. ва психология эришган барча ижобий томонлардан ижодий фойдаланиб, яхлит психологик-педагогик қарашларини яратди ва унинг асосида таълим-тарбия назариясини ишлаб чиқди. Ушинский ва унинг тарафдорлари ғоялари таъсирида 19-аср охири — 20-аср бошларида П. ва дидактиканинг умумий масалалари ишлаб чиқила бошлади.

Чинакам илмий П. нинг вужудга келиши ва ривожланишида 19-аср ўрталарида К. *Маркс* ва Ф. *Энгельс* яратган диалектик ва тарихий материализм назарияси ҳал қилувчи роль ўйнади. Маркс ва Энгельс асарларида ҳар томонлама ва гармоник ривожланган кишини шакллантириш мазмуни ва методлари, политехника таълимининг вазифаси, моҳияти, таълимни ишлаб

лаб чиқариш меҳнати б-н қўшиб олиб бориш шакли ва методлари, оила ва ижтимоий тарбия ўртасидаги ўзаро муносабат каби масалалар умумий тарзда қўйилиб, синфий жамиятда тарбиянинг синфий характери очиб берилган. Маркс ва Энгельс *коммунистик тарбия* назариясини ишлаб чиқдилар. Улар ишчилар синфи ҳокимияти ўрнатилгандан кейингина бу назарияни амалга ошириш мумкинлигини кўрсатдилар.

Тарбия ҳақидаги марксистик таълимотнинг асосий қоидаларини В. И. Ленин ривожлантирди ва конкретлаштирди. У социалистик жамиятда ўсиб бораётган авлодда марксистик дунёқарашни шакллантириш, коммунистик эътиқод ва юксак ахлоқий сифатларни вужудга келтириш, кенг илмий политехник маълумот бериш, таълимни ишлаб чиқариш меҳнати б-н боғлаш, ёшларни янги жамият қурилишига фаол иштирок эттириш кераклигини кўрсатиб берди. В. И. Ленининг социалистик маданият, маориф ва коммунистик тарбия ҳақидаги таълимоти Совет П.сининг негизи бўлиб қолди.

Совет П. си. Улуғ Октябрь социалистик ревяси тарбия ҳақидаги марксча-ленинча таълимотни амалга ошириш имкониятини берди. Совет П. фани марксизм-ленинизмнинг инсон ва жамият ҳақидаги таълимотига таяниб, асосий эътиборни ягона меҳнат политехника мактабини тузиш принципларини ишлаб чиқишга, ундаги таълим ва тарбия мазмунини белгилашга, ўқув-тарбия ишларини кучайтириш йўллари ва методларини излашга ва ш. к. масалаларга қаратди. Совет П. сини ривожлантиришда Н. К. *Крупская*, А. В. *Луначарский*, А. С. *Макаренко* ва б. катта роль ўйнадилар. Ўзбекистонда Совет П. сининг ташкил топиши ва ривожланиши Абдулла Авлоний, Ниёзий Ҳусайихон, А. Ибодиев, И. Раҳматуллаев, Муҳаммадрасул Расулий, Абдуқодир Шакурий, В. Ф. Лубенцов, А. Г. Леменовский, Т. Н. Қори-Ниёзий, Қаюм Рамазон, Н. П. Архангельский, С. Р. Ражабов, О. Шарафуддинов, Н. Таканаев, Р. Ўрумбоев, И. Ҳусанхўжаев, Ф. Эргозиев каби педагог ва олимлар номлари б-н боғлиқ.

Марксистик П. даги ҳозирги тадқиқотлар йўналиши ҳар томонлама ва гармоник ривожланган шахсни шакллантиришнинг қулай йўлларини топишга қаратилган. Совет П. си социалистик экономика, маданият ва фан эҳтиёжларига мувофиқ равишда таълимни ривожлантириш йўлларини асослаб беради. Илмий-техника рев-яси даврида барча фан тармоқларида билимлар муттасил ўсиб бормоқда. Бу П. дан халқ маорифининг янги принципи ва мезонларини ишлаб чиқишни талаб қилади. Ўқув ишларини ташкил этиш соҳасидаги тадқиқотлар йўналиши ўқувчилар активлигини ошириш, билимларни эгаллаш жараёнида уларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш йўлларини излаш б-н боғлиқ. Шу муносабат б-н дарсда ўқитувчининг раҳбарлик ролини сақлаган ҳолда ўқувчилар б-н турли хилдаги группали ва индивидуал ишларни ўтказиш ҳисобига классик дарснинг шаклини замонавийлаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ўқувчиларнинг билимга қизиқиши ва қобилиятини максимал ривожлантириш, уларда меҳнатни тўғри ташкил этишга кўникма ҳосил қилиш учун таълим восита ва методларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар қилинмоқда. Ёшларнинг ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбияси, уларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш б-н боғлиқ масалаларни ишлаб чиқиш П. даги муҳим тадқиқотлардан ҳисобланади. СССРда П. бўйича илмий тадқиқотлар, асосан, *СССР Педагогика фанлари академиясида*, педагогика ин-тлари ва ун-тларнинг П. кафедраларида олиб борилади, шунингдек иттифоқчи республикаларда П. фанлари илмий тадқиқот ин-тлари (ЎзССРда — Қори-Ниёзий номли республика *Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти*) бор.

ЎзССРда П. тарихи (С. Ражабов, Э. Қодиров, Р. Ўрумбоев, Р. Усмонов, Ю. Умаров, З. Миртурсунов, А. Фаттаев, О. Муҳаммаджонов ва б.), таълим методикаси (С. Долимов, И. Абдуллаев, А. Зуннунов, Р. Салкаева ва б.), мактабгача ёшдаги болалар П. си (З. Ягудина, Қ. Исмоилова), дефектология (С. Айтматова, Ф. Гордиенко ва б.)да муҳим тадқиқотлар амалга оширилди.

П. га оид тадқиқотлар махсус нашрлар — *педагогика журналларида* эълон қилиб борилади. ЎзССРда П. га оид масалалар *«Совет мактаби»* журнали, *«Ўқитувчилар газетаси»*да ёритилади, адабиётлар, асосан, *«Ўқитувчи»*, *«Фан»* нашриётларида нашр этилади.

Чет эл педагогикаси. П. масалаларини ишлаб чиқишга бошқа социалистик мамлакатларда ҳам катта аҳамият берилади, уларда махсус педагогика илмий тадқиқот ин-тлари (ГДР да П. фанлар академияси) ташкил этилган. Европадаги социалистик мамлакатларда коммунистик тарбиянинг назарияси ва практикасини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшаётган педагог-марксистлар авлоди етишган.

Ҳозирги замон буржуа П. си педагогик философиядаги турли оқимлар ёки диний қарашлар б-н боғлиқ ва моҳият-эътибори б-н улар намояндаларининг тарбия ҳақидаги қарашларини ифодалайди (неопозитивизм П. си, экзистенциализм П.си, неотомизм П.си ва ҳ. к. шу тарзда вужудга келган). Буржуа П.сида дидактика масалаларини ишлаб чиқишга, хусусан, таълимнинг психологик механизмини очиб беришга аҳамият берилмоқда. Шу мақсадда таълимда аудиовизуал воситалар («педагогик технология»)дан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилмоқда. 50—60- йилларда мақталган программали таълим ўзини оқламади: 60- йиллар охирида АҚШда ўтказилган тадқиқотлар ўқитилган программанинг 70 процент самара бермаганлигини кўрсатди. Кўп мамлакатларда, айниқса АҚШда таълим мазмунини замонавийлаштириш масаласига эътибор берилмоқда. Буржуа педагогларининг тарбияга оид ишларида кўп ҳолларда очиқдан-очиқ ёки яширин равишда антикоммунизм ташвиқ қилинади.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., О воспитании и образовании. М., 1957; Ленин В. И., О воспитании и образовании, М., 1973; Брежнев Л. И., Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш тўғрисида, Т., 1974; Королев Ф. Ф., Очерки по истории советской школы и педагогики. 1917—1920, М., 1958; Королев Ф. Ф., Равкин З. И., Корнейчик Т. Д., Очерки по истории советской школы и педагогики. 1921—1931. М., 1964; Общие основы педагогики. М., 1967; Ильина Т. А., Педагогика тарихи, М., 1969; Константинов Н. А., Медынский Е. Н., Шабаева М. Ф., Педагогика тарихи, Т., 1967; Қори-Ниёзий Т. Н., Ҳаёт мактаби, Т., 1964; Педагогика, С. Ражабов таҳрири остида, Т., 1966; Ражабов С., Тарбия ва ўқитиш ҳақида классик таълимот, Т., 1971; Бендриков К. Е., Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865—1924 годы), М., 1960; Кадыров Э. К., Очерки развития общеобразовательной школы советского Узбекистана, Т., 1974; Абдуллаев И., Очерки по методике обучения грамоте в узбекской школе, Т., 1966.

ПЕДАГОГИКА АКАДЕМИЯСИ, Ўзбекистон Педагогика академияси — ишчилар ф-тлари, техникумлар учун умумий фанлардан дарс берадиган педагог кадрлар тайёрлаган олий ўқув юрти. 1929/30 ўқув йили Самарқанддаги Ўзбекистон Олий педагогика ин-ти негизида ташкил этилган. Илмий тадқиқот ишлари ва олий мактаблар учун кадрлар тайёрлашни ривожлантириш мақсадида 1931 йил январида академия ҳузурида аспирантура очилган. Проф.-ўқитувчилар состави йилдан-йилга кенгайиб борган: 1930/31 ўқув йили 87 ўқитувчи (бундан 15 киши проф., 9 доцент, 64 ассистент) бўлган бўлса, 1933 йили 173 ўқитувчи (бундан 30 киши проф., 40 доцент, 70 ассистент) ишлади. Булар орасида В. Л. Вяткин, С. М. Лясновский, Л. Н. Меркулович, Л. И. Парфентьев, П. Солиев, А. М. Титов, Фитрат, Отажон Ҳошим каби машҳур профессорлар бор эди. П. а. 300 дан ортиқ мутахассис тайёрлади, буларнинг 56 процента маҳаллий миллатлар вакили эди. И. М. Мўминов, А. М. Боҳовуддинов, С. Умаров, А. Тўлаганов каби олимлар, Ойдин, Амин Умарий, Уйғун, Ҳамид Олимжон каби ёзувчилар ва б. шу академияда таълим олган. П. а. асосида 1933 йили Ўзбекистон Давлат ун-ти ташкил этилди (қ. *Самарқанд университети*).

ПЕДАГОГИКА ЖАМИЯТЛАРИ — ўқитувчилар, педагогика фани арбоблари ва халқ маорифи соҳасидаги ходимларнинг кўнгилли уюшмалари. Таълим ва тарбиянинг назарий ва амалий муҳим масалаларини ишлаб чиқишда қатнашади. Биринчи марта 1929 йилда Коммунистик академия қошида педагог марксистларнинг жамияти ташкил этилган. Асосчилари — Н. К. Крупская, А. В. Луначарский ва б. Жамиятнинг фаолияти марксистик педагогикани ривожлантириш, чет эл педагогикаси тажрибаларини танқидий ўрганиш, реакцион буржуа педагогик таълимотларига қарши курашиш, маданият ва халқ маорифи соҳасидаги марксча-ленинча ғояларни пропаганда қилишдан иборат бўлган. Обл. марказларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари қошида, йирик мактабларда ва б. жойларда П. ж. нинг филиаллари иш олиб борган. ВКП(б) МКнинг «Бошланғич ва ўрта мактаб ҳақидаги» (1931 йил 5 сентябрь) қарорига асосан жамиятнинг фаолияти ўқитувчиларга методик ёрдам бериш, ўқув программаларининг мазмунини такомиллаштиришга қаратилган. Жамият 1935 йилга қадар ишлади. 1960 йилда РСФСР да, шундан кейин Украина, Белоруссия, Қозоғистон, Грузия, Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Латвия ва Молдавияда П. ж. ташкил этилди.

Ўзбекистон ССРда бундай жамият 1974 йил июнида тузилди (раиси акад. С. Р. Ражабов). Жамиятнинг 200 мингдан ортиқ аъзоси бор (1976). Унинг барча обл.лар, ҚҚАССР ва Тошкент ш.да бўлимлари мавжуд.

П. ж. нинг олий органи — съезд. Съезд 4 йилда 1 марта чақирилади. У Марказий советни сайлайди. Марказий совет қошида ва маҳаллий бўлимларда жамоатчилик асосида секциялар, лабораториялар, ин-тлар ва б. ижодий уюшмалар ташкил қилинди. Жамият конференциялар, симпозиумлар, педагогик ўқишлар ўтказади. Бу илмий-амалий тадбирларнинг материаллари китоб ва брошюра қилиб нашр этилади.

Бошқа социалистик мамлакатлар (Венгрия, Югославия, Чехословакия)да ҳам П. ж. бор.

ПЕДАГОГИКА ЖУРНАЛЛАРИ — таълим-тарбия ва халқ маорифи масалаларига бағишланган даврий нашр тури. П. ж. нинг пайдо бўлиши ва ривожланиши педагогика ва халқ маорифининг умумий ривожланиши б-н боғлиқ. Дастлабки П. ж. 18- асрда Англия, Германияда, кейинроқ Франция, Россияда пайдо бўлди. Туркистонда биринчи марта 1918 йил декабрида Туркистон Маориф халқ комиссарлигининг органи сифатида ўзбек ва рус тилида «Маориф» («Просвещение») журнали нашр этилди. ЎзССРда совет мактаби йўлга қўйилиб, маданий рев-я амалга оширилиши б-н педагогика журналига ҳам талаб кучайди. Мавжуд шароит ва ўсиб бораётган эҳтиёжга қараб «Маориф» журнали бир неча бор қайта ташкил этилди. 1923—24 йилларда «Билим ўчоғи», 1924—33 йилларда «Маориф ва ўқитғувчи», 1934—36 йилларда «Политехник мактаб ва педагогика», 1937—41 йилларда «Совет педагоги-



СССРда нашр этиладиган педагогика журналлари.

каси» номларида чиқди. ЎзССРдаги ҳозирги асосий педагогика журнали —*«Совет мактаби»* (1951) шу журналларнинг давомчисидир.

СССРда 1975 йили 50 га яқин П. ж. чиқарилди. Йирик марказий П. ж.: *«Советская педагогика»* (1937), «Народное образование» (1946), «Вестник высшей школы» (1940), «Среднее специальное образование» (1954), «Вечерняя средняя школа» (1961), «Профессионально-техническое образование» (1952), «Воспитание школьников» (1966), «Вопросы психологии» (1955), «Дефектология» (1969). Булардан ташқари, умумий таълим мактабларида айрим ўқув предметидан дарс бериш методига бағишланган марказий журналлар ҳам нашр этилади («География в школе», «Математика в школе ва б.).

ПЕДАГОГИКА ТАЪЛИМИ — педагогика ин-тлари, билим юртлари ва ун-тлар орқали умумий таълим мактаблари ва б. ўқув-тарбия муассасалари учун педагог кадрлар (ўқитувчи, тарбиячилар ва ш. к.) тайёрлаш системаси; кенг маънода — профессионал-техника, ўрта махсус ва олий мактабни ўз ичига олган барча типдаги ўқув юртлари учун педагог ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш (қ. *Олий таълим, Ўрта махсус таълим, Профессионал-техника таълими, Аспирантура, Малака ошириш*). П. т. СССРда *халқ маорифи* системасининг таркибий қисми бўлиб, халқ хўжалиги тараққиёти планига мувофиқ амалга оширилади.

Октябрь рев-ясига қадар Ўзбекистонда маҳаллий миллат вакилларидан ўқитувчи-педагоглар тайёрлайдиган махсус ўқув юртлари йўқ эди. Мадрасаларни битирганлар (муллалар), хоҳласалар мактаб очиб ўқитувчилик қилардилар. Подшо ҳукумати Туркистондаги рус бошланғич мактаблари ва *рус-тузем мактабларини* ўқитувчилар б-н таъминлаш мақсадида 1879 йили Туркистон ўқитувчилар семинариясини очди. Бу семинария ўлкадаги бирдан-бир педагогика ўқув юрти эди. 1915 йили Тошкентда Ўқитувчилар ин-ти очилиб, унга 16 киши қабул қилинди. Булар орасида маҳаллий миллатлардан бирорта ҳам киши йўқ эди; ин-т 2 йилга етар-етмас ёпилди.

Бутун СССРда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам чинакам П. т. Октябрь рев-ясидан сўнг амалга оширила бошлади. Янги мактаблар ҳамда ўқитувчилар тайёрлаш ишини ташкил этишда В. И. Ленин ғоялари ҳал қилувчи роль ўйнади. Совет П. т. системасининг вужудга келиши Н. К. Крупская, А. В. Луначарский, М. Н. Покровский ва б. номи б-н боғлиқ. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати подшо Россиясининг чекка ўлкаларидаги қолоқликни, хусусан, саводсизликни тугатишнинг асосий манбаи педагог кадрлар тайёрлаш деб ҳисоблади ва бу соҳада давр талабига мувофиқ муҳим тадбирларни амалга оширди. 1918—19 йилларда Туркистон ўлкасининг бир қанча шаҳарларида педагогика ўқув юртлари барпо қилинди. Айрим рус-тузем мактаблари негизида бошланғич мактаблар ва турли ўқув муассасалари учун ўқитувчилар тайёрлайдиган педагогика техникумлари очилди. Булардан, айниқса, Наримонов номли Тошкент педагогика техникуми машҳур бўлиб, ундан ўзбек совет зиёлиларининг кекса авлодига мансуб талантли кадрлар етишиб чиқди. Оммавий суратда совет ўқитувчиларини тайёрлаш мақсадида жуда кўп курслар очилди. Курслар йўли б-н ўқитувчилар тайёрлаш вақт-вақти б-н такрорланиб турди.

1918 йил 21 апрелда Тошкентда очилган *Туркистон Халқ университети* Ўзбекистонда халқ маорифи тараққиётида катта аҳамиятга эга бўлди. 1920 йил 7 сентябрда В. И. Ленин имзо чеккан декретга мувофиқ ташкил этилган Туркистон Давлат ун-ти республика халқ хўжалигини олий маълумотли мутахассислар б-н таъминлашда, айниқса малакали педагоглар тайёрлашда асосий манба бўлди (қ. *Тошкент университети*).

20-йиллардан янги типдаги педагогика ўқув юртлари — маориф билим юртлари (инпрослар) очилди. Бу инпросларни битириб чиққан ўқувчилар 2-босқич мактабларга ўқитувчи қилиб юборилар ёки олий ўқув юртларида ўқишни давом эттирарди. ЎзССРда хотин-қизлар маорифини ривожлантириш асосий вазифалардан эди. Шу мақсадда хотин-қизлар учун махсус инпрослар, курслар ташкил этилди. Инпрослар да ишлашга энг яхши педагогларни жалб этиш мақсадида уларда дарс берувчи педагоглар ҳуқуқи Туркистон Давлат ун-ти педагоглари ҳуқуқига тенглаштирилди. Инпрослар 1929 йили педагогика техникумларига, 1937 йили педагогика билим юртларига айлантирилди.

Ўқитувчилар малакасини ошириш, уларга методик ёрдам кўрсатишда Фарғонада Т. Н. *Қори-Ниёзий* очган намуна иш мактаби, Тошкентда *Либкнехт номли намуна иш мактаби*, Н. Г. *Чернишевский номли намуна иш мактаби, Алмаий номли намуна иш мактаби* катта аҳамиятга эга бўлди. Бу мактабларда ўқитувчилар учун тажриба-намуна дарслари, семинарлар, конференциялар ўтказиб турилган.

СССРда олий педагогика ўқув юртлари системаси, асосан, 30-йилларда барпо этилди. Ун-тларнинг педагогика ва б. ф-тлари асосида педагогика ин-тлари тармоқлари ташкил топди. Ўзбекистонда САГУ негизида 1935 йили *Тошкент Педагогика институти* очилди. Малакали миллий педагоглар тайёрлаш ва педагогик тадқиқотларни кучайтириш мақсадида 1929/30 ўқув йили Самарқанд Олий педагогика ин-ти (1927) Ўзбекистон Давлат *педагогика академиясига* (қ. *Самарқанд университети*), 1934 йили Ўзбекистон илмий тадқиқот ин-ти (1929) Ўзбекистон *Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтига* айлантирилди. Мамлакатда умумий етти йиллик таълимга ўтилиши муносабати б-н ўқитувчилар ин-тлари ривож топди (50-йилларда улар қайта ташкил этилиб, педагогика ин-тлари ва билим юртларига қўшилди). Таълимнинг кечки ва сиртқи формалари орқали ўқитувчилар тайёрлашга киришилди (қ. *Кечки таълим, Сиртқи таълим*). 1940 йили ЎзССРда 7 та ўқитувчилар ин-ти, 2 та педагогика ин-ти, 16 та педагогика техникуми ишлади. 1924 йилдан 1940 йилгача Ўзбекистоннинг педагогика олий ўқув юртларини 7924, педагогика техникумларини 7723 киши тамомлади; шу давр ичида турли хил педагогика курсларини 44499 киши, кечки ва сиртқи ўқув юртлари ва курсларини 3509 киши битириб чиқди. Ўқитувчилар малакасини ошириш учун барча обл. марказларида *ўқитувчилар малака ошириш институтлари* ташкил этилди. П. т. системасини такомиллаштиришда СССР МИКнинг «Олий мактаб ва техникумлар ўқув программалари ва режими» (1932), СССР ХКС ва ВКП(б) МКнинг «Олий ўқув юртлари иши ва олий мактабга раҳбарлик ҳақида» (1936), КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Олий ва ўрта махсус таълимни янада ривожлантириш ҳамда мутахассислар тайёрлаш ва улардан фойдаланишни яхшилаш тадбирлари ҳақида» (1963), «Мутахассислар тайёрлашни яхшилаш ҳамда мамлакатдаги олий ва ўрта махсус таълимга раҳбарликни такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» (1966), «Мамлакатда олий таълимни янада такомиллаштириш тадбирлари ҳақида» (1972), «Ёшларни умумий ўрта таълимга ўтказишни тугаллаш ва умумий таълим мактабларини янада ривожлантириш тўғрисида» (1972), «Ўрта махсус ўқув юртларига раҳбарликни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини яхшилаш ҳақида» (1974) ва б. қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

П. т ҳозирги системаси, асосан педагогика (жумладан чет тиллари) ин-тлари, *университетлар*, педагогика (жумладан музика-педагогика) билим юртлари, индустриал-педагогика техникумларидан иборат. Педагогика ин-тлари ўрта мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлайди. Уларда 4 йиллик таълим муддати б-н она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, математика, физика, кимё, биология, география, тарих, чизмачилик ва расм солиш, мактабгача ёшдаги болалар педагогикаси ва психологияси, дефектология, жисмоний тарбия, музика ва ашула, бошланғич таълим педагогикаси ва музикаси мутахассисликлари бор. Икки соҳали мутахассисликда (мас., биология ва кимё, география ва биология) ва чет тиллари педагогикасида 5 йиллик таълим муддати белгиланган. Ҳамма мутахассисликлар бўйича педагогика ин-тларининг ўқув планига ижтимоий фанлар — КПСС тарихи, марксча-ленинча философия, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм асослари (марксча-ленинча этика ва эстетика асослари, илмий атеизм асослари факультатив тарзда ўқитилади) ва педагогика фанлари — педагогика тарихи, психология, дарс бериш методикаси, мактаб гигиенаси, жисмоний тарбия киритилган. Танланган мутахассисликка тегишли фанлар ўқув планида етакчи ўрин тутади. Ун-тларда П. т. студентларнинг илмий-назарий тайёргарлиги кенглиги б-н фарқ қилади, лекин уларда педагогика ва методика кам ўрин тутади. 1974/75 ўқув йили СССРда 199 та педагогика ин-ти, 63 та ун-т, жумладан ЎзССРда 17 та педагогика ин-ти, 2 та ун-т (ТошДУ, СамДУ) ишлади. ЎзССРдаги педагогика ин-тлари (1975): Комсомол 30 йиллиги номли *Андижон Педагогика институти*, *Андижон Тиллар институти*, С. Оржоникидзе номли *Бухоро Педагогика институти*, Жиззах Педагогика ин-ти (1973), Ҳ. Ҳ. Ниёзий номли *Наманган Педагогика институти*, Республика *рус тили ва адабиёти Сати педагогика институти*, С. Айний номли *Самарқанд Педагогика институти*, Ғ. Ғулом номли *Сирдарё Педагогика институти*, Ойбек номли *Термиз Педагогика институти*, Низомий номли *Тошкент Педагогика институти*, Ф. Энгельс номли *Тошкент Чет тиллар педагогика институти*, *Тошкент область Педагогика институти* (Янгиер ренда), Улуғбек номли *Фарғона Педагогика институти*, В. И. Ленин номли *Хоразм Педагогика институти* (Урганчда), Ҳ. Олимжон номли *Қарши Педагогика институти*, Т. Г. Шевченко номли *Қорақалпоғистон Педагогика институти* (Нукусда; 1976 йил июндан унинг асосида Нукус университети ташкил этилди), Муқимий номли *Қўқон Педагогика институти*.

Педагогика билим юртлари умумий таълим мактабларининг бошланғич (1—3) синфлари учун ўқитувчилар, мактабгача ёшдаги болалар муассасалари учун тарбиячилар, мусиқа раҳбарлари, 4—8-синфлар учун жисмоний тарбия, мусиқа, тасвирий санъат ва чизмачилик, меҳнат таълими ўқитувчилари, катта пионер вожатийлар тайёрлайди. Педагогика билим юртларининг ўқув планига кўра, уларда ўрта мактабларда ўтиладиган умумий таълим фанларидан ташқари, махсус фанлар (дарс бериш методикаси, мактаб гигиенаси, психология, педагогика ва б.) ўқитилади. Бундан ташқари, узоқ муддатли педагогика практикаси бўлади (қ. *Ўрта махсус ўқув юртлари*). 1974/75 ўқув йили СССРда 405, жумладан ЎзССРда 32 та педагогика билим юрти ишлади. Индустриал-педагогика техникумлари профессионал-техника билим юртлари учун ишлаб чиқариш таълими мастерлари тайёрлайди. Бундай техникумлар дастлаб 1943 йили Москва, Куйбишев, Магнитогорскда очилган. 1974/75 ўқув йили СССРда 70 га яқин, жумладан ЎзССРда 2 та (Тошкентда 1945 ва 1958 йиллар ташкил этилган) индустриал-педагогика техникуми ишлади.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ, Т. Н. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот ин-ти (ЎзПФИТИ) — педагогика назарияси ва тарихи, педагогик психология ва хусусий методикалар соҳасида илмий-педагогик тадқиқотлар олиб борадиган муассаса. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги қарамоғида. 1929 йили Самарқандда Ўзбекистон Давлат илмий тадқиқот ин-ти сифатида ташкил этилган. Бу ин-т 1931 йили Тошкентга кўчирилиб, айрим соҳалар бўйича бир неча ин-тга, жумладан Ўзбекистон Маданий қурилиш илмий тадқиқот ин-тига (ЎзМҚИТИ) бўлинди. 1934 йили ЎзМҚИТИ қайтадан тузилиб, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот ин-тига айлантирилди. ЎзПФИТИ 1939—46 йиллар Ўзбекистон Мактаблар илмий тадқиқот ин-ти деб аталган.

ЎзПФИТИнинг Қорақалпоғистон филиали (Нукус шаҳрида), 3 бўлими (педагогика назарияси ва тарихи, педагогик психология ва дефектология, физиология ва мактаб гигиенаси); 22 сектори (мактабгача ёшдаги болалар тарбияси, бошланғич таълим, онла, мактаб ва жамоатчилик, умумий ва профессионал таълим проблемалари, профессионал ориентация, профессионал-техника таълимининг дидактик асослари, она тили ва адабиёт ўқитиш методикаси, рус тили ва адабиёти, чет тиллар ўқитиш методикаси, тарих ва жамиятшунослик, география, математика ва чизмачилик, физика ва астрономия, кимё ва биология, жисмоний тарбия, эстетик тарбия, меҳнат таълими, ўқитиш дидактикаси ва техника воситалари, редакция-нашриёт), илмий архиви, кутубхонаси бор (1975). Аспирантура орқали юқори малакали педагог кадрлар тайёрлайди. Ин-т ҳузурида Ўзбекистон ССРда педагогика фанлари соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотларни координация қилиш бўйича Республика Бирлашган илмий кенгаши тузилган (1969 йил июль). ЎзПФИТИ ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ўқитиладиган мактаблар учун она тили ва адабиёт, рус тили ва адабиётидан ҳамда чет тиллардан бериладиган таълимнинг мазму-

нини белгилаб беради. Ўзбек халқининг тарихи ва маданиятини, шунингдек республиканинг экономикаси ва табиатини ҳисобга олган ҳолда тарих, табиий ва иқтисодий географиядан, табиатшунослик, ботаника, зоология ва анатомия, ашула, музика, тасвирий санъат, меҳнат таълими ва жисмоний тарбия юзасидан ўлкашунослик материалининг илмий асосланган психологик-педагогик принципларини ишлаб чиқади. Республика умумий таълим мактаблари ва профессионал-техника ўқув юртлари ўқувчиларига таълим бериш ва коммунистик тарбиянинг илғор методларини ўрганиш, умумлаштириш ва кенг ёйиш ишлари б-н шуғулланади. Ин-т илмий асарлар сериясини, программалар, ўқув қўлланмалари, Ўзбекистон шароитида таълим ва тарбия процессининг ўзига хос масалаларини акс эттирадиган илмий-методик мақолалар тўпламларини нашр этади.

ПЕДАГОГЛАР КЕНГАШИ, педсовет — СССРда умумий таълим ёки ўрта махсус ўқув юртларида ўқув-тарбиявий ишларга коллектив раҳбарлик қилиш органи. П. к. га мактаб директори, унинг ўринбосарлари, мактабнинг ҳамма педагоглари, кутубхоначиси, бош пионервожатий, мактаб врачи, ота-оналар комитетининг раиси киради. Унга мактаб директори раислик қилади. П. к. ҳар қайси иттифоқдош республика маориф министрлиги тасдиқлаган низом асосида иш олиб боради. П. к. да мактабда бажарилган ишлар плани, ўқув-тарбиявий ишлар якуни, ўқитувчи ва синф раҳбарларининг ҳисоботлари, ота-оналар б-н ишлаш, аҳоли орасида педагогик пропагандани ташкил этиш масалалари муҳокама этилади; ўқувчиларни рағбатлантириш ёки жазолаш ҳақида қарорлар қабул қилинади; мактабда методик ишларни олиб бориш йўллари белгиланади ва ҳ. к. П. к. қарорлари кўпчилик овози б-н қабул қилинади ва мактаб директори (ўринбосари) тасдиқлаганидан кейин кучга киради. П. к. ўқув йили давомида 5—7 марта ўтказилади.

ПЕДИАТРИЯ (юнон. pais — гўдак ва iatreia — даволаш) — ёш болалар анатомияси, физиологияси, патологияси, терапияси ва гигиенасини ўрганадиган фан; медицинанинг бир бўлими. Болалар организмини турли ўсиш даврларида чуқур ўрганиш, шу тариқа организмнинг ҳар томонлама ривожланиши ва зарарли омилларга нисбатан чидамли бўлиши учун энг яхши шароит яратиб бериш П. нинг асосий вазифасидир.

Болаларни овқатлантириш, парвариш қилиш, баъзи болалар касалликларини даволаш тўғрисида айрим фикр ва маслаҳатлар *Гиппократ, Гален, Абу Али ибн Сино* ва б. асарларида учраса ҳам, П. 19-асрнинг иккинчи ярмида мустақил фан сифатида шаклланди.

Россияда П. XVIII асрлардаёқ ривожлана бошлади. Рус олимлари С. Г. Зибелин, Н. М. Максимович-Амбодик болалар касалликларини ўрганиш ва даволаш ишларига катта аҳамият бердилар. Рус педиатрларидан С. Ф. Хотовицкий 1836 йилдан Петербург медико-хирургик Академиясида илк бор болалар касалликлари курсини ўқий бошлади. Петербургда биринчи болалар касалхонаси очилди. Н. Н. Бистров, Н. А. Тольский, К. А. Раухфус, Н. Ф. *Филатов*, Н. П. Гундобин каби қатор олимлар ўз ишлари б-н Россияда П. нинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшдилар. Революциядан сўнг иттифоқимизда П. жуда тез ривожланди. СССРда П. тараққиёти А. А. Кисель, В. И. Молчанов, Г. Н. *Сперанский*, Ю. Ф. Домбровская, М. Я. Студенкин ва бошқаларнинг номи б-н боғлиқ.

Ўзбекистонда П. Октябрь революциясидан сўнг шаклланди. Республикада П. ривожига рус олимларидан П. П. *Ситковский*, Г. К. Хрущев, А. Н. *Крюков* ва б. катта ҳисса қўшдилар. 1935 йилда ТошМИда П. ф-ти очилди. 1963 йилда Самарқанд медицина ин-тида, 1966 йилда Андижон медицина ин-тида бундай ф-тлар ташкил этилди.

1972 йилда Тошкентда Урта Осиё медицина Педиатрия институти таъсис этилди. Шунингдек, республикамизда оналар ва болаларни муҳофаза қилиш, болалар касалликларини тубдан камайтириш иши ҳам ғоят юксалди. 1927 йилда республика оналар ва болаларни муҳофаза қилиш илмий тадқиқот ин-ти (ҳозир Ўзбекистон Педиатрия илмий тадқиқот ин-ти) очилди.

Революцияга қадар ўлкамизда болалар ўртасида кенг тарқалган безгак, лейшманиоз, рахит, бўғма ва бошқа касалликларни даволаш, хусусан, олдини олиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди. Р. С. *Гершенович* ўзининг бу соҳадаги йирик ишлари б-н Ўзбекистонда П. фанини асослаган олимлардан ҳисобланади.

К. Г. *Титов* (болалар қон системаси касалликлари, диатезни ўрганиш), С. Н. *Йўлдошева*, М. Р. *Нуриддинов* (болалар ревматизмининг тарқалиши, даволаш ва олдини олиш), С. С. *Шамсиев* (иссиқ иқлим шароитида меъда, ичак, нафас йўллари касалликларини даволаш ва олдини олиш) лар П. фанини бойишига муҳим ҳисса қўшди. Республика миқёсида болалар орасида юқумли касалликларни аниқлаш, профилактика тадбирлари ўтказишда юксак натижаларга эришилди (Х. А. Юнусова, О. С. Маҳмудов, А. А. *Саидаҳмедов* ва б.); К. Х. *Тоҳиров* (болалар хирургияси), Ф. Х. Назармуҳамедов, Н. А. Бодня, А. *Чуканин*, А. Э. *Сайдалиев*, Э. М. *Ходиев*, М. А. Мирзамуҳамедов, Б. Х. Қорахўжаев, З. Н. Бекназарова, Е. В. Пашковский, А. Т. *Оқилов*, Г. К. Қосимхўжаев ва б. нинг П. соҳасидаги ишлари муҳим аҳамият касб этди. Ҳозир республикада 500 дан ортиқ болалар поликлиникалари бор, касалхоналарда болалар учун 30000 дан зиёд ўрин ажратилган, 40 дан ортиқ болалар санаторийлари мавжуд. Уларда 5000 дан ортиқ педиатр шифокорлар хизмат қилмоқда. Республика педиатр врачлар илмий жамияти (1924 йилда тузилган) бор.

Ад.: Гершенович Р. С., Детские болезни жарких стран, Т., 1947; Гольдфельд А. Я., Очерки по истории педиатрии в СССР, М., 1970; Шамсиев С. Ш., Основы клинической фонокардиографии у детей, Т., 1971; Махмудов О. С., Ку-лихорадка у детей, Т., 1971; Тоҳиров К. Х., Уллиев Ю. Б., Болаларда сийдик тош касаллиги, Т., 1972; Белоусов В. А., Певзнер А. Д., Болалар касалликлари, [Дарслик], Т., 1972; Мананникова Н. В., Охрана здоровья детей в СССР, М., 1973; Махмудов О. С., Дизентерия у детей, Т., 1974; Юнусова Х. А., Вирусные инфекции у детей, Т., 1975; Справочник педиатра, под ред. проф. М. Я. Студенкина, 2 изд., Т., 1972.

ПЕДОЛОГИЯ (юнон. pais — гўдак ва ... *логия*) — болалар ҳақидаги реакцион буржуа сохта фани. Болаларнинг ривожланишидаги психологик, анатомик-физиологик, биологик, социологик қарашлар мажмуини ифодалайди. Болалар тақдири, зеҳни ва қобилиятлари ирсият ва қандайдир ўзгармас муҳит б-н белгиланади, деб даъво қилади. Бу б-н педологлар буржуа

педагогикасидаги ирсий тафовут — гўё меҳнаткашлар болалари зеҳнисиз, билим, маданиятни эгаллаш қобилиятлари паст деган реакцион хулосани оқламоқчи бўладилар. П. да болининг ривожланишида тарбиянинг роли эътиборга олинмайди. П. намояндалари таълимда биологик тафовутларга эътиборни кучайтириб, ўқувчилар қобилиятини аниқлашда ғайри илмий *тест*лардан фойдаланишни илгари сурдилар.

П. 19-аср охирида дастлаб АҚШда, кейинроқ Ғарбий Европада пайдо бўлди ва кенг тарқалди. Асосчилари: америка психологи Г. С. Холл, О. Христен ва б. П. 20-асрнинг 20-йиллари охири — 30-йиллар бошида СССРда ҳам тарқалиб, совет мактабидаги назарий ва амалий тарбияга зарар етказди. ВКП(б) МКнинг 1936 йил 4 июлдаги «Маориф халқ комиссарлиги системасидаги педология бузғунчиликлари тўғрисида» қарори асосида П.нинг фанга хилоф моҳияти фош этилиб, совет мактабларидаги педологик тажрибаларга барҳам берилди.

Ад.: Петровский А. В., История советской психологии, М., 1967; Константинов Н. А., Медицинский Е. Н. Шабаева М. Ф., Педагогика тарихи, Т., 1967; Ражабов С., Ўзбекистонда совет мактаби тарихига доир, Т., 1957.

ПЕДОЦЕНТРИЗМ (юнон. pais — гўдак ва лат. centrum — марказ) — буржуа педагогикасидаги реакцион оқим. Таълимнинг мазмуни, уни ташкил этиш ва методлари жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий шароити ва эҳтиёжига қараб эмас, балки фақат болаларнинг бевосита талаби ва туғма қизиқиши б-н белгиланиши керак, деб даъво қилади. П. да ўқувчиларга системали билим беришга «бола шахсияти ўзини мумкин қадар кўрсатиш имкониятига эга бўлган», яъни болалар қизиқиши зўр бўлган ўйинлар, суҳбатлар ва б. машғулотлардан иборат ўқув жараёни қарши қўйилади; ўқитувчининг болалар таълими ва тарбиясидаги муҳим роли инкор этилади. П. ғоялари Ж. Ж. *Руссо, Ж. Дьюи*, машҳур бельгия педагоги ва психологи О. Декроли педагогик системасининг асосий қисмини ташкил этади. П. принциплари прагматик педагогикада яна ҳам очиқ ифода қилинган.

ПЕЙВЕ Ян Вольдемарович [1906. 21. 7 (3. 8), Калинин обл. Торопец р-ни — 1976. 13. 9, Москва] — агрохимик, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1969), СССР ФА акад. (1966), Латвия ССР ФА акад. (1946). 1940 йилдан КПСС аъзоси. Москва Қ. х. академиясини тамомлаган (1929). 1931—44 йилларда Бутуниттифоқ луб экинлари илмий тадқиқот ин-тида ишлаган (1942—44 йилларда директор). Латвия Қ. х. академияси ректори (1944—50). Латвия ССР ФА президенти (1951—59). 1963 й. СССР ФА К. А. Тимирязев номидаги Усимликлар физиологияси ин-тида микроэлементлар биохимияси лабораторияси мудири. 1971 йилдан СССР ФА умумий биология бўлимида академик-секретарь. Асосий илмий ишлари микроэлементлар (бор, мис, молибден ва б.) химияси ва биохимиясига, шунингдек калий, алюминийга бағишланган. Микроэлементларга оид ишлари учун Ленин мукофотига сазовор бўлган (1964). КПСС 22-съездида КПСС МК аъзолигига кандидат, КПСС 23-съездида КПСС МК аъзоси. 4—7-чақириқ СССР Олий Совети депутати. 5—6-чақириқ СССР Олий Совети Миллатлар Совети раиси. 4 марта Ленин ордени, 5 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Микроэлементы и ферменты, Рига, 1960; Биохимия почв, М., 1961; Руководство по применению микроудобрений, М., 1963.

ПЕЙЗАЖ (франц. pays — жой, макон) — 1) бадиий адабиётда тасвирий ифода воситаси. Бадиий асарларда тасвирланган табиатнинг гўзал манзаралари асарнинг бадиий кучини оширувчи омиллардан бири бўлиб, ёзувчи олға сурган ғоянинг тўлиқ ифодаланишига ёрдам беради. Ижодкор табиат манзараларини чизиш орқали қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатлари ва психологик кечинмаларини табиат ҳодисаларига уйғунлаштириб тасвирлайди, баъзан контраст қўйиб баён этади. А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. А. Некрасов, Л. Н. Толстой, А. М. Горький ўз асарларида Россия табиатининг улуғвор қиёфасини тасвирлаганлар. П. буюк сўз санъаткорлари М. Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Лутфий, Навоий, Бобир, Муқимий, Фурқат асарларида муҳим ғоявий-бадиий вазифани бажарувчи ифода воситаси бўлиб хизмат қилган. Мас., Навоий «Хамса»га кирган достонларида йил фаслларини катта маҳорат б-н, ҳар бир фаслнинг характерини очадиган деталлар воситасида тасвирлайди.



Пейве Я. В.

Узбек совет ёзувчиларидан Ойбекнинг «Наъматак», Ҳ. Олимжоннинг «Узбекистон», «Бахтлар водийси», Ғ. Ғуломнинг «Қор», М. Шайхзоданинг «Баҳорда ёмғир», Уйғуннинг «Қиш», Миртемирнинг «Булут», У. Носирнинг «Балиқчи» асарларида Улуғ Ватанимизнинг бепоён табиати, улкан социалистик қурилишлари маҳорат б-н тасвирланган; 2) тасвирий санъат турларидан бири (қ. *Манзара*).

ПЕКАН (Carya illinoensis) — ёнғоқдошлар (ёнғоқгуллилар онласи) га мансуб дарахт. Бўйи 50 *м* гача, диаметри 2—2,5 *м*, 300—400 йил яшайди. Барглари йирик, тоқ патсимон. Май ёки июнь бошларида гуллайди. Чангчили гуллари кучалаларга тўпланган бўлиб, бултурги новдаларда, уруғчили гуллари эса ёш новдалар учида ҳосил бўлади. Меваси октябрь-ноябрда пишади, сохта данак-ёнғоқча, 3,5—8 *см*. Магизи оқиш, ширин, ёнғоқнинг 45—60% ини ташкил этади, ёнғоқчасида 70% гача мой ва кўп миқдорда оқсил ҳамда қанд бор. Уруғи (ёнғоғи) дан ва пайвандлаб кўпайтирилади. Ҳар йили (20 ёшлиси 250 *кг* гача) ҳосил беради. Меваси қандалатчиликда, мойи эса озиқ-овқатга ишлатилади.



Пекан: *1*—чангчили тўпгулли; *2*—уруғчиси; *3*—чангчиси, *4*—уруғчилик ва баргли шохчаси; *5*, *6*—меваси.

П. дан манзарали ўсимлик сифатида ҳам фойдаланилади. П. ватани — Шимолий Америка. СССРда Қавказда, Украинада, Урта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда экилади. Акад. Р. Р. Шредер номидаги Ленин орденли Боғдорчилик, токчилик ва виночилик илмий тадқиқот ин-тида айрим навлари ўстирилмоқда.


Ад.: Сорта плодовых субтропических, орехоплодных культур и ягод, Т., 1968.

ПЕКАРЛАР (Tayassu) — чўчқалар оиласига мансуб жуфт туёқли ҳайвонлар уруғи. Гавдасининг узунлиги 100 *см* гача, оғирлиги 16—30 *кг*. Бўйи 44—57 *см*. 2 тури бор. Жанубий ва Марказий Америкада тарқалган. П.— полигам ҳайвон. Пода бўлиб, ўрмонларда яшайди. 1—2 бола туғади. Бўғозлик даври 142—158 кун. Усимлик маҳсулотлари б-н овқатланади. Гўшти ва териси учун овланади.



Пекар.

ПЕКИН, Бэйцзин (хитойча — шимолий пойтахт) — Хитой Халқ Республикасининг пойтахти, сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий маркази. Катталиги жиҳатидан мамлакатда Шанхайдан кейин 2-ўринда ги шаҳар. Буюк Хитой текислигининг шимолий қисмида, уч томондан тоғлар б-н ўралган. Иқлими мўътадил, муссон-



ли иқлим. Январнинг ўртача т-раси —4,6°, июлники 26°. Йиллик ёғин 636 *мм*. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 7570 минг киши (1970). Майдони 17,8 минг *км*². П.—алоҳида маъмурий бирлик.

Тарихи. П.— Хитойнинг энг қадимги шаҳарларидан бири. Мил. ав. 2-минг йилликдан бошлаб аҳоли яшайдиган пункт деб ҳисобланади. Мил. ав. 1-минг йиллик — мил. 10-аср манбаларида П. Цзи деб аталган. 10-асрда Шимолий Хитойни киданлар босиб олгач, номи Сицзинь деб ўзгартирилган (936). Кейинчалик шаҳар киданлар давлатининг жанубий пойтахти — Наньцзин бўлиб қолган (937). 1153 йилдан Цзинь давлати пойтахти. Бу даврда у Дасин (Чжунду) деб номланган. 1215 йили шаҳарни мўғуллар истило қилган. 1263 йилда Хубилай Дасинни мўғуллар империяси пойтахтига айлантирган ва унга Хонбалиқ (Буюк пойтахт, хитойча Даду) деб ном қўйган. Мўғуллар сулоласи Юань даврида (1280—1368) шаҳар ўртасидан Буюк канал қазилган. 1368 йили Хитойдан мўғуллар қувиб чиқарилгач, Бэйпин деб аталган. 1421 йилдан Мин империяси (1368—1644) пойтахти. Бу даврдан бошлаб шаҳар ҳозирги номда Бэйцзин, (русча Пекин) деб атала бошлаган. 1644 йили Ли Цзи-чэн раҳбарлигидаги қўзғолончи деҳқонлар армияси шаҳарни эгаллаган, лекин феодал ва манжурларнинг бирлашган армияси уларни тор-мор қилган. Цин (манжурлар сулоласидан) даврида (1644—1911) П. империя пойтахти бўлган. 1618 йили П. га рус сайёҳи И. Петлин келган. 17-асрда П. га бир неча рус элчилари юборилган. 1716 йили П. да Россия диний миссияси очилган. У рус хитойшунослигининг йирик маркази бўлган. 1912 йили Цин монархияси тугатилгач, П. Хитой Республикаси пойтахти. Аслида эса Юань Ши-кай, Дуань Цижуй ва б. милитаристларнинг қароргоҳига айланиб қолди. 1919 й. 4 майда, Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг таъсири остида бошланган П. намойиши Хитойдаги антиимпериалистик ва антифеодал ҳаракатга асос солди. 1920 йили Ли Да-чжао П. да дастлабки марксистик коммунистик тўгарак ташкил этди. 1921 йили Хитой Коммунистик партияси (ХКП) тузилгач, П. да ХКП МҚ Шимолий бюроси Ли Да-чжао бошчилигида яширин иш олиб борди. 1927 йили ҳокимият гоминданчилар қўлига ўтгач, пойтахт Нанкинга кўчирилди. П. яна Бэйпин деб атала бошлади. 1937—45 йилларда Бэйпин япон босқинчилари қўл остида бўлди. 1945—49 йилларда унда гоминданчилар ҳукмронлик қилди. 1949 йил 31 январда Хитой халқ озодлик армияси шаҳарни гоминданчилардан озод этди. Бэйпин яна Бэйцзин деб ўзгартирилди ва ХХР пойтахти деб эълон қилинди.

П. узоқ вақт мамлакатнинг фақат маъмурий, ҳарбий ва сиёсий маркази бўлиб келди. Ҳунармандчилик қадимдан ривожланган бўлиб, четга чиқариш учун турли бадиий буюмлар тайёрланар эди. Саноати 1949 йилдан ривожлана бошлади. П.— ҳозир транспорт йўлларининг йирик узели, мамлакатнинг етакчи саноат марказларидан. П. ва унинг чеккаларида металлургия, станоксозлик, металл конструкциялар, автомобилсозлик, қ. х., транспорт ва энергетика машинасозлиги, озиқ-овқат, электротехника, телефон ва радиотехника, медицина приборлари, синтетик ва сунъий тола, тўқимачилик, кимё, нефтни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, полиграфия, энергетика корхоналари, халқаро аҳамиятга эга аэропорт бор. Шаҳар ёнидан кўмир қазиб чиқарилади. П. даги йирик янги корхоналар СССР ва б. социалистик мамлакатларнинг бевосита ёрдами б-н қурилган.

Архитектурасида қадимги хитой шаҳар қурилишига хос хусусиятлар — қалъаларнинг деворлар б-н ўралганлиги, кўчаларнинг шимолдан жанубга ва ғарбдан шарққа йўналган тўртбурчак шаклдаги турар жой кварталлари қуриш асосий ўринни эгаллайди. 12-асрга оид пахса деворларнинг қолдиқларига қараганда шаҳар ҳозирги П. нинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган. 13-асрда шаҳар шимолга томон кенгая борган, 15—17-асрларда эса катта ансамблга айланган. 1553 йилда атрофи гишт девор б-н ўралган «Ташқи шаҳар» бунёд этилган. Унинг ичида «Ички шаҳар» қурилган. «Ички шаҳар», ўз навбатида, «Император шаҳри» комплексини ўз ичига олган. Бу комплекс таркибида кўплаб саройлар, ибодатхоналар, *пагодалар*, парклар, тепаликлар ва кўллар бўлган. «Император шаҳри»нинг маркази —«Тақиқланган шаҳар»дир ва бу ерда Император саройи қад кўтарган. «Ташқи шаҳар»нинг жанубий қисмида «Осмон ибодатхонаси» ансамбли (Тяньтань; 1420—1530, 18—19-асрларда қайта қурилган) жойлашган.

1949 йилги Хитой халқ рев-яси ғалабасидан сўнг П. нинг бош майдони Тяньаньминь ғарб ва шарққа томон бирмунча кенгайтирилди, у ерда халқ вакилларининг Умум Хитой кенгаши биноси, Хитой рев-яси музейи, Хитой тарихи музейи (ҳар иккаласи 1959), Миллатлар маданияти саройи, Марказий телеграф (1958), совет архитекторлари лойиҳаси асосида Кўргазма павильони (1954), Радио уйи (1954—57) ва б. иморатлар қурилди. Маъмурий ва савдо иншоотлари қуришга кўпроқ эътибор берилди. П. атрофида жуда кўплаб сарой, ибодатхона ва мемориал ансамбллар бор.



Пекин. 1. Кўргазмалар зали. 2. Тяньаньминь майдони.

П.— Хитойнинг муҳим фан ва маданият маркази. Пекин ун-ти, Халқ ва Цинхуа ун-тлари, педагогика, медицина, қ. х. ин-тлари, консерватория, Хитой ФА, Медицина ФА, Қ. х. ФА, обсерватория, ботаника боғи бор. П. да мамлакатдаги энг йирик кутубхоналар, музейлар, театрлар, илмий тадқиқот ин-тлари жойлашган.

Ад.: Никитин Н. Н., Пекин — столица Китайской Народной Республики, М., 1950; Капица Л. Л., Древний город Пекин, М., 1962; Пекин (справочник-путеводитель), Пекин, 1959.

ПЕКИН УНИВЕРСИТЕТИ — Хитойдаги қадимги ва энг йирик олий ўқув юртларидан бири. 1898 йили Олий пойтахт мактаби сифатида Пекинда ташкил этилган. 1911 йилдан П. у. деб юритилади. 20-йилларда Хитой Коммунистик партияси асосчиларидан бири Ли Да-чжао ва ёзувчи Лу Синь дарс берган. Ли Да-чжао ун-т кутубхонаси қошида марксизмни ўрганиш жамиятини ташкил қилган.

1937—45 йиллардаги миллий озодлик уруши даврида П. у. Куньмин (Юньнань вилояти)да эвакуацияда бўлган. 1952 йили П. у. қайтадан ташкил қилиниб, унга Пекиндаги бошқа олий ўқув юртларининг баъзи ф-тлари қўшилган, ун-тнинг бир нечта ф-тлари мустақил ин-тларга айлантирилган. Ун-тга ва аспирантурага кирувчилар тайёрлаш учун ишчи-деҳқон мактаби очилган. 60-йилларнинг бошларида П. у. да 14 ф-т бўлган: хитой тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, шарқ тиллари (араб, вьетнам, япон), ғарб тиллари (инглиз, немис, француз) ва ғарб адабиёти, тарих, география, фалсафа, кутубхонашунослик, математика, физика, кимё, биология, иқтисод, ҳуқуқ; кутубхонасида 1,8 млн. асар сақланган.

1971/72 ўқув йили ун-тда 3 мингга яқин студент таълим олди. Ўқув программасини, айниқса назарий дарсларни қисқартириш ҳисобига 3 йиллик таълим жорий қилинди.


Ад.: Капица Л. Л., Древний город Пекин, М., 1962.

ПЕККЕР Ян Борисович (1906. 4. 9, Астрахань) — музикашунос, педагог, УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1956). Москва консерваториясининг музика тарихи ва назарияси факультетини тугатгач (1936), Тошкент Давлат консерваториясида ўқитувчи, музика тарихи кафедрасининг мудири (1951—60), доцент (1960 йилдан). Айни даврда Ўзбекистон Радиокомитети (1936—41), Ўзбек Давлат филармонияси (1941—48) да бадиий раҳбар. «Бўрон», «Лайли ва Мажнун», «Улуғ канал», «Улуғбек», «Тоҳир ва Зуҳра», «Гулсара» ва б. ўзбек операларининг биринчи тадқиқотчиларидан. Музиканинг турли масалаларига оид монографиялар, илмий мақолалар муаллифи. Санъатшунослик кандидати.

Ас.: В. А. Успенский, Т., 1952; Виктор Александрович Успенский, М., 1953; Узбекская опера, М., 1963; Георгий Мушель, М., 1966.

Ад.: Джаббаров А., Соломонова Т., Композиторы и музыковеды Узбекистана, Т., 1975.

ПЕКТИН МОДДАЛАРИ, пектинлар (юнон. pektos — бирикқан, қовушган, музлаган) — барча қуруқлик ўсимликлари ва бир қатор сувўтлари таркибида бўладиган эрийдиган (эрийдиган пектин) ва эримайдиган (протопектин) юқори молекулали *полисахаридлар*. П. м. мевалар ва резавор-мевалар, каноп пояси, қанд лавлаги таркибида айниқса кўп бўлади. Кимёвий табиатига кўра тармоқланмаган полигалактуранидлар — *галактуран кислота* полимерларидан иборат. П. м. нинг таркибига нейтрал моносахаридлар — галактоза, рамноза, арабиноза, ксилоза ҳам киради. П. м. 4 группага: пектокислоталар, пектин кислоталар, пектинлар ва пропектинларга бўлинади. Шулардан пектинларнинг аҳамияти муҳим. Пектинлар цитрус мевалари, олма ва хашаки тарвуздан олинади. П. м. озиқ-овқат ва фармацевтика саноатида ишлатилади.



Пекин. 1. Марказий темир йўл вокзали. 2. Миллатлар маданият саройи.



Пеккер Я. Б.

ПЕКТУСИН (pectusinum) — эвкалипт мойи, ментол, тальк ва қанддан иборат таблетка. Юқори нафас йўллари яллиғланганда ишлатилади. Бутунлай сўрилиб бўлгунча оғизда ушлаб турилади.

ПЕЛАГИАЛЬ (юнон. pélagos — денгиз) — кўл, денгиз ва океанларнинг пелагиаль организмлар (планктон, нектон, плейстон) яшайдиган сув қатлами. П. *бенталь* (яъни сув ҳавзасининг бентос яшайдиган туби)нинг қарама-қаршисидир. Денгиз ва океанларда П. ни горизонтал бўйлаб перит зона (сувнинг материк саёзлигидаги қатлами) ва океан зонаси (сув ҳавзасининг бошқа қолган қисми)га бўладилар; вертикалига эса эвфотик (яхши ёритилган), дисфотик (қоронғироқ) ва афотик (қоронғи) зоналарга бўладилар. Организмлар ҳам шу зоналар бўйича тақсимланган (яна қ. *Океан* мақоласининг Усимлик ва ҳайвонот дунёси бўлими). Чучук сув ҳавзаларида П. ни горизонтал бўйлаб сув қатламининг соҳилга яқин қисми ва б. қолган қисмларига ажратадилар.

ПЕЛАГИАЛЬ ЁТҚИЗИҚЛАР — очиқ денгиз ва океанлар тубида қирғоқдан анча узоқда сувдаги муаллақ майда заррачаларнинг астасекин тўпланишидан ҳосил бўладиган чўкиндилар. П. ё. планктон микроорганизмлар скелетларининг қолдиқлари, гилли ва чақиқ минераллар, вулкан кули ва аутиген минераллардан таркиб топади. Ҳозирги замон биоген чўкиндилари (глобигерин, кокколит, диатом ва радиолярийли гиллар, чуқур сув қизил гиллари), қадимги чўкинди тоғ жинсларидан айрим оҳактошлар, радиоляритлар, диатомитлар ва б. П. ё. га киради.

ПЕЛАМИДАЛАР (Sarda) — скумбриясимонлар кенжа туркумига мансуб балиқлар. Танасининг узунлиги 85 *см* ча, оғирлиги 7 *кг* ча. Асосан Атлантика океанида, Шимолий, Урта ва Қора денгизларда тарқалган. 4 млн. гача увилдириқ ташлайди. 3 ёшида жинсий етилади. Балиқлар б-н овқатланади. Мускуллари таркибида 10—12% ёғ бор. Овланади. Қотириб ёки консерва ҳолида истеъмол қилинади.



Пеламида

ПЕЛЕНГАТОР (голландча peiling — сатҳни аниқлаш) — кузатувчидан бирор предметга то-

мон йўналишни аниқлаш учун ишлатиладиган асбоб. Мас., визуал, оптик, товуш, радио П. лари бор. Денгиз ва ҳаво навигациясида ишлатилади (яна қ. *Радиопеленгатор*).

ПЛЕОХРОИЗМ (юнон. pleon — кўпроқ ва chróa — ранг) — моддалардан ўтаётган ёруғликнинг тарқалиш йўналиши ва қутбланишига қараб модда рангининг ўзгариши. Биринчи бўлиб 1816 йилда француз физиги Ж. Б. Био ва немис физиги Т. И. Зеебек кузатган. Бўялган кристаллар П. и қутбловчи микроскоп ёрдамида ўрганилади. Бундай кристаллар намунаси микроскоп столида айлантирилганда намуна қиррасига нисбатан унинг ранги ўзгаради.

П. нинг турли хиллари мавжуд. Айланма дихроизм (Коттон эффекти) унинг бир хили бўлиб, ўнг ва чап айланма қутбланишли ёруғликнинг ютилиш фарқини кўрсатади. П., асосан, кристалларда кузатилади. Улар чизиқли дихроизм — оддий ва мураккаб нурларнинг бир хилда ютилмаслиги б-н характерланади. Бир ўқли кристалларда 2 асосий ранг — оптик ўқ бўйича ва унга перпендикуляр йўналишда, икки ўқли кристалларда — 3 асосий ранг уч йўналиш бўйича (улар N_g, N_m ва N_p б-н белгиланган) кузатилади. Кристаллнинг бошқа йўналишларида у бошқа ранг б-н бўялгандай кўринади (қ. *Кристаллоптика*). П. дан геология ва б. соҳаларда бўялган минералларни анализ қилишда фойдаланилади.


ПЕЛИТЛАР (юнон. pelós — гил), гилли жинслар — чақиқ тоғ жинслари. 50% дан кўп қисми 0,01—0,005 *мм* ли майда заррачалардан ташкил топган. П. га, асосан, *аргиллит, гил* ва б. киради.

ПЕЛЛАГРА (итал. pelle — тери, agra — дағал), авитаминоз PP — тери, ҳазм йўллари ва нерв системасининг зарарланиши б-н ўтадиган касаллик. Организмда витамин PP (никотин кислота) ва витамин B группасига кирадиган тиамин, рибофлавин, пиридоксин каби витаминлар ҳамда триптофан аминокислотасининг етишмаслигидан келиб чиқади. Асосий белгилари: 1) ич кетади (нажас кўпикли ва қўланса ҳидли бўлади), тил қип-қизил, ялтираб туради. Меъда секрецияси сусаяди; 2) гавданинг очиқ қисмлари ва оёқ-қўл панжасида қизил доғлар пайдо бўлади, булар кейинчалик пуфакчаларга айланиб йиринг бойлайди. Пуфакчалар ёрилиб, йиринг чиқиб кетгач, қуриб, тери пўст ташлайди, дағаллашади. Бемор умуман тинкаси қуриши, иштаҳаси йўқлиги, эти увишиши, оғзи ачишиши, сўлаги оқишидан шикоят қилади. Руҳий ҳолати ҳам бузилади. Атрофдаги нарсаларга бепарво бўлиб қолади. Касаллик баҳор, ёз ойларида кўпроқ учрайди.

Давоси: никотин кислотага бой овқатлар — ҳайвон оқсили, жигар, тухум, сут, қатиқ, янги сабзавот ва мевалар буюрилади; тери остига никотин кислотанинг 1% ли эритмасидан юборилади.

Ад.: Рибачук И. А., Ички касалликлар (касалларни парвариш қилиш ва патология асослари билан). [Дарслик], Т., 1969; Мясников А. Л., Ички касалликлар пропедевтикаси. (Диагностика ва хусусий патология). [Дарслик], Т., 1967.

ПЕЛОМЕДУЗАЛАР (Pelomedusidae) — ёнбўйинли тошбақалар туркумининг бир оиласи. 14 тури бирлаштирувчи 3 уруғи бор. Жанубий Америка, Африка ва Мадагаскарда тарқалган Pelomedusa уруғининг ягона вакили африка пеломедузасидир. Косачаси текис. Боши ва косачаси сарғиш-жигар ранг. Хавф туғилганда, бўйнини олдин ичкари тортади, кейин ёнига қайириб бекинади. Қурғоқчилик бошланганда балчиқ тагига кириб, карахт бўлиб ётади. Асосан, дарё ва кўлларда яшаб, майда умуртқасизлар, бақа, ўсимлик ва б. б-н овқатланади.



Пеломедузалар. Африка пеломедузаси.

ПЕЛОПОННЕС — Грециядаги ярим орол. Болқон я. о. нинг жанубий қисми, материкка Коринф бўйни орқали гуташган. Майдони 21,5 минг *км*². Иония ва Эге денгизлари б-н ўралган. Қирғоқ чизиғи нотекис.

П. нинг жанубий қисми тўртта ярим ороддан иборат. Рельефи тоғлиқ. Аксари қисмининг баландлиги 800—1200 *м*. Энг баланд жойи 2404 *м* (Тайгет тизмасидаги Айос-Илиас чўққиси). Соҳили аллювиал пасттекислик. П. нинг ўрта қисмида карст рельефи Аркад ясси тоғлиги (баландлиги 600—800 *м*) бор. Иқлими субтропик, Ўрта денгиз атрофига хос иқлим. Январнинг ўртача т-раси 8—11°, июлники 24—27°. Йиллик ёғин 400—1000 *мм*. Йирик дарёлари: Алфей, Эврот. Усимликлари, асосан, доимий яшил бутазорлар (маквис ва фригана)дан иборат; ўрмон кам қолган. Аҳолиси чорвачилик, деҳқончилик ва боғдорчилик б-н шуғулланади. Муҳим шаҳар ва портлари: Патра, Коринф. Машҳур тарихий жойлари — Спарта, Олимпия, Микена, Коринф. Туристлар кўп келади.

ПЕЛОПОННЕС ИТТИФОҚИ — Пелопоннесдаги қадимги грек *полислари* (Аргос ва Ахайянинг бир қисмидан ташқари)нинг *Спарта* бошчилигидаги бирлашмаси (мил. ав. 6- асрнинг 2-ярми — мил. ав. 4- асрнинг ўрталари). П. и. бошқа грек давлатларидаги олигархик группаларни доимо қўллаб-қувватлаб, Пелопоннес уруши (мил. ав. 431—404) да қозонилган ғалабадан сўнг, турли жойларда олигархик ҳокимиятлар ўрнатган умумюнон ташкилотига айланган. Спарта Фива б-н бўлган урушда маглубиятга учрагач (мил. ав. 362), П. и. бўлиниб кетган.

ПЕЛОПОННЕС УРУШИ (мил. ав. 431—404) — Афина б-н Спарта ўртасидаги уруш. Урушнинг сабаби Грецияда гегемонлик қилиш учун Афина қулдорлик демократияси б-н Спарта қулдорлик аристократияси ўртасидаги кураш ва сиёсий қарама-қаршиликлар эди. Урушнинг 1-даврида (мил. ав. 431—421) спарталиклар подшо Архидам бошчилигида Аттикага бостириб киришган, афиналиклар бўлса, асосан, денгизда уруш ҳаракатлари олиб боришган. Мил. ав. 421 йили урушгача бўлган вазиятга қайтиш шарти б-н Никий сулҳи тузилган. Бироқ тез орада ҳарбий ҳаракатлар қайта бошланиб, Афина муваффақиятсизликка учрай бошлаган. Афина узоқ вақт қамал қилингандан сўнг мил. ав. 404 йили таслим бўлган. Афина Спартага ўзининг бутун ҳарбий ва савдо флотини берган, шунингдек барча мудофаа иншоотларини бузиб ташлаб, Грецияда Спартанинг гегемонлигини тан олган. Афинадаги қулдорлик демократияси «ўттиз мустабид ҳокимлар» ҳукмронлиги б-н алмаштирилган.

ПЕЛОТАС — Бразилиянинг жанубий қисмидаги шаҳар. Патус кўли (Атлантика океани лагунаси)га кираверишдаги денгиз порти. Риу-Гранди-ду-Сул штатида. Аҳолиси 208 минг киши (1970). Т. й. станцияси. Автомобиль йўллари узели. Гўшт сақланадиган йирик музхоналар, тегирмонлар, кўн пойабзал, ёғочсозлик, тўқимачилик, сут-консерва корхоналари бор. Шаҳарга 18- аср охирида асос солинган.

ПЕЛЬТЬЕ ЭФФЕКТИ, электротермик эффект — бир-бирига кавшарланган иккита ҳар хил ўтказгичдан электр токи ўтганда ўтказгичларнинг бир-бирига тегиб турган жойида токнинг йўналишига қараб, иссиқлик ажралиш ёки ютилиш ҳодисаси. Токнинг йўналиши ўзгарса, иссиқлик ажралиши иссиқлик ютилиши б-н алмашинади. Токнинг йўналишидан қатъи назар кавшарланган учларидан бири совиса, иккинчи учи исийди. Бу ҳодисани француз физиги Пельтье кузатган (1834). Мас., сурьма (Sb) б-н висмутни (Bi) бир-бирига кавшарлаб, ток ўтказсак, *A* нуқта совиса, *B* нуқта исийди ва, аксинча, ток йўналиши ўзгарганда *B* нуқта совиб, *A* уқта исийди (расмга қ.). *A* нуқтада ажралган умумий иссиқлик миқдори $Q_1 = rJ^2t - Q'$, *B* нуқтада ютилган иссиқлик миқдори $Q_2 = rJ^2t + Q''$ га тенг, бу ерда rJ^2t — Жоуль-Ленц иссиқлиги, $Q' = Q''$ — Пельтье иссиқлиги, r — ўтказгичлар қаршилиги, J — ток кучи, t — токнинг ўтиш вақти. Тажриба кўрсатдики, Пельтье иссиқлиги кавшарланган жойдан ўтаётган заряд миқдорига пропорционал: $Q' = Q'' = Пq = П \cdot Jt$, бу ерда $П$ —Пельтье коэффициенти, у кавшарланган материалларнинг табиатига боғлиқ, $\frac{ж}{к}$ ёки *в* ларда ифодаланади; миқдор жиҳатдан $10^{-2} - 10^{-3}$ *в* га тенг. П. э. айниқса яримўтказгичларда кучли. Бундан яримўтказгичли совитиш ва қиздириш асбобларида фойдаланилади.

ПЕЛЬШЕ Арвид Янович [1899. 26. 1 (7. 2), Грюнвальд волость Мазайск қўрғони, ҳозирги ЛатССР Бауска р-ни] — совет партия ва давлат арбоби, тарихчи, ЛатССР ФАнинг мухбир аъзоси (1946), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1969). 1915 йилдан КПСС аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. 1914 йилдан Ригада ишчи. Шу ерда Латиш ўлкаси социал-демократияси ташкилотига кирди. Биринчи жаҳон уруши (1914—18) йиллари Витебск, Харьков, Петроград, Архангельскда ишчи; РСДРПнинг маҳаллий комитетлари топшириғи б-н революцион агитация ва пропаганда олиб борди. 1917 йилги Февраль рев-яси қатнашчиси, Петроград Совети аъзоси. Архангельск партия ташкилотидан РСДРП(б) 6- съезди делегати. 1917 йил Октябрь рев-ясини тайёрлаш ва ўтказишда фаол қатнашган. 1918 йил Москвада ВЧК ходими. 1919 йил Совет Латвияси Давлат иншоотлари халқ комиссарлигида масъул ходим. Рига атрофида оқ латишларга қарши жангларда қатнашган. 1919—29 йилларда Қизил Армия ва Ҳарбий-Денгиз Флотида партиявий-сиёсий ишда ва ўқитувчи. 1931 йил Москва Қизил профессура ин-тини тугатган, 1931—1933 йилларда Қизил профессура тарих ин-ти аспиранти; айни вақтда Ички ишлар халқ комиссарлигининг Марказий мактабида партия тарихи ўқитувчиси (1929—32). 1933—37 йилларда ҚозССР с-зларида сиёсий бўлим бошлиғи, СССР С-злар халқ комиссарлиги сиёсий бошқармасида сектор бошлиғи ўринбосари. 1937—40 йилларда Москвада ўқитувчи. 1941 йил март — 1959 йилларда Латвия КП МК секретари. Улуғ Ватан уруши йилларида Совет Латвияси учун партия ва совет кадрларини тайёрлаш б-н шуғулланди. 1959—66 йилларда Латвия КП МК биринчи секретари. 1966 йил апрелдан КПСС МК ҳузуридаги партия контроль комитети раиси. КПСС 20-, 22—25- съездлари делегати; 1961 йилдан КПСС МК аъзоси, 1966 йилдан КПСС МК Сиёсий бюроси аъзоси. 2—9-чақириқ СССР Олий Совети депутати.



Пельше А. Я.

КПСС тарихи ва партия қурилиши масалалари, Латвияда революцион ҳаракат тарихи бўйича, республикада буржуа миллатчиларга қарши кураш, социалистик ва коммунистик қурилиш тўғрисидаги асарлар муаллифи. 6 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПЕМБА — Ҳинд океанидаги маржон ороли. Африканинг шарқий қирғоги яқинида. Майдони 984 *км*². Аҳолиси 164,2 минг киши (1967). Танзания таркибида. Энг баланд жойи 99 *м*. Орол маржон оҳактошларидан тузилган. Иқлими экваториал муссонли иқлим. Январнинг ўртача т-раси 28°, июлники 23°. Йилига 1000 *мм* гача ёғин ёғади. Бутазорлар бор. Қалампирмунчоқ дарахти, кокос ва мойли пальмалар ўстирилади. П. дунё бўйича тайёрланган қалампирмунчоқ маҳсулотининг $^1/_3$ қисмини беради. Энг катта шаҳри — Чаке-Чаке.

ПЕНДИ ЯРАСИ (ТуркмССР Тахтабозор воҳасининг қадимги номидан) — қ. *Ёмон жароҳат*.

ПЕНЗА — шаҳар, РСФСР Пенза области маркази. Сура дарёси бўйида (Волга ирмоғи). Т. й. ва автомобиль йўллари узели. Аҳолиси 414 минг киши (1974). 1663 йилда вужудга келган. Социалистик қурилиш йилларида П. йирик саноат ва маданият марказига айланди. Обл. саноат маҳсулотининг 40% дан ортиғи П. га тўғри келади. Машинасозликда кимё машинасозлиги («Пензхиммаш»), шунингдек, тўқимачилик машинасозлиги («Пензтекстильмаш», «Пензмаш») умумиттифоқ аҳамиятига эга. Компрессор, дизель, коммунал машинасозлик, механика з-длари ишлаб турибди.

Приборсозлик алоҳида ўрин тутади («Счётмаш», электрон-ҳисоблаш машиналари, аниқ электромеханика, соат з-длари). Велосипед ва мотовелосипедлар, пианино ишлаб чиқарилади. Қоғоз ва ёғочсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари, медицина препаратлари з-ди бор.


П. да 4 ин-т, Втуз-завод, Бутуниттифоқ сиртқи молия-иқтисод ин-тининг ф-ти, 13 ўрта махсус ўқув юрти, 2 илмий тадқиқот ин-ти, 2 театр, цирк, 2 музей, суратлар галереяси, ботаника боғи мавжуд.

ПЕНЗА ОБЛАСТИ — РСФСР таркибидаги область. 1939 йил 4 февралда ташкил топган. Майдони 43,2 минг *км*². Аҳолиси 1504 минг киши (1974). П. о. да 27 маъмурий р-н, 10 шаҳар, 14 ш. т. п. бор. Маркази — Пенза ш. П. о. Ленин ордени б-н мукофотланган (1967 йил 13 июнь).



Пенза области. 1. Пенза. Слава кўчаси. 2. «Пензхиммаш» заводи.

Табиати. П. о. Ўрта Волга бўйида жойлашган. Терр-ясининг каттагина қисми Волга бўйи қирларининг ғарбий ён бағри б-н банд. Чекка ғарбий қисми Ока-Дон текислигида (баландлиги 150—180 *м*) жойлашган. Иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-раси —11,3°—13,3°, июл-



Аҳолиси. П. о. да руслар (86,2%, 1970), мордвалар (6,9%), татарлар (4,9%), украинлар, чувашлар ва б. яшайди. 1 *км*² га ўртача 34,8 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 49%. Шаҳарлари: Пенза, Кузнецк, Каменка, Сердобск, Нижний Ломов ва б.

Хўжалиги. Ялпи саноат маҳсулоти 1973 йилда 1940 йилдагига қарағанда 17,1 марта ортди. П. о. умумиттифоқ ишлаб чиқаришида машинасозликка ихтисослашган (бу тармоқ область ялпи саноат маҳсулотининг 50% га яқинини беради ва барча ишчиларнинг 60% и машинасозликда банд). Енгил ва озиқ-овқат саноатига ялпи маҳсулотнинг 28% и тўғри келади.

Машинасозликда кимё ва тўқимачилик машинасозлиги умумиттифоқ аҳамиятига эга. Компрессор жиҳозлари (Пенза, Бессоновка), дизель (Пенза), картошка экадиган машиналар, трактор сеялкалари (Каменка), тирқама-ағдарма автотракторлар ва машиналарнинг етакчи қисмлари (Сердобск), кўчма автомобиль заправка станциялари (Грабово), коммунал хўжалик учун машиналар, холодильник (Пенза), арматуралар (Пенза, Кузнецк) ишлаб чиқарилади. Приборсозликда клавишли ҳисоблаш машиналари, электрон-ҳисоблаш машиналари (Пенза), соат (Пенза, Сердобск), велосипед ва мотовелосипедлар (Пенза) ишлаб чиқарилади.

Тўқимачилик саноати жун газлама, техник мовут ва пойабзал пахмоғи тайёрлайди. Кўнпойабзал саноати ривожланган (Кузнецк). П. о. кўплаб каноп тола ишлаб чиқаради. Кузнецкда арқон-каноп ф-каси бор. Қадимдан пенза тивит рўмоли машҳур. Шакар-қанд, ун-ёрма, спирт, крахмал, мой каби озиқ-овқат саноати тармоқлари, ёғочсозлик саноати ишлайди (тахта тилиш, фанер, гугурт, мебель ишлаб чиқарилади, музика асбоблари, қоғоз ф-калари, стандарт уйсозлик з-ди). Ғишт, шлакоблок, оҳак, айниқса, йиғма темир-бетон конструкциялар ва деталлар ишлаб чиқариш тез авж олди.



Пенза области. Нижний Ломов шаҳридаги архитектура ёдгорлиги (православ черкови).

Қ. х. ғаллачилик-чорвачиликка ихтисослашган. Ҳайдалган ерлар 2552 минг *га* (1973), пичанзор ва яйловлар 488 минг га. 1974 йилда 173 к-з ва 235 с-з бўлган. Экин майдони 2449 минг *га* (1973), шу жумладан, галла экинлари 1580 минг *га*, қанд лавлаги 55 минг *га*, кунгабоқар 46 минг *га*, наша 14 минг *га*, сабзавот 13 минг *га*, картошка 78 минг *га*, ем-хашак экинлари 653 минг *га*.

Чорвачилик гўшт-сут етиштиришга ихтисослашган. 875 минг қорамол (шу жумладан, 347,9 минг сигир), 600 минг чўчқа, 873,9 минг қўй ва эчки, 5949,4 минг парранда бор.

Т. й. узунлиги 828 *км* (1974), шундан 446 *км* электрлаштирилган. Автомобиль йўллари 11,6 минг *км*, қаттиқ қопламали йўллар 1,9 минг *км*.

Маданий қурилиши ва соғлиқни сақлаш. 1973/74 ўқув йилида 1421 умумий таълим мактаби (279,1 минг ўқувчи), 37 профессионал-техника билим юрти (18,1 минг ўқувчи), 28 ўрта махсус ўқув юрти (25,8 минг ўқувчи), 4 олий ўқув юрти (ҳаммаси Пензада, 21,6 минг студент) бўлган. 1974 йилда 527 боғча-яслида 49,3 минг бола тарбияланди.

1974 йилда 853 оммавий кутубхона (8,8 млн. китоб ва журналлар), 8 музей, 2 театр, 1250 клуб, 1184 киноустановка, 27 сарой ва пионер уйлари, 15,2 минг ўринли (1000 кишига 10,1 ўрин) 151 касалхона, 2,7 минг врач (551 кишига 1 врач), 7 санаторий, 5 дам олиш уйи ишлади.

ПЕНИЦИЛЛ, пенициллиум (Penicillium) — халтали споралилар синфига мансуб замбуруғлар туркуми. Вегетатив танаси тармоқланган иплар кўринишида бўлиб, субстратни тешиб киради. Кўпинча жинссиз — спора (конидия)лари б-н кўпаяди. П. сапрофит, баъзиси паразит ҳаёт кечиради, тупроқда моғор кўринишида кўп тарқалган, одатда ранги яшил-кул ранг. Овқат маҳсулотларида кўпайиб, уларни айнитади. 250 га яқин тури бор. П. нинг P. chrysogenum, P. notatum туридан антибиотиклар, мас., *пенициллин* олинади.

ПЕНИЦИЛЛИН — кимёвий тузилиши бир-бирига яқин табиий ва ярим синтетик *антибиотиклар* группаси. Табиий П. турли моғор замбуруғларида ҳосил бўлади. Уни биринчи марта 1929 йили инглиз микробиологи А. Флеминг ажратиб олди. Бироқ П. 1941 йилдан клиникада қўлланила бошланди. СССРда эса П. ни 1942 йилда З. В. Ермольева б-н Т. И. Балезина Penicillinum crustosum дан олишди.

Кўпроқ бензилпенициллиндан фойдаланилади, ҳозир унинг натрий, калий тузлари, бошқа моддалар б-н комбинацияси — новоциллин, экмоновоциллин, бициллин, феноксиметилпенициллин препаратлари ишлатилади. Табиий П. стафилококк, стрептококк, пневмококк, гонококк, менингококклар, *газли гангрена*, қоқшол, ботулизм, қуйдирги, дифтерия, захм каби касалликларнинг қўзғатувчиларига жуда актив таъсир этади. Шунинг учун у пневмония, септик эндокардит, жароҳатланиш оқибатида келиб чиққан касалликлар, сарамас, *перитонит, цистит, остеомиелит*, дифтерия, скарлатина ва б. касалликларда қўлланилади.

1959 йили P. chrysogenum дан 6-аминопенициллин кислота ажратиб олингач, янги П. ни кимёвий йўл б-н синтез қилишга имконият туғилди. 15000 дан зиёд ярим синтетик П. турлари маълум. Бироқ уларнинг бир нечтасигина биологик хоссасига кўра табиий П. дан устун туради. П. таблетка ҳолида, инъекция учун ишлатиладиган порошоги флаконларда чиқарилади.

Ад.: Климов А. Н., Пенициллины и цефалоспорины, Л., 1973; Навашин С. М., Фомина И. П., Полусинтетические пенициллины, М., 1974.

ПЕННИН (Пеннин Альп тоғлари номидан) — *хлоритлар* гуруҳига мансуб минерал. Метаморфик тоғ жинсларида кенг тарқалган. Кимёвий таркиби $(MgFe)_5\,Al\,[AlSi_3O_{10}]\cdot[OH]_8$. Моноклин сингонияли; псевдогексагонал, пластинкасимон кристаллар ҳосил қилади. Ранги, кўпинча, яшилдан қорамтир-яшилгача; хромга бой бўлган П. (родохром, кеммererит) эса пушти, бинафша ёки оч қизил-қизил бўлади. Қаттиқлиги 2—2,5, с. оғ. 2,60—2,85. Иккиламчи минерал сифатида магнезиал-темир силикатлар (оливин, энстатит, шох алдамчи, биотит ва б.) нинг метаморфланишидан ҳосил бўлади. Урал конларидан қазиб олинади; қоғоз саноатида ишлатилади.

ПЕННИН ТОҒЛАРИ — Буюк Британия оролидаги тоғлар. Узунлиги 250 *км*. Энг баланд жойи — 893 *м* (Кросс-Фелл тоғи). Оҳактош ва қумтошлардан тузилган. Тоғ тепалари ясси, ғарбий ён бағри тик, шарқий ён бағри қияроқ. Дарё водийлари тоғларни чуқур ўйиб юборган. Тоғ этаклари сийрак ўрмон, баландроқ жойлари вересковр ва торф б-н қопланган. П. т. да тошкўмир конлари бор.

ПЕНО... (русча) — қўшма сўз бўлаги. Нарса ва буюмларнинг кўпиксимонлигини, кўпикка алоқадорлигини билдиради (мас., *пенобетон, пеносиликат* ва б.).

ПЕНОБЕТОН — енгил ғовак қурилиш материали. Цемент хамири (цементнинг сув б-н қоришмаси) ёки сув, цемент ва майда қум қоришмасига махсус кўпик қўшиб тайёрланади; баъзан, қум ўрнига кул қўшилади. Кўпик ҳайвонот елимининг сувдаги эритмасига канифоль совуни ва б. қўшиб тайёрланади. Қоришма қолипларга солиниб, *автоклавда* қотирилади. Деворларни иссиқлик ўтказмайдиган қилиш, труба ва холодильникларда иссиқлик изоляцияси сифатида қўлланилади.


ПЕНОГИПС — *гипс*дан тайёрланадиган ғовак структурали материал. *Пенобетон*га ўхшаб тайёрланади. Ҳажмий оғирлиги 400—600 *кг/м*³. Иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,13—0,15 *ккал/м соат град*. Иссиқлик изоляция материали сифатида ишлатилади.

ПЕНОПЛАСТЛАР, ғовак полимер материаллар — газ б-н тўлган пластмассалар. Газ бир-бирига туташмаган бўшлиқ (катак)лар ичида бўлади. П. нинг ҳажмий оғирлиги кичик; иссиқлик, товуш, сув ва электр ўтказмайди. П. нинг хоссаси кўпикланиш даражаси, ғовакларининг тузилиши ва полимернинг кимёвий табиатига боғлиқ бўлади.

П. полимерларни юқори эластик ҳолатда кўпиклаштириш ва қовушоқ-суюқ полимер композициясини кўпиклаштириш усулида тайёрланади.

П. куч конструкцияларининг бикрлигини ошириш мақсадида уларнинг элементларига, юқори эластик хусусиятига эга бўлган материалларга тўлдиргич сифатида, конструкцион элементларда иссиқликни изоляциялашда ишлатилади. Радио ва электр техника аппаратларида, сузиш аппаратларининг чўкмайдиган элемент ва деталларини тайёрлашда қўлланилади. П. тайёр прессланган ва ярим фабрикат ҳолда чиқарилади.

ПЕНОСИЛИКАТ — ғовак структурали енгил қурилиш материали. Янчилган оҳак ва кварц қумидан 1:3—1:4 нисбатда тайёрланади, баъзида қум ўрнига кул (пенозолосликат) қўшилади. *Пенобетон*га ўхшаб тайёрланади. Қолипларга қуйилгач, *автоклавда* 8—10 *ати* да буғлатилади. Ҳажмий оғирлиги 400—1000 *кг/м*³; сиқилишга мустаҳкамлик чегараси 10—100 *кг/см*². Биноларни иссиқ тутиш, девор блоклари ва панеллар тайёрлашда ишлатилади.



Пенза области. Кудомцево қишлоғи яқинидаги Лесное кўли.

ПЕНОШИША — ғовак структурали материал. Ойна кукуни б-н газ ҳосил қилувчилар (оҳак, тошкўмир, пиролюзит) аралашмасини қиздириб қовуштириш йўли б-н тайёрланади. Иссиқлик ва товушни яхши изоляциялайди, унга механик ишлов бериш осон. Ҳажмий оғирлиги 200—500 *кг/м*³, иссиқлик ўтказувчанлик коэффициенти 0,03—0,12 *ккал/м соат градус*. Иссиқлик изоляция материали сифатида ишлатилади.

ПЕНСИЛЬВАНИЯ — АҚШнинг шимоли-шарқий қисмидаги штат. Шарқда Делавэр дарёси б-н, шимоли-ғарбда Эри кўли б-н чегараланган. Майдони 117,4 минг *км*². Аҳолиси 12 млн. киши (1973), 70%дан кўпроғи шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Харрисберг ш.; йирик саноат шаҳарлари: Филадельфия ва Питсбург. П.—АҚШ нинг дастлабки 13 штатидан бири; бу ерга европаликлар 17- асрдан кўчиб кела бошлаган.

Ер юзасининг катта қисмини Аппалачи тоғлари эгаллаган, унинг штат терр-ясидаги энг баланд жойи 979 *м*. Жануби-Шарқида Атлантика бўйи пасттекислиги бор. Иқлими сернам, мўътадил иқлим. Йиллик ёғин 1000 *мм*. Дарёларида кема қатнайди. П.—АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган штатларидан. Қора металлургия, кокс ишлаб чиқариш, кон саноатлари ривожланган. П. чўян ва пўлат эритишда, кокс ва цемент ишлаб чиқаришда АҚШ да 1- ўринда. Тошкўмир, антрацит, озроқ миқдорда нефть, табиий газ, темир рудаси қазиб чиқарилади. Электр станцияларининг қуввати 24 *Гвт* (1973). Металлургия, металлсозлик, машинасозлик (айниқса, кон ва йўл қуриш машиналари, кемасозлик, реакторсозлик, электротехника, радиоэлектроника), цемент, кимё, нефтни қайта ишлаш, ойна, тўқимачилик, тикувчилик корхоналари бор.

Қ. х. шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган. Чорвачилик ва паррандачилик қ. х. товар маҳсулотининг $^3/_4$ қисмини беради. Боғдорчилик, сабзавотчилик ривожланган.

ПЕНСИЯ (лат. pensio — тўлов) — СССРда қариганда, нивалид бўлганда, боқувчисини йўқотганда жамоат истеъмол фондидан бериладиган ёрдам пули. П. олиш ҳуқуқи СССР Конституцияси (120- модда), Узбекистон ССР Конституцияси (119- модда)да белгиланган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ нивалид бўлганлар ва боқувчисини йўқотганлар учун



Пенсон М. З.

П. белгиланган. 1928 йилдан саноатининг алоҳида соҳаларида ишлайдиган ишчилар, кейинчалик ҳамма ишчилар учун қарилик П. си жорий этилган; 1937 йилга келиб, хизматчиларга ҳам қарилик П. си бериладиган бўлди. 1956 йилда қабул қилинган П. ҳақидаги қонун П. таъминоти даражасини ошириб, П. олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар доирасини кенгайтирди.

К-з аъзоларига П. ва *нафақа* тўлаш ҳақидаги қонуннинг (1964) қабул қилиниши бутун меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини ўз ичига оладиган ягона П. таъминоти системасини юзага келтирди. 1974 йилда Иттифоқдаги пенсионерлар 44 млн. кишини, П. га ажратилган маблағ эса 20,7 млрд. сўмни, 1975 йилда Ўзбекистондаги ишчи ва хизматчи пенсионерлар 760 минг 382 кишини, уларга П. тўлаш учун ажратилган маблағ эса 352 млн. 926 минг сўмни, колхозчи пенсионерлар 661 минг 823 кишини, уларга П. тўлаш учун ажратилган маблағ эса 206 млн. сўмни ташкил этди.

П. ни тайинлаш ва тўлаш тартиби СССР Министрлар Советининг «Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида» 1972 йил 3 августда қабул қилинган қарори (1973 йил 21 ноябрда унга қўшимча ва ўзгаришлар киритилган) ва СССР Министрлар Советининг «Колхоз аъзоларига пенсия тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом»ни тасдиқлаш тўғрисида 1964 йил 17 октябрда қабул қилинган қарори (кейинчалик унга ҳам қўшимча ва ўзгаришлар киритилган) ва б. норматив ҳужжатларда кўрсатилган (яна қ. *Давлат пенсиялари*).



М. Пенсон фотоларидан намуналар: 1. Ўзбек мадоннаси. 2. Ўғил савод чиқарди. 3. Якка хўжаликнинг колхозга қабул қилиниши.

ПЕНСИЯ ТАЙИНЛАШ КОМИССИЯСИ — СССРда меҳнаткашлар депутатлари р-н (шаҳар) Совети ижроия комитети томонидан ташкил этиладиган комиссия. Комиссия р-н (шаҳар) социал таъминот бўлими мудири (раис), молия бўлими мудири ва касаба союзи ташкилотлари вакилларидан тузилади. Ҳарбий хизматчи ёки унинг оила аъзоларига пенсия тайинлашда р-н (шаҳар) ҳарбий комиссари ҳам комиссия составига киради. Вазифаси: пенсияни тўғри ва ўз вақтида белгилашни таъминлаш; пенсия тайинлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда гражданларга ёрдам бериш; касаба союзларининг ф-ка, з-д ва маҳаллий комитетлари комиссиясининг пенсияга оид ишларига кўмаклашиш; социал таъминот органларининг фаолиятида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш. П. т. к. қароридан норози бўлинганда меҳнаткашлар депутатлари р-н (шаҳар) Совети ижроия комитетига шикоят қилиш мумкин.

ПЕНСОН Макс Захарович (1883, Велиж қишлоғи, Смоленск яқинида — 1959, Тошкент) — фотограф, Ўзбекистонда фото санъати асосчиларидан. 1915 йили Туркистонга келган. Дастлаб Қўқондаги ҳунар мактабларида болаларга рассомлик ва чизмачиликни ўргатган, сўнг фотография б-н шуғулланган. 1921 йилдан умрининг охиригача «*Правда Востока*» газетасида фотомухбир.

П. Совет Ўзбекистонининг фотойилномасини яратишга ҳисса қўшган. «Якка хўжаликнинг колхозга қабул қилиниши», «Ўғил савод чиқарди», «Ўзбек мадоннаси» ва б. фотосуратлари Ўзбекистонда Улуғ Октябрь рев-яси келтирган ижтимоий ўзгаришларни мадҳ этувчи ҳақиқий фото санъати асари ҳисобланади. П.— бир неча бор Бутуниттифоқ ва республика фото кўргазмалари қатнашчиси. Унинг кўп суратлари УзССР, иттифоқ ва чет эл нашрларида босилган.

Ад.: Ходжаев Ф., Макс Пенсон, М., 1973.


ПЕНТАГОН (юнон. pentagonon — бешбурчак) — АҚШ ҳарбий министрлигининг биноси. Вашингтон яқинида (Виргиния штати). Юқоридан қараганда беш бурчакли шаклда. Кенг маънода П. АҚШ нинг ҳарбий ташкилоти маъносини англатади.

ПЕНТАГРАММА (юнон: pénta — беш ва ... *грамма*) — ҳар бир томонига бир хил тенг ёйли учбурчаклар ясалган мунтазам бешбурчак. Бу учбурчакларнинг ён томонлари қавариқ бўлмаган мунтазам ўнбурчак ҳосил қилади. Мунтазам бешбурчакнинг диагоналлари П. ни ташкил этади (расмга қ.).

Пентограмма.

ПЕНТАНЛАР — ациклик *тўйинган углеводородлар*, C_5H_{12}. Уч хил изомери бор: нормал пентан (*H*=пентан) $CH_3(CH_2)_3CH_3$, изопентан $(CH_3)_2CH\ CH_2CH_3$ ва неопентан $(CH_3)_2C(CH_3)_2$ (уларнинг суюқланиш т-раси тегишлича —129,72°С, —159,7°С ва —16,55°С; қайнаш т-раси эса 36,07°С, 27,85°С ва 9,50°С; зичлиги 20°Сда 0,6260 *г/см*^{3}, 0,6197 *г/см*^{3} ва 0,5910 *г/см*^{3}). Табиий газ конденсатлари, нефть, сланец смоласининг енгил ҳайдалмаси ҳамда CO ва H_2 дан синтезланадиган углеводородлардан олинади. П. мотор ёнилғилари таркибига киради. Нефть-кимёвий синтез ва органик синтезнинг кўпгина процессида дастлабки модда бўлиб хизмат қилади.

ПЕНТАТОНИКА (юнон. pente — беш ва *тон*) — октава интервали оралиғида жойлашган беш поғонали товуш (*лад*) системаси. Энг кўп тарқалган тури а н г е м и т о н (ярим тонсиз) П. бўлиб, ёнма-ён поғоналарининг оралиғи бутун тон ва бир ярим тон (катта секунда ва кичик терция)лардан тузилади (мас., фортепьянонинг қора клавишлари оралиғидек). Мазкур интервалларнинг кетма-кет келиши тартибига кўра бешта П. ладлари ҳосил бўлади:



Садоланиш хусусиятига кўра П. ладлари *мажор* ва *минор*га маълум даражада яқин бўлади. СССР (татар, бошқирд, чуваш, бурят, мари), Хитой, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония (японларнинг баъзи беш товушли ладларига ярим тонлар ҳам киради), Шотландия, Ирландия; Венгрия, кўпгина Африка халқлари, Американанинг негр аҳолиси музикаси П. системасига асосланган. Шунингдек, уйғур, ўзбек, тожик музикаси (мас., мақомларнинг Мўғулча шўъбалари)да ҳам П. элементлари учрайди (қ. *Панжгоҳ*).

Ад.: Гиршман Я., Пентатоника и ее развитие в татарской музыке, М., 1960; Квитка К. В., Ладовые системы в музыке славян и соседних народов, унинг «Избранные труды», т. 1 китобида, М., 1971.

ПЕНТЛАНДИТ — темир-никель колчедани, минерал. Биринчи бўлиб инглиз сайёҳи Ж. Пентленд (1797—1873) топган (номи ҳам шундан). Кимёвий таркиби $(Fe, Ni)_9S_8$. П. да 32,55% темир, 34,22% никель, 32,33% олтингугурт ҳамда аралашма ҳолида 3% гача Co бўлади. Таркибида 49% гача Co бўлган П. кобальт-пентландит дейилади. Куб системада кристалланади. Металлдек ялтироқ; оч бронза-сариқ тусда. Қаттиқлиги 3—4, с. оғ. 4,5—5. Асос ва ультраасосли отқинди жинслар (габбро-норитлар, пироксенитлар ва б.) б-н генетик боғланган сульфид рудалари конларида учрайди. Никель рудалари олишда асосий хом ашё ҳисобланади.

ПЕНТОД [юнон. pente — беш ва *(электр)од*] — катод, анод ва учта тўр (бошқариш, экран, антидинатрон)дан иборат беш электродли электрон лампа (расмга қ.); кам ва юқори қувватли хиллари бор. Кам қувватли П. юқори ва оралиқ частотали кучайтиргичларда ишлатилади. Ю қ о р и қ у в в а т л и П. ўзгармас (баъзан, ўзгарувчан) ток тармоғи электр энергиясини юқори частотали энергияга айлантириб бериш учун ишлатилади. П. ёрдамида частотаси бир неча ўн *Мгц* гача бўлган электр тебранишлар генерацияланади ҳамда уларнинг кучланиш ва қуввати кучайтирилади.

ПЕНТОЗАЛАР (юнон. pente — беш) — молекуласида бешта углерод атоми бўлган моносахаридлар. Карбонил группасининг характерига қараб, альдопентоза ва кетопентоза (пентулоза)га бўлинади. П. сувда яхши эрийдиган кристалл моддалардир. Альдопентозалар оксидланганда бир асосли пентон кислота ва икки асосли пентар кислота ҳосил бўлади. Кетопентозалар оксидланганда парчаланади. П. қайтарилганда беш асосли спирт пентитлар юзага келади. П. табиатда кенг тарқалган. Эркин ҳолда ва гликозидлар, полисахарид (арабан, ксилан)лар таркибида бўлади. П. дан d=рибоза, d=оксирибоза *нуклеин кислоталар*нинг таркибий компонентлари ҳисобланади. П. нинг фосфорли ҳосилалари углеводлар алмашинувида муҳим оралиқ маҳсулотлар вазифасини ўтайди. П. полисахаридларни гидролизлаб олинади. Синъий усулда ҳам ҳосил қилинади.



Пентагон. Умумий кўриниши.

ПЕНЬКА — наша поясидан олинадиган дагал тола. П. олиш учун наша пояси з-дда ивитилади (қ. *Ивитиш*), қуритилади ва эзиш машинасидан ўтказилади. Сўнгра тараш машинасидан ўтказилиб, узун (700 *мм* дан узун) ва калта (175—250 *мм*) толалар ажратилади. Йигириш машиналарида бу толалардан тўқиш ва эшиш учун тайёр тола (ип) олинади. П. дан *транспортёр, конвейер* тасмалари, шланглар тайёрланади, кийим-бош, мебель ва ўров газламалари тўқилади, тўр ва арқонлар ҳамда бошқа ашёлар тайёрланади.




Пеньковский Л. М.

ПЕНЬКОВСКИЙ Лев Минаевич (1894. 31. 1, Кременчуг — 1971. 26. 7, Москва) — рус совет шоири, таржимони. Ўқитувчи оиласида туғилган. Рев-ядан аввал шеърлари журналларда босилган. 30-йиллардан таржима б-н шуғулланган. П. Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», Бобир ғазаллари ва тўртликлари, Умар Хайём рубоийлари, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Бедилнинг «Комде ва Мудан», шунингдек «Алпомиш», «Орзигул» достонларини, «Манас» (қирғиз) ва «Қиз-Жибек» (қозоқ) эпосларини, ўзбек, грузин, арман, чуваш, татар, бошқирд, ёқут, эстон совет шоирлари ва ғарб адабиётидан Гёте, Гейне, Гервег, Беранже, Гюго, Леконт де Лилларнинг асарларини рус тилига таржима қилган. П. таржималарида шоирлар услуби, миллий колорит яхши сақланган. Унинг таржималари «Танланган шеърий парчалар» (1956), «Асрлар ва йиллар оша» (1960), «Чанг» (1971) тўпламларида нашр қилинган. П. «Алпомиш» эпосининг баъзи стилистик хусусиятлари ва уни таржима қилиш принциплари», «Алпомиш» эпосининг поэтик хусусиятлари» номли мақолалар муаллифи. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПЕЯ (лат. poepa — жазо) — совет гражданлик ҳуқуқида *неустойка* турларидан бири, мажбуриятни бажариш муддатини ўтказиб юборганлиги учун тўланади. Унинг миқдори мажбуриятнинг бажарилмаган қисми суммасига нисбатан процент б-н ҳисобланади. Бажариш муддатининг чўзилиши б-н П. ҳам кўпайиб боради. П. ни тўлаш б-н қарздор мажбуриятни бажаришдан озод бўлмайди.

ПЕОНАЖ (испанча peon — батрак) — помещик ёки корхона эгасига қарам ишлаб чиқарувчилар (асосан деҳқонлар) ва улар авлодини қарздор (пеон)ларга айлантиришга асосланган феодал-крепостнойлик эксплуатация шакли. П. 16-асрнинг 2-ярмида Испаниянинг Америкадаги мустамлакаларида пайдо бўлган, 17-аср, ай-



Пентод. *А*—анод; *К*—катод; C_1—бошқариш тўри; C_2—экран тўри; C_3—антидинатрон тўри.



Перголези Ж. Б.

ниқса 18-асрда кенг ёйилган. Ўз шакли ўзгарган П. системаси феодал сарқитларидан бири сифатида Латин Америкасидаги кўп мамлакатларда сақланиб келмоқда.


ПЕПСИН (юнон. pepsis — овқат ҳазм қилиш) — сут эмизувчилар, қушлар, судралиб юрувчилар ва кўпчилик балиқлар *меъда ширасининг* асосий ферменти. Оқсиллар ва пептидларни парчалайди. 1836 йили немис олими Т. Шванн топган; 1930 йилда америкалик олим Ж. Нортроп уни кристалл ҳолда олган.

Меъда-шиллиқ қавати безлари чиқарадиган пепсиноген меъда ширасидаги хлорид кислота таъсирида П. га айланади. Лабораторияларда оқсилнинг бирламчи тузилишини ўрганиш, сир тайёрлашда ишлатилади. Медицинада қўлланиладиган П. эса оқ ёки сарғиш порошок бўлиб, сув ва спиртда эрийди. Меъда ширасининг ажралиши сусайиб, овқат ҳазм қилиш йўлларининг фаолияти бузилганда ишлатилади. Порошок ва эритма ҳолида чиқарилади.


ПЕПТИДАЗАЛАР, дипептидазалар, полипептидазалар — *пептидлар* ёки пептонларни аминокислоталаргача парчаловчи ферментлар. Ҳайвон ва ўсимлик тўқималари ҳамда микроорганизмларда кўп бўлади. Протеиназалар б-н бирга оқсил алмашиниши процессида қатнашиб, оқсил молекулаларини эркин аминокислоталарга аста-секин парчалайди.

ПЕПТИДЛАР (юнон. peptos — қайнатилган, ўта қайнатилган) — бир-бирига амид (пептид) боғ б-н боғланган икки ва кўп *аминокислоталар* қолдиғидан иборат бирикмалар. Икки аминокислота қолдиғидан иборат П. дипептидлар, учтасиники трипептидлар, тўрттасиники тетрапептидлар, олти — ўнтасиники полипептидлар деб аталади. П. тузилиши жиҳатидан *оқсил* б-н аминокислоталар оралиғидаги ҳолатни эгаллайди. Ҳайвон ва ўсимлик организмларида оқсилларнинг парчаланишидан ҳосил бўладиган маҳсулотлардир. Усимликларда, ҳайвонларда, микроорганизмларда эркин ҳолда топилган.

ПЕПТИЗАЦИЯ (юнон. peptein — қайта пиширмоқ) — ивиқ ва говак чўкма (умуман коагуляцион маҳсулот)нинг қайта коллоид эритма ҳолатига ўтиши. П. бўлиши учун коагуляцион маҳсулотга бирор электролит ёки сирт-актив модда қўшиб, эритувчи б-н аралаштирилади. Коллоид эритма олишда ишлатилган электролит ва баъзи сирт-актив моддалар пептизаторлар дейилади. П. тезлигига турли факторлар (пептизаторнинг кимёвий хоссаси, концентрацияси, чўкманинг ҳолати ва миқдори, т-ра, аралаштириш тезлиги, водород ионларининг эритмадаги концентрацияси, ультратовуш, радиоактив нур ва ҳ. к.) таъсир этади. П. мураккаб процесс бўлиб, унинг механизми дисперсион муҳит ва пептизаторнинг чўкма сиртига адсорбланишига, сольват қаватлар ҳосил бўлишига, чўкма б-н пептизатор орасида бир қатор оралиқ маҳсулотлар пайдо бўлишига боғлиқ. Бевосита ва билвосита П. бўлади. Агар ивиқ сиртига пептизаторнинг ўзи ютилса, бевосита П., унинг эрувчи модда б-н ҳосил қилган маҳсулотлари ютилса, билвосита П. рўй беради. П. дан коллоид кимёда ва техникада кенг фойдаланилади.



Пергола («Катта Ливадия саройи» олдида, Ливадия, Қрим обл. УССР).



Пергола. В. И. Ленин хиёбони, Тошкент, 1974.

ПЕР... (лат. per — бирор нарсанинг кучайтирилиши, ортиқчалигини билдирадиган олд қўшимча) — кимёвий бирикмалар номининг олд қўшимчаси: бирикма молекуласида юқори оксидланиш ҳолатида турган атом борлигини (перманганат, перхлорат); молекулада пероксид группаси мавжудлигини (персульфат); органик бирикмаларда водород атомларининг бошқа бирор атом б-н тўла алмашинишини (перхлорбензол, перфторгептан); ароматик бирикмалардаги каррали боғларнинг бутунлай гидрирланишини (пергидрофенантрен) англатади.

ПЕРВОМАЙСК — УССР Николаев областидаги шаҳар. Синюха дарёси Жанубий Буг дарёсига қуйиладиган жойда. Т. й. станцияси. Аҳолиси 68,5 минг киши (1974). Машинасозлик, «Фрегат» (ёмғир установкалари), қанд-шакар, пиво з-длари, сут-консерва, паррандачилик ва гўшт к-тлари, тикувчилик, мебель, пластмасса буюмлар ф-калари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Одесса Технология ин-тининг умумий техника ф-ти, медицина билим юрти, ўлкашунослик музейи ишлаб турибди.

ПЕРВОМАЙСК — УССР Ворошиловград областидаги шаҳар (1938 йилдан). Луганъ дарёси (Северский Донец ирмоғи) бўйида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 45,4 минг киши (1974). Шаҳар яқинидан кўмир қазиб чиқарилади. Электромеханика, темир-бетон буюмлар з-длари, пойабзал ф-каси, медицина билим юрти, кечки электромеханика техникуми, Кадиевка кечки кон техникумининг филиали бор.

ПЕРВОУРАЛЬСК — РСФСР Свердловск областидаги шаҳар (1933 йилдан). Чусовая дарёси соҳилида (Кама ирмоғи). Т. й. станцияси. Аҳолиси 122 минг киши (1974). П. га темирчилик з-ди қурилиши муносабати б-н (1920 йилдан қувур ишлаб чиқаради) 1732 йилда асос солинган. Совет ҳокимияти йилларида қувур тог-кон ускуналари, динас, хромпик, санитария-техника буюмлари, темир-бетон конструкциялар, технология жиҳозлари з-длари, Урал Политехника ин-тининг умумий техника ф-ти, кечки металлургия техникуми бор.

ПЕРГАМ — Кичик Осиёдаги қадимги шаҳар (ҳозирги Бергама). Шаҳарга мил. ав. 12-асрда асос солинган. Мил. ав. 283—133 йиллари Пергам подшолигининг пойтахти бўлган. Бу даврда шаҳар жуда равнақ топган. Эллин дунёсининг энг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан бирига айланган. П. кутубхонаси ноёб қўл ёзмалар кўплиги жиҳатидан *Александрия кутубхонаси*дан кейин иккинчи ўринда турган. П. да биринчи марта ёзув материали — *папирус* ўрнида *пергамент* ишлатилган. П. ўзининг медицина мактаби б-н ҳам машҳур бўлган. П. да немис археологлари К. Хуман, Э. Курциус ва б. археологик қазиш ишлари (1878—86, 1900—06 ва кейинги йилларда) олиб борган.

ПЕРГАМЕНТ (*Пергам* шаҳри номидан) — 1) махсус ишлов берилган мол териси; доира, дўмбира ва баъзи техник деталлар учун ишлатилади; қадимда хат ёзиш учун ишлатилган; 2) шундай материалга ёзилган ҳужжат; 3) сульфат кислота (H_2SO_4) б-н ишлов берилган қоғоз; шаффоф, ёғ ва сувни ўтказмайди. Материалларни ўрашда, изоляция материали сифатида ва б. мақсадларда ишлатилади.

ПЕРГОЛА (итал. pergola — бостирма) — тоқисимон қурилма, ишком. Тош, ёғоч, темир ва бошқалардан айвон, шийпон, галерея, йўлак шаклида қурилиб, чирмашадиган ўсимликлар б-н кўкаламлаштирилади. 16—18-асрларда Европада боғ-парк санъатида кўп фойдаланилган. Ҳозир П. лар истироҳат боғлари, хиёбонлар, кўл, дарё соҳиллари, тоғ ён бағирлари ва б. хушманзара жойларга қурилади. Тошкентдаги В. И. Ленин хиёбонида ишкомсимон П. бор.

ПЕРГОЛЕЗИ, Перголезе Джованни Баттиста (1710. 4. 1,Ези, Анкона — 1736. 17. 3, Поццуоли, Неаполь яқини) — итальян композитори, *Неаполь опера мактаби*нинг йирик намояндаси. П.—10 опера (жумладан «Олимпиада», 1735), концерт, оратория, кантата, черков музикаси (жумладан, «Стабат матер», 1735), трио-соната ва б. муаллифи. Ҳажвий (буффа) опера жанрининг асосчиси. Унинг «Чўри — бека» (1733) асари мазкур жанрнинг дастлабки классик намунаси бўлди ҳамда бошқа мамлакатларда реалистик операнинг ривожланишида муҳим роль ўйнади.

ПЕРЕВАЛЬСК — УССР Ворошиловград областидаги шаҳар (1964 йилдан). Коммунарск т. й. станциясидан 7 *км*. Аҳолиси 32 минг киши (1974). Шаҳар яқинидан кўмир қазиб олинади. Темир-бетон буюмлар з-ди, озиқ-овқат саноати корхоналари (гўшт к-ти, пиво з-ди), кечки тоғ-кончилик техникуми бор.

ПЕРЕДВИЖНИКЛАР, сайёр кўргазмачилар — Россияда йирик прогрессив демократик бадиий уюшма (1870—1923). Реалистик йўналишдаги истеъдодли рассом ва ҳайкалтарошлардан ташкил топган бу уюшманинг ташаббускорлари Г. Г. Мясоедов, И. Н. *Крамской*, Н. Н. *Ге*, В. Г. *Перов* ва б. бўлиб, ғоявий етакчиси И. Н. Крамской эди. Шу пайтларда тарқаган Рассомлар артелининг кўпгина аъзолари ҳам бу уюшмага кирди. П. демократик йўналишдаги Рассомлар артелининг энг яхши традицияларини давом эттирдилар, ривожлантирдилар. Халқ оммасини эстетик тарбиялаш, ўз асарларини кенг пропаганда қилишни асосий мақсад қилиб қўйган П. асарларида меҳнаткашлар ҳаётини кўпроқ акс эттирдилар, самодержавиени фош қилувчи воқеаларни, ватанпарварлик туйғулари туғдирувчи манзараларни кўрсатдилар, Россия тарихини реал ифодаловчи картиналар, реалистик портретлар яратдилар. Энг яхши П. дан И. Е. *Репин*, В. И. *Суриков*, В. М. *Васнецов*, В. Г. *Перов*, И. И. *Шишкин*, К. А. *Савицкий*, И. И. *Левитан*, Н. А. *Ярошенко*, В. Д. *Поленов*, Н. А. *Касаткин*, В. А. *Серов* ва б. яратган асарлар рус тасвирий санъатининг олтин фондига кирди, оммада демократик кайфият туғдиришда катта роль ўйнади. П. Москва, Петроград ва мамлакатнинг бошқа кўпгина йирик шаҳарларида сайёр кўргазмалар ташкил қилдилар (П. номи ҳам шундан). П. яратган расм ва ҳайкаллар демократик позицияда бўлиб, танқидий реализмга мансубдир.

ПЕРЕЙРА — Колумбиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Каука дарёси водийсида. Писаральда департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 212 минг киши (1972). Т. й. ва автомобиль йўллари узели. Кофе ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириладиган қ. х. р-нининг савдо-транспорт маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик ва кўнчилик корхоналари бор.





Передвижниклар. 1. И. Н. Крамской. «Деҳқон юган билан». 2. И. Репин. «Кутмаган эдилар».

ПЕРЕКОП БУЙНИ — Қрим ярим оролини материк б-н бирлаштириб турадиган қуруқлик. Узунлиги 30 *км*, эни 8—23 *км*. Энг баланд жойи 20 *м*. Гил ва қумоқлардан таркиб топган; қирғоқлари ўйилган. Ер юзаси — текислик. Дашт ва чала чўл ўсимликлари ўсади. П. б. нинг жанубий қисмида шўр кўллар кўп. П. б. бўйлаб Шимолий Қрим канали ўтади. П. б. да 1918—20 йиллардаги гражданлар уруши ва 1941—45 йиллардаги Улуғ Ватан урушида шиддатли жанглар бўлган.

ПЕРЕСЛАВЛЬ-ЗАЛЕССКИЙ (15-асргача — Переяславль) — РСФСР Ярославль областидаги шаҳар. Плещеево кўлининг жанубий-шарқий соҳилида, Трубеж дарёси кўлга қуйиладиган жойда. Т. й. станцияси. Аҳолиси 33 минг киши (1974). П.-З. га 1152 йилда Юрий Долгорукий асос солган. 18-аср ўрталаридан П.-З. да полотно ва қоғоз ишлаб чиқариш мануфактуралари ривожланди. Совет ҳокимияти йилларида йигириш ф-каси реконструкция қилинди. Бўёқчилик ф-каси ўрнида машҳур кинопленка ф-каси вужудга келди. 1970 йилдан кимё к-ти ишга тушди. Кустарь каштачилик устахоналари ўрнида механизациялашган бахмалдан кашта тикадиган ф-ка вужудга келди. Автомобиль ремонти, гишт з-длари, тикувчилик, мебель ф-калари, озиқ-овқат саноати корхоналари бор.

ПЕРЕЯСЛАВ РАДАСИ (1654) — украин халқи вакилларининг Украинани Россияга қўшиш тўғрисида қарор қабул қилган йиғини. П. р. гетман Богдан *Хмельницкий* томонидан Переяслав шаҳрида чақирилган [8 (18) янв.]. П. р. да Украинанинг бир неча шаҳарларидан ҳамда казаклардан келган халқ вакиллари иштирок этишган. Богдан



Передвижниклар. Г. Г. Мясоедов. «Земство овқатланяпти».

Хмельницкий сўзга чиқиб, Украинанинг поляк шляхталари, Крим хонлиги ва Туркия султонлиги қуршовида оғир аҳволда қолганлигини билдирди, Россияга қўшилишни таклиф қилди. Бу таклифни П. р. қатнашчилари бир оғиздан маъқуллашгандан сўнг аҳоли подшога ўзининг содиқлиги тўғрисида қасамёд қилган. Украина Россияга қўшилгач, иқтисодий-сиёсий ва маданий жиҳатдан тез суръат б-н юксала бошлади ҳамда чет эл агрессияси хавфидан озод бўлди.

ПЕРИ ... (юнон. peri)— қўшма сўз бўлаги. Муайян нарсага яқинликни, атрофни билдиради (мас., *перигелий, перидерма*).

ПЕРИГЕЙ *(пери...* ва юнон. gé — *Ер*) — Ой ёки Ер сунъий йўлдоши орбитасининг Ерга энг яқин нуқтаси. Ғалаёнловчи кучлар П. нинг фазодаги вазиятини ўзгартиради. Мас., Қуёшнинг ғалаёнловчи кучи таъсирида Ой перигейи орбита бўйлаб Ой ҳаракати томонга силжийди ва 8,85 йилда бир марта тўлиқ айланиб чиқади. Ер сунъий йўлдошининг перигейи силжишига Ернинг шакли шардан фарқ қилиши сабаб бўлади. Осмон жисмларининг П. дан 2 марта кетма-кет ўтиши орасидаги вақт аномалистик давр, П. дан Ер марказигача бўлган масофа П. масофа дейилади.

ПЕРИГЕЛИЙ *(пери...* ва юнон. hélios—Қуёш)— Қуёш атрофида эллипс, парабола ёки гипербола бўйича ҳаракатланаётган осмон жисми орбитасининг Қуёшга энг яқин нуқтаси. Сайёраларнинг ғалаёнловчи кучлари таъсирида П. нинг фазодаги вазияти ўзгаради. Мас., тортишиш қонунларига мувофиқ *Меркурий* перигелийи ўзгаргани аниқланган. П. дан Қуёш марказигача бўлган масофа П. масофа дейилади. Биринчи совет космик ракетаси «Луна-1» нинг П. масофаси 146,4 млн. *км*, афелий масофаси 197,2 млн. *км* бўлган (расмга қ.).



Перигелийга оид схема: сунъий сайёра орбитаси.

ПЕРИДЕ́РМА *(пери...* ва юнон. derma — тери)— кўп йиллик (баъзан бир йиллик) ўсимликларнинг новдаси, илдизи, картошкаси, илдизпояси ва куртакларидаги иккиламчи қопловчи тўқима. Феллема, феллодерма ва феллоген (пўкак камбийси)дан тузилган. Ўсимлик органларини қизиб ва совиб кетишдан, сувни ортиқча бугланишдан сақлайди ва ҳ. к.

ПЕРИДОТИ́Т (франц. péridot — оливин)— ультраасосли интрузив тоғ жинси. Таркиби, асосан, *оливин* (70—30%), *пироксен* (30—70%), баъзан шох алдамчидан иборат. П. да 40—46% SiO_2 ва 34—36% MgO бўлади. Шунингдек, иккиламчи минерал сифатида магнетит, ильменит, пирротин, хромит, шпинель, гранат ва б., баъзан платина ҳамда айрим никель минераллари учрайди. П.— тўқ рангли жинс, кўпинча кўк ёки кўкиш-кул ранг бўлади. Айрим пайтда оливин ва пироксенлар кучли серпентинлашиб, П. *змеевикка* айланади. П. нинг гарцбургит (саксонит), верлит, вебстерит (лерцолит) каби турлари мавжуд. П. бошқа ультраасосли ва асосий тоғ жинслари б-н бирга катта масофага чўзилган минтақа ва зоналар ҳосил қилади. Бундай ерларда хромит, платина ва силикатли никель рудалари, хризотил-асбест, тальк ва б. фойдали қазилма конлари учрайди.

ПЕРИКА́РД *(пери...* ва юнон. cardia — юрак)— умуртқали ҳайвонлар ва одамда юракни ўраб турадиган ёпиқ халтасимон тузилма. Ташқи — фиброз ва ички — сероз варақлардан иборат. Ички — сероз варақ яна икки қисмга бўлинади: висцерал варақ (эпикард) ва париетал варақ. Шу варақлар орасида П. бўшлиғи бўлиб, унда оч сарғиш тиниқ сероз суюқлиқ бор. Эпикард юрак юзасига зич ёпишган. Ташқи варақ (асл П.) П. бўшлиғини кўкрак бўшлиғидан ажратиб туради. П. да қон ва лимфа томирлари, жуда кўп нерв учлари бўлади. У бириктирувчи тўқимали ғовак клетчатка б-н ўралган.

ПЕРИКАРДИ́Т — *перикард*нинг яллиғланиши. Одамда (ҳамма ёшдаги кишиларда) ўткир ва хроник бўлади. Ўткир П. кўпинча ревматизм, шунингдек ўпканинг крупоз яллиғланиши, грипп, ангина, *сепсис* каби юқумли касалликлар туфайли рўй беради (инфекцион П.). Миокард инфаркти, уремия, кўкрак қафаси жароҳатланганда ҳам П. пайдо бўлиши мумкин (ноинфекцион П.). Хроник П. сил касаллиги оқибатида келиб чиқади, кўпинча плевра ва қорин пардасининг бир вақтда яллиғланиши б-н ўтади.

Юрак халтасида суюқлиқ бор-йўқлигига қараб П. нинг қуруқ, экссудатли ва ёпишқоқ (облитератив) шакллари фарқ қилинади. Қуруқ П. да перикардда ишқаланишга ўхшаш товуш эшитилади. Гавда т-раси бир оз кўтарилиб, юракдаги оғриқ унинг атрофига ва орқага тарқалади. Бемор йўталганда, нафас олганда оғриқ зўраяди. Экссудатли П. серозли, йирингли, геморрагик бўлиши мумкин. Бунда бемор ўнг қовурғаси остида кучли оғриқ сезади, нафаси қисилиб, энтикади, жигари шишади. Кўпинча беморнинг юзи керкиб, бўйин томирлари кенгаяди. Ёпишқоқ П. да, кўпинча, перикарддаги суюқлиқ сўрилгач, перикарднинг ички ва ташқи варақлари бир-бирига ёпишиб қолади. Бунда юрак орқали қон айланиши бузилади.

Давоси: П. га сабаб бўлган асосий касалликка қарши дорилар берилади. Йирингли, экссудатли П. да антибиотиклар буюрилади. Перикардда суюқлиқ кўп бўлса, игна санчиб тортиб олинади. Ёпишқоқ П. операция қилиб даволанади.

Ҳайвонларда, кўпинча, жароҳатланиш оқибатида вужудга келади; қорамол, баъзан, бошқа кавш қайтарувчи ҳайвонларда учрайди. Ҳайвонларнинг ошқозон олдига озуқа б-н бирга кирган металл ва б. ўткир қиррали нарсалар П. га сабаб бўлади. Улар ошқозон олдидан тўрқорин деворини, диафрагмани тешиб киради ва юрак халтасини жароҳатлайди, бу жой яллиғланади ва суюқлиқ тўпланади. Юрак атрофида оғриқ пайдо бўлади, ҳайвон овқат емайди; кейинроқ бўйинтуруқ венаси, шунингдек кўкрак ости ва жағлар оралиғи шишади, юрак чегараси кенгаяди, юракда шовқин, ғижирлаш овози пайдо бўлади, вақт-вақти б-н ҳарорат кўтарилади. Оқибатда ҳайвон ҳалок бўлади.

Ад.: Рибачук И. А., Ички касалликлар (касалларни парвариш қилиш ва патология асослари билан), [Дарслик], Т., 1969; Внутренние незаразные болезни сельскохозяйственных животных, [под ред. И. Г. Шарабрина], 4 изд., М., 1972.

ПЕРИКЛ (тахм. мил. ав. 490, Афина — мил. ав. 429)— қадимги юнон сиёсий арбоби, мил. ав. 444/443—429 йилларда (430 йилдан ташқари) Афина стратеги (бош қўмондони). Аристократлар уруғига мансуб. Қулдорлик демократиясининг бошлиғи Эфиальт ўлгач, П. Афина демократларига раҳбарлик қилган, 443 йилдан Афина давлати бошлиғи. У Афина давлат тузумини янада демократлаштирди, жамоат бинолари (Парфенон, Пропилеи, Одеон) қурдирди. Ташқи сиёсатда П. Афина денгиз қудратини ошириш ва мустаҳкамлашга интилган. П. стратег сифатида бир қанча ҳарбий экспедицияларга раҳбарлик қилган. Мил. ав. 431—404 йиллардаги *Пелопоннес уруши*, спарталикларнинг Аттикага босиб кириши ва қамалда қолган Афинада ўлат касалининг тарқалиши натижасида П. нинг мавқеи пасайган. 430 йили у стратегликка сайланмаган, бундан ташқари молиявий жиноят қилганликда айбланиб, йирик пул жаримаси тўлашга ҳукм этилган. 429 йили П. оқланган ва қайта стратегликка сайланган, лекин ўша йили вафот қилган.

ПЕРИ́МЕТР *(пери...* ва *метр)*— ёпиқ контурнинг узунлиги. Мас., кўпбурчакнинг периметри унинг томонлари узунликлари йиғиндисига тенг. Ихтиёрий фигурининг юзи S ва периметри l учун $4\pi S < l^2$ тенгизлик ўринли.

ПЕРИОДОНТИ́Т *(пери...* ва юнон. odontos— тиш), перицементит — тиш илдизи пардаси ва унга ёпишиб турадиган тўқималарнинг яллиғланиши. Келиб чиқишига кўра инфекцион ва ноинфекцион бўлади.

Инфекцион П. кўп учрайди. Инфекция периодонтга турли йўллар: илдиз канали, илдиз милки, чириган тиш (кариес) орқали тушади. Ноинфекцион П. дори, кимёвий моддаларнинг периодонт ёғиғига тушиши (мас., врач тишни даволаётганда кучли таъсир қиладиган арсенит кислота, кумуш нитрат, формалин ва б. дан фойдаланганда), периодонтнинг механик шикастланиши (зарб, қаттиқ нарсаларни тишлаш, коронканинг синиши ва ҳ. к.) натижасида юзага келади.

Уткир ва хроник П. фарқ қилинади. Уткир П. бир неча соат давомида пайдо бўлади. Тиш ўсиб кетгандай туюлиб, лўқиллаб оғрийди. Йирингланиб, милк шишади. Кўпинча шиш лимфа тугунларига ҳам тарқалади, баъзан т-ра кўтарилади. Хроник П. ёпиқ процесс сифатида ўтади, оғиздан қўланса ҳид келади, тиш зарарланганда, киши совқотганда оғриқ пайдо бўлади. Баъзан *гранулёма* ҳосил бўлиб, ўсмага айланади. Бемор мутахассис врач назоратида даволанади. Оғриқ қолдириш учун оғиз шалфей қайнатмаси б-н чайилади. П. нинг олдини олиш учун чириган тишлар, оғиз бўшлиғи касалликларини ўз вақтида даволаш лозим.

ПЕРИОСТИ́Т *(пери...* ва юнон. osteon — суяк)— суяк пардаси — (периост)нинг яллиғланиши. Суякнинг ўзи, кўмиғи, Гаверс каналлари, суяк атрофидаги тўқималар яллиғланиши оқибатида вужудга келади. Уткир ва хроник бўлади. Суяк пардасига жароҳат орқали, қон ва лимфа б-н йиринглатувчи микроблар кириши ёки яллиғланиш процесси суякдан бевосита суяк пардасига ўтиши натижасида ўткир П. келиб чиқади: беморнинг дармони қурийди, эти увишади, т-раси 39—40° гача кўтарилади, боши оғрийди. П. бўлган жой шишади, қизаради, қизийди ва тери ялтиллаб туради. Процесс зўрайганда, суяк пардаси остида йиринг тўпланади. Уткир П. ўз вақтида даволанилмаса, хроник П. га айланиб кетади. П. *остеомиелит* ва суякнинг бошқа касалликлари белгиси бўлиши ҳам мумкин. Давоси. П. бўлган жойга иссиқ қилиш ва антибиотиклар, физиотерапия буюрилади.

ПЕРИПАТЕ́ТИК МАКТАБ (юнон. peripateo— сайр этиб юрмоқ) — *Аристотель* асос солган фалсафий мактаб. Мактабда дарс, одатда, ўз тингловчилари б-н сайр этиб юриш жараёнида ўтилган (номи шундан олинган). П. м. нинг биринчи даври (мил. ав. 4—1-асрлар)да унга аввал Теофраст, кейин Стратон бошчилик қилган. Бу даврда айрим фанларга бўлган қизиқиш кучайди, Аристотелнинг баъзи шогирдлари табиатшунос, тарихчи, географ, адабиёт назариётчиси ва тарихчиси бўлиб етишди. П. м. нинг иккинчи (мил. ав. 1-аср) ва учинчи даври (1—3-аср) учун Аристотель асарларини нашр этиш, таҳрир қилиш ва шарҳлаш характерли. П. м. платончилар, пифагорчилар, стоиклар, неоплатончиларга ва кейинчалик ўрта аср яқин ва Ўрта Шарқ халқлари философиясига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

ПЕРИПЛО́КА (Periploca graeca)— сутпечакдошлар (сутпечакгуллилар оиласи)га мансуб дарахтларга чирмашиб ўсувчи лиана. Бўйи 30 *м* гача. Барги тухумсимон, наштарсимон, қисқа бандли, қарама-қарши жойлашган. Гуллари яшил-қўнғир ёки бинафша. Тўпгули ярим соябонсимон. Меваси қўнғир-жигар ранг. Уруғи қизғиш-жигар ранг. Ҳамма қисмида заҳарли сут шира бор. СССРда Абхазия, Ажария ва Каспий денгизи соҳилларида учрайди. Молдавия, Украина ва Ўрта Осиёда ўстирилади. Пўстлоғида 0,38% гача периплоцин ва юрак касалликларида ишлатиладиган гликозидлар бор. Қадимдан Қавказда П. дан бўрилар учун заҳарли хўрак тайёрланади.

ПЕРИ́ПТЕР *(пери...* ва pteron — қанот, бу ерда — ён устунлар)— тўрт томонидан устунлар б-н ўралган тўғри бурчакли бино. Қадимги юнон ибодатхоналарининг бир тури. Мил. ав. 7—4-асрларда кўплаб қурилган (мас., Коринфдаги Аполлон, Афинадаги *Парфенон*, Пестумдаги Посейдон ибодатхоналари). П. нинг ташқи кўриниши классицизм даври архитектурасида кенг қўлланилган.

ПЕРИСКО́П (юнон. атрофга қарайман, кўздан кечираман)— бронемашина (танк)лар, сув ости кемалари, *пана жой*лар, траншея ва ш. к. лардан туриб кузатиш учун мўлжалланган оптик асбоб. П. нинг пиёдалар (окоплар), артиллериячилар, танкчилар ва денгиз қўшинларига мўлжалланган турлари мавжуд. П. призмали ва ойнали хилларга бўлинади. Призмали П. нинг кам орттириб кўрсатишида (1,2—1,5 марта) кўриш майдони 40° ни ташкил этади, кўп орттириб кўрсатишида эса (5—6 марта) кўриш майдони кичраяди. Баъзи П. лар айланасига кузатиш имконини беради.

ПЕРИСПЕ́РМ, перисперма́й — уруғнинг запас озуқали тўқимаси; муртак ривожланишида сарф бўлади. Асосан, крахмал, баъзан мойдан иборат. Баъзи ўсимликларга хос. *Эндосперм* ҳам ўсимлик уруғидаги тўқима.

ПЕРИСТА́ЛЬТИКА (юнон. peristaltikos — қамраб оладиган, қисадиган)— меъда, ичак, уруғ каналари, ўт йўли, сийдик йўли каби ковак органлар деворининг бир ритмда тўлқинсимон қисқариши. Шу ҳаракат туфайли бу органлардаги масса ва суюқлиқ олдинга силжийди. П. автоматик тарзда амалга ошади. Марказий нерв системаси адашган ва симпатик нервлар орқали П. ни тормозлайди ёки тезлаштиради. Баъзи касалликларда П. бузилади.

ПЕРИТЕ́ЦИЙ *(пери...* ва юнон. theke — жой, идиш)— кўпчилик халтали замбуруғлар (пиреномицетлар)нинг майда мева танаси; юқори учида кичкина тешикчали пардаси бор. П. шарсимон ёки ярим шарсимон, кўзасимон, ноксимон. Мицелда ёки унинг махсус ўрами стромада вужудга келади. П. ичида спорали халтача-

лар (баъзи пиреномицетларда П. дан ташқари бир ёки кўп ҳужайрали иплар — парафизалар) ривожланади.


ПЕРИТОНИТ (юнон. peritonaion — қорин пардаси) — қорин пардасининг яллиғланиши. Ҳамма ёшдаги кишиларда учрайди. Одатда қорин бўшлиғидаги органларнинг шикастланиши ёки уларга микроблар (ичак таёқчаси, стрептококк, стафилококк) тушиши оқибатида юзага келади. Меъда, ўн икки бармоқ ичак яраси, ўт пуфаги, кўричакнинг ёрилиб кетиши ва чурранинг қисилиб қолиши, қорин бўшлиғининг жароҳатланиши ва б. П. га сабаб бўлади.

Ўткир ва хроник П. фарқ қилинади. Ўткир П. да дастлаб беморнинг кўнгли айниб, қусади, қорни қаттиқ оғрийди, ҳиқичоқ тутади, ичи қотади. Касаллик тезда зўрайиб, қорин бўшлиғида йирингли экссудат тўпланади. Бунда беморнинг ранги оқариб, кўзлари хиралашади, нафаси тезлашиб, қорни шишиб кетади, тез-тез қусади. Ўткир П. ҳаёт учун жуда хавфли бўлиб, бемор зудлик б-н касалхонага ётқизилади. Хроник П. кўпинча бирор органнинг зарарланиши ёки хроник касаллик (мас., сил) оқибатида пайдо бўлади. Одатда аста-секин ривожланади. Бунда қорин бўшлиғида суюқлик тўпланиб, бемор озиб кетади, қорни оғрийди, қабзият кузатилади.

Давоси: ўткир П. операция қилиб даволанади. Хроник П. да даво касалликнинг асосий сабабига қарши қаратилади. Антибиотиклар буюрилади.

ПЕРИЦИКЛ *(пери...* ва *цикл)*, перикамбий — ўсимликлар илдизи ва баъзан новдаларидаги марказий (ўтказувчи) цилиндрнинг атрофида жойлашган яратувчи тўқимаси. Баъзи ўсимликлар (каноп, зиғир, кендир)нинг П. толалари тўқимачиликда ишлатилади.

ПЕРКАРИНА (Percarina demidoffi) — олабуғасимонлар оиласига мансуб балиқ. Гавдаси 10 *см* гача. Тангачаси юпқа. Сузгич қанотлари тиниқ. Қора ва Азов денгизининг чучук сувли қисмида учрайди. П. ҳаётининг иккинчи йилидан кўпая бошлайди. Майда жониворлар б-н овқатланади. П. дан минерал ўғит ва озуқа ун тайёрланади.



Перкарина.

ПЕРКУССИЯ (лат. percussio — тукиллатиш) — беморнинг ички органларидаги касалликни аниқлаш учун қўлланиладиган физик метод. Тананинг текширилаётган жойига бармоқ ёки болғача б-н тукиллатиб уриб кўрилади. Бунда чиқадиган товушга қараб, текширилаётган органнинг аҳволи ҳақида фикр юритилади; бир неча хил бўлади: 1) аускультатор П. — текширилаётган жойга стетофонендоскоп қўйиб, чиққан товушни тинглаш; 2) асбобли П. — плессиметр ва болғача б-н тукиллатиш; 3) бевосита П. — тана юзасини бевосита бармоқлар б-н тукиллатиш; 4) воситали П. — тана юзасига бир қўл бармоқларини қўйиб, устидан иккинчи қўл бармоғи б-н тукиллатиш ёки плессиметр устидан болғача б-н тукиллатиш. П. қилиб ҳавоси бор ёки ҳавоси йўқ органлар ўртасидаги чегарани топиш, ўпка, юрак, жигар каби органлар ҳолати ва шаклини белгилаш мумкин.

ПЕР-ЛАШЕЗ (Pere-Lachaise) — Париждаги қабристон. Людовик XIV нинг «пири» — Лашезнинг собиқ мулки (П.-Л. номи шундан). Версалчиларга қарши курашган Париж коммунарлари 1871 йил 27 майда П.-Л. деворлари ёнида отиб ташланган. Ҳар йили май ойининг охирги якшанба кунида Коммунарлар девори ёнида Париж коммунарларини хотирлаш маросими ўтказилади. Коммунарлар девори яқинида француз ишчилар ҳаракатининг буюк арбоблари: П. Лафарг, М. Торез, М. Кашен, П. Вайян-Кутюрье, А. Барбюс ҳамда Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг кўпчилик қатнашчилари, шунингдек 1962 йил 8 февралда Парижда бўлган антифашист — намойиш қатнашчилари б-н полиция ўртасидаги тўқнашув қурбонлари дафн этилган. 1964 йили П.-Л. да *Бухенвальд* қурбонларига бағишланган ёдгорлик ўрнатилди.

ПЕРЛИТ (франц. perle — марварид) — 1) пўлат ва чўян структурасининг таркибий қисми. Темир эвтектикаси *(феррит)* ва темир карбид *(цементит)* аралашмасидан иборат; иссиқлик ишлови берилишига қараб, доначали ва пластинкали тузилишда бўлади. П. мустаҳкам ва анча пластик бўлгани учун пўлат ва чўянининг асосий мустаҳкамловчи таркибий қисми ҳисобланади; 2) концентрик-пўстлоқсимон (перлит) структурали нордон вулкан шишаси. Таркиби липарит, дацит каби нордон лавалар никига ўхшайди. Унда SiO_2 (65—75%), Al_2O_3 (10—15%), оз миқдорда Fe_2O_3, CaO, MgO, SO_3, R_2O 3—6% гача сув бўлади.

Майдаланган П. тез қиздирилганда таркибидаги сув буғга айланади, юмшаган жинс шишиб, 10—20 марта катталашади. П. нинг шишиш т-раси 850—1000°C (баъзан, 1200°C гача). Шишган П. доначалари қум ва шағал ўрнида, енгил бетон боғловчиси сифатида, иссиқлик изоляция материаллари тайёрлашда ишлатилади. Шишган П. дан кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, дори-дармон, шиша саноатлари ва қ. х. да фойдаланилади.

ПЕРЛОН — қ. *Полиамид толалар.*

ПЕРМАЛЛОЙ (инглиз. permeability — ўтказувчанлик ва alloy — қотишма) — никель б-н темир қотишмаларининг умумий номи. Таркибида 36—82% никель бор, қолгани темир. Баъзан, мис, хром ва молибден, озгина марганец қўшилади. П. нинг магнит синдирувчанлиги жуда юқори (10000—105000 *гаусс/эрстед*). П. радиотехника, телефония, ўлчаш асбобларида ва б. соҳаларда қўлланилади.

ПЕРМАНГАНАТ КИСЛОТА, $HMnO_4$ — бир асосли кучли кислота. П. к. MnO_4^- аниони тўфайли қизғиш-бинафша рангли. Унинг перманганат ангидридигина (Mn_2O_7) эркин ҳолда ажратиб олинган. Mn_2O_7 — мойсимон қора суюқлик, парчаланганда портлайди. П. к. сувли эритма ҳолидагина бўлади. П. к. ва унинг тузлари (перманганатлар) кучли оксидловчи.

ПЕРМАНГАНАТОМЕТРИЯ — *титриметрик анализ* методи; *калий перманганат* ($KMnO_4$) эритмасини қўллашга асосланган (қ. *Миқдорий анализ, Ҳажмий анализ*). П. нинг афзаллиги шундаки, бу методда эквивалентлик нуқтасини аниқлашда махсус индикатор ишлатишнинг ҳожати йўқ, чунки $KMnO_4$ эритмаси ўзига хос бинафша-қизил рангга эга. Кўпчилик ҳолларда қайтарувчиларни (мас., Fe(II) ва Mn(II), Mo(III) ва Ti(III), $C_2O_4^{2-}$, AsO_2^-, NO_2^-, H_2O_2) титрлаш $KMnO_4$ нинг стандарт эритмаси б-н кислотали муҳитда олиб борилади. Баъзи бир моддалар (мас., сульфитлар, сульфидлар, тиосульфатлар, гидрозин) нейтрал ва ишқорли муҳитда осон оксидланади. Бир қатор металлар (Ca, Mg, Zn, La, Th) чўктириш методи (оксалатлар ҳолида) б-н П. методини бирга қўшиб аниқланади.

ПЕРМЬ (1940—57 йилларда — Молотов) — шаҳар, РСФСР Пермь обл. маркази. Кама соҳилида. Транспорт (т. й., дарё, автомобиль ва ҳаво транспорти) узели. Аҳолиси 920 минг киши (1974). П. 1723 йилда вужудга келган. 1971 йил 22 январда шаҳар Ленин ордени б-н мукофотланган.

Совет ҳокимияти йилларида П. Совет Иттифоқининг йирик саноат марказига айланди. Оғир индустрия, аввало, машинасозлик саноати тармоқлари: металлургия, тоғ-кон ва ўрмон саноатлари учун жиҳозлар, электротехника маҳсулотлари, моторлар, станоклар, дарё кемалари, сўнгра кенг истеъмол буюмлари (велосипедлар, патефонлар) ишлаб чиқариш устун туради. В. И. Ленин, Ф. Э. Дзержинский номли машинасозлик з-длари, кабель, моторсозлик з-длари бор. П. муҳим кимё саноати маркази: фосфорли ўғитлар, сульфат кислота, бўёқлар, нефть кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Ёғочни қайта ишлаш саноати (қоғоз к-ти, «Красный Октябрь» ёғоч к-ти, уйсозлик к-ти, тахта ва шпал тилиш з-длари) катта аҳамиятга эга. Йирик полиграфия к-ти ишлаб турибди. Озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари ривожланган. Шаҳарда иссиқлик электр станциясидан ташқари Кама ГЭС (504 *Мвт*) 1954 йилда ишга тушган.

П. да 6 олий ўқув юрти, 20 ўрта махсус ўқув юрти, 2 билим юрти, СССР ФА нинг Урал илмий марказининг муассасалари мавжуд.

ПЕРМЬ ДАВРИ (системаси), пермь — *палеозой эрасининг* сўнгги (олтинчи) даври. П. д. бундан 285 млн. йил аввал бошланиб, 55 млн. йил давом этган. Инглиз геологи Р. И. Мурчисон 1841 йилда Урал ва Россия текислигида ажратган. П. д. қуйи ва юқори бўлим ҳамда ярусларга бўлинади (жадвалга қ.).

Пермь даврининг стратиграфик схемаси

СССРда		Ғарбий Европада		АҚШда	
Бўлим	Ярус	Бўлим	Кичик бўлим	Бўлим	Серия
Юқори	Татаристон Қозон Уфа	Цехштейн (Тюрингий)	Юқори Ўрта Қуйи	Юқори	Очоа Гвадалупа
Қуйи	Кунгур Артин Сакмара Ассель	Қизил ложень	Юқори (Саксоний) Қуйи (Отен)	Қуйи	Леонард Вулфкемп


П. д. да тектоник ҳаракатлар жуда кучли бўлган: герцин тектоник бурмаланиш цикли давом этиб ниҳоясига етган. Бу ҳаракатлар СССР (Урал-Тяньшань), Ғарбий Европа (Герцин) Шимолий Америка (Аппалачи) геосинклиналь зоналарида авж олиб, тоғ тизмалари пайдо қилган. П. д. нинг 2-ярмида бепоён платформа областларида денгизлар чекиниб, уларнинг ўрнида қуруқлик вужудга келган. Пермь регрессияси натижасида П. д. бошларида мавжуд бўлган поёнсиз денгизлар кўл, ҳавзаларга айланган. П. д. охирларида платформалар қуруқликка айланган. Айрим жойлар (мас., *Тетис*, Верхоянье)да денгизлар сақланиб қолган.

П. д. иқлими кескин зонал бўлган ва тобора қуруқлаша борган. Тетис денгизи атрофида нам тропик иқлим минтақаси ажрала бошлаган. Унинг шимолида иссиқ ва қуруқ иқлим минтақаси бўлиб, у ерда тузли ва қизил рангли ётқизиқлар кенг ривожланган. Янада шимолроқда анча нам минтақа жойлашган; бу ерларда кўплаб кўмир тўпланган. Жанубий мўътадил минтақада *Гондвана* кўмир қатламлари пайдо бўлган. П. д. бошларида Жанубий ярим шарда материкни муз босган.

П. д. охирларида иқлим совий бошлаган. П. д. континентал ётқизиқларида қизил рангли чақиқ жинслар кўп. Шунингдек, кул ранг чақиқ жинслар ва кўмир қатламлари мавжуд. Қуйи П. д. да жанубий материкларда муз ётқизиқлари (тиллитлар) ҳосил бўлган. П. д. учун тузли лагуна формациялари жуда характерлидир. П. д. эпиконтинентал денгиз ётқизиқлари карбонат формациялар — турли оҳактошлар, жумладан рифоген оҳактошлардан иборат. Геосинклиналь денгизлар ўрнида терриген чақиқ, чақиқ-карбонат ва кремнийли-чақиқ-вулканоген формациялар ҳосил бўлган.

Органик дунёси. П. д. да қуруқлик майдонининг кенгайиши натижасида қуруқлик ўсимлик ва ҳайвон турлари кўпая борган. Бу даврда палеозой эрасига хос бир қанча ўсимлик ва ҳайвонлар тугаб янгилари пайдо бўлган. П. д. ўсимликлари иқлим турли жойда турлича бўлганини, қуруқлашиб борганини кўрсатади. Аввалари кенг тарқалган ўсимликларнинг айрим турлари йўқола борган. Дарахт кўринишидаги плаунсимонлар шулар жумласидан бўлиб, улардан фақат сигиллярия каби айримларигина сақланиб қолган. Каламитлар, шунингдек сфенофиллар ривожлана бориб, П. д. охирларида бутунлай йўқолиб кетган. Папоротник ва папоротниксимон птеридоспермалар кўп ва хилма-хил бўлган. Ялангоч уруғлилар жуда кўпайган. Кордантлар кенг тарқалиб, П. д. охирида қуриб кетган; игнабарглилар дастлаб катта аҳамият касб этган. Цикадофит ва гинкгофитлар вужудга келган. Мохлар кенг тарқалган. Ер шарининг турли қисмларида турли вақтда палеофит флора мезофит флора б-н алмашган. Қуруқлик ўсимликларидан кўплаб кўмир тўпланган. Денгизларда сувўтлар кўп бўлган.

П. д. ҳайвонот дунёси хилма-хил ва бой бўлган. Денгизларда фораминифералар, айниқса фузулинидлар кўп ва хилма-хил бўлиб, жуда ривожланган. П. д. охирида эса, улар қирилиб кетган. Қовакичлилардан асосан тўртнурли маржонполиплар (ругозалар) яшаган, П. д. охирида улар ҳам қирилиб кетган. П. д. да икки тавақали, қориноёқли ва бошоёқли моллюскалар кенг тарқалган. П. д. ўрталарида цератитлар вужудга келиб, триас даврида айниқса тараққий этган. Мшанкалардан криптостоматлар кўп тарқалган. Денгизларда брахиоподалар кўп яшаган. Денгиз, лагуна, чучук сувларда остракодалар бўлган. Трилобитлар оз бўлган. Қуруқликда ҳашаротлар яшаган. Игнатанлилардан денгиз нилуфарлари, сувдаги умуртқалилардан тоғайли акуласимон балиқлар (мас., геликоприон) кенг тарқалган. П. д. учун суякли балиқлардан палеонисцидлар характер-


ПЕРМЬ ОБЛАСТИ
45 0 45 90 км
Усть-Нем
Печора
Тулпан
Усьвовской
Коренино
Вых. Кыз
Верх. Вижай
Николаевка
Присковая
Чернореченский
(Коми-Перм. обл.)
Пелес
Верх. Кыдва
Талицы
Маси
Бондюг
Нырób
Маснал
Вая
Усть-Черная
Шумиха
Тайга
Заозерная
Красноярский
Лечим
Сев. Колчим
Усть-Кокуй
Чердынь
Стряпунята
Кочево
Песчана
Зайцево
Кочево
Усть-Березовка
Юсьва
Кын
Ярки
Соликамск
Кунгур
Ныроб
Кочевская
Сарсковка
Усть-Кын
Усть-Кишерть
Усть-Сосьва
Кишерть
Песчана
Кыдым
Мезенцево
Полва
Александровск
Оханск
Кама
Майкор
Чермоз
Усть-Гаревая
Медведка
Кын
Ашап
Ильинский
Гремячинск
Сарана
Усьва
Теплая Гора
Гаскья
Сива
Кордовка
Хохловка
Чусовой
Лысьва
Кын
Ашап
Ильинский
Гремячинск
Сарана
Усьва
Теплая Гора
Гаскья
Сива
Кордовка
Хохловка
Чусовой
Лысьва
У Д М У Р Т И Я
Камбарка
Мул
Очер
Оверята
Пермь
Култаево
Сылва
Кын
Уинское
Мостовая
Кунгур
Ивакино
Усть-Качка
Усть-Кишерть
Шакша
Кунгур
Уинское
Мостовая
Ивакино
Усть-Качка
Шакша
Кунгур
Ашап
Нижняя Сергуть
Сарапул
Чутуш
Октябрьский
Шкуты
Ожи
Красноуфимск
Михайловск
Артя
Уфа
Кусье
Кусье-Болотское
Кын
Кын
Кын



Перовская С. Л.

ҳатдан катта маҳорат б-н ижод қилинган портретлар ҳам яратган (А. Н. Островский, 1871; Ф. М. Достоевский, В. И. Даль, М. П. Погодин, 1872). Пугачёв исёни тўғрисидаги «Пугачёв суд қилмоқда» тарихий картинаси (1875) ҳам маълум.

ПЕРОВСК, Форт-Перовский — ҚозССР Қизилўрда областининг маркази — *Қизилўрда* шаҳрининг 1925 йилгача бўлган номи.

ПЕРОВСКАЯ Софья Львовна [1853. 1 (13). 9 — Петербург — 1881. 3 (15). 4] — рус революционери, народник. Дворян оиласида туғилган. 1872—73 ва 1874—77 йилларда «Халқ ичига юриш»га тайёрланиб Самара, Тверь, Симбирск губерняларида ишлаган. Шу вақтларда халқ ўқитувчиси дипломини олган ва фельдшерлик курсини ҳам тамомлаган. «Земля и воля» ташкилотининг топшириқларини бажариш б-н шуғулланган; студентлар, солдатлар ва ишчилар ўртасида ташвиқот ишларини олиб борган, Петербург турмаларидаги сиёсий маҳбуслар б-н алоқа боғлаган. 1881 йил 1 мартда подшо Александр II ни ўлдириш учун уюштирилган суиқасдда иштирок этган. 1881 йил 10 мартда қамоққа олиниб, 3 апрелда осиб ўлдирилган. П. Россияда сиёсий фаолияти учун қатл этилган биринчи аёл эди.


ПЕРОВСКИТ (рус давлат арбоби, генерал Л. А. Перовский номидан) — оксидлар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $CaTiO_3$ (41,24% CaO ва 58,76% TiO_2); баъзан Ce (кнопит), Nb, Ce, Fe (дизаналит), Na, Ce, Ti, Nb (лопарит) аралашган бўлади. Псевдокуб системада кристалланади. Минералогик шкала бўйича қаттиқлиги 5,5—6, с. оғ. 3,9—4,0. Ранги қора, кул ранг-қора, жигар ранг-қўнғир. Металлдек ялтироқ. Асосан, ультраасосли ишқорли тоғ жинсларида, контакт конларда учрайди. П. *гелий* ва *ниобий* учун хом ашё ҳисобланади.

ПЕРОКСИДАЗАЛАР — пероксид шаклидаги бирикмаларнинг кислороди б-н бошқа бирикмалар оксидланишини катализлайдиган *ферментлар;* одам ва ҳайвон тўқималарида, бактериялар ва ўсимликларда топилган. Таркибида гематин ва махсус оқсил бор. П. юқори т-рага анча чидамли. Хрен ўсимлиги П. и лабораторияларда қон ва сийдик таркибида глюкоза бор-йўқлигини аниқлаш, шунингдек цитохимиявий текширишларда белгили оқсил сифатида қўлланилади.

ПЕРОКСИДЛАР — таркибидаги кислород атомлари бир-бири б-н ва кислородга нисбатан электр мусбат элемент атомлари б-н боғланган бирикмалар (қ. *Пероксидлар ва пероксид бирикмалар*).

ПЕРОКСИДЛАР ВА ПЕРОКСИД БИРИКМАЛАР — таркибида ўзаро боғланган икки кислород атомидан иборат группа — O—O — бўлган мураккаб моддалар. П. ва. п. б. дан энг оддийси водород пероксид H—O—O—H дир. Ишқорий металларнинг ва кальций, стронций, барийнинг пероксидларида O_2^{2-} ионлар мавжуд. Саноатда натрий пероксид натрийни ҳаво кислороди б-н оксидлаб олинади. Натрий пероксид Na_2O_2 — сариқ тусли ниҳоятда гигроскопик қаттиқ модда; 500°C гача парчаланмайди. Барий пероксид ҳосил қилиш учун барий оксид — BaO 500°C дан паст т-рада ҳаво кислороди б-н реакцияга киритилади. Барий пероксид BaO_2 790—900°C да парчаланади. Металл пероксидларни водород пероксид кислотанинг тузлари деб қаралади. Агар водород пероксид H_2O_2 таркибидаги водород атомлари ўрнини кислота қолдиқлари эгалласа, пероксокислоталар ҳосил бўлади. Мас., HSO_3—O—O—SO_3H ёки $H_2S_2O_8$ — пероксосульфат кислота, H—O—O—SO_3H ёки H_2SO_5 — Каро кислотаси, H_2CrO_6 — пероксохромат кислота ва ҳ. к. Пероксокислоталар гидролизга учраганида водород пероксид ҳосил бўлади. R—O—O—R′ таркибли органик моддалар органик пероксидлар деб юритилади (R ва R′ органик радикал). Пероксидлардан ташқари гипероксидлар ҳам маълум. Мас., K_2O_4, Rb_2O_4 ва ҳ. к. П. ва п. б. тўқимачилик, қоғоз, медицина ва косметика, қурилиш, озиқ-овқат саноатларида, қ. х. да, *пиротехника*да, реактив двигателларида ва ҳавони регинрациялашда қўлланилади.

Ад.: Ахметов Н. С., Неорганическая химия, М., 1964.



Перпендикуляр.

ПЕРОНОСПОРАЛИ ЗАМБУРУҒЛАР (Peronosporales) — фикомицетлар синфига мансуб замбуруғлар тартиби. 4 оиласи — питиядошлар, фитофторадошлар, цистопдошлар ва пероноспорадошлар бор. Кўпчилиги (айниқса, фитофторадошлар) қ. х. ўсимликларининг паразити ҳисобланади. Мас., сохта ун-шудринг, кул тушиш каби касалликларни қўзғатди. П. з. нинг тубан вакиллари сапрофит бўлиб, тупроқда ва ўсимлик қолдиқларида яшайди. Кўпчилик П. з. жинссиз — конидиялари б-н, баъзилари жинсий — оогамия йўли б-н кўпаяди. Мицелий, антеридий, оогоний ва оогнийда уруғлангандан кейин ривожланадиган ооспоралар ўсимлик тўқималарида, сапрофитлари эса субстратнинг ичида жойлашади; жинссиз ривожланиш органлари барг оғизчаси ёки эпидермис ёриқчасидан ташқарига чиқади.

ПЕРПЕНДИКУЛЯР (лат. perpendiculum — тик) — тўғри чизиқ (ёки текислик)ни тўғри бурчак б-н кесувчи тўғри чизиқ. П. нинг берилган тўғри чизиқ (ёки текислик) б-н кесишиш нуқтаси П. асоси, П. нинг бирор нуқтаси б-н асоси орасидаги масофа П. узунлиги дейилади (расмга қ).

ПЕРРОН (франц. perron) — т. й. станцияларида пассажир поездлари тўхтайдиган платформа (қ. *Вокзал*).

ПЕРСЕВЕРАЦИЯ (лат. perseveratio — қатъийлик) — одамдаги бирор психик образ, ҳаракат ёки ҳолатнинг беихтиёр қайталаниши. П., айниқса киши чарчаганда ёки кучли ҳаяжонланганда (янглиш ҳаракат қилиш, нотўғри сўзлаш ва шу кабилар тарзида), шунингдек касаллик натижасида (баъзи психик касалликларда, шунингдек миянинг айрим қисмлари шикастланганда) кузатилади.

Ад.: Зейгарник Б. В., Введение в патопсихологию, М., 1969.

ПЕРСЕИДЛАР — *Персей* юлдуз туркумидан чиқаётганга ўхшаб кўринадиган метеор оқими. П. ни ҳосил қиладиган метеор жисмлар бир неча ирмоқлардан иборат (≈10 млн. *км* диаметрли) оқим дастасини ташкил этади. Ер ўз орбитал ҳаракатида бу оқим дастасини ҳар йили 1—20 авг. давомида кесиб ўтади. Серҳосил марказий ирмоқнинг *радианти:* $\alpha=3^n\ 04^m$, $\delta=+56°$. Бу ирмоққа тегишли метеор жисмларнинг орбитаси 1862 III ва 1870 I комета орбитасига яқин жойлашган.


ПЕРСЕЙ — *осмон сферасининг* Шимолий ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузлари — α *(Мирфак)* ва β *(Альхор)* (1,8 ва 2,2—3,5 визуал юлдуз катталигида). *Курси, Андромеда, Учбурчак, Ҳамал, Савр, Аравакаш* ва *Жираф* юлдуз туркумлари оралигида жойлашган. СССР терр-ясида октябрь — декабрь ойларида кўринади.

ПЕРСЕПОЛЬ [юнон. Persepolis, қадимги форсчада Порсо (Порс шаҳри), форсча Тахти Жамшид] — Шероз (Эронда) дан 50 *км* шимолишарқда жойлашган қадимги шаҳар. *Ахоманийлар давлати*нинг пойтахтларидан бири. Форс халқ анъаналари П. ни Эрон эпосининг қаҳрамони Жамшид номи б-н боғлайди. Доро I даври (мил. ав. 522—486) да юзлаб зал ва хонали сарой бунёд этилган. П. мил. ав. 330 йилда Александр Македонский томонидан ёндирилгунга қадар ахоманийлар подшоларининг қароргоҳи бўлган. Тахм. мил. ав. 250-йилда қаровсиз қолдирилган харобалари ҳозиргача сақланиб келмоқда.

17-аср бошларида итальян сайёҳи Пьетро делла Валле П. харобасидан *миххат* намуналарини топган. Немис олими Э. Херцфельд (1931—34 йилларда) ва америкалик археолог Э. Шмидт (1935—39 йилларда) раҳбарлигида П. ва унинг атрофларида қазиш ишлари кенг масштабда олиб борилди. 1939 йилдан кейин П. да Эрон археологлари (дастлаб француз олими А. Годар, сўнгра Эрон археологлари М. Т. Мустафовий ва А. Сомий раҳбарлигида) қазиш ишларини давом эттирдилар. Қазишларда сарой қурилишининг икки типи: тачара — одамлар яшайдиган қишлик бино, ападана — баланд ингичка устунли, ёғоч томли, тантанали маросимлар ўтказиладиган ҳашаматли сарой аниқланган. Бу сарой Доро I даврида қурилиб, Ксеркс ва Артаксеркс I лар (мил. ав. 465—424 йиллар) ҳукмронлиги даврида қайта тикланган. Ксеркс I даврида бошланиб, Артаксеркс I даврида қуриб битказилган юз устунли зал ҳам шу типда бино этилган. Ападанани қазиш вақти (1930) да зинапоялардан жуда кўп рельеф тасвирлари топилган. Бу рельефлар уларда тасвирланган турли халқлар вакилларининг, жумладан Урта Осиё ва Қозоғистон халқларининг ўзига хос белгилари: тузилиши, кийими, қуроллари ва антропологик хусусиятларини, шунингдек тарихини ўрганиш учун катта аҳамиятга эгадир.

П. саройлари деворларига миххат б-н битилган китобалар Ахоманийлар подшолари буйруқларига мувофиқ ёзилган. П. китобалари учта устун ҳолида уч хил ёзув б-н уч тилда (элам, оромий ва қадимги форс тилларида) битилган. П. китобаларида Доро I ва Ксеркс I давлатлари составига кирган мамлакатлар ва халқларнинг рўйхатлари келтирилган. Булар орасида Урта Осиё ва Қозоғистондаги ўлкалар ва халқлар номлари ҳам бор. П. дан элам тилида ёзилган 1000 та сопол тахтачадан иборат архив, ахоманийлар даврида расмий ва халқаро тилга айланган оромий ёзувидаги папируслар, подшоларнинг хўжалик архивлари (жами 8000 ҳужжат) топилган. П. чин маънодаги шаҳар бўлган эмас. Доро I П. ни истеҳком деб атаган. Лекин, аслида у истеҳком эмас. Чунки у ерда гарнизон ва аслаҳахоналар бўлмаган. П. да ҳам *Нақши Рустам*даги каби тог қояларини ўйиб, кесиб ишланган подшоларнинг мақбаралари бор. 1973 йилда П. да Эрон давлатининг 2500 йиллиги нишонланди.

Ад.: Всеобщая история архитектуры, т. 1, 2 изд., М., 1970; Дандамаев Н. А., Иран при первых ахеменидах, М., 1963; Дьяконов М. М., Очерк истории древнего Ирана, М., 1961; Унлер М., Пламя над Персеполем, М., 1972.




Персеполь. 1. Персеполь харобалари; 2. Персеполь (реконструкция); 3. Ахоманийлар подшоси Доро I га совға келтираётган чўққи қалпоқли саклар (зина барельефларидан); 4. Зиналарга ишланган барельефлар.

ПЕРСОНА ГРАТА (лат. persona grata — мақбул топилган шахс) — дипломатик практикада бирор давлатга дипломатик ваколатхона бошлиғи қилиб тайинланиши учун ўша давлат ҳукумати розилик берган шахсга нисбатан ишлатиладиган термин. Бирор давлатда ишлаш учун ўша давлатнинг рухсатномасини олган ҳар қандай дипломатик ходим ҳам П. г. ҳисобланади.

ПЕРСОНА НОН ГРАТА (лат. persona non grata — мақбул топилмаган шахс) — дипломатик практикада бирор давлатга дипломатик ваколатхона бошлиғи қилиб тайинланиши учун ўша давлат ҳукумати розилик бермаган шахсга нисбатан ишлатиладиган термин. Бирор давлатда ишлаш учун шахсга агреман (розилик берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома) берилмайди. Бундай ҳолларда вакил номзодини кўрсатган давлат ўз вакилининг рад этилиш сабабини сўрашга ҳақли эмас. Бу қоида 1961 йилдан бошлаб (Вена конвенцияси асосида) дипломатик вакилларга, 1963 йилдан эса консул ва дипломатик паспорти бўлган журналистларга ҳам қўлланади.

ПЕРСОНАЖ (лат. persona — шахс) — санъат ва бадиий адабиётда муаллиф томонидан тасвир этилган шахс. Ҳар бир П. нинг тасвирланиши ва умумлаштириш қувватига кўра бош П., иккинчи, учинчи ва ҳ. к. даражали П. ларга бўлинади. Бош П. асар мазмунининг марказида туради ва б. П. ларга нисбатан муаллифнинг асосий ғоясини ёрқинроқ мужассамлаштиради (мас., Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларида асарнинг сарлавҳаси қилиб берилган П. лар, Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи»сида Жамила ва Ғофир, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ида Кумуш ва Отабек, Ойбекнинг «Қутлуғ қон»ида Йўлчи ва б.). Бош П. адабиётшуносликда қаҳрамон деб ҳам аталади. Бош П. тасвири асарнинг ҳажмида кам ўрин тутиши ҳам мумкин. Мас., Н. Погодиннинг «Кремль соатлари» драмасида бош П. бўлган В. И. Ленин асардаги бошқа П. ларга нисбатан кам ўрин тутади, аммо асарнинг мазмунини пролетар рев-ясининг доҳийси образи ташкил этади. Еки О. Еку-



Перспектива.

бовнинг «Улуғбек хазинаси» романида бош П. Улуғбек жуда кам саҳифаларда тасвир этилади.

Муаллиф муносабатига кўра, П. лар ижобий ва салоний гуруҳга бўлинади. Яго (В. Шекспир), Қори Ишкамоа (С. Айний), Хлестаков (Гоголь), Қалвак Маҳзум (А. Қодирий) салбий П. лардир.

П. лар ҳаётий ҳодисаларни турли даражада ифодалайди. Тасвири чуқур, умумлаштирувчи кучи зўр П. *тип* даражасига кўтарилади. Типдан кўра камроқ умумлашма қувватига эга П. лар характер ёки образ (қ. *Бадиий образ*) деб юритилади. Улар бадиий умумлашманинг уч поғонасини ифода этади; тип эса энг олий поғонадир.

Ад.: Тимофеев Л. И., Основы теории литературы, 4 изд., М., 1971; Қўшжонов М., Маҳорат мактаби, Т., 1966.

ПЕРСОНАЛИЗМ (лат. persona — шахс) — ҳозирги замон буржуа философиясидаги диний-идеалистик оқим. 19- асрнинг охирларида Россия ва АҚШда шаклланган. 20- асрнинг бошларида Франция ва б. мамлакатларда тарқалган. П. нинг марказида шахс тушунчаси туради. Персоналистлар шахсни бирламчи реаллик ва олий руҳий мавжудот, оламни эса олий шахс — худо ижодий активлигининг кўриниши, деб тушунадилар.

Персоналистлар *плюрализм* таълимотини илгари сурадилар, *теизм* принципини, яъни оламни худо яратган, деган ғояни ҳимоя қиладилар. Уларнинг фикрича, шахс ва унинг индивидуал тажрибаси ягона реаллик бўлиб, шахсни худодан ажратилган ҳолда тушуниш мумкин эмас эмиш.

П. аслида объектив идеализмнинг бир туридир, лекин унда субъектив идеализм элементлари ҳам мавжуд. Бу билиш процессларини талқин қилишда айниқса яққол кўринади, бунда айрим шахсларнинг билиш қобилиятига, индивидуал онг фаолиятига катта аҳамият берилади. П. илм-фан доирасини чеклайди, *фидеизм* ва *иррационализм*га йўл очиб беради. Персоналистлар фикрича, одамлар фақат диний философияга асосланган тақдирдагина ўзларини ва оламда тутаётган ўринларини тўғри тушунишлари мумкин.

П. га хос бўлган тенденция — жамият б-н шахс ўртасида принципиал қарама-қаршилик мавжудлиги ҳақидаги ғоя кейинчалик *экзистенциализм* философиясида ривожлантирилди. Персоналистларнинг фикрича, бу қарама-қаршиликнинг манбаи шахсларнинг ички дунёсидир. Ҳозирги давр капитализм дунёсига хос бўлган турли конфликт ва тангликлар шундан келиб чиқади ва уларни йўқотиш йўли йўқ. Персоналистлар шахс фаолиятининг зарур шарти сифатида ирода эркинлигини тан олсалар ҳам, уни идеалистларча, реал воқеликдан ажратилган ҳолда тушунадилар.

Ижтимоий масалаларни тушунишда айрим персоналистларнинг позицияларида маълум тафовутлар мавжуд. Мас., инглиз ва америкалик персоналистлар жамиятда ва одамларнинг ички дунёсида рўй бераётган кризисни тан олиб, ундан қутулиш учун умидларини фақат ғарб маданиятининг анъаналари ва яшовчанлиги, шахснинг ахлоқий камолотига боғласалар, француз персоналистлари учун маълум даражада антикапиталистик, антиколониал йўналишлар, фашизмга қарши чиқиш, тинчлик ҳаракатида иштирок этиш хосдир; шу б-н бирга, улар утопик характердаги ўрта аср жамоа идеалларини тарғиб қиладилар, жамиятни фақат ахлоқий тараққиёт ёрдами б-н ўзгартириш мумкин, деб даъво қиладилар, марксизмга қарши чиқиб, синфий кураш, пролетариат диктатураси, социалистик революция ҳақидаги ғояларни инкор этадилар. Персоналистлар фалсафий, социал-ахлоқий проблемаларни ҳал қилиш учун фақат хаёлий, ғайри илмий йўлларни тавсия этадилар. Ҳозирги вақтда П. ўз нуфузини анчагина йўқотган.

Ад.: Быховский Б. Э., Американский персонализм в борьбе против науки и общественного прогресса, М., 1948; Современный объективный идеализм, М., 1969.

ПЕРСПЕКТИВА (лат. perspicio — равшан кўраман) (математика ва тасвирий санъатда) — жисмларни бирор нуқтадан проекциялаб, текисликда тасвирлаш усули. П. Қадимги Юнонистонда қўллана бошлаган. Уйғониш даврида *Леонардо да Винчи*, А. Дюрер, Пьерро делла Франческа ва б. рассомлар П. дан мунтазам фойдаланган. Кейинчалик П. чизма геометрия бўлими сифатида тараққий қилди. П. нинг назарий асосларини Ж. Дезарг, Г. *Монж* ишлаб чиққан.

Жисмнинг перспектив тасвирини олиш учун унинг нуқталари кўзғалмас S нуқта (проекциялаш маркази)дан чиққан нурлар б-н берилган α текисликка проекцияланади (расмга қ.). Ҳосил бўлган тасвир (жисмнинг проекцияси) кўзпардасига тушадиган тасвирга яқин бўлгани учун у фазовий бўлиб кўринади.

ПЕРТ — Австралия Иттифоқидаги шаҳар. Суон (Оққуш) дарёси бўйидаги порт (Ҳинд океани соҳилидан 20 *км* ичкарида). Ғарбий Австралия штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси шаҳар атрофи б-н 740 минг киши (1974). Транспорт йўлларининг муҳим узели. Машинасозлик (кемасозлик, автомобилсозлик, кўтаргич-транспорт воситалари), озиқ-овқат, кимё, ёғочсозлик, тўқимачилик, картон ва қоғоз ишлаб чиқариш корхоналари, ун-т, обсерватория бор. П. га 1829 йилда асос солинган.

ПЕРТУРБАЦИОН ФУНКЦИЯ, ғалаёнланган функция — космик жисмларнинг орбитадан чекиниш назариясида қўлланиладиган функция. П. ф. бирор осмон жисми (чекинувчи) ҳаракатининг бошқа жисм (чекинтирувчи)лар тортишиш кучи таъсирида ўзгаришини ифодалайди. 1776 йилда француз олими Ж. *Лагранж* топган. П. ф. чекинувчи ва чекинтирувчи жисмларнинг координаталарига ҳамда массаларига боғлиқ. Координаталар боши Қуёш марказида жойлашган тўғри бурчакли системада массалари m_i бўлган n та чекинтирувчи жисм учун П. ф.:

$$R = k^2 \sum_{i=1}^{n} m_i \left(\frac{1}{\Delta^2} - \frac{xx_i + yy_i + zz_i}{r_i^2} \right),$$

бунда x, y, z *ва* x_i, y_i, z_i — чекинувчи ва чекинтирувчи жисмлар координаталари, k — тортишиш доимийси,

$$r_i^2 = x_i^2 + y_i^2 + r_i^2,\ \Delta^2 = (x - x_i)^2 + (y - y_i)^2 + (z - z_i)^2.$$

П. ф. б-н m массали сайёранинг Қуёш атрофидаги ҳаракатининг дифференциал тенгламаларини тузилиб, чекиниш назариясининг кўпгина масалаларини ҳал қилиш мумкин.

Ад.: Справочное руководство по небесной механике и астродинамике, М., 1971.

ПЕРТУССИН (Pertussinum) — балғам кўчирувчи ва йўтал қолдирувчи дори. Таркибида тимиан экстракти, калий бромид, спирт ва қанд шарбати бор. П. қўнғир тусли суюқлик бўлиб, бронхитда, шунингдек юқори нафас йўллари яллиғланганда қўлланилади.

ПЕРУ (Perù), Перу Республикаси (Republica del Perú) — Жанубий Американинг ғарбий қисмидаги давлат. Экуадор, Колумбия, Бразилия, Боливия ва Чили б-н чегарадош. Ғарбдан Тинч океан ўраб туради. Майдони 1285 минг $км^2$. Аҳолиси 14,9 млн. киши (1973). Пойтахти — Лима ш. Маъмурий жиҳатдан 23 департамент ва 1 провинцияга бўлинган.


Давлат тузуми. П.— республика. 1933 йилда қабул қилинган конституция қисман амалда. 1968 йилги ҳарбий тўнтаришдан кейин П. парламенти — конгресс тарқатиб юборилган. Бутун ҳокимият президент бошлиқ ҳарбий раҳбарлик қўлида. П. байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Табиати. П. нинг соҳил қисми (Коста) эни 80—180 *км* ли текислик, маркази тоғлиқ (Сьерра) ва шарқи сернам ўрмонли тоғ олди (Сельва). П. майдонининг $^1/_3$ қисмига яқини тоғ. Перу Анд тоғлари бўйлама водийлар орқали Ғарбий Кордильера, Марказий Кордильера ва Шарқий Кордильера тизмаларига бўлинган. Энг баланд жойи 6768 *м*. (Уаскаран тоғи). Ғарбий Кордильера тоғларида ҳаракатдаги ва сўнган вулканлар бор. Сельва мамлакат территориясининг ярмидан кўпроғини эгаллаган. П. нинг шарқий қисми Жанубий Америка платформасининг Амазонка синеклизасига киради; усти денгиз ва континентал ётқизиқлар б-н қопланган. Қайнозой букилмаси Амазонка синеклизасини Анд бурмали тоғларидан ажратиб туради. Соҳил қисми токембрий, палеозой ва мезозой жинсларидан тузилган. Мамлакатнинг шимолий-ғарбида нефть, Ғарбий Кордильера тоғларида мис, полиметалл ва қўрғошин-рух рудаси конлари бор.

Иқлими. Соҳилда ва Анд тоғларининг ғарбий ён бағрида чўл иқлими, тоғларда субэкваториал ва тропик, Анд тоғларининг шарқий ён бағрида экваториал, сернам иқлим. Йиллик ёғин 700—3000 *мм*. Ўртача ойлик т-ралар соҳилда 15—25°, ясси тоғлиқларда 12—16°, жанубида 5—9°, текисликларда йил давомида 24—27°. Йирик дарёлари — Мараньон, Укаяли Амазонка ҳавзасига мансуб. Энг йирик кўли — Титикака. Соҳили ва тоғ ён бағирлари бутазор ва кактусзор, ички ясси тоғлиқлар тропик чўл, жанубий-шарқи чала чўл. Тоғларнинг шарқий ён бағри ва текисликлари доимий яшил тропик ўрмонзор. Ҳайвонот дунёси хилма-хил: ягуар, тулки, пума, ҳар хил қушлар, судралиб юрувчилар, гуанако, викунья, маймунлар, чумолихўр, ялқов, тапир ва ҳ. к. лар яшайди.

Аҳолисининг ярмига яқини перуанлар, қолганлари индеец, япон, хитой, испан ва б. Расмий тил — испан тили. Ҳукмрон дин — католицизм. Аҳолисининг 60% и шаҳарларда яшайди. Иқтисодий актив аҳолиси (1970 йилда 4269 минг киши)нинг 45,1% и қ. х., ўрмон хўжалиги ва балиқ овлашда, 14,4% и ишлаб берувчи саноатда, қолган қисми бошқа соҳаларда банд. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$ да 11 киши (1972). Йирик шаҳарлари: Лима, Арекипа, Кальяо, Трухильо.

Тарихи. П. терр-ясида одам мил. ав. 8-минг йилликдан яшай бошлаган. Мил. 1-минг йилликда ҳозирги Боливия ва П. жанубидаги терр-яларда Тиаунако давлати ташкил топди. 15- асрда инклар бошчилигидаги индеец қабилалари конфедерацияси қўшни қабила ва давлат уюшмаларини бўйсундириб, Тауантинсуйу (1438) давлатига айланди. 16- аср бошларида Ф. Писарро ва Д. Альмагро бошчилигида испан конкистадорлари Тауантинсуйу терр-ясини ишғол қилди. 1543 йили П. Жанубий Америкanинг катта қисмини бирлаштирган Перу вице-қироллигига қўшилди. 1540- йилларда ерлар испан мустамлакачилари ўртасида бўлина бошлади. 1570 йилга келиб П. терр-ясидаги аҳоли 1,5 млн. га етди (бунинг 8 мингдан ортиқроғи испанлар).



Мустамлакачилар босиб олган терр-яларни метрополиянинг аграр-хом ашё базасига айлантирдилар. 16- асрдан тўқимачилик ва мануфактура юзага кела бошлади.


17—18- асрларда мамлакат экономикасининг асосини кон саноати ташкил этиб, унда Африкадан келтирилган негр-қуллар меҳнатидан фойдаланилди. 1780—83 йилларда деҳқонлар Тупак Амару (1740—1781) раҳбарлигида чет эл босқинчилари ва маҳаллий феодалларга қарши бош кўтардилар.

Испан мустамлакаларининг 1810 йили озодлик учун бошлаган кураши П. терр-ясида узоқ муддатли граждан урушига айланди. 1811 йили мамлакатда қўзғолон кўтарилди, 1814—15 йилларда қўзғолончилар генерал Сан-Мартин бошчилигидаги Аргентина қўшинлари ва С. Боливар бошчилигидаги Колумбия корпуси ёрдамида Испания ва П. помешчик ва савдогарлар қаршилигини енгди. 1821 йили Сан-Мартин П. мустақиллигини эълон қилди. 1822 йилги таъсис конгресси П. ни республика деб эълон қилди ва биринчи конституция қабул қилиниди. 1825 йили П. нинг жанубий-шарқий қисми — *Боливия* мустақил республика бўлиб ажралиб чиқди. 1835—39 йиларда П. Боливия ва П. конфедерацияси таркибида бўлди.

19- аср ўрталарида президент Р. Кастилье мамлакатда буржуа-демократик характердаги айрим ислоҳотларни амалга оширди: т. й. лар, ф-калар қурилди. 60- йилларда биринчи ҳунарманд ва ишчи касаба союзлари ташкил топди. П. нинг Чили б-н уруши (1879—83) оқибатида мамлакат терр-ясининг минерал хом ашёларга бой Тарапака провинцияси, Арика ва Такна департаментлари Чилига ўтди. Биринчи жаҳон уруши даври (1914—1918) да П. бетарафлик сиёсатини тутган бўлса-да, мамлакат иқтисодий ресурслари Антантага хизмат қилди.

Улуғ Октябрь социалистик рев-яси таъсирида П. да (1918—19) иш ташлашлар, ҳарбий

тўнашувлар бўлиб ўтди. 1920 йилда қабул қилинган конституцияга кўра, ер ости бойликлари давлатники деб эълон қилинди, прогрессив-даромад солиғи ва меҳнаткашлар учун ижтимоий страхование жорий қилинди. 1928 йили П. Коммунистик партияси (ПКП) ташкил топди. Коммунистлар рахбарлигида П. да меҳнаткашлар умумконфедерацияси, Батрак ва индеецлар федерацияси ва б. ташкил топди.



1. Мачу-Пикчу қўрғони (Инклар маданияти). 2. Мехорада қишлоғи.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши б-н. П. да антифашистик ҳаракат кучайди. Бу ҳаракат тазйиқи остида М. Прадо-и-Угартече (1939—45) ҳукумати сиёсий режимни демократлаштиришга мажбур бўлди. 1943—44 йилларда П. коммунистлари ташаббуси б-н меҳнаткашлар конфедерацияси, П.-совет маданий ассоциацияси ва Миллий демократик фронт ташкил топди. 1948 йили ҳокимият тепасига келган генерал М. Одриа чет эл империалистлари ва маҳаллий олигархия манфаатларини кўзлаб, мамлакатда диктатура режимини ўрнатди. Мамлакатдаги ялпи сиёсий иш ташлашлар Одриа диктатурасининг ағдарилишига олиб келди (1956). 1956—68 йилларда бир неча марта ҳукумат ўзгариши бўлди. 1968 йили ҳокимият тепасига келган ватанпарварлик руҳидаги ҳарбийлар мамлакатда антиимпериалистик ўзгаришлар ўтказди: нефть конлари, айрим тоғ-кон корхоналари давлат ихтиёрига ўтди, чет эл монополияларининг концессиялари бекор қилинди. Ташқи савдо, банк, пул системаси, коммуникация ва алоқа устидан давлат назорати ўрнатилди ва ҳ. к. 1969 йилдаги қонунга кўра аграр ислоҳот ўтказила бошлади. Ҳукумат меҳнаткашлар турмуш даражасини яхшилаш, ишсизликни камайтириш, халқ маорифи системасини демократлаштириш сиёсатини олиб бормоқда.

Сиёсий партия ва касаба союзлари. Халқ партияси (1924) йирик буржуазия манфаатларини кўзлайди; Халқ ҳаракати (1956) миллий буржуазиянинг бир қисмини, ўрта табақалар ва зиёлиларнинг бир қисми вакилларини бирлаштиради; П. коммунистик партияси (ПКП, 1928).

П. меҳнаткашлар конфедерацияси (1944); П. меҳнаткашлари умумконфедерацияси (1968); П. миллий аграр конфедерацияси; П. коммунистик ёшлари ва б.

Хўжалиги. П.— кончилик ва балиқ саноати ривожланган аграр мамлакат. 60-йиллар охиригача мамлакат экономикаси, асосан, чет эл капиталига қарам эди. 1968 йилда П. социал-иқтисодий тараққиёт йўлига ўтди. Асосий саноат тармоқлари давлат назоратига олинди. Қ. х. да ер-сув ислоҳоти ўтказилди. Деҳқонлар кооперативларга бирлашмоқда.

Қишлоқ хўжалиги. П. терр-ясининг 2,3% и ҳайдаладиган ерлар ва кўп йиллик ўсимликлар б-н банд, 21,4% и ўтлоқ ва яйлов. Пахта, шакарқамиш, кофе ўстирилади. Буғдой, шоли, маккажўхори, арпа, картошка, ер ёнғоқ ва тамаки экилади. 1973 йилда мамлакатда 17,3 млн. қўй, 3,3 млн. лама ва альпака, 4,4 млн. қорамол бўлган. П. балиқ овлашда (1971 йилда 10,6 млн. *т*) дунёда 1-ўринда.

Саноати. Мис, кумуш, қўрғошин, рух, темир ва марганец рудалари, сурьма, вольфрам, ванадий, симоб, олтин, нефть ва тошкўмир қазиб чиқарилади. 1972 йилда 6,5 млрд. *квт-с* электр энергияси ҳосил қилинди. Балиқ уни тайёрлайдиган 130 з-д мавжуд. Металл эритиш з-длари, целлюлоза-қоғоз, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, қурилиш материаллари, кемасозлик, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш корхоналари бор.

Транспорти. 2,5 минг *км* т. й., 47,2 минг *км* автомобиль йўли бор (1971). Автомобиль паркида 1972 йилда 353 минг машина, жумладан 232 минг енгил машина бўлган. Амазонка ва унинг ирмоқларида ҳамда Титикака кўлида кема қатнайди. Денгиз флотининг тоннажи 446 миног брутто рег. *т* (1972). Асосий денгиз портлари: Сан-Николас, Кальяо, Талара, Чимботе.

Ташқи иқтисодий алоқалари. Четга руда ва металл, балиқ ва балиқ маҳсулотлари, пахта, шакар-қанд, кофе, жун, нефть чиқаради; четдан хом ашё, ярим фабрикатлар, машина, ускуналар, истеъмол моллари, қурилиш материаллари келтиради. Асосан, АҚШ, ГФР, Япония, Латин Америкаси мамлакатлари ҳамда СССР ва б. социалистик мамлакатлар б-н савдо қилади. СССР б-н иқтисодий ҳамкорлиги ривожланмоқда.

Пул бирлиги — соль. 38,7 соль 1 АҚШ долларига тенг (1974 йил июль).

Қуролли кучлари (54 минг кишидан ортиқ, 1973) қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво кучлари ва Ҳарбий-Денгиз кучларидан иборат. Бош қўмондон — президент. Қўшинларга бевосита Қуролли кучлар турлари министрлари раҳбарлик қилади. Армия умумий ҳарбий қонун асосида ва, қисман, кўнгиллиларни ёллаш йўли б-н тўлдирилади. Йигитлар 18 ёшдан ҳарбий хизматга чақирилади. Хизмат муддати 1—2 йил. Кальяо, Мольендо, Чимботеда ҳарбий-денгиз базалари бор.

Соғлиқни сақлаш. Ҳар минг киши ҳисобидан туғилиш 41,8, ўлим 8,3 (болаларда 72,2) нафарни ташкил этади (1965—70). П. да инфекцион патология, сил, терлама, паратиф, дизентерия, болалар инфекцияси, ўлат, эхинококкоз, бруцеллёз, пес ва б. касалликлар тарқалган. 1972 йили 31,2 минг ўринли (1 минг кишига 2,1 ўринга яқин) 300 дан ортиқ касалхона муассасаси, 255 поликлиника бўлими, 9 диспансер, шунингдек 976 соғлиқни сақлаш ва санитария постлари бўлган. 1971 йилда 8 минг врач (2 минг кишига 1 врач), 2,8 минг тиш врачи, 2 минг фармацевт ва 15 мингга яқин ўрта медицина ходими ишлаган.

Ветеринарияси. П. да ҳайвонларнинг хавфли юқумли касалликлари тарқалган. Қорамол, эчки, қисман от ва чўчқалар куйдирги, чорва моллари-нинг барча тури сил б-н касалланади. Қорамол, қўй ва эчкиларда бруцеллёз учрайди. Итлар орасида қутуриш касаллиги тарқалган. Қорамол, чўчқа ва б. ҳайвонларда учрайдиган оқсил ҳамда ўлат касалликлари айниқса хавфли. Ҳайвонларнинг ҳамма турида пастереллёз, сальмонеллёз, қорамолда эса эмфизематоз, карбункул касалликлари учрайди. Гельминтоз, демодекоз, анаплазмоз, бабезиоз, кокцидиоз, гистомоноз, токсоплазмоз, трихомоноз, трипаносомоз, филяриоз касалликлари ҳам тарқалган. Чорва моллари касалликлари диагностикаси б-н Лима департаментидаги ҳайвонлар паталогияси миллий маркази шуғулланади. П. да 534 ветеринария врачи бор (1973).

Маорифи. 1970 ўқув йили бошланғич мактабларида 2,7 млн. га яқин,ўрта умумтаълим мактабларида 547,3 минг, профессионал-техника билим юртларида 112,7 минг ўқувчи ўқиди. Ун-тларнинг $^1/_3$ хусусий. Олий ўқув юртларида ўқиш пулли. Йиллик ун-тлар —«Сан-Маркос» (1551), «Сан-Агустин» (1828) ва Миллий инженерлар ун-ти (1955) давлат ихтиёрида. 1970 ўқув йили олий ўқув юртларида 124,7 минг студент таълим олди. 1972 йилдан маориф соҳасида демократик характердаги ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт масалаларига жавоб берадиган ислоҳот амалга оширилмоқда, янгича таълим системасига ўтилмоқда: мактабгача таълим, мажбурий ва бепул 9 йиллик асосий таълимлар жорий этилмоқда.

1973 йилдан катта ёшдагилар орасида саводсизликни тугатиш кампанияси ўтказилмоқда. Бунда 1,5 минг ўқитувчи, 10 мингдан ортиқ кўнгиллилар иштирок этмоқда.


Лимада Миллий кутубхона (1821), «Сан-Маркос» миллий ун-ти, Миллий инженерлик ун-ти кутубхоналари; Тарих миллий музейи (1921), П. маданияти миллий музейи (1946) бор.

Матбуоти, радиоси ва телевидениеси. 1974 йили П. да 560 дан ортиқ (80% и Лимада) даврий нашр чиқди, шундан 32 таси кундалик газета. Йирик газеталари: «Перуано» (1825), «Комерсио» (1839), «Ультима ора» (1950, оқшом газетаси), «Унидад» (1957, ПКП органи, ҳафталик газета) ва б. 1974 йил июлда барча матбуот органларини жамоат ташкилотлари назоратига ўтказиш ҳақида қонун қабул қилинган.

П. да 200 дан ортиқ радиостанция бор. «Радио насьональ» ҳукумат компаниясига 1937 йилда асос солинган. Телекўрсатувлар 1958 йилдан олиб борилади.


Илмий муассасалари. П. да дастлабки илмий муассасалар 19-аср охири — 20-аср бошларида ташкил топган; булар Миллий медицина академияси (1884), П. Тил академияси (1887), Лима География жамияти (1888), П. Тарих ин-ти (1905) ва б. дир. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг саноат ва қ. х. да амалий тадқиқотлар ривожланди. 1969 йили Илмий ва технологик тадқиқотлар миллий совети ташкил топди. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари устидан умумий раҳбарликни давлат бошқаради. 70-йиллар бошларида П. даги 100 га яқин илмий тадқиқот муассасаларида 850 дан ортиқ олим ва инженерлар ишлаган. П. 20 га яқин халқаро ва регионал илмий ташкилотлар аъзоси, кўпчилик мамлакатлар б-н, шу жумладан СССР б-н илмий алоқалар ўрнатган.

Адабиёти, асосан, испан тилида ривожланмоқда. Мустамлака даврига кечуа тилида яратилган «Ольянтай» халқ драмаси (тексти 1853 йилда нашр қилинган) жаҳон адабиётининг энг яхши намуналаридан. 16-аср ва 19-асрнинг бошларида тарихий солномалар яратилган. 19-аср охири ва 20-аср бошларида «Перу ривоятлари» номи б-н машҳур монументал асар (12 серия, 1872—1915) яратган Р. Пальма (1833—1919) ижоди П. адабиёти тарихида муҳим аҳамиятга эга. 20-аср бошларида адабиётда модернизм, символизм, 1-жаҳон урушидан кейин авангардизм тарқалди. 20- ва 30-йилларда коммунистик ғоялар б-н суғорилган қатор асарлар яратилди (коммунист шоир С. Вальехо, 1892—1938). 2-жаҳон уруши даврида ва ундан кейин С. Алегрия (1909—67), Х. М. Аргедас (1913—69) каби адиблар кескин ижтимоий-танқидий романлар яратдилар.



Давлат компанияси «Песка-Перу» ихтиёрига ўтган корхоналардан бири.

Архитектураси ва тасвирий санъати. Перу терр-ясида маданият жуда қадимдан ривож топган. Мил. ав. 10—8-асрларда маданий марказлар мавжуд бўлган. Бадиий ҳунармандлик ривожланганидан далолат берувчи кўпгина буюмлар бизгача сақланган (тўқиб ва кашта тикиб тайёрланган жун ва ип гиламлар, олтин, кумуш ҳайкалчалар, металл, сопол, ёғоч идишлар ва б.). П. нинг мустамлакага айлантирилиши қадимий санъат ривожига халақит берди. 16-асрнинг 2-ярми ва 17-асрнинг 1-ярмида тўғри кўчали янги шаҳарлар бунёд этилди, уйларнинг ички томонини бадиий безашга аҳа-



1. Потосидаги Сан-Лоренсо черкови (деталь). 2. Перу сувенирлари. 3. «Каса Гранда» кооператив хўжалигида дам олиш куни. Халқ рақси ижро этилмоқда.

мият берилди, йирик шаҳарларда Европа услубида черковлар бунёд этилди (17- асрнинг 2-ярми ва 18- асрда барокко, 19- асрда классицизм услубларида). 19—20- асрларда турли-туман услубларда бинолар қурилди.

19- асрда И. Мерино, Ф. Ласо, К. Бака Флор, Д. Эрнандес каби рассомлар етишди. 20- асрда Х. Сабогаль, Х. Кодесидо каби рассомлар, К. Сако, И. Посо каби ҳайкалтарошлар ўз асарларида оддий халқ ҳаётини акс эттирдилар, санъатнинг қадимий анъаналарини ривожлантирдилар. П. тасвирий санъатида кубизм, экспрессионизм, абстракт санъат кенг тарқалган. Халқ санъатида геометрик шакллар ҳосил қилиб гул тўқиладиган ёмғирпўшлар, сопол идиш, ҳайкалчалар тайёрлаш, қовоқни бадиий безаб идиш тайёрлаш, инкурстация б-н безатиладиган идиш ва буюмлар ясаш санъати ривож топган.

Музикаси. Муқаддас гимнлар, тарихий ривоят-қўшиқлар, лирик ашулалар, рақс қадимдан ривожланган. Барабан хиллари, турли-туман пуфлаб чалинадиган созлар (антара, кена, тарка ва б.), карнайсимон музика асбоблари кенг тарқалган, ҳозир асосий музика асбоби гитара ва унинг чаранго, арфа каби маҳаллий турлари мавжуд. Профессионал музика мустамлака даврида черков музикасидангина иборат бўлди. 19- асрда йирик композиторлар етишди. 20- асрнинг 1- ярмида кўпгина композиторлар маҳаллий халқлар фольклорига таяниб асарлар яратдилар. Лима шаҳрида миллий консерватория, миллий симфоник оркестр, хор коллективлари, муниципал театр, йирик шаҳарларда бир нечта музика мактаби бор.

Театри тарихи инклар давлати ташкил топиш даврига борчб тақалади. Қадимий театр томошаларининг бир неча хили мавжуд бўлиб, улар музика жўрлигида, хор бўлиб ашула айтиб ижро этилган. Кечуа тилида «Ольянтай» халқ драмаси шуҳрат қозонган. Мустамлака даврида диний драмалар, трагедиялар, кейинроқ испан драматургларининг комедиялари саҳнага қўйилган. 1940- йилларнинг охиридан ватанпарварлик руҳидаги асарлар саҳналаштирила бошлади, ун-т, ҳаваскорлик труппалари кўпайди. Йирик театрлар Лима шаҳрида бўлиб, театрлар учун кадрлар ҳам, асосан, шу ерда тайёрланади.

Кинои тарихи 1913 йилдан бошланди (шу йили биринчи фильм суратга олинди). 30- йилларнинг ўрталарида миллий кинематография шаклланди. 1972 йилда 3 бадиий фильм ишланди, мамлакатда 450 кинотеатр аҳолига хизмат қилади.

Ад.: Мариатеги Х. К., Семь очерков истолкования перуанской действительности Пер. с исп., М., 1963; Долинин А. А., Дерошкевич Л. И., Перу, М., 1964; Перу некоторые аспекты экономического развития, М., 1969; Перу: 150 лет независимости, М., 1971; Мамонтов С. П., Испаноязычная литература стран Латинской Америки в XX в., М., 1972; Полевой В. М., Искусство стран Латинской Америки, М., 1967; Кириченко Е. И., Три века искусства Латинской Америки, М., 1972.



П. Перужино. Ҳаворий Петрга калит топшириш (Ватикандаги Сикст капеллasига ишланга и фреска).

ПЕРУ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ (ПКП)— мамлакатдаги коммунистик группалар базасида ташкил этилган (1928). 1930 йилга қадар Перу Социалистик партияси номи б-н юритилган. ПКП га Х. К. Мариатеги асос солган ва раҳбарлик қилган. ПКП 1935 йил августда Коминтернга қабул қилинди. Иккинчи жаҳон уруши даврида ПКП халқ ўртасида эътибор қозониб, очиқ ишлашга ўтган. 1948 йил бошларига келиб, партия сафида 40 мингдан ортиқ киши бор эди. Одриа диктатураси вақти (1948—56)да ПКП қаттиқ таъқиб қилинди, кўпгина коммунистлар қамоққа олинди ёки ўлдириб юборилди. Шунга қарамай ПКП Арекипа шаҳридаги халқ қўзғолонига (1950) ва 1954—55 йилларда-ги оммавий стачка ҳаракатларига раҳбарлик қилди. 1956 йилдан кейин ПКП «Республиканинг ички хавфсизлиги тўғрисида»ги фашистик қонунни бекор қилишга ва умумий амнистияга эришди. 1962 йилнинг охирида мамлакатда оммавий иш ташлаш кучайди. Ҳокимият тепасидаги хунта, ишчилар ҳаракатини раҳбарсиз қолдириш мақсадида коммунистларга қарши репрессияни кучайтирди. Партия яширин ҳолатда ишлашга ўтишга мажбур бўлди. ПКП 6-съезди (1973) янги программа қабул қилди ва қуролли кучлар революцион ҳукуматининг ватанпарварлик руҳидаги сиёсатини маъқуллади. ПКП 1957, 1960 ва 1969 йиллардаги Москвада ўтказилган Коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг кенгаши ҳужжатларини маъқуллади. ПКПнинг олий органи съездидир. Съездлар ўртасидаги партия фаолиятига МК раҳбарлик қилади. Партиянинг бош секретари Х. дель Прадо Чавес. ПКП Марказий органи «Унидад» («Unidad») газетаси.

ПЕРУ ОҚИМИ — Тинч океаннинг жанубий-шарқий қисмидаги оқимлар. Жанубий Американинг ғарбий қирғоқлари бўйлаб оқади. Жанубдан шимолга йўналган Перу океан ва Перу қирғоқ бўйи оқимларидан ҳамда Перу ва Перу-Чили терс оқимларидан иборат. Дастлабки иккитасидан Жанубий Пассат оқими бошланади. П. о. да организмларнинг яшаши учун қулай шароит мавжуд, шу сабабдан бу р-н биологик жиҳатдан жуда сермаҳсул.

ПЕРУАНЛАР — 1) миллат, Перуда яшайди. Умумий сони 7 млн. га яқин (1972). Индеец тиллари кучли таъсир кўрсатган *испан тилида* сўзлашади. Расмий дини католицизм. Асосан метислардан, қисман креоллардан иборат. П. 16- асрда Перуни босиб олган испан мустамлакачилари б-н индеецларнинг аралашувидан шаклланган. Перунинг қирғоқ бўйи ҳамда Анд ясси тоғлиги р-ларида яшайди. П. қадимда маданияти юксак бўлган *инк*ларнинг авлодлари ҳисобланади; 2) Перудаги барча аҳоли (қ. *Перу*).


Ад.: Народы Америки, т. 2, М., 1959.

ПЕРУЖИНО (асли Ваннуччи) Пьетро (1445 ва 1452 йиллар орасида, Умбриянинг Читта-делла-Пьеве ш.— 1523, Умбриянинг Фонтиньяно ш.)— Уйғониш даври итальян рассоми. Перужа, Флоренция, Римда ишлаган. *Рафаэл*нинг устози. Ижоди чуқур инсонпарварлик ғояси, нозик туйғулар ифодаси таъсирчан ва ҳаётий берилгани б-н диққатга сазовор («Марнянинг авлиё Бернард қошига келиши», тахм. 1489, Пинакотека, Мюнхен; Ф. делла Оноре портрети, тахм. 1449, Уффици; «Мадонна тахтда», 1495, Пинакотека, Ватикан; «Исонинг таъзияси», Уффици, Флоренция; «Авлиё Себастьян», Эрмитаж; «Парчинлаш» фрескаси, 1496). П. асарларида ҳаёт лирик акс этган, колорит кучли.

ПЕРУ-ЧИЛИ БОТИҒИ — Тинч океаннинг шарқий қисмидаги ботиқ. Жанубий Америка материги б-н Тинч океан тубининг кўтарилган шимолий қисми оралиғида. Жанубий Америка материгининг тик ён бағри бўйлаб шимолдан жанубга 4200 *км* га чўзилган, эни 1700—3400 *км*. Икки қисмдан — Перу (шимолий) ва Чили (жанубий) ботиқларидан иборат. Энг чуқур жойлари шимолий қисмида 6601 *м*, жанубий қисмида 8050 *м*.

ПЕРФИЛЬЕВ Евгений Леонидович (1890, Петербург — 1938)— Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони (1917), 1918 йилдан Компартия аъзоси. Олонец (ҳозирги Петрозаводск) ва Пермь гимназиясини тугатиб, революцион тўгаракларда қатнашган. Бир неча марта қамалган. 1914 йили чор армияси сафига чақирилган. 1916 йили поручик унвонини олган. Революцион ҳаракатда қатнашгани учун 1-Симбирск запасдаги ўқчилар полки (Тошкент) га жўнатилган. Рев-я ғалаба қозонгандан сўнг, Советларнинг III съездида Туркистон ўлкаси ҳарбий ишлар бўйича халқ комиссари ва ҳарбий комиссари қилиб сайланган. Оренбург фронтидаги жангларда, «Қўқон мухторияти»ни тугатишда қатнашган. 1918 йили 1- Василий-Островский ишчилари резерв полкининг командири ва 1- Петроград ишчилар дивизиясининг ташкилотчиси. 1919 йили яна Туркистонга келиб, 31- ўқчи дивизия 1- бригадасининг комиссари, ўша йили май ойидан Илецк қўшинлари группасининг ҳарбий комиссари бўлган. Украина ишчилар армияси ҳарбий трибунали раисининг ўринбосари (1921—24), Ғарбий фронт ҳарбий трибунали коллегиясининг аъзоси, Москва ҳарбий округи ҳарбий трибуналида бўлим бошлиғи, Ленинград ҳарбий округи ҳарбий трибунали коллегиясининг аъзоси ва ҳарбий прокурори, Украина ҳарбий округининг ҳарбий прокурори (1930—38). Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.


ПЕРФОРАТОР (лат. perforo — тешаман)— 1) информацияни ёзиш мақсадида қоғоз, кинолента ва б. га тешиклар тешадиган (перфорация қиладиган) қурилма. Перфолента ва перфокарталарга рақамли, алфавитли ва алфавит-рақамли информацияларни ёзадиган П. лар кенг тарқалган. П. вазифасига, иш унумдорлигига ва тешиклар тешиш механизмининг тузилишига, шунингдек уни бошқариш усулига қараб турли хилларга бўлинади. П. секундига бир неча ўндан (карточкали П.) бир неча юзгача (лентали П.) тешик тешади. У тешиш механизми, қўлда ёки автоматик бошқариладиган юритма, электр сигналларни кодга айлантирадиган ўзгартиргич ёки клавиатура, лентани сурадиган механизмдан иборат. Тешиш механизмининг муҳим деталлари: *пуансон, матрица*, блокировка ричаглари. П. юритмаси механик, электромагнитли, пневматик ёки гидравлик бўлиши мумкин. Ердамчи жиҳозлар — перфокарталардаги информацияларни тузатишда ишлатиладиган компостерлар, қисқичлар, қўл П. лари ҳам П. ҳисобланади; 2) кончиликда — электр ёки сиқилган ҳаво таъсирида ишлайдиган бурғилаш машинаси (қ. *Бурғилаш жиҳозлари*).



Перфоратор схемаси.


Ад.: Счётно-перфорационные машины, М., 1965; Анисимов Б. В., Хомяков К. С., Устройства подготовки данных для электронных вычислительных машин, М., 1972.

ПЕРФОРАЦИОН КАРТА, перфокарта — ЭҲМга информацияларни киритиш ва сақлаш воситаларидан бири. П. к. қалинлиги 0,18±0,02 *мм* ли электр ўтказмайдиган картон, баъзан пластмассадан узунлиги 187,4±0,1 *мм*, кенглиги 82,5±0,1 *мм* ли тўғри тўртбурчак шаклида ясалади (расмга қ.). П. к. 12 та горизонтал ва 80 та вертикал қаторга бўлинади. Унинг ҳар бир вертикал қаторига мос рақам (0 дан 9 гача) ни тешиб ёзилади. Битта П. к. га 80 та гача белги



Перфокарта.

(≈10—15 сўз) ёзиш мумкин. П. к. рақамли ҳисоблаш машиналарида ишлатилганда информация *иккилик саноқ системасида*, перфорацион ҳисоблаш комплектларида *ўнлик саноқ системасида* ёзилади. Чет элларда ўлчамлари юқоридагидек бўлган 90, 40 ва 21 вертикал ҳамда 6, 12 ва 10 горизонтал қаторли П. к. лар ҳам ишлатилади. Информациялар ўрнини алмаштириш мумкинлиги ва сиғими чекланмаганлиги П. к. ларнинг афзаллиги бўлса, информацияни ўқиш тезлиги механик силжитишга боғлиқлиги камчилигидир. Машина П. к. ларининг информацияларни ишлаш тезлиги — 1 мин. да 2000 карта.



Перфорацион лента. *а (а), г (в)* ва *б (г)* йўллик (думалоқ тешикли) ҳамда *б(б)* йўллик (тўғри бурчакли тешикли).

ПЕРФОРАЦИОН ЛЕНТА, перфолента — ЭҲМ, тез ишлайдиган телеграф аппаратлари, программали бошқариладиган технологик қурилмалар ва агрегатларга информацияларни киритиш ва сақлаш воситаларидан бири; қоғоз, целлулоид ёки полиэтилентерефталат (лавсан) лентадан иборат, информациялар тешиклар тешиш (перфорациялаш) йўли б-н ёзилади. Кенг-



Першин А.Я.

лиги 17,5; 20,5; 22,5 ва 25,4 *мм*, қалинлиги 0,1 *мм* ли зич қогоз П. л. кенг тарқалган.

П. л. га информациялар механик ёки электр механик *перфоратор* б-н секундига 300 қаторгача тезликда перфорацияланади; информациялар электр механик трансмиттер ёки фотоэлементлар ёрдамида секундига 3000 сатр тезлик б-н ўқилади. П. л. ҳисоблаш машиналарида қўлланилганда рақамлар, кўпинча, *иккилик саноқ системасида* перфорацияланади. Бунда П. л. нинг ҳар бир қаторига битта ўнли рақам (ишораси б-н) жойлашади. П. л. да сон ва командалар 5—8 та йўлга ёзилади. Перфорацион картага нисбатан П. л. лардан фойдаланиш осон.

Ад.: Седлачек Я., Штетка К., Перфолента. Пер. с чеш., М., 1964.

ПЕРФУЗИЯ (лат. perfusio — қуйиш) — қон томирлари орқали қон, қон ўрнини босувчи суюқликлар ёки физиологик эритма ўтказиш. Организмдан бутунлай ажратиб олинган ёки умумий қон айланиш доирасидан ажратиб қўйилган орган функциясини ёхуд суюқлик таркибидаги айрим моддаларнинг шундай органга таъсирини ўрганишда қўлланилади. П. методидан, асосан, экспериментал физиологияда, шунингдек *хирургия*нинг барча соҳалари, жумладан тўқима ва органларни кўчириб ўтказишда фойдаланилади.

ПЕРХЛОРАТ КИСЛОТА ВА ПЕРХЛОРАТЛАР, перхлорат кислота $HClO_4$ — рангсиз, ҳавода тутовчи гигроскопик суюқлик. Сувдаги эритмаси калий перхлоратга сульфат кислота таъсир эттириб олинади. Одатда, у 72% ли эритма ҳолида сотилади. Перхлорат кислота (сувдаги эритмаси) жуда кучли кислотадир. Перхлорат кислота кучли оксидловчилар жумласига киради. Улар оддий т-рада реакцияга киришмайди, иситилганда, концентрацияси оширилганда реакцияга шиддатли киришади. Перхлорат кислота органик моддалар б-н реакцияга киришганида портлаш юз беради.

Перхлорат кислота турли хил тузлар (перхлоратлар) ҳосил қила олади. Перхлоратлар таркибида ClO_4^- иони бўлган моддалардир. Металл перхлоратлар хлоратларни электролитик оксидлаш йўли б-н олинади. Калий хлоратни эҳтиётлик б-н қиздирилса, диспропорция натижасида калий перхлорат ҳосил бўлади:

$$4KClO_3 \rightarrow 3KClO_4 + KCl.$$

Барча электр мусбат элементларнинг перхлоратлари бор. Фақат кичик зарядли катта катионларнинг перхлоратлари ($CsClO_4$, $RbClO_4$, $KClO_4$) сувда ёмон, бошқа металларнинг перхлоратлари яхши эрийди. Перхлорат ион ClO_4^- тетраэдрик шаклга эга. Перманганат ион, сульфат ион, фтор-борат ионлар ҳам тетраэдрик шаклли. Шу сабабли айни металлнинг перхлорати унинг перманганати, сульфати ва фторбората б-н изоморф кристаллар ҳосил қилади. Перхлорат ионнинг энг муҳим хоссаларидан бири шуки, бу ион комплекс бирикманинг ички сферасига лиганд сифатида кира олмайди. Шунга кўра комплекслар олишда дастлабки модда сифатида металл ионларнинг перхлоратларидан фойдаланилади. Перхлоратлар, кўпинча, оксидловчилар сифатида ишлатилади. Баъзан улардан махсус мақсадларда фойдаланилади. Мас., магний перхлорат $Mg(ClO_4)_2$ — ангидрон—моддалар таркибидаги сувни тортиб олувчи восита сифатида ишлатилади.



Песин Я. Е.

Ад.: Ахметов А. С., Неорганическая химия, М., 1964; Раҳимов Ҳ. Р., Анорганик химия Т., 1974.

ПЕРХЛОРВИНИЛ СМОЛАЛАР — полихлорвинилхлоридни тетрахлорэтан, хлорбензол ёки углерод (IV)-хлоридда 100°С га яқин т-рада хлорлаб олинадиган маҳсулот. П. с. поливинилхлоридларга қараганда анча пухта, органик эритувчиларда эрийди ва юқори адгезион хоссасига эга бўлган парда (плёнка) ҳосил қилади. Таркибида 64—66% хлор бўлади, 160—170°С иссиққа, —45° совуққа чидайди. П. с. совуқда ацетон, толуол, дихлорэтан ва б. эритувчиларда эрийди. П. с. дан толалар (қ. *Поливинилхлорид толалар*) ва перхлорвинил лаклар (перхлорвинил смолалар асосида олинадиган лаклар) ишлаб чиқарилади. П. с. трубалар, контейнерлар, емирувчи суюқликлар учун ванналар ва кимё машинасозлигида турли конструкциялар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

ПЕРШИН Александр Яковлевич (1874, Уфа губерняси — 1919. 19. I, Тошкент) — туркистонлик ўн тўрт комиссардан бири. 1903 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Деҳқон оиласида туғилган. 1894 йилдан революцион ҳаракатда қатнашган. Уфа, Ғазали ва б. жойларда партия иши олиб борган. 1905—07 йиллар рев-яси қатнашчиси. 1916 йилдан Тошкентдаги Ўрта Осиё Бош т. й. устахоналарида ишлаган. 1917 йил Февраль рев-ясидан сўнг Тошкент Совети аъзоси. Бутун Россия Советларининг I- съезди делегати, Бутун Россия МИҚ аъзоси. 1917 йил сентябрда сайланган Муваққат революцион комитет аъзоси. Тошкентдаги Октябрь қуролли қўзғолон ташкилотчиларидан ва раҳбарларидан бири. Октябрь рев-яси ғалабасидан сўнг, Тошкент ш. Совети ижроия комитети раиси ўринбосари ва Туркистон Озиқ-овқат халқ комиссари. Туркистондаги биринчи Қизил Гвардия ва Қизил Армия отрядлари ташкилотчиларидан. Тошкент ш. партия комитети аъзоси, ТуркКП 1—2-съездлари делегати. Оқ гвардиячи исёнчилар томонидан отиб ўлдирилган. Тошкент кўчаларидан бирига П. номи берилган.

ПЕС, витилиго — теридаги нормал пигментнинг йўқолиши. Бунда терининг турли жойлари (кўпинча юз, бўйин, қўл)га оқ доғ тушади. У аста-секин катталашиб, бир-бири б-н қўшилиши ва терининг каттагина қисмини эгаллаб олиши мумкин. Доғ тушган жойдаги соч ва туклар ҳам оқариб чиқади. П. га пигмент пайдо қиладиган ферментлар етишмаслиги ёки қалқонсимон без, баъзан буйрак усти бези, гипофиз ва жинсий безлар функциясининг бузилиши сабаб бўлиши мумкин. Тери нервлари ва қон томирларининг турли даражада ўзгариши ҳам П. нинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнайди. Доғ тушган жойда терининг сезиш хусусияти йўқолмайди. П. юқумли эмас.

Давоси. Организмда етишмаётган витаминлар ва микроэлементлар, шунингдек меладенин, псорален, бераксан каби препаратлар берилади, доғ тушган жой ультрабинафша нур б-н куйдирилади.

ПЁСИН Яков Ефимович (1914. 31. 3, БССРнинг Бихов ш.) — ҳуқуқшунос олим, юридик фанлари д-ри (1972), проф. (1974). УзССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1964). 1939 йилдан КПСС аъзоси. Москва Юридик ин-тини (1939) тугатган. 1941—49 йилларда Тошкент обл. ва шаҳар прокуратурасида граждан суд бўлими бошлиғи. 1949—55 йиллар-

да Тошкент Юридик ин-тида доцент, гражданлик процесси кафедраси мудири, 1955—74 йилларда ТошДУда гражданлик ҳуқуқи ва процесси кафедраси, 1974 йилдан гражданлик процесси ва меҳнат ҳуқуқи кафедраси мудири. «СССРда хотин-қизларнинг онла ҳуқуқи ва процессуал гарантиялари ҳуқуқи» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Онла ҳуқуқи ва гражданлик ҳуқуқи бўйича бир неча илмий иш муаллифи.

Ас.: Социалистик жамиятда онла, Т., 1957; О гражданском судопроизводстве, Т., 1964; Развитие семейно-правовых гарантий прав женщин в Узбекистане, Т., 1971.

ПЁССИ Вилле (1902. 24. 3, ҳозирги Ленинград обл. Қаукола) — Финляндия ва халқаро ишчилар ҳаракатининг арбоби. Жанубий-Шарқий Финляндиянинг ёғоч тайёрлаш ва саноат корхоналарида ишлаган (1916—24). 1919 йилдан ишчи ташкилотлари фаолиятида қатнашди. Финляндия Социалистик ёшлар союзи (1923—26), Финляндия Коммунистик партияси (ФКП) аъзоси (1924). Пасила (Хельсинки яқинида) т. й. устахоналарида ишлаб, партия ташкилоти секретари бўлган (1924—27). 1930—31 йилларда ФКП нинг Васа ва Турку шаҳарларидаги округ комитетларининг яширин ташкилотларига раҳбарлик қилган. 1931 йилдан ФКП МК аъзоси. ФКП МҚ нинг ташкилий ишлар бўйича секретари (1932—33). Т. *Антикайнен* қамоққа олингач (1934 йил 6 ноябрь), партияга раҳбарлик қилган. Коммунистик фаолияти учун Финляндиянинг қамоқ ва концлагерларига қамалган (1935—44). 1944—72 йилларда МҚ Сиёсий бюроси аъзоси, 1944—69 йилларда ФҚПнинг Бош секретари. 1972 йил апрелда ФКП фахрий раиси қилиб сайланган. 1945—66 йилларда парламент депутати. КПСС нинг 19, 21, 22 ва 23-съездларида ҳамда Коммунистик ва ишчи партияларнинг Москва кенгашларида (1957 ва 1960) ФКП делегациясининг бошлиғи. П. Финляндия, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати масалаларига доир бир қатор мақола ва брошюралар муаллифи. Октябрь Революцияси ордени б-н мукофотланган.

ПЕСТАЛОЦЦИ Иоганн Генрих (1746. 12. 1, Цюрих — 1827. 17. 2, Бругг) — швейцария педагог-демократи, бошланғич таълим дидактикаси асосчиларидан. Швейцариянинг бир қанча шаҳарларида халқ мактаблари, етимхоналар очган ва уларга раҳбарлик қилган. Философик қарашларида француз маърифатпарварлари (Ж. Ж. *Руссо* ва б.) ғояларини немис идеалист философлари (И. *Кант*, Г. *Лейбниц*, И. Г. *Фихте* ва б.) назариялари б-н эклектик тарзда қўшиб юборган. П. фикрича, тарбиянинг мақсади инсонларнинг барча табиий кучлари ва қобилиятларини ҳар томонлама ва уйғун ўстиришдан иборат. Унинг элементар маълумот назариясига кўра, тарбиялаш оддий элементлардан бошланиб, аста-секин мураккаброқ даражагача кўтарилиб бориши керак. П. болаларга илк бор ҳисоб, ўлчаш ва нутқни ўргатиш методикасини ишлаб чиқди, бошланғич таълимга геометрия, география, расм солиш, ашула, гимнастикадан оддий маълумотларни киритиб, унинг мазмунини кенгайтирди. Асосий асарлари: «Лингард ва Гертруда» (1781—87), «Гертруда ўз болаларини қандай қилиб ўқитади» (1801), «Оналар китоби» (1806), «Оққуш қўшиғи» (1826).

Ад.: Крупская Н. К., Песталоцци, Педагогические сочинения, т. 1, М., 1957; Константинов Н. А., Медынский Е. Н., Шабаева М. Ф., Педагогика тарихи, Т., 1967.



Песси В.

ПЕСТЕЛЬ Павел Иванович [1793. 24. 6 (5. 7), Москва — 1826. 13 (25). 7, Петербург] — дворян революционери, декабрист, полковник. Дрезденда ўқиган (1805—09). 1812 йилги Ватан уруши ва 1813—14 йилги чет эл юришларида қатнашган. Вятск полкининг командири (1821). «Нажот союзи» номли декабристлар ташкилоти аъзоси (1816). 1818 йили Тульчин шаҳрида «Фароғат союзи»ни тузди. 1821 йил мартда Декабристлар жанубий жамиятини ташкил қилди ва унинг программаси лойиҳасини тузди. Программада мамлакатда республика тартибини ўрнатиш, қонун олдида ҳамманинг тенг ҳуқуқли бўлишини таъминлаш, деҳқонларни тўла озод қилиш ва ҳақ олмай ер бериш, табақаларга ажралишни йўқ қилиш ва б. тадбирлар кўзда тутилди. Бу программа кейинчалик «Русская правда» деб аталди. П. 1825 йил 13 декабрда Тульчинда қамоққа олинди, Петропавловск қалъасида осиб ўлдирилди.



Пестель П. И.


ПЕСТИЦИДЛАР (лат. pestis — мараз ва caedo — ўлдираман) — ўсимлик ва ҳайвонларнинг касаллик ҳамда зараркунандаларига, бегона ўтлар, дон ва дон маҳсулотлари, ёғоч, қоғоз, пахта, жун, тери ва ҳ. к. зараркунандаларига, уй ҳайвонлари эктопаразитларига, шунингдек одам ва ҳайвонлар орасида хавфли касалликлар тарқатувчиларга қарши курашда фойдаланиладиган кимёвий моддалар. П. органик ва анорганик бирикмаларнинг турли синфларига киради. Кўпи синтетик йўл б-н олинадиган органик моддалар бўлиб, муҳимлари — хлорорганик ва фосфорорганик П., карбамин кислота ҳосилалари, ўсимликлардан ишланадиган П., триазинлар, мочевина ҳосилалари; анорганик моддалардан: мис, олтингугурт ва б. бирикмаларидир. П. ўсимликларни кимёвий моддалар ёрдамида ҳимоя қилиш усулининг асоси ҳисобланади.

П. фойдаланилишига қараб, қуйидаги асосий синфларга бўлинади: акарицидлар — каналарни қиришда ишлатиладиган моддалар; антифидинглар — ўсимликларни еб кетадиган ҳашаротларни қочириш учун ишлатиладиган моддалар; инсектицидлар — зараркунанда ҳашаротларни қириш воситалари; гербицидлар — бегона ўтларни йўқотишда ишлатиладиган препаратлар; зооцидлар — зараркунанда умуртқалиларни қирувчи заҳарлар; бактерицидлар, вирусоцидлар, фунгицидлар — ўсимликларда бактерия, вирус ва замбуруғ касалликларини қўзғатувчиларга қарши курашда ишлатиладиган воситалар; нематоцидлар — юмалоқ чувалчангларни ўлдирувчи препаратлар; моллюскоцидлар — зарарли моллюскаларни йўқ қилувчи моддалар. Уруғларни дорилаш учун ишлатиладиган препаратлар ва дефолиантлар, десикантлар ва б. ҳам П. га киради.

Зараркунандалар организмига кириш усулига қараб, ичакдан, теридан таъсир этувчи, организмга нафас йўли орқали буғ ёки газ ҳолида кириб таъсир кўрсатадиган ва ўсимлик ёки ҳайвон тўқимасига осонгина кириб, организм ширасини (суви) б-н озиқланадиган зараркунандаларга шикаст етказувчи П. бўлади. Одам ва иссиқ қонли ҳайвонлар учун заҳарлилиги жиҳатдан П. 4 группага: кучли таъсир этувчилар, кучли заҳарлилар, ўртача заҳарлилар ва кам заҳарлиларга бўлинади. Бирор П. нинг ишлатилиши мумкинлигини СССР Қ. х. министрлиги қошидаги Давлат комиссияси аниқлайди ва фойдаланишга тавсия этади.



Песталоцци И. Г.



Петёфи Ш.

Ад.: Гар К. А., Химические средства для борьбы с вредителями и болезнями сельскохозяйственных культур, М., 1970.

ПЕТЕРБУРГ, Санкт-Петербург — *Ленинград*нинг 1703 йилдан 1914 йилгача бўлган номи.

ПЕТЕРБУРГ «ИШЧИЛАР СИНФИНИ ОЗОД ҚИЛИШ УЧУН КУРАШ СОЮЗИ» — Петербург социал-демократларининг умумшаҳар сиёсий ташкилоти. В. И. Ленин 1895 йилда тузган. В. И. Ленин ва унинг сафдошларининг 1893—95 йиллардаги назарий, пропагандистик ва ташкилий фаолиятлари Петербург марксистларини ягона ташкилот бўлиб бирлашишга тайёрлади ва кейинчалик у «Кураш союзи» деб номланди. «Кураш союзи»нинг бутун иши централизм ва қаттиқ интизом принциплари ҳамда омма б-н мустаҳкам алоқа асосига қурилган. «Кураш союзи»га В. И. Ленин, А. А. Ванеев, П. К. Запорожец, Г. М. Кржижановский, Н. К. Крупская, А. Л. Малченко, З. П. ва С. П. Невзоровлар, М. А. Сильвин, Я. П. Пономарёв, С. И. Радченко, В. В. Старков, А. А. Якубовалардан иборат Марказий ташкилий группа раҳбарлик қилган; группага кейинчалик Л. Мартов, С. А. Гофман, Я. М. Ляховский, В. М. Тренюхин кирган. Ташкилот р-н группаларига бўлинган. Илғор, онгли ишчилар бу группаларни ф-ка ва з-длар б-н боғлаб турганлар. З-дларда маълумот тўпловчи ва адабиётлар тарқатувчи ташкилотчилар бўлиб, йирик корхоналарда ишчи тўгараклари ташкил этилган. «Кураш союзи» социализмни ишчилар ҳаракати б-н қўшишни, ишчи тўгаракларида озгина илғор ишчилар ўртасида марксизмни пропаганда қилишдан кенг пролетариат оммаси ўртасида иқтисодий ва сиёсий агитация олиб боришга ўтишни Россияда биринчи бўлиб амалга ошира бошлади.

«Кураш союзи» ишчилар ҳаракатига раҳбарлик қилди, ишчиларнинг иқтисодий талаблар учун олиб борадиган курашини подшо ҳукуматига қарши олиб бориладиган сиёсий кураш б-н боғлади. «Кураш союзи» 1895 йил ноябрда Торнтон мовут ф-касида стачка уюштирди. 1896 йил ёзда «Кураш союзи» раҳбарлигида Петербург тўқимачиларининг машҳур стачкаси бўлиб ўтди, бу стачкада 30 мингдан кўпроқ ишчи қатнашди. «Кураш союзи» ишчилар учун варақа ва брошюралар чиқарди. «Кураш союзи» нашрларига В. И. Ленин муҳаррирлик қилди. «Кураш союзи» ўз таъсирини Петербургдан ташқарига ҳам ёйди (қ. *«Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзлари»*).

1895 йил 8 декабрдан 9 декабрга ўтар кечаси подшо ҳукумати «Союз»нинг В. И. Ленин бошлиқ бир қанча арбобларини қамоққа олди. Орадан бир неча кун ўтгач, группанинг қамоққа олишлардан сўнг ўтказилган биринчи йиғилишида Петербург социал-демократлари ташкилотини «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи» деб аташ тўғрисида қарор қабул қилишди. В. И. Ленин қамоқдан туриб, «Союз»га раҳбарлик қилди, унга ўз маслаҳатлари б-н ёрдам берди.

«Кураш союзи», В. И. Ленин таъбири б-н айтганда, ишчилар ҳаракатига таянадиган, пролетариатнинг синфий курашига раҳбарлик қиладиган революцион партиянинг куртаги эди.

В. И. Ленин қамалгандан сўнг, «Кураш союзи» раҳбарлигига марксистик назария жиҳатидан яхши тайёрланмаган ёшлар ўтди. 1896—97 йилларда улар ичида оппортунизм томон оғиш тенденцияси юз берди. Бироқ «Союз»нинг қамалмай қолган кекса аъзолари ленинча «Кураш союзи»нинг традицияларини давом эттирдилар. «Союз» кўп ишчи-революционерларни тарбияладн, РСДРП 1-съезди (1898)ни чақиришда, *«Искра»* ни тарқатишда ҳамда «Кураш союзи» томонидан бошланган революцион марксистик пролетар партияси тузиш жараёнини ниҳоясига етказган РСДРП 2-съезди (1903) ни тайёрлаш ва ўтказишда қатнашган партия ходимларини тайёрлади.

Ад.: Ленин В. И., Рус социал-демократларининг вазифалари, Тўла асарлар тўплами, 2-т.; Сильвин М. А., Ленин в период зарождения партии, Л., 1958; Куцентов Д. Г., Деятели Петербургского «Союза борьбы за освобождение рабочего класса», М., 1962; Костин А. Ф., Ленин — создатель партии нового типа. (1894—1904 гг.), М., 1970; Совет Иттифоқи Коммунистик партияси тарихи, Т., 1972.

ПЕТЕРС Яков Христофорович [1886. 21. 11 (3. 12)—1938. 25. 4]—совет партия ва давлат арбоби. 1904 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1904 йил Латиш социал-демократик ишчи партиясининг Либава ташкилотига кирган. 1905—07 йиллар рев-яси даврида деҳқон ва батраклар ўртасида агитация олиб борган. 1909 йилдан чет элда яшаган, Латиш ўлкаси социал-демократиясининг Лондон группаси аъзоси, Британия социалистик партияси аъзоси. 1917 йил Февраль рев-ясидан сўнг, Ригада ишлади, Латиш ўлкаси социал-демократияси МҚ аъзоси ва унинг РСДРП(б) МҚдаги вакили, «Циня» газетаси муҳаррирларидан бири. 1917 йил октябрь кунларида Петроград Ҳарбий Революцион Қомитети аъзоси, Бутун Россия Советларининг 2-съезди делегати, Бутун Россия МИҚ аъзоси. Октябрь рев-ясидан сўнг, ВЧҚ коллегияси аъзоси ва раиси ўринбосари, Революцион трибунал раиси. 1919 йил Петроград, Киев, Тулада ишлади. 1920—22 йилларда РКП(б) МҚ Туркистон бюроси аъзоси, ВЧКнинг Туркистондаги мухтор вакили, 1923 йилдан ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) коллегияси аъзоси. Партия 12—16-съездларида МҚК аъзоси қилиб сайланган, МҚК Президиуми аъзоси бўлган; 1930—34 йилларда ВКП(б) Москва Контроль Комиссияси раиси; 17-съездда ВКП(б) МҚ ҳузуридаги Партия контроль комиссияси аъзоси қилиб сайланган. ТуркАССР МИК ва МИК Президиуми аъзоси бўлган. Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.

ПЕТЕРСОН Карл Михайлович (1828. 13 (25). 5, Рига — 1881. 19. 4 (1. 5), Москва) — рус геометри. Миллати латиш. Дерпт ун-тини тугатган (1852). Москвадаги Петропавловск билим юртида дарс берган. П. нинг асарлари *дифференциал геометрия*нинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди. Минимал сиртлар ва б. сиртлар синфларини текширган. П. «Сиртларнинг букилиши ҳақида» деган асарида (1853) сиртларнинг асосий тенгламаларини берган. Москва математиклар жамиятининг асосчиларидан бири.

ПЕТЕХИЯ (итал. petecchia — доғ, тошма) — қ. *Тошма.*

ПЕТЁФИ Шандор (1823. 1. 1, Кишкёрёш — 1849. 31. 7, Фехередьхаза) — венгр шоири. Урта ҳол дворян оиласида туғилган. Венгриядаги 1848—49 йиллар рев-ясининг фаол иштирокчиси. Биринчи «Шеърлар» тўплами 1844 йилда нашр қилинган. Шоир лирикасида ватанпарварлик, оддий халқ ҳаётига ҳамдардлик туйғуси етакчи «Паҳлавон Янош» эпик достони (1844) да жасур, олижаноб деҳқон йигитининг қийинчиликларни енгиб, мақсадига етишуви тасвирланган. П. дворян ялтироқ поэзиясига қарши шеъриятнинг софлиги, реаллиги ғояларини илгари сурди. Революцион-демократик руҳдаги «Ватанпарварлик қўшиғи» (1844), «Сарой ва кулба» (1847), «Халқ номидан» (1847), «Апостол» (1848) ва б. асарларида исёнкор шоир туйғулари, меҳнаткаш халқнинг орзу ва интилишлари акс этди. «Миллий қўшиқ» шеъри (1948) рев-я гимнига айланди.

Ас.: Собр. соч., т. 1—4, М., 1952—53; Янош ботир, Т., 1965; Танланган асарлар, Т., 1973.

Ад.: Гершкович А., Шандор Петёфи, М., 1961; Иёш Д., Шандор Петёфи, М., 1972.

ПЕТИТ (франц. petit — кичик) — ўлчами 8 пунктга тенг (3 *мм* га яқин) босмахона шрифти. Справочник, журналларнинг асосий текстини ва эслатма, саҳифа остига ёзиладиган текст (сноска)ларни териш учун ишлатилади. ЎзСЭ нинг шу сатрлари ҳам П. б-н терилган.

ПЕТЛЮРАЧИЛИК — гражданлар уруши даври (1918—20)да Украинада иш олиб борган буржуа миллатчилик ҳаракати. Бу ҳаракат раҳбарларидан бири С. В. Петлюра (1879—1926) номи б-н аталган. П. нинг ижтимоий асосини украин қулоқлари, маҳаллий буржуазия ва миллатчи буржуа зиёлилари ташкил этган. П. *Марказий рада* ва Украина директорияси сиёсий тузумида ўз аксини топди. Петлюрачилар халққа, Совет ҳокимиятига қарши қаттиқ террористик сиёсат олиб бордилар, улар Украинани Советлар Россиясидан ажратиб олишга ва Украинада рев-я ғалабасига йўл қўймасликка уриндилар. 1917 йил мартда ташкил этилган Марказий рада ҳокимиятни қўлга олди ва Украина халқ республикаси (УХР)ни эълон қилди, Украина контрреволюция марказларидан бирига айланди. Бутун Украина Советларининг 1-съезди (1917 йил дек.) Украинада Советлар республикасини эълон қилди. 1917 йил декабри ва 1918 йил январида Марказий раданинг асосий кучлари тор-мор келтирилди. Киевдан қочиб чиқиб кетаётган Марказий рада Германия б-н Брест-Литовскда шартнома тузди (1918 йил 27 янв.), унга биноан Австрия-Германия қўшинлари февралда деярли бутун Украинани босиб олдилар. Аммо Марказий рада босқинчиларнинг ишончини оқлай олмади, улар радани тарқатиб юбордилар (1918 йил 29 апр.) ва П. П. Скоропадский бошчилигида қўғирчоқ тузум ташкил этдилар. 1918 йил ноябрида Австрия-Германия босқинчилиги муваффақиятсизликка учрагач, петлюрачилар Украина директориясини тузадилар. Унга буржуа ва майда буржуа миллатчи Украина социал-демократик ишчи партияси, Украина социал-революционерлар партияси вакиллари киритилди. Директория Украинанинг кўп қисмини босиб олди ва Франция б-н шартнома тузиб, УХР ни унинг протекторатига айлантирилишига розилик берди. 1919 йил 16 январида УХР Советлар Россиясига қарши уруш эълон қилди. Шу йили апрелга келиб Қизил Армия УХР қўшинларини тор-мор келтирди. Петлюрачилар Совет ҳокимиятига қарши курашни тўхтатмадилар, улар 1919 йил ёзида Деникин қўшинлари келаётганидан фойдаланиб, Киевни эгаллади. Деникин қўшинлари петлюрачиларга қаттиқ зарба берди. Уларнинг қолдиқлари Польша терр-ясига ўтиб кетди. 1920 йил 21 апрелда Петлюра Польша б-н ҳарбий иттифоқ тузди, бу иттифоқдан сўнг петлюрачилар буржуа-помешчиклар Польшасининг Совет Россиясига қарши урушида қатнашдилар, лекин кўп ўтмай улар Қизил Армия томонидан бутунлай тор-мор қилинди.

Ад.: Супруненко Н. И., Очерки истории гражданской войны и иностранной военной интервенции на Украине (1918—20), М., 1966.

ПЕТРАРКА Франческо (1304. 20. 7, Ареццо — 1374. 19. 7, Аркуа, Падуя яқинида) — итальян шоири, итальян адабий тили асосчиларидан бири, Уйғониш даври гуманизмининг илк вакили. Нотариус оиласида туғилган. Монпелье, Болонья ун-тларида ҳуқуқшуносликдан таълим олган. Инсон шахси ва унинг эрк сари интилиши П. ижодининг асосини ташкил этади. Унинг фалсафий, сиёсий ва эстетик қарашлари «Ҳаётдан безиш» (1342—43), «Елғизликдаги ҳаёт» (1346—66), «Тақдирга бардош бера билиш воситалари» (1358—66), «Ўзим ва бошқаларнинг жоҳиллиги ҳақида» (1367—70), «Авлодларга мактуб» (1374) каби рисолаларида ўз ифодасини топган. Утмиш латин шоирларининг қўл ёзмаларини йиғиб, уларни шарҳлади. Баъзи бадиий асарлари («Африка», 1339—42; «Буколиклар», 1346—57 ва б.)ни латин тилида ёзган, лекин шоир номини итальян тилида яратилган ишқий лирикаси, ватанпарварлик руҳидаги сиёсий шеърлари («Менинг Италиям», «Олижаноб руҳ» ва б.) жаҳонга танитди. Шоирнинг Лаурага бағишлаган асарлари «Мадонна Лауранинг ҳаётига» ва «Мадонна Лауранинг вафотига» қисмларига бўлиниб, 317 сонет, 29 канцона, 9 секстин, 7 баллада ва 4 мадригал (мадҳия)дан ташкил топган. У Лаурага бағишлаб «Зафар тантанаси» (1354) аллегорик достонини яратди. П. Европа поэзияси тарихида биринчи бўлиб лирикани христиан мистикаси, символика ва аллегоризм таъсиридан чиқарди ва дунёвий ишқни куйлади. Унинг қатор лирик шеърлари ва сонетлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Избранная лирика, М., 1955; Книга песен, М., 1963.

ПЕТРОВ Александр Дмитриевич (1794. 1 (12). 2, Псков губернияси — 1867. 10 (22). 4, Варшава) — рус шахматчиси ва шахмат назариётчиси. 15 ёшида Петербургнинг энг кучли шахматчиси А. Копьевни енгиб, 50 йил давомида Россиядамашҳур шахматчи ҳисобланган. Россия ва Польшанинг машҳур шахматчилари б-н бўлган кўпгина учрашувларининг ғолиби. П. шахматга оид бир қанча китоблар муаллифи. П. нинг «Тартибга келтирилган шахмат ўйини» дарслиги шахмат тарихида улкан роль ўйнади. У Филидорнинг пиёдалар ҳақидаги таълимотидан руҳланган ҳолда француз шахматчисининг айрим қоидаларини қаттиқ танқид қилди. Шахмат адабиётлари яратишда П. назария б-н амалиётнинг боғлиқ бўлиши принципига амал қилди. Унинг «Шахматчилар ҳаётидан лавҳалар» (1844) китоби кўп тилларга таржима этилган.

Ад.: Линдер И. М., А. Д. Петров — первый русский шахматный мастер, 2 изд., М., 1955.

ПЕТРОВ Анатолий Анатольевич (1918. 13. 7, Киев ш.) — инженер, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1970). Узбекистонда хизмат кўрсатган бинокор (1968). 1944 йилдан КПСС аъзоси. М. И. Калинин номидаги Москва Рангли металлар ва олтин ин-тини тугатиб (1941), Жида тоғ-кон к-ти (Бурятия АССР)да смена инженери, 1942 йилдан Совет Армияси сафида, 1945 йилдан СССР Қора ва рангли металлургия министрлигининг «Главзолото» бошқармасида планлаштириш бўлими бошлиғи, 1957 йилдан Якуталмаз трестида кон бошлиғи. 1959 йилдан



Петров А. А.



Петров Б. Н.



Петров В. С.



Петров Г. И.



Петров И. Е.



Петров М. П.



Петров Ф. Н.

СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Машинасозлик ва автоматлаштириш комитетида катта экспертчи. 1959 йилдан «СССР 50 йиллиги» номидаги Навоий кон-металлургия к-ти директори. 8-чақириқ УзССР Олий Совети депутати, Ленин ордени, Октябрь Революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, 1-даража Ватан уруши орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.

ПЕТРОВ Борис Николаевич [1913. 26. 2 (11. 3), Смоленск]— автоматик бошқариш соҳасидаги олим. СССР ФА акад. (1960). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1969). Москва Энергетика ин-тини тугатгач (1939), СССР ФА Бошқариш проблемалари ин-тида катта илмий ходим (1940—46), директор (1947—51), бўлим бошлиғи (1951 йилдан). 1950 йилдан Москва Авиация ин-тида кафедра бошлиғи, проф. (1948), СССР ФА Механика ва бошқариш процесслари бўлимининг акад.-секретари (1963). «Интеркосмос» космик фазони тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш соҳаси бўйича Халқаро ҳамкорлик кенгаши раиси.

Асосий ишлари автоматик ростлаш назарияси, автоматик бошқариш системасининг инвариантлик назарияси, ўзи созланадиган система, бошқариш назариясининг информацион масалалари, ҳаракатланувчи объектларни автоматик бошқариш системаларига оид. Халқаро астронавтика академиясининг ҳақиқий аъзоси (1971), бир неча хорижий мамлакатлар ФА аъзоси. Ленин мукофоти (1966), СССР Давлат мукофоти лауреати (1972), 4 марта Ленин ордени ва б. орден ҳамда медаллар б-н мукофотланган (519-бетда портрети берилган).

ПЕТРОВ Василий Степанович (1922. 22. 6, ҳозирги Запорожье обл. Приазовское р-нидаги Дмитриевка қишлоғи)— совет ҳарбий арбоби, артиллерия генерал-майори (1962), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1943 йил 24 декабрь ва 1945 йил 27 июнь). 1945 йилдан КПСС аъзоси. 1939 йилдан Совет Армиясида. Суми артиллерия билим юртини тугатган (1941). Улуғ Ватан уруши даври (1941—45) да Жанубий-Ғарбий, Брянск, Воронеж, Дон ва 1-Украина фронтлари составида взвод командири, батарея командирининг ўринбосари, полк штаби бошлиғининг ёрдамчиси, 1850-танкка қарши қирувчи артиллерия полки командирининг ўринбосари. Кременчуг остоналаридаги жангларда икки қўлидан ажралган (1943). 1944 йили ўз илтимосига кўра яна ҳаракатдаги армияга жўнатилган ва 248-танкка қарши қирувчи полк командирининг ўринбосари, сўнгра командири бўлган. Урушдан сўнг Совет Армияси сафида хизматда. Львов ун-ти тарих ф-тининг сиртқи бўлимини тугатган (1954). 2 марта Ленин ордени, 4 та бошқа совет ордени, 2 та чет эл ордени ва медаллар б-н мукофотланган (519-бетда портрети берилган).

ПЕТРОВ Георгий Иванович [1912. 18 (31). 5, Пинега, ҳозирги Архангельск обл.]— механика соҳасидаги олим; СССР ФА акад. (1958), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1961). Москва Давлат ун-ти (МГУ)ни тугатгач (1935), илмий текшириш ин-тларида ишлаган. 1965 йилдан СССР ФА Космик тадқиқотлар ин-тида ишлайди (1965—73 йилларда директор, 1973 йилдан бўлим мудири). Илмий ишлари татбиқий газ динамикаси ва космик аэродинамикага оид. Тебранишларнинг қовушоқ суюқликларда тарқалишини, уюрма қатламларнинг турғунлигини, ламинар оқимлари бўлинишининг физик шартларини текширган. Ҳаво қатламларини визуал ўрганишнинг оптик методларини қўллаган. СССР Давлат мукофоти лауреати (1949), 3 марта Ленин ордени ва б. орден ҳамда медаллар б-н мукофотланган.

ПЕТРОВ Иван Ефимович [1896. 18 (30). 9, ҳозирги Брянск обл. Трубчевск ш.—1958. 7. 4, Москва]— совет ҳарбий арбоби, армия генерали (1944), Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1945 йил 29 май). 1918 йилдан Қомпартия аъзоси. Уша йилдан Совет Армиясида. Граждалар уруши қатнашчиси. Қомандирлар состави малака ошириш курсларини тугатган (1926 ва 1931). 1929, 1931—32 йилларда ўқчи дивизия ва отлиқлар полкининг командири сифатида босмачиларга қарши курашган. 1933 йилдан Ўрта Осиё бирлашган ҳарбий мактаби (Тошкент Ҳарбий пиёдалар билим юрти)нинг бошлиғи. 1940—41 йилларда дивизия ва корпус командири бўлган. Улуғ Ватан уруши даври (1941—45)да Ғарбий фронтдаги ўқчи дивизия командири (1941 йил июль — октябрь), Приморье армияси қўшинларининг (1941 йил октябрь—1942 йил июль ва 1943 йил ноябрь — 1944 йил февраль), Закавказье фронтидаги Қора денгиз группалари қўшинларининг (1942 йил октябрь — 1943 йил март), Шимолий Кавказ фронти (1943 йил май—ноябрь), Ғарбий фронтдаги 33-армия (1944 йил март-апрель), 2-Белоруссия (1944 йил апрель—июнь), 4-Украина фронтларининг (1944 йил август — 1945 йил март) қўмондони ва 1-Украина фронти штабининг бошлиғи (1945 йил апрель—июнь). Одесса ва Севастополь мудофааларида, Кавказ учун бўлган жангларда, Белоруссия ва Чехословакияни немис босқинчиларидан озод этишда, Берлин ва Прага операцияларида қатнашган. Урушдан сўнг Туркистон Ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони (1945—52). 1952—53 йилларда СССР Мудофаа министрлиги марказий идораларида раҳбарлик лавозимларида. 2—4-чақириқ СССР Олий Совети депутати. 5 марта Ленин ордени, 4 та Қизил Байроқ, 1-даража Суворов, 1-даража Кутузов, Меҳнат Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз, УзССР ва ТуркмССР нинг Қизил Байроқ орденлари ва медаллар, шунингдек бир қанча чет эл орденлари б-н мукофотланган.

ПЕТРОВ Михаил Платонович (1906. 26. 9)— ботаник ва табиий географ. Биология фанлари д-ри (1940), проф. (1944), ТуркмССР ФА акад. (1951), ТуркмССРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1944). Ленинград Давлат ун-тининг география ф-тини тугатган (1930). Репетек Қумли чўл илмий станциясининг (ТуркмССР Тошҳовуз обл. да) мудири (1928—34). Ленинграддаги Бутуниттифоқ Усимликшунослик ин-тининг Чўллар бюросида ишлаган (1934—37), ТуркмССР Тажриба станциясининг директори (1937—41), СССР ФА ТуркмССР филиалининг Биология ин-ти директори (1941—44), СССР ФА ТуркмССР филиали президиуми раисининг ўринбосари (1944—46), СССР ФА ТуркмССР филиалининг география ва экономика секторининг мудири (1946—47), Ленинград Давлат Пед. ин-ти ботаника кафедрасининг мудири (1947—53), ТуркмССР ФА вице-президенти (1951—56), Туркманистон Давлат ун-ти география кафедрасининг проф. (1956—58). 1958 йилдан Ленинград ун-ти табиий география кафедрасининг проф. Ашхобод Чўллар ин-тида илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда. Илмий ишлари арид ландшафтларнинг табиий-географик жараёнлари ва тараққиёт қонунлари, чўллар географияси, чўл ўсимликларининг экологияси, эол рельефининг генезиси ва типологияси, чўл ландшафтининг классификацияси, чўл ресурсларини қўриқлаш ва улардан рационал фойдаланиш проблемалари ва ҳ. к. ларга бағишланган. Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, СССР География жамиятининг Қатта Олтин медали (1969) ва б. медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Подвижные пески пустынь Союза ССР и борьба с ними. М., 1950; Пустыни СССР и их освоение. М.—Л., 1964; Иран, М., 1955; Пустыни Центральной Азии, т. 1—2, М.—Л., 1966—67; Пустыни земного шара, Л., 1973.

Ад.: Бабаев А., Учёный — исследователь пустынь Средней и Центральной Азии, Изв. ВГО, № 5, 1966.

ПЕТРОВ Фёдор Николаевич [1876. 10 (22). 7— Москва — 1973. 28. 5]— совет партия арбоби ва олим. 2 марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1961, 1971), проф. 1896 йилдан КПСС аъзоси. Қиев ун-тининг медицина ф-тини тугатган (1902). 1894 йилдан революцион ҳаракатда қатнашган. Қиев, Польша ва Литвада революцион иш олиб борди. Революцион фаолияти учун ҳарбий суд томонидан каторгага ҳукм қилинди; ҳукмни 1907—14 йилларда Шлиссельбург қалъасида ўтказди, кейинчалик Иркутск губернясига доимий сургунга жўнатилди. 1917 йил мартдан Иркутск ш. думаси депутати ва РСДРП (б) Знаменск р-н ташкилоти раиси. Сибирь ва Узоқ Шарқдаги Октябрь рев-яси (1917) қатнашчиси. 1920—22 йилларда Узоқ Шарқ республикаси Министрлар Совети раиси ўринбосари, Соғлиқни сақлаш министри. Узоқ Шарқ республикаси Халқ революцион армияси Бош ҳарбий санитария бошқармаси бошлиғи, РҚП(б) МҚ Узоқ Шарқ бюроси аъзоси, 1923—27 йилларда РСФСР Маориф халқ комиссарлигида илмий бошқармалар бошлиғи. 1929—33 йилларда Чет мамлакатлар б-н маданий алоқалар олиб борувчи Бутуниттифоқ жамияти раиси. 1927 йилдан Қатта Совет Энциклопедиясида раҳбар лавозимларда ишлади. КПСС тарихи бўйича, В. И. Ленин тўғрисида бир қанча асар ва эсдаликлар муаллифи. КПСС 22—24-съездлари делегати. 4 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПЕТРОВ МУЗЛИГИ — Тяншандаги музлик (ҚирғССР). Оқшийроқ тоғларида, Норин дарёсининг бош ирмоғи Қумтор дарёси бошланадиган жойда. Майдони 73,9 *км*². Узунлиги 14,3 *км*, эни қуйи қисмида 1,8 *км* гача. А. В. Каульбарс экспедициясида (1869) қатнашган топограф Петров номи б-н аталган.

ПЕТРОВА Мария Анатольевна (1894. 19. 12, Курск — 1967, Тошкент)—гигиенист, проф. фан арбоби (1954), 1940 йилдан КПСС аъзоси. Омск Медицина ин-тини тугатгач (1920), шу ин-тда ўқитувчи (1920—30), Самара (ҳозирги Қуйбишев), Саратов ва Симферополь Медицина ин-тларида турли лавозимларда ишлаган (1931—37). ТошМИ ва Тошкент Фармацевтика ин-тида гигиена кафедраси мудири (1937—54), Олмаота Медицина ин-ти (1955—60), 1960 йилдан Тошкент Физкультура ин-тида биохимия-гигиена кафедраси мудири. Илмий ишлари ташқи муҳитнинг организмга таъсири, юқумли ва ичак касалликларининг олдини олиш ва даволаш, озиқ-овқатларнинг соғлиқ учун аҳамиятига оид.

ПЕТРОВ-ВОДКИН Кузьма Сергеевич (1878. 24. 10, Хвалинск ш., ҳозирги Саратов обл.— 1939. 15. 2, Ленинград) — совет рассоми, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1930). Москва рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик билим юртида (1897—1905), Мюнхенда (1901), Париждаги хусусий бадиий академияларда (1905—08) ўқиган. Ижодини *символизм* ва *«модерн»* таъсирида бошлаган. Ижодининг дастлабки даврида маъюсона руҳдаги картиналар (мас., «Соҳил», 1908, Рус музейи, Ленинград) яратган бўлса, 10-йиллардан ёрқин бўёқли асарлар ярата бошлади (мас., «Қизил отни чўмилтириш», 1912, Третьяков галереяси). Октябрь рев-ясидан кейинги йилларда порлоқ келажак йўлидаги фидойиликни кўпроқ акс эттирди (*«Петроградда 1918 йил»*, 1920, Третьяков галереяси; «Комиссарнинг ўлими», 1928). 1921 йилда Моддий маданият тарихи академияси экспедицияси б-н 4 ой Самарқандда бўлиб, архитектура ёдгорликларини, маҳаллий ҳаётни ўрганади. Самарқанд таассуротлари рассом ижодида ўчмас из қолдиради, у 1923 йилда ўз таассуротларини ифодалаб «Самарқандия» китобини ёзди, манзара картиналари («Самарқандниг кўриниши», 1921, Рус музейи, Ленинград; «Самарқанд. Руҳобод», 1921, Таллин бадиий музейи; «Шоҳи Зинда», 1921, Рус музейи), натюрмортлар («Узум ва олма», 1921, Перм бадиий галереяси), портретлар («Узбекнинг боши», 1921, Рус музейи) яратди.



Петрова М. А.




Петровский Б. В.

ПЕТРОВСК — РСФСР Саратов областидаги шаҳар. Медведица дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Т. й. станцияси. Аҳолиси 34 минг киши (1974). Автомобиль эҳтиёт қисмлари, гишт, сут з-длари, гўшт-паррандачилик к-ти, «Саратов» мебель фирмасининг филиали, ўлкашунослик музейи бор. П. га 17-аср охирида асос солинган.

ПЕТРОВСК-ЗАБАЙКАЛЬСКИЙ (1926 йилгача Петровский Завод)— РСФСР Чита областидаги шаҳар Т. й. станцияси. Аҳолиси 30 минг киши (1974).

1789 йилда темирчилик з-ди қурилган; 1940 йилда янги металлургия з-ди қурилди. Шиша з-ди, озиқ-овқат ва ўрмон саноати корхоналари, медицина ва педагогика билим юртлари бор.

ПЕТРОВСКИЙ Борис Васильевич [1908. 14 (27). 6, Ессентуки]— кирург, соғлиқни сақлаш ишининг ташкилотчиси ва жамоат арбоби. СССР ФА (1966) ва СССР Медицина ФА акад. (1957). Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1968). 1942 йилдан КПСС аъзоси. 1-Москва Давлат ун-тининг медицина ф-тини тугатган (1930). 2-Москва Медицина ин-ти умумий хирургия (1948—49), Будапешт



К. С. Петров-Водкин. «Шоҳи Зинда. Самарқанд». 1921 (Рус музейи, Ленинград).



Петровский Г. И.

ун-ти госпиталь хирургия (1949—51), 2-Москва Медицина ин-ти факультет хирургияси (1951—56) кафедралари проф. 1956 йилдан 1-Москва Медицина ин-ти госпиталь хирургия кафедраси мудири, айни вақтда (1963 йилдан) Бутуниттифоқ клиник ва экспериментал хирургия илмий тадқиқот ин-тининг директори. 1965 йилдан СССР Соғлиқни сақлаш министри. Асосий ишлари қизилўнгач раки, туғма ва ҳаётда орттирилган юрак порокларини хирургия усули б-н даволашга бағишланган. СССРда биринчи бўлиб юрак клапанлари протезини муваффақиятли қўллади. Буйракни кўчириб ўтқазиш, бронхлар ва трахеяни пластик операция қилиш усулини ишлаб чиқди ва амалда жорий этди. Бутуниттифоқ Хирурглар жамиятининг раиси (1963), Юрак-томирлар хирургияси Европа жамиятининг вице-президенти (1959). Бир қанча хорижий академияларнинг фахрий аъзоси. КПСС 22—25-съездлари делегати. 23 ва 24—25-съездларда КПСС МҚ аъзолигига кандидат қилиб сайланган. 6—9-чақириқ СССР Олий Совети депутати. Юрак-томирлар хирургиясига бағишланган ишлари учун Ленин мукофоти (1960), буйракни кўчириб ўтқазишдаги ишлари учун СССР Давлат мукофоти лауреатига (1971) сазовор бўлган. 3 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Хирургическое лечение рака пищевода и кардии, М., 1950; Переливание крови в хирургии, М., 1954; Хирургические аспекты современной кардиологии, М., 1960; Аневризмы сердца, М., 1965 (И. З. Козлов б-н биргаликда); Резекция и пластика бронхов, М., 1966 (М. И. Перельман б-н биргаликда); Хирургическое лечение реноваскулярной гипертонии, М., 1968; Здоровье народа — важнейшее достояние социалистического общества, М., 1971; Советское здравоохранение за 50 лет СССР, М., 1973.



Петровский И. Г.

ПЕТРОВСКИЙ Григорий Иванович [1878. 23. 1 (4. 2), Харьков — 1958. 9. 1, Москва]—совет давлат ва партия арбоби. 1897 йилдан КПСС аъзоси. 1889 йилдан Харьков, Екатеринослав (1926 йил П. шарафига қўйилган ҳозирги Днепропетровск шаҳри)да ишчи. 1895 йилдан революцион ҳаракатга қўшилиб, 1897 йил Екатеринослав «Ишчилар синфини озод қилиш учун кураш союзи»га кирди, сўнг РСДРП Екатеринослав комитети аъзоси. Харьков, Николаев, Мариуполь, Донбассда партия иши олиб борди. 1900 ва 1903 йилларда қамалган. 1905 йил Екатеринослав совети ва шаҳар стачка комитети ташкилотчилари ва раҳбарларидан. 1906 йил ёзидан Германияда, 1907 йилдан Мариуполда иш олиб борди. 1912 йил Екатеринослав губерняси ишчиларидан 4-Давлат думасига депутат, большевиклар фракцияси раиси бўлган. РСДРП МҚнинг Краков ва Поронин кенгашлари қатнашчиси, МҚ составига кооптация қилинган. 1913—14 йилларда газета ва журнал редакцияларида ишлади. 1914 йил бошқа депутат-большевиклар б-н бирга қамоққа олинди ва Турухан ўлкасига умрбод сургун қилинди. 1917 йил Февраль рев-яси даврида Якутск обл. комиссари. 1917 йил июнда Петроградга қайтиб, Петроград ва Украинада социалистик рев-яни тайёрлаш ва ўтказишда қатнашди. Бутун Россия Советларининг 2-съезди делегати. 1917 йил ноябрдан 1919 йил мартгача РСФСР Ички ишлар халқ комиссари. 1919 йил Бутун Украина революцион комитети раиси. 1919—38 йилларда Бутун Украина МИҚ раиси, 1922—37 йилларда СССР МИҚ раисларидан бири, 1937—38 йилларда СССР Олий Совети Президиуми раиси ўринбосари. 1940 йилдан СССР Революция музейи директори ўринбосари. Партия 7-, 9—17-съездлари делегати; 7- ва 9-съездларда ВКП(б) МҚ аъзолигига кандидат, 10—17-съездларда МҚ аъзоси қилиб сайланган. 1926—39 йилларда ВКП(б) МҚ Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат. Украина КП(б) МҚ ва МҚ Сиёсий бюроси аъзоси бўлган. 2 марта Ленин ордени ва 3 та бошқа орден б-н мукофотланган. Москва Қизил майдонида Кремль деворига дафн этилган.



Петровский Л. Г.

ПЕТРОВСКИЙ Иван Георгиевич [1901, 5. 1, Севск (ҳозирги Брянск обл.)—1973. 15. 1, Москва]— совет математиги ва жамоат арбоби, акад. (1946), СССР ФА Президиумининг аъзоси (1953), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1969). Москва Давлат ун-ти (МГУ)ни тугатган (1927), 1933 йилдан МГУ проф., 1940 йилдан МГУ механика-математика ф-тининг декани, 1949—1951 йилларда СССР ФА физика-математика бўлимининг акад.-секретари, 1951 йилдан умрининг охиригача МГУ ректори ва дифференциал тенгламалар кафедраси мудири.

Ишлари хусусий ҳосилали дифференциал тенгламалар назарияси, алгебраик геометрия, дифференциал тенгламаларнинг сифат назарияси, топология, вариацион ҳисоб, функционал анализ ва б. соҳаларга оид. П. дифференциал тенгламалар системасининг умумий назариясига асос солган, эллиптик, гиперболик ва параболик тенгламалар системасини киритиб, чуқур текширган. Жумладан, эллиптик система ечимининг аналитиклигини (1937), гиперболик ва параболик системалар учун Коши масаласи ечими мавжудлигини исботлади (1936). 1943—45 йилларда аниқ физик мазмунга эга бўлган лакуна тушунчасини киритиб, исталган тартибдаги ўзгармас коэффициентли гиперболик тенгламалар учун лакуналар мавжудлигининг зарурий ва етарли шартларини кўрсатди. П. проектив текисликда алгебраик эгри чизиқлар топологиясини текшириб, Гильбертнинг 16-проблемасидан умумийроқ масалани ечди. Олий таълим системасини ривожлантиришда хизмати катта. П. 6—8-чақириқ СССР Олий Совети депутати, СССР Олий Совети Президиуми аъзоси, Тинчликни сақлаш совет комитетининг аъзоси. 2 марта Давлат мукофоти лауреати (1946, 1952); 5 марта Ленин ордени ва б. орден, медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Лекции по теории обыкновенных дифференциальных уравнений, 6 изд., М., 1970; Лекции об уравнениях с частными производными, 3 изд., М., 1961; Лекции по теории интегральных уравнений, 3 изд., М., 1965.

Ад.: Иван Георгиевич Петровский, М., 1958 (Материалы к библиогр. ученых СССР).

ПЕТРОВСКИЙ Леонид Григорьевич [1902. 30. 5 (12. 6), Донецк обл.—1941. 17. 8, Гомель обл.] — совет ҳарбий арбоби, генерал-лейтенант (1941). 1916 йилдан Компартия аъзоси. Чор армиясида прапорщик унвонида хизмат қилган (1917 йил март—июль). 1917 йилдан Қизил Гвардиячилар отрядида, Қишки саройни штурм қилишда, Гражданлар урушида қатнашган. 1918 йилдан Қизил Армияда қўмондонлик лавозимларида. Ишчи-Деҳқон Қизил Армияси Ҳарбий академиясини тугатиб (1922), полк, бригада, дивизия ва корпус командири бўлган. 1937—38 йилларда Ўрта Осиё Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони, сўнгра Москва Ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг ўринбосари. 1940 йил охиридан 63-ўқчи корпус командири


бўлган; 1941 йил июндан бошлаб жангларда қатнашган. 1941 йил июлда Бобруйск йўналишида корпуснинг қарши зарбасига муваффақиятли раҳбарлик қилган. Августда қуршовни ёриб чиқишда ҳалок бўлган. Жлобин р-н Старая Рудня қишлоғида дафн этилган. Қизил Байроқ, Қизил Юлдуз орденлари ва медаллар, шунингдек вафотидан сўнг 1-даража Ватан уруши ордени б-н мукофотланган.

ПЕТРОВСК-ПОРТ — Дағистон АССР маркази *Махачқала* шаҳрининг 1857 йилдан 1922 йилгача бўлган номи.

ПЕТРОГРАД — *Ленинград* шаҳрининг 1914 йилдан 1924 йилгача бўлган номи.

ПЕТРОГРАД МУДОФААСИ (1919) — граждан урушн (1918—20) даврида Ғарбий фронтнинг 7- ва 15-армиялари (қўмондонлари: Д. Н. Надёжний, В. М. Гиттис, Революцион ҳарбий Совет (РҲС) аъзолари: А. О. Стигга, Б. П. Позерн, И. В. Сталин, Р. И. Берзин), Болтиқ флоти (Болтиқ денгизи кучлари бошлиги А. П. Зеленой, РҲС аъзолари: А. В. Баранов, В. И. Зоф) ҳамда Петроград ишчиларининг май—ноябрь ойларида шаҳарни интервентлар ва оқ гвардиячилардан мудофаа қилиш бўйича ўтказган жанговар ҳаракатлари. Оқ гвардиячи ва интервентлар гражданлар урушининг бошларидаёқ мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва сиёсий марказларидан бўлган Петроградни олишни мақсад қилиб қўйишган эди. 1919 йил баҳорда буржуа Эстониясига таянган Н. Н. Юденич Антанта ёрдами б-н 6 минг кишилик Шимолий корпус (генерал А. П. Родзянко)ни тузди. Юденич 13 майда оқ эстонлар дивизияси (6 мингга яқин киши) ва адмирал Коуэн бошчилигидаги инглиз эскадраси б-н ҳамкорликда Нарва йўналиши бўйлаб ҳужумга ўтди. Олонец-Петрозаводск йўналишида оқ гвардиячилар ва оқ финлар ҳаракат қила бошлади. Бу кучларнинг ҳаммасига қарши Қизил Армиянинг командарм А. К. Ремизов қўмондонлигидаги 7-армияси (15,5 минг киши) қарши турди. Юденич қўшинлари контрреволюцион кучлар ёрдамида Қизил Армия фронтини ёриб ўтиб, 1 май ойида Ямбург, Гдов ва Псковни ишғол қилди, натижада Петроград хавф остида қолди. 17 майда В. И. Ленин бошчилигидаги Меҳнат ва мудофаа Совети Г. Е. Зиновьевнинг шаҳарликларни эвакуация қилиш режасини бекор қилди. Петроградга фавқулодда вакил сифатида И. В. *Сталин* юборилди. У 1 июнгача мудофаани ташкил қилишда қатнашди. 19 майда 18 дан 40 ёшгача бўлган ишчиларнинг сафарбарлиги эълон қилинди, Петроградга ўтиш учун уринган инглиз кемаларини Болтиқ флоти денгизчилари қаҳрамонона қайтардилар. 29 май — 5 июнда Қизил Армия жангчилари Ораниенбаумдан жануброққа қарши ҳужумга ўтишга уриндилар, лекин муваффақият қозонолмадилар. 13 июнда «Красная Горка» ва «Серая Лошадь» фортларида оқ гвардиячилар исён кўтарди. Бу исён 16 июнда 7-армия кучлари ва Болтиқ флоти (41 кема, шундан 3 линкор, 1 крейсер, 10 эсминец ва б.) кемалари б-н бостирилди. 21 июнда 7-армия қўшинлари (23 минг киши, командарм — 1 июлдан М. С. Матиясевич) Юденичнинг Шимоли-Ғарбий армияси (16,5 минг киши) га қарши ҳужумга ўтди ва душманни Ямбург ҳамда Гдовгача суриб ташлади. 5 августда 7-армия қўшинлари Ямбургни, 26 августда 15-армия (командарм — А. И. Корк, 12 августда С. Д. Харламов) қўшинлари Псковни эгалладилар. Оқ гвардиячилар ва интервентларга жиддий зарба берилган бўлса-да, Юденич батамом тор-мор бўлмади.

Деникин Москвага ҳужум қилиш учун зўр бериб тайёргарлик кўраётган бир маҳалда Юденич Петроградга янгидан ҳамла учун куч тўплашга киришди. Сентябрнинг охирларига келиб 7-армия (командарм — 24 сентябрдан С. Д. Харламов, 17 октябрдан Д. Н. Надёжний)-га 25,6 минг жангчи бирлаштирилди. Бу кучларга Юденичнинг 18,5 минг, оқ эстонларнинг 18 минг кишилик армияси қарши турди. 28 сентябрда Юденич қўшинлари Струги Белие ва Лугага, 7- ва 15-армия (қўмондони — 24 сентябрдан А. И. Корк)-ларнинг қўшилган жойига қараб зарба берди. 7-армиянинг ўнг қанот кучлари бу фронтга ташлангач, оқ гвардиячилар ҳужумини Ямбург, Красное Село томонга қаратди. 20 октябрга келиб, оқ гвардиячилар Гатчина ва Красное Селони ишғол қилиб, Петроградга хавф солдилар. В. И. Ленин ва партия жангчи ва меҳнаткашларни ҳар қандай шароитда ҳам Петроградни сақлаб қолишга чорлади.


ПЕТРОГРАД МУДОФААСИ
1919 ЙИЛ МАЙ-ИЮЛЬ
ПЕТРОГРАД
Псков
Ямбург
Гдов
Гатчина
Красное Село
Луга
Нарва
Таллин
Нарва
Ревель
Дно
Струги-Белые
Псковское оз.
Чудское оз.
Финский з.
Эстония
Латвия
Россия
Финляндия
Антанта ордени
Красная Горка
Серая Лошадь
Красногорка
Ораниенбаум
Петергоф
Стрельна
Пулково
Тосно
Мга
Шлиссельбург
Ладожское оз.
Волхов
Ивангород
Кингисепп
Сланцы
Гдовское оз.
Талабские оз.
Эстон дивизияси
Шимолий корпус
Шимолий-Ғарбий армия
7-армия
15-армия
Ленинград
Ленинград
Ленинград

дат ва матрослардан 10 вакил (жумладан 2 большевик) сайланди. Омма тазйиқи остида П. с. революцион ҳокимият, ишчи ва деҳқонлар революцион-демократик диктатурасининг органи сифатида иш олиб борди. Жойларда халқ ҳокимияти органларини тузиш учун шаҳарнинг барча р-нларига Советнинг комиссарлари юборилди. Большевиклар таклифи б-н Совет ишчиларни қуроллантирди; корхоналарда ишчи милиция отрядлари тузди; шаҳардан революцион гарнизонни олиб чиқишни тақиқлади. 28 феврал (13 март)дан бошлаб Советнинг органи — «Известия» газетаси нашр этила бошлади.

Советда эсер ва меньшевикларнинг кўплиги туфайли унинг революцион имкониятлари чекланган эди. 1(14) мартдан 2 (15) га ўтар кечаси П. с. нинг меньшевик-эсер раҳбарлари б-н Давлат думасининг Муваққат комитети ўртасида тузилган шартномага кўра *Муваққат ҳукумат* тузилди. Бу амалда ҳокимиятни буржуазия қўлига бериб қўйиш эди. 9 (22) мартда Советда ташкилий суратда большевистик фракция тузилди. Дастлаб уларнинг сони 40 та эди, кейинчалик 400 га етди. Советнинг ишчи секциясида большевиклар кўпчиликни ташкил этди. 25 сентябр (8 октябрь)да Советнинг Ижроия комитетига ўтказилган қайта сайловда Президиум аъзолари асосан большевиклардан иборат бўлди, 12 (25) октябрда Ижроия комитет Ҳарбий-революцион комитет (қ. *Петроград ҳарбий-революцион комитети*) тўғрисида низом қабул қилди. 22 октябр (4 ноябрь)да шаҳардаги барча корхоналарда митинг, йиғилишлар ўтказилиб, уларнинг қатнашчилари ҳокимиятни Советлар қўлига топширилишини талаб қилдилар. 25 октябрь (7 ноябрь) соат 2-ю 35 минутда Смольний мажлислар залида Советнинг шошилинч мажлиси чақирилиб, унда В. И. Ленин қуйидаги тарихий сўзларни айтди: «Ўртоқлар! Зарурлиги тўғрисида большевиклар ҳамма вақт гапириб келган ишчи ва деҳқонлар революцияси амалга ошди» (Ас., 26-т., 239-б.).

27 ноябр (10 декабрь)да П. с. нинг пленумида 34 большевик ва 10 сўл эсердан иборат янги Ижроия комитет тасдиқланди. П. с. 1918 йил апрелдан Ишчи ва қизил аскар депутатлари Совети, 1920 йилдан эса Ишчи, деҳқон ва қизил армия депутатлари Совети деб атала бошлади.

ПЕТРОГРАД ҲАРБИЙ-РЕВОЛЮЦИОН ҚОМИТЕТИ (ПҲРҚ) — Ишчи ва солдат депутатлари Петроград Совети органи; Улуғ Октябрь социалистик рев-ясини тайёрлаш ва амалга ошириш даврида иш кўрган легал ҳарбий-оператив штаб. Рев-я ғалаба қилгач, 1917 йил декабригача давлат ҳокимиятининг олий фавқулодда органи. Смольнийда жойлашган. ПҲРҚ фаолиятига РСДРП(б) МҚ ва шахсан В. И. Ленин раҳбарлик қилган. 21 сентябрь (4 окт.)да Ишчи ва солдат депутатлари Петроград Совети пойтахтда ва бошқа шаҳарларда қўзғолончилар штабларини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди. 9 (22) октябрда Совет пленуми жанговар орган ҳақидаги қарор лойиҳасини ишлаб чиқишга киришди. 11 (24) октябрда Совет ижроия комитетининг Ҳарбий бўлими коллегияси қарорнинг муфассал лойиҳасини тузди. 12 (25) октябрда Ижроия комитет аъзолари мазкур лойиҳани муҳокама қилиб, баъзи бир қўшимчалар киритгач, қўзғолон органи ва унинг номи ҳақидаги Низомни тасдиқлади. ПҲРҚнинг асосий вазифаси РСДРП(б) МҚ томонидан белгиланган бўлиб, революцион кучларни қуролли қўзғолонга сафарбар қилиш, уларнинг ҳарбий-техник тайёргарлигини таъминлаш, Қизил Гвардияни, гарнизон солдатлари ва Болтиқ флоти матрослари-ни оператив жиҳатдан бирлаштиришдан иборат эди.

ПҲРҚ РСДРП(б) МҚ ва Петроград комитети, ҳарбий партия ташкилотлари, Петроград Совети пленуми президиумлари ва унинг солдатлар секцияси, Қизил Гвардия, Центробалт, Центрофлот, касаба союзлари, ф-ка з-д комитетлари, т. й. союзи, почта-телеграф союзи ва б. революцион ташкилотлар вакилларидан тузилган. Дастлаб ПҲРҚга сўл эсер (1918 йилдан большевик) П. Е. Лазимир, кейинчалик эса Н. И. Подвойский раислик қилган. 16 (29) октябрда РСДРП(б) МҚ мажлисида ПҲРҚ раҳбар ядроси — партия Ҳарбий-революцион маркази (А. С. Бубнов, Ф. Э. Дзержинский, Я. М. Свердлов, И. В. Сталин, М. С. Урицкий) сайланди.

ПҲРҚ аппаратининг таркиби ва тузилиши бир неча марта ўзгарган; комитетда турли вақтларда ташкил қилинган бўлимлар — матбуот ва информация, қуролланиш, таъминот ва озиқ-овқат, агитаторлик ва б. кўпгина бўлимлар иш олиб борган.

18 (31) октябрда ПҲРҚ Ленин иштирокида биринчи ташкилий мажлисини ўтказди. ПҲРҚ аъзолари (Свердлов, Дзержинский ва Подвойский) пойтахт партия активи йиғилишларида бўлажак жанговар ҳаракатлар программасини тушунтирдилар. 24 октябрь (6 нояб.) тонгда РСДРП(б) МҚ революцион кучларнинг устунлигига ҳамда қўзғолон штаби — ПҲРҚга таяниб, Петроградда Октябрь қуролли қўзғолонини бошлади. 24 октябрь кечқурун қўзғолон штабига Ленин етиб келди. Унинг раҳбарлигида ПҲРҚ қуролли кучлари фаол ҳужум ҳаракатларини олиб борди. 25 октябрь (7 нояб.) тонгида Петроград амалда ПҲРҚ қўлига ўтган эди.

25 октябрь эрталаб ПҲРҚ Ленининг «Россия гражданларига мурожаатнома»сини эълон қилди. Мазкур тарихий ҳужжатда Муваққат ҳукумат ағдарилганлиги ва давлат ҳокимияти ПҲРҚ қўлига ўтганлиги айтилган эди. 25 октябрда Н. И. Подвойский, В. А. Антонов-Овсеенко, Г. И. Чудновский, А. С. Бубнов, К. С. Еремеев ва Г. И. Благонравовлар составида ПҲРҚ дала штаби ташкил қилинди. Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг Бутун Россия иккинчи съезди ишига қулай шарт-шароит яратиб бериш комитет олдида турган бош вазифа эди. Штаб Қишки саройни ишғол қилиш ва Муваққат ҳукумат аъзоларини қамоққа олиш операциясини амалга оширди. Ленин кўрсатмасига биноан ПҲРҚ ҳамма шаҳар ва фронтларга телеграммалар юбориб, социалистик рев-я ғалаба қозонганлигини маълум қилди.

Совет ҳукумати (ХҚС нинг 15 халқ комиссаридан 7 таси ПҲРҚ аъзоси эди) тузилгандан сўнг комитет эски давлат аппаратини синдириш ва янги совет давлат аппаратини барпо қилиш бўйича унинг асосий оператив органи бўлиб қолди. 29 октябр (11 нояб.)да Бутун Россия МИҚ ПҲРҚ составига 13 вакил ажратди.

Шундай қилиб, комитет Петроград Совети органидан Бутун Россия органига айланди ва Бутун Россия МИҚ ҳузуридаги Ҳарбий-Революцион Комитет деб аталди. ПҲРҚ пойтахтда қўзғолон ғалабасини таъминлаш б-н мамлакатда Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва мустаҳкамланишига ёрдам берди. Марказий давлат органларининг мустаҳкамлана бориши б-н ПҲРҚ ўзининг комиссарлари ва бўлимларини Бутун Россия МИҚ, ХҚС, Петроград ва р-н Советларининг тегишли бўлимларига ўтказди. 1917 йил 5 (18) декабрда ПҲРҚ ўз фаолиятини тугатганлиги ҳақидаги хабарни эълон қилди.

ПЕТРОГРАДДА ОКТЯБРЬ ҚУРОЛЛИ ҚЎЗҒОЛОНИ — 1917 й. 24—25 октябр (6—7 ноябрь)да большевиклар партияси раҳбарлигида ишчилар, солдат ва матрослар томонидан Петроградда ўтказилган қўзғолон. Қўзғолон натижасида Муваққат ҳукумат ағдариб ташланиб, Советлар ҳокимияти ўрнатилди (қ. *Улуғ Октябрь социалистик революцияси*).

ПЕТРОГРАФИЯ (юнон. petros — тош ва... *графия*) — *тоғ жинслари*, уларнинг минералогик ва кимёвий таркиби, структураси, тарқалиши ҳамда пайдо бўлишини ўрганадиган фан. *Геология*нинг бир тармоғи.

П. *минералогия, кристаллография, геохимия, стратиграфия, тектоника, вулканология, геофизика* ва *металлогения, кимё, физика, математика* ва б. фанлар б-н боғлиқ.

Тоғ жинсларининг генетик белгиларига қараб қуйидаги қисмларга бўлинади:

1) магматик тоғ жинслари П. си. Магматик (эффузив ва интрузив) жинсларни ўрганади. П. нинг бу қисми магматик жинсларнинг нисбий минералогик миқдори, тузилиши (текстура ва структураси), жинс ҳосил қилувчи минералларнинг кристалланиш шароити б-н кристаллооптик, физик ва кимёвий хусусиятларини ўрганиш асосида магманинг совиш жараёнида мавжуд бўлган физик-кимёвий шароит, унинг атрофдаги жинслар б-н ўзаро муносабати, қандай чуқурликда кристалланганлиги каби назарий масалаларни ўрганади. П. нинг магматик жинслар кимёси, жинс ҳосил қилувчи элементларнинг тақсимланиш қонуниятлари б-н боғлиқ бўлган масалаларни ўрганадиган қисмини петрохимия, жинсларнинг пайдо бўлиши, хилма-хиллигининг сабаблари, улардаги ассимиляция ва дифференциация ҳодисалари б-н боғлиқ масалаларни ўрганадиган тармоғини петрология деб аталади;

2) метаморфик жинслар П. си. Катта босим ва юқори т-ра таъсирида магматик ва чўкинди жинсларнинг ўзгаришидан ҳосил бўлган метаморфик жинсларни ўрганади;

3) чўкинди жинслар П. си. Чўкинди жинсларнинг минералогик таркибини, уларга хос тузилишларини ўрганиб, ётқизиқлар пайдо бўлаётган даврда ер юзасида мавжуд бўлган физик-кимёвий ва географик шароитларни, шунингдек чўкинди жинслар ҳосил қилган маҳсулотнинг ҳамда улар б-н боғлиқ бўлган фойдали қазилмаларнинг манбаларини аниқлашга имкон беради (қ. *Литология*).

Ер пўстининг 16—20 *км* қалинликдаги қисмида магматик ва метаморфик жинслар 95% ни, чўкинди жинслар эса 5% ни ташкил қилади. Шунинг учун П. нинг асосий қисмини магматик жинсларни ўрганувчи бўлим ташкил қилади. П. тадқиқотларининг бир неча хил усуллари бор:

тоғ жинсларини далада, пайдо бўлган жойида ўрганиш усуллари. Тоғ жинсларининг муайян майдонда тарқалиши, геологик шакли, бошқа жинслар б-н ўзаро муносабати, геология тарихида тутган ўрни, пайдо бўлиш даврида ва ундан кейин юз берган тектоник шароит каби мураккаб масалаларни ёритиш учун материаллар далада йиғилади. Лаборатория шароитида олиб бориладиган ҳар хил тадқиқот усуллари учун зарур бўлган, олинган жойлари карта ва схемаларда аниқ белгиланган жинс намуналари тўпланади. Текширилаётган майдоннинг диққатга сазовор қисмларининг маълум масштабдаги схематик плани ёки геологик картаси ва кесмалари чизилади. Тўпланган материалларни тўлдирувчи муҳим фотосуратлар олинади.

Магматик ва метаморфик жинсларни тадқиқ қилишда дастлабки энг муҳим омиллардан бири уларнинг тузилиши (текстура ва структураси)ни далада, улар пайдо бўлган жойда ўрганишдир. Магматик жинсларнинг тузилишига қараб магма ҳаракатининг характери, магма эгаллаган ўринининг шакли, шунингдек олдиндан мавжуд тоғ жинсларига таъсир қилган деформациянинг табиати каби масалаларни ойдинлаштириш мумкин.

П. нинг оптик усуллари. Тоғ жинслари, намуналарини махсус поляризацион микроскоп б-н текширишга асосланган. Бунда тоғ жинсларини ҳосил қилувчи минералларнинг оптик хусусиятларидан ташқари, уларнинг каттакичиклиги, тоғ жинсларидаги нисбий миқдори, шакли, ўзаро муносабатлари, пайдо бўлиш тартиби (кетма-кетлиги), шунингдек тоғ жинсларининг микротузилиши каби белгилари аниқланади;

кимёвий ва физик-кимёвий усуллар тоғ жинслари ва уларни ташкил қилган айрим минералларнинг таркибини мукаммал ўрганиш ва уларнинг вужудга келишини физик-кимёвий нуқтаи назардан тушунтиришга асосланган бўлиб, ўз ичига петрохимия, минералогик геохимия, физик-кимёвий эксперимент усулларини олади. Петрохимия ва минералогик геохимия усуллари тоғ жинслари нусхаларини кимёвий спектрал, рентген-спектрал ва радиометрик анализлар ёрдамида ўрганиш натижаларига таянади.

Экспериментал усул эса лаборатория техникаси ёрдамида катта босим ва юқори т-рада тажриба ўтказиб, ҳар хил сунъий минераллар ва тоғ жинслари ҳосил қилишга асосланган.

Петрохимия усули воситасида жинс ҳосил қилувчи элементларнинг тақсимланиш қонуниятлари ўрганилади.

П. соҳасида техник П. алоҳида ўрин тутади. Техник П. металлургия, керамика ва саноатнинг бошқа соҳаларида ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган сунъий тошларнинг минералогик таркиби, тузилиши ва пайдо бўлиш жараёнидаги шароитларни ўрганган ҳолда уларни тоғ жинслари б-н солиштириб, табиий шароитда магматик, метаморфик жинсларнинг пайдо бўлиш жараёнларини ўрганишга ёрдам беради. Шу б-н бирга, силикат ва металлургия саноати маҳсулотлари сифатини яхшилашга катта ёрдам кўрсатади.

П. га оид айрим маълумотлар *Абу Райҳон Беруний*, 18-асрнинг ўрталарида М. В. *Ломоносов* ва бошқаларнинг геология ва ми-


нералогия асарларида баён этилган бўлсада, П. мустақил фан сифатида 19-асрнинг ўрталарида, инглиз петрографи Г. Сорби томонидан тоғ жинсларини поляризацион микроскоп ёрдамида ўрганиш усули тавсия қилингандан кейингина юзага келди. Тоғ жинсларини асосий типларига — магматик, чўкинди ва метаморфик жинсларга ажратишдек муҳим кашфиёт ҳам ўша даврга мансубдир.

Ф. Ю. *Левинсон-Лессинг* тавсия қилган (1889) усул — магматик жинсларни кимёвий таркибига кўра классификация қилиш усули, А. Н. *Заварицкий* томонидан яратилган (1941—45) петрохимия, Д. С. *Белянкин* яратган техник П., Д. С. *Коржинский* ишлаб чиққан метаморфизмнинг физик-кимёвий асослари, С. С. *Смирнов* ва Ю. А. Билибининг ҳозирги замон металлогенияларининг петрографик асослари ҳақидаги назариялари, Ҳ. М. *Абдуллаев* яратган петрометаллогения таълимоти, Б. М. Куплетскийнинг магматик жинсларини нисбий минерал миқдорига кўра таснифи қилиш усули, М. А. Усовнинг фация ва фаза, Ю. А. Кузнецовнинг магматик формациялар ҳақидаги таълимотлари каби бир қатор кашфиётлар П. нинг кенг ривожланишига имкон берди. Магматик ва метаморфик жинслар ҳамда техник П. соҳасида Н. Н. Смирнов, Е. А. Кузнецов, В. С. Коптев-Дворников, Н. Д. Соболев, Г. Н. Шчерба, И. Ҳ. Ҳамробоев ва бошқаларнинг ишлари катта аҳамиятга эга.

В. И. Вернадский, А. Е. Ферсман, Л. В. Пустовалов, А. Д. Архангельский, Н. М. Страхов, В. И. Поповлар чўкинди жинслар П. сининг ривожланишига катта ҳисса қўшдилар.

Дала шпатларининг пайдо бўлиш шароитлари, тоғ жинсларининг порфирсимон тузилиш сабаблари, магманинг кристалланиш жараёни каби бир қатор назарий масалалар экспериментал усулда ёритилди. Ҳозирги замон лаборатория техникасининг ютуқлари юқори ҳароратли гидротермал жараёнлар, руда ташкил қилувчи фойдали элементларнинг магмада ва гидротермал эритмаларда тўпланиш шароитлари каби назарий масалаларнинг хулосаларини эксперимент усул б-н текшириб кўришга имкон беради.

П. соҳасидаги изланишлар кейинги (1966—1970) йилларда геофизик тадқиқот усуллари б-н биргаликда олиб борилганлиги натижасида Ер пўсти ва мантиясининг тузилишига доир тадқиқотлар якунлари, унинг пастки қатламларини ташкил қилган тоғ жинсларининг табиатини тасаввур қилишга имкон беради. Мамлакатимизда бир қатор петрографик илмий марказлар (Камчатка вулканология станцияси, СССР ФА қошидаги ва Ленинград Тоғ-кон ин-тидаги экспериментал лабораториялар ва б.)нинг ташкил қилиниши кўп жойлар (Кола ярим ороли, Урал, Кавказ, Урта Осиё, Сибир)да петрографик тадқиқот ишларининг ривожланишига олиб келди.



Петродворец. Катта сарой, 1747—52 йилларда қайта қурилган. Арх. Б. В. Растрелли.

Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда П. нинг ривожланиши Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси б-н боғлиқ бўлиб, Урта Осиё Давлат ун-ти (ҳозирги ТошДУ), ТошПИ, ЎзССР ФА Геология ва геофизика ин-ти Нефть ва газ конлари геологияси ва разведкаси ин-ти (ИГИРНИГМ), Гидрогеология ва инженерлик геологияси ин-ти (ГИДРОИНГЕО), Геология министрлиги қошидаги Урта Осиё Геология ва минерал хом ашё ин-ти (САИГИМС) каби олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари ташкил қилинди ҳамда улар қошида П. лабораториялари очилди.

П. литология ва руда конларини ўрганиш соҳасидаги дастлабки текширишлар Ўзбекистонда 1925 йиллардан бошланиб (В. А. Николаев, С. Ф. Машковцев, Б. Н. Наследов, А. В. Королев, В. И. Попов), 1935—40 йилларда ривожлана бошлади. Олиб борилган геологик ишларнинг натижаси сифатида уч томлик «Ўзбекистон ССР геологияси» ва б. монографиялар босилиб чиқди. Улар Урта Осиёдагина эмас, бутун Совет Иттифоқида, баъзилари эса ҳатто чет элларда ҳам манзур бўлди.

Ад.: Боуэн Н. Л., Эволюция изверженных пород, Пер. с англ., М.—Л.— Новосиб., 1934; Розенбуш Г., Описательная петрография, Пер. с нем., М.— Грозный-Новосиб., 1934; Левинсон-Лессинг Ф. Ю., Избр. труды, т. 4, Петрография, М., 1955; Ҳамробоев И. Ҳ., Ражабов Ф. Ш., Петрография асослари, Т., 1964; Петрография Узбекистана, кн. 1—2, Т., 1966—65; Абдуллаев Х. М., Собрание сочинений, т. VII, Т., 1969; Глубинное строение коры территории Узбекистана, Т., 1971.

ПЕТРОДВОРЕЦ (1944 йилгача — Петергоф) — РСФСРнинг Ленинград областидаги шаҳар. Ленинграддан 29 *км*. Ленинград ш. таркибида. Т. й. станцияси, Фин қўлтиғининг жанубий қирғоғидаги пристань. Соатсозлик з-ди бор. Аҳолиси 63 минг киши (1974).

П. даги дастлабки қурилишлар Пётр I буйруғига биноан 1709 йилда бошланган. Подшо бу ерда ёзги резиденция яратишни мақсад қилган. Унда дунёга машҳур сарой-боғ ансамблини вужудга келтиришда кўплаб меъмор ва боғбон, рассом, наққош, ҳайкалтарош ва б. мутахассислар қатнашган. Ансамблнинг маркази — Катта Сарой. У денгиз бўйидаги тепаликка дастлаб икки қаватли қилиб солинган (1714—28), 1747—52 йилларда саройни В. В. Растрелли *барокко* услубида қайта қурган ва кенгайтирган. Саройнинг жануб томонида 5 фонтанли Юқори боғ (15 *га*), шимол томонида Пастки боғ (102,5 *га*) жойлашган. Пастки боғда улкан фонтанлар комплекси бор. Сарой қаршисига катта шаршара қурилган бўлиб, у кўплаб фонтанлар, тилла ранг бронза ҳайкаллар, барельефлар, вазалар б-н безатилган. Катта шаршара «Самсон чўмичи» деб аталган ҳовузга оқиб тушади. Ҳовуз ўртасида «Шер оғзини йиртаётган Самсон» номли монументал ҳайкаллар группаси жойлашган. «Чўмич» атрофига итальян фонтанлари («Косалар») ва колонналар (1803, архитектор А. Н. Воронихин) ўрнатилган. Катта шаршара атрофидан турли томонга қаратиб тўғри ва узун хиёбонлар қурилган: шимол томонга кетган иккита хиёбон каналини айланиб, «чўмич»дан денгиз томонга, шимоли-ғарбга кетган хиёбонлар «Момо ҳаво» фонтанига ва Эрмитаж павильонига (1721—26, архитектор И. Ф. Браунштейн) олиб боради. Шимоли-шарққа кетган хиёбон «Одам ота» фонтанига ва Монплезир сарой комплекси (1714—26, интерьерлари ёғоч ўймакорлиги ва рус усталарининг лакли панноларини ҳамда картиналари б-н безатилган)га олиб боради. 18- асрда ва 19- аср охирида сарой ва павильонли, манзарали боғлар яратилган (Англия боғи, 1779—94, архитектор Ж. Кваренги, Александрия боғи, 1826—29, архитектор А. А. Менелас ва ҳ. к.).

1941—44 йилларда немис-фашист босқинчилари томонидан вайрон қилинган П. дастлабки лойиҳа асосида қайта тикланди (архитекторлар Н. В. Баранов, А. Э. Гессен, А. А. Оль, В. М. Савков, Е. В. Казанская ва б.). Йўқолган бронза ҳайкалчалар қайта яратилди, 144 фонтан ва каскад (зинапояли ариқ) лар ишга туширилди, сарой ва павильонлар таъмир этилди. 250 йиллик юбилейида П. «Ҳурмат Белгиси» ордени б-н мукофотланган (1973).

ПЕТРОЗАВОДСК — шаҳар, Карелия АССР пойтахти. Т. й. узели. Онега кўлидаги порт. Аэропорт бор. Аҳолиси 203 минг киши (1974). П. га 1703 йилда асос солинган.

П. Карелиянинг муҳим саноат маркази (республика ялпи саноат маҳсулотининг ¼ қисмини беради). Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик. Энг йирик з-длари: Онега трактор (ўрмон саноати учун тракторлар), оғир қоғоз машинасозлиги, станоксозлик ва кемасозлик з-длари. Слюда ф-каси, уйсозлик ва тахта тилиш-мебель к-тлари бор. Енгил ва озиқ-овқат саноати ривожланган.


1941—44 йилларда Улуғ Ватан урушида вайрон бўлган П. қайта қурилди.

П. да СССР ФА нинг Карелия филиали, Петрозаводск ун-ти, Ленинград консерваториясининг филиали, педагогика ин-ти, 13 ўрта махсус ўқув юрти, 2 музей, 4 театр, музика билим юрти мавжуд.

ПЕТРОЗАВОДСК УНИВЕРСИТЕТИ, О. В. Куусинен номли Петрозаводск университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1940 йили Карелия Педагогика ин-ти негизида Карело-фин ун-ти сифатида ташкил этилган. 1941—44 йилларда Сиктивкар (Коми АССР)га эвакуация этилган. Петрозаводскни фин қўшинлари босиб олган вақтда ун-т вайрон қилинган. 50- йилларнинг бошларида тикланган. 1956 йилдан П. у. деб аталади. 1964 йили ун-тга О. В. Куусинен номи берилган. Ф-тлари: тарих-филология, физика-математика, биология, медицина, қ. х., қурилиш, ўрмон инженерлиги, умумий техника. Сиртқи, кечки ва тайёрлов бўлимлари, аспирантураси, ординатураси, 48 кафедраси, ҳисоблаш лабораторияси, илмий тадқиқот сектори, 3 музейи, ботаника боғи, виварийси, биология станцияси, клиникаси, кутубхонаси (500 мингдан ортиқ асар) бор (1974). 1973/74 ўқув йили 6,5 минг студент таълим олди; 600 га яқин ўқитувчи ва илмий ходим, жумладан 32 проф. ва фан д-ри, 220 доцент ва фан кандидати ишлади. Ун-т 1948 йилдан илмий асарлар тўпламини нашр этади.

ПЕТРОКРЕПОСТЬ (1611 йилгача — Орешек, 1702 йилгача — Нотебург, 1944 йилгача — Шлиссельбург) — РСФСР Ленинград облластидаги шаҳар. Нева дарёси чап соҳилидаги пристань. Т. й. станцияси. 1323 йилда қалъа сифатида вужудга келган. Қемасозлик-кема ремонти з-ди, Ленинград тарихи музейи филиали бор.

ПЕТРОЛЕЙ ЭФИРИ — йўлакай нефть газлари ва нефтнинг енгил фракциясидан олинадиган енгил углеводородлар (асосан, C^5 ва C^6 углеродли тўйинган углеводородлар) аралашмаси. П. э. рангсиз суюқлик, зичлиги 0,633—0,670 *г/см*^{3} (нефтдан олинганники); қайнаш т-раси 40—70°С. Нефть П. э. ёғлар, смолалар, целлюлозани эритишда, эфир мойлари ва б. ни экстракциялашда, синтетик П. э. лабораторияларда эритувчи, мотор ёнилғиси, баъзи кимёвий реактивлар ишлаб чиқаришда хом ашё сифатида ишлатилади.



Петрозаводск. Ленин проспекти.

ПЕТРОЛОГИЯ (юнон. petros — тош ва *...логия*) — магматик ва метаморфик тоғ жинсларининг таркиби, жойланиши, пайдо бўлишини ўрганадиган фан. П. *тектоника*, *минералогия*, қазилма бойликлар ҳақидаги фанлар б-н узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг ривожланишида катта ўрин тутади. СССРда бир гуруҳ олимлар (Ф. Ю. Левинсон-Лессинг, Д. С. Белянкин ва б.). П. б-н *петрографияни* синоним сўзлар ҳисоблайдилар.

ПЕТРОПАВЛОВСК — шаҳар, ҚозССР Шимолий Қозоғистон области маркази. Ғарбий Сибирь текислигининг жанубий-ғарбий қисмида, Ишим дарёси ўнг соҳилида. Т. й. узели. Аҳолиси 188 минг киши (1974). 1752 йилда қалъа сифатида вужудга келган. Социалистик қурилиш йилларида П. ҚозССР нинг саноат марказига айланди. Машинасозлик ва металлсозлик ривожланган. Асосий з-длари: кичик литражли двигателлар, машинасозлик, ижро этувчи механизмлар, изоляция материаллари з-длари. Шаҳарнинг энг катта корхонаси гўшт к-ти ҳисобланиб, республикада Семипалатинскдагидан сўнг 2- ўринни эгаллайди. Тикувчилик буюмлари, пойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Педагогика ин-ти, Урал Политехника ин-тининг филиали, 5 техникум, 3 билим юрти, драма театри, филармония, ўлкашунослик музейи бор.

ПЕТРОПАВЛОВСК — Тошкент обл. Урта Чирчиқ р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Киров номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Кучликдан 6 *км*. Аҳолиси 2208 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. 6-коллектордан сув ичади. С-з идораси, амбулатория, 2 ўрта мактаб, маиший хизмат пунктлари бор.

ПЕТРОПАВЛОВСК ҚАЛЪАСИ — Ленинградда, Заячье оролидаги қалъа, 1703 йил 16 (27) майда асос солинган. Пётр I томонидан тузилган план бўйича, дастлаб лой ва ёғочдан қурилган; 6 бастион ўзаро деворлар б-н туташтирилган бўлиб, улар 1706—40 йилларда тошдан қайта қурилган; бастион деворларининг баландлиги 10—12 *м*, кенглиги 20 *м*. 18- аср охиридан П. қ. самодержавие ва крепостнойликка қарши курашувчиларни азоблайдиган сиёсий турмага айлантирилган. Қалъадан давлат турмаси сифатида биринчи марта Пётр I давридаёқ фойдаланилган. Турли даврларда П. қ. нинг Трубецкой бастионида А. Н. Радишчев, декабристлар, петрашевчилар, Н. Г. Чернишевский, народоволецлар, В. П. Обнорский, М. С. Ольминский, Петербург «Ишчилар синфи-



Петросова Е. А.

ни озод қилиш учун кураш союзи» аъзолари, В. П. Ногин, искрачилар, М. Горький ва б. қамоқда бўлганлар. П. қ. да Октябрь социалистик рев-яси даврида қўзғолон Дала штаби жойлашган эди. 1873 йилдан 1934 йилгача ҳар куни соат 12 да Наришкин бастионида тўп отилган. Бу анъана Ленинграднинг 250 йиллиги байрам қилинаётган кунлари қайта жорий этилган.

1924 йил июндан П. қ. тарихий-революцион музей; ҳозир Ленинград тарих музейи филиали. Петровский ҳамда Невский дарвозалари, Петропавловск собори, кронверк, зарбхона ва б. муҳташам бинолар П. қ. нинг тарихий ва архитектура ёдгорликлари ҳисобланади. 1922 йилдан зарбхонада орден ва медаллар тайёрланади. П. қ. да Пётр I дан бошлаб кўпгина рус императорларининг қабрлари бор. Қалъадаги иморатлар, сағана тошлари классицизм услубида бажарилган.

Ад.: Бастарева Л. И., Сидорова В. И., Петропавловская крепость. (Путеводитель, 2 изд.), Л., 1972.

ПЕТРОПАВЛОВСК-КАМЧАТСКИЙ (1822 йилдан 1924 йилгача—Петропавловский порт)— шаҳар, РСФСР Камчатка областининг маркази. Камчатка я. о. нинг шарқий соҳилида. Тинч океанининг Авача қўлтиқчаси соҳилидаги порт. Аҳолиси 187 минг киши (1974). П.-К. га 1740 йилда иккинчи Камчатка экспедицияси асос солган. Шаҳарнинг номи экспедициянинг «Святой апостол Пётр» ва «Святой апостол Павел» кемалари номидан олинган. П.-К. социалистик қурилиш йилларида Узоқ Шарқнинг муҳим индустрия ва транспорт марказларидан бирига айланди. Трал б-н балиқ овлаш ва музхонали флотилия базаси. Кема ремонти з-длари, тунука банка ф-каси, балиқ, уйсозлик ва қурилиш материаллари к-тлари ишлаб турибди. СССР ФА нинг Вулканология ин-ти, Тинч океан балиқ хўжалиги ва океанография ин-тининг Камчатка бўлими, педагогика ин-ти, Узоқ Шарқ балиқ саноати ва хўжалиги техника ин-тининг филиали, 2 техникум, 4 билим юрти, драма театри, ўлкашунослик музейи, телемарказ бор. П.-К. 1972 йил 31 октябрда Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.

ПЕТРОСОВА Елизавета Артёмовна (Лизахоним) (1913. 14. 8, Марғилон)— ўзбек совет рақосаси, балетмейстер. УзССР ва ҚҚАССР халқ артисти (1957). Қорақалпоқ рақсларини саҳналаштирувчилардан. *Уста Олим* Комилов, *Юсуф қизиқ* Шакаржонов ва опалари — *Тамарахоним*, Г. *Раҳимова*лардан ўзбек рақси ва ритмларини ўрганган. Ижодий фаолиятини Андижон театрида раққоса ва актрисаликдан бошлаган (1929). Бу театрда Ҳужумхон, Қумрихон, Қундузхон (К. Яшин, «Ҳужум», «Ўртоқлар», «Ниқоб йиртилди») сингари образларни яратган. Самарқанд обл. музикали театри (1933—36), Узбек Давлат музикали театри (1936—38), Узбек Давлат филармонияси (1938—56), шунингдек Улуғ Ватан уруши (1941—45) йиллари Г. Раҳимова раҳбарлигидаги ўзбек хотин-қизлар фронт ансамблида раққоса ва балетмейстер. П. «Нозигим», «Гул барги», «Садир», «Тоғ пардаси», «Сахти уфори», «Пилла» каби ўзбек рақсларини маҳорат б-н ижро этган, «Қашқар қизлари», «Фарғона қизлари рақси», «Синахирож» сингари рақслар ва «Қорақалпоқ тўйи» рақс сюитасини саҳналаштирган. Бердақ номидаги ҚҚАССР Давлат филармониясида балетмейстер ва бадиий раҳбар (1956—70), Ҳамза номидаги Санъатшунослик ин-тида илмий ходим (1966—67). Қорақалпоқ ашула ва рақс ансамблининг ташкилотчиси (1956). 70 дан ортиқ оммавий ва якка ижро этиладиган қорақалпоқ рақсларини яратган (жумладан, «Қиз узатиш», «Балиқчилар», «Оқ олтин», «Қирқ қиз» ва б.) шунингдек музикали спектакларга рақслар саҳналаштирган. 2 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган. Бутуниттифоқ Ёшлар ва студентлар фестивали (1957), Бердақ номидаги ҚҚАССР Давлат мукофоти (1969) лауреати. 1970 йилдан Тошкентда, шахсий пенсионер.

ПЕТРОСЯН Тигран Вартанович (1929. 17. 6, Тбилиси)— совет шахматчиси, СССР гроссмейстери ва халқаро гроссмейстер (1952). СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери (1960), журналист, фалсафа фанлари кандидати (1968), шахмат бўйича жаҳон чемпиони (1963, 1966), П. Арманистон чемпиони (1947), УзССРнинг 25 йиллигига бағишланган юбилей турнирида 1-ўринни эгаллаган. СССР чемпионатларида уч марта олтин медаль олган (1959, 1961, 1969). *Ботвинник*ни енгиб, жаҳонининг тўққизинчи чемпиони бўлган (1963, Москва). Чемпионликка даъвогар *Спасский*ни енгди (1966). Иккинчи матчда Спасскийдан енгилади (1969, Москва). П. кўпгина халқаро турнирлар, жаҳон ҳамда Европа олимпиадалари қатнашчиси. 1958 йилдан СССР Шахмат федерацияси Президиуми аъзоси. 1968 йили Ереванда «Шахматы и философия» («Шахмат ва фалсафа») китоби нашр қилинган. «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



1, 3. Е. А. Петросова саҳналаштирган «Пахта» ва «Балиқчилар» рақслари.
2. «Тоғ пардаси» рақси Е. Петросова ижросида.

ПЕТРОСЯНЦ Ашот Иванович (1910. 10. 5, Мари) — дирижёр, проф. (1970). УзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950). ҚҚАССР да хизмат кўрсатган маданият ходими (1973). Тошкент музика билим юртини (1931), Тошкент Давлат консерваториясининг халқ чолғу асбоблари ф-тини (дирижёрлик синфи бўйича, 1954) тугатган. Ишчи-ёшлар театри оркестрида музика раҳбари, дирижёр (1929—32), Ҳамза номидаги музика билим юртида (1936—49), Тошкент Давлат консерваториясида ўқитувчи (1948—49), халқ чолғу асбоблари кафедрасининг ташкилотчиларидан, 1949 йилдан мудири. 1935 йилдан ўзбек (шунингдек қирғиз, қорақалпоқ, туркман) чолғу асбоблари реконструкцияси устида иш олиб борган. 1938—41 йилларда созларни реконструкциялаш группасига (Ўзбек Давлат филармонияси ҳузурида), 1943 йилдан Миллий музика асбобларини реконструкциялаш экспериментал лабораториясига (1943 йилдан Санъатшунослик ин-ти, 1957 йилдан Тошкент Давлат консерваторияси ҳузурида) раҳбарлик қилади. П. Ўзбек Давлат филармонияси қошидаги реконструкция қилинган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестрининг асосчиларидан ва бадиий раҳбари, бош дирижёр (1938—41, 1943—58). 1967—69 йилларда чертиб чалинадиган созлар дастасига пардалар ўрнатиш устида иш олиб борган (К. Г. Оганесян б-н ҳамкорликда). П. СССР Давлат мукофоти лауреати (1951, дирижёрлик фаолияти учун), Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: Инструментоведение. Узбекский оркестр реконструированных инструментов, Т., 1951; Школа для дойры, Т., 1952; Школа для чанга, Т., 1961 (А. Одилов б-н биргаликда); Узбекский оркестр народных инструментов, Т., 1962 (Т. С. Визго б-н биргаликда); Школа для ная, Т., 1963.

ПЕТРОФИЗИКА (юнон. petros — тош ва... *физика*)— тоғ жинслари физик хоссаларини, уларнинг таркиби, тузилиши ва пайдо бўлиш тарихи б-н боғлиқлигини ўрганувчи фан; *геологиянинг* бир қисми. П. термини фанга биринчи марта ГДР геофизиги Ф. Фрёлих томонидан киритилган (1953). П. геофизик текширишлар асосида вужудга келган, у экспериментал петрография, *минералогия*, инженерлик геологияси, *тектоника* ва фойдали қазилмалар ҳақидаги билимлар б-н узвий боғлиқ. П. тоғ жинслари хусусиятларини бевосита дала шароитида петрографик методлар, геофизик ва космофизик текширишлар, шунингдек лаборатория усуллари ёрдамида аниқлайди. Текширишлар натижасида олинган материаллар хоссаларига кўра классификация қилинади, тоғ жинслари хоссаларини ўрганиш натижаси петрографик классификациялар, петрографик карта ва кесмалар тарзида ифодаланади. Бунда аниқланаётган параметрга кўра петротезлик, петромагнитлик, петропишиқлик ва б. карталар тузилади; улар муайян терр-яларнинг петрофизик хусусиятларини кўрсатади. Тоғ жинсларининг петрофизик хусусиятлари ер пўсти турли участкаларининг ривожланиш тарихи б-н боғлиқ бўлади. Тоғ жинслари физик хусусиятларига уларнинг кимёвий минерал таркиби ва тузилиши қанчалик таъсир этишини ўрганиш тоғ жинсларининг физик параметрларини минерал таркибига кўра аниқлашга имкон туғдиради. Петрофизик тадқиқотларда тоғ жинслари анизотропияси ҳодисасига алоҳида аҳамият берилади.

П. муайян тоғ жинсларининг физик хусусиятлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиб, конкрет термодинамик шароитларни аниқлайди ва тоғ жинслари хусусиятларини юқори босим ва т-ра таъсирида ўрганиш имкониятини яратади. 1950 йилларда ана шундай тадқиқот ишлари АҚШда О. Андерсон, Ф. Бёрг, Ж. Симмонс ва б. лар томонидан бошланиб, 60—70-йилларда СССР (Г. Д. Афанасьев, М. П. Воларович, Ю. В. Ризниченко, С. И. Субботин ва б.), Чехословакия (З. Прос, В. Бабушка, В. Хануш), ГДР (Х. Штиллер, Г. Миллитцер), Япония (Ш. Мацусима ва б.), Ҳиндистон (С. Балакришна), Австралияда (Р. Либерман) ривожлантирилди.

Узбекистонда 1965 йиллардан бошлаб УзССР ФА Ҳ. М. Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика ин-ти олимлари И. Ҳ. Ҳамробоев, Э. Искандаров, А. Мусаевлар тоғ жинсларининг петрофизик хусусиятларини физик-механик моделлаш устида илмий тадқиқот ишлари олиб бориб, қўлланма, монографиялар яратдилар, 1960—70 йиллардан П. рудали жинслар уюмини топиш ҳамда тоғ жинслари генезиси ва сейсмик ҳодисаларни аниқлаш мақсадида ер пўстининг чуқур қатламларини ўрганиш зарурияти б-н боғлиқ ҳолда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ад.: Кобранова В. Н., Физические свойства горных пород, М., 1962; Физические свойства горных пород и полезных ископаемых СССР, М., 1964; Любимова Е. А., Термика Земли и Луны, М., 1968; Беликов Б. П., Александров К. С., Рыжова Т. В., Упругие свойства породообразующих минералов и горных пород, М., 1970; Физико-механические свойства горных пород и минералов при высоких давлениях и температурах, М., 1974.

ПЕТРУШЕВСКИЙ Илья Павлович (1898. 10 (22). 6, Киев)— совет шарқшунос олими, тарих фанлари д-ри (1941). Ленинград Давлат ун-тида проф. (1947 йилдан). ОзССРда хизмат кўрсатган фан арбоби. Эрон, Закавказье, Ўрта Осиёнинг ўрта аср ва янги тарихи бўйича мутахассис. Харьков ва Боку ун-тларининг тарих-филология ф-тларини тугатган (1926). Боку (1926—31), Тифлис (1931—36), Ленинград (1936—60)да ишлаган. Улуғ Ватан уруши йилларида САГУнинг шарқ ва тарих ф-тларида дарс берган. 1960 йилдан Ленинград Давлат ун-тининг шарқ ф-тида дарс бермоқда. П. га «XVI—XIX аср бошларида Озарбайжон ва Арманистондаги феодал муносабатлар тарихи очерки» номли монографияси учун тарих фанлари д-ри унвони берилган. У ўз асарларида Эрон, Закавказье ва Ўрта Осиёда деҳқончилик тарихи, феодал ер эгалиги, деҳқонларнинг умумий аҳволи, хусусан уларни ерга бириктириш масалалари, халқ ҳаракатлари, шунингдек шаҳар аҳолиси ва унинг аҳволи каби проблемаларга кўпроқ ўрин берган. П. манбашунослик ҳамда ислом тарихи бўйича асарлар ёзган. П. нинг кўпгина асарлари форс тилида нашр этилган.

Ас.: Очерки по истории феодальных отношений в XVI — нач. XIX вв., Л., 1949; Земледелие и аграрные отношения в Иране XIII—XIV вв., М.—Л., 1960; Движение сербедаров в Хорасане, «Ученные записки Института востоковедения АН СССР», 1956, т. 14; К истории внутреннего строя города в Средней Азии и Иране в эпоху монгольского владычества (XIII—XIV вв.), Бюллетень АН УзССР, 1945, № 11—12; Из истории Бухары в XIII в., «Ученые записки ЛГУ», № 98, Серия востоковедческих наук, вып. 1, 1949, стр. 103—118.

ПЕТРУШКА (Petroselinum)— соябонгуллдошлар (соябонгуллилар оиласи)га мансуб бир ёки икки йиллик ўсимлик. Ватани Ўрта денгиз соҳиллари. 3 тури бор, шундан бир тури эки-



Петросянц А. И.



Петрушевский И. П.



Петрушка.



Петухова К. К.

лади. Биринчи йили барг ва урчуқсимон илдизмева ҳосил қилади. Барглари уч марта патсимон кертикли. Иккинчи йили 1 *м* ва ундан узун сершох поя ўсиб чиқиб, гуллайди. Гуллари майда, четдан чангланади, тўпгули — соябонсимон. Уруғи майда. Гектарига 4—6 *кг* уруғ сарфланади. П. совуққа чидамли, намсевар ва ёруғталаб ўсимлик; ўсув даврида тупроқ юмшатилади, ўталади, яганалнади. 3—5° да уруғи кўкаради. Барги ва илдизмевасида оқсил, ёғ, шунингдек С, А, B_1, B_2 витаминлар ва б. бор. П. нинг илдизи, барги ва фақат барги истеъмол этиладиган икки тури бор. Баргигина истеъмол этиладиган турининг илдизи ингичка ва сертармоқ. П. ҳамма ерда (СССРда 7—8 минг *га* майдонга) экилади. Узбекистонда П. уруғи эрта баҳорда ёки кеч кузда сабзи каби сепилади. Ошкўки сифатида ишлатилади.

ПЕТТИ Уильям (1623. 26. 5, Хэмпшир — 1687. 16. 12, Лондон)—инглиз экономисти, *буржуа классик сиёсий иқтисоди* асосчиларидан бири. Майда ҳунарманд оиласида туғилган. Лейден, Париж, Оксфорд ун-тларида медицинадан таълим олган. П. нинг илмий қизиқишлари кўп қиррали: 1647 йили у нусха кўчирувчи машина ихтиро қилди, 1649 йилда физика д-ри даражасини, 1651 йилда анатомия ва музика проф. унвонини олди. П. 17-асрдаги Англия буржуа рев-яларидан кейин кучайган инглиз буржуазиясининг идеологи сифатида танилди. Муҳим иқтисодий асарлари — «Солиқлар ва йиғимлар ҳақида трактат» (1662), «Сўз донишмандларга» (1665), «Ирландиянинг сиёсий анатомияси» (1672), «Сиёсий арифметика» (1683) ва б. У асарларида буржуа ишлаб чиқариш муносабатларининг ички қонуниятларини текширди, меҳнат қийматни назариясига асос солди, иш ҳақи, фойда, ер рентаси проблемасини тадқиқ этди. П. меркантилистлардан фарқ қилиб, бойликнинг манбаи муомала соҳаси эмас, балки ишлаб чиқариш соҳасидир, деб ҳисоблаган.

П. жамиятнинг иқтисодий ривожланишини объектив қонуниятларга боғлиқ, деб кўрсатади. Капиталистик жамиятни табиий ва абадий деб ҳисобларди.

Ад.: Афанасьев В. С., Возникновение классической буржуазной политэкономии (Вильям Петти), М., 1960; Афанасьев В. С., Этапы развития буржуазной политической экономии, М., 1971.

ПЕТУНИЯ, пакана тамакигул (Petunia)— томатдошлар (итузумдошлар, итузумгуллилар оиласи)га мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Поялари паст бўйли, уч қисми кўтарилиб (40—50 *см* ча) ўсади. Барги тухумсимон, яхлит. Гули йирик, оқ, бинафша ва қизғиш, якка, узун бандли, новдаларнинг учидаги барг қўлтиғида жойлашган. Меваси — кўсакча, 14—15 (бошқа маълумотларга кўра 40) тури маълум. Ватани — Шимолий Американинг жануби ва Жанубий Америка. Дурагай П. нинг кўп навлари манзарали ўсимлик сифатида гулзорларда ўстирилади. Оддий ва бахмалсимон гулли навлари ҳам бор.

ПЕТУХОВА Ксения Куприяновна (1909, Рязань обл. Спасск р-ни)—к-з ишлаб чиқариши новатори, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1953, 1957). 1940 йилдан КПСС аъзоси. Рязань обл. Спасск р-нидаги «Дело Октября» к-зида бузоқбоқарлар бригадири. 1930 йилда «Дело Октября» к-зига кирган. 1952 йилда 4 ойликкача бўлган 25 бузоқ боқиб, ҳар бирининг суткалик ўсишини ўртача 1200 *г* га етказган. Кейинги йилларда ҳам ҳар бир бузоқнинг суткалик ўсиши 1 *кг* дан юқори бўлган. КПСС 21-, 23-съездлари делегати. 7-чақириқ СССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, 2 марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПЕТЦОЛЬДТ Йозеф (1862. 4. 11, Альтенбург — 1929. 1. 8, Шпандау, Берлин)— немис идеалист философи, эмпириокритицизм вакили. Шарлоттенбургдаги Олий техника мактаби проф. (1922 йилдан). Р. *Авенариус* каби П. ҳам гносеологияни билиш психологиясидан иборат деб тушунган. Субъектив идеализм нуқтаи назаридан туриб субстанция ва сабабият тушунчаларини танқид қилган, уларни функционал боғланиш деган априор тушунча б-н алмаштириш керак деб ҳисоблаган. Бу масалада Э. Мах ва Э. Кассирер позициясига яқин туради. П. нинг философик қарашлари В. И. Ленининг «*Материализм ва эмпириокритицизм*» асарида кескин танқид қилинган.

ПЕЧ — Венгриянинг жанубий қисмидаги шаҳар. Мечек тоғининг жанубий этагида. Баранья медьесининг маъмурий маркази. Аҳолиси 145,3 минг киши (1970). Транспорт йўлларининг муҳим узели, саноат маркази. Шаҳар атрофидан кўмир, рудалар қазиб чиқарилади. Кокскимё, машинасозлик, пиво пиширириш, вино, ёғмой, тамаки, цемент, ойна, нефтни қайта ишлаш, кўн корхоналари бор. Музика асбоблари, чинни буюмлар ишлаб чиқарилади. Урта асрларга оид арх. ёдгорликлари, жумладан, собор, турклар қурган жомеъ масжидлари ва б. сақланган. Ун-т (1367 йилдан), мед. ин-ти, театр, музейлар бор. Шаҳар атрофида шифобахш иссиқ булоқлар кўп. П. милодниинг бошларида бунёд этилган.

ПЕЧАК (Ipomoea tricolor)— печакдошлар (печакгуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик чирмашувчи ўсимлик. Пояси сершох, узунлиги 7 *м* ча. Барглари юраксимон, четн текис. Гуллари тўғри, карнайсимон, икки жинсли, йирик, узунлиги 6—7 *см*, косачабарглари 5 та, туташмаган. Барг қўлтиғида 2—6 тадан ўрнашган. Чангчиси 5 та, уруғчиси 1 та. Меваси—кўсакча, узунлиги 7—12 *мм*, икки уяли. Май—октябрда гуллаб уруғлайди. Экинлар орасида учрайди. Ватани — Америка. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

ПЕЧАК — *нақ қ ошликда* (шунингдек каштадўзлик; зардўзлик, ёғоч, ганч, тош, металл ўймакорлигида) кўп учрайдиган нақш тури. *Печак*нинг схематик тасвири бўлиб, жуда кўп вариантлари бор. Эгри-бугри новдаларни, барглн ва гулли новдаларни, фақат гулдан иборат новдаларни эслатади; қандалатчиликда — унга шакар қўшиб тайёрланадиган ширинлик.

Ад.: Рахимов М. К., Художественная керамика Узбекистана, Т., 1961; Мошкова В. Г., Ковры Средней Азии. XIX — начала XX вв., Т., 1970.

ПЕЧАКДОШЛАР, печакгуллилар (Convolvulaceae)— икки паллалилар синфига мансуб ўсимликлар оиласи. Кўпинча чирмашиб ўсувчи ўт ва буталардан иборат. Барги кетмакет жойлашган, гули икки жинсли, карнайсимон, якка ёки кичик тўпгулларга йиғилган. Меваси — кўсакча. 1100 тача тури (40 туркуми) маълум. Асосан, тропик ва субтропик районларда тарқалган. СССР да уч туркуми учрайди. Узбекистонда *печак* ва *карнайгул* кўп тарқалган. Манзарали ўсимлик сифатида экилади.

ПЕЧАТЬ (русча из, нусха)—қ. *Муҳр.*

ПЕЧОРА — СССР Европа қисмининг шимолишарқидаги дарё. Узунлиги 1809 *км*, ҳавзасининг майдони 322 минг *км²*. Шимолий Урал тоғларидан бошланиб, Печора пасттекислиги бўйлаб оқади. Баренц денгизининг Печора қўлтиқчасига қуйилади. П. нинг қуйи оқимида кўплаб ирмоқлар, ороллар ва шохобчалар бор. Қор, ёмғир сувларидан тўйинади. Октябрь-ноябрда музлаб, май ойида муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари Уса, Лая, Шапкина, Шчугор, Илич (ўнгда), Ижма, Кожва, Пижма, Цильма, Сула (чапда). Қуйилиш жойида ўртача сув сарфи 4100 *м³/сек*. П. да Троицко-Печорсккача, баҳорда ва кузда Усть-Уньягача мунтазам кема қатнайди. Асосий пристанлари: Нарьян-Мар, Усть-Цильма, Печора, Троицко-Печорск. Денгиз кемалари Нарьян-Маргача кира олади. П. да тошкўмир, дон, нефть маҳсулотлари, минерал қурилиш материаллари ташилади. Балиқ овлаш ривожланган. Ҳавзасида тошкўмир (Печора кўмир ҳавзаси), нефть (Ухта) ва газ конлари бор.

ПЕЧОРА — Коми АССРдаги шаҳар (1949 йилдан). Печора дарёсидаги порт. Т. й. станцияси. Аҳолиси 40 минг киши (1974). П. да ёғоч сув транспортидан т. й. га ўтказилади. Ёғочсозлик, тахта-тилиш з-длари, транспортга хизмат қилувчи корхоналар, дарё билим юрти, ўлкашунослик музейи бор.

ПЕЧОРА ПАСТТЕКИСЛИГИ — РСФСР Европа қисмининг шимоли-шарқидаги пасттекислик. Печора дарёси ҳавзасида, Урал тоғлари б-н Тимань кряжи оралиғида. Ясси текисликлар флювногляциал қумлар ва кўл гилларидан, ботқоқлашган ясси текисликлар эса морена ва қум-шағаллардан таркиб топган. Кўллар кўп. Шимолида Катта тундра, Кичик тундра, Тимань тундраси бор; жанубида игна баргли ўрмонлар, сув айирғичларда ботқоқлик мавжуд.

ПЕЧЬ (лат. Fornax)— *осмон сферасининг* Жанубий ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузи 3,9 визуал юлдуз катталигида. *Кит, Ҳайкалтарош ва Эридан* юлдуз туркумлари оралиғида жойлашган. СССРнинг жанубий р-ларида кузда ва қиш бошларида кўринади.

ПЕШАЙВОН (форс-тож. پیش —олд ва *айвон*)— айвоннинг бир тури. Иморат ёки хонанинг олдига тиркаб қурилади. Халқ меъморлигида кенг қўлланилади. П. унга ёндош хоналарнинг салқин ва баҳаво бўлишини таъминлайди.

ПЕШАНАБОҒ, пешанабандак — кичик ва енгил рўмол. Пешанани, пешанадаги сочларни беркитиб туради. П. устидан катта (оқ дока, ойим дока ёки шол) рўмол ўралади. Баъзи қишлоқларда катта оқ рўмол ўралиб, унинг устидан дурра қилинган П. боғланади. П. ни, асосан, кекса аёллар ўрайди.

ПЕШКУ — Бухоро обл. Ромитан р-ни Пешку қ. С. даги қишлоқ. Жданов номли к-з территсида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Бухородан 44 *км*. Аҳолиси 890 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Аму-Бухоро каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, кутубхона, туғруқхона, медпункт, клуб, трактор парки, алоқа бўлими, пахта пункти, ветеринария шифохонаси, чойхона ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПЕШОВАР — Покистоннинг шимоли-ғарбий қисмидаги шаҳар. Бар дарёси (Қобулнинг ирмоғи) бўйида, Хайбар довонидан 18 *км* нарида. Шимоли-Ғарбий Чегара вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 273 минг киши (1972). Муҳим транспорт пункти, т. й. станцияси. Аэропорт бор. Қ. х. р-нининг савдо маркази. Т. й. устахоналари, тўқимачилик, озиқ-овқат, металлсозлик корхоналари бор. Ҳунармандчиликда нафис шойи, ип газлама, мовут, чарм, металл буюмлар ва ҳ. к. лар ишлаб чиқарилади.

П. қадимда ва ўрта асрларда Афғонистон, Эрон ва Урта Осиёдан Ҳиндистонга боришда савдо карвонларининг тўхтаб ўтадиган жойи бўлган. П. нинг қадимги номи — Пурушапура. 1-асрда Кушан подшолигининг пойтахти. Бобирийлар даврида муҳим стратегия ва савдо шаҳри эди. 1849—1947 йилларда шаҳар инглизларнинг Британия Ҳиндистони шимоли-ғарбидаги таянч пункти.

П. да ун-т (1950), Ислом колледжи (1913), илмий тадқиқот ин-тлари, кутубхоналар, музейлар бор. Шаҳарнинг қадимий қисми 16 дарвозали девор б-н ўралган.

ПЕШРАВ (форс-тож. پیشرو — олдинда борувчи)— оғзаки анъанавий профессионал музикада куйни ривожлантириш услуби, муайян музика шакли. П. куйни *секвенция* тарзида юқорига ва пастга равон ҳаракатда ривожлантиради. П. да оҳанглар (кўпинча секунда интервалида) пастга ҳаракат қилганда, куйнинг авж бўлаги тоникага қайтиб тушишида асосий восита бўлиб хизмат қилади. П. лардан Шашмақомнинг чолғу (баъзи ашула) йўллари, шунингдек мақом йўлларидаги халқ куй ва ашулалари («Мискин», «Муножот», «Насруллойи», «Ажам», «Эшвой», «Сайқал» ва б.)да кенг фойдаланилган. Шашмақомнинг чолғу қисмларининг таркибий бўлаклари — *хона*ларда куйни ривожлантиришда П. лар асосий воситадир (хоналар б-н ёнма-ён келадиган *бозгўй*ларда П. дан фойдаланилмайди). Шашмақом таркибида махсус куй йўли — «Пешрави Дугоҳ» мавжуд. *Хоразм мақомлари*дан Ростда «Пешрави Гардун», Бузрукда «Пешрави Бузрук», Навода «Пешрави Наво», «Пешрави Занжир», Дугоҳда «Пешрави Дугоҳ», Сегоҳда «Пешрави Сегоҳ», Ироқда «Пешрави Ироқ», Панжгоҳда «Пешрави Панжгоҳ» каби чолғу қисмлари бўлиб, уларнинг кўплари бизгача етиб келмаган. 14—17-асрларда П. вокал асари сифатида ҳам машҳур бўлган. П. шакли тожик, уйғур ва б. халқлар музикасида ҳам кенг қўлланилади.



Пешчерева Е. М.

ПЕШТОҚ (форс-тож. پیش — олд ва араб. طاق — арка) мадраса, масжид, карвонсарой, ва б. ҳашаматли биноларнинг кириш томони. Одатда, П. баланд ва баҳайбат қилиб, бино девори сатҳидан бир оз бўрттириб чиқарилади. П. бинолар композициясида катта ўрин эгаллайди ва уларга салобат, гўзаллик бағишлайди. Урта Осиёда сақланиб қолган П. ларнинг энг қадимгисини *Аработа мақбарасида* кўриш мумкин. П. кошин ва сиркор парчинлар, гирих ҳамда диний ва фалсафий мазмундаги *китоба*лар б-н безатилган. Самарқанддаги Бибихоним масжиди, Улуғбек, Шердор, Тиллакори мадрасалари, Хива ва Бухородаги масжид ва мадрасаларнинг П. лари ниҳоятда улкан ва ҳашаматли.



Пештоқ. Абдуллахонхон мадрасаси. Бухора, 17-аср.

ПЕШЧЕРЕВА Елена Михайловна (1897, Петро Александровск (ҳозирги ҚҚАССР Тўрткўл ш.)— совет этнографи, тарих фанлари д-ри (1961). Туркистон Шарқ ин-тини тамомлагач



Пётр I.
И. Н.Никитин чизган портрет (1721 йиллар).

(1923), Тошкентдаги Урта Осиё Бош музейининг катта илмий ходими (1924—29), Ленинград Давлат ун-ти шарқ факультетида тожик тили бўйича катта ўқитувчи (1929—42). 1942 йилдан СССР ФА Этнография ин-тининг катта илмий ходими. У Шарқий Помирга уюштирилган этнографик экспедицияларда қатнашган (1924—25). П. нинг илмий асарлари ўзбек ҳунармандчилиги, урф-одатлари, ўзбек ва тожикларнинг ҳозирги давр этнографияси ва б. масалаларга бағишланган.

Ас.: Гончарное производство Средней Азии, М.—Л., 1959; Ягнобские тексты, М.—Л., 1957 (М. С. Андреев б-н биргаликда); Культура и быт таджикского колхозного крестьянства, М.—Л., 1954 (Н. Н. Ершов, Н. А. Кисляков, С. П. Русяйскина б-н биргаликда); Праздник тюльпана (лола) в сел. Исфара Коканского уезда. «В. В. Бартольду — туркестанские друзья, ученики и почитатели» тўпламида, Т., 1927; Некоторые дополнения к описанию праздника тюльпана в Ферганской долине. «Иранский сборник. К семидесятилетию проф. И. И. Зарубина» тўпламида, М., 1963; Бухарские золотошвеи, Сб. Музея антропологии и этнографии, т. XVI, Л., 1955; Игрушка и детские игры у таджиков и узбеков (по материалам 1924—35 гг., Сб. Музея антропологии и этнографии, т. 17, М.—Л., 1957.

ПЕШҚЎРҒОН — Наманган обл. Янгиқўрғон р-ни Нариманов қ. С. даги қишлоқ. «Ленинизм» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 24 *км*, яқин т. й. станцияси — Чортоқдан 24 *км*. Аҳолиси 4676 киши (1974); сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Поччаотасойдан сув ичади. 3 ўрта мактаб, касалхона, туғруқхона, дорихона, кутубхона, алоқа бўлими, ҳаммом, ошхона, радиоузел, ветеринария шифохонаси бор.

ПЕТР I Алексеевич, Буюк Пётр [1672. 30. 5 (9. 6), Москва — 1725. 28. 1 (8. 2), Петербург]— Россия подшоси (1682 йилдан 1696 йилгача акаси Иван V б-н давлатни идора этган), императори (1721 йилдан), давлат арбоби, саркарда.

П. I да билимга интилиш, ташкилотчилик қобилиятлари, ҳарбий иш ва денгизчиликка қизиқиши ёшликдан кўрина бошлаган. 1695—96 йилларда П. I Туркияга қарши (Азов юришлари) уруш олиб борган. 1696 йили оммавий равишда ҳарбий кемалар қурдириб, рус флотига асос солган. 1697 йили Туркияга қарши коалиция тузиш мақсадида, Улуғ элчилик составида Пётр Михайлов номи б-н яшириниб, Ғарбий Европага жўнади. П. I Голландия ва Англияда денгиз илмини ўрганди, кемасозлик устахоналарида ишлади. П. I халқаро аҳволни тўғри баҳолаб, Туркияга қарши урушни дарҳол тўхтатиб, Россия учун ҳаёт-мамот масаласи бўлган Болтиқ денгизига чиқиш йўлини эгаллаш учун курашга киришди. 1700 йили Туркия б-н битим тузиб, мамлакат кучини Швецияга қарши курашга қаратди. Швеция б-н бўлган Шимолий уруш (1700—21) да П. I мунтазам армия ва флот барпо этиш, заводлар қуриш, давлат аппаратини қайта тузиш, маълумотли мутахассислар тайёрлаш ва б. соҳаларда катта ташаббус кўрсатди. Россиянинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати халқ оммасини эксплуатация қилишнинг кучайиши ҳисобига амалга оширилди. Бу эса синфий курашнинг кескинлашувига сабаб бўлди (1705—06 йиллардаги *Астрахон қўзғолони*, 1705—11 йиллардаги Бошқирд қўзғолони, 1707—09 йиллардаги *Булавин қўзғолони* ва б.). Халқ оммасининг бу чиқишлари П. I. ҳукумати томонидан аёвсиз бостирилди. П. I даврида давлатнинг ижтимоий таянчи бўлган дворянларнинг ҳуқуқи мустаҳкамланди. П. I нинг ягона ворислик ҳақида чиқарган фармони (1714) дворян поместьеларининг вотчиналар б-н тенглаштириш процессини тугаллади.

Давлатни бошқариш соҳасидаги ислоҳотлар [1711 йилдан Боярлар думасининг Сенат б-н алмаштирилиши, коллегиялар ташкил қилиниши (1718—22), ҳарбий ва граждан лавозимларни киши насл-насабига қараб эмас, балки уларнинг шахсий қобилиятига кўра оширишни кўзда тутган «мансаб жадвали» (1722), империя эълон қилиниши (1721) ва б.] Россияда абсолютизм ўрнатилишига ва чиновник-дворян монархиясининг ташкил этилишига олиб келди. П. I томонидан барпо этилган мунтазам армия ва флот Шимолий урушда бир қанча ғалабаларга эришди (1709 йил Полтава яқинида, 1714 йил Гангут ёнида ва б.), уларда П. I нинг буюк ҳарбий таланти ёркин намоён бўлди. П. I 1703 йили Нева дарёсининг қуйилиш ерида Санкт-Петербург шаҳрини қурдирди. Бу шаҳар 1712 йилдан Россиянинг пойтахти бўлиб қолди. Шимолий урушга якун ясаган *Ништад сулҳ шартномаси* (1721) Болтиқ денгизи қирғоқларининг Россияга ўтганлигини тасдиқлади. 1722—23 йиллар П. I Эрон б-н уруш олиб бориб Каспий денгизининг ғарбий қирғоқларини Россияга қўшиб олди. П. I фан ва маданиятни ривожлантиришга катта эътибор берган. Унинг даврида Петербургда Денгиз академияси (1715), биринчи рус музейи — кунсткамера (1719) очилди. 1700 йилдан янги календарь, 1708—10 йилларда «граждан» шрифти жорий қилинган. 1703 йил биринчи рус босма газетаси —«Ведомости» чиқди. 1725 йилда Петербург Фанлар академияси очилди.

П. I ислоҳотлари феодал-крепостнойлик тузумини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, айни вақтда капиталистик муносабатларнинг ривожланишига объектив шарт-шароитлар яратиб берди.

Ад.: Очерки истории СССР. Период феодализма. Россия в первой четверти XVIII в., М., 1954; Богословский М. М., Пётр I. Материалы для биографии, т. 1—5, М., 1940—48; Россия в период реформ Петра I. Сб. ст., М., 1973.

ПЁТР БИРИНЧИ ТИЗМАСИ — ТожССР даги тоғ тизмаси. Сурхоб ва Обихингов дарёлари оралиғида. Ғарбда Яфуч қишлоғидан бошланиб, шарқда Коммунизм чўққисигача 200 *км* чўзилган. Шарқда Дарвоз ва Фанлар академияси тизмалари б-н туташиб, Гармо тоғ тугунини ҳосил қилади. Тизманинг баландлиги ғарбда 5000 *м* дан шарқда 6000 *м* га боради (энг баланд нуқтаси Москва чўққиси — 6785 *м*). Асосан қумтош ва конгломератлардан таркиб топган. Қор чизиғи ҳам шу йўналишда 4000 *м* дан 4500 *м* гача ўзгаради. Шимолий ён бағирда 29 та музлик (майдони 385 *км*^{2}), жанубий ён бағирда 16 музлик (майдони 123 *км*^{2}) бор. Улардан энг катталари Сағрон, Гандо музликлари. Вахш дарёсининг асосий ирмоқлари Сурхоб ва Обихингов дарёлари шу музликлардан тўйинади. 700—900 *мм* ёғин тушади. Январнинг ўртача т-раси —6°, —12°. Июлники эса пастроқда 22° бўлса, сувайирғич атрофларида 10°.

ПЁТР II Алексеевич [1715. 12 (23). 10, Петербург — 1730. 18 (29). 1, Москва] — Россия императори (1727—30), *Пётр* I нинг набираси. П. II императорлик даврининг бошланишида ҳокимият А. Д. Меншиков қўлида бўлган. 1727 йил сентябрда Меншиков сургун қилингандан сўнг, боярлар аристократияси таъсирида ўзини Пётр I ислоҳотларининг душмани деб эълон қилди. Тож кийдириш маросимини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётган бир пайтда, чечак касалига учраб вафот этган. Унинг вафотидан сўнг ота авлоди бўйича Романовлар уруғи тугади.

ПЁТР III Федорович [1728. 10 (21). 2, Киль, Германия — 1762. 7 (18). 7, Ропша, Петербург яқинида]— Россия императори (1761—62), *Пётр* I нинг набираси. *Екатерина* II нинг эри. Император *Елизавета Петровна* (П. III нинг холаси) 1742 йил П. III ни ўзига меросхўр деб эълон қилди. П. III нинг Пруссияга хушомадгўйлик қилиб, рус давлатининг миллий манфаатларига эътиборсиз қараганлиги, армияда Пруссия тартибини жорий қилганлиги гвардия оппозициясини, шу муносабат б-н сарой тўнтаришини (1762) келтириб чиқарди. П. III қамоққа олиниб, Ропшага юборилди ва Екатерина II нинг розилиги б-н ўша ерда ўлдирилди.

«ПИ» СОНИ, π сони — айлана узунлигининг диаметрига нисбати. «Пи» с. *иррационал* (яъни бутун сонлар нисбатидан фарқли) ва *трансцендент* (яъни бутун коэффициентли алгебраик тенглама илдизи бўлмаган) сон.

Айлана узунлиги, доира юзи, айланма жисмлар ҳажмини ҳисоблашда π га эҳтиёж туғилган. Қадимги Мисрда $\pi = 3{,}16$, Бобилда $\pi = 3{,}125$ деб олинган. *Архимед* «Доира ўлчами» асарида $3\frac{10}{71} < \pi < 3\frac{1}{7}$, яъни $\pi = 3{,}1413$ эканлигини кўрсатди. 5- асрда ҳинд олими Ариахбата $\pi \approx \approx 3\frac{17}{120} \approx 3{,}1416$ қийматни, хитой астрономи Цзу Чун — 6 хона аниқликда $\pi \approx \frac{355}{113}$ қийматни топган. Абу Райҳон *Беруний* Архимед усулини такомиллаштириб, доирага ички ва ташқи чизилган мунтазам 180 бурчакликлар б-н π учун 1628681471: :518400000 нисбатни, яъни $\pi = 3{,}1417$ ни топди. *Қоший* 1424 йилда мунтазам $3 \cdot 2^{28}$ бурчаклик ёрдамида π ни 17 хона аниқликда ҳисоблади (қ. *Математика*). 17- асрда флэманд математиги А. ван Роомен мунтазам 2^{30} бурчаклик ёрдамида π ни 15 хона аниқликда, голланд ҳисобчиси Лудольф ван Кёлен мунтазам 32512000000 бурчакликдан фойдаланиб, π ни 20 хона аниқликда ҳисоблади. Ўша даврда Европа математиклари *доира квадратураси* масаласини ечиш учун π ни аниқроқ ҳисоблашга интилганлар.

Кейинги ҳисоблашлар

$$\operatorname{arctg} x = x - \frac{x^3}{3} + \frac{x^5}{5} - \frac{x^7}{7} + \dots \qquad (1)$$

каби формулалар ёрдамида бажарилган. 18- асрда инглиз математиги ва астрономи А. Шарп $x = \sqrt{\frac{1}{3}}$ ҳолда (1) формула б-н π ни 72 хона, 1873 йилда инглиз математиги У. Шенкс 708 хона аниқликда ҳисоблади. Шенкс топган тақрибий қийматнинг фақат 520 хонаси тўғри эканлиги 1945 йилда ЭҲМ ёрдамида аниқланди. 1961 йилда ЭҲМ 8 соат 43 мин. ишлаб, π ни 100625 хона аниқликда ҳисоблади. Радиуси Ердан қузатиладиган энг олис юлдузгача бўлган масофага тенг айлана узунлигини 1 *мм* аниқликда ҳисоблаш учун π нинг 40 хона аниқликдаги қиймати етарлидир. Ҳозир $\pi = 3{,}14159\ \dots$ тарзида ишлатилади.


Ад.: Гиясэддин Джемшид ал Каши, Ключ арифметики. Трактат об окружности, М., 1956; Кымпан Ф., История числа П. Пер. с рум., М., 1971.

ПИАЖЕ Жан (1896. 9. 8, Невшатель)— Швейцария психологи. Интеллектнинг операционал концепцияси ва генетик эпистемологияни яратган. Невшатель (1926—29), Женева (1929 йилдан), Лозанна (1937—54) ун-тлари проф. Париждаги Халқаро генетик эпистемология маркази (1955) асосчиси. 1929 йилдан Женевадаги Ж. Ж. Руссо ин-ти директори. Интеллектнинг операционал концепциясига кўра, психика индивиднинг муҳитга адаптацияланиши доирасида намоён бўлади ва ривожланади. Субъект б-н объект мувозанатлашувининг олий шакли операционал структураларнинг ҳосил бўлишидир. Операционал структура, П. фикрича, субъектнинг «ички ҳаракати» бўлиб, бу ҳаракат генетик жиҳатдан ташқи, предмет таъсиридан келиб чиқади ва б. ҳаракатлар б-н муайян система бўлиб бирлашади. Операционал концепция асосида П. идрок, ҳиссиёт ва б. психик функцияларни таҳлил қилди. П. нинг психология ва логика соҳасидаги қарашлари унинг генетик эпистемология концепциясида мужассам ифодасини топди; бу концепция негизида тажриба шароитининг ўзгариши туфайли субъектнинг объект ҳақидаги билимларида инвариантлик хусусияти оша боради, деган принцип ётади. П. *болалар психологияси*, айниқса, уларнинг ақлий тараққиётини ўрганиш соҳасида илмий мактаб яратган. Тафаккур психологияси, психология ва логиканинг ўзаро муносабати масалаларини ишлаб чиқишга катта ҳисса қўшган. Унинг назариясидаги камчиликлар (тафаккурнинг психологик анализида логик момент ролини юқори баҳолаш ва ҳ. к.) совет психологияси томонидан танқид қилинган.

Ад.: Флейвелл Д. Х., Генетическая психология Ж. Пиаже. Пер. с англ., М., 1967.

ПИАЙ, Булус — Малакка ярим оролининг жанубидаги бурун. Осиё материгининг энг жанубий чеккаси (1°16′ ш. к. да).

ПИАНИНО (итал. pianino — кичик *фортепьяно*)— клавишли соз, фортепьяно тури. *Роялдан* ғўғри тўртбурчак шакли, торлари, деқаси (говуш манбаи) ва механикасининг вертикал жойлашганлиги б-н фарқланади. П. нинг замонавий тури Ж. И. Хокинс яратган «портатив рояль» (1800) асосида юзага келган. 19- аср ўрталарида П. ҳозирги шакли ва конструкцияси (чўян рама, устма-уст кесишиб тортилган торлар, пластки ва юқориги демпферли механика, 7 октавали диапазон)га эга бўлди. Бундай П. лар, асосан, кабинет ва хоналарга мўлжалланган. Баъзида концерт (7$\frac{1}{4}$ октавали) П. лари ҳам учрайди.



Пианино

ПИВО — кучсиз алкоголли ичимлик. Арпа солоди (сунъий ундирилган арпа маҳсулоти)дан олинган суюқлик (сусло) ва хмель (қулмоқ) қўшилган сувни махсус ачитқи б-н бижғитиб тайёрланади. П. хом ашёнинг миқдори ва таркибига, бижғиш ва ачиш даврининг чўзилишига қараб оч рангли (Жигули, Ленинград, Рига, Москва) ва тўқ рангли (Украина, Портер, Март ва б.) навларга бўлинади. П. қайнатиш процесси қуйидаги асосий босқич: арпадан солод олиш, П. суслоси тайёрлаш, суслони П. ачитқиси б-н бижғитиш, П. ни етилтириш, фильтрлаш ва идишларга қуйишдан иборат. Етилтириш процесси 0—2°С т-рали берк цилиндр

ичишда 21—90 сутка давом этади. П. тахирроқ таъмга эга. Унинг таркибида киши организмида осон ўзлаштириладиган модда (углевод, аминокислота)лар, оқсил ва минерал моддалар бор. 1 *л* П. нинг калориялилиги 400 дан 800 *ккал* гача.

ПИВО ВА АЛКОГОЛСИЗ ИЧИМЛИКЛАР САНОАТИ — озиқ-овқат саноатининг тармоғи. Пиво, алкоголсиз ичимликлар ва минерал сувларни ишлаб чиқаради. Европада пиво тайёрлаш қадимдан маълум. 19-асрнинг ўрталарида Россиянинг Петербург, Калинкин, Москва, Самара шаҳарлари, шунингдек Харьков, Киев ва б. шаҳарларда йирик пиво тайёрлайдиган з-длар қурилди. Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан сўнг пиво з-длари реконструкция қилинди. 1928 йилда пиво ишлаб чиқариш 1913 йил даражасининг 48%ини ташкил этди. 1940 йилга келиб эса 1913 йилга нисбатан техник реконструкция қилинган йирик корхоналар сони 6 баравар, пиво тайёрлаш 1,5 баравар ўсди. Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашистлари оккупация қилган терр-ялардаги 133 пиво з-ди тамоман ёки қисман бузиб ташланди. Урушдан кейинги даврларда корхоналар тикланди, кенгайтирилди ва реконструкция қилинди. СССР пиво тайёрлаш саноатининг йирик з-длари Москва, Ленинград, Горький, Львов, Днепропетровск, Донецк, Олмаота, Қарағанда, Куйбишев, Боку, Новосибирскда жойлашган. Нон кваси, мева шарбати ишлаб чиқариш ҳам тез суръатлар б-н ўсмоқда. Грузия ССР, Озарбайжон ССР, Ставрополь ўлкасида минерал сувларни идишларга қуйиб чиқарадиган йирик з-длар қурилди.

Туркистон (Тошкент)да биринчи пиво з-ди 1870 йилда қурилган. 1908 йилга келиб пиво з-длари 4 тага етди ва йилига 120 минг *дал* пиво ишлаб чиқарди. 1919 йилда Тошкентда 4, Фарғона водийсида 4, Самарқандда 1 пиво з-ди бор эди ва ҳаммаси 907 минг *дал* пиво ишлаб чиқарарди. Ҳар бир з-дда пиво ишлаб чиқариш 1913 йилда ўртача 100,7 минг *дал* бўлган. Туркистон ўлкасининг пиво тайёрлаш з-длари кам қувватли бўлиб, асбоб-ускуна, технологик жиҳатдан Россиядаги з-дларга нисбатан паст даражада эди; буғдой, арпа солоди цехлари йўқ эди. Совитиб музлатадиган машиналар фақат икки з-дда мавжуд эди. Солодь Польшадан, хмель эса Бельгия ва Бавариядан келтириларди. Улуғ Октябрь социалистик ревясидан кейин халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қатори П. ва а. и. с. қайтадан жиҳозлантирилди ва кенгайтирилди. 1940 йилга келиб 1913 йилдагидан кўра 3,8 марта кўп, яъни 4, 1 млн. *дал* пиво ишлаб чиқарилди. 1974 йилга келиб Ўзбекистонда пиво тайёрлаш з-длари 11 тага етди. Тошкент (3 та з-д), Самарқанд, Фарғона, Қўқон, Андижон, Наманган, Бухоро ва Нукус пиво з-длари 1974 йилда 12507 минг *дал* (шундан 5414 минг *дал* шишаларда) пиво тайёрлади. Урганч, Қарши, Денов, Ғиждувон ва Учқўрғонда матлубот кооперацияларига қарашли йилига 180 минг *дал* пиво тайёрлайдиган з-длар қурилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистондаги 11 пиво з-дидан 8 тасида тўла механизациялаштирилган солодь тайёрлаш цехи бор, буларда 1974 йилда 15383 *т* солодь тайёрланди. Ўзбекистонда П. ва а. и. с. и 1974 йилда 5174 минг *дал* алкоголсиз ичимликлар тайёрлаган (квас 887 минг *дал*, морс 22 минг *дал*, сироп 90 минг *дал*, лимонад 2294 минг *дал*). Тошкент минерал суви з-ди, Каттақўрғон, Чортоқ минерал суви цехларида 68,3 млн. шиша минерал суви тайёрланган.

ПИГМЕЙЛАР (юнон. pygmaios — муштдек, pygme —«мушт» сўзидан) — Африканинг тропик ўрмонларида яшайдиган пакана аҳолиси (катта ёшдаги эркакларининг бўйи ўртача 144—150 *см.*). П. ҳақидаги дастлабки маълумотлар мил. ав. 3-минг йилликка оид қадимги Миср ёзувларида ва қадимги юнон манбалари (Гомернинг «Илиада»си, Геродот ва Страбон асарлари)да учрайди. 16—17-асрларда П. Ғарбий Африка ҳақидаги саёҳатномаларда «матимба» номи б-н тилга олинган. 19-асрдагина немис тадқиқотчиси Г. Швейнфурт, рус тадқиқотчиси В. В. Юнкер ва б. Итури ва Уэле дарёлари ҳавзаси ўрмонларида яшовчи П. (акка, тикитики, обонго, батва)нинг ҳаётини ўргандилар. П. Габон, Камерун, Марказий Африка Республикаси, Заир ва Руанда ўрмонларида яшайди. Асосий ирқий белгилари (териси оч жигар ранг, сочи жингалак, лаби нисбатан юпқа, гавдаси йирик, қўли ва оёғи калта)га кўра П. негроид ирқига мансуб халқлардан фарқланади. Ҳозирги замон антропологиясида П. экваториал Африкада яшовчи негриллар (эфе, акка, бакве ва б.) ва Филиппин, Малакка, Андаман оролларида яшовчи негритосларга бўлинади. П. нинг умумий сони ноаниқ: 40—200 минг киши деб ҳисобланади. Асосий машғулоти — овчилик ва теримчилик. Уларига қўшни халқлар эфе, асуа ва б. тилларида сўзлашади.

ПИГМЕНТАЦИЯ (лат. pigmentum — бўёқ, ранг) — одам териси, кўз қорачиғи, сочи ва жунининг *пигментлар* б-н бўялиши. Инсон тўқималарининг ранги ундаги ҳар хил пигментлар миқдорига боғлиқ. Тери, соч ва кўз қорачиғининг ранги бир пигмент — меланин б-н белгиланади. Тери, кўз қорачиғи ва соч тусининг ҳар хил бўлиши бу органлардаги меланиннинг миқдори ва қандай жойлашишига боғлиқ. Уларда меланиннинг бўлмаслиги *альбинизм* ҳодисасидир. Умр мобайнида П. бир неча бор ўзгариб туради. Меланин терига жигар ранг тус беради. Ранг қуюқлигидаги фарқлар меланиннинг миқдорч ва жойлашишига боғлиқ. Ранг даражалагидаги фарқларга турар жой шароитининг ҳар хиллиги (ўрмон ва очиқ жойларда яшаш) ҳам сабаб бўлади. Ташқи таъсирлар туфайли тери рангидаги индивидуал тафовутлар қанчалик муҳим бўлмасин, группалараро фарқлар биринчи ўринда туради ва терининг ранги ирқий систематикада асосий хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Соч туси қобиқ қатламидаги меланин моддасининг миқдори ва ҳолати б-н белгиланади. Қобиқ қатлам ҳужайраларида донадор пигмент қанча кўп бўлса, соч шунча қора бўлади: аралаш пигмент сочга қизил тус беради. Сочнинг оч рангда бўлиши Скандинавия аҳолиси учун типик ҳол. Кўз қорачиғи сариғиш ёки қора тусда бўлиши пигмент миқдорига ва унинг қандай тераниликда жойлашганига боғлиқ. Пигментнинг олд қатламларда жойлашиши кўз қорачиғининг сариқ ёки оч сариқ тусда бўлишини таъминлайди. Кўз қорачиғида пигмент нотекис жойлашган бўлса, турли хил ранглар келиб чиқади.

Ад.: Рогинский Я. Я., Левин М. Г., Основы антропологии, М., 1963; Гинзбург В. В., Элементы антропологии для медиков, Л., 1963; Чебоксаров Н. Н., Чебоксарова И. А., Народы, расы, культуры, М., 1971.

ПИГМЕНТЛАР (биологияда) — организм тўқимаси таркибидаги органик бўёқ моддалар. П. нинг ранги молекулаларидаги хромофор группаларнинг борлигига боғлиқ. Ҳайвон ва ўсимлик организмида П. қопловчи ва б. тўқималар, шунингдек организмдаги суюқликлар рангини белгилайди. П. организмдаги жараёнларда, айниқса, фотобиологик жараёнларда муҳим роль ўйнайди. Мас., одам ва ҳайвон организмидаги қоннинг қизил пигменти — гемоглобин кислород ташийди, ўсимлик организмида яшил П.— хлорофилл *фотосинтез*га сабаб бўлади. Табиатда энг кўп тарқалган П. дан порфиринлар ва каротиноидлар кўпчилик ўсимлик ва ҳайвон организмларида топилган. Порфиринлар яшил ўсимликларнинг *хлорофилл* молекулалари, фотосинтез бактериялар бактериохлорофиллари, ҳайвонларнинг нафас пигментлари таркибига киради. Каротиноидлар сариқ, қизғиш, қизил рангли П. бўлиб, яшил ўсимликларда, сувўтларда, замбуруғларда ва бактерияларда учрайди.

П. организмни Қуёшдаги ультрабинафша нурларнинг зарарли таъсиридан сақлайди, организмнинг ташқи шароитга мослашиши учун зарур бўлган рангини белгилайди. Усимликларда ранг чангланишга ёрдам берадиган ҳашоратлар ва уруғини тарқатувчи қушларни жалб қилишга хизмат қилади; ҳайвонларда эса душмандан сақланишига ёрдам беради.

ПИГМЕНТЛАР (кимёда) — пластмасса, резина ва қоғозга ранг беришда ҳамда босмахона, бўёқчилик бўёқлари тайёрлашга қўлланиладиган турли рангдаги майин порошоклар. П. эрувчан *бўяғичлардан* сувда эримаслиги ва матодан ўчмаслиги б-н фарқ қилади. П. материалларни коррозиядан сақлайдиган плёнкаларнинг хоссаларини яхшилайди.

Органик П.— кимёвий тузилиши турлича бўлган синтетик бўёқ моддалари. Моно- ва дисазопигмент маҳсулотларининг аҳамияти муҳим. Булар яшил-сариқ рангдан тўқ қизил ранггача бўлади. Фталоцианин П. нинг ранги оч зангори. Фталоцианин П. яхши чидамлилиги б-н бошқа П. дан ажралиб туради. Сариқ рангдан яшил ранггача бўлган ўта чидамли полициклик П. нинг ҳам аҳамияти катта.

Анорганик П.— таркибида кўп миқдорда темир оксидлари, синтетик маҳсулотлар, бир оз миқдорда сульфидлар, селенидлар, оксидлар ва хроматлар бўлган табиий минераллар. Анорганик П. бўғиқ ранги, ранги органик П. га қараганда кам татимли, зичлиги катта, ёруғликка чидамли. Анорганик П. лак-бўёқ саноатида айниқса кўплаб ишлатилади (қ. *Минерал бўёқлар*).

П. сунъий ва синтетик толаларни тайёрлаш жараёнида бўяшда, сунъий чарм, газламаларга босма ранг беришда кўплаб ишлатилади.

ПИГМЕНТЛИ ҲУЖАЙРАЛАР — цитоплазмасида бўёқ модда — *пигментлар* сақловчи ҳужайралар (қ. *Хроматофоралар*).

ПИЕЛИТ (юнон. pyelos — жом) — буйрак жомининг яллиғланиши. Қон, лимфа б-н ёки қовуқдан буйрак жомига стафилококк, ичак таёқчаси ва б. микроблар кириши натижасида рўй беради. Баъзан грипп, ангина, кўпинча цистит, *буйрак тоши касаллиги*, жинсий органлар ва ичак яллигланганда ҳам кузатилади. П. да бел оғрийди, т-ра кўтарилади, сийдикда қон ёки йиринг бўлади, беморнинг ичи кетади, қусади ва ҳ. к. Кўпинча буйракнинг яллиғланиши б-н бирга кечади (қ. *Пиелонефрит*).

Давоси. Беморга кўп суюқлик ичирилади, белга иссиқ қилинади, антибиотиклар, сульфаниламид препаратлар буюрилади.

ПИЕЛОГРАФИЯ (юнон. pyelos — жом ва... *графия*) — *контраст моддалар*дан бирини юбориб, рентгенда буйрак жоми, косачаси ва сийдик йўли тасвирини олиш. Бу метод буйрак ва сийдик йўлларидаги патологик ўзгаришларни аниқлашга имкон беради. Контраст модда венага ва сийдик йўли катетери орқали бевосита буйрак жомига юборилади. Венага юборилганда буйракдан сийдик б-н ажралиб, буйрак жомини тўлдиради, кейин сийдик йўли орқали қовуққа чиқади. Бу усул экскретор урографияда қўлланилади. Пневмопиелографияда эса буйрак жомига кислород юборилади.

ПИЕЛОНЕФРИТ (юнон. pyelos — жом ва nephros — буйрак) — буйрак жоми, косачалари ва буйрак паренхимасининг яллиғланиши. Ичак таёқчаси, стафилококк ва ичакда яшайдиган бошқа микроблар қўзғатади. Бунда, асосан, буйракнинг интерстициал тўқимаси зарарланади. П. буйракнинг энг кўп учрайдиган касалликларидан биридир. Ўткир ва хроник, шунингдек бирламчи ва иккиламчи П. бўлади.

П. б-н қўпроқ хотин-қизлар касалланади. Эркакларда асосан 50—60 ёшдан сўнг учрайди. П. нинг юзага келишида организмнинг умумий аҳволи, буйрак ва сийдик йўлларидаги ўзгаришлар, буйракка инфекция кириши муҳим роль ўйнайди.

Ўткир П. оғир инфекцион касалликка хос белгилар, мас., иситма (40° гача), титроқ, лоҳаслик б-н бошланади. Белнинг ўнг ёки чап буйрак жойлашган соҳасида оғриқ пайдо бўлади, бемор баъзан тез-тез сияди. *Интоксикация* тез авж ола бориши сабабли беморнинг аҳволи оғирлашади. Уз вақтида даво тадбирлари кўрилмаса, йирингли П. (буйрак крабункули, абсцесси, апостематоз нефрит)га айланиб кетиши мумкин.

Хроник П. белгилари касалликнинг дастлабки даврида дарров аён бўла қолмайди. Дард узоқ йиллар яширин, билинмай давом этади, бел соҳаси симиллаб оғрийди, тез-тез бош оғриб туради, баъзан нафас қисади, қон босими ортиб кетади, кўз хиралашгандек бўлади, бемор кўп сияди, кечалари ҳам турадиган бўлиб қолади, ташналик сезади, онда-сонда иситма ҳам чиқади. Хроник П. касаллик тарихи, сийдик анализлари, рентгенологик текширувлар, буйраклар функционал ҳолатининг кўрсаткичлари ва қон босимига қараб аниқланади. Хроник П. ҳам антибактериал дори-дармонлар б-н даволанади, шунингдек сийдик йўлларидан сийдик бемалол ўтишини таъминловчи тадбирлар кўрилади.

П. ҳомиладорларда, кўпроқ биринчи марта ҳомиладор бўлган аёлларда ҳам учрайди. Ҳомиладорлар пиелонефрити кўпинча бирданига титроқ ва иситма чиқиши, лоҳаслик б-н бошланади. Баъзан касаллик секин-аста ривожланади, бемор ланж бўлади, боши ва бели оғрийди, тез-тез сияди, сийдиги тиниқ бўлмайди, баъзан сийганда ачишади. Баъзи ҳолларда П. бола тушишига олиб келади.

ПИЁВА, пиёз шўрва — парҳез таомлардан бири. Тайёрлаш усули: ёғ дорланиб, майда тўғралган пиёз қовурилади, пиёзнинг сели чиққач,

паррак-паррак помидор ва гўшт қўшилиб, яна бир неча минут қовурилади. Сув қуйилгач, 20—25 минут қайнатилади. Қозон оловдан 5—6 минут олиб қўйилади. Косаларга 4—5 бўлак қотган нон солиб, устидан П. қуйилади ва дастурхонга келтирилади. П. тайёрлаш учун 300 *г* гўштга 150 *г* ёғ, 1 *кг* пиёз, 2 дона помидор, зираворлар, туз керак.

ПИЁДА АСКАРЛАР — *қуруқликдаги қўшинлар* тури; умумқўшин жангларида душманга зарба бериш ва унинг терр-яларини эгаллашга мўлжалланган. П. а. ҳар қандай об-ҳаво шароитида, ҳар қандай фасл ва вақтда узоқ муддат оғир жанг қилишга қодир. Қўшин тури сифатида П. а. АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва б. давлатларнинг қуролли кучларида бор. Турли давлатларнинг қуролли кучларида қуруқликдаги қўшинлар П. а. идан ташқари ҳаво десанти пиёда аскарлари ва денгиз пиёда аскарлари ҳам бор. П. а.— энг қадимги қўшин тури. Қулдорлик давлатлари (Миср, Греция, Рим ва б.) да П. а. асосий қўшин тури ҳисобланган, Осурия, Македония ва Қадимги Шарқ давлатларида эса отлиқ қўшинлар муҳим роль ўйнаган. П. а. Ғарбий Европа мамлакатларида 6—7- асрларда пиёда кўнгилли лашкарлардан иборат бўлган. Йирик феодал давлатларнинг ташкил топиши (8—9- асрлар) ва кейинчалик рўй берган феодал тарқоқлиги даврларида ҳарбий хизмат бой-феодалларнинг имтиёзига айланган. Натижада эркин деҳқон ва ҳунармандлардан тузилган олдинги лашкарлар ўрнига ҳукмрон ер эгаларидан ташкил бўлган лашкарлар — рицарлар вужудга келади. Ғарбий Европада *отлиқ аскарлар*нинг пайдо бўлиши туфайли П. а.нинг уруш тақдирини ҳал қилишдаги роли пасайди. Шарқий Европа мамлакатларида эса П. а. отлиқ аскарлар б-н бир қаторда ўз аҳамиятини сақлаб қолди. 12—13- асрларда равнақ топиб, мустаҳкамланган кўпгина шаҳарлар ўзўзини бошқаришга ўтган ва уларда душмандан мудофааланиш мақсадида кўнгилли ҳунармандлардан П. а. ташкил этилган.

16- аср охири 17- аср бошларида Ғарбий Европа давлатларида доимий ёлланма армиялар вужудга келиб, шундан П. а. қўшинларининг $^1/_2$—$^2/_3$ қисмини ташкил этган. Шу вақтларда 8—12 ва ундан кўп роталардан иборат П. а. полклари тузила бошлаган. Кейинчалик 2—4 рота бир батальонга бирлашган.

18- асрнинг бошларига келиб қўшинлар сонининг ортиши натижасида Россия ва Францияда, кейинчалик эса бошқа мамлакатларда дивизия шакллана бошлади; 18- аср охири — 19- аср бошларида эса корпуслар юзага келди.

Биринчи жаҳон уруши (1914—18) нинг бошларига келиб йирик давлатларнинг қуролли кучларида П. а. дивизияси 16—21 минг кишидан иборат бўлган. Унинг составига П. а., артиллерия, отлиқлар ва сапёрлар бўлинмаси ҳам кирган. П. а. корпусида эса 43—48 минг киши бўлиб, унда 2—3 пиёдалар ва 1 отлиқ аскарлар дивизияси ёки бригадаси бўлган. Гражданлар уруши (1918—20) нинг бошларида Қизил Армиянинг асосини П. а. ташкил этган. Кейинчалик эса жангларда П. а. б-н бирга артиллерия ва б. қўшин турлари ҳам қатнашган. Биринчи жаҳон уруши б-н Иккинчи жаҳон уруши ўртасида ҳамма армиялардаги П. а. жанговар техника б-н таъминланган.

Иккинчи жаҳон уруши (1939—45) да авиация, артиллерия ва б. кучларнинг роли ортишига қарамасдан ҳамма армияларда ҳам П. а. кўпчиликни ташкил этди. Совет Қуролли Кучларида Улуғ Ватан уруши (1941—45) нинг бошлари ва унинг давомида П. а. ўқчи қисм ва қўшилмаларнинг асосини ташкил этган. Улардан ташқари П. а. ҳаво десанти, бронетанк, механизациялашган қўшинлар ва ҳарбий-денгиз кучлари составида ҳам бўлган. Урушдан сўнг йирик давлатларнинг қуролли кучларидаги П. а. тўлиқ моторлаштирилган ва механизациялаштирилганлиги, шунингдек жанговар бронемашина ва замонавий қуроллар б-н таъминланганлиги унинг жанговар ҳаракати ва душманга зарба бериш қудратининг ошишига олиб келди. 1957 йилда Совет Қуролли Кучларидаги ўқчи ва механизациялашган дивизиялар бирлашиб, мотоўқчи дивизиялар ташкил топди. 1963 йилдан қуруқликдаги қўшинларда П. а. ўрнига янги қўшин тури — мотоўқчи қўшинлар вужудга келди. АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва б. давлатларнинг қуролли кучларида П. а. мунтазам, моторлаштирилган ва ҳаво десанти каби турларга бўлинади (яна қ. *Армия*).

Ад.: Энгельс Ф., Избр. военные произведения, М., 1958; Разин Е. А., История военного искусства, т. 1—3, М., 1955—61; Строков А. А., История военного искусства, т. 1—3, М., 1955—67; Рюстов Ф. В., История пехоты, Пер. с нем., т. 1—2. СПБ, 1876.

ПИЁДА АСКАРЛАРНИНГ ЖАНГОВАР МАШИНАСИ — турли мақсадлар учун мўлжалланган занжирли ёки ғилдиракли машина (бронетранспортёрнинг такомиллашган тури); мотоўқчи ва танк қўшинларида қўлланилади. 20- асрнинг 60- йилларида пайдо бўлган. П. а. ж. м. жанг қилиш учун қулай бўлиб, шахсий составнинг жадал ҳаракат қилишига имкон беради. П. а. ж. м. тўп (танкка қарши бошқариладиган баъзи реактив снарядлар), пулемёт, шунингдек алоқа ва ниқоблаш воситалари, кундузи ва кечаси кўриш асбоблари б-н жиҳозланган. У юқори тезликда юради ва сузади. Барча турдаги жанговар ҳаракатларда танклар б-н ҳамкорликда ҳаракат қила олади.

ПИЁЗ (Allium) — пиёзгулдошлар (пиёзгуллилар оиласи)га мансуб икки ёки кўп йиллик сабзавот ўсимлиги. 400 дан ортиқ тури бор. Энг муҳимлари бош П., порей П., батун П. ва б. Кўп экиладигани бош П. (Allium sepa L.). СССРнинг жанубий р-ларида, жумладан Ўрта Осиёда асосан бош П., қисман порей П., шимолий ва шимоли-шарқий р-ларида батун П. ва б. етиштирилади. Бош П. нинг ватани — Ўрта Осиёнинг тоғлиқ р-лари ва Афғонистон. Батун П. ва б. Шарқий Сибирнинг жанубидан келиб чиққан. Порей П. нинг ватани — Ўрта денгиз соҳиллари. Бош П. (Ўрта Осиё навлари) таркибида 14—16% қуруқ модда, 7,8—11,1% қанд, 1,3—6,9% *мг* (баргида 19—57 *мг* %) С витамин, шунингдек А, B_1, B_2 витаминлар, лимон ва олма кислоталар, фитонцид ва б. бор.

П., асосан, овқатга ишлатилади. Табобатда ошқозон-ичак, нафас органлари ва юрак-томир системаси касалликларини даволашда фойдаланилади. Бош П. бир ёки бир неча генератив ва вегетатив куртаклар жойлашган қисқа поя (П. туби)дан иборат. Генератив куртаклардан гулпоя, вегетатив куртаклардан эса янги П. ҳосил бўлади. Гули икки жинсли. Илдизи попук илдиз. Уруғи уч қиррали, 1000 донаси 2,5—4 *г*. П. жанубий, ғарбий, шарқий кенжа турларга бўлинади. Ўрта Осиёда ва Қозоғистон жанубида жанубий ва, қисман, ғарбий кенжа турга оид маҳаллий навлар тарқалган. Буларга андижон оқ П. и (йирик, оқ), самарқанд қизил П. и (думалоқ-ясси, қизил), марғилон П. и ёки тухум П. (чўзиқ, тухумсимон, оқ), қоратол П. и (думалоқ, тилла ранг), фароби (йирик, думалоқ-ясси, оқ), каба (йирик, думалоқ, жигар ранг-сариқ), тунгани - 56 (думалоқ-ясси, тўқ бинафша ранг) ва испан-313 (йирик, думалоқ, оч сариқ) П. лари ва б. киради.

Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда П. икки йиллик ўсимлик сифатида экилади. Биринчи йили уруғи сепилиб, бош П. олинади; иккинчи йили бош П. экилиб, уруғ олинади. Ўзбекистон шароитида П. экиладиган ернинг гектарига 20—25 *т* чириган гўнг, 100 *кг* дан аммиакли селитра ва калий тузи, 200—250 *кг* суперфосфат солинади. Ўрта Осиёда П. 3 муддатда: эрта кўкламда (февраль охири — март бошларида); ёзда, кузда (август охири — сентябрь бошларида) ва кеч кузда (ноябрда) экилади. П. уруғи икки ёки уч қаторли лента усулида (ленталар оралиғи 50—70 *см*, ленталардаги қатор оралиғи 15—20 *см*) ва тор қаторлаб (қаторлар оралиғи 22—25 *см*) оғир тупроқларга 1—2 *см*, енгил тупроқларга 2—3 *см* чуқурликда СОН-2,8 маркали сеялкада экилади. Усув даврида озиқлантирилади, суғорилади (ер ости сувлари чуқур жойлашган бўз тупроқли ерларда 10—12, ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда 7—8 марта) ва кимёвий ўтоқ қилинади (гектарига 10—15 *кг* хлор ИФК, 260—350 *кг* кальций цианамид сарфланади). Ҳосили қўлда ва СНЦ-3Р, СНШ-3, ЛКГ-1,4 маркали машиналарда йиғиб олинади. Гектаридан ўртача 110—120 *ц*, айрим хўжаликларда 300—400 *ц* ҳосил олинади. Уруғ олишда бош — нўш П. эгатларга экилади. Уруғлик П. экиладиган ҳар *га* ерга 20—30 *т* чириган гўнг, 100—150 *кг* аммиакли селитра, 300—500 *кг* суперфосфат, 200—300 *кг* калий тузи солинади, қатор оралари чопилиб, ўталади. П. уруғи июнь охири — июль бошларида етилади. Узбекистонда гектаридан ўртача 3—5 *ц*, айрим хўжаликларда 10 *ц* уруғ олинади. П. ни, асосан, *сохта ун-шудринг* ва занг касалликлари ҳамда *кузги тунлам*, тамаки трипси, пиёз пашшаси, пиёз куяси зарарлайди (385- бетдаги рангли вклейкага қ.).

Ад.: Казакова А. А., Лук, Л., 1970; Балашев Н. Н., Сабзаватчилик, Т., 1965.

ПИЁЗГУЛ (Lilium) — пиёзгулдошлар (пиёзгуллилар оиласи)га мансуб ўсимликлар туркуми. Барги наштарсимон, ланцетсимон ёки тухумсимон, гули йирик, кўпинча хушбўй, оқ, қизил, сариқ, диаметри 13—15 *см*. Меваси — кўсак. Шимолий ярим шарнинг ўрмон зонасида 90 га яқин тури бор, айрим турлари Ҳинд ва Филиппин оролларида ҳам учрайди. СССРнинг Европа қисми, Кавказ, Сибирь ва Узоқ Шарқда 14 тури бор. Узбекистонда оқ гулли П. манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. П. пиёзи, уруғи ва илдизидан кўпайтирилади.

ПИЁЗДОШЛАР — қ. *Лоладошлар*.

ПИЁЗДОҒ — 1) таом тайёрлашдаги жараёнлардан бири. Узбек пазандалигида ёғли қуюқсуюқ таомларнинг лаззатли ва хушхўр бўлишини таъминлайди. Қозонда яхши доғланган ёғга тўғралган пиёз ташланиб, пиёз қизаргунча қовурилади. П. да ёғ таркибидаги зарарли модалар ва бадбўй ислар йўқолади; 2) таомларга қўшиладиган ёхуд мустақил истеъмол этиладиган гарнир. П. тайёрлаш учун пиёз паррак-паррак тўғралади, қозон (фритюр)да тўқ жигар ранг тусга киргунча қовурилади. Сўнгра човли б-н сузиб олинади. Бундай П. истеъмол учун тайёр ҳисобланади. Одатда 1 *кг* пиёз учун 1 *кг* ёғ доғланади.

ПИЁЗИ АНЗУР (Allium suvorovii Rgl.) — пиёздошлар (пиёзгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўсимлик. Бўйи 15—45 *см*. Барглари энсиз, қалами, ичи говак. Гули оч сариқ. Тўпгули шарсимон. Июлда гуллаб, август-сентябрда уруғлайди. Тоғларда қоя тошлар орасида ўсади. Тошкент, Бухоро, Фарғона ва Самарқанд обл. ларида кўп тарқалган. Пиёзи консерваланган ҳолда истеъмол қилинади.


ПИЁЗНИНГ БУЙИН ЧИРИШ ҚАСАЛЛИГИ, кул ранг чириш — пиёз бўйни қобиқларининг чириш касаллиги. Botrytis allii Munn замбуруғ қўзғатади. Замбуруғ тушган пиёз бўйни қобиғининг тўқималари қўнғир тусга кириб, кул ранг ғубор б-н қопланади. Ҳамма жойда учрайди. Асосан, омборларда сақланаётган пиёз зарарланади. Пиёзни йиғиштириб олиш ва омборда сақлаш вақтида намлик кўп бўлиши касалликнинг ривожланиши учун қулай шароит яратади. Қасаллик манбаи зарарланган уруғ, уруғлик ва тупроқдир.

Кураш чоралари — уруғлик пиёз гранозан (1 *ц* пиёзга 300 *г*) ёки ТМДТ (1 *л* сувга 30 *г*) б-н 10 минут дориланади. Пиёзи эрта муддатларда экилади, тўла пишиб етилгач, йиғиштирилади ва яхши қуритилади; омбор шамоллатиб, пиёз ағдариб турилади. Омборда ҳавонинг нисбий намлиги 70—75%, ҳарорати 1° га яқин бўлиши керак.

ПИЁЛА — идиш. Асосан чой ичилади. *Сопол* ва *чинни* П. лар кенг тарқалган. Мармар, ёғочни кесиб ва ўйиб, металл (мис, кумуш, баъзан олтин)ни қуйиб, болғалаб ишланган П. лар ҳам бўлган. Дастали, дастасиз, ҳажмига кўра кичик, ўртача ва катта (нимкоса деб ҳам аталади) хиллари бор. Катта хилларидан рўзғорда қаймоқ, мураббо солишда фойдаланилади. Археологик материаллар П. нинг сопол идишлар б-н бир қаторда жуда қадим замонлардан тайёрланганини кўрсатади.

ПИЗА — Италиядаги шаҳар. Тоскана областида. Арно дарёси бўйида, Лигурия денгизи соҳилида. Пиза провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 103,6 минг киши (1971). Транспорт йўлларининг муҳим узели, аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Ливорно порти б-н 20 *км* канал орқали боғланган. Моторсозлик, фармацевтика, ойна, тўқимачилик, кимё корхоналари бор. Т. й. ускуналари, керамика буюмлари ишлаб чиқарилади. Ун-т (1343 йилдан), кутубхона, Миллий музей бор. Ўрта асрлар архитектура ёдгорликлари, жумладан, *Пиза минораси*, («Қулаётган минора»), черковлар сақланган. Туристлар кўп келади. П. машҳур астроном Г. *Галилей*нинг ватани.


ПИЗА МИНОРАСИ — Пиза ш. Собор майдонидаги минора, кампанила ёки қулаётган минора деб ҳам аталади (1174—1372). Баландлиги 54,5 *м*, шакли цилиндрсимон, равоқли галереялари олтита белбоғ б-н ўралган. Қурилиш жараёнидаёқ замини чўкиб, бир томонга оға бошлаган. Шу туфайли галереялари спираль шаклига кирган. Оғишни тўхтатиш мақсадида миноранинг ўқига нисбатан маълум бурчак остида еттинчи ярус қурилган. Бироқ шундан кейин ҳам оғиш давом этган (4,8 *м* оққан). Италия ҳукумати П. м. ни сақлаб қолиш учун эҳтиёт чораларини кўрмоқда.



Пиёзгул.



Чинни пиёла.



Пиза минораси.



Пик В.

ПИК Вильгельм (1876. 3. 1, Губен — 1960. 7. 9, Берлин) — Германия ва халқаро ишчилар ҳаракатининг йирик намояндаси, Германия Коммунистик партияси (ГКП) ва Германия Бирлашган социалистик партияси (ГБСП)нинг асосчиларидан ва раҳбарларидан бири. 1895 йили Германия Социал демократлар партияси (ГСДП)га кирган. 1906—10 йилларда ГСДП нинг Бремен бўлими секретари. 1918 йил ноябрда П. «Спартак союзи»нинг марказий раҳбарлик составига кирган. П. К. Либкнехт б-н бирга, Германияда 1918 йил ноябрь рев-ясини тайёрлашда иштирок этган. ГКП таъсис съездида (1918. 30. 12—1919. 1. 1) ГКП МК аъзоси қилиб сайланган. П. 1921 йилдан прус ландтагига, 1928 йилдан Германия рейхстагига, 1929 йилдан Берлин муниципалитети (шаҳар Кенгаши) ва прусс давлат Кенгашига бир неча марта сайланган. 1928 йилдан П. Коммунистик Интернационал ижроия комитети (КИИК) аъзоси, 1931 йилдан КИИК Президиуми ва Секретариати аъзоси. 1933 йили Э. Тельман қамоққа олингач, П. ГКП МКга раҳбарлик қилган. 1935 йили ГКПнинг Брюссель конференциясида ГКП МК раиси қилиб сайланган. Иккинчи жаҳон уруши йиллари П. СССРда тузилган (1943) «Озод Германия» Миллий комитети ташкилотининг раҳбарларидан бўлган. 1946 йил апрелда ГКП б-н ГСДП бирлаштирувчи съезди бўлиб, ягона марксистик партия ГБСП юзага келди. П. Отто Гротеволь б-н биргаликда ГБСП раиси қилиб сайланади (1946—54). ГДР ташкил топгач (1949 й. 7 окт.) П. унинг президенти қилиб сайланди. 1951 йил П. га Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган. Карл Маркс, «Ватан олдидаги хизматлари учун», «Меҳнат Байроғи» ва б. орденлар б-н мукофотланган.



П. Пикассо. «Она-бола» («Женщины Мира» журнали муқоваси учун ишланган расм. (1922, Бадиий музей, Балтимор).

ПИКАССО (Руис-и-Пикассо) Пабло (1881. 25. 10, Испаниядаги Малага ш.— 1973. 8. 4, Франциядаги Мужен ш.)— француз рассоми. 1944 йилдан Франция КП аъзоси. 1907 йилдан кейин натурадан узоқлашиб, геометрик расмлар ишлади, *кубизм*нинг асосчиларидан бири бўлди. 1918 йилдан *неоклассицизм*, 1925 йилдан *сюрреализм*, 1929 йилдан абстракт санъат таъсирида бўлди. Испан халқининг фашизмга қарши кураши (1936—39) да П. актив қатнашди ва Халқ фронтининг йирик арбобларидан бирига айланди. Фашизмга қарши ғазаби ифодаланган «Гернika» панноси (1937, Нью-Йорк, Замонавий санъат музейи) ижодий изланишларининг чўққиси бўлди. Францияни фашистлар окқупация қилган давр (1940—44) да П. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашди. Урушдан кейинги йилларда у тинчлик ва демократия учун курашчилар сафида бўлди. Бу йилларда П. «Рассом ва модель», «Кордно» каби картиналарини яратди. У ишлаган «Тинчлик кабутари» расми тинчлик учун курашчилар эмблемасига айланди. П. нинг кўп қиррали ижоди (рассомлик, ҳайкалтарошлик, графика, театр декорацияси) 20- аср санъатидаги қарама-қаршиликларни ўзида ифодалади, санъат ривожига кучли таъсир кўрсатди. П. 1950 йилдан Жаҳон Тинчлик кенгашининг аъзоси, Халқаро Тинчлик мукофоти (1950), «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» Халқаро Ленин мукофоти (1962) лауреати.

ПИКИРОВКА (франц. piquet — қозиқ, қозиқча) — иссиқхона, парник ва кўчатзорларда қалин экилган уруғ кўчатларни сийраклаб кўчириб ўтқазиш. Сабзавот, манзарали ва техника экинлари кўчати П. қилинади. Сабзавот экинлари кўчати биринчи чин барг чиқарганда кўчириб ўтқазилади. П. қилиш вақтида кўчатлар ўқ илдизининг учи чилпиб ташланади. Кўчатлар маркёр ёрдамида аввалгидан чуқурроқ экилади. П. нинг қалин-сийраклиги ўсимликларнинг тури ва ёшига қараб белгиланади. Ўзбекистонда сабзавот кўчатлари: эртаги карам 4×4 ёки 5×5, бақлажон 5×5, помидор 7×7 *см* ораликда П. қилинади. П. қилиб бўлингандан кейин кўчатлар суғорилади ва парник устига бордон ёпиб қоронғилатилади. Шунда ҳаво намлиги ортиб, кўчатлар яхши тутиб кетади. Ўзбекистонда бақлажон, эртаги карам кўчатлари, кўпинча, П. қилинмай, яганалаб ўстириладн.

ПИКНОМЕТР (юнон. pyknos — зич ва ...*метр*) — қаттиқ, газ ва суюқ ҳолатдаги моддаларнинг зичлиги аниқланадиган ихчам (бир неча $см^3$) шиша идиш. Суюқликнинг зичлигини аниқлаш учун П. нинг бўш, суюқлик солинган ва сув солинган ҳолатлардаги оғирлиги ўлчанади. Суюқлик ва сув бир хил ҳажмда солинади, уларнинг нисбати зичликни билдиради. Қаттиқ жисмнинг зичлигини аниқлаш учун тортиб кўрилади, кейин жисм сувли П. га солинади, жисм сиқиб чиқарган сувнинг оғирлиги ва жисм оғирлиги нисбатига қараб, жисмнинг зичлиги аниқланади. Газнинг зичлигини аниқлаш учун махсус шаклдаги (U=симон ва б.) П. қўлланилади.

ПИКО... (испанча pico — кичик миқдор) — қўшма сўз бўлаги, ўлчов бирликлари номларининг қўшимчаси. Берилган бирликнинг 10^{-12} га камайишини кўрсатади. Русча *п* (халқаро *p*) б-н белгиланади. Мас., 1 *пф* (пикофарада) = 10^{-12} *ф*.

ПИКО ДЕЛЛА МИРАНДОЛА Жованни (1463. 24. 2. Мирандола, Модена шаҳри яқинида — 1494. 17. 11, Флоренция атрофида) — Уйғониш давридаги итальян мутафаккири. Болонья, Феррара, Падуя ун-тларида ўқиган; уларда аристотелизм ва аверроизмнинг схоластик традицияларини ўзлаштирган. Қадимги яҳудий ва араб тилини ўрганиб, *Қадимий аҳд* ва *Қуръон*ни таҳлил қилган. 1486 йили ўзига маълум барча фалсафий ва диний таълимотлардан фойдаланиб ёзилган «900 тезис»ини этълон қилди. *Папалик* бу тезисларни қоралади ва П. Д. М. ни қамоққа олди. 1488 йилдан Флоренцияда яшади. П. Д. М. барча динлар ва фалсафий мактабларни ягона ҳақиқатнинг хусусий кўринишн деб ҳисоблаб, философларни

келиштиришга интилди. П. Д. М. пантеистик қарашлари жиҳатидан Фичино ва *Николай Кузанский*га яқин туради.

ПИКТОГРАФИЯ (лат. pictus — расм, сурат ва ... *графия*), тасвирий ёзув — ёзув турларидан бири. П. да символик суратлар (пиктограммалар) идеографиядаги сингари алоҳида сўзларни эмас, балки яхлит тушунчаларни ифодалайди. П. нутқ фонетикасини, нутқнинг сўзларга бўлинишини ва синтактик изчиллигини ифодаламайди. Бу ёзувдан Шимолий Америка ва Марказий Америкадаги индеецлар, Африкадаги негр қабилалари, Шимоли-Шарқий Сибирдаги юкагирлар, нанайлар, шунингдек полинезлар, австралияликлар фойдаланишган (яна қ. *Ёзув*).

ПИКУЛИН Михаил Григорьевич (1905, Воронеж обл. Острогожск ш.) — тарихчи олим, шарқшунос, тарих фанлари д-ри (1961), проф. (1962), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), 1924 йилдан КПСС аъзоси. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси. 1950—52 йилларда ҳарбий хизматни давом эттирган ҳолда ЎзССР ФА Шарқшунослик ин-ти хорижий шарқ бўлими мудири, ҳарбий хизматдан запасга чиққач, 1952—71 йилларда шу ин-тда хорижий шарқ янги ва энг янги тарихи бўлимининг мудири ва илмий ишлар бўйича ин-т директорининг ўринбосари. П. Афғонистон тарихи, этнографияси ва экономикаси, шунингдек хорижий Шарқ мамлакатларида сиёсий-иқтисодий аҳвол, мустамлакачилик тузумининг ҳалокати, бу мамлакатлар халқларининг империализм ва неоколониализмга қарши кураши, СССРнинг Шарқ мамлакатлари б-н дўстона алоқалари ҳақида илмий асарлар ёзган.

Ас.: Развитие национальной экономики и культуры Афганистана (1955—1960), Т., 1961; Очерки по аграрному вопросу в Афганистане, Т., 1965; Брагун, Т., 1967; Белуджи, Т., 1959; Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и зарубежного Востока, Т., 1970.

ПИКША, пикшуй (Melanogrammus aeglefinus) — трескасимонлар оиласига мансуб балиқ. Гавда узунлиги 70 *см* гача, вазни 3 *кг* гача. Усти қорамтир, ён ва қорни қисми кумуш ранг, кўкрак сузгич қанотлари тагида қора холлари бор. Асосан, Атлантика океанининг бореал областида, Шимолий (Исландия яқинида) ва Баренц денгизида тарқалган. Тухумдан чиққан балиқчалар дастлаб сув қатламида, кейинчалик сув тубида яшайди. 2—3 (Шимолий денгизда) ҳамда 5—7 ёшда (Баренц денгизида) вояга етади. *Бентос* ва б. балиқлар увилдириғи б-н овқатланади. Овланади.

ПИЛЕСОС [рус. пыль — чанг ва сос(ать) — сўрмоқ], чанг сўргич — чангни ҳаво б-н бирга сўриб, чангни олиб қолувчи машина. Асосан, электр двигатель, вентилятор ва чанг йиғгичдан иборат. Рўзғорда ишлатиладиган П. да қуввати 60—800 *вт* ли бир фазали коллекторли электр двигатель вентиляторни айлантиради. Вентилятор ҳавони сўрганда чанг зарралари ҳавога илашиб, чанг йиғгичга тўпланади. Уй-рўзғорда, жамоат биноларини чангдан тозалашда ишлатилади (яна қ. *Коммунал хўжалик машиналари*).

ПИЛИК — 1) ёритиш ва қиздириш асбоблари (мас., керосин лампа ва керогазлар)нинг суюқ ёнилғини шимиб ёнадиган қисми. Ҳар хил ноёнилғини шимиб ёнадиган қисми. Ҳар хил мерли (мас., 7- пилик, 10- пилик ва б.) П. лар бор; 2) пахта, жун, ипак, зиғир толаларини бўшгина чўзиб, текислаб ва тўғрилаб олинадиган тўқимачилик маҳсулоти. *Ип* олишда асосий хом ашё ҳисобланади. П. *лента* (пилта)га қараганда бирмунча юпқа, текисроқ. Йигириш системаси ва толалар хилига қараб, П. йўғон ёки ингичка бўлади. Мас., ипак П. пахта, жун ва зиғир толалари пилигига қараганда ингичкароқ. П. *пилта машина*да олинади; 3) соч учига қўшиб ўриладиган пахта эшими.

ПИЛЛА — 1) кўпгина ҳашаротлар ғумбагининг ҳимоя қобиғи. Одатда, П. ни *личинка ғумбак*ка айланишдан олдин ажратган ипакдан тўқийди. Мас., пилла ўровчилар, куялар ва б. П. си. Талайгина қўнғизлар (мас., узунтумшуқ қўнғиз)нинг личинкаси П. ни ўзи ажратган шилимшиқдан ясайди. Баъзи ҳашаротлар (мас., халтачали капалаклар) ғумбагининг тараққиёти личинкаси яшаган ғилофда давом этади. Қўпчилик пашшаларнинг сохта П. си личинка ташлаган пўстдан иборат.

Емғир чувалчанги, зулуклар, ўргимчаклар ва айрим моллюскалар тухуми тухум—П. ичида ривожланади;

2) ипак қуртининг ғумбакка айланишидан олдин ҳосил қиладиган қобиғи; табиий *ипак* олинадиган хом ашё. Тут ипак қурти П. сининг саноат аҳамияти катта, шунингдек Хитой дуб ипак қурти, айлант ипак қурти П. ларидан ҳам фойдаланилади. Ипак қуртлари фиброин, серицин (ёпишқоқ модда), пигмент ва б. моддалардан иборат ипак чиқариб, *дасталарга* ўзининг танаси атрофида қаватма-қават (40 қаватгача) П. ўрайди. Ипак толаси узунлиги 1200 *м* гача, йўғонлиги 20—30 *мкм*. Бир дона П. нинг ўртача ҳажми 5—13 $см^3$. Тут ипак қурти 5- ёшининг 6—10- кунлари (2—4 кун давомида) П. ўрайди. Ураш бошлангандан кейинги 3—4- куни тўла ғумбакка айланади, 7—9- куни эса П. дасталардан териб олинади.

Тут ипак қурти П. си тухумсимон, цилиндрсимон ёки урчуқсимон; оқ, оқ-кул ранг, сариқ, пушти ва кўкиш, сув ўтказмайди. Тортиладиган П. капалак очмаслиги учун иссиқ ҳаво ёки буғ б-н ишланиб, ғумбаги ўлдирилади, сақлашда бузилмаслиги учун қуритилади. Хом П. оғирлиги ғумбаги б-н 1,2—3,5 *г*, ғумбаксиз 0,6—0,9 *г*. Эркак қуртлар П. си урғочиларникига нисбатан 20% оғир.

П. сифатига қараб, олий, 1-, 2-, 3- сортларга, брак ва қорапачоққа ажратилади. Брак П. 7—15% ни ташкил этади. Наслчилик ишлари учун П. *ипак қурти уруғи заводи*га юборилади. СССРда П. ни механик аппаратларда иссиқ ҳаво б-н димлаш ва қуритиш кенг тарқалган (қ. *Пилла қуриткич*). Қуритилган П. ²/₃ оғирлигини йўқотади. Қуруқ П. нинг 45—50% и ипак, 50—55% и ғумбак ва қурт пўсти (териси) дан иборат. *Пилла тортишда* сиртидаги чулғамлар (20% ча), ипак толаси (72%) ва П. ичидаги чулғанмайдиган парда (8%) олинади. Ипак толанинг оз ёки кўп чиқиши ипак қурти зотига ва П. сифатига боғлиқ. П. ипагидан турли газламалар тўқилади, авиация, радиотехника, электротехника, медицина, фотография ва б. соҳаларда, ғумбакларидан мўйнали ҳайвонлар ва паррандалар учун озиқ сифатида фойдаланилади.

Ад.: Пиллачилик, [Ўқув қўлланмаси], Т., 1971; Учебная книга шелковода, 2 изд., М., 1973.


ПИЛЛА, флюс — тиш милкининг шишиб, йиринг бойлаши. Баъзан луниж ҳам шишади. Тиш чириши (кариес) асорати ҳисобланади. Бунда йиринг тиш канали орқали тиш атрофидаги тўқималарга ўтади, натижада тиш қаттиқ




Пикулин М. Г.




Пикша.




Пилла. Тут ипак қуртининг пилласи (кўндаланг кесими): *а* — қобиғи, *б* — ғумбаги, *в* — қуртининг ташлаган пўсти.



Пилла тортиш автоматининг схемаси.



Яшикли пилла қуритқич: I — олдидан, II — ёнидан кўриниши.



Пилта машинасининг схемаси.

оғрийди. Антибиотиклар ва сульфаниламид препаратлар буюрилади.

ПИЛЛА ТОРТИШ — тайёрлов пунктларида дастлабки ишлов берилган пилладан якка толани чувитиб, бир неча толани бириктириш. Олдин пиллалар тозаланиб, саралаб хилларга ажратилади, кейин махсус *резервуарда* бугланиб, қобиғи шилинади. Ҳар бир пилладаги якка тола учи топилиб тортилади, бир неча якка толалар қўшилиб, калава қилиб ўралади. Бу маҳсулот **хом ипак** дейилади. Уни йигириб ва пишитиб, шойи газлама тўқиш учун тайёр ипак олинади. Ҳозир П. т. *пилла тортиш автомати* ёрдамида бажарилмоқда.

ПИЛЛА ТОРТИШ АВТОМАТИ — *пилла*даги якка тола учини тортиб, маълум йўғонлик (1000, 818, 643, 529, 429, 310 ва 215 номерли) ва пишиқликдаги техника ипаги ёки хом ипак олиш машинаси. Узбекистон ипакчилик саноати илмий текшириш ин-ти коллективи яратган П. т. а. (СКЭ-4-ВУ, СК-5) ипакчилик саноатида кенг ишлатилади. Расмда П. т. а. схемаси кўрсатилган. Ҳар бир автоматда 12 та (СКЭ-4-ВУ) ёки 6 та (СК-5) станок-таз, ҳар қайси станок-тазда 10 тадан тутқич ва ипак калавасини ўрайдиган чарх бор. Ҳар бир тутқич қаршисига ўрнатилган таз *1* ичида учи топилган пиллалар (60—70 та) бўлади; таъминловчи вилка *2* ёрдамида тарангловчи валик *3* орқали учи боғланган пиллалар ўраш тазига доналаб ташланади ва тутқич асосидаги диск *4* га илаштирилади. Ўраш тази 5 ўнта тутқични таъминлайди. Хом ипак текисланиб калавага ўралади. Толалар узилган ёки ингичкалашганда юк *6* таъсирида ричаг *7* пастга тушади, натижада электр назорат аппарати контактни беркитади ва машина тўхтайди.

П. т. а. нинг пилла тортиш тезлиги 80—150 *м/мин;* ҳар бир таз бир соатда 140—180 *г* ипак ишлаб чиқаради.

ПИЛЛА ҚУРИТҚИЧ — *пилла*ни димлаш ва қуритиш асбоб-ускунаси, пилла қабул қилинадиган ва дастлабки ишланадиган пункт. Пунктда пилла қабул қилинадиган айвон, пиллани димлаш, механик қуритиш аппаратлари ва соядa қуритиш сўкчаклари бўлади. Пилладан капалак чиқиб кетишининг олдини олиш учун П. қ. да пилла димланиб, ғумбаклар ўлдирилади. Пилла икки усулда димланади ва қуритилади: морилка (буғхона)да буғ б-н димланиб, соя жойда (очиқ ҳавода) қуритилади ҳамда механик П. қ. аппаратларида димланади ва қуритилади.

Пиллани буғ б-н димлаш асбоб-ускунаси пишиқ ғиштдан қурилган тўғри бурчакли хона (камера)дан иборат: зич ёпиладиган иккита эшиги, ерга ўрнатилган буғ қозони ва ерни ўйиб ғиштдан ишланган печкаси бор. Пиллакашлик фабрикаларида буғ бундай камераларга буғ қозонидан келади. Камерага баланд этажеркага ўхшаш вагончада яшикларга солинган пилла темир йўлдан киради, камера эшиклари зич ёпилиб, буғ б-н тўлдирилади, ҳарорат 75—80°С га етганда 15—20 минутдан кейин вагонча тортиб олинади. Вагончада 6—8 *кг* пилла кетадиган 24—48 яшик бўлади. Суткасига 4—5 *т* пилла димланади. Пилла совигач, сояда қуритиш учун айвонга олиб борилади. Айвонда 4—6 қатор 7—10 қаватли этажеркалар бўлиб, уларга пилла 8—10 *см* қалинликда ёйилади ва вақт-вақти б-н ағдариб турилади, 2—3 ой мобайнида қуритилади. 100 *кг* ҳўл пилладан 36—38 *кг* қуруқ пилла чиқади. Механик П. қ. анча такомиллашган, бунда пилла бир вақтнинг ўзида қайноқ буғ б-н ҳам димланади, ҳам қуритилади. Яшикли П. қ. (расмга қ.) кенг тарқалган, у *калорифер,* вентилятор ва пилла қуритиладиган камералардан иборат. Калориферда 80—85° қизиган ҳаво пастдан юқорига кўтарилади. Пилла, аввал, юқориги — ҳаво ҳарорати 40—50° бўлган камерага 40 *см* қалинликда ёйилади, маълум вақтдан кейин ундан пастки ва, ниҳоят, энг пастки камерага туширилиб, қуритиб олинади. Камерага 80 *кг* пилла кетади. Пиллани димлаш ва қуритиш учун 14—16 соат вақт кетади.

ПИЛЛАКАШЛИҚ — ҳунармандчиликнинг қадимги турларидан, *пилла*ни *ипак*ка айлантириш касби. Самарқанд, Бухоро, Хива, Марғилон, Андижон, Қўқон каби шаҳарларда П. қадимдан ривож топган (ҳозирги П. ҳақида қ. *Ипакчилик саноати*).

ПИЛЛАЧИЛИҚ — қ. *Ипакчилик.*

ПИЛЛАЧИЛИҚ БРИГАДАСИ — к-з ва с-з-ларда, асосан, зироатчилик бригадалари қошида ташкил этиладиган пилла етиштирувчи бригада. П. б. хўжаликнинг йиллик ишлаб чиқариш плани асосида бир йил мобайнида қилинадиган ишларни белгилаб чиқади. Бригада қуртхоналар ва тегишли асбоб-ускуналар б-н таъминланади, унга маълум миқдорда тут дарахтлари ажратиб берилади. Бригадада пилласчилик звенолари ташкил этилади. Бригада ва звено бошлиқлари қуртхоналарни ремонт ва дезинфекция қилиш, асбоб-ускуналар б-н жиҳозлаш, қуртларни парвариш қилиш, барг ва дасталар тайёрлаш, пилла териш, тозалаш ҳамда тайёрлов пунктларига топшириш, қурт боқиш даври тугагач, асбоб-ускуналарни келгуси мавсумга сақлаш ишларига раҳбарлик қилади.


ПИЛЛАУРОВЧИЛАР (Lasiocampidae) — капалаклар туркумининг бир оиласи. Мингтача тури маълум. Шундан СССРдаги ўрмонларда 50 га яқин тури тарқалган. Ургочиси эркагидан йирик. Қаноти ёйилганда 8 *см* ча. Капалагининг оғиз аппарати ривожланмаган. Тухумини тўп-тўп қилиб қўяди. Қурти (личинкаси) сертук; асосан, дарахт барглари б-н озиқланиб, шу ҳолда қишлайди. Пилла ичида ғумбакка айланади. П. нинг кўпи ўрмончилик ва боғдорчиликка зарар келтиради.

ПИЛОКАРПИН (Pilocarpinum) — *холиномиметик модда.* Бразилияда ўсадиган пилокарпус ўсимлиги баргидан олинадиган алкалоиднинг водород хлоридли тузи. Ҳидсиз, оқ кристалл порошок. Сувда ва спиртда яхши эрийди. Глаукома, кўз тўр пардаси марказий артерияси тромбози, шу артериядан қон ўтмай қолиши каби касалликларини даволашда қўлланилади. Порошок, томчи ва мазь ҳолида чиқарилади.

ПИЛОКАРПУС (Pilocarpus) — рутадошлар (рутагуллилар оиласи)га мансуб доим яшил бута. Бўйи 4 *м* ча. Барги тоқ патсимон, мураккаб, кетма-кет ўрнашган. Гуллари майда, қизғиш-қўнғир, тўпгули шингилсимон. Меваси 2—3 (баъзан 4—5) уруғли кўсак. Бразилиянинг маркази ва жанубий-шарқида, Аргентинанинг шимолий районларида учрайди. СССРда Абхазия ва Ажарияда ўстирилади. Таркибида алкалоидлар (пилокарпин) бор.

ПИЛОЛ — Самарқанд обл. Оқдарё р-ни Примкент қ. С. даги қишлоқ. Карл Маркс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км,* яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 51 *км.* Аҳолиси 820 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Оқдарёдан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ПИЛОН (юнон. pylon — дарвоза, кириш) — 1) қадимги Миср ибодатхоналари кираверишига (йўлакнинг икки четига) қурилган кесик пирамида шаклидаги минорасимон иншоот. Бундай П. лар ҳар хил панно, барельеф ва нақшлар б-н безатилган. Уларда фиръавнларнинг юришлари,



Гора ибодатхонаси (Қадимги Миср,Эдфу ш.) нинг пилони.

жанг ва жасоратлари акс эттирилган; 2) сарой ва паркларда — кириш йўлагининг икки четига ўрнатилган устунлар; 3) гумбаз, равоқ, даҳлиз, пешайвон, кўприк (шунингдек метрополитен станциялари) ва ҳ. к. да тиргак вазифасини бажарадиган устунлар.

ПИЛОРОСПАЗМ (юнон. pyloros — меъданинг чиқиш қисми ва *спазм*) — меъда чиқиш қисми (пилорус)нинг қисилиши (спазми). Меъда-ичак йўли функциясининг бузилиши натижасида пайдо бўлади. *Невроз*ларда, меъда ярасида кузатилади. Кўпроқ эмадиган болаларда учрайди. Бунда пилорус мушакларининг қисқариши туфайли бола эмган заҳоти қусади ёки ҳиқичоқ тутади, қабзият кузатилади. Бола кам сияди, вазни аста-секин камая бошлайди, безовталанади, кўп йиғлайди.

Давоси: бола ўз вақтида тўғри овқатлантирилади, витаминли аралашмалар берилади. Баъзан операция қилинади.

ПИЛТА (араб. فتيلة — пилик) — 1) дўппининг устки ва қизил қавилмаларига, яктак, тўнининг ёқасига, махсус сим-пилтакачлар ёрдамида тиқиладиган пиликсимон қоғоз ёки пахта. Дўппининг тепасига калта — тепа пилтакач, кизагига узун — кизак пилтакач ёрдамида тиқилади, дўппига маълум шакл беради, чопон ва яктакнинг ёқасини қаттиқ қилади; 2) *пилик;* 3) хом пишитилган ип; 4) зарядларни ўт олдириш учун ишлатиладиган шнур; *пилта милтиқ*да ишлатилган.

ПИЛТА МАШИНА — бир неча *лента* (пилта)дан унга қараганда анча юпқа ва текис маҳсулот — *пилик* олинадиган машина; йигириш жараёнининг асосий машинаси. Расмда П. м. нинг схемаси кўрсатилган. Лента *1* ёки олдинги П. м.дан чиққан пилик ғалтак *2* дан бўшалиб, чўзиш асбоби *3* га келади. Одатда, чўзиш асбоби 3—4 та валиклар жуфтидан иборат бўлади. Ҳар қайси жуфт олдингисидан тезроқ айланиши учун улар орасидан ўтаётган лента (ёки пилик) чўзилиб ингичкалашади ва текисланади. Кейин пурчук рогулькаси (дуги) *4* да пишитилиб, пилик тарзида ғалтак *5* га ўралади. Қўшиладиган лента (ёки пилик)лар сони қанча кўп бўлса, олинадиган маҳсулот (пилик) шунча текис ва сифатли чиқади. Узун толалар — жун, ипак, ғир толаларини йигиришда чўзиш валикларидан ташқари тароқлар ҳам бўлади. Одатда, маҳсулот (лента, пилик) П. м. дан бир неча марта ўтказилади.


ПИЛТА МИЛТИҚ — порох заряди пилта (пилик) б-н аланга олдириладиган силлиқ стволли милтиқ. Дастлаб арабларда пайдо бўлган (12-аср). П. м. ёғоч қўндоққа маҳкамланган металл қувурдан иборат бўлиб, думалоқ ўқ б-н ўқланган. Нишонга олиш ва отиш қулай бўлиши учун айри тиргагичлардан фойдаланилган. Отиш усули: П. м. стволидаги махсус тешикчага пилта тиқиб ёндирилади, пилта ёниб, тешикчадан ствол ичига аланга беради ва ўқ отилади. 15-аср ўрталарида пилтали затвор ихтиро этилгач, П. м. ни отиш бирмунча осонлашди. П. м. тепкили милтиқ яратилгунча кенг қўлланилган. П. м. дан Ўрта Осиёда 19-асрнинг иккинчи ярмигача жанг ва ов қуроли сифатида фойдаланилган.

ПИЛТАДУЗИ (*пилта* ва форс-тож. دوز — тикиш) — қавилмаларига пилта тиқиб тайёрланадиган дўппи тури; шу дўппини тайёрлаш усули. П. дўппига, одатда, узун, ингичка металл таёқча — **пилтакач** ёрдамида пилта тиқилади, бу — қавилмаларнинг бўртиб, алоҳида, чиройли бир шаклга киришини таъминлайди. П. дўппилар Сурхондарё, Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро областларида кенг тарқалган.

ПИЛЯСТРА, пилястр (лат. pila — устун) — архитектура элементи. Бино девори сатҳидан тўғри бурчакли устуннинг бир томони шаклида бўртиб чиқиб туради. Устунда, мавжуд бўлган қисм ва пропорциялар (капитель, база) П. да ҳам мавжуд. П. текис деворни бўлакларга ажратиш б-н унга алоҳида салобат ва чирой бағишлайди. Кўп қаватли биноларда П. ҳамма қаватларни ўзаро бирлаштириб, бир бутун яхлитликни юзага келтиради. Ҳозир бир қаватли бино ва турар жойлар ҳам П. сиз қурилмайди, фақат улардаги П. нинг капитель ва базалари жуда содда бўлади. Баъзиларида капитель бўлмаслиги ҳам мумкин. Маҳаллий меъморликда П. нинг ярим минорасимон, кунгурасимон хиллари ҳам кенг тарқалган.

ПИ-МЕЗОНЛАР, π-мезонлар, пионлар — кучли ўзаро таъсир процессларида муҳим ҳисобланадиган учта (электр зарядланган π^+, π^- ва электр нейтрал π^0) беқарор элементар зарралар. Электр зарядли пион (π^+ ва π^- нинг массаси $m_{\pi^+} = m_{\pi^-} \approx 273\, m_e$, нейтрал пион ($\pi^0$) нинг эса $m_{\pi^0} \approx 264\, m_e$ га тенг, бунда m_e — электрон массаси [$m_e = (9{,}1086 \pm 0{,}0003)\cdot 10^{-28}$ г]. Зарядланган пионларнинг абсолют электр заряди миқдори электрон зарядига тенг. Пионлар — псевдоскаляр зарра (қ. *Элементар зарралар*), яъни ҳар бир пионнинг спини ноль, ички жуфтлиги манфий бўлади. Пи-м. нинг *изотопик спини* $J = 1$. Шу изотопик спиннинг учта проекцияси (+1, 0, — 1) элементар зарралар физикасида пионнинг учта заряд ҳолатига (π^+, π^0, π^-) мос қўйилади. π^+ ва π^- мезонлар бир-бирига нисбатан зарра ва антизарра, π^0 мезон эса айнан ўзининг антизарраси (яъни π^0 мезон ҳақиқий нейтрал зарра) ҳисобланади.

Кучли ўзаро таъсир қиладиган барча зарралар орасида Пи-м. энг енгил зарралар ҳисобланади. $\pi^\pm$ мезонларнинг яшаш вақти $\tau_{\pi^+} = \tau_{\pi^-} = (2{,}6024 \pm 0{,}003)\cdot 10^{-8}$ *сек*, яъни шу вақт да-



Пилла ўровчилар. Ҳалқали пиллаўровчи: *1* — эркаги; *2* — ургочиси; *3* — новдадаги тухуми; *4* — личинкаси; *5* — ғумбаги.



Пилон. Москва метрополитени, «Ботаника» бекати станцияси, 1952.



Пилястра. ЎзКП МК нашриёти биноси, фрагмент (Тошкент).




Пи-мезонлар. 1- расм. $\pi^+ \to \mu^+ + \nu_\mu$ реакцияси.

вомида $\pi^\pm \to \mu^\pm + \nu$ га парчаланади. Бунда бошқа реакциялар бўйича парчаланишга нисбатан эҳтимоллик 99,97%. Шунингдек, $\pi^\pm \to e^\pm + \nu$ ($\sim 1{,}21 \cdot 10^{-2}$%), $\pi^\pm \to \mu^\pm + \nu + \gamma$ ($\sim 1{,}3 \cdot 10^{-2}$%), $\pi^\pm \to \mu^\pm + \nu + e^+ + e^-$ ($\sim 10^{-3}$ %), $\pi^\pm \to \pi^0 + e^\pm + \nu$ ($\sim 1{,}7 \cdot 10^{-6}$ %), $\pi^\pm \to \gamma + e^\pm + \nu$ ($< 1{,}5 \cdot 10^{-5}$ %) реакциялар бўйича парчаланиш ҳам мавжуд (бунда μ — мюон, ν — мюон *нейтрино*) γ — гамма-квант, e^-, e^+ — электрон, позитрон, π^0 — мезоннинг яшаш вақти $\tau_{\pi^0} = (0{,}84 \pm 0{,}10) \cdot 10^{-16}$ *сек*; $\pi^0 \to \gamma + \gamma$ (98,7%), $\pi^0 \to \gamma + e^+ + e^-$ ($\sim 1{,}2$%), $\pi^0 \to e^+ + e^- + e^+ + e^-$ ($3{,}1 \cdot 10^{-3}$%). реакциялар бўйича парчаланади.

1935 йилда япон физиги Х. Юкава пионлар ядро кучларини «кўчирувчи»лар деган гипотезани айтди. 1947 йилда инглиз физиклари С. Ф. Пауэлл, Ж. Оккиалини ва б. ердан анча баландликда космик нурлар б-н нурланган ядро фотоэмульсияларда зарранинг $\pi^+ \to \mu^+ + \nu_\mu$ парчаланиш изини топдилар (1- расмга қ.).

1948 йилда 380 *Мэв* энергияли фазотроида (Беркли шаҳрида) тезлатилган α- зарраларнинг атом ядролари б-н ўзаро тўқнашишидан пионлар ҳосил бўлиши кузатилди. Кейинчалик синхрофазотрон, синхротрон, бетатрон ва б. тезлаткичларда пионлар оқими ҳосил қилиниб, уларнинг хоссалари ўрганилди. 1950 йилда эса юқори энергияли ($E_T \sim 330$ *Мэв*, $E_p \sim 340$ *Мэв*) фотон ва протонларнинг атом ядролари б-н ўзаро тўқнашиши туфайли пайдо бўлган нейтрал пионлар қайд қилинди.



2- расм. Π^- мезоннинг протон (р) да эластик сочилиши.

Кучли ўзаро таъсир хоссаси Пи-м. хоссалари ичида энг асосийси бўлиб, максимал симметрия, таъсир кучининг кичик радиусли ($< 10^{-13}$ *см*) лиги, ўзаро таъсир энинг катта доимий (g) лиги б-н характерланади. Пионларнинг нуклонлардан сочилиши, адронлар (кучли таъсир қилувчи зарралар) тўқнашувидан пионларнинг ҳосил бўлиши, пионларнинг атом ядролари б-н ўзаро таъсири, нуклонлар ва антинуклон аннигиляциясидан π-мезонларнинг ҳосил бўлиши, пионлардан «ажиб» зарралар (*К*- мезон ва гиперон)нинг пайдо бўлиши кучли ўзаро таъсир процессига киради. Пионларнинг нуклонлардан сочилиши, асосан, эластик сочилиш (мас., $\pi^+ + p \to p + \pi^+$), зарядини ўзгартириб сочилиш (мас., $\pi^- + p \to n + \pi^0$), ноэластик сочилиш (мас., $\pi^- + p \to p + \pi^- + \pi^0$) ҳисобланади (бунда p — протон, n — нейтрон). 2- расмда пуфакли водород камерасида қайд қилинган пионнинг нуклондан эластик сочилиш ($\pi^- + p \to p + \pi^-$) реакцияси кўрсатилган.

Пионларнинг нуклондан сочилиш реакцияларида ўтказилган тадқиқотлар Пи-м. нинг Пи-м. б-н ўзаро таъсири муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатди. Бундай таъсирга оид натижалар биринчи марта $\pi^+ + p \to p + \pi^- + \pi^0$, $p + p \to \pi + \pi + \pi + \ldots$, $\pi + d \to p + p + \pi^+ + \pi^- + \pi^0$ (бунда d —дейтрон) реакцияларидан олинган. Бундай реакциялар Пи-м. нинг ўзаро таъсири резонанс характердалигини кўрсатди. Натижада кўпгина резонанс зарралар, мас., ρ, η, ω лар кашф қилинди.



Пингвин.

Паст энергия ($10^9 - 10^9$ *эв*) соҳасида нонларнинг бошқа мезон ва барионлар б-н ўзаро тўқнашувидан квази боғланган система — мезон ва барионлар (резонанс зарралар)нинг ғалаёнланган ҳолати кузатилади. Бу зарраларнинг яшаш вақти $10^{-22} - 10^{-23}$ *сек*. Элементар зарралар физикасида Пи-м. нинг электромагнит ўзаро таъсири айниқса муҳимдир. Бундай процесслар электронларнинг протонлардан сочилишида, γ-квантларнинг протонлар б-н ўзаро таъсирида (мас протондаги комптон-эффект), электромагнит тўлқинининг муҳит б-н ўзаро таъсирида Пи-м. ларнинг ҳосил бўлиши, уларнинг нуклонлар б-н ўзаро «кулон» таъсири, π^0 мезоннинг 2 фотонга парчаланиши кабиларда содир бўлади.

Кучсиз ўзаро таъсирлар Пи-м. физикасида алоҳида аҳамиятга эга, чунки ўзаро кучсиз таъсир уларнинг беқарорлигини оширади. Бундай процесслар натижасида пионларнинг электромагнит структураси ва б. физик хусусиятлари ўрганилади. Ҳозирги вақтда Пи-м. нинг табиати ва ўзаро таъсири хусусидаги мураккаб масалаларда тўла аниқлик йўқ. π^+, π^-, π^0 мезонлардан бошқа яна изоскаляр π^0 мезон мавжудлиги гипотезаси (гипернейтрал симметрия) исботланмаган. Шунинг учун Пи-м. нинг хоссаларини ўрганиш физикнинг энг актуал масалаларидан бири ҳисобланади.

Ад.: Локк У., Ядерная физика частиц высоких энергий, Пер. с англ., М., 1962; Маршак Р., Судершан Э., Введение в физику элементарных частиц, Пер. с англ., М., 1962; Марков М. А., Гипероны и К-мезоны, М., 1958; Азимов С. А., Юлдашбаев Т. С., Неупругие соударения частиц большой энергии с нуклонами и ядрами, Т., 1974; Некоторые вопросы физики высоких энергий и космических лучей, Т., 1967.

ПИНАКОТЕКА (юнон. pinax — картина ва thikе — бирор нарса сақланадиган жой, омбор)— 1) Қадимги Юнонистонда рассомлик санъати асарлари сақланадиган жой (мас., Афина Акрополидаги П.); 2) Европанинг айрим мамлакатларида картиналар галереяси (мас., Мюнхендаги эски ва янги П. лар, Милан, Рим, Болонья П. лари ва б.).

ПИНАНГ, Пенанг (аввалги номи Жорж-таун)— Малайзиядаги шаҳар ва порт. Пинанг ороли (Ғарбий Малайзия)да. Пинанг штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 270 минг киши (1970). Қалай эритиш, электрон саноати корхоналари бор. Каучук қайта ишланади, кокос мойи ишлаб чиқарилади. Мамлакат ташқи савдо юкларининг талай қисми П. порти орқали ўтади (1973 йилда юк обороти 3,3 млн. *т*).

ПИНГВИНЛАР (Sphenisci ёки Sphenisciformes)— сузувчи қушларнинг бир туркуми. 17 турни бирлаштирувчи 6 уруғи мавжуд. Гавдаси 40—120 *см*, вазни 3—42 *кг*. Қорни, кўкраги оқ, орқаси тўқ кўк ёки қора. Тери остида қалин ёғ қавати бўлиб. П. ни совуқдан сақлайди. Кўкрак мускуллари яхши ривожланган. Қаноти тангачасимон патлар б-н қопланган куракоёққа айланган; сузганда, шўнғиганда шу куракоёқдан эшкак сифатида фойдаланади. Муз ва қор устида секин қадамлаб юради. Пати майин. Антарктида ва Жанубий ярим шарининг ўрта минтақаларида тарқалган. Балиқ, бошоёқли моллюскалар, қисқичбақасимонлар б-н овқатланади. Уясини колония бўлиб уради. 1—2 тухум қўйиб, нари ва модаси навбатлашиб босади (адели тури 35 кун), шох П. нари тухумини (битта) панжасида ушлаб, қорнидаги тери бурма б-н ўраб, ситади (бу 65 кун давом этади). Гўшти қаттиқ, мазасиз. Териси ишлатилади.

ПИНДИКЧАЛАР (Cympoidea)— паразит *пардақанотлилар*нинг кенжа оиласи. 1900 га яқин тури маълум. Гавда узунлиги 1—12,5 *мм*. Асосан, ўсимлик маҳсулотлари б-н озиқланади. Илдиз пиндикчаси, атиргул пиндикчаси, эман пиндикчаси ва б. баъзи турлари ўсимлик тўқимасига тухум қўяди.

Бужғунда личинкалари ривожланиб, ўсимликка зарар етказади.

ПИНОЧЕТ УГАРТЕ Аугусто (1915. 25. 11, Вальпарансо)— Чилининг ҳарбий ва давлат арбоби. 1951 йили Генштаб академиясини тугатган. 1956—58 йилларда Чилининг АҚШдаги ҳарбий миссияси таркибида. 1973 йилдан Чилининг қуруқликдаги қўшинлари бош қўмондони. 1973 йил сентябрида Халқ бирлиги ҳукуматининг ағдаришга олиб келган фашистик ҳарбий реакцион тўнтаришга бошчилик қилди. 1974 йил декабридан Чилининг президенти.

ПИНСК — БССР Брест областидаги шаҳар. Пина дарёси Припятга қуйиладиган жойда. Т. й. станцияси. Дарё порти. Аҳолиси 77,1 минг киши (1974). П. биринчи марта 1097 йил солномаларида тилга олинади. П. да енгил (трикотаж к-ти, сунъий чарм з-ди, энгил тола з-ди), ёғочсозлик, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Кема ремонти, металл қуйиш-механика, экскаватор ремонти, темир-бетон буюмлар з-длари ишлаб турибди. П. да Бутуниттифоқ мелиоратив системаларни лойиҳалаш ин-ти, Белоруссия Мелиорация ва сув хўжалиги илмий тадқиқот ин-тининг Полесье комплекс бўлими, 6 ўрта махсус ўқув юрти, ўлкашунослик музейи, халқ драма театри бор.

ПИНХАСОВ Борис Ильич (1928. 31. 5, Қўқон)— юридик фанлари доктори (1970), проф. (1971). 1956 йилдан КПСС аъзоси. Тошкент Юридик ин-тини тугатган (1949). УзССР Юстиция министрлиги Тошкент илмий текшириш криминалистика лабораториясида кичик илмий ходим, катта илмий ходим ва лаборатория мудири (1949—58). Х. С. Сулаймонова номидаги Тошкент Суд экспертизаси илмий текшириш ин-ти директорининг ўринбосари (1958—72). 1972 йилдан шу ин-тнинг директори. «Сохта ҳужжатларга қарши курашиш проблемалари» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. П. криминалистикага оид илмий асарлар ёзган.

Ас.: Криминалистическая экспертиза почерка, Т., 1964; Вопросы судебной автотехнической экспертизы, Т., 1966; Защита документов по советскому праву, Т., 1976.

ПИНЦЕТ (франц. pincette — қисқич, pincer — қисиб ушлаш)— хирургик операция вақтида тўқималарни ёки лабораторияда ишларида турли майда асбобларни қисиб ушлаш учун ишлатиладиган қисқич. Анатомик, хирургик ва б. П. лар бор.

ПИНЧ-ЭФФЕКТ (ингл. pinch — торайиш, қисилиш)— сиқилувчан ўтказувчи муҳитда хусусий магнит моменти таъсирида электр токи каналининг кесими торайиши. Бу ҳодисани 1934 йилда америка олими У. Беннет газ-разрядли *плазма*даги зарядланган тез зарралар оқими учун татбиқ қилган. «П.-э.» терминини фанга инглиз физиги Л. Тонкс киритган (1937).

Ток ўтказувчи муҳит тўлдирилган цилиндр шаклидаги разряд камерасининг ўқи бўйлаб ток (I) ўтаётган бўлсин. Ток вужудга келтираётган магнит майдонининг куч чизиқлари концентрик айланалар кўринишини олади (айланалар текислиги цилиндр ўқига перпендикуляр бўлади). Зичлиги токнинг зичлигига тенг бўлган ўтказувчи муҳитга таъсир қиладиган электродинамик куч муҳитни сиқишга интилади. Бу жудга келган ҳолатни П.-э. дейилади. П.-э. ни алоҳида параллел токларнинг магнит тортишиши натижаси деб ҳам қараш мумкин. Ўтказувчи муҳитнинг газ-кинетик босими магнит сиқишга тўсқинлик қилади. Лекин ток етарли даражада катта бўлганда магнит босими газкинетик босимдан катта бўлади ва ток каналини сиқади, натижада П.-э. вужудга келади.

П.-э. вужудга келиши учун муҳитдаги қарама-қарши ишорали зарядларнинг концентрацияси тахм. тенг бўлиши керак. Фазовий зарядлар электр майдони бир хил ишорали зарядлар оқимида токнинг сиқилишига қаршилик кўрсатади. Газ орқали етарли даражада катта ток ўтганда газ икки хил ишорали зарядланган зарралардан иборат ионлашган плазма ҳолатига ўтади. Бу ҳолда П.-э. плазма шнури (ток канали)ни разряд ҳосил бўлган камера деворидан қисиб чиқаради. Шундай қилиб, плазманинг магнит термоизоляцияси учун шароит яратилади. Уз-ўзидан қисиладиган кучли разрядлар (пинчлар)нинг бу хоссасидан бошқариладиган термоядро синтези (УТС)да юқори т-рали плазмани сақлаб туриш учун кенг фойдаланилади. Плазма газ-кинетик босими $nk(T_e + T_i)$ нинг ток I майдонининг магнит босимига тенг бўлиши шарти Беннет муносабати б-н ифодаланади:

$$(2I/cr)^2/8\pi = nk(T_e + T_i),$$

бунда n — ҳажм бирлигидаги зарралар сони; r — пинч радиуси; T_e ва T_i — электрон ва ионлар; k — Больцман доимийси. Беннет формуласига кўра термоядро синтези энергия манбаи бўла оладиган минимал т-ра ($T \approx 10^{8}$°К) ҳосил қилиш учун катта, лекин амалга ошириш мумкин бўлган ток — тахм. $10^6 a$ талаб қилинади. 50- йиллардан бошлаб, СССР, АҚШ, Буюк Британияда дейтерийдаги пинч устида УТС программаси бўйича тадқиқотлар бошланди.

Сийракланган дейтерийдаги кучли импульсли пинчлар учун характерли хусусият шундан иборатки, улар баъзи шароитда каттиқ нурлар (нейтрон ва рентген нурлари) манбаи бўлиб қолади. Бу ҳодиса биринчи марта (1952) СССР да кашф қилинди.

П.-э. фақат газ-разрядида эмас, балки қаттиқ жисмлар плазмасида, айниқса, яримўтказгичларнинг кучли ғалаёнланган электрон-ковак плазмасида ҳам вужудга келади.

Ад.: Арцимович Л. А., Элементарная физика плазмы, 3 изд., М., 1969; Стил М., Вюраль Б., Взаимодействие волн в плазме твёрдого тела, Пер. с англ., М., 1973.


ПИОДЕРМИЯ (юнон. руоп — йиринг ва *дерма*)— терининг йирингли касалликлари. Терининг жароҳатланган ерига йиринг пайдо қилувчи микроблар (стрептококк, стафилококк) тушиши, организмнинг умумий дармонсизланиши, нерв системаси фаолиятининг бузилиши ва б. сабаб бўлади. Ҳамма ёшдаги кишиларда учрайди. Юзаки ва чуқур бўлади. Юзаки П. га *фолликулит, сикоз, сачратқи* (импетиго, ҳуснбузар, чуқур хилига эктима, чипқон, *карбункул, гидраденит* киради. Чуқур П. да бемор ҳолсизланади, иситмалайди.

ПИОН — қ. *Саллагул*.

ПИОНЕР (франц. pionnier — бошлаб берувчи)—1) фан, техника, санъатда, умуман тадқиқ қилинмаган муайян соҳада йўл очиб, бошлаб берган киши; 2) В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ *пионерлар ташкилоти* ва чет мамлакатлардаги айрим *болалар демократик ташкилотлари* аъзоси. 1922 йил Москвада пайдо бўлган болалар коммунистик группаси аъзолари дастлаб П. деб айтилган. 20-, 30- йилларда ўзбеклар ва б. туркий халқларда П. сўзи ўрнида *кашшоф* термини ишлатилган. Биринчи фахрий П. лар сафида Н. К. Крупская, М. Горький, С. М. Буд-



Пинхасов Б. И.



Пиндикчалар. *1*— илдиз пиндикчаси (вояга етгани); *2*— у ҳосил қилган буж-ғун.


ёлний, К. Е. Ворошилов, К. Цеткин, Г. Димитров, Э. Тельман, П. Тольятти бор.

П. ликка ихтиёрий равишда қабул қилинади. Пионерлар ташкилотида 3 ёш гуруҳи бор: 10—11 ёшлилар, 11—12 ва 13—15 ёшлилар. П. ликка синфда ёки турар жойда тузиладиган отрядларда қабул қилинади. П. пионерларнинг ўзўзини бошқариш органларига сайланиши, пионерлар слётларига делегат бўлиши, темурчилар, ёш армиячилар, ёш мухбирлар бутуниттифоқ йиғилиш (слёт)ларида ва ш. к. да иштирок этиши мумкин.

Ўқишда, меҳнатда, спорт ва жамоат ишида алоҳида намуна кўрсатган П. лар учун турли рағбатлантириш тадбирлари белгиланган, жумладан улар Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг Ҳурмат китобига ёзилади (1974 йил 1 январга қадар унга 3 мингдан ортиқ пионер ва пионерлар ташкилотлари номи қайд этилган). 14 ёшга етган П. лар ВЛҚСМ сафига кириш ҳуқуқига эга (дружина совети тавсияси бўлиши шарт). 1975 йил ЎзССРда 411 мингдан ортиқ П. комсомолга ўтди.

«ПИОНЕР» — пионер ёшидаги мактаб ўқувчиларига мўлжалланган адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий ойлик журнал. Тошкентда 1952 йил январидан 1958 йилгача чиққан (қ. *«Гулхан»*).

«ПИОНЕР» — ВЛКСМ МК ва В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти Марказий советининг пионер ва мактаб ўқувчилари учун ойлик адабий-бадиий ва ижтимоий-сиёсий журнали. 1924 йилдан Москвада рус тилида нашр этилади. «П.» саҳифаларида Н. К. Крупская, М. И. Калинин, Ем. Ярославский, ёзувчилардан С. Я. Маршак, А. П. Гайдар, К. Г. Паустовский, С. В. Михалков ва б. қатнашган. Журналнинг мактаб ва пионерлар ҳаёти, публицистика, фан ва техника, санъат, спорт, болалар бадиий ижоди каби доимий бўлимлари бор. «П.» намунали пионерлар ташкилотларининг иш тажрибаларини оммалаштиради; болаларда спорт, бадиий ва техник ижодга қизиқиш уйғотади; темурчилар командаси ва отрядларининг ишини ташкил қилади ва ҳ. к. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1974). Тиражи 1,5 млн. дан ортиқ (1976).



Б. И. Ленин номли республика пионерлар ва ўқувчилар саройи. Тошкент.

ПИОНЕР (эски номи — Эгизаклар) — Хоразм обл. Боғот р-ни Қизилровот қ. С. даги қишлоқ. Димитров номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Хазораспдан 9 *км*. Аҳолиси 7 0 киши (1974); пахтачилик, паллачилик б-н шуғулланади. Тошсақо каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, к-з идораси, кутубхонаси бор.

ПИОНЕР ВА УҚУВЧИЛАР УЙЛАРИ ВА САРОЙЛАРИ — иттифоқдош республикалар маориф министрликлари (халқ маорифи) системасидаги мактабдан ташқи муассаса. Ўқувчиларнинг мактабдан ташқи оммавий таълим-тарбиявий ишларини ташкил қилувчи ва инструктив-методик марказ. Мактаб, пионер ва комсомол ташкилотлари б-н биргаликда ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялайди. Р-н, шаҳар, обл., ўлка, республика П. ва ў. у. ва с. мавжуд; улар халқ маорифи органлари, пионерлар ташкилоти совети ва комсомол комитетлари раҳбарлигида ишлайди.

П. ва ў. у. ва с. да болаларнинг ёш хусусиятлари, билим даражаси, қизиқишлари, маҳаллий шароит ва б. эътиборга олинган ҳолда турли тўгарак, секция, клублар ва б. болалар ижодий коллективи ташкил этилади. Уларнинг таълим-тарбиявий ишлари болаларнинг ижодий қобилиятларини ўстиради, меҳнатга, билимга бўлган қизиқишларини оширади, касб танлашга ёрдам беради ҳамда ташкилотчилик ишга ўргатади. Тўгарак ишлари СССР Маориф министрлиги ва В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг Марказий совети тасдиқлаган программа асосида юритилади. П. ва ў. у. ва с. даги ҳар бир тўгарак аъзоси «Узинг ўргандингми, бошқаларга ҳам ўргат» принципи асосида иш олиб боради. П. ва ў. у. ва с. пионер байрамлари, слётлар, конференциялар, кўриклар, конкурслар, болалар ижоди кўргазмалари, мактаб программаси асосида турли фанлардан олимпиадалар, спартакиадалар, ҳарбий-спорт ўйинлари, туристик походлар, лагерлар ташкил этади. П. ва ў. у. ва с. синфдан ва мактабдан ташқи ишларининг мазмуни, шакл ва методларини такомиллаштиришда пионер, комсомол активлари, педагоглар, мактабдан ташқи муассаса ходимлари ва б. га методик ёрдам кўрсатади.

Биринчи П. ва ў. у. ва с. 1923—24 йилларда Москвада очилди. 30-йилларда Ленинград, Тошкент, Свердловск, Тбилиси, Қиев ва б. жойларда ташкил этилди. 1975 йилда СССРда қарийб 4000, ЎзССРда 175 П. ва ў. у. ва с. ишлади. Тошкентдаги В. И. Ленин номли Республика пионер ва ўқувчилар саройида (1935 йил ташкил этилган) 1975 йил 40 дан ортиқ тўгарак, 7 клуб ишлади; 3 мингдан ортиқ пионер-ўқувчилар иштирок этди. Унинг «Юлдуз» ансамбли 1973 йилда Ўзбекистон ЛКСМ МҚ мукофоти лауреати бўлди.

Ад.: Шарипова Ж., Бизнинг сароймиз, Т., 1970; Вожатий китоби, Т., 1971.

«ПИОНЕР ВОСТОКА» («Шарқ пионери») — пионер ва мактаб ўқувчилари газетаси; Ўзбекистон ЛКСМ МҚ ва В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти Республика советининг органи. Тошкентда ҳафтада 2 марта рус тилида чиқади. 1927 йил 4 ноябрдан «Клич пионера» («Пионер хитоби» — ВЛКСМ МК Ўрта Осиё Бюросининг кундалик газетаси) номи б-н *«Правда Востока»* газетасига илова бўлиб нашр этилган. 1928 йил 1 январдан мустақил равишда ҳафтада бир марта (1957 йил 1 январга қадар) 25 минг нусхада мунтазам чиққан. Газета 1933 йил «П. В.» номини олди. Улуғ Ватан уруши бошланиши муносабати б-н 1941 йил 4 июлда вақтинча ёпиб қўйилди. 1957 йил 1 январдан бошлаб яна чиқа бошлади. Газетага турли даврларда А. А. Стажило, Р. И. Поммрих, В. Тюриков, У. Зокиров ва б. муҳаррирлик қилган.

«П. В.» саҳифаларида Ўзбекистон ва қардош республикалар болалари ҳаёти ёритилади, пионер дружиналарининг иш тажрибалари оммалаштирилади, ёзувчиларнинг болалар учун ёзган асарларидан намуналар босилади ва ҳ. к. Газета ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда ва республикада пионер ҳаракатини ривожлантиришда муҳим роль ўйнайди. Тиражи 75 мингга яқин (1976).

ПИОНЕР ДРУЖИНАСИ — В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ *пионерлар ташкилоти* аъзоларининг асосий бирлашмаси. «П. д.» термини пионер ташкилоти ҳаётида *жанговар дружиналар* (1905—07) қаҳрамонликлари рамзи сифатида 1942 йилдан қўлланила бошлади. П. д. умумий таълим мактаблари, интернат мактаблар, Суворов ҳамда Нахимов билим юртлари, болалар уйларида, пионер лагерларида ташкил қилинади. П. д. юзлаб пионерларни бирлаштиради. 1975 йили Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотида 120 мингдан ортиқ (26 млн. пионер), жумладан ЎзССР пионерлар ташкилотида 6 минг 805 (2 млн. дан зиёд пионер) П. д. бўлган.

П. д. нинг олий органи — пионерлар сбори (йиғилиши). Кундалик ишларни олиб бориш учун ўз-ўзини идора қиладиган коллектив орган — П. д. совети тузилади. Бу совет пионерлар отряди ва *октябрятлар* группасига раҳбарлик қилади; мактабда ва турар жойларда ўқувчилар қизиқишига қараб турли отряд, клуб, тўгарак, секция ва б. бирлашмалар тузиб, уларга пионерларни жалб этади.

П. д., одатда, бир синф пионерларини бирлаштирувчи отрядлардан, отрядлар эса звенолардан ташкил топади. Ҳар бир П. д. ҳамда отряд ўз қизил байроғига эга. П. д. ўз ишини «В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти низоми»га мувофиқ ташкил этади. П. д. комсомол раҳбарлигида, педагоглар коллективи ҳамда жамоат ташкилотлари б-н яқин алоқада бўлиб ишлайди; 1—8-синф ўқувчилари б-н синфдан ташқи ишлар, асосан, П. д. орқали олиб борилади. П. д. советининг тавсиясига мувофиқ намунали пионерлар ВЛҚСМ сафига қабул қилинади. П. д. қошида з-д, муассаса, с-з ва б. вакилларидан дўстлик кенгаши тузилади. ВЛҚСМнинг топшириғига кўра, П. д. га асосан, бош *пионервожатий* раҳбарлик қилади. Мунтазам равишда П. д. нинг бутуниттифоқ ва республика мусобақалари, кўриклари ўтказилади. Намунали П. д. ва отрядларга комсомол байроғи эсдалиги ва фахрий ёрлиқлар топширилади, улар Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг Ҳурмат китобига ёзилади.

«П. д.» термини, шунингдек чет элдаги айрим социалистик мамлакатлар пионер ташкилотларида (қ. *Болалар демократик ташкилотлари*) ҳам қабул қилинган.

ПИОНЕР СИМВОЛИКАСИ — В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ *пионерлар ташкилотида* қабул қилинган символлар: пионер қизил байроғи, пионер галстуги, «Доим тайёр» значоги, пионер салюти ва чақириғи. Булар пионерларни совет халқининг революцион анъаналари, коллективизм руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Пионерлар қизил байроғи — пионерларнинг ор-номуси ва жипслиги, уларнинг Коммунистик партия ишига, социалистик Ватанга содиқлиги рамзи. Ҳар бир мактаб (интернат), пионерлар лагери, болалар уйи дружинаси ўз қизил байроғига эга. Шунингдек, ҳар бир пионер отрядининг ҳам ўз қизил байроқчаси бўлади. Пионер галстуги — революцион байроқнинг бир бўлаги, унинг учта бурчаги 3 авлод — коммунист, комсомол ва пионерларнинг бузилмас бирлигининг рамзидир. У пионер ташкилотига кирган ўқувчига тантанали дружина сборида боғланади. Галстук б-н бирга пионерга «Доим тайёр» кўкрак значоги ҳам топширилади. Пионер салюти (ўнг қўл бармоқлари тўғри тутилиб бошдан сал юқори кўтарилади) — пионерларнинг тантанали ваъдани бажаришга тайёрлиги ифодаси. Пионерлар бир-бирлари ёки вожатийлари б-н учрашганларида, СССР ва иттифоқдош республикалар гимнлари, «Интернационал» ижро этилаётганда салют берадилар.



ПИОНЕРВОЖАТИЙ, пионерлар вожатийи — мактаб, пионер лагерлари, пионерларнинг турар жойлари ва б. даги пионер дружинаси ёки отряди раҳбари, ВЛКСМнинг *пионерлар ташкилоти*даги вакили. «П.» термини 1922 йилда пайдо бўлган. П. фаолиятининг моҳияти, унинг ҳуқуқ ва вазифалари «В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг бош ва отряд пионер вожатийлари ҳақидаги низом»да (1967) белгиланган. П. педагоглар, комсомоллар ва турли жамоат ташкилотлари фаолиятига таянган ҳолда коммунистик тарбия вазифаларини амалга оширади (қ. *Пионер дружинаси*). 1976 йили ЎзССРда қарийб 7 минг бош П. ишлади. Уларнинг иши педагогик касб ҳисобланади (бундай П. ўқитувчилар учун белгиланган барча ҳуқуқ ва имтиёзлардан фойдаланади). Бундан ташқари, 10 мингга яқин бош П. ва 50 минг отряд П. и жамоатчилик асосида иш олиб борди. ЎзССРда бош П. педагогика билим юртларининг махсус бўлимларида (13 та шундай билим юрти бор) тайёрланади. П. учун махсус лагерь йиғилишлари, семинарлар уюштирилади; пионер ва ўқувчилар саройлари, уйларида, мактабларда клублар ташкил қилинади. П. ишлари иттифоқ миқёсида *«Вожатий»*, ЎзССРда *«Гулхан»* журналларида ва педагогик газета, журналларда ёритилади.

«П.» термини социалистик мамлакатларнинг пионер ташкилотларида ва айрим бошқа давлатларнинг болалар ташкилотларида ҳам қабул қилинган.

ПИОНЕРЛАР ЛАГЕРИ — пионер ва ўқувчиларнинг (7 ёшдан 15 ёшгача) тарбиявий-соғломлаштириш муассасаси. Ёзги ва қишки каникул пайтида комсомол комитети, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш органлари ва б. б-н биргаликда касаба союз совети ва комитетлари томонидан ташкил қилинади. Шаҳардан ташқаридаги П. л. кенг тарқалган. Соғлиги заиф болалар учун санаторий П. л. (уларнинг айримлари йил давомида ишлайди) ташкил этилади. Ёзда шаҳарда қолган пионер ва ўқувчилар учун шаҳар П. л. очилади; бу П. л. да болалар фақат кундуз кунлари бўладилар. Шаҳар П. л. га корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлик қилади. Шунингдек, к-з ва к-злараро П. л. ҳам бор.



Пионер символикаси. Пионер салюти.

9—10-синф ҳамда профессионал-техника билим юртлари ўқувчилари учун соғломлаштирувчи, спорт, туристик, ҳарбий-спорт, ихтисослашган (ёш техниклар, геологлар, табиатшунослар ва б.) П. л. лари, меҳнат ва дам олиш лагерлари (одатда, к-з ва с-зларнинг қишлоқ мактаблари негизида) ташкил қилинади. Пионер лагерлари ва юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган лагерлар социал страхование, касаба союз бюджетлари, корхона фонди, шунингдек ота-оналардан путёвка учун олинадиган маблағ (путёвка нархининг $^1/_3$ га яқин миқдори) ҳисобидан таъминланади.

Ҳар бир П. л. да *пионер дружинаси* ташкил этилади, болаларнинг қизиқишига қараб турли тўгараклар ишлайди. П. л. ишини мактаб пионер ишининг давоми деб қараб, уни тарбиявий ишнинг ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзига хизмат қилиш, ўртоқларча ҳамкорлик ва бир-бирига дўстона ғамхўрлик каби принципларига асосланиб ташкил этиш лозим. Ёш авлоднинг ёзги дам олишини намунали уюштириш ва мазмунли ўтказишда КПСС МҚ нинг «Пионерлар ва мактаб ўқувчиларининг дам олишини ташкил этишни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори (1974) муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1975 йил ЎзССРда 1309 П. л. (457,5 минг болага хизмат қилди), жумладан 273 шаҳардан ташқари (180,8 минг бола), 459 колхоз ва колхозлараро, 282 мактаб (50,3 минг бола) П. л. ишлади. ВЛҚСМ МҚ нинг *«Артек»* П. л. Иттифоқдаги энг йирик лагерлардан ҳисобланади. ЎзССРдаги намунали ва йирик пионерлар лагерлари: «Роҳат» (ҚҚАССР), «Чимён» (Тошкент обл.), «Шофиркон» (Бухоро обл.), «Шоҳимардон» (Фарғона обл.), «Ширмонбулоқ» (Андижон обл.), «Кўксарой» (Наманган обл.) ва б.

ПИОНЕРЛАР ТАШКИЛОТИ, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти — СССРда 10—15 ёшдаги болалар ва ўсмирларнинг мустақил оммавий коммунистик ташкилоти. КПСС топшириғига кўра, унга ВЛҚСМ раҳбарлик қилади. П. т. «В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти низоми»га мувофиқ иш юритади. Бу низомда П. т. нинг асосий вазифалари, тузилиши, ташкилотга қабул қилиш шартлари, пионерларнинг бурч ва ҳуқуқлари, ёш *пионерлар қонунлари*, ёш пионерлар Тантанали ваъдаси, *октябрятлар* қоидалари белгиланган. П. т. олий органи — В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти Марказий совети бўлиб, у ВЛҚСМ МҚ раҳбарлигида ишлайди. П. т. нинг ташкилий асоси *пионер дружинаси* ҳисобланади. Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотидаги 26 млн. пионер сафида 2 млн. дан ортиқ Ўзбекистон пионерлари бор (1976).

П. т. нинг вазифаси пионерларни Коммунистик партия ишига садоқатли, совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига содиқ қилиб тарбиялашдан, ёш ленинчиларга социалистик Ватанга муҳаббат, унинг душманларига нафрат туйғуларини сингдиришдан, пионерларни Ватан мудофаасига тайёрлашдан иборат. П. т. ўз фаолиятини совет халқининг ҳаёти, унинг коммунизм қуриш учун кураши б-н узвий боғлаб олиб боради. П. т. фаолиятининг асосий принциплари: ижтимоий-сиёсий йўлланма бериш; ташкилотга киришдаги ихтиёрийлик ва унинг ишларида фаол қатнашиш; пионерлар ташаббусини педагогик раҳбарлик б-н қўшиб олиб бориш; болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш; романтика элементларидан, ўйинлардан кенг фойдаланиш ва ҳ. к. Отряд ва дружиналардаги ишлар маҳаллий шароит ва миллий анъаналар ҳисобга олинган ҳолда олиб борилади.

СССРда болалар коммунистик ҳаракатининг ташкил топиши ва ривожланиши В. И. Ленин номи, КПСС фаолияти б-н боғлиқ. Партия болалар коммунистик ҳаракатини бутун *коммунистик тарбия* системасининг узлуксиз қисми деб ҳисоблайди. В. И. Ленининг РКСМ 3-съездида (1920 йил октябрь) сўзлаган нутқи партия ва комсомолнинг ёш авлодни тарбиялашдаги бутун фаолиятини белгилаб берди.

КПСС коммунистик тарбиянинг ленинча принципларини ривожлантириб, пионерлар ҳаракатининг асосий назарий ва амалий масалаларини ишлаб чиқди. Партиянинг 12, 13, 14, 16-съездлари резолюцияларида, партия МҚнинг П. т. ҳақидаги бир неча махсус қарорларида, КПСС Программасида П. т. нинг асосий вазифалари, коммунистик тарбия системасидаги ўрни ва роли, мактаб, жамоат ташкилотлари б-н муносабати, пионерлар б-н ишлашнинг шакл ва методлари белгилаб берилган.

СССРда болалар коммунистик ҳаракатининг вужудга келиши меҳнаткашлар революцион ҳаракати б-н боғлиқ. Октябрь рев-ясидан сўнг мамлакатнинг турли шаҳарларида болалар ташкилотлари, гуруҳлари ва уюшмалари пайдо бўлди. Коммунистик партия, болалар коммунистик ҳаракатининг ёш авлодни тарбиялашдаги моҳиятини назарда тутиб, комсомолга ягона болалар коммунистик ташкилоти тузишни топширди. 1921 йил охирида РКСМ МҚ янги болалар ташкилоти фаолияти программаси ва принципларини, унинг устави, шиори, қонунлари ва ташкилий асосларини ишлаб чиқиш учун махсус комиссия тузди. Комиссия ишида Н. К. Крупская бевосита иштирок этиб, пионерлар ҳаракати назарияси ва методикасини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. 1922 йил 19 майда комсомолнинг 2-Бутун Россия конференцияси ҳамма ерда пионер отрядлари тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу кун П. т. ташкил топган кун ҳисобланади. 1922 йил октябрда РКСМ 5-Бутун Россия съезди Москва, Петроград, Тула, Урал ва б. жойларда тузилган ҳамма пионер ташкилотларини болаларнинг «Спартак номли ёш пионерлар» коммунистик ташкилотига бирлаштиришга қарор қилди. 1924 йил 21 январда комсомол МҚ қарори б-н пионерлар ташкилотига В. И. Ленин номи берилди. Шу муносабат б-н 1924 йил 23 майда Москва Қизил майдонида РКП(б) 13-съезди делегатлари олдида пионерларнинг намойиши бўлиб, ёш пионерлар Ленин ва Коммунистик партия ишига содиқ эканликлари ҳақида қасамёд қилдилар. 1926 йил мартда бўлиб ўтган комсомол 7-съезди РКСМни ВЛҚСМ, пионер ташкилотини эса В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти деб номлашга қарор қилди.

Узбекистонда биринчи пионер отряди 1922 йил Тошкентда т. й. ишчилари болаларидан тузилди. Шу йилнинг ноябрида Тошкент Эски шаҳрида ўзбек болаларининг пионер отряди вужудга келди. Бундай отрядлар ўлканинг бошқа жойларида ҳам бирин-кетин ташкил топа бошлади. 1928 йил 5 апрелда чақирилган Узбекистон комсомолининг 4-таъсис съезди ўз сафида 260 пионер отрядига уюшган 18 минг кишилик



Пионерлар ташкилоти мақоласига. 1. В. И. Ленин пионерлар орасида. 2. Й. Охунбобоев пионерлар меҳмони. 3. Биринчи марта «Ҳурмат Белгиси» ордени билан мукофотланган пионерлар: Ҳ. Отақулова, Э. Қодиров. 4. СССР космонавт-учувчиси П. Р. Попович В. И. Ленин номли Республика пионерлар саройида. 5. Бутуниттифоқ пионер ҳарбий-спорт ўйини «Зарница» ғолиблари—Чирчиқдаги 12-мактаб пионерлари парадида. 6. Футбол бўйича уй ва кўча командаларининг ғолиби—«Оқ олтин» командаси «Пахтакор» стадионида. 7. Ўзбекистон пионерларининг Иваново шаҳрига юбораётган пахта эшелони.

республика пионерлар ташкилоти тузилганлигини қайд этди. У вақтларда пионер отрядлари мактабларда эмас, балки корхоналарда, баъзи муассасалар қошида ташкил этилар эди. 1929 йил августида Москвада бўлиб ўтган пионерлар 1-Бутуниттифоқ слёти П. т. нинг юксак сиёсий активлигини намойиш қилди. Слётда УзССРдан 127 пионер иштирок этди.

ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюросининг «Ўрта Осиё пионерлар ташкилотининг аҳволи ва навбатдаги вазифалари ҳақида»ги (1930 йил апрель) қарори Узбекистон пионерлар ташкилотининг фаолиятини янада яхшилашга имкон берди. Пионерлар б-н ишлашга комсомоллар сафарбар этилди, минглаб комсомоллардан пионер ташкилотчилари тарбияланди, комсомол ячейкаларида янги пионер отрядлари тузилди. 30-йилларда пионер отрядларида ёш табиатшунос ва ўлкашуносларнинг оммавий ҳаракати авж олди. Ёш пионерлар геологик экспедицияларда фаол қатнашар, трактор ва комбайнлар сотиб олиш учун маблағ тўплар, етиштирилган ҳосил ва к-з мулкини қўриқловчи посбонлар тузишарди. 1932—33 йилларда қулоқлар б-н курашда ҳалок бўлган қаҳрамон пионерлар — Павлик *Морозов*, Коля Мяготин, Коля Яковлев, Қичан Жақипов ва б. номлари Бутуниттифоқ пионерлар ташкилотининг Ҳурмат китобига битилган.

30-йиллар охирларида П. т. ни мактаб принципида қайта қуриш тугалланди: синфларда отряд, мактабларда пионер дружиналари ташкил топди. Пионерлар коллективларида ҳарбий-мудофаа ишлари авж олди. Пионерлар к-зларга юқори ҳосил олиш, чорвачиликни ривожлантиришда кўмаклашдилар, беш йиллик зарбдор қурилишларида иштирок этдилар. Эшон Қодиров, Ҳавохон Отақулова пахта теримидаги ёрдам учун «Ҳурмат Белгиси» ордени б-н мукофотланди. Катта Фарғона канали қурувчиларининг орден ва медаллар б-н мукофотланганлари орасида пионерлардан Исмоил Кенжабоев ва Эргози Усмонов ҳам бор эди.

Улуғ Ватан уруши йилларида мамлакатда *тимурчилар ҳаракати* оммавий тус олди. Пионерлар фронтга кетганларнинг оилаларига, эвакуация қилинганларга ёрдам кўрсатишар, госпиталларда навбатчилик қилишар, дала ишларида кўмаклашар ва фронтга ёрдам учун маблағ тўплар эдилар. Жумладан, УзССР пионерлари комсомоллар б-н биргаликда «Узбекистон комсомоли» танк колоннаси, «Тошкент пионери» самолёти учун маблағ йиғди; Ленинградга пионерларнинг 80 вагонли озиқ-овқат эшелони жўнатилди. Немис-фашистларига қарши курашда мардлик кўрсатганлиги учун пионерлардан Лёня Голиков, Марат Казей, Валя Котик, Зина Портновалар Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонини олди, минглаб пионерлар орден ва медаллар б-н мукофотланди.

Урушдан кейинги йилларда пионерлар вайрон бўлган қишлоқ ва шаҳарларни тиклашда қатнашди, ўлкани ўрганиш, боғ яратиш, «Қизил изтопарлар» ҳаракати бошлаб юборилди. Бироқ баъзи пионер коллективларининг иши мактаб доирасидан чиқмай қолди. ВЛКСМ МҚ 8-пленуми (1957) «В. И. Ленин номли пионерлар ташкилоти ишини яхшилаш чоралари ҳақида» қарор қабул қилди. Пленум пионерларни ижтимоий-сиёсий ишга, биринчи галда, фойдали меҳнатга жалб қилиш П. т. нинг асосий вазифаси эканлигини қайд этди. Пионерлар б-н ишлашга ишлаб чиқаришдаги комсомоллар жалб қилинди, пионер отрядларида октябрятлар группалари тикланди.

Ҳозирги шароитда болалар коммунистик ташкилотларининг роли янада ошмоқда. КПСС МҚ «В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионер ташкилотининг 50 йиллиги тўғрисида»ги қарорида (1972) партия комитетлари зиммасига комсомол ва пионер ташкилотига раҳбарликни доимо такомиллаштириб бориш, бу ишга оила, мактаб, давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратларини бирлаштириш, коммунизмнинг юқори маълумотли, ғоявий эътиқодли фаол бунёдкорларини тарбиялашда уларнинг ролини ошириш мажбуриятини юклади.

Болаларни ташкилотчиликка ва жамоат ишига ўргатиш, демократизм принципларини б-н таништириш мақсадида П. т. ишида ўз-ўзини идора этишга аҳамият берилган; дружина активида ҳар бир отряднинг, шаҳар ва р-н штабларида дружинанинг вакиллари бўлади. Дружина, отряднинг олий органи — пионерлар сбори бўлиб, унда пионерлар коллектив олдида турган вазифаларни ҳал қиладилар, ишларига якун ясайдилар, келажак режаларини белгилайдилар. П. т. бола шахсини ҳар жиҳатдан шакллантириш қуроли сифатида тобора такомиллашиб, болалар ва ўсмирларни ғоявий чиниқтириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётга актив жалб эттириш, ташкилотчилик малакаларини тарбиялашда таъсир этувчи муҳим омил бўлиб қолмоқда.

П. т. болаларни В. И. Ленин, унинг сафдошлари, халқаро коммунистик ҳаракатнинг машҳур арбоблари ҳаёти ва фаолияти, Коммунистик партия ва Ленин комсомоли тарихи б-н таништириб бормоқда. Пионерлар з-д, к-злар, зарбдор комсомол қурилишларининг йилномаларини яратмоқдалар, отряд ёки дружиналарга номлари қўйилган қаҳрамонлар ҳаётини ўрганмоқдалар ва ҳ. к. П. т. болаларни интернационализм руҳида тарбиялашга қаратилган сиёсий кампаниялар ва б. тадбирлар олиб боради. Пионерлар дружиналарида интернационал дўстлик клублари, тўгараклари ишлайди.

Совет давлати П. т. нинг моддий базасини мустаҳкамлаш, мактабдан ташқи муассасаларни ривожлантиришга ғамхўрлик қилиб келади. 1976 йил Узбекистонда 175 пионер ва ўқувчилар уйлари ва саройлари, 77 ёш техниклар, ўлкашунос, табиатшунослар туристик станциялари, 2 т. й., 1309 пионерлар лагерлари ишлади; пионерлар лагерлари, экскурсион туристик базалар, болалар санаторийларида 2,6 млн. пионер ва ўқувчи дам олди.

СССРда пионерлар учун 28 газета, 35 журнал нашр этилади. Узбекистон пионерлар ташкилоти 3 газета (*«Ленин учқуни»*, *«Пионер Востока»*, *«Жеткиншек»*), 2 журнал (*«Гулхан»*, *«Ғунча»*) чиқаради. Узбекистон радиоси мунтазам равишда «Пионер эрталиги» радиогазетасини эшиттириб боради.

Узбекистонда пионерлар ҳаракатига оид назарий масалалар илмий жиҳатдан Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Узбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот ин-тида ўрганилади. П. т. болалар халқаро демократик ҳаракатининг отрядларидан бири бўлиб, қарийб 80 мамлакат *болалар демократик ташкилотлари* б-н алоқа боғлаган.

П. т. 2 марта Ленин ордени б-н мукофотланган (1962, 1972).

Ад.: КПСС о комсомоле и молодёжи. М., 1958; Документы ЦК КПСС и ЦК ВЛКСМ о работе Всесоюзной пионерской организации имени В. И. Ленина, М., 1970; О пионерской организации. Статьи, речи, письма выдающихся партийных, государственных и общественных деятелей, М., 1963; Всесоюзная пионерская организация им. Ленина. Материалы Центрального Совета, М., 1960; Проблемы пионерского движения, М., 1963; Смена комсомола, М., 1964; Воспитание в пионерском отряде, М., 1968; Тюриков В. И., Листая летопись пионерскую, Т., 1966; Вожатый китоби, Т., 1971; Эстафета пионерских поколений, М., 1972; Будь готов!, М., 1972; Спутник пионерского вожатого, М., 1973.

ПИОНЕРЛАР УЙИ — қ. *Пионер ва ўқувчилар уйлари ва саройлари.*

ПИОНЕРЛАР ҚОНУНЛАРИ, ёш пионерлар қонунлари — В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ *пионерлар ташкилоти* аъзоларининг ҳаёти ва фаолиятидаги асосий қонунлар мажмуи. Уларда болалар коммунистик ташкилотининг мақсади ва вазифалари, коммунистик ахлоқнинг асосий принциплари, ёш пионерлар хулқининг ахлоқий-этик нормалари баён этилади. Биринчи П. қ. Россия Коммунистик Ёшлар Союзи (РКСМ) МК нинг Н. К. Крупская иштирокидаги комиссиясида ишлаб чиқилиб, РКСМ 5-съезди (1922 йил октябрь)да тасдиқланган. П. қ. да коммунизмни ўрганиш ҳақидаги ленинча таълимот асосий қонун сифатида кўрсатилган. Социалистик қурилиш йилларида пионерлар ташкилоти фаолиятидаги талаблар ўзгариши, улар ишининг моҳияти, такомиллашган форма ва методлари ВЛКСМ МҚ нинг 1957 йилдаги 8-пленумида тасдиқланган П. қ. нинг янги текстида ўз ифодасини топди (1967 йил ВЛКСМ МҚнинг 2-пленумида шу текстга бир қанча қўшимча ва ўзгаришлар киритилди).

Бошқа мамлакатлардаги *болалар демократик ташкилотлари*да ҳам ўзларига хос томонлари, миллий шарт-шароитлари, уларнинг фаолиятидаги биринчи навбатдаги вазифалар ифодаланган ўз қонунлари бор.

«ПИОНЕРСКАЯ ПРАВДА» («Пионер ҳақиқати»)— болаларнинг Бутуниттифоқ газетаси. ВЛКСМ МК ва В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ пионерлар ташкилоти Марказий советининг органи (1958 йилдан). Москвада рус тилида ҳафтада 2 марта чиқади. 1925—27 йиллар ВЛКСМ Москва комитети, 1927—58 йиллар ВЛКСМ МК ва Москва комитети органи сифатида нашр этилган. Газетада Н. К. Крупская, М. И. Ульянова, Ем. Ярославский, М. Горький, В. В. Маяковский, А. П. Гайдар, С. Я. Маршак ва б. фаол қатнашган. «П. п.» совет пионерлари ва ўқувчилари ҳаёти, бошқа мамлакатлардаги болалар демократик ташкилотларининг фаолияти, СССР даги ва чет мамлакатлардаги муҳим воқеалар ҳақида материаллар ёритади; халқ маорифи ва жамоат ташкилотлари б-н биргаликда бутуниттифоқ ва халқаро миқёсда болаларга оид тадбирлар (кўриклар, конкурс, кўргазма, спорт ўйинлари ва ш. к.) ўтказади. Газета саҳифаларида давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, ёзувчилар, ўқитувчилар, пионерлар ташкилоти ходимлари ва б. иштирок этади. «П. п.» ўсаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда пионерлар ташкилотлари ва мактабларга яқиндан ёрдам беради. Меҳнат Қизил Байроқ (1945), Ленин ордени (1950) ва «Халқлар дўстлиги» ордени (1975) б-н мукофотланган. Тиражи 10 млн. га яқин (1976).

ПИОТРОВСКИЙ Борис Борисович (1908. 14. 11)— совет археологи ва тарихчи-шарқшуноси. СССР ФА (1970) ва АрмССР ФА (1968) академиги. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). 1945 йилдан КПСС аъзоси. 1953—64 йилларда СССР ФА Археология ин-ти Ленинград бўлимининг мудири, 1964 йилдан Давлат Эрмитажининг директори, айни пайтда Ленинград Давлат ун-ти Қадимги Шарқ тарихи кафедрасининг мудири. 1930 йилдан Закавказье, Шимолий Кавказ ва Ўрта Осиё археологик ёдгорликларини тадқиқ қилган. 1961—63 йилларда Нубия (Миср Араб Республикаси)даги СССР ФА археологик экспедициясини бошқарган. Кармир-Блур тепалиги (Ереван яқинида) Урарту шаҳри ва қалъасини қазишдаги ишлари (1939—71) муҳим аҳамиятга эга. П. асарлари, асосан, Кавказ ва Қадимги Шарқнинг, жумладан Урарту давлати ва арман халқининг санъати ва маданияти, қадимги тарихи ва келиб чиқиши масалаларига бағишланган. «Урарту тарихи ва маданияти» китоби учун СССР Давлат мукофотига сазовор бўлган (1946). Чет эл академиялари (Бавария ФА, Британия ФА, Франциядаги Нафис адабиёт ҳамда Ёзувлар академияси)нинг мухбир аъзоси. Ленин ордени, 3 та бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

Ас.: О происхождении армянского народа, Ереван, 1964; Кармир-Блур, т. I—IV, Ереван, 1950—60; Ванское царство, М., 1959; Искусство Урарту, VIII—VI вв. до н. э., Л., 1962.

ПИПАЛАР (Pipidae)— *думсиз амфибиялар* оиласи. Тилсизлар деб ҳам аталган. 12 турни бирлаштирган 2 уруғи: асл П. ва пихли бақалар бор. Уруғочиси эркагидан йирик; танасининг узунлиги 20 *см* гача. Жанубий Америка ва Жанубий Африкада тарқалган. Кўпчилиги фақат сувда яшайди, шу сабабли тили йўқ. 40—114 тача тухум қўяди. Баъзиларининг уруғланган тухумлари уруғочисининг орқасидаги чуқурчаларда ривожланади. Тухумдан ривожланган итбалиқлар 80—82 кунда онасидан ажралиб кетади. Қисқичбақасимонлар ва б. сув жониворларини оёқлари ёрдамида тутиб ейди.

ПИПЕРАЗИН (диэтилендиимин), $C_4H_{10}N_2$ — рангсиз кристалл модда. Мол. оғ. 86,14; суюқланиш т-раси 104°С, қайнаш т-раси 145—146°С, спиртда яхши, сувда бир оз эрийди, эфирда бутунлай эримайди. П.— икки кислотали кучли органик асос. Пиразинни гидрирлаб, этилен бромидга аммиак таъсир эттириб ва б. усулларда олинади. Аналитик кимёда ва медицинада адипин, лимон, фосфат, сульфат кислоталар тузлари кўринишларида қўлланилади.

ПИПЕРИДИН (гексагидропиридин, пентаметиленимин), $C_5H_{11}N$ — рангсиз суюқлик. Суюқланиш т-раси 10,5°С, қайнаш т-раси 106,4°С (760 *мм сим. уст.*). Сув ва кўпчилик органик эритувчиларга яхши аралашади. Кучли асос, типик ёғ аминлари хоссасига эга, осонликча туз ҳосил қилади. Гидрирланиб *пиридин*га айланади. Пиридинни каталитик гидрирлаб, пиридинни электр кимёвий қайтариб олинади. Катализатор, вулканизацияни тезлатувчи сифатида, медицинада қўлланилади.



Пипалар. Суринам (Америка) пипаси.




Пипков Л.

ПИПЕТКА (франц. pipette — найча) — кимёда суюқликларни титрлаш, ҳажмини аниқ ўлчаш ва б. мақсадларда қўлланиладиган найча идиш.

ПИПКОВ Любомир (1904. 6. 9, Лозен — 1974. 9. 5, София) — болгар композитори, хормейстер, педагог. Болгар операси ва хор музикасининг йирик намояндаси. БХР халқ артисти (1952), Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1967). 1944 йилдан Болгария Коммунистик партияси аъзоси. Софияда (1919—26), кейинчалик Парижда (1926—32) таълим олган. София Халқ опера театрида концертмейстер (1932 йилдан), хормейстер (1939 йилдан), дирижёр ва директор (1944—48), 1948 йилдан София Музика академияси проф. 1947—57 йиллари Болгария Композиторлар союзининг биринчи секретари. Ижодида миллий музика мероси, рус классикаси, айниқса, М. П. *Мусоргский* анъаналарига таянган, ҳозирги замон музика услубларидан фойдаланган. Болгар халқи тарихини акс эттирувчи «Янинанинг тўққиз акаси» (1937), «Момчил» (1948) ва фашизмга қарши мавзудаги «Антигона-43» (1963) каби опералари машҳур. Шунингдек, ораториялар (жумладан «Замонамиз ҳақида оратория»), кантаталар (мас., «Дўстлик ҳақида кантата»), 4 симфония, «Қаҳрамонлик» увертюраси, чолғу концертлар, камер чолғу асарлар, романслар, оммабоп қўшиқлар, кинофильмларга музика ва б. муаллифи. Димитров мукофоти лауреати (1950, 1951, 1952). СССРда бир неча марта гастролда бўлган.

Ад.: Коен Л., Любомир Пипков, София, 1968.



Пирамида: *а* — беш бурчакли оғма пирамида; *б* — тўрт бурчакли тўғри пирамида; *в* — кесик пирамида.


ПИРАМИДА (юнон. pyramidos) — 1) математикада — битта кўпбурчак (П. асоси) ва умумий учга эга бўлган учбурчаклар (П. ён ёқлари) б-н чегараланган жисм (расм, *а* га қ.). П. асоси учбурчак, тўртбурчак ва ҳ. к. бўлишига қараб, уч бурчакли П., тўрт бурчакли П. ва ҳ. к. деб юритилади. П. учи (*P*) дан асос текислигига туширилган перпендикуляр П. нинг баландлиги дейилади. Асоси мунтазам кўпбурчак бўлиб, баландлиги асос марказига тушадиган П. мунтазам дейилади (расм, *б*). Мунтазам П. нинг ён ёқлари бир хил тенг ёнли учбурчаклардан иборат, уларнинг баландлиги П. нинг апофемаси дейилади. Асосининг юзи S га, баландлиги H га тенг бўлган П. ҳажми $V = \frac{1}{3} SH$ формула б-н топилади.

П. асосига параллел текислик б-н кесилса, асос томонда кесик П., кесимда эса асосга ўхшаш кўпбурчак (П.нинг устки асоси) ҳосил бўлади (расм, *в*). Асосларининг юзлари S_1, S_2, баландлиги H бўлган кесик П. ҳажми

$$V = \frac{1}{3} H(S_1 + \sqrt{S_1 S_2} + S_2)$$

формула б-н ҳисобланади; 2) архитектурада — қадимги Мисрда фиръавнларнинг қабрини П. шаклида қурганлар (қ. *Эҳром*).

ПИРАМИДОН — оғриқ қолдирувчи дори. *Амидопирин*нинг эскирган номи.



Пиранометр. Янишевский пиранометрининг ташқи кўриниши.

ПИРАНОМЕТР (юнон. руг — олов, апо — юқорида ва... *метр*) — горизонтал сиртга тушаётган қуёш радиацияси интенсивлиги ўлчанадиган асбоб. Радиацияни қабул қиладиган пластинка текис сиртли термоэлементлардан иборат бўлиб, термобатареяга кетма-кет уланади. П. б-н 3200 Å дан 26000 Å гача тўлқин узунлигидаги радиация интенсивлигини аниқлаш мумкин. П. горизонтал сиртга тик тушаётган ва сиртдан қайтаётган умумий қуёш радиациясини, шунингдек фақатгина сиртдан қайтаётган радиацияни ўлчайди. Ер сиртидан қайтаётган қуёш радиациясини ўлчашга мослаштирилган П. альбедометр, ўзи қайд қиладиган гальванометрга уланган П. пираног раф, сиртга тик тушаётган қуёш радиациясини ўлчайдиган П. пиргелиометр деб аталади.

СССРдаги актинометрик станцияларда 1922 йилдан С. И. Савинов, 1928 йилдан Н. Н. Калитин ва 1936 йилдан Ю. Д. Янишевский пиранографлари (расмга қ.), 1934 йилдан эса Ю. Д. Янишевский пиранометри ишлатиб келинмоқда.

ПИРАНЬЯЛАР, кариблар (Serrasalmidae) — балиқларнинг оиласи. 3 уруғи бор. Газдаси 30—60 *см*. Тишлари йирик, ўткир. Пиргқич. Жанубий Американинг чучук сувларида гала бўлиб яшайди. Оддий пиранья ва катта пиранья деган турлари одам учун хавфли. П. тўрни тешиб, балиқ овига зарар келтиради.

ПИРЕЙ — Грециядаги шаҳар. Эге денгизининг Сароникос қўлтиғи соҳилидаги йирик порт. Катта Афина таркибида. Аҳолиси 187 минг киши (1971). Т. й. узели. Муҳим савдо-саноат маркази. П. порти орқали Греция ташқи савдо юкларининг қарийб ярми ўтади. Тўқимачилик, озиқ-овқат, металлсозлик ва машинасозлик (кемасозлик ва кема ремонти), кимё, қоғоз саноати корхоналари, ТЭЦ бор. Уй-рўзғор буюмлари, қурилиш материаллари, гилам ва канагарқон ишлаб чиқарилади.

ПИРЕНЕЙ ТОҒЛАРИ (исп. Pirineos, франц. Pyrenees) — Европанинг жануби-ғарбидаги тоғ системаси. Испания, Франция ва Андорра территорияларида. П. т. Урта Европани Урта денгиз атрофидан ажратиб турувчи муҳим табиий чегарадир. Табиий шароитларига қараб П. т. Ғарбий, Марказий ва Шарқий қисмларга бўлинади. Бискай қўлтиғидан Урта денгизгача 450 *км* га чўзилган, эни 20—110 *км*. Аксари қисмининг баландлиги 2500—3200 *м*, энг баланд жойи 3404 *м* (Ането чўққиси). П. т. орқали Франция ва Испаниянинг давлат чегараси ўтган.

Альп бурмаланиши даврида П. т. нинг герцин даврида вужудга келган ядроси анча кўтарилган. Уқ зонаси яхлит бўлиб, сувайирғич қисми ҳам бошдан охиригача узлуксиз давом этган. Довонлари 1500—2000 *м* баландликда. Шимолий ён бағри тик, жанубий эса қия. П. т. нинг плейстоцен даврида музланишга учраган энг баланд ўрта қисми, асосан, кристалли ва метаморфик жинслардан тузилган бўлиб, альп рельеф шаклларига эга. Тоғ тепаларидаги ҳозирги музликларнинг умумий майдони 40 *км*². Фойдали қазилмалардан темир ва марганец рудалари, қўнғир кўмир, боксит, кобальт, рух, висмут конлари, минерал сувли булоқлар бор. Курорт кўп. Иқлими П. т. нинг кўп қисмида мўътадил, сернам, жануби-шарқида субтропик иқлим. Январнинг ўртача т-раси тоғ этакларида 4—8°, тоғ тепаларида —8° дан —10° гача, июльники шу жойларда 18—24° ва 5—6°. Йиллик ёғин шимолий ён бағирларда 1500—2400 *мм*, жанубий ён бағирларда 500—750 *мм*. П. т. нинг кўп қисмида ёғин йил давомида ёғади. Йирик дарёлари: Эбро, Адура ва Гаронна. Дарёлари йил давомида серсув, чуқур водийлар орқали оқади ва гидроэнергия ресурсларига бой. Карст рельефи ерларда ер ости кўллари ва айрим қисмлари ер остида оқувчи дарёлар учрайди. Тоғ ён бағирларида кенг баргли ва игна баргли ўрмонлар бор. 1800—2100 *м* дан юқориси субальп ва альп ўтлоқлари. Жанубий ва шарқий ён бағрида ўрмон б-н бирга маквис ва гарига чакалакзорлари ҳам учрайди. Тупроғи кўп қисмида жигар ранг ва қўнғир ўрмон тупроқ. Табиий ландшафт ва ноёб ҳайвонларни сақлаш мақсадида миллий парк ва қўриқхоналар ташкил қилинган.

ПИРЕНЕЙ ЯРИМ ОРОЛИ, Иберия ярим ороли — Европанинг жануби-ғарбидаги ярим орол. Майдони 582 минг *км*². Атлантика океани б-н Урта денгиз оралиғида. П. я. о. Африкадан Гибралтар бўғози орқали, Европанинг қолган қисмидан эса Пиреней тоғлари орқали ажралган. П. я. о. да *Испания*, *Португалия*, *Андорра* ва *Гибралтар* жойлашган. Қирғоқ чизиғи аксари қисмида текис. Ер юзаси ясси тоғлик ва тоғлардан иборат; ўртача баландлиги 1000—1500 *м*. Энг баланд жойи — Сьерра-Невада тизмасидаги Муласен тоғи (3478 *м*). Ярим оролнинг чеккалари пасттекислик. Тошкўмир, темир рудаси, вольфрам, симоб, полиметалл, пирит конлари бор. Иқлими, асосан, Урта денгиз типли субтропик; ғарбида сернам, океан иқлими. Январнинг ўртача т-раси 8—12°, июлники 18—28°. Максимал т-ра 40°, минимали —25°. Йиллик ёғин шимолида 800—1000 *мм*, тоғларда 1500—2000 *мм*, ички р-ларда 300—500 *мм*. Йирик дарёлари: Тахо, Гвадиана, Дуэро, Эбро, Гвадалквивир. Бутазорлар кўп. Ўрмон ярим оролнинг 1/10 қисмидагина қолган.

ПИРЕНОИДЛАР (юнон. pyren — данак, дон ва eidos — тур) — кўпчилик сувўтлар ва антоцерос таркибига мансуб жигарсимон йўсинларнинг ҳужайра органелласи оқсил моддаларга бой юмалоқ ёки қиррали таначалари хлоропластнинг ичида ёки устида жойлашган. П. нинг ўлчами ва сони ҳужайра ёшига қараб ўзгариб туради. Янги П. иккига бўлиниб ёки фрагментация йўли б-н ҳосил бўлади.

ПИРЕНОМИЦЕТЛАР (Pyrenomycetes) — халтали замбуруғларнинг бир группаси. 6000 (бошқа маълумотларда 10000 га яқин) тури бирлаштирган 640 га яқин туркуми бор. П. нинг кўпгина турлари конидиал стадияда юқори ўсимликларда, кейинчалик ўсимлик нобуд бўлгач сапрофитлар ҳолида ривожланади. Кўпчилик П. сапрофит ҳаёт кечириб, асосан, ўсимлик субстратларида яшайди. П. нинг паразитик формалари, мас., споринья, склероция катта зарар келтиради.

ПИРЕТРИНЛАР — (+)-транс-хризантем ва (+)-транспиратрин кислота мураккаб эфирларининг алмашган (+)-пиретролон б-н аралашмаси; мойчечакнинг баъзи турларида учрайдиган инсектицидлар. Қайнаш т-раси юқори бўлган рангсиз суюқ модда. Ишқор таъсирида осон гидролизланади, кучсиз кислоталарга чидамли, ёруғлик, нам ва ҳаво таъсирида *газ* парчаланади.

П. туюлган мойчечак гулини қутбли ва қутбсиз эритмалар (метанол — керосин) аралашмаси б-н, баъзи ҳолларда бирор эритма (метилен хлорид, дихлорэтан ва б. хлорланган углеводородлар) б-н экстракциялаб олинади. 25% ли техник П. экстрактининг таркибида 10% пиретрин I, 9% пиретрин II, 3% цинерин I, 3% га яқин цинерин II ва ясминлар юқи бор. П. сариқ тусли мой, сувда эримайди, кўпчилик органик эритувчиларда эрийди.

П. ҳашаротларга бевосита таъсир этиб қотириб қўядиган инсектициддир. Уй ҳашаротларига (қандала, бит, бурга, суварак) қарши курашишда аэрозоллар, дустлар, эмульсиялар ҳолида ишлатилади. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатиш ҳам мумкин. П. нинг инсектицидлик таъсирини кучайтириш мақсадида уларга турли хил синергист моддалар (пиперонилбутоксид, тропиталь, сезамекс ва б.) қўшилади.

ПИРЕТРУМ (Pyrethrum) — мураккабгулдошлар (мураккабгуллилар оиласи)га мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Шарқий ярим шарининг мўътадил минтақасида 100 га яқин, СССРда 55, жумладан Ўзбекистонда 7 тури бор. П. нинг пояси бир нечта, кўп қиррали. Барглари патсимон қирқилган, поя пастида банди б-н, юқорисида бандсиз кетма-кет ўрнашган. Тўпгули саватча. Саватча четидаги гуллари тилсимон, тўқ қизил, пушти ёки оқ. Меваси циста. Қизил П. ва пушти П. Кавказда учрайди. Баъзи турлари Украина, Шимолий Кавказ, Молдавия ва Урта Осиёда ўстирилади. П. нинг гулларидан ҳашаротларга қарши ишлатиладиган инсектицид (пиретрин) олинади.

ПИРИ Роберт Эдвин (1856. 6. 5, Пенсильвания — 1920. 20. 2, Вашингтон) — америкалик Арктика тадқиқотчиси, инженер, адмирал (1911 йилдан). Гренландияга бир неча марта экспедиция уюштириб, унинг шимолий қисмини икки марта кесиб ўтган (1892, 1895). 1909 йил 6 апрелда итлар қўшилган чанада 4 киши ҳамроҳлигида Шимолий қутбга етиб борган. Гренландия шимолидаги ярим орол (Пири Ери) ва Канада Арктика архипелагининг шимолидаги бўғоз П. номи б-н аталган.


Ад.: Лактионов А. Ф., Северный полюс, [3 изд.], М., 1960.

ПИРИДИН, C_5H_5N — рангсиз, органик суюқлик. Узига хос ҳиди бор. Мол. оғ. 79, 098, суюқланиш т-раси — 41,6°С, қайнаш т-раси 115,3°С, зичлиги 0,9832 *г/см*³ (20°С да). Сув ва кўпчилик органик эритувчилар б-н ҳар қандай нисбатда аралашади. Кучсиз асос, кислоталар б-н туз ҳосил қилади. Тошкўмир смоласидан олинади. Бўягичлар синтезида, дори моддалари ва инсектицидлар олишда, эритувчи сифатида ишлатилади. Ҳосилалари, мас., 2-метил-5-винилпиридин винилпиридин каучуклар тайёрлашда қўлланилади. П. заҳарли.

ПИРИДОКСИН, пиридоксол, витамин B_6, $C_8H_{11}O_3$ — рангсиз кристалл модда. Мол. оғ. 169,18, суюқланиш т-раси 160°С. Сув ва спиртда яхши, ацетон ва эфирда ёмон эрийди. Кислота ва ишқорга чидамли. Гуруч қипиғи ва кепакда, дрожжида, буйрак, жигар ва мушакларда бўлади. П. озиқ-овқатда етишмаса ҳайвонларда дерматит пайдо бўлади.

ПИРИМИДИН, 1,3 ёки *м*-диазин, миазин, $C_4H_4N_2$ — диазин синфига оид рангсиз кристалл бирикма. Суюқланиш т-раси 21°С, қайнаш т-раси 124°С. Сув, спирт ва эфирда яхши эрийди. 2,4— дихлор—, 2, 4, 6 — трихлорни қайтариб ва малондиальдегид ҳосиласини конденсирлаб олинади. П. ядроси витамин B_1, коэнзим (уридиндифосфатглюкоза), антибиотиклар ва нуклеотидлар таркибига киради. Биологик процесларда аҳамияти муҳим.

Пиримидин асослари, пиримидинлар — пиримидиннинг гетероциклик азотли асослари ҳосилалари бўлмиш табиий бирикмалар группаси. Организмнинг ҳаёт фаолиятида муҳим роль ўйнайди. Нуклеин кислоталари таркибига киради.



Пираньялар. Оддий пиранья.



Пирматов Б.



Пирматов Э.



Пирматов У.



Пирмуҳамедов А. Н.

ПИРИНОХАС — Хоразм обл. Хива р-ни Чинобод қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з территориясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 29 *км*. Аҳолиси 2076 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Полвонёп каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, к-з дам олиш уйи, ёзги кинотеатр ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПИРИТ (юнон. pyritēs lithos — учқун берувчи тош), олтингугурт колчедани, темир колчедани — минерал. Кимёвий таркиби FeS_2 (46,6% Fe, 53,4% S). П. да Co, Ni, As, Cu, Au, Se ва б. аралашмалари бўлади. Куб, пентагондодекаэдр, баъзан октаэдр кристаллар ҳосил қилиб, *куб* сингонияда кристалланади. Яхлит агрегат массалар, шарсимон конкрециялар ҳамда майда донадор шаклларда бўлади. Қаттиқлиги 6—6,5, с. оғ. 4,9—5,2. Ранги оч сариқ, сарғиш-кўнғир; металлдек ялтироқ. Электрни яхши ўтказмайди. П.— табиатда энг кўп тарқалган сульфид бирикмасидир.

СССРда П. конлари Урал, Олтой, Қозоғистон, Закавказье ва б. жойларда, чет элларда— Норвегия, Испания, Италия, Кипр о., Канада ва Японияда бор. Узбекистонда полиметалл конларида кўп. П. сульфат кислота, олтингугурт ва темир купороси учун хом ашё ҳисобланади.

ПИРКЕ РЕАКЦИЯСИ—сил касаллигини аниқлашда қўлланиладиган аллергик реакция; кучсизлантирилган ёки ўлдирилган сил микроби (туберкулин) билак териси орасига юборилгандан сўнг 24—48 соат ўтгач, терининг қизариш ва шишиш даражасига қараб касаллик борйўқлиги аниқланади. Австриялик патолог ва педиатр К. Пирке 1907 йили таклиф этган. Мактабгача муассасалар ва мактабларда сил микобактерияси юққан болалар бор-йўқлигини аниқлаш учун қўлланилади (яна қ. *Манту реакцияси*).

ПИРМАТОВ Боймирза (1920. 20. 5, Жиззах)— ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1945 йилдан КПСС аъзоси. 1938 йилдан Жиззах т. й. станциясида ишчи. Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1943—45). 1946 йилдан т. й. ишчиси. Қаҳрамон унвонига кўп йиллик намунали хизматлари учун сазовор бўлган. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПИРМАТОВ Эргаш (1926. 9. 09, Тошкент обл. Оржоникидзе р-н Ниёзбек қишлоғи)— электр аппаратчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1976). 1962 йилдан КПСС аъзоси. Иш фаолиятини Оржоникидзе р-нидаги Охунбобоев номли к-зда ҳисобчиликдан бошлаган. 1950 йилдан Чирчиқ «Электрохимпром» к-тидаги электролиз цехида аппаратчи ёрдамчиси, кейинчалик аппаратчи бўлиб ишлади. Уч марта ўз ташаббуси б-н энг қолоқ участкага ўтиб, уни илғорлар даражасига кўтарди. П. илғор рационализатор ва мураббийлик ҳаракати ташаббускори. Тўққизинчи беш йилликда ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришган. П. Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПИРМАТОВ Ўринбой (1905, Фарғона обл. Фрунзе р-ни Топтиқсарой қишлоғи)— к-з тузумининг фаол иштирокчиларидан, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1957). 1939 йилдан КПСС аъзоси. Фрунзе р-нидаги «Қизил аскар» ва Калинин номли к-зларда табелчи, бухгалтер (1931—38), р-н 2-МТСида инструктор-бухгалтер (1938—40), Фрунзе р-н партия комитетида инструктор, бўлим мудири (1940—44), р-н ижроия комитети раиси (1945—47), Оққўрғон пахта пункти (1948—50), р-н пахтачилик бўлими мудири (1950—52), К. Маркс номли к-з раиси (1952—57), Охунбобоев номли с-з директори (1957—61), гидротехник (1961—66). П. раислик қилган К. Маркс номли к-зда 1070 *га* ернинг ҳар гектаридан 31 *ц* пахта етиштирилган (1956). 5-чақириқ ЎзССР Олий Совети депутати. Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган. 1967 йилдан Иттифоқ миқёсидаги пенсионер.

ПИРМУҲАМЕДОВ Асқар Нурмуҳамедович (1934. 20. 7, Тошкент)— иқтисодчи олим. Иқтисод фанлари д-ри (1971). 1963 йилдан КПСС аъзоси. Москва Транспорт-экономика ин-тини тугатган (1957). 1957—60 йилларда шу ин-т аспиранти. ЎзССР ФА Математика ин-тида кичик илмий ходим (1960—62). 1962—63 йилларда Урта Осиё Газ саноати илмий текшириш ин-ти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, 1963—66 йилларда ЎзССР ФА Кибернетика ин-ти ва ҳисоблаш марказида катта илмий ходим, илмий ишлар бўйича директор ўринбосари. 1968 йил ноябрдан ЎзССР Давлат план комитети информация-ҳисоблаш марказининг директори. 1974 йилдан Москвадаги илмий текшириш ин-тида бўлим мудири. 1971 йилда «ЎзССРда халқ хўжалигини планлаштиришни такомиллаштириш масалалари (иқтисодий-математик методлар ва ҳисоблаш техникаси асосида)» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. П. нинг илмий фаолияти иқтисодий-математик методлар ва электрон-ҳисоблаш машинаси асосида халқ хўжалигини планлаштиришни такомиллаштиришга бағишланган.

Ас.: Система оптимального планирования и управления в народном хозяйстве Узбекской ССР, Т., 1969; О путях создания АСПР в Узбекистане, Т., 1969 (Ш. А. Ҳўжаев б-н биргаликда); ЭВМ и планирование народного хозяйства, Т., 1970 (А. К. Маҳаматов б-н биргаликда); Планирование и новейшая вычислительная техника, Т., 1973 (А. К. Маҳаматов б-н биргаликда).

ПИРМУҲАМЕДОВ Раҳим [1896. 20. 12 (1897. 1. 1)— Тошкент — 1972. 16. 2]— биринчи ўзбек киноактёрларидан. СССР халқ артисти (1967). 1945 йилдан КПСС аъзоси. Москва ўзбек драма студиясини тугатган (1930). Актёрлик фаолиятини 1918 йили К. Маркс номидаги театр труппаси (ҳозирги Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри)да бошлаган, кейинчалик Самарқанд, Наманган театрларида ишлаган. 1924 йили Тошкентда ўтказилган «Қулдирувчилар мусобақаси»нинг голиби. 1927 йилдан киноактёр. П. овозсиз кинода ижро этган Акромхон қўрбоши, деҳқон (реж. К. Гертель, «Равот қашқирлари», «Масжид гумбазлари остида», 1927, 1928), Жўрабой (О. Фрелих, «Соябон арава», 1928) каби дастлабки роллари киноактёрлик маҳоратини оширa борган. Бу даврда у овозсиз кинонинг энг яхши анъаналарини ўзлаштириб, ўзининг кейинги фаолияти учун муҳим замин тайёрлаган. Биринчи ўзбек овозли фильми — «Қасам» (А. Усольцев, 1937)даги Раҳим милиционер образида П. қишлоқ кишиси психологиясини, унинг янги, социалистик ҳаётга интилишини ўзига хос маҳорат б-н очиб берди.

П. ижодида халқ театри анъаналари, ҳозирги замон реалистик саҳна санъати ютуқлари ва кино эстетикаси маданиятига хос хусусиятлар уйғунлаша борди. Бунинг натижасида П. амир айғоқчиси (Я. Протазанов, «Насриддин Бухорода», 1943), карвон сарой соқчиси, кўса (Н. Ғаниев, «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддин саргузаштлари», 1945, 1946) сингари чуқур миллий, ҳаётий ва реалистик образлар яратди. Айниқса, биринчи ўзбек кинокомедияси — «Насриддин Бухорода» фильмида М. Мироқилов б-н ҳажвий саҳна яратиб, Бухоро амирининг маккор ва зиқна айғоқчиси образини тўлақонли гавдалантирди. П. Я. *Протазанов, Л. Свердлин, Д. Демуцкий*лардан ижрочилик санъатини, кинематографик тасвир сирларини ўрганди. Ушбу тажрибалари П. га Абдулмалик, Абулхайр (К. Ёрматов, «Алишер Навоий», «Абу Али ибн Сино», 1947, 1957), тракторчи Полвон (Н. Ғаниев, «Фарғона қизи», 1948), Икром (З. Собитов «Фарзандлар», 1959) сингари образларини яратишда янада қўл келди.

П. турли хил хатти-ҳаракатлар, ўзига хос мимика ва б. воситалар б-н образларга сатирик ва юмористик бўёқ беради, уларни турли драматик кулгили ҳолатларда кўрсатиб ҳақиқий сатирик санъаткорга хос талантини намоён этади. Мас., П. яратган қотил, қушбеги (И. Аъзамов, «Фурқат», «Утган кунлар», 1959, 1969), Арслонбек, кинотеатр контролёри (Ш. Аббосов, «Маҳаллада дув-дув гап», «Сен етим эмассан», 1960, 1963) каби салбий образлар ўзининг тўлақонлилиги, ранг-баранглиги, сатирик бўёқларга, миллий колоритга бойлиги б-н ажралиб туради. П. кинода 50 га яқин ранг-баранг образлар яратиб, ўзбек актёрлик санъатига ўзига хос, самарали ҳисса қўшди. Муллабой (У.. Назаров, «Шиддат», 1971) унинг ижодида сўнгги образ бўлди. П. кинодраматургия соҳасида ҳам ижод қилди — у «Девонаи-ростгўй» сценарийси муаллифидир. 2 марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган (560-бетда П. ижодига оид вклейка берилган).

Ад.: Акбаров Х., Раҳим Пирмухамедов, М., 1970; Тешабаев Дж., Раҳим Пирмухамедов, Т., 1970.

ПИРНА — ГДРдаги шаҳар. Дрезден округида, Эльба дарёсининг чап соҳилида. Аҳолиси 50 минг киши (1972). Муҳим саноат шаҳри, дарё порти. Машинасозлик (газ турбиналари, электротехника буюмлари ва б.), целлюлоза-қоғоз, ёғочсозлик корхоналари, ТЭС бор. Музика асбоблари, керамика ва шиша буюмлар, сунъий толадан шойи ишлаб чиқарилади.

ПИРНАЗАРОВ Самеи (1924, ҳозирги Жиззах обл. Фориш р-ни)— чорвадор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1966). 1967 йилдан КПСС аъзоси. 1942—69 йилларда Фориш р-нидаги «Қизилқум» с-зида, 1969 йилдан Ильич номли с-зда бош чўпон. Ҳар 100 совлиқдан 180—190 тадан қўзи, ҳар бош қўйдан 3,7 *кг* жун қирқиб олган. Ленин ордени ва медаль б-н мукофотланган.

ПИРОГАЛЛОЛ, пирогаллол кислота ёки 1, 2, 3— триоксибензол, $C_6H_3(OH)_3$ — органик бирикма, уч атомли фенол; ялтироқ, игнасимон ёки пластинка шаклли рангсиз, ҳидсиз кристалл модда. Мол. оғ. 126,11, суюқланиш т-раси 133—134°С, қайнаш т-раси 309°С. Сувда, спиртда ва эфирда яхши эрийди, заҳарли, кучли қайтарувчи, ҳавода қораяди. Саноатда галла кислотани қуруқ ҳайдаб (декарбоксиллаб) олинади. Аналитик кимёда, медицинада ва фотографияда ишлатилади. Баъзи бир бўёғичларни синтез қилишда дастлабки модда ҳисобланади.

ПИРОГОВ Николай Иванович [1810. 13 (25). 11, Москва — 1881. 23. 11 (5. 12), ҳозирги Винница яқинида]— рус хирурги, педагог ва жамоат арбоби. Петербург ФАнинг мухбир аъзоси (1847). Петербургдаги Медицина-хирургия академиясининг проф. (1841). Хирургияда анатомик-экспериментал йўналишга асос солди. У ҳарбий-дала хирургияси ва хирургик анатомиянинг асосчисидир. «Одамнинг музлатилган танаси орқали 3 йўналишда ўтказилган кесимлар тасвири берилган топографик анатомия» номли атласи (4 томлик, 1852—59) ва б. асарлари б-н топографик анатомия фанига пойдевор қўйди. Россияда пластик операция, жаҳонда эса суяк пластикаси ғоясини биринчи бўлиб илгари сурди. Бир қатор муҳим операциялар ва хирургик усулларни ишлаб чиқди. П. Кавказ (1847) ва Қримдаги (1854) урушларда орттирган бой шахсий тажрибасига асосланиб, урушда ярадор бўлганларга хирургик ёрдам беришнинг аниқ системасини яратди («Умумий ҳарбий-дала хирургиясининг бошланиши». Асар немис тилида 1864, рус тилида 2 қисмда, 1865—66 йилларда нашр этилди); дала шароитида биринчи бўлиб наркоз учун эфир ишлатди, қимирлатмай қўядиган гипс боғлам таклиф қилди ва амалда қўллади. Вабонинг патологик анатомияси бўйича қимматли тадқиқотлар ўтказди (1849). П. вафотидан сўнг Н. И. Пирогов хотираси учун рус врачлари жамияти тузилди. Ленинград хирурглар жамияти, бир қанча медицина ин-тлари П. номи б-н аталади.

Ас.: Собр. соч., т. 1—8, М., 1957—62; Избр. педагогические сочинения, М., 1953.

Ад.: Гесселевич А. М., Смирнов Е. И., Н. И. Пирогов, М., 1960; Иванов С. Т., Хромов Б. М., Мировоззрение и научные взгляды Н. И. Пирогова, Л., 1961; Гесселевич А. М., Н. И. Пирогов, М., 1969.



Пирмуҳамедов Р.



Пиразаров С.



Пирогов Н. И.

ПИРОКАТЕХИН, *о*-диоксибензол, икки атомли фенол, $C_6H_4(OH)_2$— игнасимон кристалл рангсиз модда. Мол. оғ. 110, 11, суюқланиш т-раси 104°С, қайнаш т-раси 246°С, с. оғ. 1,344 *г/см*^{3}. Сув, бензол, толуол, спирт ва эфирда эрийди. П. фталат ангидрид б-н бирга эритилганда *ализарин* ва гистазарин бўёғичлар ҳосил бўлади. Саноатда П. орто-хлорфенол ёки ортофенолсульфокислоталарни ишқор б-н эритиб олинади. Аналитик кимёда, фотографияда қайтарувчи сифатида ишлатилади.

ПИРОКЛАСТИК ЖИНСЛАР (юнон. руг — олов ва klàō — синдираяпман)— *вулкан*дан отилиб чиққан маҳсулотлар қотишидан пайдо бўлган чақиқ тоғ жинслари. Таркибига кўра базальт, андезит, липарит, трахитли вулкан жинсларидан иборат. П. ж. доначаларининг тузилиши жиҳатидан йирик (псефитли), ўрта (псаммитли), майда (алевритли, пелитли) бўлакли жинсларга бўлинади. П. ж. қатламлангач, ё *игнимбритлар*дек жипслашиб кетади, ё *диагенез*га учрайди. Бу жинслар қурилиш материаллари сифатида ишлатилади. П. ж. таркибини ва тарқалиш қонуниятини тўлиқ ўрганиш улар б-н боғлиқ конларни қидириб топишда муҳим аҳамиятга эга.

ПИРОКСЕНИТ — бир ёки бир неча *пироксен*лардан иборат ультраасосли тоғ жинси. Баъзан дала шпати, оливин ва магнетит ёки титаномагнетит аралашган бўлади. П. габбро-перидотитли магматик тоғ жинслари гуруҳига мансуб. Таркибидаги пироксен ва руда минерали турига қараб П. бронзитит, гиперстенит, вебстерит (перцолит) каби турларга бўлинади. П. да

43—53% SiO_2, 4—10% Al_2O_3, 5—13% $FeO+F_2O_3$, 13—24% MgO ва 9—20% CaO бўлади. П. гипербазитлар таркибига киради. Кўпинча ишқорли жинслар ва карбонатитларда апатит, нодир ер элементлари ва б. фойдали қазилмалар б-н бирга учрайди.

ПИРОКСЕНЛАР (юнон. pýr—олов ва xenos—бегона) — жинс ҳосил қилувчи минераллар гуруҳи. Кимёвий таркиби $R^2_2+[Si_2O_6]$, бунда R — магний, кальций, темир ва б. металлар катионлари. Кристаллографик белгиларига қараб ромбик ва моноклин П. бўлади.

Ромбик П. магний, темир метасиликатларидан иборат узлуксиз изоморф аралашма $Mg_2[Si_2O_6]$ Fe_2 $[Si_2O_6]$ қаторини ҳосил қилади. Магнийли энстатит — $Mg_2[Si_2O_6]$ ва магний-темирли гиперстен — $(MgFe)_2$ $[Si_2O_6]$ кўп тарқалган.

Моноклин П. нинг таркибида магний ва темирдан ташқари кальций ҳам бўлиб, бу гуруҳга *диопсид, геденбергит, авгит, жадеит,* эгирин ва сподумен минераллари киради. Моноклин П. асосан скарнларда ва эффузив жинсларда учрайди. П. нинг қаттиқлиги 5—6,5; с. оғ. 3,1—3,6.

Ромбик ва моноклин П. мономинерал ультраасосли тоғ жинслари (пироксенитлар)ни ташкил қилади, шунингдек бошқа ультраасосли тоғ жинслари (перидотитлар, гарцбургитлар ва б.) таркибига киради. Моноклин П. кенг тарқалган. Диопсид — геденбергитлар — контакт метасоматик скарнларнинг одатдаги минералларидир; авгитлар магматик тоғ жинслари (базальт, андезит, габбро, диорит ва б.)да учрайди; эгирин — ишқорий сиенитларнинг одатдаги минерали; жадеит айрим метаморфик тоғ жинсларида бўлади; сподумен фақат литийли *пегматитлар*дагина мавжуд. Моноклин П. (авгитлар) ойдаги базальтларнинг асосий минерали ҳисобланади.

Гидротермал эритмалар таъсирида П. серпентин, шох алдамчи (уралит), хлорит, эпидот ва б. га ўтади. Сиртқи нураш жараёнида эса П. монтмориллонит ва б. га айланади. Сподумен — Li ажратиб олинадиган қимматли руда, унинг тиниқ, шаффоф турлари қимматбаҳо тошлар сифатида ишлатилади; жадеит—ясама тош.

Ад.: Брэгг У. Л., Кларингбулл Г. Ф., Кристаллическая структура минералов, Пер. с англ., М., 1967; Костов И., Минералогия, Пер. с англ., М., 1971; Бетехтин А. Г., Минералогия курси, Т., 1969.

ПИРОКСИЛИН — портловчи модда; целлюлоза ва нитрат кислотанинг мураккаб эфири (қ. *Нитроцеллюлоза*).

ПИРОЛИЗ (юнон. руг — олов ва ... *лиз*)—пирогенетик процесслардан бири; мураккаб моддаларни уларга ҳаво бермай (кўпинча катализаторлар б-н) юқори т-ра таъсирида анча оддий моддаларга парчалаш. П. техникада, мас., нефтни қайта ҳайдашда (бензин миқдорини ошириш ва ароматик углеводородлар олиш учун) кенг қўлланилади. Нефтни махсус печларда 600—750° гача қиздирилганда углеводородгача бўлган молекуляр оғирлиги кичик бирикмалар ҳосил бўлади; айни вақтда зичлашиш реакцияси рўй бериб, молекуляр оғирлиги юқори моддалар, ароматик ва тўйинмаган углеводородлар вужудга келади. Нефть П. қилинганда углеродли қолдиқ, нефть кокси ва б. ҳосил бўлади. Т-ра, босим ва қиздириш давомийлиги П. натижасига таъсир қилади. П. қ. х. да ишлатиладиган заҳарли химикатлар, халқ хўжалигининг турли тармоқларида қўлланиладиган углеводородлар (ёғоч спирти, сирка кислота ва б.), қазиб олинадиган кўмирлардан *кокс*, газ ва б. олишда қўлланилади.

ПИРОЛЮЗИТ (франц. pyrolusite (юнон. руг — олов ва lúo — ювараман), полианит — минерал. Кимёвий таркиби MnO_2; Mn миқдори 55—63%. Тетрагонал сингонияда кристалланади. Яхлит, яширин кристалланган, кўпинча кукун, қурум каби массалар ҳолида учрайди. Ранги кул ранг ёки қора; қаттиқлиги кристалл ҳолида 5—6, говагиники 2—3. С. оғ. 4,7—5,0. Чўкинди конларининг қирғоқ бўйи фацияларида кенг тарқалган. Гидротермал конларда марганец рудаларининг оксидланиши натижасида ҳам ҳосил бўлади. П. дан электротехникада, кимёвий препаратлар, шиша, чинни ишлаб чиқариш ва б. соҳаларда фойдаланилади.

ПИРОМЕТАЛЛУРГИЯ (юнон. руг — олов ва *металлургия*) — металл ва металл қотишмаларини юқори т-рада олиш ҳамда тозалаш жараёнлари мажмуи. Металлургиянинг асосий ва қадимги усулларидан бири. 19- а. охири ва 20- а. бошларидан паст т-рада металл олиш жараёнлари мажмуи — *гидрометаллургия* саноат аҳамиятига эга бўлди, лекин П. асосий усуллигича қолди.

Технологик аломатларига қараб, П. жараёнлари обжиг, эритиш, конвертерлаш, рафинациялаш, дистиллаш каби усулларга бўлинади. Обжиг — турли газлар муҳитида материалга юқори т-ра шароитида ишлов бериш (материал қаттиқ ҳолатини сақлайди); бу процесс турли печларда ўтади. Эритиш — шихтани тўла эритиб, уни икки қатлам (металл ва шлак ёки металл ва штейн)га ажратиш; шахта печлар, қайтаргич печлари, электр печлар ва б. да боради. Конвертерлаш — эритишнинг бир тури; бунда эриган материаллар (чўян, штейн) ва хом ашёлар (лом, концентратлар)га ҳаво ёки кислород пуфланади. Рафинациялаш — эриган хомаки металларни қўшимчалар (тузлар, ишқорлар, металлар) ва б. ёрдамида ишлаш. Дистиллаш — қайтариладиган металларни буғ ҳолатига келтириб, сўнгра конденсациялаш, роторли печлар (рух олишда); шахта печлари (қўрғошин, қалай ва б. олишда) ва б. да қўлланилади. Бутун дунёда олинадиган чўян, темир, пўлат, қўрғошиннинг 100% и, мисниг 95% и, рухнинг 60% идан ошиқроғи П. усулида ишлаб чиқарилади.

Ад.: Ванюков А. В., Зайцев В. Я., Теория пирометаллургических процессов, М., 1973; Зеликман А. Н., Меерсон Г. А., Металлургия редких металлов, М., 1973.

ПИРОМЕТРИЯ (юнон. руг — олов ва ... *метрия*)— т-рани ўлчаш усуллари мажмуи. П. усулларининг кўпчилиги нифрақизил, кўзга кўринадиган ва ультрабинафша нурлар спектри соҳасида жисмнинг нурланиш ёки нур ютиш интенсивлигини ўлчашга асосланади. Жисм т-раси (T) нинг ўзгаришига қараб, унинг нурланиш ёки нур ютиш интенсивлиги иссиқлик нурланиш қонунларидан (қ. *Киргофнинг нурланиш қонуни, Планк нурланиш қонуни*) ёки термик мувозанат қонунларидан (Максвелл—Больцман тақсимот функцияси, *Саха формуласи* ва б.) аниқланади. Оптик П. методи ҳам мавжуд. Бу метод б-н т-ра (T) ни газ ёки плазмадаги нейтрал ёки зарядланган зарраларнинг концентрациясидан аниқланади.

Оптик П. методи текширилаётган жисм б-н т-рани ўлчайдиган асбоб орасида узвий боғланиш бўлишини талаб қилмайди. Шунинг учун бу метод б-н асбобларга ҳеч қандай зарар етказмай, ҳаддан ташқари юқори т-ралар (T) ни, асбобдан маълум узоқликда жойлашган объектнинг т-ра (T) сини ўлчаш мумкин. Оптик П. нинг бошқа методлардан афзаллиги шундаки, ундан фойдаланилаётганда текширилаётган объект ҳолати бузилмайди. Оптик П. ўлчайдиган т-ра назарий жиҳатдан чексиз ҳисобланади. Лекин амалда т-ранинг пастки чегараси нурланиш приёмнигининг сезгирлиги б-н аниқланади. Мас., визуал равшан оптик П. учун пастки чегара 800°С дан бошланади. Спектрнинг инфрақизил соҳасида ва ҳозирги замон нурланиш приёмникларида бу чегара 300°С дир.

П. усуллари ичида қаттиқ жисм ва суюқлик спектр чизиқларини ўлчашга асосланган усул кенг қўлланади. Берилган жисм атомларининг концентрацияси маълум бўлса, бу усул б-н катта аниқликда т-рани аниқлаш мумкин. Агар атомлар концентрацияси маълум бўлмаса, нисбий интенсивлик усули қўлланади. Бунда т-ра икки (ёки бир неча) спектр чизиқларининг нисбати орқали аниқланади. Т-ра П. нинг бошқа усуллари б-н спектр чизиқларининг шакли ва кенглиги орқали ўлчанади. Бу чизиқлар т-ра б-н Доплер эффекти ёки Штарк эффекти орқали боғланган. Баъзи бир усулларда т-ра туташ спектрларнинг эбс. ёки нисбий интенсивлигидан аниқланади. Лазер нурланишининг плазмада сочилиш спектридан т-рани аниқлаш усули алоҳида аҳамиятга эга.

П. усуллари космонавтика, кимё, металлургия, медицина, саноат ва б. соҳаларда қўлланилади.

Ад.: Ландсберг Г. С., Оптика, М., 1964.

ПИРОМЕТРЛАР (юнон. руг — олов ва ... *метр*)— спектрнинг оптик соҳасида шаффофмас жисмларнинг нурланишига қараб уларнинг т-расини ўлчаш учун ишлатиладиган асбоблар. П. ёрдамида т-раси ўлчанадиган жисм иссиқлик мувозанатида туриши ва ёруғлик ютиш коэффициенти 1 га яқин бўлиши керак. П. ёрдамида юқори т-ралар ўлчанади. Иш принципига қараб, равшанликли, рангли ва радиацион П. мавжуд. Равшанликли П. кенг тарқалган, улар 10^3—10^4 °К соҳасидаги т-раларни аниқ ўлчайди. Билинмай кетадиган толали равшанликли П. да текширилаётган жисм тасвири қиздириш лампасининг толаси текислигида фокусланади (расмга қ.). Окуляр орқали жисм тасвири фонида толага қараб ва толанинг чўғланиш токини ўзгартириб, жисм ва тола равшанлиги тенглаштирилади (бу пайтда тола билинмай кетади). Толанинг чўғланиш токини ўлчайдиган асбоб шкаласи °С ёки °К ларда бўлинган. Равшанлик тенглашган пайтда асбоб жисмнинг т-ра (T_b) сини кўрсатади. Жисмнинг ҳақиқий т-раси T Кирхгоф ва Планкнинг иссиқлик нурланиш қонунлари асосида қуйидаги формула б-н аниқланади:

$$T = T_b C_2 / (C_2 + \lambda_э T_b \ln \alpha_{\lambda,T}),$$

бунда: $C_2 = 0{,}014388$ *м*·°К. $\alpha_{\lambda,T}$ — жисмнинг ёруғлик ютиш коэффициенти, $\lambda_э$ — π. тўлқинларининг эффектив узунлиги.


Спектрнинг оптик соҳасида $\lambda \approx \text{const}$ ли жисмлар т-расини ўлчашда рангли П. дан фойдаланилади. Бунда спектрнинг кўк ва қизил соҳаларидаги равшанликлар нисбати $b_1(\lambda_1 T) / b_2(\lambda_2 T)$ аниқланди. Асбоб шкаласи °С ларга бўлинган, у жисмнинг ранг т-раси (T_c)ни кўрсатади. Жисмнинг ҳақиқий т-раси T қуйидаги формула б-н ифодаланади:

$$\frac{1}{T} = \frac{1}{T_c} + \frac{(\ln \alpha_{\lambda_1,T} - \ln \alpha_{\lambda_2,T})}{C_2\left(\frac{1}{\lambda_1} - \frac{1}{\lambda_2}\right)}.$$


Рангли П. равшанликли П. дан мураккаброқ, лекин сезгирлиги ва ўлчаш аниқлиги ундан паст. Рангли П. ҳам 10^3—10^4 °К соҳасидаги т-раларни ўлчайди.

Жисмнинг тўлиқ нурланишини ифодаловчи радиацион П. сезгир, лекин ўлчаш аниқлиги пастроқ. Уларнинг иши *Стефан — Больцман нурланиш қонуни* ва *Кирхгоф нурланиш қонуни*га асосланган. Радиацион П. кузатилаётган нурланишни приёмник (термоустун ёки болометр)да фокуслайди. Бунда сигнал абсолют қора жисмнинг нурланиши бўйича тақсимланган ва радиацион т-ра (T_r)ни кўрсатадиган асбобда қайд қилинади (2- расм). Жисмнинг ҳақиқий т-раси қуйидаги формула б-н ифодаланади: $T = \alpha_T^{1/4} T_r$, бунда α_T — жисмнинг тўла ёруғлик ютиш коэффициенти. Радиацион П. 200°С т-радан бошлаб ўлчайди. Саноатда П. турли технологик процессларни т-ра бўйича назорат қилиш ва бошқариш системасида кенг қўлланилади.

Ад.: Рибо Г., Оптическая пирометрия., Пер. с франц., М.—Л., 1934; Гордов А. Н., Основы пирометрии, 2 изд., М., 1971.



Пирометрлар. 1- расм. Термоэлектрик пирометр.



2- расм. Радиацион пирометр.

ПИРОП (юнон. purōpós — оловсимон)— *гранатлар* гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий формуласи Mg_3Al_2 $[SiO_4]_3$, таркибида 20,45% MgO бўлади. Унга темир, марганец ҳам аралашган бўлади. П. чиройли тўқ қизил ранги б-н ажралиб туради. Айрим перидотитлар, *кимберлит*лар, шунингдек серпентинитлар учун характерлидир. П. нинг қип-қизил, тиниқ, шаффоф кристаллари қимматбаҳо тош ҳисобланади. Машҳур кони Чехословакияда бўлиб, метаморфлашган магнезиал сланецларда, сочма конларда кенг тарқалган. СССРда Ёқутистон АССРда кимберлит (олмос б-н бирга) ва *эклогит*ларда мавжуд.

ПИРОПЛАЗМОЗ (Piroplasmosis)— қорамол, от, чўчқа ва итларда учрайдиган инвазион касаллик. Содда микроорганизм — пироплазманинг эритроцитларда паразитлик қилишидан ривожланади. Қўзғатувчиси оралиқ хўжайин иштирокида унинг қизил қон таначаларида ва ички паренхиматоз органларида кўпаяди. П. ни яйлов каналари тарқатади. Мавсумий касаллик, жанубий р-ларда, айниқса, Шимолий Кавказда кенг тарқалган. Қасалланган ҳайвонда иситма, сариқлик, камқонлик ва қон сийиш каби белгилар пайдо бўлади. Қасаллик белгиларига, эпизоотологик маълумотлар ва лаборатория текширувларига қараб диагноз қўйилади.

Даволаш: касал ва касал деб шубҳа қилинган ҳайвонлар ажратилиб, каналардан тозаланади ҳамда трипафлавин, акаприн, беринил ва б. б-н даволанади.

ПИРОСМАНАШВИЛИ Нико (Николай Асланович) (тахм. 1862—1918) — грузин рассоми. *Примитивизм*нинг йирик вакили. Рассомликни мустақил ўрганиб, оддий, меҳнаткаш кишиларнинг ҳаётини, маънавий дунёсини ифодалайдиган картиналар яратган («Натюрморт», «Хизматкор», Грузия санъат музейи, Тбилиси; «Балиқчи қоялар орасида», Третьяков галерея-

си). Манзаралар, ҳайвонларнинг тасвирини, дўкон ва идоралар учун лавҳалар чизган. П. асарларида борлиқ жўн тасвирлангандек кўзга ташланса-да, персонажлар романтик, ўзига хос жиҳатлари б-н диққатни тортади.

ПИРОСТА ДЕВОРИ — Қадимги Нурота ш. ва унинг атрофидаги қишлоқларни ўраган мудофаа девори нинг харобаси. Узунлиги 20 *км*, эни 12—15 *м*, баландлиги 1—1,5 *м*. П. д. харобаларини Я. Ғ. *Ғуломов* раҳбарлигидаги археология отряди текширган (1950—51). П. д. 6- асрда қурилиб, 10- асрдан бузила бошлаган.

Ад.: Муҳамедов Ҳ., Узбекистоннинг қадимий мудофаа иншоотлари тарихидан (эрамиздан олдинги III асрдан бошлаб эрамизнинг X асригача), Т., 1961.

ПИРОТЕХНИКА (юнон. руг — олов ва *техника*) — техниканинг портловчи ва ёнувчи аралашмалар тайёрлаш ҳамда қўллаш б-н шуғулланадиган тармоғи.

Ҳарбий мақсадларда ёритувчи пиротехник таркиб (ПТ)лар, сигнал, ёндирувчи, ёруғ из қолдирувчи, шунингдек тутун ҳосил қилувчи ПТлар қўлланилади. ПТ дан жанг майдонида снарядлар, атом бомбасининг портлаши каби сунъий портлашларни ҳосил қилишда ҳам фойдаланилади.

Саноатда рельслар, трубалар, электр симлар, шунингдек турли қотишмалар ишлаб чиқаришда термит ПТ дан фойдаланилади. Гугурт ишлаб чиқаришда ишлатиладиган таркиблар ҳам ПТнинг бир тури ҳисобланади. Сигнал ПТларидан транспортда, кинога олиш, мушаклар тайёрлаш ва б. да фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликларни зараркунандалардан сақлаш, ҳўл мевалар сақланадиган омборлар ва вино бочкаларини дезинфекция қилишда ПТ ишлатилади.

Қўпчилик ПТ ларнинг асосини оксидловчининг ёнилғи б-н иккиламчи аралашмаси ташкил этади; бунда ёнилғи қисман оксидловчидаги, қисман ҳаводаги кислород ҳисобига ёнади.

Юқори т-рали ПТда ёнувчи аралашма сифатида Mg, Al ва уларнинг қотишмалари, камдан-кам Ti ва Zr дан; тугун ҳосил қилувчи аралашмада эса, асосан, органик моддалардан фойдаланилади. ПТда нитратлар ва перхлоратлар металл оксидлари (Fe_3O_4, MnO_2 ва б.) оксидловчи вазифасини бажаради.

ПТ ёнганда ажраладиган иссиқлик 1,2—8,4 *Мж/кг* (300—2000 *ккал/кг*), ёниш т-раси 400—3500°С, ёниш тезлиги 0,5—20 *мм/сек*.

Ад.: Шевчук М. К., Зажигательные средства и защита от них, М., 1961; Шидловский А. А., Основы пиротехники, 4 изд., М., 1973.

ПИРОФИЛЛИТ (юнон. рўг — олов, phýllon — барг; қиздирилганда юпқа баргчаларга ажралади) — қатламли силикатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Al_2[Si_4O_{10}]\,[OH]_2$. Аралашма ҳолида MgO_3, FeO, Fe_2O_3 мавжуд. Ранги оч яшил, сарғиш ва оқ. Қаттиқлиги 1—1,5; с. оғ. 2,84. Ўтга ва кислотага чидамли. Моноклин сингонияли, япроқсимон агрегатлар ҳосил қилади. Конлари метаморфик жинслар б-н боғлиқ бўлиб, пирофиллитли сланец ва *агальматолит* ҳолида учрайди. Яхши изолятор, кимёвий реакцияларга чидамли. Саноатда юқори глиноземли материал сифатида ўтга ва кислотага чидамли асбоблар тайёрлашда ишлатилади. П. дан қоғоз, керамика, резина электротехника саноати ва қурилишда ҳам фойдаланилади. СССР (Урал, Украина), ХХР, АҚШ ва Бразилияда конлари бор.

ПИРОФОСФАТ КИСЛОТА — қ. *Фосфат кислота*.

ПИРОХЛОРЛАР (юнон. рўг — олов ва chlorós — сарғиш-яшил) — ниоботантал мураккаб оксидларга мансуб минераллар гуруҳи. Кимёвий таркиби беқарор, тахминий формуласи $(Ca, Na, U, Ce, Y)_{2-m}(Nb, Ta, Ti)_2O_6(OF)_{1-m}\cdot nH_2O$; изоморф аралашма ҳолида U, Th, Ce, Y, Fe ва б. бўлади. Ранги оч сариқ, қизғиш-жигар ранг, қўнғир-қора бўлади. Айримлари қиздирилганда сарғиш-кўк рангга ўтади. Кўпинча октаэдрик кристаллар ҳолида учрайди. Қаттиқлиги 3 — 5,5; с. оғ. 3,7 — 6,4. Баъзан кучли радиоактив, тез ўзгариб туради ва метамикт минералларга киради. Сиенитли ва нефелин-сиенитли пегматитларда циркон, ильменит, сфен, кальцитлар б-н бирга учрайди. П. ниобий ва тантал учун хом ашё ҳисобланади.

ПИРОЭЛЕКТР (юнон. руг — олов ва *электр*) — кристалл диэлектриклар қиздирилганда ёки совитилганда уларнинг сиртида электр зарядлари ҳосил бўлиши. Қиздирилганда уларнинг бир учи мусбат зарядланса, совитилганда манфий, иккинчи учи эса тескари ишорада зарядланади. Пироэлектрик (кристалл диэлектрик) сиртида зарядлар ҳосил бўлиши кристалл қиздирилганда унинг ичида спонтан (ўз-ўзидан ҳосил бўладиган) қутбланишнинг ўзгаришига, зарядланиш интенсивлиги т-ра ўзгаришига боғлиқ.

Кристалл т-раси ΔT гача ўзгартирилса, унинг спонтан қутбланиши ΔP_m га ўзгаради. Натижада унинг сиртида $\sigma_m = \Delta P_m = P_m\,\Delta T$ заряд вужудга келади (бунда P_m — П. доимийси). Вақт ўтиши б-н бу зарядлар эркин зарядлар б-н экранланади (агар кристалл т-раси ўзгармаса). П. хусусиятли кристаллар *пьезоэлектр* хусусиятига ҳам эга бўлади. Шунинг учун т-ра нотекис ўзгарганида кристалл деформацияланади, деформацияланиш эса ўз навбатида пьезоэлектр табиатли «иккиламчи» қутбланишни юзага келтиради ва у П. табиатли «бирламчи» қутбланишга қўшилади. Бу эса соф П. эффектини кузатишга халақит беради. Демак, кристалл деформацияланмаган ёки деформацияси доимий турган ҳолдагича соф П. эффектини кузатиш мумкин.

П. кристалларда электрокалорик эффект деб юритиладиган тескари эффектни ҳам кузатиш мумкин. Бу эффект ўзгарувчан электр майдонига жойлаштирилган кристалл т-расининг ўзгаришидан иборат. П. нинг мавжуд молекуляр ёки атом назариялари бу ҳодисани ҳали тўла тушунтириб бера олмайди. П. эффектидан амалда инфрақизил нурланишни топишда фойдаланиш мумкин. Тажрибада П. кристаллар т-расининг $\approx 10^{-6}$°С қадар ўзгариши қайд қилинган.

ПИРРОЛ, имидол, C_4H_5N — гетероциклик бирикма, ҳавода тез қораядиган рангсиз суюқлик. Ҳиди хлороформ ҳидига ўхшайди. Мол. оғ. 67,09, суюқланиш т-раси — 23,42°С, қайнаш т-раси 130°С, зичлиги 0,9698 *г/см*^{3} (20°С да). Сувда бир оз эрийди. Кучсиз кислота. Дастлаб тошкўмир смоласидан олинган. Саноатда фуран ва аммиак аралашмасини 400—450°С да алюминий оксид (Al_2O_3) устидан ўтказиб олинади. Пирролидин олишда ва фармацевтик препаратларни синтезлашда фойдаланилади.

ПИРРОН (мил. ав. 360—270) — қадимги юнон файласуфи, *скептицизм* (пирронизм) асосчиси. П. нинг ўзи асарлар ёзмаган, унинг қарашлари шогирдлари, айниқса флиунтлик Тимондан қолган қўл ёзмаларидан маълум. Қарашлари 3 та асосий саволда баён қилинган. Булар: нарсалар табиати қандай, биз уларга қандай муносабатда бўлишимиз лозим ва бу муносабатдан биз учун нима пайдо бўлиши керак? П. ва Тимон бу саволларнинг биринчисига: биз нарсалар ҳақида мутлақо ҳеч нарса билмаймиз, иккинчисига: биз нарсалар ҳақида фикрмулоҳаза юритмаслигимиз лозим, учинчисига: теварак-атрофдаги жами нарса ва ҳодисалардан руҳан бутунлай мустақил бўлишимиз керак, деб жавоб берганлар.

ПИРРОТИН, пирротит (юнон. pyrrhotes — чўғдай қизил), магнитколчедан — $Fe_1{-}_xS$ таркибли сульфидлар синфига мансуб минерал. Унда мис, никель, кобальт аралашмалари ҳам бўлади. Гексагонал ёки моноклин сингонияли; кристаллари кам топилиб, одатда, яхлит масса ёки хол-хол доналар ҳолида учрайди. Ранги тўқ сариқ, металлдек ялтироқ. Қаттиқлиги 3,5—4,5, с. оғ. 4,58—4,70. Магнит хоссасига эга. П. турли генетик типларда ва эндоген конларда тарқалган: асосли магматик жинсларда сульфид уюмлари (мис-никель сульфидлари) орасида, контакт-метасоматик конларда халькопирит, пирит, касситерит, шеелит, кальцит, кварц б-н бирга, гидротермал конларда сфалерит, галенит, халькопирит, касситерит, арсенопирит б-н бирга, чўкинди жинслар орасида сидерит б-н бирга учрайди. Оксидланиш зонасида пирит, марказит ва қўнғир темиртошларга айланади. Сульфат кислота олишда хом ашё сифатида ишлатилади.

Ад.: Минералы, т. 1, М., 1960.

ПИРС Чарлз Сандерс (1839. 10. 9, Кембридж, Массачусетс — 1914. 19. 4, Милфорд, Пенсильвания) — америкалик идеалист философ, логик, математик ва табиатшунос. Америка Фанлар ва санъат академияси (1877) ҳамда Миллий ФА (1879) аъзоси. Гарвард ун-тини тугатган (1859). Шу ун-тда логика, тарих ва философиядан лекция ўқиган.

П. философиясида икки қарама-қарши тенденция: кантчилик «критицизм»и б-н бирлашган эмпирик, позитив тенденция ҳамда Платон ва Шеллинг б-н боғлиқ бўлган объектив-идеалистик тенденция бир-бирига қўшилиб кетган. П. нинг асосий онтологик схемасини «руҳ — биринчи, материя — иккинчи, эволюция — учинчи» деган тезисда ифодалаш мумкин. П. *агностицизм*ни танқид қилди, бироқ билимнинг ишончлилигини инкор этди. П. илмий билим ва фикрнинг шаклланиши, ишончлилиги ва далиллар асосида исботланганлиги масаласига алоҳида аҳамият берди. П. фикрича, бу масалани ҳал этишнинг асосий шарти — мазмунни фақат амалий натижасига қараб талқин қилишдир. П. нинг бу принципи *прагматизм*нинг идеалистик концепциясида ривожлантирилди. II. математик логика соҳасида катта ютуқларга эришди ва *семиотика*ни фан сифатида ривожлантирди.

Ад.: Мельвиль Ю. К., Философия Ч. С. Пирса, М., 1964; Стяжкин Н. И., Формирование математической логики, М., 1967.

ПИРС (инглз. pier — устун, пристань) — портда кемалар тўхтаб турадиган жой, қирғоққа қурилган иншоот. Порт *акватория*сидан чиқиб туради, кемаларни икки томонидан боғлаб қўйишга имкон беради. П. да кемаларга юк ортилади, туширилади, йўловчилар туширилади ёки чиқарилади. Кенг ва тор П. лар бор. Кенг П. нинг эни 60—250 *м*, узунлиги ҳар қайси томонига 3—8 кема тўхтатиб туришга имкон беради. Тор П. нинг эни 10—60 *м*, узунлиги 1—2 кема тўхтаб туришга имкон беради.

ПИРСИЁНЛАР (ўзларини эроний деб атайдилар) — Урта Осиёда, жумладан Узбекистоннинг айрим р-ларида тарқалган халқ — эронийларнинг иккинчи номи. П. нинг асл ватани — Эрон (қ. *Форслар, Эронийлар*).

ПИРЬЕВ Иван Александрович [1901. 4 (17). 11, ҳозирги Олтой ўлкасидаги Камень-Обь қишлоғи — 1968. 7. 2, Москва] — совет кинорежиссёри. СССР халқ артисти (1948). 1956 йилдан КПСС аъзоси. 1957—65 йиллар СССР Кинематографчилар союзи ташкилий комитетининг раиси. Бир неча йил давомида «Мосфильм»ни бошқарган, кейинроқ «Луч» ижодий уюшмасида раҳбар. Бюрократизм ва мещанликни ҳажв қилувчи «Бегона аёл» (1929), «Давлат амалдори» (1931) каби фильмлари П. нинг илк ижод маҳсулидир. Кейинчалик «Улим конвейери» (1933), «Партия билети» (1936), «Трактрочилар» (1939), «Райком секретари» (1942), «Урушдан кейин соат олтида» (1944), «Кубань казаклари» (1950) каби фильмларни экранга чиқарди. П. нинг «Садоқатни синаш» (1954), «Олис юлдуз шуъласи» (1965) сингари фильмлари замонавий мавзуга бағишланган. Ф. Достоевский асарлари асосида экранлаштирган «Тентак» («Настасья Филипповна», 1958), «Оқ тунлар» (1960), «Ака-ука Карамазовлар» (1969, 3 қисмдан иборат) каби фильмларда П. даги режиссёрликнинг янги қирралари, социал қарама-қаршиликларни очиш, бадиий асарларни экранлаштиришда чуқур драматизмни кўрсата олиш қобилияти намоён бўлди. СССР Давлат мукофотлари (1941, 1942, 1943, 1946, 1948, 1951) лауреати. 3 марта Ленин ордени, 4 бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ПИСАНДИЙ (тахаллуси; исми Абдужалил, 1875 — Самарқанд — 1916) — шоир. Дастлабки маълумотни отаси шоир Сипандийдан олган, кейинчалик мадрасаларда ўқиган. Отаси таъсирида ёшлигиданоқ шеърлар ёзган. П. тожик ва ўзбек тилларида ижод қилган. 146 шеърий асарни ўз ичига олган қўл ёзма девони етиб келган (ТожССР ФА шарқшунослик бўлимида 1616- номер б-н сақланмоқда). Девон ғазал, мухаммас, мусаддас, таърих, рубоий, маснавий, марсия, тазмин каби поэтик жанрларда яратилган асарлардан иборат. Улар анъанавий мавзуларда ёзилган бўлиб, инсоний муҳаббат улуғланган, ахлоқ-одоб ва ижтимоий масалалар ҳақида фикр юритилган. П. 80 мисрадан иборат «Ҳикоят» маснавийсида ўзи яшаган ижтимоий тузум ва ўша шароитдаги адолатсизликларни қоралаган.

Ад.: Айний С., Намунаи адабиёти тожик, М., 1926; Халимов С., Абдужалил Писандий, Труды СамГУ, Самарканд, 1963.

ПИСАНДИЙ (тахаллуси; исми Авазмуҳаммад Ёрмуҳаммад ўғли, 1816—Қўқон — 1918) — ўзбек шоири. Кўқон мадрасаларида таҳсил кўрган. Қўпроқ ҳажвий шеърлар яратган. Унинг «Мухаммаси Писандий», «Муҳйи ҳақида ҳажв», «Саъдихон қози ҳажви» ва б. асарлари ўзининг ғоявий йўналиши, феодализм иллатларини фош этувчилик кучи б-н характерли. Шоирнинг «Мухаммаси Писандий» асарида бой ва савдогарларнинг кирдикорлари фош этилади. П. *Махмур* ва *Муқимий* анъаналарини давом эттирган, *Ҳофиз* ва *Фурқат* ғазалларига мухаммаслар боғлаган.

Ад.: Раҳматова Д., Шоир Писандий. Узбек адабиётшунослиги ва тилшунослигига оид тадқиқотлар, 3- китоб, Т., 1966.



Писарев Д. И.

ПИСАРЕВ Дмитрий Иванович [1840. 2 (14). 10, ҳозирги Липецк обл. Знаменское қишлоғи — 1868. 4 (16). 7, Дуббельн, ҳозирги Юрмала ш. Латвия ССР]— йирик рус публицисти ва адабий танқидчиси, материалист философ, революцион-демократ. Дворян оиласида туғилган. Петербург ун-тини тугатган (1861). «Русское слово» журналининг ғоявий раҳбари ва етакчи танқидчиси бўлган (1861—66). 1867—68 йиллари «Дело», «Отечественные записки» журналларида ишлаган. П. тарих, фалсафа, адабиётшуносликка оид қатор асарлар ёзган.

П. нинг дунёқараши Россияда 1859—61 йилларда вужудга келган революцион ҳолат таъсири остида шаклланган. Қўпгина снёсий ва назарий масалаларда Н. Г. Чернишевскийга эргашган. Чор самодержавиесини ағдариб ташлашга даъват этувчи нолегал мақоласи учун 1862—66 йилларда Петропавловск қалъасига қамалган. П. философияда табиий-илмий материализм тарафдори бўлган, идеализм ва динга қарши чиққан.


П. ижтимоий ҳодисаларни материализм нуқтаи назаридан тушунишга ҳаракат қилган. Тарихда халқ оммаси ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб ҳисоблаган. П. социализмнинг қарор топишига ишонган. П. нинг социалистик идеаллари унинг 1862—67 йилларда эълон қилинган («Меҳнат тарихидан очерклар», «Огюст Контнинг тарихий гояси», «Генрих Гейне» ва б.) асарларида баён этилган. Умуман, П. илгари сурган социализм утопик характерга эга бўлган. П. этикада утилитаризм ва ақлий эгоизмни тарғиб қилиб, ахлоқни синфий характерга эга деб билган. Унинг эстетик қарашлари «Эстетиканинг емирилиши» (1865), «Пушкин ва Белинский» (1865) номли асарларида баён этилган.

У педагогика масалаларига катта аҳамият берган. П. нинг адабий-танқидий асарлари революцион публицистиканинг ёрқин намунаси ҳисобланади.

Ас.: Полн. собр. соч., 5 изд., т. 1—6, доп. вып., СПБ, 1909—13; Избр. произв., Л., 1968.

Ад.: Маслин А. Н., Д. И. Писарев в борьбе за материализм и социальный прогресс, М., 1968; Демидова Н. В., Писарев, М., 1969.

ПИСКЕНТ (Бискат — بيسكت) — Тошкент воҳасининг қадимий шаҳарларидан бири. 10-аср географларининг маълумотларига қараганда, *Илоқ* давлати таркибига кирган. В. В. Бартольд ва М. Е. Массон П. ни Оҳангарон дарёсининг чап соҳилидаги (ҳозирги Пискент ш. чеккасидаги) ёдгорлик қолдиқлари б-н айнан бир деб кўрсатадилар.



ПИСКЕНТ РАЙОНИ

П. дан 1-аср мансуб қабристонлар (П. мингтепаси ва 5-асрга оид *оссуарий*-ларга солиб кўмилган науслар) топилган.

Пушти Маҳмуд тепалиги П. нинг дастлабки қисми бўлиб, у 6—7-асрларда шаҳар типига кира бошлаган, 10—12-асрларда равнақ топган. Шош (Тошкент)дан Фарғонага ўтган савдо йўлининг устида қулай жойлашганлиги туфайли 9—10-асрларда бу ерда қадимий тарихчилар томонидан Бискат деб аталган шаҳарча пайдо бўлган. 13-аср бошида мўғул босқинчилари П. га қаттиқ зарба бердилар. 13-аср ўрталарида унинг ғарбий чеккаси яна тикланган бўлса-да, шаҳар кичрайиб, қишлоқ даражасига тушиб қолади. 14—16-асрларда П. темурийлар ва бошқа феодаллар мулки таркибига кирган. П. 17-аср охири ва 18-асрда яна инқирозга учрайди, аҳолиси ғарбга томон кўчиб ўтади, 19-асрда мудофаа деворлари ва 4 та дарвозаси бўлган П. Қўқон хонлиги таркибига кирган.

Ад.: Бобирнома, Т., 1958; Бартольд В. В., Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Соч., т. 1., М., 1963; Массон М. Е., Ахангеран. Археолого-топографический очерк, Т., 1953; Буряков Ю. Ф., К исторической топографии средневекового Илака, «Советская археология», № 2, 1972.

ПИСКЕНТ — Тошкент областидаги шаҳар. Р-н маркази. 1952 йилгача қишлоқ, 1966 йилгача шаҳар посёлкаси. Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида. Тошкентдан 41 *км*. Аҳолиси 19,5 минг киши (1973). П. да пахта тозалаш з-ди (1953 й. қурилган), «Узсельхозтехника» корхоналари, маиший хизмат кўрсатиш к-ти (тикувчилик, тахта тилиш цехлари) бор. Шаҳардаги эски иморатлар ўрнида замонавий кўп қаватли иморатлар қурилмоқда. Автострада П. ни Тошкент, Олмалиқ, Оҳангарон ва б. шаҳар ва посёлкалар б-н боғлайди. Тошкент—Ангрен т. й. магистралидаги Тўйтепа станциясидан 14 *км*. Шаҳар яқинида *Тошкент сув омбори* бор.

П. Олмалиқ шаҳри б-н узвий боғланган. Олмалиқдан П. га саноат моллари, П. дан қ. х. маҳсулотлари юборилади.

ПИСКЕНТ РАЙОНИ — Тошкент областидаги р-н. 1926 йил 29 сентябрда ташкил этилган. Шимолдан ва шимоли-шарқдан Оҳангарон ва Урта Чирчиқ, ғарбдан Оққўрғон, жануби-ғарбдан Бўка р-нлари, жанубдан ТожССРнинг Ленинобод области б-н чегарадош. Майдони 800 *км*². Аҳолиси 57 минг киши (1975). Р-нда 5 қ. С. (Дўнгқўрғон, Керовчи, Муротали, Оқтепа, Саид) ва 1 шаҳар Совети бор. Р-н маркази — Пискент ш.

Табиати. Р-н терр-яси Қурама тоғ тизмаларининг этакларида ва Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида, Чирчиқ-Оҳангарон водийси бошланадиган ерда жойлашган. Ер усти шарқдан ғарбга томон қия. Денгиз сатҳидан баландлиги 300—2500 *м*. Шарқий қисми Қурама тоғлари, адирлар, чўл яйловлари б-н банд. Рельефи сал паст-баланд, эски дарё ўзанлари, жар ва жилғалар б-н парчаланган. Р-нининг ғарбий қисмида суғориладиган ерлар жойлашган. Тупроқлари, асосан, типик бўз тупроқлар, пастқам жойларда ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи, аллювиал тупроқлар. Р-нининг чекка шарқида тўқ бўз тупроқлар ва қўнғир тупроқлар тарқалган бўлиб, бу ерлардан яйлов сифатида фойдаланилади. Қурама тоғидан Оҳангарон дарёси оқиб тушади, тоғ сойларидан Қизота, Қовулди, Олмаликсой, Парганда, Қорақиёсой оқиб ўтади, Анҳор, Бўка, Шўр, Ўртаариқ, Бўржар сингари қадимий каналлар, Шимолий Тошкент канали бор, шимолий чегараси бўйлаб Тошкент сув омбори («Тошкент денгизи») жойлашган. Иқлими мўътадил иссиқ, қуруқ. Йиллик ўртача т-ра 13,5°; июлнинг ўртача т-раси 27°, максимал т-ра 41,1°, январники —1,0°, минимал т-ра —27,2°. Вегетация даври 210—220 кун. Йиллик ёғин миқдори 350 *мм*. Ёввойи ўсимликлардан текисликларда қамишзорлар, даштда шувоқ-шўра, тоғ олди ерларида бўтакўз, дарё ва сойларнинг водийларида арча, дўлана, заранг, олча, олма, четан (рябина) ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан дарё қайирларида бўри, чиябўри, юмронқозиқ, қуён, тўқай мушуги, ўрдак, ғоз, қирғовул, тоғларда каклик, бедана, майна, лойхўрак, сувилонлар, ондатра яшайди. Р-нининг шарқий қисмида, Олмалиқ кон саноатига қарашли жойда фойдали қазилмалардан мис, қўрғошин, рух, олтин, молибден ва б. нодир металл рудалари, флюорит, оҳактош, шағал, қум ва б. турли хил қурилиш материаллари олинади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; қозоқлар, руслар, татарлар, тожиклар ва б. ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 20486 киши. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км*² га 71,2 киши (1975).

Хўжалиги. Р-н хўжалиги, асосан, қ. х. ишлаб чиқаришига ихтисослашган. Р-нда пахта тозалаш з-ди, 3 пахта пункти, Олмалиқ сут з-дининг филиали, бетон з-ди, лимонад цехи, «Узсельхозтехника» корхоналари, тикувчилик, тахта тилиш цехларига эга бўлган маиший хизмат кўрсатиш к-ти, балиқчилик хўжалиги бор. 7 к-з ва 3 с-з ихтиёридаги 48,7 минг *га* ернинг 20 минг гектари суғорилади. 255 *га* токзор, 645 *га* ер боғ ва тутзорлар б-н банд. 11,4 минг *га* пичанзор ва яйлов, 1500 *га* ўрмон, 100 *га* чангалзордан иборат. Қ. х. пахтачиликка ихтисослашган. 14175 *га* ерга пахта экилади (1974). 2,4 минг *га* ер кўп йиллик ўтлар, асосан, беда б-н банд. Баҳорикор ва шартли суғориладиган ерларнинг ⅔ қисмига кузги буғдой, ⅓ қисмига баҳорги буғдой, қолган ерларга арпа экилади. 0,4 минг *га* ерга маккажўхори, 30,5 *га* ерга картошка, 100 *га* ерга сабзавот, 207 *га* ерга полиз экинлари экилади (1974).

Чорвачилик, асосан, гўшт-жун тайёрлашга ихтисослашган. Р-н хўжаликларида 7407 қорамол (шундан 2051 сигир), 1770 чўчқа, 20354 қўй ва эчки, 44087 парранда, 572 от боқилмоқда (1975). Давлатга 39905 *т* пахта, 2822 *т* ғалла (шу жумладан 994 *т* шоли), 210 *т* картошка, 7620 *т* сабзавот, 4658 *т* полиз маҳсулотлари, 521 *т* мева, 111 *т* узум, 1021 *т* чорва ва парранда гўшти (тирик вазнда), 3889 *т* сут, 342 минг дона тухум, 56 *т* жун (1974), 115,5 *т* пилла сотилди (1975).

Автомобиль йўлларининг узунлиги 161 *км*. Р-н терр-ясидан Тошкент—Олмалиқ, Тошкент—Бекобод, Пискент—Олмалиқ, Пискент—Тўйтепа, Пискент—Бўка ва Пискент—Бўстон (Ленинобод обл.) маршрутлари бўйлаб автобуслар қатнайди.

Р-ндаги 36 умумий таълим мактаби, 1 музика, 1 спорт мактаби, қишлоқ хўжалигини механизациялаш билим юртида 19,4 минг бола ўқийди (1974—75). 35 кутубхона, 18 клуб, 15 киноустановка, 3 маданият уйи, пионерлар уйи, табиатшунослар станцияси бор. Р-н «Меҳнат байроғи» газетаси 1932 йилдан бери чиқиб турибди (тиражи 4300 нусха). Р-нда 550 ўринли 1 марказий, 3 участка касалхонаси, 1 ревматология болалар санаторийси, санэпидстанция, тез ёрдам станцияси, 40 фельдшер-акушерлик пункти, р-н поликлиникаси, болалар поликлиникаси ва туғруқхоналарда 73 врач ва 350 ўрта медицина ходими ишлаб турибди. 27 доимий болалар боғчаси бор (1975).



1. Пахта тозалаш заводининг бош корпуси. 2. «Пискент» совхозининг сут-товар фермасида.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Ҳ. Қодиров, С. Ғуломхоновалар шу р-ликдир.

ПИСКОМ — Тошкент обл. Бўстонлик р-ни Тошпўлат Дадабоев қ. С. даги қишлоқ. «Правда» газетаси 50 йиллиги с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 138 *км*, яқин т. й. станцияси—Барраждан 141 *км*. Аҳолиси 590 киши (1974); боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Писком дарёси ва булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, қишлоқ касалхонаси, кутубхона бор.

ПИСКОМ — ЎзССР Тошкент областидаги дарё. Чирчиқ дарёсининг ўнг бош ирмоғи. Майдонтол тизмасининг шимолий ён бағридан оқиб тушадиган Майдонтол ва Писком тизмасининг шимоли-ғарбий ён бағридан оқиб тушадиган Ойғайинг сойларининг қўшилишидан ҳосил бўлиб, шимоли-шарқдан жануби-ғарб томон оқади ва Чорвоқ сойлигига келганда Чатқол дарёси б-н қўшилиб, Чирчиқ дарёсини ҳосил қилади. Узунлиги 70 *км*, ҳавзасининг майдони 2840 *км*².

П. бош қисмида чуқур тоғ водийсида харсанг тошлар орасидан ҳайқириб тез оқади. Шундан сўнг у қатор террасалари бўлган кенг водийда оқа бошлайди.

П. нинг ҳавзаси анча баланд (ўртача баландлиги 2645 *м*) бўлиб, унда умумий майдони 130 *км*² га яқин 140 дан ортиқ кичик-кичик музлик бор. П. қор-музлик сувидан тўйинади. Ўртача кўп йиллик сув сарфи 82 *м*³/*сек* (ёки йиллик оқими 26 млрд. *м*³). Йиллик оқимнинг 47 процента март — июнь, 38 процента июль — сентябрь, қолган 15 процента эса октябрь — февраль ойларида оқиб ўтади. Суви мартдан кўпая бошлайди, июнь-июлда энг кўп, январь-февралда эса энг кам бўлади. Максимал сув сарфи 700 *м*³/*сек* ва ундан ортиқ бўлиши, минимал сув сарфи эса 10 *м*³/*сек* гача тушиб қолиши мумкин.

П. анча лойқа дарё (ҳар 1 *м*³ сувида ўртача ҳисобда 200 *г* лойқа бўлади). П. га 40 дан ортиқ сой ва жилғалар келиб қуйилади. Улар-



Пискент райони. Акмал Икромов номидаги 15-билим юрти.



Писта. Юқорида мевали шохи; пастда тўп гули.


дан энг йириклари: Ихрачсой, Қорақизсой, Тепарсой, Аксарсой ва Наволисой.

ПИСКОМ ТИЗМАСИ — Ғарбий Тяньшандаги тизма. Шарқдан жануби-ғарбга 120 *км* чўзилган. Ўртача баландлиги 3200 *м*, шимоли-шарқда 4000 *м* дан жануби-ғарбда 1900 *м* гача пасайиб боради. Энг баланд жойи Бештор чўққиси (4218 *м*). Палеозойнинг чўкинди ва отқинди жинсларидан тузилган, неоген ва тўртламчи даврларда янги тектоник ҳаракатлар натижасида 3500—4000 *м* кўтарилган. Шимоли-ғарбий ён бағри нисбатан чўзиқ бўлиб, Писком дарёсига томон зинасимон пасайиб боради. Ён бағирларидан жуда кўп сойлар оқиб тушади. Йиллик ёғин миқдори пастдан (600 *мм* дан) юқорига томон (1000—1200 *мм* гача) ортиб боради. Тизманинг сув айирғичи атрофларида бир қанча катта-кичик музлик ва қорликлар мавжуд. 3500 *м* дан пастроқда субальп ва альп ўтлоқлари учрайди. 1300—2600 *м* баландликларда арча ва бутазорлар минтақаси жойлашган.

ПИССОХ — Фарғона обл. Охунбобоев р-ни Лангар қ. С. даги қишлоқ. «1 Май» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 27 *км*, яқин т. й. станцияси — Марғилондан 16 *км*. Аҳолиси 642 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади.

ПИСТА (Pistacia vera L.) — пистадошлар (пистагуллилар оиласи)га мансуб бута ёки дарахт. 300 йилгача яшайди. Ўрта Осиё, Қрим ва Кавказда ўсади. Бўйи 2,5—10 *м*, шох-шаббаси ясси, думалоқ ёки шарсимон. П. икки уйли ўсимлик. Апрель-май бошларида гуллайди, гули мураккаб супургисимон тўпгулдан иборат, шамол ёрдамида чангланади. Меваси (пистаси) август-сентябрда пишади. Қобиғи юпқа, қаттиқ, етилганда, баъзан учидан ёрилади. Мағзи яшил, мазали, таркибида 63% гача мой, 20% оқсил, 12—13% қанд бор; ўзи ейилади ва қандалатчиликда ишлатилади. П. лалми ерларда 10—12-, суғориладиган ерларда 7—8-йили ҳосилга киради. Ёввойи ҳолдагилари 15 *кг* гача, экмалари 80 *кг* гача ҳосил қилади. П. ёғочи дурадгорликда ишлатилади. П. да ҳосил бўладиган *бужғун*дан танин олинади, бўёқ тайёрлашда фойдаланилади. П. қурғоқчиликка чидамли. Уруғидан ва пайвандлаб кўпайтирилади (ЎзСЭ 4-жилди 73-бетда П. га оид рангли расм берилган).

Ад.: Сорта плодовых, субтропических, орехоплодных культур и ягод. Т., 1968.



Пистолет. *1* — ўзи ўқланадиган спорт пистолети (Марголин конструкцияси); *2* — 1930—33 йиллар намунасидаги пистолет (Ф. В. Токарев конструкцияси); *3* — сигнал пистолети (Рдултовский конструкцияси).

ПИСТА ҚУМИР — ёғочни ҳавосиз ёки бир оз ҳаво бериб куйдиришдан ҳосил бўладиган юқори углеродли қаттиқ говак маҳсулот. Илгарилари П. к. ёғочни ердан ковланиб устига тупроқ ёки қум бостирилган чуқурларда ёки гулханда чала ёндириб тайёрланган. Ҳозирги замон йирик ишлаб чиқаришида П. к. реторталарда ёки турли системадаги печларда ишлаб олинади. П. к. жуда серговак бўлганлиги учун унинг сорбирлаш хусусияти ниҳоятда катта. 1 *г* П. к. нинг солиштирма сирти 160—460 $м^2$. Бир бўлак қайин П. к. даги говаклар ҳажми унинг умумий ҳажмининг 72% ини, арчаники 80% ни ташкил қилади. Қуруқ ёғочдан унинг оғирлигига нисбатан 30—40%. П. к. чиқади. Турига қараб 1 $м^3$ ёғочдан 140—190 *кг* кўмир, 280—400 *кг* суюқ маҳсулотлар ва 80 *кг* ча ёнувчи газ олинади. П. к. нинг ёниш иссиқлиги 7000—8100 *ккал/кг*.

П. к. халқ хўжалигида кўплаб ишлатилади; асосан, қора ва рангли металлургияда, углерод сульфид, *актив кўмир* ва ҳ. к. олишда қўлланилади.

ПИСТАДОШЛАР, пистагуллилар (Anacardiaceae) — икки паллалилар синфига мансуб дарахт ва буталардан иборат ўсимликлар оиласи. 60 туркуми, 500 га яқин тури бор. Асосан, тропик ва субтропик районларда тарқалган. Ўзбекистонда 4 туркуми учрайди. Шундан 2 таси — *писта* ва *тотим* ёввойи, 2 таси (Cotinus, Toxicodendron) экма. Гуллари тўғри, бир ёки икки жинсли, гулқўрғони мураккаб (баъзан оддий), косача ва гултожибарглари 3—5 та, чангчилари 6 ёки 10 та. Барглари оддий ёки мураккаб, қарама-қарши ёки кетмакет жойлашган. Меваси — писта ёки ёнғоқча.

ПИСТАЛИ — Қашқадарё обл. Косон р-ни Пўлоти қ. С. даги қишлоқ. «Ўзбекистон 50 йиллиги» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 34 *км*, яқин т. й. станцияси — Косондан 39 *км*. Аҳолиси 1254 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, ғаллакорлик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Москва каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.


ПИСТАЛИТОҒ — Нурота тоғларига параллел жойлашган тоғ. Шимоли-ғарбий йўналишда 40 *км* чўзилган. Эни ўрта қисмида 6—7 *км*. Энг баланд қисми 540 *м*. Шимолий ён бағри тик, қуруқ сойликлар б-н кесилган, ўсимлик жуда сийрак. Жанубий ётиқ ён бағрида ўтлар ўсади. Яйлов сифатида фойдаланилади.

ПИСТАМОЗОР — Андижон обл. Андижон р-ни Пахтаобод қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 23 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 3 *км*. Аҳолиси 1521 киши (1974); сабзавотчилик, пиллачилик, богдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Янгиариқ каналидан сув ичади.

ПИСТИРМА — ҳарбий бўлинма (ёки партизан)ларнинг душман келиши мумкин бўлган йўлларда олдиндан пухта ниқобланиб жойлашиши. П. душманга қўққисдан ҳужум қилиб, уни тор-мор келтириш ва техникасини ишдан чиқариш мақсадида қўйилади. П. дан душман аскарларини асир тушириш, разведка мақсадида «тил» олиш учун ҳам фойдаланилади. П. қадимги жанг усулларидан бири бўлиб, замонавий ҳарбий ҳаракатларда ҳам қўлланилади.

ПИСТОЛЕТ (франц. pistolet, нем. pistole, чех тилида — pist'ala — қамишсурнай, тўппонча) — индивидуал ўт сочар қурол. 50—70 *м* гача масофадаги душманнинг жонли кучларини шикастлантиришга мўлжалланган; бир қўл б-н отиш мумкин. П. б-н офицерлар, шунингдек айрим мутахассислашган сержант ва солдатлар қуроллантирилади. Европа ва Осиёда 16-асрда пилтали П. юзага келган. 17-асрдан бошлаб турли армияларда чақмоқ затворли, 19-асрдан эса *капсюлли* П. лардан фойдаланилган. П. ларнинг тезотарлигини таъминлаш учун улар 2 ва ундан кўпроқ стволли қилиб ясалган. 19-асрнинг ўрталарига қадар П. ларнинг кўпчилиги текис стволли ва оғиз томонидан ўқланадиган бўлган. 19-асрнинг 50-йилларига келиб анча мукаммаллашган нарезкали (бурама) револьверлар қўлланила бошланган.

Ҳозирги П. ларнинг жанговар П., сигнал П. и ва спорт П. и сингари турлари мавжуд. Улар тузилишига кўра автоматик, ярим автоматик (ўз-ўзини ўқлайдиган) ва ноавтоматик (ўқлаш, отиш ва бўш гильзани чиқариш қўл



Пирмуҳамедов Раҳим ролларда: 1. Акрамхон қўрбоши («Равот қашқирлари»). 2. Кўса («Насриддиннинг саргузаштлари»). 3. «Йигит» фильмидан кадр (чапда Р. Пирмуҳамедов). 4. Абулмалик («Алишер Навоий»). 5. Акмал қизиқчи («Наташахоним»). 6. Вазир («Икки дил достони»). 7. Иброҳим ошпаз («Гуллар очилганда»). 8. Арслон («Маҳаллада дув-дув гап»).

Р. Пирмуҳамедов мақоласига.



Плакатлар. 1. Д. Моор. «Сен кўнгилли бўлиб ёзилдингми?» (1920). 2. Усто Наби Ҳофизовнинг давлатга галла топшириб, саноат моллари олишни ташвиқ этувчи плакати (20-йиллар). 3. С. Мальт. «Эрларимиз ва ака-укаларимизнинг ўрнила-рини босамиз!» (1941). 4. Б. Ҳамдамий. «ЎзТАГ ойнаси»га ишланган плакат (1941). 5. Б. Ефимов, Н. Долгоруков. «Тинчлик кучлари енгилмаси!» (1949). 6. Ф. Кагаров. «Дўст бўлиб ўсинг, улғайинг» (1973). 7. Н. Галиев. «Оталари-мизнинг жанговар шуҳрати абадий ўчмас». (1975). 8. А. Балканов. «Ҳалол меҳнат қилдик!» (1969). 9. Р. Алиев. «Ҳосил байрами» (1973). 10. Р. Евенко. «Сифат беш йиллигига — ишчи кафолати!» (1976). 11. Б. Чеченин. «Дам ганимат, чигит эк, келди кўклам!» (1976). 12. М. Громико. «Спорт — ишда-ю ўқишда, ҳамиша ҳамкор!» (1975). 13. «Сенга армуғони-миз, китобхон!» (1975). 14. Э. Читкаускас. «Уйга кирган ҳар китоб мисоли офтоб» (1971).

кучи б-н бажариладиган) хилларга бўлинади. Замонавий П. ларнинг оғирлиги 700 *г* дан 1 *кг* гача, калибри 5,35 *мм* дан 11,43 *мм* гача, ўқининг бошланғич тезлиги 250—420 *м/сек;* магазинига 5—8 ва ундан кўпроқ патрон жойланади.

Ад.: Материальная часть стрелкового оружия, кн. 1—2, М., 1945—46; Гнатовский Н. И., Шорин П. А., История развития отечественного стрелкового оружия, М., 1959; Вооруженные силы капиталистических государств, М., 1971.

ПИСТОЛЕТ-ПУЛЕМЕТ — ўқ отадиган автоматик индивидуал қурол. 200 *м* гача бўлган масофадаги душман кучларини нишонга олишга мўлжалланган. Асосан, пиёда қўшинларда қўлланилади. Биринчи П.-п. 1-жаҳон урушн (1914—18)да юзага келган. 2-жаҳон урушида кенг қўлланилган. Қизил Армияда В. А. Дегтярёв (ППД-40), Г. С. Шпагин (ППШ-41), А. И. Судаев (ППС-43), немис-фашистлари армиясида 1938—40 йилларда ишлаб чиқилган (МР-38-40), америкаликларда — М3, инглизларда — «Стен», финларда — «Суоми» П.-п. қўлланилган. Урушдан сўнг АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва б. давлатлар армияларининг қуролли кучларида эски система П.-п.лар янги хиллари б-н алмаштирилган. СССР Қуролли Кучлари урушдан сўнг 1000 *м* масофадаги нишонни шикастлантира оладиган М. Г. Калашников автомати б-н қуроллантирилган. Бу П.-п. махсус алмаштиргич ёрдамида якка ҳолда ёки тўхтовсиз ўт очиш имкониятига эга. Магазинига 20 дан 71 та гача патрон сиғади. Отиш тезлиги 1 минутда 80 дан 140 мартагача (яна қ. *Автомат қурол*).

ПИСТОН (франц. piston — зарбдор, урувчи, сиқдирувчи) — 1) патронда зарбдан портлайдиган модда б-н тўлдирилган қисм; 2) ўйинчоқ пистолетнинг оз миқдорда портловчи модда суртилган қоғоз «ўқ»ни; 3) темирни сандонга қўйиб, сумба б-н зўғата ўрнини тешганда чиққан парча; 4) ботинканинг ип ўтказиладиган тешикларига ўрнатиладиган темир ҳалқача. Чарм тешикларнинг тез йиртилиб кетмаслигини таъминлайди; 5) пичоқ дастасига қадалган садафнинг атрофига ўрнатилган сим ҳалқа. Садафни мустаҳкам тутиб туради, шунингдек балиқнинг кўзига ўхшаш нақш ҳосил қилиб, пичоқ дастасига зеб беради; 6) пуфлаб чалинадиган музика асбобларининг (карнай, кларнет, габой, туба ва ҳ. к.) қўл б-н босиб, очиб-ёпиб турциладиган тугмаси. Музика товушини маълум куйга солишда *парда* вазифасини ўтайди; 7) тугманинг бир хили.

ПИТА — Гвинея Республикасининг ғарбий қисмидаги шаҳар. Кокуло дарёси бўйида. Пита округининг маъмурий маркази. Аҳолиси 86 минг киши (1958). Шоли, маккажўхори, батат, маниок етиштириладиган ва чорва боқиладиган қ. х. р-нининг маркази. Устахоналар, майда ҳунармандчилик корхоналари, шаҳар ёнида ГЭС бор.


ПИТЕКАНТРОП (юнон. pithekos — маймун ва anthropos — одам) — қадимги одамлар группаси — архантроплар вакили. 1890—92 йилларда голланд олими Э. Дюбуа Ява оролидаги Соло дарёси яқинидан тўртламчи қатлам қуйи ёткизиқларида одамнинг энг қадимги аждодига мансуб бош мия қопқоғи, сон суяги ва учта тишини топган. 1973 йилда бош суяк бўлаклари, пастки жағ, сон суяги парчалари ва 20 га яқин алоҳида тишлар топилди. 1969 йилда П. бош суягининг юз қисми сақланганлиги маълум бўлди. П. бош мия қопқоғи шакли ва катталигига кўра одам ва одамсимон маймун оралиғида туради. П. нинг мия ҳажми 900 *см*^{3} га яқин (горилланики 500 *см*^{3}, ҳозирги замон одамларида ўртача 1400 *см*^{3}). П. пешанаси нишаб бўлиб, шимпанзеникига ўхшайди. П. нинг топилиши *антропологияда* муҳим воқеа бўлди. У одамнинг олий тараққий этган маймунлардан келиб чиққанлиги ҳақидаги Дарвин назариясининг тўғрилигини исботлайдиган далил сифатида баҳоланди П. илк палеолит даврида (баъзи олимларнинг фикрича, шу даврга қадар), тахм. 800—300 минг йил муқаддам яшаган. П. босқичида шу босқичгача бир-бирига боғлиқ бўлмаган икки ҳодиса — қўлда мураккаб ҳаракатлар бажариш б-н пода-пода бўлиб яшаш синтезлашди. Натижада бу икки ҳодисанинг сифат мазмуни ҳам ўзгарди: қўлда мураккаб ҳаракатлар қилиш меҳнат ҳаракатига, пода-пода бўлиб яшаш эса жамиятнинг илк куртагига айланди. П. бундан 500—700 минг йил муқаддам яшаган дейилларди, янги маълумотлар (1972) уларнинг 1,2 млн. йил бурун ўтганлигидан далолат беради.

Ад.: Рогинский Я. Я., Левин М. Г., Антропология, [Учебник], М., 1963.

ПИТЕРМАРИЦБУРГ — ЖАРнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Наталь провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 159 минг киши (1970), шундан 68 минг банту, 45 минг европалик, 36 минг осиёлик. Т. й. орқали Дурбан шаҳри порти б-н боғланган. Озиқ-овқат, металлсозлик, тўқимачилик, ёғочсозлик, автомобилсозлик корхоналари бор. Қўтаргич кранлар, кабель, ошловчи экстрат, пойабзал ҳам ишлаб чиқарилади. Ун-т, техника колледжи, Миллий музей бор. Шаҳарга 1838 йилда асос солинган.

ПИТО НАЙЧАСИ — суюқлик (газ)нинг динамик оқиш кучини ўлчайдиган асбоб. У б-н суюқликнинг оқиш тезлигини ҳам аниқлаш мумкин. Суюқликнинг оқими йўналишидаги тўлиқ босими ($P_т$) статик босими ($P_{ст}$) дан фарқ қилади. Шу фарқ оқаётган суюқликнинг динамик оқиш кучи — босими ($P_{дин}$) дейилади. Ундан суюқликнинг оқиш тезлиги аниқланади. Расмда икки найчада оқаётган суюқликнинг (стрелка б-н кўрсатилган) статик ва тўлиқ босими қандай ўлчаниши кўрсатилган; оқим йўналишига перпендикуляр йўналишда статик босим, параллел йўналишда эса тўлиқ босим ўлчанади. Шу иккинчи найча П. н. дейилади. П. н. француз олими А. Пито номига қўйилган (1732).


ПИТОНЛАР (Pythoninae) — бўғма илонларнинг кенжа оиласи. Шарқий ва қисман Ғарбий ярим шар (Марказий Америка)да тарқалган. 22 тури бирлаштирувчи 6 уруғи бор. Африка, Жанубий ҳамда Жануби-Шарқий Осиё, Янги Гвинея, Австралия ва б. ерларда яшайди. Тўрсимон П. нинг узунлиги 10 *м* гача, вазни 100 *кг* гача. Асосан, тропик қалин ўрмонларда яшайди. Яхши шўнғийди ва сузади. Сут эми-



Пистолет-пулемёт. Совет пистолет-пулемётлари: *1* — 1941 йил намунаси (Г. С. Шпагин конструкцияси — ППШ-41); *2* — 1943 йил намунаси (А. И. Судаев конструкцияси).



Питекантроп. 1. Бош суяги. 2. Бош суяги асосида тикланган қиёфаси (реконструкция).




Пито найчаси.



Питонлар. Тўрсимон питон.



Питта стеера.



Пифагор теоремасига оид шакл.

зувчилар, қушлар, йирик калтакесаклар ва базақалар б-н озиқланади. Баъзан, йирик П. болаларга ҳам ҳужум қилади. 107 тагача (9 *см* ли) тухум қўяди. Тухумини бир неча кун танаси б-н ўраб ётади. Териси ишлатилади, баъзи П. гўшти ейилади.

ПИТСБУРГ — АҚШнинг шимоли-шарқий қисмидаги шаҳар. Огайо дарёси бўйидаги йирик порт. Пенсильвания штатида. Аҳолиси 520 минг, шаҳар атрофи б-н 2,4 млн. киши (1970). П.— АҚШнинг энг муҳим саноат ва савдо марказларидан. Транспорт йўлларининг йирик узели. Қора металлургия, кокс ва ўтга чидамли буюмлар, шахта ва металлургия з-длари учун ускуналар ишлаб чиқариш, металлсозлик, оғир ва транспорт машинасозлиги, кимё, ойна, электротехника ва радиоэлектроника, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. П. яқинида 1957 йилда АҚШда биринчи атом электр станцияси қурилган. 3 ун-т, технология ин-ти, расмлар галереяси, планетарий бор.

ПИТТАЛАР (Pittidae) — чумчуқсимонлар туркумига мансуб қушларнинг оиласи. 23 турни бирлаштирувчи бир уруғи бор. Шундан 2 тури Африка тропикларида, 1 тури Шарқий Осиёда, қолганлари Жанубий Осиё ва Австралияда тарқалган. Оёғи узун, бўйин ва думи қисқа. Кўпчилигининг ранги ёрқин олачипор. Танасининг узунлиги 15—28 *см*. Асосан, ўрмон ва бутазорда яшайди. Уясини дарахтга ёки ерга ясаб, 2—7 тухум қўяди. Яхши югуради, ёмон учади. Ҳашарот ва б. майда умуртқасизлар б-н овқатланади.

ПИТТИ — таом турларидан бири. Қавказ халқларининг миллий таоми. П. тайёрлаш учун: майда чопилган суякли қўй гўшти, картошка, помидор, ивитилган нўхат сопол хурмача (хумчалар)га солинади. Идиш бўғзигача сув қуйилиб, олов тафтига (газ духовкаларга) қўйилади. Маълум муддат ўтгач, хурмачадаги сув қайнайди. П. нинг таги ростланади. Шу зайлда пиширириш 35—40 минут давом эттирилади. Тайёр П. хурмачадан коса (тарелкалар)га қуйилиб, дастурхонга тортилади. П. киши бошига алоҳида идишда тайёрланади. 1 киши учун 200 *г* гўшт, 50 *г* думба ёғ, 100 *г* картошка-пиёз, 10 *г* нўхат керак. Туз ва зираворлар таъбга қараб солинади.

ПИТУИТРИН (Pituitrinum) — гормонал препарат, қорамол гипофизининг орқа бўлаги экстракти. Рангсиз, тиниқ суюқлик. Таркибида окситоцин ва вазопрессин гормонлари бор. Бачадон мушакларини қисқартириш таъсирига эга. Туғруқда бачадон қисқаришини кучайтириш учун, туққандан кейин қон кетган ҳолларда ишлатилади, қандсиз диабетда ҳам қўлланилади. Ампулада чиқарилади.

ПИУРИЯ (юнон. puon — йиринг ва uron — сийдик), *лейкоцитурия* — сийдикда йиринг бўлиши. Сийдик йўллари, буйрак, буйрак жоми, қовуқдаги яллиғланиш процессининг белгиси. Уткир ва хроник бўлади. Юқори сийдик йўллари *сўзак* натижасида зарарланганда ҳам П. кузатилади.

ПИФАГОР (тахм. мил. ав. 570—500 йиллар) — қадимги юнон математиги, философ-идеалисти (қ. *Пифагореизм*), қулдор аристократиянинг ғоявий тарғиботчиси. Самос оролида туғилган, 530 йилдан Жанубий Италиядаги Кротон шаҳрида, кейинроқ, Месапонт шаҳрида яшаган. Кротонда фалсафий мактаб, сиёсий партия ва диний бирлодарликни мужассамлаштирган иттифоқ (пифагорчилар иттифоқи) тузади. Сонларча нарсанинг моҳияти, олам эса сонлар ва улар орасидаги муносабатларнинг гармоник системаси деган ғоялар П. фалсафасида илгари сурилган. П. нинг фалсафий қарашларида материалистик элементлар мавжуд бўлса ҳам кейинги пифагорчилар унинг таълимотига диний-мистик маъно бердилар.

Математика тарихида П. геометрияга систематик исбот тушунчасини киритиб, уни абстракт фан даражасига кўтарган, тўғри чизиқли шакллар геометриясини тузган, ўхшашлик ҳақидаги таълимотни яратган, тўғри бурчакли учбурчак ҳақидаги теоремани исботлаган (бу теорема П. дан 1500 йил илгари Миср ва Бобилда исботсиз маълум бўлган, қ. *Пифагор теоремаси*), айрим мунтазам кўпбурчак ва кўпёқликларни ясаган деб ҳисобланади. Одатда, жуфт ва тоқ, туб ва мураккаб, мукаммал сонлар, арифметик, геометрик ва гармоник пропорциялар П. номи б-н боғланади. П. мактабининг математикани системалаштиришдаги роли катта бўлган.

Ад.: История математики древнейших времен до начала XIX столетия, т. 1, М., 1971.

ПИФАГОР СОНЛАРИ — тўғри бурчакли учбурчак томонларини ташкил қилувчи натурал сонлар. П. с. $x^2+y^2=z^2$ аниқмас тенглама ечимлари бўлиб, $x=m^2-n^2$, $y=2mn$, $z=m^2+n^2$ формулалар б-н берилади (бу ерда m, n — ҳар хил натурал сонлар). Мас., 3, 4, 5; 5, 12, 13. Қадимги Мисрда томонлари 3, 4, 5 бирликка тенг учбурчак тўғри бурчакли учбурчак бўлишидан ер ўлчаш ва бинокорликда фойдаланилган.

ПИФАГОР ТЕОРЕМАСИ — тўғри бурчакли учбурчак томонлари ҳақидаги теорема. Унга кўра, агар тўғри бурчакли учбурчак томонлари бир хил масштабда ўлчанган бўлса, катетлар узунликлари квадратлари йиғиндиси гипотенуза узунлиги квадратига тенг: $a^2+b^2=c^2$. П. т. га асосан тўғри бурчакли учбурчак катетларига ясалган квадратлар юзаларининг йиғиндиси гипотенузага ясалган квадрат юзасига тенг (расмга қ.). П. т. қадимги Мисрда ва Бобилда маълум бўлган, лекин биринчи исботи Пифагорга тегишли деб ҳисобланади. Ҳозир П. т. нинг ўндан ортиқ исботи маълум. Юқорида келтирилган П. т. таърифи Евклид геометриясида ўринли, лекин ноевклид геометрияларда П. т. бошқача ифодаланади.

Қуйидаги теоремалар П.т. нинг умумлашганидир: а) a ва b томонлари орасидаги бурчаги α бўлган учбурчакда $a^2+b^2-2ab\cos\alpha=c^2$ (косинуслар теоремаси); б) тўғри бурчакли учбурчак томонларини асос қилиб юзалари S_a, S_b, S_c бўлган ўхшаш фигуралар ясалган бўлса, $S_a+S_b=S_c$ тенглик бажарилади; в) $\vec{a}_1, \vec{a}_2, \ldots, \vec{a}_n$ векторлар ўзаро тик бўлса,

$$\vec{a}_1^2+\vec{a}_2^2+\ldots+\vec{a}_n^2=(\vec{a}_1+\vec{a}_2+\ldots+\vec{a}_n)^2.$$

Ад.: Литцман В., Теорема Пифагора, Пер. с нем., 3 изд., М., 1960.

ПИФАГОРЕЙЗМ — қадимги юнон философиясидаги диний-идеалистик таълимот. Мил. ав. 6—4- асрларда *Пифагор* ғоялари асосида шаклланган. П. таълимоти негизида сонлар барча мавжуд нарса ва ҳодисаларнинг асосидир, деган тасаввур ётади. Вакиллари: Филолай, Эврит, Ксенофил, Фантон, Эхекрат ва б. Пифагорчилар бутун олам сонлар гармониясидан ва уларнинг ўзаро муносабатидан иборат, деб билганлар; дастлаб сонларни нарсалардан фарқ қилмаган бўлсалар, кейинчалик уларни ҳатто илоҳий мавжудот деб тушунганлар.

П. вакиллари фикрича, жон моддий эмас ва ўлмайди, у коинотда модда б-н бирга мавжуддир. Жон, улар фикрича, жазо тариқасида танага вақтинча қўшилар эмиш. Кейинчалик *орфиклар* таълимоти таъсирида П. нинг жонининг бир танадан бошқа танага, шу жумладан одам танасидан бирор ҳайвон, қурт-қумурсқалар ва б. танасига (ёки аксинча) ўтиб юриши ҳақидаги таълимоти шаклланган.

Пифагорчилар таълимотига стихияли диалектика элементлари хосдир. Улар, жумладан 10 асосий қарама-қаршиликни ажратганлар; булар: чеклилик — чексизлик, тоқ — жуфт, бирлик—кўплик, чап—ўнг, эркаклик—аёллик, тинч туриш—ҳаракатда бўлиш, тўғри—эгри, ёруғлик — қоронғилик, яхшилик — ёмонлик, квадрат—узунчоқ тўртбурчак. П. вакиллари аскетизмни (антик маънода) тарғиб қилганлар; уларнинг фикрича, соғлом руҳ учун соғлом тан керак; руҳ ва тан эса музиканинг ижобий таъсири ва чуқур хаёлга ботиш орқали борлиқнинг энг олий босқичларига эришишга интилиши лозим. П. вакиллари математика, музика назарияси, акустика, астрономия илмининг ривожланишига катта ҳисса қўшганлар. П. ғоялари ўрта асрлар ва янги даврларда ҳам ўз таъсирини сақлаган.

ПИЧАН — ўриб олиб, нами 15—17% қолгунча қуритилган ўт; қорамол, от, қўй ва б. ҳайвонларни оғилда боқишда бериладиган хашак. Чўчқа ва паррандаларга *пичан уни* ҳолида берилади. П. нинг тўйимлилиги ўтзорнинг ботаник таркибига, тупроқнинг унумдорлигига, ўтни ўриб, йиғиштириб олиш, сақлаш шароитига боғлиқ. П. водий ўтлоқларидаги, баланд тоғ пичанзорларидаги ҳамда дала участкаларига экилган ўтлардан тайёрланади. Унумдор ерларда ўсган ўт таркибида озиқ моддалар кўп; ёш ўсимликлар П. и тўйимли, чунки булар таркибида клетчатка кам ва осон ҳазм бўлади.

П. таркибида 6,5—20% протеин, 35—45% азотсиз экстрактив моддалар, ёғ, клетчатка, минерал моддалар, каротин ва Д, Е, В, B_2 витаминлар бўлади. Дуккакли ва ғаллагулли ўтлардан энг яхши П. тайёрланади, айниқса, уларнинг барги жуда тўйимли. 1 *кг* П. 0,48—0,52 *озуқа бирлиги*га тенг.

Пичан ўриб-йиғиш — ғаллагуллилар бошоқланиш, дуккаклилар шоналаш даврида ўтлар ўриб олиниб, қуритилади. Қуритиш қисқа вақт ичида ўтказилади. Пичан ўриб-йиғишда *пичан ўриб-йиғиш машинаси* ишлатилади. Ҳосил мўл бўлганда ўрилган ўтларни 2—4 соат қуритиб, йиғиб, ғарамланади ёки прессланади. 2—3 кун далада, сўнгра штабелларда батамом қуритилади. Махсус қуриткичларда пичан уни тайёрланади.


Ад.: Юрин М. Ф., Хорол А. Л., Заготовка и хранение сена, М., 1953.

ПИЧАН ИСИТМАСИ — гул чангларининг айрим турларига нисбатан ўта сезувчан кишиларда учрайдиган аллергик касаллик. Усимликлар гуллаган пайтда бошланади. Бунда киши тумов бўлади, кўз конъюнктивиси яллиғланади; аллергик астма хуруж қилади. Беморнинг қовоғи ачишаётганга ўхшайди, ёруққа қарай олмайди, кўзи ёшланиб, тез-тез аксиради. Бир неча кундан кейин қовоқлар шишади, кўз санчиб оғрийди. Бурун шиллиқ пардаси қизаради, ачишиб оғрийди. Процесс аста-секин бурун-ҳалқум, *трахея* ва бронхлар шиллиқ қаватига тарқалиши мумкин. Бемор ўзини ёмон ҳис қилади, уйқусизлик рўй беради, бадани қизиб, оёқ-қўли совуқ қотади.

Давоси: венага кальций хлорид (десенсибилизациялаш учун) қуйилади, димедрол, адреналин, атропин ва витаминлар тавсия этилади.

ПИЧАН УНИ — қуруқ *пичан*нинг майдаланган (кукуни). Хона ёки очиқ жойларда шамолда қуритилган пичан похол қирққичларда майдаланади, кейин дон тегирмонлари ёки янчиш машиналарида тортилади. П. у. сифати ўтлар тури, ўриб-йиғиш муддати ва қуритиш усулларига боғлиқ. Энг яхши П. у. шоналаш даврида ёки гуллай бошлаганда ўрилган дуккакли ўтлардан олинади. Себаргадан тайёрланган 100 *кг* П. у. да 70,2 *озуқа бирлиги* ва 8,3 *кг* ҳазм бўладиган протеин, хашаки ловия-сули аралашмасида 65,7 озуқа бирлиги ва 9,7 *кг* ҳазм бўладиган протеин бор. П. у. каротинга бой; қишда умумий рационнинг 10—12% и миқдорида чўчқа, парранда, баъзан қорамолга берилади.


ПИЧАН ҚИРҚҚИЧ, жоди машина — похол, пичанни ва силос бостириш учун кўк пояларни қирқиб майдалаш машинаси. Чорвачиликда РСС-6А маркали, кўчма дискли, РСБ-3,5, МЧ барабанли сомон-силос қирқиш машиналари ва уларнинг такомиллаштирилган хилларидан фойдаланилади, РСС-6А маркали машина озиқлаш механизми, қирқиш аппарати, ҳаво транспортёри, ҳаракат узатиш механизми, юриш қисми ва рамадан иборат. Пичан ариқчада жойлашган занжир-планкали транспортёрга ётқизилади. Уни икки тишли валлар қисиб, бир оз пресслаб, икки қанотли айланувчи (дискли) пичоққа узатади. Майдаланган масса қирқиш аппаратининг кожухи остига тушади ва қанотга ўрнатилган парраклар ҳосил қилувчи ҳаво оқими б-н труба орқали машина ташқарисига чиқарилади. Похол ёки пояни 6, 15, 26, 40, 104 *мм* узунликда майдалаш мумкин. Похол ва хашак майдаланганда 2—3 киши, кўк поя майдаланганда 4—5 киши ишлайди. Иш унуми пичан майдаланганда соатига 1,5 *т*, кўк поя майдаланганда эса 6 *т*. Машина электр двигатели ёки тракторнинг қувват олиш валидан ҳаракатланади.




РСС-6А маркали похол-силос қирққич.

ПИЧАН УРИБ-ЙИҒИШ МАШИНАСИ — ўтни бир вақтнинг ўзида ҳам ўриб, ҳам майдалаб, транспорт воситасига юклайдиган машина; силос тайёрлашда фойдаланилади. СССРда КИК-1,4 ва КИР-1,5 маркали машиналар ишлаб чиқарилади. КИР-1,5 маркали машинанинг ўриш кенглиги 1,5 *м*. Машина пневматик ғилдиракка ўрнатилган рама, 28 қозиқ, пичоқли барабан, майдалагич аппарат, йўналтиргич труба, тепа кожух, бурилувчи диффузор, ўнг ва чап ён ёпинғичлар, олд тўсқич, бўлгич, ўриш баландлигини созловчи тортқи, тиркаш тузилмаси, буриш механизми ва *домкрат*дан иборат.

Машина ишлаганда пичоқли барабан айланиб, ўсимлик пояларини қирқиб майдалайди ва барабан ҳосил қилган ҳаво оқими ёрдамида йўналтирувчи труба, тепа кожух ва диффузор орқали транспорт воситасига узатади. Иш органлари қувват олиш валидан ҳаракатланади.



Пичан ўриб-йиғиш машинаси.




Пичоқ. *1, 2, 3* — рўзғор пичоқлари; *4, 5* — боғдорчиликда ишлатиладиган пичоқлар.

«Беларусь» маркали тракторлар б-н ишлатилади. Иш унуми соатига 15—45 *т* ёки 0,7 *га*, минимал қирқиш баландлиги 5 *см*, иш тезлиги соатига 8 *км*.

ПИЧАТ — Самарқанд обл. Нурота р-ни Охунбобоев қ. С. даги қишлоқ. «Қўшробод-1» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 100 *км*, яқин т. й. станцияси — Каттақўрғондан 70 *км*. Аҳолиси 1860 киши (1974); пиллачилик, боғдорчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқ ва қудуқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, қ. С. ва с-з идоралари, касалхона, клуб, кутубхона, алоқа бўлими, автогараж ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПИЧОҚ — 1) бир томони ўткирланган, пластинкасимон кесувчи асбоб. Қадимда тош, мис, бронзадан ишланган. Умуман, илк палеолит давридан маълум. Темир давридан бошлаб темир П. лар кенг тарқалган (бу ҳақда қ. *Пичоқчилик*). П. лар тиғ, дастадан иборат бўлади. П. тузилишига кўра тўғри П., қайқи П., бодомча П., катта-кичиклигига кўра ўртасуямлик, гезлик, болапичоқ, чалабузар, безатилишига кўра содда П., гулдор П., чилмихагулли П., руфта П., дастасининг тузилишига кўра, ёғоч сопли, суяк сопли, шохдастали, дандон сопли, ўн уч садафли, ўн беш садафли, ясалиш усулига кўра тус (чуст) П., қорасув П., шаҳрихон П., бухорча П., пойтуғ П., қўқон П. деб юритилади. Дастлаб П. косиблик дўконларида ишлаб чиқарилган. Ҳозир СССРда П., асосан, маҳаллий саноат корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда. Ишлатилишига кўра рўзғор П. лари, боғдорчилик, косибчилик ва б. да қўлланадиган хиллари бор; 2) машина ва механизмларнинг кесувчи қисмлари. Айниқса, ёғоч тилиш, қирқиш, фанер йўниш ва б. машиналарда П. кенг қўлланилади. Бундай П. лар фрезер ва диск шаклида бўлади. Озиқ-овқат саноати ва қ. х. машиналарида (мас., карам майдалаш, картошка арчиш, силос қирқиш, сомон майдалаш машиналарида) ҳам П. асосий қисм ҳисобланади. Электротехникада рубильниклар ва штепселлардаги қисқичлар ҳам П. деб аталади.

ПИЧОҚТИРНОҚ (Acanthophyllum cyrtos tegium) — чиннигулдошлар (чиннигуллилар оиласи)га мансуб чала бута. Бўйи 15—30 *см*. Новда ва шохлари ярим сада шаклида ўсади. Барги энсиз, дағал, уч қиррали, учи қаттиқ тикансимон, қарама-қарши жойлашган. Косачабарглари ҳам қаттиқ, учи ўткир. Гули пушти, тўпгул-қалқонсимон. Май ойида гуллаб, июнь охирида уруғлайди. П. Қизилқумдаги қумли ерларда ўсади. Мол емайди, маҳаллий халқ ёқилғи сифатида ишлатади. П. нинг илдизи, поя ва баргида, гулида алкалоидлар борлиги аниқланган.



Пичоқчи усталарининг ишларидан намуналар. Чуст.

ПИЧОҚЧИ — Бухоро обл. Олот р-ни Денов қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Олотдан 9 *км*. Аҳолиси 586 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Аму-Қоракўл каналидан сув ичади.

ПИЧОҚЧИЛИҚ, пичоқсозлик — *пичоқ* ясаш касби. Ҳунармандликнинг қадимий турларидан. Бронза даврига келиб, мис ва бронзадан пичоқ ясаш авж олган. Темирнинг кашф этилиши эса, П. тараққиётида жуда катта ўзгариш ясади. Гомернинг «Илиада», Гесиоднинг «Меҳнат ва кунлар» асарларида темир пичоқ ва унинг хўжаликдаги аҳамияти ҳақида маълумот бор.

П. Ўрта Осиёда, араб мамлакатларида жуда қадимдан ривожланган, сўнг Испания ва Италияга ўтган. 16- асрга келиб П. Англия, Германия, Австрия, Францияда касб сифатида шаклланган. Шу даврда пичоқнинг ошхонада ишлатиладиган, 17- аср бошларидан эса очиб-ёпиладиган (чўнтакда сақланадиган — пакки, устара ва б.) хиллари ҳам юзага келган. Узбекистон терр-ясидан мил. ав. 2- минг йилликка оид пичоқ намунаси топилган. Афросиёб, Болалик тепа, Варахша деворларига чизилган расмлардан пичоқнинг уй-рўзғордан ташқари ҳарбий қурол сифатида фойдаланилганлигини ҳам англаш мумкин. 6—12- асрларга оид пичоқ намуналари металл таркибининг, пичоқ ясаш техникасининг ва безакларининг ўзгариб, тараққий эта борганлигини тасдиқлайди. Навоий, Бобир асарларига ишланган миниатюраларда (15—17- асрлар) ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли хил намуналари кўрсатилган. Фарғона водийси, Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкент, Сурхондарё ва Қашқадарёда П. нинг қадимий марказлари бўлган. Ҳозир Узбекистонда 20 га яқин П. марказлари бор. Паркент, Шаҳрихон, Чуст, Қорасув, Қўқон, Чимён, Бойсун, Бухоро ва ҳ. к. Чуст, Шаҳрихон, Қорасувда (Фарғона водийси) ишланган пичоқлар миллий шаклнинг нафислиги, ихчам ва ўткирлиги б-н қимматлидир. Бу пичоқлар республикамизда ва унинг ташқарисида муҳим совға сифатида ҳам қадрланади.

ПИШАРИҚ — Самарқанд обл. Ургут р-ни Гулбоғ қ. С. даги қишлоқ. «Октябрь» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 4 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 60 *км*. Аҳолиси 2537 киши (1974); тамакичилик, узумчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Булоқлардан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ПИШАҒАР (суғдча пеш — олд, ён ва ғар — тоғ; тоғ олди) — Жиззах обл. Зомин р-ни Навоий қ. С. даги қишлоқ. «Зомин-2» с-зи терр-ясида. Молгузар тоғи этагида. Р-н марказидан 26 *км*, яқин т. й. станцияси — Зарбдордан 14 *км*. Аҳолиси 2738 киши (1974); ғаллакорлик, чорвачилик б-н шуғулланади. Пишағарсойдан сув ичади. Ўрта мактаб бор.

П. — қадимий қишлоқ: «Вақфнома» ҳужжатларида, «Бобирнома»да тилга олинган.

ПИШИТИШ МАШИНАСИ — тўқимачилик саноатида ипак, пахта, жун, зиғир толалари ва кимёвий ипларни эшиб, *ип, корд*, чилвир тайёрлаш учун ишлатиладиган қурилма. Асосан, ҳалқали ва қаватли хиллари бор. Бундай машиналарнинг асосий иш органи *урчуқ* бўлиб, айланиб ипларни пишитади. Ҳалқали П. м., кўпинча, толаларни қўшиб эшиш йўли б-н пишитиш учун ишлатилади, урчуғи минутига 10000 мартагача айланади. Бунда ипнинг бир метри мингтагача бурам олиши мумкин.

Қаватли машиналарда эса тез айланиб турган якка иплар пишитилади. Ипакчилик саноатида ишлатиладиган КЭ-14 5М-МЛ маркали қаватли машиналарнинг урчуғи минутига 16000 марта айланади. Бунда ипнинг бир метри 3500 бурам олади. Ғалтак ип олишда йигириш-пишитиш машинаси яхши самара беради. Унда бир йўла 4 операцияни бажариш (йигириш, эшиш, пишитиш ва ипни ғалтакка ўраш) мумкин.

ПИШЛОҚ, сир — сутни ивитиб, унга ишлов бериш йўли б-н тайёрланадиган озиқ-овқат маҳсулоти. Таркибида 15—27% енгил ҳазм бўладиган оқсил, 20—32% ёғ, шунингдек минерал моддалар (кальций, фосфор ва б.), А ва В витаминлар бор. 100 *г* олий сорт П. калорияси 350—400 *ккал* га тенг. П. енгил ва деярли тўлиқ ҳазм бўлганлигидан парҳез ва шифобахш хусусиятга эга. Сутни ивитиш усулига қараб, ширдон пишлоғи ва қатиқ пишлоғи бўлади. Ширдон пишлоғининг қаттиқ, шўр ва юмшоқ хиллари бор. Қаттиқ П. (Совет, Швейцария, Россия, Голландия, Кострома, Ярославль П. лари ва б.) консистенцияси мулойим, юмшоғиники (мединск, рокфор, дорогобуж П. лари ва б.) мойсимон. Шўр П. (*бринза*, тушин пишлоғи ва б.) намакобда етилиши б-н бошқа П. лардан фарқ қилади. Қатиқ пишлоғига қиздирилган П. ва б. киради. П. нинг 700 га яқин хили маълум бўлиб, кимёвий таркиби, мазаси турлича. СССР сут саноати, асосан, ширдон пишлоқларини ишлаб чиқармоқда.

ПИШПАК — ҚирғССР пойтахти *Фрунзе* шаҳрининг 1926 йилгача бўлган номи.

ПИШЧУХАЛАР (Certhia) — пишчухасимонлар оиласига мансуб қушларнинг уруғи. Гавдаси 13—15,5 *см*, вазни 7—11 *г*. Тумшуғи узун, ингичка, пастга қайрилган. Дум патлари мустаҳкам дарахтга тирмашиб чиқишида таянч вазифасини бажаради. 5 тури маълум. Шундан СССРда 3 тури, жумладан Ўрта Осиёда оддий пишчуха ва ҳималай пишчухаси учрайди. Тоғ ўрмонларида яшаб, уясини дарахт ковакларига қуради. Йилига икки марта 4—8 тухум қўйиб, 14—15 кун босади. Асосан, ҳашарот, қишда эса ўсимлик уруғлари б-н овқатланади. Қ. х. га фойда келтиради.

ПИШҚАРОН — Фарғона обл. Фрунзе р-ни Свердлов қ. С. даги қишлоқ. Охунбобоев номли с-з терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 7 *км*. Аҳолиси 754 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПЛАВИК КИСЛОТА — қ. *Фторид кислота*.

ПЛАВТ Тит Макций (мил. ав. 3- аср ўртаси, Сарсина — мил. ав. тахм. 184, Рим) — қадимги Рим комедиянависи. П. ҳаёти ҳақида маълумотлар кам сақланган. П. нинг 20 асари бизгача етиб келган. Уларда П., асосан, янги аттика комедиясини ўз замондошлари талабига мослаштириб, соддалаштириб, халқ театри, ҳажвий элементлар б-н бойитган ҳолда қайта ишлаган, лекин юнонча номлар, турли воқеалар замирида римликлар ҳаётини тасвирлаган. Бу ўринда П. контаминация (2—3 асар воқеаларидан фойдаланиб асар яратиш) усулидан кенг фойдаланган. П. асарлари тематикаси турлича; интригалар маҳорат б-н ривожлантирилган.

Ас.: Избранные комедии, М., 1967.
Ад.: Добролюбов Н. А., О Плавте и его значении для изучения римской жизни, Собр. соч., т. 1, М.—Л., 1961.

ПЛАВУН-КИТ, шимол плавуни (Berardius bairdi) — китсимонлар туркумига мансуб сут эмизувчи ҳайвон. Танасининг узунлиги 11—12,5 *м*. Оғирлиги 8—10 *т*. Февралда уруғлайди. Бўғозлик даври 10 ой, 1 бола туғади. Тинч океан шимолида, Калифорнияда, СССРнинг Курил оролари қирғоқларида, Охота, Япон ва Беринг денгизларида тарқалган. Бош оёқли моллюскалар, балиқлар, краблар ва б. б-н овқатланади. Бир П.-к. дан саноатда ишлатиладиган 2,7 *т* мой олинади. Гўшти уй ҳайвонларига берилади.

ПЛАГИАТ (лат. plagiatus — ўғирланган) — қ. *Адабий ўғирлик*.

ПЛАГИОКЛАЗЛАР (юнон. plágios — қийшиқ ва klàsis — синиш) — каркас алюмосиликатлар, *дала шпатлари* гуруҳига мансуб жинс ҳосил қилувчи минераллар. Кимёвий таркиби (100—n)·$Na[AlSi_3O_8]$·$_nCa[Al_2Si_2O_8]$. (Бунда n 0 дан 100 гача ўзгариши мумкин); баъзан BaO, SrO, FeO, Fe_2O_3 ва б. аралашган бўлади.

Магматик жинслар систематикасида П. нинг таркиби муҳим аҳамиятга эга. П. қаторининг чекка аъзолари *альбит* ва *анортит*нинг 0% дан 100% гача ҳар хил мутаносибликда қўшилишидан 100 хил П. ҳосил бўлиши мумкин. Мас., плагиоклаз № 72 да 72% анортит ва 28% альбит бўлади. П. номерларига мувофиқ ҳолда қуйидагича номланган: № 0 дан № 10 гача — альбит, № 10—30 — олигоклаз, № 30—50 — андезин, № 50—70— лабрадор, № 70—90— битовнит, № 90—100 — анортит. Шунингдек, № 0—30 — нордон П., № 30—50— ўртача П., № 50—100— асосли П. деб аталади.


П. триклин сингонияли, турли катталикдаги призма ёки пластинка шаклидаги кристаллар ва доналар ҳосил қилади. Содда қўшалоқлари кам, мураккаб полисинтетик қўшалоқ кристаллари кенг тарқалган.

Ранги оқ, кул ранг, кўкимтир, қизғиш. Шишадек ялтироқ, қаттиқлиги 6—6,5, с. оғ. 2,62 (альбит) дан 2,76 (анортит) гача. Баъзан оптик эффектларига қараб кўкимтир товланувчи хилини *ойтош*, таркибида темир ялтироғининг майда тангачалари бўлганлигидан олтиндек товланиб турадиган хилини *авантюрин*, яшил ва кўк товланадиган хилини *лабрадор* дейилади.

Кўкимтир, чиройли товланиб турадиган хили безак тоши сифатида ишлатилади.

Ад.: Дир У.-А., Хаун Р.-А., Зусман Дж. Породообразующие минералы, Пер. с англ., т. 4, М., 1966.


ПЛАГИОТРОПИЗМ (юнон. plagios — қийшиқ ва tropos — бурилиш, йўналиш) — ўсимлик органларининг қўзғатувчи (оғирлик кучи, ёруғлик манбаи ва б.) га қараб ўсиши. Ён новдалар ва илдизлар,



Пишитиш машинаси. Ҳалқали ип пишитиш машинасининг схемаси: *1* — шпилька; *2* — йўналтирувчи чивиқ; *3* — водилка; *4* — цилиндр; *5* — валик; *6* — ип ўтказгич; *7* — югурдак; *8* — найча; *9* — урчуқ.



Оддий пишчуха.



Кема палубасидаги плавун-кит.

илдиз системаси, барглар плагиотроп орган ҳисобланади. Плагиотроп органларнинг эгилиш бурчаги доимий бўлмай ўсиш шароитига қараб ўзгариб туриши мумкин.

ПЛАЗМА, қон плазмаси — қоннинг суюқ қисми. П. да қон элементлари (эритроцитлар, лейкоцитлар, тромбоцитлар) бўлади. Оқсил ва б. органик ҳамда анорганик бирикмаларнинг коллоид эритмасидан иборат бўлиб, таркибида 20 дан ортиқ витаминлар ва 20 дан ортиқ микроэлементлар (темир, фосфор, кальций ва б.) бор. П. ни текшириш турли касалликларни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Одам ва ҳайвон П. сидан даво препаратлари (қоннинг қуруқ П. си, альбумин, гамма-глобулин ва б.) тайёрланади. Баъзан ҳайвон, ўсимлик ҳужайрасидаги протоплазмани П. деб нотўғри атайдилар.

ПЛАЗМА (юнон. plasma — шаклланган) — тўлиқ ёки қисман ионлашган ва зарраларининг электр зарядлари йиғиндиси нолга тенг бўлган газ. Одатда, газ электр токи ўтказмайди. Лекин турли воситалар ёрдамида, мас., қиздириш, ёритиш, электронлар б-н бомбардимон қилиш натижасида газни ионлаштириш мумкин, яъни газни ташкил қилувчи нейтрал зарраларнинг баъзилари ўзидаги боғланган электронларнинг биттаси ёки кўпроғидан ажралиб, мусбат ионларга, ташқаридан электронларни қўшиб олганлари эса манфий ионларга айланади; баъзи зарралар бевосита мусбат ва манфий ионларга бўлинади. Ионлашган газнинг электр ўтказувчанлиги шу газдаги ионлар ва электронларга боғлиқ.

П. ҳажм бирлигидаги ионлашган зарралар сонининг шу ҳажм бирлигидаги барча зарралар сонига нисбати П. нинг ионлашиш даражаси (α) дейилади. α- нинг қийматига қараб, заиф, кучли ва тўла ионлашган П. бўлади. Ионлашиш даражаси кичик касрларни ташкил қилса заиф ионлашган П., бирга тенг бўлса тўла ионлашган П. бўлади.

Космос ва Ер шароитларида, ҳозирги замон техникасида П. ҳолатидаги модда ғоят катта роль ўйнайди. Газлардан ток ўтиш ҳодисалари, яъни газлардаги разрядлар, яшин, учқун, электр ёйи каби ҳодисалар П. б-н боғлиқ. Ер атмосферасининг юқори қатлами Қуёш ва б. космик омиллар таъсирида заиф ионлашган П. бўлиб, улар қуёш шамоли кўринишида Ер магнитосфераси ва ионосферасини ташкил қилади. Қуёш ва юқори т-рали юлдузлар тўла ионлашган П. дан иборат.

П. га тегишли анчагина хусусиятларга эга зарядлар системаси сифатида металларнинг кристалл панжарасидаги мусбат ионлар б-н ўтказувчанлик электронлари тўплами ёки яримўтказгичлардаги «ўралар» («тешиклар») б-н ўтказувчанлик электронлари тўплами кўрсатилиши мумкин. Шунинг учун бу тўпламлар қаттиқ жисмлар П. си деб юритилади.

П. зичлиги (1 $см^3$ даги электрон ёки ионлар сони) қуйидаги қийматларга эга бўлади: галактик фазода $n \sim 10^{-6}$, қуёш шамолида $n \sim 10$, қаттиқ жисмларда $n \sim 10^{22}$. «П.» терминини физикага биринчи марта америка олимлари И. Ленгмюр ва Л. Тонкс киритган (1923).

П. зарраларининг бир-бири б-н тартибсиз тўқнашуви натижасида ҳосил бўлган кинетик энергия маълум вақтдан сўнг ўзаро тенгсимланади ва ҳамма зарралар бир хил ўртача кинетик энергияга эга бўлади, чунки тартибсиз иссиқлик ҳаракатидаги зарранинг ўртача кинетик энергияси E т-ра T б-н қуйидагича боғланган:

$$E = \frac{3}{2} kT,$$

бунда k — *Больцман доимийси.* Аниқ т-рали, мувозанат ҳолатдаги П. изотермик П. дейилади. Изотермик П. даги электронлар, ионлар ва нейтрал зарраларнинг ўртача кинетик энергиялари ҳаммаси учун бир хил бўлади.

Ташқи манба энергияси б-н таъминланадиган П., мас., газлардаги разряд, изотермик П. бўла олмайди. Ташқи манба энергиясини, асосан, электронлар қабул қилади. Электрон массаси ион ёки нейтрал зарра массасига нисбатан бир неча минг марта кичик бўлганлиги сабабли, тўқнашувлар натижасида электронлар энергиясининг жуда оз қисмигина бошқа зарраларга ўтиши мумкин. Электронлар энергиясининг камайиши ташқи манба энергияси ҳисобига тўлдирила боради. Шундай қилиб, электронлар, ионлар ва нейтрал зарраларнинг ҳар қайсиси ўзига хос ўртача кинетик энергияга, демак, т-рага эга. Электронлар т-раси T_e, ионлар т-раси T_i ва нейтрал зарралар т-раси T_0 орқали белгиланади. Одатда, T_0 га нисбатан T_i каттароқ, T_e эса анча катта бўлади. Бундай П. ноизотермик П. дейилади.

Изотермик П. характерли хусусиятларга эгадир. П. нинг энг муҳим хусусияти унинг нейтрал бўлишидир, яъни бунда зарядлар йиғиндиси нолга тенг бўлиши керак. Демак, П. даги ҳар қандай заряд ва уни қуршаб олган бошқа зарядлар қарама-қарши ишорали бўлиши лозим. Мас., мусбат зарядли бирорта заррани қуршаб олган бошқа мусбат ионлар ва электронлар сони бир хил эмас, электрон ва ион сонларининг айирмаси бирга тенг бўлиши лозим.

Бўшлиқда жойлашган q зарядининг ўзидан маълум масофадаги нуқтада ҳосил қилган электр майдон потенциали: $\varphi = \frac{q}{r}$. Бу зарядни қуршаб олган тартибсиз ҳаракатдаги бошқа зарядларнинг таъсири назарга олинса, майдон потенциали қуйидагича ифодаланади:

$$\varphi = \frac{q}{r} e^{-\frac{r}{D}},$$

бундаги D катталик т-рага, ҳажм бирлигидаги зарралар сонига, уларнинг зарядига боғлиқ. Жумладан, агар П. фақат электронлардан ва битта зарядли ионлардан иборат бўлса

$$D = \sqrt{\frac{kT}{4\pi ne^2}},$$

бу ерда электронлар (ёки ионлар)нинг ҳажм бирлигидаги сони n орқали ва электрон заряди e орқали белгиланди. Кўрамизки, $r \gg D$ бўлганда, яъни D га нисбатан катта масофаларда зарядниг электр майдони жуда заифлашади. Бу ҳодиса заряд майдонининг экранланиши дейилади. Экранланишни характерловчи D катталик экранланиш радиуси ёки Дебай радиуси деб юритилади. Мас., водород П. сида $T = 10^5$К ва $n = 10^{16}$ $см^{-3}$ экан, Дебай радиуси $D = 1{,}5 \cdot 10^{-5}$ *см.*

Радиуси D га тенг сфера ичидаги барча зарядли зарраларнинг сони Дебай сони дейилади. Дебай сони катта бўлгандагина П. ни газ деб ҳисоблаш мумкин. П. нинг асосий хусусияти шундан иборатки, ундаги мусбат ва манфий зарядлар зичликлари деярли бир-бирига тенгдир. Бу хусусият П. нинг квазинейтраллиги дейилади. П. эгаллаган жойнинг чизиғий ўлчами Дебай радиусидан анча катта бўлган ҳолдагина квазинейтраллик рўй беради.

Ташқи электромагнит майдон таъсирида П. ионлари ва электронларининг ҳаракати ғоят мураккаблашади. Бу масалани ечишда электродинамика ва гидродинамика қонунларидан фойдаланилади. Айниқса магнит майдонга жойлашган П. катта аҳамиятга эга. Маълумки, ўзгармас магнит майдонда ҳаракатланувчи зарядлар майдон кучли бўлган аниқ нуқталарга бориб етиш б-н дарҳол орқага қайтади. Демак, махсус тузилишга эга магнит майдон ёрдамида П. ни тарқатиб юбормасдан чекланган ҳажмда сақлаб туриш мумкин.

Цилиндр шаклидаги П. бўйича ўтаётган ток ҳосил қилган магнит майдоннинг таъсирида П. сиқилиб, ип шаклини олади. Чунки цилиндр шаклидаги токни ингичка чизиғий токлар тўпламидан ташкил топган деб қараш мумкин. Ўзаро параллел бир йўналишдаги токлар эса бир-бирини тортади. Цилиндр шаклидаги П. нинг ўзини сиқиш ҳодисаси пинч-эффект деб юритилади. Учқун ёки яшин ҳодисалари *пинч-эффект*га мисол бўлади.

Магнит майдон таъсиридаги П. нинг яна бир хусусиятини кўриб ўтайлик. Магнит майдон кучланганлигининг бирор юзага кўпайтмаси шу юза орқали ўтган магнит оқим дейилади. Яққоллик мақсадида юзани кесиб ўтган магнит оқим магнит куч чизиқлари сони б-н ифодаланади. Фарадейнинг электромагнит индукция қонунига асосан, бирор юзадан ўтган магнит оқим ўзгарса, шу юзани чегараловчи контурда индукцион электр майдон пайдо бўлади, демак, электр юритувчи куч (индукцион ток) пайдо бўлади. Бу ток Ом қонунига мувофиқ, муҳитнинг электр ўтказувчанлигига ва электр майдон кучланганлигига пропорционалдир. Юқори даражада ионлашган П. жуда яхши ўтказгич бўлади, шунинг учун П. нинг электр ўтказувчанлиги σ ни чексиз катта деб ҳисоблаш мумкин. У вақтда индукцион ток ҳам чексиз катта бўлиши лозим, аммо бундай бўла олмайди. Бинобарин, индукцион электр майдон, демак, электр юритувчи куч нолга тенг бўлиши зарур деган хулоса чиқади. Шундай қилиб, П. ичида бирор контур б-н чегараланган юза орқали олинган магнит оқим ўзгармасдан сақланади. Бу айтилганларни қуйидагича тасаввур қилиш мумкин: магнит куч чизиқлари П. зарраларига гўё мустаҳкам ёпишгандек ёки улар б-н бирга «музлагандек» П. моддаси б-н бирга ҳаракат қилади. Шу сабабли, яхши ўтказувчи П. да магнит оқимнинг ўзгармаслик ҳодисаси П. да магнит майдоннинг «музлатилиши» деб юритилади.


П. да турлича электронлар тебраниши, ионлар тебраниши, нейтрал зарралар тебраниши, электр майдон тебраниши, магнит майдон тебраниши ва ҳ. к. рўй беради. Бу тебранишлар натижасида унда турлича тўлқинлар вужудга келади. Бу тўлқинлар ҳар хил тарқалиш тезлигига, частотага ва б. хусусиятларга эга. Одатдаги моддий муҳитдаги товуш тўлқинларидан бошқа П. да жуда хилма-хил ва мураккаб тўлқинлар ҳосил бўлади.

Бирор сабабга биноан П. зарралари зарядларининг мувозанат ҳолати ўзгарса, уларни дарҳол мувозанат ҳолатига қайтарувчи куч таъсир қилиб, бу зарралар тебранма ҳаракат қилади ва тебраниш йўналиши бўйича мос тўлқин пайдо бўлади. П. га хос бундай тебранишлар Ленгмюр тебранишлари, плазмавий тебранишлар ёки электростатик тебранишлар деб юритилади ва уларнинг частотаси плазмавий частота дейилади. Зарралар зарядларининг қандайлигига қараб, ленгмюр электронлар тебраниши ёки ленгмюр ионлар тебраниши бўлиши мумкин.

Узгармас ташқи магнит майдон таъсир қилаётганда П. тебранишлари анча мураккаблашади. Мас., магнит майдон йўналишида тарқалувчи махсус тўлқинлар рўй беради. Бундай махсус тўлқин магнитогидродинамик тўлқин ёки Альфвен тўлқини деб юритилади.

П. даги зарраларнинг ҳар бир т-рага мос тезликлари бор. Ўзаро тўқнашувлар натижасида тезликлар ўзгаради, яъни зарралар тезланма ҳаракатда бўлади. Тезланма ҳаракатдаги зарядли зарралар эса атрофга электромагнит тўлқинлар тарқатади, яъни нурланади. Жумладан, П. нинг тезланма ҳаракатдаги электронлари нурланади. Бу ҳодиса П. нинг тормоз нурланиши дейилади. Ҳаракатдаги электрон бирор ион ёнидан ўтганда шу ион б-н боғланиши мумкин. У тақдирда электрон кинетик энергиясининг боғланиш энергиясидан ортиқча қисми нурланиш энергиясига ўтади. Бу ҳодиса П.нинг рекомбинацион нурланиши дейилади. Атом ёки ионнинг минимал энергияли ҳолати нормал ҳолат, кўпроқ энергияли ҳолати уйғонган ҳолат дейилади. Тўқнашувлар натижасида атом ёки ион уйғонган ҳолатларга ўтиб, сўнгра кам энергияли ҳолатларга, қисман нормал ҳолатга қайтиши мумкин, натижада ортиқча энергия нурланади. Бу ҳодиса П. нурланишининг бир тури бўлиб, ундаги уйғонган атомлар б-н ионлар нурланишидан иборатдир. Агар П. магнит майдонга жойлаштирилса, яна қўшимча нурланиш рўй беради. Маълумки, магнит майдон таъсиридаги заряд шу майдон атрофида айланма ҳаракатда бўлади, демак, зарядли зарранинг тезланиши бор, бу зарра атрофига нур сочади. П. нурланишининг бундай тури бетатрон (ёки синхротрон) нурланиш деб аталади. Хуллас, П. нинг нурланиши мураккаб ҳодиса бўлиб, П. энергиясининг камайишига олиб келади.

Бир жинслимас магнит майдон таъсирида П. турғун ҳолатда бўла олмайди. Маълумки, ташқи магнит майдонда ҳаракатланувчи зарядларга Лоренц кучи таъсир қилиб, улар шу майдон йўналиши атрофида айланма ҳаракатга киради, натижада ҳосил бўлган микроскопик доиравий токлар ташқи майдонни заифлаштиради, шундай қилиб П. нинг диамагнетизми рўй беради. Доиравий токлар эса ўзларининг магнит моментларига эга. Демак, бу токларга ташқи магнит майдон таъсир қилади. Бир жинсли майдонда таъсир кучи бўлмайди. Аммо бир жинслимас майдоннинг таъсир кучи натижасида П. зарядлари майдон кучли бўлган жойлардан у заифроқ бўлган жойларга сиқиб чиқарилади, шундай қилиб П. нотурғунликка учрайди. Бу эса бажарилаётган термоядровий синтез асосида ядро энергиясидан фойдаланиш масаласида ғоят муҳимдир.



1-расм. Тубли плазмали ёй печь: *1* — плазматрон; *2* — электрод; *3* — қопқоқли тешик.

Модданинг қаттиқ, суюқ ёки газ ҳолатларда бўлиши унинг агрегат ҳолатлари дейилади. Юқорида айтилганлардан ташқарими П. хусусиятлари ҳолдаги оддий газ ҳолатидаги хусусиятларидан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Шунинг учун П. ни моддани тўртинчи ҳолати деб ҳисобланади. П. хусусиятларидан фойдаланиш ҳозирги замон техникаси тараққиётида ғоят катта аҳамиятга эга. (яна қ. *Термоядро реакциялари*).

Ад.: Арцимович Л. А., Элементарная физика плазмы, 3. изд., М., 1963; Франк-Каменецкий Д. А., Плазма — четвертое состояние вещества, 3. изд., М., 1963.

ПЛАЗМА ДВИГАТЕЛЛАРИ — *реактив двигателлар*; тортиш кучи йўналишига қарама-қарши йўналишда двигатель соплосидан чиқадиган ионлар оқими — плазма; ҳосил қиладиган реактив кучга асосланган. Ядро ва электр П. д. мавжуд. Ядро П. д. да иш жисми газли ядро реакторидан ўтаётганида жуда юқори т-рагача қизийди ва плазмага айланади. Кейин шу плазма махсус тирқиш (сопло) орқали ташқарига чиқишида унинг иссиқлик энергияси кинетик энергияга айланади. Электр П. д. да плазмани ҳаракатга келтирувчи энергия электр энергиясидан манбаи ҳисобланади.

ПЛАЗМА МЕТАЛЛУРГИЯСИ — металл ва қотишмаларни плазма реакторлари ва *плазма печларида* эритиш ҳамда қайта ишлаш, дудланмаган металл ажратиб олиш, шунингдек маҳсулот эритиш усулларини ишлатишдан иборат. П. м. 20-асрнинг 50-йилларида СССР, Япония, АҚШ, ГДР, ГФР ва б. давлатларда ривожлана бошлаган.

Рудалар (оксидлар ва б.) плазмада термик *диссоциацияланиб*, қайта ишланади; бунда улар ё плазма оқимига кукун ҳолида пуркалади, ёки электр ўтказувчи материал б-н аралашма ҳосил қилади.

Рўзғор ва қотишмалар плазмали ёй печлар (ПЕП)да эритилади. Бу печларда шихтани тоза металл олиш учун инерт атмосфера бўлиши ва металларни ифлословчилардан қўшилмалар бўлмаслиги керак. Плазма ҳосил қилувчи газ сифатида ёки бевосита печь атмосферасидаги аргон қўлланиб, азот б-н алмазтирланиб, азот б-н нитрирланиш металл олиш мумкин.

Металл ва қотишмаларнинг тозалигини ёки легирланишини оширш мақсадида улар сув б-н совитилувчи металл кристаллизаторли ПЕПда қайта эритилади. Саноатда эритиш жараёнининг турли вариантлари амалга оширилади: инерт газлар атмосферасида металлни рафинациялаштириб қайта эритиш; металлни плазмаэлектродлар б-н оксидлаб ёки азот б-н тўйинтириб қайта эритиш; шлак б-н плазма ёй ёрдамида қайта эритиш. Жараёнлар юқори ёки нормал босим остида ўтказилганда, уларнинг легирловчи элементлар (углер, марганец ва б.) нинг тўйинишига, қотишманинг азот б-н тўйинишига йўл қўймайдиган, газ босими пасайтирилганда эса металл анча тозаланади. ПЕПда қайта эритиш махсус легирланган пўлатлар, нодир эрувчан металлар, ярим ўтказгичлар ва асбобсозлик қотишмаларининг сифатини оширишда азот миқдори юқори бўлган пўлатлар олишда қўлланилади. Плазма-ёй печларда кукунининг индукцион эритишда кўлланишни синтланиш эритиш жараёнларини тадқиқ этишда ва плазманинг ёй б-н қизитишнинг сабабини металлнинг графитланишининг олдини олишда. Плазмотронлардан домна ва мартен печларида ёрдамчи иссиқлик манбаи сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ад.: Фарнасов Г. А., Фридман А. Г., Каринский В. Н., Плазменная плавка, М., 1968; Краснов А. Н., Шаривкер С. Ю., Зильберберг В. Г., Низкотемпературная плазма в металлургии, М., 1970.

ПЛАЗМА ПЕЧЬ — иссиқлик манбаи *плазмотронлар* ёрдамида ҳосил қилинадиган плазмадан иборат электр печь. Унда металл ва қотишмалар қиздирилади, эритилади ва қайта ишланади. Плазмали ёй печлар (ПЕП) ва юқори частотали плазмали печлар (ЮЧПП) бор.

ПЕПнинг тубли (ёки тигелли) даврий ва кристаллизаторли нодаврий ишлайдиган хиллари бор. Тубли ПЕП (1-расм) ваннасининг шаклига ва ички қопланадиган материалларига қараб оддий ёй печларидан фарқ қилмайди. Печнинг совитиладиган қопқоқли бир ёки бир неча тешиклари бор. Бу тешикдардан намуна олинади, металл т-раси ўлчанади ва ҳ. к. Печда технологик тешикларни зичлаштириб плазма ҳосил қилувчи газнинг ортиқча босими тутиб турилади. ПЕПда бир ёки бир неча плазматронларнинг катодлари ёй разрядининг катоди бўлиб, печь ваннасидаги ишланадиган металл эса анод бўлиб хизмат қилади. Металлдан ток печь тубига ўрнатилган электрод орқали ўтади. ПЕПда инерт газ (аргон)ни тўғри ёки уюрма холда пуфлаб ёй ҳосил қилинади; бу б-н ёй стабиллаштирилади ва т-раси 10000—20000°К гача ошади, шунингдек эритилаётган металл устини нейтрал атмосфера ҳосил қилинади. ПЕП жуда мухим ва махсус қотишмалар ишлаб чиқаришда қўлланилади (қ. *Плазмо металлургияси*).

Кристаллизаторли ПЕПда қайта эритиладиган заготовкалар горизонтал ва вертикал ўқ бўйлаб. Печь камерасида эритма босим остида туриб турилади. ПЕПда эриш тезлигини ва слиток иссиқлик оқими қувватини алоҳида равишда ҳисобга қўйганда кристалланиш процессини анча кенг чегарада бошқариш мумкин. Газ б-н тўйинган материалларни эритиш учун паст босимли (10⁻²—0,1 *мм*[рт. ст.] ёки 10^{-3}—10^{-4} *кн/см²*) ПЕПлар фойдаланилади; бундай электрон-нур печлари ўрнида ишлатилади.

ЮЧППда (2-расм) плазмотронининг тузилиши бошқача бўлиши учун плазмали электродларнинг мощ зарфчалари бўлмайди ва анча тез ҳисобланади; шунинг учун бундай печлар монокристалларни ўстириш ва тоза моддаларни қайта ишлашда қўлланилади.

ПЛАЗМАЛИ КИМЁ, плазмохимия — паст т-рали плазмалари кимёвий жараёнларни, уларнинг реакциялардаги кечиш қонуниятларини ва плазмохимик технология асосларини ўрганувчи кимё соҳаси. Физика нуқтаи назаридан П. к. да қўлланиладиган плазма (термодинамик плазмага нисбатан) паст т-рали плазма ҳисобланади. Кимё ва кимёвий технология нуқтаи назаридан эса энг юқори т-рали ҳисобланади. Плазма кимёда эндотермик реакцияларни амалга ошириш ёки иссиққа чидамли материалларга таъсир этувчи юқори т-ра электрлари сифатида ишлатилади. H_2^+, N_2^+, O_2^+ ва б. молекуляр ионларнинг ҳосил бўлишига олиб келадиган газ ионлари реакциялар П. к. нинг специфик жараёнларидир. Нейтрал ҳолатга мавжуд бўлолмайдиган кўпгина молекулалар ионланган ҳолда плазмада бўла олади. Асл газларнинг ўзаро ёки водород б-н ҳосил қиладиган молекуляр ионлари — He_2^+, $NeHe^+$, NeH^+, ArH^+, KrH^+; оғир ионлар — H_3^+, CH_5^+, $C_2H_7^+$ ва б. шулар жумласидандир.

П. к. нинг техникада қўлланилиши плазма оқимининг юқори т-рага эга бўлишига асосланган. Плазма оқимлари электр ёйли ёки юқори частотали индукцион плазматронларда олинади.

П. к. нинг энг истиқболли техник жараёни атмосфера азотини тўғридан-тўғри оксидлаш ва метан ва б. углеводородларни электрокрекинглаб ацетилен олишдан иборат. П. к. жараёнидан фойдаланиб этилен ва б. олефинларни, тетрафторэтилен, гидразин, дицнан, водород цианид, трихлорсилан, гидроксиламин, водород пероксид, формальдегид олиш устида ҳам иш олиб борилмоқда. П. к. нинг махсус бўлими — плазма металлургиясида тоза металлар ва металлмаслар: ванадий, никель, темир, молибден, бор ва ҳ. к. ларнинг оксидлари ва галогенидларига водород плазмаси таъсир эттириб, элементлар тоза ҳолда ажратиб олинади.

Металлар сиртида ўтга чидамли оксид пардалар ҳосил қилиш ёки полимерлар сиртини тозалашда кислород плазмаси оқими ишлатилади.

П. к. плазмаларнинг нурланиши таъсирида ўтадиган фотохимия жараёнларини ҳам ўз ичига олади. Бунга озоннинг олинишини мисол қилиб келтирса бўлади, чунки бунда асосий процесс кислород молекулаларини ультрабинафша нурлар таъсирида диссоциялашга асосланган.

Ад.: Вурзель Ф. Б., Полак Л. С., Химические процессы в плазме и плазменной струе, М., 1965; Очерки физики и химии низкотемпературной плазмы, под ред. Л. С. Полак, М., 1971.

ПЛАЗМА ТЕЗЛАТҚИЧЛАР — тезлиги 10—10^3 $\frac{км}{сек}$ ва ундан юқори бўлган плазма оқими ҳосил қилиш учун ишлатиладиган қурилмалар. Улардаги ионларнинг кинетик энергияси 10 *эв* дан 10^5 — — 10^6 *эв* гача етади. Энергиянинг пастки чегарасида паст т-рали плазма генераторлари — плазматронларга, юқори чегарада — зарядланган зарралар тезлаткичларига ўхшайди. П. т. тўлиқ ионлашган плазма тезлаткичлари ҳисобланади, шунинг учун уларда ионлашиш ва ғалаёнланиш, шунингдек иссиқлик процесслари плазматронларга нисбатан ёрдамчи роль ўйнайди.

Катта тезликдаги плазма оқимини турли йўл б-н. мас., қаттиқ жисмга лазер нурларини таъсир эттириб олиш мумкин. 1- расмда П. т. га тегишли асбоб тасвирланган, унда тезланиш ва плазмани тайёрлаш бир ёки бир нечта электр разрядининг электр энергияси ҳисобига амалга ошади.

Тезланиш механизми. П. т. нинг иш процессини анализ қилишда плазмани яхлит муҳит ёки зарралар (ион ва электронлар) йиғиндиси деб қараш мумкин. Яхлит муҳит деб олинганда плазманинг тезланиши тўлиқ (ион ва электронлар) босим $p = p_i + p_e$ нинг пасайиши ва плазмада оқадиган ва магнит майдони $F_{Ампер} \sim [jB]$ бўлган токнинг ўзаро таъсиридан ҳосил бўладиган Ампер кучи $F_{Ампер}$ таъсиридан вужудга келади. Бунда j — плазмадаги ток зичлиги, *B*- магнит майдони индукцияси. Плазма зарралар йиғиндиси бўлса ионлар тезланиши қуйидагилар асосида вужудга келади: 1) плазма ҳажмидаги электр майдон *E* таъсирида; 2) йўналтирилган электронлар оқимининг («электрон шамоли») ионлар б-н тўқнашишидан; 3) ионларнинг ўзаро тўқнашишидан.


Плазма тезлаткичлари классификацияси. П. Т. иссиқлик ва электромагнит тезлаткичларга бўлинади.

Иссиқлик П. т. орасида изотермик бўлмаган тезлаткичлар алоҳида аҳамиятга эга. Унда $p_e \gg p_i$. Буни қуйидагича тушунтириш мумкин: «иссиқ» электрон ($T_e \gg T_i$) ли плазма юқори т-рали (T_i) ионлар плазмасига нисбатан жуда осон ҳосил бўлади. Буни изотермик бўлмаган плазма дейилади. Изотермик бўлмаган тезлаткичнинг конструкцияси тез электронларни инжекциялаш йўли б-н. ёки электронли циклотрон резонанси ёрдамида т-раси $T_e \sim 10^7 — 10^9$ *К* га тенг «иссиқ» электронли плазма ҳосил қиладиган «магнит соплоси» дан иборат (2- расм). Электронлар камерадан чиқиб кетишга уринib, ҳажмий зарядларнинг электр майдонини ҳосил қилади. Бу майдон ўз навбатида ионларга $kT_e \sim 10^3 — 10^5$ *эв* миқдордаги энергияни бериб, уларни тезлаштиради. Электромагнит П. т. плазмага энергия берилишига қараб уч синфга бўлинади: а) радиацион тезлаткичлар, бунда плазма оқимининг тезланиши плазма қуюқланмасига тушаётган электромагнит тўлқинларининг босимь таъсирида келиб чиқади; б) индукцион тезлаткичлар — импульсли системалар, унда ташқи ўсувчи магнит майдони В плазма ҳалқасидаги токни индукциялайди. Шу ток б-н ташқи магнит майдони радиал ташкил этувчисининг ўзаро таъсири Ампер кучини ҳосил қилади. Бу куч плазма ҳалқасини тезлаштиради; в) электродли тезлаткичларда тезланишли плазма б-н кучланиш манбасига уланган электродлар ўзаро контактда бўлади. Бу токнинг ташқи (автоном магнит система ҳосил қилган) ёки хусусий (плазмадан оқадиган ток ҳосил қилган) магнит майдони б-н ампер ўзаро таъсиридан плазма тезланиши ҳосил бўлади. Электродли П. т. кенг тарқалган.


А. Хусусий магнит майдонли плазма тезлаткичлар. Импульсли электрод тезлаткичлар. П. т. ичида «рельсотрон» биринчиси бўлиб (3- расм), у конденсаторли батареялар б-н таъминланади. Плазмали қуюқланма рельслар орасига тортилган ингичка симдан катта ток ўтишида ҳосил бўлади. Кейинчалик плазма тезлаткичининг коаксиал системаси ишлаб чиқилди ва бу техникада кенг ўрин олди. Коаксиал П. т. да тезлиги 10^3 *см/сек* ва умумий зарралар сони 10^{18} бўлган плазма қуюқланмасини олиш мумкин.

Б. Ташқи магнит майдонли плазма тезлаткичлар. Қичик қувватли (< 10 *квт*) стационар оқимлар ёки катта тезлик (> 10^8 *см/сек*) даги зарралар оқими ёпиқ дрейфли П. т. ёрдамида олинади (4- расм). Бу П. т. нинг анод ва катодлари орасига кучланиш қўйилса, электронлар ўртача ўзгармас тезлик б-н электр Е ва магнит Н майдонига перпендикуляр ҳаракат қила бошлайди. Уларнинг ҳаракати циклоида эгри чизиғига яқин бўлади. Тезлаткич каналининг узунлиги *L* шундай танланадики, электрон циклоидасининг баландлиги h_e ундан анча кичик бўлиши керак ($L \gg h_e$). Бу ҳолда электронлар «магнитланган» дейилади. Катта масса (*M*) ли ионларнинг циклонда баландлиги h_i электронларнинг циклонда баландлиги h_e дан $\frac{M_i}{m_e}$ марта катта бўлади (m_e — электрон массаси). Шунинг учун агар канал узунлиги *L* ни h_i дан анча кичик қилиб олинса, бу ҳолда ионлар магнит майдонида кам оғади ва улар электр майдони таъсирида тўғри чизиқ бўйича тезлашади.

Биринчи П. т. 1950 йиллар ўрталарида пайдо бўлди. Улар сиртни тозалаш технологияси (катодли чанглатиш методи), турли сиртларда металл




Плазма тезлаткичлар. 1- расм. Плазма тезлаткичининг принципиал с хемаси.




2- расм. Изотермик бўлмаган плазма тезлаткичининг схемаси.


Электрон замоарак ЭЭ дан чиқаётган электрон дастаси газ-разряд камераси ГК даги электронларни «ситади» ва бу камерага киритилаётган ишчи моддаси ИМ ни ионлайди. Ҳосил бўлган ва тезлашган плазма ТП электрон босимининг фарқи таъсирида магнит майдони галтаги ММР вужудга келтираётган магнит майдони чизиқлари бўйлаб оқиб чиқади.



3- расм. «Рельсотрон» схемаси: *Р*— рельслар; *П*—плазма перемичкаси; *С*—сиғим; *К*—калит.



4- расм. Ёпиқ дрейфли плазма тезлаткичи схемаси. Магнит майдони *Н*, магнит ўтказгич МЎ ва магнит майдон галтаги ММР ёрдамида ҳосил қилинади.



2-расм. Юқори частотали плазмали печь: *1* — индуктор; *2* — кварцли камера; *3* — газ киритиш учун трубка; *4* — плазма; *5* — индуктор; *6* — ўрнатилаётган кристалл.

плёнка ҳосил қилиш, ионосфера ли аэродинамика тадқиқотлари ва астрофизика экспериментлари (космик ҳодисаларни моделлаш), термоядро тадқиқотлар (плазма инжектори сифати)да қўлланилади.


ПЛАЗМАТРОН, плазма генератори — паст т-ра Т—10^4 °К ли плазма олиш учун ишлатиладиган газ разрядли асбоб. П. дан асосан саноатда технологик мақсадларда фойдаланилади. П. саноатда ва лабораторияларда 20-асрнинг 50—60-йилларида кенг қўлланила бошланди. Айниқса, ёй разрядли ва юқори частотали П. кенг тарқалган.

Узгармас токда ишлайдиган, ёй разрядли П. қуйидаги асосий қисмлардан иборат: битта (катод) ёки иккита (катод ва анод) электрод, разряд камераси, плазма ҳосил қилувчи моддани узатиш қисми; разряд камераси электродлар б-н қўшилган бўлиши мумкин, буни бўш катодли П. дейилади. Разряд камерасининг плазма оқадиган ёриғи П. соплоси дейилади. Ёй разрядли П. нинг икки тури мавжуд: ташқи плазма ёйи (плазма ёй)ни ва плазмали оқимни ҳосил қилишда ишлатиладиган П. Биринчи тип П. да ёй разряди катод ва анод сифатида олинган ишланаётган жисм орасида ёнади. П. нинг 2 типида катод ва анод орасидаги разрядда ҳосил қилинаётган плазма разряд камерасидан ингичка узун оқим сифатида оқиб чиқади.

Ёй разрядли П. да разрядниng турғунлигига магнит майдони, газлар оқими, разряд камераси, соплонинг деворлари туфайли эришилади.

Ёй разрядли П. нинг қуввати 10^2—10^7 *вт*, сопло кесимидаги оқим т-раси 3000—25000 °К, оқимнинг чиқиш тезлиги 10^4 *м/сек*. Саноат ф. и. к. 50—90%. Умумий фойдаланиш вақти бир неча юз соатни ташкил қилади. Плазма ҳосил қилувчи моддалар сифатида ҳаводан, N_2, O_2, H_2O, Ar, H_2, NH_4, углеводородлар, металлар, пластмассалардан фойдаланилади.

Юқори частотали П. эса, электромагнит ғалтак — индуктор ёки юқори частотали энергия манбаига уланган электродлар, разряд камераси, плазма ҳосил қилувчи моддани киргизиш қисмини ўз ичига олади. Унинг индукцион, сиғимли, машъалли, ўта юқори частотали хиллари мавжуд. Техникада плазма ҳосил қилувчи газ уюрмали токда қиздириладиган юқори частотали индукцион П. дан кенг фойдаланилади. Юқори частотали индукцион разряд электродсиз бўлгани учун бу П. дан плазмали оқимга тозалик жиҳатдан юқори талаблар қўйилганда актив газлар (O_2, Cl_2, ҳаво ва б.) ни, агрессив моддалар (хлорид, фторид ва б.) нинг буғини, шунингдек инерт газларни қиздириш учун фойдаланилади.



Юқори частотали плазматронлар схемаси: *а* — индукцион; *б* — сиғимли; *в* — машъалли; *г* — ўта юқори частотали; *1* — электр билан таъминлаш манбаи; *2* — разряд; *3* — плазма оқими; *4* — индуктор; *5* — разряд камераси; *6* — электрод; *7* — тўлқин ўтказгич.

Индукцион П. ёрдамида нитрид, борид, карбид ва б. кимёвий бирикмалар асосидаги юпқа дисперсли ва жуда тоза порошокли материаллар олинади. Плазмохимик жараёнларда шундай П. разряд камерасининг ҳажми реакция соҳаси б-н кўшилган бўлиши мумкин. П. қуввати 1 *Мвт* га етади, т-ра разряд камерасининг маркази ва плазма оқимининг бошланиш жойида ~10^4 °К, плазма оқимининг тезлиги 0—10^3 *м/сек*, частотаси бир неча ўн минг *гц* дан ўнлаб *Мгц* гача, ф. и. к. 50—80% бўлади. Ўта юқори частотали П. частотаси минг ва ўн минг *Мгц* ларни ташкил қилади; уларни таъминловчи генератор сифатида магнетронлар қўлланилади. Юқори частотали П. нинг индукцион П. дан бошқа барча типлари, ҳозирда (20-асрнинг 70-йиллари) лаборатория шароитида қўлланилади.

П. ни ишга тушириш учун электродларни қисқа туташтириш, ёрдамчи ёй разрядини ёндириш, разряд камерасида плазмалар инжекцияси ва б. ишлатилади.

Металлургия ва кимё саноати учун плазмали реакторлар, махсус П. ишлаб чиқариш, уларнинг қувватини 1—10 *Мвт* гача ошириш П. ривожланишининг асосий тенденциясидир.

ПЛАЗМИДЛАР — ҳужайраларда *хромосомалардан* ташқарида жойлашган ирсий омиллар. Ҳужайра органелла генетик омиллари (*митохондриялар, пластидлар* ва б.) ҳамда ҳужайранинг компоненти ҳисобланмаган генетик омиллар П. жумласидандир. Ҳужайранинг компоненти ҳисобланмаган омиллардан парамецийлардаги каппа-омил деб аталувчи (парамеция антибиотик моддаси ишлаб чиқарадиган) омил, CO_2 га сезгир омил, дрозофила пашшаси эркак индивидларнинг кўпайишига шароит яратмайдиган модда, шунингдек бир қатор бактериал П. кўпроқ ўрганилган (яна қ. *Цитоплазматик ирсият* ва *Эписомалар*).

ПЛАЗМОГЕНЛАР — ҳозирги замон корпускуляр насл назариясига кўра организмнинг у ёки бу хоссаларига таъсир этадиган гипотетик ўзўзидан кўпаювчи цитоплазматик нуклеопротеин зарралар. П. нинг хромосомалардан фарқи шуки, ҳужайралар бўлинганда улар унчалик қатъий суратда бўлинмайди деб талқин қилинади. П. нинг ҳужайрадаги миқдори уларнинг ўз-ўзидан бўлиниш суръати б-н П. ларни тутган ҳужайраларнинг бўлиниш суръати ўртасидаги нисбат бузилишига қараб ё кўпайиши, ёки камайиши мумкин. П. нинг ўзгариши кўпчилик ҳолларда ўсимлик ва микроорганизмлар (пашмак, маккажўхори, ачитқи, нейроспора ва ҳ. к.) нинг цитоплазматик ирсий ўзгариши туфайли содир бўлади деб ҳисобланади.

ПЛАЗМОДЕСМАЛАР (*плазма* ва юнон. desmos — алоқа) — протоплазматик нозик толалар. Усимлик организмида қўшни ҳужайра ҳамда тўқималарни ўзаро боғлаб, улардаги озиқ модда ва турли таъсирларни биридан-бирига ўтказади (мас., қизил сувўтларида, замбуруғ ва б. да).

ПЛАЗМОДИЙЛАР (*плазма* ва юнон. eidos — тур) — 1) споралилар туркумига мансуб бир ҳужайрали организмлар. Одам ва ҳайвонларда безгакни қўзғатади; 2) тубан ўсимликлар — миксомицетларнинг ривожланиш босқичларидан бири; 3) бир ёки кўп ядроли протоплазматик тузилма. Умуртқали ҳайвонлар ва одамнинг одатдаги ҳужайрасидан каттароқ бўлади.

ПЛАЗМОЛИЗ (*плазма* ва юнон. lysis — парчаланиш, ажралиш) — ўсимлик ҳужайра моддаларининг осмотик актив моддалар (тузлар, қандлар ва б.) эритмаси таъсирида қисилиб, парда қаватидан ажралиши. Бу моддалар ҳужайрадан сувни шимади, натижада протоплазма ажралади ва ўсимлик тўқимаси таранглигини йўқотиб, бўшашиб қолади. Плазмолизлашган ҳужайралар сувга солинганда протоплазма шишиб яна аввалги кўринишига қайтади. П., асосан, пишиқ целлюлоза қават (парда)га эга бўлган ўсимлик ҳужайраларига хос.

ПЛАЗМОН — *плазма* ва қаттиқ жисм плазмаси тебранишлари кванти, *квазизарра*. П. энергияси тахм. $\mathcal{E}_0 = \hbar\omega_L = \hbar\sqrt{4\pi ne^2/m}$ га тенг, бунда e, m — зарядланган зарра заряди ва массаси, n — ҳажм бирлигидаги зарядланган зарралар сони, $\hbar = \frac{h}{2\pi}$, h — *Планк доимийси*, ω_L — бурчакли плазмавий (ленгмюр) частота.

Қаттиқ жисмнинг юпқа қатламидан электронлар дастаси ўтганида П. содир бўлишини кузатиш мумкин. Бунда электронлар энергиясининг спектрида дискрет энергетик ўзгаришлари $\mathcal{E}_0$ га пропорционал ўзгаришлар бўлади (расмга қ.). Тажрибада $\mathcal{E}_0$ қиймати электронларнинг бошланғич энергиясига (10 дан 100 *кэв* гача) боғлиқ ғмаслиги кузатилган. Бундай натижа моддадаги валент электронлар плазма тебранишларида муҳимлигини исботлайди. Мас., тажрибада $\mathcal{E}_0$ нинг қийматлари юқоридаги формула б-н мос келишлиги, П. энергияси $\mathcal{E}_0$ эса Be учун 19 *эв*, C учун 22 *эв*, Al учун 15 *эв*, Ge учун 17 *эв* ва ҳ. к. бўлиши аниқланган.


Металлда электронлар энергиясининг йўқолиш характеристикасидан, шунингдек П. чиқараётган ёруғлик нурланишининг спектрини анализ қилишдан П. энергияси ўлчанади.

ПЛАКАТ (франц. placard — эълон) — кўргазмали агитация мақсадларига хизмат қиладиган *тасвирий санъат* тури. Кўпинча, қисқа текстли бўлади. Кундалик ҳаётнинг энг муҳим мавзуларида диққатни тортадиган қилиб чизилади, бир ёки кўп рангли бўлади, графика, рассомлик санъати усулларида, баъзан фотосуратни мақсадга мувофиқлаштириб ишланади. Кўчаларга, жамоат биноларига, кўз тушадиган жойларга осиб қўйилади. Дастлаб 19-асрда пайдо бўлиб, сиёсий ҳаётда катта роль ўйнаган. П. совет тасвирий санъатининг энг оммабоп турларидан бири бўлиб, мақсад-вазифасига кўра чақириқ, сатирик, реклама, пропаганда, таълим-тарбия П. ларига бўлинади.

Совет сиёсий плакати Гражданлар уруши йиллари (1918—20) да туғилди, ривож топди. Мамлакатни индустрлаштириш ва колхозлаштириш даврида агитациянинг кучли қуролига айланди. Улуғ Ватан уруши даврида халқни душманга қарши отлантиришда катта роль ўйнади. Ўзбекистонда П., асосан, 1920-йиллардан ривожлана бошлади. Тўнғич ўзбек плакатчилари рус совет плакатчилари таъсири остида ижод қилдилар (бухоролик Усто Наби Ҳафизов, «Солиқларни тўланг!»). А. Патрашкин, Л. *Рождественский*, В. *Кайдалов*, К. Чепраков, С. Мальт, Б. *Жуков*, В. *Евенко* ва б. ўнлаб рассомлар турли мавзуларда П. яратдилар. Ватан уруши даврида (1941 йил сентябрдан) чиқиб турган «Ўзтаг ойнаси» сатирик П. лар ривожига, урушдан кейин «Жанговар қалам» плакатчи рассомлари, «Ўзбекистон» нашриёти сатирик, чақириқ, пропаганда П. лари ривожига ҳисса қўшди. Вақтли матбуот ривожи кичик ҳажмли П. турининг вужудга келишига имкон берди (561-бетда П. ларга оид вклейка берилган).

Ад.: Демосфенова Г., Нурок А., Шантыко Н., Советский политический плакат, М., 1962; Долинская В. Г., Плакат Узбекистана, Т., 1968.

ПЛАКОИД, плакоид тангачалар (юнон. plax — пластинка ва eidos — шакл) — тоғайли балиқларга хос тангача. Асоси базал пластинкадан иборат бўлиб, *эктодерма* ва *мезодерма* чегарасида жойлашган. Тикан кўринишида эктодермани тешиб чиқади. П. тузилиши тиш тузилишига ўхшаш: эмаль каби модда б-н қопланган дентиндан иборат; ичи ковак бўлиб, пульпа — қон томир ва нерв учларига бой бириктирувчи тўқима б-н тўлган. П. бошқа турдаги (ганоидли, суякли) балиқ тангачаларидан, ейилиб ўрнига янги тангача ҳосил бўлиши б-н фарқ қилади. П. балиқнинг бутун танасини қоплаб, ҳимоя вазифасини ўтайди.



Энергиянинг йўқолиши, эв.

Плазмон. 45 *кэв* энергияли электронларнинг 15 *мкг/см* қалинликдаги алюминийдан ўтишида кузатилган спектри.

ПЛАН (лат. planum — текислик) — 1) ер юзининг бир қисмини шартли белгилар орқали (1:10000 ва ундан йирик масштабларда) ифода этган чизма; 2) бирор иншоот ёки йирик нарсанинг горизонтал кесими ёки юқоридан кўриниши [қ. *План* (архитектурада)]; 3) горизонтал проекция (қ. *Чизма геометрия*); 4) режа; бирор иш, программа, тадбир ва ш. к. ни амалга оширишнинг олдиндан белгиланган тартиби, лойиҳаси (мас., ўқув плани, доклад плани, ишлаб чиқариш плани; қ. *Халқ хўжалигини планлаштириш*); 5) муайян нарсани кўздан кечириш, унга қандай ёндашиш усули (мас., назарий П.); 6) объектнинг тасвирда жойлашув даражаси (йирик П., ўрта П.).

ПЛАН (архитектурада) — 1) бино (унинг бирон қавати, хонаси) ёки бинолар комплексининг, аҳоли пункти ва унинг бир қисми горизонтал кесимининг маълум масштабдаги тасвири (чизмаси). П. да бинонинг барча қаватлари, хоналарнинг шакли, ҳажми, улардаги мебель ёки бошқа ускуналарнинг жойлашиш тартиби кўрсатилади, ҳамма деворлар, дераза ва эшик ўринлари, печлар, қувурлар, зинапоялар, сантехника ускуналари ва б. архитектура деталлари аниқ ифодаланади; 2) алоҳида бино ёки ансамбль асосий қисмларининг ер сатҳида жойлашиш тартибини ифодаловчи характеристика (нотекис жойларда — мураккаб рельефда қуриладиган кўп қаватли бино ва комплекснинг жойлашиш тартиби).


ПЛАН КУРСАТКИЧЛАРИ — халқ хўжалигини планлаштиришнинг муҳим қуроли. П. к. аниқ топшириқлар тариқасида, планларнинг сиёсий ва иқтисодий вазифаларини, шунингдек уларга зарур ҳисобларни акс эттиради. СССРда кўрсаткичларнинг ягона, ўзаро боғланган системаси мавжуд. Бу система корхоналар ва тармоқлар фаолиятининг, иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районлар хўжаликларининг барча томонларини қамраб олади, шунингдек кенгайтирилган социалистик



Плакат. И. М. Тоидзе. «Она-Ватан чақиради!» (1941).



Р. Еренинг «Қуролланинг!» плакати (1919).



Планетар узатма турлари: *а* — Жемс редуктори; *б* — қўш сателлитли; *в* — конус ғилдиракли; *г* — Давид редукторлари; *е, ж* — пахта териш механизмлари.

такрор ишлаб чиқариш жараёни ва халқ фаровонлиги. ўсишининг умумий кўрсаткичларини ўз ичига олади. Кўрсаткичлар системаси халқ хўжалигини планлаштиришнинг умумий принципларига асосланган ҳолда экономикани пропорционал ва самарали ривожлантириш, план топшириқларининг директивлиги ва аниқлигини таъминлаш, тармоқ ва территориалликни уйғунлаштириш мақсадларини кўзлаб тузилади. План кўрсаткичларининг умумий рўйхати СССР Госплани томонидан белгиланади.

П. к. икки асосий группага — тасдиқланувчи ва ҳисоб кўрсаткичларига бўлинади. Тасдиқланувчи кўрсаткичлар барча корхона ва ташкилотлар учун зарур топшириқ ҳисобланади. Халқ хўжалиги планида тасдиқланувчи кўрсаткичлар хўжаликнинг ўсиш суръати ва пропорцияларини белгиловчи барча асосий вазифаларни, жумладан ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот реализациясини, ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтириш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамда халқ турмуш даражасининг юксалиш кўрсаткичларини ўз ичига олади.

Ҳисоб кўрсаткичларидан план-топшириқларини асослаш ва боғлаш учун фойдаланилади. Ҳисоб кўрсаткичлари планга маҳсулот, иш ва хизматларнинг, техник-иқтисодий норма ва нормативлар, баланс ҳисоблари ва бошқаларнинг мукаммал номенклатурасини киритади. П. к. системаси тузилишининг асосий принциплари перспектив ва йиллик планлар учун бир хилдир. Бироқ беш йиллик планларда чегараланган, йириклаштирилган кўрсаткичлар, йиллик планда эса кўпроқ мукаммал ва конкрет кўрсаткичлар кўрсатилади. Мас., 1973 йиллик халқ хўжалиги планида 2000 дан ортиқ турдаги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш топшириқлари, титул рўйхатидаги 400—500 янгидан қуриладиган йирик қурилишлар тасдиқланди. Узоқ муддатли планда эса бу кўрсаткичлар янада йириклаштирилади.

П. к. лари қуйидаги кўрсаткичлардан ташкил топади; аҳоли, жонли меҳнат ва ундан фойдаланиш; асосий фонд; оборот фонди; илмий-техника прогресси; маҳсулот ишлаб чиқариш ва ташиш ҳажми; капитал қурилишига маблағ сарфлаш ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми; молиявий кўрсаткичлар; халқ турмуши даражаси ҳамда социал-маданий ривожланиш кўрсаткичлари; ташқи муҳитни қўриқлаш ва табиий ресурслардан фойдаланиш: халқ хўжалиги пропорцияси ва жамиятдаги ишлаб чиқариш самарадорлиги; ташқи иқтисодий алоқалар кўрсаткичлари ва б.

Халқ хўжалигида белгиланган кўрсаткичлар рўйхати кейинчалик министрликлар ва бошқармалар, иттифоқчи республикалар Министрлар Совети томонидан кенгайтирилади ва табақалантирилади. Юқори ташкилотлар фақат асосий кўрсаткичларигина тасдиқлайди, тўла ҳажмдаги П. к. корхоналарнинг Техпромфинплан (саноат, молия, техника плани)ларида белгиланади. Планнинг барча кўрсаткичлари иқтисодий рағбатлантириш системаси б-н, шунингдек баҳолаш, ташкилотларнинг хўжалик ҳисоби ва б. б-н узвий боғланган бўлиши керак. Халқ хўжалигини планлаштириш учун план ва ҳисобот кўрсаткичларининг бирлиги зарур. СССР Марказий статистика бошқармаси план топшириқларига амал қилиб ҳисобот кўрсаткичлар доирасини, тартибини, топшириш муддатларини белгилайди ва планларнинг бажарилишини доимий назорат қилиб боради.

Ривожланган социалистик жамиятда тобора юксалиб бораётган планлаштириш вазифаларини кўрсаткичлар системасининг мукаммаллашувини тақозо қилади.

Ад.: Планирование народного хозяйства СССР, 2 изд., гл. 2, М., 1973.

ПЛАНЕТАЛАР (юнон. aster planetes — кезиб юрувчи юлдуз) — Қуёш атрофида айланиб, ўзи нур сочмайдиган ва Қуёш нурини қайтариш туфайли ёруғ бўлиб кўринадиган катта осмон жисмлари (қ. *Сайёралар*).

ПЛАНЕТАЛАРАРО АВТОМАТИК СТАНЦИЯ — бошқа осмон жисмларига парвоз қилиш ва планеталараро космик бўшлиқни тадқиқ қилиш учун мўлжалланган космик учиш аппарати (КУА) (қ. *Сайёралараро автоматик станция*).

ПЛАНЕТАР ТУМАНЛИКЛАР, планетасимон туманликлар — коинотдаги газ туманликлари. Телескопда планета (сайёра) сингари диск шаклида кўринган учун П. т. деб аталган. Катта телескопларда олинган фотосуратлар П. т. нинг тузилиши турлича бўлишини кўрсатди: баъзилари ҳалқасимон (ёки диск) кўринишда, баъзилари аниқ бир геометрик шаклга эга эмас (расмга қ.). П. т. нинг кўринма катталиги ҳам турлича. Узоқда жойлашган П. т. нинг кўриниши худди юлдузга ўхшайди ва спектрига қараб бошқа ёритқичлардан ажратилади. П. т. нинг диаметри 20000 астрономик бирлик (а. б.) дан 200000 а. б. гача бўлиши мумкин. Умуман, 1000 га яқин П. т. бор. Улар Галактика маркази томонга кўпайиб боради

Қашф этилган П. т. нинг асосий қисми Қуёшдан 10000 *пс* масофада жойлашган. Массаси Қуёш массасининг 0,2 қисмидан ортмайди. П. т. нинг спектри H, He, C, N, O, Ne, F, Cl, Al, Fe элементларнинг чизиқларидан ташкил топган. П. т. марказий юлдузларнинг нурланиши ҳисобига кўринаётган бўлса-да, лекин уларга нисбатан анча равшан кўринади. Бунга П. т. даги марказий юлдузларнинг ультрабинафша нурларининг туманликда узун тўлқинли нурларга айланиши сабаб бўлади.

Ҳисоблашлар П. т. тахм. 20000 йил давомида марказий юлдузлардан ажралиб чиққан қобиқдан иборатлигини кўрсатмоқда. Бу ҳодиса ҳамма юлдузлар эволюциясида ҳам бўлавермай, фақат маълум группага кирадиган қизил гигант юлдузлар эволюциясининг охирги даврида бўлиши мумкин. П. т. нинг пайдо бўлиш назарияси узил-кесил ҳал этилмаган. П. т. табиатини ўрганишда совет олимларидан В. А. Амбарцумян, В. В. Соболев, Б. А. Воронцов-Вельяминов ва Г. А. Гурзадянларнинг ҳиссаси катта.

ПЛАНЕТАР УЗАТМА — цилиндрик ёки конус тишли (баъзан, фрикцион) ғилдираклар ёрдамида айланма ҳаракат узатадиган *механизм;* таркибидаги бирор тишли ғилдирак (*сателлит*) мураккаб ҳаракат қилади. Унда қўзғалувчан айланувчи ўқ бўлади. П. у. нинг қўзғалувчан звеноси сателлит ўқига маҳкамланган; у водило деб аталади. Сателлитлар, одатда, механизм ўқи атрофида айланадиган ёки қўзғалмас қилиб маҳкамланган марказий ғилдирак б-н илашади. П. у. даги сателлитлар сони уларнинг механизмда жойланишига боғлиқ. П. у. нинг қўзғалувчанлик (эркинлик) даражаси бир ва ундан ортиқ бўлиши мумкин (бирдан ортиқ бўлган П. у. *дифференциал* деб аталади).

П. у., асосан, марказий тишли ғилдирак *1*, сателлит *2* ўрнатилган водило *H* ва қўзғалмас тишли ғилдирак *3* дан иборат (расм, *а*). П. у. бошқа тишли узатмалардан ихчам, ф. и. к. юқори, исталган узатиш сони олишга имкон беради. П. у. нинг турлари кўп бўлиб бир-биридан *узатиш нисбати* б-н фарқ қилади. Улардан бири — Жемс редукторининг узатиш нисбати — 3—8 (расм, *а*), қўш сателлитли (расм, *б*) редукторнинг узатиш нисбати — 7—25, конус ғилдиракли П. у. ихчам, узатиш нисбати — 2—4 (расм, *в*), Давид редукторининг узатиш нисбати катта (100 дан 5000 гача), у куч узатмаси бўлмаган редукторларда (асбобсозликда) қўлланилади (расм, *г*). Кичик узатиш нисбати олишда ҳаракат, фақат, водило «*H*» дан ғилдирак «*1*» га узатилади (расм, *д*). П. у. юк кўтариш машиналари, авиация двигателлари, металл қирқиш станоклари, асбобсозлик ва пахта териш машиналарида (расм. *е, ж*) кенг қўлланилади.

Ад.: Усмонхўжаев Ҳ. Ҳ., Механизм ва машиналар назарияси, Т., 1970; Кудрявцев В. Н., Планетарные передачи, 2 изд., М.—Л., 1966.

ПЛАНЕТАРИЙ — 1) айрим астрономик ҳодисалар (юлдузлар осмонининг кўриниши, *осмон сфераси*нинг айланиши, *Қуёш* ва *сайёралар*нинг кўринма ҳаракати, *Ер сунъий йўлдошлари*нинг ҳаракати; Қуёш ва Ой *тутилиш*лари ва б. ни махсус экранда кўрсатувчи аппарат. Экрани ярим шарни эслатувчи гумбаз кўринишида. Биринчи оптик П. 1924 йилда «Карл Цейс» фирмаси з-дида (Германия) яратилган. 70-йилларда «Карл Цейс» халқ корхонаси (ГДР) П. нинг уч моделини ишлаб чиқарди. П. аппаратлари АҚШ (Spitz), Япония (Goto) ва ГФРда (Zeiss) ҳам ишлаб чиқарилган.

П. нинг кўриниши расмда келтирилган. П. нинг марказий қисми панжарасимон каркасга ўрнатилган. У осмон жисмларининг суткалик ва йиллик ҳаракатини, осмон меридиани бўйлаб юлдузлар ҳаракати ўзгаришини экранда тасвирлайди. Унга симметрик бўлган (осмон сферасининг шимолий ва жанубий ярим шарларини тасвирловчи) иккита ярим шар ичига осмоннинг маълум қисмларини диапозитивлар ёрдамида экранда тасвирловчи проекторлар ўрнатилган. Аппарат Сомон Йўли проекторлари ва юлдуз туркумларининг номларини кўрсатувчи иккита кичик шар б-н таъминланган. Унда Қуёш, Ой ва оддий кўзга кўринадиган 5 та сайёра — Венера, Марс, Меркурий, Сатурн, Юпитер проекторлари ҳам бор. П. диаметри 25 *м* ли доирасимон хона ўртасига ўрнатилади. Хона шипи сферик шаклдаги оқ гумбаз (тасвир туширладиган экран)дан иборат. Аппарат атрофига 600 га яқин кузатувчи жойлашади.

1946 йилдан Совет Иттифоқида (Ленинградда) унча катта бўлмаган П. лар ишлаб чиқарила бошланди. Бу П. ларда осмон манзараси оптик проекторларсиз тасвирланади. Ичи бўш иккита ярим шарда ҳар хил катталикдаги тешиклар қилинган. Уларнинг ўрни осмон сферасидаги юлдузларнинг ўрнига мос келади. Ҳар бир ярим шарга нуқтасимон ёруғ лампочка ўрнатилган. Лампочка нури тешиклардан ўтиб, П. экранида юлдузларнинг тасвирини беради;


2) астрономия, космонавтика ва Ер ҳақидаги фанларга оид лекциялар ўтказиладиган маданий-оқартув муассасаси. Биринчи П. 1925 й. Мюнхенда қурилган. СССРда биринчи П. 1929 й. 5 ноябрда Москвада очилган. Ҳозир (1975) СССРнинг 60 дан ортиқ шаҳарида П. ишлаб турибди. Тошкентда П. 1963 йилда Пушкин номли истироҳат боғида қурилган. УП-4 маркали аппарат Москва П. сининг эксперимент механика устахонасида тайёрланган. Диаметри 8 *м* ли гумбаз экран вазифасини ўтайди. Томоша зали 100 томошабинга мўлжалланган. П. биноси кираверишида Ер, Ой ва Марснинг глобуслари ўрнатилган. П. ходимлари астрономик билимларни омма орасида тарқатишда катта ишлар қилмоқда. Лекциялар ўзбек ва рус тилларида ўқилади, лекция пайтида илмий-оммабоп кинофильмлар, диапозитивлар намойиш қилинади.

Кўпгина чет элларда ҳам катта П. лар бор. Мас., Шимолий Америка мамлакатларида — 26 та, Жанубий Америка мамлакатларида 7 та, Европада (СССРдаги П. лардан ташқари) 19 та, Осиёда 10 та, Африкада 2 та, Австралияда 1 та П. ишлаб турибди.




NC$_T$C 7293 планетар туманлик.

ПЛАНЁР (франц. planeur, planer сўзидан — учмоқ) — ҳаводан оғир бўлган моторсиз учувчи аппарат. Ўз оғирлиги таъсирида илгарилма ҳаракат қилади. Унинг учиши тинч атмосфера



Планетарий. Тошкент. А. С. Пушкин номли истироҳат боғидаги планетарий.



Планёр.



Планк М.

ния, Германия ва Японияда фронт линияси орқали солдат ва техникани ташиш мақсадида шатакка олинувчи кўп ўринли П. лар ишлаб чиқилди. Улуғ Ватан уруши фронтларида 7 ўринли А-7 (О. К. Антонов конструкцияси) ва 11 ўринли ГР-29 (В. К. Грибовский конструкцияси) десант П. лари қўлланилган.

20-асрнинг 70-йилларида ихтиро қилинган (спорт мақсадларида қўлланиладиган) П. ларнинг учиш усули бирмунча такомиллаштирилди. Улар 14 *км* гача баландликка кўтарилиб ва 1000 *км* гача узоқликка учиб рекорд натижалар кўрсатган. Замонавий П. ихтирочиларидан машҳурлари: СССРда — О. К. Антонов, Қозон Авиация ин-тининг ихтирочилар коллективи, Б. О. Қарвялис, Б. И. Ошкинис, В. Ф. Спивак ва б.; Польшада — А. Курбиль, В. Окармус; ГФРда Г. Вейбель, К. Холингхауслар ҳисобланади.

П. учириш турли усуллар б-н амалга оширилади. 1931 йилдан бошлаб совет планёрчилари П. ни самолётга шатаклаш йўли б-н учиришга эришдилар. Худди шундай старт олиш (одатда, 600 *м* баландликкача) ўша вақтдан бошлаб спорт П. лари учун қоида бўлиб қолди. 60-йилларда мустақил кўтарила оладиган моторли П. лар — мотопланёрлар кенг тарқалди.

Замонавий П. ларининг асосий учув-техник характеристикаси қуйидагича: энг юқори аэродинамик сифати 40—53; қанотларининг ёйгандаги узунлиги 29 *м* гача, қанотларини узайтириш 20—36; қанотларига тушадиган куч 250—350 *н/м²*, пасайиш тезлиги 0,4—0,8 *м/сек;* учиш тезлиги (энг юқори аэродинамик сифатида) 80—100 *км/соат*; максимал учиш тезлиги 220—250 *км/соат*.

Ад.: Пьецух А. И., Крылья молодёжи, М., 1954; Шереметев Б. Н., Планёры, М., 1959; Костенко И. К., Сидоров О. А., Шереметев Б. Н., Зарубежные планёры, М., 1959; Замятин В. М., Планёры и планеризм, М., 1974.

ПЛАНЕР СПОРТИ — спорт тури. П. с. СССР да кенг тарқалган. Ҳар йили бир неча минг йигит ва қизлар *планёр*да учишнинг дастлабки тайёргарлик машқларини ўрганадилар, разрядли-спортчилар мастерлик маҳоратларини ошириб борадилар. П. с. 19-аср охири ва 20-аср бошларида пайдо бўлди. Россияда планёрчиларнинг биринчи тўгараклари 1900 йилларда Москва, Тбилиси, Киев, Петербург ва Қримда тузилди. П. с. СССРда, асосан, 1923 йилдан ривожлана бошлади. 1923—74 йилларда П. с. бўйича 36 марта СССР чемпионати бўлди. 1948 йилдан бошлаб П. с. бўйича икки йилда бир марта жаҳон чемпионати ўтказилади. 1974 йилгача ўрнатилган 32 жаҳон рекордидан 9 таси совет планёрчиларига тааллуқлидир. П. с. Польша, АҚШ, ГФР, Франция, ГДР, Чехословакия, Буюк Британия, Югославия каби мамлакатларда кенг тарқалган.

ПЛАНИМЕТРИЯ (лат. planum — сирт, текислик ва *...метрия*) — *геометрия*нинг бир текисликда ётган фигуралар хоссаларини ўрганадиган бўлими. П., дастлаб, *Евклид* «Негизлари»да тўла ва изчил баён қилинган. П. текислик устида ҳисоблашлар, текис фигуралар хоссаларини исботлаш, геометрик ясашлар каби масалаларни ўз ичига олади.

ПЛАНК Макс Карл Эрнст Людвиг (1858. 23. 4, Киль — 1947. 4. 10, Гёттинген) — немис физик назариётчиси. Берлин ФА аъзоси (1894, 1912—43 йилларда унинг секретари). Вильгельм империяси жамияти (1948 йилдан М. Планк жамияти) президенти. П. Петербург ФА мухбир аъзоси (1913), СССР ФА ҳақиқий аъзоси (1926), Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1926).

Илмий ишлари термодинамика ва иссиқлик нурланишига оид. Термодинамиканинг иккинчи қонунини асослади ва кўпгина физик-кимёвий масалаларни ечишда термодинамика қонунларини татбиқ қилди. 1900 йилда П. абс. қора жисмнинг электромагнит нурланиши спектрида энергия тақсимоти (Планк нурланиш қонуни) ни ифодаловчи формулани топди. Нур чиқараётган система (осциллятор)нинг нурланиши узлукли катталик (*hν*) эканлигини аниқлади, бунда *ν* — нурланиш частотаси, *h* — таъсир кванти ёки Планк доимийси. Бу катталикнинг киритилиши квант физикасининг бошланғич даври бўлди.

П. нинг кейинги ишлари нурланиш назариясининг айрим аспектларига, термодинамик ва релятивистик механикага оид. Нобель мукофоти лауреати (1918).

ПЛАНК ДОИМИЙСИ, таъсир кванти — ҳозирги замон физикасининг универсал доимийларидан бири. Дискрет таъсирли физик ҳодисаларни аниқлайди. Бу ҳодисалар *квант механика*да ўрганилади. П. д. 1900 йилда абсолют қора жисмнинг электромагнит нурланиш спектрида энергия тақсимоти қонунини яратишда М. Планк томонидан киритилган, h б-н белгиланади. Жозефсон эффекти асосида П. д. нинг энг тўғри қиймати олинган:

$h = (6{,}626196 \pm 0{,}000050)\cdot 10^{-34}$ *ж·сек* $=$
$= (6{,}626196 \pm 0{,}000050)\cdot 10^{-27}$ *эрг·сек*. Кўпинча, таъсир кванти деб аталадиган доимийлик ишлатилади: $\hbar = \frac{h}{2\pi} = (1{,}0545919 \pm 0{,}000008)\cdot 10^{-27}$ *эрг·сек*. $\hbar$ ҳам П. д. дир.

ПЛАНК НУРЛАНИШ ҚОНУНИ, Планк формуласи — маълум бир т-рада абсолют қора жисмнинг мувозанат нурланиши (жисмлар б-н термодинамик мувозанатда бўлган электромагнит нурланиш) спектрида энергиянинг тақсимоти ҳақидаги қонун. 1900 йилда энергия квантлари гипотезаси асосида биринчи марта М. Планк томонидан чиқарилган. П. н. қ. нурланиш ҳажмий зичлиги (ρ) нинг (ҳажм бирлигидаги нурланиш энергиясининг) частота (ν) га ёки тўлқин узунлиги $\lambda = \frac{c}{\nu}$ га спектрал боғланишлигини ва унинг абсолют қора жисм нур чиқариш қобилияти $u = \frac{c}{4}\rho$ га (вақт бирлигида абсолют қора жисмнинг бирлик сирти чиқараётган нурланиш энергиясига) пропорционал эканлигини кўрсатади. $\rho_{\nu,T}$ ва $u_{\nu,T}$ функциялар — нурланиш б-н мувозанатда бўлган модданинг табиатига боғлиқ бўлмайди.

П. н. қ. қуйидаги формула б-н ифодаланади:

$$\rho_{\nu,T} = \frac{4}{c}u_{\nu,T} = \frac{8\pi h\nu^3}{c^3}\cdot\frac{1}{e^{h\nu/kT}-1} \quad (1)$$

ёки

$$\rho_{\lambda,T} = \frac{4}{c}u_{\lambda,T} = \frac{8\pi hc}{\lambda^5}\cdot\frac{1}{e^{hc/\lambda kT}-1}. \quad (2)$$

Бунда c — вакуумдаги ёруғлик тезлиги, k — Больцман доимийси, h — *Планк доимийси*. М. Планк қиздирилган абсолют қора жисмнинг нурланиши узлукли чиқариш (классик механикага оид) характерида бўлишлигини назарий асос қилиб олган. Кейинчалик, П. н. қ. тажрибаларда тасдиқланди (қ. *Фотоэффект*, *Квант механика*). П. н. қ. нурланишнинг квант характеридаги қонунларидан бири бўлганлиги туфайли физиканинг, айниқса, квант механика, атом физикаси, ядро физикаси, элементар зарралар физикасининг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг ёрдамида h ва k ларининг қиймати ҳисобланди. Унга асосланиб қизиган жисмнинг (мас., юлдуз сирти) т-расини аниқлаш мумкин. П. н. қ. дан ёруғлик манбаларини ҳисоблашда фойдаланилади.

ПЛАНКТОН (юнон. planktos — адашиб юрувчи, сайр қилувчи) — сув қатламида яшовчи организмлар мажмуи. П., асосан, сув оқими б-н бирга ҳаракатланади. П. га майда ҳайвон (зоопланктон)лар ва ўсимлик (фитопланктон)лар киради. Мас., медузалар, майда қисқичбақасимонлар, чувалчанглар, содда ҳайвонлар, сувўтлари ва б. Зоопланктон сув ҳавзасининг кислород етарли бўлган барча чуқурликларида, фитопланктон эса қуёш нури яхши тушадиган сув қатламларида (50—100 *м* гача бўлган чуқурликда) тарқалган. Илиқ сув ҳавзалари (мас., шолипоя, ҳовуз, кўл ва б.) П. га айниқса бой бўлади. П. *бентос* ва актив сузиб ҳаракатланувчи организмлар — *нектон*нинг аксидир. Қўлда яшовчи П. — *лимнопланктон* бор. П. дарёдаги П. — *потамопланктон* бор. П. даги организмлар катталигига қараб ҳам бир неча группага ажратилади.

П. кўпгина овланадиган ҳайвонлар (кальмарлар, балиқ, кит ва б.) учун озиқ. П. даги баъзи организмлар (креветкалар, мизидлар ва б.) овланади.

ПЛАНЛАШТИРИШДА БАЛАНС МЕТОДИ — социалистик мамлакатларда халқ хўжалиги планларини, айрим соҳалар ва ишлаб чиқаришни тараққий эттириш планларини, шунингдек терр-я (республика, ўлка, обл. иқтисодий р-нларининг) хўжалик планларини тузишда қўлланиладиган метод. П. б. м. ёрдамида эҳтиёж б-н ресурслар ўртасидаги боғлиқлик, сарфланган харажатлар б-н олинган натижа ўртасидаги нисбат, план вазифалари б-н кўрсатгичлар ўртасидаги мувофиқлик таъминланади. Баланс методи хўжалик резервларини топишда, моддий буюм, қиймат ва меҳнат пропорциялари бўлишида муҳим восита ҳисобланади ва ундан хўжаликдаги баъзи диспропорция (номувофиқлик)ларнинг олдини олишда ёки уларни бартараф этишда фойдаланилади.

Хўжаликни планли юритиш учун замин яратилаётган даврда (1918—20) Совет республикасининг дастлабки саноат программасини тузишда, қ. х. маҳсулотларини тайёрлаш, транспорт, юк ташиш, армияни, шаҳар аҳолисини таъминлаш учун маҳсулот тақсимлаш планларини ишлаб чиқишда моддий баланс қўлланилди. Биринчи перспектив план Россияни электрлаштириш давлат планини тузишда баланс методидан кенг фойдаланилди. В. И. Ленин ГОЭЛРО планини илмий план сифатида характерлаб, шундай деган эди: «Натижада, биз электрлаштириш ишининг моддий ва (олтин пул ҳисоби билан) молиявий балансини кўрамиз...» (Асарлар, 4-нашри, 32-том, 141-бет).




Планктон организмлар: *1* — эшакоёқли қисқичбақалар ва уларнинг личинкалари; *2* — шохмўйловли қисқичбақа; *3* — денгиз қисқичбақаси; *4* — балиқлар икраси; *5* — ампендикулярия; *6* — моллюскалар личинкалари; *7* — типтиннидлар (инфузориялар); *8* — диатом сувўтлари; *9* — перидинеялар; *10* — почесветка.

Умумий баланс тузишда биринчи тарихий тажриба Марказий статистика бошқармаси (ЦСУ)нинг 1923—24 йил учун халқ хўжалиги ҳисобот баланси бўлди. Кейинги йилларда баланс методи мунтазам такомиллашиб борди ва перспектив ҳамда жорий планларни тузишда асосий методга айланди. Баланс методини қўллашнинг объектив зарурат эканлиги социализм иқтисодий қонунларининг амал қилиши ва бу қонунларнинг талабларидан келиб чиқади. Социалистик ишлаб чиқаришнинг планли ривожланиши, халқ хўжалиги тараққиётида мунтазам мувофиқлик (пропорционаллик) бўлиши балансларнинг системасини қўллашни талаб қилади. Балансларнинг системасига моддий (натурал) балансларнинг, қиймат (пул), меҳнат балансларнинг, тармоқлараро алоқаларнинг балансларини ҳамда бутун халқ хўжалиги баланси киради.

Моддий балансларнинг ёрдамида ҳар бир соҳа ичида, айрим қўшилиб кетган соҳалар ўртасида ва СССР миқёсида ишлаб чиқаришдаги моддий буюм пропорциялари аниқланади, маълум мақсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш б-н истеъмолнинг боғлиқлиги йўлга қўйилади, тармоқлараро алоқалар мустаҳкамланади, ишлаб чиқаришни рационал жойлаштириш вазифалари ҳал қилинади. Қиймат балансини ишлаб чиқариш, тақсимот ва даромадлардан фойдаланиш, жумладан давлатнинг даромадлари б-н харажатлари ўртасидаги, хўжалик ташкилотларининг даромадлари б-н харажатлари ўртасидаги, аҳолининг даромадлари б-н харажатлари ўртасидаги мувофиқликни аниқлаш имконини беради. П. б. м. ёрдамида халқ хўжалигининг моддий ва қиймат пропорциялари ўртасидаги узвий боғланиш таъминланади.

Меҳнат балансларини меҳнатга лаёқатли ресурслар б-н уларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги мувофиқликни, меҳнат ресурсларининг халқ хўжалиги тармоқлари ва соҳалари бўйича тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, кадрлар тайёрлаш соҳасидаги вазифаларни планли равишда аниқлаш имконини беради.

Халқ хўжалиги миқёсидаги умумиқтисодий пропорциялар: ишлаб чиқариш б-н истеъмол ўртасидаги, моддий ишлаб чиқариш тармоқлари б-н хизмат кўрсатувчи соҳалар ўртасидаги, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш б-н истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўртасидаги, жамғариш б-н истеъмол ўртасидаги пропорциялар халқ хўжалиги баланси ёрдамида планли равишда белгиланади. Халқ хўжалиги баланси СССР ва иттифоқчи республикалар миқёсида тузилади.



а *б*

Планшайба. Деталларни планшайбага маҳкамлаш: *а* — қамрагичлар ёрдамида; *б* — бурчакликлар ёрдамида.

П. б. м бевосита давлат планини тузишда ва уни амалга оширишда кенг қўлланилади. Ҳозирги вақтда халқ хўжалиги баланси такомиллаштира борилиб, математик методлар ва моделлар ёрдамида тармоқлараро алоқалар баланси тузилмоқда.

Ўзбекистонда биринчи тармоқлараро алоқалар ҳисобот баланси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Иқтисод ин-ти ва республика Марказий статистика бошқармаси б-н ҳамкорликда 1966 йил, 1972 йил учун тузилди. Тармоқлараро алоқалар баланси математик методлардан ва электрон-ҳисоблаш техникасидан кенг фойдаланиб кўп қиррали планлар тузиш ва улардан энг яхшисини, яъни оптимал планни ажратиб олиш имконини беради, бу ҳам планлаштиришни юқори босқичга кўтаради.

Ад.: Вопросы методологии планового баланса народного хозяйства СССР. М., 1960; Соболь В. А., Научные основы и совершенствование системы планирования народного хозяйства СССР. М., 1969.

ПЛАНЛИ ХЎЖАЛИК — қ. *Халқ хўжалигини планлаштириш.*

ПЛАНТАЖ, тупроқни плантаж плуг б-н ишлаш (лат. planto — ўтқазмоқ) — кўчатзор, токзор ва боғ барпо этиладиган ерни плантаж плугда 40—75 *см* ва ундан чуқур ҳайдаш. Плантаж плугларга чимқирқарлар, ҳар хил баландликда жойлаштирилган қўш корпуслар ва б. қисмлар ўрнатилади; бу қисмлар тупроқни чуқур юмшатгани ҳолда унинг пастки унумсиз қатламини юзага чиқармайди. Ер 2—3 қатламли қилиб, чуқур ҳайдалади. Шу б-н бир вақтда ерга органик ва минерал ўғитлар, оҳак ёки гипс ҳам солиб кетилади.

ПЛАНТАТОР (лат. plantatio — ўсимлик экиш) — плантация эгаси (қ. *Плантация хўжалиги*).

ПЛАНТАЦИЯ ХЎЖАЛИГИ — капиталистик мамлакатларда йирик деҳқончилик хўжалиги. Бундай хўжаликларда техника ва озиқ-овқат экинлари (асосан, тропик субтропик экинлар — пахта, чой, шакарқамиш, кофе ва б.) етиштирилади. Буюк географик кашфиётлар натижасида Европа мамлакатлари босиб олган мустамлакаларда капиталнинг дастлабки жамғарилиши даврида пайдо бўлди. Дастлабки плантациялар *Вест-Индияда* 16- аср бошларида тузилди. 19- асрнинг 1- ярмида АҚШ плантация системасининг маркази бўлганда П. х. жуда ривожланиб кетди. 19- аср охирида плантация қулдорлик системаси чуқур кризисга учради ва қулдорлик П. х. ўрнига, асосан, ёлланма ва қисман мажбурий меҳнатни эксплуатация қилувчи йирик латифундиялар пайдо бўлди. Осиё ва Латин Америкасида латифундиялар б-н бирга чет эл монополиясига қарашли плантациялар кенг тараққий этди. Арзон иш кучи ва капитализмгача бўлган эксплуатация методларидан кенг фойдаланган монополиялар жаҳон бозорида П. х. маҳсулотларини сотиб, катта фойда олдилар.

Мустамлакачилик системасининг емирилиши П. х. нинг социал-иқтисодий асосларига зарар етказди. ВДР, Куба, Жазоир, Мали ва б. мамлакатларда плантациялар национализация қилинди, улар асосида давлат ва кооператив хўжаликлар тузилди. Шу б-н бирга П. х. бир қанча ривожланаётган мамлакатларда сақланиб колган.

ПЛАНУЛА (лат. planus — ясси) — *ковакичилар* тараққиётининг личинкалик босқичларидан бири. Танаси овалсимон, чўзиқ ёки чувалчангсимон; икки қаватдан: *эктодермадан* (ташқи қават) ва *энтодермадан* (ички қават) иборат. П. сувда сузиб, кейин сув тубига чўкади ва ривожланишнинг кейинги босқичига ўтади, яъни *полипларга* айланади.


ПЛАНШАЙБА (нем. planscheibe) — станокларнинг ишлов бериладиган материал ёки кесувчи асбобни маҳкамлаш ва уларни айлантириш учун ишлатиладиган мосламаси. Мас., *карусель станоги*да заготовка маҳкамланадиган айланма стол. Одатда, П. га мураккаб шаклли ёки катта диаметрли қисқа заготовкалар ўрнатилади. Заготовка П. га қамрагичлар, бурчаклик, (расмга қ.), болтлар, накладкалар б-н маҳкамланади. Катта станокларда П. икки ёки бир неча қисмлардан иборат бўлади.

ПЛАНШЕТ (франц. planchette — тахтача) — 1) *мензуланинг* бир қисми; 40 *см*×40 *см* дан 60 *см*×60 *см* гача бўлган квадрат шаклдаги тахта; 2) кўз б-н чамалаб планга олишда ишлатиладиган чизиқли қоғоз, компас ўрнатилган папка ёки тахтача; 3) географик ва топографик карталар жойланадиган, ташқи томонига тиниқ пластинка ўрнатилган текис сумка; 4) артиллерияда ўт очиш учун ишлатиладиган ишчи ҳужжат. У чизма тахтасига маҳкамланган координатали қалин қоғоз тарзида бўлади. П. га батарея ўт очиш позицияларидаги нуқталар, кузатув пунктлари, нишоннинг ҳолати ва б. қайд қилиб борилади; 5) театр биносида алоҳида ўйиқ тахталардан ишланган саҳна поли.


ПЛАСТИДАЛАР (юнон. plastos — шаклланган) — автотроф ўсимликлар ҳужайраси ичидаги пигментли органеллалар; органик моддалар синтезини амалга оширади. Юксак ўсимликларда 3 типга: яшил хлоропластлар (ХП), рангсиз лейкопластлар (ЛП) ва ҳар хил рангли хромопластлар (ХР) га бўлинади. П. нинг ҳамма типлари пласт ёки пластид деб аталади. ХП — линзасимон ёки шарсимон таначалар, ўлчами 4—6 *мкм;* таркибида 50% ча оқсил, 35% липидлар ва 7% пигментлар, шунингдек озроқ дезоксирибонуклеин (ДНК) ва рибонуклеин (РНК) кислота бор. Юксак ўсимликларнинг ХП пигментлари яшил *а* ва *в* хлорофиллари ҳамда каротиноидлардан иборат. ХП даги ДНК ядро ДНК сидан фарқ қилади ва кўк яшил сувўтлар ҳамда бактериялар ДНК сига ўхшайди. ЛП — рангсиз, думалоқ ёки чўзиқ майда таначалар бўлиб, ўсимликларнинг ҳамма тирик ҳужайраларида мавжуд. ЛП да оддий органик бирикмалардан бирмунча мураккаброқ моддалар — крахмал ва б. ҳосил бўлади. ЛП тўпланадиган моддаларига қараб амилопластлар, элеопластлар ва протеинопластларга бўлинади. ХР думалоқ, нотўғри кўп қиррали ёки ҳатто игнасимон шаклда бўлади. Таркибида кузги барглар, гулёнбаргчалар, помидор, четан, марваридгул ва б. нинг пишаётган меваларига сариқ, қизил ранг берадиган каротиноидлар бор. П. нинг бир типи бошқасига (мас., ЛП ХП га, ХП ХР га) айланиши мумкин.

ПЛАСТИК ДЕФОРМАЦИЯ — нагрузка (ташқи куч) олинганда ҳам йўқолмайдиган *деформация* (қ. *Пластиклик*).

ПЛАСТИК ОПЕРАЦИЯ, пластик хирургия — операция йўли б-н киши организмидаги шикастланган, жароҳатланган органларнинг шакли, функциясини қайта тиклаш ва туғма, ҳаёт даврида орттирилган нуқсон, камчиликларни тўғрилаш. *Хирургия*нинг бир бўлими. П. о. кўпинча *косметика* мақсадида қилинади.



Покистон мақоласига. 1. Маккажўхори экиш. 2. Ҳиндукуш тоғлари ён бағридаги экин майдони. 3. Тамаки плантациясида (Панжоб вилояти). 4. Нефтни қайта ишлаш з-ди (Карочи ш.). 5. «Интерконтиненталь» меҳмонхонаси (Карочи ш.). 6. Карочи марказий кўчаларидан бири. 7. Бадшоҳи мачити (Лоҳур, 17- аср). 8. Медицина билим юртида машғулот пайти (Карочи ш.). 9. «Лайли ва Мажнун» достонига ишланган расм (рассом А. Р. Чуғтои, 20- аср), 10. Сетор чалаётган қизлар.



Польша мақоласига. **1.** Татрада қиш. **2.** Кошалин воеводлигида ўрим пайти. **3.** Целлюлоза-қоғоз к-ти (Свеце ш.). **4.** Нефть кимёси к-тининг бутадиен қурилмалари (Полоцк. ш.). **5.** Иссиқлик электр марказининг умумий кўриниши (Варшава). **6.** Польша ва Совет Иттифоқи халқлари дўстлиги рамзи — маданият ва фан саройи (Варшава). **7.** Варшава ш. марказининг умумий кўриниши. **8.** ПВИП МКнинг бинои (Варшава). **9.** Легницада Совет Армияси жангчиларига 13—14- асрлар). **11.** Варшава. Театр майдонига ўрнатилган галаба монументи — Варшава Никаси. **12.** Фредерик Шопенга ўрнатилган ёдгорлик (Сохажев ш.).

П. о. га юздаги турли нуқсонларни йўқотиш, ҳалқум, қизилўнгач, жинсий органлар, қовуқ ва б. органларни тиклаш операциялари, калла, кўкрак ва б. органлар суякларига шикаст етганда, улар бутунлигини тиклаш, суяк тўқимасини кўчириб ўтказиш, туғма маймоқликни тўғрилаш каби ортопедик операциялар киради.

ПЛАСТИКА (юнон. plastike — ҳайкал) — 1) *ҳайкалтарошлик,* бўрттириб турли шакллар, тасвирлар яратиш санъати; 2) ҳайкалтарошликда, ҳажмли шакллар яратишда уйғунлик, ифодалилик; 3) балет, рақс, бадиий гимнастикада киши танасининг нафис ҳаракатлари, пафис ҳаракат санъати.

ПЛАСТИКАТ — қ. *Поливинилхлорид пластмассалар.*

ПЛАСТИКЛИК (юнон. plastikos) — ташқи куч ёки ички зўриқиш (кучланиш) таъсирида қаттиқ жисмларнинг ўлчамлари ва шакли дастлабки ҳолига қайтмайдиган бўлиб ўзгариши, яъни пластик деформацияланиш хоссаси. Барча реал жисмлар деформацияланади. Пластик деформацияда кристалл қатламларнинг бир-бирига нисбатан силжиши, кристалл панжарасининг бузилиши, иссиқлик ҳаракати туфайли жисм атом тузилишининг ўзгариши кузатилади. Жисмнинг мўртлиги, пластиклиги шароитга боғлиқ, маълум бир шароитда (юқори т-рада) унинг бундай хоссалари бутунлай йўқолади. Металларнинг П. ҳолатга ўтиши маълум шароитда рўй беради, бу ҳолат чегаравий ҳолат деб юритилади. Жисмларнинг пластиклиги деформацияланиш тезлиги, т-ра, жисм тузилишига боғлиқ.

П. нинг турли хиллари мавжуд. Ўздиффузион ва диффузион П. Ташқи сиқувчи куч таъсирида кристалларнинг атом қатламлари шу куч таъсир этаётган сиртдан бошқа жойга силжийди (1-расм). Бунда масса кўчиши сирт бўйича ёки кристалл ҳажми бўйича ўздиффузия туфайли амалга ошади. Дислокацион П.— кристаллографик текисликдаги сирпаниш кристаллнинг пластик деформациясига яққол мисол. Сирпаниш ҳар хил содир бўлади: дастлаб, у текисликнинг бир зонасида бўлаётган бўлса, сўнгра бу зонанинг чегараси бутун текисликка ёйилади (2-расм). Сирпанишнинг ёйилиш чегараси дислокация чизиғи ёки дислокация дейилади. Краудион П. кристаллдаги зич жойлашган атом қаторлари бўйлаб атомлар қуюқланмаси ҳосил бўлишига асосланган. Кристалл сиртига тиғ киритилса (3-расм), атомлар шу соҳадан узоқлашади, натижада тиғ киритилаётган сиртдан маълум узоқликда атомлар концентрацияси ошади.

П. ни баъзи жисмларда эътиборга олмаслик мумкин, бундай жисмлар абс. эластик жисмлар ҳисобланади. Ҳозирги пайтда ҳар бир жисмнинг хоссалари П. бўйича группаларга ажратиб ўрганилади. Мас., кристаллар, поликристаллар, монокристаллар, аморф жисмлар пластиклиги ва б. Жисмларнинг қовушқоқлиги ҳам уларнинг пластиклигини белгилайди. Қаттиқ жисмлар пластиклигини ўрганиш амалий аҳамиятга эга. Деталларни тайёрлаш технологиясида, иншоотлар қуришда, металларни юқори босим б-н қайта ишлаш ва кесишда П. нинг асосий қонун-қоидаларига риоя қилинади.

Ад.: Качанов Л. М., Основы теории пластичности, 2 изд., М., 1969; Хоникомб Р., Пластическая деформация металлов, Пер. с англ., М., 1972.

ПЛАСТИКЛИК НАЗАРИЯСИ — *механика*нинг қаттиқ жисмлар пластик деформациясини ўрганадиган бўлими. П. н. пластиклик хоссасининг физик маъносини тушунтириш б-н узвий боғлиқ бўлмай, пластик жисмларнинг макроскопик хоссаларини ўрганади. П. н. пластик деформацияланадиган жисмларда кучланиш ва деформациянинг тақсимланишини аниқлаш усуллари б-н шуғулланади.

П. н. 19-аср охирларида тараққий қилди. Француз олими А. Сен-Венан, немис олимлари Р. Мизес, Л. Прандтль, А. Надаи, совет олимлари С. Л. Соболев, С. Г. Михлин, А. А. Ильюшин, Ҳ. А. Раҳматуллин ва б. унга муҳим ҳисса қўшишди.

П. н. тоғ жинслари, муз ва б. га татбиқ қилинса-да, асосан, металларнинг пластик деформацияси б-н шуғулланади. Амалда юпқа деворли ясси, цилиндрик металл трубаларнинг чўзилиш, сиқилишдаги пластиклик хоссалари текширилади. Бунда намуна ташқи куч таъсирида сиқилади, чўзилади, буралади, унга ички босим таъсир қилади ва ҳ. к.

Пластик деформацияланганда материалнинг кучланган ва деформацияланган ҳолати унга қўйилган юкка боғлиқ. Мас., намунага иккинчи марта юк қўйилганда унинг эластиклик чегараси ортади. Шунинг учун материалнинг бирон кучланганлик ҳолатига турли пластик деформациялар тўғри келади. Жисмнинг пластиклик моделини таърифлаш материалнинг кучланган ва деформацияланган ҳолатлари орқали ифодаланадиган тензорларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашдан иборат.

Пластик деформация назариялари ичида кенг тарқалгани кучланиш интенсивлиги

$$\sigma_i = \frac{1}{\sqrt{2}}\sqrt{(\sigma_x-\sigma_y)^2+(\sigma_y-\sigma_z)^2+(\sigma_z-\sigma_x)^2+6\left(\tau_{xy}^2+\tau_{yz}^2+\tau_{zx}^2\right)}$$


ва деформацияланиш интенсивлиги

$$\varepsilon_i = \frac{\sqrt{2}}{3}\sqrt{(\varepsilon_x-\varepsilon_y)^2+(\varepsilon_y-\varepsilon_z)^2+(\varepsilon_z-\varepsilon_x)^2+\frac{3}{2}\left(\gamma_{xy}^2+\gamma_{yz}^2+\gamma_{zx}^2\right)}$$


орасидаги муносабатни ифодалайдиган деформацион назариядир, юқоридаги формулаларда σ_x σ_y, σ_z — берилган нуқтадан ўтадиган нормаль кучланишлар, τ_{xy}, τ_{yz}, τ_{zx} — уринма кучланишлар, ε_x, ε_y, ε_z — узайиш деформациялари, γ_{rx}, γ_{yz}, γ_{zx} — силжиш деформациялари. Берилган бирон нуқтада деформацияланиш интенсивлиги ортса, σ_i ва ε_i катталиклар ўзаро боғлиқ бўлади.

Деформацион П. н. дан ташқари оқим назарияси ҳам мавжуд. Бу назария кучланиш ва деформация ўсишини кучланиш компонентларига боғлайди. П. н. нинг айрим соҳалари-реология, яхлит жисмлар механикаси ҳозирги пайтда жуда тез ривожланмоқда. П. н. техникада — конструкцияларни лойиҳалашнинг муҳим масалаларини ҳал қилиш ва металларнинг пластик деформацияланиш технологик жараёнини текшириш ва б. да катта ўрин эгаллайди.


Ад: Качанов Л. М., Основы теории пластичности, 2 изд., М., 1969.



Пластиклик. 1-расм. Ўздиффузион пластиклик: I — вакансияси бўлган кристалл кучланиши б лар таъсирининг бошланғич пайти(атомларнинг силжиш йўналишлари ингичка стрелка б-н кўрсатилган); II — кучланишлар таъсирида ҳосил бўлган вакансиялар оқими вужудга келтирган деформация. III — кристаллнинг охирги деформацияси.



2-расм. Дислокациялар кўчиши натижасида элементар сирпанишлар.



3- расм. Краудион пластиклик: I — тиғ киритилгунча бўлган кристалл; II — тиғ киритилганда краудионларнинг ҳосил бўлиши; III — шаклнинг охирги ўзгариши. Кристаллда тугунлараро атомлар ҳосил бўлди.




Пластинка мўйловлилар. Оддий кравчик.

ПЛАСТИНКА (рус. пластинка — тахта) — 1) махсус усулда товуш ёзилган пластмасса диск. Товуш олдин магнит лентага ёзиб олинади, кейин *рекордер* ёрдамида лакли дискларга кўчирилади, сўнгра улардан гальваник усулда металл *матрица* тайёрланади. П. матрица ёрдамида пластмассадан преслаб кўпайтирилади (яна қ. *Граммофон пластинкаси*). П. нинг монофоник (бир ариқчада битта товуш канали бўлади) ва стереофоник (бир ариқчада икки товуш канали бўлади) хиллари бор. Монофоник П. оддий (78 *айл/мин*) ва узоқ гапирувчи (45, 33 ва 16 *айл/мин*), стереофоник П. фақат узоқ гапирувчи қилиб ишлаб чиқарилади; 2) фотопластинка — ёруғлик сезгир эмульсия қопланган шиша тахтача. Турли стандарт ўлчамда (4,5×6 дан 50×60 *см*) гача ишлаб чиқарилади. Умумий ишларга мўлжалланган ва махсус хиллари бор. Умумий ишларга мўлжалланганн бадиий ва ҳужжатли фотографияда қўлланиб, умумий ишларга мўлжалланган очилтиргичлар б-н, махсус хили эса илмий-техник мақсадларда қўлланилиб, махсус очилтиргичлар б-н ишланади; 3) қалинлиги асос ўлчамидан анча кичик бўлган тўғри призма ёки тўғри цилиндр шаклидаги жисм. Асосининг шаклига қараб, тўғри бурчакли, доиравий, эллиптик ва б. хилларга бўлинади. П. га таъсир қилувчи нагрузка характерига қараб эгилишга ва чўзилишга ишлайдиган хилларга бўлинади. Турли конструкция ва иншоотлар, деворлар ва ораёпмалар, пойдеворлар, кўприклар, гидротехника иншоотлари ва б. нинг, шунингдек кема, самолёт, машина ва асбоблар корпусининг асосий элементи ҳисобланади.

ПЛАСТИНКА ЖАБРАЛИ МОЛЛЮСКАЛАР — моллюскалар типининг бир синфи (қ. *Икки тавақалилар*).

ПЛАСТИНКА ЖАБРАЛИЛАР, пластинка жабрали балиқлар (Elasmobranchii) — тоғайли балиқларнинг кенжа синфи. 600 тури маълум. Жабраси пластинкасимон (номи шундан). Жабранинг ҳар қайсисида 5—7 тешик бўлиб, қопқоқсиз. Ҳаво пуфаги, суяк тўқимаси йўқ. Гавдаси 15 *см* — 20 *м*. Териси *плакоид* тангачалар б-н қопланган. Тишлари турли шаклда. Уруғланиш тана ичида бўлади. П. ж. нинг акулалар ва лаппак балиқларни бирлаштирган акуласимонлар катта туркуми мавжуд. Кўпчилиги денгизларда, баъзилари чучук сувларда яшайди.



Пластмасса конструкциялар. 1- расм. Шишапластдан ясалган саноат цехининг умумий кўриниши.

ПЛАСТИНКА МЎЙЛОВЛИЛАР, пластинка мўйловли қўнғизлар (Scarabaeidae) — қўнғизларнинг гўнгхўрлар ва тилла қўнғизлар группасини бирлаштирувчи оиласи. Гавдаси 2—150 *мм*. Кўпчилигининг мўйлови елпиғичсимон ёйилувчи пластинка шаклида. Бошининг олдинги қисми кураксимон. Корин 6—7 сегментли. Эркагининг боши ва елкасида шох ҳамда бўртмалари бор. 15 мингга яқин тури маълум, шундан 1000 га яқини СССРда тарқалган. Шимолдаги областлардан ташқари, Ер юзининг ҳамма қисмида учрайди. Тропикларда анча йирик ва чиройли турлари яшайди. Кўпчилик П. м. қўнғизи ўсимликнинг ер устки қисмлари б-н, гўнг, гоҳо ўлимтиклар б-н (баъзилари озиқланмайди), личинкалари эса ўсимлик илдизи ҳамда қолдиғи б-н, гўнг ва б. б-н овқатланади. Личинкаси ёйсимон эгилган; тупроқда, чириндилар орасида, чумоли ҳамда кемирувчилар уяси ва ҳ. к. да ривожланади. Талайгина П. м. личинкаси учун махсус уяларда озиқ тўплаб қўяди. Айрим турлари қ. х. зараркунандаларидир, баъзилари эса табиий санитарлардир (айниқса гўнгхўрлар), шу б-н бирга табиатда моддалар алмашинувида иштирок этади.

ПЛАСТИФИКАТОРЛАР (юнон. plastos — пластик ва лат. facio — қиламан) — полимерларнинг пластиклик ва эластиклик ҳолатини яхшиловчи органик бирикмалар. П. полимерларни совуққа чидайдиган қилади ва ишлов берилишини яхшилайди. П. кимёвий жиҳатдан чидамли, сувда эримайдиган, иссиқ ва нурга бардошли ҳамда заҳарсиз бўлиши керак. Кимёвий тузилишига қараб қуйидаги асосий типларга бўлинади: Фталатлар — ортофталат кислотанинг эфирлари. Полимерларни совуққа чидамли қилади ва диэлектриклик хоссасини яхшилайди. Фосфатлар — фосфат кислотанинг мураккаб эфирлари. Фосфатлар полимерларни ўтга чидамли қилади. Адипинатлар ва себацинатлар — адипин ва себацин кислоталарнинг эфирлари. Полимерларни ўтга чидамли қилади ва паст т-раларда эластиклигини оширади. Эпоксидланган П. — эпоксидланган табиий мой ва эпоксидланган тўйинмаган кислоталарнинг эфирлари. Бу хил П. стабилизаторлик хизматини ўтайди. Полиэфир П. — қуйи молекулали мураккаб гетерозанжирли полиэфирлар. Улар мойда, бензинда эримайди, иссиққа чидамли, учмайди. П. пластмассалар ишлаб чиқаришда аҳамияти жуда катта (ишлаб чиқариладиган П. нинг 70% и поливинилхлоридни ишлашга кетади). Резина ва лак-бўёқ материаллари ишлаб чиқаришда ҳам аҳамияти муҳим.

ПЛАСТМАССА КОНСТРУКЦИЯЛАР — пластмассалардан ясалган конструкциялар. П. к. учун турли хил пластмассалар (шишапласт, пенопласт, органик шиша, винипласт, полиэтилен плёнка ва б.) ишлатилади. Шишапласт ёруғликни яхши ўтказиши, ёнмаслиги, узоқ муддатга чидаши, енгил бўлгани учун спорт комплексларини, саноат ва турар жой биноларини қуришда ишлатилади (1- расм). Ёруғлик ўтказувчи шаффоф панеллар алюминий каркасларга синтетик елим ёрдамида бириктирилади. (2- расм). Бундай панеллар турли мақсадларга, мўлжалланган биноларнинг томи ва деворларига ишлатилмоқда. Бу панеллар юпқа мустаҳкам листлар (алюминий, пластик шиша, асбестоцемент)дан елимлаб тайёрланган ситгичлардан иборат. Уч қаватли панеллар турар жой, саноат биноларини қуришда ишлатилади. Панель қаватлари орасига пенопластлар, сотопластлар, фибролит, минерал тиқмалар ишлатилади. Кўчаларга ўрнатиладиган ёритқичлар ҳам П. к. дан қилинмоқда (3- расмга қ.).

Кейинги йилларда пневматик (дам бериладиган) П. к. кенг қўлланилмоқда (4- расм).

Ҳавога таянувчи (бунда ҳаво бевосита иншоот қобиғи остига берилади) ва ҳаво кўтарувчи (конструкциянинг кўтарувчи элементлари катта босимдаги сиқилган ҳаво б-н тўлдирилади) хиллари бор.


Бундай конструкциялар енгиллиги, ихчамлиги ва қисқа вақт ичида тиклаш мумкинлиги б-н бошқа конструкциялардан фарқ қилади. Улар вақтинча қурилиш объектлари (омборлар, кўргазма павильонлари ва б.) қурилишда, сув ҳавзалари, парниклар устини ёпишда ишлатилади. П. к. халқ хўжалигининг турли соҳаларида, машинасозлик саноатида (машина деталларини енгиллаштиради, рангли металларни тежашга имкон беради) ва б. жойларда қўлланилмоқда.

ПЛАСТМАССАЛАР, пластик массалар, пластиклар — табиий ёки синтетик юқори молекулали бирикмалар асосида олинадиган материаллар. Иссиқлик ёки босим таъсирида қолипланади ва қолипланган шаклини мустаҳкам сақлайди.

П. дан ясалган маҳсулотлар с. оғ. кичиклиги, электр токини, иссиқ-совуқни ўтказмаслиги, атмосфера таъсирларига чидамлилиги, емирувчи муҳитга, кескин ҳарорат ўзгаришларига бардошлиги, механик пухталигининг юқорилиги ва мураккаб шаклли буюм ясаш мумкинлиги б-н бошқа материаллардан ажралиб туради.

П. полимер бирикмаларнинг типига кўра термопластлар ва реактопластларга бўлинади. Термопластлар таркибида юқори молекулали полимерлар ёки чизиқсимон сополимерлар (полиэтилен, полистирол, поливинилхлорид ва б.) бор. Чизиқсимон полимерлар асосига қурилган П. таркибида пластификаторлар, бўяғичлар ҳам бўлади. Пластификаторлар П. ни юқори т-рада пластиклигини оширади ва қолипланган маҳсулотни қайишоқ ҳамда совуққа чидамли қилади. Композиция пенопласт ёки поропласт тайёрлашга мўлжалланган бўлса, унинг таркибига порофор қўшилади. Термопластлар совуққа чидамсиз ва 60—100°С дан юқори т-рада пухталигини тез йўқотади. Лекин кўпчилик термопластлар зарб нагрузкаларига чидамлилиги, диэлектрик характеристикаларининг юқорилиги, радио ва оптик тиниқлиги, мураккаб шаклли деталлар қолиплаш осонлиги б-н реактопластлардан фарқ қилади. Термопластлар ўртача нагрузкада ва 60—100°С т-рада ишлайдиган умумий мақсадларга мўлжалланган асбоб деталлари (этроллар, винипласт, полистирол), шунингдек электр ва радиотехника саноат деталлари (полистрол, полиэтилен, полипропилен, фторопласт) тайёрлашда қўлланилади. Термопластлардан ишланган буюмлар юқори кимёвий чидамли (фотопластлар, полистирол, полиэтилен, винипласт), ейилмайдиган (полиамидлар, полиэтилентерефталат), оптик тиниқ (полиметилметакрилат, полистирол) бўлади.

Реактопластлар таркибида иситилганда ёки катализаторлар (фенолформальдегид ва карбамид смолалар) ҳамда қотиргичлар (эпоксид смолалари, полисилоксанлар, тўйинмаган полиэфирлар) таъсирида уч ўлчовли полимерлар ҳосил қилиб қотадиган қуйи молекулали полимерлар бўлади. Реактопластлардан тайёрланган буюмлар қотганидан кейин иссиқлик таъсиридан бузилмагунича ўзининг шишасимон ҳолатини сақлайди. Реактопластларнинг таркибида тўлдиргичлар, чизиқсимон полимерлар: қотиш жараёнини ростлагичлар, бўяғичлар термостабилизатор, антисептиклар бўлади.



2- расм. Шишапластдан ясалган иншоот.

Реактопластлар тўлдиргичлар типига кўра порошокли (ёғоч уни, асбест порошоги, кварц уни ва ҳ. к.), толали (ип газлама лоси, асбест толаси, шиша толаси), листли (қоғоз, ип газлама, шиша тўқимаси, ёғоч шпон) хилларга бўлинади. Қотирилган П дан тайёрланган буюмлар 100—350°С да нагрузканинг узоқ вақтли таъсирга чидайди (полимер ва тўлдиргич типига қараб). Реактопластлар юқори нагрузкада ишлайдиган, иссиққа узоқ чидайдиган, кескин ўзгарувчан атмосфера таъсирига бардош берадиган ва яхши диэлектрик хоссали бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.


Пластмассалар ишлаб чиқариш ҳажми ва уларга бўлган эҳтиёж. Табиий смолалар (канифол, шеллак, битум ва б.) асосида олинадиган пластик материаллар қадимдан маълум. Сунъий полимер — *нитроцеллюлоза* (целлюлоза нитрати)дан тайёрланган энг дастлабки П. целлулоид бўлиб, у 1872 йилда АҚШда ишлаб чиқарила бошлаган. 1906—10 йилларда Россия ва Германияда тажриба саноатида биринчи реактопластлар — фенол-формальдегид смолалари асосида олинадиган материаллар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади. 30- йилларда СССР, АҚШ, Германия ва б. саноати тараққий этган мамлакатларда термопластлар — поливинилхлорид, полиметилметакрилат, полиамид, полистироллар ишлаб чиқарилиши ташкил этилди. Лекин П. саноати иккинчи жаҳон урушидан кейингина кенг йўлга қўйилди. 50- йилларда кўпчилик мамлакатларда полиэтилен П. кўплаб ишлаб чиқарила бошлади.

СССРда П. ишлаб чиқарилиши урушгача бўлган беш йилликлар даврида (1929—40) мустақил саноат тармоғига айланди. 1940 йилда 24000 *т*, 1950 йилда 75000 *т*, 1960 йилда 312000 *т*, 1970 йилда 1673000 *т*, 1973 йилда эса 2300000 *т* га яқин П. ишлаб чиқарилди. СССРда П. саноатининг асосий қисми (84%) мамлакатнинг Европа қисмида жойлашган.

Ўзбекистонда 90 га яқин корхона пластмассаларни қайта ишлайди. Шулардан Тошкент пластмасса буюмлари з-ди, Оҳангарон қурилиш деталлари ва буюмлари з-ди, Жиззах полиэтилен трубалар ишлаб чиқариш з-ди ихтисослашган корхоналардир. Бу корхоналар мамлакатнинг бошқа иқтисодий р-ларидан П. хом ашёсини келтириб қайта ишлайди.

Баъзи бир саноати тараққий этган капиталистик мамлакатларда 1973 йилда қуйидагича миқдорда П. ишлаб чиқарилди (минг *т* ҳисобида): АҚШ — 13200, Япония — 6500, ГФР — 6500, Франция — 2500, Италия — 2300, Англия — 1900. 1973 йилда бутун дунёда тахминан 43 млн. *т* П. ишлаб чиқарилди.

П. ишлаб чиқаришни чўян ва алюминий каби традицион конструкция материаллари ишлаб чиқарилишига нисбатан тез ривожланмоқда, мас., 1950 йилда жаҳонда 1,5 млн. *т* П., 133,6 млн. *т* қора металлар, 1,5 млн. *т* алюминий ишлаб чиқарилган бўлса, 1970 йилда 30 млн. *т*



3-расм. Шишапласт фонарлар.



4- расм. Пневматик пластмасса конструкциялар.

П., 560 млн. *т* қора металлар, 11,3 млн. *т* алюминий ишлаб чиқарилди.

Қ у р и л и ш д а П. га бўлган эҳтиёж кундан-кунга ошиб бормоқда. Жаҳонда П. ишлаб чиқариш ҳажми 1960—70 йиллар ичида 4 марта ошгани ҳолда, қурилишда П. га бўлган эҳтиёж 8 марта кўпайди. Бунга П. нинг ажойиб физик-механик хоссаларигина эмас, уларнинг бебаҳо архитектура-қурилиш характеристикалари ҳам сабаб бўлмоқда. П. нинг бошқа қурилиш материалларидан афзаллиги шуки, енгил ва солиштирма пухталиги нисбатан катта. Бу қурилиш конструкцияларининг оғирлигини анча камайтиришга имкон беради. П. полларни қоплашда ва б. пардоз ишларида, биноларни герметизациялаш, гидро- ва термоизоляциялаш, қувурлар, санитария-техника ускуналари ишлаб чиқаришда, ёпмалар, дераза, эшик, сайёҳлар уйчаси, ёзлик павильонлар тайёрлашда қўлланилади.

П. м а ш и н а с о з л и к конструкция материаллари ичида етакчи ўринни эгаллайди. П. машинасозликда маҳсулотларни арзонлаштириш жиҳатидан жуда қўл келади. Машиналарнинг муҳим техник иқтисодий параметрлари, оғирлиги камаяди, пухталиги, ишончлилиги ва ҳ. к. ошади. П. дан тишли ғилдираклар, шкивлар, подшипниклар, роликлар, станок йўналтиргичлари, қувурлар, болтлар, гайкалар ва ҳ. к. ишлаб чиқарилади.

П. нинг а в и а ц и я с о з л и к д а кенг қўлланилишига сабаб уларнинг енгиллиги ва техник хоссаларини ўзгартириш имкониятига эгалигидир. 1940—70 йилларда П. дан тайёрланган авиация деталларининг сони 25 дан 10000 гача кўпайди. Енгил самолётлар ва вертолётлар яратишда П. ни ишлатиш истиқболи айниқса катта бўлди. Ракета ва космик кемалар ишлаб чиқаришда ҳам П. муҳим аҳамият касб этди. Реактопластлардан фойдаланиб реактив двигателлар, самолётларнинг куч агрегатлари, ракета корпуслари, ғилдираклар, шасси стойкалари, вертолётларнинг парраклари, иссиқлик сақлаш элементлари, осма ёнилғи баклари тайёрланади. Термопластлар ойна элементлари, антенна суюрмалари ва ҳ. к. ишлаб чиқаришда қўлланилади.



А. А. Пластов. Тракторчиларнинг кечки овқати (1951).

П. к е м а с о з л и к д а кемаларнинг корпуси ва корпусли конструкциялар (асосан шиша пластлар), кема механизмларининг деталларини тайёрлашда, кема хоналарини пардозлашда ва уларни иссиқ, товуш ва гидроизоляциялашда қўлланилади.

А в т о м о б и л с о з л и к д а П. дан автомобиль кабиналари, кузовлари ва уларнинг йирик габаритли деталлари, двигатель, трансмиссия, шасси деталлари тайёрланади. П. нинг электротехникадаги роли нинг катталиги шуки, улар электр машиналари ва аппаратларидаги барча изоляция элементларининг асосий қисми ҳисобланади.

П. нинг тобора кўпроқ ишлатилиши (айниқса плёнка материалларининг ишлатилиши) қ и ш л о қ х ў ж а л и г и ривожланган барча мамлакатлар учун хосдир. П. суғориш иншоотлари қуришда, тупроқни *мульчлашда*, уруғларни дорилашда, қ. х. маҳсулотларини сақлашда ишлатилади.

П. дан м е д и ц и н а с а н о а т и д а кўплаб асбоблар, махсус идишлар ишлаб чиқарилади. Хирургияда пластмассадан тайёрланган юрак клапанлари, қўл-оёқ протезлари, ортопедик қўйилмалар, кўз соққаси ва б. ишлатилади.

Ад.: Энциклопедия полимеров, т. 1—2, М., 1972—74; Технология пластических масс, под ред. В. В. Коршака, М., 1972; Л о с е в И. П., Т р о с т я н с к а я Е. Б., Химия синтетических полимеров, 3 изд., М., 1971; Пластики конструкционного названия, под ред. Е. Б. Тростянской, М., 1974.

ПЛАСТОВ Аркадий Александрович (1893. 1 — Ульяновск обл.— 1972. 12. 5) — рус совет рассоми. СССР халқ рассоми (1962), 1947 йилдан СССР Бадиий академиясининг ҳақиқий аъзоси. Москва рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик билим юртида таълим олган (1914—17). Қишлоқ ҳаётини акс эттирувчи ёрқин картина ва китоб иллюстрациялари б-н машҳур. «Колхозда байрам» (1937), «Отларни чўмилтириш» (1938, иккаласи ҳам Рус музейида) картиналарида қишлоқ ҳаётини, «Фашист учиб ўтди» (1942, Третьяков галереяси, бошқа бир варианти 1947 йилда яратилган, Рус музейи), «Тракторчиларнинг кечки овқати» (1951, Иркутск бадиий музейи), «Баҳор» (1954, Третьяков галереяси), «Ўтмишдан» (1969) картиналарида манзараларни, кишиларнинг ички дунёсини моҳирона кўрсатди. «Колхоз қишлоқларининг кишилари» картиналар серияси (1951—65) учун Ленин мукофотига сазовор бўлди (1966). 1946 йилда СССР Давлат мукофоти ҳам олган. П. рус классикларининг, жумладан А. Пушкин, Н. Гоголь, Н. А. Некрасов, Л. Толстой, А. Кольцов китобларини безаган. 1972 йилда И. Репин номидаги РСФСР Давлат мукофоти б-н тақдирланган, 2 марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПЛАТИНА (Platinum), Pt — Менделеев даврий системасининг VIII группасига мансуб кимёвий элемент, тартиб номери 78, ат. ог. 195,09. Табиатда П. нинг 4 та барқарор ^{194}Pt (32,9%), ^{195}Pt (33,8%), ^{196}Pt (25,2%), ^{198}Pt (7,19%) ва 2 та кучсиз радиоактив изотопи ^{190}Pt (ярим емирилиш даври — 6,9^{11} йил), ^{192}Pt (ярим емирилиш даври — 10^{15} йил) учрайди. П. нодир ва тарқоқ элемент. Урал, Сибирь, Жанубий Америка, Аляска, Канада ва Жанубий Африкада П. конлари бор. Ер пўстининг оғирлик жиҳатидан $5 \cdot 10^{-7}$% ни ташкил қилади. Тоза П. энг аввал 1803 йилда Валластон томонидан олинган; П. номи испанча platinas — кумуш демакдир.

П. минераллари туғма металл ва уларнинг қотишмалари ҳолида ҳамда кимёвий бирикмалар ҳолида учрайди. Булардан энг асосийлари: п о л и к с е н, п а л л а д и й л и П., ф е р р о п л а т и н а (туғма қотишма), с п е р р и л и т, к у п е р и т, б р э г г и т.

П. кумуш каби оқ, ялтироқ, болғаланувчан, чўзилувчан металл. С. ог. 21,45 *г/см*^{3} (20°С да), суюқланиш т-раси 1769°С, қайнаш т-раси 4530°С га яқин. Атом радиуси 1,388Å. П. нинг механик хоссалари унда қандай қўшимчалар бўлишига, қандай усулда олиниши ва ишлов берилишига боғлиқ. П. оддий т-рада кимёвий жиҳатдан жуда барқарор модда; унга фақат зар суви ва бром таъсир этади. П. қайноқ нитрат кислота б-н ва қайнаб турган сульфат кислота б-н аста-секин реакцияга киришади. Ишқорлар таъсиридан емирилади. П. лаққа чўғ ҳолида олтингугурт, фосфор, углерод ва бошқа элементлар б-н бирикади. П. ўз бирикмаларида кўпинча икки ва тўрт валентли (ҳатто 6 валентли), кам ҳолларда уч валентли. П. нинг учта оксиди бор: платина (IV)-оксид PtO_2 — қўнғир тусли, платина (II)-оксид PtO — қора тусли, платина (III)-оксид PtO_3 — қўнғир тусли кукун. П. нинг PtF_4, PtF_6 таркибли фторидлари, $PtCl_2$, $PtBr_2$, Ptj_2 $PtCl_4$, $PtBr_4$, Ptj_4 таркибли галогенидлари, PtS ва PtS_2 таркибли сульфидлари, тетрахлорплатина (II) кислотаси $H_2[PtCl_4]$, гексахлорплатина (IV)-кислотаси $H_2[PtCl_6]$ маълум. П. икки валентли ҳолатда ҳам, тўрт валентли ҳолатда ҳам жуда кўп комплекслар ҳосил қилади. П. комплекс бирикмалари таркибида турли кислота қолдиқлари, нейтрал молекулалар ва бошқа анорганик ҳамда органик моддалар лиганд сифатида иштирок этади.

П. олиш учун таркибида П. бўлган тор жинси майдаланади ва сув б-н ювиб ёт жинслардан ажратилади. Олинган хомаки П. аффинаж заводларига юборилади. У ерда чиннидан ясалган қозонларда зар сувида қиздирилади, П. эритмага ўтади. Эритма чўкмадан ажратилиб унга аммоний хлорид қўшиб, П. нинг ҳаммаси $(NH_4)_2[PtCl_6]$ таркибли қаттиқ комплекс бирикмага айлантирилади. Сўнгра 800—1000°С да қиздириб ғовак П. олинади. Уни юқори т-рада қиздириб қуйма П. ҳосил қилинади. П. коррозияга, юқори т-рага чидамлилиги, босим б-н ишлов бериш осонлиги ва арзонлиги туфайли техниканинг турли соҳасида қўлланилади. Аммиакни оксидлаб нитрат кислота олишда, нефть маҳсулотларини дегидрогенлаб юқори сифатли ёқилғи ҳосил қилишда П. катализатор сифатида ишлатилади. Шиша ва кварц толалар ишлаб чиқариш учун П. нинг родийли қотишмасидан махсус асбоблар тайёрланади ва ҳ. к.

Ад.: Р у с т а м о в Х. Р., Умумий химия, [Дарслик], Т., 1969; Г л и н к а Н. Л., Общая химия, М., 1974.

ПЛАТИФИЛЛИН (Platyphyllinum) — холинолитик модда, йирик баргли сенецио ўсимлигидан олинадиган алкалоид. Медицинада платифиллин гидротартрат номи б-н ишлатилади. Аччиқ, кристалл модда. Меъда ярасида, бронхиал астмада, шунингдек *гипертония касаллиги, стенокардия*, мия томирлари спазмида қўлланилади. Порошок, таблетка ҳолида ва эритмаси ампулаларда чиқарилади.

ПЛАТИЦИН Павел Андреевич (1914, Кустанай обл. Зуевка қишлоғи) — экскаваторчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1965). 1954 йилдан КПСС аъзоси. 1929 йилдан Урта Осиё ҳарбий округида ишчи, 1931—35 йилларда Ўзбекистон с-зларидан бирида шофёр-тракторчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1941—45). Урушдан кейин машина-экскаватор станциясида яна шофёр, экскаваторчилар бригадаси бошлиғи. Кейинчалик «Янгиерводстрой»да 22-кўчма машина колоннасининг экскаваторчиси. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда юқори кўрсаткичларга

эришганлиги учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. 1970 йилдан шахсий пенсионер. Ленин ордени ҳамда бир неча медаллар б-н мукофотланган.



Платицин П.А.


ПЛАТО (франц. platean) — денгиз сатҳидан 200 *м* дан ортиқ баланд бўлган усти текис ёки тўлқинсимон текислик; қўшни текисликлардан жарликлар б-н ажралиб туради. С т р у к т у р а л и (горизонтал қатламли) П. лар, в у л қ а н и к (лава оқиб чиқишидан ҳосил бўлган) П. лар бўлади.

ПЛАТОН, А ф л о т у н (асл номи — А р и с т о к л) (мил. ав. 428 ёки 427 — Афина — 348 ёки 347) — қадимги юнон файласуфи, антик философиядаги объектив-идеалистик (қ. *Объектив идеализм*) оқимнинг асосчиси.

П. аристократ оиласида туғилган. Тахм. 407 йилда *Сократ* б-н танишиб, унинг энг яқин шогирдларидан бири бўлиб қолган. Афина ш. да *Платон академияси* номи б-н танилган философлар мактабига асос солди. П. нинг 30 дан ортиқ асарлари маълум («Федр», «Теэтет», «Парменид», «Тимей», «Қонунлар», «Давлат» ва б.).

П. нинг фалсафий қарашлари системалаштирилмаган. Жумладан, П. философиясининг асосий моҳияти — «идея», «гоя» («эйдос») лар ҳақидаги таълимоти ҳам кўпгина асарларида сочма ҳолда баён этилган. Объектив идеализмнинг асосий принциплари П. томонидан тўла ва изчил ёритилган. Шунинг учун ҳам В. И. Ленин идеализмни «Платон йўли» деб атади (Тўла асарлар тўплами, 18-т., 146-б.). П. фикрича, ҳиссий дунё «идея» б-н «материя»нинг маҳсулидир. Идеялар (ғоялар) абадий, оламдан ташқари, улар ўлмайди ва пайдо ҳам бўлмайди, вақт ва фазо б-н боғлиқ эмас. Материя эса шаклсиздир, идеялар туфайлигина намоён бўлади, яшай олади. Ундан ташкил топган ҳиссий нарсалар — ўткинчи, нисбий бўлиб, вақт ва фазога боғлиқ. П. «идея»ларга ғайри табиий куч бағишлайди.

П. философиясининг негизини учта асосий *субстанция* — «ягоналик» («эзгулик»), «ақл» ва «жон» ҳақидаги таълимот ташкил этади. П. фикрича, борлиқнинг асосини «ягоналик» ташкил этади; у ҳар қандай сифатлардан юқори туради, унинг на бошланиши ва на охири бор; у ҳар қандай борлиқ, сезги ва тафаккурдан юқори туради. Барча идеялар ва моддий нарсаларнинг манбаи ҳам шу «ягоналик»дир. П. уни «Қуёш» ҳам деб ҳисоблаган, чунки ҳамма мавжудот у туфайли яшайди, кўра олади ва намоён бўлади. Иккинчи субстанция — «ақл»; у «ягоналик»нинг борлиқдаги шуъласи, эманацияси бўлиб, нарсаларнинг моҳиятини тушунишга интилади. П. «ақл»ни барча тирик мавжудотларнинг фикрий умумлашмаси, ҳатто ўзи ҳам қандайдир жонли зотдир, деб талқин қилади. Учинчи субстанция — «жон»; у «ақл» ва моддий дунёни бир-бирига қўшиб туради. «Жон» абадий ва ҳамиша ҳаракатда. Ҳар бир одамнинг жони ўша умумий «жон» нинг образи, хусусий шаклда зоҳир бўлишидир. Одамнинг ўлиши б-н у йўқолиб кетмайди; тана эса жондан ажралгач, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтади. П. умрининг охирги даврида ўзининг идеялар ҳақидаги таълимотини *пифагореизм* руҳига мослаштирган. П. нинг идеялар ҳақидаги таълимотини ўз вақтида *Аристотель* кескин танқид қилган.



Платон.

П. нинг фалсафий қарашларида билиш на-

зарияси масалалари муҳим ўрин эгаллайди. У билиш объектлари ўртасидаги тафовутларга кўра, билишнинг бир неча турини ажратган. Унингча, фақат «идея»лар ҳақида аниқ, ҳақиқий билим бўлиши мумкин. П. нинг фикрича, одамларнинг жони муайян танада мужассамланишидан олдин асл жойи — осмонда бўлиб, унда гўё «идея»ларни бевосита кузатиб, ўзлаштириб олади. Одамларнинг билиши улардаги жоннинг ўша осмонда кузатган «идея»ларни эслаши (анамнезис)дан иборатдир. Оддий ҳиссий нарсалар ва ҳодисалар ҳақида эса инсон аниқ билимга эмас, балки шунчаки тахминий фикрга, тасаввурга эга бўлиши мумкин, холос. Булардан ташқари, П. яна математик объектларни ҳам ажратиб, уларни ақлий йўл б-н билиш мумкин, деб ҳисоблаган.

П. «диалектика»ни билиш методи деб билган. Унингча, диалектика бутунни кўп қисмларга ажратиш ва бу қисмларни қайта бутунга айлантириш усулидир.

Сиёсат, давлатнинг тузилиши, уни бошқариш масалалари П. қарашларида муҳим ўрин олган. Уларнинг асосида П. нинг уч табақа ҳақидаги назарияси ётади: биринчи табақа — давлатни бошқариб турадиган файласуфлар; иккинчи табақа — давлатни душмандан ҳимоя қиладиган ҳарбийлар ва учинчи табақа — давлатни ва юқоридаги икки табақани моддий жиҳатдан таъминлаб турадиган деҳқонлар ва косиблар. П. давлатни бошқаришнинг учта асосий шаклини кўрсатган (монархия, аристократия, демократия). П. утопик характерга эга бўлган «идеал давлат» тўғрисидаги таълимотни яратган. Бундай давлатни фақат «идеялар»ни тушунишга эриша оладиган оқсуяк файласуфлар идора этишлари керак; уларни ҳарбийлар қўриқлаб туришлари лозим; косиб-ҳунармандлар табақаси эса уларга итоат қилишлари ва меҳнатсевар бўлишлари керак. Қулларни эса П. ҳатто одамлар қаторига қўшмаган.

П. нинг эстетик қарашларида борлиқ, ҳаёт — «абадий идея»ларнинг тақлиди, нусхаси; санъат эса борлиқ, ҳаётнинг тақлиди, яъни тақлидга тақлид, деган хулосага асосланган. П. худоларга бўлган эътиқодни қўллаб-қувватлаган. худосизларни ва *деизм* позициясида турганларни кескин қоралаган. Унинг фикрича, ҳамма кишилар, айниқса давлатни бошқарувчилар, художўй бўлишлари керак.

П. қарашлари *платонизм* ва *неоплатонизм*нинг шаклланишида ғоявий манба бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги даврда ҳам П. қарашлари айрим идеалистик таълимотлар учун маънавий озиқ бўлиб келмоқда.

Ад.: Дынник М. А., Очерк истории философии классической Греции, М., 1936; История философии, т. 1, М., 1957; Асмус В. Ф., История античной философии, М., 1965; Асмус В. Ф., Платон, М., 1969.

ПЛАТОН АКАДЕМИЯСИ — Қадимги Юнонистондаги фалсафий мактаб. Унга *Платон* асос солган (тахм. мил. ав. 387 йил) ва биринчи раҳбари бўлган. П. а. файласуфлар жамияти бўлиб, унга сайланадиган бошлиқлар — схолархлар раҳбарлик қилган. П. а. ўз тарихи давомида материализмга қарши курашиб келган, антик идеализмнинг ривожланишида катта роль ўйнаган. П. а. Платоннинг объектив идеализмига асосланган ҳолда, турли даврларда бошқа идеалистик оқимлар таъсири остида қолиб келган. П. а. ни тарихан 5 даврга бўлиш мумкин: 1- ёки «Қадимги академия» (тахм. мил. ав. 3-асрнинг ўрталарига қадар) — *пифагореизм* таъсирида бўлган, математика ва астрономияни ривожлантиришга маълум ҳисса қўшган; 2- ёки «Ўрта академия» (мил. ав. 3-асрнинг ўрталаридан бошлаб) ва 3- ёки «Янги академия» — *скептицизм* ғояларини ривожлантирган. Кейинчалик 4- ва 5-академиялар даврида скептицизмдан узоқлашилди ва *эклектизм*га ўтилди. 4—5- асрлардан П. а. неоплатонизм позицияларига ўтиб олган. 529 йилда император Юстиниан томонидан ёпилган.

ПЛАТОН ЖИСМЛАРИ — мунтазам қавариқ *кўпёқлик*лар; беш хил бўлиб, *тетраэдр, гексаэдр, октаэдр (куб), додекаэдр, икосаэдр* деб аталади.

ПЛАТОНИЗМ — философиядаги идеалистик оқим. Қадимги юнон идеалист-философи *Платон*нинг таълимоти асосида шаклланган. П. нинг негизини Платоннинг «идеялар назарияси» ташкил этади. Бунга кўра, «идеялар» бирламчи бўлиб, турли кўринишдаги моддий дунё уларнинг маҳсули, соясидир. Улар ниҳоятда юксак даражада умумийлашган мантиқий тушунча, ҳар қандай нарсани тушуниш принципи ва методини ўз ичига қамраб олган ҳамда бадиий структурага эга бўлган специфик субстанция эмиш.

Платондан кейин П. таълимоти «Платон академияси» вакиллари ва кейинчалик Посидоний (мил. ав. 1-аср) томонидан ривожлантирилган; *стоицизм, гностицизм* ва *пифагореизм* таълимотлари, Филон Александрийский илоҳиёти элементлари б-н чатишиб, ўзгариб борган. Аристотель таълимотига мойил бўлган йўналиш вакиллари стоик П. га қарши кураш олиб борганлар. Бу кураш ҳамда П. эволюцияси натижасида *неоплатонизм* вужудга келган (3- аср).

П. янги ва энг янги давр Европа идеалистик философиясига бевосита ё билвосита таъсир ўтказиб келган.

ПЛАТФОРМА (франц. plat — текис ва forme — шакл) — 1) т. й. вокзалида пассажирларнинг поездга чиқиши, тушиши ёки юк тушириш ва ортиш учун хизмат қиладиган ер сатҳидан баландроқ майдонча; 2) унча катта бўлмаган т. й. станцияси; 3) усти очиқ юк вагони; 4) бирор партия, группа, ижтимоий ташкилотнинг маслаги, тутган йўли, ҳаракат программаси, сиёсий талаблари мажмуи.

ПЛАТФОРМА (геологияда) — Ер пўстининг кам ҳаракатчан қисми (структураси).

П. тушунчаси 19- аср охири — 20- аср бошларида вужудга келган. «П.» терминини биринчи марта А. Д. Архангельский қўллаган (1932). П. ларнинг геологик тузилиши ва тектоник ҳаракатларини ўрганишда рус ва совет олимлари А. Д. Карпинский, А. П. Павлов, А. Д. Архангельский, Н. С. Шатский, А. Л. Яншин, А. А. Богданов ва б. ларнинг ҳиссаси катта.

П. бир неча млн. *кв км* майдонни ишғол қилиб, одатда, аввалги *геосинклиналь* областлар ўрнида пайдо бўлади. Шунинг учун ҳам П. икки ярусли ўзига хос тузилишга эга. Биринчи — пастки ярус геосинклиналлар учун хос метаморфик ва магматик жинслардан ҳамда турли шаклдаги тектоник структуралар мажмуидан иборат бўлиб, П. нинг заминини ташкил қилади. П. нинг иккинчи — юқори яруси чўкинди ва вулкан жинслардан тузилиб, айтарли букилмаган бўлади (расмга қ.). П. нинг пўсти замингa нисбатан анча ёш ҳисобланади. П. учун қия ва кенг бўлиб эгилган (*синеклиза*) ва кўтарилган (*антеклиза*) структуралар хос. П. нинг айрим қисмлари (антеклиза) узоқ геологик вақт давомида баландга кўтарилиши натижасида чўкинди жинслар б-н қопланмайди ва қалқон (щит) деб аталадиган структураларни ташкил қилади. Бундай структураларга Болтиқ, Канада ва Анабар қалқонлари мисол бўла олади. П. қалин (3—5 *км*) чўкинди жинслардан иборат бўлиб, ботиқ чўккан устки қисми *плита* деб юритилади. Қалқон ва плиталар, ўз навбатида, яна бир қанча катта, кичик тектоник структуралардан иборат бўлади. П. лар заминининг ёшига қараб, қадимги ва ёш П. ларга бўлинади. Қадимги П. нинг замини архей ва протерозой эраларида ҳосил бўлган тоғ жинсларидан ташкил топган бўлиб, устки қисми кейинги даврларга мансуб жинслардан тузилган. Бу хил П. ларга Шарқий Европа, Сибирь, Шимолий Америка, Хитой-Корея, Жанубий Хитой, Ҳиндистон, Африка, Австралия ва Антарктика П. лари мисол бўлади. Ёш П. ларнинг замини палеозой ва мезозой жинсларидан тузилган, уларни беркитиб турган жинслар юқори палеозой, мезозой ва кайнозой эраларида пайдо бўлган. Ёш П. ларга Ғарбий Сибирь, Шимолий Қозоғистон, Турон пасттекислиги, Қавказ олди, Ғарбий Европа ва б. жойлардаги текис терр-ялар киради.

Қадимги П. лар тектоник ҳаракатлар жиҳатидан ёш П. ларга нисбатан анча тинчроқ ҳисобланади. П. ларда тектоник ҳаракатлар натижасида букилма ва синиқлар каби структуралар пайдо бўлиб туради.

П. ларнинг юқори ярусидаги чўкинди жинсларда кўмир, нефть, табиий газ, боксит каби фойдали қазилмалар, заминида эса металл қазилма бойликлари кўпроқ учрайди.


Ад.: Белоусов В. В., Основные вопросы геотектоники, 2 изд., М., 1962; Хаин В. Е., Общая геотектоника, 2 изд., М., 1973.

ПЛАУН (Lycopodium clavatun) — плаундошлар (плауплар оиласи)га мансуб спорали доим яшил, кўп йиллик ўсимлик. Пояси дихотомик шохланган, узунлиги 1—3 *м*, илашиб ўсади. Барги майда, наштарсимон, бандсиз, поя ва шохларда зич жойлашган. Спорали бошоқчалари ўзакдан ва зич жойлашган спора баргларидан иборат. 400 тури бор. СССР (Сибирь ва Узоқ Шарқ)да 14 тури тарқалган. Ўзбекистонда учрамайди. Споралар етилганда, бошоқчалар махсус қайчи б-н қирқиб олинади. Йиғилган бошоқчалар қуритиб янчилади ва споралари элаб ажратиб олинади. П. споралари хаб дорилар тайёрлаш ва б. учун ишлатилади.

ПЛАУНДОШЛАР, плаунгуллилар (Lycopodiaceae) — қирққулоқсимонларга ўхшаш спорали кўп йиллик ўсимликлар оиласи. Пояси яхши ривожланган, майда барглар б-н қопланган. Кўпинча, нам ўрмонларда ўсади. 3 туркуми маълум, шундан иккитаси ҳозир ҳам ўсади. Биттаси қазилма.

ПЛАУЭН — ГДРдаги шаҳар. Карл-Маркс-Штадт округида, Вейсе-Эльстер дарёси бўйида, Рудали тоғлар этагида. Аҳолиси 81,3 минг киши (1972). П.— тўқимачилик саноатининг қадимий (15- асрдан) маркази. Тўқимачилик ва полиграфия машинасозлиги, станоксозлик, электротехника, металлсозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Шаҳар 1222 йилдан маълум.

ПЛАФОН (франц. plafond — шип) — 1) ўйма нақшлар, ҳайкалчалар, расм ва б. б-н безатилган шип, монументал декоратив рассомлик асари. Кўпинча маълум сюжет ва услубга эга бўлади. Европа архитектурасида П. лар шип ва гумбазларга чизиб, бўяб, кошиндан қоплаб, бўрттириб — ҳайкал ёки тасвирлар ҳосил қилиб яратилган. Урта Осиё меъморлари бино интерьерлари б-н узвий боғланган П. нинг классик намуналарини яратганлар. Буни Бухородаги *Ситораи Моҳи Хосса* саройи, Хўжа Зайниддин хонақоҳи, Самарқанддаги *Қозизода Румий мақбараси*, Хивадаги *Паҳлавон Маҳмуд мақбараси* кабиларда кўриш мумкин. Маҳаллий меъморликда П. ларни ишлашда ганч (жамоат биноларида) ва ёғоч (индивидуал иморатларда)дан кенг фойдаланилган.




Плафон. Москвадаги Большой театр плафони.

Совет даврида П. нинг янги, замонавий намуналари яратилди (А. Навоий номидаги опера ва балет театри биноси, «Баҳор» концерт зали, УзССР ФА биносининг Мажлислар зали ва бошқаларнинг П. лари); 2) хоналарнинг шипи ва деворларига, вагон купеларига, кема, автобус ва самолётларнинг салонларига ўрнатиладиган электр чироқлари *арматураси*.


ПЛАЦДАРМ (франц. place d'armes — қўшин тўпланадиган майдон) — 1) бирор давлатнинг бошқа бир давлатга ҳужум қилишида ҳарбий ҳаракатларни кенгайтириш учун база сифатида фойдаланиладиган терр-я. П. оператив ёки стратегик аҳамиятга эга бўлиши мумкин; 2) ҳужум қилаётган қўшинлар сув тўсиғидан ўтиб қарши қирғоқда эгалланган ёки чекинаётган қўшинлар томонидан тутиб турилган район. СССРда ҳарбий интервенция ва гражданлар уруши даври (1918—20) да совет қўшинлари П. ни забт этиш ва уни ушлаб туришнинг юксак намуналарини кўрсатди. Улуғ Ватан уруши (1941—45) да Ленинград яқинидаги Ораниенбаум П. и, совет қўшинлари томонидан эгалланган Днепрдаги (Букрин, Лютеж), Висладаги (Пулави, Магнушев, Сандомир) П. лар набатдаги ҳужум операцияларини давом эттиришда муҳим роль ўйнади; 3) денгиз десанти асосий кучларининг тушиши ва ёйилишини таъминлаш мақсадида десант операцияси ўтказиб, қирғоқ бўйида эгалланган участка (мас., 1943 йилда совет қўшинлари томонидан Новороссийск ва Керчь р-ларида эгалланган П.).

ПЛАЦЕНТА (юнон. plakus — кулча), бола ўрни — одам, деярли ҳамма сут эмизувчилар, шунингдек баъзи бир хордали ва умуртқасиз ҳайвонларда эмбрион (она қорнидаги ривожланиш даврида) б-н она организмини бир-бирига боғлайдиган ва улар ўртасида моддалар алмашинувини таъминлайдиган орган. Эмбрион П. орқали она қонидан кислород ҳамда озиқ моддалар олиб, унга парчаланиш маҳсулотлари ва карбонат ангидрид ажратади. П. эмбрионга ҳар хил моддалар келишини актив равишда бошқариб, тўсиқ вазифасини ҳам ўтайди. П. да ферментлар ва витаминлар бўлади. Унда она организмига таъсир этувчи гормонлар (хорионик гонадотропин), ацетилхолин ва б. моддалар синтезланади. П. одам ва сут эмизувчиларда эмбрион ташқи қаватининг бачадон деворига бирор шаклда бирикишидан ҳосил бўлади.

Одам П. си ҳомиладорликнинг 3- ойи охирида шаклланади. Нормал ривожланган ҳомила П. си шаклан кулчага ўхшаш, юмшоқ, диаметри 15—20 *см*, қалинлиги 3 *см* ва оғирлиги 500 *г* ча бўлади. Ҳомила П. га киндик ёки киндик тизимчаси орқали бирикади. П. нинг бачадонга тегиб турадиган она юзаси (базал пластина) ва ҳомила қопи бўшлиғига қараган ҳомила юзаси бор. Киндик қон томирлари б-н шу ҳомила юза-



Плацента: *а* — ҳомилага қараган юзаси; *б* — онага қараган юзаси.



Платформаларнинг тузилиш схемаси

сига бириқиб туради. П. орқали, яъни унда она ва ҳомиланинг қон томирлари бир-бирига тегиб туриши натижасида моддалар алмашинуви интенсив содир бўлади. П. функциясининг бузилиши ҳомиладорликда турли асоратларга, мас., боланинг чала туғилиши, П. нинг вақтдан олдин ажралиши, *ҳомиладорлик токсикозлари* ва б. га сабаб бўлади.

Сунъий П.— табиий плацента функциясини бажара оладиган, шунингдек она организмидан ажратиб қўйилган ҳомила ҳаётини сақлаб туриш учун қўлланадиган аппарат. Асосан лабораториялардаги тажриба ҳайвонлари эмбрионини ўрганишда ишлатилади.

Усимликлар П. си. Уруғликларда — уруғ ўрни, яъни тугунча мева ичидаги уруғ куртаклар жойлашган бўртма; қирққулоқларда — спорангийларнинг бирлашадиган бўртмаси; қўнғир сувўтларда — спорангийлар остидаги ҳужайралар комплекси; қизил сувўтларда — цистокарп асосининг кенгайган қисми.

ПЛАЦЕНТА ГОРМОНЛАРИ — сут эмизувчи ҳайвонлар ва ҳомиладор аёллар плацентасида ишланиб чиқадиган ва гормонлар каби таъсир этадиган биологик актив моддалар (гонадотропин, эстроген, прогрестерон ва ҳ. к.). П. г. ҳомиладорликнинг тўғри кечишини таъминлаб, туғиш актини тайёрлайди. Хорионик гонадотропин баъзи маймунлар ва ҳомиладор аёлларнинг типик ҳомиладорлик гормони бўлиб, *плацента*дан қонга ўтади ва сийдик б-н ажралади. Бу эса ҳомиладорликнинг гормонал диагностикаси учун зарур. Хорионик гонадотропин гипофиз гонадотропинидан кимёвий тузилиши, уруғдон ва тухумдонга таъсири б-н фарқ қилади; тухумдонда ҳужайралар гипертрофиясига сабаб бўлади, лекин фолликулалар ўсиши, сариқ тана ҳосил бўлишини кучайтирмайди. Кўпгина сут эмизувчилар плацентасидан эстрон, эстрадиол, эстриол гормонлари, аёллар плацентасида эса ҳомиладорликнинг иккинчи ярмида эстрогенлар кўплаб ишланиб чиқади. Одам ва бир қатор сут эмизувчилар — маймун, мушук, денгиз чўчқачаси плацентасида эса ҳомиладорликнинг нормал ривожланишини таъминлайдиган *прогестерон* ишланиб чиқади. Бундан ташқари, плацентада андроген, глюкокортикоидлар, релаксин, окситоцин каби гормонлар ҳам ишланиб чиқади.

ПЛАШКА — деталларга ташқи *резьба* кесиш учун ишлатиладиган қурол; металл кесиш станогига ёки қўлда ишлатиладиган мослама (клупп)га ўрнатиб ишлатилади. Станокка ўрнатиб ишлатиладиган резьбали призматик ёки думалоқ тароқдан, қўлда ишлатиладигани эса резьбали ярим доиравий тешиги бор пластинкадан иборат. П. асбобсозлик пўлати ва тез кесар пўлатдан тайёрланади.

ПЛЕБЕЙЛАР (лат. plebeii — оддий халқ)— Қадимги Римдаги эркин аҳоли табақаларидан бири. Мил. ав. 3- асргача П. жамоа еридан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлмаган, фақат чек ерлардан шахсий мулк сифатида фойдаланганлар. Улар деҳқончилик б-н бирга ҳунармандчилик ва савдо б-н шуғулланганлар. Мил. ав. 5- аср бошидан 3- аср бошигача сиёсий ва гражданлик ҳуқуқларига эга бўлмаган П. *патрицийлар*га қарши қаттиқ кураш олиб борган. Натижада П. Рим халқи таркибига киритилган, патрицийлар б-н сиёсий ва граждан ҳуқуқлари жиҳатдан тенгликка эришган; мажбурий қуллик бекор қилинган. П. нинг йирик бойлари юқори мансабларга ҳам кўтарилган. «П.» термини мил. ав. 3—2- асрдан бошлаб келиб чиқиши аслзодалардан бўлмаган тўла ҳуқуқли гражданларни англатган.

Ғарбий Европанинг ўрта аср шаҳарлари аҳолисининг энг камбағал, қуйи табақаси ҳам П. деб аталган. Улар 16—18- асрлардаги буржуа рев-яларида деҳқонлар б-н биргаликда фаол қатнашган.

ПЛЕБИСЦИТ (лат. plebs — оддий халқ ва scitum — қарор)— 1) қадимги Римда *плебейлар* йиғилишида қабул қилинадиган қарор. Мил. ав. 5- асрда юзага келган. П. га дастлаб фақат плебейлар риоя қилган, кейинчалик бутун халқ учун мажбурий қарорга айланган. Мил. ав. 3- асрдан бошлаб П. тушунчаси қонун сўзи б-н алмашиниб истеъмолдан қолган; 2) халқнинг сайловда овоз бериш турларидан бири. Одатда, П. ни ўзига бегона терр-яни қўшиб олган давлат унинг аҳолиси ўртасида ўтказади. П. халқаро муносабатларда ўзга терр-ялар босиб ёки қўшиб олинганда бу ердаги халқнинг ўз давлатига мансублиги ҳақидаги истагини аниқлаш учун қўлланади (қ. *Оптация*).

СССР Конституцияси ва иттифоқдош республикаларнинг конституцияларида зарур ҳолларда *референдум* шаклидаги умумхалқ сўрови ўтказиш кўзда тутилган.

ПЛЕВЕН, Плевна — Болгариянинг шимолий қисмидаги шаҳар. Плевен округининг маъмурий маркази. Аҳолиси 108 минг киши (1973). София — Варна т. й. магистралидаги муҳим транспорт пункти. Тўқимачилик, озиқ-овқат, цемент, ойна, керамика саноати корхоналари, ТЭС, шаҳар яқинида нефтни қайта ишлаш з-ди, нефть-кимё к-ти бор. Машинасозлик саноати тез ривожланмоқда. П.— тарихий шаҳар. 3- асрдан маълум. 1877—78 йиллардаги Россия-Туркия урушида П. да тарихий жанг бўлиб, рус армияси ғалаба қилган. Шаҳар марказида рус ва румин жангчилари хотирасига қурилган мақбара бор.

Ад: Беляев Н. И., Русско-турецкая война, 1877—1878, М., 1956.

ПЛЕВРА (юнон. pleura — қовурға, ёнбош, девор)— ўпка ва кўкрак бўшлиғи деворини ўраб турадиган сероз парда. Юқори даражада тузилган умуртқали ҳайвонлар ва одамда бўлади. Сут эмизувчиларда ўпка тўқимасига бириккан ички — висцерал П. ёки кўкрак бўшлиғи девори ичидан чиқадиган париетал П. фарқланади. Париетал варақда қовурға, диафрагма ва кўкс оралиғи П. си ажратилади. П. нинг висцерал ва париетал варақлари орасидаги тирқишсимон бўшлиқда тўхтовсиз янгиланиб турадиган суюқлик бўлиб, у нафас олиш вақтида варақлараро ишқаланишни камайтиради. П. ни қовурғалараро, ички кўкрак ва диафрагмал артериялар қон б-н таъминлайди, шунингдек сайёр, қовурғалараро ва диафрагмал нервлар иннервация қилади. Париетал П. да оғриқ сезувчи рецепторлар бор. П. нинг яллиғланиши *плеврит* дейилади.

ПЛЕВРИТ (медицинада) — *плевра*нинг яллиғланиши. Ҳамма ёшдаги кишиларда учрайди. Инфекцион ва ноинфекцион П. бўлади. Одам ва ҳайвонлардаги инфекцион П. ни сил микобактериялари, кокклар, вируслар ва б. қўзғатади. Ноинфекцион П. га плевранинг моддалар алмашинувида ҳосил бўладиган заҳарли чиқиндилардан зарарланиши оқибатида рўй берадиган токсик П., травматик П., ўпка ёки плевра ўсмаси натижасида келиб чиқадиган П. киради. Кечишига кўра ўткир ва хроник, бирламчи ва иккиламчи бўлади. Ўткир П. да плевра қизариб, сўнгра лимфа экссудати, фибрин ва ҳужайра элементлари б-н қопланади. Бемор иситмалаб, титрайди, кўкраги санчиб оғрийди. Плевра бўшлиғида тўпланадиган суюқлиқнинг оз-кўплигига қараб ўткир П. қуруқ, экссудатли, йирингли бўлади. Қуруқ П. да бемор нафас олганда кўкраги оғрийди, гавда т-раси юқори ва нормал бўлиши мумкин. Плеврада ишқаланишга ўхшаш товуш эшитилади. Бундай П. экссудатли П. га айланиб кетмаса, бемор тез кунда тузалади. Экссудатли П. да юқоридаги белгилардан ташқари, бемор иситмалайди, нафаси қисилиб кўкаради, қуруқ йўталиб, титрайди, терлайди. Кўкрак соҳаси оғирлашиб, ёнбошлаб ётишга мажбур бўлади. Йирингли П. да плеврада кўп йиринг тўпланади.

Хроник П. секин-аста ривожланиб, плевradаги суюқлиқ қуюқлашиб қолади. Бу ички органлар фаолиятининг сусайишига ва *сепсис* ҳосил бўлишига олиб келади.

Давоси: қуруқ П. да бемор ўринда ётиб даволанади. Унга оғриқ қолдирувчи дорилар буюрилиб, банка, горчичник қўйилади. Витаминли овқатлар берилади. Экссудатли П. да даво асосий касалликка қарши қаратилади, шунингдек антибиотиклар буюрилади. Суюқлиқ кўп бўлса, плеврага игна санчиб, суюқлиқ тортиб олинади. Йирингли П. операция қилиб даволанади.

ПЛЕКСИГЛАС (нем. plexiglas)— рангсиз шаффоф пластик масса; *органик шиша*. Асосан, метакрил кислотанинг метил эфирини (баъзан, стиролни) полимерлаб олинади. П. 70—80°С да юмшайди, шунинг учун унга исталган шаклни бериш мумкин. Машинасозликда ҳамда самолёт ва автомобилларнинг ойнаси, рўзғор буюмлари тайёрлаш учун ишлатилади.

ПЛЕКСИТ (лат. plexus — чигал)— нерв чигаллари (елка, бел-думғаза нерв чигаллари)нинг яллиғланиши. Бунга грипп, тепкили терлама каби касалликлар, совқотиш, жароҳатланиш, нерв чигалларини ҳосил қиладиган нерв илдизларининг чўзилиши, уларни умуртқа поғонасининг ўсиқлари эзиб қўйиши сабаб бўлади.

П. да ҳаракат бузилади, қайси нерв чигали зарарланганига қараб, қўл ёки оёқнинг сезувчанлиги ўзгаради, оғриқ пайдо бўлади. П., одатда, тўсатдан бошланади. Касаллик оқибатида келиб чиққан П. да сезувчанлик бузилади, шикастлар сабаб бўлган П. да ҳаракат ўзгаради.

Давоси: бемор врач назоратида (одатда амбулаторияда) даволанади. Касаллик зўриққанида ўринда ётиш керак. Оғриқ қолдирадиган дорилар, витаминлар берилади; физиотерапия буюрилади.

ПЛЕКТЕНХИМА (юнон. plektos — тўқилган ва enchyma — тўлдирилган)— замбуруғ ва лишайникларнинг сохта тўқимаси; тубан ўсимликларда кўп ҳужайрали гифалар (замбуруғларда) ёки иплар (сувўтларда) боғламидан ҳосил бўлади. П. нинг гифа ва иплари кўндаланг тўсиқлар б-н бўлинадиган ҳужайралардан иборат бўлиб, ҳамма йўналишда бўлинадиган чин ҳужайралардан фарқ қилади.

ПЛЁНКА — 1) фото ва киноплёнка — ёруғлик сезгир эмульсия қопланган рангсиз ва шаффоф юпқа материал; *негатив, позитив* ва қайтар хилларга бўлинади. П. асоси мустаҳкам, осон алангаланадиган динитрат целлюлозадан ёки ёнмайдиган учацетат целлюлозадан тайёрланади. П. сиртига кумуш галогенидларнинг микрокристаллари бўлган желатиндан иборат эмульсия қатлами бир текис суркалади. Оқ-қора П. нинг эмульсия қатлами 15—20 *мкм*, рангли П. ники эса 35 *мкм* гача.

Фотографик хусусиятига қараб, умумий ва махсус ишларга мўлжалланган П. лар бўлади. Умумий ишларга мўлжалланган барча кўринадиган нурларни сезувчи бадиий, ҳужжатли фотография учун мўлжалланган оқ-қора ва рангли П. дан иборат. Махсус П. лар кинематография ва техник фотографияда ишлатилади. Қайтар П. ларни эса ҳаваскор кинематографлар ишлатишади; 2) магнит лента сиртига қопланган магнитланган эмульсия; магнит кукун, боғловчи модда, эритгич ва б. дан иборат магнит лак тарзида суркалади. Товуш ёзиб олиш ва қайта эшиттиришга имкон беради; 3) юпқа целлулоид материал. Теплица хўжалигида ва б. мақсадларда қўлланилади; 4) машинасозликда штамплаб тайёрланадиган деталь тешикларида қолдириб кетиладиган юпқа (3—8 *мм*) девор кашак. Кейинчалик (детални ишлатишдан олдин) олиб ташланади.


ПЛЕНУМ (лат. plenum — тўла)— бирор партия, жамоат, давлат ташкилотлари ва ш. к. да сайлаб қўйиладиган раҳбар органларнинг ялпи мажлиси (мас., *КПСС МК пленуми, Суд пленуми*).

ПЛЕТИЗМОГРАФИЯ (юнон. plethysmos — катталашиш ва ... *графия*)— одам ёки ҳайвонлар органи, танаси қисмлари ва б. ҳажмининг ўзгаришини график усулда мунтазам ёзиб олиш методи. Одатда, шу орган ёки қисмлар томирларининг қонга тўлиш динамикасини аниқлашда қўлланилади. Юрак-томир системасининг функционал ҳолатини, жисмоний ва ақлий меҳнат қилганда, чарчаганда, турли эмоцияларда, шунингдек иссиқ, совуқ, гипо- ва гипертензив моддалар таъсир этганда организмда қон тақсимотининг ўзгаришини ўрганишда П. дан фойдаланилади. Клиникада П. ёрдамида томирлар тонуси ва эластиклиги, қоннинг пульс ҳажми, марказий нерв системасининг ҳолати аниқланади.

П. да герметик металл идиш — плетизмограф дан фойдаланилади. Идиш ичига текшириладиган орган (мас., қўл, оёқ, бармоқ), ҳайвонларда тажриба ўтказилганда эса бўйрак, юрак, талоқ ҳам киритилади. Идишдаги сув ҳажмининг ўзгариши орган томирларининг қонга қай даражада тўлаётганлигини ифода этади ва бу эгри чизиқ кўринишида қайд қилинади (плетизмограмма).

Фотоплетизмография, реоплетизмография ва диэлектрография П. нинг анча мукаммал методларидир.

ПЛЕХАНОВ Георгий Валентинович (тахаллуси Н. Бельтов ва б.) [1856. 29. 11 (11. 12), ҳозирги Липецк обл. Красинск р-ни— 1918. 30. 5, ҳо-



Плетизмография. Плетизмографнинг тузилиши: *1* — цилиндр; *2* — резина манжет; *3* — шишани прибор б-н туташтирадиган найча; *4* — приборни Марей капсуласи б-н туташтирадиган шиша; *5* — сув солинган идиш; *6* — кимограф барабани.



Плеханов Г. В.

зирги Ленинград обл. даги Зеленогорск; Петроградга дафн қилинган]— марксизмнинг Россиядаги назариётчиси ва пропагандисти, рус ва халқаро ишчилар ҳамда социалистик ҳаракат арбоби. Урта ҳол дворян оиласида туғилган. Воронежда ҳарбий гимназияни тугатиб, 1873 йили Петербургга келди. 1874 йил кузида Петербург Тог-кон ин-тига кириб, 1876 йилда революцион ҳаракатда қатнашганлиги учун ин-тдан кетишга мажбур бўлган. 1875 йилдан фаол революцион кураш йўлига ўтиб, дастлаб революцион народниклик ҳаракатида қатнашди. 1879 йили *«Земля и воля»* ташкилоти тарқалиб кетгач, революцион народниклик группаси — «Чёрный передел»нинг раҳбарларидан бири бўлиб қолди. 1880 йил январидан 1917 йил Февраль рев-ясигача муҳожирликда (Швейцария, Италия, Франция ва Ғарбий Европанинг бошқа мамлакатларида) яшади. 1882—83 йилларда П. марксизм б-н яқиндан танишади ва унинг таъсири остида народниклик идеологиясини танқид қила бошлайди. П. 1883 йили Женевада биринчи рус марксистик ташкилоти —*«Меҳнатни озод қилиш» группаси*ни ташкил қилди ва унинг программ ҳужжатларини ишлаб чиқди. Группа аъзолари Маркс ва Энгельснинг бир қанча асарларини рус тилига таржима қилиб, нашр этдилар, жумладан П. нинг ўзи Маркс ва Энгельснинг «Коммунистик партия манифести» (1882) ва «Муқаддас оила» асарларини, Ф. Энгельснинг «Людвиг Фейербах ва немис классик философиясининг охири» ва б. асарларни таржима қилган. Айни вақтда П. марксистик характердаги қатор асарлар яратиб, Россияда революцион назариянинг тарқалишига катта ҳисса қўшди [«Социализм ва сиёсий кураш» (1885), «Бизнинг ихтилофларимиз» (1885), «Рус ишчиси революцион ҳаракатда», *«Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир»* (1895) ва б.].

П. пролетариатни самодержавие ва капитализмга қарши курашувчи революцион куч деб билди, ишчиларнинг сиёсий онгини юксалтириш ва социалистик ишчилар партиясини тузиш учун курашга даъват этди. У 1900 йилда биринчи марксистик газета —*«Искра»*ни ташкил қилишда қатнашди. Россияда ишчилар революцион партиясини тузишга маълум ҳисса қўшди, партия программаси лойиҳасини ишлаб чиқишда қатнашди. Лекин П. ишлаб чиққан лойиҳанинг қатор камчиликлари (пролетариат диктатураси ҳақидаги пунктнинг йўқлиги, Россия ишчилар синфининг революцион имкониятларини ҳамда ишчилар синфининг деҳқонлар б-н иттифоқи зарурлигини тўла баҳолай олмаганлиги) учун В. И. Ленин уни қаттиқ танқид қилди. РСДРПнинг иккинчи съездида (1903) революцион позицияда туриб, марксизм принципларини ҳимоя қилди, оппортунистларга қарши курашди. Лекин кейинчалик у *меньшевизм* позицияларига ўтган ва 1903 йилнинг охирларидан ленинизмга қарши кураш олиб борган. 1905—07 йиллар рев-яси даврида оппортунистик позицияда турган, либерал буржуазия б-н иттифоқ тузиш тарафдори бўлган, қуролли қўзғолонга қарши чиққан.

1903—17 йилларда П. фаолияти ва дунёқарашида жиддий қарама-қаршилик рўй берган: бир томондан, у меньшевизм тарафдори бўлиб, оппортунизм йўлига ўтиб олган, социалистик рев-яга томон ленинча йўлга қарши чиққан, иккинчи томондан, философияда у материализм ва марксизм позицияларида қолиб, буржуа идеалистик философиясига қарши кураш олиб борган. Реакция йилларида ликвидаторлик, худо ясовчилик, худо изловчиликка ва махизмга қарши курашган. Октябрь социалистик рев-ясига салбий муносабатда бўлса-да, контрреволюцияни қўллаб-қувватламаган.

П. тарих, экономика, социология, этнография, эстетика, диншунослик, атеизм ва б. соҳаларда тадқиқот олиб борган энциклопедист олим, философ ва талантли публицист эди. Унинг 1883—1903 йилларда ёзган марксистик фалсафий асарларини В. И. Ленин айниқса юқори баҳолади. П. «Тарихий материализмдан очерклар», «Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир», «Тарихни материалистик тушуниш ҳақида», «Тарихда шахснинг роли масаласига доир», «Гегель вафотининг олтмиш йиллигига», «Н. Г. Чернишевский ва б. асарларида курашчан материалист сифатида марксизмгача бўлган идеалистик ва метафизик таълимотларни ва марксизмга қарши қаратилган буржуа философик ҳамда социологик концепцияларни қаттиқ танқид қилди. У ревизионистларнинг марксизмни «янгилаш»га қаратилган уринишларига қарши курашиб, марксизмни ҳимоя қилди, Маркс философиясининг вужудга келишини инсоният тафаккури тарихида энг улуғ рев-я деб баҳолади.

П. диалектик материализмни ҳаракат, кураш философияси деб билиб, революцион назария, илғор ижтимоий гояларнинг жамиятни ўзгартириш учун ниҳоятда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. У *идеализм* ва *агностицизм*ни танқид қилиб, дунёни билиш мумкинлигини кўрсатди. Ижтимоий ҳаётни ўрганишда П. диалектик методни қўллаб, социал рев-яниинг бўлиши муқаррар, деган хулосага келган. П. фикрича, марксистик социологик анализ ижтимоий тараққиётнинг бош йўналишларини илмий равишда олдиндан билиш учун асос яратиб беради. У тарихда халқ оммаси ва айрим шахсларнинг роли ҳақидаги марксистик таълимотни ижодий ривожлантириб, «...халқ, бутун миллат тарих қаҳрамони бўлиши керак», деб таъкидлади (Соч., т. 8, 1923, стр. 11).

П. марксистик философия ва ижтимоий тафаккур тарихига ҳам катта ҳисса қўшган; жумладан, марксистлардан биринчи бўлиб Россияда ижтимоий тафаккур тарихини чуқур ўрганган, Белинский, Герцен, Чернишевский ва Добролюбовларнинг социал-иқтисодий, фалсафий, эстетик ва б. қарашларини ёритган.

П. философияда материалистик, атеистик традицияларни, рус ва Ғарбий Европа ижтимоий тафаккурида революцион ва маърифатпарварлик традицияларини ҳимоя қилган. Тўғри, баъзан П. марксистик философия ва социологиянинг марксизмгача бўлган таълимотлар б-н яқинлигини кўпроқ таъкидлаб, улар орасидаги фарқни кераклн даражада кўрсатмаган. Ғарбий Европа философияси ва ижтимоий тафаккурининг рус философияси ва ижтимоий тафаккурига таъсирини ортиқча бўрттириб юборган. Бироқ бу ҳол П. нинг философия ва ижтимоий тафаккур тарихига оид асарлари илмий қимматига путур етказмайди. Улар СССРда нашр қилинмоқда ва кенг ўрганилмоқда. 1956 йили П. туғилган кунининг 100 йиллиги муносабати б-н СССР ФА философия бўйича энг яхши илмий асарларнинг авторларига бериш учун П. номидаги мукофот таъсис қилган.

Ас.: Сочинения, т. 1—24, М.—Л., 1923—27; Литературное наследие Г. В. Плеханова, Сб. 1—8, М., 1934—40; Избранные философские произведения, т. 1—5, М., 1956—58; Философско-литературное наследие Г. В. Плеханова, т. 1—3. М., 1973—74; Шахснинг тарихдаги роли масаласига доир, Т., 1956; Тарихга монистик қарашнинг ривожланиши масаласига доир, Т., 1957.

Ад.: Ленин В. И., Полн. собр. соч., 5 изд. (см. Справочный том, ч. 1, с. 471—74); Фомина В. А., Философское наследие Г. В. Плеханова, М., 1956; Иовчук М. Т., Г. В. Плеханов и его труды по истории философии, М., 1960; Чагин Б. А., Г. В. Плеханов и его роль в развитии марксистской философии, М.—Л., 1963; Чагин Б. А., Курбатова И. Н., Плеханов, М., 1973.

ПЛИЕВ Иссa Александрович [1903. 12 (25). 11, ҳозирги Шимолий Осетия АССР, Правобережний р-ни Старий Батакоюрт қишлоғи)— совет ҳарбий арбоби, армия генерали (1962), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944 йил 16 апрель ва 1945 йил 8 сентябрь), МХР Қаҳрамони (1971). 1926 йилдан КПСС аъзоси. 1922 йилдан Совет Армиясида. Отлиқ аскарлар мактабини (1926), М. В. Фрунзе номидаги ҳарбий академияни (1933) ва Генштаб Ҳарбий академиясини (1941) тугатган. 1936—38 йилларда Монголия Халқ-революцион армиясида маслаҳатчи. Улуғ Ватан уруши даври (1941—45) да отлиқлар дивизиясида, 2-, 3-, 4- гвардиячи ва 5- отлиқлар корпуси, 1944 йил ноябрдан эса 1- гвардиячи механизациялаштирилган отлиқлар группасининг қўмондони сифатида Ғарбий, Жанубий, Жануби-Ғарбий, Чўл, 2- ва 3- Украина, 1- Белоруссия ҳамда Забайкалье фронтларида қатнашган. Урушдан сўнг Совет Армиясининг масъул лавозимларида. 1955—58 йилларда Шимолий Кавказ ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг 1- ўринбосари, 1958 йилдан эса қўмондони. 1968 йилдан СССР Мудофаа министрлигининг Генерал инспекторлар группасида маслаҳатчи-ҳарбий инспектор. КПСС МК аъзолигига кандидат (1961—66). 2—7- чақириқ СССР Олий Советининг депутати. 5 марта Ленин ордени, 6 та бошқа совет орденлари, 9 та чет эл ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПЛИМУТ — Буюк Британиядаги шаҳар-графлик. Плим дарёсининг Ла-Манш бўғозига қуйилиш жойидаги порт. Девоншир графлигида. Аҳолиси 239,3 минг киши (1971). П.— мамлакатдаги энг йирик кемасозлик марказларидан. Металлсозлик, тикувчилик, балиқни қайта ишлаш корхоналари, денгиз биологияси лабораторияси ва аквариум бор. Ҳарбий-денгиз базаси. П. га 12- асрда асос солинган. 14- асрдан муҳим савдо порти. 1914 йилда П. га Стонхаус ва Девонпорт шаҳарлари қўшилган.

ПЛИМУТРОК (ингл. Plymouth Rock)— гўшт-тухум учун боқиладиган товуқ зоти. 19- асрнинг иккинчи ярмида АҚШда етиштирилган. Оқ, чипор, қора ва б. тусда 8 тур хили маълум; чипор ва оқ товуқлар кўп. Танаси чўзиқ, кўкраги ва орқаси кенг. Боши кичикроқ, тожи япроқсимон, тумшуғи ва оёқлари сариқ. Товуқлари 2,7—3,4 *кг*, хўрозлари 3,6—4,3 *кг*. Йилига 160—170 тухум қилади. Тухуми 55—60 *г*, оч малла ранг. Бошқа зотдаги товуқлар б-н чатиштириб, гўштдор жўжалар етиштиришда фойдаланилади.

ПЛИНТУС (юнон. plinthos — плита)— 1) пол б-н девор орасидаги ёриқни беркитиб турадиган узун тахтача; 2) печь ёки устун остидаги қалин сатҳ, квадрат тош ёки мармар плита.

ПЛИОЦЕН ´БУЛИМИ, плиоцен (юнон. pleion — кўп, катта ва kainós — янги)— *неоген давр*ининг юқори бўлими. П. б. бундан аввалги 2—7 млн. йил вақтни ўз ичига олган. У пастдан миоцен, юқоридан антропоген системасининг плейстоцен бўлими қатламлари б-н чегараланган. 1833 йилда инглиз олими Ч. Лайель томонидан ажратилган.

ПЛИСЕ́ЦКАЯ Майя Михайловна (1925. 20. 11, Москва)— совет балет артисти, СССР халқ артисти (1959). Москва хореография билим юртини тугатгач (1943), Катта театрда балерина. П. Чайковскийнинг «Шчелкунчик» балетидаги Маша П. ижро этган биринчи бош партиядир (1944). П. ўз санъатида П. Чайковский, А. Глазунов, Ж. Бизе музикаси талқинининг янги қирраларини топган, рус хореография маданиятининг энг яхши анъаналарини ривожлантирган. Ҳам лирик, ҳам қаҳрамонлик партияларини маҳорат б-н ижро этиш П. ижодига хос: Одетта-Одиллия, Аврора (П. Чайковский, «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал»), Мис тоғининг бекаси (С. Прокофьев, «Тош гул»), Раймонда (А. Глазунов, «Раймонда»), Китри (Л. Минкус, «Дон Кихот»), Кармен (Ж. Бизе, Р. Шчедрин, «Кармен-сюита»), Анна Каренина (Р. Шчедрин, «Анна Каренина») ва б. У Н. Риженко ва В. Смирнов-Голованов б-н ҳамкорликда Катта театр (Москва, 1972) ва А. Навоий номидаги Опера ва балет театри (Тошкент, 1975) да «Анна Каренина» балетини қўйган. Чет элларда гастролларда бўлган. Ленин мукофоти лауреати (1964). Ленин ордени ва медаллар б-н тақдирланган.

Ад.: Рославлева Н., Майя Плисецкая, М., 1968.



Плиев И. А.

ПЛИТА (рус.)— 1) металл, тош ва б. материалларнинг ясси бўлаги (мас., иншоотлардаги *плита);* 2) овқат пиширадиган ситиш асбоби. Хонадонлар, ошхоналар, ресторанлар ва ш. к. да ишлатилади. П. да қаттиқ ёқилғи, газ ёки электр энергиясидан фойдаланилади. Қаттиқ ёқилғили П. нинг одатда конфоркали чўян сирти, духовка шкафи, баъзан сув қайнатадиган идиши бўлади. Бундай П. ларнинг корпуси ғиштдан ёки бирор металлдан тайёрланади. Газ П. лар, айниқса, кенг тарқалган. Улар пўлат ва чўян листларидан тайёрланади (қ. *Газ асбоблари*). Энг такомиллашгани электр П. лар бўлиб, овқат пиширишда улар ҳароратини ҳатто автоматик тарзда ростлаб туриш мумкин.

ПЛИТА́ (геологияда)— *платформа*лардаги кристаллик асос устига жойлашган горизонтал ёки бир оз бурмаланган чўкинди жинслардан иборат қалин қатлам. П. терминини 1885 йилда австрия геологи Э. Зюсс таклиф қилган.

ПЛИТА́ (иншоотларда, қурилиш механикасида)— юк, кучни ўзига қабул қиладиган ёки конструктив элемент; қалинлиги эни ва бўйидан анчагина кичик бўлган ясси материал. Эркин тиралган, бир томони қистириб қўйиладиган, бир ёки кўп пролётли хиллари бўлади. Қурилишда ораёпмалар, пардеворлар, балконлар ва б. учун ишлатилади.



Плисецкая М. М.

ПЛО́ВДИВ — Болгариянинг жанубий қисмидаги шаҳар. Марица дарёси бўйида. Пловдив округининг маъмурий маркази. Алоҳида маъмурий бирлик. Иқтисодий ва маданий аҳамияти жиҳатидан мамлакатда Софиядан кейин 2-ўринда. Аҳолиси 260 минг киши (1973). Транспорт йўлларининг узели. Машинасозлик ва электротехника саноатининг муҳим маркази. Озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, тери-мўйна ва пойабзал, тамаки, рангли металлургия, ойна ва чинни, целлюлоза-қоғоз, кимё корхоналари бор. 1933 йилдан ҳар йили сентябрда халқаро кўр-




Плотников П. А.

газма-ярмарка ўтказилади. Мед. ва қ. х. ин-тлари, сабзавотчилик, мевачилик ва озиқ-овқат саноати илмий тадқиқот ин-тлари, театрлар, кутубхоналар, музейлар, галерея бор.

Шаҳар мил. ав. 4-асргача Эвмолпиада, кейин Филиппополь, Пулпудева, Тримонциум, туркларистилоси даври (15—18-асрлар)да Филебе, сўнгра П. деб аталган. Арх. ёдгорликларидан Жомеъ масжиди (15—16-асрлар), черков (1832); янги бинолардан Халқаро ярмарка ансамбли (1948—49), Никоҳ саройи (1962), «Марица» меҳмонхонаси (1967) ва ҳ. к. лар бор.

ПЛОЕШТИ — Руминиянинг жанубий қисмидаги шаҳар. Бухарестдан 60 *км* шимолда. Прахова уезднинг маъмурий маркази. Аҳолиси 170 минг киши (1972). Транспорт йўлларининг муҳим узели. Мамлакатдаги нефть саноатининг асосий маркази. Нефтни қайта ишлаш, машинасозлик (нефть ва кимё саноати учун ускуналар ва транспорт воситалари ишлаб чиқариш), қурилиш материаллари, тўқимачилик, озиқ-овқат, кимё, ойна-фаянс, кўн, полиграфия корхоналари, ТЭС бор.


ПЛОТВА (Rutilus rutilus L.) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқ. Европа ва Сибирдаги кўл ҳамда денгизларда, Осиёда Орол, Каспий денгизлари ва б. да тарқалган. Ўрта Осиёнинг турли сув ҳавзалари (Жанубий Туркманистондаги дарёлардан ташқари)да П. нинг вобла, таран деган ўткинчи формалари учрайди. Гавдаси 10—25 *см*, вазни 100—200 *г*. Майда моллюскалар, ҳашаротларнинг личинкаси, сувўтлари ва б. б-н овқатланади. Овланади.



Плотва

ПЛОТИН (тахм. 204, Ликополь, Миср — 269 ёки 270, Минтурне, Италия) — антик файласуф-идеалист, *неоплатонизм* асосчиси. Платон ва *Аристотель* таълимотларини бир-бирига қовуштирмоқчи бўлган. 243—244 йилларда Римда дарс берган. П. нинг 54 рисоласи (трактати) маълум.

П. философияси негизини 3 асосий онтологик субстанция — триада: [«ягоналик», «ақл» («нус») ва «жон»] диалектикаси ташкил этади. У Платоннинг бу ҳақдаги таълимотини чуқурлаштирган. П. нинг фикрича, «ягоналик» — борлиқдан ташқари бўлган биринчи ибтидо, у ҳамма нарсадан юксак, лекин айни вақтда барча нарсаларга хосдир. Барча нарсалар «эманация» (нурланиш) натижасида «ягоналик»дан пайдо бўлади, «ўсиб чиқади». Бутун олам ушбу ибтидо нурланишининг турли босқичларидан иборат бўлиб, унинг биринчи босқичи «ақл» — абадий ва ўзгармас «эйдос» («идея»)лар дунёсидир; унда ҳақиқат, гўзаллик, фароғат ҳукм суради; иккинчи босқич — айрим жонларга бўлинадиган дунёвий жондан иборат. П. ҳам, Платон каби, жонни ўлмас деб тасаввур қилган; жон осмондан қуйи тушиб, бирор одам танасида мужассамланади ва унинг ўлимидан кейин яна осмонга кўтарилади; П. билишни жоннинг осмонда кузатган «идея»ларни эслашидан иборат, деб билган.



ПЛН-50 маркали плуг.

П. табиат, нарса ва ҳодисалар дунёсини эманациянинг энг қуйи босқичи деб ҳисоблаган. Материя, унинг фикрича, миқдор, сифат, массадан холи бўлган қандайдир ноаниқ нарса; у фақат абадий «идея»ларни қабул қилиб олгач рўёбга чиқади. Инсоннинг вазифаси — борлиқнинг қуйи босқичидан энг юқори босқичига кўтарилиш; бунга фақат мистик хаёлга чўмиш, жазавага тушиш орқали эришиш мумкин. П. таълимоти асосида вужудга келган неоплатонизм ўрта аср философиясига, жумладан ўрта аср илғор шарқ философиясига катта таъсир кўрсатган. Унинг таъсири хусусан *Киндий*, *Форобий*, *Абу Али ибн Сино*, *Ибн Рушд* дунёқарашларида сезиларли бўлган.

Ад.: История философии, т. 1, М., 1957.

ПЛОТНИКОВ Павел Артемьевич (1920. 4. 3, Гоньба қишлоғи, ҳозирги Олтой ўлкаси Барнаул ш. совети) — авиация генерал-майори (1966), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1944 йил 19 август ва 1945 йил 27 июнь). СССРда хизмат кўрсатган ҳарбий учувчи (1966). 1944 йилдан КПСС аъзоси. 1938 йилдан Совет Армиясида. 3-Новосибирск ҳарбий авиация мактабини (1940), Олий офицерлар учув-тактик мактабини (1945), ҳозирги Ю. А. Гагарин номидаги Ҳарбий-Ҳаво академиясини (1951), Генштаб ҳарбий академиясини (1960) тугатган. Улуғ Ватан уруши даври (1941—45) да Жануби-Ғарбий, Жанубий, Закавказье, Воронеж, Чўл, 1- ва 2-Украина фронтлари сафида қатнашган. Учувчи, звено командири, 82-гвардиячи бомбардимончи авиаполкда эскадрилья командири бўлган. 343 марта жанговар парвоз қилиб, душманнинг 3 самолётини уриб туширган. Урушдан сўнг Ҳарбий-Ҳаво Кучларида масъул лавозимларда. Ленин ордени, олтита бошқа орден ва медаллар б-н мукофотланган.

ПЛУГ — ер ҳайдашда ишлатиладиган қ. х. қуроли. Миср, Шимолий Италия, Жанубий Швеция, Польша, Хитойда қадимдан маълум бўлган. Дастлаб барча П. лар ёғочдан ясалган; мил. ав. 1-минг йилликда темир лемехли П. лар пайдо бўла бошлаган. Россияда 8—9-асрларда вужудга келган. Ҳозирги П. лар тарихи 17-асрдан бошланади. Отга қўшиладиган метал П. лар 18-аср ярмида пайдо бўлган. СССР да трактор П. лари биринчи марта 1925 йили Одессадаги «Октябрь революцияси» з-дида ишлаб чиқарилган. Кейинги даврларда П. такомиллаштирилиб, ўрнатма ва ярим ўрнатма хиллари ҳам ишлаб чиқариладиган бўлди.

Иш органларининг тузилишига қараб лемехли ва дискли; тортиш кучи турига қараб трактороға ўрнатиладиган (ўрнатма, ярим ўрнатма, тиркама), отга қўшиладиган ва канатли; иш органлари сонига қараб бир-икки ва кўп корпусли; вазифасига қараб умумий ва махсус, ер ҳайдаш усулига қараб эгат очиб тупроқни ичкарига ва ташқарига ағдариб ҳамда текис ҳайдайдиган П. лар бўлади.

СССРда трактороға ўрнатиладиган лемехли П. лар (тиркама, ярим ўрнатма) кенг қўлланилади. Асосий узеллари: иш органлари, ҳайдаш чуқурлигини ростловчи механизм, автомат, гидроцилиндр, таянч ғилдираклар, ўрнатқич ёки осқич. Лемехли П. ларнинг иш органлари — корпус, чимқирқар, дискли пичоқ. Ҳайдалма қатлам остини юқорига чиқармасдан 5—12 *см* чуқур ҳайдашда корпусга қўшимча тупроқ чуқурлаткичлар маҳкамланади. Чимқирқарлар П. корпусидан 30—35 *см* олдинга ўрнатилган бўлиб, 10 *см* гача тупроқ қатламини олиб, корпус

ҳосил қилган эгат тагига ташлайди. Корпус лемехлар ёрдамида уларни майдалаб, тупроққа қориштиради. Корпус охирига жойлашган дискли пичоқ ер қатламини тик кесиб, ҳайдалмаган ердан ажратади, эгат девори текис, туби эса тоза чиқади. Бўз ва қўриқ ерларни ҳайдашда улар ҳар бир корпус олдига маҳкамланади. Тупроқни ағдармасдан 40 *см* гача юмшатишда отвалсиз корпуслардан фойдаланилади. Тиркама ва ярим ўрнатма П. ларда таянч ғилдирак бўлиб, унинг ёрдамида ҳайдаш чуқурлиги ростланади. Ўрнатма П. трактор гидросистемаси ёрдамида кўтариб туширилади.


Дискли П. лар, асосан, янги (тўпкалардан тозаланган, оғир, зич, серўт ҳамда ботқоқ тупроқли) ерларни ҳайдашда қўлланилади. Иш органлари: П. корпусига монтаж қилинган ўқда айланадиган сферик (дўнг) дисклар.

Умумий ишларга мўлжалланган П. лар (ПН-2-30Р, ПН-3-35П, ПН-4-35, ПУ-5-35, П-5-35 МГА, ПБ-5-35 ва б.) асосий ер ҳайдашда (20—30 *см* чуқурликда) ишлатилади. Тупроқни ағдариб ҳайдаш учун П. рамасига тупроқни ўнгга ағдарадиган корпуслар ўрнатилади. Текис ер ҳайдашда айланма (қ. *Айланма плуг*), клавишли ва мокисимон П. лар қўлланилади. Клавишли П. ўнг ва чапга айланувчи корпуслар секциялари б-н ускуналанган; навбат б-н ишлайди. Мокисимон П. ўнг ва чапга айланувчи корпусли икки секциядан иборат бўлиб, бири трактор ўрнаткичи олдига, иккинчиси кетига ўрнатилади. Бу ҳайдов агрегати қия ерлар кўндаланги бўйлаб моки усулида ишлайди. Бунда секциялар навбат б-н ишга солинади.

Махсус П. лар чангалзор-ботқоқ, плантаж, боғ, токзор, ўрмон, тошлоқ ерларни ҳайдайдиган П. лар (ПКБ-2-54, ПБН-75, ПКБН-100, ПП-50ПГ, ППУ-50А, ПРВН-2,5, ПСГ-3-30, ПЛС-5-25А, КПЯ-100 ва б.) га бўлинади. Чангалзор-ботқоқ плуги ботқоқ ва торфли тупроқларни, тўпкалардан тозаланган ерларни, чангалзорларни; ярусли П. шўртоб ва подзол тупроқларини икки ва уч ярус (зина) қилиб; плантаж П. боғ, токзор ва дарахтлар оралиғини 40—60 *см* ва ундан чуқур ҳайдашда ишлатилади. Тошлоқ ерларни ишлаш учун фойдаланиладиган П. ричагли механизм б-н ускуналанган.

ПЛУНЖЕР (инг. l. plunge — шўнғимоқ, ботмоқ) — силлиқ сиртли яхлит цилиндрик жисм; *поршен*нинг бир тури; узунлиги диаметрига нисбатан катта. *Енилғи насосида* ёнилғини юқори босим остида ҳайдаш учун ишлатилади. Бунда П. ёнилғи сизмаслиги учун гильза б-н бирга (уларни бир-бирига ишқалаб) тайёрланади (расмга қ.), улар П. жуфти деб аталади. П. насослар, гидравлик пресслар ва кўтаргичлар, гидроюритма золотниклари ва б. да қўлланилади.

ПЛУТАРХ (тахм. 46, Херонея, Беотия — тахм. 127) — қадимги юнон ёзувчиси, тарихчи ва файласуф. Афинада таҳсил кўрган. Умрининг аксарият қисмини туғилган шаҳрида жамоат ва маърифатпарварлик ишлари б-н ўтказган. *Платон академияси* аъзоларидан бири; платонизм ғояларини қўллаб-қувватлаган. Шу б-н бирга маълум даражада стоицизм, перипатетизм ва хусусан *пифагореизм* таъсири остида ҳам бўлган. П. диққат марказида кўпроқ ахлоқ-одоб масалалари турган ва у философияни одамлар учун ўз-ўзини маънавий тарбиялаш воситаси деб тушунган. П. ахлоқий қарашлари асосида ўша давр руҳидаги «маърифатпарварлик» ва «инсонпарварлик» тушунчалари ётади. У ригоризм, воқеликни тор тушунишни кескин қораласа-да, бироқ динни *эпикуреизм* вакиллари танқидидан ҳимоя қилган. П. қарашлари учун қадимги юнон полисларини идеаллаштириш хос эди. Бой адабий ва фалсафий мерос қолдирганлиги маълум, лекин П. кўпроқ биографик асарлари б-н машҳур бўлган. Мазкур асарлар «Параллель ҳаётномалар» деган умумий ном б-н танилиб, бу асарларда, бир ёқдан, машҳур юнон давлат ва сиёсий арбоблари, саркардалари ва ҳ. к. нинг ҳамда иккинчи томондан, уларга чоғиштириш йўли б-н Рим вакилларининг таржиман ҳоллари баён этилган.




П-5-35 МГА маркали тиркама (юқорида) ҳамда ПН-4-35 маркали осма плуглар.

П. илгари сурган инсонпарварлик, гражданлик идеаллари кейинги даврларда кўпгина илғор тафаккур вакилларига маълум таъсир кўрсатган.

ПЛУТОН — қадимги юнон мифологиясида жаҳаннам худосининг номларидан бири. Ривоятларга кўра, у «меҳмондўст», лекин шафқатсиз бўлган: ҳамма нарсани ўз оғушига бемалол олар, лекин бу ердан ҳеч кимни чиқармас экан. П. сўзидан, мас., геологиядаги *плутонизм* атамаси олинган.

ПЛУТОН — *Қуёш системаси*да Қуёшдан узоқлиги бўйича тўққизинчи сайёра. Астрономик белгиси P. Қуёшдан ўртача узоқлиги 39,75 астрономик бирлик (5929 млн. *км*) га тенг (29 а. б. дан 49 а. б. гача ўзгариб туради). Орбитасининг эксцентриситети 0,253, эклиптикага оғмалиги 17°8′. Қуёш атрофини 250, 6 йилда (ўртача 4,7 *км/сек* тезлик б-н) тўла бир марта айланиб чиқади. 1979 йилдан 20-аср охиригача П. Нептунга нисбатан Қуёшга яқин бўлади. П.—14—15-юлдуз катталигидаги сариқ юлдуз. Ердан анча узоқ бўлгани учун унинг табиатини ўрганиш қийин. Табиий тузилиши катта сайёралар — *Юпитер*, *Нептун* ва *Уран*никидан кескин фарқ қилади. Тахминларга кўра, П. диаметри Ер диаметрининг ярмига, массаси Ер массасига тенг. П. нинг ўз ўқи атрофида айланиш даври 6,3 сутка. Уни П. Ловвеллнинг 1915 йилда ҳисоблаган орбита элементлари асосида 1930 йили америка астрономи К. Томбоу кашф этган. П. йўлдоши номаълум (қ. *Сайёралар*).



Плунжер жуфти. *1* — гильза, *2* — плунжер.

ПЛУТОНИЗМ (*плутон* сўзидан) — Ер геологик тарихида ички кучлар ҳал қилувчи роль ўйнайди деган таълимот. 18-аср охири — 19-аср бошларида кенг тарқалган. П. қарашлари системаси шотландиялик табиатшунос геолог Ж. Геттоннинг «Ер назарияси» номли китобида (1788, 1795) ишлаб чиқилган. Бу олим фикрича, ер юзаси ва ер пўстида содир бўладиган барча ўзгаришлар физик ва кимёвий жараёнлар б-н узвий боғлиқ. П. қуруқлик юзасининг сув б-н ювилиб кетиши, денгиз остида чўкинди




Плюшч.

жинсларнинг пайдо бўлиши, уларнинг зичланиши, денгиз суви қайтгач, янгидан материкнинг бунёдга келишини «ернинг ички ҳарорати» оқибати деб билади. Геттоннинг бу таълимоти магма ва магматик тоғ жинслари ҳақидаги биринчи прогрессив тушунчага асос солди ва ўша даврда ҳукм сурган *нептунизм* таълимотига катта зарба берди.

19-аср бошларида базальтларнинг вулкандан келиб чиққанлиги ва вулкан ҳамда зилзилаларда Ер ички энергиясининг аҳамияти аниқланди. Плутонистлар ер юзаси тарихида вулкан ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисобладилар (вулканизм-катастрофизм тарафдорлари А. Гумбольдт ва Л. Бух ҳам шу фикрда эдилар). Вулканистлар ва плутонистларнинг илмий қарашлари бир-биридан фарқланса-да, уларнинг ҳар иккиси Ер тарихида ички кучларнинг бош ролини тан олганлар. Бу фикр ҳозиргача аҳамиятини сақлаб қолган.

Ад.: Белоусов В. В., «Теория Земли» Джемса Геттона (К 150 летию со дня опубликования), «Природа», 1938, № 7–8; Тихомиров В. В., Хаин В. Е., Краткий очерк истории геологии, М., 1956.




Пневматик асбоблар. Пружинали манометр схемаси.

ПЛУТОНИЙ (Plutonium) Pu — сунъий йўл б-н олинган, *актиноид*лар группасига мансуб радиоактив кимёвий элемент, ат. н. 94, ат. оғ. 244. П. нинг барқарор изотоплари йўқ; унинг масса сонлари 232 дан 246 гача бўлган 15 та радиоактив изотопи маълум. П. нинг амалий аҳамиятга эга изотопи ^{244}Pu (ярим емирилиш даври $T^1/_2$—7,5·10^7 йил)дир. П. 1940—41 йилларда америкалик олим Г. Сиборг раҳбарлигида уранни оғир водород — дейтронлар б-н нурлатиб олинган. П. нинг номи Плутон планетаси шарафига қўйилган. Уранни α=зарралар б-н бомбардимон қилиб П. нинг енгил изотоплари олинган. Уранни нейтронлар б-н ёритганда, уран нейтронларни кетма-кет қамраб олиши натижасида П. нинг оғир изотоплари ҳосил бўлади. П. барча изотопларининг ярим емирилиш даврининг катталиги Ернинг ёшидан анчагина кичик, шунинг учун барча бошланғич П. (Ер планетаси ташкил топаётганда мавжуд бўлган) бутунлай парчаланиб кетган.

П. ялтироқ оқ металл. Суюқланиш т-раси 640°С, қайнаш т-раси 3235°С; с. оғ. 19,816 *г/см*^{3}, атом радиуси 1,62 Å. П. нинг кимёвий хоссаси кўп жиҳатдан *уран* ва *нептуний*нинг хоссаларига ўхшайди. П. кимёвий актив модда. Уз бирикмаларида 3, 4, 5 ва 6 валентли. П. кислородда ёндирилса унинг энг барқарор ҳолатига мувофиқ келадиган оксиди PuO_2 ҳосил бўлади. П. водородни ютиш хоссасига эга. Бошқа металлар ва металлмаслар б-н бирикмалар ҳосил қилади.

П. нинг саноатда ишлаб чиқарилиши ядро реакторларида ^{238}U ядросини нейтронларга таъсир эттиришга асосланган. П., одатда, PuF_3, PuF_4 ёки PuO_2 ни барий, кальций ёки литий буглари б-н қайтариб олинади. П. ниҳоятда заҳарли модда. П. организмга кирганида чиқиб кетмайди, суякка ўтиб, йиғилади. П. ни ишлатишда эҳтиёт чораларига риоя қилиш керак.

Ад.: Коттон Ф., Уилкинсон Дж., Современная неорганическая химия, в 3-х ч., Пер. с англ., М., 1969; Плутоний. Справочник, под ред. О. Вика, Пер. с англ., т. 1–2. М., 1971–73; Рахимов Х. Р., Аноргаик химия, [Дарслик], Т., 1974.



Пневматик бошқариш: 1-расм. Бошқариш ва назорат қилиш машинаси (6000 гача элементи бор).

ПЛЬЗЕ́НЬ — Чехословакиянинг ғарбий қисмидаги шаҳар, Ғарбий Чехия областининг маъмурий маркази. Прага ш. дан 100 *км* жанубий-ғарбда. Аҳолиси 147 минг киши (1970). Оғир машинасозликнинг йирик марказларидан. В. И. Ленин номли машинасозлик з-длари (авваллги Шкода з-длари), озиқ-овқат саноати, жумладан пиво пиширish ҳамда қоғоз, керамика, ойна, кўн корхоналари бор. Электротехника, энергетика, кон, металлургия ва атом саноатлари учун ускуналар ишлаб чиқарилади, махсус пўлат эритилади. Мед., машинасозлик, электротехника, пед. ин-тлари, театрлар, музейлар, расмлар галереяси бор. П. га 1292 йилда асос солинган. 14—15-асрларда йирик ҳунармандчилик ва савдо шаҳри бўлган. 15—18-асрларга онд арх. ёдгорликлари сақланган.

ПЛЮРАЛИЗМ (лат. pluralis — кўп, кўплик) — идеалистик фалсафий концепция; унга кўра, борлиқ асосини бир неча ёки жуда кўп мустақил, бир-бири б-н боғланмаган *субстанция*лар ташкил этади. «П.» термини немис философи Х. Вольф томонидан киритилган. П. *монизм*нинг акси бўлиб, ўз моҳиятига кўра идеалистик характерга эга. Лейбницнинг монадалар ҳақидаги таълимоти П. га мисол бўла олади: унга кўра, дунё ҳисобсиз руҳий субстанция-*монада*лардан иборатдир. Кейинчалик ҳам П. турли кўринишларда учраб турган. 19-асрнинг ўрталаридан кенг ёйилган ва идеалистик оқимлар, йўналишларнинг кўпчилигида ўз аксини топган. 20-асрда *персонализм*да яққол намоён бўлди. П. тарафдорлари одатда ўз таълимотларини ҳам материализмдан, ҳам идеализмдан юқори туради, деб даъво қиладилар.

Ҳозирги давр буржуа философиясида «П.» термини кўп маънода ишлатилади. *Агностицизм* ва *релятивизм*га асосланган билиш назариясида П. нинг ўзига хос, объектив ҳақиқатни инкор этадиган гносеологик кўринишини шакллантирган. П. нинг бу кўриниши *прагматизм, ҳаёт философияси, экзистенциализм, неопозитивизм* ва *конвенционализм*га хосдир. «П.» термини буржуа социологиясида кенг қўлланилмоқда.

ПЛЮШ (Hedera) — аралиядошлар (аралиягуллилар оиласи)га мансуб доим яшил ўсимликлар туркуми; дарахтларнинг пояларига (30 *м* баландликкача) чирмашиб ўсадиган дарахтсимон лианалардан иборат. Европа, Шимолий Африка ва Осиёда 15 тури ўсади. СССРда, асосан Кавказ, Қрим ва Европа қисмининг ғарбида 6 тури бор. Оддий (асл) П. энг кўп тарқалган. Манзарали ўсимлик сифатида Ўзбекистонда ҳам ўстирилади.

ПЛЯЖ (франц. plage — денгизнинг қия қирғоғи) — 1) денгиз, дарё, кўл соҳилларида, умуман сув бўйида чўмилиш, қуёш ваннаси олиш учун қулай бўлган ва жиҳозланган махсус жой; 2) қирғоққа уриладиган тўлқин натижасида денгиз соҳилида жинслар тўпланган полоса. Майда тош, шағал, қум ва чиганоқдан таркиб топган П. лар бўлади. Қирғоққа урилаётган тўлқинларнинг ҳаракат тезлигига қараб П. да жинслар катта ва кичик бўлиб сараланади. П. ларда баъзан сочма фойдали қазилмалар (мас., Жанубий-Ғарбий Африкада олмос, Аляскада олтин, Ҳиндистон, Хитой, Австралияда титаномагнетитлар) учрайди.

ПНЕВМАТИК АСБОБЛАР — сиқилган ҳаво кучи б-н ишлайдиган қурилмалар. Ишлов берадиган ва ўлчайдиган хиллари бор. Ишлов берадиган П. а. нинг иш органлари тўғри чизиқли, айланма ва буриlма ҳаракатланади. Парчинлаш, ўйиш (мас., кўмир қазиш), бурғилаш ва б. ишлар учун мўлжалланади. Айрим П. а. махсус номлар б-н аталади. Мас., болғалар, гайка бурагичлар, шиббалагичлар, кураклар, вибраторлар, бетонўйгичлар, устунқозиқ қоққичлар ва б. Баъзи П. а. минутига 5000 гача зарб бериши мумкин. Прессга ўхшаб таъсир қиладиган П. а. ҳам бор. Айланма ҳаракатланадиган П. а. (гайка бурагичлар, пневмоқайчилар, диск ва занжирли арралар, рандалар ва б.) нинг иш органлари минутига 14000 мартагача айланиб ишлайди. Ўлчайдиган П. а. ўлчанадиган тирқишдан босим остида ўтаётган ҳаво сарфи б-н шу тирқиш ўлчами орасидаги боғланишга асосланади. Ўлчайдиган П. а. да ҳаво тозалайдиган ва босимни ростлаб турадиган ҳаво тайёрлаш узели; ҳаво сарфи ўзгаришини маълум ўлчам қийматига айлантирувчи саноқ қурилмаси; бир ёки бир неча соплодан иборат ўлчаш қуроли бор. Саноқ қурилмасининг турига қараб, П. а. ротаметрик ва манометрик хилларга бўлинади. Ротаметрик хилида сиқилган ҳаво кенгаювчи конуссимон найчанинг қалқовуч турган пастки қисмига, устки қисмидан эса ҳаво ўлчайдиган соплога келади. Ҳавонинг тезлигига қараб, қалқовуч шкаланинг ноль белгисидан маълум масофага ўрнатилади. Манометрик хилида (расмга қ.) ўзгармас ($\approx 2 \cdot 10^5$ *н/м*^{2}) босимли ҳаво камера *1* га берилади ва у сопло *2* дан оқиб чиқади.

Асбоб столига навбат б-н аввал ўлчами маълум бўлган намуна буюм, сўнгра текширладиган буюм қўйилади. Босим остидаги камера *1* даги ҳаво сарфи сопло *2* ва буюм орасидаги тирқиш *1* га боғлиқ. Камера *1* даги босим манометр *4* б-н ўлчанади. Унинг шкаласи *1* нинг ўзгаришига қараб бўлинган. Асбоб кўрсатишининг фарқига қараб, намуна ва текширилаётган буюм ўлчамлари орасидаги фарқ топилади. Пневматик ростлагичлар, кучайтиргичлар, сув б-н таъминлагич, реле ва б. ҳам ҳаво кучи б-н ишлайди.

Ад.: Якушев А. И., Основы взаимозаменяемости и техническое измерения, М., 1968.

ПНЕВМАТИК БОШҚАРИШ — ишлаб чиқариш жараёнларини пневматик системалар ва қурилмалар ёрдамида автоматик бошқариш; *ишлаб чиқаришни автоматлаштириш*нинг тармоғи.


П. б., назорат ва ростлаш ишларини самарали амалга ошириш учун саноат пневмоавтоматикаси элементларининг универсал системаси (УСЭППА) ишлаб чиқилган. УСЭППАда саноат пневмоавтоматикаси асбобларини айрим элементлардан тузиш гояси мужассамлашган. УСЭППАнинг қуйидаги афзалликлари бор: система элементлари унификацияланган, бир элементнинг ўзини бир схемада бир неча марта қўллаш ва турли асбоблар схемаларида ишлатиш мумкин. УСЭППА элементлари тўплами узлуксиз ишлайдиган исталган бошқарувчи қурилмани ясашга, исталган реле схемасини тузишга имкон беради. УСЭППА элементлари пневматик сигимлар, қаршиликлар, кучайтиргичлар, узоқдан туриб бошқариладиган қаршиликлар, пневморелелар, бошқариш органлари, ўзгартиргичлар ва б. УСЭППАнинг ижро этувчи органлари мембранали клапанлар бўлиб, пневматик линияларни улаб-узиб туради.

П. б. машиналарида минглаб элементлар бўлади. Мас., Комплекс автоматлаштириш марказий текшириш-ни-ти (ЦНИИКА) ишлаб чиққан бошқариш ва назорат қилиш машиналарида 6000 гача элемент бор (1-расмга қ.). *Пневмоавтоматика* носталари оддий, ишончли, ёнғин чиқиш ва портлаш хавфи йўқ, арзон, қулай, лекин объектга секин таъсир қилади. Аммо кўп тармоқларда бунинг зарари йўқ, чунки пневматик системалар ёрдамида бошқариладиган технологик жараёнларнинг ўзи секин ўтади.


Циклли ўтадиган жараёнларни П. б. нинг пневматик агрегат-модулли системаси схемаси 2-расмда кўрсатилган. П. б. кимё ва нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, газ саноатида, машинасозлик ва б. соҳаларда қўлланилади.

Ад.: Корнилов Ю. Г. и др., Элементы и системы пневмоавтоматики, Киев, 1963; Пневмоавтоматика, М., 1972.

ПНЕВМАТИК НАСОС — суюқликларни сиқилган ҳаво ёрдамида юқорига кўтарадиган қурилма. Компрессордан труба *4* орқали келаётган сиқилган ҳаво (газ) суюқлик ичига ботирилган труба *2* нинг пастки қисмидаги аралаштиргич *1* га ҳайдалади (расмга қ.). Ҳайдалган ҳаво пуфакчалари аралашган суюқликнинг с. оғ. ги тоза суюқликнинг с. оғ. идан кичик бўлади. Шунинг учун П. н. трубасида суюқлик б-н суюқлик-ҳаво аралашмаси орасида сиқиб чиқариш кучи вужудга келади. Суюқлик-ҳаво аралашмаси оқиб чиқаётганда сачрамаслиги учун труба учига қайтаргич *3* ўрнатилади. П. н. қудуқлардан нефть ва сувни чиқаришда, кимёвий аппаратларда ишлатилади (яна қ. *Газлифт*).



2-расм. Циклли ўтадиган жараёнларни пневматик бошқариш схемаси.



Пневматик насоснинг ишлаш схемаси: *1* — аралаштиргич; *2* — суюқлик кўтариладиган труба; *3* — қалпоқ; *4* — сиқилган ҳаво трубаси.

ПНЕВМАТИК ПОЧТА (юнон. pneumatikos — ҳавога онд) — *пневмотранспорт*нинг турли ҳужжат ва майда предметларни ҳаво оқими ёрдамида қувур бўйлаб ташийдиган тури. Қувурининг узунлиги 100 *м* бўлган биринчи П. н. 1853 йилда Лондон телеграфида қурилган.


П. н. қурилмасининг асосий элементлари: қувурлар, контейнерлар, қабул қилиш-тарқатиш қурилмалари ва ҳаво пуфлагич. П. н. нинг ички (бино ичида ишлатиладиган) ва ташқи (шаҳардаги корхона ва муассасаларни боғлайдиган) хиллари бор. Ички П. н. қувурлари ички диаметри 50—120 *мм* ли қувурлардан яхлит қилиб ишланади. Қувурлар латунь, дюралюминий, пўлат, полихлорвинилдан ясалади.

Ташқи П. н. қурилмаларида ерга кўмилган 65—1000 *мм* диаметрли пўлат, пластмасса ёки асбест-цемент қувурлардан фойдаланилади. Уларнинг қўшни станциялар орасидаги масофаси бир неча *км* гача, умумий узунлиги эса бир неча юз *км* гача боради (мас., Парижда 600 *км*).

П. н. станциялари тўғри, радиал ва ҳалқасимон схемаларда бириктирилади (расмга қ.). Келгусида катта диаметрли қувурлар (ГФР да 450 *мм*, Францияда 600 *мм*, СССРда 1020 *мм*) ва гилдиракли контейнерлардан 5—6 контейнердан иборат поездлардан фойдаланиш мўлжалланмоқда. Шунда умумий массаси 10 *т* гача бўлган юкларни 40—60 *км/соат* тезлик б-н ташишга имкон туғилади.

П. н. дан алоқа корхоналари, банклар, кутубхоналар ва б. муассасаларда ҳужжатларни, касалхоналарда касаллик тарихи ва дорилармонларни, саноат корхоналаридаги лабораторияларда эса деталлар, асбоблар ва намуналарни ташишда фойдаланилади.

Ад.: Руденко П., Говоров Ф., Пневмотранспорт документов и мелких предметов в патронах (пневмопочта), М., 1963; Контейнерный трубопроводный пневмотранспорт промышленных грузов, М., 1972.



Пневматик почта станцияларини бириктириш схемалари: *а* — бир қувурли тўғри; *б* — икки қувурли тўғри; *в* — радиал; *г* — ҳалқасимон; *1* — ҳаво пуфлагич; *2* — станция.

турадиган қурилма. П. р. да сезгир элемент сифатида *мембрана* ёки *сильфон* ишлатилади. Асосий иш органи сатҳ ўлчагич, пружинали манометр, дифференциал манометр, термометр ва б. бўлиши мумкин. П. р. сиқилган ҳаво таъсирида ишлайди.

ПНЕВМАТИК ҚУРОЛ — қурол тури. Уқни ҳаво босими ёрдамида отади. Асосан, спортда қўлланилади. Европада 1430 йилда юзага келган. Дастлаб ов мақсадларида, сўнгра Австрия, Франция ва б. давлатларнинг армияларида жанговар қурол сифатида қўлланилган. Замонавий П. қ. пневматик милтиқ ва пневматик тўппончадан иборат. Отиш узоқлиги 10—20 *м* ва ундан ортиқ, калибри 3 *мм* дан 5,6 *мм* гача бўлади. П. қ. поршенли ва баллонли бўлиши мумкин. П. қ. (пистолетлар)ни ўқлаш учун ствол қутисига нисбатан ствол перпендикуляр қайрилади. Бу ҳолда поршень пружинани сиқади, натижада кучли ҳаво цилиндрга қамалиб, ствolга урилади ва ўқ отилади.

ПНЕВМАТОЛИЗ, пневматолит (юнон. pneuma — нафас, ҳаво ва lysis — ажралиш, эриш) — *магма*дан ажралиб чиққан рудали элементлар, газлар ва сув бугларига бой суюқликларнинг тоғ жинслари б-н ўзаро реакцияга киришиб, ҳар хил минераллар ҳосил қилиши. Суюқлик таркибида қалай, фосфор, олтингугурт, хлор, фтор, мишьяк, вольфрам, бериллий, литий, молибден ва б. элементлар бўлади. Магманинг кейинчалик совиши натижасида сув буглари ва газлар суюқликка айланиб, *гидротермал* жараён юзага келади.

П. натижасида *магма*дан ажралиб чиққан газлар ва уларнинг бошқа жинсларга таъсиридан ернинг чуқур қисмида пневматолит конлар ҳосил бўлади. Пневматолит конларни ташкил қиладиган рудалар томир, дайкалар шаклида учрайди. Кон рудасининг кристаллари ва доначалари йирик бўлади. Ҳосил бўлган кварц, дала шпати ва б. йирик кристалларининг оғирлиги бир неча юз *кг* бўлиши мумкин. Бундай конлар учун *метасоматизм* характерлидир.

Пневматолит конлар Шарқий Сибирь ва Қозоғистонда, Узбекистоннинг Зирабулоқ-Зиёвуддин, Нурота тоғларида кенг тарқалган.

ПНЕВМАТОФО́РА (юнон. pneuma — нафас, ҳаво ва feros — кўтарилувчи) — кислороди кам ботқоқ ерда ёки тўлқинлар урилиб турадиган денгиз соҳилларида ўсадиган баъзи тропик ва субтропик дарахтсимон ўсимликларнинг махсус ер устки (вентиляцион ёки нафас олиш) илдизлари. П. ер ости илдиз ёки илдиз поядан ривожланиб, тепага қараб тик ўсади. П. дарахтларининг ер остки органларига ҳаво етказиб туради.

ПНЕВМОАВТОМАТИКА — пневматик системалар ва қурилмалар ёрдамида ишлаб чиқариш жараёнларини автоматик бошқариш ҳамда физик катталиклар (босим, сатҳ, т-ра ва б.)ни ростлаб туриш усулларини ишлаб чиқиш, техника воситаларини яратиш б-н шуғулланадиган соҳа; автоматик ростлаш ва бошқариш воситалари мажмуи. Унда автоматик ростлаш, узоқдан туриб бошқариш, сигнализация ва ҳимоя системалари комплексини яратишда комплекс эластик-куч пневмоавтоматикаси (КУСПА), саноат пневмоавтоматикаси элементларининг универсал системаси (УЭСППА)ни ишлаб чиқиш масалалари ўрганилади; ростлагичлар, пневматик датчиклар, ўзгартиргичлар, кучайтиргичлар, сумматорлар, ҳимоя ва сигнализация қурилмалари яратилади (қ. *Пневматик бошқариш*).

Саноат П. си, асосан, кейинги 30 йил ичида тараққий этди. 20- а. 40- йилларида автоматлаштиришдаги асосий вазифа айрим параметрлар (босим, т-ра, суюқлик сарфи ва б.) ни меъёрлаб туриш эди. Шунинг учун йирик ўлчамли универсал пневмоасбоблар кенг тарқалди. Уларда ўлчаш системаси, кўрсатиш, қайд қилиш, ростлаш ва б. қурилмалар бир корпусга жойланган. Бундай асбоблар қўпол бўлган. 40- йиллар охирида саноат автоматикаси системаларини ясашнинг агрегат принципи яратилди. Бунда бошқариш системалари стандарт блоклар ва асбоблардан йиғилади. Бундай системалар унификацияланган агрегат системалар (АУС) деб аталади. Улар кўп контурли бошқариш системалари яратишга имкон беради. 50- йиллар охирига келиб, П. асбоблари ва системалари яратишда элементлар принципини қўллаш таклиф қилинди. Бунда исталган янги пневматик асбоб махсус конструкция тарзида ясалмайди, балки универсал пневмоэлементлардан йиғилади. Элемент принципи янги пневмоасбобларни корхонанинг ўзида тайёрлашга имкон беради.

Кимё, нефть, газ, озиқ-овқат саноатлари, ёғоч ишлаш корхоналарида П. асосий автоматлаштириш воситаси ҳисобланади.

Ад.: Берендс Т. К., Ефремова Т. К., Тагаевская А. А., Элементы и схемы пневмоавтоматики, М., 1968; Дмитриев В. Н., Градецкий В. Г., Основы пневмоавтоматики, М., 1973.

ПНЕВМОГРАФИЯ (юнон. pneuma — нафас, ҳаво ва ...*графия*) — одам ва ҳайвонларнинг нафас олиш вақтида кўкрак қафаси ҳаракатини ёзиб олиш. Махсус асбоб (пневмограф) ёрдамида амалга оширилади. Экспериментал ва клиник-физиологик тадқиқотларда нафас олиш ҳаракатини, ташқи нафас олишни регуляция қилиш ва турли патологик процессларда нафаснинг қай даража бузилишини ўрганишда қўлланилади.

ПНЕВМОКОККЛАР (юнон. pneuma — нафас ва *кокклар*) — спора ҳосил қилмайдиган тухумсимон бактериялар; ҳаракатсиз, жуфт-жуфт бўлиб жойлашади (шунинг учун П. ни *диплокклар*га киритишади). Фақат оқсилли муҳитда ўсади. Факультатив аэробларга карбонсувларни бижғитиб, сут кислотасини ҳосил қилади. П. одамда зотилжам касаллигини қўзғатади.

ПНЕВМОКОНИО́З (юнон. pneuma — нафас, ҳаво, ва konia — чанг) — зарарли чангларнинг узоқ вақт ютилишидан ўпканинг хроник яллиғланиши. *Касб касалликлари*дан. П. асосан руда, кўмир конлари ва саноатнинг бошқа тармоқларидаги ишчиларда учрайди. Бунда нафас йўллари орқали ютилган зарарли чанг ўпка тўқимасига механик ва кимёвий таъсир кўрсатади ва ўпкада склеротик ўзгаришлар юз беради. Чангларнинг таркибига қараб П. бир неча хил бўлади. Силикоз — энг оғир ва кўп тарқалган П. Темир рудаси ва машинасозлик саноати корхоналари ишчиларида учрайди. Кремний (II)-оксид чангидан ҳосил бўлади. Вақтида даволанмаса, ўпка сили (силикотуберкулёз)га айланиши мумкин. Силикатоз — силикатлар чангидан, яъни кремний (II)-оксиднинг бошқа элементлар (алюминий, магний, темир) б-н боғланганидан нафас олишдан юзага келиб, *ўпка эмфиземаси*, хроник бронхит ва шу каби касалликларга сабаб бўлади. Антракоз — шахтёрларда учрайди. Силикоздагига нисбатан касаллик бир оз енгил кечади. Олди олинмаса, ўпка силига айланиши ҳам мумкин. Булардан ташқари, П. нинг талькоз, алюминоз, сидероз ва ҳ. к. турлари ҳам бор.

П. да чангнинг таркиби ва миқдорига қараб ўпкадаги ўзгаришлар ҳам турлича бўлади. Чанг кўпайса, ўпканинг бириктирувчи тўқималари ўсади, эластиклиги йўқолиб, ўпка фибрози вужудга келади, шунингдек ўпка ва бронхлар кенгаяди, қон айланиши бузилиб, кислород етишмайди.

Давоси: П. ни белгиларига қараб даволанади. Беморларга творог, кефир ва кучли овқатлар берилади, даво физкультураси буюрилади. П. нинг олдини олиш учун ишлаб чиқариш корхоналари, конларда санитария-профилактика ишлари олиб борилади ва ишчилар вақт-вақти б-н медицина кўригидан ўтказилади.

ПНЕВМОНИЯ (юнон. pneumon — ўпка) — 1) ўпка яллиғланиши (одамлардаги П. ҳақида қ. *Зотилжам*); 2) ҳайвонларда — тана ҳарорати кўтарилади, умумий ҳолат оғирлашади, шилимшиқ ва йиринг аралаш балғам ажралади, йўтал ва хириллаш пайдо бўлади. Ўпканинг яллиғланиши ҳайвон организмининг касалликларга қарши тура билиш қобилиятини сусайтиради. П. нинг клиник белгилари турлича. П., кўпинча, ўпка бронхлари яллиғланишининг ривожи бўлгани учун бронхопневмония деб ҳам аталади.

Даволаш: сульфаниламид ва антибиотик препаратлардан фойдаланилади.

ПНЕВМОПРИВОД (юнон. pneuma — нафас, ҳаво; рус. привод — юргизиш) — автоматик ростлаш системаларида ростловчи орган (клапан, зулфин, жўмрак ва б.) ни маълум масофадан туриб бошқариш учун мўлжалланган пневматик куч қурилмаси. П. ёрдамида илгарилама ва айланма ҳаракат олиш мумкин. Илгарилама ҳаракат ҳосил қиладиган П. лар поршенли ва мембранали бўлади. Поршенли П. да сиқилган ҳаво цилиндр бўшлигига ўтиб, поршенга таъсир қилади ва у силжиб, иш бажарувчи механизмларни ҳаракатлантиради. Ҳаво тақсимлагичлар поршенининг ҳаракатини бошқариб туради (қ. *Золотник*). Поршенли П. лар болға, пневмоасбоблар, тормозлар, электр пайванд машиналари, металл кесиш станоклари ва б. да ишлатилади. Мембранали П. да сиқилган ҳаво (газ) эластик металл ёки резина мембранага таъсир этиб, унга бириктирилган звенони илгарилама ҳаракатга келтиради. Мембранали П. металл кесиш станоклари, мева шарбатини газлаш автоматлари ва б. да ишлатилади. Айланма ҳаракат ҳосил қиладиган П. ларда поршенниинг илгарилама ҳаракатини шпинделнинг айланма ҳаракатига айлантирувчи узатма қўлланганда ёки пневматик турбиналарга ҳаво таъсир эттирилганда айланма ҳаракат ҳосил бўлади. Айланма ҳаракатли П. пармалаш ёки силлиқлаш станоклари ва б. да ишлатилади.

ПНЕВМОСКЛЕРО́З (юнон. pneumon — ўпка ва *склероз*) — ўпкадаги бириктирувчи тўқималарнинг ўсиб кетиши. Бунда альвеолалар ва бўлаклар орасидаги тўсиқларда, бронхларнинг деворларида бириктирувчи тўқималар ўсиб кетади. *Зотилжам*, ўчоқли пневмония, хроник бронхит, *ўпка эмфиземаси* каби ўткир яллиғланиш касалликлари натижасида пайдо бўлади. Процесс лимфа ва қон томирларига, ўпка ва перибронхиал бўшлиқдаги оралиқ тўқимага ўтади. Ўчоқли ва диффуз П. фарқ қилинади. Ўчоқли П. да бемор йўталиб, шиллиқ, йирингли балғам ташлайди. Кўкрак оғрийди, баъзан оғриқсиз кечади. Касаллик куз ва баҳорда авж олади. Диффуз П. да бемор қаттиқ йўталиб, балғам ташлайди, баъзан балғам ажралмайди. Беморнинг нафаси қисиб, бўғилади, юзи керкади, оёқ-қўллари кўкаради. Баъзан иситмалайди.

Давоси: балғам кўчирувчи дорилар, касаллик зўрайганда левомицетин, тетрациклин, олитетрин, сульфаниламид препаратлар буюрилади ва ҳ. к.


ПНЕВМОТО́РАКС (юнон. pneuma — нафас, ҳаво ва thorax — кўкрак) — *плевра*нинг париетал ва висцерал варақлари орасида ҳаво тўпланиши. Ҳамма ёшдаги кишиларда учрайди. Спонтан (ўз-ўзидан бўладиган), травматик ва сунъий П. фарқ қилинади. Спонтан П. кўпинча плеврага сил кавернасининг ёрилиши ёки ўпка эмфиземасида ўпка тўқимасининг ўзгариши туфайли вужудга келиб, бир ёки икки томонлама бўлади. Бунда кўкрак қаттиқ оғрийди, нафас қисилади.

Травматик П. кўкрак қафаси, бронхлар ва ўпка жароҳатланишидан ҳосил бўлади. Ёпиқ, очиқ ва клапанли шакллари бор. Ёпиқ П. да плеврада ҳаво оз тўпланса, касаллик сезилмайди, кўп бўлса, ўпканинг функцияси бузилиб, касаллик оғирлашади ва баъзан *шок* вужудга келади.


Очиқ П. оғир кечади. Плевранинг жароҳатланиши туфайли ўпканинг ҳаво олиш функцияси йўқолади. Беморнинг нафаси қисилиб, кўкаради ва қон босими пасайиб кетади. Клапанли П. да плевранинг артериал босими ташқи атмосфера босимидан юқори бўлиб, қон айланиши бузилади ва нафас йўли беркилади. Беморнинг нафаси қисилиб, кўкаради, кўкрак, юз, бўйин, қорин ва ҳ. к. да тери ости эмфиземаси вужудга келади.

Давоси: ёпиқ П. да плеврага игна санчиб ҳаво тортиб олинади. Очиқ П. да жароҳат тезда герметик боғлов б-н беркитилиб, тери остига морфин, камфара, кофеин ва ҳ. к. юборилади, операция қилинади. Клапанли П. да дастлаб плеврага босимни пасайтирувчи герметик дренаж қўйилади, операция қилинади.


ПНЕВМОТРАНСПО́РТ — сочилувчан ва донали материаллар (буғдой, ун, пахта ва б.) ни ҳаво ёки газ кучи б-н ташишга имкон берадиган қурилмалар мажмуи. Ҳаво ёки газнинг тортиш кучини вужудга келтириш учун вентилятор (насос)лардан фойдаланилади. П. нинг сўрадиган, ҳайдайдиган ва аралаш хиллари бор. П. юклаш механизми, трубалар, трубаларнинг йўналишини ўзгартирадиган механизмлар, материални ҳаводан ажратадиган қурилма (сепаратор), компрессор ва автоматик бошқариш асбобларидан иборат. Юкловчи (материални трубага йўналтирувчи) ускуналарнинг винтли ва камерали хиллари кенг тарқалган. Корпус ва воронка *1* дан иборат винтли таъминлагичнинг схемаси 1- расмда кўрсатилган. Материал воронка *1* дан камера *3* га тез (1000 *айл/мин*) айланувчи винт *2* ёрдамида узатилади. Винт қадами материалнинг ҳаракат йўналиши бўйича ўзгарувчан қилиб ясалади. Бу эса сиқилган ҳавонинг камерадан



Пневмотранспорт. 1- расм. Винтли пневматик таъминлагич схемаси: *1* — юклаш воронкаси; *2* — винт; *3* — камера; *4* — форсунка.



2- расм. Камерали таъминлагич схемаси: *1* — юклаш тешиги; *2* ва *3* — ҳаво трубалари; *4* — юк юрадиган трубалар.



Пномпень. Шаҳарнинг марказий қисми.


зинт бўйлаб бункерга ўтишига йўл қўймайди. Камераниng пастки қисмидаги форсунка *4* орқали материални трубада элтувчи сиқилган ҳаво берилади. Цилиндрик камерадан иборат камерали таъминлагич 2-расмда тасвирланган. Материал конуссимон клапан 6-н беркиладиган тешик *1* орқали П. га солинади. Шундан сўнг труба *2* ва *3* лар орқали сиқилган ҳаво юборилади. Камерада ҳосил бўлган босимлар фарқи таъсирида материал труба *4* да керакли жойга узатилади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш учун аралаш (винтли ва камерали) П. ишлатилади. П. т. системаларида диаметри 70—1200 *мм* ли трубалар ишлатилади. Юқори босимли П. қурилмаларида ҳаво ёки газ босими 0,8 *мн/м*^{2} (8 *кгк/см*^{2}), солиштирма энергия сарфи *5 квт. соат/т*. П. саноатда, қурилишда (кукунсимон, донали ва бўлакли юклар, цемент, кўмир кукуни, кул, қум ва б. ташиш), қишлоқ хўжалигида (дон, пахта ва б. ташиш) ва б. жойларда ишлатилади. Пахта териш ва кўрак чувиш машиналарида ҳам П. бор. П. истиқболли транспорт турларидан биридир.

Ад.: Пневмотранспортные установки. Справочник, Л., 1949; Успенский В. А., Пневматический транспорт, 2 изд., Свердловск, 1939; Вельшоф. Г., Пневматический транспорт при высокой концентрации перемещаемого материала, Пер. с нем., М., 1961; Пневматический транспорт, М., 1965.

ПНОМПЕ́НЬ — Демократик Камбоджа)нинг пойтахти. Тонлесап дарёсининг Меконг дарёсига қуйилиш жойидаги порт. Иқлими субэкваториал, муссонли иқлим. Январнинг ўртача т-раси 24,6°, июлники 27,5°. Йиллик ёғин 1475 *мм*. Аҳолиси 1,2 млн. киши (1972), аксари кхмерлар, $^1/_3$ қисми хитой ва вьетнамлар.

П. портининг йиллик юк обороти 500—800 минг *т*. Т. й. орқали Кампонгсаом (Сиануквиль) порти ва Бангкок ш. (Таиланд) б-н боғланган. Автомобиль йўллари узели. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Кема ва автомобиль ремонти, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, озиқ-овқат (шоли оқлаш, пальма мойи ва шакар-қанд ишлаб чиқариш, ёғочсозлик, совунгарлик, тамаки, тўқимачилик, қурилиш материаллари корхоналари бор.



Пномпендаги Олий техника институти.



Пномпень. 1. Кхмер-совет дўстлиги госпитали. 2. Миллий спорт комплекси.

Ривоятга кўра, П. 14-асрда вужудга келган. 1443 йилдан (бошқа маълумотга кўра 1446 йилдан) П. мамлакатнинг вақт-вақти б-н, 1866 йилдан эса доимий пойтахти. Архитектура ёдгорликларидан Пном вати (ибодатхонаси), Қирол саройи комплекси сақланган. Миллий ун-т, Техника ун-ти, Олий техника ин-ти ва госпиталь (СССР Камбоджа халқига совға сифатида 1962—64 йилларда қуриб берган), Қ. х. ун-ти, Нафис санъат ун-ти ва б. олий ўқув юртлари, илмий жамиятлар, музейлар, кутубхоналар, театр бор.

ПО — Италиядаги энг катта дарё. Узунлиги 652 *км*, ҳавзасининг майдони 75 минг *км*^{2}. Ғарбий Альп тоғларидан бошланиб, кўп қисми Падана текислигидан оқади ва Адриатика денгизига ботқоқли дельта (майдони 1,5 минг *км*^{2}) ҳосил қилиб қуйилади. Водийси кенг, ўзани қинғир-қийшиқ. Пога жуда кўп ирмоқлар қўшилган, дельта қисмида эса тармоқларга бўлинган. Май-июнь ва окт.-ноябрда тўлиб оқади, тез-тез тошиб туради (1951 ва 1966 йилларда ниҳоятда кучли тошган). Ўртача сув сарфи қуйилиш жойида 1460 *м*^{3}*/сек*. Дарё денгизга йилига 46 *км*^{3} сув, 13—15 млн. *т* оқизиқ келтиради. П. дан суғоришда фойдаланилади. ГЭСлар қурилган. Қуйилиш еридан Пьяченца ш. гача кема қатнайди. Ирмоқлари ва каналлар орқали Лаго-Мажоре, Комо, Гарда ва б. кўллар б-н туташган. По бўйидаги йирик шаҳарлар: Турин, Пьяченца, Кремона, Феррара ва б.

ПО (Рое) Эдгар Аллан (1809. 19. 1, Бостон — 1849. 7. 10, Балтимор) — америкалик ёзувчи ва танқидчи. Актёрлар оиласида туғилган. 1815—20 йилларда Буюк Британияда яшаган. 1826 йили Виргиния ун-тига кирган, Уэст-Пойнт ҳарбий академияси (1830—31)да ўқиган. Дастлаб «Темурланг ва бошқа шеърлар» (1827), «Шеърлар» (1831) тўпламларини яратди. Илк ҳикоялари 1832 йили эълон қилинган. 1836 йилдан П. ижодида журналистика асосий ўринни эгаллайди, танқидий мақолалари ва ҳикоялари чиқа бошлайди. Унинг «Ҳажвиёт ва нафосат» (1840) икки томлик ҳикоялари, новеллалари ва илмий-фантастик («Ворон ва бошқа шеърлари» 1845) тўпламлари чуқур ғоявийлиги, кучли драматизми б-н диққатга сазовор. П. *детектив адабиёт*нинг асосчиларидан. Унинг «Морг кўчасидаги қотиллик», «Олтин қўнғиз» ва б. ҳикояларида ёлғизлик саргузаштлари ўз ифодасини топган. «Ижод фалсафаси» (1846), «Поэтик принцип» (1850) фалсафий асарлари б-н америка эстетикаси ривожига муносиб ҳисса қўшган. А. К. Дойл, Р. Л. Стивенсон, А. Бирс ҳамда француз ва айрим рус шоирлари П. ни ўз устозлари деб билганлар.

Ас: Поли. собр. рассказов, М., 1970; Избр. произведения т. 1—2, М., 1977; Тилла қўнғиз, Ҳикоя, Т., 1962.

Ад.: История американской литературы, т. 1, М.—Л., 1947; Боброва М. Н., Романтизм в американской литературе XIX в., М., 1972.

ПОБЕ́ДА — хўраки узум нави. Бутуниттифоқ ўсимликшунослик ин-тининг Ўрта Осиё тажриба станциясида забалканский ва гамбург мускати навларини чатиштириб етиштирилган. Тупи кучли ўсади. Барги йирик, кўп кертикли, орқаси тукли. Гули икки жинсли. 9—20 майда гуллайди, узуми август охирлари — сент. бошларида пишади. Узум боши цилиндр-конуссимон, бўйи 25 *см*, эни 16 *см*, вазни 650—700 *г*, ғужуми йирик, чўзиқ, цилиндрсимон, ўртаси сал сиқиқ, қора, пўсти қалин, кўк мумғубор б-н қопланган, серэт. Таркибида 22—25% қанд бор, гектаридан 30—40 *т* ҳосил беради. Совуққа чидамсиз. Узбекистоннинг ҳамма областларида экилади.

ПОБЕ́ДА — Наманган обл. Янгиқўрғон р-ни Ленин қ. С. даги қишлоқ. «Фарғона» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва Чортоқ т. й. станциясидан 0,5 *км*. Аҳолиси 5388 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади ва р-н ташкилотларида ишлайди. Чортоқсойдан сув ичади. 2 ўрта мактаб, 2 медпункт, «Узсельхозтехника» р-н базаси, дон қабул қилиш ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПОБЕ́ДА — Андижон обл. Қўрғонтепа р-ни Ёқишлоқ қ. С. даги қишлоқ. «Победа» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Савойдан 10 *км*. Аҳолиси 1784 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Қуйимозор каналидан сув ичади. К-з клуби, ҳаммом, касалхона, дорихона, ёғаи кинотеатр, автогараж ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПОБЕ́ДА — Тошкент обл. Янгийўл р-ни Калинин қ. С. даги қишлоқ. Усмон Юсупов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 10 *км*, яқин т. й. станцияси — Янгийўлдан 10 *км*. Аҳолиси 663 киши (1971); боғдорчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Шимолий Тошкент каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПОВЕСТЬ (рус. повествовать — ҳикоя қилиш) — адабий жанр. Унинг сюжет марказини бир бош қаҳрамоннинг тақдири ташкил этади ва ижтимоий проблема шу қаҳрамон ҳаёти орқали ифодаланади. П. да даврнинг мураккаб қарама-қаршиликлари романдаги каби кенг планда кўрсатилмайди, балки унинг маълум бир томони акс этади. П. нинг бошқа проза жанрларидан фарқланувчи «шартли» белгиларидан яна бири унинг ички ҳажмидир.

Адабиётда ички ҳажми — мазмуни б-н ҳикоя жанрига яқин П. лар (Гоголнинг «Шинель», С. Айнийнинг «Эски мактаб», А. Қаҳҳорнинг «Қишлоқ ҳукм остида» ва б.), шунингдек роман жанрига яқин П. лар (Пушкининг «Дубровский», «Капитан қизи», Гоголнинг «Тарас Бульба», А. Қодирийнинг «Обид кетмон», Ойбекнинг «Нур қидириб» ва б.) мавжуд. 18—19-асрларда Россияда кўпгина ҳикоялар П. деб юритилган. Мас., А. С. Пушкиннинг «Белкин қиссалари». Узбек адабиётида реалистик П. фақат Совет ҳокимияти йилларида майдонга келди (яна қ. *Қисса*).

ПОВУЛҒО́Н — Фарғона обл. Олтиариқ р-ни Янгийўл қ. С. даги қишлоқ. Максим Горький номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Олтиариқдан 4 *км*. Аҳолиси 3027 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёси ва Охунбобоев номли Жанубий Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, болалар боғчаси, қ. С. идораси ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПОГО́ДИН (тахаллуси; асл фамилияси Стукалов) Николай Фёдорович (1900. 3. 11, Донецк обл.— 1962. 19. 9, Москва) — рус совет драматурги. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1949). Деҳқон оиласида туғилган. Ижоди 1920 йилдан бошланган. Унинг «Қизил тонг» ва «Қизил новдалар» очерклар тўплами 1926 йили нашр қилинган. «Темп», «Болта ҳақида достон» (1930), «Менинг дўстим» (1932), «Балдан сўнг» (1934) каби пьесаларида социалистик жамият қураётган совет кишиларимадҳ этилган. «Милтиқли киши» (1937; СССР Давлат мукофоти, 1941), «Кремль соати» (1940), «Учинчи патетик» (1958) пьесалари башариятнинг буюк доҳийси Ленинга ва 1917 йил революцион воқеаларга бағишланган. Бу туркум асарлари учун П. Ленин мукофотига сазовор бўлди (1959). «Москва тунлари» (1942), «Икс ва игрек» (1943), «Қайиқчи қиз» (1943), «Ҳаётий манбалар» (1944) пьесаларида уруш воқеалари акс этган. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкентда яшади. Ҳ. Олимжон, Уйғун, Яшин ва Чустийлар б-н ҳамкорликда «Узбекистон қиличи» асарини (1943) яратди. «Беадаб» (1930), «Учовлон бўз ерга отландик» (1955), «Мовий рапсодия» (1961) пьесалари ёшлар ҳаётига бағишланган. «Олтин Тайга», «Жамбул», «Кубан казаклари» (1950; СССР Давлат мукофоти, 1951) сценарийларига муаллифи. П. нинг «Милтиқли киши», «Кремль соати» асарлари Ҳамза номидаги Узбек давлат академик драма театрида қўйилган. «Театр» журнали бош муҳаррири (1951—60). 2 марта Ленин ордени ва медаллар б-н мукофотланган.




Погодин Н. Ф.

Ас: Собр. драматич. произведений, т. 1—5, М., 1960—61; Собр соч., т. 1—4, М., 1972—73; Милтиқли киши.— Кремль соати.— Учинчи қисса, Т., 1962.


Ад.: Зайцев Н. В., Николай Федорович Погодин, М.—Л., 1958; Быкова Ф., Драматургическая трилогия Н. Погодина о Ленине, М.—Л., 1960; Холодов Е. Г., Пьесы и годы. Драматургия Н. Погодина, М., 1967; Потапов Н., Живее всех живых. Образ В. И. Ленина в советской драматургии, М., 1969; Хамидова Т., Н. Погодин ижодида қардош миллатлар образи, Т., 1973.

ПОГО́Н (ҳарб.) (рус. дастлабки маъноси — бирор нарсани маҳкамлаш учун хизмат қиладиган тасма, қайиш) — ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий унвонларини билдириб турадиган, елкага тақиладиган белги. Ҳозирги замон армияларининг деярли ҳаммасида ҳам мавжуд. П. қўшин турлари (пиёда аскарлар, артиллерияси ва ҳ. к.) га ва унвони (лавозими)га қараб турли рангда бўлади. Совет Иттифоқининг Қуролли Кучларида 1943 йил 6 январда, Ҳарбий-Денгиз Флотида эса 1943 йил 15 февралда жорий этилган (яна қ. *Ҳарбий унвон белгилари*).



Победа узум нави.

ПОГОНИШЛА́Р, сув товуқлари (Porzana) — сувмошаклар оиласининг бир уруғи. 12 тури маълум. Европа, Осиё, Шимоли-Ғарбий Африка ва б. ерларда тарқалган. Батқоқликларда, сернам ўтлоқларда, ва сув ҳавзалари қирғоғида яшайди. Тунда актив. Уясини ерга қуради. Яхши сузади, ёмон учади. СССРда 5 тури учрайди. Йилига 2 марта 6—15 тухум қўйиб, 10—20 кун босади. Ўрта Осиё пасттекисликларида қишлаш ерига учиб кетаётганида учрайди. Моллюскалар, чувалчанглар, ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари б-н овқатланади.



Погониш.

ПОГОНОФОРАЛА́Р (Pogonophora) — денгиз остида яшовчи умуртқасиз ҳайвонлар типи. П. нинг шу номдаги бир синфи ва 100 дан ортиқ тури бор. Тинч, Ҳинд, Атлантика океанлари ва денгизларнинг материкка яқин 20 *м* дан ортиқ чуқур жойларида тарқалган. Рус зооло-




Подвигин В. Р.


ги А. В. Иванов П. нинг тузилиши ва эмбрионал ривожланишини ўрганиб (1955—57), уларни иккиламчи оғизлиларга мансуб эканлигини аниқлади. Танасининг узунлиги бир неча *см* дан 1,5 *м* гача, эни 0,1—2,5 *мм*; ичаги йўқ. Тананинг олдинги қисмига жойлашган ворсинкали (сўрғичли) пайпаслагичлари (1—250 та) овқат (планктон организмлар)ни сизиб олиш, ҳазм қилиш ва сўриш вазифасини бажаради. Нерв системаси бошланғич — содда тузилишда. П. айрим жинсли. Ташқи хитинли найчаси узун, турли шаклда. Хавф сезилганда танаси шу найча ичига тортилади. Ўтроқ ҳаёт кечиради.

ПОДАГРА (юнон. podos — оёқ ва agra — қопқон) — организмда пурин моддаси алмашинувининг бузилишидан келиб чиқадиган хроник касаллик. Бунда бўғимлар, суяклар эпифизи ва қулоқ чиғаноғи тоғайларига сийдик кислота тузлари (уратлар) ўтириб қолиб, туз тўпланган органлар, бўғимлар яллиғланади ва шу органларда дегенератив ўзгаришлар рўй беради (мас., бармоқ шакли ўзгаради ёки фалажланади), буйрак зарарланади. Моддалар алмашинувининг туғма бузилиши ва нотўғри овқатланиш туфайли пайдо бўладиган бирламчи П., қўрғошиндан заҳарланиш ва қоннинг баъзи касалликлари оқибатида келиб чиқадиган иккиламчи П. фарқланади. Кўпроқ ўрта ёшдаги кишиларда кузатилади. Касаллик аста-секин ривожланиб, тўсатдан хуруж қилади. Беморнинг т-раси 38—41° гача кўтарилади. Эти увишади. Зарарланган бўғимлар териси қизариб шишади. П. хуружи 3—4 ёки 5—8 кунга чўзилади. Бир неча кун ёки йилдан сўнг касаллик қайталанади.

Ўткир П. да бемор ўрнига ётқизилиб, зарарланган бўғимларига Буров суюқлиги суртилади. Оғриқ қолдирувчи препаратлар буюрилади, сийдик кислота ажралишига ёрдам берадиган дорилар (атофан, уродан) берилади. П. б-н касалланган беморлар қайта хуружнинг олдини олиш учун даво физкультураси б-н шуғулланишлари, кўпроқ соф ҳавода сайр қилишлари, спиртли ичимликлар, гўштли, овқатлар, кофе, чой, какао каби ичимликлардан пархез қилишлари лозим. Вақти-вақти б-н минерал сувли курортлар (Ессентуки, Железноводск ва ҳ. к.) да даволанишнинг аҳамияти катта.



1- расм. ПХП-1,8 пахта подборщиги.



2- расм. ПХП-1,8 пахта подборщигининг технологик иш схемаси: *1* — супурги чўткалар; *2* — териш аппарати; *3* — қабул қилиш-узатиш цилиндрик барабани; *4* — тозалагич секциялар блоки; *5* — пахта узатувчи транспортёр; *6* — бункер; *7* — тароқ.

ПОДАЧИ — мол подасини боқувчи киши. Асосан жамоа (қишлоқ) молларини боқади. Шароитга қараб қорамоллар ҳамда қўй-эчкилардан алоҳида-алоҳида (ёки бир) пода ташкил этилади. П. эрталаб молларни тўплаб яйловда боқади, кечқурун яна қишлоққа қайтариб, уй-уйига тарқатади. Шунингдек, П. лар подани баҳор — куз мавсуми давомида яйловга олиб кетиб ҳам боқадилар.

ПОДБОРЩИК — тўкилган пахта, ўрилган поя, ўт ва пичанни йиғиб оладиган мослама ёки машина. П. ҳар хил машиналарга, кўпинча *дон комбайн*ига ўрнатиладиган мустақил механизм ёки машинанинг иш органи (ғарамлагич, пахта П. лари ва б.) ҳолида ишлаб чиқарилади. Тўкилган пахтани териб олиш учун Т-28Х3, Т-28Х4 тракторларига ўрнатиладиган ПХН-1,2 ва Т-28Х4, МТЗ-50Х тракторларига тиркаладиган ПХП-1,8 маркали икки қаторли пахта П. лари ишлатилади. Булар «Узбексельмаш» з-дида ишлаб чиқарилмоқда. П. ни тракторчи бошқаради. Машиналардаги териш аппаратларининг тузилиши, асосан, бир хил. Иш органлари ПХН-1,2 да тракторнинг қуввати олиш валидан, ПХП-1,8 да эса П. нинг ғилдиракларидан ҳаракатланади. П. нинг асосий узеллари: териш аппарати, супурги чўткалар, қабул қилиш-узатиш цилиндрик барабанлари, пахта узатувчи транспортёрлар, тароқ, бункер, ҳаракат узатиш механизми ва рамадан иборат. ПХП-1,8 да П. пневматик икки ғилдиракка ўрнатилган.

ПХП-1,8 П. нинг технологик иш схемаси: машина ғўза қатор ораларида юрганда (2-расм) супурги чўткалар (1) марзага тегиб айланади ва тўкилган пахтани қатор ўртасига супуради. Териш аппарати (2) ўзининг кесиклари б-н пахтани қисиб олиб, қабул қилиш-узатиш цилиндрик барабани (3) га ташлайди. Ундан тозалагич секциялар блоки (4) пахтани қисиб олиб, пахта узатувчи транспортёр (5) ёрдамида бункер (6) га ташлайди. Ўт, йирик поя ва б. аралашмалар тароқ (7) ёрдамида ушланиб, далага тўкилади. Аппаратни кўтариш ва бункерни ағдариш ишлари гидроцилиндрлар ёрдамида бажарилади. ПХП-1,8 П. биринчи юришида тўкилган пахтанинг 55—60% ини, иккинчисида 20—24% ини, учинчисида эса 10—13% ини теради. ПХН-1,2 нинг иш унуми соатига 0,5—0,6 *га*, тезлиги 4,8—6,6 *км*, бункернинг ҳажми 1,7 $м^3$. ПХП-1,8 иш унуми соатига 1,2 *га*, тезлиги 6—7 *км*, бункернинг ҳажми 2,25 $м^3$.

Ўрилган буғдой пояси СК-3, СК-4 дон комбайнлари жаткасига П. ўрнатиб, йиғиштириб олинади. Комбайн юрганда П. барабани айланиб, тишлари б-н пояларни илиб олади ва кўндаланг айланувчи шнекка ташлайди. Ундан лентали транспортёр ёрдамида комбайн молотилкасининг қабул камерасига узатилади. Ғарамлагич П. ўрилган пичан ёки похолни йиғиб, 400—500 *кг* дан қилиб тўплаб кетади.

ПОДВИГИН Вениамин Родионович (1928. Бошқирдистон АССР) — машинист, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1973). 1963 йилдан КПСС аъзоси. Фаолияти 1954 йилдан Ермолевск шахта қурилиши бошқармасида катта машинистликдан бошланган. Олтинтопган кон бошқармасида экскаватор машинисти (1957), экскаватор машинистлари бригадири, 1- тог-кон участкасида машинист-инструктор (1967). 1974 йилдан экскаватор машинистлари бригадасига бошчилик қилмоқда. Кўп йиллик самарали меҳнати ва ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлган СССР Давлат мукофоти лауреати (1976). Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПОДВОЙСКИЙ Николай Илъич [1880. 4 (16). 2, Кунашовка қ., ҳозирги Чернигов обл. Нежин р-ни — 1948. 28. 7, Москва]—совет партия ва ҳарбий арбоби. 1901 йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1898 йилдан революцион ҳаракатда қатнашган. Украинада, Ярославль, Иваново-Вознесенск, Петербург ва б. шаҳарларда яширин революцион иш олиб борган. Революцион фаолияти учун бир неча марта қамалган. 1910—14 йилларда «Звезда» ва «Правда» газеталарини ташкил этишда қатнашган. 1917 йил Февраль рев-яси қатнашчиси. Кейинчалик РСДРП(б) Петербург комитети аъзоси, Петроград Совети депутати, Петербург партия комитети ҳузуридаги Ҳарбий ташкилотлар раҳбари. Қизил Гвардия ташкилотчиларидан бири. Партия 7-конференцияси ва 6-съезди делегати. Октябрь рев-яси кунларида Петроград Ҳарбий Революцион комитети ранси. Қишки саройга ҳужумнинг раҳбарларидан бири. 1917 йил ноябрдан 1918 йил мартгача РСФСР Ҳарбий ишлари халқ комиссари, 1918 йил январдан Қизил Армияни ташкил этиш ва тузиш бўйича Бутун Россия коллегияси ранси. 1918 йил мартдан Олий ҳарбий кенгаш аъзоси. 1919 йил январдан Украина Ҳарбий-Денгиз халқ комиссари. 1919—23 йилларда Всевобуч (умумий ҳарбий таълим) бошлиғи. 1920—23 йилларда Физкультура олий Совети ранси ва 1921—27 йилларда Спортинтерн ранси. Партия 14—16- съездлари делегати; 13—15- съездларда МҚК аъзоси. 1924 йилдан партия ва совет ишида. 1935 йилдан шахсий пенсионер. Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган.

ПОДГОРНИЙ Николай Викторович [1903. 5 (18). 2, Карловка ш., ҳозирги Полтава обл.]—Коммунистик партия ва Совет давлати, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати арбоби. КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиуми раиси. 1930 йилдан КПСС аъзоси. Қуювчи-ишчи оиласида туғилган. Меҳнат фаолиятини 1917 йилдан Карловкадаги Бош механика устахоналарида шогирд, кейин слесарликдан бошлаган; маҳаллий комсомол ташкилотини тузиш ташаббусчиларидан бири. 1921—23 йилларда Карловка р-н комсомол комитети секретари. 1926 йил рабфакни, 1931 йил Киев Озиқ-овқат саноати технологияси ин-тини тугатган. 1931—37 йилларда қанд саноати корхоналарида ишлади. 1937—39 йилларда Винница обл. қанд-шакар трестида бош инженер ўринбосари, сўнг Каменец-Подольск обл. қанд-шакар трестида бош инженер. 1939 йилдан УССР, 1940 йилдан СССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари ўринбосари; 1942—44 йилларда Москва Озиқ-овқат саноати технолотияси ин-ти директори.

Украина терр-яси фашист босқинчиларидан озод этила бошлагач, П. СССР ва УССР ҳукуматининг вакили сифатида озод этилган р-нларда Совет ҳокимияти органларини тузиш, аҳолини озиқ-овқат б-н таъминлашни уюштириш, озиқ-овқат саноати корхоналари ишини йўлга қўйиш, босқинчилар вайрон қилган республика халқ хўжалигини тиклашда фаол қатнашди. Ҳукуматнинг совет гражданларини репатриация қилиш б-н боғлиқ бўлган топшириқларини бажарди. 1944—46 йилларда УССР Озиқ-овқат саноати халқ комиссари ўринбосари, 1946 йилдан УССР Министрлар Советининг СССР ҳукумати ҳузурида доимий вакили.

1950—53 йилларда Украина КП Харьков обл. комитетининг биринчи секретари. 1953 йилдан Украина КП МҚ иккинчи, 1957—63 йилларда биринчи секретари. Бу лавозимда Совет Украинасининг экономика ва маданиятини янада кўтариш, республика партия ташкилотлари ҳамда барча меҳнаткашларнинг ижодий кучини саноат ва қ. х. маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга сафарбар этиш, аҳолининг фаровонлигини ошириш бўйича иш олиб борди. Ташкилий-партиявий ишларни такомиллаштириш, партия ва совет аппарати кадрларини тайёрлаш ҳамда тарбиялашга алоҳида эътибор берди.



Подвойский Н. И.

1963 йилдан П. КПСС МҚ секретари, 1965 йил декабрдан СССР Олий Совети Президиуми раиси.

Партия 19- съездида КПСС Марказий ревизия комиссияси аъзоси, 20-, 22—25- съездларида КПСС МҚ аъзоси қилиб сайланган; 1958 йилдан КПСС МҚ Президиуми аъзолигига кандидат, 1960 йилдан МҚ Президиуми аъзоси; 1966 йил апрелдан КПСС МҚ Сиёсий бюроси аъзоси. 4—9- чақириқ СССР Олий Совети депутати; 1958 йилдан СССР Олий Совети Президиуми аъзоси. РСФСР ва УССР Олий Советлари депутати қилиб сайланган.

У ўз фаолиятида барча куч, билим, улкан тажрибасини коммунистик қурилишда КПСС йўлини коллектив ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мамлакат экономикасини ривожлантириш, унинг маданиятининг ўсиши ва халқ фаровонлигининг ошиши, социалистик демократиянинг янада такомиллашиши ва Совет давлатининг мустаҳкамланиши б-н боғлиқ бўлган партия планларини амалга оширишга бағишламоқда.



Подгорний Н. В.

П. нинг партия съездлари, КПСС МҚ пленумлари, СССР Олий Совети сессияларида сўзлаган нутқлари ва амалий ишида коммунистик қурилишнинг хўжалик ва социал вазифаларини ҳал этишда меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ролини ошириш, совет давлат аппаратини такомиллаштириш, кенг оммани жамият ва давлат ишини бошқаришга жалб этишнинг шакл ва методларини ривожлантириш масалалари катта ўрин эгаллайди.


П. совет ташқи сиёсатини амалга ошириш, СССРнинг халқаро мавқеини мустаҳкамлаш бўйича муҳим иш олиб бормоқда. КПСС делегациясига раҳбарлик қилиб ва КПСС делегацияси составида қардош коммунистик ҳамда ишчи партияларнинг кўпгина съездларида қатнашган.

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун П. га 2 марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган (1963; 1973). 5 марта Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган, шунингдек БХР, МХР, ЧССР ва Финляндиянинг олий давлат мукофотлари б-н тақдирланган.


ПОДГУРСКАЯ Елена Генриховна (1896, Москва — 1968. 30. 6, Тошкент) — қўғирчоқ театри рассоми, Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1956). Москвадаги Строганов марказий бадиий-санъат билим юртининг ҳайкалтарошлик бўлимида ўқиган (1914—18). 1921—22 йилларда Самарқандда, кейин Москвада ишлаган. 1929 йилдан Тошкент қўғирчоқ театри рассоми. Узбек халқ эртаклари—«Ур, тўқмоқ», «Сеҳрли қутича», «Зиёд Ботир», рус халқ эртаклари — «Ўлик малика ва етти баҳо-




Подгурская Е. Г.




Подшипник. 1-расм. Ажраладиган сирпаниш подшипниги: *а* — вкладиш, *б* — корпус, *в* — қопқоқ: *г*—ариқча.



2-расм. Ажралмайдиган сирпаниш подшипниги: *а*—втулка; *б* — корпус.



3-расм. Думалаш подшипниклари: *1* — шарчали радиал; *2*— цилиндрик ролик ли; *3*— конус роликли, радиал-тирак; *а*—ички ҳалқа; *б* — ташқи ҳалқа; *в* — шарча; *г*— ролик; *д* — сепаратор.



4-расм. Тирак сирпаниш подшипнигининг схемаси: *1*—подушка; *2*—тирак диск; *3*— вал; *F*— ўқ бўйича таъсир этувчи куч.

дир қиссаси», «Алёнушка опа ва Иванушка ога», украин эртаги — «Алёнканинг саргузаштлари», чехословак эртаги — «Иржик баҳодир» асосида яратилган спектакларга ишлаган қўғирчоқлари П. нинг ижодий ютуғи бўлиб, ёш томошабинлар орасида шуҳрат қозонган эди. Араб эртаги — «Али бобо ва қирқ қароқчи», Ш. Перроннинг «Қизил шапкача», П. Ершовнинг «Ёқут тойчоқ» асарлари асосида яратилган ва б. кўпгина спектакларга П. ишлаган қўғирчоқлар болаларнинг севимли қаҳрамонларига айланган.

ПОДЗО́Л ТУПРОҚ — тупроқ хили. Тупроқ пайдо бўлиш жараёнида алюмин-силикат бирикмаларининг парчаланишидан тупроқ қатламида SiO_2 тўпланади. Бу ҳосила кул рангини эслатади. П. т. да силикат кислота ва унинг тузлари кўп, ўсимлик озуқа моддалари (азотқа, фосфор ва азот) кам. Игна баргли, аралаш ва қалин ўрмонлар зонасида тарқалган. Тупроқ структураси пастлиги тупроқнинг сув ва ҳаво режимининг ёмонлашувига сабаб бўлади. П. т. гипслаш (кальций карбонат солиш), минерал ва органик ўғитлар солиш, шунингдек дуккакли ўсимликлар экиш йўли б-н унумдорлиги ва структураси яхшиланади.

ПОДОКА́РП (Podocarpus) — подокарпдошларга (подокарпгуллилар оиласи)га мансуб икки уйли, баъзан бир уйли дарахт ёки бутасимон ўсимликлар туркуми. Баъзи систематиклар тиссдошларга киритади. Австралия, Осиё, Африка, Жанубий Америка тропик ва субтропикларидаги тоғ ўрмонларида 70 га яқин тури бор. СССР да (Қрим ва Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида) Анд П., Наги П., Тотара П., йирик баргли П. ўстирилади. Ёғочи пишиқ, сув ва денгиз қурти таъсирига чидамли. Қурилиш ва б. мақсадларда ишлатилади.

ПОДОЛИЯ ҚИРЛАРИ, Подолия платоси — УССР жануби-ғарбидаги қирлар. Днестрнинг чап соҳилида. Шимоли-ғарбдан жануби-шарққа чўзилган. Оҳактош, мергель, қумтош ва сланецлардан, шарқий қисми эса гранит ва гнейслардан таркиб топган. Энг баланд нуқтаси 471 *м* (Камула тоғи). П. қ. нинг катгагина қисми ҳайдалиб, деҳқончилик қилинади. Дуб ўрмонлари ва ўтлоқ даштлари бор.

ПОДО́ЛЬСК — РСФСР Москва областидаги шаҳар. Москвадан 43 *км* жанубдаги т. й. станцияси. Аҳолиси 183 минг киши (1974). П. да Ульяновлар оиласи яшаган; шаҳарга В. И. Ленин бир неча марта келиб кетган. 19-асрнинг охиридан саноати ривожлана бошлади (цемент з-ди, тайёр қисмлардан Зингер тикув машинаси йиғиш з-ди ва б. қурилди). Тикув машиналари, буғ қозонлари, нефтни қайта ишлаш корхоналари учун жиҳозлар, кабель, цемент ва б. қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Бутуниттифоқ Сиртқи политехника ин-тининг филиали, 2 техникум, медицина билим юрти, В. И. Ленин уй-музейи бор. П. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1971).

ПОДОФИ́ЛЛ (Podophyllum peltatum) — зирқдошлар [зирқгуллилар оиласи]га мансуб кўп йиллик ўтсимон ўсимлик. Бўйи 50 *см* ча. Барги узун бандли, 5—7 бўлакка панжасимон қирқилган. Гули оқ, 2 барг ўртасига жойлашган. Меваси сариқ, сersув, кўп уруғли. Ватани — Шимолий Америка. СССРда Москва ва Ленинград областида ўстирилади. Илдизидан подофиллин деган смола (8% гача) олинади. Подофиллин порошоги сурункали қабзият ҳолларида сурги сифатида, жигар касалликларида ўт ҳайдаш учун, шунингдек тери рак касаллигида ишлатилади.

ПОДПОЛКО́ВНИК (рус. *полковник*дан қуйи) — Совет Армиясида катта офицерлар составига бериладиган, майордан кейинги ҳарбий унвон. 1939 йил 1 сентябрда жорий этилган. П. полк командирининг ўринбосари, полк штабининг бошлиғи, алоҳида батальон, ҳарбий қисмлар командири лавозимларида бўлиши мумкин. СССР Ҳарбий-Денгиз Кучларида 2-ранг капитан, 2-ранг инженер-капитан, инженер-подполковник унвонлари б-н тенг. П. унвони ҳозирги замон чет эл армияларида ҳам бор.

ПОДУ́СТ (Chondrostoma nasus) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқ. Гавдаси 50 *см* гача, вазни 1—1,6 *кг*. Увилдириғини дарёларининг тез оқар ерига қўяди. 1,5—12 минг увилдириқ ташлайди. Кичик гала бўлиб яшайди. Шимолий, Болтиқ, Қора, Каспий денгизларига қуюлувчи дарёларда ва баъзи кўлларда учрайди. Майда умуртқасиз ҳайвонлар, детрит ва б. б-н овқатланади. Овланади.

ПОДШИ́ПНИК — вал ва ўқларининг таянчи. Механизмнинг айланувчи ёки тебранувчи қисмлари вазиятини бошқа қисмларига нисбатан чеклайди, валдан тушадиган кучларни бевосита қабул қилиб, валнинг равон ва осон айланишига ёрдам беради. Сирпаниш ва думалаш П. лари бор. Сирпаниш П. ларининг таянч сирти цилиндр, конус ёки шар шаклида бўлиши, таянч сирт б-н вал бўйини орасига ўрнатилади. Булар антифрикцион материаллар (баббит, текстолит, резина, самшит ва б.) дан тайёрланади. Думалаш П. ички ва ташқи ҳалқалар, тебраниш жисмлари (шарча, ролик) ҳамда сепаратордан иборат. Таъсир қиладиган нагрузка йўналишига қараб, радиал, радиал-тирак, тирак П. лар бўлади (3-расм). Тебраниш жисмлари ва ҳалқаларининг иш сиртлари шаклига қараб, шарчали, роликли, шарчали-сферик, цилиндр, қисқа ва узун роликли, конус роликли, сферик-конус роликли хилларга; тебраниш жисмларининг қаторлар сонига қараб, бир, икки ва кўп қаторли ва б. хилларга бўлинади. Думалаш П. юқори сифатли пўлатдан тайёрланади. Мойланиш усулига қараб, ўзўзидан ва мажбурий мойланадиган П. лар бўлади. 4-расмда тирак сирпаниш подшипниги кўрсатилган. П. машинасозлик, кемасозлик, самолётсозлик ва б. соҳаларда ишлатилади.

ПОДШОҲ, шоҳ (қадимги форс. пати — ҳукмдор ва шоҳ) — 1) Яқин ва Ўрта Шарқдаги баъзи мамлакат ҳукмдорларининг унвони. Дастлаб Қадимги Эронда қўлланган. П. лар чекланмаган ҳуқуқларга эга бўлган. Аммо 20-асрнинг бошида уларнинг аввалги мавқеи йўқолган.

2) Ўрта Осиё ва Эронда ёзилган тарихий манбаларда ва ҳар хил адабий тазкира ва рисолаларда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган туркий халқлар (қарлуқлар, қорахонийлар, салжуқийлар, хоразмийлар ва б.) нинг давлат бошлиқлари (*хоқон, султон* ва б.).

«ПОДЪЁМНИК» — ЎзССРдаги кўтаргич транспорт машинасозлиги заводи. Саноат корхоналари ва қурилишлар учун кўтарувчи транспорт жиҳозлари, кўприк кранлар ва б. ишлаб чиқаради. 3-д 1899 йилда Москвада ташкил қилинган, асосан совет даврида ривожланган. 1942 йилда Тошкентга кўчириб келтирилган. «П.» ҳозирги замон техникасининг энг янги асбобускуналари б-н жиҳозланган. Улуғ Ватан уруши йилларида з-д мамлакат мудофааси учун зарур маҳсулотлар, шарққа кўчирилган корхона ва янги қурилишлар учун электр кўприк кранлари, қ. х. машиналари учун деталлар ишлаб чиқарди. Урушдан сўнг з-д тўла равишда кўтаргич транспорт асбоблари ишлаб чиқаришга ўтди. Мас., 1942 йилда 22 кран ишлаб чиқарган бўлса, 1970 йилда 871, 1974 йилда 1141 кран ишлаб чиқарди. З-д 1963 йили реконструкция қилинган. У тайёрлаган кранлар социалистик мамлакатлар, Сурия, Яман Халқ-Демократик Республикаси, Ҳиндистон ҳамда бошқа мамлакатларга чиқарилади.

ПОЕЗД, темир йўл поезди — бир ёки бир неча *локомотив* ёки моторли вагон тиркалган вагонлар состави. Вагонлар бир-бирига махсус тиркаш мосламаси *(автоулагич)* б-н уланади. П. умумий сигнализация системаси б-н таъминланади. Битта ёки бир нечта тиркама уланган автомобиль *автопоезд* деб аталади.

П. нинг шошилинч ёки навбатсиз (тиклаш, ўт ўчириш, қор тозалаш ва б.), навбатдаги (пассажир, юк, почта-багаж, пассажир-юк, хўжалик ва б.) ва ҳ. к. хиллари бор.

П., асосан, йирик станцияларда ҳаракат графиги ва П. тузиш планига мувофиқ тузилади. Ҳар бир П. категорияси учун фойдаланиладиган локомотивнинг тортиш кучига ва қабул қилиш-жўнатиш йўлларининг узунлигига қараб, составнинг оғирлиги ва узунлиги белгиланади. СССРда пассажир П. ларининг оғирлиги 1000—1200 *т* га, юк П. ларинiки 6000—10000 *т* га етади. Пассажир П. ларининг максимал тезлиги — 160 (баъзан, 200 ва ундан ошиқ) *км/соат*, юк П. ларинiки — 80—120 *км/соат*. Ҳар бир П. га номер қўйилади.

ПОЁН — Самарқанд обл. Самарқанд р-ни Кулбапоён қ. С. даги қишлоқ. «Комсомол» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 15 *км*, яқин т. й. станцияси — Самарқанддан 19 *км*. Аҳолиси 1673 киши (1974); чорвачилик, боғдорчилик, токчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Зарафшон дарёсидан сув ичади. К-з идораси, машина-трактор парки, алоқа бўлими, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, медпункт, ёзги кинотеатр бор.

ПОЖА́РСКИЙ Дмитрий Михайлович [1578. 1. 11 — 1642. 20 (30). 4, Москва, Суздалда дафн этилган] — Россия давлат ва ҳарбий арбоби, князь. 1598 йилдан Земский собор аъзоси. 1613 йилдан бояр. И. И. Болотников раҳбарлигидаги деҳқонлар қўзғолонини бостиришда қатнашган. Сохта Дмитрий II га қарши курашда В. Шуйский тарафдори бўлган. 1611 йилда биринчи кўнгиллилар қўшини (ополчение) ва 19—20 мартда Москвадаги поляк-литва интервентларига қарши стихияли қўзғолон иштирокчиси; қўзғолонда оғир яралар бўлган. 1611 йилнинг охиридан иккинчи кўнгиллилар қўшини раҳбарларидан бири. П. ва К. Минин бошчилигидаги иккинчи кўнгиллилар қўшини 1612 йил 26 октябрда Москвани интервентлардан озод қилди. 1617—40 йиллари Москвадаги турли маҳкамаларни бошқарган. 1628—30 йиллари Новгород воеводи. 17-асрнинг 1-ярмида П. Россиядаги энг йирик ер эгаларидан бири бўлган. 1804—18 йилларда П. ва К. Минина Москва Қизил майдонида ҳайкал ўрнатилган.

ПОЗДНЯКО́ВА Татьяна Николаевна (1920. 18. 4, Орёл) — уролог, медицина фанлари д-ри (1968), проф. (1972). ТошМИни тугатган (1942). Улуғ Ватан уруши қатнашчиси (1942—45), ТошМИ урология кафедраси ординатори (1946—50), ассистенти (1951—64), доценти (1964—70), 1971 йилдан мудири. «Сийдик тошларини турган жойида парчалаб ва эритиб юбориш йўллари ҳамда имкониятлари ҳақида» мавзуида докторлик диссертацияси ёқлаган. Илмий ишлари урологиянинг турли масалаларига оид. Қизил Юлдуз ордени ва медаллар б-н мукофотланган.



Москва Қизил майдонида К. Минин ва Д. Пожарскийга ўрнатилган ҳайкал. Ҳайкалтарош И. П. Мартос.

ПОЗИ́РИК — Олтойнинг Катта Улаган дарёси ҳавзасидаги мозорқўрғонлар. П. дан М. П. Грязнов (1929) ва С. И. Руденко (1947—49) мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарига оид бешта катта *мозорқўрғон* очишган. Мозорқўрғонлар катта тош тепаликлардан иборат. 4 *м* гача чуқурликда 50 *м*² га яқин майдонга айлана лаҳадлар қурилган. Тошқўрғонлар остида музликлар вужудга келганлиги натижасида дафн жиҳозлари ва турли асбоб-анжомлар сақланиб қолган. Топилмаларнинг кўпчилиги санъат буюмлари бўлиб, олтойликларнинг Ўрта Осиё ва Жанубий Россия скифлари б-н яқин алоқада бўлганлигидан дарак беради. Топилмалар орасида отлиқлар, овчи итлар ва кийиклар тасвири солинган дунёда энг қадимги Олд Осиё патли гилами ва шойи матолар бор. Қабила бошлиқларининг дабдабали дафн этилиши Олтой чорвадор жамоаларида ижтимоий бўлиниш мавжудлигини кўрсатади.

Ад.: Руденко С. И., Горноалтайские находки и скифы, М.—Л., 1952; Руденко С. И., Культура населения Горного Алтая в скифское время, М.—Л., 1953; Руденко С. И., Культура населения Центрального Алтая в скифское время, М.—Л., 1960; Киселев С. В., Древняя история Южной Сибири, М., 1951.

ПОЗИТИ́В ТАСВИ́Р (лат. positivus — ижобий) — *негатив*дан ҳосил қилинадиган фотографик тасвир; бунда тасвирнинг ёруғлик (ранг) нисбатлари суратга олинган объект ёруғлик нисбатларига мос келади, яъни объектнинг оқ жойлари оқ, қора жойлари қора бўлиб чиқади. П. т. позитив фотоматериалга контакт ёки проекциялаб нусха кўчириш йўли б-н туширилади; бунда битта негативдан бир неча П. т. олиш мумкин. Бир нусхали П. т. (диапозитив ва ҳаваскорлик кинофильмларида) қайтар фотоматериалларга қайтариш методи б-н туширилади. Рангли кинематографияда негатив-позитив ва қайтариш процессларидан ташқари учта ранг ажратгичли оқ-қора негативдан фойдаланиладиган гидротип босма қўлланилади.



Позднякова Т. Н.

ПОЗИТИ́В ҲУҚУҚ — айни вақтда амалдаги ҳуқуқ. Бу тушунча юридик фанда мавжуд ҳуқуқ нормаларини ифодалаш ва уларни бекор қилинган ёки амалда ўз кучини йўқотган нормалардан, шунингдек ҳали қабул қилинмаган, лекин келгусида қабул қилса бўладиган нормалар ҳақидаги тасаввурлар (қонун лойиҳалари, таклифлар, ҳуқуқий ғоялар ва ҳ. к.)дан фарқлаш учун қўлланилади (яна қ. *Табиий ҳуқуқ*).

ПОЗИТИВИ́ЗМ (лат. positivus — ижобий) — буржуа философиясидаги субъектив-идеалис-

тик оқим. Барча ҳақиқий, «ижобий» билимлар фақат конкрет фанлар маҳсулидир, философия эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, деган ғояга асосланади. П. 19- асрнинг 30-йилларида шаклланган. О. *Конт* асос солган. Унинг фикрича, фан ҳеч қандай философияга муҳтож эмас. Фан чексиз ривожланиши мумкин, лекин шунга қарамасдан у ва инсон тажрибаси нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини очиб бера олмайди. Фан нарса ва ҳодисаларнинг ўзгариши ва ривожланишини бошқарувчи қонунларни эмас, балки уларнинг фақат ташқи алоқаларини, сиртқи ўхшашлигини ва тартибини аниқлай олади. Шундай қилиб, П. учун *агностицизм* хос.

Кейинчалик позитивистик қарашларни ишлаб чиқишга ва ёйишга Э. Ренан, С. Милль ва Г. *Спенсер* катта ҳисса қўшганлар. Позитивистлар идеализмни ҳам, материализмни ҳам бир ёқлама, чекланган, деб эълон қилганлар, лекин аслида субъектив идеализмни тарғиб этиб, фан ютуқларини идеализм руҳида изоҳлаганлар. Бу ҳол П. нинг асосий элементларидан бири—тажриба тушунчасини талқин қилишда яққол намоён бўлади. П. вакилларининг даъвосича кўра, тажрибада инсон нарса ва ҳодисаларнинг объектив характерини аниқлай олмайди, чунки у ўз идроклари, кечинмалари доирасидан четга чиқа олмайди, яъни П. ҳамма илмий билимларни инсон субъектив тажрибаси доирасига жо қилмоқчи бўлади.

П. га хос бўлган агностицизм хусусан Г. Спенсер қарашларида яққол кўринади. Унга кўра, объектив реалликни билиш тамоман мумкин эмас; воқеликнинг моҳиятига фақат дин орқали тушуниш мумкин эмиш.

19- асрнинг охирига келиб П. кризисга учради, унда айрим ўзгаришлар рўй берди. Бу ўзгаришлар натижасида *махизм* (эмпириокритицизм) шаклланди. Кейинчалик махизм асосида *неопозитивизм* вужудга келди. У мантиқий (ёки лингвистик) П. ҳам деб аталади, чунки фаннинг мантиқий структурасини, унинг тилини тадқиқ қилишга эътибор беради.

П. ҳозирги замон буржуа философиясидаги кенг тарқалган йўналишлардан биридир. В. И. Ленин П. ни кескин танқид қилиб, уни «философиядаги манфур ўрталиқ партияси» деб атаган эди.

Ад.: Маркс К., Энгельс Ф., Избр. письма, М., 1953 (180, 266, 479, 480- бетлар); Ленин В. И., Материализм ва эмпириокритицизм, Ас., 14-т.; Корнфорт М., В защиту философии. Против позитивизма и прагматизма, Пер. с англ., М., 1951; Нарский И. С., Очерки по истории позитивизма, М., 1960; Нарский И. С., Современный позитивизм, Крит. очерк, М., 1961.

ПОЗИТРОН [лат. posi (tivus) — мусбат ва *электрон*], (символи e^+) — мусбат электр зарядли [$(e = 4,80288 \pm 0,00021) \cdot 10^{-10}$ электростатик бирликка тенг] ва массаси ($m_e = 9,10956 \cdot 10^{-28}$ *г*) электрон массасига тенг элементар зарра. П. спини $^1/_2$ га тенг бўлиб, *Ферми — Дирак статистикасига* бўйсунади. Магнит моменти μ электроннинг магнит моментига тенг ва ишораси унга қарама-қарши $\mu = (1,001162 \pm 0,000004) \cdot e\hbar/2m_e c$, бу ерда $\hbar = h/2\pi$, h — Планк доимийси, c — ёруғлик тезлиги.

П.—электроннинг антизарраси, унинг мавжудлиги (1931 йилда П. Дирак топган) назарий жиҳатдан Дирак тенгламасидан келиб чиқади. П. нинг космик нурлар таркибида борлигини 1932 йилда АҚШ физиги К. Д. Андерсон тажриба йўли б-н кашф қилган.

П. электромагнит, гравитацион ва кучсиз ўзаро таъсирларда иштирок этади ва *лептон* синфига киради. Статистик хусусиятига кўра П. фермион ҳисобланади. П. турғундир, лекин у электрон б-н тўқнашганда e^+e^- жуфтлар аннигиляция ҳодисаси содир бўлганлиги учун жисмда қисқа вақт яшайди. Мас., қўрғошинда П. нинг яшаш вақти $5 \cdot 10^{-11}$ *сек* га тенг. Маълум шароитда, аннигиляция рўй беришдан илгари, П. ва электрон боғланган система — позитроний ҳосил қилиши мумкин; бундай системанинг яшаш вақти 10^{-7} *сек* га тенг бўлади (агар П. ва электрон спинлари йиғиндиси 1 бўлса), 0 га тенг бўлса 10^{-10} *сек* бўлади.

П. лар эркин элементар зарраларнинг ўзаро ўтишидан (мас., мюоннинг емирилишида, γ — квантларнинг П. электрон жуфтини ҳосил қилиш процессида) ва баъзи радиоактив изотопларнинг бета-емирилишидан ҳосил бўлади. Бета-емирилишда ҳосил бўлган П. дан текшириш мақсадларида фойдаланилади. П. нинг жисмда секинланиш ва аннигиляция процесслари жисмнинг физик ва кимёвий хоссалари тўғрисида маълумот беради (мас., кристалл панжарасининг дефекти, электрон ўтказувчанликнинг тезликлар бўйича тақсимоти, баъзи бир кимёвий реакцияларнинг кинетикаси тўғрисида). Элементар заррани ўта юқори энергияда текшириш усулларидан бири тезланиш олган П. дастаси б-н электроннинг ўзаро тўқнашишига асосланган.

Ад.: Бекжонов Р. Б., Атом ва ядро физикаси, Т., 1972; Бекжонов Р. Б., Атом, ядро ва зарралар, Т., 1973.

ПОЗИТРОНИЙ — *электрон* e^- ва *позитрон* e^+ дан иборат физик система. Бунда электрон ва позитрон ўзаро боғланган ҳолда бўлади. PS б-н белгиланади. П. водород атомига ўхшайди, унда водород атомидаги протон ўрнида позитрон бўлади. П. ни 1951 йилда М. Дейч (АҚШ) кашф этган. П. позитронларининг атомлар б-н тўқнашувидан ҳосил бўлади. Унинг массаси иккита электрон массасига тенг, ўлчами водород атоми диаметридан икки ҳисса ортиқроқ. П. асосий ва ғалаёнланган ҳолатларда бўлиши мумкин. П. энергиясининг асосий сатҳи электрон ва позитрон спинларининг ўзаро таъсиридан 2 та сатҳга ажралади. Улар орасидаги энергия фарқи $8,41 \cdot 10^{-4}$ *эв* га тенг. Пастки сатҳ антипараллел спинли зарралар (парапозитроний)нинг ҳолатига, юқори сатҳ эса параллел спинли зарралар (ортопозитроний)нинг ҳолатига мос тушади. П. жуда қисқа вақт (*сек*нинг бир неча улушича) яшайди, *аннигиляция* туфайли позитрон ва электронларга айланади.

ПОЗИЦИОН УРУШ — урушаётган томонларнинг ҳал қилувчи операциялар ўтказиш учун куч ва воситаларни тўплаши (қ. *Уруш*).

ПОЗИЦИОН ҲИСОБ СИСТЕМАСИ — ҳар бир рақам қайси хона (ўрин)да ёзилишига қараб ҳар хил қийматларни қабул қиладиган ҳисоб системаси. Мас., ўнли саноқ системасида ёзилган 310383 сонида чапдаги 3 рақами 3 та 100000 ни, яъни 300000 ни, ўртадагиси 300 ни, ўнгдагиси 3 ни ифодалайди. П. ҳ. с. га ўнли саноқ системасидан ташқари ЭҲМларида ишлатиладиган иккилик, тўртлик, саккизлик ва ўн олтилик саноқ системалари ҳам мансуб. *Рим рақамлари* б-н сонларни ёзиш П. ҳ. с. га кирмайди.


Ад.: Фомин С. В., Системы исчисления, 2 изд., М., 1968.

ПОЗИЦИЯ (лат. positio — вазият, ҳолат)—1) бирор нарсанинг жойлашуви; дастлабки ўрни. Мас., қўшинлар П. си, шахмат ўйинида рақиблар П. си ва б.; 2) бирор масала тўғрисида билдирилган нуқтаи назар; далил, воқеа ва ҳодисанинг муайян баҳоси, шу баҳога мувофиқ қилинган хатти-ҳаракат.

ПОЗИЦИЯ (*ҳарбий ишда*) — қўшинлар эгаллаган ёки уларнинг жойлашиши учун тайёрланган участка. П. инженерлик жиҳатидан жиҳозланади ва пухта эшелонлаштирилган мудофаа доирасининг асосий қисми ҳисобланади. П. нинг асосини, одатда, мудофаа р-нлари ёки мудофаадаги бўлинмаларнинг ўзаро ягона ўт очиш системаси б-н бирлаштирилган таянч пунктлари ташкил қилади. Ҳар бир П. *окоплар*, пана жойлар, яшириниш жойлари ва имкони бўлса, алоқа йўлларини бирлаштирувчи траншеялар б-н жиҳозланади. Бу шахсий состав ва қурол-яроғларнинг яширин жойлашишини таъминлайди ва П. да кучларнинг маневр қилишига яхши имконият яратиб беради. Мудофаа ичкарисида оралиқ П. ташкил этилиши ҳам мумкин. Душманни чалғитиш учун муҳим йўналишларда мудофаа чизиғидан анча илгарида олдинги П. ҳам қурилади. Бундан ташқари, мудофаа ичкарисида сохта П. ташкил этилиши, бўлинма ва ўт очиш воситаларининг жанг давомидаги маневрлари учун эса запас ва вақтинчалик П. барпо қилиниши мумкин. Ҳужумга ўтиш олдидан бошланғич р-нда моторлаштирилган пиёда бўлинмалар ва танклар учун кутиш П. си, ракета қўшинларининг учириш қурилмалари учун старт П. си, артиллерия, миномёт ва б. ўт очиш воситалари учун ўт очиш П. си тайёрланади.

Ҳарбий-Денгиз Флотининг қўшилма ва кемалари жангдан олдин дастлабки П. ни эгаллайдилар. Қирғоқ бўйи р-ларида мина-артиллерия П. си ҳосил қилиниши мумкин.

ПОЗНАНЬ — Польшанинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Варта дарёси (Одранинг ирмоғи) бўйидаги порт. Познань воеводлигининг маъмурий маркази. Аҳолиси 499 минг киши (1973). Мамлакатнинг энг йирик иқтисодий ва маданий марказларидан. Транспорт йўлларининг муҳим узели. Саноатининг етакчи тармоғи—машинасозлик; тепловозлар, кема дизеллари, станоклар, қ. х. машиналари, приборлар ишлаб чиқарилади. Кимё, ёғочсозлик, тикувчилик, полиграфия, озиқ-овқат ва пойабзал, парфюмерия корхоналари бор. П. да ҳар йили халқаро ва миллий ярмаркалар ўтказилади. 8 та олий ўқув юрти, жумладан А. Мицкевич номли ун-т (1919), филармония, опера ва драма театрлари, табиатшунослик, тарих ва санъат, археол. музейлари бор. П. 9- асрда вужудга келган.



Познань. 1. Адам Мицкевич номли университет биноси. 2. Озодлик майдони

ПОЙАБЗАЛ (форс-тож. پاانزار)—оёқни иссиқ, совуқ, нам, чанг, шикастланишдан сақлаш учун кийиладиган оёқ кийими. Илгари эркаклар П. и — мардона, аёллар П. и — занфона, болалар П. и— бачкана деб аталган. Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингунга қадар Ўрта Осиё халқлари, асосан, этик, маҳси, кавуш кийишган. Кейинчалик, ботинка, туфли, сандал, шиппак, пима, калиш, спорт, медицина, ҳарбий ва махсус иш П. лари кийиш расм бўлди. Илгари П., асосан, қўлда тикилган. Ҳозир П. тикишга оид деярли барча жараёнлар механизациялаштирилган.


П. ўлчами ёки номери пататкининг штихлар (1 штих — $^2/_3$ *см*), сантиметрлар ёки дюймларда ўлчанадиган узунлигини билдиради. СССР да, асосан, сантиметрли система қўлланилади. П. ўлчамлари бўйича (сантиметрларда ўлчанганда) чақалоқларга (7—14), боғча ёшидагиларга (14,5—17,5), болаларга (18—25), аёлларга (22—28), эркакларга (25,5—31,5) мўлжалланган хилларга бўлинади.

П., асосан, сахт (юза) ва тагчармдан иборат. Сахт деталлари ипли чок б-н бирлаштирилса, заготовка, яъни тановор (чарм, газлама, сунъий чарм) ҳосил бўлади. Тагчармга чарм, резина, пластмасса-чарм, ёғоч ишлатилади. Тагчарм деталлари пошна, патак, набойка ва б. шаклидаги пўлат кескичлар ёрдамида махсус прессларда кесилади. Сунъий чарм деталлар П. ф-касига тайёр ҳолда келтирилади.

П. тикиш технологияси: материални бичиш, деталларни бириктиришга тайёрлаш, заготовкани тикиш ва бириктириш, унга шакл бериш, тагчармни сахтга бириктириш ва тайёр П. ни пардозлаш.

Заготовкани колипга тортиш ва патак бириктириш (михлаб, елимлаб ва ипли чок б-н) ишлари махсус машиналарда бажарилади. Тагчармни заготовкага бириктиришнинг механик, рантли, сандал, ярим сандал, елимлаш ва б. П. мустаҳкамлиги ва унинг ташқи кўриниши кўп жиҳатдан бириктириш сифатига боғлиқ. Заготовкага тагчарм бириктирилгандан сўнг маҳкамлаш машинасида пошна қоқилади.

Тайёр П. ни пардозлаш ишлари ҳам, асосан, махсус машиналарда бажарилади. Айрим ишларгина қўлда қилинади (расмда П. ни механик усулда тикишга оид ишлар тартиби кўрсатилган). Умуман, П тикишда 120 га яқин машина ва мосламалар қўлланилади (яна қ. *Пойабзал саноати*).



Пойабзални тикиш тартиби.

ПОЙАБЗАЛ САНОАТИ — енгил саноатнинг асосий тармоқларидан бири; чарм, резина ҳамда бошқа материаллардан пойабзал ишлаб чиқаради. 19-асрнинг ўртасида тикув машинасининг яратилиши пойабзал тайёрлаш жараёнидаги операциялардан бири — пойабзал тикишни механизациялаштириш имконини берди. Бу вақтгача пойабзал ҳамма ерда фақат қўлда тикилар эди. Сўнгроқ, пойабзал деталлари тайёрланадиган ва унинг усти б-н тагини бириктирадиган бир қанча махсус машиналар ихтиро қилинди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. 20-аср бошларига келиб танаворни қолипга тортиш машинаси яратилди. Натижада пойабзал ишлаб чиқаришдаги асосий операцияларни механизациялаштириш мумкин бўлиб қолди, шу асосда пойабзал ф-калари пайдо бўлди, П. с. шаклланди. Аммо чор Россиясида Октябрь инқилобига қадар пойабзал асосан қўлда ишлаб чиқарилар эди. 1908 йили Петроградда қурилган бирдан-бир йирик «Скороход» ф-каси ва баъзи майда ф-каларнинг ялпи маҳсулотдаги ҳиссаси 6% га яқин бўлган. Туркистон ўлкасида эса, П. с. нинг бирорта ҳам корхонаси бўлмай, пойабзал фақат косиблар томонидан кустарь усулларда ҳамда жуда кам ассортиментда ишлаб чиқарилар эди.

Октябрь инқилобидан сўнг мамлакатимизда йирик П. с. вужудга келтирилди. Дастлабки беш йилликларда жуда кўп йирик корхоналар қурилди, ишлаб турганлари қайта қурилиб кенгайтирилди. Бу ишлар мамлакат халқ хўжалигини социалистик қайта қуриш ва индустриялаштириш программаларининг узвий қисми бўлиб, қисқа давр мобайнида катта натижалар берди. 1913 йилда ишлаб чиқарилган 60 млн. ва 1928 йилда 58 млн. жуфт пойабзалнинг асосий қисмини косиблар тайёрлаган бўлса, 1940 йилда СССР П. с. 211 млн. жуфт маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу тарихий жараён Узбекистон ССРда ҳам мисли кўрилмаган кўлам ва суръатларда амалга ошиб борди. Мамлакат П. с. тараққиёти программасида кўзда тутилган энг йирик пойабзал ф-каларидан бири Тошкентда 1932 йилдаёқ қуриб ишга туширилди ва республика П. с. га асос солинди. Сўнгроқ Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Бухоро шаҳрида яна бир қанча ф-калар қурилди. Биринчи беш йилликларда Узбекистонда йирик П. с. ташкил топди. Республика бўйича 1932 йилда 1,9 млн. жуфт чарм пойабзал чиқарилган ва бунинг анча қисмини косибчилик маҳсулоти ташкил қилган бўлса, 1940 йилда асосан П. с. томонидан 3,8 млн. жуфт маҳсулот ишлаб чиқарилди. Урушдан кейинги даврларда П. с. мамлакат бўйича ҳам, Узбекистонда ҳам катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Янгийўл, Чирчиқ, Андижон ва Наманганда ф-калар қурилди. Саккизинчи беш йилликда Узбекистонда пойабзал ишлаб чиқариш ўртача йиллик қуввати 7,3 млн. жуфт ёки 45% га ошди. Фарғонада мамлакат миқёсидаги энг йирик ф-калардан бири 1969 йилда ишга туширилди, у йилига 5 млн. жуфт моделли пойабзал ишлаб чиқаради. 1972 йили Тошкентда 3 млн. жуфт пойабзал ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган яна бир янги ф-ка ишга туширилди. Сўнгги йилларда деярли барча пойабзал ф-калари қайта қурилди, кўплаб замонавий юқори унумли ва маҳсулот сифатини кўтарадиган янги машина ва ускуналар б-н жиҳозланди. Бундан ташқари, П. с. жуидан босиб тайёрланган ва резина пойабзал ҳам ишлаб чиқаради. Узбекистон ССРнинг Поп шаҳарчасида (Наманган обл.) 1960 йили резина пойабзал з-ди ишга туширилди, у 1973 йилда 4,2 млн. жуфт калиш чиқарди. 1974 йилда ишлаб чиқарилган чарм пойабзал СССР бўйича жон бошига 2,7 жуфтдан, Узбекистон бўйича 1,8 жуфтдан тўғри келди. Узбекистонда аҳоли сони мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан 3 баравар тез кўпаяётганини ҳисобга олиб, республикада пойабзал ва б. халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш анча юқори суръатлар б-н ривожлантирилмоқда.

СССРда ва Узбекистонда чарм пойабзал чиқариш динамикаси (млн. жуфт)

	1940 й.	1960 й.	1970 й.	1974 й.
СССР	211	419,3	675,7	684,0
УзССР	3,8	11,4	18,4	24,0

Маҳаллий саноатдаги бир қанча майда корхоналардан ташқари, Узбекистон Енгил саноати министрлиги қарамоғида 10 та йирик пойабзал ф-каси бор. Улардан энг катталари Тошкент, Фарғона ва Қўқон, Наманган, Бухоро, Янгийўл ва Чирчиқ шаҳарларида жойлашган. Ҳозирги замон П. с., шу жумладан Узбекистон П. с. юқори техникавий савияда ишлайдиган корхоналардан иборат бўлиб, уларда асосий ишлаб чиқариш жараёни деярли тўла механизациялаштирилган ва конвейер-оқим усулида олиб борилади, кўпгина жараёнлар автоматлаштирилган, корхона маҳсулот турлари бўйича ихтисослаштирилган. П. с. да социалистик мусобақа ва техника тараққиёти туфайли меҳнат унумдорлиги йилдан-йилга ортиб бормоқда. КПССнинг 25-съезди белгилаб берган халқ турмуши даражасини ошириб боришга қаратилган партиянинг иқтисодий сиёсати халқ эҳтиёжини қондиришга бевосита алоқадор тармоқларга кирувчи П. с. тараққиётининг конкрет программаси ва истиқболларини очиб берди.

1974 йилда жон бошига ГДР да 5,0 жуфт, Венгрияда 3,9, Болгарияда 2,7 жуфтдан, энг тараққий қилган капиталистик мамлакатлардан АҚШда — 2,1, Англияда — 3,0, Францияда — 4,4, ГДРда — 2,4, Италияда — 5,0 жуфтдан чарм пойабзал ишлаб чиқарилди. Аммо капиталистик мамлакатлар бўйича келтирилган рақамлар халқ истеъмоли даражасини акс эттирмайди, чунки маҳсулотнинг кўп қисми бошқа мамлакатларга чиқариб сотилади.

Ад.: Зыбин Ю. П., Технология обуви, М., 1953—55; Ульмасбаев Ш. И., Слива С. А., Узбекистан за годы советской власти, Т., 1966; Народное хозяйство СССР в 1974, М., 1975.

ПОЙАБЗАЛ ҚОЛИПИ — пойабзалга зарур шакл бериш учун ишлатиладиган мослама, пресс. Пойабзалга шакл бериш ва уни маҳкамлаш учун мўлжалланган, пошналарни текислашда ишлатиладиган ва пойабзални пардозлашда қўлланиладиган хиллари бор. П. қ. асосан, олд ва орқа қисмлардан иборат. Заготовкани қолипга тортиш пайтида бу қисмларни бир-бирига яқинлаштириб ёки бир-биридан узоқлаштириб, зарур номерга келтириш мумкин. Мас., битта П. қ. ни 23,5; 24,5 ва б. номерли пойабзалларга мослаш мумкин. П. қ. ёғоч, металл ва пластмассадан ясалади.

ПОЙГА — 1) узоқ масофага от чоптириш мусобақаси. Мусобақанинг бу турида отнинг чидамлилиги ва чопқирлиги синалади. Урта Осиёда, жумладан Узбекистонда ҳам чавандозлик санъати қадимдан маълум. П. да қатнашувчи чавандозлар сигнал берилиши б-н белгиланган маррага қараб от қўйганлар, ғолиб чиққан чавандоз совриn б-н мукофотланган. П., асосан, катта байрамларда ва тўйларда ўтказилган. П., одатда, текис жойларда ўтказилиб, атрофдаги қир-адирларга ранг-баранг алвонлар б-н безатилган ўтов ва чодирлар тикилган, бу жойларда турли таомлар пиширилиб, сайилгоҳга айланган. П. да, кўпинча, болаликдан от минишга ўргатилган ўсмирлар қатнашган.

П. нинг турли хиллари бор: жумладан текис П.— текис жойларда (одатда *ипподром* йўлкаларида) 1000—4000 *м* масофага; барьерли П.—қоидага кўра 5—9 та енгил тўсиқлардан иборат йўлкаларда 2000—3000 *м* масофага; тўсиқлар оша 4000—7000 *м* масофага; пастбаланд жойларда кросслар — 3000—8000 *м* масофага ва отда овқилиш (турли ҳайвонларни ов ити б-н қувиш) 35 *км* гача масофага ўтказилади. П. Узбекистон ва Урта Осиё республикалари спартакиадалари программаларига киритилган; 2) бир неча спортчилар иштирокида турли транспорт воситалари б-н ўтказиладиган мусобақа. Мас., автомобиль, мотоцикл, велосипед П. лари.

Ад.: Исмоилов Р., Шоломицкий Ю., Узбекистонда физкультура тарихи, Т., 1969.

ПОЙГАБОШИ — Сурхондарё обл. Бойсун р-ни Работ қ. С. даги қишлоқ. «Работ» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 1 *км*, яқин т. й. станцияси — Шўрчидан 72 *км*. Аҳолиси 507 киши (1971); боғдорчилик, ғаллакорлик ва чорвачилик б-н шуғулланади. Бойсунсойдан сув ичади.

ПОЙГОҲ (форс-тож. پایگاه — остона, киравериш), кавушандоз — маҳаллий иморатларда хонанинг эшик тарафи, кириш қисми, хона саҳнидан бир оз паст қилиб ажратилган жой. П. да, асосан, пойабзал ечилган. Баъзи хоналар П. ида *обрез* ҳам бўлган. Ҳозирги, замонавий уйларда оёқ кийими ечишга хона саҳнидан жой ажратилмайди, аксарият даҳлиз, коридор ва ҳ. к. П. вазифасини ўтайди.

ПОЙГОҲТЕПА — Бухоро воҳаси атрофида 8-аср охири — 9-аср бошларида барпо этилган *Каттир девор* системасидаги охирги истеҳком харобаси. Бухоро обл. Навоий р-нидаги Туркистон қишлоғи терр-ясида. П. да 1958 йилда Х. Муҳамедов археологик кузатиш олиб борган. Антик даврда П. Бухоро воҳаси аҳолисини ташқи ҳужумдан мудофаа этиш мақсадида ҳар 8—10 *км* масофада бино этилган истеҳкомларнинг охиргиси. Воҳанинг шимоли шарқида Зарафшон дарёси тоққа жуда яқин масофада оқиб ўтаётган жой б-н тоғ оралиғидаги тор йўлакда барпо қилинган. Дастлаб 6-асрда қурилиб, сўнгра 8-аср охири — 9-аср бошларида (Каттирак девори қайта тикланган даврларда) янгидан тикланиб, девор системасидаги сўнгги истеҳкомга айлантирилган. П. антик даврда ҳам, илк ўрта асрлар (қайта қурилган даври)да ҳам муҳим ҳарбий стратегик аҳамиятга эга бўлган. 8—9-асрларда Бухоро воҳаси атрофидаги Каттир девор П. дан шарққа томон давом эттирилиб, қадимги Сўғд (Самарқанд) воҳаси атрофидаги Каттир девор б-н туташтириб юборилган.

Ад.: Муҳамедов Х., Қадимий мудофаа деворлари, Т., 1973.

ПОЙГУМБАЗ — гумбаз ўрнатиладиган махсус қурилма, бинонинг устки, ғўласимон қисми, *барабан*. П. гумбазини бинодан баланд кўтариб, ажратиб туради, унга салобат ва кўркамлик бағишлайди. П. га, баъзан, турли томонларидан дарча ва *панжаралар* ишланади. П. гумбаз ва бино рангига мос равишда турли хил кошинкорий нақш, геометрик шакл ва *китобалар* б-н безатилади. *Амир Темур мақбараси, Шоҳи Зинда* ансамбли ва б. ёдгорликлардаги П. лар диққатга сазовор.


ПОЙДЕВОР — иморат ёки иншоотнинг ост қисми. Иншоотнинг оғирлиги П. орқали заминга тушади. П. устун, қозиқ, *кессон*, қудуқлар, чуқур таянчлар тарзида ва ҳ. к. бўлади. П. турлари қурилиш майдонининг геологик ва гидрогеологик шарт-шароитларига, қуриладиган иморат ёки иншоотнинг характери ва вазифасига, тушадиган оғирликка қараб танланади. Оддий П., баъзан, табиий заминли ёки юза П. деб аталади. Оддий П. ясси ёстиқсимон шаклда бўлиб, юза котлован ва траншеяларга қурилади. П. шакли жиҳатидан — лентасимон (деворлар тагига узлуксиз лента тарзида қурилади), алоҳида устун ёки плита шаклида, квадрат, тўғри тўртбурчак, айлана шаклида (алоҳида устун ва тиргаклар тагига қурилади), яхлит (иншоот ёки унинг алоҳида қисми тагига яхлит қурилади), қаттиқлик жиҳатидан эгилувчан ва қаттиқ; тузилиши жиҳатидан йиғма ва қуйма хилларга бўлинади (расмга қ.). П. тош, бетон, темир-бетон, пишиқ ғишт ва б. намга чидамли, мустаҳкам материаллардан қурилади. Вақтинчалик қурилган баъзи иморатларнинг П. и ёғочдан қилиниши мумкин.

Қурилишда П. га катта аҳамият берилади, чунки иморат ёки иншоотнинг мустаҳкамлиги, узоқ даврга чидаши, кўркамлиги кўп жиҳатдан П. га боғлиқ. П. қуриладиган замин олдин яхшилаб шиббалаб олинади. Шиббалашда кўтариш кранлари, махсус шиббалагичлардан фойдаланилади.

Урта Осиёда П. га қадимдан катта аҳамият берилган. Мас., Бухородаги Арслонхон мадрасаси П. нинг чуқурлиги 5 *м* дан ошади.

ПОЙКЕНД, Бойкенд — Мовароуннаҳрнинг қадимий шаҳарларидан бири. Бухородан 44 *км* жанубий-ғарбда бўлган. Шаҳар харобасини археологлардан 1903 йили Р. Пампелли, 1914 йили Л. А. Зимин, 1939 йили А. Ю. Якубовский, 1940 йили Р. Кесати ўрганган. Майдони 20 *га* дан ортиқ. Шаҳар ички девор б-н иккига; шарқий (жуда қадимий қисмга) ва ривожланган пайтда қурилган ғарбий қисмга бўлинган. Уй ва қалъа-қўрғонлари зич, деворлар б-н яхши муҳофаза қилинган. П. нинг шимоли-шарқий бурчагида тўғри бурчакли қалъа ҳамда кўчманчилар босқинидан ҳимоя қилувчи отрядлар учун муҳофаза қўрғонлари, работлар ва карвон саройлар қурилган. Ҳар бир Бухоро қишлоғининг П. да ўз работи бўлган. Унга ўз одамларини қўйиб, қишлоқдан нафақа юбориб турганлар. П. га Бухородан Ҳарамкам номли махсус канал қазиб сув келтирилган.

П. нинг қурилган вақти номаълум. Наршахийнинг ёзишича, П. Бухородан қадимийроқ. Шаҳар араб ва маҳаллий тарихчилар томонидан «Мадинат ут-тужжор» («Савдогарлар шаҳри») деб кўрсатилган ва Шарқий Хитойдан



Пойдевор: *а — б* — узлуксиз эгилувчан; *в* — устунсимон; *г — д* — устун остига қўйиладиган йиғма; *е* — лентасимон яхлит; *ж* — лентасимон йиғма; *з* — яхлит плита.

Ғарбининг денгиз бўйи шаҳарларигача борадиган карвон йўлидаги йирик савдо маркази деб улуғланган.

Археологик қазишлар пайтида кушанлар, сосонийлар ва сўғдийларнинг тангалари ҳамда хумдонда тайёрланган кулолчилик буюмлари топилган. П. ни биринчи мартаба 674 йилда араб лашкарбошиси Убайдулла ибн Зиёд босиб олган. 706 йилда эса уни Қутайба ибн Муслим бутунлай забт этган. Табарий сўзига қараганда, шаҳарнинг бойлигидан араблар ҳайратга тушиб қолишган, улар 150 (бошқа маълумотларда 50) минг мисқол олтин эритиб олганлар. П. сомонийлар даври (919—999)да равнақ топган, савдо-сотиқ ривожланган. Сомонийлар сулоласи қулагандан кейин эса харобага айланган. Қорахонийлар сулоласи вакили Арслонхон даври (12- аср)да П. яна қайта тикланган, сарой қурилган ва шаҳар орқали канал ўтказилган. Бироқ сув камлиги туфайли шаҳар 12- асрнинг иккинчи ярмида вайронага айланган.

Ад. Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966.

ПОЙКИЛОТЕРМ ҲАЙВОНЛАР (юнон. poikilos — ҳар хил ва therme — иссиқлик), совуқ қонли ҳайвонлар — тана ҳарорати ташқи муҳит т-расига боғлиқ ҳолда ўзгарувчи ҳайвонлар (*Гомойотерм ҳайвонлар*нинг акси). П. ҳ. га барча умуртқасизлар, балиқлар, сувда ва қуруқда яшовчилар, судралиб юрувчилар киради. П. ҳ. нинг тана ҳарорати қуёш нури ва мускуллар ҳаракати таъсирида кўтарилади. Мас., ари учаётганида тана ҳарорати 38—44° гача иссиқ (ташқи муҳитники 4—8°) бўлса, тинч ҳолатида ташқи муҳит ҳароратигача пасайиб кетади. Ташқи муҳит ҳарорати нормадан жуда ошиб ёки камайиб кетса П. ҳ. вақтинча карахтланади ёки ҳалок бўлади.

ПОЙНТИНГ Джон Генри (1852. 9. 9—1914. 30. 3) — инглиз физиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1888 йилдан). «Электромагнит майдонида энергиянинг узатилиши» асарида (1884) электромагнит энергияси оқимининг зичлигига оид формула ишлаб чиққан (қ. *Пойнтинг вектори*). П. Ер гравитацион доимийси ва Ернинг ўртача зичлигини аниқлашга оид тажрибалар ўтказган. П. нинг кўпгина илмий ишлари ёруғлик босими ва нурланиш назариясига оид.

ПОЙНТИНГ ВЕКТОРИ — электромагнит энергияси оқимининг зичлик вектори. Инглиз физиги *Пойнтинг* номи б-н аталади. П. в. модули электромагнит энергиясининг тарқалиш йўналишига перпендикуляр бўлган сиртнинг бирлик юзасидан вақт бирлиги ичида ўтаётган энергия миқдори б-н ўлчанади. Унинг йўналиши электромагнит энергиясининг тарқалиш йўналишига мос тушади.



Пойустун.

Бирликлар абс. системаси (Гаусс) да $\vec{\Pi} = \frac{c}{4\pi} \times$ $\times [\vec{E} \cdot \vec{H}]$, бунда $[\vec{E} \cdot \vec{H}]$ электр E ва магнит H майдони кучланганлигининг вектор кўпайтмаси, c — ёруғликнинг вакуумдаги тезлиги. *СИ* системада $\vec{\Pi} = [\vec{E} \cdot \vec{H}]$. V ҳажм б-н чегараланган бирор ёпиқ сирт S дан ўтаётган П. в. оқими Умов-Пойнтинг теоремаси бўйича аниқланади:

$$-\oint_S \Pi ds = \frac{dW}{dt} + \int_V \sigma E^2 dV - \int_V \sigma E^2_{ст} dV$$

тенгламанинг ўнг томондаги 1- қисми V ҳажмдаги электромагнит энергия (W) нинг вақт бирлигида ўзгаришини, 2- қисми шу V — ҳажм сарфлайдиган электромагнит қувватни (σ — муҳитнинг солиштирма ўтказувчанлиги), 3- қисми V ҳажмдаги э. ю. к. ва токларнинг ҳосил қиладиган электромагнит қувватини ифодалайди. П. в. электродинамика масалаларини ечишда муҳим аҳамиятга эга.

ПОЙТАХТ — давлатнинг бош шаҳри, одатда мамлакатнинг маъмурий-сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. П. да давлат ҳокимиятининг олий органлари, давлат идоралари, шунингдек олий суд, ҳарбий, маъмурий ва б. ташкилотлар бўлади.

ПОЙТЕША — тешанинг катта хили. Темирдан, тиғ қисми пўлатдан ясалади. Дастаси ёғочдан, устанинг тик туриб ишлашига мослаб узун қилинади. Иморат, кўприк ва ҳ. к. учун йирик ёғочларни йўнишда ишлатилади.

ПОЙТУҒ — Андижон обл. Избоскан р-ни Уртоқлар қ. С. даги қишлоқ. Р-нинг маъмурий маркази. Аҳолиси 6271 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Пахта з-ди, «Большевик» оёқ кийим ф-касининг филиали, ўрта мактаб, саккиз йиллик мактаб, болалар боғчаси, кутубхона, қишки ва ёзги кинотеатр, Пойтуғ т. й. станцияси, алоқа бўлими, р-н касалхонаси, туғруқхона, к-з бозори, стадион, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари, маданият ва истироҳат боғи бор.

ПОЙТУҒКУЧА — Андижон обл. Пахтаобод р-ни Маданият қ. С. даги қишлоқ. «Коммуна» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 21 *км*, яқин т. й. станцияси — Тентаксойдан 22 *км*. Аҳолиси 519 киши (1971); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Мойлисойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб бор.

ПОЙУСТУН — аксарият, маҳаллий меъморликка хос архитектура ордерининг таркибий қисми, устун ўрнатиладиган асос, таг курси. Ёғоч устунларни чиришдан сақлаш ва уларнинг баландлигини ошириш учун қўлланилади. П. устунга мослаб тошдан йўнилади, *ислимий* ва *гирих* нақшлар б-н безатилади. П. лар классик архитектурада кенг қўлланилган. Хивадаги *Тош ҳовли*да П. нинг ажойиб намуналари бор. П. лар ҳозирги замон архитектурасида ҳам ишлатилмоқда. Тошкентдаги «Кўк гумбаз» чойхонасидаги замонавий П. лар диққатга сазовор.

ПОКИСТОН, Покистон Ислом Республикаси — Жанубий Осиёдаги давлат. Эрон, Афғонистон, ХХР ва Ҳиндистон б-н чегарадош. Жанубдан Арабистон денгизи ўраб туради. Майдони 803,9 минг км². Аҳолиси 64,9 млн. киши (1972). Пойтахти — Исломобод ш. П. терр-яси маъмурий жиҳатдан 4 та провинцияга бўлинган (616- бетда картаси берилган).

Давлат тузуми. П.— федератив республика. Амалдаги конституцияси 1973 йилда қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент, у парламент палаталарининг қўшма мажлисида сайланади. Президент провинциялар губернаторларини, бош прокурорни, бош ревизорни, сайлов комиссиясининг бошлиғини, қуролли кучлар турлари штаб бошлиқларини, Олий ва юқори суд аъзоларини тайинлайди.

Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент (Миллий кенгаш ва Сенат) ихтиёрида. Сенатнинг ваколати чекланган. Ҳукуматни Миллий мажлис сайлайдиган бош министр бошқаради. Ҳукумат парламент аъзоларидан ташкил топади. Провинциялар автономияга эга. Ҳар бир провинция ўз ҳукумати ва сайлаб қўйиладиган мажлисига эга. Провинцияларда ҳокимиятни губернатор, суд системасини Олий суд бошқаради.

П. байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Табиати. П. терр-ясининг шимоли ва ғарбини Эрон тоғларининг чекка тизмалари (Макрон, Сулаймон тоғлари ва б.) ва қирлар эгаллаган, шарқи ва жануби-шарқи эса Ҳинд-Ганг текислигининг ғарбий қисмидир. П. нинг жануби-шарқига Тар чўлининг ғарбий ярми кириб борган. Ҳинд дарёси ҳавзасининг текислик қисмида Панжоб ва Синд табиий ва тарихий-маданий областлари бор. П. ғарбидаги тоғларнинг баландлиги 3000—3600 *м*. Мамлакатнинг чекка шимолида Ҳиндукуш ва Ҳималай тоғ системаларига кирувчи тоғ тизмалари жойлашган. Энг баланд жойи 7690 *м* (Тиричмир тоғи).

П. нинг шарқий пасттекислик қисми Ҳиндистон платформасининг шимоли-ғарбий чеккасида ва тоғлик қисми Ўрта денгиз бурмали минтақасида жойлашган. Фойдали қазилмалардан нефть, газ, кўмир, темир, полиметалл, сурьма, барит, олтингугурт, тоштуз, гипс, магнезит конлари бор.

Иқлими П. нинг аксари қисмида тропик, шимоли-ғарбида субтропик, қуруқ континентал. Мамлакатнинг шимолидаги тоғларда баландлик минтақаси кузатилади. Январда т-ра Ҳинд текислигида 12—16°, Арабистон денгизи соҳилида 20° гача, шимолдаги тоғ тепаларида —20°. Июлнинг ўртача т-раси П. нинг чўл қисмида 35°, соҳилда 29°, ясси тоғликларда 20—25°, баланд тоғ тепаларида 0°. Йиллик ёғин соҳилда 150—250 *мм*, Синдда 100—200 *мм*, водийларда 250—400 *мм*, мамлакат шимолидаги тоғларда 1000—1500 *мм*.

П. нинг катта қисми Ҳинд дарёси ҳавзасига мансуб, ғарбий қисмидаги дарёлар Арабистон денгизига ёки берк ҳавзага (Балужистонда) оқади. Энг катта дарёси Ҳинд ва унинг ирмоқлари. Дарёлари ёмғир, қор ва музликлардан сув олади, ёзда серсув; суғоришда фойдаланилади. Тез-тез тошқинлар бўлиб туради.

Тупроқлари П. нинг текислик қисмида бўз, бўз-жигар ранг тупроқ, Тар чўлида қумли, тоғ этакларида жигар ранг ва қўнғир тупроқ. Тоғ ораларидаги ботиқларда шўрхоклар бор. Тоғларда тупроқлар баландлик минтақасига мувофиқ пастдан юқорига алмашиниб боради.

Ўсимликлари, асосан, чала чўл ва чўлга хос. Ҳинд дарёси бўйлари тўқайзор, дельтаси ва денгиз соҳили мангра чакалакзорларидан иборат. Тар чўлида ксерофил буталар ва дағал ўтлар ўсади. Балужистон тоғларида арчазорлар бор. П. нинг шимолида — 1500—3000 *м* баландликларда кенг баргли ва игна баргли дарахтлар ўсади. П. терр-ясининг атиги 3%и ўрмон.


Ҳайвонот дунёси. Тоғларда қоплон, ёввойи қўй ва эчки, филзол, текисликларда сиртлон, чиябўри, ёввойи чўчка ва эшак, ҳар хил кемирувчилар яшайди. Парранда кўп. Ҳинд дарёсида тимсоҳлар учрайди. Арабистон денгизи балиққа бой.

Табиий районлари: Ҳинд дарёси бўйи текислиги — аллювиал текислик, аксари қисми ҳайдалади, жанубий-шарқида айрим жойлари чўл; Эрон тоғлиги — асосан, бутазорлар б-н қопланган ўртача баландликдаги тоғлар ҳамда тоғлар ораларидаги чўкмалардан иборат. Чўкмаларда шўрхок ва қумли чўллар учрайди; Ҳиндикуш ва Ҳималай тоғлари — дара ва дарё водийлари б-н чуқур ўйилган баланд тоғли ерлар. Ландшафтида баландлик минтақалари яққол ташланади, тоғларнинг баланд қисмида абадий музликлар бор.

Аҳолиси, асосан, панжобилар (42 млн. киши, 1972), шунингдек синдхлар (9,5 млн. га яқин), паштулар (10 млн.) ва балужлар (1,7 млн. кишига яқин) бор. Пашту ва балужлар ярим кўчманчилик б-н ҳаёт кечиради. П. нинг энг шимолий қисмида тоғликлар — кхо (100 мингдан ортиқ) ва кўҳистонилар (100 минг) яшайди. Расмий тил — урду тили; шунингдек инглиз тили ҳам вақтинча давлат тили ҳисобланади. Аҳолисининг 98%и ислом динининг сунна мазҳабига, қолганлари парсизм ва ҳиндуизмга эътиқод қилади. Иқтисодий актив аҳоли (18,5 млн. 1970) нинг 70,5%и қ. х. да банд. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 *км²* да 81 киши. 25% аҳоли шаҳарларда яшайди.

Тарихи. П. терр-ясида одам дастлабки музликлараро давр охиридан бошлаб яшаб келади. Мил. ав. 327—325 йилларда Ҳинд дарёси атрофидаги ерлар Александр Македонский томонидан забт этилган. Унинг вафотидан сўнг бу ерлар Маурья империясига қўшилиб кетган. Мил. ав. 2- асрда П. терр-ясида Грек-Ҳинд подшолиги деб аталувчи эллинистик давлат пайдо бўлган. Милодий 1—3- асрларда Ҳинд дарёси ҳавзаси *Кушан подшолиги*га қараб, Пурушапура шаҳри (ҳозирги Пешовар) унинг пойтахти бўлган. Кушан подшолиги парчаланганидан сўнг, ҳозирги П. нинг ғарбий р-нлари сосонийлар, шарқий р-нлари гупталар империясига қушилиб кетган. 3- асрнинг 2- ярмида бу ерда хионитлар ёки эфталитлар ҳокимияти ўрнатилиб (6- аср ўрталарига қадар), Шакала шаҳри (ҳозирги Сиалкот) мамлакат пойтахти бўлган.

6—7- асрларда П. терр-ясида қатор илк феодал давлатлар пайдо бўлган. 8- аср бошларида араблар Синд ва Панжобнинг жанубий қисмини босиб олдилар. Айни вақтда ислом дини



Лоҳур шаҳрининг Бадшоҳи мачити минорасидан кўриниши.



Қарочи марказий кўчаларидан бири.

тарқалади. 750 йили *Уммавийлар* халифалиги ағдарилгач, Синд мустақил давлатга айланади. 11- аср бошларига келиб Ҳинд дарёси ҳавзасини Ғазнавийлар, 12- асрда Ғурийлар, 13- аср бошларида Деҳли султонлиги эгаллайди. Бетўхтов урушлар, феодалларнинг исёнлари ва чет эл босқинчиларининг бостириб киришига қарамай Ҳинд дарёси ҳавзасига жойлашган Лоҳур, Мўлтон, Пешовар, Татта каби йирик шаҳарлар муҳим иқтисодий ва маданий марказга айланиб, қатор мамлакатлар б-н савдо муносабатларини ривожлантиришда катта роль ўйнаган. Уларнинг бу мавқеи *Бобурийлар империяси* даврида ҳам сақланган. Феодал эксплуатациянинг кучайиши натижасида 17- аср охири ва 18- аср бошларида деҳқонлар ва аҳоли қуйи табақасининг қўзғолони бўлиб ўтди. 18- аср ўрталарига келиб. П. территориясини афғон подшоси *Аҳмадшоҳ Дурроний* босиб олади. 1765 йилдан сиқҳлар Лоҳурни эгаллайди. Панжобда бир неча сиқҳ князликлари пайдо бўлиб, улар Ранжит Сингх (1799—1839 йилларда ҳукмронлик қилган) давлатига қўшиб олинган. Дурроний лар ҳокимиятининг заифлашуви натижасида 18- аср охирларида Синд ва Балужистонда қатор феодал князликлар пайдо бўлди.

17- асрда Жанубий Осиё субконтинентида бошланган инглиз мустамлакачиларининг ҳарбий экспансияси 19- аср ўрталарига келиб П. терр-ясига ҳам тарқалди. Инглиз мустамлакачилари 1843 йили Синдни, 1845—49 йилларда Панжобни, 1854, 1876, 1879, 1893 йилларда Балужистон ва Шарқий Пашту қабила ва князликларини босиб олди. Босиб олинган терр-ялар метрополияни хом ашё б-н таъминлаб турадиган асосий аграр базага айлантирилди.

20- аср бошларига келиб ҳозирги П. терр-ясидаги халқларнинг миллий озодлик ҳаракатларида революцион-демократик оқим шаклланиб, дастлабки революцион-демократик ташкилотлар («Ғадр», «Қизил кўйлаклилар», халифачилик ҳаракати) пайдо бўла бошлади. 30- йилларга келиб социалистик ғоялар кенг тарқала борди. П. даги озодлик ҳаракатлари кўпинча қуролли қўзғолон тарзида бўлиб ўтган (1896—1908 йилларда Синддаги ҳурлар қўзғолони, 1919—21 йилларда чегарадаги пашту қабилалари қўзғолони, 1930 йилдаги Пешовар қўзғолони ва б.). 1947 йил 14 августда П. мустақил давлат деб эълон қилинди. П. нинг генерал губернатори қилиб Мусулмонлар лигасининг раҳбари М. А. Жинна сайланди. 1948 йил 1 майда СССР Покистон б-н дипломатик алоқа ўрнатди. Мустамлака даврида П. экономикаси катта зарар кўрди. 1948 йили саноат миллий даромадининг атиги 1,4%ини ташкил қилган эди. Мустамлакачилик асоратидан қутулиб, давлат мустақиллигини сақлаш, мамлакат экономикасини ўстириш ва бу мақсадда ислоҳотлар ўтказиш П. сиёсий ҳаётининг муҳим масаласи бўлиб турар эди. 1954 йилга қадар II. сиёсий ҳаётида Мусулмонлар лигаси номли партия ҳукмронлик қилди. П. олдига қўйган проблемаларнинг ҳал бўлмаганлиги сабабли аҳолининг кўп қисми бу партиядан юз ўгира бошлади. Партия ичида ўзаро кураш бошланди. 40- йилларнинг охири ва 50- йилларнинг бошига келиб, оппозицион партиялар пайдо бўлди. Иқтисодий қийинчиликларнинг борган сайин ўсиб бориши ватанпарвар офицерларнинг норозилигини келтириб чиқарди. Ҳукмрон доиралар ўртасидаги .кураш кескин тус ола бошлади. 1954 йили П. СЕАТО га, 1955 йили Бағдод пакти (1959 йилдан СЕНТО)га аъзо бўлди.

Ҳокимият тепасида сақланиб қолиш мақсадида Мусулмонлар лигаси раҳбарлари бир оз ён беришга мажбур бўлдилар. Жумладан, 1954 йили бенгал тили урду тили б-н бир қаторда давлат тили деб тан олинди. 1955 йили Мусулмонлар лигаси ва бирлашган фронт вакилларидан иборат коалицион ҳукумат тузилди. 1956 йил 29 февралда Таъсис мажлиси П. нинг янги конституциясини қабул қилди. Унга кўра, П. федератив Ислом республикаси деб атала бошлади. 1958 йил 7—8 октябрда ҳарбий тўнтариш ўтказилиб, конституция бекор қилинди, барча сиёсий партиялар тақиқлаб қўйилди. 27 октябрдан бошлаб қуролли кучлар олий бош қўмондони М. *Айюбхон* президентлик лавозимини эгаллади. 1962 йили янги конституция қабул қилиниб, П. да президентлик системаси жорий қилинди. 1961 йил 4 мартда П. б-н СССР ўртасида битим имзоланиб, нефть ва газ соҳаларида ҳамкорлик қилина бошлади. 1965 йил кузида П. б-н Ҳиндистон ўртасида Кашмир масаласида қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. 1966 йил 4—10 январда СССР ҳукуматининг ташаббуси б-н Тошкентда П. президенти б-н Ҳиндистон бош министри учрашди. *Тошкент декларацияси* (1966) номли тарихий ҳужжатнинг ҳар икки мамлакат томонидан имзоланиши натижасида низоларни тинч йўл б-н ҳал этишга йўл очилди. 1969 йил 25 мартда Айюбхон ҳокимиятни генерал Яҳёхонга топширди. Мамлакатда ҳарбий ҳокимият ўрнатилди. 1970 й. декабрда П. тарихида биринчи маротаба умумий сайловлар ўтказилиб, унда Шарқий П. да Мужибур Раҳмон бошчилигидаги Авоми лиг партияси ва Ғарбий П. да З. А. Бхутто бошчилигидаги Покистон халқ партияси ғолиб чиқди. Авоми лиг партияси Шарқий П. га регионал автономия берилишини талаб қилди. П. раҳбарлари эса уни рад этишди. Натижада мамлакатда сиёсий кризис рўй берди. П. раҳбарларининг репрессияларига жавобан 1971 йил 26 мартда Шарқий Покистон П. дан ажраб чиқиб, Бангладеш Халқ Республикаси деб эълон қилинди. Шарқий П. дан Ҳиндистонга кўплаб қочоқларнинг ўтиб кетиши Ҳиндистон б-н П. ўртасида уруш келиб чиқишига сабаб бўлди (1971 йил дек.). 1971 йил 16 декабрда Даккада П. аскарлари таслим бўлди. 20 декабрда Яҳёхон ҳокимиятни З. А. Бхуттога топшириб, истеъфога кетди. П. президенти З. А. Бхутто б-н Ҳиндистон бош министри И. Гандининг Симладаги учрашуви (1972) ҳар икки мамлакат ўртасида алоқаларининг тикланишига йўл очди.

З. А. Бхутто ҳукумати 1972 йилдан бошлаб қатор прогрессив ислоҳотлар ўтказди. Ҳарбий

ҳолат бекор қилинди. Сиёсий партиялар фаолияти тикланди. 1973 йил 10 апрелда янги конституция қабул қилинди. 1973 йил августда Фахруллоҳ Чоудхури П. президенти, З. А. Бхутто бош министр лавозимига сайланди. П. ташқи сиёсатида муҳим ўзгаришлар рўй берди (СЕАТО дан чиқди, Британия миллатлар ҳамкорлиги аъзолигидан воз кечди, ВСР, ГДР ва ҚХДР б-н дипломатик алоқалар ўрнатди, 1972). П. бош министри З. А. Бхуттонинг СССР га қилган визити (1974 йил окт.) катта халқаро аҳамиятга эга бўлди.

Сиёсий партиялари, касаба союзлари. Покистон халқ партияси (Халқ партияси), 1967 йил 20 декабрда тузилган, 1971 йил ҳукмрон партияга айланган. Миллий буржуазия ва ер эгалари манфаатларини ифодалайди. Миллий халқ партияси, 1957 йилда тузилган. Майда ва ўрта буржуазия манфаатларига хизмат қилади. Покистон мусулмонлар лигаси (1972 йил октябргача Мусулмонлар лигаси), 1906 йилда тузилган. Йирик буржуазия ва помешчиклар манфаатини ҳимоя қилади. Жамоати исломия, 1941 йилда тузилган. Ўта ўнг диний партия. П. Коммунистик партияси, 1948 йилда тузилган. Покистон тред юнионлар федерацияси (1972 йилгача Умум Покистон меҳнат конфедерацияси), 1948 йилда тузилган. Бирлашган ишчилар федерацияси, 1969 йилда тузилган. Покистон касаба союзлар федерацияси, 1970 йилда тузилган. Покистон ишчилар федерацияси, 1966 йилда тузилган. Миллий ишчи фронти ва б.

Хўжалиги. П.— аграр мамлакат. Экономикасида хусусий ва давлат капиталистик укладлари етакчи ўринда. 1972—74 йилларда мамлакат экономикасида давлат секторининг ролини ошириш учун П. ҳукумати бир қанча иқтисодий ва маъмурий ислоҳотлар ўтказди, жумладан банк ва страхование компаниялари, оғир саноат тармоқлари, денгиз кемачилиги национализация қилинди; нефть ва нефть маҳсулотлари б-н савдо қилиш, четга пахта сотиш давлат қўлига ўтди. Бир қанча тармоқларда Англия капитали ҳамон етакчи мавқега эга. Қишлоқ хўжалиги. Аграр ислоҳотлар ўтказилишига қарамай, П. да ҳамон помешчик ер эгалиги ва майда деҳқон хўжалиги ҳукмрон. 1972 йилда ўтказилган аграр ислоҳотда ҳам асосан ер эгалигини чеклаш кўзда тутилган. 19,2 млн. *га* ер ишланади; шундан 14,5 млн. *га* (П. терр-ясининг 24%и) экинзор, 2,3 млн. *га* ўрмон (1969). Ердан йилига 2 марта ҳосил олинади. Кейинги йилларда катта гидротехник ва мелиоратив ишлар амалга оширилди. Давлатга қарашли каналлардан суғориб экиладиган ер майдони 1969 йилда 12,3 млн. гектарга етди.


Деҳқончилик қ. х. нинг етакчи тармоғи. Асосий экинлари: буғдой, грэм, арпа, мойли экинлар, шоли, пахта, шакарқамиш ва б. Боғдорчиликда манго, цитрус ўсимликлари, хурмо, ўрик ўстирилади.

Чорвачилик ёрдамчи аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда шаҳарлар атрофида гўшт ва сут чорвачилиги ривожланмоқда. Чўл иқлими қурғоқчил р-ларда кўчманчи чорвачилик (қўй, эчки, туя боқиш) б-н шуғулланилади. 1972—73 йилларда қирғоққа яқин сувлардан 212 минг *т* балиқ овланган.

Саноати. П. га мустамлакачилик давридан бир неча кичик тўқимачилик ф-каси, қанд з-ди, т. й. ва механика устахонаси мерос қолган. Мустақиллик йилларида нисбатан йирик енгил саноат корхоналари барпо қилинди, оғир саноатга замин яратилди. Ҳунармандчилик ривожланди. Табиий газ истеъмол қилинаётган энергиянинг 35%ини ташкил қилади. Асосий газ конлари Суйи ва Балужистонда. Қазиб чиқарилаётган нефть мамлакат эҳтиёжининг 15%ини қоплайди. Қарочидаги нефть з-ди четдан келтирилган нефтни қайта ишлайди. 1961 йилдан нефть ва газ конларини топишда СССР ёрдам бермоқда. Озроқ миқдорда кўмир, тоштуз, гипс ва хромит қазиб олинади. Қарочи яқинида биринчи атом электр станцияси қурилган. Электр энергиянинг кўп қисмини Ҳинд дарёсига қурилган ГЭСлар беради.

Ишлаб берувчи саноати, асосан, тўқимачилик корхоналаридан иборат. 1974 йилда 146 та ипгазлама ф-каси бўлган. Калава ипнинг анча қисми экспорт қилинади. Мовут, шойи ва трикотаж ф-калари бор. Тўқимачилик саноати марказлари: Қарочи, Ҳайдаробод, Лайалпур, Мўлтон, Лоҳур. Панжоб ва Синд провинцияларида шакар-қанд з-длари, ҳамма жойда шоли оқлаш, ун, ёғ, мева консерва, тамаки корхоналари бор. Совет Иттифоқи ёрдамида Қарочи ш. яқинида йиллик қуввати 1 млн. *т* пўлат ишлаб чиқарадиган металлургия з-ди қурила бошланди (1974). Металлсозлик ва машинасозлик корхоналари тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, автомеханика ва т. й. устахоналаридан иборат. Ландхи ва Таксилада йирик машинасозлик з-длари ишга тушди (1974). Кимё саноатида, асосан, минерал ўғит ишлаб чиқарилади. Цемент, резина, техника буюмлари, ойна корхоналари бор. Муҳим саноат марказлари: Қарочи, Лайалпур, Гужранвела, Лоҳур, Мўлтон, Ҳайдаробод. Ҳунармандчиликда газлама тўқилади, чарм ва металл буюмлар, спорт товарлари, жарроҳлик асбоблари ишлаб чиқарилади.

Транспорти. 8810 *км* т. й. (1974), 33,5 минг *км* автомобиль йўли (1972), 290 минг автомашина бор. Миллий савдо флоти (52 кема, 1974) мамлакат эҳтиёжини қондирмайди. Денгизда ташиладиган юкларнинг аксари қисмини чет эл кемачилик компаниялари ташийди. Қарочи портининг юк оборотн 10,5 млн. т (1973). Қарочида халқаро аэропорт бор.



Панжоб вилоятидаги цемент з-ди.

Ташқи савдоси. Четга, кўпроқ, калава ип ва газлама, пахта, гуруч, кўн, балиқ, гилам, жун чиқаради; четдан ёқилғи, хом ашё, буғдой, машина ва ускуналар, қора металл, нефть ва нефть маҳсулотлари, кимёвий товарлар келтиради. Асосан, АҚШ, Япония, Буюк Британия, ГФР, ХХР б-н савдо қилади. СССР б-н ҳам савдо алоқалари ривожланмоқда. Пул бирлиги — покистон рупия-

си. СССР Давлат банки курси б-н 100 покистон рупияси 7,54 сўмга тенг (1976 йил, март).

Қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари ва Ҳарбий-Денгиз Кучларидан иборат. Қўшинларга мудофаа министри ва қўшин турлари, штаб бошлиқлари раҳбарлик қилади. Армия кўнгиллиларини ёллаш йўли б-н тўлдирилади. Командирлар ҳарбий билим юртларида, шунингдек АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий-ўқув юртларида таълим олади. Қуролли кучларининг умумий сони 300 минг кишидан ортиқ (1974). Бундан ташқари чегара қўшинлари (30 минг кишидан ортиқ) ва миллий гвардия (30 минг кишига яқин) бор. Асосий ҳарбий-денгиз базаси Қарочида.

Соғлиқни сақлаш. Тахминий маълумотларга кўра (1965—70 йилларда ҳар минг киши ҳисобидан) туғилиш 50,9, ўлим 18 (болаларда 142) нафарни ташкил этган. Ўлимнинг асосий сабаблари: безгак, сил, чечак, дифтерия ва б. Мохов, трахома, венерик ва тери касалликлари ҳамма жойда тарқалган. Тоғлиқ ва пасттекислик р-нлардаги аҳоли безгакдан кўп зарар кўради. Тез-тез вабо тарқаб туради. Юрак-томир системаси касалликлари, буйрак тоши касаллиги ва шиш каби касалликлар ҳам бор.

1969 йилда 42,6 минг ўринли (минг кишига 1,0 га яқин ўрин) 2588 касалхона муассасаси бўлган; 21,2 минг врач (6 минг кишига 1 врач), 377 тиш врачи, 8 мингга яқин ўрта медицина ходими ишлаган. Врачлар ва ўрта медицина ходимлари 6 колледж ва 9 медицина муассасасида тайёрланади.

Ветеринарияси. П. да юқумли касалликка чалинган ҳайвонлар кўп. Йилига ўртача 10%и нобуд бўлади. Қорамолнинг айримлари ҳар йили ўлат б-н касалланади. Соғин буйволлар ва бузоқларининг 50%и ўлади. Оқсил касаллиги бутун мамлакат бўйлаб тарқалган. Қўйлар чечак касаллиги б-н оғрийди, буида терисининг 20%и яроқсиз ҳолга келади. Ҳайвонлар ва паррандалар орасида бошқа касалликлар ҳам учрайди. П. да ветеринария госпиталлари, диспансерлар ва ветеринария марказлари, 1080 ветеринария врачи (1973) бор. Ҳайвонларни даволаш пулли. 5 диагноз лабораторияси бор. Мутахассислар Қ. х. ун-ти ва қ. х. колледжларида тайёрланади.

Маорифи. П. мактаб системасида 5 йиллик бошланғич, қуйи ўрта (6—8- синфлар), ўрта мактаблар ва колледжлар (11—12- синфлар) бор. Бошланғич мактабга болалар 6 ёшдан қабул қилинади. Бошланғич ва ўрта мактабларда дарс урду тилида олиб борилади, 3- синфдан инглиз тили ўқитилади. Ислом асосларини ўрганиш мажбурий фан сифатида умумтаълим мактабларининг 1—8- синфлари ўқув программасига киритилган, шунингдек математика ва табиий фанлар анъанавий мусулмон мактабларида мажбурий фан сифатида ўқитилади. 1969/70 ўқув йили Ғарбий П. бошланғич мактабларида 4,2 млн., ўрта мактабларда 1,3 млн. ўқувчи ўқиди. 1972 йилдан 1—8- синфларда бепул ўқиш жорий этилди. 1974 йили маориф соҳасида янги ислоҳот ўтказилди.

Профессионал ўқув юртлари қуйи ўрта мактаб базасида ишлайди. Техника, хусусий қ. ҳ., медицина билим юртлари, тасвирий санъат мактаблари бор. Ўқиш муддати 2 йил. 1967/68 ўқув йили Ғарбий П. да 152 профессионал билим юрти бўлиб, унда 24 минг ўқувчи ўқиган. Ўрта махсус ўқув юртлари ўрта мактаб базасида ишлайди. Ўқиш муддати 3 йил. 1967/68 ўқув йили Ғарбий П. да 27 ўрта махсус ўқув юрти бўлиб, унда 1 мингга яқин ўқувчи ўқиган. Олий маълумот олувчилар 2 йиллик тайёрлов колледжларида таълим олади. 1966/67 ўқув йили Ғарбий П. даги 101 колледжда 26 минг студент ўқиган. 1973 йили мамлакатдаги 8 ун-тда 105 мингга яқин студент таълим олди. Ўқиш пулли, асосан, инглиз тилида ўқитилади.

Йирик кутубхоналари: Лоҳурдаги Панжоб оммавий кутубхонаси, Панжоб ва Карочи ун-тлари кутубхоналари. Йирик музейлари Карочи, Лоҳур, Пешовар ва Равалпиндида.

Фани ва илмий муассасалари. Табиий ва техника фанлари. П. терр-ясида илк билимлар *Хараппа маданияти* даврида пайдо бўлган. Мил. ав. 7—6- асрлар бўсағасида пайдо бўлган дастлабки ҳинд-орий давлатларида медицина, темир металлургияси ривожланган. Мил. ав. давр охири ва милоднинг бошларида астрономия, математика, кимё, фармакология, медицина фанлари юксалган. Мил. ав. 4- асрва мил. 2- асрда Ҳинд дарёси водийсида жойлашган давлатларда ривож топган илм-фандан грек-рим давлатлари ҳам баҳраманд бўлган. 7- асрда яшаган олим Брахмагупта математика ва астрономия илмларини чуқур эгаллаган. Унинг «Брахма-спхута-сиддханта» («Брахма системасини қайта кўриб чиқиш») трактати, Синд ва Панжобда яшаган бошқа олимларнинг асарлари араб маданиятига ва араблар орқали Европа халқлари маданиятига катта таъсир кўрсатди.

Ўрта асрларга келиб, ўзаро низолар ва жаҳолат ҳамда чет эл босқинчиларининг ҳужумлари натижасида фан ривожи бир оз сусайди. Шунга қарамай астрономия ва математика, география, медицина ва фармакология, минералогия ва металлургия соҳаларида қатор илмий асарлар юзага келди. Инглиз мустамлакачилиги даврида илмий тадқиқот ишлари мамлакат хўжалиги, халқ талабларидан мутлақо ажратилган эди.

П. мустақилликка эришгач, табиий ва техника фанлари давлат назорати остида ривожлана бошлади. Қ. х. соҳасидаги илмий тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш ишлари авж олдирилмоқда. Ядро физикаси соҳасидаги йирик олим А. Салом 1971 йилдан буён СССР ФА нинг хорижий аъзоси ҳисобланади. Геология, метеорология, геофизика, география, техника фанлари ва б. соҳаларда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ижтимоий фанлар. П. терр-ясидаги халқларнинг фалсафий тафаккури бир неча асрлар мобайнида турли диний-фалсафий оқимлар—ҳиндуизм, *буддизм*, *жайнизм*, кейинчалик *ислом*, сикхизм асосида шаклланиб келган. 9- асрдан бошлаб бу ерда ислом дини ҳукмрон роль ўйнай бошлайди. Суфизм, исмоилизм каби диний фалсафий оқимлар кенг тарқалади. *Аҳмадия* диний мазҳабининг асосчиси Мирза Ғулом Аҳмад (19- аср) ислом догмаларини қайта кўриб чиқди. Муҳаммад Иқбол (20- асрнинг 1- ярми) исломнинг фалсафий ахлоқий таълимотини буржуа-маърифатчилик позициясидан талқин этди.


П. мустақил давлатга айлангач (1947), ислом дини расмий давлат идеологиясига айланиб, ижтимоий онгда асосий ўринни эгаллади. 1960 йилларга келиб, ислоҳотлар ўтказиш йўли б-н исломни замона талабига жавоб берадиган даражага келтириш ҳаракати авж олди. Бу оқим намоёндалари абсолют фатализмга қарши чиқиб, инсон иродаси эркинлигини ёқлаб чиқдилар ва шахсий ташаббус кўрсатишни маъқулладилар, дин б-н фанни яқинлаштиришга ҳаракат қилдилар. Бу даврда ижтимоий мазмунига кўра ислом социализми деб аталувчи турли назариялар пайдо бўла бошлади. Америка социологияси таъсирида қатор социологик тадқиқотлар ривожлана бошлади.

П. да тарихий хроникалар яратишни Синд (9- аср), Панжоб (12- аср) сарой девонбегилари бошлаб беришган. Кейинчалик сулолалар, айрим тарихий-маданий областлар, фалсафа, адабиёт ва жаҳон тарихи бўйича илмий тадқиқотлар яратила бошлади. Мустамлакачилик зулмига қарши кураш ва ватанпарварлик кайфиятининг кучайиши ўтмиш тарихини ўрганишни тақозо этди. Шу асосда илмий-тарихий жамиятлар пайдо бўлди. П. мустақилликка эришгач, тарихчи олимлар (И. Х. Қураши, Маҳмуд Ҳусайн, Ш. Абдуррашид, А. Х. Сиддиқий, Рози Вастий) ҳозирги Ҳиндистон ва П. терр-ларида яшаган халқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти масалаларига эътибор бера бошладилар. Мамлакатда демократик ҳаракатларнинг кучайиб бориши тарихчи олимларни халқларнинг мустамлакачиликка қарши кураши ҳамда миллий демократик ва революцион ҳаракат тарихи б-н шуғулланишга даъват этмоқда.

Тилшунослик соҳасидаги илмий тадқиқотлар ҳинд тилшунослиги анъаналарини давом эттиришга, янги ҳинд, эрон, дард, шунингдек инглиз тилларини тадқиқ қилишга қаратилган. Анвар С. Дил (урду, панжоб, экстралингвистик проблемалар), Шайх Икром ул-Ҳақ (ланди ва урду), Қодирхон (пашту ва урду), Балоч Наби Вақишхон (синдҳи) ва б. тилшунослик фани ривожига катта ҳисса қўшдилар. 1961 йилда П. лингвистик тадқиқот группаси тузилган. 1962—63 йилларда 1 ва 2- лингвистик конференциялар чақирилган.

Илмий муассасалари. 70- йиллар бошида мамлакатда 80 дан ортиқ илмий муассаса бўлиб, уларда 6,5 минг илмий ходим ва 3,3 минг инженер ишлаган. Илмий муассасалар иши ва фаолиятини Фан масалалари б-н шуғулланувчи миллий совет (1961) бошқаради. П. илмий ва техника тадқиқоти совети (Карочи 1953) миллий саноатни ривожлантириш масалалари б-н шуғулланади. 1952 йили Стандартлар ин-ти очилган. Карочидаги П. атом энергияси комиссияси (1956)га Исломободдаги П. ядро тадқиқоти ва технологияси ин-ти (1960), Атом маркази (Лоҳур) ва қ. х. ҳамда медицинада атом энергиясидан фойдаланиш маркази (Карочи, Лоҳур, Жамсоро) ҳам қарайди. 1947 йили Кветта шаҳрида П. геология хизмати, Карочида Метеорология департаменти, 1961 йили Атмосфера юқори қатламлари ва космик кенгликни ўрганиш ҳукумат комитети тузилган. 1953 йили П. ФА ташкил этилган.

Фалсафа соҳасидаги илмий тадқиқот ишлари Лоҳурдаги П. фалсафа конгресси (1954), Покистон социологик ассоциацияси (1963), Ислом академияси (1957), шунингдек Ҳайдароободдаги Шоҳ Валиуллоҳ академиясида олиб борилади. Лоҳур, Ҳайдаробод, Пешовар, Карочи ун-тлари, шунингдек Археология департаменти, Марказий ва Ғарбий Осиёни ўрганиш ин-ти (Карочи), Синдология ин-ти (Ҳайдаробод), Халқаро муносабатлар ин-ти (Карочи, 1947) тарих масалалари б-н шуғулланади. Шунингдек, Исломшунослик марказий ин-ти (Исломобод, 1960) ва Иқбол академияси (Карочи, 1951) ҳам ижтимоий фанлар б-н шуғулланади.



Мисқар иш устида.

Матбуоти, радиоси ва телевидениеси. 1971 йили П. да 1332 даврий нашр, жумладан 91 кундалик, 19 ҳафтада 2 марта чиқадиган ва 260 ҳафталик газета чоп этилган. Йирик газеталари: «Жанг», «Имрўз», «Машриқ», «Мусовот» урду тилида; «Доон» (1942) ва «Пакистан таймс» (1946), иккови инглиз тилида чиқади.

«Ассошиэйтед пресс оф Пакистан» (1948), «Пакистан пресс интернэшонал» (1952), «Юнайтед пресс оф Пакистан» (1948) ва б. ахборот агентликлари бор.

1947 йилда Лоҳур ва Пешоварда радиостанция бор эди. Ҳозир Карочи, Ҳайдаробод, Мўлтон, Равалпинди, Кветтада ҳам радиостанциялар бор (1973). Эшиттиришлар 24 тилда: урду, инглиз, бенгал, кашмир, синдҳи, пашту, балуж, араб, форс ва б. тилларда олиб борилади.

Дастлабки телевизион тажриба станцияси Лоҳурда 1964 йили ишга туширилган; 1967—69 йилларда Карочи, Равалпинди, Исломободда телевизион станциялар қурилди. Уларнинг ҳаммаси Миллий телевизион корпорация (1967) раҳбарлиги остида ишлайди.

Адабиёти урду, синдҳи, панжоб, пашту (афғон), гужарот, балуж, бенгал (1971 йилгача) тилларида ривожланмоқда. Минг йиллар мобайнида Ҳиндистон халқлари томонидан яратилган фольклор ва ёзма адабиёт П. ва Ҳиндистоннинг умумий бойлигидир. П. ташкил топган даврда П. халқлари адабиётининг ривожланиши даражаси турлича эди, айниқса, урду, бенгал, синдҳи ва панжоб адабиётлари юксалган эди. П. нинг Ҳиндистондан ажратилиши дастлаб адабиёт ривожига маълум даражада салбий таъсир кўрсатди, нашриётлар, адабий журналлар ёпилди, ёзувчиларнинг ташкилотлари тарқалиб кетди. 40- йилларнинг охирида адиблар ҳинд адабиёти анъаналаридан узоқлашиб, мусулмон адабиёти анъаналарини ривожлантиришга интилдилар, миллатчилик руҳи кучайди. 1949 йилда П. прогрессив ёзувчилари ассоциацияси ташкил топди, лекин тез орада тақиқланди. 50- йилларда ёзувчилар бир неча гуруҳга ажралдилар, ёзувчиларнинг турли ассоциялари ташкил қилинди.



Карочида совет китоблари кўргазмаси.



Муҳаммад Али Жинна мақбараси (Қарочи).

П. адабиётидаги мавжуд адабий оқимлар орасида йириклари — реалистик ва романтик (шеъриятда) оқимлардир. 50—60-йиллардан турли модернистик оқимлар тарқалди. 60-йилларнинг ўрталаридан маоистик ва диний-шовинистик ғояларнинг таъсири сезилмоқда. П. халқлари адабиёти намуналарини ўзаро таржима қилишга, шунингдек чет тиллардан таржимага катта аҳамият берилади.

Урду адабиётининг йирик вакиллари — Жўш Малиҳободий (1898), *Файз* Аҳмад Файз (1911), Зоҳир Кашмирий (1919), Эҳсон Дониш (1914) ва б. нинг асарлари чет тилларга таржима қилинган. Реалист адиблардан С. Х. Манто (1912—55), Ғулом Аббос (1909), Мирзо Адиб (1914) ва б. ҳам П. адабиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшди. Урду тилида «Нукот», «Афкор», «Адабе латиф» адабий журналлари нашр этилмоқда.

Синдҳи адабиётининг вакиллари Шайх Аёз, Абдурраззоқ, Ҳари Дилгир, Ғулом Ҳайдар Балуч кабилар ватанпарварлик руҳидаги асарлари б-н машҳур. Синдҳи адабиётида етакчи жанр—шеърият ҳисобланади. «Меҳран» адабий журнали нашр этилади.

Пашту адабиётининг йирик вакиллари Санд Раҳан Заҳейли (1886—1963), Самандархон Самандар (1901), Амир Ҳамза Шинворий (1907) каби шоирлар, Ҳофиз Муҳаммад Идрис (1915), Вали Муҳаммадхон Тўфон (1919) каби прозаиклар самарали ижод қилмоқда. Пашту тилида проза асосан П. ташкил топгандан кейин ривож топа бошлади.

Панжоб ёзувчиларининг асарлари «Панжоби» (1951); «Панж дарё» (1958), «Панжоби адаб» («Панжоб адабиёти», 1963) адабий журналларида босилмоқда. Панжоб академияси (1956 йилда асос солинган) классик адабиёт нашри б-н шуғулланади. Фақир Муҳаммад Фақир, Чироғ Дин Даман, Мунир Ниёзий, Афзал Эҳсон, Мирзо Мақбул Бадахшоний каби ёзувчилар машҳур.

Балуж адабиёти 60—70-йиллардан шаклланди. Гулхон Носир (1914), Озод Жамолиддиний (1918) йирик адиблардир. «Уман» («Жамият») ва «Навое ватан» («Ватан товуши») адабий журналларида Абдул Ҳақим Ҳақгўй (1912), Абдул Раҳим Собир (1919) каби адибларнинг асарлари босилиб, улар балуж адабиёти ривожига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Гужарот адабиётининг йирик вакиллари — Адиб Куреши, Муҳаммад Адиб каби прозаиклар, Тавфиқ Хотир, Жаъфар Мансур каби шоирлар ватанпарварлик руҳидаги асарлари б-н машҳур.



«Турналар». Устод Мансур (17-а).

Архитектураси ва тасвирий санъати. П. территориясидан мил. ав. 4—3-минг йилликларга оид энеолит маконлари (тош ва хом ғиштдан қурилган уйлар)нинг қолдиқлари, геометрик нақшлар ва ҳайвонларнинг схематик тасвирлари б-н безатилган сопол идишлар, мис ва бронза тақинчоқлар, аёллар ва ҳайвонларнинг ҳайкалчалари топилган. Қушан подшолиги давридан қолган ёдгорликлар (ступалар, ибодатхоналар) маданият бу ерда юксак даражага кўтарилганини кўрсатади (ибодатхоналар ҳайкалтарошлик асарлари, будда ҳайкаллари, деворий расмлар б-н безатилган). 11-асрдан кейин маданият ислом дини таъсирида ривожланган (пишиқ ғиштдан мачит, минора, мақбаралар кўп қурилган, улар кошин б-н жозибадор безатилган, ёғоч ўймакорлиги кенг тарқалган). 16—17-асрларда Бобирийлар ҳукмронлиги даврида серҳашам бинолар кўп қурилган (Шоҳжаҳон мачити, Мирзо Исохон мақбараси ва б., миниатюра санъати юксак даражага кўтарилган (бу санъат Европада машҳур, қ. *Ҳиндистон миниатюра мактаблари*), шаҳарларда йирик ҳунармандлик марказлари вужудга келган. 18-асрда Бобирийлар империясининг инқирози, эрон ва афғон, Европа босқинчиларининг ҳужумлари оқибатида умуман маданий ҳаётда, айниқса, архитектура ва тасвирий санъатда тушкунлик рўй берди. П. ташкил топгандан кейин (1947) мамлакатда қурилиш ишлари авж олди, янги шаҳарлар, янги пойтахт — Исломобод қурилди. Бинолар, асосан, кам қаватли, тўғри тўрт бурчакли, маҳаллий материаллардан бунёд этилди. П. нинг кўпчилик шаҳарларида эски бинолар сақланмоқда, улар 2—3 қаватли ички ҳовлили бинолар бўлиб, пастки қаватларида савдо ва ҳунармандлик дўконлари жойлашган. Ҳозирги П. да тасвирий санъат кенг ривож топган. Кекса рассомлар миниатюра анъаналарини давом эттирмоқда (С. Х. Асқарий, Х. Шариф). Санъатдаги прогрессив реалистик йўналишга З. Абедин (1917) бошчилик қилмоқда. Ёш рассомлар кейинги йилларда Европада таълим олиб, формалистик оқимлар таъсирига берилдилар (А. Ислом, М. Башир, М. Қибриё). Халқ санъатининг кандакорлик, кулоллик, гиламчилик, каштадўзлик, заргарлик, ёғоч ва суяк ўймакорлиги каби турлари ривожланган. Тош ўймакорлиги, буюмларни инкрустация б-н безаш санъати, қамиш, турли ўсимлик новдаларидан сават, бўйра тўқиш ҳам кенг тарқалган.

Музикаси узоқ асрлар мобайнида Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон халқлари б-н биргаликда ривожланган. Профессионал (ёки классик) музикаси мазмуни, тасвир воситалари ва ижро техникасига кўра мураккаб ва бой. Асримизнинг 60—70-йилларида Европа музикаси таъсирида янги шакл ва жанрлар (қўшиқ, кино музикаси) пайдо бўлди. Хуршид Анвар, Маҳди Зоҳир каби композиторлар, вокал санъати ижрочиларидан Фирдавсий Бегим, Меҳди Ҳасан ва б. машҳур. Профессионал музикачилар Қарочидаги музика марказида тайёрланади. 1956 йилда Лоҳурда 1-музика конференцияси ўтказилди. Музика ва рақс соҳасидаги ютуқларни пропаганда қилишга даъват этилган Миллий санъат кенгаши таъсис этилган.

Киноси. П. ташкил топгандан кейин хроникал ва ҳужжатли фильмлар ишлаб чиқарила бошлади. Биринчи бадиий фильм 1948 йилда ишлаб чиқарилган («Тери Яад», режиссёр Д. Сардори Лал). Фильмлар кўпинча фойда кўриш мақсадида ишлаб чиқарилади. «Шундай кун келади» (1958, реж. А. Кардар), «Нидо», «Сима» (1967, реж. Ш. Малик) каби фильмларда халқ ҳаёти, халқнинг орзу-умидлари реалистик акс эттирилди. 1970 йилдан бошлаб бадиий фильмлар барча маҳаллий тилларда ишлаб чиқарила бошлади. 1972 йилда П. да 100 бадиий фильм ишлаб чиқарилди. 1973 йилда 350 кинотеатр ишлади.

П. санъат арбоблари б-н Ўзбекистон санъат арбоблари яқин алоқада. Тошкентда ўтказилган халқаро кинофестивалларда П. кино арбоблари ҳам қатнашади (577-бетда мақолага оид вклейка берилган).

Ад.: Фридланд В. М., Между Гималаями и Аравийским морем, М., 1968; Ганковский Ю. В., Гордон-Полонская Л. Р., История Пакистана, М., 1961; Москаленко В. Н., Проблемы современного Пакистана, М., 1970; Компанцев И. М., Пакистан и Советский Союз, М., 1970; Мукимджанова Р. М., Пакистан, Южная Азия и политика США (60-е начало 70-х годов), М., 1974; Ганковский Ю. В., Москаленко В. Н., Три конституции Пакистана, М., 1975; Питхавалла М., Пакистан Географический очерк, Пер. с англ., М., 1952; Пакистан. Справочник. М., 1966; Шанигматов Р. К., Пакистан, Т., 1966; Экономика и история Индии и Пакистана (Сб. ст.), М., 1966; Экономические развитие Пакистана. 60-е гг. (Сб. ст.), М., 1974; Степанянц М. Т., Философия и социология в Пакистане, М., 1967; Глебов Н., Сухочёв А., Литература урду, М., 1967; Короцкая А. А., Архитектура Пакистана, «Всеобщая история архитектуры» китобида, т. 11, М., 1973.

ПОКОВКА (рус.) — болғалаш ёки қиздириб штамплаш йўли б-н тайёрланадиган металл буюм ёки заготовка.

ПОКРИШЕВ Петр Афанасьевич [1914. 11 (24). 8, ҳозирги Херсон обл. Голая Пристань ш.— 1967. 23. 8, Ленинград]— совет ҳарбий арбоби, авиация генерал-майори (1955), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1943 йил 10 февраль ва 1943 йил 24 август). 1941 йилдан ҚПСС аъзоси. 1934 йилдан Совет Армиясида. Одессадаги ҳарбий учувчилар мактабини (1935), Генштаб Ҳарбий академиясини (1954) тугатган. Улуғ Ватан уруши даври (1941—45)да Ленинград фронтидаги 154-қирувчи авиация полкида эскадрилья командири, 1943 йилдан эса 159-қирувчи полкининг командири. 300 дан ортиқ жанговар парвоз қилиб, 56 ҳаво жангида қатнашган, душманнинг 22 самолётини шахсан, 7 самолётини эса группа составида уриб туширган. Урушдан сўнг мамлакатни Ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинларида масъул лавозимларда. 1961 йилдан истеъфода. 3-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. Ленин ордени, 7 та бошқа совет ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПОКРИШКИН Александр Иванович [1913. 21. 2 (6. 3), Новосибирск ш.]—совет ҳарбий арбоби, авиация маршали (1972), уч марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1943 йил 24 май, 1943 йил 28 август, 1944 йил 19 август), ҳарбий фанлар кандидати (1969). 1942 йилдан КПСС аъзоси. Ишчи оиласида туғилган. 1932 йилдан Совет Армиясида. Авиатехниклар авиация мактабини (1933), Качинск авиация мактабини (1939), М. В. Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни (1948) ва Генштаб Ҳарбий академиясини (1957) тугатган. Улуғ Ватан уруши (1941—45)да 1941 йилдан эскадрилья командирининг ўринбосари ва командири, 16-гвардиячи қирувчи авиация полки командирининг ёрдамчиси ва командири, 9-гвардиячи қирувчи авиадивизия командири. Жанубий, Шимолий Кавказ, 1-, 2- ва 4-Украина фронтлари сафида қатнашган. 600 марта жанговар парвоз қилиб, 156 ҳаво жангида иштирок этган, душманнинг 59 самолётини уриб туширган. Урушдан сўнг мамлакатни Ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинларида масъул лавозимларда. 1968—72 йилларда мамлакатни Ҳаво ҳужумидан мудофаа қилиш қўшинлари Бош қўмондонининг ўринбосари, 1972 йил январдан СССР ДОСААФ МҚнинг раиси. 2—9-чақириқ СССР Олий Советининг депутати. 4 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ордени, 8 та бошқа совет ордени ва 4 та чет эл ордени ҳамда медаллар б-н мукофотланган.

ПОКРОВСК — РСФСР Саратов областидаги *Энгельс* шаҳрининг 1931 йилгача бўлган номи.

ПОКРОВСКИЙ Михаил Николаевич [1868. 17 (29). 8—Москва—1932. 10. 4]—совет тарихчиси, партия ва давлат арбоби. СССР ФА акад. (1929). 1905-йилдан Коммунистик партия аъзоси. 1891 йил Москва ун-тининг тарих-филология ф-тини тугатган. 1905 йилги Москва декабрь қуролли қўзғолони қатнашчиси. РСДРП 5-съезди (1907) делегати; съездда МҚ аъзолигига кандидат қилиб сайланган. 1907—17 йилларда муҳожирликда яшаган. Москвада Совет ҳокимияти ғалабаси учун курашда қатнашган. 1917 йил ноябрь — 1918 йил мартда Москва ш. Совети раиси. 1918 йил майдан умрининг охиригача РСФСР Маориф халқ комиссари ўринбосари. П. турли йилларда Коммунистик академия, шу академиянинг Тарих ин-ти, Қизил профессура ин-ти, Марксист тарихчилар жамияти, Марказий архивни бошқарган. «Красный архив», «Историк-марксист», «Борьба классов» тарихий журналлар муҳаррири бўлган.



Покришев П. А.

П. СССР тарихи, айниқса унинг ташқи сиёсати, историография ва 19—20-асрлардаги революцион ҳаракатларга оид асарлар ёзган. Уларда айрим хатоликларга йўл қўйган. Кейинчалик ўз хатоларини тушуниб, уларни тўғрилашга ҳаракат қилган.

П. ВКП(б) нинг 16-съезди делегати бўлган; унда МКК аъзолигига сайланган. П. СССР МИҚ ва Бутун Россия МИҚнинг бир неча чақириқлари аъзоси. Ленин ордени б-н мукофотланган.

Ас.: Избранные произведения, т. 1—4, М., 1965—67.

ПОЛАСУЛТОН — Хоразм обл. Хива р-ни Гандимиён қ. С. даги қишлоқ. «22-партсъезд» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Урганчдан 24 *км*. Аҳолиси 877 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Полвонёп каналидан сув ичади.



Покришкин А. И.

ПОЛАХОН — Фарғона обл. Ленинград р-ни Фозиғиждон қ. С. даги қишлоқ. «Социализм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 11 *км*. Аҳолиси 1287 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёси ва Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Урта мактаб, кутубхона, болалар боғчаси, медпункт ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПОЛБИН Иван Семёнович [1905. 14 (27). 1, ҳозирги Ульянов обл. Ртищево-Каменка қишлоғи — 1945. 11. 2] — совет ҳарбий арбоби, авиация генерал-майори (1943), икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1942 йил 23 ноябрь ва 1945 йил 6 апрель). 1927 йилдан Компартия аъзоси. Шу йилдан Совет Армиясида. Оренбург ҳарбий учувчилар мактабини тугатган (1931). Халхин-Гол р-нидаги жангларда бомбардимончи полк командири бўлган. Улуғ Ватан уруши даври (1941—45) да турли фронтларда хизматда; 150-бомбардимончи авиация полкининг (1941—42), 301-бомбардимончи авиация дивизиясининг (1942—43), 6-гвардиячи бомбардимончи авиация корпусининг (1943—45) қўмондони. 157 марта жанговар парвоз қилиб, душманнинг муҳим объектларини бомбардимон қилган. Жанговар вазифани ўташ пайтида ҳалок бўлган. 2 марта Ленин ордени, 5 та бошқа совет ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

Покровский М. Н.



Полбин И. С.



Полвон дарвоза (Хива, 19- аср).



Полвон Қачал томошаси.

ПОЛВО́Н — Хоразм обл. Қўшкўпир р-ни Хадра қ. С. даги қишлоқ. Чапаев номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 6 *км*, яқин т. й. станцияси — Шовотдан 28 *км*. Аҳолиси 861 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Хадра каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт бор.

ПОЛВО́Н ДАРВО́ЗА — *Ичан қалъа*нинг шарқий дарвозаси (1806). Ёғоч дарвозанинг икки ёнига минора шаклида гулдасталар тикланган. Дарвоза тепаси ва гулдасталарда равоқли дарчалар очилган. П. д. пештоғи ғиштдан ишланган, ташқи безаги ва гулдаста қуббаси сиркори. Дарвоза ичкариси узун далон бўлиб, усти олтита гумбаз б-н беркитилган. Далоннинг икки тарафида балхи гумбазли пастқам дўконлар жойлашган. П. д. ўзига ёндош қатор монументал бинолар (карвонсарой, тим, бозор, Оллоқулихон мадрасаси кабилар) комплексининг бўсағаси ҳисобланади.

ПОЛВО́Н ҚАЧА́Л — ўзбек халқ қўғирчоқ ўйини — «Чодир хаёл»нинг асосий қаҳрамони. П. К. томошалари 14- асрдан бошланиб, 20- асрнинг биринчи чорагигача давом этди. П. К. халқ вакили бўлиб, ҳамиша хушчақчақ ҳолда адолат ва ростгўйликни ҳимоя қилган. Ўтмишда қўғирчоқбозлар П. К. образи орқали золим амалдор ва руҳонийларни фош қилишган. Совет даврида П. К. томошалари замонга мослаб қайта ишланган ҳолда кўрсатилди.

ПОЛВОНҚУ́Л — Наманган обл. Норин р-ни Ленинобод қ. С. даги қишлоқ. Ильич номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳаққулободдан 8 *км*. Аҳолиси 1289 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Норин дарёсидан сув ичади. Ўрта мактаб, медпункт, кутубхона, болалар боғчаси, маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПОЛВОНҚУ́Л — Андижон обл. Балиқчи р-ни Олимбек қ. С. даги қишлоқ. «Қизил юлдуз» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Ҳаққулободдан 18 *км*. Аҳолиси 706 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Чинобод сойидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, медпункт, к-з сут-товар фермаси бор.

ПОЛВОНО́ТА — Самарқанд обл. Хатирчи р-ни Янгийўл қ. С. даги қишлоқ. Ленин номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 25 *км*, яқин т. й. станцияси — Зирабулоқдан 32 *км*. Аҳолиси 810 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Тос ариғидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона бор.

ПОЛВОНТОВО́Қ — сайил ва тўйларда ташкил қилинадиган миллий кураш ғолибларига аталган мукофотлар ва товоқ (лаган) ларда тортиладиган ош. Узоқ-яқиндан тўйга келган меҳмонларнинг иззат-ҳурмати учун кураш ташкил этилади. Ғолиб чиққан полвонлар учун махсус мукофотлар (қўй, эчки ва б.) тайёрланади. Ҳар бир мукофот учун бир товоқ (лаган)да ош ҳам сузилади.

Мукофотлар катта-кичик бўлганидай, П. лар ҳам катта-кичик бўлади. П. лар катталигига қараб ҳар бири номдор полвонлардан бирига (бош товоқ энг катта полвонга) аталади. Даврага чиққан полвон бирор полвонга аталган П. даги ошни қўлига олиб, шу товоқ эгасига талабгор бўлганлигини билдиради. Мабодо П. га талабгор чиқмаса, у шу товоққа аталган мукофотни курашмасдан олишга ҳақли. Полвонлар курашга тушганларидан кейин йиқитган ғолиб полвон ўзи танлаган П. га аталган мукофотни олади. П. қадимий миллий кураш ўйинларида бериладиган совғи бўлиб, Сурхондарё, Қашқадарё обл. ларида кенг тарқалган.

ПОЛВОНОВ Ота (1867— Хива — 1972)—ўзбек халқ амалий санъати намояндаси, Хива ёғоч ўймакорлиги мактабининг йирик вакили. Ёғочга ўйиб нақш ишлашни бобоси Уста Абдусаттор ва отаси Уста Полвондан ўрганган. Болалигидан отаси, айниқса бобоси б-н бирга Хивадаги кўпгина биноларнинг дарвоза, эшик, устуналарини безашда қатнашган. Устанинг меҳнати, айниқса Совет ҳокимияти йилларида қадрланди. 30—40- йилларда Хивадаги «Умид» артелида ишлаб, ўймакорлик бригадасига бошчилик қилган. Чизмакаш наққош Абдулла *Болтаев* нақши асосида шогирди Сафо *Боғбеков* б-н бригаликда ўйиб нақш ишлаган устун ва икки табақали эшик 1937 йилда Париж халқаро амалий санъат кўргазмасида намойиш қилинган. 80 ёшида Тошкентдаги А. Навоий номидаги театр учун эшиклар безашда қатнашди (А. Болтаев нақши асосида), 85 ёшида Урганч вокзали учун 4 та 2 табақали эшикни безади (А. Болтаев ва Рўзимат *Машарипов* нақши асосида). 95 ёшида УзССР Маданият министрлиги Бадиий кўргазма ва панорамалар дирекциясига эшик ва устун безаб берган. Хиванинг қадимий анъаналарини давом эттирган ва ривожлантирган устанинг кўплаб ишлари Москва, Ленинград ва Ўзбекистон ССРдаги кўпгина музейларда сақланмоқда. П. нинг нақш композициялари (асосан ислимий) мураккаб ва жозибадор (рельефи 2 *мм* дан 30 *мм* гача).

ПОЛВОНОВ Ҳафиз (1927, Андижон обл. Марҳамат р-ни)— пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1971). 1968 йилдан КПСС аъзоси. Андижон обл. Марҳамат р-нидаги «Ильич» к-зида механизатор (1942—65), комплекс механизациялашган бригада бошлиғи (1966—72). 1973 йилдан Комсомолобод р-нидаги «24- партсъезд» с-зи директори. Пахтачилик соҳасида кенг қаторлаб экишни тавсия қилган ва 4 қаторли пахта териш машинасини ишлаб чиқаришга татбиқ қилган, юқори ҳосил олишга эришган. Ленин ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПОЛВОНТО́Ш — Андижон обл. Марҳамат р-нидаги шаҳар посёлкаси (1947). Р-н марказидан 17 *км*, яқин т. й. станцияси — Асакадан 20 *км*. Аҳолиси 5400 киши (1976); асосан, нефть ва газ конларида ишловчи ишчи ва хизматчилар. П. да нефть корхонаси, ўрта мактаб, клуб, кутубхона, кинотеатр, касалхона, амбулатория, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, болалар боғчаси ва б. бор.

ПОЛВОНТО́Ш — Фарғона обл. Ўзбекистон р-ни Қўқон қ. С. даги қишлоқ. «Қўқон» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 19 *км*, яқин т. й. станцияси — Қўқондан 20 *км*. Аҳолиси 921 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Усмон Юсупов номли Катта Фарғона каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, кутубхона, медпункт бор.

ПОЛВОНТО́Ш НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Андижон областидаги кон. Полвонтош антиклинал бурмасида жойлашган. 1942 йили қидирув-пармалаш ишлари бошланди. Полвонтош бурмаси жануби-ғарбдан шимоли-шарққа йўналган бўлиб, палеоген ётқизиқлари бўйича узунлиги 5 *км*, эни 1,1 *км*. Шимоли-ғарбий қаноти 20—25°, жануби-шарқий қаноти 50—70° энкайган. Бурмани кесиб ўтган тектоник синиқлар уни бир неча қисмларга ажратиб туради. Кон юра, бўр, палеоген, неоген даврларига мансуб жинслардан тузилган. Юра ётқизиқлари конгломерат, қумтош ва гиллардан таркиб топган. Қалинлиги 160—215 *м*. Бўр ётқизиқлари қуйи ва юқори бўлимлардан иборат. Қуйи бўр ётқизиқларида тўқ яшил, қўнғирсимон-қизил ҳар хил донали қумтош ва гиллар бор. Қалинлиги 330—410 *м*. Юқори бўр ётқизиқлари қизғиш гил, қумтош, оҳактош ва доломитдан ташкил топган. Қалинлиги 720—850 *м*. Палеоген ётқизиқларининг қуйи қисми оқ гипсдан, яшил-кул ранг қумтош ҳамда кул ранг оҳактошдан иборат; ўрта қисми яшил, қизил гил ва оқ кул ранг оҳактошлардан, устки қисми эса қизил ранг гилдан ташкил топган. Палеоген ётқизиқларининг умумий қалинлиги 635—715 *м*. Неоген ётқизиқлари қизғиш-жигар ранг қумли гиллардан, оч пушти, оч қўнғир гиллардан ташкил топган. Умумий қалинлиги 520—650 *м*. Юра, бўр, неоген қатламларида нефть ва газ бор.

П. н.-г. к. нефтларининг с. оғ. 0,834—0,874, таркибидаги олтингугурт 0,15—0,32%, парафин 5,7—7,4%. Газ таркибида 78,3—79,3% метан, 0,02% олтингугурт, 0,15—0,43% карбон кислота, 7,1—13,2% азот газлари бор.

Ад.: Акрамходжаев А. М., Сайдалиева М. С., Ферганский нефтегазоносный бассейн, М., 1971.

ПОЛЕВКО́В Николай Иосифович (1927, Орёл обл.)— ишчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1972). 1969 йилдан КПСС аъзоси. 1942 йилдан



Полвонов О.




Полвонов Ҳ.




Полевков Н. И.

Чирчиқдаги «Промтехмонтаж» бошқармасида пайвандчи. Юқори меҳнат унумдорлиги ва кўп йиллик меҳнат фаолияти учун қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Ленин ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПОЛЕВО́Й (тахаллуси; асли фамилияси Кампов) Борис Николаевич (1908. 4 (17). 3, Москва)— рус совет ёзувчиси, жамоат арбоби. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони (1974). 1940 йилдан КПСС аъзоси. Тверь савдо техникумини тугатган (1926). П. нинг дастлабки очерклари 1927 йили нашр қилинган. «Қайноқ цех» повести (1939)да совет халқининг биринчи беш йилликлар давридаги мардонавор меҳнати акс этган. Уруш воқеалари «Белграддан Карпатгача» очерклар тўплами (1945)да тасвирланган. «Чин инсон ҳақида қисса» (1946, СССР Давлат мукофоти, 1947) марказида Совет Иттифоқи Қаҳрамони, учувчи А. П. Маресьевнинг қаҳрамонлик фаолияти туради. П. нинг «Биз совет кишилари» ҳикоялар тўплами (1948, СССР Давлат мукофоти, 1949) ва «Олтин» романи (1949—50) уруш материаллари асосида яратилган. «Қайтди» қиссаси (1949) ва «Замондошлар» ҳикоя ва очерклар тўплами (1952) Волга-Дон қурувчиларининг ҳаёти ва фидокорона меҳнати тўғрисида ҳикоя қилади. У «Нотаниш қирғоқда...» (1962), «Доктор Вера» (1966) романлари ва «Америка кундалиги» (1956, Халқаро Тинчлик мукофоти, 1959) очерклар тўплами муаллифи. Айрим асарлари асосида фильмлар яратилган. Асарлари ўзбек



О. Полвонов. Ўйиб нақш ишланган пойустун ва эшик табақаси.



О. Полвонов ўйиб нақш ишлаган эшик.



Полевой Б. Н.

тилига таржима қилинган. Европа маданияти жамияти вице-президенти (1952 йилдан). 1962 йилдан «Юность» журналининг бош муҳаррири. 1967 йилдан СССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари. Тинчликни Сақлаш Совет комитети Президиуми ва Жаҳон Тинчлик Совети бюро аъзоси. 2 марта Ленин ордени, Октябрь Революцияси ва б. 6 орден ҳамда Тинчлик олтин медали (1968) б-н мукофотланган.

Ас.: Избр. произведения, т. 1—2, М., 1969; Автобиография, «Советские писатели» китобида, в 2-х т., т. 2, М., 1959; Самые близкие. Избр. рассказы, М., 1961; Чин инсон ҳақида қисса, Т., 1958.

Ад.: Галанов Б., Борис Полевой, Критико-биографич. очерк, М.—Л., 1957.

ПОЛЕВСКОЙ — РСФСР Свердловск областидаги шаҳар. Полевской т. й. станциясидан 8 *км*. Аҳолиси 60 минг киши (1974). 18-асрнинг биринчи чорагида вужудга келган. Металлургия ва кимё саноати ривожланган. Қувур, сифатли пўлат ва қалайланган тунука ишлаб чиқаради. Криолит, машинасозлик, мармар буюмлар, темир-бетон буюмлар з-длари бор.

ПОЛЕЖАЙКИН Сергей Иванович (1920—44) — гвардиячи катта лейтенант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони (1945 йил 24 март). КПСС аъзоси. Арнияга Андижон обл. Избоскан р-н ҳарбий комиссарлиги томонидан чақирилган. 1-алоҳида мотоциклчилар полкининг разведкачиси. Мемель ш. учун бўлган жангда жасорат кўрсатган ва шу жангда ҳалок бўлган. 2 та Қизил Байроқ, 1-даража Ватан уруши ордени ва медаллар б-н мукофотланган.

ПОЛЕСЬЕ ПАСТТЕКИСЛИГИ, Полесье — СССРдаги пасттекислик. Шарқий Европа текислигининг ғарбий қисмида, Припять, Днепр ва Десна дарёларининг ҳавзасида жойлашган бўлиб, БССРнинг жанубий областларини Белоруссия Полесьеси, УССРнинг шимолий областларини Украина Полесьеси ва РСФСРнинг бир қисмини (Брянск обл.) — Брянск-Жиздра Полесьеси эгаллаган. Умумий майдони 270 минг *км*². Баландлиги 150—200 *м*. П. п. нинг кўп қисми ботқоқ, кўллар кўп. П. п. майдонининг $^1/_3$ қисмига яқини ўрмон (асосан қарағай), $^1/_4$ қисмига яқини ўтлоқ. П. п. да мелиорация соҳасида кўпгина ишлар қилинмоқда. Жавдар, арпа, буғдой, зиғир, конопля (наша), картошка, сабзавот, ем-хашак ўтлари экилади. Муҳим фойдали қазилмалари: нефть, қўнғир кўмир, торф, калий тузлари.

«ПОЛЁТ» — парвоз пайтида орбита баландлиги ва текислигини ўзгартира оладиган биринчи совет *Ер сунъий йўлдошлари* (ЕСИ) номи. «П.» бортига илмий аппаратлар, телеметрик система ва радиоузатувчи қурилма, орбитани ўзгартиришга имкон берадиган махсус аппаратура ва двигателлар ўрнатилган. «П.-1» 1963 й. 1 ноябрда, «П.-2» 1964 й. 12 апрелда учирилган. «П.-1» дастлабки орбитасининг баландлиги *перигей*да 339 *км*, *апогей*да — 592 *км*. Баъзи манёврлардан кейин апогейда 1437 *км* ли орбитага ўтди. «П.-2» орбитасининг баландлиги — перигейда 236—310 *км*, апогейда 465—500 *км*. «П.-1» ва «П.-2» 25 йилча парвоз қилиб юриши мумкин. «П.» ЕСИ орбитасини ўзгартиришга ва кейинги парвозлар учун замин ҳозирлашга оид қимматли маълумотлар тўплашга имкон берди.

ПОЛЗУН (русча ползать — сирпанмоқ), крейцкоф — тўғри чизиқли ва ёйсимон йўналтиргичлар бўйлаб илгарилама-қайтма ҳаракат ҳосил қилиш учун ишлатиладиган деталь; кривошип-шатунли ва кулисали механизмларнинг звеноси. Металл кесиш станоклари (кўндаланг-рандалаш, текис силлиқлаш ва б.)да П. кескични олдинга ва орқага ҳаракатлантиради. Ички ёнув двигателлари, поршенли компрессорлар ва б. да П. вазифасини *поршень* бажаради.

ПОЛЗУНОВ Иван Иванович [1728, Екатеринбург, ҳозирги Свердловск — 1766. 16 (27). 5, Барнаул] — рус теплотехниги. *Иссиқлик двигатели* ихтирочиларидан бири, Россияда биринчи буғ-куч установкаси яратган. Уралда солдат оиласида туғилган. Биринчи рус тоғ-завод мактабини тугатгач, Уралдаги металлургия з-дларида (1742 йилдан), Барнаул з-дида (1748 йилдан) ишлаган; Барнаул з-ди кутубхонасида М. В. *Ломоносов* ишлари б-н танишган, буғ насос установкалари тузилишини ўрганган. 1763 йилда универсал *буғ двигатели* (қуввати 1,8 *о. к.*—1,3 *квт*) лойиҳасини ишлаб чиққан; 1766 йилда иккинчи лойиҳани тузиб, иссиқликкуч установкасини ясаган. Турмуш ва иш шароити оғирлигидан П. дардга чалиниб, яратган машинасини синашга бир ҳафта қолганда вафот этади. Свердловскдаги Меҳнат Қизил Байроқ орденли тоғ-металлургия техникуми, Ленинграддаги Қозон-турбина марказий илмий тадқиқот ин-ти П. номи б-н аталади.

ПОЛИ... (юнон. polys — кўп) — қўшма сўз бўлаги; кўп, кенг деган маънони англатади (мас., *полиневрит, полиграфия, поликлиника*).

ПОЛИАКРИЛ ПЛАСТМАССАЛАР, полиакрилатлар — *акрил кислота* ёки *метакрил кислота*нинг мураккаб эфирлари, нитриллари, амидлари, полимерлари. Метилакрил ва α-хлоракрил кислота эфирларининг ҳамда акрилонитрил полимер ва сополимерларининг аҳамияти муҳим. Акрил ва метакрил полимерлар жуда тиниқ ва нурга чидамли. Булардан баъзилари қаттиқ, қайишоқ, ойнасимон, баъзилари анча юмшоқ, каучуксимон, мумсимои маҳсулот ёки суюқликдир. Полиакрилатлар ультрабинафша нурларни ўтказиши жиҳатидан кварцларга яқин келади, уларнинг с. оғ. 1,12—1,25 *г/см*³.

П. п. суюлтирилган кислоталар, ишқорлар (10—15% ли), бензин ва мойларга чидамли; камчилиги: иссиққа чидамлилиги паст, 300°С гача қиздирилганда парчаланади, полиметилакрилат эса мономергача деполимерланади.

П. п. массада (блокли метод), сувли муҳитда (эмульсион метод) ва эритувчида полимеризациялаб олиниши мумкин. Полимеризация ёруғлик, иссиқлик, пероксид инициаторлар таъсирида боради. Блокли метод, асосан, *полиметилметакрилат* олишда қўлланилади. Эмульсионли метод ёрдамида прессланадиган порошоклар, барқарор сувли дисперсиялар (латекс типидаги) олинади. Акрил кислота ҳосилалари фақат лаклар олиш мақсадида эритувчиларда полимеризацияланади. Блоклар, грануллар, порошоклар, концентрацияли эмульсиялар ва каучуксимон материаллар ҳолида олинган акрил кислота ҳосилаларининг полимерларидан турли усулларда маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин. Қаттиқ полимерлар яхши кесилади, арраланади, фрезерланади, силлиқланади, пардозланади; уларнинг сиртига турли нақш ишлаш ва ёзувлар ёзиш мумкин. Юмшоқ полимерларга каучукка ишлов бергандек ишлов бериш мумкин. Полиакрилатларга тўлдиргичлар 60—100°С да аралаштирилади. Полиакрилатларни *каландр*лаб тахта ёки қалинлиги 0,1 дан 0,003 *мм* гача бўлган плёнкаларга айлантирилади.

Грануланган (донадорланган) тоза ёки *пластификатор*лар аралаштирилган П. п. ни 115—118°С да пресслаб ёки босим остида қуйиб (230°С да) турли қуйма маҳсулотлар олинади. П. п. 80—125°С да юмшайди, уларни турлича шаклга киритиш мумкин.

Мономер акрилатларнинг қовушоқлиги паст бўлганлигидан уларни ёғоч, фанер, тиқин, қоғоз ва б. ларга шимдириладиган модда сифатида ишлатиш мумкин. Полимер шимдирилган материаллар тахта қилиб прессланиши мумкин. П. п. нинг сувли дисперсиялари терига ишлов бериш ва бўяшда айниқса катта аҳамият касб этмоқда.

Ад.: Энциклопедия полимеров, т. 1—2, М., 1972—74; Барг Э. И., Технология синтетических пластических масс, Л., 1951; Оудиан Дж., Основы химии полимеров. Пер. с англ., М., 1974.

ПОЛИАКРИЛОНИТРИЛ ТОЛАЛАР — *акрилонитрил* асосида олинадиган полимерлардан ишланадиган синтетик толалар. Акрилонитрилнинг гомополимери (полиакрилонитрил) ёки таркибида 85% акрилонитрилдан иборат сополимер П. т. ишлаб чиқариш учун дастлабки полимер бўлиб хизмат қилади. Метилакрилат, метилметакрилат, винилацетат, метакриламид, 2-винилпиридин, 2-метил-5-винилпиридин, винилпирролидон, итакон кислота ва б. сополимер учун компонент сифатида ишлатилади. Бу компонентлар П. т. га турли хил ранг бериш, қайишоқлик ва қилиш имконини беради. П. т. трикотаж маҳсулотлари, костюмли, декоратив ва техник газламалар тайёрлашда ишлатилади. Кўпгина давлатларда қуйидаги номда ишлаб чиқарилади: нитрон (СССР); орлон, амрилон, креслон (АҚШ); крилор (Франция), вольпрюла (ГДР), редон, долан, ПАН (ГФР), куртель (Англия), кашмилан (Япония) ва ҳ. к.

ПОЛИАМИД ТОЛАЛАР — *полиамид*лардан олинадиган синтетик толалар. П. т. олиш учун одатда мол. оғ. 15000 дан 30 000 гача бўлган чизиқли полиамидлардан фойдаланилади. П. т. жуда қайишоқ, ейилмайди, кўпгина кимёвий моддаларга чидамли, ўзига бўёқ олади. Концентрланган минерал кислоталарда (айниқса қайнатилганда), фенол, крезол ва б. да эрийди. Бу хил толалар термооксидланиш таъсиротларга, ёруғликка, айниқса ультрабинафша нурларга чидамсиз; бу камчиликларни йўқотиш мақсадида полиамидга турли микроқўшимчалар (турли металл тузлари, ароматик аминлар ва ҳ. к.) қўшилади. П. т. ни тайёрлаш технологик жараёни уч босқичдан: полимерни синтезлаш, толани шакллантириш ва ишлов беришдан иборат.

П. т. нинг қуйидаги турлари бор:

Полигексаметиленадипамид толаси — анид (СССР), найлон-6,6 (АҚШ), перлон Т., тернамид А (ГФР), маранил, лурон (Англия).

Поли-ε-капроамид толаси — капрон (СССР), найлон-6, капролон (АҚШ), перлон (ГФР), силон (Чехословакия), амилан (Япония), акулон (Голландия), грилон (Швейцария).

Поли-ω-энантоамид толаси — энант (СССР), найлон-7 (АҚШ).

Поли-ω-ундеканамид толаси — ундекан (СССР), найлон-11 (АҚШ), ролсин (Англия), рильсан (Франция, Италия).

П. т. узлуксиз ип ва штапель тола ҳолида чиқарилади.

ПОЛИАМИДЛАР — таркибида амид группалари — $CONH_2$ ёки CONH бўлган юқори молекулали бирикмалар (қ. *Полимерлар*). Кимёвий тузилиши бўйича карбозанжирли ва гетерозанжирли бўлади. Карбозанжирли П. макромолекуласининг асосий занжири фақат углерод атомларидан тузилган, амид группалари эса тармоқларда жойлашган бўлади, мас., полиакриламид $[-CH_2-\underset{\displaystyle CONH_2}{\underset{|}{CH}}-]_n$, поливинилацетамид ва ҳ. к. Гетерозанжирли П. макромолекуласининг асосий занжирида углерод атомларидан ташқари CONH группаси ҳам бўлади. Гетерозанжирли П. нинг аҳамияти муҳим. Улар *поликонденсация* ёки *полимеризация* усуллари б-н олинади. Полиизоцианатларни кўп асосли гликоллар б-н полимеризациялаб *полиуретанлар* олинади. *Оқсиллар* ҳам гетерозанжирли П. га тегишлидир. Кўпчилик П. шохсимон қаттиқ кристалл оқ модда, баъзи П. қовушоқ суюқлик (смола). Алифатик П. нинг суюқланиш т-раси 150—260°С, ароматик П. ники 400°С ва ундан юқори. П.ни босим остида қайта ишлаш осон, станокларда яхши ишланади.

П. синтетик толалар, пленкалар, лаклар, сунъий чарм олишда, фотография эмульсияларни тайёрлашда, машинасозликда турли деталлар тайёрлашда қўлланилади.

ПОЛИАНДРИЯ (*поли...* ва юнон. andros — эр), кўп эрлилик — никоҳнинг тарихий шаклларидан бири. П. группавий никоҳнинг қолдиғи ҳисобланади. Асосан *матриархат* даврига хос. Бу даврда ҳар бир аёлнинг бир неча эри бўлган. П. да хотинлар эркин эр танлаганлар, эрхотинлик, онла турғун бўлмаган. П. нинг асосий шакллари: 1) бир уруғ авлодлари П. си (бир уруғ аъзолари бўлган эркаклар бир аёл ёки аёллар)га эр бўлади; 2) ака-ука (туғишган биродарлар) П. си (ака-ука бўлган бир неча эркак бир аёлга эр бўлади). Ака-ука П. сида катта аканинг хотини ҳамма укаларига хотин бўлади. Туғилган болалар ҳамма оталарники ҳисобланади. Оилага тегишли ер ва мулк болаларнинг энг каттасига мерос бўлиб қолади. П. нинг кўринишлари Тибет ва Шимолий Ҳиндистоннинг тоғлиқ р-ларида яшайдиган айрим майда элат ва халқларда 20-асргача мавжуд эди.

Ад.: Энгельс Ф., Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Т., 1967; Косвен М. О., Ибтидоий маданият тарихидан очерклар, Т., 1960.

ПОЛИАРТРИТ (*поли...* ва *артрит*) — бир неча бўғимларнинг бир вақтда ёки кетма-кет яллиғланиши. Мустақил касаллик (инфекцион носпецифик — ревматоид П.) тарзида пайдо бўлади, шунингдек ревматизм, сепсис, подагра, баъзан бруцеллёз, сил, захм каби юқумли касалликлар оқибатида рўй беради. Касалликнинг турига, организмнинг реакциясига, процессниг оғир-енгиллигига кўра зардобли, йирингли, некротик, продуктив П. фарқ қилинади. Ўткир ва хроник бўлади.

Ўткир П. иккига бўлинади: 1) ревматик П. да бўғимларнинг яллиғланиши кўпинча зардобли, фибринли бўлиб, яллиғланиш бир бўғимдан иккинчи бўғимга ўтади ва майда бўғимларга тарқалади; 2) эпидемик П. да бемор иситмалайди, қувватсизланади, бўғимлари шишиб, оёқ-қўл бармоқларига сув чечакдагига ўхшаш тошмалар тошади.



Поливанов Е. Д.

Хроник П. га организмда моддалар алмашинувининг бузилиши, ички секреция безлари функциясининг ўзгариши, муртакларнинг яллиғланиши сабаб бўлади.

П. га сабаб бўлган асосий касаллик даволанади, антибиотиклар, антигистамин препаратлар берилади, оғриқ қолдирувчи воситалар ва физиотерапия қўлланилади (яна қ. *Артрит*).

ПОЛИВАНОВ Евгений Дмитриевич (1891, Смоленск ш. — 1938) — совет туркшунос-тилшуноси ва адабиётшуноси. Петербург ун-тини (1912) ва айни вақтда Амалий шарқ академиясининг япон бўлимини тамомлаган. 1919 йилдан КПСС аъзоси. Сўнгра ун-тининг И. А. *Бодуэн де Куртенэ* бошқарган қиёсий тилшунослик кафедрасида ишлаган. Петроград ун-тида проф. (1919). 1921 йилда Коминтерн аппаратида ишлади. Ўрта Осиё Давлат ун-ти (ҳозирги ТошДУ) проф. (1922—26). 1929 йилдан Самарқанд Давлат илмий тадқиқот ин-ти (бу ин-т 1930 йилда Тошкентга кўчган), 1934 йилдан Қирғизистон Маданий қурилиш ин-ти проф.

П. Н. Я. *Марр*нинг, «янги назария»сига қарши чиққан ва бу назариянинг кўпгина қоидалари нонлмий эканини исбот қилган.

П. «Узбек тилининг қисқача грамматикаси» (1—2-қисм, 1926), «Япон оғзаки тили грамматикаси» (1930, О. В. Плетнер б-н ҳамкорликда), «Ҳозирги хитой тили грамматикаси» (1930, А. И. Иванов б-н ҳамкорликда), «Марксистик тилшунослик учун» (1931), «Узбек тилига қиёсланган рус грамматикаси» (1934), «Узбекларга рус тилини ўқитишнинг хусусий методикаси тажрибаси» (1935) сингари муҳим илмий асарлар муаллифидир. П. шарқ адабиётлари поэтикаси, фольклори бўйича ҳам бир қанча асарлар яратган.

Ас.: Фонетические конвергенции, «Вопросы языкознания», 1957, № 3; Статьи по общему языкознанию, М., 1963.

ПОЛИВИНИЛАЦЕТАЛЛАР, поливинил спиртнинг ацеталлари — полимер моддалар. *Поливинил спирт* ёки *винилацетат*ни карбонил бирикмалари б-н, асосан, альдегид б-н таъсир эттириб ҳосил қилинади. П. рангсиз қаттиқ аморф моддалар бўлиб, ароматик углеводородларда ва уларнинг спиртлар б-н бўлган аралашмасида эрийди. Поливинилформаль (формальвинипласт, формаль, формвар), поливинилэтаналь (этальвинипласт, альвар, поливинил этилаль), поливинилбутираль (бутиральвинипласт, бутираль, бутвар)ларнинг саноат аҳамияти муҳим. Поливинилформаль жуда эгилувчан, ейилишга чидамли, у электр изоляция қопламалари учун муҳим материал. Поливинилэтаналь политура ва лаклар ишлаб чиқаришда шеллак ўрнида ишлатилади, грампластинкалар тайёрлашда қўлланилади. Поливинилбутираль парчаланмайдиган шиша, металларни, пластмассаларни, ёғочларни ёпиштирадиган юқори сифатли елимлар ишлаб чиқаришда қўлланилади.

ПОЛИВИНИЛПИРРОЛИДОН — аморф структурали карбозанжирли чизиқсимон полимер, оқ порошок. Сувда ва кўпчилик эритувчиларда эрийди, диэтил эфир ва алифатик углеводородларда эримайди. N-винилпирролидонни радикал ёки ион механизми бўйича полимерланиб олинади. Медицинада қон ўрнини босадиган эритмалар тайёрлашда қўлланилади. Перистон (ГФР), субтозон (Франция), компенсон (Австрия), гемовинил, гемодез (СССР) дорилари П. асосида олинади. Тўқимачилик саноатида, косметикада қўлланилади.


ПОЛИВИНИЛ СПИРТ (—CHOH— CH_2—)$_n$ — оқ рангли қаттиқ полимер модда (полимерланиш даражаси n 5000 гача бўлиши мумкин). Сувда, гликол, глицеринда эрийди, алифатик ва ароматик углеводородлар (бензин, бензол ва ҳ. к.)да деярли эримайди. П. с. ўзининг мураккаб полиэфирлари (мас., поливинилацетат)ни гидролизлаб олинади. Поливинилацетатлар олишда қўлланилади. Тола, эмульгатор, елим, дориларни ва озиқ-овқат маҳсулотларини қуюлтиргичлар сифатида, хирургия ипаги ва ҳ. к. тайёрлашда ишлатилади. П. с. плёнкалари пухта, газ ўтказмайди, озонга чидамли.

ПОЛИВИНИЛХЛОРИД — винилхлориднинг чизиқли термопластик полимери, [—CH_2—CHCl—]$_n$. Оқ рангли пластик, мол. оғ. 6000—16000, с. оғ 1,35—1,43 *г/см*^{3}; парчаланиш т-раси 130—150°С; чўзилишга чидамлилик чегараси 600 *кг/см*^{2}; эгилишга чидамлилик чегараси 1200 *кг/см*^{2}; қаттиқлиги 9,6 *кг/мм*^{2}; иссиққа чидамлилиги 70°С; физиологик зарарсиз; диэлектрик хоссаси яхши, Кетонлар, мураккаб эфирлар, хлорланган углеводородларда оз эрийди; нам, кислота, ишқор, тузлар эритмаси, саноат газлари, бензин, керосин, ёғ ва спиртлар таъсирига чидамли. Винилхлорид CH_2=CHCl ни ёруғлик, иссиқлик ва турли инициаторлар таъсирида полимерланиши натижасида ҳосил бўлади. Полимерланиш занжирли механизм (қ. *Занжир реакциялар*) бўйича амалга оширилади; автоклавларда 40—50°С ва 4,5—5 *ат* босим остида сув эмульсияли метод асосида ўтказилади.

П. жуда кенг тарқалган пластиклардан бири; ундан 3000 дан кўпроқ маҳсулот ва материал ишлаб чиқарилади. Бу маҳсулот ва материаллар электротехника, енгил, озиқ-овқат, оғир машинасозлик саноатларида, кемасозликда, медицинада, қурилиш саноатида қўлланилади.

ПОЛИВИНИЛХЛОРИД ПЛАСТМАССАЛАР — *поливинилхлорид* асосида олинадиган пластик массалар. Пластификатори бўлмаган (*винипласт*) ва пластификатори кўп бўлган (пластикат) хилларга бўлинади.

Винипласт — иссиққа ва кимёвий жиҳатдан жуда чидамли қаттиқ қайишоқ материал. Поливинилхлоридга 160—170°С да 2—3% стабилизатор (стеаринат ва ортосиликат кислота) иштирокида термик ишлов бериб олинади. Маълум қалинликдаги узлуксиз лента олиш учун ҳавони чиқариб юбориш, массани зичлаштириш керак, пухталигини ошириш мақсадида вальцовкаланган плёнка 165—170°С да *каландр*ланади. Қалинлиги 2—20 *мм* ли винипласт тахтасини олиш учун каландрланган плёнка 170—175°С да прессланади. Уров ва изоляция плёнкаси ҳосил қилиш учун 160—180°С да вальцовкаланади ва 260—270°С да ишлов берилади. Каландрланган плёнкадан перфорациялаб ва гофрирлаб (бурмалаб) аккумуляторлар учун сепараторлар тайёрланади. Шнек-пресслар ёрдамида ёки бошқа усуллар б-н винипластдан турли диаметрли (2—150 *мм*) трубалар ва турли профилли стерженлар олинади. С. оғ. 1,38—1,40 *г/см*^{3}; узилишига пухталик даражаси 500—700 *кг/см*^{2}; эластиклик модули 4000—10000 *кг/см*^{2}; солиштирма зарбий қовушоқлиги 100—250 *кг/см*^{2}; қаттиқлиги 15—18 *кг/мм*^{2}; иссиққа чидамлилиги 65—80°С. Винипласт кислота ва ишқорларга чидамли. Тахта ва плёнка ҳолидаги винипласт элек-



СОВЕТ ПАРТИЗАНЛАРИНИНГ УЛУҒ ВАТАН УРУШИ (1941 - 45 й.) ДАВРИДАГИ КУРАШИ

Немис-фашист қўшинларининг энг илгари силжиш чегараси

Партизанларнинг айрим кучлари томонидан узоқ вақт қўлда сақлаб турилган муҳим партизанлик р-нлари

Актив ҳаракат қилган партизан отрядлари ва гуруҳлари ўрнашган бошқа жойлар

Партизанлар доимий равишда ердан чиқариб турган темир йўл участкалари

Душманнинг муҳим объектларида партизанларнинг айрим қўпорувчилик ишлари амалга оширилган жойлар

Партизанлар билан душманнинг айрим группировкалари ўртасида шиддатли жанг бўлган р-нлар

Партизанларнинг совет қўшинлари б-н биргаликда муҳим жанг операциялари ўтказган р-нлари

Партизан аэродромлари ва қўниш майдонлари

Энг йирик партизанлик тузилмалари рейдларининг маршрутлари

С.А.Ковпак қўмондонлиги остидаги қўшилмалар (1942 - 1943 йиллар)

А.Ф.Федоров қўмондонлиги остидаги қўшилмалар (1941 - 1943 йиллар)

Минск, Полесье ва Пинск областларининг В.З.Корж қўмондонлиги остидаги партизан отрядлари қўшилмалари (1942 - йил январь - апрель)

В.Я.Лайвинь ва О.П.Ошкали қўмондонлигидаги латиш партизанлари полки, Ленинград партизанларининг Н.П.Буйнов, А.В.Герман ва Р.М.Глебов қўмондонлигидаги 1-, 3- ва 4-бригадалари (1942 йил 20.6 - 10.7)

Н.А.Прокопюк қўмондонлиги остидаги қўшилма (1942 йил 1.8-1944 - йил 30.9)

В.В.Разумов ва А.И.Штрахов қўмондонлиги остидаги партизан корпуслари (1942 йил сентябрь-октябрь)

М.И.Наумов қўмондонлиги остидаги қўшилмалар (1943 йил 1.2 - 1944 - йил 23.3)

Я.И.Мельник қўмондонлиги остидаги қўшилмалар (1943 йил февраль - август)

В.Е.Самутин ва Ф.Ф.Напуста қўмондонлиги остидаги қўшилмалар (1943 йил 1.9 - 19.11)

М.И.Шунаев қўмондонлиги остидаги қўшилмалар (1943 йил 7.9 - 1945 йил 20.2)

Ф.Ф.Тараненко қўмондонлигидаги партизанлар бригадаси (1943 йил 19.9 - 14.12)

П.П.Вершигора қўмондонлигидаги партизанлар дивизияси (1944 йил январь - июль)


Карел - Фин ССР ва Мурманск области партизан отрядлари

Эслатма. Картада партизанлик тузилмаларининг рейдларидан фақат базаларигина кўрсатилган

СССР Давлат чегараси 1941 йил 22 июнгача бўлган ҳолатда берилган

Чет давлатлар чегаралари 1938 йил 1 мартгача бўлган ҳолатда берилган

60 0 80 160 240 320 км


ПОМИР-ОЛАЙ. ТАБИИЙ КАРТА
МАСШТАБ 1 : 6 000 000
БАЛАНДЛИКЛАР ШКАЛАСИ ВА ЖИСОБИДА
Ўзбекистон
Қозоғистон
Қирғизистон
Тожикистон
Туркманистон
Афғонистон
Хитой
Ҳиндистон
Покистон
Эрон
Ўзбекистон ССР
Қозоғистон ССР
Қирғизистон ССР
Тожикистон ССР
Туркманистон ССР
Тошкент
Самарқанд
Бухоро
Фарғона
Хива
Нукус
Термиз
Ашхабад
Душанбе
Фрунзе
Алма-Ата
Кабул
Пешовар
Теҳрон
Мозори Шариф
Балх
Қундуз
Ҳирот
Қандаҳор
Ғазна
Жалолобод
Ўш
Ленинобод
Қўқон
Наманган
Андижон
Қарши
Навоий
Ғиждувон
Қоракўл
Каттақўрғон
Ургут
Гулистон
Янгиер
Чирчиқ
Ангрен
Олмалиқ
Бекобод
Ахангарон
Янгийўл
Зарафшон
Учқудуқ
Шаҳрисабз
Китоб
Шеробод
Денов
Сурхондарё
Қашқадарё
Бухоро
Хоразм
Қорақалпоғистон
Ҳисор тоғ тизмаси
Зарафшон тоғ тизмаси
Туркистон тоғ тизмаси
Олой тоғ тизмаси
Помир
Ҳиндикуш
Қорақурум
Қунлун
Тяншан
Помир-Олай
Ғарбий Тибет
Ҳимолай
Ҳиндистон текислиги
Ғарбий Сибир текислиги
Қорақум
Қизилқум
Мирзачўл
Фарғона водийси
Сурхон водийси
Зарафшон водийси
Помир тоғ тизмаси
Ҳисор тоғ тизмаси
Туркистон тоғ тизмаси
Олой тоғ тизмаси
Зарафшон тоғ тизмаси
Қорақурум тоғ тизмаси
Қунлун тоғ тизмаси
Тяншан тоғ тизмаси
Помир-Олай тоғ тизмаси
Ғарбий Тибет тоғ тизмаси
Ҳимолай тоғ тизмаси
Ҳиндистон текислиги
Ғарбий Сибир текислиги
Қорақум чўли
Қизилқум чўли
Мирзачўл чўли

асбоблари, транспорт воситалари ва б. б-н таъминланади.


ПОЛИГОНОМЕТРИЯ (юнон. polygonos—кўпбурчакли ва ... *метрия*) — Ер сиртидаги нуқталарнинг ўзаро вазиятини аниқлаш усулларидан бири. Геодезик таянч шохобчаларини (қ. *Геодезик пункт*) ясашда қўлланилади. Геодезик таянч шохобчалари ёрдамида топографик съёмкалардаги таянч пунктлар системаси тузилади ва қурилиш лойиҳалари чизилади. П. нинг таянч пунктлари шу пунктларни бирлаштирувчи тўғри чизиқларни (полигонометрик юришларни) ва улар орасидаги горизонтал бурчакларни ўлчаш йўли б-н аниқланади. Бирор жойда, 1, 2, 3, ..., n, $n+1$ нуқталарни танлаб олиб, улар орасидаги масофа $S_1, S_2, \ldots, S_n$ лар, бурчак $\beta_1, \beta_2, \ldots, \beta_n$ лар ўлчанади (расмга қ.). Танланган нуқталар координаталари бирор нуқтанинг маълум координаталэри ҳамда бирор чизиқнинг маълум дирекцион бурчэги $\alpha_н$ асосида ҳисобланади. Амалда полигонометрик юриш маълум $P_н$ нуқтадан бошланади. Кўпинчэ, контрол нуқта сифатида координаталари аниқланган охирги полигонометрик нуқта олинади. Бурчаклар, асосан, *теодолит* ёрдамида $\pm 1''$ — $10''$ аниқликда, масофа S_i лар инвар ёки пўлат сим (лента) б-н (ёки базис усулида ҳам ҳисоблаб топиш мумкин) ўлчанади. Мас., жойда AB нинг узунлигини аниқлаш учун тахм. унинг ўртасидан маълум b узунликда AB га перпендикуляр базис MN ўтказилади ва M, N нуқталардан йўналишлар олиниб, параллактик бурчак φ_1 ва φ_2 лар ўлчанади. Сўнгра

$$AB = S = \frac{b}{2}\left(\operatorname{ctg}\frac{\varphi_1}{2} + \operatorname{ctg}\frac{\varphi_2}{2}\right)$$

формула ёрдамида AB масофа ҳисобланади.

Геодезик асос тузишда дастлаб П. қўлланилган. Кейинчалик, *триангуляция* усули қўлланила бошланди. Узунлик ва бурчак ўлчаш ишларини катта ҳажмда олиб боришни талаб этиши, иш тамомланганига қадар ўлчаш аниқлигини назорат қилиб бўлмаслиги П. нинг камчилигидир. Лекин бу усулда бир пунктдан фақат иккита йўналишнинг кўриниши етарли бўлгани учун таянч пунктлар зичлигини ихтиёрий равишда ошириш мумкин. П. усулининг бу қулайлиги айниқса шаҳар ва қишлоқларда катта масштабли съёмкалар ўтказиш ишларида қўл келади. 20- асрдан бошлаб кичик масштабли съёмкаларда ҳам П. кенг қўлланила бошланди.

ПОЛИГРАФИЯ (*поли...* ва *...графия*) — техника соҳаси; текст ва график тасвирлардан нусха кўпайтиришга мўлжалланган техника воситалари мажмуи. *Полиграфия саноати* ҳам кўпинча П. дейилади. П. жараёнини амалга ошириш учун аввало қолип (форма) тайёрланади ва ундаги шакл (ёзув) бўёқ ёрдамида босим б-н қоғоз (мато)га туширилади.



Полигонометрия. Полигонометрик тўр.

Китобни П. усулида нашр этиш бир неча юз йиллардан бери маълум (қ. *Китоб*). 19- асрда *босма машина* ихтиро этилиши натижасида П. да туб бурилиш юз берди. 20- аср ўрталаридан илмий-техника рев-яси туфайли П. тез ривожланмоқда. Хусусан барча босма усуллар учун формалар тайёрлашнинг электрон усулига ўтилмоқда (ЭҲМ дан фотонабор учун ва электрон ранг ажратгичлардан рангли босма учун фойдаланиш), юқори тезликда ишлайдиган офсет босма машиналари қўлланила бошламоқда, пардозлаш цехларида автоматик потоқ линиялар яратилянти, бутун ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаштириш ва автоматлаштириш, газета саҳифаларини фототелеграф техникаси орқали қабул қилиш имконияти туғилди.

П. технологияси, асосан, учга бўлинади: форма тайёрлаш, босиш ва муқовалаш.

Форма тайёрлаш ҳарф териш жараёни (текст босма формасини тайёрлаш) ва расмларнинг босма формаларини тайёрлашни ўз ичига олади. Текст формаси босмахона шрифтидан қўлда ёки ҳарф териш машинасида терилади. Машина *литера*ларни комплектлайди ва форма ёки яримфабрикат (мас., фотокопия) тайёрлайди. Автоматик ҳарф теришнинг турли усуллари кенг тарқалган. Қўлда бажариладиган юқори босма усулларидан *ксилография*, *линогравюра*, чуқур босма усулларидан офорт, акватинта, текис босма усулларидан литография кенг қўлланилади. Расм формалари фотомеханик методлар (*автотипия*, фотоцинкография, фототипия ва б.) б-н, шунингдек электрон гравюралаш машиналари ёрдамида тайёрланади. Кўп рангли оригиналларни босишда махсус фотография (ранг ажратиш) усуллари ёки электрон ранг ажратгичлар ёрдамида тайёрланган ҳамда маълум рангни акс эттирадиган босма формаларидан фойдаланилади.

Босма процессининг қуйидаги хиллари бор: тасвирни бўёқ резервуарида ҳосил қилиш (мас., гектография); тасвирни оралиқ сиртда (формада) ҳосил қилиш; тасвирни бўёқ қабул қилувчи сиртда ҳосил қилиш. Бўёқ қатлами ҳосил қилиш учун бўёқ форма ичидан юргизилади (мас., *ротатор*) ёки форма устига суртилади (мас., юқори босма, чуқур босма усулларида). Ҳозирги замон П. сида фойдаланиладиган босма процессларда рангли тасвирлар формадан қабул қилувчи сиртларга бевосита ёки бир (офсет босма) ёхуд икки оралиқ сирт ёрдамида ўтказилади. Босиш босма машиналарда бажарилади.

Муқовалаш жараёнида босилган маҳсулот машиналар ёрдамида саҳифама-саҳифа букланади, тикилади, қирқилади, елимланади, безатилади ва ҳ. к. (қ. *Муқовалаш*).

ПОЛИГРАФИЯ САНОАТИ — босма маҳсулотлар (*китоб, газета, журнал*, плакат, географик карталар ва б.) тайёрлайдиган корхона (*босмахона*)ларни бирлаштирувчи саноат соҳаси; *нашриклик*нинг моддий-техника базаси.

Рев-ядан илгари Россияда жами 2668 та полиграфия корхоналари бўлиб, уларда 100 мингга яқин киши ишлаган (1913). Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан сўнг газета, китоб ва б. босма асарлар чиқарадиган барча техник ва моддий воситалар меҳнаткашлар қўлига ўтди. П. с. саноатининг йирик тармоғига айланди. 1918—29 йилларда полиграфия ишлаб чиқариши концентрациялаштирилди, полиграфия корхоналари ихтисослаштирилди. Газетанинг бир галги тиражи 1913 йили 2,7 млн. нусхадан 1974 йили 164,5 млн.г нусхага етди. Йиллик тиражи 37024 млн. нусхадан иборат 8172 номда газета чиқди (1974). Китоб нашр

этиш 1913 йилги 99 млн. нусхадан 1974 йилда 1730,7 млн. нусхага етди. Журналлар ва б. даврий нашрлар 1974 йили 7123 номда ва 2973,2 млн. нусхада чиқарилди.

50- йиллардан бошлаб П. с. тараққиёти тарихида янги саҳифа очилди, муайян соҳага ихтисослашган қудратли полиграфия к-тлари қурила бошлади. Энг йирик к-тлар — Қалинин полиграфия комбинати, Ярославль полиграфия комбинати, мактаб дарсликлари нашр қиладиган Саратов комбинати, «Правда» газетаси босмахонасининг янги комплекси, Минск полиграфия комбинати, Киевда газета-журнал комбинати ва б. қурилди. 1960—70 йилларда 400 дан кўпроқ янги корхона ишга туширилди, 1000 дан кўпроғи эса реконструкция қилинди ва кенгайтирилди.

1973 йил 1 мартга келиб полиграфия корхоналари сони 3204 га, нусха кўпайтирадиган марказлар сони эса 3623 га етди.

Ҳозирги совет П. с. — илғор техника ва технология б-н қуролланган, асосий ва ёрдамчи жараёнлар механизациялаштирилган ва автоматлаштирилган. 1966—70 йилларда 16 та полиграфия корхонаси, 130 та цех комплекси механизациялаштирилди, 100 дан кўпроқ поток-механизация линиялари ишга туширилди.

Ҳозирги Узбекистон терр-ясида П. с. нинг илк корхонаси 1868 йилда Туркистон ҳарбий округи штаби ҳузурида (Тошкентда) ташкил этилди. Хивада эса 1874 йили биринчи тошбосма ташкил топди. Рев-ягача Тошкентда 15 та, Самарқандда 8 та, Каттақўрғон, Қўқон, Фарғона ва б. шаҳарларда 1—3 тадан кустарь босмахоналар бўлган. Буларда турли йилларда йирик ўзбек матбаачи мутахассислар — О. Абдалов, А. Саидбоев, Ш. Бекқулов, П. М. Федосеев, Г. Т. Кабилковский, Г. Ҳамидуллинов, Н. А. Мальков, З. Раҳматуллин, Е. П. Ботников, Е. О. Гололобов, Т. И. Курило, С. П. Лекарев, Ҳусайн Шамс, Н. Хўжаев ва б. ишлаб, маҳаллий матбаачи кадрлар етказишга катта ҳисса қўшдилар.

Улуғ Октябрь социалистик рев-ясидан сўнг Урта Осиёда П. с. жадал юксала бошлади. Майда матбаалар бирлаштирилиб, йирик корхоналарга айлантирилди, техника воситалари б-н жиҳозланди. 1922 йили Тошкентда 1-намунали босмахона ташкил топди.

Урушдан олдинги беш йилликлар ичида (1929—40) УзССР да П. с. анча ривожланди. УзССР ХҚС ҳузурида нашриёт ва полиграфия ишини бошқарувчи Давлат матбуот бошқармаси ташкил топди. 1933 йили босмахоналар сони 1913 йилга нисбатан 4 марта ортди. Улуғ Ватан уруши йилларида (1941—45) эса П. с. энг зарур босма маҳсулотларнигина нашр этди.

1946—58 йилларда П. с. урушдан аввалги ҳолатидан анча юксалди. Мас., 1955 йилга келиб республикада 141 П. с. корхонаси бор эди. Бу даврда полиграфия корхоналари ишини бошқариш такомиллаштириб борилди. 1963 йилга келиб СССР Министрлар Совети ҳузурида Матбуот давлат комитети (1972 йил августдан СССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети) ташкил этилди. Уша йили иттифоқдош республикаларда, жумладан УзССРда ҳам шундай комитет (ҳозирги УзССР Министрлар Совети Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети) тузилди. Сўнгги ўн беш йил (1959—74) мобайнида П. с. жадал юксалди, қуввати ошди ва қайта жиҳозланди. Мана шу даврда Тошкент ва Нукус полиграфия комбинатлари, «Фан» нашриёти босмахонаси қурилиб ишга туширилди. Офсет босма фабрикаси, Узбекистон Компартияси МҚ нашриёти босмахонаси каби босмахоналар қайта қурилиб, сўнгги полиграфия техникаси б-н жиҳозланди. МҚ нашриёти босмахонасида чуқур босма комплекси ва марказий газеталар саҳифаларини фототелеграф усули б-н қабул қилиш жараёнлари ўзлаштирилди. 1975 йил 1 январда республикада 150 дан ортиқ полиграфия корхонаси мавжуд эди. П. с. кадрларини Тошкент полиграфия профессионал-техника билим юрти, Тошкент полиграфия техникуми ва Фарғона Политехника институтининг полиграфия ф-ти етказиб бермоқда.

Ад.: Попов В. В., Общий курс полиграфии, 6 изд., М., 1961; Виноградов Г. А., Полиграфическое производство, М., 1973; Ҳусайн Шамс. Матбачилик ва унинг қисқача тарихи, Т., 1930; Мусамуҳамедов Ю., Босма ишлари, [Қўлланма], Т., 1950; Матбаа байроқдорлари, Муаллиф тўпловчи А. Бобохонов, Т., 1974.

ПОЛИДАКТИЛИЯ (*поли...* ва юнон. daktylos — бармоқ), кўп бармоқлилик, ортиқ — қўл ёки оёқ панжаларида ортиқча бармоқ бўлиши; туғма нуқсонлардан. Қўл ёки оёқ панжасида олтита бармоқ бўлиши кўпроқ кузатилади. Ортиқча бармоқ одатда панжанинг ташқи ёки ички юзасида бўлиб, яхши ривожланмайди. П. га қўш тирноқлар, терининг бармоқсимон ортиқлари ҳам киради. Давоси — операция.

ПОЛИЗ — палак отиб ўсадиган қовун, тарвуз, қовоқ экинлари экилган пайкал (қ. *Полиз экинлари*).

ПОЛИЗ БИТИ, *полиз ширасиғўза ширасиғўза ширасиғўза

ПОЛИИЗОБУТИЛЕНЛАР, оппанол — *изобутилен* полимерлари, $[—CH_2—C(CH_3)_2]_n$. Қуйи молекулали П. (мол. оғ. 50000 гача) — қовушоқ суюқлиқ; юқори молекулали П. (мол. оғ. 70000—225000) — каучуксимон аморф маҳсулот. Юқори диэлектрик хоссага эга; намга, кучсиз кислота ва ишқорларга чидамли; углеводородларда ва уларнинг галогенли ҳосилаларида эрийди; қуйи спиртларда, мураккаб эфирлар ва кетонларда эримайди. Қуёш нурига чидамсиз. Таркибига актив тўлдиргичлар (мас., қурум, графит) қўшиб чидамли қилинади. Изобутиленни полимеризациялаб олинади. Электр изоляция, мотор ёнилғисига компонент, сурков мойларига қўшимча сифатида қўлланилади.

ПОЛИКАРП УСИМЛИКЛАР (*поли...* ва юнон. karpos — мева) — бир неча йил гуллайдиган ва мевалайдиган ўсимликлар. Кўп йиллик гулли ўсимликларнинг деярли ҳаммаси П. ўз. ҳисобланади (қ. *Монокарп ўсимликлар*).

ПОЛИКЛЕТ — (мил. ав. 5- аср) — қадимги юнон ҳайкалтароши, санъат назариётчиси. Бронза ҳайкаллар ишлаган (асосан бақувват, гўзал атлетларнинг образларини яратган), бироқ бу ҳайкаллардан кўчирилган мармар нусхаларгина бизгача етиб келган. «Дорифор» (найзабардор, тахм. мил. ав. 440 йил, Неаполь музейи), «Диадумен »(ғолиб атлет йигит, тахм. мил. ав. 420 йил), «Яраланган амазонка» П. асарларидан кўчирилган нусхаларнинг муҳимлари бўлиб, буларда инсоннинг тана тузилиши тўғри ва чиройли гавдалантирилган, шавкатли полис гражданларининг ёркин образлари яратилган. Маълумотларга қараганда, П. ҳайкалтарошлик тўғрисида асар ҳам ёзган, лекин сақланмаган.

ПОЛИКЛИНИКА (*поли...* ва *клиника*) — аҳолига медицина ёрдами кўрсатадиган даволаш-профилактика муассасаси. Беморлар қатнаб даволанади. СССРда касалхона б-н бирлашган ва мустақил П. лар мавжуд.

П. да терапия, хирургия, неврология, ревматология, стоматология ва ҳ. к. махсус бўлимлар, шунингдек физиотерапия, функционал диагностика бўлимлари, лаборатория, дорихона ва б. бўлади. Қорхона, ўқув юртларидаги медицина пунктлари ҳам П. составига киради. П. ҳамма шаҳарлар, ишчилар посёлкаларида, р-н марказларида, йирик аҳоли пунктларида бўлади.

Болалар П. лари ҳам бўлиб, уларда 14 ёшгача бўлган болалар даволанади. Курорт шаҳарлардаги П. ларда эса йўлланмасиз даволанишга келган кишиларга тегишли медицина ёрдами кўрсатилади.

ПОЛИКОНДЕНСАТЛАНИШ — қуйи молекулали бирикмалардан юқори молекулали бирикмаларни синтезлаб олиш процесси. Бунда полимер б-н бир қаторда сув, спирт, аммиак, хлорид кислота ва шунга ўхшаш қуйи молекулали моддалар ажралиб чиқади.

П. реакцияси гомополиконденсатланиш ва гетерополиконденсатланишга бўлинади. Гомополиконденсатланишда бир моддани нинг икки хил функционал группаси ўзаро реакцияга киришиб полимер ҳосил қилади. Бундай реакцияга аминокислоталар, аминоспиртлар ва оксикислоталарнинг поликонденсатланиши мисол бўла олади (мас., аминокапрон кислотадан поликапролактам ҳосил бўлиши). Гетерополиконденсатланиш реакциясида функционал группалари бир хил бўлган бифункционал группали икки модда қатнашади. Гексаметилендиамин ва адипин кислотадан полигексаметиленадипинамид ҳосил бўлиши бундай реакцияга мисол бўла олади. Бифункционал бирикмаларнинг поликонденсатланиши натижасида фақат чизиқсимон полимерлар ҳосил бўлади. Бундай процесс чизиқсимон поликонденсатланиш дейилади. Реакцияга киришаётган мономерларнинг бирида уч ва ундан ортиқ функционал группаларнинг бўлиши поликонденсатланиш реакциясини мураккаблаштиради ва тўрсимон ҳамда фазовий тузилишга эга бўлган макромолекулалар ҳосил қилади. Бу процесс фазовий поликонденсатланиш дейилади. П. процессининг табиат ва техникадаги аҳамияти катта. П. ва унга ўхшаш реакциялар муҳим биополимерлар — *оқсиллар*, нуклеин кислоталар, целлюлоза ва ҳ. к. биосинтезининг асосини ташкил этади.

Юқори молекулали бирикмалар (полиамидлар, полиэфирлар, фенол-формальдегид, мочевина-формальдегид, меламин-формальдегид пластмассалар, кремний органик полимерлар) синтез қилишда П. реакцияларидан самарали фойдаланилмоқда.

ПОЛИКРИСТАЛЛАР — кўп сонли майда *кристаллар* (монокристаллар)дан ташкил топган, бир-бирига киришиб кетган, тартибсиз жойлашган қаттиқ жисмлар. Кўпгина табиий ва сунъий материаллар (тоғ жинслари, металлар, керамикалар, қотишмалар ва ҳ. к.) П. ҳисобланади. П. хоссалари уни ташкил қилган кристалл доначаларининг хоссалари ва ўлчамлари ($1—2\cdot10^{\pm6}$ *мкм* дан бир неча *мм* гача)га, уларнинг ориентацияси ва чегараларининг тузилишига боғлиқ. Агар кристалл доначалари тартибсиз ориентацияланган ва уларнинг ўлчами П. ўлчамидан кичик бўлса, П. да монокристалларга хос бўлган анизотропия хусусияти вужудга келмайди. Агар кристалл доначаларида маълум даражада кристаллографик ориентация мавжуд бўлса, П. текстурланган ҳисобланади (қ. *Текстура*) ва у *анизотропия* хусусиятига эга бўлади. Кристалл доначалари чегараларининг қўшилиб кетиши П. нинг физик, айниқса, механик хоссаларига таъсир қилади; чегараларда ўтказувчан электронларнинг сочилиши, *дислокация*нинг тормозланиши ва ҳ. к. кузатилади.

ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАРНИНГ СТАБИЛИЗАТОРЛАРИ — полимерларнинг эскиришини секинлатиб ёки тўхтатиб турувчи моддалар. Полимерларни турли хил эскиришлардан стабиллаш самарадорлигига қараб стабилизаторлар бир қанча группага: антиоксидантлар, термостабилизаторлар, антиозонантлар, ёруғлик стабилизаторлари, антирадларга бўлинади. Антиоксидантлар полимерларни ҳаво кислороди таъсирига чидамлилигини оширади ва уларнинг иссиқдан оксидланиб структурасининг бузилишини секинлаштиради. Иккиламчи ароматик аминлар ҳосиласи ва б. антиоксидантлар жумласига киради. Термостабилизаторлар — иссиққа чидамли полимерлар структурасининг бузилиши *ингибиторлари* сифатида металл оксидлари, баъзи бир металлоорганик бирикмалар ишлатилади. Антиозонантлар — полимерларни ҳаво озонидан сақлайдиган ингибиторлар — полимерлар сиртида озонга қарши тўсиқ ҳосил қилади. Буларга кимёвий антиозонантлардан фенилендиамин, трибутилтиомочевина ва б., физик антиозонант-

лардан қаттиқ парафин углеводородлари аралашмаси мансубдир. Еруғлик стабилизаторлари (фотостабилизаторлар) сифатида ультрабинафша нурларни ютадиган (мас., қурум) ёки полимер структурасининг фотооксидлаб бузувчи моддалар (бензофенол ҳосилалари, салицилат кислота эфирлари ва б.) қўлланилади. Баъзи бир ароматик углеводородлар (мас., нафталин, антрацен), шунингдек иккиламчи ароматик аминлар ва б. антирадлар — радиацион эскириш ингибиторлари хоссасига эга.

П. м. с. сифатида ишлатиладиган моддалар умумий талабларга жавоб бериши, мас., полимерларда яхши дисперсланадиган, учувчанлиги паст бўлиши, полимерларни ишлаш технологик режимига, полимер маҳсулотларининг ўзига хос хусусиятларига таъсир этмайдиган бўлиши керак. Оқ ёки рангли полимер материалларига бериладиган П. м. с. уларнинг рангини бузмаслиги лозим. Стабилизаторлар полимерларга 0,1—3,0% миқдорида берилади.

Ад.: Фойгт И., Стабилизация синтетических полимеров против действия света и тепла. Пер. с нем., Л., 1972; Химические добавки к полимерам, Справочник, М., 1973.

ПОЛИМЕРИЯ, полигения — тирик организмларда бир мураккаб белгининг кўпгина аллелмас генлар б-н боғлиқлиги. Бу генлар таъсири белгида тўпланади. Ташқи муҳит шароити ҳар хил бўлганда П. *популяция*да белгининг узлуксиз ёки миқдорий ўзгаришига олиб келади. Ирсиятда П. мавжудлигини швед олими Нильсон-Эле аниқлаган (1909). Усимликлар, уй ҳайвонлари ва паррандаларнинг тез ўсиши, тезпишарлиги, серсутлиги, сертухумлиги ва бошқа фойдали белгиларининг пайдо бўлиши, одамлар организмида баъзи касаллик аломатларини вужудга келтирувчи белгиларининг юзага келиши ҳам қисман П. факторларига боғлиқ.

ПОЛИМЕРЛАНИШ — мономер молекулаларининг ковалент боғ орқали бирикиб, юқори молекулали моддалар ҳосил қилиш жараёни: $nM — M_n$, бу ерда M — мономер молекуласи; $M_n — n$ мономер звеноларидан иборат *макромолекула*; n — полимерланиш даражаси. Макромолекула таркибига кирган мономер молекулалари макромолекуланинг мономер звенолари бўлиб қолади. Макромолекуланинг элементгар таркиби (агар унинг чекка группасини назарга олмаганда) мономернинг таркибидан фарқ қилмайди. П.нинг *поликонденсатланиш*дан муҳим фарқи ҳам ана шунда.

Макромолекуланинг ўсишини инициаторлаш П. нинг асосий босқичи ҳисобланади. Макромолекулани инициаторлашда системада актив зарралар (Ф) ҳосил бўлади. Бу актив зарралар реакциянинг ўсишини бошлаб юборади ва мономер молекуласини актив (инициаторловчи) заррага қўшади.

П. механизми П. оралиқ маҳсулоти ҳисобланган $ФМ_n$ типидаги зарранинг кимёвий табиати б-н аниқланади. Агар бу зарралар етарли даражада тургун ва узоқ умрли бўлса, П. босқичсимон дейилади. Агар оралиқ маҳсулот нотургун ва қисқа умрли бўлса, П. занжирсимон дейилади. П. да қатнашувчи актив зарраларнинг табиатига кўра, П. радикалли ва ионли бўлади. П. да бир вақтда икки ёки бир неча тур мономер қатнашиши мумкин.

Радикалли П. ҳар доим занжирли механизм бўйича боради. Радикалли П. да эркин радикаллар оралиқ актив маҳсулотларнинг функциясини ўтайди. Этилен, винилхлорид, винилацетат, винилиденхлорид, фторэтилен, акрилонитрил, метакрилонитрил, метилакрилат, метилметакрилат, стирол, бутадиен, хлоропрен ва б. радикалли П. га киришадиган мономерларга мансубдир. Радикалли П. ни уй т-раси ва қуйи т-рада амалга ошириш учун оксидланиш-қайтарилиш инициаторлашдан фойдаланилади. Лаборатория амалиётида фотохимиявий инициаторлаш қўлланилади. Радикалли П. ни γ-нурлари, тез электронлар, x — зарралар, нейтронлар ва ҳ. к. таъсирида ҳосил қилиш ҳам мумкин. Бу усулдаги инициаторлаш радиацион кимёвий инициаторлаш дейилади.

Радикалли П. да занжир узатилиш реакциясининг аҳамияти муҳим. Бунинг моҳияти шундаки, ўсувчи радикал бирор молекула (занжир узатувчи молекула)нинг атоми ёки бир группа атомини узиб олади. Натижада ўсувчи радикал тўйинган валентли молекулага айланиб кинетик занжирни давом эттиришга қобилиятли янги радикал ҳосил қилади.

Ионли П. да оралиқ актив маҳсулотлар ионлар, ионлар жуфти ёки қутбланган комплекслардан иборат. Ионли П. занжирли механизм бўйича ҳам, босқичли механизм бўйича ҳам бориши мумкин. Занжирсимон ионли П. икки турга—катионли ва анионли П. га бўлинади. Катионли П. да ўсувчи занжир учидаги реакцияга киришувчи ионлар мусбат зарядли бўлади. Изобутилен, пропилен, метилстирол, винилалкил эфирлар, изопрен ва ҳ. к. мономерлар катионли П. га осон киришади. Катионли П. ни паст т-рада амалга оширишда катализаторлар б-н комплекслар ҳосил қилувчи сокатализаторлар (сув, протон кислоталар, спиртлар, галогеналкиллар, эфирлар ва ҳ. к.) ишлатилади.

Цианид винилиден, нитроэтилен, акрилонитрил, метакрилонитрил, акрил ва метакрил эфирлар ва ҳ. к. анионли П. га осон киришади. Координацион-ионли П. нинг кенг татбиқ этилиши бу саноат соҳасининг замонавий ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Координационионли П. олинаётган маҳсулотларнинг хоссаларини аниқ текширишга имкон беради. Бутун жаҳонда ишлаб чиқарилаётган полимерларнинг $^3/_4$ га яқин қисми П. жараёни асосида олинади. Полимерларни П. методи бўйича синтезлашга асосланган саноат тармоғи—органик синтезлаш саноатининг энг тез ривожланаётган тармоқларидан биридир.

Ад.: Энциклопедия полимеров, т. 1—2, М., 1972—74; Стрепихеев А. А., Деревицкая В. А., Слонимский Г. Л., Основы химии высокомолекулярных соединений, 2 изд., [М., 1967].

ПОЛИМЕРЛАР (юнон. polymeres — кўп қисмлардан ташкил топган, турлича) — молекулалари (*макромолекулалар*) кўп сонли такрорланувчи группалар (мономер звенолари)дан ташкил топган катта молекуляр массали (бир неча мингдан бир неча миллионгача) кимёвий бирикмалар. Макромолекула таркибига кирган атомлар бир-бири б-н асосий ёки координацион валентлик кучи воситасида боғланган.

П. табиий—*биополимерлар (оқсиллар, нуклеин кислоталар,* табиий *смолалар)* ва синтетик (*полиэтилен, полипропилен, фенол-формальдегид смолалар)* П. га бўлинади. П. таркиби ё бир хил структурали звенолар (мас., поливинилхлорид — $CH_2CHCl—$) ёки ўзаро нав-

батлашувчи турли хоссага эга бўлган звенолардан ташкил топган бўлади; бундай бирикма сополимер дейилади. Винилхлорид ва винилацетат сополимери бунга мисол бўла олади. Бир қанча кичик оддий молекулаларнинг бирикишидан ҳосил бўлган П. *олигомерлар* деб аталади. Мономернинг икки молекуласи қўшилишидан ҳосил бўлган молекула димер дейилади. Бундай бирикмалар ўзининг хоссасига кўра қуйи ва юқори молекулали бирикмалар оралиғидаги ўринда бўлади.

П. молекулаларини *полимерланиш* ва *поликонденсатланиш* методи б-н ҳосил қилинади. 20-асрнинг 2-ярмидан бошлаб П. синтезининг янги методлари яратилди, чунончи: а) тайёр П. га бирор янги, қўшимча мономерни кимёвий «пайвандлаш» методи. Бу тайёр П. молекуласининг активлашишига ва эркин радикаллар ҳосил бўлишига ёрдам беради. Бунда П. нинг чизиқсимон молекуласига полимерланувчи қўшимча мономер ён тармоқчаси «пайвандланади»; б) икки тайёр П. занжирининг кучли механик таъсир остида узилиб, макромолекула бўлакларининг бирикиб янги макромолекулалар, яъни «блок полимерлар» ҳосил қилиши методи. Бу янги методлар полимер маҳсулотлари хоссалари (пухталиги, кимёвий бардошлиги, электр ўтказмаслик ва ҳ. к.)ни ўзгартиришга имкон бермоқда.

П. нинг таркиби ва синтез методларига кўра улардан қаттиқ ва эластик, пухта ва мўрт, иссиқ ва совуққа чидамли, кимёвий бардошли ва ҳ. к. хоссага эга бўлган маҳсулотлар олиш мумкин. Маҳсулот ҳосил қилиш учун П. га кўпгина тўлдиргичлар ва б. моддалар қўшилади. П. нинг асосий хусусияти шуки, улардан штамповкалаш, пресслаш каби оддий усулларда буюмлар тайёрлаш мумкин.

П. ишлаб чиқарилиши дастлаб мураккаб бўлмаган моддалар, кўмир ва ёғочни қайта ишлаш маҳсулотлари (мас., фенол, формалин ва б.) га асосланган эди. Кейинчалик П. олиш учун нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, табиий газ, қаттиқ ёқилғиларни қайта ишлаш маҳсулотлари, ёғоч ва турли ўсимлик хом ашёлари чиқиндилари ишлатиладиган бўлди. Хоссасининг яхшилиги ва халқ хўжалигига келтирадиган фойдасининг катталиги ҳамда хом ашё базасининг кўплиги П. нинг кенг кўламда ишлаб чиқарилишига имкон яратди.

П. хоссасига кўра қуйидагиларга бўлинади: *каучуклар* — катта т-ра оралиғида ўз қайишоқлик хоссасини йўқотмайдиган П.; *пластмассалар* — юқори т-рада юмшайдиган ва катта т-ра оралиғида жуда пухта, қаттиқ, нисбатан қайишоқ П.; синтетик толалар — юқори т-рада (180—200°С) юмшайдиган ва шу т-рада пухта ип бўлиб чўзиладиган П.; *лак* ва *бўёқлар* — ейилишга чидамли, металл, ёғоч ва шишага яхши ёпишадиган, т-ра, атмосфера ва механик таъсирларга чидамли П. Полимерларнинг хоссаси турлича бўлганлигидан улар қора ва рангли металлар, ёғоч, тош, суяк, шиша ва б. ўрнида ишлатилиши мумкин. Баъзи бир синтетик П. ион алмашувчи смолалар, қон плазмаси ўриндоши сифатида, тупроқни структуралашда ва б. да ишлатилади.


Ад.: Литвин О. Б., Основы технологии синтеза каучуков, М., 1972; Современное производство синтетических каучуков за рубежом, М., 1958; Энциклопедия полимеров, т. 1—2, М., 1972—74; Стрепихеев А. А., Деревицкая В. А., Слонимский Г. Л., Основы химии высокомолекулярных соединений, 2 изд., М., 1967.

ПОЛИМЕТАЛЛ РУДАЛАР (*поли...* ва *металл*) — қўрғошин, рух, мис ва кумуш сульфидларидан иборат комплекс рудалар. Қайси металлнинг кўп-озлигига қараб қўрғошин-рухли, кумуш-қўрғошинли рудалар деб аталади. П. р. эндоген шароитда гидротермал эритмаларнинг кристалланишидан ҳосил бўлади. П. р. сланец, гнейс, оҳактош, туф-сланец, гранитоидлар орасида жойлашиб, турли катталикдаги қатламлар, томирлар, шток, рудали устунлар ва б. шаклларда бўлади.

П. р. таркибига пирит, сфалерит, халькопирит, галенит, баъзан кумуш, висмут ва б. нинг сульфидлари киради. Атмосферадаги ҳаво ва намликнинг таъсирида баъзан бирламчи (сульфид) П. р. иккиламчи (оксидланган) П. р. га ўтиши мумкин. Бундай рудаларга церуссит, англезит, пироморфит, смитсонит, кэламин ва б. минераллар киради. Уралда, Олтой ва Қирғизистонда П. р. нинг йирик конлари бор. Ўзбекистонда П. р. конлари Чатқол, Қорамозор, Қурама тоғларида, шунингдек республиканинг ғарбий ва жанубий қисмида жойлашган. Чет элларда — АҚШ, Канада, Австралия, Перу, Япония, ГФР, Испанияда П. р. конлари бор. П. р. қўрғошин, рух, мис, кумуш ва б. металлар олиш учун асосий манба ҳисобланади.

ПОЛИМЕТИЛЕНЛИ УГЛЕВОДОРОДЛАР — қ. *Циклоалканлар.*

ПОЛИМЕТИЛМЕТАКРИЛАТ — метилметакрилатнинг чизиқли термопластик полимери. Карбозанжирли полимерлар, умумий формуласи



R — алифатик карбоциклик ёки гетероциклик радикал. П. турли инициаторлар таъсирида блокли ёки эмульсион усулда олинади. П. блокли усулда мономерни минерал шишадан ишланган қолипларда 45—125°С т-рада 24—30 соат полимерлаб ҳосил қилинади. П. эмульсияли усулда метилметакрилатни никелли реакторларда сувли муҳитда пероксидлар ва эмульгаторлар иштирокида 75—85°С да 4—6 соат полимерлаб олинади. П. органик шиша (СССР), плексиглас (АҚШ, ГФР, ГДР, Франция), перспекс (Англия) деб юритилади. П. рангсиз ва турли рангли, тиниқ ва хира, пластификатланган, пластификатланмаган, тахта ва блоклар ҳолида чиқарилади. Ундан нур тарқатувчи ёритқичлар ҳам тайёрланади.

ПОЛИМЕТРИЯ (*поли...* ва *метр...*) (музыка да) — турли ҳиссали икки ва ундан ортиқ такт ўлчовлари бирикмаси. П. да асосий метрик акцент (тактдаги биринчи кучли ҳисса)лар бир-бирига тўғри келмайди. П., асосан, халқ музикасида кенг ўрин олган. Хусусан, ўзбек чолғу куйлари (мас., «Сурнай ушшоғи», «Шодиёна» ва б.)да П. намуналари мавжуд. Профессионал (композиторлар) музика ижодида П. дан бадиий ифода воситаси сифатида фойдаланилади.

ПОЛИМОРФИЗМ (*поли...* ва юнон. morphe — шакл) (биологияда) — ўсимлик ёки ҳайвонларнинг битта тури доирасида ўзаро фарқ қиладиган индивидларнинг мавжудлиги. Жинсий П. (мас., асалариларда эркак асалари, ишчи асалари ва она асаларилар, баъзи ўсимликларда, мас., нашада), ёшига кўра П. (мас., кўпчилик замбуруғларнинг ривожланиш циклида турли хил спорадони бўлгани учун улар ҳатто ҳар хил номланган) ва мавсумий П. (мас., ранг-баранг капалакнинг ёзги ва кузги шакли: пақ-пақ ўт ва б. ўсимликларнинг баҳорги ва кузги шакллари) бор (қ. *Диморфизм*).

ПОЛИМОРФИЗМ (физика, минералогия, химия да) — баъзи моддаларнинг турли кристалл структурали ҳолатларда бўлиш хоссаси. Шу ҳолатларнинг ҳар бири полиморф модификация дейилади. Ҳар бир модификация тузилиши ва физик хоссалари жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Улар α, β, γ ва б. юнон ҳарфлари б-н белгиланади. П. 1798 йилда кашф қилинган.

Оддий моддалар, шунингдек органик ва анорганик бирикмалар П. хусусиятига эга. Мас., углерод (С) ташқи кўриниши ва физик хоссаларига кўра бир-биридан кескин фарқ қиладиган кубик (олмос) ва гексагонал (графит) модификацияларга эга. П. суюқ кристалларда ҳам кузатилади. П. баъзи атом ва молекулаларнинг фазода бир неча турғун панжаралар ҳосил қила олиши оқибатидир.

Ҳар бир полиморф модификация маълум т-ра ва босимда турғун бўлади. Модда беқарор, метастабил (тормозланган, тобланган, ўта совитилган) ҳолатда узоқ вақт сақланиши мумкин. Лекин модда то маълум омил таъсир эттирилгунча (юқоридаги т-ра ва босим соҳалари чегарасида) бу ҳолатда бўла олади. Икки модификациянинг турғун соҳаси умумий чегарага эга бўлса, беқарор ҳолатдан турғун ҳолатга ўтиш қайтар (энантиотроп) алмашиниш, умумий чегарага эга бўлмаса, қайтмас (монотроп) алмашиниш бўлади. Мас., ромбик системада кристалланадиган арагонит ($CaCO_3$) қиздирилса, тригонал сингонияда кристалланган кальцит ($CaCO_3$)га айланади. Лекин кальцитни қиздириш йўли б-н арагонитга айлантириш мумкин эмас.

П. нинг хусусий ҳоли — политипизм баъзи қатлам-қатлам структурали кристалларда кузатилади. Политип модификациялар атомларнинг бир хил қатламлари ёки қатламли «пакет»ларидан тузилган. Политип модификация кўпгина минераллар, кремний карбид ва б. да кузатилади.

П. ҳодисасини ўрганиш ер ости бойликларини излаб топишга ва уларнинг пайдо бўлиш хусусиятларини тўғри аниқлашга имкон беради.

Ад.: Верма А. Рам., Кришна П., Полиморфизм и политипизм в кристаллах, [Пер. с англ.], М., 1969.

ПОЛИНЕВРИТ (*поли...* ва юнон. neuron — нерв) — периферик нервларнинг кўплаб шикастланиши. Қўл-оёқ нервлари дисталь қисмининг яллиғланиши. П. да, одатда, периферик нервлар б-н бирга орқа мия нерви пўстлоқлари, баъзан марказий нерв системаси ҳам зарарланади. Грипп, ангина, дифтерия каби юқумли касалликлар, *диабет*, *нефрит*, алкогол ва мишьякдан заҳарланиш, шунингдек совуқда ишлаш П. га сабаб бўлади. П. да беморнинг қўл-оёқ панжалари иссиқда ҳам музлаб, оғрийди, кейинчалик бемор дармонсизланиб, юриши ўзгаради ва қўлида ҳеч нарса тута олмайди. Бармоқлар шишиб, кўкаради ва иссиқ-совуқни сезмайди.

П. келиб чиқиш сабабларига кўра бир неча хил бўлади: инфекцион П. грипп, ангина ва ҳ. к. оқибатида вужудга келади. Дифтерия натижасида келиб чиқадиган П. шу касалликнинг токсик формасида рўй беради. Қўрғошин таъсирида бўладиган П. кўпинча оксидланадиган идишдаги таомни истеъмол қилишдан вужудга келади. Мишьяк полиневрити химикатлардан заҳарланганда кузатилади. Диабет полиневритида беморнинг қўл-оёқ панжалари музлаб, зирқираб оғрийди, оёқлари шишиб, қичишади ва териси шилиниб тушади. Профессионал П. кўпроқ совуқ жойларда ишлайдиган кишиларда, шунингдек сут соғувчилар, тикувчиларда учрайди.

Даво касалликнинг асосий сабабига қарши қаратилади. Венага глюкоза қўйилади, витамин B_1, B_2 ва оғриқ қолдирувчи препаратлар берилади. Массаж, даво физкультураси, физиотерапия тавсия этилади. Беморга витамин B_1 га бой овқатлар — жигар, арпа нон ва б. берилади. П. нинг олдини олиш учун доимо гимнастика б-н шуғулланиш, корхоналарда санитария техникаси қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим.

ПОЛИНЕЗ ТИЛЛАРИ — малайя-полинез тиллари (австронез) оиласига мансуб тиллар (жами 30 га яқин). Полинезия ва Шарқий Меланезиянинг баъзи оролларида тарқалган. П. т. да 700 мингдан ортиқ киши гаплашади (1970). П. т. грамматик қурилиши жиҳатидан аналитик тиллардан. Фонетик жиҳатидан жуда содда. Унли товушлар 5 та, ундошлар 9—10 тагача. Унлилар ўзига хос оҳангдорликка эга. Сўзларнинг кўпчилиги фонетик, грамматик ўзгаришларга деярли учрамайди. Аниқ ва ноаниқ артикларга эга бўлган отлар олд қўшимчалар орқали турланади. Феъл формалари шахс олмошлари ҳамда замон, майл юкламаларини қўшиш орқали ҳосил бўлади. Сўз таркиби эркин. П. т. ёзуви 19-асрда вужудга келган. Маори, тонга каби тиллар латин алифбоси асосидаги ёзувга эга.

ПОЛИНЕЗИЯ (юнон. *поли...* ва nesos — орол) — Океаниядаги ороллар. Тинч океаннинг марказий қисмида, 23°30′ ш. к.— 28° ж. к. ва 176° шк. у.—109°20′ ғ. у. лар оралиғида. П. таркибида: Тонга ороллари (1970 йилдан мустақил давлат), Гавайи ороллари (АҚШ штати). Тувалу, Феникс (Буюк Британия мулки). Токелау (Юннон) ороллари, Кук архипелаги (Янги Зеландия мулки), Ғарбий Самоа (1962 йилдан мустақил давлат), Шарқий Самоа (АҚШ мулки), Лайн ёки Марказий Полинезия Спорада ороллари (Буюк Британия ва АҚШ мулки), Тубуаи ороли, Маркиз ороллари, Жамият ороллари, Туамоту ороллари (Франция мулки), Пасха ороли (Чили мулки) ва б. бор. П. га шунингдек Янги Зеландияни ҳам киритадилар. Қуруқлик қисмининг умумий майдони (Янги Зеландиясиз) 26 минг $км^2$. Аҳолиси 1,2 млн. киши (1969) (*Океания* мақоласидаги картага қаранг).

Ороллариниг аксари қисми вулкан отилиши натижасида пайдо бўлган ёки маржон ороллардир. Вулкан ороллари тоғлик (Гавайи ороллариниг энг баланд жойи 4202 *м*, Ғарбий Самоаники 1858 *м*, Таитиники 2237 *м* ва ҳ. к.), маржон ороллариниг ер усти ясси ва пасттекислик. Гавайи ва Самоа ороллари да сўнмаган вулканлар бор. Фойдали қазилмалардан фосфорит (Лайн, Макатеа ороллари), боксит

(Гавайи оролларида) конлари бор. Ороллар аксари маржон рифлари б-н ўралган. Иқлими экваториал, тропик, пассатли иқлим. Ўртача йиллик т-ра 22—26°. Йиллик ёғин 1500—3500 *мм* (Лайи оролларида 340 *мм*). Таити, Самоа ва Тонга оролларида кучли бўронлар бўлиб туради. Тоғлиқ ороллар доимий яшил бўлиб турадиган субэкваториал ва тропик ўрмонлар б-н қопланган; шамолга тескари ён бағирлари эса саванналардан иборат. Соҳилларида кокос пальмаси, нон дарахти, пандануслар ўсади. П. да сут эмизувчилар йўқ. Ҳар хил қушлар кўп. Асосан, кокос пальмаси, кофе, какао, каучукли дарахтлар ўстирилади. Шакарқамиш, ананас, шоли, ямс, маниок етиштирилади. Марварид олинади, денгиз тошбақалари овланади.

П. ороллари европаликларга 16-а. охиридан маълум бўлди. П. оролларини кашф қилишда испан, португал, голланд, француз, инглиз ва рус денгизчилари қатнашган. П. нинг баъзи оролларида АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳарбий базалари бор.

ПОЛИНЕЗИЯ ОБЛАСТЧАСИ — Австралия зоогеографик қуруқлик областининг кенжа области. П. о. га Тинч океанда *Янги Зеландия областчаси*дан шимолдаги, *Янги Голландия областчаси* (Австралия областчаси)дан ва *Папуа областчаси*дан шарқдаги (Гавайи оролларидан ташқари) барча орол ва архипелаглар киради (4-т., 496-бетдаги Қуруқликни зоогеографик районлаштириш картасига қ.). П. о. фаунасида эндемик ҳайвонлар кўп. Сут эмизувчилардан кемирувчилар, сўнгра кўршапалаклар бор. Қушлардан каптар, сув паррандалари, катта оёқли товуқлар, тўтилар, какку, асалхўр, қалдирғоч, лойхўрак ва ҳ. к. лар яшайди. Судралиб юрувчилардан калтакесаклар, қирғоқ яқинида денгиз илонлари учрайди. Қуруқликда яшовчи қисқичбақа ўша жой учун хос. П. о. нинг ғарбий қисмида фауна тури нисбатан кўпроқ. П. о. даги Европа ва Шимолий Америкага хос қайвонлар (эчки, мушук, чўчқа, қуён ва ҳ. к. лар) одамлар томонидан олиб борилган.

ПОЛИНЕЗЛАР — бир-бирига яқин қардош халқлар группаси. *Полинезия*, Шарқий *Меланезия* ва унга яқин оролларнинг туб аҳолиси. П. га тонгалар (Тонга о.лари), самоаликлар (Самоа о. лари), увеалар (Уоллис о. лари), футунанлар (Хорн о. лари), эллисликлар (Эллис о. лари), токелауликлар (Токелау о. лари), ниуэликлар (Ниуэ о. лари), пукапукалар, ротонгалар, мангайлар, тонгаревалар, манихик-ракахангалар ва б. (Кук о. лари), таитилар (Жамият о. лари), тубуаилар (Тубуаи о. лари), туамолар, напукаликлар, реаопукарухаанлар (Туамоту о. лари), хиванлар (Маркез о. лари), рапануиликлар (Пасха о. лари), гавайликлар (Гавайи о. лари), маорилар (Янги Зеландия) киради. Умумий сони 750 миггa яқин (1970). *Полинез тили*да сўзлашади. Христиан динига эътиқод қилади (аммо ибтидоий диний тасаввурларнинг таъсири кучли). П. этногенези масаласи ҳали фанда аниқ ҳал қилинмаган. Тур Хейердал П. аждодларини милоднинг бошларида Перудан келган деб, баъзан тадқиқотчилар эса Жануби-Шарқий Осиёдан чиққан денгизчилар деб ҳисоблайди. П. яшайдиган терр-я 18-аср охирида европалик мустамлакачилар томонидан босиб олинган. 1962 йилда Ғарбий Самоада яшайдиган П. миллий мустақил давлатга эга бўлдилар. П. шакарқамиш, ананас, банан, какао каби маҳсулотлар етиштириш, шунингдек балиқчилик, ҳар хил ҳунарлар б-н шуғулланадилар.

Ад.: Народы Австралии и Океании, М., 1956; Тумаркин Д. Д., Вторжение колонизаторов в «край вечной весны», М., 1964.

ПОЛИНОМ (*поли...* ва лат. *nomen* — ном) — *кўпҳад*нинг бошқача номи.

ПОЛИОЛЕФИНЛАР — олефин қатори (*этилен, пропилен, бутилен*лар ва б.)даги тўйинмаган углеводородларнинг *полимерланиш*идан ҳосил бўладиган юқори молекулали бирикмалар.

$$\left[-CH_2-C\begin{matrix}/R\\\backslash R'\end{matrix}\right]_n, \quad (R, R' = H,\ CH_3,\ C_2H_5 \text{ ва б.}).$$

П. молекулалари, одатда, қисқа ва ён тармоқлари бор узун чизиқли занжирсимон тузилишда бўлади. П. ишлаб чиқарилиш кўлами ва турли саноат тармоқларида қўлланилиши жиҳатидан пластмассалар ичида биринчи ўринни эгаллайди (яна қ. *Полиэтилен, Полипропилен, Полиизобутилен*).

ПОЛИОМИЕЛИТ (*поли...* ва юнон. *myelos* — орқа мия) — юқумли оғир касаллик. Бунда орқа миянинг кул ранг моддаси зарарланиб, кўпроқ нерв системаси касалланади. Кўпинча 5 ёшгача бўлган болаларда учрайди. Асрлар давомида дунёнинг турли қитъаларида П. эпидемияси учраб турар ва бунинг оқибатида минглаб болалар фалаж бўлиб қолар эди. Кейинги даврларда П. га қарши курашиш чоралари кўрилгач касаллик деярли камайди.


П. ни I, II, III типдаги поливируслар пайдо қилади. Ичак ва юқори нафас йўлларига тушган вируслар кўпайиб, қон орқали марказий нерв системасига ва орқа мия тўқималарига тарқалади. Касал бола инфекция манбаи ҳисобланади. Касаллик ҳаво-томчи йўллари орқали, лекин кўпинча оғизга актив вируслар тушганда юқиши мумкин. П. ёз-куз ойларида кўпроқ учрайди. П. нинг бир неча тури бор.


Абортив П. да бемор ўзини нохуш сезади, иситмалайди, меъда-ичак фаолияти бузилиб, дармонсизланади.

Менингеал П. да касаллик серозли *менингит* ва *радикулит* кўринишида кечади. Орқа мия кул ранг моддасида ҳужайра элементлари кўпаяди. Оғриқ ва касаллик белгилари тезда йўқолади.

Фалаж П. тўрт даврга бўлинади: ўткир фалажланиш, соғайиш ва фалаж асорати даври. Бунда беморнинг т-раси 3—4 кун 39—40° дан тушмайди, мушаклари қаттиқ оғрийди, ичи кетиб, қусади. Касалликнинг 5—6-кунларида мия пардалари яллиғланади, қўл-оёқлар фалажланади, кўпинча беморнинг бир қўли ёки оёғи иккинчисига нисбатан кўпроқ фалажланади. 2—4-ҳафталардан кейин бемор соғая бошлайди, зарарланган қўл ва оёқ секин-аста ҳаракатланади. Лекин зарарланган қўл-оёқ бемор соғайгач, бошқасига нисбатан ингичка бўлиб қолади, яхши ўсмайди, ривожланмайди. Узунчоқ миянинг яллиғланиши П. нинг энг хавфли турларидандир. Бунда узунчоқ миядаги нафас органларини бошқарувчи марказ — нерв ҳужайралари фаолияти бузилиб, беморнинг нафас олиши, ютиниши ва юрак-томир фаолияти ўзгаради. Ёш фаслида болаларда юз мушакларининг фалажланиши ҳам ана шундай П. ҳисобланади.

Давоси: бемор касалхонага ётқизилади. Мушаклари орасига гамма-глобулин юборила-





ди, қон қуйилади. Нерв фаолиятини тетиклайдиган галантамин, прозерин каби дорилар, витаминлар берилади. Фалажланган оёқ-қўлларни уқалаш, даво физкультураси ва физиотерапия тавсия қилинади. Абортив ва менингеал П. да даво касалликнинг асосий белгисига қарши қаратилади.

П. нинг олдини олиш учун 2 ойликдан бошлаб бир ёшгача бўлган болалар П. га қарши эмланади, вакцина томчилаб ёки думалоқ таблетка шаклида берилади.

Ад.: Футер Д. С., Острый полиомиелит, М., 1958; Гольштейн И. М., Вершинина К. И., Полиомиелит и его профилактика, 2 изд., Киев, 1960; Дроздов С. Г., Полиомиелиты его профилактика в различных странах мира, М., 1967; Белоусов В. А., Певзнер А. Д., Болалар касалликлари, Т., 1972.

ПОЛИПЕПТИДЛАР — кўп сонли аминокислоталар қолдиғидан иборат *пептидлар.*

ПОЛИПЛАР (юнон. polypus — кўп оёқли) — ўтроқ яшовчи *ковакичлилар*нинг умумий номи. Асосан, денгизларда тарқалган. Танаси цилиндрсимон бўлиб, юқориги учида пайпаслагичлар б-н ўралган оғиз тешиги бор. П. жинссиз кўпайиб *медузалар* ёки ўзи каби П. ҳосил қилади. Медузали авлоди жинсий кўпаяди ҳам. Бунда тухумдан П. га айлана оладиган личинка — планула ҳосил бўлади. *Куртакланиш*дан колониялар вужудга келади. Асосан, ҳайвон маҳсулотлари б-н озиқланади. Озиқни одатда пайпаслагичлари б-н тутади.

ПОЛИПЛАР — одамда хроник яллиғланиш натижасида шиллиқ парданинг маълум қисмида пайдо бўладиган сўрғичсимон ўсиқлар. Бурун, ичак, меъда, бачадон ва тананинг бошқа бўшлиқларидаги шиллиқ парданинг *гипертрофия*ланиши оқибатида ёки асл ўсма шаклида вужудга келади. Келиб чиқишига кўра П. нинг қуйидаги турлари бор: қ о н полиплари бачадонда қолиб кетган йўлдош парчаси атрофидаги қон ивиндиларидан ўсиб чиқади; й ў л д о ш полиплари бачадонда қолган йўлдош парчасидан ўсиб чиқади; ю м ш о қ П. шиллиқ парданинг маҳаллий яллиғланиш гиперплазияси туфайли ҳосил бўлади. Меъда, ичакдаги П. баъзида огриқсиз кечиб, фақат шу органлар операция қилингандагина уни кўриш мумкин. Баъзан ярага айланиб қонайди, овқат ҳазм қилиш қийинлашиб қолади. Бурундаги П. эса нафас йўлини тўсиб қўяди. Бемор фақат операция йўли б-н даволанади.

ПОЛИПЛОИДИЯ (юнон. polyploos — кўп марта ли ва eidos — кўриниш, шакл) — ўсимлик ва ҳайвон организми ҳужайрасидаги хромосомалар сонининг пормага қараганда икки ва ундан кўп марта ошиб кетиши. Бу ҳолат натижасида ривожланган организм полиплоид деб юритилади. Полиплоид организмлар ўз ота ва она организмларга, авлод-аждодларига нисбатан йирик, кучли бўлади. П. ҳайвонларга нисбатан ўсимликларда кенг тарқалган. П. айрим жинсли ҳайвонларда кам содир бўлиб, асосан аскаридалар ва баъзи сувда ва қуруқда яшовчиларда учрайди. П. сунъий равишда — ҳарорати ўзгартириш, турли нур ва ҳар хил кимёвий моддалар б-н таъсирлаб вужудга келтирилиши мумкин. П. ҳолати катта илмий ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга. Усимлик навларини яхшилаш, йирик, серҳосил навлар яратишда П. ҳодисасидан фойдаланилади.

Совет олими Б. Л. Астауров биринчи марта икки тур ипак қурти гибридларидан серпушт полиплоид формасини (тетраплоид) олишга муяссар бўлди. Шу ишларга биноан Астауров табиатда айрим жинсли полиплоид ҳайвон турлари партеногенетик ва гибридизация йўли б-н келиб чиқиши мумкин деган гипотезани илгари сурди.


ПОЛИПРОПИЛЕ́Н — *пропилен*нинг термопластик полимери $[-CH_2=CH-CH_3-]_n$; рангсиз кристалл модда, с. оғ. 0,92—0,93 *г/см*^{3}, суюқланиш т-раси 172°С. Кислоталар, ишқорлар, эритувчилар ва анорганик емирувчи муҳитларга чидамли, П. пропилении оддий т-ра ва босимда катализатор иштирокида полимерлаб олинади. П. маҳсулотлари пухта ва ейилмайди, яхши диэлектрик. Толалар, плёнкалар, идишлар, қувурлар, шестернялар, совиткич ва радиоприёмник деталлари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

ПОЛИРИБОСОМАЛАР, полисомалар — тирик ҳужайраларда бўладиган ва оқсилни синтезлайдиган молекула ва рибосомалар мажмуи. Бу молекулаларнинг ҳар бири информация ташувчи рибонуклеин кислота молекуласидан иборат бўлиб, бир нечта рибосома мазкур молекула б-н боғланган. Рибосомалар цитоплазма мембранасида маълум тартибда жойлашади ва бир хил вазифа бажаради. Уларнинг сони ҳ у ж а й р а д а г и синтез қилинадиган оқсилнинг таркибига, табиатига бевосита боғлиқ. Ҳужайрадаги оқсилнинг синтези алоҳида рибосомалар иштирокида эмас, кўпинча П. орқали ўтади. П. таркибига кирмаган якка рибосомалар — э р к и н р и б о с о м а л а р дейилади.

ПОЛИРИТМИЯ (*поли...* ва *ритм*) (музыка да) — бир-бирига тенг бўлмаган икки ёки ундан ортиқ ритмик тузилмаларнинг бир вақтда садоланиши (бирикиши). П. да ўлчов ҳиссалари турлича тақсимланган бўлиб, дуоль, триоль, квартоль ва б. ритмик шакллардан кенг фойдаланилади. Бош метрик акцентлар (тактнинг биринчи, кучли ҳиссалари) барча овозларда мос келиши П. ни *полиметрия*дан ажратиб туради. Узбек музика меросида, шунингдек Узбекистон композиторлари ижодида П. кенг ўрин олган.

ПОЛИС — шаҳар-давлат, қадимги даврда жамиятни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ташкил этишнинг алоҳида шакли. Қадимги Греция ва Италияга хос. П. синфий жамият шаклланаётган, даврда вужудга келган. П. давлат аппарати тўла ҳуқуқли эркак гражданларнинг халқ мажлиси (апелла, экклесия), кенгаш (герусия, ареопаг, буле, сенат) ва турли сайланувчи мансабдор шахслар (магистратлар) дан ташкил топган. П. лар олигархик (мас., Спарта), ёки демократик (мас., Афина) бўлган. Қулдорлик давлатининг ўрнатилиши б-н П. унинг шаклларидан бирига айланган. Бироқ хусусий мулкчиликнинг ўсиши, қуллар меҳнатини эксплуатация қилишнинг кучайиши жамоа ер эгаларн асосий қисмининг хонавайрон бўлишига, хусусан П. нинг инқирозига сабаб бўлган П. Грецияда мил. ав. 4- асрнинг бошида (энг ривожланган даври мил. ав. 5- аср), Римда мил. ав. 3—1- асрларда (энг ривожланган даври мил. ав. 5—3- асрлар) инқирозга учраган.

ПОЛИСАХАРИДЛАР — *моносахаридлар* қолдиғидан тузилган юқори молекулали *углеводлар.* П. ҳайвон, ўсимлик ва микроорганизмларда кенг тарқалган биополимерларнинг асосий группасидан бири; улар организмда турли функцияларни бажаради. Кўплаб тарқалган П. нинг умумий формуласи $C_n H_{2m} O_m$. П. га



Полип-актиния.

моносахаридлар ёки уларнинг ҳосилалари (урон кислота, аминосахарлар)дан ҳосил бўлган конденсацион полимерлар деб қаралади.

П. моносахаридлар таркибига кўра г о м о п о л и с а х а р и д л а р г а ва г е т е р о п о л и с а х а р и д л а р г а бўлинади.

П. таркибида 20 дан ортиқ турли моносахаридлар борлиги аниқланган. Шулардан асосийлари: гексоза, пентоза, аминосахар, дезоксисахар, урон кислотадир.

П. турли саноат тармоқларида қўлланилади, *целлюлоза, крахмал* ва *гуммилар* айниқса кўплаб ишлатилади. Бижғитиш саноатида (қ. *Бижғиш*) ёпиштирувчи модда сифатида, плёнка ва тола тайёрлашда хом ашё сифатида қўлланилади.

ПОЛИСПЕРМИЯ (*поли...* ва юнон. sperma— уруғ)— 1) ҳайвонларда уруғланиш жараёнида тухумҳужайрага бир неча сперматозоид кириши. Ф и з и о л о г и к ва п а т о л о г и к П. га ажратилади. Физиологик П. ичдан уруғланадиган бир қанча группа ҳайвонлар (ўргимчаклар, ҳашаротлар, акуласимон балиқлар, думли амфибиялар, судралиб юрувчилар ва қушлар) га хос. Патологик П. эса моноспермли ҳайвонларда учрайди; 2) ўсимликларда тухумҳужайрага ва иккиламчи муртак халтачасига бир неча спермия (уруғ) кириши.

ПОЛИСТИРОЛ — *стирол*нинг чизиқли полимери. [$—CH_2—CH(C_6H_5)—]_n$ — шишасимон шаффоф модда, мол. оғ. 30—500 минг, зичлиги 1,06 *г/см*³ (20°Сда), шишаланиш т-раси 93°С. Саноатда стиролни полимерлаб олинади. Диэлектрик хоссаси юқори, ароматик углеводородларда, кетон, эфир ва альдегидда эрийди; спиртда эримайди; сув, кислота ва ишқорларга чидамли. Қимматбаҳо синтетик материал ҳисобланади. П. ни қуйиш, пресслаш ва б. усуллар б-н қайта ишлаб олиш мумкин. Шнек прессларда ишлов бериб юпқа электр изоляция плёнкалари (с т и р о ф л е к с) тайёрланади. Карбонат ангидрид гази, азот б-н кўпиклаштириб *п е н о п л а с т* ҳосил қилинади. Юқори частотали диэлектриклар тайёрлашда, уй-рўзғор ва техника буюмлари ишлаб чиқаришда қўлланилади.

ПОЛИСУЛЬФИДЛАР — *сульфидлар*нинг концентрланган эритмаларига олтингугурт кукуни қўшиб қайнатиш натижасида ҳосил бўлган моддалар.

ПОЛИТЕИЗМ (*поли...* ва юнон. theos — худо)— кўп худоларга эътиқод қилиш. П. илк синфий жамиятнинг вужудга келиши б-н полидемонизм, яъни жин, дев, руҳ, арвоҳ ва ҳ. к. ларга эътиқод қилиш асосида шаклланган ва ўзгариб борган. Жамиятнинг синфларга бўлиниши ва диний фантазиянинг ривожланиши жараёнида кишилар руҳларни юқори ва қуйи мартабали руҳларга ажрата бошлаганлар ва вақт ўтиши б-н худо даражасига кўтарганлар. Қабилаларнинг бирлашиши, йириклашиши ва кейинчалик улар асосида марказлашган қулдорлик давлатларининг пайдо бўлиши қабила худоларининг даражаларга бўлинишига ва улар орасидан энг олий худоларнинг ажралиб чиқишига олиб келди. Қадимги Миср, Юнонистон, Римдаги динлар кўп худоликка характерли мисол бўла олади. П. нинг ислом дини вужудга келмасидан олдин араб қабилалари ўртасида кенг тарқалган шакли *мушрикийлик*дир. Ҳозирги вақтда ҳам П. Африка, Ҳиндистон халқлари орасида кенг тарқалган. Мас., Ҳиндистонда ёйилган *ҳиндуизм* политеистик динлардан бўлиб, унга Брахма, Шива ва Вишнудан иборат «илоҳий учлик»ка эътиқод қилиш хосдир. Булардан ташқари, бу динга мансуб диндорлар яна Шиванинг хотини Парвати (Дурга, Кали ва б. номлар б-н ҳам маълум)— хотин-қизлар ҳомийси, унинг ўғиллари Ганеша — билимлар ва санъат ҳомийси, Картикейя — уруш худоси ва ҳ. к. га сиғинадилар.

ПОЛИТЕХНИКА ТАЪЛИМИ (м а к т а б д а) — коммунистик тарбиянинг таркибий қисми. Уқувчиларни ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг асосий илмий принциплари назарияси ва практикаси, ижтимоий ва ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятлари б-н таништиришни кўзда тутади, уларда меҳнат малакаси ва кўникмаси ҳосил бўлишига, касб танлашларига ёрдам беради.

П. т. ғояси дастлаб К. Маркс томонидан илгари сурилган ва кейинчалик В. И. Ленин асарларида ривожлантирилган. Маркс ва Энгельс П. т. ни ишлаб чиқариш меҳнати б-н қўшишни социализм давридаги тарбиянинг асоси ва ҳар томонлама ривожланган кишиларни етиштиришнинг ягона воситаси деб ҳисобладилар. В. И. Ленин П. т. берадиган мактабни синфсиз жамият базасини яратишнинг муҳим йўли, коммунизм руҳида тарбиялашнинг қурол, ёш авлодни янги ҳаёт қурилишига тайёрлашнинг воситаси деб ҳисоблади. Ленининг П. т. ҳақидаги ғоялари Н. К. Крупская, А. В. Луначарский, М. И. Калинин асарларида ривожлантирилди.

П. т. ақлий ва жисмоний тарбия б-н қўшилиб, дастлаб совет умумий таълим мактабида амалга оширила бошланди. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг илмий асослари б-н ўқувчилар асосан т а б и и й-и л м и й фанларни ўрганиш жараёнида танишадилар. Ишлаб чиқариш муносабатлари системасида бирор касбга онд малакаларни шакллантиришда ва ўқувчиларни меҳнатга тарбиялашда и ж т и м о и й фанлар ц и к л и муҳим роль ўйнайди; унда ижтимоий муносабатлар ривожланишининг объектив қонунлари, ишчи синфининг иқтисодий ва маънавий бойликлар яратишдаги муҳим ўрни ва роли очиб берилади, социалистик жамият тарихи ўрганилади, иқтисод асослари, коммунистик қурилиш вазифалари б-н танишилади. Ишлаб чиқаришнинг илмий асослари ва ишлаб чиқариш муносабатлари б-н, шунингдек ф а к у л ь т а т и в м а ш ғ у л о т л а р д а, мактабнинг турли техник ва тажриба тўгаракларида ва *мактабдан ташқи муассасалар*да ҳам танишилади. Ишлаб чиқаришнинг оддий қуроллари, турли машина ва механизмлар б-н муносабатдаги амалий малака ва кўникмаларни ривожлантиришда «М е ҳ н а т т а ъ л и м и» дарси асосий ўринни эгаллайди. К а т т а л а р н и н г и ж т и м о и й м е ҳ н а т ф а о л и я т и д а ўқувчилар қатнашиши *меҳнат тарбияси*да муҳим роль ўйнайди. Бу ишлаб чиқариш муносабатлари ва мажбуриятлари б-н танишишга, маънавий ва жисмоний қобилиятларини ўстиришга имкон беради. Шу мақсадда ўқув цехларида, ўқув-ишлаб чиқариш к-тларида, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш бригадаларида, меҳнат лагерларида ўқувчилар турли ишларга жалб этилади.

Политехнизм принципи бўлажак мутахассислар дунёқарашининг кенгайишига, маданиятининг ўсишига, ҳозирги замон техникаси ва технологиясини тез ўзлаштириш қобилиятларининг ривожланишига имкон беради.

П. т. бошқа социалистик мамлакатлар ўрта мактабларининг ўқув-тарбиявий ишлари қурилишида ҳам асосий ўрин тутади.

Ад.: М а р к с К., Инструкция делегатам Временного Центрального совета по отдельным вопросам, К. Маркс, Ф. Энгельс, Соч., 2 изд., т. 16; Л е н и н В. И., Ёшлар союзининг вазифалари, Ас., 31-т.; Ш а б а л о в С. М., Политехническое обучение, М., 1956; Проблемы политехнического образования, М., 1972; Р а ж а б о в С. Р., Тарбия ва ўқитиш ҳақида классик таълимот, Т., 1971; С а ъ д и е в а М., Крупская политехника таълими ва эстетик тарбия ҳақида, Т., 1973; Х а б и р о в а С. К., Ўзбекистон мактабларида политехника таълими тарихидан, Т., 1974.

ПОЛИТИЗДАТ [рус. полит(ическое) издат(ельство)—сиёсий нашриёт], К П С С М Қ н и н г С и ё с и й а д а б и ё т н а ш р и ё т и — Совет Иттифоқининг марказий партия нашриёти. 1918 йил Москвада партия нашриёти сифатида «Коммунист» номи б-н ташкил этилган [1919 йилдан РСФСР Давлат нашриёти (Госиздат)нинг партиявий адабиёт бўлими]; 1931 йилдан Партиздат (Партия адабиёти нашриёти) деб аталган. 1940 йил Партиздат Соцэкгиз (Сиёсий-иқтисодий адабиёт нашриёти)га қўшилиб, 1941 йил январидан Госполитиздат (Давлат сиёсий адабиёт нашриёти) номини олди. 1963 йилдан Политиздат деб аталади.

П. марксизм-ленинизм классиклари асарларини, партия съездлари, МҚ пленумлари материалларини ва б. партия ҳужжатларини, КПСС, қардош коммунистик ва ишчи партиялари раҳбарларининг доклад ва нутқларини, илмий коммунизм, марксча-ленинча фалсафа, сиёсий иқтисод, КПСС тарихи, партия қурилиши, илмий атеизм, СССРнинг ташқи сиёсати, жаҳон революцион жараёнига доир илмий, илмий-оммабоп ва ўқув адабиётини, шунингдек бадиий-ҳужжатли китоблар, календарь типидаги асарларни нашр этади.

П. чиқарган китоблар орасида, айниқса, В. И. Ленининг 55 томли Тўла асарлар тўплами (1958—65), Ленин ҳақидаги асарлар, Маркс ва Энгельс асарларининг 2-нашри, 10 томли «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси съездлар, МҚ конференция ва пленумлари резолюциялари ва қарорларида» каби адабиётлар муҳим аҳамиятга эга. П. Л. И. Брежневнинг «Ленин йўлидан» (5 томли), «КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсати ҳақида», «Партия қурилишининг актуал масалалари ҳақида» китобларини оммавий тиражда нашр этди. Нашриётнинг «Ҳаёт ва ўзим ҳақида» («О жизни и о себе»), «Совет Ватанининг қаҳрамонлари» («Герои Советской Родины»), «Оташин революционерлар» («Пламенные революционеры») каби сериядаги китоблари ўқувчилар орасида шуҳрат қозонган. 1973 йил П. да 398 номда умумий тиражи 108 676 минг нусхада асар нашр этилди. Мазкур нашриёт чиқарган муҳим китоблар иттифоқчи республикаларда (УзССРда, асосан, «*Узбекистон*» нашриёти томонидан) маҳаллий тилларда нашр қилинади. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланган (1970).

«ПОЛИТИЧЕСКОЕ САМООБРАЗОВАНИЕ» («Мустақил сиёсий ўқиш»)—КПСС МКнинг ойлик журнали. Партия маорифи системасидаги пропагандистлар, мактаб ва ун-т тингловчилари, лекторлар, докладчилар, партия ва илмий ходимлар, олий ва ўрта ўқув юртлари ўқитувчилари, марксизм-ленинизмни мустақил ўрганувчиларга мўлжалланган. 1957 йил январдан Москвада рус тилида нашр этилади. Унда илмий коммунизм назарияси, ленинча ғоявий мерос, партия МҚ қарорлари, КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати ҳақидаги материаллар кенг ёритилади; партия ташкилотларида меҳнаткашларни коммунистик ва интернационал руҳда тарбиялашдаги тўпланган тажрибалар умумлаштирилади; жаҳон социалистик системаси, коммунистик, ишчи ва миллий озодлик ҳаракатлари тараққиётининг актуал масалалари акс эттирилади. Журналда партия ўқиши системаси учун назарий мақолалар, консультациялар, ўқув-методик ва б. материаллар мунтазам босилади. Тиражи 2 млн. 115 минг (1976).



«Политическое самообразование» журнали.

ПОЛИТОТДЕЛ — Тошкент обл. Юқори Чирчиқ р-ни Бордонқўл қ. С. даги қишлоқ. «Политотдел» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан 16 *км*, яқин т. й. станцияси — Тошкентдан 23 *км*. Аҳолиси 3790 киши (1971); пахтачилик, канопчилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Болта каналидан сув ичади. Ўрта мактаб, касалхона, маданият уйи, к-з сут-товар фермаси, стадион, меҳмонхона, ҳаммом, к-з идораси, трактор парки ва маиший хизмат кўрсатиш пунктлари бор.

ПОЛИТОТДЕЛ — Сирдарё обл. Гулистон р-ни Киров қ. С. даги қишлоқ. Усмон Юсупов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 11 *км*, яқин т. й. станцияси — Гулистондан 8 *км*. Аҳолиси 1076 киши (1974); пахтачилик, боғдорчилик, полизчилик б-н шуғулланади. Киров номли каналдан сув ичади. К-з идораси, саккиз йиллик мактаб, машина-трактор парки, к-з устахонаси, кутубхона бор.

ПОЛИТОТДЕЛ — Сурхондарё обл. Денов р-ни Денов қ. С. даги қишлоқ. Ульянов номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Деновдан 5 *км*. Аҳолиси 627 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, сабзавотчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Денов каналидан сув ичади. Р-н касалхонаси, дорихона, клуб, мактаб, к-з трактор парки бор.

ПОЛИТОТДЕЛ — ҚҚАССР Беруний р-ни Шимом овул Советидаги қишлоқ. Р-нинг шимоли-ғарбида, Навоий номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 9 *км*, яқин т. й. станцияси— Урганчдан 29 *км*. Аҳолиси 603 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, шоликорлик, боғдорчилик б-н шуғулланади. Шимом каналидан сув ичади.

ПОЛИТРОП АТМОСФЕРА — шартли, идеаллаштирилган *атмосфера*. Бунда баландлик ошган сари т-ра T чизиқли ўзгаради, яъни $T = T_0 - \gamma z$ ($\gamma = -\frac{\partial T}{\partial z}$ = const т-раниng вертикал градиенти, T_0 — бошланғич нуқта т-раси). П.а. да т-раниng вертикал градиенти γ қанча катта бўлса, атмосфера босими баландликка (z) кўтарилган сари шунча камайиб боради. Мас., вертикал т-ра градиенти γ 100 *м* да 0,6°С га ўзгарса, баландлик $z = 45{,}5$ *км* бўлганда босим нолга тенг бўлади ва бу баландлик П.а. нинг максимал баландлиги ҳисобланади. П.а. да баландлик z б-н босим P нинг ўзгариши барометрик формула:

$$P = P_0\left(\frac{T_0 - \gamma z}{T_0}\right)^{\frac{g}{Rc\,\gamma}}$$

б-н ифодаланади [R_c — газ (Больцман) доимийси g — оғирлик кучи тезланиши].

ПОЛИТРОПА (*поли...* ва юнон. tropos — бурилиш) — *политропик процесслар*ни термодинамик диаграммада тасвирловчи чизиқ. Идеал газнинг П. тенгламаси қуйидаги кўринишда ифодаланади: $pV^n = \text{const}$, бунда P — газ босими, V — унинг ҳажми, n — П. кўрсаткичи. Изобара ($n = 0$), изотерма ($n = 1$), адиабата ($n = \gamma$, бунда γ — адиабата кўрсаткичи), изохора ($n = \pm\infty$) П. нинг хусусий ҳолларидир.

ПОЛИТРОПИК ПРОЦЕ́СС — физик системанинг иссиқлик сиғими (C) ўзгармаганда унинг ҳолати ўзгариши; термодинамик диаграммада П. п. ни тасвирлайдиган эгри чизиқ *политропа* дейилади. *Идеал газ*даги П.п. $PV^n = \text{const}$ қонунига бўйсунади, бунда P — газ босими, V — газ ҳажми, $n = \dfrac{C - C_p}{C - C_v}$ политроп кўрсаткичи (0 дан $\pm\infty$ гача бўлган қийматларни қабул қилади). (C_p ва C_v — ўзгармас босим ва ҳажмда газнинг иссиқлик сиғими). Идеал газнинг ҳолат тенгламасидан фойдаланиб, политроп тенгламасини бошқача кўринишда ифодалаш мумкин: $PT^{\frac{n}{1-n}} = \text{const}$ ёки $VT^{\frac{1}{n-1}} = \text{const}$ (бунда T — абс. т-ра). Адиабата ($C = 0$, $n = C_p/C_v$), изобара ($C = C_p$, $n = 0$), изохора ($C = C_v$, $n = \infty$) ва изогерма ($C = \infty$, $n = 1$) тенгламалари идеал газ П.п. тенгламасининг хусусий ҳолларидир. П.п. да идеал газнинг ташқи босимга қарши бажарган иши A қуйидаги формула б-н аниқланади:

$$A = \frac{1}{n-1}\cdot(P_1V_1 - P_2V_2),$$

бунда 1 ва 2 индекслари б-н газнинг бошлангич ва охирги ҳолатлари ифодаланган. П. п. ифодаси термодинамикада иссиқлик двигателларининг иш цикларини текширишда кенг қўлланилади.

ПОЛИТРУ́К (политический руководитель, сиёсий раҳбар — 1) рота, батарея ва шуларга тенг ҳарбий бўлинмалардаги лавозимли шахс, қисм ҳарбий комиссарининг асосий ёрдамчиси. 1919 йил октябрда жорий этилган. П. лар ёш Совет республикаси Қуролли Кучларининг мудофаа қудратини оширишда катта роль ўйнади. 1942 йили П. ўрнига қисмларда қисм командирининг сиёсий ишлар бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди; 2) 1935 йил 22 сентябрда СССР ХҚС ва СССР МИҚ томонидан сиёсий составнинг турли тоифалари учун жорий этилган ҳарбий унвон. Катта П., П. ва кичик П. унвонлари мавжуд бўлган. 1942 йил 9 октябрда қисмларнинг ҳамма сиёсий ходимларига офицерлик унвони берилиши муносабати б-н П. унвони бекор қилинган (яна қ. *Ҳарбий унвонлар*).

ПОЛИТЦЕ́Р Жорж (1903. 3. 5—1942. 23. 5) — француз марксист-философи, Франция Коммунистик партияси МҚ нинг аъзоси. Венгриянинг Надьварад (ҳозирги Орадя) шаҳрида туғилди. 30-йилларда Парижда прогрессив кишилар б-н биргаликда Ишчилар ун-тини ташкил қилди. 1935—36 йилларда шу ун-тда диалектик материализм курсидан лекция ўқиди, кейинчалик бу курс материаллари «Философиянинг элементар асослари» (Париж, 1946) китобига асос бўлди. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг актив қатнашчиси. Немис-фашистлари Францияни оккупация қилган даврдан бошлаб (1940), П. яширин иш олиб борди. Философик ишлари ва лекцияларида философиянинг муҳим масалаларини диалектик материализм позициясида туриб ёритди. П. Бергсоннинг философик ва психологик қарашларини, унинг *интуитивизм*ини танқид қилди. Идеализм б-н мунозарада П. француз философиясининг прогрессив традицияларини, айниқса, *Декарт* рационализмини ҳимоя қилди. 1942 йилда қамоққа олинган ва қатл этилган.

ПОЛИУРЕТАНЛА́Р — макромолекулаларининг асосий занжирида такрорланувчи уретан группаси — OCONH бўлган полимерлар. П. ўзининг хоссаларига кўра полиамидларга яқин туради. Гликолаларни диизоцианатлар б-н биргаликда босқичсимон механизм бўйича полимерлаб олинади. П. кислота, минерал ва органик мойлар, бензин ва оксидловчилар таъсирига чидамли, П. пенопласт, каучук, елим, плёнка, коррозиябардош қоплама, тола ва ҳ. к. олишда қўлланилади.

ПОЛИФОНИ́Я (*поли...* ва *...фон*) — бир қанча мустақил куй (овоз)ларнинг гармоник қўшилиши ва ривожланишига асосланган *кўп овозли музика* тури. П. кенг маънодаги контрапункт тушунчасига тўғри келади. П. нинг куй, ритм, лад ва гармониялари ўзаро боғланиб ривожланади. Ўзига хос бир неча куйнинг қўшилиб келиши, гармоник юксалиши бадиий образларни яратишга ёрдам беради. Полифоник шакллар — *фуга*, фугетта, *канон* ва б. бирор мустақил пьеса ёки циклли йирик асарларнинг қисмлари сифатида ишлатилади. Полифоник услубдаги парчалар бошқа гомофоник-гармоник (қ. *Гомофония*) тузилишдаги кўп овозли музика асарларида ҳам кенг қўлланилади. Турли халқлар (одатда кўп овозли) музика меросида ва композиторлар ижодида асосан *имитацияли*, ёрдамчи овозли ҳамда контрастематик (куйларнинг қўшилиб келишига асосланган) П. турлари учрайди. 12—13- асрлардан бошлаб қатъий (етук мисоллари — *Ж. Перголези*, О. Лассо ва б. ижодида) ва эркин (И. С. *Бах*, Г. Ф. *Гендель*, В. *Моцарт*, Л. *Бетховен* ва б. ижодида) П. услуби анъаналари пайдо бўлди. 19- аср чет эл ва рус ҳамда ҳозирги замон композиторлари П. нинг ҳар иккала анъанасига таяниб турли жанрларда асарлар яратган. Шу жумладан, Ўзбекистон композиторларидан Г. Мушель, Т. Қурбонов ва б. ижодида ҳам полифоник асарлар мавжуд. Асосий куйнинг П. услубларидаги *вариация*лари — полифоник вариациялар дейилиб, уларнинг *пассакалья*, *чакона* каби мустақил музика шакллари мавжуд. П. ўқув предмети сифатида музика таълими системасига киритилган.

Ад.: Скребков С., Учебник полифонии, 3 изд., М., 1965; Протопопов В. В., История полифонии в её важнейших явлениях. Русская классическая и советская музыка, М., 1962; Протопопов В. В., История полифонии в её важнейших явлениях. Западноевропейская классика XVIII—XIX вв, М., 1965; Корабельский А., О некоторых элементах полифонии в узбекской народной музыке и их применение при обработках народных мелодий. «Теоретические проблемы узбекской музыки» тўпламида, Т., 1968; Корабельский А., Полифония в творчестве композиторов Узбекистана. «Вопросы музыкознания» тўпламида, вып. II, Т., 1971.

ПОЛИФО́РМАЛЬДЕГИ́Д, полиоксиметилен $(-OCH_2-)_n$ — формальдегиднинг чизиқли полимери; оқ шохсимон кристалл модда, мол. оғ. 40—120 минг; зичлиги 1,43 *г/см*³ (20°С да), суюқланиш т-раси 164—180°С. Оддий т-рада эритувчиларда эримайди. Кучли кислота ва ишқор таъсир этади. П., асосан, формальдегидни ёки унинг ҳосиласини полимерлаб олинади. П. дан плёнка, асбоб ва машиналарнинг турли конструкцион деталлари ва арматуралари ишланади.

ПОЛИХЕТЛА́Р — қ. *Кўп қилли чувалчанглар.*

ПОЛИХРОМИ́Я (*поли...* ва юнон. chroma — ранг) — кўп ранглилик. Амалий безак санъатида, ҳайкалтарошлик асарларида ва архитектурада 2 ва ундан ортиқ ранг ишлатилганлиги.

ПОЛИЦЕНТРИЗМ (*поли...* ва лат. centrum — марказ) — ҳозирги замон одами (неантроп)нинг ер шарининг бир қанча областларида пайдо бўлиши ҳақидаги концепция. П. назариясининг асосчиларидан бири америка антропологи Франц Вейденрейхдир. Совет антропологлари орасида Г. Ф. Дебец П. тарафдори ҳисобланади. Вейденрейх Копенгагендаги антропологларнинг интернационал Конгрессида (1938) неоантроплар пайдо бўлишининг 4 та марказини ажратиб кўрсатди: Жанубий-Шарқий Осиёда гоминид эволюция йўли б-н питекантропдан игандонг палеоантропи орқали вадъяк сапиенси ва кейинги австралия аборигенларига ўтган. Шарқий Осиёда тараққиёт йўли синантропдан монголоид ва америка ирқига томон ўтган. Жанубий Африкада родезия одамларидан негрлар ёки бушменлар келиб чиққан. Жанубий-Ғарбий Осиёда фаластин палеоантропларидан (Схул ғори) ҳозирги европеоид ирқи пайдо бўлган.

Вейденрейх ўзининг кейинги асарларида (1943) полицентризмни ёқлаб чиқадиган янги маълумотлар келтирган. Бу маълумотларда синантроп б-н ҳозирги монголоидлар, питекантроп б-н австралияликлар ўртасида айрим белгилар бўйича морфологик ўхшашликлар борлиги қайд этилган.

П. назарияси дастлаб баъзи совет археолог ва антропологлари томонидан эътироф этилган эди. 1930-йилларда ижтимоий тараққиёт қонунларини дунё бўйлаб маданият тарқатган «олий халқлар» миграцияси б-н алмаштирган сохта назария — миграционизмга қарши ғоявий кураш олиб боришда фойдаланилди. Фанда П. га *моноцентризм* назарияси қарши туради (Я. Рогинский ва б.).

Ад.: Рогинский Я. Я., Теории моноцентризма и полицентризма и проблема происхождения современного человека и его рас, М., 1949; Рогинский Я. Я., Проблемы антропогенеза, М., 1969; Нестурх М. Ф., Человеческие расы, 3 изд., М., 1965.

ПОЛИ́ЦИЯ (нем. Polizei — давлатни идора этиш, маъмурият) — эксплуататор давлатларда мавжуд тузум хавфсизлигини ҳамда ҳукмрон синф манфаатлари йўлида ўрнатилган тартибларни ҳимоя қиладиган давлат идора органларининг алоҳида системаси. П. нинг шаклланиши давлатларнинг вужудга келиши б-н боғлиқ. Чор Россиясида махсус П. органлари 1718 йилда Пётр I томонидан тузилган бўлиб, умумий, тартибни кузатувчи (унинг қидирув органи жиноий ишлар б-н шуғулланган) ва сиёсий (информация ва махфий сиёсий П.) бўлимлардан ташкил топган. Булардан ташқари, махсус хизмат (сарой, порт, ярмарка) П. лари ҳам бўлган. П. мавжуд бўлган жойларда уларга ички ишлар министрлиги раҳбарлик қилган. Унинг системасига полицмейстер бошчилигидаги шаҳар П. бошқармаси, хусусий ва участка пристав (бошлиқ)лари раҳбарлик қиладиган П. қисмлари ва участковийлар кирган. Октябрь революциясигача Туркистон генерал-губернаторлигида ҳам П. бўлган.

Капиталистик давлатларда П. дан, асосан, революцион ҳаракатларга, ишчилар ҳаракатларига ва демократик прогрессив кучларга қарши курашишда фойдаланилади. Миллий П. системасининг марказлаштирилган (Австрия, Франция ва б.) ва марказлаштирилмаган (Буюк Британия, ГФР ва б.) шакллари мавжуд. П. фаолиятининг асосий тармоқлари бўйича уни П. идорасига, хавфсизликни сақлаш П. си, жиноят қидирув П. си, маъмурий П., сиёсий (махфий) П., ҳарбий П. (жандармерия)ларга бўлиш мумкин. АҚШдаги федерал П. Федерал тергов бюроси ва турли министрликларга тегишли П. идораларидан иборатдир. Штатлардаги П. лар тўғридан-тўғри штат губернаторига бўйсунади; маҳаллий П. полиция хизмати графлари ва шаҳар муниципалитетларидан иборат. Буюк Британия П. си ички ишлар министрлиги системасига, оператив штаби эса Лондон жиноят ишларини тергов қилиш идораси (Скотленд ярд)га киради.

Буржуа давлатларида йирик саноат, транспорт, банк ва б. объектларни қўриқлайдиган, шунингдек хусусий жиноий қидирув ишларини амалга оширадиган хусусий П. ҳам бор. Баъзи чет давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва б.) қуролли кучларининг қуруқликдаги қўшинлари ичида П. хизматини адо этадиган ҳарбий П. ҳам бўлади. Уларга шоссе йўлларидаги ҳаракатларни назорат қилиш, қисмларидан қолиб кетган ҳарбий хизматчиларни, қисмини ўзбошимчалик б-н ташлаб кетган солдатларни, дезертир ва бошқаларни тутиш, ҳарбий маҳсулотларни қўриқлаш, жиноятнинг олдини олиш, ҳарбий асирларни эвакуация қилиш вазифаларни юклатилган.


«П.» термини айрим социалистик мамлакатларда (мас., ГДРда) ҳам ишлатилади (халқ П. си), аммо бу давлатларда П. *милиция* каби меҳнаткашларнинг туб манфаатларини қўриқлайди.

ПОЛИЭ́ДР (*поли...* ва юнон. hedra — асос) — *кўпбурчак*, *кўпёқлик* тушунчаларининг ихтиёрий ўлчовли фазолар учун умумлашгани.

ПОЛИЭЛЕКТРОЛИТЛА́Р — макромолекулалари таркибида эритмада ионлашадиган группалари бўлган полимерлар. Муҳим *биополимерлар* — *оқсиллар* ва *нуклеин кислоталар* П. га тааллуқлидир. Буларнинг хоссалари полиэлектролит табиати б-н аниқланади. Тример П. — *ионитлар* амалда кўплаб қўлланилади. П. полимер кислоталар, полимер асослар ва полиамфолитлар (таркибида ҳам асос, ҳам кислота группаси бўлган сополимерлар)га бўлинади. Кўпчилик П. таркибида кучсиз кислота ёки асос группалари (карбоксил ёки аминогруппалар) бўлади, шунинг учун кучли асос ёки кучли кислота иштирокидагина ионлашади. Шунда П. занжирида зарядланган группалар, уни ўраб турган муҳитда эса шунча миқдорда тескари ишорали қуйи молекулали ионлар бўлади. Бир қатор П. таркибида кучли кислота группалари (мас., фосфат ёки сульфогруппалар) бўлади.

ПОЛИЭМБРИОНИ́Я — қ. *Кўп эмбрионлик.*

ПОЛИЭТИЛЕ́Н, политен, полиэтен $[-CH_2-CH_2-]_n$ — карбозанжирли полимер. Оқ қаттиқ маҳсулот. Кислота, ишқор, тузлар эритмаси ва органик суюқликларга чидамли; рангини яхши олади, суюқланиш т-раси 105—130°С, зичлиги 0,92—0,97 *г/см*³. Саноатда уч хил усулда: юқори босим (1200—1500 *ат*) да, паст босим



Поллайоло А. «Геракл ва Антей» (Флоренция, Уффици).

(0—7 *ат*) да ва ўртача босим (30—40 *ат*) да этиленни полимерлаб олинади. Электр изоляция қопламлари, емирувчи муҳитдан сақловчи материал, синмайдиган идишлар ва б. тайёрлашда қўлланилади.

ПОЛИЭФИР СМОЛАЛАР — тўйинмаган олигомерлар (олигоэфирлар), мас., полималеинатлар ва олигоэфир акрилатлар. Мономерларда (стирол, метилметакрилат, диаллилфталат ва б.) сополимерланиш қобилиятига эга бўлган айни олигоэфирларнинг аралашмаси ва уларнинг эритмалари ҳам, одатда, полиэфир смолалар деб аталади.

Олигоэфирлар инерт эритмада поликонденсатлаб олинади: малеин кислота ёки малеин ангидриддан ва гликолдан полималеинатлар, тўйинмаган монокарбон кислота, метакрил кислота, гликоль ва дикарбон кислотадан олигоэфиракрилатлар ҳосил қилинади. *Гликоллар* сифатида кўпинча этилен-, диэтилен-, триэтилен- ва 1, 2- пропиленгликоллар ишлатилади. Дикарбон кислоталар сифатида *адипин кислота*, себацин, фталь, изофталь, терефталь кислоталари (қ. *Фталь кислоталар*) қўлланилади.

П. с. нинг кўп қисми шишапластиклар учун қовуштирувчи модда сифатида қўлланилади. Бундан ташқари, улар лак-бўёқ материаллари тайёрлашда, радио ва электротехника жиҳозлари деталларининг орасини қўйиб тўлдиришда полимер компаундлар сифатида ишлатилади, ғовак металл қуймаларни герметиклашда галантерея маҳсулотлари тайёрлашда ишлатилади. П. с. СССРда ПН-1, ПН-3, ПН-8, АҚШ да атлак, селектрон, хетрон, Англияда кристин, селлобонд, Францияда родестер, стерпон, ГФР да легуваль, палаталь номи б-н чиқарилади.

ПОЛК (рус.)—1) барча қуролли кучларнинг ҳар хил қўшин турлари ва махсус қўшинларидаги ҳарбий қисм. П. нинг ўқчи П., пиёда аскарлар полки, отлиқ аскарлар полки, танк полки, артиллерия полки, авиация полки, ракета полки ва б. турлари бўлади. Ҳар бир П. да мустақил штаб, бир қанча батальон (дивизион, эскадрилья, рота), таъминот бўлинмалари ва ички бўлинмалар мавжуд. П., одатда қўшилмалар (дивизия, бригада) составига киради. П. шаклидаги ҳарбий бирлик дастлаб 10-асрлардаёқ вужудга келиб, турли армияларда ҳар хил номлар б-н аталган. П. Россия ва Ғарбий Европада 16—17-асрларда пайдо бўлган. 18—19-асрларда П. тузилиш жиҳатидан ўзгариб турган. Биринчи жаҳон урушида пиёда аскарлар полки 3—4 батальон (ҳар бир батальонда 3—4 рота)дан иборат бўлган. Иккинчи жаҳон уруши арафасида танк, моторлаштирилган авиация, ҳаво-десанти ва б. П. лар юзага кела бошлади. Пиёда аскарлар полкларига эса артиллерия, миномёт, танк, зенит пулемётлари бўлинмалари ва б. киритилди. Ҳозирги бир қанча армияларда (АҚШ ва б. мамлакатларда) П. ўрнида жанговар группалар мавжуд; 2) Россияда 13—17-асрларда ҳаракатдаги армия жанговар тартибининг қисмлари. Одатда, 5—7 П. га бўлинган; 3) 16—18-асрларда Украинадаги ҳарбий бирлик ва маъмурий-территориал округ.

ПОЛКОВНИК (полякча polkownik)— катта офицерлар составига бериладиган (*подполковник*дан сўнг) ҳарбий унвон. Совет Армиясида 1935 йил 22 сентябрда жорий этилган: СССР Мудофаа министрининг буйруғи б-н берилади. СССР Ҳарбий-Денгиз Флотида П. 1-ранг капитани унвонига тўғри келади (яна қ. *Ҳарбий унвонлар*).

ПОЛЛАЙОЛО Антонио дель (1433. 17. I, Флоренция — 1498. 4. 2, Рим)—Уйғониш даври итальян рассоми, ҳайкалтарош, гравёр, заргар. Ёшлигида заргарга шогирд бўлган, тасвирий санъатга кўпроқ қизиққан. Гераклнинг жасоратига бағишлаб яратган картиналар серияси (тахминан 1465); «Гидрани ўлдираётган Геракл», «Геракл ва Антей», «Шерни ўлдираётган Геракл») б-н истеъдодли рассом сифатида танилди. «Ун ялангочнинг жанги» деб номланган мисга ишланган гравюраси П. нинг анатомияни пухта билганини кўрсатди. «Геракл ва Антей» ҳайкали (1475—80), Рим папалари Сикст IV (1489—93) ва Иннокентий VIII (1492—98) мақбараларига ишланган ёдгорликлари П. нинг ҳайкалтарошликда ҳам характер яратишга моҳирлигини намойиш этди. Бу ёдгорликлар 15-аср монументал пластикасининг энг яхши намуналари саналади.

ПОЛЛИНИЙ (лат. pollen — чанг)— чангдондаги бир ёки икки қўшин чанг уялар чангининг ёпишиб тўпланишидан ҳосил бўлган қуюқ масса. Орхидеядошлар ва сутпечакдошларга мансуб ўсимликларга хос. П. ўсимликларнинг ҳашаротлар ёрдамида махсус чангланишга мосланиши жараёнида ҳосил бўлган.

ПОЛЛЮЦИЯ (лат. pollutio — ифлосланиш, булганиш), ихтилом— эркакларда жинсий алоқа ёки *онанизм* б-н боғлиқсиз беихтиёр сперма келиши. Физиологик ва патологик П. бор. Физиологик П. балоғатга етган йигитларда ҳамда нормал (одатланган) жинсий алоқани тўхтатган эркакларда кузатилади. П., одатда, уйқуда, кўпинча шаҳвоний туш кўриш натижасида рўй беради. Патологик П. да жинсий органлар оғриб, бемор ўзини нохуш сезади. Бундай П. неврастенияда ёки сийдик чиқариш каналининг орқа қисми, уруғ пуфаклари, чаноқ клетчаткаси ва кичик чаноқ органлари касалликларида (бавосил, колит узоқ вақт қабзият бўлиш) юз беради.

Давоси: физиологик П. нормал жинсий алоқа йўлга қўйилгач йўқолиб кетади. П. умумий невроз шаклида бўлса, неврологик дорилар буюрилади ва асосий касаллик даволанади.

ПОЛМОН — Фарғона обл. Қува р-ни Мўён қ. С. даги қишлоқ. «Қувасой» с-зи терр-ясида. Р-н марказидан 5 *км*, яқин т. й. станцияси— Қувасойдан 5 *км*. Аҳолиси 1049 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Исфайрамсойдан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, гидроузел, медпункт бор.

ПОЛМОН — Қашқадарё обл. Шаҳрисабз р-ни Шакартери қ. С. даги қишлоқ. «Социализм» к-зи терр-ясида. Р-н марказидан ва яқин т. й. станцияси — Китобдан 17 *км*. Аҳолиси 737 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Чоршанба каналидан сув ичади. Саккиз йиллик мактаб, клуб, медпункт бор.

ПОЛО Марко (1254, Венеция — 1324. 8. 1, Венеция)— итальян сайёҳи ва ёзувчиси. П. 1271—1275 йилларда савдогарлар кемасида Кичик Осиё я. о. нинг жануби-шарқий соҳилларига келган. Сўнгра Арманистон тоғлиги, Месопотамия, Эрон тоғлиги, Помир ва Қашқар ҳамда Такламакон чўли орқали Қорақурумга, ундан Хонбалиқ (Пекин)га борган. П. Хитойда 17 йил яшаб, 1292 йилгача мўғул хони Ҳубилайнинг хизматида бўлган. Бу вақт ичида у Хитойнинг турли вилоятларига саёҳат қилган. П. қайтишида Жанубий Хитой денгизи, Бенгалия қўлтиғи, Ҳиндистон я. о. нинг ғарбий соҳиллари ва Арабистон денгизи орқали Ҳўрмузга келган. Ундан Табриз ва Константинополь орқали 1295 йилда Венецияга етиб келган. П. нинг 1298 йилда «Марко Поло китоби» номли асари босилиб чиққан. Бу асарида П. европаликлардан биринчи бўлиб Хитой ва Марказий ҳамда Олд Осиёдаги бошқа мамлакатлар, у ердаги шаҳарларни ва халқларнинг урф-одатларини тасвирлаб ёзган. Унинг асари тез орада Европадаги бир неча тилларга таржима қилиниб, Осиёнинг географиясини ўрганишда ва Буюк географик кашфиётлар тарихида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ас.: Книга Марко Поло, Пер. с франц., М., 1955. *Ад.:* Харт Г., Венецианец Марко Поло, Пер. с англ., М., 1956; Майнк Вилли, Марко Полонинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари, Т., 1969.

ПОЛОНЕЗ (франц. polonais — полякча)— поляк халқ рақслари асосида яратилган тантанавор бал рақси. Музика ўлчови 3/4. Европада 16-асрдан сарой рақси, 17-асрдан профессионал музика пьесаси жанри сифатида кенг тарқалган. Ф. *Шопен* ижодида йирик шаклли концерт асарига айланган. М. *Огиньский*, О. Козловский, Г. Венявский ва б. композиторларнинг П. лари машҳур. М. Глинка, М. Мусоргский, П. Чайковский ва б. операларида П. дан фойдаланган.

ПОЛОНИЙ (Polonium,) Po — Менделеев даврий системасининг VI группасига мансуб кимёвий элемент. Ат. н. 84, ат. оғ. 209. П. радиоактив элементлар емирилишида оралиқ маҳсулот сифатида ҳосил бўлади. Унинг масса сонлари 194 дан 218 гача бўлган 25 та изотопи ва ядро изомерлари маълум. Ҳар бир табиий изотопининг радиоактив элементлар қаторида жойланишига қараб махсус номи ва белгиси бор. Чунончи: ^{210}Po—RaF б-н, ^{211}Po—AcC′ б-н, ^{212} Po—ThC′ б-н, ^{214}Po—RaC′ б-н, ^{215}Po—AcA б-н, ^{216} Po—ThA б-н ва ^{218} Po—RaA б-н белгиланади. П. нинг ^{210} Po изотопи муҳим амалий аҳамиятга эга.

П. дастлаб 1898 йилда М. ва П. Кюрилар томонидан уран рудасида радиоактив элемент сифатида кашф этилди ва М. Кюри ватани— Польша (латинча Polonia) шарафига П. деб аталди. П.— кумуш каби оқ ва юмшоқ металл, физик хоссалари жиҳатидан висмут ва қўрғошинни эслатади. П. нинг с. оғ. 9,4 *г/см*^{3}, суюқланиш т-раси 254°С, қайнаш т-раси 1162°С; атом радиуси 1,7 Å. П. Ер пўстининг оғирлик жиҳатидан $2 \cdot 10^{-15}$% ини ташкил қилади.

П. ўз бирикмаларида —2, +2, +4, +6 валентли. Унинг оксиди, хлоридлари, сульфати ва комплекс бирикмалари маълум.

1 *т* уран рудасида 0,1 *мг* чамасида П. бўлади. Шунга кўра ҳозирги вақтда П. уран рудасини қайта ишлашда ҳосил бўладиган мураккаб моддаларнинг эритмаларини электркимёвий усулда қайтариб олинади. П. PoS ни вакуумда 273°Сда қиздириб ҳам олинади. П. нинг изотопи ^{210}Po фан ва техникада α-зарралар манбаи сифатида ишлатилади.

Ад.: Раҳимов Ҳ. Р., Анорганик химия курси, Т., 1974; Ахметов Н. С., Неорганическая химия, М., 1969.


ПОЛОСОН — Фарғона обл. Олтиариқ р-ни Полосон қ. С. даги қишлоқ. «Ленинобод» с-зи терр-ясида. Р.-н марказидан 2 *км*, яқин т. й. станцияси — Олтиариқдан 6 *км*. Аҳолиси 8275 киши (1974); пахтачилик, чорвачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Сўх дарёси ва Жанубий Фарғона каналидан сув ичади.

ПОЛОСОН — Андижон обл. Москва р-ни Тошпетапа қ. С. даги қишлоқ. Фрунзе номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 7 *км*, яқин т. й. станцияси — Асакадан 3 *км*. Аҳолиси 1091 киши (1974); пахтачилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Шаҳрихонсойдан сув ичади. «Узсельхозтехника» базаси, саккиз йиллик мактаб бор.

ПОЛОСОН — Андижон обл. Андижон р-ни Ёрбоши қ. С. даги қишлоқ. Энгельс номли к-з терр-ясида. Р-н марказидан 14 *км*, яқин т. й. станцияси — Андижондан 32 *км*. Аҳолиси 1765 киши (1974); чорвачилик, пахтачилик, ғаллакорлик, боғдорчилик, пиллачилик б-н шуғулланади. Андижонсойдан сув ичади. Қ-з идораси, клуб бор.

ПОЛОТНО — 1) тўқимачиликда — ипларнинг ўзаро ўрилишидан ҳосил бўладиган газлама, трикотаж, тўр-парда ва б. материалларнинг умумий номи. Тор маънода — бир хил йўғон-ингичкаликдаги арқоқ ва ўриш ипларидан тўқиладиган (П. ўрилишли) зич газлама, шойи ва ип газлама; 2) йўл П. си — темир йўл тўшамаси устки тузилишининг асоси, автомобиль йўлларининг тош, асфальт ва б. қопламаси; 3) арра П. си — тиш чиқарилган, тобланган пўлат лента тарзидаги кесувчи мослама (қ. *Арра*).

ПОЛОЦК — БССР Витебск областидаги шаҳар. Полота дарёси Ғарбий Двина дарёсига қуйилиш жойида, Т. й. ва шоссе йўллар узели. Аэропорт бор. Аҳолиси 72 минг киши (1974). Шиша тола, автомобиль ремонти, металл қуйиш-механика, темир-бетон буюмлар з-длари; қурилиш материаллари к-ти, мебель, тикувчилик, бадиий буюмлар ф-калари, озиқ-овқат саноати корхоналари (консерва, сут, вино, балиқ з-длари ва б.), 3 техникум, 2 билим юрти, Халқ театри, атеизм музейи, ўлкашунослик музейи бор. П. қадимий рус шаҳарларидан бири. 11—12-аср архитектура ёдгорликлари сақланган.



Полтава. Шон-шуҳрат колоннаси (1811 й.).

ПОЛТАВА — шаҳар, УССР Полтава области маркази. Ворскла дарёси бўйида (Днепрининг чап ирмоғи). Т. й. узели. Аэропорт бор. Аҳолиси 254 минг киши (1974). Биринчи марта Ипатий йилномасида «Лтава» номи б-н тилга олинган (1174). 1430 йилдан П. деб аталади.


17—18-асрларда П. Чап Соҳил Украинасининг ҳунармандчилик ва савдо марказларидан бири. П. да Совет ҳокимияти 1918 йил 6 (19) январда ўрнатилган. Улуғ Ватан уруши йилларида (1941 йил 18 сентябрдан 1943 йил 22 сентябргача) П. ни немис-фашист босқинчилари оккупация қилган. 1974 йилда П. Меҳнат Қизил Байроқ ордени б-н мукофотланди.



Полтава шаҳридаги Октябрь кўчаси.




Ҳозирги П. Украинанинг йирик саноат марказларидан бири. Машинасозлик ва металлсозлик шаҳар ялпи саноат маҳсулотининг 41,2%ини беради; тепловоз ремонти, турбомеханика, автоагрегат, электромеханика, «Электромотор», металл қуйиш-механика, кимё машинасозлиги, сунъий олмос ва олмос асбоблари, «Продмаш» з-длари ишлаб турибди, озиқ-овқат (ялпи саноат маҳсулотининг 34,4%ини беради; гўшт, ёғ-мой к-тлари), енгил (кўн пойабзал к-ти, ип йигириш, тикувчилик, баян ф-калари) ва қурилиш материаллари саноатлари ривожланган. Ёғочсозлик, полиграфия саноати корхоналари бор. Шиша ва бадиий буюмлар ишлаб чиқарилади. 17—18- аср архитектура ёдгорликлари сақланган. 5 олий ўқув юрти, 11 ўрта махсус ўқув юрти; УССР ФА гравиметрия обсерваторияси, 2 театр, филармония, 6 музей бор.



Миргород курорти.

ПОЛТАВА ЖАНГИ (1709) — *Шимолий уруш* даври (1700—21)да рус ва швед қўшинлари ўртасидаги ҳал қилувчи жанг (1709 йил 27 июнь (8 июль). Карл XII 1709 йил апрелда Полтава шаҳрини қамал қилди. Полковник А. С. Келин қўмондонлигидаги шаҳар гарнизони (4,2 минг солдат ва 2,5 минг қуролли шаҳарлик) қатор ҳужумларни муваффақиятли қайтарди. Рус қўшинлари майнинг охирларида шаҳарни қамалдан бўшатишга уринди. Лекин мақсадга ета олмади. Шундан сўнг 25 июн (6 июль)да Пётр I ўз қўшинлари (42 мингга яқин киши, 72 тўп)ни Полтавадан 5 *км* шимолга, Ворскла дарёсининг ўнг қирғоғидаги мустаҳкамланган лагерга тўплади. 26 кюн (7 июль)да А. Д. *Меньшиков* қўмондонлигидаги 17 отлиқ аскарлар полки жойлашган 10 редут (айланасида чуқур қазилиб, четлари тупроқ б-н тўсилган ҳарбий истеҳком), 2 батальондан иборат илғор позиция ташкил этилган эди. 27 июнь (8 июль) эрталаб соат 2 да Карл XII қўмондонлигидаги швед армияси рус қўшинларига қарши ҳужумга ўтди. Ҳужум учун 20 мингга яқин киши ва 4 тўп (28 тўп обозда ўқ-дорисиз қолди) ажратилди. Қўшинлар (10 минг кишига яқин) Полтава ёнида жойлашди. Карл XII 17 (28) июнда қўшинларни текшириш пайтида яраланди ва қўмондонликни фельдмаршал К. Г. Реншильдга топширди. 27 июнь (8 июль) тун (соат 2) да швед пиёда аскарлари 4 колонна б-н рус редутлари томон ҳаракат қилдилар. Уларнинг орқасидан 6 колонна отлиқ аскарлар боришди. Икки соатлик шиддатли жангдан кейин шведлар олдинги икки редутни қўлга киритишди ва редутларни Шимолдан айланиб ўтиш учун қўшинларини қайтадан группалаштирдилар. Ҳужум рус аскарлари томонидан қайтарилгач, швед қўшинлари Будищенский ўрмонларига чекинди. Соат 8 ларда ҳар иккала томон атакага ташландилар, атака давомида рус пиёда аскарлари шведларни рўпарадан сиқиб бордилар, отлиқ аскарлар биқинидан атака қилишди. Соат 11 ларда барча швед армияси қочишга тушди. Меншиков қўмондонлигидаги отлиқ аскарлар швед армиясининг қолдиқларини Переволочни томон сиқиб бориб, таслим бўлишга мажбур қилди. Карл XII Туркияга қочди. Шведлардан 9230 киши ўлдирилди, 18790 киши асир олинди, ҳамма артиллерия қуроллари ўлжа олинди. Руслардан 1345 киши ўлди ва 3290 киши яралди бўлди. П. ж. натижасида Швециянинг ҳарбий қудрати синдирилди. Карл XII нинг енгилмаслик шуҳрати барҳам топди. Полтава ёнидаги ғалаба Россияни Европадаги буюк давлатлар қаторига кўтарди.



Ад.: К 250 летию Полтавского сражения, Сб. статей, М., 1950; Дядиченко В. А., Полтавская битва, Киев, 1962; Телпуховский В. С., Северная война 1700—1721 гг., М., 1946.

ПОЛТАВА ОБЛАСТИ — УССР таркибидаги область. 1937 йил 22 сентябрда ташкил топган. Чап Соҳил Украинасининг марказий қисмида жойлашган. Майдони 28,8 минг *км*². Аҳолиси 1730 минг киши (1974). П. о. да 25 р-н, 13 шаҳар, 23 ш. т. п. бор. Маркази — Полтава ш.

Табиати. П. о. Днепрнинг қадимги кўҳна қайирида ва Урта Россия қирларининг жанубғарбий ён бағридаги ирмоқларида жойлашган. Ер юзаси текислик (баландлик шимоли-шарқида —170—202 *м*, жануби-ғарбида —60—100 *м*). Днепр томон қия. Иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-расн —5,5— —7,6°, июлники 20—21,7°. Йиллик ўртача ёғин миқдори 430—560 *мм* (асосан ёзда ёғади). Дарёлари Днепр ҳавзасига мансуб: Сула, Псёл, Ворскла. Терр-ясининг 70%ини ўртача чирindили қора тупроқ эгаллаган. Табиий дашт ўсимликлари деярли сақланмаган. Урмон ва буталар терр-янинг 7,5%ини эгаллаган (дуб, шумтол, берест, заранг, жўка, граб). Урмонларда лось, елик, ёввойи чўчқа, бўри, бўрсиқ, тулки, даштларда сассиқкўзан, малла товушқон, олахуржун, юмронқозиқ, қушлардан қирғоқкора, турна, ёввойи ўрдак ва ғозлар, бедана, чил каклик, тўрғайлар яшайди. Дарё ва кўллар балиққа бой.

Аҳолиси. Асосан, украинлар (91,3%, 1970) ва руслар (7,2%) яшайди, 1 *км*² га ўртача 60,1 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 46%. Муҳим шаҳарлари: Полтава, Кременчуг, Лубни, Миргород, Пирятин, Хорол, Гадяч.

Хўжалиги. Ялпи саноат маҳсулоти 1940 йилдагига қараганда 1973 йилда 8,9 баравар ортди. Иссиқлик электр станциялари ва Кременчуг ГЭС электр энергия б-н таъминлайди. Етакчи саноат тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик. Корхоналари асосан Полтава (тепловоз ремонти, турбомеханика, «Химмаш» з-длари), Кременчуг (автомобиль, вагонсозлик, йўл машиналари), Лубни (станоксозлик, машинасозлик, ҳисоблаш машиналари), Карловка (озиқ-овқат саноати учун жиҳозлар) шаҳарларида жойлашган. Кимё саноати тез ривожланмоқда (Кременчугда нефтни қайта ишлаш ва қурум з-длари, Лубнида кимё-фармацевтика, Полтавада сунъий олмос ва олмос асбоблар з-длари). Кременчугда руда бойитиш к-ти қурилган. Озиқ-овқат саноати етакчи ўринни эгаллайди (обл. саноат маҳсулотининг 31%ини беради). Енгил саноатда (8%) ип йигирув, трикотаж, пойабзал, тикувчилик корхоналари ишлаб турибди. Ёғочсозлик (3%) ҳам ривожланмоқда. Қурилиш материаллари саноати гранитни қазиб олади ва қайта ишлайди, темир-бетон конструкциялар, ғишт, керамзит шағали ишлаб чиқаради.

Қ. х. ғаллачилик-қанд лавлаги етиштириш б-н бирга сут-гўшт чорвачилигига ихтисослашган. Асосий тармоғи — деҳқончилик бўлиб, қ. х. маҳсулотининг 52,6% ини беради. 1972 йилда 481 к-з ва 44 с-з бўлган. Экин майдони 1852,2 минг *га* (1973), шу жумладан ғалла экинлари 913,7 минг *га*, техника экинлари 263,4 минг *га*, картошка ва сабзавот-полиз экинлари 100,5 минг *га*, ем-хашак экинлари 574,6 минг *га*. УССРдаги доривор ўсимликларнинг 14%и П. о. да етиштирилади (асосан, Лубни р-нида). Чорвачилик сут-гўштга ихтисослашган. 1164 минг қорамол (жумладан 445,6 минг сигир, 1289,2 минг чўчқа, 373,6 минг қўй ва эчки бор (1973). Паррандачилик, қўйчилик ва асаларичилик ривожланган.

Асосий транспорт тури т. й. бўлиб, узунлиги 853 *км* (1973). Автомобиль йўллари 10,5 минг *км*. Днепр дарёсида, қисман Сула дарёсида кема қатнайди. Полтава ш. ҳаво йўли орқали Москва б-н, УССРнинг обл. марказлари ва р-нлари б-н алоқа боғлайди.

Ўқув юртлари, илмий ва маданий муассасалари. 1973/74 ўқув йилида 1258 умумий таълим мактаби (267 минг ўқувчи), 37 профессионал-техника билим юрти (16,3 минг ўқувчи), 30 ўрта махсус ўқув юрти (27 минг ўқувчи), 5 олий ўқув юрти (16,9 минг студент) бўлган.

1974 йилда 1228 оммавий кутубхона (11,8 млн. китоб ва журналлар), 12 музей, 2 театр, 1105 клуб, 1346 киноустановка ишлади.

1973 йилда 18,9 минг ўринли 215 касалхона, 4,2 минг врач бўлган. Миргород бальнеологик курорти, санаторийлар бор.

Ад.: Украина, М., 1969 [серия «Советский Союз»]; Народне господарство Полтавської області. Статистичний збірник, Харків, 1971; Барабаш В. Й., Полтавщина в дев'ятій п'ятирічці, Харків, 1972.

ПОЛТОРАЦК — ТуркмССР пойтахти *Ашхободнинг* 1919 йилдан 1927 йилгача бўлган номи.

ПОЛТОРАЦКИЙ Павел Герасимович (1888. 29. 6, Новочеркасск — 1918. 22.7, Марв, ҳозирги Мари) — Россияда революцион ҳаракат қатнашчиси. Туркистонда Совет ҳокимияти учун кураш ташкилотчиларидан бири. 1905 йилдан Коммунистик партия аъзоси. Ишчи оиласида туғилган. 1917 йилгача Ростов-Дон ва Бокуда революцион ҳаракатда қатнашган. 1916 йил охирида Янги Бухоро (Когон)га келган. 1917 йил Янги Бухоро Совети раиси, Бутун Россия Советларининг 1- съезди делегати. Туркистонда биринчи Қизил Гвардия отрядлари ташкилотчиларидан бири. 1917 йил 15 ноябрдаги Туркистон Советларининг 3- ўлка съездида Меҳнат халқ комиссари қилиб сайланган. 1917 йил охири — 1918 йил бошида қуролли оқ казакларни қуролсизлантириш ташкилотчиларидан, 1918 йил апрелдан Туркистон республикаси Халқ Хўжалиги кенгаши раиси, шунингдек Туркистон МИК Президиуми аъзоси бўлган. Тошкентдаги биринчи совет газетаси—«Советский Туркестан» нинг асосчиларидан ва муҳаррирларидан бири. 1918 йил июлда қизил гвардиячилар отряди б-н бирга эсер, меньшевик ва оқ гвардиячилар томонидан советларга қарши уюштирилган исённи тугатиш учун махсус комиссияга бошчилик қилиб Закаспийга жўнаб кетди; аммо оқ гвардиячилар томонидан қўлга олинди ва ўртоқлари б-н бирга отиб ташланди. 1919—27 йилларда ТуркмССРнинг пойтахти Ашхобод П. номи б-н аталган, Тошкентдаги кўчалардан бирига П. номи берилган.



Полторацкий П. Г.

ПОЛУПАНОВ Степан Николаевич (1904—1957) — совет архитектори. Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1948). СССР Қурилиш ва архитектура академиясининг мухбир аъзоси (1950). Харьков Қурилиш—санъат ин-тининг архитектура ф-тини битирган (1920—26). Андижонда (1928), Самарқандда (1929—30), Тошкентда (1930—57) ишлаган. Самарқанддаги Коммуна уйи (1929—30, ҳозирги Самарқанд Қишлоқ хўжалиги ин-ти биноси), УзССР Министрлар Советининг эски биноси (1930—31, ҳозири «Главташкентстрой» биноси), Маданият ва меҳнат саройи (1934—40), ҳозирги А. Навоий номидаги Адабиёт музейи биноси), Москвадаги Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги кўргазмасининг УзССР павильони (1936—39 ва 1949—55, ҳозирги Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Совет маданияти» павильони) ва б. лойиҳалар П. ижодида муҳим ўрин эгаллайди. Меҳнат Қизил Байроқ, «Ҳурмат Белгиси» орденлари ва медаллар б-н мукофотланган.



Полупанов С. Н.




В. И. Ленин майдонидаги маъмурий бино. Тошкент. Арх. С. Н. По лупанов.

ПОЛЬКА (чехча polka — ярим қадам) — чех халқ рақси. Тез суръатда, $^2/_4$ музика ўлчоғида давра бўйлаб, майда одимлар б-н жуфт-жуфт бўлиб ижро этилади. 19- аср бошида Словакия, Сербия, Венгрия, Австрия ва б. мамлакатларда тарқалди, кейинроқ Умум Европа бал рақсига айланди. Композиторлардан И. Штраус, Б. Сметана, А. Дворжак, М. Глинка, С. Рахманинов ва б. П. жанридан фойдаланишган. П. рақси 19- аср 2-ярмидан Узбекистонда ҳам тарқалиб, унинг ритмлари баъзи ўзбек куйларига сингдирилган (мас., «Андижон полькаси»).

ПОЛЬША (Polska), Польша Халқ Республикаси (Polska Rzeczpospolita Ludowa), ПХР.

Умумий маълумот. П.— Марказий Европадаги социалистик давлат. Висла ва Одер дарё-



Поронидаги В. И. Ленин музейи.

лари ҳавзасида, Шимолда Болтиқ денгизи, Жанубда Карпат тоғлари ва Судет области оралиғида жойлашган. Ғарбда ГДР, жанубий-ғарбда ва жанубда Чехословакия, шарқда СССР билан чегарадош. Майдони 312,7 минг *км*². Аҳолиси 34 млн. киши (1975). Пойтахти — Варшава ш. П. маъмурий жиҳатдан воеводликларга бўлинган. Қатор шаҳарлар воеводлик ҳуқуқига эга. Воеводликлар повятларга, повятлар эса гминларга бўлинган (624—625- бетлардаги картага қ.)

Давлат тузуми. П.— социалистик давлат, халқ республикаси. Амалдаги конституцияси 1952 йил 22 июлда қабул қилинган. Давлат ҳокимиятининг олий органи — 4 йилга сайланадиган бир палатали сейм. 18 ёшдан бошлаб барча гражданлар сайлов ҳуқуқига эга. Сейм қонунлар қабул қилади ва ҳокимият органларининг фаолиятини назорат қилади. Сейм сессиялари ўртасида давлатнинг олий органи — Давлат кенгаши. Давлат ҳокимиятининг ижро этувчи ва фармойиш берувчи олий органи — П. ҳукумати (Министрлар Совети) сейм томонидан тайинланади.


Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари — воеводлик, повят, ш., ш. округлари ва гминлар. Халқ советлари 4 йилга сайланади. П. суд системаси Олий суд, воеводлик, повят, ш. судлари, махсус судлар (социал таъминот ва меҳнат низолари судлари)дан иборат. Бош прокурорни Давлат кенгаши тайинлайди.

ПХР байроғини *Давлат байроғи* мақоласи жадвалидан кўринг.

Табиати. П. терр-ясининг 90%дан кўпроғи текислик, мамлакатнинг жанубида тоғликлар бор. Болтиқ денгизи қирғоқлари саёз, қумлоқ.

Р е л ь е ф и. Мамлакатнинг шимоли, Болтиқ денгизи қирғоқлари аккумулятив текислик. П. марказий қисмидаги катта майдон қатламли текислик. Мамлакат терр-ясининг катта қисми Шарқий Европа платформасида жойлашган.

Қазилма бойликлари: тошкўмир (Юқори Силезия, Қуйи Силезия ва Люблин ҳавзалари), қўнғир кўмир, табиий газ ва нефть (Карпат, Карпат олди букилмаси), темир, мис ва рух конлари (Силезия-Краков р-ни), калий-магний тузлари, олтингугурт конлари (Карпат олди букилмаси).



Дзержинский майдонидаги сарой (Варшава, 1821—1828).

И қ л и м и мўътадил, океан иқлими б-н континентал иқлим ўртасида. Одатда ғарбдан шарққа қараб континенталлик ўсиб боради. Январнинг ўртача т-раси 1—6°, июлники 10—19°. Йиллик ёғин 500—1800 *мм*. Дарёлари, асосан, Болтиқ денгизи ҳавзасига мансуб. Йирик дарёлари Висла ва Одра. Дарёлари ёмғир ва қордан сув олади. Одра, Висла, Буг, Нотеч ва Вартада кема қатнайди. П. да 9000 дан ортиқ кўл бор. Энг катта кўллари: Снярдви (113,8 *км*²), Мамри (104 *км*²).

Т у п р о қ в а ў с и м л и к л а р и. П. терр-ясининг ярмидан кўпроғи экинзор. Мамлакат терр-ясининг 27%и ўрмон. Асосан, игна баргли, мамлакатнинг ғарби ва жанубида кенг баргли дарахтлар ўсади. П.нинг шимолий ва шарқий р-ларида яхлит ўрмонзорлар (*Белая Вежа пушчаси* ва б.) сақланган. Урушдан кейинги йилларда П. нинг кўпгина р-ларида янги ўрмонзорлар барпо этилди. Шимол ва шимолишарқда катта майдонлар верскли ва торфли ерлар б-н банд. Текисликларда аксари чимлиподзолли ва палево-подзолли тупроқлар, шарқ ва шимоли-шарқда ботқоқли тупроқлар, тоғ олди ва тоғ этакларида қўнғир ўрмон ва қора тупроқлар, тоғларда эса тоғ қўнғир, дарё водийларида аллювиал тупроқлар тарқалган.

Ҳ а й в о н о т д у н ё с и. Ўрмонларда бўри, силовсин, тулки, бўрсиқ, айиқ; туёқлилардан ёввойи чўчқа, лось, буғулар яшайди. Илгари бутунлай қириб ташланган зубр ва қундуз қайта иқлимлаштирилган. Қушлардан карқур, қур, каклик, тоғларда бургут учрайди. Болтиқ денгизининг қирғоққа яқин сувларидан балиқ (треска, салака) овланади. Кўлларда судак, чўртан балиқ, угорь ва б. балиқлар яшайди.

П. да умумий майдони қарийб 105 минг *га* бўлган 13 та халқ (миллий) парклари бор (1975). Белая Вежа пушчасининг бир қисми П. терр-ясида.

Аҳолисининг 98% дан кўпроғи поляклар; украинлар, белоруслар, словаклар ва б. ҳам яшайди. Диндорлар католик ва протестант динига эътиқод қилади. 1 *км*² га ўртача 108 киши тўғри келади (1974). Йирик шаҳарлари: Варшава, Лодзь, Краков, Познань ва б.

Тарихи. П. терр-ясида одам *палеолит* давридаёқ ўтроқлашган. Бронза даврининг ёдгорликлари унетица, тшинеца, лужица маданиятларига мансуб. Бронза ва темир буюмлардан фойдаланиш натижасида деҳқончиликда меҳнат унумдорлиги ошди.

Зодагонларнинг ажраб чиқиши, патриархал қулдорликнинг юзага келиши, қабилалар ўртасида ҳарбий тўқнашувларнинг бўлиб туриши ва ҳарбий қабилавий иттифоқларнинг шаклланиши, дастлабки истеҳкомлар — шаҳарларнинг пайдо бўлиши б-н П. терр-ясидаги қабилаларда ибтидоий-жамоа тузуми емирила бошлади. Мил. ав. 4—3- асрларда Силезия ва Кичик Польша р-ларига кельт қабилаларининг кириб келиши бу жараённи янада тезлаштирди. 7—10- асрларда П. терр-ясида феодал муносабатлар пайдо бўла бошлади. Таркиб топа бошлаган феодал давлатининг дастлабки шакллари— полян (Польша, поляклар номи шундан келиб чиққан), мазовшан, вислян, поморян князликлари ва б. бўлган. Бирлашган, ягона П. давлати ана шу князликларнинг бирлашувидан келиб чиққан. Бироқ 12- асрга келганда ягона П. давлати яна қатор князликларга бўлиниб кетди.

11- асрнинг иккинчи ярми — 13- асрда ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, савдо ва ҳунармандчиликнинг ўсиши натижасида феодал муносабатлар янада ривожланди.


13- аср охирида П. феодаллари князь Пшемисл II раҳбарлигида П. ерларини бирлаштириш учун кураш бошлади. 14—15- асрларда ягона П. давлатининг пайдо бўлиши маданиятнинг ўсиши, поляк тили ёзувининг пайдо бўлишига олиб келди. 15- асрнинг 1- ярмида Краковдаги Ягайло ун-ти (1364 йилда асос солинган) поляк фани марказига айланди. 15- асрнинг 2- ярми — 16- асрда П. шаҳарлари янада кўпайди, цех ҳунармандчилиги ривожланди.

16- асрнинг 2- ярмидан бошлаб П. ташқи сиёсатида украин, белорус ва рус ерларини босиб олиш муҳим роль ўйнай бошлайди. П.-Литва унияси (1385) шарққа юришда поляк феодалларига жуда қўл келди. П. б-н Литванинг бирлашувидан *Речь Посполита* пайдо бўлди. 17- асрда Европа давлатларининг Болтиқ денгизи учун бўлган ўзаро урушлари даврида Речь Посполита б-н Швеция ўртасида бир неча урушлар бўлиб ўтди. Речь Посполитанинг биринчи бўлинишидан (1772) сўнг шаклланаётган буржуазия мамлакат сиёсий ҳаётида фаол қатнашаётган эди. Армияни мустаҳкамлаш, давлат ҳуқуқий тузумини ўзгартиришга қаратилган қатор ислоҳотлар ўтказилди (1791 йил 3 май конституцияси). Реакцион магнатлар конституцияга қарши чиқиб, улар илтимосига кўра Россия ва Пруссия қўшинлари мамлакатни босиб олди. 1793 йили Речь Посполита терр-ясининг бир қисми Россия б-н Пруссия ўртасида бўлиб олинди. Миллий мустақилликдан маҳрум бўлишдан чўчиган халқ Т. Костюшко раҳбарлигида 1794 йили катта қўзғолон кўтарди. 1795 йили қўзғолон бостирилиб, Речь Посполита Австрия б-н Пруссия ўртасида бўлиб олинди. Натижада П. давлати батамом тугатилиб, П. халқи миллий жиҳатдан асоратга солинди. 1807 йили Наполеон I қўшинлари Пруссияни енгиб, Францияга тобе Варшава герцоглигини барпо қилди. 1814—15 йилларда-ги Вена конгрессида П. Россия б-н Пруссия ўртасида қайтадан бўлинди.

19- асрнинг 2- ярмида П. терр-ясининг барча қисмида капитализм қарор топди. Т. й. қурилди, саноат бирмунча ривожланди. Россиядаги 1917 йилги Февраль рев-яси таъсирида П. да революцион озодлик ҳаракати бошланиб кетди. 1918 йил 29 августда Совет ҳукумати Ленин томонидан имзоланган декретда собиқ Россия ҳукуматининг П. ни бўлиш тўғрисидаги битимларини бекор қилди. 1- жаҳон уруши тугаши б-н Австрия-Венгрия ва Германия қўшинлари П. дан олиб чиқилди. П. ҳукумати Совет Россиясига душманлик позициясини тутди. 1920 йил апрелда Совет-Польша уруши бошланди. 1921 йили Ригада имзоланган сулҳ шартномасига кўра, Ғарбий Украина ва Ғарбий Белоруссия П. га ўтди. 1935 йил майга қадар П. ни амалда Пилсудский идора қилиб келди. 1939 йил 1 сентябрда Германия П. га уруш эълон қилиб, Познань, Лодзь, Юқори Силезия ва П. нинг бошқа терр-яларини «рейх» составига қўшиб олди. 1939 йил охирига келганда гитлерчилар юз мингдан ортиқ кишининг ёстиғини қуритдилар. 1940 йили П. терр-ясида оммавий қирғин лагерлари—Освенцим, Майданек ва б. ташкил этилди. Босқинчиларга кўрсатилган қаршилик ҳаракати халқнинг уларга қарши озодлик урушига айланиб кетди. 1944 йил 1 январга ўтар кечаси Варшавада Миллий фронтнинг муваққат ваколатли демократик органи — *Крайова Рада Народова* (КРН) тузилиб, у П. нинг муҳожирликдаги ҳукумати (1939 йилда тузилган)ни тан олмади. КРН янги П., янги армия — Армия Людовани тузиш ҳақида декрет қабул қилди ҳамда халқ Польшасининг ижтимоий-сиёсий йўналишини белгиловчи қатор тадбирларни белгилаб берди. 1944 йил 22 майда Совет ҳукумати КРН ни поляк халқининг ваколатли органи сифатида тан олди. 1944 йил ёзда совет қўшинлари 1- П. армияси б-н ҳамкорликда П. терр-ясининг салкам 80 минг *км*² нини озод қилди.

1944 йил 21 июлда КРН Польша миллий озодлик комитети (ПМОК)ни тузди. Бу комитет муваққат ижро органи бўлиб, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган программа — Июль манифестини қабул қилди (1944). 1944 йил 31 декабрда ПМОК П. нинг Муваққат ҳукуматига айлантирилди. 1945 йил 5 январда Совет ҳукумати П. Муваққат ҳукумати б-н дипломатик алоқа ўрнатди. 1945 йил 12 январда Совет Армияси б-н Польша қўшинлари биргаликда ҳужумга ўтиб, П. нинг барча терр-яларини озод қилди. П. ерларини озод қилишда 600 мингдан кўпроқ совет жангчилари ҳалок бўлди.

СССР, АҚШ ва Буюк Британия давлат бошлиқларининг 1945 йилги Қрим конференциясида П. масаласи ҳал қилинди. АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари Қрим конференцияси қарорларига риоя қилиб, муҳожирликдаги П. ҳукумати б-н алоқаларини уздилар ва янги П. б-н дипломатик алоқа ўрнатдилар. 1946 йил 3 январда ҚРН майда ва йирик саноат корхоналарини, кончилик, транспорт, банк ва савдо ташкилотларини национализация қилиш тўғрисида қонун қабул қилди. 1948 йил декабрда Польша Бирлашган ишчи партияси (ПБИП) тузилди. Бу даврда СССР П. га жуда катта иқтисодий ёрдам берди. Жумладан, 415 минг тоннага яқин нефть маҳсулотлари, 2 млн. тонна темир рудаси, 596 минг тонна алюминий, 250 минг тонна марганец рудаси, 155 минг тонна пахта етказиб берди. 1946—49 йилларда П. Югославия, Чехословакия, Болгария, Венгрия, Руминия б-н дўстлик ва ўзаро ёрдам битимларини тузди. 1949 йилдан П. Ўзаро иқтисодий ёрдам кенгаши аъзоси. 1952 йил 22 июлда сейм ПХРнинг социалистик тараққиёт йўлидан борувчи конституциясини қабул қилди. Олти йиллик (1950—55) планнинг муваффақиятли бажарилиши натижасида П. ривожланган саноат мамлакатига айланди. ПБИП нинг қатор съездлари мамлакат халқ хўжалиги, маданиятини ри-




Ратуша (Вроцлав ш.).

вожлантиришга қаратилган муҳим қарорларни қабул қилди. ПБИП нинг 7-пленумида (1970 йил 20 декабрь) *Э. Герек* ПБИП МҚнинг биринчи секретари қилиб сайланди. Урушдан кейинги 30 йил мобайнида социалистик қурилишнинг барча соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилди. 1974 йилга келиб, П., мас., саноат маҳсулоти ҳажми бўйича жаҳонда ўнинчи ўринни эгаллади, ташқи савдоси эса 17 марта ўсди. Ҳозир П. да замонавий техника б-н жиҳозланган 100 дан кўпроқ йирик саноат корхонаси ишлаб турибди, 200 дан кўп корхона совет асбоб-ускуналари б-н жиҳозланиб реконструкция қилинди. П. нинг халқаро мавқеи янада ўсди. У БМТни таъсис этувчи давлатлар қаторига киради. П. 97 давлат б-н дипломатик алоқа ўрнатган (1973). П.—*Варшава шартномаси* ташкилоти аъзоси. П. ташқи сиёсатидаги муҳим воқеалардан бири 1970 йил декабрда ГФР б-н муносабатларини нормаллаштириши бўлди. ГФР ҳукумати ўз навбатида Одер ва Нейсе бўйича бўлган чегараларни тан олди. 1965—70 йилларда шу мазмундаги битимлар ЧССР, ГДР, БХР, ВХР, РСР б-н ҳам тузилди.

Сиёсий партиялари, касаба союзлари ва б. жамоат ташкилотлари. Польша бирлашган ишчи партияси (ПБИП), 1948 йили Польша ишчи партияси ва Польша социалистик партияларининг бирлашуви асосида тузилган, 2,4 млн. аъзоси бор (1975). Бирлашган деҳқонлар партияси (БДП), 1949 йили тузилган, 423 мингдан ортиқ аъзоси бор (1973). Демократик партия (ДП), 1938 йили тузилган, 90,8 минг аъзоси бор (1973). Халқ бирлиги фронти (ХБФ), 1952 йили тузилган, 1956 йил октябргача Миллий фронт деб аталган. Унинг составиға ПБИП, БДП, ДП, Польша ёшлари социалистик союзлари федерацияси ва б. жамоат ташкилотлари киради.

Касаба союзлар марказий совети (ҚСМС), 1945 йили тузилган. 11,1 млн. (1973) аъзоси бўлган 23 соҳа касаба союзларини бирлаштиради. Польша ёшлари социалистик союзлари федерацияси, 1973 йили тузилган. Озодлик ва демократия учун курашувчилар союзи, 1949 йили тузилган. 2-жаҳон уруши ветеранлари, Қаршилик кўрсатиш ҳаракати иштирокчилари, концлагерларда бўлган собиқ маҳбусларни бирлаштиради. Тинчликни сақлаш Умум Польша комитети, 1948 йили тузилган Польша-Совет дўстлиги жамияти, 1944 йили тузилган, 3 млн. дан зиёд аъзоси бор.

Хўжалиги. Социалистик ривожланиш йилларида П. индустриал-аграр давлатга айланди. 1974 йилги миллий даромадда саноат ва қурилиш ҳиссаси 64,3%, қ. х. ники эса 11,8% ни ташкил этди. 1973 йилги миллий даромад 1950 йилдагига нисбатан қарийб 5,5 баравар, асосий фондлар 2,3 баравар, ялпи саноат маҳсулоти 9,4 баравар, шу жумладан ишлаб чиқариш воситаларини тайёрлаш («А» группа) 13 баравар, истеъмол молларини тайёрлаш («Б» группа) 1,9 баравар ўсди. Узаро иқтисодий ёрдам кенгаши доирасида мамлакат машинасозлик саноати маҳсулотлари ишлаб чиқаришга, тошкўмир, кокс, мис, рух, олтингугурт, тошгуз, енгил саноат буюмлари ва қ. х. маҳсулоти етиштиришга ихтисослашган.



Бельско-Бяладаги автомобиль заводининг йиғув цехида.

Саноати. Ялпи саноат маҳсулоти 1971—74 йилларда 10%га ошди. Айниқса, машинасозлик ва химия саноати тез ривожланмоқда. П. тошкўмир (1973 йили 35,9 млн. *т*) ва олтингугурт экспорт қилишда жаҳонда 2-ўринда туради. П. кўмиридан, асосан, энергетика ёқилғиси сифатида фойдаланилади. Барча электр станцияларнинг қуввати — 19,1 млн. *квт* (1974). 1974 йили 0,6 млн. *т* нефть қазиб олинди. СССР дан «Дўстлик» нефть қувури орқали келган нефть Плоцк ш. да қайта ишланади. 1974 йили 6 млрд. *м*³ табиий газ қазиб олинди. 1950—60 йилларда Люблин-Глогув мис рудаси конлари очилди ва ўзлаштирила бошланди. Темир рудаси, асосан, Ченстохова р-нидан (1974 йили 1,3 млн. *т* дан ортиқ) қазиб олинади.

Қора металлургия саноати маҳаллий ва келтирилган хом ашё асосида ишлайди. Краковдаги В. И. Ленин номли металлургия з-дида чўяннинг $^3/_5$, пўлатнинг $^2/_5$ қисми эритилади. Катовице, Буково ва Мястечко-Слёнскда рух ва қўрғошин ишлаб чиқариш ривож топди. 50-йилларда мамлакатда алюминий саноати барпо этилди. Бу саноат Венгриядан келадиган хом ашё асосида ишлайди. Машинасозлик саноати етакчи тармоқлардан бири. Четга транспорт воситалари, кўтарма транспорт ва қурилиш машиналари, з-длар учун асбоб-ускуналар комплекти, металл қирқадиган станоклар, кема двигателлари, турбоагрегатлар чиқарилади. Химия саноати маҳаллий хом ашё — табиий олтингугурт (1974 йили 4,1 млн. *т*), тошгуз (3,3 млн. *т*), табиий газ асосида ишлайди. П. да кальцинация қилинган сода, кальций карбиди, сульфат кислота, суперфосфат, азотли ўғитлар ишлаб чиқарилади. Органик синтез саноатининг асосий марказлари — Освенцим, Кендзежин, Тарнув ва б; нефть-химия маркази — Плоцк; асосий фармацевтика ва фотохимия марказлари — Варшава, Краков, Зелёна-Гура; парфюмерия маркази — Познань, Лодзь, Краков; резина саноати марказлари —

Саноат маҳсулотларининг муҳим турларини ишлаб чиқариш

	1950	1960	1970	1974
Электр энергия, млрд. *квт-с*	9,4	29,3	64,5	91,6
Тошкўмир, млн. *т*	78	104	140	162,0
Қўнғир кўмир, млн. *т*	4,8	9,3	32,8	39,8
Кокс, млн. *т*	6	11,9	16,5	18,1
Чўян, млн. *т*	1,5	4,3	7,0	8,2
Пўлат, млн. *т*	2,5	6,7	11,8	14,6
Рух, минг *т*	114	176	209	233
Мис, минг *т*	10,5	21,7	72,2	195
Сульфат кислота, млн. *т*	0,3	0,7	1,9	3,3
Пластмасса, минг *т*	...	40,1	224	396
Кимёвий толалар, минг *т*	24,8	77,8	138	196
шу жумладан синтетик толалар, минг *т*	0,04	4,5	53,8	96
Металл ишлаш станоклари, минг дона	4,1	25,9	36,3	33
Трактторлар, минг дона	4,0	7,2	38,7	55,1
Автомобиллар, минг дона	0,8	36,8	146	222,8
шу жумладан енгил автомобиллар, минг дона	—	13,1	64,2	133
Денгиз кемалари, минг брутто рег. *т*	5,9	212	434	594(1973)
Товар вагонлари, минг дона	13,9	13,9	15,5	17,9
Цемент, млн. *т*	2,5	6,6	12,2	16,8
Ип газлама, млн. *м*	432	667	881	885
Қанд, млн. *т*	1,0	1,4	1,4	1,5

Грудзёндз ва Лодзь; автомобиль покришкалари ишлаб чиқариш марказлари — Ольштин, Дембица ва Познань.

Ўрмончилик ва ёғочсозлик саноати мамлакатнинг ички эҳтиёжларини таъминлайди. Четга арраланган ёғочлар (1974 йили 7,6 млн. *м*³), мебель, гугурт, қоғоз юборади. Тўқимачилик саноати энг қадимги тармоқлардан бири; ип газлама, жун (1974 йили 117 млн. *м*), ипак газламалар, трикотаж ишлаб чиқаради. Тўқимачилик ф-каларининг кўпчилиги Лодзь ва Қуйи Силезия р-нларида жойлашган. Озиқ-овқат саноатининг қанд, спирт-арақ ва кондитер маҳсулотлари, гўшт, ёғ, тамаки, пиво, маргарин, балиқ маҳсулотлари корхоналари бор.

Қишлоқ хўжалиги кўпроқ майда товар укладига асосланади. Ялпи қ. х. маҳсулотининг 83%га яқинини якка деҳқон хўжаликлари беради (1973). Ялпи қ. х. маҳсулотининг 54,8%и деҳқончиликка, 45,2%и чорвачиликка тўғри келади. 1974 йили 23 млн. *т* ғалла, шу жумладан 5,7 млн. *т* буғдой, 8 млн. *т* жавдар, 3,2 млн. *т* сули (1973), 3,1 млн. *т* арпа, 47,3 млн. *т* картошка, 13,4 млн. *т* қанд лавлаги етиштирилди. П. жавдар ва картошка етиштиришда жаҳонда (СССРдан кейин) 2-ўринда туради.

Чорвачиликда икки асосий тармоқ — чўчқачилик ва қорамол боқиш етакчи. П. да 13 млн. қорамол, шу жумладан 6,2 млн. сигир, 21,5 млн. чўчқа, 2,3 млн. от, 3,0 млн. қўй, 83 млн. товуқ бор (1974). 1974 йили 588 минг *т* балиқ овланди. Балиқ, асосан, Болтиқ денгизи ва Атлантика океанида овланади.

Транспорти. Т. й. узунлиги 26,7 минг *км* дан 5,1 минги электрлаштирилган (1974). Қаттиқ қопламали автомобиль йўлларининг узунлиги 140,6 минг *км*, ички сув йўлларининг узунлиги 4,6 минг *км*. Одра дарёси ва Гливице каналида кема қатнайди. Магистраль нефть қувурларининг узунлиги 1,6 минг *км*. Денгиз савдо флотининг тоннажи 2,1 млн. брутто рег. *т* (1974). Йирик портлари: Шчецин, Гдиня, Гданьск. Варшава яқинидаги Окенце аэропорти халқаро аҳамиятга эга. «Лот» давлат авиакомпанияси бор.

Ташқи иқтисодий алоқалари. П. нинг умумий ташқи савдо оборотида Узаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо мамлакатлар улуши 53,4%, ривожланган капиталистик давлатларники — 39,8%, ривожланаётган мамлакатларники — 4,5%. П. экспорт қиладиган машина ва саноат ускуналарининг 80%и, халқ истеъмол буюмларининг 72%и социалистик мамлакатларга юборилади. Узаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатларни ёқилғи ва хом ашё б-н таъминлайди. Узаро иқтисодий ёрдам кенгаши мамлакатларидан П. га машина ва ускуналар (75%га яқин), нефть маҳсулотлари (90%га яқин), темир рудаси (80% га яқин) ва б. хом ашё ва материаллар ҳамда қ. х. маҳсулотлари келтирилади. Асосан СССР, ГДР ва Чехословакия б-н савдо қилади. П. экспортининг 32,4%и ва импортининг 24,4%и СССРга тўғри келади. П. га 1971 йили 7,9 млн. чет эл туристлари келиб кетди.

Пул бирлиги — злотий. СССР Давлат банки курси б-н 100 злотий 22,50 сўмга тенг (1976 йил, январь).

Иқтисодий-географик районлари. Марказий р-н мамлакат терр-ясининг 15%ини эгаллайди. Етакчи саноат тармоқлари — машинасозлик, полиграфия, химия, тўқимачилик. Марказий-Ғарбий р-н терр-ясининг 15%ини эгаллайди. Қ. х., машинасозлик, электр энергетика, химия, резина, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Жанубий р-н терр-ясининг 11%ини эгаллайди. Оғир саноат ва кўмир-металлургия комплекси ривожланган. Жануби-Ғарбий р-н терр-ясининг 11%ини эгаллайди. Қ. ҳ. нинг интенсив ривожланганлиги ҳамда табиий ресурсларининг ранг-баранглиги ва бойлиги б-н ажралиб туради. Шимоли-Ғарбий р-н терр-ясининг 13%ини эгаллайди. Кемасозлик ривожланган. Шимолий-Шарқий р-н терр-ясининг 14%ини эгаллайди. Ёғоч саноати ва туризм ривожланган. Жануби-Шарқий р-н (индустриал-аграр р-н) терр-ясининг 20%ини эгаллайди.

Аҳолининг моддий фаровонлиги мунтазам ўсиб бормоқда. Миллий даромад 1960—73 йилларда қарийб 2,4 баравар ошди. 1946—73 йилларда истеъмол буюмлари фондининг ҳажми 7,3 баравар, истеъмол буюмлари фонди аҳоли жон бошига тахм. 2 баравар кўпайди (1950—73). Истеъмол буюмлари фондининг абсолют ҳажми 720 млрд. злотийни ташкил қилади (1973). Чакана товар айирбошлаш 1960—73 йилларда 2,5 баравар ошди. Турар жой фонди тез суръатда ўсиб бормоқда: 1950—73 йилларда 3,3 млн. дан ортиқ квартира қурилди.

Қуролли кучлари қуруқликдаги қўшинлар, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари, Ҳарбий-Денгиз Флоти, Ҳаво Ҳужумидан Мудофаа ва чегара қўшинларидан иборат. Қуролли кучларга миллий мудофаа министри раҳбарлик қилади. Армия сафи умумий мажбурий хизмат тўғрисидаги қонун асосида тўлдирилади. Хизмат муддати инженерлик техника қўшинлари ва Ҳарбий-Денгиз Флотида 3, қолган қўшинларда 2 йил. Йигитлар 19 ёшдан армияга чақирилади. Қомандирлар ҳарбий академиялар ва ҳарбий ўқув юртларида тайёрланади. Қўшинлар замонавий ҳарбий техника б-н қуролланган. Ҳарбий техниканинг кўп тури мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилади.

Соғлиқни сақлаш. 1973 йилда ҳар минг киши ҳисобидан туғилиш 17,9, ўлим 8,3 (болаларда — 26,1) нафарни ташкил қилган. Ўртача умр 70,3 йил (1973). Юқумли касалликларга қарши кураш натижасида дифтерия, кўкйўтал, қоқшол, сил ва ҳ. к. касалликлар жуда камайиб кетди. Болаларнинг сил б-н оғриши батамом тугатилган, лекин қизамиқ, гепатит, скарлатина, ичкетар ва б. касалликлар учрайди. Гельминтозлардан тениаринхоз, трихинеллёз, трихоцефалёз, шунингдек тенноз, аскаридоз ва ҳ. к. лар тарқалган.

1973 йилда 217,4 минг ўринли (1 минг кишига 6,5 ўрин) 682 касалхона, 467 туғруқхона, сил б-н оғрган беморларни даволайдиган 55 санаторий, 23 профилактория, 4,3 минг поликлиника ва б. турли пунктлар бўлган; 54,9 минг врач (610 кишига 1 врач), 15,1 минг стоматолог, 13,8 минг фармацевт ва 119 миггга яқин ўрта медицина ходими ишлаган. Врач ва фармацевтлар 10 медицина академиясида, ўрта медицина ходимлари 276 медицина мактабида тайёрланади. П. да 19 курорт-санаторий бор.

Ветеринарияси. Чорва молларида хавфли юқумли касалликлар нисбатан кам. Халқ ҳокимияти йилларида қўйлар чечаги, манқа, юқумли анемия, грипп, Тешен касаллиги ва

бруцеллёз тугатилган. Вабо, сарамас (чўчқаларда), Ньюкасл касаллиги, сил, микоплазмоз, ўлат (паррандаларда), қутуриш, гельминтоз ва б. баъзи касалликлар учрайди. Ветеринария хизматига Қ. х. министрлигининг Ветеринария бош бошқармаси раҳбарлик қилади. Пулавидаги Ветеринария ин-ти ва унинг филиалларида илмий тадқиқот ишлари олиб борилади. Люблин, Ольштин,Варшава ва Вроцлавда ветеринария ф-тлари бор. 1973 йили П. да 6600 ветеринария врачи ишлади.

Маорифи. Халқ маорифи системаси «Халқ Польшасида таълим ва тарбия системасини ривожлантириш ҳақида қонун» (1961) асосида қурилган. 1973 йили 30,2 минг болалар боғчасида 3 дан 7 ёшгача бўлган 1026 минг бола тарбияланди. 7 ёшдан болалар мажбурий асосий 8 йиллик мактабда ўқийдилар. 4 йиллик ўрта умумтаълим мактаби (лицей)ни битирганлар олий ўқув юртида ўқишлари мумкин. Асосий мактаблар базасида ишлайдиган 2—3 йиллик қуйи ва 4—5 йиллик ўрта профессионал мактаблар мавжуд. 1973/74 ўқув йили 20,2 минг асосий мактабда 4778,6 минг, 1,2 минг умумтаълим лицейида 639,1 минг ва ҳамма турдаги профессионал ўқув юртларида 1,9 млн. ўқувчи ўқиди. 1973 йилда ПХР сейми халқ маорифи системасини ўзгартириш ва бутун мамлакатда умумий 10 йиллик ўрта таълимга ўтиш ҳақида қарор қабул қилди. 1972/73 ўқув йили 88 олий ўқув юртида 361,1 минг студент таълим олди.

Йирик кутубхоналари: Ягайло (1364), Варшава (1817), Познань (1902) ун-тлари кутубхоналари, Варшавадаги Миллий кутубхона (1928) ва б. Йирик музейлари: Варшавадаги миллий, тарихий, В. И. Ленин, Ф. Шопен музейлари, Краковдаги миллий, тарихий, В. И. Ленин музейлари ва б.

Фани ва илмий муассасалари. Табиий ва техника фанлари. П. да табиий фанлар 13- асрдан юзага кела бошлаган. Силезиялик Витело шу даврнинг таниқли олими бўлган. 1364 йили Краковда Ягайло ун-ти (Европадаги ягона олий ўқув юрти) очилди. Уйғониш даври (15- асрнинг 2- ярми — 16- асрнинг боши)да П. да китоб нашр қилинган (биринчи китоб 1474 йили чоп этилган). Уйғониш даврининг йирик фан арбоби Н. *Коперник* олам гелиоцентрик системасини яратди. Меховлик Матвей «Икки Сарматия ҳақида трактат» (1517)ида Шарқий Европа географияси бўйича кенг маълумотлар келтирган. 1526 йили Б. Ваповский П. нинг катта картасини тузган. 1566 йили С. Гжепскийнинг «Геометрия ёки ўлчов фани» асари нашр этилди.

16- аср охиридан П. фани суст ривожлана бошлади. Контрреформация ва ундан сўнг бошланган феодал реакцияси даври илм-фан ривожига тўсқин бўлди. Шундай бўлса ҳам математика, медицина, астрономия, физика, ҳарбий техника ва б. соҳалар бўйича илмий ишлар қилинди. 1743 йили П. да табиатни тадқиқ қилувчилар илмий жамияти ташкил топди. 1747 йилда дастлабки миллий кутубхона — Залускийлар кутубхонаси очилди. 1765 йили Рицарлар мактаби — биринчи П. ҳарбий академиясига асос солинди.

1795 йили давлат мустақиллигига путур етгач, П. да илмий фаолият шаронти ёмонлашди. П. нинг Россия, Австрия, Пруссия қўл остидаги ерларида 19- асрнинг 30- йилларида илмий фаолият учун шароит анча яхши эди. Варшава ва Вильно (Вильнюс) асосий илмий марказ бўлиб қолди. Вилен ун-ти ва Қшеменец лицейи (1805)да аниқ, табиий ва медицина фанлари бўйича тадқиқот ишлари олиб борилди. 1816 йили Маримонцада дастлабки қ. х. олий ўқув юрти очилди.

1830—31 йиллардаги қўзголон ва революцион чиқишлар (40- йиллар) бостирилгандан кейин Варшава, Вильнюс ва б. шаҳарлардаги ун-тлар, лицейлар ёпилди, кўп олимлар чет элларга кетиб қолди. 1862 йили Варшавада Бош мактаб деб аталувчи олий ўқув юрти очилди. 1869 йилда Бош мактаб рус ун-тига айлантирилди. 1875 йили Саноат ва қ. х. музейи ташкил этилди. 1895 йилда Вавельберг ва Ротвандда техника мактаби очилди.

19- асрнинг охири — 20- асрнинг бошида П. фани Европа фанлари б-н ҳамкорликда ривожланди. Бу даврда жаҳон илм-фанига салмоқли ҳисса қўшган З. Врублевский, Қ. Ольшевский ва икки марта Нобель мукофоти лауреати М. Склодовская-Кюри каби физиклар етишиб чиқди. Шунингдек, химия (С. Костанецкий ва б.), астрономия (М. Рудзский), биология (Э. Страсбургер ва б.), медицина (Ю. Детль ва б.) каби фан соҳалари бўйича ҳам самарали ишлар қилинди. Польшалик олимлар Шарқий Сибирь (Я. Черский ва б.), Кавказ; Ўрта Осиё, Помир, Шимолий Тибет, Жанубий Америка ва Африкани тадқиқ қилишда қатнашдилар. Варшава, Краков, Познань ун-тлари асосий илмий марказлар бўлиб қолди. Львов ва Варшава математика мактаблари жаҳонга танилди. 1920 йили Варшавада техника фанлари академиясига асос солинди (биринчи президенти Г. Наруто вич), 1927 йили Аэродинамика, 1928 йили Радиотехника ва Химия, 1932 йили Радий илмий тадқиқот ин-тлари юзага келди.

Немис-фашист оккупацияси (1939—44) даврида олий ўқув юртлари ёпилди, илмий фаолият тақиқланди, илмий муассасалар вайрон қилинди. Шунга қарамай Варшава, Краков ва б. шаҳарлардаги олий ўқув юртлари яширин ҳолда ишлаб турди.

Халқ Польшаси тузилган кундан илм-фан янгидан ривожлана бошлади. 1952 йили Польша ФАга асос солинди. Табиёт ва техника фанларининг турли соҳалари интенсив ривожлана бошлади: математика (В. Серпиньский ва б.), физика (Л. Инфельд ва б.), астрономия (К. Козел ва б.), химия (В. Свентославский ва б.), геология (В. Гётель ва б.), биология (В. Шафер ва б.), медицина (Л. Хиршфельд ва б.), қ. х. (А. Мусерович ва б.) фанлари бўйича катта ютуқларга эришилди. Техника соҳасида катта ишлар қилинмоқда: 1958 йили «Эва» реактори ва циклотрон, 1963 йили «Анна» ва «Мариля», 1974 йили «Мария» реактори яратилди. 1973 йили «Интеркосмос» сериясида «Коперник-500» сунъий йўлдоши учирилди.

Ижтимоий фанлар. Философия ва социология. П. да фалсафий фикрларнинг пайдо бўлиши 13- асрга бориб тақалади. Уйғониш даврида неоплатонизм, стоицизм ва аристотелизм концепциялари ёйилди. П. да философиянинг ривожига табиий фанлар, айниқса Н. Коперник ғоялари катта таъсир кўрсатди. Лекин Контрреформациянинг муваффақият қозониши маданиятнинг тушкунликка учрашига, философия ривожининг сусайишига сабаб бўлди. Маърифатпарварлик даври (18- асрнинг ўрталари —19- асрнинг боши)да тараққийпарвар ёзувчилар ва публицистлар ижтимоий тузумни ўзгартириш ғояларини илгари сурдилар (Г. Коллонтай, С. Сташиц ва б.). П. даги прогрессив ижтимоий-сиёсий фикрлар ва философиянинг тараққиётига рус революцион-демократлари (А. И. Герцен, Н. Г. Чернишевский ва б.)нинг таъсири кучли бўлган. 19- асрнинг 70- йилларидан П. да марксизм ёйилди. Марксистик ижтимоий фикрларнинг ривожланишида В. И. Ленин асарлари муҳим роль ўйнади. П. мустақилликка эришгач (1918), неотомизм философияси ва К. Твардовский асос солган Львов-Варшава мактаби ҳукмрон бўлиб қолди. Марксистик философия проблемалари устида Ю. Брун, Я. Хемпел ва С. Рудняньский ишлай бошлади. Бироқ Иккинчи жаҳон уруши даврида П. философияси ва социологиясининг тараққиёти тўхталиб қолди.

Халқ-демократик тузумининг ғалабасидан кейин П. философияси марксизм-ленинизм асосида ривожлана бошлади. Диалектик материализм проблемалари тадқиқ қилинмоқда, марксистик назария ривожлантирилмоқда, математик логика бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, этика, эстетика ва б. соҳалар проблемалари ишлаб чиқилмоқда.

П. социологлари томонидан маданият (Қ. Добровольский ва б.), шаҳар ва қишлоқ (С. Новаковский ва б.), саноат (Ю. Хохфельд ва б.), онла, ҳуқуқ ва меҳнат социологияси проблемалари ишлаб чиқилмоқда. П. философлари ва социологлари СССР ва б. социалистик мамлакатлар олимлари б-н ҳамкорлик қилмоқдалар.

Философия ва социологиянинг асосий марказлари: ПБИП МҚнинг марксизм-ленинизм асосий проблемалари ин-ти, П. ФАнинг философия ва социология, ун-тлар қошидаги философия ва социология ин-тлари ва б.

Тарих фани. 10- аср охиридан тарихий адабиётлар — рочникиларда муҳим воқеалар қайд қилинган. 11- аср бошидан ривоят (Войцеха ва б.)лар, кейинчалик хроника (Галль Аноним) пайдо бўлди. Я. Длугошнинг «Польша тарихи» асари ўрта аср П. тарихшунослигида муҳим воқеа бўлди. Янги замон П. историографияси ривожида И. Лелевелнинг феодализм тузумига қарши ва деҳқон ҳамда шаҳарликлар манфаатини ёқлаб ёзилган асарлари муҳим роль ўйнади. Лелевель таълимоти 19- аср ўрталарида П. озодлик ҳаракати программасининг идеологик асоси бўлди.

1863—64 йиллардаги қўзғолон мағлубиятга учрагач, П. тарихшунослигида Краков мактаби етакчи бўлиб қолди (В. Калинка, Ю. Шуйский ва б.). П. да марксистик историография ишчилар ҳаракатининг ривожи ва унинг илмий коммунизм назарияси б-н боғланиши натижасида юзага келди.

Халқ демократиясининг ғалабаси марксизм-ленинизм методологиясига асосланган тарих фанининг ривожланиши учун кенг йўл очиб берди. 1953 йили П. ФАнинг Тарих ин-ти очилди. Ин-тда 1957—74 йилларда «Польша тарихи» (1—4- томлар) яратилди. ПХРда умумий тарих, Осиё, Африка, Латин Америкаси халқлари тарихларини ўрганиш бўйича самарали ишлар қилинди. Шу б-н бирга, СССР халқлари тарихи кенг ўрганила бошланди. 40- йиллар охири ва 70- йиллар бошида поляк олимларининг кўплаб илмий ишлари нашр қилинди. Тарих фанининг асосий марказлари: Варшава, Краков, Познань ва б. шаҳарлардаги ун-тлар; П. ФАнинг Тарих, Моддий-маданият тарихи, Социалистик мамлакатлар тарихи ин-тлари ва б. П. да тарихга доир 60 дан ортиқ журнал чоп этилади.

Экономика фани. 19- аср бошларига келиб П. даги иқтисодий ғоялар ягона бир системага айланган. Бу жараён 18- аср охиридаги П. маърифатпарварлари (Г. Коллонтай ва б.) фаолияти б-н боғлиқдир. 9- асрнинг 30- йилларида экономистларнинг кўпчилиги Ғарбий Европа вульгар сиёсий иқтисоди таълимотларига ёндашдилар. 60- йилларга келиб Галиция назарий тадқиқотлар марказига айланди. 80—90- йилларда марксистик иқтисодий ғоялар тарқалди (С. Крусиньский, Л. Кшивицкий ва б.). 20- аср бошларидан П. буржуа иқтисодий тафаккурида реформизм таъсири кучая боради. 20- асрнинг 20—30- йилларида марксист иқтисодчиларнинг (Е. Ринг, А. Варский ва б.) диққат маркази аграр масалалар ва капитализмни тадқиқ қилишга қаратилди.

Халқ-демократик тузумининг ғалабаси марксистик экономика фанининг ҳар томонлама ривожланишига шароит яратиб берди. П. олимлари сиёсий иқтисод методологияси, социализм сиёсий иқтисоди масалалари, иқтисодий билимлар тарихи, капитализм сиёсий иқтисоди ва б. соҳаларда тадқиқот олиб бормоқдалар.


Экономика соҳасидаги тадқиқотларни координация қилиш мақсадида П. ФА ҳузурида Экономика фанлари комитети тузилган.

Юридик фани. Ўрта аср ҳуқуқшунослигида черков ҳуқуқи асосий роль ўйнаб, уни ўрганишда итальян фанининг таъсири кучли бўлган (Болоньядаги юристлар мактаби). Юридик фанининг ривожланиши натижасида 14- асрга келиб кодификация ўтказилган ва у давлатни марказлаштиришда муҳим восита бўлган.

Уйғониш даврига келганда ҳуқуқшунослик фани дунёвий фанга айланган, лекин ун-тларда черков ҳуқуқи ҳам ўқитилаверган. 18- аср бошларига келиб, ҳуқуқ ва давлат тузумини ислоҳ қилишга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 1791 йил майда конституция ва қатор ҳуқуқий актлар қабул қилинган.

19- асрда яратилган асарларда П. давлати ва ҳуқуқига оид масалалар ёритилди (И. Лелевель, Я. В. Бандко ва б.). П. да халқ ҳокимияти ўрнатилгач, ҳуқуқшунослик фани янги ғоявий асосда ривожлана бошлади. П. да марксистик ҳуқуқшунослик тўла шаклланди. П. ФАнинг Ҳуқуқ фанлари ин-ти (1956), ун-тларнинг юридик ф-тлари, Жиноий проблемалар б-н шуғулланиш ин-ти (Бош прокуратура қошида) ва Суд ҳуқуқи тадқиқоти ин-ти (Адлия министрлиги қошида)да ҳуқуқшунослик масалалари ўрганилади.

Тилшунослик. Дастлабки лингвистик ишлар латин тилига бағишланган (14- аср бошлари). 15—16- асрларда поляк тилига доир ишлар юзага келди (Якуб Паркошнинг орфографияга, С. Заборовскийнинг грамматикага оид ишлари ва б.). 17—18- асрларда бир қатор лексикографик ишлар майдонга келади (С. Линденинг 6 томли «Поляк тили луғати», 1807—14 ва б.). Поляк тилини илмий асосда ўрганиш



Варшава мактабларидан бирида лингафон ёрдамида дарс ўтказиш.

19-асрнинг иккинчи ярмидан бошланди (И. А. Бодуэн де Куртенэ ва б.). 1880 йилдан дастлабки илмий журнал — «ФА лингвистик комиссиясининг ҳисоботи» чиқа бошлади. 20-асрда поляк тилини диахроник жиҳатдан ўрганиш асосий йўналиш бўлиб қолди. Сўз ясаш ва нутқ маданияти масалаларига аҳамият берилмоқда (Х. Улашин ва б.). Умумий тилшуносликнинг ривожи Бодуэн де Куртенэ, Я. Розвадовский ва бошқаларнинг фаолияти б-н боғлиқ. Поляк тилини қиёсий-тарихий ўрганиш (Е. Курилович ва б.), классик филология (Я. Сафаревич ва б.) ва ориенталистика (А. Зайончковский ва б.) қадимий анъанадир. Муҳим даврий нашрлар: «Lingua Posnaniensis» (1949), «Onomastica» (1955), «Slavia Orientalis» (1952) ва б.

Илмий муассасалари. Фан, олий таълим ва техника министрлиги (1972) фан ва техника бўйича давлат олий органи ҳисобланиб, П. ФА б-н ҳамкорликда иш олиб боради. 1973 йилда 112 илмий тадқиқот ин-ти, 25 марказий лаборатория, 103 илмий тадқиқот маркази, халқ хўжалиги илмий-техника базасининг 651 маркази, 670 ф-ка-з-д илмий тадқиқот маркази мавжуд бўлиб, уларда 141 минг киши (олий ўқув юртлари ҳам шу ҳисобда) ишлади (1974). 1972 йилда 3,5 мингга яқин илмий китоб ва брошюра нашр қилинди. П. илмий муассасалари 116 мамлакат б-н илмий алоқа ўрнатган. СССР, ЧССР, ГДР ва б. социалистик мамлакатлар б-н бўлган илмий ҳамкорлиги муҳим аҳамият касб этади. П. 140 халқаро илмий ташкилотга аъзо. П. да С. Банах номидаги Халқаро математика маркази, Кучли магнит майдони ва қуйи температура халқаро лабораторияси ишлаб турибди. П. олимлари Дубнадаги (СССР) Ядро тадқиқотлари бирлашган ин-ти ва б. халқаро ин-тлар, шунингдек халқаро илмий программаларда қатнашмоқда.

Матбуоти, радиоси ва телевидениеси. 1974 йили П. да 87 кундалик газета ва 2850 бошқа даврий нашрлар чоп этилган. Йирик кундалик газеталари: «Трибуна люду» (1948), ПБИП МКнинг марказий органи (633,3 минг нусха), «Хлопска дрога» (1945, ПБИП МҚ органи, 152,7 минг нусха), «Глос працы» (1951, Касаба союзлар Марказий Советининг органи, 164,8 минг нусха), «Жолнеж вольносци (1943, Миллий мудофаа министрлиги органи, 99,1 минг нусха) ва б. Йирик ҳафталик газеталари: «Политика» (1957), «Культура» (1963), «Доокола свята» (1953), «Жолнеж польски» (1945), «Пшиязнь» (1948) ва ҳ. к. Йирик ойлик журналлари: «Нове дроги» (1947, ПБИП МКнинг назарий ва сиёсий органи, 79,4 минг нусха), «Виднокренги» (1951, Бутун Польша тинчлик комитетининг органи, 89,1 минг нусха).

П. матбуот агентлиги (ПМА)га 1944 йили, П. Интерпресс агентлиги (ПИА)га 1967 йили асос солинган. 1944 йилда ташкил этилган «Польша радио ва телевидениеси» комитети мамлакатда радиоэшиттириш ва телевидениега раҳбарлик қилади. Телекўрсатувлар 1952 йилдан олиб борилади.

Адабиёти. Эски поляк адабиёти 3 даврга бўлинади: ўрта асрлар (12—15-асрлар), Уйғониш даври (16-аср) ва *барокко* (18-аср ўрталаригача). Ўрта асрларда, асосан, диний мазмундаги асарлар, насиҳатнамо қўшиқлар, диалоглар яратилган. Уйғониш даврида гуманизм ва Реформация ғоялари таъсирида драма, рэман, повестлар яратилди. 17-асрдан барокко адабиёти ривожлана бошлаб, жумлалар қофияланган хроникалар, рисолалар, контрреформация тантанасини ифодаловчи диний асарлар қаторида мемуарлар, сатира ва лирика ривож топди.

Маърифатпарварлик даври (18-аср ўрталари)да миллий мустақиллик учун кураш, француз рев-яси таъсирида илғор ижтимоий-фалсафий ғоялар тарқалди, адабий-бадиий журналлар вужудга келди. 19-асрнинг 10—12-йилларида *романтизм* юксалди. А. *Мицкевич* (1798—1855) шеъриятида революцион-ватанпарварлик ғоялари тараннум этилди. Адабиётда янги типдаги қаҳрамон-фидоий ватанпарвар образига кўп ўрин берилди. 1863 йилдан сўнг адабиётда *реализм* ҳукмрон бўлиб қолди, капиталистик тараққиётнинг янги проблемаларига кўпроқ ўрин берилди. Бу соҳада А. Асник (1838—97), М. Конопницкая (1842—1910), Э. Ожешко (1841—1910), Б. Прус (1847—1912) ижоди айниқса диққатга сазовор.

1890—1918 йиллар адабиётида реализм б-н бир қаторда модернистик оқимлар ҳукмрон бўлди. Л. Стафф (1878—1957) шеърияти гражданлик мотивлари б-н муҳим аҳамиятга эга бўлди, С. Жеромский (1864—1925) каби адиблар ижодида поляк халқининг мустақиллик учун кураши тарихи ёрқин образлар орқали кўрсатилди.

1918—44 йиллар адабиётида, асосан, жамиятдаги конфликтлар танқидий тавсифланган кўзга ташланади. М. Домбровская (1889—1965), Я. Ивашкевич (1894), Ю. Тувим (1894—1953), Л. Кручковский (1900—62), В. Василевская (1905—64) каби улкан адиблар ўзларининг бадиий юксак асарларида халқнинг эркин ва бахтиёр ҳаёт учун интилишларини ифодаладилар.

Польша Халқ Республикаси адабиёти немис-фашист босқинчиларининг тор-мор этилиши ва халқ-демократик тузуми барпо қилиниши самараси сифатида вужудга келди. Бу давр *социалистик реализм* адабиёти ривож топгани б-н диққатга сазовор. Е. Анджеевский (1909) нинг «Кул ва олмос» романи (1848), Л. Рудницкий (1882—1968)нинг «Эскилик ва янгилик» (1948—60) ва б. йирик асарлари даврнинг муҳим проблемаларига бағишланди. 2-жаҳон уруши, оккупация йилларида подпольеда қолинган ишлар, халқ ҳокимиятининг ташкил топиши ва фаолияти поляк адиблари асарларининг муҳим мавзуи бўлди.

Поляк ёзувчиларининг кўпгина асарлари, жумладан А. Мицкевич, Ю. Тувим шеърлари, В. Василевская («Камалак») романлари ўзбек китобхонларига таниш.

Архитектураси, тасвирий ва амалий-безак санъати. П. терр-ясидаги аҳоли неолит давридаёқ сопол идишлар ясаб, нақш б-н безатган. Бронза ва темир даврларида сопол ва бронзадан идиш, парранда ва ҳайвон расми б-н безатиб икки ғилдиракли аравалар ишлаган. Христианлик қабул қилингач (966), тошдан ибодатхоналар қурилди. 11-асрнинг 2-ярмидан *роман услуби* ҳукмрон бўлди. 14—15-асрларда П. да феодал монархиясининг мустаҳкамланиши шаҳар маданияти ривожига имкон берди. *Готика* услубидаги иншоотлар кўп қурилди. Мамлакат жанубида тош ва ғиштдан ибодатхоналар (Вавель собори ва Краковда Дева Мария ибодатхонаси, Вроцлав ва Познань соборлари), шимолда ғиштдан ибодатхоналар (мас., Гданьскдаги Дева Мария ибодатхонаси) қурилди. 14—15-асрларда тасвирий санъатда реалликка интилиш кучайди. 14—15-асрлардаги рассомлик асарлари Чехия, Нидерландия, қадимги рус санъати б-н алоқа мавжуд бўлганидан дарак беради. 11—15-асрларда амалий-безак санъати (кумуш тақинчоқлар, қурол, витражлар) равнақ топди. 15-аср охири ва 16-аср бошида гуманистик ғоялар ва реформация таълимотлари тарқалиши муносабати б-н Уйғониш даври маданияти шакллана бошлади. 16-асрда ва 17-аср бошларида итальян архитекторлари томонидан қатор шаҳарларда сарой ва қасрлар қайта қурилди.

Феодал-католик реакциясининг кучайиши (17-аср бошлари) муносабати б-н *барокко* услубида кўплаб черковлар қурилди (Краковда авлиё Пётр ва Павел ибодатхоналари, 1605—19). 17-асрнинг 2-ярмидан бошлаб сарой ва черковлар сунъий мармар ҳайкаллар б-н безатилди, 18-аср ўрталарида меҳроблар ёғоч ўймакорлиги б-н безатилди.

Амалий-безак санъатида барокко мотивлари миллий ва шарқий нақшлар б-н уйғунлаштирилди. Поляк халқининг маърифатпарварлик, антифеодал ва миллий озодлик курашлари 18-аср охиридаги санъатга ўз таъсирини кўрсатди. Варшавадаги қирол саройида 18-асрнинг охирида муҳожир рассомлар асосий ўринни эгалладилар. Б. Беллотто картиналарида Варшава ва унинг атрофи кўринишларини айнан акс эттирди. Ф. Смуглевич, М. Стахович асарларида даврнинг ватанпарварлик ғоялари ўз ифодасини топди. Я. П. Норблин демократик маиший жанр ривожига ҳисса қўшди. 19-асрнинг 1-чорагида санъатда академик классицизм ҳукмронлик қилди. 1840—50 йилларда *романтизм* тарқалди. Я. Матейко тарихий жанрни юксалтирди. 1880-йилларнинг охирларидан *натурализм*, 19-аср охири — 20-аср бошида импрессионизм тенденциялари, «модерн» услуби авж олди.

Буржуа Польша давлати ташкил топгач (1918), санъатда қарама-қаршиликлар авж олди. Европа санъатининг янги ютуқларини ўзлаштириш, замонавий миллий услуб яратиш ва реализмнинг янги шаклларини излаш ҳаракати авж олди. 1920—30 йиллар архитектурасида *неоклассицизм* ва *функционализм* тенденциялари (Варшавада «Прюдентиаль» жамияти биноси, Краковда Ягайло кутубхонаси ва б.), модернизмга интилиш халқ меъморлиги б-н ҳамоҳанглашгани кўзга ташланди. Тасвирий санъатда *кубизм* ва *экспрессионизм* пайдо бўлди. 1930-йилларда ижтимоий-танқидий тенденциялар авж олди. Иккинчи жаҳон уруши даврида (1939—45) кўпгина маданият ёдгорликлари вайрон бўлди. Халқ ҳокимияти ўрнатилгач, вайрон бўлган шаҳарларни тиклаш ва реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Бунда СССР ва б. социалистик мамлакатлар П. га яқиндан ёрдам бердилар. Урушдан кейинги давр архитектурасида кекса авлодга мансуб архитекторлар муҳим роль ўйнади (Ш. Сиркус, Б. Пневский, Б. ва С. Брукальскийлар ва б.). 1945—1950 йилларда уй-жой қурилишида кам қаватли иморатларга катта ўрин берилди. 1950-йилларнинг ўрталаридан йирик панелли ва йирик блокли қурилишлар авж олди. Саноатнинг тез ривожланиши натижасида янги шаҳарлар пайдо бўлди. Тасвирий санъатда абстракт санъат тарқалди, турли формалистик оқимлар вужудга келди. Бадиий ҳунармандлик авж олди, амалий-безак санъатида янги изланишлар халқ санъати анъаналари б-н уйғунлашди.



Адам Мицкевич ҳайкали (ҳайкалтарош Ц. Годебский, Варшава, 1898).

Музикаси бошқа славян халқлари музика маданияти қаторида қадимий. Халқ чолғу асбоблари шақилдоқ, доира, ҳуштаклар (11-асрдан) жўрлигида ашулалар (асосан, бир овозли), рақслар ижро этилган. Скрипка, мазанка каби торли, лигавка, базун каби пуфлаб чалинадиган созлар кенг тарқалган.

11—12-асрларда черков ашулачилик мактаблари очилиб, уларнинг талабалари черков музикасини турли жойлардаги халқ музикаси б-н бойитдилар. 12-асрда сарой капеллалари ташкил топди. 16-асрдан ун-тларда музика назарияси ўргатила бошлади. 16—17-асрларда етишган композиторлар миллий куйларни Ғарбий Европа рақс ва музика жанрлари б-н уйғунлаштириб, асарлар ярата бошладилар.

1765 йилда Варшавада поляк «Халқ театри» ташкил этилиб, миллий опералар саҳналаштирилди. 19-асрда буюк композитор Ф. Шопен, С. Монюшко фаолияти поляк музикаси ривожида катта аҳамиятга эга бўлди. 1901 йилда Варшава миллий филармонияси ташкил қилинди.

1927 йилдан (ҳар 5 йилда 1 марта) Варшавада Шопен номидаги пианиночилар конкурси, шунингдек турли халқаро конкурслар ўтказилиб турибди. Замонавий музика халқаро жамиятининг Польша секцияси ташаббуси б-н биринчи марта 1939 йилда замонавий музика халқаро фестивали ўтказилди. К. Пендерецкий, Х. Гурецкий, В. Киллер, К. Мейер каби композиторлар, В. Ровицкий, Х. Чиж, С. Вислоцкий ва б. ўнларча дирижёрлар, кўпгина атоқли ижрочиларнинг номи машҳур.



Варшавадаги Сташица саройи. Архитектор А. Коращци, 1820—23.

Балети. Дастлабки балет томошалари 17-асрдан кўрсатилган. 1801 йилда Варшавада балет мактаби ташкил қилинган. 1818 йилда «Халқ театри» ҳузурида балет мактаби қайта ташкил этилиб, дастлабки пайтларда француз балет усталари раҳбарлик

қилган. 1918 йилдан кейин миллий балет кенг тараққиёт йўлига кирди. 1937 йилда мустақил балет труппаси тузилди. 2-жаҳон урушидан кейин театрлар қошида балет труппалари ва мактаблари ташкил этилди. 1973 йилда Познанда Польша рақс театри ташкил топди. П. да 9 балет труппаси, 4 хореография билим юрти бор (1974).

Театри. 13-асрнинг 2-ярмида кўрсатилган театр томошаларининг айрим сценарийлари сақланган. 1633 йилда Варшавадаги қирол саройида биринчи доимий театр биноси ишга тушди. 18-аср охирида илғор миллий театр санъати учун курашга режиссёр, артист, драматург В. Богуславский бошчилик қилди. 19-асрнинг 60-йиллари охиридан Краков театри мамлакатнинг етакчи театрига айланди. 1913 йилда Варшавада «Поляк театри» ташкил топди. П. фашист босқинчиларидан озод қилингач (1944), янги типдаги халқ театри барпо қилиниши учун шароит вужудга келди. 1949 йилда театрларни национализация қилиш тугалланди. Мамлакатнинг йирик шаҳарларида театрлар бор. Варшава, Краков, Лодзда олий театр мактаблари ишлаб турибди. Варшавада театр музейи бор. Театр арбоблари Театр артистлари союзига уюшган (бу Союз 1919 йилда тузилган).

Цирки. 19-асрнинг 80-йиллари охиригача шаҳар ярмаркалари ва кўчаларида сайёр цирк труппалари томоша кўрсатган. 1883 йилда Варшавада стационар цирк биноси қурилган (бу бино 2-жаҳон уруши йилларида вайрон қилинган). 1945 йилда Томоша муассасалари давлат бирлашмаси ташкил қилинди, унга 15 коллектив бирлашди (булар орасида Лодздаги Биринчи давлат цирки ҳам бор). 1956 йилда Варшавада цирк санъати биринчи халқаро фестивали ўтказилди.

Киноси. Мунтазам фильм ишлаб чиқариш 1908—14 йиллардан бошланган. «Старт» кино уюшмаси (1930) ва «Киноавторлар кооперативи» (1937) П. кино санъати ривожида муҳим роль ўйнади. 1945 йилда кино санъати асарлари ишлаб чиқариш национализация қилинди. «Фильм польский» давлат студияси ташкил этилди. «Авлод» (1955), «Кул ва олмос» (1958, режиссёр А. Вайда), «Хайрлашув» (1958, реж. В. Хас) фильмларида 2-жаҳон уруши оқибатлари тасвирланади. «Иўловчи аёл» (1963, реж. А. Мунк), «Жангдан кейинги манзара» (1970, реж. А. Вайда), совет-поляк фильми «Ленин Польшада» (1966, реж. С. И. Юткевич) каби фильмлар П. кино санъатининг муҳим асарларидан. Кино артисти З. Цибульскийни бутун дунё танийди. Л. Винницкая, Т. Ломницкий, Р. Холоубек, М. Завадская, М. Коморовская ва б. кино актёрлик санъати ривожига катта ҳисса қўшдилар. 1966 йилда Польша Кинематографчилар союзи ташкил қилинган. Бир нечта ойлик ва ҳафталик журналлар чиқиб турибди. 1973 йилда П. да 25 бадиий фильм ишлаб чиқарилди, 2900 кинотеатр аҳоли хизматида бўлди.

П.-Узбекистон алоқалари. Узбекистон б-н П. ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва интернационал ёрдамга асосланган иқтисодий, илмий ва маданий алоқалар йил сайин ўсиб бормоқда. П. тўқимачилик саноатида Узбекистон пахтаси муҳим роль ўйнайди (йилига 75 минг т; бу миқдор Европадаги социалистик мамлакатларга чиқариладиган пахтанинг катта қисмини ташкил этади). П. тўқимачилик корхоналари (Лодзь, Жирардов, Андрихова, Белосток ва б.) «Ташкентстильмаш» з-дида тайёрланган машина, станок ва б. асбоб-ускуналар б-н жиҳозланган. Шунингдек, П. га Узбекистондан экскаватор ва скреперлар, кимё жиҳозлари ва турбинали машиналар, кўчма компрессор станциялари, комплектлашган трансформатор подстанциялари ва рангли металларни совуқлайин учма-уч пайвандлаш машиналари, кабель буюмлари ва симлари, пўлат ва чўян арматуралар, кино ва радио аппаратлари, электр ва гидрометеорологик асбоблар, химикатлар, дори-дармонлар ва ҳ. к. жўнатилади.

П. ва Совет Узбекистони ўртасида илмий-техника ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Зелёна-Гура ва Белосток тўқимачилари 1-б-н Тошкент тўқимачилари узлуксиз тажриба алмашиб туришади. Поляк ва ўзбек геологлари ўртасида мустаҳкам алоқалар ўрнатилган.

Кейинги 10 йил мобайнида Тошкентда бир қанча П. кўргазмалари ташкил қилинди; жумладан, 1961 йил октябрда П. ўлчов ва лаборатория аппаратлари ҳамда медицина асбоблари кўргазмаси очилди: 20 кун давомида республика жамоатчилиги П. нинг энг йирик ташқи савдо фирмалари —«Варимэкс» ва «Электрим» нинг саноат маҳсулотлари б-н танишдилар 1967 йил октябрда Тошкентда очилган П. «Мотоимпорт» бирлашмаси саноат маҳсулотлари кўргазмасида енгил автомобиллар, микроавтобуслар, картошка ковлайдиган ва б. машиналар намойиш қилинди. 1968 йилда ташкил қилинган кўргазмада «Пагод» ташқи савдо корхонасининг мебеллари намойиш қилинди. 1972 йилда «Польшада ишланган» девизи б-н ташкил қилинган экспорт товарлари кўргазмасида П. нинг 9 та ташқи савдо муассасаси ўз маҳсулотлари б-н қатнашди.

1962 йилда химия фанлари кандидати П. Ф. Йўлдошев проф. Ахметович (П. ФА) лабораториясида алкалоидлар кимёси ишларини ўрганди. 1962 йили польшалик кимёгарлардан Е. Врубель ва Г. Гертич ўзбек ҳамкасблари иш тажрибалари б-н таништилар. П. да бой анъанага эга бўлган туркология мактаби мавжуд. Утган асрдан бошлаб поляк турколог олимлари Ўрта Осиё халқларининг тили ва адабиёти юзасидан тадқиқот ишлари олиб бормоқда, бу соҳада улар катта тажриба орттирганлар. П. кутубхоналарида туркий тилларда битилган ноёб қўл ёзмалар кўп.

Маданий алоқаларнинг энг самарали шаклларидан бири фан, адабиёт ва санъатга доир нашрларни айирбошлашдир. Мас., 1966 йилда Варшавада нашр қилинган «500 факт ва рақам» номли брошюрада Узбекистон ҳаётига доир қизиқарли маълумотлар келтирилган. Бу китобча Узбекистон Чет эллар б-н дўстлик ва маданий алоқа жамияти буюртмаси б-н нашр қилинган. ТошДУ олимларининг илмий ишларини П. ФА ва унинг тармоқ ин-тлари, Лодзь, Познань ва Люблин ун-тлари, Вроцлав Олий техника мактаби, Гливице Политехника ин-ти кутубхоналари олиб туради.

1961 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида П. да «Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон маданияти кунлари» муваффақиятли ўтказилди. Декада кунларида П. кинотеатрлари экранларида «Узбекфильм» студияси ишлаб чиқарган «Ҳамза», «Абу Али ибн Сино», «Дугоналарим» каби фильмлар намойиш қилинди. СССР халқ артистлари С. Қобулова, Г. Измайлова ва б. нинг санъатлари томошабинларга манзур бўлди. Шунингдек, 1969 йили Тошкентда бўлиб ўтган П. кинофестивали қатнашчиларини ЎзССР меҳнаткашлари қизғин кутиб олди. Поляк драматурги Тадеуш Кожушнинг «Қора чигиртка» пьесаси Тошкентдаги М. Горький номли Рус академик драма театрида муваффақиятли саҳналаштирилди (1967). 1975 йилда Лодзь Давлат музикали драма театрида С. Юдаковнинг «Майсаранинг иши» операси қўйилди. Ойбек, А. Қаҳҳор, Ғ. Ғулом, С. Бородин, К. Яшин, Мирмуҳсин асарлари поляк тилига таржима қилинган. Ўзбек китобхонлари А. Мицкевич, К. Добкевич, Г. Морцинек, Э. Ожешко асарларини ўқимоқдалар. Таниқли поляк журналисти Здислав Новак Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди (1975). У Узбекистон бўйлаб қилган саёҳати ҳақида республикага бағишлаган бешта китоб ва элликдан ортиқ очерк ёзган (577-бетда мақолага оид вклейка берилган).

Ад.: Ленцевич С., Физическая география Польши, Пер. с польск., М., 1960; Избр. произв. прогрессивных польских мыслителей, т. 1—3, М., 1956—58; История Польши, т. 1—3, М., 1954—58 (доп. т.)— Очерки истории Народной Польши, М., 1965 (лит.); Королюк В. Д., Древнепольское государство, М., 1957; Путь длиною в 1000 лет, [Сборник, М., 1968]; Илинич Ю. В., Польша. Экон.— геогр. характеристика, М., 1966; Костиков П. К., Польская Народная Республика: 30 лет по пути социализма, М., 1974; Анисимов В. В. и др., Польская Народная Республика. Справочник, М., 1974; Кастровицки Е., Польша. Природа — Население — Архитектура, Варшава, 1972; Польша. Страна и люди, Варшава, 1974; История философии, т. 1, 2, 4, 5, М., 1957—61; Социологическая мысль в Польской народной республике, М., 1968; История польской литературы, т. 1—2, М., 1968—69; Игнатов С., Польский театр. «История западноевропейского театра» китобида, т. 2, 4, М., 1957—64; Рубанова И., Польское кино. Фильмы о войне и оккупации (1945—1965). М., 1966.

ПОЛЬША БИРЛАШГАН ИШЧИ ПАРТИЯСИ (ПБИП; Polska Zjednoczona Partia Robotnicza)— 1948 йил 15 декабрида *Польша Ишчилар партияси* (ПИП) ва *Польша Социалистик партияси* (ПСП)нинг марксизм-ленинизм принциплари асосида бирлашуви натижасида ташкил топган.

ПБИПнинг 1-(Бирлаштирувчи) съезди (Варшава, 1948 йил 15—21 декабрь) Польша танлаган социалистик тараққиёт йўлининг тўғрилиги ва қонунийлигини тасдиқловчи ҳамда ишчилар синфининг социализм қурилишидаги ҳал қилувчи ролини таъкидловчи, ишчилар ва деҳқонлар иттифоқини халқ ҳокимиятининг пойдевори сифатида мустаҳкамлашнинг ҳаётий зарурлигини уқтирувчи Ғоявий декларация қабул қилди. Съезд социалистик индустрлаштириш асосида белгиланган халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 6 йиллик (1950—55) плани директив кўрсатмаларини қабул қилди; партия Уставини тасдиқлади ва Б. Берут (1954 йил мартдан 1956 йил мартигача ПБИП МКнинг биринчи секретари) раислигида МҚ сайланди.

ПБИП 2-съезди (1954 йил март) 1951—53 йилларда киритилган ўзгаришларни ҳисобга олиб 6 йиллик планнинг 4 йиллиги бажарилиши якунларини кўриб чиқди.

ПБИП ҳаётида МҚ 8-пленуми (1956 йил октябрь) муҳим босқич бўлди. Пленум Польшанинг ички сиёсий ҳаётида туғилган қийинчиликларни тўғри баҳолади ва уларни бартараф қилиш йўлларини кўрсатиб берди. Пленумда В. Гомулка МҚ биринчи секретари қилиб сайланди. Партия составининг сифатини яхшилаш ва барча антипартиявий элементларга қарши курашни активлаштириш мақсадида МҚ 10-пленуми партия билетларини алмаштириш ҳақида қарор қабул қилди. Натижада ПБИП сафидан партия умумий составининг 16%и чиқиб кетди.

ПБИП 3-съезди (1959 йил март) жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини тобора демократлаштириш, партия бирлигини ва унинг халқ оммаси б-н алоқасини мустаҳкамлаш чораларини ишлаб чиқди. Польша халқ хўжалигини ривожлантиришнинг перспектив масалалари съезднинг диққат марказида бўлди. Съезд Польша халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1959—65 йилларга мўлжалланган план директиваларини ҳамда 1961—65 йилларга мўлжалланган беш йиллик планини тасдиқлади. ПБИП янги уставини қабул қилди. ПБИП 4-съезди (1964 йил июнь) ПХРнинг 20 йиллик тараққиётига якун ясади. Съезд мамлакатнинг экономика ва социал тараққиёт соҳасидаги улкан муваффақиятларини қайд қилди. Съездда Польша Халқ Республикаси тараққиётининг 1966—70 йилларга мўлжалланган контроль рақамлари тасдиқланди.

1968 йилнинг ноябрида ПБИПнинг 5-съезди бўлиб ўтди. Съездда халқ хўжалигини ривожлантиришни янада интенсивлаш ва партиянинг идеологик ишини активлаштириш зарурлиги таъкидланди. Съезд 1971—75 йилларга мўлжалланган 5 йиллик планнинг контроль рақамларини тасдиқлади ҳамда социалистик ҳамдўстлик давлатлари б-н ва халқаро коммунистик ҳаракат б-н бирликни мустаҳкамлаш соҳасидаги партиянинг вазифаларини белгилаб олди. Съезд Э. Герекни МК биринчи секретари қилиб сайлади. 1971 йил декабрда МК пленуми қарори б-н ПБИПнинг 6-съезди муддатидан олдин чақирилди. Съезд 1966—70 йиллар плани бажарилишини якунлади, ишлаб чиқариш кучлари ва миллий даромаднинг анча ўсганлигини қайд этди (бу йиллар мобайнида миллий даромад 34%га кўпайди, ялпи маҳсулот 1,5 марта ошди), Съездда Марказий Комитетнинг 7- ва 8-пленумларидан кейин амалга оширилган тадбирлар маъқулланди ва халқ хўжалигининг 1971—75 йилларга, баъзи масалаларда бундан ҳам узоқ муддатга мўлжалланган директиваларини ўз ичига олган «Польша Халқ Республикасининг янада социалистик ривожланиши учун» номли кенгайтирилган қарори қабул қилинди. ПБИП нинг 1-конференцияси ва 1974 йил февралда бўлиб ўтган 13-пленумида ПХР ни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилиб, мамлакатда икки ўн йиллик давомида ривожланган социалистик жамият қуриш программасини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги таъкидланди. ПБИП делегацияларини коммунистик ва ишчи партияларининг Халқаро кенгашларида (1957, 1960, 1969 йиллар, Москва) қатнашган. ПБИП бу кенгашларда қабул қилинган ҳужжатларни маъқуллаган. У КПСС 24-съезди эълон қилган тинчлик программасини маъқуллади ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган умумий ҳаракатига салмоқли ҳисса қўшди.

1975 йилнинг 8—13 декабрида ПБИП нинг 7-съезди бўлиб ўтди. Съезд халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш, партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, омма

орасида идеологик ва тарбиявий ишларни яхшилаш масалаларини муҳокама қилди. Съезд халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1976—80 йилларга мўлжалланган беш йиллик планини қабул қилди.

ПБИП демократик централизм принциплари асосида қурилган. ПБИП нинг олий органи партия съезди бўлиб, съездлар ўртасида ҳамма ишга Марказий Комитет раҳбарлик қилади. ПБИП сафида 2,4 млн. (1975 йил 1 январь) аъзо ва кандидат бор.

Ад.: Берут Б., Отчётный доклад ЦК ПОРП II съезд партии 10 марта 1954 г., М., 1954; III съезд ПОРП, (пер. с польск.), М., 1959; IV съезд ПОРП, (пер. с польск.), М., 1966; V съезд ПОРП, (пер. с польск.); М., 1969; VI съезд ПОРП, (пер. с польск.), М., 1972; Герек Э., Задачи партии по дальнейшему социалистическому развитию ПНР. Программный доклад на VI съезде ПОРП 6 декабря 1971 г. (пер. с польск.), М., 1971; VII съезд Польской объединенной рабочей партии, М., 1976.

ПОЛЬША ИШЧИЛАР ПАРТИЯСИ (ПИП, Polska Partia Robotnicza) — Польша ишчилар синфининг марксча-ленинча партияси. 1942 йил 5 январда фашистлар томонидан оккупация қилинган Варшавада тузилган; ўз сафига коммунистлар томонидан 1939—41 йилларда тузилган антифашист ташкилот ва группалар ни бирлаштирган. ПИПнинг фаолиятига МК раҳбарлик қилган. МҚ га М. Новотко, П. Финдер, В. *Гомулка*, Б. Берут секретарлик қилган. 1942 йил январда ПИП немис-фашист босқинчиларига қарши ўз мустақиллиги, демократия ва социал тараққиёт учун кенг миллий фронт тузишга чақириб, программали прокламациялар нашр эттирди. 1942 йилнинг баҳорида ПИП Гвардия Людова номли қуролли ташкилот тузди. 1942 йилда ПИП Польшанинг деярли барча оккупация қилинган терр-яларида р-н ва округ комитетларини тузди. ПИП программасининг моҳияти миллий озодлик курашини Польшанинг ижтимоий озодлиги учун кураш ва мустақил халқ ҳокимияти барпо этиш б-н чамбарчас бирлаштиришдан иборат эди. Мана шу программа асосида ПИП бошчилигида немис босқинчиларига қарши қуролли кураш авж олдирилди, бу курашда 60 минг солдатдан иборат Армия Людова қатнашди. Мамлакат озод этилгач, ПИП ишчи, деҳқон ва зиёлилардан иборат оммавий партия шаклида қайта тузилди. 1945 йилда ПИПнинг 235 минг, 1948 йилда 1 млн. дан ортиқ аъзоси бўлган. ПИП нинг 1-съезди (1945 йил декабрь) халқ ҳукуматининг келажакдаги тараққиёти директиваларини ишлаб чиқди ва ленинча ташкилий норма ва принциплар асосида партиянинг уставини қабул қилди. Реакцион кучларга қарши кураш ва мамлакатни қайта тиклаш жараёнида ПИП б-н *Польша Социалистик партияси* (ПСП) ўртасида ҳамкорлик мустаҳкамланиб борди. 1948 йил декабрда ПИПнинг Варшавада бўлиб ўтган 2-съездида марксизм-ленинизм принциплари асосида ПИП б-н ПСП бирлаштирилиши ҳақида қарор қабул қилинди ва *Польша Бирлашган ишчи партияси* тузилди.

ПОЛЬША МАТБУОТ АГЕНТЛИГИ — ПХР нинг расмий ахборот муассасаси. Фаолиятини 1944 йил июлида бошлаган. Варшавада. Польша матбуотини мамлакат ва чет эл ҳаёти ҳақидаги ахборотлар б-н таъминлайди. Мамлакат ичкарисида бир қанча мухбирлик пунктлари ва кўпгина мамлакатларда махсус мухбирлари бор. ТАСС ва б. агентликлар б-н ахборот алмашади.

ПОЛЬША СОЦИАЛИСТИК ПАРТИЯСИ (ПСП, Polska Partia Sosialistyczna) — Польша социалистларининг Париж съезди (1892 йил ноябрь)да қабул қилинган программа тарзидаги кўрсатмалар асосида 1893 йили ташкил этилган; мазкур кўрсатмаларда мустақил демократик республика, халқ оммасининг демократик ҳуқуқлари учун кураш шиори олға сурилган бўлса-да, бу кураш Россия, Германия ва Австрия-Венгриядаги революцион ҳаракат б-н боғланган эмасди. ПСП 1919 йилгача ўз фаолиятини, асосан, Польша Қироллиги терр-ясида ривожлантирди. ПСПнинг Олий инстанцияси съезд бўлган. Съездлар оралиғида партияга Марказий ишчи комитети раҳбарлик қилган. ПСП раҳбарлари (Ю. Пилсудский, С. Войцеховский ва б.) Польша давлатини қайта тиклашнинг ягона йўли миллий қўзғолонлардир деб билишди. Бу оқимга 1900 йилда ПСП дан ажралиб кетган ва «Пролетариат» номи б-н иш олиб бораётган Л. Кульчицкий раҳбарлигидаги группа қарши чиқди. 1900—04 йилларда ПСПда 1893 йилдаёқ вужудга келган сўллар йўналиши кучайди. 1905 йил июндан партияга раҳбарлик қилиш сўллар (М. Белецкий, Г. Валецкий, Ф. Кон ва б.) қўлига ўтди, улар 1905—07 йиллар рев-ясида фаол иштирок этдилар. ПСП нинг 9-съезди (1906 йил ноябрь, Вена) Пилсудский ва унинг тарафдорларини партиядан чиқарди. ПСПнинг кўпчилиги (сўл ПСП номи б-н маълум) революцион ва интернационал позицияга ўтди. 1918 йилда эса Польша Қироллиги ва Литвадаги Социал-демократлар б-н бирлашиб, Польша Коммунистик партиясини туздилар. Пилсудский тарафдорлари партияда «революцион фракция» (1909 йилдан ПСП номини олган) тузишди. 1918 йилда ПСП мустақил Польша буржуа давлатини тузишда қатнашди. ПСП Польша буржуа-помешчикларининг Совет Россиясидаги интервенциясига қарши чиқмади. 1926 йил ноябрда ПСП «санация» режими б-н ҳамкорлик қилишдан бош тортиб, оппозицияга ўтди. 20-йилларнинг охири — 30-йилларнинг ўрталарида ПСП нинг сўл оқими (Н. Барлицкий, С. Дюбуа, А. Прухник) кучайди. Фашистлар Германиясининг Польшага ҳужуми (1939 йил сентябрь)дан кейин ПСП аъзолари Варшава мудофаасида иштирок этдилар (Варшава таслим бўлганидан сўнг ПСП нинг ўнг лидери З. Заремба Марказий ишчи комитет б-н келишиб, ПСП тарқатилганлигини эълон қилди). 1939 йил октябрда Заремба ва ПСП нинг бошқа ўнг лидерлари (Т. Арцишевский, К. Пужак) *Польша Ишчилар партияси* (ПИП) ва советларга қарши позицияда турган «Озодлик, Тенглик, Мустақиллик» яширин ташкилотини туздилар. 1941 йилда ПСПнинг сўл қаноти «Польша социалистлари» ташкилотини туздилар: бу 1943 йилда Польша социалистлари ишчи партияси (ПСИП) тарзида қайта тузилди. ПСИП аввал ПИП илгари сурган Халқ Польшасини барпо этиш программасини қабул қилди ва *Крайова Рада Народовани*, сўнгра Польша Миллий озодлик комитетини тузишда иштирок этди, босқинчилар б-н қўролли кураш олиб борди. Мамлакат фашист босқинчиларидан озод қилинганидан кейин ПСП қайта ташкил этилиб (раҳбарлари: Э. Осубак-Моравский, Ю. Циранкевич, М. Дробнер ва б.), ПСП ўнг оқимининг коммунистларга ва советларга қарши назариялари улоқтириб ташланди ва халқ ҳокимиятини ўрнатиш, уни мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ўзгартиришларни амалга ошириш учун ПИП б-н ҳамкорликда иш олиб борилди. Бу ҳамкорликнинг 1947—48 йилларда янада мустаҳкамланиши натижасида 1948 йил декабрда ПИП б-н ПСП марксизм-ленинизм назарияси асосида бирлашиб *Польша Бирлашган ишчи партияси* ташкил топди.

ПОЛЬША ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — ПХР нинг олий илмий муассасаси. 1952 йил Варшавада ташкил этилган. 6 бўлими (ижтимоий фанлар, биология фани, физика-математика, кимё ва геология-география фанлари, техника фани, қ. х. ва ўрмончилик фанлари, медицина фани) турли фанлар бўйича 101 илмий комитет ишини бирлаштиради; 63 регионал ва ихтисослашган илмий жамиятлар ишига раҳбарлик қилади. Академия составида 66 илмий муассаса бор. Нашриёти турли китоблар, 200 дан зиёд илмий журналлар нашр этади (1974). Краков, Вроцлав, Познань, Катовицеда филиаллари, Гданьск ва Лодза координацион кенгаши мавжуд. Академиянинг 289 ҳақиқий ва мухбир аъзолари, 91 чет эл аъзолари (жумладан, 17 совет олими) бор (1974). СССР ФА б-н яқиндан ҳамкорлик қилади.

ПОЛЯК (ЛАҲ) ТИЛИ — *поляклар* (лаҳлар) тили. Польша Халқ Республикасининг давлат тили. Чех, словак, серб тиллари б-н бирга ҳинд-европа тиллари оиласининг ғарбий славян гуруҳини ташкил қилади. П. т. да 40 млн. дан ортиқ киши гаплашади (1972). Улуғ поляк, кичик поляк, мазовец, силезия, кашуба диалектларига бўлинади. Ҳозирги П. т. қадимги поляк шевалари асосида таркиб топган. Эски П. т. га оид мавжуд қўл ёзмалар 14-асрга мансуб. Поляк адабий тили 15—16-асрларда улуғ поляк ва кичик поляк, мазовец шеваларининг изчил такомилида шаклланган.

П. т. да латин графикасига асосланган алифбо қўлланилади. Ёзувда поляк тилига хос баъзи (латин алифбосида бўлмаган) товушларни ифодалаш учун диакритик белгили ҳарфлардан фойдаланади. П. т. да урғу, кўпинча, сўзларнинг охирги бўғинидан олдинги бўғинга тушади. П. т. да 10 та унли товуш бор. Ундош товушлар талаффузда ўзига хос юмшоқ ва қаттиқлик б-н фарқ қилади. П. т. да учта жинс формаси, 2 та грамматик сон (бирлик, кўплик), отларнинг 4 та турланиш хили мавжуд.

ПОЛЯКЛАР — миллат, Польша Халқ Республикасининг асосий аҳолиси. Умумий сони 32,8 млн. киши (мамлакат аҳолисининг 98%ини ташкил этади (1973). СССР (1167,5 минг, 1970) да, шунингдек 10 млн. Америка мамлакатлари (АҚШ, Канада, Бразилия, Аргентина)да, Европа (Франция, Буюк Британия, ГФР, Бельгия, Чехословакия)да яшайди. *Поляк тилида* сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар. П. этногенези милоднинг бошларида ҳозирги Польша терр-ясида яшаган қадимги славян қабилалари — венедлардан бошланади. Кейинги асрларда поляк элатининг шаклланишида ғарбий славян қабилалари (9-аср манбаларида кўрсатилишича, бобжонлар, слензанлар, голенжинлар, ополянлар, гоплянлар, висляндар, волин ва б. қабилалар) муҳим роль ўйнаган. Поляк халқи 10—11-асрларда шаклланди. 10-аср охири — 11-аср бошида полякларнинг «Польска» деб аталган давлати пайдо бўлди. Унинг аҳолиси «поляклар» деб аталди (лат. Polonia polom). Немис феодал агрессиясига ҳамда татар-мўғул босқинчиларига қаршилик ҳаракати давомида (13—15-асрлар) П. нинг ўзаро уюшуви, поляк ерларини бирлаштиришга интилиш кучайди, турли р-нлардаги аҳоли ўртасида алоқалар мустаҳкамланди. Шу даврда немислар ўзлари босиб олган поляк ерлари (Қуйи Силезия, Поморье, Мазовия)да германлаштириш сиёсатини олиб бордилар.

15-аср охири ва 16-асрда поляк маданияти, фани, миллий адабиёти ва санъати гуллаб-яшнади, бу миллий уйғонишнинг юксалишига кучли таъсир кўрсатди. П. нинг миллий уюшуви уларнинг 17-асрда чет эл босқинчиларига қарши олиб борган курашида янада кучайди. Кўп миллатли давлат бўлган, Польша ва Литвани ўз ичига олган Польша республикаси — Речь Посполита доирасида поляк миллати шакллана бошлади. 18-асрда Речь Посполитанинг уч марта (1772, 1793, 1795) Пруссия, Австрия, Россия ўртасида тақсимланиши оқибатида П.нинг миллат бўлиб шаклланиши мураккаблашди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Потсдам шартномасига мувофиқ поляклар яшаган тарихий ерлар (Одер ва Нейсе орқали ўтган чегараларда) Польшага қайтиб берилди. Бу ерлардаги немислар Германияга кўчиб кетди, уларнинг ўрнига Польшанинг бошқа р-нларидан ҳамда СССРдан репатриант П., шунингдек бошқа мамлакатлардаги муҳожирлар кўчиб келдилар. Шарқий Польшада яшаган украин ва белоруслар СССРга кўчиб ўтди. Натижада П. Польшанинг асосий аҳолисининг 98,5%ини ташкил этди. (П. ҳақида яна қ. *Польша*).

Ад.: Народы Зарубежной Европы, т. 1, М., 1964, с. 75—174; Королюк В. Д., Древнепольское государство, М., 1957; История Польши, т. 1—3, М., 1954—58.

ПОЛЯРИЗАТОР — чизиқли-қутбланган ёруғликни олишда ишлатиладиган оптик қурилма. У оддий *поляризацион асбоблар* ва мураккаброқ шундай асбобларнинг асосий элементи. Чизиқли П. текис қутбланган ёруғликни, циркуляр П.— айлана бўйлаб қутбланган ёруғликни ҳосил қилади. Исталган П. дан қутбланган ёруғликнинг анализатори сифатида фойдаланиш мумкин. П. нинг иши турли физик ҳодисалар (мас., ёруғликнинг қайтиши ва синиши, дихроизм, ёруғликнинг иккиламчи синиши ва б.)га асосланган.

ПОЛЯРИЗАЦИОН АСБОБЛАР — оптик асбоблар; қутбланган ёруғликни ҳосил қилиш, анализ қилиш ва ўзгартиришда, шунингдек ёруғликнинг қутбланиш ҳодисаси асосида оптик кузатиш ва ўлчашларда ишлатилади. Фотометрик ва пирометрик ўлчашлар, кристалл-оптик тадқиқотлар, оптик актив муҳитда ёруғлик қутбланиш текислигининг бурилишини аниқлаш ва б. да ишлатиладиган асбоблар ҳам П. а. дир. Уларнинг деярли ҳаммасида ёруғликни қутбловчи система, оддий ва мураккаб нурларнинг ўтган йўли фарқини ҳосил қиладиган иккиламчи синдирувчи пластинкалар ва йўллар фарқининг оптик компенсатори каби элементлар бўлади. Қутбловчи система *(поляризатор)*нинг иш принципи икки диэлектрик чегарасида ёруғликнинг синиши ва қайтишида унинг қутбланишига, шунингдек дихроизм ва иккиламчи нур синишига асосланган. Икки диэлектрик (мас., ҳаво ва шиша) чегарасидан қайтган ёруғлик шу ёруғлик тушаётган текисликда қисман ёки тўлиқ қутбланган бўлади. Синган нур эса нур тушаётган текисликка перпендикуляр текисликда қисман қутбланади.

Бир-бирига нисбатан маълум масофада жойлаштирилган шиша пластинкалар тўпламида синиб ўтаётган ёруғликнинг деярли тўлиқ қутбланишини ҳосил қилиш мумкин (мас., селен пластинкалар тўплами спектрнинг инфрақизил соҳасида қутблантирувчи система сифатида ишлатилади).

Кўпинча, пластинкалар анизотроп моддалардан иборат бўлади (мас., турмалин кристали, полароидлар). Бундай анизотроп моддалардан ўтаётган нур оддий ва мураккаб нурларга ажралади (дихроизм ҳодисаси). Пластинкалар қалинлигининг ёруғликнинг оптик ўқига параллел бўлиши нурлардан бирининг тўлиқ ютилиши учун етарлидир. Бу ҳолда пластинкалардан ўтаётган ёруғлик тўлиқ қутбланади.


Кўпгина П. а. даги қутбловчи система кристалл (мас., исландия шпати)га тушаётган нурнинг икки йўналишини ҳосил қилишдан бирининг тўлиқ ички қайтишига асосланади. Бундай система поляризацион призмалар дейилади.

П. а. конструкцияси бир ўқда кетма-кет жойлаштирилган иккита қутбловчи система (поляризатор ва анализатор)дан иборат. Агар поляризатор ва анализаторнинг қутбловчи текисликлари ўзаро перпендикуляр қилиб жойлаштирилса, бундай системадан ёруғлик ўтмайди. Конструкцияси ва қўлланилишига қараб, П. а. ҳар хил бўлади. Фотометрик П. а., *поляриметрлар*, шунингдек кристаллоптик тадқиқотлар ва материаллар, конструкциялардаги механик кучланишни текшириш учун ишлатиладиган П. а. мавжуд (қ. *Фотоэлектр поляриметр*).

Фотометрик П. а. конструкциясида ёруғлик оқими интенсивлигини каррали ўзгартирадиган солиштириш фотометрлари (асосан, поляризатор ва анализаторни бир-бирига нисбатан айлантира оладиган мосламалар) бўлади. Фотометрик П. а. баъзи спектрофотометрларнинг асосий қисми ҳисобланиб, спектрал чизиқларнинг нисбий интенсивлигини ўлчашда ишлатилади. Оптик актив моддаларнинг ёруғлик қутбланиш текислигини бурилтира олишини аниқлаш учун поляриметрлар ишлатилади. Бундай П. а. конструкциясидаги схема ёруғликни сўндирувчи схемадир. Агар поляризатор ва анализатор орасига текширилиган оптик актив модда жойлаштирилса, қутбланиш текислиги бурилади ва системада ёруғлик ўта бошлайди. Шундай система кристаллоптик тадқиқотларда ҳам ишлатилади. Бунда поляризатор ва анализатор орасига жойлаштирилган кристалл бурилиб, ёруғликнинг иккиламчи синиши ўрганилади ва оптик ўқ йўналиши аниқланади.

Ад.: Афанасьев В. А., Оптические измерения, М., 1961; Шишловский А. А., Прикладная физическая оптика, М., 1961.

ПОЛЯРИЗАЦИОН МИКРОСКОП, петрографик микроскоп — қутбланган ёруғлик ёрдамида анизотроп объектлар (тоғ жинслари, турли минераллар, биологик препаратлар ва б.)ни ўрганишда ишлатиладиган *микроскоп*. Қутбланган ёруғлик объектлардан ўтганида нурнинг иккиламчи синиш интенсивлиги (кучи), объектдаги оптик ўқлар сони ва уларнинг ўзаро вазияти, қутбланиш текислигининг бурилиши, *плеохроизми* ва б. га қараб микрообъектнинг хоссалари аниқланади. П. м. объективидан кейин анализатор, объект ёритиладиган оптик системасида эса поляризатор ўрнатилган. Расмда П. м. схемаси кўрсатилган. П. м. нинг



Поляризацион микроскоп схемаси: *A* — поляризацион призма — анализатор; *R* — линза; *P* — поляризатор; *Z* — ботиқ кўзгу.


кўп турлари мавжуд. Саноатда Мин-8, Мин-9, МПС-1 каби турлари ишлаб чиқарилади.

ПОЛЯРИМЕТР (лат. polaris—қутб ва *метр*)— 1) астрономияда — ёритқич нурининг қутбланганлигини ўлчайдиган асбоб. *Телескоп* олдига (телескопнинг фокал текислигида) *поляроид* ўрнатилса ва у орқали кузатиш олиб борилса, бундай телескоп П. га айланади. Поляроиднинг оптик ўқи телескопнинг оптик ўқига параллел ўрнатилади. Поляроид ўз оптик ўқи атрофида айлантирилиб, турли бурчакларда ёритқичнинг ёркинлиги (*I*) ўлчанади. Ёритқич нурининг қутбланганлиги

$$P = \frac{I_{max} - I_{min}}{I_{max} + I_{min}}$$

формула б-н ҳисобланади.

2) оптик актив моддалар (камфора, вино кислотаси, кварц, киноварь ва б.) да монохроматик ёруғлик қутбланиш текислигининг айланиш бурчагини ўлчайдиган асбоб. Яримсоя асбоблар схемаси бўйича ясалган П. да (расмга қ.) ўлчаш — асбоб кўриш майдо-




Поляриметр схемаси: *1* — ёруғлик манбаи; *2* — конденсор; *3—4* — поляризатор; *5* — поляриметрик труба; *6* — анализатор; *7* — кўриш трубаси; *8* — окуляр.

нининг иккала ярми равшанлигини визуал тенглаштириш ва айланишлар шкаласи кўрсатишини ҳисоблашдан иборат. Бу схема жуда содда бўлишига қарамасдан катта аниқликда ўлчашга имкон беради. Лекин амалда фотоэлектр усулда қайд қиладиган автомат П. кенг қўлланилади. Бунда юқоридаги масала ёруғлик оқимининг қутбланиш модуляциясига асосланган (қ. *Ёруғлик модуляцияси*). Автомат П. оптик айланиш бурчагини, тахм., 0,0002° аниқликда ўлчайди; 3) қисман қутбланган ёруғликнинг қутбланиш даражаси *P* ни аниқлайдиган асбоб (қ. *Ёруғликнинг қутбланиши*). Энг оддий П.— яримсояли Корню П.и; чизиқли қутбланиш даражасини ўлчайди. Бундай П. нинг асосий элементлари — махсус призма ва анализатордир. Анализаторни бураб, призмадан чиқишда интенсивлиги ҳар хил бўлган нур б-н ёритиладиган майдоннинг равшанлиги тенглаштирилади. Фотоэлектр П. ёрдамида чизиқли қутбланиш даражасини ўлчаш учун анализатор ва фотоприёмник П. оптик ўқи атрофида айлантирилади. Приёмник токининг ўзгарувчан ташкил этувчиси амплитудасининг ўзгармас ташкил этувчиси амплитудасига нисбати *P* ни беради. П. олдига тўлқин узунлигининг чорагига тенг фазовий пластинкани қўйиб, айланма (циркуляр) қутбланиш даражасини ўлчаш мумкин.

П. *поляриметрия*да моддаларнинг тузилиши ва хоссаларини ўрганишда, шунингдек бошқа илмий тадқиқотларда ва техник масалаларни ечишда кенг қўлланилади.

ПОЛЯРИМЕТРИЯ (поляризация ва *...метр*)— оптик актив моддалар ёруғлик қутбланиш текислигини қанчалик буришини ўлчашга асосланган физик-кимёвий метод. Ассиметрик жойлашган углерод атомларига эга бўлган органик бирикмалар оптик актив моддалардир. Моддаларнинг оптик активлиги *поляриметр* ёрдамида ўлчанади. П. методи асосида ўсимлик хом ашёларидаги қанд ва крахмал, эритмалардаги оқсил ва аминокислоталар, сийдикдаги узум қандининг миқдори ва углеводларни парчаловчи ферментлар хили, миқдори ва кучи аниқланади.

ПОЛЯРИСКОП (юнон. polaris — қутб ва skopeo — қарайман)— ёруғликнинг қисман қутбланишини кузатишда ишлатиладиган оптик асбоб. П. лар ичида Савар полярископи юқори сезгирликка эга бўлиб, унинг иш принципи қутбланган нур *интерференция*си ҳодисасига асосланган. П. анализатор ва пластинкалардан иборат. Пластинкалар (Савар пластинкалари) оптик ўққа нисбатан 45° бурчак б-н кесилган ва бош кесими ўзаро перпендикуляр қилиб ёпиштирилган бир хил қалинликдаги иккита ясси параллел кварц кристалли пластинкадир (расмга қ.). Савар пластинкаларининг бош кесимлари б-н анализаторнинг қутбланиш текислиги 45° бурчакни ташкил қилади. Агар Савар П. ига қисман (ҳатто 1—2%) қутбланган ёруғлик тушса, анализаторнинг қутбланиш текислигига перпендикуляр бўлган текисликдаги кўриш майдонида ёруғликнинг тўғри чизиқли интерференцион манзараларини кузатиш мумкин. Ёруғлик қутбланган бўлмаса, интерференция кузатилмайди.



Поляриском.

ПОЛЯРОГРАФИЯ (юнон. polos — қутб ва *...графия*)— эриган моддалар концентрацияси ва табиатини аниқлашнинг электрохимиявий методи. Синаладиган эритмага ботирилган электрод ёрдамида ток кучи б-н кучланиш орасидаги боғлиқликни ўлчашга асосланган. 1922 йилда Я. *Гейровский* таклиф қилган. Бу боғлиқлик вольт-ампер эгри чизиқлари — полярограммаларни таҳлил қилиб аниқланади. Полярограммани ҳосил қилиш учун махсус асбоб— полярографдан фойдаланилади (расмга қ.). У электролизер *1*, симоб электрод *2*, симобли резервуар *3*, гальванометр *4*, шунт *5*, реостат *6*, аккумулятор *7* дан иборат. П. нинг доимий ток, ўзгарувчан ток, юқори частотали ток, осциллографик, импульсли хиллари бор. П. минерал хом ашёларни текшириш, реактивларнинг тозалигини назорат қилиш, кимёвий процесслар тезлиги ва механизмини тадқиқ қилиш каби мақсадларда, геология, медицина, металлургия, фармакология ва б. соҳаларда қўлланилади.

Ад.: Гейровский Я., Кута Я., Основы полярографии, Пер. с чешского, М., 1965.

ПОЛЯРОИД (юнон. polos — қутб ва eidos — кўриниш)— табиий нурдан қутбланган нурни ажратиб берадиган мослама (қ. *Поляризатор*).

ПОРЯРОН — инерцион қутбланувчи диэлектрик муҳитда электроннинг стационар квант ҳолати, квазизарра. Бу ҳолатда электрон ўзининг электр майдони б-н муҳитнинг локал (чекли) қутбланишини ҳосил қилади. Муҳитнинг локал қутбланиши ҳам ўз навбатида электронга таъсир этиб, уни локал қутбланиш соҳасида ҳаракат қилишга мажбур қилади. Натижада локал тебраниб турган электроннинг локал қутбланган муҳит б-н ўзаро «боғланган» ҳолати пайдо бўлади. Бу ўз-ўзидан мослаштирилган ҳолат П. деб аталади. П. нинг спини $^1/_2$га тенг, яъни П. фермион ҳисобланиб, *Ферми—Дирак статистикаси*га бўйсунади. «П.» терминини фанга совет физиги С. И. Пекар киритган. Диэлектрик ва яримўтказгичларнинг баъзи хоссалари П. ёрдамида тушунтирилади.

Ад.: Пекар С. И., Исследования по электронной теории кристаллов, М.—Л., 1951.

ПОМАКЛАР — болгарлар таркибидаги этнографик группа. Асосан, Болгариянинг жанубида — Родоп тоғли р-нида яшайди. *Болгар тили*да сўзлашади. Диндорлар ислом динига эътиқод қиладилар (ислом дини турклар томонидан 16—18- асрда тарқатилган).

П. турмушида мусулмонларга хос урф-одатлар (кийиниш, оила-никоҳ муносабатлари, таом ва б.) сақланиб қолган. П. кон саноати ва ўрмончилик корхоналарида ишлайди, қ. х. б-н шуғулланади.


Ад.: Народы Зарубежной Европы, т. 1, М., 1964, стр. 301—369; Васильев К., Родопските българи мохамедани, Пловдив, 1961; Народноства и бытова общности на родопските българи. София, 1959.

ПОМЕСТЬЕ (рус.)—1) кенг маънода — феодал ер эгалиги комплекси ва унга боғлиқ феодалнинг қарам деҳқонларга нисбатан ҳуқуқи, яъни *вотчина*нинг синоними; торроқ ва махсус маънода — йирик ёки ўрта феодал хўжалиги бўлиб, унда ер майдонининг катта қисмини крепостной деҳқонлар *барщина* тариқасида ишлайдиган домен (мулк) ташкил қилган; бу 16—18- асрларда Шарқий ва Марказий Европада кенг тарқалган; 2) 15- аср охири — 18- аср бошларида Россиядаги феодал ер эгалиги тури. «П.» термини дворянларга ҳарбий хизмат ўтаганлари эвазига берилган ер участкасининг номи сифатида вужудга келиб, аввал уни мерося қолдириш ёки сотиш мумкин бўлмаган. 16—17- асрларда П. вотчинага яқинлашган, П. ни мерос қолдириш мумкин бўлган. Дворянлар П. эгалари, помешчиклар деб атала бошлаган. 1714 йилда «Ягона мерос ҳақидаги қонун» чиқиши б-н П. вотчина б-н бирлашиб, дворянларнинг ягона ер эгалиги тури — имениеларга айланган. 18—19- асрларда ва 20- асрнинг бошида «П.» термини «имение» сўзининг синоними сифатида ишлатилган.

ПОМИДОР (итал. pomidoro, pomo d'oro—олтин олма сўзидан)— томатдошлар (итузумгуллилар оиласи)га мансуб бир йиллик ўсимлик. Ватани Жанубий Америка. СССРнинг барча р-ларида, айниқса, жанубида кўп экилади. Мевасида 6—8% қуруқ модда, 3—7% қанд, 19—35 *мг*% витамин С, витамин B_1, B_2, каротин, минерал туз ва органик кислоталар бор. Янгилигича, консерваланган, тузланган, паста, қоқи ва б. ҳолда истеъмол қилинади.

П. иссиқталаб, ёруғсевар ўсимлик, уруғи 13—15°да 4—5 кунда уна бошлайди. 5—12 барг чиқариши б-н дастлабки гули пайдо бўлади. Ҳарорат 15° дан пастда гулламай қўяди, 1—2° дан пастда нобуд бўлади, 10°дан паст тушганда ўсишдан тўхтайди. Гуллагандан кейин мевалари 40—55 кунда пишади. П. эртапишар (48—53 кун), ўртапишар (60—65 кун) ва кечпишар (68—72 ва ундан ортиқ кун) бўлади. Узбекистонда П. нинг «талалихин 186», «темнокрасний 2077», «молдавский ранний», «майкопский урожайний 2090», «марғилон 101», «Волгоградский 595», «чудоринка 670», «гибрид 88» ва «юсупов» навлари экилади.

Эртаги П. кўчати 10—25 апрелда, кечкиси 25 апрель — 10 майда эгатларга, кўпинча, икки қатор қилиб ўтқазилади. Паст ва ғуж ўсадиган навлар қатор оралиғи 140—160 *см*, кўчат оралиғи 25—30 *см*; баланд ва ёйиқ ўсадиган навлар қатор оралиғи 180—210 *см*, кўчат оралиғи 40 *см* қилиб экилади. Паст бўйли навларини 70×70 *см* схемада квадрат-уялаб ҳам экса бўлади, бунда ҳар уяда икки ўсимлик бўлади. Кўпинча кўчат ўтқазиш олдидан ёки ўтқазил-



Полярограф схемаси.

гандан кейин суғорилади. 4—5 кундан кейин қайта суғорилади. Қатор оралари ишланади, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш олиб борилади. Мавсумда бир неча марта культивация қилинади. Кўчат ўтқазилгандан 10—12 кун ўтгач биринчи, 20—25 кундан сўнг иккинчи чопиқ қилинади. Мева туккунча ҳар 10—12 кунда, ёппасига пишганда ҳар 3—5 кунда суғорилади. Гектаридан ўртача 250—300 *ц* ҳосил олинади. П. экиладиган ерга кузда гектарига 20—30 *т* гўнг, 3—4 *ц* суперфосфат ва 1—1,5 *ц* калий хлорид солинади. Усув даврида 2—3 марта озиқлантирилади. П. уруғини бевосита далага сепиб ҳосил етиштириш усули ҳам бор. Бунда уруғ далага март охири — апрель бошларида СОН-2,8 ёки СТВХ-4 маркали сеялкада экилади. Парвариш ишлари кўчат ўтқазилгандагидек қилинади (385-бетдаги рангли вклейкага қ.).

Ад.: Балашев Н. Н., Земан Г. О., Овощеводство, Т., 1972; Сабзавотчиликка оид справочник, Т., 1973.

ПОМИР — Ўрта Осиёдаги тоғли ўлка (асосан ТожССР Тоғли-Бадахшон а. о. да). П. нинг табиий чегараси мунозарали. Одатда П. деганда шимолда Орқа Олай тизмаси, шарқда Сариқўл тизмаси, жанубда Зўркўл, Помир дарёси ва Панж дарёсининг юқори оқими, ғарбда Панж водийсининг меридионал бир бўлаги орасидаги терр-я тушунилади; шимоли-ғарбда П. га Пётр I ва Дарвоз тизмаларининг шарқий қисмларини ҳам киритадилар. СССР чегарасида П. кенглик бўйлаб тахм. 275 *км* га, узоқлик бўйлаб 250 *км* га чўзилган. Баъзи тадқиқотчилар (Станюкович К. В., Мурзаев Э. М.) П. деганда юқорида тилга олинган терр-янинг фақат шарқий қисмини, кўпгина олимлар эса, аксинча, П. ни анча кенг маънода тушунадилар ва юқорида келтирилган терр-ядан шарқдаги тоғларни ҳам киритадилар (Гвоздецкий Н. А., Забиров Р. Д.) (617-бетдаги рангли картага қ.).

Рельефи. П. нинг тоғ тизмалари деярли кенглик бўйлаб ва меридионал йўналган. Кенглик бўйлаб чўзилган тизмалар йирик бурмали структуралар (антиклинорийлар)га тўғри келади, меридионал тизмалар эса шу йўналишдаги кўтарилмалар устида кўндаланг жойлашган. Шимолида кенглик бўйлаб чўзилган Орқа Олай тизмасининг ўртача баландлиги 6000 *м* (энг баланд жойи Ленин чўққиси, 7134 *м*). Орқа Олай тизмасидан жанубда меридионал тизмалар жойлашган (ғарбдан шарққа): Фанлар академияси, Зулумарт тизмалари, Тарим ва Амударё ҳавзаларини ажратиб турадиган Сариқўл тизмаси. Фанлар академияси тизмасининг энг баланд жойи Коммунизм чўққисидир (СССРнинг энг баланд нуқтаси 7495 *м*). Унинг шарқий ён бағри *Федченко музлиги*нинг қор ва музлари б-н қопланган, ғарбий ён бағри эса, кенглик бўйлаб чўзилган қатор тизмаларга томон тик тушган (шимолдан жанубга); Пётр I (Москва чўққиси, 6785 *м*), Дарвоз (Арнавад чўққиси, 6083 *м*), Ванж, Язғулом (Революция чўққиси, 6974 *м*). Язғулом тизмасидан шарқда, П. нинг марказий қисмида кенглик бўйлаб Музқўл тизмаси жойлашган (Совет офицерлари чўққиси, 6233 *м*). Ундан жанубда тизма чўзилган бўлиб, унинг ғарби Рушон тизмаси ва шарқи Шимолий Аличур (Бозордара) тизмаси деб аталади. Жануброқда Шуғнон ва Жанубий Аличур тизмалари бор. П. нинг энг чекка жануби-ғарбини Шохдара тизмаси эгаллайди. Энг чекка жануби-шарқда, Помир дарёси ва Зўркўлдан жанубда, Шохдара тизмасининг шарқий давоми бўлган Вохон тизмаси жойлашган. Рельефига кўра П. ни Шарқий П. ва Ғарбий П. га бўладилар. Шарқий П. да замини янги тектоник ҳаракатлар натижасида баланд кўтарилган ўртача баландликдаги қадимги тоғ рельефи асосий ўрин тутади. Абс. баландлик 4000—6000 *м* бўлгани ҳолда, нисбий баландлик, одатда, 1000—1500 *м* дан ошмайди. Тоғ тизмалари ва массивлари силлиқ; водий ва сойликлар эса кенг, туби ясси. Айрим тизмалар (Музқўл тизмаси ва б.)нинг қиррасигина баланд тоғ рельеф типига эга. Ғарбий П. да жуда парчаланиб кетган баланд тоғ рельеф шакллари устун туради; қор ва музликлар б-н қопланган альп типли энсиз тизмаларни чуқур ва тор даралар ажратиб туради. Тизмаларнинг қирралари водийлар тубидан баландлиги 2000—3500 *м* баланд. Яланг қоя ва қурумлар кўп. Ёйилмалар ва қайирлардагина кишилар яшаб, хўжалик юритадилар. Музлик рельеф шакллари кенг тарқалган.

П. нинг ҳозирги замон структураси ва рельефи кайнозойдаги интенсив ҳаракатлар б-н боғлиқ; кайнозойда П. баланд тоғ ўлкасига айланган, бу ҳаракатлар (зилзила) ҳозирда ҳам давом этиб турибди. П. нинг ҳозирги замон рельефи миоценнинг ўрталарида пайдо бўла бошлаган.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. П. да учлари шимолга томон эгилган, ёриқлар б-н бўлиниб кетган ва геологик тузилиши б-н фарқ қиладиган бир неча зоналар бор.

Ташқи зона (Орқа Олай тизмасининг шимолий ён бағри) юқори пермь, мезозой ва кайнозойнинг қалинлиги 12—14 *км* келадиган ва конгломерат, қумтош, гил, оҳактош ва вулканоген жинсларидан таркиб топган.

Шимолий П. да (Орқа Олай тизмасининг ўқ қиррасидан жанубда) юқори токембрийнинг кристалли сланецлари, палеозойнинг мармарлашган оҳактош, қумтош, гилли, карбонатли ва вулканоген жинслари кенг тарқалган бўлиб, бу жинсларни триас-ўрта юрада гранит интрузиялари ёриб чиққан. Ана шу даврда зонанинг бурмаланган структураси вужудга келган.

Марказий П. тектоник қоплама (шарьяж) структурасига эга. Автохтон структуралар юқори токембрийнинг кристалли сланецлари ва бир оз метаморфлашган жинсларидан, ўрта палеозой — юқори бўрнинг қалин чўкинди ва чўкинди-вулканоген ётқизиқларидан тузилган. Аллохтон структуралар палеозойнинг чўкинди жинсларидан ва мезозой-миоценнинг қалин ётқизиқларидан таркиб топган.

Рушон-Пшарт зонаси юқори палеозой ва мезозойнинг терриген-карбонат-кремнийли ётқизиқларидан тузилган.

Жануби-Шарқий П. да юқори палеозойнинг қалин терриген денгиз ётқизиқлари, триас, юранинг кремний-карбонатли жинслари бўр-миоценнинг қумтош, конгломерат, терриген-туф жинсларидан иборат.

Жануби-Ғарбий П. токембрийнинг кристалли сланец, гнейс ва мармарларидан тузилган.

П. нинг фойдали қазилмалари асосан кайнозойнинг магматизм ва метаморфизм процесслари б-н боғлиқ (тоғ биллури, нодир металлар, симоб, бор, флюорит, исландия шпати, лазурит, асл шпинель, сочма олтин конлари). П. нинг марказий зонасида боксит конлари бор. П. нинг иқлими баланд тоғ иқлими, қиши совуқ, айниқса Шарқий П. да кескин континентал. Январининг ўртача т-раси Шарқий П. да (3600 *м* баландликда) — 17,8°. Қиши октябрдан апрелгача давом этади. Абс. минимум — 50° га етади. Ёзи қисқа ва совуқ. Ёзги т-ралар 20° дан ошмайди. Июлнинг ўртача т-раси (январь т-раси учун берилган баландликда) 13.9°. Мургоб, Оқсув водийларида, берк ботиқларда (Қоракўлда) абадий тўнг ерлар бор. Ғарбий П. нинг водийларида январнинг ўртача т-раси 2100 *м* баландликда — 7,4°, июлники 22,5°. Вегетация даври (5° т-радан юқори кунлар б-н) Хоруғда 223 кун ва Мургобда 140 кун. Ғарбий П. нинг водийларида йиллик ёғин миқдори 92—260 *мм*, Шарқий П. да 60—119 *мм*. Баланд тоғларда ва тоғ ён бағирларида ёғин кўп (Федченко музлигида 1100 *мм*).

Музликлари. П. даги ҳозирги замон музликларининг майдони 8400 *км*². Йирик музлик марказлари — Фанлар Академияси, Орқа Олай, Рушон ва Шимолий Аличур, Язғулом, Пётр I, Дарвоз ва Зулумарт тизмалари. Қор чизиғи шимоли-ғарбда 4000—4400 *м* баландликдан, марказий ва шарқий р-ларда 5000—5200 *м* баландликдан ўтади. Ҳаммаси бўлиб 3000 га яқин музлик бор. Ғарбий П. да водий музликлари учрайди. П. даги энг йирик водий музлиги Фанлар Академияси тизмасидаги Федченко музлигидир (узунлиги 77 *км*). Шимоли-Ғарбий П. да жойлашган музликлар: Грумм-Гржимайло (36,7 *км*), Гармо (27,5 *км*), Суғран (24 *км*), География Жамияти (21,5 *км*), Фортамбек (20 *км*). Орқа Олай тизмасидаги энг йирик музлик Катта Совуқдара музлигидир (25 *км*).

Дарё ва кўллари. Дарёлари, асосан, Амударё ҳавзасига мансуб. Энг йирик дарёси — Панж. Панжнинг ўнг ирмоқлари: Ғунт б-н Шохдара, Бартанг (юқори оқимида Оқсув, ўрта оқимида Мургоб деб аталади), Язғулом, Ванж, Шимоли-Ғарбий П. дан Вахш ҳавзасига мансуб Обихингов ва Муксув дарёларининг юқори оқими ўтади. Бир неча дарёлар П. нинг ички ҳавзасига (Қоражилға, Музқўл) ва Тарим ҳавзасига (Маркансув) мансуб. П. нинг йирик кўли — Қоракўл. Каттароқ кўллари: Рангкўл, Шўркўл ва Зўркўл. Оқар кўллар: Яшилкўл ва Сарез кўли.



1. Панж дарёси водийсининг юқори қисми. 2. Помир чўққилари.

Асосий ландшафт типлари. Шарқий П. да совуқ баланд тоғ чўли ва баланд тоғ тошлоқ ландшафти ҳукмрон. Дарахтлар мутлақо ўсмайди. Ўсимликлар қаттиқ совуққа мослашган, паст бўйли. Водий ва сойликларнинг ясси тубларида ҳамда қуруқ тоғ ён бағирларида ер бағирлаб тарескен, ёстиқсимон ўсимликлар, астрагал, шувоқ, пиёз ва б. ўсади. Намлик кўпроқ водийларнинг тубида бардидошлар ва кобрезия ўтлоқлари тарқалган.


Ғарбий П. ландшафтлари Шарқий П. ландшафтларидан ўсимлик турларининг кўплиги б-н ажралиб туради, лекин бу ерда ҳам тоғ водийларининг қуйи қисмларида чўл формациялари (кўпроқ шувоқ ва саксовул) учрайди. 3200 *м* дан баландда тиканли ёстиқсимон ўсимликлар, 3600 *м* дан баландда бетага, чалов даштлари; қурумларда юган, камоль ўсади. 3800 дан 4300 *м* гача бўлган минтақаларда криофиль, ундан юқорида 4500—4700 *м* баландликларда сийрак субнival ўсимликлар тарқалган. Ғарбий П. да дарёларнинг ўзанларида тол, чирғанок, терак, қайин, наъматак чангалзорлари бор. Дарахт-бута ўсимликлари (тол, қайин, арча) 3900 *м* гача баландликда учрайди. Суғориладиган ерларда ток, ўрик, олма, нок, ёнғоқ, тут ўстирилади. Ғарбий П. тоғларида тоғ эчкиси (кийик), қўнғир айиқ, бўри, тулки, барс, сувсар, товушқон, кўршапалак; қушлардан улар, каклик ва б. яшайди. П. да балиқ тури кам. П. нинг баланд тоғ чўққилари СССРнинг альпинизм марказларидан бири.

П. нинг хўжалиги ҳақида *Тоғли Бадахшон автоном области* мақоласидан қаранг.

Ад.: Агаханянц О. Е., О природных границах Памира. Изд. ВГО, № 5, 1961; Забиров Р. Д., Оледенение Памира, М., 1955; Кориев М., Ўрта Осиё табиий географияси, Т., 1968.



1. Гармчашма булоғи ёнидаги туф устунлари. 2. Мургоб дарёси ҳавзасидаги Қўксув водийси.



1. Шохдара тизмасидаги Энгельс чўққиси. 2. Дарвоз тизмасининг шимолий ён бағридаги қишлоқ.

УзСЭ да ИШЛАТИЛГАН АСОСИЙ ҚИСҚАРТМАЛАР

а — ампер
Å — ангстрем
абс. — абсолют
Ад.: — адабиёт (библиография да)
акад.— академик, академия
АО — автоном область, автоном области
араб.— арабча (этимологик маълумотда)
АрмССР — Арманистон Совет Социалистик Республикаси
Ас.:— асарлар (библиографияда)
а-с — ампер-соат
АССР — Автоном Совет Социалистик Республикаси
ат — техник атмосфера
ат. и.—атом номери
ат. оғ.— атом оғирлиги, атом массаси
атм — нормал (физик) атмосфера
АХР — Албания Халқ Республикаси
АҚШ — Америка Қўшма Штатлари
б.— бет (библиографияда)
БМТ — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти
б-н — билан
БССР — Белоруссия Совет Социалистик Республикаси
БХР — Болгария Халқ Республикаси
БХСР — Бухоро Халқ Совет Республикаси
в — вольт
в-а — вольт-ампер
ва б. — ва бошқа, ва бошқалар
ва ш. к.— ва шу каби, ва шу кабилар
ВАСХНИЛ — В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси
вб — вебер
ВДНХ — Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси
ВДР — Вьетнам Демократик Республикаси
вт — ватт
вт-с — ватт-соат
ВХР — Венгрия Халқ Республикаси
ВЧҚ — Бутуниттифоқ фавқулодда комиссияси
г — грамм (грами), гекто... (10^2)
га — гектар, гектари
гб — гильберт
ГДР — Германия Демократик Республикаси
ГК — Гражданлик кодекси
гл — гектолитр, гектолитри
гн — генри
ГОСТ — Давлат умумиттифоқ стандарти
ГрузССР — Грузия Совет Социалистик Республикаси
ГРЭС — давлат район электр станцияси
гс — гаусс
гц — герц
ГФР — Германия Федератив Республикаси
г-экв — грамм-эквивалент
ГЭС — гидроэлектр станция
д — деци... (10^{-1})
да — дека... (10^1)
дал — декалитр
дб — децибел
дин — дина
дм — дециметр, дециметри
ДОСААФ — Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи Бутуниттифоқ Кўнгилли жамияти
д-р — доктор
ж — жоул
ЖАР — Жанубий Африка Республикаси
ж. к. — жанубий кенглик
ЖК — Жиноят кодекси
ЖПК — Жиноят процессуал кодекси
з-д — завод
инв.— инвентарь
ингл.— инглизча (этимологик маълумотда)
ин-т — институт
итал.— итальянча (этимологик маълумотда)
к — кулон, кило.. (10^3)
°К — Кельвин даражаси
кал — калория
кв. — квадрат (сифат)
квт — киловатт
квт-с — киловатт-соат
кг — килограмм, килограмм
кгк — килограмм-куч
к-з — колхоз
ккал — килокалория
км — километр, километри
КП — Коммунистик партия, Коммунистик партияси
к-т — комбинат
КХДР — Корея Халқ-Демократик Республикаси
кэв — килоэлектрон-вольт
л — литр, литри
Л. — Ленинград (библиографияда)
лат.— латинча (этимологик маълумотда)
ЛатССР — Латвия Совет Социалистик Республикаси
ЛитССР — Литва Совет Социалистик Республикаси
лк — люкс
лм — люмен
м — метр(метри), милли...(10^{-3})
М — мега... (10^6)
М.— Москва (библиографияда)
МАР — Миср Араб Республикаси
мас.— масалан
Мвт — мегаватт
мг — миллиграмм
МГУ — Москва Давлат университети
Мгц — мегагерц
МИК — Марказий ижроия комитети
мил.— милодий
мил. ав.— милоддан аввалги
мин, мин.— минут
МК — Марказий Комитет. Марказий Комитети
мк — микро..., микрон (10^{-6})
МКҚ — Марказий контроль комиссияси
мкс — максвелл
мл — миллилитр
млн.— миллион
млрд.— миллиард
мм — миллиметр
мол.— молекуляр
мол. оғ.— молекуляр оғирлиги, молекуляр массаси
МолдССР — Молдавия Совет Социалистик Республикаси
Мом — мегом
МТС — машина-трактор станцияси
МХР — Монголия Халқ Республикаси
Мэв — мегаэлектрон-вольт
н — ньютон, нано... (10^{-9})
НАТО — Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти
нем.— немисча (этимологик маълумотда)
нм — нанометр
нт — нит
нэп — янги иқтисодий сиёсат
о.— орол, ороли
обл.— область, области
ОзССР — Озарбайжон Совет Социалистик Республикаси
о. к.— от кучи
ом — ом
п — пико... (10^{-12})
пф — пикофарада
пэ — пуаз
проф.— профессор, профессори
ПХР — Польша Халқ Республикаси
р — рентген
рад — радиан
рев-я — революция
реж. — режиссёр
р-н — район
РСР — Руминия Социалистик Республикаси
РСФСР — Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси
РТС — ремонт-техника станцияси
рус.— русча (этимологик маълумотда)
САГУ — Ўрта Осиё Давлат университети (ТошДУнинг олдинги номи)
СамДУ — Самарқанд Давлат университети
СамМИ — Самарқанд Медицина институти
с — санти... (10^{-2})
с.ог. — солиштирма оғирлиги
сек, сек.— секунд
с-з — совхоз
см — сантиметр
ст — стокс
стер — стерадиан
ст-я — станция
т.— том, (библиографияда)
т — тонна
Т.— Тошкент (библиографияда)
т. й.— темир йўл, темир йўлчи
ТАСС — Совет Иттифоқи Телеграф агентлиги
тахм.— тахминан
терр-я — территория
ТожССР — Тожикистон Совет Социалистик Республикаси
т-ра, *t°* — температура
ТошДУ — Тошкент Давлат университети
ТошМИ — Тошкент Медицина институти
ТошПИ — Тошкент Политехника институти
ТуркАССР — Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси
ТуркКП — Туркистон Коммунистик партияси
ТуркмССР— Туркманистон Совет Социалистик Республикаси
УССР — Украина Совет Социалистик Республикаси
ун-т — университет
ф — фарада
ФА — Фанлар академияси
ф. и. к.— фойдали иш коэффициенти
ф-ка — фабрика
форс-тож. — форсча-тожикча (этимологик маълумотда)
франц.— французча (этимологик маълумотда)
ф-т — факультет
ХКС — Халқ Комиссарлари Совети
ХХР — Хитой Халқ Республикаси
ХХСР — Хоразм Халқ Совет Республикаси
ц — центнер
°С — Цельский даражаси
ЧССР — Чехословакия Социалистик Республикаси
ш.— шаҳар, шаҳри
ш. к. — шимолий кенглик
ш. т. п. — шаҳар типидаги посёлка
шк. у.— шарқий узунлик
э — эрстед
эв — электрон-вольт
ЭССР — Эстония Совет Социалистик Республикаси
э. ю. к.— электр юритувчи куч (кучи)
ЭҲМ — электрон-ҳисоблаш машинаси
юнон.— юнонча (этимологик маълумотда)
ЮСФР — Югославия Социалистик Федератив Республикаси
я. о.— ярим орол, ярим ороли
ЎзДУ — Ўзбекистон Давлат университети
ЎзССР — Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси
қ.— қаранг
қ. С.— қишлоқ Совети
қ. х.— қишлоқ хўжалиги
ҚирғССР — Қирғизистон Совет Социалистик Республикаси
ҚозССР — Қозогистон Совет Социалистик Республикаси
ҚҚАССР — Қорақалпоғистон Автоном Совет Социалистик Республикаси
р. у.— ғарбий узунлик

ҚАРТАЛАР РЎЙХАТИ

(қавс ичида бетлари кўрсатилган)

Афанасий Никитин саёҳати (7), Николаев области (9), Никосия (12), Нишон райони (29), Новгород области (36), Новосибирск области (41), Норвегия (57), Норин области (64), Норин райони (65), Носир Хисрав саёҳати (72), Нукакшот (82), Нукус райони (87), Нурота райони (95), Одесса мудофаси (140), Одесса области (141), Озарбайжон ССР, табиий карта (144), Озарбайжон ССР, иқтисодий карта (145), Океания (182), Октябрь райони (193), Олмаота (216), Олмаота области (217), Олот райони (222), Олтиариқ райони (223), Олтин Ўрда (227), Олтой, орографик схема (231), Олтой ўлкаси (232), Омск области (245), Онега кўли (247), Оренбург области (275), Орёл области (277), Оржоникидзе райони (278), Орол денгизи (287), Осиё, табиий карта (295), Осиё, этнографик карта (296), Осло (302), Оттава (320), Охота денгизи (324), Охунбобоев райони (326), Оқ денгиз (335), Оқдарё райони (339), Оқолтин райони (344), Оққўрғон райони (354), Оҳангарон райони (365), Павлодар области (369), Пайариқ райони (372), Ўрта Осиё палеозой эраси фундаменти тузилиши (383), Панама (391), Парагвай (407), Париж (422), Совет партизанларининг Улуғ Ватан уруши (1941—45) давридаги кураши (616—617), Пастдаргом райони (456), Пахтакор райони (475), Пахтаобод райони (476), Пахтачи райони (477), Пекин (492), Пенза области (495), Пермь области (506), Перу (511), Петроград мудофаси (523), Пискент райони (558), Покистон, табиий карта (616), Покистон, иқтисодий карта (616), Польша, табиий карта (24), Польша, иқтисодий карта (624), Полтава жанги (632), Полтава области (632), Помир-Олай, табиий карта (617).

УзСЭ 8- ЖИЛДИ МУАЛЛИФЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ

АБДУВАЛИЕВ В.
АБДУҚАРИМОВ Н.
АБДУЛЛАБЕКОВ Қ. Н.
АБДУЛЛАЕВ В. Қ.
АБДУЛЛАЕВ И.
АБДУЛЛАЕВ К.
АБДУЛЛАЕВ М. А.
АБДУЛЛАЕВ Н. Х.
АБДУЛЛАЕВ О. М.
АБДУЛЛАЕВ С.
АБДУЛЛАЕВ Т.
АБДУЛЛАЕВ Ф.
АБДУЛЛАЕВ Ғ. Х.
АБДУЛЛАЕВА С.
АБДУНАБИЕВ А. Ғ.
АБДУРАШИДОВ А.
АБДУРАИМОВ М. А.
АБДУРАҲИМОВ Л.

АБДУРАҲИМОВ М.

АБДУРАҲМОНОВ А.
АБДУРАҲМОНОВ Т. Л.
АБДУРАҲМОНОВ Ғ. А.
АБДУРАҲМОНОВА М. И.
АБДУСАМАТОВ Ҳ.
АБДУСАМЕДОВ А. Э.
АБДУШУКУРОВ Р. Ҳ.
АБДУШУКУРОВ Т. Р.
АБДУҒАНИЕВ А.
АБДУҒАФУРОВ А.
АБДУҲАКИМОВ Ф. Т.
АБРОРОВ А.
АВАЗМАТОВ Х. Б.
АВДЕЕВА Л. А.
АДИРОВИЧ Э. И.
АЗИЗХОДА Л.
АЗИЗОВ К.
АЗИЗОВ Ғ. Р.
АЗИМОВ О. М.
АЗИМОВ П. Т.
АЗИМОВ Т. В.
АЗЛАРОВ Т. А.
АЙТМАТОВА С.
АҚБАРОВ А. Л.
АҚБАРОВ А. И
АҚБАРОВ И. А.
АҚБАРОВ С.
АҚБАРОВ Ҳ.
АҚМАЛХОНОВ Ш. А.
АҚОБИРОВ С.
АКРАМОВ А.
АКРАМОВ З. М.
АКРАМОВ Ш.
АКРАМХУЖАЕВ О. М.
АЛИМОВ И. А.
АЛИМОВ К. А.
АЛИМОВ С. Ҳ.
АЛИМУҲАМЕДОВ И. Р.
АЛИҚУЛОВ Ҳ.
АМИНОВ М. Н.
АМИНОВ О. М.
АМИНОВА Р. Ҳ.
АНДРЕЕВА Е.
АНДРОНОВА Р. О.
АСАНОВ Ғ. Р.
АСОМИДДИНОВА М.
АСТАНОВА Г.
АСҚАРОВ А. А.
АСҚАРОВ М. А.
АСҚАРОВ Ш. Ж.

АФЗАЛОВ М.

АШРАПОВА М. А.
АШУРОВА М.
АЪЗАМОВА Р. Ҳ.
АЪЗАМХУЖАЕВ А.
АЮБОВ Т.
АЮПОВ А. Т.
АҲМАДЖОНОВ М. О.
АҲМАДЖОНОВ У. М.
АҲМЕДОВ А.
АҲМЕДОВ Б.
АҲМЕДОВ К. С.
АҲМЕДОВ М.
АҲМЕДОВ М. Ш.
АҲМЕДОВ Т.
АҲМЕДОВ Ш.
АҲМЕДОВ Э. А.
АҲМЕДОВ Ғ. А.
АҲМЕДОВ Ҳ.
АҲРОРОВ И.
БАГИРОВ А.
БАДАЛОВ С. Т.
БАЛАШЕВ Н. Н.
БАРАТОВ М. Б.
БАРАТОВ П.
БАРАТОВА М. Ч.
БАҚОЕВ М.
БАҲОДИРОВ Қ.
БЕГМАТОВ Э.
БЕКЖОНОВ Р. Б.
БЕКМУҲАМЕДОВ Ҳ. Ю.
БЕКУЗИН А. А.
БЕЛОВ Б. М.
БОБОБЕКОВ Х.
БОБОЕВ Б. Д.
БОБОЕВ Ж. М.
БОБОЕВ П. Б.
БОБОЕВ Т.
БОБОЕВ Қ. Л.
БОБОЖОНОВ О. А.
БОБОХОНОВ А.
БОБОХОНОВ А. Ҳ.
БОЗОРОВ Ю. Б.
БОЙМУҲАМЕДОВ Х. Н.
БОЛТУЛЛАЕВ Р.
БОЛТАЕВ Д. Р.
БОСИТХОНОВ З.
БУРЯКОВ Ю. Ф.
БУТАХУЖАЕВ А.
ВАЛИЕВ А. К.
ВАЛИЕВА Д. В.
ВАЛИХОНОВ М.
ВАЛИХУЖАЕВ Б.
ВАСИЛЬЕВА В. И.
ВИЗГО Т. С.
ВОСИКОВА М. С.
ВОҲИДОВ С.
ГОЛЬДФАРБ Б. Я.
ГАБЗАЛИЛОВ Г. Ф.
ДАВЛАТОВ Ш. Д.
ДАВЛЕТШИН М. Г.
ДАЛИЕВ М.
ДОМЛАЖОНОВ К.
ДОСУМОВ Р.
ДЬЯЧЕНКО В. П.
ЕРНАЗАРОВА Т. С.
ЕЛГОРОВ Х.
ЕРМУҲАМЕДОВ А. Р.
ЕҚУБОВ Р. Я.
ЕҚУБОВ Ю. Р.
ЕҚУБОВ Ҳ. И.
ЕҚУБҲЎЖАЕВ А. Б.
ЖАББОРОВ А. Ҳ.
ЖАББОРОВ Э. Ж.
ЖАББОРОВ Ғ. Ж.
ЖАЛИЛОВ С.

ЖАЛИЛОВ Ҳ.

ЖАЛОЛОВ А. Қ.
ЖАМОЛОВ З.
ЖАМОЛХОНОВ Ҳ.
ЖУМАБОЕВ П.
ЖУМАНИЕВ К.
ЖУМАНИЕВ Р.
ЖУМАҚУЛОВ У.
ЖУРАБОЕВ Ҳ.
ЖЎРАЕВ Е.
ЖЎРАЕВ К.
ЖЎРАЕВ О.
ЖЎРАЕВ Т.
ЖЎРАЕВ ТЎРОБ
ЖЎРАЕВ ТЎХТАМУРОД
ЖЎРАЕВ Ф. С.
ЖЎРАЕВ Ш.
ЗАПНУТДИНОВ А.
ЗАПНУТДИНОВ Ҳ.
ЗЕЗЕНКОВА В. Я.
ЗИЕВУДДИНОВА Х.
ЗИЕЛОВА Д.
ЗИЕДУЛЛАЕВ С. К.
ЗИЕЕВ Э. А.
ЗИЕМОВ Ш. С.
ЗИЯМУҲАМЕДОВ Н.
ЗОИДИЙ М.
ЗОИРОВ Э. У.
ЗОҚИРОВ К. З.
ЗОҚИРОВ М. З.
ЗОҚИРОВ Ш. С.
ЗОҚИРОВ У.
ЗОҲИДОВ В. Й.
ЗОҲИДОВ К. С.
ЗОҲИДОВ П. Ш.
ЗОҲИДОВА И.
ЗУЕВ В. И.
ЗУННУНОВ Ф. Ҳ.
ЗУННУНОВА Х.
ЗУФАРОВ Т.
ЗУФАРОВ Ҳ.
ИБОДОВ Б.
ИБОДУЛЛАЕВ С.
ИБРАГИМОВ А.
ИБРАГИМОВ Ҳ. З.
ИБРАГИМОВА Р. И.
ИБРОҲИМОВ Д. С.
ИБРОҲИМОВ З. С.
ИБРОҲИМОВ И.
ИБРОҲИМОВ Р. Н.

ИБРОҲИМОВ С

ИБРОҲИМОВ У.
ИЗЗАТОВ З. Ҳ.
ИКРОМОВ Л. Т.
ИМИНОВ Я. Х.
ИМОМАЛИЕВ А.
ИМОМОВ К.
ИНОМЖОНОВ З. И.
ИНОМЖОНОВА Г. З.
ИНОМОВ И.
ИНОЯТОВ А. А.
ИНОЯТОВ Ҳ. Ш.
ИНОҒОМОВ И.
ИРИСОВ А.
ИСАЕВ А.
ИСАМУҲАМЕДОВ Э. М.
ИСАМУҲАМЕДОВА З.
ИСКАНДАРОВ И.
ИСКАНДАРОВ Э.
ИСЛОМОВ А.
ИСЛОМОВ А. И.
ИСЛОМОВ Б.
ИСЛОМОВ У.
ИСМАТОВ Е.
ИСМОИЛОВ А.
ИСМОИЛОВ Б.
ИСМОИЛОВ М. И.
ИСМОИЛОВ М.
ИСМОИЛОВ Ҳ.

ИСОМИДДИНОВ И.
ИСРОИЛОВ М.
ИСХОКОВ Е.
ИСХОКОВ М.
ИШЛЕВ А.
ПУЛДОШБОЕВА Т.
ПУЛДОШЕВ К. С.
ПУЛДОШЕВ М. П.
ПУЛДОШЕВ С.
ПУЛДОШЕВ Т.
ПУЛДОШЕВ У.
ПУЛДОШЕВА Л.
ПУЛЧИБОЕВ А.
ПУЛЧИБОЕВ С.
КАБАНОВ С. К.
КАДАНЕР Е. Л.
КАМОЛОВ Ш.
КАРИМЖОНОВ М.
КАРИМЖОНОВ О.
КАРИМОВ Н.
КАРИМОВ О. А.
КАРИМОВ Р. Х.
КАРИМОВ Ш.
КАРИМОВ Э.
КАРИМОВ Э. А.
КАРИМОВА Н. Р.
КАРИМОВА С.
КАРИШЕВА Б. Х.
КАРОМАТОВ М.
КАТТ-СОКАЕВ Р.
[illegible]
[illegible]
[illegible]

ИЛМИЙ СЕКЦИЯЛАР АЪЗОЛАРИНИНГ РЎЙХАТИ*

Адабиёт ва фольклор секцияси. Ёқубов Ҳ. И., Каримов Ғ. К., Мирзаев Т., Юнусов М. Ю., Қаюмов Л. П., Қаюмов О. Қ., Қўшжонов М. Қ., Ҳайитметов А. Ҳ.,

Амалий санъат ва архитектура секцияси. Абдуллаев А. О., Абдуллаев С. Ф., Бобохонов А. Б., Зоҳидов П. Ш., Раҳимов М. Қ., Саидов М. А., Тошхўжаев Ш. С., Убайдуллаев Ҳ. М., Умаров А. Р., Қодирова Т. Қ., Қўзибоев Н. М.

Археология, этнография ва антропология секцияси. Асқаров А. А., Буряков Ю. Ф., Донибеков Х. Д., Мирҳосилов С. Муҳаммаджонов А. М., Раҳматуллаев Ю., Тошев Х., Шониёзов К.

Астрономия ва геодезия секцияси. Латипов А. А., Раҳимов А. Ғ., Сатторов И. С., Эшмуҳамедов Х. В., Қодиров А.

Биология фанлари секцияси. Азизов П. Б., Енилеев Х. Х., Набиев М. М., Саҳобиддинов С. С., Султонов Ғ. С.

География фанлари секцияси. Алимуҳамедов И. Р., Асанов Г. Р., Баратов Ф., Долимов Н. Д., Мирзалиев Т. М., Раимов Т. Р., Рафиқов А., Тешабоев М. Т., Умаров М. У., Эгамбердиев Т. Э., Ғуломов П. Н., Ҳисомов А. В.

Геология ва геофизика фанлари секцияси. Аҳмаджонов М. О., Давлатов Ш. Д., Зокиров М. З., Ибодуллаев С. И., Иброҳимов З. С., Мирзаев С. Ш., Мирҳожиев И. М., Мусин Р. А., Эгамбердиев М. Э., Қўшмуродов О. Қ., Ҳожибоев Н. Ҳ.

Давлат ва ҳуқуқ секцияси. Аҳмедов Ғ. А., Восиқова М. С., Жалилов Ғ. А., Жалилов И. Ж., Пинҳасов Б. И., Раҳмонқулов Х., Самадова Х. С., Ҳакимов М. Ҳ.

Журналистика секцияси. Абдуллаев В. Қ., Абдураҳмонов Р. Қ., Акбаров А. И., Пидаев Т. Р., Эрназаров Т. Э.

Кимё фанлари секцияси. Иброҳимов Ю. И., Йўлдошев Ф. И., Раҳимов Ҳ. Р., Саидносирова З., Файзиев Х. Ф., Қодиров Р. Қ.

КПСС ва ЎзКП тарихи секцияси. Гентшке Л. В., Жўраев Т. Ж., Иброҳимов Й. И., Мусаев М. М., Непомнин В. Я.

Математика фанлари секцияси. Азларов Т. А., Мансуров Ҳ., Мирзааҳмедов М. А., Муҳаммадхонова Р. Э., Собиров М. А., Солиҳов Ғ. Н., Ҳожиев Ж.

Медицина фанлари секцияси. Абдуллаев Н. Ҳ., Зоҳидов А. З., Мажидов В. М., Маҳсумов Ж. Н., Мухторов О. М., Орипов У. О., Раҳимжонов А. Р., Ҳусанов Ҳ. Ҳ.

Музика, театр ва кино секцияси. Акбаров И. А., Жабборов А. Ҳ., Муҳамедов С. М., Раҳимов Ҳ. Р., Қориев Р. М., Ҳасанов Б. Ҳ.

Педагогика, психология ва халқ маорифи секцияси. Воҳидов М., Давлетшин М. Г., Эргашев Ф. Э., Қодиров Э. Қ.

Сув проблемалари ва гидротехника секцияси. Абдуллаев Ҳ., Аҳмедов Ҳ. А., Муҳамедов А. М., Пославский В. В., Тўйчиев Т., Қодиров А. А., Қодиров Б. Н., Ҳамроев Н. Р., Ҳусанхўжаев Э. Ҳ.

Тарих фанлари секцияси. Абдуллаев И., Аҳмедов Б. А., Бекмуҳаммедов Ҳ. Ю., Зиёев Ҳ. З., Камолов С. К., Маннонов Б., Оқилов К., Содиқов О. С., Тошмуҳамедов О. О., Ҳикматуллаев Ҳ.

Техника фанлари секцияси. Исмоилов М. Э., Мўминов Н. А., Орифов М. Н., Солиҳов З. М., Тўрахонов А. С., Хўжаев М. Х.

Тилшунослик секцияси. Азизов О. А., Асқарова М. А., Решетов В. В., Рустамов А., Ғуломов А. Ғ.

Умумий тарих илмий секцияси. Азимов Т. В., Аҳмаджонов Ғ. А., Бобоева М., Рустамов С., Қорабоев С. Б., Ҳамроев А. Ҳ., Ҳидоятов Г. А.

Фалсафа ва атеизм секцияси. Аюпов А. Т., Содиқов К. С., Усмонов М. А.

Фан тарихи секцияси. Абдураззоқов А., Булатов М., Исломов О. И.

Физика фанлари секцияси. Маллин Р. Х., Саидов М. С., Турсунов С. Т., Тўраев Н. Й., Умаров Ғ. Ё., Ҳожимуҳамедов Ҳ. Ҳ.

Экономика фанлари секцияси. Абдуғаниев А. А., Аҳмедов Э. А., Баратова М. Ч., Муллажонов И. Р., Ортиқов А. О., Собиров Ҳ. Р., Хўжаев С. М.

Қишлоқ хўжалиги фанлари секцияси. Акмалхонов Ш. А., Алимуҳамедов С. Н., Жалилов Х. М., Зоқирхўжаев Д. З., Каримов Й. Ю., Маннонов Н. М., Мирзаев М. М., Пўлатов С. П., Сиддиқов А. К., Умаров М. У., Қурбонов Ғ. Қ., Шайхов Э. Т., Ғаниев М. С., Ғаниева М. Р.

Ҳарбий иш ва физкультура секцияси. Адҳам Раҳмат, Бозоров Ю. Б., Жабборов Э. Ж., Жалолов А. Қ., Каримов К. К., Пўлатов Ғ. П., Рафиев Ҳ. Т., Салоҳиддинов Ж., Тўрахўжаев А. Х., Тўйчиев Ҳ. Й., Узоқов Ҳ. К., Хушбеков А., Ҳожибоев А. М.

---

* Бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

ЎЗБЕК СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ БОШ РЕДАКЦИЯСИ

АҲРОРОВ У. А.— масъул секретарининг ишлаб чиқариш ва хўжалик ишлари бўйича ўринбосари.

Биология, химия ва медицина илмий редакцияси: Ғуломов Ҳ. Ғ. (редакция мудири), Маткаримова З., Раҳматуллаев П., Файзиева Д. (катта илмий муҳаррирлар), Рўзимуҳамедова Н., Рўзиева Н. (илмий муҳаррирлар), Иброҳимова С. (кичик муҳаррир).

География, геология ва геофизика илмий редакцияси: Қораев С. Қ. (редакция мудири), Абдураҳимов А., Қанцерова Ф., Маҳкамова Н. (катта илмий муҳаррирлар), Зайнутдинова В., Исломова М. (илмий муҳаррирлар), Раффорова М. (кичик муҳаррир).

Илмий ва адабий назорат редакцияси: Умаров Т. У. (редакция мудири), Носиров А., Фозилов Т., Шарипова М., Шерматов Э., Ҳасанов Ф. (катта илмий муҳаррирлар), Зоирова М. (илмий муҳаррир); комплектлаш группаси: Абдумаликова Б., Муҳамедов Ф., Файзихўжаев А. (илмий муҳаррирлар), Солиҳова Н. (катта библиограф), Низомова Ҳ., Зуфарова Л. (библиографлар).

Комплекс мақолалар илмий редакцияси: Рамазонов О. (редакция мудири), Исмоилов А. (катта илмий муҳаррир), Абдуллаева М., Ортиқбоева М. (илмий муҳаррирлар), Шамсиева Р. (кичик муҳаррир).

Маданият ва санъат илмий редакцияси: Тўраев П. (редакция мудири), Содиқов С. П., Турмуҳамедов Н. (катта илмий муҳаррирлар), Ашурова М., Юсупова М. (илмий муҳаррирлар), Бобоева Ш. (кичик муҳаррир).

Матбуот, халқ маорифи ва психология илмий редакцияси: Аминов М. Н. (редакция мудири), Абдураҳмонова М. (катта илмий муҳаррир), Зуфарова Х., Раҳимова О. (илмий муҳаррирлар), Ражабқулов А. (кичик муҳаррир).

Сиёсий иқтисод ва саноат экономикаси илмий редакцияси: Шерхонов А. (редакция мудири), Мусаева Д. (катта илмий муҳаррир), Бозоров Э., Орифжонова Ф. (илмий муҳаррирлар), Алиматова М. (кичик муҳаррир).

СССР тарихи ва КПСС тарихи илмий редакцияси: Мажидов А., Қодирова Р. (катта илмий муҳаррирлар), Азимова О. (илмий муҳиррир), Фозилова К. (кичик муҳаррир).

Сўзлик ва алфавит кўрсаткичлари редакцияси: Қудратуллаев Ҳ. (редакция мудири), Зоидий М., Жабборов А. (илмий муҳаррирлар), Эшонқулова Д. (кичик муҳаррир).

Тил, адабиёт ва фольклор илмий редакцияси: Несматов Э. (редакция мудири), Бақоев М., Сиддиқов Ш. (катта илмий муҳаррирлар) Сандаҳмедов И., Камбарова Ф. (илмий муҳаррирлар), Исоқова М., Салимов И. (кичик муҳаррирлар).

Умумий тарих, археология ва этнография илмий редакцияси: Шермуҳамедов Я. (редакция мудири), Умаров А. О., Шодмонов Ё. (катта илмий муҳаррирлар), Мусаев Н. У., Тўрақулова Х. Т. (илмий муҳаррирлар), Ҳакимова О. (кичик муҳаррир).

Физика-математика ва техника фанлари илмий редакцияси: Ҳайдаров Қ. (редакция мудири), Иногомов Э., Мирзаева Ж. Т. (катта илмий муҳаррирлар), Расулова М., Қодирова М. (илмий муҳаррирлар), Йўлдошева Р. (кичик муҳаррир).

Философия ва ҳуқуқ илмий редакцияси: Масалиев А. М. (редакция мудири), Муталов Н., Саидаминов С. (катта илмий муҳаррирлар), Йўлдошев А. (илмий муҳаррир), Мирзабекова С. (кичик муҳаррир).

ЎзССР тарихи ва ЎзКП тарихи илмий редакцияси: Мелиқулов Р. (редакция мудири), Умаров Р. (катта илмий муҳаррир), Хўжаев Б. (илмий муҳаррир), Холназарова С. (кичик муҳаррир).

Қишлоқ хўжалиги, пахтачилик ва қорақўлчилик илмий редакцияси: Темуров Ш. (редакция мудири), Тожихўжаев У. (катта илмий муҳаррир), Салимжонова М. (илмий муҳаррир), Азизова Д. (кичик муҳаррир).

Бадиий безаклар ва картография редакцияси: Калентьев Н. Н. (редакция мудири), Бурҳонов А. (катта бадиий муҳаррир), Лигай А. Д. (бадиий муҳаррир), Бўриев О. (катта муҳаррир-картограф), Ходиев И. (картограф), Абдуллаева И., Ҳамидова М. (кичик муҳаррирлар).

Илмий-ишлаб чиқариш бўлими: Сулаймонов А. (бошлиқ), Раффоров С. (бошлиқ ўринбосари), Урусова В. М. (катта техник муҳаррир), Палашченко Г., Холматова З. (техник муҳаррирлар), Абзалова М., Азимхўжаева З., Юсупова М., Зоирова Ҳ., Ҳайдарова З. (катта корректорлар), Абдунабиева М., Камолиддинова Ф., Ғофурова М., Каримова А., Қўшоқова М. (корректорлар).

Фотолаборатория: Қотулев А. Н. (лаборатория мудири).

Машина бюроси: Шорахмедова М. (катта машинистка), Алимбобоева Н., Иногомова М., Муродуллаева Т., Сулаймонова Ф., Муҳамедхонова Х. (машинистакалар).

8-жилдни тайёрлашда Аъзамов А., Валиев У., Зиёев Э. А., Зокиров Ҳ., Каримов Ҳ., Маҳмудова М., Мирбобоев М. А., Отамуродов И., Расулова Н., Ғофурбеков Т. Б., Ғозиев Н. қатнашдилар.

ЎзСЭ 8- жилди рангли ва оқ-қора безакларни тайёрлашда

Ўзбекистон Марказий Комитети босмахонасининг қуйидаги ходимлари иштирок этди: Шогуломов И. Ш. (босмахона директори), Пўлдошев С., Солопов Ю. С., Хатулин А. И., Хоменко Н. И., Шурп Я. А.

Рангли карталарни тайёрлаш ва босмадан чиқаришда

СССР Министрлар Советининг Геодезия ва картография бош бошқармасига қарашли фабрикининг қуйидаги ҳодимлари иштирок этди: Райзман Г. П. (фабрика директори), Смолич Ю. Г., Глушкова Л. В., Бахтина Т. П., Латипова А. С., Смолич Л. А., Волина Л. С., Гиганова Л. И., Савинова Р. К., Колодяжная Л. П., Пятова Т. В., Платонова Т. А., Тимофеев А. И., Храмов С. И., Чудаева В. Н.

Босиш ва муқовалашда

ЎзССР Министрлар Советининг Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетига қарашли Тошкент полиграфкомбинатининг қуйидаги ходимлари иштирок этди: Ғойибов М. Қ. (комбинат директори), Илиеску С. П., Мажидхўжаев М. К., Муфтахутдинова Р. Г., Усмонов Ш., Жўраев В., Козлова М. С., Егорова О. В., Салихова М., Илахунов Ғ., Содиқов М., Шайхов Қ., Микерев Ю., Стародумов Е., Паршин В. Ф., Нигмонов Ж., Ботирхонов А., Ниёзов К., Файзиева С., Говорухина А., Холмуҳамедова А., Носирхўжаева Р., Бирюкова И. П.


Безак ва карталарни тайёрлашда

рассомлардан: Абдулгалимов Р., Абдуллаев Т., Аъзамов Ж., Боситхонов З., Батанина Т. А., Березина Л. В., Бозорбоев А., Байнер Л. М., Вольталовский П. М., Егоров С. А., Исҳоқов Р., Кажихин В. В., Кара-Константин А. Д., Қиғай Э., Неклюдов А. М., Расулев А., Сапожников В. И., Файзуллина Р., Чертов А. Н., Шатрашанов П. В., фотографлардан; Давидов С. А., Ражабқулов А., Соколовский А. Ю., Ромеев К. Г., Коган С. А., картографлардан: Бессмертная М. Н., Зиёмуҳамедов Н., Коршунова В. И., Норхўжаева Г. Ш., Ходасевич С. Ю., Хунунц Л. Н., Эгамбердиев А., Ғуломова Л. Х. иштирок этишди.

Ў—16
Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 томлик. Бош муҳаррир ЎзССР ФА академиги И.М. Мўминов.
Т. ЎзСЭ Бош редакцияси, 1976. (ЎзССР ФА). 8-т. Никеллаш—Помир. 1976, 656 б., расм. Тиражи 50000. Узбекская Советская Энциклопедия. т. 8.
03 (С52)
№ 621—76
Навоий номли ЎзССР Давлат кутубхонаси.

ЎзСЭ 8- жилдида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти босмахонасида тайёрланган 18 та рангли ва 12 оқ-қора вклейка, Геодезия ва картография Бош бошқармасининг фабрикасида босилган 10 та рангли карта берилган. Текст ичида 87 та карта, 791 расм ва схема бор. Китоб Ю. Японис номидаги фабрикада тайёрланган махсус 1- номерли босмахона қоғозига босилган.
Теришга берилди 28/X-75 й. Босишга рухсат этилди 1/IV-76 й.
Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси. 70000. Тошкент—ГСП. Жуковский кўчаси. 52- уй. Р- 04145. 50000 нусхада. Қоғоз формати 84×108¹/₁₆. ҳажми 41қ.л.,68.9 шартли б. л. (тексти). 6,72 шартли б. л. (илова варақлари); жами 75,62 шартли б. л., 110,27 нашр. л. Баҳоси 3 с 75 т.
ЎзССР Министрлар Совети Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича давлат комитетининг Тошкент полиграфия комбинати (Навоий кўчаси, 30- уй)да матрица қилинди, босилди ва муқоваланди. Заказ № 2045.

ШАҲАРЛАРНИНГ СХЕМАТИК ПЛАНЛАРИДАГИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР


Шаҳар чегараси


Вокзаллар ва темир йўл станциялари


Аэродром ва аэропортлар


Маяклар


Стадионлар


Тўлқин қайтаргичлар ва доклар


Истеҳкомлар


Черковлар


Масжидлар


Будда ибодатхоналари


Қабристонлар


Парк ва боғлар

МОНМАРТР Шаҳар районлари номлари

КАРТАЛАРДАГИ ҚИСҚАРТМАЛАР

АО	автоном область
АССР	автоном совет социалистик республикаси
арх.	архипелаги
аэрд.	аэродром
аэрп.	аэропорт
б.	бурни
бўғ.	бўғози
вкз.	вокзал
влк.	вулкани
ГДР	Германия Демократик Республикаси
ГФР	Германия Федератив Республикаси
дов.	довони
Жан.	Жанубий
ЖАР	Жанубий Африка Республикаси
кан.	канали
(кур.)	курорт
лаг.	лагунаси
лим.	лимани
МАРК.	Марказий
МАР	Миср Араб Республикаси
МХР	Монголия Халқ Республикаси
ОБЛ.	области
обсерв.	обсерватория
ОКР.	округи
о.	ороли
о-ри	ороллари
ост.	остонаси
РЕСП.	республикаси
саёз.	саёзлиги
сув омб.	сув омбори
тизм.	тизмаси
т.	тоғи
унив.	университет
шарш.	шаршараси
Шарқ.	Шарқий
Шим.	Шимолий
ЯХДР	Яман Халқ Демократик Республикаси
я.о.	ярим ороли
кўлт.	қўлтиғи, қўлтиқчаси
Ғарб.	Ғарбий

ТЕРРИТОРИЯЛАРНИНГ ҚАЙСИ ДАВЛАТГА ТЕГИШЛИ ЭКАНЛИГИ

(Австрал.)	Австралия
(АҚШ)	Америка Қўшма Штатлари
(Арг.)	Аргентина
(Браз.)	Бразилия
(Брит.)	Буюк Британия
(Венес.)	Венесуэла
(ГФР)	Германия Федератив Республикаси
(Гондур)	Гондурас
(Грец.)	Греция
(Дан.)	Дания
(ЖАР)	Жанубий Африка Республикаси
(Индонез.)	Индонезия
(Исп.)	Испания
(Итал.)	Италия
(Кан.)	Канада
(Колумб.)	Колумбия
(Мекс.)	Мексика
(Нид.)	Нидерландия
(Норв.)	Норвегия
(Порт.)	Португалия
(Сауд.Араб.)	Саудия Арабистони
(Турк.)	Туркия
(Филипп.)	Филиппин
(Фр.)	Франция
(Хит.)	Хитой
(Швец.)	Швеция
(Экв.Ги.)	Экваториал Гвинея
(Югосл.)	Югославия
(ЯХДР)	Яман Халқ Демократик Республикаси
(Янги Зел.)	Янги Зеландия
(Яп.)	Япония
(Хинд)	Хиндистон

ҲАРБИЙ-ТАРИХИЙ КАРТАЛАРДАГИ БАЪЗИ ҚИСҚАРТМАЛАР

А	армия
авдбр, адбр	авиадесант бригадаси
адд	авиадесант дивизияси
ак	армия корпуси
б	батальон
бр	бригада
бртд	бронетанк дивизияси
г,гр	группа
Гв.,гв.	гвардиячи
дпд	денгиз пиёдалар дивизияси
дес	десант
див.,д.	дивизия
за	зарбдор армия
К,кор	корпус
каз.	казаклар
кд	кавалерия дивизияси
мд	моторлаштирилган дивизия
мк	механизациялашган корпус
мдр	мудофаа райони
МР	мустаҳкамланган район
мог	механизациялашган отлиқ группа
мп	механизациялашган полк
мўбр	мотоўқчи бригада
мўд	мотоўқчи дивизия
ОА	отлиқ армия
п,п-к	полк
ПА	парашютчилар армияси
пбр	пиёдалар бригадаси
пд	пиёдалар дивизияси
ТА	танк армияси
тб	танк бригадаси
ТГ,тгр	танк группаси
тд	танк дивизияси
тк	танк корпуси
эск	эскадрон
ўб	ўқчи батальон
ўбр	ўқчи бригада
ўд	ўқчи дивизия
ўк	ўқчи корпус
ўп	ўқчи полк
ҲА	ҳаво армияси
ҳдд	ҳаво-десант дивизияси
ҲФ	ҳаво-флоти

ЎзСЭ КАРТАЛАРИДАГИ АСОСИЙ ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

(текст карталарида белгилар қора ранг билан кўрсатилган)

АҲОЛИ ПУНКТЛАРИ

СИЁСИЙ-МАЪМУРИЙ АҲАМИЯТИГА КЎРА

- Давлатларнинг ва СССР иттифоқдош республикаларининг пойтахтлари
- АССР пойтахтлари; СССР ўлкалари ва областлари марказлари; мустамлакалар, протекторатлар ва васийликдаги территорияларнинг марказлари
- СССР АО ва миллий округларининг марказлари
- СССР маъмурий районлари ва чет давлатлар маъмурий бирликларининг марказлари
- Бошқа аҳоли пунктлари
- Йирик аҳоли пунктлари

АҲОЛИ СОНИГА КЎРА

ТОШКЕНТ	1 000 000 дан ортиқ	СССР ва чет давлатлардаги шаҳарлар
САМАРҚАНД	300 000 дан 1 000 000 гача	
АНДИЖОН	100 000 дан 300 000 гача	
Бекобод	50 000 дан 100 000 гача	
Жиззах	10 000 дан 50 000 гача	
Нурота	СССРнинг аҳолиси 10 000 дан кам бўлган шаҳар типидаги аҳоли пунктлари	
Бўз Янгиобод	СССРнинг қишлоқ типидаги ва чет мамлакатлар территориясидаги аҳолиси 10 000 дан кам бўлган аҳоли пунктлари	
Ғиждувон	Шаҳарлар таркибидаги аҳоли пунктлари	

ЧЕГАРАЛАР

- Давлат чегаралари
- СССРнинг Шимолий Муз океанидаги чегаралари
- Белгиланмаган чегаралар
- СССР иттифоқдош республикалари чегаралари
- АССР, СССР ўлкалари ва областлари чегаралари; чет давлатлар маъмурий бирликларининг чегаралари
- СССРнинг автоном областлари ва миллий округларининг чегаралари
- Дарё ҳавзалари чегаралари
- Қўриқхоналар чегаралари

Эслатма: марказлари билан бир хил аталадиган маъмурий бирликлар номи карталарда кўрсатилмаган

материклар, ярим ороллар, тоғли мамлакатлар ва денгизлар карталарида:
- Давлат чегаралари
- СССР иттифоқдош республикалари чегаралари

АЛОҚА ЙЎЛЛАРИ

текст карталарида / рангли карталарда:
- Темир йўллар, туннеллар
- Рельссиз йўллар

- Темир йўл паромлари
- Денгиз каналлари
- Кема қатнайдиган каналлар
- 1400 — Сув йўллари ва масофаси (км ҳисобида)
- а — денгиз портлари; б — дарё портлари ва пристанлари

БОШҚА ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

- Сағзликлар ва ваттлар
- а-чучук кўллар, б-шўр кўллар
- Қирғоқ чизиқлари ўзгариб турадиган кўллар
- 191 — Дарё, кўллар суви сатҳининг денгиз сатҳидан баландлиги
- 4486 — Чуқурлик рақамлари
- Дарёларда кема қатнови бошланиши
- а-тўғонлар; б-остоналар ва шаршаралар
- Ёзда қуриб қоладиган дарёлар
- Сузиб юрувчи музларнинг чегаралари
- Доимий музликлар чегаралари
- Денгизларнинг музлаш чегараси
- Мелиоратив каналлар
- Дамбалар
- а Нефть қувурлари б Газ қувурлари
- Қадимий деворлар
- Архитектура едгорликлари
- Шаҳар харобалари
- Қумлар
- Лава майдонлари
- Мангра чангалзорлари
- Ботқоқлик
- Шўрхоклар
- Қоялар
- Қуруқ ўзанлар, қуруқ сойлар
- Қуруқ ўзанлар (водий) текст карталарида
- Жарликлар
- Довонлар
- Доимий қор ва музликлар
- Материк музликлари
- Сўнмаган вулканлар
- 2540 — Қуруқликнинг денгиз сатҳидан баландлиги
- Сувўтлар
- Маржон рифлари
- Қудуқлар

ДЕНГИЗ ОҚИМЛАРИ

рангли карталарда	текст карталарида
илиқ оқимлар	
совуқ оқимлар	

ш.к. ж.к. шимолий ва жанубий кенгликлар
ш.қ. ғ.у. шарқий ва ғарбий узунликлар